القرآن الكريم

ҚУРЪОНИ КАРИМ

оятлари
маъноларининг
изоҳли таржимаси


محمد رسول الله


الله جل جلاله

ҚУРЪОНИ КАРИМ

оятлари маъноларининг изоҳли таржимаси

Таржима ва изоҳлар муаллифи:
Шайх Муҳаммаджон мулло Рустам ўғли
(Мавлавии ҳожи Ҳиндистонии)

«Мовароуннаҳр» – 2006

القرآن الكريم

ترجمة و تفسير معانى

إلى اللغة الأزبكية

بقلم شيخ محمد جان ملا رستم اوغلى
(مولوى حاجى هندستانى)

«ماوراء النهر» - ٢٠٠٦

ИМОМ БУХОРИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ ИНСТИТУТИ

Араб ёзувидан матнни табдил қилиб
нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи:
Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ

Масъул муҳаррир: **Шайх Абдулазиз МАНСУР**

Муҳаррир: **Шуҳрат ИСМОИЛОВ**

Тақризчи: **Мирзо КЕНЖАБЕК**

Қўлингиздаги Қуръони каримнинг ушбу изоҳли таржимаси юртимиздан етишиб чиққан аллома, Қўқон ва Бухоро мадрасаларида илм таҳсил қилган, сўнгра чорак асрдан зиёд умри Афғонистон ва Ҳиндистон ўлкаларида илм излашда ўтган табаррук инсон, хатми кутуб қилган беқиёс олим Муҳаммаджон Мулло Рустам ўғли Қўқондий (Мавлавий Ҳожи Ҳиндистоний) (1892-1989) қаламига мансубдир. Ушбу изоҳли таржима улкан олимнинг кўп йиллик илмий изланишлари ва теран мушоҳадалари ўлароқ дунёга келди. Асар халқчил услубда, бой ва жозибадор тилда ёзилган бўлиб, кенг кўламли қамрови ва илмий асосланганлиги билан диққатга сазовор.

Бугунга қадар халқимиз орасида қўлёзма ҳолида тарқалган ва эъзозланиб келаётган бу табаррук манбанинг чоп этилаётганлиги улкан маърифий ҳодисадир. Иншоаллоҳ, муқаддас Қуръони карим оятлари маъноларининг ушбу беназир таржимаси қадриятларимизнинг бетакрор намунаси сифатида халқимиз қалбидан муносиб жой олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитасининг 944–рақамли тавсияси билан чоп этилди.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

МУҚАДДИМА

Бандаларга дунё ва охиратда меҳрибон ва раҳмли бўлган Аллоҳу таолонинг номи билан бошлаймиз.. У Зотга беадад ҳамду санолар бўлсин, Унинг ҳабиби – севикли Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга салоту саломлар йўллаймиз. Муқтадоларимиз – йўлчи юлдузимиз бўлган саҳобаи киромларга ҳам Аллоҳнинг раҳматлари ёғилсин!

Беҳад шукрлар қилиш керакки, истиқлол даврида диний-маърифий ҳаётимиз яна изига тушиб кетди. Шўролар давридаги ғоявий-сиёсий тазйиқлар барҳам топди. Халқимиз жорий алифбода янги-янги диний, тасаввуфий ва маърифий асарларни ўқиш имконига эга бўлди. Мамлакатимизда ҳанафия мазҳаби, нақшбандия тариқатига, хуллас, аҳли суннат вал жамоат эътиқодига амал қилинмоқда. Айниқса, диний адабиётлар орасида энг муқаддас ва энг мўътабар Китобимиз - Қуръони каримнинг таржима ва тафсир бўлиб, халқимиз қўлига етиб борганлигини мамнуният билан қайд этмаслик мумкин эмас. Зеро, Аллоҳнинг каломини ўқимасдан, билмасдан ва унга амал қилмасдан, икки дунё саодатига эришиб бўлмайди. Шу боис ўтмиш уламоларимиз Қуръони мажидни тарғиб ва ташвиқ қилиб келганлар, бугунги жонкуяр олимларимиз ҳам бу ишни қўлларидан келганча давом эттирмоқдалар. Чунки бу борада сусткашлик қилиш динимизга зиён келтириши билан бирга иймон-эътиқодимиз, ибодатимиз ва ахлоқимизга ҳам салбий таъсир қилади. Динимизнинг мухолифлари бўлган миссионерларнинг машҳур гапи бор: «Мусулмон миллатини Қуръондан маҳрум қилмагунча, мағлуб қилиб бўлмайди». Дарҳақиқат, том маънода Қуръонга боғланган кишининг иймони бақувват, ақидаси соғлом, ибодати бериё, таваккули кучли бўлади. Қуръон ва унинг аҳкомларини тарғиб қилишда йўл қўйилган арзимас бир сусткашлик ё ноқислик ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ раҳмат қилсин, ўтмиш муфассир уламоларимиз кўп саъй-ҳаракатлар қилиб, ноёб тафсирларини Ислом оламига мерос қилиб қолдирганлар. Қуръон оятларини тўғри англаш ва англатиш йўлидаги ҳар қандай хизмат таҳсинга лойиқ. Зеро, Ҳазрати Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларнинг яхшиларингиз – Қуръонни ўрганадиган ва ўргатадиганларингиздир», – деб марҳамат қилганлар. Биз айнан тафсирлар воситасида Қуръонни бандалик имкони даражасида тўғри тушунамиз ва унинг нозик маъноларидан воқиф бўламиз. Зотан тафсирнинг моҳияти Қуръони карим маъноларини баён қилиш, очиб бериш ва равшанлаштиришдир. Исломий илм соҳаси сифатида унинг оятларидан Аллоҳ таолонинг муродини, ирода қилган ҳукмларини инсоний нуқтаи назардан ўрганишдир. Яъни, муфассирлар тафсир орқали Аллоҳу таоло Каломининг мазмун-моҳиятини, нозик маъноларини имкон даражасида очиб беришга ҳаракат қиладилар. Бу илм, аввало, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврида юзага келган. У зоти бобаракот саҳобаларга оятлар мазмунини энг гўзал ва мукаммал тарзда оғзаки тушунтириб берардилар. У зотдан сўнг саҳобалардан Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб ҳазратлари (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин) тафсир илмида машҳур бўлганлар. Тобеинлардан Мужоҳид ибн Жабр Маккий, Икрима, Саид ибн Жубайр, Ато ибн Абу Раббоҳ кабилар тафсир илмини саҳобалардан ўрганиб, бошқаларга ўргатар эдилар. Аммо ўша даврда бу илм оғзаки

тарзда бўлиб, ҳали ёзма шаклга эга эмасди. Муфассир уламолар фикрича, тафсир соҳасида биринчи бўлиб китоб ёзган киши Абдумалик ибн Журайж (149-ҳижрий йилда вафот этган) бўлган[1].

Қуръони карим турли даврларда Оврупонинг бир қанча тилларига ва рус тилига таржима қилинган. Хусусан, 1990 йиллардан кейин бошқирд, татар, қозоқ, қирғиз, озарбайжон каби туркий тилларга таржима этилганлиги ҳам диққатга сазовордир. Усмонли турк тилида эса унинг ўнлаб таржима ва тафсирлари амалга оширилган.

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ВА ТАФСИР ИЛМИ

Юқорида таъкидлаганимиздек, мустақиллик шарофати билан юртимизда ҳам Қуръони каримни таржима ва тафсир қилишга, бу соҳада илмий изланишлар олиб боришга имкониятлар яратилди. Бир неча олимларимиз Қуръони каримни таржима ва тафсир қилишга киришдилар. Аввало, республикамизда нашр этиладиган «Шарқ юлдузи», «Фан ва турмуш», «Звезда востока» каби ўзбек ва рус тилларидаги журналларда 1989-1990 йилларда Қуръони каримнинг таржималари чиқа бошлади. Кейинчалик, 1992 йили «Чўлпон» нашриётида Шайх Алоуддин Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг изоҳли таржимаси»; 1991-1998 йиллар орасида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг 20 жилдлик «Тафсири ҳилол» китоби; сўнгра «Тошкент Ислом Университети» нашриётида Шайх Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» нашр этилди. Шунингдек, Саййид Маҳмуд Тарозий (Олтинхон Тўра)нинг «Қуръони карим таржималари ва изоҳлари» марҳум олим Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ томонидан нашрга тайёрланиб, 2000 йили «Фан» нашриётида босилиб чиқди. 2004 йилда эса «Фан» нашриётида фалсафа фанлари доктори, профессор Маталлиб Усмон бошчилигидаги олимлар иштирокида «Қуръони карим: таржима ва илмий-тарихий изоҳлар» китобининг 1-жилди нашр этилди. Мазкур тафсир - таржималарнинг сўзбоши ва сўнгсўзларида Қуръони каримнинг нозил бўлиш жараёни, тафсир илмининг тарихи, муфассирлар ва уларнинг асарлари ҳақида батафсил маълумот берилган. Худога шукр, юртимизда Қуръон илмини ўрганиш ва уни тарғиб қилиш шу тариқа муваффақиятли давом этмоқда.

Дарҳақиқат, тафсир илмининг бугунги кунимизга қадар тадрижий тараққиётига назар ташласак, Ислом оламида қанчадан-қанча муфассирлар етишиб чиққани ҳамда улар қолдирган ноёб мероснинг мухлислар томонидан катта қизиқиш билан ўқилаётгани ва тадқиқот қилинаётганига гувоҳ бўламиз. Чунончи, тафсир илми ривожланиб, унинг «тафсири бил маъсур», «тафсири бир раъй», «тафсири ишорий» каби турлари юзага келди. Шунингдек, Қуръони каримдаги «қасамлар», «ҳукм оятлар», «муташобиҳ оятлар», «мўъжизалар», «қиссалар» ва ҳоказо мавзулар ҳақида ҳам тафсир ва таржималар ёзилди.

Юртимиздан Ислом оламида юксак нуфузга эга бўлган кўплаб муфассирлар етишиб чиққан. Абу Абдулллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад Мотурудий, Имом Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Самарқандий, Имом Жоруллоҳ Абу Қосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий, Имом Фахриддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳусайн Розий, Имом Абу Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафийлар шулар жумласидандир.

Бу улуғ зотлардан қолган асарларнинг қўлёзмалари бугунги кунда Ўзбекистон

[1] Қаранг: Ислом энциклопедияси. Тошкент. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат нашриёти, 2004, 227-230-бетлар; Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. Амма пораси. Тошкент. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси нашриёти. 1991, 3-23; 81-89-бетлар; Ал-Қуръон ал-Карим. Тошкент. Ўзбекистон Фанлар академияси «Фан» нашриёти. 2002, 1-8-бетлар; Раҳматуллоҳ қори Обидов. Қуръон, тафсир ва муфассирлар. Тошкент. «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2003.

ҳудудидаги қўлёзма жамғармаларида сақланмоқда. Хорижий мамлакатларда эса улар қайта-қайта чоп бўлиб, ўқувчилар қўлига етиб борган. Халқимиз орасида арабий нусхалардан ташқари форсий ва туркий тиллардаги тафсирлар ҳам ўқиб келинган. Жумладан, Алишер Навоий ташаббуси ва раҳнамолигида форс тилида ёзилган Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (1505 й. ваф. этган) «Тафсири Ҳусайний», Хожа Аҳрори Валий ҳазратларининг пири - Ҳазрат Яъқуби Чархийнинг «Тафсири Мавлоно Яъқуби Чархий» асарлари мўътабар манбалардан ҳисобланган. «Тафсири Ҳусайний» кейинчалик Муҳаммад Содиқ Муллошоҳ Аҳмад Имонқули томонидан татар тилига таржима қилиниб, 1911 йилда Қозондаги «Ўрнак» матбаасида икки жилдда чоп этилган.

XVII-XVIII асрларда номаълум олим Қуръонни ўзбек тилига таржима ва тафсир қилган. Қарши шаҳридан топилган бу нодир манбанинг ягона нусхаси «XVII-XVIII асрларга оид Ўрта Осиё тафсири» деб юритилиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти қўлёзмалар хазинасида асраб келинади.

Шу ўринда биз Қуръони каримнинг шўролар даврида, аниқроғи, 1988-1989 йиллар орасида амалга оширилган ва қўлёзма ҳолида тарқалиб, чоп бўлмай келган ноёб бир таржимаси ҳақида алоҳида тўхталмоқчимиз. Ҳар бири беш порадан иборат бўлган олти жилдлик бу китоб «Баёнул Қуръон фи таржиматил Фурқон» деб аталган. Ушбу қўлёзма муаллифи ўтган асрда Ўрта Осиё миқёсида энг улуғ алломалардан бири сифатида тан олинган Шайх Муҳаммаджон Мулло Рустам ўғли Қўқондий (Мавлавий Ҳожи Ҳиндистоний)дир. Устознинг мазкур китоби халқ орасида «Тафсири Ҳиндистоний» номи билан машҳур бўлса-да, аслида Қуръон оятларининг маънавий изоҳли таржимасидир.

Маълумки, Қуръони каримнинг араб тилидан ажам, яъни араб бўлмаган халқлар тилига таржима қилиниши Қуръоннинг бошқа тилдаги тафсири дейилади. Ҳозиргача бўлган амалиётда Қуръонни таржима қилишнинг икки хил усули кўзга ташланади.

Биринчиси — сўзма-сўз таржима, яъни, Каломни бир тилдан иккинчи тилга назми ва тартиби, асл маъноси сақланишига риоя қилган ҳолда ўгириш.

Иккинчиси – маънавий таржимадир. Бунда Каломнинг маънолари эркин усулда бошқа тил воситасида тушунтириб берилади. Назму тартибга унчалик риоя қилинмайди. Зарур жойда мисоллар тариқасида ривоятлар келтирилади, тарихан баён қилинади, фиқҳий ҳукмлар айтилади, турли хулосалар чиқарилади[2]

Узоқ баҳсу мунозаралардан кейин Ислом уламолари Қуръонни тафсир қилиш билан бирга шу йўсинда маънавий таржима этишга ҳам ижозат берганлар. Бироқ тафсир билан маънавий таржима орасида фарқ борлигини ҳам эсда тутиш керак. Тафсир асосан Қуръоннинг ўз тилида, маънавий таржима эса бошқа тилда амалга оширилади. Тафсирни ўқийдиган киши Қуръон матнининг тилини ҳам тушунади. Шу жиҳаддан тафсирда йўл қўйилган хато ва камчиликларни англай олади. Маънавий таржимани мутолаа қилувчи киши эса Қуръон матнининг тилини билмаслигидан, уни қандай бўлса, шундай қабул қилиб, нуқсонларни пайқамаслиги мумкин.

Мужтаҳид ва муфассир уламолар Қуръони каримни тафсир ё маънавий таржима қилувчи олим олдига бир неча талаблар қўйишган. Жумладан, Қуръон ва ҳадис, фиқҳ ва ақида, ислом тарихи, сарфу наҳв ва балоғат, шунингдек, тасаввуф, мантиқ каби илмларни, айниқса ўз она тилини яхши билиши шарт бўлган. Агар дунёвий илмлардан ҳам яхши хабардор бўлиб, Қуръоннинг илмий мўъжизаларини асосли исбот этишга хизмат қилса, нур устига нур ҳисобланган. Бундай инсоннинг ўз илмига амал қиладиган, ихлосли, соғлом эътиқодли ва гўзал ахлоқли бўлмоғи ҳам талаб этилган.

---

[2] Қаранг: Раҳматуллоҳ қори Обидов. Ўша асар, 19-бет.

Мавлавий Ҳожи Ҳиндистоний - Муҳаммаджон домланинг шогирдлари ва замондошлари эътироф этишларича, у кишида юқорида айтиб ўтилган фазилатларнинг барчаси мужассам бўлган. Шунинг учун ҳам мухлислари, шогирдлари устоздан Қуръони карим оятлари маъносини қулайроқ бир шаклда таржима қилиб беришни илтимос қилишган. Натижада қўлингиздаги китоб дунёга келган.

Икки йиллар олдин домланинг Душанбеда истиқомат қилувчи ўғиллари Ҳожи Убайдуллоҳ томонидан юборилган бир неча вакиллар филология фанлари номзоди Баҳриддин Алиев бошчилигида уйимга меҳмон бўлиб келишди. Гап домланинг Қуръон таржимаси китобини нашрга тайёрлаш ҳақида борар эди. Улар ўзаро маслаҳатлашиб, бу масъулиятли ва шарафли ишни менга топшириб, оқ фотиҳа беришди. Қўлёзма манбадан кўчириб олинган нусхани эса шогирдим Довуд Хунзиккер менга ҳадя қилди. Камина секинлик билан бўлса-да, мазкур манбани нашрга тайёрлашга киришдим. Шу орада Ҳожи домланинг Қўқон, Андижон ва Марғилонда яшаб, жомеъ масжидларида имомлик қилаётган илмли, маърифатли ва пешқадам шогирдлари билан суҳбатлашиб, мазкур китоб ҳақида керакли маълумотлар тўпладим. Аллоҳнинг инояти ила икки йил давомида домланинг китобларини нашрга тайёрлашга муваффақ бўлдим.

Энди мазкур манбанинг муаллифи - Муҳаммаджон домла ва унинг асари ҳақида маълумот бериб ўтамиз.

ҲАЁТ ЙЎЛИ

Шайх Муҳаммаджон мулло Рустам ўғли 1310 ҳижрий - 1892 милодий йилда Қўқон музофотига қарашли Хожа Муҳаммад Валий қабристонига яқин Чорбоғ қишлоғида туғилган. Унинг ота-оналари ҳам илмли, маърифатли кишилар бўлиб, фарзандларининг ёшликданоқ илм олишига жиддий эътибор беришган.

Ўн тўрт ёшда саводхон ва ҳофизи Қуръон бўлиб етишган Муҳаммаджоннинг қобилияти ва илмга иштиёқи баланд бўлган. Шу боис у Қўқон ва Бухоро мадрасаларида, сўнгра Балх ва Мозори Шарифда устозлардан сабоқ олади. Сўнгра улуғ устозларидан бири бўлган Қози Мирмуҳаммад домланинг тавсиялари билан илмини давом эттириш учун Ҳиндистонга сафар қилади. Бу мамлакатнинг Ажмир шаҳридаги «Усмония» мадрасасида яна саккиз йил ўқиб, хатми кутуб қилади.

Илм талабида, изланишда бўлиб, ўн беш йил ота-оналари билан кўришолмайдилар. Ҳиндистонда ўқиб юрган кезлари иттифоқо поездда ҳаж сафарига йўл олган оталари билан учрашиб қоладилар ва ҳаж зиёратида у кишига ҳамроҳлик қиладилар. Ота-бола биргаликда бу улуғ ибодатни тўкис адо этганларида, тақдир экан, оталари Ҳижозда вафот этади. Падари бузрукворидан ажраб қолган Муҳаммаджон Ҳиндистонга қайтади ва яна бир йил илм ўқиб, мадрасани тамомлайди. Сўнгра отасининг васиятига биноан волидасини зиёрат қилиш учун она юрти Қўқонга қараб равона бўлади. Не-не машаққатлар билан Қўқондаги ҳовлисига келса, оналари ҳам дунёдан ўтган экан. Кейинчалик бу воқеани эслаб: «Ман волидамдан ўн етти ёшда жудо бўлғон эканман. Шундан кейин ман кўролмадим, ман келғонимга пушаймон едим. Дилимда волидамға хизмат қилолмағонлигимнинг ҳасрати то Қиёмат қолди. Бу жойда гўё мусофирга ўхшаб қолдим», - деб афсус-надомат чекади[3]

Ҳиндистонда ўқиб келганлиги ва забардаст олим бўлганлиги учун домлани «Ҳожи Ҳиндистоний», «Мавлавий Ҳиндистоний», «Ҳожи домулло», «Ҳазрати Мавлавий» номлари билан ҳурматлашади. Қўқонда туғилганликлари учун у кишига Қўқондий нисбаси ҳам берилган. Унинг юртига қайтиб келгандан кейинги ҳаёти мураккаб бир вазиятда ўтади. Домла ўттиз беш ёшларга кириб қолган милодий 1929 йил бўлиб, мамлакатда очарчилик бошланган, диндорларга зуғум ўтказилаётган бир давр эди. У киши шундай бир шароитда 1928 йилдан 1946 йилга

---

[3] Ёднома. Душанбе. «Илҳом» нашриёти. 2003. 34 бет.

қадар Ўзбекистон ҳудудида яшаган бўлса, шундан кейин то умрининг охири, яъни 1989 йилга қадар Душанбе шаҳрида истиқомат қилган. 1929 йилда икки болали бир бева аёлга уйланган. Ундан кейин ташвишли кунлари бошланади. 1942 йили урушга кетгунига қадар «руҳоний мулло», «хорижий давлатларда ўқиган» каби айбловлар билан икки марта қамалиб чиқади. Жон сақлаш ва фитналардан йироқ бўлиш мақсадида аҳли аёллари билан тез-тез бошқа жойларга кўчиб туради. 1942 йили урушда қатнашиб, жароҳатлангач, меҳнат лагерига хизматга юборилади. 1946 йилда урушдан ногирон бўлиб Кўқонга қайтиб келади. Қама-қамалар ва уруш сабабли Қозоғистон, Белорусия ва Россиянинг бир неча шаҳарларида бўлади.

Урушдан кейин динга бир оз эркинлик берилиб, масжидлар очилгандек эди. Ўша пайтлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси Тошкентда жойлашган бўлиб, бутун минтақада диний ишлар шу ердан бошқарилар эди. Муҳаммаджон домла 1946 йили шу идоранинг муфтийси Эшон Бобохоновга иш сўраб мурожаат этганида у кишини хизмат қилиш учун Тожикистонга юборишади. Домланинг яшашга уй-жойи бўлмаганлиги учун Тожикистон қозиси у кишини Мавлоно Чархий мазоротига мутаваллий вазифасига жўнатади. Тожикистондаги ҳаёти шу тариқа бошлангач, домлани 1949 йили Хожа Яъқуб масжидига имомликка ўтказишади. Лекин бу ерда ҳам йигирма беш йилга қамашади. Аллоҳнинг иродаси экан, Москвага арз этиб, тўрт йилу уч ойда озодликка чиқади.

1954-1955 йилларда Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар бўлимида ишлаб, араб тилидаги китобларни форс тилига ўгириш билан машғул бўлади. Айнан ана шу йиллардан кейин домланинг ҳаётида бир оз эркинлик бошланади. У зот умрининг охирига қадар юзлаб ўзбек, тожик, қирғиз ва бошқа миллат вакилларига диний илмларнинг деярли барча соҳаларидан, мантиқ, адабиёт ва шеършунослик илмларидан сабоқ берган. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа республикалардан олимлар ва шоирлар у кишининг зиёратига бориб, суҳбатларидан баҳраманд бўлишган. Домла тўқсон етти ёшга кириб ҳам шогирдларига дарс беришни, илм-ижод билан шуғулланишни канда қилмаган. У киши илмдаги ҳар бир масалага жиддий ёндашган: «Мен бирор киши саволига жавоб берган бўлсам, ёки бирор ривоятни айтган бўлсам, Парвардигор олдида масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда айтганман», - деб таъкидлар экан домла[4].

Яна бир муҳим масала - домла мусулмонларнинг ҳар хил оқимларга, тафриқа бўлинишларига кескин қаршилик қилган. Юртимизда аҳли суннат вал-жамоат ақидаси, Имом Аъзам мазҳаби, нақшбандия тариқати пойдор бўлиши учун бор илми ва кучқувватини сарфлаган. Бугунги кунда у кишининг шогирдлари ҳам устоз изидан бориб, диний барқарорлик ва осойишталикни таъминлашга хизмат қилмоқдалар.

Домла Имоми Аъзам мазҳаби ва нақшбандия тариқатига мансуб бўлган. Хориж мадрасаларида ўқиб юрган кезлари замонасининг улуғ қутбларидан Мулло Фақир деган нақшбандий шайхига мурид бўлиб, у зотдан олган зикр вазифаларини адо этиб юрган. Кейинчалик домла ўз хотираларида устозини эҳтиром билан тилга олиб, ажиб ҳолатлари ва каромотлари ҳақида ҳикоя қилиб берган[5]. У зотдан сўнг домла Душанбеда яшаган кезлари Ўрта Осиёда машҳур ва маълум бўлган улуғ валий, нақшбандий шайхи Абдурраҳмонжон Эшон алайҳирраҳма ҳазратларига байъат қилади. Бу икки улуғ зот, яъни пир ва мурид ўртасида ғоят самимий муносабат, Аллоҳ ризолиги учун меҳр-муҳаббат ва садоқат риштaлари боғланади.

Домланинг Душанбелик шогирдларидан Ҳожи Исмоил Пирмуҳаммадзода устози ҳақидаги хотираларида шундай дейди:

«... Саҳар чоғи эди. Умрнинг сўнгги соатлари яқинлашарди. Бизни бир умрга тарк этишдан икки кун олдин устоз дедилар:

---

[4] Мазкур асар, 84-бет.

[5] Қиссаи Мавлавий Ҳиндистоний. Тошкент. "Адолат" нашриёти, 2004й..38-39-бетлар.

- Шу оқшом Мавлоно Яъқуби Чархийни туш кўрибман. Мавлоно тахти равон устида юриб, олдимга келиб дедилар: «Эй Мавлавийи Кўқандий, тахт устига чиқ, бирга гулистонга сайрга чиқамиз...»

Бир лаҳза хомушликдан сўнг устоз дедилар:

- Азизларим! Хаёлимда у дунё сари сафар қилаётгандайман. Агар қўлларингдан келса, мани шу бузургворнинг ёнларига дафн қилинглар ва қабрим бошига мана бу рубоийни ёзиб қўйинглар!

Бародарон, Худоро, ба хокам гузар кунед,
Ба ҳоли табоҳи ман ба раҳмат назар кунед!
Нашъунамои зиндаги охир надомат аст,
Ёде аз Худо кунеду зи ғафлат ҳазар кунед.

Мазмуни:

Биродарлар, Худо учун қабримни зиёрат этинг,
Менинг ночор ҳолимга раҳмат ила назар қилинг.
Яшнаган ҳаётнинг охири надоматдир,
Худони доим эслангу ғафлатдан ҳазар қилинг.

Устознинг айтганларича бўлди...»[6].

Вафотларидан сал олдин, яъни, «1989 йил охирларида – ноябрда аллома инсон – Ҳожи Муҳаммаджон Кўқондий (Ҳиндустоний) ҳазратларининг юз ёшга яқинлашаётганлари муносабати билан бутун Марказий Осиёда тантанали нишонлаш учун ҳар тарафлама тайёргарлик ишлари давом этарди. Афсуски, анжуманга саноқли кунлар қолганда Ҳазрат оламдан кўз юмдилар. Айтишларига қараганда, у киши билан видолашувга икки юз минг нафардан зиёд кишилар келишган. Устоз аллома Душанбе яқинидаги Мавлоно Яъқуби Чархий мозорига дафн этилдилар»[7].

Замондошларнинг устоз аллома ҳақидаги хотираларини ўқиб, у зотнинг беназир олим, ҳар қандай вазиятда иймон-эътиқодида собит, юртпарвар ва миллатпарвар бир инсон эканлигига амин бўламиз. Аллоҳ охиратларини обод қилсин!

ҚОЛДИРГАН МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Аллома устоздан қолган меросни уч қисмга тақсимлаш мумкин:

А) Ёзган асарлари: Қуръони каримнинг маънавий таржимаси - «Баёнул Фурқон фи таржиматил Қуръон» китоби;

Баъзи муносабатлар билан ёзилган ўзбекча ва форсча шеърлар, айрим қайдлар.

Б) Таржималари: 1954-1955 йилларда Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар бўлимида ишлаб, араб тилидан форс тилига ўгирган китоблари;

Қуръон, ҳадис, фиқҳ, илми маъоний, мантиқ, илми калом, сарфу наҳв ва бошқа фанлардан ўзлари учун таржима қилган кўчирмалар;

Замахшарийнинг «Навобиғул калим» ҳамда «Мақомоти Замахшарий» асарларининг араб тилидан форс тилига ўгирилган таржимаси;

Имом Барзанжийнинг «Мавлудун набий» асарининг ўзбек тилидаги таржимаси;

Имом Бусирийнинг «Қасидаи Бурда» асарининг форс тилидаги таржимаси;

Араб шоири Фараздақнинг Имом Зайнул Обидинга бағишланган қасидасининг ўзбек тилидаги таржимаси;

Усмон Ўшийнинг «Қасидаи Омолий» асарининг форсча таржимаси;

Мирзо Абдулқодир Бедил ғазалларининг ўзбек ва тожик тилларидаги таржималари ва ҳоказо.

---

[6] Ёднома. Мазкур асар, 85-86-бетлар.

[7] Мазкур асар, 4-5-бетлар.

В) Видео кассета ва магнитофон тасмасига ёзиб олинган маърузалар, илмий суҳбатлар. Бу маъруза ва суҳбатлар, тафсир, ҳадис, фиқҳ, ислом тарихи, тасаввуф, адабиёт ва одоб-ахлоқ ҳақидадир. Жумладан, Муҳаммаджон домла Имом Аъзамнинг «Фиқҳи акбар», шунингдек «Усули Шоший», «Нурул анвор» ва «Мухтасари маоний» каби асарларни ўзбек ва форс тилларига таржима қилиб, магнит тасмасига ёздирганлар. Иншоаллоҳ, келажакда мазкур манбаларни имкон даражасида нашр қилиб, халқимизни баҳраманд этиш ниятидамиз.

ҚУРЪОН НУРИДАН БАҲРАМАНДЛИК

Устоз аллома қолдирган маънавий мерос орасида у кишининг «Баёнул Фурқон фи таржиматил Қуръон»[8] بيان الفرقان في ترجمة القران номли Қуръон маънолари таржимаси китоби алоҳида эътиборга молик. Шўролар давридаги тақиқ ва тазйиқларга қарамасдан, домла 1988-1989 йилларда, яъни умрларининг охири кексайиб қолган бир паллада ушбу хайрли ишни амалга оширишга муваффақ бўлган. Шу боис у киши юртимизда биринчи бўлиб Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги изоҳли таржимасини амалга оширган муфассир олим ҳисобланади. Шогирдларининг эътироф этишларича, устоз бу китобни асосан оғзаки айтиб турган, шогирдлар эса ёзиб боришган. Шогирдлар томонидан қоғозга туширилиб, тартиб берилгандан кейин домла уларнинг баъзи қисмларини назардан ўтказиб, тўлдириб борган. Аммо аксар қисмини таҳрир ва тўлдиришга улгурмаган. Бу ҳақда домланинг шогирдларидан бири, бугунги кунда Марғилоннинг Имом Заҳириддин жомеъ масжидининг имоми Асадулло Раҳмонов менга қуйидагиларни сўзлаб берди:

«Мен узоқ йиллар домлага хизмат қилдим. Илм ўқиб, дуоларини олдим. Домламиз ниҳоятда халқпарвар, юртпарвар аллома, айни пайтда хоксор ва кўнгилчан бир инсон эдилар. Мусулмонларни ҳамиша илму маърифатга, меҳнатга, ҳамжиҳат ва тотув бўлишга даъват қилардилар. Ҳар қандай тафриқа ва гуруҳбозликка қарши туриб, турли ботил оқимларни аёвсиз танқид қилардилар. Ўз даврида у киши Ўрта Осиё ва бошқа минтақаларда ҳам илмда беназир инсон эдилар. Араб, форс, урду ва рус тилларини ҳам яхши билардилар. Шўролар даврининг тазйиқ ва қийинчиликларига қарамасдан, умрларини илму ирфон ва зиё тарқатишга сарфлаб, бир қанча китобларни таълиф, тасниф ва таржима этдилар.

Мен Қуръон оятлари маъноларини таржима қилганларидан яхши хабардорман. Олти жилддан иборат китобнинг икки жилдини қўлда кўчирганман. Домламиз оятлар маъноси таржимасини оғзаки айтардилар, мен уни қоғозга ёзиб борардим. Устозимиз олдиларида «Тафсири Қози Байзовий», «Тафсири Жалолайн», «Тафсири Ҳусайний», каби тафсирлар, қомус ва луғатлар турарди, керакли ўринларда уларга мурожаат этардилар. Баъзан домла ёзганларимни қайта кўриб, ислоҳ қилиб, айрим жойларини тузатиб қўярдилар. Мазкур табаррук манбанинг қолган жилдларига баъзи андижонлик ва наманганлик шогирдлари ҳам котиблик қилишган. Шунинг учун ҳам олти жилд китобдаги жумлаларда Қўқон, Андижон ва Наманган шеваларига оид айрим сўзлар кўзга ташланади. Шу боис домламиз китобни бошдан-оёқ қайта кўриб, уни янада тўлдириб, ягона услуб ва тил қоидаларига мувофиқлаштириб тартиб беришни режалаштирган эдилар. Аммо Аллоҳнинг тақдири экан, умрлари вафо қилмай бу ишни амалга оширолмадилар. Лекин устозимиз гўё вафотларини

[8] Қўлёзма муқаддимасида таржима манбанинг номи "Баёнул Қуръон фи таржиматил Фурқон", деб ёзилган. Домланинг шогирдлари билан суҳбатлашганимизда, домланинг ўзлари бундай ном қўймаганликлари ва бу номнинг кейинроқ қайсидир бир шогирдлари томонидан қўйилгани ҳамда мантиққа мувофиқ бўлмагани учун олимлар ва домланинг шогирдлари билан маслаҳатлашиб китобга "Баёнул Фурқон фи таржиматил Қуръон" (Ҳақ ва ботилни ажратувчи – Қуръон таржимасининг баёни), – деб ном беришни мақсадга мувофиқ топдик.

сезган каби ишни охирига етказиш учун жиддий ҳаракат қилиб, қаттиқ ишга киришгандилар. Аллоҳга шукрки, домламиз томонидан хайрли бир иш амалга ошиб қолди. Энди бу муқаддас манбага жиддий аҳамият берилиб, диққат билан чоп этилса, халқимизга улуғ бир туҳфа бўлади, деб ўйлайман».

Домланинг таржима китоблари шакл ва мазмун, услуб ва баён жиҳатидан ўзига хос мавқега эга. Бу китоб Қуръони каримнинг араб хатидаги ўзбек тилида амалга оширган Олтинхон Тўра таржимасидан кейинги таржимадир. Тўғри, юқорида айтиб ўтганимиздек, номаълум шахс томонидан ўзбек тилида ёзилган, «XVII-XVIII асрларга оид Ўрта Осиё тафсири» деб аталиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган яна бир манба бор. Лекин бу тарихий асар ҳозирча илм аҳлига яхши таниш эмас.

Домла таржималарининг асл қўлёзма нусхаси ҳар бири беш порадан иборат бўлган олти мужаллад китобдир. Қуръон хати унча силлиқ бўлмаган мустаҳкамроқ варақларда ёзилган. Оятлар Мовароуннаҳр услубига хос бўлган насхда, таржима матнлар эса настаълиқда битилган. Китобнинг биринчи жилди ич муқовасида қуйидаги муқаддима битилган:

«*Муҳтарам қориини кироmларимиздан камоли эҳтиром била илтимос қилурманки, Қуръони карим маънолари дарёи азимдур. Бу дарёдан ҳар ким ўз зеҳнига лойиқ сув оладур. Ўтган салафи солиҳинларимизни Худо раҳмат қилсун, бизлар учун тафсирлар ёзиб қолдирғон эканлар. Бизлар ушбу зотларнинг тафсирларидан фойдаланиб, ушбу амри азим – яъни Каломуллоҳни таржимасиға журъат қилдим. Бу таржимани авомуннос ва ҳам ёш талабалар фаҳмлариға муносиб содда ва мухтасар қилдим ва муҳаққиқ олимлар учун эмасдур. Агар бу таржимада ва ё котиб имлосида хато тофсалар, ислоҳ қилиб қўйсунлар. Ва каминани дуойи хайр қилмоқларини умид қилурман. Худованд сизларға ҳам ажри азим ато қилсун. Омин, ё Раббал оламин.*

«*Баёнул Фурқон фи таржиматил Қуръон*»,
Таржимату ал-ҳож, ал-ҳофиз – Муҳаммаджон,
сина ан шаррил инси вал жонн. Омин».

Домла ҳақидаги тазкираларнинг бирида мазкур китобга шундай баҳо беради: «Бу табаррук зотнинг олий хизматлари шундаки, Ҳожи Муҳаммаджон қори Худо китоби деб аталмиш Қуръони каримни, ўзи андижонлик бўлган, умрининг сўнгги йилларини Саудия Арабистонида ўтказган Олтинхон Тўрадан сўнг, иккинчи бўлиб ўзбек тилига (араб ҳуруфотида) ўгирганлар. Аммо, минг афсуски, кўп меҳнат сарфланган мазкур мерос - Қуръони каримнинг бу ўзбекча нусхаси ҳамонгача чоп юзини кўрмай, илмпеша кишилар қўлига етиб бормай, ўғиллари Ҳожи Убайдулло Муҳаммаджонов сандиғида сақлаб келинмоқда. Шу ўринда, бир нарсани илова қилиш керакки, машҳур аллома Олтинхон Тўранинг Қуръони каримни қилган таржималари 2400 саҳифадан иборат бўлган. Уни обдон, синчиклаб ўқиб чиққан ҳожи Муҳаммаджон Қўқондий мазкур таржима хусусан ёшларнинг ўқиб-ўрганишлари учун бироз қийинчилик қилишини эътиборга олиб, таржимани анча ихчамлаштирган ва соддалаштирган ҳолда 1640 саҳифа атрофида таржима қилганлар. Китобнинг умумий ҳажми 6 жилд-томдан иборат»[9]

ТАРЖИМА МАНБАНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Дарҳақиқат, домланинг таржималари содда ва ихчам, ўзлари таъкидлаганларидек, ёш толиблар ва халқ оммасига мўлжалланган бўлса-да, таржима матнида эски ўзбек тилига хос хусусиятлар кўплаб учрайди. Жумла қурилишлар, гапнинг

[9] Мазкур асар, 4-5 бет. Юртимиздаги уламолар қўлида ҳам бу мўътабар манбанинг бир неча қўлёзма нусхалари мавжуд бўлган. Лекин негадир бугунга қадар уни нашрга тайёрлаб, чоп этишда сусткашлик қилиб келишган... (Нашрга тайёрловчи).

эга ва кесими ҳамда иккинчи даражали бўлаклари эски ўзбек тилимизнинг қоида ва услубига мувофиқ қўлланган.

2. Таржима матнининг қачон, қаерда ёзилганлиги, кўчирган котибнинг исми шарифи бирор жойда қайд этилмаган. Асар «Нос» сурасидан кейин

والله اعلم با لصواب واليه المرجع والماب

жумласи ҳамда қуйидаги арабча дуо билан хотима топади:

اللَّهُمَّ ارْحَمْنِي بِالْقُرْءَانِ وَاجْعَلْهُ لِي إِمَامًا وَنُورًا وَهُدًى
وَرَحْمَةً اللَّهُمَّ ذَكِّرْنِي مِنْهُ مَا نَسِيتُ وَعَلِّمْنِي مِنْهُ مَا جَهِلْتُ
وَارْزُقْنِي تِلَاوَتَهُ آنَاءَ اللَّيْلِ وَأَطْرَافَ النَّهَارِ وَاجْعَلْهُ لِي حُجَّةً يَارَبَّ الْعَالَمِينَ

3. Ўнга яқин сурадан ташқари қолган суралар бошида сабаби нузул, маккий ё маданий эканлиги, неча оятдан иборатлиги, умуман, сура ҳақида изоҳ берилмаган.

4. Ҳар бир оят алоҳида таржима қилинмасдан, бир неча оятлар маъноси яхлит берилган.

5. Айрим варақларнинг ҳошияларида тушиб қолган оятлар ёки сўзлар ёзиб қўйилган.

6. Баъзи мансух оятларнинг қайси оят ва қайси ҳукм асосида мансух бўлганлиги айтиб ўтилган. Масалан:

«Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан хамр (ароқ, шароб) ичиш ва қимор ўйнаш тўғрисида савол қиладилар. Сен уларнинг жавобига айтгил: «Бу иккови-нинг истеъмолида халқ учун катта гуноҳ бор, манфаат ҳам бор. *Масалан, хамр ичганда таомни ҳазм қилади, ҳароратни зиёда қилади. Қимор ўйнашда мискин-ларга сабаби ризқ бўлади, одамни сахий қилади,* лекин гуноҳлари нафларидан кўпроқдир». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), «Худо йўлида қанча миқдорда садақа қиламиз?»- деб савол қиладилар. Уларнинг жавобига айтгил: «Ўзларингизнинг ҳожатларингиздан ва аҳли аёлингиз нафақасидан зиёдасини Худо йўлида бераве-расизлар. *Бу ҳукм закот ояти билан мансухдир, чунки закот бергандан сўнг қанча зиёда бўлса, ўз манфаатига сарф қилади.* Мана шунга ўхшаган оятнинг ҳукмларини Аллоҳ таоло сизларга баён қилиб беради. Шоядки сизлар дунё ва охират ишларида фикр қиласизлар, ўзларингизга қайси фойдали бўлса, ихтиёр қилиб оласизлар». (Бақара сураси, 219-оят).

7. Оятлар маъноси ҳанафий мазҳаб доирасида таржима қилинган. Масалан, «Аъроф» сурасидаги 204-оят ўзбекчага қуйидагича ўгирилган:

وَإِذَا قُرِئَ ٱلْقُرْءَانُ فَٱسْتَمِعُوا۟ لَهُۥ وَأَنصِتُوا۟ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿٢٠٤﴾

«***Вақтики намозда Қуръондан қироат қилинса, унга қулоқ солинглар. Ва хомуш туринглар. Шунга амал қилсангизлар, Худонинг раҳматига сазовор бўларсиз***».

Юқоридаги оятдан муфассир уламолар Қуръон оятлари тиловат қилинганда уни адаб ва ҳурмат билан жим туриб тинглаш вожиб эканлиги ҳақида ҳукм чиқарганлар. Ҳанафий мазҳаби олимлари эса, намозда имом қироат қилганида иқтидо қилувчилар жим туриб тинглашлари, қулоқ солишлари лозим, деб ҳукм чиқарганлар. Шунингдек, баъзи оятлар ҳукмига нисбатан мазҳабий муносабатлар ҳам айрим ўринларда келтириб ўтилган. Масалан:

«Эй мўминлар, сизларга қотилдан қасос олмоқлик фарз қилинди. Башартики, қасддан ўлдирилган бўлса. Озоднинг (ҳур кишининг) муқобилига озоддан, ғулом-нинг (қулнинг) муқобилига ғуломдан, хотиннинг муқобилига хотиндан (қасос

олинади). *Бу оят Имом Аъзам наздларида,* ...ان النفس با لنفس *ояти билан мансухдир. Ва яна Расулуллоҳдан ривоят қилинибдики,* المسلمون يتكا فا ء دمائهم *яъни «Мусулмонларнинг қонлари баробардир». Бас, Имом Аъзам наздларида, ғуломнинг қасосига озод, хотиннинг қасосига эркак ўлдирилади. Аммо Имом Шофеъийнинг наздларида, ўлдирилмайди. Далиллари мана шу оятдир* اَلْحُرُّ بِالْحُرِّ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ. Бас, қотилни мақтул валийси афв этса, қасос соқит бўлади ва қотилдан дият олинади...». (Бақара сураси, 178-179-оятлар).

8. Қуръон оятлари маъноларининг таржимаси билан мутаржим изоҳлари ажратилмаган, улар аралаш ҳолда келаверади. Ўрни-ўрни билан таржимон пайғамбарлар қиссаси ёки «Ҳорут ва Морут» каби қиссаларни нақл қилиб беради.

9. Баъзи оятлар охирида оят мазмунига мувофиқ, уни қувватлайдиган фикрлар билдирилган. Бундай иловаларнинг баъзилари оятдан яққол ажралиб турса-да, айримлари гўё унинг давомидек туюлади.

10. Таржима матнида халқона иборалар, чиройли сифатлашлар, таъкидлар ва ташбиҳлар қўлланган. Баъзан бир хил шаклдаги оятлар турлича таржима қилинган. Масалан, Қуръонда такрорланиб келадиган «Шуаро» сурасидаги 131, 150 فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُونِ ояти:

1. Бас, Худодан қўрқинглар, Менга итоат қилинглар;

2. Бас, Худодан қўрқиб, Менинг ҳукмимга итоат қилинглар;

3. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар. Менинг насиҳатимни эшитиб, фармонимга итоат қилинглар, каби кўринишларда таржима қилинган.

Таржимашуносликда учрайдиган бундай ҳодисаларни олимлар табиий ҳол деб қабул қилганлар.

11. Маълумки, баъзи оятлар икки-уч хил ё ундан зиёд маъноларда талқин ва тафсир қилинади. Масалан, муфассирлар «Тавба» сурасининг 122-оятини икки хил маънода тафсир қилганлар ва кучли маъно билдирадиган талқинни таъкидлаб ўтганлар. Домланинг таржималарини ўқиганимизда, мазкур оятнинг кучли маънога эга жиҳатини назарда тутиб таржима қилганликлари маълум бўлади.

12. Якка шахсга қилинган хитоб умум маъносига ҳам шомил бўлганлиги учун баъзи оятлар бирлик (сийғаи воҳид) шаклида бўлса-да, домла кўплик (сийғаи жамъ) шаклида таржима қилган.

13. Суралар бошидаги муқаттаот - маънодан узилиб қолган ҳарфларга турлича изоҳлар берилган. Масалан, "Бақара" сурасидаги муқаттаот ҳарфларга: *"Бу ҳуруфларни маъносиға Аллоҳ таолони Ўзи донодур"*.

"Оли Имрон" сурасидаги муқаттаот ҳарфларга: *"Бу ҳуруфлардан Парвардигорни муроди нима бўлса, Ўзи биладур"*.

"Аъроф" сурасида муқаттаот ҳарфларга: *"Бу ҳуруфлардан Аллоҳ таолони муроди нима бўлса, Ўзи биладур"*.

"Тоҳо" сурасидаги муқаттаот ҳарфларга: *"Парвардигор бул калимадин нимани ирода қилғон бўлса Ўзи биладур"*.

"Намл" сурасидаги муқаттаот ҳарфларга: *"Бу ҳуруфларни маъниси Парвардигорга хосдур"*, каби ҳар хил изоҳлар бериб ўтилган.

Баъзи суралардаги муқаттаот ҳарфларга эса изоҳ берилмаган.

Хуллас, ушбу таржиманинг ўзига хослиги ва фазилатлари бисёр. Биз бу масалада айрим кузатишларимиз билан чекландик, холос.

МАНБАНИНГ НАШРГА ТАЙЁРЛАНИШИ

Табаррук Қуръони каримнинг мазкур таржимасини нашрга тайёрлашдан олдин шу соҳа мутахассислари, тилшунос ва манбашунос олимлар билан маслаҳатлашиб иш тутдик. Таржима манбани қулай ва мукаммалроқ шаклда халққа тақдим қилиш ҳақида ўйладик. Шу боис, аввало:

1. Домланинг таржимасини нашрга тайёрлаш жараёнида уни диёримизда нашр бўлган муҳтарам олимларимизнинг ўзбекча тафсир ва таржималари ҳамда керакли ўринларда Аҳмад Исмоил Саббоғнинг[10] арабий, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг[11] форсий ва Ҳасан Таҳсиннинг[12] туркий тафсирлари билан қиёсладик. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, таржима матни ўзига хос, халқона, мазмунан пишиқ-пухтадир. Аммо жумлалар қадимий тилимизга хос бўлган услуб ва лаҳжадан таркиб топган. Шу боис биз бугунги кун ўқувчисининг диди, талаби ва саводхонлигини инобатга олиб, устоз аллома жумлаларини, сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи қўшимчалар, олмошлар ва боғловчиларни имкон қадар ҳозирги тил қоидаларига мувофиқлаштириб, асл маънони тўла сақлаган ҳолда китобхонларимизга етказишга қарор қилдик. Иккинчидан, домланинг ўзлари ҳам шогирдларига: «Китобимни халққа содда ва тушунарли қилиб етказинглар», — деб васият қилган эканлар. Учинчидан, илмий муомалада илмий, адабий ва маърифий асарларни китобхонларга соддалаштириб, изоҳлар билан тақдим этиш анъанаси мавжуд. Биз шу илмий анъана тажрибасига таяниб иш тутдик. Бироқ Қуръоннинг бутун оятлари таржимаси матнини бир хил савияда соддалаштириб, тилимиз қоидаларига мувофиқлаштира олдик, деган даъводан йироқмиз. Чунки бу ғоят масъулиятли ва машаққатли иш бўлгани учун қўлимиздан келганча ҳаракат қилдик.

Асл нусхада «Бақара» сурасининг 126-ояти шундай ўгирилган:

«Ёд қилғил, эй Муҳаммад, ушбу воқеаники, айтди ҳазрат Иброҳим: «Эй Парвардигоро, бу Маккани амну омон жойи қилғил. Қаҳатчилиғдан ва бошқа самовий балолардан сақлагил. Бу шаҳарни аҳлиға мевалардан ризқ муқаррар қилғил. Локин шулардан имон келтирғонларга Худоға ва Қиёмат куниға». Худойи таоло айтдики: «Лекин озгина муддат кофирларни ҳам фойдалантирурман, сўнгра буларни дўзахга кетишиға мажбур қилурман. Дўзах кўп ёмон бородурғон жойдур!» (I жилд, 9-бет).

Биз ушбу оятни қуйидаги тарзда бердик:

«Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ушбу воқеани ёд қил. (Вақтики) ҳазрат Иброҳим (дуо қилиб) айтди: «Эй Парвардигоро, бу Маккани амну омонлик жойи қилгил. Қаҳатчиликдан ва бошқа самовий балолардан сақлагил. Бу шаҳар аҳлидан фақат Худога ва Қиёмат кунига иймон келтирганларга мевалардан ризқ муқаррар қилгил». Худойи таоло айтдики: «Лекин озгина муддат кофирларни ҳам фойдалантираман, сўнгра уларни дўзахга кетишга мажбур қиламан. Дўзах борадиган кўп ёмон жойдир!»

Яна бир мисол, қўлёзмада «Саф» сурасининг 7-9-оятлари шундай ёзилган:

«Ким золимроқ шундоғ одамдинки, Худони шаъниға ёлғон тўқийди, ваҳоланки, ул Ислом тарафиға даъват қилинадур. Аллоҳ таоло золим қавмни ҳидоят қилмайдур. Кофирлар хоҳлайдурларки, оғизлари билан Худони нури-

---

[10] Аҳмад Исмоил Саббоғ. Ал-Мухтор мин тафосирил Қуръанил карим ва асбобин нузул. Дамашқ, 1984 й.

[11] Ҳусайн Воиз Кошифий. Тафсири Ҳусайний. Бомбей, 1312 ҳ.й.

[12] Ҳасан Таҳсин. Файзул Фурқон. Истанбул, 2005 й.

ни ўчурсалар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло ўз нурини мукаммал қилгучидур, агарчи кофирлар хоҳламасалар ҳам. Парвардигор шундоғ зотдурки, ўзини расулини ҳақ дин, ваҳдоният билан юборди, токи, ғолиб қилсун Ислом динини бошқа динларга, агарчи мушриклар ямон кўрсалар ҳам». (V жилд, 1308-бет).

Нашримизда бу оятлар қуйидагича ифодасини топди:

«Ким золимроқ шундай одамданки, Худонинг шаънига ёлғон тўқийди, ваҳоланки у Ислом тарафига даъват қилинади. Аллоҳ таоло золим қавмни ҳидоят қилмайди. Кофирлар оғизлари билан Худонинг нурини ўчирмоқни хоҳлайдилар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло гарчи кофирлар хоҳламасалар ҳам, ўз нурини (Ислом динини ҳар томонга ёйиб) мукаммал қилгувчидир. Гарчи мушриклар ёмон кўрсалар ҳам, Парвардигор Ислом динини бошқа динлардан ғолиб қилиш учун ўз Расулини ҳақ дин, ваҳдоният билан юборган Зотдир».

Яна бир мисол. Қўлёзмада «Лайл» сурасининг 17-18 оятлари шундай келтирилган: *«Ул ўтдан узоқ қилинадур яхши тақволик ва молини Худо йўлида берувчи ва нафсини пок қилувчи одамни».* Нашримизда мазкур оятлар шундай берилди: *«У ўтдан яхши тақволи ва молини Худо йўлида берувчи ва нафсини пок тутувчи одам узоқ қилинади».*

2. Бошқа тафсирлар ва манбалардан олинган материаллар асосида барча суралар бошида қисқача маълумот бериб ўтдик. Масалан, «Ториқ» сурасига шундай изоҳ берганмиз:

Маккада нозил бўлган бу сура
ўн етти оятдан иборатдир.

Балад сурасидан кейин нозил бўлган бу суранинг номи илк оятида келган «ториқ» сўзидан олинган. «Ториқ» – тунги йўлчи, шиддат билан урувчи, эшик қоқувчи деганидир. Сурадаги «ториқ» эса, кечаси кўп нур тарқатадиган юлдузни англатадики, бу тонг юлдузидир. Бу сўз мажозан машҳур кишига нисбатан ҳам ишлатилади. Бадиий жиҳатдан жоҳилият даври – зулматли тунга ва у даврда келган Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам эса, кечани ёритган ва субҳнинг хушхабарини берадиган субҳ (тонг) юлдузига ўхшатилган бўлиши мумкин. Бу сурадан ҳар бир инсоннинг қиладиган амаллари хос фаришталар томонидан ёзиб борилиши, ўлгандан сўнг қайта тирилиши, Қиёматнинг ҳақлиги, Қуръони каримнинг илоҳий китоблиги, маккорларнинг макрига яраша жазо берилиши каби мавзулар ўрин олган.

3. Китобхонга осон ва қулай бўлсин деб, яхлит таржима қилинган ўн-ўн бешта оятни бир неча қисмларга бўлиб чиқдик. Масалан, асл-қўлёзма манбада «Ториқ» сурасининг 12-25-оятлари яхлит таржима қилинган. Биз уни 12-15; 16-20; 21-25 оятларга бўлдик.

4. Баъзан хос бир ҳолат ёки танҳо шахсга хитоб ё танбеҳ маъносидаги оятлар кўплик (сийғаи жамъ) шаклида таржима қилинган. Биз айрим таржима-тафсирларга асосан (мазкур оятлар умум маъносини қамраб олсалар ҳам), бирлик (сийғаи воҳид) шаклида беришни лозим топдик. Бу борада оятлар ва таржималарни муқояса қилувчи ўқувчиларни ҳам назарда тутдик. Масалан, «Қориа» сурасининг 6,7,8,9-оятлари қўлёзмада қуйидагича ифодаланган:

فَأَمَّا مَن ثَقُلَتْ مَوَٰزِينُهُۥ ﴿٦﴾ فَهُوَ فِى عِيشَةٍ رَّاضِيَةٍ ﴿٧﴾ وَأَمَّا مَنْ خَفَّتْ مَوَٰزِينُهُۥ ﴿٨﴾ فَأُمُّهُۥ هَاوِيَةٌ ﴿٩﴾

«Аммо ул жамоалариким, ҳасанотларини миқдори тарозуда оғир бўлса, ул инсон жаннатда рози бўладурғон маишатда бўлодур. Аммо ул жамоалариким,

ҳасанотларини миқдори енгил бўлса, саййиотлари оғир бўлса, уларни жойлари Ҳовиядур».

Мазкур оятлар мазмуни ушбу нашрда қуйидагича жузъий таҳрирда берилди: *«Тарозуда ҳасанотларининг (савобларининг) миқдори оғир бўлган киши жаннатда рози бўладиган маишатда бўлади. Аммо (тарозуда) ҳасанотларининг миқдори енгил бўлган, саййиотлари (гуноҳлари) оғир бўлган кишининг жойи Ҳовиядир».*

5. Таржимада оятлар маъноси билан муаллиф изоҳлари қоришиб кетган. Биз уларни имкон даражасида ажратдик. Қуръон оятлари маъноларининг таржимасини тўғри ҳарфларда, уларни тўлдирувчи изоҳ ва ривоятларни эса курсивда - қия ҳарфларда бердик. Бунга «Намл» сурасининг 53-ояти мисол бўла олади:

«Биз кофирларни ҳалок қилиб, иймон келтирганларга ва тақво қилганларга нажот бердик. *Муҳаммад алайҳиссалом Табук ғазотига кетаётган вақтларида «Самуд» қавмининг вайрон бўлиб ётган иморатлари олдидан ўтдилар. Саҳобаларига амр қилдиларки: «Бу жой Самуд қавмининг ҳалок бўлган макони. Ҳаммаларинг тавозе билан Худога тазарру қилиб, бошларингизни эгиб ўтинглар».*

6. Баъзи арабий ва форсий сўзлар маъносини, шунингдек, оятни тушунишда ёрдам берадиган қўшимча сўзларни, мухотаблар номини ўзимиз тўлдириб, тўғри ҳарфларда қавс ичида бердик. Масалан, «Бақара» сураси 22-оят маъносининг таржимаси шундай берилган:

«Бас, Аллоҳ таолога бошқаларни шерик қилманглар. Ваҳоланки, ўзларингиз (Унинг қудрати ва санъатини) кўриб, (биру борлигини) билиб турибсизлар».

«Нажм» сурасининг 1-6-оятларини эса қуйидагича бердик:

«Ғуруб бўлган (ботаётган) вақтдаги юлдузга қасамки, сизларнинг соҳибларингиз, яъни Муҳаммад (алайҳиссалом) гумроҳ бўлгани йўқ ва ғалат (хато) қилгани ҳам йўқ. У (Муҳаммад) ўз нафсининг хоҳиши билан гапирмайди, балки унинг айтганлари Худо тарафидан юборилган ваҳийдир. Муҳаммад (алайҳиссалом)га (Қуръонни) қувватли ва ҳам ҳусн соҳиби Жаброил таълим берган».

Шунингдек: бадалига (эвазига); нафс (киши); қитол (жиҳод); тавоно (қудратли); хамр (арoқ, шароб); машруъ (ҳалол); бахшойиш (фазлу карам); мустағний (беҳожат); махлуқ бўлган (яратилган); икки тоифа (Бану Салама ва Бану Ҳориса); мусриф (исрофкор); афифа (покдоман); дарранда (йиртқич ҳайвон); сайд (ов); биғайри ҳақ (ноҳақ); вакил (қўриқчи, соқчи); мусаллат (ғолиб, ҳукмрон); палид (нопок, нажас); садақот (хайру эҳсон); куфрони неъмат (нонкўрлик); ажр (ҳақ, музд); бениёз (беҳожат).

Ёки: Хотинларингизнинг маҳрларини (мамнунлик ила) беринглар; улар илмсизлик орқасидан (жоҳиллик билан) гуноҳ қиладилар; ва малоикаи муқаррабинлар (Аллоҳга яқин фаришталар); ҳаром қилмоқ ва ҳалол қилмоқ (фақат) Парвардигорнинг сифатидир (ҳаққидир); Мусо алайҳиссалом қавмидан (бузоққа сиғинмаган) етмиш кишини ихтиёр қилиб (танлаб) олди; яна Аллоҳ таоло раҳмати билан уч кишининг (Каъб ибн Молик, Мирора ибн ар-Робиъ, Ҳилол ибн Умайяларнинг); Парвардигор шундай Зотдирки осмонлар ва ерни олти кунда (якшанбадан жумагача) халқ қилди; (Бу равшанликлар) нур устига нурдир; Эй Мусо, қўлингни ёқангга (қўлтиғингга) тиққил. Чиқарганингда бирон иллатсиз (нуқсонсиз) нуроний (оппоқ) бўлиб чиқади; (Ҳаттоки) шу (мол-дунё тўплаш) муҳаббати (билан) охири қабрга бордингизлар (ғафлатда қолиб ўлдингизлар) ва ҳоказо.

7. Гоҳида матн ўрни ва мазмун тақозосига кўра айрим сўзларнинг муқобили - синонимини ёки мазмунни кучайтирувчи бошқа бир маънодошини қўлладик.

Бунга: «тепасига» - устига ё бошига; «муҳайёдир» - тайёрлаб қўйилгандир; «узоқ» - йироқ; «такзиб қилди» - ёлғонга (ёлғончига) чиқарди; «ружу қилади» - қайтади; «ёд қил» - эсла; «гуруҳ» - (жамоа) тоифа; «талаб қиладилар» - сўрайдилар; «халқ қилди» - яратди каби сўзлар мисол бўлади.

8. Ўзгача маъно касб этмаслиги учун баъзи ўринларда Аллоҳ таоло номидан айтилган «Бизлар» сўзини «Биз» деб, «Парвардигорларингиз» сўзини «Парвардигорингиз», шунингдек, «Аллоҳ таоло Худонинг оятларини ...» каби жумлаларни «Аллоҳ таоло Ўзининг оятларини ...» тарзида қўллашни мувофиқ кўрдик. Қўлёзмада Пайғамбаримизга нисбатан қўлланмаган, лекин бошқа пайғамбарларга нисбатан бир вақтнинг ўзида қўлланган улуғлаш маъносидаги «Ҳазрати» ва «алайҳиссалом» сўзларидан бирини тушириб қолдирдик ва бошқасини қавс ичида бердик. Масалан, «Ҳазрати Мусо алайҳиссалом» иборасидан «ҳазрат» ё «алайҳиссалом» сўзларидан бири қолдирилди ва оят таркибида келмаганлиги учун қавс ичида «Мусо (алайҳиссалом)» ё «(Ҳазрати) Мусо» каби берилди.

9. Аллоҳ таоло ўз оятларида Ҳазрати Пайғамбаримизга «Сен» деб хитоб этади. Таржимон ҳам баъзи ўзбекча тафсирлардан фарқли ўлароқ «Сен» деган мурожаат шакли ва ифода услубини қўллайди. Масалан, «Эй Муҳаммад, бу Қуръон шундай Китобдирки, Биз уни Сенга нозил қилдик...»; «Эй Муҳаммад, кофирларни азоб қилинадиган кундан қўрқитгил...»; «Эй Муҳаммад, аҳли китобларга айтгил...» кабилар. Аммо мутаржим бошқа пайғамбарлар ҳақидаги оятларни таржима қилганда ҳурмат маъносини ифодалайдиган кўплик қўшимчасини қўшиб «сизлаб» мурожаат этади. Масалан, «Яъқуб (алайҳиссалом) фарзандларидан юз ўгирдилар, камоли бетоқатликдан фарёд қилиб айтдилар...»; «(Ҳазрати) Мусо келиб, қудуқнинг устидан тошни олиб қўйдилар»; «Бас, Сулаймон (алайҳиссалом) бу чумолининг сўзидан таажжубланиб кулдилар » ва ҳоказолар.

Биз таржима матнида икки хил ифода услуби бўлмаслиги учун барчага нисбатан «Сен» бирлик шаклини сақлаб қолдик. Сабаби, аввало, оятларда ҳамма пайғамбарларга қарата «сен», «у» каби бирлик олмоши (араб. замирлар) билан хитоб ва мурожаат этилган. Иккинчидан, модомики Ҳазрати Пайғамбаримизга «Сен» деб мурожаат этилган ва бирлик шаклидаги ифода услуби қўлланган экан, бошқа пайғамбарлар учун ҳам шундай баён услубини қўллашни маъқул, деб билдик. Аммо мутаржим ўзининг баъзи изоҳларида пайғамбарларга ҳурмат юзасидан «сизлаб» мурожаат этган бўлса, уларни ўзича қолдирдик. Масалан:

«... Эрта билан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларидан чиқиб, Имом Ҳусайнни кўтариб, Имом Ҳасанни етаклаб олдилар...» («Оли Имрон» сураси, 61-63 оятлар изоҳи)

«Ҳазрат Мусо алайҳиссалом Тур тоғига Худо билан сўзлашиш учун борганларида Мусо алайҳиссаломнинг қавмлари тамоми зеварларини жам қилиб, бир бузоқ шаклида ҳайкал тайёрладилар. У бузоққа ўхшаш овоз қилар эди. Бани Исроилнинг ҳаммаси шайтоннинг иғвоси билан унга худо деб, сажда қилдилар. Чунки шайтон ҳайкалнинг ичига кириб: «Мен худоман», — деб овоз қилар эди. Ҳорун алайҳиссалом ҳарчанд манъ қилсалар ҳам, қабул қилмадилар...». («Аъроф» сураси, 148-149-оятлар изоҳи).

10. Баъзи оятлар таржимаси икки уч жумлага ажратилган ва жумлаларда бир хил сўзлар такрорланиб келган. Зарур ўринларда жумлалар бирлаштирилди ва айрим такрор қўлланган сўзлар ўрнига синонимлари-маънодошлари берилди.

11. Суралар бошидаги муқаттаот ҳарфларга берилган изоҳлар умумлаштирилиб, барчасига бир хил маънодаги изоҳ берилди.

12. Котиблар хатоси туфайли бўлса керак баъзи оятлар таркибидаги айрим сўзлар таржима матндан тушиб қолган. Биз оятлар маъноси таржимасини қиёслаб ўрганиш жараёнида тушиб қолган сўзларни қавс ичида ё тўғридан тўғри матн таркибига илова қилдик. Шунингдек, қўлёзмадан бир неча оятлар таржимаси тушиб қолганлиги аниқланди. Жумладан, «Анъом» сурасининг 122-оятидан:

كَذَٰلِكَ زُيِّنَ لِلْكَٰفِرِينَ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٢٢﴾

«Ана шундай, кофирларга ҳар бир иш-амалларини чиройли қилиб кўрсатиб қўйдик».

«Аъроф» сурасининг 143-оятидан:

فَلَمَّا تَجَلَّىٰ رَبُّهُۥ لِلْجَبَلِ جَعَلَهُۥ دَكًّا وَخَرَّ مُوسَىٰ صَعِقًا ۚ

«Вақтики, Мусонинг Парвардигори тоққа тажаллий қилди ва уни бўлак-бўлак (парча-парча) қилиб юборди».

«Анфол» сурасининг 65-оятидан:

فَإِن يَكُن مِّنكُم مِّا۟ئَةٌ صَابِرَةٌ يَغْلِبُوا۟ مِا۟ئَتَيْنِ ۚ

«Бас, билингларки, сизлардан сабр қилувчи юз киши бўлса, кофирлардан икки юз киши устидан ғалаба қилади».

«Мунофиқун» сурасининг 10-оятидан:

فَأَصَّدَّقَ وَأَكُن مِّنَ ٱلصَّٰلِحِينَ

«...бас, Мен садақа қилиб солиҳлардан бўлсайдим».

«Таҳрим» сурасининг 1-оятидан:

تَبْتَغِى مَرْضَاتَ أَزْوَٰجِكَ

«...Сен хотинларинг ризолигини истаб...»

каби оятлар таркибида бўлган жумлалар таржима қилиниб ўз ўринларига қўйилди.

13. Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Мавлавий домла аксар оятлар маъносини эркин, изоҳлаб таржима қилган. Натижада таржима ва тафсир услубини ўзида мужассам этган ўзбекча таржима матн юзага келган. Айрим оятлар маъноси муфассал, айримлари мухтасар таржима этилган. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек оятлар маъноси таржимаси билан мутаржим изоҳларини имкон даражасида ажратиб кўрсатдик. Аммо оятлар маъносининг таржимаси таркибида келган изоҳловчи ва маънони кучайтирувчи қўшимча сўзларни ажратиб кўрсатишни лозим топмадик. Чунки, биринчидан, оятлар маъноси таржимаси таркибидаги қўшимча изоҳловчи сўзларни ажратиб кўрсатиш керак бўлганда, домладек улкан олимнинг ўзлари бу ишни амалга оширардилар. Иккинчидан, оятлар маъносини эркин, изоҳлаб таржима қилиш анъанаси ва услуби фақат домла ижодига хос нарса эмас, балки, ўтмиш ва ҳозирги муфассирлар асарларида ҳам кўзга ташланади. Қолаверса, оятлар маъноси таржимаси таркибида келган ҳар бир қўшимча изоҳловчи сўз фақат маънони кучайтиришга, мазмунни чуқурроқ очиб беришга хизмат қилган холос. Аслида ушбу китобни тафсир деб атаганимизда баъзи саволларга ўрин қолмасди. Лекин китоб тафсирлик хусусиятидан кўра изоҳли таржима эканлиги учун ҳам юқорида баъзи саволларга жавоб бериб ўтишни лозим топдик.

* * *

Иншоаллоҳ, ушбу китоб олимларимиз томонидан тадқиқ ва таҳлил қилинади, асл нусха билан қиёсланади. Биз баъзи саволларга ўрин қолдирмаслик учун ҳам асл нусханинг ҳолати ва биз томонимиздан қилинган баъзи иловалар ҳақида тўхталдик. Энг муҳими - бу манбанинг имкон қадар бехато, илмий жиҳатдан мукаммал ҳолатда китобхонлар қўлига етиб боришидир. Зеро, Аллоҳ таоло «Ҳижр» сурасининг 9-оятида:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا ٱلذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُۥ لَحَٰفِظُونَ ﴿٩﴾

«Биз, албатта, Қуръонни Сенга нозил қилдик. Албатта, Биз то Қиёматгача (уни) ўзгартиришлардан ва йўқ бўлишдан сақлаймиз».

деб ваъда берган. «Сод» сурасининг 29-оятида эса:

كِتَٰبٌ أَنزَلْنَٰهُ إِلَيْكَ مُبَٰرَكٌ لِّيَدَّبَّرُوٓا۟ ءَايَٰتِهِۦ وَلِيَتَذَكَّرَ أُو۟لُوا۟ ٱلْأَلْبَٰبِ ﴿٢٩﴾

«Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ушбу Қўръон унинг оятларига тафаккур қилишлари ва ақл соҳиблари ундан панд (ибрат) олишлари учун Биз Сенга нозил қилган хайрли ва баракотли китобдир», - дея марҳамат қилади.

Шубҳасиз, Қуръони карим - боқий ва баракотли китоб. У биз учун раҳмат, мағфират, саодат ва шафоат манбаидир. Аллоҳ таоло бизга ўз Каломини ўқиш, ўқитишни ва унга амал қилишни насиб айласин. Қуръони карим шарофатидан дунё ва охиратимизни обод қилсин. Барча ўтган муфассирлар қаторида Муҳаммаджон Мавлавий Ҳиндистоний домламизни ҳам Аллоҳ раҳмат қилсин.

«Қуръон - мўъжиза, банда - ожиза», дейдилар. Биз ушбу мўътабар манбани нашрга тайёрлаш асносида йўл қўйган хато ва камчиликларимиз учун Аллоҳдан мағфират тилаб, китобхонлардан узр сўраймиз. Билдирилган фикр ва мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилиб, кейинги нашрларда инобатга олишга ҳаракат қиламиз. Ушбу китобни нашр бўлишига ёрдам қилган кишиларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Аллоҳ уларга улуғ ажрлар насиб айласин.

Парвардигоро, Сендан умид қиламизки, устоз алломанинг бу муборак китоби садақаи жория ўлароқ номаи аъмолларига барқарору бардавом бўлсин! Ушбу китобноширларини ва уни ўқиганларни ҳам Аллоҳ таоло ўз раҳматига мушарраф қилсин. Эй Парвардигор, ёлғиз Сенга ибодат қиламиз ва ҳар бир ишимизда фақат Сендан мадад сўраймиз. Омин, ё Роббал оламийн!

Аллоҳнинг инояти билан ушбу муборак китоб ҳижрий 1427 йил муҳаррам ойининг 25 куни, мелодий 2006 йил 24 февралда нашрга тайёр бўлди.

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди, Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби

القرآن الكريم

ҚУРЪОНИ КАРИМ

оятлари
маъноларининг
изоҳли таржимаси

Шайх Муҳаммаджон
мулло Рустам ўғли
(*Мавлавий ҳожи Ҳиндистоний*)

بيان الفرقان
فى ترجمة القران

«Муҳтарам қориини кироmларимиздан камоли эҳтиром била илтимос қилурманки, Қуръони карим маънолари дарёи азимдур. Бу дарёдан ҳар ким ўз зеҳнига лойиқ сув оладур. Ўтган салафи солиҳинларимизни Худо раҳмат қилсун, бизлар учун тафсирлар ёзиб қолдиргон эканлар. Бизлар ушбу зотларнинг тафсирларидан фойдаланиб, ушбу амри азим – яъни Каломуллоҳни таржимасига журъат қилдим. Бу таржимани авомуннос ва ҳам ёш талабалар фаҳмларига муносиб содда ва мухтасар қилдим ва муҳаққиқ олимлар учун эмасдур. Агар бу таржимада ва ё котиб имлосида хато тофсалар, ислоҳ қилиб қўйсунлар. Ва каминани дуойи хайр қилмоқларини умид қилурман. Худованд сизларга ҳам ажри азим ато қилсун. Омин, ё Раббал оламин».

Баёнул Фурқон фи таржиматил Қуръон.

Таржимату ал-ҳож, ал-ҳофиз – Муҳаммаджон, сина ан шаррил инси вал жонн. Омин.

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ

Мардуд бўлган шайтон шарридан қутулмоқ
учун Аллоҳ таолодан паноҳ тилайман

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Аллоҳ таоло номи билан бошлайман.
У Зот дунё ва охиратда бандаларга меҳрибондир.

كتاب أنزلناه اليك مبارك ليدبروا اياته
وليتذكر أولوا الألباب

Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ушбу Қуръон унинг
оятларига тафаккур қилишлари ва ақл соҳиблари
ундан панд (ибрат) олишлари учун Биз Сенга
нозил қилган хайрли ва баракотли Китобдир.
(«Сод» сураси, 29-оят)


بسم الله الرحمن الرحيم

سُورَةُ الفَاتِحَةِ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ١
ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ ٢ مَٰلِكِ يَوْمِ ٱلدِّينِ ٣
إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ ٤ ٱهْدِنَا
ٱلصِّرَٰطَ ٱلْمُسْتَقِيمَ ٥ صِرَٰطَ ٱلَّذِينَ أَنْعَمْتَ
عَلَيْهِمْ ٦ غَيْرِ ٱلْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ
وَلَا ٱلضَّآلِّينَ ٧

مكية وهي سبع آيات

Маккада нозил бўлган бу сура етти оятдан иборат.

1 жузъ

«Муддассир» сурасидан кейин нозил бўлган. Ушбу сура Қуръони каримнинг илк сураси бўлгани учун очиш (очилиш) маъносидаги «Фотиҳа» номи билан аталган. Бу суранинг бошқа номлари ҳам бўлиб, Қуръони каримнинг мазмунини ўзида мухтасар ифода этгани учун «Уммул китоб» (китобнинг онаси), диний асосларни ўз ичига олгани учун «ал-Асос», Исломни асос чегараларигача англатгани учун «ал-Вафия» ҳамда Маккада ҳам ва Мадинада ҳам етти оятдан икки марта нозил бўлгани учун «Сабъул масоний» деб, бир қанча сир-синоатларни мужассамлаштиргани учун «ал-Канз» (Хазина) деб ҳам номланган. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фотиҳа»ни ўқимаганнинг намози намоз бўлмайди», – деб марҳамат қилганлар. Шунинг учун бу сура намозларнинг ҳар бир ракъатида ўқилади.

«Фотиҳа» сураси маъно жиҳатидан энг улуғ дуо ва муножот ҳисобланади. Сурада фақат яккаю ягона Аллоҳга бандалик қилиниши, ёрдам, мадад ёлғиз Ундан келиши, ҳидоят (тўғри йўл)га мушарраф бўлиш ва тўғри йўлдан адашиш ҳам Аллоҳ таолонинг хоҳиш-иродасига боғлиқлиги, чунки яхшилик ва ёмонлик – ҳар иккисининг ҳам яратувчиси Аллоҳ жалла жалалуҳу экани ўз ифодасини топган. Қуръони карим барча инсонларга тўғри йўлни кўрсатиш учун нозил қилинган бўлиб, хусусан «Фотиҳа» сурасида унинг асосларини маъно-мазмун жиҳатидан ўз ичига олган оятлар келади.

Убай ибн Каъб разияллоҳу анҳу айтадилар: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилдилар: «Аллоҳ Тавротда ҳам Инжилда ҳам, Уммул Қуръон (Фотиҳа сураси) каби сурани нозил қилмаган. У етти такрорланиб келувчи оятдан иборат. Аллоҳ айтади: Фотиҳа сурасини Ўзим ва бандам ўртасида иккига тақсимладим». (Термизий ва Насоий ривояти).

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бир фаришта тушиб, шундай деди: «Сиз икки нур ила хурсанд бўлинг, ушбу иккиси сиздан олдинги ҳеч бир пайғамбарга берилмаган. Улар Фотиҳатул-Китоб (Фотиҳа сураси) ва Бақара сурасининг охирги икки ояти. Улардан бирон ҳарф ўқисангиз, албатта сизга (ажр) берилади». (Имом Муслим ва Насоий ривояти).

Сурада мадҳу санога, таъзим ва ибодат қилишга лойиқ ёлғиз Аллоҳнинг борлиги, Ундан бошқа суянадиган бирор куч-қудрат йўқлиги англатилади ҳамда яратувчи Зотдан тўғри йўлга кириш, яхши, солиҳ инсонлардан бўлиш ва охират саодатига ноил бўлиш сўралади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

(Аллоҳ таоло номи билан бошлайман.
У Зот дунё ва охиратда бандаларга меҳрибондир) *

ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١﴾ 1 жузъ

1. Тамом яхшиликлар (барча ҳамду санолар) Аллоҳ таолога хосдир. У жамиъи оламларни тарбия қилгувчидир.

ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ ﴿٢﴾

2. Дунёда ва ҳам охиратда бандаларга меҳрибондир.

مَٰلِكِ يَوْمِ ٱلدِّينِ ﴿٣﴾

3. Аллоҳ таоло охиратни тасарруф қилгувчи Эгасидир.

إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ ﴿٤﴾

4. Эй Парвардигоро, ёлғиз Сенга ибодат қиламиз. Ҳар бир ишимизда ёлғиз Сендан ёрдам сўраймиз.

ٱهْدِنَا ٱلصِّرَٰطَ ٱلْمُسْتَقِيمَ ﴿٥﴾

5. Эй Парвардигоро, бизни тўғри йўлга солгил.

صِرَٰطَ ٱلَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ ﴿٦﴾

6. У йўлни анбиёлар ва авлиёлар ва солиҳ бандаларингга инъом қилгансан.

غَيْرِ ٱلْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا ٱلضَّآلِّينَ ﴿٧﴾

7. Улар Сенинг тарафингдан ғазаб қилинганлардан ва гумроҳ бўлганлардан ҳам эмаслар.

---

* Қўлёзма нусхада ҳар бир сура «басмала»нинг мазкур изоҳли таржимаси билан бошланган. Ундаги «меҳрибон» сўзи орқали Аллоҳ таолонинг «Раҳмон» ва «Раҳим» сифатлари назарда тутилган. Шунингдек, мутаржим «Намл» сураси, 30-оятда келган «басмала»ни: «Кечирувчи ва меҳрибон Парвардигорнинг номи билан», – деб таржима қилган. Биз муҳтарам мутаржимнинг мазкур таржималаридан келиб чиқиб, «басмала»нинг маъносини мухтасар шаклда: «Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан», – деб беришни маъқул кўрдик. (Нашрга тайёрловчи).

Мадинада нозил бўлган бу сура .
икки юз саксон олти оятдан иборатдир.

1 жузъ *Қуръони Каримнинг ушбу энг узун сурасининг номи 67-71-оятларда яҳудийларга сўйиш амр қилинган сигир (бақар)дан олинган. Суранинг фақат 281-ояти Маккада Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг видолашув ҳажи пайтида нозил бўлган. Эътиқод, ахлоқ, ҳаёт низоми ва оилавий муносабатларга оид ҳукмларнинг муҳим бир қисми мазкур сурада баён қилиб берилган.*

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الٓمٓ ﴿١﴾

1. Алиф. Лом. Миийм. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.*

ذَٰلِكَ ٱلْكِتَٰبُ لَا رَيْبَ ۛ فِيهِ ۛ هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٢﴾ ٱلَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِٱلْغَيْبِ
وَيُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَمِمَّا رَزَقْنَٰهُمْ يُنفِقُونَ ﴿٣﴾

2-3. Бу Қуръон ҳақдир, (ҳақлигида) ҳеч қандай шак ва шубҳага ўрин йўқдир! Бу Қуръон Аллоҳ таолодан қўрқадиган зотларга тўғри йўл кўрсатгувчидир. У (тақводор)ларнинг сифатлари шуки, кўзларидан ғойиб бўлган Худога иймон келтирадилар, намозни шароитлари билан (тўкис) адо этадилар ва Биз уларга ато этган ризқлардан муҳтожларга эҳсон қиладилар.

وَٱلَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِمَآ أُنزِلَ إِلَيْكَ وَمَآ أُنزِلَ مِن قَبْلِكَ وَبِٱلْءَاخِرَةِ هُمْ يُوقِنُونَ ﴿٤﴾

4. Ва яна у зотларнинг сифатлари шуки, Сенга нозил қилинган Қуръонга ва Сендан муқаддам (илгари) ўтган анбиёларга нозил этилган китобларга иймон келтирадилар. Ва охиратнинг келишига (Қиёмат бўлишига) яқин (аниқ) ишонадилар.

أُو۟لَٰٓئِكَ عَلَىٰ هُدًى مِّن رَّبِّهِمْ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٥﴾

5. У зотлар ҳақиқатдан тўғри йўлдадирлар. Ўша зотлар Қиёмат азобидан нажот топгувчидурлар.

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ سَوَآءٌ عَلَيْهِمْ ءَأَنذَرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنذِرْهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٦﴾

6. *Албатта, у шахсларким кофирдурлар, шақовати абадий (абадий бадбахтлик)ни ихтиёр қилгандирлар.* Сен (эй Муҳаммад), уларни азоби илоҳийдан (Аллоҳнинг азобидан) қанчалик қўрқитсанг ҳам, қўрқитмасанг ҳам, уларга баробардир, ҳаргиз иймон келтирмаслар.

خَتَمَ ٱللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ وَعَلَىٰ سَمْعِهِمْ ۖ وَعَلَىٰٓ أَبْصَـٰرِهِمْ غِشَـٰوَةٌ ۖ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿٧﴾

7. *Чунки* Аллоҳ таоло уларнинг *эътиқодларига мувофиқ* дилларига ва
қулоқларига муҳр босгандир. *Панд ва насиҳатни эшитмайдилар, қабул* 1 жузъ
қилмайдилар, *кўзларини парда босгандир, ҳақни кўрмайдилар.* Қиёмат
куни улуғ азобга мубтало бўлурлар.

وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يَقُولُ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ وَبِٱلْيَوْمِ ٱلْـَٔاخِرِ وَمَا هُم بِمُؤْمِنِينَ ﴿٨﴾

8. Баъзи одамлардан шундай мунофиқлар ҳам борки, *огизлари билан:* «Биз Худога ва охират кунига иймон келтирганмиз», – деб айтадилар. Ваҳоланки, улар Аллоҳ таоло наздида ҳаргиз мўмин эмаслар.

يُخَـٰدِعُونَ ٱللَّهَ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَمَا يَخْدَعُونَ إِلَّآ أَنفُسَهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ ﴿٩﴾

9. Бу мунофиқлар Худога ва мўминларга макр ва фириб ишлатадилар. Ваҳоланки, улар ҳеч кимга фириб (алдов) беролмайдилар, магар ўзларини алдайдилар. Бу фирибларининг зарари ўзларига етади, лекин камоли ғафлатдан сезмайдилар.

فِى قُلُوبِهِم مَّرَضٌ فَزَادَهُمُ ٱللَّهُ مَرَضًا ۖ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌۢ بِمَا كَانُوا۟ يَكْذِبُونَ ﴿١٠﴾

10. Бу мунофиқларнинг дилларида нифоқ касали бордир. Аллоҳ таоло уларнинг қилмишларига мувофиқ бу касал (мараз)ни зиёда қилди. Қиёматда уларнинг ёлғон иймонлари учун аламли азоб муҳайё (муқаррар)дир.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ لَا تُفْسِدُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ قَالُوٓا۟ إِنَّمَا نَحْنُ مُصْلِحُونَ ﴿١١﴾ أَلَآ إِنَّهُمْ هُمُ ٱلْمُفْسِدُونَ وَلَـٰكِن لَّا يَشْعُرُونَ ﴿١٢﴾

11-12. Ҳар қачонки уларга: «Ер юзида фитна ва фасод қилманглар», – деб айтилса, «Бизлар ёлғиз (фақат) ислоҳ қилгувчидирмиз», – дейдилар. Эй мўминлар, огоҳ бўлингларки, албатта, мана шу мунофиқлар фасод қилгувчидирлар. Лекин камоли ҳамоқат (аҳмоқлик)ларидан ўзларининг муфсидликларини (фасод тарқатувчи эканларини) билмаслар.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ ءَامِنُوا۟ كَمَآ ءَامَنَ ٱلنَّاسُ قَالُوٓا۟ أَنُؤْمِنُ كَمَآ ءَامَنَ ٱلسُّفَهَآءُ ۗ أَلَآ إِنَّهُمْ هُمُ ٱلسُّفَهَآءُ وَلَـٰكِن لَّا يَعْلَمُونَ ﴿١٣﴾

13. Ва ҳар қачон уларга: «Сизлар ҳам шу мўминларга ўхшаб сидқидилдан иймон келтиринглар», – деб айтилса, «Биз шу аҳмоқларга ўхшаб

иймон келтирамизми?» – деб жавоб қиладилар. Эй мўминлар, билингларки, ана ўшаларнинг ўзлари аҳмоқ (тубан, пасткаш) кишилардир, лекин (аҳмоқликларини) билмайдилар.

وَإِذَا لَقُوا الَّذِينَ آمَنُوا قَالُوا آمَنَّا وَإِذَا خَلَوْا إِلَىٰ شَيَاطِينِهِمْ قَالُوا إِنَّا مَعَكُمْ
إِنَّمَا نَحْنُ مُسْتَهْزِئُونَ ﴿١٤﴾ اللَّهُ يَسْتَهْزِئُ بِهِمْ وَيَمُدُّهُمْ فِي طُغْيَانِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿١٥﴾

14-15. Қачонки мўминлар билан мулоқот қилсалар: «Биз ҳам сизлардек мўминдирмиз (иймон келтирувчидирмиз)», – деб айтадилар. Лекин
1 жузъ ҳар вақт ўз жинслари билан танҳо қолганда эса: «Биз сизлар биланмиз, *эътиқодимиз ўзгаргани йўқ*. Биз мўминларни масхара қилиб: «Иймон келтирганмиз», деб алдаймиз, (холос)», – дейдилар. Лекин Аллоҳ таоло уларнинг тамасхури (масхараси)га Қиёматда жазо беради. *Бу дунёда эса, то ажаллари етгунча муҳлат бериб қўяди*. Токи иймондан саркашлик қилган ҳолда ҳайрон ва мағрур бўлиб, умрларини охир қиладилар.

أُولَٰئِكَ الَّذِينَ اشْتَرَوُا الضَّلَالَةَ بِالْهُدَىٰ فَمَا رَبِحَتْ تِجَارَتُهُمْ وَمَا كَانُوا
مُهْتَدِينَ ﴿١٦﴾

16. У мунофиқлар ҳидоят бадалига (эвазига) залолатни (сотиб) олдилар. Лекин бу «тижорат»лари фойда келтирмади, (оқибат) улар гумроҳ бўлиб, йўлдан адашдилар.

مَثَلُهُمْ كَمَثَلِ الَّذِي اسْتَوْقَدَ نَارًا فَلَمَّا أَضَاءَتْ مَا حَوْلَهُ ذَهَبَ اللَّهُ بِنُورِهِمْ
وَتَرَكَهُمْ فِي ظُلُمَاتٍ لَا يُبْصِرُونَ ﴿١٧﴾

17. Уларнинг ҳоллари кечаси (тунда) ўт (машъала) ёқиб: «Энди атроф равшан бўлди (ёришди)», деб турганларида Аллоҳ таоло равшанликни (ёруғликни) олиб (қўйиб), қоронғуда қолдирилган кишиларнинг ҳолларига ўхшайдики, улар атрофга қараб, ҳеч нарсани кўрмайдилар.

صُمٌّ بُكْمٌ عُمْيٌ فَهُمْ لَا يَرْجِعُونَ ﴿١٨﴾

18. Уларнинг ҳақ сўзни эшитмоқ (тинглаш) учун қулоқлари кар, ҳақ сўзни (ҳақиқатни) айтмоққа тиллари соқов ва ҳақни кўрмоқдан кўзлари кўрдир. Бас, улар ҳаргиз залолат йўлидан қайтмайдилар.

أَوْ كَصَيِّبٍ مِنَ السَّمَاءِ فِيهِ ظُلُمَاتٌ وَرَعْدٌ وَبَرْقٌ يَجْعَلُونَ أَصَابِعَهُمْ فِي آذَانِهِمْ مِنَ
الصَّوَاعِقِ حَذَرَ الْمَوْتِ وَاللَّهُ مُحِيطٌ بِالْكَافِرِينَ ﴿١٩﴾

19. Ёки у мунофиқларнинг аҳволи булутлардан қаттиқ ёғиб турган ёмғирда қолган одамларнинг ҳолига ўхшайди: (улар) кечанинг ва булутнинг қоронғулигидан, (момоқалдироқнинг) ҳайбатли гумбирлаганидан, кўзни хира қиладиган яшин (чақмоқ)дан (шиддатидан саросимага тушиб), қўрққанларидан кўзларини юмиб, панжаларини (бармоқларини) қулоқларига тиқар эдилар.

Ваҳоланки, Аллоҳ таолонинг илми кофирларнинг ҳолини иҳота қилгандир (ўраб, қамраб олгандир). *Бундан (асло) қочиб қутулолмаслар. Шунингдек, улар мунофиқларнинг шаънига ҳар бир оят нозил бўлганда, асҳоблар (шу оятларни) тиловат қилганларида, эшитмаслик учун қулоқларини беркитар эдилар. Қўрқувдан дилларига ларза тушар эди.*

يَكَادُ ٱلْبَرْقُ يَخْطَفُ أَبْصَٰرَهُمْ ۖ كُلَّمَآ أَضَآءَ لَهُم مَّشَوْا۟ فِيهِ وَإِذَآ أَظْلَمَ عَلَيْهِمْ قَامُوا۟ ۚ
وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ لَذَهَبَ بِسَمْعِهِمْ وَأَبْصَٰرِهِمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٠﴾

20. Яқиндурки, яшин (чақмоқ) кўзларини кўр қилгудек бўлади, қачон у 1 жузъ
ёруғ берса, улар (у туфайли) юриб олурлар ва қачон қоронғу бўлса, тўхтаб қолурлар. Агар Худо хоҳласа эди, уларнинг қулоқларини ва кўзларини йўқ қилиб қўяр эди. Аллоҳ таоло, албатта, ҳар (бир) нарсага қодирдир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ ٱعْبُدُوا۟ رَبَّكُمُ ٱلَّذِى خَلَقَكُمْ وَٱلَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿٢١﴾
ٱلَّذِى جَعَلَ لَكُمُ ٱلْأَرْضَ فِرَٰشًا وَٱلسَّمَآءَ بِنَآءً وَأَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَأَخْرَجَ
بِهِۦ مِنَ ٱلثَّمَرَٰتِ رِزْقًا لَّكُمْ ۖ فَلَا تَجْعَلُوا۟ لِلَّهِ أَندَادًا وَأَنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٢٢﴾

21-22. Эй мардум (инсонлар), сизларни ва сизлардан илгари ўтган халқларни йўқликдан бор қилган Парвардигорингизга ибодат қилинглар. Албатта, сизлар шундай ибодат қилганларингизда Аллоҳ таолонинг азобидан қўрққан бўласизлар. У Зоти Парвардигор сизларнинг фойдангиз учун ер юзини сизларга ором оладиган бисот (қароргоҳ) қилди ва осмонни уйларнинг томи каби соябон қилиб, юқоридан фойдали ёмғирлар ёғдирди. Аллоҳ таоло сизларнинг ризқларингиз учун ёмғирдан дарахтлар ундириб, улардан мевалар чиқарди. *Бу ишларга Аллоҳ таолодан бошқа зот қодир эмасдир.* Бас, Аллоҳ таологa бошқаларни шерик қилманглар. Ваҳоланки, ўзларингиз (Унинг қудрати ва санъатини) кўриб, (биру борлигини) билиб турибсизлар.

وَإِن كُنتُمْ فِى رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأْتُوا۟ بِسُورَةٍ مِّن مِّثْلِهِۦ وَٱدْعُوا۟
شُهَدَآءَكُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٢٣﴾

23. Биз Муҳаммад (алайҳиссалом)га нозил қилган Қуръонга шак-шубҳада бўлсаларингиз: *«Бу Қуръон Худонинг каломи эмас, Муҳаммаднинг сўзидир», – десангизлар, сизлар ҳам арабларнинг фасиҳ шоирларидансизлар.* Қуръоннинг бирон сурасига ўхшаш фасиҳ (фасоҳатли) ва балиғ (балоғатли, етук ва нозик маъноли) сура тайёрлаб олиб келинглар. Агар сўзларингизга содиқ бўлсангизлар, Аллоҳ таолодан бошқа маъбудларингизни (гувоҳлик учун) ёрдамга чақиринглар.

فَإِن لَّمْ تَفْعَلُوا۟ وَلَن تَفْعَلُوا۟ فَٱتَّقُوا۟ ٱلنَّارَ ٱلَّتِى وَقُودُهَا ٱلنَّاسُ وَٱلْحِجَارَةُ ۖ أُعِدَّتْ
لِلْكَٰفِرِينَ ﴿٢٤﴾

24. Бас, муқобил қилмоқ қўлларингиздан келмади, минбаъд (бундан кейин) ҳам қўлларингиздан келмайди. Бас, *иймон келтиринглар* ва дўзах ўтидан ҳазар қилинглар (қўрқинглар). Унинг ёқилғиси одамлардан ва ибодат қилган бутларингиздан (иборат)дир. У (дўзах) кофирлар учун тайёр қилиб қўйилгандир.

وَبَشِّرِ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ أَنَّ لَهُمْ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا
ٱلْأَنْهَٰرُ ۖ كُلَّمَا رُزِقُوا۟ مِنْهَا مِن ثَمَرَةٍ رِّزْقًا ۙ قَالُوا۟ هَٰذَا ٱلَّذِى رُزِقْنَا مِن قَبْلُ ۖ وَأُتُوا۟
1 жузъ بِهِۦ مُتَشَٰبِهًا ۖ وَلَهُمْ فِيهَآ أَزْوَٰجٌ مُّطَهَّرَةٌ ۖ وَهُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿٢٥﴾

25. Эй Муҳаммад, Менинг иймонли ва солиҳ бандаларимга хурсандчилик хабарини етказгил. Мен бу мўмин бандаларим учун тагидан анҳорлар жорий бўлган (оқиб ўтадиган) жаннатларни муҳайё қилиб қўйгандирман. Қачонки у боғнинг меваларини еганларида: «Биз мана шу меваларни у дунёда ҳам еган эдик», – дейдилар. Чунки аҳли жаннатга ато қилинган меваларнинг сурати бу дунёнинг мевасига ўхшашдир. Ва жаннат аҳли учун жаннатда ҳам ҳурлар ва ҳам ўзларининг бу дунёдаги солиҳ хотинлари тайёрлаб қўйилгандир. У хотинларнинг ҳаммаси ифлослик (нопоклик)лардан покизадирлар. У бандалар жаннатда ҳамиша (абадий) айшу ишратда бўлурлар.

۞ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَسْتَحْىِۦٓ أَن يَضْرِبَ مَثَلًا مَّا بَعُوضَةً فَمَا فَوْقَهَا ۚ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُوا۟ فَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ ٱلْحَقُّ مِن رَّبِّهِمْ ۖ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ فَيَقُولُونَ مَاذَآ أَرَادَ
ٱللَّهُ بِهَٰذَا مَثَلًا ۘ يُضِلُّ بِهِۦ كَثِيرًا وَيَهْدِى بِهِۦ كَثِيرًا ۚ وَمَا يُضِلُّ بِهِۦٓ إِلَّا
ٱلْفَٰسِقِينَ ﴿٢٦﴾ ٱلَّذِينَ يَنقُضُونَ عَهْدَ ٱللَّهِ مِنۢ بَعْدِ مِيثَٰقِهِۦ وَيَقْطَعُونَ مَآ أَمَرَ ٱللَّهُ
بِهِۦٓ أَن يُوصَلَ وَيُفْسِدُونَ فِى ٱلْأَرْضِ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْخَٰسِرُونَ ﴿٢٧﴾

26-27. Аллоҳ таоло пашшани ва ё ўргимчакни мисол келтиришдан парво қилмайди (тортинмайди). Мўминлар бу мисолни Худо тарафидан ҳақ ва ҳикматли деб биладилар. Аммо кофирлар масхара қилган ҳолда: «Худо бу ҳақир (арзимас) нарсаларни мисол қилиб келтирмоқдан нимани ирода қилади (назарда тутади)? *Худога бундай мисолларни баён қилмоқлик лойиқ эмасдир»,* - деб айтадилар. Баъзилар бу мисолга эътиқод қилмагани учун Аллоҳ таоло уларни гумроҳлардан қилиб қўяди ва баъзилар бу мисолни ҳақ деб эътиқод қилганлари учун (уларнинг) иймонларини зиёда этиб, ҳақ йўлга ҳидоят қилади. Аллоҳ таоло бу мисоллар билан ҳеч кимни гумроҳ қилмайди, магар (фақат) Ҳаққа итоат этмаган фосиқларни, яъни мийсоқ кунида Худога қилган аҳдларини синдирувчиларни (бузувчиларни), Аллоҳ таоло буюрган силаи раҳмни узувчиларни ва ер юзида фасод қилувчиларни гумроҳ қилади. Ана ўша зотлар ўзларига зиён келтирадилар.

كَيْفَ تَكْفُرُونَ بِٱللَّهِ وَكُنتُمْ أَمْوَٰتًا فَأَحْيَٰكُمْ ۖ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يُحْيِيكُمْ ثُمَّ
إِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٢٨﴾

28. Нечук Худога куфр келтирасизлар, ишонмайсизлар?! Ваҳоланки, сизлар йўқ эдингиз, у ҳаёт бериб дунёга келтирди, яна сизларни ўлдириб қабрга юборади, сўнгра яна қабрдан тиргизади. Сўнгра ҳисоб учун Парвардигорнинг ҳузурига жам қилинасизлар.

هُوَ ٱلَّذِى خَلَقَ لَكُم مَّا فِى ٱلْأَرْضِ جَمِيعًا ثُمَّ ٱسْتَوَىٰٓ إِلَى ٱلسَّمَآءِ فَسَوَّىٰهُنَّ 1 жузъ
سَبْعَ سَمَٰوَٰتٍ ۚ وَهُوَ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿٢٩﴾

29. Парвардигор (шундай Зотки), сизларнинг манфаатларингиз учун ерни ва ер юзидаги нарсаларни халқ қилди (яратди). Сўнгра осмонни халқ қилмоққа қасд қилди. Бас, етти табақа осмонни ниҳоятда мукаммал ва бехалал яратди. У Зот ҳар бир нарсанинг ҳикмати ва аҳволини билгувчи донодир.

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَٰٓئِكَةِ إِنِّى جَاعِلٌ فِى ٱلْأَرْضِ خَلِيفَةً ۖ قَالُوٓا۟ أَتَجْعَلُ فِيهَا مَن
يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ ٱلدِّمَآءَ وَنَحْنُ نُسَبِّحُ بِحَمْدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَ ۖ قَالَ إِنِّىٓ أَعْلَمُ مَا
لَا تَعْلَمُونَ ﴿٣٠﴾

30. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), фикр қил, вақтики Парвардигоринг фаришталарга: «Мен ер юзининг интизоми учун, (ўз) Худолигимни ошкора этиш ва ўзимга ноибу халифа қилиш учун навъи инсонни (одам жинсини) халқ қилмоқчиман», – деб айтди. *Фаришталар бу халқ қилмоқдаги асрор ва ҳикматларга илмлари етмагани учун ва бу сирни билиш учун ажабланиб, савол қилдилар (сўрадилар):* «Эй Парвардигоро, ер юзида фасод қилувчиларни ва ноҳақ қон тўкувчиларни халқ қилурсанми? Ваҳоланки, бизлар гуноҳ қилмасдан, Сенга тасбеҳ ва ҳамду сано айтамиз. Сенинг тамом (барча) айблардан поклигингни изҳор қиламиз». *Фаришталар Лавҳул Маҳфуздаги воқеаларни кўриб, бу сўзни айтдилар.* Аллоҳ таоло уларга жавоб бердики: «Бунинг ҳикматини Мен билурман, сизлар билмайсизлар».

وَعَلَّمَ ءَادَمَ ٱلْأَسْمَآءَ كُلَّهَا ثُمَّ عَرَضَهُمْ عَلَى ٱلْمَلَٰٓئِكَةِ فَقَالَ أَنۢبِـُٔونِى بِأَسْمَآءِ
هَٰٓؤُلَآءِ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٣١﴾ قَالُوا۟ سُبْحَٰنَكَ لَا عِلْمَ لَنَآ إِلَّا مَا عَلَّمْتَنَآ ۖ إِنَّكَ
أَنتَ ٱلْعَلِيمُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٣٢﴾

31-32. Аллоҳ таоло (Ҳазрати) Одамга барча ашёлар (нарсалар)нинг исмларини таълим берди. Сўнгра ушбу нарсаларни фаришталарга рўбарў қилди. Бас, Аллоҳ таоло малоикаларга дедики: «Агар сизлар: «Биз инсондан афзалдирмиз», деган даъволарингизда содиқ бўлсангизлар, ушбу нарсаларнинг исмларини айтиб беринглар-чи?». Малоикалар ушбу

саволнинг жавобидан ожиз бўлиб айтдиларки: «Эй Парвардигоро, Сен ҳар қандай нуқсонлардан поксан! Бизларда бу нарсалар тўғрисида ҳеч қандай илм йўқ, магар Сен билдирган бўлсанг (биламиз). Албатта, Сен ҳар бир нарсада доносан ва ҳар бир нарсани халқ қилсанг, унинг ҳикматини Ўзинг биласан».

قَالَ يَـٰٓـَٔادَمُ أَنۢبِئۡهُم بِأَسۡمَآئِهِمۡ فَلَمَّآ أَنۢبَأَهُم بِأَسۡمَآئِهِمۡ قَالَ أَلَمۡ أَقُل لَّكُمۡ إِنِّيٓ أَعۡلَمُ
غَيۡبَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَأَعۡلَمُ مَا تُبۡدُونَ وَمَا كُنتُمۡ تَكۡتُمُونَ ﴿٣٣﴾

1 жузъ

33. Парвардигор *малоикаларнинг ўйлаганлари хатолигини огоҳлантириш учун* айтдики: «Эй Одам, сен малоикаларга ушбу нарсаларнинг исмларидан хабар бергил». Вақтики Одам (алайҳиссалом) малоикаларга тамом (барча) нарсаларнинг исмларини айтиб хабар берди, Парвардигор малоикаларга дедики: «Эй малоикалар, Мен осмондаги махфий нарсаларни ҳам ва ердаги яширин нарсаларни ҳам билурман. Ва ҳам сизларни: *«Ер юзида фасод қилувчи инсонни халқ қилурсанми?» деб* зоҳир қилган сўзларингни ҳам, *«Биз халифа бўлишга авломиз», деб дилларингизда* яширган фикрларингизни ҳам билурман, дея сизларга айтмаганмидим?».

وَإِذۡ قُلۡنَا لِلۡمَلَٰٓئِكَةِ ٱسۡجُدُواْ لِأٓدَمَ فَسَجَدُوٓاْ إِلَّآ إِبۡلِيسَ أَبَىٰ وَٱسۡتَكۡبَرَ وَكَانَ مِنَ
ٱلۡكَٰفِرِينَ ﴿٣٤﴾

34. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), вақтики Биз малоикаларга: «(Ҳазрати) Одамга таъзим учун сажда қилинглар», – деб айтганимизни фикр қил. Бас, ҳамма малоикалар амрни бажо келтириб, сажда қилдилар, фақат Иблис (шайтон) амри илоҳийни бажо келтирмай, кибр қилди. Аллоҳ таологa эътироз қилгани учун кофир бўлди.

وَقُلۡنَا يَـٰٓـَٔادَمُ ٱسۡكُنۡ أَنتَ وَزَوۡجُكَ ٱلۡجَنَّةَ وَكُلَا مِنۡهَا رَغَدًا حَيۡثُ شِئۡتُمَا وَلَا
تَقۡرَبَا هَٰذِهِ ٱلشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٣٥﴾

35. Биз (Ҳазрати) Одамни ҳурмат қилиб амр қилдикки: «Ўзинг ва аёлинг жаннатнинг қайси жойини хоҳласангизлар, сукунат қилинглар (ўша ерни макон тутинглар). Жаннатнинг қайси меваларидан хоҳласангизлар ва қанча есангизлар енглар. Лекин бу дарахтга, *яъни, буғдой дарахтига* яқин борманглар, агар яқин келсангизлар (ундан есангизлар), ўз нафсига зулм қилгувчилардан бўлиб қоласизлар».

فَأَزَلَّهُمَا ٱلشَّيۡطَٰنُ عَنۡهَا فَأَخۡرَجَهُمَا مِمَّا كَانَا فِيهِۖ وَقُلۡنَا ٱهۡبِطُواْ بَعۡضُكُمۡ
لِبَعۡضٍ عَدُوّٞۖ وَلَكُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ مُسۡتَقَرّٞ وَمَتَٰعٌ إِلَىٰ حِينٖ ﴿٣٦﴾

36. Бас, шайтон (Ҳазрати) Одам ва Ҳаввони зиллат ва хато қилмоқликлари учун рағбатлантирди (васваса қилиб гуноҳга ундади), нозу наъим (неъмат)лардан маҳрум бўлишларига сабаб бўлди. Бас, Биз айтдикки: «Ҳам-

маларингиз жаннатдан чиқинглар ва то ҳаётларингиз охирига етгунча бир-бирларингизга душман бўлган ҳолатда ер юзига тушинглар. Ер сизларга қароргоҳдир ва ердан фойдаманд (баҳраманд) бўлурсизлар». *Нақл қилибдурларки, илон билан товус шайтоннинг жаннатга қайтиб киришига ёрдам берган экан. Ҳаммаси жаннатдан чиқарилди. Валлоҳу аълам (Тўғрисини Аллоҳ билгувчидир).*

فَتَلَقَّىٰٓ ءَادَمُ مِن رَّبِّهِۦ كَلِمَٰتٍ فَتَابَ عَلَيْهِ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلتَّوَّابُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٣٧﴾

37. Одам (алайҳиссалом) ушбу хатолари учун кўп йиғлаб, Аллоҳ таолога тавба қилди. Парвардигор марҳамат қилиб, (Ҳазрати) Одамнинг дилига «Раббано заламно анфусано» («Парвардигоро, биз (иккимиз ҳам) ўз нафсимизга зулм қилдик») калималарини илҳом этди. Ушбу калималарни айтиб тавба қилдилар. Парвардигор тавбаларини қабул қилди. Аллоҳ таоло бандаларга меҳрибон, тавбаларни қабул қилгувчи Зотдир. 1 жузъ

قُلْنَا ٱهْبِطُوا۟ مِنْهَا جَمِيعًا ۖ فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُم مِّنِّى هُدًى فَمَن تَبِعَ هُدَاىَ فَلَا خَوْفٌ
عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٣٨﴾

38. Ва яна (Ҳазрати) Одамга, завжасига ва шайтонга амр қилдикки: «Ҳаммаларингиз жаннатдан чиқиб кетинглар. Бас, Менинг тарафимдан сизларга ва зурриётларингизга ҳидоят қилгувчи Расул ва ҳам Китоб келса ва сизларнинг зурриётларингиздан кимки (унга) тобе бўлиб ҳидоят топса, Қиёмат куни уларга хавфу хатар бўлмас ва ғам тортмаслар ва жаннатга дохил бўлурлар.

وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَكَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَآ أُو۟لَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ ۖ هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿٣٩﴾

39. Аммо Худога мункир бўлиб (Аллоҳга иймон келтирмай), унинг оятларини ёлғонга нисбат берган инсонлар дўзах аҳли бўлиб, дўзахда ҳамиша (абадий) азобга мубтало бўлиб қолурлар.

يَٰبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ٱذْكُرُوا۟ نِعْمَتِىَ ٱلَّتِىٓ أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَوْفُوا۟ بِعَهْدِىٓ أُوفِ بِعَهْدِكُمْ
وَإِيَّٰىَ فَٱرْهَبُونِ ﴿٤٠﴾

40. Эй Яъқуб авлодлари, сизларга инъом қилган неъматларимни фикр (тафаккур) қилинглар ва шукрини адо этинглар. Менга қилган аҳдларингизга вафо қилинглар. *Яъни, Тавротда Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтиришни тавсия қилгандирмиз.* Бу амрни бажо келтиринглар. Мен жаннатни сизларга ваъда қилганман. Мен ҳам унга вафо қиламан. Ва аҳдларингизни бузманглар, Мендангина қўрқинглар.

وَءَامِنُوا۟ بِمَآ أَنزَلْتُ مُصَدِّقًا لِّمَا مَعَكُمْ وَلَا تَكُونُوٓا۟ أَوَّلَ كَافِرٍۭ بِهِۦ ۖ وَلَا تَشْتَرُوا۟
بِـَٔايَٰتِى ثَمَنًا قَلِيلًا وَإِيَّٰىَ فَٱتَّقُونِ ﴿٤١﴾

41. Эй яҳудлар, Менинг нозил қилган Китобимга, яъни Қуръонга иймон келтиринглар. Бу Қуръон сизларнинг китобларингизни тасдиқ қилади. Аҳли китоблар (орасида) сизлар аввал (биринчи) бўлиб Қуръонни (инкор қилувчи) кофирлардан бўлманглар. Озгина дунё манфаати учун (дунёвий нарсаларни) Таврот оятларига бадал қилманглар (алиштирманглар). (Бас), Мендан қўрқинглар.

وَلَا تَلْبِسُوا۟ ٱلْحَقَّ بِٱلْبَٰطِلِ وَتَكْتُمُوا۟ ٱلْحَقَّ وَأَنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٤٢﴾ وَأَقِيمُوا۟
ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُوا۟ ٱلزَّكَوٰةَ وَٱرْكَعُوا۟ مَعَ ٱلرَّٰكِعِينَ ﴿٤٣﴾

1 жузъ

42-43. Дунё манфаати учун ҳақ сўзни ботилга аралаштирманглар. Ҳақ сўзни яширманглар, *яъни, Муҳаммад алайҳиссаломнинг сифатларини халқдан пинҳон қилманглар*. Ваҳоланки, Унинг ҳақлигини билурсизлар. Ва мусулмонлар жамоати билан намозни барпо қилинглар ва закотни адо этинглар ва руку қилувчи аҳли Ислом билан намозда руку қилинглар.

۞ أَتَأْمُرُونَ ٱلنَّاسَ بِٱلْبِرِّ وَتَنسَوْنَ أَنفُسَكُمْ وَأَنتُمْ تَتْلُونَ ٱلْكِتَٰبَ ۚ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٤٤﴾

44. Эй яҳудлар, халқни яхши ишларга далолат қилиб, ўз нафсларингизни фаромуш қилиб қўясизларми? *Ўзингизга яхшилик қилмайсизлар.* Тавротни тиловат қиласизлар *ва аҳкомларига амал қилмайсизлар.* Нима учун ақлларингизни ишлатмайсизлар?!

وَٱسْتَعِينُوا۟ بِٱلصَّبْرِ وَٱلصَّلَوٰةِ ۚ وَإِنَّهَا لَكَبِيرَةٌ إِلَّا عَلَى ٱلْخَٰشِعِينَ ﴿٤٥﴾ ٱلَّذِينَ يَظُنُّونَ
أَنَّهُم مُّلَٰقُوا۟ رَبِّهِمْ وَأَنَّهُمْ إِلَيْهِ رَٰجِعُونَ ﴿٤٦﴾

45-46. Ҳар бир ишларингизнинг кулфати (зиёни) ва оғирлигидан нажот топиш учун сабр қилган ва намоз ўқиган ҳолда Парвардигорга илтижо этиб ёрдам сўранглар. Албатта, намоз ўқиш оғир ва машаққатлидир, магар муттақийларга осондир. Чунки у зотлар Аллоҳ таолодан қўрқадилар ва «Қиёмат куни Парвардигорга мулоқий (рўбарў) бўлурмиз, охир (оқибат) Худонинг ҳузурига қайтурмиз», — деб яқийн қиладилар (қатъий ишонадилар).

يَٰبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ٱذْكُرُوا۟ نِعْمَتِىَ ٱلَّتِىٓ أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَنِّى فَضَّلْتُكُمْ عَلَى ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٤٧﴾

47. Эй Яъқуб авлодлари, сизларга инъом қилган неъматларимни ёдланг (эсланглар) ва шукрини бажо келтиринглар. Ва фикр қилингларки, сизларнинг мартабаларингни ўз замонингиз аҳлидан баланд қилдим.

وَٱتَّقُوا۟ يَوْمًا لَّا تَجْزِى نَفْسٌ عَن نَّفْسٍ شَيْـًٔا وَلَا يُقْبَلُ مِنْهَا شَفَٰعَةٌ وَلَا يُؤْخَذُ
مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ ﴿٤٨﴾

48. Шундай кундан қўрқингларки, Парвардигорнинг изн-амрисиз у кунда бирор шахс (киши) ёрдам тариқасида бировнинг ҳуқуқини адо этолмайди. Парвардигорнинг амрисиз ёрдам ҳам беролмайди. Илоҳий изнсиз

бирон нафс тарафидан (бошқа шахснинг манфаати учун) супориш (буйруқ, топшириқ) қабул қилинмайди. Азобнинг дафига ҳеч кимдан фидя (тўлов) олинмайди ва ҳам уларга бирон тарафдан ёрдам берилмайди.

وَإِذْ نَجَّيْنَٰكُم مِّنْ ءَالِ فِرْعَوْنَ يَسُومُونَكُمْ سُوٓءَ ٱلْعَذَابِ يُذَبِّحُونَ أَبْنَآءَكُمْ
وَيَسْتَحْيُونَ نِسَآءَكُمْ ۚ وَفِى ذَٰلِكُم بَلَآءٌ مِّن رَّبِّكُمْ عَظِيمٌ ﴿٤٩﴾

49. Эй яҳудлар, ота-боболарингизга Фиръавннинг аҳлидан нажот берган кунимизни ёд қилинглар (эсланглар)! Фиръавн сизларга қаттиқ азоблар берган, ўғил болаларингизни сўйдириб, қизларингизни меҳнат ва кулфатда сақлар эди. Сизлар ёмон феълларингиз учун Аллоҳ тарафидан 1 жузъ
бу балои азимга мубтало қилинган эдингизлар.

وَإِذْ فَرَقْنَا بِكُمُ ٱلْبَحْرَ فَأَنجَيْنَٰكُمْ وَأَغْرَقْنَآ ءَالَ فِرْعَوْنَ وَأَنتُمْ تَنظُرُونَ ﴿٥٠﴾

50. Эй яҳудлар, Менинг сизларга қилган марҳаматларимни ёд қилинглар. Сизлар учун дарё (денгиз) сувини иккига бўлиб йўл очиб бердик. Бас, сизларга Фиръавннинг лашкаридан нажот бердик ва Фиръавннинг лашкарини дарё (денгиз)га ғарқ қилдик. Бу аҳволни кўриб турган эдингизлар.

وَإِذْ وَٰعَدْنَا مُوسَىٰٓ أَرْبَعِينَ لَيْلَةً ثُمَّ ٱتَّخَذْتُمُ ٱلْعِجْلَ مِنۢ بَعْدِهِۦ وَأَنتُمْ
ظَٰلِمُونَ ﴿٥١﴾

51. Эй яҳудлар, Мусо (алайҳиссалом)га Таврот китобини ато этишни ваъда қилганимизни ёд этинг (эсланг)! Мусо (алайҳиссалом)нинг қирқ кундан сўнг Тур тоғига келиб Тавротни олмоғини ваъда қилдик. Бас, Мусо кетгандан сўнг *заргар Сомирий тайёрлаган* бузоқнинг суратига (ҳайкалига) худо (илоҳ) деб сиғиндингизлар. Ваҳоланки, сизлар ўз нафсларингизга зулм қилувчидирсизлар.

ثُمَّ عَفَوْنَا عَنكُم مِّنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٥٢﴾ وَإِذْ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ
وَٱلْفُرْقَانَ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿٥٣﴾

52-53. Сўнгра сизлардан тавба қилганларнинг ушбу гуноҳларини кечирдик. Шоядки, бу афв қилганимизга шукр қилгайлар. Эй яҳудлар, шоядки ҳидоят топгайсизлар, деб (Ҳазрати) Мусога Таврот китобини, ҳақ ва ботилни ажратгувчи мўъжизаларни берган вақтимизни ёд қилинглар (эсланглар).

وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِۦ يَٰقَوْمِ إِنَّكُمْ ظَلَمْتُمْ أَنفُسَكُم بِٱتِّخَاذِكُمُ ٱلْعِجْلَ
فَتُوبُوٓا۟ إِلَىٰ بَارِئِكُمْ فَٱقْتُلُوٓا۟ أَنفُسَكُمْ ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ عِندَ بَارِئِكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ ۚ
إِنَّهُۥ هُوَ ٱلتَّوَّابُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٥٤﴾

54. Эй яҳудлар, Мусонинг ўз қавмига айтган гапларини эсланглар: «Эй қавмим, албатта, сизлар бузоқни худо деб ибодат қилиб, ўзларингга

зулм қилдингизлар. Бас, бу гуноҳи азимдан яратгувчи Парвардигорга тавба қилинглар. *Шу билан тавбангиз қабул бўлади.* Шу тариқа тавба қилмоқларингиз Худонинг наздида яхшидир». Бас, яҳудлар илоҳий амрни бажо келтирдилар. Худойи таоло тавбаларини қабул қилди. Аллоҳ таоло бандаларининг тавбаларини қабул қилгувчи, меҳрибондир.

وَإِذْ قُلْتُمْ يَٰمُوسَىٰ لَن نُّؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ نَرَى ٱللَّهَ جَهْرَةً فَأَخَذَتْكُمُ ٱلصَّٰعِقَةُ
وَأَنتُمْ تَنظُرُونَ ﴿٥٥﴾ ثُمَّ بَعَثْنَٰكُم مِّنۢ بَعْدِ مَوْتِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٥٦﴾

1 жузъ 55-56. Эй яҳудлар, (Ҳазрати) Мусога: «То Худони очиқ, рўбарў (юзма-юз) кўрмагунимизча Сенга ҳаргиз иймон келтирмаймиз», – деб айтганларингизни эсланглар. *Яъни, Бани Исроил бузоққа сиғингани боис, Бани Исроилнинг ашрофларидан етмиш киши Худога узрхоҳлик (тавба) қилмоқ учун Ҳазрат Мусо билан Тур тоғига борган эдилар.* Худонинг каломини эшитгандан сўнг: «То Худонинг ўзини кўрмасак, иймон келтирмаймиз», – деб айтдилар. Бас, сизларни осмондан соиқа (чақмоқ) келиб ҳалок қилди. Ваҳоланки, сизлар (у яшинни) кўриб турган эдингизлар. Сўнг (Ҳазрати) Мусонинг дуолари билан яна сизларга ҳаёт бердик. Шоядки бу марҳамати илоҳийга шукр қилгайсизлар.

وَظَلَّلْنَا عَلَيْكُمُ ٱلْغَمَامَ وَأَنزَلْنَا عَلَيْكُمُ ٱلْمَنَّ وَٱلسَّلْوَىٰ كُلُوا۟ مِن طَيِّبَٰتِ مَا
رَزَقْنَٰكُمْ وَمَا ظَلَمُونَا وَلَٰكِن كَانُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٥٧﴾

57. *Вақтики Ҳақ таоло тарафидан яҳудлар жабборин (золимлар) қавми билан жиҳод қилмоққа маъмур бўлдилар, улар саркашлик қилиб, итоат этмадилар. Худойи таоло уларни қирқ йил ободончиликдан маҳрум қилиб, Дашти Тиҳда сарсон бўлиб юрмоқликлари билан жазолади. Даштда офтоб ҳароратидан қаттиқ азобга қолдилар. Ҳазрат Мусонинг дуолари баракотидан бир парча булут бошларига соя солар эди. Шунинг учун Ҳақ таоло дедики:* «Эй Бани Исроил, Биз бошларингизга булутни юбориб, соя қилдирдик. Сизларга таом учун осмондан шакар (ширинликлар) ёғдирдик ва ҳам паррандалардан бедананинг кабобини юбордик. Сизларга амр қилдикки: «Худонинг покиза ризқларини ҳар қанча хоҳласангиз енглар. *Аммо захира қилиб, «Эртага мабодо келмай қолса, ермиз», деб Худога бадгумон бўлманглар. Худо ризқларингизни тўхтатмайди. Лекин, исён қилиб, амримизни бажо келтирмадингизлар, захира ва омбор қилиб олдингизлар, Бизга ишонмадингизлар.* Бу билан Бизга зарар (зулм) етказмадингизлар, балки ўзларингизга зулм қилдингизлар».

وَإِذْ قُلْنَا ٱدْخُلُوا۟ هَٰذِهِ ٱلْقَرْيَةَ فَكُلُوا۟ مِنْهَا حَيْثُ شِئْتُمْ رَغَدًا وَٱدْخُلُوا۟ ٱلْبَابَ
سُجَّدًا وَقُولُوا۟ حِطَّةٌ نَّغْفِرْ لَكُمْ خَطَٰيَٰكُمْ ۚ وَسَنَزِيدُ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٥٨﴾

58. *Эй яҳудлар, вақтики ота-бобонгиз Дашти Тиҳ азобидан қутулгач,* уларга: «Байтул Мақдис қарясига (қишлоғига) киринглар. Дарвозадан кирган ҳолларингизда тавозе билан бошларингизни эгиб: «Худоё, гу-

ноҳларимизни маҳв қилгил, кечиргил», – денглар, шундай қилганларингизда гуноҳларингизни кечирамиз. Яна амримизни яхши бажо келтирганларга зиёда савоб берамиз», – деганимизни фикр қилинглар.

فَبَدَّلَ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ قَوْلًا غَيْرَ ٱلَّذِى قِيلَ لَهُمْ فَأَنزَلْنَا عَلَى ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟
رِجْزًا مِّنَ ٱلسَّمَآءِ بِمَا كَانُوا۟ يَفْسُقُونَ ﴿٥٩﴾

59. Бас, ўзларига зулм қилган ота-боболарингиз истеҳзо тариқасида: «Гуноҳларимизни маҳв қилгил, эй Парвардигор», – дейиш ўрнига: «Бизларга емак учун буғдой керак», – дедилар. Бас, Биз уларнинг беодоблиги 1 жузъ
(исёни) учун золимлар тепасига осмондан азоб, уқубат туширдик. *Яъни, осмондан ўт келиб, фосиқларни куйдирди.*

۞ وَإِذِ ٱسْتَسْقَىٰ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِۦ فَقُلْنَا ٱضْرِب بِّعَصَاكَ ٱلْحَجَرَ ۖ فَٱنفَجَرَتْ
مِنْهُ ٱثْنَتَا عَشْرَةَ عَيْنًا ۖ قَدْ عَلِمَ كُلُّ أُنَاسٍ مَّشْرَبَهُمْ ۖ كُلُوا۟ وَٱشْرَبُوا۟ مِن رِّزْقِ
ٱللَّهِ وَلَا تَعْثَوْا۟ فِى ٱلْأَرْضِ مُفْسِدِينَ ﴿٦٠﴾

60. Фикр қилинглар, эй яҳудлар, вақтики Мусо (алайҳиссалом) қавми Дашти Тиҳда ташна бўлганда (чанқаганда) Худодан сув талаб қилди (тилади). Бас, Биз (Ҳазрат) Мусога: «Асойингни тошга ургил», – деб айтдик. Мусо (алайҳиссалом) Худонинг буйруғини бажо келтириб, асойини тошга урди. Бас, тошда ўн икки қабила учун ўн иккита чашма пайдо бўлди. Ҳар қабила ўзининг сув оладиган жойини маълум қилди (белгилаб олди). Биз уларга: «Худо берган тайёр ризқни енглар. Худо берган сувлардан ичинглар ва шукрини бажо келтиринглар. Ер юзига фасод тарқатманглар», – дедик.

وَإِذْ قُلْتُمْ يَٰمُوسَىٰ لَن نَّصْبِرَ عَلَىٰ طَعَامٍ وَٰحِدٍ فَٱدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُخْرِجْ لَنَا مِمَّا
تُنۢبِتُ ٱلْأَرْضُ مِنۢ بَقْلِهَا وَقِثَّآئِهَا وَفُومِهَا وَعَدَسِهَا وَبَصَلِهَا ۖ قَالَ أَتَسْتَبْدِلُونَ
ٱلَّذِى هُوَ أَدْنَىٰ بِٱلَّذِى هُوَ خَيْرٌ ۚ ٱهْبِطُوا۟ مِصْرًا فَإِنَّ لَكُم مَّا سَأَلْتُمْ ۗ
وَضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ ٱلذِّلَّةُ وَٱلْمَسْكَنَةُ وَبَآءُو بِغَضَبٍ مِّنَ ٱللَّهِ ۗ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ
كَانُوا۟ يَكْفُرُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَيَقْتُلُونَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ بِغَيْرِ ٱلْحَقِّ ۗ ذَٰلِكَ بِمَا عَصَوا۟
وَّكَانُوا۟ يَعْتَدُونَ ﴿٦١﴾

61. Эй яҳудлар, (Ҳазрати) Мусога: «Эй Мусо, биз бир хил таомга ҳаргиз сабр (қаноат) қила олмасмиз. Бас, биз учун Худодан сўрагилки, У бизга ер ундирадиган нарсалардан: кўк ўт (сабзавотлар), тарра, саримсоқ, *буғдой*, мош ва пиёзидан тайёрлаб берсин (ундириб берсин)», – деганингизни ёд қилинглар (эсланглар). (Ҳазрати) Мусо айтди: «Эй яҳудлар! Сизлар яхши нарсанинг ўрнига ёмон нарсани бадал қилиб олишни истайсизларми? Худонинг сизларга берган меҳнатсиз ризқи яхши эди-ку? Вақтики бунга рози бўлмайсизлар, Шом мулкининг

шаҳарларидан бирига боринглар, сизлар савол (талаб) қилган нарсалар у жойда муҳайёдир». Худонинг неъматига куфрон қилганликлари учун Худойи таоло уларнинг тепасига хорлик келтирди ва уларга бечоралик (мискинлик)ни лозим қилди. Худонинг ғазабига мубтало бўлдилар. (Яҳудлар) Парвардигор оятларини инкор қилганлари, набийлар (пайғамбарлар)ни биғайри ҳақ (ноҳақ) қатл этганлари, Худонинг ҳукмига исён қилганлари ва ҳадларидан тажовуз қилганлари (ошганлари) учун Худо уларни бу кулфатларга гирифтор этди.

1 إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَٱلَّذِينَ هَادُواْ وَٱلنَّصَٰرَىٰ وَٱلصَّٰبِـِٔينَ مَنْ ءَامَنَ بِٱللَّهِ
кузъ وَٱلْيَوْمِ ٱلْأَخِرِ وَعَمِلَ صَٰلِحًا فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ عِندَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا
هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٦٢﴾

62. Албатта, иймон келтирган одамлардан, яҳудлардан, насоролардан ва бошқа динсизлардан (олдинги дину эътиқодидан қатъи назар) агар ҳар кимки (якка-ёлғиз) Худога, Қиёмат кунига иймон келтириб, яхши амалларни қилса, бас, улар учун Аллоҳ таоло наздида улуғ савоблар бор. Қиёмат куни уларга дўзах азобидан ҳеч хавф йўқдир, уларга ғам ҳам йўқ (яъни, улар ғамгин ҳам бўлмайдилар).

وَإِذْ أَخَذْنَا مِيثَٰقَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوْقَكُمُ ٱلطُّورَ خُذُواْ مَآ ءَاتَيْنَٰكُم بِقُوَّةٍ وَٱذْكُرُواْ مَا
فِيهِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿٦٣﴾

63. Эй яҳудлар, ёд қилинглар (эсланг), сизлардан (Ҳазрати) Мусога мутобаат (итоат) қиласизлар, деб аҳд-паймон олдик. *Сизлар аҳд-паймондан сўнг саркашлик қилдингизлар ва: «Бизга Таврот аҳкоми кўп оғирлик қилади. Биз бунга амал қила олмаймиз», – дедингизлар.* Бас, Жаброил (алайҳиссалом)га буйруқ бердик, Тур тоғини тепаларингизга олиб келди. Сизларга Ҳақ таоло айтди: «Мен берган Китобни қабул қилиб олинглар. Аҳкомига тоқатларингиз етгунча амал қилинглар. Агар қабул қилмасангизлар, буюраман, Тур тоғини тепаларингдан (устингиздан) ташлайди. Ҳаммаларингиз ҳалок бўласизлар. Сизларга яхшиси шуки, Тавротдаги ҳукмларга амал қилинглар. Шоядки ўшанда парҳезкорлардан бўлурсизлар».

ثُمَّ تَوَلَّيْتُم مِّنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ فَلَوْلَا فَضْلُ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُۥ لَكُنتُم مِّنَ
ٱلْخَٰسِرِينَ ﴿٦٤﴾

64. Шу аҳд-паймондан кейин сизлар Менинг фармонимдан юз ўгирдингизлар. Агар сизларга Худонинг фазл-инояти ва раҳмати бўлмаса эди, сизлар зиёнкорлар жумласидан (бўлиб қолар) эдингизлар.

وَلَقَدْ عَلِمْتُمُ ٱلَّذِينَ ٱعْتَدَوْاْ مِنكُمْ فِى ٱلسَّبْتِ فَقُلْنَا لَهُمْ كُونُواْ قِرَدَةً خَٰسِـِٔينَ ﴿٦٥﴾
فَجَعَلْنَٰهَا نَكَٰلًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهَا وَمَا خَلْفَهَا وَمَوْعِظَةً لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٦٦﴾

65-66. Албатта, сизлар ўзларингизнинг қавмларингиздан бўлган ва шанба куни ҳадларидан тажовуз қилган қавмни яхши билар эдингизлар. *У тажовузкор қавмга шанба куни балиқ овлашни манъ қилган эдик. Уларга шу куни дунё ишига машғул бўлишни ҳаром қилган эдик. Улар бизнинг амримизни бажо келтирмадилар. Макр ва ҳийла билан шанба куни балиқ овладилар.* Бас, ўша ҳийла қилувчиларга: «Ҳаммаларингиз хор бўлган ҳолда маймунга айланинглар», – деб айтдик. Бас, Биз бу уқубатни сизлардан олдинги ва сиздан кейин келувчи кишилар учун ибратта, парҳезкор инсонлар учун мавъиза (панд-насиҳат)га айлантирдик.

وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِۦٓ إِنَّ ٱللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَن تَذْبَحُوا۟ بَقَرَةً ۖ قَالُوٓا۟ أَتَتَّخِذُنَا هُزُوًا ۖ 1 жузъ
قَالَ أَعُوذُ بِٱللَّهِ أَنْ أَكُونَ مِنَ ٱلْجَٰهِلِينَ ﴿٦٧﴾ قَالُوا۟ ٱدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّن لَّنَا مَا هِىَ ۚ
قَالَ إِنَّهُۥ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَّا فَارِضٌ وَلَا بِكْرٌ عَوَانٌۢ بَيْنَ ذَٰلِكَ ۖ فَٱفْعَلُوا۟ مَا
تُؤْمَرُونَ ﴿٦٨﴾

67-68. Ва (Ҳазрати) Мусонинг ўз қавмига айтган сўзларини ёд қилинглар (эсланглар): *Ўша даврда шундай бир воқеа содир бўлган эди. Авлоди йўқ бир бойнинг меросини оламан деб, бир жияни уни кечаси ўлдириб, маҳалла кўчасига ташлаган эди. Кундузи маҳалла аҳлига даъво қилдики: «Амакимни сизлар ўлдирдингизлар». Маҳалла аҳли Ҳазрати Мусога келиб айтди: «Сиз Худодан сўранг. Бу бойнинг қотили ким?» Ҳазрати Мусо Худога арз қилди. Парвардигордан ваҳий келди.* Бас, (Ҳазрати) Мусо қавмига айтди: «Худо сизларга бир молни топиб сўйишни амр қилади». Яҳудлар Мусога: «Сен бизларни масхара қиласанми?», – деб айтдилар. (Ҳазрати) Мусо айтди: «Масхарабоз жоҳиллардан бўлишдан Худодан паноҳ тилайман». Яҳудлар айтдилар: «Ундай бўлса, Худодан сўрагил, у мол қандай сифатда?» (Ҳазрати) Мусо айтди: «Худо айтадики, у мол қари ҳам эмас ва ёш бузоқ ҳам эмас, балки ўрта ёшда. Сизлар нимагаки маъмур (амр этилган) бўлсангизлар, уни бажо этинглар (бажаринглар)».

قَالُوا۟ ٱدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّن لَّنَا مَا لَوْنُهَا ۚ قَالَ إِنَّهُۥ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ صَفْرَآءُ فَاقِعٌ
لَّوْنُهَا تَسُرُّ ٱلنَّٰظِرِينَ ﴿٦٩﴾

69. Яна (Ҳазрати) Мусога айтдилар: «Парвардигорингдан сўра, бизларга у молнинг ранги қандайлигини баён қилиб берсин». (Ҳазрати) Мусо деди: «Худо айтадики, у молнинг ранги тўқ сариқдирки, ҳусни кўрувчиларни хуш қилур».

قَالُوا۟ ٱدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّن لَّنَا مَا هِىَ إِنَّ ٱلْبَقَرَ تَشَٰبَهَ عَلَيْنَا وَإِنَّآ إِن شَآءَ ٱللَّهُ
لَمُهْتَدُونَ ﴿٧٠﴾

70. Яна (Ҳазрати) Мусога айтдилар: «Парвардигорингдан сўрагил. У молнинг сифати қандай эканини бизга баён қилиб берсин. Ишлай-

дими ё саҳроларда ўтлаб юрадими? Моллар бир-бирига ўхшайди, бизларни иштибоҳга солди. Биз, Худо хоҳласа, охир уни топамиз». *Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилган эканлар: «Яҳудлар «иншоаллоҳ» демаганларида, то Қиёматгача бу хилдаги молни топмаган бўлар эдилар».*

قَالَ إِنَّهُۥ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَّا ذَلُولٌ تُثِيرُ ٱلْأَرْضَ وَلَا تَسْقِى ٱلْحَرْثَ مُسَلَّمَةٌ لَّا شِيَةَ
فِيهَا ۚ قَالُوا۟ ٱلْـَٔـٰنَ جِئْتَ بِٱلْحَقِّ ۚ فَذَبَحُوهَا وَمَا كَادُوا۟ يَفْعَلُونَ ﴿٧١﴾

1 узъ 71. (Ҳазрати) Мусо айтди: «Худо айтадики, бу мол меҳнат қилиб, ер ҳайдаб юрган ҳам эмас ва сув чиқариб (сув ташиб) экинларни сероб қилган (суғорган) ҳам эмас. Бундай ишлардан саломатдир, рангида ҳеч доғи йўқ». Бас, яҳудлар айтдилар: «Мусо, ҳозир Сен бизга тамом ҳақиқатни маълум қилдинг». Бас, яҳудлар (кўп изланиб) у молни топиб сўйдилар. Шу феълни (ишни) қилмасликка қариб (яқин) бўлиб қолган эдилар.

وَإِذْ قَتَلْتُمْ نَفْسًا فَٱدَّٰرَٰٔتُمْ فِيهَا ۖ وَٱللَّهُ مُخْرِجٌ مَّا كُنتُمْ تَكْتُمُونَ ﴿٧٢﴾

72. Бир нафсни (жонни) ҳақсиз (ноҳақ) ўлдирганингиз воқеасини ёд қилинглар (эсланглар). Бас, ўша ўлдирилган нафснинг «қотили ким?» деб ихтилоф қилдингизлар. Аллоҳ таоло сизларнинг яширган нарсаларингизни изҳор қилгувчидир.

فَقُلْنَا ٱضْرِبُوهُ بِبَعْضِهَا ۚ كَذَٰلِكَ يُحْىِ ٱللَّهُ ٱلْمَوْتَىٰ وَيُرِيكُمْ ءَايَـٰتِهِۦ لَعَلَّكُمْ
تَعْقِلُونَ ﴿٧٣﴾

73. Бас, Биз яҳудларга айтдик. «Молнинг баъзи аъзолари билан мурдани уринглар». Бас, баъзи аъзоси билан урдилар, ўлик тирилди. *Ўзининг қотилини кўрсатиб берди. Ҳақ Таолонинг шундай қудратлари борки, ўликларни шу тариқа тирилтиради.* Сизларга оятлари (аломатлари)ни шу хилда кўрсатади. Шоядки сизлар бу оятларни фикр қилиб, панд олурсизлар.

ثُمَّ قَسَتْ قُلُوبُكُم مِّنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ فَهِىَ كَٱلْحِجَارَةِ أَوْ أَشَدُّ قَسْوَةً ۚ وَإِنَّ مِنَ
ٱلْحِجَارَةِ لَمَا يَتَفَجَّرُ مِنْهُ ٱلْأَنْهَـٰرُ ۚ وَإِنَّ مِنْهَا لَمَا يَشَّقَّقُ فَيَخْرُجُ مِنْهُ ٱلْمَآءُ ۚ وَإِنَّ
مِنْهَا لَمَا يَهْبِطُ مِنْ خَشْيَةِ ٱللَّهِ ۗ وَمَا ٱللَّهُ بِغَـٰفِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٧٤﴾

74. Шу оятларни кўргандан кейин ҳам дилларингизга таъсир қилмади. Дилларингиз мисли тошдек қаттиқ, балки ундан ҳам қаттиқроқдир. Чунки баъзи тошлар орасидан чашмалар чиқиб, анҳорлар жорий бўлади. Тошлардан баъзилари ёрилиб, орасидан сувлар чиқади ва баъзи тошлар Парвардигордан қўрққанидан пораланиб (парчаланиб) кетади. Аммо сизларнинг дилларингиз ҳаргиз мутаассир бўлмади (таъсирланмади). Шуни билингларки, Аллоҳ таоло сизларнинг амалларингиздан ғофил эмасдир.

۞ أَفَتَطْمَعُونَ أَن يُؤْمِنُوا۟ لَكُمْ وَقَدْ كَانَ فَرِيقٌ مِّنْهُمْ يَسْمَعُونَ كَلَـٰمَ ٱللَّهِ ثُمَّ

يُحَرِّفُونَهُۥ مِنۢ بَعۡدِ مَا عَقَلُوهُ وَهُمۡ يَعۡلَمُونَ ﴿٧٥﴾

75. Эй мўминлар, бу яҳудийларнинг иймон келтирмоғини умид қиласизларми? Ваҳоланки, улардан баъзи фирқалари Тур тоғида Каломуллоҳни эшитдилар, ўзлари билгандан сўнг ўз қавмларига келиб, Каломи илоҳийни ўзгартириб кўрсатдилар, ваҳоланки, улар ёлғон тўқиганларини ўзлари биладилар.

وَإِذَا لَقُوا۟ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ قَالُوٓا۟ ءَامَنَّا وَإِذَا خَلَا بَعۡضُهُمۡ إِلَىٰ بَعۡضٖ قَالُوٓا۟ 1 жузъ
أَتُحَدِّثُونَهُم بِمَا فَتَحَ ٱللَّهُ عَلَيۡكُمۡ لِيُحَآجُّوكُم بِهِۦ عِندَ رَبِّكُمۡۚ أَفَلَا تَعۡقِلُونَ ﴿٧٦﴾

76. Вақтики баъзи яҳудлар мўминлар билан мулоқий (рўбарў) бўлсалар, айтадиларки: «Бизлар ҳам сизларга ўхшаган иймон келтиргандирмиз». Вақтики хилватда баъзилари бошқалари билан қўшилсалар, катталари кичикларига айтадиларки: «Муҳаммад (алайҳиссалом) асҳобига Худо тарафидан сизларга маълум қилинган асрорларни айтиб берасизларми?» *Яъни, Тавротда ёзилган Муҳаммаднинг наътини (сифати, хабарини) Муҳаммаднинг асҳобларига хабар берасизларми?! Ҳаргиз айтманглар.* Шунинг учунки, Қиёмат куни Худонинг олдида Муҳаммад (алайҳиссалом) асҳоблари ҳужжат қиладилар. У вақтда Худонинг олдида расво бўласизлар. Бу аҳволни билмайсизларми?

أَوَلَا يَعۡلَمُونَ أَنَّ ٱللَّهَ يَعۡلَمُ مَا يُسِرُّونَ وَمَا يُعۡلِنُونَ ﴿٧٧﴾

77. Оё, билмайдилармики, Аллоҳ таоло уларнинг ичларидаги яширган сирларини ҳам билади. Оғзилари билан зоҳир қилган ошкора нарсаларини ҳам билади.

وَمِنۡهُمۡ أُمِّيُّونَ لَا يَعۡلَمُونَ ٱلۡكِتَٰبَ إِلَّآ أَمَانِيَّ وَإِنۡ هُمۡ إِلَّا يَظُنُّونَ ﴿٧٨﴾

78. Баъзи яҳудлардан шундай жамоалар ҳам борки, ўқиш ва ёзишни билмайдилар. Тавротни ҳам билмайдилар, магар орзуларига (беҳуда хомхаёлларига) мувофиқ бадал қилинган (ўзгартирилган) ҳукмларга эътиқод қиладилар. Улардан ҳеч бирининг Таврот ҳукмига яқийн (ишонч)лари йўқдир, магар гумон қиладилар, холос.

فَوَيۡلٞ لِّلَّذِينَ يَكۡتُبُونَ ٱلۡكِتَٰبَ بِأَيۡدِيهِمۡ ثُمَّ يَقُولُونَ هَٰذَا مِنۡ عِندِ ٱللَّهِ لِيَشۡتَرُوا۟
بِهِۦ ثَمَنٗا قَلِيلٗاۖ فَوَيۡلٞ لَّهُم مِّمَّا كَتَبَتۡ أَيۡدِيهِمۡ وَوَيۡلٞ لَّهُم مِّمَّا يَكۡسِبُونَ ﴿٧٩﴾

79. Вой ўша одамларнинг ҳолларигаки, қўллари билан Тавротнинг ҳукмларини ўзгартириб ёзадилар. Сўнг айтадиларки: «Шу ўзгартирилган ҳукм Худо тарафидан нозил бўлгандир. Улар бадалига озгина дунёвий ҳожатларини батариқи ришват (пора олиш йўли билан) ҳосил қилиш учун ҳукмни ўзгартирар эдилар. Вой уларга, қўллари билан ёзган ёлғонлари учун. Яна вой уларнинг ёлғон бадалига (эвазига) олган пуллари учун!

وَقَالُواْ لَن تَمَسَّنَا ٱلنَّارُ إِلَّآ أَيَّامٗا مَّعۡدُودَةٗۚ قُلۡ أَتَّخَذۡتُمۡ عِندَ ٱللَّهِ عَهۡدٗا فَلَن يُخۡلِفَ
ٱللَّهُ عَهۡدَهُۥٓۖ أَمۡ تَقُولُونَ عَلَى ٱللَّهِ مَا لَا تَعۡلَمُونَ ٨٠

80. Яҳудлар айтадилар: «Бизга ҳаргиз дўзах ўти етмайди, магар озгина кун, *яъни бузоққа ибодат қилган қирқ кунимиз миқдорида (дўзах олови етади)*. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга жавоб бергил: «Сизлар бу тўғрида Худодан аҳд-паймон олгансизларми? Агар Худо ваъда қилган бўлса, ҳаргиз ваъдасига хилоф қилмас. Ёки Худога билмаган нарсаларин-
1 узъ гизни туҳмат қилаётирсизларми?

بَلَىٰ مَن كَسَبَ سَيِّئَةٗ وَأَحَٰطَتۡ بِهِۦ خَطِيٓـَٔتُهُۥ فَأُوْلَٰٓئِكَ أَصۡحَٰبُ ٱلنَّارِۖ
هُمۡ فِيهَا خَٰلِدُونَ ٨١

81. (Йўқ!) Ҳаргиз сизлар ўйлагандек бўлмайди. Балки ҳар кимки ёмонлик қилиб, уни гуноҳлари ўраб олган ҳолда куфр билан ўлар экан, бас, ана ўшалар дўзах аҳлидирлар. Дўзахда ҳамиша (абадий) қолурлар.

وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ أُوْلَٰٓئِكَ أَصۡحَٰبُ ٱلۡجَنَّةِۖ هُمۡ فِيهَا
خَٰلِدُونَ ٨٢

82. Ва у зотларки, Аллоҳ таолога иймон келтириб ва яхши амаллар қилганлар, ана ўша зотлар жаннатийдирлар. Улар унда (жаннатда) абадий турадилар (қоладилар).

وَإِذۡ أَخَذۡنَا مِيثَٰقَ بَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ لَا تَعۡبُدُونَ إِلَّا ٱللَّهَ وَبِٱلۡوَٰلِدَيۡنِ إِحۡسَانٗا وَذِي
ٱلۡقُرۡبَىٰ وَٱلۡيَتَٰمَىٰ وَٱلۡمَسَٰكِينِ وَقُولُواْ لِلنَّاسِ حُسۡنٗا وَأَقِيمُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُواْ
ٱلزَّكَوٰةَ ثُمَّ تَوَلَّيۡتُمۡ إِلَّا قَلِيلٗا مِّنكُمۡ وَأَنتُم مُّعۡرِضُونَ ٨٣

83. Фикр қилинглар, вақтики Биз Тавротда Бани Исроилдан аҳд-паймон олдик, шу мазмундаки, «Худодан бошқага ибодат қилмайсизлар, ота-оналарингизга яхшилик қиласизлар, қариндошларингизга силаи раҳм кўрсатасизлар, етим ва бечораларга раҳм қиласизлар, оммаи мардумга (ҳамма инсонларга) фойдали сўзлар айтасизлар, намозни ўз вақтида шартлари билан адо этасизлар, закотни Тавротнинг ҳукмига мувофиқ адо қиласизлар». Кейин сизлар шу аҳд-паймондан юз ўгирдингизлар ва бу ҳукмга амал қилмадингизлар, магар озгиналарингиз амал қилдингизлар, холос.

وَإِذۡ أَخَذۡنَا مِيثَٰقَكُمۡ لَا تَسۡفِكُونَ دِمَآءَكُمۡ وَلَا تُخۡرِجُونَ أَنفُسَكُم مِّن دِيَٰرِكُمۡ ثُمَّ
أَقۡرَرۡتُمۡ وَأَنتُمۡ تَشۡهَدُونَ ٨٤

84. Яна шуни фикр қилинглар, сизлардан шу мазмунда аҳд-паймон олдикки: «Бир-бирларингизнинг қонларингизни ноҳақ тўкмайсизлар, ўз ватанларингиздан ўз халқингизни чиқариб юбормайсизлар. Кейин сиз-

лар шу аҳд-паймонни қабул қилдингизлар». *Аммо эй Мадинанинг яҳудлари, ота-бобонгизнинг қилган ишларига гувоҳсизлар. Кейин ўша гуруҳлардан бўлган сизлар аҳд-паймонни буздингизлар, ўз халқингизни ҳақсиз ўлдира бошладингизлар. Баъзи фирқаларингизни ўз ватанларидан чиқардингизлар, баъзи фирқаларингиздан зулму адоват билан ғалаба қилдингизлар*

ثُمَّ أَنتُمْ هَٰٓؤُلَآءِ تَقْتُلُونَ أَنفُسَكُمْ وَتُخْرِجُونَ فَرِيقًا مِّنكُم مِّن دِيَٰرِهِمْ
تَظَٰهَرُونَ عَلَيْهِم بِٱلْإِثْمِ وَٱلْعُدْوَٰنِ وَإِن يَأْتُوكُمْ أُسَٰرَىٰ تُفَٰدُوهُمْ وَهُوَ مُحَرَّمٌ
عَلَيْكُمْ إِخْرَاجُهُمْ ۚ أَفَتُؤْمِنُونَ بِبَعْضِ ٱلْكِتَٰبِ وَتَكْفُرُونَ بِبَعْضٍ ۚ فَمَا 1 жузъ
جَزَآءُ مَن يَفْعَلُ ذَٰلِكَ مِنكُمْ إِلَّا خِزْيٌ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا ۖ وَيَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ
يُرَدُّونَ إِلَىٰٓ أَشَدِّ ٱلْعَذَابِ ۗ وَمَا ٱللَّهُ بِغَٰفِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٨٥﴾

85. Агар сизлардан биронтангиз бир-бирларингиз билан жанг қилган ҳолатда асир бўлиб қўлга тушиб қолсангиз, ўзларингиз фидя бериб, халос қилиб оласизлар. Ваҳоланки, Тавротда ўз халқингиз билан жанг қилиш ҳаром қилинган эди ва диёридан чиқариб юбориш ҳам ҳаром эди. Оё сизлар Тавротнинг баъзи ҳукмларига ишониб ва баъзи ҳукмларига кофир бўласизларми? Бас, ушбу қилмишларингизнинг жазоси бу дунёда хорлик ва расволикдир. Қиёмат кунида дўзахнинг қаттиқ азобларига дучор қилинасизлар. Аллоҳ таоло сизларнинг қилиб турган амалларингиздан ғофил эмасдир.

أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ ٱشْتَرَوُا۟ ٱلْحَيَوٰةَ ٱلدُّنْيَا بِٱلْءَاخِرَةِ ۖ فَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُمُ ٱلْعَذَابُ وَلَا هُمْ
يُنصَرُونَ ﴿٨٦﴾

86. Улар шундай жамоаларки, охиратнинг бадалига (ўрнига) дунё ҳаётини ихтиёр қилганлар. Қиёмат куни улардан дўзах азоби тахфиф (енгил) қилинмас. Уларга бирон тарафдан ёрдам ҳам берилмас.

وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ وَقَفَّيْنَا مِنۢ بَعْدِهِۦ بِٱلرُّسُلِ ۖ وَءَاتَيْنَا عِيسَى ٱبْنَ
مَرْيَمَ ٱلْبَيِّنَٰتِ وَأَيَّدْنَٰهُ بِرُوحِ ٱلْقُدُسِ ۗ أَفَكُلَّمَا جَآءَكُمْ رَسُولٌۢ بِمَا لَا تَهْوَىٰٓ
أَنفُسُكُمُ ٱسْتَكْبَرْتُمْ فَفَرِيقًا كَذَّبْتُمْ وَفَرِيقًا تَقْتُلُونَ ﴿٨٧﴾

87. Албатта, биз Тавротни Мусо (алайҳиссалом)га бердик. Мусодан кейин яна бошқа пайғамбарлар юбордик. Ва Ийсо (Марям ўғли)га ҳам мўъжизалар инъом этдик. Жаброил (алайҳиссалом)ни (Ҳазрати) Ийсога муқаррар қилдик. Вақтики Бизнинг тарафимиздан Расул (Пайғамбар) сизлар хоҳламаган ҳукмларни олиб келса, сизлар саркашлик қилдингизлар ва қабул этмадингизлар. Расулларнинг бир жамоасини инкор қилдингизлар, бир жамоасини ўлдирдингизлар.

وَقَالُوا۟ قُلُوبُنَا غُلْفٌۢ ۚ بَل لَّعَنَهُمُ ٱللَّهُ بِكُفْرِهِمْ فَقَلِيلًا مَّا يُؤْمِنُونَ ﴿٨٨﴾

88. Яҳудларга Муҳаммад (алайҳиссалом) насиҳат қилса, яҳудлар айтар эдиларки: «Дилларимиз маҳкам (берк). Сизнинг насиҳатингиз кирмайди (кор қилмайди)». Улар айтганидек эмас, балки Худойи таоло уларни куфрлари боис лаънат қилган. *Ўзининг раҳматидан узоқ қилган*. Иймон келтирсалар ҳам, улардан озгиналари иймон келтиради.

وَلَمَّا جَآءَهُمْ كِتَٰبٌ مِّنْ عِندِ ٱللَّهِ مُصَدِّقٌ لِّمَا مَعَهُمْ وَكَانُوا۟ مِن قَبْلُ
1 жузъ يَسْتَفْتِحُونَ عَلَى ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ فَلَمَّا جَآءَهُم مَّا عَرَفُوا۟ كَفَرُوا۟ بِهِۦ ۚ فَلَعْنَةُ
ٱللَّهِ عَلَى ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٨٩﴾

89. Улар Худо тарафидан ўзларининг Китобларини тасдиқловчи Қуръон келган вақтда қабул қилмадилар ва ишонмадилар. Ваҳоланки, улар Қуръон нозил бўлмасдан илгари шу келадиган Қуръонни шафеъ келтириб, араблар билан бўлган жангда Аллоҳ таолодан фатҳ-нусрат талаб қилар эдилар. Вақтики Қуръон нозил бўлди, *Ислом дини келди*. Улар ўзлари билиб юрган Қуръонга кофир бўлдилар, *Муҳаммад алайҳиссаломни инкор қилдилар*. Бас, кофирларга Худонинг лаънати бўлсин!

بِئْسَمَا ٱشْتَرَوْا۟ بِهِۦٓ أَنفُسَهُمْ أَن يَكْفُرُوا۟ بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ بَغْيًا أَن يُنَزِّلَ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ عَلَىٰ مَن يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦ ۖ فَبَآءُو بِغَضَبٍ عَلَىٰ غَضَبٍ ۚ وَلِلْكَٰفِرِينَ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿٩٠﴾

90. Улар ўз нафсларининг бадалига кўп ёмон нарсаларни ихтиёр қилдилар. Жумладан, Худо нозил қилган Қуръонга кофир бўлдилар, Худо ўз бандаларидан хоҳлаганига фазлу марҳамат ато этишига ҳасад қилдилар. Бас, Худонинг ғазаби устига (яна) ғазабига мустаҳиқ (дучор) бўлдилар. Кофирларга Худонинг оғир азоби бордир.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ ءَامِنُوا۟ بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ قَالُوا۟ نُؤْمِنُ بِمَآ أُنزِلَ عَلَيْنَا وَيَكْفُرُونَ بِمَا وَرَآءَهُۥ وَهُوَ ٱلْحَقُّ مُصَدِّقًا لِّمَا مَعَهُمْ ۗ قُلْ فَلِمَ تَقْتُلُونَ أَنۢبِيَآءَ ٱللَّهِ مِن قَبْلُ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿٩١﴾

91. Вақтики бу яҳудларга: «Аллоҳ таоло нозил қилган Қуръонга иймон келтиринглар», – деб айтилса: «Биз ўзимизга нозил қилинган Тавротга иймон келтиргандирмиз ва шунга иймон келтирамиз», – дейдилар ва Тавротдан бошқа (Китобни, яъни) Қуръонни инкор қиладилар. Ваҳоланки, Қуръон ҳақдир. Уларнинг Китобларини тасдиқ қилгувчидир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга жавоб бериб айттил: «Агар сизлар ҳақиқатдан Тавротга иймон келтирган бўлсангизлар, нима учун илгари Худонинг набиларини (пайғамбарларини) ўлдирар эдингизлар?».

۞ وَلَقَدْ جَآءَكُم مُّوسَىٰ بِٱلْبَيِّنَٰتِ ثُمَّ ٱتَّخَذْتُمُ ٱلْعِجْلَ مِنۢ بَعْدِهِۦ وَأَنتُمْ
ظَٰلِمُونَ ﴿٩٢﴾

92. Албатта, Мусо (алайҳиссалом) сизларга мўъжизалар олиб келди. Кейин Мусо (алайҳиссалом) Тур тоғига кетгандан сўнг ҳаммангиз бузоқпараст бўлиб қолдингиз. Шу билан сизлар золимлардан бўлдингизлар.

وَإِذْ أَخَذْنَا مِيثَٰقَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوْقَكُمُ ٱلطُّورَ خُذُوا۟ مَآ ءَاتَيْنَٰكُم بِقُوَّةٍ
وَٱسْمَعُوا۟ ۖ قَالُوا۟ سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا وَأُشْرِبُوا۟ فِى قُلُوبِهِمُ ٱلْعِجْلَ بِكُفْرِهِمْ ۚ قُلْ 1 жузъ
بِئْسَمَا يَأْمُرُكُم بِهِۦٓ إِيمَٰنُكُمْ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿٩٣﴾

93. Ёд қилинглар (эсланглар), ўша даврники, ота-боболарингиздан *«Китоб нозил қилсак, амал қиласизлар», деб* аҳд-паймон олгандик. *Шунга биноан Тавротни сизларга нозил қилдик. Сизлар қабул қилиб олишдан бош тортдингизлар.* Жаброил (алайҳиссалом)га фармон бердик. Тур тоғини тепангизга олиб келди ва сизларга айтдик: «Биз сизларга берган Китобни сидқидил билан қабул қилиб олинглар. Унинг панд-насиҳатларини жону дил билан эшитинглар». Улар айтдиларки: «Пандларини эшитдик. Лекин (унга) итоат қилмасмиз». Аслида, куфрлари сабабидан уларнинг дилларида бузоққа ибодат қилиш мустаҳкам бўлган эди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яҳудларга айтгил: «Агар иймонингиз бўлса, бу иймонингиз сизларни кўп ёмон ишга амр қилар экан».

قُلْ إِن كَانَتْ لَكُمُ ٱلدَّارُ ٱلْءَاخِرَةُ عِندَ ٱللَّهِ خَالِصَةً مِّن دُونِ ٱلنَّاسِ فَتَمَنَّوُا۟
ٱلْمَوْتَ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٩٤﴾

94. *Яҳудларнинг эътиқодлари шундан иборат эдики: «Жаннат бизники, бошқа одамнинг жаннатга киришга ҳаққи йўқ». Худойи таоло уларнинг жавобига дейдики:* «Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яҳудларга айтгил: «Агар ҳақиқатдан Аллоҳ наздида жаннат сизларники бўлсаю, бошқа одамнинг ҳаққи бўлмаса ва агар сизлар шу гумонларингизда ростгўй бўлсангизлар (қаттиқ ишонсангизлар), бас, ўлимни талаб қилинглар, *чунки жаннатга тезроқ борурсизлар».*

وَلَن يَتَمَنَّوْهُ أَبَدًۢا بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌۢ بِٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٩٥﴾

95. Лекин, улар ҳаргиз ўлимни орзу қилмайдилар, шунинг учунки, уларнинг қилмишлари ниҳоятда оғир гуноҳлардан иборатдир. У гуноҳлар билан охиратга боришни ҳаргиз истамайдилар. Аллоҳ таоло золимларнинг аҳволларини зиёда (жуда яхши) билгувчи донодир.

وَلَتَجِدَنَّهُمْ أَحْرَصَ ٱلنَّاسِ عَلَىٰ حَيَوٰةٍ وَمِنَ ٱلَّذِينَ أَشْرَكُوا۟ ۚ يَوَدُّ
أَحَدُهُمْ لَوْ يُعَمَّرُ أَلْفَ سَنَةٍ وَمَا هُوَ بِمُزَحْزِحِهِۦ مِنَ ٱلْعَذَابِ أَن يُعَمَّرَ ۗ

وَٱللَّهُ بَصِيرٌۢ بِمَا يَعْمَلُونَ ﴿٩٦﴾

96. Балки, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу яҳудларни ўлимни орзу қилишлари ўрнига ҳаётга ҳаммадан ҳарисроқ (ўчроқ) топарсан. Ва яна мушриклардан ҳам зиёда ҳарисроқдирлар. Ва баъзилари (ҳаётни) дўст тутиб (хоҳлаб): «Кошки минг йил умр кўрсам эди», – деб орзу қиладилар. Ваҳоланки, узоқ умр кўриш Худонинг азобидан нажот бермайди. Аллоҳ таоло уларнинг амалларини кўриб тургувчидир.

1 жузъ قُلْ مَن كَانَ عَدُوًّا لِّجِبْرِيلَ فَإِنَّهُۥ نَزَّلَهُۥ عَلَىٰ قَلْبِكَ بِإِذْنِ ٱللَّهِ مُصَدِّقًا لِّمَا
بَيْنَ يَدَيْهِ وَهُدًى وَبُشْرَىٰ لِلْمُؤْمِنِينَ ﴿٩٧﴾ مَن كَانَ عَدُوًّا لِّلَّهِ وَمَلَٰٓئِكَتِهِۦ
وَرُسُلِهِۦ وَجِبْرِيلَ وَمِيكَىٰلَ فَإِنَّ ٱللَّهَ عَدُوٌّ لِّلْكَٰفِرِينَ ﴿٩٨﴾

97-98. *Баъзи яҳудлар Муҳаммад алаҳиссаломга дейдиларки: «Агар ваҳийни Сенга Микоил алайҳиссалом олиб келганда, Сенга иймон келтирган бўлардик. Биз – яҳудийлар Жаброилни ёмон кўрамиз, чунки Жаброил яҳудларнинг душманидир. Яҳудларга ҳамма балоларни Жаброил олиб келгандир».* Ҳақ таоло дейдики: «Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яҳудларга айтгил, ҳар кимки Жаброилга душман бўлар экан, ўз ғазабининг аччиғидан ҳалок бўлсин! *Чунки, Жаброилда ҳеч гуноҳ йўқдур.* У Қуръонни оятоят олиб келиб, Сенинг қалбингга нозил қилади. У Қуръон (Сендан) олдин Худодан нозил бўлган китобларни тасдиқ қилгувчидир. Қуръон бандаларга ҳақ йўлни кўрсатгувчи, мўминларга Худонинг раҳматидан башорат бергувчидир. Ҳар кимки Худога ва унинг малоикаларига ва пайғамбарларига, Жаброилга ва Микоилга душман бўлар экан, бас, Худойи таоло ҳам ўшандай кофирларга душмандир.

وَلَقَدْ أَنزَلْنَآ إِلَيْكَ ءَايَٰتٍۭ بَيِّنَٰتٍ ۖ وَمَا يَكْفُرُ بِهَآ إِلَّا ٱلْفَٰسِقُونَ ﴿٩٩﴾

99. Биз Сенга равшан мўъжизаларни юбордик. Бундай мўъжизотларга фақат Худонинг фармонидан бўйин товлаганлар мункир бўладилар.

أَوَكُلَّمَا عَٰهَدُوا۟ عَهْدًا نَّبَذَهُۥ فَرِيقٌ مِّنْهُم ۚ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٠٠﴾
وَلَمَّا جَآءَهُمْ رَسُولٌ مِّنْ عِندِ ٱللَّهِ مُصَدِّقٌ لِّمَا مَعَهُمْ نَبَذَ فَرِيقٌ مِّنَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟
ٱلْكِتَٰبَ كِتَٰبَ ٱللَّهِ وَرَآءَ ظُهُورِهِمْ كَأَنَّهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٠١﴾

100-101. Ва ҳар вақт яҳудлар бирон аҳд қилсалар, улардан (баъзи) бир жамоалари аҳдни синдирмадиларми? (бузмадиларми?) Балки кўпларининг Тавротга иймонлари йўқ. Вақтики Муҳаммад (алайҳиссалом) Худо тарафидан Пайғамбар бўлиб келди, уларнинг Тавротларини тасдиқ қилгувчи эди. Аҳли китоблардан бир жамоалари Расулуллоҳдан хабар берган Тавротнинг ҳукмини (оятларини) гўё ҳеч нимани билмагандек орқаларига ташлайдилар (отадилар).

وَاتَّبَعُوا مَا تَتْلُوا الشَّيَاطِينُ عَلَىٰ مُلْكِ سُلَيْمَانَ ۖ وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَانُ وَلَٰكِنَّ
الشَّيَاطِينَ كَفَرُوا يُعَلِّمُونَ النَّاسَ السِّحْرَ وَمَا أُنزِلَ عَلَى الْمَلَكَيْنِ بِبَابِلَ
هَارُوتَ وَمَارُوتَ ۚ وَمَا يُعَلِّمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّىٰ يَقُولَا إِنَّمَا نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكْفُرْ ۖ
فَيَتَعَلَّمُونَ مِنْهُمَا مَا يُفَرِّقُونَ بِهِ بَيْنَ الْمَرْءِ وَزَوْجِهِ ۚ وَمَا هُم بِضَارِّينَ بِهِ
مِنْ أَحَدٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ ۚ وَيَتَعَلَّمُونَ مَا يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنفَعُهُمْ ۚ وَلَقَدْ عَلِمُوا لَمَنِ
اشْتَرَاهُ مَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ خَلَاقٍ ۚ وَلَبِئْسَ مَا شَرَوْا بِهِ أَنفُسَهُمْ ۚ لَوْ 1 жузъ
كَانُوا يَعْلَمُونَ ﴿١٠٢﴾

102. Яҳудлар шайтонлар ўқиган нарсага иттибоъ қилдилар (эргашдилар). *Баъзи тарих ва тафсир китобларида келганки, Сулаймон алайҳиссаломнинг подшоҳлик даврларида шайтонлар ўқийдиган нарса – китоб шундан иборат эдики, деву жинлар сеҳрларни, найрангларни бир китобга ёзиб, тўплаган эдилар. Халқ ичида бу китобни ўқиб, сеҳру найрангларни тарқатар эдилар. Ҳатто Сулаймон алайҳиссаломнинг подшоҳлигини ҳам сеҳрга нисбат берар эдилар. Сулаймон алайҳиссалом хабар топиб, бу китобни уларнинг қўлларидан олиб, ўтирган тахтларининг тагига кўмдирдилар. Сулаймон алайҳиссалом вафот этганларидан сўнг жинлар бу китобни ердан кавлаб, яна қўлларига олдилар. Бу китоб яна халқ ичида тарқалди. Яҳудийлар ҳам шу китобнинг нусхасини олиб, амал қила бошладилар. Худойи таоло бу оятда шуни баён қилди:* яҳудлар Сулаймон (алайҳиссалом)ни сеҳрга нисбат бергани учун Ҳақ таоло айтди: «Сулаймон кофир бўлгани йўқ, лекин шайтонлар кофир бўлгандирлар. Шунинг учунки, халққа жодугарликни таълим берар эдилар. Яна яҳудлар Бобил шаҳрида икки малоикага нозил бўлган сеҳрга амал қила бошладилар. У фариштаҳарнинг номлари Ҳорут ва Морут эди. *Бу малоикалар инсонлар гуноҳкор бўлганликлари (яъни, гуноҳ ишлар содир қилишлари) учун таъна қилар эдилар. Ҳақ таоло бу малоикаларга айтдики: «Инсонга берилган нафс сизларга берилса, сизлар ҳам уларга ўхшаб исён қиласизлар». Улар Худога айтдиларки: «Агар бизга нафсни мусаллат (ғолиб) қилганингда ҳам биз ҳаргиз исён қилмасмиз». Ҳақ таоло уларни ибтило қилмоқ (синамоқ) учун уларга нафсни мусаллат қилиб, ер юзига туширди. Улар халқнинг тепасига қози бўлиб ҳукмронлик қилдилар. Ҳақ таоло уларни имтиҳон қилмоқ учун Зуҳро исмли аёлни шикоят билан уларнинг олдига юборди. Бу аёл ниҳоятда соҳибжамол эди. Улар аёлдан зино қилмоқни талаб қилдилар. Аёл уларга хамр (ароқ, маст қилувчи ичимлик) ичишни таклиф қилди. Хамрни ичдилар, бу аёлга зино қилмоққа қасд этдилар. Шу ҳолда бир одам ҳозир бўлди. Уларнинг ишига монелик қилди. У одамни ўлдирдилар. Ҳукуматнинг қасос олишидан ниҳоятда хавфсираб қолдилар. Шу ҳолда шайтон ҳукумат одами суратида бўлиб уларга айтдики: «Агар, бутга сажда қилсангизлар, сизларни қатлдан сақлаб қоламан». Улар бутга ҳам сажда қилдилар. Ҳақ таоло уларни фариштали мартабасидан ту-*

ширди. Ҳақ таоло уларга ё бу дунё, ё у дунё азобини ихтиёр қилишни буюрди. Улар шу дунёнинг азобини ихтиёр қилдилар. Улар Чоҳи Бобилда сочларидан осилган ҳолатда азоб тортадилар. Ҳақиқатни Аллоҳ билгувчидир. Валлоҳу аълам!

Ўша даврда соҳирлар (сеҳр қилувчилар) найранглар кўрсатиб, набийлик (пайғамбарлик) даъвосини қилар эканлар. Баъзи қавллар ҳам борки, Худойи таоло бу икки фариштага доно одамларга сеҳр илмини ўргатишга рухсат берган экан. Токи халқ соҳирларнинг найрангидан хабардор бўлиб, уларнинг нубуввват даъволарини рад қилсинлар. Улар аввал ҳеч кимга
1 жузъ сеҳр ўргатмас эдилар. Ҳаттоки насиҳат қилиб айтар эдилар: «Бизлар Худо тарафидан фитнага мубтало бўлганмиз. Сизлар сеҳр илмини ҳақ деб эътиқод қилиб, кофир бўлманглар». Бас, баъзилар икки фариштадан шу миқдор сеҳрни таълим олдиларки, эркак билан хотин орасига тафриқа солиб, бир-биридан жудо бўлишига сабаб бўлар эдилар. Бу жодугарлар ушбу сеҳрлари билан ҳеч кимга зарар етказа олмайдилар. Магар Худонинг ҳукми билан (зарар етказишлари мумкин). Бу таълим олувчи жодугарлар ўзларига манфаат эмас, зарар етказадиган нарсани таълим олдилар. Албатта, бу сеҳрни ихтиёр қилувчилар биладиларки, охиратда жаннатдан насибалари йўқ. Агар унинг (сеҳрнинг) қабоҳатини билсалар, албатта, ёмон нарсани нафсларининг бадалига ихтиёр қилдилар.

وَلَوْ أَنَّهُمْ ءَامَنُوا۟ وَٱتَّقَوْا۟ لَمَثُوبَةٌ مِّنْ عِندِ ٱللَّهِ خَيْرٌ ۖ لَّوْ كَانُوا۟ يَعْلَمُونَ ﴿١٠٣﴾

103. Агар улар Худога иймон келтирганларида, жодугарликдан парҳез қилганларида, агар билсалар, Худо тарафидан бериладиган мукофот-савоб яхши эди.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَقُولُوا۟ رَٰعِنَا وَقُولُوا۟ ٱنظُرْنَا وَٱسْمَعُوا۟ ۗ
وَلِلْكَٰفِرِينَ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٠٤﴾

104. Эй мўминлар, Муҳаммад (алайҳиссалом)га хитоб қилиб гапирганингизда «Роиъно» деманглар, яъни «Бизга эътибор беринг», деманглар, балки айтингларки, «Унзурно», яъни «Бизга қаранг, ё Расулаллоҳ». Ва бу насиҳатни эшитиб, амал қилинглар, *чунки бу лафз «роъина» яҳудийлар тилида ҳақорат ва дашномдир, сизлардан ўрганиб, яҳудийлар ҳам «роъино» деб хитоб қиладилар. Ҳақоратга далолат қиладиган лафзни Расулуллоҳга айтмоқ одобдан эмасдир.* Шундай ҳақорат сўзни айтувчи кофирларга Худо тарафидан охиратда оғир азоб муқаррардир.

مَّا يَوَدُّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنْ أَهْلِ ٱلْكِتَٰبِ وَلَا ٱلْمُشْرِكِينَ أَن يُنَزَّلَ عَلَيْكُم مِّنْ خَيْرٍ
مِّن رَّبِّكُمْ ۗ وَٱللَّهُ يَخْتَصُّ بِرَحْمَتِهِۦ مَن يَشَآءُ ۚ وَٱللَّهُ ذُو ٱلْفَضْلِ ٱلْعَظِيمِ ﴿١٠٥﴾

105. Аҳли китоблар, кофирлар ва мушриклар сизларга Аллоҳ тарафидан яхшилик (ваҳий) нозил бўлишини дўст тутмайдилар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло ўзининг фазл-марҳаматига хоҳлаган одамни лойиқ кўради. Аллоҳ таоло улуғ фазлга эгадир.

۞ مَا نَنسَخۡ مِنۡ ءَايَةٍ أَوۡ نُنسِهَا نَأۡتِ بِخَيۡرٖ مِّنۡهَآ أَوۡ مِثۡلِهَآۗ أَلَمۡ تَعۡلَمۡ أَنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ
شَيۡءٖ قَدِيرٌ ١٠٦ أَلَمۡ تَعۡلَمۡ أَنَّ ٱللَّهَ لَهُۥ مُلۡكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۗ وَمَا لَكُم
مِّن دُونِ ٱللَّهِ مِن وَلِيّٖ وَلَا نَصِيرٍ ١٠٧

106-107. *Вақтики яҳудлар қибла таҳвили (ўзгартирилиши) бўлганда, яъни,Байтул Мақдисга қараб намоз ўқимоқ мансух (бекор) бўлганда,эътироз қилиб: «Худонинг буйруғи мансух бўлмайди», – деб мансух (бекор бўлган, ўзгарган) ҳукмни инкор қилганлар. Худойи таоло бу оятни нозил қилди.* **1** жузъ Аллоҳ айтди: «Қуръондан бирор оятни мансух қилсак ё дилларингиздан фаромуш қилдирсак, бу мансух бўлган оятдан яхшироғини нозил қиламиз. *Бу мансух (бўлган) оятларда ҳикматлар бордир, сизларга енгиллик ва ё зиёда савоб келтиради,* ё ўша мансух бўлган оятнинг монандини (ўхшашини) нозил қиламиз. *Агарчи савобда баробар бўлса-да, баъзи маслаҳатларга мувофиқроқ бўлади. Агар Байтул Мақдисга қараб намоз ўқимоқ ё Хонаи Каъбага қараб намоз ўқимоқ савобда баробар бўлса-да, араб қавмининг розиликлари Хонаи Каъбага қараб намоз ўқимоқда эди.* Билмайсизларми, эй мункирлар, албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир. Қандай хоҳласа, шундай қилади. Сизларга Худодан бошқа дўст ва ёрдамчи йўқдир.

أَمۡ تُرِيدُونَ أَن تَسۡـَٔلُواْ رَسُولَكُمۡ كَمَا سُئِلَ مُوسَىٰ مِن قَبۡلُۗ وَمَن يَتَبَدَّلِ
ٱلۡكُفۡرَ بِٱلۡإِيمَٰنِ فَقَدۡ ضَلَّ سَوَآءَ ٱلسَّبِيلِ ١٠٨

108. Ўтган замонда ота-боболарингиз (Ҳазрати) Мусога бефойда саволлар қилганидек, сизлар ҳам Муҳаммад (алайҳиссалом)дан «мо ло яъни» (беҳуда, бефойда) саволлар сўрашни хоҳлайсизларми? Ҳар кимки иймон ўрнига куфрни ихтиёр қилса, ундай одам тўғри йўлдан адашиб, гумроҳ бўлгандир.

وَدَّ كَثِيرٞ مِّنۡ أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِ لَوۡ يَرُدُّونَكُم مِّنۢ بَعۡدِ إِيمَٰنِكُمۡ كُفَّارًا حَسَدٗا مِّنۡ
عِندِ أَنفُسِهِم مِّنۢ بَعۡدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمُ ٱلۡحَقُّۖ فَٱعۡفُواْ وَٱصۡفَحُواْ حَتَّىٰ يَأۡتِيَ ٱللَّهُ
بِأَمۡرِهِۦٓۗ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ ١٠٩

109. Сизлар мўмин бўлганингиздан сўнг кўп аҳли китоблар (сизларни) яна кофирликка қайтаришни хоҳлайдилар. Уларга ҳақ дин зоҳир бўлганидан кейин нафсларидан содир бўлган ҳасад сабабли шундай қиладилар. Эй мўминлар, уларнинг қилган ишларини кечиринг, уларни то қитол (жиҳод) тўғрисида Худонинг ҳукми келгунча жазолашга уринманг. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир. *Вақти келганда интиқом (қасос) олади.*

وَأَقِيمُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُواْ ٱلزَّكَوٰةَۚ وَمَا تُقَدِّمُواْ لِأَنفُسِكُم مِّنۡ خَيۡرٖ تَجِدُوهُ
عِندَ ٱللَّهِۗ إِنَّ ٱللَّهَ بِمَا تَعۡمَلُونَ بَصِيرٞ ١١٠

110. Эй мўминлар, намозни ўз вақтида адо этинглар. Молларингизнинг закотини беринглар. Ҳар бир ишни нафсларингиз фойдаси (ўз фойдангиз) учун қилиб, ўзларингиздан илгари охиратга юборар экансизлар, у қилган амалларингизнинг савобини Худонинг олдида, албатта, топасизлар. Чунки Аллоҳ таоло қилган ҳар бир амалингизни кўриб туради.

وَقَالُوا۟ لَن يَدْخُلَ ٱلْجَنَّةَ إِلَّا مَن كَانَ هُودًا أَوْ نَصَٰرَىٰ ۗ تِلْكَ أَمَانِيُّهُمْ ۗ قُلْ
هَاتُوا۟ بُرْهَٰنَكُمْ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿١١١﴾ بَلَىٰ مَنْ أَسْلَمَ وَجْهَهُۥ لِلَّهِ وَهُوَ
1 жузъ مُحْسِنٌ فَلَهُۥٓ أَجْرُهُۥ عِندَ رَبِّهِۦ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿١١٢﴾

111-112. Яҳудлар айтадиларки: «Жаннатга ҳеч ким киролмайди, магар яҳуд бўлса, киради». Насоролар айтадиларки: «Жаннатга ҳеч ким киролмайди, магар насоро бўлса, киради». Бу даъволари ботил хаёллардан иборатдир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларнинг жавобига айтгил: «Агар бу даъволарингизга содиқ бўлсангизлар, ҳужжатларингизни олиб келинглар». Уларнинг даъволарининг ҳаммаси ботилдир. Балки, шундай одамлар жаннатга кирадиларки, ўз вужудини Худонинг ибодатига банд қилиб қўйган ва ҳар бир сўзида, ҳар бир феълида некукор (яхши, савобли иш қилувчи) бўлса. Бас, ўшандай одамга Худо наздида жаннат муҳайёдир (тайёрлаб қўйилгандир). Ва уларга ҳеч қандай хавф йўқ, Қиёмат куни улар ғамгин ҳам бўлмаслар.

وَقَالَتِ ٱلْيَهُودُ لَيْسَتِ ٱلنَّصَٰرَىٰ عَلَىٰ شَىْءٍ وَقَالَتِ ٱلنَّصَٰرَىٰ لَيْسَتِ ٱلْيَهُودُ
عَلَىٰ شَىْءٍ وَهُمْ يَتْلُونَ ٱلْكِتَٰبَ ۗ كَذَٰلِكَ قَالَ ٱلَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ مِثْلَ قَوْلِهِمْ ۚ فَٱللَّهُ
يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ فِيمَا كَانُوا۟ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿١١٣﴾

113. Яҳудлар айтадилар: «Насоролар динининг эътибори йўқ (ҳақ эмас)». Шунингдек насоролар айтадиларки: «Яҳудлар бирон эътимодли (ишончли, ҳақ) динда эмаслар». Ваҳоланки, улар Худонинг нозил қилган китобларини ўқийдилар. Шунга ўхшаш бошқа мушриклар ҳам уларнинг (яҳуд ва насороларнинг) ҳар бирларининг динларини «ҳеч нарса (асосли) эмас», дейдилар. *Хулоса шуки, ҳар бир миллат ўз динини ҳақ, бошқа динларни ботил, деб билади.* Бас, Қиёмат куни бўлганда, Аллоҳ таоло қайси дин ҳақ ва қайси дин ботил, (Ўзи) ҳукм қилади.

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّن مَّنَعَ مَسَٰجِدَ ٱللَّهِ أَن يُذْكَرَ فِيهَا ٱسْمُهُۥ وَسَعَىٰ فِى خَرَابِهَآ ۚ
أُو۟لَٰٓئِكَ مَا كَانَ لَهُمْ أَن يَدْخُلُوهَآ إِلَّا خَآئِفِينَ ۚ لَهُمْ فِى ٱلدُّنْيَا خِزْىٌ وَلَهُمْ
فِى ٱلْءَاخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١١٤﴾

114. Ким золимроқ шундай одамданки, Худонинг масжидида Худони зикр қилишдан манъ қилади? У (золим) масжидни хароб этишга ҳаракат қилади. Ваҳоланки, бу гуруҳга масжидга дохил бўлиш (кириш) жоиз эмас эди, магар тавозе ва хавф (қўрқув) билан кириш мумкин

эди. Ундай одамларга бу дунёда хорлик ва расволик бўлиб, охиратда улуғ азоб муқаррардир.

وَلِلَّهِ ٱلْمَشْرِقُ وَٱلْمَغْرِبُ ۚ فَأَيْنَمَا تُوَلُّوا۟ فَثَمَّ وَجْهُ ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ وَٰسِعٌ عَلِيمٌ ﴿١١٥﴾

115. Машриқ ҳам Худонинг мулкидир ва мағриб ҳам Худонинг мулкидир. Бас, қайси тарафга юз ўгирсангизлар, ўша тарафда Худони топасизлар. Албатта, Худонинг эҳсони бандаларга васеъ (кенг)дир ва Худо аҳволларига доно (билгувчи)дир.

وَقَالُوا۟ ٱتَّخَذَ ٱللَّهُ وَلَدًا ۗ سُبْحَٰنَهُۥ ۖ بَل لَّهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ 1 жузъ
كُلٌّ لَّهُۥ قَٰنِتُونَ ﴿١١٦﴾

116. Яҳудлар ва насоролар: «Худо ўзига валад (бола) муқаррар қилган», – деб айтадилар. *Яъни, яҳудлар Узайр алайҳиссаломни Худонинг ўғли, дейдилар, насоролар Ийсо алайҳиссаломни Худонинг ўғли, дейдилар.* Аллоҳ таоло бу хил айблардан покдир. Уларнинг айтганлари ботилдир. Балки осмондаги ва ердаги ашёлар Худонинг мулкидир ва махлуқидир. *Шунга ўхшаш Ийсо алайҳиссалом билан Узайр алайҳиссалом ҳам Худонинг махлуқи (бандаси)дирлар.* Ҳаммалари Худога фармонбардордирлар.

بَدِيعُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ وَإِذَا قَضَىٰٓ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿١١٧﴾

117. Парвардигор осмонни ва заминни пайдо қилгувчидир. Вақтики Худо бир нарсани мавжуд қилмоқчи бўлса, бас, ўша нарсага «Бўл!», – деб айтади, бас, ўша нарса фавран (дарҳол) бўлади.

وَقَالَ ٱلَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ لَوْلَا يُكَلِّمُنَا ٱللَّهُ أَوْ تَأْتِينَآ ءَايَةٌ ۗ كَذَٰلِكَ قَالَ ٱلَّذِينَ
مِن قَبْلِهِم مِّثْلَ قَوْلِهِمْ ۘ تَشَٰبَهَتْ قُلُوبُهُمْ ۗ قَدْ بَيَّنَّا ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يُوقِنُونَ ﴿١١٨﴾
إِنَّآ أَرْسَلْنَٰكَ بِٱلْحَقِّ بَشِيرًا وَنَذِيرًا ۖ وَلَا تُسْـَٔلُ عَنْ أَصْحَٰبِ ٱلْجَحِيمِ ﴿١١٩﴾

118-119. Макканинг мушриклари жоҳил эдилар, Худони танимас эдилар ва айтардиларки: «Нима учун Худонинг ўзи бизга гувоҳлик бермайди ёки бизга бирон махсус аломат зоҳир бўлмайди?». Шунга ўхшаган сўзларни улардан аввал ўтган кофирлар ҳам сўзлар эдилар. Уларнинг диллари куфр, фасодда бир-бирига ўхшашдир. Биз дилларида шак бўлмасдан, яқийнлари (ишончлари) бор бўлган қавм учун Исломнинг ҳақлигига нишоналар баён қилганмиз. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сени мўминларга ҳақ дин билан башорат бергувчи ва кофирларга Худонинг азобидан қўрқитгувчи қилиб юбордик. Сен Қиёмат куни асҳоби дўзахнинг қилган ишларидан савол қилинмайсан.

وَلَن تَرْضَىٰ عَنكَ ٱلْيَهُودُ وَلَا ٱلنَّصَٰرَىٰ حَتَّىٰ تَتَّبِعَ مِلَّتَهُمْ ۗ قُلْ إِنَّ هُدَى ٱللَّهِ هُوَ
ٱلْهُدَىٰ ۗ وَلَئِنِ ٱتَّبَعْتَ أَهْوَآءَهُم بَعْدَ ٱلَّذِى جَآءَكَ مِنَ ٱلْعِلْمِ ۙ مَا لَكَ مِنَ ٱللَّهِ مِن
وَلِىٍّ وَلَا نَصِيرٍ ﴿١٢٠﴾

120. Яҳудлар ва насоролар, токи уларнинг миллатларига (динларига) тобе бўлмагунингча, Сендан ҳаргиз рози бўлмайдилар, (уларнинг миллатига тобе бўлсанг) шунда Сендан рози бўладилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Ҳақиқатда тўғри йўл Худонинг кўрсатган йўлидир. Сизларнинг кўрсатган йўлингиз гумроҳликдан иборатдир». Агар, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга Исломнинг ҳақлигига, уларнинг миллати ботиллигига ваҳий келгандан сўнг уларнинг орзуларига мувофиқ миллатларига тобе бўлар экансан, у вақтда Сенга Худонинг азобидан нажот беришга ҳеч (бир) дўст ва ғамхўр бўлмайди ва ҳеч ким ёрдам
1 жузъ беролмайди.

ٱلَّذِينَ ءَاتَيْنَٰهُمُ ٱلْكِتَٰبَ يَتْلُونَهُۥ حَقَّ تِلَاوَتِهِۦٓ أُو۟لَٰٓئِكَ يُؤْمِنُونَ بِهِۦ ۗ وَمَن يَكْفُرْ
بِهِۦ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْخَٰسِرُونَ ﴿١٢١﴾

121. Мен Китоб берган аҳли китоблардан баъзилари Китобни тўғри тиловат қилдилар ва унга амал қилдилар. Ҳақиқатда ўша гуруҳнинг иймони бор. *Яҳудий олимларидан Абдуллоҳ ибн Салом разияллоҳу анҳуга ўхшаганлар.* Ҳар кимки кофир бўлиб илоҳий Китоб ва аҳкомларга тағйир (ўзгартириш) берар экан, Қиёмат куни ўша гуруҳ ўз нафсига зиён қилгувчилардандир.

يَٰبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ٱذْكُرُوا۟ نِعْمَتِىَ ٱلَّتِىٓ أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَنِّى فَضَّلْتُكُمْ عَلَى
ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٢٢﴾

122. Эй яҳудлар, сизларга инъом қилган неъматларимни ёд қилинглар ва шукрини адо этинглар. Шуни ёд қилингларки, ўша замонда сизларни оламнинг бошқа халқларидан афзал қилган эдим.

وَٱتَّقُوا۟ يَوْمًا لَّا تَجْزِى نَفْسٌ عَن نَّفْسٍ شَيْـًٔا وَلَا يُقْبَلُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا تَنفَعُهَا
شَفَٰعَةٌ وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ ﴿١٢٣﴾

123. Қиёмат кунидан қўрқингларки, у кунда ҳеч бир нафс (одам) бошқа одамдан Худонинг азобини қайтаролмайди. Ўша кунда азобдан нажот топиш учун ҳеч кимдан фидя (тўлов) ҳам қабул қилинмайди. Худонинг рухсатисиз (бирор кишининг) шафоати наф қилмайди ва қабул қилинмайди ва уларга ёрдам ҳам берилмайди.

۞ وَإِذِ ٱبْتَلَىٰٓ إِبْرَٰهِۦمَ رَبُّهُۥ بِكَلِمَٰتٍ فَأَتَمَّهُنَّ ۖ قَالَ إِنِّى جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا ۖ
قَالَ وَمِن ذُرِّيَّتِى ۖ قَالَ لَا يَنَالُ عَهْدِى ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٢٤﴾

124. Фикр қил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ўша вақтники, Парвардигор Иброҳим (алайҳиссалом)ни бир неча буйруқлар билан имтиҳон қилди. Иброҳим (алайҳиссалом) Парвардигорнинг буйруқларини баркамол бажарди. Бас, Парвардигор айтдики: «Мен Сени тамом мардумга (инсониятга) пешво қиламан, токи Сендан кейин ҳамма халқлар Сенга

тобе бўлсинлар». (Ҳазрати) Иброҳим айтдики: «Зурриётларимни ҳам пешво қилгил». Жавобига Ҳақ таоло айтди: «Бу рисолат ва имоматни (авлодинг ичидаги) золимлар ва кофирлар тополмайдилар». *Бу вазифа золимларга тегмайди.*

وَإِذْ جَعَلْنَا ٱلْبَيْتَ مَثَابَةً لِّلنَّاسِ وَأَمْنًا وَٱتَّخِذُوا۟ مِن مَّقَامِ إِبْرَٰهِـۧمَ مُصَلًّى وَعَهِدْنَآ إِلَىٰٓ إِبْرَٰهِـۧمَ وَإِسْمَـٰعِيلَ أَن طَهِّرَا بَيْتِىَ لِلطَّآئِفِينَ وَٱلْعَـٰكِفِينَ وَٱلرُّكَّعِ ٱلسُّجُودِ ﴿١٢٥﴾

125. Вақтики Биз Хонаи Каъбани инсонлар учун жам бўладиган ва омон топадиган жой қилиб бердик. Ва (буюрдикки), Иброҳим (алайҳиссалом)нинг турган мақомини намозгоҳ қилиб олинглар. Иброҳим ва Исмоил (алайҳимуссаломлар)дан Менинг Хонаи Каъбамни тавоф қилувчилар ва эътикоф ўтирувчилар ва руку қилувчилар ва сажда қилувчилар учун пок тутинглар, деб ваъда олдик. 1 жузъ

وَإِذْ قَالَ إِبْرَٰهِـۧمُ رَبِّ ٱجْعَلْ هَـٰذَا بَلَدًا ءَامِنًا وَٱرْزُقْ أَهْلَهُۥ مِنَ ٱلثَّمَرَٰتِ مَنْ ءَامَنَ مِنْهُم بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْـَٔاخِرِ ۖ قَالَ وَمَن كَفَرَ فَأُمَتِّعُهُۥ قَلِيلًا ثُمَّ أَضْطَرُّهُۥٓ إِلَىٰ عَذَابِ ٱلنَّارِ ۖ وَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٢٦﴾

126. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ушбу воқеани ёд қил. (Вақтики) (Ҳазрати) Иброҳим (дуо қилиб) айтди: «Эй Парвардигоро, бу Маккани амну омонлик жойи қилгил. Қаҳатчиликдан ва бошқа самовий балолардан сақлагил. Бу шаҳарнинг аҳлидан фақат Худога ва Қиёмат кунига иймон келтирганларга мевалардан ризқ муқаррар қилгил». Худойи таоло айтдики: «Лекин озгина муддат кофирларни ҳам фойдалантираман, сўнгра уларни дўзахга кетишга мажбур қиламан. Дўзах борадиган кўп ёмон жойдир!»

وَإِذْ يَرْفَعُ إِبْرَٰهِـۧمُ ٱلْقَوَاعِدَ مِنَ ٱلْبَيْتِ وَإِسْمَـٰعِيلُ رَبَّنَا تَقَبَّلْ مِنَّآ ۖ إِنَّكَ أَنتَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿١٢٧﴾

127. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ушбу воқеани ёд қил. Вақтики, Иброҳим (алайҳиссалом) билан Исмоил (алайҳиссалом) Хонаи Каъбанинг пойдеворларини кўтариб, Байтуллоҳни итмомига (охирига) етказдилар. Кейин ота-бола икковлари Худонинг даргоҳига дуо қилиб айтдиларки: «Эй Парвардигор, бу хайрни биздан қабул қилгил. Сен, албатта, дуоларимизни эшитгувчисан, ниятларимизни билгувчисан».

رَبَّنَا وَٱجْعَلْنَا مُسْلِمَيْنِ لَكَ وَمِن ذُرِّيَّتِنَآ أُمَّةً مُّسْلِمَةً لَّكَ وَأَرِنَا مَنَاسِكَنَا وَتُبْ عَلَيْنَآ ۖ إِنَّكَ أَنتَ ٱلتَّوَّابُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٢٨﴾

128. Эй Парвардигоро, ҳар иккимизни ўзингга муте ва мухлис қилгил. Зурриётларимизни ҳам ўзингга итоат этгувчи ва инқиёд қилгувчи (бў-

йинсунувчи) гуруҳлардан қилгил. Бизларга ибодат қиладиган, ҳаж аҳкомини бажо келтирадиган жойларни кўрсатгил. Қусурларимизни кечиргил. Сен, албатта, бандаларнинг тавбаларини қабул қилгувчи, ҳолларига раҳм этгувчисан.

رَبَّنَا وَٱبْعَثْ فِيهِمْ رَسُولًا مِّنْهُمْ يَتْلُوا۟ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتِكَ وَيُعَلِّمُهُمُ ٱلْكِتَٰبَ وَٱلْحِكْمَةَ
وَيُزَكِّيهِمْ ۚ إِنَّكَ أَنتَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿١٢٩﴾

129. Эй Парвардигоро, шу зурриётларим ичидан ўз жамоаларига Пай-
1 жузъ ғамбар қилиб юборгил, то уларга Сенинг Китобингни ўқиб берсин. Уларга
Китобинг аҳкомларини таълим берсин, ажойиб ҳикматларни баён қилсин
ва уларнинг ахлоқларини тузатсин, ёмон ахлоқлардан тоза қилсин. Албатта, Сен ҳар бир ишда тавоно (қудратли) ва доносан (ҳакимсан).

وَمَن يَرْغَبُ عَن مِّلَّةِ إِبْرَٰهِـۧمَ إِلَّا مَن سَفِهَ نَفْسَهُۥ ۚ وَلَقَدِ ٱصْطَفَيْنَٰهُ فِى ٱلدُّنْيَا ۖ
وَإِنَّهُۥ فِى ٱلْءَاخِرَةِ لَمِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿١٣٠﴾

130. Ким миллати Иброҳимдан қайтади? Магар шундай одам қайтадики, ўз нафсининг фойдасига илми йўқ (золим), беақл бўлса. Албатта, бу дунёда Иброҳим (алайҳиссалом)ни ихтиёр қилиб, шарафи нубувватга мушарраф этганмиз. *Хонаи Каъбанинг таъмирини унга муяссар қилганмиз.* У, албатта, охиратда солиҳинлардан ва муқаррабинлардандир.

إِذْ قَالَ لَهُۥ رَبُّهُۥٓ أَسْلِمْ ۖ قَالَ أَسْلَمْتُ لِرَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٣١﴾

131. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ўша вақтни ёд қил. Вақтики Парвардигор Иброҳим (алайҳиссалом)га айтди: «Менинг фармонларимга инқиёд қил (бўйинсун), ҳукмларимни бажо келтир». Иброҳим (алайҳиссалом) айтди: «Мен Парвардигори оламга инқиёд қилдим (бўйинсундим) ва ҳукмларига итоат этдим».

وَوَصَّىٰ بِهَآ إِبْرَٰهِـۧمُ بَنِيهِ وَيَعْقُوبُ يَٰبَنِىَّ إِنَّ ٱللَّهَ ٱصْطَفَىٰ لَكُمُ ٱلدِّينَ فَلَا تَمُوتُنَّ
إِلَّا وَأَنتُم مُّسْلِمُونَ ﴿١٣٢﴾

132. Иброҳим (алайҳиссалом) фарзандларига итоат қилиш тариқаларини васият қилди. Яъқуб (алайҳиссалом) ҳам фарзандларига шу мазмунда васият қилди. Васияти шу эдики: «Эй фарзандларим, Аллоҳ табо-рак ва таоло сизларга ҳақ динни машруъ қилди. У Ислом динидир, бас, сизлар бу дунёдан кетманглар, магар муслим бўлган ҳолда, Худонинг фармонларига итоат қилган ҳолда (бу дунёдан кетинглар)».

أَمْ كُنتُمْ شُهَدَآءَ إِذْ حَضَرَ يَعْقُوبَ ٱلْمَوْتُ إِذْ قَالَ لِبَنِيهِ مَا تَعْبُدُونَ مِنۢ بَعْدِى
قَالُوا۟ نَعْبُدُ إِلَٰهَكَ وَإِلَٰهَ ءَابَآئِكَ إِبْرَٰهِـۧمَ وَإِسْمَٰعِيلَ وَإِسْحَٰقَ إِلَٰهًا وَٰحِدًا
وَنَحْنُ لَهُۥ مُسْلِمُونَ ﴿١٣٣﴾

133. (Эй яҳудлар), вақтики Яъқуб (алайҳиссалом)га ўлим келди, ўша вақтда Яъқуб болаларига айтди: «Мендан кейин нима нарсага ибодат қиласизлар?» Яъқуб (алайҳиссалом)нинг болалари айтдилар: «Биз Сенинг Худойингга ибодат қиламиз. Сенинг ота-боболаринг Иброҳим (алайҳиссалом), Исмоил (алайҳиссалом) ва Исҳоқ (алайҳиссалом)нинг ибодат қилган Худосига ибодат қиламиз. У Худо якка ва ягонадир. Бизлар мана шу Худога инқиёд қиламиз (бўйинсунамиз), ҳукмини бажо келти амиз», – деб айтган жавоб қилган) вақтларида ҳозир (гувоҳ) бўлган эдингизларми?

تِلْكَ أُمَّةٌ قَدْ خَلَتْ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَلَكُم مَّا كَسَبْتُمْ وَلَا تُسْـَٔلُونَ عَمَّا كَانُوا۟ 1 жузъ
يَعْمَلُونَ ﴿١٣٤﴾

134. (Ҳазрати) Иброҳим, (Ҳазрати) Яъқуб ва уларнинг авлодлари бир жамоат эдиларки, оламдан ўтиб кетдилар. Улар қилган касбларининг ва амалларининг жазосини ўзлари кўрадилар. Сизларга уларнинг қилган амалларидан ҳеч фойда йўқ ва сизлар ҳам ўз амалларингизнинг жазосини ўзларингиз кўрасизлар. Сизлар уларнинг қилган амалларидан савол қилинмассизлар.

وَقَالُوا۟ كُونُوا۟ هُودًا أَوْ نَصَـٰرَىٰ تَهْتَدُوا۟ قُلْ بَلْ مِلَّةَ إِبْرَٰهِـۧمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ
مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿١٣٥﴾

135. Яҳудлар Ислом аҳлига айтдилар: «Яҳуд бўлинглар, шунда ҳидоят топасизлар». Насоролар Ислом аҳлига айтдилар: «Насоро бўлинглар, шунда ҳидоят топасизлар». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом) уларга айтгил: «Биз на яҳудликни қабул қиламиз ва на тарсоликни (насороликни). Балки Иброҳим (алайҳиссалом) миллатига мутобаъат қиламиз. У кишининг миллатлари тўғри йўлдадир. Иброҳим (алайҳиссалом) мушриклардан эмас эди».

قُولُوٓا۟ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ وَمَآ أُنزِلَ إِلَيْنَا وَمَآ أُنزِلَ إِلَىٰٓ إِبْرَٰهِـۧمَ وَإِسْمَـٰعِيلَ وَإِسْحَـٰقَ
وَيَعْقُوبَ وَٱلْأَسْبَاطِ وَمَآ أُوتِىَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَمَآ أُوتِىَ ٱلنَّبِيُّونَ مِن رَّبِّهِمْ لَا
نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْهُمْ وَنَحْنُ لَهُۥ مُسْلِمُونَ ﴿١٣٦﴾

136. Эй мўминлар, сизлар аҳли китобларга айтингларки: «Бизлар Аллоҳ таолога ва бизга туширилган аҳкомга, Иброҳим ва Исмоил ва Исҳоқ ва Яъқуб (алайҳимуссаломлар)га ва унинг авлодига берилган нарсага ва Мусога ва Ийсога ва бошқа набийларга Парвардигоринг тарафидан берилган нарсага иймон келтирдик. Бизлар ҳеч бирларининг ҳақларида фарқ қилмасмиз ва (барчаларига) иймон келтирамиз. Биз у Парвардигорга мутедирмиз».

فَإِنْ ءَامَنُوا۟ بِمِثْلِ مَآ ءَامَنتُم بِهِۦ فَقَدِ ٱهْتَدَوا۟ وَّإِن تَوَلَّوْا۟ فَإِنَّمَا هُمْ فِى شِقَاقٍ
فَسَيَكْفِيكَهُمُ ٱللَّهُ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿١٣٧﴾

137. Агар яҳудлар ва насоролар сизлар иймон келтирган каби ҳамма китобларга ва пайғамбарларга иймон келтирсалар, бас, ҳақиқатда ҳидоят топган бўлурлар. Ва агар иъроз қилсалар (юз ўгирсалар), бас, улар нифоқда ва адоватда собитдирлар. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларнинг душманлигидан андиша қилма. Яқинда Парвардигор уларнинг шаррини (ёмонлигини) Сендан даф қилади. Парвардигор уларнинг сўзларини эшитгувчи ва эътиқодларини билгувчидир.

صِبْغَةَ ٱللَّهِ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ ٱللَّهِ صِبْغَةً وَنَحْنُ لَهُۥ عَٰبِدُونَ ﴿١٣٨﴾

1 узъ 138. *Нақлда келибдики, насороларнинг хонадонларида бола таввалуд топса, етти кундан кейин ибодатхоналарига олиб келиб, маъмудийя (чўқинтирадиган) сувга ғусл қилдирар эдилар. Эътиқодлари шуки, бола бошқа диндан пок бўлади. Буни қоим мақоми хатна (хатна ўрнидаги ибодат деб) биладилар. Айтадиларки: «Болани насроний ният ранги билан рангладик».* Эй мусулмонлар, уларга айтинг: «Биз Худонинг рангига тобемиз, у – Ислом динидир. Ким Худодан яхшироқ ранглайди?! Биз Парвардигорнинг Ўзигагина ибодат қиламиз».

قُلْ أَتُحَآجُّونَنَا فِى ٱللَّهِ وَهُوَ رَبُّنَا وَرَبُّكُمْ وَلَنَآ أَعْمَٰلُنَا وَلَكُمْ أَعْمَٰلُكُمْ وَنَحْنُ
لَهُۥ مُخْلِصُونَ ﴿١٣٩﴾ أَمْ تَقُولُونَ إِنَّ إِبْرَٰهِۦمَ وَإِسْمَٰعِيلَ وَإِسْحَٰقَ وَيَعْقُوبَ
وَٱلْأَسْبَاطَ كَانُوا۟ هُودًا أَوْ نَصَٰرَىٰ ۗ قُلْ ءَأَنتُمْ أَعْلَمُ أَمِ ٱللَّهُ ۗ وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّن كَتَمَ
شَهَٰدَةً عِندَهُۥ مِنَ ٱللَّهِ ۗ وَمَا ٱللَّهُ بِغَٰفِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿١٤٠﴾

139-140. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга жавоб бериб айтгил: «Оё, Худонинг динида биз билан жанжал қиласизларми? (талашиб-тортишасизларми?) Ваҳоланки, Аллоҳ таоло бизнинг ҳам Парвардигоримиз ва сизларнинг ҳам Парвардигорингиздир. Бизнинг амалларимиз ўзимизга, жазосини (натижасини) ўзимиз кўрамиз. Сизларнинг амалларингиз ўзингизга, жазосини ўзларингиз кўрарсизлар. Биз Парвардигорга холис ибодат қиламиз. Эй яҳудлар: «Албатта, Иброҳим ва Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб (алайҳимуссаломлар) ва авлодлари – ҳаммалари яҳудлар эдилар», – деб айтасизларми? Эй насоролар, сизлар (ҳам) у зотларни насоро деб даъво қиласизларми? *Ваҳоланки, яҳудлик ва насоролик улардан кейин пайдо бўлгандир.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Оё, сизлар яхши биласизларми ёки Аллоҳ таоло яхши биладими?» Худо тарафидан ҳақ гувоҳликни яширганлардан золимроқ киши борми? Сизлар ўз китобларингизда Муҳаммад (алайҳиссалом) нубувватини билиб туриб, гувоҳлик беришдан инкор қилдиларинг (бош тортдиларинг). Сизларнинг бу амалларингиздан Аллоҳ таоло ғофил эмасдир.

تِلْكَ أُمَّةٌ قَدْ خَلَتْ ۖ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَلَكُم مَّا كَسَبْتُمْ ۖ وَلَا تُسْـَٔلُونَ عَمَّا كَانُوا۟
يَعْمَلُونَ ﴿١٤١﴾

141. Бу қавм бир жамоат эдики, дунёдан ўтиб кетди. Уларнинг қилган амаллари ўзларига, жазосини (ажри, эвазини) ҳам ўзлари кўрадилар. Сизларнинг ҳам қилган амалларингиз ўзларингизга, жазосини ўзларингиз кўрасизлар. Сизлар уларнинг қилган амалларига масъул бўлмайсизлар.

ИККИНЧИ ЖУЗЪ

۞ سَيَقُولُ ٱلسُّفَهَآءُ مِنَ ٱلنَّاسِ مَا وَلَّىٰهُمْ عَن قِبْلَتِهِمُ ٱلَّتِى كَانُوا۟ عَلَيْهَا ۚ قُل لِّلَّهِ 2 жузъ
ٱلْمَشْرِقُ وَٱلْمَغْرِبُ ۚ يَهْدِى مَن يَشَآءُ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿١٤٢﴾

142. *Нақл қилинадики, вақтики Муҳаммад алайҳиссалом Маккаи Мукаррамада эдилар, Хонаи Каъба қибла эди, намозда Хонаи Каъбага мутаважжиҳ бўлар (юзланар) эдилар. Вақтики Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб келдилар, Худо амр қилдики: «Байтул Мақдисга қараб намоз ўқигил». Бу илоҳий фармонда ҳикмат шу эдики, Мадина атрофида яҳудлар кўп эдилар. Уларнинг диллари Исломга мойил бўлсин, мусулмонлардан рози бўлсинлар, деб Худо ушбу фармонни буюрган эди. Лекин яҳудлар таъна қилиб айтдиларки: «Муҳаммад қайси тарафга қараб ибодат қилишни билмасдан, ўз динида ҳайрондир». Баъзи яҳудлар айтдиларки: «Муҳаммад бизнинг динимизга кирди, чунки бизнинг қибламизга қараб намоз ўқиди». Расулуллоҳ бу сўзларни эшитиб, табиатлари малул (гамгин) бўлдилар. Дилларида Парвардигорга илтижо қилиб, яна Парвардигор Хонаи Каъбани қибла қилиб беришини орзу қилар эдилар. Худодан қибланинг таҳвилига (ўзгартирилишига) оят келди. Расулуллоҳ Байтул Мақдис (Қуддус шаҳри)дан юзларини Хонаи Каъбага ўгирдилар. Шундан кейин яҳудлар ва мунофиқларнинг тиллари яна таъна қилишга узун бўлди. Ҳақ таоло шу ҳолларидан хабар бериб, ушбу оятни нозил қилди.* Худо айтди: «Яқин кунларда яҳудларнинг аҳмоқлари ва Мадинанинг мунофиқлари айтадиларки: «Мусулмонлар илгариги намоз ўқиб турган қиблаларидан юзларини нима учун ўгирди? Нима сабабдан Байтул Мақдисдан Каъба тарафга юз ўгирдилар?». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яҳудларга айтгил: «Машриқ ҳам Худонинг мулки, мағриб ҳам Худонинг мулкидир. Худо хоҳласа, ҳар кимни тўғри йўлга солади».

وَكَذَٰلِكَ جَعَلْنَٰكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِّتَكُونُوا۟ شُهَدَآءَ عَلَى ٱلنَّاسِ وَيَكُونَ ٱلرَّسُولُ
عَلَيْكُمْ شَهِيدًا ۗ وَمَا جَعَلْنَا ٱلْقِبْلَةَ ٱلَّتِى كُنتَ عَلَيْهَآ إِلَّا لِنَعْلَمَ مَن يَتَّبِعُ ٱلرَّسُولَ
مِمَّن يَنقَلِبُ عَلَىٰ عَقِبَيْهِ ۚ وَإِن كَانَتْ لَكَبِيرَةً إِلَّا عَلَى ٱلَّذِينَ هَدَى ٱللَّهُ ۗ وَمَا كَانَ
ٱللَّهُ لِيُضِيعَ إِيمَٰنَكُمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ بِٱلنَّاسِ لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿١٤٣﴾

143. Сизларнинг қиблаларингизни афзал қиблага айлантирганимиз каби ўзларингизни ҳам умматлар ичида адолатли ва ахлоқли ва фазилатли умматга айлантирдим. Токи сизлар Қиёмат куни анбиёлар тарафидан

гувоҳ бўласизлар. Нубувватга мункир бўлган халқлар, умматлар олдида Муҳаммад (алайҳиссалом) сизларнинг адолатларингиз учун гувоҳлик беради. Хонаи Каъбани Сенга (эй Муҳаммад,) намоз ўқиш учун яна қиблага айлантирдим. Токи Расулга иттибоъ қилувчилар (эргашувчилар) ва юз ўтирувчиларнинг бир-бирларидан жудо бўлиши маълум бўлсин. Муҳаммад (алайҳиссалом)га ихлос билан тобе бўлганлар кимлар, орқасига қайтувчи мунофиқлар кимлар? Гарчи бу воқеа баъзиларга оғир бўлса-да, магар Худо ҳидоят қилган, иймони росих (мустаҳкам) кишиларга оғир эмасдир. Аллоҳ таоло қилган амалларингизни зое қилмайди. Қайси тарафга қараб намоз ўқиган бўлсангизлар ҳам, уни Худо бекор қилмайди.
2 жузъ Чунки Аллоҳ таоло бандаларга меҳрибон ва мушфиқдир.

قَدْ نَرَىٰ تَقَلُّبَ وَجْهِكَ فِي ٱلسَّمَآءِ ۖ فَلَنُوَلِّيَنَّكَ قِبْلَةً تَرْضَىٰهَا ۚ فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ
ٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ ۚ وَحَيْثُ مَا كُنتُمْ فَوَلُّوا۟ وُجُوهَكُمْ شَطْرَهُۥ ۗ وَإِنَّ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟
ٱلْكِتَـٰبَ لَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ ٱلْحَقُّ مِن رَّبِّهِمْ ۗ وَمَا ٱللَّهُ بِغَـٰفِلٍ عَمَّا يَعْمَلُونَ ﴿١٤٤﴾

144. Албатта, Биз кўрамизки, Сен ваҳийга мунтазир бўлиб осмонга юзингни ўтирасан. Хонаи Каъбанинг қибла бўлишини орзу қиласан. Шунинг учун ҳам Сен рози бўладиган қибла тарафига юзингни ўгиртирдик. Ҳар жойдаки: хоҳ ерда, хоҳ тоғда, хоҳ машриқда, хоҳ мағрибда бўлсангизлар, намоз ўқиган вақтларингизда юзларингизни Масжидул Ҳаром тарафига ўтиринглар. Албатта, аҳли китоблар шу қибла таҳвилини Худо тарафидан ҳақ деб биладилар. Чунки бу воқеа китобларида ёзилгандир. Аллоҳ таоло, албатта, уларнинг инкорларидан ғофил эмасдир. *Лекин (улар) мункир бўладилар.*

وَلَئِنْ أَتَيْتَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَـٰبَ بِكُلِّ ءَايَةٍ مَّا تَبِعُوا۟ قِبْلَتَكَ ۚ وَمَآ أَنتَ بِتَابِعٍ قِبْلَتَهُمْ
ۚ وَمَا بَعْضُهُم بِتَابِعٍ قِبْلَةَ بَعْضٍ ۚ وَلَئِنِ ٱتَّبَعْتَ أَهْوَآءَهُم مِّنۢ بَعْدِ مَا جَآءَكَ مِنَ
ٱلْعِلْمِ ۙ إِنَّكَ إِذًا لَّمِنَ ٱلظَّـٰلِمِينَ ﴿١٤٥﴾

145. *Ўзимнинг жалолимга қасамёд қилиб айтаманки,* аҳли китобга Худо тарафидан ўзингнинг ҳақлигингга ва қиблангнинг ҳақлигига тамом (барча) мўъжизларни келтирсанг ҳам, Сенинг қиблангга тобе бўлмайдилар. Сен ҳам уларнинг қибласига тобе бўлгувчи эмассан. Аҳли китобнинг ўзларидан баъзилари ҳам бошқаларининг қибласига тобе эмаслар. Яъни, яҳудларнинг қибласи бошқа, насороларнинг қибласи бошқадир. Агар Сен, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худо тарафидан Сенга ҳақ қайси томондалигига илм ҳосил бўлгандан сўнг фаразан уларнинг орзуларига тобе бўлар экансан, бас, албатта, шу мутобаъат қилган ҳолингда золимлардан бўларсан.

ٱلَّذِينَ ءَاتَيْنَـٰهُمُ ٱلْكِتَـٰبَ يَعْرِفُونَهُۥ كَمَا يَعْرِفُونَ أَبْنَآءَهُمْ ۖ وَإِنَّ فَرِيقًا مِّنْهُمْ
لَيَكْتُمُونَ ٱلْحَقَّ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿١٤٦﴾ ٱلْحَقُّ مِن رَّبِّكَ ۖ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ ٱلْمُمْتَرِينَ ﴿١٤٧﴾

146-147. Аҳли китоблар Муҳаммад (алайҳиссалом)ни шундай танийдиларки, (худди) ўғилларини танигандек. Бир фирқалари билиб турган ҳолда ҳақни яширадилар, авомларига айтмайдилар. Худо тарафидан Сенга ҳар на келса, ҳақ ва содиқдир. Бас, шак қилувчилардан бўлмагин!

وَلِكُلٍّ وِجْهَةٌ هُوَ مُوَلِّيهَا ۖ فَاسْتَبِقُوا الْخَيْرَاتِ ۚ أَيْنَ مَا تَكُونُوا يَأْتِ بِكُمُ اللَّهُ
جَمِيعًا ۚ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٤٨﴾

148. Ҳар гуруҳки, худопарастлардан бўлса ва анбиёлардан бўлса, на- 2
моз учун муайян қибласи бордир. У юзини ўша тарафга ўгиради. Бас, эй жузъ
мўминлар, хайр ишларга бошқалардан сабқат қилинглар (пешқадам бў-
линглар). Қаерда бўлсангизлар ҳам, Қиёмат куни Худойи таоло ҳаммала-
рингизни Ўз ҳузурига жам қилади. У жойда ҳақ ботилдан ажрайди. Ал-
батта, Аллоҳ таоло ҳар бир ишга қодирдир.

وَمِنْ حَيْثُ خَرَجْتَ فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ ۖ وَإِنَّهُ لَلْحَقُّ مِنْ
رَبِّكَ ۗ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿١٤٩﴾ وَمِنْ حَيْثُ خَرَجْتَ فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ
الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ ۚ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوَلُّوا وُجُوهَكُمْ شَطْرَهُ لِئَلَّا يَكُونَ
لِلنَّاسِ عَلَيْكُمْ حُجَّةٌ إِلَّا الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ فَلَا تَخْشَوْهُمْ وَاخْشَوْنِي وَلِأُتِمَّ
نِعْمَتِي عَلَيْكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٥٠﴾ كَمَا أَرْسَلْنَا فِيكُمْ رَسُولًا مِنْكُمْ يَتْلُو
عَلَيْكُمْ آيَاتِنَا وَيُزَكِّيكُمْ وَيُعَلِّمُكُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَيُعَلِّمُكُمْ مَا لَمْ
تَكُونُوا تَعْلَمُونَ ﴿١٥١﴾

149-151. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), сафарга чиққанингда ҳар жойда бўлсанг ҳам намоз вақтида юзингни Масжидул Ҳаром тарафига ўгир. Бу қибланинг Каъба тарафига айланмоғи Аллоҳ тарафидан келган ҳақ ҳукмдир. Сизларнинг амалларингиздан Аллоҳ таоло ғофил эмасдир. Қайси бир ердан чиқсанг, қайси замонда сафар қилсанг, намоз вақтида Масжидул Ҳаром тарафига юзингни ўгир. Ва, эй мўминлар, қайси маконда бўлсангизлар: хоҳ чўлда, хоҳ шаҳарда, юзларингизни Масжидул Ҳаром тарафига ўгиринглар, токи яҳудлар тарафидан ё мушриклар тарафидан сизларнинг тепаларингизга хусумат бўлмасин. Магар у одамларки, ўз нафсларига зулм қилгандирлар, (улар) таъна қилиш ва айблашдан тўхтамайдилар. Уларга мухолифат қилишда ҳаргиз улардан қўрқманглар. Аммо Менинг фармонимга мухолиф бўлишдан қўрқинглар. Мен сизларга берган неъматларимни баркамол қилиш учун ушбу аҳкомларни сизларга юборурман. Шоядки сизлар шукргузорлик билан ҳидоят топарсизлар. Берган неъматим шунга ўхшашки, ўз жамоаларингиздан сизларга Расул юбордим. У сизларга Менинг оятларимни тиловат қилади. Сизларни ра-

зил ахлоқлардан тозалайди. Сизларга Қуръонни, ҳикматли сўзларни ва сизлар билмайдиган нарсаларни таълим беради.

فَٱذْكُرُونِىٓ أَذْكُرْكُمْ وَٱشْكُرُوا۟ لِى وَلَا تَكْفُرُونِ ﴿١٥٢﴾

152. Эй мўминлар, Мени тоат-ибодат билан ёд қилинглар. Мен сизларни раҳмат ва мағфират билан ёд қиламан. Менинг берган неъматларим шукрини адо этинглар, куфрон (кофирлик, ношукурлик) қилманглар.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱسْتَعِينُوا۟ بِٱلصَّبْرِ وَٱلصَّلَوٰةِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلصَّٰبِرِينَ ﴿١٥٣﴾

2 жузъ

153. Эй мўминлар, Худонинг берган мусибатларига сабр қилган ҳолда ва мақсадларингиз ҳосил бўлиши учун намоз ўқиб, (Аллоҳдан) ёрдам сўранглар. Албатта, Аллоҳ таолонинг марҳамати собирлар билан биргадир.

وَلَا تَقُولُوا۟ لِمَن يُقْتَلُ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ أَمْوَٰتٌۢ ۚ بَلْ أَحْيَآءٌ وَلَٰكِن لَّا تَشْعُرُونَ ﴿١٥٤﴾

154. Эй мўминлар, Худонинг йўлида шаҳид бўлганларни «ўликлар», деб айтманглар, балки улар Бизнинг ҳузуримизда тирикдирлар. Лекин сизлар уларнинг ҳаётини билмайсизлар.

وَلَنَبْلُوَنَّكُم بِشَىْءٍ مِّنَ ٱلْخَوْفِ وَٱلْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ ٱلْأَمْوَٰلِ وَٱلْأَنفُسِ
وَٱلثَّمَرَٰتِ ۗ وَبَشِّرِ ٱلصَّٰبِرِينَ ﴿١٥٥﴾ ٱلَّذِينَ إِذَآ أَصَٰبَتْهُم مُّصِيبَةٌ قَالُوٓا۟ إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّآ
إِلَيْهِ رَٰجِعُونَ ﴿١٥٦﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَٰتٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ
ٱلْمُهْتَدُونَ ﴿١٥٧﴾

155-157. Албатта, сизларнинг тепаларингизга баъзи балолар юбориб, у балоларга қандай сабр қилишларингизни маълум қиламиз (синаймиз). Чунончи, дилларингизга душман тарафидан хавф соламиз, ўзларингизга очарчилик ва танглик юборамиз. Молларингизга нуқсон етказамиз, нафсларингизга касаллик берамиз, меваларингизга самовий офат юборамиз. Агар мўминлар ана шундай кулфатларга сабр қилсалар, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у собирларга Худонинг раҳматидан башорат бергил. Улар шундай сифатга эгаки, бирор мусибат етиб қолса, айтадиларки: «Бизлар Худонинг бандасимиз, *Худодан ҳар на келса, розимиз*. Бизлар ўлгандан сўнг Худонинг олдига боргувчимиз». Бундай одамларга Худо тарафидан раҳмат ва мағфират бордир. Ана ўшалар ҳидоят топган зотлардир.

۞ إِنَّ ٱلصَّفَا وَٱلْمَرْوَةَ مِن شَعَآئِرِ ٱللَّهِ ۖ فَمَنْ حَجَّ ٱلْبَيْتَ أَوِ ٱعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ
أَن يَطَّوَّفَ بِهِمَا ۚ وَمَن تَطَوَّعَ خَيْرًا فَإِنَّ ٱللَّهَ شَاكِرٌ عَلِيمٌ ﴿١٥٨﴾

158. Албатта, Сафо тоғи ва Марва тоғи ҳажнинг нишоналаридандир. Бас, ҳар кимки Хонаи Каъбани (ҳаж қилишни) қасд қилиб, эҳром боғлар экан, ё умра қилар экан, бас, ўша жойларни тавоф қилсалар, ҳеч боки

(зарари) йўқ. Шу икки тоғни кимки зиёда хайр қилар экан, яъни нафл тариқасида Хонаи Каъба тавофини (амалларини) бажо келтирар экан, бас, Аллоҳ таоло ўшандай бандага ажр-мукофот беради. Унинг ҳолини Аллоҳ таоло билгувчидир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَآ أَنزَلْنَا مِنَ ٱلْبَيِّنَٰتِ وَٱلْهُدَىٰ مِنۢ بَعْدِ مَا بَيَّنَّٰهُ لِلنَّاسِ فِى
ٱلْكِتَٰبِ أُو۟لَٰٓئِكَ يَلْعَنُهُمُ ٱللَّهُ وَيَلْعَنُهُمُ ٱللَّٰعِنُونَ ﴿١٥٩﴾ إِلَّا ٱلَّذِينَ تَابُوا۟ وَأَصْلَحُوا۟
وَبَيَّنُوا۟ فَأُو۟لَٰٓئِكَ أَتُوبُ عَلَيْهِمْ وَأَنَا ٱلتَّوَّابُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٦٠﴾ 2 жузъ

159-160. Яҳудларнинг уламолари Тавротда Биз нозил қилган аҳкомларни қавмларидан яширадилар. Тавротда Биз бу ҳукмларни очиқ баён қилганимиздан сўнг бирор дунёвий ғараз (мақсад) учун халққа айтмайдилар.

Аллоҳ таоло Ўзининг оятини беркитгани учун ўша гуруҳни лаънат қилади. Бошқа лаънат қилувчи малоикалар, инс ва жин ҳаммалари: «Аллоҳим, уларни лаънатла», – деб Худодан дуо қилиб сўрайдилар. Магар у одамларки, бу ёмон ишдан тавба қилган бўлсалар, ўзларининг ҳолларини ислоҳ қилсалар, яширган оятларини халққа баён қилсалар, бас, Мен уларнинг тавбаларини қабул қиламан. Мен бандаларнинг тавбаларини қабул қилгувчи ва уларга меҳрибондирман.

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَمَاتُوا۟ وَهُمْ كُفَّارٌ أُو۟لَٰٓئِكَ عَلَيْهِمْ لَعْنَةُ ٱللَّهِ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةِ
وَٱلنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴿١٦١﴾ خَٰلِدِينَ فِيهَا لَا يُخَفَّفُ عَنْهُمُ ٱلْعَذَابُ وَلَا هُمْ
يُنظَرُونَ ﴿١٦٢﴾

161-162. Албатта, кофир бўлган гуруҳлар Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг пайғамбарликларини инкор қилганлари сабабидан ҳамда иймон келтирмасдан, кофирлик ҳолида ўлганлари учун (уларга) Худонинг лаънати собитдир. Ва ҳам малоикаларнинг ва тамом мўминларнинг лаънати уларга собитдир. Улар дўзахда ҳамиша (абадий) қоладилар. Улардан дўзах азоби тахфиф (енгил) ҳам қилинмайди ва уларга муҳлат ҳам берилмайди. Уларнинг ҳолига раҳм билан назар ҳам қилинмайди.

وَإِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌ لَّآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلرَّحْمَٰنُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٦٣﴾

163. Эй бандалар, сизларнинг Худойингиз танҳодир, шериги йўқдир. Ҳеч маъбуд ибодатга лойиқ эмасдир, магар бир Зот (Парвардигоргина ибодатга лойиқдир). Парвардигор бандаларга меҳрибон ва кечирувчидир. *Ибодатга сазовордир.*

إِنَّ فِى خَلْقِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَٱخْتِلَٰفِ ٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ وَٱلْفُلْكِ ٱلَّتِى تَجْرِى فِى
ٱلْبَحْرِ بِمَا يَنفَعُ ٱلنَّاسَ وَمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مِن مَّآءٍ فَأَحْيَا بِهِ ٱلْأَرْضَ بَعْدَ
مَوْتِهَا وَبَثَّ فِيهَا مِن كُلِّ دَآبَّةٍ وَتَصْرِيفِ ٱلرِّيَٰحِ وَٱلسَّحَابِ ٱلْمُسَخَّرِ بَيْنَ

ٱلسَّمَآءِ وَٱلۡأَرۡضِ لَأٓيَٰتٖ لِّقَوۡمٖ يَعۡقِلُونَ ١٦٤

164. Албатта, осмонлар ва ернинг яратилишида, кеча билан кундузнинг
ихтилофларида (алмашиб туришида), кемаларнинг дарёда ҳаракат қилиш-
ларида ва халқларга манфаат етказишларида ва Аллоҳ таолонинг осмондан
ёмғирлар ёғдиришида ва ўша ёмғирлар сабабидан Аллоҳ таоло қуруқ ердан
гиёҳлар кўкартиришида ва ҳар хил ҳайвонларнинг ер юзида ҳаракат қилиб,
ўзларининг ризқларини бу гиёҳлардан топиб ейишларида ва шамоллар-
нинг ҳар тарафдан халқнинг манфаати учун ҳаракат қилишида, булутлар
2 жузъ Худонинг ҳукмига мусаххар бўлиб (бўйсунуб), ер билан осмон ўртасида
ҳаракат қилиб, ёмғир ёғдиришида ажойиб қудратига аломатлар, Худонинг
сунъига (қудрати, санъатига) далолат қиладиган ҳикматлар бордир. *Мўмин-
лар шундай қавмки, бу ашёларга қараб, тафаккур қилиб ва ақлларини
ишлатиб, Худонинг азаматига ишонадилар ва иймон келтирадилар.*

وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يَتَّخِذُ مِن دُونِ ٱللَّهِ أَندَادٗا يُحِبُّونَهُمۡ كَحُبِّ ٱللَّهِۖ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَشَدُّ حُبّٗا لِّلَّهِۗ وَلَوۡ يَرَى ٱلَّذِينَ ظَلَمُوٓاْ إِذۡ يَرَوۡنَ ٱلۡعَذَابَ أَنَّ ٱلۡقُوَّةَ لِلَّهِ جَمِيعٗا وَأَنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلۡعَذَابِ ١٦٥

165. Ва одамлардан баъзилари борки, ибодат қилиш учун Худодан бошқа бутларни Худога шерик қиладилар. У бутларни Худони дўст тутгандек дўст тутадилар. Аммо мўминларнинг Аллоҳ таолони дўст тутишлари (севишлари) кофирларнинг муҳаббатидан зиёдароқдир. Чунки кофирлар бутларини кўриб турган ҳолда дўст тутадилар. Мўминлар Худони кўрмай туриб дўст тутадилар. Ўз нафсларига зулм қилганлар дўзах азобини муояна қилган (аниқ кўрган) вақтларида фикр қилсалар, қудрат ва ғалаба ҳаммаси Худоники эканлигини ва, албатта, Аллоҳ таолонинг азоби қаттиқ эканлигини биладилар.

إِذۡ تَبَرَّأَ ٱلَّذِينَ ٱتُّبِعُواْ مِنَ ٱلَّذِينَ ٱتَّبَعُواْ وَرَأَوُاْ ٱلۡعَذَابَ وَتَقَطَّعَتۡ بِهِمُ ٱلۡأَسۡبَابُ ١٦٦ وَقَالَ ٱلَّذِينَ ٱتَّبَعُواْ لَوۡ أَنَّ لَنَا كَرَّةٗ فَنَتَبَرَّأَ مِنۡهُمۡ كَمَا تَبَرَّءُواْ مِنَّاۗ كَذَٰلِكَ يُرِيهِمُ ٱللَّهُ أَعۡمَٰلَهُمۡ حَسَرَٰتٍ عَلَيۡهِمۡۖ وَمَا هُم بِخَٰرِجِينَ مِنَ ٱلنَّارِ ١٦٧

166-167. *Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), маҳшаргоҳни ёд қилгил.* Ўша вақтда кофирларнинг пешволари ўзларининг тобеларига безорлик изҳор қиладилар. Вақтики тобеларининг гуноҳлари пешволарига юклагандан сўнг дўзах азобини муояна (аниқ) кўрганларидан кейин ва нажот асбоби мунқатиъ бўлгандан (нажот умиди узилгандан) сўнг пешволари: «Биз сизлардан безормиз»,-дейдилар. Тобелари пешволарига айтадиларки: «Кошки иккинчи марта дунёга қайтсак эди, биз ҳам уларга безорлик изҳор қилган бўлар эдик. Чунки улар ҳозир бизга безорлик изҳор қилмоқдалар». Аллоҳ таоло шу тарзда уларнинг қилган амаллари

ҳасрат ва надоматларга сабаб бўлганини кўрсатади, улар ҳаргиз дўзахдан хориж бўлмайдилар (ташқари чиқмайдилар).

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ كُلُوا۟ مِمَّا فِى ٱلْأَرْضِ حَلَٰلًا طَيِّبًا وَلَا تَتَّبِعُوا۟ خُطُوَٰتِ ٱلشَّيْطَٰنِ ۚ
إِنَّهُۥ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿١٦٨﴾ إِنَّمَا يَأْمُرُكُم بِٱلسُّوٓءِ وَٱلْفَحْشَآءِ وَأَن تَقُولُوا۟ عَلَى ٱللَّهِ
مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿١٦٩﴾

168-169. Эй мардум (одамлар), сизлар Худонинг ер юзида ҳалол-покиза қилган ризқларини енглар. Шайтоннинг орқасидан эргашманглар, *чунки шайтон сизларга ҳалол нарсани ҳаром деб кўрсатади. Ҳаром нарсани ҳалол деб уқтиради.* У сизларга очиқ душмандир, чунки шайтон сизларнинг гуноҳ ва ёмон ишларингизга, Худонинг шаънига билмаган нарсаларингизни нисбат беришга амр қилади. 2 жузъ

وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ ٱتَّبِعُوا۟ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ قَالُوا۟ بَلْ نَتَّبِعُ مَآ أَلْفَيْنَا عَلَيْهِ ءَابَآءَنَآ ۗ أَوَلَوْ
كَانَ ءَابَآؤُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْـًٔا وَلَا يَهْتَدُونَ ﴿١٧٠﴾

170. Вақтики уларга: «Ҳалол ва ҳаром тўғрисида Худо Қуръонда нозил қилган ҳукмларга тобе бўлинглар ва шунга амал қилинглар», – дейилса, у кофирлар айтадиларки: «Биз Қуръонга тобе бўлмаймиз, балки ота-боболаримизнинг қилган амалларига тобе бўламиз». Агарчи ота-боболари беақл ва гумроҳ бўлсалар ҳам, уларга тобе бўладиларми?

وَمَثَلُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ كَمَثَلِ ٱلَّذِى يَنْعِقُ بِمَا لَا يَسْمَعُ إِلَّا دُعَآءً وَنِدَآءً ۚ صُمٌّۢ بُكْمٌ
عُمْىٌ فَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ ﴿١٧١﴾

171. Кофирларга насиҳат қилувчиларнинг аҳволи ҳеч нарсани билмайдиган ва эшитмайдиган жониворларга насиҳат қилиб (куюниб) гапираётган кишининг ҳолига ўхшайди. Бу жониворлар овоздан бошқа нарсани фаҳмламайдилар ва маънисига етмайдилар. Бу кофирлар ҳақ сўзни эшитишдан карлар ва ҳақни кўрмайдилар ва ҳақни сўзламайдилар. Уларнинг ақллари йўқ, *балки ҳайвон кабидирлар.*

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ كُلُوا۟ مِن طَيِّبَٰتِ مَا رَزَقْنَٰكُمْ وَٱشْكُرُوا۟ لِلَّهِ إِن
كُنتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ ﴿١٧٢﴾ إِنَّمَا حَرَّمَ عَلَيْكُمُ ٱلْمَيْتَةَ وَٱلدَّمَ وَلَحْمَ
ٱلْخِنزِيرِ وَمَآ أُهِلَّ بِهِۦ لِغَيْرِ ٱللَّهِ ۖ فَمَنِ ٱضْطُرَّ غَيْرَ بَاغٍ وَلَا عَادٍ فَلَآ إِثْمَ عَلَيْهِ ۚ
إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٧٣﴾

172-173. Эй мўминлар, Мен ризқ қилган нарсалардан покизаларини енглар. Худонинг берган неъматларига шукр қилинглар. Агар сизлар ҳақиқатдан ҳам Худога ибодат қиладиган бўлсангизлар, сизларга Худонинг

ҳаром қилган нарсалари мана шулардан иборатдир: сизларга ўзи ўлиб қолган нарсани (ўлаксани), қонни, тўнғиз гўштини ва бут номига сўйилган ҳайвонларни ҳаром қилди. Бас, кимки очликка қолиб мажбур бўлса, ҳаромдан еса, рухсатдир. *Лекин егувчи боғий (ҳаддан ошувчи) бўлмасин. Ва тақдирий (кифоя қилгудек) миқдорда есин. Ундан тажовуз қилмасин ва ҳам лаззат учун емасин.* Агар шундай мажбурият сабабли еса, унга ҳеч гуноҳ йўқ. Албатта, Аллоҳ таоло заруратдан қилган ишларни кечирувчидир ва раҳм қилувчидир.

2 жузъ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ مِنَ ٱلْكِتَٰبِ وَيَشْتَرُونَ بِهِۦ ثَمَنًا قَلِيلًا
أُو۟لَٰٓئِكَ مَا يَأْكُلُونَ فِى بُطُونِهِمْ إِلَّا ٱلنَّارَ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ ٱللَّهُ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ وَلَا
يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٧٤﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ ٱشْتَرَوُا۟ ٱلضَّلَٰلَةَ بِٱلْهُدَىٰ
وَٱلْعَذَابَ بِٱلْمَغْفِرَةِ ۚ فَمَآ أَصْبَرَهُمْ عَلَى ٱلنَّارِ ﴿١٧٥﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ نَزَّلَ ٱلْكِتَٰبَ
بِٱلْحَقِّ ۗ وَإِنَّ ٱلَّذِينَ ٱخْتَلَفُوا۟ فِى ٱلْكِتَٰبِ لَفِى شِقَاقٍۭ بَعِيدٍ ﴿١٧٦﴾

174-176. Яҳуд уламолари ришват (пора) олиб, Тавротнинг баъзи ҳукмларини беркитар эдилар. Бунинг бадалига (эвазига) озгина дунё моли олардилар. Бу гуруҳлар Қиёмат куни қоринларига дўзах ўтини ейдилар. Аллоҳ таоло Қиёмат куни уларга меҳрибонлик билан гапирмайди. Уларнинг гуноҳларини кечириб, пок қилмайди. *Уларга қаттиқ азоб беради.* Улар ҳидоятнинг эвазига залолатни олган, мағфиратнинг ўрнига азобни ихтиёр қилган жамоалардир. Нима (қандай) нарса уларни дўзах ўтига сабр қилмоқларига сабаб бўлди? Бу азоб шунинг учунки, Аллоҳ таоло Тавротни ҳақ билан нозил қилган эди, у гуруҳ Таврот оятларини тағйир қилдилар (ўзгартирдилар). У жамоаларки, Тавротнинг оятларига ихтилоф қилдилар, баъзисига иймон келтирмай, кофир бўлдилар, улар ўзаро бир-бирларига душмандирлар.

۞ لَّيْسَ ٱلْبِرَّ أَن تُوَلُّوا۟ وُجُوهَكُمْ قِبَلَ ٱلْمَشْرِقِ وَٱلْمَغْرِبِ وَلَٰكِنَّ ٱلْبِرَّ مَنْ ءَامَنَ
بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةِ وَٱلْكِتَٰبِ وَٱلنَّبِيِّۦنَ وَءَاتَى ٱلْمَالَ عَلَىٰ حُبِّهِۦ
ذَوِى ٱلْقُرْبَىٰ وَٱلْيَتَٰمَىٰ وَٱلْمَسَٰكِينَ وَٱبْنَ ٱلسَّبِيلِ وَٱلسَّآئِلِينَ وَفِى ٱلرِّقَابِ
وَأَقَامَ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَى ٱلزَّكَوٰةَ وَٱلْمُوفُونَ بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَٰهَدُوا۟ ۖ وَٱلصَّٰبِرِينَ
فِى ٱلْبَأْسَآءِ وَٱلضَّرَّآءِ وَحِينَ ٱلْبَأْسِ ۗ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ صَدَقُوا۟ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ
ٱلْمُتَّقُونَ ﴿١٧٧﴾

177. Яхшилик фақат намозда юзларингизни машриқ тарафига ва мағриб тарафига ўгиришларингиздан иборат эмасдир. Лекин улуғ яхшилик шундаки, бир одам Худога, охират кунига, малоикаларга, нозил бўлган китобларга ва пайғамбарларга иймон келтиради. Худо муҳаббатида (йўлида) молини хеш-ақраболарига, етимларга, мискинларга, йўлда қолган-

ларга, соилларга (садақа сўровчиларга), қарздорларнинг қарзларига сарф қилади. Намозини ўз вақтида адо этадилар, мискинларга закот берадилар, аҳд қилсалар, вафо қиладилар, фақру фоқага (фақирликларга, етишмовчилихларга) ҳамда уруш вақтида қочмасдан, сабр қиладилар. Мана шу сифатларга эга бўлган кишилар динларида ростгўйдирлар. Ана ўшалар парҳезкордирлар (тақводордирлар).

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ كُتِبَ عَلَيْكُمُ ٱلْقِصَاصُ فِى ٱلْقَتْلَى ٱلْحُرُّ بِٱلْحُرِّ وَٱلْعَبْدُ بِٱلْعَبْدِ
وَٱلْأُنثَىٰ بِٱلْأُنثَىٰ فَمَنْ عُفِىَ لَهُۥ مِنْ أَخِيهِ شَىْءٌ فَٱتِّبَاعٌۢ بِٱلْمَعْرُوفِ وَأَدَآءٌ إِلَيْهِ 2 жузъ
بِإِحْسَٰنٍ ذَٰلِكَ تَخْفِيفٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَرَحْمَةٌ فَمَنِ ٱعْتَدَىٰ بَعْدَ ذَٰلِكَ فَلَهُۥ عَذَابٌ
أَلِيمٌ ﴿١٧٨﴾ وَلَكُمْ فِى ٱلْقِصَاصِ حَيَوٰةٌ يَٰٓأُولِى ٱلْأَلْبَٰبِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٧٩﴾

178-179. Эй мўминлар, сизларга қотилдан қасос олмоқлик фарз қилинди. Башартики, қасддан ўлдирилган бўлса. Озоднинг (ҳур кишининг) муқобилига озоддан, ғуломнинг (қулнинг) муқобилига ғуломдан, хотиннинг муқобилига хотиндан (қасос олинади). *Бу оят Имом Аъзам наздларида* انَّ النفسَ با لنفس... *ояти билан мансухдир. Ва яна Расулуллоҳдан ривоят қилинибдики,* المسلمون يتكا فا ء دمائهم *яъни «Мусулмонларнинг қонлари баробардир». Бас, Имом Аъзам наздларида, ғуломнинг қасосига озод хотиннинг қасосига эркак ўлдирилади. Аммо Имом Шофеъийнинг наздларида, ўлдирилмайди. Далиллари мана шу оятдир:* ٱلْحُرُّ بِٱلْحُرِّ وَٱلْعَبْدُ بِٱلْعَبْدِ Бас, қотилни мақтулнинг валийси афв этса, қасос соқит бўлади ва қотилдан ДИЯТ (товон, хун баҳоси) олинади. Бас, қотилга лозим шуки, батавъи рағбат (хоҳиш билан) диятни адо этсин. Мақтулнинг меросхўрларига бадхўйлик этмасдан, кўп таъхир қилмасдан диятни адо этсин. Бу афв қилиш – диятга қолдиришлик Худо тарафидан бандаларга енгиллик ва меҳрибонликдир. Ҳар кимки шу афвдан сўнг қотилни ўлдирса, бас, унга Худо тарафидан Қиёмат куни қаттиқ азоб бордир. Эй бандалар, сизлар қасос олишдаги Илоҳий ҳикматга амал қилсангизлар, биласизларки, сизларга қасос олмоқликда бақо (боқийлик) ва зиндалик (тириклик) бордир *Бу қасос сизларнинг ҳаётларингиз низомига сабаб бўлади. Чунки қотилдан қасос олиш бошқаларга ибрат бўлиб, (бошқа) бир бегуноҳ ўлдирилишидан ҳазар қилинади (сақлаб қолинади).* Бас, эй ақл эгалари, агар фикр қилсангизлар, қасос олмоқ бошқаларнинг ҳаётига сабаб бўлар экан, бас эй мўминлар, бошқаларни ўлдиришдан парҳез қилинглар.

كُتِبَ عَلَيْكُمْ إِذَا حَضَرَ أَحَدَكُمُ ٱلْمَوْتُ إِن تَرَكَ خَيْرًا ٱلْوَصِيَّةُ لِلْوَٰلِدَيْنِ
وَٱلْأَقْرَبِينَ بِٱلْمَعْرُوفِ حَقًّا عَلَى ٱلْمُتَّقِينَ ﴿١٨٠﴾ فَمَنۢ بَدَّلَهُۥ بَعْدَمَا سَمِعَهُۥ فَإِنَّمَآ
إِثْمُهُۥ عَلَى ٱلَّذِينَ يُبَدِّلُونَهُۥٓ إِنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿١٨١﴾ فَمَنْ خَافَ مِن مُّوصٍ جَنَفًا

أَوْ إِثْمًا فَأَصْلَحَ بَيْنَهُمْ فَلَآ إِثْمَ عَلَيْهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٨٢﴾

180-182. Эй мўминлар, вақтики қайси бирларингизга ўлим келса, агар кўп мол мерос қолдирадиган бўлса, ота-оналарга, хеш-ақработарига васият қилмоқликлиги фарз қилинди. Худодан қўрқадиган кишиларга бу васиятни инсоф ва адолат билан қилмоқлик ҳақдир. *Илгари жоҳилият вақтида араб жоҳиллари кибру катталик билан бегоналарга молларини бериб, ота-оналарини маҳрум қилиб кетар эдилар. Шунинг учун Худойи таоло ота-оналарнинг ҳуқуқларини сақлашга, васият қилишга амр*
2 жузъ *этди. Бу Ислом ибтидосида эди, кейин мерос ояти нозил бўлиб, меросхўрларнинг ҳуқуқларини Худо муайян қилди. Мазкур оят мансух бўлди.* Ҳар кимки бу ҳукмларни эшитгандан сўнг табдил қилар (ўзгартирар) экан, унинг гуноҳи табдил қилувчиларнинг бўйнигадир. Аллоҳ таоло васият қилувчиларнинг каломини эшитади ва табдил қилувчиларнинг амалларини билади. Бас, агар ворислардан ё васийлардан, ё қозилардан васият қилувчининг адолатсизлигидан, ёки шариатдан ташқари бирон гуноҳ қилишидан қўрқар эканлар, бас, ислоҳ қилсалар, васият қилувчи билан васият қилинганлар ўртасида уларга ҳеч гуноҳ йўқ. Албатта, Аллоҳ таоло саҳван (билмасдан) бўлган хатоларни кечирувчи ва бандаларга меҳрибондир.

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ كُتِبَ عَلَيْكُمُ ٱلصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى ٱلَّذِينَ مِن
قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٨٣﴾ أَيَّامًا مَّعْدُودَٰتٍ ۚ فَمَن كَانَ مِنكُم مَّرِيضًا أَوْ
عَلَىٰ سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ ۚ وَعَلَى ٱلَّذِينَ يُطِيقُونَهُۥ فِدْيَةٌ طَعَامُ مِسْكِينٍ
فَمَن تَطَوَّعَ خَيْرًا فَهُوَ خَيْرٌ لَّهُۥ ۚ وَأَن تَصُومُوا۟ خَيْرٌ لَّكُمْ ۖ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٨٤﴾

183-184. Эй мўминлар, илгариги ўтган умматларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутмоқ фарз қилинди. Шоядки сизлар рўза тутиш билан нафсларингизни мағлуб қилиб муттақийлардан бўлурсизлар. Сизлар Рамазон ойининг саноқли кунларида рўза тутинглар. Агар сизлардан бирорталарингиз касал бўлса, ё сафарда бўлса, бас, шундай одам Рамазондан бошқа кунларда ифтор қилган кунларининг ададича (саноғича) тутиб беради. У одамларки, рўза тутишдан машаққат тортсалар ва қувватлари етмаса, ундай одамлар ҳар бир кун учун фидя тариқасида бир мискинга таом берадилар. Ҳар кимки, нафл тариқасида фидяни миқдоридан зиёда берар экан, ёки бир мискиндан зиёда одамга таом берар экан, ёки рўза билан таомни жам қилар экан, (ҳам рўза тутиб, ҳам таом берса), бас шундай одамга зиёда ажр берилади. Бовужуди рухсат берилган ҳолатда ҳам (яъни, фидя бериб ёки узрли ҳолатда рўза тутмагандан кўра) рўза тутсангизлар, агар билсангиз, сизларга рўзанинг фазилати яхшироқдир.

شَهْرُ رَمَضَانَ ٱلَّذِىٓ أُنزِلَ فِيهِ ٱلْقُرْءَانُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَـٰتٍ مِّنَ ٱلْهُدَىٰ
وَٱلْفُرْقَانِ ۚ فَمَن شَهِدَ مِنكُمُ ٱلشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ ۖ وَمَن كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ

فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ يُرِيدُ ٱللَّهُ بِكُمُ ٱلْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ ٱلْعُسْرَ وَلِتُكْمِلُوا۟
ٱلْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا۟ ٱللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَىٰكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٨٥﴾

185. Рамазон ойи шундай ойдирки, бу ойда Қуръон Лайлатул қадр кечаси *Лавҳул Маҳфуздан дунё осмонига* нозил қилинди. Бу Қуръон халқни тўғри йўлга ҳидоят қилгувчидир. Бунда ҳалол ва ҳаром очиқ ва равшан баён қилинган. Ҳақ ва ботилни жудо қилгувчидир. Бас, сизлардан ҳар ким Рамазон ойини топса, рўза тутсин. Кимки бемор бўлса ё сафарда бўлса, Рамазондан бошқа кунларда қазосини тутиб беради. Худо сизларга осонликни истайди, қийинчиликни хоҳламайди. Сизлар Рамазонда (узр билан) ифтор қилган кунларни рўза тутиб тамом қилишларингизни талаб қилади. Яна рўзани тамом қилиб, Худони улуғлаб ёд қилмоқликларингизни хоҳлайди, чунки сизларни шу ибодатларни қилишга ҳидоят қилди. Шоядки сизлар Худонинг бу марҳаматларига шукр қилгайсизлар. 2 жузъ

وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِى عَنِّى فَإِنِّى قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ ٱلدَّاعِ إِذَا دَعَانِ
فَلْيَسْتَجِيبُوا۟ لِى وَلْيُؤْمِنُوا۟ بِى لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ ﴿١٨٦﴾

186. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар бандаларим Сендан Менинг бандаларимга қиладиган муомаламдан савол қилсалар, бас, Мен бандаларимга меҳрибонликда яқиндирман. Вақтики дуо қилувчилар дуо қилсалар, дуоларини ижобат қиламан. Шундай экан, бандаларим ҳам Менга иймонларини мустаҳкам қилсинлар. Менинг чақириғимга ва фармонимга жавоб берсинлар. Шундай қилганларида, шоядки улар яхши одамлар бўлиб, тўғри йўлни топган бўладилар.

أُحِلَّ لَكُمْ لَيْلَةَ ٱلصِّيَامِ ٱلرَّفَثُ إِلَىٰ نِسَآئِكُمْ هُنَّ لِبَاسٌ لَّكُمْ وَأَنتُمْ لِبَاسٌ لَّهُنَّ
عَلِمَ ٱللَّهُ أَنَّكُمْ كُنتُمْ تَخْتَانُونَ أَنفُسَكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ وَعَفَا عَنكُمْ
فَٱلْـَٔـٰنَ بَـٰشِرُوهُنَّ وَٱبْتَغُوا۟ مَا كَتَبَ ٱللَّهُ لَكُمْ وَكُلُوا۟ وَٱشْرَبُوا۟ حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَكُمُ
ٱلْخَيْطُ ٱلْأَبْيَضُ مِنَ ٱلْخَيْطِ ٱلْأَسْوَدِ مِنَ ٱلْفَجْرِ ثُمَّ أَتِمُّوا۟ ٱلصِّيَامَ إِلَى ٱلَّيْلِ وَلَا
تُبَـٰشِرُوهُنَّ وَأَنتُمْ عَـٰكِفُونَ فِى ٱلْمَسَـٰجِدِ تِلْكَ حُدُودُ ٱللَّهِ فَلَا تَقْرَبُوهَا
كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ ءَايَـٰتِهِۦ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ ﴿١٨٧﴾

187. Сизларга рўзанинг кечаларида хотинларингиз билан жимоъ қилиш ҳалол қилинди. *Чунки сизларнинг бир-бирларингиздан узоқ бўлишларингиз қийиндир.* Чунки хотинларингиз сизлар учун киядиган либосларингизга ўхшайди ва сизлар ҳам уларнинг киядиган либосига ўхшайсизлар. *Аллоҳ таоло сизларнинг ҳолларингизни билади. Агар кечаси жимоъ қилишга рухсат берилмаса, у ҳолда кундуз куни жимоъ қилиб, нафсларингизга хиёнат қиласизлар. Бас, Ҳақ таоло сизларга марҳамат қилиб,*

кечасига рухсат берди. Аввалги сизлардан содир бўлган хиёнатларни афв қилди. Энди сизлар рўза кечаларида хотинларингиз билан мубошарат қилаверинглар (қўшилаверинглар). *Худонинг муқаддар (тақдир) қилган фарзандларини талаб этинглар.* Рўза кечаларида то субҳи содиқ субҳи козибдан ажралгунча (оқ ип қора ипдан фарқлангунча) енглар ва ичинглар. Кейин то кечқурунгача рўзани тамом тутинглар. Масжидда эътикоф ўтирган ҳолларингизда хотинларингиз билан мубошарат қилманглар (қўшилманглар). Мана шу рўза ҳукмлари Худо тарафидан муқаррар қилинган ҳудудлардандир. Бу ҳудудларга яқин келманглар. *Яъни, бу ҳудудларга тажовуз қилманглар.* Аллоҳ таоло ҳукмларни шу баён қилганига ўхшаш *амр оятлари бўлсин ёки наҳий (оятлари) бўлсин, ё ваъда, ё ваъийд оятлари бўлсин,* халқ оммасининг манфаати учун баён қилади. Шоядки бу халқ бу ҳудудлардан тажовуз қилишда Худодан қўрқса.

2 жузъ

وَلَا تَأْكُلُوٓا۟ أَمْوَٰلَكُم بَيْنَكُم بِٱلْبَٰطِلِ وَتُدْلُوا۟ بِهَآ إِلَى ٱلْحُكَّامِ لِتَأْكُلُوا۟ فَرِيقًا
مِّنْ أَمْوَٰلِ ٱلنَّاسِ بِٱلْإِثْمِ وَأَنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٨٨﴾

188. Молларингизни ўрталарингизда ҳаром тариқасида еманглар. Ўзларингиз ҳаромлигини билиб турган ҳолда мардум молини ҳаром йўл билан емоқ учун ҳокимларга (бир қисмини) ришват (пора) тариқасида берманглар.

۞ يَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلْأَهِلَّةِ ۖ قُلْ هِىَ مَوَٰقِيتُ لِلنَّاسِ وَٱلْحَجِّ ۗ وَلَيْسَ ٱلْبِرُّ بِأَن تَأْتُوا۟
ٱلْبُيُوتَ مِن ظُهُورِهَا وَلَٰكِنَّ ٱلْبِرَّ مَنِ ٱتَّقَىٰ ۗ وَأْتُوا۟ ٱلْبُيُوتَ مِنْ أَبْوَٰبِهَا ۚ
وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٨٩﴾

189. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан ойларнинг тўлиши ва ноқис бўлишидан ва унинг ҳикматидан савол қиладилар. Сен айттил, ойларнинг ноқис бўлиши ва зиёда бўлиши халққа вақтларни белгилаш учун, намоз вақтларини билиш, ҳажнинг вақтини муайян қилиш, хотинларнинг иддаларини маълум қилиш учундир. Ҳаждан келгандан кейин, умра қилгандан кейин уйларингизнинг дарвозасидан кирмасдан, орқа тараф деворларидан ошиб тушиш савобли иш эмас, савобли иш тақво қилган одамдадир. Уйларингизнинг дарвозасидан кираверинглар, Худодан қўрқинглар, шунда нажот топурсизлар.

وَقَٰتِلُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ ٱلَّذِينَ يُقَٰتِلُونَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوٓا۟ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ
ٱلْمُعْتَدِينَ ﴿١٩٠﴾ وَٱقْتُلُوهُمْ حَيْثُ ثَقِفْتُمُوهُمْ وَأَخْرِجُوهُم مِّنْ حَيْثُ
أَخْرَجُوكُمْ ۚ وَٱلْفِتْنَةُ أَشَدُّ مِنَ ٱلْقَتْلِ ۚ وَلَا تُقَٰتِلُوهُمْ عِندَ ٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ حَتَّىٰ
يُقَٰتِلُوكُمْ فِيهِ ۖ فَإِن قَٰتَلُوكُمْ فَٱقْتُلُوهُمْ ۗ كَذَٰلِكَ جَزَآءُ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿١٩١﴾ فَإِنِ ٱنتَهَوْا۟
فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٩٢﴾

190-192. Сизларга қарши муқотала (жанг) қиладиган кофирлар билан Худо йўлида (Унинг ризолигини истаб) муқотала қилинглар. Муқотала қилишда аввал сизлар бошламанглар, Аллоҳ таоло тажовуз қилгувчиларни дўст тутмайди. Сизлар билан муқотала қилганларни қайда топсангизлар, агарчи Масжидул Ҳаромда бўлса-да, ўлдиринглар. Сизларни чиқарган (ҳайдаган) шаҳардан сизлар ҳам кофирларни чиқаринглар. Уларнинг куфри сизларнинг қатлларингиздан ёмондир. Кофирлар билан Масжидул Ҳаром атрофларида то улар муқотала қилмагунча муқотала қилманглар. Агар улар муқоталани бошлаб юборсалар, парво қилмасдан, ўлдираверинглар. Кофирларнинг жазосини бериш шундай бўлади. Бас, агар кофирлар куфрдан қайтсалар, Аллоҳ таоло уларнинг гуноҳларини кечиргувчи ва меҳрибондир. 2 жузъ

وَقَـٰتِلُوهُمْ حَتَّىٰ لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ ٱلدِّينُ لِلَّهِ فَإِنِ ٱنتَهَوْا۟ فَلَا عُدْوَٰنَ إِلَّا عَلَى
ٱلظَّـٰلِمِينَ ﴿١٩٣﴾

193. Кофирлар билан Аллоҳ таолонинг дини қоим бўлгунча жанг қилинглар, токи фитнанинг асари қолмасин. Агар мушриклар куфрларидан қайтсалар, уларга ҳеч қандай тажовуз қилинмайди, магар золимларга (тажовуз) қилинади.

ٱلشَّهْرُ ٱلْحَرَامُ بِٱلشَّهْرِ ٱلْحَرَامِ وَٱلْحُرُمَـٰتُ قِصَاصٌ فَمَنِ ٱعْتَدَىٰ عَلَيْكُمْ فَٱعْتَدُوا۟
عَلَيْهِ بِمِثْلِ مَا ٱعْتَدَىٰ عَلَيْكُمْ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلْمُتَّقِينَ ﴿١٩٤﴾

194. Шаҳри ҳаром (уруш ҳаром қилинган ойлар)да кофирлар сизлар билан қитол (жанг, уруш) қилар эканлар, сизлар ҳам уларнинг муқобилига шаҳри ҳаромда қитол қилаверинглар. *Ҳурмат (ҳаром деб билиш)да ҳамма баробардир.* Агар улар (кофирлар) тарки ҳурмат қилар эканлар, сизлар ҳам уларнинг қасосига тарки ҳурмат қилаверасизлар, *яъни, ҳаром ойларда қитол қилаверасизлар.* Кофирлардан кимки сизларнинг устларингизга тажовуз қилса, бас, сизлар ҳам у кофирнинг тажовуз қилганига ўхшаш унинг устига тажовуз қилинг. Аллоҳ таолодан қўрқинглар. Шуни билинглларки, Аллоҳ таоло муттақийлар билан биргадир. *Уларга ёрдам беради.*

وَأَنفِقُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ وَلَا تُلْقُوا۟ بِأَيْدِيكُمْ إِلَى ٱلتَّهْلُكَةِ وَأَحْسِنُوٓا۟ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ
ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿١٩٥﴾

195. Эй аҳли давлатлар, молларингизни Худо йўлида сарф қилинглар. Бахиллик қилиб ўзларингизни ўз қўлларингиз билан ҳалокатга урманглар. Халқи Худо (Худонинг махлуқоти)га яхшилик қилинглар. (Албатта), Худойи таоло эҳсон қилувчиларни дўст тутади.

وَأَتِمُّوا۟ ٱلْحَجَّ وَٱلْعُمْرَةَ لِلَّهِ فَإِنْ أُحْصِرْتُمْ فَمَا ٱسْتَيْسَرَ مِنَ ٱلْهَدْىِ وَلَا تَحْلِقُوا۟
رُءُوسَكُمْ حَتَّىٰ يَبْلُغَ ٱلْهَدْىُ مَحِلَّهُۥ فَمَن كَانَ مِنكُم مَّرِيضًا أَوْ بِهِۦٓ أَذًى مِّن

رَأْسِهِۦ فَفِدْيَةٌ مِّن صِيَامٍ أَوْ صَدَقَةٍ أَوْ نُسُكٍ ۚ فَإِذَآ أَمِنتُمْ فَمَن تَمَتَّعَ بِٱلْعُمْرَةِ إِلَى
ٱلْحَجِّ فَمَا ٱسْتَيْسَرَ مِنَ ٱلْهَدْيِ ۚ فَمَن لَّمْ يَجِدْ فَصِيَامُ ثَلَٰثَةِ أَيَّامٍ فِى ٱلْحَجِّ وَسَبْعَةٍ
إِذَا رَجَعْتُمْ ۗ تِلْكَ عَشَرَةٌ كَامِلَةٌ ۗ ذَٰلِكَ لِمَن لَّمْ يَكُنْ أَهْلُهُۥ حَاضِرِى ٱلْمَسْجِدِ
ٱلْحَرَامِ ۚ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿١٩٦﴾

196. Ҳаж билан умрани Аллоҳ учун тамом (тўлиқ) адо қилинглар. ***Яъни,***
2 жузъ *тамом аҳкомларини ва фарзларини, суннатларини, одобларини холис Аллоҳ учун бажо келтиринглар.* Агар бирон сабаб билан, яъни, бемор бўлиб қолсангизлар, ё душмандан қўрқув билан ёки зоди роҳлардан (йўл озуқасидан) ажраб қолиш билан йўлда қолсангизлар, бас, шундай ҳолларда муяссар бўлган қурбонликларингизни Ҳаромга юборасизлар. Қурбонлик сўйилган тарихда (кунда, вақтда) эҳромдан чиқиб, ҳалол бўласизлар (яъни, эҳром пайтидаги таъқиқлардан қутуласизлар). Қурбонликларингиз сўйиладиган жойга етиб боргунча сочларингизни олдирманглар. Бас, агар сизлардан бирорталарингиз эҳром ҳолатида касал бўлиб қолса ё бошида жароҳатга ўхшаш бирон азияти бўлса, ё бош оғриғи каби заруратлар сабабидан сочларингизни олдирсангизлар, бас, шу қилган амалларингизнинг жазоси учун фидя, *яъни, бир қўй сўйиб, мискинларга* берасизлар. Агар бунга ҳам қодир бўлмасаларингиз, уч кун рўза тутасизлар. Вақтики қўрқувдан (мониликлардан) қутулсангизлар ё касалдан тузалсангизлар, то ҳаж вақтигача кимки сизлардан умра қилар экан, муяссар бўлган қурбонлигини қурбонлик қиладиган жойга олиб бориб сўяди. Бас, агар қурбонликни мавжуд топмаса, шу ерда – ҳаж кунларида уч кун рўза тутади. Вақтики уйига қайтиб келар экан, яна етти кун рўза тутади. Шу билан рўзаси комил ўн кун бўлади. Бу қурбонлик ҳукми шундай ҳожигаки, Макка аҳлидан бўлмаса ё Масжидул Ҳаромнинг атрофларидан бўлмаса. Ҳаж афъолларини (амалларини) нотўғри қилишда Худодан қўрқинглар ва билингларки, Худонинг азоби қаттиқдир.

ٱلْحَجُّ أَشْهُرٌ مَّعْلُومَٰتٌ ۚ فَمَن فَرَضَ فِيهِنَّ ٱلْحَجَّ فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقَ وَلَا
جِدَالَ فِى ٱلْحَجِّ ۗ وَمَا تَفْعَلُوا۟ مِنْ خَيْرٍ يَعْلَمْهُ ٱللَّهُ ۗ وَتَزَوَّدُوا۟ فَإِنَّ خَيْرَ ٱلزَّادِ
ٱلتَّقْوَىٰ ۚ وَٱتَّقُونِ يَٰٓأُو۟لِى ٱلْأَلْبَٰبِ ﴿١٩٧﴾ لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَن تَبْتَغُوا۟ فَضْلًا
مِّن رَّبِّكُمْ ۚ فَإِذَآ أَفَضْتُم مِّنْ عَرَفَٰتٍ فَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ عِندَ ٱلْمَشْعَرِ ٱلْحَرَامِ ۖ
وَٱذْكُرُوهُ كَمَا هَدَىٰكُمْ وَإِن كُنتُم مِّن قَبْلِهِۦ لَمِنَ ٱلضَّآلِّينَ ﴿١٩٨﴾ ثُمَّ
أَفِيضُوا۟ مِنْ حَيْثُ أَفَاضَ ٱلنَّاسُ وَٱسْتَغْفِرُوا۟ ٱللَّهَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٩٩﴾

197-199. Ҳажнинг замони муайян ойларда бўлади. ***Яъни, Шаввол, Зулқаъда ойлари ва Зулҳижжа ойининг аввалги ўн куни.*** Ҳар кимки шу ойларда ўзига ҳаж қилишни фарз қилган бўлса, бас, эҳром боғлагандан

кейин хотин билан жимоъ қилиши ҳаромдир. Ва ҳам шариатда ҳаж мавсумида манъ қилинган нарсаларга муртакиб бўлмоқ (содир этмоқ) ва ҳам жанг-жадал қилиш ҳаромдир. Ҳар бир яхши иш (амал)ки, сизлардан содир бўлса, Парвардигор уни билади. Ҳаж учун зоди роҳила (йўл озиғи) тайёрланглар. Бас, билинглarки, зодларнинг (озуқанинг) энг яхшиси Худодан қўрқмоқдир (тақводир). Эй ақлли кишилар, Мендан қўрқинглар. Агар сизлар ҳаж мавсумида Худо тарафидан ризқу рўзни талаб қилсангизлар, ҳеч бокиси (зарари) йўқдир. Яъни, ҳаж йўлларида тижорат қилсангизлар, шундан фойдалансангизлар сизларга гуноҳ бўлмайди. Вақтики Арафотдан қайтсангизлар, бас, Худони талбия ва таҳ-
лил билан ёд қилинглар. Машъарул-Ҳаромга етганингизда, яъни Муз- 2 жузъ
далифага келганингизда сизларни ҳидоят қилгани учун Парвардигорни ёд қилинглар. Албатта, сизлар бундан илгари ҳеч нарсани билмас бир гумроҳ эдингизлар. Бас, халқ (одамлар) қайтиб келган йўлдан қайтинглар. Худодан мағфират талаб қилинглар. Албатта, Аллоҳ таоло гуноҳларни кечиргувчи ва меҳрибондир.

فَإِذَا قَضَيْتُم مَّنَٰسِكَكُمْ فَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ كَذِكْرِكُمْ ءَابَآءَكُمْ أَوْ أَشَدَّ ذِكْرًا ۗ
فَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يَقُولُ رَبَّنَآ ءَاتِنَا فِى ٱلدُّنْيَا وَمَا لَهُۥ فِى ٱلْءَاخِرَةِ مِنْ خَلَٰقٍ
﴿٢٠٠﴾ وَمِنْهُم مَّن يَقُولُ رَبَّنَآ ءَاتِنَا فِى ٱلدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِى ٱلْءَاخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا
عَذَابَ ٱلنَّارِ ﴿٢٠١﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمْ نَصِيبٌ مِّمَّا كَسَبُوا۟ ۚ وَٱللَّهُ سَرِيعُ ٱلْحِسَابِ ﴿٢٠٢﴾

200-202. Вақтики ҳаж аҳкомларини тамом қилганингиздан сўнг, бас, зикр қилинглар, Худога сано айтинглар, гўёки ота-боболарингизни фахр билан ёд қилгандек. *Ё ундан зиёдароқ (Аллоҳни зикр қилинглар)*. Бас, одамлардан шундайлари борки: «Парвардигоро, бизга дунёда дунё матоҳларини бер»,-дейди. Бундай одамга охиратда ҳеч насиба йўқдир. Улардан баъзилари айтадиларки: «Эй Парвардигоро, бизга дунёда (ҳам) яхши ишларни қилмоққа тавфиқ ато қилгил ва охиратда (ҳам) яхши савоблар бергил. *Расулуллоҳнинг шафоатларини насиб қилгил*. Дўзах азобидан сақлагин». Бу гуруҳ (инсонлар) дунё ва охиратнинг хайрини (яхшилигини) талаб қиладилар. Улар қилган амаллари учун савобдан насибадор қилинди. Аллоҳ таоло тезда ҳисоб олувчи (ҳисоб қилгувчи) Зотдир.

۞ وَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ فِىٓ أَيَّامٍ مَّعْدُودَٰتٍ ۚ فَمَن تَعَجَّلَ فِى يَوْمَيْنِ فَلَآ إِثْمَ عَلَيْهِ وَمَن تَأَخَّرَ
فَلَآ إِثْمَ عَلَيْهِ ۚ لِمَنِ ٱتَّقَىٰ ۗ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّكُمْ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٢٠٣﴾

203. Эй мўминлар, Худони ёд қилинглар. *Яъни, Ийди Қурбон (Қурбон ҳайити) ойининг арафа куни бомдод намозидан кейин бошлаб ийднинг учинчи куни аср намозигача такбир ва ташриқ айтинглар.* Ҳар кимки *Минодан* таъжил қилиб икки кун тургандан сўнг *Маккага* жўнар экан, унга ҳеч гуноҳ йўқ. Ҳар кимки таъхир қилиб, уч кундан сўнг Минодан кетар экан, унга ҳам ҳеч гуноҳ йўқ. Яъни, одамларки, тақводорлигидан

ҳажнинг бошқа аҳкомларини бажо келтирган бўлса, мухаййардир (ихтиёрлидир). *Эй мўминлар, боқий (қолган) умрларингизда* Худодан қўрқинглар. Шуни билингларки, ҳаммангиз Худонинг олдига маҳшур бўласизлар (тўпланасизлар, йиғиласизлар).

وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يُعْجِبُكَ قَوْلُهُۥ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَيُشْهِدُ ٱللَّهَ عَلَىٰ مَا فِى قَلْبِهِۦ
وَهُوَ أَلَدُّ ٱلْخِصَامِ ﴿٢٠٤﴾ وَإِذَا تَوَلَّىٰ سَعَىٰ فِى ٱلْأَرْضِ لِيُفْسِدَ فِيهَا وَيُهْلِكَ ٱلْحَرْثَ
2 жузъ وَٱلنَّسْلَ ۗ وَٱللَّهُ لَا يُحِبُّ ٱلْفَسَادَ ﴿٢٠٥﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُ ٱتَّقِ ٱللَّهَ أَخَذَتْهُ ٱلْعِزَّةُ بِٱلْإِثْمِ ۚ
فَحَسْبُهُۥ جَهَنَّمُ ۚ وَلَبِئْسَ ٱلْمِهَادُ ﴿٢٠٦﴾

204-206. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), халқнинг ичида шундай одамлар борки, унинг ширин ва мулойим сўзлари дунёвий муомалаларда Сени мафтун қилади. Ҳар бир гапида «Сидқидил билан гапираяпман», – деб Худони гувоҳ қилади. Ваҳоланки, ўшалар ашаддий душманлардандир. Вақтики Сенинг олдингдан қайтгандан сўнг Мадина атрофларида фасод қилишга ҳаракат қилиб, экинларни барбод этади. Мусулмонларнинг ҳайвонларини ҳалок қилади. Аллоҳ таоло шундай фасод қилувчиларни ёмон кўради. Вақтики бундай мунофиққа: «Худодан қўрқ, фасод қилма», – деб айтилса, унинг жоҳил ҳамияти (кибру ҳавоси, жоҳил нафси) яна гуноҳ қилишга тарғиб қилади. Бундай одамга Қиёмат куни жаҳаннамнинг азоби кифоя қилади. Жаҳаннам нақадар ёмон жойдир!

وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يَشْرِى نَفْسَهُ ٱبْتِغَآءَ مَرْضَاتِ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ رَءُوفٌۢ بِٱلْعِبَادِ ﴿٢٠٧﴾

207. Ва баъзи инсонлар борки, Аллоҳ таоло ризоси учун ўз нафсини фидо қилади. Аллоҳ таоло бандаларига кўп меҳрибондир, *яхши амалларининг ажрини беради*.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱدْخُلُوا۟ فِى ٱلسِّلْمِ كَآفَّةً وَلَا تَتَّبِعُوا۟ خُطُوَٰتِ
ٱلشَّيْطَٰنِ ۚ إِنَّهُۥ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿٢٠٨﴾ فَإِن زَلَلْتُم مِّنۢ بَعْدِ مَا جَآءَتْكُمُ
ٱلْبَيِّنَٰتُ فَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٠٩﴾

208-209. Эй мўминлар, ҳаммаларингиз Исломда собитқадам бўлинглар. Шайтоннинг юрган йўлига иттибоъ қилманглар (тобе бўлманглар). Бу шайтон сизларга очиқ душмандир. Бас, агар шу қадар ояти баййинот (аниқтаниқ ҳужжат ва далиллар) келгандан кейин ҳам шайтонга тобе бўлиб, йўлдан адашсанглар, бас, билингларки, Аллоҳ таоло ҳамма нарсада ғолибдир. Сизларга азоб беришга қодир ва донодир.

هَلْ يَنظُرُونَ إِلَّآ أَن يَأْتِيَهُمُ ٱللَّهُ فِى ظُلَلٍ مِّنَ ٱلْغَمَامِ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةُ وَقُضِىَ ٱلْأَمْرُ ۚ
وَإِلَى ٱللَّهِ تُرْجَعُ ٱلْأُمُورُ ﴿٢١٠﴾

210. Бу кофирлар ҳеч инкор қилмайдилар, магар Худонинг азоби келишига мисли булут соя солгандек тепаларига кўз тутиб турибдиларми? Ё малоикаи азобнинг (азоб фаришталарининг) келишини кутмоқдаларми? Ваҳоланки, ҳар кимга қандай жазо бериш тўғрисида Худонинг ҳукми муқаррар бўлган. Ҳар бир амр (иш-амал) Худо тарафига қайтарилади.

سَلۡ بَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ كَمۡ ءَاتَيۡنَٰهُم مِّنۡ ءَايَةِۭ بَيِّنَةٖۗ وَمَن يُبَدِّلۡ نِعۡمَةَ ٱللَّهِ مِنۢ بَعۡدِ مَا
جَآءَتۡهُ فَإِنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلۡعِقَابِ ٢١١

211. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яҳудлардан Худойи таоло уларнинг ота-боболарига қанча ояти баййинот (аниқ-таниқ ҳужжатлар, мўъжизалар) юборганини сўрагил. *Худди ҳазрати Мусонинг асоларидек. Шунга ўхшаш Дашти Тиҳда юрганда ширинликлар, беданалар берилганидек ва бошқа кўп мўъжизалар ато қилинганидек.* Ҳар кимки оят келгандан кейин шукр қилмасдан, Худонинг неъматини тағйир қилса (ўзгартирса), бас, албатта, уларга Аллоҳ таолонинг азоби қаттиқдир. 2 жузъ

زُيِّنَ لِلَّذِينَ كَفَرُواْ ٱلۡحَيَوٰةُ ٱلدُّنۡيَا وَيَسۡخَرُونَ مِنَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْۘ وَٱلَّذِينَ ٱتَّقَوۡاْ
فَوۡقَهُمۡ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِۗ وَٱللَّهُ يَرۡزُقُ مَن يَشَآءُ بِغَيۡرِ حِسَابٖ ٢١٢

212. Кофирлар (алданиб, мағрур бўлишлари учун) дунё ҳаёти уларга зийнатлаб берилди (чиройли қилиб кўрсатилди). Бу кофирлар мўминларнинг ҳолини кўриб, масхара қиладилар. *Айтадиларки: «Муҳаммад шу гадолар билан дунёда голиб бўламан дейди». Аммо мана шу гадолар, парҳезкорлар Худодан қўрқадилар.* Қиёмат куни улар бу кофирлардан юқори даражада турадилар. Кофирлар уларнинг ҳолларини кўриб, афсус ва надомат қиладилар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло ҳар кимгаки хоҳласа, ризқни беандоза (ҳисобсиз) беради, *унинг мартабасини юқори қилади.*

كَانَ ٱلنَّاسُ أُمَّةٗ وَٰحِدَةٗ فَبَعَثَ ٱللَّهُ ٱلنَّبِيِّـۧنَ مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ وَأَنزَلَ مَعَهُمُ
ٱلۡكِتَٰبَ بِٱلۡحَقِّ لِيَحۡكُمَ بَيۡنَ ٱلنَّاسِ فِيمَا ٱخۡتَلَفُواْ فِيهِۚ وَمَا ٱخۡتَلَفَ فِيهِ إِلَّا ٱلَّذِينَ
أُوتُوهُ مِنۢ بَعۡدِ مَا جَآءَتۡهُمُ ٱلۡبَيِّنَٰتُ بَغۡيَۢا بَيۡنَهُمۡۖ فَهَدَى ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لِمَا
ٱخۡتَلَفُواْ فِيهِ مِنَ ٱلۡحَقِّ بِإِذۡنِهِۦۗ وَٱللَّهُ يَهۡدِي مَن يَشَآءُ إِلَىٰ صِرَٰطٖ مُّسۡتَقِيمٍ ٢١٣

213. Одам (алайҳиссалом)нинг фарзандлари аслида бир жамоа ва бир миллат эдилар. Уларнинг орасида ҳеч ихтилоф йўқ эди. (Ораларида келишмовчиликлар юз бергач,) бас, Аллоҳ таоло уларга набийларни юборди. Улар Худонинг марҳаматидан башорат берувчи ва азобидан қўрқитувчи эдилар. Аллоҳ таоло бу пайғамбарлар билан бирга ҳақни баён қилгувчи китобларни нозил қилди, токи ҳар бир Пайғамбар шу китоблар билан халқ ўртасидаги ихтилофли масалаларда ҳукм қилсин. Ҳеч ким шу китоб ҳақида ё дин ҳақида ихтилоф қилмади, магар Китоб берилган шу яҳудлар ва насоролар ихтилоф қилдилар. Уларга мўъжизалар ва

бошқа далиллар келгандан кейин китобларни табдил ва таҳрир қилгани жазм этдилар. Бу ихтилофларга бир-бирларига қилган ҳасадлари ва буғзлари сабаб бўлди. Бас, Худо уларнинг ичидан иймон келтирганларини ҳидоят қилди. Ихтилоф қилишган ҳукмларни баён (муайян) қилиш учун ҳақни ботилдан ажратиб, баён қилиб берди. Бас, мўминлар Худонинг ҳукми билан ҳақни билдилар. Аллоҳ таоло хоҳласа, ҳар кимни тўғри йўлга ҳидоят қилади.

أَمْ حَسِبْتُمْ أَن تَدْخُلُوا۟ ٱلْجَنَّةَ وَلَمَّا يَأْتِكُم مَّثَلُ ٱلَّذِينَ خَلَوْا۟ مِن قَبْلِكُم ۖ مَّسَّتْهُمُ
2 жузъ ٱلْبَأْسَآءُ وَٱلضَّرَّآءُ وَزُلْزِلُوا۟ حَتَّىٰ يَقُولَ ٱلرَّسُولُ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مَعَهُۥ مَتَىٰ نَصْرُ ٱللَّهِ ۗ
أَلَآ إِنَّ نَصْرَ ٱللَّهِ قَرِيبٌ ﴿٢١٤﴾

214. Оё, меҳнатсиз ва машаққатсиз осонгина жаннатга киришни гумон қиласизларми? Ваҳоланки, сизлардан аввал ўтган анбиёлар ва солиҳларнинг меҳнат ва машаққатлари сизларга бўлган (келган) эмас. У зотларга қаттиқ кулфатлар, касалликлар ва очликлар келган эди. Балонинг қаттиқлигидан у зотлар изтиробга тушган эдилар. Ҳатто баъзи пайғамбарлар ва иймон келтирган зотлар айтар эдиларки: «Қачон Худойи таоло ёрдам бериб, бу балолардан қутулар эканмиз?!». Ҳақ таоло уларга ваҳий орқали дедики: «Огоҳ бўлинглар ва хотиржам бўлинглар, сизларга Худонинг мадади яқин келди».

يَسْـَٔلُونَكَ مَاذَا يُنفِقُونَ ۖ قُلْ مَآ أَنفَقْتُم مِّنْ خَيْرٍ فَلِلْوَٰلِدَيْنِ وَٱلْأَقْرَبِينَ وَٱلْيَتَٰمَىٰ
وَٱلْمَسَٰكِينِ وَٱبْنِ ٱلسَّبِيلِ ۗ وَمَا تَفْعَلُوا۟ مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ ٱللَّهَ بِهِۦ عَلِيمٌ ﴿٢١٥﴾

215. Сендан аҳли давлатлар Худо йўлида қандай нафақа қилиш ва кимларга бериш тўғрисида савол қиладилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Молларингиздан ҳар нарсаники Худо йўлида берасизлар. Бас, аввал ота-оналарингиздан бошланглар, кейин хеш-ақраболарга, кейин етимларга ва мискинларга, йўлда қолган мусофирларга беринглар. Аллоҳ таоло қилган ҳар (бир) хайр ишингизни билади».

كُتِبَ عَلَيْكُمُ ٱلْقِتَالُ وَهُوَ كُرْهٌ لَّكُمْ ۖ وَعَسَىٰٓ أَن تَكْرَهُوا۟ شَيْـًٔا وَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ ۖ
وَعَسَىٰٓ أَن تُحِبُّوا۟ شَيْـًٔا وَهُوَ شَرٌّ لَّكُمْ ۗ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٢١٦﴾

216. Эй мўминлар, гарчи табиатингиз макруҳ билса (ёқтирмаса) ҳам, сизларга дин душманлари билан қитол (жиҳод) қилиш фарз қилинди. Лекин сизлар бир нарсани макруҳ кўрасизлар, ваҳоланки у нарса яхшилик келтиради. Шоядки, сизлар бирор нарсани яхши кўрасизлар-у, у (нарса) сизларга ёмонлик келтиради. Аллоҳ таоло сизлар учун қайси нарсада хайр иш (борлигини) билади. Ҳолбуки, сизлар уни билмайсизлар.

يَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلشَّهْرِ ٱلْحَرَامِ قِتَالٍ فِيهِ ۖ قُلْ قِتَالٌ فِيهِ كَبِيرٌ ۖ وَصَدٌّ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ

وَكُفْرٌۢ بِهِۦ وَٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ وَإِخْرَاجُ أَهْلِهِۦ مِنْهُ أَكْبَرُ عِندَ ٱللَّهِ ۚ وَٱلْفِتْنَةُ
أَكْبَرُ مِنَ ٱلْقَتْلِ ۗ وَلَا يَزَالُونَ يُقَٰتِلُونَكُمْ حَتَّىٰ يَرُدُّوكُمْ عَن دِينِكُمْ إِنِ
ٱسْتَطَٰعُوا۟ ۚ وَمَن يَرْتَدِدْ مِنكُمْ عَن دِينِهِۦ فَيَمُتْ وَهُوَ كَافِرٌ فَأُو۟لَٰٓئِكَ حَبِطَتْ
أَعْمَٰلُهُمْ فِى ٱلدُّنْيَا وَٱلْءَاخِرَةِ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ ۖ هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿٢١٧﴾

217. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан ҳаром ойда қитол (уруш)
қилиш ҳақида савол қилишади. Сен уларнинг жавобига айтгил: «Ҳаром 2 жузъ
ойларда жанг ва жадал қилиш оғир ишдир, лекин Худонинг йўлига монелик қилиш, Ислом йўлига тўсқинлик қилиш, Худога кофир бўлиш, Масжидул Ҳаром тавофидан манъ қилиш, Каъба аҳлини ўз жойларидан чиқариш Аллоҳнинг наздида ҳаром ойларда қитол (жанг) қилишдан ҳам ёмонроқдир». Бу мушриклар то қудратлари етгунча сизни динингиздан чиқариш учун жанг қиладилар. Сизлардан ҳар кимки муртад бўлиб динидан қайтиб, шу ҳолда ўлар экан, бас, у гуруҳнинг амаллари ҳаёти дунёда ботилдир, охиратда эса савобга эга бўлмасдан, аҳли дўзахдан бўладилар. Улар дўзахда абадий қоладилар.

إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَٱلَّذِينَ هَاجَرُوا۟ وَجَٰهَدُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ أُو۟لَٰٓئِكَ يَرْجُونَ
رَحْمَتَ ٱللَّهِ ۚ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٢١٨﴾

218. Худо ва Расулига иймон келтирган у зотлар, дин учун ватанларини тарк этиб, ҳижрат қилганлар ва Худо йўлида жиҳод қилганлар, ана ўша гуруҳлар Худонинг раҳматидан умид қиладилар. Худонинг раҳматига лойиқдирлар. Аллоҳ таоло шундай зотларнинг хатоларини кечирувчи ва меҳрибондир.

۞ يَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلْخَمْرِ وَٱلْمَيْسِرِ ۖ قُلْ فِيهِمَآ إِثْمٌ كَبِيرٌ وَمَنَٰفِعُ لِلنَّاسِ
وَإِثْمُهُمَآ أَكْبَرُ مِن نَّفْعِهِمَا ۗ وَيَسْـَٔلُونَكَ مَاذَا يُنفِقُونَ قُلِ ٱلْعَفْوَ ۗ كَذَٰلِكَ
يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمُ ٱلْءَايَٰتِ لَعَلَّكُمْ تَتَفَكَّرُونَ ﴿٢١٩﴾

219. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан хамр (ароқ, шароб) ичиш ва қимор ўйнаш тўғрисида савол қиладилар. Сен уларнинг жавобига айтгил: «Бу икковининг истеъмолида халқ учун катта гуноҳ бор, манфаат ҳам бор. *Масалан, хамр ичганда таомни ҳазм қилади, ҳароратни зиёда қилади. Қимор ўйнашда мискинларга сабаби ризқ бўлади, одамни сахий қилади,* лекин гуноҳлари нафларидан кўпроқдир». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), «Худо йўлида қанча миқдорда садақа қиламиз?»- деб савол қиладилар. Уларнинг жавобига айтгил: «Ўзларингизнинг ҳожатларингиздан ва аҳли аёлингиз нафақасидан зиёдасини Худо йўлида бераверасизлар. *Бу ҳукм закот ояти билан мансухдир, чунки закот бергандан сўнг қанча зиёда бўлса, ўз манфаатига сарф қилади.* Мана шунга ўхшаш оят-

ларнинг ҳукмларини Аллоҳ таоло сизларга баён қилиб беради. Шоядки сизлар фикр (тафаккур) қилурсизлар».

فِي ٱلدُّنْيَا وَٱلْأَخِرَةِ ۗ وَيَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلْيَتَـٰمَىٰ ۖ قُلْ إِصْلَاحٌ لَّهُمْ خَيْرٌ ۖ وَإِن تُخَالِطُوهُمْ فَإِخْوَٰنُكُمْ ۚ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ ٱلْمُفْسِدَ مِنَ ٱلْمُصْلِحِ ۚ وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ لَأَعْنَتَكُمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٢٠﴾

2 жузъ 220. (Шоядки) дунё ва охират ишларида қайси (ҳукм, амал) фойдали бўлса, ихтиёр қилиб оласизлар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан етимлардан *узоқ бўлиш ё етимларга яқин бўлиб муомала қилиш тўғрисида* савол қиладилар. *Бу оятнинг нозил бўлиш сабаби шуки, Худо етимлар ҳақида: «Етимнинг молига яқин бўлманглар», яна: «Етимнинг молини еган ўт (олов) еган билан баробардир», каби оятларни нозил қилди. Бу оятлар сабабидан саҳобалар етимга яқин бўлиб муомала қилишдан қўрқиб қоладилар. Шунинг учун бу ҳақда савол қиладилар.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларнинг жавобига айтгил: «Сизларга етимларга яқин бўлиб, аҳволлариниислоҳ қилиш (яхшилаш), молларини муҳофаза қилиш, улардан узоқ бўлгандан яхшироқдир. Агар улар билан біргалашиб, таомларингизга чақириб, меҳрибонлик қилсангиз, ниҳоят даражада савоби азимга эга бўласизлар. Чунки улар сизларнинг диний биродарингиздир. Аллоҳ таоло етимнинг молидан парҳез қилмайдиган (қўрқмайдиган) муфсидни ҳам билади, етимларнинг аҳволини ислоҳ қилгувчини ҳам билади. Аллоҳ таоло агар сизларга ранж ва кулфат беришни ва ҳолларингизни танг қилишни хоҳласа, шундай қилар эди. Етимларга оғир бўлар эди. Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан ғолиб ва донодир.

وَلَا تَنكِحُوا۟ ٱلْمُشْرِكَـٰتِ حَتَّىٰ يُؤْمِنَّ ۚ وَلَأَمَةٌ مُّؤْمِنَةٌ خَيْرٌ مِّن مُّشْرِكَةٍ وَلَوْ أَعْجَبَتْكُمْ ۗ وَلَا تُنكِحُوا۟ ٱلْمُشْرِكِينَ حَتَّىٰ يُؤْمِنُوا۟ ۚ وَلَعَبْدٌ مُّؤْمِنٌ خَيْرٌ مِّن مُّشْرِكٍ وَلَوْ أَعْجَبَكُمْ ۗ أُو۟لَـٰٓئِكَ يَدْعُونَ إِلَى ٱلنَّارِ ۖ وَٱللَّهُ يَدْعُوٓا۟ إِلَى ٱلْجَنَّةِ وَٱلْمَغْفِرَةِ بِإِذْنِهِۦ ۖ وَيُبَيِّنُ ءَايَـٰتِهِۦ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿٢٢١﴾

221. Ва мушрик хотинларни то улар иймон келтирмасалар, никоҳингизга олманг. Ва мушрик хотин сизларга нақадар марғуб (ёқимли) кўринса ҳам, ундан мусулмон чўри, албатта, яхшироқдир. Мусулмон хотинларни мушрик эрларга то иймон келтирмагунларича никоҳ қилманглар. Мушрик озод эр сизларга нақадар яхши кўринса ҳам, ундан мусулмон қул, албатта, яхшироқдир. Мушриклар сизларни дўзахга чақирадилар. Ва Аллоҳ таоло ўз лутф ва марҳамати билан (сизларни) жаннатга ва мағфиратга чақиради. Ва Аллоҳ таоло ўз оятларини одамларга равшан баён қилади, токи ундан панд-насиҳат ҳосил қилсинлар.

وَيَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلْمَحِيضِ ۖ قُلْ هُوَ أَذًى فَٱعْتَزِلُوا۟ ٱلنِّسَآءَ فِى ٱلْمَحِيضِ ۖ وَلَا

تَقْرَبُوهُنَّ حَتَّىٰ يَطْهُرْنَ فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ
يُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ ﴿٢٢٢﴾

222. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан мўминлар ҳайз кўрган ҳолатдаги хотинлар билан муомала қилиш тўғрисида савол қиладилар. Сен айтгилки: «У (ҳайз пайти) нопок давр, бас, сизлар ҳайз ҳолатида то пок бўлгунларича хотинлардан узоқ бўлинглар, уларга яқин келманглар. Бас, агар пок бўлсалар, Худо машруъ қилган (ҳалол қилган) жойдан яқинлик қилинглар. Аллоҳ таоло манъ қилган нарсадан тавба қилиб қайтганларни дўст тутади. Ва яна ўзини пок тутганларни ҳам дўст тутади». **2 жузъ**

نِسَاؤُكُمْ حَرْثٌ لَكُمْ فَأْتُوا حَرْثَكُمْ أَنَّىٰ شِئْتُمْ وَقَدِّمُوا لِأَنْفُسِكُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ
وَاعْلَمُوا أَنَّكُمْ مُلَاقُوهُ وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٢٢٣﴾

223. Хотинларингиз уруғ сочадиган ерларингизга (зироаттоҳга) ўхшайди. Бас, у ерларингизга қандай уруғ ташлашни хоҳласангизлар, шундай ташланглар. *Башартики, сочган уруғларингиз кўкарадиган жойда бўлсин, чирийдиган жойда бўлмасин.* Шаҳватни қондириш учун эмас, фарзанд талаби ниятида ўз нафсларингиз фойдасига яхши ниятни муқаддам (афзал) билинглар. Ҳаромлик (шаръан таъқиқланган) ҳолатда мубошарат қилишдан (қовушишдан) Худодан қўрқинглар. Билингларки, Қиёмат куни Худога мулоқий (рўбарў) бўласиз. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу ҳукмларга итоат қилувчиларга беҳиштдан башорат бер.

وَلَا تَجْعَلُوا اللَّهَ عُرْضَةً لِأَيْمَانِكُمْ أَنْ تَبَرُّوا وَتَتَّقُوا وَتُصْلِحُوا بَيْنَ
النَّاسِ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٢٤﴾

224. Ҳар нарсага, яъни: «Ҳеч кимга яхшилик қилмайман, бировни бирор ёмон ишдан қайтармайман ва мардумнинг (одамларнинг) ўртасини ислоҳ қилмайман», – деб Худонинг номи билан қасамёд қилманглар. Аллоҳ таоло сизларнинг қасамларингизни эшитгувчи ва ниятларингизни билгувчидир.

لَا يُؤَاخِذُكُمُ اللَّهُ بِاللَّغْوِ فِي أَيْمَانِكُمْ وَلَٰكِنْ يُؤَاخِذُكُمْ بِمَا كَسَبَتْ قُلُوبُكُمْ وَاللَّهُ
غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿٢٢٥﴾

225. Аллоҳ таоло қасамларингизда лағв бўлса, гуноҳкор қилмайди. *Имом Аъзам қавлларида, лагв деб, шундай қасамни айтадики, бир одам бир хабарни рост деб гумон қилиб қасамёд қилади, бироқ текширганда, бу сўзнинг хилофи (тескариси) зоҳир бўлади.* Шундай қасамга Худойи таоло жазо бермайди. Лекин Худо шундай қасамга муохаза қиладики (жазо берадики), дилларингиз билан қасддан қасамёд қилиб, сўнгра ҳонис (гуноҳкор) бўлгансизлар. Аллоҳ таоло лағв қасамларингизни кечиргувчи ва меҳрибондир.

لِّلَّذِينَ يُؤْلُونَ مِن نِّسَآئِهِمْ تَرَبُّصُ أَرْبَعَةِ أَشْهُرٍ فَإِن فَآءُو فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ
﴿٢٢٦﴾ وَإِنْ عَزَمُوا۟ ٱلطَّلَٰقَ فَإِنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٢٧﴾

226-227. У мўминларки, хотинларга бирон сабабдан: «Бир йил ё икки йил сенга яқинлашмайман», — деб қасамёд қиладилар, ундай одамларга тўрт ой муҳлат берилади. Шу тўрт ой ичида ружу қилсалар (хотинларига қайтсалар), шу хотинлари билан яшайверадилар. Аллоҳ таоло у қасамларини кечиргувчи ва меҳрибондир. Агар талоқ қилсалар, бу тўрт ой ичида
2 жузъ (хотинларига) ружу қилмасалар, бас, бу муддатдан кейин хотин талоқ бўлади. Аллоҳ таоло талоқ, ийлоъ қилгувчининг сўзини эшитгувчидир, қасдини (ниятини) билгувчидир.

وَٱلْمُطَلَّقَٰتُ يَتَرَبَّصْنَ بِأَنفُسِهِنَّ ثَلَٰثَةَ قُرُوٓءٍ ۚ وَلَا يَحِلُّ لَهُنَّ أَن يَكْتُمْنَ مَا خَلَقَ
ٱللَّهُ فِىٓ أَرْحَامِهِنَّ إِن كُنَّ يُؤْمِنَّ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ ۚ وَبُعُولَتُهُنَّ أَحَقُّ بِرَدِّهِنَّ فِى
ذَٰلِكَ إِنْ أَرَادُوٓا۟ إِصْلَٰحًا ۚ وَلَهُنَّ مِثْلُ ٱلَّذِى عَلَيْهِنَّ بِٱلْمَعْرُوفِ ۚ وَلِلرِّجَالِ عَلَيْهِنَّ
دَرَجَةٌ ۗ وَٱللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٢٨﴾

228. Талоқ қилинган хотинлар жимоъ қилинган бўлсалар ва ҳомиладор бўлмасалар, ўз нафсларини идда учун сақлаб турадилар. *Имом Аъзам мазҳабларида, (идда) муддати уч ҳайз ўтгунчадир.* Агар уларнинг Худога ва охиратга иймонлари бўлса, ундай аёлларнинг раҳмларидаги (бачадонларидаги) Худо халқ қилган фарзандларини яширишлари ҳалол эмас. Агар эр ва хотинлар ўз ўрталарида ислоҳни хоҳласалар, идда вақтида ўз эркакларига қайтишлари (ружу) яхшироқдир. Бир-бирларига яхши муомала қилишларида бу аёлларнинг эркаклар устидаги ҳуқуқлари эркакларнинг хотинлари устидаги ҳуқуқлари кабидир. Лекин эркакларнинг мартабалари хотинларникидан зиёдадир. Аллоҳ таоло ўз феълида ғолиб ва донодир.

ٱلطَّلَٰقُ مَرَّتَانِ ۖ فَإِمْسَاكٌۢ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٌۢ بِإِحْسَٰنٍ ۗ وَلَا يَحِلُّ لَكُمْ أَن
تَأْخُذُوا۟ مِمَّآ ءَاتَيْتُمُوهُنَّ شَيْـًٔا إِلَّآ أَن يَخَافَآ أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ ٱللَّهِ ۖ فَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا
يُقِيمَا حُدُودَ ٱللَّهِ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا فِيمَا ٱفْتَدَتْ بِهِۦ ۗ تِلْكَ حُدُودُ ٱللَّهِ فَلَا
تَعْتَدُوهَا ۚ وَمَن يَتَعَدَّ حُدُودَ ٱللَّهِ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٢٢٩﴾

229. Талоқи шаръий бир талоқ қилгандан кейин иккинчи талоқ қилмоқдир, ҳаммасини бирданига жам қилмоқ эмас. Шундан кейин ружу қилиб, қайтадан хотин қиласизларми ёки хоҳласангизлар яхшилик билан қўйиб юборасизларми, ихтиёр сизларда. Эй эркаклар, сизларга хотинларингизга берган маҳрларингизни қайтариб олишларингиз ҳалол эмас, магар эр ва хотин ўрталаридаги шаръий ҳуқуқни барпо қилолмасликдан

қўрқсаларинг (ҳалолдир). (Бас), *эй ҳокимлар,* шу эр ва хотин ҳудуди шаръийни барпо этолмасликларидан (қўрқсангизлар), бас, улар иттифоқлашиб, хотинга берилган маҳрни хотин қайтариб бериб, ўзини холис қилса, эр ва хотинни бир-бирларидан ажратиб қўйсангизлар, ҳеч гуноҳ йўқдир. Бу никоҳдаги ҳуқуқлар: ийлоъ қилмоқ ва талоқ қилмоқ ва хулъ қилмоқ Аллоҳнинг ҳудудидир. Бас, бу ҳудуддан тажовуз қилманглар. Ҳар кимки Аллоҳнинг ҳудудидан тажовуз қилар экан, ўз нафсига зулм қилгувчилардандир. *(Ийлоъ «Тўрт ой хотинга яқин бўлмайман», —деб қасамёд қилмоқдир).*

فَإِن طَلَّقَهَا فَلَا تَحِلُّ لَهُۥ مِنۢ بَعْدُ حَتَّىٰ تَنكِحَ زَوْجًا غَيْرَهُۥ ۗ فَإِن طَلَّقَهَا فَلَا جُنَاحَ 2 жузъ
عَلَيْهِمَآ أَن يَتَرَاجَعَآ إِن ظَنَّآ أَن يُقِيمَا حُدُودَ ٱللَّهِ ۗ وَتِلْكَ حُدُودُ ٱللَّهِ يُبَيِّنُهَا لِقَوْمٍ
يَعْلَمُونَ ﴿٢٣٠﴾

230. Бас, агар эркак хотинни икки талоқдан кейин (учинчи марта) талоқ қилса, у хотин учинчи бор талоқдан кейин шу эрига ҳалол бўлмайди. Аёл эридан бошқа эркакнинг никоҳига киради, сўнгра аввалги эрига ҳалол бўлади. Бас, кейинги эр ҳам талоқ қилса, у ҳолда хотин билан илгариги эр бир-бирларининг ҳуқуқларини Худо буйруғига мувофиқ сақлашга умид қилсалар, идда тамом бўлгандан кейин бир-бирларига ружу қилишларида ҳеч гуноҳ йўқдир.

وَإِذَا طَلَّقْتُمُ ٱلنِّسَآءَ فَبَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ أَوْ سَرِّحُوهُنَّ
بِمَعْرُوفٍ ۚ وَلَا تُمْسِكُوهُنَّ ضِرَارًا لِّتَعْتَدُوا۟ ۚ وَمَن يَفْعَلْ ذَٰلِكَ فَقَدْ ظَلَمَ نَفْسَهُۥ ۚ وَلَا
تَتَّخِذُوٓا۟ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ هُزُوًا ۚ وَٱذْكُرُوا۟ نِعْمَتَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ وَمَآ أَنزَلَ عَلَيْكُم مِّنَ
ٱلْكِتَٰبِ وَٱلْحِكْمَةِ يَعِظُكُم بِهِۦ ۚ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿٢٣١﴾

231. Вақтики хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва хотинларингизнинг иддаси тамом бўлишига яқинлашса, бас, сизлар хотинларингизга ружу қилиб, шариатга мувофиқ хотинларингизни сақланглар. Агар хоҳламасангиз, яхшилик билан ажралингиз ва хотинга зарар етказиш мақсадида (унга жабр қилиш учун) уни сақлаб турманг. Сизлардан кимки хотиннинг ҳақига шу хилда зулм қилар экан, бас, ўз нафсига зулм қилган бўлади. Худонинг ҳукмларини масхара қилманглар. Парвардигорнинг хотинларнинг никоҳи борасида ато этган неъматларини, сизларга берган ҳуқуқларини, *чунончи, бирдан то тўрттагача хотин олишга рухсат берганлигини ёд қилинглар.* Ва ҳам сизларнинг ҳидоятингиз учун, сизларга панд (насиҳат) бериш ва ёмон ишлардан қайтариш учун Қуръонни нозил қилди. Худонинг аҳкомларига мухолифат қилишда Худодан қўрқинглар. Шуни билингларки, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсада олимдир.

وَإِذَا طَلَّقْتُمُ ٱلنِّسَآءَ فَبَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَلَا تَعْضُلُوهُنَّ أَن يَنكِحْنَ أَزْوَٰجَهُنَّ إِذَا

تَرَٰضَوۡاْ بَيۡنَهُم بِٱلۡمَعۡرُوفِۗ ذَٰلِكَ يُوعَظُ بِهِۦ مَن كَانَ مِنكُمۡ يُؤۡمِنُ بِٱللَّهِ وَٱلۡيَوۡمِ
ٱلۡأٓخِرِۗ ذَٰلِكُمۡ أَزۡكَىٰ لَكُمۡ وَأَطۡهَرُۚ وَٱللَّهُ يَعۡلَمُ وَأَنتُمۡ لَا تَعۡلَمُونَ ﴿٢٣٢﴾

232. Вақтики хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари тамом бўлишга яқинлашса, бас, икковлари рози бўлиб бир-бирлари билан шариатга мувофиқ ружу қилишни истасалар, эй валийлар, сизлар уларни манъ қилманглар. Шу манъ қилмаслик билан сизлардан Худога ва охиратга иймони бўлган одамга панд (насиҳат) берилади. Мана
2 жузъ шу аҳкомга амал қилишлик сизларнинг маош (яшаш)ларингизда ва бир-бирларингиз билан муомалаларингизда покизароқ ва муносиброқдир. Аллоҳ таоло сизларнинг ҳолларингизни билади ва сизлар билмайсизлар.

۞وَٱلۡوَٰلِدَٰتُ يُرۡضِعۡنَ أَوۡلَٰدَهُنَّ حَوۡلَيۡنِ كَامِلَيۡنِۖ لِمَنۡ أَرَادَ أَن يُتِمَّ ٱلرَّضَاعَةَۚ وَعَلَى
ٱلۡمَوۡلُودِ لَهُۥ رِزۡقُهُنَّ وَكِسۡوَتُهُنَّ بِٱلۡمَعۡرُوفِۚ لَا تُكَلَّفُ نَفۡسٌ إِلَّا وُسۡعَهَاۚ لَا تُضَآرَّ
وَٰلِدَةُۢ بِوَلَدِهَا وَلَا مَوۡلُودٞ لَّهُۥ بِوَلَدِهِۦۚ وَعَلَى ٱلۡوَارِثِ مِثۡلُ ذَٰلِكَۗ فَإِنۡ أَرَادَا فِصَالًا
عَن تَرَاضٖ مِّنۡهُمَا وَتَشَاوُرٖ فَلَا جُنَاحَ عَلَيۡهِمَاۗ وَإِنۡ أَرَدتُّمۡ أَن تَسۡتَرۡضِعُوٓاْ أَوۡلَٰدَكُمۡ
فَلَا جُنَاحَ عَلَيۡكُمۡ إِذَا سَلَّمۡتُم مَّآ ءَاتَيۡتُم بِٱلۡمَعۡرُوفِۗ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّ ٱللَّهَ بِمَا
تَعۡمَلُونَ بَصِيرٞ ﴿٢٣٣﴾

233. Оналар *агар эрларидан жудо бўлган бўлсалар*, қўлларида эмизадиган болалари бўлса, болаларини икки йил комил эмизадилар. Агар эрлари эмизиш вақтини комил қилишни хоҳласалар, шу вақтда хотинларининг нафақаси, киядиган кийими эрларига батариқи инсоф (инсоф юзасидан) вожиб ва лозимдир. Ҳеч бир нафсга (кишига) тоқатидан ортиқ нарса таклиф қилинмайди. Оналар ширхора (сут эмадиган) гўдакларни эрларига топшириб қўйиб, ёш гўдакларнинг ҳаётига зарар етказмасинлар. Болаларнинг отаси ҳам нафақани тўхтатиб қўйиб, болаларнинг тарбиясига зарар етказмасинлар. Ворисларнинг зиммасига ҳам шунга ўхшаш нафақа лозимдир, яъни, гўдакларнинг отаси вафот этиб, бола етим қолганда, ушбу ўлган одамнинг ворисларининг зиммасига нафақа бериш лозимдир. Бас, боланинг ота-оналари ўзларининг розиликлари билан маслаҳатлашиб, болани сутдан чиқаришни (айиришни) хоҳласалар, уларга ҳеч гуноҳ йўқдир. Агар болани эмизиш хусусида бошқа аёлни муқаррар (тайин) қилишни хоҳласангиз, эмизиш учун доя муқаррар қилиб, унга инсоф билан кифоя қиладиган нафақа таслим қилсангизлар, сизларга ҳеч гуноҳ йўқ. Болаларга зарар етказишда Худодан қўрқинглар ва ҳам билингларки, Аллоҳ таоло сизларнинг амалларингиздан огоҳдир.

وَٱلَّذِينَ يُتَوَفَّوۡنَ مِنكُمۡ وَيَذَرُونَ أَزۡوَٰجٗا يَتَرَبَّصۡنَ بِأَنفُسِهِنَّ أَرۡبَعَةَ أَشۡهُرٖ وَعَشۡرٗاۖ
فَإِذَا بَلَغۡنَ أَجَلَهُنَّ فَلَا جُنَاحَ عَلَيۡكُمۡ فِيمَا فَعَلۡنَ فِيٓ أَنفُسِهِنَّ بِٱلۡمَعۡرُوفِۗ وَٱللَّهُ بِمَا

تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٢٣٤﴾

234. Сиз (мўмин)лардан баъзиларингиз вафот этса, ундан кейин хотинлар (идда сақлаб) қолса, бу хотинлар тўрт ой ва ўн кун тамом бўлгунча эрга тегмай, мунтазир бўлиб ўтирадилар. Вақтики иддаларини тугатсалар, бас, эй валийлар, бу хотинларнинг ўз нафсларига қилган муомалалари, яъни, яхшилик билан эрга тегишлари, жоиздир. (Бу борада сиз, валийлар учун) ҳеч гуноҳ йўқдир. Аллоҳ таоло сизларнинг амалларингиздан бохабардир.

وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِيمَا عَرَّضْتُم بِهِۦ مِنْ خِطْبَةِ ٱلنِّسَآءِ أَوْ أَكْنَنتُمْ فِىٓ 2 жузъ
أَنفُسِكُمْ ۚ عَلِمَ ٱللَّهُ أَنَّكُمْ سَتَذْكُرُونَهُنَّ وَلَٰكِن لَّا تُوَاعِدُوهُنَّ سِرًّا إِلَّآ أَن تَقُولُوا۟
قَوْلًا مَّعْرُوفًا ۚ وَلَا تَعْزِمُوا۟ عُقْدَةَ ٱلنِّكَاحِ حَتَّىٰ يَبْلُغَ ٱلْكِتَٰبُ أَجَلَهُۥ ۚ وَٱعْلَمُوٓا۟
أَنَّ ٱللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِىٓ أَنفُسِكُمْ فَٱحْذَرُوهُ ۚ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿٢٣٥﴾

235. Эй хотин олишга рағбат қилгувчилар, бирор бева хотинга ўз дилларингиздаги рағбатларингизни киноя билан арз қилсангизлар ё дилларингиздан ўтказсангизлар, сизларга ҳеч гуноҳ йўқдир. Аллоҳ таоло биладики, никоҳ бўлгандан кейин, албатта хотинларга дилларингиздаги сирни зикр қиласизлар. Лекин ҳар амалки, дилларингизда яширган бўлсангизлар, хотинларга ваъда берманглар, фақат киноя тариқасида яхши сўзларни айтинглар. Ва то Худо муқаррар қилган хотиннинг иддаси охирига етгунча никоҳ қилишга қасд қилманглар. Билинглар, Аллоҳ таоло дилларингиздаги ножоиз фикрларингиздан хабардордир, бас, ундай (фикрлардан) иҳтироз қилинглар (сақланинглар). Билинглар, Аллоҳ таоло хатоларни кечиргувчи, азобни таъхир қилгувчи (кечиктирувчи)дир.

لَّا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِن طَلَّقْتُمُ ٱلنِّسَآءَ مَا لَمْ تَمَسُّوهُنَّ أَوْ تَفْرِضُوا۟ لَهُنَّ فَرِيضَةً ۚ
وَمَتِّعُوهُنَّ عَلَى ٱلْمُوسِعِ قَدَرُهُۥ وَعَلَى ٱلْمُقْتِرِ قَدَرُهُۥ مَتَٰعًۢا بِٱلْمَعْرُوفِ ۖ حَقًّا عَلَى
ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٢٣٦﴾

236. Сизларга никоҳларингиздаги хотинни яқинлик қилмасдан (қўл тегизмасдан) туриб талоқ қилсангизлар ёки маҳр муқаррар қилмасдан талоқ қилиб юборсангизлар, ҳеч гуноҳ йўқ. Бас, шундай ҳолда (аёлга) бирор нарса ҳадя этиб, хурсанд қилиб рухсат беринглар. (Бунда) ҳар ким қудрати еткунча беради: бой кишиларга ўзларининг бойликларига мувофиқ, камбағал кишилар ўзларининг қудратларига қараб бирор нарса беришлари лозим, яъни, ўзаро шаръан, урфан бериладиган нарсаларни беринглар. Шундай қилмоқ яхши эҳсонлик одамларга бурч бўлди.

وَإِن طَلَّقْتُمُوهُنَّ مِن قَبْلِ أَن تَمَسُّوهُنَّ وَقَدْ فَرَضْتُمْ لَهُنَّ فَرِيضَةً فَنِصْفُ مَا

فَرَضْتُمْ إِلَّآ أَن يَعْفُونَ أَوْ يَعْفُوَا۟ ٱلَّذِى بِيَدِهِۦ عُقْدَةُ ٱلنِّكَاحِ ۚ وَأَن تَعْفُوٓا۟
أَقْرَبُ لِلتَّقْوَىٰ ۚ وَلَا تَنسَوُا۟ ٱلْفَضْلَ بَيْنَكُمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٢٣٧﴾

237. Агар никоҳда маҳрни муайян қилган бўлсангизлар, хотинларингизга яқинлик қилмасдан аввал талоқ қилсангизлар, бас, у ҳолда ярим маҳрни берасизлар. Магар хотинлар маҳрдан кечиб юборсалар ёки талоқ қилган одам маҳрни тўлиқ бериб юборса, жоиздир. Кечиб юборганингиз тақвога яқиндир. Бир-бирларингизга марҳамат ва меҳ-
2 жузъ рибончиликни унутманглар. Албатта, Аллоҳ таоло сизларнинг амалларингизни кўриб тургувчидир.

حَٰفِظُوا۟ عَلَى ٱلصَّلَوَٰتِ وَٱلصَّلَوٰةِ ٱلْوُسْطَىٰ وَقُومُوا۟ لِلَّهِ قَٰنِتِينَ ﴿٢٣٨﴾

238. Беш вақт намозни ўз вақтида шароитлари билан мукаммал адо қилишга ҳаракат қилинглар. Ва ҳам ўртадаги намозни, яъни фажрни (бомдодни) адо этишга риоя этинглар[1]. Намозда Худо учун хушуъ ва хузуъ (тавозе ва хоксорлик) билан туринглар.

فَإِنْ خِفْتُمْ فَرِجَالًا أَوْ رُكْبَانًا ۖ فَإِذَآ أَمِنتُمْ فَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ كَمَا عَلَّمَكُم مَّا لَمْ
تَكُونُوا۟ تَعْلَمُونَ ﴿٢٣٩﴾

239. Агар душмандан қўрқсангизлар, чунончи, жанг вақтларида, бас, сизларга юриб кетаётган (пиёда) ҳолатда ё сувора (маркабдаги) ҳолатида имо билан намоз ўқишларингиз жоиздир. Бас, агар хавфдан эмин бўлсангизлар, намозни Худо таълим берганига мувофиқ шароитлари билан ўқинглар.

وَٱلَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَٰجًا وَصِيَّةً لِّأَزْوَٰجِهِم مَّتَٰعًا إِلَى ٱلْحَوْلِ
غَيْرَ إِخْرَاجٍ ۚ فَإِنْ خَرَجْنَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِى مَا فَعَلْنَ فِىٓ أَنفُسِهِنَّ مِن
مَّعْرُوفٍ ۗ وَٱللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٤٠﴾

240. Сизлардан (вафот қилган кимсалар) хотинларини бева қолдирган бўлсалар, (вафотидан олдин) меросхўрларига хотинлари хусусида шу мазмунда васият қилсинки, хотинларини уйдан чиқармасдан, бир йилча нафақа бериб турсинлар, бас, бир йилдан кейин уйдан чиқиб кетиб, шариатга мувофиқ эрга тегиб кетса, сизларга ҳеч гуноҳ йўқ. Аллоҳ таоло ўз иродасида ғолиб ва ўз феълида ҳакимдир. *Бу оятнинг ҳукми идда тўғрисида келган оят билан мансухдир.*

وَلِلْمُطَلَّقَٰتِ مَتَٰعٌۢ بِٱلْمَعْرُوفِ ۖ حَقًّا عَلَى ٱلْمُتَّقِينَ ﴿٢٤١﴾ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ
لَكُمْ ءَايَٰتِهِۦ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٢٤٢﴾

[1] Баъзи муфассирлар ўрта намоз — аср намози эканини айтишган. (Нашрга тайёрловчи. Матн остидаги изоҳлар нашрга тайёрловчига тегишли).

241-242. Талоқ бўлган хотинларга идда ҳолатида инсоф билан нафақа бериб туришларингиз лозим. Буни адо этиш мўминларга вожибдир. Аллоҳ таоло бандаларига оятнинг ҳукмларини мана шундай баён қилади. Шоядки сизлар бу ҳукмларга яхши фикр қиласизлар.

۞ أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ خَرَجُوا۟ مِن دِيَٰرِهِمْ وَهُمْ أُلُوفٌ حَذَرَ ٱلْمَوْتِ فَقَالَ لَهُمُ ٱللَّهُ
مُوتُوا۟ ثُمَّ أَحْيَٰهُمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى ٱلنَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا
يَشْكُرُونَ ﴿٢٤٣﴾

243. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), оё, Сен (ўлимдан ҳазар қилиб) ўз диёрларидан хориж бўлган (чиқиб кетган) одамларнинг ҳоли ҳақида фикр қилмадингми? Ваҳоланки, улар неча минг нафар эдилар. *Баъзи муфассирлар қирқ минг ва баъзилари етмиш минг киши, дейдилар. Вақтики мамлакатларида вабо бўлди, бу жамоалар ўлимдан қўрқиб, мамлакатларини ташлаб чиқдилар.* Бас, Аллоҳ таоло «Ўлинглар», — деб хитоб қилди. Ҳаммалари баробар ўлдилар. *Вақтики у қабристон олдидан Ҳизқил Пайғамбар ўтдилар, у ўликларга марҳамат назари билан қарадилар.* Ҳақ таоло айтдики: «Агар бу чириган суякларнинг ҳаётини истасанг, уларнинг ҳаққига дуо қил, Мен ҳаёт бағишлайман». Бас, дуо қилдилар, Ҳақ таоло уларга ҳаёт берди. Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳақига фазл соҳибидир, лекин кўпчилик одамлар Худонинг неъматларига шукр қилмайдилар. 2 жузъ

وَقَٰتِلُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٤٤﴾

244. Худо йўлида жиҳод қилинглар ва динга нусрат беринглар. Билингларки, Аллоҳ таоло жиҳодга хилоф қилганларнинг сўзларини эшитгувчи ва ниятларини билгувчидир.

مَّن ذَا ٱلَّذِى يُقْرِضُ ٱللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا فَيُضَٰعِفَهُۥ لَهُۥٓ أَضْعَافًا كَثِيرَةً ۚ وَٱللَّهُ
يَقْبِضُ وَيَبْصُۜطُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٢٤٥﴾

245. Ким Худонинг фақир бандаларига беминнат ва бериё (риёсиз) эҳсон қилиб, Худони қарздор қилади? Бас, Аллоҳ таоло шундай бандаларга бу дунёда (бир) неча баробар қилиб мол беради ва охиратда неча баробар қилиб савоб беради. Аллоҳ таоло ўз илм ва ҳикматига мувофиқ баъзи бандаларга камроқ мол беради ва баъзиларга кенгравлик билан давлатини фаровон қилиб қўяди. Худонинг олдида (ҳузурида) ҳаммаларингиз жам қилинасизлар.

أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلْمَلَإِ مِنۢ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ مِنۢ بَعْدِ مُوسَىٰٓ إِذْ قَالُوا۟ لِنَبِىٍّ لَّهُمُ ٱبْعَثْ لَنَا
مَلِكًا نُّقَٰتِلْ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ ۖ قَالَ هَلْ عَسَيْتُمْ إِن كُتِبَ عَلَيْكُمُ ٱلْقِتَالُ أَلَّا
تُقَٰتِلُوا۟ ۖ قَالُوا۟ وَمَا لَنَآ أَلَّا نُقَٰتِلَ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ وَقَدْ أُخْرِجْنَا مِن دِيَٰرِنَا وَأَبْنَآئِنَا ۖ
فَلَمَّا كُتِبَ عَلَيْهِمُ ٱلْقِتَالُ تَوَلَّوْا۟ إِلَّا قَلِيلًا مِّنْهُمْ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌۢ بِٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٢٤٦﴾

246. Оё, Мусо (алайҳиссалом)дан кейин бани Исроилнинг бир жамоасининг ҳолларини билмадингми ва фикр қилмадингми? Вақтики улар Пайғамбарлари *Юшаъ ибни Нун алайҳиссаломга* айтдилар: «Бизга бир подшоҳ тайин қилиб юборгил, токи биз унинг байроғи остида кофирлар билан жиҳод қилайлик». У Пайғамбар айтди: «Агар сизларга жиҳод фарз қилинса, (эҳтимол), муқотала (жанг) қилишдан бўйин товлаган бўлармидингиз?». Улар айтдилар: «Нега биз Худо йўлида муқотала қилмас эканмиз. Ваҳоланки, кофирлар бизларни диёрларимиздан чиқардилар, болаларимиздан жудо қилдилар». Бас, вақтики уларга жиҳод фарз қилинди, улар кофирларга муқобил бўлишдан юз ўтириб, қочдилар. Магар улардан
2 жузъ озгина одам сабр қилиб, қочмай жиҳод қилди. Аллоҳ таоло золимларнинг аҳволларини билгувчидир.

وَقَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ إِنَّ ٱللَّهَ قَدْ بَعَثَ لَكُمْ طَالُوتَ مَلِكًا ۚ قَالُوٓا۟ أَنَّىٰ يَكُونُ لَهُ
ٱلْمُلْكُ عَلَيْنَا وَنَحْنُ أَحَقُّ بِٱلْمُلْكِ مِنْهُ وَلَمْ يُؤْتَ سَعَةً مِّنَ ٱلْمَالِ ۚ قَالَ إِنَّ
ٱللَّهَ ٱصْطَفَىٰهُ عَلَيْكُمْ وَزَادَهُۥ بَسْطَةً فِى ٱلْعِلْمِ وَٱلْجِسْمِ ۖ وَٱللَّهُ يُؤْتِى مُلْكَهُۥ
مَن يَشَآءُ ۚ وَٱللَّهُ وَٰسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٤٧﴾

247. Пайғамбарлари Бани Исроилга айтди: «Аллоҳ таоло бизларга Толутни подшоҳ қилиб юборди». Бани Исроил айтди: «Қандай қилиб Толут бизнинг тепамизга подшоҳ бўлар экан, подшоҳликка биз ундан лойиқроқмиз. Ваҳоланки, унга ҳеч қандай мол ва давлат берилмаган». Пайғамбар уларга айтди: «Худойи таоло сизларнинг тепангизга (устингизга) Толутни подшоҳликка ихтиёр қилди. *Худо уни сиёсат илмида, жисмоний қувватда сизлардан ортиқ қилди.* Аллоҳ таоло хоҳлаган бандасига подшоҳликни беради. Худойи таолонинг бандаларга фазли ва марҳамати кенгдир, аҳволларини билгувчидир».

وَقَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ إِنَّ ءَايَةَ مُلْكِهِۦٓ أَن يَأْتِيَكُمُ ٱلتَّابُوتُ فِيهِ سَكِينَةٌ مِّن
رَّبِّكُمْ وَبَقِيَّةٌ مِّمَّا تَرَكَ ءَالُ مُوسَىٰ وَءَالُ هَٰرُونَ تَحْمِلُهُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ ۚ إِنَّ فِى
ذَٰلِكَ لَءَايَةً لَّكُمْ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿٢٤٨﴾

248. Бас, Бани Исроилга набийлари айтдилар: «Толут подшоҳ эканининг аломати шуки, сизларга «Тобути сакина» келади. У тобут бир сандиқ эдики, у сандиқнинг ичида илгари ўтган анбиёлар ёдгорликлари (мерослари) бор эди. *Ҳазрат Мусонинг асолари, Иброҳим алайҳиссаломнинг кўйлаклари, Ҳорун алайҳиссаломнинг саллалари, шунга ўхшаш нарсалар бор эди. Бани Исроил ғазотга борсалар,шу тобутни кўтариб борар эдилар. Шу тобут баракотидан душман устидан зафар топар эдилар. Шу тобут қўлларида бўлса, дилларида Аллоҳ таоло тарафидан ором, сабр ва тоқат ҳосил бўлар эди. Шунинг учун «сакина» деб аталарди. Уни малоикалар кўтариб юрар эдилар. Бир вақтда бани Исроилнинг душманлари - Уммолиқа деган қавм бу тобутни бани Исроилнинг қўлидан*

олиб кетган эди. Энди шу Пайғамбар Бани Исроилга айтди: «Тобут душманлар қўлидан халос бўлиб келса, Толут подшоҳ эканининг аломати шудир». Бас, тобут пайдо бўлди. Бани Исроил Толутни подшоҳ қилиб кўтарди. Тобут келгандан кейин Шумуил (Ишмуил) (алайҳиссалом) айтди: «Мана, тобутни малоикалар олиб келдилар. Агар сизлар бизнинг сўзимиз ростлигига *ва Толутнинг подшоҳ бўлганига* ишонсангизлар, сизларга мана шу тобутнинг келишида катта ҳужжат бор». *Бас,Бани Исроил итоат қилди. Шумуил (Ишмуил) алайҳиссалом Толутга айтдилар: «Худо сенга Жолут билан жиҳод қилишни буюради». Бас,Толут лашкарини олиб Жолутнинг мамлакати тарафига равона бўлди.*

فَلَمَّا فَصَلَ طَالُوتُ بِٱلْجُنُودِ قَالَ إِنَّ ٱللَّهَ مُبْتَلِيكُم بِنَهَرٍ فَمَن شَرِبَ مِنْهُ 2 жузъ
فَلَيْسَ مِنِّى وَمَن لَّمْ يَطْعَمْهُ فَإِنَّهُۥ مِنِّىٓ إِلَّا مَنِ ٱغْتَرَفَ غُرْفَةًۢ بِيَدِهِۦ ۚ فَشَرِبُوا۟ مِنْهُ
إِلَّا قَلِيلًا مِّنْهُمْ ۚ فَلَمَّا جَاوَزَهُۥ هُوَ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مَعَهُۥ قَالُوا۟ لَا طَاقَةَ لَنَا ٱلْيَوْمَ
بِجَالُوتَ وَجُنُودِهِۦ ۚ قَالَ ٱلَّذِينَ يَظُنُّونَ أَنَّهُم مُّلَٰقُوا۟ ٱللَّهِ كَم مِّن فِئَةٍ
قَلِيلَةٍ غَلَبَتْ فِئَةً كَثِيرَةًۢ بِإِذْنِ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ مَعَ ٱلصَّٰبِرِينَ ﴿٢٤٩﴾ وَلَمَّا بَرَزُوا۟
لِجَالُوتَ وَجُنُودِهِۦ قَالُوا۟ رَبَّنَآ أَفْرِغْ عَلَيْنَا صَبْرًا وَثَبِّتْ أَقْدَامَنَا وَٱنصُرْنَا عَلَى
ٱلْقَوْمِ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٢٥٠﴾ فَهَزَمُوهُم بِإِذْنِ ٱللَّهِ وَقَتَلَ دَاوُۥدُ جَالُوتَ
وَءَاتَىٰهُ ٱللَّهُ ٱلْمُلْكَ وَٱلْحِكْمَةَ وَعَلَّمَهُۥ مِمَّا يَشَآءُ ۗ وَلَوْلَا دَفْعُ ٱللَّهِ ٱلنَّاسَ
بَعْضَهُم بِبَعْضٍ لَّفَسَدَتِ ٱلْأَرْضُ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ ذُو فَضْلٍ عَلَى ٱلْعَٰلَمِينَ
﴿٢٥١﴾ تِلْكَ ءَايَٰتُ ٱللَّهِ نَتْلُوهَا عَلَيْكَ بِٱلْحَقِّ ۚ وَإِنَّكَ لَمِنَ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٢٥٢﴾

249-252. Вақтики Толут Шумуил (Ишмуил алайҳиссалом)нинг фармонлари билан лашкарини олиб, Байтул Мақдисдан чиқди. Толут лашкарларига айтди: «Пайғамбаримизнинг хабар беришларича, йўлда бир ариқ (анҳор, дарё) келар экан. Шу ариқнинг суви билан Худо сизларни синар экан. Шу ариқнинг сувини ётиб ичмасдан, бир қўлларингиз билан озгина олиб ичасизлар. Бас, кимки ўша сувдан ётиб ичса ёки икки қўли билан ичса, бас, у Худонинг фармонига итоат қилмаган бўлиб, бизлардан эмас. Агар билкулл (тамоман) ичмаса ёки бир қўли билан ичса, у маъфудир (афв этилгандир)». Ҳаво ниҳоятда иссиқ эди, (кўплари) итоат қилмасдан ичиб юбордилар, магар улардан озгиналари — *313 киши итоат қилиб*, ичмадилар. Толут итоат қилган мўминлар билан бирга ариқдан ўтди. Итоат қилмаган лашкарлар ариқнинг у тарафида ўтмай қолиб, айтдиларки: «Бизнинг бугун Жолутнинг лашкарлари билан урушишга тоқатимиз йўқ». Итоат қилган одамлар Қиёматда Худо билан мулоқий (рўбарў) бўлишга ишонган эдилар ва айтдиларки: «Кўп вақтлар бўладики, Худонинг амри билан озгина жамоат кўп лашкарнинг устидан ғалаба қилади. Аллоҳ таоло

собирлар билан биргадир. *Биз Парвардигордан умид қиламизки,душманлар устидан ғалаба қиламиз ва бизларга фатҳ ва зафар беради»*. Вақтики мўминлар Жолутнинг лашкари билан муқобил бўлдилар, айтдиларки: «Эй Парвардигоро, бизга душманнинг муқобилига сабр ва тоқат бергил. Жанг майдонида қадамларимизни собит қилгил. Кофир қавмнинг устидан ғалаба қилишга фатҳ ва зафар бергил». Бас, жанг бошланди, Парвардигорнинг мадади билан кофирларга шикаст бердилар. Довуд (алайҳиссалом) Жолутни ўлдирди. *Толут: «Кимки Жолутни ўлдирса, унга қизимни бераман, ўрнимга валиаҳд қиламан», — деб ваъда қилган эди. Ҳазрати Довуд алайҳиссалом шу даврда пайғамбар бўлганлари йўқ эди. Чўпонлик қилардилар.*
3 жузъ *Толут лашкари урушга бораётганда Ҳазрат Довуд ҳам лашкарларнинг ичида эдилар. Қўлларида тош отадиган палахмонлари бор эди. Йўлда бир тошдан: «Мени (қўлингга) олгил, Жолутнинг ажали менинг қўлимдадир», — деган овоз келди. Ҳазрати Довуд шу тошни олдилар, шу тош билан Жолутни ўлдирдилар.* Худойи таоло (Ҳазрати) Довудга Толутдан кейин подшоҳликни ва нубувват (пайғамбарлик)ни ҳам ато қилди. Ва Худо (у Довудга) хоҳлаган илми — зирҳ (совут) тўқишни таълим берди. Агар Худойи таоло баъзи одамлар билан баъзи одамларни даф қилмаса, яъни, мўминларни жиҳод қилишга буюриб, золимларни даф қилмас экан, у ҳолда ер юзи фасодга айланиб, олам хароб бўлади. Лекин Аллоҳ таоло олам аҳлига иноятли ва марҳаматлидир. Мана шу қиссаларнинг ҳаммаси Худонинг қудратига далолат қиладиган нишоналардир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга бу оятларни ҳақ ва ростлик билан Жаброилни юбориб тиловат қиламиз. Токи Сен ва умматларинг ибрат олсинлар. Мен маълум қиламанки, Сен, албатта, пайғамбарлардансан.

УЧИНЧИ ЖУЗЪ

۞ تِلْكَ ٱلرُّسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ مِّنْهُم مَّن كَلَّمَ ٱللَّهُ وَرَفَعَ بَعْضَهُمْ
دَرَجَٰتٍ وَءَاتَيْنَا عِيسَى ٱبْنَ مَرْيَمَ ٱلْبَيِّنَٰتِ وَأَيَّدْنَٰهُ بِرُوحِ ٱلْقُدُسِ وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ
مَا ٱقْتَتَلَ ٱلَّذِينَ مِنۢ بَعْدِهِم مِّنۢ بَعْدِ مَا جَآءَتْهُمُ ٱلْبَيِّنَٰتُ وَلَٰكِنِ ٱخْتَلَفُوا۟ فَمِنْهُم
مَّنْ ءَامَنَ وَمِنْهُم مَّن كَفَرَ وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ مَا ٱقْتَتَلُوا۟ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ ﴿٢٥٣﴾

253. Мана шу сурада зикр бўлган пайғамбарларнинг баъзиларидан баъзиларига (ортиқ) фазилат бердик. Улардан баъзилари билан Парвардигор сўзлашди, *жумладан, Мусо алайҳиссалом билан.* Ва *Муҳаммад алайҳиссалоту вассалом каби* баъзиларининг даражотларини юқори (баланд) қилди. Биби Марям ўғиллари Ийсо (алайҳиссалом)га мўъжизотлар ато этдик ва ҳам Жаброил (алайҳиссалом) билан мадад бердик. *Чунончи, чўл-биёбонларда Жаброил алайҳиссалом билан бирга юрар эдилар.* Агар Парвардигор хоҳлаганда, набийлардан кейин ўтган умматлар, ўзларига оят ва мўъжизотлар келгандан сўнг, муқотала қилмас эдилар. Лекин ихтилоф қилдилар.

Бас, улардан баъзилари иймон келтирдилар ва баъзилари кофир бўлдилар. Агар Аллоҳ таоло (уларнинг) ихтилоф қилмасликларини хоҳласа эди, ихтилоф қилмасдилар. Лекин Аллоҳ таоло ирода этган феълини қилади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَنفِقُوا مِمَّا رَزَقْنَاكُم مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِيَ يَوْمٌ لَّا بَيْعٌ فِيهِ وَلَا
خُلَّةٌ وَلَا شَفَاعَةٌ ۗ وَالْكَافِرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿٢٥٤﴾

254. Эй мўминлар, у кун келмасдан илгари Менинг сизларга берган ризқларимдан Менинг йўлимда садақа қилингларки, у кунда олди-сотди йўқ, ҳимоя қиладиган дўстлик йўқ ва сипориш (буйруқ, топшириқ) ҳам йўқ. Ваҳоланки, мана шу кофирлар иймон келтирмасдан, ўз нафсларига зулм қилгувчилардир. 3 жузъ

اللَّهُ لَا إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ ۚ لَا تَأْخُذُهُ سِنَةٌ وَلَا نَوْمٌ ۚ لَّهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ
وَمَا فِي الْأَرْضِ ۗ مَن ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِندَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ ۚ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ
وَمَا خَلْفَهُمْ ۖ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ ۚ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ
السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ ۖ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا ۚ وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ ﴿٢٥٥﴾

255. Мана шу бир маъбуд ҳақиқий мавжуддир. Бошқа ибодатга лойиқ ҳеч қандай маъбуд йўқ, магар мана шу якка ва танҳо Аллоҳдир. У ҳамиша тирикдир, У барча оламнинг мудаббири (тадбир қилувчиси)дир. Уни енгил ғафлат босмайди ва ухламайди (ҳам). Осмондаги тамом (барча) нарсалар ва ердаги тамом нарсалар ва коинот унинг мулкидир. Қиёмат куни ҳеч ким ҳеч кимни қўллай олмайди, магар Худонинг изни билан қўллайди. У бу дунёдаги нарсаларни ва охиратда бўладиган аҳволларни билади. Ҳеч ким унинг маълумотини илми билан иҳота қилолмайди, магар ўзи хоҳлаб билдирса, билади. Унинг курсиси осмонлар ва ердан ҳам кенглик қилади. Осмонлар ва ернинг муҳофазаси Уни чарчатмайди. У ҳамма нарсадан олий ва ҳамма нарсадан улуғдир.

لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ ۖ قَد تَّبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيِّ ۚ فَمَن يَكْفُرْ بِالطَّاغُوتِ وَيُؤْمِن
بِاللَّهِ فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَىٰ لَا انفِصَامَ لَهَا ۗ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٥٦﴾

256. Ислом динида ҳеч бир мажбурият (мажбурлаш) йўқ. Ҳидоят залолатдан ажралгандир ва ботил зоҳир бўлган. Бас, кимки бутни инкор қилиб, Худога ишонса, у узилмайдиган бандни (тутқични) маҳкам ушлабди. Ҳеч вақт у банд (тутқич) узилмайди. Аллоҳ таоло сизларнинг иқрорларингизни эшитади, ниятларингизни билади. *Бу оят қитол (жиҳод) ояти билан мансух бўлган.*

اللَّهُ وَلِيُّ الَّذِينَ آمَنُوا يُخْرِجُهُم مِّنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ ۖ وَالَّذِينَ كَفَرُوا
أَوْلِيَاؤُهُمُ الطَّاغُوتُ يُخْرِجُونَهُم مِّنَ النُّورِ إِلَى الظُّلُمَاتِ ۗ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ

ٱلنَّارِ ۖ هُمْ فِيهَا خَـٰلِدُونَ ﴿٢٥٧﴾

257. Аллоҳ таоло мўминларнинг дўстидир. Уларни залолат қоронғулигидан ҳидоятнинг нури тарафига чиқаради. Кофирларнинг дўстлари бутлардир. У бутлар кофирларни ҳидоят нуридан зулмат тарафига чиқаради (етаклайди). Ана ўша кофирлар дўзахийдир ва дўзахда абадий қоладилар.

أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِى حَآجَّ إِبْرَٰهِـۧمَ فِى رَبِّهِۦٓ أَنْ ءَاتَىٰهُ ٱللَّهُ ٱلْمُلْكَ إِذْ قَالَ إِبْرَٰهِـۧمُ
3 жузъ رَبِّىَ ٱلَّذِى يُحْىِۦ وَيُمِيتُ قَالَ أَنَا۠ أُحْىِۦ وَأُمِيتُ ۖ قَالَ إِبْرَٰهِـۧمُ فَإِنَّ ٱللَّهَ
يَأْتِى بِٱلشَّمْسِ مِنَ ٱلْمَشْرِقِ فَأْتِ بِهَا مِنَ ٱلْمَغْرِبِ فَبُهِتَ ٱلَّذِى كَفَرَ ۗ وَٱللَّهُ لَا
يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلظَّـٰلِمِينَ ﴿٢٥٨﴾

258. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен Парвардигорнинг исботида (Ҳазрати) Иброҳим билан мужодала қилган ўша кофир (Намруд)ни фикр қилмайсанми? Вақтики Иброҳим (алайҳиссалом) айтди: «Менинг Парвардигорим ўликларни тирилтиради ва тирикларни ўлдиради». Намруд жавобан: «Мен ҳам ўликни тирилтираман ва тирикни ўлдираман», – деб айтди. *Зиндондан икки жиноятчини олиб чиқиб, бирини қўйиб юбориб, «Буни тирилтирдим», – деб айтди. Яна бирини ўлдириб, «Буни ўлдирдим», – деди. Иброҳим алайҳиссалом кўрдики, бу кофир ўликни тирилтириш ҳақиқатини билмайди.* Иброҳим (алайҳиссалом) бошқа далил пеш қилиб, айтдики: «Менинг Худойим қуёшни машриқдан чиқариб, мағрибга ботиради. Сен (ҳам) қодир бўлсанг, мағрибдан чиқариб, машриққа ботиргил». Шу ҳолда кофир мутаҳаййир (лол) бўлиб, жавобга ожиз қолди. Аллоҳ таоло *шунга ўхшаган* золим қавмни ҳидоят қилмайди.

أَوْ كَٱلَّذِى مَرَّ عَلَىٰ قَرْيَةٍ وَهِىَ خَاوِيَةٌ عَلَىٰ عُرُوشِهَا قَالَ أَنَّىٰ يُحْىِۦ هَـٰذِهِ ٱللَّهُ
بَعْدَ مَوْتِهَا ۖ فَأَمَاتَهُ ٱللَّهُ مِا۟ئَةَ عَامٍ ثُمَّ بَعَثَهُۥ ۖ قَالَ كَمْ لَبِثْتَ ۖ قَالَ لَبِثْتُ يَوْمًا
أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ ۖ قَالَ بَل لَّبِثْتَ مِا۟ئَةَ عَامٍ فَٱنظُرْ إِلَىٰ طَعَامِكَ وَشَرَابِكَ لَمْ
يَتَسَنَّهْ ۖ وَٱنظُرْ إِلَىٰ حِمَارِكَ وَلِنَجْعَلَكَ ءَايَةً لِّلنَّاسِ ۖ وَٱنظُرْ إِلَى
ٱلْعِظَامِ كَيْفَ نُنشِزُهَا ثُمَّ نَكْسُوهَا لَحْمًا ۚ فَلَمَّا تَبَيَّنَ لَهُۥ قَالَ أَعْلَمُ أَنَّ
ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٥٩﴾

259. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бир қишлоқдан ўтган одам (Узайр пайғамбар) ҳолини фикр қилмадингми? У қишлоқ вайрон бўлиб, томлари одамларни босган ва ҳалок қилган эди. *Бу одам Узайр алайҳиссалом эди. Подшоҳ Бухтуннаср Байтул Мақдисга ҳужум қилиб, яҳудларни ўлдирган, қишлоқларга ўт қўйиб, баъзи яҳудларни асир қилиб, ўз мулкига олиб кетган эди. Узайр алайҳиссалом ҳам асир тушган эди. Асирликдан қутулиб қайтиб келаётганида шу қишлоқдан ўтди.* Айтдики: «(Аллоҳ) бу ўлик-

ларни қандай тирилтирар экан?». Дилида қайтадан тирилиш тўғрисида биргуна (қандайдир) истибъод (ҳайратли савол, ажабланиш) ҳосил бўлди. *Чунки табиийдирки, кайфияти иҳёни (ўликнинг тирилганини) кўрмаган одам қандайдир таажжубланади.* Шунинг учун ҳам Парвардигор (Ҳазрати) Узайрни юз йил муддатга ўлдирди. Юз йилдан кейин яна тирилтирди. Узайр (алайҳиссалом) ўзлари билан бирга ейдиган таомларини ва ичадиган сувларини эшакка юклаган эди. Эшак ҳам ўлиб, чириб суяклари қолган эди. Ҳақ таоло бир фариштани юборди (Узайр) ҳолидан савол қилди. Фаришта сўрадики: «Бу ерда қанча ётдинг?». Узайр (алайҳиссалом) жавоб бердики: «Бир кун ёки ярим кун ётдим». *Буни шунинг учун айтдиларки, ўлган вақтларида қуёш тулу қилган (чиққан) вақт эди. Тирилган вақтларида қуёш қиёмга келган экан. Шунинг учун ҳам: «Ярим кун», – деб айтдилар.* Фаришта айтдики: «Сен хато ўйлайсан, юз йил ётдинг. Худонинг қудратини кўргил, ейдиган таомингга ва шаробингга назар солгил. Ҳеч тағйир топгани (ўзгаргани) йўқ. Эшагингга назар қилгил, *чириб суяги қолгандир. Мен Сени тирилтирдим, то ибрат олгилки, ўликни тирилтирмоқ шу хилда бўлади.* Мен халқ панд ва ибрат олсин, деб Сени тирилтирдим. Сен энди эшагинг ўлигини қандай ҳаракатга келтиришимизга, чириб кетган гўштларини қайтадан суякларига қандай кийдиришимизга (қоплашимизга) қараб тургил». *Вақтики Узайр алайҳиссаломга Парвардигорнинг қудрати зоҳир бўлди.* У киши айтди: «Энди яқийн (аниқ) билдимки, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодир экан».

3 жузъ

وَإِذْ قَالَ إِبْرَٰهِـۧمُ رَبِّ أَرِنِى كَيْفَ تُحْىِ ٱلْمَوْتَىٰ ۖ قَالَ أَوَلَمْ تُؤْمِن ۖ قَالَ بَلَىٰ
وَلَـٰكِن لِّيَطْمَئِنَّ قَلْبِى ۖ قَالَ فَخُذْ أَرْبَعَةً مِّنَ ٱلطَّيْرِ فَصُرْهُنَّ إِلَيْكَ ثُمَّ ٱجْعَلْ عَلَىٰ
كُلِّ جَبَلٍ مِّنْهُنَّ جُزْءًا ثُمَّ ٱدْعُهُنَّ يَأْتِينَكَ سَعْيًا ۚ وَٱعْلَمْ أَنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ٢٦٠

260. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Иброҳим (алайҳиссалом) Парвардигорга: «Ўликларни қандай тирилтирасан?», – деб айтганини ёд қилгил. Ҳақ таоло айтди: «Бунга яқийнинг (ишончинг) йўқми?» Иброҳим (алайҳиссалом) айтди: «Албатта, яқийним бор, лекин хоҳлайманки, кўзим билан кўриб, ишонч ҳосил қилай». Парвардигор айтди: «Паррандалардан тўрт қисмини олгил. Уларни олдингга жамлагил». *Ровийларнинг ривоятларига қараганда, бу паррандаларнинг бири кабутар, бири товуқ, бири қарға ва бири товус эди.* Сўнгра бу паррандаларни сўйгил, гўштларини поралаб, бирбирига аралаштиргил. Буларни иложи борича тоғларга тақсимлаб, бўлаклаб (жудо қилиб) қўйгил. Бошларини ўз олдингда сақлагил. Бас, уларни чақиргил, ҳаммаси тирилиб, ўз бошларига уланиб, олдингга келадилар. Билгил, Аллоҳ таоло ўз феълида ғолиб ва донодир.

مَّثَلُ ٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ أَمْوَٰلَهُمْ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أَنۢبَتَتْ سَبْعَ سَنَابِلَ فِى
كُلِّ سُنۢبُلَةٍ مِّائَةُ حَبَّةٍ ۗ وَٱللَّهُ يُضَـٰعِفُ لِمَن يَشَآءُ ۗ وَٱللَّهُ وَٰسِعٌ عَلِيمٌ ٢٦١

261. Худо йўлида молларини нафақа (садақа, эҳсон) қилувчилар нафақаларининг сифати шунга ўхшайдики, бир дона буғдойни ерга эккан бўлса,

етти дона сунбул (бошоқ) бўлиб ўсади. Ҳар бир сунбулнинг бошида юзтадан донаси бўлади. Яъни Худойи таоло йўлида риёсиз қилинган садақанинг мисоли шунга ўхшайдики, бир дона буғдой кўкариб, еттита ниҳол бўлиб, ҳар бир ниҳол бошида юзтадан етти юз донага айланади. (Яъни қилинган бир ҳасанага (яхшиликка) етти юз ҳасананинг савоби берилишига ишора қилинмоқда). Аллоҳ таоло хоҳлаган бандасига бундан ҳам кўп қилиб беради. Аллоҳ таолоннинг бандаларга бахшойиши (фазлу карами) кенгдир, бандаларнинг аҳволларини билгувчидир.

3 жузъ ٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ أَمْوَٰلَهُمْ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ ثُمَّ لَا يُتْبِعُونَ مَآ أَنفَقُوا۟ مَنًّا وَلَآ أَذًى لَّهُمْ
أَجْرُهُمْ عِندَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ٢٦٢

262. У зотларки, Худо йўлида молларини сарфлайдилар, ғарибларга молларини берадилар, орқасидан миннат қилмайдилар, ғарибларга азият ҳам бермайдилар. Улар қилган садақаларининг ажри Худонинг олдида муқаррардир. Қиёмат куни азоби илоҳийдан хавфлари йўқдир ва ғамгин ҳам бўлмайдилар.

۞ قَوْلٌ مَّعْرُوفٌ وَمَغْفِرَةٌ خَيْرٌ مِّن صَدَقَةٍ يَتْبَعُهَآ أَذًى ۗ وَٱللَّهُ غَنِىٌّ حَلِيمٌ ٢٦٣

263. Яхши сўзлар билан соилнинг (муҳтожликдан бирор нарса сўрагувчининг) кўнглини олиб (изига) қайтариш ва унинг беодоб сўзларини кечириш, садақа қилиб, орқасидан азият бергандан яхшироқдир. Аллоҳ таоло сизларнинг садақаларингизга муҳтож эмасдир. Бандаларга ҳалим ва меҳрибондир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تُبْطِلُوا۟ صَدَقَٰتِكُم بِٱلْمَنِّ وَٱلْأَذَىٰ كَٱلَّذِى يُنفِقُ مَالَهُۥ
رِئَآءَ ٱلنَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ ۖ فَمَثَلُهُۥ كَمَثَلِ صَفْوَانٍ عَلَيْهِ تُرَابٌ
فَأَصَابَهُۥ وَابِلٌ فَتَرَكَهُۥ صَلْدًا ۖ لَّا يَقْدِرُونَ عَلَىٰ شَىْءٍ مِّمَّا كَسَبُوا۟ ۗ وَٱللَّهُ
لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلْكَٰفِرِينَ ٢٦٤

264. Эй мўминлар, садақаларингизнинг ажрини миннат ва азият биан ботил қилманглар. Айримлар молини риёкорлик билан нафақа қиладилар. Ваҳоланки, улар Худога ва охиратга ишонмайдилар. Бас, бу хилдаги садақаларингиз гўё бир силлиқ тошнинг устида гард ва ғубор бўлса, унга қаттиқ ёмғир ёғиб, гард ва ғуборлардан пок қилиб, силлиқ қилиб қўйганига ўхшайди. Бу одамлар риёлари сабабли қилган садақаларининг ажрини озгина бўлса-да, ҳосил қилишга қодир эмаслар. Аллоҳ таоло кофирларни ҳидоят қилмайди.

وَمَثَلُ ٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ أَمْوَٰلَهُمُ ٱبْتِغَآءَ مَرْضَاتِ ٱللَّهِ وَتَثْبِيتًا مِّنْ أَنفُسِهِمْ
كَمَثَلِ جَنَّةٍۭ بِرَبْوَةٍ أَصَابَهَا وَابِلٌ فَـَٔاتَتْ أُكُلَهَا ضِعْفَيْنِ فَإِن لَّمْ يُصِبْهَا وَابِلٌ
فَطَلٌّ ۗ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ٢٦٥

265. Молларини Худонинг розилиги учун ва иймон собитлиги учун нафақа қилувчиларнинг сифатлари баланд бир ерда (тепаликда) воқе бўлган бўстон (боғ)нинг сифатига ўхшайди. У бўстоннинг тепасига зўр (шариллаб) ёмғирлар ёғади, бас, бу боғнинг мевалари икки баробар ҳосил қилади. Агар бу боққа зўр ёмғир ёғмаса-да, заифроқ (майдалаб ёққан) ёмғир ҳам кифоя қилади, *чунки боғнинг ери мулойим бўлиб, ўзида нам сақлайди. Худо йўлида беғараз ва риёсиз қилинган садақа шу боққа ўхшаб бир неча баробар ҳосил беради.* Аллоҳ таоло ихлос билан қилган амалларингизни кўриб тургувчидир.

أَيَوَدُّ أَحَدُكُمْ أَن تَكُونَ لَهُۥ جَنَّةٌ مِّن نَّخِيلٍ وَأَعْنَابٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا 3 жузъ
ٱلْأَنْهَٰرُ لَهُۥ فِيهَا مِن كُلِّ ٱلثَّمَرَٰتِ وَأَصَابَهُ ٱلْكِبَرُ وَلَهُۥ ذُرِّيَّةٌ ضُعَفَآءُ فَأَصَابَهَآ
إِعْصَارٌ فِيهِ نَارٌ فَٱحْتَرَقَتْ ۗ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمُ ٱلْءَايَٰتِ لَعَلَّكُمْ
تَتَفَكَّرُونَ ﴿٢٦٦﴾

266. *Сизлар риё билан қилган амалларингиздан ҳазар қилинглар.* Ахир сизлардан бирортангизнинг мулкида хурмозор ва узумзор боғи бўлса, тагидан анҳорлар оқиб турса, ўша одамнинг болалари бўлиб, ҳаммаси шу боғнинг ҳосилига тикилган (кўз тиккан) бўлса, бас, осмондан заҳарли шамол келиб, шу шамол билан бирга яшин тушса, тамом боғни куйдирса. Бас, мўйсафид шу хил аҳволни муояна қилиб (кўриб, кузатиб) турса, меҳнат билан обод қилган боғини бир соатда (ўтли бўрон) куйдириб яксон қилса, бундай ҳолатни сизлардан бирортангиз хуш кўрадими?! Шунга ўхшаш риё билан қилган амалларингиз охиратда ботил бўлиб, сизни ана шундай (савобдан) маҳрум қилади. Аллоҳ таоло мана шунга ўхшаш мисолларни баён қилиб, сизларни огоҳлантиради. Шоядки сизлар тафаккур қилсангизлар.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ أَنفِقُوا۟ مِن طَيِّبَٰتِ مَا كَسَبْتُمْ وَمِمَّآ أَخْرَجْنَا لَكُم مِّنَ
ٱلْأَرْضِ ۖ وَلَا تَيَمَّمُوا۟ ٱلْخَبِيثَ مِنْهُ تُنفِقُونَ وَلَسْتُم بِـَٔاخِذِيهِ إِلَّآ أَن تُغْمِضُوا۟
فِيهِ ۚ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ غَنِىٌّ حَمِيدٌ ﴿٢٦٧﴾

267. Эй мўминлар, энг яхши ҳалол молларингиздан Худонинг йўлида нафақа (сарф) қилинглар. Ўша нарсадан Менинг йўлимга (нафақа) берингларки, сизларнинг ризқларингиз учун ердан ҳосилни кўкартириб сизларга етказган Менман. Менинг йўлимда хабис, раддий (ёмон), ташландиқ нарсаларни беришга уринманглар. Ваҳоланки, бошқа одам сизга шундай нарсаларни берса, олмайсизлар. Фақат кўзингизни юмиб туриб, айбини кўрмасдан олишингиз мумкин. Шуни билингларки, Аллоҳ таоло сизларнинг берган нарсангизга муҳтож эмасдир. *Аллоҳ таологa ихлосингиз керак.* Аллоҳ таоло ҳамиша маҳмуд (ҳамду санога лойиқ)дир. *Биров ситойиши (мадҳу саноси)нинг ихлоси бўлмаса, кераги йўқ.*

ٱلشَّيْطَٰنُ يَعِدُكُمُ ٱلْفَقْرَ وَيَأْمُرُكُم بِٱلْفَحْشَآءِ ۖ وَٱللَّهُ يَعِدُكُم مَّغْفِرَةً مِّنْهُ
وَفَضْلًا ۗ وَٱللَّهُ وَٰسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٦٨﴾ يُؤْتِى ٱلْحِكْمَةَ مَن يَشَآءُ ۚ وَمَن يُؤْتَ ٱلْحِكْمَةَ
فَقَدْ أُوتِىَ خَيْرًا كَثِيرًا ۗ وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّآ أُو۟لُوا۟ ٱلْأَلْبَٰبِ ﴿٢٦٩﴾

268-269. Шайтон сизларга фақир бўлиб қолиш ваъдасини беради, *яъни: «Худо йўлида харж қилсанг, фақир бўлиб қоласан»,-дейди.* Лекин
3 жузъ
Аллоҳ таоло сизларнинг Худо йўлида қилган нафақаларингиз эвазига гуноҳларингизни мағфират қилишни, нафақа қилган молларингизни неча баробар кўпайтириб беришни ваъда қилади. Аллоҳ таолонинг бандаларга марҳамати жуда кенгдир, аҳволларини билгувчидир. Хоҳлаган бандаларига илм (ҳикмат) ато қилади. Ҳар кимга Худо тарафидан илм берилса, бас, унга кўп хайрлар ато қилинган бўлади. Бу мисоллардан панд (ибрат) олмайдилар, магар соҳиби ақллар панд оладилар.

وَمَآ أَنفَقْتُم مِّن نَّفَقَةٍ أَوْ نَذَرْتُم مِّن نَّذْرٍ فَإِنَّ ٱللَّهَ يَعْلَمُهُۥ ۗ وَمَا
لِلظَّٰلِمِينَ مِنْ أَنصَارٍ ﴿٢٧٠﴾ إِن تُبْدُوا۟ ٱلصَّدَقَٰتِ فَنِعِمَّا هِىَ ۖ وَإِن
تُخْفُوهَا وَتُؤْتُوهَا ٱلْفُقَرَآءَ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ ۚ وَيُكَفِّرُ عَنكُم مِّن
سَيِّـَٔاتِكُمْ ۗ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٢٧١﴾

270-271. Ҳар нафақа, ё ҳар назрки, ўзларингизга вожиб қиласизлар, бас, Аллоҳ таоло унинг ихлос билан қилинганлигини ёки риё билан қилинганини билади. Қиёмат куни ҳаддан тажовуз қилганларга ҳеч қандай ёрдамчи бўлмайди. Эй мўминлар, агар садақаларингизни ошкора берсангиз ҳам яхши бўлади, *чунки сизлардан бошқалар ҳам ибрат олади.* Ва агар фақирларга махфий берсангиз, бас, бу сизларга жуда ҳам яхшидир, *чунки риёдан холидир.* Аллоҳ таоло бу садақаларингизни гуноҳларингизга каффорат қилади. Аллоҳ таоло қилган амалларингиздан хабардордир.

۞ لَّيْسَ عَلَيْكَ هُدَىٰهُمْ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ يَهْدِى مَن يَشَآءُ ۗ وَمَا تُنفِقُوا۟ مِنْ خَيْرٍ
فَلِأَنفُسِكُمْ ۚ وَمَا تُنفِقُونَ إِلَّا ٱبْتِغَآءَ وَجْهِ ٱللَّهِ ۚ وَمَا تُنفِقُوا۟ مِنْ خَيْرٍ يُوَفَّ
إِلَيْكُمْ وَأَنتُمْ لَا تُظْلَمُونَ ﴿٢٧٢﴾

272. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яҳудларни ҳидоят қилиш Сенинг зиммангда эмас, лекин Аллоҳ таоло хоҳласа, ҳар кимни ҳидоят қилади. Ҳар бир молки, Худонинг йўлида берасизлар, ўз нафсларингизга (ўзингизга) фойдалидир. Эй мўминлар, фақат Худонинг ризоси учун нафақа қилинглар. Унинг ажрини Парвардигорнинг ўзи беради. Ҳар бир молки, Худо йўлида нафақа қилсангизлар, сизларга унинг ажри Худо тарафидан мукаммал берилади. Сизларга зулм қилинмайди, ажрларингиз камайтирилмайди.

لِلْفُقَرَآءِ ٱلَّذِينَ أُحْصِرُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ لَا يَسْتَطِيعُونَ ضَرْبًا فِى ٱلْأَرْضِ يَحْسَبُهُمُ ٱلْجَاهِلُ أَغْنِيَآءَ مِنَ ٱلتَّعَفُّفِ تَعْرِفُهُم بِسِيمَـٰهُمْ لَا يَسْـَٔلُونَ ٱلنَّاسَ إِلْحَافًا ۗ وَمَا تُنفِقُوا۟ مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ ٱللَّهَ بِهِۦ عَلِيمٌ ﴿٢٧٣﴾

273. Худонинг ибодатига банд бўлган фақирларга садақа қилинглар. Улар бирор жойга боришга қодир эмаслар, кеча ва кундуз ибодатга машғулдирлар. Ҳеч бир кимсадан бирон нарсани тамаъ қилмайдилар, камоли истиғно (ғоят беҳожат бўлиб кўринганлари) сабабидан уларнинг ҳолларини билмаган жоҳиллар уларни бой деб билади. Лекин уларнинг юзларига қараб, заифликларини кўриб, очликларини биласан. Ҳеч бир кимсадан гадойлик билан нарса сўрамайдилар. У зотларга нимани-ки нафақа қилсангизлар, албатта, Аллоҳ таоло уни билади. 3 жузъ

ٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ أَمْوَٰلَهُم بِٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ سِرًّا وَعَلَانِيَةً فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ عِندَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٢٧٤﴾

274. Молларини Худо йўлида кечаси ё кундузи, ошкора ё яширин берадиган одамларнинг ажрлари Парвардигорнинг наздида муайяндир. Қиёмат куни уларга ҳеч бир хавф йўқ, улар ғамгин ҳам бўлмайдилар.

ٱلَّذِينَ يَأْكُلُونَ ٱلرِّبَوٰا۟ لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ ٱلَّذِى يَتَخَبَّطُهُ ٱلشَّيْطَـٰنُ مِنَ ٱلْمَسِّ ۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوٓا۟ إِنَّمَا ٱلْبَيْعُ مِثْلُ ٱلرِّبَوٰا۟ ۗ وَأَحَلَّ ٱللَّهُ ٱلْبَيْعَ وَحَرَّمَ ٱلرِّبَوٰا۟ ۚ فَمَن جَآءَهُۥ مَوْعِظَةٌ مِّن رَّبِّهِۦ فَٱنتَهَىٰ فَلَهُۥ مَا سَلَفَ وَأَمْرُهُۥٓ إِلَى ٱللَّهِ ۖ وَمَنْ عَادَ فَأُو۟لَـٰٓئِكَ أَصْحَـٰبُ ٱلنَّارِ ۖ هُمْ فِيهَا خَـٰلِدُونَ ﴿٢٧٥﴾

275. Дунёда судхўрлик қилган одамлар Қиёмат куни қабрлардан турмайдилар, магар гўё жин уриб кетган, ҳушлари йўқ жинниларга ўхшаб турадилар. Бу азоб шунинг учунки, улар айтар эдиларки: «Байъ (тижорат, олди-сотди) билан судхўрлик ҳалолликда баробардир». Ваҳоланки, Аллоҳ таоло байъни ҳалол қилган, судхўрликни ҳаром қилгандир. Ҳар кимки Худо тарафидан наҳий келгач, шу наҳийга амал қилиб, судхўрликдан тўхтаган бўлса, бас, уни судхўрлик ҳаром бўлишидан илгари егани Худо тарафидан кечирилади. Минбаъд (бундан кейин) унинг иши Худо тарафига ҳавола қилинади. Кимки яна судхўрликка қайтиб, ружу қилса ва ҳалол деб билса, аҳли дўзахдир. Ундайлар дўзахда абадий қоладилар.

يَمْحَقُ ٱللَّهُ ٱلرِّبَوٰا۟ وَيُرْبِى ٱلصَّدَقَـٰتِ ۗ وَٱللَّهُ لَا يُحِبُّ كُلَّ كَفَّارٍ أَثِيمٍ ﴿٢٧٦﴾

276. Аллоҳ таоло судхўрликдан ҳосил қилинган молни бебаракот қилади, Худо йўлида берган садақаларга баракот ато этади. Аллоҳ таоло Худонинг неъматига шукр қилмаган гуноҳкорларни дўст тутмайди.

إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَأَقَامُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَوُاْ ٱلزَّكَوٰةَ لَهُمۡ
أَجۡرُهُمۡ عِندَ رَبِّهِمۡ وَلَا خَوۡفٌ عَلَيۡهِمۡ وَلَا هُمۡ يَحۡزَنُونَ ﴿٢٧٧﴾

277. Албатта, иймон келтирганлар, яхши амалларни қилганлар, намозни ўз вақтида адо этганлар, молларининг закотини берганлар, бас, шундай зотларнинг ажрлари Худонинг наздида муайяндир (аниқдир). Уларга Қиёмат куни ҳеч қандай хавф ва андуҳ йўқдир.

3 жузъ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَذَرُواْ مَا بَقِيَ مِنَ ٱلرِّبَوٰٓاْ إِن كُنتُم مُّؤۡمِنِينَ ﴿٢٧٨﴾
فَإِن لَّمۡ تَفۡعَلُواْ فَأۡذَنُواْ بِحَرۡبٖ مِّنَ ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦۖ وَإِن تُبۡتُمۡ فَلَكُمۡ رُءُوسُ
أَمۡوَٰلِكُمۡ لَا تَظۡلِمُونَ وَلَا تُظۡلَمُونَ ﴿٢٧٩﴾ وَإِن كَانَ ذُو عُسۡرَةٖ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ
مَيۡسَرَةٖۚ وَأَن تَصَدَّقُواْ خَيۡرٞ لَّكُمۡۖ إِن كُنتُمۡ تَعۡلَمُونَ ﴿٢٨٠﴾ وَٱتَّقُواْ يَوۡمٗا
تُرۡجَعُونَ فِيهِ إِلَى ٱللَّهِۖ ثُمَّ تُوَفَّىٰ كُلُّ نَفۡسٖ مَّا كَسَبَتۡ وَهُمۡ لَا يُظۡلَمُونَ ﴿٢٨١﴾

278-281. Эй мўминлар, Худонинг азобидан қўрқинглар. Агар сизларнинг рибо (судхўрлик, фоиз)нинг ҳаромлигига иймонларингиз бўлса, судхўрликдан боқий қолган маблағни тарк этинглар. Бас, агар рибо ҳаром бўлган ҳолда берган қарзларингизнинг фоизидан кечмас эконсизлар, бас, Худо ва Расулига қарши жанг эълон қилибсиз! Агар судхўрликдан тавба қилсангизлар, бас, сизларга раъсул мол (дастмоя, берилган қарз)ларингиз ҳалолдур. Яъни, бефойда (фоизсиз) раъсул молларингизни қарздордан ундириб ейишларингиз ҳалолдир. Зиёда олиб, қарздорларга зулм қилмайсизлар. Раъсул молларингиз камайтирилиб, сизларга ҳам зулм қилинмайди. Агар қарздор фақир бўлса, бас, то қодир бўлгунча муҳлат беринглар. Ва агар қарзларингизни садақа қилиб, қарздордан кечиб юборсангизлар, охиратда сизларга жуда фойдали бўлар эди. Агар сизлар ўзларингизнинг фойдаларингизни билсангизлар, ўша куннинг азобидан қўрқинглар. Сизлар Худонинг олдига ҳисоб бериш учун йиғиласизлар. Бас, ўша вақтда ҳар бир нафсга қилган касбига яраша жазоси мукаммал берилади. Уларга зулм қилинмайди.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا تَدَايَنتُم بِدَيۡنٍ إِلَىٰٓ أَجَلٖ مُّسَمّٗى فَٱكۡتُبُوهُۚ وَلۡيَكۡتُب
بَّيۡنَكُمۡ كَاتِبُۢ بِٱلۡعَدۡلِۚ وَلَا يَأۡبَ كَاتِبٌ أَن يَكۡتُبَ كَمَا عَلَّمَهُ ٱللَّهُۚ
فَلۡيَكۡتُبۡ وَلۡيُمۡلِلِ ٱلَّذِي عَلَيۡهِ ٱلۡحَقُّ وَلۡيَتَّقِ ٱللَّهَ رَبَّهُۥ وَلَا يَبۡخَسۡ مِنۡهُ شَيۡـٔٗاۚ فَإِن
كَانَ ٱلَّذِي عَلَيۡهِ ٱلۡحَقُّ سَفِيهًا أَوۡ ضَعِيفًا أَوۡ لَا يَسۡتَطِيعُ أَن يُمِلَّ هُوَ فَلۡيُمۡلِلۡ
وَلِيُّهُۥ بِٱلۡعَدۡلِۚ وَٱسۡتَشۡهِدُواْ شَهِيدَيۡنِ مِن رِّجَالِكُمۡۖ فَإِن لَّمۡ يَكُونَا رَجُلَيۡنِ

فَرَجُلٌ وَٱمۡرَأَتَانِ مِمَّن تَرۡضَوۡنَ مِنَ ٱلشُّهَدَآءِ أَن تَضِلَّ إِحۡدَىٰهُمَا فَتُذَكِّرَ
إِحۡدَىٰهُمَا ٱلۡأُخۡرَىٰۚ وَلَا يَأۡبَ ٱلشُّهَدَآءُ إِذَا مَا دُعُواْۚ وَلَا تَسۡـَٔمُوٓاْ أَن تَكۡتُبُوهُ
صَغِيرًا أَوۡ كَبِيرًا إِلَىٰٓ أَجَلِهِۦۚ ذَٰلِكُمۡ أَقۡسَطُ عِندَ ٱللَّهِ وَأَقۡوَمُ لِلشَّهَٰدَةِ وَأَدۡنَىٰٓ أَلَّا
تَرۡتَابُوٓاْ إِلَّآ أَن تَكُونَ تِجَٰرَةً حَاضِرَةً تُدِيرُونَهَا بَيۡنَكُمۡ فَلَيۡسَ عَلَيۡكُمۡ جُنَاحٌ
أَلَّا تَكۡتُبُوهَاۗ وَأَشۡهِدُوٓاْ إِذَا تَبَايَعۡتُمۡۚ وَلَا يُضَآرَّ كَاتِبٞ وَلَا شَهِيدٞۚ وَإِن تَفۡعَلُواْ
فَإِنَّهُۥ فُسُوقُۢ بِكُمۡۗ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَۖ وَيُعَلِّمُكُمُ ٱللَّهُۗ وَٱللَّهُ بِكُلِّ شَيۡءٍ عَلِيمٞ ٢٨٢ 3 жузъ

282. Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз беришиб муомала қилган вақтларингизда у қарзларингизни адо қилиш муайян бир вақтгача маълум бўлса, у қарзларингизни ҳужжат тариқасида ёзинглар. Қарз олувчи билан қарз берувчининг номи ёзилиши керак. *Қарз қанча миқдорда, (адо қилиш) вақти қачонгача экани ёзилиши лозим.* Сизларнинг ўрталарингизда қайси бирларингиз котиб бўлсангиз, адолат билан ёзсин, *яъни, қарз миқдорини кўп ё оз қилмасдан, тўғри ёзсин.* Ёзишни биладиган одам ёзишдан бош тортмасин, чунки Аллоҳ таоло унга ёзмоқ илмини ато қилган, шунинг шукронасига ёзишдан ибо қилмасин. Котиб бўйнида қарзи бор одамнинг иқрорини ёзсин. Ёздирувчи Парвардигордан қўрқсин. Ҳақдан озгина бўлса-да, ноқис қилиб ёздирмасин. Бас, ҳужжатга иқрор қилиб, ёздирувчи қарздор беақл бўлса ё ёш бола бўлса, ё баён этишга лаёқати бўлмаса, бас, унинг валийси инсоф билан тақрир этсин. Сўнгра ушбу ҳужжатга эркакларингиздан икки гувоҳни, агар икки эркак бўлмаса, бир эркак ва икки хотинни сизлар уларнинг гувоҳлигидан рози бўладиган (адолатли) кишилардан гувоҳ қилинглар. Икки хотин шунинг учунки, бири ёдидан чиқарса, иккинчисининг ёдида қолади. Албатта, гувоҳлар чақирилса, гувоҳлик беришдан бош тортмасинлар. Котиблар қарзларнинг миқдори хоҳ кўп, хоҳ оз бўлса-да, то муайян вақтга қадар (олинганини) ёзиб қўйишдан малолланмасинлар. Мана шундай муомала қилишлар Худонинг наздида адолатдир, гувоҳлик бермоққа тўғридир. Буни ёзмоқларингиз, шак-шубҳа қилмасдан яқийн (ишонч) ҳосил қилмоқларингиз (учун) зиёда фойдалидир. Магарки, олди-бердиларингиз тижорат тариқасида нақдма-нақд бўлса, ёзмасангизлар ҳам сизларга ҳеч зарари йўқдир. Аммо бир-бирларингиз билан олди-берди қилган вақтларингизда гувоҳ келтиринглар. Бу зикр бўлган амрларнинг ҳаммаси истиҳбоб учундир, вужуб учун эмасдир. Шаҳодат бермоқликда гувоҳларга ва котибларга зарар етказилмасин. Ва яна баъзи нарсаларни ёзишда ва шаҳодат бермоқликда агар манъ қилинган нарсаларга муртакиб (машғул) бўлар экансизлар, бу нарса сизларнинг ҳақларингизга фисқдан иборатдир. Худодан қўрқинглар, буюрганига хилоф қилманглар. Чунки Аллоҳ таоло сизларга дин ҳукмларини таълим беради. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билгувчидир.

۞ وَإِن كُنتُمۡ عَلَىٰ سَفَرٖ وَلَمۡ تَجِدُواْ كَاتِبٗا فَرِهَٰنٞ مَّقۡبُوضَةٞۖ فَإِنۡ أَمِنَ بَعۡضُكُم

بَعْضًا فَلْيُؤَدِّ ٱلَّذِى ٱؤْتُمِنَ أَمَـٰنَتَهُۥ وَلْيَتَّقِ ٱللَّهَ رَبَّهُۥ ۗ وَلَا تَكْتُمُوا۟ ٱلشَّهَـٰدَةَ ۚ وَمَن
يَكْتُمْهَا فَإِنَّهُۥٓ ءَاثِمٌ قَلْبُهُۥ ۗ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ ﴿٢٨٣﴾

283. Бас, агар сафар узрасида бўлсангизлар ва ёзувчи котибни топа олмасангизлар, бир-бирларингизга қарз ё омонат берганда бир-бирларингиздан гаров олинглар. Бас, агар баъзиларингиз баъзиларингизга омонатдор бўлсангизлар ва гаров олмасангизлар, бас, у ҳолда омонат олган киши ё қарз олган киши Худодан қўрқсин-да, омонатни эгасига топширсин, ё қарзни
3 жузъ адо этсин. Эй шоҳидлар, шаҳодатни (гувоҳликни) яширмай адо этинглар. Ҳар кимки шаҳодатни адо этмасдан, дилида яширар экан, унинг дили гуноҳкордир. Аллоҳ таоло сизларнинг амалларингизни билгувчидир.

لِّلَّهِ مَا فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۗ وَإِن تُبْدُوا۟ مَا فِىٓ أَنفُسِكُمْ أَوْ تُخْفُوهُ
يُحَاسِبْكُم بِهِ ٱللَّهُ ۖ فَيَغْفِرُ لِمَن يَشَآءُ وَيُعَذِّبُ مَن يَشَآءُ ۗ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ
قَدِيرٌ ﴿٢٨٤﴾

284. Осмондаги махлуқотлар ва ердаги ашёлар – ҳаммаси Худонинг тасарруфидадир. Худо тарафидан масъулияти бор феълларингиз ё сўзларингизни зоҳир этар экансизлар ёки яширар экансизлар, Қиёмат куни Аллоҳ таоло уларни ҳисоб-китоб қилишини ёдингизда сақланглар. Бас, (Аллоҳ таоло) хоҳлаган одамнинг қилмишларини кечиради ва хоҳлаган одамнинг қилмишларига азоб беради. Аллоҳ таоло ҳар бир хоҳлаган нарсасига қодирдир.

ءَامَنَ ٱلرَّسُولُ بِمَآ أُنزِلَ إِلَيْهِ مِن رَّبِّهِۦ وَٱلْمُؤْمِنُونَ ۚ كُلٌّ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَمَلَـٰٓئِكَتِهِۦ
وَكُتُبِهِۦ وَرُسُلِهِۦ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِۦ ۚ وَقَالُوا۟ سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا ۖ
غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ ٱلْمَصِيرُ ﴿٢٨٥﴾

285. Муҳаммад (алайҳиссалом) ва мўминлар ҳам Худо тарафидан нозил қилинган китобларга ишонадилар. Ҳар бирлари Худога, малоикаларга, жамиъи китобларга ва тамом (барча) пайғамбарларга иймон келтирганлар. Мўминлар айтадиларки: «Биз пайғамбарлар ўрталарида бирортасини фарқ қилмаймиз, ҳаммаларига бирдек ишонамиз». Ва яна: «Худонинг фармонларини эшитдик ва унга итоат қилдик. Эй Парвардигоро, Сенинг мағфиратингни талаб қиламиз. Қиёмат куни Сенинг олдингга борурмиз», – дедилар.

لَا يُكَلِّفُ ٱللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا ۚ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا ٱكْتَسَبَتْ ۗ رَبَّنَا لَا
تُؤَاخِذْنَآ إِن نَّسِينَآ أَوْ أَخْطَأْنَا ۚ رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَآ إِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُۥ عَلَى
ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِنَا ۚ رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِۦ ۖ وَٱعْفُ عَنَّا وَٱغْفِرْ لَنَا

وَٱرْحَمْنَآۚ أَنتَ مَوْلَىٰنَا فَٱنصُرْنَا عَلَى ٱلْقَوْمِ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٢٨٦﴾

286. Аллоҳ таоло ҳеч бир бандани тоқатидан ташқари нарсага буюрмай-
ди, *қўлидан келган ишга буюради*. Ҳар бир нафс (жон) яхши ишлар қилса,
савобини кўради, ёмон иш қилса ҳам, жазосини тортади. Мўминлар
айтадиларки: «Эй Парвардигоро, агар хато қилиб ё фаромушлик билан
бирор гуноҳ қилиб қўйсак, бизни Қиёмат куни муохаза қилмагил, бизни
кечиргил. Эй Парвардигоро, биздан илгари ўтган бандаларингнинг уст-
ларига (зиммаларига) юклаган оғир юкларни бизнинг устимизга юкла-
магил. Эй Парвардигоро, биз амал қилишга қувватимиз етмай ожиз 3 жузъ
бўлиб қоладиган нарсаларни бизнинг устимизга (зиммамизга) юклама-
гил. Гуноҳларимизни номаи аъмолимиздан маҳв қилгил, хатоларимизни
кечиргил. Фазл ва караминг билан ҳолимизга раҳм қил. Сен – мавлои-
миз, холиқимизсан, кофирлар қавми муқобилига бизга ёрдам бергил».

Мадинада нозил бўлган бу сура икки юз оятдан иборатдир.

3 жузъ

Сuранинг 34-35 оятларида Ҳазрати Марямнинг отаси Имрон экани ва Марямнинг шу оилага мансублиги зикр қилинган. Шунинг учун сура «Оли Имрон» (Имрон оиласи) номи билан аталади.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الٓمٓ ﴿١﴾

1. Алиф. Лом. Мийм. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таологa хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.*

ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلْحَىُّ ٱلْقَيُّومُ ﴿٢﴾ نَزَّلَ عَلَيْكَ ٱلْكِتَٰبَ بِٱلْحَقِّ مُصَدِّقًا لِّمَا
بَيْنَ يَدَيْهِ وَأَنزَلَ ٱلتَّوْرَىٰةَ وَٱلْإِنجِيلَ ﴿٣﴾ مِن قَبْلُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَأَنزَلَ ٱلْفُرْقَانَ
إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ وَٱللَّهُ عَزِيزٌ ذُو ٱنتِقَامٍ ﴿٤﴾

2-4. Аллоҳдан бошқа ибодатга лойиқ ҳеч маъбуд йўқ, магар Аллоҳнинг Ўзидир. У ҳамиша ҳаётдир, оламни барпо тутгувчидир. Аллоҳ таоло сизларга Қуръонни ростлик билан нозил қилди. Қуръон ўтган китобларни тасдиқ этгувчидир. Аллоҳ таоло Қуръондан илгари Таврот ва Инжилни нозил қилди. Бу китоблар Бани Исроилни ҳидоят қилгувчи эди. Ва ҳам ҳақ ва ботилни ажратгувчи мўъжизаларни нозил қилди. Албатта, Аллоҳнинг оятларини инкор қилган шахсларга Қиёмат куни қаттиқ азоб бордир. Аллоҳ таоло ўз ишида ғолибдир, кофирларга соҳиби интиқомдир.

إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَخْفَىٰ عَلَيْهِ شَىْءٌ فِى ٱلْأَرْضِ وَلَا فِى ٱلسَّمَآءِ ﴿٥﴾ هُوَ ٱلَّذِى
يُصَوِّرُكُمْ فِى ٱلْأَرْحَامِ كَيْفَ يَشَآءُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٦﴾

5-6. Аллоҳ таологa ердаги ашёлар ва осмондаги махлуқотлар – ҳаммаси зоҳир ва намоёндир. У Парвардигор суратларингизни онанинг раҳми (бачадони)да қандай хоҳласа, шундай қилиб яратади. Ундан бошқа ўз ишида ғолиб ва мустаҳкам бўлган ҳеч қандай маъбуд йўқ.

هُوَ ٱلَّذِيٓ أَنزَلَ عَلَيۡكَ ٱلۡكِتَٰبَ مِنۡهُ ءَايَٰتٞ مُّحۡكَمَٰتٌ هُنَّ أُمُّ ٱلۡكِتَٰبِ وَأُخَرُ
مُتَشَٰبِهَٰتٞۖ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمۡ زَيۡغٞ فَيَتَّبِعُونَ مَا تَشَٰبَهَ مِنۡهُ ٱبۡتِغَآءَ ٱلۡفِتۡنَةِ
وَٱبۡتِغَآءَ تَأۡوِيلِهِۦۖ وَمَا يَعۡلَمُ تَأۡوِيلَهُۥٓ إِلَّا ٱللَّهُۗ وَٱلرَّٰسِخُونَ فِي ٱلۡعِلۡمِ يَقُولُونَ ءَامَنَّا
بِهِۦ كُلّٞ مِّنۡ عِندِ رَبِّنَاۗ وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّآ أُوْلُواْ ٱلۡأَلۡبَٰبِ ٧

7. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга у Зот – Парвардигор Қуръонни нозил қилди. Ундаги баъзи оятларнинг маънолари зоҳир бўлиб, фаҳмлашда ҳеч қийинчилик йўқдир. Шу оятлар Қуръон аҳкомларининг асосидир. Яна муташобиҳот оятлари бўлиб, маънолари зоҳир эмасдир. Аммо кўнгилларида эгрилик бор бўлган шахслар у муташабиҳот оятларга табъият қилади (эргашади)лар. Дилларига мувофиқ таъвил (тафсир) қилиб, одамлар ўртасида фитна чиқаришни истайдилар. Ўзларининг ботил мазҳабларига мувофиқ таъвил этиб, бошқаларни гумроҳ қилишни хоҳлайдилар. Ваҳоланки, Худодан бошқа ҳеч кимса унинг таъвилини билмайди. Аммо илмларида росих ва ҳидоятда собит бўлган шахслар айтадиларки: «Биз шу муташабиҳот оятларга, уларнинг таъвилини билмасак ҳам, иймон келтирганмиз». Ҳамма оятлар: хоҳ муташабиҳот ва хоҳ муҳкамот бўлсин, Парвардигордан нозил бўлган. Бундан ҳеч ким панд (ибрат) олмайди, магар ақл соҳиблари панд (ибрат) оладилар. 3 жузъ

رَبَّنَا لَا تُزِغۡ قُلُوبَنَا بَعۡدَ إِذۡ هَدَيۡتَنَا وَهَبۡ لَنَا مِن لَّدُنكَ رَحۡمَةًۚ إِنَّكَ أَنتَ
ٱلۡوَهَّابُ ٨ رَبَّنَآ إِنَّكَ جَامِعُ ٱلنَّاسِ لِيَوۡمٖ لَّا رَيۡبَ فِيهِۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُخۡلِفُ
ٱلۡمِيعَادَ ٩

8-9. Ўз илмларида росих зотлар Парвардигорга дуо қилиб айтадиларки: «Эй Парвардигор, бизни тўғри йўлга ҳидоят қилганингдан сўнг дилларимизни бу йўлдан оздирма. Ўз карамингдан бизга раҳматингни ато қил. Албатта, Сен раҳматингни мўминларга ҳиба қилувчисан (бағишловчисан). Эй Парвардигор, Сен халқни Маҳшаргоҳда жам қилгувчисан (тўплагувчисан)». У куннинг келишида ҳеч кимда шак ва шубҳа йўқдир. (Албатта), Аллоҳ таоло ҳаргиз ваъдасига хилоф қилмайди.

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ لَن تُغۡنِيَ عَنۡهُمۡ أَمۡوَٰلُهُمۡ وَلَآ أَوۡلَٰدُهُم مِّنَ ٱللَّهِ شَيۡـٔٗاۖ
وَأُوْلَٰٓئِكَ هُمۡ وَقُودُ ٱلنَّارِ ١٠ كَدَأۡبِ ءَالِ فِرۡعَوۡنَ وَٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِهِمۡۚ كَذَّبُواْ
بِـَٔايَٰتِنَا فَأَخَذَهُمُ ٱللَّهُ بِذُنُوبِهِمۡۗ وَٱللَّهُ شَدِيدُ ٱلۡعِقَابِ ١١

10-11. Албатта, мол ва мулкларидан ва фарзандларидан фахрланувчи кофирлардан у моллари ва авлодлари Қиёмат куни Худонинг азобини озгина бўлса ҳам даф қилолмайди. Ва улар дўзах ўтинидирлар. Ҳақдан инкор ва иъроз қилишлари (юз ўгиришлари) Фиръавн қавмининг одатига

ўхшайди ва ҳам улардан муқаддам (илгари) ўтган Од қавми ва Самуд қавмининг аҳволларига ўхшайди. Улар бизнинг оятларимизни таксиб қилган (ёлғонга чиқарган) эдилар. Худойи таоло уларнинг гуноҳлари сабабидан ҳаммаларини ҳалок қилди. Аллоҳ таолонинг кофирларга азоби қаттиқдир.

قُلْ لِلَّذِينَ كَفَرُوا سَتُغْلَبُونَ وَتُحْشَرُونَ إِلَىٰ جَهَنَّمَ ۚ وَبِئْسَ الْمِهَادُ ﴿١٢﴾

12. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Сизлар яқинда мўминлар тарафидан мағлуб бўласизлар, сўнгра жаҳаннам тарафига ҳайдаласизлар. У жаҳаннам сизларга кўп ёмон жойдир!».

3 жузъ

قَدْ كَانَ لَكُمْ آيَةٌ فِي فِئَتَيْنِ الْتَقَتَا ۖ فِئَةٌ تُقَاتِلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأُخْرَىٰ
كَافِرَةٌ يَرَوْنَهُمْ مِثْلَيْهِمْ رَأْيَ الْعَيْنِ ۚ وَاللَّهُ يُؤَيِّدُ بِنَصْرِهِ مَنْ يَشَاءُ ۗ إِنَّ فِي
ذَٰلِكَ لَعِبْرَةً لِأُولِي الْأَبْصَارِ ﴿١٣﴾

13. Жанг қилиб турган икки жамоанинг аҳволида сизларга ибрат учун аломат бор эди. Бир жамоа (мусулмонлар) Худонинг йўлида жанг қилар ва бир жамоа кофирлар куфрлари учун жанг қилар эдилар. Кофирлар мусулмонлардан ўзларини икки баробар ортиқ кўрар эдилар. Шу сабабдан дилларида қўрқув, бахиллик пайдо бўлиб, мағлуб бўлдилар. Аллоҳ таоло кимни хоҳласа, зафар билан қувват беради. Албатта, бу воқеани кўргувчилар учун ибрат ва панд (насиҳат) бордир.

زُيِّنَ لِلنَّاسِ حُبُّ الشَّهَوَاتِ مِنَ النِّسَاءِ وَالْبَنِينَ وَالْقَنَاطِيرِ الْمُقَنْطَرَةِ مِنَ
الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَالْخَيْلِ الْمُسَوَّمَةِ وَالْأَنْعَامِ وَالْحَرْثِ ۗ ذَٰلِكَ مَتَاعُ الْحَيَاةِ
الدُّنْيَا ۖ وَاللَّهُ عِنْدَهُ حُسْنُ الْمَآبِ ﴿١٤﴾

14. Сизларга *ибтило (синов, фитна) учун* муҳаббати шаҳватни, яъни, хотинлардан лаззат олишнинг ва ҳам авлод (фарзанд)ларнинг муҳаббати, кўп жам бўлган тиллаю кумушларнинг, яхши нишонали отларнинг муҳаббати ва бошқа ҳайвонлар ва зироатларнинг муҳаббати зийнат қилиб берилди. Ва дилларингизга бу нарсаларни маҳбуб (севимли) қилиб қўйди. Буларнинг ҳаммаси бу дунёнинг матоҳларидир. Яхши фойдаланадиган жойлар (жаннат, боғ-роғлар) Аллоҳ таолонинг наздидадир.

۞ قُلْ أَؤُنَبِّئُكُمْ بِخَيْرٍ مِنْ ذَٰلِكُمْ ۚ لِلَّذِينَ اتَّقَوْا عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ
تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَأَزْوَاجٌ مُطَهَّرَةٌ وَرِضْوَانٌ مِنَ اللَّهِ ۗ وَاللَّهُ بَصِيرٌ
بِالْعِبَادِ ﴿١٥﴾

15. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), нафсоний шаҳватга гирифтор бўлганларга айтгил: «Мен сизларга бу дунёнинг лаззатидан яхшироқ нарсани маълум қилайми? Аллоҳ таоло наздида муттақийларга тагидан анҳорлар жорий бўлиб (оқиб) турадиган ва покиза ҳурлар бўлган, муҳайё қилиб

қўйилган жаннатлар бор. (У ерда мўминлар) Худонинг хушнудлигини топадилар. У жаннатда абадий муқим бўладилар. Сизлар ҳам шу мақомни топсангизлар, яхши бўлар эди. Аллоҳ таоло бандаларининг аҳволини ҳамиша кўриб туради».

ٱلَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَآ إِنَّنَآ ءَامَنَّا فَٱغۡفِرۡ لَنَا ذُنُوبَنَا وَقِنَا عَذَابَ ٱلنَّارِ ﴿١٦﴾
ٱلصَّٰبِرِينَ وَٱلصَّٰدِقِينَ وَٱلۡقَٰنِتِينَ وَٱلۡمُنفِقِينَ وَٱلۡمُسۡتَغۡفِرِينَ
بِٱلۡأَسۡحَارِ ﴿١٧﴾

16-17. Бу муттақийлар шундай зотлардирки, ҳамиша ажзу ниёз билан 3 жузъ
айтадилар: «Эй Парвардигор, биз Сенга ишондик, бас, гуноҳларимизни кечиргил ва бизни дўзах азобидан сақлагил». Бу муттақий бандалар Худонинг балоларига собир, аҳдларига содиқ, Аллоҳ тоатида ҳамиша барқарор ва муҳтожларга эҳсон қилувчи, саҳарларда туриб гуноҳларига Аллоҳдан кечирмоқни (афву мағфиратни) талаб қилувчидирлар.

شَهِدَ ٱللَّهُ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ وَٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ وَأُوْلُواْ ٱلۡعِلۡمِ قَآئِمَۢا بِٱلۡقِسۡطِۚ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا
هُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ ﴿١٨﴾

18. Аллоҳнинг ўзи гувоҳлик берадики, бир Аллоҳдан бошқа ҳеч маъбуд йўқдир, У Зот — Парвардигордир (якка-ягонадир). Малоикалар ва илм соҳиблари гувоҳлик берадиларки, Аллоҳ таоло адолат барпо қилувчидир. Ва бир маъбуд Зотдан бошқа ибодатга лойиқ ҳеч бир нарса йўқ. Ва У ўз феълида ҳаммадан ғолиб ва донодир.

إِنَّ ٱلدِّينَ عِندَ ٱللَّهِ ٱلۡإِسۡلَٰمُۗ وَمَا ٱخۡتَلَفَ ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلۡكِتَٰبَ إِلَّا مِنۢ بَعۡدِ مَا
جَآءَهُمُ ٱلۡعِلۡمُ بَغۡيَۢا بَيۡنَهُمۡۗ وَمَن يَكۡفُرۡ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ فَإِنَّ ٱللَّهَ سَرِيعُ ٱلۡحِسَابِ ﴿١٩﴾

19. Албатта, Парвардигор наздида ҳаққоний дин Ислом динидир, бошқа динлар эмас. Аҳли китоблар ихтилоф қилмадилар, магар илм ҳосил қилгандан сўнг (аниқ ҳужжат ва далиллар келганидан сўнг) ҳақиқатта ихтилоф қилдилар. Бу ихтилофлари фақат адоватдан, ҳасаддан пайдо бўлди. Кимки Аллоҳ таолонинг оятларини тасдиқ қилмас экан, бас, Аллоҳ таоло уларнинг ҳисобини тезлик билан тамом қилиб, дўзах тарафига йўллайди.

فَإِنۡ حَآجُّوكَ فَقُلۡ أَسۡلَمۡتُ وَجۡهِيَ لِلَّهِ وَمَنِ ٱتَّبَعَنِۗ وَقُل لِّلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلۡكِتَٰبَ
وَٱلۡأُمِّيِّـۧنَ ءَأَسۡلَمۡتُمۡۚ فَإِنۡ أَسۡلَمُواْ فَقَدِ ٱهۡتَدَواْۖ وَّإِن تَوَلَّوۡاْ فَإِنَّمَا عَلَيۡكَ
ٱلۡبَلَٰغُۗ وَٱللَّهُ بَصِيرُۢ بِٱلۡعِبَادِ ﴿٢٠﴾

20. Бас, агар аҳли китоблар дин хусусида ҳужжат қоим қилганингдан сўнг яна жанжал ва мухосама (хусумат) қилсалар, айтгил: «Мен ўзимни ва тобеаримни Худога топширдим». Ва аҳли китобларга ҳамда араб жоҳилларига айтгилки: «Бизлар Исломга кирганимиз каби сизлар ҳам Исломга

кирдингизми?». Бас, агар иймон келтирсалар, ҳидоят топган бўлар эдилар. Ва агар иъроз қилсалар (юз ўтирсалар), у ҳолда Сенинг вазифанг Худонинг ҳукмини етказишдир. Уларнинг куфрига Сен жавобгар эмассан. Аллоҳнинг Ўзи бандаларининг аҳволини (кўргувчи) донодир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ يَكۡفُرُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَيَقۡتُلُونَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ بِغَيۡرِ حَقّٖ وَيَقۡتُلُونَ
ٱلَّذِينَ يَأۡمُرُونَ بِٱلۡقِسۡطِ مِنَ ٱلنَّاسِ فَبَشِّرۡهُم بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ٢١
3 жузъ أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ حَبِطَتۡ أَعۡمَٰلُهُمۡ فِي ٱلدُّنۡيَا وَٱلۡأٓخِرَةِ وَمَا لَهُم مِّن
نَّٰصِرِينَ ٢٢

21-22. Худонинг оятига кофир бўлганлар ва анбиёларни ноҳақ қатл қилгувчилар ва адолатга амр қилувчиларни ўлдиргувчилардурким, уларга Худонинг қаттиқ азобидан башорат (хабар) бергил. У кофирларнинг икки дунёда қилган амаллари ботил бўлиб, Қиёматда уларга ҳеч қандай ёрдам бергувчи бўлмайди.

أَلَمۡ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ أُوتُواْ نَصِيبٗا مِّنَ ٱلۡكِتَٰبِ يُدۡعَوۡنَ إِلَىٰ كِتَٰبِ ٱللَّهِ
لِيَحۡكُمَ بَيۡنَهُمۡ ثُمَّ يَتَوَلَّىٰ فَرِيقٞ مِّنۡهُمۡ وَهُم مُّعۡرِضُونَ ٢٣

23. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), (Таврот берилган) яҳудларнинг ораларида ҳукм (ҳакамлик) қилсин учун Аллоҳ таолонинг Китоби (Таврот) ҳукмига улар чақирилганларидан сўнг, бир фирқаси юзларини Аллоҳ Китобидан юз ўтирган ҳолда қайтиб кетганларини кўрмадингми?

ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ قَالُواْ لَن تَمَسَّنَا ٱلنَّارُ إِلَّآ أَيَّامٗا مَّعۡدُودَٰتٖۖ وَغَرَّهُمۡ فِي دِينِهِم مَّا
كَانُواْ يَفۡتَرُونَ ٢٤

24. Уларнинг Тавротга эътибор бермасликлари шунинг учунки, улар айтадилар: «Бизни дўзахнинг ўти куйдирмайди, магар бузоққа ибодат қилган озгина кунларимиз миқдорича (куйдиради)». Уларни динга эътибор бермасликларида ана шу ёлғон эътиқодлари мағрур қилди.

فَكَيۡفَ إِذَا جَمَعۡنَٰهُمۡ لِيَوۡمٖ لَّا رَيۡبَ فِيهِ وَوُفِّيَتۡ كُلُّ نَفۡسٖ مَّا كَسَبَتۡ وَهُمۡ
لَا يُظۡلَمُونَ ٢٥

25. Бас, келишига ҳеч шак-шубҳа йўқ бўлган ўша кунда (Қиёматда) бу яҳудлар қандай ҳолга тушарканлар? Биз тамом (барча) инсонларни Маҳшаргоҳга жам қиламиз. Ҳар бир нафснинг қилмишига мувофиқ жазо берилади, (жазо, мукофоти) зиёда ё кам қилинмайди.

قُلِ ٱللَّهُمَّ مَٰلِكَ ٱلۡمُلۡكِ تُؤۡتِي ٱلۡمُلۡكَ مَن تَشَآءُ وَتَنزِعُ ٱلۡمُلۡكَ مِمَّن تَشَآءُ وَتُعِزُّ
مَن تَشَآءُ وَتُذِلُّ مَن تَشَآءُۖ بِيَدِكَ ٱلۡخَيۡرُۖ إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ ٢٦

26. *Вақтики мунофиқлар таъна қилиб айтдиларки: «Муҳаммад Макка мушрикларидан қўрқиб, Мадина атрофига хандақ ковлайди. «Эрон мулкини ва Румни оламан», – деб даъво қилади». Аллоҳ таоло уларнинг жавобига оят нозил қилиб дейдики:* «Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у мунофиқларга айтгил: «Менинг Парвардигорим тамом (барча) мулкнинг эгасидир. Кимга хоҳласа беради. Эй Парвардигор, Сен тамом коинотга моликсан. Ҳар кимга хоҳласанг, мулк берасан ва кимдан хоҳласанг, мулкни тортиб оласан. Кимни хоҳласанг, азиз қиласан ва кимни хоҳласанг, хор қиласан. Ҳамма яхшиликлар Сенинг ихтиёрингдадир. Сен ҳар бир нарсага қодирсан».

تُولِجُ ٱلَّيْلَ فِى ٱلنَّهَارِ وَتُولِجُ ٱلنَّهَارَ فِى ٱلَّيْلِ ۖ وَتُخْرِجُ ٱلْحَىَّ مِنَ ٱلْمَيِّتِ 3 жузъ
وَتُخْرِجُ ٱلْمَيِّتَ مِنَ ٱلْحَىِّ ۖ وَتَرْزُقُ مَن تَشَآءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿٢٧﴾

27. Эй Парвардигор, Сен кечанинг ажзосидан (қисмидан) олиб, кундузга ва кундузнинг ажзосидан олиб, кечага дохил қиласан. Ўликдан тирик пайдо қиласан ва тирикдан ўлик пайдо қиласан. Ҳар кимга хоҳласанг, ҳисобсиз ризқ берасан.

لَّا يَتَّخِذِ ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلْكَٰفِرِينَ أَوْلِيَآءَ مِن دُونِ ٱلْمُؤْمِنِينَ ۖ وَمَن يَفْعَلْ ذَٰلِكَ
فَلَيْسَ مِنَ ٱللَّهِ فِى شَىْءٍ إِلَّآ أَن تَتَّقُوا۟ مِنْهُمْ تُقَىٰةً ۗ وَيُحَذِّرُكُمُ ٱللَّهُ نَفْسَهُۥ ۗ
وَإِلَى ٱللَّهِ ٱلْمَصِيرُ ﴿٢٨﴾

28. Мўминлар ўзларига кофирларни дўст қилиб олмасдан, балки ўз биродарлари – мўминларни дўст тутишлари лозимдир. Қайси бир шахски кофирлар билан дўстлик қилар экан, бас, у шахс Аллоҳ тарафидан ҳеч қандай диёнатга эга эмас. Магар кофирларнинг зараридан қўрққан ҳолда зоҳиран дўстлик қилсалар, у ҳолда маъзурдир (узрлидир). Аллоҳ таоло сизларни ўз азобидан қўрқитади. Ҳамманинг жазоланиш учун борадиган жойи Парвардигорнинг ҳузуригадир.

قُلْ إِن تُخْفُوا۟ مَا فِى صُدُورِكُمْ أَوْ تُبْدُوهُ يَعْلَمْهُ ٱللَّهُ ۗ وَيَعْلَمُ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۗ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٩﴾

29. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «Аллоҳ таоло сизларнинг дилларингизда сақлаган ва ошкора айтилган нарсаларни билади. Балки осмонлардаги ва ердаги ашёларни ҳам билади. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир».

يَوْمَ تَجِدُ كُلُّ نَفْسٍ مَّا عَمِلَتْ مِنْ خَيْرٍ مُّحْضَرًا وَمَا عَمِلَتْ مِن سُوٓءٍ تَوَدُّ لَوْ
أَنَّ بَيْنَهَا وَبَيْنَهُۥٓ أَمَدًۢا بَعِيدًا ۗ وَيُحَذِّرُكُمُ ٱللَّهُ نَفْسَهُۥ ۗ وَٱللَّهُ رَءُوفٌۢ بِٱلْعِبَادِ ﴿٣٠﴾

30. Ҳар (бир) нафс (киши) ўзининг қилган амалини, хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон бўлсин, ўз олдида ҳозир топадиган Кунни (Қиёматни) ёд қилсин. Вақтики амалини мушоҳада қилгандан сўнг орзу қилиб айтадики:

«Кошки бу (ёмон) амал билан менинг ўртамда узоқ масофа бўлганда эди. Уни ҳаргиз кўрмаганимда эди». Модомики, (охиратда) шундай ҳолат бўлар экан, Аллоҳ таоло сизларни ўз азобидан қўрқитади. Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибондир.

قُلْ إِن كُنتُمْ تُحِبُّونَ ٱللَّهَ فَٱتَّبِعُونِى يُحْبِبْكُمُ ٱللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ ۗ وَٱللَّهُ غَفُورٌ
رَّحِيمٌ ﴿٣١﴾

31. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яҳуд ва насороларга айтгил: «Агар
3 жузъ сизлар, Худо дўст тутишини (севишини) хоҳласангизлар, Менга тобе бўлинглар, токи сизларни Худо дўст тутиб, гуноҳларингизни мағфират қилгай. Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон ва кечиргувчидир».

قُلْ أَطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَٱلرَّسُولَ ۖ فَإِن تَوَلَّوْا۟ فَإِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٣٢﴾

32. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «Худо ва Расулининг амрларига итоат қилинглар», бас, агар Аллоҳ ҳукмидан юз ўгирсалар, кофирдирлар. Бас, албатта, Аллоҳ таоло кофирларни дўст тутмайди.

۞ إِنَّ ٱللَّهَ ٱصْطَفَىٰٓ ءَادَمَ وَنُوحًا وَءَالَ إِبْرَٰهِيمَ وَءَالَ عِمْرَٰنَ عَلَى ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٣٣﴾
ذُرِّيَّةًۢ بَعْضُهَا مِنۢ بَعْضٍ ۗ وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٣٤﴾

33-34. Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом)ни интихоб қилди (танлади) *ва унга (нарсаларнинг исмларини таълим бериш билан) фазилатли қилди. Ва масжуди малоика (фаришталар сажда қиладиган) қилиб қўйди.* Шунингдек, (Ҳазрати) Нуҳ ва (Ҳазрати) Иброҳим авлодларини ва Имроннинг авлодларини (Ҳазрати) Ийсо ва Биби Марямларни ўз замон аҳлларидан фазилатли қилди ва зурриётларининг баъзиларини баъзиларидан фазилатда устун қилди. Аллоҳ таоло яҳудларнинг сўзларини эшитгувчи ва амалларини билгувчидир.

إِذْ قَالَتِ ٱمْرَأَتُ عِمْرَٰنَ رَبِّ إِنِّى نَذَرْتُ لَكَ مَا فِى بَطْنِى مُحَرَّرًا فَتَقَبَّلْ مِنِّىٓ ۖ
إِنَّكَ أَنتَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٣٥﴾ فَلَمَّا وَضَعَتْهَا قَالَتْ رَبِّ إِنِّى وَضَعْتُهَآ أُنثَىٰ وَٱللَّهُ
أَعْلَمُ بِمَا وَضَعَتْ وَلَيْسَ ٱلذَّكَرُ كَٱلْأُنثَىٰ ۖ وَإِنِّى سَمَّيْتُهَا مَرْيَمَ وَإِنِّىٓ أُعِيذُهَا بِكَ
وَذُرِّيَّتَهَا مِنَ ٱلشَّيْطَٰنِ ٱلرَّجِيمِ ﴿٣٦﴾

35-36. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ёд қилгил, вақтики Имроннинг аёли Биби Марямнинг волидалари Парвардигорга муножот қилиб айтди: «Эй Парвардигор, Сенинг ибодатхонанг, яъни, Байтул Мақдиснинг хизматига қорнимдаги болани барча дунё амали (иши)дан озод этиб, Сенга назр қилдим. Бас, мендан бу назримни қабул эттил. Сен дуо қилувчиларнинг дуоларини эшитгувчидирсан ва аҳволларини билгувчидирсан». Вақтики (фарзанд) туғилди, афсусланиб айтдики: «Эй Парвардигор, мен «ўғил бўлар», деб умид қилган эдим, қиз бўлиб қолди. Энди бу қандай қилиб

ибодатхонага хизмат қила олади?». Ҳолбуки, Аллоҳ таоло унинг қиз туғилганлигида қандай ҳикматлар борлигини билгувчироқдир. Ваҳоланки, бу аёлнинг умид қилган ўғли Биз ато қилган қизга ҳаргиз ўхшамайди. (Имроннинг аёли айтди:) «Эй Парвардигор, мен бу қизнинг номини Марям қўйдим. Мен бу қизни ва унинг авлодларини (мардуд бўлган) шайтоннинг шарридан (асрашинг учун) Сенинг паноҳингга топширдим».

فَتَقَبَّلَهَا رَبُّهَا بِقَبُولٍ حَسَنٍ وَأَنۢبَتَهَا نَبَاتًا حَسَنًا وَكَفَّلَهَا زَكَرِيَّا ۖ كُلَّمَا دَخَلَ
عَلَيۡهَا زَكَرِيَّا ٱلۡمِحۡرَابَ وَجَدَ عِندَهَا رِزۡقًا ۖ قَالَ يَٰمَرۡيَمُ أَنَّىٰ لَكِ هَٰذَا ۖ قَالَتۡ هُوَ
مِنۡ عِندِ ٱللَّهِ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ يَرۡزُقُ مَن يَشَآءُ بِغَيۡرِ حِسَابٍ ﴿٣٧﴾

3 жузъ

37. Бас, Парвардигор Биби Марямни ибодатхона хизматига яхши қабул қилиб олди ва яхши тарбия қилди. Закарийё (алайҳиссалом)ни Биби Марямнинг тарбиясига кафил қилди. Ҳар вақт Закарийё (алайҳиссалом) Биби Марямнинг ибодатхонасига кирса, Биби Марямнинг олдида ҳар хил меваларни кўрар эди. Бир кун сўради: «Эй Марям, сенга бу ризқ қаердан келди?». Биби Марям айтди: «Аллоҳ таоло тарафидан келди. Аллоҳ таоло ҳар кимга хоҳласа, ҳисобсиз ризқ беради».

هُنَالِكَ دَعَا زَكَرِيَّا رَبَّهُۥ ۖ قَالَ رَبِّ هَبۡ لِي مِن لَّدُنكَ ذُرِّيَّةً طَيِّبَةً ۖ إِنَّكَ
سَمِيعُ ٱلدُّعَآءِ ﴿٣٨﴾

38. Закарийё (алайҳиссалом) илоҳий қудратни шу жойда мушоҳада қилгандан сўнг, пир (қари) бўлиб қолган бўлса ҳам, Худо даргоҳига тазарру қилиб (ундан) фарзанд талаб этди. Айтди: «Эй Парвардигор, Менга ўз марҳаматинг ва иноятингдан покиза зурриёт ато қилгил. Албатта, Сен дуоларни қабул қилгувчидирсан».

فَنَادَتۡهُ ٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ وَهُوَ قَآئِمٞ يُصَلِّي فِي ٱلۡمِحۡرَابِ أَنَّ ٱللَّهَ يُبَشِّرُكَ بِيَحۡيَىٰ مُصَدِّقَۢا
بِكَلِمَةٖ مِّنَ ٱللَّهِ وَسَيِّدٗا وَحَصُورٗا وَنَبِيّٗا مِّنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٣٩﴾

39. Вақтики Закарийё (алайҳиссалом) меҳробда намозга машғул эди. Бас, Жаброил (алайҳиссалом) Закарийё (алайҳиссалом)га нидо қилди: «Эй Закарийё, Аллоҳ таоло дуоингни қабул қилди. Сенга Яҳё исмли фарзанднинг вужудга келишидан башорат беради. У фарзанд (Ҳазрати) Ийсога иймон келтиргувчи ва аҳли тақво бошлиғи ва ёмон феълардан ўзини сақловчи Пайғамбардир ва ҳам солиҳлар зумраси (тоифаси)дандир».

قَالَ رَبِّ أَنَّىٰ يَكُونُ لِي غُلَٰمٞ وَقَدۡ بَلَغَنِيَ ٱلۡكِبَرُ وَٱمۡرَأَتِي عَاقِرٞ ۖ قَالَ كَذَٰلِكَ ٱللَّهُ
يَفۡعَلُ مَا يَشَآءُ ﴿٤٠﴾ قَالَ رَبِّ ٱجۡعَل لِّيٓ ءَايَةٗ ۖ قَالَ ءَايَتُكَ أَلَّا تُكَلِّمَ ٱلنَّاسَ ثَلَٰثَةَ
أَيَّامٍ إِلَّا رَمۡزٗا ۗ وَٱذۡكُر رَّبَّكَ كَثِيرٗا وَسَبِّحۡ بِٱلۡعَشِيِّ وَٱلۡإِبۡكَٰرِ ﴿٤١﴾

40-41. Закарийё (алайҳиссалом) айтди: «Эй Парвардигор, менга қандай ўғил бўлади, ваҳоланки, мен қари мўйсафид, хотиним эса туғмас бўлиб қолган». Аллоҳ таоло айтди: «Эй Закарийё, Сен шундай пир (қари) бўлган ҳолингда ҳам Парвардигор Сенга мумкин бўлган нарсани хоҳласа, уни халқ қилади (яратади)». Закарийё (алайҳиссалом) айтди: «(Хотинимнинг ҳомилали бўлганига) менга бирон нишона (белги) кўрсатгил, токи дилим ором олсин». Парвардигор айтди: «Сенга нишона шуки, уч кунгача мардумга (халққа) сўзлашга қодир бўлмайсан, магар имо-ишора билан (сўзлашувинг мумкин). Ҳамиша Парвардигорни ёд қил ва эртаю
3 кузъ кеч унга тасбеҳ айт».

وَإِذْ قَالَتِ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ يَٰمَرْيَمُ إِنَّ ٱللَّهَ ٱصْطَفَىٰكِ وَطَهَّرَكِ وَٱصْطَفَىٰكِ عَلَىٰ نِسَآءِ
ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٤٢﴾ يَٰمَرْيَمُ ٱقْنُتِى لِرَبِّكِ وَٱسْجُدِى وَٱرْكَعِى مَعَ ٱلرَّٰكِعِينَ ﴿٤٣﴾

42-43. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ёд қилгил, вақтики малоикалар айтдилар: «Эй Марям, Худо сени Ўзига ибодат қилишга интихоб қилди (танлади). Ва сени ёмон ахлоқлардан пок қилди. Ўз замонанг хотинларидан сени афзал қилди. Эй Марям, Парвардигорингга итоатли бўл ва ибодат қилгувчилар билан бирга ибодат қилгил».

ذَٰلِكَ مِنْ أَنۢبَآءِ ٱلْغَيْبِ نُوحِيهِ إِلَيْكَ ۚ وَمَا كُنتَ لَدَيْهِمْ إِذْ يُلْقُونَ أَقْلَٰمَهُمْ
أَيُّهُمْ يَكْفُلُ مَرْيَمَ وَمَا كُنتَ لَدَيْهِمْ إِذْ يَخْتَصِمُونَ ﴿٤٤﴾

44. Бу Закарийё ва Марям (ҳақидаги) қисса махфий (ғайб) хабарлардан эди. Сенга ваҳий билан маълум қилдик. *Вақтики насоро пешволари ҳазрат Биби Марямни тарбия қилиш хусусида жанжал қилар эдилар, охири қуръа ташлашга рози бўлишиб*, «Таврот ёзадиган қаламлардан кимнинг қалами сув юзида чўкмасдан қолса, шу одам Биби Марямни тарбия қилсин», деган шарт билан Урдун дарёсига ташладилар. Закарийё (алайҳиссалом)нинг қаламлари чўкмай, Биби Марямнинг тарбиялари Закарийё (алайҳиссалом)га хос бўлди (зиммасига тушди). Ваҳоланки, бу жанжал (тортишувлар)да Сен уларнинг олдида ҳозир эмас эдинг.

إِذْ قَالَتِ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ يَٰمَرْيَمُ إِنَّ ٱللَّهَ يُبَشِّرُكِ بِكَلِمَةٍ مِّنْهُ ٱسْمُهُ ٱلْمَسِيحُ عِيسَى ٱبْنُ
مَرْيَمَ وَجِيهًا فِى ٱلدُّنْيَا وَٱلْءَاخِرَةِ وَمِنَ ٱلْمُقَرَّبِينَ ﴿٤٥﴾ وَيُكَلِّمُ ٱلنَّاسَ فِى ٱلْمَهْدِ
وَكَهْلًا وَمِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٤٦﴾ قَالَتْ رَبِّ أَنَّىٰ يَكُونُ لِى وَلَدٌ وَلَمْ يَمْسَسْنِى بَشَرٌ ۖ
قَالَ كَذَٰلِكِ ٱللَّهُ يَخْلُقُ مَا يَشَآءُ ۚ إِذَا قَضَىٰٓ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿٤٧﴾

45-47. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ёд қилгил, вақтики Жаброил (алайҳиссалом) Биби Марямга айтди: «Эй Марям, Худойи таоло сенга Ўз тарафидан бўлган бир калима (сўз)дан мужда берадики, номи Масиҳ Ийсо ибни Марям бўлиб, дунё ва охиратда мартаба соҳиби, Аллоҳ таолонинг муқарраб бандаларидан бўлади. Ва она қучоғида (гўдакликда)

одамларга сўзлайди, ўрта ёш бўлганда (вояга етганда) ҳам солиҳ банда-лардан бўлади». Марям (Худога) арз қилди: «Парвардигоро, менга одам боласининг қўли етмаган бўлса, менда нечук фарзанд бўлсин?». Аллоҳ таоло деди: «Аллоҳ таоло (хоҳлаган) тариқада хоҳлаган нарсасини ярата олади. Қачон бир ишни хоҳласа, унга: «Бўл!», – деб хитоб қилади, ўша онда у нарса бўлади».

وَيُعَلِّمُهُ ٱلۡكِتَٰبَ وَٱلۡحِكۡمَةَ وَٱلتَّوۡرَىٰةَ وَٱلۡإِنجِيلَ ﴿٤٨﴾ وَرَسُولًا إِلَىٰ بَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ أَنِّي قَدۡ جِئۡتُكُم بِـَٔايَةٖ مِّن رَّبِّكُمۡ أَنِّيٓ أَخۡلُقُ لَكُم مِّنَ ٱلطِّينِ كَهَيۡـَٔةِ ٱلطَّيۡرِ فَأَنفُخُ فِيهِ فَيَكُونُ طَيۡرَۢا بِإِذۡنِ ٱللَّهِۖ وَأُبۡرِئُ ٱلۡأَكۡمَهَ وَٱلۡأَبۡرَصَ وَأُحۡيِ ٱلۡمَوۡتَىٰ بِإِذۡنِ ٱللَّهِۖ وَأُنَبِّئُكُم بِمَا تَأۡكُلُونَ وَمَا تَدَّخِرُونَ فِي بُيُوتِكُمۡۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَةٗ لَّكُمۡ إِن كُنتُم مُّؤۡمِنِينَ ﴿٤٩﴾

3 жузъ

48-49. Ва яна Аллоҳ таоло Ийсо (алайҳиссалом)га ўтган пайғамбарлар-га нозил бўлган саҳифаларни ва шариат илмини, Тавротни, Инжилни таълим берди. Ва уни Бани Исроилга пайғамбар қилиб юборди. У Бани Исроилга айтди: «Албатта, мен сизларга Раббингиздан бешта мўъжиза-ларни олиб келдим. *Бу мўъжизалар менинг пайғамбарлигимга гувоҳдир. Биринчиси шуки,* мен сизларга лойдан парранда суратини ясайман, бас, суратга пуфлайман ва у Худонинг ҳукми билан учадиган парранда бўлади. *Иккинчи мўъжиза шуки,* барас (пес, мохов) касалига мубтало бўлган шахсни Аллоҳнинг амри билан бу иллатдан пок қиламан. *Учинчи мўъжиза шуки,* Аллоҳнинг амри билан онадан туғма кўрни тузатаман. *Тўртинчи мўъжиза шуки,* Аллоҳнинг амри билан ўликларни тирилти-раман. *Бешинчи мўъжиза шуки,* сизларнинг еган таомларингизнинг ва уйларингизда сақлаб қўйган таомларингизнинг хабарини бераман. Ал-батта, шу мўъжизаларда сизларга менинг пайғамбарлигимга ишониш учун далиллар бор, агар сизлар иймон келтиришни хоҳласангизлар.

وَمُصَدِّقٗا لِّمَا بَيۡنَ يَدَيَّ مِنَ ٱلتَّوۡرَىٰةِ وَلِأُحِلَّ لَكُم بَعۡضَ ٱلَّذِي حُرِّمَ عَلَيۡكُمۡۚ وَجِئۡتُكُم بِـَٔايَةٖ مِّن رَّبِّكُمۡ فَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿٥٠﴾ إِنَّ ٱللَّهَ رَبِّي وَرَبُّكُمۡ فَٱعۡبُدُوهُۚ هَٰذَا صِرَٰطٞ مُّسۡتَقِيمٞ ﴿٥١﴾

50-51. Мен сизларга пайғамбар бўлиб, (мендан олдин Мусога нозил бўлган) Тавротни тасдиқловчи бўлиб келдим. Мусо (алайҳиссалом)нинг шариатларида баъзи ҳукмлар ҳаром қилинган эди, мен (уларни) сизларга ҳалол қилиб беришга келдим. *Чунончи, ҳайвонларнинг чарбиси (чарвиси) ва шанба куни дунё ишларига машғул бўлишни* ва сизларга Раббингиздан ҳар хил мўъжизалар олиб келдим. Бас, менга мухолиф бўлишдан ҳазар қилинглар ва менга итоат этинглар. Албатта, Аллоҳ таоло менинг ҳам Парвардигоримдир ва сизларнинг ҳам Парвардигорингиздир. Бас, ёлғиз Аллоҳ таологa ибодат қилинглар. Мана шу (йўл) тўғри йўлдир.

۞ فَلَمَّآ أَحَسَّ عِيسَىٰ مِنۡهُمُ ٱلۡكُفۡرَ قَالَ مَنۡ أَنصَارِيٓ إِلَى ٱللَّهِۖ قَالَ
ٱلۡحَوَارِيُّونَ نَحۡنُ أَنصَارُ ٱللَّهِ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ وَٱشۡهَدۡ بِأَنَّا مُسۡلِمُونَ ﴿٥٢﴾ رَبَّنَآ
ءَامَنَّا بِمَآ أَنزَلۡتَ وَٱتَّبَعۡنَا ٱلرَّسُولَ فَٱكۡتُبۡنَا مَعَ ٱلشَّٰهِدِينَ ﴿٥٣﴾

52-53. Бас, вақтики Ийсо (алайҳиссалом) яҳудлар куфридан хабардор бўлди, *яъни, яҳудлар Ҳазрати Ийсо алайҳиссаломни ушлаб ўлдиришга қарор қилганларида, Ҳазрати Ийсо алайҳиссалом Шомдан Миср тара-*
3 жузъ *фига қочдилар; Нил дарёси бўйида балиқчиларга йўлиқдилар; уларни иймонга даъват қилдилар; ҳаммалари иймон келтирдилар;* Ийсо (алайҳиссалом) бу жамоаларга айтдики: «Сизлардан ким Менга Худонинг динини ривожлантиришда ёрдам беради?». Ҳаворийлар, яъни ўша сайёдлар (овчилар) жамоати айтдики: «Худонинг динига ёрдам бергувчилар бизлардирмиз. Биз Худога иймон келтирдик. Эй Ийсо, гувоҳ бўлгил, биз Худога итоат қилгувчилармиз». Яна Парвардигорга дуо қилиб айтдиларки: «Эй Парвардигор, Сен юборган Китобга ва Пайғамбарга иймон келтирдик, сўзларини тасдиқладик, Расулингга тобе бўлдик. Бас, бизни Сенинг Худолигингга гувоҳлик бергувчилар қаторига ёзгил».

وَمَكَرُواْ وَمَكَرَ ٱللَّهُۖ وَٱللَّهُ خَيۡرُ ٱلۡمَٰكِرِينَ ﴿٥٤﴾

54. *Яҳудлар Ҳазрати Ийсони қатл қилиш учун ҳийлалар тайёрладилар. Охири Ҳазрати Ийсо алайҳиссалом улардан қочиб, бир уйга кирдилар. Яҳудлар келиб бу уйни муҳосара қилдилар (ўраб олдилар). Эрта билан ушлаб чиқиш учун ўзларидан бир шахсни (уйга) киргиздилар. Бу одам уйга кириб, ҳеч кимни топмади. Кечаси Аллоҳ таоло Ҳазрати Ийсони юқорига олиб кетган эди. Аллоҳ таоло у кирган одамни Ҳазрати Ийсонинг ҳайъатларига (сиймо, кўринишларига) ўхшатиб қўйди. Қайтиб чиққандан сўнг, яҳудлар: «Сен Ийсосан», – деб (уни) дорга осдилар. Ҳарчанд «Мен Ийсо эмасман», – деса ҳам, фойда бермади.* Яҳудлар (Ҳазрати) Ийсони қатл қилиш учун макрлар ишлатдилар. Худойи таоло уларнинг макрларининг жазосини ўзларига қайтарди. Аллоҳ таоло маккорларнинг макрига яхши жазо бергувчидир.

إِذۡ قَالَ ٱللَّهُ يَٰعِيسَىٰٓ إِنِّي مُتَوَفِّيكَ وَرَافِعُكَ إِلَيَّ وَمُطَهِّرُكَ مِنَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ
وَجَاعِلُ ٱلَّذِينَ ٱتَّبَعُوكَ فَوۡقَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓاْ إِلَىٰ يَوۡمِ ٱلۡقِيَٰمَةِۖ ثُمَّ إِلَيَّ
مَرۡجِعُكُمۡ فَأَحۡكُمُ بَيۡنَكُمۡ فِيمَا كُنتُمۡ فِيهِ تَخۡتَلِفُونَ ﴿٥٥﴾

55. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Аллоҳ таоло Ийсо (алайҳиссалом)га айтган ушбу сўзларни ёд қил: «Эй Ийсо, Мен Сени дунёдан олгувчиман ва Сени наздимга (ҳузуримга) кўтаргувчиман ва Сенга кофирлардан нажот бергувчиман. Сенга тобе бўлгувчиларни то Қиёматгача яҳудлар устидан ғолиб қилгувчиман». *Парвардигорнинг бу хабари ҳақиқатга мувофиқдир. Чунки яҳудлар шу дамгача насороларга мағлуб бўлиб келдилар.* «Шундан

кейин сизларнинг келадиган жойингиз Менинг наздимдадир. Бас, Мен ўрталарингиздаги дин тўғрисида, ихтилоф қилган нарсаларингиз ҳақида ҳукм қиламан». *Масалан, ихтилофларидан бири яҳудлар Ҳазрати Ийсони тасдиқламадилар ва насоролар Ҳазрати Мусони тасдиқламадилар.*

فَأَمَّا ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ فَأُعَذِّبُهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا فِى ٱلدُّنْيَا وَٱلْـَٔاخِرَةِ وَمَا لَهُم مِّن نَّٰصِرِينَ ﴿٥٦﴾

56. Аммо хоҳ яҳудий ва хоҳ насроний бўлсин, кофир бўлганларга қаттиқ азоб бераман. Бу дунёда қатл қилиш билан, асирлик, жизъя тўлаш билан (азоблайман) ва охиратда шундай (қаттиқ) азоб билан азоблайманки, (уларга) бирор қутқаргувчи ва мададкор бўлмайди. 3 жузъ

وَأَمَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فَيُوَفِّيهِمْ أُجُورَهُمْ ۗ وَٱللَّهُ لَا يُحِبُّ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٥٧﴾

57. Аммо Худога иймон келтирганларга, яхши амал қилганларга Аллоҳ таоло Қиёмат куни ажрларини ошириб (зиёда қилиб) беради. Аллоҳ таоло бировнинг ҳаққига зулм қилгувчиларни дўст тутмайди.

ذَٰلِكَ نَتْلُوهُ عَلَيْكَ مِنَ ٱلْـَٔايَٰتِ وَٱلذِّكْرِ ٱلْحَكِيمِ ﴿٥٨﴾

58. Мана шу Мен Сенга баён қилиб берган анбиёлар қиссалари нубувват аломатларидан ва ростлик далилларидан ва ҳикматли зикрлардандир.

إِنَّ مَثَلَ عِيسَىٰ عِندَ ٱللَّهِ كَمَثَلِ ءَادَمَ ۖ خَلَقَهُۥ مِن تُرَابٍ ثُمَّ قَالَ لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿٥٩﴾ ٱلْحَقُّ مِن رَّبِّكَ فَلَا تَكُن مِّنَ ٱلْمُمْتَرِينَ ﴿٦٠﴾

59-60. *Вақтики Нажрон деган жойнинг насоролари Расулуллоҳга эътироз қилиб: «Нима учун Ҳазрати Ийсони таҳқирлаб, уни Худонинг бандаси дейсизлар?», – деб айтдилар. Расулуллоҳ уларга айтдилар: «Ҳазрати Ийсога Худонинг бандаси бўлиш айб эмас». Насоролар айтдилар: «Бу Ийсо отасиз туғилгандир. Бу Худонинг ўғлидир, бандаси дейиш таҳқирдир». Аллоҳ таоло уларни рад этиб, ушбу оятни нозил қилди:* «Албатта, Ийсонинг аҳволи Худо наздида Одамнинг аҳволига ўхшайди. Худо одамни тупроқдан халқ қилди, кейин Парвардигор: «Одам бўл», – деди, Одам бўлди. (Ҳазрати) Одам онасиз, отасиз махлуқ бўлган (яратилган). Сизлар нима учун уни (Одамни) «Худонинг бандаси», дейсизлар-у, Ийсо (алайҳиссалом)ни «Худонинг ўғли» дейсизлар? Худо тарафидан Ийсо ҳақига айтилган сўзлар ҳақдир. Бас, Сен насороларга ўхшаб шак қилгувчилардан бўлмагин».

فَمَنْ حَآجَّكَ فِيهِ مِنۢ بَعْدِ مَا جَآءَكَ مِنَ ٱلْعِلْمِ فَقُلْ تَعَالَوْا۟ نَدْعُ أَبْنَآءَنَا وَأَبْنَآءَكُمْ وَنِسَآءَنَا وَنِسَآءَكُمْ وَأَنفُسَنَا وَأَنفُسَكُمْ ثُمَّ نَبْتَهِلْ فَنَجْعَل لَّعْنَتَ ٱللَّهِ عَلَى ٱلْكَٰذِبِينَ ﴿٦١﴾ إِنَّ هَٰذَا لَهُوَ ٱلْقَصَصُ ٱلْحَقُّ ۚ وَمَا مِنْ إِلَٰهٍ إِلَّا ٱللَّهُ ۚ

وَإِنَّ ٱللَّهَ لَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٦٢﴾ فَإِن تَوَلَّوْا۟ فَإِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌۢ بِٱلْمُفْسِدِينَ ﴿٦٣﴾

61-63. Бас, агар Сенга ваҳий орқали Ийсо (алайҳиссалом)нинг ҳоли маълум бўлиб, насоролар аниқ далиллардан кейин ҳам хусумат қилиб ҳужжатлашишар экан, Сен (эй Муҳаммад алайҳиссалом) уларга айтгил: «Келинглар, болаларимизни, хотинларимизни ва ўзимизга қарашли бошқа одамларни чақирайлик, кейин зори ва тазарру билан: «Худонинг лаънати ёлғончиларга бўлсин!» деб дуо қилайлик». *Насоролар бу қарорга рози бўлиб, шунга келишдиларки, «Эрта бомдод намозидан*
3 жузъ *кейин шаҳарнинг ташқарисига чиқиб, бир майдонга жам бўлиб, Худо даргоҳидан дуо қилиб сўраймиз». Эрта билан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларидан чиқиб, Имом Ҳусайнни кўтариб, Имом Ҳасанни етаклаб олдилар. Ҳазрати Али разияллоҳу анҳу ва Ҳазрати Биби Фотима онамиз орқаларида эдилар. Ушбу ҳайъат билан насоролар рўпарасида саф тортиб турдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам фарзандларига айтдилар: «Мен дуо қиламан, сизлар «Омин» денглар». Насороларнинг бошлиқлари ёронларига айтдики: «Мен шундай нуроний юзларни кўриб турибманки, Худодан ушбу Уҳуд тоғини жойидан кўчириб, бошқа тарафга юборишини сўрасалар ҳам, Аллоҳ таоло уларнинг сўзларини рад этмайди. Келинглар, Муҳаммадни сулҳга чақирайлик». Шу билан жизъя беришга рози бўлдилар. Бу воқеадан сўнг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган эканлар: «Агар насоролар Мен билан мубоҳала қилганда (лаънат айтишганда) эди, осмондан ўт келиб, уларни куйдирган бўлар эди».* Албатта, мана шу мазкур қиссалар ҳақ ва ростдир. Ибодатга лойиқ ҳеч маъбуд йўқ, магар Аллоҳ таолодир. Албатта, Аллоҳ таоло ўзининг ҳар бир феълида ғолиб ва донодир. Бас, агар насоролар мубоҳаладан саркашлик қилсалар, албатта, Аллоҳ таоло муфсидларнинг ҳолига донодир.

قُلْ يَـٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَـٰبِ تَعَالَوْا۟ إِلَىٰ كَلِمَةٍ سَوَآءٍۭ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَلَّا نَعْبُدَ إِلَّا ٱللَّهَ وَلَا
نُشْرِكَ بِهِۦ شَيْـًٔا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا مِّن دُونِ ٱللَّهِ ۚ فَإِن تَوَلَّوْا۟ فَقُولُوا۟
ٱشْهَدُوا۟ بِأَنَّا مُسْلِمُونَ ﴿٦٤﴾

64. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), аҳли китобларга айтгил: «Келинглар, ҳаммамиз учун учта калима (сўз) ўртамизда баробардир, Худо тарафидан (уларга амал қилишда) мукаллафмиз (масъулмиз). *Бири шуки,* бир Аллоҳдан бошқа илоҳга ибодат қилмайлик, *иккинчиси шуки,* Худонинг худолигига ҳеч бир нарсани шерик қилмайлик. *Учинчиси шуки,* Худони қўйиб баъзимиз баъзимизни арбоб («раблар», «худолар») деб қарор бермайлик. Бас, агар Сенинг бу даъватингдан юз ўгирсалар, у ҳолда айтгил: «Сизлар (эй мусулмонлар), гувоҳ бўлинглар, биз Худонинг буйруғига бўйинсунувчилармиз».

يَـٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَـٰبِ لِمَ تُحَآجُّونَ فِىٓ إِبْرَٰهِيمَ وَمَآ أُنزِلَتِ ٱلتَّوْرَىٰةُ وَٱلْإِنجِيلُ إِلَّا
مِنۢ بَعْدِهِۦٓ ۚ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٦٥﴾

65. Эй аҳли китоблар, Иброҳим (алайҳиссалом) хусусида нима учун бир-бирларингиз билан жанжал қиласизлар. Иброҳим (алайҳиссалом)-ни бирингиз «яҳудий» деб айтасизлар ва бирингиз «насоро» деб даъво қиласизлар? Ваҳоланки, Тавром билан Инжил Иброҳим (алайҳиссалом)-дан кейин нозил бўлган. Оё ўйламай гапирасизларми?

هَٰٓأَنتُمۡ هَٰٓؤُلَآءِ حَٰجَجۡتُمۡ فِيمَا لَكُم بِهِۦ عِلۡمٞ فَلِمَ تُحَآجُّونَ فِيمَا لَيۡسَ لَكُم
بِهِۦ عِلۡمٞۚ وَٱللَّهُ يَعۡلَمُ وَأَنتُمۡ لَا تَعۡلَمُونَ ٦٦

66. Огоҳ бўлинглар, сизлар шундай жамоадирсизки, ўзларингизга 3 жузъ
маълум нарса ҳақида жанжал қиласизлар. *Масалан, Муҳаммад алайҳиссаломга берилган башорат Тавротда бор эди.* Бас, илмларингиз етмаган нарсага нима учун жанжал қиласизлар. *Масалан, Иброҳим алайҳиссалом яҳудийми ё насронийми, Тавротда (ёзилгани) йўқ.* Аллоҳ таоло (Ҳазрати) Иброҳимнинг қандай динда эканини билади ва сизлар билмайсизлар.

مَا كَانَ إِبۡرَٰهِيمُ يَهُودِيّٗا وَلَا نَصۡرَانِيّٗا وَلَٰكِن كَانَ حَنِيفٗا مُّسۡلِمٗا وَمَا كَانَ مِنَ
ٱلۡمُشۡرِكِينَ ٦٧

67. (Ҳазрати) Иброҳим яҳудий ҳам эмас ва насроний ҳам эмас эди. Лекин тўғри йўл топган мусулмон эди; мушриклардан ҳам эмас эди.

إِنَّ أَوۡلَى ٱلنَّاسِ بِإِبۡرَٰهِيمَ لَلَّذِينَ ٱتَّبَعُوهُ وَهَٰذَا ٱلنَّبِيُّ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْۗ وَٱللَّهُ
وَلِيُّ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ٦٨

68. Иброҳим *алайҳиссалоту вассаломнинг* динига лойиқ бўлганлар у кишига эргашган халқлар ва у кишига тобе бўлган умматлар мана шу набий - Муҳаммад (алайҳиссалом) ва у кишига иймон келтирган зотлардир. Аллоҳ таоло мўминларнинг дўстидир.

وَدَّت طَّآئِفَةٞ مِّنۡ أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِ لَوۡ يُضِلُّونَكُمۡ وَمَا يُضِلُّونَ إِلَّآ أَنفُسَهُمۡ وَمَا
يَشۡعُرُونَ ٦٩

69. Аҳли китоблардан бир тоифалари сизларни дўст тутмайдилар. Гумроҳ қилиб, ўз динларига киргизмоқ истайдилар. Улар ўз нафсларидан бошқани гумроҳ қила олмайдилар, чунки бу ҳаракатларининг жазоси ўзларига етади. Ваҳоланки, улар ўзларига етадиган зиённи билмайдилар.

يَٰٓأَهۡلَ ٱلۡكِتَٰبِ لِمَ تَكۡفُرُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَأَنتُمۡ تَشۡهَدُونَ ٧٠

70. Эй аҳли китоблар, нима учун Парвардигор тарафидан нозил бўлган оятга кофир бўласизлар? Масалан, Расулуллоҳ *саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг* наътларига (шаънларига) келган Таврот оятларига ўзларингиз гувоҳлик берасизлар-да, яна уни инкор қиласизлар.

يَٰٓأَهۡلَ ٱلۡكِتَٰبِ لِمَ تَلۡبِسُونَ ٱلۡحَقَّ بِٱلۡبَٰطِلِ وَتَكۡتُمُونَ ٱلۡحَقَّ وَأَنتُمۡ
تَعۡلَمُونَ ﴿٧١﴾

71. Эй аҳли китоблар, нима учун ҳақни ботилга аралаштирасизлар. Яъни Тавротнинг ичига ўз сўзларингизни аралаштирасизлар, билиб турган ҳолда ҳақни яширасизлар.

وَقَالَت طَّآئِفَةٞ مِّنۡ أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِ ءَامِنُواْ بِٱلَّذِيٓ أُنزِلَ عَلَى ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَجۡهَ
3 жузъ ٱلنَّهَارِ وَٱكۡفُرُوٓاْ ءَاخِرَهُۥ لَعَلَّهُمۡ يَرۡجِعُونَ ﴿٧٢﴾ وَلَا تُؤۡمِنُوٓاْ إِلَّا لِمَن تَبِعَ دِينَكُمۡ قُلۡ
إِنَّ ٱلۡهُدَىٰ هُدَى ٱللَّهِ أَن يُؤۡتَىٰٓ أَحَدٞ مِّثۡلَ مَآ أُوتِيتُمۡ أَوۡ يُحَآجُّوكُمۡ عِندَ رَبِّكُمۡۗ قُلۡ
إِنَّ ٱلۡفَضۡلَ بِيَدِ ٱللَّهِ يُؤۡتِيهِ مَن يَشَآءُۗ وَٱللَّهُ وَٰسِعٌ عَلِيمٞ ﴿٧٣﴾ يَخۡتَصُّ بِرَحۡمَتِهِۦ مَن
يَشَآءُۗ وَٱللَّهُ ذُو ٱلۡفَضۡلِ ٱلۡعَظِيمِ ﴿٧٤﴾

72-74. Ва аҳли китоблардан бир жамоат дедиларки: «(Эй одамлар) мусулмонларга туширилган Қуръонга эрта билан иймон келтиринглар ва кечқурун (ундан) қайтинглар, шоядки улар ҳам (динларидан) қайтарлар. Ва ўз динларингиздаги одамдан бошқага ишонманглар». Сен айт, (эй Муҳаммад): «Асл ҳидоят Аллоҳ таолонинг ҳидоятидир». Ва яна яҳудлар айтдилар: «(Эй яҳудлар), сизларга берилган нарса яна бошқаларга берилмаслиги ва Худо ҳузурида бошқа жамоа сизлардан ғолиб келмаслиги учун (мусулмонларнинг) сўзларига ишонманглар». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «Албатта, фазлу карам Худонинг қўлидадир». Худо уни хоҳлаган бандасига беради. Аллоҳ таолонинг раҳмати кенгдир ва У билгувчи зотдир. Хоҳлаган бандасини ўз раҳматига хос қилади. Аллоҳ таоло улуғ фазл эгасидир.

۞وَمِنۡ أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِ مَنۡ إِن تَأۡمَنۡهُ بِقِنطَارٖ يُؤَدِّهِۦٓ إِلَيۡكَ وَمِنۡهُم مَّنۡ إِن تَأۡمَنۡهُ
بِدِينَارٖ لَّا يُؤَدِّهِۦٓ إِلَيۡكَ إِلَّا مَا دُمۡتَ عَلَيۡهِ قَآئِمٗاۗ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ قَالُواْ لَيۡسَ عَلَيۡنَا
فِي ٱلۡأُمِّيِّـۧنَ سَبِيلٞ وَيَقُولُونَ عَلَى ٱللَّهِ ٱلۡكَذِبَ وَهُمۡ يَعۡلَمُونَ ﴿٧٥﴾ بَلَىٰ مَنۡ
أَوۡفَىٰ بِعَهۡدِهِۦ وَٱتَّقَىٰ فَإِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلۡمُتَّقِينَ ﴿٧٦﴾

75-76. Яҳудлардан баъзи шахслар борки, кўп молни унга омонат берсанг, талаб қилинган пайтда хиёнатсиз адо этади (қайтариб беради). Шу аҳли китоблардан баъзилари борки, бир тилла ё бир танга омонат қўйиб, сўнг (қайтариб беришини) талаб қилсанг, адо этмайди (қайтиб бермайди). Магарки талаб қилган ҳолингда гувоҳлар келтирасан ва мажбур қилаган, сўнгра адо этади. Бундай хиёнат қилишларига сабаб, эътиқод қилиб айтадиларки: «Бу жоҳил арабларнинг молига хиёнат қилсак, бизга ҳеч бир жазо лозим бўлмайди. Худо бизга (уларнинг) молларини ҳалол қил-

ган». Ваҳоланки, бу яҳудлар билиб туриб, Аллоҳ таолога ёлғон нисбат берадилар. Албатта, шу хиёнатларига Худо тарафидан жазо бордир. Ҳар бир шахски, аҳдига вафо қилар ва хиёнатдан қўрқар экан, бас, Аллоҳ таоло ўшандай муттақийларни дўст тутади.

إِنَّ ٱلَّذِينَ يَشْتَرُونَ بِعَهْدِ ٱللَّهِ وَأَيْمَـٰنِهِمْ ثَمَنًا قَلِيلًا أُو۟لَـٰٓئِكَ لَا خَلَـٰقَ لَهُمْ فِى ٱلْـَٔاخِرَةِ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ ٱللَّهُ وَلَا يَنظُرُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٧٧﴾

3 жузъ

77. Албатта, у жамоаларки, Худога қилган аҳдларини ва Худога қасамёд қилганларини озгина дунё матоҳига бадал қилар эканлар, Қиёмат куни ундай жамоага ҳеч қандай яхшилик йўқдир. Аллоҳ таоло уларга меҳрибонлик билан сўзлашмайди ва марҳамат назари билан қарамайди. Уларни гуноҳларидан пок қилмайди. Уларга аламли азоблар бордир.

وَإِنَّ مِنْهُمْ لَفَرِيقًا يَلْوُۥنَ أَلْسِنَتَهُم بِٱلْكِتَـٰبِ لِتَحْسَبُوهُ مِنَ ٱلْكِتَـٰبِ وَمَا هُوَ مِنَ ٱلْكِتَـٰبِ وَيَقُولُونَ هُوَ مِنْ عِندِ ٱللَّهِ وَمَا هُوَ مِنْ عِندِ ٱللَّهِ وَيَقُولُونَ عَلَى ٱللَّهِ ٱلْكَذِبَ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿٧٨﴾

78. Албатта, яҳудлардан бир фирқалари сизлар (эй мусулмонлар), Тавротнинг оятидан деб гумон қилишингиз учун тилларини мулойим қилиб (ўзгартириб) Тавротдан баъзи оятларни ўқийдилар. Ваҳоланки, у Тавротдан эмасдир. Ва яна: «Бу оятлар Худо тарафидан нозил бўлган», – деб айтадилар. Ваҳоланки, Худодан нозил бўлгани йўқ. Бу яҳудлар билиб турган ҳолда Худога бўҳтон қиладилар.

مَا كَانَ لِبَشَرٍ أَن يُؤْتِيَهُ ٱللَّهُ ٱلْكِتَـٰبَ وَٱلْحُكْمَ وَٱلنُّبُوَّةَ ثُمَّ يَقُولَ لِلنَّاسِ كُونُوا۟ عِبَادًا لِّى مِن دُونِ ٱللَّهِ وَلَـٰكِن كُونُوا۟ رَبَّـٰنِيِّـۧنَ بِمَا كُنتُمْ تُعَلِّمُونَ ٱلْكِتَـٰبَ وَبِمَا كُنتُمْ تَدْرُسُونَ ﴿٧٩﴾ وَلَا يَأْمُرَكُمْ أَن تَتَّخِذُوا۟ ٱلْمَلَـٰٓئِكَةَ وَٱلنَّبِيِّـۧنَ أَرْبَابًا ۗ أَيَأْمُرُكُم بِٱلْكُفْرِ بَعْدَ إِذْ أَنتُم مُّسْلِمُونَ ﴿٨٠﴾

79-80. Бир инсонки, унга Худо Китоб берган бўлса, нубувват ва фаҳм-идрок берган бўлса, сўнгра у халққа: «Худони қўйиб менга ибодат қилинглар», – деб айтиши мутлақо мумкин эмас. (Ақлга сиғадиган иш эмас). Ва лекин уларга: «Илм ва амалда комил бўлинглар, шунинг учунки, сизлар бошқаларга Китобни таълим берасизлар ва ўзларингиз қироат қиласизлар. Ҳеч вақт Худо сизларга малоикаларни, анбиёларни ўзларингизга Раб (илоҳ) муқаррар қилишга (сайлаб олишга) амр қилмади», – деб буюриши керак. Оё, сизлар мусулмон бўлгандан сўнг Худо куфрга амр қиладими?

وَإِذْ أَخَذَ ٱللَّهُ مِيثَٰقَ ٱلنَّبِيِّۦنَ لَمَآ ءَاتَيْتُكُم مِّن كِتَٰبٍ وَحِكْمَةٍ ثُمَّ جَآءَكُمْ
رَسُولٌ مُّصَدِّقٌ لِّمَا مَعَكُمْ لَتُؤْمِنُنَّ بِهِۦ وَلَتَنصُرُنَّهُۥ ۚ قَالَ ءَأَقْرَرْتُمْ وَأَخَذْتُمْ عَلَىٰ
ذَٰلِكُمْ إِصْرِى ۖ قَالُوٓا۟ أَقْرَرْنَا ۚ قَالَ فَٱشْهَدُوا۟ وَأَنَا۠ مَعَكُم مِّنَ ٱلشَّٰهِدِينَ ﴿٨١﴾ فَمَن
تَوَلَّىٰ بَعْدَ ذَٰلِكَ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْفَٰسِقُونَ ﴿٨٢﴾

3 жузъ

81-82. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ёд қилгил, Аллоҳ таоло пайғамбарлардан: «Вақтики сизларга Китоб ва ҳикмат берсам, кейин Менинг наздимдан сизларнинг китобларингизни тасдиқловчи Пайғамбар келса, сизлар, албатта, унга ишонасизлар ва унга, албатта, ёрдам берасизлар», — деб аҳд-паймон олди. Кейин Парвардигор анбиёларга: «Оё, мана шу аҳдимга вафо қилишни иқрор қилдингизларми, бўйинларингизга олдингизларми?», — деб айтди. Анбиёлар жавоб бердиларки: «Эй Парвардигоро, биз иқрор қилдик ва аҳдингни қабул қилдик». Парвардигор айтди: «Эй малоикалар, шуларнинг иқрорига гувоҳ бўлинглар. Мен сизлар билан бирга гувоҳ бўлгувчилярданман». Бас, ҳар кимки ўз иқроридан қайтса, шу аҳд-паймондан кейин ушбу Расулга ёрдам бермаса, бас, у гуруҳ фосиқлар жамоасидандир.

أَفَغَيْرَ دِينِ ٱللَّهِ يَبْغُونَ وَلَهُۥٓ أَسْلَمَ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ طَوْعًا
وَكَرْهًا وَإِلَيْهِ يُرْجَعُونَ ﴿٨٣﴾

83. Оё, Худонинг динидан (Исломдан) бошқа динни истайдиларми? Ваҳоланки, осмондаги малоикалар ва ердаги махлуқотлар Худога инқиёд қилиб (фармонбардор бўлиб, бўйсуниб) турибдилар-ку! Улар (мушрик, кофирлар)нинг ҳаммаси, хоҳ ихтиёрий ва хоҳ мажбурий, Қиёматда Худонинг олдига қайтадилар. У жойда қилмишларидан жавоб берадилар.

قُلْ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ وَمَآ أُنزِلَ عَلَيْنَا وَمَآ أُنزِلَ عَلَىٰٓ إِبْرَٰهِيمَ وَإِسْمَٰعِيلَ وَإِسْحَٰقَ
وَيَعْقُوبَ وَٱلْأَسْبَاطِ وَمَآ أُوتِىَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَٱلنَّبِيُّونَ مِن رَّبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ
بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْهُمْ وَنَحْنُ لَهُۥ مُسْلِمُونَ ﴿٨٤﴾

84. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «Биз Аллоҳга, бизга нозил қилинган Қуръонга ва Иброҳим (алайҳиссалом), Исмоил (алайҳиссалом), Исҳоқ (алайҳиссалом), Яъқуб (алайҳиссалом) ва уларнинг авлодларига нозил қилинган китобларга иймон келтирамиз ва Мусо (алайҳиссалом)га берилган Тавротга ва Ийсо (алайҳиссалом)га берилган Инжилга ва бошқа набийларга Худо тарафидан берилган саҳифаларга иймон келтирамиз. Иймон келтиришда уларнинг ўрталарини жудо қилмаймиз (ажратмаймиз). Бизлар Худонинг ҳукмига инқиёд қилувчилармиз».

وَمَن يَبْتَغِ غَيْرَ ٱلْإِسْلَٰمِ دِينًا فَلَن يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِى ٱلْءَاخِرَةِ مِنَ ٱلْخَٰسِرِينَ ﴿٨٥﴾

كَيْفَ يَهْدِي ٱللَّهُ قَوْمًا كَفَرُوا۟ بَعْدَ إِيمَـٰنِهِمْ وَشَهِدُوٓا۟ أَنَّ ٱلرَّسُولَ حَقٌّ وَجَآءَهُمُ
ٱلْبَيِّنَـٰتُ ۚ وَٱللَّهُ لَا يَهْدِي ٱلْقَوْمَ ٱلظَّـٰلِمِينَ ﴿٨٦﴾

85-86. Ҳар кимки Ислом динидан бошқа динни хоҳлар экан, унинг дини қабул қилинмайди. Охиратда ундай шахс ўз нафсига зиён қилгувчилардандир. Аллоҳ таоло иймон келтирганларидан кейин яна қайтиб муртад бўлган қавмни қандай ҳидоят қилсин?! Ҳолбуки, улар: «Муҳаммад (алайҳиссалом), албатта, ҳақдир. Худо тарафидан мўъжизалар олиб келган», – деб гувоҳлик берган эдилар. Аллоҳ таоло золим қавмларни ҳидоят қилмайди. 3 жузъ

أُو۟لَـٰٓئِكَ جَزَآؤُهُمْ أَنَّ عَلَيْهِمْ لَعْنَةَ ٱللَّهِ وَٱلْمَلَـٰٓئِكَةِ وَٱلنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴿٨٧﴾ خَـٰلِدِينَ
فِيهَا لَا يُخَفَّفُ عَنْهُمُ ٱلْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ ﴿٨٨﴾

87-88. Бу муртад гуруҳларнинг жазолари шуки, албатта, Қиёмат куни уларга Худонинг лаънати, малоикаларнинг ва тамом (барча) халқларнинг лаънатлари собитдир. Улар ҳамиша дўзахда азобга мубтало бўладилар. Уларга азоб енгил қилинмайди ва кечиктирилмайди ҳам.

إِلَّا ٱلَّذِينَ تَابُوا۟ مِنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ وَأَصْلَحُوا۟ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٨٩﴾

89. Магар улардан тавба қилган шахслар муртад бўлганларидан кейин ўз ҳолларини ислоҳ қилсалар. Бас, албатта, Аллоҳ таоло гуноҳларни кечиргувчи ва аҳволларга раҳм қилгувчидир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بَعْدَ إِيمَـٰنِهِمْ ثُمَّ ٱزْدَادُوا۟ كُفْرًا لَّن تُقْبَلَ تَوْبَتُهُمْ وَأُو۟لَـٰٓئِكَ هُمُ
ٱلضَّآلُّونَ ﴿٩٠﴾

90. Албатта, Худо ва Расулига иймон келтирганларидан кейин яна кофир бўлганлар, Исломнинг зиддига ҳаракат қилиб, куфрларини зиёда қилганларнинг тавбалари қабул қилинмайди. Ана ўшалар ҳақиқий гумроҳдирлар.

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَمَاتُوا۟ وَهُمْ كُفَّارٌ فَلَن يُقْبَلَ مِنْ أَحَدِهِم مِّلْءُ ٱلْأَرْضِ ذَهَبًا
وَلَوِ ٱفْتَدَىٰ بِهِۦٓ ۗ أُو۟لَـٰٓئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ وَمَا لَهُم مِّن نَّـٰصِرِينَ ﴿٩١﴾

91. Албатта, Худо ва Расулига кофир бўлиб, кофирлик ҳолида ўлган жамоалар, бас, улар азобдан қутулиши учун дунёни тўлдириб тилла билан фидя (тўлов) берсалар ҳам, қабул қилинмайди. Худо тарафидан бу гуруҳ учун қаттиқ азоблар муқаррардир. Уларга ҳеч қандай ёрдам бергувчи йўқдир.

لَن تَنَالُوا۟ ٱلْبِرَّ حَتَّىٰ تُنفِقُوا۟ مِمَّا تُحِبُّونَ ۚ وَمَا تُنفِقُوا۟ مِن شَىْءٍ فَإِنَّ ٱللَّهَ بِهِۦ عَلِيمٌ ﴿٩٢﴾

92. Эй Худонинг бандалари, токи яхши кўрган молларингиздан Худонинг йўлида садақа қилмагунингизча сизлар ҳаргиз савобга (хайрга, жаннатга) эга бўлмайсизлар. Худо йўлида ҳар нарсани, хоҳ ёмон, хоҳ яхши, ё кам, ё кўп сарф қилар экансизлар, албатта, Аллоҳ таоло берган нарсаларингизни билади.

4 жузъ

ТЎРТИНЧИ ЖУЗЪ

۞ كُلُّ ٱلطَّعَامِ كَانَ حِلًّا لِّبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ إِلَّا مَا حَرَّمَ إِسْرَٰٓءِيلُ عَلَىٰ نَفْسِهِۦ مِن
قَبْلِ أَن تُنَزَّلَ ٱلتَّوْرَىٰةُ ۗ قُلْ فَأْتُوا۟ بِٱلتَّوْرَىٰةِ فَٱتْلُوهَآ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٩٣﴾
فَمَنِ ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ ٱلْكَذِبَ مِنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٩٤﴾

93-94. *Вақтики ушбу оят нозил бўлди:* «Яҳудий жамоаларининг зулму ситамлари учун ва ҳам Исломдан кўп халқни манъ қилганлари ва судхўрликлари учун аввал ҳалол қилинган таомларни уларга ҳаром қилдик» (*Нисо сураси, 160-оят*).

Яҳудлар эътироз қилиб: «Бу ҳукмлар Тавротнинг ҳукмига тўғри келмайди. Тавротда бу нарсалар Ҳазрати Яъқуб алайҳиссаломнинг замонларида ҳаром бўлган. Бизнинг гуноҳимиз сабабидан ҳаром бўлмаган»,— деб даъво қилдилар. Чунки уларга илгари - Таврот тушишидан олдин қўйнинг чарвиси, балиқнинг гўшти, (туянинг гўшти ва сути) каби нарсалар ҳалол эди. Яҳудларнинг ўз айблари боис сўнгра улар Тавротда ҳаром қилинди. Аллоҳ таоло яҳудларнинг раддига ушбу оятни нозил қилди:

Ҳар анвои таом Яъқуб (алайҳиссалом)га (Бани Исроилга) ҳалол эди. Магар Исроил (Ҳазрати Яъқуб)нинг ўзи ўз нафсига ҳаром қилди. *Яъни, Ҳазрати Яъқуб алайҳиссаломга касаллик текканда нидо қилдиларки: «Агар Худо менга шу касалликдан шифо берса, яхши кўрган таомларимни ўзимга ҳаром қиламан». Вақтики Аллоҳ таоло шифо берди, туянинг гўштини ва сутини ҳамма нарсадан яхши кўрар эдилар, назрларига вафо қилиб, ҳаром қилдилар.* Бу воқеа Таврот нозил қилинишидан аввал (содир) бўлди. *Агар яҳудийлар инкор қилсалар,* (эй Муҳаммад), уларга: «Агар сизлар бу даъволарингизда содиқ бўлсангизлар, Тавротни олиб келиб, тиловат қилинглар»,-деб айтгил. *Яҳудлар Тавротни олиб келиб ўқишдан бош тортдилар.* (Чунки ҳаром қилинган нарсалар илгари Иброҳим (алайҳиссалом)га ҳам, Яъқуб (алайҳиссалом)га ҳам ҳаром қилинган эмас эди). *Ёлғонни Худога нисбат беришлари ҳаммага зоҳир бўлди.* Бас, шу воқеадан (далиллардан) кейин ҳам ҳар бандаки Худога ёлғонни нисбат берса, ана ўшалар золимлардандир.

قُلۡ صَدَقَ ٱللَّهُۗ فَٱتَّبِعُواْ مِلَّةَ إِبۡرَٰهِيمَ حَنِيفٗاۖ وَمَا كَانَ مِنَ ٱلۡمُشۡرِكِينَ ﴿٩٥﴾

95. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яҳудларга: «Аллоҳ таоло бу воқеани рост айтди. Сизларнинг сўзларингиз бошдан-оёқ ёлғон ва ифтиро бўлди. Бас, гумроҳликдан қайтинглар. Иброҳим (алайҳиссалом)нинг динига тобе бўлинглар. Бу дин ҳақ диндир. Иброҳим (алайҳиссалом) мушриклардан эмасдир», — деб айтгил.

إِنَّ أَوَّلَ بَيۡتٖ وُضِعَ لِلنَّاسِ لَلَّذِي بِبَكَّةَ مُبَارَكٗا وَهُدٗى لِّلۡعَٰلَمِينَ ﴿٩٦﴾ فِيهِ ءَايَٰتُۢ

بَيِّنَٰتٞ مَّقَامُ إِبۡرَٰهِيمَۖ وَمَن دَخَلَهُۥ كَانَ ءَامِنٗاۗ وَلِلَّهِ عَلَى ٱلنَّاسِ حِجُّ ٱلۡبَيۡتِ مَنِ **4 жузъ**

ٱسۡتَطَاعَ إِلَيۡهِ سَبِيلٗاۚ وَمَن كَفَرَ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَنِيٌّ عَنِ ٱلۡعَٰلَمِينَ ﴿٩٧﴾

96-97. Ер юзида халқнинг зиёрат қилиши учун бино қилинган энг аввалги муқаддас уй — бу Маккадаги Хонаи Каъбадир, кўп баракотлидир. Бу уй олам учун баракот ва ҳидоят соҳибидир. *Яъни, бутун олам аҳлининг иттифоқи ва иттиҳодига (бирлашишига) сабабдир.* Бу уйда ўтган пайғамбарлардан нишоналар бор. Улардан бири «Мақоми Иброҳим»дир, яъни Иброҳим (алайҳиссалом) устига чиқиб, Хонаи Каъбанинг деворларини таъмир қилган тошдир. *Қадамларининг нишонаси ҳанузгача боқийдир.* Ҳар ким Хонаи Каъбага кирса, қатл ва ғоратдан эмин қолади. Агар сафарга кучи етса, Худо учун ҳаж қилиш халқ зиммасига фарздир. Кимки фарзлигини инкор қилса, Аллоҳ таоло олам аҳлидан мустағнийдир (беҳожатдир), *Аллоҳга ҳеч нуқсон етмайди.*

قُلۡ يَٰٓأَهۡلَ ٱلۡكِتَٰبِ لِمَ تَكۡفُرُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَٱللَّهُ شَهِيدٌ عَلَىٰ مَا تَعۡمَلُونَ ﴿٩٨﴾

98. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), китобийларга (аҳли китобга): «Нима учун Аллоҳнинг оятига кофир бўласизлар ва инкор қиласизлар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло тамом (барча) қилаётган амалларингизни билгувчи ва гувоҳдир», — деб айтгил.

قُلۡ يَٰٓأَهۡلَ ٱلۡكِتَٰبِ لِمَ تَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ مَنۡ ءَامَنَ تَبۡغُونَهَا عِوَجٗا

وَأَنتُمۡ شُهَدَآءُۗ وَمَا ٱللَّهُ بِغَٰفِلٍ عَمَّا تَعۡمَلُونَ ﴿٩٩﴾

99. Айтгил, (эй Муҳаммад): «Эй аҳли китоб, нима учун бандаларни Худонинг йўлидан манъ қиласизлар (қайтарасизлар), *яъни, мўминларни Ислом йўлидан манъ қилиб, яҳудийийага даъват этасизлар.* Тўғри йўлдан қайтариб, каж (эгри) йўлга киргизишни хоҳлайсизлар. Ваҳоланки, сизлар гувоҳсизлар, (Ҳазрати) Иброҳим фарзандларига васият қилган дин Ислом динидир. Аллоҳ таоло сизларнинг амалларингиздан бехабар эмасдир».

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِن تُطِيعُواْ فَرِيقٗا مِّنَ ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلۡكِتَٰبَ يَرُدُّوكُم بَعۡدَ

إِيمَٰنِكُمۡ كَٰفِرِينَ ﴿١٠٠﴾

100. Эй мўминлар, агар яҳудийлардан бир гуруҳининг қавлига (сўзига) итоат қилсангиз, (улар) сизлар иймон келтирганингиздан кейин куфрга қайтарадилар.

وَكَيْفَ تَكْفُرُونَ وَأَنتُمْ تُتْلَىٰ عَلَيْكُمْ ءَايَٰتُ ٱللَّهِ وَفِيكُمْ رَسُولُهُۥ ۗ وَمَن يَعْتَصِم
بِٱللَّهِ فَقَدْ هُدِىَ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿١٠١﴾

101. Сизларга ҳар вақт Аллоҳнинг ояти тиловат қилиниб турса, ўрталарингизда Худонинг Расули сизларни Худо тарафига даъват қилиб турган
4 жузъ бўлса, қандай қилиб кофир бўласизлар? Кимки Худонинг динини ва Китобини маҳкам ушласа, бас, ўшандай шахс тўғри йўлга ҳидоят қилингандир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ حَقَّ تُقَاتِهِۦ وَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنتُم مُّسْلِمُونَ ﴿١٠٢﴾

102. Эй мўминлар, Худодан беинтиҳо (ҳаддан ташқари) қўрқиш билан қўрқинглар, яъни, қудратларингиз етгунча то ўлгунларингизча Исломдан ажралманглар. Ислом билан оламдан ўтинглар.

وَٱعْتَصِمُوا۟ بِحَبْلِ ٱللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا۟ ۚ وَٱذْكُرُوا۟ نِعْمَتَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ كُنتُمْ
أَعْدَآءً فَأَلَّفَ بَيْنَ قُلُوبِكُمْ فَأَصْبَحْتُم بِنِعْمَتِهِۦٓ إِخْوَٰنًا وَكُنتُمْ عَلَىٰ شَفَا حُفْرَةٍ مِّنَ
ٱلنَّارِ فَأَنقَذَكُم مِّنْهَا ۗ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمْ ءَايَٰتِهِۦ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٠٣﴾

103. Эй мўминлар, Худо динининг риштасини (арқонини, яъни Қуръонни) ҳаммаларингиз бир бўлиб маҳкам ушланглар. Худонинг сизларга ато қилган неъматларини эсланглар. Сизлар бир-бирларингизга душман эдингизлар, ҳамиша бир-бирингизни ғорат қилиб ўлдирар эдингизлар. Бас, Аллоҳ таоло марҳамат қилиб, дилларингиздаги адоватни кўтариб, унинг ўрнига улфат ва муҳаббат солди. Бас, Худонинг неъмати баракотидан бир-бирларингизга биродар бўлдингизлар. Илгари дўзах чуқурининг лабига келиб қолган эдингизлар. Бас, (Аллоҳ) сизларга шу чуқур (чоҳ)дан нажот берди. Аллоҳ таоло сизларга ҳидоят йўлларини мана шундай баён қилади. Шоядки сизлар адашмай ҳақ йўлни топурсизлар.

وَلْتَكُن مِّنكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى ٱلْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِٱلْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ ٱلْمُنكَرِ ۚ
وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿١٠٤﴾

104. Албатта, сизлардан шундай бир жамоа бўлсинки, халқни яхши ишларга даъват этсин, яхши ишларга амр қилсин ва ёмон ишлардан қайтарсин. Мана шу хайр (яхшилик) тарафига чақирувчи (даъват қилувчи) жамоа Қиёмат куни нажот топгувчилардандир.

وَلَا تَكُونُوا۟ كَٱلَّذِينَ تَفَرَّقُوا۟ وَٱخْتَلَفُوا۟ مِنۢ بَعْدِ مَا جَآءَهُمُ ٱلْبَيِّنَٰتُ ۚ وَأُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمْ
عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١٠٥﴾ يَوْمَ تَبْيَضُّ وُجُوهٌ وَتَسْوَدُّ وُجُوهٌ ۚ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ ٱسْوَدَّتْ

وُجُوهُهُمْ أَكَفَرْتُم بَعْدَ إِيمَٰنِكُمْ فَذُوقُوا۟ ٱلْعَذَابَ بِمَا كُنتُمْ تَكْفُرُونَ ﴿١٠٦﴾ وَأَمَّا
ٱلَّذِينَ ٱبْيَضَّتْ وُجُوهُهُمْ فَفِى رَحْمَةِ ٱللَّهِ هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿١٠٧﴾ تِلْكَ ءَايَٰتُ ٱللَّهِ
نَتْلُوهَا عَلَيْكَ بِٱلْحَقِّ ۗ وَمَا ٱللَّهُ يُرِيدُ ظُلْمًا لِّلْعَٰلَمِينَ ﴿١٠٨﴾

105-108. Эй мўминлар, яҳуд ва насороларга ўхшаш бўлманглар. Улар бир-бирларига адоват қилиб, бир-бирларидан жудо бўлдилар. Уларга оят ва мўъжизалар келгандан кейин динларида ихтилоф қилдилар. У гуруҳларга баъзиларининг юзлари қора бўладиган кунда Худо тарафидан улуғ азоб муқаррардир. Аммо юзлари қора бўлган гуруҳларга Худо тарафидан итоб қилиб айтиладики: «Оё, сизлар иймон келтиргандан сўнг кофир бўлдингизларми, *яъни, рўзи мийсоқда Парвардигорнинг рубубиятига (ёлғиз илоҳлигига) иқрор қилгандан сўнг бу иқрордан қайтдингизлармми?* Бас, энди куфрларингиз эвазига дўзах азобини тотинглар. Аммо гуруҳларки, уларнинг нишоналари – юзлари оқ ва нуроний эди, – Худонинг раҳматига сазовор бўлиб, беҳиштда абадий қарор топадилар. Бас, (эй Муҳаммад алайҳиссалом), Сенга ваҳий орқали тиловат қилинган бу оятлар ҳақ ва ростдир. Аллоҳ таоло бандаларига ва олам аҳлига зулм қилишни хоҳламайди. Аллоҳ иноятли ва меҳрибондир. 4 жузъ

وَلِلَّهِ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۚ وَإِلَى ٱللَّهِ تُرْجَعُ ٱلْأُمُورُ ﴿١٠٩﴾

109. Осмонлардаги ва ердаги ҳамма нарса Худонинг мулкидир. Ҳамма нарса Худо тарафига қайтарилади.

كُنتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِٱلْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ
ٱلْمُنكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ ۗ وَلَوْ ءَامَنَ أَهْلُ ٱلْكِتَٰبِ لَكَانَ خَيْرًا لَّهُم ۚ
مِّنْهُمُ ٱلْمُؤْمِنُونَ وَأَكْثَرُهُمُ ٱلْفَٰسِقُونَ ﴿١١٠﴾ لَن يَضُرُّوكُمْ إِلَّآ أَذًى ۖ
وَإِن يُقَٰتِلُوكُمْ يُوَلُّوكُمُ ٱلْأَدْبَارَ ثُمَّ لَا يُنصَرُونَ ﴿١١١﴾

110-111. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг умматлари, сизлар умматларнинг афзалисизлар. Худойи таоло сизларни халқнинг фойдасига яратгандир. Сизлар бир-бирларингизни яхши ишларга амр қиласизлар ва ёмон ишлардан қайтарасизлар. Худо ва Расулига ишонгувчисизлар. Агар аҳли китоблар сизларга ўхшаб Муҳаммад (алайҳиссалом)га иймон келтирсалар, яхши бўлар эди. Шунинг учун улардан баъзилари (*Абдуллоҳ ибн Салом разияллоҳу анҳу каби*) мўмин бўлдилар. Аксари дин доирасидан чиққанлардир. Эй мўминлар, сизлар у кофирлардан қўрқманглар. Улар сизларга зарар етказолмайдилар, магар сизларга тиллари билан азият берадилар. Улар ниҳоят даражада қўрқоқ халқдирки, агар билфараз (мабодо) сизлар билан муқотала қилсалар, ҳаммаси жангдан юз ўгириб қочади. Кейин уларга Ҳақ таоло тарафидан ёрдам берилмайди.

ضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ ٱلذِّلَّةُ أَيْنَ مَا ثُقِفُوٓا۟ إِلَّا بِحَبْلٍ مِّنَ ٱللَّهِ وَحَبْلٍ مِّنَ ٱلنَّاسِ وَبَآءُو
بِغَضَبٍ مِّنَ ٱللَّهِ وَضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ ٱلْمَسْكَنَةُ ۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ كَانُوا۟ يَكْفُرُونَ بِـَٔايَٰتِ
ٱللَّهِ وَيَقْتُلُونَ ٱلْأَنۢبِيَآءَ بِغَيْرِ حَقٍّ ۚ ذَٰلِكَ بِمَا عَصَوا۟ وَّكَانُوا۟ يَعْتَدُونَ ﴿١١٢﴾

112. Агар Худо тарафидан қилинган аҳдни маҳкам ушламасалар ва мўминлар томонидан қилинган аҳдларига вафо қилмасалар, яҳудларга, қайси ерда бўлсалар ҳам, Худо тарафидан хорлик муқаддар (тақдир) қилиб қўйилади.
4 жузъ Улар Худонинг азобига йўлиққан зотлардир. Ва ҳам уларга муҳтожлик муқаддар қилинган. Агарчи давлатлари бўлса-да, дарвешларча умр кечирадилар. Бу илоҳий ғазабга мубтало бўлишлари шунинг учунки, Худонинг оятларини инкор этар ва анбиёларни ноҳақ ўлдирар ва ҳам Худонинг ҳукмларига исён қилар ва ҳадларидан тажовуз қилар (ошар) эдилар.

۞ لَيْسُوا۟ سَوَآءً ۗ مِّنْ أَهْلِ ٱلْكِتَٰبِ أُمَّةٌ قَآئِمَةٌ يَتْلُونَ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ ءَانَآءَ ٱلَّيْلِ وَهُمْ
يَسْجُدُونَ ﴿١١٣﴾ يُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْـَٔاخِرِ وَيَأْمُرُونَ بِٱلْمَعْرُوفِ
وَيَنْهَوْنَ عَنِ ٱلْمُنكَرِ وَيُسَٰرِعُونَ فِى ٱلْخَيْرَٰتِ وَأُو۟لَٰٓئِكَ مِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿١١٤﴾
وَمَا يَفْعَلُوا۟ مِنْ خَيْرٍ فَلَن يُكْفَرُوهُ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌۢ بِٱلْمُتَّقِينَ ﴿١١٥﴾

113-115. Ҳамма аҳли китоблар баробар эмаслар. Аҳли китоблардан шундай гуруҳ борки, ҳамиша Ислом динида қоим бўлиб қолиб, кечалари Худонинг оятларини тиловат қилади. Зор ва тазарру билан Худога сажда қиладилар, Парвардигорга ва Қиёмат кунига ишонадилар, халқни яхши ишларга амр қиладилар ва ёмон ишлардан қайтарадилар. Яхши амалларни қилишга шошиладилар. Бу гуруҳлар Худонинг солиҳ бандаларидандир. Ҳар бир хайр ишни қилсалар, бу амаллари ҳаргиз зое қилинмайди ва ажри Худо тарафидан берилади. Аллоҳ таоло муттақий бандаларнинг аҳволини билгувчи донодир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَن تُغْنِىَ عَنْهُمْ أَمْوَٰلُهُمْ وَلَآ أَوْلَٰدُهُم مِّنَ ٱللَّهِ شَيْـًٔا ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ
أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ ۚ هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿١١٦﴾

116. Албатта, Худо ва Расулига ва Қуръонга кофир бўлган гуруҳларнинг моллари ҳам, авлодлари ҳам Худонинг азобидан озгина бўлса-да, қутқара олмайди. Улар дўзах аҳлидирлар ва дўзахда абадий қоладилар.

مَثَلُ مَا يُنفِقُونَ فِى هَٰذِهِ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا كَمَثَلِ رِيحٍ فِيهَا صِرٌّ أَصَابَتْ حَرْثَ
قَوْمٍ ظَلَمُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ فَأَهْلَكَتْهُ ۚ وَمَا ظَلَمَهُمُ ٱللَّهُ وَلَٰكِنْ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿١١٧﴾

117. Кофирларнинг Худо йўлида қилган нафақалари зое бўлиб кетишлиги, (гўё) ўз нафсига зулм қилган динсиз бир қавмнинг эккан

зироатига совуқ шамол келиб ҳаммасини қуритиб кетганига ўхшаш-дир. Худойи таоло уларга зулм қилмайди, балки улар ўз нафсларига зулм қиладилар.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَتَّخِذُوا۟ بِطَانَةً مِّن دُونِكُمْ لَا يَأْلُونَكُمْ خَبَالًا وَدُّوا۟ مَا
عَنِتُّمْ قَدْ بَدَتِ ٱلْبَغْضَآءُ مِنْ أَفْوَٰهِهِمْ وَمَا تُخْفِى صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ ۚ قَدْ بَيَّنَّا لَكُمُ
ٱلْءَايَٰتِ ۖ إِن كُنتُمْ تَعْقِلُونَ ﴿١١٨﴾

118. Эй мўминлар, мўминлардан бошқа ғайридинларни ва мунофиқлар-ни махфий дўст тутманглар, яширин тариқасида дўстлашманглар. Улар сизларга ошнолик қилмайдилар. Агар қўлларидан келса, имкон қадар ёмон-лик етказадилар. Улар ҳамиша сизларнинг машаққатга мубтало бўлишла-рингизни дўст тутадилар. Оғизларидан адоватлари зоҳир бўлиб туради, лекин дилларида сақлаган буғз-адоватлари улуғроқдир. Агар сизлар ақлла-рингизни ишлатиб, ўйласангизлар, Биз сизларга нишоналарни баён қилдик. 4 жузъ

هَٰٓأَنتُمْ أُو۟لَآءِ تُحِبُّونَهُمْ وَلَا يُحِبُّونَكُمْ وَتُؤْمِنُونَ بِٱلْكِتَٰبِ كُلِّهِۦ وَإِذَا لَقُوكُمْ قَالُوٓا۟
ءَامَنَّا وَإِذَا خَلَوْا۟ عَضُّوا۟ عَلَيْكُمُ ٱلْأَنَامِلَ مِنَ ٱلْغَيْظِ ۚ قُلْ مُوتُوا۟ بِغَيْظِكُمْ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ
عَلِيمٌۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ﴿١١٩﴾ إِن تَمْسَسْكُمْ حَسَنَةٌ تَسُؤْهُمْ وَإِن تُصِبْكُمْ سَيِّئَةٌ
يَفْرَحُوا۟ بِهَا ۖ وَإِن تَصْبِرُوا۟ وَتَتَّقُوا۟ لَا يَضُرُّكُمْ كَيْدُهُمْ شَيْـًٔا ۗ إِنَّ ٱللَّهَ بِمَا
يَعْمَلُونَ مُحِيطٌ ﴿١٢٠﴾

119-120. Эй мўминлар, огоҳ бўлинглар. Сизлар мана шу яҳудийларни дўст тутасизлар, ваҳоланки, улар сизларни дўст тутмайдилар. Сизлар ҳамма китобларга иймон келтирган бўлсангиз ҳам, улар сизларнинг Ки-тобингизга мункирдирлар. Вақтики сизлар билан мулоқий (юзма-юз) бўлсалар, сизларни алдаб: «Биз ҳам сизларга ўхшаб иймон келтирган-миз», – дейдилар. Вақтики ўз қавмлари билан хилват қилсалар, камоли аччиқларидан (ғазабларидан) бармоқларини тишлайдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга: «Аччиқларингизга чидамасдан ўлинглар!», – деб айтгин. Аллоҳ таоло дилларидаги адоватни билгувчидир. Агар сизларга Худо тарафидан бирор яхшилик келса, улар ёмон ҳолатга тушадилар. Ва агар сизларга Худо тарафидан кулфат келса, ниҳоят даражада хурсанд бўладилар. Агар сизлар бу кулфатларга ва озорларга сабр қилсангизлар ва уларнинг дўстлигидан парҳез қилсангизлар, сизларга уларнинг макр ва ҳийлалари ҳеч вақт зарар етказолмайди. Албатта, Аллоҳ таолонинг илми уларнинг амалларини иҳота қилгандир.

وَإِذْ غَدَوْتَ مِنْ أَهْلِكَ تُبَوِّئُ ٱلْمُؤْمِنِينَ مَقَٰعِدَ لِلْقِتَالِ ۗ وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿١٢١﴾
إِذْ هَمَّت طَّآئِفَتَانِ مِنكُمْ أَن تَفْشَلَا وَٱللَّهُ وَلِيُّهُمَا ۗ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ

ٱلْمُؤْمِنُونَ ﴿١٢٢﴾

121-122. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), эрта билан ўз манзилингдан
Абу Суфённинг лашкарлари билан муқотала (жиҳод) қилиш учун *мўмин-
ларни жанг майдонига тайёрлаш ниятида* мусулмонлар билан маслаҳат
қилишга чиққанингни ёд қил. *Чунки, Абу Суфён Макка мушрикларини
тўплаб, уч минг лашкар билан мусулмонларга муқотала қилиш учун Ма-
дина тарафига келиб тушган эди. Расулуллоҳ Мадинадан чиқмай муқота-*
4 жузъ *ла қилишни хоҳлар эдилар. Ёшлар кўпчилик бўлиб Расулуллоҳни: «Мади-
надан чиқиб, кофирлар билан саҳрода муқотала қиламиз», – деб мажбур
қилдилар. Расулуллоҳ хоҳламасалар-да, Мадинадан чиқдилар. Лашкар Уҳуд
тогининг атрофига тушдилар. Абдуллоҳ ибн Убай бошлиқ мунофиқлар
жамоаси мусулмонлардан жудо бўлиб (ажралиб): «Биз уруш қилмаймиз»,
– дея Мадинага қайтдилар. Уларнинг игволари баъзи тоифа асҳобларга
ҳам таъсир қилди. Улар ҳам қайтишни игво қилдилар.* Аллоҳ таоло улар-
нинг жанжалларини эшитувчи ва ниятларини билгувчи эди. Вақтики
сизлардан икки тоифа (Бану Салама ва Бану Ҳориса қабилалари) ҳам
қайтишга қасд қилдилар, дилларида қўрқоқлик ҳосил бўлди, ваҳоланки,
Аллоҳ таоло бу икки тоифага меҳрибон эди. Уларни шу мунофиқларга
қўшилишдан сақлади. Улар ўз жойларида барқарор қолдилар. Мўминлар
ҳар бир ишида Парвардигорга таваккул қилишлари лозимдир.

وَلَقَدْ نَصَرَكُمُ ٱللَّهُ بِبَدْرٍ وَأَنتُمْ أَذِلَّةٌ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٢٣﴾ إِذْ تَقُولُ
لِلْمُؤْمِنِينَ أَلَن يَكْفِيَكُمْ أَن يُمِدَّكُمْ رَبُّكُم بِثَلَٰثَةِ ءَالَٰفٍ مِّنَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةِ مُنزَلِينَ
﴿١٢٤﴾ بَلَىٰٓ إِن تَصْبِرُوا۟ وَتَتَّقُوا۟ وَيَأْتُوكُم مِّن فَوْرِهِمْ هَٰذَا يُمْدِدْكُمْ رَبُّكُم بِخَمْسَةِ
ءَالَٰفٍ مِّنَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةِ مُسَوِّمِينَ ﴿١٢٥﴾ وَمَا جَعَلَهُ ٱللَّهُ إِلَّا بُشْرَىٰ لَكُمْ وَلِتَطْمَئِنَّ
قُلُوبُكُم بِهِۦ ۗ وَمَا ٱلنَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِندِ ٱللَّهِ ٱلْعَزِيزِ ٱلْحَكِيمِ ﴿١٢٦﴾ لِيَقْطَعَ طَرَفًا مِّنَ
ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَوْ يَكْبِتَهُمْ فَيَنقَلِبُوا۟ خَآئِبِينَ ﴿١٢٧﴾

123-127. Сизларнинг ададларингиз кам ва кофирларнинг наздида ҳақир бўлсангизлар ҳам, ахир Аллоҳ таоло сизларга Бадр урушида зафар берган эди-ку! Бас, мунофиқларга қўшилиб қайтиб кетишдан Худодан қўрқинглар. Шоядки *Худо нусрат берса*, сизлар шукр қилувчилардан бўлсангиз. Ёд қилгил, вақтики Бадр урушида мўминларга: «Оё, сизларга Парвардигор уч минг малоикани нозил қилиб, ёрдам берса, кифоя қилмайдими?», – деб айтар эдинг. Ҳа, агар душман жангида сабр этсангизлар ва Пайғамбарга мухолифлиқдан парҳез қилсангизлар, ўзлари ва отлари белгили бўлган беш минг фаришта билан Парвардигор фавран (дарҳол) сизларга ёрдам беради. Унинг бу ёрдами сизларга хурсандчилик бўлиши ва дилларингиз Худонинг ваъдасига ишониши учундир. Жангларда ҳеч қандай мадад ва

нусрат бўлмайди, магар Аллоҳ таоло тарафидан бўлади. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсада ғолибдир, ҳар (бир) феъли ҳикматлидир. Аллоҳнинг сизларга бундай ёрдам бериши кофирлар жамоасини ҳалок қилиб, улардан жудо этиб ташлаш ёки (кофирларни) заиф ва хор қилиб ташлаш учундир. Токи улар шикаст еб, ноумид бўлиб, жанг майдонидан кетсинлар.

لَيْسَ لَكَ مِنَ ٱلْأَمْرِ شَيْءٌ أَوْ يَتُوبَ عَلَيْهِمْ أَوْ يُعَذِّبَهُمْ فَإِنَّهُمْ ظَٰلِمُونَ ١٢٨

128. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирлар хусусида уларни нестнобуд қилишда, ё Худо тарафидан тавфиқ бериб, ҳидоят қилишда, ё Худойи таоло уларга азоб беришида Сенда ихтиёр йўқ. Худойи таоло хоҳласа, (уларга) азоб беради, чунки улар золимдирлар. Хоҳласа, уларга тавфиқ бериб, ҳидоят қилади. *Чунки кофирлар куфрда давом қилганликлари сабабидан Расулуллоҳ ғам тортиб, дуои бад қилишни истар эдилар. Аллоҳ таоло манъ қилди.* 4 жузъ

وَلِلَّهِ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۚ يَغْفِرُ لِمَن يَشَآءُ وَيُعَذِّبُ مَن يَشَآءُ ۚ
وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ١٢٩

129. Осмонлардаги малоикалар ва ердаги ашёлар Худонинг мулкидир ва бандаларидир. Кимни хоҳласа, мағфират қилади ва кимни хоҳласа, азоб беради. Аллоҳ таоло бандаларининг гуноҳларини кечиргувчи ва меҳрибондир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَأْكُلُوا۟ ٱلرِّبَوٰٓا۟ أَضْعَٰفًا مُّضَٰعَفَةً ۖ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ لَعَلَّكُمْ
تُفْلِحُونَ ١٣٠ وَٱتَّقُوا۟ ٱلنَّارَ ٱلَّتِىٓ أُعِدَّتْ لِلْكَٰفِرِينَ ١٣١ وَأَطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَٱلرَّسُولَ
لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ١٣٢

130-132. Эй мўминлар, судхўрликни тарк қилинглар. Суд (фоиз)дан ҳосил бўлган нарсани (фойдани) устма-уст қилиб еманглар. Рибохўрликда Худодан қўрқинглар. Шоядки Қиёмат куни нажот топурсизлар. *Бу оят шунинг учун нозил бўлдики, жоҳилият замонасида судхўр бойлар камбағалларга судга (фоизга) қарз берар эдилар. Муҳтож бўлса, яна қарз берар эдилар. Бечорани адо қилолмайдиган қарзга ботириб қўйиб, то ўлгунча фоизини олиб ер эдилар. Шундай қилиб, берган қарзларини бир неча баробар қилиб олардилар. Шунинг учун Ҳақ таоло: «Азъофан музоъафатан» (фоизни устама, зиёд қилиб) олиб еманглар», – дейди. Бундан озгина ейиш ҳалол деган маъно англашилмайди.* Эй мўминлар, Худонинг амрини бажо келтиринглар, манъ қилган нарсасидан қайтинглар. Кофирлар учун тайёрланган дўзах ўтидан қўрқинглар. Худо ва Расулининг ҳукмига итоат қилинглар. Шоядки Худонинг раҳматига сазовор бўларсизлар.

۞ وَسَارِعُوٓا۟ إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا ٱلسَّمَٰوَٰتُ وَٱلْأَرْضُ أُعِدَّتْ
لِلْمُتَّقِينَ ١٣٣ ٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ فِى ٱلسَّرَّآءِ وَٱلضَّرَّآءِ وَٱلْكَٰظِمِينَ ٱلْغَيْظَ

وَٱلۡعَافِينَ عَنِ ٱلنَّاسِۗ وَٱللَّهُ يُحِبُّ ٱلۡمُحۡسِنِينَ ١٣٤

133-134. Раббингизнинг мағфиратига лойиқ бўлишга шошилинглар. Ва ҳам кенглиги ер билан осмонча бўлган жаннатга лойиқ бўлишга ошиқинглар. У (жаннат) шундай муттақийларга тайёрланганки, Худо йўлида танглик кунларида бўлсин, ё кенглик кунларида бўлсин, нафақа қиладилар, аччиқларини ютиб, ҳеч кимдан интиқом (ўч) олмайдилар, зулм қилганларни кечирадилар ва яхши амал қилгувчиларни дўст тутадилар.

4 жузъ وَٱلَّذِينَ إِذَا فَعَلُواْ فَٰحِشَةً أَوۡ ظَلَمُوٓاْ أَنفُسَهُمۡ ذَكَرُواْ ٱللَّهَ فَٱسۡتَغۡفَرُواْ لِذُنُوبِهِمۡ
وَمَن يَغۡفِرُ ٱلذُّنُوبَ إِلَّا ٱللَّهُ وَلَمۡ يُصِرُّواْ عَلَىٰ مَا فَعَلُواْ وَهُمۡ يَعۡلَمُونَ ١٣٥
أُوْلَٰٓئِكَ جَزَآؤُهُم مَّغۡفِرَةٞ مِّن رَّبِّهِمۡ وَجَنَّٰتٞ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ خَٰلِدِينَ
فِيهَاۚ وَنِعۡمَ أَجۡرُ ٱلۡعَٰمِلِينَ ١٣٦

135-136. Жамоаларики гуноҳи кабира ё сағира (катта ё кичик гуноҳ) қилиб, ўз нафсларига зулм этган ва қилган гуноҳларида давом этмаган, балки Худонинг уқубатини ёд қилиб, гуноҳларига тавба-истиғфор қилган бўлсалар, Худо уларнинг гуноҳларини кечиради. Бандаларнинг гуноҳларини бир Худодан бошқа ҳеч ким мағфират қилолмаслигини у бандалар билган ҳолда тавба қилганларидан кейин яна гуноҳ қилмаганлар. Уларга Худо тарафидан гуноҳларини кечиш билан мукофот берилади. Ва тагидан анҳорлар жорий бўладиган жаннат ато қилинади. Улар жаннатда доим бўладилар. Яхши амал қилгувчиларнинг ажрлари ниҳоят даражада яхшидир.

قَدۡ خَلَتۡ مِن قَبۡلِكُمۡ سُنَنٞ فَسِيرُواْ فِي ٱلۡأَرۡضِ فَٱنظُرُواْ كَيۡفَ كَانَ عَٰقِبَةُ
ٱلۡمُكَذِّبِينَ ١٣٧

137. Сизлардан аввал кўп умматлар ўтган. Ва у замон аҳллари бошидан кўп воқеалар кечган. Улар ўзларидан сўнг одот ва аъмоллар қолдирганлар. Баъзи ёмон ишларининг сабабидан ҳалок бўлганлар. Бас, ер юзини сайр қилиб, улардан қолган асарларни мушоҳада қилинглар. Бас, назар қилинглар, пайғамбарларни такзиб қилувчи (ёлғонга чиқарувчи)ларнинг оқибати қандай бўлган!

هَٰذَا بَيَانٞ لِّلنَّاسِ وَهُدٗى وَمَوۡعِظَةٞ لِّلۡمُتَّقِينَ ١٣٨

138. Мана шу (Қуръоний) қиссалар халққа ибрат ва муттақийларга панд ва ҳидоят учун баён қилинди.

وَلَا تَهِنُواْ وَلَا تَحۡزَنُواْ وَأَنتُمُ ٱلۡأَعۡلَوۡنَ إِن كُنتُم مُّؤۡمِنِينَ ١٣٩

139. Эй мўминлар, жангларда суст ва қўрқоқ бўлманглар, сизларга шикаст етса, (Уҳуд жангидаги мағлубият каби) ғамгин бўлманглар. Агар иймонларингизда барқарор бўлсангизлар, охир сизлар ғолиб бўласизлар.

إِن يَمۡسَسۡكُمۡ قَرۡحٞ فَقَدۡ مَسَّ ٱلۡقَوۡمَ قَرۡحٞ مِّثۡلُهُۥۚ وَتِلۡكَ ٱلۡأَيَّامُ نُدَاوِلُهَا بَيۡنَ
ٱلنَّاسِ وَلِيَعۡلَمَ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَيَتَّخِذَ مِنكُمۡ شُهَدَآءَۗ وَٱللَّهُ لَا يُحِبُّ
ٱلظَّٰلِمِينَ ١٤٠ وَلِيُمَحِّصَ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَيَمۡحَقَ ٱلۡكَٰفِرِينَ ١٤١

140-141. Эй мўминлар, агар сизларга *Уҳуд урушида* жароҳатлар етган бўлса, *Бадр урушида* кофирларга ҳам шунга ўхшаш жароҳатлар етган эди. Халқ ўртасида бу айёмларни шу тарзда қўлма-қўл айлантириб турамиз, гоҳ (мўмин ва кофирлар) фатҳ ва зафар топади, гоҳ шикаст ва машаққат тортади. Мўминларга шикаст бўлса (етса), бунда Аллоҳ таолонинг ҳикматлари бордир. *Содиқ мўминлар мунофиқлардан ажрайди.* Аллоҳ таоло баъзиларини шаҳодат (шаҳидлик) шарафига мушарраф қилади. Албатта, мўминлар бу мусибатларга сабр қилиб, Аллоҳ таоло фармонидан тажовуз қилмасликлари керак. Аллоҳ ҳаддан тажовуз қилганларни дўст тутмайди. *Ва ҳам айёмларнинг шу тариқа жорий бўлишида кўп ҳикматлар бор.* Агар мўминларга шикаст етса, гуноҳларига каффорат бўлиб, Худо уларни гуноҳларидан тозалайди. Ва агар кофирларга шикаст бўлса, кофирларни нест-нобуд қилади.

4 жузъ

أَمۡ حَسِبۡتُمۡ أَن تَدۡخُلُواْ ٱلۡجَنَّةَ وَلَمَّا يَعۡلَمِ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ جَٰهَدُواْ مِنكُمۡ وَيَعۡلَمَ
ٱلصَّٰبِرِينَ ١٤٢

142. Аллоҳ таоло сизларнинг Худо йўлида жиҳод қилганларингизни, шикаст ва машаққатларига сабр қилган ҳолларингизни муояна қилмасдан туриб, оё, жаннатга дохил бўлишни гумон қиласизларми? *Бундай гумон қилманглар.*

وَلَقَدۡ كُنتُمۡ تَمَنَّوۡنَ ٱلۡمَوۡتَ مِن قَبۡلِ أَن تَلۡقَوۡهُ فَقَدۡ رَأَيۡتُمُوهُ وَأَنتُمۡ تَنظُرُونَ ١٤٣

143. Сизлар уруш ҳолатларининг қаттиқликларини кўрмасдан туриб, шаҳодатни орзу қилар эдингизлар. Кейин шикаст бошларингизга келганда, ниҳоят, даҳшатга тушиб, ҳайронликда қолиб, назар қилар эдингизлар. *Кофирлар тарафидан «Муҳаммад қатл қилинди», — деган овозни эшитганларингиздан сўнг жанг майдонидан Мадина тарафига қочдингизлар.*

وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٞ قَدۡ خَلَتۡ مِن قَبۡلِهِ ٱلرُّسُلُۚ أَفَإِيْن مَّاتَ أَوۡ قُتِلَ ٱنقَلَبۡتُمۡ عَلَىٰٓ
أَعۡقَٰبِكُمۡۚ وَمَن يَنقَلِبۡ عَلَىٰ عَقِبَيۡهِ فَلَن يَضُرَّ ٱللَّهَ شَيۡـٔٗاۗ وَسَيَجۡزِي ٱللَّهُ
ٱلشَّٰكِرِينَ ١٤٤

144. Муҳаммад (алайҳиссалом) Худо тарафидан келган Пайғамбардир. Муҳаммад (алайҳиссалом)дан аввал шунга ўхшаш пайғамбарлар дунёга келиб, ўз вазифаларини бажариб, яна ўлиб кетганлар. Оё, агар Муҳаммад (алайҳиссалом) ўлса ё қатл қилинса, орқаларингизга қайтасизларми? Кимки Худо йўлидан орқага қайтар экан, у феълидан Худога ҳеч қандай зарар

етказолмайди. *Балки ўз нафсига зарар етказади.* Аллоҳ таоло машаққатларга сабр қилиб, Худонинг ҳидоятига шокир бўлган бандаларга яхши ажр беради.

وَمَا كَانَ لِنَفْسٍ أَن تَمُوتَ إِلَّا بِإِذْنِ ٱللَّهِ كِتَٰبًا مُّؤَجَّلًا ۗ وَمَن يُرِدْ ثَوَابَ ٱلدُّنْيَا نُؤْتِهِۦ مِنْهَا وَمَن يُرِدْ ثَوَابَ ٱلْءَاخِرَةِ نُؤْتِهِۦ مِنْهَا ۚ وَسَنَجْزِى ٱلشَّٰكِرِينَ ﴿١٤٥﴾

145. Ҳеч бир нафс (жон)нинг (ўз хоҳиши билан) ўлмоғи мумкин
эмас, магар Худонинг ҳукми билан (ўлур). Бу ўлим Лавҳул Маҳфузда
муайян вақт билан ёзилгандир. То вақти келмагунча ҳеч ким ўлмайди.
4 жузъ Сизлардан ҳар кимки дунё моли учун ғазот қилса, дунё молини унга
муқаррар қиламиз. Сизлардан кимки беҳиштни ният қилиб, жанг қилса,
унга ҳам беҳиштни муқаррар қилиб берамиз. Шокирларнинг амалига
тезлик билан мукофот ато этамиз.

وَكَأَيِّن مِّن نَّبِىٍّ قَٰتَلَ مَعَهُۥ رِبِّيُّونَ كَثِيرٌ فَمَا وَهَنُوا۟ لِمَآ أَصَابَهُمْ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ وَمَا ضَعُفُوا۟ وَمَا ٱسْتَكَانُوا۟ ۗ وَٱللَّهُ يُحِبُّ ٱلصَّٰبِرِينَ ﴿١٤٦﴾ وَمَا كَانَ قَوْلَهُمْ إِلَّآ أَن قَالُوا۟ رَبَّنَا ٱغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَإِسْرَافَنَا فِىٓ أَمْرِنَا وَثَبِّتْ أَقْدَامَنَا وَٱنصُرْنَا عَلَى ٱلْقَوْمِ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿١٤٧﴾ فَـَٔاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ ثَوَابَ ٱلدُّنْيَا وَحُسْنَ ثَوَابِ ٱلْءَاخِرَةِ ۗ وَٱللَّهُ يُحِبُّ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿١٤٨﴾

146-148. Аввалги замонда кўп вақт набийлар билан бирга уларнинг тобелари ва обидлари кофирларга қарши ғазот қилган эдилар. Вақтики уларга мусибат етса, набийлари мақтул (қатл этилган) бўлса, умматлари суст ва заиф бўлмадилар, душманга бўйин эгмадилар. Бу мусибатга сабр қилдилар. Аллоҳ таоло собирларни дўст тутади. Шундай пайтларда бу гуруҳнинг оғизларидан чиққан сўзлари фақат шу эдики: «Эй Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилгил. Бу амалларимизда ҳаддан тажовуз қилган бўлсак, бизни кечиргил. Жанг майдонида қадамларимизни собит қилгил. Кофир қавми билан муқотала қилганимизда бизга мадад бергил». Бас, Аллоҳ таоло у қавмнинг сидқу ниятларига мувофиқ дунёнинг моли ва ғаниматларини ҳам ато қилди ва охиратнинг яхши ажрларини ҳам ато (инъом) этди. Аллоҳ таоло яхши амал қилгувчиларни дўст тутади.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِن تُطِيعُوا۟ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ يَرُدُّوكُمْ عَلَىٰٓ أَعْقَٰبِكُمْ فَتَنقَلِبُوا۟ خَٰسِرِينَ ﴿١٤٩﴾ بَلِ ٱللَّهُ مَوْلَىٰكُمْ ۖ وَهُوَ خَيْرُ ٱلنَّٰصِرِينَ ﴿١٥٠﴾

149-150. Эй мўминлар, агар сизлар кофирларни ўзларингизга дўст билиб, сўзларига итоат қилсангизлар, сизларни яна куфрга қайтарадилар. Шундай ҳолда сизлар дунё ва охиратни қўлдан бериб, оғир зиён кўрганлардан бўласизлар. Сизларнинг (ҳақиқий) дўстингиз Аллоҳ таолодир. Аллоҳ сизларга энг яхши ёрдам берувчилардандир. *Бас, Аллоҳнинг сўзларига итоат қилинглар.*

سَنُلْقِي فِي قُلُوبِ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ٱلرُّعْبَ بِمَآ أَشْرَكُوا۟ بِٱللَّهِ مَا لَمْ يُنَزِّلْ بِهِۦ
سُلْطَٰنًا ۖ وَمَأْوَىٰهُمُ ٱلنَّارُ ۚ وَبِئْسَ مَثْوَى ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٥١﴾

151. Худога ширк келтирганлари сабабли яқинда кофирларнинг дилларига қўрқув соламиз. Бу эътиқодларига ҳеч қандай ҳужжат нозил қилинган эмас. Қиёмат куни уларнинг жойлари дўзахдир. Дўзахда кофирларнинг ётадиган жойлари кўп ёмондир!

وَلَقَدْ صَدَقَكُمُ ٱللَّهُ وَعْدَهُۥٓ إِذْ تَحُسُّونَهُم بِإِذْنِهِۦ ۖ حَتَّىٰٓ إِذَا فَشِلْتُمْ **4 жузъ**
وَتَنَٰزَعْتُمْ فِى ٱلْأَمْرِ وَعَصَيْتُم مِّنۢ بَعْدِ مَآ أَرَىٰكُم مَّا تُحِبُّونَ ۚ مِنكُم مَّن يُرِيدُ
ٱلدُّنْيَا وَمِنكُم مَّن يُرِيدُ ٱلْءَاخِرَةَ ۚ ثُمَّ صَرَفَكُمْ عَنْهُمْ لِيَبْتَلِيَكُمْ ۖ وَلَقَدْ عَفَا
عَنكُمْ ۗ وَٱللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٥٢﴾

152. Албатта, Аллоҳ таоло Уҳуд урушида ўз ваъдасига вафо қилди. Ҳатто, мусулмонлар ғолиб келдилар. Вақтики Худонинг ҳукми билан кофирларни ўлдираётганингизда баддил бўлиб, жанг ишида ўзаро жанжал қилдингизлар ва Расулуллоҳнинг буйруқларини бажармадингизлар, ваҳоланки, сизлар дўст тутган (хоҳлаган) фатҳ зафари (ғалаба)ни Худо сизларга кўрсатгандан кейин сизлардан шу исён содир бўлди. Ҳақиқатда сизлардан баъзиларингиз мол ва ғанимат истайсизлар ва шунинг учун жанг қиласизлар ва сизлардан баъзиларингиз охиратдаги савоб учун ва Парвардигорнинг ризоси учун жанг қилади. Шу исёндан кейин Ҳақ таоло бу мусибатга сабрларингизни маълум қилиш учун сизларни кофирлар устидан ғалаба қилишдан қайтарди. Ва аҳвол билъакс бўлиб (аксига олиб), ўзларингизнинг исёнларингизга биноан шикаст сизларга бўлди. Аллоҳ таоло сизлардан бу жангдан қочганларингизни афв қилди. Аллоҳ таоло мўминларга марҳаматлидир.

۞ إِذْ تُصْعِدُونَ وَلَا تَلْوُۥنَ عَلَىٰٓ أَحَدٍ وَٱلرَّسُولُ يَدْعُوكُمْ فِىٓ أُخْرَىٰكُمْ
فَأَثَٰبَكُمْ غَمًّۢا بِغَمٍّ لِّكَيْلَا تَحْزَنُوا۟ عَلَىٰ مَا فَاتَكُمْ وَلَا مَآ أَصَٰبَكُمْ ۗ وَٱللَّهُ
خَبِيرٌۢ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿١٥٣﴾

153. Вақтики Уҳуд тоғида шикаст еганларингиздан кейин тоғнинг тепасига камоли даҳшатдан қочар эдингизлар, илтифот қилмас эдингизлар, ваҳоланки Расулуллоҳ орқаларингиздан чақирар эди. Сизлар жавоб бермас эдингизлар. Бас, Аллоҳ таоло сизларга ғам устига ғам берди, *яъни, шикаст ейиш ғами, иккинчиси – Расуллоҳнинг қатл этилганлари овозасининг ғами.* Парвардигорнинг бу ғамларни беришлиги сизлар машаққатларга ва мусибатларга одатланишингиз учундир. Кейин қўлларингиздан кетган нарсага ва ҳам етган мусибатларга ғам тортмайсизлар. Аллоҳ таоло қи ган амалларингиздан хабардордир.

ثُمَّ أَنزَلَ عَلَيۡكُم مِّنۢ بَعۡدِ ٱلۡغَمِّ أَمَنَةٗ نُّعَاسٗا يَغۡشَىٰ طَآئِفَةٗ مِّنكُمۡۖ وَطَآئِفَةٞ قَدۡ
أَهَمَّتۡهُمۡ أَنفُسُهُمۡ يَظُنُّونَ بِٱللَّهِ غَيۡرَ ٱلۡحَقِّ ظَنَّ ٱلۡجَٰهِلِيَّةِۖ يَقُولُونَ هَل لَّنَا
مِنَ ٱلۡأَمۡرِ مِن شَيۡءٖۗ قُلۡ إِنَّ ٱلۡأَمۡرَ كُلَّهُۥ لِلَّهِۗ يُخۡفُونَ فِيٓ أَنفُسِهِم مَّا لَا يُبۡدُونَ لَكَۖ
يَقُولُونَ لَوۡ كَانَ لَنَا مِنَ ٱلۡأَمۡرِ شَيۡءٞ مَّا قُتِلۡنَا هَٰهُنَاۗ قُل لَّوۡ كُنتُمۡ فِي بُيُوتِكُمۡ لَبَرَزَ
ٱلَّذِينَ كُتِبَ عَلَيۡهِمُ ٱلۡقَتۡلُ إِلَىٰ مَضَاجِعِهِمۡۖ وَلِيَبۡتَلِيَ ٱللَّهُ مَا فِي صُدُورِكُمۡ
4 жузъ
وَلِيُمَحِّصَ مَا فِي قُلُوبِكُمۡۚ وَٱللَّهُ عَلِيمُۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ١٥٤

154. Аллоҳ таоло бу ғамдан кейин сизларнинг устларингизга роҳатлик уйқуни нозил қилди. Ҳатто сизлардан бир тоифани уйқу қамраб олган эди. *Худонинг уларга бу уйқуни мусаллат (голиб) қилишидан ҳикмати шу эдики, дилларидан гам ва андуҳ кўтарилсин. Ҳазрат Али разиаллоҳу анҳу ҳикоя қилиб айтадиларки: «Жанг майдонида менга уйқу шу даражада гала-ба қилдики, қўлимдан қиличим такроран ерга тушарди, яна қўлимга олардим»*. Бир жамоа мунофиқларнинг ғамлари нафс (жон)ларининг нажотида эди. Ҳатто жоҳилият даврида қилган гумонларига ўхшаш Худонинг шаънига ножоиз гумонлар қилар эдилар, яъни: «Муҳаммаднинг дини ҳаққоний эмас. Ҳақ бўлганда, кофирлар бизнинг устимиздан ғалаба қилмаған бўлар эди». Оё, бизнинг фойдамизга Муҳаммад ваъда қилган фатҳ ва нусрат ва мол ва ғанимат муяссар бўладими? Бу ҳаргиз бўлмайди». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларнинг жавобига айтгил: «Ҳамма амрлар Худонинг ихтиёрида, қандай хоҳласа, шундай қилади. Бу мунофиқлар зоҳир қилолмайдиган сўзларни дилларида махфий тутадилар. Дилларидаги куфрни зоҳир қилолмайдилар». Айтадиларки: «Муҳаммаднинг айтган ваъдалари ҳақ бўлганда эди, бу жанг майдонида мақтул бўлмас эдик». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Агар сизлар ўлимдан қочиб уйларингизга беркиниб ётсангизлар ҳам, азалда кимнинг шаънига (тақдирига) қатл ёзилган бўлса, албатта, у уйидан чиқиб, ўзи қатл бўладиган жойга боради, ўлимдан қочиб қутулолмайди». Эй мўминлар, сизларга бу ғам ва алам етди. Шундан кейин Худо сизларга ором уйқусини берди. Токи Аллоҳ таоло дилларингиздаги Худога ишониш андишасини зоҳир қилиш ва қалбларингиздаги баъзи кудуратларни пок қилиб, ором бериш учун ҳам шундай қилди. Аллоҳ таоло дилларингиздаги хоҳ яхши, хоҳ ёмон асрорни билгувчидир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ تَوَلَّوۡاْ مِنكُمۡ يَوۡمَ ٱلۡتَقَى ٱلۡجَمۡعَانِ إِنَّمَا ٱسۡتَزَلَّهُمُ ٱلشَّيۡطَٰنُ بِبَعۡضِ مَا
كَسَبُواْۖ وَلَقَدۡ عَفَا ٱللَّهُ عَنۡهُمۡۗ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ حَلِيمٞ ١٥٥

155. У гуруҳларки, икки лашкар бир-бири билан мулоқий (юзма-юз) бўлган вақтда сизлардан юз ўгириб қочди. Шайтон уларнинг исёнлари сабабидан иғво қилди. Жанг майдонидан қочишни маъқул кўрсатди. Лекин Аллоҳ таоло бу зиллатни улардан авф қилди. Албатта, Аллоҳ таоло мағфиратли, ҳалийм зотдир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَكُونُوا۟ كَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَقَالُوا۟ لِإِخْوَٰنِهِمْ إِذَا ضَرَبُوا۟ فِى
ٱلْأَرْضِ أَوْ كَانُوا۟ غُزًّى لَّوْ كَانُوا۟ عِندَنَا مَا مَاتُوا۟ وَمَا قُتِلُوا۟ لِيَجْعَلَ ٱللَّهُ ذَٰلِكَ
حَسْرَةً فِى قُلُوبِهِمْ ۗ وَٱللَّهُ يُحْىِۦ وَيُمِيتُ ۗ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ١٥٦ وَلَئِن قُتِلْتُمْ فِى
سَبِيلِ ٱللَّهِ أَوْ مُتُّمْ لَمَغْفِرَةٌ مِّنَ ٱللَّهِ وَرَحْمَةٌ خَيْرٌ مِّمَّا يَجْمَعُونَ ١٥٧ وَلَئِن مُّتُّمْ
أَوْ قُتِلْتُمْ لَإِلَى ٱللَّهِ تُحْشَرُونَ ١٥٨

4 жузъ

156-158. Эй мўминлар, шундай кофирларга ўхшамангларки, ўлиб кетган биродарлари хоҳ сафарга бориб ўлган бўлсинлар ва ё жангда ўлган бўлсинлар, уларнинг ҳолига афсусланиб, айтадиларки: «Агар бизнинг олдимизда бўлганларида, ўлмас эдилар ва у жангда мақтул бўлмас эдилар». Аллоҳ таоло уларнинг бу гумонларини андуҳ ва ғамга айлантириб, дилларида барқарор қилди. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло хоҳласа, тирилтиради, хоҳласа, ўлдиради. Аллоҳ таоло сизларнинг қилган амалларингизга бийно (кўриб тургувчи)дир. Агар Худонинг йўлида ва ё Худонинг ризоси учун қатл қилинсангизлар, Худо сизларни мағфират қилади. Бандаларга Парвардигор томонидан мағфират ва меҳрибонлик етиши уларнинг тўплаган молларидан яхшироқдир. Агар жанг майдонида ўлсангизлар ҳам ё мақтул бўлсангизлар ҳам, Худонинг ҳузурида тўпланасизлар *ва амалларингизга яраша мукофот оласизлар.*

فَبِمَا رَحْمَةٍ مِّنَ ٱللَّهِ لِنتَ لَهُمْ ۖ وَلَوْ كُنتَ فَظًّا غَلِيظَ ٱلْقَلْبِ لَٱنفَضُّوا۟ مِنْ
حَوْلِكَ ۖ فَٱعْفُ عَنْهُمْ وَٱسْتَغْفِرْ لَهُمْ وَشَاوِرْهُمْ فِى ٱلْأَمْرِ ۖ فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى
ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلْمُتَوَكِّلِينَ ١٥٩

159. (Эй Муҳаммад,) Ҳақ таоло Сенинг дилингга раҳмдилликни ато қилган. Сени оламларга раҳмат қилиб яратган. Шунинг учун асҳобларингга мулойимлик қиласан, юмшоқ кўнгилсан ва агар Сен бадхулқ (ёмон хулқли) ва қаттиқсўз бўлганингда эди, асҳобларинг атрофингдан мутафарриқ бўлиб (тарқалиб) кетар эди. Бас, Сен уларнинг камчиликларини кечиргил. Улар учун Парвардигордан кечирим сўрагил. Дунёвий ишларингда улар билан маслаҳат қилгил. Бас, ҳар вақтки бир ишга қасд қилсанг, Худога такя қилгил (таянгил). Аллоҳ Таоло ўзига такя қилувчиларни, албатта, дўст тутади.

إِن يَنصُرْكُمُ ٱللَّهُ فَلَا غَالِبَ لَكُمْ ۖ وَإِن يَخْذُلْكُمْ فَمَن ذَا ٱلَّذِى يَنصُرُكُم مِّنۢ
بَعْدِهِۦ ۗ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ ٱلْمُؤْمِنُونَ ١٦٠

160. Агар Аллоҳ таоло сизларга мадад берса, бас, у ҳолда ҳеч душман сизлардан ғалаба қилолмайди. Ва агар Аллоҳ таоло ёрдам бермасдан, сизларни (ўз ҳолингизга) ташлаб қўйса, сизларга ким ҳам ёрдам берарди? (Ҳеч ким ёрдам беролмайди). Бас, мўминлар ҳар бир ишида Аллоҳ таолога такя қилишлари керак.

وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَن يَغُلَّۚ وَمَن يَغۡلُلۡ يَأۡتِ بِمَا غَلَّ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِۚ ثُمَّ تُوَفَّىٰ كُلُّ
نَفۡسٖ مَّا كَسَبَتۡ وَهُمۡ لَا يُظۡلَمُونَ ﴿١٦١﴾

161. *Расулуллоҳнинг баъзи хешлари (қариндошлари) ғанимат моли тепасида Расулуллоҳдан илтимос қилар эдиларки: «Ғанимат молидан ҳақимиздан ортиқроқ берсангиз». Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилиб айтдики:* «Ғанимат молига хиёнат қилиш, хусусан, набийларга лойиқ эмас Ҳар кимки ғанимат молига хиёнат қилар экан, Қиёмат куни ўша молини
4 жузъ бўйнига ортган ҳолда Маҳшаргоҳда ҳозир бўлади. Сўнгра ҳар бир қилган амалига мувофиқ жазо берилади. Жазодан зарра ҳам кам қилинмайди».

أَفَمَنِ ٱتَّبَعَ رِضۡوَٰنَ ٱللَّهِ كَمَنۢ بَآءَ بِسَخَطٖ مِّنَ ٱللَّهِ وَمَأۡوَىٰهُ جَهَنَّمُۖ وَبِئۡسَ ٱلۡمَصِيرُ
﴿١٦٢﴾ هُمۡ دَرَجَٰتٌ عِندَ ٱللَّهِۗ وَٱللَّهُ بَصِيرُۢ بِمَا يَعۡمَلُونَ ﴿١٦٣﴾

162-163. Ғаниматга хиёнат қилмасдан, Худонинг розилигини истаган шахслар ғаниматга хиёнат қилиб, Худонинг ғазабига учраганлар билан баробар бўладиларми? (Йўқ!) *Ҳаргиз баробар бўлмайдилар.* Хоинларнинг жойи жаҳаннам, уларнинг борадиган жойлари кўп ёмон жойдир. Худонинг ризосига тобе бўлган кишиларга Худонинг наздида улуғ мартабалар бордир. Аллоҳ бандаларининг қилган амалларидан хабардор ва бинодир.

لَقَدۡ مَنَّ ٱللَّهُ عَلَى ٱلۡمُؤۡمِنِينَ إِذۡ بَعَثَ فِيهِمۡ رَسُولٗا مِّنۡ أَنفُسِهِمۡ يَتۡلُواْ عَلَيۡهِمۡ
ءَايَٰتِهِۦ وَيُزَكِّيهِمۡ وَيُعَلِّمُهُمُ ٱلۡكِتَٰبَ وَٱلۡحِكۡمَةَ وَإِن كَانُواْ مِن قَبۡلُ لَفِي
ضَلَٰلٖ مُّبِينٍ ﴿١٦٤﴾

164. Ҳақиқатдан, Аллоҳ таоло мўминларга ўз жамоаларидан расул яъни пайғамбар юбориб, улуғ эҳсон қилди. (Пайғамбар) уларга Худонинг оятларини тиловат қилади, уларни ёмон ахлоқлардан тозалайди, уларга Қуръонни таълим беради, *ҳалол ва ҳаромни билдиради.* У бандалар Расул келмасдан аввал гумроҳ эдилар.

أَوَلَمَّآ أَصَٰبَتۡكُم مُّصِيبَةٞ قَدۡ أَصَبۡتُم مِّثۡلَيۡهَا قُلۡتُمۡ أَنَّىٰ هَٰذَاۖ قُلۡ هُوَ مِنۡ عِندِ
أَنفُسِكُمۡۗ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ ﴿١٦٥﴾ وَمَآ أَصَٰبَكُمۡ يَوۡمَ ٱلۡتَقَى ٱلۡجَمۡعَانِ
فَبِإِذۡنِ ٱللَّهِ وَلِيَعۡلَمَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ﴿١٦٦﴾ وَلِيَعۡلَمَ ٱلَّذِينَ نَافَقُواْۚ وَقِيلَ لَهُمۡ تَعَالَوۡاْ قَٰتِلُواْ
فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ أَوِ ٱدۡفَعُواْۖ قَالُواْ لَوۡ نَعۡلَمُ قِتَالٗا لَّٱتَّبَعۡنَٰكُمۡۗ هُمۡ لِلۡكُفۡرِ يَوۡمَئِذٍ
أَقۡرَبُ مِنۡهُمۡ لِلۡإِيمَٰنِۚ يَقُولُونَ بِأَفۡوَٰهِهِم مَّا لَيۡسَ فِي قُلُوبِهِمۡۚ وَٱللَّهُ أَعۡلَمُ بِمَا
يَكۡتُمُونَ ﴿١٦٧﴾

165-167. Эй мўминлар, *Уҳуд урушида* сизларга мусибатлар ва жароҳатлар етган бўлса, (сизлар ҳам) *Бадр урушида* шунинг баробарида, шу хилда кофирларга мусибат етказдингизлар. Бас, сизлар бу мусибатларга сабр қилишларингиз керак. «Бизга бу мусибат қаердан келди?», – деб айтасизлар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга: «Ўз қилмишларингиздан келди, чунки амрни бажо келтирмадингизлар», – деб жавоб бер. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир. Жанг кунларида сизларга етган ҳар бир жароҳат ва мусибат Худонинг амри билан бўлди. Токи мўминлар мунофиқлардан ажралсин. Вақтики мунофиқларга: «Келинглар, Худо йўлида жанг қилинглар ёки мудофаа қилинглар», – дейилганда, айтадиларки: «Агар бизлар жанг бўлишини ҳақиқатда билганимизда, ҳар қалай сизларга иттибоъ қилган (эргашган) бўлар эдик. Биз «Муҳаммад ўз қариндошлари билан сулҳ қилади», – деб ўйладик ва сизлар ҳам бизнинг маслаҳатимизга бормадингиз». Бу мунофиқлар мусулмонларни майдонда ташлаб кетиб, иймон аҳлидан узоқ бўлиб, куфр аҳлига ёрдам бердилар. Улар дилларида йўқ нарсани оғизлари билан айтадилар, *чунки дилларида мусулмонларга ёрдам бериш йўқ эди*. Лекин оғизларида: «Биз сизлар билан биргамиз», – дер эдилар. Лекин Аллоҳ таоло уларнинг дилларида яширган нифоқларини билгувчидир. 4 жузъ

ٱلَّذِينَ قَالُواْ لِإِخْوَٰنِهِمْ وَقَعَدُواْ لَوْ أَطَاعُونَا مَا قُتِلُواْ ۗ قُلْ فَٱدْرَءُواْ عَنْ أَنفُسِكُمُ ٱلْمَوْتَ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿١٦٨﴾

168. Урушга бормай ўтириб қолган мунофиқлар дўстларининг шаънига айтар эдиларки: «Агар у дўстларимиз бизнинг сўзимизга кириб, урушга бормаганларида эди, қатл бўлмас эдилар». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Агар сизлар ростгўй бўлсангизлар ўзларингизга келган ажални қайтариб кўринглар-чи?!».

وَلَا تَحْسَبَنَّ ٱلَّذِينَ قُتِلُواْ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ أَمْوَٰتًا ۚ بَلْ أَحْيَآءٌ عِندَ رَبِّهِمْ يُرْزَقُونَ ﴿١٦٩﴾ فَرِحِينَ بِمَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ وَيَسْتَبْشِرُونَ بِٱلَّذِينَ لَمْ يَلْحَقُواْ بِهِم مِّنْ خَلْفِهِمْ أَلَّا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿١٧٠﴾ ۞ يَسْتَبْشِرُونَ بِنِعْمَةٍ مِّنَ ٱللَّهِ وَفَضْلٍ وَأَنَّ ٱللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٧١﴾ ٱلَّذِينَ ٱسْتَجَابُواْ لِلَّهِ وَٱلرَّسُولِ مِنۢ بَعْدِ مَآ أَصَابَهُمُ ٱلْقَرْحُ ۚ لِلَّذِينَ أَحْسَنُواْ مِنْهُمْ وَٱتَّقَوْاْ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿١٧٢﴾

169-172. Эй мўминлар, Худонинг йўлида шаҳид бўлганларни ўликлар, деб гумон қилманглар. Балки улар Парвардигорнинг наздида тирик, *доимий ҳаётга етганлардир*. (Уларга) Худо тарафидан ризқ муқаррар қилингандир. Худонинг ато қилган марҳаматига хурсанддирлар. Уларнинг орқасидан келиб лоҳиқ бўлмаган (қўшилмаган, етишмаган) мўминларга: «У зотлар ҳам яқинда шаҳид бўлиб, бизга ато қилинган нозу неъматга ше-

рик бўладилар», – деб башорат қиладилар ва хурсанд бўладилар. Қиёмат куни у бандаларга ҳеч қандай хавф ва андуҳ йўқ. Улар яна Худо тарафидан берилган зиёда неъматларга ҳамда Худо ва Расулининг ҳукмини бажо келтирган мўминларнинг ажрини Аллоҳ таоло зое қилмаслигига хурсандчилик қиладилар. Шундай жароҳатлар етгандан кейин ҳам аҳдларига вафо қилиб, яхши амал қилган зотларга ва Худонинг азобидан қўрққанларга улуғ ажр бордир.

ٱلَّذِينَ قَالَ لَهُمُ ٱلنَّاسُ إِنَّ ٱلنَّاسَ قَدْ جَمَعُوا۟ لَكُمْ فَٱخْشَوْهُمْ فَزَادَهُمْ إِيمَـٰنًا
4 жузъ وَقَالُوا۟ حَسْبُنَا ٱللَّهُ وَنِعْمَ ٱلْوَكِيلُ ﴿١٧٣﴾ فَٱنقَلَبُوا۟ بِنِعْمَةٍ مِّنَ ٱللَّهِ وَفَضْلٍ لَّمْ
يَمْسَسْهُمْ سُوٓءٌ وَٱتَّبَعُوا۟ رِضْوَٰنَ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَظِيمٍ ﴿١٧٤﴾

173-174. Худо ва Расулига ижобат қилганлар (иймон келтирганлар) шундай зотлар эдиларки, уларга *Маккадан тижоратчи тариқасида келган* баъзи мушриклар: «Макка мушриклари сизлар билан яна жанг қилиш учун кўп лашкар йиғиб келмоқдалар, бас, (улардан) қўрқинглар ва уларнинг жангига борманглар», – деб айтганларида, кофирларнинг сўзлари мўминларнинг иймонларини яна ҳам зиёда қилди. Улар кофирларга жавоб бердиларки: «Бизга ёрдам бергувчи Аллоҳ таолонинг Ўзи етади (кифоя қилади), бандаларнинг ишларига Аллоҳ таолонинг Ўзи вакилдир». Бас, бовужуд жароҳатлари бўлса ҳам, шу ҳолда душман тарафига равона бўлдилар. Кофирлар мусулмонларнинг келишларини эшитганларида дилларига қўрқув тушиб, орқаларига қараб қочдилар. Бас, мусулмонлар *бу сафарларида тоғдаги қабилалар билан тижорат қилиб, кўп фойдаланиб, ҳеч қандай машаққат тортмай ва зиён кўрмай*, Худо ва Расулини рози қилиб, уйларига қайтдилар. Аллоҳ таоло улуғ карам соҳибидир.

إِنَّمَا ذَٰلِكُمُ ٱلشَّيْطَـٰنُ يُخَوِّفُ أَوْلِيَآءَهُۥ فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُونِ إِن كُنتُم
مُّؤْمِنِينَ ﴿١٧٥﴾

175. (Албатта), шайтон ана шундай муомала қилиб (васваса солиб), ўз сўзига итоат қилувчи дўстларини қўрқитади. Шундай қилиб, мунофиқларни урушлардан қолдиради. Эй мўминлар, агар ҳақиқатда мўмин бўлсангизлар, шайтон сўзига кириб, кофирлардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар.

وَلَا يَحْزُنكَ ٱلَّذِينَ يُسَـٰرِعُونَ فِى ٱلْكُفْرِ ۚ إِنَّهُمْ لَن يَضُرُّوا۟ ٱللَّهَ شَيْـًٔا ۗ يُرِيدُ ٱللَّهُ أَلَّا
يَجْعَلَ لَهُمْ حَظًّا فِى ٱلْـَٔاخِرَةِ ۖ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١٧٦﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ ٱشْتَرَوُا۟ ٱلْكُفْرَ
بِٱلْإِيمَـٰنِ لَن يَضُرُّوا۟ ٱللَّهَ شَيْـًٔا وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٧٧﴾

176-177. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу мунофиқларнинг куфр аҳлига ёрдам беришлари Сени ғамгин қилмасин. Чунки уларнинг бу ҳара-

катлари Худонинг ҳукмига ҳеч қандай зарар етказолмайди. (Фақат) Аллоҳ таоло Қиёмат куни уларга бирон насиба бўлмаслигини хоҳлайди, балки Қиёмат куни уларга улуғ азоб бордир. Иймон ўрнига куфрни ихтиёр қилган жамоалар Аллоҳ таолонинг иродасига ҳеч қандай зарар етказолмаслар. Қиёмат куни уларга аламли азоб муқаррардир.

وَلَا يَحْسَبَنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَنَّمَا نُمْلِى لَهُمْ خَيْرٌ لِّأَنفُسِهِمْ ۚ إِنَّمَا نُمْلِى لَهُمْ لِيَزْدَادُوٓا۟
إِثْمًا ۚ وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿١٧٨﴾

178. Кофирлар Биз уларга азоб бермасдан, муҳлат бериб қўйганимизни нафсларига (ўзларига) яхшилик деб гумон қилмасинлар. Биз уларга токи гуноҳлари зиёда бўлсин, деб муҳлат берамиз. Қиёмат куни уларга хор қилгувчи азоб тайёрлаб қўйилгандир. 4 жузъ

مَّا كَانَ ٱللَّهُ لِيَذَرَ ٱلْمُؤْمِنِينَ عَلَىٰ مَآ أَنتُمْ عَلَيْهِ حَتَّىٰ يَمِيزَ ٱلْخَبِيثَ مِنَ ٱلطَّيِّبِ ۗ وَمَا
كَانَ ٱللَّهُ لِيُطْلِعَكُمْ عَلَى ٱلْغَيْبِ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ يَجْتَبِى مِن رُّسُلِهِۦ مَن يَشَآءُ ۖ فَـَٔامِنُوا۟
بِٱللَّهِ وَرُسُلِهِۦ ۚ وَإِن تُؤْمِنُوا۟ وَتَتَّقُوا۟ فَلَكُمْ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿١٧٩﴾

179. Эй мунофиқлар, Аллоҳ таоло мўминларни сизларнинг таъналарингизга ва айбларингизга мувофиқ қилиб ташлаб қўймайди. Балки мухлис (ихлосли) мўминларни дунё ва охиратда саодатманд қилиб, сизларга ўхшаш хабис (жирканч, тубан) мунофиқлардан жудо қилади. Бу ҳол Аллоҳ таоло муқаррар қилган сирдир. Аллоҳ таоло сизларни ғайбни билишга қодир қилмади. Бу сирни билмайсизлар. Аллоҳ таоло пайғамбарликка бандаларнинг ичидан хоҳлаганини саралаб (танлаб) олади. Бас, Худога ва Расулига иймон келтиринглар. Агар иймон келтирсангизлар, мунофиқлардан парҳез қилсангизлар, Қиёмат куни сизларга Худо тарафидан улуғ ажр муқаррар бўлади.

وَلَا يَحْسَبَنَّ ٱلَّذِينَ يَبْخَلُونَ بِمَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ هُوَ خَيْرًا لَّهُم ۖ بَلْ هُوَ شَرٌّ
لَّهُمْ ۖ سَيُطَوَّقُونَ مَا بَخِلُوا۟ بِهِۦ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۗ وَلِلَّهِ مِيرَٰثُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۗ وَٱللَّهُ
بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿١٨٠﴾

180. Парвардигорнинг фазл ва карами билан берган молларига бахиллик қилувчилар бу бахилликларини «яхшилик келтиради», – деб ўйламасинлар, (аксинча, бахиллик) ёмонлик келтиради. Қиёмат бўлганда, уларнинг бахиллик билан йиққан моллари *илон суратида* бўйинларига ҳалқа бўлиб ўралади. *Расулуллоҳ саллалоҳу алайҳи ва саллам ҳадиси шарифларида ҳам шундай хабар берганлар:* «Ер ва осмоннинг мероси Худоникидир, охир Худога қолади. *Вақтики шундай экан, Худонинг молига бахиллик қилиш жоиз эмасдир.* Аллоҳ таоло, нима амал қилсангизлар, доно ва хабардордир».

لَّقَدْ سَمِعَ ٱللَّهُ قَوْلَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓا۟ إِنَّ ٱللَّهَ فَقِيرٌ وَنَحْنُ أَغْنِيَآءُ ۘ سَنَكْتُبُ مَا قَالُوا۟

وَقَتۡلَهُمُ ٱلۡأَنۢبِيَآءَ بِغَيۡرِ حَقّٖ وَنَقُولُ ذُوقُواْ عَذَابَ ٱلۡحَرِيقِ ﴿١٨١﴾ ذَٰلِكَ بِمَا قَدَّمَتۡ
أَيۡدِيكُمۡ وَأَنَّ ٱللَّهَ لَيۡسَ بِظَلَّامٖ لِّلۡعَبِيدِ ﴿١٨٢﴾

181-182. *Вақтики* مَّن ذَا ٱلَّذِي يُقۡرِضُ ٱللَّهَ قَرۡضًا حَسَنًا *«Худога ким қарзи ҳасана бериб, Уни қарздор қилиб қўяди» ояти нозил бўлганда, яҳудлар масхара қилиб: «Худо биздан қарз сўраяпти, Худо муҳтож, бизлар бой эканмиз», – деган эканлар.* Аллоҳ таоло уларнинг жавобига айтди: «Аллоҳ таоло фақир ва муҳтождир, бизлар бойлармиз», – деб айтган ўша яҳудларнинг сўзини эшитди. Биз у айтган сўзларини тезлик билан ёзамиз, анбиёларни ноҳақ ўлдирганларини ҳам ёзиб қўямиз. Қиёмат куни уларга айтамизки: «Айтган сўзларингизнинг бадалига қаттиқ куйдирадиган азобни тортинглар. Бу азоб сизларнинг илгари касб қилган амалларингиз эвазигадир. Албатта, Аллоҳ таоло бандаларни ноҳақ азоблаб, зулм қилмайди».

4 жузъ

ٱلَّذِينَ قَالُوٓاْ إِنَّ ٱللَّهَ عَهِدَ إِلَيۡنَآ أَلَّا نُؤۡمِنَ لِرَسُولٍ حَتَّىٰ يَأۡتِيَنَا بِقُرۡبَانٖ
تَأۡكُلُهُ ٱلنَّارُۗ قُلۡ قَدۡ جَآءَكُمۡ رُسُلٞ مِّن قَبۡلِي بِٱلۡبَيِّنَٰتِ وَبِٱلَّذِي قُلۡتُمۡ فَلِمَ
قَتَلۡتُمُوهُمۡ إِن كُنتُمۡ صَٰدِقِينَ ﴿١٨٣﴾ فَإِن كَذَّبُوكَ فَقَدۡ كُذِّبَ رُسُلٞ مِّن قَبۡلِكَ
جَآءُو بِٱلۡبَيِّنَٰتِ وَٱلزُّبُرِ وَٱلۡكِتَٰبِ ٱلۡمُنِيرِ ﴿١٨٤﴾

183-184. Яна Аллоҳ таоло ўша яҳудларнинг: «Аллоҳ таоло биздан ҳеч бир пайғамбарга иймон келтирмаслигимиз тўғрисида аҳд-паймон олган. Қачонки у пайғамбар қурбонлик қилади, осмондан ўт келиб қурбонлигини куйдиради, сўнгра унга иймон келтирамиз», – деган сўзларини эшитди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айттил: «Мендан олдин сизларга Пайғамбар келган эди. Шу талаб қилган мўъжизаларингизни бажарган эди. *Масалан, Закарийё ва Яҳё алайҳимуссаломлар.* Бас, агар сизлар ўз сўзларингизда ростгўй бўлсангизлар, нима учун у зотларни ўлдирдингизлар. Бас, агар яҳудийлар Сени таксиб (ёлғончи) қилсалар, малул (ғамгин) бўлмагин. Улар Сендан аввал ўтган пайғамбарларни ҳам таксиб қилганлар. Пайғамбарлар мўъжизалар, ҳалол ва ҳаромни равшан баён қилувчи китоблар олиб келган эдилар. *Шуларга қарамасдан, уларни* таксиб *қилдилар.*

كُلُّ نَفۡسٖ ذَآئِقَةُ ٱلۡمَوۡتِۗ وَإِنَّمَا تُوَفَّوۡنَ أُجُورَكُمۡ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِۖ فَمَن زُحۡزِحَ
عَنِ ٱلنَّارِ وَأُدۡخِلَ ٱلۡجَنَّةَ فَقَدۡ فَازَۗ وَمَا ٱلۡحَيَوٰةُ ٱلدُّنۡيَآ إِلَّا مَتَٰعُ ٱلۡغُرُورِ ﴿١٨٥﴾
۞لَتُبۡلَوُنَّ فِيٓ أَمۡوَٰلِكُمۡ وَأَنفُسِكُمۡ وَلَتَسۡمَعُنَّ مِنَ ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلۡكِتَٰبَ
مِن قَبۡلِكُمۡ وَمِنَ ٱلَّذِينَ أَشۡرَكُوٓاْ أَذٗى كَثِيرٗاۚ وَإِن تَصۡبِرُواْ وَتَتَّقُواْ فَإِنَّ
ذَٰلِكَ مِنۡ عَزۡمِ ٱلۡأُمُورِ ﴿١٨٦﴾

185-186. Ҳар бир нафс ўлимнинг шарбатини тотгувчидир. Албатта, сизлар қилган амалларингизнинг ажрини кўрасизлар. Ҳар кимки дўзах ўтидан узоқ қилинса ва жаннатга доҳил этилса, бас, у нажот топди ва мақсадига етди. Бу дунёнинг ҳаёти омонат, магар одамга фириб берувчи (алдовчи) матоҳдир. Аллоҳга қасамки, сизлар молларингизнинг зое бўлиши, нафсларингизнинг турли-туман касалга мубтало бўлиши ва яна аҳли китоблардан ва мушриклардан кўп азиятлар чекиш билан синаласизлар. Агар сизлар шу мусибатларга ва азиятларга сабр қилсангизлар, интиқом олишдан парҳез қилсангизлар, бу сабр ва тақволаринг сизларни дин ишида мустаҳкам эканликларингиз нишонасидандир. 4 жузъ

وَإِذْ أَخَذَ ٱللَّهُ مِيثَٰقَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ لَتُبَيِّنُنَّهُۥ لِلنَّاسِ وَلَا تَكْتُمُونَهُۥ فَنَبَذُوهُ
وَرَآءَ ظُهُورِهِمْ وَٱشْتَرَوْا۟ بِهِۦ ثَمَنًا قَلِيلًا ۖ فَبِئْسَ مَا يَشْتَرُونَ ﴿١٨٧﴾

187. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худойи таоло Таврот уламоларидан Тавротда бор мазмунни халққа баён қилишлари ҳақида, Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг наътларини (сифатларини) яширмасликлари тўғрисида аҳд-паймон олганини эсла. Бу яҳудийлар аҳд-паймонга амал қилмасдан, орқаларига ташладилар. Бунинг бадалига озгина дунё моли ҳосил қилдилар. Бу моллари кўп ёмондир, Қиёмат куни азобга сабаб бўлади.

لَا تَحْسَبَنَّ ٱلَّذِينَ يَفْرَحُونَ بِمَآ أَتَوا۟ وَّيُحِبُّونَ أَن يُحْمَدُوا۟ بِمَا لَمْ يَفْعَلُوا۟ فَلَا
تَحْسَبَنَّهُم بِمَفَازَةٍ مِّنَ ٱلْعَذَابِ ۖ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٨٨﴾ وَلِلَّهِ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ ۗ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٨٩﴾

188-189. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у мунофиқлар нотўғри қилган ишларига хурсандлик қиладилар ва қилмаган ишларига мақтов умид қиладилар. Улар азобдан нажот топадилар, деб ўйламагил. Худойи таоло уларга оғир азобни тайёрлаб қўйгандир. Осмонлар мулки ва ер мулки Худоникидир. Аллоҳ таолонинг ҳар бир нарсага қудрати етади.

إِنَّ فِى خَلْقِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَٱخْتِلَٰفِ ٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ لَءَايَٰتٍ لِّأُو۟لِى
ٱلْأَلْبَٰبِ ﴿١٩٠﴾ ٱلَّذِينَ يَذْكُرُونَ ٱللَّهَ قِيَٰمًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمْ وَيَتَفَكَّرُونَ فِى
خَلْقِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هَٰذَا بَٰطِلًا سُبْحَٰنَكَ فَقِنَا عَذَابَ
ٱلنَّارِ ﴿١٩١﴾ رَبَّنَآ إِنَّكَ مَن تُدْخِلِ ٱلنَّارَ فَقَدْ أَخْزَيْتَهُۥ ۖ وَمَا لِلظَّٰلِمِينَ مِنْ أَنصَارٍ
﴿١٩٢﴾ رَّبَّنَآ إِنَّنَا سَمِعْنَا مُنَادِيًا يُنَادِى لِلْإِيمَٰنِ أَنْ ءَامِنُوا۟ بِرَبِّكُمْ فَـَٔامَنَّا ۚ رَبَّنَا
فَٱغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَكَفِّرْ عَنَّا سَيِّـَٔاتِنَا وَتَوَفَّنَا مَعَ ٱلْأَبْرَارِ ﴿١٩٣﴾ رَبَّنَا وَءَاتِنَا مَا
وَعَدتَّنَا عَلَىٰ رُسُلِكَ وَلَا تُخْزِنَا يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۗ إِنَّكَ لَا تُخْلِفُ ٱلْمِيعَادَ ﴿١٩٤﴾

190-194. Албатта, Парвардигор (томонидан) ер ва осмоннинг халқ қилинишида, кеча ва кундузнинг бирин-кетин ҳаракат қилишида Парвардигорнинг бор ва бирлигига оқиллар учун далиллар бордир. У оқил инсонларнинг сифатлари шундайки, Худони ўтирган ҳолда, тик турган ҳолда ва ёнбошлаган ҳолда ёд қиладилар. Ер ва осмоннинг яратилиши ҳақида тафаккур қилиб, (уларни) Худонинг борлигига далил қилиб келтирадилар. Худонинг даргоҳига зори ва тазарру қилиб айтадиларки: «Эй Парвардигор, Сен бу махлуқотни беҳуда халқ қилганинг йўқ. Сен ҳамма нуқсонлардан покдирсан! Лутф ва марҳаматинг билан бизларни дўзах
4 жузъ азобидан сақлагил. Эй Парвадигор, Сен кимни дўзахга дохил қилсанг, бас, албатта уни Маҳшаргоҳда хор ва расво қиласан. Золимларнинг мададкорлари бўлмас. Эй Парвардигор, биз: «Парвардигорингизга иймон келтиринглар», – деб даъват қилган (пайғамбар)нинг нидосини эшитдик. Кейин биз иймон келтирдик. «Энди, эй Парвардигор, гуноҳларимизни мағфират қил ва ёмонликларимизни маҳв этгил! Бизга яхшилар билан (бирга) ўлим насиб қилгил! Эй Парвардигор, бизга расулларинг орқали ваъда қилган нарсаларингни бергил! Қиёмат куни бизни расво қилма! Батаҳқиқ, Сен ваъдага хилоф қилмассан!»

فَٱسْتَجَابَ لَهُمْ رَبُّهُمْ أَنِّى لَآ أُضِيعُ عَمَلَ عَٰمِلٍ مِّنكُم مِّن ذَكَرٍ أَوْ أُنثَىٰ ۖ بَعْضُكُم
مِّنۢ بَعْضٍ ۖ فَٱلَّذِينَ هَاجَرُوا۟ وَأُخْرِجُوا۟ مِن دِيَٰرِهِمْ وَأُوذُوا۟ فِى سَبِيلِى وَقَٰتَلُوا۟
وَقُتِلُوا۟ لَأُكَفِّرَنَّ عَنْهُمْ سَيِّـَٔاتِهِمْ وَلَأُدْخِلَنَّهُمْ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ ثَوَابًا
مِّنْ عِندِ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ عِندَهُۥ حُسْنُ ٱلثَّوَابِ ﴿١٩٥﴾

195. Бас, Аллоҳ таоло уларнинг дуоларини ижобат қилди, яна айтдики: «Сизлардан хотин ё эркак яхши амал қилса, амалларини зое қилмасман. Сизлардан баъзиларингиз баъзиларингиздан туғилгансизлар. Ҳаммаларингиз бир отанинг фарзандисизлар. Қайси қабила бўлсин, яхши амал қилса, ажрини бераман. Ўз ихтиёрларича ҳижрат қилган гуруҳлар, мажбуран ўз диёрларидан чиқарилганлар, Менинг йўлимда озор тортганлар ва мушриклар билан бўлган жангда шаҳид бўлганларнинг, албатта, гуноҳларини мағфират қиламан. Уларни остларидан анҳорлар жорий бўлган (оқиб турган) жаннатга киргизаман». Буларнинг ҳаммаси Худо тарафидан уларга қилинган марҳаматлардир. Чунки Аллоҳнинг наздида тоат қилувчиларга яхши мукофотлар бордир.

لَا يَغُرَّنَّكَ تَقَلُّبُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ فِى ٱلْبِلَٰدِ ﴿١٩٦﴾ مَتَٰعٌ قَلِيلٌ ثُمَّ مَأْوَىٰهُمْ جَهَنَّمُ ۚ
وَبِئْسَ ٱلْمِهَادُ ﴿١٩٧﴾ لَٰكِنِ ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوْا۟ رَبَّهُمْ لَهُمْ جَنَّٰتٌ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ
خَٰلِدِينَ فِيهَا نُزُلًا مِّنْ عِندِ ٱللَّهِ ۗ وَمَا عِندَ ٱللَّهِ خَيْرٌ لِّلْأَبْرَارِ ﴿١٩٨﴾

196-198. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу кофирларнинг тижорат билан шаҳарларга бориб-келиб фойда қилганлари Сенга фириб берма

син (алдамасин) ва афсуслантирмасин. Бу кофирларнинг фойдалари озгина роҳат (арзимас матоҳ)дир. Бас, уларнинг жойлари жаҳаннамдир. Жаҳаннам кўп ёмон жойдир. Лекин аҳли тақволарга ҳамиша роҳат учун остидан анҳорлар оқиб турган жаннат муҳайё қилиб (тайёрлаб) қўйилгандир. Улар у жаннатда доимий қоладилар, роҳатлари ҳам тугамасдир. Худо тарафидан у нозу наъим (неъматлар) муттақийларнинг зиёфати учундир. Албатта, неккорларга (яхши амал қилувчиларга) Худо ҳузуридаги нозу неъматлар бу дунё нозу неъматларидан яхшироқдир.

وَإِنَّ مِنۡ أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِ لَمَن يُؤۡمِنُ بِٱللَّهِ وَمَآ أُنزِلَ إِلَيۡكُمۡ وَمَآ أُنزِلَ إِلَيۡهِمۡ **4 жузъ**
خَٰشِعِينَ لِلَّهِ لَا يَشۡتَرُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ ثَمَنٗا قَلِيلًاۚ أُوْلَٰٓئِكَ لَهُمۡ أَجۡرُهُمۡ عِندَ رَبِّهِمۡۗ
إِنَّ ٱللَّهَ سَرِيعُ ٱلۡحِسَابِ ١٩٩

199. Албатта, баъзи аҳли китоблардан шундай зотлар борки, Худога, Сенга нозил қилинган Қуръонга ва ўзларига нозил қилинган китобларга иймон келтирадилар, ҳамиша Худодан қўрқадилар, китобларидаги оятларни ўзгартириб, бадалига пул олмайдилар. Шундай зотларга Худонинг наздида савоблар муқаррардир. Албатта, Аллоҳ таоло уларнинг ҳисобларини тез ва енгил қилгувчи Зотдир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱصۡبِرُواْ وَصَابِرُواْ وَرَابِطُواْ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ لَعَلَّكُمۡ
تُفۡلِحُونَ ٢٠٠

200. Эй мўминлар, сабр қилинглар, жангда собитқадам бўлинглар. Ҳамиша душман муқобилига тайёр бўлинглар. Худодан қўрқинглар. Шундай қилганларингизда Қиёмат куни нажот топасизлар ва мақсадларингизга етасизлар.

Мадинада нозил бўлган бу сура
4 ***бир юз етмиш олти оятдан иборатдир.***
жузъ

«Нисо» — аёллар деган маънони англатади. Бу сурада кўпинча аёллар, уларнинг жамиятдаги ҳуқуқий ва ижтимоий ўрни ва мавқеи борасида сўз кетгани учун ҳам «Нисо» сураси деб аталган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ ٱتَّقُواْ رَبَّكُمُ ٱلَّذِى خَلَقَكُم مِّن نَّفْسٍ وَٰحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا
وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَآءً وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ ٱلَّذِى تَسَآءَلُونَ بِهِۦ وَٱلْأَرْحَامَ إِنَّ ٱللَّهَ
كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا ﴿١﴾

1. Эй инсонлар, Аллоҳ таолонинг азобидан қўрқинглар. У сизларни танҳо Одам (алайҳиссалом)дан халқ қилди. Одам (алайҳиссалом)нинг аёллари *Момо Ҳаввони* ҳам Одам (алайҳиссалом)дан халқ қилди. Шу икковларидан эркак ва аёллар пайдо қилиб, ер юзига тарқатди. Шундай Зотга исён қилишдан қўрқинглар. Ваҳоланки, ҳожатларингизни шу Зотнинг номи билан талаб қиласизлар. Ва ҳам бир-бирларингиздан меҳр шафқатни ва муҳаббат риштасини узиб қўйишдан қўрқинглар. Чунки ҳаммалариngиз бир отанинг фарзандларисизлар. Албатта, Аллоҳ таоло сизларга нигаҳбон (кузатиб турувчи) ва сақловчидир.

وَءَاتُواْ ٱلْيَتَٰمَىٰٓ أَمْوَٰلَهُمْ وَلَا تَتَبَدَّلُواْ ٱلْخَبِيثَ بِٱلطَّيِّبِ وَلَا تَأْكُلُوٓاْ أَمْوَٰلَهُمْ إِلَىٰٓ
أَمْوَٰلِكُمْ إِنَّهُۥ كَانَ حُوبًا كَبِيرًا ﴿٢﴾

2. *Эй васийлар*, етимлар балоғатга етганда молларини ўзларига беринглар. Ўзларингизнинг ёмон молларингизни етимларнинг яхши, семиз молларига алмаштириб қўйманглар. Уларнинг молларини ўзларингизнинг молларингизга аралаштириб еманглар. Сизларнинг бу хиёнатларингиз Аллоҳнинг наздида улуғ гуноҳдир.

وَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا تُقْسِطُواْ فِى ٱلْيَتَٰمَىٰ فَٱنكِحُواْ مَا طَابَ لَكُم مِّنَ ٱلنِّسَآءِ مَثْنَىٰ

وَثُلَٰثَ وَرُبَٰعَ فَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا تَعْدِلُوا۟ فَوَٰحِدَةً أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُكُمْ ذَٰلِكَ أَدْنَىٰٓ
أَلَّا تَعُولُوا۟ ﴿٣﴾ وَءَاتُوا۟ ٱلنِّسَآءَ صَدُقَٰتِهِنَّ نِحْلَةً فَإِن طِبْنَ لَكُمْ عَن شَىْءٍ مِّنْهُ نَفْسًا
فَكُلُوهُ هَنِيٓـًٔا مَّرِيٓـًٔا ﴿٤﴾

3-4. *Эй васийлар,* агар етимларнинг молини тасарруф қилишда адолат қила олмасликдан қўрқсангизлар, *агар етимлар қизлар бўлса, (сизлар) зинога берилиб кетишдан қўрқсангизлар,* бас, (уларни) никоҳларингизга олинглар. Сизларга ўша етим қизларнинг никоҳи ҳалол бўлса, иккитасига, учтасига ёки тўрттасига уйланишларингиз мумкин. Бас, адолат қила олмасликдан қўрқсангизлар, биттадан ортиқ олманглар. Ё қўлларингизда мулкият тариқасида тасарруф қиладиган канизларингиздан олинглар. Бир озод (ҳур) хотин олиш ва ё батариқи мулкият (мулк сифатида) қўлга киритган чўрингиз билан кифояланиш жабру зулм қилмасликларинг учун яхшироқдир. 4 жузъ

Ислом даври ибтидосида араб жоҳиллари етимларнинг ҳақига, хусусан, етим қизларнинг ҳақларига кўп жабру ситам, хиёнат қилар эдилар. Ҳатто етим қизларнинг молларини олиб қўйиб, ўзларини кўчага ҳайдаб юборишарди. Улар кўчаларда бузилиб (фоҳиша бўлиб) кетар эдилар. Шунинг учун Парвардигор Исломга кирган зотларга бу ишларни манъ қилди. Шунингдек, қодир бўлсангизлар, уларни кўчага ҳайдамасдан, тўрттагача ўз никоҳларингизга олиб, нафақаларини беринглар, бузуқликдан сақлаб қолинглар, деб огоҳлантирди. Хотинларингизнинг маҳрларини (мамнунлик ила) беринглар. Агар хотинлар хурсандчилик билан маҳрларидан кечиб юборсалар, сизларга ҳалол ва тайййиб (покиза ва яхши)дир.

وَلَا تُؤْتُوا۟ ٱلسُّفَهَآءَ أَمْوَٰلَكُمُ ٱلَّتِى جَعَلَ ٱللَّهُ لَكُمْ قِيَٰمًا وَٱرْزُقُوهُمْ فِيهَا وَٱكْسُوهُمْ
وَقُولُوا۟ لَهُمْ قَوْلًا مَّعْرُوفًا ﴿٥﴾ وَٱبْتَلُوا۟ ٱلْيَتَٰمَىٰ حَتَّىٰٓ إِذَا بَلَغُوا۟ ٱلنِّكَاحَ فَإِنْ ءَانَسْتُم
مِّنْهُمْ رُشْدًا فَٱدْفَعُوٓا۟ إِلَيْهِمْ أَمْوَٰلَهُمْ وَلَا تَأْكُلُوهَآ إِسْرَافًا وَبِدَارًا أَن يَكْبَرُوا۟ وَمَن
كَانَ غَنِيًّا فَلْيَسْتَعْفِفْ وَمَن كَانَ فَقِيرًا فَلْيَأْكُلْ بِٱلْمَعْرُوفِ فَإِذَا دَفَعْتُمْ إِلَيْهِمْ
أَمْوَٰلَهُمْ فَأَشْهِدُوا۟ عَلَيْهِمْ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ حَسِيبًا ﴿٦﴾

5-6. Агар етимлар аҳмоқ (ақли заиф), мусриф (исрофкор, балоғатга етмаган) бўлсалар, бу исроф қилувчилар қўлларига молларини бериб қўйманглар. *Эй валийлар,* Аллоҳ таоло сизларни уларнинг молларини тасарруф қилиб, сақлашга муқаррар қилган. Лекин уларнинг кифоф (кифоя) ризқларини шу молларидан бериб туринглар. Уларнинг дилларига яхши сўзлар билан тасалли беринглар. *Айтинглари: «Мол сизларники, мен сақловчиман. Сизлар балоғатга етсангизлар, молни тасарруф қилишга қодир бўлсангизлар, молларингизни ўзларингизга топшираман».* Эй ва-

лийлар, етимлар молларини ўзларига топшириш олдидан ақл ва идрокларини, то балоғатга етгунча молни сақлаб қолиш қобилиятларини синаб кўринглар. Агар балоғатга етгандан кейин уларнинг қобилиятининг (расолигини) билсангизлар, бас, молларини ўзларига топширинглар. Эй валийлар, етимларнинг моллари қўлингизда турганда исроф қилиб, ё катта бўлса (балоғатта етса), қўлимдан олиб қўяди, деб шошилиб еманглар. Сизлар ўз хизматингиз учун шариат муқаррар қилган (белгилаган) миқдорда енглар. Сиздан ҳар кимки ғаний бўлса, бас, у тақво қилсин, емасин. Ҳар кимки муҳтож бўлса, шариат муқаррар қилган миқдорда есин. Вақтики
4 жузъ етимларнинг молини ўзларига топширсангиз, иккита гувоҳ олиб келиб гувоҳ қилинглар. Аллоҳ таоло Қиёмат куни бировнинг молини ножоиз (ноўрин) еганларнинг ҳисобини олишга етарлидир.

لِلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ ٱلْوَٰلِدَانِ وَٱلْأَقْرَبُونَ وَلِلنِّسَآءِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ ٱلْوَٰلِدَانِ وَٱلْأَقْرَبُونَ مِمَّا قَلَّ مِنْهُ أَوْ كَثُرَ نَصِيبًا مَّفْرُوضًا ﴿٧﴾

7. *Жоҳилият даврида арабларнинг одатлари шундай эдики, етимларнинг ота ва оналаридан қолган молларини амакилари ёки тоғалари тасарруф қилиб, кейин ҳам бермас эдилар. Улар: «Бу моллар урушга сарф бўлади, урушга бормаган одамнинг бу молда ҳақи йўқ», — деб ўзлари еб юборар эдилар. Ҳақ таоло ушбу оятни нозил қилди:* «Эрларга ё оз бўлсин, ё кўп бўлсин, ота ва онасидан ва ақраболаридан қолган молда насиба бор. Шунга ўхшаш сағира ва кабира хотинларга ҳам ота-она ва хешларидан қолган молда, у мол ё оз бўлсин, ё кўп бўлсин, мерос тариқасида муқаррар қилинган насибалари бордир. *Мерос тариқасида шариат белгилаб қўйган насибаларини оладилар.*

وَإِذَا حَضَرَ ٱلْقِسْمَةَ أُو۟لُوا۟ ٱلْقُرْبَىٰ وَٱلْيَتَٰمَىٰ وَٱلْمَسَٰكِينُ فَٱرْزُقُوهُم مِّنْهُ وَقُولُوا۟ لَهُمْ قَوْلًا مَّعْرُوفًا ﴿٨﴾

8. Вақтики мерос тақсим қилинган жойда меросда ҳақи йўқ қариндошлар ва етимлар ва муҳтожлар ҳозир бўлиб қолсалар, бас, ўша зотларга ҳам тақсим қилинган молдан эҳсон тариқасида кам-кам беринглар. Агар тақсим қилинадиган мол оз бўлса, яхши сўз билан дилларини хурсанд қилиб юборинглар.

وَلْيَخْشَ ٱلَّذِينَ لَوْ تَرَكُوا۟ مِنْ خَلْفِهِمْ ذُرِّيَّةً ضِعَٰفًا خَافُوا۟ عَلَيْهِمْ فَلْيَتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَلْيَقُولُوا۟ قَوْلًا سَدِيدًا ﴿٩﴾

9. Васийлар қўлларидаги етимларга ёмон муомала қилишдан қўрқсинлар. Уялсинларки, ўзларидан кейин ёш, сағира болаларни қолдириб кетсалар, албатта, улар бошқаларнинг қўлида қолиб, хор ва зое бўладилар. *Шундай фикр қилар эканлар, ўзларининг қарамоғидаги етимларга раҳм қилиб, яхши муомалада бўлишлари керак.* Уларга жабр қилишдан Худодан қўрқишлари керак. Ва уларга гўё ўз фарзандларига муомала қилгандек яхши сўзлар билан муомала қилишлари керак.

إِنَّ ٱلَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَٰلَ ٱلْيَتَٰمَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِى بُطُونِهِمْ نَارًا ۖ
وَسَيَصْلَوْنَ سَعِيرًا ﴿١٠﴾

10. Албатта, етимларнинг молини ножоиз ейдиган васийлар гўёки қоринларига ўт (олов) ейдилар. *Яъни, бундай қилишлари Қиёмат куни дўзах ўтини ейишларига сабаб бўлади.* Ва, албатта, улар (тезда) дўзахга кирадилар.

يُوصِيكُمُ ٱللَّهُ فِىٓ أَوْلَٰدِكُمْ ۖ لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ ٱلْأُنثَيَيْنِ ۚ فَإِن كُنَّ نِسَآءً فَوْقَ 4 жуз
ٱثْنَتَيْنِ فَلَهُنَّ ثُلُثَا مَا تَرَكَ ۖ وَإِن كَانَتْ وَٰحِدَةً فَلَهَا ٱلنِّصْفُ ۚ وَلِأَبَوَيْهِ لِكُلِّ وَٰحِدٍ
مِّنْهُمَا ٱلسُّدُسُ مِمَّا تَرَكَ إِن كَانَ لَهُۥ وَلَدٌ ۚ فَإِن لَّمْ يَكُن لَّهُۥ وَلَدٌ وَوَرِثَهُۥٓ أَبَوَاهُ
فَلِأُمِّهِ ٱلثُّلُثُ ۚ فَإِن كَانَ لَهُۥٓ إِخْوَةٌ فَلِأُمِّهِ ٱلسُّدُسُ ۚ مِنۢ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِى بِهَآ أَوْ
دَيْنٍ ۗ ءَابَآؤُكُمْ وَأَبْنَآؤُكُمْ لَا تَدْرُونَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ لَكُمْ نَفْعًا ۚ فَرِيضَةً مِّنَ ٱللَّهِ ۗ إِنَّ
ٱللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١١﴾

11. Эй мўминлар, Аллоҳ сизларга авлодларингизнинг мероси тўғрисида шу тариқа амр қиладики, эрларга хотинлар насибасининг икки баробари тегади. Маййитнинг авлодлари қиз бўлсалар, иккита ёки иккитадан ортиқ бўлса, уларга моли матрукадан (қолдирилган молдан) учдан икки ҳисса тегади. Ва агар қиз битта бўлса, унга молнинг ярми тегади. Агар маййитнинг боласи бўлса, маййитнинг ота ва онаси ҳаёт экан, ҳар қайсисига олтидан бир ҳисса тегади. Агар маййитнинг боласи бўлмаса, фақат ота ва онаси мерос оладиган бўлса, бас, онасига учдан бир (қисми) тегади қолган икки ҳисса отага қолади. Агар маййитнинг биродарлари (ака-укалари) бўлса, хоҳ ота ва онаси бир, ё ота бир ва ё она бир, бас, бу ҳолатда онасига олтидан бир тегади (қолгани отага тегади). (Бу тақсимотлар) қачонки васият ижро этилгандан ва қарз адо қилингандан сўнг бўлади. Сизлар оталарингиздан ва ўғилларингиздан қайси бирининг фойдаси тегишини билмайсизлар, *чунки фақат Худо билади. Бас, сизлар ўзларингизча баъзиларининг ҳақидан зиёда ё кам беролмайсизлар.* Шунинг учун Аллоҳ ҳар бирларининг (меросдаги) ҳиссаларини муайян қилди ва фарз қилди. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бирларининг меросларини билувчи ва ҳиссаларини (муайян қилиб) ҳукм қилгувчидир.

۞ وَلَكُمْ نِصْفُ مَا تَرَكَ أَزْوَٰجُكُمْ إِن لَّمْ يَكُن لَّهُنَّ وَلَدٌ ۚ فَإِن كَانَ لَهُنَّ
وَلَدٌ فَلَكُمُ ٱلرُّبُعُ مِمَّا تَرَكْنَ ۚ مِنۢ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِينَ بِهَآ أَوْ دَيْنٍ ۚ
وَلَهُنَّ ٱلرُّبُعُ مِمَّا تَرَكْتُمْ إِن لَّمْ يَكُن لَّكُمْ وَلَدٌ ۚ فَإِن كَانَ لَكُمْ وَلَدٌ فَلَهُنَّ
ٱلثُّمُنُ مِمَّا تَرَكْتُم ۚ مِّنۢ بَعْدِ وَصِيَّةٍ تُوصُونَ بِهَآ أَوْ دَيْنٍ ۗ وَإِن كَانَ رَجُلٌ

يُورَثُ كَلَٰلَةً أَوِ ٱمْرَأَةٌ وَلَهُۥٓ أَخٌ أَوْ أُخْتٌ فَلِكُلِّ وَٰحِدٍ مِّنْهُمَا ٱلسُّدُسُ ۚ فَإِن
كَانُوٓا۟ أَكْثَرَ مِن ذَٰلِكَ فَهُمْ شُرَكَآءُ فِى ٱلثُّلُثِ ۚ مِنۢ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصَىٰ بِهَآ أَوْ
دَيْنٍ غَيْرَ مُضَآرٍّ ۚ وَصِيَّةً مِّنَ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَلِيمٌ ﴿١٢﴾

12. Эй эрлар, сизларга хотинларингиз қолдирган матрука (мерос) молидан ярим ҳисса тегади, башартики хотинларингизнинг боласи бўлмаса. Бас, агар хоҳ битта бўлсин, хоҳ кўп бўлсин, хоҳ сиздан бўлсин, хоҳ бошқадан бўлсин, хоҳ ўғил бўлсин, хоҳ қиз, хоҳ ўзи туққан бўлсин, хоҳ набира бўлсин, хотинларингизнинг боласи бўлса, сизларга тўртдан бири тегади. (Бу тақсимот) марҳумларнинг васияти адо қилингандан ва қарзи адо этилгандан сўнг бўлади. Агар сизлардан ҳеч қандай бола бўлмаса, сизлар қолдирган молларингиздан хотинларингизга тўртдан бири тегади. Агар болаларингиз бўлса, бас, у ҳолда моли матрукадан (марҳумнинг) васияти ва қарзи адо қилингандан сўнг хотинларингизга саккиздан бири тегади. Ва агар маййит хоҳ эркак, хоҳ хотин бўлсин, калола бўлса, яъни ота ва онаси бўлмаса ва авлодлари ҳам бўлмаса, агар она бир биродари бўлса ва ё она бир синглиси бўлса, бас, ҳар қайсисига олтидан бир (ҳисса) тегади. Эркак ё хотин бўлсин, бу ҳиссада баробардир. Бас, агар шу она бир биродарлари ё она бир сингиллари кўп бўлса, бу ҳолда (марҳумнинг) ворисларга зарар етказмайдиган тарздаги васияти ва қарзи ижро этилгандан сўнг, ҳаммалари учдан бир ҳиссага шерик бўладилар. Бу ҳукмлар Худо тарафидан муқаррардир. Аллоҳ таоло аҳволларингизни билгувчи ва меҳрибондир.

4 жузъ

تِلْكَ حُدُودُ ٱللَّهِ ۚ وَمَن يُطِعِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ يُدْخِلْهُ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن
تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا ۚ وَذَٰلِكَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿١٣﴾

13. Ушбу етимларнинг муқаддам ўтган ҳуқуқи ва меросларнинг тақсими – Худо муайян қилиб қўйган ҳукмлардир. Ундан тажовуз қилманглар. Ҳар кимки шу ҳукмларга итоат этар экан, Аллоҳ таоло у кишини тагидан анҳорлар оқиб турган жаннатга киргизади. Улар доим у жаннатда бўладилар. Бу иноят Аллоҳ таоло тарафидан улуғ зафардир.

وَمَن يَعْصِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُۥ يُدْخِلْهُ نَارًا خَٰلِدًا فِيهَا وَلَهُۥ
عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿١٤﴾

14. Ҳар кимки Худо ва Расулига осий бўлар экан, бу ҳукмларни бажо келтирмас экан, Аллоҳ таоло уни дўзахга дохил қилади. У дўзахда абадий қолади. Унга Қиёмат куни оғир азоб бордир.

وَٱلَّٰتِى يَأْتِينَ ٱلْفَٰحِشَةَ مِن نِّسَآئِكُمْ فَٱسْتَشْهِدُوا۟ عَلَيْهِنَّ أَرْبَعَةً مِّنكُمْ ۖ
فَإِن شَهِدُوا۟ فَأَمْسِكُوهُنَّ فِى ٱلْبُيُوتِ حَتَّىٰ يَتَوَفَّىٰهُنَّ ٱلْمَوْتُ أَوْ يَجْعَلَ ٱللَّهُ لَهُنَّ

سَبِيلًا ﴿١٥﴾ وَٱلَّذَانِ يَأْتِيَٰنِهَا مِنكُمْ فَـَٔاذُوهُمَا ۖ فَإِن تَابَا وَأَصْلَحَا فَأَعْرِضُوا۟
عَنْهُمَآ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ تَوَّابًا رَّحِيمًا ﴿١٦﴾

15-16. *Эй эркаклар,* сизларнинг хотинларингиздан бирортаси зино қилса, уларнинг зинокорлигига оқил, озод ва болиғ эрлардан тўрт кишини гувоҳ қилинглар. *Эй шариат ҳокимлари,* агар бу тўрт киши гувоҳлик берсалар, бу хотинларни то ажаллари етиб, бу дунёдан кетгунча ё Худойи таоло уларга бирон нажот йўлини очиб бергунча уйга қамаб сақланглар (ҳибс этинглар). *Бу оятнинг ҳукми «Нур» сурасидаги тошбўрон қилиш* 4 жузъ
ёки юз дарра уриш ояти билан мансухдир. Ва агар сизлардан қиз ва жувонларингиз шу (қабиҳ) ишни (зинони) қилар бўлсалар, бас, уларга азият беринглар, тил билан маломат қилинглар ва қўл билан уринглар. Бас, агар тавба қилсалар ва ахлоқларини тузатсалар, уларга азият беришдан қўлларингизни тортинглар. Албатта, Аллоҳ таоло тавбаларни қабул қилгувчи ва бандаларга меҳрибондир. *Бу оят ҳам «Нур» сурасидаги оят билан мансух бўлди.*

إِنَّمَا ٱلتَّوْبَةُ عَلَى ٱللَّهِ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ ٱلسُّوٓءَ بِجَهَٰلَةٍ ثُمَّ يَتُوبُونَ مِن قَرِيبٍ
فَأُو۟لَٰٓئِكَ يَتُوبُ ٱللَّهُ عَلَيْهِمْ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١٧﴾ وَلَيْسَتِ ٱلتَّوْبَةُ
لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ ٱلسَّيِّـَٔاتِ حَتَّىٰٓ إِذَا حَضَرَ أَحَدَهُمُ ٱلْمَوْتُ قَالَ إِنِّى تُبْتُ
ٱلْـَٔـٰنَ وَلَا ٱلَّذِينَ يَمُوتُونَ وَهُمْ كُفَّارٌ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ أَعْتَدْنَا لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٨﴾

17-18. Худо тарафидан шундай одамнинг тавбалари қабул бўладики, улар илмсизлик орқасидан (жоҳиллик билан) гуноҳ қиладилар, сўнгра оз замон ўтгандан кейин (дарҳол) пушаймон бўлиб, тавба қиладилар, *яъни, ўлим аломатлари зоҳир бўлмасдан туриб, тавба қиладилар.* Бас, Аллоҳ таоло уларнинг тавбасини қабул қилади. Аллоҳ таоло ундай бандаларнинг ҳолини билгувчидир, амалларига қараб ҳукм қилгувчидир. Гуноҳ қилишда давом этган одамларнинг тавбасини қабул қилмайди. Уларга вақтики ўлим аломати зоҳир бўлса: «Энди мен тавба қилдим», – дейдилар. У одамларнинг тавбалари қабул бўлмас, охирги дамда кофирлик билан кетади. Бас, Қиёмат куни ундай гуруҳларга қаттиқ азоблар тайёр қилиб қўйилган.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا يَحِلُّ لَكُمْ أَن تَرِثُوا۟ ٱلنِّسَآءَ كَرْهًا ۖ وَلَا تَعْضُلُوهُنَّ
لِتَذْهَبُوا۟ بِبَعْضِ مَآ ءَاتَيْتُمُوهُنَّ إِلَّآ أَن يَأْتِينَ بِفَٰحِشَةٍ مُّبَيِّنَةٍ ۚ وَعَاشِرُوهُنَّ
بِٱلْمَعْرُوفِ ۚ فَإِن كَرِهْتُمُوهُنَّ فَعَسَىٰٓ أَن تَكْرَهُوا۟ شَيْـًٔا وَيَجْعَلَ ٱللَّهُ فِيهِ خَيْرًا
كَثِيرًا ﴿١٩﴾

19. Эй мўминлар, сизларга хотинларнинг меросини жабран олиб емоқларинг ҳалол эмас. Хотинларингиздан берган маҳрларингизни қайтариб

олиш учун уларни (мажбуран) бошқа эрга тегишдан манъ қилиб турманглар. *Арабларда шундай қоида бор эдики, хотинларга ота ва онасидан теккан меросни ўзларига бермасдан, жабран ер эдилар. Хотинлар хоҳламасалар-да, уларни уйларида мажбуран сақлар, талоқ қилмас, ҳуқуқларини адо ҳам этмас эдилар. У бечора эрининг берган маҳрларини ва бошқа берган нарсаларини қайтариб, хулъ қилишга мажбур бўлар эди. Аллоҳ таоло мўминларни ушбу ёмон феълллардан манъ қилди. Магар хотинларингиз очиқ суратда зинокор бўлса, бу суратда берган маҳрларингизни қайтариб олсангизлар бўлади.* Агар хотинларингиз афифа (покдоман) бўлсалар, улар билан яхши яшанглар, *ширинсўз ва хушфеъл бўлинглар.* Шариатга мувофиқ
4 жузъ ҳуқуқларини адо этинглар. Бас, агар хотинларингизни ёмон кўрсангизлар, сабр қилинглар. Сизлар кўп нарсани ёмон кўрасизлар, ваҳоланки, Аллоҳ таоло ўша нарсада хайр ва баракот муқаррар қилгандир.

وَإِنۡ أَرَدتُّمُ ٱسۡتِبۡدَالَ زَوۡجٖ مَّكَانَ زَوۡجٖ وَءَاتَيۡتُمۡ إِحۡدَىٰهُنَّ قِنطَارٗا فَلَا
تَأۡخُذُواْ مِنۡهُ شَيۡـًٔاۚ أَتَأۡخُذُونَهُۥ بُهۡتَٰنٗا وَإِثۡمٗا مُّبِينٗا ﴿٢٠﴾ وَكَيۡفَ تَأۡخُذُونَهُۥ وَقَدۡ
أَفۡضَىٰ بَعۡضُكُمۡ إِلَىٰ بَعۡضٖ وَأَخَذۡنَ مِنكُم مِّيثَٰقًا غَلِيظٗا ﴿٢١﴾

20-21. Агар сизлар хотинларингиздан бирон сабаб билан жудо бўлиб, ўрнига бошқа хотин олишни истасангизлар, талоқ қилишларингиз мумкин, лекин унга маҳр тариқасида кўп ё оз мол берган бўлсангизлар ҳам, уни қайтариб олманглар. Ё берилган маҳрни бўҳтон ва гуноҳ билан қайтариб оласизларми? *Яъни, хотинингизга «ёмон йўлга юрдинг», — деб, у бечорага бўҳтон қиласизларми ёки очиқ гуноҳга қўл уриб, қўлидан молни қайтариб оласизларми? Яъни: «Маҳрни бошқалардан қарз олган эдим», — деб ёлгон гувоҳ келтириб олмоқчимисизлар?* Қандай қилиб маҳрни қайтариб оласизлар? Ваҳоланки, ўрталарингизда хилвати саҳиҳа бўлган; ийжоб ва қабул билан ўрталарингизда мустаҳкам аҳд бўлгандир.

وَلَا تَنكِحُواْ مَا نَكَحَ ءَابَآؤُكُم مِّنَ ٱلنِّسَآءِ إِلَّا مَا قَدۡ سَلَفَۚ إِنَّهُۥ كَانَ
فَٰحِشَةٗ وَمَقۡتٗا وَسَآءَ سَبِيلًا ﴿٢٢﴾

22. *Исломдан илгари араб жоҳиллари оталари никоҳларига олиб, қўйиб юборган хотинни ўғиллари олар эди. Худойи таоло бу феълни ушбу оят билан манъ қилди:* «Оталарингиз никоҳларига олган аёлни сизлар олманглар. Магар жоҳилият даврида — Исломдан илгари шу феъл сизлардан содир бўлган бўлса, Худо кечиради. Албатта, бу феъл ёмон феълдир. Худонинг ғазабига сабаб бўлади. Ва бу йўл ниҳоятда ёмон йўлдир. Бу йўлга юрманглар».

حُرِّمَتۡ عَلَيۡكُمۡ أُمَّهَٰتُكُمۡ وَبَنَاتُكُمۡ وَأَخَوَٰتُكُمۡ وَعَمَّٰتُكُمۡ وَخَٰلَٰتُكُمۡ وَبَنَاتُ
ٱلۡأَخِ وَبَنَاتُ ٱلۡأُخۡتِ وَأُمَّهَٰتُكُمُ ٱلَّٰتِيٓ أَرۡضَعۡنَكُمۡ وَأَخَوَٰتُكُم مِّنَ
ٱلرَّضَٰعَةِ وَأُمَّهَٰتُ نِسَآئِكُمۡ وَرَبَٰٓئِبُكُمُ ٱلَّٰتِي فِي حُجُورِكُم مِّن نِّسَآئِكُمُ ٱلَّٰتِي

دَخَلْتُم بِهِنَّ فَإِن لَّمْ تَكُونُوا۟ دَخَلْتُم بِهِنَّ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ وَحَلَٰٓئِلُ
أَبْنَآئِكُمُ ٱلَّذِينَ مِنْ أَصْلَٰبِكُمْ وَأَن تَجْمَعُوا۟ بَيْنَ ٱلْأُخْتَيْنِ إِلَّا مَا قَدْ
سَلَفَ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٢٣﴾

23. Сизларга оналарингиз ва момоларингизнинг никоҳи, қиз ва набираларингизнинг никоҳи, ҳамшираларингизнинг (опа-сингил), хоҳ ота ва она бир бўлсин, ё ота бир, она бошқа бўлсин, ё она бир, ота бошқа бўлсин ва аммаларингизнинг никоҳлари, хоҳ отангиз билан она ва ота бир бўл- 5 жузъ
син ё ота бир она бошқа ва ё она бир, ота бошқа бўлсин, ҳар суратда уларнинг никоҳлари ҳаром қилинди. Ва ҳам холангизнинг никоҳи, хоҳ онангиз билан бир ота ва бир онадан бўлсин, ё ота бир, она бошқа, ё она бир ота бошқа бўлсин, ҳаром қилинди. Ва ака ва укаларингизнинг (юқорида айтилганидек, уч суратда ҳам databirодар бўлсалар), қизлари ва разои (эмизган) оналарингизнинг никоҳи, унинг оналари, момолари, ва разои отанинг оналари ва разои ҳамшираларингиз (эмишган опа-сингил) никоҳи ҳаром қилинди. Ва хотинларингизнинг оналари (қайноналарингиз)нинг никоҳи, хоҳ оналари насабий (туққан) бўлсин, хоҳ разои (эмишган) бўлсин, сиз мубошарат қилган (жинсий алоқа қилган) хотинларингизнинг раббия (тарбиянгизда бўлган) қизлари ҳаром қилинди. Ва агар мубошарат қилмаган хотин билан (талоқ қилиб) ажрашган бўлсангиз, олдинги эридан бўлган қизини никоҳингизга олсангиз, гуноҳ эмас. Ва ҳам ўз сулбингиздан бўлган ўғилларингиз хотинларининг никоҳи ҳаромдир. Агар сизнинг пушти камарингиздан бўлмаган фараз (асранди) ўғил бўлса, унинг хотинини олишингиз мумкин. Шунингдек, сизларга иккита ҳамшира (опа-сингил) қизни никоҳингизда жам қилиш (яъни, бирини талоқ қилмасдан, иккинчисига ҳам уйланиш) ҳаром қилинди. Магар Исломдан аввал (опа-сингилга) ношаръий уйланган бўлсангиз, Худо афв этади. Аллоҳ таоло Исломга кирмасингиздан аввал қилган амалларингизни кечиргувчидир. Бандаларга меҳрибондир.

БЕШИНЧИ ЖУЗЪ

۞ وَٱلْمُحْصَنَٰتُ مِنَ ٱلنِّسَآءِ إِلَّا مَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُكُمْ ۖ كِتَٰبَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ ۚ وَأُحِلَّ
لَكُم مَّا وَرَآءَ ذَٰلِكُمْ أَن تَبْتَغُوا۟ بِأَمْوَٰلِكُم مُّحْصِنِينَ غَيْرَ مُسَٰفِحِينَ ۚ فَمَا
ٱسْتَمْتَعْتُم بِهِۦ مِنْهُنَّ فَـَٔاتُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ فَرِيضَةً ۚ وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِيمَا
تَرَٰضَيْتُم بِهِۦ مِنۢ بَعْدِ ٱلْفَرِيضَةِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿٢٤﴾

24. Сизларга эри бор хотинлар ҳам ҳаром қилинди, магар уларга молик бўлсангиз, яъни, ғазотдан (урушдан) асир қилиб олинган хотинлар (чўрилар)га молик бўлганингиздан сўнг уларнинг мубошарати (жимоъи)

сизларга ҳалол қилинди. Худойи таоло сизларга бу ҳукмларни ёзиб, амал қилишни маълум этди. Амал қилинглар. Ушбу ҳаром қилинган аёллардан бошқаси ҳалол қилинди. Токи сизлар хотинларга молларингиздан маҳрларини бериб, никоҳларингизга олсангизлар, жоиздир. *Шу тариқаки, батариқи шаръий (шариатга мувофиқ) бўлсин. Батариқи шаръий бўлмаса, зино ҳисобланади.* Вақтики хотинларингиздан фойдаланасизлар, Худо тарафидан фарз қилинган маҳрларини беринглар. Маҳр муқаррар қилингандан сўнг ўз ризоларингиз билан (яъни, келишиб, хотиннинг хоҳишига кўра) ё кам қиласизлар, ё кўп қиласизлар, ё кечиб юборасизлар – ихтиёр
5 жузъ сизларда. Бунда ҳеч бир гуноҳ йўқ. Аллоҳ таоло *бандаларнинг қилмишларига* донодир ва *никоҳ ишларида (аҳкомларида)* ҳукм қилгувчидир.

وَمَن لَّمْ يَسْتَطِعْ مِنكُمْ طَوْلًا أَن يَنكِحَ ٱلْمُحْصَنَٰتِ ٱلْمُؤْمِنَٰتِ فَمِن مَّا
مَلَكَتْ أَيْمَٰنُكُم مِّن فَتَيَٰتِكُمُ ٱلْمُؤْمِنَٰتِ ۚ وَٱللَّهُ أَعْلَمُ بِإِيمَٰنِكُم ۚ بَعْضُكُم مِّنۢ
بَعْضٍ ۚ فَٱنكِحُوهُنَّ بِإِذْنِ أَهْلِهِنَّ وَءَاتُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ بِٱلْمَعْرُوفِ مُحْصَنَٰتٍ
غَيْرَ مُسَٰفِحَٰتٍ وَلَا مُتَّخِذَٰتِ أَخْدَانٍ ۚ فَإِذَآ أُحْصِنَّ فَإِنْ أَتَيْنَ بِفَٰحِشَةٍ
فَعَلَيْهِنَّ نِصْفُ مَا عَلَى ٱلْمُحْصَنَٰتِ مِنَ ٱلْعَذَابِ ۚ ذَٰلِكَ لِمَنْ خَشِىَ ٱلْعَنَتَ
مِنكُمْ ۚ وَأَن تَصْبِرُوا۟ خَيْرٌ لَّكُمْ ۗ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٢٥﴾

25. Агар озод мўмина хотин олишга кучингиз етмаса, қўлингизда бўлган мўмина канизлар(дан бири)ни (никоҳингизга) олсангиз бўлаверади. Аллоҳ таоло дилларингиздаги иймондан доно (хабардор)дир. *Шариати аҳкомияга зоҳирдаги иқрорларингиз кифоя қилади. Насабларингиздан фахрланиб, каниз хотин олишдан ибо қилманглар.* Баъзиларингиз баъзиларингиздан пайдо бўлгансиз. *Балки ҳаммаларингиз Ҳазрати Одам авлодларисизлар.* Бас, эгалари (хожалари)нинг рухсати билан канизларни никоҳларингизга олинглар. Уларга маҳрларини яхшилик билан беринглар. Маҳрларини ҳам моликларининг изни билан беринглар. Лекин шу (сиз никоҳингизга олган) канизлар покдоман бўлсин, зония (зинокор) бўлмасин ва на махфий тарзда ўзларига дўстлар (ўйнаш, жазман) пайдо қилмаган бўлсин. Бас, ҳар вақтики канизлар эр қилгандан сўнг, агар зино қилсалар, шоҳидлар қоим бўлса (гувоҳлар ҳозир бўлса), уларга ҳур хотинларга бериладиган жазонинг ярми вожиб бўлади, *яъни, эллик дарра урилади.* Бехотинликдан машаққат тортадиган ва зинога муртакиб бўлишдан (зинони содир қилишдан) қўрқадиган кишиларга ушбу канизлардан хотин олмоқ жоиздир. Каниз хотин олишдан кўра то ҳур хотин муяссар бўлгунча сабр қилиб тўхтаб турсангизлар, ўзларингизга яхшироқ эди. *Болаларингизнинг насаби ҳам тоза бўлар эди.* Албатта, Аллоҳ таоло хатоларингизни кечиргувчи, сизларга меҳрибондир.

يُرِيدُ ٱللَّهُ لِيُبَيِّنَ لَكُمْ وَيَهْدِيَكُمْ سُنَنَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ وَيَتُوبَ عَلَيْكُمْ ۗ وَٱللَّهُ
عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٢٦﴾ وَٱللَّهُ يُرِيدُ أَن يَتُوبَ عَلَيْكُمْ وَيُرِيدُ ٱلَّذِينَ يَتَّبِعُونَ

ٱلشَّهَوَٰتِ أَن تَمِيلُواْ مَيۡلًا عَظِيمًا ﴿٢٧﴾ يُرِيدُ ٱللَّهُ أَن يُخَفِّفَ عَنكُمۡۚ وَخُلِقَ ٱلۡإِنسَٰنُ
ضَعِيفًا ﴿٢٨﴾

26-28. Аллоҳ таоло сизларга ҳалол ва ҳаромни баён қилишни, сизларни илгариги ўтган (Ҳазрати) Иброҳимга тобе бўлган умматларнинг йўлларига ҳидоят қилишни ва ҳам сизларнинг хатоларингизни кечиришни хоҳлайди. Аллоҳ таоло сизларнинг маслаҳатларингизни яхши билади ва у яхши ишларга ҳукм қилгувчидир. Аллоҳ таоло сизларнинг тавбаларингизни қабул қилишни хоҳлайди. Лекин сизлардан (баъзи) бир гуруҳлар 5 жузъ
борки, нафсоний шаҳватга юргувчилардир. Улар ҳидоят йўлидан бутунлай гумроҳлик йўлига майл қилишингизни истайдилар. Аллоҳ таоло сизларга енгилликни ирода қилади. Чунки инсон заиф ва ожиз халқ қилингандир. *Оғир таклифларни бажара олмайди.*

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَأۡكُلُوٓاْ أَمۡوَٰلَكُم بَيۡنَكُم بِٱلۡبَٰطِلِ إِلَّآ أَن
تَكُونَ تِجَٰرَةً عَن تَرَاضٖ مِّنكُمۡۚ وَلَا تَقۡتُلُوٓاْ أَنفُسَكُمۡۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِكُمۡ
رَحِيمٗا ﴿٢٩﴾ وَمَن يَفۡعَلۡ ذَٰلِكَ عُدۡوَٰنٗا وَظُلۡمٗا فَسَوۡفَ نُصۡلِيهِ نَارٗاۚ وَكَانَ
ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرًا ﴿٣٠﴾

29-30. Эй мўминлар, ўрталарингиздаги бир-бирларингизнинг молларингизни ҳаром йўл билан: *масалан, ўғирлаб, ё қиморбозлик қилиб, ёки тортиб олиб, ёки судхўрлик қилиб* еманглар. Магар тижорат тариқасида икки тарафнинг розиликлари билан бўлса, мол-дунёга эга бўлсангиз, жоиздир. Эй мўминлар, ушбу ҳаромларга муртакиб (машғул) бўлиб, нафсларингизни ҳалокатга солманглар. Албатта, Аллоҳ таоло сизларга меҳрибондир. Сизлардан ҳар кимки ҳаддидан тажовуз қилиб, ушбу манъ қилинган нарсаларга муртакиб (машғул) бўлар экан, яқинда Биз уларни дўзахга киргизурмиз. Бу иш Аллоҳ таологa осондир.

إِن تَجۡتَنِبُواْ كَبَآئِرَ مَا تُنۡهَوۡنَ عَنۡهُ نُكَفِّرۡ عَنكُمۡ سَيِّـَٔاتِكُمۡ وَنُدۡخِلۡكُم مُّدۡخَلٗا
كَرِيمٗا ﴿٣١﴾

31. Эй мўминлар, агар сизлар манъ қилинган катта гуноҳлардан парҳез қилсангизлар, кичик гуноҳларингизни кечирамиз. Ва ҳам сизларни ҳурмат билан муаззаз (азиз бўлган) бир мақомга (жаннатга) киргизамиз.

وَلَا تَتَمَنَّوۡاْ مَا فَضَّلَ ٱللَّهُ بِهِۦ بَعۡضَكُمۡ عَلَىٰ بَعۡضٖۚ لِّلرِّجَالِ نَصِيبٞ مِّمَّا
ٱكۡتَسَبُواْۖ وَلِلنِّسَآءِ نَصِيبٞ مِّمَّا ٱكۡتَسَبۡنَۚ وَسۡـَٔلُواْ ٱللَّهَ مِن فَضۡلِهِۦٓۚ إِنَّ ٱللَّهَ
كَانَ بِكُلِّ شَيۡءٍ عَلِيمٗا ﴿٣٢﴾

32. Эй мўминлар, Худо баъзиларингиздан баъзиларга зиёда фазилатлар берган бўлса, ҳасрат-адоват билан уни орзу қилманглар. Эркакларга ҳам касб қилган нарсаларида Худо тарафидан муқаррар қилинган насибалари бор ва аёлларга ҳам касб қилган нарсаларида Худо тарафидан тақдир қилинган насибалари бор. Ҳақ таоло ўз ҳикмати ва тадбири билан ҳар кимга лойиқ ризқни муқаддар қилган. *Лозим шуки, бир кишининг кўп молини кўриб, ҳасад қилмаслик керак.* Бировнинг қўлидаги нарсага тамаъ қилмасдан, Худонинг фазл ва марҳаматини сўранглар. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар кимга лойиқ (насиба, ризқ) тақсим қилишга донодир.

5 жузъ

وَلِكُلٍّ جَعَلْنَا مَوَٰلِيَ مِمَّا تَرَكَ ٱلْوَٰلِدَانِ وَٱلْأَقْرَبُونَ ۚ وَٱلَّذِينَ عَقَدَتْ
أَيْمَٰنُكُمْ فَـَٔاتُوهُمْ نَصِيبَهُمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدًا ﴿٣٣﴾

33. Сизлардан ҳар бирларингизни ота ва она ва хеш-ақраболарингиз қолдириб кетган молга меросхўр хаақ қилганмиз. Ва бир-бирларингиз билан аҳд-паймон қилган бўлсангиз, бас, уларнинг ҳақларини адо этинглар.

Арабларда Исломдан аввал бир-бири билан аҳд қилиб, қўл олишиб қасамёд қилиш одати бор эди. Бу одат шу мазмунда бўлардики, бир-бирларига айтар эдилар: «Душманингга душман ва дўстингга дўстдирман. Сени биров қатл қилса, мен интиқом оламан. Мени биров қатл этса, сен интиқом оласан. Мен ўлсам, меросимга шериксан, сен ўлсанг, мен меросингга шерикман». Ислом ибтидосида бу ҳукм жорий эди. Чунончи, юқоридаги оятда «аҳд-паймон қилганларнинг насибаларини беринглар», – дейилмоқда. Аммо мерос ояти билан бу хил аҳд-паймон мансух бўлди. Албатта, Аллоҳ таоло сизларнинг ҳар бир қилган ишларингизга гувоҳдир.

ٱلرِّجَالُ قَوَّٰمُونَ عَلَى ٱلنِّسَآءِ بِمَا فَضَّلَ ٱللَّهُ بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ وَبِمَآ أَنفَقُوا۟
مِنْ أَمْوَٰلِهِمْ ۚ فَٱلصَّٰلِحَٰتُ قَٰنِتَٰتٌ حَٰفِظَٰتٌ لِّلْغَيْبِ بِمَا حَفِظَ ٱللَّهُ ۚ وَٱلَّٰتِى
تَخَافُونَ نُشُوزَهُنَّ فَعِظُوهُنَّ وَٱهْجُرُوهُنَّ فِى ٱلْمَضَاجِعِ وَٱضْرِبُوهُنَّ ۖ فَإِنْ
أَطَعْنَكُمْ فَلَا تَبْغُوا۟ عَلَيْهِنَّ سَبِيلًا ۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلِيًّا كَبِيرًا ﴿٣٤﴾

34. Эркаклар хотинларнинг маишатини (ҳаётий муаммоларини) ҳал этувчи ва тарбия қилгувчидирлар. Шу сабаданки, Худо эрларга хотинларга нисбатан *ақлда, фаҳм ва фаросатда ва қувватда зиёда* фазилат берган. *Жиҳод ва хилофатда хотинларнинг тарбиясини эрларга топширган.* Эркакларнинг ортиқликларидан (яна бири) шундаки, меҳнат қилиб топган молларидан хотинларига нафақа қиладилар. Бас, фармонбардор яхши хотинлари бунинг муқобилига эрларининг ҳақларини шариатга мувофиқ адо этишлари керак. Ва ҳам эрлари ғойиб бўлган ҳолда омонатларини сақлашлари керак. Шунинг учунки, Худойи таоло буларнинг саломатлик ва тандурустликларини ва обрўларини сақлади. Эркакларни уларга муҳаббатли қилди. Энди, эй эркаклар, хотинларингизнинг нофар-

монлик (итоатсизлик) қилишидан қўрқсангиз, ҳақиқатан ҳам шундай аломатлар пайдо бўлса, бас, хотинларингизга мулойим сўзлар билан панд ва насиҳат қилинг. Эрга исён қилган хотинларни Худонинг муқаррар қилган азоблари билан қўрқитинг. Агар насиҳатга итоат этмасалар, жойингизни ўзгартиринг. Агар бунда ҳам бўлмаса, уринг, *лекин қаттиқ эмас.* Бас, агар итоат қилсалар, уларга ортиқча зулм қилманглар. (Албатта), Аллоҳ таоло олий ва улуғ зотдир. *Зулм қилувчилардан интиқом олади.*

وَإِنْ خِفْتُمْ شِقَاقَ بَيْنِهِمَا فَٱبْعَثُوا۟ حَكَمًا مِّنْ أَهْلِهِۦ وَحَكَمًا مِّنْ أَهْلِهَآ إِن يُرِيدَآ
إِصْلَٰحًا يُوَفِّقِ ٱللَّهُ بَيْنَهُمَآ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلِيمًا خَبِيرًا ﴿٣٥﴾ 5 жузъ

35. *Эй ҳокимлар,* агар эр ва хотин ўртасида ноиттифоқчиликдан қўрқсангиз ва улар ўртасида жудолик бўлишини сезсангиз, бас, эрнинг қариндошидан бир ҳукм қилувчи одам (ҳакам)ни ва шунга ўхшаш хотиннинг қариндошидан бир ҳукм қилувчини юборинглар. Бу ҳокимлар ислоҳга келтирсалар, Аллоҳ таоло ҳам бу эр ва хотиннинг ўртасига ислоҳ ато қилиб, иттифоқчиликни беради. Албатта, Аллоҳ таоло эр ва хотин ўрталаридаги муомалалардан воқиф ва хабардордир.

۞ وَٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا۟ بِهِۦ شَيْـًٔا ۖ وَبِٱلْوَٰلِدَيْنِ إِحْسَٰنًا وَبِذِى ٱلْقُرْبَىٰ
وَٱلْيَتَٰمَىٰ وَٱلْمَسَٰكِينِ وَٱلْجَارِ ذِى ٱلْقُرْبَىٰ وَٱلْجَارِ ٱلْجُنُبِ وَٱلصَّاحِبِ بِٱلْجَنۢبِ
وَٱبْنِ ٱلسَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُكُمْ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ مَن كَانَ مُخْتَالًا فَخُورًا ﴿٣٦﴾
ٱلَّذِينَ يَبْخَلُونَ وَيَأْمُرُونَ ٱلنَّاسَ بِٱلْبُخْلِ وَيَكْتُمُونَ مَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِن
فَضْلِهِۦ ۗ وَأَعْتَدْنَا لِلْكَٰفِرِينَ عَذَابًا مُّهِينًا ﴿٣٧﴾

36-37. *Эй мўминлар,* Худога ибодат қилишда бошқаларни шерик қилмасдан, холис ўзига ибодат қилинг. Ота-оналарингизга *яхши сўзингиз билан, яхши феълингиз билан ва молингиз билан* яхшилик қилинг. Етимларга дилдорлик ва мискинларга садақа қилинг. Қариндош, ҳамсояларингизга ва ёнбошларингизда ҳамсуҳбат бўлган рафиқларингизга ва йўлда қолган мусофирларга ва қулларингизга ва хизматкорларингизга яхшилик қилинг. Албатта, Аллоҳ таоло бахиллик қилувчи гуруҳларни ҳамда халқни бахилликка далолат қилувчиларни, Худонинг берган фазлу марҳамати ва илмини катм (яширувчи, пинҳон) тутувчиларни, мутакаббир мақтанчоқларни дўст тутмайди. Биз кофирларга ниҳоятда қаттиқ, хор қилгувчи азобларни тайёрлаб қўйганмиз.

وَٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ أَمْوَٰلَهُمْ رِئَآءَ ٱلنَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَلَا بِٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ ۗ
وَمَن يَكُنِ ٱلشَّيْطَٰنُ لَهُۥ قَرِينًا فَسَآءَ قَرِينًا ﴿٣٨﴾ وَمَاذَا عَلَيْهِمْ لَوْ ءَامَنُوا۟ بِٱللَّهِ
وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ وَأَنفَقُوا۟ مِمَّا رَزَقَهُمُ ٱللَّهُ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ بِهِمْ عَلِيمًا ﴿٣٩﴾

38-39. *Макка мушриклари* молларидан мискинларга нафақа берардилар. Улар ўзларини халққа кўрсатиш, *фахрланиш ва катталик қилиш* учун шундай қилардилар. Ваҳоланки, улар Аллоҳ таологa иймон келтирмас ва охиратга ишонмас эдилар. Фақат шайтон иғвосига учраган эдилар. Ҳар ким шайтонга рафиқ (дўст) бўлар экан, бас, у кўп ёмон рафиқдир. Агар Худога ва охиратга ишонсалар, уларга нима зарар бўларди? Худо берган молларидан Худонинг йўлида нафақа қилсалар эди, Аллоҳ таоло Қиёмат куни бунинг ажрини бир неча баробар қилиб берар эди. Чунки Аллоҳ таоло уларнинг аҳволларини (билгувчи) донодир.

5 жузъ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَظۡلِمُ مِثۡقَالَ ذَرَّةٖۖ وَإِن تَكُ حَسَنَةٗ يُضَٰعِفۡهَا وَيُؤۡتِ مِن لَّدُنۡهُ أَجۡرًا
عَظِيمٗا ﴿٤٠﴾

40. Албатта, Аллоҳ таоло бирор банданинг ҳақига заррача бўлса ҳам нуқсон етказмайди. Агар заррача яхши амал қилса, Аллоҳ таоло Қиёмат куни у кишига савобларини бир неча баробар қилиб беради. Ва ўз тарафидан фазлу марҳамат билан улуғ савоблар ато қилади.

فَكَيۡفَ إِذَا جِئۡنَا مِن كُلِّ أُمَّةِۭ بِشَهِيدٖ وَجِئۡنَا بِكَ عَلَىٰ هَٰٓؤُلَآءِ شَهِيدٗا ﴿٤١﴾ يَوۡمَئِذٖ
يَوَدُّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ وَعَصَوُاْ ٱلرَّسُولَ لَوۡ تُسَوَّىٰ بِهِمُ ٱلۡأَرۡضُ وَلَا يَكۡتُمُونَ ٱللَّهَ
حَدِيثٗا ﴿٤٢﴾

41-42. Вақтики Қиёмат куни ҳар бир умматнинг ўз Пайғамбарини гувоҳ қилиб, ҳозир қилсак ва у Пайғамбар қайси бир уммат иймон келтиргану қайси бири кофирлигича қолганига гувоҳлик берса, уларнинг аҳволи қандай бўлади? Ва Сени ҳам (эй Муҳаммад алайҳиссалом), гувоҳлик бериш учун умматингнинг бошида ҳозир қилсак, Сен уларнинг қайси бири мусулмон, қайси бири кофир ва қайси бири мунофиқ эканига гувоҳлик берсанг, бас, бу суратда аҳволлари оғир бўлади. Шу ҳолда (аснода) кофир бўлганлар ва Расулга исён қилганлар ўлмоқни орзу қилиб, айтадиларки: «Кошки ер бизни қайтадан кўмса эди ё қабрдан чиқмасак эди?!». Бундай ҳолатда Худодан ҳеч бир сўзни яшириб қололмайдилар, *чунки (қилган ишларига) барча аъзолари гувоҳлик беради.*

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَقۡرَبُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَأَنتُمۡ سُكَٰرَىٰ حَتَّىٰ تَعۡلَمُواْ مَا تَقُولُونَ
وَلَا جُنُبًا إِلَّا عَابِرِي سَبِيلٍ حَتَّىٰ تَغۡتَسِلُواْۚ وَإِن كُنتُم مَّرۡضَىٰٓ أَوۡ عَلَىٰ سَفَرٍ أَوۡ جَآءَ
أَحَدٞ مِّنكُم مِّنَ ٱلۡغَآئِطِ أَوۡ لَٰمَسۡتُمُ ٱلنِّسَآءَ فَلَمۡ تَجِدُواْ مَآءٗ فَتَيَمَّمُواْ صَعِيدٗا طَيِّبٗا
فَٱمۡسَحُواْ بِوُجُوهِكُمۡ وَأَيۡدِيكُمۡۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَفُوًّا غَفُورًا ﴿٤٣﴾

43. *Вақтики хамрнинг ҳаромлиги тўғрисида ҳали (ҳануз) оят нозил бўлмаган эди, шароб ичиш мубоҳ эди. Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳунинг уйларида зиёфат бўлиб, саҳобалардан бир гуруҳи шу жойда шароб ичдилар ва маст бўлдилар. Намоз вақти бўлгач, намозга турди-*

лар. Имом намозда қироат қилди. «Кофирун» сурасининг لَا أَعْبُدُ *«Ло аъбуду» оятини* أَعْبُدُ *(Аъбуду) деб қироат қилди. Ҳақ таоло бу оятни нозил қилиб, айтдики:* «Эй мўминлар, то намозда қироат қилган сўзларингизни билмагунларингча (идрок қилмагунингизча) маст ҳолатингизда намозга яқин келманглар. Жунублик ҳолатларингизда то ғусл қилмагунларингизча ҳам намозга яқин келманглар. Магар йўловчи, мусофир сув тополмаса, таяммум қилиб, намозини ўқиса бўлади. Ва агар сизлар касал бўлсангизлар, сув истеъмоли зарар қилса ё сафарда бўлсангизлар сув йўқ бўлса, ё сизлардан биронталарингизнинг таҳоратингиз синган бўлса, ё сизлардан биронталарингиз хотинлар билан мубошарат қилган бўлсангизлар, таҳорат қилишга сув топмасангизлар, тоза тупроққа таяммум **5 жузъ**
қилинглар. Бас, биринчи марта қўлларингизни тупроққа уриб, юзларингизга суртинглар ва иккинчи маротаба тупроққа уриб, қўлларингизнинг ювиладиган жойларигача суртинглар. Албатта, Аллоҳ таоло оғирликларни сиздан кўтариб, енгилликлар берувчи ва хатоларингизни кечиргувчидир.

أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ نَصِيبًا مِّنَ ٱلْكِتَٰبِ يَشْتَرُونَ ٱلضَّلَٰلَةَ وَيُرِيدُونَ أَن
تَضِلُّوا۟ ٱلسَّبِيلَ ﴿٤٤﴾ وَٱللَّهُ أَعْلَمُ بِأَعْدَآئِكُمْ ۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ وَلِيًّا وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ نَصِيرًا
﴿٤٥﴾ مِّنَ ٱلَّذِينَ هَادُوا۟ يُحَرِّفُونَ ٱلْكَلِمَ عَن مَّوَاضِعِهِۦ وَيَقُولُونَ سَمِعْنَا
وَعَصَيْنَا وَٱسْمَعْ غَيْرَ مُسْمَعٍ وَرَٰعِنَا لَيًّۢا بِأَلْسِنَتِهِمْ وَطَعْنًا فِى ٱلدِّينِ ۚ وَلَوْ أَنَّهُمْ
قَالُوا۟ سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا وَٱسْمَعْ وَٱنظُرْنَا لَكَانَ خَيْرًا لَّهُمْ وَأَقْوَمَ وَلَٰكِن لَّعَنَهُمُ ٱللَّهُ
بِكُفْرِهِمْ فَلَا يُؤْمِنُونَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٤٦﴾

44-46. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худо тарафидан Тавротнинг илмидан насиба берилган яҳудларнинг олимларини кўрмадингми? Улар ҳидоятнинг бадалига залолатни ихтиёр қилдилар. Сизларни ҳам тўғри йўлдан оздиришни истайдилар. Аллоҳ таоло сизларнинг душманларингиз аҳволига ўта донодир. Аллоҳ таоло сизларни дўст тутишга етарлидир. Ва сизларга ёрдам бермоққа ҳам кифоядир. Яҳуд олимларидан баъзилари Расулуллоҳдан эшитган сўзларини ташқарига чиқиб, бошқача қилиб, ўз (асл) маъносини ўзгартириб таъвил қилардилар. Ва Расулуллоҳга айтардиларки: «Сенинг сўзингни эшитдик, лекин амрингни бажо келтирмадик ва Сен ҳам бизнинг сўзимизни эшит, лекин Худо Сени эшитгувчи қилмасин, бизларнинг сўзимизга эътибор бер». Улар «Роиъно» сўзини ишлатдилар. *Бу сўз яҳудларнинг луғатида дашном (ҳақорат) эди, шунинг учун ҳам шу калимани ишлатдилар.* Шу ҳолатдаки, тилларини яширин тариқасида дашномга айлантирар эдилар. Ва ҳам Ислом динига шу хилда таъна етказар эдилар. Агар бу яҳудлар айтсалар эдики: «Сўзингни эшитдик ва итоат қилдик, Сен ҳам сўзимизни эшитгин ва бизнинг тарафимизга назар қилгил («унзурно»)», – деганларида, яхши бўлар эди. Лекин аслида уларни куфрлари сабабли Худованди таоло Ўз раҳматидан маҳрум қилган. Бас, улардан кўплари кофир бўлиб, озгиналари иймон келтирган.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ ءَامِنُوا۟ بِمَا نَزَّلْنَا مُصَدِّقًا لِّمَا مَعَكُم مِّن قَبْلِ أَن
نَّطْمِسَ وُجُوهًا فَنَرُدَّهَا عَلَىٰٓ أَدْبَارِهَآ أَوْ نَلْعَنَهُمْ كَمَا لَعَنَّآ أَصْحَٰبَ ٱلسَّبْتِ ۚ وَكَانَ
أَمْرُ ٱللَّهِ مَفْعُولًا ﴿٤٧﴾

47. Эй аҳли китоблар, юзларингизни тескари қилишимиздан илгари сизларнинг китобларингизни тасдиқ қилувчи Муҳаммад (алайҳиссалом)га нозил қилинган Қуръонга иймон келтиринглар. Агар иймон
5 жузъ келтирмас эканлар, уларни раҳматимиздан узоқ қиламиз. Чунончи,
шанба куни шикор (ов) қилувчиларни лаънатлаган, раҳматимиздан узоқ қилган (маймун ва тўнғизларга айлантириб қўйган) эдик. Албатта, Худонинг ҳукми амалга ошади.

إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَن يُشْرَكَ بِهِۦ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَٰلِكَ لِمَن يَشَآءُ ۚ وَمَن يُشْرِكْ بِٱللَّهِ
فَقَدِ ٱفْتَرَىٰٓ إِثْمًا عَظِيمًا ﴿٤٨﴾

48. Албатта, Аллоҳ таоло ўзига бошқа бир нарса шерик қилинса, кечирмас ва ширкдан бошқа гуноҳни хоҳлаган бандасидан кечиради. Ва кимки Аллоҳ таолога шерик пайдо қилса, у одам кўп катта гуноҳ қилган бўлади.

أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ يُزَكُّونَ أَنفُسَهُم ۚ بَلِ ٱللَّهُ يُزَكِّى مَن يَشَآءُ وَلَا يُظْلَمُونَ فَتِيلًا ﴿٤٩﴾
ٱنظُرْ كَيْفَ يَفْتَرُونَ عَلَى ٱللَّهِ ٱلْكَذِبَ ۖ وَكَفَىٰ بِهِۦٓ إِثْمًا مُّبِينًا ﴿٥٠﴾

49-50. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу аҳли китобларни кўрмадингми? Улар ўзларини гуноҳдан пок деб ҳисоблайдилар. «Бизлар – Худонинг дўстлари», – деб таърифлайдилар. Уларнинг бу даъволари ботилдир. Худойи таоло ҳар кимни хоҳласа, пок ва саодатли қилади. Бу даъво қилувчилар гуноҳларига яраша азоб тортадилар. Уларга зиёда азоб бериб, зулм қилинмайди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), улар қандай (қилиб) Худонинг шаънига туҳмат қилишади, кўргил. Шу ёлғонлари гуноҳлари учун етарлидир.

أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ نَصِيبًا مِّنَ ٱلْكِتَٰبِ يُؤْمِنُونَ بِٱلْجِبْتِ وَٱلطَّٰغُوتِ
وَيَقُولُونَ لِلَّذِينَ كَفَرُوا۟ هَٰٓؤُلَآءِ أَهْدَىٰ مِنَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ سَبِيلًا ﴿٥١﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ
ٱلَّذِينَ لَعَنَهُمُ ٱللَّهُ ۖ وَمَن يَلْعَنِ ٱللَّهُ فَلَن تَجِدَ لَهُۥ نَصِيرًا ﴿٥٢﴾

51-52. Оё, Сен уларга Китобдан ҳисса (насиба) берилган жамоани кўрмадингми? Улар бутга ва шайтонга иймон келтирадилар ва кофирлар ҳақида айтадиларки: «Бу жамоа иймон келтирган зотлардан кўра ҳидоятда ортиқроқ (яъни, тўғрироқ этиқодда)дирлар». Ана ўшаларни Аллоҳ таоло лаънатлагандир. Ва кимники Аллоҳ таоло лаънат қилган бўлса, Сен унга (бошқа) мададкор топмассан.

أَمْ لَهُمْ نَصِيبٌ مِّنَ ٱلْمُلْكِ فَإِذًا لَّا يُؤْتُونَ ٱلنَّاسَ نَقِيرًا ﴿٥٣﴾ أَمْ يَحْسُدُونَ ٱلنَّاسَ
عَلَىٰ مَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ ۖ فَقَدْ ءَاتَيْنَآ ءَالَ إِبْرَٰهِيمَ ٱلْكِتَـٰبَ وَٱلْحِكْمَةَ
وَءَاتَيْنَـٰهُم مُّلْكًا عَظِيمًا ﴿٥٤﴾

53-54. Оё, яҳудлар подшоҳликни – нубувватнинг насибасини ўзларига хос деб ўйлайдиларми? Ҳаргиз ундай эмас. Парвардигор хоҳлаган миллатини бундан насибадор қилади. Бас, агар яҳудларга подшоҳлик (мол-мулк) хос бўлганда ҳам, ҳеч бир инсонга заррача бўлса-да эҳсон қилмас эдилар. Балки улар Худонинг бошқа инсонга берган фазл-марҳаматига (пайғамбарлигига) ҳам ҳасад қилар эдилар. Ахир биз Иброҳим (алайҳиссалом)нинг авлодига ҳам пайғамбарликни ва китобларни, илмни ва улуғ подшоҳликни берганмиз-ку! Яъни, ҳеч бир миллатга Худонинг марҳамати хос эмас, (Аллоҳ) қайси миллатни хоҳласа, ана ўшанга (фазлу марҳаматини) ато қилади. 5 жузъ

فَمِنْهُم مَّنْ ءَامَنَ بِهِۦ وَمِنْهُم مَّن صَدَّ عَنْهُ ۚ وَكَفَىٰ بِجَهَنَّمَ سَعِيرًا ﴿٥٥﴾

55. Бас, яҳудлардан ҳидоят қилинганлари Муҳаммад (алайҳиссалом)га ва Қуръонга иймон келтирдилар ва баъзилари эътироз этиб, мункир бўлдилар. Исломдан юз ўтириб, мункир бўлганларга жаҳаннамнинг азоби, ёниб турган ўти кифоя қилур.

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِـَٔايَـٰتِنَا سَوْفَ نُصْلِيهِمْ نَارًا كُلَّمَا نَضِجَتْ جُلُودُهُم بَدَّلْنَـٰهُمْ
جُلُودًا غَيْرَهَا لِيَذُوقُوا۟ ٱلْعَذَابَ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَزِيزًا حَكِيمًا ﴿٥٦﴾

56. Албатта, бизнинг оятларимизга кофир бўлган зотларни яқинда, яъни, Қиёмат кунида ўтга (жаҳаннамга) дохил қиламиз. Ҳар қачонки терилари куйиб тамом бўлса, яна янгидан (қайтадан) териларини ўзгартирамиз, токи азоб тортмоқликлари давом этсин. Албатта, Аллоҳ таоло ўзининг ҳар бир амрида қудратлидир. Ҳеч ким Унга моне бўлолмайди ва ҳар бир феъли ҳикматлидир.

وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّـٰلِحَـٰتِ سَنُدْخِلُهُمْ جَنَّـٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَـٰرُ
خَـٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًا ۖ لَّهُمْ فِيهَآ أَزْوَٰجٌ مُّطَهَّرَةٌ ۖ وَنُدْخِلُهُمْ ظِلًّا ظَلِيلًا ﴿٥٧﴾

57. Худо ва Расулига иймон келтирган ва яхши амал қилган зотларни Қиёмат қоим бўлганда тагидан анҳорлар жорий бўлган (оқиб турган) жаннатга киргизамиз. Шу жаннатда абадий қоладилар. Уларга шу жаннатда ҳар қандай ифлослик (нопоклик)лардан пок хотинлар тайёрдир. Уларни яхши, роҳатли сояларга ўтиргизамиз.

۞ إِنَّ ٱللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَن تُؤَدُّوا۟ ٱلْأَمَـٰنَـٰتِ إِلَىٰٓ أَهْلِهَا وَإِذَا حَكَمْتُم بَيْنَ ٱلنَّاسِ أَن
تَحْكُمُوا۟ بِٱلْعَدْلِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ نِعِمَّا يَعِظُكُم بِهِۦٓ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ سَمِيعًۢا بَصِيرًا ﴿٥٨﴾

58. Албатта, Аллоҳ таоло қўлларингиздаги омонатларни ўз аҳлига топширишга амр қилади. Вақтики халқ ўртасида ҳукм қилсангизлар, адолат билан ҳукм этишга амр қилади. Албатта, Аллоҳ таоло сизларга қандай яхши панд ва насиҳат беради. Аллоҳ таоло айтган сўзларингизни эшитгувчи ва аҳволларингизни кўргувчидир.

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَطِيعُواْ ٱللَّهَ وَأَطِيعُواْ ٱلرَّسُولَ وَأُوْلِي ٱلۡأَمۡرِ مِنكُمۡۖ فَإِن
تَنَٰزَعۡتُمۡ فِي شَيۡءٖ فَرُدُّوهُ إِلَى ٱللَّهِ وَٱلرَّسُولِ إِن كُنتُمۡ تُؤۡمِنُونَ بِٱللَّهِ وَٱلۡيَوۡمِ ٱلۡأٓخِرِۚ
5 жузъ ذَٰلِكَ خَيۡرٞ وَأَحۡسَنُ تَأۡوِيلًا ٥٩

59. Эй мўминлар, Худога, Расулига ва ҳам ўзларингиздан муқаррар бўлган ҳокимларингизга итоат қилинглар. Агар ўрталарингизда бирон нарса тўғрисида жанжал қилиб қолсангизлар, Худонинг Китобига ва Расулуллоҳнинг ҳадисларига мурожаат қилинглар. Агар ҳақиқатда Худо ва Расулига, Қиёмат кунига иймон келтирган бўлсангизлар, шундай қилишларингиз ўзларингизга яхши бўлади.

أَلَمۡ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ يَزۡعُمُونَ أَنَّهُمۡ ءَامَنُواْ بِمَآ أُنزِلَ إِلَيۡكَ وَمَآ أُنزِلَ مِن قَبۡلِكَ
يُرِيدُونَ أَن يَتَحَاكَمُوٓاْ إِلَى ٱلطَّـٰغُوتِ وَقَدۡ أُمِرُوٓاْ أَن يَكۡفُرُواْ بِهِۦۖ وَيُرِيدُ ٱلشَّيۡطَٰنُ
أَن يُضِلَّهُمۡ ضَلَٰلَۢا بَعِيدٗا ٦٠

60. *Қуйидаги оятнинг нозил бўлиш сабабини муфассирлар шундай ривоят қилибдурлар: бир яҳуд билан бир мунофиқ ўртасида жанжал чиқди. Улар муҳокама учун бирон одил ҳукм қилувчига рози бўлдилар. Яҳуд Расулуллоҳнинг ҳукмларига ружу қилишни хоҳлади. Мунофиқ яҳудларнинг каттаси Каъб ибн Ашрафнинг ҳукмига рози бўлди. Яҳуд охир Расулуллоҳга масалани арз қилиб келди. Расулуллоҳ яҳуднинг фойдасига ҳукм қилдилар. Мунофиқ бу ҳукмга рози бўлмади ва йўлда Ҳазрати Умарга рўбарў келди. «Ҳазрати Умарнинг ҳукмларига рози бўламан», – деди мунофиқ. Яҳуд Ҳазрати Умарга айтдики: «Биз Расулуллоҳнинг олдиларига муҳокама учун борган эдик. Расулуллоҳ менинг фойдамга ҳукм қилдилар. Энди бу рози бўлмасдан, сизнинг ҳукмингизга мурожаат қилмоқчи». Ҳазрати Умар қиличларини гилофидан чиқариб, «Расулуллоҳнинг ҳукмига рози бўлмаган одамнинг жазоси шу», – деб қилич билан мунофиқнинг бошини кесдилар. Ҳақ таоло ушбу оятни нозил қилди.* Оё, бу жамоанинг: «Сенга нозил бўлган Қуръонга ва Сендан аввал ўтган пайғамбарларга нозил бўлган китобларга иймон келтирганмиз», – деб даъво қилганини кўрмадингми? Ва яна шайтоннинг иғвоси билан йўлдан адашган гумроҳ *Каъб ибн Ашрафнинг* олдида муҳокама қилишни истайдилар. Ваҳоланки, улар бу гумроҳнинг ҳукмини инкор қилишга маъмур бўлганлар. Шайтон ёмон гумроҳликка мубтало қилишни хоҳлайди.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمۡ تَعَالَوۡاْ إِلَىٰ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ وَإِلَى ٱلرَّسُولِ رَأَيۡتَ ٱلۡمُنَٰفِقِينَ يَصُدُّونَ

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا۟ إِلَىٰ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ وَإِلَى ٱلرَّسُولِ رَأَيْتَ ٱلْمُنَـٰفِقِينَ يَصُدُّونَ
عَنكَ صُدُودًا ﴿٦١﴾ فَكَيْفَ إِذَآ أَصَـٰبَتْهُم مُّصِيبَةٌۢ بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ ثُمَّ
جَآءُوكَ يَحْلِفُونَ بِٱللَّهِ إِنْ أَرَدْنَآ إِلَّآ إِحْسَـٰنًا وَتَوْفِيقًا ﴿٦٢﴾ أُو۟لَـٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ يَعْلَمُ
ٱللَّهُ مَا فِى قُلُوبِهِمْ فَأَعْرِضْ عَنْهُمْ وَعِظْهُمْ وَقُل لَّهُمْ فِىٓ أَنفُسِهِمْ قَوْلًۢا بَلِيغًا ﴿٦٣﴾

61-63. Вақтики у мунофиқларга: «Келинглар, Худо ва Расулининг 5 жузъ
ҳукмига рози бўлинглар», – деб айтилса, у мунофиқларнинг ҳолатини, инод(саркашлик)лари сабабидан юз ўгиришларини кўрасан. Вақтики уларга қилган гуноҳлари орқасидан мусибат етса, оғир изтиробга тушадилар. Кейин Сенинг олдингга келиб: «Биз яхшиликдан бошқа нарсани ирода қилганимиз йўқ эди», – деб Худонинг номига қасамёд қиладилар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло дилларидаги нифоқни билади. Бас, Сен уларнинг қилган ишларидан юз ўгиргил ва уларга панд-насиҳат қилгил. Уларнинг нафсларини ислоҳ қилиш учун яхши сўзларни айтгил. Шоядки дилларига таъсир қилса.

وَمَآ أَرْسَلْنَا مِن رَّسُولٍ إِلَّا لِيُطَاعَ بِإِذْنِ ٱللَّهِ ۚ وَلَوْ أَنَّهُمْ إِذ ظَّلَمُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ
جَآءُوكَ فَٱسْتَغْفَرُوا۟ ٱللَّهَ وَٱسْتَغْفَرَ لَهُمُ ٱلرَّسُولُ لَوَجَدُوا۟ ٱللَّهَ تَوَّابًا رَّحِيمًا ﴿٦٤﴾

64. Биз қайси бир Расулни бандаларга юборган бўлсак, Худонинг амри билан бандалар у пайғамбарларга итоат қилсинлар, деб юбордик. Вақтики улар ўз жонларига зулм қилиб, гуноҳ қилсалар, ҳузурингга келиб Аллоҳ таолодан мағфират талаб қилсалар ва Расул ҳам улар учун мағфират тиласа эди, албатта, улар Аллоҳ таолони кечиргувчи ва раҳм қилгувчи топар эдилар. Лекин улар шундай қилмадилар.

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا۟ فِىٓ
أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا۟ تَسْلِيمًا ﴿٦٥﴾

65. Бас, Сенинг Парвардигоринг номига қасамки, улар то Сени ўз ўрталарида бўлган жанжалларда ҳакам билмагунларича ва Сенинг ҳукмингни қалбдан хуш кўрмагунларича ва унга таслим бўлмагунларича ҳаргиз мўмин бўлмаслар. Мўминларга лозим шуки, Пайғамбарнинг ҳукмини бажону дил қабул қилсинлар.

وَلَوْ أَنَّا كَتَبْنَا عَلَيْهِمْ أَنِ ٱقْتُلُوٓا۟ أَنفُسَكُمْ أَوِ ٱخْرُجُوا۟ مِن دِيَـٰرِكُم مَّا فَعَلُوهُ إِلَّا قَلِيلٌ
مِّنْهُمْ ۖ وَلَوْ أَنَّهُمْ فَعَلُوا۟ مَا يُوعَظُونَ بِهِۦ لَكَانَ خَيْرًا لَّهُمْ وَأَشَدَّ تَثْبِيتًا ﴿٦٦﴾ وَإِذًا
لَّـَٔاتَيْنَـٰهُم مِّن لَّدُنَّآ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿٦٧﴾ وَلَهَدَيْنَـٰهُمْ صِرَٰطًا مُّسْتَقِيمًا ﴿٦٨﴾

66-68. Агар мўминлик даъвосини қилганлар учун яҳудларга (Бани Исроилга) буюрганимиздек: «Гуноҳларинг учун ўз нафсларингизни қатл қилинглар ёки обод шаҳарларингиздан чиқиб кетинглар», – деб ҳукм қилсак, у (мўмин)лардан ҳеч ким бундай ҳукмга итоат қилмасди. Магар улардан озгина ихлосли одамлар бажо келтирар эдилар. Агар у зотлар Пайғамбар тарафидан юборилган панд ва насиҳатларга амал қилсалар, ўзларига яхши бўлур эди, иймонларининг русухига (мустаҳкамлигига) далолат қилган бўлур эдилар. У вақтда Биз уларга улуғ савоблар берар ва ҳам уларни тўғри йўлга солар эдик.

5 жузъ وَمَن يُطِعِ ٱللَّهَ وَٱلرَّسُولَ فَأُوْلَٰٓئِكَ مَعَ ٱلَّذِينَ أَنْعَمَ ٱللَّهُ عَلَيْهِم مِّنَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ
وَٱلصِّدِّيقِينَ وَٱلشُّهَدَآءِ وَٱلصَّٰلِحِينَ ۚ وَحَسُنَ أُوْلَٰٓئِكَ رَفِيقًا ﴿٦٩﴾ ذَٰلِكَ
ٱلْفَضْلُ مِنَ ٱللَّهِ ۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ عَلِيمًا ﴿٧٠﴾

69-70. Ҳар кимки Худо ва Расулининг ҳукмига итоат қилиб, сидқидил билан бажо келтирар экан, Қиёмат куни улар беҳиштда Худо улуғ неъматини инъом қилган (ярлақаган) пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга бўладилар. У зотлар жаннатда қандай яхши рафиқлардир, *чунки Расулуллоҳ алайҳиссалом айтибдирларки:* المرء مع من احبّه *яъни, «Ҳар ким яхши кўргани билан бирга бўлади».* Бу гуруҳнинг яхши рафиқлар билан бирга бўлиши Худо тарафидан улуғ марҳаматдир. Аллоҳ таолонинг илми ҳар бир кимсани билиш учун етарлидир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ خُذُواْ حِذْرَكُمْ فَٱنفِرُواْ ثُبَاتٍ أَوِ ٱنفِرُواْ جَمِيعًا ﴿٧١﴾ وَإِنَّ
مِنكُمْ لَمَن لَّيُبَطِّئَنَّ فَإِنْ أَصَٰبَتْكُم مُّصِيبَةٌ قَالَ قَدْ أَنْعَمَ ٱللَّهُ عَلَيَّ إِذْ لَمْ أَكُن
مَّعَهُمْ شَهِيدًا ﴿٧٢﴾ وَلَئِنْ أَصَٰبَكُمْ فَضْلٌ مِّنَ ٱللَّهِ لَيَقُولَنَّ كَأَن لَّمْ تَكُنۢ بَيْنَكُمْ
وَبَيْنَهُۥ مَوَدَّةٌ يَٰلَيْتَنِى كُنتُ مَعَهُمْ فَأَفُوزَ فَوْزًا عَظِيمًا ﴿٧٣﴾

71-73. Эй мўминлар, жанг асбобларингизни олинглар. Дин душманлари билан жанг қилиш учун гуруҳ-гуруҳ бўлиб ёки ҳаммангиз бирликда жам бўлиб, жангга боринглар. Албатта, сизларнинг ичингизда шундай мунофиқлар борки, жанг қилишни хоҳламай, орқага ташлаб, ҳар хил баҳоналар билан қолиб кетадилар. Ва агар сизларга мусибат етса, *шикаст бўлса,* у мунофиқлар айтадиларки: «Худо менга марҳамат қилган экан, бу асҳоблар билан бирга бўлмадим, акс ҳолда, мен ҳам ўлиб кетардим». Ва агар сизларга Худо тарафидан фатҳ ва зафар етса, гўё бегона одамга ўхшаб: «Кошки ўшалар билан бирга бўлсам эди, ғанимат молларига эга бўлган бўлардим», – дейдилар.

۞ فَلْيُقَٰتِلْ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ ٱلَّذِينَ يَشْرُونَ ٱلْحَيَوٰةَ ٱلدُّنْيَا بِٱلْءَاخِرَةِ ۚ وَمَن يُقَٰتِلْ
فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ فَيُقْتَلْ أَوْ يَغْلِبْ فَسَوْفَ نُؤْتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿٧٤﴾

74. Эй мўминлар, сизларга лозим шуки, сидқидил ва ихлос билан охиратнинг бадалига дунёни ихтиёр қилган душманларга қарши Худо йўлида жиҳод қилинглар. Ҳар кимки Худонинг йўлида сидқ-ихлос билан жанг қилиб, шаҳид бўлса, ё зафар топса, бас, охиратда уларга ажри азийм (улуғ мукофот) берамиз.

وَمَا لَكُمْ لَا تُقَٰتِلُونَ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱلْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ ٱلرِّجَالِ وَٱلنِّسَآءِ
وَٱلْوِلْدَٰنِ ٱلَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَآ أَخْرِجْنَا مِنْ هَٰذِهِ ٱلْقَرْيَةِ ٱلظَّالِمِ أَهْلُهَا وَٱجْعَل
لَّنَا مِن لَّدُنكَ وَلِيًّا وَٱجْعَل لَّنَا مِن لَّدُنكَ نَصِيرًا ﴿٧٥﴾ 5 жузъ

75. (Эй иймон келтирганлар), сизларга нима бўлдики, Худонинг динига нусрат бериш учун, Маккада кофирларнинг қўлида асир бўлиб қолган мусулмонлар, хотинлар ва болаларни қутқариш учун жиҳодга машғул бўлмайсизлар? У бечоралар зори ва тазарру билан: «Эй Парвардигор, бу халқи золим (бўлган) Маккадан бизни чиқаргил, бизларга Ўз тарафингдан ёрдам берувчи ва бизни қутқарувчиларни муқаррар қилгил», – деб дуо қилурлар.

ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ يُقَٰتِلُونَ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ ۖ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ يُقَٰتِلُونَ فِي سَبِيلِ ٱلطَّٰغُوتِ
فَقَٰتِلُوٓا۟ أَوْلِيَآءَ ٱلشَّيْطَٰنِ ۖ إِنَّ كَيْدَ ٱلشَّيْطَٰنِ كَانَ ضَعِيفًا ﴿٧٦﴾

76. Ҳақиқатан Худо ва Расулига иймон келтирган жамоалар, Худонинг йўлида Худо ризоси учун жанг қиладилар ва кофир бўлган жамоалар шайтоннинг йўлида шайтон учун жанг қиладилар. Бас, эй Худонинг дўстлари, шайтоннинг дўстлари билан жанг қилинглар. Уларнинг макр ва ҳийлаларидан қўрқманглар. Албатта, шайтоннинг макри *ҳақнинг муқобилида* заиф ва сустдир.

أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ قِيلَ لَهُمْ كُفُّوٓا۟ أَيْدِيَكُمْ وَأَقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُوا۟ ٱلزَّكَوٰةَ فَلَمَّا
كُتِبَ عَلَيْهِمُ ٱلْقِتَالُ إِذَا فَرِيقٌ مِّنْهُمْ يَخْشَوْنَ ٱلنَّاسَ كَخَشْيَةِ ٱللَّهِ أَوْ أَشَدَّ خَشْيَةً ۚ
وَقَالُوا۟ رَبَّنَا لِمَ كَتَبْتَ عَلَيْنَا ٱلْقِتَالَ لَوْلَآ أَخَّرْتَنَآ إِلَىٰٓ أَجَلٍ قَرِيبٍ ۗ قُلْ مَتَٰعُ ٱلدُّنْيَا
قَلِيلٌ وَٱلْءَاخِرَةُ خَيْرٌ لِّمَنِ ٱتَّقَىٰ وَلَا تُظْلَمُونَ فَتِيلًا ﴿٧٧﴾

77. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), шундай жамоани кўрмадингмики, уларга: «Бир-бирларингизни ўлдиришдан қўлларингизни тортиб туринглар, Худонинг буюрган намозини адо этинглар ва закотларингизни мустаҳиқлар (лойиқ кишилар)га беринглар», – деб айтилган эди. Вақтики жиҳод ояти нозил бўлиб, мушриклар билан қитол (жиҳод) қилиш фарз бўлганда, энди улардан бир жамоаси мушриклар билан қитол қилишдан Худодан қўрққандек, балки ундан ҳам каттиқроқ қўрқиб турардилар. Ҳатто айтар эдиларки: «Парвардигор, бизларга қитолни нима учун фарз қилдинг? Нима учун бизларни ўлим келгунча тирик қолдирмадинг?» Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Бу дунёга мағрур

бўлманглар, дунёдан озгина фойда оласизлар. Худодан қўрққан бандаларга охират яхшидир ва сизларга ипга баробар (қилчалик) ҳам зулм қилинмайди. Ўлимдан қўрқиб, жиҳодни тарк қилманглар».

أَيْنَمَا تَكُونُوا۟ يُدْرِككُّمُ ٱلْمَوْتُ وَلَوْ كُنتُمْ فِى بُرُوجٍ مُّشَيَّدَةٍ ۗ وَإِن تُصِبْهُمْ
حَسَنَةٌ يَقُولُوا۟ هَٰذِهِۦ مِنْ عِندِ ٱللَّهِ ۖ وَإِن تُصِبْهُمْ سَيِّئَةٌ يَقُولُوا۟ هَٰذِهِۦ مِنْ
عِندِكَ ۚ قُلْ كُلٌّ مِّنْ عِندِ ٱللَّهِ ۖ فَمَالِ هَٰٓؤُلَآءِ ٱلْقَوْمِ لَا يَكَادُونَ يَفْقَهُونَ
5 жузъ حَدِيثًا ﴿٧٨﴾

78. Эй жамоа, агар сизлар мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам, ўлим сизларни топади. Агар бу мунофиқларга яхшилик етса ё бирон ғанимат молни ўлжа қилиб олсалар, айтадиларки: «Бу Худо тарафидан келди». Ва агар уларга мусибат етса ёки қаҳатчилик бўлса, айтадиларки: «Бу шумлик Сен тарафингдан келди». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у[illegible]га айтгилки: «Ҳар бир нарса, хайр бўлсин ё шарр (ёмонлик) бўлсин, Ху[illegible] тарафидандир». Бу қавмга нима бўлдики, ҳайвонларга ўхшаб ҳеч бир нарсани фаҳмламайдилар.

مَّآ أَصَابَكَ مِنْ حَسَنَةٍ فَمِنَ ٱللَّهِ ۖ وَمَآ أَصَابَكَ مِن سَيِّئَةٍ فَمِن نَّفْسِكَ ۚ وَأَرْسَلْنَٰكَ
لِلنَّاسِ رَسُولًا ۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ شَهِيدًا ﴿٧٩﴾

79. Эй инсон, ҳар яхшилик сенга етса, Худонинг фазл ва марҳаматидандир ва ҳар кулфатки сенга етса, ўз қилмишларингдандир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сени халқ учун Пайғамбар қилиб юбордим. Бунга Аллоҳнинг гувоҳлиги кифоядир.

مَّن يُطِعِ ٱلرَّسُولَ فَقَدْ أَطَاعَ ٱللَّهَ ۖ وَمَن تَوَلَّىٰ فَمَآ أَرْسَلْنَٰكَ عَلَيْهِمْ حَفِيظًا ﴿٨٠﴾

80. Ҳар кимки Расулуллоҳга итоат қилса, бас, у, албатта, Аллоҳ таологa итоат қилибди. Ҳар кимки итоат қилмасдан, иъроз (инкор) қилар экан, бас, Биз Сени уларни ёмон ишдан сақлаш учун юбормадик.

وَيَقُولُونَ طَاعَةٌ فَإِذَا بَرَزُوا۟ مِنْ عِندِكَ بَيَّتَ طَآئِفَةٌ مِّنْهُمْ غَيْرَ ٱلَّذِى تَقُولُ ۖ
وَٱللَّهُ يَكْتُبُ مَا يُبَيِّتُونَ ۖ فَأَعْرِضْ عَنْهُمْ وَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ ۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ وَكِيلًا ﴿٨١﴾

81. Мунофиқлар Сенинг ҳузурингга келсалар, ҳар ҳукмки қилсанг, «Биз фармонбардормиз», – дейдилар. Сенинг олдингдан чиққандан сўнг улардан бир тоифаси кечаси ўтириб сўзлашганда Сенинг олдингда айтган сўзларидан қайтиб, бошқа сўзни, *яъни, итоат қилмасликларини* айтадилар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло кироман котибайн (амалларни ёзиб турувчи икки фаришта)га буюриб, кечасидаги сўзлаган сўзларини ёздиради. Сен улардан юз ўгир, уларнинг саркашликларига парво қилма! Худога таваккул қил! Аллоҳ таолонинг қудрати ҳар бир ишни тасарруф қилишга етарлидир.

أَفَلَا يَتَدَبَّرُونَ ٱلْقُرْءَانَ ۚ وَلَوْ كَانَ مِنْ عِندِ غَيْرِ ٱللَّهِ لَوَجَدُوا۟ فِيهِ ٱخْتِلَٰفًا
كَثِيرًا ﴿٨٢﴾

82. Нима учун Қуръонга тааммул ва тафаккур қилмайдилар, токи уларга Қуръоннинг ҳақлиги зоҳир бўлар эди. Агар бу Қуръон Худодан бошқа бирон махлуқнинг каломи бўлганда эди, кўп нуқсон ва халал топган ва бир-бирига зид аҳкомлар бўлар эди.

وَإِذَا جَآءَهُمْ أَمْرٌ مِّنَ ٱلْأَمْنِ أَوِ ٱلْخَوْفِ أَذَاعُوا۟ بِهِۦ ۖ وَلَوْ رَدُّوهُ إِلَى ٱلرَّسُولِ وَإِلَىٰٓ 5 жузъ
أُو۟لِى ٱلْأَمْرِ مِنْهُمْ لَعَلِمَهُ ٱلَّذِينَ يَسْتَنۢبِطُونَهُۥ مِنْهُمْ ۗ وَلَوْلَا فَضْلُ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ
وَرَحْمَتُهُۥ لَٱتَّبَعْتُمُ ٱلشَّيْطَٰنَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٨٣﴾

83. Вақтики мунофиқларга бирон яхшилик ё ёмонлик хабари етса, бу хабарни ҳаммага ошкора қиладилар. Кўп вақт бундай хабарларни ошкора қилищдан мусулмонларга зарар етади. Агар хомуш бўлсалар ва бу хабарни ошкора қилмасалар, Расулуллоҳ ва улуғ саҳобаларга ҳавола қилсалар, бу хабар Расулуллоҳнинг воситалари билан ошкора бўлса ва ҳам бошқалар (хабарларни) Расулуллоҳдан билсалар (эшитсалар), яхши бўлар эди. Агар Худонинг фазли ва марҳамати бўлмаганида эди, ҳаммангиз шайтонга эргашган бўлар эдингиз, магар озгина одам (эргашмас эди).

فَقَٰتِلْ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ لَا تُكَلَّفُ إِلَّا نَفْسَكَ ۚ وَحَرِّضِ ٱلْمُؤْمِنِينَ ۖ عَسَى ٱللَّهُ أَن يَكُفَّ
بَأْسَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ۚ وَٱللَّهُ أَشَدُّ بَأْسًا وَأَشَدُّ تَنكِيلًا ﴿٨٤﴾

84. *Эй Муҳаммад (алайҳиссалом)*, агар бошқалар жиҳодга бормасалар ҳам, ўзинг танҳо Худонинг йўлида жиҳод қилгил. Жиҳодга ҳеч ким таклиф қилинмайди, магар Сен ўзинг мукаллафсан (яъни, ўзинг учун масъулсан. Танҳо ўзинг бўлсанг ҳам, жиҳод қил). Бошқалар бормасалар, ғамгин бўлмагил. Мўминларни жиҳодга тарғиб қил, таклиф қилма. Албатта, Аллоҳ таоло кофирларнинг ҳужумини мусулмонлардан даф қилади. Аллоҳ таолонинг урушда ҳайбати кофирларникидан кучлироқдир ва азоби ҳам қаттиқроқдир.

مَّن يَشْفَعْ شَفَٰعَةً حَسَنَةً يَكُن لَّهُۥ نَصِيبٌ مِّنْهَا ۖ وَمَن يَشْفَعْ شَفَٰعَةً سَيِّئَةً يَكُن لَّهُۥ
كِفْلٌ مِّنْهَا ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ مُّقِيتًا ﴿٨٥﴾

85. Ҳар кимки хайрли иш учун шафиъ (сабабчи, воситачи) бўлса, у шафиъга ҳам савобдан насиба берилади. Ва ҳар кимки бировнинг ҳаққига зулм қилиш учун шафиъ бўлар экан, гуноҳга шафиъ бўлгани учун унга ҳам (азобдан) насиба берилади. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир ишга қудратли ва тавонодир (қодирдир).

وَإِذَا حُيِّيتُم بِتَحِيَّةٍ فَحَيُّوا۟ بِأَحْسَنَ مِنْهَآ أَوْ رُدُّوهَآ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ

حَسِيبًا ﴿٨٦﴾

86. Вақтики сизларга бир мўмин тарафидан салом берилса, бас, сизлар унинг саломига ундан кўра яхшироқ қилиб жавоб қайтаринглар. *Яъни, салом берувчи: «Ассалому алайкум», – деса, сизлар унинг жавобига: «Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи», – деб айтинглар. Агар у «ва раҳматуллоҳи»ни қўшиб салом берса, сизлар «ва баракотуҳу»ни зиёда қилинглар.* Агар зиёда қилмасангизлар, ҳеч бўлмаса, ўзини қайтаринглар. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир қилган амалингизни ҳисоб-китоб қилади.

5 жузъ ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ لَيَجْمَعَنَّكُمْ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ لَا رَيْبَ فِيهِ وَمَنْ أَصْدَقُ مِنَ ٱللَّهِ

حَدِيثًا ﴿٨٧﴾

87. Ёлғиз Аллоҳдан бошқа ҳеч (қандай) маъбуд йўқдир. Аллоҳнинг номига қасамки, албатта, У Қиёмат куни сизларни қабрларингиздан тургизиб, Маҳшаргоҳга жам қилади. Бу ҳақдир, ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Ҳеч ким сўзида, ваъдасида Аллоҳ таолодан зиёда содиқ эмасдир.

۞ فَمَا لَكُمْ فِى ٱلْمُنَٰفِقِينَ فِئَتَيْنِ وَٱللَّهُ أَرْكَسَهُم بِمَا كَسَبُوٓا۟ أَتُرِيدُونَ أَن تَهْدُوا۟ مَنْ

أَضَلَّ ٱللَّهُ وَمَن يُضْلِلِ ٱللَّهُ فَلَن تَجِدَ لَهُۥ سَبِيلًا ﴿٨٨﴾

88. Эй мўминлар, сизларга не бўлдики, мунофиқлар тўғрисида икки фирқа бўлдингизлар? *Сизлардан бир фирқа айтадики: «Мунофиқлар кофирдир, ўлдирмоқ керак». Бошқа фирқа айтадики: «Мунофиқлар мусулмондир».* Ваҳоланки, Аллоҳ таоло уларнинг исёнлари сабабидан мардуд қилгандир. Аллоҳ таоло гумроҳ қилган халқни ҳидоят қилмоқни истайсизларми?! Ҳар кимни Худо гумроҳ қилса, уни ҳидоят қилишга ҳеч қандай йўл топмайсизлар.

وَدُّوا۟ لَوْ تَكْفُرُونَ كَمَا كَفَرُوا۟ فَتَكُونُونَ سَوَآءً فَلَا تَتَّخِذُوا۟ مِنْهُمْ أَوْلِيَآءَ حَتَّىٰ

يُهَاجِرُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ فَإِن تَوَلَّوْا۟ فَخُذُوهُمْ وَٱقْتُلُوهُمْ حَيْثُ وَجَدتُّمُوهُمْ وَلَا

تَتَّخِذُوا۟ مِنْهُمْ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿٨٩﴾ إِلَّا ٱلَّذِينَ يَصِلُونَ إِلَىٰ قَوْمٍۭ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُم

مِّيثَٰقٌ أَوْ جَآءُوكُمْ حَصِرَتْ صُدُورُهُمْ أَن يُقَٰتِلُوكُمْ أَوْ يُقَٰتِلُوا۟ قَوْمَهُمْ وَلَوْ شَآءَ

ٱللَّهُ لَسَلَّطَهُمْ عَلَيْكُمْ فَلَقَٰتَلُوكُمْ فَإِنِ ٱعْتَزَلُوكُمْ فَلَمْ يُقَٰتِلُوكُمْ وَأَلْقَوْا۟ إِلَيْكُمُ

ٱلسَّلَمَ فَمَا جَعَلَ ٱللَّهُ لَكُمْ عَلَيْهِمْ سَبِيلًا ﴿٩٠﴾

89-90. Макка кофирлари сизларни ўзларига ўхшаган кофир қилишни дўст тутадилар (хоҳлайдилар). Токи сизлар ҳам залолатда улар билан баробар бўлсангизлар. Бас, сизларга лозим шуки, кофирлар то вақтики иймон келтириб, Худонинг йўлида ҳижрат қилиб, сизларга қўшилмагунларича улардан бирортасини ўзларингизга дўст тутманг! Бас, агар ий-

мондан юз ўгирсалар, уларни ушланглар, асир олинглар, қайда топсангиз, ўлдиринглар. Уларни ёр ва мададкор деб билманглар, балки ўлдиринглар. Магар сизлар билан аҳд-паймон қилган жамоани ё уларга қўшилганларни, сизлар билан жанг қилишни хоҳламайдиган, балки сизлар билан иттифоқ бўлишни (сулҳ тузишни) истайдиган жамоани ўлдирманглар. Худойи таоло агар хоҳласа, у кофирларни сизларнинг устингиздан мусаллат (ғолиб, ҳукмрон) қилар ва улар сизлар билан жанг қилган бўлар эди. Лекин Худойи таоло сизларга марҳамат қилиб, кофирларни мусаллат қилмади. Бас, агар кофирлар сизлардан алоҳида бўлиб, сизлар билан жанг қилмасалар, сизлар билан сулҳ тузсалар, у ҳолда Аллоҳ таоло сизларга уларни ўлдиришга йўл бермайди. **5 жузъ**

سَتَجِدُونَ ءَاخَرِينَ يُرِيدُونَ أَن يَأْمَنُوكُمْ وَيَأْمَنُوا۟ قَوْمَهُمْ كُلَّ مَا رُدُّوٓا۟ إِلَى ٱلْفِتْنَةِ
أُرْكِسُوا۟ فِيهَا ۚ فَإِن لَّمْ يَعْتَزِلُوكُمْ وَيُلْقُوٓا۟ إِلَيْكُمُ ٱلسَّلَمَ وَيَكُفُّوٓا۟ أَيْدِيَهُمْ فَخُذُوهُمْ
وَٱقْتُلُوهُمْ حَيْثُ ثَقِفْتُمُوهُمْ ۚ وَأُو۟لَٰٓئِكُمْ جَعَلْنَا لَكُمْ عَلَيْهِمْ سُلْطَٰنًا مُّبِينًا ﴿٩١﴾

91. Яқинда сизларнинг олдингизга келиб, Ислом келтиргандек (Исломга киргандек) кўринган бир жамоани топасизлар (учратасизлар). Уларнинг иймон келтиришдан мақсадлари сизлардан эмин (тинч) бўлсинлар, қавмларини ҳам эмин қилсинлар ва қатлдан сақласинлар. Лекин ҳар вақтики бошқа кофирлар тарафидан яна аҳли Ислом билан урушишга тарғиб қилинсалар, яна орқаларига қайтиб, кофир бўладилар. Ва сизлар билан жанг қиладилар. Агар сизлар билан урушишни тарк этмасалар, сулҳ қилишни хоҳламасалар ва ҳам қўлларини урушдан тортмасалар, бас, сизлар ҳам муқотала қилиб, ушланглар ва асир қилинглар, қаерда топсангизлар ўлдиринглар. Мана шу сизларга муқотала қилишларингиз учун очиқ ҳужжатдир.

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ أَن يَقْتُلَ مُؤْمِنًا إِلَّا خَطَـًٔا ۚ وَمَن قَتَلَ مُؤْمِنًا خَطَـًٔا فَتَحْرِيرُ
رَقَبَةٍ مُّؤْمِنَةٍ وَدِيَةٌ مُّسَلَّمَةٌ إِلَىٰٓ أَهْلِهِۦٓ إِلَّآ أَن يَصَّدَّقُوا۟ ۚ فَإِن كَانَ مِن قَوْمٍ عَدُوٍّ
لَّكُمْ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُّؤْمِنَةٍ ۖ وَإِن كَانَ مِن قَوْمٍۭ بَيْنَكُمْ
وَبَيْنَهُم مِّيثَٰقٌ فَدِيَةٌ مُّسَلَّمَةٌ إِلَىٰٓ أَهْلِهِۦ وَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُّؤْمِنَةٍ ۖ فَمَن لَّمْ يَجِدْ فَصِيَامُ
شَهْرَيْنِ مُتَتَابِعَيْنِ تَوْبَةً مِّنَ ٱللَّهِ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿٩٢﴾

92. Мўмин кишига мўмин биродарини ноҳақ, қасддан ўлдирмоғи жоиз эмас, магар билмасдан ўлдириб қўйса (афв этилур). Агар ҳар ким бир мўминни билмасдан ўлдириб қўйса, жазосига бир мўмин ғуломни (қулни) озод қилади. Ва (мақтулнинг) меросхўрлари дийийат (хун баҳоси)ни, агар кечиб юбормаган бўлсалар, уларга дийийатни тўла адо этиши вожиб бўлади. Агар ўлдирилган киши мўмин бўлиб, сизларнинг душманларингиздан (душман қавмдан) бўлса, бас, у ҳолда бир мўмин қул озод қиласизлар, дийийат бермайсизлар. Агар у мақтул шундай

гуруҳдан бўлсаки, улар билан сизлар ўртангизда аҳд-паймон бўлса, бас, у ҳолда диййат ҳам тўлайсизлар, қул ҳам озод қиласизлар. Ҳар кимки қул (озод қилиш)га қодир бўлмаса, бас, жазосига икки ой кетма-кет рўза тутади. Аллоҳ хато қилганларингиз учун ва тавбаларингиз қабул бўлиши учун бу жазони муқаррар қилди. Аллоҳ таоло қотил билан мақтулнинг ҳолатларини билгувчидир, ўрталарида адолат билан ҳукм қилгувчидир.

وَمَن يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُّتَعَمِّدًا فَجَزَآؤُهُۥ جَهَنَّمُ خَٰلِدًا فِيهَا وَغَضِبَ ٱللَّهُ عَلَيْهِ
5 жузъ وَلَعَنَهُۥ وَأَعَدَّ لَهُۥ عَذَابًا عَظِيمًا ﴿٩٣﴾

93. Ҳар кимки бир мўминни қасддан, ҳалол билиб қатл қилса, бас, унинг жазоси жаҳаннамда доим азоб тортишдир. Аллоҳ таоло бундай қотилга ғазабини сочади ва раҳматидан узоқ қилади. Унга улуғ азоб тайёрлаб қўйгандир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا ضَرَبْتُمْ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ فَتَبَيَّنُواْ وَلَا تَقُولُواْ لِمَنْ أَلْقَىٰٓ إِلَيْكُمُ ٱلسَّلَٰمَ لَسْتَ مُؤْمِنًا تَبْتَغُونَ عَرَضَ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا فَعِندَ ٱللَّهِ مَغَانِمُ كَثِيرَةٌ كَذَٰلِكَ كُنتُم مِّن قَبْلُ فَمَنَّ ٱللَّهُ عَلَيْكُمْ فَتَبَيَّنُوٓاْ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا ﴿٩٤﴾

94. Эй мўминлар, Худо йўлида жиҳод қилиш учун сафар қилганларингизда сизларга бирон нотаниш одам йўлиқса, унинг ҳолини яхши текширинглар. «Эҳтимол, кофирдир», деб ўлдириб қўйманглар. Сизларга салом берган кишини: «Мўмин эмассан», деманглар. Сизлар унинг молини олмоқчи бўласизларми? Худодан талаб қилинглар, *сўранглар*, Худонинг наздида ғанимат моли кўпдир. Бундан илгари жоҳилият даврида сизларнинг ҳолларингиз шундай эди. Бас, Худойи таоло сизларга эҳсон қилди, Ислом динига кирдингизлар. Одам ўлдиришга таъжил қилманглар (шошилманглар), ҳолини яхши текширинглар. Албатта, Аллоҳ таоло сизларнинг амалларингиздан бохабардир.

لَّا يَسْتَوِى ٱلْقَٰعِدُونَ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ غَيْرُ أُوْلِى ٱلضَّرَرِ وَٱلْمُجَٰهِدُونَ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ بِأَمْوَٰلِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ فَضَّلَ ٱللَّهُ ٱلْمُجَٰهِدِينَ بِأَمْوَٰلِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ عَلَى ٱلْقَٰعِدِينَ دَرَجَةً وَكُلًّا وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلْحُسْنَىٰ وَفَضَّلَ ٱللَّهُ ٱلْمُجَٰهِدِينَ عَلَى ٱلْقَٰعِدِينَ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿٩٥﴾ دَرَجَٰتٍ مِّنْهُ وَمَغْفِرَةً وَرَحْمَةً وَكَانَ ٱللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٩٦﴾

95-96. Мусулмонлардан узрсиз ўз уйларида ўтирувчилар билан Аллоҳ таоло йўлида мол ва жонларини сарф қилиб, жиҳод қилувчилар баробар эмасдир. Аллоҳ таоло молу жонлари билан жиҳод қилувчилар даражасини ўз уйларида ўтирувчилардан зиёда қилган. Ва Аллоҳ таоло улуғ ажрларга ноил бўлишда мужоҳидларни ўтирувчиларга қараганда афзал қил-

ган. Улар учун Аллоҳ тарафидан улуғ даражалар, мағфират ва раҳмат бор. Аллоҳ таоло мағфират қилгувчи ва раҳмли зотдир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ تَوَفَّىٰهُمُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ ظَالِمِىٓ أَنفُسِهِمْ قَالُوا۟ فِيمَ كُنتُمْ ۖ قَالُوا۟ كُنَّا
مُسْتَضْعَفِينَ فِى ٱلْأَرْضِ ۚ قَالُوٓا۟ أَلَمْ تَكُنْ أَرْضُ ٱللَّهِ وَٰسِعَةً فَتُهَاجِرُوا۟ فِيهَا ۚ فَأُو۟لَٰٓئِكَ
مَأْوَىٰهُمْ جَهَنَّمُ ۖ وَسَآءَتْ مَصِيرًا ﴿٩٧﴾ إِلَّا ٱلْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ ٱلرِّجَالِ وَٱلنِّسَآءِ
وَٱلْوِلْدَٰنِ لَا يَسْتَطِيعُونَ حِيلَةً وَلَا يَهْتَدُونَ سَبِيلًا ﴿٩٨﴾ فَأُو۟لَٰٓئِكَ عَسَى ٱللَّهُ أَن 5 жузъ
يَعْفُوَ عَنْهُمْ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَفُوًّا غَفُورًا ﴿٩٩﴾

97-99. Ислом ибтидосида ўз нафсларига зулм қилиб, Расулуллоҳ билан бирга ҳижрат қилмасдан, кофирлар билан дўст бўлиб, Маккада қолган жамоаларнинг жонларини малоикалар (фаришталар) қабз қилгандан кейин айтадилар: «Сизлар қайси ҳолда эдингизлар. Нима учун ҳижрат қилмасдан, мушриклар билан қолдингизлар?» Улар жавоб берадиларки: «Бизлар Макка ерида ожиз эдик. Кофирлардан қўрқиб ҳижрат қилмадик». Малоикалар айтадиларки: «Сизлар ҳижрат қилишларингиз учун Худонинг ери кенг эмасмиди? (Йўқ!) Балки, сизлар кофирлардан жудо бўлишни ихтиёр этмадингизлар». Энди уларнинг жойи жаҳаннамдир. Уларнинг борадиган жойлари кўп ёмондир. Магар у эр-хотинлар ва болалар ҳақиқатда ночордирки, улар чиқиб кетиш учун бирор тадбир қилолмайдилар ва йўл тополмайдилар, ана ўшаларни Аллоҳ таоло афв этишига умид бордир. Аллоҳ таоло афв этгувчи ва мағфират қилгувчидир.

۞ وَمَن يُهَاجِرْ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ يَجِدْ فِى ٱلْأَرْضِ مُرَٰغَمًا كَثِيرًا وَسَعَةً ۚ وَمَن يَخْرُجْ مِنۢ
بَيْتِهِۦ مُهَاجِرًا إِلَى ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ ثُمَّ يُدْرِكْهُ ٱلْمَوْتُ فَقَدْ وَقَعَ أَجْرُهُۥ عَلَى ٱللَّهِ ۗ وَكَانَ
ٱللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿١٠٠﴾

100. Ҳар кимки Худо йўлида ҳижрат қилар экан, қайси ерга борса ҳам, Худо тарафидан кенглик ва ризқ-рўзида фаровонлик топади. Ҳар кимки Худо ва Расули учун ҳижрат қилиб, уйидан чиқар экан, йўл узра қазо ва қадар етиб ўлар экан, унинг савоби Худонинг наздида собитдир, *яъни, меҳнати зое бўлмайди*. Албатта, Аллоҳ таоло бандаларнинг гуноҳларини кечиргувчи ва уларга меҳрибондир.

وَإِذَا ضَرَبْتُمْ فِى ٱلْأَرْضِ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَن تَقْصُرُوا۟ مِنَ ٱلصَّلَوٰةِ إِنْ خِفْتُمْ أَن
يَفْتِنَكُمُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ ۚ إِنَّ ٱلْكَٰفِرِينَ كَانُوا۟ لَكُمْ عَدُوًّا مُّبِينًا ﴿١٠١﴾

101. Вақтики сизлар ер юзида сафар қилсангизлар, агар кофирларнинг фитнасидан қўрқсангизлар, тўрт ракъатли намозни икки ракъатга қисқартирсангизлар, сизларга ҳеч боки (зарари) йўқдир. Албатта, кофирлар сизларга ошкора душмандир.

وَإِذَا كُنتَ فِيهِمْ فَأَقَمْتَ لَهُمُ ٱلصَّلَوٰةَ فَلْتَقُمْ طَآئِفَةٌ مِّنْهُم مَّعَكَ وَلْيَأْخُذُوٓا۟
أَسْلِحَتَهُمْ فَإِذَا سَجَدُوا۟ فَلْيَكُونُوا۟ مِن وَرَآئِكُمْ وَلْتَأْتِ طَآئِفَةٌ أُخْرَىٰ لَمْ
يُصَلُّوا۟ فَلْيُصَلُّوا۟ مَعَكَ وَلْيَأْخُذُوا۟ حِذْرَهُمْ وَأَسْلِحَتَهُمْ ۗ وَدَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَوْ
تَغْفُلُونَ عَنْ أَسْلِحَتِكُمْ وَأَمْتِعَتِكُمْ فَيَمِيلُونَ عَلَيْكُم مَّيْلَةً وَٰحِدَةً ۚ وَلَا
جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِن كَانَ بِكُمْ أَذًى مِّن مَّطَرٍ أَوْ كُنتُم مَّرْضَىٰٓ أَن تَضَعُوٓا۟
5 жузъ أَسْلِحَتَكُمْ وَخُذُوا۟ حِذْرَكُمْ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ أَعَدَّ لِلْكَٰفِرِينَ عَذَابًا مُّهِينًا ﴿١٠٢﴾

102. Вақтики Сен Ислом лашкари ўртасида бўлсанг, душманнинг хавфи зиёда бўлса, Ислом лашкарининг намозини ўқиб бермоқчи (имом) бўлсанг, лашкарни икки гуруҳга тақсим қилгил. Улардан бир гуруҳи Сен билан бирга намозга шуруъ қилсин, бошқа гуруҳ кофирлар муқобилида турсин. Сен билан бирга намоз ўқувчилар жанг қуролларини ўзлари билан сақлашлари лозим. То вақтики булар сажда қилгунларича (яъни, бир ракъат ўқиб бўлгунларича) иккинчи тоифа уларни душман ҳужумидан сақлаб турсин. Аввалги бир ракъат ўқиган гуруҳ сўнг душман муқобилига борсин. Намоз ўқимаганлар келиб, Сен билан бирга намозга шуруъ қилсинлар, лекин эҳтиёт тариқасида жанг қуролларини ўзлари билан бирга сақласинлар. Булар бир ракъат ўқигандан сўнг душман муқобилига борадилар. Аввалги бир ракъат ўқиганлар қайтиб келадилар. Сен билан намозда иштирок қиладилар, шу тариқада намозларини тамом қиладилар. Кофирлар сизлар қуролларингиздан ғофил бўлиб, матоларингиздан бепарво бўлишларингиз билан устларингизга бирдан ҳамла қилишни хоҳлайдилар. Агар сизларга ёмғирдан азият бўлса ё касал бўлсангизлар, шундай ҳолатда жанг қуролларингизни ўзларингиздан жудо қилсанглар (ечиб қўйсанглар) сизларга ҳеч боки (зарари) йўқ. *Ҳарҳолда, эҳтиёт бўлишларингиз лозим.* Қуролларингизни узоққа қолдирмасдан, ўзларингизга яқин жойда сақланглар. Албатта, Аллоҳ таоло кофирларга хор қиладиган азобни тайёрлаб қўйгандир.

فَإِذَا قَضَيْتُمُ ٱلصَّلَوٰةَ فَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ قِيَٰمًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِكُمْ ۚ فَإِذَا
ٱطْمَأْنَنتُمْ فَأَقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ ۚ إِنَّ ٱلصَّلَوٰةَ كَانَتْ عَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ كِتَٰبًا
مَّوْقُوتًا ﴿١٠٣﴾

103. Вақтики намозни тамом қилганларингдан кейин урушиб турган ҳолларингизда, ўтирган ҳолларингизда, ёнбошлаб ётган ҳолларингизда Худони ёд қилинглар. *Яъни, кофирларнинг муқобилида Худони ҳар вақт ёд қилишдан ғофил бўлманглар.* Вақтики уруш хавфидан эмин бўлсангизлар, намозни шароитлари билан мукаммал адо этинглар. Албатта, мўминларнинг бўйниларига намозни ўз вақтида адо этиш фарз қилингандир.

وَلَا تَهِنُوا۟ فِى ٱبْتِغَآءِ ٱلْقَوْمِ ۖ إِن تَكُونُوا۟ تَأْلَمُونَ فَإِنَّهُمْ يَأْلَمُونَ كَمَا

تَأْلَمُونَ وَتَرْجُونَ مِنَ ٱللَّهِ مَا لَا يَرْجُونَ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١٠٤﴾ إِنَّآ
أَنزَلْنَآ إِلَيْكَ ٱلْكِتَٰبَ بِٱلْحَقِّ لِتَحْكُمَ بَيْنَ ٱلنَّاسِ بِمَآ أَرَىٰكَ ٱللَّهُ ۚ وَلَا تَكُن
لِّلْخَآئِنِينَ خَصِيمًا ﴿١٠٥﴾

104-105. Эй мўминлар, Уҳуд урушидан қайтган мушриклар билан яна жанг қилишга суст бўлманглар. Агар сизлар Уҳуд урушидаги жароҳатлардан алам тортган бўлсангизлар, улар ҳам сизларга ўхшаб жароҳатлардан алам тортгандирлар. Ваҳоланки, сизлар Худонинг раҳматидан умидворсизлар, кофирлар умидвор эмаслар. Албатта, Аллоҳ таоло сизларнинг ботинларингизни билади, шунга биноан ҳукм қилади. *Ривоят қилинадики, саҳобалардан Туъма (ибн Убайриқ) номли бир шахс Қатода разияллоҳу таоло анҳунинг уйидан бир қоп унни ўғирлаб бир зирҳ (совут) қопининг ичига солиб уйига олиб боради. Яна қўрқиб уйидан олиб чиқиб, бир яҳудийнинг уйига омонат қўяди. Қопнинг таги йиртиқ экан йўлда ун тўкилиб борган. Эрта билан Қатода разияллоҳу анҳу тўкилган унни нишона олиб, Туъманинг уйига келган. Туъмадан сўраса: «Мен олганим йўқ», – деб қасамёд қилган. Яна уннинг нишонаси билан яҳудийнинг уйига келган. Яҳудий айтганки: «Кеча Туъма менинг уйимга бир қоп унни омонат қўйиб кетган эди». Бошқа яҳудийлар «ҳақиқатда тўғри», деб гувоҳлик берадилар. Қатода розияллоҳу анҳу Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб, воқеани баён қилади. Туъманинг қариндошлари келиб, Расулуллоҳдан Туъмани ҳимоя қилишни илтимос қиладилар. Айтадиларки: «Ўғриликни яҳуднинг бўйнига қўйинг. Бизнинг обрўйимизни сақланг». Расулуллоҳ шундай қилишни ирода қилган эдилар. Худодан ушбу оят нозил бўлди:* Албатта, Биз Сенга Қуръонни ростлик билан, Худонинг буйруғига мувофиқ халқ ўртасида ҳукм этишинг учун нозил қилдик. Хоинларни ҳимоя этиб, бегуноҳ одамга хусумат қилмагил! **5 жузъ**

وَٱسْتَغْفِرِ ٱللَّهَ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿١٠٦﴾ وَلَا تُجَٰدِلْ عَنِ ٱلَّذِينَ
يَخْتَانُونَ أَنفُسَهُمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ مَن كَانَ خَوَّانًا أَثِيمًا ﴿١٠٧﴾ يَسْتَخْفُونَ مِنَ
ٱلنَّاسِ وَلَا يَسْتَخْفُونَ مِنَ ٱللَّهِ وَهُوَ مَعَهُمْ إِذْ يُبَيِّتُونَ مَا لَا يَرْضَىٰ مِنَ ٱلْقَوْلِ ۚ
وَكَانَ ٱللَّهُ بِمَا يَعْمَلُونَ مُحِيطًا ﴿١٠٨﴾

106-108. Бу ироданг учун кечирим сўра. Албатта, Аллоҳ таоло кечирим сўраганларни мағфират қилади. Аллоҳ бандаларига меҳрибондир. Ўз нафсларига ҳам, бошқаларга ҳам хиёнат қиладиган жамоаларнинг тарафини олиб, бегуноҳ одам билан жанжал қилма! Албатта, Аллоҳ таоло хоин бўлган одамларни дўст тутмайди. Бу одамларга таажжуб қиласанки, халқдан шарм қиладилар, Худодан шарм қилмайдилар. Ваҳоланки, Худо уларнинг асрорларини билади, гўё улар билан биргадир. Вақтики кечаси ётганда Худо рози бўлмайдиган тадбирларни маслаҳат қиладилар ва ёлғон

сўзларни тўқийдилар. Вaҳоланки, Аллоҳ таолонинг илми уларнинг қилган ишларини ва сўзларини, тадбирларини иҳота қилгувчидир.

هَٰٓأَنتُمْ هَٰٓؤُلَآءِ جَٰدَلْتُمْ عَنْهُمْ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا فَمَن يُجَٰدِلُ ٱللَّهَ عَنْهُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ أَم مَّن يَكُونُ عَلَيْهِمْ وَكِيلًا ﴿١٠٩﴾

109. Огоҳ бўлинглар, сизлар шундай жамоадирсизларки, бу дунёда хоинларни ҳимоя қилиб, бегуноҳ билан мужодала қилмоқчи бўласизлар. Қиёмат куни бўлганда ким Худо билан мужодала қилади? Улар тарафидан ва уларга ким вакил бўлиб, Худонинг азобини улардан даф қила олади?

5 жузъ

وَمَن يَعْمَلْ سُوٓءًا أَوْ يَظْلِمْ نَفْسَهُۥ ثُمَّ يَسْتَغْفِرِ ٱللَّهَ يَجِدِ ٱللَّهَ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿١١٠﴾

110. Ҳар кимки ёмонлик қилса, ё ўз нафсига зулм қилса, сўнгра пушаймон бўлиб, Худога тавба қилса, албатта, Худо кечиргувчи ва раҳм қилгувчи Зотдир.

وَمَن يَكْسِبْ إِثْمًا فَإِنَّمَا يَكْسِبُهُۥ عَلَىٰ نَفْسِهِۦ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١١١﴾

111. Ҳар кимки бир гуноҳни касб қилса, албатта, у ўз нафсининг зарарига касб қилибди. Албатта, Аллоҳ таоло банданинг ҳолини билади. Унинг ҳолига яраша жазо берувчи ҳикматли Зотдир.

وَمَن يَكْسِبْ خَطِيٓـَٔةً أَوْ إِثْمًا ثُمَّ يَرْمِ بِهِۦ بَرِيٓـًٔا فَقَدِ ٱحْتَمَلَ بُهْتَٰنًا وَإِثْمًا مُّبِينًا ﴿١١٢﴾

112. Ҳар кимки гуноҳи сағира ёки гуноҳи кабира қилса, кейин ўз қилган гуноҳини бир бегуноҳ одамга туҳмат қилса (ағдарса), бас, ундай одам улуғ гуноҳга муртакиб бўлган ва бошқаларга бўҳтон қилгандир.

وَلَوْلَا فَضْلُ ٱللَّهِ عَلَيْكَ وَرَحْمَتُهُۥ لَهَمَّت طَّآئِفَةٌ مِّنْهُمْ أَن يُضِلُّوكَ وَمَا يُضِلُّونَ إِلَّآ أَنفُسَهُمْ ۖ وَمَا يَضُرُّونَكَ مِن شَىْءٍ ۚ وَأَنزَلَ ٱللَّهُ عَلَيْكَ ٱلْكِتَٰبَ وَٱلْحِكْمَةَ وَعَلَّمَكَ مَا لَمْ تَكُن تَعْلَمُ ۚ وَكَانَ فَضْلُ ٱللَّهِ عَلَيْكَ عَظِيمًا ﴿١١٣﴾

113. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сенга Худонинг фазли ва марҳамати бўлмаганда эди, *Туъманинг қавмидан* бир жамоа Сени гумроҳ қилишга қасд этиб, ноҳақ ҳукм қилишга тарғиб этган (бўлар) эди. Лекин улар Сени гумроҳ қила олмадилар, магар ўз нафсларини гумроҳ қилдилар. Ва ҳам Сенга ҳеч қандай зарар етказолмадилар, чунки Аллоҳ таоло Сенга Қуръонни ва шариат аҳкомини нозил қилди. Ва Сенга билмаган нарсаларингни таълим берди. Сенга Аллоҳнинг фазли ва марҳамати улуғдир.

۞ لَّا خَيْرَ فِى كَثِيرٍ مِّن نَّجْوَىٰهُمْ إِلَّا مَنْ أَمَرَ بِصَدَقَةٍ أَوْ مَعْرُوفٍ أَوْ إِصْلَٰحٍۭ بَيْنَ ٱلنَّاسِ ۚ وَمَن يَفْعَلْ ذَٰلِكَ ٱبْتِغَآءَ مَرْضَاتِ ٱللَّهِ فَسَوْفَ نُؤْتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿١١٤﴾

114. Одамларнинг бир-бирларига бефойда, бекорчи сўзларни айтишларида ҳеч хайр ва савоб йўқдир. Магар хайр ва савоб шундай сўзларда борки, бир-бирларини яхши ишларга ва садақотларга амр қилсалар ё халқ ўртасиниислоҳ қилиш учун сўзласалар, албатта, ажр топадилар. Ҳар кимки шу яхши амалларни Худо ризоси учун қилар экан, Қиёмат куни ўша бандаларга ажри азийм берамиз.

وَمَن يُشَاقِقِ ٱلرَّسُولَ مِنۢ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُ ٱلْهُدَىٰ وَيَتَّبِعْ غَيْرَ سَبِيلِ ٱلْمُؤْمِنِينَ
نُوَلِّهِۦ مَا تَوَلَّىٰ وَنُصْلِهِۦ جَهَنَّمَ وَسَآءَتْ مَصِيرًا ﴿١١٥﴾

115. Ҳар кимки ҳақ зоҳир бўлгандан кейин Расулга мухолиф бўлса, 5 жузъ
унинг амрини бажо келтирмаса, мўминларнинг йўлидан бошқа йўлни ихтиёр қилса ва гумроҳликни дўст тутса, бу дунёда Биз мана шу бандаларни (ўзлари) дўст тутган гумроҳлик йўлларига юргизамиз ва сўнгра жаҳаннамга киргизамиз. Жаҳаннам кўп ёмон жойдир.

إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَن يُشْرَكَ بِهِۦ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَٰلِكَ لِمَن يَشَآءُ ۚ وَمَن يُشْرِكْ
بِٱللَّهِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَٰلًۢا بَعِيدًا ﴿١١٦﴾

116. Албатта, Аллоҳ таоло гуноҳлар ичида ширкни кечирмайди. Ширкдан бошқа гуноҳларни хоҳлаган бандасидан кечиради. Ҳар кимки бошқа нарсани Худога шерик қилар (ширк келтирар) экан, бас, у банда оғир гумроҳликка мубтало бўлгандир.

إِن يَدْعُونَ مِن دُونِهِۦٓ إِلَّآ إِنَٰثًا وَإِن يَدْعُونَ إِلَّا شَيْطَٰنًا مَّرِيدًا ﴿١١٧﴾ لَّعَنَهُ
ٱللَّهُ ۘ وَقَالَ لَأَتَّخِذَنَّ مِنْ عِبَادِكَ نَصِيبًا مَّفْرُوضًا ﴿١١٨﴾ وَلَأُضِلَّنَّهُمْ وَلَأُمَنِّيَنَّهُمْ
وَلَءَامُرَنَّهُمْ فَلَيُبَتِّكُنَّ ءَاذَانَ ٱلْأَنْعَٰمِ وَلَءَامُرَنَّهُمْ فَلَيُغَيِّرُنَّ خَلْقَ ٱللَّهِ ۚ
وَمَن يَتَّخِذِ ٱلشَّيْطَٰنَ وَلِيًّا مِّن دُونِ ٱللَّهِ فَقَدْ خَسِرَ خُسْرَانًا مُّبِينًا ﴿١١٩﴾
يَعِدُهُمْ وَيُمَنِّيهِمْ ۖ وَمَا يَعِدُهُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ إِلَّا غُرُورًا ﴿١٢٠﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ مَأْوَىٰهُمْ جَهَنَّمُ
وَلَا يَجِدُونَ عَنْهَا مَحِيصًا ﴿١٢١﴾

117-121. Бу мушриклар Худога ибодат қилмасдан, балки Лот, Уззо ва Манот исмли хотинларнинг (бут) ҳайкалига ибодат қиладилар. Аслида, улар Худонинг лаънатига гирифтор бўлган шайтонга ибодат қиладилар. Ваҳоланки, шайтон қасамёд қилиб, мардуд бўлган ҳолатида айтган эдики: «Мен, албатта, Сенинг бандаларингни гумроҳ қилишни ўзимга муқаррар вазифа қилдим. Мен уларни ўзимнинг тоатимга даъват қиламан, васваса қилиб, йўлдан оздираман, дилларига дунёнинг орзу-ҳавасини соламан, ножоиз ишларга амр қиламан. Бас, улар ҳайвонларнинг қулоқларини кесадилар ва ўзларига гўштини ҳаром қиладилар. Яна уларга Аллоҳ таоло

махлуқларининг аҳволларини тағйир беришни (ўзгартиришни) амр қиламан. Масалан, инсонни бичиб қўйиш ва ливотагарлик (бесоқолбозлик) ва шунга ўхшаш ботил ишларга мубтало бўладилар. Ҳар кимки Худога итоат қилмасдан, шайтонни дўст тутиб, унинг буйруқларига итоат қилар экан, дунё ва охиратда очиқ зиёнга учрайди. Шайтон бандаларга дунёда узоқ умр кўришни, орзуларга етишишни ваъда қилади. Лекин шайтон ҳар ваъдаки қилган бўлса, ёлғон ва ботилдир. Бу шайтонга эргашган бандаларнинг жойлари жаҳаннамдир. Ундан ҳаргиз нажот топмайдилар.

5 жузъ وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَنُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا
الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ۖ وَعْدَ اللَّهِ حَقًّا ۚ وَمَنْ أَصْدَقُ مِنَ اللَّهِ قِيلًا ﴿١٢٢﴾

122. Иймон келтирган, яхши амаллар қилган бандаларни Қиёмат куни остидан анҳорлар жорий бўлган жаннатга киргизамиз. Бу мўминлар абадий жаннатда бўладилар. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Худонинг сўзидан бошқа кимнинг сўзи ростроқ бўлур?!

لَيْسَ بِأَمَانِيِّكُمْ وَلَا أَمَانِيِّ أَهْلِ الْكِتَابِ ۗ مَنْ يَعْمَلْ سُوءًا يُجْزَ بِهِ وَلَا يَجِدْ لَهُ
مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿١٢٣﴾

123. Охиратнинг саодати ва нажоти сизларнинг орзуларингизга ҳам ва аҳли китобнинг орзусига ҳам мувофиқ бўлмайди, балки яхши амалларга мувофиқдир. Ҳар кимки ёмон амал қилса, охиратда ёмон жазо билан жазоланади. Ва Худодан бошқа ёрдамчи, дўст ҳам топмайди.

وَمَنْ يَعْمَلْ مِنَ الصَّالِحَاتِ مِنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُولَٰئِكَ يَدْخُلُونَ
الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ نَقِيرًا ﴿١٢٤﴾

124. Ҳар кимки, хоҳ мўмин эркак бўлсин, хоҳ мўмина хотин бўлсин, яхши амаллар қилса, ана ўшалар жаннатга кирадилар. Савобларидан заррача ҳам кам қилинмайди ва уларга зулм ҳам қилинмайди.

وَمَنْ أَحْسَنُ دِينًا مِمَّنْ أَسْلَمَ وَجْهَهُ لِلَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ وَاتَّبَعَ مِلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا ۗ
وَاتَّخَذَ اللَّهُ إِبْرَاهِيمَ خَلِيلًا ﴿١٢٥﴾

125. Нафсини Худонинг ризосига топширган ва ҳар бир яхшиликларни қилувчи ва ҳам Иброҳим (алайҳиссалом)нинг динига эргашган кишининг динидан яхшироқ дин борми? Иброҳим (алайҳиссалом) Худо тарафига мойил бўлган зот эди. Ва ҳам Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)ни ўз муҳаббатига хос қилган (дўст тутган) эди.

وَلِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ ۚ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ مُحِيطًا ﴿١٢٦﴾

126. Ҳар нарсаки, осмонларда ва ердадир, ҳаммаси хос Худонинг мулкидир. Аллоҳ таолонинг қудрати ва илми ҳамма нарсани иҳота қилгандир.

وَيَسْتَفْتُونَكَ فِي ٱلنِّسَآءِ قُلِ ٱللَّهُ يُفْتِيكُمْ فِيهِنَّ وَمَا يُتْلَىٰ عَلَيْكُمْ فِي ٱلْكِتَٰبِ
فِي يَتَٰمَى ٱلنِّسَآءِ ٱلَّٰتِي لَا تُؤْتُونَهُنَّ مَا كُتِبَ لَهُنَّ وَتَرْغَبُونَ أَن تَنكِحُوهُنَّ
وَٱلْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ ٱلْوِلْدَٰنِ وَأَن تَقُومُوا۟ لِلْيَتَٰمَىٰ بِٱلْقِسْطِ وَمَا تَفْعَلُوا۟
مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِهِۦ عَلِيمًا ﴿١٢٧﴾

127. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), одамлар Сендан хотинларнинг мероси хусусида фатво талаб қиладилар. Уларга айтгил: «Хотинларнинг мероси хусусида Аллоҳ сизларга Қуръонда тиловат қилинган оятлар орқали (фатво) баён қилиб беради. Етим қизларнинг сизларга муқаррар қилинган меросини (ҳақларини) бермасликларингиз, меросларига эга бўлмоқ учун никоҳларингизга олмоққа рағбат қилмоғингиз ҳаром эканини ва ҳам заиф ва бечора болаларнинг мерослари ҳукмини Қуръон баён қилиб беради. Яна Қуръон етим қизларнинг маҳрлари хусусида адолат ва ростликни қоим қилишга ҳукм қилади. Сизларнинг етим ва гўдакларга қилган ҳар хайр ва яхшиликларингизни Аллоҳ таоло билади *ва унга лойиқ ажр-мукофот беради».*

5 жузъ

وَإِنِ ٱمْرَأَةٌ خَافَتْ مِنۢ بَعْلِهَا نُشُوزًا أَوْ إِعْرَاضًا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَآ أَن يُصْلِحَا
بَيْنَهُمَا صُلْحًا وَٱلصُّلْحُ خَيْرٌ وَأُحْضِرَتِ ٱلْأَنفُسُ ٱلشُّحَّ وَإِن تُحْسِنُوا۟
وَتَتَّقُوا۟ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا ﴿١٢٨﴾

128. Ва агар хотин киши эрининг муҳаббатсизлиги ва ундан жудо бўлишидан қўрқса, бас, бир-бирлари билан сулҳ қилсалар, *яъни, хотин ўз маҳридан кечса ё ўз навбатини кундошига берса*, икковига ҳеч боки (зарари) йўқ. Ҳарҳолда жудо бўлишларидан сулҳ қилишлари яхшироқдир. Ҳар бир нафснинг бахиллик қилиши (қизғаниши) табиийдир. Агар яхшилик қилсангизлар, ҳар бир муомалада Худодан қўрқсангизлар, бас, албатта, Аллоҳ таоло сизларнинг амалларингизни билгувчидир.

وَلَن تَسْتَطِيعُوٓا۟ أَن تَعْدِلُوا۟ بَيْنَ ٱلنِّسَآءِ وَلَوْ حَرَصْتُمْ فَلَا تَمِيلُوا۟ كُلَّ ٱلْمَيْلِ
فَتَذَرُوهَا كَٱلْمُعَلَّقَةِ وَإِن تُصْلِحُوا۟ وَتَتَّقُوا۟ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿١٢٩﴾

129. Эй бандалар, бирдан ортиқ хотинларингиз бор бўлгач, гарчи сизлар хотинлар ўртасида адолат қилишга ҳарис бўлсангизлар ҳам, ҳаргиз адолат қилишга қодир эмассиз. Бас, бирор яхши кўрган хотинингиз, *гарчи у хушсурат бўлса-да*, зиёда майл қилиб, иккинчисини эри борлиги ҳам, талоқ қилингани ҳам маълум бўлмаган – муаллақа хотин ҳолига ташлаб қўйманглар. Агар ўз ҳолларингизни ислоҳ этсангизлар ва шундай амаллардан парҳез қилсангизлар, бас, албатта, Аллоҳ таоло аввалги ўтган адолатсизликларингизни кечиради ва сизларга раҳм қилиб, тавфиқ ато этади.

وَإِن يَتَفَرَّقَا يُغْنِ ٱللَّهُ كُلًّا مِّن سَعَتِهِۦ وَكَانَ ٱللَّهُ وَٰسِعًا حَكِيمًا ﴿١٣٠﴾

130. Агар эр ва хотин бир-бирларидан жудо бўлсалар, «энди ҳолим танг бўлади», – деб қўрқмасинлар. Аллоҳ таоло ҳар бирларига ризқ-рўз бериб, мустағний (бой) қилади. Албатта, бандалар учун Аллоҳ таолонинг марҳамати кенг ва ўз феълида ҳикматлидир.

وَلِلَّهِ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلْأَرْضِ وَلَقَدْ وَصَّيْنَا ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ مِن
قَبْلِكُمْ وَإِيَّاكُمْ أَنِ ٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَإِن تَكْفُرُوا۟ فَإِنَّ لِلَّهِ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي
ٱلْأَرْضِ وَكَانَ ٱللَّهُ غَنِيًّا حَمِيدًا ﴿١٣١﴾

5 жузъ

131. Ер юзидаги ва ҳам осмонлардаги ашёлар хос Худонинг мулки ва махлуқидир. Сизлардан аввал ўтган аҳли китобларга ҳукм (васият) қилган эдик ва сизларга ҳам шундай ҳукм қиламиз: «Худонинг азобидан қўрқинглар ва Худога ширк келтирманглар, агар сизлар кофир бўлиб, Худонинг ҳукмига итоат қилмасангизлар, билинглар, осмонлардаги ва ердаги ашёлар ҳаммаси Худонинг мулки ва махлуқидир. Аллоҳ таоло сизларнинг тоатларингиздан мустағний (беҳожат) ва ҳар ишда мамдуҳ (мадҳу санога лойиқ)дир».

وَلِلَّهِ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلْأَرْضِ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ وَكِيلًا ﴿١٣٢﴾

132. Осмонлар ва ердаги махлуқотлар Худонинг мулкидир. Бу ашёларни хоҳлаганидай тасарруф қилса, қудрати бордир. Ўзи кифоя қилгувчи вакилдир.

إِن يَشَأْ يُذْهِبْكُمْ أَيُّهَا ٱلنَّاسُ وَيَأْتِ بِـَٔاخَرِينَ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلَىٰ ذَٰلِكَ
قَدِيرًا ﴿١٣٣﴾

133. Эй бандалар, агар Парвардигор хоҳласа, сизларни йўқ қилиб, ўринларингизга бошқа бир миллатни халқ қилиб келтиради. Албатта, Аллоҳ таоло шундай қилишга қодирдир.

مَّن كَانَ يُرِيدُ ثَوَابَ ٱلدُّنْيَا فَعِندَ ٱللَّهِ ثَوَابُ ٱلدُّنْيَا وَٱلْـَٔاخِرَةِ وَكَانَ ٱللَّهُ سَمِيعًۢا
بَصِيرًا ﴿١٣٤﴾

134. Сизлардан кимки тоатлари ва ибодатларининг жазосини (ажрини) хоҳласа, Аллоҳ таоло шу дунёда беради. Аллоҳ наздида бу дунёнинг ва ҳам охиратнинг жазоси (савоби) муқаррардир. Бас, сизларга лойиқ бўлгани шуки, фоний дунёнинг роҳатини тарк этиб, охиратнинг савобини истанглар. Албатта, Аллоҳ таоло сизларнинг сўзларингизни эшитгувчи ва афъолларингизни кўргувчидир.

۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ كُونُوا۟ قَوَّٰمِينَ بِٱلْقِسْطِ شُهَدَآءَ لِلَّهِ وَلَوْ عَلَىٰٓ أَنفُسِكُمْ أَوِ
ٱلْوَٰلِدَيْنِ وَٱلْأَقْرَبِينَ إِن يَكُنْ غَنِيًّا أَوْ فَقِيرًا فَٱللَّهُ أَوْلَىٰ بِهِمَا فَلَا تَتَّبِعُوا۟ ٱلْهَوَىٰٓ
أَن تَعْدِلُوا۟ وَإِن تَلْوُۥٓا۟ أَوْ تُعْرِضُوا۟ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا ﴿١٣٥﴾

135. Эй мўминлар, ҳар бир ҳукмингизда адолатни барпо қилинглар ва бировларнинг ҳақига Худо учун (адолат билан) шаҳодат (гувоҳлик) беринглар, агарчи бу шаҳодатларингиз ўз нафсларингиз ё ота-она ва ё хеш-ақраболарингиз зарарига бўлса ҳам. Аллоҳ таоло шаҳодат берилган одамга сизлардан кўра меҳрибонроқдир. Агар шаҳодат берилган одамлар бой бўлсалар ҳам, андиша қилманглар ё фақир бўлсалар ҳам, раҳм қилманглар. Албатта, Худо розилиги учун шаҳодат (гувоҳлик) беринглар. Ҳавои нафсонийга тобе бўлманглар ва ҳақдан юз ўгирманглар. Агар шаҳодат беришдан тилларингизни сақласангизлар ё юз ўгирсангизлар, албатта, Аллоҳ таоло бу қилган амалларингиздан хабардордир ва шунга лойиқ жазо беради. 5 жузъ

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ ءَامِنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَٱلْكِتَٰبِ ٱلَّذِى نَزَّلَ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ
وَٱلْكِتَٰبِ ٱلَّذِىٓ أَنزَلَ مِن قَبْلُ ۚ وَمَن يَكْفُرْ بِٱللَّهِ وَمَلَٰٓئِكَتِهِۦ وَكُتُبِهِۦ وَرُسُلِهِۦ
وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَٰلًۢا بَعِيدًا ١٣٦

136. Эй мўминлар, ихлос ва эътиқод билан Худога, Расулига, Қуръонга ва Қуръондан илгари нозил қилинган китобларга иймон келтиринглар. Ҳар ким Аллоҳ таологa, малоикаларига, китобларига, расулларига ва Қиёмат кунига кофир бўлса, бас, ўшандай банда қаттиқ гумроҳ бўлган ва Худонинг раҳматидан узоқ бўлгандир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ثُمَّ كَفَرُوا۟ ثُمَّ ءَامَنُوا۟ ثُمَّ كَفَرُوا۟ ثُمَّ ٱزْدَادُوا۟ كُفْرًا لَّمْ يَكُنِ ٱللَّهُ
لِيَغْفِرَ لَهُمْ وَلَا لِيَهْدِيَهُمْ سَبِيلًۢا ١٣٧

137. Албатта, Мусо (алайҳиссалом)га иймон келтириб, гўсолапарастлик (бузоқпарастлик) билан кофир бўлган, сўнгра яна тавба қилиб, иймон келтирган ва яна Ийсо (алайҳиссалом)ни инкор қилиб, куфрларини зиёда қилган у зотларнинг гуноҳларини Аллоҳ таоло мағфират қилмайди, *чунки куфрлари билан умрларини тамом этдилар.* Аллоҳ таоло у гуруҳни ҳақ йўлга ҳидоят қилмайди.

بَشِّرِ ٱلْمُنَٰفِقِينَ بِأَنَّ لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ١٣٨ ٱلَّذِينَ يَتَّخِذُونَ ٱلْكَٰفِرِينَ أَوْلِيَآءَ مِن
دُونِ ٱلْمُؤْمِنِينَ ۚ أَيَبْتَغُونَ عِندَهُمُ ٱلْعِزَّةَ فَإِنَّ ٱلْعِزَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا ١٣٩

138-139. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мўминларнинг ўрнига кофирлар билан дўстлик қилган ўша мунофиқларга Худонинг қаттиқ азобидан хабар бергил! Оё, улар кофирлардан қувват ва ғалаба умид қиладиларми?! Ҳаргиз бу мақсадларига етолмаслар, чунки қувват ва ғалаба ҳаммаси Худоникидир. Хоҳлаган бандасига ато қилади.

وَقَدْ نَزَّلَ عَلَيْكُمْ فِى ٱلْكِتَٰبِ أَنْ إِذَا سَمِعْتُمْ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ يُكْفَرُ بِهَا وَيُسْتَهْزَأُ بِهَا فَلَا
تَقْعُدُوا۟ مَعَهُمْ حَتَّىٰ يَخُوضُوا۟ فِى حَدِيثٍ غَيْرِهِۦٓ ۚ إِنَّكُمْ إِذًا مِّثْلُهُمْ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ جَامِعُ
ٱلْمُنَٰفِقِينَ وَٱلْكَٰفِرِينَ فِى جَهَنَّمَ جَمِيعًا ١٤٠

140. Эй мўминлар, албатта, Худойи таоло сизларга Қуръондаги *Анъом сурасида* шу мазмунда оят нозил қилган эдики: «Қуръоннинг оятларини масхара қилувчиларни кўрсангиз, улардан юз ўгиринг». Яна таъкидлаб сизларга шуни амр қиламанки, вақтики бир мажлисда Қуръоннинг оятини кофирлар масхара қилганини эшитсангиз, улар билан у мажлисда то бошқа сўзга ўтмагунларича бирга ўтирманг. Агар сизлар шу кофирлар билан бирга ўтирсангиз, сизлар ҳам уларнинг жамоасидан ҳисобланасиз. Албатта, Аллоҳ таоло мунофиқларни ва кофирларни жаҳаннамда жам қилгувчидир.

5 жузъ

ٱلَّذِينَ يَتَرَبَّصُونَ بِكُمْ فَإِن كَانَ لَكُمْ فَتْحٌ مِّنَ ٱللَّهِ قَالُوٓا۟ أَلَمْ نَكُن مَّعَكُمْ وَإِن كَانَ لِلْكَٰفِرِينَ نَصِيبٌ قَالُوٓا۟ أَلَمْ نَسْتَحْوِذْ عَلَيْكُمْ وَنَمْنَعْكُم مِّنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ۚ فَٱللَّهُ يَحْكُمُ بَيْنَكُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۗ وَلَن يَجْعَلَ ٱللَّهُ لِلْكَٰفِرِينَ عَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا ﴿١٤١﴾

141. Бу мунофиқлар ҳамиша сизларга шикаст ва кулфат етмоғини умид қилиб, мунтазир бўладилар. Бас, агар кофирлар билан жанг қилган ҳолатларингизда Худо тарафидан фатҳ ва зафар сизларга бўлса, бу мунофиқлар сизларга айтадиларки: «Биз жангда сизлар билан эмасмидик? Бизлар ёрдам берганимиз орқасидан (туфайли) сизлар ғалаба қилдингиз. Бас, ғанимат молдан бизларга ҳам беринглар». Агар кофирлар сизларнинг устингиздан ғалаба қилсалар, у мунофиқлар кофирларга айтадиларки: «Оё, бизнинг қувватимиз ғалаба қилишга етмасмиди, албатта, етар эди. Лекин бу жангда сустлик қилдик. Мўминларга яхши ёрдам бермадик, балки мўминларнинг ғалаба қилишидан сизларни сақладик. Бас, ҳақиқатан биз сизларга ёрдам бердик. Шунинг учун мўминлардан олган ғанимат молга биз ҳам шерикмиз». Бас, Аллоҳ таоло Қиёмат куни ўрталарингизда шу тариқа – сизларни жаннатга ва мунофиқларни дўзахга ҳукм қилади. Аллоҳ таоло ҳаргиз кофирларга мўминларни қатл қилишида ёрдам бермайди.

إِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ يُخَٰدِعُونَ ٱللَّهَ وَهُوَ خَٰدِعُهُمْ وَإِذَا قَامُوٓا۟ إِلَى ٱلصَّلَوٰةِ قَامُوا۟ كُسَالَىٰ يُرَآءُونَ ٱلنَّاسَ وَلَا يَذْكُرُونَ ٱللَّهَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٤٢﴾ مُّذَبْذَبِينَ بَيْنَ ذَٰلِكَ لَآ إِلَىٰ هَٰٓؤُلَآءِ وَلَآ إِلَىٰ هَٰٓؤُلَآءِ ۚ وَمَن يُضْلِلِ ٱللَّهُ فَلَن تَجِدَ لَهُۥ سَبِيلًا ﴿١٤٣﴾

142-143. Албатта, мунофиқлар тиллари билан иймон изҳор қилиб, дилларида куфрни яшириб, Худонинг буйруғига макр ишлатмоқчи бўладилар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло уларнинг фириблари учун жазо бергувчидир. Бу дунёда оятларни юбориб, (уларни) шарманда қилади, охиратда азоб беради. Мунофиқларнинг ҳоллари шуки, мўминлар билан намозга турсалар, ниҳоятда малол билан турадилар. Мўминларга намозларини кўрсатмоқчи бўладилар. Худонинг ёдини қилмаслар, магар риёкорлик билан кам ёд қиладилар (озгина эслайдилар). Улар куфр билан иймон ўртасида ҳайрон бўлиб турувчи ва тараддуд (иккиланиш) ичра қолгувчидирлар. На ҳақиқий кофир бўлиб, кофирларга қўшиладилар ва на ҳақи-

қий мўмин бўлиб, мўминларга қўшиладилар. Кимники Худойи таоло гумроҳ қилса, бас, Сен ҳаргиз уни ҳидоят қила олмассан!

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَتَّخِذُوا۟ ٱلْكَٰفِرِينَ أَوْلِيَآءَ مِن دُونِ ٱلْمُؤْمِنِينَ ۚ أَتُرِيدُونَ أَن تَجْعَلُوا۟ لِلَّهِ عَلَيْكُمْ سُلْطَٰنًا مُّبِينًا ﴿١٤٤﴾

144. Эй мўминлар, кофирларни ўзларингизга дўст тутманглар. Сизлар Қиёмат куни (ўз зарарингизга) мунофиқлигингизга Худонинг равшан (очиқ) ҳужжат келтиришини хоҳлайсизларми? Албатта, бу феълларингиз мунофиқлик аломатидир. 6 жузъ

إِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ فِى ٱلدَّرْكِ ٱلْأَسْفَلِ مِنَ ٱلنَّارِ وَلَن تَجِدَ لَهُمْ نَصِيرًا ﴿١٤٥﴾ إِلَّا ٱلَّذِينَ تَابُوا۟ وَأَصْلَحُوا۟ وَٱعْتَصَمُوا۟ بِٱللَّهِ وَأَخْلَصُوا۟ دِينَهُمْ لِلَّهِ فَأُو۟لَٰٓئِكَ مَعَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ۖ وَسَوْفَ يُؤْتِ ٱللَّهُ ٱلْمُؤْمِنِينَ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿١٤٦﴾

145-146. Албатта, мунофиқлар дўзахнинг тагидан (энг тубидан) жой оладилар. Уларни Худонинг азобидан сақловчи (ҳимоя қилувчи) ҳеч қандай ёрдамчи топилмайди. Магар у жамоаки нифоқдан тавба қилиб, амалларини ислоҳ қилиб, Худонинг ҳукмини маҳкам ушлаб ва холис Худо учун ибодат қилсалар, бас, у жамоалар мўминлар билан (бирга) бўладилар. Аллоҳ таоло Қиёмат куни мўминларга улуғ ажр беради.

مَّا يَفْعَلُ ٱللَّهُ بِعَذَابِكُمْ إِن شَكَرْتُمْ وَءَامَنتُمْ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ شَاكِرًا عَلِيمًا ﴿١٤٧﴾

147. Эй мўминлар, агар сизлар Худога иймон келтирсангизлар ва ҳукмларини бажарсангизлар ва неъматларига шукр қилсангизлар, албатта, Худойи таоло сизларни азобламайди. Аллоҳ таоло мўминларнинг шукрларини қабул қилгувчи, амалларига савоб бергувчи ва ҳолларини (билгувчи) донодир.

ОЛТИНЧИ ЖУЗЪ

۞ لَّا يُحِبُّ ٱللَّهُ ٱلْجَهْرَ بِٱلسُّوٓءِ مِنَ ٱلْقَوْلِ إِلَّا مَن ظُلِمَ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ سَمِيعًا عَلِيمًا ﴿١٤٨﴾ إِن تُبْدُوا۟ خَيْرًا أَوْ تُخْفُوهُ أَوْ تَعْفُوا۟ عَن سُوٓءٍ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَفُوًّا قَدِيرًا ﴿١٤٩﴾

148-149. Аллоҳ таоло ёмон сўзларни ва шикоятларни ҳар жойда ошкор сўзламоқни дўст тутмайди, бироқ агар у мазлум бўлса ва зулмдан ҳар жойда ошкора шикоят қилса, ҳаққи бор, албатта. Аллоҳ таоло мазлумнинг шикоятини эшитгувчи ва золимнинг ҳолини билгувчидир.

Эй мўминлар, агар сизлар ошкора ё махфий яхшилик қилсангизлар ва ё бирор шахснинг хатосини кечирсангизлар, бас, Аллоҳ таоло сизларнинг хатоларингизни кечиргувчи қудратли Зотдир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِٱللَّهِ وَرُسُلِهِۦ وَيُرِيدُونَ أَن يُفَرِّقُوا۟ بَيْنَ ٱللَّهِ وَرُسُلِهِۦ
وَيَقُولُونَ نُؤْمِنُ بِبَعْضٍ وَنَكْفُرُ بِبَعْضٍ وَيُرِيدُونَ أَن يَتَّخِذُوا۟ بَيْنَ ذَٰلِكَ
سَبِيلًا ﴿١٥٠﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْكَٰفِرُونَ حَقًّا ۚ وَأَعْتَدْنَا لِلْكَٰفِرِينَ عَذَابًا مُّهِينًا ﴿١٥١﴾

150-151. Албатта, у жамоаки Худо ва Расулига куфр келтирадилар, улар иймон келтирмоқда Худо ва расуллар (пайғамбарлар) ўрталарида
6 жузъ фарқ қилишни ҳоҳлайдилар ва айтадилар: «Баъзи пайғамбарларга иймон келтирамиз ва баъзиларини инкор қиламиз», хоҳлайдиларки, иймон билан куфр ўртасида ўзларига бир (ора) йўл барпо қилсалар. Бу гуруҳ ҳақиқатан ҳам кофирдурлар, иймонларининг эътибори йўқдир. Ундай кофирларга Биз хор қилгувчи азобни тайёр қилиб қўйгандирмиз.

وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرُسُلِهِۦ وَلَمْ يُفَرِّقُوا۟ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْهُمْ أُو۟لَٰٓئِكَ سَوْفَ يُؤْتِيهِمْ
أُجُورَهُمْ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿١٥٢﴾

152. У мўмин жамоасиким, Худо ва расулларига иймон келтиришда ҳеч қандай фарқ қилмайдилар, балки ҳаммаларига баробар иймон келтирадилар. Ўша гуруҳлар ҳақиқий мўминдурлар. Уларнинг ажрларини Қиёмат куни Худойи таоло ато қилур. Аллоҳ таоло бандаларнинг хатоларини кечиргувчи ва уларга меҳрибондир.

يَسْـَٔلُكَ أَهْلُ ٱلْكِتَٰبِ أَن تُنَزِّلَ عَلَيْهِمْ كِتَٰبًا مِّنَ ٱلسَّمَآءِ ۚ فَقَدْ سَأَلُوا۟ مُوسَىٰٓ أَكْبَرَ
مِن ذَٰلِكَ فَقَالُوٓا۟ أَرِنَا ٱللَّهَ جَهْرَةً فَأَخَذَتْهُمُ ٱلصَّٰعِقَةُ بِظُلْمِهِمْ ۚ ثُمَّ ٱتَّخَذُوا۟
ٱلْعِجْلَ مِنۢ بَعْدِ مَا جَآءَتْهُمُ ٱلْبَيِّنَٰتُ فَعَفَوْنَا عَن ذَٰلِكَ ۚ وَءَاتَيْنَا مُوسَىٰ سُلْطَٰنًا
مُّبِينًا ﴿١٥٣﴾

153. Китобийлар Сендан: «Бизларга осмондан ёзилган бир китоб тушириб бер», – деб талаб қилурлар, Мусодан эса улар бундан ҳам каттароқ (кучлироқ) талаб қилганлар ва деганларки: «Бизларга Аллоҳни очиқдан-очиқ кўрсатгил». Кейин уларга зулмлари сабабидан чақмоқ тушди. Уларга равшан (очиқ) далиллар келгандан кейин ҳам улар бузоқни (маъбуд) қилиб олдилар. Кейин биз уни ҳам афв этдик ва биз Мусога равшан ғалаба бердик.

Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яҳудлар Сендан бу каби беҳуда талаблар қилсалар, таажжуб қилмагилки, улар ўз пайғамбарларидан бундан зиёда ножоиз талабларни қилгандирлар. *Яъни, Худони алониях (ошкора) кўрмоқчи бўлдилар. Кутилмаганда чақмоқ тушиб, ҳаммаларини ҳалок қилди. Мусо алайҳиссаломнинг дуолари ила яна тирилдилар. Бу мўъжизани кўриб туриб ҳам, яна бузоққа сажда қилдилар. Охир етмиш минг одам қатл қилинди.* Сўнгра тавбалари қабул бўлди. Бу Мусо (алайҳиссалом)нинг ғалабалари эди.

وَرَفَعْنَا فَوْقَهُمُ ٱلطُّورَ بِمِيثَٰقِهِمْ وَقُلْنَا لَهُمُ ٱدْخُلُوا۟ ٱلْبَابَ سُجَّدًا وَقُلْنَا لَهُمْ لَا
تَعْدُوا۟ فِى ٱلسَّبْتِ وَأَخَذْنَا مِنْهُم مِّيثَٰقًا غَلِيظًا ﴿١٥٤﴾

154. (Яҳудлар): «Бизга Китоб юборгил», – деб Худодан талаб қилган вақтларида : «Баъзтики, амал қиламиз», – деб аҳд қилсалар, Худо Китоб юборишни ваъда қилди. Вақтики Китоб берсак, қабул қилмадилар. Бас, Тур тоғини бошларига кўтардик, ночор қўрқиб, қабул қилдилар. Ва яҳудларга: «Бошларингизни эгиб, шаҳар дарвозасидан дохил бўлинглар», – деб айтдик. Ва ҳам: «Шанба куни ибодат қилинглар, ҳаддан тажовуз қилманглар», – дедик. Улардан у ҳукмларни бажо келтириш учун мустаҳкам аҳду паймон олдик. 6 жузъ

فَبِمَا نَقْضِهِم مِّيثَٰقَهُمْ وَكُفْرِهِم بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَقَتْلِهِمُ ٱلْأَنۢبِيَآءَ بِغَيْرِ حَقٍّ وَقَوْلِهِمْ
قُلُوبُنَا غُلْفٌۢ ۚ بَلْ طَبَعَ ٱللَّهُ عَلَيْهَا بِكُفْرِهِمْ فَلَا يُؤْمِنُونَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٥٥﴾ وَبِكُفْرِهِمْ
وَقَوْلِهِمْ عَلَىٰ مَرْيَمَ بُهْتَٰنًا عَظِيمًا ﴿١٥٦﴾ وَقَوْلِهِمْ إِنَّا قَتَلْنَا ٱلْمَسِيحَ عِيسَى ٱبْنَ مَرْيَمَ
رَسُولَ ٱللَّهِ وَمَا قَتَلُوهُ وَمَا صَلَبُوهُ وَلَٰكِن شُبِّهَ لَهُمْ ۚ وَإِنَّ ٱلَّذِينَ ٱخْتَلَفُوا۟ فِيهِ لَفِى
شَكٍّ مِّنْهُ ۚ مَا لَهُم بِهِۦ مِنْ عِلْمٍ إِلَّا ٱتِّبَاعَ ٱلظَّنِّ ۚ وَمَا قَتَلُوهُ يَقِينًۢا ﴿١٥٧﴾ بَل رَّفَعَهُ ٱللَّهُ
إِلَيْهِ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا ﴿١٥٨﴾

155-158. Бас, аҳдларини синдирганлари ва ҳам баъзи илоҳий оятга кофир бўлганлари ва анбиёларни ноҳақ қатл қилганлари учун ва ҳам: «Дилларимиз маҳкам (қалбимиз муҳрланган), *Сенинг мавъизанг бизга таъсир этмайди*», – деган сўзлари учун Аллоҳ таоло уларни жазолади. Балки Аллоҳ таоло уларнинг кофир бўлганлари сабабидан дилларига муҳр босди. Бас, улардан озгиналари иймон келтирдилар. Ва яна: *Ийсо алайҳиссаломга мункир бўлмоқлари ва* ҳам Биби Марям ҳақларида улуғ бўҳтон қилганлари ва ҳам фахрланиб: «Ийсо (алайҳиссалом)ни биз ўлдирдик», – деганлари *ва «зинодан бўлган», деб таҳқир қилганлари учун уларни уқубатларга сазовор қилдик ва* уларни лаънатладик. Ваҳоланки, (Ҳазрати) Ийсо ибн Марям Худонинг пайғамбари эди.

(Ҳазрати) Ийсони улар ўлдира олганлари йўқ ва дорга тортганлари йўқ эди. Лекин уларда иштибоҳ (шубҳа пайдо) бўлди, *ўзларининг шерикларини Ҳазрат Ийсо деб дорга осиб қўйдилар.* (Ҳазрати) Ийсонинг шаънида ихтилоф қилган яҳудийларда ҳеч қандай илм йўқ эди. Ўз гумонларича шубҳа қилдилар. *Иштибоҳлари шундан иборат эдики: «Агар дорга осилган Ҳазрат Ийсо бўлса, шеригимиз нима бўлди (қани?), агар шеригимиз дорга осилган бўлса, Ҳазрати Ийсо қаерга кетди?», – дер эдилар.* (Ҳазрати) Ийсони улар ўлдира олганлари йўқ, балки (уни) Аллоҳ таоло юқорига олиб кетди. Аллоҳ таолонинг феъли ҳикматлидир. Ҳар бир амрида ғолибдир.

وَإِن مِّنْ أَهْلِ ٱلْكِتَٰبِ إِلَّا لَيُؤْمِنَنَّ بِهِۦ قَبْلَ مَوْتِهِۦ ۖ وَيَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ يَكُونُ عَلَيْهِمْ
شَهِيدًا ﴿١٥٩﴾

159. (Ҳазрати) Ийсо осмондан тушганидан кейин ўлмасидан аввал аҳли китоблардан биронталари қолмасдан унга (Муҳаммад алайҳиссаломга) иймон келтирурлар. Қиёмат куни бўлганда (Ҳазрати) Ийсо уларнинг ҳолларига гувоҳлик берур.

6 жузъ فَبِظُلْمٍ مِّنَ ٱلَّذِينَ هَادُوا۟ حَرَّمْنَا عَلَيْهِمْ طَيِّبَٰتٍ أُحِلَّتْ لَهُمْ وَبِصَدِّهِمْ عَن
سَبِيلِ ٱللَّهِ كَثِيرًا ﴿١٦٠﴾ وَأَخْذِهِمُ ٱلرِّبَوٰا۟ وَقَدْ نُهُوا۟ عَنْهُ وَأَكْلِهِمْ أَمْوَٰلَ ٱلنَّاسِ
بِٱلْبَٰطِلِ ۚ وَأَعْتَدْنَا لِلْكَٰفِرِينَ مِنْهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٦١﴾

160-161. Яҳудий жамоаларининг зулму ситамлари учун ва ҳам Исломдан кўп халқни манъ қилганлари ва судхўрликлари учун аввал ҳалол қилинган таомларни уларга ҳаром қилдик. Ваҳоланки, Тавротда судхўрлик манъ қилинган эди. Ва ҳам одамлар молини фирибгарлик билан ноҳақ еганликлари учун шу покиза таомларни уларга ҳаром қилдик. Ўшандай золим кофир гуруҳлар учун дардли азобни тайёрлаб қўйдик.

لَّٰكِنِ ٱلرَّٰسِخُونَ فِى ٱلْعِلْمِ مِنْهُمْ وَٱلْمُؤْمِنُونَ يُؤْمِنُونَ بِمَآ أُنزِلَ إِلَيْكَ وَمَآ أُنزِلَ مِن
قَبْلِكَ ۚ وَٱلْمُقِيمِينَ ٱلصَّلَوٰةَ ۚ وَٱلْمُؤْتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ وَٱلْمُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ
ٱلْءَاخِرِ أُو۟لَٰٓئِكَ سَنُؤْتِيهِمْ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿١٦٢﴾

162. Лекин яҳудлардан бир жамоаки: ҳақиқатни билувчилар, Тавротга ва ҳам Сенга нозил бўлган Қуръонга иймон келтирувчилар, намозни барпо қилувчилар, закотни берувчилар, Худога ва охиратга иймон келтирувчилардир – шундай сифатли одамлар учун Қиёмат кунида ажри азим ато қиламиз.

۞ إِنَّآ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ كَمَآ أَوْحَيْنَآ إِلَىٰ نُوحٍ وَٱلنَّبِيِّـۧنَ مِنۢ بَعْدِهِۦ ۚ وَأَوْحَيْنَآ إِلَىٰٓ
إِبْرَٰهِيمَ وَإِسْمَٰعِيلَ وَإِسْحَٰقَ وَيَعْقُوبَ وَٱلْأَسْبَاطِ وَعِيسَىٰ وَأَيُّوبَ وَيُونُسَ
وَهَٰرُونَ وَسُلَيْمَٰنَ ۚ وَءَاتَيْنَا دَاوُۥدَ زَبُورًا ﴿١٦٣﴾

163. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз Сенга ваҳий юбордик. Шунингдек, Нуҳга ва ундан кейин ўтган пайғамбарларга юборганимиз мисли Ҳудга ва Шуайбга ва Солиҳга ва Иброҳимга ва Исмоилга ва Исҳоқга ва Яъқубга ва унинг авлодлари Юсуфга ва Ийсога ва Айюбга ва Юнусга ва Ҳорунга ва Сулаймон (алайҳимуссаломлар)га ҳам ваҳий юборган эдик. Ва Довуд (алайиҳиссалом)га Забур китобини бердик. *Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенинг пайғамбарлигингга ва Сенга ваҳий келганига кофирлар таажжуб қилмасалар ҳам бўлади. Сендан аввал ҳам пайғамбарлар ўтгандир.*

وَرُسُلًا قَدْ قَصَصْنَٰهُمْ عَلَيْكَ مِن قَبْلُ وَرُسُلًا لَّمْ نَقْصُصْهُمْ عَلَيْكَ ۚ وَكَلَّمَ
ٱللَّهُ مُوسَىٰ تَكْلِيمًا ﴿١٦٤﴾ رُّسُلًا مُّبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ لِئَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَى ٱللَّهِ
حُجَّةٌۢ بَعْدَ ٱلرُّسُلِ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا ﴿١٦٥﴾

164-165. Ва яна илгари Қуръонда қиссалари Сенга баён қилинган пайғамбарларни юбордик ва яна Қуръонда қиссалари Сенга баён қилинмаган пайғамбарларни ҳам юбордик. Уларнинг ичида Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом) билан бевосита хос сўзлашди. Яна шундай пайғамбарлар- **6 жузъ**
ни юбордикки, Худо тарафидан мўминларга Худонинг раҳматидан башорат берувчи эдилар ва кофирларни ва мунофиқларни Худонинг азобидан қўрқитувчи эдилар, Аллоҳ таоло шунинг учун пайғамбарлар юбордики, токи халқлар пайғамбарлардан кейин: «Бизларга пайғамбар келгани йўқ», – деб Худога ҳужжат (даъво) қилмасинлар. Аллоҳ таоло ўз амрида ғолиб ва тадбирида ҳакимдир.

لَّٰكِنِ ٱللَّهُ يَشْهَدُ بِمَآ أَنزَلَ إِلَيْكَ ۖ أَنزَلَهُۥ بِعِلْمِهِۦ ۖ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةُ يَشْهَدُونَ ۚ وَكَفَىٰ
بِٱللَّهِ شَهِيدًا ﴿١٦٦﴾

166. Лекин Аллоҳ таоло Сенга нозил қилган Қуръоннинг ҳақлигига ўзи гувоҳлик беради. Бу Қуръонни Худойи таоло Ўзининг комил илми билан нозил қилди. Ва ҳам Қуръонни ажойиб асрорларига муштамил қилди. Шунинг учун ҳам кофирлар (Қуръонга) муқобала қилишдан ожиз бўлдилар. Ва фаришталар ҳам Сенинг пайғамбарлигингга гувоҳлик берадилар. Агар кофирлар инкор қилсалар ҳам, Худонинг гувоҳлиги етарли (кифоя)дир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَصَدُّوا۟ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ قَدْ ضَلُّوا۟ ضَلَٰلًۢا بَعِيدًا ﴿١٦٧﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ وَظَلَمُوا۟ لَمْ يَكُنِ ٱللَّهُ لِيَغْفِرَ لَهُمْ وَلَا لِيَهْدِيَهُمْ طَرِيقًا ﴿١٦٨﴾ إِلَّا طَرِيقَ جَهَنَّمَ
خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًا ۚ وَكَانَ ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرًا ﴿١٦٩﴾

167-169. Албатта, у жамоаки, инкор қилиб, Ислом динига кофир бўлдилар ва бошқаларни ҳам Исломдан қайтардилар, у жамоа оғир ва қаттиқ гумроҳликка учрадилар. *Чунки ўзлари ҳам кофир бўлдилар ва бошқаларни ҳам гумроҳ қилдилар.* Албатта, Аллоҳ таоло у кофир бўлганларни ва бошқаларга зулм қилганларни мағфират қилмайди ва йўл кўрсатмайди, магар жаҳаннамнинг йўлини кўрсатади. У кофирлар жаҳаннамда ҳамиша бўладилар. Аллоҳ таологa бу ишлар осондир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ قَدْ جَآءَكُمُ ٱلرَّسُولُ بِٱلْحَقِّ مِن رَّبِّكُمْ فَـَٔامِنُوا۟ خَيْرًا لَّكُمْ ۚ وَإِن
تَكْفُرُوا۟ فَإِنَّ لِلَّهِ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١٧٠﴾

170. Эй мардум (инсонлар)! Муҳаммад (алайҳиссалом) сизларга Парвардигор тарафидан ҳақ дин олиб келди. Бас, иймон келтиринглар, ўзла-

рингизга яхши бўлади. Агар кофир бўлсангизлар Худога зиён бўлмайди, ўзларингизга зиён бўлади. Худо ғанийдир. Чунки осмонлардаги ва ердаги нарсаларнинг ҳаммаси Худонинг мулкидир. Аллоҳ таоло сизларнинг аҳволларингизни (билгувчи) донодир ва сизларнинг устингизга мураббий, ҳукм қилгувчидир.

يَٰٓأَهۡلَ ٱلۡكِتَٰبِ لَا تَغۡلُواْ فِي دِينِكُمۡ وَلَا تَقُولُواْ عَلَى ٱللَّهِ إِلَّا ٱلۡحَقَّۚ إِنَّمَا
ٱلۡمَسِيحُ عِيسَى ٱبۡنُ مَرۡيَمَ رَسُولُ ٱللَّهِ وَكَلِمَتُهُۥٓ أَلۡقَىٰهَآ إِلَىٰ مَرۡيَمَ وَرُوحٞ مِّنۡهُۖ
6 жузъ فَـَٔامِنُواْ بِٱللَّهِ وَرُسُلِهِۦۖ وَلَا تَقُولُواْ ثَلَٰثَةٌۚ ٱنتَهُواْ خَيۡرٗا لَّكُمۡۚ إِنَّمَا ٱللَّهُ إِلَٰهٞ وَٰحِدٞۖ
سُبۡحَٰنَهُۥٓ أَن يَكُونَ لَهُۥ وَلَدٞۘ لَّهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۗ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ
وَكِيلٗا ١٧١

171. Эй аҳли китоблар, динингизда ғулув қилманглар (чуқур кетманглар, ҳаддингиздан ошманглар), Худонинг шаънига ҳақ сўздан бошқани гапирманглар *ва беҳудагўйлик қилманглар.* Ийсо (алайҳиссалом) Худонинг Расули, Биби Марямнинг ўғлидир. Худонинг Биби Марямга юборган башорати эди, Худо уни онасининг қорнида халқ қилган отасиз бир руҳ эди. *Эй насронийлар, сизларга хоссатан буюрамян,* бас, Худога ва унинг пайғамбарларига иймон келтиринглар ва Худони якка ва ягона деб билинглар. Худони учта (Худо, Биби Марям ва Ийсо) деманглар, бу сўздан қайтинглар, ўзларингизга яхши бўлади. Худо якка ва ягонадир. У болали бўлишдан покдир. Осмонлардаги ва ердаги ҳамма махлуқлар Худонинг мулкидир. Ва у махлуқларни тасарруф қилиш ва сақлашда Аллоҳ кофий (кифоя)дир.

لَّن يَسۡتَنكِفَ ٱلۡمَسِيحُ أَن يَكُونَ عَبۡدٗا لِّلَّهِ وَلَا ٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ ٱلۡمُقَرَّبُونَۚ وَمَن
يَسۡتَنكِفۡ عَنۡ عِبَادَتِهِۦ وَيَسۡتَكۡبِرۡ فَسَيَحۡشُرُهُمۡ إِلَيۡهِ جَمِيعٗا ١٧٢

172. Эй насронийлар, билингларки, (Ҳазрати) Ийсо Худога банда бўлишдан бош тортмайди. Ва малоикаи муқаррабинлар (Аллоҳга яқин фаришталар) ҳам Худога банда бўлишдан ор қилмайдилар. Ҳар кимки *Худога банда бўлишдан ва ибодатдан бош тортар экан ва* кибр қилар экан, Худо яқинда уларнинг ҳаммасини ўз ҳузурига жам қилиб, қилмишларига яраша жазо беради.

فَأَمَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فَيُوَفِّيهِمۡ أُجُورَهُمۡ وَيَزِيدُهُم مِّن
فَضۡلِهِۦۖ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ ٱسۡتَنكَفُواْ وَٱسۡتَكۡبَرُواْ فَيُعَذِّبُهُمۡ عَذَابًا أَلِيمٗا وَلَا
يَجِدُونَ لَهُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ وَلِيّٗا وَلَا نَصِيرٗا ١٧٣

173. Бас, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган жамоаки, Аллоҳ таоло уларнинг ажрларини комил (мукаммал) ва фазлу марҳаматидан зиёда қилиб беради. Аммо ул жамоаки, Худонинг ибодатидан саркашлик

қиладилар ва кибр қиладилар, Аллоҳ таоло уларни дардли азобга мубтало қилади. Улар ўзларига Худодан бошқа ёрдамчи ва мададкор топмаслар.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ قَدْ جَآءَكُم بُرْهَٰنٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَأَنزَلْنَآ إِلَيْكُمْ نُورًا مُّبِينًا ﴿١٧٤﴾

174. Эй инсонлар, Парвардигорингиз тарафидан сизларга Ислом динининг ҳақлигига оятлару равшан далиллар келди ҳамда сизларга равшан нурни, *яъни, Қуръон китобини* нозил қилдик.

فَأَمَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِٱللَّهِ وَٱعْتَصَمُوا۟ بِهِۦ فَسَيُدْخِلُهُمْ فِى رَحْمَةٍ مِّنْهُ وَفَضْلٍ
وَيَهْدِيهِمْ إِلَيْهِ صِرَٰطًا مُّسْتَقِيمًا ﴿١٧٥﴾ 6 жузъ

175. Бас, у одамларки, Аллоҳ таолога иймон келтирдилар ва Унинг ҳукмини маҳкам тутдилар, уларни (тезда) ўз фазли, раҳматига дохил қилур ва уларни тўғри йўлга солиб қўюр.

يَسْتَفْتُونَكَ قُلِ ٱللَّهُ يُفْتِيكُمْ فِى ٱلْكَلَٰلَةِ ۚ إِنِ ٱمْرُؤٌا۟ هَلَكَ لَيْسَ لَهُۥ وَلَدٌ وَلَهُۥٓ
أُخْتٌ فَلَهَا نِصْفُ مَا تَرَكَ ۚ وَهُوَ يَرِثُهَآ إِن لَّمْ يَكُن لَّهَا وَلَدٌ ۚ فَإِن كَانَتَا ٱثْنَتَيْنِ فَلَهُمَا
ٱلثُّلُثَانِ مِمَّا تَرَكَ ۚ وَإِن كَانُوٓا۟ إِخْوَةً رِّجَالًا وَنِسَآءً فَلِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ ٱلْأُنثَيَيْنِ ۗ يُبَيِّنُ
ٱللَّهُ لَكُمْ أَن تَضِلُّوا۟ ۗ وَٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌۢ ﴿١٧٦﴾

176. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан калоланинг мероси тўғрисида савол қиладилар. «Калола» деб шундай одамни айтадиларки, ота-онаси ҳам йўқ, болалари ҳам йўқ, фақат ҳамширалари бор. Шундай одамнинг мероси қандай тақсим бўлади?», – деб сўрасалар, Сен жавоб бергилки, Аллоҳ таоло сизларга «Калола» хусусида ҳукм қиладики, агар бир киши ўлса, унинг болалари бўлмаса, агар бир нафар ҳамшираси (синглиси) қолган бўлса, бас, ҳамширасига нисфи мол (молнинг ярми) мерос тегади. Агар бу одамнинг ҳамшираси калола ҳолда ўлса, унинг фарзанди бўлмаса, ҳамма меросни бу одамнинг (акаси) олади. Ва агар (ҳамширанинг) ўғил боласи бўлса, (акасига) ҳеч нарса тегмайди. Ва агар ҳамшираси икки ё ундан ортиқ бўлса, бас, ҳамшираларига моли матрукдан (мерос қолган молдан) учдан икки ҳиссаси тегади. Ва агар меросхўрлари – ҳамшираси ва биродари бўлса, у ҳолда эркакларга икки ҳиссадан ва хотинларга бир ҳиссадан тегади. Тақсим қилишда хато қилмасликларингиз учун Худо сизларга аҳкоми меросни очиқ баён қилади. Аллоҳ таоло ҳар бир шайъга (нарсага) донодир.

Мадинада нозил бўлган бу сура
бир юз йигирма оятдан иборатдир.

6 жузъ

Учинчи оятдан ташқари суранинг қолган барча оятлари Мадинада ҳижрий 6-йилда нозил бўлган. Бухорий ва Муслимларнинг Ҳазрати Умардан қилган ривоятларига кўра, «Бугун Мен сизлар учун динингизни комил қилдим...» деган ифода ўрин олган оят Маккада, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг Видолашув ҳажида, жума куни Арафа оқшомида нозил бўлган. «Моида» дастурхон деган маънони англатади. 112 ва 114-оятларда, Ийсо алайҳиссалом замонида осмондан туширилиши сўралган бир дастурхон ҳақида сўз кетгани учун сурага «Моида» деб ном берилган. Бундан аввалги сурада диний жамоатлар ичидаги мунофиқлар зикри кўп келган. Бу сурада эса, яна мунофиқлар ҳақида сўз кетгани билан бирга, асосан аҳли китоб, хусусан, насронийлар ҳақида зикр қилинган. Булардан ташқари, сурада ҳажнинг фарз бўлиши, таҳорат, ғусл, таяммум билан алоқадор баъзи бир ҳукмлар, ароқ ва қиморнинг манъ қилиниши, аҳд ва ваъдага вафо қилиш, ижтимоий ва ахлоқий муносабатлар, ҳалол ва ҳаром егуликлар ва бошқа баъзи бир хабар ва ҳукмлар баён қилинган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَوْفُواْ بِٱلْعُقُودِ ۚ أُحِلَّتْ لَكُم بَهِيمَةُ ٱلْأَنْعَٰمِ إِلَّا مَا يُتْلَىٰ
عَلَيْكُمْ غَيْرَ مُحِلِّى ٱلصَّيْدِ وَأَنتُمْ حُرُمٌ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ يَحْكُمُ مَا يُرِيدُ ﴿١﴾

1. Эй мўминлар, аҳдларингизга вафо қилинглар. Сизларга ўтлагувчи чорпо (тўрт оёқли) ҳайвонлар, *хоҳ уйларингизда тарбия топган бўлсин ёки саҳроларда ваҳший бўлсин,* ҳалол қилинди. Магар сизларга минбаъд (бундан кейин) баён қилиб бериладиган ҳайвонлар (ҳаром қилинган). Лекин эҳром ҳолатида шикор (ов)ни ҳалол билманглар. Аллоҳ таоло ҳалол ва ҳаром тўғрисида нима ирода қилса, ҳукм қилади.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تُحِلُّواْ شَعَٰٓئِرَ ٱللَّهِ وَلَا ٱلشَّهْرَ ٱلْحَرَامَ وَلَا ٱلْهَدْىَ وَلَا
ٱلْقَلَٰٓئِدَ وَلَآ ءَآمِّينَ ٱلْبَيْتَ ٱلْحَرَامَ يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِّن رَّبِّهِمْ وَرِضْوَٰنًا ۚ وَإِذَا حَلَلْتُمْ
فَٱصْطَادُواْ ۚ وَلَا يَجْرِمَنَّكُمْ شَنَـَٔانُ قَوْمٍ أَن صَدُّوكُمْ عَنِ ٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ

أَن تَعۡتَدُواْۘ وَتَعَاوَنُواْ عَلَى ٱلۡبِرِّ وَٱلتَّقۡوَىٰۖ وَلَا تَعَاوَنُواْ عَلَى ٱلۡإِثۡمِ وَٱلۡعُدۡوَٰنِۚ
وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَۖ إِنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلۡعِقَابِ ﴿٢﴾

2. Эй мўминлар, дин аҳкомларини ё ҳаж аломатларини вайрон қилмоқни (бузмоқни) ҳалол деб билманглар, ёки «Ашҳурул-ҳурум» (ҳаром ойлар)да жангни ҳалол, деб билманглар. Ва қурбонликка аталган ҳайвонларга ва ҳам бўйнига нишона осилган ҳайвонларга ва ҳам Байтуллоҳнинг зиёратини қасд қилган одамларга таъарруз (жанг, тажовуз) қилманглар, агар улар Худо тарафидан ризқ-рўзини, тижоратни талаб (6 жузъ) қилган ҳолда ёки Худонинг ризосини талаб қилган ҳолда келган бўлсалар. Вақтики эҳромдан чиқиб, ҳалол бўлсангизлар, бас, сизларга шикор қилмоқ мубоҳдир (раводир). Кофирлар сизларни «Масжидул-Ҳаром»-дан манъ қилганлари сабабидан ўртангизда адоват бўлган бўлса, бу адоват сизларни интиқом олишингизга, қурбонлик туяларини ғорат қилиб олишингизга сабаб бўлмасин. Ҳарамнинг ҳурматини сақланглар, хайр ишларда бир-бирларингизга ёрдам қилинглар. Ва гуноҳ ишларда (ўзаро) ёрдамлашманглар, Худодан қўрқинглар. Албатта, осийларга Аллоҳ таолонинг уқубати қаттиқдир.

حُرِّمَتۡ عَلَيۡكُمُ ٱلۡمَيۡتَةُ وَٱلدَّمُ وَلَحۡمُ ٱلۡخِنزِيرِ وَمَآ أُهِلَّ لِغَيۡرِ ٱللَّهِ بِهِۦ وَٱلۡمُنۡخَنِقَةُ
وَٱلۡمَوۡقُوذَةُ وَٱلۡمُتَرَدِّيَةُ وَٱلنَّطِيحَةُ وَمَآ أَكَلَ ٱلسَّبُعُ إِلَّا مَا ذَكَّيۡتُمۡ وَمَا ذُبِحَ عَلَى
ٱلنُّصُبِ وَأَن تَسۡتَقۡسِمُواْ بِٱلۡأَزۡلَٰمِۚ ذَٰلِكُمۡ فِسۡقٌۗ ٱلۡيَوۡمَ يَئِسَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ مِن
دِينِكُمۡ فَلَا تَخۡشَوۡهُمۡ وَٱخۡشَوۡنِۚ ٱلۡيَوۡمَ أَكۡمَلۡتُ لَكُمۡ دِينَكُمۡ وَأَتۡمَمۡتُ عَلَيۡكُمۡ
نِعۡمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ ٱلۡإِسۡلَٰمَ دِينٗاۚ فَمَنِ ٱضۡطُرَّ فِي مَخۡمَصَةٍ غَيۡرَ مُتَجَانِفٖ لِّإِثۡمٖ
فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٞ رَّحِيمٞ ﴿٣﴾

3. Сизларга ўзи ўлиб қолган жониворлар, сўйилганда жорий бўлган қон ва тўнғизнинг гўшти ва бошқа аъзолари ва Худонинг номидан бошқа ном билан сўйилган жониворлар ва бўғилиб ўлган ва тошга урилиб ўлган ёки баландликдан йиқилиб ўлган, ёки шох билан сузилиб ўлган, ёки дарранда (йиртқич ҳайвон) еб ўлдирган бўлса, ҳаром қилинди. Магар тирик топиб сўйган бўлсангизлар – улар ҳалолдир. Бутлар номига қурбонлик қилинган бўлса, ҳаромдир. Ва ҳам ўқлар билан фол тариқасида ўз тақдирларингизни маълум қилмоқларингиз ҳаром қилинди. Сизларнинг бу феълларингиз фисқдир. *Араб жоҳилларида Исломдан аввал шундай одат бор эди. Уч дона ўқни бир халтага солиб, бирига «амарани раббий», яъни, Худо менга қилмоқликни буюрди, иккинчисига «наҳони раббий», яъни, Худо мени бу ишдан қайтарди, деб ёзилган эди, учинчисига ҳеч нарса ёзилмаган эди. Бирон сафарга чиқмоқчи бўлсалар, ёки бир муҳим иш қилмоқчи бўлсалар, Хонаи Каъбанинг ходимига олиб келар эдилар ва унга шу халтадан бир ўқни олишни тавсия қилар эдилар ва у бир ўқни олиб берар*

эди. Агар «амарани раббий» ёзилган ўқ чиқса, шу ишни қилар эдилар ва агар «наҳони раббий» деган ўқ чиқса, бу ишдан қайтар эдилар. Агар холи ўқ чиқса, яна қайтадан (халтага) солар эдилар. Шу тариқа ўз тақдирларини ушбу ўқлардан маълум қилар эдилар. Худойи таоло мўминларга бу феълни ҳаром қилди. Бугунги кунда кофирлар сизларнинг динларингизни бекор қилишдан ноумид бўлдилар. Бас, сизлар кофирлардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар.

Бугун сизларнинг динларингизни мукаммал қилдим. *Энди ҳеч мансух бўлмас.* Сизларга эҳсонимни мукаммал қилдим. *Энди мушриклар
6 жузъ тарафидан ҳеч хавф-хатар йўқдир.* Ва сизларга Ислом динини ихтиёр
этдим. Ҳар кимки очликдан мажбурий ҳолатга тушса, ундай одамга (мазкур) ҳаромлардан емоқ ҳалолдир. *Лекин бақадри ҳожат ҳалол бўлади. Ҳаддан зиёда емоқлик ҳаромдир.* Аллоҳ таоло бу ҳаром еганингизни кечиргувчи ва меҳрибондир.

يَسْـَٔلُونَكَ مَاذَآ أُحِلَّ لَهُمْ قُلْ أُحِلَّ لَكُمُ ٱلطَّيِّبَٰتُ وَمَا عَلَّمْتُم مِّنَ ٱلْجَوَارِحِ
مُكَلِّبِينَ تُعَلِّمُونَهُنَّ مِمَّا عَلَّمَكُمُ ٱللَّهُ فَكُلُوا۟ مِمَّآ أَمْسَكْنَ عَلَيْكُمْ وَٱذْكُرُوا۟ ٱسْمَ ٱللَّهِ
عَلَيْهِ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ إِنَّ ٱللَّهَ سَرِيعُ ٱلْحِسَابِ ﴿٤﴾

4. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мўминлар Сендан ўзларига нима нарсалар ҳалол қилинганини сўрайдилар. Уларга жавоб бергилки: «Сизларга Худонинг номи билан сўйилган ҳайвонларнинг гўшти ва ҳам сизлар таълим берган ва шикор (ов) қилишга ўргатган даррандаларнинг (йиртқич ҳайвонларнинг) шикор қилган сайди (ови) Худо тарафидан ҳалол қилинди. Худо сизларга таълим берган одобни жониворлардан, *хоҳ ит бўлсин ёки паррандалардан боз ё қийгир ёки шунга ўхшаш бўлсин,* уларга таълим берган бўлсангизлар ва улар шикор қилган бўлса, бас, шу даррандаларнинг ушлаган шикорларини (овлаганларини) енглар. Уларни (овга) қўйиб юборишда Худонинг номини зикр қилиб қўйиб юборинглар. Албатта, ҳаромга муртакиб бўлишдан Худодан қўрқинглар. Албатта, Аллоҳ таоло сизлардан ҳалол ва ҳаромдан тез ҳисоб олгувчи Зотдир.

ٱلْيَوْمَ أُحِلَّ لَكُمُ ٱلطَّيِّبَٰتُ وَطَعَامُ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ حِلٌّ لَّكُمْ وَطَعَامُكُمْ
حِلٌّ لَّهُمْ وَٱلْمُحْصَنَٰتُ مِنَ ٱلْمُؤْمِنَٰتِ وَٱلْمُحْصَنَٰتُ مِنَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ مِن
قَبْلِكُمْ إِذَآ ءَاتَيْتُمُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ مُحْصِنِينَ غَيْرَ مُسَٰفِحِينَ وَلَا مُتَّخِذِىٓ أَخْدَانٍ
وَمَن يَكْفُرْ بِٱلْإِيمَٰنِ فَقَدْ حَبِطَ عَمَلُهُۥ وَهُوَ فِى ٱلْءَاخِرَةِ مِنَ ٱلْخَٰسِرِينَ ﴿٥﴾

5. Бугун сизларга покиза таомлар, Худонинг номи билан сўйилган гўштлар ва ҳам аҳли китобларнинг шариатларига мувофиқ сўйган гўштлари ҳалол қилинди ва сизларнинг таомларингиз ҳам аҳли китобга ҳалол қилинди. Ва сизларга покиза мўмина аёлларнинг никоҳи ҳалол қилинди ва ҳам сизларга сизлардан аввал Китоб нозил этилган аҳли китобларнинг покиза аёлларининг никоҳи ҳалол қилинди, агар уларнинг маҳрларини адо

эттан бўлсангизлар, яъни, сизлар покизалик бирла шариатга мувофиқ никоҳларингизга олган бўлсангизлар ва зино қилишни ирода қилган бўлмасангизлар ёки пинҳон дўст (ўйнаш) бўлишни ирода қилган бўлмасангизлар. Зеро, бу хилдаги афъоллар сизларга ҳаромдир. Ҳар кимки Ислом аҳкомларини инкор қилар экан ва ҳалол ва ҳаромни фарқ қилмас экан, бас, кофир бўлиб, тамом (барча) амаллари ботил бўлади. Ундай одам охиратда зиёнкорлар жамоасидандир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا قُمۡتُمۡ إِلَى ٱلصَّلَوٰةِ فَٱغۡسِلُواْ وُجُوهَكُمۡ وَأَيۡدِيَكُمۡ إِلَى
ٱلۡمَرَافِقِ وَٱمۡسَحُواْ بِرُءُوسِكُمۡ وَأَرۡجُلَكُمۡ إِلَى ٱلۡكَعۡبَيۡنِۚ وَإِن كُنتُمۡ جُنُبٗا 6 жузъ
فَٱطَّهَّرُواْۚ وَإِن كُنتُم مَّرۡضَىٰٓ أَوۡ عَلَىٰ سَفَرٍ أَوۡ جَآءَ أَحَدٞ مِّنكُم مِّنَ ٱلۡغَآئِطِ أَوۡ
لَٰمَسۡتُمُ ٱلنِّسَآءَ فَلَمۡ تَجِدُواْ مَآءٗ فَتَيَمَّمُواْ صَعِيدٗا طَيِّبٗا فَٱمۡسَحُواْ بِوُجُوهِكُمۡ
وَأَيۡدِيكُم مِّنۡهُۚ مَا يُرِيدُ ٱللَّهُ لِيَجۡعَلَ عَلَيۡكُم مِّنۡ حَرَجٖ وَلَٰكِن يُرِيدُ لِيُطَهِّرَكُمۡ
وَلِيُتِمَّ نِعۡمَتَهُۥ عَلَيۡكُمۡ لَعَلَّكُمۡ تَشۡكُرُونَ ٦

6. Эй мўминлар, вақтики намоз ўқимоқни қасд қилсангизлар, таҳорат қилинглар, шу тариқаки: аввал юзларингизни ювинглар, сўнгра қўлларингизни то чиғаноқларигача ювинглар, кейин бошларингизга масҳ тортинглар ва оёқларингизни ошиғигача ювинглар. Агар жунуб бўлсангизлар, ғусл қилинглар. Агар касал бўлсангизлар, сув зарар қилса ё сафарда бўлсангизлар, сув йўқ бўлса ё биронталарингиз таҳорат шикаста қилиб (синдириб) келса, ёки хотинлар билан «мубошарати фоҳиша» (жимоъ ё жимоъга хос феълларни) қилсангизлар, шу суратларда сув топмасангизлар, бас, тоза тупроққа таяммум қилинглар. Шу тариқаки: аввал (покиза) тупроқ билан юзларингизга масҳ қилинглар, сўнгра шу тупроқ билан қўлларингизга то чиғаноқларигача масҳ тортинглар. Худо сизларга қийин қилмоқни хоҳламайди, балки сизларни пок этмоқни ва ҳам сизларга (Ўз неъматини) комил (мукаммал) эҳсон қилишни хоҳлайди. Албатта, сизлар Худонинг неъматларига шукр қилишларингиз керак.

وَٱذۡكُرُواْ نِعۡمَةَ ٱللَّهِ عَلَيۡكُمۡ وَمِيثَٰقَهُ ٱلَّذِي وَاثَقَكُم بِهِۦٓ إِذۡ قُلۡتُمۡ سَمِعۡنَا وَأَطَعۡنَاۖ
وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمُۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ٧

7. Худонинг неъматларини ёд қилинглар. (У сизларга) Ислом динини насиб этди. Рўзи мийсоқда қилган аҳдларингизни *ёки Расулуллоҳга қилган аҳдларингизни* эсланглар. «Сўзларингизни эшитдик, буйруқларингизга итоат қиламиз», – деб айтдингизлар. Худодан қўрқинглар, амрларини бажо келтиринглар. Албатта, Аллоҳ таоло дилларингиздаги махфий сирларингизни билгувчидир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ كُونُواْ قَوَّٰمِينَ لِلَّهِ شُهَدَآءَ بِٱلۡقِسۡطِۖ وَلَا يَجۡرِمَنَّكُمۡ

شَنَـَٔانُ قَوْمٍ عَلَىٰٓ أَلَّا تَعْدِلُوا۟ ۚ ٱعْدِلُوا۟ هُوَ أَقْرَبُ لِلتَّقْوَىٰ ۖ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ
خَبِيرٌۢ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿٨﴾

8. Худо учун адолат билан гувоҳ бўлиб, ҳақни қоим қилувчи бўлинглар. Ўрталарингиздаги адоват адолатсизликларингизга сабаб бўлмасин. Ҳар бир хусуматда адл қилинглар. Бу адл тақвога яқиндир. Аллоҳ таолодан қўрқинглар. Албатта, Аллоҳ таоло амалларингизга донодир.

6 жузъ وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ ۙ لَهُم مَّغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿٩﴾

9. Аллоҳ таоло иймон келтирган ва яхши амал қилганларга Қиёмат куни гуноҳларини кечирмоқни ва улуғ ажр бермоқни ваъда қилади.

وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَكَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَآ أُو۟لَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلْجَحِيمِ ﴿١٠﴾

10. Ва у жамоаки, кофир бўлдилар ва Бизнинг оятларимизни ёлғон дедилар – ана ўшалар дўзахийдирлар.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱذْكُرُوا۟ نِعْمَتَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ هَمَّ قَوْمٌ أَن يَبْسُطُوٓا۟ إِلَيْكُمْ
أَيْدِيَهُمْ فَكَفَّ أَيْدِيَهُمْ عَنكُمْ ۖ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ۚ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ ٱلْمُؤْمِنُونَ ﴿١١﴾

11. Эй мўминлар, Худонинг сизларга қилган эҳсонини ёд қилинглар. Вақтики бир жамоа кофирлар хиёнат қўлларини сизларга узатиб, зарар еткурмоққа қасд қилган эди, Худойи таоло сизлардан уларнинг хиёнат қўлларини манъ қилди (қайтарди). Куфрони неъмат қилишдан Худодан қўрқинглар. Мўминларга лозимдурки, ҳар қандай ҳолларида Худога такя қилсинлар.

۞ وَلَقَدْ أَخَذَ ٱللَّهُ مِيثَٰقَ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ وَبَعَثْنَا مِنْهُمُ ٱثْنَىْ عَشَرَ نَقِيبًا ۖ وَقَالَ ٱللَّهُ
إِنِّى مَعَكُمْ ۖ لَئِنْ أَقَمْتُمُ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَيْتُمُ ٱلزَّكَوٰةَ وَءَامَنتُم بِرُسُلِى
وَعَزَّرْتُمُوهُمْ وَأَقْرَضْتُمُ ٱللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا لَّأُكَفِّرَنَّ عَنكُمْ سَيِّـَٔاتِكُمْ
وَلَأُدْخِلَنَّكُمْ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ ۚ فَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذَٰلِكَ
مِنكُمْ فَقَدْ ضَلَّ سَوَآءَ ٱلسَّبِيلِ ﴿١٢﴾

12. Худойи таоло Бани Исроилдан *Мусо алайҳиссаломга* итоат этишга *ва жабборин қавми билан муҳораба қилишга* аҳд-паймон олди. *Ўша жабборин қавмининг ҳолларини маълум қилмоқ учун* қавм сардор (бошлиқ)ларидан ўн икки кишини юбордик. Аллоҳ таоло уларга ваъда қилиб айтдики: «Башартики намозни барпо қилсангиз ва закотни адо этсангиз, юборган Пайғамбаримизни тасдиқ қилсангиз ва уларга ёрдам берсангиз ва *молларингизни Худо йўлида нафақа қилиб* Худога қарзи ҳасана берсангиз (яъни эҳсон қилиб Худони қарздор қилиб қўйсангиз) Мен сизлар билан

биргаман, Мен сизларга ёрдам бераман. Агар бу шарт қилган буйруқларимизни бажарсангиз, қилган гуноҳларингизга каффорат қиламиз. Ва сизларни тагидан анҳорлар жорий бўлиб турган жаннатга дохил қиламиз. Бас, агар сизлардан кимки шу ҳукмларни инкор қилса, албатта, у адашган ва гумроҳ бўлгандир». Бани Исроил бу қилган ваъдаларига вафо қилмади, *ваъдаларини синдирди.*

فَبِمَا نَقْضِهِم مِّيثَٰقَهُمْ لَعَنَّٰهُمْ وَجَعَلْنَا قُلُوبَهُمْ قَٰسِيَةً ۖ يُحَرِّفُونَ ٱلْكَلِمَ عَن
مَّوَاضِعِهِۦ ۙ وَنَسُوا۟ حَظًّا مِّمَّا ذُكِّرُوا۟ بِهِۦ ۚ وَلَا تَزَالُ تَطَّلِعُ عَلَىٰ خَآئِنَةٍ مِّنْهُمْ إِلَّا 6 жузъ
قَلِيلًا مِّنْهُمْ ۖ فَٱعْفُ عَنْهُمْ وَٱصْفَحْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿١٣﴾

13. Бас, яҳудлар Худога қилган аҳдларини синдирганлари сабабидан Биз уларни лаънатга сазовор этдик ва дилларини фасодга гирифтор қилдик. Яҳудларнинг аҳволи шундан иборат эдики, Тавротнинг ҳукмларини ўзгартирар эдилар, анбиёларни, берган пандларини эсдан чиқариб қўйдилар. Сен ҳамиша уларнинг хиёнатларини билиб турасан. Магар озгиналари хиёнат қилмайдилар. Бас, Сен уларнинг хиёнатларини назарга олмасдан, кечиргил. Интиқом (қасос) олмагил, албатта, Аллоҳ таоло яхшилик қилувчиларни дўст тутади.

وَمِنَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓا۟ إِنَّا نَصَٰرَىٰٓ أَخَذْنَا مِيثَٰقَهُمْ فَنَسُوا۟ حَظًّا مِّمَّا ذُكِّرُوا۟
بِهِۦ فَأَغْرَيْنَا بَيْنَهُمُ ٱلْعَدَاوَةَ وَٱلْبَغْضَآءَ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ ۚ وَسَوْفَ يُنَبِّئُهُمُ ٱللَّهُ
بِمَا كَانُوا۟ يَصْنَعُونَ ﴿١٤﴾

14. Насороларнинг бир гуруҳларидан *ҳазрат Ийсонинг башоратларига мувофиқ «Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтирасизлар»,* – деб аҳд-паймон олган эдик. Улар ҳам аҳдларини синдирдилар. (Ҳазрати) Ийсонинг насиҳатларини унутдилар. Бас, Биз у шум феълларнинг бадалига ўрталарида буғзу адоватни мусаллат (ғолиб) қилдик. Қиёматгача бу адоват ўрталаридан кетмайди. Бас, насоролар уч фирқа бўлдилар. Ўрталарида адоват ҳамиша қоимдур. Маҳшаргоҳда Худойи таоло уларнинг бу шум феълларидан огоҳлантиради.

يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ قَدْ جَآءَكُمْ رَسُولُنَا يُبَيِّنُ لَكُمْ كَثِيرًا مِّمَّا كُنتُمْ
تُخْفُونَ مِنَ ٱلْكِتَٰبِ وَيَعْفُوا۟ عَن كَثِيرٍ ۚ قَدْ جَآءَكُم مِّنَ ٱللَّهِ نُورٌ
وَكِتَٰبٌ مُّبِينٌ ﴿١٥﴾ يَهْدِى بِهِ ٱللَّهُ مَنِ ٱتَّبَعَ رِضْوَٰنَهُۥ سُبُلَ ٱلسَّلَٰمِ
وَيُخْرِجُهُم مِّنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى ٱلنُّورِ بِإِذْنِهِۦ وَيَهْدِيهِمْ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿١٦﴾

15-16. Эй яҳудлар ва насоролар, сизларга Бизнинг Расулимиз – Муҳаммад (алайҳиссалом) келди. Сизлар Тавротдан яширган ҳукмларни баён қилиб беради. *«Ражм» (тошбўрон қилиш) тўғрисида келган оятни*

ошкор қилмасдан, яширган эдингизлар. Муҳаммад (алайҳиссалом) Худонинг ваҳийси билан ошкор этади. Кўп айбларингизни ошкор қилмасдан, кечиради. Албатта, Парвардигор тарафидан нури Ислом келди. Ва ҳам ҳақни баён қилгувчи Қуръон келди. Албатта, Худонинг ризосини истаган бандаларни шу билан нажот йўлига ҳидоят қилади. Ва ҳам куфр зулматидан нури иймон тарафига ўзининг тавфиқи билан чиқаради ва тўғри йўлга солади.

لَّقَدْ كَفَرَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓا۟ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْمَسِيحُ ٱبْنُ مَرْيَمَ ۚ قُلْ فَمَن يَمْلِكُ مِنَ
6 жузъ ٱللَّهِ شَيْـًٔا إِنْ أَرَادَ أَن يُهْلِكَ ٱلْمَسِيحَ ٱبْنَ مَرْيَمَ وَأُمَّهُۥ وَمَن فِى ٱلْأَرْضِ
جَمِيعًا ۗ وَلِلَّهِ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا ۚ يَخْلُقُ مَا يَشَآءُ ۚ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ
شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٧﴾

17. «Албатта, Аллоҳ таоло (Ҳазрати) Ийсонинг ўзидур», – деб даъво қилган насоро фирқалари кофир бўлдилар. Эй, Муҳаммад (алайҳиссалом), у гумроҳларга айттил: «Агар Худойи таоло Ийсо ва унинг онасини ва ҳам ер юзидаги халқларнинг ҳаммасини ҳалок қилмоқни истаса, ким қутқариб қола олади? *Ва ким Уни бу иродасидан қайтара олади?*» Ваҳоланки, ер ва осмонлар ва унинг ўртасидаги ашёларнинг ҳаммаси Худонинг мулкидир. Хоҳласа, ҳар нарсани халқ қилади ва хоҳласа, йўқ қилади. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар нарсага қодирдир.

وَقَالَتِ ٱلْيَهُودُ وَٱلنَّصَٰرَىٰ نَحْنُ أَبْنَٰٓؤُا۟ ٱللَّهِ وَأَحِبَّٰٓؤُهُۥ ۚ قُلْ فَلِمَ يُعَذِّبُكُم بِذُنُوبِكُم ۖ
بَلْ أَنتُم بَشَرٌ مِّمَّنْ خَلَقَ ۚ يَغْفِرُ لِمَن يَشَآءُ وَيُعَذِّبُ مَن يَشَآءُ ۚ وَلِلَّهِ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا ۖ وَإِلَيْهِ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٨﴾

18. Яҳуд ва насоро фирқалари айтдиларки: «Бизлар Худонинг дўстларимиз (маҳбубларимиз), фарзандлари мақомидамиз. *Жаннат ҳам бизларники*». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у гумроҳларга, айттил: «Модомики шундай экан, нима учун Аллоҳ таоло сизларни бу дунёда хор қилиб ва охиратда гуноҳларингиз бадалига (эвазига) азоб беради. Балки бу айтганларингиз нотўғридир. Сизлар ҳам бошқа махлуқларга ўхшаш Худонинг махлуқидирсизлар. Худойи таоло хоҳлаган бандасини азоблайди ва хоҳлаган бандасини (гуноҳини) кечиради. Осмонлар ва ер ва ҳамма ашё Худонинг хос мулкидур. Охиратда ҳамма Худонинг ҳузурига боради». *Ва ўшанда ким Худонинг дўсти ва ким Худонинг душмани, – маълум бўлади.*

يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ قَدْ جَآءَكُمْ رَسُولُنَا يُبَيِّنُ لَكُمْ عَلَىٰ فَتْرَةٍ مِّنَ ٱلرُّسُلِ أَن تَقُولُوا۟ مَا
جَآءَنَا مِنۢ بَشِيرٍ وَلَا نَذِيرٍ ۖ فَقَدْ جَآءَكُم بَشِيرٌ وَنَذِيرٌ ۗ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٩﴾

19. Эй аҳли китоблар, сизларга бизнинг Расулимиз Муҳаммад (алайҳиссалом) келди. Ҳидоят йўлини сизларга баён қилиб беради. Вақтики Худо тарафидан Пайғамбар келиши тўхтаган эди, сизлар ҳужжат қилиб

Қиёмат куни Бизга: «Худонинг раҳматидан башорат бергувчи ва азобидан қўрқитгувчи Пайғамбар келмади», – деб айтмаслигингиз учун Муҳаммад (алайҳиссалом) сизларга башир (Аллоҳнинг раҳматидан башорат берувчи) ва назир (азобидан қўрқитувчи) бўлиб келди. Вaҳоланки, Аллоҳ таоло ҳар нарсага қодирдир.

وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِۦ يَٰقَوْمِ ٱذْكُرُوا۟ نِعْمَةَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ جَعَلَ فِيكُمْ أَنۢبِيَآءَ
وَجَعَلَكُم مُّلُوكًا وَءَاتَىٰكُم مَّا لَمْ يُؤْتِ أَحَدًا مِّنَ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٢٠﴾

20. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Мусо ўзининг қавмига айтган сўз- 6 жузъ
ларини фикр қил (эсла): «Эй қавмим, Худонинг сизларга берган неъматларини ёд қилинглар. Сизлардан анбиёлар ва подшоҳлар яратди. *Ваҳоланки, сизлар Фиръавн қавмига қул эдингизлар.* Ва яна (оламларда) ҳеч кимга бермаган неъматларини сизларга берди».

يَٰقَوْمِ ٱدْخُلُوا۟ ٱلْأَرْضَ ٱلْمُقَدَّسَةَ ٱلَّتِى كَتَبَ ٱللَّهُ لَكُمْ وَلَا تَرْتَدُّوا۟ عَلَىٰٓ أَدْبَارِكُمْ
فَتَنقَلِبُوا۟ خَٰسِرِينَ ﴿٢١﴾

21. Яна (Ҳазрат) Мусо айтди: «Эй қавмим, покиза ерга, *яъни, Шом мулкига* дохил бўлинглар. Аллоҳ сизларга шу ерни сукунат қилмоқ учун муқаррар этди. Худонинг амрини бажаринглар ва орқаларингизга қайтманглар. Агар Худонинг буйруғини бажо келтирмасангизлар, зиёнкорлардан бўлурсизлар».

قَالُوا۟ يَٰمُوسَىٰٓ إِنَّ فِيهَا قَوْمًا جَبَّارِينَ وَإِنَّا لَن نَّدْخُلَهَا حَتَّىٰ يَخْرُجُوا۟ مِنْهَا فَإِن
يَخْرُجُوا۟ مِنْهَا فَإِنَّا دَٰخِلُونَ ﴿٢٢﴾

22. Яҳудлар айтдилар: «Эй Мусо, бу муқаддас ерда қувватли ва шавкатли халқлар бор экан. Бизлар бу халқлар билан муқобала қила олмаймиз. Агар бу қавм бу ердан чиқиб кетмаса, биз ҳаргиз у ерга кирмаймиз. Агар бу қавм ўз ихтиёрлари билан чиқиб кетса, кейин биз у ерга кирамиз».

قَالَ رَجُلَانِ مِنَ ٱلَّذِينَ يَخَافُونَ أَنْعَمَ ٱللَّهُ عَلَيْهِمَا ٱدْخُلُوا۟ عَلَيْهِمُ ٱلْبَابَ فَإِذَا
دَخَلْتُمُوهُ فَإِنَّكُمْ غَٰلِبُونَ ۚ وَعَلَى ٱللَّهِ فَتَوَكَّلُوٓا۟ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿٢٣﴾

23. Худодан қўрқувчилардан Худонинг эҳсонига сазовор бўлган икки зот – *бирлари Юшаъ ибн Нун ва бошқаси Колиб эдилар* – (улар) айтдилар: «Эй Бани Исроил, қўрқмасдан шаҳарнинг дарвозасидан киринглар. Сизлар, албатта, ғолиб келурсизлар. Ва агар мўмин бўлсангизлар, Аллоҳ таолога таваккул қилинглар.

قَالُوا۟ يَٰمُوسَىٰٓ إِنَّا لَن نَّدْخُلَهَآ أَبَدًا مَّا دَامُوا۟ فِيهَا ۖ فَٱذْهَبْ أَنتَ وَرَبُّكَ فَقَٰتِلَآ
إِنَّا هَٰهُنَا قَٰعِدُونَ ﴿٢٤﴾

24. Яҳудлар айтдилар: «Эй Мусо, модомики шу қавмлар бу муқаддас ерда бўлсалар, биз ҳаргиз у ерга кирмаймиз. Ўзинг боравер ва Раббинг билан икковларингиз у қавм билан жанг қилаверинглар, биз шу жойда ўтираверамиз».

قَالَ رَبِّ إِنِّي لَآ أَمۡلِكُ إِلَّا نَفۡسِي وَأَخِيۖ فَٱفۡرُقۡ بَيۡنَنَا وَبَيۡنَ ٱلۡقَوۡمِ ٱلۡفَٰسِقِينَ ٢٥

25. Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Эй Парвардигоро, мен ўз нафсимдан
ва биродарим Ҳорундан бошқаларга молик эмасман. Эй Худоё, мени бу
6 жузъ фосиқлар қавмидан халос қилгил».

قَالَ فَإِنَّهَا مُحَرَّمَةٌ عَلَيۡهِمۡۛ أَرۡبَعِينَ سَنَةٗۛ يَتِيهُونَ فِي ٱلۡأَرۡضِۚ فَلَا تَأۡسَ عَلَى ٱلۡقَوۡمِ ٱلۡفَٰسِقِينَ ٢٦

26. Худойи таоло айтди: «Эй Мусо, бу муқаддас ерни Бани Исроилга ҳаром қилдим. Қирқ йил дашту биёбонда сарсон бўлиб юраверадирлар. Бу фосиқ қавмнинг ҳолига ғам емагил».

۞ وَٱتۡلُ عَلَيۡهِمۡ نَبَأَ ٱبۡنَيۡ ءَادَمَ بِٱلۡحَقِّ إِذۡ قَرَّبَا قُرۡبَانٗا فَتُقُبِّلَ مِنۡ أَحَدِهِمَا وَلَمۡ يُتَقَبَّلۡ مِنَ ٱلۡأٓخَرِ قَالَ لَأَقۡتُلَنَّكَۖ قَالَ إِنَّمَا يَتَقَبَّلُ ٱللَّهُ مِنَ ٱلۡمُتَّقِينَ ٢٧

27. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), аҳли китобларга (Ҳазрати) Одамнинг икки ўғлининг қиссасини баён қилиб бергил. Вақтики (Ҳазрати) Одамнинг икки ўғли *Қобил ва Ҳобил* (Ҳазрати) Одамнинг амри билан қурбонлик қилдилар. *Бу қурбонлик шунинг учун эдики, ҳазрат Одам ўз шариатига мувофиқ Қобилнинг ҳамшираси (синглиси)ни Ҳобилга, Ҳобилнинг ҳамширасини Қобилга бермоқчи бўлдилар.* Қобил (Ҳазрати) Одамнинг амрига итоат қилмади. *«Ўз ҳамширамга ўзим ҳақдорроқман, ўзим оламан», — деди.* (Ҳазрати) Одам айтди: «Икковларинг Худо учун қурбонлик қилинглар, кимнинг қурбонлиги Худога мақбул бўлса, сенинг ҳамширангга ўша ҳақлидир». Ҳар икковлари қурбонлик қилдилар. Ҳобилнинг қурбонлиги мақбул бўлди. *Аломати шу эдики, осмондан соиқа (яшин) тушиб қурбонлигини куйдирар эди.* Ҳобилнинг қурбонлигини куйдирди, Қобилники қолди. Қобил ҳасадланиб: «Худога қасамки, сени ўлдираман», — деб айтди. Ҳобил жавоб берди: «Худойи таоло муттақийларнинг амалларини қабул қилади, *сенинг нофармонлигинг, шумлигингдан қурбонлигингни Худо қабул қилмади.*

لَئِنۢ بَسَطتَ إِلَيَّ يَدَكَ لِتَقۡتُلَنِي مَآ أَنَا۠ بِبَاسِطٖ يَدِيَ إِلَيۡكَ لِأَقۡتُلَكَۖ إِنِّيٓ أَخَافُ ٱللَّهَ رَبَّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ٢٨

28. Агар сен мени қатл қилиш учун қўлингни узатсанг, мен сени ўлдирмоқ учун қўлимни узатмасман. Мен, албатта, Парвардигори оламдан қўрқаман».

إِنِّيٓ أُرِيدُ أَن تَبُوٓأَ بِإِثۡمِي وَإِثۡمِكَ فَتَكُونَ مِنۡ أَصۡحَٰبِ ٱلنَّارِۚ وَذَٰلِكَ جَزَٰٓؤُاْ
ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٢٩﴾

29. Ҳобил айтди: «Мен охиратга сени икки гуноҳни олиб кетишингни хоҳлайман. Бири – мени ноҳақ қатл қилганинг, иккинчиси – ўзингнинг нофармонлигинг. Бас, бу икки гуноҳ билан аҳли дўзахдан бўласан. Золимларнинг жазоси Қиёматда шундай бўлади».

فَطَوَّعَتۡ لَهُۥ نَفۡسُهُۥ قَتۡلَ أَخِيهِ فَقَتَلَهُۥ فَأَصۡبَحَ مِنَ ٱلۡخَٰسِرِينَ ﴿٣٠﴾ فَبَعَثَ ٱللَّهُ 6 жузъ
غُرَابٗا يَبۡحَثُ فِي ٱلۡأَرۡضِ لِيُرِيَهُۥ كَيۡفَ يُوَٰرِي سَوۡءَةَ أَخِيهِۚ قَالَ يَٰوَيۡلَتَىٰٓ
أَعَجَزۡتُ أَنۡ أَكُونَ مِثۡلَ هَٰذَا ٱلۡغُرَابِ فَأُوَٰرِيَ سَوۡءَةَ أَخِيۖ فَأَصۡبَحَ مِنَ ٱلنَّٰدِمِينَ
﴿٣١﴾ مِنۡ أَجۡلِ ذَٰلِكَ كَتَبۡنَا عَلَىٰ بَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ أَنَّهُۥ مَن قَتَلَ نَفۡسَۢا بِغَيۡرِ نَفۡسٍ أَوۡ
فَسَادٖ فِي ٱلۡأَرۡضِ فَكَأَنَّمَا قَتَلَ ٱلنَّاسَ جَمِيعٗا وَمَنۡ أَحۡيَاهَا فَكَأَنَّمَآ أَحۡيَا
ٱلنَّاسَ جَمِيعٗاۚ وَلَقَدۡ جَآءَتۡهُمۡ رُسُلُنَا بِٱلۡبَيِّنَٰتِ ثُمَّ إِنَّ كَثِيرٗا مِّنۡهُم بَعۡدَ ذَٰلِكَ
فِي ٱلۡأَرۡضِ لَمُسۡرِفُونَ ﴿٣٢﴾

30-32. «Бас, Қобилнинг нафси васваса қилиб, Ҳобилни ўлдиришга киришди ва, бас, уни ўлдирди. Бу дунёда ва охиратда зиёнкор ва бадбахтлардан бўлди».

Бу воқеадан сўнг Қобил Ҳобилнинг жасадини бир йил орқасида кўтариб юрди. Нима қилишини билмас эди. Аллоҳ таоло Қобилга ўликни ерга дафн қилишни, ўлган биродари Ҳобилни ерга кўмишни кўрсатмоқ учун бир қарғани юборди. У қарға тумшуғи билан ерни кавлаб, бошқа бир қарғанинг ўлигини судраб келиб (у ерга) ташлади. Устига тупроқ тортди. Қобил бу воқеани кўргандан сўнг айтдики: «Вой менинг ҳолимгаки, шу қарғага ўхшашдан ҳам ожиз бўлдимми? Биродаримнинг жасадини дафн этишни билмасдан, *бир йил азоб тортдим»*. Кўп азоб тортганига афсус ва надоматлар қилар эди. *Бас,Қобилни Ҳазрати Одам рад этди ва қабул қилмади.* Шу қатл сабабидан Бани Исроилга биз ҳукм қилдик: «Кимки бир шахсни ноҳақ қатл этса ё ер юзида фасод иш қилса, *яъни бировларни ғорат қилса,* бас, гўёки бу суннат (одат)ни жорий этиб, ҳамма одамларни қатл қилибдир. Ва агар бир кишининг ҳаётига сабаб бўлиб, қатлдан сақлаб қолса, бу суннат (одат)ни жорий қилгани учун гўёки ҳамма инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолибдир. *Масалан: Қобил Ҳобилни ўлдириб, ноҳақ қатл қилишни биринчи бўлиб жорий этди, энди то Қиёматгача ноҳақ қатл қилганларнинг гуноҳларидан Қобилга ҳам насиба етиб туради... Ҳадиси шарифга мувофиқ:* مَن سَنَّ سُنَّةً سَيِّئَةً فَلَهُ وِزْرُهَا وَ وِزْرُ مَنْ عَمِلَ بِهَا *яъни, «Кимки ёмон бир тариқа (иш, одат)ни жорий қилиб қолдирса, шу ишнинг гуноҳи унинг бўйнига юкланади. Бу тариқа амал қилувчиларнинг гуноҳла-*

ри (ўзларига) ҳам, унга ҳам юкланади». Бани Исроилга бизнинг тарафимиздан пайғамбарлар келдилар ва мўъжизалар кўрсатдилар, шундан кейин ҳам Бани Исроилдан кўплари фисқу фасод қилиб, ҳаддан тажовуз қилдилар.

إِنَّمَا جَزَٰٓؤُاْ ٱلَّذِينَ يُحَارِبُونَ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ وَيَسۡعَوۡنَ فِي ٱلۡأَرۡضِ فَسَادًا أَن يُقَتَّلُوٓاْ
أَوۡ يُصَلَّبُوٓاْ أَوۡ تُقَطَّعَ أَيۡدِيهِمۡ وَأَرۡجُلُهُم مِّنۡ خِلَٰفٍ أَوۡ يُنفَوۡاْ مِنَ ٱلۡأَرۡضِۚ
6 жузъ ذَٰلِكَ لَهُمۡ خِزۡيٞ فِي ٱلدُّنۡيَاۖ وَلَهُمۡ فِي ٱلۡأٓخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ ٣٣ إِلَّا ٱلَّذِينَ
تَابُواْ مِن قَبۡلِ أَن تَقۡدِرُواْ عَلَيۡهِمۡۖ فَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّ ٱللَّهَ غَفُورٞ رَّحِيمٞ ٣٤

33-34. Ҳар жамоаки Худо ва Расулига мухолиф бўлса ва аҳли Ислом бирла жанг қилса, ер юзида фасод чиқарса, уларни жазолаш ҳукмлари шундан иборатдирки, ё гарданлари (бўйинлари) шамшир билан кесилиб, қатл қилинадилар, ё дорга осиладилар, ё оёқ ва қўллари мухолиф тарафидан *масалан, ўнг қўллари кесилса, чап оёқлари тарафи кесилади,* ё ўз жойларидан ҳайдаладилар. Бу жазо уларга шу дунёдаги расволикдир. Ва Қиёмат куни уларга улуғ азоб муқаррардир. Фақат у гуруҳким, сизларнинг қўлларингизга тушмасдан, аввал тавба қилган бўлсалар, Аллоҳ таоло, албатта, ўзининг ҳаққини кечади, *аммо банданинг ҳаққи бўлса, эгасига (ҳаққини) қайтариб бериш (шарти) бирла кечади.* Албатта, Аллоҳ таоло тавба қилувчиларнинг гуноҳларини кечиргувчи ва меҳрибондир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَٱبۡتَغُوٓاْ إِلَيۡهِ ٱلۡوَسِيلَةَ وَجَٰهِدُواْ فِي سَبِيلِهِۦ
لَعَلَّكُمۡ تُفۡلِحُونَ ٣٥

35. Эй мўминлар, Худодан қўрқинглар ва Худога яқин бўлиш учун восита (васила) талаб қилинглар. Зоҳирий ва ботиний душманга Худо йўлида жиҳод қилинглар. Шундай амал қилганларингизда, албатта, нажот топасизлар.

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ لَوۡ أَنَّ لَهُم مَّا فِي ٱلۡأَرۡضِ جَمِيعٗا وَمِثۡلَهُۥ مَعَهُۥ لِيَفۡتَدُواْ بِهِۦ
مِنۡ عَذَابِ يَوۡمِ ٱلۡقِيَٰمَةِ مَا تُقُبِّلَ مِنۡهُمۡۖ وَلَهُمۡ عَذَابٌ أَلِيمٞ ٣٦

36. Агар кофирларнинг қўлларида ер юзининг моли бўлса, яна шу миқдорда устига қўшимча бўлса, Қиёмат куни шу молларни бериб, нафсларини азобдан қутқармоқчи бўлсалар (ҳам), уларнинг бундай фидялари қабул қилинмайди, уларга аламли азоб муқаррардир.

يُرِيدُونَ أَن يَخۡرُجُواْ مِنَ ٱلنَّارِ وَمَا هُم بِخَٰرِجِينَ مِنۡهَاۖ وَلَهُمۡ عَذَابٞ مُّقِيمٞ ٣٧

37. Аҳли дўзахлар дўзахдан чиқиб кетишни орзу қиладилар, лекин улар бу орзуларига муяссар бўлишмайди. Дўзахдан чиқолмайдилар. Азоб текишлари доим давом этади.

وَٱلسَّارِقُ وَٱلسَّارِقَةُ فَٱقْطَعُوٓا۟ أَيْدِيَهُمَا جَزَآءًۢ بِمَا كَسَبَا نَكَٰلًا مِّنَ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٣٨﴾

38. Ўғрилар хоҳ эркак бўлсин, хоҳ хотин бўлсин, агар ўғирлик қилсалар, шариъатда ҳукмлари шуки: «Эй ҳокимлар, уларнинг қилган касбларининг жазоси учун қўлларини кесинглар – бу азоб Худо тарафидан буюрилгандир. Аллоҳ таоло ҳар қандай ҳукм қилса, ғолиб ва донодир».

6 жузъ

فَمَن تَابَ مِنۢ بَعْدِ ظُلْمِهِۦ وَأَصْلَحَ فَإِنَّ ٱللَّهَ يَتُوبُ عَلَيْهِ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٣٩﴾

39. Бас, агар ўғри ўғирликдан сўнг тавба қилса ва амалларини ислоҳ этса, Аллоҳ таоло тавбасини қабул қилади, чунки Худойи таоло гуноҳларни кечиргувчи ва меҳрибондир. *Ўгрининг ўгрилиги ўз иқрори ё гувоҳлар шаҳодатлари ила собит бўлса, ўгирланган мол ўн дирҳамдан кам бўлмаса, ўнг қўли кесилади ва агар иккинчи мартаба (ўгрилик) қилса, чап оёги кесилади. Бундан кейин яна (ўгрилик) қилса, тавба қилгунча қамаб қўйилади, олган моли мавжуд бўлса, (эгасига) қайтарилади, агар зое бўлган бўлса, тўламак вожиб эмасдир (Тафсири Аҳмад).*

أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ ٱللَّهَ لَهُۥ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ يُعَذِّبُ مَن يَشَآءُ وَيَغْفِرُ لِمَن يَشَآءُ ۗ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٤٠﴾

40. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), билмадингми, осмонлар ва ер Худонинг мулкидир. Қандай хоҳласа, шундай тасарруф қилади. Қиёмат куни кимни хоҳласа, азоб қилади ва кимни хоҳласа, мағфират қилади, чунки Аллоҳ таоло ҳар нарсага қодирдир.

۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلرَّسُولُ لَا يَحْزُنكَ ٱلَّذِينَ يُسَٰرِعُونَ فِى ٱلْكُفْرِ مِنَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓا۟ ءَامَنَّا بِأَفْوَٰهِهِمْ وَلَمْ تُؤْمِن قُلُوبُهُمْ ۛ وَمِنَ ٱلَّذِينَ هَادُوا۟ ۛ سَمَّٰعُونَ لِلْكَذِبِ سَمَّٰعُونَ لِقَوْمٍ ءَاخَرِينَ لَمْ يَأْتُوكَ ۖ يُحَرِّفُونَ ٱلْكَلِمَ مِنۢ بَعْدِ مَوَاضِعِهِۦ ۖ يَقُولُونَ إِنْ أُوتِيتُمْ هَٰذَا فَخُذُوهُ وَإِن لَّمْ تُؤْتَوْهُ فَٱحْذَرُوا۟ ۚ وَمَن يُرِدِ ٱللَّهُ فِتْنَتَهُۥ فَلَن تَمْلِكَ لَهُۥ مِنَ ٱللَّهِ شَيْـًٔا ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ لَمْ يُرِدِ ٱللَّهُ أَن يُطَهِّرَ قُلُوبَهُمْ ۚ لَهُمْ فِى ٱلدُّنْيَا خِزْىٌ ۖ وَلَهُمْ فِى ٱلْءَاخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿٤١﴾

41. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сени мунофиқларнинг сўзлари ғамгин қилмасин. Оғизлари билан «иймон келтирдик», дерлар, ваҳоланки, диллари билан иймон келтирмаганлар, балки диллари билан куфр тарафига шитоб қилурлар. Ва Сени яҳудларнинг сўзлари ҳам ғамгин қилмасин. Улар катталари (пешволари)дан ёлғонни эшитиб, қабул қилгувчидирлар. Сенинг ҳузурингга келмаган яҳудларга Сендан гап олиб етказурлар. Тавротнинг ҳукмларини ўзгартириб, унинг бадалига ўзлари хоҳлаган ҳукмни қўядилар.

Бу оятнинг сабаби нузули шундан иборат эдики, яҳудлардан бир обрўли, бадавлат шахснинг ўғли зино қилди, (унинг) хотини бор эди. Тавротнинг ҳукми, хотини бор киши зино қилса, ражм, яъни тошбўрон қилиб, ўлдирмоқ эди. Бу бой яҳуд уламоларига ришват (пора) бериб: «Менинг ўғлимни ўлимдан сақлаб қолинглар», – деб илтимос қилди. Яҳудларнинг уламолари Тавротнинг ҳукмини ўзгартириб: «Тавротда ражм йўқ, балки зони (зинокор) қирқ қамчи уриладн ва юзига қора суртилиб, эшакка тескари миндирилиб, шаҳар кўчаларидан айлантириладн»,- деб ҳукм жорий қилдилар. Бошқа яҳудлар бу ҳукмга рози бўлмадилар, охир шунга қарор қилдиларки: «Расулуллоҳнинг ҳукмларига рози бўламиз».

6 жузъ

Аммо катталари айтар эдиларки: «Агар Муҳаммад (алайҳиссалом) тарафидан шу ўзгартирилган ҳукм содир бўлса, қабул қилинглар ва агар бу ҳукм содир бўлмасдан, ражмга буюрса, қабул қилманглар».

Бас, Расулуллоҳнинг ҳузурларига келдилар. Расулуллоҳ айтдиларки: «Сизларга Ҳазрати Мусони Пайғамбар қилиб юборган Худонинг номига қасам ичираман, Қуръоннинг ҳукмига рози бўласизларми?». «Рози бўламиз», – дедилар. Расулулллоҳ айтдилар: «Ундай бўлса, Қуръоннинг ҳукми тошбўрон қилиб ўлдирмоқдир». Яҳудлар айтдилар: «Биз бу ҳукмга рози эмасмиз, чунки бизнинг Китобимизда ражм йўқдир». Ҳазрати Жаброил келиб айтдилар: «Улар ёлғон айтадилар, Тавротда ражм бордир. Эй Муҳаммад, Тавротни талаб қилгил, токи «ояти ражмни» кўриб, яҳудларни шарманда қилиш керак». Сўнгра Тавротни олдириб келдилар. Абдуллоҳ ибн Салом разияллоу анҳу яҳудларнинг олимларидан эдилар. Тавротни очиб «ояти ражмни» топдилар. Яҳудлар шарманда бўлдилар. Зинокорни олиб чиқиб, тошбўрон қилдилар.

Кимники Худойи таоло фитнага мубтало қилишни хоҳласа, бас, Сен у фитнани даф қилмоққа қодир эмассан. Бас, Худойи таоло у гуруҳларнинг дилларини куфрдан пок қилишни хоҳламади. У гуруҳларга бу дунёда расволик ва шармандалик ва охиратда улуғ азоб бордир.

سَمَّٰعُونَ لِلْكَذِبِ أَكَّٰلُونَ لِلسُّحْتِ ۚ فَإِن جَآءُوكَ فَٱحْكُم بَيْنَهُمْ أَوْ أَعْرِضْ عَنْهُمْ ۖ وَإِن تُعْرِضْ عَنْهُمْ فَلَن يَضُرُّوكَ شَيْـًٔا ۖ وَإِنْ حَكَمْتَ فَٱحْكُم بَيْنَهُم بِٱلْقِسْطِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلْمُقْسِطِينَ ﴿٤٢﴾ وَكَيْفَ يُحَكِّمُونَكَ وَعِندَهُمُ ٱلتَّوْرَىٰةُ فِيهَا حُكْمُ ٱللَّهِ ثُمَّ يَتَوَلَّوْنَ مِنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ ۚ وَمَآ أُو۟لَٰٓئِكَ بِٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٤٣﴾

42-43. Улар ёлғонни хўб эшитгувчидирлар, ҳаромни хўб егувчидирлар. Бас, агар улар Сенинг қошингга келсалар, Сен уларнинг ўрталарида ҳукм қил ё улардан юз ўгир, ихтиёр (Сендадир). Ва агар улардан юз ўгирсанг, улар Сенга ҳеч бир зарар етказолмаслар ва агар ҳукм қилсанг, уларнинг ўрталарида адолат ила ҳукм қил. Аллоҳ таоло, албатта, одилларни дўст тутади. Яҳудлар ўзларининг хусуматларида Сени қандай ҳакам муқаррар қилурлар? Ваҳоланки, уларнинг олдиларида Таврот бордир. Унда тамом ҳукми шариат мавжуддир. Кейин Сен ҳукм қилганингдан сўнг қабул қилмасдан, юз ўгириб кетадилар. Бу жамоа Худонинг ҳукмига ишонувчи эмасдир.

إِنَّآ أَنزَلْنَا ٱلتَّوْرَىٰةَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ ۚ يَحْكُمُ بِهَا ٱلنَّبِيُّونَ ٱلَّذِينَ أَسْلَمُوا۟ لِلَّذِينَ
هَادُوا۟ وَٱلرَّبَّـٰنِيُّونَ وَٱلْأَحْبَارُ بِمَا ٱسْتُحْفِظُوا۟ مِن كِتَـٰبِ ٱللَّهِ وَكَانُوا۟ عَلَيْهِ
شُهَدَآءَ ۚ فَلَا تَخْشَوُا۟ ٱلنَّاسَ وَٱخْشَوْنِ وَلَا تَشْتَرُوا۟ بِـَٔايَـٰتِى ثَمَنًا قَلِيلًا ۚ وَمَن لَّمْ
يَحْكُم بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ فَأُو۟لَـٰٓئِكَ هُمُ ٱلْكَـٰفِرُونَ ﴿٤٤﴾

44. Албатта, Биз Тавротни нозил қилдик. У Тавротда халқни ҳидоят қилиш учун панддар ва равшан (очиқ) ҳукмлар бор эди. Бани Исроилнинг пайғамбарлари шу Таврот билан ҳукм қилар эдилар. Бу зотлар Худонинг ҳукмига инқиёд қилган (бўйинсунган) эдилар. Тақводор уламолари ва зоҳидлари Таврот билан ҳукм қилар эдилар. Шунинг учунки, Тавротни зое бўлищдан ва таҳриф қилиш (ўзгартиришлар)дан сақлаш бу зотларга топширилган эди ва у зотлар Тавротнинг ҳақлигига гувоҳ эдилар. Бас, эй ҳокимлар, адолат билан ҳукм қилмоқда ҳеч кимдан қўрқманглар, балки Мендан қўрқинглар. Эй ҳокимлар, Худонинг ҳукмини озгина дунё бадалига (эвазига) сотманглар. Ҳар кимки Худонинг Китобига мувофиқ ҳукм қилмаса ва (ундан) юз ўгирса, ўша жамоа, албатта, кофирлардандир.

6 жузъ

وَكَتَبْنَا عَلَيْهِمْ فِيهَآ أَنَّ ٱلنَّفْسَ بِٱلنَّفْسِ وَٱلْعَيْنَ بِٱلْعَيْنِ وَٱلْأَنفَ بِٱلْأَنفِ
وَٱلْأُذُنَ بِٱلْأُذُنِ وَٱلسِّنَّ بِٱلسِّنِّ وَٱلْجُرُوحَ قِصَاصٌ ۚ فَمَن تَصَدَّقَ بِهِۦ فَهُوَ
كَفَّارَةٌ لَّهُۥ ۚ وَمَن لَّمْ يَحْكُم بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ فَأُو۟لَـٰٓئِكَ هُمُ ٱلظَّـٰلِمُونَ ﴿٤٥﴾

45. Бизлар Бани Исроил учун Тавротда шу ҳукмни ёздик: «Бир нафс (киши) бирайри ҳақ (ноҳақ) қатл қилинса, бадалига бир нафсдан қасос (яъни, жонга жон) олинади. Кўзнинг муқобилига кўз, бурун ўрнига бурун ва қулоқ ўрнига қулоқ, тиш ўрнига тиш, шунга ўхшаш жароҳатлар муқобилига (муқобил тарзда) қасос олинади. Ҳар кимки афв этса (яъни, қасосни кечиб юборса), гуноҳларига каффорат бўлади. Ҳар кимки Худонинг Китобига мувофиқ ҳукм қилмаса, бас, у гуруҳ золимлардандир.

وَقَفَّيْنَا عَلَىٰٓ ءَاثَـٰرِهِم بِعِيسَى ٱبْنِ مَرْيَمَ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ ٱلتَّوْرَىٰةِ
وَءَاتَيْنَـٰهُ ٱلْإِنجِيلَ فِيهِ هُدًى وَنُورٌ وَمُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ ٱلتَّوْرَىٰةِ وَهُدًى
وَمَوْعِظَةً لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٤٦﴾ وَلْيَحْكُمْ أَهْلُ ٱلْإِنجِيلِ بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ فِيهِ ۚ وَمَن لَّمْ
يَحْكُم بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ فَأُو۟لَـٰٓئِكَ هُمُ ٱلْفَـٰسِقُونَ ﴿٤٧﴾

46-47. Бани Исроил пайғамбарларининг орқаларидан Ийсо Марям ўғлини олиб келдик. У зот ўзидан олдинги Таврот ҳукмларини тасдиқ қилувчи эди. Ийсога Инжил китобини бердик ва у Китобда тавҳидга далолат қилувчи оятлар ва равшан ҳукмлар бор эди. Бу Инжил тавҳид қоидаларига мувофиқ Тавротни тасдиқ қилгувчи эди. Инжилни халққа йўл кўрсатувчи,

муттақийларга панд берувчи қилдик. Инжил аҳлига лозимдирки, Худо нозил қилган оятга мувофиқ ҳукм қилсинлар. Кимки, Худо нозил қилган Китобга мувофиқ ҳукм қилмаса, у гуруҳ фосиқлардандир.

وَأَنزَلْنَآ إِلَيْكَ ٱلْكِتَٰبَ بِٱلْحَقِّ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ ٱلْكِتَٰبِ
وَمُهَيْمِنًا عَلَيْهِ ۖ فَٱحْكُم بَيْنَهُم بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ ۖ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَآءَهُمْ عَمَّا جَآءَكَ
مِنَ ٱلْحَقِّ ۚ لِكُلٍّ جَعَلْنَا مِنكُمْ شِرْعَةً وَمِنْهَاجًا ۚ وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ لَجَعَلَكُمْ أُمَّةً
6 жузъ وَٰحِدَةً وَلَٰكِن لِّيَبْلُوَكُمْ فِى مَآ ءَاتَىٰكُمْ ۖ فَٱسْتَبِقُوا۟ ٱلْخَيْرَٰتِ ۚ إِلَى ٱللَّهِ مَرْجِعُكُمْ
جَمِيعًا فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿٤٨﴾

48. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга Қуръонни ростлик билан нозил қилдик. Унда ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бу Қуръон ўзидан аввал нозил бўлган китобларни тасдиқ қилувчи, тағйир ва таҳрифдан (ўзгариш ва ўзгартиришлардан) муҳофазат қилувчидир. Бас, Сен халқ ўртасида Қуръонга мувофиқ ҳукм қил, ҳақдан (ўзгага) мойил бўлиб (четлашиб), уларнинг хоҳишларига иттибоъ қилмагил (эргашмагил). Ҳар бир гуруҳга бир шариат ва равшан йўл муқаррар қилдик, *яъни, сизларнинг амал қилишларингиз учун Китобда равшан йўл мавжуддир.* Агар Парвардигор хоҳласа, дунёдаги бор инсонларни бир миллатга иттифоқ қилиб, бир жамоага айлантирар эди, лекин шундай қилмади, токи сизларни ўз тариқаларингизда синаб кўради. Бас, яхши, хайр ишларга шитоб этинглар, *шариат аҳкомларига амал қилинглар.* Қиёмат куни ҳаммаларингизнинг ҳисоб учун борадиган жойингиз Худонинг ҳузуридадир. Бас, Аллоҳ таоло сизларнинг ихтилофларингизда ким ҳақ ва ким ноҳақ, ким осий ва ким муттақий, огоҳлантиради.

وَأَنِ ٱحْكُم بَيْنَهُم بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَآءَهُمْ وَٱحْذَرْهُمْ أَن يَفْتِنُوكَ
عَنۢ بَعْضِ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ إِلَيْكَ ۖ فَإِن تَوَلَّوْا۟ فَٱعْلَمْ أَنَّمَا يُرِيدُ ٱللَّهُ أَن يُصِيبَهُم بِبَعْضِ
ذُنُوبِهِمْ ۗ وَإِنَّ كَثِيرًا مِّنَ ٱلنَّاسِ لَفَٰسِقُونَ ﴿٤٩﴾

49. Ва Сен, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), улар ўртасида Аллоҳ таоло нозил қилган ҳукмга мувофиқ ҳукм эт ва уларнинг хоҳишларига тобе бўлма ва улардан сақлан, токи (улар) Аллоҳ таоло Сенга нозил қилган ҳукмларнинг баъзисидан оздирмасинлар. Бас, агар улар юз ўгирсалар, билгилки, Аллоҳ таоло уларнинг баъзи гуноҳлари сабабидан уларга жазо беришнигина хоҳлар ва, албатта, одамлардан кўплари нофармондир (итоатсиздир).

أَفَحُكْمَ ٱلْجَٰهِلِيَّةِ يَبْغُونَ ۚ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ ٱللَّهِ حُكْمًا لِّقَوْمٍ يُوقِنُونَ ﴿٥٠﴾

50. Оё, бу яҳудлар жамоаси *Таврот ҳукмини қабул қилмасалар, Қуръон ҳукмига рози бўлмасалар,* жоҳилият давридаги ҳукмни истайдиларми? Мўминларга адолат билан ҳукм қилишда ким Худодан яхшироқ ҳукм қилади?

۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَتَّخِذُواْ ٱلْيَهُودَ وَٱلنَّصَٰرَىٰٓ أَوْلِيَآءَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَآءُ بَعْضٍ
وَمَن يَتَوَلَّهُم مِّنكُمْ فَإِنَّهُۥ مِنْهُمْ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٥١﴾

51. Эй мўминлар, яҳудларни ва насороларни ўзларингизга дўст қилиб олманглар, уларнинг баъзилари баъзиларини дўст тутадилар. Ҳеч вақт сизларни дўст тутмаслар. Агар ҳар кимки сизлардан у жамоани дўст тутса, у ҳам ўшалардан ҳисобланади. Албатта, Аллоҳ таоло золимларни ҳидоят қилмайди.

فَتَرَى ٱلَّذِينَ فِى قُلُوبِهِم مَّرَضٌ يُسَٰرِعُونَ فِيهِمْ يَقُولُونَ نَخْشَىٰٓ أَن تُصِيبَنَا 6 жузъ
دَآئِرَةٌ فَعَسَى ٱللَّهُ أَن يَأْتِىَ بِٱلْفَتْحِ أَوْ أَمْرٍ مِّنْ عِندِهِۦ فَيُصْبِحُواْ عَلَىٰ مَآ أَسَرُّواْ فِىٓ
أَنفُسِهِمْ نَٰدِمِينَ ﴿٥٢﴾

52. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен дилларида нифоқ касали бор бўлган бу жамоанинг яҳудлар билан дўстлик қилмоққа югурганларини кўрасан. Агар мусулмонлар тарафидан маломат қилинсалар, айтадилар: «Қўрқамизки, бошимизга бирон мусибат келса, ҳеч ким ёрдам бермайди, фақат шу яҳудлар ёрдам берадилар». Улар нотўғри ўйлайдилар, бас, албатта, мусулмонларга Худо тарафидан фатҳ ё зафар келади ёки яҳудлар қатлига Худо тарафидан бирон ҳукм собит бўлади. Бас, мунофиқлар дилларида ўйлаган фикрларига пушаймон қиладилар.

وَيَقُولُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَهَٰٓؤُلَآءِ ٱلَّذِينَ أَقْسَمُواْ بِٱللَّهِ جَهْدَ أَيْمَٰنِهِمْ إِنَّهُمْ لَمَعَكُمْ
حَبِطَتْ أَعْمَٰلُهُمْ فَأَصْبَحُواْ خَٰسِرِينَ ﴿٥٣﴾

53. Ва (шунда) мусулмонлар (бир-бирларига) дейдиларки: «Мана шу мунофиқлар жамоаси «Биз сизлар билан биргамиз», деб ғализ (қаттиқ) қасамёд қилмадиларми?» Уларнинг қасамлари ёлғон эди. Натижада ҳеч қандай ёрдам бермадилар. Уларнинг амаллари ҳабата (беҳуда)дир. Бас, улар қилган ишлари ва амалларида зиён қилдилар.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مَن يَرْتَدَّ مِنكُمْ عَن دِينِهِۦ فَسَوْفَ يَأْتِى ٱللَّهُ بِقَوْمٍ يُحِبُّهُمْ
وَيُحِبُّونَهُۥٓ أَذِلَّةٍ عَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ أَعِزَّةٍ عَلَى ٱلْكَٰفِرِينَ يُجَٰهِدُونَ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ وَلَا
يَخَافُونَ لَوْمَةَ لَآئِمٍ ذَٰلِكَ فَضْلُ ٱللَّهِ يُؤْتِيهِ مَن يَشَآءُ وَٱللَّهُ وَٰسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٥٤﴾

54. Эй мўминлар, сизлардан ҳар ким ўз динидан қайтиб муртад бўлса, бас, Аллоҳ таоло унинг бадалига (тезда бошқа) бир қавмни халқ қиладики, (улар) Худога муте, парҳезкор бўладилар, Худо уларни дўст тутади, улар ҳам Худони дўст тутадилар. Улар мўминларга меҳрибон, тавозе қилувчи бўлиб, кофирларга қаттиқдил, бераҳм бўладилар ва Аллоҳ йўлида жиҳод қиладилар. Маломат қилувчининг маломатидан қўрқмайдилар. Бу сифатлар Аллоҳнинг фазлу карами бўлиб, уларни хоҳлаган кишисига

беради. Аллоҳ таолонинг бандаларига карами васеъ (кенг)дир ва (уларнинг) аҳволларини (билгувчи) донодир.

إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱلَّذِينَ يُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَيُؤْتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ وَهُمْ رَٰكِعُونَ ﴿٥٥﴾ وَمَن يَتَوَلَّ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ فَإِنَّ حِزْبَ ٱللَّهِ هُمُ ٱلْغَٰلِبُونَ ﴿٥٦﴾

55-56. Эй мўминлар, сизларнинг ҳақиқий дўстларингиз Аллоҳ таоло
6 жузъ ва унинг Расулидир. Ва ҳам намозни ўз вақтида адо этадиган ва молларидан закот берадиган мўминлардирки, улар ҳар бир амалида мутавозе ва хуш ахлоқдирлар. Ҳар кимки, Худо ва унинг Расулини ва ҳам мўминларни дўст тутар экан, у Худонинг лашкаридандир. Албатта, Худонинг лашкари Худонинг душманлари устидан ғалаба қилади.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَتَّخِذُواْ ٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُواْ دِينَكُمْ هُزُوًا وَلَعِبًا مِّنَ ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلْكِتَٰبَ مِن قَبْلِكُمْ وَٱلْكُفَّارَ أَوْلِيَآءَ ۚ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿٥٧﴾

57. Эй мўминлар, сизлардан илгари китоб берилганлар ичидан динингизни масхара (ўйин) қиладиган китобий жамоаларни ва яна кофирларни дўст тутманглар. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳ таолодан қўрқинглар.

وَإِذَا نَادَيْتُمْ إِلَى ٱلصَّلَوٰةِ ٱتَّخَذُوهَا هُزُوًا وَلَعِبًا ۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَّا يَعْقِلُونَ ﴿٥٨﴾

58. Эй мўминлар, намозни эълон қилиб азон айтган вақтларингизда яҳудлар бу азонларингизни масхара қиладилар. Бу феъллари шунинг учунки, улар беақл қавмдирлар.

قُلْ يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ هَلْ تَنقِمُونَ مِنَّآ إِلَّآ أَنْ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ وَمَآ أُنزِلَ إِلَيْنَا وَمَآ أُنزِلَ مِن قَبْلُ وَأَنَّ أَكْثَرَكُمْ فَٰسِقُونَ ﴿٥٩﴾

59. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), аҳли китобга айтгил: «Эй аҳли китоблар, сизлар бизларнинг ҳолатларимизни айблайсизларми ва инкор қиласизларми? Сизлар шунинг учун бизга айбжўйлик ва адоват қиласизларки, бизлар Худога ва Қуръонга ва ундан аввал нозил бўлган китобларга иймон келтирганмиз. Албатта, бу феълингиз шунинг учунки, кўпларингиз фосиқдирсизлар.

قُلْ هَلْ أُنَبِّئُكُم بِشَرٍّ مِّن ذَٰلِكَ مَثُوبَةً عِندَ ٱللَّهِ ۚ مَن لَّعَنَهُ ٱللَّهُ وَغَضِبَ عَلَيْهِ وَجَعَلَ مِنْهُمُ ٱلْقِرَدَةَ وَٱلْخَنَازِيرَ وَعَبَدَ ٱلطَّٰغُوتَ ۚ أُوْلَٰٓئِكَ شَرٌّ مَّكَانًا وَأَضَلُّ عَن سَوَآءِ ٱلسَّبِيلِ ﴿٦٠﴾

60. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), аҳли китобларга айтгилки: «Сизларга Худо томонидан ёмон (оғир) жазоланадиган бадтарин (энг ёмон)

қавмдан хабар берайми?» Улар Худонинг лаънатига дучор бўлганлар ва ғазабига қолганлар ва маймунлар ва тўнғизларга масх қилинган (айлантириб қўйилган) ва гўсолага (бузоққа) ибодат қилганлардир. Қиёмат куни у жамоалар бадтарин (энг ёмон) макондан қарор оладилар ва тўғри йўлдан гумроҳ бўлгандирлар.

وَإِذَا جَآءُوكُمْ قَالُوٓا۟ ءَامَنَّا وَقَد دَّخَلُوا۟ بِٱلْكُفْرِ وَهُمْ قَدْ خَرَجُوا۟ بِهِۦ ۚ وَٱللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا كَانُوا۟ يَكْتُمُونَ ﴿٦١﴾

61. Вақтики мунофиқлар сизларнинг олдиларингизга келсалар, айтадиларки: «Бизлар иймон келтирганмиз». Ваҳоланки, сизларнинг ҳузурларингизга кирганларида ҳам куфр билан эдилар, чиққанларида ҳам куфр билан чиқиб кетдилар. Аллоҳ таоло уларнинг дилларидаги яширган куфрларидан огоҳдир. 6 жузъ

وَتَرَىٰ كَثِيرًا مِّنْهُمْ يُسَٰرِعُونَ فِى ٱلْإِثْمِ وَٱلْعُدْوَٰنِ وَأَكْلِهِمُ ٱلسُّحْتَ ۚ لَبِئْسَ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٦٢﴾

62. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу мунофиқларнинг кўпларини кўрасанки, гуноҳ қилишга ва зулм этишга ва ҳаром ейишга шошиладилар, хайрга илтифот қилмаслар. Уларнинг бу амаллари кўп ёмондир!

لَوْلَا يَنْهَىٰهُمُ ٱلرَّبَّٰنِيُّونَ وَٱلْأَحْبَارُ عَن قَوْلِهِمُ ٱلْإِثْمَ وَأَكْلِهِمُ ٱلسُّحْتَ ۚ لَبِئْسَ مَا كَانُوا۟ يَصْنَعُونَ ﴿٦٣﴾

63. Яҳудларнинг олимлари ва зоҳидлари яҳудларни ёлғон сўзлашдан ва ҳаром емакдан нима учун манъ қилмайдилар? Бу феъллари кўп ёмондир!

وَقَالَتِ ٱلْيَهُودُ يَدُ ٱللَّهِ مَغْلُولَةٌ ۚ غُلَّتْ أَيْدِيهِمْ وَلُعِنُوا۟ بِمَا قَالُوا۟ ۘ بَلْ يَدَاهُ مَبْسُوطَتَانِ يُنفِقُ كَيْفَ يَشَآءُ ۚ وَلَيَزِيدَنَّ كَثِيرًا مِّنْهُم مَّآ أُنزِلَ إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ طُغْيَٰنًا وَكُفْرًا ۚ وَأَلْقَيْنَا بَيْنَهُمُ ٱلْعَدَٰوَةَ وَٱلْبَغْضَآءَ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ ۚ كُلَّمَآ أَوْقَدُوا۟ نَارًا لِّلْحَرْبِ أَطْفَأَهَا ٱللَّهُ ۚ وَيَسْعَوْنَ فِى ٱلْأَرْضِ فَسَادًا ۚ وَٱللَّهُ لَا يُحِبُّ ٱلْمُفْسِدِينَ ﴿٦٤﴾

64. Яҳудлар камоли ҳамоқатдан (аҳмоқликдан) айтадиларки: «Худонинг қўли эҳсон қилишдан боғлиқдир», *яъни, бизнинг ризқимизни танг қилади ва бахиллик қилади.* Ўзларининг қўллари ҳамиша боғланган бўлсин! Бу беадабона сўзлари учун ҳамиша лаънатга гирифтор бўлдилар. Балки Парвардигорнинг қўллари эҳсон учун ҳамиша очиқдир. Қандай (қанча) хоҳласа инфоқ ва эҳсон қилади. Сенга нозил бўлган оятлар уларда ҳидоят ўрнига исённи ва куфрни зиёда қилади, *яъни, ҳар бир оятни инкор қилиб, куфрлари зиёда бўлади.* Шумликлари учун уларнинг ўрталарида буғзу адоватни то Қиёматгача муқаррар қилдим. Ҳар қачонки жанг ва фасод ўтини ёндирсалар, Худо уни ўчиради, *аҳли Исломни огоҳ*

этади. Улар ҳамиша ер юзида фасод ёйишга саъй қилурлар. Аллоҳ таоло муфсидларни дўст тутмас.

وَلَوْ أَنَّ أَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ ءَامَنُوا۟ وَٱتَّقَوْا۟ لَكَفَّرْنَا عَنْهُمْ سَيِّـَٔاتِهِمْ وَلَأَدْخَلْنَٰهُمْ
جَنَّٰتِ ٱلنَّعِيمِ ﴿٦٥﴾

65. Агар аҳли китоблар иймон келтирсалар эди ва Худодан қўрқсалар эди, батаҳқиқ, Биз уларнинг гуноҳларини кечириб, жаннати наъимга дохил қилур эдик.

6 жузъ وَلَوْ أَنَّهُمْ أَقَامُوا۟ ٱلتَّوْرَىٰةَ وَٱلْإِنجِيلَ وَمَآ أُنزِلَ إِلَيْهِم مِّن رَّبِّهِمْ لَأَكَلُوا۟ مِن فَوْقِهِمْ
وَمِن تَحْتِ أَرْجُلِهِم ۚ مِّنْهُمْ أُمَّةٌ مُّقْتَصِدَةٌ ۖ وَكَثِيرٌ مِّنْهُمْ سَآءَ مَا يَعْمَلُونَ ﴿٦٦﴾

66. Агар аҳли китоблар Таврот ва Инжилнинг амрларини бажо келтириб, Худо тарафидан уларга нозил қилинган Қуръоннинг ҳукмларига амал қилсалар эди, албатта, улар ризқу рўзларини юқоридан (осмондан) ва ердан ҳам ҳосил қилиб еган бўлар эдилар. *Яъни, осмондан ёмгир ёгиб, ердан богълар кўкариб, ризқларига баракот ҳосил бўлур эди.* Улардан (аҳли китоблардан) бир жамоалари иймон келтириб, тўғри йўлга ҳидоят топдилар, лекин улардан кўпларининг амаллари кўп ёмондир!

۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلرَّسُولُ بَلِّغْ مَآ أُنزِلَ إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ ۖ وَإِن لَّمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَّغْتَ
رِسَالَتَهُۥ ۚ وَٱللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ ٱلنَّاسِ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٦٧﴾

67. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худо тарафидан Сенга нозил қилинган аҳкомларни халққа етказгил, агар халққа етказмасанг, пайғамбарлик вазифасини бажо келтирмаган бўласан. Бу хусусда ҳеч кимдан қўрқмагил. Аллоҳ таоло Сени халқнинг шарридан (ёмонлигидан) сақлайди. Албатта, Аллоҳ таоло кофирларнинг Сенга зарар етказмоғига йўл бермайди.

قُلْ يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ لَسْتُمْ عَلَىٰ شَىْءٍ حَتَّىٰ تُقِيمُوا۟ ٱلتَّوْرَىٰةَ وَٱلْإِنجِيلَ وَمَآ أُنزِلَ
إِلَيْكُم مِّن رَّبِّكُمْ ۗ وَلَيَزِيدَنَّ كَثِيرًا مِّنْهُم مَّآ أُنزِلَ إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ طُغْيَٰنًا وَكُفْرًا ۖ
فَلَا تَأْسَ عَلَى ٱلْقَوْمِ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٦٨﴾

68. Эй, Муҳаммад (алайҳиссалом), аҳли китобга айтгил: «Эй аҳли китоб, токи Таврот ва Инжилнинг асл ҳукмларини барпо этмасангизлар, сизлар дин хусусида ҳеч бир нарсага эга эмассизлар, (агар) Худо тарафидан сизларга нозил бўлган оятлар ва аҳкомларга амал қилмасангизлар, ҳеч қандай эътиборларингиз йўқдир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга Худо тарафидан нозил қилинган оятлар, албатта, кофирларда исён ва куфрни зиёда қилади. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларнинг феълларига ғамгин бўлмагил.

إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَٱلَّذِينَ هَادُوا۟ وَٱلصَّٰبِـُٔونَ وَٱلنَّصَٰرَىٰ مَنْ ءَامَنَ بِٱللَّهِ

وَٱلْيَوْمِ ٱلْـَٔاخِرِ وَعَمِلَ صَٰلِحًا فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٦٩﴾

69. Албатта, *фақат тиллари билан* иймон келтирган жамоалар ва яҳудлар ва бутпарастлар ва насоролар жамоаларидан кимларки сидқидил ва холис ният билан Худога иймон келтирсалар ва охиратга ишонсалар ва яхши амаллар қилсалар, Қиёмат куни уларга ҳеч хавф йўқдир ва ғамгин ҳам бўлмайдилар.

لَقَدْ أَخَذْنَا مِيثَٰقَ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ وَأَرْسَلْنَآ إِلَيْهِمْ رُسُلًا ۖ كُلَّمَا جَآءَهُمْ رَسُولٌۢ
بِمَا لَا تَهْوَىٰٓ أَنفُسُهُمْ فَرِيقًا كَذَّبُوا۟ وَفَرِيقًا يَقْتُلُونَ ﴿٧٠﴾ 6 жузъ

70. Албатта, анбиёлар воситаси ила бани Исроилдан: «Биз сизларга юборган ҳар бир пайғамбарга иймон келтирасизлар», – деб аҳд-паймон олдик ва уларга пайғамбарлар юбордик. Ҳар (бир) пайғамбарки, Худо тарафидан улар хоҳламаган ҳукмни олиб келса, (пайғамбарлардан) *Ийсо ва Муҳаммад сингари* бир фирқаларини таксиб қилдилар (ёлғончига чиқардилар) ва *Закарийё ва Яҳё каби* бир фирқаларини ўлдирдилар.

وَحَسِبُوٓا۟ أَلَّا تَكُونَ فِتْنَةٌ فَعَمُوا۟ وَصَمُّوا۟ ثُمَّ تَابَ ٱللَّهُ عَلَيْهِمْ ثُمَّ عَمُوا۟
وَصَمُّوا۟ كَثِيرٌ مِّنْهُمْ ۚ وَٱللَّهُ بَصِيرٌۢ بِمَا يَعْمَلُونَ ﴿٧١﴾

71. Бани Исроил «Пайғамбарларни таксиб қилганимиз ва қатл қилганимиз учун бизга ҳеч қандай бало келмайди», – деб гумон қилдилар. Бас, ҳақ йўлни кўрмадилар ва ҳақ сўзни эшитмадилар. Вақтики қилмишларига тавба қилдилар, Аллоҳ таоло тавбаларини қабул қилди. Улардан кўплари яна иккинчи марта ҳақни кўришдан кўр бўлдилар ва ҳақни эшитмоқдан кар бўлдилар. Аллоҳ таоло уларнинг амалларини кўради *ва унга мувофиқ жазо беради*.

لَقَدْ كَفَرَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓا۟ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْمَسِيحُ ٱبْنُ مَرْيَمَ ۖ وَقَالَ ٱلْمَسِيحُ
يَٰبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ رَبِّى وَرَبَّكُمْ ۖ إِنَّهُۥ مَن يُشْرِكْ بِٱللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ ٱللَّهُ
عَلَيْهِ ٱلْجَنَّةَ وَمَأْوَىٰهُ ٱلنَّارُ ۖ وَمَا لِلظَّٰلِمِينَ مِنْ أَنصَارٍ ﴿٧٢﴾

72. «Албатта, Аллоҳ – (Ҳазрати) Ийсо ибн Марямнинг ўзидур», – дегувчилар (шубҳасиз) кофир бўлдилар. Ваҳоланки, (Ҳазрати) Ийсо айтди: «Эй Бани Исроил, *Мени Худога шерик қилманглар*, холис Парвардигорга ибодат қилинглар. Аллоҳ таоло Менинг ҳам, сизларнинг ҳам Парвардигоримиздир. Кимки Худога шерик исбот қилса, Аллоҳ таоло унга жаннатни ҳаром қилади, унинг макони дўзахдир! Қиёмат куни кофирларга ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир».

لَّقَدْ كَفَرَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓا۟ إِنَّ ٱللَّهَ ثَالِثُ ثَلَٰثَةٍ ۘ وَمَا مِنْ إِلَٰهٍ إِلَّآ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌ ۚ وَإِن
لَّمْ يَنتَهُوا۟ عَمَّا يَقُولُونَ لَيَمَسَّنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنْهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٧٣﴾

73. Албатта: «Аллоҳ таоло уч Худонинг биридур», – деб айтган насоро жамоаси кофир бўлди. Ваҳоланки, ҳеч маъбуд йўқдир, магар бир Худонинг ўзи якка ва ягонадир. Агар бу жамоа айтган сўзидан қайтиб, тавба қилмаса, Қиёмат куни азоби алим (аламли азоб)га мубтало бўлади.

أَفَلَا يَتُوبُونَ إِلَى ٱللَّهِ وَيَسْتَغْفِرُونَهُۥ ۚ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٧٤﴾

74. Нима учун бу жамоа Аллоҳга ружу қилиб (қайтиб), тавба қилмайди ва Аллоҳдан кечирим сўрамайди? Ваҳоланки, Аллоҳ таоло тавба қилувчиларнинг гуноҳларини кечиргувчи ва меҳрибондир.

6 жузъ

مَّا ٱلْمَسِيحُ ٱبْنُ مَرْيَمَ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِن قَبْلِهِ ٱلرُّسُلُ وَأُمُّهُۥ صِدِّيقَةٌ ۖ
كَانَا يَأْكُلَانِ ٱلطَّعَامَ ۗ ٱنظُرْ كَيْفَ نُبَيِّنُ لَهُمُ ٱلْـَٔايَٰتِ ثُمَّ ٱنظُرْ أَنَّىٰ
يُؤْفَكُونَ ﴿٧٥﴾

75. (Ҳазрати) Ийсо Худо эмас, магар бир Пайғамбардир. Ундан аввал ҳам унга ўхшаш пайғамбарлар ўтгандирлар. Биби Марям ҳам Худога ишонувчи эди (ва) ҳар иккови (ҳам) бошқа инсонга ўхшаш таом еяр эдилар. *Таомга муҳтож инсон қандай қилиб Худо бўла олади?* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу насоролар учун қандай далиллар баён қилаётганимизга назар сол. Уларнинг ҳолига яна назар қил, қандай ёлғончиликка мубтало бўлгандирлар ва қайси тарафга юз ўгириб кетмоқдалар!

قُلْ أَتَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَا لَا يَمْلِكُ لَكُمْ ضَرًّا وَلَا نَفْعًا ۚ وَٱللَّهُ هُوَ
ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٧٦﴾

76. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), насороларга айтгил: «Худодан бошқа қўлларидан фойда ҳам, зарар ҳам келмайдиган ашёларга ибодат қиласизларми?» Ваҳоланки, Аллоҳ таоло ҳақдир ва ботил сўзингизни эшитгувчидир ва ёмон ақидаларингизни билгувчидир.

قُلْ يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ لَا تَغْلُوا۟ فِى دِينِكُمْ غَيْرَ ٱلْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعُوٓا۟ أَهْوَآءَ قَوْمٍ
قَدْ ضَلُّوا۟ مِن قَبْلُ وَأَضَلُّوا۟ كَثِيرًا وَضَلُّوا۟ عَن سَوَآءِ ٱلسَّبِيلِ ﴿٧٧﴾

77. Сен дегил: «Эй аҳли китоб (яҳудий ва насронийлар), динларингизда ноҳақ ғулу қилманглар (ҳаддан ошманглар). Илгари ўзлари тўғри йўлдан озган ва кўпларни ҳам оздирган ва адашган жамоаларнинг хаёлларига (ботил даъватларига) эргашманглар».

لُعِنَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنۢ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ عَلَىٰ لِسَانِ دَاوُۥدَ وَعِيسَى ٱبْنِ مَرْيَمَ ۚ
ذَٰلِكَ بِمَا عَصَوا۟ وَّكَانُوا۟ يَعْتَدُونَ ﴿٧٨﴾ كَانُوا۟ لَا يَتَنَاهَوْنَ عَن
مُّنكَرٍ فَعَلُوهُ ۚ لَبِئْسَ مَا كَانُوا۟ يَفْعَلُونَ ﴿٧٩﴾

78-79. Бани Исроил қавмидан бир жамоа кофирлар ўзларининг нофармонликлари ва зулмлари сабабидан (Ҳазрати) Довуд ва (Ҳазрати) Ийсо Биби Марям ўғли тиллари билан лаънат қилинган эдилар. Улар бир-бирларини ёмон ишлардан манъ қилмас эдилар. Худога қасамки, қилган феъллари кўп ёмон эди!

تَرَىٰ كَثِيرًا مِّنْهُمْ يَتَوَلَّوْنَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ۚ لَبِئْسَ مَا قَدَّمَتْ لَهُمْ أَنفُسُهُمْ
أَن سَخِطَ ٱللَّهُ عَلَيْهِمْ وَفِى ٱلْعَذَابِ هُمْ خَٰلِدُونَ ﴿٨٠﴾

80. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), улардан кўпларининг мусулмонларга адоват қилиб, кофирлар билан дўстлик қилганларини кўрасан. Худога қасамки, ўзларидан аввал охиратга юборган амаллари кўп ёмондир, чунки уларнинг тепасига ғазаби илоҳийнинг воқе бўлишига сабаб бўладилар. Азоби илоҳийга абадий мубтало бўлғусидурлар. 7 жузъ

وَلَوْ كَانُوا۟ يُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَٱلنَّبِىِّ وَمَآ أُنزِلَ إِلَيْهِ مَا ٱتَّخَذُوهُمْ أَوْلِيَآءَ وَلَٰكِنَّ
كَثِيرًا مِّنْهُمْ فَٰسِقُونَ ﴿٨١﴾

81. Агар ҳақиқатда Худога ва Набийга (Пайғамбарига) нозил қилинган Тавротга иймон келтирганларида эди, кофирларни дўст тутмас эдилар. Лекин улардан кўплари фосиқдирлар.

ЕТТИНЧИ ЖУЗЪ

۞ لَتَجِدَنَّ أَشَدَّ ٱلنَّاسِ عَدَٰوَةً لِّلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱلْيَهُودَ وَٱلَّذِينَ أَشْرَكُوا۟ ۖ
وَلَتَجِدَنَّ أَقْرَبَهُم مَّوَدَّةً لِّلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱلَّذِينَ قَالُوٓا۟ إِنَّا نَصَٰرَىٰ ۚ ذَٰلِكَ
بِأَنَّ مِنْهُمْ قِسِّيسِينَ وَرُهْبَانًا وَأَنَّهُمْ لَا يَسْتَكْبِرُونَ ﴿٨٢﴾

82. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мўминларга яҳудларнинг ва мушрикларнинг бадтарин душман эканини, лекин (улардан) «биз насоролармиз (насронийлармиз)» дегувчиларнинг мусулмонларга яқинроқ дўст эканини кўрасан. Мусулмонларга насороларнинг дўстлиги шунинг учундирки, улар орасида доно ва обидлар ва зоҳидлар бордир. Улар ҳақни қабул қилишдан бош тортмайдилар (кибр қилмайдилар), *чунки улар: «Бизлар динга ёрдам бергувчилардирмиз», – деб айтадилар.*

وَإِذَا سَمِعُوا۟ مَآ أُنزِلَ إِلَى ٱلرَّسُولِ تَرَىٰٓ أَعْيُنَهُمْ تَفِيضُ مِنَ ٱلدَّمْعِ مِمَّا عَرَفُوا۟
مِنَ ٱلْحَقِّ ۖ يَقُولُونَ رَبَّنَآ ءَامَنَّا فَٱكْتُبْنَا مَعَ ٱلشَّٰهِدِينَ ﴿٨٣﴾

83. Вақтики *Ҳабаш насороларининг олимлари* Муҳаммад (алайҳиссалом)га нозил бўлган Қуръонни *Жаъфари Тайёр* тиловат қилганларини эшиттан-

ларида, Қуръони шарифнинг ҳақлигини билганлари учун кўзларидан ёшлари оқа бошлаганини кўрасан. Сўнгра айтар эдиларки: «Эй Парвардигор, биз бу Қуръонга иймон келтирдик, бизларни ҳам калимаи шаҳодатни адо этгувчилар билан бирга ёзгил».

وَمَا لَنَا لَا نُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَمَا جَاءَنَا مِنَ الْحَقِّ وَنَطْمَعُ أَن يُدْخِلَنَا رَبُّنَا مَعَ الْقَوْمِ الصَّالِحِينَ ﴿٨٤﴾ فَأَثَابَهُمُ اللَّهُ بِمَا قَالُوا جَنَّاتٍ تَجْرِي مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا ۚ وَذَٰلِكَ جَزَاءُ الْمُحْسِنِينَ ﴿٨٥﴾

7 жузъ

84-85. Бизга нима бўлдики, Худога ва Худодан келган ҳақ Китобга иймон келтирмаймиз, ваҳоланки, «Парвардигоримиз бизни солиҳ қавмлар билан бирга жаннатга дохил қилади, деб умид қиламиз». Бас, Аллоҳ таоло уларнинг эътиқодлари ва қавлларига биноан тагидан анҳорлар жорий бўлиб турган жаннатни ато қилади. Улар у жаннатда доим бўладилар, яхшиларнинг жазолари (мукофотлари) шудир.

وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ ﴿٨٦﴾

86. Кофир бўлган, оятларимизни ёлғонга нисбат берган гуруҳлар – улар дўзах аҳлидурлар.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تُحَرِّمُوا طَيِّبَاتِ مَا أَحَلَّ اللَّهُ لَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوا ۚ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴿٨٧﴾ وَكُلُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ حَلَالًا طَيِّبًا ۚ وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي أَنتُم بِهِ مُؤْمِنُونَ ﴿٨٨﴾

87-88. Эй мўминлар, Худо ҳалол қилган покиза таомларни ўзларингизга ҳаром қилманглар *ва ўзларингизга ҳаромни ҳалол қилиб ва ҳалолни ҳаром қилиб*, ҳаддан ошманглар. Аллоҳ таоло ҳаддан ошгувчиларни дўст тутмайди. Сизларга Худо ризқ қилган ҳалол, тоййиб (покиза) нарсаларни енглар. Ҳаромни ҳалол қилишда сизлар (ўзларингиз) иймон келтирган Худодан қўрқинглар. *Бир жамоа саҳобалар: «Минбаъд (бундан кейин) Худога иймон келтириб, ибодат қиламиз, дунёнинг лазиз таомларини ўзимизга ҳаром қилдик», – деб Худога қасам ичдилар. Уларни Худо манъ қилгандан сўнг пушаймон бўлдилар. Ичган қасамлари учун ҳайрон бўлиб қолдилар, кейин Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди.*

لَا يُؤَاخِذُكُمُ اللَّهُ بِاللَّغْوِ فِي أَيْمَانِكُمْ وَلَٰكِن يُؤَاخِذُكُم بِمَا عَقَّدتُّمُ الْأَيْمَانَ ۖ فَكَفَّارَتُهُ إِطْعَامُ عَشَرَةِ مَسَاكِينَ مِنْ أَوْسَطِ مَا تُطْعِمُونَ أَهْلِيكُمْ أَوْ كِسْوَتُهُمْ أَوْ تَحْرِيرُ رَقَبَةٍ ۖ فَمَن لَّمْ يَجِدْ فَصِيَامُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ ۚ ذَٰلِكَ كَفَّارَةُ أَيْمَانِكُمْ إِذَا حَلَفْتُمْ ۚ وَاحْفَظُوا أَيْمَانَكُمْ ۚ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٨٩﴾

89. Эй мўминлар, Қиёмат куни (Аллоҳ) сизларни лағв (беҳуда) қасамларингиз учун жазоламайди, лекин қасддан, билиб туриб бирор нарсанинг хилофига (зиддига) қасам ичсангизлар ва унга ҳонис бўлсангизлар (қасамни бузсангизлар) жазолайди. *Лағв – қасам бўлмаган нарсани билмасдан, бўлган, деб қасамёд қилмоқдир.* Агар қасамларингизда ҳонис бўлсангизлар каффорати шуки, ўнта муҳтож (мискин)га ўз аҳли аёлларингизга берадиган таомнинг ўртамиёнасидан берасизлар ёки сатри авратига етадиган либос берасизлар. Ёки аҳли давлат бўлса, бир қул ё бир чўри озод қилади. Агар бу ишларга қодир бўлмаса, уч кун пайдар-пай рўза тутур. Агар қасамёд қилиб, ҳонис бўлсангизлар, каффорати шудир. Қасамларингизга ҳонис бўлишдан ўзингизни сақланг. Аллоҳ таоло сизларга шариат аҳкомларини шундай баён қилади. Албатта, Худонинг бу эҳсонига шукр қилишларингиз керак. 7 жузъ

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِنَّمَا ٱلۡخَمۡرُ وَٱلۡمَيۡسِرُ وَٱلۡأَنصَابُ وَٱلۡأَزۡلَٰمُ رِجۡسٞ مِّنۡ عَمَلِ
ٱلشَّيۡطَٰنِ فَٱجۡتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمۡ تُفۡلِحُونَ ٩٠ إِنَّمَا يُرِيدُ ٱلشَّيۡطَٰنُ أَن يُوقِعَ بَيۡنَكُمُ
ٱلۡعَدَٰوَةَ وَٱلۡبَغۡضَآءَ فِي ٱلۡخَمۡرِ وَٱلۡمَيۡسِرِ وَيَصُدَّكُمۡ عَن ذِكۡرِ ٱللَّهِ وَعَنِ ٱلصَّلَوٰةِۖ فَهَلۡ
أَنتُم مُّنتَهُونَ ٩١

90-91. Эй мўминлар, албатта, хамр (ароқ) ва бошқа маст қилувчи нарсалар, қимор ва бутпарастлик ва тиру қимор – палидликдир (ҳаром ишлардандир) ва шайтон амалларидандир. Бас, бу ишлардан парҳез қилинглар, шоядки, нажот топасизлар. Албатта, шайтон сизларни бу гуноҳларга мубтало қилиб, ўрталарингизда хамр ичиш ва қимор ўйнаш сабаби билан буғз ва адоват солишни истайди. Ва ҳам сизларни ибодатдан ва намоз ўқишдан манъ қилишни хоҳлайди. Оё, сизлар бу феъли қабиҳдан қайтасизлармиё йўқми?

وَأَطِيعُواْ ٱللَّهَ وَأَطِيعُواْ ٱلرَّسُولَ وَٱحۡذَرُواْۚ فَإِن تَوَلَّيۡتُمۡ فَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّمَا عَلَىٰ
رَسُولِنَا ٱلۡبَلَٰغُ ٱلۡمُبِينُ ٩٢

92. Эй, мўминлар, Аллоҳнинг ва Расулининг фармонларига итоат этинглар ва мухолифатчиликдан ҳазар қилинглар. Агар Расулининг амрига итоат этмасангизлар, билинглар, Расулимизнинг вазифаси фақат Худонинг амрини етказмоқдир. Сизларнинг қилмишларингизга жавобгар эмас.

لَيۡسَ عَلَى ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ جُنَاحٞ فِيمَا طَعِمُوٓاْ إِذَا مَا
ٱتَّقَواْ وَّءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ ثُمَّ ٱتَّقَواْ وَّءَامَنُواْ ثُمَّ ٱتَّقَواْ وَّأَحۡسَنُواْۚ وَٱللَّهُ
يُحِبُّ ٱلۡمُحۡسِنِينَ ٩٣

93. Яхши амал қилувчи мўминларга ҳурмат (ароқнинг ҳаромлиги ҳақидаги) ояти келмасдан аввал ичган хамрлари учун ҳеч гуноҳ йўқдир.

Агар куфрдан парҳез қилиб, иймонларида собит бўлсалар ва яхши амаллар қилсалар, яна муҳаррамот (ҳаром нарсалардан) парҳез қилсалар ва унинг ҳурматига (ҳаромлигига) ишонсалар, тақволарида маҳкам турсалар, ғарибларга эҳсон берсалар, албатта, Аллоҳ таоло яхши амал қилгувчиларни дўст тутади.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَيَبْلُوَنَّكُمُ ٱللَّهُ بِشَىْءٍ مِّنَ ٱلصَّيْدِ تَنَالُهُۥٓ أَيْدِيكُمْ وَرِمَاحُكُمْ
لِيَعْلَمَ ٱللَّهُ مَن يَخَافُهُۥ بِٱلْغَيْبِ ۚ فَمَنِ ٱعْتَدَىٰ بَعْدَ ذَٰلِكَ فَلَهُۥ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٩٤﴾

7 жузъ

94. Эй ҳажга эҳром боғлаган мўминлар, сизларни Аллоҳ таоло баъзиларини қўлингиз билан ушлаб олишларингиз мумкин бўлган ва баъзиларини найзаларингиз билан шикор (ов) қилмоқ мумкин бўлган шикорий (ов) жониворлари билан синайди. Чунки Аллоҳ таоло бирон киши кўрмаган ҳолатда Худодан қўрқиб, сайд (ов) қилишдан ижтиноб қилганларни (ўзини сақлаганларни) маълум этмоқ учун имтиҳон қилади. Ҳар кимки сайд қилиш манъ этилгандан сўнг тажовуз қилар экан, бас, унга дардли азоб муқаррардир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَقْتُلُوا۟ ٱلصَّيْدَ وَأَنتُمْ حُرُمٌ ۚ وَمَن قَتَلَهُۥ مِنكُم مُّتَعَمِّدًا
فَجَزَآءٌ مِّثْلُ مَا قَتَلَ مِنَ ٱلنَّعَمِ يَحْكُمُ بِهِۦ ذَوَا عَدْلٍ مِّنكُمْ هَدْيًۢا بَٰلِغَ ٱلْكَعْبَةِ أَوْ
كَفَّٰرَةٌ طَعَامُ مَسَٰكِينَ أَوْ عَدْلُ ذَٰلِكَ صِيَامًا لِّيَذُوقَ وَبَالَ أَمْرِهِۦ ۗ عَفَا ٱللَّهُ عَمَّا
سَلَفَ ۚ وَمَنْ عَادَ فَيَنتَقِمُ ٱللَّهُ مِنْهُ ۗ وَٱللَّهُ عَزِيزٌ ذُو ٱنتِقَامٍ ﴿٩٥﴾

95. Эй мўминлар, ҳажга эҳром боғлаган ҳолатларингизда жониворларни шикор қилиб ўлдирманглар. Сизлардан кимки қасддан бирон жониворни қатл қилса, жазоси шуки, ўлдирилган жониворга ўхшаш (ови баробарида) чорва молидан бирор жониворни Ҳарамга олиб бориб қурбонлик қилади ва гўштини мискинларга садақа қилади, шу шарт биланки, иккита адолатли киши қатл бўлган сайдга (қилинган қурбонликнинг) бадал бўлмоқлигига гувоҳлик берсин. Агар қурбонлик қилолмаса, (ўша овнинг қийматини) нархлаб пулига таом олиб, мискинларга ярим соъдан тақсим қилади. Агар (бу ишга ҳам) қодир бўлмаса, ҳар бир мискин бадалига бир кун рўза тутади. Токи қилган амалининг жазосини тортсин. Ҳаром ояти нозил бўлишидан аввал қилган сайдларингизни Худойи таоло кечиради. Кимки яна бу амалга қайтса (яъни, ов қилса), Аллоҳ таоло ундан интиқом олади. Аллоҳ таоло ўз ҳукмида ғолиб ва соҳиби интиқомдир.

أُحِلَّ لَكُمْ صَيْدُ ٱلْبَحْرِ وَطَعَامُهُۥ مَتَٰعًا لَّكُمْ وَلِلسَّيَّارَةِ ۖ وَحُرِّمَ عَلَيْكُمْ صَيْدُ ٱلْبَرِّ
مَا دُمْتُمْ حُرُمًا ۗ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ٱلَّذِىٓ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٩٦﴾

96. Сизларнинг фойдаларингиз учун сизларга ва йўловчи карвонларга дарёда шикор (ов) қилмоқ ва яна дарёдан ризқ топиб емоқ, хоҳ эҳромда бўлинг, ё эҳромда бўлманг, ҳалол қилинди. Ва модомики эҳромда бўлсангиз, сизларга қуруқликда шикор қилмоқлик ҳаром этил-

ди. Ва Аллоҳ таолодан қўрқинг, ҳаромга муртакиб бўлманг, чунки Маҳшаргоҳда Аллоҳ ҳузурида жам бўласизлар ва қилган амалларингиздан ҳисоб берасизлар.

۞ جَعَلَ ٱللَّهُ ٱلْكَعْبَةَ ٱلْبَيْتَ ٱلْحَرَامَ قِيَـٰمًا لِّلنَّاسِ وَٱلشَّهْرَ ٱلْحَرَامَ وَٱلْهَدْىَ
وَٱلْقَلَـٰٓئِدَ ۚ ذَٰلِكَ لِتَعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ
وَأَنَّ ٱللَّهَ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿٩٧﴾ ٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ وَأَنَّ ٱللَّهَ
غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٩٨﴾ 7 жузъ

97-98. Аллоҳ таоло Каъбани ҳурматли ва муқаддас қилиб, халқнинг умури маоши (яшаш эҳтиёжлари)нинг интизоми учун, халқ умури динийяларини адо этмоғи учун ва ҳам дунёвий маошларини ўғрилик ва ғорат (жангу жадал) қилишдан сақлаш учун амну омон (тинчлик ва хотиржамлик) жойи сифатида муқаррар қилди. Ва сизларнинг касби тижоратларингиз учун, тинчлик билан ҳаракат қилмоқларингиз учун ҳаром ойларни муқаррар қилди. *Бу ойлар тўрт ойдир: Зулқаъда, Зулҳижжа, Муҳаррам ва Ражаб ойларидир.* (Бу ойларда) жанг қилмоқ ва ғорат қилмоқ ҳаромдир. Ва ҳам қурбонликларингизни тинчлик билан ўз маҳалида сўйишларингиз учун (Каъбани) амн ва омон (жойи) қилди. Бу ҳукмлар шунинг учун эканлигини билинглар-ки, Аллоҳ таоло осмонлардаги ва ердаги ашёларни билади ва У Зот, албатта, ҳар бир нарсадан огоҳдир. Ва билинглар-ки, албатта, Аллоҳ таолонинг ҳаромга муртакиб бўлган бандалар учун азоби қаттиқдир. Ва У Зот, албатта, итоат қилувчи бандаларни кечиргувчи ва меҳрибондир.

مَّا عَلَى ٱلرَّسُولِ إِلَّا ٱلْبَلَـٰغُ ۗ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ مَا تُبْدُونَ وَمَا تَكْتُمُونَ ﴿٩٩﴾

99. Эй бандалар, билинглар-ки, Расул (зиммаси)да Худо тарафидан юборилган аҳкомларни етказмоқ вазифадир. Аллоҳ таоло сизларнинг ошкора қилган амалларингизни ва яширин қилган амалларингизни ҳам билади.

قُل لَّا يَسْتَوِى ٱلْخَبِيثُ وَٱلطَّيِّبُ وَلَوْ أَعْجَبَكَ كَثْرَةُ ٱلْخَبِيثِ ۚ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ يَـٰٓأُو۟لِى
ٱلْأَلْبَـٰبِ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٠٠﴾

100. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), одамларга айтгил, агарчи хабис (нопок, палид)нинг кўплиги, *хоҳ амал, хоҳ мол ё хоҳ одам бўлсин,* Сени таажжубга солса ҳам, ҳеч вақт палид (нопок) билан покиза (нарса) баробар бўлмайди. Чунки покизалик мўътабардир. Бас, эй ақлли одамлар, палид амалларни қилишда Худодан қўрқинглар, шунда нажот топурсизлар.

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَسْـَٔلُوا۟ عَنْ أَشْيَآءَ إِن تُبْدَ لَكُمْ تَسُؤْكُمْ وَإِن تَسْـَٔلُوا۟ عَنْهَا
حِينَ يُنَزَّلُ ٱلْقُرْءَانُ تُبْدَ لَكُمْ عَفَا ٱللَّهُ عَنْهَا ۗ وَٱللَّهُ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿١٠١﴾ قَدْ سَأَلَهَا قَوْمٌ
مِّن قَبْلِكُمْ ثُمَّ أَصْبَحُوا۟ بِهَا كَـٰفِرِينَ ﴿١٠٢﴾

101–102. Эй иймонли зотлар, сизларга маълум қилингач, хафа бўлишингизга сабаб бўладиган нарсалардан (Аллоҳ кечиб юборган гуноҳлардан) савол қилманглар. Ва агар бу сўзлардан (афв этилган гуноҳлар ёки бошқа нарсалардан) Қуръон (оятлари) тушиб турган замонда савол қилсангизлар, сизларга (у сўраган нарсаларингиз ҳақида) маълум қилинади ва (сўраган нарсангиз зиммангизга юкланади). (Ваҳоланки), Аллоҳ таоло ўтган саволларни (яъни ўтган нарсаларни) афв этди. Аллоҳ таоло мағфиратли ва ҳалим Зотдур. Ва сизлардан аввал бир жамоат буюрилмаган нарсалардан сўради, кейин яна у нарсаларга мункир бўлди. *Раббул ола-*
7 жузъ *мийн бизнинг салафларимиз асҳоби киром разияллоҳу анҳумни зарурати бўлмаган нарсалардан савол қилмоқдан манъ этиб, бизларга танбеҳ берурки, ҳар бир муносиб ва номуносиб нарсалардан савол қилмоқ боиси ранж бўлур. Ўтган умматлардан бир мунча одамлар шундай нарсалардан савол қилиб, бажаролмай ҳалок бўлдилар.*

مَا جَعَلَ ٱللَّهُ مِنۢ بَحِيرَةٖ وَلَا سَآئِبَةٖ وَلَا وَصِيلَةٖ وَلَا حَامٖ وَلَٰكِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ
يَفۡتَرُونَ عَلَى ٱللَّهِ ٱلۡكَذِبَۖ وَأَكۡثَرُهُمۡ لَا يَعۡقِلُونَ ١٠٣

103. Аллоҳ таоло ушбу зикр этилган: «баҳийра»ни ва «соиба»ни ва «васийла»ни ва «ҳомий»ни ҳаром қилиб муқаррар қилмади. Лекин кофирлар Аллоҳ таологa бўҳтон тўқиб: «Шу нарсаларни ҳаром қилди», — дейдилар. У кофирларнинг кўплари беақлдирлар. *«Баҳийра» деб шундай туяни айтишадики, беш марта туғса, охиргиси эркак бўлса, онасининг қулоғини тешиб: «Энди бундан фойда олиш ҳаром бўлди», — деб даштга қўйиб юборар эдилар. «Соиба» деб, «Касалликдан шифо топсам, Худо йўлида назр қиламан», — дейилган туяни айтадилар ва бундан ҳам фойда олмас эдилар. «Васийла» деб шундай совлиқ қўйни айтишадики, еттита туққан бўлса, еттинчиси мода бўлса, уни сақлаб қолар эдилар. Ва агар эркак бўлса, «Бу Худоникидир», — деб қурбонлик қилар эдилар. Агар нару мода (эркак-урғочи) бўлса, «Бу бир-бирига васл бўлди», — деб икковини ҳам ўз ҳолича қолдирар эдилар. «Ҳомий», деб, шундай нартуяни айтадиларки, ўн йил мода туяларни бўғоз қилган бўлса, «Бу ўзини ҳимоя қилди», — деб қўйиб юборар ва фойда олмас эдилар. Шу мазкур ҳайвонлардан фойда олишни «Худо ҳаром қилди», — деб Худога нисбат берар эдилар.*

وَإِذَا قِيلَ لَهُمۡ تَعَالَوۡاْ إِلَىٰ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ وَإِلَى ٱلرَّسُولِ قَالُواْ حَسۡبُنَا مَا وَجَدۡنَا عَلَيۡهِ
ءَابَآءَنَآۚ أَوَلَوۡ كَانَ ءَابَآؤُهُمۡ لَا يَعۡلَمُونَ شَيۡـٔٗا وَلَا يَهۡتَدُونَ ١٠٤

104. Вақтики у кофирларга: «Келинглар, Худо нозил қилган Қуръонга, ҳалол ва ҳаромга амал қилинглар. Ва Расулига итоат қилинглар», — дейилса, айтурларки: «Бизларга ота-бобомиздан қолган йўл тақлид қилишимиз (эргашишимиз) учун етарлидир». Агар ота-боболари ҳеч нарсани билмасалар ва гумроҳ бўлсалар ҳам, тақлид қилаверадиларми?

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ عَلَيۡكُمۡ أَنفُسَكُمۡۖ لَا يَضُرُّكُم مَّن ضَلَّ إِذَا ٱهۡتَدَيۡتُمۡۚ إِلَى ٱللَّهِ

مَرۡجِعُكُمۡ جَمِيعٗا فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمۡ تَعۡمَلُونَ ﴿١٠٥﴾

105. Эй мўминлар, ўз нафсларингизни гуноҳлардан сақлаб, ислоҳ қилишга ҳаракат қилинг. Вақтики сизлар ҳидоят топсангизлар, бошқаларга ҳам насиҳат қилсангизлар, бошқаларнинг гумроҳлиги сизларга зарар етказолмайди. Вақтики Қиёмат куни Худонинг олдига жам бўлганларингизда, Аллоҳ таоло сизларни қилиб турган амалларингиздан огоҳлантиради *ва жазо беради.*

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ شَهَٰدَةُ بَيۡنِكُمۡ إِذَا حَضَرَ أَحَدَكُمُ ٱلۡمَوۡتُ حِينَ ٱلۡوَصِيَّةِ 7 жузъ
ٱثۡنَانِ ذَوَا عَدۡلٖ مِّنكُمۡ أَوۡ ءَاخَرَانِ مِنۡ غَيۡرِكُمۡ إِنۡ أَنتُمۡ ضَرَبۡتُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ
فَأَصَٰبَتۡكُم مُّصِيبَةُ ٱلۡمَوۡتِۚ تَحۡبِسُونَهُمَا مِنۢ بَعۡدِ ٱلصَّلَوٰةِ فَيُقۡسِمَانِ بِٱللَّهِ إِنِ
ٱرۡتَبۡتُمۡ لَا نَشۡتَرِي بِهِۦ ثَمَنٗا وَلَوۡ كَانَ ذَا قُرۡبَىٰ وَلَا نَكۡتُمُ شَهَٰدَةَ ٱللَّهِ إِنَّآ إِذٗا لَّمِنَ
ٱلۡأٓثِمِينَ ﴿١٠٦﴾

106. Эй мўминлар, вақтики сизларга ўлим келса, васият қилмоқчи бўлсангизлар, ё сафарда бўлганингизда ўлим келиб қолса, васият қилмоқчи бўлсангиз, ўрталарингизда гувоҳлик тариқаси шундайдир: *Ўзларингиздан бўлсин* ё бегонадан бўлсин, иккита адолатли кишини гувоҳ муқаррар қилинглар. Аср намозидан кейин бу икки гувоҳни ушлайсизлар. *Агар уларнинг ҳолатига шубҳалансангиз, уларга қасам берасизлар.* У гувоҳлар шу тариқа гувоҳлик берадиларки: «Бизлар Худонинг зотига қасам ичурмизки, озроқ (арзимас) мол учун ёлғон қасам ичмаймиз. Агарчи қариндошимиз бўлса ҳам, ҳақни яширмаймиз ва ёлғон қасамёд қилмаймиз, Худонинг буюрган гувоҳлигини яширмаймиз, агар яширсак, гуноҳкорлардан бўлурмиз».

فَإِنۡ عُثِرَ عَلَىٰٓ أَنَّهُمَا ٱسۡتَحَقَّآ إِثۡمٗا فَـَٔاخَرَانِ يَقُومَانِ مَقَامَهُمَا مِنَ ٱلَّذِينَ
ٱسۡتَحَقَّ عَلَيۡهِمُ ٱلۡأَوۡلَيَٰنِ فَيُقۡسِمَانِ بِٱللَّهِ لَشَهَٰدَتُنَآ أَحَقُّ مِن شَهَٰدَتِهِمَا وَمَا
ٱعۡتَدَيۡنَآ إِنَّآ إِذٗا لَّمِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٠٧﴾ ذَٰلِكَ أَدۡنَىٰٓ أَن يَأۡتُواْ بِٱلشَّهَٰدَةِ عَلَىٰ وَجۡهِهَآ
أَوۡ يَخَافُوٓاْ أَن تُرَدَّ أَيۡمَٰنُۢ بَعۡدَ أَيۡمَٰنِهِمۡۗ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَٱسۡمَعُواْۗ وَٱللَّهُ لَا يَهۡدِي ٱلۡقَوۡمَ
ٱلۡفَٰسِقِينَ ﴿١٠٨﴾

107-108. Бас, агар икки гувоҳ қасамёд қилгандан кейин ёлғон гувоҳлик бериб, гуноҳкор бўлганлари маълум бўлса, уларнинг ўрнига маййитнинг ворисларидан икки адолатли гувоҳ шоҳидлик бериб, қасамёд қилсинларки: «Бизнинг гувоҳлигимиз уларнинг гувоҳлигидан яхшироқдир *ва ҳақдир.* Бизлар бу гувоҳликда ҳаддан тажовуз қилмадик, агар бизнинг гувоҳлигимиз ҳам нотўғри бўлса, золимлардан бўлайлик». Шу тариқа гувоҳлик бермоқ гувоҳликка хиёнат қилмасдан, ҳаққоний адо этишга хизмат қилади. Ёки қасамёд қилганларидан кейин бошқаларнинг гувоҳлиги билан хиёнатла-

ри зоҳир бўлишидан қўрқиб, тўғри гувоҳлик беришларига сабаб бўлади. Эй мўминлар, ёлғон гувоҳлик беришдан Худодан қўрқинглар, Худонинг ҳукмини эшитинглар ва унга амал қилинглар. Аллоҳ таоло фосиқларни ҳидоят қилмайди.

۞ يَوْمَ يَجْمَعُ ٱللَّهُ ٱلرُّسُلَ فَيَقُولُ مَاذَآ أُجِبْتُمْ قَالُوا۟ لَا عِلْمَ لَنَآ إِنَّكَ أَنتَ عَلَّٰمُ ٱلْغُيُوبِ ﴿١٠٩﴾

7 жузъ

109. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ёд қил (эсла) ўша кунники, Аллоҳ таоло пайғамбарларни ўз ҳузурига жам қилиб, улардан сўрайди: «Сизлар умматингизни Худо тарафига даъват қилдингизми? Агар даъват қилган бўлсангиз, умматингиз нима деб жавоб қайтарди?» Пайғамбарлар айтадиларки: «Эй Парвардигоро, бу ҳолни Сен биздан яхшироқ билурсан, ғайбларга ҳам доносан, ижобат қилган ва қилмаганларингни яхши биласан».

إِذْ قَالَ ٱللَّهُ يَٰعِيسَى ٱبْنَ مَرْيَمَ ٱذْكُرْ نِعْمَتِى عَلَيْكَ وَعَلَىٰ وَٰلِدَتِكَ إِذْ أَيَّدتُّكَ بِرُوحِ ٱلْقُدُسِ تُكَلِّمُ ٱلنَّاسَ فِى ٱلْمَهْدِ وَكَهْلًا وَإِذْ عَلَّمْتُكَ ٱلْكِتَٰبَ وَٱلْحِكْمَةَ وَٱلتَّوْرَىٰةَ وَٱلْإِنجِيلَ وَإِذْ تَخْلُقُ مِنَ ٱلطِّينِ كَهَيْـَٔةِ ٱلطَّيْرِ بِإِذْنِى فَتَنفُخُ فِيهَا فَتَكُونُ طَيْرًۢا بِإِذْنِى وَتُبْرِئُ ٱلْأَكْمَهَ وَٱلْأَبْرَصَ بِإِذْنِى وَإِذْ تُخْرِجُ ٱلْمَوْتَىٰ بِإِذْنِى وَإِذْ كَفَفْتُ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ عَنكَ إِذْ جِئْتَهُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ فَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنْهُمْ إِنْ هَٰذَآ إِلَّا سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿١١٠﴾

110. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), эслагил, вақтики Худо (Ҳазрати) Ийсо ибн Марямга айтди: «Эй Ийсо, Сенга ва онангга берган неъматларимни ўйлагил ва шукрини бажо келтиргил, чунки Сенга (Ҳазрати) Жабройил орқали ёрдам бердим. Сен бешикда ётган ҳолингда халққа сўзлаб, насиҳат қилдинг ва эллик ёшга борган вақтингда ҳам халққа насиҳат қилурсан. Сен яна бу неъматимни ҳам эслагилки, Сенга хат ёзишни таълим бердим, кўп нарсанинг сирини ва Таврот ва Инжилнинг аҳкомларини ҳам билдирдим. Сен лойдан парранда шаклида бир нарсалар ясар эдинг, бас, унга дам солсанг, Менинг амрим билан у (шакл) паррандага айланиб, учиб кетар эди. Туғма кўрларни Менинг амрим билан кўзларини равшан қилар эдинг ва песларни Менинг амрим билан тузатар эдинг ва Менинг ҳукмим билан ўликларни қабрдан чиқариб, зинда (тирик) қилар эдинг. Ва яна Менинг қилган эҳсонимни ёд қилгил, вақтики Бани Исроилга: «Мен пайғамбарман», – дединг ва мўъжизалар кўрсатдинг, улар Сени ўлдирмоқчи бўлганларида Мен уларнинг шаррини Сендан даф қилдим ва Сени асрадим. Уларга кўрсатган мўъжизаларинг ҳақида яҳудлар айтдилар: «Бу ишларинг очиқ сеҳрдан ўзга нарса эмас».

وَإِذْ أَوْحَيْتُ إِلَى ٱلْحَوَارِيِّۦنَ أَنْ ءَامِنُوا۟ بِى وَبِرَسُولِى قَالُوٓا۟ ءَامَنَّا وَٱشْهَدْ بِأَنَّنَا

مُسْلِمُونَ ﴿١١١﴾

111. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ёд қилгил (эсла), (Ҳазрати) Ийсонинг воситалиги билан ҳаворийларга амр қилдим: «Менга ва Расулим Ийсога ҳам иймон келтиринглар». Ҳаворийлар айтдилар: «Бизлар иймон келтирдик, Сен гувоҳ бўлгил, бизлар Худонинг ҳукмига итоат қилгувчилардирмиз».

إِذْ قَالَ ٱلْحَوَارِيُّونَ يَـٰعِيسَى ٱبْنَ مَرْيَمَ هَلْ يَسْتَطِيعُ رَبُّكَ أَن يُنَزِّلَ
عَلَيْنَا مَآئِدَةً مِّنَ ٱلسَّمَآءِ ۖ قَالَ ٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿١١٢﴾ قَالُوا۟ نُرِيدُ 7 жузъ
أَن نَّأْكُلَ مِنْهَا وَتَطْمَئِنَّ قُلُوبُنَا وَنَعْلَمَ أَن قَدْ صَدَقْتَنَا وَنَكُونَ عَلَيْهَا مِنَ
ٱلشَّـٰهِدِينَ ﴿١١٣﴾

112-113. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), эсла, ўша вақтники, ҳаворийлар Марям ўғли (Ҳазрати) Ийсога айтдилар: «Эй Ийсо, агар Сен дуо қилсанг, Худойи таоло Сени дуонгни ижобат қилиб, бизларга осмондан таом юборишга қодирми? (Ҳазрати) Ийсо айтди: «Агар ҳақиқий мўмин бўлсангизлар, беҳуда савол қилмоқдан Худодан қўрқинглар». Ҳаворийлар айтдилар: «Бизлар Худонинг қудратига шак келтирганимиз йўқ, лекин хоҳлаймизки, бу таомлардан еб, дилларимиз Худонинг раззоқлигига итмийнон (қониқиш) ҳосил қилсин ва ҳам Сенинг дуоларинг мустажоб бўлишига ва сўзларинг ростлигига яқийн (ишонч) ҳосил қилсак ва ҳам биздан сўралган вақтда гувоҳ бўлсак».

قَالَ عِيسَى ٱبْنُ مَرْيَمَ ٱللَّهُمَّ رَبَّنَآ أَنزِلْ عَلَيْنَا مَآئِدَةً مِّنَ ٱلسَّمَآءِ تَكُونُ لَنَا عِيدًا
لِّأَوَّلِنَا وَءَاخِرِنَا وَءَايَةً مِّنكَ ۖ وَٱرْزُقْنَا وَأَنتَ خَيْرُ ٱلرَّٰزِقِينَ ﴿١١٤﴾ قَالَ ٱللَّهُ إِنِّى مُنَزِّلُهَا
عَلَيْكُمْ ۖ فَمَن يَكْفُرْ بَعْدُ مِنكُمْ فَإِنِّىٓ أُعَذِّبُهُۥ عَذَابًا لَّآ أُعَذِّبُهُۥٓ أَحَدًا مِّنَ
ٱلْعَـٰلَمِينَ ﴿١١٥﴾

114-115. Баъдазон (шундан сўнг) Марям ўғли Ийсо (алайҳиссалом) Парвардигорга муножот қилиб айтди: «Эй бор Худоё, бизларга осмондан хони таом (таомли дастурхон) нозил қилгилки, у биз ва биздан кейин келгувчи бандаларинг учун ийд (байрам) бўлсин ва ҳам Сенинг қудратингга ва менинг рисолатимга нишона бўлсин. Бизларга бу дастурхондан ризқу рўз муқаррар қилгил, чунки Сен ризқ берувчиларнинг афзалидурсан». Аллоҳ таоло айтди: «Мен сизларга хони таомни нозил қилгувчиман, лекин кимки бу таомни егандан сўнг шукр қилмас экан, ҳеч кимни мубтало қилмаган азобга уни мубтало қилурман». *Баъзилар айтибдурларки, ул хони таом тушиб турди, кейин баъзиларнинг ношукурликлари сабабли тўхтаб қолди. Саксонга яқин киши тўнгиз ва маймун суратига ўтиб (айланиб) қолди.*

وَإِذْ قَالَ ٱللَّهُ يَـٰعِيسَى ٱبْنَ مَرْيَمَ ءَأَنتَ قُلْتَ لِلنَّاسِ ٱتَّخِذُونِى وَأُمِّىَ إِلَـٰهَيْنِ مِن دُونِ

ٱللَّهِ ۖ قَالَ سُبْحَٰنَكَ مَا يَكُونُ لِىٓ أَنْ أَقُولَ مَا لَيْسَ لِى بِحَقٍّ ۚ إِن كُنتُ قُلْتُهُۥ فَقَدْ
عَلِمْتَهُۥ ۚ تَعْلَمُ مَا فِى نَفْسِى وَلَآ أَعْلَمُ مَا فِى نَفْسِكَ ۚ إِنَّكَ أَنتَ عَلَّٰمُ ٱلْغُيُوبِ ﴿١١٦﴾
مَا قُلْتُ لَهُمْ إِلَّا مَآ أَمَرْتَنِى بِهِۦٓ أَنِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ رَبِّى وَرَبَّكُمْ ۚ وَكُنتُ عَلَيْهِمْ شَهِيدًا مَّا
دُمْتُ فِيهِمْ ۖ فَلَمَّا تَوَفَّيْتَنِى كُنتَ أَنتَ ٱلرَّقِيبَ عَلَيْهِمْ ۚ وَأَنتَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ شَهِيدٌ
7 жузъ ﴿١١٧﴾ إِن تُعَذِّبْهُمْ فَإِنَّهُمْ عِبَادُكَ ۖ وَإِن تَغْفِرْ لَهُمْ فَإِنَّكَ أَنتَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿١١٨﴾

116-118. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), эсла, вақтики Қиёмат куни Аллоҳ таоло (Ҳазрати) Ийсога умматларини жавобгар қилиш учун айтади: «Эй Ийсо, умматларингга: «Мени ва онамни «худо» деб билинглар», — дея Сен айтдингми?». (Ҳазрати) Ийсо жавоб берадики: «Эй Парвардигоро, Сен ҳамма нуқсонлардан покдурсан, менга бу хил ноҳақ сўзларни айтиш лойиқ (дуруст) эмасдир. Агар бу хил сўзларни айтган бўлсам, албатта, Сен билган бўлур эдинг, чунки Сен менинг дилимдаги асрорларни билурсан ва мен Сенинг зотингдаги сирларни, ҳикматларни билмайдирман. Албатта, Сен махфий нарсаларни билгувчидурсан, мен умматларимга Сенинг буйруғингдан бошқа нарсани айтганим йўқ. Уларга айтган сўзим шудирки: «Мени ва сизларни яратган якка-ягона Худога итоат қилинглар». Модомики мен уларнинг ичларида (ораларида) эдим, уларнинг қилмишларидан огоҳ эдим. Вақтики, мени улардан жудо қилиб олиб кетдинг, уларнинг аҳволларига Сен гувоҳ бўлдинг. Сен ҳар бир нарсага огоҳ ва гувоҳдурсан, уларни азоб қилсанг, ҳаққинг бор. Улар Сенинг (ожиз) бандаларингдир ва агар мағфират қилиб тавбаларини қабул қилсанг (ҳам), ихтиёр Сендадир. Албатта, Сен ўз ҳукмингда ғолиб ва ҳар бир феълингда ҳикматлидирсан.

قَالَ ٱللَّهُ هَٰذَا يَوْمُ يَنفَعُ ٱلصَّٰدِقِينَ صِدْقُهُمْ ۚ لَهُمْ جَنَّٰتٌ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا
ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًا ۚ رَّضِىَ ٱللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا۟ عَنْهُ ۚ ذَٰلِكَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿١١٩﴾
لِلَّهِ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا فِيهِنَّ ۚ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌۢ ﴿١٢٠﴾

119-120. Аллоҳ таоло марҳамат қилурки: бу (Қиёмат) куни шундай кундирки, ростгўйларнинг рост сўзлари ва рост феъллари уларга фойда беради. Ва уларга Худо тарафидан ичидан анҳорлари оқиб турган жаннат берилади. У жаннатда ҳамиша (абадий) қоладилар.

Аллоҳ таоло уларнинг тоатларидан розидир ва улар ҳам Аллоҳ таоло ато қилган иззат ва ҳурматдан рози бўлурлар. Бу нарсалар Худо тарафидан бандаларга марҳамати азимдир. Албатта, осмонлар ва замин ва ундаги бор нарсалар Худонинг мулкидир. Қандай хоҳласа, шундай тасарруф қилади. Аллоҳ таоло ҳар (бир) нарсага қодирдир.

Маккада нозил бўлган бу сура
бир юз олтмиш беш оятдан иборатдир.

Сuranинг 91, 92, 93 ва 151, 152, 153-оятлари Мадинада, қолганлари Макка-да нозил бўлган. Суранинг баъзи оятларида арабларнинг қурбон қилинган ҳайвонлари билан боғлиқ бир қанча ирим-сиримлари ботил экани таъкидланган. Шунинг учун сура «Анъом» деб аталган. Анъом — қўй, эчки, туя, сигир ва, шунингдек, катта бошли ҳайвонлардан катта гавдали, сийрак жунли, қалин терили, кавш қайтарадиган ҳамда сут эмизувчи ҳайвонлар жинсларини ҳам англатадиган бир сўздир. **7 жузъ**

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ وَجَعَلَ ٱلظُّلُمَٰتِ وَٱلنُّورَ ۖ ثُمَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِرَبِّهِمْ يَعْدِلُونَ ﴿١﴾

1. Ҳамма яхшиликлар (ҳамду санолар) Худоникидур. У Зот қудрати комиласи билан осмонларни ва ерни халқ этди ва зулумот билан нурни ҳам пайдо қилди. Энди (Аллоҳнинг шу аломатларини кўриб ҳам) кофирлар Аллоҳга бутларни баробар қиладилар.

هُوَ ٱلَّذِى خَلَقَكُم مِّن طِينٍ ثُمَّ قَضَىٰٓ أَجَلًا ۖ وَأَجَلٌ مُّسَمًّى عِندَهُۥ ۖ ثُمَّ أَنتُمْ تَمْتَرُونَ ﴿٢﴾

2. У (Аллоҳ таоло) шундай Зотдирки, сизларни аввал лойдан халқ қилди, баъдазон (сўнгра) сизларнинг ҳаётингиз муддатини ҳукм қилди (белгилаб қўйди). Дунё муддати Парвардигор наздида муайяндир. Энди (шундан кейин ҳам), эй мушриклар, Қиёматга шак (шубҳа) қилмоқдасизлар.

وَهُوَ ٱللَّهُ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَفِى ٱلْأَرْضِ ۖ يَعْلَمُ سِرَّكُمْ وَجَهْرَكُمْ وَيَعْلَمُ مَا تَكْسِبُونَ ﴿٣﴾

3. Ва Аллоҳ таоло шундай Зотдирки, осмонларда ҳам ва ерда ҳам сизларнинг сирларингизни ва зоҳир ҳолларингизни билур ва нима нарсаки қилурсизлар, уни ҳам билур.

وَمَا تَأۡتِيهِم مِّنۡ ءَايَةٖ مِّنۡ ءَايَٰتِ رَبِّهِمۡ إِلَّا كَانُواْ عَنۡهَا مُعۡرِضِينَ ﴿٤﴾ فَقَدۡ كَذَّبُواْ
بِٱلۡحَقِّ لَمَّا جَآءَهُمۡ فَسَوۡفَ يَأۡتِيهِمۡ أَنۢبَٰٓؤُاْ مَا كَانُواْ بِهِۦ يَسۡتَهۡزِءُونَ ﴿٥﴾

4-5. Худо тарафидан диннинг ҳақлигига ҳар бир оят келса, кофирлар тасдиқ қилмасдан, ундан юз ўгирурлар. Бас, батаҳқиқ, кофирлар Қуръон нозил бўлганда таксиб (ёлғончи) қилдилар. Бас, яқинда улар масхара қилган ва таксиб қилган феълларининг натижалари уларга зоҳир бўлур.

7 жузъ أَلَمۡ يَرَوۡاْ كَمۡ أَهۡلَكۡنَا مِن قَبۡلِهِم مِّن قَرۡنٖ مَّكَّنَّٰهُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ مَا لَمۡ نُمَكِّن لَّكُمۡ
وَأَرۡسَلۡنَا ٱلسَّمَآءَ عَلَيۡهِم مِّدۡرَارٗا وَجَعَلۡنَا ٱلۡأَنۡهَٰرَ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهِمۡ فَأَهۡلَكۡنَٰهُم
بِذُنُوبِهِمۡ وَأَنشَأۡنَا مِنۢ بَعۡدِهِمۡ قَرۡنًا ءَاخَرِينَ ﴿٦﴾

6. Бизлар қаҳр ва ғазаб билан улардан аввал ўтган кўп қавмни ҳалок қилганимиз воқеасини билмайдиларми? Биз уларга сизларга бермаган қувват ва кенгликни ато қилган эдик. Ҳатто уларнинг тепасига булутлардан кўп ёмғирлар ёғдириб, дарахтларининг тагидан анҳорлар жорий қилганмиз. Бас, уларни қилган гуноҳларининг бадалига ҳалок этдик, кейин уларнинг ўрнига бошқа қавмни пайдо қилдик.

وَلَوۡ نَزَّلۡنَا عَلَيۡكَ كِتَٰبٗا فِي قِرۡطَاسٖ فَلَمَسُوهُ بِأَيۡدِيهِمۡ لَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓاْ إِنۡ هَٰذَآ
إِلَّا سِحۡرٞ مُّبِينٞ ﴿٧﴾

7. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Биз Сенга Қуръонни қоғозларга ёзиб юборсак эди, кофирлар қўллари билан ушлаб кўриб ҳам, шак қилар ва айтар эдиларки: «Бу очиқ-ойдин сеҳр ва жодудир».

وَقَالُواْ لَوۡلَآ أُنزِلَ عَلَيۡهِ مَلَكٞۖ وَلَوۡ أَنزَلۡنَا مَلَكٗا لَّقُضِيَ ٱلۡأَمۡرُ ثُمَّ لَا يُنظَرُونَ ﴿٨﴾

8. Вақтики Муҳаммад (алайҳиссалом)га нубувват (пайғамбарлик) келганда, кофирлар айтдилар: «Нима учун Муҳаммадга фариштанинг ўзи нозил қилинмабди (юборилмабди), *токи бизга: «Муҳаммад – пайғамбардир», – деб айтсин (тасдиқласин).* Агар Биз малоиканинг ўзини нозил қилсак, албатта, уларни ҳалокатига ҳукм қилар эдик, *чунки фариштани кўрган замон ҳалок бўлар эдилар.* Бас, уларга бир нафас ҳам муҳлат берилмас эди.

وَلَوۡ جَعَلۡنَٰهُ مَلَكٗا لَّجَعَلۡنَٰهُ رَجُلٗا وَلَلَبَسۡنَا عَلَيۡهِم مَّا يَلۡبِسُونَ ﴿٩﴾

9. Агар Биз фариштадан Расул (пайғамбар) қилганимизда (эркак) одам шаклида қилган бўлардик. Илгари шубҳа қилганларидек, яна шубҳага солар эдик. Айтардиларки: «Бу юборилган малоика эмас, одамдир».

وَلَقَدِ ٱسۡتُهۡزِئَ بِرُسُلٖ مِّن قَبۡلِكَ فَحَاقَ بِٱلَّذِينَ سَخِرُواْ مِنۡهُم مَّا كَانُواْ بِهِۦ
يَسۡتَهۡزِءُونَ ﴿١٠﴾

10. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сени кофирлар масхара қилсалар, ғамгин бўлмагил, чунки Сендан аввал ўтган пайғамбарлар ҳам масхара қилингандирлар. Бас, у масхара қилганларга қилган феълларининг бадалига бало келиб, ҳаммалари ҳалок бўлгандирлар.

قُلْ سِيرُوا فِي الْأَرْضِ ثُمَّ انظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُكَذِّبِينَ ﴿١١﴾

11. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Мункирларга
азоб келишига шак қилсангизлар, ер юзини сайр қилинглар, аввал (илгари) ҳалок бўлган кофирларнинг асарларини (оқибатларини) ибрат назари билан кўринглар. Худонинг динини таксиб қилувчилар (ёлғонга чиқа- **7 жузъ**
рувчилар)нинг оқибатлари қандай бўлган экан?!».

قُل لِّمَن مَّا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ ۖ قُل لِّلَّهِ ۚ كَتَبَ عَلَىٰ نَفْسِهِ الرَّحْمَةَ ۚ
لَيَجْمَعَنَّكُمْ إِلَىٰ يَوْمِ الْقِيَامَةِ لَا رَيْبَ فِيهِ ۚ الَّذِينَ خَسِرُوا أَنفُسَهُمْ فَهُمْ لَا
يُؤْمِنُونَ ﴿١٢﴾ ۞ وَلَهُ مَا سَكَنَ فِي اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ ۚ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿١٣﴾

12-13. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушрикларга айтгил: «Осмонлардаги ва ердаги ашёлар кимнинг мулкидир ва ким халқ қилгандир?» Агар жавоб бермасалар, ўзинг айтгилки: «Худонинг мулкидир, Худо раҳматни Ўзига лозим қилгандир. Худога қасамки, У сизларни Маҳшаргоҳда жам қилур, бунга ҳеч шак ва шубҳа йўқдир». Аммо у кофирларки ақлларини йўқотиб, ўзларига зиён қилгандирлар, бас, улар бу куннинг (Қиёматнинг) келишига ишонмайдилар. Кеча ва кундуз ором оладиган маконлар ва замонлар Худоникидир. Аллоҳ таоло кофирларнинг сўзларини эшитгувчи ва аҳволларини билгувчидур.

قُلْ أَغَيْرَ اللَّهِ أَتَّخِذُ وَلِيًّا فَاطِرِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ يُطْعِمُ وَلَا يُطْعَمُ ۗ قُلْ إِنِّي
أُمِرْتُ أَنْ أَكُونَ أَوَّلَ مَنْ أَسْلَمَ ۖ وَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٤﴾

14. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Эй кофирлар, оё мен осмонлар ва ерни яратгувчи Аллоҳдан бошқа бир зотни маъбуд тутайми? Ваҳоланки, У (Аллоҳ) ҳаммага ризқ беради ва Унга ризқ берилмайди. *У ҳамма нарсадан мустағний (беҳожат)дир*». Айтгил: «Мен ҳаммадан аввал Исломни қабул қилишга амр этилганман ва менга: «Асло мушриклардан бўлмагил», — деб буюрилган».

قُلْ إِنِّي أَخَافُ إِنْ عَصَيْتُ رَبِّي عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٥﴾ مَّن يُصْرَفْ عَنْهُ يَوْمَئِذٍ
فَقَدْ رَحِمَهُ ۚ وَذَٰلِكَ الْفَوْزُ الْمُبِينُ ﴿١٦﴾

15-16. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «Мен Худога исён қилишда улуғ Маҳшар кунининг азобидан қўрқаман». Ҳар ким Аллоҳ таоло тарафидан ўша кунда азобдан қайтарилса, бас, албатта, Худо унга раҳм қилган бўлади. Бу Аллоҳнинг раҳми — дўзахдан очиқ нажотдир.

وَإِن يَمْسَسْكَ ٱللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُۥٓ إِلَّا هُوَ ۖ وَإِن يَمْسَسْكَ بِخَيْرٍ فَهُوَ عَلَىٰ
كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٧﴾ وَهُوَ ٱلْقَاهِرُ فَوْقَ عِبَادِهِۦ ۚ وَهُوَ ٱلْحَكِيمُ ٱلْخَبِيرُ ﴿١٨﴾

17-18. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сенга Аллоҳ таоло бир мусибат етказса, уни Аллоҳдан бошқа (ҳеч ким) даф қилолмас. Ва агар Аллоҳ таоло Сенга хайр етказса, бас, Аллоҳ таоло ҳар бир шайъга (нарсага) қодирдир. Ва У бандаларидан ғолиб ва У ҳикматли, (ҳар нарсадан) хабардор Зотдир.

7 жузъ

قُلْ أَىُّ شَىْءٍ أَكْبَرُ شَهَٰدَةً ۖ قُلِ ٱللَّهُ ۖ شَهِيدٌۢ بَيْنِى وَبَيْنَكُمْ ۚ وَأُوحِىَ إِلَىَّ هَٰذَا ٱلْقُرْءَانُ
لِأُنذِرَكُم بِهِۦ وَمَنۢ بَلَغَ ۚ أَئِنَّكُمْ لَتَشْهَدُونَ أَنَّ مَعَ ٱللَّهِ ءَالِهَةً أُخْرَىٰ ۚ قُل لَّآ
أَشْهَدُ ۚ قُلْ إِنَّمَا هُوَ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌ وَإِنَّنِى بَرِىٓءٌ مِّمَّا تُشْرِكُونَ ﴿١٩﴾

19. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Гувоҳликда кимнинг гувоҳлиги улуғроқдир? Албатта, Худонинг гувоҳлиги улуғроқдир. Менинг ҳақлигимга ва сизларнинг ботиллигингизга Худо гувоҳдир». Айтгил: «Шу Қуръон менга Худо тарафидан юборилди, токи мен сизларга шу Қуръон билан Худонинг азобидан ва раҳматидан хабар бериб, огоҳ қилай. Оё, сизлар: «Худо билан (бирга) бошқа «худолар» ҳам бор», – деб гувоҳлик берасизларми? Мен ҳаргиз бундай гувоҳлик бермайман». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Худо якка ва ягонадир, мен шунга гувоҳлик бераман. Албатта, мен сизларнинг Худога шерик қилган бутларингиздан безорман».

ٱلَّذِينَ ءَاتَيْنَٰهُمُ ٱلْكِتَٰبَ يَعْرِفُونَهُۥ كَمَا يَعْرِفُونَ أَبْنَآءَهُمُ ۘ ٱلَّذِينَ خَسِرُوٓا۟
أَنفُسَهُمْ فَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٢٠﴾

20. Аҳли китоблар ўз ўғилларини қандай танисалар, Муҳаммад (алайҳиссалом)ни ҳам шундай танирлар. Ўз жонларини зое қилган одамларгина, ана ўшалар иймон келтирмаслар.

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا أَوْ كَذَّبَ بِـَٔايَٰتِهِۦٓ ۗ إِنَّهُۥ لَا يُفْلِحُ
ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٢١﴾

21. Худонинг шаънига ёлғон сўзлаб, Қуръон оятларини таксиб қилган одамдан золимроқ одам борми? *Асло йўқдир!* Албатта, золимлар нажот топмайдирлар.

وَيَوْمَ نَحْشُرُهُمْ جَمِيعًا ثُمَّ نَقُولُ لِلَّذِينَ أَشْرَكُوٓا۟ أَيْنَ شُرَكَآؤُكُمُ ٱلَّذِينَ كُنتُمْ
تَزْعُمُونَ ﴿٢٢﴾

22. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ҳаммани Маҳшаргоҳга жам қилиб, кейин мушрикларга: «Аллоҳ таолога шерик деб гумон қилган худоларингиз қани? *Бу кун (энди) сизларга ёрдам берсин»*, – деб айтиладиган кунни ёд қилгил.

ثُمَّ لَمْ تَكُن فِتْنَتُهُمْ إِلَّآ أَن قَالُوا۟ وَٱللَّهِ رَبِّنَا مَا كُنَّا مُشْرِكِينَ ﴿٢٣﴾ ٱنظُرْ كَيْفَ كَذَبُوا۟
عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمْ ۚ وَضَلَّ عَنْهُم مَّا كَانُوا۟ يَفْتَرُونَ ﴿٢٤﴾

23-24. Сўнгра Қиёмат куни мушриклардан савол қилинганда, фақат шу (ёлғон) жавобни берадилар: «Парвардигор зотига қасамки, бизлар мушриклардан эмас эдик». Ва шундай (куфрларини) инкор этадилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ўз нафсларини азобдан қутқармоқ учун ёлғон сўзлаб, инкор қилганларини кўр. Худога қилган бўҳтонлари эсдан чиқиб қолди. 7 жузъ

وَمِنْهُم مَّن يَسْتَمِعُ إِلَيْكَ ۖ وَجَعَلْنَا عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ أَكِنَّةً أَن يَفْقَهُوهُ وَفِىٓ ءَاذَانِهِمْ وَقْرًا ۚ
وَإِن يَرَوْا۟ كُلَّ ءَايَةٍ لَّا يُؤْمِنُوا۟ بِهَا ۚ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءُوكَ يُجَٰدِلُونَكَ يَقُولُ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوٓا۟ إِنْ هَٰذَآ إِلَّآ أَسَٰطِيرُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٢٥﴾ وَهُمْ يَنْهَوْنَ عَنْهُ وَيَنْـَٔوْنَ عَنْهُ ۖ وَإِن
يُهْلِكُونَ إِلَّآ أَنفُسَهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ ﴿٢٦﴾

25-26. Кофирлардан баъзилари Сенинг олдингга келиб, Қуръонни тиловат қилганингни эшитадилар, (аммо) ҳақиқатини фаҳмламоқдан маҳрумдирлар, чунки дилларини ўраб турадиган пардаларни яратиб қўйганмиз. Қулоқларига карликни бердик, *ҳақ гапни эшитмайдилар*. Агар ҳар қанча мўъжизалар кўрсалар ҳам, иймон келтирмайдилар. Бу кофирлар Сен тиловат қилган Қуръоннинг шаънига айтадиларки: «Бу Қуръон илгари ўтган қавмлардан қолган афсоналардан бошқа нарса эмас». Ва улар бошқаларни Қуръонни эшитишдан манъ қиладилар ва ўзлари (ҳам) узоқда (четда) турадилар. Ва бу кофирлар ушбу амаллари билан ўз нафсларини ҳалок қиладилар ва ҳалок бўлганларини билмайдилар.

وَلَوْ تَرَىٰٓ إِذْ وُقِفُوا۟ عَلَى ٱلنَّارِ فَقَالُوا۟ يَٰلَيْتَنَا نُرَدُّ وَلَا نُكَذِّبَ بِـَٔايَٰتِ رَبِّنَا وَنَكُونَ مِنَ
ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٢٧﴾ بَلْ بَدَا لَهُم مَّا كَانُوا۟ يُخْفُونَ مِن قَبْلُ ۖ وَلَوْ رُدُّوا۟ لَعَادُوا۟ لِمَا نُهُوا۟ عَنْهُ
وَإِنَّهُمْ لَكَٰذِبُونَ ﴿٢٨﴾ وَقَالُوٓا۟ إِنْ هِىَ إِلَّا حَيَاتُنَا ٱلدُّنْيَا وَمَا نَحْنُ بِمَبْعُوثِينَ ﴿٢٩﴾

27-29. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қиёмат куни кофирларни дўзах ўтига яқин келтирилган ҳолларида кўрсанг, жуда ёмон ҳолга тушганларини мушоҳада қилган бўлар эдинг. Бас, шу ҳолда кўп афсус ва надомат билан айтадиларки: «Кошки бизлар дунёга қайтарилсак эди, Парвардигоримизнинг оятларини таксиб қилмаган (ёлғонга чиқармаган) ва жумла мўминлардан бўлар эдик». Кофирлар бу сўзларни сидқидил бирла айт-

маслар, балки уларга дунёдаги яширган сўзлари ва гуноҳлари зоҳир бўлди, шунинг учун афсус қилмоқдалар. Агар улар яна дунёга қайтарилсалар, яна манъ қилинган куфру исёнга қайтадилар, улар бу айтган сўзларида ёлғончидирлар. Улар у дунёда бўлганларида: «Шу дунёдаги ҳаётимиз ҳақиқий ҳаётдир. Биз Қиёмат куни қайтадан тирилмаймиз», – деб айтган эдилар.

وَلَوْ تَرَىٰٓ إِذْ وُقِفُوا۟ عَلَىٰ رَبِّهِمْ ۚ قَالَ أَلَيْسَ هَـٰذَا بِٱلْحَقِّ ۚ قَالُوا۟ بَلَىٰ وَرَبِّنَا ۚ قَالَ
فَذُوقُوا۟ ٱلْعَذَابَ بِمَا كُنتُمْ تَكْفُرُونَ ﴿٣٠﴾

7 жузъ 30. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сен уларни Худонинг ҳузурида ҳисобот учун ҳозир бўлгандаги ҳолларини кўрсанг, таажжуб қилар эдинг. Худо уларга шу ҳолда айтадики: «Сизлар инкор қилган Қиёмат кунининг бўлиши ҳақ эмас эканми?» Кофирлар жавоб бериб айтадиларки: «Худога қасамки, рост экан». Шундай ҳолда Парвардигор айтади: «Қилган куфрларингизнинг жазосига энди азобларини тортинглар!».

قَدْ خَسِرَ ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِلِقَآءِ ٱللَّهِ ۖ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَتْهُمُ ٱلسَّاعَةُ بَغْتَةً قَالُوا۟ يَـٰحَسْرَتَنَا
عَلَىٰ مَا فَرَّطْنَا فِيهَا وَهُمْ يَحْمِلُونَ أَوْزَارَهُمْ عَلَىٰ ظُهُورِهِمْ ۚ أَلَا سَآءَ مَا يَزِرُونَ ﴿٣١﴾

31. Худо билан мулоқий (рўбарў) бўлишга мункир кофирлар албатта, ўзларига зиён қилдилар. Қиёмат қоим бўлган вақтда ҳасрат ва надомат бирла айтадиларки: «Эй афсус, у дунёда қилган гуноҳларимизга афсуслар бўлсин!». Улар гуноҳларининг юкини орқаларига кўтарган ҳолда дўзах тарафига ҳайдалурлар. Огоҳ бўлинглaрки, уларнинг кўтарган юклари кўп ёмон юкдир!

وَمَا ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَآ إِلَّا لَعِبٌ وَلَهْوٌ ۖ وَلَلدَّارُ ٱلْـَٔاخِرَةُ خَيْرٌ لِّلَّذِينَ يَتَّقُونَ ۗ أَفَلَا
تَعْقِلُونَ ﴿٣٢﴾

32. Ва дунёвий ҳаёт ўйин ва дилхушликдан бошқа нарса эмасдир. Албатта, тақво қилувчилар учун охиратдан яхши нарса йўқ. Сизлар охиратдаги яхшилик тўғрисида фикр қилмайсизларми?

قَدْ نَعْلَمُ إِنَّهُۥ لَيَحْزُنُكَ ٱلَّذِى يَقُولُونَ ۖ فَإِنَّهُمْ لَا يُكَذِّبُونَكَ وَلَـٰكِنَّ ٱلظَّـٰلِمِينَ
بِـَٔايَـٰتِ ٱللَّهِ يَجْحَدُونَ ﴿٣٣﴾ وَلَقَدْ كُذِّبَتْ رُسُلٌ مِّن قَبْلِكَ فَصَبَرُوا۟ عَلَىٰ مَا كُذِّبُوا۟
وَأُوذُوا۟ حَتَّىٰٓ أَتَىٰهُمْ نَصْرُنَا ۚ وَلَا مُبَدِّلَ لِكَلِمَـٰتِ ٱللَّهِ ۚ وَلَقَدْ جَآءَكَ مِن نَّبَإِى۟
ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٣٤﴾

33-34. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), албатта, Биз биламизки, кофирларнинг Сенинг шаънингга айтилган: «Бу жодугар ва ёлғончи», – деган сўзлари Сени ғамгин қилади. Лекин улар дилларида Сенинг ҳақлигингни биладилар ва инкор қилмайдилар. Аммо уларнинг золимлари инод (сар

кашлик) қилиб, Бизнинг оятларимизни инкор этадилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен ғамгин бўлмагил ва сабр қилгил, Сендан муқаддам ўтган пайғамбарларни ҳам (улар) ёлғончи қилгандилар. Бас, (ўша) пайғамбарлар ҳам кофирларнинг такзиби (ёлғончига чиқарганлари)га, берган азиятларига сабр қилган эдилар. Вақтики уларга Бизнинг ёрдамимиз келди, улар ғолиб бўлдилар. Худонинг ҳукм қилганини ҳеч ким тағйир беролмайди (ўзгартира олмайди). Албатта, ўтган пайғамбарларнинг хабарлари Сенга келгандир.

وَإِن كَانَ كَبُرَ عَلَيْكَ إِعْرَاضُهُمْ فَإِنِ ٱسْتَطَعْتَ أَن تَبْتَغِيَ نَفَقًا فِي ٱلْأَرْضِ أَوْ سُلَّمًا 7 жузъ
فِي ٱلسَّمَآءِ فَتَأْتِيَهُم بِـَٔايَةٍ ۚ وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ لَجَمَعَهُمْ عَلَى ٱلْهُدَىٰ ۚ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ
ٱلْجَٰهِلِينَ ﴿٣٥﴾ ۞ إِنَّمَا يَسْتَجِيبُ ٱلَّذِينَ يَسْمَعُونَ ۘ وَٱلْمَوْتَىٰ يَبْعَثُهُمُ ٱللَّهُ ثُمَّ إِلَيْهِ
يُرْجَعُونَ ﴿٣٦﴾

35-36. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларнинг ҳақдан юз ўгиришлари ва Сендан беҳуда мўъжизалар талаб қилмоқлари Сенга оғир ботаётган бўлса, *улар талаб қилган мўъжизаларни ҳосил қилмоққа шавқ қилсанг, бас*, агар қудратинг етса, ерни ёриб, ер остига бир тешик ё осмон тарафига бир шоти (нарвон) топиб, улар учун бир мўъжиза келтиролсанг, келтир. Агар Худойи таоло уларни ҳидоят қилишни хоҳлаганда эди, ҳаммасини ҳидоят йўлига жам қилган бўларди. Лекин билгилки, ҳидоят ва залолат Худонинг хоҳишига боғлиқдир. Бироқ Сен уларнинг хоҳишларини «бажо келтирурман», деб жоҳиллардан бўлмагил. Албатта, Сенинг даъватингга, Сенинг насиҳатларингга жону дил билан эшитувчилар қулоқ солурлар, аммо кофирлар ўлик ҳисоби (сўзларингга) ҳаргиз қулоқ солмаслар. Мурдаларни Қиёмат куни Аллоҳ таоло тирилтиради. Тирилганларидан сўнг Худонинг олдига ҳозир қилинадилар, қилган амалларидан ҳисоб берадилар.

وَقَالُوا۟ لَوْلَا نُزِّلَ عَلَيْهِ ءَايَةٌ مِّن رَّبِّهِۦ ۚ قُلْ إِنَّ ٱللَّهَ قَادِرٌ عَلَىٰٓ أَن يُنَزِّلَ ءَايَةً
وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٧﴾

37. Қурайш кофирлари айтдиларки: «Нима учун Худо тарафидан Муҳаммад (алайҳиссалом)га биз хоҳлаган мўъжизалар нозил қилинмайди?». Уларга жавоб бергилки: «Аллоҳ таоло ҳар қандай мўъжизани нозил қилишга қодирдир, *лекин нозил қилмайди, чунки биладики, сизлар ҳар қандай мўъжиза келса-да, инкор қиласизлар ва иймон келтирмайсизлар»*. Лекин уларнинг аксари хоҳиш қилган мўъжизалар нозил бўлгандан сўнг ҳам инкор қилсалар, ҳалокатга сабаб бўлишини билмайдилар.

وَمَا مِن دَآبَّةٍ فِي ٱلْأَرْضِ وَلَا طَٰٓئِرٍ يَطِيرُ بِجَنَاحَيْهِ إِلَّآ أُمَمٌ أَمْثَالُكُم ۚ مَّا فَرَّطْنَا فِي
ٱلْكِتَٰبِ مِن شَيْءٍ ۚ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّهِمْ يُحْشَرُونَ ﴿٣٨﴾

38. Ер юзида ҳаракат қилувчи ва осмонда икки қаноти билан учувчи паррандалар сизларга ўхшаган бир гуруҳ махлуқдирлар. Сизларга ўхшаб ҳаёт кечирадилар. Худога тасбеҳ айтурлар, охир ўладилар ва Маҳшаргоҳда жам бўладилар. Лавҳул Маҳфузда ҳаммасини бенуқсон ёзгандирмиз.

وَٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَا صُمّٞ وَبُكۡمٞ فِي ٱلظُّلُمَٰتِۗ مَن يَشَإِ ٱللَّهُ يُضۡلِلۡهُ وَمَن يَشَأۡ
يَجۡعَلۡهُ عَلَىٰ صِرَٰطٖ مُّسۡتَقِيمٖ ٣٩

39. Бизнинг оятлармизни таксиб қилган (ёлғонга чиқарган) у кофир
7 жузъ жамоаларининг панд ва насиҳат эшитишдан қулоқлари кардир, ҳақ сўзни сўзлашдан тиллари соқовдир, жаҳл ва инод (саркашлик) қоронғулигида қолгандирлар. Ҳақ таоло кимни хоҳласа, гумроҳ қилади ва кимни хоҳласа, тўғри йўлга солиб қўяди.

قُلۡ أَرَءَيۡتَكُمۡ إِنۡ أَتَىٰكُمۡ عَذَابُ ٱللَّهِ أَوۡ أَتَتۡكُمُ ٱلسَّاعَةُ أَغَيۡرَ ٱللَّهِ تَدۡعُونَ إِن كُنتُمۡ
صَٰدِقِينَ ٤٠ بَلۡ إِيَّاهُ تَدۡعُونَ فَيَكۡشِفُ مَا تَدۡعُونَ إِلَيۡهِ إِن شَآءَ وَتَنسَوۡنَ مَا
تُشۡرِكُونَ ٤١

40-41. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Агар сизларга Худонинг азоби келса ё Қиёмат қойим бўлса, ўзларингизни қай ҳолда кўрасизлар? Худодан бошқани ёрдамга чақирасизларми? Агар рост сўзловчи бўлсангизлар, айтинглар?! (Йўқ!) Балки сизлар бу ҳолатда Худони чақирасизлар, чунки дунёда сизларга бирон бало келганда бутларингизни эсдан чиқариб, Худога ёлворар эрдингизлар, бас, агар Худо хоҳласа, сизлардан у балони даф қилар эди».

وَلَقَدۡ أَرۡسَلۡنَآ إِلَىٰٓ أُمَمٖ مِّن قَبۡلِكَ فَأَخَذۡنَٰهُم بِٱلۡبَأۡسَآءِ وَٱلضَّرَّآءِ لَعَلَّهُمۡ
يَتَضَرَّعُونَ ٤٢ فَلَوۡلَآ إِذۡ جَآءَهُم بَأۡسُنَا تَضَرَّعُواْ وَلَٰكِن قَسَتۡ قُلُوبُهُمۡ وَزَيَّنَ لَهُمُ
ٱلشَّيۡطَٰنُ مَا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ٤٣

42-43. Бизлар илгари ўтган умматларга Сендан аввал (ҳам) Расул юборган эдик, лекин улар иймон келтирмадилар. Бас, шоядки улар Худога тавба қиладилар, деб уларни қаттиқлик ва танглик ва беморликларга мубтало қилдик. Бас, вақтики уларга танглик ва қаҳатчилик келганда, нима учун Худога зор ва илтижо қилиб тавба қилмадилар? Агар шундай қилганларида, Худойи таоло балони даф қилар эди. Бу (тавбасизликларига) сабаб шуки, диллари қаттиқ бўлди, шайтон қабиҳ амалларини чиройли қилиб кўрсатди.

فَلَمَّا نَسُواْ مَا ذُكِّرُواْ بِهِۦ فَتَحۡنَا عَلَيۡهِمۡ أَبۡوَٰبَ كُلِّ شَيۡءٍ حَتَّىٰٓ إِذَا فَرِحُواْ
بِمَآ أُوتُوٓاْ أَخَذۡنَٰهُم بَغۡتَةٗ فَإِذَا هُم مُّبۡلِسُونَ ٤٤ فَقُطِعَ دَابِرُ ٱلۡقَوۡمِ ٱلَّذِينَ ظَلَمُواْۚ
وَٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِ رَبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ٤٥

44-45. Вақтики кофирлар пайғамбарлар тарафидан қилинган панд ва насиҳатларни фаромуш қилдилар, уларга барча нозу неъмат дарвозасини очиб қўйдик. *Чунки Ҳақ таоло бир қавмни ҳалок қилмоқни ирода қилса, аввал фаровонлик бериб, маишатларини зиёда қилади ва улар Худодан ғофил бўладилар.* Сўнгра Аллоҳ таоло уларни ҳалок қилади. У кофир қавм ҳам берилган нозу наъийм (неъматлар)га хурсанд бўлиб, Худодан ғофил қолган вақтларида ногоҳ (тўсатдан) уларни бу нозу наъийм (неъматлар)-дан олиб, азобга мубтало қилдик. Улар азоби илоҳийни муояна қилган (аниқ-таниқ кўрган) вақтларида қилган амалларига пушаймон бўлдилар. Бас, бу золимлар нест ва нобуд қилинди. Ушбу золимларни ҳалок қилган ва 7 жузъ
мазлумларга нажот берган Парвардигори оламга ҳамду санолар бўлсин.

قُلْ أَرَءَيْتُمْ إِنْ أَخَذَ ٱللَّهُ سَمْعَكُمْ وَأَبْصَٰرَكُمْ وَخَتَمَ عَلَىٰ قُلُوبِكُم مَّنْ إِلَٰهٌ غَيْرُ ٱللَّهِ يَأْتِيكُم بِهِ ٱنظُرْ كَيْفَ نُصَرِّفُ ٱلْءَايَٰتِ ثُمَّ هُمْ يَصْدِفُونَ ﴿٤٦﴾

46. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Менга хабар берингларчи, агар Худойи таоло сизларнинг қулоқларингиздан эшитмоқни ва кўзларингиздан кўрмоқни олса ва дилларингизга муҳр босса, Худодан бошқа қайси «илоҳ» сизларга ёрдам қилиб, (уларни) қайтариб беради? Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), назар қил, оятларни қандай ранг-баранг баён қилурмиз. Бу кофирлар ундан огоҳланмай ва инқиёд қилмай (бўйсунмай), юз ўгирадилар.

قُلْ أَرَءَيْتَكُمْ إِنْ أَتَىٰكُمْ عَذَابُ ٱللَّهِ بَغْتَةً أَوْ جَهْرَةً هَلْ يُهْلَكُ إِلَّا ٱلْقَوْمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٤٧﴾

47. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Менга хабар берингларчи, агар сизларга Худонинг азоби бирдан *кечаси ё кундузи, махфий ё ошкора* келса, бас, у ҳолда нима илож топасизлар? Бас, ҳар-ҳолда фақат золим қавм ҳалок қилинади, бошқалар эмас.

وَمَا نُرْسِلُ ٱلْمُرْسَلِينَ إِلَّا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ فَمَنْ ءَامَنَ وَأَصْلَحَ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٤٨﴾

48. Биз пайғамбарларни шунинг учун юбордикки, бандаларни Худонинг азобидан қўрқитсинлар ва раҳматидан башорат берсинлар. Бас, ҳар (бир) банда итоат қилиб, иймон келтирса ва у амалини тақво билан ислоҳ қилса, бас, уларга Қиёмат куни Худонинг азобидан хавф йўқдир, улар ғамгин ҳам бўлмайдилар.

وَٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا يَمَسُّهُمُ ٱلْعَذَابُ بِمَا كَانُوا۟ يَفْسُقُونَ ﴿٤٩﴾

49. У кофир гуруҳларким, Бизнинг оятларимизни инкор қилдилар, Қиёмат куни куфрлари сабабидан азоби илоҳийга мубтало бўлурлар.

قُل لَّآ أَقُولُ لَكُمْ عِندِى خَزَآئِنُ ٱللَّهِ وَلَآ أَعْلَمُ ٱلْغَيْبَ وَلَآ أَقُولُ لَكُمْ إِنِّى مَلَكٌ

إِنْ أَتَّبِعُ إِلَّا مَا يُوحَىٰٓ إِلَيَّ ۚ قُلْ هَلْ يَسْتَوِى ٱلْأَعْمَىٰ وَٱلْبَصِيرُ ۚ أَفَلَا تَتَفَكَّرُونَ ﴿٥٠﴾

50. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), *агар Сендан кўп нарсани талаб қилсалар*, кофирларга айтгил: «Мен сизларга: «Худонинг хазиналари менинг олдимдадир», – демайман. Худо билдирмаса, ғайбни ҳам билмайман, токи ҳар нарсадан хабар берсам ҳам, «Мен малоикаман», – деб даъво қилмайман. Мен ҳам сизларга ўхшаш башар (инсон)дурман. Ҳеч нарсага мутобаат қилмайман, фақат Худо тарафидан хабар берилган нарсага (ваҳийга) эргашурман». Агар айтсаларки: «Сенинг ўзимиздан бирор ортиқ
7 жузъ жойингни кўрмаймиз», Сен жавоб бергил: «Кўр билан кўзи очиқ баробар бўлурми? *Ҳаргиз баробар бўлмас!* Эй кофирлар, ҳақ ва ботилни фикр қилмайсизларми?».

وَأَنذِرْ بِهِ ٱلَّذِينَ يَخَافُونَ أَن يُحْشَرُوٓا۟ إِلَىٰ رَبِّهِمْ ۙ لَيْسَ لَهُم مِّن دُونِهِۦ وَلِيٌّ وَلَا شَفِيعٌ لَّعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ ﴿٥١﴾

51. Панд-насиҳатларингиз бирла Маҳшаргоҳда Худонинг ҳузурига боришдан қўрққан одамларни Худонинг азобидан қўрқитгил, ўшандай одамларга панд ва насиҳат қилгил. Қиёмат куни Худодан бошқа нажот бергувчи ва ёрдам этгувчи йўқдир. Шоядки, улар гуноҳ қилишдан парҳез қилсалар.

وَلَا تَطْرُدِ ٱلَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُم بِٱلْغَدَوٰةِ وَٱلْعَشِىِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُۥ ۖ مَا عَلَيْكَ مِنْ حِسَابِهِم مِّن شَىْءٍ وَمَا مِنْ حِسَابِكَ عَلَيْهِم مِّن شَىْءٍ فَتَطْرُدَهُمْ فَتَكُونَ مِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٥٢﴾

52. *Муҳаммад алайҳиссаломга Қурайш кофирлари айтдиларки: «Олдингдаги камбағалларни ҳузурингдан йироқ қилсанг, бизлар Сенга иймон келтирурмиз». Расуллуллоҳ у бечораларни вақтинча ҳузурларидан узоқ қилишни хоҳладилар. Ҳақ таоло бу хаёлни (хоҳишни) рад этиб, ушбу оятни нозил қилди:* «Кеча ва кундуз Худонинг ибодатига машғул ва доим Худонинг ризосини истайдиган гуруҳларни мажлисингдан узоқлаштириб, ҳайдама. Уларнинг қилган амалларининг ҳисоби Сенинг зиммангда эмас ва Сенинг амалингнинг ҳисоби ҳам уларнинг зиммаларида эмасдир. Бас, агар Сен уларни ҳузурингдан ҳайдасанг, золимлардан бўлиб қолурсан».

وَكَذَٰلِكَ فَتَنَّا بَعْضَهُم بِبَعْضٍ لِّيَقُولُوٓا۟ أَهَٰٓؤُلَآءِ مَنَّ ٱللَّهُ عَلَيْهِم مِّنۢ بَيْنِنَآ ۗ أَلَيْسَ ٱللَّهُ بِأَعْلَمَ بِٱلشَّٰكِرِينَ ﴿٥٣﴾

53. Шунга ўхшаш баъзиларини баъзилари билан, *яъни кофирларни мўминлар билан, бойларни камбағаллар билан* синаймиз. «Аллоҳ таоло бизнинг ўртамизда (орамизда) ўша жамоага мол ва давлат бериб, бизни маҳрум қилурми?», – десинлар. Худойи таоло шукр қилгувчиларнинг ҳолига доно (аҳволларини билгувчи) эмасми? *Албатта, Аллоҳ таоло донодир.*

وَإِذَا جَآءَكَ ٱلَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِـَٔايَٰتِنَا فَقُلْ سَلَٰمٌ عَلَيْكُمْ ۖ كَتَبَ رَبُّكُمْ عَلَىٰ نَفْسِهِ
ٱلرَّحْمَةَ ۖ أَنَّهُۥ مَنْ عَمِلَ مِنكُمْ سُوٓءًۢا بِجَهَٰلَةٍ ثُمَّ تَابَ مِنۢ بَعْدِهِۦ وَأَصْلَحَ فَأَنَّهُۥ
غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٥٤﴾ وَكَذَٰلِكَ نُفَصِّلُ ٱلْـَٔايَٰتِ وَلِتَسْتَبِينَ سَبِيلُ ٱلْمُجْرِمِينَ ﴿٥٥﴾

54-55. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), вақтики Бизнинг оятларимизга
иймон келтирган мўминлар Сенинг ҳузурингга келсалар, Сен уларга: «Ас-
салому алайкум», дегил. Яна айтгилки: «Парвардигорингиз сизларга мар-
ҳамат қилишни ваъда қилди. Агар сизлардан биронталарингиз билмасдан 7 жузъ
хато қилиб, орқасидан тавба қилса ва амалини ҳам ислоҳ қилса, бас, Аллоҳ
таоло гуноҳларни кечирувчи ва меҳрибондир». Ва Биз ҳақ зоҳир бўлиши
учун Қуръон оятларини ана шундай батафсил баён қилурмиз.

قُلْ إِنِّى نُهِيتُ أَنْ أَعْبُدَ ٱلَّذِينَ تَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ ۚ قُل لَّآ أَتَّبِعُ أَهْوَآءَكُمْ ۙ
قَدْ ضَلَلْتُ إِذًا وَمَآ أَنَا۠ مِنَ ٱلْمُهْتَدِينَ ﴿٥٦﴾

56. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Мен Аллоҳ тарафидан сизлар ибодат қилган бутларга сиғинишдан манъ қилинган-дирман, фақат Аллоҳга ибодат қилурман, сизларнинг ҳоҳишларингизга асло юрмасман. Агар мен сизларга тобе бўлсам, у ҳолда мен гумроҳлардан бўлиб, ҳидоят топганлар жамоасидан бегона бўлурман».

قُلْ إِنِّى عَلَىٰ بَيِّنَةٍ مِّن رَّبِّى وَكَذَّبْتُم بِهِۦ ۚ مَا عِندِى مَا تَسْتَعْجِلُونَ بِهِۦٓ ۚ
إِنِ ٱلْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ ۖ يَقُصُّ ٱلْحَقَّ ۖ وَهُوَ خَيْرُ ٱلْفَٰصِلِينَ ﴿٥٧﴾

57. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Албатта, мен Худо тарафидан келган ҳужжатга эгаман, у — Қуръондир. Ваҳоланки, сизлар уни такзиб қилдингизлар (ёлғонга чиқардингизлар). Сизлар шитоб қилган (қистаб сўраётган) азобнинг келиши менинг ҳукмимда эмас-дир, Худонинг ҳукмидадир, менда ҳеч ихтиёр йўқдир. Аллоҳ таоло ҳақни баён қилгувчи ва У яхши ҳукм қилгувчидир.

قُل لَّوْ أَنَّ عِندِى مَا تَسْتَعْجِلُونَ بِهِۦ لَقُضِىَ ٱلْأَمْرُ بَيْنِى وَبَيْنَكُمْ ۗ وَٱللَّهُ أَعْلَمُ
بِٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٥٨﴾

58. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Агар сизлар шошилиб талаб қилган азобнинг ихтиёри қўлимда бўлса эди, ўртамиздаги жанжал (аллақачон) тамом бўлган бўлар эди. Албатта, ҳалок бўлган бўлар эдингизлар, лекин Аллоҳ таоло золимларнинг аҳволидан огоҳ ва яхши билгувчидир. *Қачон азоб берса, Ўзи билур*».

۞ وَعِندَهُۥ مَفَاتِحُ ٱلْغَيْبِ لَا يَعْلَمُهَآ إِلَّا هُوَ ۚ وَيَعْلَمُ مَا فِى ٱلْبَرِّ وَٱلْبَحْرِ ۚ وَمَا
تَسْقُطُ مِن وَرَقَةٍ إِلَّا يَعْلَمُهَا وَلَا حَبَّةٍ فِى ظُلُمَٰتِ ٱلْأَرْضِ وَلَا رَطْبٍ وَلَا يَابِسٍ

إِلَّا فِي كِتَٰبٍ مُّبِينٍ ﴿٥٩﴾

59. Ғайб хазиналарининг илми Худонинг наздидадур. Бу ишларни ҳеч ким билмас, магар Парвардигорнинг ўзи билур. Қуруқликдаги ашёларни ва ҳайвонларни ва дарёдаги жониворларнинг ададларини ва сифатларини бир Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Ҳар бир дарахтнинг бирор барги тушса, қайси дарахтдан тушгани ва қандай тушганини Худодан бошқа ҳеч ким билмайди. Ер тагига ташланган ҳар бир дона (уруғ) ҳам, мулойим (ҳўл) ва қуруқ нарсалар ҳам мавжуд бўлмайди, магар Лавҳул Маҳфузда

7 жузъ ёзилгандек (мавжуд) бўлади.

وَهُوَ ٱلَّذِى يَتَوَفَّىٰكُم بِٱلَّيْلِ وَيَعْلَمُ مَا جَرَحْتُم بِٱلنَّهَارِ ثُمَّ يَبْعَثُكُمْ فِيهِ لِيُقْضَىٰٓ أَجَلٌ مُّسَمًّى ثُمَّ إِلَيْهِ مَرْجِعُكُمْ ثُمَّ يُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٦٠﴾

60. Ва У шундай Зотдирки, кечқурун сизларни қабзасига (ухлатиб руҳингизни ихтиёрига) олур ва кундузи қилиб турган ишларингизни билиб турур. Кейин сизларни кундузда турғизур (уйғотур), токи муайян муддат тамомига етсин. Муайян муддатдан кейин қайтишларингиз Унинг тарафига бўлур. Кейин У қилиб ўтган амалларингизни сизларга баён қилур. *Ҳар бир уйқудан сўнг инсон яна уйғонур, токи ҳаёт ўз муайян муддатига етсин.*

وَهُوَ ٱلْقَاهِرُ فَوْقَ عِبَادِهِۦ ۖ وَيُرْسِلُ عَلَيْكُمْ حَفَظَةً حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَ أَحَدَكُمُ ٱلْمَوْتُ تَوَفَّتْهُ رُسُلُنَا وَهُمْ لَا يُفَرِّطُونَ ﴿٦١﴾ ثُمَّ رُدُّوٓا۟ إِلَى ٱللَّهِ مَوْلَىٰهُمُ ٱلْحَقِّ ۚ أَلَا لَهُ ٱلْحُكْمُ وَهُوَ أَسْرَعُ ٱلْحَٰسِبِينَ ﴿٦٢﴾

61-62. У Зот – Парвардигорнинг бандаларга ҳукми ғолибдир. Сизларнинг амалларингизни муҳофазат қилмоқ учун малоикалар юборур. Вақтики, ҳаётларингиз тамом бўлиб, сизларга ўлим келса, Биз юборган малоикалар жонларингизни қабз қилурлар, у малоикалар ўз амалларида тақсир (сусткашлик) қилмайдилар. (Бандалар) ўлганларидан кейин уларнинг ҳақ (ҳақиқий) мавлолари бўлган Худонинг ҳузурига юбориладилар. Огоҳ бўлингларки, бу мақомда ҳукм қилмоқ Худога хосдир ва у тез ҳисоб қилгувчидир.

قُلْ مَن يُنَجِّيكُم مِّن ظُلُمَٰتِ ٱلْبَرِّ وَٱلْبَحْرِ تَدْعُونَهُۥ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً لَّئِنْ أَنجَىٰنَا مِنْ هَٰذِهِۦ لَنَكُونَنَّ مِنَ ٱلشَّٰكِرِينَ ﴿٦٣﴾ قُلِ ٱللَّهُ يُنَجِّيكُم مِّنْهَا وَمِن كُلِّ كَرْبٍ ثُمَّ أَنتُمْ تُشْرِكُونَ ﴿٦٤﴾

63-64. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Биёбонларда кечалари йўлни йўқотиб қўйсангизлар ё дарё қоронғулигида кемаларингиз ғарқ бўладиган бўлса, сизларга ким нажот беради? У вақтда сиз-

лар ошкора ё махфий фарёд қилиб, нажот берувчи Худони чақирасизлар». Айтасизларки: «Агар шу балолардан нажот берса, Аллоҳга итоат қилиб, шокирлардан бўлур эдик». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил, шу офатлардан (ва) бошқа ҳар хил кулфатлардан Аллоҳ нажот бергандан сўнг (яна) ширк келтирурсизлар!».

قُلْ هُوَ ٱلْقَادِرُ عَلَىٰٓ أَن يَبْعَثَ عَلَيْكُمْ عَذَابًا مِّن فَوْقِكُمْ أَوْ مِن تَحْتِ أَرْجُلِكُمْ أَوْ
يَلْبِسَكُمْ شِيَعًا وَيُذِيقَ بَعْضَكُم بَأْسَ بَعْضٍ ۗ ٱنظُرْ كَيْفَ نُصَرِّفُ ٱلْأَيَٰتِ لَعَلَّهُمْ
يَفْقَهُونَ ﴿٦٥﴾ 7 жузъ

65. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом) кофирларга айтгил: «Ана шу Худо сизларга юқорингиздан (тепангиздан) азоб юборишга ё оёқларингиз тагидан бало чиқаришга, ёки сизларни гуруҳ-гуруҳларга бўлиб юбориб, бир-бирларингиз билан уруш қилдириб, баъзиларингизга баъзиларингизни қатл эттиришга қодир Зотдир». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз оятларни қандай баён қилишимизни фикр қил, токи улар бу оятларни фаҳмлаб, ботил йўлдан қайтиб, ҳақ йўлга юрсинлар.

وَكَذَّبَ بِهِۦ قَوْمُكَ وَهُوَ ٱلْحَقُّ ۚ قُل لَّسْتُ عَلَيْكُم بِوَكِيلٍ ﴿٦٦﴾ لِّكُلِّ نَبَإٍ مُّسْتَقَرٌّ ۚ
وَسَوْفَ تَعْلَمُونَ ﴿٦٧﴾

66-67. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенинг қавминг Худонинг азоби учун келган оятларини таказиб қиладилар (ёлғонга чиқарадилар). Ваҳоланки, у (азоб, бало) яқиндир. Агар кофирлар у азобни Сендан талаб қилсалар, уларга айтгил: «Мен сизларнинг азобларингизга вакил эмасман. Менинг вазифам сизларга хабар бермоқдир. Ҳар бир ишнинг бўлиши ўз вақтида муқаррардур. Сизлар шошилманглар, азоб келишини яқинда биласизлар.

وَإِذَا رَأَيْتَ ٱلَّذِينَ يَخُوضُونَ فِىٓ ءَايَٰتِنَا فَأَعْرِضْ عَنْهُمْ حَتَّىٰ يَخُوضُوا۟ فِى حَدِيثٍ
غَيْرِهِۦ ۚ وَإِمَّا يُنسِيَنَّكَ ٱلشَّيْطَٰنُ فَلَا تَقْعُدْ بَعْدَ ٱلذِّكْرَىٰ مَعَ ٱلْقَوْمِ ٱلظَّٰلِمِينَ
﴿٦٨﴾ وَمَا عَلَى ٱلَّذِينَ يَتَّقُونَ مِنْ حِسَابِهِم مِّن شَىْءٍ وَلَٰكِن ذِكْرَىٰ
لَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ ﴿٦٩﴾

68-69. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирлар Бизнинг оятларимизни масхара ва таъна қилиб сўзлашиб ўтирганларини кўрган вақтинг у сўзларини тарк қилиб, бошқа сўзга ўтгунларига қадар Сен улардан юз ўгириб, мажлисларидан чиқиб кет. Агар шайтон бу жойдан чиқиб кетмоқни эсингдан чиқарса, ёдингга келган вақтда у золимлар билан (бирга) ўтирма. Тақводор мўминларга кофирлар қилган амалларининг ҳеч қандай жавобгарлиги йўқдир. Лекин панд ва насиҳат қилмоқлари лозимдир, шоядки, улар ҳам Худодан қўрқсалар.

وَذَرِ ٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُواْ دِينَهُمْ لَعِبًا وَلَهْوًا وَغَرَّتْهُمُ ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا ۚ وَذَكِّرْ بِهِۦٓ أَن
تُبْسَلَ نَفْسٌۢ بِمَا كَسَبَتْ لَيْسَ لَهَا مِن دُونِ ٱللَّهِ وَلِىٌّ وَلَا شَفِيعٌ وَإِن تَعْدِلْ
كُلَّ عَدْلٍ لَّا يُؤْخَذْ مِنْهَآ ۗ أُوْلَـٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ أُبْسِلُواْ بِمَا كَسَبُواْ ۖ لَهُمْ شَرَابٌ مِّنْ
حَمِيمٍ وَعَذَابٌ أَلِيمٌۢ بِمَا كَانُواْ يَكْفُرُونَ ﴿٧٠﴾

7 жузъ

70. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ўз динларини ўйин-кулгига айлантирган ва ҳам дунё ҳаёти мағрур қилган аҳли китоблардан юз ўгиргил ва уларга Қуръон билан панд ва насиҳат қилгил. Токи нафслари қилган амаллари учун азобга мубтало бўлмасинлар. (Эй Муҳаммад, уларга эслатгил), Қиёмат куни ҳар бир нафс (киши)га Худодан бошқа бирор дўст ва мададкор ва шафоат қилгувчи йўқдир. Агар ҳар бир нафс ўзини азобдан қутқармоғи учун ҳар қандай фидя берса-да, қабул қилинмайди. Бу жамоани қабиҳ амаллари учун дўзахда заҳарли қайноқ шароб бериб азоб қилурлар. Уларга куфрларининг бадалига дардли азоб муҳайё (тайёрлаб қўйилган)дир.

قُلْ أَنَدْعُواْ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَا لَا يَنفَعُنَا وَلَا يَضُرُّنَا وَنُرَدُّ عَلَىٰٓ أَعْقَابِنَا بَعْدَ إِذْ
هَدَىٰنَا ٱللَّهُ كَٱلَّذِى ٱسْتَهْوَتْهُ ٱلشَّيَـٰطِينُ فِى ٱلْأَرْضِ حَيْرَانَ لَهُۥٓ أَصْحَـٰبٌ
يَدْعُونَهُۥٓ إِلَى ٱلْهُدَى ٱئْتِنَا ۗ قُلْ إِنَّ هُدَى ٱللَّهِ هُوَ ٱلْهُدَىٰ ۖ وَأُمِرْنَا لِنُسْلِمَ لِرَبِّ
ٱلْعَـٰلَمِينَ ﴿٧١﴾ وَأَنْ أَقِيمُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَٱتَّقُوهُ ۚ وَهُوَ ٱلَّذِىٓ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٧٢﴾

71-72. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Худодан бошқа қўлларидан бирор манфаат ҳам, зарар ҳам етказолмайдиган бутларга ибодат қилайликми? Бизни Аллоҳ таоло Ислом йўлига ҳидоят қилгандан сўнг орқа пошналаримизга (ортимизга) қайтайликми?» Худди жин ва шайтон оздириб, биёбонга эргаштириб кетган одам кабидирки, у ҳайрон бўлиб, қаёққа боришни билмайди, уни асҳоблари (дўстлари): «Биз тарафга келгил», – деб тўғри йўлга чақиради, у иккиланиб қайтишни ҳам, боришни ҳам билмай туради. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен айтгил: «Ҳақиқатан тўғри йўл Худонинг йўлидир, бизлар Худога бўйсунишга маъмурмиз (амр этилганмиз), Парвардигори оламнинг ҳукмига итоат қилайлик. Ва ҳам Худойи таоло бизларга: «Намоз ўқинглар ва Худодан қўрқинглар»,- деб буюргандир». Албатта, Қиёмат куни Парвардигорнинг ҳузурига жам қилинасизлар.

وَهُوَ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ بِٱلْحَقِّ ۖ وَيَوْمَ يَقُولُ كُن فَيَكُونُ ۚ
قَوْلُهُ ٱلْحَقُّ ۚ وَلَهُ ٱلْمُلْكُ يَوْمَ يُنفَخُ فِى ٱلصُّورِ ۚ عَـٰلِمُ ٱلْغَيْبِ وَٱلشَّهَـٰدَةِ ۚ وَهُوَ
ٱلْحَكِيمُ ٱلْخَبِيرُ ﴿٧٣﴾

73. Аллоҳ таоло шундай Зотдирки, осмонлар ва ерни беҳуқсон (ҳикмат билан) халқ қилди. Ёд қилгил ўша кунниким, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсанинг мавжуд бўлмоғини ирода қилса, «Бўл», деб амр қилур, (истагани) ўша онда мавжуд бўлур. Унинг ҳар (бир) ҳукми ҳақдир. Исрофил (алайҳиссалом) тарафидан ҳаммани гўрдан тирилтириш учун сурга дам уриладиган вақтдаги ҳукмронлик унинг Ўзига хосдир. Аллоҳ таоло ҳар бир махфий ва ошкора нарсани билгувчидир. Ҳар бир ҳукмида ҳаким ва донодир.

۞ وَإِذۡ قَالَ إِبۡرَٰهِيمُ لِأَبِيهِ ءَازَرَ أَتَتَّخِذُ أَصۡنَامًا ءَالِهَةً إِنِّيٓ أَرَىٰكَ وَقَوۡمَكَ فِي 7 жузъ
ضَلَٰلٖ مُّبِينٖ ٧٤

74. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ёд қил, вақтики Иброҳим (алайҳиссалом) ўз отаси Озарга айтди: «Сен бутларни Худо деб, уларга ибодат қиласанми? Мен сени ва қавмингни очиқ гумроҳлик йўлида, деб биламан».

وَكَذَٰلِكَ نُرِيٓ إِبۡرَٰهِيمَ مَلَكُوتَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَلِيَكُونَ مِنَ ٱلۡمُوقِنِينَ
٧٥ فَلَمَّا جَنَّ عَلَيۡهِ ٱلَّيۡلُ رَءَا كَوۡكَبٗاۖ قَالَ هَٰذَا رَبِّيۖ فَلَمَّآ أَفَلَ قَالَ لَآ أُحِبُّ
ٱلۡأٓفِلِينَ ٧٦

75-76. Шунга ўхшаш (Ҳазрати) Иброҳимга осмон ва ернинг ажойиботларини кўрсатдик. Токи Ҳақ таолонинг қудрати комиласини билсин ва яқийн қилувчи (ишонувчи)лардан бўлсин. Вақтики қоронғу бўлди, (Ҳазрати) Иброҳим юлдузларни кўриб айтди: «Шу Парвардигорим эмасмикан?». *Ҳазрати Иброҳимнинг эътиқодлари Худонинг борлигига комил эди, лекин Худо нима нарсадан иборат, Унинг кайфияти (қандай экани) маълум эмас эди. То ҳануз ҳам маълум бўлгани йўқ... У пайтдаги қавмлар ситорапараст (юлдузга сиғинувчилар) бўлгани учун саволлар ҳам шуни устида (шу мавзуда) бўлган.* Вақтики юлдуз ботиб ғойиб бўлгач, (Ҳазрати) Иброҳим айтдики: «Мен йўқ бўлиб кетгувчиларни дўст тутмайман ва уларга эътиқод ҳам қилмайман».

فَلَمَّا رَءَا ٱلۡقَمَرَ بَازِغٗا قَالَ هَٰذَا رَبِّيۖ فَلَمَّآ أَفَلَ قَالَ لَئِن لَّمۡ يَهۡدِنِي رَبِّي
لَأَكُونَنَّ مِنَ ٱلۡقَوۡمِ ٱلضَّآلِّينَ ٧٧ فَلَمَّا رَءَا ٱلشَّمۡسَ بَازِغَةٗ قَالَ هَٰذَا رَبِّي
هَٰذَآ أَكۡبَرُۖ فَلَمَّآ أَفَلَتۡ قَالَ يَٰقَوۡمِ إِنِّي بَرِيٓءٞ مِّمَّا تُشۡرِكُونَ ٧٨

77-78. Вақтики (Ҳазрати) Иброҳим равшан бўлиб тулу қилган (чиқаётган) ойни кўрди, айтди: «Парвардигорим шу эмасмикан?». Қачонки бу ҳам ғуруб бўлиб (ботиб) йўқ бўлди. Айтди: «Эй Парвардигоро, менга ҳақиқатни кўрсатмасанг ва ҳидоят қилмасанг, албатта, адашган қавмлардан бўлурман». Вақтики офтобнинг равшан тулу қилганини (чиқаётганини) кўрди, айтди: «Парвардигорим шу эмасмикан, бу бошқалардан

каттароқ экан?». Вақтики у ҳам ғуруб бўлуб, йўқолди, Иброҳим (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавм, мен сизларнинг Худога шерик қилган нарсаларингиздан безорман».

إِنِّي وَجَّهْتُ وَجْهِيَ لِلَّذِي فَطَرَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ حَنِيفًا ۖ وَمَآ أَنَا۠ مِنَ
ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿٧٩﴾

79. Энди мен бу нарсалардан юз ўгириб, осмонлар ва заминни халқ
7 жузъ қилган Зот (Аллоҳ) тарафига мутаважжиҳ бўлдим (юзимни бурдим) ва
ботиллардан қайтдим, мен мушриклардан эмасман.

وَحَآجَّهُۥ قَوْمُهُۥ ۚ قَالَ أَتُحَٰٓجُّوٓنِّى فِى ٱللَّهِ وَقَدْ هَدَىٰنِ ۚ وَلَآ أَخَافُ مَا تُشْرِكُونَ بِهِۦٓ
إِلَّآ أَن يَشَآءَ رَبِّى شَيْـًٔا ۗ وَسِعَ رَبِّى كُلَّ شَىْءٍ عِلْمًا ۗ أَفَلَا تَتَذَكَّرُونَ ﴿٨٠﴾
وَكَيْفَ أَخَافُ مَآ أَشْرَكْتُمْ وَلَا تَخَافُونَ أَنَّكُمْ أَشْرَكْتُم بِٱللَّهِ مَا لَمْ يُنَزِّلْ
بِهِۦ عَلَيْكُمْ سُلْطَٰنًا ۚ فَأَىُّ ٱلْفَرِيقَيْنِ أَحَقُّ بِٱلْأَمْنِ ۖ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٨١﴾

80-81. Иброҳим (алайҳиссалом)нинг қавми Иброҳим (алайҳиссалом) билан Худо хусусида мунозара этиб, жанжал қилди. Иброҳим (алайҳиссалом) айтди: «Эй гумроҳлар, мен билан Худонинг ваҳдонияти ҳақида жанжал қиласизларми? Ваҳоланки, мени Худойи таоло тўғри йўлга ҳидоят қилди. Сизларнинг шерик қилган худоларингиздан қўрқмайман. Менга ҳар (қандай) кулфат етса, Парвардигоримнинг ҳоҳиши билан келади. Парвардигоримнинг илми кенг (барча нарсани қамраб олгувчи)дир. Ҳар бир нарсани билади. Оё, фикр қилмайсизларми, мен сизларнинг худоларингиз (илоҳларингиз)дан қандай қўрқай? Ваҳоланки, сизлар бирор ҳужжатсиз, илмсиз, Худо тарафидан далили йўқ (бутларни) Худога шерик қилишдан қўрқмайсизлар. Агар билсангизлар, (айтинглар-чи), бу икки фирқадан, яъни, Худога итоат қилувчилардан ё мушриклардан қайси бири Худонинг азобидан нажот топишга ҳақлироқ?

ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَلَمْ يَلْبِسُوٓا۟ إِيمَٰنَهُم بِظُلْمٍ أُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمُ ٱلْأَمْنُ وَهُم مُّهْتَدُونَ ﴿٨٢﴾

82. Иймон келтирган ва иймонларини куфрга аралаштирмаган гуруҳлар — ана ўшалар дўзахда ҳамиша қолишдан саломатдирлар, ана ўшалар ҳидоят йўлидадирлар.

وَتِلْكَ حُجَّتُنَآ ءَاتَيْنَٰهَآ إِبْرَٰهِيمَ عَلَىٰ قَوْمِهِۦ ۚ نَرْفَعُ دَرَجَٰتٍ مَّن نَّشَآءُ ۗ إِنَّ رَبَّكَ
حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴿٨٣﴾

83. Мана шу юқорида зикр этилган ҳужжат ва далилларни (Ҳазрати) Иброҳимга бердик, токи мушрик қавмларни ўша далиллар билан Худо тарафига даъват этсин. Биз Ўзимиз ҳоҳлаган инсоннинг даражасини юқори

кўтарамиз. Албатта, Парвардигоринг баъзиларнинг даражасини баъзилардан баланд қилмоқда ҳикматли, донодир.

وَوَهَبْنَا لَهُۥٓ إِسْحَٰقَ وَيَعْقُوبَ ۚ كُلًّا هَدَيْنَا ۚ وَنُوحًا هَدَيْنَا مِن قَبْلُ ۖ وَمِن ذُرِّيَّتِهِۦ دَاوُۥدَ وَسُلَيْمَٰنَ وَأَيُّوبَ وَيُوسُفَ وَمُوسَىٰ وَهَٰرُونَ ۚ وَكَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٨٤﴾ وَزَكَرِيَّا وَيَحْيَىٰ وَعِيسَىٰ وَإِلْيَاسَ ۖ كُلٌّ مِّنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٨٥﴾ وَإِسْمَٰعِيلَ وَٱلْيَسَعَ وَيُونُسَ وَلُوطًا ۚ وَكُلًّا فَضَّلْنَا عَلَى ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٨٦﴾ وَمِنْ 7 жузъ
ءَابَآئِهِمْ وَذُرِّيَّٰتِهِمْ وَإِخْوَٰنِهِمْ ۖ وَٱجْتَبَيْنَٰهُمْ وَهَدَيْنَٰهُمْ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٨٧﴾

84-87. Иброҳим (алайҳиссалом)га ўғли Исҳоқ (алайҳиссалом)ни ва набираси Яъқуб (алайҳиссалом)ни бердик. Уларни ҳидоят қилиб, пайғамбар қилиб, Нуҳ (алайҳиссалом)нинг зурриётларидан Довуд ва Сулаймон ва Юсуф ва Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссаломлар)ни Пайғамбар қилдик. Ана шу зотларга ўхшаш ҳар бир яхши бандага яхши жазолар (мукофотлар) берамиз ва ҳам Нуҳ (алайҳиссалом)нинг зурриётларидан Закарийё ва Яҳё ва Ийсо ва Илёс (алайиҳимуссаломлар)ни Пайғамбар қилдик. Уларнинг ҳар бирлари солиҳлардан эдилар. Ва Исмоил ва Алясаъ (Ювшаъ пайғамбар) ва Юнус ва Лут (алайҳимуссаломлар)ни ҳам ҳидоят қилдик. Ва Пайғамбар қилдик. Уларнинг ҳар бирига ўша замоннинг халқига нисбатан фазилат (афзаллик) бердик ва ҳам баъзиларининг оталари ва болаларини ва буниродарларини ҳидоят қилдик. Шу пайғамбарларнинг зотларини пайғамбарликка сазовор қилдик ва тўғри йўлга ҳидоят қилдик.

ذَٰلِكَ هُدَى ٱللَّهِ يَهْدِى بِهِۦ مَن يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦ ۚ وَلَوْ أَشْرَكُوا۟ لَحَبِطَ عَنْهُم مَّا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٨٨﴾

88. Аллоҳ таолонинг бандаларига ҳидояти шудирки, кимни хоҳласа, уни ҳидоят қилур. Ва агар улар ширк қилсалар эди, албатта, ҳамма қилган амаллари зое бўлур эди.

أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ ءَاتَيْنَٰهُمُ ٱلْكِتَٰبَ وَٱلْحُكْمَ وَٱلنُّبُوَّةَ ۚ فَإِن يَكْفُرْ بِهَا هَٰٓؤُلَآءِ فَقَدْ وَكَّلْنَا بِهَا قَوْمًا لَّيْسُوا۟ بِهَا بِكَٰفِرِينَ ﴿٨٩﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ هَدَى ٱللَّهُ ۖ فَبِهُدَىٰهُمُ ٱقْتَدِهْ ۗ قُل لَّآ أَسْـَٔلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا ۖ إِنْ هُوَ إِلَّا ذِكْرَىٰ لِلْعَٰلَمِينَ ﴿٩٠﴾

89-90. Ана ўша (юқорида зикр этилган) зотларга Китоб ва ҳикмат ва пайғамбарлик берган эдик. Агар ўша зотларни Қурайш кофирлари инкор қилсалар, у қавмнинг ўрнига бошқа бир қавмни келтирамизки, улар у пайғамбарларга иймон келтирмоқни ҳаргиз инкор қилмайдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у анбиёлар гуруҳики, Худо ҳидоят қилгандир, Сен ўша зотларнинг тавҳидларига иқтидо қилгил. Эй Муҳаммад (алай-

ҳиссалом), кофирларга айттил: «Мен пайғамбарлигим учун сизлардан ажр (ҳақ) сўрамайман. Менинг бу пайғамбарлигим олам халқига панд (насиҳат) бермоқдир».

وَمَا قَدَرُوا۟ ٱللَّهَ حَقَّ قَدْرِهِۦٓ إِذْ قَالُوا۟ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ عَلَىٰ بَشَرٍ مِّن شَىْءٍ ۗ قُلْ مَنْ أَنزَلَ
ٱلْكِتَـٰبَ ٱلَّذِى جَآءَ بِهِۦ مُوسَىٰ نُورًا وَهُدًى لِّلنَّاسِ ۖ تَجْعَلُونَهُۥ قَرَاطِيسَ تُبْدُونَهَا
وَتُخْفُونَ كَثِيرًا ۖ وَعُلِّمْتُم مَّا لَمْ تَعْلَمُوٓا۟ أَنتُمْ وَلَآ ءَابَآؤُكُمْ ۖ قُلِ ٱللَّهُ ۖ ثُمَّ ذَرْهُمْ فِى
7 жузъ خَوْضِهِمْ يَلْعَبُونَ ﴿٩١﴾

91. Аҳли китоблар Худони яхши танимадилар, Худога лойиқ ҳурматни бажо келтирмадилар. Вақтики улар: «Худо башар учун ҳеч бир аҳком юбормади», – деб айтсалар, Сен уларга айттилки: «(Ҳазрати) Мусога келган китоб (Таврот)ни ким юборди? Унда очиқ ва равшан аҳкомлар бор эди ва ҳам (у билан) бандаларни ҳидоят қилди. Сизлар уни қоғозларга ёзиб ошкора қилдингизлар ва кўпларини халқдан пинҳон ҳам тутдингизлар. Ва ота-боболарингиз билмаган нарсалар шу Китобда сизларга таълим берилди». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айттил: «Шу Китобни сизларга Худо нозил қилди». Агар инкор қилсалар, уларни ўз ботил (ақида, амал)ларига ташлаб қўй, машғул бўлаверсинлар.

وَهَـٰذَا كِتَـٰبٌ أَنزَلْنَـٰهُ مُبَارَكٌ مُّصَدِّقُ ٱلَّذِى بَيْنَ يَدَيْهِ وَلِتُنذِرَ أُمَّ ٱلْقُرَىٰ وَمَنْ
حَوْلَهَا ۚ وَٱلَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِٱلْـَٔاخِرَةِ يُؤْمِنُونَ بِهِۦ ۖ وَهُمْ عَلَىٰ صَلَاتِهِمْ يُحَافِظُونَ ﴿٩٢﴾

92. Бу Қуръон Биз нозил қилган фойдали ва баракотли китобдир, ўзидан аввал нозил бўлган китобларни тасдиқ қилгувчидир. Сен бу Қуръон билан Макка аҳлини ва Макка атрофидаги арабларни панд ва насиҳат қиласан. Ҳар кимки охиратга иймон келтирган бўлса, бу Қуръонга ҳам иймон келтиради. Ундай одамлар намозларини ўз вақтида ўқийдилар.

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا أَوْ قَالَ أُوحِىَ إِلَىَّ وَلَمْ يُوحَ إِلَيْهِ شَىْءٌ وَمَن
قَالَ سَأُنزِلُ مِثْلَ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ ۗ وَلَوْ تَرَىٰٓ إِذِ ٱلظَّـٰلِمُونَ فِى غَمَرَٰتِ ٱلْمَوْتِ
وَٱلْمَلَـٰٓئِكَةُ بَاسِطُوٓا۟ أَيْدِيهِمْ أَخْرِجُوٓا۟ أَنفُسَكُمُ ۖ ٱلْيَوْمَ تُجْزَوْنَ عَذَابَ
ٱلْهُونِ بِمَا كُنتُمْ تَقُولُونَ عَلَى ٱللَّهِ غَيْرَ ٱلْحَقِّ وَكُنتُمْ عَنْ ءَايَـٰتِهِۦ تَسْتَكْبِرُونَ ﴿٩٣﴾

93. Ким золимроқ шундай одамданки, Худонинг шаънига ёлғон ва туҳмат қилиб: «Муҳаммад (алайҳиссалом)га ўхшаш менга ҳам Худодан ваҳий келди», – деб айтади. Ваҳоланки, унга ҳеч қандай ваҳий келгани йўқ. Ва яна ким золимроқ шундай одамданки: «Худо нозил қилган Каломнинг мислини (ўхшашини) мен ҳам сўзлайвераман», – деб айтади. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сен золимларнинг ўлим шиддатини (азобини) тортиб турган ҳолларини кўрсанг эди, золимларнинг

ҳолини ёмон аҳволда кўрган бўлур эдинг. Вақтики золимлар жон беришнинг қаттиқлигига мубтало бўладилар, ўша вақтда, жон олувчи азоб фаришталари қабзи руҳ (руҳларини олиш) учун қўлларини узатган ҳолда айтурлар: «Эй кофирлар, руҳларингизни жасадларингиздан чиқарингглар. Бу кун сизлар Худонинг шаънига айтган ноҳақ сўзларингизнинг бадалига хор қилувчи азоб билан азобланасизлар. Ваҳоланки, сизлар у дунёда Худонинг оятларини инкор қилиб, гарданкашлик қилар (бўйин товлар) эдингизлар».

وَلَقَدْ جِئْتُمُونَا فُرَادَىٰ كَمَا خَلَقْنَٰكُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَتَرَكْتُم مَّا خَوَّلْنَٰكُمْ وَرَآءَ **7 жузъ**
ظُهُورِكُمْ ۖ وَمَا نَرَىٰ مَعَكُمْ شُفَعَآءَكُمُ ٱلَّذِينَ زَعَمْتُمْ أَنَّهُمْ فِيكُمْ شُرَكَٰٓؤُا۟ ۚ لَقَد
تَّقَطَّعَ بَيْنَكُمْ وَضَلَّ عَنكُم مَّا كُنتُمْ تَزْعُمُونَ ﴿٩٤﴾

94. Эй кофирлар, Маҳшаргоҳда Бизнинг ҳузуримизга танҳо келасизлар. *Сизларнинг молларингизу фарзандларингиз ва хизматкорларингиз сизлар билан бўлмайди.* Чунки туғилган вақтларингизда сизларни дунёга шундай ҳолда келтирган эрдик. Мен берган дунёни орқаларингизга ташлаб (қолдириб) келасизлар. Бутларингиз – шафоат қилувчи ва «Худога шерик», деб эътиқод қилганларингиз сизлар билан бирга бўлмайди. Албатта, ўрталарингиздаги алоқа узилади. Гумон қилган мақсадларингиз сизлардан йўқ бўлади ва ҳосил бўлмайди.

۞ إِنَّ ٱللَّهَ فَالِقُ ٱلْحَبِّ وَٱلنَّوَىٰ ۖ يُخْرِجُ ٱلْحَىَّ مِنَ ٱلْمَيِّتِ وَمُخْرِجُ ٱلْمَيِّتِ مِنَ ٱلْحَىِّ ۚ
ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ ۖ فَأَنَّىٰ تُؤْفَكُونَ ﴿٩٥﴾ فَالِقُ ٱلْإِصْبَاحِ وَجَعَلَ ٱلَّيْلَ سَكَنًا وَٱلشَّمْسَ
وَٱلْقَمَرَ حُسْبَانًا ۚ ذَٰلِكَ تَقْدِيرُ ٱلْعَزِيزِ ٱلْعَلِيمِ ﴿٩٦﴾

95-96. Албатта, Аллоҳ таоло ернинг тагидан донларни ва донак (уруғ)ларни ёриб кўкартирувчидир. Жонлиларни жонсизлардан чиқарувчидир ва ҳам жонсизлардан жонлиларни чиқаргувчидир. Бас, қайси тарафга ўгириласизлар (оғиб кетасизлар)? Аллоҳ таоло қоронғу кечадан субҳни яратувчидир. Аллоҳ таоло сизларнинг ором олишингиз учун кечани яратди. Ва ҳам сизларга ибодат вақтларини ҳисоб қилиб билмоқларингиз учун ой ва кун (қуёш)ни яратди. Шу ой ва қуёшнинг ҳаракатлари Парвардигорнинг амридадир. Ва бу - бандаларга ғолиб ва доно (Парвардигорнинг тақдири)дир.

وَهُوَ ٱلَّذِى جَعَلَ لَكُمُ ٱلنُّجُومَ لِتَهْتَدُوا۟ بِهَا فِى ظُلُمَٰتِ ٱلْبَرِّ وَٱلْبَحْرِ ۗ قَدْ فَصَّلْنَا
ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٩٧﴾ وَهُوَ ٱلَّذِىٓ أَنشَأَكُم مِّن نَّفْسٍ وَٰحِدَةٍ فَمُسْتَقَرٌّ
وَمُسْتَوْدَعٌ ۗ قَدْ فَصَّلْنَا ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يَفْقَهُونَ ﴿٩٨﴾

97-98. Парвардигор шундай Зотдирки, қудрати комиласи бирла қоронғу кечаларда дашту дарёда адашмасдан йўлни топиб юрмоқларингиз учун сизларга юлдузларни халқ қилди. Албатта, Биз қудратимиз бирла билувчи

кишилар учун аломатларни равшан ва зоҳир қилиб қўйдик. У Парвардигор шундай Зотки, танҳо ҳазрати Одамдан сизларни халқ қилди. Ерни сизларга қароргоҳ этди ва қабрга сизларни омонат қўйди[1]. Ва фаҳм қилгувчиларга оятларимизни равшан (батафсил) баён қилдик.

وَهُوَ ٱلَّذِىٓ أَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَأَخْرَجْنَا بِهِۦ نَبَاتَ كُلِّ شَىْءٍ فَأَخْرَجْنَا مِنْهُ خَضِرًا نُّخْرِجُ مِنْهُ حَبًّا مُّتَرَاكِبًا وَمِنَ ٱلنَّخْلِ مِن طَلْعِهَا قِنْوَانٌ دَانِيَةٌ وَجَنَّٰتٍ مِّنْ أَعْنَابٍ وَٱلزَّيْتُونَ وَٱلرُّمَّانَ مُشْتَبِهًا وَغَيْرَ مُتَشَٰبِهٍ ٱنظُرُوٓا۟ إِلَىٰ ثَمَرِهِۦٓ إِذَآ أَثْمَرَ

7 жузъ وَيَنْعِهِۦٓ إِنَّ فِى ذَٰلِكُمْ لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٩٩﴾

99. Худованди таоло шундай Зотдирки, осмондан ёмғирлар ёғдирди. Шу ёмғир сабаби билан ердан ўсимликларни чиқарди. У ўсимликлардан кўп баргларни пайдо этдик ва унинг шохларидан чизилган доналарни халқ қилдик. Хурмоларнинг ғунчаларидан ерга эгилган бошларни яратдик ва ҳам узумзор боғлар барпо қилдик ва зайтун ва анор дарахтларини пайдо қилдик. Буларнинг меваларидан баъзилари бир-бирига ўхшайди ва баъзилари ўхшамайди. Бу дарахтларнинг меваларига назар солинглар, хомлик ҳолатида қандай аччиқдир ва пишган ҳолатида қандай лаззатлидир. Албатта, шу зикр қилган нарсаларимизда мўминлар учун Аллоҳ таолонинг қудратига далолат қилгувчи нишоналар бордир.

وَجَعَلُوا۟ لِلَّهِ شُرَكَآءَ ٱلْجِنَّ وَخَلَقَهُمْ وَخَرَقُوا۟ لَهُۥ بَنِينَ وَبَنَٰتٍۭ بِغَيْرِ عِلْمٍ سُبْحَٰنَهُۥ وَتَعَٰلَىٰ عَمَّا يَصِفُونَ ﴿١٠٠﴾ بَدِيعُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ أَنَّىٰ يَكُونُ لَهُۥ وَلَدٌ وَلَمْ تَكُن لَّهُۥ صَٰحِبَةٌ وَخَلَقَ كُلَّ شَىْءٍ وَهُوَ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿١٠١﴾

100-101. Мажусийлар дев ва жинларни Худога шерик қилдилар. «Шарр (ёмонлик)ни девлар яратади ва хайрни Худо яратади», — дедилар. Ваҳоланки, ҳаммасини ҳам Худо яратади. Баъзи кофирлар жаҳолат орқасида Худога ўғил ва қизларни муқаррар қилдилар. Аллоҳ таоло улар сифатлаётган нарсалардан покдир. Аллоҳ таоло осмон ва заминни мавжуд қилгувчидир. Унинг хотини бўлмаса, унда қандай бола бўлсин? Ваҳоланки, У ҳамма нарсани халқ қилгандир ва У ҳар бир нарсани (билгувчи) donoдир.

ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبُّكُمْ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ خَٰلِقُ كُلِّ شَىْءٍ فَٱعْبُدُوهُ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ وَكِيلٌ ﴿١٠٢﴾

102. Сизларнинг Парвардигорингиз шундай сифатли Аллоҳдир, Ундан бошқа ибодатга лойиқ ҳеч маъбуд йўқдир. Ҳар бир нарсани халқ қилгувчидир. Бас, Унга ибодат қилинглар ва У ҳар бир нарсани тасарруф қилгувчидир.

[1] Баъзи муфассирлар қароргоҳдан мақсад — она қорни, омонат жойдан мурод — ота пушти эканлигини таъкидлаганлар.

لَّا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ وَهُوَ يُدْرِكُ الْأَبْصَارَ ۖ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ ﴿١٠٣﴾

103. Ҳеч бир кўз Худонинг ҳақиқатини идрок қила олмайди. Аллоҳ таоло кўз аҳлларининг ҳақиқатини идрок қилади. Аллоҳ таоло бандаларга марҳаматли ва аҳволларини (билгувчи) донодир. *Кўзларда ул тоқат йўқдирки, Аллоҳ таолони кўра олсин. Лекин ўз лутф ва карами ила Ўзини кўрсатмоқчи бўлса, у ҳолда ожиз бандаларининг кўзларига кўра оладиган тоқат ҳам пайдо қилур. Чунончи, Қиёмат куни жаннатда мўминларга мартабаларига муносиб дийдор насиб бўлур.*

قَدْ جَاءَكُم بَصَائِرُ مِن رَّبِّكُمْ ۖ فَمَنْ أَبْصَرَ فَلِنَفْسِهِ ۖ وَمَنْ عَمِيَ فَعَلَيْهَا ۚ وَمَا أَنَا 7 жузъ
عَلَيْكُم بِحَفِيظٍ ﴿١٠٤﴾

104. Эй мўминлар, сизларга Парвардигорингиз тарафидан равшан далиллар келди. Бас, ҳар ким бу далилларни кўриб, ҳақиқатга тушунса, фойдаси ўзининг нафсигадир. Ва ҳар ким бу далилларни кўрмаса ва ҳақиқатини фаҳмламаса, зарари ўзининг нафсигадир. Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Мен сизларнинг амалларингизга вакил (қўриқчи, муҳофазакор) эмасман».

وَكَذَٰلِكَ نُصَرِّفُ الْآيَاتِ وَلِيَقُولُوا دَرَسْتَ وَلِنُبَيِّنَهُ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿١٠٥﴾

105. Биз далилларимизни ҳар хил ранг (мазмун ва услуб)да баён қилдик. Шунга ўхшаш ранго-ранг далилларимизни баён қиламиз ва Муҳаммад (алайҳиссалом)га тушунтирамиз, токи кофирлар: «Сен бу далилларни бошқадан таълим олаяпсан»,- деб айтмасинлар. Ва ҳам бу диннинг далилларини билгувчи, доно қавмларга баён этамиз.

اتَّبِعْ مَا أُوحِيَ إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ ۖ لَا إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ۖ وَأَعْرِضْ عَنِ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٠٦﴾ وَلَوْ
شَاءَ اللَّهُ مَا أَشْرَكُوا ۗ وَمَا جَعَلْنَاكَ عَلَيْهِمْ حَفِيظًا ۖ وَمَا أَنتَ عَلَيْهِم بِوَكِيلٍ ﴿١٠٧﴾

106-107. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга Парвадигорингдан нима ҳукм келса, шунга амал қилгил. Бир Худодан бошқа ҳеч худо йўқ. Мушриклардан ва уларнинг амалларидан юз ўтиргил. Ва агар Худойи таоло уларнинг Худони бир билишликларини хоҳласа эди, улар мушрик бўлмас эдилар. Лекин Мен Сени уларнинг амаллари учун ҳофиз ва сақловчи (қилиб) яратмадим ва уларнинг қилган ишларини тасарруф этувчи ҳам эмассан.

وَلَا تَسُبُّوا الَّذِينَ يَدْعُونَ مِن دُونِ اللَّهِ فَيَسُبُّوا اللَّهَ عَدْوًا بِغَيْرِ عِلْمٍ ۗ كَذَٰلِكَ
زَيَّنَّا لِكُلِّ أُمَّةٍ عَمَلَهُمْ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّهِم مَّرْجِعُهُمْ فَيُنَبِّئُهُم بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٠٨﴾

108. Эй мўминлар, кофирларнинг Худодан бошқа ибодат қиладиган бутларини сўкманглар. Чунки сизга муқобил бўлиб, жаҳл билан билмасдан Худони сўкадилар. Кофирларга ўз амалларини яхши кўрсатган эдик,

шунга ўхшаш ҳар бир миллатнинг амалини ўзига яхши кўрсатдик. Улар ўлгандан сўнг Худонинг ҳузурига борадилар, Худойи таоло уларни (қилган) амалларидан огоҳлантириб, жазо беради.

وَأَقْسَمُوا بِاللَّهِ جَهْدَ أَيْمَٰنِهِمْ لَئِن جَآءَتْهُمْ ءَايَةٌ لَّيُؤْمِنُنَّ بِهَا ۚ قُلْ إِنَّمَا ٱلْءَايَٰتُ عِندَ
ٱللَّهِ ۖ وَمَا يُشْعِرُكُمْ أَنَّهَآ إِذَا جَآءَتْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٠٩﴾

109. Кофирлар Худонинг номига таъкидлаб қасам ичдиларки, агар
уларнинг талаб қилган мўъжизалари келса, иймон келтирар эканлар.
8 жузъ Айтгин, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Худо бу мўъжизаларни юборишга қодирдир. Бу Худонинг наздида осондир». Лекин сизлар қаердан биласизларки, мўъжизалар келса, улар иймон келтирадилар. Балки, ҳаргиз иймон келтирмаслар.

وَنُقَلِّبُ أَفْـِٔدَتَهُمْ وَأَبْصَٰرَهُمْ كَمَا لَمْ يُؤْمِنُوا بِهِۦٓ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَنَذَرُهُمْ فِى طُغْيَٰنِهِمْ
يَعْمَهُونَ ﴿١١٠﴾

110. Бизлар кофирларнинг дилларини ва ҳам кўзларини ботил тарафига айлантирамиз. Улар аввалида иймон келтирмаганларига ўхшаш охирида ҳам иймон келтирмаслар. Уларни шу саркашликларига ташлаб қўямиз, токи гумроҳликда саргардон бўлиб юрсинлар.

САККИЗИНЧИ ЖУЗЪ

۞ وَلَوْ أَنَّنَا نَزَّلْنَآ إِلَيْهِمُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةَ وَكَلَّمَهُمُ ٱلْمَوْتَىٰ وَحَشَرْنَا عَلَيْهِمْ كُلَّ شَىْءٍ قُبُلًا
مَّا كَانُوا لِيُؤْمِنُوٓا إِلَّآ أَن يَشَآءَ ٱللَّهُ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ يَجْهَلُونَ ﴿١١١﴾

111. Агар кофирларга осмондан малоикаларни туширсак ва ўлганлар тирилиб, Исломнинг ҳақлигига гувоҳлик берсалар ҳам ва дунёдаги ҳамма ашёлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб гувоҳлик берсалар ҳам, у кофирлар иймон келтирмаслар. Фақат Худо ҳидоят қилиб, тавфиқ берсагина (иймон келтирурлар). Лекин аксар кофирлар камоли жаҳолатдан ҳақиқатни билмайдилар.

وَكَذَٰلِكَ جَعَلْنَا لِكُلِّ نَبِىٍّ عَدُوًّا شَيَٰطِينَ ٱلْإِنسِ وَٱلْجِنِّ يُوحِى بَعْضُهُمْ إِلَىٰ
بَعْضٍ زُخْرُفَ ٱلْقَوْلِ غُرُورًا ۚ وَلَوْ شَآءَ رَبُّكَ مَا فَعَلُوهُ ۖ فَذَرْهُمْ وَمَا يَفْتَرُونَ
﴿١١٢﴾ وَلِتَصْغَىٰٓ إِلَيْهِ أَفْـِٔدَةُ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِٱلْءَاخِرَةِ وَلِيَرْضَوْهُ وَلِيَقْتَرِفُوا مَا
هُم مُّقْتَرِفُونَ ﴿١١٣﴾

112-113. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга душманлар пайдо бўлганидек, аввалги ўтган пайғамбарларга ҳам душманлар пайдо бўлган эди.

Улар инсоннинг шайтонларидан ва жиннинг шайтонларидан бўлиб, баъзилари баъзиларига ёлғон гапларни тўқиб ва фириб бериб, васваса қилиб йўлдан оздирар эдилар. Агар Худойи таоло уларнинг иймон келтиришларини ҳоҳлаганда эди, бу ишларни қилмаган бўлар эдилар. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен уларни ўз ёлғонларига ташлаб қўй. У шайтонлар шунинг учун ёлғонлар тўқир эдиларки, токи охиратта иймони йўқ кофирларнинг диллари бу сўзларга мойил бўлсин, шу ёлғонлардан рози бўлсинлар ва гуноҳларга муртакиб (бардавом) бўлсинлар.

أَفَغَيْرَ ٱللَّهِ أَبْتَغِى حَكَمًا وَهُوَ ٱلَّذِىٓ أَنزَلَ إِلَيْكُمُ ٱلْكِتَٰبَ مُفَصَّلًا ۚ وَٱلَّذِينَ 8 жузъ
ءَاتَيْنَٰهُمُ ٱلْكِتَٰبَ يَعْلَمُونَ أَنَّهُۥ مُنَزَّلٌ مِّن رَّبِّكَ بِٱلْحَقِّ ۖ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ
ٱلْمُمْتَرِينَ ﴿١١٤﴾

114. Эй аҳли китоблар, сизлар билан бўлган ихтилофимиз учун Аллоҳдан бошқа ҳукм қилувчини ахтарайми? Ваҳоланки, У Зот сизларга Қуръонни нозил қилди ва унда ҳақ ва ботилни баён этди. Мен Китоб берган аҳли китоб жамоалари (яҳудий ва насронийлар) билдиларки, бу Қуръон Худо тарафидан ҳақ билан нозил бўлгандир. Сен уларнинг ботил сўзларига бовар қилиб (ишониб), шак қилгувчилардан бўлмагил.

وَتَمَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ صِدْقًا وَعَدْلًا ۚ لَّا مُبَدِّلَ لِكَلِمَٰتِهِۦ ۚ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿١١٥﴾

115. Ва Парвардигорингиз сўзи ростлик ва тўғриликда тамом (комил)дир, унинг сўзларини ўзгартирувчи ҳеч ким йўқдир. Аллоҳ таоло кофирларнинг сўзларини эшитгувчи ва асрорларини билгувчидир.

وَإِن تُطِعْ أَكْثَرَ مَن فِى ٱلْأَرْضِ يُضِلُّوكَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ ۚ إِن يَتَّبِعُونَ إِلَّا ٱلظَّنَّ
وَإِنْ هُمْ إِلَّا يَخْرُصُونَ ﴿١١٦﴾

116. Агар Сен, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ер юзидаги кўп жоҳилларга итоат қилсанг, Сени Худонинг йўлидан гумроҳ қиладилар. Улар (фақат) ўзларининг гумонларига мувофиқ амал қиладилар, улар фақат ёлғончидирлар, холос.

إِنَّ رَبَّكَ هُوَ أَعْلَمُ مَن يَضِلُّ عَن سَبِيلِهِۦ ۖ وَهُوَ أَعْلَمُ بِٱلْمُهْتَدِينَ ﴿١١٧﴾

117. Албатта, Парвардигоринг Ўз йўлидан адашганларнинг аҳволини ва ҳам ҳидоят топганларнинг аҳволини (билгувчи) донодир.

فَكُلُوا۟ مِمَّا ذُكِرَ ٱسْمُ ٱللَّهِ عَلَيْهِ إِن كُنتُم بِـَٔايَٰتِهِۦ مُؤْمِنِينَ ﴿١١٨﴾ وَمَا لَكُمْ أَلَّا
تَأْكُلُوا۟ مِمَّا ذُكِرَ ٱسْمُ ٱللَّهِ عَلَيْهِ وَقَدْ فَصَّلَ لَكُم مَّا حَرَّمَ عَلَيْكُمْ إِلَّا مَا
ٱضْطُرِرْتُمْ إِلَيْهِ ۗ وَإِنَّ كَثِيرًا لَّيُضِلُّونَ بِأَهْوَآئِهِم بِغَيْرِ عِلْمٍ ۗ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ أَعْلَمُ
بِٱلْمُعْتَدِينَ ﴿١١٩﴾

118-119. Эй мўминлар, агар ҳалол ва ҳаром тўғрисида келган оятларга иймонларингиз бўлса, Худонинг номи билан сўйилган ҳайвонларнинг гўштини енглар. Сизларга нима бўлдики, Худонинг номи айтилиб сўйилган ҳайвонларнинг гўштини емайсизлар?! Ваҳоланки, сизларга Парвардигор ҳаром нарсаларни ажратиб баён қилиб берди. «Ҳаромни еманглар», — деб наҳий қилди (тақиқлади). Фақат ҳаром ейишга мажбур бўлсангизлар, у ҳолда сизларга (зарур миқдорда) емак жоиздир. Кўп гумроҳлар илмсизлик орқасида (жоҳилликлари туфайли) оғизлари (сўзлари) билан ҳалолни ҳаром қилиб, сизларни гумроҳ этадилар. Албатта, Аллоҳ
8 жузъ таоло ҳаддан тажовуз қилганларнинг аҳволини (билгувчи) донодир.

وَذَرُوا۟ ظَٰهِرَ ٱلْإِثْمِ وَبَاطِنَهُۥٓ ۚ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَكْسِبُونَ ٱلْإِثْمَ سَيُجْزَوْنَ بِمَا كَانُوا۟
يَقْتَرِفُونَ ﴿١٢٠﴾

120. Эй мўминлар, гуноҳни хоҳ зоҳиран (очиқ) ва ё ботинан (махфий ҳолатда) бўлсин, тарк этинглар. Қайси бир гуруҳки, гуноҳини зоҳиран ва ботинан касб этади, уларга Аллоҳ таоло тарафидан касбларига мувофиқ жазо берилади.

وَلَا تَأْكُلُوا۟ مِمَّا لَمْ يُذْكَرِ ٱسْمُ ٱللَّهِ عَلَيْهِ وَإِنَّهُۥ لَفِسْقٌ ۗ وَإِنَّ ٱلشَّيَٰطِينَ
لَيُوحُونَ إِلَىٰٓ أَوْلِيَآئِهِمْ لِيُجَٰدِلُوكُمْ ۖ وَإِنْ أَطَعْتُمُوهُمْ إِنَّكُمْ لَمُشْرِكُونَ ﴿١٢١﴾

121. Эй мўминлар, Худонинг номи айтилмай сўйилган ҳайвонларнинг гўштини еманглар. Ҳаромни емоқ фисқдир. Албатта, шайтонлар ўзларининг дўстларини васваса қилиб, сизлар билан хусумат қилдиради. Агар Худонинг амрини қўйиб, шайтонларга итоат қилсангизлар, сизлар ҳам мушриклардан бўлурсизлар.

أَوَمَن كَانَ مَيْتًا فَأَحْيَيْنَٰهُ وَجَعَلْنَا لَهُۥ نُورًا يَمْشِى بِهِۦ فِى ٱلنَّاسِ كَمَن مَّثَلُهُۥ
فِى ٱلظُّلُمَٰتِ لَيْسَ بِخَارِجٍ مِّنْهَا ۚ كَذَٰلِكَ زُيِّنَ لِلْكَٰفِرِينَ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٢٢﴾

122. Оё бир одамики ўлик (кофир) эди, бизлар унга ҳаёт бериб (иймон билан) тирилтирсак ва ҳам унинг дилига бир нур (иймон)ни ато қилсак, халқ ичида шу нур билан юрса; яна бир одамики зулматда қолган бўлса, ундан чиқа олмаса, ҳар иккови баробар бўлурми? *Ҳаргиз баробар бўлмас.* Ана шундай, кофирларга ҳар бир иш-амалларини чиройли қилиб кўрсатиб қўйдик.

وَكَذَٰلِكَ جَعَلْنَا فِى كُلِّ قَرْيَةٍ أَكَٰبِرَ مُجْرِمِيهَا لِيَمْكُرُوا۟ فِيهَا ۖ وَمَا يَمْكُرُونَ
إِلَّا بِأَنفُسِهِمْ وَمَا يَشْعُرُونَ ﴿١٢٣﴾

123. Макка шаҳрининг катталари (зодагонлари) гуноҳкор шақийлардан (бадбахтлардан) бўлгани каби, шунга ўхшаш ҳар бир қишлоқ ва қабилаларнинг катталарини ибтило (синаш) учун гуноҳкор ва ёмонлардан қилиб қўйдик, токи ўша қишлоқларда макр ишлатиб, одамларни яхши

ишлардан манъ қилсинлар. Ваҳоланки, у қилган макрларининг зарари ўз нафсларига бўлади. Буни улар тушунмайдилар.

وَإِذَا جَآءَتْهُمْ ءَايَةٌ قَالُوا۟ لَن نُّؤْمِنَ حَتَّىٰ نُؤْتَىٰ مِثْلَ مَآ أُوتِىَ رُسُلُ ٱللَّهِ ۘ ٱللَّهُ أَعْلَمُ
حَيْثُ يَجْعَلُ رِسَالَتَهُۥ ۗ سَيُصِيبُ ٱلَّذِينَ أَجْرَمُوا۟ صَغَارٌ عِندَ ٱللَّهِ وَعَذَابٌ شَدِيدٌۢ
بِمَا كَانُوا۟ يَمْكُرُونَ ﴿١٢٤﴾

124. Вақтики пайғамбарларга Худо тарафидан бирон мўъжиза (оят) келса, кофирлар айтадиларки: «Пайғамбарларга берилган Китоб ва мўъ-
жизалар бизга ҳам берилмаса, ҳаргиз иймон келтирмаймиз». Улар бил- 8 жузъ
майдиларки, Аллоҳ таоло бу фазилатни хоҳлаган инсонга беради. *Чунки бу рисолат омонатини кимга топширишни (Аллоҳнинг) Ўзи (яхши) билади.* Яқинда бу хил гуноҳга муртакиб бўлгувчиларга Аллоҳнинг ҳузурида хорлик ва расволик етади. Ва мўминларга қилган макрлари бадалига ҳам қаттиқ азобга мубтало бўладилар.

فَمَن يُرِدِ ٱللَّهُ أَن يَهْدِيَهُۥ يَشْرَحْ صَدْرَهُۥ لِلْإِسْلَٰمِ ۖ وَمَن يُرِدْ أَن يُضِلَّهُۥ يَجْعَلْ
صَدْرَهُۥ ضَيِّقًا حَرَجًا كَأَنَّمَا يَصَّعَّدُ فِى ٱلسَّمَآءِ ۚ كَذَٰلِكَ يَجْعَلُ ٱللَّهُ
ٱلرِّجْسَ عَلَى ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٢٥﴾ وَهَٰذَا صِرَٰطُ رَبِّكَ مُسْتَقِيمًا ۗ قَدْ
فَصَّلْنَا ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يَذَّكَّرُونَ ﴿١٢٦﴾

125-126. Кимгаки Худойи таоло ҳидоят қилишни ирода қилса, Исломни қабул қилиш учун дилини (кенг қилиб) очиб қўяди. Ҳар кимни гумроҳ қилишни ирода қилса, Худойи таоло ул шахснинг дилини гўё осмонга чиққандек танг, қаттиқ ва машаққатли қилиб қўяди... Шунингдек, кофирларнинг дилини бу дунёда танг қилгандек, охиратга иймон келтирмаганларга қаттиқ азобни мусаллат қилади. Раббингнинг мана шу йўли — тўғри йўлдир. Бизлар насиҳатни қабул қилгувчилар учун Қуръон оятини очиқ баён қилдик.

۞ لَهُمْ دَارُ ٱلسَّلَٰمِ عِندَ رَبِّهِمْ ۖ وَهُوَ وَلِيُّهُم بِمَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٢٧﴾

127. Аллоҳ таолонинг наздида мана шу насиҳатни қабул қилувчилар учун қилган (солиҳ) амалларининг бадалига беҳишт муайян ва муяссардир. Аллоҳ таоло уларнинг дўсти ва мададкоридир.

وَيَوْمَ يَحْشُرُهُمْ جَمِيعًا يَٰمَعْشَرَ ٱلْجِنِّ قَدِ ٱسْتَكْثَرْتُم مِّنَ ٱلْإِنسِ ۖ وَقَالَ أَوْلِيَآؤُهُم
مِّنَ ٱلْإِنسِ رَبَّنَا ٱسْتَمْتَعَ بَعْضُنَا بِبَعْضٍ وَبَلَغْنَآ أَجَلَنَا ٱلَّذِىٓ أَجَّلْتَ لَنَا ۚ قَالَ
ٱلنَّارُ مَثْوَىٰكُمْ خَٰلِدِينَ فِيهَآ إِلَّا مَا شَآءَ ٱللَّهُ ۗ إِنَّ رَبَّكَ حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴿١٢٨﴾ وَكَذَٰلِكَ
نُوَلِّى بَعْضَ ٱلظَّٰلِمِينَ بَعْضًۢا بِمَا كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿١٢٩﴾

128-129. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), фикр қил, Худойи таоло инсу жинларнинг ҳаммасини Маҳшаргоҳга жам қилиб, сўнгра айтадики: «Эй шайтонлар гуруҳи, инсонларнинг кўпларини иғво қилиб, ўзларингизга тобе этдингизлар». Инсонлардан шайтонларнинг дўстлари айтадиларки: «Эй Парвардигоро, Сен муқаррар қилган муддатгача баъзиларимиз баъзиларимиздан кўп фойда олдик. *Энди ҳолимиз нима бўлади?*» Парвардигор айтадики: «Шайтонлардан олган фойдаларингиз эвазига энди бу кун жойингиз дўзахдир! Ҳамиша у ерда қолурсизлар, магар Худо хоҳлаган киши нажот топади. Албатта, Парвардигоринг бандалар аҳволига ҳукм
8 жузъ қилгувчи ва донодир. Ва шунингдек, жинларни инсонга мусаллат қилганимиздек, баъзи золимларни баъзи золимларга қилган гуноҳларининг бадалига (эвазига) мусаллат қилурмиз».

يَٰمَعْشَرَ ٱلْجِنِّ وَٱلْإِنسِ أَلَمْ يَأْتِكُمْ رُسُلٌ مِّنكُمْ يَقُصُّونَ عَلَيْكُمْ ءَايَٰتِى وَيُنذِرُونَكُمْ لِقَآءَ يَوْمِكُمْ هَٰذَا ۚ قَالُوا۟ شَهِدْنَا عَلَىٰٓ أَنفُسِنَا ۖ وَغَرَّتْهُمُ ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا وَشَهِدُوا۟ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمْ أَنَّهُمْ كَانُوا۟ كَٰفِرِينَ ﴿١٣٠﴾ ذَٰلِكَ أَن لَّمْ يَكُن رَّبُّكَ مُهْلِكَ ٱلْقُرَىٰ بِظُلْمٍ وَأَهْلُهَا غَٰفِلُونَ ﴿١٣١﴾

130-131. Қиёмат куни инсу жинга Худо тарафидан хитоб қилиб, айтилади: «Эй инсонлар ва жинлар гуруҳи, сизларга Менинг ҳукмимни баён қилиб, эшиттиргувчи, Қиёматнинг бўлишидан хабар бергувчи келмадими?» Бу гуруҳ иқрор қилиб, айтадики: «Ори (ҳа), келган эди, лекин бизлар иймон келтирмадик. Бугун азобга мубтало бўлдик». Улар, албатта, рост айтадилар. Уларни дунёнинг тириклиги мағрур қилган эди. Энди бу кун улар ўз нафсларининг зарарига гувоҳлик бериб, куфрларига иқрор бўлмоқдалар. Уларга пайғамбар юбориш ҳукми (ҳикмати) шунинг учундирки, Парвардигоринг бирор қавмни пайғамбар юбормай, бехабар (ғофил) ҳолида ҳалок қилгувчи эмасдир.

وَلِكُلٍّ دَرَجَٰتٌ مِّمَّا عَمِلُوا۟ ۚ وَمَا رَبُّكَ بِغَٰفِلٍ عَمَّا يَعْمَلُونَ ﴿١٣٢﴾

132. Ҳар бир амал қилувчига савоб ва ё иқоб (азоб) мартабаси (даражаси) амалига яраша берилади. Парвардигоринг уларнинг амалларидан ғофил эмасдир.

وَرَبُّكَ ٱلْغَنِىُّ ذُو ٱلرَّحْمَةِ ۚ إِن يَشَأْ يُذْهِبْكُمْ وَيَسْتَخْلِفْ مِنۢ بَعْدِكُم مَّا يَشَآءُ كَمَآ أَنشَأَكُم مِّن ذُرِّيَّةِ قَوْمٍ ءَاخَرِينَ ﴿١٣٣﴾ إِنَّ مَا تُوعَدُونَ لَءَاتٍ ۖ وَمَآ أَنتُم بِمُعْجِزِينَ ﴿١٣٤﴾

133-134. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Парвардигоринг бандаларининг қилган ибодатидан мустағний (беҳожат)дир. Лекин у марҳаматли Зотдир. Агар хоҳласа, сизларни бошқа қавмнинг зурриётидан пайдо қилиб, келтириб қўйганидек, сизларни йўқ қилиб, ўрнингизга бошқа хоҳлаган қавмини олиб келиб қўяди. Албатта, Худо тарафидан

сизларга нима ва қандай ваъда қилинган бўлса, келади. Сизлар Худони ожиз қила олмассизлар.

قُلْ يَٰقَوْمِ ٱعْمَلُوا۟ عَلَىٰ مَكَانَتِكُمْ إِنِّى عَامِلٌ ۖ فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ مَن تَكُونُ
لَهُۥ عَٰقِبَةُ ٱلدَّارِ ۗ إِنَّهُۥ لَا يُفْلِحُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿١٣٥﴾

135. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Макка мушрикларига айтгил: «Сизлар ўз маконларингизда қўлларингиздан келган амални (Исломнинг) зиддига қилаверинглар. Мен ҳам қўлимдан келган ишни қилавераман. Яқинда биласизларки, охиратнинг роҳати кимга муяссар бўлади. Албатта, золимлар нажот топмайдилар. 8 жузъ

وَجَعَلُوا۟ لِلَّهِ مِمَّا ذَرَأَ مِنَ ٱلْحَرْثِ وَٱلْأَنْعَٰمِ نَصِيبًا فَقَالُوا۟ هَٰذَا لِلَّهِ بِزَعْمِهِمْ
وَهَٰذَا لِشُرَكَآئِنَا ۖ فَمَا كَانَ لِشُرَكَآئِهِمْ فَلَا يَصِلُ إِلَى ٱللَّهِ ۖ وَمَا
كَانَ لِلَّهِ فَهُوَ يَصِلُ إِلَىٰ شُرَكَآئِهِمْ ۗ سَآءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴿١٣٦﴾

136. Мушриклар Худо халқ қилган зироатларидан ва ҳайвонотларидан Худога насиба (улуш) муқаррар қиладилар. *Шунга ўхшаш бутлари учун ҳам насиба муқаррар этадилар.* Бас, ўз гумонларига мувофиқ айтадиларки: «Бу Худо учундир, буниси бутларимиз учундир». Бутларига аталган ҳиссадан ҳаргиз Худонинг ҳиссасига қўшмайдилар. Аммо Худонинг ҳиссасидан бутлар ҳиссасига қўшаверадилар. Агар Худога аталганлари яхшию, бутларга аталганлари ёмон бўлиб қолса, алиштириб қўядилар. *Агар билъакс (аксинча) бўлиб қолса, «Худо муҳтож эмас», деб, алиштирмайдилар.* Бундай ҳукм қилмоқлари ниҳоятда ёмондир.

وَكَذَٰلِكَ زَيَّنَ لِكَثِيرٍ مِّنَ ٱلْمُشْرِكِينَ قَتْلَ أَوْلَٰدِهِمْ
شُرَكَآؤُهُمْ لِيُرْدُوهُمْ وَلِيَلْبِسُوا۟ عَلَيْهِمْ دِينَهُمْ ۖ وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ مَا فَعَلُوهُ ۖ فَذَرْهُمْ
وَمَا يَفْتَرُونَ ﴿١٣٧﴾

137. Шайтонлар мушрикларга болаларини ҳалок этишни ва барбод қилишни, аввалги пайғамбарларидан қолган динларидан адаштиришни, маъбудлари (бутлар)га қурбонлик қилишни зийнатли қилиб кўрсатар эди. Агар Худойи таоло уларнинг ҳидоятини хоҳласа эди, улар бундай қилмаган бўлар эдилар. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларни шу ёлғонлари билан амал қилишга ташлаб қўй.

وَقَالُوا۟ هَٰذِهِۦٓ أَنْعَٰمٌ وَحَرْثٌ حِجْرٌ لَّا يَطْعَمُهَآ إِلَّا مَن نَّشَآءُ بِزَعْمِهِمْ وَأَنْعَٰمٌ
حُرِّمَتْ ظُهُورُهَا وَأَنْعَٰمٌ لَّا يَذْكُرُونَ ٱسْمَ ٱللَّهِ عَلَيْهَا ٱفْتِرَآءً عَلَيْهِ ۚ سَيَجْزِيهِم بِمَا
كَانُوا۟ يَفْتَرُونَ ﴿١٣٨﴾

138. Бу кофирлар айтадики: «Бу ҳайвонотлар, бу экинзорлар ҳаромдир. Ҳеч ким бундан фойда олмайди, магар ўзимиз хоҳлаган одамга (фой-

даланмоқ учун) берамиз». Бундай далилсиз ва ҳужжатсиз ҳукмни ўз фикрларига мувофиқ қилур эдилар. Ва: «Бу ҳайвонотларга минмоқ ҳаром қилинган, *яъни, ҳеч ким Унга минмайди ва юклар ҳам юкламайди»,* – деб айтардилар. Ҳайвонотларни сўйган вақтларида Худонинг номини тилга олмасдан, бутларнинг номига қурбонлик қилардилар ва «Бизга Худо шундай буюрган», – деб, Худога туҳмат қилардилар. Худойи таоло уларнинг туҳматлари бадалига Қиёмат куни жазо беради.

وَقَالُوا۟ مَا فِى بُطُونِ هَٰذِهِ ٱلْأَنْعَٰمِ خَالِصَةٌ لِّذُكُورِنَا وَمُحَرَّمٌ عَلَىٰٓ أَزْوَٰجِنَا ۖ
8 жузъ وَإِن يَكُن مَّيْتَةً فَهُمْ فِيهِ شُرَكَآءُ ۚ سَيَجْزِيهِمْ وَصْفَهُمْ ۚ إِنَّهُۥ حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴿١٣٩﴾

139. Кофирлар айтадиларки: *«Баҳийра» ва «соиба» бўлган* ҳайвонлар қоринларидаги болаларини агар тирик туғсалар, эркакларимизга ҳалолдир, хотинларимизга ҳаромдир. Агар ўлик туғса, ҳаммага ҳалолдир». Худойи таоло уларни (ўз раъйларича) ҳалол-ҳаром деб сифатлаганлари учун зуд (тезда) жазолайди. Чунки Аллоҳ таоло бандаларга ҳукм қилгувчи, аҳволларига донодир.

قَدْ خَسِرَ ٱلَّذِينَ قَتَلُوٓا۟ أَوْلَٰدَهُمْ سَفَهًۢا بِغَيْرِ عِلْمٍ وَحَرَّمُوا۟ مَا رَزَقَهُمُ ٱللَّهُ ٱفْتِرَآءً
عَلَى ٱللَّهِ ۚ قَدْ ضَلُّوا۟ وَمَا كَانُوا۟ مُهْتَدِينَ ﴿١٤٠﴾

140. У кофирлар жамоасиким, ўз авлодларини камоли жаҳолат билан ўлдирадилар. Яъни, қизларини тириклай кўмадилар. Худо муқаддар (тақдир) қилган ризқни ўзларига ҳаром қилдилар. Худога ёлғон нисбат бердилар, ўзларига оғир зиён келтирдилар. Улар гумроҳ бўлдилар ва ҳидоят йўлини топмадилар.

۞ وَهُوَ ٱلَّذِىٓ أَنشَأَ جَنَّٰتٍ مَّعْرُوشَٰتٍ وَغَيْرَ مَعْرُوشَٰتٍ وَٱلنَّخْلَ وَٱلزَّرْعَ مُخْتَلِفًا
أُكُلُهُۥ وَٱلزَّيْتُونَ وَٱلرُّمَّانَ مُتَشَٰبِهًا وَغَيْرَ مُتَشَٰبِهٍ ۚ كُلُوا۟ مِن ثَمَرِهِۦٓ إِذَآ
أَثْمَرَ وَءَاتُوا۟ حَقَّهُۥ يَوْمَ حَصَادِهِۦ ۖ وَلَا تُسْرِفُوٓا۟ ۚ إِنَّهُۥ لَا يُحِبُّ ٱلْمُسْرِفِينَ ﴿١٤١﴾

141. Парвардигор ул Зотдирки, бўстонларни пайдо қилди. Унда юқорига кўтарилган ва кўтарилмаган токлар бордир. Ва ҳам хурмони ва зироатларни пайдо қилди. Уларнинг мевалари ҳар хилдир. Ва ҳам зайтун дарахтининг ва ҳам анор дарахтининг мевалари ҳар рангда ва лаззатдадир. Баъзи (жиҳат)лари бир-бирига ўхшайди ва баъзилари ўхшамайди. Агар бу дарахтлар мева қилса, енглар. Худонинг ҳаққини (закотини) адо этинглар, агар дон бўлса, ўрилган вақтида адо қилинглар, агар мева бўлса, терилган вақтида адо этинглар. Ва бефойда сарф қилиб, исроф қилманглар. Худойи таоло исроф қилгувчиларни дўст тутмайди.

وَمِنَ ٱلْأَنْعَٰمِ حَمُولَةً وَفَرْشًا ۚ كُلُوا۟ مِمَّا رَزَقَكُمُ ٱللَّهُ وَلَا تَتَّبِعُوا۟ خُطُوَٰتِ
ٱلشَّيْطَٰنِ ۚ إِنَّهُۥ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿١٤٢﴾

142. Ва ҳам Парвардигор юк ортадиган жониворларни сизлар учун халқ қилди. Ва сўйиб гўштини еб, пўстини ерга тўшайдиган жониворларни ҳам енглар. Сизлар учун ҳалол қилинган ризқлардан ўзларингизча ҳалолни ҳаром қилиб шайтонга тобе бўлманглар. Шайтон сизларга равшан (аниқ) душмандир.

ثَمَـٰنِيَةَ أَزْوَٰجٍ مِّنَ ٱلضَّأْنِ ٱثْنَيْنِ وَمِنَ ٱلْمَعْزِ ٱثْنَيْنِ قُلْ ءَآلذَّكَرَيْنِ حَرَّمَ
أَمِ ٱلْأُنثَيَيْنِ أَمَّا ٱشْتَمَلَتْ عَلَيْهِ أَرْحَامُ ٱلْأُنثَيَيْنِ نَبِّـُٔونِى بِعِلْمٍ إِن كُنتُمْ
صَـٰدِقِينَ ﴿١٤٣﴾ وَمِنَ ٱلْإِبِلِ ٱثْنَيْنِ وَمِنَ ٱلْبَقَرِ ٱثْنَيْنِ قُلْ ءَآلذَّكَرَيْنِ حَرَّمَ أَمِ 8 жузъ
ٱلْأُنثَيَيْنِ أَمَّا ٱشْتَمَلَتْ عَلَيْهِ أَرْحَامُ ٱلْأُنثَيَيْنِ أَمْ كُنتُمْ شُهَدَآءَ إِذْ وَصَّىٰكُمُ
ٱللَّهُ بِهَـٰذَا فَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا لِّيُضِلَّ ٱلنَّاسَ بِغَيْرِ عِلْمٍ إِنَّ
ٱللَّهَ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلظَّـٰلِمِينَ ﴿١٤٤﴾

143-144. Худойи таоло саккиз жуфт ҳайвонни яратди: қўйдан эркак ва урғочи икки жуфтни ва эчкидан икки жуфтни. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгилки: «Худо уларнинг эркагини ҳаром қилганми ё урғочисини ҳаром қилганми? Ёинки урғочининг қорнидаги боласини ҳаром қилганми? Агар сизлар ростгўй бўлсангизлар, билиб, менга хабар берингла р-чи?». Шунга ўхшаш туялардан икки жуфт, молдан икки жуфт яратди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Худо сизларга эркакларини ҳаром қилганми ё урғочиларини ҳаром қилганми? Ёинки урғочиларининг қоринларидаги болаларини ҳаром қилганми? Ё Худо «ҳаром» деб ҳукм қилган вақтда сизлар ҳозир эдингизлармиʔ Худога ёлғон нисбат берувчилардан золимроқ ким бордир? Улар ҳалол ва ҳаромни ўзларича Худога нисбат бериб, ҳеч қандай далилсиз халқни гумроҳ қилмоқчи бўладилар. Аллоҳ таоло золимларни ҳидоят қилмайди.

قُل لَّآ أَجِدُ فِى مَآ أُوحِىَ إِلَىَّ مُحَرَّمًا عَلَىٰ طَاعِمٍ يَطْعَمُهُۥٓ إِلَّآ أَن يَكُونَ مَيْتَةً أَوْ
دَمًا مَّسْفُوحًا أَوْ لَحْمَ خِنزِيرٍ فَإِنَّهُۥ رِجْسٌ أَوْ فِسْقًا أُهِلَّ لِغَيْرِ ٱللَّهِ بِهِۦ فَمَنِ
ٱضْطُرَّ غَيْرَ بَاغٍ وَلَا عَادٍ فَإِنَّ رَبَّكَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٤٥﴾

145. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у кофирларга айтгил: «Худонинг Менга юборган ҳалол-ҳаром тўғрисидаги оятларида сиз егувчиларга ҳаром қилинган нарсаларни кўрмаяпман, магар Худонинг «ҳаром» деб, ҳукм қилган нарсалари шулардан иборатдир: *биринчи* – ўзи ўлиб қолган жониворнинг гўшти; *иккинчи* – сўйганда бўғзидан чиққан қон; *учинчи* – тўнғизнинг гўшти, *чунки у палиддир*. Яна фисқ билан сўйилган, яъни, Худодан бошқа бутларнинг номи билан сўйилган жониворлар ҳаром қилинди. Лекин кимки очликдан мажбур бўлиб қолган *ё мажбур қилинган бўлса, аммо башарти бировдан зулм қилиб тортиб олмаган бўлса* ва ҳам заруратдан ортиқ емаса, шу шартлар билан (юқорида) зикр этилган ҳаромларни

емоқ мумкин бўлади. Албатта, Парвардигоринг заруратдан еганларни кечиргувчи ва бандаларга меҳрибондир.

وَعَلَى ٱلَّذِينَ هَادُواْ حَرَّمْنَا كُلَّ ذِى ظُفُرٍ ۖ وَمِنَ ٱلْبَقَرِ وَٱلْغَنَمِ حَرَّمْنَا
عَلَيْهِمْ شُحُومَهُمَآ إِلَّا مَا حَمَلَتْ ظُهُورُهُمَآ أَوِ ٱلْحَوَايَآ أَوْ مَا ٱخْتَلَطَ بِعَظْمٍ ۚ
ذَٰلِكَ جَزَيْنَٰهُم بِبَغْيِهِمْ ۖ وَإِنَّا لَصَٰدِقُونَ ﴿١٤٦﴾

146. Яҳудларга Биз ҳар бир тирноқли жониворни, яъни, дарранда
8 жузъ жониворлардан ва паррандалардан *(хўроз, ўрдак), туя ва туяқуш кабиларни* ҳаром қилдик. Лекин мол ва қўйлардан чарбиларини (ёғларини) ҳаром қилдик, магар орқасига (ё биқинларига ёпишган чарби бўлса) ёки суягига ёпишган чарби бўлса, улар ҳалолдир. Уларга бу ҳаром қилмоқлик ўтказган зулмлари бадалига жазодир. Биз ўзимиз берган жазомизда ростгўйдирмиз.

فَإِن كَذَّبُوكَ فَقُل رَّبُّكُمْ ذُو رَحْمَةٍ وَٰسِعَةٍ وَلَا يُرَدُّ بَأْسُهُۥ عَنِ ٱلْقَوْمِ
ٱلْمُجْرِمِينَ ﴿١٤٧﴾

147. Бас, агар кофирлар Сени ёлғончи десалар, уларга айтгилки: «Парвардигорнинг раҳмати кенгдир. Шунинг учун сизларга азоб беришга шошилмайди». Агар гуноҳкор қавмларга азоб юборса, ҳеч ким уни даф қила олмайди.

سَيَقُولُ ٱلَّذِينَ أَشْرَكُواْ لَوْ شَآءَ ٱللَّهُ مَآ أَشْرَكْنَا وَلَآ ءَابَآؤُنَا وَلَا حَرَّمْنَا مِن شَىْءٍ ۚ
كَذَٰلِكَ كَذَّبَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ حَتَّىٰ ذَاقُواْ بَأْسَنَا ۗ قُلْ هَلْ عِندَكُم
مِّنْ عِلْمٍ فَتُخْرِجُوهُ لَنَآ ۖ إِن تَتَّبِعُونَ إِلَّا ٱلظَّنَّ وَإِنْ أَنتُمْ إِلَّا تَخْرُصُونَ ﴿١٤٨﴾

148. Мушриклар яқинда айтадиларки: «Агар Худойи таоло мушрик бўлмаслигимизни ҳоҳлаганда, мушрик бўлмас эдик. Ота-боболаримиз ҳам мушрик бўлмас эдилар. Агар бизнинг бирор нарсани ҳаром қилишимизни ҳоҳламаганда эди, ҳаром қилмаган бўлар эдик. ***Яъни, Худо бизнинг мушрик бўлишимизни хоҳлади, мушрик бўлдик. Ҳаром қилишимизни истади, ҳаром қилдик***». Шуларга ўхшаб, илгариги қавмлар ҳам азобимизни тотгунларига қадар ҳукмларимизни ёлғонга чиқаришган эдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Сизларда бу сўзларингизга бирон ҳужжат бўлса, кўрсатинглар. Сизлар фақат ўз гумонларингизга эргашмоқдасизлар. Сизлар ёлғончидирсизлар!»

قُلْ فَلِلَّهِ ٱلْحُجَّةُ ٱلْبَٰلِغَةُ ۖ فَلَوْ شَآءَ لَهَدَىٰكُمْ أَجْمَعِينَ ﴿١٤٩﴾

149. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: Агар сизларнинг сўзларингизда бирор ҳужжат бўлмаса, бас, Худода сизларнинг ёлғончиликларингизга етарли ҳужжат бордир. Бас, агар Худойи таоло сизларнинг ҳидоятингизни хоҳласа эди, ҳаммаларингизни ҳидоят қилган бўлур эди».

قُلْ هَلُمَّ شُهَدَآءَكُمُ ٱلَّذِينَ يَشْهَدُونَ أَنَّ ٱللَّهَ حَرَّمَ هَـٰذَا ۖ فَإِن شَهِدُوا۟ فَلَا تَشْهَدْ
مَعَهُمْ ۚ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَآءَ ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَـٰتِنَا وَٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِٱلْـَٔاخِرَةِ
وَهُم بِرَبِّهِمْ يَعْدِلُونَ ﴿١٥٠﴾

150. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Гувоҳларингизни келтиринглар, «Ҳақиқатда шу ҳайвонларни Худо ҳаром қилган», деб, сизларнинг сўзларингизга гувоҳлик берсинлар-чи? Бас, агар шундай гувоҳлик берсалар, Сен уларни тасдиқ қилма. Ва Бизнинг оятларимизни таксиб қилувчилар (ёлғонга чиқарувчилар)нинг хоҳишларига ва ҳам охиратта иймон келтирмаганларнинг хоҳишларига юрма. Улар бутларини Худога баробар қиладилар».

8 жузъ

۞ قُلْ تَعَالَوْا۟ أَتْلُ مَا حَرَّمَ رَبُّكُمْ عَلَيْكُمْ ۖ أَلَّا تُشْرِكُوا۟ بِهِۦ شَيْـًٔا ۖ وَبِٱلْوَٰلِدَيْنِ
إِحْسَـٰنًا ۖ وَلَا تَقْتُلُوٓا۟ أَوْلَـٰدَكُم مِّنْ إِمْلَـٰقٍ ۖ نَّحْنُ نَرْزُقُكُمْ وَإِيَّاهُمْ ۖ وَلَا
تَقْرَبُوا۟ ٱلْفَوَٰحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنَ ۖ وَلَا تَقْتُلُوا۟ ٱلنَّفْسَ ٱلَّتِى حَرَّمَ
ٱللَّهُ إِلَّا بِٱلْحَقِّ ۚ ذَٰلِكُمْ وَصَّىٰكُم بِهِۦ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿١٥١﴾

151. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Келинглар, мен сизларга Худо ҳаром қилган нарсаларни ўқиб берай. *Биринчи* – ибодат қилишларингизда ҳеч бир нарсани Худога шерик қилмайсизлар. *Иккинчи* – ҳамиша ота ва оналарингизга яхшилик қиласизлар. Бу ҳукмларни бажо келтирмаслик сизларга ҳаромдир. *Учинчи* – фақирликдан қўрқиб, қизларингизни ўлдирманглар. Биз сизларга ризқ берамиз ва уларга ҳам ризқ берамиз. *Тўртинчи* – ёмон ишларга яқинлашманглар, хоҳ ошкор бўлсин, хоҳ махфий. *Бешинчи* – бирор нафс (жон)ни ноҳақ ўлдирманглар, магар ҳақ билан (ўлдиришларингиз мумкин). Сизларни Худо шу нарсаларга амр қилди. Бу нарсаларни, албатта, фикр қилурсизлар».

وَلَا تَقْرَبُوا۟ مَالَ ٱلْيَتِيمِ إِلَّا بِٱلَّتِى هِىَ أَحْسَنُ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَشُدَّهُۥ ۖ وَأَوْفُوا۟ ٱلْكَيْلَ
وَٱلْمِيزَانَ بِٱلْقِسْطِ ۖ لَا نُكَلِّفُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا ۖ وَإِذَا قُلْتُمْ فَٱعْدِلُوا۟ وَلَوْ كَانَ
ذَا قُرْبَىٰ ۖ وَبِعَهْدِ ٱللَّهِ أَوْفُوا۟ ۚ ذَٰلِكُمْ وَصَّىٰكُم بِهِۦ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿١٥٢﴾ وَأَنَّ
هَـٰذَا صِرَٰطِى مُسْتَقِيمًا فَٱتَّبِعُوهُ ۖ وَلَا تَتَّبِعُوا۟ ٱلسُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَن سَبِيلِهِۦ ۚ
ذَٰلِكُمْ وَصَّىٰكُم بِهِۦ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٥٣﴾

152-153. *Эй васийлар,* Худо сизларга, етимларнинг молларига нуқсон етадиган (тарзда) тасарруф қилмасликни амр қилади. *Зотан, шундай иш тутинглarки, етимга фойдаси бўлсин. Масалан, то ақлли бўлиб, балоғатга етгунча молини тижорат қилиб кўпайтиринглар.* Ундан сўнгра

молини ўзига топширинглар. Бир-бирларингизга муомала қилганда, ўлчовда-тарозуда хиёнат қилмасдан, адолат билан муомалада бўлинглар. Биз ҳеч бир нафсга тоқатидан зиёда ишни буюрмаймиз. Эй ҳокимлар, агар ҳукм қилсангиз, гарчи бу ҳукм қариндошингиз зарарига бўлса ҳам, адолат билан ҳукм қилинглар. Худо билан қилган аҳдларингизга вафо қилинглар. Худо сизларни мана шу яхши ишларга амр қилади. Албатта, яхши ўйлаб, амал қиласизлар. Мана шу Менинг буюрган йўлларим тўғри йўлдир. Шу йўлдан юринглар. Бошқа ҳар хил йўлларга иттибоъ қилманглар (эргашманглар)ки, сизларни Худонинг йўлидан оздириб, гумроҳ қилиб юборади.
8 жузъ Худо сизларни мана шу ишларга буюради. Албатта, шу ишларни бажо қилмасликда Худодан қўрқинглар.

ثُمَّ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَـٰبَ تَمَامًا عَلَى ٱلَّذِىٓ أَحْسَنَ وَتَفْصِيلًا لِّكُلِّ شَىْءٍ
وَهُدًى وَرَحْمَةً لَّعَلَّهُم بِلِقَآءِ رَبِّهِمْ يُؤْمِنُونَ ﴿١٥٤﴾

154. Яна Бани Исроилни огоҳлантириб айтамизки, Биз (Ҳазрати) Мусога Тавротни бердик, токи унинг аҳкомларига яхши амал қилувчиларга эҳсонимизни комил қилмоқ учун ва яҳудларга шариат ҳукмларини баён этиб бермоқ учун ва ҳам халқни ҳидоят қилмоқ учун. Шоядки яҳудлар Худога мулоқий (рўбарў) бўлишга ишонсалар.

وَهَـٰذَا كِتَـٰبٌ أَنزَلْنَـٰهُ مُبَارَكٌ فَٱتَّبِعُوهُ وَٱتَّقُوا۟ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿١٥٥﴾ أَن تَقُولُوٓا۟ إِنَّمَآ
أُنزِلَ ٱلْكِتَـٰبُ عَلَىٰ طَآئِفَتَيْنِ مِن قَبْلِنَا وَإِن كُنَّا عَن دِرَاسَتِهِمْ لَغَـٰفِلِينَ ﴿١٥٦﴾ أَوْ
تَقُولُوا۟ لَوْ أَنَّآ أُنزِلَ عَلَيْنَا ٱلْكِتَـٰبُ لَكُنَّآ أَهْدَىٰ مِنْهُمْ ۚ فَقَدْ جَآءَكُم بَيِّنَةٌ مِّن
رَّبِّكُمْ وَهُدًى وَرَحْمَةٌ ۚ فَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّن كَذَّبَ بِـَٔايَـٰتِ ٱللَّهِ وَصَدَفَ عَنْهَا ۗ
سَنَجْزِى ٱلَّذِينَ يَصْدِفُونَ عَنْ ءَايَـٰتِنَا سُوٓءَ ٱلْعَذَابِ بِمَا كَانُوا۟ يَصْدِفُونَ ﴿١٥٧﴾

155-157. Мана шу – Биз сизларга нозил қилган Қуръон шундай китобдирки, кўп муборак ва манфаатлидир. Шунга амал қилинглар, (унга) хилоф қилишдан қўрқинглар. Агар унга амал қилсангизлар, Худонинг раҳматига сазовор бўласизлар. Бу Қуръонни сизларга шунинг учун нозил қилдикки, токи Қиёмат куни ҳужжат қилиб айтмангларки: «Бизлардан илгари яҳудий ва насроний тоифаларига Китоб нозил қилинган эди. Бизлар уларни ўқишдан, албатта, ожиз бўлганмиз», – деб. Ёки айтмангларки: «Бизларга Китоб нозил бўлганда эди, улардан зиёда ҳидоят топган ва амал қилган бўлар эдик». Мана энди сизларга Худо тарафидан очиқ-равшан шоҳид – Қуръон нозил бўлди, сизларни ҳидоят қилади. Бу – Худо тарафидан сизларга меҳрибонликдир. Бас, энди Худонинг оятларини таксиб қиладиганлардан (ёлғон дейдиганлардан) ва ундан юз ўгирадиганлардан ким золимроқдир? Яқинда Бизнинг оятларимиздан юз ўгирувчиларни амалларига яраша қаттиқ азобга мубтало қиламиз.

هَلْ يَنظُرُونَ إِلَّآ أَن تَأْتِيَهُمُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ أَوْ يَأْتِيَ رَبُّكَ أَوْ يَأْتِيَ بَعْضُ ءَايَٰتِ رَبِّكَ ۗ
يَوْمَ يَأْتِى بَعْضُ ءَايَٰتِ رَبِّكَ لَا يَنفَعُ نَفْسًا إِيمَٰنُهَا لَمْ تَكُنْ ءَامَنَتْ مِن قَبْلُ أَوْ
كَسَبَتْ فِىٓ إِيمَٰنِهَا خَيْرًا ۗ قُلِ ٱنتَظِرُوٓا۟ إِنَّا مُنتَظِرُونَ ﴿١٥٨﴾

158. Қуръонга ва охиратга иймон келтирмаган у кофир гуруҳлар
Парвардигор тарафидан азоб малоикасининг келмоқлигига мунтазир
бўлмоқдалармикан? Ё Худо тарафидан бирон ҳукм келишига, ё баъзи Қиёмат
аломатининг (зоҳир) бўлишига интизор бўлмоқдалармикан? Албатта, мун- 8 жузъ
тазирдирлар. Ҳатто Муҳаммад (алайҳиссалом)га айтадиларки: «Қани биз-
лар учун ваъда қилган (у) азобларинг?» Агар ўша кунда баъзи Қиёмат
аломати зоҳир бўлса, *масалан, офтоб мағриб тарафидан тулу қилса
(чиқса)*, бирор инсонга иймон келтириши ё тавба қилиши фойда бермайди.
Чунки авваллароқ иймон келтирмоқлари ва тавба қилмоқлари керак эди. Эй
Муҳаммад (алайҳиссалом), у кофирларга айтгил: «Худонинг азобига сизлар
ҳам мунтазир бўлиб турингиз, бизлар ҳам Аллоҳнинг марҳамати ва иноя-
тига мунтазир бўлиб турамиз».

إِنَّ ٱلَّذِينَ فَرَّقُوا۟ دِينَهُمْ وَكَانُوا۟ شِيَعًا لَّسْتَ مِنْهُمْ فِى شَىْءٍ ۚ إِنَّمَآ أَمْرُهُمْ إِلَى ٱللَّهِ ثُمَّ
يُنَبِّئُهُم بِمَا كَانُوا۟ يَفْعَلُونَ ﴿١٥٩﴾

159. У аҳли китоб гуруҳлари дин ва иймонларида ихтилоф қилдилар, *яъни, баъзи анбиёларга ишониб ва баъзи анбиёларни инкор қилдилар.* Улар фирқа-фирқа бўлдилар. Уларнинг ҳидояти ва уқубати тўғрисида Сенда ихтиёр йўқдир. Уларнинг ишлари Парвардигорингга ҳаволадир, хоҳласа, азоб беради ва хоҳласа, ҳидоят қилади. Сўнгра Қиёмат куни бўлганда, қилган амалларидан огоҳлантириб, жазо беради.

مَن جَآءَ بِٱلْحَسَنَةِ فَلَهُۥ عَشْرُ أَمْثَالِهَا ۖ وَمَن جَآءَ بِٱلسَّيِّئَةِ فَلَا يُجْزَىٰٓ إِلَّا مِثْلَهَا
وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿١٦٠﴾

160. Кимки бу дунёда ихлос билан бир яхши иш қилса, бас, шу одамнинг номаи аъмолига ўн баробар савоб ёзилади. Кимки бу дунёда қасддан бир гуноҳ иш қилса, унинг номаи аъмолига бир гуноҳ ёзилади. Қиёмат куни шу бир гуноҳга жазо берилади. Улар жазоланишда зулм қилинмайдилар, (лекин) амалларига мувофиқ жазоланадилар.

قُلْ إِنَّنِى هَدَىٰنِى رَبِّىٓ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ دِينًا قِيَمًا مِّلَّةَ إِبْرَٰهِيمَ حَنِيفًا ۚ وَمَا كَانَ
مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿١٦١﴾

161. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Парвардигорим мени тўғри йўлга солди. У Ислом динидир. То Қиёматга қадар давом этади. У Иброҳим (алайҳиссалом) миллатидир. Иброҳим (алайҳиссалом) шу Ислом динини ихтиёр қилган эди, мушриклардан эмас эди».

قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٦٢﴾ لَا شَرِيكَ لَهُ ۖ
وَبِذَٰلِكَ أُمِرْتُ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُسْلِمِينَ ﴿١٦٣﴾

162-163. Айттил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Албатта, Менинг намозим ва ҳажим, тириклигим ва ўлимим – ҳаммаси оламларни яратган, шериги йўқ бир Аллоҳ учундир. Худо тарафидан шундай бўлишга маъмур бўлгандирман. Худога итоат қилувчиларнинг аввали (пешқадами)ман».

8 жузъ قُلْ أَغَيْرَ اللَّهِ أَبْغِي رَبًّا وَهُوَ رَبُّ كُلِّ شَيْءٍ ۚ وَلَا تَكْسِبُ كُلُّ نَفْسٍ إِلَّا عَلَيْهَا ۚ وَلَا
تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ۚ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمْ مَرْجِعُكُمْ فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿١٦٤﴾

164. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айттил: «Мен ибодат қилмоқ учун бир Аллоҳдан бошқа Худони талаб қилайми? Ваҳоланки, Аллоҳ таоло ҳамма нарсани яратгандир. Ҳар бир нафс бир гуноҳ қилса, фақат ўзининг зарарига қилади. Ҳар бир кўтарувчи Қиёмат куни ўзининг гуноҳини кўтаради, бошқа одамнинг гуноҳини кўтармайди, *магар шерик бўлса (кўтаради)*. Сўнгра Қиёмат куни Худонинг олдига (ҳузурига) ружу қилурсиз (қайтурсиз). Сўнгра Худойи таоло сизларни дунёда қилган ихтилофларингиздан огоҳлантиради ва ҳақ ботилдан жудо бўлади».

وَهُوَ الَّذِي جَعَلَكُمْ خَلَائِفَ الْأَرْضِ وَرَفَعَ بَعْضَكُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ
لِيَبْلُوَكُمْ فِي مَا آتَاكُمْ ۗ إِنَّ رَبَّكَ سَرِيعُ الْعِقَابِ وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿١٦٥﴾

165. Ҳақ таоло сизларни ер юзига халифа қилиб яратган Зотдир. Худо Ўзи берган неъматларига шукр қиласизларми ёки йўқми, маълум қилиш (синаш) учун баъзиларингизга мулк-давлат бериб, баъзиларингизнинг мартабангизни юқори қилиб қўяди. Албатта, Парвардигоринг ношукурларни тезда жазолайди. Албатта, У шукр қилгувчиларни кечиргувчидир ва уларга меҳрибондир.

Маккада нозил бўлган бу сура
икки юз олти оятдан иборатдир. 8 жузъ

46-48-оятларида Аърофда, яъни, жаннат ва дўзах аҳли орасидаги баланд бир жойда турган инсонлар ҳақида сўз юритилгани учун ушбу сурага «Аъроф» номи берилган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الٓمٓصٓ ﴿١﴾ كِتَٰبٌ أُنزِلَ إِلَيۡكَ فَلَا يَكُن فِي صَدۡرِكَ حَرَجٞ مِّنۡهُ لِتُنذِرَ بِهِۦ
وَذِكۡرَىٰ لِلۡمُؤۡمِنِينَ ﴿٢﴾ ٱتَّبِعُواْ مَآ أُنزِلَ إِلَيۡكُم مِّن رَّبِّكُمۡ وَلَا تَتَّبِعُواْ مِن دُونِهِۦٓ
أَوۡلِيَآءَۗ قَلِيلٗا مَّا تَذَكَّرُونَ ﴿٣﴾

1-3. Алиф. Лом. Миим. Сод. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Бу Қуръон шундай Китобдирки, у билан кофирларни Худонинг азобидан қўрқитиб, мўминларга панду насиҳат қилмоқ учун Сенга нозил қилинди. Кофирлар инкор қилсалар, дилтанг бўлмагил. У мўминлар учун эслатмадир. Эй мўминлар, Парвардигорингиз тарафидан нозил қилинган Қуръонга тобе бўлинглар ва унга амал қилинглар. Қуръондан бошқага амал қилманглар ва Аллоҳдан бошқани дўст тутманглар. Сизлар камдан-кам амал қиласизлар ва панд оласизлар!

وَكَم مِّن قَرۡيَةٍ أَهۡلَكۡنَٰهَا فَجَآءَهَا بَأۡسُنَا بَيَٰتًا أَوۡ هُمۡ قَآئِلُونَ ﴿٤﴾ فَمَا كَانَ
دَعۡوَىٰهُمۡ إِذۡ جَآءَهُم بَأۡسُنَآ إِلَّآ أَن قَالُوٓاْ إِنَّا كُنَّا ظَٰلِمِينَ ﴿٥﴾

4-5. Аввалги умматлардан кўп қаря (қишлоқ-шаҳар) аҳлларини ҳалок қилган эди. Уларга Бизнинг азобимиз кечаси ётганларида ё кундузи ухлаганларида келди. Азоб келган вақтда улар бирор даъво қилолмадилар, фақат: «Бизлар пайғамбарларни такзиб қилиб (ёлғончига чиқариб), ўз нафсимизга зулм қилган эканмиз», — деб даъво (надомат) қилар эдилар. Лекин бу надоматлари бефойда эди.

فَلَنَسْـَٔلَنَّ ٱلَّذِينَ أُرْسِلَ إِلَيْهِمْ وَلَنَسْـَٔلَنَّ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٦﴾ فَلَنَقُصَّنَّ عَلَيْهِم
بِعِلْمٍ وَمَا كُنَّا غَآئِبِينَ ﴿٧﴾

6-7. Биз, албатта, Қиёмат куни у дунёда пайғамбар юборилган умматлардан шундай савол қиламиз: «Пайғамбарлар сизларга Худонинг ҳукмини етказганми ё йўқми? Агар етказган бўлсалар, нима учун итоат қилмадингизлар? Албатта, пайғамбарлардан (ҳам) шундай савол қиламиз: «Бандаларга Аллоҳнинг ҳукмини етказдингизларми ё йўқми?». Кейин уларга
8 жузъ ўз илмимизга мувофиқ, ўрталаридаги савол ва жавобни ҳикоя қилиб
берамиз. Чунки Биз уларнинг аҳволларидан ғофил эмасдик.

وَٱلْوَزْنُ يَوْمَئِذٍ ٱلْحَقُّ فَمَن ثَقُلَتْ مَوَٰزِينُهُۥ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٨﴾ وَمَنْ
خَفَّتْ مَوَٰزِينُهُۥ فَأُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ خَسِرُوٓا۟ أَنفُسَهُم بِمَا كَانُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا يَظْلِمُونَ ﴿٩﴾

8-9. Қиёмат куни бандаларнинг амалларини ўлчаш ҳақдир. Бас, кимнинг бу дунёда қилган тоат ва ибодатлари оғир бўлса, улар нажот топгувчилардир. Ва кимнинг қилган тоат ва ибодатлари енгил бўлса, *лекин гуноҳлари оғир бўлса*, бас, улар ўз нафсларига зиён қилгувчилардир. Шунинг учунки, улар у (ҳаёти) дунёда Бизнинг оятларимизни инкор қилиб, ҳаддаридан тажовуз қилар эдилар.

وَلَقَدْ مَكَّنَّٰكُمْ فِى ٱلْأَرْضِ وَجَعَلْنَا لَكُمْ فِيهَا مَعَٰيِشَ ۗ قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ ﴿١٠﴾

10. Албатта, эй бандалар, сизларга ер юзини тасарруф қилишга қудрат бердик; *уйлар, бинолар ва экинзорлар қиласизлар*. Ерда сизларнинг ҳаётларингизга керак бўладиган ашёлар яратдик. Лекин сизлар Худонинг бу неъматларига кам шукр қиласизлар.

وَلَقَدْ خَلَقْنَٰكُمْ ثُمَّ صَوَّرْنَٰكُمْ ثُمَّ قُلْنَا لِلْمَلَٰٓئِكَةِ ٱسْجُدُوا۟ لِءَادَمَ فَسَجَدُوٓا۟ إِلَّآ
إِبْلِيسَ لَمْ يَكُن مِّنَ ٱلسَّٰجِدِينَ ﴿١١﴾

11. (Ҳазрати) Одамнинг пушти камаридан сизларни халқ қилдик ва сизларни инсон суратида мусаввар этдик. *Чунончи, Ҳазрати Одам тамом зурриётларини муояна қилиб кўрдилар.* Сўнгра малоикаларга: «(Ҳазрати) Одамга сажда қилинглар!», – деб амр қилдик. Бас, ҳамма малоикалар сажда қилдилар, магар Иблис сажда қилгувчилардан бўлмади.

قَالَ مَا مَنَعَكَ أَلَّا تَسْجُدَ إِذْ أَمَرْتُكَ ۖ قَالَ أَنَا۠ خَيْرٌ مِّنْهُ خَلَقْتَنِى مِن نَّارٍ
وَخَلَقْتَهُۥ مِن طِينٍ ﴿١٢﴾ قَالَ فَٱهْبِطْ مِنْهَا فَمَا يَكُونُ لَكَ أَن تَتَكَبَّرَ فِيهَا
فَٱخْرُجْ إِنَّكَ مِنَ ٱلصَّٰغِرِينَ ﴿١٣﴾ قَالَ أَنظِرْنِىٓ إِلَىٰ يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿١٤﴾ قَالَ إِنَّكَ
مِنَ ٱلْمُنظَرِينَ ﴿١٥﴾ قَالَ فَبِمَآ أَغْوَيْتَنِى لَأَقْعُدَنَّ لَهُمْ صِرَٰطَكَ ٱلْمُسْتَقِيمَ ﴿١٦﴾

ثُمَّ لَآتِيَنَّهُم مِّنۢ بَيۡنِ أَيۡدِيهِمۡ وَمِنۡ خَلۡفِهِمۡ وَعَنۡ أَيۡمَٰنِهِمۡ وَعَن شَمَآئِلِهِمۡۖ وَلَا
تَجِدُ أَكۡثَرَهُمۡ شَٰكِرِينَ ﴿١٧﴾ قَالَ ٱخۡرُجۡ مِنۡهَا مَذۡءُومٗا مَّدۡحُورٗاۖ لَّمَن تَبِعَكَ
مِنۡهُمۡ لَأَمۡلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنكُمۡ أَجۡمَعِينَ ﴿١٨﴾

12-18. Парвардигор шайтонга айтди: «Эй Иблис, вақтики Мен сени сажда қилишга амр қилдим, нима нарса манъ қилдики, сажда қилмадинг?». *Шайтон Худога ҳужжат қилиб айтдики:* «Мен Одамдан афзалдурман. *Шунинг учун сажда қилмадим.* Чунки мени ўтдан (оловдан) халқ қилгансан ва Одамни лойдан халқ қилдинг». Парвардигор шайтонга айтди: «Малоикалар мақомидан туш. Бас, сенга бу малоикалар мақомида туриб гарданкашлик (нофармонлик) қилиш ярамайди. Сен хорлик билан жаннатдан чиқ!» Шайтон айтди: «Қиёматтача менга муҳлат бер, мени ўлдирмагил». Худо айтди: «Сенга Қиёматтача муҳлат берилди». Иблис айтди: «Мени раҳматингдан маҳрум қилганинг бадалига Одам фарзандларини тўғри йўлдан оздириш учун мунтазир бўлиб тураман. Сўнгра ўнг тарафларидан келиб, васваса қиламан ва орқаларидан келаман ва чап тарафларидан келиб, йўлдан оздираман. Сўнгра уларнинг кўпларини шукр қилгувчи (ҳолларида) топмассан». Парвардигор айтди: «Эй шайтон, мардудлик ҳолатида хор бўлиб, Худонинг азобига учраб, жаннатдан чиқиб кет! Албатта, Ўз Зотимга қасамки, сен билан ва зурриётларинг билан ва сенга тобе бўлганлар билан жаҳаннамни тўлдираман».

8 жузъ

وَيَٰٓـَٔادَمُ ٱسۡكُنۡ أَنتَ وَزَوۡجُكَ ٱلۡجَنَّةَ فَكُلَا مِنۡ حَيۡثُ شِئۡتُمَا وَلَا تَقۡرَبَا هَٰذِهِ
ٱلشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٩﴾

19. Биз (Ҳазрати) Одамга айтдикки: «Эй Одам, Сен ва жуфтинг (Ҳавво) жаннатда сокин бўлинглар, қаерда хоҳласангизлар (яшанглар), қайси мевалардан хоҳласангиз, енглар, лекин (мана) бу дарахтга яқин келманглар, *яъни, буғдой дарахтининг мевасини еманглар.* Агар есангизлар, ўз нафсига зулм қилганлардан бўласизлар».

فَوَسۡوَسَ لَهُمَا ٱلشَّيۡطَٰنُ لِيُبۡدِيَ لَهُمَا مَا وُۥرِيَ عَنۡهُمَا مِن سَوۡءَٰتِهِمَا وَقَالَ
مَا نَهَىٰكُمَا رَبُّكُمَا عَنۡ هَٰذِهِ ٱلشَّجَرَةِ إِلَّآ أَن تَكُونَا مَلَكَيۡنِ أَوۡ تَكُونَا مِنَ
ٱلۡخَٰلِدِينَ ﴿٢٠﴾

20. Бас, икковларининг беркитган авратларини ошкор қилиш учун шайтон (уларни) васваса қилди. *Чунки Худонинг амрини бажармаслик сабабидан жаннатнинг либослари баданларидан тўкилиб кетиши керак эди. Ва яна мақсади шу эдики, жаннат аҳли ўрталарида шарманда бўлсинлар.* Шайтоннинг (Одам ва Ҳаввога) васваса қилиб: «Парвардигор икковларингизни бу дарахтдан шунинг учун манъ қилдики, агар бу дарахтнинг мевасини есангизлар, малоика бўлиб қолардингизлар ёки жаннатда ҳамиша (абадий) қолар эдингизлар», — деди.

وَقَاسَمَهُمَآ إِنِّي لَكُمَا لَمِنَ ٱلنَّٰصِحِينَ ﴿٢١﴾ فَدَلَّىٰهُمَا بِغُرُورٖۚ فَلَمَّا ذَاقَا
ٱلشَّجَرَةَ بَدَتۡ لَهُمَا سَوۡءَٰتُهُمَا وَطَفِقَا يَخۡصِفَانِ عَلَيۡهِمَا مِن وَرَقِ ٱلۡجَنَّةِۖ
وَنَادَىٰهُمَا رَبُّهُمَآ أَلَمۡ أَنۡهَكُمَا عَن تِلۡكُمَا ٱلشَّجَرَةِ وَأَقُل لَّكُمَآ إِنَّ ٱلشَّيۡطَٰنَ لَكُمَا
عَدُوّٞ مُّبِينٞ ﴿٢٢﴾

21-22. Шайтон уларни ишонтириш учун: «Албатта, мен сизларга
8 жузъ дўстдирман», – деб қасамёд қилди. Одам (алайҳиссалом) шайтоннинг ёлғон қасамига ишонди ва буғдой (дарахти)нинг мевасидан еди. Шайтон уларга фириб бериб (алдаб), баланд мартабадан пастга тушириб қўйди. Вақтики буғдойнинг мевасидан едилар, беҳиштнинг либослари баданларидан кетди. Авратлари зоҳир бўлди (очилиб қолди). Икковлари дарахтларнинг барглари билан авратларини беркита бошладилар. Парвардигор уларга нидо қилиб айтдики: «Мен икковларингизни бу дарахтнинг мевасини ейишдан манъ қилмадимми? Сизларга: «Шайтоннинг сўзига кирманглар. Шайтон сизларга равшан (очиқ) душмандир», – деб айтмадимми?».

قَالَا رَبَّنَا ظَلَمۡنَآ أَنفُسَنَا وَإِن لَّمۡ تَغۡفِرۡ لَنَا وَتَرۡحَمۡنَا لَنَكُونَنَّ مِنَ ٱلۡخَٰسِرِينَ ﴿٢٣﴾

23. Икковлари афсус ва надомат билан айтдиларки: «Эй Парвадигор, Сенинг фармонингга хилоф қилиб, ўз нафсимизга зулм этдик. Агар Сен бизларни кечирмасанг ва раҳм қилмасанг, ўз нафсига зулм (зиён) қилгувчилардан бўлурмиз».

قَالَ ٱهۡبِطُواْ بَعۡضُكُمۡ لِبَعۡضٍ عَدُوّٞۖ وَلَكُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ مُسۡتَقَرّٞ وَمَتَٰعٌ إِلَىٰ حِينٖ ﴿٢٤﴾
قَالَ فِيهَا تَحۡيَوۡنَ وَفِيهَا تَمُوتُونَ وَمِنۡهَا تُخۡرَجُونَ ﴿٢٥﴾

24-25. Парвардигор айтди: «Ҳаммаларингиз бир-бирларингизга душман бўлган ҳолда (жаннатдан) ер юзига тушинглар. Сизларга ер юзини қароргоҳ муқаррар қилдик ва ҳам ердан то ажалларингиз етгунча фойда оласизлар». Яна Худо уларга айтди: «Ер юзида ҳаёт кечирасизлар, шу ерда ўласизлар. Яна Қиёмат куни шу ердан тирилиб чиқасизлар».

يَٰبَنِيٓ ءَادَمَ قَدۡ أَنزَلۡنَا عَلَيۡكُمۡ لِبَاسٗا يُوَٰرِي سَوۡءَٰتِكُمۡ وَرِيشٗاۖ وَلِبَاسُ ٱلتَّقۡوَىٰ
ذَٰلِكَ خَيۡرٞۚ ذَٰلِكَ مِنۡ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ لَعَلَّهُمۡ يَذَّكَّرُونَ ﴿٢٦﴾

26. Эй Одам фарзандлари, биз сизларга авратларингизни беркитиш учун ва ҳам унинг устидан зийнатланиб кийиш учун либослар яратиб бердик. Тақво учун киядиган либос сизларга бошқа ҳамма либослардан яхшироқдир. Бу нарса Аллоҳ таолонинг (марҳаматига далолат қилувчи) нишоналаридандур. Токи эсда тутиб, панд олсинлар. *Яъни, душман (шайтон) сизларни жаннат либосидан маҳрум этди. Энди Биз сизларга дунёда либос тадбирини таълим бердик. Бас, сизлар шундай либосларни истеъ-*

мол қилингларки, унда тақво бўлсин. Яъни, эрларингиз ипак либосини киймасинлар ва этакларини узун қилмасинлар ва хотинларингиз ниҳоятда юпқа либос киймасинларки, ундан баданлари кўриниб турзди ва авратларини номаҳрам одамларга кўрсатмасинлар.

يَٰبَنِيٓ ءَادَمَ لَا يَفۡتِنَنَّكُمُ ٱلشَّيۡطَٰنُ كَمَآ أَخۡرَجَ أَبَوَيۡكُم مِّنَ ٱلۡجَنَّةِ يَنزِعُ عَنۡهُمَا
لِبَاسَهُمَا لِيُرِيَهُمَا سَوۡءَٰتِهِمَآۚ إِنَّهُۥ يَرَىٰكُمۡ هُوَ وَقَبِيلُهُۥ مِنۡ حَيۡثُ لَا تَرَوۡنَهُمۡۗ إِنَّا
جَعَلۡنَا ٱلشَّيَٰطِينَ أَوۡلِيَآءَ لِلَّذِينَ لَا يُؤۡمِنُونَ ٢٧ 8 жузъ

27. Эй Одам болалари, ҳушёр бўлинглар! Сизларни шайтон (Ҳақ йўлидан) оздирмасин. Ота-онапарингизни жаннатдан чиқаргани каби, сизларга фитна солмасин. Уларга ўз авратларини кўрсатиш учун либосларини ечдирди. У ва унинг қавми сизлар кўрмайдиган тарафлардан сизларни кўриб туради. Биз иймон келтирмайдиган одамларга шайтонларни дўст қилиб қўйгандирмиз.

وَإِذَا فَعَلُواْ فَٰحِشَةٗ قَالُواْ وَجَدۡنَا عَلَيۡهَآ ءَابَآءَنَا وَٱللَّهُ أَمَرَنَا بِهَاۗ قُلۡ إِنَّ ٱللَّهَ لَا
يَأۡمُرُ بِٱلۡفَحۡشَآءِۖ أَتَقُولُونَ عَلَى ٱللَّهِ مَا لَا تَعۡلَمُونَ ٢٨

28. Вақтики кофирлар бирон ёмон иш қилсалар, уларни бирон киши (у ишдан) манъ қилса, айтадиларки: «Бизлар ота-бобомизни шу ишларни қилган (ҳолда) топганмиз. Аллоҳ таоло бизга шу ишларни қилишни буюргандир, (биз) ота-бобомизга тақлид қилдик». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Аллоҳ таоло ёмон (фисқу фасод) ишга ҳаргиз буюрмайди. Худонинг шаънига ўзингиз билмаган нарсаларингизни айтаверасизларми?».

قُلۡ أَمَرَ رَبِّي بِٱلۡقِسۡطِۖ وَأَقِيمُواْ وُجُوهَكُمۡ عِندَ كُلِّ مَسۡجِدٖ وَٱدۡعُوهُ
مُخۡلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَۚ كَمَا بَدَأَكُمۡ تَعُودُونَ ٢٩ فَرِيقًا هَدَىٰ وَفَرِيقًا حَقَّ عَلَيۡهِمُ
ٱلضَّلَٰلَةُۚ إِنَّهُمُ ٱتَّخَذُواْ ٱلشَّيَٰطِينَ أَوۡلِيَآءَ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَيَحۡسَبُونَ أَنَّهُم
مُّهۡتَدُونَ ٣٠

29-30. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мўминларга айтгил: «Парвардигорим мени ҳар бир ишда инсоф ва адолатга буюрди. Ва намоз вақтида юзларингизни Каъба тарафига рост қилинг ва ҳам ибодатингизда Парвардигорга ихлос билан бандалик қилинг», — деб амр қилди. Аллоҳ таоло сизларни аввал қандай халқ қилган бўлса, яна шу ҳолга қайтасизлар. Сизлардан бир гуруҳини ҳидоят қилди ва бир гуруҳини гумроҳликда собит қилди. Чунки бу гумроҳ бўлган гуруҳлар шайтонларни ўзларига дўст қилиб олдилар. Худога итоат қилмай, шайтонларга итоат этдилар. Улар яна ўзларини ҳидоятда деб гумон қиладилар.

۞ يَـٰبَنِىٓ ءَادَمَ خُذُوا۟ زِينَتَكُمْ عِندَ كُلِّ مَسْجِدٍ وَكُلُوا۟ وَٱشْرَبُوا۟ وَلَا تُسْرِفُوٓا۟ ۚ إِنَّهُۥ
لَا يُحِبُّ ٱلْمُسْرِفِينَ ﴿٣١﴾

31. Эй Одам болалари, намоз вақтида ўзларингизнинг покиза, зийнатли либосларингизни кийинглар. *Яъни, Худога ибодат қилган ҳолатларингизда покизаликка риоя қилинглар.* Худонинг неъматини енглар ва ичинглар ва исроф қилманглар. Аллоҳ таоло исроф қилгувчиларни дўст тутмайди.

8 жузъ قُلْ مَنْ حَرَّمَ زِينَةَ ٱللَّهِ ٱلَّتِىٓ أَخْرَجَ لِعِبَادِهِۦ وَٱلطَّيِّبَـٰتِ مِنَ ٱلرِّزْقِ ۚ قُلْ هِىَ لِلَّذِينَ
ءَامَنُوا۟ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا خَالِصَةً يَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ ۗ كَذَٰلِكَ نُفَصِّلُ ٱلْـَٔايَـٰتِ لِقَوْمٍ
يَعْلَمُونَ ﴿٣٢﴾

32. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айттил: «Худо бандаларга кийиш учун халқ қилган либослардан иборат зийнатларни ва ҳам покиза таомлардан бўлган ризқ-рўзларни ким ҳаром қилди?». Ҳаром қилмоқ ва ҳалол қилмоқ (фақат) Парвардигорнинг сифатидир (ҳаққидир). Айттил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Бу зийнатлар (ва ризқлар) аслида мўминлар учундир. Уларга мўминлар мустаҳиқ (лойиқ)дирлар. Ушбу (неъматлар) бу дунёда кофирларга мўминлар туфайли берилади. Аммо Қиёматда холис мўминларга берилади. Биз билувчи халқлар учун оятларимизни шу хил (батафсил) баён қилурмиз». *Жоҳилият замонида нодон араблар белибос (кийимсиз) модарзод (қип-яланғоч) бўлиб Каъбаи шарифни тавоф қилиб, уни буюк ибодат деб эътиқод қилар эдилар. Ва ҳаж кунларида садди рамақдан зиёда таом ва ёғли таомни тарк қилур эдилар (яъни жуда оз таом ер эдилар). Ва баъзилари эчки ва бошқа ҳайвонлар сутларини ичмас эдилар. Бу бир неча ояти шарифлар уларга рад учун нозил бўлгандир.*

قُلْ إِنَّمَا حَرَّمَ رَبِّىَ ٱلْفَوَٰحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنَ وَٱلْإِثْمَ وَٱلْبَغْىَ بِغَيْرِ ٱلْحَقِّ
وَأَن تُشْرِكُوا۟ بِٱللَّهِ مَا لَمْ يُنَزِّلْ بِهِۦ سُلْطَـٰنًا وَأَن تَقُولُوا۟ عَلَى ٱللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٣٣﴾

33. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бандаларга айттил: «Парвардигорим ҳаром қилган нарсалар сизларга шулардан иборатдир: *биринчи*, гуноҳи кабиралар, хоҳ зоҳир бўлсин, *мисли куфр*; хоҳ махфий бўлсун, *мисли нифоқ* ва ҳам қасддан кичик гуноҳларни қилмоқлик, ноҳақ зулм қилмоқлик, Худо тарафидан ҳеч қандай далилсиз Худога ширк келтирмоқ ва билмаган нарсаларингизни Худога нисбат бермоқ – ана шу ишларни Парвардигор сизларга ҳаром қилгандир».

وَلِكُلِّ أُمَّةٍ أَجَلٌ ۖ فَإِذَا جَآءَ أَجَلُهُمْ لَا يَسْتَـْٔخِرُونَ سَاعَةً ۖ وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ ﴿٣٤﴾

34. Ва ҳар (бир) гуруҳ (жамоат) бандаларга Худо тарафидан ҳаёт кечирмоқлари учун бир муддат муайян қилингандир. Вақтики у муддат тамом бўлса, улар на бир соат ундан кейин қола олурлар ва на илгари кета олурлар.

يَٰبَنِيٓ ءَادَمَ إِمَّا يَأۡتِيَنَّكُمۡ رُسُلٞ مِّنكُمۡ يَقُصُّونَ عَلَيۡكُمۡ ءَايَٰتِي فَمَنِ ٱتَّقَىٰ وَأَصۡلَحَ
فَلَا خَوۡفٌ عَلَيۡهِمۡ وَلَا هُمۡ يَحۡزَنُونَ ٣٥

35. Эй Одам фарзандлари, сизларга Худо тарафидан ўз халқингиздан Пайғамбар бўлиб келса, Менинг Китобимни сизларга ўқиб эшиттирса ва шариат аҳкомларини баён қилиб берса, бас, сизлардан ҳар ким таксиб қилиш (ёлғонга чиқариш)дан ҳазар этса ва у Китобга яхши амал қилса, Қиёмат куни ундай бандаларга азобнинг хавфи йўқдир ва (улар) ғамгин ҳам бўлмаслар. 8 жузъ

وَٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَا وَٱسۡتَكۡبَرُواْ عَنۡهَآ أُوْلَٰٓئِكَ أَصۡحَٰبُ ٱلنَّارِۖ هُمۡ فِيهَا
خَٰلِدُونَ ٣٦

36. Аммо у жамоаким, Бизнинг оятларимизни ёлғон дедилар ва унга амал қилишдан бош тортдилар. У жамоа дўзах аҳлидурлар. Дўзахда ҳамиша қоладилар.

فَمَنۡ أَظۡلَمُ مِمَّنِ ٱفۡتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا أَوۡ كَذَّبَ بِـَٔايَٰتِهِۦٓۚ أُوْلَٰٓئِكَ يَنَالُهُمۡ نَصِيبُهُم
مِّنَ ٱلۡكِتَٰبِۖ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَتۡهُمۡ رُسُلُنَا يَتَوَفَّوۡنَهُمۡ قَالُوٓاْ أَيۡنَ مَا كُنتُمۡ تَدۡعُونَ مِن
دُونِ ٱللَّهِۖ قَالُواْ ضَلُّواْ عَنَّا وَشَهِدُواْ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمۡ أَنَّهُمۡ كَانُواْ كَٰفِرِينَ ٣٧

37. Бас, Худога ёлғон туҳмат қилувчилардан ё нозил бўлган оятларни таксиб қилувчи (ёлғон дегувчи)лардан золимроқ одам борми? *Албатта, йўқдир*. Бу жамоанинг шаънига ёзилган азоб ояти уларнинг ҳақларига муқаррардир. Вақтики жон олувчи фаришталар келсалар, уларнинг жонларини қабз қилсалар, уларга малоикалар айтадиларки: «Қани у Худодан бошқа ибодат қилган бутларингиз бугун келиб сизларни азобдан қутқарса?!» Кофирлар жавоб берадиларки: «Бугун бизга кўринмай ғойиб бўлдилар ва ҳеч қандай ёрдамлари тегмади». Улар ўз нафсларига ўзлари гувоҳлик бериб, у ҳаёти дунёда кофир бўлганликларига иқрор бўладилар.

قَالَ ٱدۡخُلُواْ فِيٓ أُمَمٖ قَدۡ خَلَتۡ مِن قَبۡلِكُم مِّنَ ٱلۡجِنِّ وَٱلۡإِنسِ فِي ٱلنَّارِۖ كُلَّمَا
دَخَلَتۡ أُمَّةٞ لَّعَنَتۡ أُخۡتَهَاۖ حَتَّىٰٓ إِذَا ٱدَّارَكُواْ فِيهَا جَمِيعٗا قَالَتۡ أُخۡرَىٰهُمۡ لِأُولَىٰهُمۡ
رَبَّنَا هَٰٓؤُلَآءِ أَضَلُّونَا فَـَٔاتِهِمۡ عَذَابٗا ضِعۡفٗا مِّنَ ٱلنَّارِۖ قَالَ لِكُلّٖ ضِعۡفٞ وَلَٰكِن لَّا
تَعۡلَمُونَ ٣٨ وَقَالَتۡ أُولَىٰهُمۡ لِأُخۡرَىٰهُمۡ فَمَا كَانَ لَكُمۡ عَلَيۡنَا مِن فَضۡلٖ
فَذُوقُواْ ٱلۡعَذَابَ بِمَا كُنتُمۡ تَكۡسِبُونَ ٣٩

38-39. Ҳақ таоло айтадики: «Сизлардан илгари ўтган жамоаларингиз билан, хоҳ улар жинлардан бўлсин ва ё инсонлардан бўлсин, бирга дўзахга киринглар». Ҳар вақтики бир гуруҳ дўзахга кирса, бошқа гуруҳга

лаънат айтади. Яъни, яҳудлар гуруҳи яҳудларга ва насоро гуруҳи насороларга лаънат айтадилар. Дўзах ичида бир-бирлари билан топишганларидан сўнг кейингилари аввалги ўтган пешволари шаънига айтадилар: «Эй Парвардигоримиз, у дунёда мана шу гуруҳ бизларни гумроҳ қилган эди. Буларга бизнинг азобимиздан икки баробар зиёда азоб бергил». Парвардигор айтадики: «Ҳар бир қабилага икки баробар азоб берилади. Лекин сизлар унинг ҳикматини билмайсизлар». Аввал ўтган пешволари кейинги тобеларига айтадилар: «Сизларнинг биздан ҳеч қандай ортиқлик жойларингиз йўқ. Нега сизларнинг азобларингиз енгил бўлсин? Ҳамма-
8 жузъ миз куфрда баробармиз-ку! Сизлар ҳам касб қилган гуноҳларингиз бадалига азобни тортаверинглар».

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَـٰتِنَا وَٱسْتَكْبَرُوا۟ عَنْهَا لَا تُفَتَّحُ لَهُمْ أَبْوَٰبُ ٱلسَّمَآءِ وَلَا
يَدْخُلُونَ ٱلْجَنَّةَ حَتَّىٰ يَلِجَ ٱلْجَمَلُ فِى سَمِّ ٱلْخِيَاطِ ۚ وَكَذَٰلِكَ نَجْزِى
ٱلْمُجْرِمِينَ ﴿٤٠﴾ لَهُم مِّن جَهَنَّمَ مِهَادٌ وَمِن فَوْقِهِمْ غَوَاشٍ ۚ وَكَذَٰلِكَ نَجْزِى
ٱلظَّـٰلِمِينَ ﴿٤١﴾

40-41. Бизнинг оятларимизни таксиб қилган (ёлғонга чиқарган) ва унга амал қилищдан бош тортганларнинг юзларига осмон дарвозаси очилмайди. *Балки жонлари «Сижжийн»га олиб борилади.* Токи игнанинг тешигидан туя ўтмас экан, улар ҳам Қиёмат куни жаннатга дохил бўлмайдилар. *Бу мумкин эмас, уларнинг жаннатга кириши маҳолдир.* Гуноҳкорларга ана шундай азоб берамиз. Дўзахда уларнинг тагларига ўтдан бисот солинади ва устларига ўтдан ёпинчиқ (чойшаб) ёпилади. Ва золимларга ана шундай азоб берамиз.

وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّـٰلِحَـٰتِ لَا نُكَلِّفُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَآ أُو۟لَـٰٓئِكَ
أَصْحَـٰبُ ٱلْجَنَّةِ ۖ هُمْ فِيهَا خَـٰلِدُونَ ﴿٤٢﴾

42. Иймон келтириб, яхши амаллар қилган гуруҳлар – чунки Биз ҳеч бандани тоқатидан ташқари амал қилишга буюрмаймиз – шу сифатдаги бандалар аҳли жаннатдирлар. Унда ҳамиша (абадий) қоладилар.

وَنَزَعْنَا مَا فِى صُدُورِهِم مِّنْ غِلٍّ تَجْرِى مِن تَحْتِهِمُ ٱلْأَنْهَـٰرُ ۖ وَقَالُوا۟ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ
ٱلَّذِى هَدَىٰنَا لِهَـٰذَا وَمَا كُنَّا لِنَهْتَدِىَ لَوْلَآ أَنْ هَدَىٰنَا ٱللَّهُ ۖ لَقَدْ جَآءَتْ رُسُلُ رَبِّنَا
بِٱلْحَقِّ ۖ وَنُودُوٓا۟ أَن تِلْكُمُ ٱلْجَنَّةُ أُورِثْتُمُوهَا بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٤٣﴾

43. Жаннат аҳлларининг дилларидан гина ва ҳасадни чиқариб ташлаймиз. Жаннатда бир-бирларига гина ва ҳасад қилмайдилар. Уларнинг манзиллари тагидан анҳорлар жорий бўлади. Беҳиштнинг ноз ва наъим (нозу неъматлар)ини кўрганда айтадиларки: «Худога ҳамд ва сано бўлсинки, бизларни шундай мақомларга ҳидоят қилди. Агар бизни Худойи таоло ҳидоят қилмаганда эди, бизлар ўз қудратимиз ила бу мақомларга

йўл топмаган бўлар эдик. У дунёда бизларга пайғамбарлар Худо тарафидан Ҳақ динни олиб келди. *Бизлар унга итоат қилиб, бу мақомларга етдик*». Худо тарафидан нидо қилинади: «Эй бандалар, мана шу жаннат сизларгадир. Бу жаннат сизларнинг номларингизга (сизларга аталиб) яхши амалларингиз бадалига мерос қилиб сақланган эди».

وَنَادَىٰٓ أَصۡحَٰبُ ٱلۡجَنَّةِ أَصۡحَٰبَ ٱلنَّارِ أَن قَدۡ وَجَدۡنَا مَا وَعَدَنَا رَبُّنَا حَقّٗا فَهَلۡ
وَجَدتُّم مَّا وَعَدَ رَبُّكُمۡ حَقّٗاۖ قَالُواْ نَعَمۡۚ فَأَذَّنَ مُؤَذِّنُۢ بَيۡنَهُمۡ أَن لَّعۡنَةُ ٱللَّهِ عَلَى
ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٤٤﴾ ٱلَّذِينَ يَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ وَيَبۡغُونَهَا عِوَجٗا وَهُم بِٱلۡأٓخِرَةِ 8 жузъ
كَٰفِرُونَ ﴿٤٥﴾

44-45. Жаннат аҳли дўзах аҳлига нидо қилиб айтади: «Худонинг бизга қилган ваъдаларини ҳақ топдик. *Яъни, Парвардигор бизга беҳиштни ваъда қилган эди, ҳозир бизга муяссар бўлди*. Сизлар ҳам Худонинг ваъдасини ҳақ топдингизларми?». Дўзахийлар жавоб берадиларки: «Ори (Ҳа), ҳақ топдик». Бас, нидо қилгувчи фаришта нидо қилиб айтади: «Золимларга Худонинг лаънати бўлсинки, улар бошқаларни Худонинг динидан қайтарар эдилар. Улар тўғри йўлни тарк этиб, эгри йўлни истар эдилар. Ана ўшалар охиратта ишонмаганлардир».

وَبَيۡنَهُمَا حِجَابٞۚ وَعَلَى ٱلۡأَعۡرَافِ رِجَالٞ يَعۡرِفُونَ كُلَّۢا بِسِيمَىٰهُمۡۚ وَنَادَوۡاْ أَصۡحَٰبَ
ٱلۡجَنَّةِ أَن سَلَٰمٌ عَلَيۡكُمۡۚ لَمۡ يَدۡخُلُوهَا وَهُمۡ يَطۡمَعُونَ ﴿٤٦﴾

46. Сўнгра беҳишт аҳли билан дўзах аҳли ўртасида тўсиқ-парда пайдо бўлур ва Аъроф деган жойда бир жамоа мардум (инсонлар) бўладики, бу мақомдан *туриб жаннатийларни ҳам, дўзахийларни ҳам* кўриб турадилар. Ва (уларни) аломатларидан танийдилар. (Улар) аҳли беҳиштта қараб нидо қиладилар: «Сизларга Худонинг саломи бўлсин. Бу жаннатга мустаҳиқ бўлдингизлар». Лекин ўзлари ҳануз жаннатта дохил бўлганлари йўқ, балки дохил бўлишни умид қилиб турадилар. *Ҳадисда келибдурки, жаннатга кирувчиларнинг охиргиси Аъроф аҳли бўлади.*

۞وَإِذَا صُرِفَتۡ أَبۡصَٰرُهُمۡ تِلۡقَآءَ أَصۡحَٰبِ ٱلنَّارِ قَالُواْ رَبَّنَا لَا تَجۡعَلۡنَا مَعَ ٱلۡقَوۡمِ
ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٤٧﴾

47. Вақтики Аърофдагиларнинг кўзлари малоикалар тарафидан аҳли дўзах тарафига мутаважжиҳ қилинади (қаратилади), Аърофдагилар айтадиларки: «Эй Парвардигор, бизларни бу азоб тортиб турган золим қавмлар билан бирга қилмагил!»

وَنَادَىٰٓ أَصۡحَٰبُ ٱلۡأَعۡرَافِ رِجَالٗا يَعۡرِفُونَهُم بِسِيمَىٰهُمۡ قَالُواْ مَآ أَغۡنَىٰ عَنكُمۡ
جَمۡعُكُمۡ وَمَا كُنتُمۡ تَسۡتَكۡبِرُونَ ﴿٤٨﴾

48. Ва Аърофдагилар қиёфаларидан таниб олган бир жамоа дўзах аҳлига нидо қилиб айтадиларки: «Эй кофирлар, жамлаган (мол-дунё ва мансаб)ларингиз ва саркашлик қилганингиз бу кунда сизларга фойда бермабди-ку?»

أَهَٰٓؤُلَآءِ ٱلَّذِينَ أَقۡسَمۡتُمۡ لَا يَنَالُهُمُ ٱللَّهُ بِرَحۡمَةٍۚ ٱدۡخُلُواْ ٱلۡجَنَّةَ لَا خَوۡفٌ عَلَيۡكُمۡ وَلَآ أَنتُمۡ تَحۡزَنُونَ ﴿٤٩﴾

8 жузъ

49. Оё, сизлар қасамёд қилиб «Аллоҳ уларни раҳмат қилмайди», – деб айтган ўша жамоа беҳишт аҳли эмасми? *Улар бу кун жаннат аҳлидирлар. Сизлар дўзах аҳлидирсизлар.* (Сўнгра): «Эй Аъроф аҳли, сизлар хавф-хатарсиз ва ғамсиз жаннатга киринг», – деб Аллоҳ тарафидан фазлу марҳамат билан Аъроф аҳлига хитоб бўлади. *Жаннат ила дўзах ўртасида ҳижоб – бир девор бўлурки, жаннат лаззатини дўзахга, дўзах кулфатини жаннатга етказмас. Ўша деворнинг тепасида бўлган мақом «Аъроф» дейилур. Асҳоби Аъроф кимлардир? Бу ҳақда мутааддид (кўп, турли) қавллар бордир. Ҳазрати Ҳузайфа, ибн Аббос, ибн Масъуд разияллоҳу анҳум каби буюк саҳобалар ва аксар салафу халаф (ўтган ва кейинги) уламоларнинг ишончли қавлларига кўра: «Амалларимиз охиратда вазн қилингандан (тортилгандан) кейин ҳасаноти (савоблари) кўп тоифа жаннатий бўлур ва саййиоти (гуноҳи) кўп тоифа дўзахий бўлур. Ва ҳасаноти ва саййиоти баробар бўлган жамоа – ўшалар асҳоби Аъроф-дурлар. Охир улар жаннатий бўлурлар», – деганлар.*

وَنَادَىٰٓ أَصۡحَٰبُ ٱلنَّارِ أَصۡحَٰبَ ٱلۡجَنَّةِ أَنۡ أَفِيضُواْ عَلَيۡنَا مِنَ ٱلۡمَآءِ أَوۡ مِمَّا رَزَقَكُمُ ٱللَّهُۚ قَالُوٓاْ إِنَّ ٱللَّهَ حَرَّمَهُمَا عَلَى ٱلۡكَٰفِرِينَ ﴿٥٠﴾ ٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُواْ دِينَهُمۡ لَهۡوٗا وَلَعِبٗا وَغَرَّتۡهُمُ ٱلۡحَيَوٰةُ ٱلدُّنۡيَاۚ فَٱلۡيَوۡمَ نَنسَىٰهُمۡ كَمَا نَسُواْ لِقَآءَ يَوۡمِهِمۡ هَٰذَا وَمَا كَانُواْ بِـَٔايَٰتِنَا يَجۡحَدُونَ ﴿٥١﴾

50-51. Дўзах аҳли жаннат аҳлига нидо қилиб айтади: «Эй беҳишт аҳли, ичиб турган сувларингиздан бизнинг тепамизга (ҳам) қуйинглар. (Яъни, бизга ҳам сувларингиздан беринглар). Аллоҳ ризқ қилган таомларингиздан бизга ҳам беринглар». Беҳишт аҳли жавоб бериб айтадики: «Аллоҳ таоло жаннатнинг шаробини ва таомини кофирларга ҳаром қилган (манъ этган)-дир». Булар у дунёда динларини масхара қилган эдилар, дунёнинг лаззати уларни мағрурлантирган эди. Бу кун Биз уларни эсимиздан чиқарамиз ва илтифот қилмаймиз. Чунки улар Қиёмат кунини эсларидан чиқарган ва саркашлик қилиб, Бизнинг оятларимизни инкор этар эдилар.

وَلَقَدۡ جِئۡنَٰهُم بِكِتَٰبٖ فَصَّلۡنَٰهُ عَلَىٰ عِلۡمٍ هُدٗى وَرَحۡمَةٗ لِّقَوۡمٖ يُؤۡمِنُونَ ﴿٥٢﴾

52. Албатта, кофирлар учун Китоб юбордик. У Китобда илми қадим билан билган ҳолда тамоми шариатни баён қилдик. Бу китоб мўминлар учун ҳидоят ва раҳматдир.

هَلْ يَنظُرُونَ إِلَّا تَأْوِيلَهُۥ ۚ يَوْمَ يَأْتِى تَأْوِيلُهُۥ يَقُولُ ٱلَّذِينَ نَسُوهُ مِن قَبْلُ قَدْ
جَآءَتْ رُسُلُ رَبِّنَا بِٱلْحَقِّ فَهَل لَّنَا مِن شُفَعَآءَ فَيَشْفَعُوا۟ لَنَآ أَوْ نُرَدُّ فَنَعْمَلَ غَيْرَ
ٱلَّذِى كُنَّا نَعْمَلُ ۚ قَدْ خَسِرُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ وَضَلَّ عَنْهُم مَّا كَانُوا۟ يَفْتَرُونَ ﴿٥٣﴾

53. Бу кофирлар Китоб келгандан сўнг уни тасдиқ қилиш ўрнига Китобдаги ваъда-ваъидларнинг вужудга келишига мунтазир бўладилар. Ҳатто, бу «ваъда қилинган азоблар қачон келади?» деб, интизор тортадилар. Қиёмат куни ваъдаларнинг натижаси зоҳир бўлгандан сўнг, аввалги Китобни инкор қилганлар айтадиларки: «Ҳозир бизга яқийнан (шубҳасиз) маълум бўлдики, Худонинг пайғамбарлари бизларга тўғри динни олиб келган экан, сўзлари ҳақ ва рост экан. Энди бизларни шафоат қилиб нажот бергувчи бормикан? Ё дунёга қайтишни талаб қилсак, дунёга қайтишимизга рухсат берилармикан? Токи аввалги қилган амалларимизнинг ўрнига яхши амаллар қилган бўлур эдик». *Лекин бу орзулари ҳаргиз муяссар бўлмас.* Улар(шубҳасиз) ўз нафсларига оғир зиён етказдилар. Ва ҳам «*Бизни Қиёмат куни шафоат қилади*», – деган бутлари йўқ (ғойиб) бўлиб кетдилар ва ҳеч қандай ёрдам қилмадилар. 8 жузъ

إِنَّ رَبَّكُمُ ٱللَّهُ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ فِى سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ ٱسْتَوَىٰ عَلَى
ٱلْعَرْشِ يُغْشِى ٱلَّيْلَ ٱلنَّهَارَ يَطْلُبُهُۥ حَثِيثًا وَٱلشَّمْسَ وَٱلْقَمَرَ وَٱلنُّجُومَ مُسَخَّرَٰتٍۭ
بِأَمْرِهِۦٓ ۗ أَلَا لَهُ ٱلْخَلْقُ وَٱلْأَمْرُ ۗ تَبَارَكَ ٱللَّهُ رَبُّ ٱلْعَـٰلَمِينَ ﴿٥٤﴾

54. Албатта, сизларнинг Парвардигорингиз осмонлар ва заминни олти кунда халқ этди. Сўнгра Аршни пайдо қилишга қасд қилди. Қудратларидан бири шуки, кечанинг зулмат пардаси билан кундузни беркитади, (кеча ва кундуз) бир-бирини тезлик билан талаб қилади. Ва ҳам офтобни, ойни ва юлдузларни халқ қилди. Ҳаммалари Худонинг ҳукмига муте (итоаткор)дирлар. Огоҳ бўлингларки, халқ қилмоқ ва ҳукмини юргизмоқ Худога хосдир. Парвардигор зотида ва сифотида улуғдир, олам аҳлини тарбия қилгувчидир.

ٱدْعُوا۟ رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً ۚ إِنَّهُۥ لَا يُحِبُّ ٱلْمُعْتَدِينَ ﴿٥٥﴾ وَلَا تُفْسِدُوا۟ فِى
ٱلْأَرْضِ بَعْدَ إِصْلَـٰحِهَا وَٱدْعُوهُ خَوْفًا وَطَمَعًا ۚ إِنَّ رَحْمَتَ ٱللَّهِ قَرِيبٌ مِّنَ
ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٥٦﴾

55-56. Эй бандалар, Худони ожизлик билан ва махфий равишда ҳам ёд қилинглар, *токи (амалингиз) риёга айланмасин.* Аллоҳ таоло ҳаддан тажовуз қилувчиларни дўст тутмайди. Адолат билан ислоҳ қилгандан сўнг ер юзида фитна ва фасод қилманглар. Азобидан қўрққан ҳолда (ва) раҳматидан умидвор бўлган ҳолда Худони ёд қилинглар. Албатта, Худонинг раҳмати ислоҳ қилувчиларга яқиндир.

وَهُوَ ٱلَّذِى يُرْسِلُ ٱلرِّيَٰحَ بُشْرًۢا بَيْنَ يَدَىْ رَحْمَتِهِۦ ۖ حَتَّىٰٓ إِذَآ أَقَلَّتْ سَحَابًا
ثِقَالًا سُقْنَٰهُ لِبَلَدٍ مَّيِّتٍ فَأَنزَلْنَا بِهِ ٱلْمَآءَ فَأَخْرَجْنَا بِهِۦ مِن كُلِّ ٱلثَّمَرَٰتِ ۚ
كَذَٰلِكَ نُخْرِجُ ٱلْمَوْتَىٰ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿٥٧﴾

57. У зоти Парвадигорнинг шундай қудрати бордирки, У шамолни ке-
ладиган (ёғадиган) ёмғирдан хушхабар берувчи қилиб юборади. Вақтики у
шамол ёмғир билан оғирлашган булутларни кўтариб келади, Биз у булут-
8 жузъ ларни гиёҳ кўкармаган ерларга ҳайдаймиз. Биз у булутлардан ёмғирлар
ёғдирамиз. У ёмғирлар сабаби билан мевали дарахтларни чиқарурмиз. Шунга
ўхшаш Қиёмат куни ўлганларни ҳам мана шундай ердан чиқарурмиз.
Шоядки Худонинг қудратига фикр қилурсизлар.

وَٱلْبَلَدُ ٱلطَّيِّبُ يَخْرُجُ نَبَاتُهُۥ بِإِذْنِ رَبِّهِۦ ۖ وَٱلَّذِى خَبُثَ لَا يَخْرُجُ إِلَّا نَكِدًا ۚ
كَذَٰلِكَ نُصَرِّفُ ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يَشْكُرُونَ ﴿٥٨﴾

58. Тупроғи покиза шаҳарларнинг ўсимликлари ёмғир ёққандан кейин Худонинг ҳукми билан осон кўкариб чиқади. Тупроқлари ёмон, шўр жойлардаги ерлардан гиёҳлар кўкармайди. Магар машаққат билан бефойда кўкаради. Худонинг неъматига шукр қилувчи қавмларга оятларимизни шундай баён қиламиз.

لَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِۦ فَقَالَ يَٰقَوْمِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ غَيْرُهُۥٓ إِنِّىٓ
أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿٥٩﴾ قَالَ ٱلْمَلَأُ مِن قَوْمِهِۦٓ إِنَّا لَنَرَىٰكَ فِى ضَلَٰلٍ
مُّبِينٍ ﴿٦٠﴾ قَالَ يَٰقَوْمِ لَيْسَ بِى ضَلَٰلَةٌ وَلَٰكِنِّى رَسُولٌ مِّن رَّبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٦١﴾
أُبَلِّغُكُمْ رِسَٰلَٰتِ رَبِّى وَأَنصَحُ لَكُمْ وَأَعْلَمُ مِنَ ٱللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٦٢﴾

59-62. Биз Нуҳ (алайҳиссалом)ни ўз қавмига пайғамбар қилиб юбордик. Бас, Нуҳ (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, бир Аллоҳнинг ўзигагина ибодат қилинглар! Сизларга ундан ўзга Худо йўқдир. Агар бир Худога ибодат қилмасангизлар, мен Қиёмат куни сизларга улуғ азоб бўлишидан қўрқаман». Нуҳ (алайҳиссалом)га қавмнинг сардорлари айтдилар: «Бизлар Сени ошкора гумроҳ бўлган ҳолда кўриб турибмиз». Нуҳ (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, менда ҳеч қандай гумроҳлик йўқ. Лекин мен Аллоҳнинг Расулидирман, Худонинг ҳукмини сизларга етказаман. Ва сизларга насиҳат қилурман. Худо тарафидан менга сизлар билмайдиган нарсалар маълум қилинади ва мен билурман».

أَوَعَجِبْتُمْ أَن جَآءَكُمْ ذِكْرٌ مِّن رَّبِّكُمْ عَلَىٰ رَجُلٍ مِّنكُمْ لِيُنذِرَكُمْ وَلِتَتَّقُوا۟
وَلَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿٦٣﴾ فَكَذَّبُوهُ فَأَنجَيْنَٰهُ وَٱلَّذِينَ مَعَهُۥ فِى ٱلْفُلْكِ وَأَغْرَقْنَا ٱلَّذِينَ

كَذَّبُوا بِـَٔايَٰتِنَآ ۚ إِنَّهُمْ كَانُوا قَوْمًا عَمِينَ ﴿٦٤﴾

63-64. Вақтики Нуҳ (алайҳиссалом) қавмига айтди: «Мен Худо тарафидан келган (юборилган) Пайғамбарман». *Нуҳ алайҳиссаломнинг қавми бу хил сўзларни эшитмаган эди, таажжуб қилди.* Нуҳ (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, сизлардан (ўзингиздан) бўлган бир одамга Худодан ваҳий келиб, пайғамбар бўлган бўлсаю, сизларга панду насиҳат қилиб, Худонинг азобидан қўрқитса, сизлар тақводор бўлиб, Худонинг раҳматига сазовор бўлсангизлар, таажжуб қиласизларми? *Сизларга ёмон бўладими?*» Бас, ҳазрати Нуҳ (алайҳиссалом)нинг қавми уни «ёлғончи» деди». *Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом (қавмини) дуои бад қилди. Дуоси мустажоб бўлди. Дуосида уларга азоб тилади.* Аллоҳ таоло дуосини мустажоб қилгач, тўфон балоси – сел келиб ҳаммани ҳалок (сувга ғарқ) қилди. *Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом кема ясади. Ўзи билан мўминларни олиб кемага тушди.* «Бас, кемада Нуҳ билан мўминларга нажот бердик. Таксиб қилувчи (ёлғонга чиқарувчи)ларни ғарқ қилдик. Чунки улар ҳақиқатни кўрмайдиган кўр ва диллари гумроҳ эди». 8 жузъ

۞ وَإِلَىٰ عَادٍ أَخَاهُمْ هُودًا ۗ قَالَ يَٰقَوْمِ ٱعْبُدُوا ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ غَيْرُهُۥٓ ۚ أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٦٥﴾ قَالَ ٱلْمَلَأُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا مِن قَوْمِهِۦٓ إِنَّا لَنَرَىٰكَ فِى سَفَاهَةٍ وَإِنَّا لَنَظُنُّكَ مِنَ ٱلْكَٰذِبِينَ ﴿٦٦﴾ قَالَ يَٰقَوْمِ لَيْسَ بِى سَفَاهَةٌ وَلَٰكِنِّى رَسُولٌ مِّن رَّبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٦٧﴾ أُبَلِّغُكُمْ رِسَٰلَٰتِ رَبِّى وَأَنَا۠ لَكُمْ نَاصِحٌ أَمِينٌ ﴿٦٨﴾

65-68. Бизлар Од қавмига ўзларининг хешларидан Ҳуд (алайҳиссалом)ни пайғамбар қилиб юбордик. Ҳуд (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, бир (якка-ягона) Худонинг ўзига ибодат қилинглар. Сизларга ундан бошқа Худо йўқдир. Худонинг азобидан қўрқмайсизларми?» Ҳуд (алайҳиссалом) қавмининг кофир бошлиғи айтди: «Биз Сени беақл бўлган ҳолда кўраяпмиз. Албатта, биз Сени ёлғончилардан, деб биламиз». Ҳуд (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, менда ҳеч қандай беақллик йўқ. Лекин мен сизларга Парвадигори олам тарафидан келган пайғамбардирман. Аллоҳнинг буйруғини сизларга айтадирман (етказадирман), мен сизларга омонатдор насиҳат қилгувчидурман».

أَوَعَجِبْتُمْ أَن جَآءَكُمْ ذِكْرٌ مِّن رَّبِّكُمْ عَلَىٰ رَجُلٍ مِّنكُمْ لِيُنذِرَكُمْ ۚ وَٱذْكُرُوٓا إِذْ جَعَلَكُمْ خُلَفَآءَ مِنۢ بَعْدِ قَوْمِ نُوحٍ وَزَادَكُمْ فِى ٱلْخَلْقِ بَصْۜطَةً ۖ فَٱذْكُرُوٓا ءَالَآءَ ٱللَّهِ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٦٩﴾

69. Оё, Худо тарафидан ўзларингизнинг қариндошларингиздан бир кишига ваҳий келса ва у панду насиҳат қилиб, Худонинг азобидан қўрқитса, таажжуб қиласизларми? Худонинг Сизларга бўлган марҳаматини унутмангларки, Аллоҳ таоло Нуҳ қавмини ҳалок қилгандан сўнг сизларни

ер юзига халифа қилди. Халқ ичида қувватларингизни ва давлатларингизни зиёда қилди. Бас, энди сизлар Худонинг неъматини ёд қилинглар ва унга иймон келтиринглар. Шундай қилганингизда (шоядки) Худонинг азобидан нажот топурсизлар».

قَالُوٓاْ أَجِئۡتَنَا لِنَعۡبُدَ ٱللَّهَ وَحۡدَهُۥ وَنَذَرَ مَا كَانَ يَعۡبُدُ ءَابَآؤُنَا فَأۡتِنَا بِمَا تَعِدُنَآ إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿٧٠﴾

70. Ҳуд (алайҳиссалом)нинг қавми Ҳуд (алайҳиссалом)га айтди: «Сен
8 жузъ бизга Худо тарафидан шу динни олиб келдингми? Токи биз Худога ибодат қилайлик-да, ота-бобомиз ибодат қилган бутларни тарк қилайликми? *Бизлар ҳаргиз бундай қилмаймиз. Сен бизларни Худонинг азобидан қўрқитадирсанми?* Агар Сен айтган сўзингда содиқ бўлсанг, бизларга ваъда қилган азобларингни олиб кел-чи?».

قَالَ قَدۡ وَقَعَ عَلَيۡكُم مِّن رَّبِّكُمۡ رِجۡسٌ وَغَضَبٌۖ أَتُجَٰدِلُونَنِي فِيٓ أَسۡمَآءٖ سَمَّيۡتُمُوهَآ أَنتُمۡ وَءَابَآؤُكُم مَّا نَزَّلَ ٱللَّهُ بِهَا مِن سُلۡطَٰنٖۚ فَٱنتَظِرُوٓاْ إِنِّي مَعَكُم مِّنَ ٱلۡمُنتَظِرِينَ ﴿٧١﴾ فَأَنجَيۡنَٰهُ وَٱلَّذِينَ مَعَهُۥ بِرَحۡمَةٖ مِّنَّا وَقَطَعۡنَا دَابِرَ ٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَاۖ وَمَا كَانُواْ مُؤۡمِنِينَ ﴿٧٢﴾

71-72. Ҳуд (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, энди сизларнинг тепаларингизга Худонинг азоби ва ғазаби нозил бўлмоғи вожиб бўлди. Оё, сизлар бобою аждодларингиз ном қўйиб ибодат қилган бутлар тўғрисида мен билан мужодала қиласизларми? Ваҳоланки, сизларнинг у бутларга ибодат қилишларингиз учун Худо тарафидан ҳеч қандай амр (ҳужжат) нозил бўлгани йўқ. Бас, сизлар Худонинг азобига мунтазир бўлиб туринглар, мен ҳам сизлар билан (бирга) мунтазир бўлиб турурман». *Бас, шундан кейин Ҳуд алайҳиссаломнинг дуолари билан Худойи таоло қаттиқ шамолни юбориб, ҳаммасини ҳалок қилди.* Бас, Биз Ҳуд (алайҳиссалом)га ва у билан бирга (бўлган) мўминларга фазлу марҳаматимиз билан нажот бердик. Таксиб қилувчи (ёлғонга чиқарувчи) кофирларни бех-бунёди (таг-томири) билан йўқ қилдик. Чунки улар иймон келтирмаган эдилар.

وَإِلَىٰ ثَمُودَ أَخَاهُمۡ صَٰلِحٗاۚ قَالَ يَٰقَوۡمِ ٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنۡ إِلَٰهٍ غَيۡرُهُۥۖ قَدۡ جَآءَتۡكُم بَيِّنَةٞ مِّن رَّبِّكُمۡۖ هَٰذِهِۦ نَاقَةُ ٱللَّهِ لَكُمۡ ءَايَةٗۖ فَذَرُوهَا تَأۡكُلۡ فِيٓ أَرۡضِ ٱللَّهِۖ وَلَا تَمَسُّوهَا بِسُوٓءٖ فَيَأۡخُذَكُمۡ عَذَابٌ أَلِيمٞ ﴿٧٣﴾

73. Биз Самуд қавмига ўзларининг хешларидан (қавмидан) Солиҳ (алайҳиссалом)ни пайғамбар қилиб юбордик. Солиҳ (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, бир (ёлғиз) Худонинг ўзига ибодат қилинглар. Ундан ўзга Худо йўқдир». Қавми айтдики: «Сен бизга ўз пайғамбарлигингта гувоҳ бўладиган мўъжиза кўрсатгил, Сенга иймон келтирамиз». *Ҳазрати Солиҳ*

алайҳиссалом айтдилар: «Қандай мўъжиза талаб қиласизлар?». «Эртага бизнинг ийдимиз (байрамимиз)дир. Ийд қиладиган жойимизда катта бир тош бор. Дуо қил, шу тошдан бир ҳомиладор туя чиқсин». Ҳазрати Солиҳ алайҳиссалом икки ракъат намоз ўқиб, Худога дуо қилди. Тош ҳаракатга келиб ёрилди ва ундан бир ҳомиладор туя чиқди. Ўшал онда туғди. Халқ кўриб турган эди. Қавмдан баъзилари шу ҳолда дарҳол иймон келтирдилар. Қолганлари: «Бизга сеҳр қилди», деб иймон келтирмадилар. Солиҳ (алайҳиссалом) айтди: «Мана бу мўъжиза Парвардигорларинг тарафидан менинг нубувватимга (пайғамбарлигимга) равшан далил (очиқ ҳужжат) бўлди. Мана бу Худонинг туяси. Сизларга менинг сиҳҳатий ри-
солатимга (ҳақиқий пайғамбарлигимга далил бўлгувчи) мўъжизадир. Бунга 8 жузъ
тегманглар. Худонинг ерида ўтлаб юрсин. Бунга ёмонлик қилманглар. Агар ёмонлик қилсангизлар, Худо тарафидан сизларга қаттиқ азоб келади».

وَٱذْكُرُوٓا۟ إِذْ جَعَلَكُمْ خُلَفَآءَ مِنۢ بَعْدِ عَادٍ وَبَوَّأَكُمْ فِى ٱلْأَرْضِ تَتَّخِذُونَ مِن سُهُولِهَا قُصُورًا وَتَنْحِتُونَ ٱلْجِبَالَ بُيُوتًا ۖ فَٱذْكُرُوٓا۟ ءَالَآءَ ٱللَّهِ وَلَا تَعْثَوْا۟ فِى ٱلْأَرْضِ مُفْسِدِينَ ﴿٧٤﴾

74. Солиҳ (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, Худонинг неъматини ёд қилинглар. Вақтики Од қавми ҳалок бўлди, (Аллоҳ таоло) сизларни уларнинг ўрнига халифа қилиб қўйди. Сизларни шундай жойларда сокин қилдики, юмшоқ ерларда қасрлар бино қилдингиз, (тоғларда) тошларни йўниб, ундан уйлар тайёрладингиз. Бас, Худонинг неъматини ёд қилинглар, унга иймон келтиринглар. Ер юзида фасод қилмангларки, ҳалок бўлурсизлар».

قَالَ ٱلْمَلَأُ ٱلَّذِينَ ٱسْتَكْبَرُوا۟ مِن قَوْمِهِۦ لِلَّذِينَ ٱسْتُضْعِفُوا۟ لِمَنْ ءَامَنَ مِنْهُمْ أَتَعْلَمُونَ أَنَّ صَٰلِحًا مُّرْسَلٌ مِّن رَّبِّهِۦ ۚ قَالُوٓا۟ إِنَّا بِمَآ أُرْسِلَ بِهِۦ مُؤْمِنُونَ ﴿٧٥﴾ قَالَ ٱلَّذِينَ ٱسْتَكْبَرُوٓا۟ إِنَّا بِٱلَّذِىٓ ءَامَنتُم بِهِۦ كَٰفِرُونَ ﴿٧٦﴾ فَعَقَرُوا۟ ٱلنَّاقَةَ وَعَتَوْا۟ عَنْ أَمْرِ رَبِّهِمْ وَقَالُوا۟ يَٰصَٰلِحُ ٱئْتِنَا بِمَا تَعِدُنَآ إِن كُنتَ مِنَ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٧٧﴾ فَأَخَذَتْهُمُ ٱلرَّجْفَةُ فَأَصْبَحُوا۟ فِى دَارِهِمْ جَٰثِمِينَ ﴿٧٨﴾

75-78. Солиҳ (алайҳиссалом)нинг қавмидан бир жамоанинг катталари иймон келтирган заифларига айтдилар: «Сизлар шу Солиҳнинг Худо тарафидан келган пайғамбар эканини биласизларми (тасдиқлайсизларми?)». У бечоралар айтдилар: «Бизлар Солиҳнинг пайғамбарлигига иймон келтирганмиз, у Ҳақ пайғамбаридир». У қавмнинг катталари (зодагонлари) кибр қилган ҳолда бу бечораларга айтдилар: «Бизлар сизлар иймон келтирган нарсага кофирмиз». Бас, бу қавм Худонинг буйруғидан саркашлик қилиб, туяни ўлдирдилар (сўйиб юбордилар) ва айтдиларки: «Эй Солиҳ, пайғамбар бўлсанг, бизга ваъда қилган Худонинг азобини олиб кел-чи?». Бас,

Солиҳ (алайҳиссалом) дуо қилди. Ерда зилзила пайдо бўлди, осмондан қаттиқ овоз эшитдилар. Ҳаммалари ўз уй-жойларида юзлари билан (юзтубан) йиқилган ҳолда ҳалок бўлдилар.

فَتَوَلَّىٰ عَنْهُمْ وَقَالَ يَٰقَوْمِ لَقَدْ أَبْلَغْتُكُمْ رِسَالَةَ رَبِّي وَنَصَحْتُ لَكُمْ وَلَٰكِن لَّا تُحِبُّونَ ٱلنَّٰصِحِينَ ﴿٧٩﴾

79. Солиҳ (алайҳиссалом)нинг қавми туяни ҳалок қилгандан сўнг (Солиҳ алайҳиссалом) улардан юз ўгириб айтган эдики: «Эй қавмим, сизлар-
8 жузъ га мен Худонинг пайғомини (хабарини) еткурдим ва сизларга кўп насиҳатлар ҳам қилдим. Аммо менинг насиҳатимни эшитмадингизлар. Лекин сизлар насиҳат қилгувчиларни ҳаргиз дўст тутмас эдингизлар. Охир ҳалок бўлдингизлар!»

وَلُوطًا إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِۦٓ أَتَأْتُونَ ٱلْفَٰحِشَةَ مَا سَبَقَكُم بِهَا مِنْ أَحَدٍ مِّنَ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٨٠﴾ إِنَّكُمْ لَتَأْتُونَ ٱلرِّجَالَ شَهْوَةً مِّن دُونِ ٱلنِّسَآءِ ۚ بَلْ أَنتُمْ قَوْمٌ مُّسْرِفُونَ ﴿٨١﴾

80-81. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз Лут (алайҳиссалом)ни ўз қавмига Пайғамбар қилиб юбордик. Ёд қилгил, вақтики Лут (алайҳиссалом) ўз қавмига айтди: «Эй қавмим, эркаклар билан бу ёмон амал (бaччабозлик)ни қилурсизларми? Сизлардан аввал олам аҳлидан ҳеч бир кимса бу ишни қилмагандир. Эй қавмим, сизлар хотинлардан ташқари эркаклар билан мубошаратда бўлурсизлар?! Шубҳасиз, сизлар ҳаддларингиздан тажовуз қилгувчисизлар».

وَمَا كَانَ جَوَابَ قَوْمِهِۦٓ إِلَّآ أَن قَالُوٓا۟ أَخْرِجُوهُم مِّن قَرْيَتِكُمْ ۖ إِنَّهُمْ أُنَاسٌ يَتَطَهَّرُونَ ﴿٨٢﴾ فَأَنجَيْنَٰهُ وَأَهْلَهُۥٓ إِلَّا ٱمْرَأَتَهُۥ كَانَتْ مِنَ ٱلْغَٰبِرِينَ ﴿٨٣﴾

82-83. Лут (алайҳиссалом)нинг насиҳатлари муқобилига қавмнинг жавоби шу бўлдики, баъзилари баъзиларига айтдилар: «Лутни аҳли аёли билан шаҳарларингиздан чиқаринглар (ҳайданглар). Чунки улар бир жамоадирларки, бизнинг қилиб турган ишимиздан ўзларини пок тутадилар». *Вақтики, уларнинг зулмлари (фисқу фасодлари) ҳаддан ошди, Жаброил алайҳиссаломга фармон бўлдики: «Уларни агдариб ташлаб, ҳалок қилгил!»* Биз Лут (алайҳиссалом)га ва унинг аҳлига ва мўминларга нажот бердик. Магар хотинига нажот бермадик, ҳалок қилдик. Чунки у кофирлар билан кейин қолганлардан эди.

وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهِم مَّطَرًا ۖ فَٱنظُرْ كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلْمُجْرِمِينَ ﴿٨٤﴾

84. Бу қавмнинг тепасига ёмғир ўрнига тошлар ёғдирдик. Бас, кўргилки, гуноҳкорларнинг оқибати нима бўлди!

وَإِلَىٰ مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا ۗ قَالَ يَٰقَوْمِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ غَيْرُهُۥ

قَدْ جَآءَتْكُم بَيِّنَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ ۖ فَأَوْفُوا۟ ٱلْكَيْلَ وَٱلْمِيزَانَ وَلَا تَبْخَسُوا۟
ٱلنَّاسَ أَشْيَآءَهُمْ وَلَا تُفْسِدُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ بَعْدَ إِصْلَٰحِهَا ۚ ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ
إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿٨٥﴾

85. Биз Мадян қавмига ўзларининг авлодларидан Шуайб (алайҳисса-
лом)ни пайғамбар қилиб юбордик. Шуайб (алайҳиссалом) ўз қавмига
айтди: «Бир (якка) Худонинг Ўзига ибодат қилинглар. Сизларга Ундан
бошқа Худо йўқдир». Шуайб (алайҳиссалом) ўз қавмига айтди: «Худо 9 жузъ
тарафидан менинг пайғамбарлигимга равшан мўъжиза келди. Бас, Ху-
дога иймон келтиринглар. Ўлчовда-тарозуда хиёнат қилманглар, ер юзи-
га (пайғамбарлар юборилиб) ислоҳ топгандан кейин фасод қилманглар.
Агар иймон келтирсангизлар сизларга яхши эди».

وَلَا تَقْعُدُوا۟ بِكُلِّ صِرَٰطٍ تُوعِدُونَ وَتَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ مَنْ ءَامَنَ
بِهِۦ وَتَبْغُونَهَا عِوَجًا ۚ وَٱذْكُرُوٓا۟ إِذْ كُنتُمْ قَلِيلًا فَكَثَّرَكُمْ ۖ وَٱنظُرُوا۟ كَيْفَ
كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلْمُفْسِدِينَ ﴿٨٦﴾ وَإِن كَانَ طَآئِفَةٌ مِّنكُمْ ءَامَنُوا۟ بِٱلَّذِىٓ
أُرْسِلْتُ بِهِۦ وَطَآئِفَةٌ لَّمْ يُؤْمِنُوا۟ فَٱصْبِرُوا۟ حَتَّىٰ يَحْكُمَ ٱللَّهُ بَيْنَنَا ۚ وَهُوَ خَيْرُ
ٱلْحَٰكِمِينَ ﴿٨٧﴾

86-87. (Ҳазрати) Шуайб қавмига айтди: «Эй қавмим, халқни қўрқитиш учун ва мўминларни Худонинг йўлидан қайтариш учун йўлларнинг бошида мунтазир бўлиб ўтирманг. Сизлар мўминларни тўғри йўлдан оздириб, қийшиқ (ботил) йўлга солишни ҳоҳлайсизларми? Сизлар Худонинг берган неъматини ва марҳаматини ёд қилинглар. Сизлар озгина халқ эдингиз, Худо авлодларингизга ва молингизга баракот бериб, кўп қилди. Ибрат билан назар қилинглар, илгари ҳалок бўлган муфсид (фасод қилувчи)ларнинг оқибати нима бўлди? Агар сизлардан бир тоифа менинг пайғамбарлигимга иймон келтирган бўлса, бир жамоа иймон келтирмагандир. Бас, сизлар бир-бирларингизга мухолиф икки фирқа бўлдингизлар. Энди то Худойи таоло ўртамизда ким ҳақу ким ноҳақ, ҳукм қилгунча сабр қилиб туринглар. Қайси фирқа ҳалок бўлади ва қайси фирқа нажот топади, (бу борада) Аллоҳ таоло ҳукм қилади. У яхши ҳукм қилгувчидир».

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЖУЗЪ

۞ قَالَ ٱلْمَلَأُ ٱلَّذِينَ ٱسْتَكْبَرُوا۟ مِن قَوْمِهِۦ لَنُخْرِجَنَّكَ يَٰشُعَيْبُ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟
مَعَكَ مِن قَرْيَتِنَآ أَوْ لَتَعُودُنَّ فِى مِلَّتِنَا ۚ قَالَ أَوَلَوْ كُنَّا كَٰرِهِينَ ﴿٨٨﴾ قَدِ ٱفْتَرَيْنَا عَلَى

ٱللَّهِ كَذِبًا إِنۡ عُدۡنَا فِي مِلَّتِكُم بَعۡدَ إِذۡ نَجَّىٰنَا ٱللَّهُ مِنۡهَاۚ وَمَا يَكُونُ لَنَآ أَن نَّعُودَ
فِيهَآ إِلَّآ أَن يَشَآءَ ٱللَّهُ رَبُّنَاۚ وَسِعَ رَبُّنَا كُلَّ شَيۡءٍ عِلۡمًاۚ عَلَى ٱللَّهِ تَوَكَّلۡنَاۚ رَبَّنَا ٱفۡتَحۡ
بَيۡنَنَا وَبَيۡنَ قَوۡمِنَا بِٱلۡحَقِّ وَأَنتَ خَيۡرُ ٱلۡفَٰتِحِينَ ﴿٨٩﴾

88-89. Шуайб (алайҳиссалом)га қавмининг саркашлари айтдилар: «Эй Шуайб, Сени ва Сенинг билан иймон келтирганларни шаҳримиздан хориж қиламиз (ҳайдаб чиқарамиз) ёки бизнинг динимизга кирасизлар».
9 жузъ Шуайб (алайҳиссалом) айтди: «Биз ҳоҳламасак ҳам, бизни мажбур қиласизларми? Агар бизлар Худо нажот бергандан сўнг сизнинг динингизга қайтсак, бас, у ҳолда биз ҳам сизга ўхшаб Худонинг шаънига ёлғон сўзларни тўқиган бўламиз. Сизнинг динингизга қайтмоқ бизга асло мумкин эмас. Магар Худонинг хоҳиши бўлса, (яъни Аллоҳ адаштиришни хоҳласа,) у ҳолда биз ожизмиз. Аллоҳнинг илми кенгдир. Ҳар кимнинг муқаддаротини (тақдирини) билади. Биз Худога таваккул қилдик». Сўнгра Шуайб (алайҳиссалом) Аллоҳга дуо қилиб айтди: «Эй Парвадигор, Биз билан бу кофир қавм ўртасида адолат билан ҳукм қилгил, Сен энг яхши ҳукм қилгувчидирсан».

وَقَالَ ٱلۡمَلَأُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ مِن قَوۡمِهِۦ لَئِنِ ٱتَّبَعۡتُمۡ شُعَيۡبًا إِنَّكُمۡ إِذٗا لَّخَٰسِرُونَ ﴿٩٠﴾

90. Кофирларнинг катталари (пешволари) иймон келтирган тоифага айтдилар: «Агар сизлар Шуайбга тобе бўлур экансизлар, албатта, сизлар бу ҳолда ўз нафсингизга зиён қилгувчилардан бўласизлар».

فَأَخَذَتۡهُمُ ٱلرَّجۡفَةُ فَأَصۡبَحُواْ فِي دَارِهِمۡ جَٰثِمِينَ ﴿٩١﴾ ٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ شُعَيۡبٗا
كَأَن لَّمۡ يَغۡنَوۡاْ فِيهَاۚ ٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ شُعَيۡبٗا كَانُواْ هُمُ ٱلۡخَٰسِرِينَ ﴿٩٢﴾ فَتَوَلَّىٰ
عَنۡهُمۡ وَقَالَ يَٰقَوۡمِ لَقَدۡ أَبۡلَغۡتُكُمۡ رِسَٰلَٰتِ رَبِّي وَنَصَحۡتُ لَكُمۡۖ فَكَيۡفَ
ءَاسَىٰ عَلَىٰ قَوۡمٖ كَٰفِرِينَ ﴿٩٣﴾

91-93. Бас, кофир қавмнинг зулми ҳаддан ошди. *Шуайб алайҳиссаломнинг насиҳатларини қабул қилмадилар. Уларга Худонинг азоби муқаррар бўлди.* Ерда оғир зилзила содир бўлди, ўз уйларида юзлари билан ерга йиқилиб, ҳаммалари ҳалок бўлдилар. Мўминлар ўз нафсларига зулм қилмадилар. Балки Шуайб (алайҳиссалом)ни такзиб қилувчилар (ёлғонга чиқарувчилар) зиёнкор бўлдилар. Шу даражада нобуд бўлдиларки, гўё у шаҳарда йўқ (ҳеч бўлмаган) эдилар. Бас, Шуайб (алайҳиссалом) у қавмдан юз ўгириб, айтди: «Эй қавмим, сизларга Худонинг ҳукмини етказган эдим ва насиҳатлар қилган эдим, қулоқ солмадингизлар. Охир (оқибат) ҳалок бўлдингизлар. Энди кофир қавмнинг ҳалок бўлганига мен қандай афсусланай? *Яъни, сира афсус қилмайман*».

وَمَآ أَرۡسَلۡنَا فِي قَرۡيَةٖ مِّن نَّبِيٍّ إِلَّآ أَخَذۡنَآ أَهۡلَهَا بِٱلۡبَأۡسَآءِ وَٱلضَّرَّآءِ لَعَلَّهُمۡ يَضَّرَّعُونَ

﴿٩٤﴾ ثُمَّ بَدَّلْنَا مَكَانَ ٱلسَّيِّئَةِ ٱلْحَسَنَةَ حَتَّىٰ عَفَوا۟ وَّقَالُوا۟ قَدْ مَسَّ ءَابَآءَنَا ٱلضَّرَّآءُ
وَٱلسَّرَّآءُ فَأَخَذْنَٰهُم بَغْتَةً وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٩٥﴾

94-95. Биз бирор қаря (қишлоқ-шаҳар)га пайғамбар юбормадик, магар юборганимизда, у қарянинг аҳлига очарчилик ва касалликлар бердик. Токи *Биз юборган Пайғамбарга иймон келтирсинлар* ва зору тазарру қилсинлар. *Агар бундан огоҳ бўлмасалар* (сўнгра) қаттиқлик ва очарчиликни кенгравлик (фаровонлик)ка ўзгартирдик, ҳатто молу давлатлари кўп бўлди. Улар *бундан ҳам огоҳланмасдан*, айтдилар: «Замоннинг одати шу – гоҳ қаттиқлик келтиради ва гоҳ осонлик. *Бунинг иймон ва куфрга дахли йўқ*. Чунки ота-боболаримизга ҳам гоҳ қаттиқлик, гоҳ осонлик келган». Шундай ҳолда Худони инкор қилиб, Пайғамбарнинг насиҳатига қулоқ солмасалар, уларни ғафлат босган ҳолда ногаҳон ҳалок қиламиз. 9 жузъ

وَلَوْ أَنَّ أَهْلَ ٱلْقُرَىٰٓ ءَامَنُوا۟ وَٱتَّقَوْا۟ لَفَتَحْنَا عَلَيْهِم بَرَكَٰتٍ مِّنَ ٱلسَّمَآءِ وَٱلْأَرْضِ
وَلَٰكِن كَذَّبُوا۟ فَأَخَذْنَٰهُم بِمَا كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿٩٦﴾ أَفَأَمِنَ أَهْلُ ٱلْقُرَىٰٓ أَن
يَأْتِيَهُم بَأْسُنَا بَيَٰتًا وَهُمْ نَآئِمُونَ ﴿٩٧﴾ أَوَأَمِنَ أَهْلُ ٱلْقُرَىٰٓ أَن يَأْتِيَهُم بَأْسُنَا
ضُحًى وَهُمْ يَلْعَبُونَ ﴿٩٨﴾ أَفَأَمِنُوا۟ مَكْرَ ٱللَّهِ ۚ فَلَا يَأْمَنُ مَكْرَ ٱللَّهِ إِلَّا ٱلْقَوْمُ
ٱلْخَٰسِرُونَ ﴿٩٩﴾

96-99. Агар бу қаря (қишлоқ-шаҳар)лар аҳли иймон келтириб, Худодан қўрққанларида эди, осмон тарафидан баракотлар ва ердан ҳам баракотлар уларга муяссар бўлур эди. Лекин улар пайғамбарларини таксиб қилдилар (ёлғончига чиқардилар), куфрларида давом этдилар. Қилган амалларининг бадалига азобга мубтало қилдик. Оё, бу қаря (қишлоқ-шаҳар)лар аҳли кечаси (тунда) ухлаган ҳолларида бизнинг азобимиз келишидан эмин (хотиржам)дирларми? Ёки бу аҳли қарялар кундуз куни ўйин қилиб ўтирган ҳолларида азобимиз бошларига келишидан эминдирларми? Оё, Худонинг «макр»идан ғофилларми? Ҳеч ким Худонинг макридан ғофил эмас, магар кофирлар қавми ғофилдир.

أَوَلَمْ يَهْدِ لِلَّذِينَ يَرِثُونَ ٱلْأَرْضَ مِنۢ بَعْدِ أَهْلِهَآ أَن لَّوْ نَشَآءُ أَصَبْنَٰهُم
بِذُنُوبِهِمْ ۚ وَنَطْبَعُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ فَهُمْ لَا يَسْمَعُونَ ﴿١٠٠﴾

100. Бас, (илгари ўтган) бир қавм ҳалок бўлгандан сўнг жойларига (ерларига) меросхўр бўлиб ўтирган одамларга, агар Биз истасак, уларнинг гуноҳлари сабабли азоб бериб ҳалок қилишимизни очиқ баён қилиб бермадикми? Ва уларнинг дилларига муҳр босамиз, кейин улар ҳеч қандай насиҳатни эшитмайдилар.

تِلْكَ ٱلْقُرَىٰ نَقُصُّ عَلَيْكَ مِنْ أَنۢبَآئِهَا ۚ وَلَقَدْ جَآءَتْهُمْ رُسُلُهُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ فَمَا

كَانُوا۟ لِيُؤْمِنُوا۟ بِمَا كَذَّبُوا۟ مِن قَبْلُ ۚ كَذَٰلِكَ يَطْبَعُ ٱللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِ
ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿١٠١﴾ وَمَا وَجَدْنَا لِأَكْثَرِهِم مِّنْ عَهْدٍ ۖ وَإِن وَجَدْنَآ أَكْثَرَهُمْ
لَفَٰسِقِينَ ﴿١٠٢﴾

101-102. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга Биз аҳлини ҳалок қилганимиз қарялар (қишлоқ-шаҳарлар) ва уларнинг ҳикояларини (қиссаларини) баён қилурмиз. Уларга пайғамбарлар келган ва мўъжизалар кўрсатган эди. Улар иймон келтирмадилар, шунингдек, илгари ҳам иймон келтирмаган эдилар, *дилларига иймон таъсир қилмас эди.* Аллоҳ таоло шуларга ўхшаш кофирларнинг дилларига муҳр босади. Уларнинг аксарида қилган аҳдларига вафо топмадик. *Яъни, мийсоқ кунида қилган аҳдларидан қайтган эдилар,* балки, аксарини фосиқ ҳолда топдик.

9 жузъ

ثُمَّ بَعَثْنَا مِنۢ بَعْدِهِم مُّوسَىٰ بِـَٔايَٰتِنَآ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَمَلَإِي۟هِۦ فَظَلَمُوا۟ بِهَا ۖ فَٱنظُرْ
كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلْمُفْسِدِينَ ﴿١٠٣﴾ وَقَالَ مُوسَىٰ يَٰفِرْعَوْنُ إِنِّى رَسُولٌ مِّن
رَّبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٠٤﴾ حَقِيقٌ عَلَىٰٓ أَن لَّآ أَقُولَ عَلَى ٱللَّهِ إِلَّا ٱلْحَقَّ ۚ قَدْ جِئْتُكُم
بِبَيِّنَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ فَأَرْسِلْ مَعِىَ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ﴿١٠٥﴾

103-105. Сўнгра Биз (мазкур) пайғамбарлардан кейин Мусо (алайҳиссалом)ни Фиръавн ва унинг қавмига пайғамбар қилиб мўъжизалар билан юбордик. Бас, Фиръавн (ўз) қавми билан мўъжизаларни инкор қилдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), охир муфсидларнинг оқибатлари нима бўлганини кўр, фикр қил. Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Эй Фиръавн, мен Парвардигори олам тарафидан келган Пайғамбарман. Менга лойиқ (зиммамдаги вазифа) шуки, Худо шаънига ҳақ сўздан бошқа сўзни айтмасман. Эй Фиръавн, мен Худо тарафидан мўъжизалар билан келдим. Энди *сенга менинг илтимосим* (талабим), Бани Исроил қавмини менга топшир, мен (уларни) олиб кетай.

قَالَ إِن كُنتَ جِئْتَ بِـَٔايَةٍ فَأْتِ بِهَآ إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿١٠٦﴾ فَأَلْقَىٰ عَصَاهُ
فَإِذَا هِىَ ثُعْبَانٌ مُّبِينٌ ﴿١٠٧﴾ وَنَزَعَ يَدَهُۥ فَإِذَا هِىَ بَيْضَآءُ لِلنَّٰظِرِينَ ﴿١٠٨﴾

106-108. Фиръавн айтди: «Агар Сен ростгўйлардан бўлиб мўъжиза олиб келган бўлсанг, уни бизга кўрсат». Бас, Мусо (алайҳиссалом) қўлидаги асойини ерга ташлади. Бас, асойи ошкора (ростакам) аждаҳо бўлди ва сўнгра қўлларини енгларидан чиқарди, бас, ногоҳ қўллари назар қилувчиларга нуроний (оқ) бўлиб кўринди, *ҳатто офтоб нуридан ғалаба қилур эди.*

قَالَ ٱلْمَلَأُ مِن قَوْمِ فِرْعَوْنَ إِنَّ هَٰذَا لَسَٰحِرٌ عَلِيمٌ ﴿١٠٩﴾ يُرِيدُ أَن يُخْرِجَكُم مِّنْ

أَرۡضِكُمۡۖ فَمَاذَا تَأۡمُرُونَ ﴿١١٠﴾ قَالُوٓاْ أَرۡجِهۡ وَأَخَاهُ وَأَرۡسِلۡ فِي ٱلۡمَدَآئِنِ حَٰشِرِينَ
﴿١١١﴾ يَأۡتُوكَ بِكُلِّ سَٰحِرٍ عَلِيمٖ ﴿١١٢﴾ وَجَآءَ ٱلسَّحَرَةُ فِرۡعَوۡنَ قَالُوٓاْ إِنَّ لَنَا
لَأَجۡرًا إِن كُنَّا نَحۡنُ ٱلۡغَٰلِبِينَ ﴿١١٣﴾ قَالَ نَعَمۡ وَإِنَّكُمۡ لَمِنَ ٱلۡمُقَرَّبِينَ ﴿١١٤﴾ قَالُواْ
يَٰمُوسَىٰٓ إِمَّآ أَن تُلۡقِيَ وَإِمَّآ أَن نَّكُونَ نَحۡنُ ٱلۡمُلۡقِينَ ﴿١١٥﴾

109-115. Фиръавн қавмининг катталари (улуғлари) айтдилар: «Албатта, бу Мусо илмлик соҳир (сеҳргар)дир. Фиръавн айтди: «Бу сизларни мамлакатларингиздан чиқариб, Бани Исроилни жойларингизга қўймоқни хоҳлайди. Бас, нима тадбир қиласизлар? Қавми айтди: «Эй Фиръавн, Мусони ва биродари Ҳоруннинг ишини тўхтатиб тургин-да, шаҳарларга жам қилувчиларни юборгил, токи илмли соҳирларни жамлаб (йиғиб) келсинлар ва (улар) Мусога муқобил бўлсинлар. Вақтики соҳирлар Фиръавн ҳузурига йиғилиб келдилар ва айтдилар: «Агар бизлар Мусодан ғолиб бўлсак, бизга мукофот берасанми?» Фиръавн айтди: «Берамиз, сизлар (ғолиб бўлсангизлар,) бизга муқаррабин (энг яқин)лардан бўласизлар». Соҳирлар Мусо (алайҳиссалом)га айтдилар: «Эй Мусо, Сен сеҳрингни (қўлингдаги асойингни) илгари ташлайсанми ёки биз (қўлимиздаги нарсаларни) ташлайликми?» 9 жузъ

قَالَ أَلۡقُواْۖ فَلَمَّآ أَلۡقَوۡاْ سَحَرُوٓاْ أَعۡيُنَ ٱلنَّاسِ وَٱسۡتَرۡهَبُوهُمۡ وَجَآءُو بِسِحۡرٍ
عَظِيمٖ ﴿١١٦﴾ ۞ وَأَوۡحَيۡنَآ إِلَىٰ مُوسَىٰٓ أَنۡ أَلۡقِ عَصَاكَۖ فَإِذَا هِيَ تَلۡقَفُ مَا
يَأۡفِكُونَ ﴿١١٧﴾ فَوَقَعَ ٱلۡحَقُّ وَبَطَلَ مَا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ﴿١١٨﴾ فَغُلِبُواْ هُنَالِكَ
وَٱنقَلَبُواْ صَٰغِرِينَ ﴿١١٩﴾

116-119. Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Сизлар аввал ташланглар». Вақтики соҳирлар сеҳрларини ерга ташладилар, одамларнинг кўзларини сеҳр қилиб боғладилар, ниҳоятда қўрқитдилар. Жодугарлар улуғ (зўр) сеҳрни пайдо қилдилар. Биз Мусо (алайҳиссалом)га ваҳий юбориб амр қилдик: «Асойингни ерга ташла!» Бас, асо ногоҳ аждаҳо бўлди ва соҳирларнинг қилган сеҳрини ютиб юборди. Бас, уларнинг қилган амаллари ботил бўлиб, ҳақ қарор топди. Бас, улар мағлуб бўлдилар, ўша жойда хор бўлган ҳолда орқаларига қайтдилар.

وَأُلۡقِيَ ٱلسَّحَرَةُ سَٰجِدِينَ ﴿١٢٠﴾ قَالُوٓاْ ءَامَنَّا بِرَبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ﴿١٢١﴾ رَبِّ مُوسَىٰ
وَهَٰرُونَ ﴿١٢٢﴾ قَالَ فِرۡعَوۡنُ ءَامَنتُم بِهِۦ قَبۡلَ أَنۡ ءَاذَنَ لَكُمۡۖ إِنَّ هَٰذَا لَمَكۡرٞ مَّكَرۡتُمُوهُ
فِي ٱلۡمَدِينَةِ لِتُخۡرِجُواْ مِنۡهَآ أَهۡلَهَاۖ فَسَوۡفَ تَعۡلَمُونَ ﴿١٢٣﴾ لَأُقَطِّعَنَّ أَيۡدِيَكُمۡ

وَأَرْجُلَكُم مِّنْ خِلَافٍ ثُمَّ لَأُصَلِّبَنَّكُمْ أَجْمَعِينَ ﴿١٢٤﴾ قَالُوٓا۟ إِنَّآ إِلَىٰ رَبِّنَا مُنقَلِبُونَ
﴿١٢٥﴾ وَمَا تَنقِمُ مِنَّآ إِلَّآ أَنْ ءَامَنَّا بِـَٔايَٰتِ رَبِّنَا لَمَّا جَآءَتْنَا ۚ رَبَّنَآ أَفْرِغْ عَلَيْنَا
صَبْرًا وَتَوَفَّنَا مُسْلِمِينَ ﴿١٢٦﴾

120-126. *Вақтики соҳирлар бу мўъжизаларни кўрдилар,* сажда қилмоқ
учун ерга йиқилдилар. «Биз Мусо (алайҳиссалом) ва Ҳорун (алайҳиссалом)-
9 жузъ нинг Худоси бўлган Парвардигори оламга иймон келтирдик», — дедилар.
Фиръавн соҳирларга айтди: «Мен рухсат бермасдан туриб сизлар унга қандай иймон келтирдингизлар? Сизларнинг бу қилган ишларингиз Мусо билан шаҳарда қилган махфий тадбирингиздир. Мен сизларга қандай азоб беришимни яқинда билурсизлар. Мен оёқ ва қўлларингизни хилоф тарзда (ўнг қўл ва чап оёғингизни) кесаман. Сизларни ибрат учун дорга осаман. Жодугарлар айтдилар: «Агар сен бизни ўлдирсанг, бизлар учун саодатдир. Чунки бизлар у ҳолда Парвардигоримиз ҳузурига қайтурмиз. Сен бизга адоват қилиб, биздан интиқом олмоқдасан, шунинг учунки, бизлар Парвардигоримизнинг ҳақлигига, келган мўъжизаларга иймон келтирдик. Кейин Парвардигорга муножот қилиб айтдилар: «Бизларга Фиръавннинг азобига сабр ато қил. Бизларга иймон ва Ислом йўлида ўлишни насиб эт!»

وَقَالَ ٱلْمَلَأُ مِن قَوْمِ فِرْعَوْنَ أَتَذَرُ مُوسَىٰ وَقَوْمَهُۥ لِيُفْسِدُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ
وَيَذَرَكَ وَءَالِهَتَكَ ۚ قَالَ سَنُقَتِّلُ أَبْنَآءَهُمْ وَنَسْتَحْىِۦ نِسَآءَهُمْ وَإِنَّا فَوْقَهُمْ
قَٰهِرُونَ ﴿١٢٧﴾

127. Фиръавн қавмининг улуғлари айтдилар: «Эй Фиръавн, Мусо ва унинг қавми — бани Исроилни тирик қолдирасанми? Токи ер юзида фасод қилиб, халқни сенга душман қилсинларми? Ва ҳам сенга итоат этмай, худолигингга мункир бўлсинларми?». Фиръавн айтди: «Яқинда уларни жазолайман. Ўғил болаларини ўлдириб, қизларини тирик қолдираман. Токи бизларга қизлари хизматкор бўлсинлар. Албатта, мен уларнинг устидан ғолибман ва (уларга) қудратим етади».

قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ ٱسْتَعِينُوا۟ بِٱللَّهِ وَٱصْبِرُوٓا۟ ۖ إِنَّ ٱلْأَرْضَ لِلَّهِ يُورِثُهَا مَن يَشَآءُ
مِنْ عِبَادِهِۦ ۖ وَٱلْعَٰقِبَةُ لِلْمُتَّقِينَ ﴿١٢٨﴾ قَالُوٓا۟ أُوذِينَا مِن قَبْلِ أَن تَأْتِيَنَا وَمِنۢ بَعْدِ
مَا جِئْتَنَا ۚ قَالَ عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَن يُهْلِكَ عَدُوَّكُمْ وَيَسْتَخْلِفَكُمْ فِى ٱلْأَرْضِ
فَيَنظُرَ كَيْفَ تَعْمَلُونَ ﴿١٢٩﴾

128-129. Мусо (алайҳиссалом) ўз қавмига айтди: «Душмандан нажот топиш учун Худодан ёрдам талаб қилинглар. Душмандан келган кулфатга сабр қилинглар. Чунки ер юзи Худонинг мулки, бандаларидан кимга хоҳласа, беради. Худонинг муттақий бандалари оқибат ғолиб бўладилар».

Мусо (алайҳиссалом)га яҳудлар айтдилар: «Бу Фиръавн Сен келмасингдан илгари ҳам бизга азоб берар эди. Сен келганингдан кейин ҳам азоб бериши давом этмоқда». Мусо (алайҳиссалом) қавмига айтди: «Худодан умид қиламанки, яқинда душманларингизни ҳалок қилиб, уларнинг жойига сизларни халифа қилади. Бас, Парвардигор сизларга бундай эҳсон қилгандан кейин қандай амаллар қилишингизга назар солади».

وَلَقَدْ أَخَذْنَآ ءَالَ فِرْعَوْنَ بِٱلسِّنِينَ وَنَقْصٍ مِّنَ ٱلثَّمَرَٰتِ لَعَلَّهُمْ يَذَّكَّرُونَ
﴿١٣٠﴾ فَإِذَا جَآءَتْهُمُ ٱلْحَسَنَةُ قَالُوا۟ لَنَا هَٰذِهِۦ ۖ وَإِن تُصِبْهُمْ سَيِّئَةٌ يَطَّيَّرُوا۟ بِمُوسَىٰ 9 жузъ
وَمَن مَّعَهُۥٓ ۗ أَلَآ إِنَّمَا طَٰٓئِرُهُمْ عِندَ ٱللَّهِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٣١﴾

130–131. Биз ибрат олиб, огоҳ бўларлар деб, Фиръавннинг қавмини қаҳатчиликка мубтало қилдик. Меваларига, ҳосилотларига нуқсон етказдик. Вақтики Худо тарафидан уларга енгиллик (фаровонлик) бўлса, айтардиларки, биз шундай роҳатга мустаҳиқ (лойиқ) эдик. Агар уларга қаҳатчилик, кулфат келса: «Бизларга бу бало Мусонинг вужудидан ва қавмининг шумлигидан келди», – дер эдилар. Огоҳ бўлсинларки, яхшилик ва ёмонлик Худо тарафидан бўлади. Лекин уларнинг аксари беақлдирлар.

وَقَالُوا۟ مَهْمَا تَأْتِنَا بِهِۦ مِنْ ءَايَةٍ لِّتَسْحَرَنَا بِهَا فَمَا نَحْنُ لَكَ بِمُؤْمِنِينَ ﴿١٣٢﴾

132. Фиръавннинг қавми айтди: «Эй Мусо, Сен қандай мўъжиза келтирсанг ҳам, бизни жоду қилиб, бошимизни айлантириш учун олиб келасан. Биз Сенга ҳаргиз ишонмаймиз».

فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمُ ٱلطُّوفَانَ وَٱلْجَرَادَ وَٱلْقُمَّلَ وَٱلضَّفَادِعَ وَٱلدَّمَ ءَايَٰتٍ مُّفَصَّلَٰتٍ
فَٱسْتَكْبَرُوا۟ وَكَانُوا۟ قَوْمًا مُّجْرِمِينَ ﴿١٣٣﴾

133, Бас, биз уларга тўфон балосини юбордик. *Уйларини сел босди. Бу бало билан ҳам огоҳланмадилар.* Сўнгра экинларига чигиртка балоси келиб, экинларини еб тамом қилди. *Яна иймон келтирмадилар.* Бит балоси келди. *Бундан ҳам огоҳ бўлмадилар.* Сўнгра бақа балоси келиб, *шаҳар бақаларга тўлиб кетди.* Ундан сўнг сувлар қонга айланди. Бу ишлар Худонинг қудратига далолат қилгувчи мўъжизотлар эди. Бу қавм шу қадар мўъжизотни кўриб туриб ҳам гарданкашлик (нофармонлик) қилиб, иймон келтирмади. Улар ниҳоятда мужрим (осий) ва шақий (бадбахт) қавм эдилар.

وَلَمَّا وَقَعَ عَلَيْهِمُ ٱلرِّجْزُ قَالُوا۟ يَٰمُوسَى ٱدْعُ لَنَا رَبَّكَ بِمَا عَهِدَ عِندَكَ ۖ لَئِن
كَشَفْتَ عَنَّا ٱلرِّجْزَ لَنُؤْمِنَنَّ لَكَ وَلَنُرْسِلَنَّ مَعَكَ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ﴿١٣٤﴾ فَلَمَّا
كَشَفْنَا عَنْهُمُ ٱلرِّجْزَ إِلَىٰٓ أَجَلٍ هُم بَٰلِغُوهُ إِذَا هُمْ يَنكُثُونَ ﴿١٣٥﴾ فَٱنتَقَمْنَا مِنْهُمْ
فَأَغْرَقْنَٰهُمْ فِى ٱلْيَمِّ بِأَنَّهُمْ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا وَكَانُوا۟ عَنْهَا غَٰفِلِينَ ﴿١٣٦﴾

134-136. Вақтики Фиръавн қавмига бало келди, улар (Ҳазрати) Мусога айтдилар: «Эй Мусо, Парвардигоринг Сенга: «Дуо қилсанг, мустажоб қиламан», – деб аҳд қилган экан. Худонинг шу аҳдига мувофиқ дуо қил. Агар Сен дуо қилиб, биздан шу балони кўтарсанг, Сенга иймон келтирамиз ва бани Исроилни Сенга топширамиз». Вақтики Биз (Ҳазрати) Мусонинг дуоси билан балони (муайян муддатгача) уларнинг тепасидан кўтардик ва уларни бало келиш вақтигача ўз ҳолларига қўйиб қўйдик, бас, ногоҳ улар аҳдларини синдира бошладилар. *Яъни, иймон келтирмадилар,* сўнгра биз у қавмдан интиқом олдик. Бизнинг қудратимизга таксиб қилганлари (оят-
9 жузъ ларимизни ёлғонга чиқарганлари) сабабидан дарёга ғарқ қилдик. Бу қавм бизнинг оятларимизни тааммул (фикр, андиша) қилишдан ғофил эдилар.

وَأَوْرَثْنَا ٱلْقَوْمَ ٱلَّذِينَ كَانُوا۟ يُسْتَضْعَفُونَ مَشَٰرِقَ ٱلْأَرْضِ وَمَغَٰرِبَهَا ٱلَّتِى بَٰرَكْنَا فِيهَا ۖ وَتَمَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ ٱلْحُسْنَىٰ عَلَىٰ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ بِمَا صَبَرُوا۟ ۖ وَدَمَّرْنَا مَا كَانَ يَصْنَعُ فِرْعَوْنُ وَقَوْمُهُۥ وَمَا كَانُوا۟ يَعْرِشُونَ ﴿١٣٧﴾

137. Биз Фиръавннинг қўлида асир ва ожиз бўлиб қолган Бани Исроилга *Шом ерининг* машриқ ва мағриб тарафларини мерос қилиб бердик. У ерларни баракотли қилдик. Бани Исроил қавми Фиръавннинг азобларига сабр қилганлари учун Худойи таолонинг уларга берган ваъдалари (гўзал сўзлари) камолга етди. Фиръавн ва унинг қавми қурган иморатларни вайрон айладик. Ва тепа (баланд) қилиб кўтарган баланд қасрларини ҳам хароб қилдик.

وَجَٰوَزْنَا بِبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ٱلْبَحْرَ فَأَتَوْا۟ عَلَىٰ قَوْمٍ يَعْكُفُونَ عَلَىٰٓ أَصْنَامٍ لَّهُمْ ۚ قَالُوا۟ يَٰمُوسَى ٱجْعَل لَّنَآ إِلَٰهًا كَمَا لَهُمْ ءَالِهَةٌ ۚ قَالَ إِنَّكُمْ قَوْمٌ تَجْهَلُونَ ﴿١٣٨﴾

138. Биз Бани Исроилни Фиръавн зулмидан нажот бериб саломатлик бирла дарёдан ўтказдик. Бас, улар йўл юриб, бир қавмнинг олдидан ўтдилар. Уларнинг бутларга ибодат қилиб турганини кўриб айтдилар: «Эй Мусо, бизларга ҳам шу қавмникига ўхшаш кўриб туриб ибодат қиладиган бир худо (бут, санам) тайёрлаб (ясаб) бер». Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Сизлар ажаб жоҳил, аҳмоқ қавм экансизлар».

إِنَّ هَٰٓؤُلَآءِ مُتَبَّرٌ مَّا هُمْ فِيهِ وَبَٰطِلٌ مَّا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٣٩﴾ قَالَ أَغَيْرَ ٱللَّهِ أَبْغِيكُمْ إِلَٰهًا وَهُوَ فَضَّلَكُمْ عَلَى ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٤٠﴾

139-140. Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Эй яҳудлар, бу бутпараст қавмнинг ҳолини орзу қилманглар, чунки бу қавм шу бутпарастликда ҳалок бўлгувчидирлар. Уларнинг қилган амаллари ботилдир». Мусо (алайҳиссалом) айтдики: «Қандай жоҳил қавмсизлар, Мен сизларга якка-ягона Худони қўйиб, ботил худо (бут)ни талаб қилайми ва уни тайёрлаб берайми? Ваҳоланки, Худойи таоло бошқалардан кўра сизларга кўпроқ фазилат берди ва эҳсон қилди!».

وَإِذْ أَنجَيْنَٰكُم مِّنْ ءَالِ فِرْعَوْنَ يَسُومُونَكُمْ سُوٓءَ ٱلْعَذَابِ ۖ يُقَتِّلُونَ
أَبْنَآءَكُمْ وَيَسْتَحْيُونَ نِسَآءَكُمْ ۚ وَفِى ذَٰلِكُم بَلَآءٌ مِّن رَّبِّكُمْ عَظِيمٌ ﴿١٤١﴾

141. (Эй Бани Исроил,) Фиръавн қавмидан сизларга нажот берганимизни ёд қилинглар. Улар сизларга оғир азоблар берар, ўғилларингизни ўлдирар ва қизларингизни хизматкор қилиб олар эдилар. Ушбу азоблардан нажот топишингиз Парвардигорнинг сизларга улуғ марҳамати бўлди

۞ وَوَٰعَدْنَا مُوسَىٰ ثَلَٰثِينَ لَيْلَةً وَأَتْمَمْنَٰهَا بِعَشْرٍ فَتَمَّ مِيقَٰتُ رَبِّهِۦٓ أَرْبَعِينَ 9 жузъ
لَيْلَةً ۚ وَقَالَ مُوسَىٰ لِأَخِيهِ هَٰرُونَ ٱخْلُفْنِى فِى قَوْمِى وَأَصْلِحْ وَلَا تَتَّبِعْ سَبِيلَ
ٱلْمُفْسِدِينَ ﴿١٤٢﴾ وَلَمَّا جَآءَ مُوسَىٰ لِمِيقَٰتِنَا وَكَلَّمَهُۥ رَبُّهُۥ قَالَ رَبِّ أَرِنِىٓ أَنظُرْ
إِلَيْكَ ۚ قَالَ لَن تَرَىٰنِى وَلَٰكِنِ ٱنظُرْ إِلَى ٱلْجَبَلِ فَإِنِ ٱسْتَقَرَّ مَكَانَهُۥ فَسَوْفَ
تَرَىٰنِى ۚ فَلَمَّا تَجَلَّىٰ رَبُّهُۥ لِلْجَبَلِ جَعَلَهُۥ دَكًّا وَخَرَّ مُوسَىٰ صَعِقًا ۚ فَلَمَّآ أَفَاقَ قَالَ
سُبْحَٰنَكَ تُبْتُ إِلَيْكَ وَأَنَا۠ أَوَّلُ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٤٣﴾

142-143. Биз Мусо (алайҳиссалом)га ўттиз кундан кейин Таврот китобини беришга ваъда қилдик. Биз ўттиз кунни яна ўн кун билан мукаммал қилдик (тўлдирдик). Токи *Парвардигорнинг муқаррар қилган вақти қирқ* кун, *яъни, зулқаъда ойидан зулҳижжанинг ўнига қадар муқаррар* бўлсин. Мусо (алайҳиссалом) биродари Ҳорунга айтди: «Сен қолган қавмга менинг ўрнимга халифа бўлгил ва уларнинг ҳолларини ислоҳ қилгил, муфсидларнинг сўзига кирмагил». Мусо (алайҳиссалом) ваъда қилинган маконга келди. Худо у билан сўзлашди. *Худонинг каломининг лаззатидан маст бўлиб* Худонинг дийдорини ҳам талаб қила бошлади. Айтдики: «Эй Парвардигоро, Ўз зотингни менга кўрсат, ўз кўзим билан Сенга назар қилай». Худо айтди: «Эй Мусо, Мени бу дунёда кўрмайдирсан, лекин Сен тоққа назар қилгил. Агар тоғ тоқат қилиб, ўз жойида барқарор бўлса (турса), зуд (тезда) Сен ҳам кўрасан». Вақтики Мусонинг Парвардигори тоққа тажаллий қилди ва уни бўлак-бўлак (парча-парча) қилиб юборди. Мусо (бу ҳолатни кўриб) беҳуш бўлиб йиқилди. Вақтики (Ҳазрати) Мусо ҳушига келиб, айтди: «Эй Парвардигоро, Сен бу дунёда бандаларга кўринишдан муназзаҳсан (поксан), қилган хатоимга тавба қилдим, Сенинг азаматингга ишонувчиларнинг биринчиси (пешқадами)дурман».

قَالَ يَٰمُوسَىٰٓ إِنِّى ٱصْطَفَيْتُكَ عَلَى ٱلنَّاسِ بِرِسَٰلَٰتِى وَبِكَلَٰمِى فَخُذْ مَآ ءَاتَيْتُكَ
وَكُن مِّنَ ٱلشَّٰكِرِينَ ﴿١٤٤﴾

144. Парвардигор айтди: «Эй Мусо, халқ ичида пайғамбар бўлишга Сени ихтиёр қилдим. Мен билан калом қилиш (бевосита сўзлашиш) фазилатига Сени хос қилдим. Ҳар нарсаники Сенга бердим, қабул қилиб ол. Ва шунга қаноат қилгил. Берган нарсамга шукр қилиб, шокирлардан бўлгил».

وَكَتَبْنَا لَهُۥ فِى ٱلْأَلْوَاحِ مِن كُلِّ شَىْءٍ مَّوْعِظَةً وَتَفْصِيلًا لِّكُلِّ شَىْءٍ فَخُذْهَا
بِقُوَّةٍ وَأْمُرْ قَوْمَكَ يَأْخُذُوا۟ بِأَحْسَنِهَا ۚ سَأُو۟رِيكُمْ دَارَ ٱلْفَٰسِقِينَ ﴿١٤٥﴾

145. Тавротни Мусога ато қилдик. Мусога Таврот лавҳида (саҳифаларида) ҳар бир нарсадан панд (ибрат) олиш учун мавъизалар ёзган эдик. Ва ҳам (унда) ҳар бир амр ва наҳийнинг тафсилоти бор эди. Мусога амр қилдикки, бу Тавротни завқ ва шавқ билан қабул қилиб ол ва унга амал қил. Қавмингга ҳам амр қилгилки, Тавротнинг ичидан ўзлари учун яхши (гўзал) мавъизалар (панд-насиҳатлар) олсинлар. Яқинда сизларга дўзахда фосиқларнинг ётади-
9 жузъ ган жойларини (диёрини) кўрсатаман. *Ёки Фиръавннинг ҳалок бўлган қавмини, кейин унинг хароб бўлган қасрларини кўрсатаман.*

سَأَصْرِفُ عَنْ ءَايَٰتِىَ ٱلَّذِينَ يَتَكَبَّرُونَ فِى ٱلْأَرْضِ بِغَيْرِ ٱلْحَقِّ وَإِن يَرَوْا۟ كُلَّ
ءَايَةٍ لَّا يُؤْمِنُوا۟ بِهَا وَإِن يَرَوْا۟ سَبِيلَ ٱلرُّشْدِ لَا يَتَّخِذُوهُ سَبِيلًا وَإِن يَرَوْا۟ سَبِيلَ
ٱلْغَىِّ يَتَّخِذُوهُ سَبِيلًا ۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا وَكَانُوا۟ عَنْهَا غَٰفِلِينَ ﴿١٤٦﴾

146. Ер юзида ноҳақ такаббурлик қиладиган, ҳамма нишонани кўрсалар ҳам, унга ишонмайдиган ва агар ҳидоят йўлини кўрсалар ҳам, уни ўзларига йўл тутмайдиган, гумроҳлик (залолат йўлини) кўрсалар, уни ўзларига йўл қилиб оладиган одамларни Мен Ўз оятларим(ни англаш)дан манъ қилурман. Бу шунинг учунки, улар Бизнинг оятларимизни ёлғон дедилар ва ундан ғофил қолдилар.

وَٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا وَلِقَآءِ ٱلْءَاخِرَةِ حَبِطَتْ أَعْمَٰلُهُمْ ۚ هَلْ يُجْزَوْنَ إِلَّا
مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٤٧﴾

147. Оятларимизни ёлғон деган ва ҳам охиратнинг келишини инкор қилган гуруҳлар (кимсалар)нинг ҳамма яхши амаллари ботил бўлиб, охиратда фойда бермайди. Уларга (фақат) амалларига яраша жазо берилади.

وَٱتَّخَذَ قَوْمُ مُوسَىٰ مِنۢ بَعْدِهِۦ مِنْ حُلِيِّهِمْ عِجْلًا جَسَدًا لَّهُۥ خُوَارٌ ۚ أَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّهُۥ
لَا يُكَلِّمُهُمْ وَلَا يَهْدِيهِمْ سَبِيلًا ۘ ٱتَّخَذُوهُ وَكَانُوا۟ ظَٰلِمِينَ ﴿١٤٨﴾ وَلَمَّا سُقِطَ
فِىٓ أَيْدِيهِمْ وَرَأَوْا۟ أَنَّهُمْ قَدْ ضَلُّوا۟ قَالُوا۟ لَئِن لَّمْ يَرْحَمْنَا رَبُّنَا وَيَغْفِرْ لَنَا
لَنَكُونَنَّ مِنَ ٱلْخَٰسِرِينَ ﴿١٤٩﴾

148-149. *Ҳазрати Мусо алайҳиссалом Тур тоғига Худо билан сўзлашиш учун борганларида, Мусо алайҳиссаломнинг қавми тамоми зеварларини (тақинчоқ, безакларини) жам қилиб, бир бузоқ шаклида ҳайкал тайёрлади. У бузоққа ўхшаш овоз қилар эди. Бани Исроилнинг ҳаммаси шайтоннинг игвоси билан унга Худо деб сажда қилдилар. Чунки шайтон ҳайкал ичига кириб: «Мен – Худоман», – деб овоз қилур эди. Ҳорун алайҳиссалом ҳарчанд*

манъ қилсалар ҳам, қабул қилмадилар. Мусо (алайҳиссалом) келгунича ҳамма бузоқпараст бўлиб қолди. Оё, улар у бузоқнинг қўлидан ҳеч бир шай (иш) келмаслигини ва тили йўқ, сўзламаслигини ва бирор кишини ҳам ҳидоят қила олмаслигини фикр қилмайдиларми? Ўшандай нарсага «худо» деб ибодат қилдилар. Улар ўз нафсларига зулм қилгувчи эдилар. Вақтики, Мусо (алайҳиссалом) қайтиб келиб бу аҳволни кўрди, уларни қаттиқ маломат қилди. Улар (бу) қилган ишларига кўп пушаймон бўлдилар. Кўрдиларки (билдиларки), ҳаммалари гумроҳ бўлиб, кофир бўлибдилар. Сўнгра айтдиларки: «Агар Парвардигор бизга раҳм қилмаса, бизнинг гуноҳларимизни кечмаса, ҳалок бўлгувчилардандирмиз».

وَلَمَّا رَجَعَ مُوسَىٰٓ إِلَىٰ قَوْمِهِۦ غَضْبَٰنَ أَسِفًا قَالَ بِئْسَمَا خَلَفْتُمُونِى مِنۢ بَعْدِىٓ 9 жузъ
أَعَجِلْتُمْ أَمْرَ رَبِّكُمْ وَأَلْقَى ٱلْأَلْوَاحَ وَأَخَذَ بِرَأْسِ أَخِيهِ يَجُرُّهُۥٓ إِلَيْهِ قَالَ ٱبْنَ أُمَّ إِنَّ
ٱلْقَوْمَ ٱسْتَضْعَفُونِى وَكَادُوا۟ يَقْتُلُونَنِى فَلَا تُشْمِتْ بِىَ ٱلْأَعْدَآءَ وَلَا تَجْعَلْنِى مَعَ
ٱلْقَوْمِ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٥٠﴾ قَالَ رَبِّ ٱغْفِرْ لِى وَلِأَخِى وَأَدْخِلْنَا فِى رَحْمَتِكَ وَأَنتَ
أَرْحَمُ ٱلرَّٰحِمِينَ ﴿١٥١﴾

150-151. Вақтики Мусо (алайҳиссалом) Тур тоғидан ниҳоятда ғазабнок ва афсус қилган ҳолда қавми (ҳузури)га қайтиб келди. *Чунки бу ҳол ваҳий орқали Мусо алайҳиссаломга маълум бўлган эди.* Қавмга қараб айтди: «Мендан кейин сизларнинг менинг ўрнимга қолганликларинг кўп ёмон бўлган экан. Худонинг ҳукми келгунча шошдингизларми?».

Ниҳоятда ғазабланганидан лавҳни ерга ташлаб юборди. Биродари Ҳоруннинг ёқасидан (бошидан) ушлаб, ўзига тортди: «Мен сенга Бани Исроилни топширган эдим. Уларни нима учун бузоқпарастликдан манъ қилмадинг?» (Ҳазрати) Ҳорун айтди: «Эй онамнинг ўғли, ҳарчанд манъ қилсам ҳам, бўлмади. Чунки қавм мени ожиз қолдирди ва мендан ғалаба қилди. Мени ўлдиришларига яқин (оз) қолди. Менга ғазаб солиб, душманларимни хурсанд қилмагил. Мен бузоққа ибодат қилганим йўқ». Мени бу золим қавмдан ҳисоблама. Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Эй Парвардигор, мен билан биродаримни кечир». *Бу сўзни шунинг учун айтдики,ғазаб устида Тавротни ерга ташлаганини ҳамда биродарининг сустлик қилганини гуноҳ ҳисоблади.* Худога дуо қилиб, айтдики: «Ва бизларни раҳматингга дохил қил. Сен раҳм қилгувчиларнинг улуғидирсан».

إِنَّ ٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُوا۟ ٱلْعِجْلَ سَيَنَالُهُمْ غَضَبٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَذِلَّةٌ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا
وَكَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْمُفْتَرِينَ ﴿١٥٢﴾ وَٱلَّذِينَ عَمِلُوا۟ ٱلسَّيِّـَٔاتِ ثُمَّ تَابُوا۟ مِنۢ بَعْدِهَا
وَءَامَنُوٓا۟ إِنَّ رَبَّكَ مِنۢ بَعْدِهَا لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٥٣﴾

152-153. Албатта, у гуруҳларки, бузоққа ибодат қилдилар, яқинда Аллоҳнинг ғазабига учрайдилар, тирикликларида хорликка мубтало бў-

ладилар. Биз ёлғончиларга шу тариқа азоб берамиз. Ва у гуруҳларки, гуноҳ қилдилар ва орқасидан тавба қилдилар ва иймон келтирдилар, албатта Аллоҳ уларнинг тавбаларидан кейин гуноҳларини кечиргувчи ва меҳрибондир.

وَلَمَّا سَكَتَ عَن مُّوسَى ٱلْغَضَبُ أَخَذَ ٱلْأَلْوَاحَ ۖ وَفِى نُسْخَتِهَا هُدًى وَرَحْمَةٌ
لِّلَّذِينَ هُمْ لِرَبِّهِمْ يَرْهَبُونَ ﴿١٥٤﴾

154. Вақтики Мусо (алайҳиссалом) ғазабидан тушди, ердан Таврот-
9 жузъ нинг лавҳларини олди. Унда гумроҳларни ҳидоят қилмоқ, Худодан қўрқ-
қанларни раҳмат қилмоқ баёни ёзилган эди.

وَٱخْتَارَ مُوسَىٰ قَوْمَهُۥ سَبْعِينَ رَجُلًا لِّمِيقَٰتِنَا ۖ فَلَمَّآ أَخَذَتْهُمُ ٱلرَّجْفَةُ قَالَ رَبِّ
لَوْ شِئْتَ أَهْلَكْتَهُم مِّن قَبْلُ وَإِيَّٰىَ ۖ أَتُهْلِكُنَا بِمَا فَعَلَ ٱلسُّفَهَآءُ مِنَّآ ۖ إِنْ هِىَ إِلَّا
فِتْنَتُكَ تُضِلُّ بِهَا مَن تَشَآءُ وَتَهْدِى مَن تَشَآءُ ۖ أَنتَ وَلِيُّنَا فَٱغْفِرْ لَنَا وَٱرْحَمْنَا ۖ
وَأَنتَ خَيْرُ ٱلْغَٰفِرِينَ ﴿١٥٥﴾

155. Мусо (алайҳиссалом) қавмидан (бузоққа сиғинмаган кишилардан) етмиш кишини ихтиёр қилиб (танлаб) олди. *Токи Кўҳи Турга бориб, бузоққа ибодат қилганлар учун узрхоҳлик қилсинлар. Вақтики Кўҳи Турга келиб, жоҳилларнинг қилган ишидан узрхоҳлик қилдилар, Худойи таоло Мусо алайҳиссалом билан сўзлашди. Мусо алайҳиссалом қавмига айтди: «Худонинг каломини (сўзини) эшитдингизларми?» Қавми айтди: «Каломини эшитдик, эгасини (ўзини) кўрганимиз йўқ. То ўзини кўрмасак,бовар қилмаймиз (ишонмаймиз)». Бу беодобчиликларининг касофатига* ер ларзага келди (зилзила бўлди) ва осмондан ҳайбатли товуш эшитилди. *У етмиш киши ҳалок бўлдилар.* Вақтики уларга ҳалокат етди, (Ҳазрати) Мусо айтди: «Эй Парвардигоро, агар уларни ва Мени ҳалок қилишни хоҳласанг, бу воқеадан аввал ҳалок қилишга қудратинг етар эди. Озгина жоҳилларнинг қилган гуноҳлари касофатига бизларни ҳалок қиласанми? Бу ишлар ҳаммаси Сенинг имтиҳонингдир. Хоҳлаганингни гумроҳ қиласан, хоҳлаганингни ҳидоят қиласан ва хоҳлаганингни ўлдирасан. Ва бизларнинг устимизга ҳукм қилгувчи Мавлоимиздурсан. Бизларни кечиргил. Раҳм қилгил. Сен кечиргувчиларнинг афзалидурсан.

۞ وَٱكْتُبْ لَنَا فِى هَٰذِهِ ٱلدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِى ٱلْءَاخِرَةِ إِنَّا هُدْنَآ إِلَيْكَ ۚ قَالَ
عَذَابِىٓ أُصِيبُ بِهِۦ مَنْ أَشَآءُ ۖ وَرَحْمَتِى وَسِعَتْ كُلَّ شَىْءٍ ۚ فَسَأَكْتُبُهَا لِلَّذِينَ
يَتَّقُونَ وَيُؤْتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ وَٱلَّذِينَ هُم بِـَٔايَٰتِنَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٥٦﴾ ٱلَّذِينَ
يَتَّبِعُونَ ٱلرَّسُولَ ٱلنَّبِىَّ ٱلْأُمِّىَّ ٱلَّذِى يَجِدُونَهُۥ مَكْتُوبًا عِندَهُمْ فِى ٱلتَّوْرَىٰةِ
وَٱلْإِنجِيلِ يَأْمُرُهُم بِٱلْمَعْرُوفِ وَيَنْهَىٰهُمْ عَنِ ٱلْمُنكَرِ وَيُحِلُّ لَهُمُ ٱلطَّيِّبَٰتِ

وَيُحَرِّمُ عَلَيْهِمُ ٱلْخَبَٰٓئِثَ وَيَضَعُ عَنْهُمْ إِصْرَهُمْ وَٱلْأَغْلَٰلَ ٱلَّتِى كَانَتْ عَلَيْهِمْ ۚ
فَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِهِۦ وَعَزَّرُوهُ وَنَصَرُوهُ وَٱتَّبَعُوا۟ ٱلنُّورَ ٱلَّذِىٓ أُنزِلَ مَعَهُۥٓ ۙ أُو۟لَٰٓئِكَ
هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿١٥٧﴾

156-157. Эй Парвардигоро, бизларга бу дунёда яхши ибодат қилишимизга тавфиқ бер ва ҳам охиратда раҳмат ва мағфират ато қил. Сенга тавба билан ружу қилурмиз. Парвардигор айтди: «Қиёматда хоҳлаган бандаларимни азобга мубтало қилурман. Лекин бу дунёда раҳматим ҳам- 9 жузъ
мага етади, *(унга) кофиру мўминлар шерикдирлар.* Лекин охиратда *тақво қилган ва закот берган ва оятларимизга иймон келтирган* бандаларга раҳматимни хос қиламан.

Бу муттақийларнинг сифатлари шуки: уммий (ёзмаган ва ўқимаган) Расулга сидқидилдан эргашадилар. У зотнинг сифатларини Инжил ва Тавротда ёзиғлик топадилар. Тавротда у зотнинг шаънлари ҳақида шундай ёзилгандир: «У уммий Набийнинг сифати шуки, яхши ишларга амр қилади ва ёмон ишлардан қайтаради, покиза нарсаларни ҳалол қилиб, палид нарсаларни ҳаром қилиб ва умматларининг ишларини енгил қилиб беради. Ва ҳам бўйинларига солинган оғир юкларни олиб ташлайди. Бас, Бани Исроилдан Муҳаммад (алайҳиссалом)га иймон келтирган ва уни ҳурмат қилган ва унга ёрдам берган ва унга нозил бўлган Қуръонга амал қилган гуруҳ (кишилар) – ана ўшалар Қиёмат куни нажот топгувчидирлар.

قُلْ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِنِّى رَسُولُ ٱللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا ٱلَّذِى لَهُۥ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ ۖ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ يُحْىِۦ وَيُمِيتُ ۖ فَـَٔامِنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِ ٱلنَّبِىِّ ٱلْأُمِّىِّ
ٱلَّذِى يُؤْمِنُ بِٱللَّهِ وَكَلِمَٰتِهِۦ وَٱتَّبِعُوهُ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٥٨﴾ وَمِن
قَوْمِ مُوسَىٰٓ أُمَّةٌ يَهْدُونَ بِٱلْحَقِّ وَبِهِۦ يَعْدِلُونَ ﴿١٥٩﴾

158-159. Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Эй мардум (одамлар), мен Худонинг ҳаммангизга юборган Расулидирман. Парвардигор шундай улуғ Зотдирки, осмонлар ва ер мулки Унинг ўзига хосдир. Ундан бошқа маъбуд йўқдир. Бандаларга ҳаёт берур ва ҳам ўлдирур. Бас, эй мардум, Худога ва унинг Расули Муҳаммад (алайҳиссалом)га иймон келтиринглар. У зот уммий набийдир, Худога иймон келтиргувчи ва тавҳидни тасдиқ қилгувчидир. У зотга тобе бўлинглар. Шу ҳолда сизлар ҳидоят топган бўласизлар. Мусо (алайҳиссалом)нинг қавмидан бир жамоа борки, улар бошқаларни ҳақ динга далолат этадилар ва адолат билан ҳукм қиладилар.

وَقَطَّعْنَٰهُمُ ٱثْنَتَىْ عَشْرَةَ أَسْبَاطًا أُمَمًا ۚ وَأَوْحَيْنَآ إِلَىٰ مُوسَىٰٓ إِذِ ٱسْتَسْقَىٰهُ قَوْمُهُۥٓ
أَنِ ٱضْرِب بِّعَصَاكَ ٱلْحَجَرَ ۖ فَٱنۢبَجَسَتْ مِنْهُ ٱثْنَتَا عَشْرَةَ عَيْنًا ۖ قَدْ عَلِمَ

كُلُّ أُنَاسٍ مَّشْرَبَهُمْ ۚ وَظَلَّلْنَا عَلَيْهِمُ الْغَمَامَ وَأَنزَلْنَا عَلَيْهِمُ الْمَنَّ وَالسَّلْوَىٰ ۖ
كُلُوا مِن طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ ۚ وَمَا ظَلَمُونَا وَلَٰكِن كَانُوا أَنفُسَهُمْ
يَظْلِمُونَ ﴿١٦٠﴾

160. *Бани Исроил ўзларининг қилган жиноятлари туфайли Дашти Тиҳда қирқ йил саргардон бўлиб юрган вақтларида* уларни ўн икки гуруҳга бўлдик. Вақтики ташна бўлиб, (Ҳазрати) Мусодан сув талаб қилдилар, Биз
9 жузъ (Ҳазрати) Мусога буюрдик: «Асойингни тошга ургил». Мусо (алайҳиссалом) асосини тошга урди, бас, у тошдан ўн икки тоифа учун ўн икки чашма жорий (равон) бўлди. Ҳар бир тоифа ўзларининг сув ичадиган жойларини муайян қилиб олдилар. *Вақтики офтобнинг иссиғидан шикоят қилдилар,* тепаларига булутни юбориб, соябон қилдик. Бани Исроилнинг емиш (овқат)лари учун осмондан шакар (ширинлик) ёғдирдик. Ва ҳам беданага ўхшаш парранданинг гўштини уларга юбордик. Уларга айтдикки: «Худонинг покиза ризқларидан енглар, сақлаб қўйманглар». *Улар Худонинг фармонига эътибор бермасдан, очкўзлик қилиб, сақлаб қўйдилар.* Оқибат бу қилган ишларидан бизга зарар етказмадилар, балки ўзларига зарар етказиб, ризқдан маҳрум бўлдилар. *Ўзларининг нафсларига зарар етказдилар.*

وَإِذْ قِيلَ لَهُمُ اسْكُنُوا هَٰذِهِ الْقَرْيَةَ وَكُلُوا مِنْهَا حَيْثُ شِئْتُمْ وَقُولُوا حِطَّةٌ
وَادْخُلُوا الْبَابَ سُجَّدًا نَّغْفِرْ لَكُمْ خَطِيئَاتِكُمْ ۚ سَنَزِيدُ الْمُحْسِنِينَ ﴿١٦١﴾
فَبَدَّلَ الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ قَوْلًا غَيْرَ الَّذِي قِيلَ لَهُمْ فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ رِجْزًا
مِّنَ السَّمَاءِ بِمَا كَانُوا يَظْلِمُونَ ﴿١٦٢﴾

161-162. *Вақтики уларнинг тавбалари қабул бўлиб, бу саргардончиликдан қутулдилар.* Худо тарафидан амр қилиндики, мана шу Байтул-Мақдис шаҳрида сукунат қилинглар ва ҳосилларидан қандай хоҳласангизлар, ўшандай енглар. Шаҳарга кириш олдидан айтинглар: «Ҳиттатун» *яъни, «Эй Парвардигоро, гуноҳларимизни маҳв қилгил».* Яна бошларингизни эгиб, тавозе билан дохил бўлинглар. Шундай қилсангизлар, Биз гуноҳларингизни мағфират этурмиз. Ва яхши амал қилгувчиларга зиёда савоб берурмиз. Бас, улардан золимлари Худо буюрган сўзни айтмасдан, бошқа сўзни айтдилар. Бас, қилган зулмлари бадалига осмондан уларнинг устига бало юбордик. *Яъни, шу нофармонлик қилганларига осмондан ўт келиб, (уларни) куйдирди.*

وَاسْأَلْهُمْ عَنِ الْقَرْيَةِ الَّتِي كَانَتْ حَاضِرَةَ الْبَحْرِ إِذْ يَعْدُونَ فِي السَّبْتِ إِذْ
تَأْتِيهِمْ حِيتَانُهُمْ يَوْمَ سَبْتِهِمْ شُرَّعًا وَيَوْمَ لَا يَسْبِتُونَ ۙ لَا تَأْتِيهِمْ ۚ كَذَٰلِكَ
نَبْلُوهُم بِمَا كَانُوا يَفْسُقُونَ ﴿١٦٣﴾

163. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яҳудлардан қаря (қишлоқ) аҳлининг хабарини сўрагил. У қаря дарёнинг лабида эди. *Шанба куни шикор қилишни (балиқ овлашни) Худо манъ қилган эди. Чунки яҳудларда шанба куни ибодат учун муқаррар бўлиб (тайинланиб), дунё ишлари ҳаром бўлган эди.* Улар шанба куни Худонинг фармонини бажо келтирмасдан, ҳадларидан тажовуз қилдилар. Шанба куни бўлганда балиқлар дарёда ўзларини кўрсатиб юрар эди. Бошқа кунлар балиқлар дарёнинг тагига кириб йўқ бўлиб кетар эди. Улар шанбага риоя қилмасдан, балиқ овладилар. *Худойи таоло уларга азоб юбориб, суратларини масх қилди (ўзгартирди).* Биз мана шуларга ўхшаш бошқа фо-
сиқларни ҳам синаб кўрамиз. 9 жузъ

وَإِذْ قَالَتْ أُمَّةٌ مِّنْهُمْ لِمَ تَعِظُونَ قَوْمًا ٱللَّهُ مُهْلِكُهُمْ أَوْ مُعَذِّبُهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا
قَالُوا۟ مَعْذِرَةً إِلَىٰ رَبِّكُمْ وَلَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ ﴿١٦٤﴾ فَلَمَّا نَسُوا۟ مَا ذُكِّرُوا۟ بِهِۦٓ أَنجَيْنَا
ٱلَّذِينَ يَنْهَوْنَ عَنِ ٱلسُّوٓءِ وَأَخَذْنَا ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ بِعَذَابٍۭ بَـِٔيسٍۭ بِمَا كَانُوا۟
يَفْسُقُونَ ﴿١٦٥﴾

164-165. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ёд қил, вақтики яҳудлардан бир тоифаси насиҳат қилувчиларга айтди: «Худо ҳалок қиладиган ё қаттиқ азоб берадиган қавмга нега насиҳат қиласизлар?». У (бошқа) тоифа жавоб бердики: «Худога узримизни баён қилиш учун насиҳат қиламиз, токи Қиёмат куни «Нега амри маъруф қилмадингизлар?», – деб бизларни жавобгар қилмасинлар. Шоядки насиҳатимиз таъсир қилиб, Худодан қўрқсалар». Вақтики у гуноҳкор қавм насиҳатни эсларидан чиқариб, шанба куни шикор (ов) қилди, уларни азобга мубтало қилдик. Бу (гуноҳ) ишлардан қайтарувчи зотларга нажот бердик. У шикор қилган гуруҳлар ўз нафсларига зулм қилдилар. Уларни қаттиқ азобга мубтало қилдик, чунки улар фосиқ эдилар.

فَلَمَّا عَتَوْا۟ عَن مَّا نُهُوا۟ عَنْهُ قُلْنَا لَهُمْ كُونُوا۟ قِرَدَةً خَٰسِـِٔينَ ﴿١٦٦﴾

166. Вақтики наҳий қилган нарсани бажармасдан, гарданкашлик (нофармонлик) қилдилар. Уларга: «Ҳаммаларингиз хорлик билан маймунга айланинглар», – деб айтдик.

وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكَ لَيَبْعَثَنَّ عَلَيْهِمْ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ مَن يَسُومُهُمْ سُوٓءَ ٱلْعَذَابِ
إِنَّ رَبَّكَ لَسَرِيعُ ٱلْعِقَابِ وَإِنَّهُۥ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٦٧﴾

167. Ёд қилгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), вақтики Парвардигоринг яҳудларни огоҳлантириб айтдики: «Албатта, яҳудларнинг тепасига (устига) шундай душманни муссаллат (ғолиб, ҳоким) қиламанки, то Қиёмат уларга оғир азобларни беради». Албатта, Парвардигоринг кофирларга тез азоб бергувчидир. Ва мўминларни кечиргувчи ва меҳрибондир.

وَقَطَّعْنَٰهُمْ فِى ٱلْأَرْضِ أُمَمًا ۖ مِّنْهُمُ ٱلصَّٰلِحُونَ وَمِنْهُمْ دُونَ ذَٰلِكَ ۖ
وَبَلَوْنَٰهُم بِٱلْحَسَنَٰتِ وَٱلسَّيِّـَٔاتِ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿١٦٨﴾

168. Бани Исроилни ер юзида (бир) неча тоифага (жамоага) бўлиб юбордик. Улардан баъзилари диёнатли ва солиҳ одамлардир ва улардан бошқа баъзилари кофир фосиқлардир. (Уларни) баъзи вақтларда давлат ва тандурустлик бериб, баъзи вақтларда фақирлик ва қаҳатчилик бериб синадик, шоядки улар қилган гуноҳларига тавба қилиб, бу маъсиятлардан юз ўгирсалар.

9 жузъ

فَخَلَفَ مِنۢ بَعْدِهِمْ خَلْفٌ وَرِثُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ يَأْخُذُونَ عَرَضَ هَٰذَا ٱلْأَدْنَىٰ وَيَقُولُونَ
سَيُغْفَرُ لَنَا وَإِن يَأْتِهِمْ عَرَضٌ مِّثْلُهُۥ يَأْخُذُوهُ ۚ أَلَمْ يُؤْخَذْ عَلَيْهِم مِّيثَٰقُ ٱلْكِتَٰبِ أَن
لَّا يَقُولُوا۟ عَلَى ٱللَّهِ إِلَّا ٱلْحَقَّ وَدَرَسُوا۟ مَا فِيهِ ۗ وَٱلدَّارُ ٱلْءَاخِرَةُ خَيْرٌ لِّلَّذِينَ
يَتَّقُونَ ۗ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿١٦٩﴾ وَٱلَّذِينَ يُمَسِّكُونَ بِٱلْكِتَٰبِ وَأَقَامُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ إِنَّا لَا
نُضِيعُ أَجْرَ ٱلْمُصْلِحِينَ ﴿١٧٠﴾

169-170. Бас, бу солиҳлардан кейин ўринларига қоим мақомлар келдилар. Тавротни улардан мерос олдилар. *Тавротни ўқиб ўргандилар. Муҳаммад алайҳиссаломнинг даврларига келиб Тавротнинг ҳукмлари ўрнига (ҳалол-ҳаромни фарқламай)* дунё матоларини ришват (пора) сифатида олавердилар. «Худо тарафидан бу гуноҳларимиз зуд (тезда) кечирилади», — дер эдилар. Ваҳоланки, аввалда пушаймон (бўлган) бўлсалар-да, яна дунё матои келса, ола бошлайдилар. Оё, улардан Тавротга амал қилиш ва Худонинг шаънига ҳақдан бошқани сўзламаслик учун аҳд ва мийсоқ олинган эмасмиди? Ваҳоланки, улар Тавротнинг ичидаги ҳукмларни ўқиганлар-ку! Мутаққийлар учун охират диёри бу дунёдан яхшироқдир. Буни фикр қилмайсизларми? У аҳли китобларки, Қуръоннинг ҳукмини маҳкам ушлайдилар ва намоз ўқийдилар ва иймон келтирганлар — улар басалоҳ (солиҳлардан)дирлар. Албатта, Биз динларини ислоҳ қилгувчиларнинг ажрларини зое қилмасмиз.

۞ وَإِذْ نَتَقْنَا ٱلْجَبَلَ فَوْقَهُمْ كَأَنَّهُۥ ظُلَّةٌ وَظَنُّوٓا۟ أَنَّهُۥ وَاقِعٌۢ بِهِمْ خُذُوا۟ مَآ ءَاتَيْنَٰكُم
بِقُوَّةٍ وَٱذْكُرُوا۟ مَا فِيهِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٧١﴾

171. *Эй Муҳаммад алайҳиссалом, яҳудларнинг аҳволини ёд қил (эсла) ва ундан ибрат ол. Вақтики яҳудлар Таврот нозил бўлгандан кейин айтдиларки, бу Тавротнинг аҳкомлари кўп экан, биз (уни) қабул қилмаймиз. Парвардигор ушбу ҳолни ҳикоя қилиб айтадики:* «Вақтики Тавротни қабул қилмадилар, Тур тоғини тепаларида кўтариб турдик, гўё булутдек тепаларига соя солиб турди; «Ҳозир бу тоғ тепамизга тушиб кетади», — деб гумон қилдилар. Биз яҳудларга айтдик: «Берган Китобимизни ихлос билан қабул қилиб олинглар. Ундаги аҳкомларга амал қилинглар. Шунда (шоядки) сиз

лар мутаққийлардан бўлурсизлар». *Агар қабул қилмасангиз, шу тоғни тепангиздан ташлаб юборамиз, ҳаммалорингиз ҳалок бўласизлар».*

وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِنۢ بَنِىٓ ءَادَمَ مِن ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَأَشْهَدَهُمْ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمْ أَلَسْتُ
بِرَبِّكُمْ ۖ قَالُوا۟ بَلَىٰ ۛ شَهِدْنَآ ۛ أَن تَقُولُوا۟ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ إِنَّا كُنَّا عَنْ هَٰذَا غَٰفِلِينَ
﴿١٧٢﴾ أَوْ تَقُولُوٓا۟ إِنَّمَآ أَشْرَكَ ءَابَآؤُنَا مِن قَبْلُ وَكُنَّا ذُرِّيَّةً مِّنۢ بَعْدِهِمْ ۖ أَفَتُهْلِكُنَا بِمَا
فَعَلَ ٱلْمُبْطِلُونَ ﴿١٧٣﴾ وَكَذَٰلِكَ نُفَصِّلُ ٱلْءَايَٰتِ وَلَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿١٧٤﴾ 9 жузъ

172-174. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ёд қилгил, вақтики Парвардигоринг бани Одамнинг пушти камаридан то Қиёматга қадар пайдо бўладиган (келадиган) зурриётларини ҳозир қилиб, уларнинг ўзларини ўз нафсларига гувоҳ қилиб, аҳд (паймон) олди. Айтдики: «Оё, Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?» *Ҳамма Одам зурриёти, хоҳ кофир, хоҳ мўмин, иқрор қилиб айтдиларки:* «Бало! (Ҳа, шундай!) Сен Парвардигоримизсан, биз гувоҳмиз, иқрор қиламиз». Биз Одам зурриётидан шунинг учун иқрор қилдириб олдикки, токи Қиёмат куни айтмасинларки: «Бизлар Худонинг вужудидан (мавжудлигидан) бехабармиз. *Биз ҳеч бир нарсани билмаймиз.* Ота-боболаримиз биздан аввал Худога ширк келтирган эканлар, бизлар уларнинг кейин келган авлодимиз, уларга тобе бўлгандирмиз. У гумроҳларнинг қилган иши сабабидан бизларни ҳалок қиласанми?». Шунга ўхшаш оятларни муфассал баён қилурмиз, токи улар ҳушёр бўлиб, ота-боболарига тақлид қилишдан қайтсинлар.

وَٱتْلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ ٱلَّذِىٓ ءَاتَيْنَٰهُ ءَايَٰتِنَا فَٱنسَلَخَ مِنْهَا فَأَتْبَعَهُ ٱلشَّيْطَٰنُ فَكَانَ مِنَ
ٱلْغَاوِينَ ﴿١٧٥﴾

175. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яҳудларга у бир одамнинг қиссасини ўқиб бер. Биз унга (у одамга) Китоб берган эдик. У Китобнинг илмини ҳам ато қилган эдик. У Китобга амал қилмасдан, юз ўгирди. Шайтон у одамга иғво қилмоқ пайидан бўлди. Бас, у одам шайтоннинг иғвоси билан гумроҳлардан бўлди.

وَلَوْ شِئْنَا لَرَفَعْنَٰهُ بِهَا وَلَٰكِنَّهُۥٓ أَخْلَدَ إِلَى ٱلْأَرْضِ وَٱتَّبَعَ هَوَىٰهُ ۚ فَمَثَلُهُۥ كَمَثَلِ
ٱلْكَلْبِ إِن تَحْمِلْ عَلَيْهِ يَلْهَثْ أَوْ تَتْرُكْهُ يَلْهَث ۚ ذَّٰلِكَ مَثَلُ ٱلْقَوْمِ ٱلَّذِينَ
كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا ۚ فَٱقْصُصِ ٱلْقَصَصَ لَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ ﴿١٧٦﴾ سَآءَ مَثَلًا ٱلْقَوْمُ
ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا وَأَنفُسَهُمْ كَانُوا۟ يَظْلِمُونَ ﴿١٧٧﴾ مَن يَهْدِ ٱللَّهُ فَهُوَ ٱلْمُهْتَدِى ۖ
وَمَن يُضْلِلْ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْخَٰسِرُونَ ﴿١٧٨﴾

176-178. Агар ул шахс оятларга иймон келтириб, амал қилса эди, Биз хоҳласак, уни шу оятлар воситаси ила баланд даражага кўтарган бўлур

эдик. Лекин у пасткашликка мойил бўлди. Бас, унинг сифати итнинг сифатига ўхшашдир. Агар ҳайдасанг ҳам, тилини чиқариб туради, агар тарк этсанг (ўз ҳолига ташлаб қўйсанг) ҳам, тилини чиқариб туради. Бизнинг оятларимизни таксиб қилгувчилар (ёлғонга чиқарувчилар)нинг сифати шунга ўхшашдир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен уларга бу қиссани баён қил. Шоядки фикр қилсалар. Бизнинг оятимизни таксиб қилувчи (ёлғон деювчи) қавмнинг сифати кўп ёмондир. Улар ўз нафсларига зулм қиладилар. Ҳар кимни Аллоҳ таоло ҳидоят қилса, у (ҳақ) йўлни топгандир ва ҳар кимни гумроҳ қилса, бу дунёда ва у дунёда зиёнкорлардандир.

9 жузъ　وَلَقَدْ ذَرَأْنَا لِجَهَنَّمَ كَثِيرًا مِّنَ ٱلْجِنِّ وَٱلْإِنسِ ۖ لَهُمْ قُلُوبٌ لَّا يَفْقَهُونَ بِهَا
وَلَهُمْ أَعْيُنٌ لَّا يُبْصِرُونَ بِهَا وَلَهُمْ ءَاذَانٌ لَّا يَسْمَعُونَ بِهَآ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ كَٱلْأَنْعَٰمِ بَلْ هُمْ
أَضَلُّ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْغَٰفِلُونَ ﴿١٧٩﴾

179. Биз инсондан ва жинлардан кўп шахсларни жаҳаннам учун пайдо қилдик (яратдик). Уларнинг диллари бор, лекин ҳақни фаҳм этмайдилар. Кўзлари бор, аммо ҳақни кўрмайдилар. Қулоқлари бор, бироқ насиҳатни эшитмайдилар. Улар ҳайвонга ўхшашдир, балки ундан ҳам баттарроқ. Улар Худодан бехабардирлар.

وَلِلَّهِ ٱلْأَسْمَآءُ ٱلْحُسْنَىٰ فَٱدْعُوهُ بِهَا ۖ وَذَرُوا۟ ٱلَّذِينَ يُلْحِدُونَ فِىٓ أَسْمَٰٓئِهِۦ ۚ
سَيُجْزَوْنَ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٨٠﴾ وَمِمَّنْ خَلَقْنَآ أُمَّةٌ يَهْدُونَ بِٱلْحَقِّ وَبِهِۦ
يَعْدِلُونَ ﴿١٨١﴾

180-181. Худога хос яхши (гўзал) исмлар бор. Бас, Худони шу яхши номлар (исмлар) билан ёд қилинглар. Худони нолойиқ исмлар билан ёд қилгувчи кофирлар жамоасини ўз ҳолига (ташлаб) қўйинглар. Улар қилган амалларига мувофиқ тезлик билан жазоланадилар. Ва бизлар халқ қилган инсонлардан шундай тоифалар бордирки, бошқаларни ҳақ йўлга ҳидоят қиладилар (бошлайдилар). Ҳукм қилсалар, ҳақ билан ҳукм этиб, адолат қиладилар.

وَٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا سَنَسْتَدْرِجُهُم مِّنْ حَيْثُ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٨٢﴾ وَأُمْلِى لَهُمْ ۚ
إِنَّ كَيْدِى مَتِينٌ ﴿١٨٣﴾ أَوَلَمْ يَتَفَكَّرُوا۟ ۗ مَا بِصَاحِبِهِم مِّن جِنَّةٍ ۚ إِنْ هُوَ إِلَّا نَذِيرٌ
مُّبِينٌ ﴿١٨٤﴾ أَوَلَمْ يَنظُرُوا۟ فِى مَلَكُوتِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا خَلَقَ ٱللَّهُ مِن شَىْءٍ
وَأَنْ عَسَىٰٓ أَن يَكُونَ قَدِ ٱقْتَرَبَ أَجَلُهُمْ ۖ فَبِأَىِّ حَدِيثٍۭ بَعْدَهُۥ يُؤْمِنُونَ ﴿١٨٥﴾ مَن
يُضْلِلِ ٱللَّهُ فَلَا هَادِىَ لَهُۥ ۚ وَيَذَرُهُمْ فِى طُغْيَٰنِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿١٨٦﴾

182-186. Бизнинг оятларимизни таксиб қилувчи (ёлғон деювчи) кофирларни ўзлари билмайдиган йўллардан оҳиста-оҳиста ҳалокат тарафига

олиб борамиз. *Дафъатан, ҳалок қилмасдан,* уларга муҳлат бераман. Албатта, Менинг тадбирим (макрим) мустаҳкам (қаттиқ)дир. *Қурайш кофирлари* бу борада фикр қилмайдиларми? Уларнинг ҳамсуҳбатлари Муҳаммад (алайҳиссалом)да ҳеч қандай девоналик йўқдир. Магар, у Худонинг азобидан хабар бергувчи очиқ пайғамбардир. Оё, кофирлар осмонлар ва замин мулкини Худо қандай халқ қилганига ва бошқа ашёларнинг хилқатига назар қилмайдиларми? *Ва ҳам ибрат билан назар солмайдиларми?* Яқинда ажаллари етиб фано бўладилар. Бу Қуръонга иймон келтирмасалар, бундан кейин қандай сўзларга иймон келтирадилар? Ҳар кимники Худо гумроҳ қилса, унга ҳидоят қилгувчи бўлмайди, Худо ундайларни ўз ҳолига ташлаб қўяди. Токи гумроҳликларида ҳайрон бўлиб юраверсинлар. 9 жузъ

يَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلسَّاعَةِ أَيَّانَ مُرْسَىٰهَا ۖ قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِندَ رَبِّى ۖ لَا يُجَلِّيهَا لِوَقْتِهَآ إِلَّا هُوَ ۚ ثَقُلَتْ فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ لَا تَأْتِيكُمْ إِلَّا بَغْتَةً ۗ يَسْـَٔلُونَكَ كَأَنَّكَ حَفِىٌّ عَنْهَا ۖ قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِندَ ٱللَّهِ وَلَـٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٨٧﴾

187. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан: «Қиёмат қачон қарор топади?», – деб Қиёмат тўғрисида савол қиладилар. Айттил: «Қиёматнинг илми Аллоҳ таолога хосдур. Вақти келганда, Худо зоҳир (ошкор) қилади. Қиёмат осмонлар аҳлига ва замин аҳлига оғир (бир воқелик)дир. Камоли ҳайбатидан Қиёмат ногаҳон (тўсатдан) қойим бўлади». Кофирлар гумон қилиб, Сендан (Қиёмат ҳақида) савол қиладиларки, гўё Сен Қиёматни тафтиш қилувчи ва унинг (қачон бўлишини яхши) билгувчисан. *Ё (у ҳақда) савол қилишни яхши кўрасан.* Айттил: «Унинг (Қиёматнинг) илми (қачон, қандай содир бўлиши) фақат Худога хосдир». Лекин аксар мардум (одамлар) уни билмайди.

قُل لَّآ أَمْلِكُ لِنَفْسِى نَفْعًا وَلَا ضَرًّا إِلَّا مَا شَآءَ ٱللَّهُ ۚ وَلَوْ كُنتُ أَعْلَمُ ٱلْغَيْبَ لَٱسْتَكْثَرْتُ مِنَ ٱلْخَيْرِ وَمَا مَسَّنِىَ ٱلسُّوٓءُ ۚ إِنْ أَنَا۠ إِلَّا نَذِيرٌ وَبَشِيرٌ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿١٨٨﴾

188. *Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга* айттил: «Мендан йўқ (менга номаълум) нарсаларни савол қилаверманглар. Мен ўз нафсимнинг манфаатига молик эмасман ва ўз нафсимнинг зарарини даф қилишга ҳам қодир эмасман. Магар Худо хоҳласа, таълим беради. Агар мен ғайб ишларини билганимда эди, ўзимга фойдали нарсалар (яхши амаллар)ни кўп ҳосил қилган бўлур эдим. Менга ҳеч қандай зарар етмаган бўлур эди. Мен (фақат) Худонинг юборган пайғамбаридирман. Мўминларга Худонинг раҳматидин башорат бераман ва азобидан қўрқитаман».

۞ هُوَ ٱلَّذِى خَلَقَكُم مِّن نَّفْسٍ وَٰحِدَةٍ وَجَعَلَ مِنْهَا زَوْجَهَا لِيَسْكُنَ إِلَيْهَا ۖ فَلَمَّا تَغَشَّىٰهَا حَمَلَتْ حَمْلًا خَفِيفًا فَمَرَّتْ بِهِۦ ۖ فَلَمَّآ أَثْقَلَت دَّعَوَا ٱللَّهَ رَبَّهُمَا لَئِنْ ءَاتَيْتَنَا صَـٰلِحًا لَّنَكُونَنَّ مِنَ ٱلشَّـٰكِرِينَ ﴿١٨٩﴾ فَلَمَّآ ءَاتَىٰهُمَا صَـٰلِحًا جَعَلَا لَهُۥ

شُرَكَآءَ فِيمَآ ءَاتَىٰهُمَا ۚ فَتَعَٰلَى ٱللَّهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿١٩٠﴾ أَيُشْرِكُونَ مَا لَا يَخْلُقُ شَيْـًٔا
وَهُمْ يُخْلَقُونَ ﴿١٩١﴾ وَلَا يَسْتَطِيعُونَ لَهُمْ نَصْرًا وَلَآ أَنفُسَهُمْ يَنصُرُونَ ﴿١٩٢﴾

189-192. Парвардигор шундай Зотдирки, сизларни (бир жондан) (Ҳазрати) Одамдан халқ қилди (яратди). *«Ҳазрати Одам Ҳавво билан рафиқ бўлиб, ором олсин»,* – *деб* (Ҳазрати) Одамнинг нафсидан (ўзидан) Момо Ҳаввони халқ қилди. Вақтики икковлари жам бўлдилар (қовушдилар), Ҳавво енгил ҳомиладор бўлди. Бас, шу ҳолда ушбу ҳомиласи билан бир-
9 жузъ мунча вақт юрди. Вақтики вазъи ҳомила (кўз ёриш пайти) яқин келди ва оғирлашиб қолганида Парвардигорга илтижо этиб, дуо қилдилар. Айтдиларки: «Эй Парвардигоро, аъзолари бутун, солим фарзанд берсанг, бизлар, албатта, Сенинг неъматингга шукр қилгувчилардан бўлармиз». Аллоҳ таоло икковидан бўлган авлодларга яхши фарзандлар бергандан кейин (кейинги инсонлар) *уларнинг номларини Абдулъуззо, Абдуманоф, Абдуқусой (Абдухарс) қўйиб,* Худога шериклар нисбат бера бошладилар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло улар нисбат берган шериклардан муназзаҳ (пок)дур. Оё, кофирлар Худога шерик қиладиларми, ваҳоланки у шерик қилган бутларининг ўзлари махлуқдирлар. Ва бутлари кофирларга ҳам ва ўз нафсларига ҳам ёрдам беришга қодир эмаслар.

وَإِن تَدْعُوهُمْ إِلَى ٱلْهُدَىٰ لَا يَتَّبِعُوكُمْ ۚ سَوَآءٌ عَلَيْكُمْ أَدَعَوْتُمُوهُمْ أَمْ أَنتُمْ
صَٰمِتُونَ ﴿١٩٣﴾

193. Эй мўминлар, агар сизлар баъзи кофирларни[1] ҳидоят тарафига даъват қилсангизлар, сизларнинг сўзларингизни қабул этмайдилар, ҳаргиз сизларга табъийят (пайравлик) қилмайдилар. Уларни хоҳ даъват қилинглар ё хомуш бўлинглар, сизларга баробардир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ تَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ عِبَادٌ أَمْثَالُكُمْ ۖ فَٱدْعُوهُمْ فَلْيَسْتَجِيبُوا۟
لَكُمْ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿١٩٤﴾ أَلَهُمْ أَرْجُلٌ يَمْشُونَ بِهَآ ۖ أَمْ لَهُمْ أَيْدٍ يَبْطِشُونَ بِهَآ ۖ
أَمْ لَهُمْ أَعْيُنٌ يُبْصِرُونَ بِهَآ ۖ أَمْ لَهُمْ ءَاذَانٌ يَسْمَعُونَ بِهَا ۗ قُلِ ٱدْعُوا۟
شُرَكَآءَكُمْ ثُمَّ كِيدُونِ فَلَا تُنظِرُونِ ﴿١٩٥﴾ إِنَّ وَلِـۧىَ ٱللَّهُ ٱلَّذِى نَزَّلَ ٱلْكِتَٰبَ ۖ وَهُوَ
يَتَوَلَّى ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿١٩٦﴾

194-196. Албатта, сизлар ибодат қилаётган Худодан бошқа маъбудлар сизларга ўхшаш, улар ҳам Худонинг махлуқидирлар. Агар сизлар: Улар бизга ёрдам беради», – деган сўзларингизда содиқ бўлсангизлар бутларингизни ёрдамга чақиринглар. Улар ҳам сизларга жавоб берсинлар-чи? Оё, уларда юришга оёқ борми? Ё эшитишга қулоқлари борми? Ё кўришга

[1] Баъзи тафсирларда кофирлар эмас, бут-санамлар эканлиги айтилган.

кўзлари борми? Ё ушлашга қўллари борми? Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Сиғинган бутларингизни чақиринг. Менга адоват қилишда сизларга ёрдам берсин. Сўнгра ҳаммаларингиз бир бўлиб, менга зарар етказиш учун макр ишлатинг. Менга ҳаргиз муҳлат берманг. Албатта, менинг мададкорим Парвардигордир. У менга Китоб нозил қилгандир. Ва у солиҳ бандаларга ёр ва мададкордир.

وَٱلَّذِينَ تَدْعُونَ مِن دُونِهِۦ لَا يَسْتَطِيعُونَ نَصْرَكُمْ وَلَآ أَنفُسَهُمْ
يَنصُرُونَ ﴿١٩٧﴾ وَإِن تَدْعُوهُمْ إِلَى ٱلْهُدَىٰ لَا يَسْمَعُوا۟ ۖ وَتَرَىٰهُمْ يَنظُرُونَ إِلَيْكَ 9 жузъ
وَهُمْ لَا يُبْصِرُونَ ﴿١٩٨﴾ خُذِ ٱلْعَفْوَ وَأْمُرْ بِٱلْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ ٱلْجَٰهِلِينَ ﴿١٩٩﴾

197-199. Эй кофирлар, Худодан бошқа бутларга ибодат қиласизлар. Агар ёрдамга муҳтож бўлсангизлар, улар сизларга ёрдам беришга қодир эмаслар. Ҳатто, ўзларидан ҳам (бирор) зарарни даф қила олмайдилар. Эй мўминлар, кофирларни ҳидоятга чақирсангизлар, сизларнинг сўзларингизни эшитмайдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенинг тарафингга назар қилиб турган кофирларни кўрасан. Лекин улар ҳақиқатни кўрмайдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ҳамиша Сенинг хислатинг (одатинг) афв қилмоқ бўлсин. Мўминларни яхши ишларга буюргил. *Сўзларингни қабул қилмайдиган* жоҳиллардан юз ўгиргил.

وَإِمَّا يَنزَغَنَّكَ مِنَ ٱلشَّيْطَٰنِ نَزْغٌ فَٱسْتَعِذْ بِٱللَّهِ ۚ إِنَّهُۥ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٠٠﴾ إِنَّ
ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوْا۟ إِذَا مَسَّهُمْ طَٰٓئِفٌ مِّنَ ٱلشَّيْطَٰنِ تَذَكَّرُوا۟ فَإِذَا هُم مُّبْصِرُونَ
﴿٢٠١﴾ وَإِخْوَٰنُهُمْ يَمُدُّونَهُمْ فِى ٱلْغَىِّ ثُمَّ لَا يُقْصِرُونَ ﴿٢٠٢﴾

200-202. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар шайтоннинг иғвоси Сени оздирмоқчи бўлса, Худодан паноҳ сўрагил. Чунки Аллоҳ таоло сўзларингни эшитгувчи ва аҳволингни билгувчи донодир. Албатта, у жамоаким, улар Худодан қўрқадилар, агар шайтон тарафидан дилларига (бирор) васваса бўлса, Худони ёд қиладилар. Бас, у ҳолатда роҳи савоб (тўғри йўл)ни кўргувчилардан бўладилар. Шайтоннинг биродарлари, ***яъни, Макка кофирлари*** гумроҳликда ҳамиша давом этадилар. Бу йўлдан ҳаргиз тўхтамайдилар.

وَإِذَا لَمْ تَأْتِهِم بِـَٔايَةٍ قَالُوا۟ لَوْلَا ٱجْتَبَيْتَهَا ۚ قُلْ إِنَّمَآ أَتَّبِعُ مَا يُوحَىٰٓ إِلَىَّ مِن رَّبِّى ۚ
هَٰذَا بَصَآئِرُ مِن رَّبِّكُمْ وَهُدًى وَرَحْمَةٌ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٢٠٣﴾

203. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен кофирлар талабларига мувофиқ Қуръондан бирор оят келтирмасанг, кофирлар айтадиларки: «Нима учун бу оятни дилингдан (ўзингдан) тўқиб чиқармадинг?». Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Худодан Менга ваҳий орқали ҳарна келса, ўшани сизларга ўқийман. Ўзимдан бирор нарсани ижод қилмайман (тўқиб чиқармайман). Бу Қуръоннинг оятлари Худо тарафидан келган ҳужжатлардир. Бандаларни ҳидоят қилгувчидир ва мўминларга сабаби раҳматдир.

وَإِذَا قُرِئَ ٱلۡقُرۡءَانُ فَٱسۡتَمِعُواْ لَهُۥ وَأَنصِتُواْ لَعَلَّكُمۡ تُرۡحَمُونَ ﴿٢٠٤﴾

204. Вақтики *намозда* Қуръондан қироат қилинса, унга қулоқ солинглар. Ва хомуш туринглар. Шунга амал қилсангизлар, Худонинг раҳматига сазовор бўласизлар.

وَٱذۡكُر رَّبَّكَ فِي نَفۡسِكَ تَضَرُّعٗا وَخِيفَةٗ وَدُونَ ٱلۡجَهۡرِ مِنَ ٱلۡقَوۡلِ بِٱلۡغُدُوِّ
9 жузъ وَٱلۡأٓصَالِ وَلَا تَكُن مِّنَ ٱلۡغَٰفِلِينَ ﴿٢٠٥﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ عِندَ رَبِّكَ لَا يَسۡتَكۡبِرُونَ عَنۡ
عِبَادَتِهِۦ وَيُسَبِّحُونَهُۥ وَلَهُۥ يَسۡجُدُونَ ۩ ﴿٢٠٦﴾

205-206. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Парвардигорингни ниҳоятда ожизлик ва тавозе бирла дилингда ёд қил, *Худодан қўрққил*. Эрта билан ҳам, кечқурун ҳам Худонинг ёдидан (ғафлатда қолиб) ғофиллардан бўлмагил. Албатта, у малоикалар гуруҳи Худонинг наздидадир. Худонинг ибодатидан саркашлик қилмайдилар. Худони пок деб, ёд этадилар ва унга сажда қиладилар. **(206-оят сажда оятидир).**

Мадинада нозил бўлган бу сура
етмиш беш оятдан иборатдир.

Бу суранинг 30 ва 36-оятлари Маккада, қолганлари Мадинада нозил бўлган. 9 жузъ
«Анфол» зиёда (ортиқча) маъносини англатувчи «нафл» сўзининг кўплигидир. Шунингдек, Ислом динини ҳимоя қилиш учун бўлган урушларда қўлга киритилган ғанимат (ўлжа) мол ҳам «нафл» деб аталади. Суранинг биринчи оятида урушда қўлга киритилган ғанимат молларнинг Аллоҳ ва Расулига тегишли экани ифода этилгани учун ушбу сурага «Анфол» номи берилган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

يَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلْأَنفَالِ ۖ قُلِ ٱلْأَنفَالُ لِلَّهِ وَٱلرَّسُولِ ۖ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَصْلِحُوا۟ ذَاتَ
بَيْنِكُمْ ۖ وَأَطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥٓ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ۝١

1. *Кофирлардан олинган ғанимат (ўлжа) моллар тўғрисида муҳожирлар ва ансорийлар ўрталарида жанжал (тортишув) бўлар эди. Ҳар бир тоифа ўзини ғанимат молга мустаҳиқ (ҳақдор) деб билар эди. Шу ҳақда ушбу сура нозил бўлди.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мўминлар ғанимат моллар тўғрисида Сендан савол қиладилар. Сен жавоб бергилки: «Ғанимат моллар Худо ва Расулининг ихтиёрида, кимга хоҳласа, беради. (Бу тўғрида) ўрталарингда (ўзаро) жанжал қилманглар, Худодан қўрқинглар. Ўрталарингиздаги жанжални ислоҳ этинглар. Агар мўмин бўлсангизлар, Худо ва Расулининг ҳукмига итоат қилинглар».

إِنَّمَا ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ ٱللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتُهُۥ
زَادَتْهُمْ إِيمَٰنًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ۝٢ ٱلَّذِينَ يُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَمِمَّا
رَزَقْنَٰهُمْ يُنفِقُونَ ۝٣ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُؤْمِنُونَ حَقًّا ۚ لَّهُمْ دَرَجَٰتٌ عِندَ رَبِّهِمْ
وَمَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ۝٤

2-3-4. Ҳақиқатда мўминлар шундай зотдирларки, уларнинг ҳузурида Аллоҳнинг (номи) зикр қилинса, дилларида хавф пайдо бўлади. Вақтики

уларга Худонинг оятлари тиловат қилинса, тиловат иймонларини устига иймон зиёда қилади ва (улар) ҳар бир ишда Парвардигорга таваккул қиладилар, намозни ҳам (барча) шароитлари (талаблари) билан (мукаммал) адо этадилар ва Биз берган ризқларимиздан садақа қиладилар. Ҳақиқий мўминлар ана ўшалардир. Қиёмат куни Худонинг наздида улар учун улуғ мартабалар бордир. Гуноҳларига Худо тарафидан мағфират бордир, улар учун (жаннатда) покиза ризқлар муқаррар (қилинган)дир.

كَمَآ أَخْرَجَكَ رَبُّكَ مِنۢ بَيْتِكَ بِٱلْحَقِّ وَإِنَّ فَرِيقًا مِّنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ لَكَٰرِهُونَ ٥

9 жузъ يُجَٰدِلُونَكَ فِى ٱلْحَقِّ بَعْدَ مَا تَبَيَّنَ كَأَنَّمَا يُسَاقُونَ إِلَى ٱلْمَوْتِ وَهُمْ يَنظُرُونَ ٦

5-6. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худойи таоло Сени *Мадинадан* ростлик (ҳақ йўли) билан чиқаргани каби, Сени кофирлар билан жанг қилиш учун Бадр мақомига (манзилига) чиқишга буюради. Бир фирқа мўминлар Бадр урушига боришни макруҳ кўрар (ёқтирмас), жиҳод тўғрисида Сен билан жанжал қилар эдилар. Бовужуд, уларга жиҳоднинг фарзлиги равшан бўлган эди, жангга боришни шу даража ёмон кўрар эдиларки, гўё мавт (ўлим)ни кўзлари билан кўриб турган ҳолда ўлим тарафига ҳайдалиб боргандек.

وَإِذْ يَعِدُكُمُ ٱللَّهُ إِحْدَى ٱلطَّآئِفَتَيْنِ أَنَّهَا لَكُمْ وَتَوَدُّونَ أَنَّ غَيْرَ ذَاتِ ٱلشَّوْكَةِ

تَكُونُ لَكُمْ وَيُرِيدُ ٱللَّهُ أَن يُحِقَّ ٱلْحَقَّ بِكَلِمَٰتِهِۦ وَيَقْطَعَ دَابِرَ ٱلْكَٰفِرِينَ ٧

لِيُحِقَّ ٱلْحَقَّ وَيُبْطِلَ ٱلْبَٰطِلَ وَلَوْ كَرِهَ ٱلْمُجْرِمُونَ ٨

7-8. Эй мўминлар, ёд қилинглар (эсланглар) шу вақтники, Худо сизларга кофирларнинг икки тоифасидан бирига зафар топишни ваъда қилган вақтида сизлар бу икки тоифадан бесилоҳ (қурол-аслаҳасиз)лари тоифасини ўзингизга (ўлжа) бўлмоғини дўст тутар (хоҳлар) эдингизлар. *Бу икки тоифа шундан иборат эдики, Қурайш кофирларининг бир тоифаси Шом шаҳрига тижоратга кетиб, Маккага қайтаётган эдилар. Расулуллоҳ карвон йўлини тўсмоқ учун уч юзга яқин одам билан Мадинадан чиқдилар. Шу вақтда маълум бўлдики, мушрикларнинг Маккада қолган бир тоифаси карвонни ҳимоя қилиш учун йўлга отланибди. Мўминлар шу вақтда ғанимат молни олмоқ учун карвон тарафига бормоқни хоҳлардилар. Маккадан чиққан тоифа тарафига боришни истамасдилар, чунки улар яроғ ва аслаҳа билан (йўлга) чиққан эдилар.* Худойи таоло ушбу ҳолни кўриб, ҳикоя қилиб айтади: «Сизлар карвон тарафига боришни дўст тутар (хоҳлар) эдингизлар, чунки уларнинг қўлларида яроғ-аслаҳалари йўқ эди. Худойи таоло кофирларни бех-бунёди (таг-томири) билан йўқ қилиб, Ўзининг фармони билан мўминларга зафарни исбот (собит) этишни истар эди. Агарчи кофирлар хоҳламасалар ҳам, Аллоҳ таоло Исломни ғолиб қилиш, куфрни ботил қилишни хоҳларди.

إِذْ تَسْتَغِيثُونَ رَبَّكُمْ فَٱسْتَجَابَ لَكُمْ أَنِّى مُمِدُّكُم بِأَلْفٍ مِّنَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةِ

مُرْدِفِينَ ﴿٩﴾ وَمَا جَعَلَهُ ٱللَّهُ إِلَّا بُشْرَىٰ وَلِتَطْمَئِنَّ بِهِۦ قُلُوبُكُمْۚ وَمَا ٱلنَّصْرُ إِلَّا
مِنْ عِندِ ٱللَّهِۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿١٠﴾

9-10. Эй мўминлар, ёд қилинглар уруш бўлиб турган вақтники, ўша вақтда Худога нола қилиб мадад, сўрар эдингизлар. Парвардигор дуоларингизни мустажоб қилиб айтдики: «Мен сизларга мингта малоика билан мадад бергувчиман. (Улар) сизларнинг мададларингизга бирин-кетин (кетма-кет) келадилар». Худойи таоло бу мададни шунинг учун юбордики, токи сизларга хурсандчилик бўлсин, дилларингиз ором олиб, хавф ва хатардан халос бўлсин. Ҳеч қандай мадад бўлмайди, магар (ҳар қандай мадад, зафар) Худо тарафидан бўлади. Чунки Аллоҳ таоло ҳар бир амрда ғолибдир ва ҳикматлидир.

9 жузъ

إِذْ يُغَشِّيكُمُ ٱلنُّعَاسَ أَمَنَةً مِّنْهُ وَيُنَزِّلُ عَلَيْكُم مِّنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً لِّيُطَهِّرَكُم بِهِۦ
وَيُذْهِبَ عَنكُمْ رِجْزَ ٱلشَّيْطَٰنِ وَلِيَرْبِطَ عَلَىٰ قُلُوبِكُمْ وَيُثَبِّتَ بِهِ ٱلْأَقْدَامَ ﴿١١﴾

11. Эй мўминлар, фикр қилинглар ўша вақтники, сизлар хавф ва хатардан эмин бўлмоқларингиз учун Худойи таоло (сизларга) уйқуни мусаллат (ғолиб) қилди. Баъзиларингизга жанобат етиб, дилларингиз ғамгин бўлди, сув ҳам йўқ эди. Шайтон сизларнинг дилларингизга ҳар қисм (турли) васвасалар солар эрди. Шу вақтда Парвардигор сизларга марҳамат қилиб, сизларни жанобатдан пок қилмоқ учун, шайтоннинг васвасасини қалбарингиздан даф этмоқ, дилларингизга фатҳ ва нусратни собит (барқарор) қилмоқ ва ҳам оёқларингизнинг ерда тоймасдан собит (мустаҳкам) турмоғи учун осмондан ёмғир ёғдирди. *Чунки ер қумлик эди, ёмғир билан қаттиқ бўлди. Кофирлар тарафи тупроқ эди, ёмғир билан лой бўлди.*

إِذْ يُوحِى رَبُّكَ إِلَى ٱلْمَلَٰٓئِكَةِ أَنِّى مَعَكُمْ فَثَبِّتُوا۟ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ۚ سَأُلْقِى فِى قُلُوبِ
ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ٱلرُّعْبَ فَٱضْرِبُوا۟ فَوْقَ ٱلْأَعْنَاقِ وَٱضْرِبُوا۟ مِنْهُمْ كُلَّ بَنَانٍ ﴿١٢﴾
ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ شَآقُّوا۟ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥۚ وَمَن يُشَاقِقِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ فَإِنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ
ٱلْعِقَابِ ﴿١٣﴾ ذَٰلِكُمْ فَذُوقُوهُ وَأَنَّ لِلْكَٰفِرِينَ عَذَابَ ٱلنَّارِ ﴿١٤﴾

12-14. Ёд қилгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), вақтики Парвардигоринг малоикаларга ваҳий қилиб, айтдики: «Менинг мададим сизлар билан биргадир. Мўминларни урушга ғайратлантиринглар. Мен кофирларнинг дилларига тез қўрқув соламан. Мўминларга кофирларнинг гардан (бўйин)ларига қилич солишни ва ҳам кофирларни банд-бандидан жудо қилишни буюрдик». Бу жазо шунинг учунки, у кофирлар Худо ва Расулининг ҳукмига мухолифатчилик қилганлар. Ҳар кимки Худо ва Расулининг ҳукмига мухолиф бўлса, унга Худонинг азоби қаттиқдир. Эй кофирлар, ана шундай азобни тортинглар. Қиёмат куни кофирлар учун дўзахнинг қаттиқ азоби муҳайёдир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا لَقِيتُمُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ زَحْفًا فَلَا تُوَلُّوهُمُ ٱلْأَدْبَارَ ﴿١٥﴾
وَمَن يُوَلِّهِمْ يَوْمَئِذٍ دُبُرَهُۥٓ إِلَّا مُتَحَرِّفًا لِّقِتَالٍ أَوْ مُتَحَيِّزًا إِلَىٰ فِئَةٍ فَقَدْ بَآءَ
بِغَضَبٍ مِّنَ ٱللَّهِ وَمَأْوَىٰهُ جَهَنَّمُ وَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٦﴾

15-16. Эй мўминлар, қачонки сизлар уруш майдонида кўпчилик кофирлар гуруҳига мулоқий (рўбарў) бўлсангизлар, уруш ҳолатида урушдан қочиш ниятида орқаларингни ўгирманглар (яъни, қочманглар). Ҳар кимки
9 жузъ қўрқоқлик қилиб урушдан орқасини ўгирса (кофирлардан қочса), Худонинг ғазабига йўлиқади, *унинг жойи жаҳаннамдир*. Жаҳаннам (эса) кўп ёмон жойдир! Магар бошқа мақсадлар учун юзини ўгирса (орқа тарафга юзланса), *масалан: орқа тарафдан кофирлар ҳужум қилганда, уларни қатл этиш учун, ё бирон тоифа аскарга паноҳ бериш учун ёки намоз ўқиш учун юзини ўгирса, бўлур. Бу ҳолатда улар маъзур (узрли)дирлар.*

فَلَمْ تَقْتُلُوهُمْ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ قَتَلَهُمْ وَمَا رَمَيْتَ إِذْ رَمَيْتَ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ رَمَىٰ
وَلِيُبْلِىَ ٱلْمُؤْمِنِينَ مِنْهُ بَلَآءً حَسَنًا إِنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿١٧﴾ ذَٰلِكُمْ
وَأَنَّ ٱللَّهَ مُوهِنُ كَيْدِ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿١٨﴾

17-18. Эй мўминлар, кофирларни сизлар қатл қилмадингизлар, балки Аллоҳ таоло уларни қатл қилди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирлар тарафига Сен тупроқ отмадинг, балки Худо отди. Токи Аллоҳ таоло ўз тарафидан мўминларга яхшиликни ато қилиш учун шундай қилди. Албатта, Аллоҳ таоло мўминларнинг дуоларини эшитгувчи ва аҳволларини (билгувчи) донодир. Ва ҳам Аллоҳ таолонинг кофирларни паришон қилмоғи шунинг учунки, Аллоҳ таоло кофирларнинг макрини ботил қилгувчидир.

إِن تَسْتَفْتِحُواْ فَقَدْ جَآءَكُمُ ٱلْفَتْحُ وَإِن تَنتَهُواْ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَإِن تَعُودُواْ نَعُدْ
وَلَن تُغْنِىَ عَنكُمْ فِئَتُكُمْ شَيْـًٔا وَلَوْ كَثُرَتْ وَأَنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٩﴾

19. Эй кофирлар, сизлар: «Муҳаммад (алайҳиссалом) билан бизнинг орамиздаги жанг муомаласи бир ёқли бўлса эди», – деб, орзу қилар эдингизлар. Бу ниятларингиз ҳосил бўлди. *Уруш сизларнинг ҳалок бўлишларингиз билан тугади.* Энди агар куфрдан қайтсангизлар, мусулмонлар билан иттифоқ бўлсангизлар, сизларга яхши (бўлар) эди. Агар яна мусулмонлар билан уруш қилишга қайтсангизлар, Биз ҳам яна мусулмонларга зафар беришга қайтамиз, агарчи сизларнинг лашкарларингиз кўп бўлса ҳам, сизларга ҳеч фойда бермайди. Билингларки, Аллоҳ таолонинг мадади ҳамиша мўминлар билан (бирга)дир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَطِيعُواْ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ وَلَا تَوَلَّوْاْ عَنْهُ وَأَنتُمْ تَسْمَعُونَ ﴿٢٠﴾
وَلَا تَكُونُواْ كَٱلَّذِينَ قَالُواْ سَمِعْنَا وَهُمْ لَا يَسْمَعُونَ ﴿٢١﴾

20-21. Эй мўминлар, Худо ва Расулининг фармонини бажо келтиринглар, ҳукмларини эшитиб туриб, юзларингизни ўгириб кетманглар. Мунофиқларга ўхшаган бўлмангларки, улар: «Сизнинг ҳукмларингизни эшитдик», – дейдилар, ваҳоланки, қулоқ солмай кетаверардилар.

إِنَّ شَرَّ ٱلدَّوَآبِّ عِندَ ٱللَّهِ ٱلصُّمُّ ٱلْبُكْمُ ٱلَّذِينَ لَا يَعْقِلُونَ ﴿٢٢﴾ وَلَوْ عَلِمَ ٱللَّهُ
فِيهِمْ خَيْرًا لَّأَسْمَعَهُمْ وَلَوْ أَسْمَعَهُمْ لَتَوَلَّوا۟ وَّهُم مُّعْرِضُونَ ﴿٢٣﴾

22-23. Албатта, бирор нарсани фаҳмламайдиган кар ва соқов бўлган
кимсалар Аллоҳнинг наздида ҳайвонларнинг энг ёмонроғидирлар. Агар 9 жузъ
Худойи таоло уларда хайр борлигини илми қадими билан билганда эди,
уларга эшитмоққа тавфиқ берган бўлур эди. *Лекин (илми қадими билан
билдики), уларда ҳеч қандай хайр йўқ эди.* Агар (Аллоҳ) бил-фараз ват-
тақдир (мабодо) уларга ҳукмини эшиттирса ҳам, улар қабул қилмасдан,
юзларини ўгириб кетаверар эдилар.

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱسْتَجِيبُوا۟ لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ وَٱعْلَمُوٓا۟
أَنَّ ٱللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ ٱلْمَرْءِ وَقَلْبِهِۦ وَأَنَّهُۥٓ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٢٤﴾ وَٱتَّقُوا۟ فِتْنَةً لَّا
تُصِيبَنَّ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ مِنكُمْ خَآصَّةً وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿٢٥﴾

24-25. Эй мўминлар, Худо ва Расули сизларни дилларингизга ҳаёт берадиган яхши амалларга даъват қилар экан, ундай ҳолда Худо ва Расулининг даъватини қабул қилингларки, Аллоҳ таоло одам билан унинг дили ўртасида тўсқин бўлиб туради. *Яъни, то Худо ирода қилмагунча, банда хоҳлаган нарсасига муяссар бўлолмайди.* Шуни билингларки, сизлар Қиёмат куни Худонинг ҳузурига жам қилинасизлар, амалларингизга яраша жазо бериладди. Эй мўминлар, гуноҳи золимларнинг ўзларигагина хос бўлмасдан, балки (гуноҳи) сизларга ҳам етадиган фитналардан қўрқинглар (сақланинглар). Билингларки, золимларнинг ҳақига Аллоҳ таолонинг азоби қаттиқдир.

وَٱذْكُرُوٓا۟ إِذْ أَنتُمْ قَلِيلٌ مُّسْتَضْعَفُونَ فِى ٱلْأَرْضِ تَخَافُونَ أَن يَتَخَطَّفَكُمُ
ٱلنَّاسُ فَـَٔاوَىٰكُمْ وَأَيَّدَكُم بِنَصْرِهِۦ وَرَزَقَكُم مِّنَ ٱلطَّيِّبَـٰتِ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٢٦﴾

26. Эй муҳожирлар, ўша кунни ёд қилингларки, сизлар озгина (озчилик) ва бечора эдингизлар, *Маккада Қурайш* кофирларининг ҳалок қилишидан қўрқар эдингизлар, бас, Аллоҳ таоло (сизларга) *Мадинада* паноҳ берди. Ва ҳам Ўзининг ёрдами билан сизларни қувватлантирди, ҳалол, покиза ризқ берди, шоядки сизлар бу неъматларимизга шукр қилурсизлар.

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَخُونُوا۟ ٱللَّهَ وَٱلرَّسُولَ وَتَخُونُوٓا۟ أَمَـٰنَـٰتِكُمْ وَأَنتُمْ تَعْلَمُونَ
﴿٢٧﴾ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّمَآ أَمْوَٰلُكُمْ وَأَوْلَـٰدُكُمْ فِتْنَةٌ وَأَنَّ ٱللَّهَ عِندَهُۥٓ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿٢٨﴾

27-28. Эй мўминлар, Худо ва Расулининг буюрган ишларида хиёнат қилманглар ва ҳам ўрталарингиздаги бир-бирларингизнинг омонатла-

рингизга билиб туриб хиёнат этманглар. Билингларки, амвол (моллар)-ингизнинг ва авлодларингизнинг муҳаббати сизларни Худодан ғофил қиладиган фитнадир. Билингларки, Парвардигор наздида ажри азим бордир. Бас, дунё муҳаббати сизларни у ажри азимдан манъ этмасин.

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِن تَتَّقُوا۟ ٱللَّهَ يَجْعَل لَّكُمْ فُرْقَانًا وَيُكَفِّرْ عَنكُمْ
سَيِّـَٔاتِكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ۗ وَٱللَّهُ ذُو ٱلْفَضْلِ ٱلْعَظِيمِ ﴿٢٩﴾

29. Эй мўминлар, агар Худодан қўрқсангизлар, сизларни ёмон кўр-
9 жузъ ган нарсаларингиздан жудо қилади (ажратади). Сизларга фатҳ ва зафар беради ва гуноҳларингизга каффорат бўлиб, кечирилишига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло улуғ фазл эгасидир.

وَإِذْ يَمْكُرُ بِكَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لِيُثْبِتُوكَ أَوْ يَقْتُلُوكَ أَوْ يُخْرِجُوكَ ۚ وَيَمْكُرُونَ وَيَمْكُرُ
ٱللَّهُ ۖ وَٱللَّهُ خَيْرُ ٱلْمَـٰكِرِينَ ﴿٣٠﴾

30. Ёд қилгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирлар Сени ҳибс қилмоқ учун ё Сени ўлдирмоқ учун, ё Сени *Маккадан* хориж қилмоқ учун Сенга макр ишлатар эдилар. Шу хилда (тарзда) ҳийла тузар эдилар. Аллоҳ таоло уларнинг макрини ботил қилиб, Сенга нажот берди. Аллоҳ таоло маккорларга жазо бергувчиларнинг афзалидир.

وَإِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ ءَايَـٰتُنَا قَالُوا۟ قَدْ سَمِعْنَا لَوْ نَشَآءُ لَقُلْنَا مِثْلَ هَـٰذَآ ۙ إِنْ هَـٰذَآ
إِلَّآ أَسَـٰطِيرُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٣١﴾

31. Вақтики Бизнинг оятларимиз кофирлар олдида тиловат қилинса, кофирлар айтадиларки: «Қуръон оятларини эшитдик, агар хоҳласак, бизлар ҳам унга ўхшаш сўзларни айта оламиз. Бу Қуръон илгари ўтганларнинг афсонасидан бошқа нарса эмас».

وَإِذْ قَالُوا۟ ٱللَّهُمَّ إِن كَانَ هَـٰذَا هُوَ ٱلْحَقَّ مِنْ عِندِكَ فَأَمْطِرْ عَلَيْنَا حِجَارَةً مِّنَ
ٱلسَّمَآءِ أَوِ ٱئْتِنَا بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٣٢﴾ وَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيُعَذِّبَهُمْ وَأَنتَ فِيهِمْ ۚ وَمَا
كَانَ ٱللَّهُ مُعَذِّبَهُمْ وَهُمْ يَسْتَغْفِرُونَ ﴿٣٣﴾ وَمَا لَهُمْ أَلَّا يُعَذِّبَهُمُ ٱللَّهُ وَهُمْ
يَصُدُّونَ عَنِ ٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ وَمَا كَانُوٓا۟ أَوْلِيَآءَهُۥٓ ۚ إِنْ أَوْلِيَآؤُهُۥٓ إِلَّا
ٱلْمُتَّقُونَ وَلَـٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٤﴾

32-34. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларнинг ҳолини ёд қилгил, улардан *баъзи хабис (тубан)лари* айтадиларки: «Эй Худо, агар шу Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳақ бўлса, Қуръон Сенинг тарафингдан келган бўлса ва биз (уларни) инкор этган бўлсак, осмондан бизнинг тепамизга тош ёғдиргил, ё бизни қаттиқ азобга мубтало қилгил». Ваҳоланки, Сен (эй Муҳаммад алайҳиссалом) уларнинг ичида бўлсанг, Худо уларга азоб бермайди ва агар

тавба қилиб иймон келтирсалар (яъни мағфират сўраб турсалар) ҳам, Аллоҳ таоло уларга азоб бермайди. Лекин улар мўминларни Байтуллоҳ тавофидан манъ қилар эканлар, уларда қандай фазилат бордирки, Худо уларни азобламасин? Зотан, Байтуллоҳнинг мутаваллийси (мутасаддиси) улар эмаслар. Байтуллоҳнинг тасарруф қилувчи (эга)лари фақат муттақийлардир. Лекин уларнинг аксари уларнинг ҳолларини билмайдилар. •

وَمَا كَانَ صَلَاتُهُمْ عِندَ ٱلْبَيْتِ إِلَّا مُكَآءً وَتَصْدِيَةً فَذُوقُوا۟ ٱلْعَذَابَ بِمَا كُنتُمْ تَكْفُرُونَ ﴿٣٥﴾

9 жузъ

35. Кофирлар мўминларнинг ибодатларини масхара қилар эдилар. Ваҳоланки, Байтуллоҳнинг олдида кофирларнинг ибодати ҳуштак чалиш ва чапак чалишдан бошқа нарса эмас эди. Биз Қиёмат куни уларга айтамиз: «Эй кофирлар, қилган куфрларингизнинг бадалига бу азобни тортинглар». *Макка мушриклари мусулмонларни Ҳарамда ибодат ва намоздан манъ қилар эдилар. Ва ўзлари ибодат ўрнига яланғоч бўлиб Каъбани тавоф қилар эдилар ва намоз ўрнига ҳуштак ва чапак чалиш билан машғул бўлар эдилар.*

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ يُنفِقُونَ أَمْوَٰلَهُمْ لِيَصُدُّوا۟ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ فَسَيُنفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلَبُونَ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِلَىٰ جَهَنَّمَ يُحْشَرُونَ ﴿٣٦﴾ لِيَمِيزَ ٱللَّهُ ٱلْخَبِيثَ مِنَ ٱلطَّيِّبِ وَيَجْعَلَ ٱلْخَبِيثَ بَعْضَهُۥ عَلَىٰ بَعْضٍ فَيَرْكُمَهُۥ جَمِيعًا فَيَجْعَلَهُۥ فِى جَهَنَّمَ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْخَٰسِرُونَ ﴿٣٧﴾

36-37. Албатта, у жамоа (кофир)ларки, мардум(одамлар)ни Худонинг йўлидан манъ қилмоқ учун молларини харж қиладилар, *яъни, молларини Ислом дини зарарига сарф қиладилар,* лекин у қилган ишлари уларга фойда бермайди, охири (оқибат) мағлуб бўладилар. *Бу сарф қилган моллари дилларига ҳасрат ва надомат келтиради. Айтадиларки: «Молимиз ҳам кетди, мақсудимиз ҳам ҳосил бўлмади».* У гуруҳларки кофир бўлдилар, Қиёмат куни жаҳаннам тарафига ҳайдаладилар, токи Аллоҳ таоло нопокларни (кофирларни) поклардан (мўминлардан) ажратиб, баъзи хабис (нопок)ларни баъзиларига қўшиб, ҳаммасини жам қилиб, жаҳаннамга дохил қилади. Ана ўша қавмлар ўз нафсларига зиён қилгувчилардир.

قُل لِّلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِن يَنتَهُوا۟ يُغْفَرْ لَهُم مَّا قَدْ سَلَفَ وَإِن يَعُودُوا۟ فَقَدْ مَضَتْ سُنَّتُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٣٨﴾

38. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), инкор қилгувчиларга айтгил, агар куфрларидан қайтсалар, ўтган гуноҳлари кечирилади. Ва агар куфрларига ружу қилиб (қайтиб) давом этар эканлар, бас, уларга (ҳам) ибрат учун илгариги кофирларнинг ҳоллари қандай ўтган бўлса, шундай бўлади. Яъни, Худойи таоло ҳаммасини ҳалок қилгандир, уларга (Сени инкор қилаётганларга) ҳам шундай бўлади.

وَقَٰتِلُوهُمْ حَتَّىٰ لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ ٱلدِّينُ كُلُّهُۥ لِلَّهِ ۚ فَإِنِ ٱنتَهَوْا۟
فَإِنَّ ٱللَّهَ بِمَا يَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٣٩﴾ وَإِن تَوَلَّوْا۟ فَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ مَوْلَىٰكُمْ ۚ نِعْمَ
ٱلْمَوْلَىٰ وَنِعْمَ ٱلنَّصِيرُ ﴿٤٠﴾

39-40. Эй мўминлар, то кофирларнинг фитнаси даф бўлгунча ва ҳамма (бутун) дин (фақат) Худо учун бўлгунга қадар улар билан уруш қилинглар. Агар кофирлар куфрларидан қайтсалар, албатта, Аллоҳ тао-
10 жузъ ло қилган амалларини кўриб туради ва агар куфрларидан қайтмасалар, билингларки, Аллоҳ таоло сизларнинг мададкорингиздир. Аллоҳ таоло сизларга яхши дўст ва яхши мададкордир!

ЎНИНЧИ ЖУЗЪ

۞ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّمَا غَنِمْتُم مِّن شَىْءٍ فَأَنَّ لِلَّهِ خُمُسَهُۥ وَلِلرَّسُولِ وَلِذِى ٱلْقُرْبَىٰ
وَٱلْيَتَٰمَىٰ وَٱلْمَسَٰكِينِ وَٱبْنِ ٱلسَّبِيلِ إِن كُنتُمْ ءَامَنتُم بِٱللَّهِ وَمَآ أَنزَلْنَا عَلَىٰ
عَبْدِنَا يَوْمَ ٱلْفُرْقَانِ يَوْمَ ٱلْتَقَى ٱلْجَمْعَانِ ۗ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٤١﴾

41. Эй мўминлар, билингларки, агар Худога ва ҳақ ботилдан жудо бўладиган Кунга ва ҳам *Бадр* урушида икки фирқа жанг қилган куни Биз Муҳаммад (алайҳиссалом)га нозил қилган малоикаларимизга иймон келтирувчи бўлсангиз, ҳар молки кофирлардан ғанимат (ўлжа) қилиб олсангизлар, бас, бешдан бир ҳисссасини Худо ва Расулига ажратинглар. Бу ҳиссага Расулуллоҳнинг қариндошлари ва етимлар ва мискинлар ва мусофирлар ҳақдордирлар, уларга сарф қилурсизлар. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир.

إِذْ أَنتُم بِٱلْعُدْوَةِ ٱلدُّنْيَا وَهُم بِٱلْعُدْوَةِ ٱلْقُصْوَىٰ وَٱلرَّكْبُ أَسْفَلَ مِنكُمْ ۚ
وَلَوْ تَوَاعَدتُّمْ لَٱخْتَلَفْتُمْ فِى ٱلْمِيعَٰدِ ۙ وَلَٰكِن لِّيَقْضِىَ ٱللَّهُ أَمْرًا كَانَ
مَفْعُولًا لِّيَهْلِكَ مَنْ هَلَكَ عَنۢ بَيِّنَةٍ وَيَحْيَىٰ مَنْ حَىَّ عَنۢ بَيِّنَةٍ ۗ وَإِنَّ ٱللَّهَ
لَسَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٤٢﴾

42. Эй мўминлар, ёд қилинглар ўшал ҳолатники, сизлар *Мадинага* яқин бир даштнинг ёқасида эдингизлар. Кофирлар ҳам даштнинг *Мадинадан* узоқроқ бир ёқасига тушган эдилар. *Бир-бирларингизни кўрмас эдингизлар*. Мушрикларнинг карвони сизлардан пастроқда эди. Агар кофирлар билан яқин бўлиб, уруш қилишга ваъда қилган бўлганларингизда эди, уларнинг ҳайбати ва кўплигини кўргандан сўнг дилларингда хавф пайдо бўлиб, ваъдага хилоф қилган бўлур эдингизлар. Лекин Худойи

таоло сизларни кофирларга ногаҳон (тасодифан) рўбарў қилди (тўқнаштириб қўйди). Шунинг учунки, Аллоҳ таоло қиладиган ишини (мўминларнинг ғалаба, кофирларнинг мағлуб бўлишини) охирига етказсин, токи ҳалок бўладиганлар ҳам (ҳужжат билан) ҳалок бўлсин, тирик қоладиганлар ҳам (ҳужжат билан) тирик қолсин. Албатта, Аллоҳ таоло бандаларнинг дуоларини эшитувчи ва ҳолларига донодир.

إِذْ يُرِيكَهُمُ ٱللَّهُ فِى مَنَامِكَ قَلِيلًا ۖ وَلَوْ أَرَىٰكَهُمْ كَثِيرًا لَّفَشِلْتُمْ وَلَتَنَٰزَعْتُمْ
فِى ٱلْأَمْرِ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ سَلَّمَ ۗ إِنَّهُۥ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ﴿٤٣﴾

10 жузъ

43. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), фикр қил ўша воқеаники, Худойи таоло Сенинг уйқунгда кофирларнинг гуруҳини озгина қилиб кўрсатди. Агар ҳақиқий кўплигини кўрсатганда эди, Сен асҳобларингга ҳикоя қилган бўлур эдинг. Ҳаммаларингизнинг дилларингизда қўрқоқлик (сусткашлик) пайдо бўлиб, ораларингизда уруш тўғрисида ихтилоф келиб чиқар эди. Лекин, Аллоҳ таоло сизларни қўрқоқликдан сақлади. Албатта, Аллоҳ таоло дилларингизда нима бўлса, донодир (билур).

وَإِذْ يُرِيكُمُوهُمْ إِذِ ٱلْتَقَيْتُمْ فِىٓ أَعْيُنِكُمْ قَلِيلًا وَيُقَلِّلُكُمْ فِىٓ أَعْيُنِهِمْ لِيَقْضِىَ ٱللَّهُ
أَمْرًا كَانَ مَفْعُولًا ۗ وَإِلَى ٱللَّهِ تُرْجَعُ ٱلْأُمُورُ ﴿٤٤﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟
إِذَا لَقِيتُمْ فِئَةً فَٱثْبُتُوا۟ وَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ كَثِيرًا لَّعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٤٥﴾

44-45. Эй мўминлар, ёд қилинглар ўша ҳолатники, душманга мулоқий (рўбарў) бўлганларингизда Аллоҳ таоло душманнинг гуруҳини кўзларингизга озгина қилиб кўрсатди. Сизларни ҳам душманнинг кўзига озгина қилиб кўрсатди. *Бунинг илоҳий ҳикмати шу эдики, сизларнинг дилларингизда (уларга нисбатан) хавф бўлмасин, кофирлар ҳам сизларни (камчил) кўриб, бепарво бўлсинлар ва Худо ирода қилган нарса мавжуд бўлсин (юзага чиқсин).* Барча амрлар Худо тарафига қайтарилур. Эй мўминлар, душман гуруҳи билан уруш бошлаган вақтларингизда далер (шижоатли) бўлинглар ва жанг майдонида (саботли) қоим туринглар, тилларингиз билан Худонинг зикрини қилинглар, шундай бўлганларингизда душман устидан зафар топасизлар.

وَأَطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ وَلَا تَنَٰزَعُوا۟ فَتَفْشَلُوا۟ وَتَذْهَبَ رِيحُكُمْ ۖ وَٱصْبِرُوٓا۟ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ
مَعَ ٱلصَّٰبِرِينَ ﴿٤٦﴾ وَلَا تَكُونُوا۟ كَٱلَّذِينَ خَرَجُوا۟ مِن دِيَٰرِهِم بَطَرًا وَرِئَآءَ ٱلنَّاسِ
وَيَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ ۚ وَٱللَّهُ بِمَا يَعْمَلُونَ مُحِيطٌ ﴿٤٧﴾

46-47. Эй мўминлар, Худо ва Расулига итоат қилинглар, буюрганини бажо келтиринглар, хилоф қилманглар. Агар Худо ва Расулининг ҳукмига хилоф қилар экансизлар, дилларингизда қўрқув пайдо бўлиб, сизлардан душманнинг муқобилига қувват кетади (сустлашиб, заифлашиб қоласиз). Кулфатларга сабр қилинглар. Аллоҳ таолонинг мадади собирлар билан

биргадир. Эй мўминлар, уйларидан (Маккадан) ғурур билан чиққанлар, ўзларини халққа кўрсатмоқчи бўлганлар, бошқаларни Худонинг динидан қайтармоқчи бўлган жамоага ўхшаган бўлманглар! Аллоҳ таолонинг илми уларнинг қилган амалларига ҳамиша шомил (иҳота қилгувчи)дир.

وَإِذْ زَيَّنَ لَهُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ أَعْمَٰلَهُمْ وَقَالَ لَا غَالِبَ لَكُمُ ٱلْيَوْمَ مِنَ ٱلنَّاسِ
وَإِنِّي جَارٌ لَّكُمْ ۖ فَلَمَّا تَرَآءَتِ ٱلْفِئَتَانِ نَكَصَ عَلَىٰ عَقِبَيْهِ وَقَالَ إِنِّي بَرِيٓءٌ
10 жузъ مِّنكُمْ إِنِّيٓ أَرَىٰ مَا لَا تَرَوْنَ إِنِّيٓ أَخَافُ ٱللَّهَ ۚ وَٱللَّهُ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿٤٨﴾

48. Эй мўминлар, фикр қилинглар, ўша вақтники, шайтон кофирларнинг қилиб турган ишларини яхши (чиройли) кўрсатиб: «Бугун сиздан ҳеч қандай душман ғолиб бўлолмайди», – деб айтарди. *Ўзини Сироқа номли бир қабиланинг бошлиғи суратида кўрсатиб,* кофирларни урушга тарғиб қилиб айтар эдики: «Мен (ўзим) сизларга (ҳомий) мададкорман». Икки лашкар бир-бирига рўбарў бўлган вақтда шайтон мўминларга ёрдамга келган малоикаларни кўрди ва орқасига қараб қочган ҳолда айтдики: «Мен сизлардан безорман, чунки сизлар кўрмаган нарсани кўриб турибман. Мен Худодан қўрқаман, чунки Аллоҳ таолонинг азоби қаттиқдир».

إِذْ يَقُولُ ٱلْمُنَٰفِقُونَ وَٱلَّذِينَ فِي قُلُوبِهِم مَّرَضٌ غَرَّ هَٰٓؤُلَآءِ دِينُهُمْ ۗ وَمَن
يَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ فَإِنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٤٩﴾

49. Эй мўминлар, эсларингизда бўлсин ўша воқеаки, *Мадина* мунофиқлари ҳамда дилларида ҳануз Ислом учун шак-шубҳа бор бўлган кишилар айтадиларки: «Бу мусулмонларни динлари мағрур қилиб юборди, *ўйламасдан, озгина одам билан кофирларга қарши урушга бормоқдалар*». Улар ўйламайдиларки, ҳар кимки Худога таваккул қилса, Худо унинг мададкоридир. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир ишда ғолиб ва ҳукм қилгувчидир.

وَلَوْ تَرَىٰٓ إِذْ يَتَوَفَّى ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ۙ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ يَضْرِبُونَ وُجُوهَهُمْ وَأَدْبَٰرَهُمْ
وَذُوقُوا۟ عَذَابَ ٱلْحَرِيقِ ﴿٥٠﴾ ذَٰلِكَ بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيكُمْ وَأَنَّ ٱللَّهَ لَيْسَ
بِظَلَّٰمٍ لِّلْعَبِيدِ ﴿٥١﴾

50-51. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар малоикалар жанг майдонида кофирларнинг жонларини қандай олишаётганини кўрсанг эди, Сен у ҳолатдан ҳайбатланар эдинг. Малоикалар кофирларнинг юзларига ва орқаларига силоҳ билан уриб ўлдирар ва айтар эдиларки: «Энди куйдиргувчи (дўзах) азобини тотинглар. У азоблар сизларга касб қилган куфрларингиз учундир». Албатта, Аллоҳ таоло бандаларга золим (зулм қилгувчи) эмас, *бегуноҳ бандаларига азоб бермайди.*

كَدَأْبِ ءَالِ فِرْعَوْنَ ۙ وَٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۚ كَفَرُوا۟ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ فَأَخَذَهُمُ ٱللَّهُ

بِذُنُوبِهِمْ إِنَّ ٱللَّهَ قَوِيٌّ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿٥٢﴾

52. Бу муомала Фиръавннинг тобелари билан *Мусо алайҳиссалом ўрталаридаги муомалага ўхшайди* ҳамда (илгариги) *Од ва Самуд* қавми билан Пайғамбарлари ўрталарида бўлган муомалаларга ўхшайди. Улар Худонинг оятларига кофир бўлган ва пайғамбарлар мўъжизасини инкор қилган эдилар. Ушбу гуноҳлари сабабидан ҳаммаларини Худойи таоло ҳалок қилди. Албатта, Аллоҳ таоло қувватли, қудратли ва азоби қаттиқдир.

ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ لَمْ يَكُ مُغَيِّرًا نِّعْمَةً أَنْعَمَهَا عَلَىٰ قَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا۟ مَا 10 жузъ
بِأَنفُسِهِمْ وَأَنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٥٣﴾ كَدَأْبِ ءَالِ فِرْعَوْنَ وَٱلَّذِينَ مِن
قَبْلِهِمْ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِ رَبِّهِمْ فَأَهْلَكْنَٰهُم بِذُنُوبِهِمْ وَأَغْرَقْنَآ ءَالَ فِرْعَوْنَ
وَكُلٌّ كَانُوا۟ ظَٰلِمِينَ ﴿٥٤﴾ إِنَّ شَرَّ ٱلدَّوَآبِّ عِندَ ٱللَّهِ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ فَهُمْ لَا
يُؤْمِنُونَ ﴿٥٥﴾ ٱلَّذِينَ عَٰهَدتَّ مِنْهُمْ ثُمَّ يَنقُضُونَ عَهْدَهُمْ فِى كُلِّ مَرَّةٍ
وَهُمْ لَا يَتَّقُونَ ﴿٥٦﴾

53-56. Бу азоб-уқубат кофирларга шу сабабдандирки, Аллоҳ таоло бир қавм то ўз нафсларидаги ахлоқларини ўзгартирмагунча у қавмга инъом қилган неъматини ўзгартирмайди. Албатта, Аллоҳ таоло кофирларнинг сўзларини эшитгувчи ва ҳолларини (билгувчи) донодир. *Қурайш кофирларининг одатлари Фиръавн қавмининг ва Фиръавндан аввал ўтган халқларнинг одатларига ўхшайди.* У халқлар Худонинг оятларини таксиб қилган (ёлғонга чиқарган) эдилар. Уларни гуноҳлари сабабидан ҳалок қилган эдик. У қавмларнинг ҳаммалари золимлар эдилар. Албатта, Худонинг наздида бадтарин (энг ёмон) ҳайвонлар кофирлардир. Улар ҳаргиз Худога иймон келтирмаслар. Улар шундай гуруҳдирларки, ҳар бор улар билан аҳд (паймон) қилсанг, аҳдларини синдирадилар, улар Худодан қўрқмайдилар.

فَإِمَّا تَثْقَفَنَّهُمْ فِى ٱلْحَرْبِ فَشَرِّدْ بِهِم مَّنْ خَلْفَهُمْ لَعَلَّهُمْ يَذَّكَّرُونَ ﴿٥٧﴾ وَإِمَّا
تَخَافَنَّ مِن قَوْمٍ خِيَانَةً فَٱنۢبِذْ إِلَيْهِمْ عَلَىٰ سَوَآءٍ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ ٱلْخَآئِنِينَ ﴿٥٨﴾
وَلَا يَحْسَبَنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ سَبَقُوٓا۟ إِنَّهُمْ لَا يُعْجِزُونَ ﴿٥٩﴾

57-59. Агар кофирларнинг жамоаларини урушда топсанг, уларни✱ .-дириш билан орқаларидан ёрдамга келадиганларини қочириб юбор (қўрқит), шоядки бу ҳолдан ибрат олиб, таслим бўлсалар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар аҳд қилган қавмнинг хиёнат қилишидан қўрқсанг (хиёнатни сезсанг), Сен ҳам уларнинг ўзларига шундай ҳолни қайтарки, ўртада аҳд йўқлигини (бузилганлигини) ҳамма билсин. Албатта,

Аллоҳ таоло хоинларни дўст тутмайди. Кофирлар Биз (Аллоҳ)дан ғалаба қилиб, «қочиб қутуламиз», деб гумон қилмасинларки, улар ҳаргиз Бизни ожиз қила олмайдилар.

وَأَعِدُّوا۟ لَهُم مَّا ٱسْتَطَعْتُم مِّن قُوَّةٍ وَمِن رِّبَاطِ ٱلْخَيْلِ تُرْهِبُونَ بِهِۦ عَدُوَّ
ٱللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ وَءَاخَرِينَ مِن دُونِهِمْ لَا تَعْلَمُونَهُمُ ٱللَّهُ يَعْلَمُهُمْ ۚ وَمَا تُنفِقُوا۟ مِن
شَىْءٍ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ يُوَفَّ إِلَيْكُمْ وَأَنتُمْ لَا تُظْلَمُونَ ﴿٦٠﴾ ۞ وَإِن جَنَحُوا۟
10 жузъ لِلسَّلْمِ فَٱجْنَحْ لَهَا وَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ ۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٦١﴾

60-61. Эй мўминлар, душман муқобилига қўлларингиздан келган уруш асбобини ҳозирланглар ва ҳам кофирларнинг сарҳадларида отлиқ аскарларни (урушга) тайёрлаб қўйинглар. Шу йўл билан Худонинг ва ўзларингизнинг душманларингизни қўрқитган бўласизлар. Ва ҳам улардан бошқа махфий – сизлар билмайдиган душманларни ҳам қўрқитган бўласизлар. Уларнинг ҳолларини Аллоҳ таоло билади. Жиҳод учун Худо йўлида сарф қилган ҳар қандай молингиз ажрини Худо Қиёмат куни сизларга мукаммал (қилиб) беради. Сизлар бу тўғрида зулм қилинмассизлар. Агар кофирлар Сенга сулҳ қўлини узатсалар, Сен ҳам улар билан сулҳ қилгил. Аллоҳ таолога таваккул қил, уларнинг макридан қўрқмагил. Албатта, Аллоҳ таоло кофирларни эшитувчи ва дилларидагини (билгувчи) донодир.

وَإِن يُرِيدُوٓا۟ أَن يَخْدَعُوكَ فَإِنَّ حَسْبَكَ ٱللَّهُ ۚ هُوَ ٱلَّذِىٓ أَيَّدَكَ بِنَصْرِهِۦ
وَبِٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٦٢﴾ وَأَلَّفَ بَيْنَ قُلُوبِهِمْ ۚ لَوْ أَنفَقْتَ مَا فِى ٱلْأَرْضِ جَمِيعًا مَّآ
أَلَّفْتَ بَيْنَ قُلُوبِهِمْ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ أَلَّفَ بَيْنَهُمْ ۚ إِنَّهُۥ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٦٣﴾ يَٰٓأَيُّهَا
ٱلنَّبِىُّ حَسْبُكَ ٱللَّهُ وَمَنِ ٱتَّبَعَكَ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٦٤﴾

62-64. Агар кофирлар сулҳ қилиб, Сенга фириб беришни (алдашни) хоҳласалар, Сен парво қилма, чунки Худонинг мадади Сенга етарлидир. Парвардигор шундай Зотдирки, Ўзининг мадади билан Сенга ва мўминларга қувват берди. Ва ҳам мўминларнинг дилларига улфат ва муҳаббат солди. Агар Сен ер юзидаги давлатни харж қилсанг ҳам, уларнинг дилларига улфат сололмас (уларни бирлаштиролмас) эдинг. Лекин Аллоҳ таоло марҳамат қилиб, уларнинг дилларида улфат ва муҳаббат пайдо қилди. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир ишда ғолиб ва ҳикматлидир. Эй Набий, Сенга ва Сенга тобе бўлган мўминларга Аллоҳ таолонинг ёрдами кифоядир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِىُّ حَرِّضِ ٱلْمُؤْمِنِينَ عَلَى ٱلْقِتَالِ ۚ إِن يَكُن مِّنكُمْ عِشْرُونَ صَٰبِرُونَ
يَغْلِبُوا۟ مِا۟ئَتَيْنِ ۚ وَإِن يَكُن مِّنكُم مِّا۟ئَةٌ يَغْلِبُوٓا۟ أَلْفًا مِّنَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِأَنَّهُمْ
قَوْمٌ لَّا يَفْقَهُونَ ﴿٦٥﴾ ٱلْـَٰٔنَ خَفَّفَ ٱللَّهُ عَنكُمْ وَعَلِمَ أَنَّ فِيكُمْ ضَعْفًا ۚ فَإِن

يَكُن مِّنكُم مِّائَةٌ صَابِرَةٌ يَغْلِبُوا مِائَتَيْنِ ۚ وَإِن يَكُن مِّنكُمْ أَلْفٌ يَغْلِبُوا أَلْفَيْنِ
بِإِذْنِ اللَّهِ ۗ وَاللَّهُ مَعَ الصَّابِرِينَ ﴿٦٦﴾

65-66. Эй Набий, мўминларни жангга тарғиб қил (чорла), уларга айтгил: «Сизлардан йигирма киши жангда сабр қилса, кофирлардан икки юз киши устидан ғалаба қилади. Ва агар сизлардан юз киши жангда сабрли бўлса, кофирлардан минг киши устидан ғолиб бўлурлар. Шу сабабданки, кофирлар ҳеч нарсани билмайдилар ва аҳмоқдирлар. *Бу оят нозил бўлгандан сўнг мўминлар: «Энди бир киши (кофирлардан) ўн кишига муқобала (қарши жанг) қилади», — деб ташвишга тушганларида Ҳақ таоло бу ҳукмни мансух қилиб, ушбу оятни нозил қилди:* «Энди Аллоҳ таоло сизлардан бу ҳукмни енгил қилди. Билдики, сизларнинг ичларингизда заифлар бордир, бас, билинглларки, сизлардан сабр қилувчи юз киши бўлса, кофирлардан икки юз киши устидан ғолиб келади, сизлардан минг киши бўлса, кофирлардан икки минг киши устидан ғалаба қилади. Аллоҳ таолонинг мадади собирлар билан биргадир. 10 жузъ

مَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَن يَكُونَ لَهُ أَسْرَىٰ حَتَّىٰ يُثْخِنَ فِي الْأَرْضِ ۚ تُرِيدُونَ
عَرَضَ الدُّنْيَا وَاللَّهُ يُرِيدُ الْآخِرَةَ ۗ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٦٧﴾ لَّوْلَا كِتَابٌ مِّنَ اللَّهِ
سَبَقَ لَمَسَّكُمْ فِيمَا أَخَذْتُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿٦٨﴾ فَكُلُوا مِمَّا غَنِمْتُمْ حَلَالًا طَيِّبًا ۚ
وَاتَّقُوا اللَّهَ ۚ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٦٩﴾

67-69. Пайғамбарлар учун қўлларида кофирлардан асир бўлса, фидя (товон) олиб қўйиб юбориш лойиқ эмас, балки асир олмасдан, кофирларнинг кўпларини қатл қилиш керак, токи Исломга қувват бўлсин. Оё, сизлар дунё матоини хоҳлайсизлармии? Аллоҳ таоло эса сизлар учун охиратни хоҳлайди. Аллоҳ таоло ҳар бир ишда ғолиб ва ҳикматлидир. Агар Худо тарафидан Лавҳул Маҳфузда хато (билмасдан қилинган) ишга азоб қилмаслик ёзилмаганида эди, олган фидяларингиз бадалига сизларга улуғ азоб келган бўлур эди. Сизлар ғанимат молидан олган ҳиссаларингизни енглар, сизларга ҳалол тайййиб (покиза)дир. Худонинг амрига хилоф қилишдан қўрқинглар. Албатта, Аллоҳ таоло гуноҳларингизни кечиргувчи ва меҳрибондир.

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ قُل لِّمَن فِي أَيْدِيكُم مِّنَ الْأَسْرَىٰ إِن يَعْلَمِ اللَّهُ فِي قُلُوبِكُمْ خَيْرًا
يُؤْتِكُمْ خَيْرًا مِّمَّا أُخِذَ مِنكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ۗ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٧٠﴾ وَإِن يُرِيدُوا
خِيَانَتَكَ فَقَدْ خَانُوا اللَّهَ مِن قَبْلُ فَأَمْكَنَ مِنْهُمْ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٧١﴾

70-71. Эй Пайғамбар, қўлингдаги (Сен) фидя олган асирларга айтгил: «Агар Худойи таоло дилларингизда иймон ва ихлос борлигини билганда,

яъни, иймон келтирганларингизда эди, сизлардан (ўзингиздан) олинган фидядан яхшироқ нарсани (ўзингизга берган) ва ҳам гуноҳларингизни мағфират қилган бўлар эди. Чунки Аллоҳ таоло бандаларнинг гуноҳларини кечирувчи ва уларга меҳрибондир. Агар қўлингдаги мусулмон(лик даъвосида) бўлган асирлар (Сенга) хиёнат қилмоқни хоҳласалар, (билгилки), улар кофирлик даврларида (илгари ҳам) Худога хиёнат қилиб юрган (кишилардир). Бас, Аллоҳ таоло Сенга қудрат берди, уларни асир қилдинг, агар хиёнат қилсалар, яна Сенга (ғолиб бўлишинг учун) қудрат беради. Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳолини билгувчи доно ва ҳикматлидир.

10 жузъ إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَهَاجَرُواْ وَجَٰهَدُواْ بِأَمْوَٰلِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱلَّذِينَ
ءَاوَواْ وَّنَصَرُوٓاْ أُوْلَٰٓئِكَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَآءُ بَعْضٖۚ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَلَمْ يُهَاجِرُواْ مَا لَكُم
مِّن وَلَٰيَتِهِم مِّن شَيْءٍ حَتَّىٰ يُهَاجِرُواْۚ وَإِنِ ٱسْتَنصَرُوكُمْ فِي ٱلدِّينِ فَعَلَيْكُمُ ٱلنَّصْرُ
إِلَّا عَلَىٰ قَوْمِۭ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُم مِّيثَٰقٞۗ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٞ ﴿٧٢﴾

72. Албатта, ул жамоаки, иймон келтирганлар ва (Маккадан) ҳижрат қилиб келганлар ва молу жонлари билан Худо йўлида жиҳод қилганлар ва у гуруҳки(мадиналик ансорлар), иймон келтирганлар, муҳожирларга жой берганлар ва ёрдам қилганлар, албатта, у зотларнинг баъзилари баъзиларига дўст ва валийдирлар, бир-бирларидан мерос олурлар. Ва у гуруҳ кишиларки, иймон келтирганлар, лекин ҳижрат қилмаганлар — улар то ҳижрат қилмагунларича уларга дўст, ҳамкор бўлолмайсизлар ва меросхўрлик қилолмайсизлар. Агар улардан бирон тоифа сизлардан диннинг ривожи учун ёрдам талаб қилса, ёрдам беришларингиз лозимдир. Магар у қавм билан сизларнинг ўртангизда (уруш қилмаслик) борасида сулҳ (келишув) бўлган бўлса, бас, у ҳолда уларнинг хилофига (яъни, уларга зарар етказиш учун) ёрдам беришингиз лозим эмас. Аллоҳ таоло қилган амалларингизни кўриб туради.

وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَآءُ بَعْضٍۚ إِلَّا تَفْعَلُوهُ تَكُن فِتْنَةٞ فِي ٱلْأَرْضِ وَفَسَادٞ
كَبِيرٞ ﴿٧٣﴾

73. У кофир бўлган гуруҳларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Эй мўминлар, агар сизлар бир-бирларингизга дўст ва мададкор бўлмасангизлар, кофирлар сизлардан ғалаба қилиб, ер юзида фитна ва улуғ фасодлар пайдо бўлади.

وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَهَاجَرُواْ وَجَٰهَدُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱلَّذِينَ ءَاوَواْ وَّنَصَرُوٓاْ
أُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُؤْمِنُونَ حَقّٗاۚ لَّهُم مَّغْفِرَةٞ وَرِزْقٞ كَرِيمٞ ﴿٧٤﴾

74. Динларини сақлаш учун ҳижрат қилганлар, Худо йўлида жон ва молларини фидо этиб, жиҳод қилган (мадиналик мўмин)лар ҳамда уларга жой (бошпана) берган ва дунёвий маишатларига ҳам ёрдам қилган ва ҳам иттифоқ бўлиб жиҳод қилган (ансорийлар) - ҳақиқий

мўминлар ана ўшалардир. Уларга Худо тарафидан гуноҳларига мағфират ва жаннатда яхши ризқлар бор.

وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مِنۢ بَعْدُ وَهَاجَرُوا۟ وَجَٰهَدُوا۟ مَعَكُمْ فَأُو۟لَٰٓئِكَ مِنكُمْ ۚ وَأُو۟لُوا۟ ٱلْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أَوْلَىٰ بِبَعْضٍ فِى كِتَٰبِ ٱللَّهِ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌۢ ﴿٧٥﴾

75. Ва Ҳудайбийя сулҳидан кейин иймон келтирганлар, сўнгги ҳижрат қилганлар ва яна сизлар билан бирга жиҳод қилганлар — улар ҳам сизлардандир. Ва қаробат (яқинлик) пайдо қилганларнинг баъзилари баъзиларидан мерос олишга ҳақдорроқдирлар. *Худонинг ҳукмидаги бу оят ансорийлар билан муҳожирлар ўртасидаги меросни мансух қилди. Чунки бу оятда собит бўлдики, мерос олишда бегоналар эмас, ақраболар (қариндошлар) ҳақдордирлар.* Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билгувчи донодир.

10 жузъ

Мадинада нозил бўлган бу сура бир юз йигирма тўққиз оятдан иборатдир.

10 жузъ

128-129-оятлари Маккада, қолганлари Мадинада нозил бўлган ушбу сура-нинг 104-ояти тавба ҳақида бўлгани учун шу ном билан аталган. Суранинг бундан ташқари бир неча номлари бўлиб, энг машҳури «Бароат»дир. Бу сура «Анфол» сурасининг давоми ёки ўзи мустақил бир сура экани ё эмаслиги ҳақида ихтилоф бўлгани учун сура бошида Басмала (Бисмиллаҳир роҳманир роҳим) ёзилмаган, чунки бу тўғрида Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламга амр бўлмаган. Саййидино Али каррамаллоҳу важҳаҳу айтгандирларки: «Бисмиллоҳ омонликдир». Бу сура қилич билан (жанг билан) омонликни ўрнатмоқ учун нозил бўлгандир». Имом Бухорий айтганларки: «Ҳамма сурадан кейин нозил бўлган сурадир». Баъзилар юқоридаги «Анфол» сураси ила бу суранинг мустаҳкам маънавий иттисоли (боғлиқлиги) бўлгани сабабидан аввалига «бисмиллоҳ» ёзилмаган, деганлар.

Бу суранинг нозил бўлишига сабаб Макка фатҳидан сўнг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мушриклар қабиласи билан муайян муддат (урушмасликка) аҳд тузган эдилар. Баъзи қабилалар аҳдларига вафо қилдилар, лекин баъзилари аҳдларини бузиб, иғво йўлини тутдилар. Шунда ушбу сура нозил этилди. Худо тарафидан Расулуллоҳга амр бўлдики, у сурадан қирқ оятни ҳазрат Али розийаллоҳу анҳу ҳаж мавсумида Айёми наҳр (Қурбон ҳайити) кунлари ҳажга келган қабилаларга ўқиб эшиттирсин. Сурада аҳдни синдирган (бузган) кофирларга тўрт ой муҳлат берилди. Аҳдини синдирмаган кофирларга аҳднинг муддатини (тўла-тўкис) тамомлаши амр этилди. Ҳижратнинг тўққизинчи йилида Абу Бакр разийаллоҳу анҳу ҳаж амири этиб тайинланиб, мусулмонлар ҳажга юборилади. Бу сура нозил бўлиши биланоқ Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг амрларини ҳаждаги инсонларга етказиш учун Ҳазрати Али розийаллоҳу анҳуга топширганлар. Ҳазрати Али ҳажга кетаётган карвонга етиб борганларида Ҳазрати Абу Бакр разийаллоҳу анҳу: «Амир бўлиб келдингми ёки маъмур (топшириқни бажарувчи) бўлибми?», - деб сўрайди. Ҳазрати Али разийаллоҳу анҳу фақат Маккада ҳожиларга сурани етказиб, тушунтириш учун юборилганини билдиради. Ҳазрати Али байрамнинг биринчи куни Ақоба (шайтонга тош отиладиган жой) ёнида туриб, ўзининг Пайғамбар томонидан юборилган элчи эканини билдириб, бир хутба ўқийди. Кейин «Тавба» сурасининг бошидан 30 ё 40 оят ўқиб: «Тўрт нарсани етказишга буюрилганман», — дейди ва уларни санайди:

1) Бу йилдан кейин Каъбага ҳеч бир мушрик яқинлашмайди;

2) Ҳеч ким яланғоч ҳолатда Каъбани зиёрат қилмайди;

3) Мўминлардан бошқаси жаннатга кирмайди;

4) Мушрик қабилалар томонидан бузилмаган аҳдномалар келишув муддатининг охирига қадар ўз кучида қолади».

بَرَآءَةٌ مِّنَ ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦٓ إِلَى ٱلَّذِينَ عَٰهَدتُّم مِّنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿١﴾ فَسِيحُوا۟ فِى
ٱلْأَرْضِ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّكُمْ غَيْرُ مُعْجِزِى ٱللَّهِ ۙ وَأَنَّ ٱللَّهَ مُخْزِى ٱلْكَٰفِرِينَ
﴿٢﴾ وَأَذَٰنٌ مِّنَ ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦٓ إِلَى ٱلنَّاسِ يَوْمَ ٱلْحَجِّ ٱلْأَكْبَرِ أَنَّ ٱللَّهَ بَرِىٓءٌ مِّنَ
ٱلْمُشْرِكِينَ ۙ وَرَسُولُهُۥ ۚ فَإِن تُبْتُمْ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ ۖ وَإِن تَوَلَّيْتُمْ فَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّكُمْ غَيْرُ 10 жузъ
مُعْجِزِى ٱللَّهِ ۗ وَبَشِّرِ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٣﴾

1-3. Сизлар билан аҳд (паймон) қилган, сўнгра аҳдларини синдирган кофир жамоаларига Худо ва Расули тарафидан безорлик (ора очиқлик) эълон қилинур. *Энди Худо ва Расули тарафидан (кофирлар билан) алоқа узилди*. Уларга (мушрикларга) айтинглар: «Сизларга (уруш ҳаром қилинган) тўрт ой муҳлат берилади. *Тўрт ой тамом бўлгандан сўнг сизларга муҳлат берилмас, ё иймон келтирасизлар, ё урушга тайёр бўласизлар»*.

Эй мушриклар, билингларки, сизлар Худони ожиз қила олмайсизлар ва ҳам билингларки, Аллоҳ таоло мушрикларни бу дунёда ҳам, охиратда ҳам расво қилгувчидур. Бу – ҳажжи акбар, яъни, Айёми наҳр куни Аллоҳ таоло ва Унинг Расули тарафидан барча халқларга мушриклардан безор эканининг эълон қилинганидир. Бас, агар, эй кофирлар, тавба қилсангизлар ва иймонга кирсангизлар, бас, бу феълларингиз ўзларингизга яхшидир ва агар иймондан юз ўгирсангизлар, билингларки, Худони ожиз қилолмассизлар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга қаттиқ азобдан хабар бергил.

إِلَّا ٱلَّذِينَ عَٰهَدتُّم مِّنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ثُمَّ لَمْ يَنقُصُوكُمْ شَيْـًٔا وَلَمْ يُظَٰهِرُوا۟ عَلَيْكُمْ
أَحَدًا فَأَتِمُّوٓا۟ إِلَيْهِمْ عَهْدَهُمْ إِلَىٰ مُدَّتِهِمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلْمُتَّقِينَ ﴿٤﴾ فَإِذَا ٱنسَلَخَ
ٱلْأَشْهُرُ ٱلْحُرُمُ فَٱقْتُلُوا۟ ٱلْمُشْرِكِينَ حَيْثُ وَجَدتُّمُوهُمْ وَخُذُوهُمْ وَٱحْصُرُوهُمْ
وَٱقْعُدُوا۟ لَهُمْ كُلَّ مَرْصَدٍ ۚ فَإِن تَابُوا۟ وَأَقَامُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَوُا۟ ٱلزَّكَوٰةَ فَخَلُّوا۟
سَبِيلَهُمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٥﴾ وَإِنْ أَحَدٌ مِّنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ٱسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ
حَتَّىٰ يَسْمَعَ كَلَٰمَ ٱللَّهِ ثُمَّ أَبْلِغْهُ مَأْمَنَهُۥ ۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَّا يَعْلَمُونَ ﴿٦﴾

4-6. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), аҳдларини синдирмаган ва сизларнинг душманларингизга ёрдам ҳам бермаган гуруҳлар билан аҳд (паймон) қилинг. Бас, у қабилаларга аҳдларининг муддати тамом бўлгунча муҳлат берринглар. Аллоҳ таоло муттаққийларни дўст тутади. (Уруш) ҳаром қилинган тўрт ой тамом бўлгандан сўнг бу қабилалар ё иймон келтиришлари, ё

урушга тайёр бўлишлари керак. Агар урушсалар, бас, эй мўминлар, мушрикларни қаерда топсангизлар, ўлдиринглар. Ва ҳам асир қилиб олинглар ва атрофларини ўраб қамал қилинглар, йўлларини пойлаб (кузатиб) туринглар. Бас, агар иймон келтирсалар, беш вақт намозни барпо қилсалар, молларининг закотини берсалар, улар билан ишларингиз бўлмасин. *Чунки улар энди сизларга биродардирлар.* Албатта, Аллоҳ таоло ўтган гуноҳларни кечирувчи ва меҳрибондир. (Эй Муҳаммад), ва агар мушриклардан бирортаси Сендан омонлик талаб қилса, омонлик бергил, шоядки Каломуллоҳни эшитиб, иймон келтирар. Агар иймон келтирмаса ва ўз қабиласига
10 жузъ кетишни хоҳласа, хавфсиз жойга довур (қадар) олиб бориб қўйинглар. Шунинг учун омон бериш керакки, улар ҳеч нарсани билмайдилар.

كَيْفَ يَكُونُ لِلْمُشْرِكِينَ عَهْدٌ عِندَ ٱللَّهِ وَعِندَ رَسُولِهِۦٓ إِلَّا ٱلَّذِينَ
عَٰهَدتُّمْ عِندَ ٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ ۖ فَمَا ٱسْتَقَٰمُوا۟ لَكُمْ فَٱسْتَقِيمُوا۟ لَهُمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ
يُحِبُّ ٱلْمُتَّقِينَ ﴿٧﴾ كَيْفَ وَإِن يَظْهَرُوا۟ عَلَيْكُمْ لَا يَرْقُبُوا۟ فِيكُمْ إِلًّا وَلَا ذِمَّةً ۚ
يُرْضُونَكُم بِأَفْوَٰهِهِمْ وَتَأْبَىٰ قُلُوبُهُمْ وَأَكْثَرُهُمْ فَٰسِقُونَ ﴿٨﴾

7-8. Ислом ғалаба қилиб, Ҳақ ботилдан ажрагандан сўнг Худо ва Расулининг наздида мушриклар билан аҳд қилиш қандай ҳам жоиз бўлсин? (яъни, жоиз эмас). Аммо Масжидул Ҳаромда (Маккада) *бани Кинона ва бани Зуҳро қабилалари билан* аҳд-паймон қилган эдингизлар, улар аҳдларида турсалар, сизлар ҳам аҳдларингизга риоя қилинглар. Аллоҳ таоло аҳдларига вафо қилувчи тақводорларни дўст тутади. Мушрикларнинг аҳдига қандай эътибор бериб бўлади? Агар улар аҳд қилгандан сўнгра сизлардан ғолиб бўлсалар, қариндошликни ҳам эътиборга олмайдилар ва аҳдларига вафо ҳам қилмайдилар. Оғизлари билан сизларни рози қиладилар ва диллари билан адоват қиладилар. Уларнинг аксари инсоният доирасидан (инсонийликдан) хориждирлар (бегонадирлар).

ٱشْتَرَوْا۟ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ ثَمَنًا قَلِيلًا فَصَدُّوا۟ عَن سَبِيلِهِۦٓ ۚ إِنَّهُمْ سَآءَ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ
﴿٩﴾ لَا يَرْقُبُونَ فِى مُؤْمِنٍ إِلًّا وَلَا ذِمَّةً ۚ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُعْتَدُونَ ﴿١٠﴾

9-10. Бу кофирлар дунёнинг бадалига Қуръонни тарк этдилар, бас, бошқаларни Худонинг йўлидан манъ қилдилар. Уларнинг қилган амаллари кўп ёмондир. Бу мушриклар бирор мўмин ҳақига қариндошликни ё аҳдни писанд қилмайдилар. Улар ҳадларидан тажовуз қилгувчидирлар.

فَإِن تَابُوا۟ وَأَقَامُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَوُا۟ ٱلزَّكَوٰةَ فَإِخْوَٰنُكُمْ فِى ٱلدِّينِ ۗ وَنُفَصِّلُ
ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿١١﴾ وَإِن نَّكَثُوٓا۟ أَيْمَٰنَهُم مِّنۢ بَعْدِ عَهْدِهِمْ وَطَعَنُوا۟ فِى
دِينِكُمْ فَقَٰتِلُوٓا۟ أَئِمَّةَ ٱلْكُفْرِ ۙ إِنَّهُمْ لَآ أَيْمَٰنَ لَهُمْ لَعَلَّهُمْ يَنتَهُونَ ﴿١٢﴾ أَلَا

تُقَٰتِلُونَ قَوۡمٗا نَّكَثُوٓاْ أَيۡمَٰنَهُمۡ وَهَمُّواْ بِإِخۡرَاجِ ٱلرَّسُولِ وَهُم بَدَءُوكُمۡ
أَوَّلَ مَرَّةٍۚ أَتَخۡشَوۡنَهُمۡۚ فَٱللَّهُ أَحَقُّ أَن تَخۡشَوۡهُ إِن كُنتُم مُّؤۡمِنِينَ ﴿١٣﴾

11-13. Ва агар тавба қилиб, иймон келтирсалар ва намозни барпо қилсалар ва закотни адо этсалар, Ислом динида сизларга бирордардирлар. Биз Қуръон оятининг ҳукмини билувчи кишиларга баён қиламиз. Агар мушриклар аҳд қилгандан сўнг қасамларини синдирсалар, динларингизга таъна қилсалар, у ҳолда куфр бошлиқлари (етакчилари) билан муқотала (жанг) қилинг. Чунки уларда ҳеч қандай қасамнинг эътибори йўқ (уни бузаверадилар). Ва агар улар билан уруш қилсангизлар, шоядки куфрларидан қайтарлар. Оё, сизлар – қасамларини синдирган, Муҳаммад (алайҳиссалом)ни Маккадан чиқаришга қасд қилган, биринчи бўлиб сизлар билан уруш бошлаган ана шундай қавм билан жанг қилмайсизларми? *Улардан қўрқасизларми?* Агар мўмин бўлсангизлар, Худодан қўрқинглар. Аллоҳ таоло (қўрқишга) ҳақлироқдир, Ундан қўрқинглар.

10 жузъ

قَٰتِلُوهُمۡ يُعَذِّبۡهُمُ ٱللَّهُ بِأَيۡدِيكُمۡ وَيُخۡزِهِمۡ وَيَنصُرۡكُمۡ عَلَيۡهِمۡ وَيَشۡفِ صُدُورَ قَوۡمٖ
مُّؤۡمِنِينَ ﴿١٤﴾ وَيُذۡهِبۡ غَيۡظَ قُلُوبِهِمۡۗ وَيَتُوبُ ٱللَّهُ عَلَىٰ مَن يَشَآءُۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ
﴿١٥﴾ أَمۡ حَسِبۡتُمۡ أَن تُتۡرَكُواْ وَلَمَّا يَعۡلَمِ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ جَٰهَدُواْ مِنكُمۡ وَلَمۡ يَتَّخِذُواْ مِن
دُونِ ٱللَّهِ وَلَا رَسُولِهِۦ وَلَا ٱلۡمُؤۡمِنِينَ وَلِيجَةٗۚ وَٱللَّهُ خَبِيرُۢ بِمَا تَعۡمَلُونَ ﴿١٦﴾

14-16. Эй мўминлар, кофирлар билан жанг қилинглар, шунда Аллоҳ таоло сизларнинг қўлларингиз билан кофирларга азоб беради ва расво қилади, кофирларнинг зиддига сизларга мадад беради ва ҳам кофирларнинг қўлидан азият тортган мўминлар дилларининг дардига шифо беради ва ҳам дилларидаги ғамни кўтаради. Аллоҳ таоло хоҳлаган бандасига тавба насиб қилади. Аллоҳ таоло бандаларининг аҳволини билгувчи ва ҳикматлидир. Эй мўминлар, ҳануз Аллоҳ таоло сизлардан жиҳод қилувчиларни маълум қилмасдан туриб ва ҳам Худо ва Расулидан ва мўминлардан бошқани махфий дўст тутмайдиганларни муайян қилмасдан туриб, *иймон келтирганларингиздан кейин «Аллоҳ таоло бизларни ўз ҳолимизга ташлаб қўяди»,* – деб гумон қиласизларми? Аллоҳ таоло сизларнинг амалларингиздан хабардордир.

مَا كَانَ لِلۡمُشۡرِكِينَ أَن يَعۡمُرُواْ مَسَٰجِدَ ٱللَّهِ شَٰهِدِينَ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِم بِٱلۡكُفۡرِۚ
أُوْلَٰٓئِكَ حَبِطَتۡ أَعۡمَٰلُهُمۡ وَفِي ٱلنَّارِ هُمۡ خَٰلِدُونَ ﴿١٧﴾ إِنَّمَا يَعۡمُرُ مَسَٰجِدَ ٱللَّهِ
مَنۡ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَٱلۡيَوۡمِ ٱلۡأٓخِرِ وَأَقَامَ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَى ٱلزَّكَوٰةَ وَلَمۡ يَخۡشَ إِلَّا ٱللَّهَۖ
فَعَسَىٰٓ أُوْلَٰٓئِكَ أَن يَكُونُواْ مِنَ ٱلۡمُهۡتَدِينَ ﴿١٨﴾ ۞ أَجَعَلۡتُمۡ سِقَايَةَ ٱلۡحَآجِّ

وَعِمَارَةَ ٱلۡمَسۡجِدِ ٱلۡحَرَامِ كَمَنۡ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَٱلۡيَوۡمِ ٱلۡأٓخِرِ وَجَٰهَدَ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِۚ
لَا يَسۡتَوُۥنَ عِندَ ٱللَّهِۗ وَٱللَّهُ لَا يَهۡدِي ٱلۡقَوۡمَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٩﴾

17-19. Ўз нафсларининг куфрига иқрор бўлган мушрикларга.Худонинг
масжидларини иморат қилиш (қуриш) раво эмас. Уларнинг масжидни
таъмирлаш хусусида (даъво қилганлари ва ҳам) илгари қилган амаллари-
нинг ҳаммаси ботилдир. Улар дўзахда ҳамиша қоладилар. Албатта, мас-
жидларни Худога ва охиратга иймон келтирган одамлар таъмир қиладилар.
10 жузъ У зотлар намозни ўз вақтида ўқийдилар, закотни берадилар ва Худодан
бошқадан қўрқмайдилар. Албатта, ана ўша зотлар ҳидоят топганлардандир.
*Мушриклар: «Бизлар Масжидул Ҳаромни иморат қилганмиз ва ҳожилар-
га Замзам сувини берамиз», – деб фахрланар эдилар*. Худойи таоло (улар-
нинг сўзини) рад этиб, ушбу оятни нозил қилди: «Эй мушриклар, ҳожи-
ларга сув берувчини, Масжидул Ҳаромни обод қилувчини – Худо ва охи-
ратга иймон келтирганларга, Худо йўлида жиҳод қилувчи зотларга баро-
бар қиласизларми? Худонинг наздида улар ҳаргиз баробар эмаслар. *Сиз-
лар золимсизлар*. Аллоҳ таоло золим қавмни ҳидоят қилмайди.

ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَهَاجَرُواْ وَجَٰهَدُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ بِأَمۡوَٰلِهِمۡ وَأَنفُسِهِمۡ أَعۡظَمُ دَرَجَةً
عِندَ ٱللَّهِۚ وَأُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلۡفَآئِزُونَ ﴿٢٠﴾ يُبَشِّرُهُمۡ رَبُّهُم بِرَحۡمَةٖ مِّنۡهُ وَرِضۡوَٰنٖ وَجَنَّٰتٖ
لَّهُمۡ فِيهَا نَعِيمٞ مُّقِيمٌ ﴿٢١﴾ خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًاۚ إِنَّ ٱللَّهَ عِندَهُۥٓ أَجۡرٌ عَظِيمٞ ﴿٢٢﴾

20-22. Иймон келтирган ва ҳижрат қилган, Худонинг йўлида мол ва жонлари билан жиҳод қилган жамоанинг Худонинг наздидаги даражалари улуғдир. Улар мақсудларига етадилар. Аллоҳ таоло уларга Ўз раҳматидан, розилигидан ва жаннатдан башорат беради. Уларга жаннатда доим неъмат бордир ва улар жаннатда ҳамиша бўладилар. Чунки Аллоҳнинг наздида улуғ савоб бордир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَتَّخِذُوٓاْ ءَابَآءَكُمۡ وَإِخۡوَٰنَكُمۡ أَوۡلِيَآءَ إِنِ ٱسۡتَحَبُّواْ
ٱلۡكُفۡرَ عَلَى ٱلۡإِيمَٰنِۚ وَمَن يَتَوَلَّهُم مِّنكُمۡ فَأُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٢٣﴾ قُلۡ
إِن كَانَ ءَابَآؤُكُمۡ وَأَبۡنَآؤُكُمۡ وَإِخۡوَٰنُكُمۡ وَأَزۡوَٰجُكُمۡ وَعَشِيرَتُكُمۡ وَأَمۡوَٰلٌ
ٱقۡتَرَفۡتُمُوهَا وَتِجَٰرَةٞ تَخۡشَوۡنَ كَسَادَهَا وَمَسَٰكِنُ تَرۡضَوۡنَهَآ أَحَبَّ إِلَيۡكُم مِّنَ
ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَجِهَادٖ فِي سَبِيلِهِۦ فَتَرَبَّصُواْ حَتَّىٰ يَأۡتِيَ ٱللَّهُ بِأَمۡرِهِۦۗ وَٱللَّهُ لَا يَهۡدِي
ٱلۡقَوۡمَ ٱلۡفَٰسِقِينَ ﴿٢٤﴾

23-24. Эй мўминлар, агар оталарингиз ва бифодарларингиз иймонининг бадалига куфрни ихтиёр қилсалар, уларни дўст тутманглар. Сизлардан ҳар ким уларни дўст тутар экан, ўз нафсига зулм қилгувчилар-

дандир. Эй, Муҳаммад (алайҳиссалом), мўминларга айтгил: «Агар оталарингиз ва ўғилларингиз ва биродар ва аёлларингиз ва бошқа қариндошларингиз ва касб қилган молларингиз ва сизлар касод бўлиб қолишидан қўрқадиган тижоратларингиз, сизлар яхши кўрадиган, сукунат қиладиган (яшайдиган) иморатларингиз сизлар учун Худо ва Расулидан, Худонинг йўлида жиҳод қилишдан маҳбуброқ ва яхшироқ бўлса, бас, (у ҳолда) Худонинг азоби келгунча мунтазир бўлиб (кутиб) туринглар. Аллоҳ таоло фосиқлар қавмини дўст тутмайди».

لَقَدْ نَصَرَكُمُ ٱللَّهُ فِى مَوَاطِنَ كَثِيرَةٍ وَيَوْمَ حُنَيْنٍ إِذْ أَعْجَبَتْكُمْ كَثْرَتُكُمْ
فَلَمْ تُغْنِ عَنكُمْ شَيْـًٔا وَضَاقَتْ عَلَيْكُمُ ٱلْأَرْضُ بِمَا رَحُبَتْ ثُمَّ وَلَّيْتُم
مُّدْبِرِينَ ﴿٢٥﴾ ثُمَّ أَنزَلَ ٱللَّهُ سَكِينَتَهُۥ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ وَعَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ وَأَنزَلَ
جُنُودًا لَّمْ تَرَوْهَا وَعَذَّبَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ۚ وَذَٰلِكَ جَزَآءُ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٢٦﴾ ثُمَّ
يَتُوبُ ٱللَّهُ مِنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ عَلَىٰ مَن يَشَآءُ ۗ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٢٧﴾

10 жузъ

25-27. Аллоҳ таоло кўп урушларда (сизларга) мададкор бўлди ва Ҳунайндаги жангда ҳам ёрдам берди. Ўша (Ҳунайн жанги) вақтида лашкарларингизнинг кўплиги сизларни мағрур қилиб қўйди. Бу кўпчилик (бўлишингиз) сизлардан бирор кулфатни даф қилолмади. Ер шунча кенглиги билан сизларга тор бўлиб, орқаларингизга ўгирилиб қочдингизлар. Сўнгра Аллоҳ таоло Расулининг дилига ва содиқ мўминларнинг дилига ғайрат ва сабот ва оромликни нозил қилди. Улар ўз жойларида (жангда) барқарор (матонатли) бўлдилар. Яна Аллоҳ таоло малоикалардан иборат лашкарини ҳам нозил этиб, сизларга ёрдам қилди. Сизлар уни кўрмас эдингизлар. Кофирларга қатл ва асирлик билан азоб берди. Кофирларнинг жазоси шундай бўлади. Сўнгра, ўша жангдан кейин Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган бандаларининг тавбасини қабул қилади. Аллоҳ таоло гуноҳларни кечиргувчи ва меҳрибондир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِنَّمَا ٱلْمُشْرِكُونَ نَجَسٌ فَلَا يَقْرَبُوا۟ ٱلْمَسْجِدَ ٱلْحَرَامَ
بَعْدَ عَامِهِمْ هَٰذَا ۚ وَإِنْ خِفْتُمْ عَيْلَةً فَسَوْفَ يُغْنِيكُمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦٓ إِن شَآءَ ۚ
إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٢٨﴾

28. Эй мўминлар, мушриклар нажас (палид)дурлар. Бу санадан кейин Масжидул Ҳаромга яқин келмасинлар, уларни Байтуллоҳни тавоф қилишга қўйманглар. Агар сизлар фақирликдан қўрқсангизлар, Аллоҳ таоло хоҳласа, яқинда сизларни Ўз фазли ва марҳамати билан ғаний (бой) қилади. Албатта, Аллоҳ таоло аҳволларни билгувчи ва ҳакимдир.

قَٰتِلُوا۟ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَلَا بِٱلْيَوْمِ ٱلْـَٔاخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ ٱللَّهُ
وَرَسُولُهُۥ وَلَا يَدِينُونَ دِينَ ٱلْحَقِّ مِنَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ حَتَّىٰ يُعْطُوا۟

ٱلْجِزْيَةَ عَن يَدٍ وَهُمْ صَٰغِرُونَ ﴿٢٩﴾

29. Эй мўминлар, Худога ва охиратга иймон келтирмаган, Худо ҳаром қилган нарсани ҳаром билмаган, ҳақ динни ихтиёр қилмаган аҳли китоблар то хор ва залил бўлиб, ўз қўллари билан жизъя адо қилгунча уришинглар.

وَقَالَتِ ٱلْيَهُودُ عُزَيْرٌ ٱبْنُ ٱللَّهِ وَقَالَتِ ٱلنَّصَٰرَى ٱلْمَسِيحُ ٱبْنُ ٱللَّهِ ذَٰلِكَ
10 жузъ قَوْلُهُم بِأَفْوَٰهِهِمْ يُضَٰهِـُٔونَ قَوْلَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِن قَبْلُ قَٰتَلَهُمُ ٱللَّهُ أَنَّىٰ
يُؤْفَكُونَ ﴿٣٠﴾ ٱتَّخَذُوٓا۟ أَحْبَارَهُمْ وَرُهْبَٰنَهُمْ أَرْبَابًا مِّن دُونِ ٱللَّهِ
وَٱلْمَسِيحَ ٱبْنَ مَرْيَمَ وَمَآ أُمِرُوٓا۟ إِلَّا لِيَعْبُدُوٓا۟ إِلَٰهًا وَٰحِدًا لَّآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ
سُبْحَٰنَهُۥ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٣١﴾

30-31. Яҳудлар: «Узайр (алайҳиссалом) Худонинг ўғлидир», – деб айтсалар, шунга ўхшаш насоролар ҳам: «(Ҳазрати) Ийсо Худонинг ўғлидир», – деб айтадилар. Бу сўзларни оғизлари билан айтадилар, *ҳеч қандай ҳужжатлари йўқ*. Улар бу сўзлари билан аввалги ўтган кофирларга ўхшайдилар. Улар ҳам: «Малоикалар Худонинг қизларидир», – деб айтган эдилар. Худо уларни лаънат қилсин! Ботил сўзларга қандай ҳам юз тутадилар! Яҳудлар ва насоролар ўзларининг олимларини ва обидларини Худодан бошқа ўзларига маъбуд муқаррар қилиб, ҳалол ё ҳаром хусусида улар нима ҳукм этсалар, бажо келтирадилар. Марямнинг ўғли (Ҳазрати) Ийсони худо деб эътиқод қиладилар. Ваҳоланки, ўша обидлар ва уламолар ва Ийсо (алайҳиссалом) шериксиз бир Аллоҳга ибодат қилмоққа маъмур (буюрилган) эдилар. Бир Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқдир. Аллоҳ таоло шериклардан покдир!

يُرِيدُونَ أَن يُطْفِـُٔوا۟ نُورَ ٱللَّهِ بِأَفْوَٰهِهِمْ وَيَأْبَى ٱللَّهُ إِلَّآ أَن يُتِمَّ نُورَهُۥ وَلَوْ
كَرِهَ ٱلْكَٰفِرُونَ ﴿٣٢﴾ هُوَ ٱلَّذِىٓ أَرْسَلَ رَسُولَهُۥ بِٱلْهُدَىٰ وَدِينِ ٱلْحَقِّ
لِيُظْهِرَهُۥ عَلَى ٱلدِّينِ كُلِّهِۦ وَلَوْ كَرِهَ ٱلْمُشْرِكُونَ ﴿٣٣﴾

32-33. Кофирлар Худонинг нурини оғизлари (беҳуда сўзлари) билан ўчириб ташлашни хоҳлайдилар. Лекин Аллоҳ таоло, гарчи кофирлар ёмон кўрсалар ҳам, ўз нурини янада мукаммал қилишни ҳоҳлайди. Парвардигор шундай Зотдирки, Ислом динини бошқа динларнинг ҳаммасидан ғолиб қилиб, қолганларни мансух қилиш учун Ўз Пайғамбари Муҳаммад (алайҳиссалом)ни, гарчи мушриклар ёмон кўрсалар ҳам, ҳидоят ва ҳақ дин билан юборди.

۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِنَّ كَثِيرًا مِّنَ ٱلْأَحْبَارِ وَٱلرُّهْبَانِ لَيَأْكُلُونَ أَمْوَٰلَ

ٱلنَّاسِ بِٱلۡبَٰطِلِ وَيَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِۗ وَٱلَّذِينَ يَكۡنِزُونَ ٱلذَّهَبَ
وَٱلۡفِضَّةَ وَلَا يُنفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ فَبَشِّرۡهُم بِعَذَابٍ أَلِيمٖ ﴿٣٤﴾ يَوۡمَ يُحۡمَىٰ عَلَيۡهَا
فِي نَارِ جَهَنَّمَ فَتُكۡوَىٰ بِهَا جِبَاهُهُمۡ وَجُنُوبُهُمۡ وَظُهُورُهُمۡۖ هَٰذَا مَا كَنَزۡتُمۡ
لِأَنفُسِكُمۡ فَذُوقُواْ مَا كُنتُمۡ تَكۡنِزُونَ ﴿٣٥﴾

34-35. Эй мўминлар, аҳли китобнинг кўп олимлари ва обидлари мардумнинг молини ришват (пора) билан олиб, ножоиз ейдилар ва ҳам (мол) 10 жузъ
жам қилиб, Ислом динидан бошқаларни манъ қиладилар. Шунга ўхшаш мусулмонлардан ҳам ҳирс билан тилла ва кумушни емасдан (ғамлаб) ва Худо йўлида сарф қилмасдан, хазина қилиб тўплайдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга Худонинг қаттиқ азобидан хабар бергил. Қиёмат куни жаҳаннам ўтида тилла ва тангалари қизитилиб, пешоналарига ва ёнбошларига ва орқаларига доғ қилинади (тамға босилади). Малоикалар тарафидан хитоб қилиб айтиладики: «Нафсингиз учун жам қилиб, Худо йўлида сарф қилмаган хазиналарингиз ана шулардир. Бас, энди закотини бермай жам қилган молларингиз азобининг «мазасини» тотинглар!»

إِنَّ عِدَّةَ ٱلشُّهُورِ عِندَ ٱللَّهِ ٱثۡنَا عَشَرَ شَهۡرٗا فِي كِتَٰبِ ٱللَّهِ يَوۡمَ خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلۡأَرۡضَ مِنۡهَآ أَرۡبَعَةٌ حُرُمٞۚ ذَٰلِكَ ٱلدِّينُ ٱلۡقَيِّمُۚ فَلَا تَظۡلِمُواْ فِيهِنَّ
أَنفُسَكُمۡۚ وَقَٰتِلُواْ ٱلۡمُشۡرِكِينَ كَآفَّةٗ كَمَا يُقَٰتِلُونَكُمۡ كَآفَّةٗۚ
وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلۡمُتَّقِينَ ﴿٣٦﴾

36. Албатта, *Лавҳул Маҳфузда* ойларнинг адади Худонинг илмида ўн икки ой деб ёзилган. Аллоҳ ер ва осмонларни халқ қилган кундан бошлаб, то ҳозиргача шу ўн икки ой айланадир. Шу ўн икки ойдан тўрттаси – *Зулқаъда, Зулҳижжа, Муҳаррам, Ражаб* ҳаром ойлар бўлиб, бу ойларда бир-бирлари билан қатл (уруш) қилмоқлик ҳаромдир. Мана шу тўғри дин (Ҳақ ҳукми)дир. Бас, шу тўрт ой ичида (жанг қилиб,) ўз нафсларингизга зулм қилманглар. Ва агар у ойларда мушриклар жам бўлиб, сизлар билан аввал жанг бошласалар, сизлар ҳам барчангиз мушриклар билан жанг қилинглар. Чунки уларнинг ҳаммаси сизлар билан (ёппасига) жанг қиладилар. Билингларки, Худонинг ёрдами муттаққийлар билан биргадир.

إِنَّمَا ٱلنَّسِيٓءُ زِيَادَةٞ فِي ٱلۡكُفۡرِۖ يُضَلُّ بِهِ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ يُحِلُّونَهُۥ عَامٗا
وَيُحَرِّمُونَهُۥ عَامٗا لِّيُوَاطِـُٔواْ عِدَّةَ مَا حَرَّمَ ٱللَّهُ فَيُحِلُّواْ مَا حَرَّمَ ٱللَّهُۚ زُيِّنَ لَهُمۡ
سُوٓءُ أَعۡمَٰلِهِمۡۗ وَٱللَّهُ لَا يَهۡدِي ٱلۡقَوۡمَ ٱلۡكَٰفِرِينَ ﴿٣٧﴾

37. *Макка кофирлари ҳаром ойларнинг ҳаромлигига эътибор бермасдан, ҳаром ойнинг ҳукмини ҳалол ойга суриб қўярдилар. Масалан, Му-*

ҳаррам ойида уруш қилмоқлари лозим бўлиб қолса, «Муҳаррам ойининг ҳаромлигини бу йил Сафар ойига бадал қиламиз (алмаштирамиз)», – деб айтар эдилар ва Муҳаррам ойида қатл (уруш) қилишни ҳалол қилардилар. Сафар ойида эса урушни ҳаром қилар эдилар. Худойи таоло бундай қилмишларини мазаммат этиб, бу оятни нозил қилди: Кофирларнинг ойининг ҳурматини таъхир қилиб (кечиктириб) суриб қўйишлари куфр устига зиёда қилган (қўшилган) куфрдир. Шу амаллари билан бошқа кофирларни адаштирадилар. Ҳаром ойни бир йил ҳаром дейдилар ва иккинчи йили ҳалол дейдилар ва гўёки ўзларича Худо ҳаром қилган ойларнинг
10 жузъ зоҳирий ададига риоя қилиб, Худо ҳаром қилган қатлни ҳалол қилиб оладилар. Шайтон тарафидан уларнинг бундай ёмон амаллари яхши қилиб кўрсатилар эди. Аллоҳ таоло кофирлар қавмини ҳидоят қилмайди.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مَا لَكُمۡ إِذَا قِيلَ لَكُمُ ٱنفِرُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ ٱثَّاقَلۡتُمۡ إِلَى
ٱلۡأَرۡضِۚ أَرَضِيتُم بِٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَا مِنَ ٱلۡأٓخِرَةِۚ فَمَا مَتَٰعُ ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَا فِي
ٱلۡأٓخِرَةِ إِلَّا قَلِيلٌ ٣٨ إِلَّا تَنفِرُواْ يُعَذِّبۡكُمۡ عَذَابًا أَلِيمٗا وَيَسۡتَبۡدِلۡ قَوۡمًا
غَيۡرَكُمۡ وَلَا تَضُرُّوهُ شَيۡـٔٗاۗ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٌ ٣٩

38-39. Эй мўминлар, сизларга нима бўлдики, Муҳаммад (алайҳиссалом) тарафидан: «Худонинг йўлида жиҳод қилиш учун чиқинглар», – дейилса, сизлар амрни бажо келтириш ўрнига малоллик ва оғирлик (сустлик) қилиб, зироат қилган ерларингизга муҳаббат билан майлон қиласизлар (кўнгил боғлайсизлар). Охират (неъматлари)нинг ўрнига дунё лаззатига рози бўласизларми? Бу дунёнинг ҳар қанча матоҳи ва лаззати бўлса ҳам, охиратнинг роҳатига қараганда жуда оздир. Агар сизлар ғазотга чиқмасангизлар Худо сизларни дардли (аламли) азобга мубтало қилади. Ва ҳам сизларни йўқ қилиб, ўринларингизга итоатли қавмни халқ қилади (келтиради). Бу қилмишларингиз билан Худога ҳеч қандай зиён етказолмайсизлар. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани қилишга қодирдир.

إِلَّا تَنصُرُوهُ فَقَدۡ نَصَرَهُ ٱللَّهُ إِذۡ أَخۡرَجَهُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ ثَانِيَ ٱثۡنَيۡنِ إِذۡ هُمَا فِي
ٱلۡغَارِ إِذۡ يَقُولُ لِصَٰحِبِهِۦ لَا تَحۡزَنۡ إِنَّ ٱللَّهَ مَعَنَاۖ فَأَنزَلَ ٱللَّهُ سَكِينَتَهُۥ عَلَيۡهِ
وَأَيَّدَهُۥ بِجُنُودٖ لَّمۡ تَرَوۡهَا وَجَعَلَ كَلِمَةَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ ٱلسُّفۡلَىٰۗ وَكَلِمَةُ
ٱللَّهِ هِيَ ٱلۡعُلۡيَاۗ وَٱللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ٤٠ ٱنفِرُواْ خِفَافٗا وَثِقَالٗا وَجَٰهِدُواْ
بِأَمۡوَٰلِكُمۡ وَأَنفُسِكُمۡ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِۚ ذَٰلِكُمۡ خَيۡرٞ لَّكُمۡ إِن كُنتُمۡ تَعۡلَمُونَ ٤١

40-41. Агар сизлар Муҳаммад (алайҳиссалом)га ёрдам бермасангизлар, Худо унга ёрдам бергайдир. Вақтики мушриклар Муҳаммад (алайҳиссалом)ни Маккадан чиқиб кетишга мажбур қилдилар, Муҳаммад (алайҳиссалом) Маккадан чиқди. У икки кишининг иккинчиси эди. Вақтики

иккови кофирлардан қочиб бориб ғорга кирдилар, ғор соҳиби (ҳамроҳи Ҳазрати Абу Бакр) *кофирлардан қўрқиб ғамгин бўлса*, Муҳаммад (алайҳиссалом) унга айтар эдики: «Қўрқма, ғамгин бўлма, Худонинг мадади бизлар билан биргадир». Бас, Аллоҳ таоло Муҳаммад (алайҳиссалом)га фазлу марҳаматини нозил қилди, дилидан хавф ва ғам кетди. Ва ҳам Аллоҳ таоло уларнинг мадади учун малоика лашкарини юборди. *Сизлар уни кўрмас эдингизлар*. Худо кофирларнинг куфр (йўлида) қилган сўзларини паст қилди. Худонинг сўзларигина ҳамма нарсадан баланд (юксак)-дир. Аллоҳ таоло ўз ишида ғолиб ва қилмишлари ҳикматлидир. (Эй мўминлар), хоҳ енгил, хоҳ оғир, *яъни, хоҳ суворий, ё хоҳ пиёда* бўлсангизлар 10 жузъ
жиҳодга чиқинглар. Худонинг йўлида жонингиз ва молларингиз билан жиҳод қилинглар. Агар билсангизлар, сизларга шу фойдалидир.

لَوْ كَانَ عَرَضًا قَرِيبًا وَسَفَرًا قَاصِدًا لَّاتَّبَعُوكَ وَلَٰكِن بَعُدَتْ عَلَيْهِمُ الشُّقَّةُ ۚ
وَسَيَحْلِفُونَ بِاللَّهِ لَوِ اسْتَطَعْنَا لَخَرَجْنَا مَعَكُمْ يُهْلِكُونَ أَنفُسَهُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ إِنَّهُمْ
لَكَاذِبُونَ ﴿٤٢﴾ عَفَا اللَّهُ عَنكَ لِمَ أَذِنتَ لَهُمْ حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَكَ الَّذِينَ صَدَقُوا
وَتَعْلَمَ الْكَاذِبِينَ ﴿٤٣﴾ لَا يَسْتَأْذِنُكَ الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ أَن
يُجَاهِدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِالْمُتَّقِينَ ﴿٤٤﴾

42-44. (Эй Муҳаммад,) агар Сен таклиф қилган сафар (яъни жиҳод)да бу мунофиқларга манфаат нақд бўлса эди ва сафар ҳам узоқ бўлмасдан, яқин бўлса эди, Сенга эргашар эдилар. Лекин уларга сафар қилмоқ узоқ (масофа) бўлиб кўринди. Бу мунофиқлар Худонинг номи билан қасамёд қиладиларки: «Агар бизда сафар асбоби муҳайё бўлса эди, Сен билан бирга чиққан бўлар эдик». Улар ёлғон қасамёд қилиб, ўз нафсларини азоби илоҳийга мубтало қиладилар. Аллоҳ биладики, улар ёлғончидирлар. Худо Сени кечирсин! Нима учун бу мунофиқларнинг ғазотдан қолишларига рухсат бердинг, чиқишга мажбур қилиш керак эди, шунда ростгўйлар билан ёлғончилар ажраб (қолар) эди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худога ва охиратга иймон келтирганлар ўзларининг мол ва жонлари билан жиҳод қилишдан қолиш учун (Сендан) рухсат сўрамайдилар. Аллоҳ таоло муттаққийларни билади.

إِنَّمَا يَسْتَأْذِنُكَ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَارْتَابَتْ قُلُوبُهُمْ فَهُمْ
فِي رَيْبِهِمْ يَتَرَدَّدُونَ ﴿٤٥﴾ ۞ وَلَوْ أَرَادُوا الْخُرُوجَ لَأَعَدُّوا لَهُ عُدَّةً وَلَٰكِن كَرِهَ
اللَّهُ انبِعَاثَهُمْ فَثَبَّطَهُمْ وَقِيلَ اقْعُدُوا مَعَ الْقَاعِدِينَ ﴿٤٦﴾ لَوْ خَرَجُوا فِيكُم مَّا
زَادُوكُمْ إِلَّا خَبَالًا وَلَأَوْضَعُوا خِلَالَكُمْ يَبْغُونَكُمُ الْفِتْنَةَ وَفِيكُمْ سَمَّاعُونَ لَهُمْ ۗ
وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِالظَّالِمِينَ ﴿٤٧﴾

45-47. Худога иймони йўқ ва охиратга иймони йўқ одамларгина Сендан жиҳоддан қолиш учун рухсат сўрайдилар. Ҳақиқатда, уларнинг дилида Ислом дини тўғрисида шак бордир. Улар Исломга шак қилган ҳолда ҳайрондирлар. Агар ғазотга чиқишни хоҳласалар эди, асбобларини тайёрлаган бўлар эдилар. Лекин Аллоҳ таоло уларнинг чиқишини ҳоҳламади, уларнинг сустлашиб қолишини маъқул кўрди. Уларнинг катталари тарафидан кичикларига насиҳат тариқасида айтилар эдики: «Сизлар ҳам қолганлар билан қолаверинглар, ғазотга чиқишга ҳаракат қилманглар». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен уларнинг лашкардан ажраб қолганига
10 жузъ хафа бўлмагил. Ва агар улар лашкарга қўшилиб чиқишса ҳам, лашкар ўртасида фитна ва фасоддан бошқа иш қилмасдилар, ҳамманинг дилига даҳшат солардилар. Сизларнинг ичларингизга кириб олиб, бир-бирларингизга чақимчилик қилиб, фитна солишарди. Шуни билингларки, сизларнинг ичларингизда душманларга гап ташувчи жосуслар бор. Аллоҳ таоло у золимларнинг аҳволини яхши билади. *Шунинг учун уларнинг (жиҳоддан) қолгани яхшидир.*

لَقَدِ ٱبْتَغَوُا۟ ٱلْفِتْنَةَ مِن قَبْلُ وَقَلَّبُوا۟ لَكَ ٱلْأُمُورَ حَتَّىٰ جَآءَ ٱلْحَقُّ وَظَهَرَ أَمْرُ ٱللَّهِ
وَهُمْ كَـٰرِهُونَ ﴿٤٨﴾ وَمِنْهُم مَّن يَقُولُ ٱئْذَن لِّى وَلَا تَفْتِنِّىٓ ۚ أَلَا فِى ٱلْفِتْنَةِ
سَقَطُوا۟ ۗ وَإِنَّ جَهَنَّمَ لَمُحِيطَةٌۢ بِٱلْكَـٰفِرِينَ ﴿٤٩﴾

48-49. Мунофиқлар бундан илгари фитна қилишни истаган эдилар. *Чунончи, Уҳуд урушида Ислом аҳли ўртасида тафриқа солгандилар* ва Сенинг тўғрингда (ишингни орқага кетказиш учун) ҳар турли ҳийлаларни маслаҳатлашар эдилар Улар Сенинг зафар топишингни ёмон кўрардилар, лекин Худонинг мадади Сенга етди. Уларнинг ҳийласидан Худонинг ҳукми ғолиб бўлди. *(Мунофиқлар) энди Табук урушидан қолишни, жангга бормасликни маслаҳат қилдилар.* У мунофиқлардан баъзилари келиб айтдики: «Менга рухсат беринг, мен бу ғазотга бормайман, мени фитнага солманг, *чунки мен хотинларнинг муҳаббатига мубталоман. У жойдаги румликларнинг хотинлари кўп соҳибжамол бўлар экан. Мен сабр қила олмайман...».* Огоҳ бўлингларки, шу жойнинг ўзида у мунофиқларнинг нифоқлари зоҳир бўлиб, фитнага тушиб қолдилар. Қиёмат куни кофирларни жаҳаннам ўраб олур.

إِن تُصِبْكَ حَسَنَةٌ تَسُؤْهُمْ ۖ وَإِن تُصِبْكَ مُصِيبَةٌ يَقُولُوا۟ قَدْ أَخَذْنَآ أَمْرَنَا مِن
قَبْلُ وَيَتَوَلَّوا۟ وَّهُمْ فَرِحُونَ ﴿٥٠﴾ قُل لَّن يُصِيبَنَآ إِلَّا مَا كَتَبَ ٱللَّهُ لَنَا هُوَ
مَوْلَىٰنَا ۚ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ ٱلْمُؤْمِنُونَ ﴿٥١﴾

50-51. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сенга бирон яхшилик ҳосил бўлиб қолса, у мунофиқлар хафа бўладилар. Агар Сенга бирон кулфат етса, улар: «Биз илгари ўз маслаҳатимизни (тадбиримизни) кўриб, ишимизни бажарган эдик. Шунинг учун урушга бормай қолдик, яхши бўлган

экан», – деб мажлислардан хурсанд бўлган ҳолда қайтар эдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Сизлар бизнинг мусибатимизга хурсандчилик қилманглар. Чунки бизга ҳар қандай мусибатки келса (етса), Парвардигорнинг ҳукми ва тақдири билан келади (етади). Парвардигор бизнинг устимизга ҳокимдир, ҳар на қилса, соҳиби ихтиёрдир. Мўминларга лозимки, ҳар бир ишларида Худога таваккул қилсинлар».

قُلْ هَلْ تَرَبَّصُونَ بِنَآ إِلَّآ إِحْدَى ٱلْحُسْنَيَيْنِ ۖ وَنَحْنُ نَتَرَبَّصُ بِكُمْ أَن يُصِيبَكُمُ
ٱللَّهُ بِعَذَابٍ مِّنْ عِندِهِۦٓ أَوْ بِأَيْدِينَا ۖ فَتَرَبَّصُوٓا۟ إِنَّا مَعَكُم مُّتَرَبِّصُونَ ﴿٥٢﴾ 10 жузъ
قُلْ أَنفِقُوا۟ طَوْعًا أَوْ كَرْهًا لَّن يُتَقَبَّلَ مِنكُمْ ۖ إِنَّكُمْ كُنتُمْ قَوْمًا فَـٰسِقِينَ ﴿٥٣﴾ وَمَا
مَنَعَهُمْ أَن تُقْبَلَ مِنْهُمْ نَفَقَـٰتُهُمْ إِلَّآ أَنَّهُمْ كَفَرُوا۟ بِٱللَّهِ وَبِرَسُولِهِۦ وَلَا يَأْتُونَ
ٱلصَّلَوٰةَ إِلَّا وَهُمْ كُسَالَىٰ وَلَا يُنفِقُونَ إِلَّا وَهُمْ كَـٰرِهُونَ ﴿٥٤﴾

52-54. Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Эй мунофиқлар, сизлар урушдан бизнинг ҳақимизга (етадиган) икки яхши хислатдан бирига мунтазир бўлиб турасизлар: *ё кофирлар устидан ғалаба қилиб, зафар топамиз, ё шаҳид бўламиз. Иккови ҳам бизга саодатдир*. Бизлар ҳам сизларнинг шаънингизга (етадиган) икки ишдан бирига мунтазир бўлиб турамиз: ё Худо тарафидан азоб келиб, сизларни ҳалок қилади, ё бизнинг қўлимиз билан сизларга бирон кулфат етади. Энди сизлар ҳам бизнинг ҳолимизга мунтазир бўлиб туринглар ва биз ҳам сизларнинг ҳолингизга мунтазир бўлиб турамиз». *Мунофиқлар урушдан қолар эдилар ва: «Биз сизларга мол билан ёрдам берамиз», – деб баҳона топардилар*. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Эй мунофиқлар, агар сизлар хоҳ ихтиёрий, хоҳ мажбурий ёрдам қилинглар, барибир сизларнинг нафақаларингиз қабул қилинмайди. Чунки сизлар фосиқ халқсизлар». Уларнинг нафақалари шунинг учун қабул қилинмайдики, улар дилларида Худо ва Расулига кофирдирлар. Намозга келсалар ҳам, ниҳоятда малол билан келадилар. Нафақа қилмайдилар, магар мажбуран қиладилар.

فَلَا تُعْجِبْكَ أَمْوَٰلُهُمْ وَلَآ أَوْلَـٰدُهُمْ ۚ إِنَّمَا يُرِيدُ ٱللَّهُ لِيُعَذِّبَهُم بِهَا فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا
وَتَزْهَقَ أَنفُسُهُمْ وَهُمْ كَـٰفِرُونَ ﴿٥٥﴾ وَيَحْلِفُونَ بِٱللَّهِ إِنَّهُمْ لَمِنكُمْ وَمَا هُم
مِّنكُمْ وَلَـٰكِنَّهُمْ قَوْمٌ يَفْرَقُونَ ﴿٥٦﴾ لَوْ يَجِدُونَ مَلْجَـًٔا أَوْ مَغَـٰرَٰتٍ أَوْ مُدَّخَلًا
لَّوَلَّوْا۟ إِلَيْهِ وَهُمْ يَجْمَحُونَ ﴿٥٧﴾

55-57. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларнинг моллари кўплиги ва авлодлари кўплиги Сени таажжубга солмасин. Аллоҳ таоло моллари ва авлодлари кўплиги билан ҳаёти дунёда кулфатга солиб азоб беришни истайди. Мол жам қилиш (ташвиши)да оғир кулфатлар чекиб, охир

кофирлик ҳолларида жонлари чиқиб кетади. Худонинг номига қасамёд қилиб, сизларни ишонтирадиларки: «Бизлар ҳам сизларданмиз, *яъни, сизларга ўхшаш мусулмонмиз*», – дейдилар. Лекин улар ҳаргиз сизлардан эмасдирлар. Ва улар шундай жамоадирларки, шарманда бўлишдан қўрқадилар, шунинг учун куфрларини изҳор қилмайдилар. Агар у мунофиқлар ўзлари учун паноҳ бўладиган жой ё кирадиган жой, ё беркинадиган ғор топганларида эди, шу жойларни тезлик билан паноҳ этган бўлар эдилар.

10 жузъ وَمِنْهُم مَّن يَلْمِزُكَ فِي ٱلصَّدَقَٰتِ فَإِنْ أُعْطُوا۟ مِنْهَا رَضُوا۟ وَإِن لَّمْ يُعْطَوْا۟ مِنْهَآ إِذَا هُمْ
يَسْخَطُونَ ﴿٥٨﴾ وَلَوْ أَنَّهُمْ رَضُوا۟ مَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥ وَقَالُوا۟ حَسْبُنَا ٱللَّهُ
سَيُؤْتِينَا ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ وَرَسُولُهُۥٓ إِنَّآ إِلَى ٱللَّهِ رَٰغِبُونَ ﴿٥٩﴾ ۞ إِنَّمَا ٱلصَّدَقَٰتُ
لِلْفُقَرَآءِ وَٱلْمَسَٰكِينِ وَٱلْعَٰمِلِينَ عَلَيْهَا وَٱلْمُؤَلَّفَةِ قُلُوبُهُمْ وَفِي ٱلرِّقَابِ وَٱلْغَٰرِمِينَ
وَفِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱبْنِ ٱلسَّبِيلِ فَرِيضَةً مِّنَ ٱللَّهِ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٦٠﴾

58-60. Мунофиқлар ичида шундайлари борки, «Садақотни нотўғри тақсим қилди», – деб Сени айблайдилар. Садақотдан уларга ҳам берилса, хурсанд бўладилар. Агар берилмаса, аччиқланадилар. Агар улар Худо ва Расулининг берганига рози бўлиб: «Худонинг бергани бизга кифоя қилади, яқинда Худойи таоло ўз фазлу карами билан яна бошқа бир ғаниматдан бизларга ато қилади, биз Худодан умидвормиз», – деб айтсалар, яхши эди. Шуни билмоқ керакки, садақотга (закотга) кимлар ҳақдордирлар? Албатта, садақот фақирларга ва мискинларга, подшоҳ тарафидан садақа жам қилувчиларга, дилларини Исломга мойил қилиш учун кофирларга ва ҳам ғуломларни озод қилиш учун ва қарздорларга ва ҳам Худо йўлида жиҳод қилувчиларга ва йўлда қолганларга, мусофирларга берилади. Худойи таоло тарафидан бу (ҳукм) муқаррар бўлгандир. Аллоҳ таоло мустаҳиқларнинг (закотга ҳақдорларнинг) ҳолини билади, қандай тақсим қилишга ҳокимдир.

وَمِنْهُمُ ٱلَّذِينَ يُؤْذُونَ ٱلنَّبِيَّ وَيَقُولُونَ هُوَ أُذُنٌ قُلْ أُذُنُ خَيْرٍ لَّكُمْ يُؤْمِنُ
بِٱللَّهِ وَيُؤْمِنُ لِلْمُؤْمِنِينَ وَرَحْمَةٌ لِّلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مِنكُمْ وَٱلَّذِينَ يُؤْذُونَ رَسُولَ ٱللَّهِ
لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٦١﴾ يَحْلِفُونَ بِٱللَّهِ لَكُمْ لِيُرْضُوكُمْ وَٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥٓ أَحَقُّ أَن
يُرْضُوهُ إِن كَانُوا۟ مُؤْمِنِينَ ﴿٦٢﴾ أَلَمْ يَعْلَمُوٓا۟ أَنَّهُۥ مَن يُحَادِدِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ
فَأَنَّ لَهُۥ نَارَ جَهَنَّمَ خَٰلِدًا فِيهَا ذَٰلِكَ ٱلْخِزْىُ ٱلْعَظِيمُ ﴿٦٣﴾

61-63. Мунофиқлардан шундай зотлар борки, Муҳаммад (алайҳиссалом)га ҳар хил таъна ва ғийбатлар билан азият берадилар ва айтадиларки: «Муҳаммад ким нима деса, ишонувчи *ва бовар қилгувчидир*. Биз-

лар ҳам: «Сизнинг шаънингизга ёмон гап айтганимиз йўқ», – десак, бовар қилади (ишонади)». Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «У (Муҳаммад) хайр (яхши) гапингизга бовар қилади, ёмон гапингизга ишонмайди. Муҳаммад Худонинг сўзига ва содиқ мўминларнинг гапларига ҳам ишонади. Сизлардан ким иймон келтирса, Муҳаммад унга меҳрибондир». У мунофиқлар жамоасики, Расулуллоҳга озор берадилар, уларга Худо тарафидан қаттиқ азоб бордир. Мунофиқлар сизларни ишонтириш ва рози қилиш учун Худонинг номига қасамёд қиладилар. Ваҳоланки, агар улар мўмин бўлсалар, Худо ва Расулини рози қилиш уларга яхшироқ эди. Ҳар кимки Худо ва Расулига муқобил бўлиб, хилоф қилса, унга
жаҳаннамнинг ўти тайёрлиги, унда ҳамиша қолишини мунофиқлар 10 жузъ
билмайдиларми? Бу азоб уларнинг шаънига улуғ расволикдир.

يَحْذَرُ ٱلْمُنَٰفِقُونَ أَن تُنَزَّلَ عَلَيْهِمْ سُورَةٌ تُنَبِّئُهُم بِمَا فِى قُلُوبِهِمْ ۚ قُلِ
ٱسْتَهْزِءُوٓا۟ إِنَّ ٱللَّهَ مُخْرِجٌ مَّا تَحْذَرُونَ ﴿٦٤﴾ وَلَئِن سَأَلْتَهُمْ لَيَقُولُنَّ إِنَّمَا
كُنَّا نَخُوضُ وَنَلْعَبُ ۚ قُلْ أَبِٱللَّهِ وَءَايَٰتِهِۦ وَرَسُولِهِۦ كُنتُمْ تَسْتَهْزِءُونَ ﴿٦٥﴾ لَا
تَعْتَذِرُوا۟ قَدْ كَفَرْتُم بَعْدَ إِيمَٰنِكُمْ ۚ إِن نَّعْفُ عَن طَآئِفَةٍ مِّنكُمْ نُعَذِّبْ طَآئِفَةًۢ
بِأَنَّهُمْ كَانُوا۟ مُجْرِمِينَ ﴿٦٦﴾

64-66. Мунофиқлар дилларидаги яширган ёмонликларини ошкор қилиб берадиган бирон суранинг улар шаънига нозил бўлишидан қўрқадилар. Айтгил, эй Муҳаммад, (алайҳиссалом): «Бизнинг динимизни айбласангиз, айблаб юраверинглар. Лекин Аллоҳ таоло сизлар ошкор бўлишидан қўрққан айбларингизни ошкор қилгувчидир». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сен мунофиқлардан: «Нима учун бизнинг шаънимизга ёмон сўзларни айтдингизлар?», – деб савол қилсанг, улар Сенга жавоб берадиларки: «Бизлар ҳар тарафдан гапириб, ҳазил ва мутойиба қилиб айтган эдик». Уларга айтгил: «Сизлар Худога, унинг оятига ва Расулига масхарабозлик қиласизларми? Менга бу хилда узр айтманглар, сизлар иймонларингизни зоҳир қилганингиздан сўнг кофир бўлдингизлар. Агар биз сизлардан бир тоифанинг тавбаси сабабидан афв қилган бўлсак, бир тоифанинг қилган гуноҳи сабабидан азоб берамиз.

ٱلْمُنَٰفِقُونَ وَٱلْمُنَٰفِقَٰتُ بَعْضُهُم مِّنۢ بَعْضٍ ۚ يَأْمُرُونَ بِٱلْمُنكَرِ وَيَنْهَوْنَ
عَنِ ٱلْمَعْرُوفِ وَيَقْبِضُونَ أَيْدِيَهُمْ ۚ نَسُوا۟ ٱللَّهَ فَنَسِيَهُمْ ۗ إِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ هُمُ
ٱلْفَٰسِقُونَ ﴿٦٧﴾ وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلْمُنَٰفِقِينَ وَٱلْمُنَٰفِقَٰتِ وَٱلْكُفَّارَ نَارَ جَهَنَّمَ
خَٰلِدِينَ فِيهَا ۚ هِىَ حَسْبُهُمْ ۚ وَلَعَنَهُمُ ٱللَّهُ ۖ وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّقِيمٌ ﴿٦٨﴾

67-68. Мунофиқлар хоҳ эркак, хоҳ хотин бўлсин, мунофиқликда ҳаммалари баробардирлар. Уларнинг хислатлари шуки: ёмон ишларга амр

қиладилар ва яхши ишлардан қайтарадилар ва бировларга ёрдам қилишдан қўлларини тортадилар. Улар Худонинг ҳукмини эсларидан чиқардилар, Худо ҳам уларга фазл ва марҳаматини тарк қилди, ана ўша мунофиқлар фосиқлардандирлар. Аллоҳ таоло мунофиқларга хоҳ эр бўлсин, хоҳ хотин бўлсин ва ҳам кофирларга жаҳаннамнинг азобиниваъда қилади. Жаҳаннамда абадий қоладилар. Дўзах азоби уларга етарлидир. Худо уларни лаънат қилган. Уларга доимий азоб бордир.

كَٱلَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ كَانُوٓا۟ أَشَدَّ مِنكُمْ قُوَّةً وَأَكْثَرَ أَمْوَٰلًا وَأَوْلَٰدًا فَٱسْتَمْتَعُوا۟
10 жузъ بِخَلَٰقِهِمْ فَٱسْتَمْتَعْتُم بِخَلَٰقِكُمْ كَمَا ٱسْتَمْتَعَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِكُم بِخَلَٰقِهِمْ
وَخُضْتُمْ كَٱلَّذِى خَاضُوٓا۟ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ حَبِطَتْ أَعْمَٰلُهُمْ فِى ٱلدُّنْيَا وَٱلْءَاخِرَةِ
وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْخَٰسِرُونَ ﴿٦٩﴾

69. (Эй мунофиқлар), сизларнинг аҳволингиз сизлардан муқаддам ўтган кофирларникига ўхшайди. Балки улар сизлардан кўра бақувват эдилар, мол ва авлодлари ҳам кўп эди. Улар ўз ҳаётларида насибаларини кўриб ўтдилар. Сизлардан илгариги халқ ўз замоналарида дунёдан фойдаланиб ўтганларидек, сизлар ҳам дунёдан насибаларингиздан фойдаланиб ўтасизлар. Сизлардан аввалги жамоалар ёмон ишларга машғул бўлганидек, сизлар ҳам ёмон ишларни фикр қиласизлар. У жамоанинг амаллари дунё ва охиратда ҳабата (беҳуда) бўлиб, ўз нафсларига зиён қилган эдилар, *сизлар ҳам шундай бўласизлар*.

أَلَمْ يَأْتِهِمْ نَبَأُ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ قَوْمِ نُوحٍ وَعَادٍ وَثَمُودَ وَقَوْمِ إِبْرَٰهِيمَ وَأَصْحَٰبِ
مَدْيَنَ وَٱلْمُؤْتَفِكَٰتِ ۚ أَتَتْهُمْ رُسُلُهُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ ۖ فَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيَظْلِمَهُمْ
وَلَٰكِن كَانُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٧٠﴾

70. Оё, уларга ўзларидан олдин ўтган Нуҳ қавмининг, Од қавмининг, Самуд ва Иброҳим қавмининг, Мадян қавми ва Шуайб қавмининг, Муътафикот (остин-устун бўлган қишлоқлар) аҳолисининг, Лут қавмининг қиссалари, ҳалок бўлган воқеаларининг хабарлари етиб келмаганми? *Улар у воқеалардан огоҳ эмасмилар*? Ўша қавмларнинг пайғамбарлари мўъжизотлар олиб келган эдилар. Лекин улар иймон келтирмадилар ва ҳаммалари ҳалок бўлдилар. Аллоҳ таоло уларга зулм қилгани йўқ. Лекин (улар) ўзлари ўз нафсларига зулм қиладилар.

وَٱلْمُؤْمِنُونَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَآءُ بَعْضٍ ۚ يَأْمُرُونَ بِٱلْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ
عَنِ ٱلْمُنكَرِ وَيُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَيُؤْتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ وَيُطِيعُونَ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥٓ ۚ
أُو۟لَٰٓئِكَ سَيَرْحَمُهُمُ ٱللَّهُ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٧١﴾ وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلْمُؤْمِنِينَ
وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا وَمَسَٰكِنَ طَيِّبَةً فِى

جَنَّٰتِ عَدۡنٖۚ وَرِضۡوَٰنٞ مِّنَ ٱللَّهِ أَكۡبَرُۚ ذَٰلِكَ هُوَ ٱلۡفَوۡزُ ٱلۡعَظِيمُ ٧٢

71-72. Мўминлар хоҳ эркак, хоҳ хотин бўлсинлар, баъзилари баъзиларига дўст ва биродардирлар. Уларнинг хислатлари шуки, бир-бирларини яхши ишларга буюриб, ёмон ишлардан қайтарадилар, беш вақт намозни барпо қиладилар ва закотларини берадилар. Худо ва Расулининг буюрганига итоат қиладилар. Худо уларни ўлганларидан сўнг раҳмат қилади. Албатта, Аллоҳ таоло ўз ҳукмида ғолиб ва ҳакимдир. Аллоҳ таоло эркак мўминларга ва хотин мўминаларга ичидан анҳорлар жорий бўлган (оқиб
турадиган) жаннатни ва ҳам жаннатда покиза уйларни ваъда қилади. Бу 10 жузъ
жаннатда улар ҳамиша бўладилар. Лекин Парвардигорнинг хурсандчилиги (розилиги) ҳамма неъматлардан улуғдир. Улар учун бу нозу наъимлар улуғ мақсадга етмоқдир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ جَٰهِدِ ٱلۡكُفَّارَ وَٱلۡمُنَٰفِقِينَ وَٱغۡلُظۡ عَلَيۡهِمۡۚ وَمَأۡوَىٰهُمۡ جَهَنَّمُۖ وَبِئۡسَ
ٱلۡمَصِيرُ ٧٣ يَحۡلِفُونَ بِٱللَّهِ مَا قَالُواْ وَلَقَدۡ قَالُواْ كَلِمَةَ ٱلۡكُفۡرِ وَكَفَرُواْ بَعۡدَ
إِسۡلَٰمِهِمۡ وَهَمُّواْ بِمَا لَمۡ يَنَالُواْۚ وَمَا نَقَمُوٓاْ إِلَّآ أَنۡ أَغۡنَىٰهُمُ ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥ مِن
فَضۡلِهِۦۚ فَإِن يَتُوبُواْ يَكُ خَيۡرٗا لَّهُمۡۖ وَإِن يَتَوَلَّوۡاْ يُعَذِّبۡهُمُ ٱللَّهُ عَذَابًا أَلِيمٗا فِي ٱلدُّنۡيَا
وَٱلۡأٓخِرَةِۚ وَمَا لَهُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ مِن وَلِيّٖ وَلَا نَصِيرٖ ٧٤

73-74. Эй Пайғамбар, кофирларга қилич билан муқобил (жанг) қил, мунофиқларга тил билан қаттиқлик қил. Қиёмат куни уларнинг борадиган жойлари жаҳаннамдир. Жаҳаннам кўп ёмон жойдир! Мунофиқларнинг ўзлари мажлис қуриб ўтирган вақтларида Муҳаммад (алайҳиссалом)-ни ва асҳобларини мазаммат қилур эдилар. *Расул алайҳиссалом бундан хабардор бўлиб, (сабабини) сўрасалар,* Худонинг номига қасам ичиб: «Бундай сўзларни айтганимиз йўқ», — деб айтар эдилар. Ваҳоланки, ундай (мазамматли) сўзларни айтганлар, ҳатто калимаи куфрни ҳам тилларига жорий қилганлар. (Улар) Исломни қабул қилгандан сўнг яна кофир бўлдилар. Қўлларидан кетган сардорлик (пешво бўлишлик)ни яна топишга (қўлга киритишга) қасд қиладилар. Улар қаҳатчиликдан қутулиб, қоринлари тўйиб қолгани учун ҳам шундай адоват қиладилар. Худо ва Расулининг фазл ва марҳамати уларни ғаний (бой) қилиб қўйди. *Чунки Расулуллоҳ Мадинага келмасларидан илгари Мадина халқи камбағал ва танг эди. Расулуллоҳ баракотларидан давлатманд бўлди.* (Улар) агар нифоқдан тавба қилсалар, ўзларига яхши бўлар эди, агар юз ўгирсалар, Худойи таоло уларни дунё ва охиратда қаттиқ азобга мубтало қилади. Уларга ер юзида ҳеч қандай дўст ва ёрдамчи топилмайди.

۞وَمِنۡهُم مَّنۡ عَٰهَدَ ٱللَّهَ لَئِنۡ ءَاتَىٰنَا مِن فَضۡلِهِۦ لَنَصَّدَّقَنَّ وَلَنَكُونَنَّ مِنَ
ٱلصَّٰلِحِينَ ٧٥ فَلَمَّآ ءَاتَىٰهُم مِّن فَضۡلِهِۦ بَخِلُواْ بِهِۦ وَتَوَلَّواْ وَّهُم مُّعۡرِضُونَ

فَأَعْقَبَهُمْ نِفَاقًا فِي قُلُوبِهِمْ إِلَىٰ يَوْمِ يَلْقَوْنَهُۥ بِمَآ أَخْلَفُوا۟ ٱللَّهَ مَا وَعَدُوهُ وَبِمَا كَانُوا۟ يَكْذِبُونَ ﴿٧٧﴾ ﴿٧٦﴾

75-77. Мунофиқлар (орасида) шундай одамлар ҳам борки; Худога аҳд қилиб, қасам билан айтадиларки: «Агар Худойи таоло менга кўп мол-дунё берса, Худо йўлида садақалар қиламан, яхши одамлардан бўламан». Вақтики унга Худойи таоло зиёда (кўп) мол-дунё берса, аҳдидан қайтиб, молига бахиллик (хасислик) қилади. Бирор киши насиҳат берса, қабул қилмай
10 жузъ юзини ўгиради. Бас, у одамларнинг дилларидаги бахиллик ва аҳдига вафо қилмаслик мунофиқликни собит этди. Энди то амалларининг жазосига йўлиқадиган кунгача зойил бўлмайди. Бу азоб шунинг учун эдики, Худога берганваъдаларига хилоф қилдилар. Худога ёлғон ишлатдилар.

أَلَمْ يَعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ يَعْلَمُ سِرَّهُمْ وَنَجْوَىٰهُمْ وَأَنَّ ٱللَّهَ عَلَّٰمُ ٱلْغُيُوبِ ﴿٧٨﴾ ٱلَّذِينَ يَلْمِزُونَ ٱلْمُطَّوِّعِينَ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ فِي ٱلصَّدَقَٰتِ وَٱلَّذِينَ لَا يَجِدُونَ إِلَّا جُهْدَهُمْ فَيَسْخَرُونَ مِنْهُمْ سَخِرَ ٱللَّهُ مِنْهُمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٧٩﴾

78-79. Оё, бу мунофиқлар билмайдилармики, Аллоҳ таоло уларнинг яширган сирларини ва бошқа мунофиқлар билан сўзлашган сўзларини билади. Албатта, Аллоҳ таоло махфий нарсаларни билгувчидир. Бу мунофиқлар зиёда (кўп) садақа қилувчи мўминларни ва ҳам тоқатларига яраша садақа қилувчи мўминларни айблайдилар, кўп садақа қилувчиларни «риёкорлар» деб, (садақа қилувчи) камбағалларни «ўзлари муҳтож-ку!» деб масхара қиладилар. Аллоҳ таоло ҳам уларни масхара этади ва у масхара қилмоқлари (эвазига) жазо беради. Қиёматда уларга қаттиқ азоб бордир.

ٱسْتَغْفِرْ لَهُمْ أَوْ لَا تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ إِن تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ سَبْعِينَ مَرَّةً فَلَن يَغْفِرَ ٱللَّهُ لَهُمْ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ كَفَرُوا۟ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَٱللَّهُ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلْفَٰسِقِينَ ﴿٨٠﴾

80. *Вақтики мунофиқларнинг сардори Абдуллоҳ ибн Убай вафот этди, ўғли мухлислардан (мўминлардан) эди. Расулуллоҳдан: «Отамнинг гуноҳини Худодан тилаб беринг?» (яъни, мағфират қилишини сўранг), – деб илтимос қилди. Расулуллоҳ қабул қилиб, (отасининг) гуноҳини кечмоқни Худодан тилаган эдилар, ушбу оят нозил бўлди:* «Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мунофиқлар учун хоҳ истиғфор қилгил, хоҳ қилмагил, баробардир. Агар Сен етмиш маротаба Худодан кечирмоқни сўрасанг (ҳам), Худойи таоло уларнинг гуноҳини кечмайди. Худойи таолонинг кечмаслиги шунинг учунки, улар Худо ва Расулига кофир бўлдилар ва ҳадларидан тажовуз қилдилар. Аллоҳ таоло фосиқ қавмни ҳидоят қилмайди.

فَرِحَ ٱلْمُخَلَّفُونَ بِمَقْعَدِهِمْ خِلَٰفَ رَسُولِ ٱللَّهِ وَكَرِهُوٓا۟ أَن يُجَٰهِدُوا۟ بِأَمْوَٰلِهِمْ

وَأَنفُسِهِمْ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ وَقَالُوا۟ لَا تَنفِرُوا۟ فِى ٱلْحَرِّ ۗ قُلْ نَارُ جَهَنَّمَ أَشَدُّ حَرًّا ۚ لَّوْ كَانُوا۟
يَفْقَهُونَ ﴿٨١﴾ فَلْيَضْحَكُوا۟ قَلِيلًا وَلْيَبْكُوا۟ كَثِيرًا جَزَآءًۢ بِمَا كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿٨٢﴾ فَإِن
رَّجَعَكَ ٱللَّهُ إِلَىٰ طَآئِفَةٍ مِّنْهُمْ فَٱسْتَـْٔذَنُوكَ لِلْخُرُوجِ فَقُل لَّن تَخْرُجُوا۟ مَعِىَ أَبَدًا
وَلَن تُقَـٰتِلُوا۟ مَعِىَ عَدُوًّا ۖ إِنَّكُمْ رَضِيتُم بِٱلْقُعُودِ أَوَّلَ مَرَّةٍ فَٱقْعُدُوا۟ مَعَ ٱلْخَـٰلِفِينَ
﴿٨٣﴾ وَلَا تُصَلِّ عَلَىٰٓ أَحَدٍ مِّنْهُم مَّاتَ أَبَدًا وَلَا تَقُمْ عَلَىٰ قَبْرِهِۦٓ ۖ إِنَّهُمْ كَفَرُوا۟ بِٱللَّهِ 10 жузъ
وَرَسُولِهِۦ وَمَاتُوا۟ وَهُمْ فَـٰسِقُونَ ﴿٨٤﴾

81-84. Расулуллоҳга хилоф қилиб, урушга бормай қолган мунофиқлар қолганларига хурсандчилик қилар эдилар. Худо йўлида жони ва моллари билан жиҳод қилмоқни ёмон кўрардилар. Иғвогарлик қилиб, мўминларга: «Бундай иссиқ кунда (урушга) борманглар», – дер эдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Агар билсангизлар, жаҳаннамнинг ўти бундан ҳам иссиқроқдир». Уларнинг борадиган жойлари жаҳаннамдир. Уларнинг охир ҳоллари (оқибатлари) шундай экан, (уларга) лозимки: «Камроқ кулсинлар, кўпроқ йиғласинлар! Бундай азоб (етиши) қилган амалларининг эвазигадир. Бас, Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худойи таоло Сени Табук урушидан сиҳат ва саломат у тоифа (мунофиқлар) қошига қайтариб олиб келса, кейин улар урушларга Сен билан боришни тақозо қилсалар (хоҳласалар), эй Муҳаммад (алайҳиссалом), (уларга) айтгил: «Эй мунофиқлар, сизлар энди мен билан ҳаргиз (урушга) чиқмайсизлар, мен билан бориб уруш ҳам қилмайсизлар. Энди сизларни ҳаргиз қабул қилмаймиз. Чунки сизлар аввалги жангдан қолишни рози бўлдингизлар. Бас, энди урушдан қолувчи болалар билан ўтираверинглар». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мунофиқлардан биронтаси ўлса, ҳаргиз жанозасини ўқима, дафн қилиш учун қабрига ҳам борма ва истиғфор ҳам қилма, чунки улар Худо ва Расулига кофир бўлганлар. Тавба қилмасдан, фосиқлик ҳолда ўлдилар.

وَلَا تُعْجِبْكَ أَمْوَٰلُهُمْ وَأَوْلَـٰدُهُمْ ۚ إِنَّمَا يُرِيدُ ٱللَّهُ أَن يُعَذِّبَهُم بِهَا فِى ٱلدُّنْيَا وَتَزْهَقَ
أَنفُسُهُمْ وَهُمْ كَـٰفِرُونَ ﴿٨٥﴾ وَإِذَآ أُنزِلَتْ سُورَةٌ أَنْ ءَامِنُوا۟ بِٱللَّهِ وَجَـٰهِدُوا۟ مَعَ
رَسُولِهِ ٱسْتَـْٔذَنَكَ أُو۟لُوا۟ ٱلطَّوْلِ مِنْهُمْ وَقَالُوا۟ ذَرْنَا نَكُن مَّعَ ٱلْقَـٰعِدِينَ ﴿٨٦﴾ رَضُوا۟
بِأَن يَكُونُوا۟ مَعَ ٱلْخَوَالِفِ وَطُبِعَ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ فَهُمْ لَا يَفْقَهُونَ ﴿٨٧﴾

85-87. Мунофиқларнинг моллари кўплиги ва авлодларининг кўплиги сизларни таажжубга солмасин. Худо хоҳлайдики, шу молларининг ҳирсига ва авлодларининг муҳаббатига машғул бўлиб, дунёдан кулфат билан ўтсинлар. Шу ҳасрат билан кофирлик ҳолларида жонлари чиқсин. Вақ-

тики Худо тарафидан бирон сура нозил қилинса, у сурада: «Худога иймон келтиринглар ва кофирлар билан жиҳод қилинглар», – деган буйруқ бўлса, мунофиқлардан аҳли давлат (бой)лари Сендан ижозат олиб (сўраб), жиҳоддан қолишни истайдилар ва айтадиларки: «Бизларни жиҳодга бормайдиган яроқсиз кишилар билан бирга қолдир». Улар жиҳоддан қолувчилар билан (бирга) бўлишга рози бўлдилар. Уларнинг дилларига муҳр босилгандир, ўзларининг фойдаларини билмайдилар.

لَٰكِنِ ٱلرَّسُولُ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مَعَهُۥ جَٰهَدُوا۟ بِأَمْوَٰلِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ ۚ وَأُو۟لَٰٓئِكَ
10 жузъ لَهُمُ ٱلْخَيْرَٰتُ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٨٨﴾ أَعَدَّ ٱللَّهُ لَهُمْ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن
تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا ۚ ذَٰلِكَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿٨٩﴾

88-89 Лекин Муҳаммад (алайҳиссалом) ва мўминлар ҳам жон ва молларини фидо қилиб, жиҳод қиладилар ва икки дунё саодати ва яхшилиги ўша зотлар учундир. Ана ўшалар азобдан нажот топгувчидирлар. Аллоҳ таоло улар учун тагидан анҳорлар жорий бўладиган жаннатни тайёр қилиб қўйгандир. Ва улар у жаннатда ҳамиша бўладилар. Бу уларга улуғ мақсадга етмоқдир.

وَجَآءَ ٱلْمُعَذِّرُونَ مِنَ ٱلْأَعْرَابِ لِيُؤْذَنَ لَهُمْ وَقَعَدَ ٱلَّذِينَ كَذَبُوا۟ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ ۚ
سَيُصِيبُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنْهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٩٠﴾ لَّيْسَ عَلَى ٱلضُّعَفَآءِ وَلَا عَلَى
ٱلْمَرْضَىٰ وَلَا عَلَى ٱلَّذِينَ لَا يَجِدُونَ مَا يُنفِقُونَ حَرَجٌ إِذَا نَصَحُوا۟ لِلَّهِ
وَرَسُولِهِۦ ۚ مَا عَلَى ٱلْمُحْسِنِينَ مِن سَبِيلٍ ۚ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٩١﴾ وَلَا عَلَى
ٱلَّذِينَ إِذَا مَآ أَتَوْكَ لِتَحْمِلَهُمْ قُلْتَ لَآ أَجِدُ مَآ أَحْمِلُكُمْ عَلَيْهِ تَوَلَّوا۟
وَّأَعْيُنُهُمْ تَفِيضُ مِنَ ٱلدَّمْعِ حَزَنًا أَلَّا يَجِدُوا۟ مَا يُنفِقُونَ ﴿٩٢﴾

90-92. Саҳродаги қабилалардан бир тоифаси Табук жангига бормаслик учун жангдан қолишга рухсат берилишини хоҳлаб, узр сўраб келди. Ва шунингдек, Худо ва Расулини таксиб қилувчилар (ёлғонга чиқарувчилар) ҳам урушга бормай қолдилар. Яқинда у кофирларга Худойи таоло тарафидан қаттиқ азоб етади. Нотавон ожизларга, касалларга ва ҳам йўл харжи топмаган камбағалларга, агар жангга бормай қолсалар, ҳеч ҳараж (гуноҳ, масъулият) йўқдир. Вақтики Худо ва Расулига хайрихоҳ бўлсалар, яхши амал қилувчиларни итоб қилишга йўл йўқ. Аллоҳ таоло гуноҳларни кечиргувчи меҳрибондир. Сенинг олдингга, жиҳодга миниб бориш учун туя сўраб келган у жамоага ҳам ҳараж йўқ. (Ўшанда) Сен уларга айтдингки: «Мен сизларга жиҳодга миниб борадиган туя топиб беролмайман». Улар кўзларининг ёшини оқизганча ғамгин бўлиб, ғазот йўлига сарф қиладиган нафақа топмаганларига йиғлаб, қайтиб кетдилар.

ЎН БИРИНЧИ ЖУЗЪ

۞ إِنَّمَا ٱلسَّبِيلُ عَلَى ٱلَّذِينَ يَسْتَـْٔذِنُونَكَ وَهُمْ أَغْنِيَآءُ ۚ رَضُوا۟ بِأَن يَكُونُوا۟
مَعَ ٱلْخَوَالِفِ وَطَبَعَ ٱللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ فَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٩٣﴾

93. (Аммо) шундай одамлар маломат қилинадиларки, ғаний бўлатуриб, Сендан (ғазотдан) қолишга рухсат талаб қиладилар. Чунки улар (жиҳоддан) мунофиқлар билан бирга қолишга рози бўладилар. Худойи таоло уларнинг дилларига муҳр босгандир. Бас, улар ўзларининг фойдаларини билмайдилар. 11 жузъ

يَعْتَذِرُونَ إِلَيْكُمْ إِذَا رَجَعْتُمْ إِلَيْهِمْ ۚ قُل لَّا تَعْتَذِرُوا۟ لَن نُّؤْمِنَ لَكُمْ قَدْ
نَبَّأَنَا ٱللَّهُ مِنْ أَخْبَارِكُمْ ۚ وَسَيَرَى ٱللَّهُ عَمَلَكُمْ وَرَسُولُهُۥ ثُمَّ تُرَدُّونَ إِلَىٰ عَـٰلِمِ
ٱلْغَيْبِ وَٱلشَّهَـٰدَةِ فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٩٤﴾ سَيَحْلِفُونَ بِٱللَّهِ لَكُمْ إِذَا
ٱنقَلَبْتُمْ إِلَيْهِمْ لِتُعْرِضُوا۟ عَنْهُمْ ۖ فَأَعْرِضُوا۟ عَنْهُمْ ۖ إِنَّهُمْ رِجْسٌ ۖ وَمَأْوَىٰهُمْ جَهَنَّمُ
جَزَآءًۢ بِمَا كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿٩٥﴾ يَحْلِفُونَ لَكُمْ لِتَرْضَوْا۟ عَنْهُمْ ۖ فَإِن تَرْضَوْا۟
عَنْهُمْ فَإِنَّ ٱللَّهَ لَا يَرْضَىٰ عَنِ ٱلْقَوْمِ ٱلْفَـٰسِقِينَ ﴿٩٦﴾

94-96. Вақтики Табук жангидан Мадинага қайтиб келганларингиздан кейин мунофиқлар жангга бормай қолганлари учун сизларга ёлғондан узр айтадилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Ёлғон узрлар айтманглар, бизлар ҳаргиз сизларнинг сўзларингизга ишонмасмиз. Аллоҳ таоло бизларни сизларнинг мақсадларингиздан огоҳлантирди. Худо ва (Унинг) Расули сизларни бундан кейин қиладиган амалларингиздан хабардор бўлиб (назорат қилиб) туради. Сизлар ўлганингиздан сўнг ошкора ва пинҳонни биладиган Парвардигорнинг тарафига (ҳузурига) қайтарилурсиз. Сўнгра Худойи таоло сизларни қилган амалларингиздан огоҳлантиради». Яқинда у мунофиқлар сизлар қайтиб келганингиздан (сўнг) сизларни қаноатлантирмоқ учун Худонинг номи билан қасамёд қиладилар. Бас, уларга ҳеч нарса демасдан, (улардан) юз ўгиринглар. Ҳеч нарса деманглар, чунки улар палид (нопок) одамлардир. Касб қилган амалларининг жазосига (мувофиқ) жойлари жаҳаннамдир. (Мунофиқлар) шунинг учун қасамёд қиладиларки, токи сизлар улардан рози бўлинглар. Агар сизлар улардан рози бўлсангизлар ҳам, Аллоҳ таоло у фосиқ қавмдан рози бўлмайди.

ٱلْأَعْرَابُ أَشَدُّ كُفْرًا وَنِفَاقًا وَأَجْدَرُ أَلَّا يَعْلَمُوا۟ حُدُودَ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ عَلَىٰ
رَسُولِهِۦ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٩٧﴾ وَمِنَ ٱلْأَعْرَابِ مَن يَتَّخِذُ مَا يُنفِقُ مَغْرَمًا

وَيَتَرَبَّصُ بِكُمُ ٱلدَّوَآئِرَ ۚ عَلَيْهِمْ دَآئِرَةُ ٱلسَّوْءِ ۗ وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٩٨﴾

97-98. Саҳронинг мунофиқлари (аъробийлари) куфрда ва нифоқда шаҳарнинг мунофиқларидан зиёдадир. Худонинг Расулига нозил қилган аҳкоми шаръийайани билмасликка муносиб (лойиқ)дирлар, чунки саҳроликнинг аксари жоҳил бўладилар. Аллоҳ таоло уларнинг ҳолларини билгувчи ва ҳукм қилгувчидир. Саҳролик мунофиқлар орасида шундай одамлар борки, жиҳод учун сарф қилган пулларини «катта зарар бўлди», – деб
11 жузъ ҳисоблайдилар. (Улар) сизларга (бошингизга) ҳамиша кулфат келишига мунтазир бўлиб турадилар. Ёмон (бало ва) кулфатлар ўзларига бўлсин! Аллоҳ таоло уларнинг сўзларини эшитгувчи ва ҳолларини билгувчидир.

وَمِنَ ٱلْأَعْرَابِ مَن يُؤْمِنُ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْآخِرِ وَيَتَّخِذُ مَا يُنفِقُ قُرُبَٰتٍ عِندَ
ٱللَّهِ وَصَلَوَٰتِ ٱلرَّسُولِ ۚ أَلَآ إِنَّهَا قُرْبَةٌ لَّهُمْ ۚ سَيُدْخِلُهُمُ ٱللَّهُ فِى رَحْمَتِهِۦٓ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ
رَّحِيمٌ ﴿٩٩﴾ وَٱلسَّٰبِقُونَ ٱلْأَوَّلُونَ مِنَ ٱلْمُهَٰجِرِينَ وَٱلْأَنصَارِ وَٱلَّذِينَ ٱتَّبَعُوهُم
بِإِحْسَٰنٍ رَّضِىَ ٱللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا۟ عَنْهُ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَنَّٰتٍ تَجْرِى تَحْتَهَا ٱلْأَنْهَٰرُ
خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًا ۚ ذَٰلِكَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿١٠٠﴾

99-100. Саҳроликлардан (аъробийлардан) шундай одамлар ҳам борки, Аллоҳ таологa ва охиратга ишонадилар. Худо учун ҳар нарсаки сарф қилсалар (бу) «Худога яқин бўлишимизга ва ҳам Расулуллоҳнинг дуои хайр қилишларига сабаб бўлади», – дейдилар. Огоҳ бўлингларки, уларнинг қилган нафақалари – қурбуллоҳга (Аллоҳга яқин бўлишга) сабаб бўлади. Аллоҳ таоло уларни вафотидан кейин ўз раҳматига дохил қилади. Аллоҳ таоло гуноҳларни кечиргувчи ва меҳрибондир. Муҳожирлардан ва ансорийлар ичида биринчилардан бўлиб иймон келтирганлар ҳамда яхши амаллар қилишда уларнинг ортидан эргашганлардан Аллоҳ розидир. Улар учун Аллоҳ таоло охиратда остидан анҳорлар ўтадиган жаннатни тайёр қилиб қўйгандир. У жаннатда ҳамиша (абадий) бўладилар. Бу Худонинг марҳаматидир. Улар учун (бу) улуғ мақсад ва саодатдир.

وَمِمَّنْ حَوْلَكُم مِّنَ ٱلْأَعْرَابِ مُنَٰفِقُونَ ۖ وَمِنْ أَهْلِ ٱلْمَدِينَةِ ۖ مَرَدُوا۟ عَلَى ٱلنِّفَاقِ
لَا تَعْلَمُهُمْ ۖ نَحْنُ نَعْلَمُهُمْ ۚ سَنُعَذِّبُهُم مَّرَّتَيْنِ ثُمَّ يُرَدُّونَ إِلَىٰ عَذَابٍ عَظِيمٍ ﴿١٠١﴾

101. Саҳроликлардан сизларнинг атрофларингизда турувчи мунофиқлар бордир. *Мадина* аҳли орасида ҳам баъзи мунофиқлар бордир. Улар мунофиқликка зиёда одатлангандирлар. Сизлар уларнинг ҳолларини билмайсизлар, Биз (эса) биламиз. Уларга икки маротаба азоб берамиз, бир марта бу дунёда расво қиламиз ва иккинчи марта қабрда азоб бериб, сўнгра охиратда буюк азоб тарафига юбориладилар.

وَءَاخَرُونَ ٱعْتَرَفُوا۟ بِذُنُوبِهِمْ خَلَطُوا۟ عَمَلًا صَٰلِحًا وَءَاخَرَ سَيِّئًا عَسَى ٱللَّهُ أَن
يَتُوبَ عَلَيْهِمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٠٢﴾ خُذْ مِنْ أَمْوَٰلِهِمْ صَدَقَةً تُطَهِّرُهُمْ
وَتُزَكِّيهِم بِهَا وَصَلِّ عَلَيْهِمْ ۖ إِنَّ صَلَوٰتَكَ سَكَنٌ لَّهُمْ ۗ وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿١٠٣﴾ أَلَمْ
يَعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ هُوَ يَقْبَلُ ٱلتَّوْبَةَ عَنْ عِبَادِهِۦ وَيَأْخُذُ ٱلصَّدَقَٰتِ وَأَنَّ ٱللَّهَ هُوَ
ٱلتَّوَّابُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٠٤﴾ 11 жузъ

102-104. Содиқ мўминлардан бўлган бошқа бир жамоа жангдан қолганлари учун гуноҳларига иқрор бўлдилар. Улар яхши мўминлардан эдилар. Аммо яхши амалларига ёмон амални аралаштириб қўйганлар. Албатта, Аллоҳ таоло уларнинг тавбаларини қабул қилади. Албатта, Аллоҳ таоло гуноҳларни кечиргувчи ва меҳрибондир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мўминларнинг молларидан закот олиб, дилларини дунё муҳаббатидан тозала ва қолган молларини закот олиш (шарофати) билан зиёда қил! *Чунки закот бермоқ қолган молларнинг баракали бўлишига сабабдир.* Ва уларни дуо қил. Албатта, Сенинг қилган дуойинг уларнинг дилларига роҳат (фароғат, таскин) бўлади. Аллоҳ таоло дуойингни эшитгувчи ва донодир. Оё, тавба қилувчилар Аллоҳ таоло бандаларининг (ўз) гуноҳлари учун қилган тавбаларини ва садақотларини қабул қилишини билмайдиларми? Албатта, Аллоҳ таоло тавбаларни қабул қилгувчи ва бандаларга меҳрибондир.

وَقُلِ ٱعْمَلُوا۟ فَسَيَرَى ٱللَّهُ عَمَلَكُمْ وَرَسُولُهُۥ وَٱلْمُؤْمِنُونَ ۖ وَسَتُرَدُّونَ إِلَىٰ عَٰلِمِ
ٱلْغَيْبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٠٥﴾ وَءَاخَرُونَ مُرْجَوْنَ لِأَمْرِ
ٱللَّهِ إِمَّا يُعَذِّبُهُمْ وَإِمَّا يَتُوبُ عَلَيْهِمْ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿١٠٦﴾

105-106. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), тавба қилганларга айтгилки: «Энди сизлар яхши амал қилинглар, чунки Аллоҳ таоло ва Унинг Пайғамбари ҳамда мўминлар сизларнинг амалларингизга назар қиладилар. Сизлар яқинда зоҳир ва ғайбни (яширин ва ошкор нарсаларни) билгувчи Парвардигор тарафига қайтасизлар. Бас, Аллоҳ таоло сизларни *хоҳ яхши, хоҳ ёмон* қилиб ўтган амалларингиздан огоҳлантиради. Ва яна бошқа (жиҳодга чиқмаган) бир неча зотлар (кишилар) борки, (уларнинг иши) Аллоҳ таолонинг ҳукмига мавқуфдир (ҳаволадир). Уларга ё азоб беради, ёки тавбаларини қабул қилади. Ва Аллоҳ таоло илмли ва ҳикматли Зотдир. *Мадинада Табук урушига бормаган (мунофиқ бўлмаган) мусулмонлардан уч киши бор эди. Улар жаноб Саййиди олам ҳузурларига келиб, бўлган воқеани сўзлаб, хатоларига иқрор ҳолда ўзларини Худо ва Расулининг ҳукмларига топширдилар. Улар ҳақида:* وَءَاخَرُونَ مُرْجَوْنَ لِأَمْرِ ٱللَّهِ *«Ва яна бошқа (жиҳодга чиқмаган) бир неча зотлар (кишилар) борки, (уларнинг иши) Аллоҳ таолонинг ҳукмига мавқуфдир (ҳаволадир)», — ояти нозил бўлди. Улар билан биринчи кундан муомала қилинмади, кейинги кунларга*

қолдирилди. Сайийди олам мусулмонларга: «Аллоҳ таолодан ҳукм келгунча улар билан алоқа қилманглар», – деб танбеҳ бердилар. Улар эллик кунгача ҳаммадан узилиб, алоҳида (изтироб ва надоматлар ичра ёлгизланиб) қолдилар. Кейин (Аллоҳ таоло томонидан) афв этилдилар. Уларнинг воқеалари ва номлари сўнгда (кейинроқ) келади.

وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مَسْجِدًا ضِرَارًا وَكُفْرًا وَتَفْرِيقًا بَيْنَ الْمُؤْمِنِينَ
وَإِرْصَادًا لِمَنْ حَارَبَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ مِنْ قَبْلُ ۚ وَلَيَحْلِفُنَّ إِنْ أَرَدْنَا إِلَّا الْحُسْنَىٰ ۖ
11 жузъ وَاللَّهُ يَشْهَدُ إِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ ﴿١٠٧﴾ لَا تَقُمْ فِيهِ أَبَدًا ۚ لَمَسْجِدٌ أُسِّسَ عَلَى
التَّقْوَىٰ مِنْ أَوَّلِ يَوْمٍ أَحَقُّ أَنْ تَقُومَ فِيهِ ۚ فِيهِ رِجَالٌ يُحِبُّونَ أَنْ يَتَطَهَّرُوا ۚ وَاللَّهُ
يُحِبُّ الْمُطَّهِّرِينَ ﴿١٠٨﴾

107-108. Бир жамоа мунофиқлар Исломга зарар етказиш, мусулмонлар ўртасига тафриқа солиш учун ўзларига хос масжид бино қилдилар. Бу бинолари тақво учун эмас эди, балки илгаридан Худо ва Расулига мухолиф бўлган душманлар учун беркинадиган жой эди. Яна қасамёд қилиб айтадиларки: «Бу бинодан ниятимиз (фақат) яхшилик эди». Аллоҳ таоло гувоҳлик берадики, улар ёлғончидирлар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларнинг масжидига кирма! У жойда (масжидда) намоз ўқима! Сенинг ибодат қилишинг учун асоси (пойдевори) тақво билан солинган (қурилган), ҳижратнинг аввалги кунида бино қилинган у масжид авлодир. У масжидда шундай одамлар ибодат қиладиларки, ҳамиша ёмон амалдан пок бўлишни дўст тутадилар (севадилар). Аллоҳ таоло ҳам пок бўлгувчиларни дўст тутади.

أَفَمَنْ أَسَّسَ بُنْيَانَهُ عَلَىٰ تَقْوَىٰ مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانٍ خَيْرٌ أَمْ مَنْ أَسَّسَ
بُنْيَانَهُ عَلَىٰ شَفَا جُرُفٍ هَارٍ فَانْهَارَ بِهِ فِي نَارِ جَهَنَّمَ ۗ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ
الظَّالِمِينَ ﴿١٠٩﴾ لَا يَزَالُ بُنْيَانُهُمُ الَّذِي بَنَوْا رِيبَةً فِي قُلُوبِهِمْ إِلَّا أَنْ تَقَطَّعَ
قُلُوبُهُمْ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿١١٠﴾

109-110. Оё, дин биносини (иморатини) Худодан қўрқиш ва Унинг ризосини топишга асослаган (асосига қурган) одам яхшими ёки динининг биносини хароб бўладиган ва йиқиладиган (қилиб) ариқнинг ёқасига асослаган (қурган) киши яхшими? Албатта, (кейинги ҳолат) ёмондир! Бундай ёмон(ликка) асосланган (омонат) бино (ўз) эгаси билан бирга жаҳаннамга йиқилади. Аллоҳ таоло золим қавмни ҳидоят қилмайди. Мунофиқларнинг ғарази фосид (бузуқ ният) билан қурган бу бинолари (нинг бузиб ташланиши) дилларида Исломга нисбатан шак-шубҳага сабаб бўлиб қолгайдир. (Масжидларининг) вайрон қилинганлик алами дилларидан ҳеч қачон чиқмайди. Магар диллари ҳам ҳасрат билан пора-пора бўлса (яъни, жонлари чиқиб кетсагина шак-шубҳалари ҳам кетар). Аллоҳ таоло доно ва ҳукм қилгувчидир.

۞ إِنَّ ٱللَّهَ ٱشْتَرَىٰ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ أَنفُسَهُمْ وَأَمْوَٰلَهُم بِأَنَّ لَهُمُ ٱلْجَنَّةَ ۚ
يُقَٰتِلُونَ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ فَيَقْتُلُونَ وَيُقْتَلُونَ ۖ وَعْدًا عَلَيْهِ حَقًّا فِى ٱلتَّوْرَىٰةِ
وَٱلْإِنجِيلِ وَٱلْقُرْءَانِ ۚ وَمَنْ أَوْفَىٰ بِعَهْدِهِۦ مِنَ ٱللَّهِ ۚ فَٱسْتَبْشِرُوا۟ بِبَيْعِكُمُ ٱلَّذِى
بَايَعْتُم بِهِۦ ۚ وَذَٰلِكَ هُوَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿١١١﴾

111. Албатта, Аллоҳ таоло мўминлардан жиҳодга машғул бўлган нафслари (тиккан жонлари) ва сарф қилган молларини жаннатнинг эвазига қабул қилиб олди. Бу мўминлар Худо йўлида муқотала (жиҳод) қиладилар, душманларни ўлдирадилар ва ўзлари шаҳид бўладилар. Аллоҳ таоло уларга жаннатни ваъда қилгандир. Аллоҳнинг бу ваъдасига вафо қилиши муқаррардир. Бу ҳукм Тавротда, Инжилда ва Қуръонда ёзилгандир. Худодан зиёда (кўра) аҳдига вафодор ким бор?! Эй мужоҳидлар, Аллоҳ билан қилган бу байъларингизга (аҳду паймонларингизга) хурсанд бўлинглар. Бу сизларга катта фойда (саодат)дир. **11 жузъ**

ٱلتَّٰٓئِبُونَ ٱلْعَٰبِدُونَ ٱلْحَٰمِدُونَ ٱلسَّٰٓئِحُونَ ٱلرَّٰكِعُونَ
ٱلسَّٰجِدُونَ ٱلْءَامِرُونَ بِٱلْمَعْرُوفِ وَٱلنَّاهُونَ عَنِ ٱلْمُنكَرِ وَٱلْحَٰفِظُونَ
لِحُدُودِ ٱللَّهِ ۗ وَبَشِّرِ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١١٢﴾

112. Бу мўминлар гуноҳларига тавба қилгувчи, Аллоҳга ибодат қилгувчи ва Унга ҳамду сано айтувчидирлар. (Улар) Аллоҳ йўлида сафар қилувчи(рўза тутувчи), руку қилувчи (намоз ўқувчи), яхшиликка тарғиб қилувчи ва ёмон ишлардан қайтарувчи ва Аллоҳнинг ҳукмини сақловчилирлар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу мўминларга жаннатдан башо[illegible] бер!

مَا كَانَ لِلنَّبِىِّ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ أَن يَسْتَغْفِرُوا۟ لِلْمُشْرِكِينَ وَلَوْ كَانُوٓا۟ أُو۟لِى
قُرْبَىٰ مِنۢ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُمْ أَصْحَٰبُ ٱلْجَحِيمِ ﴿١١٣﴾

113. Пайғамбар ва мўминларга мушрикларнинг куфрлари муқаррар (аниқ) бўлиб, дўзах аҳлидан эканлиги зоҳир бўлгандан сўнг, гарчи у мушриклар ота-оналари ё қариндошлари бўлса ҳам, (улар ҳақига) истиғфор айтишлари дуруст эмас.

وَمَا كَانَ ٱسْتِغْفَارُ إِبْرَٰهِيمَ لِأَبِيهِ إِلَّا عَن مَّوْعِدَةٍ وَعَدَهَآ إِيَّاهُ فَلَمَّا تَبَيَّنَ لَهُۥٓ
أَنَّهُۥ عَدُوٌّ لِّلَّهِ تَبَرَّأَ مِنْهُ ۚ إِنَّ إِبْرَٰهِيمَ لَأَوَّٰهٌ حَلِيمٌ ﴿١١٤﴾

114. Иброҳим (алайҳиссалом)нинг отаси ҳақига қилган истиғфори (мағфират сўраши) илгари ваъда қилгани сабабидан эди. Чунончи, لَأَسْتَغْفِرَنَّ لَكَ (лаастағфиранна лака), яъни, «Албатта, (эй ота), сенинг учун истиғфор айтаман», – деди. Вақтики отаси Аллоҳнинг душмани экани маълум бўлган

дан сўнг, Иброҳим (алайҳиссалом) отасидан безорлигини изҳор қилди. Иброҳим (алайҳиссалом) кўп оҳ тортувчи, раҳмдил ва собир эди.

وَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيُضِلَّ قَوْمًۢا بَعْدَ إِذْ هَدَىٰهُمْ حَتَّىٰ يُبَيِّنَ لَهُم مَّا يَتَّقُونَ ۚ
إِنَّ ٱللَّهَ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿١١٥﴾ إِنَّ ٱللَّهَ لَهُۥ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ يُحْىِۦ وَيُمِيتُ ۚ
وَمَا لَكُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ مِن وَلِىٍّ وَلَا نَصِيرٍ ﴿١١٦﴾

11 жузъ

115-116. Аллоҳ таоло бир қавмни ҳидоят қилгандан сўнг то уларга нимадан парҳез қилиш (сақланиш) кераклигини баён қилиб бермагунича, (қайтиб уларни) гумроҳ қилмайди. Аллоҳ таоло ҳар нарсани билувчидир. Албатта, осмонлар ва ернинг мулки Аллоҳга хос (тегишли)дир. Аллоҳ таоло ўликларни тирилтиради ва тирикларни ўлдиради. Сизларга Аллоҳдан бошқа (бирор) ёр (дўст) ва мададкор йўқдир.

لَقَد تَّابَ ٱللَّهُ عَلَى ٱلنَّبِىِّ وَٱلْمُهَٰجِرِينَ وَٱلْأَنصَارِ ٱلَّذِينَ ٱتَّبَعُوهُ فِى سَاعَةِ
ٱلْعُسْرَةِ مِنۢ بَعْدِ مَا كَادَ يَزِيغُ قُلُوبُ فَرِيقٍ مِّنْهُمْ ثُمَّ تَابَ عَلَيْهِمْ ۚ إِنَّهُۥ بِهِمْ
رَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿١١٧﴾ وَعَلَى ٱلثَّلَٰثَةِ ٱلَّذِينَ خُلِّفُوا۟ حَتَّىٰٓ إِذَا ضَاقَتْ عَلَيْهِمُ
ٱلْأَرْضُ بِمَا رَحُبَتْ وَضَاقَتْ عَلَيْهِمْ أَنفُسُهُمْ وَظَنُّوٓا۟ أَن لَّا مَلْجَأَ مِنَ ٱللَّهِ إِلَّآ
إِلَيْهِ ثُمَّ تَابَ عَلَيْهِمْ لِيَتُوبُوٓا۟ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلتَّوَّابُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١١٨﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُوا۟ ٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَكُونُوا۟ مَعَ ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿١١٩﴾

117-119. Аллоҳ таоло раҳмати билан Пайғамбарга, муҳожирларга ва ансорийларга мутаважжиҳ бўлди (назар қилди). Улар Набийга жуда оғир кунларда (жиҳоддаги машаққатларга) табъийят (ҳар жиҳатда тобелик) қилдилар, ҳаттоки улардан баъзи фирқаларнинг диллари изтиробга тушиб, тўғри йўлдан адашаёздилар. Сўнгра Аллоҳ таоло раҳмати билан уларга таважжуҳ қилди (юзланди) ва тавбаларини қабул қилди. Чунки Аллоҳ таоло уларга (мўминларга) марҳаматли ва меҳрибондир. Яна Аллоҳ таоло раҳмати билан уч кишининг (Каъб ибн Молик, Мирора ибн ар-Робиъ, Ҳилол ибн Умайяларнинг) ҳолига таважжуҳ қилдики, уларнинг учаласи Табук урушига бормай қолган эдилар. *Расулуллоҳ (урушдан) қайтиб келганларидан сўнг, (урушга) бормаганликларининг сабабини сўрадилар. Улар ўз гуноҳларига иқрор бўлиб: «Бизлар узрсиз тахаллуф (хилоф иш) қилдик», — дедилар. Расулуллоҳ айтдилар: «Сизларнинг тўғрингизда ҳукм қилишни Худога ҳавола қиламиз. Худо кечирса, биз ҳам кечирамиз». Барча асҳобларни бу уч киши билан алоқа қилмасликка буюрдилар.* Ҳатто хотинларини ҳам эрлари билан алоқа қилмасликка буюрдилар. Ер юзи шу қадар кенглигига қарамай, уларга тор бўлиб қолди. Ўз нафслари ҳам ўзларига оғир бўлди (тавбалари кечиктирилди). «Бизга Худонинг паноҳидан бошқа ҳеч қандай паноҳ йўқ», — деб яқийн қилди

лар(қатъий ишондилар). Сўнг Аллоҳ таоло раҳмати билан уларга илтифот қилди, токи улар Худога ружу қилсинлар (қайтсинлар). Албатта, Аллоҳ таоло бандаларининг тавбасини қабул қилгувчи ва меҳрибондир. Эй мўминлар, ҳар бир ишда Аллоҳдан қўрқинглар. Ўзларингиз рост гапирувчи бўлиб, ростгўйлар билан бирга бўлинглар.

مَا كَانَ لِأَهْلِ ٱلْمَدِينَةِ وَمَنْ حَوْلَهُم مِّنَ ٱلْأَعْرَابِ أَن يَتَخَلَّفُوا۟ عَن رَّسُولِ ٱللَّهِ
وَلَا يَرْغَبُوا۟ بِأَنفُسِهِمْ عَن نَّفْسِهِۦ ۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ لَا يُصِيبُهُمْ ظَمَأٌ وَلَا نَصَبٌ وَلَا
11 жузъ
مَخْمَصَةٌ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ وَلَا يَطَـُٔونَ مَوْطِئًا يَغِيظُ ٱلْكُفَّارَ وَلَا يَنَالُونَ مِنْ
عَدُوٍّ نَّيْلًا إِلَّا كُتِبَ لَهُم بِهِۦ عَمَلٌ صَٰلِحٌ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ ٱلْمُحْسِنِينَ
﴿١٢٠﴾ وَلَا يُنفِقُونَ نَفَقَةً صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً وَلَا يَقْطَعُونَ وَادِيًا إِلَّا كُتِبَ
لَهُمْ لِيَجْزِيَهُمُ ٱللَّهُ أَحْسَنَ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٢١﴾

120-121. Мадина аҳли ва унинг атрофидаги саҳройи арабларга Расулуллоҳ билан жангга бормасликлари ва Расулуллоҳдан юз ўгириб, ўз нафсларини муҳофаза қилишлари (ширин жонларини аяб, жиҳодга бормасликлари) жоиз эмас. Чунки жиҳод пайти ташналик, машаққат, очлик етса, Аллоҳ йўлида кофирларнинг ғазабини келтирадиган ерларга қадам қўйсалар ё душман тарафидан бирор асирни қўлга туширсалар, (бу) уларнинг яхши амаллари ҳисобланиб, номаъи аъмолларига (савоб) ёзилади. Албатта, Аллоҳ таоло яхши амал қилувчиларнинг ажрини зое қилмайди. Аллоҳнинг йўлида хоҳ катта, хоҳ кичик нафақа қилсалар ё Худонинг йўлида (жиҳод ё хайрли ишлар учун) қадам қўйсалар, Худойи таоло Қиёмат куни қилган амалларига зиёда мукофот бериши учун у амаллари (уларнинг) ном[illegible] аъмолларига ёзилади.

۞ وَمَا كَانَ ٱلْمُؤْمِنُونَ لِيَنفِرُوا۟ كَآفَّةً ۚ فَلَوْلَا نَفَرَ مِن كُلِّ فِرْقَةٍ مِّنْهُمْ طَآئِفَةٌ
لِّيَتَفَقَّهُوا۟ فِى ٱلدِّينِ وَلِيُنذِرُوا۟ قَوْمَهُمْ إِذَا رَجَعُوٓا۟ إِلَيْهِمْ لَعَلَّهُمْ يَحْذَرُونَ ﴿١٢٢﴾

122. Мўминларнинг бошқа дин ишлари қолиб, ҳаммалари жангга кетишлари жоиз эмас. Нима учун ҳар бир фирқадан бир тоифаси (жангга) чиқмайди, токи дин аҳкомларини ўрганиб, қайтиб келиб ўз қавмларини ҳидоят қилсалар, шоядки, қавмлари ёмон ишларни қилишдан парҳез қилсалар.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ قَٰتِلُوا۟ ٱلَّذِينَ يَلُونَكُم مِّنَ ٱلْكُفَّارِ وَلْيَجِدُوا۟ فِيكُمْ
غِلْظَةً ۚ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلْمُتَّقِينَ ﴿١٢٣﴾

123. Эй мўминлар, ўзларингизга яқин бўлган (ён-атрофдаги) кофирлар билан муқотала (уруш) қилинглар. Сизларнинг тарафларингиздан қаттиқ муқоталага (зарбага) учрасинлар. Билингларки, Худойи таолонинг марҳамати муттақийлар (тақводорлар) билан биргадир.

وَإِذَا مَآ أُنزِلَتۡ سُورَةٞ فَمِنۡهُم مَّن يَقُولُ أَيُّكُمۡ زَادَتۡهُ هَٰذِهِۦٓ إِيمَٰنٗاۚ فَأَمَّا
ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ فَزَادَتۡهُمۡ إِيمَٰنٗا وَهُمۡ يَسۡتَبۡشِرُونَ ﴿١٢٤﴾ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ فِي قُلُوبِهِم
مَّرَضٞ فَزَادَتۡهُمۡ رِجۡسًا إِلَىٰ رِجۡسِهِمۡ وَمَاتُواْ وَهُمۡ كَٰفِرُونَ ﴿١٢٥﴾ أَوَلَا
يَرَوۡنَ أَنَّهُمۡ يُفۡتَنُونَ فِي كُلِّ عَامٖ مَّرَّةً أَوۡ مَرَّتَيۡنِ ثُمَّ لَا يَتُوبُونَ وَلَا هُمۡ
11 жузъ يَذَّكَّرُونَ ﴿١٢٦﴾ وَإِذَا مَآ أُنزِلَتۡ سُورَةٞ نَّظَرَ بَعۡضُهُمۡ إِلَىٰ بَعۡضٍ هَلۡ يَرَىٰكُم
مِّنۡ أَحَدٖ ثُمَّ ٱنصَرَفُواْۚ صَرَفَ ٱللَّهُ قُلُوبَهُم بِأَنَّهُمۡ قَوۡمٞ لَّا يَفۡقَهُونَ ﴿١٢٧﴾

124-127. Вақтики Аллоҳ тарафидан бирор сура ёки оят нозил қилинса, мунофиқларнинг баъзилари (масхара қилиб) мўминларга айтадики: «Шу сура қайси бирларингизнинг иймонларингизни зиёда қилди?» (Ҳолбуки), албатта, (ҳар бир) сuранинг нозил бўлиши ҳам содиқ мўминларнинг иймонларини зиёда қилади ҳамда улар хурсанд бўладилар. Аммо бу сура дилларида нифоқнинг марази (касали) бор бўлган мунофиқларнинг дилларига палидлик (куфр, бузғунчилик) устига палидликни зиёда қилади. Улар кофирлик ҳолида ўладилар. Оё, бу мунофиқлар кўрмайдилармики, улар ҳар йили бир марта ё икки марта уқубатга дучор бўладилар. Кейин огоҳ бўлиб, тавба ҳам қилмайдилар ва яна ибрат ҳам олмайдилар. Вақтики Аллоҳ тарафидан бирор сура нозил бўлиб, уларнинг айблари ошкор бўлиб, шарманда бўлсалар, аччиқлари билан баъзилари баъзиларига қараб олардилар ва бир-бирларига: «Бизни бирор мусулмон кўриб турмаганмикан?», – деб, эҳтиётлик билан оҳиста ўринларидан туриб, масжиддан чиқиб кетар эдилар. Худойи таоло уларнинг дилларини яхши ишлардан ўгириб қўйгандир. Шунинг учун улар ҳайвонга ўхшаб ҳеч нарсани фаҳмламайдилар.

لَقَدۡ جَآءَكُمۡ رَسُولٞ مِّنۡ أَنفُسِكُمۡ عَزِيزٌ عَلَيۡهِ مَا عَنِتُّمۡ حَرِيصٌ عَلَيۡكُم
بِٱلۡمُؤۡمِنِينَ رَءُوفٞ رَّحِيمٞ ﴿١٢٨﴾ فَإِن تَوَلَّوۡاْ فَقُلۡ حَسۡبِيَ ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَۖ
عَلَيۡهِ تَوَكَّلۡتُۖ وَهُوَ رَبُّ ٱلۡعَرۡشِ ٱلۡعَظِيمِ ﴿١٢٩﴾

128-129. Эй мўминлар, сизларга ўз қабилаларингиздан пайғамбар келди. Сизлар ранж тортсангизлар, камоли меҳрибонликдан унга оғир кўринади. Сизларни ҳидоят қилишга ҳарис (иштиёқи баланд) ва мўминларга бениҳоят меҳрибондир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сенга ёрдам қилишдан юз ўгирсалар, уларга айтгил: «У (Аллоҳ) якка-ягонадир, Ундан бошқа Худо йўқдир. Унинг ёрдами менга кифоя. Мен Аллоҳга таваккул қилганман. У улуғ Аршни яратгандир».

Тартиби 10 ترتيبها

СУРАТУ ЮНУС / سُورَةُ يُونُسَ
ЮНУС СУРАСИ

Оятлари 109 آياتها

Маккада нозил бўлган бу сура бир юз тўққиз оятдан иборатдир.

Суранинг 40, 94-96-оятлари Мадинада нозил бўлган. 98-оятида Юнус (алайҳиссалом) қавми ҳақида сўз кетгани учун сура «Юнус» деб номланган. Макка халқи ўз ичларидан бир одамнинг пайғамбар бўлишига ишонмайди ва: «Аллоҳ Абу Толибнинг етими Муҳаммаддан бошқа бир Пайғамбар тополмадими?», дейишади. Ҳеч бўлмаса, обрў-эътиборли, бой ва мансаби баланд кишининг пайғамбар бўлишини мувофиқ кўрардилар. Шунда ушбу сура нозил бўлган. 11 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الٓر ۚ تِلْكَ ءَايَٰتُ ٱلْكِتَٰبِ ٱلْحَكِيمِ ﴿١﴾ أَكَانَ لِلنَّاسِ عَجَبًا أَنْ أَوْحَيْنَآ إِلَىٰ رَجُلٍ
مِّنْهُمْ أَنْ أَنذِرِ ٱلنَّاسَ وَبَشِّرِ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ أَنَّ لَهُمْ قَدَمَ صِدْقٍ عِندَ رَبِّهِمْ ۗ قَالَ
ٱلْكَٰفِرُونَ إِنَّ هَٰذَا لَسَٰحِرٌ مُّبِينٌ ﴿٢﴾

1-2. Алиф. Лом. Ро. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Бу сuранинг оятлари ҳикматли Қуръоннинг оятларидир. Оё, халққа улар орасидан бир одам (Муҳаммад алайҳиссалом)га: «Кофирларни Худонинг азобидан қўрқит, мўминларга хушхабар бергилки, уларнинг нажот топишлари учун Парвардигор наздида содиқ ваъда бор ва яхши амаллар эвазига яхши ажр (мукофот) бор», – деб айтишни ваҳий қилсак, ажаб (таажжубли) кўринадими? Кофирлар эса: «Албатта, бу Муҳаммад ошкора жодугардир», – деб айтдилар.

إِنَّ رَبَّكُمُ ٱللَّهُ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ فِى سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ ٱسْتَوَىٰ عَلَى
ٱلْعَرْشِ ۖ يُدَبِّرُ ٱلْأَمْرَ ۖ مَا مِن شَفِيعٍ إِلَّا مِنۢ بَعْدِ إِذْنِهِۦ ۚ ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبُّكُمْ
فَٱعْبُدُوهُ ۚ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿٣﴾ إِلَيْهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا ۖ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقًّا ۚ إِنَّهُۥ يَبْدَؤُا۟
ٱلْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُۥ لِيَجْزِىَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ بِٱلْقِسْطِ ۚ وَٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ لَهُمْ شَرَابٌ مِّنْ حَمِيمٍ وَعَذَابٌ أَلِيمٌۢ بِمَا كَانُوا۟ يَكْفُرُونَ ﴿٤﴾

3-4. Албатта, Парвардигоринг шундай Зотдирки, осмонлар билан ерни олти кунда яратди, сўнгра Аршга мутаважжиҳ бўлди. Аллоҳ таоло ҳар бир ишнинг тадбирини кўради (қилади). Қиёмат куни (унинг изнисиз) бирор киши шафоат қилолмас, магар Худо рухсат бергандан сўнг (шафоат қилур). Мана шу таъриф қилинган Аллоҳ сизларнинг Парвардигорингиздир. Шунга ибодат қилинглар. Оё, бу оятлардан панд-насиҳат олмайсизлар-ми?! Ҳаммангизнинг борадиган жойларингиз Аллоҳнинг ҳузуридадир. Бу хусусдаги Худонинг ваъдалари ҳақдир. Албатта, аввалбошда барча нарсани Унинг ўзи яратган. Сўнгра мусулмон бўлган, яхши амаллар қил-
11 жузъ ган зотларга адл (адолат) билан ажр бериш учун (Қиёмат куни) яна қайта ятарур. Кофирларга куфрлари сабаб қайноқ сувдан шароб ва ҳам аламли азоб тайёрлаб қўйилгандир.

هُوَ ٱلَّذِى جَعَلَ ٱلشَّمْسَ ضِيَآءً وَٱلْقَمَرَ نُورًا وَقَدَّرَهُۥ مَنَازِلَ لِتَعْلَمُوا۟ عَدَدَ
ٱلسِّنِينَ وَٱلْحِسَابَ ۚ مَا خَلَقَ ٱللَّهُ ذَٰلِكَ إِلَّا بِٱلْحَقِّ ۚ يُفَصِّلُ ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ
يَعْلَمُونَ ﴿٥﴾ إِنَّ فِى ٱخْتِلَٰفِ ٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ وَمَا خَلَقَ ٱللَّهُ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ
لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يَتَّقُونَ ﴿٦﴾

5-6. Парвардигор шундай Зотдирки, офтобни равшан (зиё таратувчи) қилди, ойни нурли яратди. Сизлар йилларнинг ададларини, рўзаларингиз ва иддаларингиз ҳисобини билишларингиз учун уларнинг ҳаракатига буржлар ва манзиллар муқаддар (тақдир) қилди. Аллоҳ таоло уларни оламнинг тадбири ва интизоми учунгина яратди. Аллоҳ таоло оятларини доно кишилар учун баён қилиб беради. Албатта, кеча ва кундузнинг бирин-кетин келишларида, осмон ва ердаги ажойиботларнинг яратилишида Худодан қўрқувчилар (тақводор, муттақийлар) учун Худонинг қудратига далолат қилувчи нишоналар бордир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَآءَنَا وَرَضُوا۟ بِٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَٱطْمَأَنُّوا۟ بِهَا
وَٱلَّذِينَ هُمْ عَنْ ءَايَٰتِنَا غَٰفِلُونَ ﴿٧﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ مَأْوَىٰهُمُ ٱلنَّارُ بِمَا كَانُوا۟
يَكْسِبُونَ ﴿٨﴾

7-8. Албатта, кофирлар мункирдирлар, Қиёматда биз билан мулоқий-(рўбарў) бўлишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Шу дунёдаги ҳаётга рози бўлиб, диллари таскин топгандир ва Бизнинг оятларимиздан ғофил-дирлар. Қилган касблари туфайли уларнинг жойлари дўзахдир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ يَهْدِيهِمْ رَبُّهُم بِإِيمَٰنِهِمْ ۖ تَجْرِى مِن
تَحْتِهِمُ ٱلْأَنْهَٰرُ فِى جَنَّٰتِ ٱلنَّعِيمِ ﴿٩﴾ دَعْوَىٰهُمْ فِيهَا سُبْحَٰنَكَ ٱللَّهُمَّ وَتَحِيَّتُهُمْ فِيهَا
سَلَٰمٌ ۚ وَءَاخِرُ دَعْوَىٰهُمْ أَنِ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٠﴾

9-10. Албатта, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган жамоаларнинг иймонлари баракотидан Парвардигор жаннатда тагидан анҳорлар оқиб турадиган мақомларга йўл кўрсатади. Жаннатда (жаннат аҳлининг) дуолари шуки: «Эй бор Худоё, поклик Сенгадир!». Яна жаннатда дуолари бир-бирларига салом беришдир ва охирги сўзлари (дуолари) шудир: «Парвардигори оламга шукр қилурмиз».

۞ وَلَوْ يُعَجِّلُ ٱللَّهُ لِلنَّاسِ ٱلشَّرَّ ٱسْتِعْجَالَهُم بِٱلْخَيْرِ لَقُضِىَ إِلَيْهِمْ أَجَلُهُمْ ۖ فَنَذَرُ
ٱلَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَآءَنَا فِى طُغْيَٰنِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿١١﴾ 11 жузъ

11. Агар Аллоҳ таоло одамларнинг хайрли дуоларини ижобат қилишга шошилганидек, дуои бадларини ижобат қилишга (ҳам) шошилса эди, албатта, ажаллари етиб, ҳаммалари ҳалок бўлган бўлар эдилар. Бас, Биз Қиёматда Бизга мулоқий бўлишга умид қилмайдиган (ишонмайдиган) кофирларни ўз ҳолларига ташлаб қўюрмиз. Ўзларининг гумроҳликларида, саргардонликларида юраверсинлар. *Яъни, биз уларни тезлик билан ҳалок қилмаймиз.*

وَإِذَا مَسَّ ٱلْإِنسَٰنَ ٱلضُّرُّ دَعَانَا لِجَنۢبِهِۦٓ أَوْ قَاعِدًا أَوْ قَآئِمًا فَلَمَّا كَشَفْنَا عَنْهُ
ضُرَّهُۥ مَرَّ كَأَن لَّمْ يَدْعُنَآ إِلَىٰ ضُرٍّ مَّسَّهُۥ ۚ كَذَٰلِكَ زُيِّنَ لِلْمُسْرِفِينَ مَا كَانُوا۟
يَعْمَلُونَ ﴿١٢﴾

12. Вақтики, инсонга бирор кулфат етса, ётганда ҳам ва турганда ҳам бу кулфатдан нажот сўраб, дуо қилади. Қачонки Биз дуосини мустажоб қилиб, кулфатни ундан кўтарсак, Бизни эсидан шундай чиқариб юборадики, гуё унга кулфат ҳам етмагандай, у тўғрида ҳеч қандай дуо ҳам қилмагандай. Ҳаддан тажовуз қилувчиларнинг амаллари шу каби ўзларига яхши (чиройли) қилиб кўрсатиб қўйилди.

وَلَقَدْ أَهْلَكْنَا ٱلْقُرُونَ مِن قَبْلِكُمْ لَمَّا ظَلَمُوا۟ ۙ وَجَآءَتْهُمْ رُسُلُهُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ وَمَا
كَانُوا۟ لِيُؤْمِنُوا۟ ۚ كَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْقَوْمَ ٱلْمُجْرِمِينَ ﴿١٣﴾ ثُمَّ جَعَلْنَٰكُمْ خَلَٰٓئِفَ فِى
ٱلْأَرْضِ مِنۢ بَعْدِهِمْ لِنَنظُرَ كَيْفَ تَعْمَلُونَ ﴿١٤﴾

13-14. Биз сизлардан олдин ўтган замон аҳлларини (ҳам) ўз замонларида жабру жафолар қилганликлари учун ҳалок қилдик. Пайғамбарлари мўъжизалар кўрсатган бўлса ҳам, иймон келтирмадилар. Бизлар гуноҳкор қавмга ана шундай жазо берамиз. Сизлар қандай амал қилишларингизни кўриш учун у замон (давр)лар ўтгандан сўнг, уларнинг ўрнига сизларни ер юзига халифа қилдик. Агар сизлар ҳам уларга ўхшаш золим бўлсангизлар, сизларни ҳам йўқ қилиб, бошқаларни сизларнинг ўринларингизга олиб келамиз.

وَإِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ ءَايَاتُنَا بَيِّنَٰتٍ ۙ قَالَ ٱلَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَآءَنَا ٱئْتِ بِقُرْءَانٍ

غَيْرِ هَٰذَآ أَوْ بَدِّلْهُ ۚ قُلْ مَا يَكُونُ لِىٓ أَنْ أُبَدِّلَهُۥ مِن تِلْقَآئِ نَفْسِىٓ ۖ إِنْ أَتَّبِعُ إِلَّا مَا
يُوحَىٰٓ إِلَىَّ ۖ إِنِّىٓ أَخَافُ إِنْ عَصَيْتُ رَبِّى عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٥﴾ قُل لَّوْ شَآءَ ٱللَّهُ
مَا تَلَوْتُهُۥ عَلَيْكُمْ وَلَآ أَدْرَىٰكُم بِهِۦ ۖ فَقَدْ لَبِثْتُ فِيكُمْ عُمُرًا مِّن قَبْلِهِۦٓ ۚ أَفَلَا
تَعْقِلُونَ ﴿١٦﴾ فَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا أَوْ كَذَّبَ
11 жузъ بِـَٔايَٰتِهِۦٓ ۚ إِنَّهُۥ لَا يُفْلِحُ ٱلْمُجْرِمُونَ ﴿١٧﴾

15-17. Вақтики кофирларга равшан оятларимиз тиловат қилинса, Қиёматга мункирлар: «Бизга бу Қуръондан бошқа Қуръон олиб кел ёки бу Қуръонни ўзгартир», – дейишади. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), (уларга) айтгил: «Қуръонни ўз тарафимдан ўзгартиришим жоиз эмас. Худойи таоло менга нимани буюрса, ўшанга тобедурман (эргашурман). Мен Парвардигорга нофармонлик қилишда Қиёмат кунидаги улуғ азобдан қўрқаман». Кофирларга айтгилки: «Худо менинг сизларга Қуръонни тиловат қилмаслигимни хоҳласа эди, мен сизларга тиловат қилмаган бўлар эдим ва сизларни бу Қуръондан огоҳ ҳам қилмаган бўлар эдим. Мен сизларнинг ичингизда бундан (пайғамбар бўлишимдан) илгари *қирқ йил* умр кечирдим. *У даврда Қуръон ҳам йўқ эди ва мен ҳам (сизларга) ҳеч нарса демаган эдим*. Худонинг бу ҳикматларига нима учун ақлларингизни ишлатмайсизлар?! Худога ёлғон туҳмат қилган ёки оятларига мункир бўлган кишидан золимроқ одам борми?! Бу хил гуноҳ қилувчилар (албатта) нажот топмайдилар».

وَيَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَا لَا يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنفَعُهُمْ وَيَقُولُونَ هَٰٓؤُلَآءِ
شُفَعَٰٓؤُنَا عِندَ ٱللَّهِ ۚ قُلْ أَتُنَبِّـُٔونَ ٱللَّهَ بِمَا لَا يَعْلَمُ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَلَا فِى ٱلْأَرْضِ ۚ
سُبْحَٰنَهُۥ وَتَعَٰلَىٰ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿١٨﴾ وَمَا كَانَ ٱلنَّاسُ إِلَّآ أُمَّةً وَٰحِدَةً فَٱخْتَلَفُوا۟
ۚ وَلَوْلَا كَلِمَةٌ سَبَقَتْ مِن رَّبِّكَ لَقُضِىَ بَيْنَهُمْ فِيمَا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿١٩﴾
وَيَقُولُونَ لَوْلَآ أُنزِلَ عَلَيْهِ ءَايَةٌ مِّن رَّبِّهِۦ ۖ فَقُلْ إِنَّمَا ٱلْغَيْبُ لِلَّهِ فَٱنتَظِرُوٓا۟ إِنِّى
مَعَكُم مِّنَ ٱلْمُنتَظِرِينَ ﴿٢٠﴾

18-20. Кофирлар Худо қолиб, қўлларидан манфаат ва зарар келмайдиган бутларга ибодат қиладилар ва айтадиларки: «Мана шулар (бутлар) Худонинг ҳузурида бизнинг шафоат қилувчиларимиздир». Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Худони ерда ҳам, осмонларда ҳам (У билмайдиган), Унинг илми тааллуқ топмаган, (сиз) шафоатчи деб билган (нарсалардан) огоҳлантирасизларми?». Аллоҳ таоло кофирларнинг муқаррар қилган шерикларидан пок ва улуғдир. У инсонни халқ қилгандир (яратгандир). Ҳамма бир миллатда (динда) эди, ҳамма Худони якка ва ягона

билар эди. Кейин ботил эътиқодлар пайдо бўлиб, ихтилоф қилдилар. Аҳли куфр ва аҳли Ислом (бир-биридан) ажралди. Агар Лавҳул Маҳфузда кофирларнинг азобларини охиратга қолдиришга ҳукм бўлмаганда эди, ўрталаридаги ихтилоф Парвардигор томонидан шу дунёда ҳал қилинган бўларди. *Яъни, аҳли куфрни ҳалок қилиб, аҳли ҳақни қолдирган бўлар эди.* Кофирлар Муҳаммад (алайҳиссалом)га айтадилар: «Нима учун биз талаб қилган мўъжиза Худо тарафидан нозил бўлмайди?» Бас, уларга айтгилки: «Мўъжизанинг нозил бўлиши ё бўлмаслиги ғайб ишлардандир. Унинг илми Парвардигорга хосдир. Қачон нозил қилишни Ўзи билади. Бас, мунтазир бўлиб туринглар, мен ҳам сизлар билан бирга мунтазир бўлгувчилардanман». 11 жузъ

وَإِذَآ أَذَقْنَا ٱلنَّاسَ رَحْمَةً مِّنۢ بَعْدِ ضَرَّآءَ مَسَّتْهُمْ إِذَا لَهُم مَّكْرٌ فِىٓ ءَايَاتِنَا ۚ قُلِ ٱللَّهُ
أَسْرَعُ مَكْرًا ۚ إِنَّ رُسُلَنَا يَكْتُبُونَ مَا تَمْكُرُونَ ﴿٢١﴾

21. Вақтики Биз Макка аҳлига қаттиқ қаҳатчиликдан кейин марҳамат қилиб, осойишталик (фаровонлик) берсак, Бизнинг бу оятларимизга ёмон гумон ва ёмон андиша қиладилар. Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Аллоҳ таоло сизларнинг қилган макрларингизга тезлик билан жазо беради». Албатта, Бизнинг малоикаларимиз сизларнинг қилган макрларингизни ёзиб туради.

هُوَ ٱلَّذِى يُسَيِّرُكُمْ فِى ٱلْبَرِّ وَٱلْبَحْرِ ۖ حَتَّىٰٓ إِذَا كُنتُمْ فِى ٱلْفُلْكِ وَجَرَيْنَ بِهِم بِرِيحٍ
طَيِّبَةٍ وَفَرِحُوا۟ بِهَا جَآءَتْهَا رِيحٌ عَاصِفٌ وَجَآءَهُمُ ٱلْمَوْجُ مِن كُلِّ مَكَانٍ وَظَنُّوٓا۟
أَنَّهُمْ أُحِيطَ بِهِمْ ۙ دَعَوُا۟ ٱللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَ لَئِنْ أَنجَيْتَنَا مِنْ هَٰذِهِۦ لَنَكُونَنَّ
مِنَ ٱلشَّٰكِرِينَ ﴿٢٢﴾ فَلَمَّآ أَنجَىٰهُمْ إِذَا هُمْ يَبْغُونَ فِى ٱلْأَرْضِ بِغَيْرِ ٱلْحَقِّ ۗ يَٰٓأَيُّهَا
ٱلنَّاسُ إِنَّمَا بَغْيُكُمْ عَلَىٰٓ أَنفُسِكُم ۖ مَّتَٰعَ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا ۖ ثُمَّ إِلَيْنَا مَرْجِعُكُمْ
فَنُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٢٣﴾

22-23. Парвардигор шундай Зотдирки, сизларни қуруқликда ва дарёда сайру саёҳат қилдиради. Ҳатто, сизлар кемаларга тушиб, саёҳат қиласизлар. Кема уларни олиб мувофиқи шамол ҳаракат қилади. Кеманинг ичида хурсанд бўлиб турганларида, ногоҳ уларга қаттиқ шамол келади, дарёда ҳар тарафдан мавж кўтарилади. Мавжлар тарафидан ўраниб олинганликларини гумон қиладилар (аниқ сезадилар). Кемалар ғарқ бўлиш ҳолатида қолганда, Худога дуо қилиб, холис Унга ибодат қилмоқчи бўлиб аҳд қиладилар. Айтадиларки: «Эй Парвардигоро, агар бизларга бу балодан нажот берсанг, шукр қилгувчилардан бўлар эдик». Вақтики Худойи таоло дуоларини мустажоб қилиб, бу балодан нажот берса, улар ҳамма нарсани (Аллоҳнинг лутфини) эсларидан чиқариб, яна ноҳақ зулм қила бошлайдилар. Эй кофирлар, бу зулмларингизнинг зарари ўз нафсларингиз зиёнигадир. Энди тирикликларингизда дунёнинг озгина

манфаатидан баҳра олинглар. Сўнгра қайтишингиз Бизнинг олдимизга (ҳузуримизга) бўлади. Биз сизларни қилган амалларингиздан огоҳлантирамиз *ва жазо берамиз.*

إِنَّمَا مَثَلُ ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَا كَمَآءٍ أَنزَلۡنَٰهُ مِنَ ٱلسَّمَآءِ فَٱخۡتَلَطَ بِهِۦ نَبَاتُ ٱلۡأَرۡضِ
مِمَّا يَأۡكُلُ ٱلنَّاسُ وَٱلۡأَنۡعَٰمُ حَتَّىٰٓ إِذَآ أَخَذَتِ ٱلۡأَرۡضُ زُخۡرُفَهَا وَٱزَّيَّنَتۡ وَظَنَّ
أَهۡلُهَآ أَنَّهُمۡ قَٰدِرُونَ عَلَيۡهَآ أَتَىٰهَآ أَمۡرُنَا لَيۡلًا أَوۡ نَهَارٗا فَجَعَلۡنَٰهَا حَصِيدٗا كَأَن لَّمۡ
11 жузъ تَغۡنَ بِٱلۡأَمۡسِۚ كَذَٰلِكَ نُفَصِّلُ ٱلۡأٓيَٰتِ لِقَوۡمٖ يَتَفَكَّرُونَ ٢٤ وَٱللَّهُ يَدۡعُوٓاْ
إِلَىٰ دَارِ ٱلسَّلَٰمِ وَيَهۡدِي مَن يَشَآءُ إِلَىٰ صِرَٰطٖ مُّسۡتَقِيمٖ ٢٥ ۞ لِّلَّذِينَ أَحۡسَنُواْ
ٱلۡحُسۡنَىٰ وَزِيَادَةٞۖ وَلَا يَرۡهَقُ وُجُوهَهُمۡ قَتَرٞ وَلَا ذِلَّةٌۚ أُوْلَٰٓئِكَ أَصۡحَٰبُ ٱلۡجَنَّةِۖ هُمۡ فِيهَا
خَٰلِدُونَ ٢٦

24-26. Дунё тириклиги (ҳаёти)нинг сифати (мисоли) шунга ўхшайдики, гўё осмонлардан ёмғир ёғдирдик. Унга одам ва ҳайвон ейдиган гиёҳ (ўт-ўлан)лар аралашди. Ҳатто ер ўзининг зийнатини ҳосил қилди, *яъни гиёҳлар кўкарди*. Ер аҳли: «Энди биз ердан фойда олишга ва ҳосилларини кўтаришга қодирмиз», – деб гумон қилдилар. Ногоҳ, хоҳ кечаси, хоҳ кундузи хароб қилишга Бизнинг ҳукмимиз содир (жорий) бўлади. Бас, у ерни шундай ҳолга айлантирамизки, унда на дарахт ва на гиёҳ – ҳеч нарса йўқ, гўё илгари ҳеч нарса экилмагандек бўлиб қолади. Инсоннинг дунёдаги ҳаёти шунга ўхшайди. Ўз ҳаётининг нашъу намосидан ва жавон (ёш)лигидан фойдаланаман деб турган ҳолида, ўлим келиб, бу орзуларидан маҳрум қилади. Ақлли, фикр қилувчи қавмга қудратимизни мана шундай баён қилиб берурмиз. Аллоҳ таоло бандаларни шундай амалларга тарғиб қиладики, Дорус-салом тарафига – беҳиштга дохил бўлишларига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло хоҳлаганини ҳидоят йўлига солади. Аллоҳ таоло яхши амаллар қилган зотларга бу дунёда яхшиликлар ато қилади, охиратда савобини *ўн баравар* зиёда қилиб беради. Юзларини қоралик ва хорлик ўраб олмайди. Ана ўшалар жаннат эгаларидирлар. Унда абадий қоладилар.

وَٱلَّذِينَ كَسَبُواْ ٱلسَّيِّـَٔاتِ جَزَآءُ سَيِّئَةِۭ بِمِثۡلِهَا وَتَرۡهَقُهُمۡ ذِلَّةٞۖ مَّا لَهُم مِّنَ ٱللَّهِ مِنۡ
عَاصِمٖۖ كَأَنَّمَآ أُغۡشِيَتۡ وُجُوهُهُمۡ قِطَعٗا مِّنَ ٱلَّيۡلِ مُظۡلِمًاۚ أُوْلَٰٓئِكَ أَصۡحَٰبُ ٱلنَّارِۖ
هُمۡ فِيهَا خَٰلِدُونَ ٢٧ وَيَوۡمَ نَحۡشُرُهُمۡ جَمِيعٗا ثُمَّ نَقُولُ لِلَّذِينَ أَشۡرَكُواْ مَكَانَكُمۡ أَنتُمۡ
وَشُرَكَآؤُكُمۡۚ فَزَيَّلۡنَا بَيۡنَهُمۡۖ وَقَالَ شُرَكَآؤُهُم مَّا كُنتُمۡ إِيَّانَا تَعۡبُدُونَ ٢٨ فَكَفَىٰ بِٱللَّهِ
شَهِيدَۢا بَيۡنَنَا وَبَيۡنَكُمۡ إِن كُنَّا عَنۡ عِبَادَتِكُمۡ لَغَٰفِلِينَ ٢٩ هُنَالِكَ تَبۡلُواْ كُلُّ نَفۡسٖ
مَّآ أَسۡلَفَتۡۚ وَرُدُّوٓاْ إِلَى ٱللَّهِ مَوۡلَىٰهُمُ ٱلۡحَقِّۖ وَضَلَّ عَنۡهُم مَّا كَانُواْ يَفۡتَرُونَ ٣٠

27-30. Ҳаётларида гуноҳни касб қилган кофирлар жамоасига гуноҳларига мувофиқ жазо берилади, *зиёда берилмайди*. Юзларида хорлик ғубори пайдо бўлади. Худонинг азобидан (бирор-бир) паноҳ берувчи (жазодан сақлаб қолувчи) бўлмайди. Юзлари шу қадар қора бўладики, гўё қоронғу кечанинг бир бўлаги ўраб олгандек. Улар дўзах аҳлидирлар ва унда абадий қоладилар. Қиёмат куни барча мушрикларни бир жойга тўплаймиз. Кейин мушрикларга айтамиз: «Сизлар бизга шерик қилган бутларингиз билан бир жойда турינглар». Бас, ўрталарини жудо қилиб туриб, мушриклардан сўраймиз: «Нима учун бутларга ибодат қилдингизлар?». Мушриклар айтадилар: «Бу бутлар бизни ўз ибодатларига тарғиб қилдилар». Бутлардан сўралади: «Нима учун тарғиб қилдингизлар?». Бутлар гўё бўлиб айтадиларки: «Сизлар бизга ибодат қилганингиз йўқ. Биз сизларни кўрганимиз ҳам йўқ. Бизда тил ҳам йўқ эди, сизларни қандай тарғиб қилар эдик? Сизлар билан бизнинг ўртамизда Худо гувоҳдир. Биз, албатта, сизларнинг ибодатларингиздан ғофил эдик». У жойда ҳар бир нафс (жон) қилган амалларининг жазосини тортади. Уларнинг ҳукми барча ишларни тасарруф қилгувчи Парвардигорга топширилади. «Қиёматда бизга шафеъ бўлади», — деган бутлари уларни тарк этиб, йўқ бўлиб кетади. 11 жузъ

قُلْ مَن يَرْزُقُكُم مِّنَ ٱلسَّمَآءِ وَٱلْأَرْضِ أَمَّن يَمْلِكُ ٱلسَّمْعَ وَٱلْأَبْصَٰرَ وَمَن يُخْرِجُ
ٱلْحَىَّ مِنَ ٱلْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ ٱلْمَيِّتَ مِنَ ٱلْحَىِّ وَمَن يُدَبِّرُ ٱلْأَمْرَ ۚ فَسَيَقُولُونَ ٱللَّهُ ۚ
فَقُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٣١﴾ فَذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبُّكُمُ ٱلْحَقُّ ۖ فَمَاذَا بَعْدَ ٱلْحَقِّ إِلَّا ٱلضَّلَٰلُ ۖ
فَأَنَّىٰ تُصْرَفُونَ ﴿٣٢﴾ كَذَٰلِكَ حَقَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ عَلَى ٱلَّذِينَ فَسَقُوٓا۟ أَنَّهُمْ لَا
يُؤْمِنُونَ ﴿٣٣﴾

31-33. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирлардан сўрагил: «Сизларга ким осмондан ва ердан ризқ беради? Оё, кўзларингизга ва қулоқларингизга ким моликдир, *яъни, ким яратган*? Ким тирикни ўликдан пайдо қилади ва ўликни тирикдан чиқаради? Ким оламнинг интизомини бошқариб туради?». Бас, кофирлар Сенга жавоб берадилар: «Бу нарсаларни тасарруф қилгувчи Худодир». Бас, Сен айтгилки: «Шундай бўлса, нима учун Худодан қўрқмайсизлар ва амрини бажо келтирмайсизлар? Бас, сизларга ана шу Аллоҳдурки, ҳақиқатан Парвардигорингиздир». Мана шу ҳақ йўлдир, бундан бошқаси гумроҳликдир. Бас, энди юзларингизни қайси тарафга ўгирасизлар, *чунки худолик бир Аллоҳга хосдир*. Аллоҳнинг ҳукми фосиқларнинг устида собитдир (уларни хоҳлаганидек жазолайди). Чунки улар ҳаргиз иймон келтирмайдилар.

قُلْ هَلْ مِن شُرَكَآئِكُم مَّن يَبْدَؤُا۟ ٱلْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُۥ ۚ قُلِ ٱللَّهُ يَبْدَؤُا۟ ٱلْخَلْقَ ثُمَّ
يُعِيدُهُۥ ۖ فَأَنَّىٰ تُؤْفَكُونَ ﴿٣٤﴾ قُلْ هَلْ مِن شُرَكَآئِكُم مَّن يَهْدِىٓ إِلَى ٱلْحَقِّ ۚ قُلِ ٱللَّهُ

يَهِدِّيٓ إِلَى ٱلۡحَقِّۚ أَفَمَن يَهۡدِيٓ إِلَى ٱلۡحَقِّ أَحَقُّ أَن يُتَّبَعَ أَمَّن لَّا يَهِدِّيٓ إِلَّآ أَن يُهۡدَىٰۖ فَمَا لَكُمۡ كَيۡفَ تَحۡكُمُونَ ﴿٣٥﴾ وَمَا يَتَّبِعُ أَكۡثَرُهُمۡ إِلَّا ظَنًّاۚ إِنَّ ٱلظَّنَّ لَا يُغۡنِي مِنَ ٱلۡحَقِّ شَيۡـًٔاۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمُۢ بِمَا يَفۡعَلُونَ ﴿٣٦﴾

34-36. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушрикларга айтгил: «Худога шерик қилган бутларингиздан қай бири бир махлуқни аввал яратиб, ўлганидан кейин яна иода қилади (қайтадан тирилтира олади)?». Сен айтгил:
11 жузъ «Фақат бир (ёлғиз) Худо махлуқларни аввал бошлаб халқ қилади, кейин (улар ўлиб), йўқ бўлиб кетганида, яна қайтадан тирилтиради. Бас, қайси тарафга буриласизлар? *Сизларга лозим (нарса) шуки, Худо тарафига бурилинглар*». Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Худога шерик қилган бутларингиздан қайси бири халқни Ҳақ тарафига ҳидоят қилади? *Ҳеч қайсиси ҳидоят қилолмайди, балки (ҳаммаси) ожиздир*». Сен мушрикларга айтгил: «Фақат ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи ҳақ тарафга ҳидоят қилади». Сен мушриклардан сўрагил: «Итоат қилишга ҳақ тарафига ҳидоят қилувчи Зот (Аллоҳ) лойиқми ёки ўзи ҳам йўл топа олмайдиган ва бошқаларни ҳам ҳидоят қила олмайдиган бутлар лойиқми? *Сизларга не бўлди, ақлларингиз борми?* Қандай ҳукм чиқарасизлар?». Кофирларнинг кўплари гумонларига (хаёлларига) нима келса, шунга эргашадилар, лекин гумон Худонинг маърифати хусусида ҳеч нарсани ифода этмайди. Албатта, Аллоҳ таоло кофирларнинг феълига донодир.

وَمَا كَانَ هَٰذَا ٱلۡقُرۡءَانُ أَن يُفۡتَرَىٰ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَلَٰكِن تَصۡدِيقَ ٱلَّذِي بَيۡنَ يَدَيۡهِ وَتَفۡصِيلَ ٱلۡكِتَٰبِ لَا رَيۡبَ فِيهِ مِن رَّبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ﴿٣٧﴾ أَمۡ يَقُولُونَ ٱفۡتَرَىٰهُۖ قُلۡ فَأۡتُواْ بِسُورَةٖ مِّثۡلِهِۦ وَٱدۡعُواْ مَنِ ٱسۡتَطَعۡتُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ إِن كُنتُمۡ صَٰدِقِينَ ﴿٣٨﴾ بَلۡ كَذَّبُواْ بِمَا لَمۡ يُحِيطُواْ بِعِلۡمِهِۦ وَلَمَّا يَأۡتِهِمۡ تَأۡوِيلُهُۥۚ كَذَٰلِكَ كَذَّبَ ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِهِمۡۖ فَٱنظُرۡ كَيۡفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٣٩﴾ وَمِنۡهُم مَّن يُؤۡمِنُ بِهِۦ وَمِنۡهُم مَّن لَّا يُؤۡمِنُ بِهِۦۚ وَرَبُّكَ أَعۡلَمُ بِٱلۡمُفۡسِدِينَ ﴿٤٠﴾ وَإِن كَذَّبُوكَ فَقُل لِّي عَمَلِي وَلَكُمۡ عَمَلُكُمۡۖ أَنتُم بَرِيٓـُٔونَ مِمَّآ أَعۡمَلُ وَأَنَا۠ بَرِيٓءٞ مِّمَّا تَعۡمَلُونَ ﴿٤١﴾

37-41. Бу Қуръон бирор инсон тарафидан тўқиб чиқарилган эмас, балки Худо тарафидан ўтган китобларни тасдиқ қилиш учун нозил бўлган ҳамда бандаларга шариат аҳкомини баён қилиш учун келгандир. Бу Қуръоннинг Парвардигори олам тарафидан нозил бўлганига ҳеч шак ва шубҳа йўқдир. Балки кофирлар айтадилар: «Бу Қуръон (бир) инсон (яъни, Муҳаммад алайҳиссалом) тарафидан тўқиб ёзилгандир». Сен (эй Муҳаммад, уларга) айтгил: «Ундай бўлса фасоҳат ва балоғатда Қуръонга ўхшаш бирор сурани тўқиб олиб, келтиринглар! Агар бу даъволарингизда содиқ (ростгўй) бўлсангиз-

лар, Худодан бошқа кимни олиб келишга қодир бўлсангиз, ёрдамга чақиринглар». (Йўқ!) Уларга ҳануз Қуръоннинг таъвили (моҳияти) ва ҳақиқати зоҳир бўлгани йўқ. Улар фаҳмлари етмаган нарсани ёлғонга чиқармоқдалар. Шунга ўхшаш илгари ўтган умматлар ҳам пайғамбарларини такзиб (ёлғончи) қилган эдилар. Бас, ўша золимларнинг оқибатлари қандай бўлганини фикр қилиб кўр! Кофир (мушрик)лар орасида Қуръонни тасдиқ қиладиган шахслар ҳам бор. Уларнинг орасида Қуръонни тасдиқ қилмайдиган одамлар ҳам бор. Ваҳоланки, Парвардигоринг муфсидларнинг ҳолини билгувчи донодир. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), агар кофирлар Сени ёлғончи десалар, уларга айтгил: «Менинг амалим ўзим учун, сизларнинг амалларингиз ўзларингиз учундир. Менинг қилган амалимга ҳар қандай фойда ва зиён бўлса, унга сизларнинг алоқангиз йўқ ва сизларнинг қилган амалларингизга менинг дахлим йўқ». *(Муфассирларларнинг фикрича, бу оят қитол (жиҳод) ояти билан мансух бўлгандир).* 11 жузъ

وَمِنْهُم مَّن يَسْتَمِعُونَ إِلَيْكَ ۚ أَفَأَنتَ تُسْمِعُ ٱلصُّمَّ وَلَوْ كَانُوا۟ لَا يَعْقِلُونَ ﴿٤٢﴾

وَمِنْهُم مَّن يَنظُرُ إِلَيْكَ ۚ أَفَأَنتَ تَهْدِى ٱلْعُمْىَ وَلَوْ كَانُوا۟ لَا يُبْصِرُونَ ﴿٤٣﴾ إِنَّ

ٱللَّهَ لَا يَظْلِمُ ٱلنَّاسَ شَيْـًٔا وَلَـٰكِنَّ ٱلنَّاسَ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٤٤﴾

42-44. Кофирлардан шундай зотлар (кимсалар) борки, Сен Қуръон ўқиганда қулоқ соладилар, лекин қулоқлари ҳақ сўзни эшитишдан кардир, ҳақиқатни фаҳмламайдилар. Ахир Сен сўзингни ақллари олмаган (ақл юргизмаган) карларга эшиттира оласанми? Баъзилари Сен тарафга назар соладилар, лекин ҳақиқатингни кўрмайдилар. Сен кўрларни, агар улар кўрмасалар ҳам, йўлга сола оласанми? Албатта, Аллоҳ таоло халққа (инсонларга) асло зулм қилмайди, лекин одамларнинг ўзлари ўз нафсларига зулм қиладилар.

وَيَوْمَ يَحْشُرُهُمْ كَأَن لَّمْ يَلْبَثُوٓا۟ إِلَّا سَاعَةً مِّنَ ٱلنَّهَارِ يَتَعَارَفُونَ بَيْنَهُمْ ۚ قَدْ خَسِرَ

ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِلِقَآءِ ٱللَّهِ وَمَا كَانُوا۟ مُهْتَدِينَ ﴿٤٥﴾ وَإِمَّا نُرِيَنَّكَ بَعْضَ ٱلَّذِى نَعِدُهُمْ

أَوْ نَتَوَفَّيَنَّكَ فَإِلَيْنَا مَرْجِعُهُمْ ثُمَّ ٱللَّهُ شَهِيدٌ عَلَىٰ مَا يَفْعَلُونَ ﴿٤٦﴾

45-46. Аллоҳ таоло барча халойиқни Маҳшаргоҳга жам қиладиган ўша кунни ёд қил. Улар қабрдан бош кўтариб, (ҳаёти дунёда) бир оз вақт ётган каби хаёл қиладилар. Ўрталарида баъзилар баъзиларини танийдилар. *Чунки хаёл қиладиларки, қавму қариндошларидан жудо бўлганларига кўп вақт ўтмагандир.* Худога мулоқий (рўбарў) бўлишни ёлғон деганлар ҳидоят топмай, залолатга дучор бўлиб, зиён тортадилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга шу дунёда кофирларга ваъда қилган азобнинг баъзиларини кўрсатсак, кўрасан ва ундан ибрат оласан. Ёки Сенинг ҳаёт муддатинг тугаб, вафот эттирсак, уларга етган азобни охиратда кўрасан. Чунки уларнинг келадиган (қайтадиган) жойлари Бизнинг ҳузуримиздадир. Уларнинг қилмишларига Аллоҳнинг ўзи гувоҳдир.

وَلِكُلِّ أُمَّةٍ رَّسُولٌ فَإِذَا جَآءَ رَسُولُهُمْ قُضِيَ بَيْنَهُم بِالْقِسْطِ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ
﴿٤٧﴾ وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَٰذَا الْوَعْدُ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٤٨﴾ قُل لَّآ أَمْلِكُ لِنَفْسِي
ضَرًّا وَلَا نَفْعًا إِلَّا مَا شَآءَ اللَّهُ لِكُلِّ أُمَّةٍ أَجَلٌ إِذَا جَآءَ أَجَلُهُمْ فَلَا يَسْتَـْٔخِرُونَ
سَاعَةً وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ ﴿٤٩﴾

47-49. Ҳар бир уммат учун пайғамбар (юборилиши) муқаррардир.
11 жузъ *Вақтики (умматга) пайғамбарлари келса, бу умматларга икки ҳол бор: ё тасдиқ қилиб мўмин бўладилар, ё хилоф (инкор) қилиб, кофир бўладилар.* Агар хилоф қилсалар, пайғамбар билан улар ўрталарида адолат билан ҳукм қилинади, (уларга) ҳеч қандай зулм қилинмайди. Кофирлар пайғамбарларга айтадиларки: «Агар сизлар ростгўй бўлсангизлар, ваъда қилган азобларингиз қачон бўлади?» Сен, (эй Муҳаммад алайҳиссалом), уларга айтгил: «Мен ўз нафсим зарарига ҳам, фойдасига ҳам молик (қодир) эмасман. Магар Худонинг хоҳлагани бўлади». Ҳар бир умматнинг ҳалок бўлиши учун вақт муқаррар (аниқ тайинланган)дир. Вақтики муддат тамом бўлса, ҳалокат вақти андак замон (оз фурсат) кеч ҳам қолмайди ва андак замон илгари (олдинроқ) ҳам бўлмайди.

قُلْ أَرَءَيْتُمْ إِنْ أَتَىٰكُمْ عَذَابُهُۥ بَيَٰتًا أَوْ نَهَارًا مَّاذَا يَسْتَعْجِلُ مِنْهُ الْمُجْرِمُونَ ﴿٥٠﴾
أَثُمَّ إِذَا مَا وَقَعَ ءَامَنتُم بِهِۦٓ ءَآلْـَٰٔنَ وَقَدْ كُنتُم بِهِۦ تَسْتَعْجِلُونَ ﴿٥١﴾ ثُمَّ قِيلَ لِلَّذِينَ
ظَلَمُوا۟ ذُوقُوا۟ عَذَابَ الْخُلْدِ هَلْ تُجْزَوْنَ إِلَّا بِمَا كُنتُمْ تَكْسِبُونَ ﴿٥٢﴾

50-52. Кофирларга айтгил: «Менга айтинглар-чи, агар кечаси ё кундузи азоб келса (сизларга ҳеч бир фойдаси йўқ). *Азобни илгари (тезроқ) талаб қилган гуноҳкорлар* у азобни қайси хилда талаб қилиб, шошилсалар (шошилтирсалар), талабларига мувофиқ (азоб) келади. *Сўнгра азоб даф бўлса,* кейин иймон келтирасизларми? Энди ҳозирги иймон келтирганларингиз фойда бермайди. (Нега) бундан олдин иймон келтирмадингизлар, балки азобнинг (тезроқ) келишига шошилдингизлар?». Сўнгра золимларга айтиладики: «Давомли (абадий) азобнинг «мазасини» тотинглар. Сизларга бу жазони касб қилган куфрларингиз учунгина берилади».

۞ وَيَسْتَنۢبِـُٔونَكَ أَحَقٌّ هُوَ قُلْ إِى وَرَبِّىٓ إِنَّهُۥ لَحَقٌّ وَمَآ أَنتُم بِمُعْجِزِينَ ﴿٥٣﴾
وَلَوْ أَنَّ لِكُلِّ نَفْسٍ ظَلَمَتْ مَا فِى الْأَرْضِ لَافْتَدَتْ بِهِۦ وَأَسَرُّوا۟ النَّدَامَةَ لَمَّا رَأَوُا۟
الْعَذَابَ وَقُضِىَ بَيْنَهُم بِالْقِسْطِ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿٥٤﴾ أَلَآ إِنَّ لِلَّهِ مَا فِى
السَّمَٰوَٰتِ وَالْأَرْضِ أَلَآ إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٥٥﴾
هُوَ يُحْىِۦ وَيُمِيتُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٥٦﴾

53-56. Кофирлар Сендан сўрайдилар: «Айт-чи, Худонинг бизларни азоблайман, деган ваъдаси ҳақми?». Сен айтгил: «Ҳа, Парвардигоримга қасамёд қиламанки, албатта, ҳақдир. Лекин сизлар Худони ожиз қилиб, бу азобни қайтаролмайсизлар!». Агар Қиёмат куни ҳар бир зулм қилинган (азобга дучор бўлган) нафс (киши) ер юзидаги барча бойлик эгаси бўлса, ўзининг азобдан халос бўлиши учун ўша бойликнинг ҳаммасини фидя беришга тайёр бўлади. Лекин у вақтда эваз (тўлов, фидя) қабул қилинмайди. Азобни кўрган ҳолларида қаттиқ пушаймон бўладилар. Ўрталарида адолат билан ҳукм қилинади. Уларга жазо беришда зулм қилинмайди. Огоҳ бўлингларки, осмонлар ва ердаги ашёларнинг ҳаммаси Ху- **11 жузъ**
донинг мулкидир. Огоҳ бўлингларки, Худонинг барча ваъдалари ҳақдир. Лекин кофирлар жоҳилдирлар, билмайдилар. Парвардигор Ўзи ҳаёт беради, Ўзи мавт (ўлим) беради. Ҳаммангиз ўласизлар ва Аллоҳ таоло тарафига борасизлар (қайтасизлар).

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ قَدْ جَآءَتْكُم مَّوْعِظَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَشِفَآءٌ لِّمَا فِى ٱلصُّدُورِ وَهُدًى
وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿٥٧﴾ قُلْ بِفَضْلِ ٱللَّهِ وَبِرَحْمَتِهِۦ فَبِذَٰلِكَ فَلْيَفْرَحُوا۟ هُوَ خَيْرٌ مِّمَّا
يَجْمَعُونَ ﴿٥٨﴾ قُلْ أَرَءَيْتُم مَّآ أَنزَلَ ٱللَّهُ لَكُم مِّن رِّزْقٍ فَجَعَلْتُم مِّنْهُ حَرَامًا
وَحَلَٰلًا قُلْ ءَآللَّهُ أَذِنَ لَكُمْ ۖ أَمْ عَلَى ٱللَّهِ تَفْتَرُونَ ﴿٥٩﴾ وَمَا ظَنُّ ٱلَّذِينَ
يَفْتَرُونَ عَلَى ٱللَّهِ ٱلْكَذِبَ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى ٱلنَّاسِ
وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَشْكُرُونَ ﴿٦٠﴾

57-60. Эй инсонлар, сизларга Худо тарафидан Қуръон нозил бўлди. У Қуръонда сизлар учун панд ва насиҳатлар мавжуд. Унда дилларингиздаги ахлоқий мараз (дард)ларингизга шифо бордир. (Бу Қуръон) гумроҳларни ҳидоят қилгувчи, мўминларга раҳматдир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «Бу Қуръон Парвардигорнинг фазл ва марҳаматидир». Мўминлар унинг нозил бўлганига шукр қилсинлар ва унга хурсанд бўлсинлар. У (Қуръон) уларнинг жам қилган молларидан яхшироқдир. (Эй мушриклар), Худо сизларга юборган покиза ризқнинг баъзиларини ҳаром қилиб оласизлар ва баъзисини ҳалол қилиб оласизлар. (Бундай қилиш учун) Худо сизларга рухсат бердими ё Худога туҳмат қиляпсизларми?!» Бу Худога туҳмат қилувчиларнинг ва ёлғон нисбат берувчиларнинг (ўй) гумонлари қандай? Қиёмат куни Худо булар билан қандай муомала қилиши ҳақида қандай гумон қиладилар?! Албатта, Аллоҳ таоло бандаларига марҳаматлидир. Уларни фавран (дарҳол) азоб қилмайди. Лекин кўплари Худонинг бу неъматига шукр қилмайдилар.

وَمَا تَكُونُ فِى شَأْنٍ وَمَا تَتْلُوا۟ مِنْهُ مِن قُرْءَانٍ وَلَا تَعْمَلُونَ مِنْ عَمَلٍ إِلَّا كُنَّا
عَلَيْكُمْ شُهُودًا إِذْ تُفِيضُونَ فِيهِ ۚ وَمَا يَعْزُبُ عَن رَّبِّكَ مِن مِّثْقَالِ ذَرَّةٍ فِى

ٱلْأَرْضِ وَلَا فِى ٱلسَّمَآءِ وَلَآ أَصْغَرَ مِن ذَٰلِكَ وَلَآ أَكْبَرَ إِلَّا فِى كِتَٰبٍ مُّبِينٍ ﴿٦١﴾ أَلَآ
إِنَّ أَوْلِيَآءَ ٱللَّهِ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٦٢﴾ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟
وَكَانُوا۟ يَتَّقُونَ ﴿٦٣﴾ لَهُمُ ٱلْبُشْرَىٰ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَفِى ٱلْءَاخِرَةِ ۚ لَا
تَبْدِيلَ لِكَلِمَٰتِ ٱللَّهِ ۚ ذَٰلِكَ هُوَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿٦٤﴾

11 жузъ 61-64. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен бирон ишга машғул бўлсанг ё Қуръондан тиловат қилсанг ёки сизлар бирор амалларни қилишга киришсангизлар, Биз ўша ишга қасд ва ният қилган вақтларингизда шу амалларингизни билиб турамиз. Яъни сизларнинг ҳар бир қилган ишингиз, хоҳ ошкора бўлсин ва хоҳ махфий, бизга маълумдир. Ерда ё осмонларда катта ёки кичик бир зарра бўлсин, Парвардигорингдан махфий эмас. У нарса Лавҳул Маҳфузда ёзилгандир. Огоҳ бўлингларки, Қиёмат куни Худонинг дўстларига ҳеч қандай хавф (хатар) йўқ. Улар ғамгин ҳам бўлмайдилар. У зотлариким, ҳамиша иймонларида давом этиб, доимо ўзларини ёмон ишлардан сақлайдилар, уларга бу дунёда ва охиратда Худонинг марҳаматидан башорат бор. Худонинг сўзларида ва қилган ваъдаларида ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Мана шу буюк (улуғ) муродга етмоқдир.

وَلَا يَحْزُنكَ قَوْلُهُمْ ۘ إِنَّ ٱلْعِزَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا ۚ هُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٦٥﴾ أَلَآ إِنَّ لِلَّهِ
مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَن فِى ٱلْأَرْضِ ۗ وَمَا يَتَّبِعُ ٱلَّذِينَ يَدْعُونَ مِن
دُونِ ٱللَّهِ شُرَكَآءَ ۚ إِن يَتَّبِعُونَ إِلَّا ٱلظَّنَّ وَإِنْ هُمْ إِلَّا يَخْرُصُونَ ﴿٦٦﴾ هُوَ
ٱلَّذِى جَعَلَ لَكُمُ ٱلَّيْلَ لِتَسْكُنُوا۟ فِيهِ وَٱلنَّهَارَ مُبْصِرًا ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ
لِّقَوْمٍ يَسْمَعُونَ ﴿٦٧﴾

65-67. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларнинг шаънингга айтган сўзлари Сени ғамгин қилмасин. Аллоҳ таоло охири Сени кофирлар устидан ғалаба қилдиради. Чунки ҳамма ғалаба (устунлик) Худоникидир. Аллоҳ таоло уларнинг сўзларини эшитувчи ва ҳолларини билгувчи донодир. Огоҳ бўлингларки, осмонлардаги малоикалар ва ердаги инсонлар Худонинг бандаси ва махлуқидирлар. Бу кофирлар нима учун Худони қўйиб, бутларга мутобаат қиладилар (эргашадилар) ва Худога уларни шерик қиладилар? Бу кофирлар ўз гумонларидан бошқага эргашмайдилар. У зот – Парвардигор ётиб дам олишларингиз учун кечани халқ қилди. Ва тирикчилик қилишларингиз учун кундузни халқ қилди. Албатта, кеча ва кундузни халқ қилищда Қуръонни эшитиб, унга амал қиладиган қавм учун Худонинг якка ва ягоналигига далолат қиладиган далиллар бордир.

قَالُوا۟ ٱتَّخَذَ ٱللَّهُ وَلَدًا ۗ سُبْحَٰنَهُۥ ۖ هُوَ ٱلْغَنِىُّ ۖ لَهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۚ

إِنْ عِندَكُم مِّن سُلْطَٰنٍۭ بِهَٰذَآ ۚ أَتَقُولُونَ عَلَى ٱللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٦٨﴾ قُلْ
إِنَّ ٱلَّذِينَ يَفْتَرُونَ عَلَى ٱللَّهِ ٱلْكَذِبَ لَا يُفْلِحُونَ ﴿٦٩﴾ مَتَٰعٌ فِى ٱلدُّنْيَا ثُمَّ
إِلَيْنَا مَرْجِعُهُمْ ثُمَّ نُذِيقُهُمُ ٱلْعَذَابَ ٱلشَّدِيدَ بِمَا كَانُوا۟ يَكْفُرُونَ ﴿٧٠﴾

68-70. Баъзи кофирлар: «Худойи таолонинг боласи бордир», – деб айтадилар. Худойи таоло ўзига бола муқаррар қилишдан покдир. Парвардигор ҳамма нарсадан мустағний (беҳожат)дир. Осмонлардаги ва ердаги ашёлар Худонинг мулки ва махлуқидир. Сизларнинг бу даъволарингизга ҳеч қандай ҳужжат йўқ! Нима учун Худо ҳақида билмаган нарсаларингизни гапираверасизлар? Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худо шаънига ёлғон нисбат берадиган гуруҳларга айтгил: «(Улар) ҳаргиз нажот топмайдилар». Кофирлар бу дунёда озгина фойдаланадилар, кейин Бизнинг ҳузуримизга ружу қиладилар (қайтадилар). Сўнгра қилган куфрларининг бадалига қаттиқ азобнинг «мазасини» (оғриғини) тотдирурмиз.

11 жузъ

۞ وَٱتْلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ نُوحٍ إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِۦ يَٰقَوْمِ إِن كَانَ كَبُرَ عَلَيْكُم مَّقَامِى
وَتَذْكِيرِى بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ فَعَلَى ٱللَّهِ تَوَكَّلْتُ فَأَجْمِعُوٓا۟ أَمْرَكُمْ وَشُرَكَآءَكُمْ ثُمَّ لَا يَكُنْ
أَمْرُكُمْ عَلَيْكُمْ غُمَّةً ثُمَّ ٱقْضُوٓا۟ إِلَىَّ وَلَا تُنظِرُونِ ﴿٧١﴾ فَإِن تَوَلَّيْتُمْ فَمَا سَأَلْتُكُم مِّنْ
أَجْرٍ ۖ إِنْ أَجْرِىَ إِلَّا عَلَى ٱللَّهِ ۖ وَأُمِرْتُ أَنْ أَكُونَ مِنَ ٱلْمُسْلِمِينَ ﴿٧٢﴾ فَكَذَّبُوهُ
فَنَجَّيْنَٰهُ وَمَن مَّعَهُۥ فِى ٱلْفُلْكِ وَجَعَلْنَٰهُمْ خَلَٰٓئِفَ وَأَغْرَقْنَا ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا ۖ
فَٱنظُرْ كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلْمُنذَرِينَ ﴿٧٣﴾

71-73. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушрикларга Нуҳ (алайҳиссалом)нинг ҳикоясини ўқиб эшиттиргил. Вақтики, Нуҳ (алайҳиссалом) ўз қавмига: «Эй қавмим, агар сизларга менинг вужудим (ораларингизда мавжуд эканим) ва сизларга Худонинг оятлари билан насиҳат қилишим оғир келган бўлса, бас, мен Худога таваккул қилдим. Қўлларингиздан келса, менинг хилофим (зиддим)га ёрдамчиларингизни жам қилинглар, кучли тадбирлар қилинглар. Мен тўғримда қилган ҳар қандай тадбирингиз махфий қолмасин. Ҳаммасини мен томонга мутаважжиҳ қилинглар (қаратинглар). Қўлларингиздан келса, менга муҳлат (ҳам) берманглар. Агар менинг насиҳатларимдан юз ўгирар бўлсангизлар, нима сабабдан юз ўгирасизлар? Мен сизлардан пайғамбарлигим учун ужрат (ҳақ) сўраганим йўқ-ку?! Менинг ажру савобим Парвардигорга ҳаволадир. Мен Худонинг амрига бўйин сунувчиман ва шунга маъмурман». Бас, Нуҳ (алайҳиссалом)нинг қавми уни ёлғончи қилганидан сўнг уларга тўфон балосини юбордик. Нуҳ (алайҳиссалом) ва у билан кемада бирга бўлган мусулмонларга нажот бердик. Кофирларни ҳалок қилиб, мусулмонларни

уларнинг ўрнига қолдирдик. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), фикрлаб назар қил, охир кофирларнинг оқибатлари нима бўлди?

ثُمَّ بَعَثْنَا مِنۢ بَعْدِهِۦ رُسُلًا إِلَىٰ قَوْمِهِمْ فَجَآءُوهُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ فَمَا كَانُوا۟ لِيُؤْمِنُوا۟
بِمَا كَذَّبُوا۟ بِهِۦ مِن قَبْلُ ۚ كَذَٰلِكَ نَطْبَعُ عَلَىٰ قُلُوبِ ٱلْمُعْتَدِينَ ﴿٧٤﴾ ثُمَّ بَعَثْنَا مِنۢ
بَعْدِهِم مُّوسَىٰ وَهَٰرُونَ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَمَلَإِي۟هِۦ بِـَٔايَٰتِنَا فَٱسْتَكْبَرُوا۟ وَكَانُوا۟ قَوْمًا
11 жузъ مُّجْرِمِينَ ﴿٧٥﴾ فَلَمَّا جَآءَهُمُ ٱلْحَقُّ مِنْ عِندِنَا قَالُوٓا۟ إِنَّ هَٰذَا لَسِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿٧٦﴾ قَالَ
مُوسَىٰٓ أَتَقُولُونَ لِلْحَقِّ لَمَّا جَآءَكُمْ ۖ أَسِحْرٌ هَٰذَا وَلَا يُفْلِحُ ٱلسَّٰحِرُونَ ﴿٧٧﴾
قَالُوٓا۟ أَجِئْتَنَا لِتَلْفِتَنَا عَمَّا وَجَدْنَا عَلَيْهِ ءَابَآءَنَا وَتَكُونَ لَكُمَا ٱلْكِبْرِيَآءُ فِى
ٱلْأَرْضِ وَمَا نَحْنُ لَكُمَا بِمُؤْمِنِينَ ﴿٧٨﴾

74-78. Биз Нуҳ (алайҳиссалом)дан кейин унинг қавмига (бошқа) пайғамбарлар юбордик. Бу пайғамбарлар қавмига ҳужжатлар ва мўъжизалар келтирдилар, лекин улар илгари қилган куфру инкорларини давом эттирдилар. Шунга ўхшаш, ҳаддан тажовуз қилганларнинг дилларига муҳр босамиз. Бу пайғамбарлардан сўнг Мусо (алайҳиссалом) билан Ҳорун (алайҳиссалом)ни Фиръавн қавмига ҳужжат ва мўъжизалар билан юбордик. Бас, улар саркашлик қилиб, гуноҳкор қавм бўлдилар. Вақтики, Бизнинг тарафимиздан ҳақ далил – мўъжизалар келганида: «Бу очиқ жодугарликдир», – дедилар. Мусо (алайҳиссалом) қавмига айтдики: «Худо тарафидан ҳақ дин ва мўъжизалар келса, жодугарлик дейсизларми? Бу жодугарликми? Жодугарлар Худонинг азобидан ҳаргиз нажот топмайдилар-ку?!» Кофирлар айтдиларки: «Сен бизни ота-бобомиздан қолган диндан манъ қилгани келдингми? Сенинг мақсадинг шуки, бизни йўқ қилиб, икковинг (аканг Ҳорун билан) ер юзига ҳукмрон бўлмоқчисизлар. Биз сизларга ишонмаймиз ва сўзларингизни тасдиқ қилмаймиз».

وَقَالَ فِرْعَوْنُ ٱئْتُونِى بِكُلِّ سَٰحِرٍ عَلِيمٍ ﴿٧٩﴾ فَلَمَّا جَآءَ ٱلسَّحَرَةُ قَالَ لَهُم مُّوسَىٰٓ
أَلْقُوا۟ مَآ أَنتُم مُّلْقُونَ ﴿٨٠﴾ فَلَمَّآ أَلْقَوْا۟ قَالَ مُوسَىٰ مَا جِئْتُم بِهِ ٱلسِّحْرُ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ
سَيُبْطِلُهُۥٓ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُصْلِحُ عَمَلَ ٱلْمُفْسِدِينَ ﴿٨١﴾ وَيُحِقُّ ٱللَّهُ ٱلْحَقَّ بِكَلِمَٰتِهِۦ وَلَوْ
كَرِهَ ٱلْمُجْرِمُونَ ﴿٨٢﴾ فَمَآ ءَامَنَ لِمُوسَىٰٓ إِلَّا ذُرِّيَّةٌ مِّن قَوْمِهِۦ عَلَىٰ خَوْفٍ مِّن
فِرْعَوْنَ وَمَلَإِي۟هِمْ أَن يَفْتِنَهُمْ ۚ وَإِنَّ فِرْعَوْنَ لَعَالٍ فِى ٱلْأَرْضِ وَإِنَّهُۥ لَمِنَ
ٱلْمُسْرِفِينَ ﴿٨٣﴾ وَقَالَ مُوسَىٰ يَٰقَوْمِ إِن كُنتُمْ ءَامَنتُم بِٱللَّهِ فَعَلَيْهِ تَوَكَّلُوٓا۟ إِن كُنتُم

مُسْلِمِينَ ﴿٨٤﴾ فَقَالُوا عَلَى اللَّهِ تَوَكَّلْنَا رَبَّنَا لَا تَجْعَلْنَا فِتْنَةً لِّلْقَوْمِ الظَّالِمِينَ
﴿٨٥﴾ وَنَجِّنَا بِرَحْمَتِكَ مِنَ الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿٨٦﴾

79-86. Фиръавн қавмига айтдики: «Менинг олдимга барча илмли жодугарларни олиб келинглар». Вақтики, жодугарлар Мусо (алайҳиссалом)га муқобала қилиш учун келганларида, Мусо (алайҳиссалом) жодугарларга айтди: «Ўртага ташлайдиган (асо, арқон ва бошқа) сеҳрларингизни ташланглар». Вақтики жодугарлар жодуларини ташладилар, (Ҳазрати) Мусо
айтдики: «Мана шу қилган ишларинг сеҳрдир. Албатта, Аллоҳ таоло сеҳр- 11 жузъ
ларингни ботил қилур. Аллоҳ таоло фасод қилувчиларнинг ишини дуруст қилмайди. Агарчи кофирлар хоҳламасалар ҳам, Аллоҳ таоло ўз фармони билан ҳақни собит қилади». Мусо (алайҳиссалом)га Фиръавн қавмининг азоб беришидан қўрқсалар ҳам, бани Исроилдан фақат озгиналари иймон келтирдилар, холос. Чунки Фиръавн ер юзида ҳукмрон ва ғолиб эди. Ва у ҳаддан ошгувчилардан эди. Мусо (алайҳиссалом иймон келтирган) ўз қавмига айтдики: «Агар Худога ишонган бўлсангизлар ва иймон келтирган бўлсангизлар, Худонинг ўзига таваккул қилинглар». Бас, мўминлар айтдиларки: «Худога таваккул қилдик. Эй Парвардигоро, бизни бу золим қавмнинг қўлига топширмагил, чунки улар азоб берадилар. Бизга ўз фазлу марҳаматинг билан бу кофир қавмдан нажот бер».

وَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ مُوسَىٰ وَأَخِيهِ أَن تَبَوَّآ لِقَوْمِكُمَا بِمِصْرَ بُيُوتًا وَاجْعَلُوا بُيُوتَكُمْ
قِبْلَةً وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ ۗ وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٨٧﴾ وَقَالَ مُوسَىٰ رَبَّنَا إِنَّكَ آتَيْتَ
فِرْعَوْنَ وَمَلَأَهُ زِينَةً وَأَمْوَالًا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا رَبَّنَا لِيُضِلُّوا عَن سَبِيلِكَ ۖ رَبَّنَا
اطْمِسْ عَلَىٰ أَمْوَالِهِمْ وَاشْدُدْ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ فَلَا يُؤْمِنُوا حَتَّىٰ يَرَوُا الْعَذَابَ الْأَلِيمَ
﴿٨٨﴾ قَالَ قَدْ أُجِيبَت دَّعْوَتُكُمَا فَاسْتَقِيمَا وَلَا تَتَّبِعَانِّ سَبِيلَ الَّذِينَ لَا
يَعْلَمُونَ ﴿٨٩﴾

87-89. Мусо ва унинг биродарига ваҳий юбориб, амр қилдик: «Қавминг Мисрда яшаши учун уйлар қуринглар. Ибодат қилиш учун уйларингизни Каъба тарафига муқобил қилиб бино қилинглар. Намозни адо этинглар. Мўминларга: «Энди золимлардан нажот топдингизлар», — деб башорат бергил. Мусо (алайҳиссалом) дуо қилиб айтдики: «Эй Парвардигор, Фиръавн ва унинг қавмига дунёнинг бойлик ва зийнатларини бердинг. Токи олам аҳлини Сенинг йўлингдан гумроҳ қилиши учун ҳаётларида моллар бердинг. Эй Парвардигор, уларнинг мол-дунёларини йўқ қилгил ва дилларига муҳр босгил. Улар то Сенинг аламли азобингни кўрмагунларича иймон келтирмаслар». Аллоҳ таоло айтди: «Икковингизнинг дуоларингиз мустажоб бўлди. Икковингиз ўз вазифаларингизда мустаҳкам туринглар. Ҳаргиз бу жоҳилларнинг йўлидан юрманглар».

۞ وَجَٰوَزۡنَا بِبَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ ٱلۡبَحۡرَ فَأَتۡبَعَهُمۡ فِرۡعَوۡنُ وَجُنُودُهُۥ بَغۡيٗا وَعَدۡوًاۖ حَتَّىٰٓ
إِذَآ أَدۡرَكَهُ ٱلۡغَرَقُ قَالَ ءَامَنتُ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا ٱلَّذِيٓ ءَامَنَتۡ بِهِۦ بَنُوٓاْ إِسۡرَٰٓءِيلَ
وَأَنَا۠ مِنَ ٱلۡمُسۡلِمِينَ ﴿٩٠﴾ ءَآلۡـَٰٔنَ وَقَدۡ عَصَيۡتَ قَبۡلُ وَكُنتَ مِنَ ٱلۡمُفۡسِدِينَ ﴿٩١﴾
فَٱلۡيَوۡمَ نُنَجِّيكَ بِبَدَنِكَ لِتَكُونَ لِمَنۡ خَلۡفَكَ ءَايَةٗۚ وَإِنَّ كَثِيرٗا مِّنَ ٱلنَّاسِ عَنۡ
ءَايَٰتِنَا لَغَٰفِلُونَ ﴿٩٢﴾

11 жузъ

90-92. Бани Исроилга нажот бериб, дарё (денгиз)дан ўтказдик. Фиръавн (эса) лашкарлари билан бани Исроилга азоб бериш ва ўлдириш учун орқаларидан қувлаб келди. *Лашкари билан дарё (денгиз)га кирди.* Вақтики, дарё (денгиз) уларни ғарқ қила бошлади, Фиръавн ғарқ бўлиш ҳолатида: «Бир Худодан бошқа маъбуд йўқдир. Мен Бани Исроил иймон келтирган Худони тасдиқ қилдим (унга иймон келтирдим). Мен Худога инқиёд қилувчиларданман (бўйин сунувчиларданман)», — деб айтди. *(Шунда Аллоҳнинг амри билан) Жаброил (алайҳиссалом) зоҳир бўлиб, Фиръавннинг жавобига айтдики:* «Энди иймон келтирасанми? Илгари саркашлик қилган эдинг. *Энди ҳаётингдан умидинг узилганидан кейин келтирган иймонинг фойда бермайди.* Бу кун сенинг баданингга (жасадингга) нажот берамиз. Жасадингни зоҳир қиламиз (қутқарамиз), токи сендан кейин қолганларга ибрат бўлсин. Чунки, кўп одамлар (Бизнинг) қудратимиз нишоналаридан ғофилдирлар.

وَلَقَدۡ بَوَّأۡنَا بَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ مُبَوَّأَ صِدۡقٖ وَرَزَقۡنَٰهُم مِّنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ فَمَا ٱخۡتَلَفُواْ
حَتَّىٰ جَآءَهُمُ ٱلۡعِلۡمُۚ إِنَّ رَبَّكَ يَقۡضِي بَيۡنَهُمۡ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ فِيمَا كَانُواْ فِيهِ يَخۡتَلِفُونَ
﴿٩٣﴾ فَإِن كُنتَ فِي شَكّٖ مِّمَّآ أَنزَلۡنَآ إِلَيۡكَ فَسۡـَٔلِ ٱلَّذِينَ يَقۡرَءُونَ ٱلۡكِتَٰبَ
مِن قَبۡلِكَۚ لَقَدۡ جَآءَكَ ٱلۡحَقُّ مِن رَّبِّكَ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ ٱلۡمُمۡتَرِينَ ﴿٩٤﴾ وَلَا
تَكُونَنَّ مِنَ ٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ فَتَكُونَ مِنَ ٱلۡخَٰسِرِينَ ﴿٩٥﴾ إِنَّ
ٱلَّذِينَ حَقَّتۡ عَلَيۡهِمۡ كَلِمَتُ رَبِّكَ لَا يُؤۡمِنُونَ ﴿٩٦﴾ وَلَوۡ جَآءَتۡهُمۡ كُلُّ ءَايَةٍ
حَتَّىٰ يَرَوُاْ ٱلۡعَذَابَ ٱلۡأَلِيمَ ﴿٩٧﴾

93-97. Бани Исроилни яхши баракотли жойлар (манзиллар)га жойлаштирдик. Покиза ризқлардан муқаррар қилдик. То Тавротнинг илми ҳосил бўлмагунча (яъни, Таврот нозил бўлмагунча) уларнинг ўрталарида ихтилоф пайдо бўлмади. Албатта, Парвардигоринг Қиёмат куни (уларнинг) ўрталаридаги ихтилоф тўғрисида ҳукм қилади. Бас, агар Сенга нозил қилинган пайғамбарлар ҳикоясида шак қилган бўлсанг, ўзингдан аввалги китобларни ўқиган аҳли китоблардан сўра! Сенга ҳақни баён қилувчи Қуръон

Худо тарафидан келгандир. Бизнинг оятимизга (шак келтирувчи), уни ёлғон дейдиганлардан бўлмагилки, зиёнкорлардан бўлиб қоласан. Шаънларига Худонинг азоб қилиш ҳукми собит бўлган у кофир гуруҳлар, гарчи уларга ҳамма нишоналар ва мўъжизалар келса ҳам, то аламли азобни кўрмагунча иймон келтирмайдилар. Иймон келтирмасликларини Худо ўзининг Илми қадимийси (азалийси) билан билгандир.

فَلَوْلَا كَانَتْ قَرْيَةٌ ءَامَنَتْ فَنَفَعَهَآ إِيمَـٰنُهَآ إِلَّا قَوْمَ يُونُسَ لَمَّآ ءَامَنُوا۟ كَشَفْنَا
عَنْهُمْ عَذَابَ ٱلْخِزْىِ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَمَتَّعْنَـٰهُمْ إِلَىٰ حِينٍ ﴿٩٨﴾ وَلَوْ شَآءَ رَبُّكَ 11 жузъ
لَءَامَنَ مَن فِى ٱلْأَرْضِ كُلُّهُمْ جَمِيعًا ۚ أَفَأَنتَ تُكْرِهُ ٱلنَّاسَ حَتَّىٰ يَكُونُوا۟
مُؤْمِنِينَ ﴿٩٩﴾ وَمَا كَانَ لِنَفْسٍ أَن تُؤْمِنَ إِلَّا بِإِذْنِ ٱللَّهِ ۚ وَيَجْعَلُ
ٱلرِّجْسَ عَلَى ٱلَّذِينَ لَا يَعْقِلُونَ ﴿١٠٠﴾

98-100. Ҳеч бир аҳли қаря (қишлоқ-шаҳар одамлари)га азобни муояна кўрган (яъни, азоб аломатларини кўрган) вақтларида келтирган иймонлари уларга манфаат бермади. Магар Юнус (алайҳиссалом)нинг қавми азобни муояна кўрди, иймон келтирди ва (бу) иймонлари (уларга) манфаат етказди. Вақтики, Юнус (алайҳиссалом)нинг қавми иймон келтирганида Биз улардан бу дунёда хор қилгувчи азобни кўтардик. Ва уларга то ажаллари етгунча дунёдан фойда олишга муҳлат бердик. Агар Парвардигоринг хоҳласа эди, ер юзидаги ҳамма инсон иймон келтирган бўларди. Лекин Худонинг иродаси бунга тааллуқ топгани йўқ. Иймон келтириш Сенинг иродангга боғлиқ эмас. Ахир Сен халқни иймон келтиришга мажбур қиласанми? Чунки ҳеч бир нафс (жон ўзича) иймон келтирмайди, магар Худонинг амри (изни) билан иймон келтиради. Аллоҳ Ўз оятлари ҳақида фикр қилмаган одамларга муқаррар азоб беради.

قُلِ ٱنظُرُوا۟ مَاذَا فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ وَمَا تُغْنِى ٱلْـَٔايَـٰتُ وَٱلنُّذُرُ عَن قَوْمٍ لَّا
يُؤْمِنُونَ ﴿١٠١﴾ فَهَلْ يَنتَظِرُونَ إِلَّا مِثْلَ أَيَّامِ ٱلَّذِينَ خَلَوْا۟ مِن قَبْلِهِمْ ۚ قُلْ
فَٱنتَظِرُوٓا۟ إِنِّى مَعَكُم مِّنَ ٱلْمُنتَظِرِينَ ﴿١٠٢﴾ ثُمَّ نُنَجِّى رُسُلَنَا وَٱلَّذِينَ
ءَامَنُوا۟ ۚ كَذَٰلِكَ حَقًّا عَلَيْنَا نُنجِ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٠٣﴾ قُلْ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِن كُنتُمْ فِى شَكٍّ
مِّن دِينِى فَلَآ أَعْبُدُ ٱلَّذِينَ تَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَلَـٰكِنْ أَعْبُدُ ٱللَّهَ ٱلَّذِى يَتَوَفَّىٰكُمْ
وَأُمِرْتُ أَنْ أَكُونَ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٠٤﴾ وَأَنْ أَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفًا وَلَا تَكُونَنَّ
مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿١٠٥﴾ وَلَا تَدْعُ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَا لَا يَنفَعُكَ وَلَا يَضُرُّكَ ۖ فَإِن
فَعَلْتَ فَإِنَّكَ إِذًا مِّنَ ٱلظَّـٰلِمِينَ ﴿١٠٦﴾

101-106. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушрикларга айтгил: «Эй мушриклар, осмонлар ва ерларга назар қилинглар. *Уларда қандай аломатлар борлигини кўрасизлар»*. Лекин иймон келтирмаган гуруҳларга Парвардигорнинг бу оятлари ҳеч манфаат етказмайди, пайғамбарларнинг панду насиҳатлари ҳам фойда бермайди. Бу мушриклар ўтган қавмларнинг ҳалок қилинган кунлари бошларига тушишини кутадилар. Айттил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Ўтган қавмларнинг азобига интизор тортиб (бўлиб) туринглар. Мен ҳам сизлар билан мунтазир бўлиб тургувчилярданман». У қавмлар ҳалок бўлганидан сўнг пайғамбарларга ва мўминларга нажот берган
11 жузъ эдик. Шунга ўхшаш мўминларга ҳам нажот беришимиз ҳақдир. Айт, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Эй Макка аҳли, агар сизлар Менинг динимга шак қилган бўлсангизлар, мен сизлар сиғиниб турган бутларга ибодат қилмайман. Аммо мен (фақат) сизларни ўлдирадиган (жонингизни оладиган) Парвардигор зотига ибодат қиламан. Мен Худога иймон келтиришга У томонидан маъмурдирман (амр этилганман). Ва Худо менга: «Ботил динларга мойил бўлмасдан, Ислом динини барпо қил ва мушриклардан бўлма», – деб амр қилган. Ва менга яна (шундай) амр қилганки: «Сенга манфаат ва зарар етказишга қодир бўлмаган бутларга ибодат қилма! Агар билфараз (мабодо) ибодат қилсанг, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласан!»

وَإِن يَمْسَسْكَ ٱللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُۥٓ إِلَّا هُوَ ۖ وَإِن يُرِدْكَ بِخَيْرٍ فَلَا رَآدَّ
لِفَضْلِهِۦ ۚ يُصِيبُ بِهِۦ مَن يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦ ۚ وَهُوَ ٱلْغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٠٧﴾

107. Агар Худойи таоло Сенга бирор ранж ва машаққат етказса, (уни) Худодан бошқа ҳеч ким даф қилолмайди. Агар Худойи таоло Сенга бирор неъмат ато қилишни ирода қилса, Худонинг бу фазлини ҳеч ким рад қила олмайди ва (ўз неъматини) хоҳлаган бандасига беради. Аллоҳ таоло кечиргувчи ва меҳрибондир.

قُلْ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ قَدْ جَآءَكُمُ ٱلْحَقُّ مِن رَّبِّكُمْ ۖ فَمَنِ ٱهْتَدَىٰ فَإِنَّمَا يَهْتَدِى
لِنَفْسِهِۦ ۖ وَمَن ضَلَّ فَإِنَّمَا يَضِلُّ عَلَيْهَا ۖ وَمَآ أَنَا۠ عَلَيْكُم بِوَكِيلٍ ﴿١٠٨﴾
وَٱتَّبِعْ مَا يُوحَىٰٓ إِلَيْكَ وَٱصْبِرْ حَتَّىٰ يَحْكُمَ ٱللَّهُ ۚ وَهُوَ خَيْرُ ٱلْحَٰكِمِينَ ﴿١٠٩﴾

108-109. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), халқларга айтгилки: «Эй инсонлар, Парвардигорингиз тарафидан ҳақ дин ва Қуръон келди. Бас, кимки иймон келтириб, ҳидоят топса, ўз нафсининг фойдасигадир ва ҳар кимки гумроҳ бўлса, залолатининг зарари ҳам ўз нафсига (ўзига)дир. Мен сизларга вакил (устингизда посбон) эмасман. Сизларнинг ишларингиз менинг қўлимда эмас». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен Биз юборган ваҳийга тобе бўл! То Худойи таоло ҳукм қилгунча кофирларнинг азиятига сабр қил! Аллоҳ таоло ҳукм қилувчиларнинг энг афзалидир.

Маккада нозил бўлган бу сура бир юз йигирма уч оятдан иборатдир.

11 жузъ

Ушбу суранинг 12, 17 ва 114-оятлари Мадинада нозил этилган. 50-60-оятларида Арабистон халқига юборилган пайғамбарлардан бири бўлган Ҳуд алайҳиссаломнинг ҳаётлари ҳақида сўз боргани учун «Ҳуд» сураси деб аталган. Мазкур сура «Юнус» сурасидан кейин нозил бўлиб, унинг давоми сифатида қабул қилинади. Шунингдек, сура эътиқодга оид масалаларни, Қуръоннинг мўъжиза экани ҳақидаги исботу далилларни, охиратга тааллуқли оятларни, савобу жазони ҳамда Ҳуд (алайҳиссалом)дан бошқа яна Нуҳ, Солиҳ, Иброҳим, Лут, Шуайб ва Мусо (алайҳимуссалом) каби пайғамбарларнинг қиссаларини ҳам ўз ичига олган.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الٓرۚ كِتَٰبٌ أُحۡكِمَتۡ ءَايَٰتُهُۥ ثُمَّ فُصِّلَتۡ مِن لَّدُنۡ حَكِيمٍ خَبِيرٍ ﴿١﴾ أَلَّا تَعۡبُدُوٓاْ إِلَّا
ٱللَّهَۚ إِنَّنِي لَكُم مِّنۡهُ نَذِيرٞ وَبَشِيرٞ ﴿٢﴾ وَأَنِ ٱسۡتَغۡفِرُواْ رَبَّكُمۡ ثُمَّ تُوبُوٓاْ إِلَيۡهِ يُمَتِّعۡكُم
مَّتَٰعًا حَسَنًا إِلَىٰٓ أَجَلٖ مُّسَمّٗى وَيُؤۡتِ كُلَّ ذِي فَضۡلٖ فَضۡلَهُۥۖ وَإِن تَوَلَّوۡاْ فَإِنِّيٓ أَخَافُ
عَلَيۡكُمۡ عَذَابَ يَوۡمٖ كَبِيرٍ ﴿٣﴾ إِلَى ٱللَّهِ مَرۡجِعُكُمۡۖ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٌ ﴿٤﴾

1-4. Алиф. Лом. Ро. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Бу Қуръон бир Китобдирки, оятлари ҳужжат ва далиллар билан мустаҳкам қилинган. Ҳеч қандай шак ва шубҳа қилишга ўрин йўқ. Ҳукм қилувчи ва доно Парвардигор тарафидан Муҳаммад (алайҳиссалом)га нозил қилинган. Унда: «Бир Аллоҳдан бошқага ибодат қилманглар», — деб баён қилинган. Айттил: «Мен сизларга Аллоҳнинг азобидан қўрқитгувчи ва раҳматидан хабар бергувчиман ва сизларга айтурманки, Парвардигорга истиғфор айтинглар ва тавба қилинглар. Агар шундай қилсангизлар, Парвардигор сизларга бу дунёда то ажалларинг етгунча яхши ҳаёт кечиришларинг учун кенглик (фаровонлик, осойишталик) беради ва охиратда ҳар бир яхши амал соҳибига жаннат ато қилади. Ва агар менинг насиҳатимдан юз ўгирсан-

гизлар, Қиёмат куни аламли азобга мубтало бўлишларингиздан қўрқаман, чунки Қиёмат кунида ҳаммангиз Парвардигорнинг ҳузурига борасизлар (қайтасизлар). Аллоҳ таолонинг қудрати ҳамма нарсага етади».

أَلَآ إِنَّهُمْ يَثْنُونَ صُدُورَهُمْ لِيَسْتَخْفُوا۟ مِنْهُ ۚ أَلَا حِينَ يَسْتَغْشُونَ ثِيَابَهُمْ يَعْلَمُ مَا
يُسِرُّونَ وَمَا يُعْلِنُونَ ۚ إِنَّهُۥ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ﴿٥﴾

5. Огоҳ бўлгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу кофирлар ўз аҳволларини (исён ва адоватларини) Худодан яширмоқчи бўлиб, Сендан юз
12 жузъ ўтириб, кўкракларини бурадилар. Огоҳ бўлгилки, бу кофирлар жомаларини (кийимларини) бошларига тортиб ётмоқчи бўлганларида кўп нарсаларни ўйлайдилар. Улар билмайдиларки, Аллоҳ таоло уларнинг ўйлаган сирларини ва ошкор қилган нарсаларини ҳам билади. Албатта, Аллоҳ таоло кўкраклардаги сирларга donодир.

ЎН ИККИНЧИ ЖУЗЪ

۞ وَمَا مِن دَآبَّةٍ فِى ٱلْأَرْضِ إِلَّا عَلَى ٱللَّهِ رِزْقُهَا وَيَعْلَمُ مُسْتَقَرَّهَا وَمُسْتَوْدَعَهَا ۚ كُلٌّ
فِى كِتَٰبٍ مُّبِينٍ ﴿٦﴾

6. Ер юзида ҳар бир ҳаракат қилувчи ҳайвон (махлуқлар)нинг ризқи Аллоҳ таоло тарафидандир (яъни, Аллоҳнинг зиммасидадир). Аллоҳ таоло бу ҳайвонларнинг ҳаётида қаерда ором олишини (турар жойларини ҳам), ҳаётидан илгари қаерда вадиъат (омонат) топшириладиган жойларини ҳам билади. Буларнинг ҳаммаси очиқ баён қилувчи Лавҳул Маҳфузда ёзилгандир.

وَهُوَ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ فِى سِتَّةِ أَيَّامٍ وَكَانَ عَرْشُهُۥ عَلَى
ٱلْمَآءِ لِيَبْلُوَكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا ۗ وَلَئِن قُلْتَ إِنَّكُم مَّبْعُوثُونَ مِنۢ بَعْدِ
ٱلْمَوْتِ لَيَقُولَنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِنْ هَٰذَآ إِلَّا سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿٧﴾

7. Парвардигор шундай Зотдирки, осмонларни ва ерни олти кунда (якшанбадан жумъагача) халқ қилди. Парвардигорнинг Арши сувнинг устида эди. Қайси бирларингиз яхши амал ва қайси бирларингиз ёмон амал қилишларингизни ўзларингизга маълум қилмоқ учун сизларни ер юзида халқ қилди. Сўнгра сизларнинг ҳаётингиз тамом бўлиб, ўласизлар, кейин яна тириласизлар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сен қавмингга: «Сизлар ўлганингиздан кейин тириласизлар», — деб айтсанг, у кофирлар: «Бу муомала ошкора жодугарликдан бошқа нарса эмасдир», — деб айтадилар.

وَلَئِنْ أَخَّرْنَا عَنْهُمُ ٱلْعَذَابَ إِلَىٰٓ أُمَّةٍ مَّعْدُودَةٍ لَّيَقُولُنَّ مَا يَحْبِسُهُۥٓ ۗ أَلَا يَوْمَ

يَأْتِيهِمْ لَيْسَ مَصْرُوفًا عَنْهُمْ وَحَاقَ بِهِم مَّا كَانُوا۟ بِهِۦ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٨﴾

8. Ва Биз агар кофирлардан муайян муддатгача азобни таъхир қилиб қўйсак, улар: «Бу ваъда қилинган азобни қандай нарса тўхтатиб турибди?» — деб масхара (киноя) қиладилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), огоҳ бўлгилки, уларга азоб келган вақтда уларни тепаларидан (устларидан) ҳеч вақт қайтарилмайди. Улар масхара қилган азоб уларнинг ўзини ўраб олур.

وَلَئِنْ أَذَقْنَا ٱلْإِنسَـٰنَ مِنَّا رَحْمَةً ثُمَّ نَزَعْنَـٰهَا مِنْهُ إِنَّهُۥ لَيَـُٔوسٌ كَفُورٌ ﴿٩﴾ وَلَئِنْ
أَذَقْنَـٰهُ نَعْمَآءَ بَعْدَ ضَرَّآءَ مَسَّتْهُ لَيَقُولَنَّ ذَهَبَ ٱلسَّيِّـَٔاتُ عَنِّىٓ ۚ إِنَّهُۥ لَفَرِحٌ فَخُورٌ 12 жузъ
﴿١٠﴾ إِلَّا ٱلَّذِينَ صَبَرُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّـٰلِحَـٰتِ أُو۟لَـٰٓئِكَ لَهُم مَّغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ كَبِيرٌ ﴿١١﴾
فَلَعَلَّكَ تَارِكٌۢ بَعْضَ مَا يُوحَىٰٓ إِلَيْكَ وَضَآئِقٌۢ بِهِۦ صَدْرُكَ أَن يَقُولُوا۟ لَوْلَآ أُنزِلَ
عَلَيْهِ كَنزٌ أَوْ جَآءَ مَعَهُۥ مَلَكٌ ۚ إِنَّمَآ أَنتَ نَذِيرٌ ۚ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ وَكِيلٌ ﴿١٢﴾

9-12. Агар Биз инсонга нозу неъматларимизни берсак (тотдирсак), кейин ундан яна қайтариб олсак, у инсон сабрсизлик билан Бизнинг эҳсонимизга такя қилмасдан (суянмасдан) ноумид (ношукр) бўлади ва агар инсонга қаттиқлик ва очарчилик (зиёну заҳмат) кўрганидан кейин неъматларимизни берсак: «Мендан бу қаттиқлик ва ёмонликлар кетди», — деб айтади. Албатта, у шукр қилиш ўрнига ғурурланиб (мақтаниб), фахрланади. Лекин шундай одамлар ҳам борки, балоларга сабр ва шукр қилиб, яхши амаллар қиладилар. Ана ўшаларга Қиёмат куни Аллоҳнинг мағфирати ва улуғ ажри етади. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), шоядки (эҳтимол) Сен мушрикларнинг: «Муҳаммад Пайғамбар бўлса, нима учун унга Аллоҳ тарафидан хазина берилмайди. *Ваҳоланки, у фақир бўлиб яшайди.* Ёки бирор фаришта келиб: «Бу — пайғамбар», — деб гувоҳлик бермайди», — каби сўзлари сабабли камоли дилтангликдан ва ғамгинликдан Бизнинг тарафимиздан Сенга ваҳий қилинган баъзи оятларни бандаларга етказмасдан, тарк қиларсан ва дилтанг бўларсан. Кофирларнинг бундай сўзларига юрагинг сиқилмасин. Чунки Сен Худо тарафидан кофирларни қўрқитувчидирсан. Уларнинг амалларига жавобгар эмассан. Чунки Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳар бир нарсага вакилдир.

أَمْ يَقُولُونَ ٱفْتَرَىٰهُ ۖ قُلْ فَأْتُوا۟ بِعَشْرِ سُوَرٍ مِّثْلِهِۦ مُفْتَرَيَـٰتٍ وَٱدْعُوا۟ مَنِ ٱسْتَطَعْتُم
مِّن دُونِ ٱللَّهِ إِن كُنتُمْ صَـٰدِقِينَ ﴿١٣﴾ فَإِلَّمْ يَسْتَجِيبُوا۟ لَكُمْ فَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّمَآ أُنزِلَ
بِعِلْمِ ٱللَّهِ وَأَن لَّآ إِلَـٰهَ إِلَّا هُوَ ۖ فَهَلْ أَنتُم مُّسْلِمُونَ ﴿١٤﴾

13-14. Кофирлар: «Бу Қуръонни Муҳаммаднинг ўзи ичидан тўқиб чиқарган», — деб айтадилар. У кофирларга айтгил: «Агар шу сўзларингизда содиқ (ростгўй) бўлсангизлар, бу тўғрида қудрат (куч)ларингиз етгунча

Аллоҳдан бошқаларни ёрдамга чақиринглар-да, сизлар ҳам Қуръон оятларига ўхшаган ўнта сурани ичингиздан тўқиб чиқариб келтиринглар». Бас, агар кофирлар Сенинг талабингга жавоб бермасалар, билгилки, Худойи таоло бандаларининг ҳолини билиб, шунга мувофиқ Қуръонни нозил қилгандир. Худодан бошқа бу ишга қудрати етадиган ҳеч бир маъбуд (илоҳ) йўқ. Бас, сизлар Парвардигорга бўйин сунасизларми ё йўқми?!

مَن كَانَ يُرِيدُ ٱلۡحَيَوٰةَ ٱلدُّنۡيَا وَزِينَتَهَا نُوَفِّ إِلَيۡهِمۡ أَعۡمَٰلَهُمۡ فِيهَا وَهُمۡ فِيهَا لَا
12 жузъ يُبۡخَسُونَ ﴿١٥﴾ أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ لَيۡسَ لَهُمۡ فِي ٱلۡأٓخِرَةِ إِلَّا ٱلنَّارُۖ وَحَبِطَ مَا صَنَعُواْ
فِيهَا وَبَٰطِلٞ مَّا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ﴿١٦﴾

15-16. Ҳар кимки дунё ҳаётини ва зеб-зийнатини истаса ва охиратни истамаса, шу дунёда уларнинг қилган амалларининг мукофотини тўлиқ, комил қилиб берурмиз. Уларнинг шу дунёда оладиган ҳиссаларидан камайтирилмайди. Лекин охиратда бу жамоанинг насибалари дўзахдан бошқа нарса бўлмайди. Ва ҳам уларнинг дунёда қилган барча амаллари охиратда бефойда ва ботилдир.

أَفَمَن كَانَ عَلَىٰ بَيِّنَةٖ مِّن رَّبِّهِۦ وَيَتۡلُوهُ شَاهِدٞ مِّنۡهُ وَمِن قَبۡلِهِۦ كِتَٰبُ مُوسَىٰٓ إِمَامٗا
وَرَحۡمَةًۚ أُوْلَٰٓئِكَ يُؤۡمِنُونَ بِهِۦۚ وَمَن يَكۡفُرۡ بِهِۦ مِنَ ٱلۡأَحۡزَابِ فَٱلنَّارُ مَوۡعِدُهُۥۚ فَلَا
تَكُ فِي مِرۡيَةٖ مِّنۡهُۚ إِنَّهُ ٱلۡحَقُّ مِن رَّبِّكَ وَلَٰكِنَّ أَكۡثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يُؤۡمِنُونَ ﴿١٧﴾

17. Худо тарафидан ҳидоятда бўлган Муҳаммад (алайҳиссалом)дир, унинг Худо тарафидан гувоҳи[1] Қуръондир. Қуръондан илгари Мусо (алайҳиссалом)га нозил бўлган Таврот халққа йўл кўрсатувчи ва сабаби раҳмат (бўлган) эди. У мўминлар унга (Қуръонга) ишонадилар. Шу Таврот (илоҳий китоблар) ҳам ҳидоятларига гувоҳлик бериб турган мўминлар, мункир бўлган кофирлар билан баробар бўладиларми? *Албатта, баробар бўлмайдилар.* Макка аҳли жамоаларидан кимки Қуръонга кофир бўлса, уларнинг борадиган жойлари дўзахдир! Бас, Қуръонга шак қилувчи бўлма! Албатта, бу Қуръон Худо тарафидан ҳақдир, лекин аксар халқ (ҳақлигига) ишонмайди.

وَمَنۡ أَظۡلَمُ مِمَّنِ ٱفۡتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًاۚ أُوْلَٰٓئِكَ يُعۡرَضُونَ عَلَىٰ رَبِّهِمۡ
وَيَقُولُ ٱلۡأَشۡهَٰدُ هَٰٓؤُلَآءِ ٱلَّذِينَ كَذَبُواْ عَلَىٰ رَبِّهِمۡۚ أَلَا لَعۡنَةُ ٱللَّهِ عَلَى ٱلظَّٰلِمِينَ
﴿١٨﴾ ٱلَّذِينَ يَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ وَيَبۡغُونَهَا عِوَجٗا وَهُم بِٱلۡأٓخِرَةِ هُمۡ كَٰفِرُونَ
﴿١٩﴾ أُوْلَٰٓئِكَ لَمۡ يَكُونُواْ مُعۡجِزِينَ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَمَا كَانَ لَهُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ مِنۡ
أَوۡلِيَآءَۘ يُضَٰعَفُ لَهُمُ ٱلۡعَذَابُۚ مَا كَانُواْ يَسۡتَطِيعُونَ ٱلسَّمۡعَ وَمَا كَانُواْ

[1] Баъзи муфассирлар гувоҳдан мақсад Жаброил алайҳиссалом эканини айтишган.

يُبْصِرُونَ ﴿٢٠﴾ أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ خَسِرُوٓاْ أَنفُسَهُمْ وَضَلَّ عَنْهُم مَّا كَانُواْ يَفْتَرُونَ ﴿٢١﴾
لَا جَرَمَ أَنَّهُمْ فِي ٱلْأٓخِرَةِ هُمُ ٱلْأَخْسَرُونَ ﴿٢٢﴾

18-22. «Худонинг шериги бор», – деб ёлғон гапларни нисбат берадиган одамдан золимроқ кимса борми? Қиёмат куни бу жамоа Худонинг ҳузурида ҳозир қилинади ва гувоҳлар айтадиларки: «Мана шу жамоалар Худога ёлғонни нисбат берганлар». Билингларки, Худонинг лаънати, бошқаларни Худонинг динидан қайтарадиган ва Худонинг йўлига эгриликни (фисқу-фасодни) хоҳлайдиганларга бўлур. Улар охиратта мункирдирлар. У жамоа ер юзида Худони ожиз қилиб, (Унинг) азобини даф этолмайди ва Қиёмат куни уларга ҳеч қандай ёрдамчи ва мададкор ҳам йўқдир. Азоблари бир неча баробар (зиёда) қилинади. Улар бу дунёда панд ва насиҳатни эшитишга қодир эмас эдилар ва ҳақни кўрмадилар. Улар бу муомалалари билан ўз нафсларига зиён қилдилар. «Бизни шафоат қилади», деб (умид қилиб), Худога шерик қилган бутлари улардан йўқ бўлди. Шунинг учун улар охиратда оғир зиёнга учрадилар. 12 жузъ

إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَأَخْبَتُوٓاْ إِلَىٰ رَبِّهِمْ أُوْلَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلْجَنَّةِ
هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿٢٣﴾ ۞ مَثَلُ ٱلْفَرِيقَيْنِ كَٱلْأَعْمَىٰ وَٱلْأَصَمِّ وَٱلْبَصِيرِ
وَٱلسَّمِيعِ هَلْ يَسْتَوِيَانِ مَثَلًا أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿٢٤﴾ وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِۦٓ
إِنِّي لَكُمْ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٢٥﴾ أَن لَّا تَعْبُدُوٓاْ إِلَّا ٱللَّهَ إِنِّيٓ أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ
أَلِيمٍ ﴿٢٦﴾ فَقَالَ ٱلْمَلَأُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ مِن قَوْمِهِۦ مَا نَرَىٰكَ إِلَّا بَشَرًا مِّثْلَنَا وَمَا
نَرَىٰكَ ٱتَّبَعَكَ إِلَّا ٱلَّذِينَ هُمْ أَرَاذِلُنَا بَادِيَ ٱلرَّأْيِ وَمَا نَرَىٰ لَكُمْ عَلَيْنَا مِن
فَضْلٍۭ بَلْ نَظُنُّكُمْ كَٰذِبِينَ ﴿٢٧﴾

23-27. Албатта, ихлос билан иймон келтириб, яхши амаллар қилган, дунёдан юз ўгириб, Аллоҳ таоло тарафига мойил бўлган жамоалар – улар аҳли жаннатдирлар. Жаннатда абадий қоладилар. Бу икки фирқа: мўминлар ва кофирларнинг мисоли бундай: кўр ва кар билан эшитувчи ва кўрувчи ўрталаридаги фарқ қандай бўлса, улар ҳам шундайдирлар. Бу икки фирқанинг сифатлари бир-бирига баробар бўладими? *Ҳаргиз баробар бўлмайди!* У фирқаларнинг аҳволидан панд ва ибрат олмайсизларми? Биз Нуҳ (алайҳиссалом)ни ўз қавмига пайғамбар қилиб юбордик. У қавмига айтдики: «Мен сизларни Худонинг азобидан қўрқитувчиман ва Унинг ҳукмларини зоҳир қилувчиман. Худонинг ҳукми шуки, Ундан бошқага ибодат қилмайсизлар. Агар Худонинг ҳукмини қабул қилмасангизлар, Худо тарафидан сизларга қаттиқ азоб келади, деб қўрқаман». Бас, Нуҳ (алайҳиссалом)га қавмидан бир гуруҳ кофирлар айтдиларки: «Эй Нуҳ,

Сен ҳам бизга ўхшаган одамсан. Биздан бирор ортиқ фазилатинг йўқ. Биз зоҳирда кўриб турибмизки, Сенга ҳеч ким тобе бўлмайди (эргашмайди), магар бизнинг ичимиздан энг паст одамлар тобе бўляпти. Бизлар сизларнинг ўзимиздан ортиқ жойингизни кўрмаяпмиз, балки бизлар сизларни бу сўзларингиз учун «ёлғончилар» деб гумон қиляпмиз».

قَالَ يَٰقَوْمِ أَرَءَيْتُمْ إِن كُنتُ عَلَىٰ بَيِّنَةٍ مِّن رَّبِّى وَءَاتَىٰنِى رَحْمَةً مِّنْ عِندِهِۦ فَعُمِّيَتْ
عَلَيْكُمْ أَنُلْزِمُكُمُوهَا وَأَنتُمْ لَهَا كَٰرِهُونَ ﴿٢٨﴾ وَيَٰقَوْمِ لَآ أَسْـَٔلُكُمْ عَلَيْهِ مَالًا ۖ إِنْ
12 жузъ أَجْرِىَ إِلَّا عَلَى ٱللَّهِ ۚ وَمَآ أَنَا۠ بِطَارِدِ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ ۚ إِنَّهُم مُّلَٰقُوا۟ رَبِّهِمْ وَلَٰكِنِّىٓ أَرَىٰكُمْ
قَوْمًا تَجْهَلُونَ ﴿٢٩﴾ وَيَٰقَوْمِ مَن يَنصُرُنِى مِنَ ٱللَّهِ إِن طَرَدتُّهُمْ ۚ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿٣٠﴾

28-30. Нуҳ (алайҳиссалом) айтдики: «Эй қавмим, менга айтинглар-чи, Худо тарафидан пайғамбарлигимга ҳужжат бўлса, Ўз тарафидан менга раҳматини ато қилган бўлса, сизлар бу ҳақиқатни кўрмасангизлар, энди менинг қўлимдан бирор нарса келмайди. Сизлар ёмон кўрган нарсаларни қабул этишга мен сизларни мажбур қиламанми? Мен бунга қодир эмасман. Эй қавмим, мен сизлардан бу панд ва насиҳатларим учун ужрат (ҳақ) сўрамайман. Менинг ажрим Аллоҳга ҳавола (яъни, унинг зиммасида)дир. Ҳузуримдаги иймон келтирган фақирларни ҳайдаб юборувчи эмасман. Чунки улар Худонинг яхши бандаларидир. Қиёмат куни Худога рўбарў бўладилар. Лекин мен сизларнинг жоҳил қавм эканингизни кўриб турибман. Эй қавмим, агар мен бу жамоани олдимдан ҳайдаб (қувиб) юборсам, бу қилмишим учун Худо менга азоб юборса, ким менга ёрдам бериб, Худонинг азобини даф қилади? Сизлар буни фикр қилмайсизларми?!

وَلَآ أَقُولُ لَكُمْ عِندِى خَزَآئِنُ ٱللَّهِ وَلَآ أَعْلَمُ ٱلْغَيْبَ وَلَآ أَقُولُ إِنِّى مَلَكٌ وَلَآ أَقُولُ
لِلَّذِينَ تَزْدَرِىٓ أَعْيُنُكُمْ لَن يُؤْتِيَهُمُ ٱللَّهُ خَيْرًا ۖ ٱللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا فِىٓ أَنفُسِهِمْ ۖ إِنِّىٓ إِذًا
لَّمِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٣١﴾

31. Эй қавмим, мен сизларга: «Худонинг хазиналари ҳузуримдадир ва мен ғайб сирларини биламан», – деб айтмайман. Мен сизларга: «Мен фариштаман ва сизларнинг кўзларингизга ҳақир бўлиб кўринган ғариб мўминларга Худо ҳаргиз неклик (яхшилик) ато қилмайди», – деб айтмайман. Худо уларнинг дилларидаги (нарсалар)дан огоҳдир. Агар мен уларнинг ҳақига (юқоридаги) ножоиз сўзларни айтсам, у ҳолда золимлардан бўлиб қоламан.

قَالُوا۟ يَٰنُوحُ قَدْ جَٰدَلْتَنَا فَأَكْثَرْتَ جِدَٰلَنَا فَأْتِنَا بِمَا تَعِدُنَآ إِن كُنتَ مِنَ
ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿٣٢﴾ قَالَ إِنَّمَا يَأْتِيكُم بِهِ ٱللَّهُ إِن شَآءَ وَمَآ أَنتُم بِمُعْجِزِينَ ﴿٣٣﴾ وَلَا
يَنفَعُكُمْ نُصْحِىٓ إِنْ أَرَدتُّ أَنْ أَنصَحَ لَكُمْ إِن كَانَ ٱللَّهُ يُرِيدُ أَن يُغْوِيَكُمْ ۚ هُوَ رَبُّكُمْ

وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٣٤﴾ أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَاهُ قُلْ إِنِ افْتَرَيْتُهُ فَعَلَيَّ إِجْرَامِي وَأَنَا
بَرِيءٌ مِّمَّا تُجْرِمُونَ ﴿٣٥﴾

32-35. Кофирлар айтдилар: «Эй Нуҳ, биз билан кўп жанжал қилдинг, агар Сен ўз даъволарингга содиқ бўлсанг, бизга ваъда қилган азобларингни қани келтир-чи?». Нуҳ (алайҳиссалом) жавоб берди: «Агар Худо хоҳласа, сизларга (у) азобни келтиради. Худони ожиз қилолмайсизлар. Ва азобидан қочиб кетолмайсизлар. Агар Худо сизларни гумроҳ қилишни хоҳлаган бўлса, мен сизларга насиҳат қилишни хоҳласам ҳам, (насиҳатим) манфаат келтирмайди. Чунки Аллоҳ таоло сизларни халқ қилган Парвардигорингиздир, сизларни қандай хоҳласа, шундай тасарруф қилади. Қиёмат куни Худонинг ҳузурига келтириласизлар». Балки кофирлар айтадиларки: «Агар Нуҳ Худодан ваҳий келди, деб гапирса, ёлғон айтади». Эй Нуҳ, уларга айтгил: «Агар мен ўзимдан тўқиб ёлғон гапирсам, бу гуноҳим ўз бўйнимдадир ва жазосини ўзим тортаман. Мен сизларнинг қилган гуноҳларингиздан безорман»[1].

12 жузъ

وَأُوحِيَ إِلَىٰ نُوحٍ أَنَّهُ لَن يُؤْمِنَ مِن قَوْمِكَ إِلَّا مَن قَدْ آمَنَ فَلَا تَبْتَئِسْ بِمَا
كَانُوا يَفْعَلُونَ ﴿٣٦﴾ وَاصْنَعِ الْفُلْكَ بِأَعْيُنِنَا وَوَحْيِنَا وَلَا تُخَاطِبْنِي فِي الَّذِينَ
ظَلَمُوا إِنَّهُم مُّغْرَقُونَ ﴿٣٧﴾ وَيَصْنَعُ الْفُلْكَ وَكُلَّمَا مَرَّ عَلَيْهِ مَلَأٌ مِّن قَوْمِهِ
سَخِرُوا مِنْهُ قَالَ إِن تَسْخَرُوا مِنَّا فَإِنَّا نَسْخَرُ مِنكُمْ كَمَا تَسْخَرُونَ ﴿٣٨﴾ فَسَوْفَ
تَعْلَمُونَ مَن يَأْتِيهِ عَذَابٌ يُخْزِيهِ وَيَحِلُّ عَلَيْهِ عَذَابٌ مُّقِيمٌ ﴿٣٩﴾

36-39. Нуҳ (алайҳиссалом)га ваҳий юборилиб хабар берилди: «Сенга қавмингдаги илгари иймон келтирган озгина одамдан бошқа ҳеч ким иймон келтирмайди. Энди Сен уларнинг қилмишларидан ғамгин бўлма. Бизнинг амримиз ва ёрдамимиз билан кема (ясаб) тайёрла. Бу золимларнинг ҳаммасини сувга ғарқ қилиб, ҳалок қиламиз. Сен Мендан у золимларга нажот беришимни тилама». Вақтики, Нуҳ (алайҳиссалом) кема тайёрлашга машғул бўлди, қавмидан бир жамоа улуғлари у ердан (унинг олдидан) ўтсалар, Нуҳ (алайҳиссалом)ни масхара қилар эдилар. «Дарё мавжуд бўлмаса, кема нима учун керак бўлади?», – деб ҳайрон бўлар эдилар. Нуҳ (алайҳиссалом) айтдики: «Агар сизлар бу кун бизни масхара қилсангизлар, бизларни масхара қилганингиз каби яқинда биз ҳам сизларни масхара қиламиз. *Ўзларингиз расво бўлиб, масхара бўласизлар».* Яқинда кимларга расво қилувчи азоб ва кимгадир охиратдаги абадий азоб нозил бўлишини биласизлар.

[1] Бу 35-оятни аксар муфассирлар Қурайш кофирлари ва Ҳазрати Пайғамбаримиз ҳақида нозил бўлган дейдилар.

حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَ أَمْرُنَا وَفَارَ ٱلتَّنُّورُ قُلْنَا ٱحْمِلْ فِيهَا مِن كُلٍّ زَوْجَيْنِ ٱثْنَيْنِ وَأَهْلَكَ
إِلَّا مَن سَبَقَ عَلَيْهِ ٱلْقَوْلُ وَمَنْ ءَامَنَ ۚ وَمَآ ءَامَنَ مَعَهُۥٓ إِلَّا قَلِيلٌ ﴿٤٠﴾ ۞ وَقَالَ
ٱرْكَبُوا۟ فِيهَا بِسْمِ ٱللَّهِ مَجْر۪ىٰهَا وَمُرْسَىٰهَآ ۚ إِنَّ رَبِّى لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٤١﴾ وَهِىَ تَجْرِى
بِهِمْ فِى مَوْجٍ كَٱلْجِبَالِ وَنَادَىٰ نُوحٌ ٱبْنَهُۥ وَكَانَ فِى مَعْزِلٍ يَٰبُنَىَّ ٱرْكَب
12 жузъ مَّعَنَا وَلَا تَكُن مَّعَ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٤٢﴾ قَالَ سَـَٔاوِىٓ إِلَىٰ جَبَلٍ يَعْصِمُنِى مِنَ ٱلْمَآءِ ۚ
قَالَ لَا عَاصِمَ ٱلْيَوْمَ مِنْ أَمْرِ ٱللَّهِ إِلَّا مَن رَّحِمَ ۚ وَحَالَ بَيْنَهُمَا ٱلْمَوْجُ فَكَانَ مِنَ
ٱلْمُغْرَقِينَ ﴿٤٣﴾

40–43. Вақтики, кофирларнинг азобига Бизнинг ҳукмимиз содир бўлди, тандирдан сув қайнаб чиқди. Биз Нуҳга дедик: «Кемага ҳар бир ҳайвондан (бир эркак, бир урғочидан иборат) бир жуфтни ва аҳли аёлингни миндириб ол. Ҳалокатига Бизнинг ҳукмимиз жорий бўлган кофирларнинг кемага киришига йўл берма. Сенга иймон келтирган шахсларни ҳам кемага ол». Нуҳга озгина одам иймон келтирган эди. Нуҳ (алайҳиссалом) қавмига айтдики: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим», деб кемага киринглар ва кема ҳаракат қилганида ва тўхтаганида: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим», денглар. Албатта, Парвардигорим бандаларнинг гуноҳини кечиргувчи ва меҳрибондир». Кема уларни олиб, дарёнинг мавжида ҳаракат қиларди. Сувнинг ҳар бир мавжи мисли тоғдек эди. Ҳамма кемага кирганидан сўнг Нуҳ (алайҳиссалом) кемадан узоқроқда турган *Канъон деган* ўғлини чақириб айтдики: «Эй ўғлим, биз билан бирга кемага киргин. Кофирлар билан бирга бўлма!». *Канъон* айтди: «Тоғнинг теппасига чиқиб нажот топаман, мени сувдан сақлайди». Нуҳ (алайҳиссалом) айтдики: «Бу кун Худонинг азобидан ҳеч ким, ҳеч нарса сақлай олмайди, магар Аллоҳ таоло раҳм қилган бандаларгина саломат қолади». Шу онда дарё мавжи ўрталарига тўсиқ бўлди. Бас, у (ўғил — Канъон) ғарқ бўлганларга қўшилиб кетди.

وَقِيلَ يَٰٓأَرْضُ ٱبْلَعِى مَآءَكِ وَيَٰسَمَآءُ أَقْلِعِى وَغِيضَ ٱلْمَآءُ وَقُضِىَ ٱلْأَمْرُ وَٱسْتَوَتْ
عَلَى ٱلْجُودِىِّ ۖ وَقِيلَ بُعْدًا لِّلْقَوْمِ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٤٤﴾

44. Кофирлар ҳалок бўлганидан сўнг, Худо тарафидан ерга: «Сувларингни ют!», осмонга: «Ёмғирингни тўхтат!», — деб амр қилинди. Бас, ер юзидан сув йўқ бўлди (қуриди). Худонинг ҳукми бажарилди. Кема Жудий тоғининг устида қарор топди (тўхтади). Малоикалар тарафидан золимларнинг ҳақига: «Золим қавмлар Худонинг раҳматидан йироқ бўлсин!», — деб айтилди.

وَنَادَىٰ نُوحٌ رَّبَّهُۥ فَقَالَ رَبِّ إِنَّ ٱبْنِى مِنْ أَهْلِى وَإِنَّ وَعْدَكَ ٱلْحَقُّ وَأَنتَ أَحْكَمُ

ٱلْحَٰكِمِينَ ﴿٤٥﴾ قَالَ يَٰنُوحُ إِنَّهُۥ لَيْسَ مِنْ أَهْلِكَ ۖ إِنَّهُۥ عَمَلٌ غَيْرُ صَٰلِحٍ ۖ فَلَا
تَسْـَٔلْنِ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِۦ عِلْمٌ ۖ إِنِّىٓ أَعِظُكَ أَن تَكُونَ مِنَ ٱلْجَٰهِلِينَ ﴿٤٦﴾ قَالَ رَبِّ إِنِّىٓ
أَعُوذُ بِكَ أَنْ أَسْـَٔلَكَ مَا لَيْسَ لِى بِهِۦ عِلْمٌ ۖ وَإِلَّا تَغْفِرْ لِى وَتَرْحَمْنِىٓ أَكُن مِّنَ
ٱلْخَٰسِرِينَ ﴿٤٧﴾ قِيلَ يَٰنُوحُ ٱهْبِطْ بِسَلَٰمٍ مِّنَّا وَبَرَكَٰتٍ عَلَيْكَ وَعَلَىٰٓ أُمَمٍ مِّمَّن
مَّعَكَ ۚ وَأُمَمٌ سَنُمَتِّعُهُمْ ثُمَّ يَمَسُّهُم مِّنَّا عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٤٨﴾ 12 жузъ

45-48. Нуҳ (алайҳиссалом) Худога муножот қилиб айтдики: «Эй Парвардигорим, ўғлим *Канъон* менинг аҳлимдан эди. Сен менинг аҳлимга «Нажот бераман», – деб ваъда қилган эдинг. Албатта, Сенинг ваъданг ҳақдир. Сен энг яхши (адолатли) ҳукм қилгувчидирсан». Парвардигор айтди: «Эй Нуҳ, ўғлинг *Канъон* Сенинг аҳлингдан эмас эди. Чунки у ёмон амаллар эгаси эди. Илминг етмаган (ўзинг билмаган) нарсани Мендан асло сўрамагил!» *Нуҳ алайҳиссалом ўғли Канъоннинг кофирлигини билмас эди.* «Мен Сенга жоҳиллардан бўлмагил», – деб насиҳат қиламан (буюраман). Нуҳ (алайҳиссалом) айтдики: «Эй Парвардигор, илмим етмаган нарсани сўрашдан Сендан паноҳ тилайман. Агар мени кечирмасанг, зиёнкорлардан бўлиб қоламан». Нуҳга Биз тарафимиздан айтилди: «Эй Нуҳ, Биз тарафимиздан Сенга ва ҳам Сен билан бирга бўлган аҳлингга берилган саломатлик ва баракотлар билан кемадан ерга туш! Ва Сенинг авлодларингдан пайдо бўладиган умматларингни дунёда яхши маишат ва кенг (мўл) ризқ билан фойдалантирамиз. Сўнгра улар (кибру) ғурур қилиб, кофир бўлганлари сабабли охиратда Бизнинг тарафимизда қаттиқ азобга мубтало бўладилар».

تِلْكَ مِنْ أَنۢبَآءِ ٱلْغَيْبِ نُوحِيهَآ إِلَيْكَ ۖ مَا كُنتَ تَعْلَمُهَآ أَنتَ وَلَا قَوْمُكَ مِن قَبْلِ
هَٰذَا ۖ فَٱصْبِرْ ۖ إِنَّ ٱلْعَٰقِبَةَ لِلْمُتَّقِينَ ﴿٤٩﴾

49. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу қиссалар Сенга махфий (ғайб) хабарларидан эди. Ваҳий орқали Сенга хабар қилурмиз. Бундан илгари бу қиссани Сен ҳам ва қавминг ҳам билмас эдингизлар. Бас, кофирларнинг азиятига сабр қил! Охир (оқибат) зафар ва ғалаба муттақийларникидир.

وَإِلَىٰ عَادٍ أَخَاهُمْ هُودًا ۚ قَالَ يَٰقَوْمِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ غَيْرُهُۥٓ ۖ إِنْ أَنتُمْ
إِلَّا مُفْتَرُونَ ﴿٥٠﴾ يَٰقَوْمِ لَآ أَسْـَٔلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا ۖ إِنْ أَجْرِىَ إِلَّا عَلَى ٱلَّذِى
فَطَرَنِىٓ ۚ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٥١﴾ وَيَٰقَوْمِ ٱسْتَغْفِرُوا۟ رَبَّكُمْ ثُمَّ تُوبُوٓا۟ إِلَيْهِ يُرْسِلِ ٱلسَّمَآءَ
عَلَيْكُم مِّدْرَارًا وَيَزِدْكُمْ قُوَّةً إِلَىٰ قُوَّتِكُمْ وَلَا تَتَوَلَّوْا۟ مُجْرِمِينَ ﴿٥٢﴾

50–52. Биз Од қавмига ўз хешларидан (ўзларидан) Ҳуд (алайҳиссалом)ни Пайғамбар қилиб юбордик. Ҳуд (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизларга ибодат қилиш учун ёлғиз Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқ. Сизлар Аллоҳга шерик иснод қилиб (бутсанамларга топиниб) туҳмат қиласизлар. Эй қавмим, мен сизлардан панд ва насиҳатларим учун ужрат (ҳақ) сўрамайман. Менинг ужратим мени халқ қилган Парвардигоримнинг зиммасидадир. Нима учун ақлларингизни ишлатиб ўйламайсизлар? Эй қавмим, гуноҳларингиз учун Парвардигордан кечирим сўранглар, кейин тавба қилиб, Худо тарафига қай-
12 жузъ тинглар. Агар шундай қилсангизлар, Аллоҳ сизларга осмондан ёмғир ёғдириб, ризқу рўзларингизни мўл қилади. Ва яна қувватларингизни зиёда қилади, *яъни, фарзандларингиз ва давлатларингизни зиёда қилади*. Сизлар гуноҳкор бўлиб, Худонинг ҳукмидан юз ўгирманглар».

قَالُوا يَٰهُودُ مَا جِئْتَنَا بِبَيِّنَةٍ وَمَا نَحْنُ بِتَارِكِيٓ ءَالِهَتِنَا عَن قَوْلِكَ وَمَا نَحْنُ لَكَ
بِمُؤْمِنِينَ ﴿٥٣﴾ إِن نَّقُولُ إِلَّا ٱعْتَرَىٰكَ بَعْضُ ءَالِهَتِنَا بِسُوٓءٍ ۗ قَالَ إِنِّيٓ أُشْهِدُ ٱللَّهَ
وَٱشْهَدُوٓا۟ أَنِّى بَرِىٓءٌ مِّمَّا تُشْرِكُونَ ﴿٥٤﴾ مِن دُونِهِۦ ۖ فَكِيدُونِى جَمِيعًا ثُمَّ لَا تُنظِرُونِ
﴿٥٥﴾ إِنِّى تَوَكَّلْتُ عَلَى ٱللَّهِ رَبِّى وَرَبِّكُم ۚ مَّا مِن دَآبَّةٍ إِلَّا هُوَ ءَاخِذٌۢ بِنَاصِيَتِهَآ ۚ إِنَّ رَبِّى
عَلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٥٦﴾

53–56. Ҳуд (алайҳиссалом)нинг қавми айтди: «Эй Ҳуд, Сен бизга ўз даъволарингни исботлаш учун биз хоҳлаган ҳужжат (далил)ни келтирмадинг. Биз Сенинг гапинг билан «худо»ларимизни тарк этмаймиз ва Сенга иймон келтирмаймиз. Биз Сенга шуни айтамизки, бутларимизни таҳқир қилганинг учун баъзи бутларимиз Сени жунун (телбалик) дардига мубало қилди». Ҳуд (алайҳиссалом) айтди: «Мен Худони гувоҳ қилиб айтаман, ўзларингиз ҳам шунга гувоҳ бўлинглар, мен сизларнинг Худога шерик қилган бутларингиздан безорман. Сизлар менинг ҳалокатим учун қўлларингиздан келган ҳийлаларни ишлатинглар, менга муҳлат берманглар. Мен сизларни ва мени яратган Парвардигорга таваккул қилдим. Ер юзида ҳаракат қилувчи бирор ҳайвон йўқки, унинг тасарруфи Парвардигорнинг қудрат қўлида бўлмасин. Албатта, менинг Парвардигорим ҳақ ва адолати улуғ Зотдир».

فَإِن تَوَلَّوْا۟ فَقَدْ أَبْلَغْتُكُم مَّآ أُرْسِلْتُ بِهِۦٓ إِلَيْكُمْ ۚ وَيَسْتَخْلِفُ رَبِّى قَوْمًا غَيْرَكُمْ وَلَا
تَضُرُّونَهُۥ شَيْـًٔا ۚ إِنَّ رَبِّى عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ حَفِيظٌ ﴿٥٧﴾

57. «Мен сизларга Худо топширган ҳукмларни етказдим. Бас, агар излар бу аҳкомлардан юз ўгирсангизлар, Парвардигорим сизларни ҳаок қилиб, ўринларингизга бошқа қавмни олиб келади. Сизлар бу инкорарингиз билан Худога ҳеч зарар етказолмайсизлар. Албатта, Парвардиорим ҳар бир нарсани сақловчидир».

وَلَمَّا جَآءَ أَمْرُنَا نَجَّيْنَا هُودًا وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مَعَهُۥ بِرَحْمَةٍ مِّنَّا وَنَجَّيْنَٰهُم مِّنْ عَذَابٍ
غَلِيظٍ ﴿٥٨﴾ وَتِلْكَ عَادٌ ۖ جَحَدُوا۟ بِـَٔايَٰتِ رَبِّهِمْ وَعَصَوْا۟ رُسُلَهُۥ وَٱتَّبَعُوٓا۟ أَمْرَ كُلِّ
جَبَّارٍ عَنِيدٍ ﴿٥٩﴾ وَأُتْبِعُوا۟ فِى هَٰذِهِ ٱلدُّنْيَا لَعْنَةً وَيَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۗ أَلَآ إِنَّ عَادًا كَفَرُوا۟
رَبَّهُمْ ۗ أَلَا بُعْدًا لِّعَادٍ قَوْمِ هُودٍ ﴿٦٠﴾

58-60. Вақтики, азоб қилишга ҳукмимиз собит бўлди, Ўз марҳама- 12 жузъ
тимиз билан Ҳудга ва мўминларга аламли азобдан нажот бердик. Мана шу Од қавми Худонинг оятларини инкор этиб, расулларга (пайғамбарларга) нофармонлик қилдилар. Ҳар бир золим ва осийнинг амрига тобе бўлдилар. Бу дунёда Худонинг лаънатига гирифтор этилдилар ва Қиёмат куни ҳам Худонинг раҳматидан узоқ бўлурлар. Огоҳ бўлингларки, Ҳуд (алайҳиссалом)нинг қавми – Од (қабиласи) Худонинг раҳматидан маҳрум қилиндилар.

۞ وَإِلَىٰ ثَمُودَ أَخَاهُمْ صَٰلِحًا ۚ قَالَ يَٰقَوْمِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ غَيْرُهُۥ ۖ هُوَ
أَنشَأَكُم مِّنَ ٱلْأَرْضِ وَٱسْتَعْمَرَكُمْ فِيهَا فَٱسْتَغْفِرُوهُ ثُمَّ تُوبُوٓا۟ إِلَيْهِ ۚ إِنَّ رَبِّى قَرِيبٌ
مُّجِيبٌ ﴿٦١﴾

61. Биз Самуд қавмига хешларидан (ўзларидан) Солиҳ (алайҳиссалом)ни пайғамбар қилиб юбордик. Солиҳ (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, бир Аллоҳнинг ўзига ибодат қилинглар. Сизларга бир Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқдир. Парвардигор шундай Зотдирки, (Ҳазрати) Одам бобомизни тупроқдан яратди ва сизларга ер юзида ҳаёт ато қилиб, жой берди. Бас, Худодан гуноҳларингизга кечирим сўранглар. Тавба қилиб, Худо тарафига ружу қилинглар (қайтинглар). Албатта, Парвардигоримнинг раҳмати бандаларга яқиндир, У дуоларини мустажоб қилгувчидир».

قَالُوا۟ يَٰصَٰلِحُ قَدْ كُنتَ فِينَا مَرْجُوًّا قَبْلَ هَٰذَآ ۖ أَتَنْهَىٰنَآ أَن نَّعْبُدَ مَا يَعْبُدُ ءَابَآؤُنَا
وَإِنَّنَا لَفِى شَكٍّ مِّمَّا تَدْعُونَآ إِلَيْهِ مُرِيبٍ ﴿٦٢﴾ قَالَ يَٰقَوْمِ أَرَءَيْتُمْ إِن كُنتُ عَلَىٰ
بَيِّنَةٍ مِّن رَّبِّى وَءَاتَىٰنِى مِنْهُ رَحْمَةً فَمَن يَنصُرُنِى مِنَ ٱللَّهِ إِنْ عَصَيْتُهُۥ ۖ فَمَا
تَزِيدُونَنِى غَيْرَ تَخْسِيرٍ ﴿٦٣﴾

62-63. Кофирлар айтдилар: «Эй Солиҳ, Сен «Пайғамбарман», – деб даъво қилишингдан илгари «Солиҳ яхши одам бўлади», – деб умид қилар эдик. *Энди умидимиз узилди.* Сен бизни ота-боболаримиз ибодат қилган нарсага ибодат қилишдан манъ қиласанми? Биз Сен даъват қилган нарса тўғрисида шак-шубҳага тушиб қолдик». Солиҳ (алайҳиссалом) айтдики: «Эй қавмим, менга хабар беринглар-чи, мен Парвардигорим тарафидан

пайғамбарлигимга равшан далилларга эга бўлганимдан кейин, Парвардигор ўз тарафидан менга меҳрибонликлар ато қилгандан сўнг сизларнинг сўзларингизга кириб, Худога осий бўлсам, Худо мени азобга мубтало қилса, ким менга ёрдам беради?! Бас, сизлар мени иғво қилиб, менга зиёндан бошқа нарсани зиёда қилмайсизлар».

وَيَٰقَوْمِ هَٰذِهِۦ نَاقَةُ ٱللَّهِ لَكُمْ ءَايَةً فَذَرُوهَا تَأْكُلْ فِىٓ أَرْضِ ٱللَّهِ وَلَا تَمَسُّوهَا
بِسُوٓءٍ فَيَأْخُذَكُمْ عَذَابٌ قَرِيبٌ ﴿٦٤﴾ فَعَقَرُوهَا فَقَالَ تَمَتَّعُوا۟ فِى دَارِكُمْ ثَلَٰثَةَ
12 жузъ أَيَّامٍ ۖ ذَٰلِكَ وَعْدٌ غَيْرُ مَكْذُوبٍ ﴿٦٥﴾

64-65. *Кофирлар Солиҳ алайҳиссаломдан мўъжиза талаб қилиб: «Агар Сен Пайғамбар бўлсанг, дуо қилгилки, ушбу катта тошдан бўғоз туя чиқсин, ерга тушиб туғсин. Шундан кейин Сенга иймон келтирамиз», – деб айтган вақтларида, Солиҳ алайҳиссалом дуо қилди. Тош ёрилди, ундан туя зоҳир бўлди. Қавми у мўъжизани кўриб туриб ҳам иймон келтирмади.* Солиҳ (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, бу туя Худонинг махлуқидир. Уни бизга мўъжиза тариқасида юборди. Унга тегманглар, Худонинг ерида ўтлаб юраверсин. Ва бу туяга озор берманглар, агар озор берсангизлар, дарҳол сизларга Худонинг азоби келади». Бас, кофирлар бу насиҳатга амал қилмадилар. Туяни ҳалок қилдилар (яъни, сўйиб юборишди). Солиҳ (алайҳиссалом) айтди: «Энди сизлар уйларингизда уч кун ҳаёт кечиринглар. Сўнгра ҳаммаларингиз ҳалок бўласизлар. Бу Худонинг ваъдасидир, ҳаргиз ёлғон бўлмайди».

فَلَمَّا جَآءَ أَمْرُنَا نَجَّيْنَا صَٰلِحًا وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مَعَهُۥ بِرَحْمَةٍ مِّنَّا وَمِنْ خِزْىِ
يَوْمِئِذٍ ۗ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ ٱلْقَوِىُّ ٱلْعَزِيزُ ﴿٦٦﴾ وَأَخَذَ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ ٱلصَّيْحَةُ
فَأَصْبَحُوا۟ فِى دِيَٰرِهِمْ جَٰثِمِينَ ﴿٦٧﴾ كَأَن لَّمْ يَغْنَوْا۟ فِيهَآ ۗ أَلَآ إِنَّ ثَمُودَا۟ كَفَرُوا۟
رَبَّهُمْ ۗ أَلَا بُعْدًا لِّثَمُودَ ﴿٦٨﴾

66-68. Вақтики, кофирларнинг ҳалокатига ҳукмимиз содир бўлганида, фазл ва марҳаматимиз билан Солиҳга ва мўминларга ўша куннинг расволигидан нажот бердик. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), билгилки, албатта, Парвардигоринг ўз қудрати билан ҳамма нарсадан қувватли ва ҳамма нарсадан ғолибдир. Ўша кун золимларни бир ҳайбатли овоз ўраб олди. Бас, кофирларнинг ўз уйлари қабрга айланди. Гўёки ҳаргиз дунёга келмагандек бўлиб қолдилар. Огоҳ бўлгил, Самуд қавми Парвардигорга кофир бўлди. Ва огоҳ бўлингларки, Самуд қавми Худонинг раҳматидан маҳрум бўлди!

وَلَقَدْ جَآءَتْ رُسُلُنَآ إِبْرَٰهِيمَ بِٱلْبُشْرَىٰ قَالُوا۟ سَلَٰمًا ۖ قَالَ سَلَٰمٌ ۖ فَمَا لَبِثَ أَن جَآءَ
بِعِجْلٍ حَنِيذٍ ﴿٦٩﴾ فَلَمَّا رَءَآ أَيْدِيَهُمْ لَا تَصِلُ إِلَيْهِ نَكِرَهُمْ وَأَوْجَسَ مِنْهُمْ خِيفَةً

قَالُوا۟ لَا تَخَفْ إِنَّآ أُرْسِلْنَآ إِلَىٰ قَوْمِ لُوطٍ ﴿٧٠﴾

69-70. Бизнинг элчиларимиз (фаришталаримиз) Иброҳим (алайҳиссалом)га хушхабар олиб келдилар. Айтдиларки: «Сенга Худонинг саломи бўлсин!». Иброҳим (алайҳиссалом): «Сизларга ҳам Худонинг саломи бўлсин!», – деб жавоб берди. Иброҳим (алайҳиссалом) зудлик билан ўрнидан туриб, меҳмонларга *кабоб қилинган* бузоқ гўштини олиб келди. Вақтики, Иброҳим (алайҳиссалом) меҳмонлар таомга қўл узатмаганини кўрганида, малол олиб (шубҳаланиб) дилига қўрқув тушди, *чунки уларнинг фаришта эканларини билмади. Бемаҳалда келган ўғрилар, деб гумон қилди. У фаришталар уч кишидан – Жаброил, Микоил ва Исрофил (алайҳимуссаломлар)дан иборат бўлиб, ҳануз соқоллари чиқмаган навжувон чиройли йигитлар суратида эдилар.* Фаришталар айтдиларки: «Биздан қўрқма! Биз Лут қавмини ҳалок қилиш учун Худо тарафидан юборилганмиз». 12 жузъ

وَٱمْرَأَتُهُۥ قَآئِمَةٌ فَضَحِكَتْ فَبَشَّرْنَٰهَا بِإِسْحَٰقَ وَمِن وَرَآءِ إِسْحَٰقَ يَعْقُوبَ ﴿٧١﴾
قَالَتْ يَٰوَيْلَتَىٰٓ ءَأَلِدُ وَأَنَا۠ عَجُوزٌ وَهَٰذَا بَعْلِى شَيْخًا ۖ إِنَّ هَٰذَا لَشَىْءٌ عَجِيبٌ
﴿٧٢﴾ قَالُوٓا۟ أَتَعْجَبِينَ مِنْ أَمْرِ ٱللَّهِ ۖ رَحْمَتُ ٱللَّهِ وَبَرَكَٰتُهُۥ عَلَيْكُمْ أَهْلَ ٱلْبَيْتِ ۚ إِنَّهُۥ
حَمِيدٌ مَّجِيدٌ ﴿٧٣﴾

71-73. Иброҳим (алайҳиссалом)нинг аёли *Биби Сора парданинг орқасида* тик турганди, Лут (алайҳиссалом)нинг бадбахт қавмдан нажот топишини эшитиб, хурсанд бўлиб, куларди. Бас, Биз малоикалар тилидан *Биби Сорага* Исҳоқ (алайҳиссалом)га ҳомила бўлишидан, ундан кейин Исҳоқ (алайҳиссалом)дан Яъқуб (алайҳиссалом)нинг вужудга келишидан башорат бердик. *Биби Сора* айтди: «Вой менгаки, мен туғаманми-а? Ваҳоланки, мен пир (қари) кампир бўлсам ва эрим ҳам мўйсафид чол бўлса. Бу таажжубланарли ишдир». Малоикалар айтдилар: «Эй аҳли хонадон, Худонинг қудратига таажжуб қиляпсизларми? Худонинг раҳмати ва баракоти сизларгадир. Худойи таоло улуғдир. Ҳамд ва саногa лойиқдир».

فَلَمَّا ذَهَبَ عَنْ إِبْرَٰهِيمَ ٱلرَّوْعُ وَجَآءَتْهُ ٱلْبُشْرَىٰ يُجَٰدِلُنَا فِى قَوْمِ لُوطٍ ﴿٧٤﴾ إِنَّ
إِبْرَٰهِيمَ لَحَلِيمٌ أَوَّٰهٌ مُّنِيبٌ ﴿٧٥﴾ يَٰٓإِبْرَٰهِيمُ أَعْرِضْ عَنْ هَٰذَآ ۖ إِنَّهُۥ قَدْ جَآءَ أَمْرُ رَبِّكَ ۖ
وَإِنَّهُمْ ءَاتِيهِمْ عَذَابٌ غَيْرُ مَرْدُودٍ ﴿٧٦﴾

74-76. Вақтики, Иброҳим (алайҳиссалом)дан хавф кетди, унга Лут қавмининг ҳалокати тўғрисида хурсандлик хабари етганида, Бизнинг (фаришталаримиз) билан жанжал (баҳсу мунозара) қилгани турди. Яъни, фаришталарга дедики: «У қавмни нима учун ҳалок қиласизлар? Ваҳоланки, уларнинг ичида Лут ва мўминлар бор-ку?!». Фаришталар айтдилар: «Уларни ажратиб, қолганларни ҳалок қиламиз». Иброҳим (алайҳиссалом) шунинг

учун жанжал (баҳс) қилар эдики, дили юмшоқ, кўп нола қилувчи ва ҳалим эди. Худодан кўп қўрқувчи эди. Фаришталар айтдилар: «Эй Иброҳим, биз билан мужодала қилишни қўй! Уларни ҳалок қилишга Худонинг ҳукми собит бўлган. Уларга келадиган азоб рад қилинмайди».

وَلَمَّا جَآءَتْ رُسُلُنَا لُوطًا سِيٓءَ بِهِمْ وَضَاقَ بِهِمْ ذَرْعًا وَقَالَ هَٰذَا يَوْمٌ عَصِيبٌ
﴿٧٧﴾ وَجَآءَهُۥ قَوْمُهُۥ يُهْرَعُونَ إِلَيْهِ وَمِن قَبْلُ كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ٱلسَّيِّـَٔاتِ ۚ قَالَ يَٰقَوْمِ
12 жузъ هَٰٓؤُلَآءِ بَنَاتِى هُنَّ أَطْهَرُ لَكُمْ ۖ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَلَا تُخْزُونِ فِى ضَيْفِىٓ ۖ أَلَيْسَ مِنكُمْ
رَجُلٌ رَّشِيدٌ ﴿٧٨﴾

77-78. Вақтики, Бизнинг элчиларимиз Лут (алайҳиссалом)нинг уйига келганида, *Лут (алайҳиссалом) уйига чиройли навжувон (йигит)лар меҳмон бўлиб* келганларидан ғамгин бўлди ва юраги сиқилди. Айтди: «Бу кун мен учун оғир кун бўлди». Қавми бу меҳмонларни эшитиб, Лут (алайҳиссалом)нинг уйига тезлик билан югуриб етиб келдилар. Бу қавм бундан илгари ёмон амаллар (баччабозлик) қилишга одатланган эди. Лут (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, ана улар – қизларим, никоҳ қилиб олинглар. Сизларга улар покизадир. Ёмон иш қилишдан Худодан қўрқинглар. Меҳмонлар олдида мени расво қилманглар. Оё, сизларнинг ичингизда бирорта ақлли одам йўқми?».

قَالُوا۟ لَقَدْ عَلِمْتَ مَا لَنَا فِى بَنَاتِكَ مِنْ حَقٍّ وَإِنَّكَ لَتَعْلَمُ مَا نُرِيدُ ﴿٧٩﴾ قَالَ لَوْ أَنَّ
لِى بِكُمْ قُوَّةً أَوْ ءَاوِىٓ إِلَىٰ رُكْنٍ شَدِيدٍ ﴿٨٠﴾ قَالُوا۟ يَٰلُوطُ إِنَّا رُسُلُ رَبِّكَ لَن يَصِلُوٓا۟
إِلَيْكَ ۖ فَأَسْرِ بِأَهْلِكَ بِقِطْعٍ مِّنَ ٱلَّيْلِ وَلَا يَلْتَفِتْ مِنكُمْ أَحَدٌ إِلَّا ٱمْرَأَتَكَ ۖ إِنَّهُۥ
مُصِيبُهَا مَآ أَصَابَهُمْ ۚ إِنَّ مَوْعِدَهُمُ ٱلصُّبْحُ ۚ أَلَيْسَ ٱلصُّبْحُ بِقَرِيبٍ ﴿٨١﴾

79-81. Лут (алайҳиссалом)нинг қавми айтди: «Эй Лут, қизларингга ҳожатимиз йўқлигини аниқ биласан, албатта, нимани хоҳлаётганимизни (ҳам) Сен билиб турибсан, яъни, бизларга қизлар эмас, болалар керак». Лут (алайҳиссалом) айтдики: «Кошки сизларни даф қилишга менинг кувватим бўлса эди, даф қилар эдим. Ё мустаҳкам (кучли бир) мададкорим бўлса эди, унга паноҳ тортиб (таяниб, ундан) ёрдам олар эдим». Вақтики, малоикалар бу можарони эшитдилар ва айтдилар: «Эй Лут (алайҳиссалом), бизлар Парвардигоринг тарафидан бу қавмни ҳалок қилиш учун юборилган элчиларимиз. Сенга кофирларнинг қўллари етмайди, ҳеч қандай зарар етказа олмайдилар. Сен улардан хавфсирама (қўрқма). Кечанинг бир ҳиссаси (қисми) ўтганидан кейин аҳли аёлингни олиб шаҳардан чиқиб кет, бирор киши орқасига қарамасин. Магар хотинингни қолдириб кет, чунки кофирларга етадиган азоб унга ҳам етади. Кофирларга етадиган азобнинг вақти субҳ вақтидир». Лут (алайҳиссалом) айтдики: «Субҳ вақтигача узоқ-ку?!». Жаброил (алайҳиссалом) айтдики: «Субҳ қарийб (яқин) эмасми? Албатта, яқиндир».

فَلَمَّا جَآءَ أَمْرُنَا جَعَلْنَا عَٰلِيَهَا سَافِلَهَا وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهَا حِجَارَةً مِّن سِجِّيلٍ
مَّنضُودٍ ﴿٨٢﴾ مُّسَوَّمَةً عِندَ رَبِّكَ ۖ وَمَا هِيَ مِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ بِبَعِيدٍ ﴿٨٣﴾

82-83. Вақтики, кофирларнинг азобига ҳукмимиз содир бўлганида, Жаброил (алайҳиссалом)га амр қилдик, кофирларнинг шаҳарларини таги билан кўтариб ағдариб ташлади. Устларига дўзахнинг Сижжил деган водийсидан нишонали (белги қўйилган) тошларни пайдар-пай ёғдирдик. Бу тошлар у қавмнинг азоби учун Парвардигорнинг наздида тайёрлаб қўйилган эди. У тошлар золимлардан узоқ эмасди. 12 жузъ

۞ وَإِلَىٰ مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا ۚ قَالَ يَٰقَوْمِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ غَيْرُهُۥ ۖ وَلَا
تَنقُصُوا۟ ٱلْمِكْيَالَ وَٱلْمِيزَانَ ۚ إِنِّىٓ أَرَىٰكُم بِخَيْرٍ وَإِنِّىٓ أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ
يَوْمٍ مُّحِيطٍ ﴿٨٤﴾ وَيَٰقَوْمِ أَوْفُوا۟ ٱلْمِكْيَالَ وَٱلْمِيزَانَ بِٱلْقِسْطِ ۖ وَلَا تَبْخَسُوا۟
ٱلنَّاسَ أَشْيَآءَهُمْ وَلَا تَعْثَوْا۟ فِى ٱلْأَرْضِ مُفْسِدِينَ ﴿٨٥﴾ بَقِيَّتُ ٱللَّهِ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن
كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ۚ وَمَآ أَنَا۠ عَلَيْكُم بِحَفِيظٍ ﴿٨٦﴾

84-86. Биз Мадян қавмига ўз биродарлари Шуайб (алайҳиссалом)ни пайғамбар қилиб юбордик. Шуайб (алайҳиссалом) қавмига айтди: «Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизларга Ундан бошқа маъбуд йўқдир. Сизлар бозордаги тарозуларингизда халққа кам тортиб берманглар. Ўлчаганда кам ўлчаманглар (тарозудан уриб қолманглар). Мен сизларни давлатманд (бой) кўраман, муомалаларингизда хиёнат қилманглар. Мен сизларга Худонинг азоби келишидан қўрқаман. Эй қавмим, муомалада адолат билан ўлчовдан ва тарозудан кам қилмасдан (уриб қолмасдан), ҳақни тамом (тўлиғича) адо этинглар. Халқнинг оладиган ҳақларини ноқис қилманглар. Ер юзида фасод қилиб, хароб бўлманглар. Агар Худога иймонларингиз бўлса, хиёнат қилиб топганларингиздан (кўра) Аллоҳнинг сизларга қолдирган ҳалол моли яхшидир. Агар сизларга азоб келса, мен сизларни сақлаб қололмайман».

قَالُوا۟ يَٰشُعَيْبُ أَصَلَوٰتُكَ تَأْمُرُكَ أَن نَّتْرُكَ مَا يَعْبُدُ ءَابَآؤُنَآ أَوْ أَن نَّفْعَلَ فِىٓ
أَمْوَٰلِنَا مَا نَشَٰٓؤُا۟ ۖ إِنَّكَ لَأَنتَ ٱلْحَلِيمُ ٱلرَّشِيدُ ﴿٨٧﴾

87. Кофирлар айтдилар: «Эй Шуайб, Сен қилаётган ибодатларинг бизга ота-боболаримиз ибодат қилган маъбудларимизни тарк этишни, молимиздан хоҳлаганимиздек тасарруф қилмаслик кераклигини ва Сенинг йўлингга юришимизни амр қилмоқдами? Чунки Сен ўз гумонингда гўё яхши, ҳалим, доно одам экансан».

قَالَ يَٰقَوْمِ أَرَءَيْتُمْ إِن كُنتُ عَلَىٰ بَيِّنَةٍ مِّن رَّبِّى وَرَزَقَنِى مِنْهُ رِزْقًا حَسَنًا ۚ وَمَآ أُرِيدُ

أَنْ أُخَالِفَكُمْ إِلَىٰ مَآ أَنْهَىٰكُمْ عَنْهُ ۚ إِنْ أُرِيدُ إِلَّا ٱلْإِصْلَٰحَ مَا ٱسْتَطَعْتُ ۚ وَمَا
تَوْفِيقِىٓ إِلَّا بِٱللَّهِ ۚ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَإِلَيْهِ أُنِيبُ ﴿٨٨﴾

88. Шуайб (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, менга хабар берингллар-чи, агар мен Худо тарафидан сизларга юборилган, мўъжиза берилган барҳақ пайғамбар бўлсам, Худо менга ҳалол ризқ берган бўлса, сизларга итоат қилиб, Худога осий бўлайми? Мен сизларга манъ қилган нарсаларда ўзим сизларга мухолиф бўлмайман, балки ўзим ҳам қудратим етгунча
12 жузъ амал қиламан. Фақат сизларни ислоҳ қилишни хоҳлайман, бошқа нарсани истамайман. Мен Худодан тавфиқ сўрайман, холос. Мен Худонинг ўзига таваккул қилгайман ва Аллоҳ тарафига қайтурман».

وَيَٰقَوْمِ لَا يَجْرِمَنَّكُمْ شِقَاقِىٓ أَن يُصِيبَكُم مِّثْلُ مَآ أَصَابَ قَوْمَ نُوحٍ أَوْ قَوْمَ هُودٍ
أَوْ قَوْمَ صَٰلِحٍ ۚ وَمَا قَوْمُ لُوطٍ مِّنكُم بِبَعِيدٍ ﴿٨٩﴾ وَٱسْتَغْفِرُوا۟ رَبَّكُمْ ثُمَّ تُوبُوٓا۟
إِلَيْهِ ۚ إِنَّ رَبِّى رَحِيمٌ وَدُودٌ ﴿٩٠﴾ قَالُوا۟ يَٰشُعَيْبُ مَا نَفْقَهُ كَثِيرًا مِّمَّا تَقُولُ وَإِنَّا
لَنَرَىٰكَ فِينَا ضَعِيفًا ۖ وَلَوْلَا رَهْطُكَ لَرَجَمْنَٰكَ ۖ وَمَآ أَنتَ عَلَيْنَا بِعَزِيزٍ ﴿٩١﴾ قَالَ
يَٰقَوْمِ أَرَهْطِىٓ أَعَزُّ عَلَيْكُم مِّنَ ٱللَّهِ وَٱتَّخَذْتُمُوهُ وَرَآءَكُمْ ظِهْرِيًّا ۖ إِنَّ رَبِّى بِمَا
تَعْمَلُونَ مُحِيطٌ ﴿٩٢﴾

89-92. Шуайб (алайҳиссалом) айтдики: «Эй қавмим, сизларнинг менга қилган душманликларингиз Нуҳ қавмига ё Ҳуд қавмига ё Солиҳ қавмига келган азобга ўхшаш азобларга мубтало қилмасин. Сизлар у қавмларнинг ҳолларидан ибрат олинглар, хусусан, Лут қавми сизлардан кўра узоқда ўтмади. Улардан ибрат олсангиз бўларди. Гуноҳларингиз учун Парвардигордан кечирим сўранглар. Сўнгра Худо тарафига қайтинглар (тавба қилинглар). Чунки Парвардигорим бандаларига меҳрибон ва дўстдир». Кофирлар айтдилар: «Эй Шуайб, Сенинг кўп сўзларингга тушунмаймиз. Сени ўз орамизда ожиз ва нотавон кўрамиз. Агар Сенинг қавму қабиланг бўлмаганида эди, Сени тошбўрон қилиб ўлдирар эдик. Қавмингни риоя қиламиз, Сен бизнинг наздимизда обрўли эмассан». Шуайб (алайҳиссалом) айтдики: «Эй қавмим, менинг қабилам сизларнинг наздларингизда Худодан ҳам азизроқми? Сизлар Худонинг ҳукмига парво қилмай, орқаларингизга ташладингизлар. Албатта, Парвардигоримнинг илми сизларнинг қилган амалларингизни иҳота қилиб (қамраб) олгувчидир».

وَيَٰقَوْمِ ٱعْمَلُوا۟ عَلَىٰ مَكَانَتِكُمْ إِنِّى عَٰمِلٌ ۖ سَوْفَ تَعْلَمُونَ مَن يَأْتِيهِ عَذَابٌ
يُخْزِيهِ وَمَنْ هُوَ كَٰذِبٌ ۖ وَٱرْتَقِبُوٓا۟ إِنِّى مَعَكُمْ رَقِيبٌ ﴿٩٣﴾ وَلَمَّا جَآءَ أَمْرُنَا نَجَّيْنَا
شُعَيْبًا وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مَعَهُۥ بِرَحْمَةٍ مِّنَّا وَأَخَذَتِ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ ٱلصَّيْحَةُ فَأَصْبَحُوا۟ فِى

دِيَـٰرِهِمْ جَـٰثِمِينَ ﴿٩٤﴾ كَأَن لَّمْ يَغْنَوْا۟ فِيهَآ ۗ أَلَا بُعْدًا لِّمَدْيَنَ كَمَا بَعِدَتْ ثَمُودُ ﴿٩٥﴾

93-95. «Эй қавмим, сизлар ҳам ўз куфрларингизга машғул бўлиб турган жойингизда амал қилаверинглар. Мен ҳам Парвардигорнинг ибодатига машғул бўлиб, амал қилавераман. Яқинда кимга расво қилгувчи азоб келишини ва ким ёлғончи эканини билиб оласизлар. Мунтазир бўлиб туринглар, мен ҳам сизлар билан мунтазир бўлиб турувчиман». Вақтики, бу кофирларни азоб қилишга ҳукм қилганимизда, Ўз фазлу марҳаматимиз билан Шуайб (алайҳиссалом)га ва у билан бирга бўлган мўминларга нажот бердик. Золимларни кучли бир овоз ўраб олди. Бас, ҳаммалари ўз уйларида ҳалок бўлдилар. Уйлари қабрга айланди. Гўё дунёга келмагандек, ер юзидан йўқолдилар. Билингларки, Самуд қавми ҳалок бўлиб, Менинг раҳматимдан маҳрум бўлганидек, Мадян аҳли (қавми)га ҳам Менинг раҳматимдан узоқлик ва маҳрумлик етди. 12 жузъ

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ بِـَٔايَـٰتِنَا وَسُلْطَـٰنٍ مُّبِينٍ ﴿٩٦﴾ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَمَلَإِي۟هِۦ فَٱتَّبَعُوٓا۟ أَمْرَ فِرْعَوْنَ ۖ وَمَآ أَمْرُ فِرْعَوْنَ بِرَشِيدٍ ﴿٩٧﴾ يَقْدُمُ قَوْمَهُۥ يَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ فَأَوْرَدَهُمُ ٱلنَّارَ ۖ وَبِئْسَ ٱلْوِرْدُ ٱلْمَوْرُودُ ﴿٩٨﴾ وَأُتْبِعُوا۟ فِى هَـٰذِهِۦ لَعْنَةً وَيَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ ۚ بِئْسَ ٱلرِّفْدُ ٱلْمَرْفُودُ ﴿٩٩﴾

96-99. Албатта, Биз Мусо (алайҳиссалом)ни мўъжизалар ва очиқ далиллар билан Фиръавн ва унинг қавмига Пайғамбар қилиб юбордик. Бас, қавми Фиръавннинг ҳукмига тобе бўлди, унга эргашди. Ваҳоланки, Фиръавннинг йўли тўғри эмас эди. Энди Фиръавн Қиёмат куни у қавмга пешво бўлиб, дўзахга олиб боради. Фиръавн олиб борадиган макон кўп ёмон жойдир! Ҳаёти дунёда бу қавмнинг орқасидан лаънат юборилган бўлса, Қиёматда ҳам орқаларидан шундай лаънат юборилади. Худо тарафидан берилган бу итоб кўп ёмондир.

ذَٰلِكَ مِنْ أَنۢبَآءِ ٱلْقُرَىٰ نَقُصُّهُۥ عَلَيْكَ ۖ مِنْهَا قَآئِمٌ وَحَصِيدٌ ﴿١٠٠﴾ وَمَا ظَلَمْنَـٰهُمْ وَلَـٰكِن ظَلَمُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ ۖ فَمَآ أَغْنَتْ عَنْهُمْ ءَالِهَتُهُمُ ٱلَّتِى يَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ مِن شَىْءٍ لَّمَّا جَآءَ أَمْرُ رَبِّكَ ۖ وَمَا زَادُوهُمْ غَيْرَ تَتْبِيبٍ ﴿١٠١﴾ وَكَذَٰلِكَ أَخْذُ رَبِّكَ إِذَآ أَخَذَ ٱلْقُرَىٰ وَهِىَ ظَـٰلِمَةٌ ۚ إِنَّ أَخْذَهُۥٓ أَلِيمٌ شَدِيدٌ ﴿١٠٢﴾

100-102. Мен Сенга қисса қилиб берган бу хабарлар халқи ҳалок бўлиб кетган қишлоқлар (шаҳарлар) аҳлларининг қиссаси (хабари) эди. У қишлоқларнинг баъзи асарлари (қолдиқлари, нишоналари) ҳалокат ўрнида боқий (сақланиб) қолган ва баъзилари ўриб, йиғиштириб олинган хашакдек йўқ бўлиб кетган. Бу қавмни ҳалок қилишда Биз (уларга)

зулм қилганимиз йўқ. Уларнинг ўзлари ўз нафсларига зулм қилдилар. Вақтики, азоб бериш учун Бизнинг ҳукмимиз содир бўлганида, уларнинг ибодат қилган илоҳлари (бутлари) улардан Худонинг азобини қайтаролмадилар, уларга ҳеч қандай ёрдам беролмадилар. Уларга барбод бўлишдан бошқа нарсани зиёда қилмадилар. Ана шу тарзда Парвардигор бир қавмни ҳалок қилса, аҳли қаря (қишлоқ-шаҳар)ни ҳалок қилгандек ҳалок қилади. Чунки, у қишлоқларнинг аҳллари золим эдилар. Албатта, Худонинг азоби қаттиқдир.

12 жузъ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَةً لِّمَنْ خَافَ عَذَابَ ٱلْآخِرَةِ ۚ ذَٰلِكَ يَوْمٌ مَّجْمُوعٌ لَّهُ ٱلنَّاسُ وَذَٰلِكَ
يَوْمٌ مَّشْهُودٌ ﴿١٠٣﴾ وَمَا نُؤَخِّرُهُۥٓ إِلَّا لِأَجَلٍ مَّعْدُودٍ ﴿١٠٤﴾

103-104. Сенга баён қилган бу қиссаларимизда охират азобидан қўрқувчилар учун ибратлар бор. Бу Қиёмат куни (шундай) бир кундирки, барча халойиқ бу кунда жам қилинади. Осмондагилар ва ердагилар ҳам ҳозир этилади. Биз бу кунни муайян муддатга таъхир қиламиз (кечиктирганмиз), то вақти келмагунича Қиёмат қоим бўлмайди.

يَوْمَ يَأْتِ لَا تَكَلَّمُ نَفْسٌ إِلَّا بِإِذْنِهِۦ ۚ فَمِنْهُمْ شَقِيٌّ وَسَعِيدٌ ﴿١٠٥﴾ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ
شَقُوا۟ فَفِى ٱلنَّارِ لَهُمْ فِيهَا زَفِيرٌ وَشَهِيقٌ ﴿١٠٦﴾ خَٰلِدِينَ فِيهَا مَا دَامَتِ ٱلسَّمَٰوَٰتُ
وَٱلْأَرْضُ إِلَّا مَا شَآءَ رَبُّكَ ۚ إِنَّ رَبَّكَ فَعَّالٌ لِّمَا يُرِيدُ ﴿١٠٧﴾ ۞ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ سُعِدُوا۟
فَفِى ٱلْجَنَّةِ خَٰلِدِينَ فِيهَا مَا دَامَتِ ٱلسَّمَٰوَٰتُ وَٱلْأَرْضُ إِلَّا مَا شَآءَ رَبُّكَ ۖ عَطَآءً
غَيْرَ مَجْذُوذٍ ﴿١٠٨﴾

105-108. Қиёмат куни келганида ҳеч бир нафс (жон) ўз фойдаси учун гапира олмайди, магар Худо изн берса, (гапиради). У вақтда халойиқ икки гуруҳга бўлинади. Баъзилари шақоватли (бадбахт) ва баъзилари саодатли бўладилар. Аммо бу дунёда шақоват ва бадбахтлик билан ҳаёт кечирган гуруҳлар дўзахга дохил этиладилар. Дўзахда азобни кўрганидан сўнг қаттиқ овоз билан нола ва фиғон қиладилар. Модомики, ер билан осмон барқарордир, (улар) дўзахда қоладилар. Магар Парвардигор біровнинг азобини енгил қилишни истаса, енгиллатади. Чунки Парвардигоринг нимани хоҳласа, шуни қилади. Аммо бахтли, саодатли, дунёда яхши амаллар қилган гуруҳлар жаннатга дохил этиладилар. Модомики, ер ва осмон боқийдир, улар жаннатда қоладилар. Магар Парвардигор уларнинг мартабаларини зиёда қилишни истаса, зиёда қилади. Парвардигорнинг берган эҳсонлари мунқатеъ бўлмайдиган (узилмайдиган), туганланмас эҳсондир.

فَلَا تَكُ فِى مِرْيَةٍ مِّمَّا يَعْبُدُ هَٰٓؤُلَآءِ ۚ مَا يَعْبُدُونَ إِلَّا كَمَا يَعْبُدُ ءَابَآؤُهُم مِّن
قَبْلُ ۚ وَإِنَّا لَمُوَفُّوهُمْ نَصِيبَهُمْ غَيْرَ مَنقُوصٍ ﴿١٠٩﴾

109. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у кофирларнинг гумроҳлик билан ибодат қилаётган бутларидан шубҳа қилмагил. Уларнинг ибодатлари ҳам ота-боболари қилган ибодатларга ўхшашдир. Биз азобдан насибаларини мукаммал, бенуқсон адо қиламиз.

وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ فَٱخْتُلِفَ فِيهِ ۚ وَلَوْلَا كَلِمَةٌ سَبَقَتْ مِن رَّبِّكَ لَقُضِىَ
بَيْنَهُمْ ۚ وَإِنَّهُمْ لَفِى شَكٍّ مِّنْهُ مُرِيبٍ ﴿١١٠﴾ وَإِنَّ كُلًّا لَّمَّا لَيُوَفِّيَنَّهُمْ رَبُّكَ أَعْمَٰلَهُمْ ۚ إِنَّهُۥ
بِمَا يَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿١١١﴾ فَٱسْتَقِمْ كَمَآ أُمِرْتَ وَمَن تَابَ مَعَكَ وَلَا تَطْغَوْا۟ ۚ إِنَّهُۥ بِمَا 12 жузъ
تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿١١٢﴾

110-112. Албатта, Биз Мусо (алайҳиссалом)га Тавротни бердик. Бас, Таврот хусусида Бани Исроилда ихтилоф бўлди. *Баъзилари тасдиқ қилдилар ва баъзилари инкор этдилар.* Агар илоҳий ҳукм уларга етадиган азобни таъхир қилиш учун содир бўлмаганида уларнинг ўрталаридаги ихтилофларига ҳукм чиқарилган бўлар эди. *Инкор қилувчиларни ҳалок қилиб, иқрор қилувчиларга нажот берилган бўларди.* Албатта, инкор қилувчилар оғир шак-шубҳага тушиб қолган эдилар. (Эй Муҳаммад), Сенинг қавминг ҳам Қуръон хусусида шубҳаю гумонларга борди. Албатта, Аллоҳ таоло хоҳ Сенинг қавмингдан бўлсин, хоҳ бани Исроил қавмидан бўлсин, ҳар бир ихтилоф қилувчига Қиёматда амалларининг жазосини мукаммал (комил) қилиб беради. Албатта, Аллоҳ таоло кофирларнинг қилган амалларидан хабардор. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен Худо тарафидан қандай маъмур бўлган (амр этилган) бўлсанг, сўзингда мустақим ва собит бўл ва Сенинг билан бирга (тавба қилган) мўминлар ҳам қандай маъмур бўлсалар, шундай собит ва мустаҳкам бўлсинлар. Ҳадларингиздан тажовуз қилманглар. Аллоҳ таоло амалларингиздан хабардордир.

وَلَا تَرْكَنُوٓا۟ إِلَى ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ فَتَمَسَّكُمُ ٱلنَّارُ وَمَا لَكُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ مِنْ أَوْلِيَآءَ
ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ ﴿١١٣﴾ وَأَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ طَرَفَىِ ٱلنَّهَارِ وَزُلَفًا مِّنَ ٱلَّيْلِ ۚ إِنَّ ٱلْحَسَنَٰتِ
يُذْهِبْنَ ٱلسَّيِّـَٔاتِ ۚ ذَٰلِكَ ذِكْرَىٰ لِلذَّٰكِرِينَ ﴿١١٤﴾ وَٱصْبِرْ فَإِنَّ ٱللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ
ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿١١٥﴾

113-115. Эй мўминлар, золимлар тарафига муҳаббат билан мойил бўлманглар. Агар мойил бўлсангизлар, Қиёмат куни уларга етган азоб сизларга ҳам етади. Сизларга Худодан бошқа дўст ва мададкор топилмайди. Сўнгра сизларга ҳеч тарафдан мадад бўлмайди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), куннинг (кундузнинг) икки тарафида, (яъни, эрталаб ва кечқурун бомдод, пешин ва аср) намозларини барпо эт (ўқи). Ва ҳам кечадан бир ҳисса ўтганида (яъни, шом ва хуфтон) намозини ўқигил. Албатта, яхши амалларинг хатоларингни маҳв қилади. Бу зикр этилган ваъдалар

Худога ибодат қилгувчилар учун панд ва насиҳатдир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кулфатларга сабрли бўл. Аллоҳ таоло яхши амал қилгувчиларнинг ажрини зое қилмайди.

فَلَوْلَا كَانَ مِنَ ٱلْقُرُونِ مِن قَبْلِكُمْ أُولُوا۟ بَقِيَّةٍ يَنْهَوْنَ عَنِ ٱلْفَسَادِ فِى ٱلْأَرْضِ إِلَّا
قَلِيلًا مِّمَّنْ أَنجَيْنَا مِنْهُمْ ۗ وَٱتَّبَعَ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ مَآ أُتْرِفُوا۟ فِيهِ وَكَانُوا۟ مُجْرِمِينَ
﴿١١٦﴾ وَمَا كَانَ رَبُّكَ لِيُهْلِكَ ٱلْقُرَىٰ بِظُلْمٍ وَأَهْلُهَا مُصْلِحُونَ ﴿١١٧﴾

12 жузъ

116-117. Нима учун сизлардан илгари ўтган аҳли замонлардан соҳиби ақл ва идрок бўлган шахслар бошқаларни ер юзида фасод қилишдан манъ қилгувчи бўлмадилар? Токи (улар) илоҳий азобдан халос бўлар эдилар. Магар (улардан) озгина халққа иймонлари сабабидан нажот бердик. Ана ўшалар панд ва насиҳат қилар эдилар, холос. Золимлар (эса) ўз нафсларининг хоҳишига эргашиб, маишатга, лаззатли ишларга берилиб кетдилар ва гуноҳкорлардан бўлдилар. Сенинг Парвардигоринг аҳли солиҳ бўлган қаря (қишлоқу шаҳар) халқини зулм билан ҳалок қилган эмас, минбаъд (бундан кейин) ҳам ҳалок қилмайди.

وَلَوْ شَآءَ رَبُّكَ لَجَعَلَ ٱلنَّاسَ أُمَّةً وَٰحِدَةً ۖ وَلَا يَزَالُونَ مُخْتَلِفِينَ ﴿١١٨﴾ إِلَّا مَن
رَّحِمَ رَبُّكَ ۚ وَلِذَٰلِكَ خَلَقَهُمْ ۗ وَتَمَّتْ كَلِمَةُ رَبِّكَ لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنَ ٱلْجِنَّةِ
وَٱلنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴿١١٩﴾ وَكُلًّا نَّقُصُّ عَلَيْكَ مِنْ أَنۢبَآءِ ٱلرُّسُلِ مَا نُثَبِّتُ بِهِۦ فُؤَادَكَ ۚ
وَجَآءَكَ فِى هَٰذِهِ ٱلْحَقُّ وَمَوْعِظَةٌ وَذِكْرَىٰ لِلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٢٠﴾

118-120. Парвардигоринг агар хоҳласа, ҳамма инсонларни бир миллат қилган бўлар эди. Лекин бундай қилмади. (Шунинг учун ҳам) инсонлар ҳақ ва ботил тўғрисида ҳамиша бир-бирлари билан ихтилофда бўладилар. Магар Парвардигоринг раҳм қилган одам бўлса, у ҳидоят топади, ҳақни ботилдан ажратади ва ихтилоф қилмайди. Инсонни мана шундай ихтилоф қилишлари учун халқ қилди, чунки бу дунё синов (имтиҳон) жойидир. Ким ботил динда ва ким ҳақ динда, ажралади. Кофирлар учун Парвардигорнинг ҳукми собит бўлган. У ҳукм шундан иборат: «Жаҳаннамни кофир жинлар ва кофир инсонлар билан тўлдираман». (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), Сенинг дилингни собит ва сабрли қилувчи ҳар бир пайғамбарнинг аҳволи ҳақидаги ана шундай хабарларни Сенга қисса (баён) қилиб берамиз. Сен у пайғамбарларнинг ҳолидан ибрат оласан ва ўз вазифангда собитқадам бўласан. Мўминларга панд ва насиҳат бўлиши учун бу сурада Сенга ва мўминларга ҳақ ва рост хабарлар ва пандлар келди.

وَقُل لِّلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ ٱعْمَلُوا۟ عَلَىٰ مَكَانَتِكُمْ إِنَّا عَٰمِلُونَ ﴿١٢١﴾ وَٱنتَظِرُوٓا۟ إِنَّا

مُنتَظِرُونَ ﴿١٢٢﴾ وَلِلَّهِ غَيْبُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَإِلَيْهِ يُرْجَعُ ٱلْأَمْرُ كُلُّهُۥ فَٱعْبُدْهُ
وَتَوَكَّلْ عَلَيْهِ وَمَا رَبُّكَ بِغَٰفِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿١٢٣﴾

121-123. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), иймон келтирмаган кофирларга айтгил: «Сизлар ҳам ўз ҳолларингизча амал қилаверинглар ва мен ҳам ўз йўлимда амал қилгувчидирман. Сизлар ҳам бизнинг ҳолимиз ўзгаришига мунтазир бўлаверинглар. Биз ҳам сизларга азоб нозил бўлишига мунтазир бўлиб тураверамиз». *Лекин бу иш гайб амридир, Аллоҳ билур*. Осмондаги ва ердаги ғайбларнинг илми Парвардигорга хосдир. Қиёмат куни барча ишлар Худо тарафига қайтарилур». Бас, ёлғиз Аллоҳга ибодат қил ва унга таваккул эт! Аллоҳ таоло сизларнинг амалларингиздан ғофил эмасдир.

12 жузъ

Маккада нозил бўлган бу сура бир юз ўн бир оятдан иборатдир.

12 жузъ *Суранинг 1, 2, 3-оятлари Мадинада нозил бўлган. Сура бошидан то охиригача Юсуф (алайҳиссалом) ҳақида экани боис унинг номи билан аталади.*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الٓر ۚ تِلْكَ ءَايَٰتُ ٱلْكِتَٰبِ ٱلْمُبِينِ ﴿١﴾ إِنَّآ أَنزَلْنَٰهُ قُرْءَٰنًا عَرَبِيًّا لَّعَلَّكُمْ
تَعْقِلُونَ ﴿٢﴾ نَحْنُ نَقُصُّ عَلَيْكَ أَحْسَنَ ٱلْقَصَصِ بِمَآ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ هَٰذَا
ٱلْقُرْءَانَ وَإِن كُنتَ مِن قَبْلِهِۦ لَمِنَ ٱلْغَٰفِلِينَ ﴿٣﴾ إِذْ قَالَ يُوسُفُ لِأَبِيهِ
يَٰٓأَبَتِ إِنِّى رَأَيْتُ أَحَدَ عَشَرَ كَوْكَبًا وَٱلشَّمْسَ وَٱلْقَمَرَ رَأَيْتُهُمْ لِى سَٰجِدِينَ
﴿٤﴾ قَالَ يَٰبُنَىَّ لَا تَقْصُصْ رُءْيَاكَ عَلَىٰٓ إِخْوَتِكَ فَيَكِيدُوا۟ لَكَ كَيْدًا ۖ إِنَّ
ٱلشَّيْطَٰنَ لِلْإِنسَٰنِ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿٥﴾

1-5. Алиф. Лом. Ро. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Бу Китоб оятлари Ҳақни зоҳир қилувчи Китобнинг оятларидир. Шоядки сизлар Қуръоннинг мазмунини (ақл юритиб) биларсизлар, деб Биз бу Китобни Муҳаммад (алайҳиссалом)га араб тилида нозил этдик. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга ушбу Қуръонни ваҳий қилиш билан яхши (гўзал) қиссалардан Юсуф (алайҳиссалом)нинг қиссасини баён этамиз. Албатта, Сен бу сура нозил бўлишидан илгари бу қиссадан бехабар эдинг. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ёд қил (эсла)! Вақтики, Юсуф (алайҳиссалом) уйқусидан паришон бўлиб туриб отасига: «Эй ота, мен бир ажиб туш кўрдим. Тушимда офтоб, ой ва яна ўн бир дона юлдуз осмондан тушиб, ҳаммалари менга сажда қилдилар», — деб айтди. Яъқуб (алайҳиссалом): «Эй ўғилчам, бу тушингни биродарларингга (акаларингга) айтмагил, чунки акаларинг Сенга ҳасад қилиб, Сени ҳалок этиш учун ҳийла тайёрлайдилар. Шайтон ҳар кимни йўлдан оздиради, чунки шайтон инсонга очиқ душмандир», — деди.

وَكَذَٰلِكَ يَجْتَبِيكَ رَبُّكَ وَيُعَلِّمُكَ مِن تَأْوِيلِ ٱلْأَحَادِيثِ وَيُتِمُّ نِعْمَتَهُۥ
عَلَيْكَ وَعَلَىٰٓ ءَالِ يَعْقُوبَ كَمَآ أَتَمَّهَا عَلَىٰٓ أَبَوَيْكَ مِن قَبْلُ إِبْرَٰهِيمَ وَإِسْحَٰقَ ۚ إِنَّ
رَبَّكَ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٦﴾

6. Шунга ўхшаш, яъни уйқунгда Сени биродарларингдан азиз қилиб фазилат берганга ўхшаш, келажакда ҳам Сени азиз қилади. Сенга тушларнинг таъбирини таълим беради, Сенга неъматларини мукаммал қилиб инъом этади. Ва ҳам келажакдаги пайғамбар бўладиган авлодларимизга неъматини комил этиб ато қилади. Чунончи, нубувват неъматини илгари боболаринг Иброҳим (алайҳиссалом) ва Исҳоқ (алайҳиссалом)га ато қилган эди. Албатта, Парвардигоринг ҳар бир нарсага доно, ҳар бир феъли (иши) ҳикматлидир. 12 жузъ

۞ لَّقَدْ كَانَ فِى يُوسُفَ وَإِخْوَتِهِۦٓ ءَايَٰتٌ لِّلسَّآئِلِينَ ﴿٧﴾ إِذْ قَالُوا۟ لَيُوسُفُ وَأَخُوهُ
أَحَبُّ إِلَىٰٓ أَبِينَا مِنَّا وَنَحْنُ عُصْبَةٌ إِنَّ أَبَانَا لَفِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٨﴾ ٱقْتُلُوا۟ يُوسُفَ أَوِ
ٱطْرَحُوهُ أَرْضًا يَخْلُ لَكُمْ وَجْهُ أَبِيكُمْ وَتَكُونُوا۟ مِنۢ بَعْدِهِۦ قَوْمًا صَٰلِحِينَ ﴿٩﴾
قَالَ قَآئِلٌ مِّنْهُمْ لَا تَقْتُلُوا۟ يُوسُفَ وَأَلْقُوهُ فِى غَيَٰبَتِ ٱلْجُبِّ يَلْتَقِطْهُ بَعْضُ
ٱلسَّيَّارَةِ إِن كُنتُمْ فَٰعِلِينَ ﴿١٠﴾

7-10. Албатта, Юсуф (алайҳиссалом) ва биродарлари ҳақидаги қиссаларида савол қилувчиларга насиҳат ва ибратлар бор. Ўшанда Юсуф (алайҳиссалом)нинг биродарлари айтдилар: «Албатта, Юсуф ва унинг укаси *Бинямин* отамизга биздан кўра маҳбуброқ (севимлироқ)дир. Ваҳоланки, биз (кўпчилик) қувватли ва меҳнаткашмиз. Бу хонадондаги тириклик бизлар билан барпо бўлади. Отамиз уни (Юсуфни) биздан зиёда дўст тутиб, хато қилмоқда». (Биродарлари) хилватда ўтириб, Юсуф (алайҳиссалом) тўғрисида маслаҳат қилиб, айтдилар: «Юсуфни ўлдиринглар ёки узоқ биёбонга олиб бориб ташланглар. Шундагина отангизнинг муҳаббати сизларга хос бўлади. Шундан кейин тавба қилиб, яхши одам бўлиб олинглар». Улардан баъзи маслаҳат берувчилари айтдилар: «Агар менинг маслаҳатимга амал қилсангизлар, Юсуфни ўлдирманглар. Ноҳақ қон тўкиш гуноҳи азимдир. Балки уни суви йўқ қоронғу қудуққа ташланглар. Баъзи ўтувчи одамлар (карвончилар) узоқ шаҳарга олиб кетар». Шу маслаҳатга қарор қилдилар.

قَالُوا۟ يَٰٓأَبَانَا مَا لَكَ لَا تَأْمَ۫نَّا عَلَىٰ يُوسُفَ وَإِنَّا لَهُۥ لَنَٰصِحُونَ ﴿١١﴾ أَرْسِلْهُ مَعَنَا
غَدًا يَرْتَعْ وَيَلْعَبْ وَإِنَّا لَهُۥ لَحَٰفِظُونَ ﴿١٢﴾ قَالَ إِنِّى لَيَحْزُنُنِىٓ أَن تَذْهَبُوا۟ بِهِۦ
وَأَخَافُ أَن يَأْكُلَهُ ٱلذِّئْبُ وَأَنتُمْ عَنْهُ غَٰفِلُونَ ﴿١٣﴾ قَالُوا۟ لَئِنْ أَكَلَهُ ٱلذِّئْبُ

قَالُوا۟ يَٰٓأَبَانَا مَا لَكَ لَا تَأْمَ۬نَّا عَلَىٰ يُوسُفَ وَإِنَّا لَهُۥ لَنَٰصِحُونَ ﴿١١﴾ أَرْسِلْهُ مَعَنَا
غَدًا يَرْتَعْ وَيَلْعَبْ وَإِنَّا لَهُۥ لَحَٰفِظُونَ ﴿١٢﴾ قَالَ إِنِّى لَيَحْزُنُنِىٓ أَن تَذْهَبُوا۟ بِهِۦ
وَأَخَافُ أَن يَأْكُلَهُ ٱلذِّئْبُ وَأَنتُمْ عَنْهُ غَٰفِلُونَ ﴿١٣﴾ قَالُوا۟ لَئِنْ أَكَلَهُ ٱلذِّئْبُ
وَنَحْنُ عُصْبَةٌ إِنَّآ إِذًا لَّخَٰسِرُونَ ﴿١٤﴾

12 жузъ

11-14. *Вақтики, Юсуф (алайҳиссалом)нинг биродарлари Юсуф (алайҳиссалом)ни ўзлари билан даштга олиб бориб, қудуққа ташлашга иттифоқ (маслаҳат) қилдилар, Юсуф (алайҳиссалом)ни (олиб кетиш учун) оталаридан сўрадилар. Яъқуб (алайҳиссалом) ижозат бермади.* Биродарлари айтдиларки: «Эй падари бузруквор, сизга не бўлди, бизларни Юсуфнинг амин (ишончли) кишиси, деб билмайсизми? Ахир биз унга хайрихоҳмиз-ку! Эртага Юсуфни биз билан юборинг, кенг яйловларда мевалар териб ейди ва ўйнайди. Биз доим уни (ҳимоя қилувчи) сақловчимиз». Яъқуб (алайҳиссалом) айтдики: «Юсуфни Мендан ажратиб олиб кетишларингиз, мени ғамгин қилади. Сизлар ундан ғофил бўлиб қолсангиз, уни бўри еб кетишидан қўрқаман». Биродарлари айтдиларки: «Биз қувватли (бир) жамоа ҳозир бўлиб турган ҳолимизда агар уни бўри ер экан, у ҳолда биз зиёнкорлардан бўламиз (яъни, зиёнкорлардан бўлиб қолар эканмиз-да)?!».

فَلَمَّا ذَهَبُوا۟ بِهِۦ وَأَجْمَعُوٓا۟ أَن يَجْعَلُوهُ فِى غَيَٰبَتِ ٱلْجُبِّ ۚ وَأَوْحَيْنَآ إِلَيْهِ لَتُنَبِّئَنَّهُم
بِأَمْرِهِمْ هَٰذَا وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿١٥﴾ وَجَآءُوٓ أَبَاهُمْ عِشَآءً يَبْكُونَ ﴿١٦﴾ قَالُوا۟
يَٰٓأَبَانَآ إِنَّا ذَهَبْنَا نَسْتَبِقُ وَتَرَكْنَا يُوسُفَ عِندَ مَتَٰعِنَا فَأَكَلَهُ ٱلذِّئْبُ ۖ وَمَآ أَنتَ
بِمُؤْمِنٍ لَّنَا وَلَوْ كُنَّا صَٰدِقِينَ ﴿١٧﴾ وَجَآءُو عَلَىٰ قَمِيصِهِۦ بِدَمٍ كَذِبٍ ۚ قَالَ بَلْ
سَوَّلَتْ لَكُمْ أَنفُسُكُمْ أَمْرًا ۖ فَصَبْرٌ جَمِيلٌ ۖ وَٱللَّهُ ٱلْمُسْتَعَانُ عَلَىٰ مَا تَصِفُونَ ﴿١٨﴾

15-18. Юсуф (алайҳиссалом)нинг биродарлари уни даштга олиб бориб, қоронғу қудуққа ташлашга иттифоқ қилган (келишиб олган) вақтларида, Биз Юсуф (алайҳиссалом)га шу мазмунда ваҳий юбордик: «Албатта, Сен яқинда бу азоблардан нажот топасан. Буларни мана шу қилган ишларидан огоҳлантирасан. Ваҳоланки, булар ўшанда Сени танимайдилар». *Шу оятдан маълум бўладики, Юсуф (алайҳиссалом)га ёшлик чоглариданоқ ваҳий келиб, пайгамбар бўлган эканлар.* Бу биродарлари Юсуф (алайҳиссалом)ни чоҳга ташлаб, кечқурун оталарининг олдиларига йиғлаб келдилар. Айтдиларки: «Эй ота, биз Юсуфни чўлга олиб боргандан сўнг бир-биримиз билан югуриш ўйнар ва тирандозлик (ўқ отишма) қилар эдик. Матоларимизга (нарсаларимизга) Юсуфни қоровул қилиб қўйган эдик. Бас, қайтиб келсак, Юсуфни бўри еб кетибди.

Агар биз бу сўзларимизни ростдан айтсак ҳам, Сен бизга ишонмайсан». Улар Юсуф (алайҳиссалом)нинг кўйлагини ёлғондан қонга белаб келдилар. *Яъқуб (алайҳиссалом) қонли кўйлакни кўрдики, йиртилмаган, бутун эди. Уларнинг сўзлари ёлғонлиги маълум бўлди.* Яъқуб (алайҳиссалом) айтди: «Бу айтганларинг тўғри эмас, балки нафсларинг сизлар учун бу ёлғонни тўқиган. Энди мен учун Худонинг ҳукмига рози бўлиб, яхши сабр қилишдан бошқа чора йўқ. Сизларнинг айтаётган бу сўзларингиз учун Худодан ёрдам истайман».

وَجَآءَتْ سَيَّارَةٌ فَأَرْسَلُوا۟ وَارِدَهُمْ فَأَدْلَىٰ دَلْوَهُۥ ۖ قَالَ يَـٰبُشْرَىٰ هَـٰذَا غُلَـٰمٌ ۚ وَأَسَرُّوهُ 12 жузъ
بِضَـٰعَةً ۚ وَٱللَّهُ عَلِيمٌۢ بِمَا يَعْمَلُونَ ﴿١٩﴾ وَشَرَوْهُ بِثَمَنٍۭ بَخْسٍ دَرَٰهِمَ مَعْدُودَةٍ
وَكَانُوا۟ فِيهِ مِنَ ٱلزَّٰهِدِينَ ﴿٢٠﴾

19-20. Қудуқнинг атрофига қофила (карвон) келиб тушди. Бу қофила Мисрга борувчи савдогарлар эди. Улар сув тортувчи ғуломларини қудуққа юбордилар. Бу ғулом сув оладиган пақирни (челакни) қудуққа ташлади. *Аллоҳ тарафидан Юсуф (алайҳиссалом)га: «Сен зарф (идиш)нинг ичига ўтиргил», – деган ваҳий келди. Вақтики, далвни (челакни) қудуқдан тортиб олганида, Юсуф (алайҳиссалом) чиқди. Уларнинг кўзи Юсуф (алайҳиссалом)га тушди. Камоли хурсандчиликдан баланд овоз билан:* «Эй, бизга ажиб хурсандчилик ҳосил бўлди! Қудуқдан бу чиройли ёш бола чиқди. *Мисрга олиб бориб сотсак, ундан катта фойда оламиз», – (дедилар). Қофиланинг бошлиғи Молик исмли одам бўлиб, ғулом ҳам унга тегишли эди.* Карвон аҳлига: «Бу ғуломни яшириб қўйинглар», – деб буюрди. Карвон аҳли матоларининг ичига Юсуф (алайҳиссалом)ни яшириб қўйдилар. Аллоҳ таоло уларнинг қилган амалларини билиб турган эди. *Юсуф (алайҳиссалом)нинг биродарлари бу воқеадан хабар топиб, етиб келдилар Карвон аҳлига айтдиларки: «Бу бизнинг ғуломимиз эди, агар олсаларинг сотамиз». Карвон аҳли: «Сотиб оламиз», – дедилар. Юсуф (алайҳиссалом)нинг биродарлари (Юсуф алайҳиссаломни) арзимаган қийматга, бир ривоятга кўра,қирқ тангага сотдилар. Бу биродарларининг мақсадлари Юсуф (алайҳиссалом)ни ўзларидан жудо қилиб, йўқотиб юбориш эди.*

وَقَالَ ٱلَّذِى ٱشْتَرَىٰهُ مِن مِّصْرَ لِٱمْرَأَتِهِۦٓ أَكْرِمِى مَثْوَىٰهُ عَسَىٰٓ أَن يَنفَعَنَآ أَوْ
نَتَّخِذَهُۥ وَلَدًا ۚ وَكَذَٰلِكَ مَكَّنَّا لِيُوسُفَ فِى ٱلْأَرْضِ وَلِنُعَلِّمَهُۥ مِن تَأْوِيلِ
ٱلْأَحَادِيثِ ۚ وَٱللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰٓ أَمْرِهِۦ وَلَـٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢١﴾
وَلَمَّا بَلَغَ أَشُدَّهُۥٓ ءَاتَيْنَـٰهُ حُكْمًا وَعِلْمًا ۚ وَكَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٢٢﴾

21-22. Вақтики, Молик Юсуф (алайҳиссалом)ни олиб Мисрга келди, уни сотиш учун бозорга солди. Подшоҳнинг вазири бундан хабар топиб, уни сотиб олди. Уйига олиб келиб, *Зулайхо исмли* хотинига: «Буни яхши сақлагил. Агар сотсак, кўп фойда келтиради. Ё ўзимизга ўғил қилиб ола-

миз», – деди. (Биз) Юсуф (алайҳиссалом)ни қандай роҳат ва ором билан Мисрга олиб келган бўлсак, шундай ором ва роҳат билан Мисрдан жой бердик. Мисрнинг ерларини тасарруф қилиш учун куч-қудрат ато этдик. Ҳатто унга тушлар таъбирини ўргатдик. Аллоҳ таоло ўз ишида ғолибдир. Қандай тасарруф қилса, шундай қилади. Ҳеч ким, ҳеч нарса Уни иродасидан қайтаролмайди. Лекин кўпчилик одамлар буни билмайдилар. Вақтики, Юсуф (алайҳиссалом) балоғатга етганида, унга донолик (ҳикмат) ва илм бердик. Яхши (чиройли) иш қилувчиларга ана шундай мукофот берамиз.

12 жузъ وَرَٰوَدَتۡهُ ٱلَّتِي هُوَ فِي بَيۡتِهَا عَن نَّفۡسِهِۦ وَغَلَّقَتِ ٱلۡأَبۡوَٰبَ وَقَالَتۡ هَيۡتَ لَكَۚ
قَالَ مَعَاذَ ٱللَّهِۖ إِنَّهُۥ رَبِّيٓ أَحۡسَنَ مَثۡوَايَۖ إِنَّهُۥ لَا يُفۡلِحُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٢٣﴾ وَلَقَدۡ
هَمَّتۡ بِهِۦۖ وَهَمَّ بِهَا لَوۡلَآ أَن رَّءَا بُرۡهَٰنَ رَبِّهِۦۚ كَذَٰلِكَ لِنَصۡرِفَ عَنۡهُ ٱلسُّوٓءَ
وَٱلۡفَحۡشَآءَۚ إِنَّهُۥ مِنۡ عِبَادِنَا ٱلۡمُخۡلَصِينَ ﴿٢٤﴾

23-24. Юсуф (алайҳиссалом) Миср Азизининг уйида бўлган (тушган) эди. Унинг хотини Юсуф (алайҳиссалом)дан нафси муродини (хоҳишини) талаб қилди (яъни, у билан фаҳш иш қилмоқчи бўлди). Уйга олиб кириб, дарвозаларини (эшикларини) беркитди. Юсуф (алайҳиссалом)га: «Менга яқин кел», – деди. Юсуф (алайҳиссалом) айтди: «Сенга яқин бўлишдан Худодан паноҳ тилайман. (Ахир эринг) Азизи Миср менинг моликим (хожам)дир. Унинг ҳаққини сақлайман, чунки у менга ҳурмат ва иззат билан ўз уйидан жой берди. *Мен учун давлатини сарф қилди.* Ҳаддан тажовуз қилувчи (золим, зинокор)лар нажот топмайдилар». Дарҳақиқат, Азизнинг хотини Юсуф (алайҳиссалом)га қасд қилди (висолига интилди). Агар Юсуф (алайҳиссалом) Худонинг далили ва бурҳонини (очиқ) кўрмаганида эди, Зулайхога қасд қилган (унинг талабини бажо келтирган) бўлар эди. Биз Юсуф (алайҳиссалом)дан ёмон иш ва ношоиста феълларни даф қилиш учун уни шундай покиза сақладик. Чунки у покиза ва ихлосли бандаларимиздан эди.

وَٱسۡتَبَقَا ٱلۡبَابَ وَقَدَّتۡ قَمِيصَهُۥ مِن دُبُرٖ وَأَلۡفَيَا سَيِّدَهَا لَدَا ٱلۡبَابِۚ قَالَتۡ مَا
جَزَآءُ مَنۡ أَرَادَ بِأَهۡلِكَ سُوٓءًا إِلَّآ أَن يُسۡجَنَ أَوۡ عَذَابٌ أَلِيمٞ ﴿٢٥﴾ قَالَ هِيَ
رَٰوَدَتۡنِي عَن نَّفۡسِيۚ وَشَهِدَ شَاهِدٞ مِّنۡ أَهۡلِهَآ إِن كَانَ قَمِيصُهُۥ قُدَّ مِن قُبُلٖ
فَصَدَقَتۡ وَهُوَ مِنَ ٱلۡكَٰذِبِينَ ﴿٢٦﴾

25-26. Юсуф (алайҳиссалом) ва Зулайхо бир-бирларини қувган ҳолда дарвозага (эшикка) етдилар. Зулайхо Юсуф (алайҳиссалом)нинг орқасидан етиб бориб, кўйлагининг орқа тарафидан тортиб, йиртиб ташлади. Эшик олдида Зулайхонинг эрига дуч келдилар. Зулайхо ўзидан туҳматни даф қилиш учун айтдики: «Сенинг аҳлингга (аёлингга) ёмонлик қилишни ирода

қилган одамнинг жазоси нима бўлади? Магар уни зиндонга солиш ё уриб жазолаш керак». Шунда Юсуф (алайҳиссалом): «*Бу тўғрида менда гуноҳ йўқ*. Зулайхонинг ўзи мендан мақсадини талаб қилди», – деди. *Азиз айтди: «Бу сўзингга қандай ишонса бўлади?». Юсуф (алайҳиссалом) айтди: «Шу уйда тўрт ойлик гўдак бешикда ётибди. Шу мен учун гувоҳлик беради». Зулайхонинг эри у гўдакдан (воқеа ҳақида) сўради. У гўдак Зулайхонинг қариндоши, холасининг ўғли эди.* Гўдак гувоҳлик бериб айтдики: «Эй Азиз, назар қил (қара), агар Юсуфнинг кўйлаги олдидан йиртилган бўлса, у ҳолда Зулайхо рост айтади ва Юсуф ёлғончилардандир.

وَإِن كَانَ قَمِيصُهُۥ قُدَّ مِن دُبُرٍ فَكَذَبَتْ وَهُوَ مِنَ ٱلصَّـٰدِقِينَ ﴿٢٧﴾ فَلَمَّا رَءَا 12 жузъ
قَمِيصَهُۥ قُدَّ مِن دُبُرٍ قَالَ إِنَّهُۥ مِن كَيْدِكُنَّ ۖ إِنَّ كَيْدَكُنَّ عَظِيمٌ ﴿٢٨﴾ يُوسُفُ
أَعْرِضْ عَنْ هَـٰذَا ۚ وَٱسْتَغْفِرِى لِذَنۢبِكِ ۖ إِنَّكِ كُنتِ مِنَ ٱلْخَاطِـِٔينَ ﴿٢٩﴾

27-29. Ва агар Юсуфнинг кўйлаги орқадан пора қилинган бўлса, бас, Зулайхо ёлғон айтади ва Юсуф рост айтувчилардандир». Азиз назар қилиб кўрдики, Юсуфнинг кўйлаги орқадан йиртилибди. Бас, Азиз ғазаб билан Зулайхога қараб деди: «Албатта, бу иш макр-ҳийлаларингиздандир. Албатта, сиз хотинларнинг макрларингиз ниҳоятда улуғдир (зўрдир)». Юсуф (алайҳиссалом)га қараб: «Эй Юсуф, бу ишдан ўзингни ўтир (яъни, бу ишни унут), бу ҳолни бошқалар билмасин. (Зулайхога қараб) Эй Зулайхо, бу гуноҳинг учун (истиғфор айт), Юсуфдан кечирим сўра. Сен, албатта, хатокорлардан бўлдинг», – деди.

۞ وَقَالَ نِسْوَةٌ فِى ٱلْمَدِينَةِ ٱمْرَأَتُ ٱلْعَزِيزِ تُرَٰوِدُ فَتَىٰهَا عَن نَّفْسِهِۦ ۖ قَدْ شَغَفَهَا
حُبًّا ۖ إِنَّا لَنَرَىٰهَا فِى ضَلَـٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٣٠﴾ فَلَمَّا سَمِعَتْ بِمَكْرِهِنَّ أَرْسَلَتْ إِلَيْهِنَّ
وَأَعْتَدَتْ لَهُنَّ مُتَّكَـًٔا وَءَاتَتْ كُلَّ وَٰحِدَةٍ مِّنْهُنَّ سِكِّينًا وَقَالَتِ ٱخْرُجْ عَلَيْهِنَّ ۖ فَلَمَّا
رَأَيْنَهُۥٓ أَكْبَرْنَهُۥ وَقَطَّعْنَ أَيْدِيَهُنَّ وَقُلْنَ حَـٰشَ لِلَّهِ مَا هَـٰذَا بَشَرًا إِنْ هَـٰذَآ إِلَّا مَلَكٌ
كَرِيمٌ ﴿٣١﴾ قَالَتْ فَذَٰلِكُنَّ ٱلَّذِى لُمْتُنَّنِى فِيهِ ۖ وَلَقَدْ رَٰوَدتُّهُۥ عَن نَّفْسِهِۦ
فَٱسْتَعْصَمَ ۖ وَلَئِن لَّمْ يَفْعَلْ مَآ ءَامُرُهُۥ لَيُسْجَنَنَّ وَلَيَكُونًا مِّنَ ٱلصَّـٰغِرِينَ ﴿٣٢﴾

30-32. Миср шаҳридаги Зулайхога таниш хотинлар бир-бирларига айтдиларки: «Азизнинг хотини ўз ғуломидан мақсадини талаб қилар (у билан қовушмоқчи бўлар) экан, унинг муҳаббатини дилида сақлар экан. Биз Азизнинг хотинини очиқ гумроҳ бўлган, деб биламиз. *Обрўли эри бўлатуриб, ўзининг ғуломи билан ишқбозлик қилар экан.* Вақтики, Зулайхо уларнинг махфий сўзларини эшитди, уларга одам юбориб, зиёфатга чақирди. Уларга суяниб ўтирадиган жойлар ҳозирлади. Ҳар бирларининг қўлларига гўштни майдалаб (тўғраб) ейишлари учун пичоқ берди ва

Зулайхо Юсуф (алайҳиссалом)га: «Бу хотинларнинг олдига чиқ (уларга бир кўрин)!» – деди. Юсуф (алайҳиссалом) Зулайхонинг амрини бажо келтириб, хотинларнинг олдига чиқди. Бас, вақтики хотинларнинг назари Юсуф (алайҳиссалом)га тушди, жуда соҳибжамол бир йигитни кўрдилар. *Ҳаммалари унинг дийдорини (жамолини) кўриб, ақлларидан адашиб қолдилар.* Ҳатто оғриғини сезмасдан, гўшт ўрнига қўлларини тўғрай бошладилар. Айтдиларки: «Худонинг қудрати улуғ! У Зот ожизликдан покдир! Бу башар эмас, балки малакдир!». Зулайхо хотинларга айтдики: «Сизлар мени мана шу ғуломнинг ишқида маломат қилар эдингизлар.
12 жузъ *Бир назар (боқиш) билан аҳволларингиз қандай бўлди?* Албатта, бу ғуломнинг нафсидан ўз мақсадимни талаб қилдим. У ўзини мендан сақлади. Менга итоат қилмади. Агар амримни бажо келтирмас экан, албатта, зиндонга ташланади. У жойда аҳволи ёмон ва хор бўлади».

قَالَ رَبِّ ٱلسِّجْنُ أَحَبُّ إِلَيَّ مِمَّا يَدْعُونَنِيٓ إِلَيْهِ ۖ وَإِلَّا تَصْرِفْ عَنِّي كَيْدَهُنَّ أَصْبُ
إِلَيْهِنَّ وَأَكُن مِّنَ ٱلْجَٰهِلِينَ ﴿٣٣﴾ فَٱسْتَجَابَ لَهُۥ رَبُّهُۥ فَصَرَفَ عَنْهُ كَيْدَهُنَّ ۚ إِنَّهُۥ هُوَ
ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٣٤﴾

33-34. *Вақтики, Юсуф (алайҳиссалом) Зулайхонинг: «Амримни бажо келтирмаса, зиндонга солинади», деган сўзини эшитгач,* Парвардигорга дуо қилиб айтди: «Бу хотинларнинг мендан талаб қилган хоҳишларидан кўра менга зиндон яхшироқдир. Агар мендан уларнинг макрларини қайтармасанг (нари қилмасанг), *башарият тақозоси билан* уларнинг тарафига мойил бўлишим мумкин. У ҳолда мен жоҳиллардан бўлиб қоламан». Бас, Парвардигор Юсуфнинг талабини ижобат қилди. Хотинларнинг макрини ундан нари қилиб, унга зиндонни муяссар этди. Албатта, Аллоҳ таоло дуоларни эшитгувчи ва бандаларнинг аҳволини билгувчидир.

ثُمَّ بَدَا لَهُم مِّنۢ بَعْدِ مَا رَأَوُا۟ ٱلْءَايَٰتِ لَيَسْجُنُنَّهُۥ حَتَّىٰ حِينٍ ﴿٣٥﴾ وَدَخَلَ مَعَهُ
ٱلسِّجْنَ فَتَيَانِ ۖ قَالَ أَحَدُهُمَآ إِنِّيٓ أَرَىٰنِيٓ أَعْصِرُ خَمْرًا ۖ وَقَالَ ٱلْءَاخَرُ إِنِّيٓ أَرَىٰنِيٓ
أَحْمِلُ فَوْقَ رَأْسِي خُبْزًا تَأْكُلُ ٱلطَّيْرُ مِنْهُ ۖ نَبِّئْنَا بِتَأْوِيلِهِۦٓ ۖ إِنَّا نَرَىٰكَ مِنَ
ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٣٦﴾ قَالَ لَا يَأْتِيكُمَا طَعَامٌ تُرْزَقَانِهِۦٓ إِلَّا نَبَّأْتُكُمَا بِتَأْوِيلِهِۦ قَبْلَ أَن
يَأْتِيَكُمَا ۚ ذَٰلِكُمَا مِمَّا عَلَّمَنِي رَبِّيٓ ۚ إِنِّي تَرَكْتُ مِلَّةَ قَوْمٍ لَّا يُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَهُم
بِٱلْءَاخِرَةِ هُمْ كَٰفِرُونَ ﴿٣٧﴾

35-37. Бас, уларга шундай муқаррар бўлдики, Юсуф (алайҳиссалом)нинг бегуноҳлигига далолат қилувчи аломатларни кўрганидан сўнг, токи Зулайхонинг шаънига бўлган гап-сўзларнинг тиниши учун Юсуф (алайҳиссалом)ни бир муддат зиндонга юборишга (ташлашга) қарор қилдилар. Юсуф (алайҳиссалом) билан подшоҳнинг икки хизматкори ҳам зиндонга

ташланган эди. Уларнинг бири подшоҳга шарбат тайёрлайдиган соқий, яна бири ошпаз эди. Улар подшоҳга заҳар беришни қасд қилганликда айбланган эдилар. Улар зиндонда туш кўриб, Юсуф (алайҳиссалом)дан таъбирини сўрадилар. Соқий айтдики: «Мен бир туш кўрдим, узумни сиқиб подшоҳга хамр (шароб) тайёрлаётган эмишман». Ошпаз айтдики: «Мен ҳам бир туш кўрдим. Бир саватда нонни бошимга кўтариб турган эмишман, паррандалар ундан еяётган эмишлар». Улар: «Бизга бу тушларнинг таъбирини айтиб берсанг. Биз Сени яхши одамлардан деб билмоқдамиз», – дедилар. Юсуф (алайҳиссалом) айтди: «Бу таъбир илмини менга Аллоҳ таоло таълим берган. Ҳатто олдиларингизга таом (ризқингиз) келмасдан илгари *қайси рангда, қандай таъми бор, қандай фойда қилади, қандай зарари бор, Аллоҳ таоло илҳом билан менга маълум қилади* – ҳаммасини (таъвилини) айтиб бераман. Худога иймон келтирмайдиган ва охиратга кофир бўладиган қавмнинг миллатини (динини) Мен тарк қилган кишиман. 12 жузъ

وَٱتَّبَعْتُ مِلَّةَ ءَابَآءِىٓ إِبْرَٰهِيمَ وَإِسْحَٰقَ وَيَعْقُوبَ ۚ مَا كَانَ لَنَآ أَن نُّشْرِكَ بِٱللَّهِ مِن شَىْءٍ ۚ ذَٰلِكَ مِن فَضْلِ ٱللَّهِ عَلَيْنَا وَعَلَى ٱلنَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ ﴿٣٨﴾

38. Мен кофир қавмга тобе бўлмасдан, ота ва боболарим (аждодларим) Иброҳим (алайҳиссалом), Исҳоқ (алайҳиссалом) ва Яъқуб (алайҳиссалом) миллатига тобе бўлдим. Биз (пайғамбарлар) учун Худога ибодат қилишда Унга бирон нарсани шерик қилишимиз жоиз эмас. Бу тавҳид (ёлғиз Аллоҳга сиғиниш) бизга ва бошқа халқларга Худонинг фазл ва марҳаматидир. Лекин аксар инсонлар Худонинг шукрини бажо келтирмайдилар.

يَٰصَىٰحِبَىِ ٱلسِّجْنِ ءَأَرْبَابٌ مُّتَفَرِّقُونَ خَيْرٌ أَمِ ٱللَّهُ ٱلْوَٰحِدُ ٱلْقَهَّارُ ﴿٣٩﴾ مَا تَعْبُدُونَ مِن دُونِهِۦٓ إِلَّآ أَسْمَآءً سَمَّيْتُمُوهَآ أَنتُمْ وَءَابَآؤُكُم مَّآ أَنزَلَ ٱللَّهُ بِهَا مِن سُلْطَٰنٍ ۚ إِنِ ٱلْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ ۚ أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوٓا۟ إِلَّآ إِيَّاهُ ۚ ذَٰلِكَ ٱلدِّينُ ٱلْقَيِّمُ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٤٠﴾

39-40. Эй зиндондаги ҳамроҳларим, сизларнинг бир-бирига ўхшамаган (турли-туман) ибодат қиладиган худоларинг (бутларинг) яхшими ёки якка ва ягона, ҳамма нарсага ғолиб Аллоҳ яхшими? Сизлар Худони қўйиб, ўзларингизча номлаган ва ота-боболарингиз ҳам ибодат қилган бутларга сиғинасизлар. Сизларга Аллоҳ таоло тарафидан уларнинг худолигига бирор ҳужжат (кўрсатма) йўқ. Уларда ҳам ҳеч қандай ҳукм ва қудрат йўқ. Худо сизларга бир Худодан бошқага ибодат қилмасликларингизни амр қилади. Мана шу дин ҳақ ва ростдир. Лекин аксар кишилар унинг ҳақлигини билмайдилар.

يَٰصَٰحِبَيِ ٱلسِّجۡنِ أَمَّآ أَحَدُكُمَا فَيَسۡقِي رَبَّهُۥ خَمۡرٗاۖ وَأَمَّا ٱلۡأٓخَرُ فَيُصۡلَبُ
فَتَأۡكُلُ ٱلطَّيۡرُ مِن رَّأۡسِهِۦۚ قُضِيَ ٱلۡأَمۡرُ ٱلَّذِي فِيهِ تَسۡتَفۡتِيَانِ ﴿٤١﴾ وَقَالَ لِلَّذِي
ظَنَّ أَنَّهُۥ نَاجٖ مِّنۡهُمَا ٱذۡكُرۡنِي عِندَ رَبِّكَ فَأَنسَىٰهُ ٱلشَّيۡطَٰنُ ذِكۡرَ رَبِّهِۦ
فَلَبِثَ فِي ٱلسِّجۡنِ بِضۡعَ سِنِينَ ﴿٤٢﴾

12 жузъ

41-42. Эй зиндондаги ҳамроҳларим, мендан сўраган тушларингизнинг таъбири шудир: сизлардан бирингиз – соқий, зиндондан халос бўлиб, яна ўз мураббийига соқий бўлиб, шароб қуйиб беради. Аммо иккинчингизки – ошпаз, дорга осилади, қушлар келиб бошига ўтириб ,гўштларини ейди». *Бу таъбирни эшитиб ошпаз: «Мен бу тушимни кўрмаган эдим», – деди. Юсуф (алайҳиссалом) айтдики: «Бу тушни хоҳ кўрган бўлинг, ё кўрмаган бўлинг, сўраган тушларингизнинг таъбири айтганимдек муқаррар бўлди».* Юсуф (алайҳиссалом) у икковидан бири, яъни нажот топгувчига, айтдики: «Халос бўлиб борсанг, мураббий ва мавлоингта зиндонда бегуноҳ ётганимни зикр қил (эслат)». Бас, шайтон соқийнинг дилидан (Ҳазрати) Юсуф ҳақида подшоҳга зикр этишни фаромуш қилдирди (унуттирди). Бас, Юсуф (алайҳиссалом) бир неча йиллар (зиндонда) қолиб кетди. *Баъзи ривоятда,зиндонда етти йил қолиб кетганлар,баъзилар: «Махлуқдан ёрдам сўраганликлари сабабли Ҳақ таоло Юсуф (алайҳиссалом)ни етти йил зиндонда сақлаш билан жазолади», – деганлар.*

وَقَالَ ٱلۡمَلِكُ إِنِّيٓ أَرَىٰ سَبۡعَ بَقَرَٰتٖ سِمَانٖ يَأۡكُلُهُنَّ سَبۡعٌ عِجَافٞ وَسَبۡعَ
سُنۢبُلَٰتٍ خُضۡرٖ وَأُخَرَ يَابِسَٰتٖۖ يَٰٓأَيُّهَا ٱلۡمَلَأُ أَفۡتُونِي فِي رُءۡيَٰيَ إِن كُنتُمۡ لِلرُّءۡيَا
تَعۡبُرُونَ ﴿٤٣﴾ قَالُوٓاْ أَضۡغَٰثُ أَحۡلَٰمٖۖ وَمَا نَحۡنُ بِتَأۡوِيلِ ٱلۡأَحۡلَٰمِ بِعَٰلِمِينَ ﴿٤٤﴾

43-44. (Бир кун) Мисрнинг подшоҳи даҳшатли бир туш кўриб, ўз вазирлари ва донишмандларига айтди: «Мен туш кўрмоқдаманки, тушимда еттита семиз мол дарёдан чиқди, унинг ортидан етти дона ориқ мол чиқиб келди. Ориқ моллар семиз молларни еб қўйди. Сўнгра етти дона буғдойнинг пояси ердан кўкариб чиқди. Унинг орқасидан етти дона буғдойнинг қуриб қолган поялари пайдо бўлди ва кўкариб ётган пояларга чирмашиб, уларни ҳам қуритди. Сўнгра ҳаммаси ғойиб бўлди». Подшоҳ бу ҳайбатли тушни кўрганидан сўнг айтдики: «Эй қавмим, агар сизлар тушларнинг таъбирини билувчи бўлсангиз, менинг бу тушимнинг таъбирини айтинглар». Подшоҳнинг вазирлари айтдилар: «Сизнинг бу тушингиз ботил ва беҳақиқат тушдир. Биз бундай паришон, ботил тушнинг таъбирини билмаймиз».

وَقَالَ ٱلَّذِي نَجَا مِنۡهُمَا وَٱدَّكَرَ بَعۡدَ أُمَّةٍ أَنَا۠ أُنَبِّئُكُم بِتَأۡوِيلِهِۦ فَأَرۡسِلُونِ ﴿٤٥﴾
يُوسُفُ أَيُّهَا ٱلصِّدِّيقُ أَفۡتِنَا فِي سَبۡعِ بَقَرَٰتٖ سِمَانٖ يَأۡكُلُهُنَّ سَبۡعٌ عِجَافٞ

وَسَبْعِ سُنۢبُلَٰتٍ خُضْرٍ وَأُخَرَ يَابِسَٰتٍ لَّعَلِّىٓ أَرْجِعُ إِلَى ٱلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿٤٦﴾

45-46. Зиндондан нажот топган соқий кўп вақтлар ўтганидан кейин Юсуф (алайҳиссалом)нинг унга тайинлаган сўзлари ёдига келиб, айтди: «Сизларга бу тушнинг таъбиридан мен хабар бераман, (фақат) мени зиндонга юборинглар». Подшоҳ соқийга рухсат берди. Соқий зиндонга келиб (Юсуфга) айтди: «Эй рост сўзлайдиган Юсуф, бизга подшоҳ кўрган ушбу тушнинг таъбирини айтгил: Подшоҳнинг тушида етти дона семиз мол етти дона ориқ молни еб қўйибди ва ҳам етти дона буғдойнинг кўкариб турган сунбулини (бошоғини) етти дона қуруқ буғдой пояси қуритиб қўйибди. Шоядки Сенинг жавобингни (таъбирингни) халққа олиб борсам (етказсам), улар ҳам ҳақиқати ҳолни билган бўлишар эди». 12 жузъ

قَالَ تَزْرَعُونَ سَبْعَ سِنِينَ دَأَبًا فَمَا حَصَدتُّمْ فَذَرُوهُ فِى سُنۢبُلِهِۦٓ إِلَّا قَلِيلًا مِّمَّا تَأْكُلُونَ ﴿٤٧﴾ ثُمَّ يَأْتِى مِنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ سَبْعٌ شِدَادٌ يَأْكُلْنَ مَا قَدَّمْتُمْ لَهُنَّ إِلَّا قَلِيلًا مِّمَّا تُحْصِنُونَ ﴿٤٨﴾ ثُمَّ يَأْتِى مِنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ عَامٌ فِيهِ يُغَاثُ ٱلنَّاسُ وَفِيهِ يَعْصِرُونَ ﴿٤٩﴾

47-49. Юсуф (алайҳиссалом) подшоҳнинг тушини шундай таъбир қилди: «Одатларингизга мувофиқ етти йил пайдарпай буғдой экасизлар. Буғдойни ўриб олганларингиздан кейин янчмасдан боши (бошоғи) билан қолдиринглар, фақат ҳожатларингизга яраша янчиб олинглар. Бу етти йилдан сўнг етти йил қаҳатчилик йили келади. Осмондан ёмғир ёғмайди. Бас, сизлар илгари захира қилиб қўйган буғдойларингизни енглар. Фақат озгина экиш (уруғлик) учун сақлайсизлар. Сўнгра (қаҳатчилик йилларидан) кейин шундай бир йил келадики, халқнинг устига ёмғир ёғади ва ердан гиёҳлар кўкаради ва одамлар (меваю) узумлардан шароблар тайёрлайдилар».

وَقَالَ ٱلْمَلِكُ ٱئْتُونِى بِهِۦ ۖ فَلَمَّا جَآءَهُ ٱلرَّسُولُ قَالَ ٱرْجِعْ إِلَىٰ رَبِّكَ فَسْـَٔلْهُ مَا بَالُ ٱلنِّسْوَةِ ٱلَّٰتِى قَطَّعْنَ أَيْدِيَهُنَّ ۚ إِنَّ رَبِّى بِكَيْدِهِنَّ عَلِيمٌ ﴿٥٠﴾ قَالَ مَا خَطْبُكُنَّ إِذْ رَٰوَدتُّنَّ يُوسُفَ عَن نَّفْسِهِۦ ۚ قُلْنَ حَٰشَ لِلَّهِ مَا عَلِمْنَا عَلَيْهِ مِن سُوٓءٍ ۚ قَالَتِ ٱمْرَأَتُ ٱلْعَزِيزِ ٱلْـَٰٔنَ حَصْحَصَ ٱلْحَقُّ أَنَا۠ رَٰوَدتُّهُۥ عَن نَّفْسِهِۦ وَإِنَّهُۥ لَمِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿٥١﴾ ذَٰلِكَ لِيَعْلَمَ أَنِّى لَمْ أَخُنْهُ بِٱلْغَيْبِ وَأَنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى كَيْدَ ٱلْخَآئِنِينَ ﴿٥٢﴾

50-52. Соқий келиб, тушнинг таъбирини подшоҳга ҳикоя қилган вақтда подшоҳ: «Юсуфни менинг олдимга олиб келинглар», – деб айтди. Вақтики, Юсуф (алайҳиссалом)ни олиб кетгани подшоҳнинг элчиси келга-

нида, Юсуф (алайҳиссалом) элчига айтди: «Подшоҳинг олдига қайтиб боргин. Подшоҳ аввало ўз қўлларини кесган хотинларнинг аҳволлари қандай бўлганини, мен ҳақимда қандай воқеалар бўлганини сўрасин? Улар макр қилмоқчи эдилар. Албатта, менинг Парвардигорим уларнинг макрини билгувчи донодир». Подшоҳ хотинларни ва Зулайхони ҳузурига чақирди ва уларга айтди: «Вақтики, Юсуфнинг нафсидан истакларингни талаб қилганларингизда, воқеа қандай бўлган эди? Юсуф сизларга майл қилган эдими?» Хотинлар айтдилар: «Йўқ, асло ундай эмас. Худойи таоло ҳамма айблардан покдир. Юсуфда бирор ёмонлик (гуноҳ иш) кўрмадик. Юсуф бундай туҳматлардан пок эди». Азизнинг хотини
13 жузъ Зулайхо айтди: «Энди ҳақ (ҳақиқат) зоҳир бўлди. Бу тўғрида мен гуноҳкорман. Мен унинг васлини талаб қилган эдим. Юсуф бундай туҳматлардан покдир. У ростгўйлардандир». Юсуф (алайҳиссалом) айтди: «Мен бу сўзни хотинларни жазолаш учун айтмадим. Шунинг учун айтдимки, то Миср Азизи билсинки, у йўқлигида унинг хонадонига хиёнат қилганим йўқ. Аллоҳ таоло ҳийла қилувчи (хиёнаткор) хоинларнинг ҳийласини ислоҳ қилмайди».

ЎН УЧИНЧИ ЖУЗЪ

۞ وَمَآ أُبَرِّئُ نَفۡسِيٓۚ إِنَّ ٱلنَّفۡسَ لَأَمَّارَةُۢ بِٱلسُّوٓءِ إِلَّا مَا رَحِمَ رَبِّيٓۚ
إِنَّ رَبِّي غَفُورٞ رَّحِيمٞ ﴿٥٣﴾

53. Юсуф (алайҳиссалом) айтди: «Мен ўз нафсимни покликка нисбат бермайман ва нафсимни покиза деб даъво қилмайман. Агар Парвардигорим раҳм қилиб, нафсимни ёмон ишлардан сақламаса, нафс инсонни ёмон ишларга амр қилгувчидир. Албатта, Аллоҳ таоло хатоларни кечирувчи меҳрибондир».

وَقَالَ ٱلۡمَلِكُ ٱئۡتُونِي بِهِۦٓ أَسۡتَخۡلِصۡهُ لِنَفۡسِيۖ فَلَمَّا كَلَّمَهُۥ قَالَ إِنَّكَ ٱلۡيَوۡمَ لَدَيۡنَا
مَكِينٌ أَمِينٞ ﴿٥٤﴾ قَالَ ٱجۡعَلۡنِي عَلَىٰ خَزَآئِنِ ٱلۡأَرۡضِۖ إِنِّي حَفِيظٌ عَلِيمٞ ﴿٥٥﴾ وَكَذَٰلِكَ
مَكَّنَّا لِيُوسُفَ فِي ٱلۡأَرۡضِ يَتَبَوَّأُ مِنۡهَا حَيۡثُ يَشَآءُۚ نُصِيبُ بِرَحۡمَتِنَا مَن نَّشَآءُۖ وَلَا
نُضِيعُ أَجۡرَ ٱلۡمُحۡسِنِينَ ﴿٥٦﴾ وَلَأَجۡرُ ٱلۡأٓخِرَةِ خَيۡرٞ لِّلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَكَانُواْ يَتَّقُونَ ﴿٥٧﴾

54-57. Подшоҳ Юсуф (алайҳиссалом)нинг аҳволини соқийдан эшитган вақтда (уни) кўришга шавқланиб айтди: «Юсуфни менинг ҳузуримга олиб келинглар. Мен уни хос кишиларимдан қилиб оламан». Вақтики, Юсуф (алайҳиссалом)ни олиб келдилар, подшоҳ Юсуф (алайҳиссалом) билан гаплашди, сўнгра айтди: «Эй Юсуф, Сен бу кун бизнинг ҳузуримизда улуғ мартабали ва омонатдор (ишончли) одамсан. Барча давлат ишларини Сенинг ихтиёрингга топшираман». Юсуф (алайҳиссалом) подшоҳга айтди: «Менга бошқа мансабинг керак эмас, мени (ернинг хазина-

лари, яъни) ердан чиқадиган (кўкарадиган) ҳосиллар учун муқаррар (тайин) қилгил. Мен у ҳосилларни яхши сақлагувчиман». Биз подшоҳни Юсуф (алайҳиссалом)га меҳрибон қилганимиздек, Юсуфни Миср ерида мутамаккин (қарор топувчи) ҳукмрон қилдик. Миср ерида қаерни хоҳласа, шу жойда (манзил макон қилиб) сукунат қилади (яшайди, яъни, уни шу даражага эриштирдик). Биз хоҳлаганимизга Ўз раҳматимизни ато қиламиз. Бу дунё ва охиратда яхшиларнинг ажрини (мукофотини) зое қилмаймиз. Лекин мўмин ва муттақийлар учун охиратнинг ажри бу дунёнинг нозу неъматларидан яхшироқдир».

وَجَآءَ إِخْوَةُ يُوسُفَ فَدَخَلُوا۟ عَلَيْهِ فَعَرَفَهُمْ وَهُمْ لَهُۥ مُنكِرُونَ ﴿٥٨﴾ وَلَمَّا 13 жузъ
جَهَّزَهُم بِجَهَازِهِمْ قَالَ ٱئْتُونِى بِأَخٍ لَّكُم مِّنْ أَبِيكُمْ ۚ أَلَا تَرَوْنَ أَنِّىٓ أُوفِى ٱلْكَيْلَ
وَأَنَا۠ خَيْرُ ٱلْمُنزِلِينَ ﴿٥٩﴾ فَإِن لَّمْ تَأْتُونِى بِهِۦ فَلَا كَيْلَ لَكُمْ عِندِى وَلَا تَقْرَبُونِ
﴿٦٠﴾ قَالُوا۟ سَنُرَٰوِدُ عَنْهُ أَبَاهُ وَإِنَّا لَفَٰعِلُونَ ﴿٦١﴾ وَقَالَ لِفِتْيَٰنِهِ ٱجْعَلُوا۟ بِضَٰعَتَهُمْ فِى
رِحَالِهِمْ لَعَلَّهُمْ يَعْرِفُونَهَآ إِذَا ٱنقَلَبُوٓا۟ إِلَىٰٓ أَهْلِهِمْ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿٦٢﴾

58-62. *Қаҳатчилик йиллари бошланган вақтда ҳазрати Яъқуб (алайҳиссалом) ўғилларига айтдиларки: «Миср подшоҳи очларга таом бергувчи ва эҳсон қилгувчи (сахий одам) экан. Уй-рўзғор буюмларини туяга ортиб, олиб боринглар ва ғаллага алиштириб келинглар». Яъқуб (алайҳиссалом)нинг ўғиллари оталарининг фармони билан Мисрга келдилар.* Вақтики, Юсуф (алайҳиссалом)нинг биродарлари Мисрга келиб, унинг ҳузурига дохил бўлдилар, Юсуф (алайҳиссалом) уларни кўргани ҳамон таниди. Аммо улар Юсуф (алайҳиссалом)ни танимадилар. Вақтики, Юсуф (алайҳиссалом) уларнинг юкларини тайёрлаб қўлларига берди: «Оталарингиздан неча ўғилсизлар?», — деб сўради. *Улар айтдиларки: «Ўн икки ўғилмиз». Юсуф (алайҳиссалом) айтди: «Сизлар ўн киши келдингизлар, иккитангиз қани?». Улар айтдилар: «Бир биродаримизни бўри еган, кичкина укамиз отамиз билан бирга қолган».* Юсуф (алайҳиссалом) айтди: «Яна қайтиб келганларингизда ўша, ота бир укаларингизни ҳам олиб келинглар. Агар олиб келсангизлар, мен кўп ғалла бераман, чунки кўрмаяпсизларми, мен ҳаммага кўп ғалла бериб турибман? *Хусусан, узоқдан келган меҳмоннинг риоясини яхши ўрнига қўяман.* Агар ўша биродарингизни олиб келмасангизлар, сизларга ҳеч қандай ғалла бермайман. Ва бу юртларга яқин келманглар». Биродарлари айтдилар: «Биз тезда бориб, отамиздан талаб қилиб биродаримизни олиб келамиз. Биз бу ишни албатта қиламиз». Юсуф (алайҳиссалом) ўзининг ғуломларига (масъул тарозибон ходимларига) айтдики: «Олиб келган бизоатларини (мол-матоларини) уларга билдирмасдан юкларининг ичига солиб, қайтариб беринглар. Вақтики, улар ўз аҳлларига (уйларига) қайтиб борсалар, ўз жиҳозларининг қайтиб келганини кўрадилар. Эҳтимол, шу сабаб бўлиб, яна қайтиб келсалар».

فَلَمَّا رَجَعُوٓا۟ إِلَىٰٓ أَبِيهِمْ قَالُوا۟ يَٰٓأَبَانَا مُنِعَ مِنَّا ٱلْكَيْلُ فَأَرْسِلْ مَعَنَآ أَخَانَا
نَكْتَلْ وَإِنَّا لَهُۥ لَحَٰفِظُونَ ﴿٦٣﴾ قَالَ هَلْ ءَامَنُكُمْ عَلَيْهِ إِلَّا كَمَآ أَمِنتُكُمْ عَلَىٰٓ
أَخِيهِ مِن قَبْلُ ۖ فَٱللَّهُ خَيْرٌ حَٰفِظًا ۖ وَهُوَ أَرْحَمُ ٱلرَّٰحِمِينَ ﴿٦٤﴾ وَلَمَّا فَتَحُوا۟ مَتَٰعَهُمْ
وَجَدُوا۟ بِضَٰعَتَهُمْ رُدَّتْ إِلَيْهِمْ ۖ قَالُوا۟ يَٰٓأَبَانَا مَا نَبْغِى ۖ هَٰذِهِۦ بِضَٰعَتُنَا رُدَّتْ إِلَيْنَا ۖ
13 жузъ وَنَمِيرُ أَهْلَنَا وَنَحْفَظُ أَخَانَا وَنَزْدَادُ كَيْلَ بَعِيرٍ ۖ ذَٰلِكَ كَيْلٌ يَسِيرٌ ﴿٦٥﴾

63-65. Вақтики улар оталарининг олдига қайтиб келдилар, айтдилар: «Эй падари бузруквор, агар биз укамизни олиб бормасак, бизга ғалла бериш манъ қилинади. Энди биродаримизни биз билан юборинг, токи бизга ваъда қилинган ғаллани беришсин. Биз укамизни эҳтиёт қилиб сақлаймиз». Яъқуб (алайҳиссалом) айтди: «Илгари сизларни омонатдор (ишончли) деб ишониб, биродарингизни топширган эдим. Энди бу биродарингизни ҳам сизларга ишониб топширайми? *Сизлар Юсуфга хиёнат қилдингизлар, муҳофазат қилмадингизлар. Сизларнинг муҳофазат қилишларингизга ишонмайман. Мен Аллоҳнинг ҳифзига ишонаман.* Чунки Аллоҳ (энг) яхши муҳофазат қилгувчи ва меҳрибонларнинг меҳрибонроғидир». Вақтики, Юсуф (алайҳиссалом)нинг биродарлари уйларига қайтиб келиб, юкларини очиб кўрганларида, ўзларининг олиб борган бизоатлари (сармоялари) юкларининг ичидан чиқиб қолди. Уларга қайтариб юборилганлигини кўрдилар. Улар айтдиларки: «Эй ота, энди бизлар қандай эҳсонни умид қиламиз. Сармоялар ўзимизга қайтариб берилибди. Бизга лозим бўлдики, биродаримизни олиб, Миср подшоҳининг ҳузурига қайтиб борайлик ва аҳли аёлларимиз учун ғалла олиб келайлик. Биз биродаримизни муҳофаза қиламиз ва унинг учун бир туя ғаллани зиёда оламиз. Бу олиб келган ғалламиз озгинадир».

قَالَ لَنْ أُرْسِلَهُۥ مَعَكُمْ حَتَّىٰ تُؤْتُونِ مَوْثِقًا مِّنَ ٱللَّهِ لَتَأْتُنَّنِى بِهِۦٓ إِلَّآ أَن يُحَاطَ
بِكُمْ ۖ فَلَمَّآ ءَاتَوْهُ مَوْثِقَهُمْ قَالَ ٱللَّهُ عَلَىٰ مَا نَقُولُ وَكِيلٌ ﴿٦٦﴾

66. (Ҳазрати) Яъқуб айтди: «Сизлар Худо тарафидан менга мустаҳкам қасам билан аҳд қилмагунларингизча, мен *Бинямин* (Юсуф алайҳиссаломнинг укаси)ни сизлар билан юбормайман. Магар ҳаммангизни душман ўраб олса (ҳалокатга учраб қолсангизлар), у вақтда сизлар ҳам маъзурсизлар». Вақтики, оталарига аҳд-паймон бердилар, Яъқуб (алайҳиссалом) айтди: «Аллоҳ таоло бизнинг ўртамизда бўлган аҳд-паймонга гувоҳдир».

وَقَالَ يَٰبَنِىَّ لَا تَدْخُلُوا۟ مِنۢ بَابٍ وَٰحِدٍ وَٱدْخُلُوا۟ مِنْ أَبْوَٰبٍ مُّتَفَرِّقَةٍ ۖ وَمَآ أُغْنِى
عَنكُم مِّنَ ٱللَّهِ مِن شَىْءٍ ۖ إِنِ ٱلْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ ۖ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ ۖ وَعَلَيْهِ فَلْيَتَوَكَّلِ
ٱلْمُتَوَكِّلُونَ ﴿٦٧﴾

67. Яъқуб (алайҳиссалом) ўғилларига айтди: «Эй ўғилларим ҳаммангиз Миср шаҳрининг бир дарвозасидан кирманглар, мутафарриқа бўлиб, ҳар (турли) дарвозадан киринглар». *Баъзи китобларда айтилишича, Яъқуб (алайҳиссалом)нинг ҳамма ўгиллари соҳибжамол, қадду қоматлари келишган йигитлар эдилар. Бинобарин, ўгилларимга кўз тегмасин, деб шундай тадбир қилишни васият қилган эканлар.* Яна айтдики: «Мен Худо тарафидан бўладиган қазо ва қадарни даф қилолмайман. Бу борада фақат Худонинг ҳукми жорий бўлади. Мен ёлғиз Худонинг ўзига таваккул қилдим. Таваккул қилувчилар фақат Унга таваккул қилишлари керак».

وَلَمَّا دَخَلُوا۟ مِنْ حَيْثُ أَمَرَهُمْ أَبُوهُم مَّا كَانَ يُغْنِى عَنْهُم مِّنَ ٱللَّهِ مِن شَىْءٍ 13 жузъ
إِلَّا حَاجَةً فِى نَفْسِ يَعْقُوبَ قَضَىٰهَا ۚ وَإِنَّهُۥ لَذُو عِلْمٍ لِّمَا عَلَّمْنَٰهُ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ
ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٦٨﴾ وَلَمَّا دَخَلُوا۟ عَلَىٰ يُوسُفَ ءَاوَىٰٓ إِلَيْهِ أَخَاهُ ۖ قَالَ إِنِّىٓ
أَنَا۠ أَخُوكَ فَلَا تَبْتَئِسْ بِمَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٦٩﴾

68-69. Вақтики, Яъқуб (алайҳиссалом)нинг ўғиллари оталарининг амрига мувофиқ Миср шаҳрининг бошқа-бошқа дарвозасидан кирдилар. Лекин уларнинг бу тадбирлари Худонинг бирор ҳукми (тақдири)ни даф қилгувчи эмасдир. Фақат Яъқуб (алайҳиссалом) дилидаги оталик меҳрини адо этиб, бу тадбирни қилган эди (холос). Ва, албатта, Яъқуб (алайҳиссалом) Бизнинг ваҳий орқали таълим берган илмимизга эга эди. Бирор иш Худонинг ҳукмидан ташқарида бўлмаслигини яхши биларди. Лекин аксар инсонлар бу сирни билмайдилар. Вақтики, биродарлари Юсуф (алайҳиссалом)нинг ҳузурига кирганларида, (Ҳазрати) Юсуф уларни зиёфат қилиб, олдиларига таом қўйдирди. *Буюрдики: «Ҳар бир киши ўз тугишган биродари билан бир табаққа шерик бўлсин». Шунда Биняминнинг ўзи якк[illegible]р табаққа қолди ва таом емасдан, йиглай бошлади. Юсуф (алайҳиссал[illegible]): «Сен нима учун йиглаяпсан?» – деб сўради. Бинямин айтди: «Биродарим бўлганида, мен у билан бирга еган бўлардим».* Юсуф (алайҳиссалом) *бу сўзни эшитиб*: «Бўлмаса, мен билан таом егил», – деб парданинг ичига чақириб олди. Вақтики, Юсуф (алайҳиссалом) ва Бинямин бир табаққа қўл узатганларида *Бинямин яна йиглай бошлади. «Яна нега йиглаяпсан?» – деб сўраганида, Бинямин айтди: «Эй подшоҳ, қўлингиз йўқолган биродаримнинг қўлига ўхшайди».* Юсуф (алайҳиссалом): «Ундай бўлса, билгинки, мен сенинг биродаринг Юсуфман», – *деб юзидан пардани олди. Иккала биродар бир-бирларини танишиб, қучоқлашиб, ҳушларидан кетдилар. Юсуф (алайҳиссалом) унга айтди:* «Биродарларимизнинг қилган ишларидан ғамгин бўлма, *уларнинг менга берган кулфатлари роҳат ва мартаба топишимга сабаб бўлди. Энди биродарларга ҳозирча сирни ошкор қилма». Бинямин: «Энди мен сиздан ажралмайман»,– деди. Юсуф (алайҳиссалом): «Ундай бўлса, бирор тадбир (чора) қилиб, сени олиб қоламан», – деб айтди.*

فَلَمَّا جَهَّزَهُم بِجَهَازِهِمْ جَعَلَ ٱلسِّقَايَةَ فِى رَحْلِ أَخِيهِ ثُمَّ أَذَّنَ مُؤَذِّنٌ أَيَّتُهَا ٱلْعِيرُ

إِنَّكُمْ لَسَٰرِقُونَ ۝٧٠ قَالُوا۟ وَأَقْبَلُوا۟ عَلَيْهِم مَّاذَا تَفْقِدُونَ ۝٧١ قَالُوا۟ نَفْقِدُ
صُوَاعَ ٱلْمَلِكِ وَلِمَن جَآءَ بِهِۦ حِمْلُ بَعِيرٍ وَأَنَا۠ بِهِۦ زَعِيمٌ ۝٧٢

70-72. Вақтики, Юсуф (алайҳиссалом) биродарларининг олиб кетадиган юкларини тайёрлаганида сув ичадиган бир жомни Бинёминнинг юки ичига жойлади. Карвонлар жўнаб кетганидан сўнг орқаларидан подшоҳнинг хизматкорлари етиб келди ва бир нидо қилувчи (жарчи) жар солиб, айтдики: «Эй карвон аҳли, сизлар ўғридирсизлар». Юсуф
13 жузъ (алайҳиссалом)нинг биродарлари уларга юз ўгириб айтдилар: «Сизлар нимани истайсизлар? (Нимани ўғирлатдингизлар?)». Подшоҳнинг ходимлари: «Биз подшоҳнинг сув ичадиган жомини йўқотдик, ўшани истаймиз. Кимки жомни топиб олиб келса, унга бир туя ғалла берилади. Мен ушбу ваъдага кафилман», – деб айтишди.

قَالُوا۟ تَٱللَّهِ لَقَدْ عَلِمْتُم مَّا جِئْنَا لِنُفْسِدَ فِى ٱلْأَرْضِ وَمَا كُنَّا سَٰرِقِينَ ۝٧٣ قَالُوا۟
فَمَا جَزَٰٓؤُهُۥٓ إِن كُنتُمْ كَٰذِبِينَ ۝٧٤ قَالُوا۟ جَزَٰٓؤُهُۥ مَن وُجِدَ فِى رَحْلِهِۦ فَهُوَ
جَزَٰٓؤُهُۥ ۚ كَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلظَّٰلِمِينَ ۝٧٥

73-75. Юсуф (алайҳиссалом)нинг биродарлари айтдилар: «Аллоҳнинг номига қасамёд қилиб айтамизки, биз жомни олганимиз йўқ. Албатта, сизлар биласизларки, биз бу ерга фасод қилиш учун келганимиз йўқ. Биз ўғрилар эмасмиз». Ходимлар айтдилар: «Агар ёлғончи бўлсангизлар, жазоси нимадир?» Биродарлари айтдилар: «Жом кимнинг юкидан топилса, жазосига ўша одамнинг ўзи жом эгасига топширилади. Бизлар ўғриларни шундай жазолаймиз».

فَبَدَأَ بِأَوْعِيَتِهِمْ قَبْلَ وِعَآءِ أَخِيهِ ثُمَّ ٱسْتَخْرَجَهَا مِن وِعَآءِ أَخِيهِ ۚ كَذَٰلِكَ كِدْنَا
لِيُوسُفَ ۖ مَا كَانَ لِيَأْخُذَ أَخَاهُ فِى دِينِ ٱلْمَلِكِ إِلَّآ أَن يَشَآءَ ٱللَّهُ ۚ نَرْفَعُ دَرَجَٰتٍ مَّن
نَّشَآءُ ۗ وَفَوْقَ كُلِّ ذِى عِلْمٍ عَلِيمٌ ۝٧٦

76. Жомни топиш учун аввал Бинёминдан бошқа биродарларининг юкларини титкиладилар. Охирида Бинёминнинг юкини қидириб, унинг ичидан жомни топиб олдилар. Биз Юсуф (алайҳиссалом)га шундай тадбирни илҳом қилдик. Миср подшоҳининг динида ўғрини асир қилиб олиш (тартиби) йўқ эди. Лекин Юсуф (алайҳиссалом)нинг ўз биродарини асир қилиб олишини Худо хоҳлади. Биз кимни хоҳласак, мартабасини юқори кўтарурмиз. Юсуф (алайҳиссалом)нинг ҳам илм ва ҳикматда мартабасини юқори қилдик. Ҳар бир илмлидан устунроқ, доно ва илмда мартабаси баландроқ бўлади.

۞ قَالُوٓا۟ إِن يَسْرِقْ فَقَدْ سَرَقَ أَخٌ لَّهُۥ مِن قَبْلُ ۚ فَأَسَرَّهَا يُوسُفُ فِى نَفْسِهِۦ وَلَمْ
يُبْدِهَا لَهُمْ ۚ قَالَ أَنتُمْ شَرٌّ مَّكَانًا ۖ وَٱللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا تَصِفُونَ ۝٧٧

77. Юсуф (алайҳиссалом) айтдики: «Сизлар келиб: «Биз пайғамбарзодамиз», деб айтган эдингизлар. Бу ёмон ишни не учун қилдингизлар?» Биродарлари айтдилар: «Агар бу ўғрилик қилган бўлса, ажабланарли (ҳол) эмас. Бунинг бир туғишган биродари бор эди. У ҳам ўғрилик қилган эди». Юсуф (алайҳиссалом) уларнинг сўзларини дилида махфий тутди (ичига ютди) ва уларга ошкора қилмади. (Зеро, ошкор қилиш мавриди эмас эди). Юсуф (алайҳиссалом) айтдики: «Сизларнинг сифатларингиз бундан ҳам баттарроқ (ёмон мартабада)дир. Сизлар сифатлаётган нарсани Аллоҳ яхши билгувчидир».

قَالُوا يَٰٓأَيُّهَا ٱلْعَزِيزُ إِنَّ لَهُۥٓ أَبًا شَيْخًا كَبِيرًا فَخُذْ أَحَدَنَا مَكَانَهُۥٓ إِنَّا نَرَىٰكَ مِنَ 13 жузъ
ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٧٨﴾ قَالَ مَعَاذَ ٱللَّهِ أَن نَّأْخُذَ إِلَّا مَن وَجَدْنَا مَتَٰعَنَا عِندَهُۥٓ إِنَّآ
إِذًا لَّظَٰلِمُونَ ﴿٧٩﴾

78-79. *Юсуф (алайҳиссалом)нинг биродарлари оталарига: «Биняминни саломат олиб келамиз»,– деб қасамёд қилган эдилар. Энди Биняминни ташлаб кетишга ҳайрон бўлиб, айтдиларки:* «Эй Азиз, бу Бинямиининг жуда кексайиб қолган отаси бордир. Энди у бусиз ҳаёт кечиролмайди. Биз Сени жуда эҳсон (яхшилик) қилгувчилардан деб биламиз. Бизнинг мўйсафид отамизга раҳм қил. Бинямининнинг ўрнига бизлардан биримизни олиб қол». Юсуф (алайҳиссалом) айтди: «Мен матоҳимизни (нарсамизни) юкидан топиб олган ўғрининг ўрнига бошқа одамни жазолашдан Худодан паноҳ тилайман. Агар шундай қиладиган бўлсам, золимлардан бўлиб қоламан».

فَلَمَّا ٱسْتَيْـَٔسُوا۟ مِنْهُ خَلَصُوا۟ نَجِيًّا قَالَ كَبِيرُهُمْ أَلَمْ تَعْلَمُوٓا۟ أَنَّ أَبَاكُمْ قَدْ
أَخَذَ عَلَيْكُم مَّوْثِقًا مِّنَ ٱللَّهِ وَمِن قَبْلُ مَا فَرَّطتُمْ فِى يُوسُفَ فَلَنْ أَبْرَحَ ٱلْأَرْضَ
حَتَّىٰ يَأْذَنَ لِىٓ أَبِىٓ أَوْ يَحْكُمَ ٱللَّهُ لِى وَهُوَ خَيْرُ ٱلْحَٰكِمِينَ ﴿٨٠﴾ ٱرْجِعُوٓا۟ إِلَىٰٓ أَبِيكُمْ
فَقُولُوا۟ يَٰٓأَبَانَآ إِنَّ ٱبْنَكَ سَرَقَ وَمَا شَهِدْنَآ إِلَّا بِمَا عَلِمْنَا وَمَا كُنَّا لِلْغَيْبِ
حَٰفِظِينَ ﴿٨١﴾

80-81. Вақтики, биродарлари Бинямииндан умидларини уздилар, хилватда ўтириб, маслаҳат қилдилар. Ҳаммаларидан катталари туриб айтдики: «Отaларингиз сизлардан Бинямининни сиҳат-саломат олиб келишингиз учун Аллоҳ номи билан қасам ила аҳд-паймон олганини билмайсизларми? Бундан илгари Юсуф ҳақида ҳам хато (иш) қилган эдингизлар. Отамизга Бинямин тўғрисида ҳам яна узр айтасизларми? Бас, отам мени то «Келсин», демагунича ё Худойи таоло мен ҳақимда бирор ҳукм чиқармагунча шу жойдан қимирламайман. Парвардигор ҳукм қилгувчиларнинг энг афзалидир. Сизлар оталарингиз ҳузурига қайтинглар ва: «Ўғлинг ўғрилик қилди», – деб айтинглар. Биз зоҳирда кўрган ва билганимизни айтамиз.

Биз ғайбни билгувчи ва ёд қилгувчилардан эмасмиз. *Ҳақиқати ҳолн (фақат) Аллоҳ таоло билади».*

وَسْـَٔلِ ٱلْقَرْيَةَ ٱلَّتِى كُنَّا فِيهَا وَٱلْعِيرَ ٱلَّتِىٓ أَقْبَلْنَا فِيهَا ۖ وَإِنَّا لَصَـٰدِقُونَ ﴿٨٢﴾
قَالَ بَلْ سَوَّلَتْ لَكُمْ أَنفُسُكُمْ أَمْرًا ۖ فَصَبْرٌ جَمِيلٌ ۖ عَسَى ٱللَّهُ أَن يَأْتِيَنِى بِهِمْ جَمِيعًا ۚ
إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْعَلِيمُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٨٣﴾

82-83. Эй падари бузруквор, агар бизнинг сўзимизга ишонмасангиз,
13 жузъ биз бўлган қишлоқ аҳлидан сўранг ва биз (учрашган) ва бирга келган карвон аҳлидан сўранг. Албатта, биз рост айтурмиз. Яъқуб (алайҳиссалом) айтди: «Ундай эмас, балки нафсларингиз бу тўғрида яна бир ҳийла ва тадбирни чиройли қилиб кўрсатган. Энди менга яхши (чиройли) сабр қилишдан бошқа йўл қолмади. Парвардигордан умид қиламанки, йўқолган (фарзандларим)нинг ҳаммасини менга қайтариб беради. Албатта, Парвардигор барча махфий нарсаларга олимдир ва қилган ишлари ҳикматлидир».

وَتَوَلَّىٰ عَنْهُمْ وَقَالَ يَـٰٓأَسَفَىٰ عَلَىٰ يُوسُفَ وَٱبْيَضَّتْ عَيْنَاهُ مِنَ ٱلْحُزْنِ فَهُوَ
كَظِيمٌ ﴿٨٤﴾ قَالُوا۟ تَٱللَّهِ تَفْتَؤُا۟ تَذْكُرُ يُوسُفَ حَتَّىٰ تَكُونَ حَرَضًا أَوْ تَكُونَ
مِنَ ٱلْهَـٰلِكِينَ ﴿٨٥﴾ قَالَ إِنَّمَآ أَشْكُوا۟ بَثِّى وَحُزْنِىٓ إِلَى ٱللَّهِ وَأَعْلَمُ مِنَ ٱللَّهِ
مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٨٦﴾

84-86. Яъқуб (алайҳиссалом) фарзандларидан юз ўгирди, камоли бетоқатликдан фарёд этдилар: «Эй менинг андуҳим! Энди Юсуф фироқида менга ҳужум қил. Сенинг менга ҳужум қиладиган вақтинг етди!». Шу аҳволда йиғлаб, нола қилишдан кўзлари оқарди, диллари ғамга тўлди. Фарзандлари кўрдиларки, оталари кўп нола қилишдан заиф (хаста, бечораҳол) бўлиб қолди. Айтдиларки: «Эй падари бузруквор, (Аллоҳга қасамки), Юсуфни ҳамиша (доим) ёд қилишдан охир касалликка учрайсан ёки ҳалок бўласан». Яъқуб (алайҳиссалом) айтди: «Эй фарзандларим, мен ғам-андуҳимдан Парвардигоримга (шикоят қилиб), такя қиламан (суянаман). Мен сизларга дод демайман. Мен Худо тарафидан ваҳий орқали сизлар билмайдиган нарсани биламан». *Ривоят қиладиларки, Ҳазрати Азроил (алайҳиссалом) Яъқуб (алайҳиссалом)нинг зиёратларига келган эканлар. Яъқуб (алайҳиссалом) Азроил (алайҳиссалом)дан: «Аллоҳнинг номи билан сенга қасам бериб сўрайманки, фарзандим Юсуфнинг жонини олганмисан, ё йўқми?». Азроил (алайҳиссалом) айтдиларки: «Мен жонини олганим йўқ». Яъқуб (алайҳиссалом) айтдилар: «Ундай бўлса, у қаерда?». Азроил (алайҳиссалом) айтдиларки: «Бу сирни айтишга рухсат йўқ».*

يَـٰبَنِىَّ ٱذْهَبُوا۟ فَتَحَسَّسُوا۟ مِن يُوسُفَ وَأَخِيهِ وَلَا تَا۟يْـَٔسُوا۟ مِن رَّوْحِ ٱللَّهِ ۖ إِنَّهُۥ لَا
يَا۟يْـَٔسُ مِن رَّوْحِ ٱللَّهِ إِلَّا ٱلْقَوْمُ ٱلْكَـٰفِرُونَ ﴿٨٧﴾

87. Яъқуб (алайҳиссалом) айтди: «Эй ўғилларим, боринглар, Юсуфни ҳам, биродари Биняминни ҳам истанглар (изланглар). Худонинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Чунки Худонинг раҳматидан фақат кофирлар ноумид бўладилар».

فَلَمَّا دَخَلُوا۟ عَلَيْهِ قَالُوا۟ يَٰٓأَيُّهَا ٱلْعَزِيزُ مَسَّنَا وَأَهْلَنَا ٱلضُّرُّ وَجِئْنَا بِبِضَٰعَةٍ
مُّزْجَىٰةٍ فَأَوْفِ لَنَا ٱلْكَيْلَ وَتَصَدَّقْ عَلَيْنَآ إِنَّ ٱللَّهَ يَجْزِى ٱلْمُتَصَدِّقِينَ ﴿٨٨﴾

88. *Ҳазрати Яъқуб алайҳиссаломнинг фарзандлари ғалла олиш учун яна (учинчи бор) Мисрга бормоқчи бўлдилар. Ҳазрати Яъқуб алайҳиссалом Юсуф алайҳиссаломга бир мактуб ёзиб юбордилар. Мактубнинг мазмуни шундан иборат эдики: «Эй Миср подшоҳи, менинг яхши кўрган фарзандимни «ўғри» деб туҳмат қилиб, олиб қолибсан. Менинг фарзандимни қайтариб юборгил. Вагарна (йўқса), Сенинг тарафингга дуо ўқини отаман, вассалом».* Вақтики, биродарлари Мисрга бориб, (Ҳазрати) Юсуф ҳузурларига дохил бўлдилар (кирдилар) ва айтдилар: «Эй Азиз, бизнинг аҳли аёлларимизни очлик (очарчилик) ушлади. Биз (бу сафар) Сенинг ҳузурингга арзимас бизоат (сармоя)ни олиб келдик, токи (уларни) ғаллага алмаштириб бер ва бизга яхшилик қилгил. Аллоҳ таоло садақа қилувчиларга яхши (улуғ) ажр(у мукофот) беради». *Шундан сўнг Яъқуб (алайҳиссалом)нинг мактубларини Юсуф (алайҳиссалом)га бердилар. Юсуф (алайҳиссалом) хилватга кириб, мактубни ўқидилар, кўп йиғладилар.* 13 жузъ

قَالَ هَلْ عَلِمْتُم مَّا فَعَلْتُم بِيُوسُفَ وَأَخِيهِ إِذْ أَنتُمْ جَٰهِلُونَ ﴿٨٩﴾ قَالُوٓا۟ أَءِنَّكَ
لَأَنتَ يُوسُفُ قَالَ أَنَا۠ يُوسُفُ وَهَٰذَآ أَخِى قَدْ مَنَّ ٱللَّهُ عَلَيْنَآ إِنَّهُۥ مَن يَتَّقِ
وَيَصْبِرْ فَإِنَّ ٱللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٩٠﴾ قَالُوا۟ تَٱللَّهِ لَقَدْ ءَاثَرَكَ ٱللَّهُ
عَلَيْنَا وَإِن كُنَّا لَخَٰطِـِٔينَ ﴿٩١﴾ قَالَ لَا تَثْرِيبَ عَلَيْكُمُ ٱلْيَوْمَ يَغْفِرُ ٱللَّهُ لَكُمْ
وَهُوَ أَرْحَمُ ٱلرَّٰحِمِينَ ﴿٩٢﴾

89-92. Сўнгра Юсуф (алайҳиссалом) биродарларининг олдига чиқиб, юзидан ниқобни олиб айтди: «Эй биродарлар, (сизлар нодон бўлган пайтингизда) Юсуфга ва унинг биродарига нималар қилганларингизни биласизларми? Сизлар у замонлар нодон ва (ҳали) зулмнинг қабоҳатини билмас эдингизлар». Биродарлари: «Сен (ҳали) Юсуфмисан?», – деб сўрадилар. Юсуф (алайҳиссалом) айтдики: «Ҳа, мен – Юсуфман. Мана бу биродарим Биняминдир. Худойи таоло (менга марҳаматлар кўргазди). *Мени қулликдан озод қилиб, Миср тахтига сазовор қилди.* Менга улуғ неъматлар ато қилди. Чунки, кимки Худодан қўрқар экан, балоларга сабр қилар экан, Аллоҳ таоло унинг қилмишларини ва амалларини зое қилмайди. (Албатта), Аллоҳ таоло эҳсон қилувчиларнинг ажрини зое қилмайди». Биродарлари ўз хатоларига иқрор бўлиб, айтдиларки: «Худога қасамки, У Зот Сени биздан юқори (устун) қилибди, бизлар, албатта,

хатокорлардан (бўлиб қолганмиз)». (Ҳазрати) Юсуф айтди: «Сизлар ҳеч хафа бўлманглар. Мен сизлардан қилмишларинг учун интиқом (қасос) олмайман ва сизларни маломат ҳам қилмайман. Худо сизларни кечиргай. Албатта, Аллоҳ таоло меҳрибонларнинг меҳрибонроғидир».

اذْهَبُوا بِقَمِيصِي هَٰذَا فَأَلْقُوهُ عَلَىٰ وَجْهِ أَبِي يَأْتِ بَصِيرًا وَأْتُونِي بِأَهْلِكُمْ
أَجْمَعِينَ ﴿٩٣﴾ وَلَمَّا فَصَلَتِ الْعِيرُ قَالَ أَبُوهُمْ إِنِّي لَأَجِدُ رِيحَ يُوسُفَ لَوْلَا
13 жузъ أَن تُفَنِّدُونِ ﴿٩٤﴾ قَالُوا تَاللَّهِ إِنَّكَ لَفِي ضَلَالِكَ الْقَدِيمِ ﴿٩٥﴾

93-95. Юсуф (алайҳиссалом) биродарларини кечириб, кўп ҳурмат қилиб, хурсанд қилганларидан сўнг айтди: «Сизлар менинг (мана) бу кўйлагимни олиб бориб, падари бузрукворимизнинг юзларига ёпинглар (ташланглар), кўзлари албатта (очилиб), аввалги ҳолига қайтиб, равшан бўлади. Сўнгра барча аҳли аёлларингизни ва падари бузрукворингизни менинг ҳузуримга олиб келинглар». Вақтики, карвон Мисрдан (йўлга) чиққанида Яъқуб (алайҳиссалом) аҳли аёлига деди: «Агар сизлар мени ақлига нуқсон етибди демасангиз, Юсуфнинг иси димоғимга келяпти, деб айтаман». У (аҳли) аёли айтди: «Аллоҳга қасамки, эй падари бузруквор, Сен илгариги (ҳали ҳам эски) хато қилган (адашган) ҳолингда турибсан. Ўзгарганинг йўқ».

فَلَمَّا أَن جَاءَ الْبَشِيرُ أَلْقَاهُ عَلَىٰ وَجْهِهِ فَارْتَدَّ بَصِيرًا قَالَ أَلَمْ أَقُل لَّكُمْ
إِنِّي أَعْلَمُ مِنَ اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٩٦﴾ قَالُوا يَا أَبَانَا اسْتَغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا إِنَّا
كُنَّا خَاطِئِينَ ﴿٩٧﴾

96-97. *Юсуф (алайҳиссалом)нинг Яҳудо номли биродари кўйлакни олиб: «Мен қонли кўйлакни (отамга) олиб (бориб) гамгин қилган эдим. Энди бу кўйлакни (отамга) олиб бориб, хурсанд қилайин», – деб йўлга равона бўлди.* Вақтики башорат (хушхабар) бергувчи *Яҳудо* Яъқуб (алайҳиссалом)нинг ҳузурига келиб, кўйлакни Яъқуб (алайҳиссалом)нинг юзига ёпди (ташлади). Яъқуб (алайҳиссалом)нинг (кўзлари дарҳол очилиб), бино (кўрувчи) бўлди. Айтди: «Эй болаларим: «Мен Худо тарафидан ваҳий орқали сизлар билмайдиган нарсани биламан», – деб айтмаганмидим?». Яъқуб (алайҳиссалом)нинг фарзандлари айтдилар: «Эй падари бузруквор, Худодан бизнинг гуноҳимизни кечиришини сўранг. Албатта, биз гуноҳкорлардан бўлдик».

قَالَ سَوْفَ أَسْتَغْفِرُ لَكُمْ رَبِّي إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ ﴿٩٨﴾ فَلَمَّا دَخَلُوا عَلَىٰ
يُوسُفَ آوَىٰ إِلَيْهِ أَبَوَيْهِ وَقَالَ ادْخُلُوا مِصْرَ إِن شَاءَ اللَّهُ آمِنِينَ ﴿٩٩﴾

98-99. (Ҳазрати) Яъқуб айтди: «Яқинда сизлар учун Аллоҳдан кечирим сўрайман. Албатта, Парвардигор бандалар гуноҳини кечиргувчи ва меҳрибондир». Вақтики, *Юсуф (алайҳиссалом)нинг талабига мувофиқ Яъқуб (алайҳиссалом) аҳли аёллари билан Миср шаҳрига бориб,* Юсуф (алайҳиссала-

лом) ҳузурига кирдилар, *(узоқ айриликдан сўнг ота-бола) Яъқуб алайҳиссалом ва Юсуф алайҳиссалом бир-бирларига қовушиб, бир-бирларининг дийдорларига мушарраф бўлдилар.* Юсуф (алайҳиссалом) ота-онасини ўз даргоҳига жойлаштириб: «Бундан буён илоҳий ирода сизларнинг осойишта ва фаровон яшашларингизга тааллуқ топган бўлса, Миср шаҳрига дохил бўлиб, омон-омонликда сукунат қилинглар (яшанглар)», – деди.

وَرَفَعَ أَبَوَيْهِ عَلَى ٱلْعَرْشِ وَخَرُّوا۟ لَهُۥ سُجَّدًا ۖ وَقَالَ يَٰٓأَبَتِ هَٰذَا تَأْوِيلُ رُءْيَٰىَ مِن
قَبْلُ قَدْ جَعَلَهَا رَبِّى حَقًّا ۖ وَقَدْ أَحْسَنَ بِىٓ إِذْ أَخْرَجَنِى مِنَ ٱلسِّجْنِ وَجَآءَ بِكُم مِّنَ 13 жузъ
ٱلْبَدْوِ مِنۢ بَعْدِ أَن نَّزَغَ ٱلشَّيْطَٰنُ بَيْنِى وَبَيْنَ إِخْوَتِىٓ ۚ إِنَّ رَبِّى لَطِيفٌ لِّمَا يَشَآءُ ۚ
إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْعَلِيمُ ٱلْحَكِيمُ ﴿١٠٠﴾

100. Юсуф (алайҳиссалом) ота-онасини ҳурмат қилиб, ўз тахтига ўтқазди. Ҳаммалари қатор бўлиб, Юсуф (алайҳиссалом)га сажда (таъзим) қилдилар, *чунки ўша даврда улуғларни ҳурмат қилиш сажда билан бўлар эди.* Юсуф (алайҳиссалом) айтди: «Эй падари бузруквор, мана шу сизларнинг сажда қилишларингиз менга илгари, ёшликда (қирқ йил олдин) кўрган тушимнинг таъбиридир. Парвардигорим бу тушимни ростга айлантирди. (Дарҳақиқат), Парвардигор менга кўп эҳсон қилди. Яъни, мени зиндондан чиқариб, подшоҳ қилди. Шайтон мен ва биродарларим ўртасига иғво солиб, кўп жудоликларга сабаб бўлганидан кейин сизларни (биёбондан) Мисрга (менинг ҳузуримга) олиб келтирди. Албатта, Парвардигорим хоҳлаганига меҳрибондир. Албатта, У ҳар (бир) банданинг ҳолини яхши билгувчи ва ҳар бир феълида ҳакимдир».

۞ رَبِّ قَدْ ءَاتَيْتَنِى مِنَ ٱلْمُلْكِ وَعَلَّمْتَنِى مِن تَأْوِيلِ ٱلْأَحَادِيثِ ۚ فَاطِرَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ أَنتَ وَلِىِّۦ فِى ٱلدُّنْيَا وَٱلْءَاخِرَةِ ۖ تَوَفَّنِى مُسْلِمًا وَأَلْحِقْنِى بِٱلصَّٰلِحِينَ
﴿١٠١﴾ ذَٰلِكَ مِنْ أَنۢبَآءِ ٱلْغَيْبِ نُوحِيهِ إِلَيْكَ ۖ وَمَا كُنتَ لَدَيْهِمْ إِذْ
أَجْمَعُوٓا۟ أَمْرَهُمْ وَهُمْ يَمْكُرُونَ ﴿١٠٢﴾

101-102. Юсуф (алайҳиссалом) *умрининг охирида Худога муножот қилиб,* айтдики: «Эй Парвардигорим, менга подшоҳликни ато қилдинг, хорликдан сўнг азиз қилдинг, менга тушлар таъбирини ўргатдинг. Эй ер ва осмонларни халқ қилгувчи Парвардигор, Сенга муте (итоаткор) бўлган ҳолимда ўлим ато қил (вафот эттир). Ота аждодларимга ва солиҳ (киши)ларга мени ҳамроҳ қил (қўш)гил». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Юсуф (алайҳиссалом)нинг бу қиссаси ғайб хабарларидан эди. Мен Сенга ваҳий орқали билдирдим. Юсуф(алайҳиссалом)нинг биродарлари уни чоҳга ташлаш ҳақида макр қилаётган вақтда Сен (уларнинг олдида) йўқ эдинг.

وَمَآ أَكْثَرُ ٱلنَّاسِ وَلَوْ حَرَصْتَ بِمُؤْمِنِينَ ﴿١٠٣﴾ وَمَا تَسْـَٔلُهُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ ۚ إِنْ هُوَ

إِلَّا ذِكۡرٞ لِّلۡعَٰلَمِينَ ﴿١٠٤﴾ وَكَأَيِّن مِّنۡ ءَايَةٖ فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ يَمُرُّونَ
عَلَيۡهَا وَهُمۡ عَنۡهَا مُعۡرِضُونَ ﴿١٠٥﴾ وَمَا يُؤۡمِنُ أَكۡثَرُهُم بِٱللَّهِ إِلَّا وَهُم مُّشۡرِكُونَ ﴿١٠٦﴾

103-106. Гарчи Сен бу мушрикларнинг иймон келтиришларига ҳарис (ўта хоҳишманд) бўлсанг ҳам, кўплари иймон келтирмайдилар. Ваҳоланки, Сен ўз панду насиҳатларинг учун улардан бирор ажр (ҳақ) сўрамайсан. Бу (Қуръоний) панд-насиҳатларинг олам аҳлига Худо тарафидандир.
13 жузъ Нафсинг учун эмасдир. Ерда ва осмонларда Худонинг азаматига (улуғлиги ва қудратига) далолат қилгувчи кўп нишоналар бордир. Мушриклар у нишона (аломат)ларни кўриб ўтадилар, аммо (ибрат олмасдан) кўз юмган ҳолда юз ўгириб кетадилар. Уларнинг кўплари бошқа махлуқларни Худога шерик қиладилар *ва (ҳақиқий) иймон келтирмайдилар.*

أَفَأَمِنُوٓاْ أَن تَأۡتِيَهُمۡ غَٰشِيَةٞ مِّنۡ عَذَابِ ٱللَّهِ أَوۡ تَأۡتِيَهُمُ ٱلسَّاعَةُ بَغۡتَةٗ وَهُمۡ
لَا يَشۡعُرُونَ ﴿١٠٧﴾

107. Оё, бу мушриклар Худонинг азоби келиб, уларни ўраб (қамраб) олишидан эмин бўладиларми ва қўрмайдиларми? Ёки улар ғофиллик ҳолларида (тўсатдан) Қиёмат қоим бўлишидан қўрқмайдиларми? *Албатта, Худонинг азобидан гофил бўлмасликлари керак!.*

قُلۡ هَٰذِهِۦ سَبِيلِيٓ أَدۡعُوٓاْ إِلَى ٱللَّهِۚ عَلَىٰ بَصِيرَةٍ أَنَا۠ وَمَنِ ٱتَّبَعَنِيۖ وَسُبۡحَٰنَ ٱللَّهِ وَمَآ
أَنَا۠ مِنَ ٱلۡمُشۡرِكِينَ ﴿١٠٨﴾

108. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушрикларга айтгил: «Мана шу менинг йўлимдир. Мен Худо тарафига даъват этаман. Мен бу йўлдан (асло) қайтмайман. (Мен) ва менга тобе бўлиб (эргашиб), иймон келтирган мўминлар одамларни аниқ далиллар ва мўъжизалар билан Худо тарафига чақирамиз (даъват қиламиз). Аллоҳ таоло мушрикларнинг нисбат берган айбларидан, шерикларидан покдир. Ва (мен) ҳаргиз мушриклардан бўлмайман.

وَمَآ أَرۡسَلۡنَا مِن قَبۡلِكَ إِلَّا رِجَالٗا نُّوحِيٓ إِلَيۡهِم مِّنۡ أَهۡلِ ٱلۡقُرَىٰٓۗ أَفَلَمۡ يَسِيرُواْ فِي
ٱلۡأَرۡضِ فَيَنظُرُواْ كَيۡفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِهِمۡۗ وَلَدَارُ ٱلۡأٓخِرَةِ خَيۡرٞ
لِّلَّذِينَ ٱتَّقَوۡاْۚ أَفَلَا تَعۡقِلُونَ ﴿١٠٩﴾

109. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз Сендан илгари (ҳам) аҳли қарялар (қишлоқ, шаҳарлар)дан эркакларини пайғамбар қилиб юбордик. Уларга халқни даъват қилиш учун ваҳий нозил этдик. Натижада умматлари такзиб қилиб (ёлғонга чиқариб), ҳалок бўлдилар. Энди Макка мушриклари ер юзини айланиб ўзларидан илгари ўтган, пайғамбарларни ёлғончига чиқарган (иймонсиз)ларнинг оқибатини (ва уларнинг) ҳалок бўлганларини

кўриб, ибрат олсалар бўлмайдими? Албатта, иймон келтириб, Худодан қўрқувчиларга охиратдаги беҳиштнинг нозу-неъматлари бу дунёнинг нозу-неъматларидан яхшироқдир. Оё, бу ҳақда фикр қилмайдиларми?

حَتَّىٰٓ إِذَا ٱسْتَيْـَٔسَ ٱلرُّسُلُ وَظَنُّوٓا۟ أَنَّهُمْ قَدْ كُذِبُوا۟ جَآءَهُمْ نَصْرُنَا فَنُجِّىَ مَن
نَّشَآءُ وَلَا يُرَدُّ بَأْسُنَا عَنِ ٱلْقَوْمِ ٱلْمُجْرِمِينَ ﴿١١٠﴾

110. Вақтики, у пайғамбарлар кофирларнинг иймон (келтириш)ларидан ноумид бўлиб, уларнинг сўзларини бирор кимса тасдиқламагани, балки ёлғонга нисбат берганликлари (ҳақида) гумон (ўйлай) бошлаганликларида, уларга Бизнинг мададимиз келади. Бас, Биз хоҳлаган бандаларга нажот берилар (ва иймон келтирмаганлар эса ҳалок қилинар) эди. Албатта, кофирлар гуруҳидан бизнинг азобимиз қайтарилмасдир! Бирор киши қайтаришга қодир ҳам эмас! 13 жузъ

لَقَدْ كَانَ فِى قَصَصِهِمْ عِبْرَةٌ لِّأُو۟لِى ٱلْأَلْبَٰبِ ۗ مَا كَانَ حَدِيثًا يُفْتَرَىٰ وَلَٰكِن
تَصْدِيقَ ٱلَّذِى بَيْنَ يَدَيْهِ وَتَفْصِيلَ كُلِّ شَىْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿١١١﴾

111. Албатта, Юсуф (алайҳиссалом) ва биродарларининг қиссаларида ибрат ва панд-насиҳатлар бор. Қуръон Худо тарафидан (нозил бўлган) Каломдир, инсон тарафидан айтилган сўз эмас. Албатта, Қуръон илгариги ўтган (ўзидан аввалги илоҳий) китобларни тасдиқлайди, Қуръонда халқнинг саодатига керак бўлган ҳар бир нарсанинг (муфассал) баёни бордир. Ва у (Қуръон) халқни Худо тарафига ҳидоят қилгувчи ва мўминларга (сабаби) раҳмат (бўлган Китоб)дир.

Мадинада нозил бўлган бу сура
қирқ уч оятдан иборатдир.

13 жузъ

Сура қамраб олган хабарлар ҳисобга олинса, у Маккада нозил бўлган деб фикр билдирганларнинг қарашлари асосли кўринади. Сuранинг 13-оятида момақалдироқ маъносида келган «ар-Раъд» сўзи зикр қилингани учун шу ном берилган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الٓمٓر ۚ تِلْكَ ءَايَٰتُ ٱلْكِتَٰبِ ۗ وَٱلَّذِىٓ أُنزِلَ إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ ٱلْحَقُّ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ
ٱلنَّاسِ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿١﴾ ٱللَّهُ ٱلَّذِى رَفَعَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ بِغَيْرِ عَمَدٍ تَرَوْنَهَا ۖ ثُمَّ ٱسْتَوَىٰ
عَلَى ٱلْعَرْشِ ۖ وَسَخَّرَ ٱلشَّمْسَ وَٱلْقَمَرَ ۖ كُلٌّ يَجْرِى لِأَجَلٍ مُّسَمًّى ۚ يُدَبِّرُ ٱلْأَمْرَ
يُفَصِّلُ ٱلْءَايَٰتِ لَعَلَّكُم بِلِقَآءِ رَبِّكُمْ تُوقِنُونَ ﴿٢﴾

1-2. Алиф. Лом. Миим. Ро. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таологa хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Бу оятлар Қуръоннинг оятларидир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худо тарафидан Сенга нозил қилинган Қуръон ростдир (ҳақдир). Лекин аксарият одамлар (унга) ишонмайдилар. Аллоҳ таоло сизлар кўзларингиз билан (кўриб) мушоҳада қилиб турган осмонларни бандаларнинг бошларига устунсиз кўтариб қўйган (Зот)дир. (Аллоҳ таоло) сўнгра Аршни халқ қилишга (яратишга) қасд қилди. Офтоб билан ойни ўз ҳукмига муте қилди. Ҳар бирлари то муайян вақтгача Худонинг ҳукми билан ҳаракат қиладилар. Ва ҳам (у Зот – Аллоҳ) оламларнинг ишларини интизомга солади. *Бировни ўлдиради ва бировни дунёга келтиради.* Сизларга Қуръон оятларини (муфассал) баён қилиб беради. *Яъни, сизлар Қиёматда Худонинг ҳузурига бориб, ҳисоб беришга шубҳа қилмасдан яқийн қилишингиз (ишонишингиз) учун бу дунё аҳволларини ва охиратдаги воқеаларни сизларга зоҳир (изҳор) қилиб беради.*

وَهُوَ ٱلَّذِى مَدَّ ٱلْأَرْضَ وَجَعَلَ فِيهَا رَوَٰسِىَ وَأَنْهَٰرًا ۖ وَمِن كُلِّ ٱلثَّمَرَٰتِ جَعَلَ فِيهَا
زَوْجَيْنِ ٱثْنَيْنِ ۖ يُغْشِى ٱلَّيْلَ ٱلنَّهَارَ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٣﴾

3. Парвардигор шундай Зотдирки, инсонларнинг сукунат қилишлари (яшашлари) учун ер сатҳини кенг қилиб ёйиб, у ерда (мустаҳкам) тоғлар барпо қилди, анҳорлар жорий этди, боғ ва бўстонлар яратди. Ҳар қисм мевалардан жуфт-жуфт ва синф-синф ва нав-нав қилиб яратди. *Масалан, ширин ва аччиқ, қизил ва оқ.* Бандалар учун ҳар (хил) навлардан халқ қилди. Ва ҳам Аллоҳнинг қудрати шундайки, кундузни кеча билан беркитди ва кечани кундуз билан ёпди. (Албатта), Парвардигорнинг бу қудратларида фикр қилувчи қавмлар учун Ўзининг улуғлигига нишоналар бордир.

وَفِي ٱلْأَرْضِ قِطَعٌ مُّتَجَٰوِرَٰتٌ وَجَنَّٰتٌ مِّنْ أَعْنَٰبٍ وَزَرْعٌ وَنَخِيلٌ صِنْوَانٌ وَغَيْرُ 13 жузъ
صِنْوَانٍ يُسْقَىٰ بِمَآءٍ وَٰحِدٍ وَنُفَضِّلُ بَعْضَهَا عَلَىٰ بَعْضٍ فِي ٱلْأُكُلِ ۚ إِنَّ فِي
ذَٰلِكَ لَأَيَٰتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿٤﴾ ۞ وَإِن تَعْجَبْ فَعَجَبٌ قَوْلُهُمْ أَءِذَا كُنَّا
تُرَٰبًا أَءِنَّا لَفِي خَلْقٍ جَدِيدٍ ۗ أُولَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِرَبِّهِمْ ۖ وَأُولَٰٓئِكَ ٱلْأَغْلَٰلُ فِيٓ
أَعْنَاقِهِمْ ۖ وَأُولَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ ۖ هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿٥﴾

4-5. Парвардигорнинг қудрати билан ер юзида бир-бирига яқин қитъалар бордир. Баъзи қитъалардан гиёҳлар ва узумлар, хурмолардан боғлар пайдо бўлади. Баъзи булоқлардан чангалзорлар ва шўрлар вужудга келади. Ва қобили зироат (экин-тикинга ярайдиган) қитъаларда бошқа зироатлар кўкаради. Шохли дарахтлар ва шохсиз дарахтлар унади. Уларнинг ҳаммаси бир қисм (бир хил) сув (билан) суғорилади. Лекин Биз ейишда баъзи меваларни баъзиларидан афзал қилдик. Мазасида ва ҳидларида бир-бирларидан фарқ қилади. Бу ишларнинг тафовутида (фарқли бўлишида) оқил одамлар учун Худонинг қудратига (далолат қиладиган) аломатлар бордир. Э[...] ҳаммад (алайҳиссалом), таажжуб қиладиган бўлсанг, кофирлар[...]нг [...]излар ўлиб, тупроқ бўлиб кетсак, яна янгидан (қайтадан) тирила[...]ми?», деган сўзлари ажабланарлидир. У жоҳиллар ер ва осмонлар йўқдан бор бўлганини кўриб туриб (ҳам), ушбу сўзларни айтадилар. У кофирлар Худони ва унинг қудратини инкор қиладилар. Қиёмат куни уларнинг бўйинларига занжир солиниб, дўзах тарафига ҳайдаладилар. Улар дўзах аҳлидирлар ва унда ҳамиша (абадий) қоладилар.

وَيَسْتَعْجِلُونَكَ بِٱلسَّيِّئَةِ قَبْلَ ٱلْحَسَنَةِ وَقَدْ خَلَتْ مِن قَبْلِهِمُ ٱلْمَثُلَٰتُ ۗ وَإِنَّ رَبَّكَ
لَذُو مَغْفِرَةٍ لِّلنَّاسِ عَلَىٰ ظُلْمِهِمْ ۖ وَإِنَّ رَبَّكَ لَشَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿٦﴾ وَيَقُولُ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ لَوْلَآ أُنزِلَ عَلَيْهِ ءَايَةٌ مِّن رَّبِّهِۦٓ ۗ إِنَّمَآ أَنتَ مُنذِرٌ ۖ وَلِكُلِّ قَوْمٍ هَادٍ ﴿٧﴾

6-7. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирлар Сендан роҳат (яхшилик) талаб қилишдан аввал азобнинг (ёмонликнинг) тезлик билан келишини талаб қиладилар. Ваҳоланки, улардан илгариги халқлар бошига ҳам уқубатлар келганига (мисоллар бор). Бундай ҳолни билишлари керак эди. *Албатта, иймонлари бор бўлиб, зулм қилган одамларга (ҳам) Парвардиго-*

ринг мағфират соҳибидир. Ва кофир бўлган одамларга қаттиқ уқубати бордир. Кофирлар: «Нима учун Муҳаммадга биз талаб қилган оят-мўъжизалар нозил қилинмайди», – дейдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз Сенга айтамизки, Сен кофирларни Худонинг азобидан қўрқитувчи ва (уларга) Худонинг ҳукмини етказувчисан. Ҳар бир миллатнинг ўз замонасига мувофиқ ҳидоят қилувчи (Аллоҳга чақирувчи) пайғамбари бордир. *Уларнинг мўъжизаси ҳам ўз замонасига мувофиқ бўлади.*

ٱللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَحْمِلُ كُلُّ أُنثَىٰ وَمَا تَغِيضُ ٱلْأَرْحَامُ وَمَا تَزْدَادُ ۖ وَكُلُّ شَىْءٍ
13 жузъ عِندَهُۥ بِمِقْدَارٍ ﴿٨﴾ عَٰلِمُ ٱلْغَيْبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ ٱلْكَبِيرُ ٱلْمُتَعَالِ ﴿٩﴾ سَوَآءٌ
مِّنكُم مَّنْ أَسَرَّ ٱلْقَوْلَ وَمَن جَهَرَ بِهِۦ وَمَنْ هُوَ مُسْتَخْفٍۭ بِٱلَّيْلِ وَسَارِبٌۢ بِٱلنَّهَارِ
﴿١٠﴾ لَهُۥ مُعَقِّبَٰتٌ مِّنۢ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمِنْ خَلْفِهِۦ يَحْفَظُونَهُۥ مِنْ أَمْرِ ٱللَّهِ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا
يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا۟ مَا بِأَنفُسِهِمْ ۗ وَإِذَآ أَرَادَ ٱللَّهُ بِقَوْمٍ سُوٓءًا فَلَا مَرَدَّ لَهُۥ ۚ وَمَا
لَهُم مِّن دُونِهِۦ مِن وَالٍ ﴿١١﴾

8-11. Аллоҳ таоло ҳар бир хотиннинг қорнида кўтариб юрган боласининг ҳолини: *ўғилми ё қизми, қорами ё оқми, чиройлими ё хунукми*, билади. Аллоҳ таоло раҳмларда (бачадонда) боланинг аъзосини *кам ва ё зиёда қилганини, ё ададини кам ё зиёда этганини* ҳам билади. Худонинг наздида ҳар бир нарсанинг миқдори муайяндир. Аллоҳ таоло кўздан махфий нарсаларни ҳам, зоҳир (ошкора) нарсаларни ҳам билади. У улуғ ва ҳар бир нарсадан олий (Зот)дир. Унинг илми барча аҳволларингизни иҳота қилгувчидир. (Яъни) ким сўзини махфий айтса ва ким сўзини ошкора айтса, ким кечаси амалини яширин қилса ёки ўзи кечаси яширинса, ё кундузи (ҳар қандай) ҳаракат қилса, ҳаммасини Аллоҳ таоло билади. Худонинг ҳукми билан инсоннинг олдидан ва орқасидан пайдарпай (таъқиб қилувчи) малоикалар келиб, уни муҳофаза қиладилар. То бир қавмнинг ўзлари диллардаги эътиқодларини ва амалларини ўзгартирмагунларича, албатта, Аллоҳ таоло уларнинг аҳволларини ўзгартирмайди. Сўнгра Аллоҳ таоло инсонларнинг ниятларига мувофиқ аҳволларини ўзгартиради. Қачонки, Аллоҳ таоло бирон қавмга азоб ва уқубат юборишни ирода қилса, бас, Унинг иродасини ҳеч ким рад этолмайди. У қавмга Худодан бошқа тасарруф қилгувчи йўқдир.

هُوَ ٱلَّذِى يُرِيكُمُ ٱلْبَرْقَ خَوْفًا وَطَمَعًا وَيُنشِئُ ٱلسَّحَابَ ٱلثِّقَالَ ﴿١٢﴾
وَيُسَبِّحُ ٱلرَّعْدُ بِحَمْدِهِۦ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةُ مِنْ خِيفَتِهِۦ وَيُرْسِلُ ٱلصَّوَٰعِقَ فَيُصِيبُ بِهَا
مَن يَشَآءُ وَهُمْ يُجَٰدِلُونَ فِى ٱللَّهِ وَهُوَ شَدِيدُ ٱلْمِحَالِ ﴿١٣﴾

12-13. Парвардигор шундай Зотки, осмонда сизларга барқни (чақмоқни) кўрсатади. Бундан баъзиларингизда қўрқинч ва баъзиларингизда умид

пайдо бўлади. Яъни, баъзиларингизга ёмғирдан зарар етади, уларда хавф пайдо бўлади. Баъзилар ёмғирга муҳтождирлар, уларда умид пайдо бўлади. Ва ҳам у Зот – Парвардигор ёмғир билан оғирлашган (вазмин) булутларни ҳавода пайдо қилиб, кўтариб туради. Осмонда раъду барқлар (момақалдироқ ва чақмоқлар) Парвардигорнинг хавфидан тасбеҳ ва ҳамд айтадилар. Малоикалар ҳам Парвардигорнинг хавфидан ҳамиша (доим) тасбеҳ айтишади. Парвардигор соиқа (чақмоқ)ларни юборади, улар Худонинг хоҳлаган жойига бориб тушади ва Парвардигорнинг азим қудратларини мушоҳада қилиб туриб ҳам Унинг борлигини инкор қилиб, мужодала қилиб турган шахсларга бориб уради. Аллоҳ таоло азоби қаттиқ (Зот)дир. **13** жузъ

لَهُۥ دَعْوَةُ ٱلْحَقِّ وَٱلَّذِينَ يَدْعُونَ مِن دُونِهِۦ لَا يَسْتَجِيبُونَ لَهُم بِشَىْءٍ إِلَّا كَبَٰسِطِ كَفَّيْهِ إِلَى ٱلْمَآءِ لِيَبْلُغَ فَاهُ وَمَا هُوَ بِبَٰلِغِهِۦ ۚ وَمَا دُعَآءُ ٱلْكَٰفِرِينَ إِلَّا فِى ضَلَٰلٍ ﴿١٤﴾

14. Ҳақ калима, *яъни: «Ла илаҳа иллаллоҳ»* Худо учундир. Бандаларнинг дуоларини фақат Худо ижобат қилади. Кофирлар жамоаси бутлардан мақсадларини талаб қилиб дуо қилсалар, бутлар дуоларининг бирортасини ижобат қила олмайди. Уларнинг ҳоллари чоҳга (қудуққа) қўлини узатиб, сув олиб ичмоқчи бўлган бир ташна одам ҳолига ўхшайди. Ваҳоланки, қўлини сувга етказолмайди. Шунга ўхшаш кофирларнинг дуоси зое ва ботилдир, *бирор мақсадни ҳосил қилмайди.*

وَلِلَّهِ يَسْجُدُ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ طَوْعًا وَكَرْهًا وَظِلَٰلُهُم بِٱلْغُدُوِّ وَٱلْآصَالِ ۩ ﴿١٥﴾ قُلْ مَن رَّبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ قُلِ ٱللَّهُ ۚ قُلْ أَفَٱتَّخَذْتُم مِّن دُونِهِۦٓ أَوْلِيَآءَ لَا يَمْلِكُونَ لِأَنفُسِهِمْ نَفْعًا وَلَا ضَرًّا ۚ قُلْ هَلْ يَسْتَوِى ٱلْأَعْمَىٰ وَٱلْبَصِيرُ أَمْ هَلْ تَسْتَوِى ٱلظُّلُمَٰتُ وَٱلنُّورُ ۗ أَمْ جَعَلُوا۟ لِلَّهِ شُرَكَآءَ خَلَقُوا۟ كَخَلْقِهِۦ فَتَشَٰبَهَ ٱلْخَلْقُ عَلَيْهِمْ ۚ قُلِ ٱللَّهُ خَٰلِقُ كُلِّ شَىْءٍ وَهُوَ ٱلْوَٰحِدُ ٱلْقَهَّٰرُ ﴿١٦﴾

15-16. Осмонлардаги малоикалар ва ердаги ашёлар ва уларнинг соялари ҳам уларга тобе бўлиб, хоҳ истасинлар, хоҳ истамасинлар, эртаю кеч барчаси фақат (ёлғиз) Аллоҳга сажда қиладилар. **(Ушбу 15-оят сажда оятидир).** Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушриклардан: «Ер ва осмонларнинг яратувчиси ва тарбия қилувчиси ким?», – деб сўра, агар улар жавоб бермасалар, Сен: «Бир Аллоҳнинг Ўзидир», – деб айтгил. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушриклардан сўра: «Сизлар Худони қўйиб, ўз нафсларига бирор фойда ҳам, зарар ҳам етказишга молик бўлмаган бутларни ўзларингизга маъбуд ва дўст қилиб олдингизларми?». Яна уларга: «Кўрмайдиганлар билан кўрадиганлар баробар бўладими? Ёки нур билан зулмат баробар бўладими?», – деб айтгил. Оё, бу мушриклар Аллоҳга шундай шерикларни (бутларни) муқаррар қилибдиларки, улар (ҳам гўё) махлуқотни Худо яратганидек яратибдиларми? Бас, уларда

яратилган махлуқларда қайси Худонинг махлуқи ва қайси шеригининг (бутнинг) махлуқи (эканлиги) ҳақида иштибоҳ пайдо бўлибдими? Сен уларга айтгилки: «Ҳар бир нарсанинг яратувчиси ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидир. У Парвардигор яккаю ягона ва ўз иродасида ғолиб (Зот)дир».

أَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَسَالَتْ أَوْدِيَةٌۢ بِقَدَرِهَا فَٱحْتَمَلَ ٱلسَّيْلُ زَبَدًا رَّابِيًا ۚ
وَمِمَّا يُوقِدُونَ عَلَيْهِ فِى ٱلنَّارِ ٱبْتِغَآءَ حِلْيَةٍ أَوْ مَتَـٰعٍ زَبَدٌ مِّثْلُهُۥ ۚ كَذَٰلِكَ يَضْرِبُ ٱللَّهُ
ٱلْحَقَّ وَٱلْبَـٰطِلَ ۚ فَأَمَّا ٱلزَّبَدُ فَيَذْهَبُ جُفَآءً ۖ وَأَمَّا مَا يَنفَعُ ٱلنَّاسَ فَيَمْكُثُ فِى
13 жузъ
ٱلْأَرْضِ ۚ كَذَٰلِكَ يَضْرِبُ ٱللَّهُ ٱلْأَمْثَالَ ﴿١٧﴾

17. Аллоҳ таоло осмондан ёмғирларни ёғдиради. Бас, водийлар ва анҳорлар ўзининг катта ва кичик андозасига қараб тўлиб оқади. Бу оққан сувлар устларида кўпикларни оқизиб келадилар ва одамлар баъзи идишларга *мис, қўрғошин, тилла, кумуш ва шунга ўхшаган* нарсаларни солиб, тагига ўт ёқадилар. Ундан хотинларга (зар) зеварлар ясамоқчи ё мисдан бошқа идишлар тайёрламоқчи бўладилар. Шу нарсалар эриб, сувга айланганида (ҳам), устларида кўпиклар (чиқиндилар) пайдо бўлади. Кўпиклардан тозаланганидан сўнг қолганидан одамлар фойдаланадилар. Аллоҳ ҳақ ила ботилни шунга ўхшаш масал (тамсил) ила баён қилиб беради. Бас, кўпиклар бефойда, ботил (йўқ) бўлиб кетади. Аммо одамларга фойда берадигани боқий (бўлиб) қолади. Аллоҳ таоло ҳақ ила ботилнинг мисолларини мана шундай баён қилади.

لِلَّذِينَ ٱسْتَجَابُوا۟ لِرَبِّهِمُ ٱلْحُسْنَىٰ ۚ وَٱلَّذِينَ لَمْ يَسْتَجِيبُوا۟ لَهُۥ لَوْ أَنَّ لَهُم مَّا
فِى ٱلْأَرْضِ جَمِيعًا وَمِثْلَهُۥ مَعَهُۥ لَٱفْتَدَوْا۟ بِهِۦٓ ۚ أُو۟لَـٰٓئِكَ لَهُمْ سُوٓءُ ٱلْحِسَابِ وَمَأْوَىٰهُمْ
جَهَنَّمُ ۖ وَبِئْسَ ٱلْمِهَادُ ﴿١٨﴾

18. Парвардигорнинг амрини бажо келтирган гуруҳларга Қиёмат куни Аллоҳ таоло яхши амаллари учун жаннат ато қилади. Ва Худонинг амрини бажо келтирмаган гуруҳларга Қиёмат куни Аллоҳ таоло (ёмон) қилмишлари учун дўзах азобини муқаррар қилади. Агар уларнинг қўлларида ер юзининг (бор) молу дунёси бўлса, унга мислича яна бир неча баробар мол-дунё қўшилса, ўзларидан азобни даф қилиш учун уларни фидя беришга тайёр (рози) бўлар эдилар. Лекин (у кунда) ҳар қанча фидя бермоқчи бўлсалар-да, қабул бўлмайди, Қиёмат куни улар қилган амалларидан қаттиқ ҳисоб қилинадилар. Уларнинг борадиган жойлари жаҳаннамдир. Улар учун у жаҳаннам кўп ёмон жойдир!

۞ أَفَمَن يَعْلَمُ أَنَّمَآ أُنزِلَ إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ ٱلْحَقُّ كَمَنْ هُوَ أَعْمَىٰٓ ۚ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُو۟لُوا۟
ٱلْأَلْبَـٰبِ ﴿١٩﴾ ٱلَّذِينَ يُوفُونَ بِعَهْدِ ٱللَّهِ وَلَا يَنقُضُونَ ٱلْمِيثَـٰقَ ﴿٢٠﴾ وَٱلَّذِينَ يَصِلُونَ
مَآ أَمَرَ ٱللَّهُ بِهِۦٓ أَن يُوصَلَ وَيَخْشَوْنَ رَبَّهُمْ وَيَخَافُونَ سُوٓءَ ٱلْحِسَابِ ﴿٢١﴾ وَٱلَّذِينَ

صَبَرُوا۟ ٱبْتِغَآءَ وَجْهِ رَبِّهِمْ وَأَقَامُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَأَنفَقُوا۟ مِمَّا رَزَقْنَٰهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً
وَيَدْرَءُونَ بِٱلْحَسَنَةِ ٱلسَّيِّئَةَ أُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمْ عُقْبَى ٱلدَّارِ ﴿٢٢﴾

19-22. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга Худо тарафидан нозил қилинган динни ҳақ дин билувчи киши билан Ҳақни инкор қилувчи, кўр одам баробар бўладими? Ҳаргиз баробар бўлмас! Бу Қуръондан шундай одамлар панд-ибрат оладиларки, улар ақл соҳибидирлар. (Улар) Худонинг аҳдига вафо қилувчидирлар, *аҳдларини синдирмайдилар*. Амр қилинган силаи раҳмни (қариндошчилик шартларини) бажо келтирувчидирлар. Парвардигордан қўрқадилар. Қиёмат ҳисобининг қаттиқлигидан хавфда бўлиб турадилар. Ва бу зотлар шундай одамларки, Аллоҳнинг ризоси учун кулфатларга сабр қиладилар. Намозни ўз вақтида адо этадилар. Биз ризқ қилиб берган молларидан Парвардигорнинг ризоси учун ошкор ёки махфий нафақа (эҳсон) қиладилар ва ёмонликни яхшилик билан даф этадилар. Охир (оқибат) Қиёматнинг яхшиликлари ана ўшаларга бўлади. **13 жузъ**

جَنَّٰتُ عَدْنٍ يَدْخُلُونَهَا وَمَن صَلَحَ مِنْ ءَابَآئِهِمْ وَأَزْوَٰجِهِمْ وَذُرِّيَّٰتِهِمْ ۖ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةُ
يَدْخُلُونَ عَلَيْهِم مِّن كُلِّ بَابٍ ﴿٢٣﴾ سَلَٰمٌ عَلَيْكُم بِمَا صَبَرْتُمْ ۚ فَنِعْمَ عُقْبَى ٱلدَّارِ
﴿٢٤﴾ وَٱلَّذِينَ يَنقُضُونَ عَهْدَ ٱللَّهِ مِنۢ بَعْدِ مِيثَٰقِهِۦ وَيَقْطَعُونَ مَآ أَمَرَ ٱللَّهُ بِهِۦٓ
أَن يُوصَلَ وَيُفْسِدُونَ فِى ٱلْأَرْضِ ۙ أُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمُ ٱللَّعْنَةُ وَلَهُمْ سُوٓءُ ٱلدَّارِ ﴿٢٥﴾

23-25. (Улар) ўзларининг солиҳ ота ва аждодлари ва солиҳа хотинлари ва яхши (солиҳ) авлодлари (зурриётлари) билан жаннати Аднга дохил бўладилар. Малоикалар жаннатнинг ҳар бир дарвозасидан кирсалар, уларга салом бериб айтадиларки: «Энди сизларга Худонинг саломи бўлсин! У дунёда Худонинг берган қийинчиликларига сабр қилганларинг учун охират (диёри)нинг роҳатлари қандай яхшидир!». Аммо гуруҳларки, Худонинг аҳдини боғлаганидан сўнг синдирадилар, Худо амр этган силаи раҳмни узадилар, ер юзида фасод ишларни қиладилар, Худонинг лаънати ана ўшаларгадир. Охиратнинг (ёмон) азоби ўшаларга етади!

ٱللَّهُ يَبْسُطُ ٱلرِّزْقَ لِمَن يَشَآءُ وَيَقْدِرُ ۚ وَفَرِحُوا۟ بِٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَمَا ٱلْحَيَوٰةُ
ٱلدُّنْيَا فِى ٱلْءَاخِرَةِ إِلَّا مَتَٰعٌ ﴿٢٦﴾

26. Аллоҳ таоло хоҳласа, баъзиларга кенг ризқ беради ва баъзиларнинг ризқини андоза билан беради (тор қилади). Кофирлар дунёнинг нозу неъматларига хурсанд бўлиб мағрур бўладилар. Билмайдиларки, бу дунёнинг матоҳи ҳар қанча кўп бўлса-да, охиратнинг роҳатига қараганда жуда оздир.

وَيَقُولُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَوْلَآ أُنزِلَ عَلَيْهِ ءَايَةٌ مِّن رَّبِّهِۦ ۗ قُلْ إِنَّ ٱللَّهَ يُضِلُّ مَن يَشَآءُ

وَيَهْدِي إِلَيْهِ مَنْ أَنَابَ ﴿٢٧﴾ الَّذِينَ آمَنُوا وَتَطْمَئِنُّ قُلُوبُهُم بِذِكْرِ اللَّهِ أَلَا بِذِكْرِ
اللَّهِ تَطْمَئِنُّ الْقُلُوبُ ﴿٢٨﴾

27-28. У кофирлар айтадиларки: «Нима учун Муҳаммадга Худо тарафидан бизнинг хоҳишимизга мувофиқ (бирор) оят нозил қилинмайди? Шунда биз иймон келтирган бўлар эдик!?». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгинки: «Албатта, Аллоҳ таоло (Ўзи) хоҳлаган кишини гумроҳ қилади ва хоҳлаганини ҳидоят қилади. Ва Ўз томонига шундай
13 жузъ зотларни ҳидоят қиладики, улар Худо тарафига ружу қилганлар (қайтганлар), иймон келтирганлар ва ҳам диллари Худонинг ёди билан ором оладиганлардир. Огоҳ бўлингларки, диллар (қалблар) Худонинг ёди (зикри) билан роҳат (ором) олади.

الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ طُوبَىٰ لَهُمْ وَحُسْنُ مَآبٍ ﴿٢٩﴾ كَذَٰلِكَ
أَرْسَلْنَاكَ فِي أُمَّةٍ قَدْ خَلَتْ مِن قَبْلِهَا أُمَمٌ لِّتَتْلُوَ عَلَيْهِمُ الَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَهُمْ
يَكْفُرُونَ بِالرَّحْمَٰنِ قُلْ هُوَ رَبِّي لَا إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَإِلَيْهِ مَتَابِ ﴿٣٠﴾

29-30. Иймон келтирган ва яхши амал қилган (киши)лар учун охиратда қандай ҳам (ажиб) яхшиликлар бўлади ва борадиган жойлари (ҳам) қандай яхшидир! Сенинг умматингдан илгари ҳам кўп умматлар ўтгандир. Илгариги пайғамбарларни (ўз) умматларига қандай юборган бўлсам, Сени (ҳам) умматингга шундай Пайғамбар қилиб юбордим. Шунинг учунки, уларга Мен Сенга нозил қилган Каломимни (Қуръонни) тиловат қилиб берасан. Улар эса Меҳрибон Парвардигорни инкор қилмоқдалар. Сен (уларга) айтгилки: «Сизлар инкор қилган Зот Менинг Парвардигоримдир. Ундан бошқа ибодатга лойиқ ҳеч худо йўқдир. Мен ўша Зот(нинг ўзи)га таваккул қилганман, менинг қайтишим (ҳам) Унинг тарафигадир».

وَلَوْ أَنَّ قُرْآنًا سُيِّرَتْ بِهِ الْجِبَالُ أَوْ قُطِّعَتْ بِهِ الْأَرْضُ أَوْ كُلِّمَ بِهِ الْمَوْتَىٰ بَل لِّلَّهِ
الْأَمْرُ جَمِيعًا أَفَلَمْ يَيْأَسِ الَّذِينَ آمَنُوا أَن لَّوْ يَشَاءُ اللَّهُ لَهَدَى النَّاسَ جَمِيعًا
وَلَا يَزَالُ الَّذِينَ كَفَرُوا تُصِيبُهُم بِمَا صَنَعُوا قَارِعَةٌ أَوْ تَحُلُّ قَرِيبًا مِّن دَارِهِمْ حَتَّىٰ
يَأْتِيَ وَعْدُ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يُخْلِفُ الْمِيعَادَ ﴿٣١﴾

31. Агар шундай (бир) Қуръон нозил бўлсаки, унинг тиловати билан тоғлар Макка атрофидан узоқ жойларга кетказилса, ё шу Қуръоннинг тиловати билан ер пораланиб кетса, ё ўликлар тирилтирилиб, гапиртирилса (ва улар) Сенинг пайғамбарлигингга гувоҳлик берсалар ҳам, улар (ҳидоят топмаганлар) иймон келтирмас эдилар. Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Ҳамма амр Парвардигоримнинг қудратидадир. Нима қилса (ҳам), унга қодирдир». Парвардигорим биладики, қандай бўлганида ҳам, (у кофирлар) иймон келтирмайдилар. Аллоҳ таоло агар хоҳласа, ҳамма инсонларни ҳидо-

ят қила олишини мўминлар билмайдиларми? *Лекин бу дунё халқни имтиҳон қиладиган жойдир.* Кофирларнинг қилмишларига мувофиқ (доим) уларни барбод қиладиган азоб етиб туради ёки Сен уларга яқин жойларга ўз лашкаринг билан тушиб (уларни безовта қилиб) турасан. Уларга келган азобни то илоҳий ваъда, яъни Қиёмат келгунча ёки (уларга) ўлим келгунча мушоҳада этиб турасан. Аллоҳ таоло (ўз) ваъдасига хилоф қилмайди.

وَلَقَدِ ٱسْتُهْزِئَ بِرُسُلٍ مِّن قَبْلِكَ فَأَمْلَيْتُ لِلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ثُمَّ أَخَذْتُهُمْ ۖ فَكَيْفَ
كَانَ عِقَابِ ﴿٣٢﴾ أَفَمَنْ هُوَ قَآئِمٌ عَلَىٰ كُلِّ نَفْسٍۭ بِمَا كَسَبَتْ ۗ وَجَعَلُوا۟ لِلَّهِ
شُرَكَآءَ قُلْ سَمُّوهُمْ ۚ أَمْ تُنَبِّـُٔونَهُۥ بِمَا لَا يَعْلَمُ فِى ٱلْأَرْضِ أَم بِظَـٰهِرٍ مِّنَ ٱلْقَوْلِ ۗ 13 жузъ
بَلْ زُيِّنَ لِلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مَكْرُهُمْ وَصُدُّوا۟ عَنِ ٱلسَّبِيلِ ۗ وَمَن يُضْلِلِ ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِنْ
هَادٍ ﴿٣٣﴾ لَّهُمْ عَذَابٌ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا ۖ وَلَعَذَابُ ٱلْـَٔاخِرَةِ أَشَقُّ ۖ وَمَا لَهُم مِّنَ ٱللَّهِ
مِن وَاقٍ ﴿٣٤﴾

32-34. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан муқаддам ўтган пайғамбарлар (ҳам) кофирлар тарафидан масхара қилингандир. Сен уларнинг масхарасига ғамгин бўлма. Мен у кофирларга ҳаётда бир қанча вақт муҳлат берганман, сўнгра охирида ҳалок қилганман. Бас, Менинг азобим қандай қаттиқдир! *Масхара қилгувчиларга ҳам шундай азоб бераман.* Ҳар бир нафснинг қилган амалига нигоҳбин (кузатиб, билиб) тургувчи Зот бундай тадбир қўлидан келмайдиган бутларга баробар бўладими? Кофирлар Худога шерикларни муқаррар қилдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «У шерикларнинг (номлари ва) ҳолларини менга баён қилинглар-чи? Ёки Худонинг ерда шундай шериклари борлигидан, У билмайдиган нарсалардан Уни огоҳлантирмоқчимисизлар? *Лекин Аллоҳ ундай шериклардан покдир.* Сизлар (фақат) зоҳир сўзларингизда «Худонинг шериклари» деб ном қўясизлар. *Ҳақиқатда (эса) Худонинг ҳеч қандай шериги йўқдир».* (Йы=!) балки кофирларга шу хилдаги макр (ва сохта) сўзлари зийнат берилгандир ва улар тўғри (ҳақ) йўлдан манъ қилингандирлар. Ҳар кимники Худо гумроҳ қилса, бас, унга бирор ҳидоят қилгувчи бўлмайди. Кофирларга бу дунёда ҳам *қаҳатчилик ёки қатл бўлмоқ каби* азоблар етади. Лекин уларга охиратнинг азоби қаттиқроқдир. Бу кофирларни Аллоҳнинг азобидан сақловчи йўқдир.

۞ مَّثَلُ ٱلْجَنَّةِ ٱلَّتِى وُعِدَ ٱلْمُتَّقُونَ ۖ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَـٰرُ ۖ أُكُلُهَا دَآئِمٌ وَظِلُّهَا ۚ
تِلْكَ عُقْبَى ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوا۟ ۖ وَّعُقْبَى ٱلْكَـٰفِرِينَ ٱلنَّارُ ﴿٣٥﴾ وَٱلَّذِينَ ءَاتَيْنَـٰهُمُ
ٱلْكِتَـٰبَ يَفْرَحُونَ بِمَآ أُنزِلَ إِلَيْكَ ۖ وَمِنَ ٱلْأَحْزَابِ مَن يُنكِرُ بَعْضَهُۥ ۚ قُلْ إِنَّمَآ
أُمِرْتُ أَنْ أَعْبُدَ ٱللَّهَ وَلَآ أُشْرِكَ بِهِۦٓ ۚ إِلَيْهِ أَدْعُوا۟ وَإِلَيْهِ مَـَٔابِ ﴿٣٦﴾

35-36. Муттақийларга Худо тарафидан ваъда қилинган жаннатнинг сифати шундайки: дарахтларининг тагидан анҳорлар жорий бўлади (оқиб ўтади), мевалари ва соялари доимийдир, *тамом бўлмайди*. Муттақийларнинг оқибатлари шудир. Кофирларнинг оқибатлари дўзахдир. Биз Қуръон ато қилган у мўминлар гуруҳи (ёки Таврот, Инжил ато этилган баъзи зотлар) Сенга нозил қилинган Қуръонни ўқиб, хурсанд бўладилар. Аҳли китоблардан ва мунофиқлардан шундай одамлар борки, Қуръоннинг баъзи (қисми)ни инкор қиладилар. Уларга айтгил: «Мен Худо тарафидан якка Ўзига ибодат қилишга ва Унга шерик қилмасликка маъмур-
13 жузъ ман (амр этилганман). Халқни Худо тарафига даъват қиламан ва менинг ҳам борадиган жойим Худо ҳузуридир.

وَكَذَٰلِكَ أَنزَلْنَٰهُ حُكْمًا عَرَبِيًّا ۚ وَلَئِنِ ٱتَّبَعْتَ أَهْوَآءَهُم بَعْدَمَا جَآءَكَ مِنَ ٱلْعِلْمِ
مَا لَكَ مِنَ ٱللَّهِ مِن وَلِىٍّ وَلَا وَاقٍ ﴿٣٧﴾

37. Илгари ўтган пайғамбарларга (ўз тилларида) китоблар нозил қилган эдим. Шунга ўхшаш Сенга ҳам Қуръонни (араб тилида) нозил қилдим. *Бу Қуръон ҳалол ва ҳаром ҳақида ҳукм қилгувчидир.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сенга Худо тарафидан ҳақ ва ботилни ажратадиган илм берилганидан сўнг кофирларнинг хоҳишларига тобе бўлар экансан, Сенга Худонинг азоби келади. (У ҳолда) Сенга бирор ёрдам берувчи бўлмайди ва ғазабидан сақловчи ҳам топилмайди.

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِّن قَبْلِكَ وَجَعَلْنَا لَهُمْ أَزْوَٰجًا وَذُرِّيَّةً ۚ وَمَا كَانَ لِرَسُولٍ أَن
يَأْتِىَ بِـَٔايَةٍ إِلَّا بِإِذْنِ ٱللَّهِ ۗ لِكُلِّ أَجَلٍ كِتَابٌ ﴿٣٨﴾ يَمْحُوا۟ ٱللَّهُ مَا يَشَآءُ وَيُثْبِتُ ۖ
وَعِندَهُۥٓ أُمُّ ٱلْكِتَٰبِ ﴿٣٩﴾

38-39. Биз Сендан илгари (ҳам) пайғамбарлар юбордик. Уларга хотинлар ва фарзандлар ато қилдик. Аммо ҳеч қайси пайғамбарга бирор мўъжиза келтириш мумкин (имкони) бўлмаган, магар бу иш, яъни, (пайғамбарнинг) мўъжиза кўрсатиши Худонинг ҳукми билан содир бўлган. Ҳар бир қазои муваққатга ёзилган мактуб (ҳукм) бор. У мактубда вақти тайин қилингандир. Аллоҳ таоло хоҳласа, у мактубни йўқ қилади ва хоҳласа, бор қилади. Парвардигор наздида ундан бошқа асл Китоб — Лавҳул Маҳфуз бордир. Ундаги мактуб (ёзиғлиқ ҳукм) ўзгартирилмайди.

وَإِن مَّا نُرِيَنَّكَ بَعْضَ ٱلَّذِى نَعِدُهُمْ أَوْ نَتَوَفَّيَنَّكَ فَإِنَّمَا عَلَيْكَ ٱلْبَلَٰغُ وَعَلَيْنَا
ٱلْحِسَابُ ﴿٤٠﴾

40. Агар Биз кофирларга ваъда қилган азобни ҳаётлик чоғингда Сенга кўрсатсак ёки Сенинг руҳингни қабз қилиб, (Сени ўлдириб), Сенга кўрсатмасак (ҳам), Сенга ҳаммаси баробар. Сенинг вазифанг аҳкоми илоҳийни бандаларга етказмоқдир. Бизнинг вазифамиз эса ҳисоб-китоб қилмоқ ва (ўшанга муносиб) жазо (мукофот) бермоқдир.

أَوَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّا نَأْتِى ٱلْأَرْضَ نَنقُصُهَا مِنْ أَطْرَافِهَا ۚ وَٱللَّهُ يَحْكُمُ لَا مُعَقِّبَ
لِحُكْمِهِۦ ۚ وَهُوَ سَرِيعُ ٱلْحِسَابِ ﴿٤١﴾ وَقَدْ مَكَرَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ فَلِلَّهِ ٱلْمَكْرُ
جَمِيعًا ۖ يَعْلَمُ مَا تَكْسِبُ كُلُّ نَفْسٍ ۗ وَسَيَعْلَمُ ٱلْكُفَّٰرُ لِمَنْ عُقْبَى ٱلدَّارِ ﴿٤٢﴾
وَيَقُولُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَسْتَ مُرْسَلًا ۚ قُلْ كَفَىٰ بِٱللَّهِ شَهِيدًۢا بَيْنِى وَبَيْنَكُمْ
وَمَنْ عِندَهُۥ عِلْمُ ٱلْكِتَٰبِ ﴿٤٣﴾ 13 жузъ

41-43. Оё кофирлар, Биз ерни атрофидан олиб, *яъни кофирларнинг тасарруфидан олиб,* мўминларга берганимизни кўрмайдиларми? *Чунончи, Аллоҳ таоло ҳукми билан яҳудларнинг ерлари мусулмонлар қўлларига топширилмоқда.* Аллоҳ таоло хоҳлаганидек ҳукм қилади. Ҳеч ким унинг ҳукмини қайтаролмайди. Аллоҳ таоло Қиёмат куни уларнинг амалларини тезлик билан ҳисоб қилади. Сенинг умматингдан илгариги (умматлар ҳам) ўз пайғамбарларига макр қилган эдилар. Лекин (уларнинг) макрлари ҳеч қандай фойда келтирмади. Шунга ўхшаб кофирлар ҳам Сенга макр қиладилар. Уларнинг ҳам макрлари фойда келтирмайди, чунки барча макр-ҳийлаларнинг илми Парвардигор (қўли)дадир. Ҳар бир нафс (жон) қандай касб (иш) қилса, Аллоҳ таоло билади. Яқинда кофирлар охиратнинг нозу-неъматлари кимлар учун эканини биладилар. Кофирлар Сенга: «Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен Пайғамбар эмассан», — дейдилар. Сен айтгил: «Сизлар билан менинг ўртамдаги ихтилофга Аллоҳ таоло гувоҳдир. Менга Аллоҳнинг гувоҳлиги ва Китобдан (Қуръондан) илми бор одамнинг гувоҳлиги *ёки Лавҳул Маҳфуздан илми бор малоикаларнинг гувоҳлиги* кифоядир».

Маккада нозил бўлган бу сура
эллик икки оятдан иборатдир.

13 жузъ *Суранинг 28-29-оятлари Мадинада, бошқа оятлари Маккада нозил бўлган. Бу сурадан ҳам ақида, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, пайғамбарларнинг вазифалари, ҳақиқат йўли ҳақидаги хабарлар ўрин олган. Шунингдек, Мусо алайҳиссаломнинг ўз қавми билан қилган мулоқотлари ҳам ҳикоя қилиб берилади. 35-41-оятлар Иброҳим алайҳиссаломнинг Аллоҳ таолога дуосини ўз ичига олгани учун сурага «Иброҳим» номи берилган.*

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الٓرۚ كِتَٰبٌ أَنزَلۡنَٰهُ إِلَيۡكَ لِتُخۡرِجَ ٱلنَّاسَ مِنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى ٱلنُّورِ بِإِذۡنِ رَبِّهِمۡ
إِلَىٰ صِرَٰطِ ٱلۡعَزِيزِ ٱلۡحَمِيدِ ﴿١﴾ ٱللَّهِ ٱلَّذِي لَهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۗ
وَوَيۡلٞ لِّلۡكَٰفِرِينَ مِنۡ عَذَابٖ شَدِيدٍ ﴿٢﴾ ٱلَّذِينَ يَسۡتَحِبُّونَ ٱلۡحَيَوٰةَ ٱلدُّنۡيَا
عَلَى ٱلۡأٓخِرَةِ وَيَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ وَيَبۡغُونَهَا عِوَجًاۚ أُوْلَٰٓئِكَ فِي ضَلَٰلِۢ
بَعِيدٖ ﴿٣﴾

1-3. Алиф. Лом. Ро. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу Қуръон (шундай) Китобдирки, Биз уни Сенга нозил қилдик. Токи Сен инсонларни залолат қоронғулигидан чиқариб, Худонинг ҳукми билан Ислом нурига мушарраф этурсан. Ва ҳамма нарсага ғолиб ва мақтовга лойиқ (бўлган) Аллоҳ таолонинг тўғри (ҳақ) йўлига ҳидоят қиласан. Аллоҳ шундайин Зотдирки, ердаги ва осмонлардаги ашёлар унинг мулкидир. Қаттиқ азобга мубтало бўлган кофирларнинг ҳолига вой! Бу кофирлар дунё ҳаётини охиратдан афзал деб (унга) муҳаббат қўядилар ва бошқаларни Худонинг ҳақ йўлидан қайтарадилар. Худонинг йўлини эгри ва гумроҳлик деб кўрсатадилар. Бу гуруҳлар оғир гумроҳликдадирлар.

وَمَآ أَرۡسَلۡنَا مِن رَّسُولٍ إِلَّا بِلِسَانِ قَوۡمِهِۦ لِيُبَيِّنَ لَهُمۡۖ فَيُضِلُّ ٱللَّهُ مَن يَشَآءُ

وَيَهْدِي مَن يَشَاءُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٤﴾

4. Биз ҳеч (бир) пайғамбарни халққа юбормадик магар ўз қавмининг тилида (гапирадиган қилиб) юбордик. Токи буйруқларимизни ўз қавмига уларнинг тилларида баён қилиб берсин. Бас, Аллоҳ таоло кимнинг гумроҳлигини хоҳласа, (гумроҳлик) асбобини ва сабабларини унга муҳайё қилиб беради. Кимнинг ҳидоятини хоҳласа, унга тавфиқ беради. Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан ғолиб ва ҳар бир феъли ҳикматлидир.

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ بِآيَاتِنَا أَنْ أَخْرِجْ قَوْمَكَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ 13 жузъ
وَذَكِّرْهُم بِأَيَّامِ اللَّهِ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَاتٍ لِّكُلِّ صَبَّارٍ شَكُورٍ ﴿٥﴾ وَإِذْ قَالَ
مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ اذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ أَنجَاكُم مِّنْ آلِ فِرْعَوْنَ
يَسُومُونَكُمْ سُوءَ الْعَذَابِ وَيُذَبِّحُونَ أَبْنَاءَكُمْ وَيَسْتَحْيُونَ نِسَاءَكُمْ وَفِي
ذَٰلِكُم بَلَاءٌ مِّن رَّبِّكُمْ عَظِيمٌ ﴿٦﴾

5-6. Албатта, Биз Мусони мўъжизалар билан ўз қавмига пайғамбар қилиб юбордик. Яна унга: «Қавмингни куфр зулматидан чиқариб, ҳидоят нурига бошла. Аллоҳ таолонинг азоб берадиган ҳукмларини уларнинг ёдига сол», – деб буюрдик. Албатта, Бизнинг зикр қилган пандларимизда ҳар (қандай) балога сабр этувчиларга ва неъматларга шукр қилувчиларга ибрат бўлувчи нишоналар бордир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), (эсла) ўша вақтники, Мусо (алайҳиссалом) ўз қавмига айтди: «Эй қавмим, сизлар Худонинг инъом қилган неъматларини ёд қилинг. Яъни, Аллоҳ таоло сизларга Фиръавн қавмининг азобидан нажот берди. (Чунки) у сизларни қаттиқ азобларди. Ўғил болаларингизни сўяр ва қизларингизни хизмат қилдириш учун (тирик) қолдирарди. Шу меҳнат ва машаққатларда сизлар учун Худо тарафидан улуғ синовлар бор эди».

وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكُمْ لَئِن شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ وَلَئِن كَفَرْتُمْ إِنَّ عَذَابِي لَشَدِيدٌ ﴿٧﴾
وَقَالَ مُوسَىٰ إِن تَكْفُرُوا أَنتُمْ وَمَن فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا فَإِنَّ اللَّهَ لَغَنِيٌّ حَمِيدٌ ﴿٨﴾

7-8. Эй бани Исроил, Парвардигорингиз сизларга (таъкидлаган) шу сўзларни ёд қилинг: «Агар Менинг неъматимга шукр қилсангизлар, неъматимни зиёда қиламан ва агар шукр қилмасангизлар, албатта, Менинг азобим ношукр бандаларга қаттиқдир». Мусо (алайҳиссалом) (яна) айтдики: «Эй қавмим, агар сизлар ва ер юзидаги барча инсонлар Худога кофир бўлсангизлар (ҳам), У зот сизларнинг иймонларингиздан мустағний (беҳожат)дир. Ҳан қандай ҳолатда Аллоҳ таоло(нинг) Ўзи мақтовга лойиқ, беҳожат Зотдир».

أَلَمْ يَأْتِكُمْ نَبَأُ الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ قَوْمِ نُوحٍ وَعَادٍ وَثَمُودَ وَالَّذِينَ مِن

بَعْدِهِمْ لَا يَعْلَمُهُمْ إِلَّا ٱللَّهُ جَآءَتْهُمْ رُسُلُهُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ فَرَدُّوٓا۟ أَيْدِيَهُمْ فِىٓ
أَفْوَٰهِهِمْ وَقَالُوٓا۟ إِنَّا كَفَرْنَا بِمَآ أُرْسِلْتُم بِهِۦ وَإِنَّا لَفِى شَكٍّ مِّمَّا تَدْعُونَنَآ إِلَيْهِ
مُرِيبٍ ﴿٩﴾ ۞ قَالَتْ رُسُلُهُمْ أَفِى ٱللَّهِ شَكٌّ فَاطِرِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ يَدْعُوكُمْ
لِيَغْفِرَ لَكُم مِّن ذُنُوبِكُمْ وَيُؤَخِّرَكُمْ إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى قَالُوٓا۟ إِنْ أَنتُمْ إِلَّا
13 жузъ بَشَرٌ مِّثْلُنَا تُرِيدُونَ أَن تَصُدُّونَا عَمَّا كَانَ يَعْبُدُ ءَابَآؤُنَا فَأْتُونَا بِسُلْطَٰنٍ
مُّبِينٍ ﴿١٠﴾

9-10. Эй яҳудлар, сизларга ўзларингиздан олдин ўтган Нуҳ, Од ва Самуд қавмларининг ва улардан кейин келган, адади (сон-саноғи)ни Худодан бошқа ҳеч ким билмайдиган жамоаларнинг хабари келмадими? Ўша жамоаларга пайғамбарлар мўъжизалар билан келган эдилар. Бу халқ аччиқларидан (ғазабларидан) қўллари билан оғизларини беркитиб, пайғамбарларни инкор қилиб, айтар эдиларки: «Биз сизлар олиб келган динингизга мункирмиз, (уни) қабул қилмаймиз. (Сиз) бизни даъват қилаётган нарсаларингизнинг ҳақлигига шубҳа қиламиз». Пайғамбарлар айтар эдиларки: «Оё, осмонларни ва ерни халқ қилувчи Аллоҳнинг вужудига (борлигига) шак келтирасизларми? Ҳолбуки, У Парвардигор сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилишни ва сизларга то муайян муддатгача (ҳалок қилмай) муҳлат беришни ҳоҳлайди». Улар пайғамбарларга жавоб берардиларки: «Сизлар ҳам бизларга ўхшаган одамсизлар. *Бизлардан ортиқ эмассизлар*. Бизни ота-боболаримиз ибодат қилиб келган бутлардан манъ қилишни истайсизлар, (холос). Ўзларингизнинг биздан ортиқроқ эканингизга очиқ (аниқ) ҳужжатларингиз бўлса, олиб келинглар».

قَالَتْ لَهُمْ رُسُلُهُمْ إِن نَّحْنُ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ يَمُنُّ عَلَىٰ مَن يَشَآءُ مِنْ
عِبَادِهِۦ وَمَا كَانَ لَنَآ أَن نَّأْتِيَكُم بِسُلْطَٰنٍ إِلَّا بِإِذْنِ ٱللَّهِ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ
ٱلْمُؤْمِنُونَ ﴿١١﴾ وَمَا لَنَآ أَلَّا نَتَوَكَّلَ عَلَى ٱللَّهِ وَقَدْ هَدَىٰنَا سُبُلَنَا
وَلَنَصْبِرَنَّ عَلَىٰ مَآ ءَاذَيْتُمُونَا وَعَلَى ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ ٱلْمُتَوَكِّلُونَ ﴿١٢﴾

11-12. Бу қавмнинг пайғамбарлари айтдиларки: «Ҳақиқатда, Биз ҳам сизларга ўхшаш инсонлармиз. Лекин Аллоҳ таоло бандаларидан кимга хоҳласа, пайғамбарлик неъматини ато қилади. Биз сизларга бирор мўъжиза олиб келолмаймиз, магар Худонинг амри билан (олиб келамиз). Худога ишонувчи мўминлар бир Аллоҳнинг ўзига таваккул қилишлари керак. Агар Худога таваккул қилмасак, бизлар қандай узр айта оламиз? Ҳолбуки, У бизларни тўғри йўлга ҳидоят қилди. Биз, албатта, сизлардан етган азиятларга сабр қиламиз. Таваккул қилувчилар, албатта, фақат Худога таваккул қилишлари керак.

وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لِرُسُلِهِمْ لَنُخْرِجَنَّكُم مِّنْ أَرْضِنَآ أَوْ لَتَعُودُنَّ فِى
مِلَّتِنَا ۖ فَأَوْحَىٰٓ إِلَيْهِمْ رَبُّهُمْ لَنُهْلِكَنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٣﴾ وَلَنُسْكِنَنَّكُمُ ٱلْأَرْضَ مِنۢ
بَعْدِهِمْ ۚ ذَٰلِكَ لِمَنْ خَافَ مَقَامِى وَخَافَ وَعِيدِ ﴿١٤﴾

13-14. Кофирлар пайғамбарларга айтдиларки: «Албатта, биз ё сизларни ўз еримиздан чиқариб юборамиз, ёки бизнинг динимизга қайтиб кирасизлар». Парвардигор бу пайғамбарларга ваҳий юбориб айтдики: «Албатта, биз золимларни ҳалок қиламиз. Улар ҳалок бўлганидан сўнг жой- 13 жузъ
ларига сизларни жойлаймиз. Албатта, бу ваъда Қиёмат куни Бизнинг ҳузуримизда ҳозир бўлишдан қўрқувчи кишиларга ва ҳам ваъда азобимиздан хавф қилгувчи кишиларгадир».

وَٱسْتَفْتَحُوا۟ وَخَابَ كُلُّ جَبَّارٍ عَنِيدٍ ﴿١٥﴾ مِّن وَرَآئِهِۦ جَهَنَّمُ وَيُسْقَىٰ مِن مَّآءٍ
صَدِيدٍ ﴿١٦﴾ يَتَجَرَّعُهُۥ وَلَا يَكَادُ يُسِيغُهُۥ وَيَأْتِيهِ ٱلْمَوْتُ مِن كُلِّ مَكَانٍ وَمَا
هُوَ بِمَيِّتٍ ۖ وَمِن وَرَآئِهِۦ عَذَابٌ غَلِيظٌ ﴿١٧﴾ مَّثَلُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِرَبِّهِمْ ۖ
أَعْمَٰلُهُمْ كَرَمَادٍ ٱشْتَدَّتْ بِهِ ٱلرِّيحُ فِى يَوْمٍ عَاصِفٍ ۖ لَّا يَقْدِرُونَ مِمَّا كَسَبُوا۟
عَلَىٰ شَىْءٍ ۚ ذَٰلِكَ هُوَ ٱلضَّلَٰلُ ٱلْبَعِيدُ ﴿١٨﴾

15-18. Пайғамбарлар кофирларнинг (берган) азоби учун Худодан ёрдам талаб қилдилар. (Худо) уларнинг талабларига биноан ҳамма кофирларни ҳалок қилди. Ҳар шахски золим ва инод (саркашлик) қилиб, Худонинг ҳукмидан эъроз қилган (бўйин товлаган) экан, азобдан халос бўлишдан ноумид қолди. Бу ҳалокатдан кейин жаҳаннамга борадилар. Дўзахда сув талаб қилсалар, (уларга) зардоб ичирилади. Ниҳоятда кулфат ва зўрлик билан оз-оз ютадилар-у, томоқларидан ўтказа олмасдан, қийналадилар. Ниҳоятда қийналганларида ўлимни талаб қиладилар. Ўлим ҳар тарафдан келганга ўхшайди, лекин ўлмайдилар. Бу азоблар ортидан янада оғирроқ азоблар бор. Парвардигорларига кофир бўлган шахсларнинг қилган амаллари қаттиқ шамол туриб, гардини осмонга учириб юборган оловдан ҳосил бўлган кулга ўхшайди. Шунга ўхшаш кофирларнинг яхши амаллари Қиёмат куни куфрнинг шамолида учиб, тўзиб кетади ва эгасига бирор фойда бермайди. У кофирлар касб қилган амалларида ҳеч нарсага қодир бўлмайдилар. Бу кофирларнинг ишонганлари оғир гумроҳлик (адашув)дир.

أَلَمْ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ بِٱلْحَقِّ ۚ إِن يَشَأْ يُذْهِبْكُمْ وَيَأْتِ
بِخَلْقٍ جَدِيدٍ ﴿١٩﴾ وَمَا ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ بِعَزِيزٍ ﴿٢٠﴾ وَبَرَزُوا۟ لِلَّهِ جَمِيعًا فَقَالَ
ٱلضُّعَفَٰٓؤُا۟ لِلَّذِينَ ٱسْتَكْبَرُوٓا۟ إِنَّا كُنَّا لَكُمْ تَبَعًا فَهَلْ أَنتُم مُّغْنُونَ عَنَّا مِنْ

عَذَابِ ٱللَّهِ مِن شَىْءٍ ۚ قَالُوا۟ لَوْ هَدَىٰنَا ٱللَّهُ لَهَدَيْنَٰكُمْ ۖ سَوَآءٌ عَلَيْنَآ أَجَزِعْنَآ
أَمْ صَبَرْنَا مَا لَنَا مِن مَّحِيصٍ ﴿٢١﴾

19-21. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Аллоҳ таоло ер ва осмонларни ўз тадбири билан халқ қилиб қўйганини кўрмадингми? Парвадигор ҳоҳласа, сизларни ер юзидан йўқ қилиб, жойларингга янги қавмларни (яратиб) олиб келишга қудрати етади. Бу иш Аллоҳ учун оғир эмасдир. Қиёмат куни бўлиб, ҳамма халойиқ Худонинг ҳузурида ҳозир бўлганида, кофирларнинг ожизлари улуғларига (мутакаббирларига) айтадиларки: «У дунёда биз сизларга тобе бўлган эдик. Энди Аллоҳнинг азобидан бизларни халос қиласизларми? Қудратингиз бўлса, Худонинг азобини даф қилинглар». Улуғлари айтадиларки: «Аллоҳ таоло бизга азобдан халос бўлишнинг ҳақ йўлини кўрсатганида (ҳидоят қилганида) эди, биз ҳам сизларга йўлбошчилик қилган (ҳидоят қилган) бўлар эдик. Энди бизлар бетоқатлик (оҳу фарёд) қилсак ҳам ё сабр қилсак ҳам, баробардир. Бизларга азобдан қутуладиган (нажот) йўл йўқдир».

13 жузъ

وَقَالَ ٱلشَّيْطَٰنُ لَمَّا قُضِىَ ٱلْأَمْرُ إِنَّ ٱللَّهَ وَعَدَكُمْ وَعْدَ ٱلْحَقِّ وَوَعَدتُّكُمْ
فَأَخْلَفْتُكُمْ ۖ وَمَا كَانَ لِىَ عَلَيْكُم مِّن سُلْطَٰنٍ إِلَّآ أَن دَعَوْتُكُمْ فَٱسْتَجَبْتُمْ لِى ۖ فَلَا
تَلُومُونِى وَلُومُوٓا۟ أَنفُسَكُم ۖ مَّآ أَنَا۠ بِمُصْرِخِكُمْ وَمَآ أَنتُم بِمُصْرِخِىَّ ۖ إِنِّى
كَفَرْتُ بِمَآ أَشْرَكْتُمُونِ مِن قَبْلُ ۗ إِنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٢٢﴾

22. *Қиёмат куни ҳамма ишлар (ҳисоб-китоблар) тамом бўлиб, кофирлар азоби илоҳийга ҳукм қилинганидан сўнг улар шайтонга даъво қиладиларки: «Бизни сен гумроҳ қилдинг. Биз сенга эргашиб, азоби илоҳийга гирифтор бўлдик»*. Шайтон жавоб берадики: «У дунёда Аллоҳ таоло сизларга: «Имон келтирсангизлар ва яхши амал қилсангизлар, жаннатга кирасизлар», – деб ҳақ ва рост ваъда қилган эди. Мен сизларга: «Бутларга ибодат қилсангизлар, Қиёмат куни шафоат қилади», – деб ёлғон ваъда қилган эдим. Бу кун менинг ваъдаларим ёлғон эканлиги ошкор бўлиб қолди. Менинг сизларнинг устингизда ҳеч қандай ҳукмронлигим ва қудратим йўқ эди. Мен сизларни мажбур ҳам қилганим йўқ, фақат сизларни васваса қилиб, алдадим. Сизлар менинг сўзимга ишониб, (даъватимни) қабул қилдингизлар. Энди сизлар мени маломат қилманг, балки ўз нафсларингизни маломат қилинг. Энди сизлар менинг фарёдимга етолмайсиз (менга ёрдам қилолмайсиз)лар. Мен ҳам сизларнинг фарёдингизга етолмайман. Энди мен сизларнинг Худога шерик қилган нарсаларингиздан безорман. Албатта, Қиёматда кофирларга қаттиқ азоб бордир.

وَأُدْخِلَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ
خَٰلِدِينَ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ ۖ تَحِيَّتُهُمْ فِيهَا سَلَٰمٌ ﴿٢٣﴾

23. Иймон келтириб, яхши (солиҳ) амал қилганлар Қиёмат кунида бўстонларидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга дохил бўладилар. Улар Парвадигорнинг ҳукми билан жаннатда абадий қоладилар. Уларнинг бир-бирларига таҳийётлари (саломлашишлари) «Ассалому алайкум»дан иборатдир.

ألم تر كيف ضرب الله مثلا كلمة طيبة كشجرة طيبة أصلها ثابت وفرعها في
السماء ﴿٢٤﴾ تؤتي أكلها كل حين بإذن ربها ويضرب الله الأمثال للناس
لعلهم يتذكرون ﴿٢٥﴾ ومثل كلمة خبيثة كشجرة خبيثة اجتثت من فوق
الأرض ما لها من قرار ﴿٢٦﴾ يثبت الله الذين آمنوا بالقول الثابت في
الحياة الدنيا وفي الآخرة ويضل الله الظالمين ويفعل الله ما يشاء ﴿٢٧﴾

13 жузъ

24-27. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кўрмайсанми, Парвардигор бандалари учун қандай мисоллар келтиради. Бу мисоллар шундан иборатдирки, Калимаи таййиба бир покиза (асл) дарахтга ўхшайди. Унинг томирлари ерга маҳкам ўрнашган, шохлари эса о монга кўтарилгандир. Худонинг ҳукми билан доимо мева қилиб туради. Мевасидан одамлар баҳраманд бўладилар. Шунга ўхшаш, Калимаи таййибанинг ҳам мўминларга бу дунё ва охиратда фойдалари кўпдир. Аллоҳ таоло панд-ибрат олиб, тавфиқ топсалар, деб бандаларига ана шундай мисоллар келтиради. Хабис (ёмон, нопок) калима, яъни куфр калимасининг мисоли хабис (ёмон) дарахтга ўхшайди. Унинг меваси ҳам, бўйи ҳам йўқ. Ҳаром, тиканли, ёмонлигидан ердан суғуриб ташлангандир. *Ўтин бўлишдан бошқага ярамайди.* Қаерда бўлсин, унга қарор (қўним) йўқдир. Аллоҳ таоло мухлис мўминларнинг дилларига бу дунёда ҳам, охиратда ҳам Калимаи таййибани (собит) мустаҳкам (барқарор) қилади. Ўшанинг шарофатидан охиратда нажот топадилар. Аллоҳ таоло золимларни нажот йўлидан гумроҳ қилади (адаштиради). Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсасини қилади. Унга ҳеч ким моне бўлолмайди.

۞ ألم تر إلى الذين بدلوا نعمت الله كفرا وأحلوا قومهم دار البوار ﴿٢٨﴾ جهنم
يصلونها وبئس القرار ﴿٢٩﴾ وجعلوا لله أندادا ليضلوا عن سبيله قل
تمتعوا فإن مصيركم إلى النار ﴿٣٠﴾

28-30. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу кофирлар тарафига қарамайсанми? Улар Худонинг неъматини еганидач сўнг, шукрнинг ўрнига куфр (ношукрлик) қиладилар. Нафақат ўзларини, балки (ортидан эргашадиган) қавмларини ҳам ҳалокат чоҳига, яъни жаҳаннамга ташлайдилар. Жаҳаннам турадиган (қарор топадиган) кўп ёмон жойдир! Бу ко-

фирлар қавмларини ҳидоят йўлидан адаштириш учун Худога шериклар муқаррар қилдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «Эй кофирлар, дунё ҳаётидан умрларинг охир бўлгунча фойдаланиб қолинглар. Албатта, охиратда борадиган жойларингиз дўзахдир».

قُل لِّعِبَادِىَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ يُقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَيُنفِقُوا۟ مِمَّا رَزَقْنَـٰهُمْ سِرًّا
وَعَلَانِيَةً مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِىَ يَوْمٌ لَّا بَيْعٌ فِيهِ وَلَا خِلَـٰلٌ ﴿٣١﴾ ٱللَّهُ ٱلَّذِى خَلَقَ
13 жузъ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ وَأَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَأَخْرَجَ بِهِۦ مِنَ ٱلثَّمَرَٰتِ رِزْقًا
لَّكُمْ ۖ وَسَخَّرَ لَكُمُ ٱلْفُلْكَ لِتَجْرِىَ فِى ٱلْبَحْرِ بِأَمْرِهِۦ ۖ وَسَخَّرَ لَكُمُ ٱلْأَنْهَـٰرَ ﴿٣٢﴾
وَسَخَّرَ لَكُمُ ٱلشَّمْسَ وَٱلْقَمَرَ دَآئِبَيْنِ ۖ وَسَخَّرَ لَكُمُ ٱلَّيْلَ وَٱلنَّهَارَ ﴿٣٣﴾ وَءَاتَىٰكُم
مِّن كُلِّ مَا سَأَلْتُمُوهُ ۚ وَإِن تَعُدُّوا۟ نِعْمَتَ ٱللَّهِ لَا تُحْصُوهَآ ۗ إِنَّ ٱلْإِنسَـٰنَ
لَظَلُومٌ كَفَّارٌ ﴿٣٤﴾

31-34. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Менинг мўмин бандаларимга айтгил: «Олди-сотди ҳам, дўстлик (оғайничилик) ҳам бўлмаган Қиёмат куни келишидан аввал намозни ўз вақтида адо этсинлар ва берган ризқларимдан ошкора ё махфий Менинг йўлимда инфоқ-эҳсон қилсинлар. Аллоҳ таоло ер ва осмонларни халқ қилган, юқоридан (осмондан) ёмғир ёғдириб, шу ёмғир билан ердан дарахтлар кўкартирадиган ва у дарахтлардан сизларга ризқ учун мевалар чиқарган Зотдир. Ва у Зот кемалар яратиб, сизларга итоаткор қилди. У кемалар Худонинг амри билан дарёда ҳаракат қилиб (сузиб) юради. Сизларга анҳорларни мусаххар қилди. Ундан зироатларингизга сув боради. Сизларга офтоб ва ойни муте этди. Улар сизларнинг ризқ-рўзингиз (яхши, тартибли яшашингиз) учун ҳаракат қиладилар. Роҳат олишингиз учун кечани ва меҳнат қилишингиз учун кундузни сизларга бўйин сундирди. Шунингдек, Аллоҳ таоло ҳожатингиз учун талаб қилган (барча) нарсаларингизни сизларга берди. Ва агар Худонинг неъматини санамоқчи бўлсангизлар, (санаб) охирига етолмайсизлар. Лекин *илоҳий эҳсонга нисбатан* инсон золим ва ношукрдир.

وَإِذْ قَالَ إِبْرَٰهِيمُ رَبِّ ٱجْعَلْ هَـٰذَا ٱلْبَلَدَ ءَامِنًا وَٱجْنُبْنِى وَبَنِىَّ أَن نَّعْبُدَ ٱلْأَصْنَامَ
﴿٣٥﴾ رَبِّ إِنَّهُنَّ أَضْلَلْنَ كَثِيرًا مِّنَ ٱلنَّاسِ ۖ فَمَن تَبِعَنِى فَإِنَّهُۥ مِنِّى ۖ وَمَنْ عَصَانِى
فَإِنَّكَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٣٦﴾

35-36. *Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), эслагил,* Иброҳим Парвардигорига муножот қилиб айтган эди: «Эй Парвардигоро, мана шу Макка шаҳ-

рини барча хавфу хатардан эмин қил! Мени ва фарзандларимни бутларга ибодат қилишдан узоқ қил! Эй Парвардигоро, у бутлар (ўзларига эргашган) кўп одамларни гумроҳ қилди. Ким менга тобе бўлса ва итоат этса (эргашса), менинг аҳлимдан ва миллатимдандир. Ким менга итоат этмаса ва исён қилса, албатта, Сен гуноҳларни кечиргувчи ва меҳрибонсан.

رَّبَّنَآ إِنِّيٓ أَسۡكَنتُ مِن ذُرِّيَّتِي بِوَادٍ غَيۡرِ ذِي زَرۡعٍ عِندَ بَيۡتِكَ ٱلۡمُحَرَّمِ رَبَّنَا
لِيُقِيمُواْ ٱلصَّلَوٰةَ فَٱجۡعَلۡ أَفۡـِٔدَةٗ مِّنَ ٱلنَّاسِ تَهۡوِيٓ إِلَيۡهِمۡ وَٱرۡزُقۡهُم مِّنَ
ٱلثَّمَرَٰتِ لَعَلَّهُمۡ يَشۡكُرُونَ ٣٧ 13 жузъ

37. Эй Парвардигоро, Мен зурриётларимдан баъзисини зироат кўкармайдиган (экин ўсмайдиган) сувсиз даштта, яъни, ҳурматли Байтинг (Каъба) атрофига сокин қилдим (жойлаштирдим). Эй Парвардигоро, зурриётларим Сенинг Ҳарамингда намозни (тўкис) адо қилсинлар. Халқнинг дилини уларга муҳаббатли қил! Уларга дунёнинг меваларидан ризқ-рўз муқаррар этгил. Шоядки, улар Сенинг неъматларингга шукр қилсалар.

رَبَّنَآ إِنَّكَ تَعۡلَمُ مَا نُخۡفِي وَمَا نُعۡلِنُۗ وَمَا يَخۡفَىٰ عَلَى ٱللَّهِ مِن شَيۡءٖ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَلَا فِي
ٱلسَّمَآءِ ٣٨ ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِ ٱلَّذِي وَهَبَ لِي عَلَى ٱلۡكِبَرِ إِسۡمَٰعِيلَ وَإِسۡحَٰقَۚ إِنَّ رَبِّي
لَسَمِيعُ ٱلدُّعَآءِ ٣٩ رَبِّ ٱجۡعَلۡنِي مُقِيمَ ٱلصَّلَوٰةِ وَمِن ذُرِّيَّتِيۚ رَبَّنَا وَتَقَبَّلۡ دُعَآءِ
٤٠ رَبَّنَا ٱغۡفِرۡ لِي وَلِوَٰلِدَيَّ وَلِلۡمُؤۡمِنِينَ يَوۡمَ يَقُومُ ٱلۡحِسَابُ ٤١

38-41. Эй Парвардигоро, Сен дилларимиздаги пинҳон ва ошкор ниятларимизни биласан. Осмондаги ва ердаги нарсаларнинг ҳеч бири Аллоҳ таологa махфий эмас. Аллоҳ таологa ҳамду сано бўлсинки, у Зот қариган чоғимда Исмоил билан Исҳоқни ато қилди. Албатта, Парвардигорим бандаларнинг дуосини эшитгувчидир. Эй Парвардигоро, Мени ҳамиша намозни барпо қилгувчилардан ва зурриётларимни ҳам намозни адо этгувчилардан қил. Парвардигоро, дуоимни қабул қилгил, Қиёмат қоим бўлганида Мени мағфират қилгил, ота-онамнинг ва мўминларнинг гуноҳларини кечиргил».

وَلَا تَحۡسَبَنَّ ٱللَّهَ غَٰفِلًا عَمَّا يَعۡمَلُ ٱلظَّٰلِمُونَۚ إِنَّمَا يُؤَخِّرُهُمۡ لِيَوۡمٖ
تَشۡخَصُ فِيهِ ٱلۡأَبۡصَٰرُ ٤٢ مُهۡطِعِينَ مُقۡنِعِي رُءُوسِهِمۡ لَا يَرۡتَدُّ إِلَيۡهِمۡ طَرۡفُهُمۡۖ
وَأَفۡـِٔدَتُهُمۡ هَوَآءٞ ٤٣

42-43. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Аллоҳ таолони золимларнинг қилмишларидан ғофил деб гумон қилма. Аллоҳ таоло уларнинг жазосини (Қиёмат даҳшати) хавфидан кўзлар хира бўладиган кунга таъхир қилади

(кечиктиради), холос. У кунда бошларини баланд кўтарган ҳолда Маҳшаргоҳга югурадилар. Ўзгаларнинг аҳволига қарамайдилар. Диллар фаҳм ва идрокдан холи бўлади.

وَأَنذِرِ ٱلنَّاسَ يَوْمَ يَأْتِيهِمُ ٱلْعَذَابُ فَيَقُولُ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ رَبَّنَآ أَخِّرْنَآ إِلَىٰٓ أَجَلٍ
قَرِيبٍ نُّجِبْ دَعْوَتَكَ وَنَتَّبِعِ ٱلرُّسُلَ ۗ أَوَلَمْ تَكُونُوٓا۟ أَقْسَمْتُم مِّن قَبْلُ مَا لَكُم
13 жузъ مِّن زَوَالٍ ﴿٤٤﴾ وَسَكَنتُمْ فِى مَسَـٰكِنِ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ وَتَبَيَّنَ لَكُمْ
كَيْفَ فَعَلْنَا بِهِمْ وَضَرَبْنَا لَكُمُ ٱلْأَمْثَالَ ﴿٤٥﴾ وَقَدْ مَكَرُوا۟ مَكْرَهُمْ وَعِندَ ٱللَّهِ
مَكْرُهُمْ وَإِن كَانَ مَكْرُهُمْ لِتَزُولَ مِنْهُ ٱلْجِبَالُ ﴿٤٦﴾

44-46. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларни азоб қиладиган кундан қўрқитгил! У азобни кўрганидан сўнг золимлар айтадиларки: «Эй Парвардигоро, бизни у дунёга юбориб, озгина бўлса-да, муҳлат бер! Токи Сенинг амрларингни бажарайлик ва пайғамбарларингга тобе бўлайлик». Фариштадар жавоб беришадики: «Эй кофирлар, сизлар у дунёда «Бизларга ҳеч завол йўқ», – деб қасамёд қилмадингизларми? Ваҳоланки, сизлар бошқа золимлар ҳалок бўлганидан сўнг жойларига сукунат қилган (жойлашган) эдингизлар. Бизнинг уларни қандай ҳалок қилганимиз сизларга маълум эди. Сизларга кўп нарсаларни баён қилиб, огоҳ қилган эдик. Сизлар уларнинг ҳолидан ибрат олмадингизлар». Кофирлар Исломни йўқ қилиш учун қўлларидан келган макрни қилдилар. Ваҳоланки, макрларининг жазоси Худонинг наздида муҳайёдир. Кофирларнинг макри ҳар қанча бўлса ҳам, яъни тоғни ўрнидан зойил (йўқ) қиладиган даражада бўлса ҳам, Ислом дини мустаҳкамдир. Унга ҳеч зарар етказа олмайдилар.

فَلَا تَحْسَبَنَّ ٱللَّهَ مُخْلِفَ وَعْدِهِۦ رُسُلَهُۥٓ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ ذُو ٱنتِقَامٍ ﴿٤٧﴾ يَوْمَ تُبَدَّلُ
ٱلْأَرْضُ غَيْرَ ٱلْأَرْضِ وَٱلسَّمَـٰوَٰتُ ۖ وَبَرَزُوا۟ لِلَّهِ ٱلْوَٰحِدِ ٱلْقَهَّارِ ﴿٤٨﴾ وَتَرَى
ٱلْمُجْرِمِينَ يَوْمَئِذٍ مُّقَرَّنِينَ فِى ٱلْأَصْفَادِ ﴿٤٩﴾ سَرَابِيلُهُم مِّن قَطِرَانٍ وَتَغْشَىٰ
وُجُوهَهُمُ ٱلنَّارُ ﴿٥٠﴾ لِيَجْزِىَ ٱللَّهُ كُلَّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ سَرِيعُ ٱلْحِسَابِ
﴿٥١﴾ هَـٰذَا بَلَـٰغٌ لِّلنَّاسِ وَلِيُنذَرُوا۟ بِهِۦ وَلِيَعْلَمُوٓا۟ أَنَّمَا هُوَ إِلَـٰهٌ وَٰحِدٌ وَلِيَذَّكَّرَ أُو۟لُوا۟
ٱلْأَلْبَـٰبِ ﴿٥٢﴾

47-52. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Аллоҳни: «Пайғамбарларимга нусрат бераман», – деган ваъдасига хилоф қилувчи деб гумон этма! Албатта, Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан ғолибдир ва интиқом олувчидир, шу кундаки,

ер ва осмон (ўз суратларидан) бошқа суратларга ўзгартирилади. Ҳамма қабр аҳли қабрларидан туриб, яккаю ягона ва қаҳр қилувчи Парвардигор ҳузурига жам бўладилар. У кунда мушрикларни оёқ-қўллари занжир билан боғланган, киядиган либослари қатрондан (қора мойдан), бошларидан-оёқларигача дўзах ўти ўраб олган ҳолда кўрасан. Аллоҳ таоло ҳар бир нафснинг қилган амалларига мувофиқ жазо бериш учун улар (гуноҳкорлар)ни Маҳшаргоҳга жалб этиб, ҳисоб-китоб қилади. Аллоҳ таоло тез ҳисоб қилгувчидир. Кофирларни Худонинг азобидан қўрқитувчидир, бу Қуръон – бандаларга хайр (яхшилик) ва шарр (ёмонлик)дан хабар берувчидир ва ҳам уларга Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқлигини билдирувчидир.
Ва ақл эгалари ундан панд-ибрат оладилар. 13 жузъ

ЎН ТЎРТИНЧИ ЖУЗЪ

14 жузъ **_Маккада нозил бўлган бу сура_**
тўқсон тўққиз оятдан иборатдир.

Суранинг 87-ояти Мадинада, қолган оятлари Маккада нозил бўлган. Ҳижр Самуд қавми яшаган водийнинг номи бўлиб, 80-84-оятларда Ҳижр ҳақида сўз кетгани учун сура шу ном билан аталган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الٓر تِلْكَ ءَايَٰتُ ٱلْكِتَٰبِ وَقُرْءَانٍ مُّبِينٍ ﴿١﴾

1. Алиф. Лом. Ро. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Ушбу оятлар илоҳий Китобнинг – ҳақ ва ботилни баён қилгувчи Қуръоннинг оятларидир.

رُّبَمَا يَوَدُّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَوْ كَانُوا۟ مُسْلِمِينَ ﴿٢﴾ ذَرْهُمْ يَأْكُلُوا۟ وَيَتَمَتَّعُوا۟
وَيُلْهِهِمُ ٱلْأَمَلُ فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿٣﴾

2-3. Кофирлар Қуръоннинг ҳақлигини билганидан сўнг ёки Қиёматнинг азобини кўрганларида: «Кошки мусулмон бўлганимизда эди», – деб кўп вақтлар орзу қиладилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у кофирларни ўз ҳолига қўйиб қўй. Дунёда еб-ичсинлар, унинг манфаатларидан фойда олсинлар. Дунёнинг орзуларига берилиб, Худодан ғофил ҳолда мол-дунёга машғул бўлсинлар. Сўнгра (яқинда) азобга мубтало бўлганларида, бас, ўз ҳолларини биладилар ва ботил йўлда эканларидан огоҳ бўладилар.

وَمَآ أَهْلَكْنَا مِن قَرْيَةٍ إِلَّا وَلَهَا كِتَابٌ مَّعْلُومٌ ﴿٤﴾ مَّا تَسْبِقُ مِنْ أُمَّةٍ أَجَلَهَا وَمَا
يَسْتَـْٔخِرُونَ ﴿٥﴾ وَقَالُوا۟ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِى نُزِّلَ عَلَيْهِ ٱلذِّكْرُ إِنَّكَ لَمَجْنُونٌ ﴿٦﴾ لَّوْ مَا
تَأْتِينَا بِٱلْمَلَٰٓئِكَةِ إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿٧﴾ مَا نُنَزِّلُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةَ إِلَّا بِٱلْحَقِّ وَمَا
كَانُوٓا۟ إِذًا مُّنظَرِينَ ﴿٨﴾

4-8. Биз бирор қаря (қишлоқ, шаҳар) аҳлини ҳалок қилмадик, магар Лавҳул Маҳфузда ёзилган азоб муддати етганидан кейин ҳалок қилганмиз. Ҳеч бир гуруҳ (уммат, авлод) ўзининг ҳалок бўладиган вақтидан муқаддам ҳам кета олмайди, кейин ҳам қололмайди. Араб кофирлари айтадиларки: «Эй, менга Қуръон нозил қилинган, деб даъво қилган Муҳаммад, албатта, Сен девонасан. Агар Сен сўзингда ростгўйлардан бўлсанг, нима учун гувоҳликка малоикаларни келтирмайсан?». «Биз бу дунёга малоикаларни кофирларга фақат азоб муқаррар бўлганида туширамиз. У вақтда кофирларга муҳлат берилмайди. Ҳаммалари (дарҳол) ҳалок бўладилар».

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا ٱلذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُۥ لَحَٰفِظُونَ ﴿٩﴾ 14 жузъ

9. Биз, албатта, Қуръонни Сенга нозил қилдик. Албатта, Биз то Қиёматгача (уни) ўзгаришлардан ва йўқ бўлишдан сақлаймиз.

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مِن قَبْلِكَ فِى شِيَعِ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٠﴾ وَمَا يَأْتِيهِم مِّن رَّسُولٍ إِلَّا كَانُوا۟ بِهِۦ
يَسْتَهْزِءُونَ ﴿١١﴾ كَذَٰلِكَ نَسْلُكُهُۥ فِى قُلُوبِ ٱلْمُجْرِمِينَ ﴿١٢﴾ لَا يُؤْمِنُونَ بِهِۦ وَقَدْ
خَلَتْ سُنَّةُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٣﴾

10-13. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан аввал ҳам биз ҳар бир гуруҳга пайғамбарлар юбордик. Бу гуруҳлар у пайғамбарларни ҳам ёлғончига чиқариб, масхара қилганлар. Шунга ўхшаш, Сенинг умматларингда ҳам (Сени) ёлғон дегувчилар ва масхара қилгувчилар бўлади. Бу кофирларнинг дилларига ҳам шундай аҳволни муқаррар қилдик (солиб қўйдик). Улар Худога иймон келтирмадилар. Аввалги умматларнинг одатлари шундай бўлиб ўтди. Яъни, куфрлари ва истеҳзолари ҳалокатларига сабаб бўлди.

وَلَوْ فَتَحْنَا عَلَيْهِم بَابًا مِّنَ ٱلسَّمَآءِ فَظَلُّوا۟ فِيهِ يَعْرُجُونَ ﴿١٤﴾ لَقَالُوٓا۟ إِنَّمَا سُكِّرَتْ
أَبْصَٰرُنَا بَلْ نَحْنُ قَوْمٌ مَّسْحُورُونَ ﴿١٥﴾ وَلَقَدْ جَعَلْنَا فِى ٱلسَّمَآءِ بُرُوجًا وَزَيَّنَّٰهَا
لِلنَّٰظِرِينَ ﴿١٦﴾ وَحَفِظْنَٰهَا مِن كُلِّ شَيْطَٰنٍ رَّجِيمٍ ﴿١٧﴾ إِلَّا مَنِ ٱسْتَرَقَ ٱلسَّمْعَ
فَأَتْبَعَهُۥ شِهَابٌ مُّبِينٌ ﴿١٨﴾

14-18. Агар Биз бу кофирларга осмоннинг дарвозасини очиб қўйсак, у дарвозадан кириб, юқорига чиқсалар ва осмонда ажойиботларни мушоҳада қилсалар ҳам, Худонинг қудратини кўриб, иймон келтириш ўрнига: «Бизнинг кўзимиз кўз боғловчилар томонидан боғлаб қўйилгандир. Балки, биз жоду қилинган қавмдирмиз», – дейдилар. Биз осмонда манзил (бурж)ларни халқ қилдик ва уларга назар қилувчилар учун юлдузлар билан зийнат бердик. Ҳамда осмонни ҳар бир шайтони мардуддан сақладик. Улар осмонга чиқа олмайдилар ва аҳволдан хабар ололмайдилар. Магар (улар) гап ўғирлаш учун чиқсалар, уларнинг ортидан куйдирувчи равшан юлдузлар отилади ва шу билан ерга қулаб тушадилар.

وَٱلْأَرْضَ مَدَدْنَٰهَا وَأَلْقَيْنَا فِيهَا رَوَٰسِىَ وَأَنۢبَتْنَا فِيهَا مِن كُلِّ شَىْءٍ مَّوْزُونٍ ﴿١٩﴾
وَجَعَلْنَا لَكُمْ فِيهَا مَعَٰيِشَ وَمَن لَّسْتُمْ لَهُۥ بِرَٰزِقِينَ ﴿٢٠﴾ وَإِن مِّن شَىْءٍ إِلَّا عِندَنَا
خَزَآئِنُهُۥ وَمَا نُنَزِّلُهُۥٓ إِلَّا بِقَدَرٍ مَّعْلُومٍ ﴿٢١﴾ وَأَرْسَلْنَا ٱلرِّيَٰحَ لَوَٰقِحَ فَأَنزَلْنَا مِنَ
ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَأَسْقَيْنَٰكُمُوهُ وَمَآ أَنتُمْ لَهُۥ بِخَٰزِنِينَ ﴿٢٢﴾ وَإِنَّا لَنَحْنُ نُحْىِۦ وَنُمِيتُ
14 жузъ وَنَحْنُ ٱلْوَٰرِثُونَ ﴿٢٣﴾

19-23. Биз ерни одамларнинг сукунат (яшаш ва барқарор бўлиш)и учун ёйдик ва кенг қилдик, устига баланд тоғларни ўтқаздик. У ерда чиройли дарахтларни ва манфаатли гиёҳларни кўкартирдик ва ўша ерда сизларнинг яшаш асбобларингизни халқ қилдик. Сизларнинг манфаатларингиз учун ҳайвонларни яратдик. Уларнинг ризқу рўзларини сизлар бергувчи эмассизлар. Дунёда ҳар бир нарсанинг хазиналари Менинг тасарруфимдадир. Ўзимнинг ҳикматимга мувофиқ шу хазиналардан сизларга маълум андоза билан муайян миқдорда тушираман. Бу Менинг машийятим (хоҳиш-иродам)га боғлиқдир. Ҳамда Биз шамолларни юбордик. Бу шамол ёмғир ёғдирадиган булутларни (керакли жойларга) ҳайдаб боради. Бас, Биз у булутлардан ёмғирлар ёғдирамиз. Сизларни у ёмғирлар билан сероб қиламиз. Шундан ер бағридан чашмалар чиқарамиз. Ваҳоланки, сизлар у ёмғирларни сақлаёлмайсиз, балки Мен сизларнинг манфаатларингиз учун (ёмғирларни) ер бағрида сақлайман. Шу ёмғир орқали гиёҳларга ҳаёт бергандек, инсонга ҳам Биз ҳаёт берамиз, сўнгра ўлдирамиз. Ваҳоланки, ҳамма инсон йўқ бўлганидан сўнг Биз барча ашёга ворис бўламиз.

وَلَقَدْ عَلِمْنَا ٱلْمُسْتَقْدِمِينَ مِنكُمْ وَلَقَدْ عَلِمْنَا ٱلْمُسْتَـْٔخِرِينَ ﴿٢٤﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ هُوَ
يَحْشُرُهُمْ إِنَّهُۥ حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴿٢٥﴾ وَلَقَدْ خَلَقْنَا ٱلْإِنسَٰنَ مِن صَلْصَٰلٍ مِّنْ حَمَإٍ
مَّسْنُونٍ ﴿٢٦﴾ وَٱلْجَآنَّ خَلَقْنَٰهُ مِن قَبْلُ مِن نَّارِ ٱلسَّمُومِ ﴿٢٧﴾ وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ
لِلْمَلَٰٓئِكَةِ إِنِّى خَٰلِقٌۢ بَشَرًا مِّن صَلْصَٰلٍ مِّنْ حَمَإٍ مَّسْنُونٍ ﴿٢٨﴾

24-28. Албатта, Биз сизлардан аввал ўтган инсонларнинг аҳволларини билдик ҳамда сизлардан кейин туғилиб, дунёга келгувчи инсонларнинг ҳам аҳволларини биламиз. Албатта, Парвардигоринг муқаддам (аввал) ўтган одамларни ҳамда кейин келадиган одамларни Маҳшаргоҳга жам қилади ва амалларидан ҳисоб олади. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир феълида ҳакимдир. Ва бандаларнинг ҳолини (билгувчи) донодир. Албатта, Биз инсонни, яъни (Ҳазрати) Одамни қуриб қолган бадбўй лойдан яратдик. Албатта, жинларни (Ҳазрати) Одамдан аввал тутунсиз ўтдан халқ қилдик.

فَإِذَا سَوَّيْتُهُۥ وَنَفَخْتُ فِيهِ مِن رُّوحِى فَقَعُوا۟ لَهُۥ سَٰجِدِينَ ﴿٢٩﴾ فَسَجَدَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ
كُلُّهُمْ أَجْمَعُونَ ﴿٣٠﴾ إِلَّآ إِبْلِيسَ أَبَىٰٓ أَن يَكُونَ مَعَ ٱلسَّٰجِدِينَ ﴿٣١﴾ قَالَ
يَٰٓإِبْلِيسُ مَا لَكَ أَلَّا تَكُونَ مَعَ ٱلسَّٰجِدِينَ ﴿٣٢﴾ قَالَ لَمْ أَكُن لِّأَسْجُدَ لِبَشَرٍ
خَلَقْتَهُۥ مِن صَلْصَٰلٍ مِّنْ حَمَإٍ مَّسْنُونٍ ﴿٣٣﴾ قَالَ فَٱخْرُجْ مِنْهَا فَإِنَّكَ رَجِيمٌ ﴿٣٤﴾
وَإِنَّ عَلَيْكَ ٱللَّعْنَةَ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلدِّينِ ﴿٣٥﴾ 14 жузъ

29-35. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Парвардигоринг малоикаларга: «Мен Одамни қора балчиқдан халқ қилгувчиман. Вақтики, Мен Одамни халқ қилсам, унинг жасадига руҳни дохил этсам, ҳаммаларингиз унга сажда қилиш учун йиқилинглар», – деган вақтини фикр қил. Малоикалар ҳаммалари жам бўлган ҳолда (Ҳазрати) Одамга сажда қилдилар, магар шайтон малоикалар билан сажда қилишдан инкор қилди (бош тортди). Парвардигор айтдики: «Эй Иблис, сенга нима бўлдики, сажда қилувчиларга шерик бўлмадинг?». Шайтон айтдики: «Мен сассиқ лойдан бўлган одамга сажда қилгувчи эмасман». Парвардигор айтди: «Эй шайтон, Менинг даргоҳимдан чиқ! Сен мардудсан, то Қиёмат сенга лаънат бўлсин!».

قَالَ رَبِّ فَأَنظِرْنِىٓ إِلَىٰ يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿٣٦﴾ قَالَ فَإِنَّكَ مِنَ ٱلْمُنظَرِينَ ﴿٣٧﴾ إِلَىٰ يَوْمِ
ٱلْوَقْتِ ٱلْمَعْلُومِ ﴿٣٨﴾ قَالَ رَبِّ بِمَآ أَغْوَيْتَنِى لَأُزَيِّنَنَّ لَهُمْ فِى ٱلْأَرْضِ وَلَأُغْوِيَنَّهُمْ
أَجْمَعِينَ ﴿٣٩﴾ إِلَّا عِبَادَكَ مِنْهُمُ ٱلْمُخْلَصِينَ ﴿٤٠﴾

36-40. Шайтон айтдики: «Эй Парвардигор, менга то Қиёматгача (яъни, инсонлар қайта тириладиган кунгача) муҳлат бергил!». Парвардигор айтди: «То Қиёмат, муайян вақтгача сенга муҳлат бердим». Шайтон айтди: «Эй Парвардигоро, Сен мени гумроҳ қилганинг сабабидан Одам авлодига гуноҳ қилишни (гуноҳ амалларни) зийнатли қилиб кўрсатаман. Ер юзидаги ҳаммани гумроҳ қиламан (фитна-фасодга ундайман). Магар Сенинг хос бандаларинг менинг макримдан халос бўладилар (уларни йўлдан оздиролмайман)».

قَالَ هَٰذَا صِرَٰطٌ عَلَىَّ مُسْتَقِيمٌ ﴿٤١﴾ إِنَّ عِبَادِى لَيْسَ لَكَ عَلَيْهِمْ سُلْطَٰنٌ إِلَّا مَنِ
ٱتَّبَعَكَ مِنَ ٱلْغَاوِينَ ﴿٤٢﴾ وَإِنَّ جَهَنَّمَ لَمَوْعِدُهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٤٣﴾ لَهَا سَبْعَةُ أَبْوَٰبٍ
لِّكُلِّ بَابٍ مِّنْهُمْ جُزْءٌ مَّقْسُومٌ ﴿٤٤﴾

41-44. Парвардигор айтди: «Менинг хос бандаларимнинг ихлоси Менга яқин бўлиш учун тўғри йўлдир: Албатта, Менинг мухлис бандаларимга иғво (фитна) қилиш учун сенинг қудратинг етмайди. Улардан ғолиб бўлолмайсан, магар залолатда қолган гуруҳларга ҳукмронлик қиласан. Улар сенга эргаша-

дилар. Албатта, жаҳаннам шайтонга ва тобеларига (унга эргашганларга) ваъда қилинган жойдир. Жаҳаннамнинг етти табақаси бордир. Ҳар бир табақага махсус гумроҳлардан ва мушриклардан тақсим қилинади».

إِنَّ ٱلْمُتَّقِينَ فِى جَنَّٰتٍ وَعُيُونٍ ﴿٤٥﴾ ٱدْخُلُوهَا بِسَلَٰمٍ ءَامِنِينَ ﴿٤٦﴾ وَنَزَعْنَا مَا
فِى صُدُورِهِم مِّنْ غِلٍّ إِخْوَٰنًا عَلَىٰ سُرُرٍ مُّتَقَٰبِلِينَ ﴿٤٧﴾ لَا يَمَسُّهُمْ فِيهَا نَصَبٌ
وَمَا هُم مِّنْهَا بِمُخْرَجِينَ ﴿٤٨﴾ ۞ نَبِّئْ عِبَادِىٓ أَنِّىٓ أَنَا ٱلْغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٤٩﴾ وَأَنَّ
14 жузъ
عَذَابِى هُوَ ٱلْعَذَابُ ٱلْأَلِيمُ ﴿٥٠﴾

45-50. Албатта, Худодан қўрқадиган муттақий бандалар Қиёматда чашмалари оқиб турган жаннатларда (боғларда) ором оладилар. Малоикалар муттақийларга айтадилар: «Сизлар саломатлик билан ҳар қандай хавфлардан эмин бўлган ҳолда жаннатга дохил бўлинглар». Биз жаннат аҳлининг дилларидан адоватни, ҳасадни ва бошқа разил хулқларни чиқариб ташлаймиз. Бир-бирларига биродар бўлган ҳолда ҳамда бир-бирларига рўбарў бўлиб, тахтларда ўтирадилар: Жаннатда уларга ҳеч қандай кулфат ва машаққат етмайди. У ердан чиқарилгувчи ҳам эмаслар! Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бандаларимга хабар берки, Мен, албатта, бандаларимни кечиргувчи ва меҳрибонман. Ҳамда хабар бергилки, осийларга Менинг азобим жуда каттиқдир.

وَنَبِّئْهُمْ عَن ضَيْفِ إِبْرَٰهِيمَ ﴿٥١﴾ إِذْ دَخَلُوا۟ عَلَيْهِ فَقَالُوا۟ سَلَٰمًا قَالَ إِنَّا مِنكُمْ
وَجِلُونَ ﴿٥٢﴾ قَالُوا۟ لَا تَوْجَلْ إِنَّا نُبَشِّرُكَ بِغُلَٰمٍ عَلِيمٍ ﴿٥٣﴾ قَالَ أَبَشَّرْتُمُونِى عَلَىٰٓ أَن
مَّسَّنِىَ ٱلْكِبَرُ فَبِمَ تُبَشِّرُونَ ﴿٥٤﴾ قَالُوا۟ بَشَّرْنَٰكَ بِٱلْحَقِّ فَلَا تَكُن مِّنَ
ٱلْقَٰنِطِينَ ﴿٥٥﴾ قَالَ وَمَن يَقْنَطُ مِن رَّحْمَةِ رَبِّهِۦٓ إِلَّا ٱلضَّآلُّونَ ﴿٥٦﴾ قَالَ
فَمَا خَطْبُكُمْ أَيُّهَا ٱلْمُرْسَلُونَ ﴿٥٧﴾

51-57. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бандаларимга Иброҳим (алайҳиссалом)нинг меҳмонлари аҳволидан хабар бергил. Вақтики, Иброҳим (алайҳиссалом) ҳузурига меҳмонлари дохил бўлдилар, бас (меҳмонлар): «Сизларга Худонинг саломи бўлсин», – дедилар. Иброҳим (алайҳиссалом) айтдики: «Биз сизлардан қўрқиб турибмиз». Меҳмонлар айтдилар: «Биздан қўрқма. Худойи таолонинг Сенга бир ўғил ато этишидан башорат берамиз». Иброҳим (алайҳиссалом) айтди: «Мен пир (кекса) бўлсам ҳам, сизлар менга ўғил (фарзанд) бўлишидан башорат берасизларми?». Меҳмонлар айтдилар: «Биз ростлик билан (тўғри) башорат бердик. Сен Худонинг раҳматидан умид узгувчилардан бўлмагил». Иброҳим (алайҳиссалом) айтди: «Ҳеч ким Худонинг раҳматидан ноумид бўлмайди, магар гумроҳлар ноумид бўладилар». Иброҳим (алайҳиссалом) (яна) айтди: «Эй Худонинг юборган фаришталари, сизлар яна нима иш қилиш учун келдингизлар?».

قَالُوٓا إِنَّآ أُرْسِلْنَآ إِلَىٰ قَوْمٍ مُّجْرِمِينَ ﴿٥٨﴾ إِلَّآ ءَالَ لُوطٍ إِنَّا لَمُنَجُّوهُمْ
أَجْمَعِينَ ﴿٥٩﴾ إِلَّا ٱمْرَأَتَهُۥ قَدَّرْنَآ إِنَّهَا لَمِنَ ٱلْغَٰبِرِينَ ﴿٦٠﴾ فَلَمَّا جَآءَ ءَالَ
لُوطٍ ٱلْمُرْسَلُونَ ﴿٦١﴾ قَالَ إِنَّكُمْ قَوْمٌ مُّنكَرُونَ ﴿٦٢﴾ قَالُوا بَلْ جِئْنَٰكَ بِمَا كَانُوا
فِيهِ يَمْتَرُونَ ﴿٦٣﴾ وَأَتَيْنَٰكَ بِٱلْحَقِّ وَإِنَّا لَصَٰدِقُونَ ﴿٦٤﴾ فَأَسْرِ بِأَهْلِكَ بِقِطْعٍ
مِّنَ ٱلَّيْلِ وَٱتَّبِعْ أَدْبَٰرَهُمْ وَلَا يَلْتَفِتْ مِنكُمْ أَحَدٌ وَٱمْضُوا حَيْثُ تُؤْمَرُونَ ﴿٦٥﴾ 14 жузъ

58-65. Малоикалар айтдилар: «Биз Аллоҳ тарафидан (гуноҳкор бир қавмни) Лут (алайҳиссалом) қавмини ҳалок қилишга келдик. Биз бу кофирларнинг ҳаммасини ҳалок қиламиз. Лутнинг хонадон аҳлига ва тобеларига нажот берамиз, магар Лутнинг хотинини ҳалок қилишга қарор қилдик. У Лутдан ажраб, кейин қолгувчилардан (бўлиши тақдир қилинган)дир». Вақтики малоикалар Лут (алайҳиссалом) ҳузурларига келганларида Лут (алайҳиссалом) айтди: «Сизлар Менга нотаниш кўринасизлар. Нима учун (қандай иш билан) келдингизлар?». Малоикалар айтдилар: «Биз Худо тарафидан кофирлар ҳамиша шак қилган нарсани, яъни, уларни ҳалок қилиш учун Худонинг ваъда қилган азобини олиб келдик. Албатта, бизлар рост айтгувчилармиз. Энди Сен тобеларингни (ўзингга тегишли кишиларни) олиб, ярим кечада шаҳардан чиқиб кет. Азоби илоҳийга кўзи тушмаслиги учун сизлардан бирор киши ҳам орқасига қарамасин. Худо амр қилган жойга бориб, қарор топинглар».

وَقَضَيْنَآ إِلَيْهِ ذَٰلِكَ ٱلْأَمْرَ أَنَّ دَابِرَ هَٰٓؤُلَآءِ مَقْطُوعٌ مُّصْبِحِينَ ﴿٦٦﴾ وَجَآءَ أَهْلُ
ٱلْمَدِينَةِ يَسْتَبْشِرُونَ ﴿٦٧﴾ قَالَ إِنَّ هَٰٓؤُلَآءِ ضَيْفِى فَلَا تَفْضَحُونِ ﴿٦٨﴾ وَٱتَّقُوا ٱللَّهَ
وَلَا تُخْزُونِ ﴿٦٩﴾ قَالُوٓا أَوَلَمْ نَنْهَكَ عَنِ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٧٠﴾ قَالَ هَٰٓؤُلَآءِ بَنَاتِىٓ إِن
كُنتُمْ فَٰعِلِينَ ﴿٧١﴾

66-71. Лут (алайҳиссалом)га: «Субҳ (тонг) вақтида бу қавмни бехбунёди (таг-томири) билан йўқ қиламиз», – деб ваҳий юбордик. Вақтики, меҳмонлар Лут (алайҳиссалом)нинг уйига келдилар, шаҳарнинг кофирлари хурсанд бўлиб: «Лутнинг уйига ёш йигитлар келибди, биз улар билан мубошарат (фаҳш иш – баччабозлик) қиламиз», – деб етиб келдилар. Ва Лут (алайҳиссалом)дан (уларни беришини) талаб қилдилар. Лут (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, улар менинг меҳмонларим. Худодан қўрқинглар, мени расво (беиззат) қилманглар». Кофирлар айтдиларки: «Сени ғариблар ва мусофирларни ҳимоя қилишдан манъ қилмаган эдикми?». Лут (алайҳиссалом) айтди: «Мана бу менинг (покиза) қизларимни (никоҳларингизга) олинглар-да, меҳмонларимни расво қилманглар».

لَعَمْرُكَ إِنَّهُمْ لَفِي سَكْرَتِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿٧٢﴾ فَأَخَذَتْهُمُ ٱلصَّيْحَةُ مُشْرِقِينَ ﴿٧٣﴾
فَجَعَلْنَا عَٰلِيَهَا سَافِلَهَا وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهِمْ حِجَارَةً مِّن سِجِّيلٍ ﴿٧٤﴾ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ
لَأٓيَٰتٍ لِّلْمُتَوَسِّمِينَ ﴿٧٥﴾ وَإِنَّهَا لَبِسَبِيلٍ مُّقِيمٍ ﴿٧٦﴾ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿٧٧﴾

72-77. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенинг ҳаётингга қасамки, Лутнинг қавми ўзларининг гумроҳликларидан масту ҳайрон эдилар. Бас,
14 жузъ офтоб чиқиш пайтида даҳшатли ҳалок қилгувчи бир овоз (чинқириқ) уларнинг ҳаммаларини беҳуш қилди. Бас, Биз у шаҳарнинг юқорисини пастга (устини остига) айлантириб қўйдик. Булардан ажраб қолган бошқа жойдаги кофирлар устига тош ёғдирдик. Лут (алайҳиссалом) қавмининг ҳалок бўлишида зийрак ва доно одамлар учун ибратли нишоналар бордир. Бу хароб бўлган шаҳарлар йўл устида воқе бўлгандирки, у йўлдан ўтгувчилар ибрат билан назар соладилар. Ҳамда (уларда) мўминлар учун ибратли аломатлар бордир.

وَإِن كَانَ أَصْحَٰبُ ٱلْأَيْكَةِ لَظَٰلِمِينَ ﴿٧٨﴾ فَٱنتَقَمْنَا مِنْهُمْ وَإِنَّهُمَا لَبِإِمَامٍ مُّبِينٍ ﴿٧٩﴾

78-79. Албатта, асҳоби Айка (дарахтзор эгалари), яъни, Шуайб (алайҳиссалом) қавми золим эдилар ва нофармонлик қилдилар. Бас, Биз уларни ҳалок қилиб, интиқом олдик. Уларнинг шаҳарлари, *яъни Айка билан Мадян шаҳри* катта йўлда, халқнинг ўтадиган жойларида очиқ ва аниқ кўриниб турибди.

وَلَقَدْ كَذَّبَ أَصْحَٰبُ ٱلْحِجْرِ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٨٠﴾ وَءَاتَيْنَٰهُمْ ءَايَٰتِنَا فَكَانُوا۟ عَنْهَا
مُعْرِضِينَ ﴿٨١﴾ وَكَانُوا۟ يَنْحِتُونَ مِنَ ٱلْجِبَالِ بُيُوتًا ءَامِنِينَ ﴿٨٢﴾ فَأَخَذَتْهُمُ
ٱلصَّيْحَةُ مُصْبِحِينَ ﴿٨٣﴾ فَمَآ أَغْنَىٰ عَنْهُم مَّا كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿٨٤﴾

80-84. Албатта, Ҳижр диёрида яшовчилар, *яъни, Самуд қавми* Бизнинг юборган пайғамбарларимизни, *яъни, Солиҳ (алайҳиссалом)ни ва бошқа пайғамбарларни* ёлғончи қилдилар. Ваҳоланки, Биз Самуд қавмига мўъжизалар юборган эдик. Улар оят-мўъжизалардан юз ўгирдилар. Бу қавм тоғ-тошларни йўниб, ўзларига уйлар тайёрлаб, фароғатда яшар эдилар. Бас, уларни субҳ вақтида Жаброил (алайҳиссалом) бир ҳайбатли овоз билан ҳалок қилди. Ҳосил қилган (йиққан) молу дунёлари, мустаҳкам уйлари улардан Худонинг азобини даф қилолмади.

وَمَا خَلَقْنَا ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَآ إِلَّا بِٱلْحَقِّ وَإِنَّ ٱلسَّاعَةَ لَءَاتِيَةٌ
فَٱصْفَحِ ٱلصَّفْحَ ٱلْجَمِيلَ ﴿٨٥﴾ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ ٱلْخَلَّٰقُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٨٦﴾ وَلَقَدْ ءَاتَيْنَٰكَ
سَبْعًا مِّنَ ٱلْمَثَانِي وَٱلْقُرْءَانَ ٱلْعَظِيمَ ﴿٨٧﴾

85-87. Биз ерни ва осмонни ва (улар) ўртасидаги ашёларни ҳикмат билан яратдик. (Уларнинг) ҳар бири инсон учун фойдалидир. Албатта, соат, *яъни Қиёмат* бандаларнинг устига келгувчидир. У кунда хайр (яхшилик) ва шарр (ёмонлик) ҳисоб-китоб қилинади. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), асҳобларингнинг баъзи хатоларини кечириб, яхши муомала қил! Албатта, Парвардигорнинг ўзи барча нарсаларни яратгувчи, донодир. Албатта, Биз Сенга намозларда такроран ўқиладиган етти оятли «Фотиҳа» сурасини бердик. *Яъни, Сенга «Фотиҳа» сурасини нозил қилдик ҳамда Сенга улуғ Қуръонни ато этдик.*

لَا تَمُدَّنَّ عَيۡنَيۡكَ إِلَىٰ مَا مَتَّعۡنَا بِهِۦٓ أَزۡوَٰجٗا مِّنۡهُمۡ وَلَا تَحۡزَنۡ عَلَيۡهِمۡ وَٱخۡفِضۡ 14 жузъ
جَنَاحَكَ لِلۡمُؤۡمِنِينَ ﴿٨٨﴾ وَقُلۡ إِنِّيٓ أَنَا ٱلنَّذِيرُ ٱلۡمُبِينُ ﴿٨٩﴾ كَمَآ أَنزَلۡنَا عَلَى
ٱلۡمُقۡتَسِمِينَ ﴿٩٠﴾ ٱلَّذِينَ جَعَلُواْ ٱلۡقُرۡءَانَ عِضِينَ ﴿٩١﴾ فَوَرَبِّكَ لَنَسۡـَٔلَنَّهُمۡ أَجۡمَعِينَ
﴿٩٢﴾ عَمَّا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ﴿٩٣﴾

88-93. Эй, Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз кофирларга берган мол-давлатга ҳасрат (ҳавас) билан қарама! Ва асҳобларингнинг фақирлигига ғамгин бўлма! Мўминларга марҳаматли, хоксор бўлиб муомала қил. Кофирларга: «Сизларни Худонинг азобидан ошкора қўрқитувчидирман», – деб айтгил. Худо айтади: «Таврот, Инжил каби (илоҳий Китобларни) қисм-қисм тақсим қилиб олган яҳудий ва насронийларга азоб юборганимиздек, Қуръонни ҳам тақсим қилувчиларга азоб нозил қиламиз. Чунончи, (мушрик ва) кофирлар Қуръонни ҳар хил сифатлар ила тавсиф қилган эдилар. *Яъни, баъзилар Қуръонни сеҳр ва жоду десалар, баъзилари шоирнинг шеъри дер эдилар. Яна баъзилари коҳинлик атаб, шу хилда тақсим қилган эдилар.* Бас, Парвардигорга қасамки, Қиёмат куни уларни қилган амалларидан албатта сўраймиз, ўшанга яраша жазо берамиз.

فَٱصۡدَعۡ بِمَا تُؤۡمَرُ وَأَعۡرِضۡ عَنِ ٱلۡمُشۡرِكِينَ ﴿٩٤﴾ إِنَّا كَفَيۡنَٰكَ ٱلۡمُسۡتَهۡزِءِينَ ﴿٩٥﴾
ٱلَّذِينَ يَجۡعَلُونَ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا ءَاخَرَۚ فَسَوۡفَ يَعۡلَمُونَ ﴿٩٦﴾ وَلَقَدۡ نَعۡلَمُ أَنَّكَ
يَضِيقُ صَدۡرُكَ بِمَا يَقُولُونَ ﴿٩٧﴾ فَسَبِّحۡ بِحَمۡدِ رَبِّكَ وَكُن مِّنَ ٱلسَّٰجِدِينَ ﴿٩٨﴾
وَٱعۡبُدۡ رَبَّكَ حَتَّىٰ يَأۡتِيَكَ ٱلۡيَقِينُ ﴿٩٩﴾

94-99. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга Худо тарафидан амр қилинган вазифани ошкора адо эт! Мушриклардан юзингни ўгир, парво қилма. Мен масхара қилувчиларни Сендан даф этишга кифоя қилурман. Улар Худога ширк келтирувчидирлар. Яқинда ўзларининг ботил динда эканликларини биладилар. Албатта, биламизки, кофирларнинг бемаъни сўзларидан Сенинг юрагинг сиқилади. Бас, Сен бу ҳолга сабр қил! Худога тасбеҳ ва ҳамд айтгил! *Яъни, «Субҳоналлоҳ» ва «Алҳамду лиллоҳ» дегил.* Ва намозга машғул бўл. То Сенга ўлим келгунича Парвардигорингга ибодат қил!

Маккада нозил бўлган бу сура
бир юз йигирма саккиз оятдан иборатдир.

14 жузъ *Охирги уч ояти Мадинада нозил бўлган. Сурада Қиёматнинг юз бериши, шериклардан пок ва муназзаҳ бўлган Аллоҳнинг якка-ёгоналиги, бутун яратилган махлуқот, шу жумладан мукаррам инсон ҳам Унинг борлигига далолат қилиши ҳақида хабар берилади. Пайғамбар ва умматлари ҳақ йўлидаги машаққатларга собир бўлишга даъват этилади. Суранинг 68-оятида асалари ва унинг хусусиятлари ҳақида сўз юритилганлиги учун унга «Наҳл» – асалари номи берилган.*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

أَتَىٰٓ أَمْرُ ٱللَّهِ فَلَا تَسْتَعْجِلُوهُ ۚ سُبْحَٰنَهُۥ وَتَعَٰلَىٰ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿١﴾ يُنَزِّلُ
ٱلْمَلَٰٓئِكَةَ بِٱلرُّوحِ مِنْ أَمْرِهِۦ عَلَىٰ مَن يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦٓ أَنْ أَنذِرُوٓا۟ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ إِلَّآ
أَنَا۠ فَٱتَّقُونِ ﴿٢﴾ خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ بِٱلْحَقِّ ۚ تَعَٰلَىٰ عَمَّا يُشْرِكُونَ
﴿٣﴾ خَلَقَ ٱلْإِنسَٰنَ مِن نُّطْفَةٍ فَإِذَا هُوَ خَصِيمٌ مُّبِينٌ ﴿٤﴾

1-4. Қиёматнинг бўлишига Аллоҳ таолонинг ҳукми (собит бўлиб) келди. Бас, эй кофирлар, уни талаб қилиб, шошилманглар. Аллоҳ таоло кофирларнинг муқаррар қилган шерикларидан покдир. Ва қудрат мартабаси улуғдир. Бандалардан кимни ҳоҳласа, Ўз иродаси билан Пайғамбар қилиб танлайди (ва унга) ваҳий юборади. Пайғамбарларга буюрадики: «Бандаларни Менинг азобимдан қўрқитинглар. Ва яна уларга хабар берингларки, Мендан бошқа бирор илоҳ йўқдир, бас, Мендан қўрқинглар». Аллоҳ таоло ер ва осмонларни ўз тадбир-ҳикмати билан халқ қилди. Албатта, кофирларнинг Худога шерик қилган бутларидан Аллоҳнинг қадри баланддир. Аллоҳ таоло инсонни нутфадан яратди. Бас, у инсон ўз аслига назар қилмай, очиқ-ойдин Худога душманлик қилади.

وَٱلْأَنْعَٰمَ خَلَقَهَا ۗ لَكُمْ فِيهَا دِفْءٌ وَمَنَٰفِعُ وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ ﴿٥﴾ وَلَكُمْ فِيهَا
جَمَالٌ حِينَ تُرِيحُونَ وَحِينَ تَسْرَحُونَ ﴿٦﴾ وَتَحْمِلُ أَثْقَالَكُمْ إِلَىٰ بَلَدٍ لَّمْ

تَكُونُوا۟ بَـٰلِغِيهِ إِلَّا بِشِقِّ ٱلْأَنفُسِ ۚ إِنَّ رَبَّكُمْ لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿٧﴾

5-7. Аллоҳ таоло сизларнинг манфаатларингиз учун тўрт оёқли ҳайвонларни яратди. Улардан баъзиларида мулойим жунлар бордир. (У жунлардан) ўзларингизни совуқдан сақлаш учун иссиқ кийимлар тайёрлаб киясизлар. Ва бошқа манфаатлари ҳам бордир. Баъзиларидан ризқрўзларингизни ҳосил қилиб ейсизлар, *яъни, сутидан, ёғидан, гўштидан еб, ҳаёт кечирасизлар.* Ва яна сизларга ва хонадонларингизга бу ҳайвонларнинг вужудида зеболик бордир. Хусусан, бу ҳайвонларнинг кечки пайт ўтлоқдан (уйга) қайтиб келаётганларида ва яна эрта билан ўтлоқларига кетаётганларида – шу пайтлар уларнинг овозларидан хонадонларингизда ажойиб хурсандчилик ҳосил бўлади. Ва яна бу ҳайвонлардан баъзилари юкларингизни кўтариб, узоқ шаҳарларга олиб боради. *Ўзларингизга қолса, у шаҳарларга юкларингизни кўп машаққатларсиз олиб боролмайсизлар.* Бас, шундай экан, албатта, Парвардигорингиз сизларга раҳмли ва меҳрибондир. *Ҳамиша сизларга (қулай ва) осонликни истайди.* 14 жузъ

وَٱلْخَيْلَ وَٱلْبِغَالَ وَٱلْحَمِيرَ لِتَرْكَبُوهَا وَزِينَةً ۚ وَيَخْلُقُ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٨﴾ وَعَلَى
ٱللَّهِ قَصْدُ ٱلسَّبِيلِ وَمِنْهَا جَآئِرٌ ۚ وَلَوْ شَآءَ لَهَدَىٰكُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٩﴾ هُوَ ٱلَّذِىٓ
أَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً ۖ لَّكُم مِّنْهُ شَرَابٌ وَمِنْهُ شَجَرٌ فِيهِ تُسِيمُونَ ﴿١٠﴾ يُنۢبِتُ
لَكُم بِهِ ٱلزَّرْعَ وَٱلزَّيْتُونَ وَٱلنَّخِيلَ وَٱلْأَعْنَـٰبَ وَمِن كُلِّ ٱلثَّمَرَٰتِ ۗ إِنَّ فِى
ذَٰلِكَ لَـَٔايَةً لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿١١﴾

8-11. Аллоҳ таоло сизларга миниш учун ва ҳам хонадонларингизга зийнат учун отни, хачирни ва эшакни яратди. Аллоҳ таоло сизлар билмайдиган фойдали ҳайвонларни халқ қилди. Аллоҳ таоло ўзининг фазл ва марҳамати билан сизларга тўғри йўлни ва гумроҳлик йўлини ҳам кўрсатди. Агар ҳоҳласа эди, ҳаммаларингни ҳидоят қилган бўлур эди. Лекин мўминлар гумроҳлардан ажралиши учун бундай қилмади. Аллоҳ таоло шундай қудратли улуғ Зотдирки, сизларни сероб қилиш учун булутлардан ёмғир ёғдирди. Ва ҳайвонларингизни боқишингиз учун шу ёмғирлардан ер юзида гиёҳлар кўкартирди. Ва яна сизларнинг манфаатларингиз учун ғалла-донларини ундирди ва яна зайтун, хурмо ва узум дарахтларидан ва бошқа ҳар хил мевалардан боғлар яратди. Албатта, Худонинг бу қудратларида фикр қилувчи оқил одамлар учун Парвардигорга далолат қилувчи равшан (очиқ) аломатлар бордир.

وَسَخَّرَ لَكُمُ ٱلَّيْلَ وَٱلنَّهَارَ وَٱلشَّمْسَ وَٱلْقَمَرَ ۖ وَٱلنُّجُومُ مُسَخَّرَٰتٌۢ بِأَمْرِهِۦٓ ۗ إِنَّ
فِى ذَٰلِكَ لَـَٔايَـٰتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿١٢﴾ وَمَا ذَرَأَ لَكُمْ فِى ٱلْأَرْضِ مُخْتَلِفًا

أَلْوَانُهُۥٓ ۗ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَةً لِّقَوْمٍ يَذَّكَّرُونَ ﴿١٣﴾ وَهُوَ ٱلَّذِى سَخَّرَ ٱلْبَحْرَ
لِتَأْكُلُوا۟ مِنْهُ لَحْمًا طَرِيًّا وَتَسْتَخْرِجُوا۟ مِنْهُ حِلْيَةً تَلْبَسُونَهَا وَتَرَى ٱلْفُلْكَ
مَوَاخِرَ فِيهِ وَلِتَبْتَغُوا۟ مِن فَضْلِهِۦ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٤﴾

12-14. Аллоҳ таоло сизларнинг фойдаларингиз учун кеча ва кундузни мусаххар қилди. Кеча роҳат қилишларингиз учун, кундузи ризқ-рўзла-
14 жузъ рингизни талаб қилишларингиз учун керак бўлади. Офтоб, ой ва бошқа юлдузларнинг барчаси Худонинг амрига фармонбардордирлар. Ҳаммалари инсоннинг манфаати учун ҳаракат қиладилар. Ажойибот оламида оқиллар учун Худонинг ваҳдониятига далолат қиладиган аломат ва нишоналар бордир. Яна ер юзида инсоннинг фойдаси учун ранго-ранг нозу неъматларни пайдо қилди. Албатта, Парвардигорнинг бу махлуқларида инсоннинг ибрат олиши учун нишоналар бордир. Парвардигор шундай Зотдирки, сизларга дарёни мусаххар қилди. Сизлар у дарёдан покиза балиқларни олиб, ундан ризқу рўз тайёрлайсизлар. Ва яна у дарёдан марвариддлар олиб, ундан зеварлар (безакли либослар) тайёрлаб киясизлар. Сизлар кемаларнинг дарёда сузиб юрганини кўрасизлар ва юкларингизни шу кемалар орқали керакли жойларга олиб борасизлар. Унинг фойдасидан кенг ризқ-рўз топасизлар. Албатта, сизлар Худонинг бу марҳаматларига шукр қилишингиз керак.

وَأَلْقَىٰ فِى ٱلْأَرْضِ رَوَٰسِىَ أَن تَمِيدَ بِكُمْ وَأَنْهَٰرًا وَسُبُلًا لَّعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٥﴾
وَعَلَٰمَٰتٍ ۚ وَبِٱلنَّجْمِ هُمْ يَهْتَدُونَ ﴿١٦﴾ أَفَمَن يَخْلُقُ كَمَن لَّا يَخْلُقُ ۗ أَفَلَا
تَذَكَّرُونَ ﴿١٧﴾ وَإِن تَعُدُّوا۟ نِعْمَةَ ٱللَّهِ لَا تُحْصُوهَآ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٨﴾

15-18. Аллоҳ таоло ер юзида ором олишингиз учун баланд тоғларни яратди ва мустаҳкам қилди. Сизларнинг ҳаётингиз учун анҳорлар ва дарёларни пайдо қилди. Ва яна адашмасдан мақсадларингизни ҳосил қилишингиз учун сизлар ҳаракат қиладиган йўлларни яратди. У йўлларда нишона (белги)лар пайдо қилди. Ва агар қоронғу кечаларда юлдузларга қараб сафар қилсангизлар, йўлдан адашмайсизлар. Барча нарсани яратувчи Зот (Аллоҳ) билан бирор нарсани яратишга қодир бўлмаган нарса (бутлар, санамлар ва ҳоказолар) баробар бўладими?! Агар Парвардигорнинг сизларга берган неъматини санамоқчи бўлсангизлар, (санаб) охирига ета олмайсизлар. Сизлар бу неъматларга қўлларингиздан келганча шукр қилинглар. Албатта, Аллоҳ таоло шукр қилишларингизда камчиликларингизни назарга олиб, кечиргувчи ва сизларга меҳрибондир.

وَٱللَّهُ يَعْلَمُ مَا تُسِرُّونَ وَمَا تُعْلِنُونَ ﴿١٩﴾ وَٱلَّذِينَ يَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ لَا
يَخْلُقُونَ شَيْـًٔا وَهُمْ يُخْلَقُونَ ﴿٢٠﴾ أَمْوَٰتٌ غَيْرُ أَحْيَآءٍ ۖ وَمَا يَشْعُرُونَ أَيَّانَ

يُبْعَثُونَ ﴿٢١﴾ إِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَاحِدٌ ۚ فَالَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ قُلُوبُهُم
مُّنكِرَةٌ وَهُم مُّسْتَكْبِرُونَ ﴿٢٢﴾ لَا جَرَمَ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا يُسِرُّونَ وَمَا
يُعْلِنُونَ ۚ إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْتَكْبِرِينَ ﴿٢٣﴾

19-23. Аллоҳ таоло сизларнинг яширган сирларингизни ҳам ва ошкора қилган амалларингизни ҳам билади. Кофирларнинг Худодан бошқа ибодат қилган бутлари ҳеч бир нарсани яратишга қодир эмас. Ваҳоланки, уларнинг ўзлари махлуқдирлар. (Ва бу) бутлар тирик эмаслар, балки ўликдирлар, қачон тирилишларини (ҳам) билмайдилар. Ҳақиқатда Парвардигорингиз якка ва ягонадир. Охиратга иймон келтирмаган зотларнинг диллари Ҳаққа мункирдир. Бу кофирлар пайғамбарларга итоат қилишдан саркашлик қиладилар. Албатта, ҳеч (шак) шубҳа йўқки, Аллоҳ таоло бу кофирларнинг яширган ҳийла ва найрангларини, ошкор қилган адоватларини ҳам билади. Албатта, Аллоҳ таоло ҳақдан бўйин товлаганларни дўст тутмайди. 14 жузъ

وَإِذَا قِيلَ لَهُم مَّاذَا أَنزَلَ رَبُّكُمْ ۙ قَالُوا أَسَاطِيرُ الْأَوَّلِينَ ﴿٢٤﴾ لِيَحْمِلُوا أَوْزَارَهُمْ
كَامِلَةً يَوْمَ الْقِيَامَةِ ۙ وَمِنْ أَوْزَارِ الَّذِينَ يُضِلُّونَهُم بِغَيْرِ عِلْمٍ ۗ أَلَا سَاءَ مَا
يَزِرُونَ ﴿٢٥﴾ قَدْ مَكَرَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ فَأَتَى اللَّهُ بُنْيَانَهُم مِّنَ
الْقَوَاعِدِ فَخَرَّ عَلَيْهِمُ السَّقْفُ مِن فَوْقِهِمْ وَأَتَاهُمُ الْعَذَابُ مِنْ حَيْثُ لَا
يَشْعُرُونَ ﴿٢٦﴾

24-26. Кофирлар бир-бирларидан истеҳзо билан: «Худо Муҳаммадга нима нозил қилибди?», – деб сўраган вақтда, баъзилари: «Илгари ўтган халқларнинг афсоналарини нозил қилибди», – деб жавоб берар эдилар. Улар шу хилдаги гапларни тарқатиб, илмсиз жоҳилларни гумроҳ қилар эдилар. Худойи таоло Қиёмат куни уларнинг қилган амаллари учун ва бошқаларни ҳам гумроҳ қилганлари учун жазо беради. Токи Қиёмат куни бўлганида ўзлари қилган гуноҳлари юкининг тамоман (барчасини) кўтарадилар. Уларнинг иғволари (ташвиқи) билан кофир бўлганларнинг гуноҳлари юкини ҳам кўтарадилар. Огоҳ бўлингларки, гуноҳнинг юки жуда оғир, ёмон юкдир. Булардан муқаддам ўтган кофирлар ҳақнинг муқобилига ботил ҳийлалар ишлатган эдилар. Бас, Худонинг ҳукми билан қаср ва иморатлари устларига йиқилиб, ҳаммалари ҳалок бўлдилар. Худойи таоло уларга билмаган тарафларидан азоб келтирди.

ثُمَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يُخْزِيهِمْ وَيَقُولُ أَيْنَ شُرَكَائِيَ الَّذِينَ كُنتُمْ تُشَاقُّونَ
فِيهِمْ ۚ قَالَ الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ إِنَّ الْخِزْيَ الْيَوْمَ وَالسُّوءَ عَلَى الْكَافِرِينَ ﴿٢٧﴾

ٱلَّذِينَ تَتَوَفَّىٰهُمُ ٱلْمَلَـٰٓئِكَةُ ظَالِمِىٓ أَنفُسِهِمْ ۖ فَأَلْقَوُا۟ ٱلسَّلَمَ مَا كُنَّا نَعْمَلُ مِن
سُوٓءٍۭ ۚ بَلَىٰٓ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌۢ بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٢٨﴾ فَٱدْخُلُوٓا۟ أَبْوَٰبَ جَهَنَّمَ خَـٰلِدِينَ
فِيهَا ۖ فَلَبِئْسَ مَثْوَى ٱلْمُتَكَبِّرِينَ ﴿٢٩﴾

27-29. Яна Қиёмат куни бўлганида Худо уларни (шармандаю) расво қилади. Аллоҳ кофирларга айтадики: «Қани Худоликда Менга шерик қил-
14 жузъ ган маъбудларингиз? Улар учун (уларни ёқлаб, ҳимоя қилиб) сизлар пайғамбарларга мухолифатчилик (қаршилик) қилар эдингиз. Қани энди бу кун келиб сизларни шафоат қилсинлар-чи? Соҳиби илм бўлган зотлар уларнинг аҳволини биладилар. Яъни, малоикалар айтадиларки: «Бу кунда расволик – азоби илоҳий кофирларга бўлур». Малоикалар уларни ўз нафсларига зулм қилган ҳолларида руҳларини қабз қилиб (жонларини олиб), бу жойда ҳозир қилганлар. Бас, у кофирлар азобдан қутулиш учун Худонинг ваҳдониятига иқрор қилиб, айтурларки: «Биз бирор ёмон амал қилмаганмиз». Аллоҳ таоло уларга жавоб берурки: «Йўқ, йўқ! Сизлар кофир бўлгансизлар, (гуноҳу) маъсиятлар қилгансизлар». Албатта, Аллоҳ таоло сизларнинг қилган амалларингизга доно (хабардор) эди. *Ҳаммасини билган эди*. Бас, энди сизларга жаҳаннамнинг дарвозалари очиқ, киринглар! Сизлар жаҳаннамда ҳамиша турасизлар (абадий қоласизлар). Бас, жаҳаннам мутакаббирлар учун ёмон жойдир!

۞ وَقِيلَ لِلَّذِينَ ٱتَّقَوْا۟ مَاذَآ أَنزَلَ رَبُّكُمْ ۚ قَالُوا۟ خَيْرًا ۗ لِّلَّذِينَ أَحْسَنُوا۟ فِى هَـٰذِهِ
ٱلدُّنْيَا حَسَنَةٌ ۚ وَلَدَارُ ٱلْـَٔاخِرَةِ خَيْرٌ ۚ وَلَنِعْمَ دَارُ ٱلْمُتَّقِينَ ﴿٣٠﴾ جَنَّـٰتُ عَدْنٍ
يَدْخُلُونَهَا تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَـٰرُ ۖ لَهُمْ فِيهَا مَا يَشَآءُونَ ۚ كَذَٰلِكَ يَجْزِى ٱللَّهُ
ٱلْمُتَّقِينَ ﴿٣١﴾ ٱلَّذِينَ تَتَوَفَّىٰهُمُ ٱلْمَلَـٰٓئِكَةُ طَيِّبِينَ ۙ يَقُولُونَ سَلَـٰمٌ عَلَيْكُمُ
ٱدْخُلُوا۟ ٱلْجَنَّةَ بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٣٢﴾

30-32. Кофирлар муттақийларга (тақводорларга) савол берадиларки: «Худо сизларга нима нарсаларни нозил қилди. Сизларга қандай гаплар буюрди?»: Муттақийлар жавоб берадиларки: «Худо бизга Қуръонни нозил қилди. Унда бу дунёда яхши амал қилувчилар учун ваъдалар бор. Дунё ва охират саодатини ато қилишга ва ажрлар беришга ваъда қилинган яхши хабарлар бор. Албатта, охират саройи бу дунёдан яхшидир. Муттақийларнинг иқомат қиладиган, дохил бўладиган жаннатлари (қандай) яхши саройдир! Жаннатнинг боғларидан анҳорлар жорий бўлади. У ерда хоҳлаган нарсалари муҳайёдир. (Аллоҳ) тақводорларга шундай яхши мукофотлар беради. Малоикалар уларнинг пок руҳларини қабз қилатуриб, уларга айтадиларки: «Сизларга Худонинг саломи бўлсин. Сизларга бу жаннат дунё ҳаётида қилган яхши амалларингиз учун тайёр қилингандир. Бу жаннатга киринглар, роҳат олинглар».

هَلْ يَنظُرُونَ إِلَّآ أَن تَأْتِيَهُمُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ أَوْ يَأْتِىَ أَمْرُ رَبِّكَ ۚ كَذَٰلِكَ فَعَلَ ٱلَّذِينَ
مِن قَبْلِهِمْ ۚ وَمَا ظَلَمَهُمُ ٱللَّهُ وَلَٰكِن كَانُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٣٣﴾ فَأَصَابَهُمْ
سَيِّـَٔاتُ مَا عَمِلُوا۟ وَحَاقَ بِهِم مَّا كَانُوا۟ بِهِۦ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٣٤﴾ وَقَالَ ٱلَّذِينَ
أَشْرَكُوا۟ لَوْ شَآءَ ٱللَّهُ مَا عَبَدْنَا مِن دُونِهِۦ مِن شَىْءٍ نَّحْنُ وَلَآ ءَابَآؤُنَا وَلَا حَرَّمْنَا
مِن دُونِهِۦ مِن شَىْءٍ ۚ كَذَٰلِكَ فَعَلَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۚ فَهَلْ عَلَى ٱلرُّسُلِ إِلَّا 14 жузъ
ٱلْبَلَٰغُ ٱلْمُبِينُ ﴿٣٥﴾

33-35. Албатта, кофирлар малоикалар келиб, жонларини олишига ёки Худо тарафидан азоб нозил бўлиб, уларни йўқ қилишига мунтазирдирлар. Шунга ўхшаш, улардан илгари ўтган кофирлар ҳам Худога ширк келтирган эдилар. Худонинг азоби нозил бўлиб, ҳаммалари ҳалок бўлдилар. Худойи таоло ҳар бир миллатни ҳалок қилса, зулм билан ҳалок қилмайди. Лекин бу миллатлар ширк ва гуноҳ қилиб, ўз нафсларига ўзлари зулм қиладилар. Парвардигор адолатни қарор топтириб, қилган амалларининг жазосини (ажрини) беради. (Кофирлар ва мушриклар) динни масхара қилганлари учун азобини тортадилар. Мушриклар айтадиларки: «Агар Худойи таоло бизни ҳидоят қилишни истаганида, бизлар ва аждодларимиз (ота-боболаримиз) Худодан бошқага ибодат қилмаган бўлардик. Ҳамда Худонинг ҳукмисиз ҳеч нарсани ҳаром қилмаган бўлар эдик. Шунга ўхшаш, улардан илгари ўтган кофирлар ҳам шундай дер эдилар. Лекин уларнинг бу сўзлари сидқидилдан бўлмай, балки масхарабозликдан иборат эди. Улар ҳар бир феълни (ишни) ўз нафсларининг хоҳишига мувофиқ қиладилар. Ҳар бир даврда ҳар бир миллатга пайғамбар келиб, насиҳат қилди. Ҳалол-ҳаромни ажратиб берди. Улар (мушрик-кофирлар) саркашлик қилиб, итоат этмадилар. Албатта, пайғамбарларнинг вазифалари Худонинг ҳукмини бандаларга етказмоқ, холос. Уларнинг қилмишларига жавобгар эмаслар».

وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِى كُلِّ أُمَّةٍ رَّسُولًا أَنِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ وَٱجْتَنِبُوا۟ ٱلطَّٰغُوتَ ۖ فَمِنْهُم
مَّنْ هَدَى ٱللَّهُ وَمِنْهُم مَّنْ حَقَّتْ عَلَيْهِ ٱلضَّلَٰلَةُ ۚ فَسِيرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ فَٱنظُرُوا۟
كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلْمُكَذِّبِينَ ﴿٣٦﴾ إِن تَحْرِصْ عَلَىٰ هُدَىٰهُمْ فَإِنَّ ٱللَّهَ لَا
يَهْدِى مَن يُضِلُّ ۖ وَمَا لَهُم مِّن نَّٰصِرِينَ ﴿٣٧﴾

36-37. Бизлар ҳар бир умматга ўзларидан пайғамбар қилиб юбордик ва уларга буюрдикки, умматларингизга айтинглар: «Бир Худога ибодат қилинглар. Бутлару санамларга ибодат қилишдан парҳез қилинглар». Бас, пайғамбарлар насиҳат қилганидан сўнг, баъзиларига Худо тавфиқ бериб,

иймон келтирдилар, баъзиларининг гумроҳ бўлишларига Худонинг иродаси тааллуқ топиб, гумроҳликларича қолдилар. Бас, эй мушриклар, ер юзини айланиб, пайғамбарларни ёлғончи дегувчи кофирларни кўринглар, оқибат аҳволлари нима бўлди? Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сен кофирларнинг ҳидоятига кўп ҳарис (иштиёқманд) бўлсанг ҳам, Аллоҳ таоло гумроҳ қилганларини ҳидоят қилмайди. Уларни Худонинг азобидан қутқарадиган бирор мададкор йўқдир.

وَأَقْسَمُوا۟ بِٱللَّهِ جَهْدَ أَيْمَـٰنِهِمْ ۙ لَا يَبْعَثُ ٱللَّهُ مَن يَمُوتُ ۚ بَلَىٰ وَعْدًا عَلَيْهِ حَقًّا
14 жузъ وَلَـٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٨﴾ لِيُبَيِّنَ لَهُمُ ٱلَّذِى يَخْتَلِفُونَ فِيهِ وَلِيَعْلَمَ
ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَنَّهُمْ كَانُوا۟ كَـٰذِبِينَ ﴿٣٩﴾ إِنَّمَا قَوْلُنَا لِشَىْءٍ إِذَآ أَرَدْنَـٰهُ أَن نَّقُولَ
لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿٤٠﴾

38-40. Кофирлар: «Худо ўлган одамларни тирилтирмайди», – деб Худонинг номи билан қаттиқ қасам ичадилар. (Йўқ!) Худо, албатта, (қайта) тирилтиради, (бу ҳақда) қилган ваъдаси ҳақдир. Ва лекин аксар мардум (кўп одамлар) илмсиз (ҳақиқатни билмайдиган) жоҳилдир. Ҳақ таоло улардан ҳар бирининг Қиёмат (қайта тирилиш) ҳақида қилган ихтилофларини баён этиб бериш учун ҳамма ўлганларни тирилтиради, ҳақ зоҳир (ошкор) бўлади. Ва кофирлар ҳашр (барча тўпланадиган кун) тўғрисида қилган эътиқодлари ботил эканини ва ўзлари ёлғончи эканларини биладилар. Биз ҳар бир нарсани ирода қилсак, у нарсанинг бўлиши (яратилиши) учун: «Мавжуд бўл», – деб фармон берамиз. (Бас), у мавжуд бўлади. *Яъни, ародамиз тааллуқ топган ҳолатда у нарса, (албатта), мавжуд бўлади.*

وَٱلَّذِينَ هَاجَرُوا۟ فِى ٱللَّهِ مِنۢ بَعْدِ مَا ظُلِمُوا۟ لَنُبَوِّئَنَّهُمْ فِى ٱلدُّنْيَا حَسَنَةً ۖ وَلَأَجْرُ
ٱلْـَٔاخِرَةِ أَكْبَرُ ۚ لَوْ كَانُوا۟ يَعْلَمُونَ ﴿٤١﴾ ٱلَّذِينَ صَبَرُوا۟ وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٤٢﴾
وَمَآ أَرْسَلْنَا مِن قَبْلِكَ إِلَّا رِجَالًا نُّوحِىٓ إِلَيْهِمْ ۚ فَسْـَٔلُوٓا۟ أَهْلَ ٱلذِّكْرِ إِن كُنتُمْ لَا
تَعْلَمُونَ ﴿٤٣﴾ بِٱلْبَيِّنَـٰتِ وَٱلزُّبُرِ ۗ وَأَنزَلْنَآ إِلَيْكَ ٱلذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ
وَلَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٤٤﴾

41-44. Кофирлар тарафидан кўп зулм кўрганларидан сўнг Худонинг ризоси учун мулкларини ташлаб, ҳижрат қилиб кетган мўминларни Биз бу дунёда яхши, (гўзал) жойларга жойлаштирамиз. Уларнинг ризқларига баракотлар ато қиламиз. Агар билсалар, охиратдаги ажрлари (янада) улуғдир. Чунки улар кофирларнинг зулмига сабр этдилар ва Худога таваккул қилдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан илгари ҳар бир миллатга ўз жинсларидан пайғамбар қилиб (танлаб) юборган эдик. У пайғамбарларга малоикалар воситасида ваҳий юборган эдик. У пайғамбарлар мало-

ика эмас, башар (инсон) эдилар. Эй аҳли китоблар, агар билмасангизлар (бу ҳақда) олимларингиздан сўранглар. У пайғамбарларга мўъжизаларни ато қилдик ҳамда уларга китоблар юбордик. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қуръонда нозил бўлган аҳкомларни халққа баён қилиб беришинг учун ва шоядки ундаги аҳкомлар ҳақида халқ тафаккур қилсалар, деб Сенга (Зикрни) Қуръонни нозил қилдик.

أَفَأَمِنَ ٱلَّذِينَ مَكَرُواْ ٱلسَّيِّـَٔاتِ أَن يَخْسِفَ ٱللَّهُ بِهِمُ ٱلْأَرْضَ أَوْ يَأْتِيَهُمُ ٱلْعَذَابُ مِنْ
حَيْثُ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٤٥﴾ أَوْ يَأْخُذَهُمْ فِى تَقَلُّبِهِمْ فَمَا هُم بِمُعْجِزِينَ ﴿٤٦﴾ 14 жузъ
أَوْ يَأْخُذَهُمْ عَلَىٰ تَخَوُّفٍ فَإِنَّ رَبَّكُمْ لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿٤٧﴾

45-47. Ўз пайғамбарларига хилоф қилиб, ўлдирмоқ учун энг ёмон (макру) ҳийла қиладиган кофирлар Худонинг азобидан эмин бўладиларми? Улар ўзларини ер ютишидан эмин деб биладиларми? Ёки гумон қилмаган жойларидан азоб келишидан қўрқмайдиларми? Ёки сафарларида бирор кулфат келишидан хавфсиздирларми? (Улар) Аллоҳ таолонинг азобини қайтаришдан (мутлақо) ожиздирлар. Ёки Аллоҳ таоло (уларга) ҳамиша хавфни мусаллат (ғолиб) қилиб қўйса (яъни, улар хавфсираб турсалар), шу онда азоби илоҳий нозил бўлишидан улар эминдирларми? Аллоҳ таоло бандаларга иноятли, меҳрибондир. Уқубат (азоб) беришда таъжил қилмайди (шошмайди).

أَوَلَمْ يَرَوْاْ إِلَىٰ مَا خَلَقَ ٱللَّهُ مِن شَىْءٍ يَتَفَيَّؤُاْ ظِلَـٰلُهُۥ عَنِ ٱلْيَمِينِ وَٱلشَّمَآئِلِ
سُجَّدًا لِّلَّهِ وَهُمْ دَٰخِرُونَ ﴿٤٨﴾ وَلِلَّهِ يَسْجُدُ مَا فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ
مِن دَآبَّةٍ وَٱلْمَلَـٰٓئِكَةُ وَهُمْ لَا يَسْتَكْبِرُونَ ﴿٤٩﴾ يَخَافُونَ رَبَّهُم مِّن فَوْقِهِمْ
وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ ۩ ﴿٥٠﴾

48-50. Кофирлар Худо яратган ашёларга ибрат (назари) билан қарамайдиларми? Уларнинг соялари ўнг тарафдан ва чап тарафдан ҳаракат этадилар ва барчалари ожизлик билан Худога сажда қиладилар. Осмонлардаги махлуқотлар ва ердаги ҳаракат қилувчи жондорлар ва малоикалар ўз Холиқлари – Парвардигорга сажда қиладилар. Унинг ибодатидан бош тортмайдилар. (Улар ва) малоикалар Парвардигордан қўрқадилар. Уларнинг устидан Парвардигорнинг қудрати мусаллат (ғолиб ва ҳукмрон)дир. Аллоҳ буюрган нарсанигина бажо келтирадилар. **(49-50-оятлар сажда оятларидир).**

۞ وَقَالَ ٱللَّهُ لَا تَتَّخِذُوٓاْ إِلَـٰهَيْنِ ٱثْنَيْنِ ۖ إِنَّمَا هُوَ إِلَـٰهٌ وَٰحِدٌ ۖ فَإِيَّـٰىَ فَٱرْهَبُونِ ﴿٥١﴾
وَلَهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَلَهُ ٱلدِّينُ وَاصِبًا ۚ أَفَغَيْرَ ٱللَّهِ تَتَّقُونَ ﴿٥٢﴾ وَمَا بِكُم
مِّن نِّعْمَةٍ فَمِنَ ٱللَّهِ ۖ ثُمَّ إِذَا مَسَّكُمُ ٱلضُّرُّ فَإِلَيْهِ تَجْـَٔرُونَ ﴿٥٣﴾ ثُمَّ إِذَا كَشَفَ ٱلضُّرَّ

عَنكُمْ إِذَا فَرِيقٌ مِّنكُم بِرَبِّهِمْ يُشْرِكُونَ ﴿٥٤﴾ لِيَكْفُرُوا بِمَا آتَيْنَاهُمْ ۚ فَتَمَتَّعُوا ۖ
فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ ﴿٥٥﴾

51-55. Аллоҳ таоло кофирларга айтадики: «Ибодат қилиш учун ўзларингизга икки худо муқаррар қилманглар! Ҳақиқатда якка ва ягона бир Худо бордир. (У) ҳар бир ашёни яратгандир. Бас, эй кофирлар, Мендан қўрқинглар». Тоат-ибодатни бир Худонинг ўзига қилиш вожибдир. Бас, эй кофирлар, (сизлар) Худодан қўрқмай, бошқа бутлардан қўрқасизларми? Улар ҳеч қандай зарар ва манфаат (келтириш)га қодир эмаслар. Сизларга ҳар бир неъмати келган бўлса, бир Худонинг ўзидан (етган)-дир. Кейин сизларга бирор кулфат етса, Худо тарафига ёлбориб, нолаю зор қиласизлар. Вақтики, Худо сизлардан бу балони даф қилса, сизлардан баъзи гуруҳлар Худога шерик муқаррар қиладилар. Биз уларга берган неъматларга кофирлик (ношукурчилик) қиладилар. Бас, эй кофирлар, Худонинг неъматларидан бу дунёда хоҳлаганларингизча фойдаланинглар. Яқинда бу қилмишларингиз оқибатини биласизлар ва (қилмишларингиздан) ҳисоб берасизлар.

14 жузъ

وَيَجْعَلُونَ لِمَا لَا يَعْلَمُونَ نَصِيبًا مِّمَّا رَزَقْنَاهُمْ ۗ تَاللَّهِ لَتُسْأَلُنَّ عَمَّا كُنتُمْ تَفْتَرُونَ
﴿٥٦﴾ وَيَجْعَلُونَ لِلَّهِ الْبَنَاتِ سُبْحَانَهُ ۙ وَلَهُم مَّا يَشْتَهُونَ ﴿٥٧﴾ وَإِذَا بُشِّرَ أَحَدُهُم
بِالْأُنثَىٰ ظَلَّ وَجْهُهُ مُسْوَدًّا وَهُوَ كَظِيمٌ ﴿٥٨﴾ يَتَوَارَىٰ مِنَ الْقَوْمِ مِن سُوءِ مَا بُشِّرَ
بِهِ ۚ أَيُمْسِكُهُ عَلَىٰ هُونٍ أَمْ يَدُسُّهُ فِي التُّرَابِ ۗ أَلَا سَاءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴿٥٩﴾
لِلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ مَثَلُ السَّوْءِ ۖ وَلِلَّهِ الْمَثَلُ الْأَعْلَىٰ ۚ وَهُوَ الْعَزِيزُ
الْحَكِيمُ ﴿٦٠﴾

56-60. Кофирлар ҳеч бир нарсани билмайдиган (ҳис қилмайдиган) бутларига Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан насиба муқаррар тайин қиладилар. «Бу мол бутлар учун, бу қурбонлик бутлар учун», – (деб таъкидлайдилар). Худога қасамки, улар Худонинг шаънига қилган бўҳтон (ёлғон ва уйдирма)лари учун савол қилинадилар. Кофирлар аҳмоқликларидан малоикаларни «Худонинг қизлари», – дедилар. Худо бу хил туҳматлардан покдир. Ва ҳолбуки, улар учун яхши кўрган ўғиллар (яъни, ўғиллар уларники) бўлар эмиш. Вақтики кофирлардан бирига: «Хотинингиз қиз туғибди», – деб башорат берилса, ўша онда камоли ғамдан тўлиб, юзлари қора бўлар эди. У бу ёмон хабарни (эшитиб) қавмидан ва халқидан юзини беркитар ва бу хабарни халқдан яширар эди. У: «Бу (қиз бола)ни сақлаб, шармандалик билан тарбия қилайми ёки ерга кўмиш керакми?», – деб фикр қиларди. Огоҳ бўлинглар, бу кофирларнинг қизлари ҳақида (аҳмоқона ва разилона) ҳукм қилишлари ниҳоятда ёмон-

дир! Шунга ўхшаш, охиратга иймон келтирмайдиганларнинг ёмон сифатлари ва (ботил) эътиқодлари бордир. Аллоҳ таоло учун аъло сифатлар бордир, яъни, Аллоҳ таоло хотин олиш ва болали бўлишдан муназзаҳ (пок)дир. У ҳар нарсага қодирдир, Унинг ҳар бир феъли ҳикматлидир.

وَلَوْ يُؤَاخِذُ ٱللَّهُ ٱلنَّاسَ بِظُلْمِهِم مَّا تَرَكَ عَلَيْهَا مِن دَآبَّةٍ وَلَٰكِن يُؤَخِّرُهُمْ إِلَىٰٓ أَجَلٍ
مُّسَمًّى ۖ فَإِذَا جَآءَ أَجَلُهُمْ لَا يَسْتَـْٔخِرُونَ سَاعَةً ۖ وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ ﴿٦١﴾
وَيَجْعَلُونَ لِلَّهِ مَا يَكْرَهُونَ وَتَصِفُ أَلْسِنَتُهُمُ ٱلْكَذِبَ أَنَّ لَهُمُ 14 жузъ
ٱلْحُسْنَىٰ ۖ لَا جَرَمَ أَنَّ لَهُمُ ٱلنَّارَ وَأَنَّهُم مُّفْرَطُونَ ﴿٦٢﴾

61-62. Агар Парвардигор халқнинг (қилган) зулмларига яраша азоб бермоқчи (жазоламоқчи) бўлса, бас, у ҳолда ер юзида бирор ҳаракат қилувчи жон қолмайди. Инсон зулмининг касофатидан ҳамма баробар ҳалок бўлади. Лекин Аллоҳ таоло кофирларга азоб беришга шошилмайди. Уларнинг азобини муайян бир вақтгача кечиктиради. Бас, азоб вақти етганида, улар (уни) бир соат кейинга ҳам қолдиролмайдилар ва бир соат илгарига ҳам суролмайдилар. Қазо (белгиланган азоб) келган вақтда (улар муқаррар) ҳалок бўладилар. Бу кофирлар ўзлари ёмон кўрган нарсаларини Худога нисбат берадилар ва тиллари ёлғон сўзларга жорий бўлиб айтадиларки: «Қиёмат куни ҳамма роҳат (фароғат) бизга бўлади. Беҳишт бизникидир». Аллоҳ таоло айтадики: «Йўқ, уларнинг ўйлаган нарсалари ҳаргиз бўлмайди. Қиёмат куни уларга беҳишт эмас, балки дўзах (жой) бўлади. Улар (биринчилардан бўлиб) хорлик билан дўзахга ташланадилар».

تَٱللَّهِ لَقَدْ أَرْسَلْنَآ إِلَىٰٓ أُمَمٍ مِّن قَبْلِكَ فَزَيَّنَ لَهُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ أَعْمَٰلَهُمْ فَهُوَ وَلِيُّهُمُ
ٱلْيَوْمَ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٦٣﴾ وَمَآ أَنزَلْنَا عَلَيْكَ ٱلْكِتَٰبَ إِلَّا لِتُبَيِّنَ لَهُمُ ٱلَّذِى
ٱخْتَلَفُوا۟ فِيهِ ۙ وَهُدًى وَرَحْمَةً لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٦٤﴾ وَٱللَّهُ أَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً
فَأَحْيَا بِهِ ٱلْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَآ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَةً لِّقَوْمٍ يَسْمَعُونَ ﴿٦٥﴾

63-65. Худога қасамки, Биз Сендан муқаддам ўтган умматлар учун (ҳам) пайғамбарлар юбордик. У пайғамбарларнинг умматлари иймон келтирмай, (пайғамбарларни) ёлғончи қилдилар. (Бас), шайтон кофирларга бу дунёда ўзини дўст қилиб, уларнинг ботил амалларини кўзларига яхши, зийнатли қилиб кўрсатди. Охиратда (у кофирлар) шайтон билан бирга Худонинг қаттиқ азобига гирифтор бўладилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қуръонни Сенга шунинг учун нозил қилдикки, халқ ихтилоф қилаётган нарсаларни тўғри баён қилиб берасан ва ҳақни изҳор қиласан. Ва яна Қуръонни халқнинг ҳидояти учун нозил қилдик. Ҳамда мўминларга раҳмат сабаби бўлади. Аллоҳ таоло осмондан ёмғир

нозил қилиб (ёғдириб), у ёмғир сабаби билан қуриб қолган (ўлик) ерга ҳаёт бағишлайди. *Яъни, қуриб қолган ерларда гиёҳлар кўкартиради.* Албатта, Парвардигорнинг бундай марҳаматида насиҳатларни эшитувчи (панд олгувчи) қавмлар учун ибратли ҳикматлар бордир.

وَإِنَّ لَكُمْ فِي ٱلْأَنْعَٰمِ لَعِبْرَةً ۖ نُّسْقِيكُم مِّمَّا فِي بُطُونِهِۦ مِنۢ بَيْنِ فَرْثٍ وَدَمٍ لَّبَنًا
خَالِصًا سَآئِغًا لِّلشَّٰرِبِينَ ﴿٦٦﴾ وَمِن ثَمَرَٰتِ ٱلنَّخِيلِ وَٱلْأَعْنَٰبِ تَتَّخِذُونَ مِنْهُ
14 жузъ سَكَرًا وَرِزْقًا حَسَنًا ۗ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَءَايَةً لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿٦٧﴾

66-67. Албатта, сизларнинг манфаатларингиз учун тўрт оёқли жониворларда (чорва ҳайвонларида) ҳикматли пандлар (ибратлар) бордир. Бу (ибрат, ҳикмат) шундан иборатки, у ҳайвонларнинг қорнидан ифлосликлар (нажосатлар) ва қонлар орасидан жорий бўлиб (ажралиб) чиққан холис (соф ва покиза) сут бор. (Биз) сизларни бу сутлар билан сероб қиламиз. Бу сут ичувчилар учун ниҳоятда ёқимли (таъмли) ва фойдалидир. *Худонинг ҳакимона қудрати шундай улуғки, ифлосликлар ичидан бандаларнинг роҳати (манфаати) учун сут яратиб беради.* Ва яна хурмолар ва узумлар мевасидан фойдали шарбатлар, маст қилувчи шароблар ва бошқа фойдали, (ҳалол) ризқлар тайёрлайсизлар. Албатта, Худойи таолонинг бу қудратларида оқил одамлар учун пандлар ва Худонинг ваҳдониятига далолат қилувчи далиллар (оят-аломатлар) бордир.

وَأَوْحَىٰ رَبُّكَ إِلَى ٱلنَّحْلِ أَنِ ٱتَّخِذِي مِنَ ٱلْجِبَالِ بُيُوتًا وَمِنَ ٱلشَّجَرِ وَمِمَّا
يَعْرِشُونَ ﴿٦٨﴾ ثُمَّ كُلِي مِن كُلِّ ٱلثَّمَرَٰتِ فَٱسْلُكِي سُبُلَ رَبِّكِ ذُلُلًا ۚ يَخْرُجُ مِنۢ
بُطُونِهَا شَرَابٌ مُّخْتَلِفٌ أَلْوَٰنُهُۥ فِيهِ شِفَآءٌ لِّلنَّاسِ ۗ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَءَايَةً لِّقَوْمٍ
يَتَفَكَّرُونَ ﴿٦٩﴾

68-69. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Парвардигоринг асаларилар-нинг дилларига шу мазмунда илҳом қилди: «Эй арилар, ўзларингизнинг сукунатларингиз (яшашларингиз) учун тоғлардан ва дарахтлардан, инсонлар сизлар учун бино қилган (қурган) нарсалардан уйлар (инлар) қилиб олинглар. Сўнгра ҳар бир мевадан ғизоланинглар (озиқланинглар). Ўз подшоҳларингизга итоат қилинглар. Орқасидан эргашиб, қаерга борса, боринглар». Парвардигорнинг қудрати шуки, уларнинг қоринларидан асал шарбати жорий бўлиб чиқади. Ҳар хил рангда асаллар пайдо бўлади. Бу асалда халқ учун шифо бўладиган моддалар бордир. Албатта, бу асалари (ва асал)нинг пайдо бўлишида фикр қилувчи оқил одам учун Худонинг қудратига далолат қиладиган далиллар бордир.

وَٱللَّهُ خَلَقَكُمْ ثُمَّ يَتَوَفَّىٰكُمْ ۚ وَمِنكُم مَّن يُرَدُّ إِلَىٰٓ أَرْذَلِ ٱلْعُمُرِ لِكَيْ لَا يَعْلَمَ بَعْدَ
عِلْمٍ شَيْـًٔا ۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌ قَدِيرٌ ﴿٧٠﴾ وَٱللَّهُ فَضَّلَ بَعْضَكُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ فِي ٱلرِّزْقِ ۚ فَمَا

ٱلَّذِينَ فُضِّلُوا۟ بِرَآدِّى رِزْقِهِمْ عَلَىٰ مَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُهُمْ فَهُمْ فِيهِ سَوَآءٌ ۚ
أَفَبِنِعْمَةِ ٱللَّهِ يَجْحَدُونَ ﴿٧١﴾

70-71. Сизларни Аллоҳ таоло халқ қилгандир. Сўнгра умрингиз тамом бўлганида, сизларни яна ўлдиради. Сизлардан баъзиларингиз умри (кексайган) хор бўладиган мақомга (ҳолатга) қайтарилади. Улар ҳосил қилган илмларини унутиб, ҳеч бир нарсага идроклари етмайдиган бўладилар. Яъни, тифллик (гўдаклик) ҳолатига қайтадилар. Албатта, Аллоҳ таоло бандаларининг ҳолини (билгувчи) донодир. Ҳар бир нарсага қодирдир. Аллоҳ таоло баъзиларингизни баъзиларингиздан ризқ-рўзда фазилатли (афзал) қилди, *яъни, ризқ-рўзини зиёда қилди*. Бас, энди ризқлари улуғ бўлган зотлар ризқлари (мол-дунёлари)нинг ортиғини ғуломларига ва ходимларига бериб, ҳаммалари бу ризқдан фойдаланишда баробар бўлишни истамайдилар-ку? Оё, Худонинг берган неъматини инкор қиладиларми?

14 жузъ

وَٱللَّهُ جَعَلَ لَكُم مِّنْ أَنفُسِكُمْ أَزْوَٰجًا وَجَعَلَ لَكُم مِّنْ أَزْوَٰجِكُم بَنِينَ وَحَفَدَةً
وَرَزَقَكُم مِّنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ ۚ أَفَبِٱلْبَٰطِلِ يُؤْمِنُونَ وَبِنِعْمَتِ ٱللَّهِ هُمْ يَكْفُرُونَ ﴿٧٢﴾
وَيَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَا لَا يَمْلِكُ لَهُمْ رِزْقًا مِّنَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ شَيْـًٔا وَلَا
يَسْتَطِيعُونَ ﴿٧٣﴾ فَلَا تَضْرِبُوا۟ لِلَّهِ ٱلْأَمْثَالَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يَعْلَمُ وَأَنتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٧٤﴾

72-74. Аллоҳ таоло сизларга ўз жинсларингиздан (жуфти ҳалол) хотинлар яратиб, бу хотинларингиздан сизларга фарзандлар ва набиралар пайдо қилди. Сизларга нозу неъматлардан покиза ризқлар ато этди. Энди сизлар ботил нарсаларга эътиқод қилиб, Худонинг неъматларини инкор этасизларми? Бу кофирлар Худодан бошқа осмонлардан ва ердан ризқ беришга қудрати етмайдиган бутларга ибодат қиладиларми? Эй кофирлар, Худо ҳақига ёлғон достонлар тўқиманглар. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсанинг фойда ва зиёнини билади ва сизлар билмайсизлар.

۞ ضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلًا عَبْدًا مَّمْلُوكًا لَّا يَقْدِرُ عَلَىٰ شَىْءٍ وَمَن رَّزَقْنَٰهُ مِنَّا رِزْقًا حَسَنًا فَهُوَ
يُنفِقُ مِنْهُ سِرًّا وَجَهْرًا ۖ هَلْ يَسْتَوُۥنَ ۚ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ۚ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٧٥﴾

75. Ҳақ таоло ўзининг ва бутларнинг аҳволи ва қудратини қиёс қилиб, мисол келтиради. Айтадики: «Ўзининг наф-зарарини билмайдиган, ҳеч бир нарсага қодир бўлмаган (қўлидан бирор иш келмайдиган) бир қул-ғулом бор. Унинг муқобилига Биз кенг-мўл ризқ-насиба берган саодатли бир ҳур (озод) инсон бор. Бу саодатли банда Худо берган ризқдан ошкора ва махфий эҳсон қилади. У ғуломнинг ҳам ризқ-рўзини (насибасини, ҳақини) бериб туради. Энди у ғулом (қул) билан бу саодатли банда баробар бўладими? *Ҳаргиз баробар бўлмайди». Бутлар билан Парвардигорнинг ҳоли (сифат ва қудрати) ҳам шунга ўхшашдир.* Ҳамма (барча)

санолар ва яхшиликлар Худога хосдир. Чунки у барчага ризқу рўз бергувчидир. Аксар мушриклар бу ҳолни билмайдилар, қудрати йўқ нарсаларни Худога шерик қиладилар.

وَضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلًا رَّجُلَيْنِ أَحَدُهُمَآ أَبْكَمُ لَا يَقْدِرُ عَلَىٰ شَيْءٍ وَهُوَ كَلٌّ عَلَىٰ
مَوْلَىٰهُ أَيْنَمَا يُوَجِّههُّ لَا يَأْتِ بِخَيْرٍ هَلْ يَسْتَوِى هُوَ وَمَن يَأْمُرُ بِٱلْعَدْلِ وَهُوَ عَلَىٰ
صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٧٦﴾

14 жузъ 76. Бу ҳақда Аллоҳ таоло яна икки кишининг мисолини баён қилади: «Улардан бири туғма (гунг) соқовдир. Бирор нарсага қодир эмас. Ҳеч гапни эшитмайди. Бу шахс ўзининг тарбия қилувчисига оғир юкдир». Мураббийи қаерга юборса, бирор яхшилик, фойда олиб келмайди. Мураббий ҳамиша унинг саодатини истайди, ўзи тўғри (адолатли) йўлда, ҳар бир феъли ва қавли дурустдир. Энди ўйлаб кўринглар, бу соқов киши билан уни яхшиликка амр қиладиган мураббийи баробар бўладими? *Хулоса шуки, яхшиликларга амр қилувчи Парвардигор билан бирор нарсани билмайдиган, қўлидан ҳеч иш келмайдиган соқовга ўхшаш бутлар баробар бўлмайдилар!*

وَلِلَّهِ غَيْبُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَآ أَمْرُ ٱلسَّاعَةِ إِلَّا كَلَمْحِ ٱلْبَصَرِ أَوْ هُوَ أَقْرَبُ
إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٧٧﴾ وَٱللَّهُ أَخْرَجَكُم مِّنۢ بُطُونِ أُمَّهَٰتِكُمْ لَا
تَعْلَمُونَ شَيْـًٔا وَجَعَلَ لَكُمُ ٱلسَّمْعَ وَٱلْأَبْصَٰرَ وَٱلْأَفْـِٔدَةَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ
﴿٧٨﴾ أَلَمْ يَرَوْا۟ إِلَى ٱلطَّيْرِ مُسَخَّرَٰتٍ فِى جَوِّ ٱلسَّمَآءِ مَا يُمْسِكُهُنَّ إِلَّا ٱللَّهُ إِنَّ فِى
ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٧٩﴾

77-79. Осмонлардаги ва ердаги яширин (пинҳон) нарсаларнинг илми Худога хосдир. Парвардигор наздида Қиёматнинг аҳволи, унинг вужудга келиши кўз юмиб-очгунча ёки ундан кўра осондир (яқинроқдир). Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир. Аллоҳ таолонинг қудратларидан бири шуки, сизлар ҳеч нарсани билмайдиган ҳолингизда сизларни оналарингиз қорнидан чиқариб, дунёга келтирди. Сизларга эшитадиган қулоқ, кўрадиган кўз ва биладиган (сезгир) дил берди. Шоядки сизлар бу неъматларга шукр қилурсизлар. Худонинг фармони (амри)га бўйсуниб осмонда учиб юрган қушларга қарамайсизларми? Учиб турган ҳолларида (уларни) Худодан бошқа зот ушлаб туришга қодир эмас. Албатта, Парвардигорнинг бу махлуқларида мўминлар учун Худонинг азаматига далолат қилгувчи далиллар бордир.

وَٱللَّهُ جَعَلَ لَكُم مِّنۢ بُيُوتِكُمْ سَكَنًا وَجَعَلَ لَكُم مِّن جُلُودِ ٱلْأَنْعَٰمِ بُيُوتًا
تَسْتَخِفُّونَهَا يَوْمَ ظَعْنِكُمْ وَيَوْمَ إِقَامَتِكُمْ وَمِنْ أَصْوَافِهَا وَأَوْبَارِهَا وَأَشْعَارِهَآ
أَثَٰثًا وَمَتَٰعًا إِلَىٰ حِينٍ ﴿٨٠﴾ وَٱللَّهُ جَعَلَ لَكُم مِّمَّا خَلَقَ ظِلَٰلًا وَجَعَلَ لَكُم مِّنَ

ٱلۡجِبَالِ أَكۡنَٰنٗا وَجَعَلَ لَكُمۡ سَرَٰبِيلَ تَقِيكُمُ ٱلۡحَرَّ وَسَرَٰبِيلَ تَقِيكُم
بَأۡسَكُمۡۚ كَذَٰلِكَ يُتِمُّ نِعۡمَتَهُۥ عَلَيۡكُمۡ لَعَلَّكُمۡ تُسۡلِمُونَ ٨١

80-81. Аллоҳ таоло сизларга ором олишларингиз учун қасрлар (уйлар) яратди ва яна ҳайвонларнинг терисидан сизларга хайма (чодир)лар яратиб берди. Сафар қилган пайтингизда уларни енгил кўчириб олиб кетасиз ва иқомат қилган кунларингизда (қўним топганингизда) ерга тикиб, ором оласиз. Ва яна сизга жунли ҳайвонлар яратди. Уларнинг жунларидан уйларингизга палос тайёрлайсизлар. Юмшоқ жунларидан либослар тўқийсизлар. Ғудур (дағал бўлган) жунларидан кигизлар тайёрлайсизлар. Бу ашёлардан то ўлим вақтигача фойдаланасизлар. Аллоҳ таоло сизларнинг манфаатларингиз учун дарахтлар ва тоғларни яратди. Уларнинг соясида ором оласизлар. Ва яна сизларга сукунат қиладиган (яшайдиган) жойлар, ғорлар ва тошларидан иморат қилиш учун қулайликлар ратиб берди. Аллоҳ таоло сизларнинг роҳатларингиз ва либосларингиз учун *канопляр, пахталар ва шунга ўхшаш иплар етиштириб берадиган* гиёҳлар яратди. Бу либослар билан ўзларингизни иссиқдан ва совуқдан сақлайсизлар. Шунга ўхшаш урушда ўзларингизни сақлаш учун темирдан ясалган кўйлаклар (зирҳу совутлар) яратди. Шуларга ўхшаш, Аллоҳ таоло сизларга ўз неъматини комил қилиб берди. Шоядки сизлар иймон келтириб, Худонинг ҳукмига бўйин эгурсизлар. 14 жузъ

فَإِن تَوَلَّوۡاْ فَإِنَّمَا عَلَيۡكَ ٱلۡبَلَٰغُ ٱلۡمُبِينُ ٨٢ يَعۡرِفُونَ نِعۡمَتَ ٱللَّهِ ثُمَّ يُنكِرُونَهَا
وَأَكۡثَرُهُمُ ٱلۡكَٰفِرُونَ ٨٣

82-83. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар бу кофирлар Ислом (иймон) келтиришдан юз ўгирсалар, Сенга ҳеч қандай зарар йўқ. Хоҳ иймон келтирсинлар, хоҳ иймон келтирмасинлар, Сенинг вазифанг Худонинг ҳукмини ошкора етказмоқдир. Бу мушриклар Худонинг неъматини билиб ва иқрор бўлатуриб, кейин мункир бўладилар ва шукрини бажо келтирмайдилар. Бошқа бутларга ибодат қиладилар. Аксарияти кофир бўлади.

وَيَوۡمَ نَبۡعَثُ مِن كُلِّ أُمَّةٖ شَهِيدٗا ثُمَّ لَا يُؤۡذَنُ لِلَّذِينَ كَفَرُواْ وَلَا هُمۡ
يُسۡتَعۡتَبُونَ ٨٤ وَإِذَا رَءَا ٱلَّذِينَ ظَلَمُواْ ٱلۡعَذَابَ فَلَا يُخَفَّفُ عَنۡهُمۡ وَلَا هُمۡ
يُنظَرُونَ ٨٥

84-85. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларни (Қиёмат – ҳисоб-китоб) кунидан қўрқитгил. (У кунда) ҳар бир гуруҳга ўзларидан (пайғамбарларини) гувоҳ қоим қиламиз, уларнинг куфри ва иймони тўғрисида гувоҳлик берадилар. Кейин бу кофирларга ўзларининг қилмишлари учун узр айтишларига рухсат берилмайди. Ёки бирор амал қилиб, Худони рози этишларига ҳам йўл қўйилмайди. Вақтики мушриклар Худонинг азобини

кўрганларида Худодан енгил азоб беришини талаб қилсалар, уларнинг азоби енгил қилинмайди. Муҳлат талаб қилсалар, муҳлат ҳам берилмайди.

وَإِذَا رَءَا ٱلَّذِينَ أَشْرَكُوا۟ شُرَكَآءَهُمْ قَالُوا۟ رَبَّنَا هَٰٓؤُلَآءِ شُرَكَآؤُنَا ٱلَّذِينَ كُنَّا
نَدْعُوا۟ مِن دُونِكَ ۖ فَأَلْقَوْا۟ إِلَيْهِمُ ٱلْقَوْلَ إِنَّكُمْ لَكَٰذِبُونَ ﴿٨٦﴾ وَأَلْقَوْا۟ إِلَى
ٱللَّهِ يَوْمَئِذٍ ٱلسَّلَمَ ۖ وَضَلَّ عَنْهُم مَّا كَانُوا۟ يَفْتَرُونَ ﴿٨٧﴾ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَصَدُّوا۟
14 жузъ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ زِدْنَٰهُمْ عَذَابًا فَوْقَ ٱلْعَذَابِ بِمَا كَانُوا۟ يُفْسِدُونَ ﴿٨٨﴾

86-88. Вақтики (у кунда) мушриклар Худога шерик қилган бутларини кўрсалар, айтадиларки: «Эй Парвардигоро, биз мана шу бутларга ибодат қилиб, (уларни) Сенга шерик қилган эдик. Бизни гумроҳ қилган мана шулардир». Бас, бутлар уларга жавоб берадиларки: «(Шубҳасиз), сизларнинг ўзларингиз ёлғончидирсизлар. Биз ҳеч вақт сизларни гумроҳ қилганимиз йўқ. «Бизга ибодат қилинг», – деб ҳам айтганимиз йўқ. Сўнгра ўша вақтда бу мушриклар Худога ёлвориб, сулҳ қилишни истайдилар. Бас, уларга ёрдам берувчи ва шафоат қилувчи бутлар йўқ бўладилар, қўлларидан бирор ёрдам келмайди. Куфрни ихтиёр қилган ва бошқаларни ҳам Худонинг йўлидан қайтарган гуруҳлар қилган фитна ва фасодлари сабаб азоб устига азобларини зиёда қиламиз.

وَيَوْمَ نَبْعَثُ فِى كُلِّ أُمَّةٍ شَهِيدًا عَلَيْهِم مِّنْ أَنفُسِهِمْ ۖ وَجِئْنَا بِكَ شَهِيدًا عَلَىٰ
هَٰٓؤُلَآءِ ۚ وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ ٱلْكِتَٰبَ تِبْيَٰنًا لِّكُلِّ شَىْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَىٰ
لِلْمُسْلِمِينَ ﴿٨٩﴾

89. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қиёмат кунида ҳар бир умматга гувоҳлик бериш учун ўз қабилаларидан бир гувоҳ (пайғамбар)ни келтирамиз. Кофирлар инкор қилган пайтларида Сени уларга гувоҳлик бериш учун олиб келамиз. Биз Сенга мўминларга ҳар бир илоҳий ҳукмни баён қилиб бериш, уларни тўғри йўлга ҳидоят қилиш, мўминларга Худонинг раҳматидан ва жаннатидан башорат бериш учун Қуръонни нозил қилдик.

۞ إِنَّ ٱللَّهَ يَأْمُرُ بِٱلْعَدْلِ وَٱلْإِحْسَٰنِ وَإِيتَآئِ ذِى ٱلْقُرْبَىٰ وَيَنْهَىٰ عَنِ ٱلْفَحْشَآءِ
وَٱلْمُنكَرِ وَٱلْبَغْىِ ۚ يَعِظُكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿٩٠﴾

90. Албатта, Аллоҳ таоло бандаларни адолатга, яхши ишларга, хеш-ақроболарга эҳсон қилишга (силаи раҳмга) амр қилади. Бандаларни беҳаёликдан, ёмон ишлардан ва яна зулм қилишдан манъ этади (қайтаради). Шояд ўйлаб кўриб, амал қилурсизлар, деб Худо сизларга панд (насиҳат) беради.

وَأَوْفُوا۟ بِعَهْدِ ٱللَّهِ إِذَا عَٰهَدتُّمْ وَلَا تَنقُضُوا۟ ٱلْأَيْمَٰنَ بَعْدَ تَوْكِيدِهَا وَقَدْ

جَعَلْتُمُ ٱللَّهَ عَلَيْكُمْ كَفِيلًا ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يَعْلَمُ مَا تَفْعَلُونَ ﴿٩١﴾ وَلَا تَكُونُوا۟ كَٱلَّتِى
نَقَضَتْ غَزْلَهَا مِنۢ بَعْدِ قُوَّةٍ أَنكَـٰثًا تَتَّخِذُونَ أَيْمَـٰنَكُمْ دَخَلًۢا بَيْنَكُمْ أَن
تَكُونَ أُمَّةٌ هِىَ أَرْبَىٰ مِنْ أُمَّةٍ ۚ إِنَّمَا يَبْلُوكُمُ ٱللَّهُ بِهِۦ ۚ وَلَيُبَيِّنَنَّ لَكُمْ يَوْمَ
ٱلْقِيَـٰمَةِ مَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿٩٢﴾

91-92. Эй мўминлар, Худога қилган аҳдларингизга вафо қилинглар. У аҳдларингизни қасам ичиб, мустаҳкамлаганингиздан сўнг, *яъни, қасамингизга Худони ўртага қўйиб гувоҳ қилганингиздан кейин*, уни бузманглар. Аллоҳ таоло қилган ҳар бир нарсангизни билади. Балки ҳар бир феълингизни (ишингизни) бажариш учун қасам ичиб, мустаҳкам аҳд қилганингиздан кейин у ишни бажо келтиринг. Ип йигириб, мустаҳкам матони тўқигандан сўнг яна ипларини сўкиб, бўлаклаб, (титиб) ташлаган хотинга ўхшаманглар. Шунга ўхшаш сизлар ҳам ичган қасамларингизни макру ҳийла билан ўрталарингизда бузиб, бекор қиласизлар. Чунки бир гуруҳ (жамоат)ни кўрасизларки, бошқа бир гуруҳдан мол-давлатлари зиёдадир. Шундан сўнг ададлари кам бўлган гуруҳ билан қилган аҳду паймонларингизни ва ичган қасамларингизни бузиб, ададлари кўп бўлган гуруҳлар билан аҳду паймон қиласизлар. Ўша гуруҳлардан бирор дунёвий манфаат ҳосил қилиш учун макр билан қасамёд этасизлар. Лекин уни синдирасизлар (бузасизлар). Аллоҳ таоло сизлар Расулуллоҳга қилган ўз байъатингизга содиқмисиз, ўз аҳдингизга вафо қиласизларми ё йўқми, синайди, холос. Албатта, Худойи таоло (охиратда) ўрталарингиздаги ихтилофларингизни ошкор этиб, баён қилиб беради.

14 жузъ

وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ لَجَعَلَكُمْ أُمَّةً وَٰحِدَةً وَلَـٰكِن يُضِلُّ مَن يَشَآءُ وَيَهْدِى مَن
يَشَآءُ ۚ وَلَتُسْـَٔلُنَّ عَمَّا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٩٣﴾ وَلَا تَتَّخِذُوٓا۟ أَيْمَـٰنَكُمْ دَخَلًۢا
بَيْنَكُمْ فَتَزِلَّ قَدَمٌۢ بَعْدَ ثُبُوتِهَا وَتَذُوقُوا۟ ٱلسُّوٓءَ بِمَا صَدَدتُّمْ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ ۖ
وَلَكُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿٩٤﴾

93-94. Агар Парвардигор хоҳласа, сизларни Ислом динида бир гуруҳ (жамоат)га айлантирган бўлар эди. Худойи таоло хоҳласа, баъзиларни гумроҳ қилади, баъзи гумроҳлик сабабларини яратиб беради. Ва хоҳласа, баъзиларга тавфиқ бериб, ҳидоят қилади. Албатта, сизлар қилган касбу корларингиздан (амалларингиздан) жавоб берасизлар. Эй мўминлар, Худонинг номи билан ёд қилган (ичган) қасамларингизни орангизда макрфириб учун (алдов воситаси қилиб) ишлатманглар! Бас, у ҳолда гуноҳкор бўласизлар. Қадамларингиз ҳидоят йўлида собит бўлганидан сўнг тойилади ва ҳидоят йўлидан озганларингиз учун, одамларни ҳақ йўлдан тўсганларингиз учун бу дунёда кулфат тортасизлар. Охиратда эса аламли азобга мубтало бўласизлар.

وَلَا تَشْتَرُوا۟ بِعَهْدِ ٱللَّهِ ثَمَنًا قَلِيلًا ۚ إِنَّمَا عِندَ ٱللَّهِ هُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُمْ
تَعْلَمُونَ ﴿٩٥﴾ مَا عِندَكُمْ يَنفَدُ ۖ وَمَا عِندَ ٱللَّهِ بَاقٍ ۗ وَلَنَجْزِيَنَّ ٱلَّذِينَ صَبَرُوٓا۟
أَجْرَهُم بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٩٦﴾

95-96. Эй мўминлар, Аллоҳга берган аҳд-паймонингизни озгина қийматга (арзимас нарсага) алмаштириб юборманг! Агар билсангизлар, албатта, Аллоҳ таоло даргоҳидаги нарса (яъни ажр-савоб) сизлар учун (дунё
14 жузъ матоларидан) яхшироқдир. Сизлардаги мол-дунё йўқ бўлиб кетади, аммо Парвардигор наздида қилган савоб амалларингиз боқий қолади. Албатта, Биз машаққат ва кулфатларга сабр қилган бандаларга ихлос билан қилган (гўзал) амаллари учун Қиёмат куни ажру мукофотларини яхшироқ ва зиёдароқ қилиб берамиз.

مَنْ عَمِلَ صَٰلِحًا مِّن ذَكَرٍ أَوْ أُنثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنُحْيِيَنَّهُۥ حَيَوٰةً طَيِّبَةً ۖ
وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُم بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٩٧﴾

97. Хоҳ эркак, хоҳ аёл – ҳар бир шахс мўмин бўлган ҳолда яхши амаллар қилса, бас, Биз ўшандай кишиларга бу дунёда яхши ҳаёт кечирмоқлари учун асбоблар (сабаблар) муҳайё қилиб берамиз, Қиёматда энг яхши, ихлос билан қилган (чиройли) амаллари учун ажри комил ато этамиз.

فَإِذَا قَرَأْتَ ٱلْقُرْءَانَ فَٱسْتَعِذْ بِٱللَّهِ مِنَ ٱلشَّيْطَٰنِ ٱلرَّجِيمِ ﴿٩٨﴾ إِنَّهُۥ لَيْسَ لَهُۥ
سُلْطَٰنٌ عَلَى ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٩٩﴾ إِنَّمَا سُلْطَٰنُهُۥ عَلَى
ٱلَّذِينَ يَتَوَلَّوْنَهُۥ وَٱلَّذِينَ هُم بِهِۦ مُشْرِكُونَ ﴿١٠٠﴾

98-100. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сен Қуръон ўқимоқни ирода қилсанг, шайтони мардуднинг шарридан қутулмоқ учун Худодан паноҳ тилагил. Чунки агар мўминлар Худодан паноҳ тиласалар ва Худога таваккул қилсалар, шайтон улардан ғолиб бўлолмайди. Чунки шайтон уни дўст тутган ва шайтонни Худога шерик қилган бандалардан ғолиб бўлади.

وَإِذَا بَدَّلْنَآ ءَايَةً مَّكَانَ ءَايَةٍ ۙ وَٱللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا يُنَزِّلُ قَالُوٓا۟ إِنَّمَآ أَنتَ مُفْتَرٍۭ ۚ بَلْ
أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٠١﴾ قُلْ نَزَّلَهُۥ رُوحُ ٱلْقُدُسِ مِن رَّبِّكَ بِٱلْحَقِّ لِيُثَبِّتَ
ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَهُدًى وَبُشْرَىٰ لِلْمُسْلِمِينَ ﴿١٠٢﴾

101-102. Вақтики, Биз бир оятни мансух қилиб, унинг ўрнига бошқа бир оятни бадал қилсак, кофирлар айтадиларки: «Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен ёлғон айтувчисан». Ваҳоланки, Аллоҳ таоло Ўзи нозил қилган оятининг бандалар учун қайси бири фойдали эканини (яхши)

билади. Кофирларнинг аксарияти бунинг ҳикматини ва фойдасини билмайдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Мўминларнинг иймонлари зиёда бўлиши, гумроҳларга ҳидоят бўлиши ва мусулмонларга башорат бўлиши учун Жаброил (алайҳиссалом) Қуръонни Парвардигор тарафидан ростлик билан олиб келади».

وَلَقَدْ نَعْلَمُ أَنَّهُمْ يَقُولُونَ إِنَّمَا يُعَلِّمُهُۥ بَشَرٌ لِّسَانُ ٱلَّذِى يُلْحِدُونَ
إِلَيْهِ أَعْجَمِىٌّ وَهَٰذَا لِسَانٌ عَرَبِىٌّ مُّبِينٌ ﴿١٠٣﴾

103. Албатта, биламизки, кофирлар айтадилар: «Муҳаммадга Қуръ- 14 жузъ
онни (бир) одам таълим беради. *Яъни, бир ажамлик одам кечаси келиб, Муҳаммадга таълим беради». Ҳақиқатда, ажамий одам келиб, Расулуллоҳдан Қуръонни таълим олар эди.* Худойи таоло бу кофирларнинг сўзларини рад этиб айтадики: «Сизларнинг «Муҳаммад Қуръонни бир ажамийдан таълим олди», – деб айтганларинг бекордир. У ажамийнинг тили ажамий бўлиб, бу Қуръон фасиҳ (етук ва мукаммал) араб тилидадир».

إِنَّ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ لَا يَهْدِيهِمُ ٱللَّهُ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٠٤﴾
إِنَّمَا يَفْتَرِى ٱلْكَذِبَ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ
ٱلْكَٰذِبُونَ ﴿١٠٥﴾

104-105. Худонинг оятларига иймон келтирмайдиган жамоалар: оятлар Худодан нозил бўлган, деб тасдиқ этмайдилар. Аллоҳ таоло уларни нажот йўлига ҳидоят қилмайди. Уларга оғир азоб беради. Ёлғон-яшиқни Муҳаммад (алайҳиссалом) эмас, балки Худонинг оятларига иймон келтирмаганлар тўқийдилар. Ҳақиқатда (аслида), ёлғончилар ана ўшалардир.

مَن كَفَرَ بِٱللَّهِ مِنۢ بَعْدِ إِيمَٰنِهِۦٓ إِلَّا مَنْ أُكْرِهَ وَقَلْبُهُۥ مُطْمَئِنٌّۢ بِٱلْإِيمَٰنِ
وَلَٰكِن مَّن شَرَحَ بِٱلْكُفْرِ صَدْرًا فَعَلَيْهِمْ غَضَبٌ مِّنَ ٱللَّهِ وَلَهُمْ عَذَابٌ
عَظِيمٌ ﴿١٠٦﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمُ ٱسْتَحَبُّوا۟ ٱلْحَيَوٰةَ ٱلدُّنْيَا عَلَى ٱلْءَاخِرَةِ وَأَنَّ ٱللَّهَ لَا
يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿١٠٧﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ طَبَعَ ٱللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ
وَسَمْعِهِمْ وَأَبْصَٰرِهِمْ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْغَٰفِلُونَ ﴿١٠٨﴾ لَا جَرَمَ أَنَّهُمْ فِى
ٱلْءَاخِرَةِ هُمُ ٱلْخَٰسِرُونَ ﴿١٠٩﴾

106-109. Ҳар кимки иймон келтирганидан сўнг, муртад бўлар экан, Худонинг ғазабига учрайди, магар кофирлар иймон келтирган бир одамни кофир бўлишга мажбур қилганларида куфр лафзини тилга олса, лекин дилида иймон барқарор бўлса, шундай одам Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлмайди. Лекин дили куфр билан очилган бўлса, лафзидан ва дилидан

куфр зоҳир бўлса, у кофирдир. Шундай одам Худонинг азобига учрайди, Қиёмат куни улуғ азобга мубтало бўлади. Бу азобга охиратни тарк этиб, дунё ҳаётини яхши кўргани учун сазовор бўлади. Албатта, Аллоҳ таоло ўшандай кофирларни ҳидоят қилмайди. Худойи таоло бундай кофирларнинг дилларига, қулоқларига ва кўзларига муҳр босгандир. Ҳақиқатдан ана ўша қавм Худодан ғофилдир. Албатта, шак(-шубҳа) йўқки, ана шу қавмлар охиратда ўз нафсларига (жонларига) зиён қилгувчилардир.

ثُمَّ إِنَّ رَبَّكَ لِلَّذِينَ هَاجَرُوا۟ مِنۢ بَعْدِ مَا فُتِنُوا۟ ثُمَّ جَٰهَدُوا۟ وَصَبَرُوٓا۟
14 жузъ إِنَّ رَبَّكَ مِنۢ بَعْدِهَا لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١١٠﴾ ۞ يَوْمَ تَأْتِى كُلُّ نَفْسٍ تُجَٰدِلُ عَن
نَّفْسِهَا وَتُوَفَّىٰ كُلُّ نَفْسٍ مَّا عَمِلَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿١١١﴾

110-111. Бас, албатта, Парвардигоринг Ислом дини учун кофирлар қўлида кўп азоб тортганларидан сўнг Мадинага ҳижрат этган, сўнг Худонинг йўлида кофирлар билан жиҳод қилган ва оғир кулфатларга сабр этган зотларнинг ҳомийси ва мададкоридир. Албатта, Парвардигоринг ана ўша зотларнинг жиҳодларидан сўнг Қиёмат куни (уларга) мағфиратли ва меҳрибондир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ҳар бир нафс (жон) ўзини қутқариш учун жанжал қиладиган ўша кунни (Қиёматни) ёд қил! У кунда ҳар бир нафснинг қилган амалига яраша жазо берилади. Уларнинг ҳақига ҳеч қандай зулм қилинмайди.

وَضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلًا قَرْيَةً كَانَتْ ءَامِنَةً مُّطْمَئِنَّةً يَأْتِيهَا رِزْقُهَا رَغَدًا مِّن كُلِّ
مَكَانٍ فَكَفَرَتْ بِأَنْعُمِ ٱللَّهِ فَأَذَٰقَهَا ٱللَّهُ لِبَاسَ ٱلْجُوعِ وَٱلْخَوْفِ بِمَا كَانُوا۟
يَصْنَعُونَ ﴿١١٢﴾ وَلَقَدْ جَآءَهُمْ رَسُولٌ مِّنْهُمْ فَكَذَّبُوهُ فَأَخَذَهُمُ ٱلْعَذَابُ وَهُمْ
ظَٰلِمُونَ ﴿١١٣﴾

112-113. Эй мўминлар, Аллоҳ таоло сизларга ибрат учун бир қишлоқ (шаҳар - Макка)нинг аҳлини мисол тариқасида баён қилиб беради. Бир қишлоқ бор эди. У қишлоқ халқи хавф-хатарсиз, омонда, роҳат билан тирикчилик қилар эди. Уларга Худо ҳар тарафдан муқаррар қилган ризқ-рўз келиб турарди. Бас, бу қавм ғурурланиб, Худога осий бўлди ва Худонинг неъматларига шукр қилмади. Бас, Аллоҳ таоло уларни амалларига яраша очарчилик ва душман хавфига мубтало қилди. Уларга ўзларидан пайғамбар қилиб юбордик. Бас, улар уни ёлғончига чиқардилар. Насиҳатларни қабул қилмадилар. Бу қавм бир-бирига зулм қилгувчи бўлганлари боис, бас, (уларга) Худо тарафидан азоб келиб, ҳаммасини ҳалок қилди.

فَكُلُوا۟ مِمَّا رَزَقَكُمُ ٱللَّهُ حَلَٰلًا طَيِّبًا وَٱشْكُرُوا۟ نِعْمَتَ ٱللَّهِ إِن كُنتُمْ إِيَّاهُ
تَعْبُدُونَ ﴿١١٤﴾ إِنَّمَا حَرَّمَ عَلَيْكُمُ ٱلْمَيْتَةَ وَٱلدَّمَ وَلَحْمَ ٱلْخِنزِيرِ وَمَآ أُهِلَّ لِغَيْرِ

ٱللَّهِ بِهِۦ ۖ فَمَنِ ٱضْطُرَّ غَيْرَ بَاغٍ وَلَا عَادٍ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١١٥﴾ وَلَا تَقُولُوا۟
لِمَا تَصِفُ أَلْسِنَتُكُمُ ٱلْكَذِبَ هَٰذَا حَلَٰلٌ وَهَٰذَا حَرَامٌ لِّتَفْتَرُوا۟ عَلَى ٱللَّهِ
ٱلْكَذِبَ ۚ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَفْتَرُونَ عَلَى ٱللَّهِ ٱلْكَذِبَ لَا يُفْلِحُونَ ﴿١١٦﴾ مَتَٰعٌ قَلِيلٌ وَلَهُمْ
عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١١٧﴾

14 жузъ

114-117. Эй мўминлар, Парвардигорнинг (сизларга) ҳалол ва покиза (қилиб берган) ризқларидан енглар. Берган неъматларига шукр қилинглар. Агар сизлар ҳақиқатда Худога ибодат қилувчи бўлсангизлар, албатта, Аллоҳ таоло сизларга ўзи ўлиб қолган мурдорни (ўлаксани), қонни ва тўнғизнинг гўштини ҳаром қилди ҳамда Худодан бошқа бутларнинг номи билан (уларга атаб) сўйилган ҳайвон (гўшти)ни ҳаром қилди. Ҳар (бир) шахски, очлиқдан мажбур бўлиб бу ҳаром (нарсалар)дан ер экан, албатта, Аллоҳ таоло уни кечирувчи ва меҳрибондир. *Агар киши ҳалокатдан (ўлимдан) сақланиш учун зарурат миқдорда бу ҳаромлардан еса, унга мубоҳдир.* Эй мўминлар, тилларинг билан ҳужжатсиз: «Худо буни ҳалол қилган ва буни ҳаром қилган», – деб Худога ёлғон туҳмат қилманглар. Қайси қавмки, Худога туҳмат қилса, албатта, нажот топмайди. Бу нафсларингизнинг роҳати озгина (арзимас)дир. Тезлик билан фоний (йўқ) бўлиб кетади. Қиёмат куни нафсига тобе бўлганлар учун улуғ азоб муқаррардир.

وَعَلَى ٱلَّذِينَ هَادُوا۟ حَرَّمْنَا مَا قَصَصْنَا عَلَيْكَ مِن قَبْلُ ۖ وَمَا ظَلَمْنَٰهُمْ وَلَٰكِن
كَانُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿١١٨﴾ ثُمَّ إِنَّ رَبَّكَ لِلَّذِينَ عَمِلُوا۟ ٱلسُّوٓءَ بِجَهَٰلَةٍ ثُمَّ
تَابُوا۟ مِنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ وَأَصْلَحُوٓا۟ إِنَّ رَبَّكَ مِنۢ بَعْدِهَا لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١١٩﴾

118-119. Яҳудларга эса, илгари Сенга (уларни) баён қилиб ўтганимиздек, (барча) тирноқли жониворларнинг (туя, хўроз, ўрдак, туяқуш кабиларнинг) гўштини, мол-қўйларнинг айрим аъзоларини ҳаром қилдик[1]. У нарсаларни ҳаром қилишда биз яҳудларга зулм (жабр) қилмадик. Балки ўз нафсларига ўзлари зулм қилдилар, яъни гуноҳларининг шумлигидан уларга шундай жазо берилди. Сўнгра Парвардигоринг жаҳолат билан бир гуноҳни қилиб қўйганларидан кейин тавба қилган, ўз амалини ислоҳ қилган мўминларни, албатта, Аллоҳга тавба қилганларидан сўнг гуноҳларини кечирувчи ва меҳрибондир.

إِنَّ إِبْرَٰهِيمَ كَانَ أُمَّةً قَانِتًا لِّلَّهِ حَنِيفًا وَلَمْ يَكُ مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿١٢٠﴾ شَاكِرًا
لِّأَنْعُمِهِ ۚ ٱجْتَبَىٰهُ وَهَدَىٰهُ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿١٢١﴾ وَءَاتَيْنَٰهُ فِى ٱلدُّنْيَا حَسَنَةً ۖ
وَإِنَّهُۥ فِى ٱلْءَاخِرَةِ لَمِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿١٢٢﴾ ثُمَّ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ أَنِ ٱتَّبِعْ مِلَّةَ إِبْرَٰهِيمَ

---

[1] Бу ҳақда Анъом сураси, 146-оятининг маъносига қаралсин.

حَنِيفًا ۖ وَمَا كَانَ مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿١٢٣﴾

120-123. Албатта, Иброҳим (алайҳиссалом) яхши фазилатларга, комил сифатларга эга, ўз умматларига пешво эди, Худонинг амрига фармонбардор, ботил динлардан узоқ эди ва мушриклардан эмасди. Худонинг неъматига шукр қилгувчи эди. Аллоҳ таоло бу зотни пайғамбарликка лойиқ кўрди (танлаб олди) ва тўғри йўлга ҳидоят қилди. Биз бу (ҳаёти) дунёда у зотга яхшилик (яхши ҳаёт) ато қилдик. Яъни, фарзандларидан пайғамбарлар юбордик. Албатта, охиратда ҳам (у) солиҳлар жамоасидандир. Сўнгра Мен
14 жузъ Сенга (эй Муҳаммад алайҳиссалом), Иброҳим миллати (дини)га тобе бўл (эргаш), деб амр қилдим. Чунки Иброҳимнинг миллати ва дини ботил динлардан узоқдир. (Ва) у мушриклардан ҳам эмас эди.

إِنَّمَا جُعِلَ ٱلسَّبْتُ عَلَى ٱلَّذِينَ ٱخْتَلَفُوا۟ فِيهِ ۚ وَإِنَّ رَبَّكَ لَيَحْكُمُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ
ٱلْقِيَٰمَةِ فِيمَا كَانُوا۟ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿١٢٤﴾

124. Қайси куни ибодат қилиш тўғрисида ихтилоф қилган яҳудларга Аллоҳ таоло тарафидан шанба куни ибодат қилиш фарз қилинди. Яъни, шанба куни дунё ишларига машғул бўлмасдан, Худога ибодат қилишга амр этилдилар. Албатта, Парвардигор Қиёмат куни (уларнинг) қилган ихтилофларига ҳукм қилади. Ҳақ ва ноҳақни бир-биридан жудо қилиб беради.

ٱدْعُ إِلَىٰ سَبِيلِ رَبِّكَ بِٱلْحِكْمَةِ وَٱلْمَوْعِظَةِ ٱلْحَسَنَةِ ۖ وَجَٰدِلْهُم بِٱلَّتِى هِىَ أَحْسَنُ ۚ
إِنَّ رَبَّكَ هُوَ أَعْلَمُ بِمَن ضَلَّ عَن سَبِيلِهِۦ ۖ وَهُوَ أَعْلَمُ بِٱلْمُهْتَدِينَ ﴿١٢٥﴾ وَإِنْ
عَاقَبْتُمْ فَعَاقِبُوا۟ بِمِثْلِ مَا عُوقِبْتُم بِهِۦ ۖ وَلَئِن صَبَرْتُمْ لَهُوَ خَيْرٌ لِّلصَّٰبِرِينَ ﴿١٢٦﴾
وَٱصْبِرْ وَمَا صَبْرُكَ إِلَّا بِٱللَّهِ ۚ وَلَا تَحْزَنْ عَلَيْهِمْ وَلَا تَكُ فِى ضَيْقٍ مِّمَّا
يَمْكُرُونَ ﴿١٢٧﴾ إِنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوا۟ وَّٱلَّذِينَ هُم مُّحْسِنُونَ ﴿١٢٨﴾

125-128. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), халқни яхши (ширин) сўзлар, ҳикмат ва чиройли насиҳатлар билан Худонинг йўлига даъват қил, қаттиқсўз бўлма. Агар кофирлар билан мунозара қилсанг, муросаи мадоро билан (чиройли) мунозара қил. (Кофирлар билан муомаланинг) яхши бир тариқасини (йўлини) ихтиёр қил. Албатта, Парвардигоринг йўлидан адашганларни ва ҳидоят топганларнинг аҳволини яхши билгувчидир. Эй мўминлар, кофирларга азоб бермоқчи бўлсангизлар, сизларга азоб берилган миқдорда уларга азоб беринг. Ундан зиёда (яъни кўпроқ азоб) етказсангизлар, у ҳолда зулм қилганлардан бўлиб қоласизлар. Агар интиқом (қасос) олмасдан, сабр қилсангизлар, бу сизлар учун яхшидир. Албатта, собирлар шундай қилишлари керак. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирлардан (ҳар) қанча азият кўрсанг ҳам, сабр қил. Албатта, сабр қилмоқлигинг Худо учун бўлсин. Уларнинг ҳолини кўриб ғамгин, макр-ҳийлаларидан дилтанг бўлмагил. Албатта, Аллоҳ таоло тақво қилгувчи ва яхши амал қилгувчилар билан ҳамроҳдир (биргадир).

ЎН БЕШИНЧИ ЖУЗЪ

Маккада нозил бўлган бу сура бир юз ўн бир оятдан иборатдир. 15 жузъ

Суранинг фақат 26, 32, 33, 57, 73 ва 80-оятлари Мадинада нозил этилгани ривоят қилинади. «Исро» сўзи «кечаси юрмоқ» маъносидадир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тунда юз берган Меърож мўъжизасининг Маккадан Қуддусгача бўлган қисми баён этилгани учун сура «Исро» номини олган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

سُبْحَٰنَ ٱلَّذِىٓ أَسْرَىٰ بِعَبْدِهِۦ لَيْلًا مِّنَ ٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ إِلَى ٱلْمَسْجِدِ
ٱلْأَقْصَا ٱلَّذِى بَٰرَكْنَا حَوْلَهُۥ لِنُرِيَهُۥ مِنْ ءَايَٰتِنَآ ۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْبَصِيرُ ﴿١﴾

1. Парвардигор барча айблардан покдир! У Зот ўз бандаси – Муҳаммад (алайҳиссалом)га панд ва ибрат олиши учун ва унга Ўз қудратларимизни намоён этиш учун уни бир кечаси Масжидул Ҳаром – Байтуллоҳдан Масжидул Ақсо – Байтул Мақдисга олиб борди. У Байтул Мақдисда Масжидул Ақсо мавжуд бўлиб, у жойининг атрофини боғу бўстонлар билан баракотли қилганмиз. Ҳамда у мақомда анбиёлар ўтиб, муборак бўлгандир. Албатта, Парвардигор бандаларнинг дуосини эшитгувчи ва аҳволларини кўргувчидир.

وَءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ وَجَعَلْنَٰهُ هُدًى لِّبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ أَلَّا تَتَّخِذُوا۟ مِن دُونِى
وَكِيلًا ﴿٢﴾

2. Мусо (алайҳиссалом)га Бани Исроилни ҳидоят қилиш учун Таврот китобини бердик. Биз Бани Исроилга: «Эй Бани Исроил, ҳар бир ишингизда Мендан бошқани вакил қилманглар. Ҳар бир амрингизни (ишингизни) (фақат) Менга (суяниб) топширинглар», – деб буюрдик.

ذُرِّيَّةَ مَنْ حَمَلْنَا مَعَ نُوحٍ ۚ إِنَّهُۥ كَانَ عَبْدًا شَكُورًا ﴿٣﴾

3. Эй бандалар, сизлар Нуҳ (алайҳиссалом) билан кемада нажот топганларнинг фарзандларисиз. Менинг шукримни бажо келтиринглар. (Мен) Ота-боболарингизга тўфон азобидан Нуҳ (алайҳиссалом) билан нажот бердим. Бобонгиз Нуҳ (алайҳиссалом) Худонинг шокир (шукр қилгувчи) бандаларидан эди.

وَقَضَيْنَآ إِلَىٰ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ فِى ٱلْكِتَٰبِ لَتُفْسِدُنَّ فِى ٱلْأَرْضِ مَرَّتَيْنِ وَلَتَعْلُنَّ عُلُوًّا
كَبِيرًا ﴿٤﴾ فَإِذَا جَآءَ وَعْدُ أُولَىٰهُمَا بَعَثْنَا عَلَيْكُمْ عِبَادًا لَّنَآ أُو۟لِى بَأْسٍ
15 жузъ شَدِيدٍ فَجَاسُوا۟ خِلَٰلَ ٱلدِّيَارِ ۚ وَكَانَ وَعْدًا مَّفْعُولًا ﴿٥﴾

4-5. Биз яҳудларга Таврот китобида шундай воқеани баён қилдик: «Эй яҳудлар, сизлар ер юзида икки марта фасод қиласизлар. Кибр ва саркашлик (бўйин товлаш) билан ҳаддарингиздан ошиб туғён қиласизлар. Вақтики, сизлардан биринчи марта фасод содир бўлганидан кейин, сизларга жазо бериш учун энг қувватли бандаларимни юбораман. Улар зўрлик билан сизларнинг шаҳарларингизга ва уйларингизга бостириб киради. Молларингизни ғорат қилиб, ўзларингизни қатл этадилар. Худо тарафидан берилган бу ваъда муқаррар бўлади.

ثُمَّ رَدَدْنَا لَكُمُ ٱلْكَرَّةَ عَلَيْهِمْ وَأَمْدَدْنَٰكُم بِأَمْوَٰلٍ وَبَنِينَ وَجَعَلْنَٰكُمْ أَكْثَرَ
نَفِيرًا ﴿٦﴾ إِنْ أَحْسَنتُمْ أَحْسَنتُمْ لِأَنفُسِكُمْ ۖ وَإِنْ أَسَأْتُمْ فَلَهَا ۚ فَإِذَا جَآءَ وَعْدُ
ٱلْءَاخِرَةِ لِيَسُۥٓـُٔوا۟ وُجُوهَكُمْ وَلِيَدْخُلُوا۟ ٱلْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوهُ أَوَّلَ مَرَّةٍ
وَلِيُتَبِّرُوا۟ مَا عَلَوْا۟ تَتْبِيرًا ﴿٧﴾ عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَن يَرْحَمَكُمْ ۚ وَإِنْ عُدتُّمْ عُدْنَا ۘ وَجَعَلْنَا
جَهَنَّمَ لِلْكَٰفِرِينَ حَصِيرًا ﴿٨﴾

6-8. Боз (яна) сизларга мулк ва давлатларингизни иккинчи маротаба қайтариб бердик. Душманлар устидан ғалаба қилиш учун сизларга мол ва фарзандлар ато этдик, улар билан қувватлантирдик. Сизларнинг ададларингиз ва лашкарларингизни кўп қилдик. Агар яхши амал қилсангизлар, фойдаси ўз нафсларингизга бўлади. Агар ёмон амал қилсангизлар, унинг зарари ўз нафсларингизга етади. Қачонки иккинчи фасод қилганларингиз учун Худо берадиган азобнинг вақти келганида, сизларга золимларни мусаллат (ғолиб ва музаффар) қиламиз. Бу қавм сизларга ҳужум қилиб, аҳволларингизни ёмон (хароб) ҳолга келтиради. Худди аввалги дафа мусаллат (ғолиб) бўлиб кирганлар каби, улар ҳам Байтул Мақдисга дохил бўладилар. (У золимлар сизлардан ғолиб бўлиб), ҳаммаларингизни ҳалок этадилар ва мол-мулкларингизни ғорат қиладилар. *Бу яҳудларнинг фисқу фасодлари кўп. Шулардан энг ёмони – Тавротнинг ҳукмини қабул қилишдан бош тортдилар. Иккинчи фасодлари – Яҳё (алайҳиссалом)ни қатл этдилар. Бу ёмон амаллари учун (Аллоҳ) душманларни ғолиб қилди, улар Байтул Мақдисни хароб қилган эдилар.* Энди тавба қилинглар. Албатта,

Парвардигорингиз сизларга раҳм қилади. Агар сизлар илгариги фасод қилишларингизга қайтсангизлар, Биз ҳам жазо беришга қайтурмиз. Биз Қиёмат куни кофирлар учун жаҳаннамни зиндон қилдик».

إِنَّ هَٰذَا ٱلْقُرْءَانَ يَهْدِى لِلَّتِى هِىَ أَقْوَمُ وَيُبَشِّرُ ٱلْمُؤْمِنِينَ ٱلَّذِينَ يَعْمَلُونَ
ٱلصَّٰلِحَٰتِ أَنَّ لَهُمْ أَجْرًا كَبِيرًا ﴿٩﴾ وَأَنَّ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِٱلْءَاخِرَةِ أَعْتَدْنَا لَهُمْ
عَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٠﴾

9-10. Албатта, бу Қуръон бандалар учун кўп фойдали тариқа (йўл)га ҳидоят қилади ва ҳам саодатларига сабаб бўлади. Қуръон яхши амал қиладиган солиҳ мўминларга хушхабар беради. Ҳақ таоло Қиёмат куни улар учун улуғ ажрлар ва улуғ савоблар муҳайё қилиб қўйгандир. Ва яна, Қуръон охиратга иймони йўқ бандаларга улуғ азобимиз борлигидан хабар беради. 15 жузъ

وَيَدْعُ ٱلْإِنسَٰنُ بِٱلشَّرِّ دُعَآءَهُۥ بِٱلْخَيْرِ ۖ وَكَانَ ٱلْإِنسَٰنُ عَجُولًا ﴿١١﴾ وَجَعَلْنَا ٱلَّيْلَ
وَٱلنَّهَارَ ءَايَتَيْنِ ۖ فَمَحَوْنَآ ءَايَةَ ٱلَّيْلِ وَجَعَلْنَآ ءَايَةَ ٱلنَّهَارِ مُبْصِرَةً لِّتَبْتَغُوا۟ فَضْلًا مِّن
رَّبِّكُمْ وَلِتَعْلَمُوا۟ عَدَدَ ٱلسِّنِينَ وَٱلْحِسَابَ ۚ وَكُلَّ شَىْءٍ فَصَّلْنَٰهُ تَفْصِيلًا ﴿١٢﴾
وَكُلَّ إِنسَٰنٍ أَلْزَمْنَٰهُ طَٰٓئِرَهُۥ فِى عُنُقِهِۦ ۖ وَنُخْرِجُ لَهُۥ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ كِتَٰبًا يَلْقَىٰهُ
مَنشُورًا ﴿١٣﴾ ٱقْرَأْ كِتَٰبَكَ كَفَىٰ بِنَفْسِكَ ٱلْيَوْمَ عَلَيْكَ حَسِيبًا ﴿١٤﴾

11-14. Инсон яхшиликни талаб қилиб дуо қилганидек, аччиғи келган вақтида жоҳиллигидан ўзига ёмонлик (масалан, азоб) тилаб дуо қилади. Чунончи, баъзи кофирлар ўзларига: «Худоё, бошимизга осмондан тош ёғдиргил», – деб дуо қилдилар. Инсон одатда ҳар бир ишда шошилувчидир. Бошига бало келгунча шошилади. Биз кеча ва кундузни инсон учун икки нишона (оят-аломат) қилиб қарор бердик. Биз кечанинг аломатини (ойни) маҳв қилиб, унинг ўрнига қуёшли, равшан (порлоқ) кундузни олиб келамиз. Токи сиз бандалар кундузи бўлганида, Худодан ризқ-рўз талаб қилиб, меҳнат қиласизлар ва ҳам кеча-кундузнинг ҳаракатидан йилларнинг ҳисобини чиқарасизлар. Биз ҳар бир нарсани бандаларга осон бўлсин деб, Қуръонда баён қилдик. Хоҳ мўмин бўлсин, хоҳ кофир бўлсин, ҳар бир инсоннинг шум амалларини бўйинларига юклаб, Маҳшаргоҳда ҳозир қиламиз. Ҳар бир инсоннинг ёзилган номаи аъмолини қўлларига берамиз. Уни очиб ўқийдилар. Ҳар бир инсонга: «Ўз китобинг (номаи аъмолинг)ни ўқи», – деб таклиф қиламиз. Унга айтамизки: «Бугунлик кунда ўз қилган амалларингдан (воқиф бўлишинг) ва ҳисоб (китоб) қилинишинг учун бу номанг сенга етарлидир».

مَّنِ ٱهْتَدَىٰ فَإِنَّمَا يَهْتَدِى لِنَفْسِهِۦ ۖ وَمَن ضَلَّ فَإِنَّمَا يَضِلُّ عَلَيْهَا ۚ وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ
وِزْرَ أُخْرَىٰ ۗ وَمَا كُنَّا مُعَذِّبِينَ حَتَّىٰ نَبْعَثَ رَسُولًا ﴿١٥﴾

15. Ҳар кимки, Худонинг йўлида ҳидоят топса (яъни, ҳидоят йўлидан юрса), бу ҳидоятнинг фойдаси ўз нафсига (ўзи учунгина) бўлади. Ва ҳар кимки гумроҳ бўлиб, йўлдан адашса, у гумроҳликнинг зарари (ҳам фақат) ўз нафсига бўлади. Қиёмат куни ҳеч бир нафс (жон) гуноҳининг юки бошқа одамнинг бўйнига юкланмайди. То бир қавмга Пайғамбар юбориб огоҳлантирмагунимизча, Биз у қавмни азоб қилгувчи эмасмиз. *Чунки Биз юборган пайғамбар у қавмни ҳидоят йўлига даъват этади. Бас, агар у қавм саркашлик қилиб, Пайғамбарни ёлғончига чиқарса, сўнг у қавмга азоб берамиз.*

15 жузъ وَإِذَآ أَرَدْنَآ أَن نُّهْلِكَ قَرْيَةً أَمَرْنَا مُتْرَفِيهَا فَفَسَقُوا۟ فِيهَا فَحَقَّ عَلَيْهَا ٱلْقَوْلُ فَدَمَّرْنَٰهَا
تَدْمِيرًا ﴿١٦﴾ وَكَمْ أَهْلَكْنَا مِنَ ٱلْقُرُونِ مِنۢ بَعْدِ نُوحٍ ۗ وَكَفَىٰ بِرَبِّكَ بِذُنُوبِ
عِبَادِهِۦ خَبِيرًۢا بَصِيرًا ﴿١٧﴾

16-17. Вақтики, бирор аҳли қаряни (қишлоқ, шаҳар халқини) ҳалок қилишни ирода қилсак, у жойнинг саркашларига: «Расулингиз (пайғамбарингиз)га итоат қилинг», – деб амр қиламиз. Бас, у саркашлар (у ерларда) нофармонлик (фисқу фужур) қиладилар. Бас, (шунда) уларнинг устига Худонинг азоби вожиб (муқаррар) бўлади. Сўнгра биз у қаряни халқи билан ҳалок этиб, шаҳарларини барбод қиламиз. Нуҳ (алайҳиссалом)дан сўнг кўп табақаларни ҳалок қилдик. Ҳаммалари нофармонлик, (саркашлик) қилганларидан (сўнг) Худонинг азобига гирифтор бўлдилар. Бандаларнинг гуноҳларидан огоҳ бўлиш учун Худонинг илми етарлидир, аҳволларига Худо донодир.

مَّن كَانَ يُرِيدُ ٱلْعَاجِلَةَ عَجَّلْنَا لَهُۥ فِيهَا مَا نَشَآءُ لِمَن نُّرِيدُ ثُمَّ جَعَلْنَا لَهُۥ جَهَنَّمَ
يَصْلَىٰهَا مَذْمُومًا مَّدْحُورًا ﴿١٨﴾ وَمَنْ أَرَادَ ٱلْـَٔاخِرَةَ وَسَعَىٰ لَهَا سَعْيَهَا وَهُوَ مُؤْمِنٌ
فَأُو۟لَٰٓئِكَ كَانَ سَعْيُهُم مَّشْكُورًا ﴿١٩﴾ كُلًّا نُّمِدُّ هَٰٓؤُلَآءِ وَهَٰٓؤُلَآءِ مِنْ عَطَآءِ
رَبِّكَ ۚ وَمَا كَانَ عَطَآءُ رَبِّكَ مَحْظُورًا ﴿٢٠﴾ ٱنظُرْ كَيْفَ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ ۚ
وَلَلْـَٔاخِرَةُ أَكْبَرُ دَرَجَٰتٍ وَأَكْبَرُ تَفْضِيلًا ﴿٢١﴾

18-21. Кимки шу дунёнинг нозу неъматини истар экан ва шу дунёда яхши ҳаёт кечиришни хоҳлар экан, уни маҳрум қилмасдан, иродамизга мувофиқ шу дунёда нақд берамиз. Лекин бундай одамни охиратнинг роҳатидан маҳрум қиламиз. Жаҳаннамни унга тайёр қиламиз. У банда хор ва ронда (қувиб ҳайдалган ҳолда) бўлиб жаҳаннамга киради. Кимки охиратнинг роҳатини ирода қилса (истаса ва шунга мувофиқ ҳаракат қилса), бас, ундай мўмин одамнинг қилган амаллари Аллоҳнинг наздида мақбул бўлиб, Худонинг раҳматига сазовор бўлади. Биз бу икки фирқанинг (икки тоифа инсонларнинг) талабларига биноан Худо тарафидан уларга талаб қилган нарсаларини ато қилиб, мадад бераверамиз. Парвар-

дигорнинг эҳсони ҳеч кимдан манъ қилинмайди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ибрат билан назар қил, бу дунёда одамларнинг баъзиларига қандай фазилатлар бердик. Баъзиларининг давлатлари кўп бўлиб, ризқ-рўзлари кенгдир. Баъзилари фақир бўлиб, ҳоллари тангдир. Лекин бу дунёнинг (ундаги нарсаларнинг) зиёда-кам бўлмоқлигининг эътибори йўқдир. Охиратнинг даражотлари ва фазилатлари улуғдир.

لَّا تَجْعَلْ مَعَ ٱللَّهِ إِلَـٰهًا ءَاخَرَ فَتَقْعُدَ مَذْمُومًا مَّخْذُولًا ﴿٢٢﴾ ۞ وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا
تَعْبُدُوٓا۟ إِلَّآ إِيَّاهُ وَبِٱلْوَٰلِدَيْنِ إِحْسَـٰنًا ۚ إِمَّا يَبْلُغَنَّ عِندَكَ ٱلْكِبَرَ أَحَدُهُمَآ أَوْ 15 жузъ
كِلَاهُمَا فَلَا تَقُل لَّهُمَآ أُفٍّ وَلَا تَنْهَرْهُمَا وَقُل لَّهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴿٢٣﴾ وَٱخْفِضْ
لَهُمَا جَنَاحَ ٱلذُّلِّ مِنَ ٱلرَّحْمَةِ وَقُل رَّبِّ ٱرْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيَانِى صَغِيرًا ﴿٢٤﴾

22-24. Эй одам фарзанди, Аллоҳ таолога ибодат қилишда бошқа «худолар»ни (бут ва санамларни Унга) шерик қилманглар. Агар шундай қилар экансизлар, дўзахда ёмон ҳолда, (хор бўлиб) ҳар қандай яхшиликдан маҳрум бўлиб ўтирасизлар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Парвардигорнинг ҳукмини, умматларингга айт (етказ): «Бир Аллоҳдан бошқага ибодат қилманг, ота-оналарингизга яхшилик қилинг, сизларнинг қарамоғингизда агар битталари ёки икковлари пир бўлиб (қариб) қолсалар, сизлар уларнинг хизматидан малолланиб «уфф» деманглар ва қаттиқ гапирманглар. Икковларига ниҳоятда мулойим сўзланглар. Уларнинг ҳузурида ҳамиша (хоксорлик қанотини паст тутиб) тавозе билан, мулойим, меҳрибон бўлинглар. Бу зотларнинг ҳақларига дуо қилиб айтингларки: «Худоё, икковлари мени ёшлигимдан (гўдаклигимдан) тарбия қилганлари каби Сен ҳам бу икковларига раҳму шафқат қил!».

رَّبُّكُمْ أَعْلَمُ بِمَا فِى نُفُوسِكُمْ ۚ إِن تَكُونُوا۟ صَـٰلِحِينَ فَإِنَّهُۥ كَانَ لِلْأَوَّٰبِينَ
غَفُورًا ﴿٢٥﴾ وَءَاتِ ذَا ٱلْقُرْبَىٰ حَقَّهُۥ وَٱلْمِسْكِينَ وَٱبْنَ ٱلسَّبِيلِ وَلَا تُبَذِّرْ تَبْذِيرًا
﴿٢٦﴾ إِنَّ ٱلْمُبَذِّرِينَ كَانُوٓا۟ إِخْوَٰنَ ٱلشَّيَـٰطِينِ ۖ وَكَانَ ٱلشَّيْطَـٰنُ لِرَبِّهِۦ كَفُورًا ﴿٢٧﴾
وَإِمَّا تُعْرِضَنَّ عَنْهُمُ ٱبْتِغَآءَ رَحْمَةٍ مِّن رَّبِّكَ تَرْجُوهَا فَقُل لَّهُمْ قَوْلًا مَّيْسُورًا ﴿٢٨﴾

25-28. Эй мўминлар, сизларнинг дилларингиздаги ота-оналарга итоат қилиш ёки нофармонлик (итоатсизлик) ҳолларингизни Парвардигор (билгувчи) донодир. Агар сизлар солиҳ бандалар бўлсангизлар, Парвардигорнинг ҳукмига итоат қилсангизлар, бас, Аллоҳ таоло Ўзига тавба қилиб, унга қайтгувчи бандаларнинг гуноҳларини кечиргувчидир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), хеш ва ақраболарга эҳсон қилиб, ҳақларини адо эт. Ва яна мискинларга, йўлда қолганларга садақа қил. Молни бефойда сарфлаб, исроф қилма. Албатта, исроф қилгувчилар шайтоннинг дўстларидир. Шайтон Парвардигорнинг неъматларига мункир эди. Агар сен

(қўлингда мол-дунёнг бўлмай) «Парвардигор менга фазлу марҳамат қилиб, мол-дунё берса, ана ўшанда мискинларнинг, муҳтожларнинг ҳожатларини чиқараман», – деган умидда (улардан) юз ўтирсанг, бас, у ҳолда у ғарибларга мулойим сўзлаб, дилларини хурсанд қил!

وَلَا تَجۡعَلۡ يَدَكَ مَغۡلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبۡسُطۡهَا كُلَّ ٱلۡبَسۡطِ فَتَقۡعُدَ مَلُومٗا
مَّحۡسُورًا ﴿٢٩﴾ إِنَّ رَبَّكَ يَبۡسُطُ ٱلرِّزۡقَ لِمَن يَشَآءُ وَيَقۡدِرُۚ إِنَّهُۥ كَانَ بِعِبَادِهِۦ خَبِيرَۢا
15 жузъ بَصِيرٗا ﴿٣٠﴾ وَلَا تَقۡتُلُوٓاْ أَوۡلَٰدَكُمۡ خَشۡيَةَ إِمۡلَٰقٖۖ نَّحۡنُ نَرۡزُقُهُمۡ وَإِيَّاكُمۡۚ إِنَّ قَتۡلَهُمۡ
كَانَ خِطۡـٔٗا كَبِيرٗا ﴿٣١﴾

29-31. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен эҳсон қилишда ўртача йўлни ихтиёр эт! Қўлингни бўйнингга боғлаб, мумсикликни (хасисликни) ихтиёр қилма! Ва яна қўлингни очиб, ҳамма нарсангни (исроф қилиб, бир йўла) бериб юборма! Агар шундай қилсанг, ўзингни муҳтожликка қўйиб, ғамгин бўлиб (ҳасрат чекиб) ўтирасан. Албатта, Парвардигоринг хоҳлаган бандасига ризқини кенг (қилиб) беради. Баъзиларига андоза билан (ризқини кам миқдор қилиб) беради. Албатта, Парвардигор бандаларнинг ҳолатидан илмлик (хабардор) ва доно (уларни кўриб тургувчи) Зотдир. Эй мўминлар, фақирликдан қўрқиб болаларингизни ўлдирманглар. Биз сизларга ҳам, болаларингизга ҳам ризқ берамиз. Албатта, болаларингизни ўлдиришларингиз улуғ гуноҳдир.

وَلَا تَقۡرَبُواْ ٱلزِّنَىٰٓۖ إِنَّهُۥ كَانَ فَٰحِشَةٗ وَسَآءَ سَبِيلٗا ﴿٣٢﴾ وَلَا تَقۡتُلُواْ ٱلنَّفۡسَ ٱلَّتِي
حَرَّمَ ٱللَّهُ إِلَّا بِٱلۡحَقِّۗ وَمَن قُتِلَ مَظۡلُومٗا فَقَدۡ جَعَلۡنَا لِوَلِيِّهِۦ سُلۡطَٰنٗا فَلَا يُسۡرِف
فِّي ٱلۡقَتۡلِۖ إِنَّهُۥ كَانَ مَنصُورٗا ﴿٣٣﴾ وَلَا تَقۡرَبُواْ مَالَ ٱلۡيَتِيمِ إِلَّا بِٱلَّتِي هِيَ أَحۡسَنُ
حَتَّىٰ يَبۡلُغَ أَشُدَّهُۥۚ وَأَوۡفُواْ بِٱلۡعَهۡدِۖ إِنَّ ٱلۡعَهۡدَ كَانَ مَسۡـُٔولٗا ﴿٣٤﴾

32-34. Эй мўминлар, зинога яқин бўлманг (яқинлашманг!), бу шармандали феъл ва ёмон йўлдир. Эй мўминлар, ҳеч бир нафсни ноҳақ қатл қилманг! Унинг қонини тўкишни Аллоҳ таоло (сизларга) ҳаром қилган. Магар қотилдан (шаръий йўл билан) қасос олинса, (жоиздир). Ҳар кимки зулм билан қатл қилинган бўлса, унинг меросхўрларига қотилдан қасос олиш учун қудрат (изн) берамиз. Аммо волийларга (қатл қилинган кишининг ворисларига) лозимки, қасос олишда ҳаддан тажовуз қилмасинлар, *яъни, қотилни (ўлдиришда ҳаддидан ошмасин) ва қотилнинг биродарини ё хешу ақроболарини ўлдирмасин.* Албатта, қасос олишда волийларга ҳокимлар тарафидан ёрдам берилади. Эй мўминлар, етимларнинг молига яқин бўлманглар, магар шариат йўли билан (яқинлашинглар, яъни, тасарруф қилинглар). *Агар васий (васият қилинган шахс) бўлсангизлар, шариатга мувофиқ, етимларнинг молидан ҳақ олсангизлар бўлади.* Етим-

лар балоғатга етгунича молларини (омонат) сақлайсизлар. Балоғатга етгандан сўнг молларини (ўзларига) топширасизлар. Эй мўминлар, агар Худога аҳд қилган бўлсангизлар ёки бир-бирларингизга аҳд қилган бўлсангизлар, албатта, вафо қилинглар. Чунки аҳд қилгувчилар аҳдларига вафо қилмасалар, Қиёматда масъул бўладилар.

وَأَوْفُوا الْكَيْلَ إِذَا كِلْتُمْ وَزِنُوا بِالْقِسْطَاسِ الْمُسْتَقِيمِ ذَٰلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا
﴿٣٥﴾ وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَٰئِكَ
كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا ﴿٣٦﴾ وَلَا تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّكَ لَنْ تَخْرِقَ الْأَرْضَ 15 жузъ
وَلَنْ تَبْلُغَ الْجِبَالَ طُولًا ﴿٣٧﴾ كُلُّ ذَٰلِكَ كَانَ سَيِّئُهُ عِنْدَ رَبِّكَ مَكْرُوهًا ﴿٣٨﴾
ذَٰلِكَ مِمَّا أَوْحَىٰ إِلَيْكَ رَبُّكَ مِنَ الْحِكْمَةِ وَلَا تَجْعَلْ مَعَ اللَّهِ إِلَٰهًا آخَرَ فَتُلْقَىٰ فِي
جَهَنَّمَ مَلُومًا مَدْحُورًا ﴿٣٩﴾

35-39. Эй мўминлар, бирон биродарингиз ҳақини ўлчаб бермоқчи бўлсангиз, ўлчовни тўлдириб (тўғри қилиб) беринг. Ва агар тарозуда тортиб бермоқчи бўлсангиз, тўғри тарозуда ўлчаб беринг. Агар шундай қилсангиз, бу феълингизнинг (ишингизнинг) оқибати яхши бўлади, *яъни, сизга ажр берилади. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом)*, илминг етмаган нарсага эргашма! *Яъни, кўрмаган нарсангни кўрдим, эшитмаган нарсангни эшитдим, билмаган нарсангни билдим, деб даъво қилма.* Чунки Қиёмат куни қулоқ, кўз ва дилнинг ҳар биридан сўралур. Ер юзида юрганингда кибр ва ғурур билан қадам босма. Чунки Сен бу қадам қўйишинг билан ерни ёриб юборолмайсан. Бўйнингни осмонга кўтаришинг билан тоққа баробар бўлолмайсан. Бу ёмон феълларингнинг барчаси Худонинг наздида мақбул эмасдир. Булар Худонинг Сенга ваҳий қилган насиҳатлари-ҳикматларидандир. Худонинг ибодатига бошқа илоҳни шерик қилма. Агар шундай қилсанг, мардуд (рад этилган) ва маломат қилинган ҳолда жаҳаннамга ташланасан.

أَفَأَصْفَاكُمْ رَبُّكُمْ بِالْبَنِينَ وَاتَّخَذَ مِنَ الْمَلَائِكَةِ إِنَاثًا إِنَّكُمْ لَتَقُولُونَ قَوْلًا
عَظِيمًا ﴿٤٠﴾ وَلَقَدْ صَرَّفْنَا فِي هَٰذَا الْقُرْآنِ لِيَذَّكَّرُوا وَمَا يَزِيدُهُمْ إِلَّا نُفُورًا ﴿٤١﴾
قُلْ لَوْ كَانَ مَعَهُ آلِهَةٌ كَمَا يَقُولُونَ إِذًا لَابْتَغَوْا إِلَىٰ ذِي الْعَرْشِ سَبِيلًا ﴿٤٢﴾
سُبْحَانَهُ وَتَعَالَىٰ عَمَّا يَقُولُونَ عُلُوًّا كَبِيرًا ﴿٤٣﴾ تُسَبِّحُ لَهُ السَّمَاوَاتُ السَّبْعُ
وَالْأَرْضُ وَمَنْ فِيهِنَّ وَإِنْ مِنْ شَيْءٍ إِلَّا يُسَبِّحُ بِحَمْدِهِ وَلَٰكِنْ لَا تَفْقَهُونَ
تَسْبِيحَهُمْ إِنَّهُ كَانَ حَلِيمًا غَفُورًا ﴿٤٤﴾

40-44. Эй мушриклар, сизларнинг ақидаларингизга биноан, Парвардигор сизлар учун ўғил фарзандларни хос қилиб, ўзи учун малоикалардан қизларни ихтиёр қилдими? Албатта, сизларнинг бу айтган сўзларингиз ниҳоятда улуғ гуноҳдир. *Чунки ўзларингиз хоҳламайдиган қизларни Худога нисбат бердингизлар.* Биз бу Қуръонда ҳар хил ҳикматли сўзларни баён қилдик. Токи бандалар бу сўзлардаги насиҳатлардан фойда олсинлар. Лекин бу сўзларимиз у кофирларга нафратдан бошқани зиёда қилмади (яъни, уларнинг нафратини зиёда қилди, холос). Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у мушрикларга айтгил: «Агар, мушриклар эътиқод қилганларидек, бу Худо билан (яна) бошқа (бир) худо бўлганида эди, бас, у
15 жузъ ҳолда Аршнинг эгаси – ҳақиқий Парвардигор билан у ботил худолар жанжал йўлини очган (Аллоҳга қарши йўл ахтарган) бўлар эдилар. Аллоҳ таоло бундай шериклардан покдир! Уларнинг айтган сўзларидан муназзаҳ ва олийдир. Етти қават осмон, ер ва ердаги ашёлар Худонинг покливгини ёд этадилар ва Унга таъзим қиладилар. Коинотда бор ҳар бир ашё Худони поклик билан ёд қилади ва Унга сано айтади. Лекин сизлар уларнинг тасбеҳларини фаҳмламайсизлар (англамайсизлар). *Албатта, Парвардигор бандаларга тезлик билан (дарҳол) азоб бермайди.* Аллоҳ ҳалим ва гуноҳларни кечиргувчидир.

وَإِذَا قَرَأْتَ ٱلْقُرْءَانَ جَعَلْنَا بَيْنَكَ وَبَيْنَ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِٱلْءَاخِرَةِ حِجَابًا مَّسْتُورًا ﴿٤٥﴾ وَجَعَلْنَا عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ أَكِنَّةً أَن يَفْقَهُوهُ وَفِىٓ ءَاذَانِهِمْ وَقْرًا ۚ وَإِذَا ذَكَرْتَ رَبَّكَ فِى ٱلْقُرْءَانِ وَحْدَهُۥ وَلَّوْا۟ عَلَىٰٓ أَدْبَٰرِهِمْ نُفُورًا ﴿٤٦﴾

45-46. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), вақтики, Қуръонни тиловат қилсанг, Сен билан охиратга иймони йўқ кофирлар ўртасини беркитиб турадиган парда яратурман. Улар Сени кўрмайдилар. *Аксар вақтларда Расулуллоҳ Қуръонни тиловат қилсалар, кофирлар азият бериш учун келганларида Расулуллоҳни кўрмас эдилар.* Уларнинг дилларига ғилоф яратдим. Ҳақиқатни тушунмайдилар (идрок этмайдилар) ва қулоқлари ҳам ҳақ сўзни эшитмайдиган кардир. Агар Сен Қуръонда Парвардигоринг ваҳдониятига (якка-ягоналигига оид) келган оятни тиловат қилсанг, мушриклар юзларини ўтириб қочадилар.

نَّحْنُ أَعْلَمُ بِمَا يَسْتَمِعُونَ بِهِۦٓ إِذْ يَسْتَمِعُونَ إِلَيْكَ وَإِذْ هُمْ نَجْوَىٰٓ إِذْ يَقُولُ ٱلظَّٰلِمُونَ إِن تَتَّبِعُونَ إِلَّا رَجُلًا مَّسْحُورًا ﴿٤٧﴾ ٱنظُرْ كَيْفَ ضَرَبُوا۟ لَكَ ٱلْأَمْثَالَ فَضَلُّوا۟ فَلَا يَسْتَطِيعُونَ سَبِيلًا ﴿٤٨﴾

47-48. Вақтики, Сен Қуръон тиловат қилганингда кофирлар қандай мақсад билан эшитаётганларини Биз яхши биламиз. Улар масхара қилиш учун Қуръон эшитадилар. Қачонки, бир-бирлари билан махфий сўзлашсалар, Сени жодугар, шоир, коҳин дейдилар. Шуни фикр қилки, бу золимлар мусулмонларга айтадилар: «Сизлар сеҳр қилинган, девона одам-

нинг орқасидан эргашасизлар». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кўргил, мушриклар Сен ҳақингда қандай мисоллар келтирадилар. Улар ҳақиқатда йўлдан адашган гумроҳдирлар.

وَقَالُوٓاْ أَءِذَا كُنَّا عِظَٰمٗا وَرُفَٰتًا أَءِنَّا لَمَبۡعُوثُونَ خَلۡقٗا جَدِيدٗا ﴿٤٩﴾ ۞ قُلۡ كُونُواْ
حِجَارَةً أَوۡ حَدِيدًا ﴿٥٠﴾ أَوۡ خَلۡقٗا مِّمَّا يَكۡبُرُ فِي صُدُورِكُمۡۚ فَسَيَقُولُونَ مَن
يُعِيدُنَاۖ قُلِ ٱلَّذِي فَطَرَكُمۡ أَوَّلَ مَرَّةٖۚ فَسَيُنۡغِضُونَ إِلَيۡكَ رُءُوسَهُمۡ وَيَقُولُونَ
مَتَىٰ هُوَۖ قُلۡ عَسَىٰٓ أَن يَكُونَ قَرِيبٗا ﴿٥١﴾ يَوۡمَ يَدۡعُوكُمۡ فَتَسۡتَجِيبُونَ 15 жузъ
بِحَمۡدِهِۦ وَتَظُنُّونَ إِن لَّبِثۡتُمۡ إِلَّا قَلِيلٗا ﴿٥٢﴾

49-52. Қиёматга мункир бўлганлар айтадики: «Биз гўрда чириб, майдаланиб, тупроққа айланиб кетсак, яна янгидан (қайтадан) махлуқ бўлиб тириламизми?». Эй Муҳаммад, уларга жавоб бер: «Сизлар чириб, тупроқ бўлиб, хоҳ тошга айланинглар ёки темир бўлинглар, ё дилларингизда маҳол бўлган ҳолга айланинглар, албатта, тирилиб, Маҳшаргоҳда ҳозир бўласизлар». Мушриклар айтадиларки: «Ким бизга қайтадан ҳаёт бағишлайди?». Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Сизларга аввалги марта сизларни халқ қилган Зот ҳаёт беради». Бу сўзни эшитгандан сўнг Сен томон бошларини қимирлатиб, инкор қилиб айтадилар: «Бу айтган сўзинг қачон бўлади?». Сен: «Яқинда бўлади», – деб айтгил. У кун Парвардигор сизларни Маҳшаргоҳга чақиради. Сизлар ижобат (қабул) қилиб, Аллоҳнинг ҳамдини айтиб, ҳозир бўласизлар, гўрда озгина вақт ётганларингизни хаёл (гумон) қиласизлар.

وَقُل لِّعِبَادِي يَقُولُواْ ٱلَّتِي هِيَ أَحۡسَنُۚ إِنَّ ٱلشَّيۡطَٰنَ يَنزَغُ بَيۡنَهُمۡۚ إِنَّ ٱلشَّيۡطَٰنَ
كَانَ لِلۡإِنسَٰنِ عَدُوّٗا مُّبِينٗا ﴿٥٣﴾ رَّبُّكُمۡ أَعۡلَمُ بِكُمۡۖ إِن يَشَأۡ يَرۡحَمۡكُمۡ أَوۡ إِن يَشَأۡ
يُعَذِّبۡكُمۡۚ وَمَآ أَرۡسَلۡنَٰكَ عَلَيۡهِمۡ وَكِيلٗا ﴿٥٤﴾ وَرَبُّكَ أَعۡلَمُ بِمَن فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلۡأَرۡضِۗ وَلَقَدۡ فَضَّلۡنَا بَعۡضَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ عَلَىٰ بَعۡضٖۖ وَءَاتَيۡنَا دَاوُۥدَ زَبُورٗا ﴿٥٥﴾

53-55. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мўмин бандаларимга айтгил: «Кофирларнинг каттиқ сўзларига жавобан яхши, мулойим сўзлар айтсинлар. Шоядки кофирларнинг дилларига таъсир қилар. Чунки шайтон бандалар ўртасига низо солади. Албатта, шайтон инсонга ошкора душмандир. Албатта, Парвардигорингиз сизларнинг ҳолларингизни (билгувчи) донодир. Хоҳласа, (сизларга) раҳм қилади, хоҳласа, азоб қилади». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Мен Сени кофирларнинг амалларига зомин қилиб юбормадим. Сен уларнинг амалларига жавобгар эмассан. Парвардигоринг осмонлардаги малоикалар ва ҳам ердаги одамлар ҳолини (билгувчи) донодир. Ҳар кишининг ҳолига яраша мартаба беради. Биз баъзи

пайғамбарларни баъзиларидан афзал этдик ва мартабаларини зиёда қилдик. Довуд (алайҳиссалом)га Забур китобини бердик.

قُلِ ٱدْعُوا۟ ٱلَّذِينَ زَعَمْتُم مِّن دُونِهِۦ فَلَا يَمْلِكُونَ كَشْفَ ٱلضُّرِّ عَنكُمْ وَلَا
تَحْوِيلًا ﴿٥٦﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ يَدْعُونَ يَبْتَغُونَ إِلَىٰ رَبِّهِمُ ٱلْوَسِيلَةَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ
وَيَرْجُونَ رَحْمَتَهُۥ وَيَخَافُونَ عَذَابَهُۥٓ ۚ إِنَّ عَذَابَ رَبِّكَ كَانَ مَحْذُورًا ﴿٥٧﴾

56-57. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Эй кофир-
15 жузъ лар, бир Худодан бошқа ибодат қиладиган ботил (сохта) худоларингизни ёрдамга чақиринглар. Сизларга ризқу рўз берсин, сизлардан балоларни даф қилсин. Бу ботил худолар сизларга ҳеч қачон ёрдам беролмайди. Бас, улар сизлардан кулфатларни даф қилишга қодир эмасдирлар. Бирор аҳволни ўзгартира олмайдилар». Бу кофирлар Худодан бошқага ибодат қиладилар ва эътиқод қилиб: «Бу бутлар Худога восита (васила) бўлиб, бизни шафоат қилади», – дейдилар. Айтсинлар-чи: «Бу маъбудларингизнинг қайси бири Худога яқинки, Худонинг раҳматидан умидвор бўладилар ва азобидан қўрқадилар. Ҳолбуки, уларнинг қўлидан ҳеч бир нарса келмайди. Бас, шундай экан, албатта, кофирлар Худонинг ғазабидан ҳазар қилишлари (қўрқишлари) керак эди.

وَإِن مِّن قَرْيَةٍ إِلَّا نَحْنُ مُهْلِكُوهَا قَبْلَ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ أَوْ مُعَذِّبُوهَا عَذَابًا شَدِيدًا
كَانَ ذَٰلِكَ فِى ٱلْكِتَٰبِ مَسْطُورًا ﴿٥٨﴾ وَمَا مَنَعَنَآ أَن نُّرْسِلَ بِٱلْءَايَٰتِ إِلَّآ أَن
كَذَّبَ بِهَا ٱلْأَوَّلُونَ ۚ وَءَاتَيْنَا ثَمُودَ ٱلنَّاقَةَ مُبْصِرَةً فَظَلَمُوا۟ بِهَا ۚ وَمَا نُرْسِلُ
بِٱلْءَايَٰتِ إِلَّا تَخْوِيفًا ﴿٥٩﴾ وَإِذْ قُلْنَا لَكَ إِنَّ رَبَّكَ أَحَاطَ بِٱلنَّاسِ ۚ وَمَا جَعَلْنَا
ٱلرُّءْيَا ٱلَّتِىٓ أَرَيْنَٰكَ إِلَّا فِتْنَةً لِّلنَّاسِ وَٱلشَّجَرَةَ ٱلْمَلْعُونَةَ فِى ٱلْقُرْءَانِ ۚ وَنُخَوِّفُهُمْ
فَمَا يَزِيدُهُمْ إِلَّا طُغْيَٰنًا كَبِيرًا ﴿٦٠﴾

58-60. Ҳеч бир қишлоқ ва шаҳар йўқки, Биз унинг аҳлини қилган амалларига биноан Қиёматдан илгари ҳалок қилмасак ёки қаҳатчилик, очарчилик билан қаттиқ азоб бермасак. Албатта, бу ваъда Лавҳул Маҳфузда ёзилгандир (у амалга ошади). Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларнинг Сендан талаб қилган мўъжизаларини юборишдан Бизни ҳеч нарса манъ қилолмайди. Магар шу нарса моне бўладики, агар оятларни ёлғонга чиқарсалар, *илгариги умматлар ҳалок бўлганидек (улар ҳам) ҳалок бўладилар*. Чунончи, Самуд қавми Солиҳ (алайҳиссалом)дан тошдан туя чиқишини талаб қилдилар. Талабларига биноан тошдан туя чиқди. Бу мўъжиза Худонинг қудратига очиқ далил эди. У кофирлар Солиҳ (алайҳиссалом)ни «жодугар» деб, ёлғончи қилдилар. У туяни ўлдириб (сўйиб), ўзларига зулм қилдилар. Худойи таоло ҳаммаларини ҳалок қилди. Биз оятлар – мўъжизаларни Худонинг азобидан қўрқитмоқ учун юбо-

ғамиз. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз (Сенга): «Кофирларнинг инкор қилишидан ғам ема, чунки Парвардигорингнинг қудрати ҳамма инсонни ўраб олгандир», – дегаrимизни ёд қил. *Агар хоҳласа, (Аллоҳ таоло) хоҳлаган пайти ҳалок қилишга қодирдир.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга Биз тарафимиздан кўрсатилган туш ҳақ эди. У тушни Сенга кўрсатдик. У одамлар учун синов ва имтиҳон эди ва мунофиқларни мўминлардан ажратиш учун эди. *Чунончи,Ҳудайбияда Расулуллоҳга Байтуллоҳни тавоф қилиш муяссар бўлмади.* Мунофиқлар: «Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг берган ваъдаси ёлғон бўлди», – деб таъна қилдилар. Шунга ўхшаш Қуръонда мазкур бўлган Заққум дарахти жаҳаннамда ўсади ва 15 жузъ
аҳли дўзахлар унинг мевасидан ейди, деган сўз мунофиқлар учун фитнага сабаб бўлди. Биз кофирларни Қуръонда мазкур бўлган азоблар билан қўрқитармиз. Лекин кофирларда бу оятлар куфр ва саркашликдан бошқа нарсани зиёда қилмайди.

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَٰٓئِكَةِ ٱسْجُدُوا۟ لِءَادَمَ فَسَجَدُوٓا۟ إِلَّآ إِبْلِيسَ قَالَ ءَأَسْجُدُ لِمَنْ
خَلَقْتَ طِينًا ﴿٦١﴾ قَالَ أَرَءَيْتَكَ هَٰذَا ٱلَّذِى كَرَّمْتَ عَلَىَّ لَئِنْ أَخَّرْتَنِ إِلَىٰ يَوْمِ
ٱلْقِيَٰمَةِ لَأَحْتَنِكَنَّ ذُرِّيَّتَهُۥٓ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٦٢﴾ قَالَ ٱذْهَبْ فَمَن تَبِعَكَ مِنْهُمْ
فَإِنَّ جَهَنَّمَ جَزَآؤُكُمْ جَزَآءً مَّوْفُورًا ﴿٦٣﴾ وَٱسْتَفْزِزْ مَنِ ٱسْتَطَعْتَ مِنْهُم
بِصَوْتِكَ وَأَجْلِبْ عَلَيْهِم بِخَيْلِكَ وَرَجِلِكَ وَشَارِكْهُمْ فِى ٱلْأَمْوَٰلِ وَٱلْأَوْلَٰدِ
وَعِدْهُمْ ۚ وَمَا يَعِدُهُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ إِلَّا غُرُورًا ﴿٦٤﴾ إِنَّ عِبَادِى لَيْسَ لَكَ عَلَيْهِمْ
سُلْطَٰنٌ ۚ وَكَفَىٰ بِرَبِّكَ وَكِيلًا ﴿٦٥﴾

61-65. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), фикр қил, вақтики Биз малоикаларга: «Ҳаммаларингиз (Ҳазрати) Одамга сажда қилинглар», – деб айтдик. Кейин ҳамма малоикалар сажда қилдилар, магар Иблис сажда қилмади. У шайтон деди: «Сен лойдан қилган нарсангга сажда қилайми?». Яна айтди: «Буни қара, шу одамни менинг тепамга (бошимга) азиз қилдингми, мендан юқори мартаба бердингми? Агар то Қиёматтача менга муҳлат берсанг, бу одамнинг зурриётини (фитнаю) иғво қилиб йўлдан адаштириб, ҳалок қиламан. Магар (улардан) озроғи қутулади». Худо айтди: «Қаёққа борсанг бор, майли, сенга муҳлат бердим. Бу Одам авлодидан кимки сенга эргашар экан, Қиёмат куни ҳаммаларингизнинг жазоларингиз комил (энг оғир) бўлиб, жаҳаннамга кирасизлар. Энди агар сенинг қудратинг етса, халқни қайси йўлга бошласанг, бошла. Овозинг билан залолат йўлига чақирасанми ёки ёрдамчи (отлиқ ва пиёда) лашкарларинг билан уларнинг тепасига ҳужум қилиб, ҳалок қиласанми, ё қўлингдан келса, уларнинг молларига шерик бўл! Ҳаромдан касб қилиш ва зинодан бола-чақа топишга даъват қил. Уларни иғво қилиш учун қандай ваъдалар қилсанг қил!». Лекин, эй бандалар, огоҳ бўлингларки, шайтоннинг қилган ваъдалари макр ва фирибдан

бошқа нарса эмас. Эй мардуд шайтон, билгилки, Менинг комил иймонли хос бандаларим бордирки, уларни йўлдан оздиришга сенда ҳеч қандай куч-қудрат йўқ. Уларни сақлашга Парвардигорнинг марҳамати етарлидир.

رَّبُّكُمُ ٱلَّذِى يُزْجِى لَكُمُ ٱلْفُلْكَ فِى ٱلْبَحْرِ لِتَبْتَغُوا۟ مِن فَضْلِهِۦٓ ۚ إِنَّهُۥ كَانَ
بِكُمْ رَحِيمًا ﴿٦٦﴾ وَإِذَا مَسَّكُمُ ٱلضُّرُّ فِى ٱلْبَحْرِ ضَلَّ مَن تَدْعُونَ إِلَّآ إِيَّاهُ ۖ فَلَمَّا
نَجَّىٰكُمْ إِلَى ٱلْبَرِّ أَعْرَضْتُمْ ۚ وَكَانَ ٱلْإِنسَـٰنُ كَفُورًا ﴿٦٧﴾

15 жузъ

66-67. Сизларни яратувчи Парвардигор шундай Зотдирки, сизнинг манфаатларингиз учун, яъни, Парвардигорнинг фазлу марҳаматидан ризқу рўзларингизни талаб қилиб, ҳар тарафга сафар этишингиз учун дарёда кемаларни жорий қилиб (юргизиб) қўйибди. Албатта, Аллоҳ таоло сизларга ниҳоятда меҳрибондир. Қачонки дарёда кетиб турган ҳолатда сизларга қаттиқ кулфат етиб, ғарқ бўлиш хавфи туғилса, у ҳолда сизлар ҳар кимни ёки ибодат қилган бутларингизни ёрдамга чақирсангизлар, улар (асло) фарёдларингизга етмайдилар. Фақат Худонинг бир Ўзигина сизларга кифоя қилади. Вақтики, Парвардигор сизларга нажот бериб, дарёдан (эсон-омон) қуруқликка чиқарса, Худодан юз ўгирасизлар, яна бутларингизга ибодат қилиб кетасизлар. Ҳақиқатдан инсон Худонинг неъматлари қадрини билмайди. (Кўрнамаклик қилиб), Худодан юз ўгириб, инсофсизлик қилади.

أَفَأَمِنتُمْ أَن يَخْسِفَ بِكُمْ جَانِبَ ٱلْبَرِّ أَوْ يُرْسِلَ عَلَيْكُمْ حَاصِبًا ثُمَّ لَا تَجِدُوا۟
لَكُمْ وَكِيلًا ﴿٦٨﴾ أَمْ أَمِنتُمْ أَن يُعِيدَكُمْ فِيهِ تَارَةً أُخْرَىٰ فَيُرْسِلَ عَلَيْكُمْ قَاصِفًا
مِّنَ ٱلرِّيحِ فَيُغْرِقَكُم بِمَا كَفَرْتُمْ ۙ ثُمَّ لَا تَجِدُوا۟ لَكُمْ عَلَيْنَا بِهِۦ تَبِيعًا ﴿٦٩﴾ ۞ وَلَقَدْ
كَرَّمْنَا بَنِىٓ ءَادَمَ وَحَمَلْنَـٰهُمْ فِى ٱلْبَرِّ وَٱلْبَحْرِ وَرَزَقْنَـٰهُم مِّنَ ٱلطَّيِّبَـٰتِ وَفَضَّلْنَـٰهُمْ
عَلَىٰ كَثِيرٍ مِّمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا ﴿٧٠﴾

68-70. Парвардигор қуруқликда ерга юттириб юборишидан ёки (устингизга) тошбўрон қилдиришидан, кейин сизларни қутқарадиган бирор нажоткор топа олмаслигингиздан, оё, сизлар бехавф, эмин бўласизларми? Ёки (У Зот) сизларни дарёга (денгизга) қайтадан сафар қилдириб, сўнгра қаттиқ шамолни юбориб, *кемаларингизни синдириб*, куфрони неъмат қилганларингизнинг касофатига ҳаммаларингизни ғарқ қилдиришидан эмин бўласизларми? Бас, у ҳолда Бизнинг қудратимизни даф қилиш ва Биздан интиқом олиш учун ўзларингизга ҳеч қандай мададкор топа олмайсизлар. Албатта, Биз бани Одамни қуруқликда мукаррам қилдик. Уларни кўтариб юриш учун (уловлар) туя ва отлар яратдик. Дарёда кўтариб юришлик учун кемалар пайдо қилдик. Покиза таомлардан ризқу рўз муқаррар этдик. Уларга кўп махлуқлардан фазилат (афзаллик) бериб, азиз қилдик. *Албатта,Бизнинг шукримизни бажо келтиришлари керак.*

يَوْمَ نَدْعُوا۟ كُلَّ أُنَاسٍۭ بِإِمَـٰمِهِمْ ۖ فَمَنْ أُوتِىَ كِتَـٰبَهُۥ بِيَمِينِهِۦ فَأُو۟لَـٰٓئِكَ
يَقْرَءُونَ كِتَـٰبَهُمْ وَلَا يُظْلَمُونَ فَتِيلًا ﴿٧١﴾ وَمَن كَانَ فِى هَـٰذِهِۦٓ أَعْمَىٰ فَهُوَ
فِى ٱلْءَاخِرَةِ أَعْمَىٰ وَأَضَلُّ سَبِيلًا ﴿٧٢﴾ وَإِن كَادُوا۟ لَيَفْتِنُونَكَ عَنِ ٱلَّذِىٓ أَوْحَيْنَآ
إِلَيْكَ لِتَفْتَرِىَ عَلَيْنَا غَيْرَهُۥ ۖ وَإِذًا لَّٱتَّخَذُوكَ خَلِيلًا ﴿٧٣﴾

71-73. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қиёмат кунини ёд қил! «Ўша кун- 15 жузъ
да ҳар бир қавмни ўз пайғамбари билан чақирамиз. Ҳар кимгаки номаи аъмоли ўнг қўлига берилса, улар ўз номаи аъмолларини ўқиб, хурсанд бўладилар. Ўша вақтда ҳеч кимнинг ҳақига бир ипчалик (қилчалик) ҳам зулм қилинмайди. Ҳар ким ўз аъмолига яраша жазо кўради. Кимки бу дунёда ҳақ йўлни кўришдан кўр бўлса, бас, у шахс охиратда ҳам кўр, (гумроҳ) бўлиб, нажот йўлини топмайди. Бу кофирлар Сенга фириб бериб (фитна қилиб), Биз ваҳий орқали юборган ҳукмларимиздан қайтариб, Биз юборган ваҳийни ёлғонга чиқариб, бошқа нарсага нисбат беришингга ундаб, Сени йўлдан адаштиришларига оз қолди. У ҳолда Сен уларга итоат қилсанг Сени яхши кўрар эдилар».

وَلَوْلَآ أَن ثَبَّتْنَـٰكَ لَقَدْ كِدتَّ تَرْكَنُ إِلَيْهِمْ شَيْـًٔا قَلِيلًا ﴿٧٤﴾ إِذًا
لَّأَذَقْنَـٰكَ ضِعْفَ ٱلْحَيَوٰةِ وَضِعْفَ ٱلْمَمَاتِ ثُمَّ لَا تَجِدُ لَكَ عَلَيْنَا نَصِيرًا
﴿٧٥﴾ وَإِن كَادُوا۟ لَيَسْتَفِزُّونَكَ مِنَ ٱلْأَرْضِ لِيُخْرِجُوكَ مِنْهَا ۖ وَإِذًا لَّا
يَلْبَثُونَ خِلَـٰفَكَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٧٦﴾

74-76. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Биз Сени ҳидоят йўлида собит ва мустаҳкам қилмаганимизда ва гумроҳликдан сақламаганимизда эди, у ҳолда Сен кофирларнинг фирибларига (макру ҳийлаларига) берилиб, улар тарафига озроқ майл қилган бўлар эдинг. Фараз қилайлик, агар Сен кофирларга майл қилсанг, у ҳолда тирикликнинг азобини ҳам, ўлимнинг азобини ҳам Сенга икки баробар қилиб берган бўлар эдик. Кейин Сен Бизнинг азобимизни ўзингдан даф қиладиган ҳеч бир ёрдамчи топмас эдинг. Албатта, Макка кофирлари (Сени безовта қилиб), ўз ватанингдан чиқариб юборишга қасд (ҳаракат) қилдилар. Шундай бўлганида эди, Сен кетганингдан сўнг улар ҳам узоқ вақт тирик қолмаган бўлар эдилар (яъни, у ҳолда уларни ҳам ҳалок қилган бўлар эдик).

سُنَّةَ مَن قَدْ أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ مِن رُّسُلِنَا ۖ وَلَا تَجِدُ لِسُنَّتِنَا تَحْوِيلًا ﴿٧٧﴾ أَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ
لِدُلُوكِ ٱلشَّمْسِ إِلَىٰ غَسَقِ ٱلَّيْلِ وَقُرْءَانَ ٱلْفَجْرِ ۖ إِنَّ قُرْءَانَ ٱلْفَجْرِ كَانَ
مَشْهُودًا ﴿٧٨﴾ وَمِنَ ٱلَّيْلِ فَتَهَجَّدْ بِهِۦ نَافِلَةً لَّكَ عَسَىٰٓ أَن يَبْعَثَكَ رَبُّكَ مَقَامًا

مَّحْمُودًا ﴿٧٩﴾ وَقُل رَّبِّ أَدْخِلْنِي مُدْخَلَ صِدْقٍ وَأَخْرِجْنِي مُخْرَجَ صِدْقٍ وَاجْعَل
لِّي مِن لَّدُنكَ سُلْطَانًا نَّصِيرًا ﴿٨٠﴾ وَقُلْ جَاءَ الْحَقُّ وَزَهَقَ الْبَاطِلُ ۚ إِنَّ الْبَاطِلَ كَانَ
زَهُوقًا ﴿٨١﴾

77-81. Эй Муҳаммад, Сендан илгари ўтган пайғамбарлар билан умматлари ўртасида бир тариқа (қонун-қоида йўлини) муқаррар қилганмиз. Бу тариқа (йўл) шундан иборатки, пайғамбарлар бизнинг амримизни умматларига етказадилар. Агар умматлари пайғамбарларни ёлғончи деб, Бизнинг сўзларимизни ёлғонга чиқарсалар, Биз уларни ҳалок қиламиз. Худонинг тузган (қонунлаштирган, бир тизимга солган) ушбу йўлида ўзгариш топмайсан. Эй Муҳаммад, офтоб завол бўлган пайтдан (қуёш оғишидан) то қоронғу тушгунча Худонинг (буюрган) намозларини -*пешин, аср, шом ва хуфтон намозларини* адо этгил. Ва субҳ (бомдод) намозини ҳам адо эт! Чунки бомдод намозида малоикалар ҳозир бўладилар. Ва яна кечанинг икки ҳиссаси (ё маълум бир қисми) ўтгандан сўнг таҳажжуд намозини адо этиш учун ўрнингдан тур! Бу намоз Сенга Худо томонидан фарзларинг устига (қўшимча) берилган фазилат ва ғанимат (ибодат)дир. Албатта, яқинда Худойи таоло Сени ўзига мақбул бўлган мақомда турғизади (тирилтиради). *Яъни, Қиёмат куни Сени тамоми (барча) пайғамбарларнинг мақомларидан юқори бир мақомда турғизади.* Эй Муҳаммад, Сен Худодан сўраб, дуо қилгилки: «Эй Парвардигор, мени гўрга киргизган вақтингда Ўзингга мақбул бўлган тариқада киргизгил ва яна гўрдан чиқарган вақтингда Ўзингга мақбул тариқада чиқар! Ўз тарафингдан менга қувват ато эт!». Эй Муҳаммад, кофирларга айтгилки: «Худо тарафидан ҳақ дин келди ва ботил дин нобуд бўлди. Албатта, ботил дин ҳамиша нобуд (йўқ) бўлгувчидир».

15 жузъ

وَنُنَزِّلُ مِنَ الْقُرْآنِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ ۙ وَلَا يَزِيدُ الظَّالِمِينَ إِلَّا
خَسَارًا ﴿٨٢﴾ وَإِذَا أَنْعَمْنَا عَلَى الْإِنسَانِ أَعْرَضَ وَنَأَىٰ بِجَانِبِهِ ۖ وَإِذَا مَسَّهُ الشَّرُّ
كَانَ يَئُوسًا ﴿٨٣﴾ قُلْ كُلٌّ يَعْمَلُ عَلَىٰ شَاكِلَتِهِ فَرَبُّكُمْ أَعْلَمُ بِمَنْ هُوَ أَهْدَىٰ
سَبِيلًا ﴿٨٤﴾

82-84. Биз Қуръондан шундай суралар ва оятлар нозил қилдикки, (масалан, «Фотиҳа» сураси ва бошқа шифо оятлари) бу суралар ва оятлар инсоннинг зоҳирий ва ботиний касалликларига шифо бўлади. Ва яна мўминлар учун раҳмат сабаби бўлиб, кофирларга зиён ва ҳалокатдан бошқани зиёда қилмайди. Вақтики, Биз инсонга тандурустлик ва бойлик берсак, шукр қилмасдан юз ўтириб, Биздан узоқ бўлади. Бу инсонга агар фақирлик (йўқлик) келса, Худонинг раҳматидан ноумид бўлиб, Худога тазарру ва дуо қилмайди. Эй Муҳаммад, у кофирларга айтгил: «Ҳар ким ўз йўли ва одатига мувофиқ амал қилади. Яъни, мўминлар Худонинг

амрини бажо келтириб, неъматларига шукргузор бўладилар. Кофирлар, аксинча, Худонинг амрига исён қилиб, неъматларига куфрон (ношукурлик) қиладилар. Бас, албатта, Парвардигоринг Сиротул мустақимда (тўғри йўлда) ҳидоят топганларнинг ҳолига донодир.

وَيَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلرُّوحِ ۖ قُلِ ٱلرُّوحُ مِنْ أَمْرِ رَبِّى وَمَآ أُوتِيتُم مِّنَ ٱلْعِلْمِ إِلَّا قَلِيلًا
﴿٨٥﴾ وَلَئِن شِئْنَا لَنَذْهَبَنَّ بِٱلَّذِىٓ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ ثُمَّ لَا تَجِدُ لَكَ بِهِۦ عَلَيْنَا
وَكِيلًا ﴿٨٦﴾ إِلَّا رَحْمَةً مِّن رَّبِّكَ ۚ إِنَّ فَضْلَهُۥ كَانَ عَلَيْكَ كَبِيرًا ﴿٨٧﴾ قُل 15 жузъ
لَّئِنِ ٱجْتَمَعَتِ ٱلْإِنسُ وَٱلْجِنُّ عَلَىٰٓ أَن يَأْتُوا۟ بِمِثْلِ هَٰذَا ٱلْقُرْءَانِ لَا يَأْتُونَ
بِمِثْلِهِۦ وَلَوْ كَانَ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ ظَهِيرًا ﴿٨٨﴾

85-88. Эй Муҳаммад, Сендан руҳнинг ҳақиқати ва кайфияти тўғрисида савол қиладилар. Сен уларга жавоб берки: «Руҳ Парвардигорнинг махлуқлари (яратиқлари)дан бир махлуқ (яратиқ)дир. Унинг ҳақиқатини Худодан бошқа зот билмайди. Сизларда уни (руҳни) билиш учун қобилият ва истеъдод йўқ. Чунки сизларга Худо тарафидан озгина илм берилган, холос. Агар Биз хоҳласак, Сенга ваҳий орқали юборган Қуръонни саҳифалардан ва диллардан маҳв (йўқ) қилиб юборамиз. Кейин Сен Уни (Қуръонни) қайтариб ўзингга келтириш учун бирор вакил, (ёрдамчи) топа олмайсан. Лекин Сенга Парвардигоринг тарафидан фазлу марҳамат бор. У Қуръонни қалбингдан маҳв этмайди (кеткизмайди). Албатта, Сенга Парвардигорингнинг фазлу марҳамати улуғдир. Эй Муҳаммад, кофирларга айтгил: «Худога қасамки, агар инсон ва жинлар фасоҳат ва балоғатда Қуръонга ўхшаш бошқа бир Қуръон тайёр қилиш истагида иттифоқ бўлиб жамлансалар ва агарчи баъзилари баъзиларига ёрдамчи ва мададкор бўлсалар ҳам, (ушбу ишни) ҳаргиз қилолмайдилар ва қўлларидан ҳам келмайди.

وَلَقَدْ صَرَّفْنَا لِلنَّاسِ فِى هَٰذَا ٱلْقُرْءَانِ مِن كُلِّ مَثَلٍ فَأَبَىٰٓ أَكْثَرُ ٱلنَّاسِ إِلَّا
كُفُورًا ﴿٨٩﴾ وَقَالُوا۟ لَن نُّؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ تَفْجُرَ لَنَا مِنَ ٱلْأَرْضِ يَنۢبُوعًا ﴿٩٠﴾
أَوْ تَكُونَ لَكَ جَنَّةٌ مِّن نَّخِيلٍ وَعِنَبٍ فَتُفَجِّرَ ٱلْأَنْهَٰرَ خِلَٰلَهَا تَفْجِيرًا ﴿٩١﴾

89-91. Албатта, Биз ушбу Қуръонда халқлар учун ҳар хил мисолларни ва ҳикояларни бот-бот баён қилдик. Лекин кўп халқлар бундан панд-насиҳат олмасдан, инкор қилиб юз ўгирадилар. Қурайш саркашлари инод (саркашлик) қилиб: «Эй Муҳаммад, бизларнинг сув йўқ еримизда чашмалар (пайдо қилиб) жорий қилмагунингча ва бу қуруқ (қақроқ) ерлар сувдан сероб бўлиб (тўйиб), боғларга айланмагунча, ё Сенинг хурмозор, узумзор боғларинг бўлиб, у боғ ичида анҳорлар оқизиб қўймагунингча, ҳаргиз Сенга иймон келтирмаймиз», — дедилар.

أَوْ تُسْقِطَ ٱلسَّمَآءَ كَمَا زَعَمْتَ عَلَيْنَا كِسَفًا أَوْ تَأْتِىَ بِٱللَّهِ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةِ قَبِيلًا ﴿٩٢﴾

أَوْ يَكُونَ لَكَ بَيْتٌ مِّن زُخْرُفٍ أَوْ تَرْقَىٰ فِي ٱلسَّمَآءِ وَلَن نُّؤْمِنَ لِرُقِيِّكَ حَتَّىٰ تُنَزِّلَ
عَلَيْنَا كِتَٰبًا نَّقْرَؤُهُۥ ۗ قُلْ سُبْحَانَ رَبِّي هَلْ كُنتُ إِلَّا بَشَرًا رَّسُولًا ﴿٩٣﴾

92-93. Ё ўзинг айтганингдек, осмонни пора-пора (парча-парча) қилиб, бизнинг устимизга туширмагунингча ё ўз пайғамбарлигингга шаҳодат берадиган Худонинг малоикаларини гувоҳ қилиб олиб келмагунингча, ёки Сен соҳиби давлат бўлиб, уйларинг тилладан бўлмагунича, ёки Сен
15 жузъ тараққий қилиб, осмонга кўтарилмагунингча (Сенга иймон келтирмаймиз). Токи осмонга чиқиб, ҳар биримиз учун ўз пайғамбарлигингни тасдиқлайдиган ва биз ўқийдиган бир китоб олиб келмагунингча осмонга чиққанингга ҳам, (пайғамбарлигингга ҳам) ишонмаймиз, (дейдилар). Эй Муҳаммад, у кофирларга жавоб берки: «Менинг Парвардигорим бу хил масхарабозлик билан қилинган талабларни рўёбга чиқаришдан покдир. Мен фаришта эмасман, магар сизларга ўхшаш одамман ва Худонинг Пайғамбариман. Мен Худо тарафидан бу хилдаги бемаъни талабларни бажариш учун келмадим».

وَمَا مَنَعَ ٱلنَّاسَ أَن يُؤْمِنُوٓا۟ إِذْ جَآءَهُمُ ٱلْهُدَىٰٓ إِلَّآ أَن قَالُوٓا۟ أَبَعَثَ ٱللَّهُ بَشَرًا
رَّسُولًا ﴿٩٤﴾.

94. Қачонки пайғамбар уларни ҳидоят қилиш учун келганида уларнинг: «Наҳот Худо (фариштани эмас) инсонни Расул (Пайғамбар) қилиб юборади?», – деган сўзлари иймон келтиришларига моне бўлди.

قُل لَّوْ كَانَ فِي ٱلْأَرْضِ مَلَٰٓئِكَةٌ يَمْشُونَ مُطْمَئِنِّينَ لَنَزَّلْنَا عَلَيْهِم مِّنَ
ٱلسَّمَآءِ مَلَكًا رَّسُولًا ﴿٩٥﴾ قُلْ كَفَىٰ بِٱللَّهِ شَهِيدًۢا بَيْنِي وَبَيْنَكُمْ ۚ إِنَّهُۥ كَانَ
بِعِبَادِهِۦ خَبِيرًۢا بَصِيرًا ﴿٩٦﴾

95-96. *Вақтики, Муҳаммад (алайҳиссалом) воситалари билан ҳақ зоҳир бўлгандан сўнг, ҳидоят йўли равшан бўлгандан кейин, кофирларнинг иймон келтиришига моне бўлиб турган нарса: «Худо бизга ўзимизга ўхшаган одамни Пайғамбар қилиб юборармиди? Нима учун малоикани юбормайди?», – деб эътиқод қилганларида эди.*

Эй Муҳаммад, уларга жавоб бергилки: «Агар шундай бўлган тақдирда ер юзига малоикалар тушсалар, сизларга ўхшаган инсон бўлиб юрардилар. Жойларда ором олар (масканларда кун кечириб юрар) эдилар. Агар бу ҳолат мумкин бўлганда, сизларга осмондан малоика Пайғамбар бўлиб келган бўлар эди. *Сизлар уни ҳам инкор қилар эдингизлар. Агар малоикалар ўз суратларида келсалар, ҳаммангиз ҳалок бўлар эдингизлар. Таълим ва фойда олиш учун жинсият шартдир.* Айтгил, эй Муҳаммад: «Сизлар билан менинг ўртамдаги муомалага Худонинг гувоҳлиги кифоя қилади. Чунки, Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳолига доно ва бийно (кўргувчи)дир».

وَمَن يَهْدِ ٱللَّهُ فَهُوَ ٱلْمُهْتَدِ ۖ وَمَن يُضْلِلْ فَلَن تَجِدَ لَهُمْ أَوْلِيَآءَ مِن دُونِهِۦ ۖ وَنَحْشُرُهُمْ
يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ عُمْيًا وَبُكْمًا وَصُمًّا ۖ مَّأْوَىٰهُمْ جَهَنَّمُ ۖ كُلَّمَا خَبَتْ
زِدْنَٰهُمْ سَعِيرًا ﴿٩٧﴾ ذَٰلِكَ جَزَآؤُهُم بِأَنَّهُمْ كَفَرُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا وَقَالُوٓا۟ أَءِذَا كُنَّا عِظَٰمًا
وَرُفَٰتًا أَءِنَّا لَمَبْعُوثُونَ خَلْقًا جَدِيدًا ﴿٩٨﴾

97-98. Худо ҳар кимни ҳидоят қилса, бас, у банда ҳақиқатан ҳидоят топгандир ва Худо ҳар кимни гумроҳ қилса, ҳақиқатан у гумроҳдир. Бас, у бандаларга Худодан бошқа йўлга солувчи мададкор топмайсан. Қиёмат куни Худойи таоло бу бандаларнинг бошларини пастга, оёқларини юқори қилиб, сарнигун (юзтубан) ҳолатда кўр, соқов ва кар қилиб, жаҳаннам тарафига юборади. Вақтики, жаҳаннамнинг ўти паст бўлса яна иссиқлигини зиёда қиламиз. Уларга Аллоҳнинг бундай (оғир) жазо бериши шунинг учунки, улар Худонинг оятларини инкор қилдилар ва айтдиларки: «Қиёмат куни суякларимиз чириб, тупроқ бўлиб кетсак, яна янгидан тириламизми?». 15 жузъ.

۞ أَوَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّ ٱللَّهَ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ قَادِرٌ عَلَىٰٓ أَن يَخْلُقَ مِثْلَهُمْ
وَجَعَلَ لَهُمْ أَجَلًا لَّا رَيْبَ فِيهِ فَأَبَى ٱلظَّٰلِمُونَ إِلَّا كُفُورًا ﴿٩٩﴾ قُل لَّوْ أَنتُمْ تَمْلِكُونَ
خَزَآئِنَ رَحْمَةِ رَبِّىٓ إِذًا لَّأَمْسَكْتُمْ خَشْيَةَ ٱلْإِنفَاقِ ۚ وَكَانَ ٱلْإِنسَٰنُ قَتُورًا ﴿١٠٠﴾

99-100. Бу жоҳиллар билмайдилармики, ер ва осмонларни яратган Аллоҳ таоло уларга ўхшашларни яна қайтадан яратишга қодирдир. Уларнинг ҳар бирларига ҳаётнинг (маълум бир) муддатини муқаррар (тайин) қилди. Сўнгра ўлимни муқаддар (тақдир қилиб белгилаб) қўйди. Бунга асло шак ва шубҳа йўқдир. Яна уларни қайтадан тирилтириш вақтини ҳам муайян этди. Бас, энди золимлар (буларни)иқрор қилишдан бош тортадилар. Эй Муҳаммад, уларга айтгил: «Сизлар дунёга шу қадар ҳирс қўйган бахилдирсизларки, агар Худонинг барча ризқ хазиналарига молик (эга) бўлсангизлар (ҳам), унинг сарф бўлишидан қўрқиб (хасислик қилиб), маҳкам ушлайсизлар. Бирор кишига ҳеч қандай фойда етказмайсизлар. Ҳақиқатда инсон ўзининг мулкига бахилдир.

وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَىٰ تِسْعَ ءَايَٰتٍۭ بَيِّنَٰتٍ ۖ فَسْـَٔلْ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ إِذْ جَآءَهُمْ فَقَالَ لَهُۥ
فِرْعَوْنُ إِنِّى لَأَظُنُّكَ يَٰمُوسَىٰ مَسْحُورًا ﴿١٠١﴾ قَالَ لَقَدْ عَلِمْتَ مَآ أَنزَلَ هَٰٓؤُلَآءِ
إِلَّا رَبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ بَصَآئِرَ وَإِنِّى لَأَظُنُّكَ يَٰفِرْعَوْنُ مَثْبُورًا ﴿١٠٢﴾
فَأَرَادَ أَن يَسْتَفِزَّهُم مِّنَ ٱلْأَرْضِ فَأَغْرَقْنَٰهُ وَمَن مَّعَهُۥ جَمِيعًا ﴿١٠٣﴾ وَقُلْنَا مِنۢ بَعْدِهِۦ

لِبَنِيٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ٱسْكُنُواْ ٱلْأَرْضَ فَإِذَا جَآءَ وَعْدُ ٱلْءَاخِرَةِ جِئْنَا بِكُمْ لَفِيفًا ﴿١٠٤﴾

101-104. Албатта, Биз Мусо (алайҳиссалом)га тўққизта равшан (очиқ-ойдин) мўъжизалар бердик. *Улар: Ҳазрат Мусонинг асолари, яди байзо (оппоқ қўл)лари, тўфон суви, чигиртка балоси, бит балоси, бақалар балоси, сувнинг қонга айланиши, қаҳатчилик балоси, тилларидан уқдани (тугун, дудуқликни) кўтариш каби мўъжизалардир.* Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Бани Исроилдан Фиръавн ва Мусо (алайҳиссалом) воқеаларини савол қилгил. Вақтики, Мусо (алайҳиссалом) Фиръавн қавмига пайғамбар

15 жузъ

бўлиб келди. Фиръавнни иймонга далолат қилди. Фиръавн (Ҳазрати) Мусога айтдики: «Эй Мусо, мен Сени жоду қилинган мажнун (девона), деб гумон қиламан». Мусо (алайҳиссалом) Фиръавнга айтди: «Албатта, сен билиб турибсанки, ер билан осмонларни яратган Парвардигор бу мўъжизаларни менинг пайғамбарлигимга далил қилиб юборган. Сен бу ҳақиқатни билиб туриб, инкор қиляпсан. Эй Фиръавн, мен, албатта, аминманки, сен ҳалок бўлгувчилардансан». Бас, Фиръавн Бани Исроилни Миср ерларидан бадарға қилишни хоҳлади. Бас, Биз Фиръавнни ўз лашкари билан (денгизга)ғарқ қилдик. Сўнгра Бани Исроилга: «Энди сизлар бу ерларга эга бўлиб, шу ерда яшанглар», – деб айтдик. Қачонки Қиёмат қоим бўлса, сизлар билан душманларингизни аралаш ҳолда ҳашр қиламиз (қайта тирилтириб, тўплаймиз).

وَبِٱلْحَقِّ أَنزَلْنَٰهُ وَبِٱلْحَقِّ نَزَلَ ۗ وَمَآ أَرْسَلْنَٰكَ إِلَّا مُبَشِّرًا وَنَذِيرًا ﴿١٠٥﴾ وَقُرْءَانًا فَرَقْنَٰهُ
لِتَقْرَأَهُۥ عَلَى ٱلنَّاسِ عَلَىٰ مُكْثٍ وَنَزَّلْنَٰهُ تَنزِيلًا ﴿١٠٦﴾ قُلْ ءَامِنُواْ بِهِۦٓ أَوْ لَا تُؤْمِنُوٓاْ ۚ
إِنَّ ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلْعِلْمَ مِن قَبْلِهِۦٓ إِذَا يُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ يَخِرُّونَ لِلْأَذْقَانِ سُجَّدًا ﴿١٠٧﴾
وَيَقُولُونَ سُبْحَٰنَ رَبِّنَآ إِن كَانَ وَعْدُ رَبِّنَا لَمَفْعُولًا ﴿١٠٨﴾ وَيَخِرُّونَ لِلْأَذْقَانِ
يَبْكُونَ وَيَزِيدُهُمْ خُشُوعًا ۩ ﴿١٠٩﴾

105-109. Биз Муҳаммад (алайҳиссалом)га Қуръонни ҳақ билан нозил қилдик. Ва Қуръон ҳақ билан нозил бўлди. Эй Муҳаммад, Сени бандаларга Худонинг раҳматидан башорат берувчи ва азобидан қўрқитувчи пайғамбар қилиб юбордик. Сен халққа муҳлат билан қироат қилиб беришинг учун ва уларнинг ҳифз этишлари ва амал қилишлари осон бўлиши учун Биз Қуръоннинг оятларини бўлиб-бўлиб туширдик. Халқнинг эҳтиёжларига мувофиқ (Қуръон оятларини) мутафарриқ равишда (бўлак-бўлак) ҳолда нозил қилдик. Эй Муҳаммад, мушрикларга айтгил: «Сизлар Қуръонга ишонинглар ё ишонманглар, Худо тарафидан осмоний китобларнинг илми берилган зотлар жамоаси Қуръон нозил бўлмасдан илгари унинг ҳақлигини билган эдилар. Қуръон тиловат қилинса, камоли тавозеларидан юзлари билан ерга йиқилиб, сажда қилур эдилар. **(107-109-оятлар сажда оятларидир).** Ва айтардиларки: «Парвардигоримиз ваъдасига хилоф қилишдан покдир! Албатта Парвардигоримиз-

нинг ваъдаси воқе бўлгувчидир!». Ва яна ерга йиқилиб Парвардигорга йиғлар эдилар. Қуръон уларнинг тавозеларини яна ҳам зиёда қилур эди.

قُلِ ٱدْعُوا ٱللَّهَ أَوِ ٱدْعُوا ٱلرَّحْمَٰنَ أَيًّا مَّا تَدْعُوا فَلَهُ ٱلْأَسْمَآءُ ٱلْحُسْنَىٰ وَلَا تَجْهَرْ بِصَلَاتِكَ وَلَا تُخَافِتْ بِهَا وَٱبْتَغِ بَيْنَ ذَٰلِكَ سَبِيلًا ﴿١١٠﴾ وَقُلِ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ٱلَّذِى لَمْ يَتَّخِذْ وَلَدًا وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ شَرِيكٌ فِى ٱلْمُلْكِ وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ وَلِىٌّ مِّنَ ٱلذُّلِّ وَكَبِّرْهُ تَكْبِيرًا ﴿١١١﴾ 15 жузъ

110-111. *Вақтики, Муҳаммад алайҳиссалом бу оятни ўқиб, сажда қилган ҳолларида: «Ё Аллоҳ, ё Раҳмон» деганларини мушриклар эшитиб айтдиларки: «Муҳаммад бизни икки Худога ибодат қилишдан қайтаради. Лекин ўзи икки Худога нидо қилиб турибди?».* Уларнинг раддига ушбу оят нозил бўлди: «Эй Муҳаммад, мушрикларга айтгил: «Сизлар Худони Аллоҳ деб ёд қилинглар, ё Раҳмон деб ёд қилинглар, ҳар иккови ҳам бир Зотнинг номидир. Қайси исм билан дуо қилсангизлар ҳам жоиздир. Аллоҳ таолонинг яхши (гўзал) исмлари бордир». Эй Муҳаммад, намозда қироатингни ўта баланд овоз билан жаҳрия қилиб ўқимагил, токи мушриклар масхара қилмасинлар. Ҳаддан зиёда махфий ҳам ўқимагил, токи намозда Сенга иқтидо қилганлар (қироатингни) эшитмай қолмасинлар. (Ёки Қуръонни махфий ўқисанг, саҳобалар тинглаб фойдалана олмай қолишлари мумкин). Ўртамиёна ўқишни ихтиёр қил! Эй Муҳаммад, айтгил, Худога ҳамду сано бўлсинки, Ўзи учун бола-чақа пайдо қилмади. Унга подшоҳликда ҳеч ким шерик эмас. Ожизликдан (хорликдан) қутқарувчи, бирон ёрдамчи дўстга муҳтож бўлмаган Аллоҳ таолони доим улуғлаб ёд қил — «Аллоҳу акбар», дегил!

Маккада нозил бўлган бу сура бир юз ўн оятдан иборатдир.

15 жузъ *Фақат 28-ояти Мадинада нозил бўлгани ҳақида ривоят бор. «Каҳф» «ғор» деган маънони англатади. Сuranинг номи сура ичида келган «Ғор эгалари» маъносидаги «Асҳобул-Каҳф» сўзидан олинган. Сурада «Ғор эгалари» қиссаси, Мусо алайҳиссалом ва Ҳазрати Хизр пайғамбарлар ораларида бўлиб ўтган воқеалар, шунингдек, Искандар Зулқарнайн ҳақидаги қисса баён қилинади. Дунёнинг фонийлигию охиратнинг боқийлиги ибратли мисоллар билан тушунтирилади.*

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِ ٱلَّذِيٓ أَنزَلَ عَلَىٰ عَبۡدِهِ ٱلۡكِتَٰبَ وَلَمۡ يَجۡعَل لَّهُۥ عِوَجَاۜ ﴿١﴾ قَيِّمٗا لِّيُنذِرَ
بَأۡسٗا شَدِيدٗا مِّن لَّدُنۡهُ وَيُبَشِّرَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ٱلَّذِينَ يَعۡمَلُونَ ٱلصَّٰلِحَٰتِ أَنَّ لَهُمۡ
أَجۡرًا حَسَنٗا ﴿٢﴾ مَّٰكِثِينَ فِيهِ أَبَدٗا ﴿٣﴾ وَيُنذِرَ ٱلَّذِينَ قَالُواْ ٱتَّخَذَ ٱللَّهُ وَلَدٗا
﴿٤﴾ مَّا لَهُم بِهِۦ مِنۡ عِلۡمٖ وَلَا لِأٓبَآئِهِمۡۚ كَبُرَتۡ كَلِمَةٗ تَخۡرُجُ مِنۡ أَفۡوَٰهِهِمۡۚ إِن
يَقُولُونَ إِلَّا كَذِبٗا ﴿٥﴾

1-5. Сано ва шукрлар Аллоҳга бўлсинки, Ўз бандаси Муҳаммадга улуғ неъмат бўлмиш Қуръонни нозил қилди. У Қуръоннинг оятларини бир-бирига номувофиқ, ихтилофли қилиб яратмади. У Қуръон ҳукмларини бандаларнинг саодати учун тўғри (ҳақ) нозил қилди. Токи кофирларга Худо тарафидан келадиган қаттиқ азобдан хабар бериб қўрқитсин ва яхши амал қилувчи мўминларга жаннатдан башорат берсин. Ундай мўминлар жаннатда ҳамиша роҳат-фароғатда яшайдилар. Ва яна Қуръон Худонинг шаънига тухмат қилиб: «Боласи бор», – дейдиган бандаларни Худонинг азобидан қўрқитади (огоҳлантиради). Зеро, улар ва уларнинг ота-боболари ҳам бу ҳақда илмсизлик ва жаҳолат билан ҳукм қиладилар. Агар (улар) жаҳолат билан ота-боболарига эргашсалар, ота-боболари ҳам жоҳил эдилар. Оғизларидан чиқадиган калима (сўз) Аллоҳ таоло наздида улуғ гуноҳдир. Уларнинг сўзлари бўҳтон ва ёлғондан бошқа нарса эмас.

فَلَعَلَّكَ بَٰخِعٌ نَّفْسَكَ عَلَىٰٓ ءَاثَٰرِهِمْ إِن لَّمْ يُؤْمِنُوا۟ بِهَٰذَا ٱلْحَدِيثِ أَسَفًا ﴿٦﴾ إِنَّا
جَعَلْنَا مَا عَلَى ٱلْأَرْضِ زِينَةً لَّهَا لِنَبْلُوَهُمْ أَيُّهُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا ﴿٧﴾ وَإِنَّا لَجَٰعِلُونَ
مَا عَلَيْهَا صَعِيدًا جُرُزًا ﴿٨﴾

6-8. Қурайш кофирлари Қуръонни инкор қилиб, Сенинг нубувватинг (пайғамбарлигинг)ни тасдиқ қилмаганлари учун Сен уларнинг орқасидан ғамгин бўлиб, магар ўзингни ҳалок қилгувчимисан? Бу тўғрида ғамгин бўлма! Хоҳ қабул қилсинлар, хоҳ қилмасинлар, Сенинг вазифанг 15 жузъ
Худонинг ҳукмини бандаларга етказмоқ, холос! Биз ер юзини инсонни халқ қилиш билан зийнатладик. Инсонни ер юзига молик (эга, хўжайин) қилдик. Токи синаб кўрайликки, қайси бирлари яхши амал қиладилар. Албатта, Биз охири ер юзидаги жами ашёларни йўқ қилиб, ер юзини ҳоли (қуп-қуруқ) қилиб, дашту биёбонга айлантирамиз.

أَمْ حَسِبْتَ أَنَّ أَصْحَٰبَ ٱلْكَهْفِ وَٱلرَّقِيمِ كَانُوا۟ مِنْ ءَايَٰتِنَا عَجَبًا ﴿٩﴾ إِذْ أَوَى
ٱلْفِتْيَةُ إِلَى ٱلْكَهْفِ فَقَالُوا۟ رَبَّنَآ ءَاتِنَا مِن لَّدُنكَ رَحْمَةً وَهَيِّئْ لَنَا مِنْ أَمْرِنَا رَشَدًا
﴿١٠﴾ فَضَرَبْنَا عَلَىٰٓ ءَاذَانِهِمْ فِى ٱلْكَهْفِ سِنِينَ عَدَدًا ﴿١١﴾ ثُمَّ بَعَثْنَٰهُمْ لِنَعْلَمَ
أَىُّ ٱلْحِزْبَيْنِ أَحْصَىٰ لِمَا لَبِثُوٓا۟ أَمَدًا ﴿١٢﴾

9-12. Эй, Муҳаммад, Асҳоби Каҳф (ғор эгалари)нинг ва Асҳоби Рақимнинг аҳволларини бизнинг ажиб оятларимиздан деб гумон қилгандирсан (ўйлагандирсан)? *Асҳоби Каҳф Дақёнус (номли золим шоҳ) кофирдан қочиб ғорга яширинган навжувонлар (ёш йигитлар) эдилар. Асҳоби Рақим ўтинга борганида ёмғирдан қочиб, ғорга кириб, қамалиб қолган уч киши эдилар. Охир Парвардигор нажот бериб, халос бўлдилар.* Яъни, уларнинг аҳволлари ер ва осмондаги қудратларимизга қараганда ҳеч ажиб эмас. Фикр қил, эй Муҳаммад, қачонки бу навжувонлар ғорга қочиб кириб, эмин бўлганларида Парвардигорга дуо қилдилар: «Эй Парвардигоро, бизга Ўз тарафингдан меҳрибонликни ато эт! Ва бизларнинг ҳар бир ишимизни Ўзинг рост келтир (тўғрилагин)! Бас, Биз бу навжувонларни ўша ғорда кўп йиллар қулоқларига уйқу пардасини тортиб, ором олдирдик. Қанча муддат ётганларини ихтилоф қилган икки гуруҳ ўртасида маълум қилиш учун узоқ йиллар ётганларидан сўнг уларни (уйқудан) турғиздик.

نَّحْنُ نَقُصُّ عَلَيْكَ نَبَأَهُم بِٱلْحَقِّ إِنَّهُمْ فِتْيَةٌ ءَامَنُوا۟ بِرَبِّهِمْ وَزِدْنَٰهُمْ هُدًى ﴿١٣﴾
وَرَبَطْنَا عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ إِذْ قَامُوا۟ فَقَالُوا۟ رَبُّنَا رَبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ لَن نَّدْعُوَا۟
مِن دُونِهِۦٓ إِلَٰهًا لَّقَدْ قُلْنَآ إِذًا شَطَطًا ﴿١٤﴾

13-14. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз Сенга уларнинг (ғор эгаларининг) хабарларини ростлик билан баён қилурмиз ва ҳақиқатни айтурмиз. Албатта, улар Парвардигорга иймон келтирган ёш навжувон эдилар Ва Биз уларнинг дилларига сабот ва яқийнни (ишончни) зиёда қилдик. Ва яна уларнинг дилларини иймон билан мустаҳкамладик ва қувват бердик. Вақтики, подшоҳлари бутпарастликка даъват қилганида, улар жавоб бериб айтдиларки: «Бизнинг Парвардигоримиз ер ва осмонларни яратган Зотдир. Биз ана шу Парвардигорга иймон келтирганмиз. Биз ягона Худодан бошқага ибодат қилмаймиз ва ишонмаймиз.
15 жузъ Агар Худодан бошқа нарсага ишонсак ва ибодат қилсак, беҳуда ва ботил ишларни қилган ва айтган бўламиз.

هَٰٓؤُلَآءِ قَوۡمُنَا ٱتَّخَذُواْ مِن دُونِهِۦٓ ءَالِهَةٗۖ لَّوۡلَا يَأۡتُونَ عَلَيۡهِم بِسُلۡطَٰنِۭ بَيِّنٖۖ فَمَنۡ أَظۡلَمُ مِمَّنِ ٱفۡتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبٗا ١٥

15. Бизнинг қавмимиздан ана у гуруҳлар (эса), кофирларнинг зулмидан қўрқиб, бир Худодан бошқа худоларни (бутларни) ихтиёр қилдилар. Бу кофирлар бизнинг қавмимизни зўрлик билан ўз динларига киргизадилар. Нима учун динларининг ҳақлигига ҳужжат келтирмайдилар? *Яъни, халқни қатл билан қўрқитиб, бутпараст қиладилар?* Бундан бошқа бирор ҳужжат ва бурҳонлари йўқдир. Бас, Худога ёлғондан шерик исбот қилувчилардан золимроқ одам борми?».

وَإِذِ ٱعۡتَزَلۡتُمُوهُمۡ وَمَا يَعۡبُدُونَ إِلَّا ٱللَّهَ فَأۡوُۥٓاْ إِلَى ٱلۡكَهۡفِ يَنشُرۡ لَكُمۡ رَبُّكُم مِّن رَّحۡمَتِهِۦ وَيُهَيِّئۡ لَكُم مِّنۡ أَمۡرِكُم مِّرۡفَقٗا ١٦

16. (У ғор эгаларининг) ораларидан каттароғи уларга айтдики: «Сизлар кофирлардан ва уларнинг ибодат қилиб турган бутларидан алоҳида бўлдиларинг (четландиларинг). Бас, ғорга кириб (паноҳ топиб), ором олинглар. Аллоҳ таоло сизларга Ўз раҳматини васиъ (кенг) қилади. Сизларнинг ишларингизда (Ўзи) осонликлар муҳайё қилади.

۞ وَتَرَى ٱلشَّمۡسَ إِذَا طَلَعَت تَّزَٰوَرُ عَن كَهۡفِهِمۡ ذَاتَ ٱلۡيَمِينِ وَإِذَا غَرَبَت تَّقۡرِضُهُمۡ ذَاتَ ٱلشِّمَالِ وَهُمۡ فِي فَجۡوَةٖ مِّنۡهُۚ ذَٰلِكَ مِنۡ ءَايَٰتِ ٱللَّهِۗ مَن يَهۡدِ ٱللَّهُ فَهُوَ ٱلۡمُهۡتَدِۖ وَمَن يُضۡلِلۡ فَلَن تَجِدَ لَهُۥ وَلِيّٗا مُّرۡشِدٗا ١٧ وَتَحۡسَبُهُمۡ أَيۡقَاظٗا وَهُمۡ رُقُودٞۚ وَنُقَلِّبُهُمۡ ذَاتَ ٱلۡيَمِينِ وَذَاتَ ٱلشِّمَالِۖ وَكَلۡبُهُم بَٰسِطٞ ذِرَاعَيۡهِ بِٱلۡوَصِيدِۚ لَوِ ٱطَّلَعۡتَ عَلَيۡهِمۡ لَوَلَّيۡتَ مِنۡهُمۡ فِرَارٗا وَلَمُلِئۡتَ مِنۡهُمۡ رُعۡبٗا ١٨

17-18. Эй назар қилувчи, сен офтобнинг тулу қилган (чиққан) пайтида уларнинг ғоридан ўнг тарафга майл қилиб ўтганини, ғуруб бўлганида (кун ботишида) уларнинг чап тарафидан тажовуз қилиб (четлаб) ўтганини кўрасан (яъни, қуёш чиқишида ҳам, ботишида ҳам уларнинг уйқу-оромини бузмасди). Улар эса ғорнинг кенг ва баҳаво жойида ётибдилар. Уларнинг

бундай ҳолатлари Худонинг қудратига далолат қилувчи оятлардандир. Худойи таоло кимни ҳидоят қилса, бас, у ҳидоят топибди. Ва кимни гумроҳ қилса, бас, унга ҳидоят қилувчи бирор дўст (ёрдамчи) топмайсан. Эй уларнинг ҳолига назар қилувчи, уларни кўрганингда уйғоқ деб гумон қиласан, чунки кўзлари очиқдир. Биз уларни ўнг томонга ва чап томонга айлантириб турурмиз. Уларнинг ити қўлларини узатган ҳолда ғорнинг оғзида ётибди. Эй назар қилувчи, уларни шу ҳолда кўрганингда, қўрқувга тўлиб, орқангни ўгириб қочар эдинг.

وَكَذَٰلِكَ بَعَثْنَٰهُمْ لِيَتَسَآءَلُوا۟ بَيْنَهُمْ ۚ قَالَ قَآئِلٌ مِّنْهُمْ كَمْ لَبِثْتُمْ ۖ قَالُوا۟ لَبِثْنَا 15 жузъ
يَوْمًا أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ ۚ قَالُوا۟ رَبُّكُمْ أَعْلَمُ بِمَا لَبِثْتُمْ فَٱبْعَثُوٓا۟ أَحَدَكُم بِوَرِقِكُمْ
هَٰذِهِۦٓ إِلَى ٱلْمَدِينَةِ فَلْيَنظُرْ أَيُّهَآ أَزْكَىٰ طَعَامًا فَلْيَأْتِكُم بِرِزْقٍ مِّنْهُ وَلْيَتَلَطَّفْ وَلَا
يُشْعِرَنَّ بِكُمْ أَحَدًا ﴿١٩﴾

19. Бас, Биз у жувонларни (йигитларни) қандай ухлатган бўлсак, шундай бир-бирларидан савол қилиб аҳволларини билишлари ва Бизнинг камоли қудратимизга яқийнлари (ишончлари) зиёда бўлиши учун бедор қилдик (уйғотдик). Ҳеч бир аъзоларига нуқсон етмаган эди. Улардан бирлари савол қилиб айтдики: «Эй биродарлар, ғорда қанча муддат етдик?» Баъзилари жавоб бердиларки: «Ётганимиздан сўнг бир кеча ва кундуз ёки ярим кун ўтди». Чунки улар офтоб чиқмасдан туриб, бомдод вақтида ғорга кирган эдилар, чошгоҳ вақтида уйғондилар. Шунинг учун куннинг баъзи бўлагида (бир қисмида) ётдик, деб ўйладилар. Сўнгра баъзи аломатларни кўриб, иттифоқ қилиб айтдиларки: «Қанча муддат ётганларингизни ёлғиз Парвардигоримизнинг Ўзи билади». *Чунки, қарасалар тирноқлари ва сочлари ўсиб кетган эди.* Бу тангалар билан бирингизни шаҳарга юборинглар, бас, яхши назар қилиб, кимнинг таоми покиза бўлса, ризқ олиб келсин. Аммо муомала қилишда мулойим (эҳтиёт) бўлсин. Сизларнинг аҳволингиздан бирортани хабардор қилиб қўймасин.

إِنَّهُمْ إِن يَظْهَرُوا۟ عَلَيْكُمْ يَرْجُمُوكُمْ أَوْ يُعِيدُوكُمْ فِي مِلَّتِهِمْ وَلَن تُفْلِحُوٓا۟ إِذًا
أَبَدًا ﴿٢٠﴾ وَكَذَٰلِكَ أَعْثَرْنَا عَلَيْهِمْ لِيَعْلَمُوٓا۟ أَنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ وَأَنَّ ٱلسَّاعَةَ لَا
رَيْبَ فِيهَآ إِذْ يَتَنَٰزَعُونَ بَيْنَهُمْ أَمْرَهُمْ ۖ فَقَالُوا۟ ٱبْنُوا۟ عَلَيْهِم بُنْيَٰنًا ۖ رَّبُّهُمْ أَعْلَمُ بِهِمْ ۚ
قَالَ ٱلَّذِينَ غَلَبُوا۟ عَلَىٰٓ أَمْرِهِمْ لَنَتَّخِذَنَّ عَلَيْهِم مَّسْجِدًا ﴿٢١﴾

20-21. Чунки бу кофирлар сизларнинг аҳволларингиздан хабар топсалар, сизларни тошбўрон қиладилар ёки ўз динларига қайтарадилар. У ҳолда ҳаргиз нажот топа олмайсизлар. *Бас, бу шахс бозорга борди. Таомга харидор бўлиб, тангаларни берди. Таом эгаси бу тангаларга қараб, тангаларда Дақёнус подшоҳнинг нақшини кўрди. Бу одамни маҳкам ушлаб: «Хазинанинг қолганини ҳам топиб бер»,– деди. Бу одам ҳайрон*

бўлиб, айтдики: «Мен хазина топганим йўқ, кеча уйимдан олиб келдим». Хулосаи калом,бу бrandoдарларнинг ҳоли ҳаммага маълум бўлди. Бу одамнинг орқасидан оломон ғорга қараб равона бўлди.

Бир ривоятда айтибдиларки, биродарлар бу аҳволни мушоҳада этишганидан сўнг, Парвардигорга дуо қилиб тиладиларки· «Эй Парвардигоро, бу халққа бизнинг сирларимизни ошкор этма!». Парвардигор дуоларини мустажоб қилиб, уларнинг кўзларидан ғорни пинҳон қилди. Ғорни тополмадилар. Парвардигор яна уларга уйқуни мусаллат (ғолиб) қилди.

Иккинчи бир ривоятда йигитни подшоҳ олдига олиб борадилар. Подшоҳ аҳли солиҳлардан эди. Ғорга бориб, ибодат қилаётган йигитлар билан учрашиб, уларнинг саргузаштлари ибрат эканини мушоҳада қилади». Шуларни уйқудан бедор қилганга ўхшаш ҳашр ва нашр (қайта тирилиш ва тўпланиш) тўғрисида Аллоҳ таолонинг берган ваъдаси ҳақ эканини билиш учун бир қавмни Асҳоби Каҳф ҳолларидан огоҳ қилдик. *Ўлмоқ, тирилмоқ ана ўшаларнинг аҳволига ўхшашдир. Қиёматнинг воқе бўлишида ҳеч шак ва шубҳа йўқдир. Бас, Ҳақ таоло уларни Асҳоби Каҳфнинг аҳволларидан огоҳлантирди. Чунки булар ўрталарида ҳашр ва нашр тўғрисида жанжал қилар эдилар. Баъзилари руҳ (қайта тирилади) десалар, айримлари жасад руҳ билан қайта тирилади, дер эдилар. Бас, Асҳоби Каҳфнинг ҳолидан маълум бўлдики, руҳ жасад билан бирга қайта тирилар экан.* Бир фирқалари айтдиларки: «Уларнинг устларига бино қилиб, девор билан беркитиб ташланглар. Парвардигор уларнинг аҳволини бошқалардан кўра яхшироқ билгувчидир. Жасаднинг ҳам қайта тирилишига қоил (иқрор) бўлган жамоалар уларнинг аҳволларини яхшироқ англар эдилар. Уларнинг устига ҳоким бўлган кишилар: «Биз уларнинг қабри тепаларига масжид бино қиламиз, бу масжидда (одамлар) ибодат қиладилар», – дедилар.

15 жузъ

سَيَقُولُونَ ثَلَٰثَةٌ رَّابِعُهُمْ كَلْبُهُمْ وَيَقُولُونَ خَمْسَةٌ سَادِسُهُمْ كَلْبُهُمْ رَجْمًا
بِٱلْغَيْبِ وَيَقُولُونَ سَبْعَةٌ وَثَامِنُهُمْ كَلْبُهُمْ قُل رَّبِّيٓ أَعْلَمُ بِعِدَّتِهِم مَّا يَعْلَمُهُمْ
إِلَّا قَلِيلٌ فَلَا تُمَارِ فِيهِمْ إِلَّا مِرَآءً ظَٰهِرًا وَلَا تَسْتَفْتِ فِيهِم مِّنْهُمْ أَحَدًا ﴿٢٢﴾

22. Яқинда яҳудлар айтадиларки: «Асҳоби Каҳф уч кишидан иборат бўлиб, тўртинчиси уларнинг ити эди». Насоролар айтадиларки: «Асҳоби Каҳф беш киши эди, олтинчиси итлари эди». Уларнинг ҳаммалари ҳужжатсиз (далилсиз) ғайбдан сўзлайдилар. Мусулмонлар айтадиларки: «Асҳоби Каҳф етти киши бўлиб, саккизинчиси итлари эди». Сен уларга айтгилки: «Уларнинг ададини (саноғини) Парвардигорим яхши билади, бошқа ҳеч ким билмайди. Магар Худо билдирган озгина одамларгина биладилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), улар ҳақида аҳли китоб билан мужодала қилма (тортишма), магар очиқ сўзлар (аниқ далил, яъни, ваҳий бўлган хабарлар билан) мунозара эт. Ва Асҳоби Каҳф тўғрисида аҳли китобларнинг бирорнтасидан (савол) сўрама!

وَلَا تَقُولَنَّ لِشَاْىْءٍ إِنِّى فَاعِلٌ ذَٰلِكَ غَدًا ﴿٢٣﴾ إِلَّآ أَن يَشَآءَ ٱللَّهُ وَٱذْكُر رَّبَّكَ

إِذَا نَسِيتَ وَقُلْ عَسَىٰٓ أَن يَهْدِيَنِ رَبِّى لِأَقْرَبَ مِنْ هَٰذَا رَشَدًا ﴿٢٤﴾

23-24. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Эртага, албатта, мен фалон ишни қилгувчиман», – деб айтмагил, магар «Худо ҳохласа», дегил. Ва яна бирор нарсани фаромуш қилсанг, Парвардигорни зикр қилгил ва яна айттил: «Парвардигоримдан мени асҳоби Каҳф тўғрисида(ги хабардан ҳам) яқинроқ савоб йўлига ҳидоят қилади, деб умид қиламан».

وَلَبِثُوا۟ فِى كَهْفِهِمْ ثَلَٰثَ مِا۟ئَةٍ سِنِينَ وَٱزْدَادُوا۟ تِسْعًا ﴿٢٥﴾ قُلِ ٱللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا 15 жузъ
لَبِثُوا۟ لَهُۥ غَيْبُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ أَبْصِرْ بِهِۦ وَأَسْمِعْ مَا لَهُم مِّن دُونِهِۦ مِن
وَلِىٍّ وَلَا يُشْرِكُ فِى حُكْمِهِۦٓ أَحَدًا ﴿٢٦﴾ وَٱتْلُ مَآ أُوحِىَ إِلَيْكَ مِن كِتَابِ
رَبِّكَ لَا مُبَدِّلَ لِكَلِمَٰتِهِۦ وَلَن تَجِدَ مِن دُونِهِۦ مُلْتَحَدًا ﴿٢٧﴾

25-27. Асҳоби Каҳф ўз ғорларида *қамарий йил ҳисоби билан* уч юз тўққиз йил ётдилар. *Ва шамсий йил ҳисоби билан уч юз йил ётдилар.* Аҳли китобларга айттилки: «Қанча ётганларини Аллоҳ таоло билади. Чунки осмондаги ғойиб аҳволлар ва ердаги аҳволларнинг илми Аллоҳ таологa хосдир. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани зиёда кўргувчи ва зиёда эшитгувчидир. Осмон ва ер аҳлига Парвардигордан бошқа ҳеч муъин (ёрдамчи) ва мададкор йўқдир. Аллоҳ таоло ўзининг ҳукмида якка ва танҳодир. Ҳеч кимни шерик қилмайди». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қуръонда ҳар нимаики Сенга ваҳий қилинган бўлса, умматларингга ўшани ўқи! Худонинг ҳукмини (унинг калималарини) ҳеч ким табдил қила олмайди (ўзгартиролмайди). Худодан бошқа бирор паноҳгоҳ топа олмайсан.

وَٱصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ ٱلَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُم بِٱلْغَدَوٰةِ وَٱلْعَشِىِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُۥ
وَلَا تَعْدُ عَيْنَاكَ عَنْهُمْ تُرِيدُ زِينَةَ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَلَا تُطِعْ مَنْ أَغْفَلْنَا قَلْبَهُۥ عَن
ذِكْرِنَا وَٱتَّبَعَ هَوَىٰهُ وَكَانَ أَمْرُهُۥ فُرُطًا ﴿٢٨﴾

28. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кеча ва кундуз Худога ибодат қиладиган ва ҳам Худонинг ризосини истайдиган зотларнинг суҳбати билан ўз нафсингни банд қил (улар билан бирга бўл). Улардан марҳамат назарингни кўтарма (дариғ тутма). Сен уларни (ғариб, мискинларни) узоқ қилиб, дунё зийнатига мубтало бўлган зотларни: «Булар менга иймон келтирсинлар», – деб яқинроқ қилмоқни хоҳлайсан. Дилларини Мен Ўз зикримдан ғофил қилган зотларга Сен итоат қилмагил. Улар ҳавои нафсонийларига тобедирлар. Уларнинг қилган амаллари беҳуда ва охир ҳасрат ва надоматга сабаб бўлади.

وَقُلِ ٱلْحَقُّ مِن رَّبِّكُمْ فَمَن شَآءَ فَلْيُؤْمِن وَمَن شَآءَ فَلْيَكْفُرْ إِنَّآ أَعْتَدْنَا

لِلظَّالِمِينَ نَارًا أَحَاطَ بِهِمْ سُرَادِقُهَا وَإِن يَسْتَغِيثُوا يُغَاثُوا بِمَاءٍ كَالْمُهْلِ يَشْوِي
الْوُجُوهَ بِئْسَ الشَّرَابُ وَسَاءَتْ مُرْتَفَقًا ﴿٢٩﴾ إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا
الصَّالِحَاتِ إِنَّا لَا نُضِيعُ أَجْرَ مَنْ أَحْسَنَ عَمَلًا ﴿٣٠﴾ أُولَٰئِكَ لَهُمْ جَنَّاتُ عَدْنٍ
تَجْرِي مِن تَحْتِهِمُ الْأَنْهَارُ يُحَلَّوْنَ فِيهَا مِنْ أَسَاوِرَ مِن ذَهَبٍ وَيَلْبَسُونَ ثِيَابًا خُضْرًا مِّن
½ жузъ سُندُسٍ وَإِسْتَبْرَقٍ مُّتَّكِئِينَ فِيهَا عَلَى الْأَرَائِكِ نِعْمَ الثَّوَابُ وَحَسُنَتْ مُرْتَفَقًا ﴿٣١﴾

29-31. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгилки: «Қуръоннинг сўзи ҳақдир. Худо тарафидан келгандир. Бас, ким хоҳласа, иймон келтириб, саодати ухравий (охират саодати)га етишади ва ким хоҳласа, инкор қилиб, шақовати абадийга (абадий бадбахтликка) гирифтор бўлади». Биз мункирлар учун дўзахни тайёр қилиб қўйганмиз. У дўзахнинг алангаси хайма (чодир)га ўхшаш кофирларни ўраб олади. Агар ташналикдан шикоят қилсалар, эритилган мисга ўхшаш сув берадилар. Уни оғизларига яқин олиб келганда юзларини кабоб қил(иб куйдир)ади. Бу кўп ёмон ичимликдир. Дўзах ётадиган кўп ёмон жойдир! Аммо Биз мўминлар ва яхши амал қилганларнинг савобларини зое қилмаймиз. Биз уларга абадий турадиган, дарахтларининг тагидан анҳорлар жорий бўладиган (оқиб турадиган) жаннат ато қиламиз. Бу жаннат аҳли билакларига тилла ҳалқалар билан нозик матолардан тайёрланган кўк жомалар (либослар) кийдирилиб, зийнатлантирилади. Тахтларда такя қилиб ўтириб, роҳатланадилар. Бу нозу неъматлар жаннат аҳли учун Худойи таоло ато қилган ажойиб марҳаматдир. Ором оладиган жойлари ниҳоятда яхшидир!

۞ وَاضْرِبْ لَهُم مَّثَلًا رَّجُلَيْنِ جَعَلْنَا لِأَحَدِهِمَا جَنَّتَيْنِ مِنْ أَعْنَابٍ وَحَفَفْنَاهُمَا
بِنَخْلٍ وَجَعَلْنَا بَيْنَهُمَا زَرْعًا ﴿٣٢﴾ كِلْتَا الْجَنَّتَيْنِ آتَتْ أُكُلَهَا وَلَمْ تَظْلِم مِّنْهُ شَيْئًا
وَفَجَّرْنَا خِلَالَهُمَا نَهَرًا ﴿٣٣﴾ وَكَانَ لَهُ ثَمَرٌ فَقَالَ لِصَاحِبِهِ وَهُوَ يُحَاوِرُهُ أَنَا
أَكْثَرُ مِنكَ مَالًا وَأَعَزُّ نَفَرًا ﴿٣٤﴾

32-34. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мисол тариқасида икки кишининг қиссасини буларга баён қилиб бер. Уларнинг бирига икки боғ берган эдик. У боғлар узумзорлардан иборат бўлиб, атрофлари хурмозорлар билан ўралган эди. Икки боғ ўртасида зироат қиладиган ерлар ато этгандик. Бу икки боғ мукаммал (кўп мева) ҳосил қиларди. Ва мева қилишда бирор камчилиги йўқ эди. У боғларнинг ораларидан анҳорлар жорий қилиб (оқизиб) қўйгандик. Бу одам боғининг мевалари тайёр (мўл-кўл) бўлган эди. Бу боғ эгаси ўзининг рафиқи (шериги) билан сўзлашиб ўтириб: «Сендан молим ҳам кўп, ёрдамчиларим ҳам кучлироқ», — деб айтиб, фахрланар эди.

وَدَخَلَ جَنَّتَهُۥ وَهُوَ ظَالِمٌ لِّنَفْسِهِۦ قَالَ مَآ أَظُنُّ أَن تَبِيدَ هَٰذِهِۦٓ أَبَدًا ﴿٣٥﴾ وَمَآ
أَظُنُّ ٱلسَّاعَةَ قَآئِمَةً وَلَئِن رُّدِدتُّ إِلَىٰ رَبِّى لَأَجِدَنَّ خَيْرًا مِّنْهَا مُنقَلَبًا ﴿٣٦﴾ قَالَ
لَهُۥ صَاحِبُهُۥ وَهُوَ يُحَاوِرُهُۥٓ أَكَفَرْتَ بِٱلَّذِى خَلَقَكَ مِن تُرَابٍ ثُمَّ مِن نُّطْفَةٍ ثُمَّ
سَوَّىٰكَ رَجُلًا ﴿٣٧﴾

35-37. Бу одам кибр қилиб, ўз нафсига зулм қилган ҳолда боғига кириб 15 жузъ
айтди: «Шу (боғу роғ) нозу неъматлар қўлимдан кетмайди», – деб ўйлайман. Ва яна: «Қиёмат ҳам қоим бўлмаса керак», – деб ўйлайман. Агар мабодо Қиёмат қоим бўлиб, Парвардигорнинг ҳузурига ҳозир қилинсам, албатта, у жойда ҳам ўзимнинг ҳозирги ҳолатимдан яхшироқ ҳолатга эришаман ва яхшироқ нозу неъматга етаман», – деди. Шериги сўзлашиб турган ҳолда унга деди: «Сенга нима бўлди? Сени тупроқдан, сўнгра нутфадан (бир томчи сувдан), сўнгра онанинг раҳмида (бачадонида) аъзоларингни яратиб, одамга айлантирган шундай Зотга куфр келтирдингми?.

لَّٰكِنَّا۠ هُوَ ٱللَّهُ رَبِّى وَلَآ أُشْرِكُ بِرَبِّىٓ أَحَدًا ﴿٣٨﴾ وَلَوْلَآ إِذْ دَخَلْتَ جَنَّتَكَ قُلْتَ مَا شَآءَ
ٱللَّهُ لَا قُوَّةَ إِلَّا بِٱللَّهِ ۚ إِن تَرَنِ أَنَا۠ أَقَلَّ مِنكَ مَالًا وَوَلَدًا ﴿٣٩﴾ فَعَسَىٰ رَبِّىٓ أَن يُؤْتِيَنِ
خَيْرًا مِّن جَنَّتِكَ وَيُرْسِلَ عَلَيْهَا حُسْبَانًا مِّنَ ٱلسَّمَآءِ فَتُصْبِحَ صَعِيدًا زَلَقًا ﴿٤٠﴾

38-40. Лекин мен сенга ўхшаб Худога мункир бўлмайман. Балки иқрор бўламанки, Аллоҳ таоло мени халқ қилган Парвардигоримдир. Парвардигоримга ҳеч бир кимсани (нарсани) шерик қилмайман. Нима учун боғингга кирган пайтингда: «Худонинг ҳоҳлаган нарсаси бўлади», – деб айтмадинг. Бандада ҳеч қувват ва қудрат йўқдир, магар Худонинг ёрдами билан (бўлур). Сен менинг молим ва фарзандларимни кам кўрсанг, бас, мен Парвардигоримдан умид қиламанки, Худо менга сенинг боғингдан яхшироқ боғни ато қилади. Сенинг боғингга осмондан бало юборади. Бас, боғинг гиёҳсиз биёбонга айланади.

أَوْ يُصْبِحَ مَآؤُهَا غَوْرًا فَلَن تَسْتَطِيعَ لَهُۥ طَلَبًا ﴿٤١﴾ وَأُحِيطَ بِثَمَرِهِۦ فَأَصْبَحَ يُقَلِّبُ
كَفَّيْهِ عَلَىٰ مَآ أَنفَقَ فِيهَا وَهِىَ خَاوِيَةٌ عَلَىٰ عُرُوشِهَا وَيَقُولُ يَٰلَيْتَنِى لَمْ أُشْرِكْ بِرَبِّىٓ
أَحَدًا ﴿٤٢﴾ وَلَمْ تَكُن لَّهُۥ فِئَةٌ يَنصُرُونَهُۥ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَمَا كَانَ مُنتَصِرًا ﴿٤٣﴾ هُنَالِكَ
ٱلْوَلَٰيَةُ لِلَّهِ ٱلْحَقِّ ۚ هُوَ خَيْرٌ ثَوَابًا وَخَيْرٌ عُقْبًا ﴿٤٤﴾

41-44. Ёки сувларни ер ютиб, боғинг сувсизликдан қуриб қолади. Бас, сен у ҳолда сувни талаб қилиб, олиб келишга қодир бўлмайсан». Бас. Аллоҳ таоло бу мўминнинг орзуларини рўёбга чиқарди. Кибрли кишининг мевали боғларини бало ўраб олди, осмондан соиқа (яшин) тушиб.

ҳаммасини куйдирди, боғи хароб бўлди. Бас, эрта билан боғнинг эгаси бу ҳолатни кўриб, боғга сарф қилган пулларини эслаб, қўлларини бир-бирига ишқар эди. Боғнинг иморатлари йиқилиб ётганини кўриб, афсус ва надомат қилиб айтар эдики: «Кошки мен Худога ҳеч кимни шерик қилмасам эди». Бас, бу шахсга Худодан бошқа ҳеч бир ёрдам берувчи гуруҳ (жамоат) қолмади. Ҳаммаси ожиз бўлди. Бу одам ҳеч кимдан интиқом (қасос) олишга ҳам қодир эмас эди. Бу мақомда (Аллоҳнинг) қудрати собит бўлдики, тасарруф (ҳар бир нафсада эгалик қилиш фақат) Парвардигорнинг Ўзида экан. У – Парвардигор амалга (яраша энг) яхши
15 жузъ жазо (мукофот) берувчидир ва ҳам мўминларнинг оқибатини яхши қилишга Парвардигорнинг Ўзи сазовор ва лойиқдир.

وَٱضْرِبْ لَهُم مَّثَلَ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا كَمَآءٍ أَنزَلْنَٰهُ مِنَ ٱلسَّمَآءِ فَٱخْتَلَطَ بِهِۦ نَبَاتُ
ٱلْأَرْضِ فَأَصْبَحَ هَشِيمًا تَذْرُوهُ ٱلرِّيَٰحُ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ مُّقْتَدِرًا ﴿٤٥﴾

45. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), одамларга дунёда ҳаёт кечирмоқларининг мисолини баён қилиб бер. Дунёда одамларнинг ҳаёти ва оқибати гўё Биз осмондан ёғдирган сув (ёмғир)га ўхшайди. У осмондан ёққан сув (ёмғир) билан ерда гиёҳлар кўкаради. Бир мунча вақт (ўтиб) гиёҳлар нашъу намо топиб (униб-ўсиб), сўнгра охирида қуриб, майда бўлиб сомонга айланиб қолади. Сўнгра қаттиқ шамол келиб, ҳар тарафга учириб, (сочиб), паришон қилиб юборади. Шунга ўхшаш ҳамма нарса охир-оқибат фано (йўқ) бўлиб кетади. Аллоҳ таолонинг ҳар бир нарсага қудрати етади.

ٱلْمَالُ وَٱلْبَنُونَ زِينَةُ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا ۖ وَٱلْبَٰقِيَٰتُ ٱلصَّٰلِحَٰتُ خَيْرٌ عِندَ رَبِّكَ
ثَوَابًا وَخَيْرٌ أَمَلًا ﴿٤٦﴾

46. Инсоннинг мол-мулкларию фарзандлари дунё ҳаётининг зийнатларидан иборат. Оз фурсатда нест-нобуд бўлиб кетади. Унга эътимод қилиб бўлмайди. Лекин охиратда инсонга фойда берадиган, Қиёматга қадар боқий қоладиган, фоний бўлмайдиган нарса – яхши амаллардир. Парвардигорнинг наздида бу амалларнинг савоби эгалари учун яхшидир. Қиёмат кунида ана шу амалларнинг фойдасидан ажр умид қилиш соҳиблари учун яхшироқдир.

وَيَوْمَ نُسَيِّرُ ٱلْجِبَالَ وَتَرَى ٱلْأَرْضَ بَارِزَةً وَحَشَرْنَٰهُمْ فَلَمْ نُغَادِرْ مِنْهُمْ أَحَدًا ﴿٤٧﴾
وَعُرِضُوا۟ عَلَىٰ رَبِّكَ صَفًّا لَّقَدْ جِئْتُمُونَا كَمَا خَلَقْنَٰكُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍۭ ۚ بَلْ زَعَمْتُمْ أَلَّن
نَّجْعَلَ لَكُم مَّوْعِدًا ﴿٤٨﴾ وَوُضِعَ ٱلْكِتَٰبُ فَتَرَى ٱلْمُجْرِمِينَ مُشْفِقِينَ مِمَّا فِيهِ
وَيَقُولُونَ يَٰوَيْلَتَنَا مَالِ هَٰذَا ٱلْكِتَٰبِ لَا يُغَادِرُ صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً إِلَّآ أَحْصَىٰهَا ۚ
وَوَجَدُوا۟ مَا عَمِلُوا۟ حَاضِرًا ۗ وَلَا يَظْلِمُ رَبُّكَ أَحَدًا ﴿٤٩﴾

47-49. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз ер юзидан тоғларни (юргизиб) йўқ қилиб юборадиган кунни эсла. Ер бутунлай зоҳир ва очиқ (ялангоч) экан, остидаги ўликларнинг ҳаммаси тирилиб, юзага чиққанини кўрасан. Биз (уларнинг) ҳаммасини биронта қолдирмасдан Маҳшаргоҳга жам қиламиз. Уларнинг барчаси саф-саф этилиб, Парвардигор ҳузурига рўбарў қилинадилар. Шу ҳолда Биз айтамизки: «Эй бандалар, Бизнинг ҳузуримизга саф тортиб келдингизлар, илк бор рўзи мийсоқда халқ қилган вақтимизда шундай саф тортиб турган эдингизлар. Биз сизларни Маҳшаргоҳда жам қилолмаслигимизни, бундай тўпланиш мақоми бўлмаслигини гумон қилган эдингизлар. Сўнгра номаи аъмоллар қўлларига берилади. Бас, у ҳолда гуноҳкорларни кўрасанки, номаи аъмолларини ўқиб, ниҳоятда қўрққан ҳолда айтадилар: «Эй, вой бизнинг ҳолимизга! Бу қандай номадирки, бизнинг катта ва кичик гуноҳларимизнинг бирортасини қолдирмай ичига тўплабди». У бандалар қандай амал қилган бўлсалар, олдиларида ҳозир топадилар. Парвардигоринг ҳеч кимга зулм қилмайди. 15 жузъ

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَٰٓئِكَةِ ٱسْجُدُوا۟ لِءَادَمَ فَسَجَدُوٓا۟ إِلَّآ إِبْلِيسَ كَانَ مِنَ ٱلْجِنِّ فَفَسَقَ
عَنْ أَمْرِ رَبِّهِۦٓ ۗ أَفَتَتَّخِذُونَهُۥ وَذُرِّيَّتَهُۥٓ أَوْلِيَآءَ مِن دُونِى وَهُمْ لَكُمْ عَدُوٌّۢ ۚ
بِئْسَ لِلظَّٰلِمِينَ بَدَلًا ﴿٥٠﴾

50. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз малоикаларга: «(Ҳазрати) Одамга сажда қилинглар», – деб амр қилганимизни ёд қил: Ҳамма фаришталар сажда қилдилар, магар Иблис саркашлик қилиб, сажда қилмади. У малъун (шайтон) жинлардан эди. Бас, Худонинг амрини бажо келтирмади. Бас, шундай экан: «Эй бандалар, энди сизлар Парвардигорнинг ўрнига шайтонни ва унинг тобеларини (издошларини) ўзларингизга дўст деб биласизларми?! Ваҳоланки, шайтон сизларга душмандир. Золимларингиз Парвардигорнинг ўрнига шайтонни дўст қилиб олганлари кўп ёмондир.

۞ مَّآ أَشْهَدتُّهُمْ خَلْقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَلَا خَلْقَ أَنفُسِهِمْ وَمَا كُنتُ مُتَّخِذَ
ٱلْمُضِلِّينَ عَضُدًا ﴿٥١﴾

51. Мен осмон ва ерни халқ қилган вақтимда ва яна бу шайтонларни пайдо қилган чоғимда ёрдам бериш учун уларни ҳозир қилган эмас эдим. Мен гумроҳлардан мадад олувчи эмасман.

وَيَوْمَ يَقُولُ نَادُوا۟ شُرَكَآءِىَ ٱلَّذِينَ زَعَمْتُمْ فَدَعَوْهُمْ فَلَمْ يَسْتَجِيبُوا۟ لَهُمْ
وَجَعَلْنَا بَيْنَهُم مَّوْبِقًا ﴿٥٢﴾ وَرَءَا ٱلْمُجْرِمُونَ ٱلنَّارَ فَظَنُّوٓا۟ أَنَّهُم مُّوَاقِعُوهَا وَلَمْ
يَجِدُوا۟ عَنْهَا مَصْرِفًا ﴿٥٣﴾

52-53. Қиёмат куни Парвардигор мушрикларга айтади: «Эй мушриклар, сизлар бутларни Худонинг шериги деб гумон қилган эдингизлар. Энди ўша Менинг «шерикларимни» чақиринг, сизларга ёрдам берсин».

Сўнгра мушриклар чақирадилар, ҳарчанд нидо қилсалар ҳам, бутлар жавоб бермайдилар. Бас, Биз уларнинг ўрталарида ҳалок бўладиган водий-жаҳаннамни пайдо қиламиз. Қачонки гуноҳкорлар дўзах оташини кўрганларида, албатта, дўзахга тушажакларига аниқ ишонадилар. Ҳар тарафга боқиб, дўзахдан нажот топадиган жойни топмайдилар.

وَلَقَدْ صَرَّفْنَا فِي هَٰذَا ٱلْقُرْءَانِ لِلنَّاسِ مِن كُلِّ مَثَلٍ ۚ وَكَانَ ٱلْإِنسَٰنُ أَكْثَرَ
شَيْءٍ جَدَلًا ﴿٥٤﴾

15 жузъ 54. Биз Қуръонда инсон учун ҳар турли қиссалар, мисоллар ва ибратли ҳикоялар баён қилдик. Лекин одамлар бу мисоллардан ибрат олмасдан, кўп инкор ва жанжал қиладилар.

وَمَا مَنَعَ ٱلنَّاسَ أَن يُؤْمِنُوٓا۟ إِذْ جَآءَهُمُ ٱلْهُدَىٰ وَيَسْتَغْفِرُوا۟ رَبَّهُمْ إِلَّآ أَن تَأْتِيَهُمْ
سُنَّةُ ٱلْأَوَّلِينَ أَوْ يَأْتِيَهُمُ ٱلْعَذَابُ قُبُلًا ﴿٥٥﴾ وَمَا نُرْسِلُ ٱلْمُرْسَلِينَ إِلَّا مُبَشِّرِينَ
وَمُنذِرِينَ ۚ وَيُجَٰدِلُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِٱلْبَٰطِلِ لِيُدْحِضُوا۟ بِهِ ٱلْحَقَّ ۖ وَٱتَّخَذُوٓا۟ ءَايَٰتِى
وَمَآ أُنذِرُوا۟ هُزُوًا ﴿٥٦﴾

55-56. Макка аҳлини иймон келтиришдан ва гуноҳларига тавба қилишдан ҳеч нарса манъ қилгани йўқ. Магар улар (илгари) адашган умматларга жорий бўлган муомалага мунтазир бўлдилар, яъни: «Ўтган умматларга келган бало бизларга ҳам келса, ёки ваъда қилган азобинг рўбарўмизга (юзма-юз) келса, сўнгра иймон келтирамиз», – дедилар. Биз пайғамбарларни бандаларга Худонинг раҳматидан башорат бериш ва азобидан қўрқитиш учун юборамиз. Кофирлар ботил динлари билан Ҳақнинг муқобилига, Ҳақни мағлуб қилиш учун мужодала қиладилар. Ва оятларимизни ва пайғамбарларнинг мавъизаларини масхара қиладилар.

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّن ذُكِّرَ بِـَٔايَٰتِ رَبِّهِۦ فَأَعْرَضَ عَنْهَا وَنَسِىَ مَا قَدَّمَتْ يَدَاهُ ۚ إِنَّا جَعَلْنَا
عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ أَكِنَّةً أَن يَفْقَهُوهُ وَفِىٓ ءَاذَانِهِمْ وَقْرًا ۖ وَإِن تَدْعُهُمْ إِلَى ٱلْهُدَىٰ فَلَن
يَهْتَدُوٓا۟ إِذًا أَبَدًا ﴿٥٧﴾ وَرَبُّكَ ٱلْغَفُورُ ذُو ٱلرَّحْمَةِ ۖ لَوْ يُؤَاخِذُهُم بِمَا كَسَبُوا۟
لَعَجَّلَ لَهُمُ ٱلْعَذَابَ ۚ بَل لَّهُم مَّوْعِدٌ لَّن يَجِدُوا۟ مِن دُونِهِۦ مَوْئِلًا ﴿٥٨﴾ وَتِلْكَ
ٱلْقُرَىٰٓ أَهْلَكْنَٰهُمْ لَمَّا ظَلَمُوا۟ وَجَعَلْنَا لِمَهْلِكِهِم مَّوْعِدًا ﴿٥٩﴾

57-59. Парвардигорнинг оятлари билан панд ва насиҳатлар қилинганида, у пандларни инкор қилиб, юз ўгирган ва ўзининг касб қилган гуноҳларини фаромуш қилиб қўйган кишидан ҳам золимроқ одам борми?! Шунинг учун Биз Ўз иродамизга биноан уларнинг дилларига парда тортдик, энди ҳақ сўзни фаҳмламайдилар. Қулоқларини оғир (кар) қил-

дик, ҳақ сўзни эшитмайдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сен мушрикларни ҳидоят йўлига даъват қилсанг ҳам, ҳаргиз тўғри йўл топмайдилар. Гуноҳларни кечиргувчи Парвардигоринг кўп меҳрибондир. Агар У Зот уларнинг гуноҳларига (яраша) муоҳаза қилса (азоб билан тутса), тезлик билан азоб қилган бўлур эди. Лекин уларга азоб беришга муайян бир вақт муқаррар қилгандир. Бу азоб келганида, ундан қутулмоқ учун ҳеч қандай паноҳгоҳ топмайдилар. Ана у аҳли қарялар (қишлоқ-шаҳарлар)ни ҳам, қачонки зулм қилдилар, ҳаммаларини ҳалок этдик. Ва уларнинг ҳалокатларига муайян вақт белгилаган эдик.

وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِفَتَىٰهُ لَآ أَبْرَحُ حَتَّىٰٓ أَبْلُغَ مَجْمَعَ ٱلْبَحْرَيْنِ أَوْ أَمْضِىَ حُقُبًا 15 жузъ
﴿٦٠﴾ فَلَمَّا بَلَغَا مَجْمَعَ بَيْنِهِمَا نَسِيَا حُوتَهُمَا فَٱتَّخَذَ سَبِيلَهُۥ فِى ٱلْبَحْرِ سَرَبًا ﴿٦١﴾
فَلَمَّا جَاوَزَا قَالَ لِفَتَىٰهُ ءَاتِنَا غَدَآءَنَا لَقَدْ لَقِينَا مِن سَفَرِنَا هَٰذَا نَصَبًا ﴿٦٢﴾ قَالَ
أَرَءَيْتَ إِذْ أَوَيْنَآ إِلَى ٱلصَّخْرَةِ فَإِنِّى نَسِيتُ ٱلْحُوتَ وَمَآ أَنسَىٰنِيهُ إِلَّا ٱلشَّيْطَٰنُ أَنْ
أَذْكُرَهُۥ ۚ وَٱتَّخَذَ سَبِيلَهُۥ فِى ٱلْبَحْرِ عَجَبًا ﴿٦٣﴾ قَالَ ذَٰلِكَ مَا كُنَّا نَبْغِ ۚ فَٱرْتَدَّا عَلَىٰٓ
ءَاثَارِهِمَا قَصَصًا ﴿٦٤﴾ فَوَجَدَا عَبْدًا مِّنْ عِبَادِنَآ ءَاتَيْنَٰهُ رَحْمَةً مِّنْ عِندِنَا
وَعَلَّمْنَٰهُ مِن لَّدُنَّا عِلْمًا ﴿٦٥﴾

60-65. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ёд қил, ўша вақтники, Мусо (алайҳиссалом) ўзининг ходим йигитига айтди: «Мен то икки дарё қўшилган мавзега (жойга) бормагунимча (ёки узоқ йиллар кезмагунимча), мақсадимни талаб қилиб сафар қилавераман»*

(Қачонки), Юшаъ икковлари икки дарё қўшилган ерга етдилар, зоди роҳила (йўл озиғи) қилиб олган балиқларини эсларидан чиқариб, қолдириб кетдилар. *Аҳвол шундан иборат эди: Икки дарё қўшилган жойда бир чашма бор эди. Номини «Айнул ҳаёт» дер эдилар. Ривоят қилинишича, унинг суви қай бир жонсиз нарсага тегса, тирилар эди. Чашма лабида бир катта тош бор эди.* Икковлари бир ерда дам олдилар. *Ҳазрати Мусо тошнинг устида уйқуга кетди. Ҳазрати Юшаъ чашмада таҳорат қилишга машғул бўлди. Шу онда бир қатра сув зарфдаги балиққа тушди.* Балиқ

* *Бу сафардан мақсад – бир солиҳ инсон – Хизр алайҳиссалом билан учрашиш эди. Ривоят қилинишича, Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолодан бандалари орасида ўзидан олимроқ киши борлиги ҳақида хабар беришини илтижо қилиб сўраган экан. Аллоҳ таоло бир солиҳ инсон, яъни Хизр алайҳиссаломнинг ундан олимроқ эканини айтибди. Мусо алайҳиссалом у кишини қандай топсам бўлади, деб сўраганларида, Аллоҳ таоло: «Денгиз қирғоғидаги бир улкан харсангтош (қоя) олдидан топурсан», – дебди. Мусо алайҳиссалом: «У ерга қандай борурман», – деганида, Парвардигор: «Бир балиқни бир зарфга (идишга) солиб йўлга чиққанингда, қаерда уни йўқотсанг, ўша ердан Хизр алайҳиссаломни топурсан», – деб ваҳий юборибди. Шунда Мусо алайҳиссалом ёш ходим йигитлари Юшаъ алайҳиссалом билан бирга Хизр алайҳиссаломни ахтариб йўлга равона бўлибдилар.*

тирилиб дарёга қараб йўл олди. *Дарёнинг суви иккига бўлиниб, балиққа йўл очиб берар эди. Юшаъ бу ҳолатни кўриб, ҳайратда қолди.* «Бу воқеани (Ҳазрати) Мусога ҳикоя қиламан», – деган эди, фаромуш қилди. (Ҳазрати) Мусо ҳам зоди роҳилани унутиб қўйди. Бас, қачонки икковлари дарёнинг қўшилган жойидан ўтиб кетдилар, эртасига (Ҳазрати) Мусо Юшаъга айтди: «Нонуштамизни (саватдаги балиқни) олиб кел. Биз бу сафаримизда кўп машаққатлар тортдик». Юшаъ (алайҳиссалом) (Ҳазрати) Мусога айтдики: «Хабаринг йўқми? Биз тошнинг олдида ором олган пайтимизда, мен Сенга балиқ қиссасини зикр қиламан, деб унутиб қўйдим. Бу қиссанинг зикрини менинг дилимдан шайтон фаромуш қилдирди. Ўшанда балиқ дарёга қараб одамни ажаблантирадиган тариқада йўл олган эди». (Ҳазрати) Мусо айтди: «Ҳақ таоло менга ваҳий юбориб айтган эди: «Сен талаб қилган мақсадингга етиш учун балиқнинг (дарёга шўнғиб) кетган йўли нишонадир. Бизнинг истагимиз мана шудир». Сўнгра Юшаъ икковлари Хизр (алайҳиссалом)ни ахтариб изларига қайтдилар. *Балиқ (ажабтовур ҳолатда) дарёга шўнғиб кетган жойга етиб келдилар.* У ердан Бизнинг хос бандаларимиздан (Хизр алайҳиссаломни) топдилар. У бандага Ўзимизнинг марҳаматимизни иноят қилган эдик. Ўз тарафимиздан унга хос (ладуний) илмни берган эдик.

15 жузъ

قَالَ لَهُۥ مُوسَىٰ هَلْ أَتَّبِعُكَ عَلَىٰٓ أَن تُعَلِّمَنِ مِمَّا عُلِّمْتَ رُشْدًا ﴿٦٦﴾ قَالَ إِنَّكَ لَن تَسْتَطِيعَ مَعِىَ صَبْرًا ﴿٦٧﴾ وَكَيْفَ تَصْبِرُ عَلَىٰ مَا لَمْ تُحِطْ بِهِۦ خُبْرًا ﴿٦٨﴾ قَالَ سَتَجِدُنِىٓ إِن شَآءَ ٱللَّهُ صَابِرًا وَلَآ أَعْصِى لَكَ أَمْرًا ﴿٦٩﴾ قَالَ فَإِنِ ٱتَّبَعْتَنِى فَلَا تَسْـَٔلْنِى عَن شَىْءٍ حَتَّىٰٓ أُحْدِثَ لَكَ مِنْهُ ذِكْرًا ﴿٧٠﴾

66-70. Мусо (алайҳиссалом) унга (Хизр алайҳиссаломга) айтдики: «Мен Сен билан бирга юрсам, қабул қиласанми? Шу шарт биланки, Сенга таълим берилган, инсонга ибрат бўлиб, камолотга етказадиган илмлардан менга ҳам таълим берсанг». Хизр (алайҳиссалом) Мусо (алайҳиссалом)га айтди: «Сен мен билан бирга юриб сабр қила олмайсан, чунки ҳақиқатига илминг етмаган нарсани сўрамасдан қандай тоқат қила оласан?». Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Иншоаллоҳ, мени бу тўғрида сабр қилувчилардан топасан. Бирор нарсада сенга хилоф қилмайман». Хизр (алайҳиссалом) айтди: «Ундай бўлса, мен билан юрганингда *кўзингга бирон нарса нотўғри кўринса*, то ўзим сабабини баён қилмагунимча сабабини сўрамагил».

فَٱنطَلَقَا حَتَّىٰٓ إِذَا رَكِبَا فِى ٱلسَّفِينَةِ خَرَقَهَا ۖ قَالَ أَخَرَقْتَهَا لِتُغْرِقَ أَهْلَهَا لَقَدْ جِئْتَ شَيْـًٔا إِمْرًا ﴿٧١﴾ قَالَ أَلَمْ أَقُلْ إِنَّكَ لَن تَسْتَطِيعَ مَعِىَ صَبْرًا ﴿٧٢﴾ قَالَ لَا تُؤَاخِذْنِى بِمَا نَسِيتُ وَلَا تُرْهِقْنِى مِنْ أَمْرِى عُسْرًا ﴿٧٣﴾

71-73. Ва икковлари йўлга равона бўлдилар. Дарё бўйига келиб, кемага минганларида Хизр (алайҳиссалом) кеманинг тагини тешиб қўйди. Кемага сув кира бошлади. Мусо (алайҳиссалом) таажжуб қилиб айтдики: «Кемани ғарқ қилиш учун тешдингми? Сен бир қабиҳ (ёмон) иш қилиб қўйдинг». Хизр (алайҳиссалом) айтди: «Мен Сенга: «Мен билан бирга юриб сабр қилолмайсан», – деб айтмаганмидим?». Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Мен фаромуш қилиб қўйибман. Мени кечир. Муохиза қилма, менинг эсимдан чиқиб қолган ишга каттиқлик қилма!».

فَٱنطَلَقَا حَتَّىٰٓ إِذَا لَقِيَا غُلَٰمًا فَقَتَلَهُۥ قَالَ أَقَتَلْتَ نَفْسًا زَكِيَّةًۢ بِغَيْرِ نَفْسٍ لَّقَدْ 16 жузъ
جِئْتَ شَيْـًٔا نُّكْرًا ﴿٧٤﴾

74. Яна икковлари йўлга равона бўлдилар. Йўлда бир ёш болага учрадилар. Хизр (алайҳиссалом) бу болани ўлдирди. Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Сен бир бегуноҳ, покиза нафсни беқасос (асоссиз) ўлдирдинг. Бир ношаръ ишга муртакиб бўлдинг (бир гуноҳ ишни қилдинг)».

ЎН ОЛТИНЧИ ЖУЗЪ

۞ قَالَ أَلَمْ أَقُل لَّكَ إِنَّكَ لَن تَسْتَطِيعَ مَعِىَ صَبْرًا ﴿٧٥﴾ قَالَ إِن سَأَلْتُكَ عَن شَىْءٍۭ
بَعْدَهَا فَلَا تُصَٰحِبْنِى ۖ قَدْ بَلَغْتَ مِن لَّدُنِّى عُذْرًا ﴿٧٦﴾

75-76. Хизр (алайҳиссалом) айтди: «Мен Сенга: «(Мен билан бирга) сабр қилолмайсан»,- деб айтмадимми?». Мусо (алайҳиссалом) Хизр (алайҳиссалом)га айтди: «Агар мен энди (бундан сўнг яна) бирор нарсадан савол қилсам, мен билан бирга ҳамроҳ бўлмагил, чунки Сен менинг тарафимдан маъзур (узрли) бўлдинг, мен ваъдамга вафо қилмадим».

فَٱنطَلَقَا حَتَّىٰٓ إِذَآ أَتَيَآ أَهْلَ قَرْيَةٍ ٱسْتَطْعَمَآ أَهْلَهَا فَأَبَوْا۟ أَن يُضَيِّفُوهُمَا فَوَجَدَا
فِيهَا جِدَارًا يُرِيدُ أَن يَنقَضَّ فَأَقَامَهُۥ ۖ قَالَ لَوْ شِئْتَ لَتَّخَذْتَ عَلَيْهِ أَجْرًا ﴿٧٧﴾ قَالَ
هَٰذَا فِرَاقُ بَيْنِى وَبَيْنِكَ ۚ سَأُنَبِّئُكَ بِتَأْوِيلِ مَا لَمْ تَسْتَطِع عَّلَيْهِ صَبْرًا ﴿٧٨﴾

77-78. Бас, икковлари йўлга равона бўлдилар. Бир қишлоққа етиб келиб, бу қишлоқ аҳлидан таом талаб қилдилар (сўрадилар). Аммо хонадон аҳллари уларни меҳмон қилишдан бош тортдилар. (Ул манзилда), икковлари кўрдиларки, бу хонадоннинг девори йиқилмоққа мойил бўлиб турибди. Бас, Хизр (алайҳиссалом) деворни тикка қилиб қўйди. Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Агар хоҳласанг, бу қилган ишинг учун ужрат (хизмат ҳақи) олардинг». Хизр (алайҳиссалом) Мусо (алайҳиссалом)га айтди: «Иккаламиз ўртамизда ҳозир (энди) жудолик (ажрашадиган) вақт келди. Энди Сени сабр қилолмаган муомалаларнинг (ишларнинг) таъвилидан (моҳиятидан) огоҳлантираман».

أَمَّا ٱلسَّفِينَةُ فَكَانَتْ لِمَسَٰكِينَ يَعْمَلُونَ فِي ٱلْبَحْرِ فَأَرَدتُّ أَنْ أَعِيبَهَا وَكَانَ وَرَآءَهُم
مَّلِكٌ يَأْخُذُ كُلَّ سَفِينَةٍ غَصْبًا ﴿٧٩﴾ وَأَمَّا ٱلْغُلَٰمُ فَكَانَ أَبَوَاهُ مُؤْمِنَيْنِ فَخَشِينَآ أَن
يُرْهِقَهُمَا طُغْيَٰنًا وَكُفْرًا ﴿٨٠﴾ فَأَرَدْنَآ أَن يُبْدِلَهُمَا رَبُّهُمَا خَيْرًا مِّنْهُ زَكَوٰةً وَأَقْرَبَ
رُحْمًا ﴿٨١﴾ وَأَمَّا ٱلْجِدَارُ فَكَانَ لِغُلَٰمَيْنِ يَتِيمَيْنِ فِي ٱلْمَدِينَةِ وَكَانَ تَحْتَهُۥ كَنزٌ لَّهُمَا
16 жузъ وَكَانَ أَبُوهُمَا صَٰلِحًا فَأَرَادَ رَبُّكَ أَن يَبْلُغَآ أَشُدَّهُمَا وَيَسْتَخْرِجَا كَنزَهُمَا رَحْمَةً
مِّن رَّبِّكَ ۚ وَمَا فَعَلْتُهُۥ عَنْ أَمْرِي ۚ ذَٰلِكَ تَأْوِيلُ مَا لَمْ تَسْطِع عَّلَيْهِ صَبْرًا ﴿٨٢﴾

79-82. Аммо кема дарёда ишлайдиган мискин ва муҳтож биродарларники эди. Бас, Парвардигорнинг ҳукми бирла кемани айбдор (нуқсонли) қилиб қўймоқни хоҳладим. Чунки уларнинг атрофида бир золим подшоҳ бор эди, беайб, дуруст (соз) кемаларни зўрлик қилиб (тортиб) олар эди, шунинг учун у бечораларнинг кемасини айбдор (нуқсонли) қилиб қўйдим. Қатл бўлган боланинг ҳикояси шуки, унинг ота-онаси художўй ва мўмин одамлар эди. Бас, вақтики (бу бола) катта бўлса, ота ва онасига итоат этмай, саркашлик қилар, уларни куфру туғён ила қийнаб қўяр эди. Бас, ота ва онасига Парвардигор бу фарзанд бадалига (ўрнига) покиза ва меҳрибонроқ (бошқа) фарзанд ато қилишини хоҳладик. Аммо девор эса икки етим боланинг мулки бўлиб, оталари бир художўй, солиҳ одам ўтган ва болалари учун бу девор тагига хазина жойлаб кетган эди. Бас, Парвардигоринг хоҳладики, бу етим болалар балоғатга етиб, ўзлари (хазинани) чиқариб олгунча девор йиқилмай турсин. Парвардигор етимларга марҳамат қилиб, ушбу деворнинг йиқилмай туришини ирода қилди. Мен бу ишни ўз ихтиёрим бирла қилганим йўқ. Эй Мусо, Сен сабр қилолмай, бетоқатлик билан савол қилган нарсаларнинг таъвили мана шулардан иборатдир».

وَيَسْـَٔلُونَكَ عَن ذِي ٱلْقَرْنَيْنِ ۖ قُلْ سَأَتْلُوا۟ عَلَيْكُم مِّنْهُ ذِكْرًا ﴿٨٣﴾ إِنَّا مَكَّنَّا لَهُۥ
فِي ٱلْأَرْضِ وَءَاتَيْنَٰهُ مِن كُلِّ شَيْءٍ سَبَبًا ﴿٨٤﴾ فَأَتْبَعَ سَبَبًا ﴿٨٥﴾

83-85. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан (яҳудийларнинг талаб ва талқинлари билан Қурайш жамоаси) Искандар Зулқарнайн ҳақида савол қиладилар. Мушрикларга айтгил: «Ҳозир мен сизларга Қуръондан унинг зикрини (хабарини) ўқиб бераман. Парвардигор айтадики: Биз Искандарга қувват бердик, у ер юзига подшоҳ бўлди ва ҳар бир нарсага муҳтож бўлса, Биз унга йўл очиб бердик. Бас, Искандар у йўлга кирди».

حَتَّىٰٓ إِذَا بَلَغَ مَغْرِبَ ٱلشَّمْسِ وَجَدَهَا تَغْرُبُ فِي عَيْنٍ حَمِئَةٍ وَوَجَدَ عِندَهَا
قَوْمًا ۗ قُلْنَا يَٰذَا ٱلْقَرْنَيْنِ إِمَّآ أَن تُعَذِّبَ وَإِمَّآ أَن تَتَّخِذَ فِيهِمْ حُسْنًا ﴿٨٦﴾ قَالَ أَمَّا

مَن ظَلَمَ فَسَوْفَ نُعَذِّبُهُۥ ثُمَّ يُرَدُّ إِلَىٰ رَبِّهِۦ فَيُعَذِّبُهُۥ عَذَابًا نُّكْرًا ﴿٨٧﴾ وَأَمَّا مَنْ
ءَامَنَ وَعَمِلَ صَٰلِحًا فَلَهُۥ جَزَآءً ٱلْحُسْنَىٰ ۖ وَسَنَقُولُ لَهُۥ مِنْ أَمْرِنَا يُسْرًا ﴿٨٨﴾
ثُمَّ أَتْبَعَ سَبَبًا ﴿٨٩﴾

86-89. Вақтики, Искандар офтоб ботадиган жойга етди, офтобни шундоқ
ҳолда кўрдики, гўё офтоб бир балчиқ аралашган (лойқа) чашмага ботар
экан. У чашма атрофида бир жамоа қавмни топди (учратди). Биз Искан-
дарга илҳом қилдикки: «Бу қавмнинг ихтиёрини Сенга топширдик. Хоҳ- 16 жузъ
ласанг бу қавмга азоб берасан, хоҳласанг, уларга яхши муомала қила-
сан». Искандар айтди: «Мен халққа зулм қилгувчиларга шу дунёда азоб
бераман. Ўлганидан сўнг эса Аллоҳ таоло ҳузурига боради. Кейин қаттиқ
азобни Парвардигорнинг Ўзи беради. Аммо Парвардигорга иймон кел-
тириб, яхши амал қилгувчиларга бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам яхши жазо
(ажр-мукофот)лар берилади». Яна Искандар йўлга равона бўлди.

حَتَّىٰٓ إِذَا بَلَغَ مَطْلِعَ ٱلشَّمْسِ وَجَدَهَا تَطْلُعُ عَلَىٰ قَوْمٍ لَّمْ نَجْعَل لَّهُم مِّن
دُونِهَا سِتْرًا ﴿٩٠﴾ كَذَٰلِكَ وَقَدْ أَحَطْنَا بِمَا لَدَيْهِ خُبْرًا ﴿٩١﴾

90-91. Вақтики, Искандар йўл юриб, офтоб тулу қиладиган (чиқадиган) мавзега етди, офтобни шундоқ ҳолда кўрдики, гўё бир қавмнинг тепасидан тулу қилар экан. Офтобнинг ҳароратидан сақланиш учун бу қавм устида ҳеч қандай парда ё либос йўқ эди. Бу қавм кундуз куни ер остига кириб, офтоб иссиғидан ўзларини сақлар эдилар. Искандар қиссаси шундан иборат эди. Биз Искандарнинг тамом аҳволидан хабардормиз.

ثُمَّ أَتْبَعَ سَبَبًا ﴿٩٢﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا بَلَغَ بَيْنَ ٱلسَّدَّيْنِ وَجَدَ مِن دُونِهِمَا قَوْمًا لَّا
يَكَادُونَ يَفْقَهُونَ قَوْلًا ﴿٩٣﴾ قَالُوا۟ يَٰذَا ٱلْقَرْنَيْنِ إِنَّ يَأْجُوجَ وَمَأْجُوجَ مُفْسِدُونَ
فِى ٱلْأَرْضِ فَهَلْ نَجْعَلُ لَكَ خَرْجًا عَلَىٰٓ أَن تَجْعَلَ بَيْنَنَا وَبَيْنَهُمْ سَدًّا ﴿٩٤﴾

92-94. Сўнгра Искандар яна йўлга тушди. То икки тоғнинг ўртасига етди, ушбу тоғ атрофида бир гуруҳ қавмни топди (учратди). Ҳеч гапни фаҳмламас эдилар. Уларнинг сўзларини Искандар ҳам тушунмади. Улар таржимон орқали Искандарга айтдилар: «Эй Зулқарнайн, бу тоғлар орқасида Яъжуж-Маъжуж қавми истиқомат қилади. Ҳар доим бизга ҳужум қилиб, зироатларимизни фосид, жойларимизни хароб қилиб кетадилар. Сенга харж қилмоқ учун ҳамма давлат ва молимизни берсак, шу шарт биланки, Яъжуж ва Маъжуж (қавми) билан бизнинг ўртамизга бир мустаҳкам тўсиқ бино қилиб берсанг, токи биз уларнинг шарридан нажот топсак».

قَالَ مَا مَكَّنِّى فِيهِ رَبِّى خَيْرٌ فَأَعِينُونِى بِقُوَّةٍ أَجْعَلْ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ رَدْمًا ﴿٩٥﴾ ءَاتُونِى
زُبَرَ ٱلْحَدِيدِ ۖ حَتَّىٰٓ إِذَا سَاوَىٰ بَيْنَ ٱلصَّدَفَيْنِ قَالَ ٱنفُخُوا۟ ۖ حَتَّىٰٓ إِذَا جَعَلَهُۥ نَارًا

قَالَ ءَاتُونِىٓ أُفْرِغْ عَلَيْهِ قِطْرًا ﴿٩٦﴾

95-96. Искандар айтди: «Менга сизларнинг нафақаларингизнинг кераги йўқ (муҳтож эмасман), Парвардигоримнинг менга ато қилган қуввати сизларнинг мол ва мулкларингиздан яхшироқдир. Сизлар менга одам (ишчи кучи) билан ёрдам беринглар, токи мен сизларнинг ўрталарингизда мустаҳкам тўсиқ бино қилайин. Сизлар менинг олдимга темир бўлакларини олиб келинглар. Бу гуруҳ темирнинг майдаларини олиб келиб, икки тоғ ўртасида тоғ билан баробар қилдилар. Сўнгра Искандар: «Ҳар тарафдан ўт
16 жузъ ёқиб, дам беринглар», – деб амр қилди. Вақтеки темир бўлаклари ўтга айланди, Искандар айтди: «Энди менинг олдимга эритилган мис олиб келинглар, токи темирлар устидан қуйиб юборамиз». Сўнгра у гуруҳ шундай қилди. Натижада темирдан икки тоғ ўртасида тўсиқ пайдо бўлди.

فَمَا ٱسْطَٰعُوٓا۟ أَن يَظْهَرُوهُ وَمَا ٱسْتَطَٰعُوا۟ لَهُۥ نَقْبًا ﴿٩٧﴾ قَالَ هَٰذَا رَحْمَةٌ مِّن رَّبِّى

فَإِذَا جَآءَ وَعْدُ رَبِّى جَعَلَهُۥ دَكَّآءَ وَكَانَ وَعْدُ رَبِّى حَقًّا ﴿٩٨﴾

97-98. Бас, Яъжуж ва Маъжуж тоғнинг тепасига чиқишга ҳам ва тўсиқни тешиб чиқмоққа ҳам қодир бўлмадилар. Искандар айтди: «Бу иш Парвардигорим тарафидан катта марҳамат бўлди. Қачонки, замон охир бўлса, Яъжуж ва Маъжуж хуружининг вақти етса, у вақтда Парвардигор у тўсиқни ер билан баробар қилади. Парвардигорнинг ваъдаси ҳақ, албатта, бўлади».

۞ وَتَرَكْنَا بَعْضَهُمْ يَوْمَئِذٍ يَمُوجُ فِى بَعْضٍ وَنُفِخَ فِى ٱلصُّورِ فَجَمَعْنَٰهُمْ جَمْعًا ﴿٩٩﴾

وَعَرَضْنَا جَهَنَّمَ يَوْمَئِذٍ لِّلْكَٰفِرِينَ عَرْضًا ﴿١٠٠﴾ ٱلَّذِينَ كَانَتْ أَعْيُنُهُمْ فِى غِطَآءٍ عَن

ذِكْرِى وَكَانُوا۟ لَا يَسْتَطِيعُونَ سَمْعًا ﴿١٠١﴾

99-101. Қиёмат куни бўлиб, Исрофил сур тортганида тамом махлуқот камоли даҳшат ва қўрқувдан бир-бирлари билан аралашиб кетади. Биз ҳаммани Маҳшаргоҳга жамлаймиз. У вақтда жаҳаннамни кофирларга рўбарў қиламиз. Кофирлар жаҳаннамни кўрганидан сўнг қўрқувдан кўзларини парда босади. Дунё ҳаётида бу кофирларнинг Бизни ёд қилишдан диллари кўр эди. Ва ҳам ҳақ сўзни эшитмоққа қулоқлари кар эди, эшитмоққа қодир эмас эдилар.

أَفَحَسِبَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَن يَتَّخِذُوا۟ عِبَادِى مِن دُونِىٓ أَوْلِيَآءَ إِنَّآ أَعْتَدْنَا جَهَنَّمَ

لِلْكَٰفِرِينَ نُزُلًا ﴿١٠٢﴾ قُلْ هَلْ نُنَبِّئُكُم بِٱلْأَخْسَرِينَ أَعْمَٰلًا ﴿١٠٣﴾

102-103. Кофирлар Менинг ўрнимга бандаларимни ўзларига дўст – маъбуд қилиб олсалар; *(жумладан) насоролар ҳазрати Ийсони Менга шерик қилсалар, яҳудийлар ҳазрати Узайрни Менга шерик қилсалар,* Қиёмат куни «Бизларни азоб-уқубатдан сақлайди», деб гумон қиладиларми? (Йўқ!) ҳаргиз сақламайди ва фойда бермайди. Биз кофирлар учун жаҳаннамни

борадиган манзил қилиб қўйганмиз. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Мен сизларни Қиёмат куни одамларнинг яхши амаллари қандай зое бўлиб кетиши ҳақида огоҳлантирайми?»

ٱلَّذِينَ ضَلَّ سَعْيُهُمْ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَهُمْ يَحْسَبُونَ أَنَّهُمْ يُحْسِنُونَ صُنْعًا
﴿١٠٤﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِـَٔايَٰتِ رَبِّهِمْ وَلِقَآئِهِۦ فَحَبِطَتْ أَعْمَٰلُهُمْ فَلَا
نُقِيمُ لَهُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ وَزْنًا ﴿١٠٥﴾ ذَٰلِكَ جَزَآؤُهُمْ جَهَنَّمُ بِمَا كَفَرُوا۟ وَٱتَّخَذُوٓا۟ 16 жузъ
ءَايَٰتِى وَرُسُلِى هُزُوًا ﴿١٠٦﴾

104-106. Булар шундоқ одамларки, қилган яхши амаллари шу дунёдаёқ бекор бўлиб кетади. Ҳолбуки, улар: «Бу яхши амалларимиз фойда беради», деб гумон қиладилар. (Йўқ!) ундай эмас, чунки улар Парвардигорнинг оятини инкор қилганлар, Қиёматнинг бўлишидан, Парвардигор ҳузурида ҳисоб беришдан мункир бўлганлар. Ана шу куфрлари сабабидан тамоми амаллари ҳабата (беҳуда) бўлгандир. Бас, Биз Қиёмат куни (уларнинг) амалларини ўлчаш учун ҳеч қандай тарозу қоим қилмаймиз. Бизнинг оятларимизга куфр келтирганлари ва пайғамбарларимизни масхара қилганлари сабабидан уларнинг жазолари жаҳаннамдир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ كَانَتْ لَهُمْ جَنَّٰتُ ٱلْفِرْدَوْسِ نُزُلًا ﴿١٠٧﴾
خَٰلِدِينَ فِيهَا لَا يَبْغُونَ عَنْهَا حِوَلًا ﴿١٠٨﴾ قُل لَّوْ كَانَ ٱلْبَحْرُ مِدَادًا لِّكَلِمَٰتِ رَبِّى
لَنَفِدَ ٱلْبَحْرُ قَبْلَ أَن تَنفَدَ كَلِمَٰتُ رَبِّى وَلَوْ جِئْنَا بِمِثْلِهِۦ مَدَدًا ﴿١٠٩﴾ قُلْ إِنَّمَآ أَنَا۠
بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰٓ إِلَىَّ أَنَّمَآ إِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌ فَمَن كَانَ يَرْجُوا۟ لِقَآءَ رَبِّهِۦ فَلْيَعْمَلْ
عَمَلًا صَٰلِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِۦٓ أَحَدًۢا ﴿١١٠﴾

107-110. Албатта, у гуруҳларки, Худога иймон келтирганлар ва яхши амал қилганлар, Ҳақ таоло у мўминларга Жаннатул Фирдавсни турадиган жойлар қилиб беради. Бу жаннатда (улар) абадий қоладилар. Бу зотлар Жаннатул Фирдавсдан чиқишни истамайдилар. Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Парвардигорнинг сўзларини ёзиш учун дунёдаги дарё (уммон)ларнинг ҳаммаси сиёҳ бўлса, агар у дарёларга ўхшаш қўшимча яна дарёлар яратсак ҳам, Худонинг сўзлари тамом бўлмасидан сиёҳ бўлган дарёлар тамом бўлиб кетади. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Мен ҳам сизларга ўхшаш инсондирман, (Аллоҳнинг изнисиз) қўлимдан ҳеч бир иш келмайди. Нима қилсам ҳам, Парвардигорнинг буйруғи билан қиламан. Бир Худодан бошқа ҳеч бир маъбуд йўқ экани Худо тарафидан менга ваҳий қилинди». Ҳар ким Худонинг марҳамати ва иноятидан умидвор экан, бас, у одамга айтгил, бу дунёда яхши амаллар қилсин, Худога ибодат қилишда ҳеч кимни унга шерик қилмасин!

Маккада нозил бўлган бу сура
тўқсон саккиз оятдан иборатдир.

16 жузъ

Баъзи тафсирчиларнинг фикрига кўра, суранинг 58-ояти, баъзиларининг фикрига кўра, 71-ояти Мадинада нозил бўлган. Бошқа мавзулар билан бир қаторда ҳазрати Марям ва ундан Ийсо алайҳиссаломнинг Аллоҳнинг изни билан отасиз туғилиши ҳақида сўз юритилгани сабабли сура «Марям» деб ном олган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

كٓهيعٓصٓ ﴿١﴾ ذِكْرُ رَحْمَتِ رَبِّكَ عَبْدَهُۥ زَكَرِيَّآ ﴿٢﴾ إِذْ نَادَىٰ رَبَّهُۥ نِدَآءً
خَفِيًّا ﴿٣﴾ قَالَ رَبِّ إِنِّى وَهَنَ ٱلْعَظْمُ مِنِّى وَٱشْتَعَلَ ٱلرَّأْسُ شَيْبًا وَلَمْ أَكُنۢ
بِدُعَآئِكَ رَبِّ شَقِيًّا ﴿٤﴾ وَإِنِّى خِفْتُ ٱلْمَوَٰلِىَ مِن وَرَآءِى وَكَانَتِ ٱمْرَأَتِى
عَاقِرًا فَهَبْ لِى مِن لَّدُنكَ وَلِيًّا ﴿٥﴾ يَرِثُنِى وَيَرِثُ مِنْ ءَالِ يَعْقُوبَ
وَٱجْعَلْهُ رَبِّ رَضِيًّا ﴿٦﴾

1-6. Коф. Ҳо. Ё. Айн. Сод. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Парвардигоринг Ўз бандаси — Закарийёга қилган марҳаматларининг баёни (қиссаси) шундан иборатдир: Вақтики, Закарийё (алайҳиссалом) Парвардигорга махфий тарзда дуо қилиб айтди: «Эй Парвардигоро, мен пир (кекса) бўлдим, устухонларим (суякларим) заиф бўлди. Қувватим кетди, бошимдаги сочларим оқариб қолди. Сенга дуо қилиб, ҳеч вақт ноумид бўлганим йўқ. Дуоларимни ижобат қилар эдинг. Мендан кейин узоқ қариндошлар менга халифа (ўринбосар) бўлиб, меросхўр бўлишлари (ва динни зое қилиб қўйишлари)дан қўрқаман. Шу дамгача хотинимнинг туғмаслиги сабабли менга фарзанд бўлмади. Эй Парвардигоро, Ўз марҳамат ва иноятингдан менга ва (бобом) Яъқуб хонадонига (муносиб) ворис бўладиган фарзанд ато эттил. У фарзандни наздингда мақбул, солиҳлардан қилгин.

يَٰزَكَرِيَّآ إِنَّا نُبَشِّرُكَ بِغُلَٰمٍ ٱسْمُهُۥ يَحْيَىٰ لَمْ نَجْعَل لَّهُۥ مِن قَبْلُ سَمِيًّا ﴿٧﴾ قَالَ رَبِّ أَنَّىٰ
يَكُونُ لِى غُلَٰمٌ وَكَانَتِ ٱمْرَأَتِى عَاقِرًا وَقَدْ بَلَغْتُ مِنَ ٱلْكِبَرِ عِتِيًّا ﴿٨﴾ قَالَ كَذَٰلِكَ
قَالَ رَبُّكَ هُوَ عَلَىَّ هَيِّنٌ وَقَدْ خَلَقْتُكَ مِن قَبْلُ وَلَمْ تَكُ شَيْـًٔا ﴿٩﴾

7-9. Биз Закарийёга айтдик: «Сенга бир фарзанднинг вужудга келиши ҳақида хушхабар берамиз. Унинг номи Яҳёдир. Бундан илгари бу номни ҳеч кимга қўймадик». Закарийё айтди: «Эй Парвардигоро, менга қандай
фарзанд бўлар экан? Ваҳоланки, хотиним туғмас, ўзим ҳам пирлик (кек- 16 жузъ
салик)дан заиф бўлиб қолганман?». Жаброил (алайҳиссалом) ваҳий келтириб айтди: «Худонинг ваъдаси, албатта, бўлади. Парвардигоринг айтадики: «Бу иш Менга осондир, нега таажжуб қиласан? Бундан илгари Сен йўқ эдинг, Мен Сени дунёга келтирдим. Шунга ўхшаш фарзандингни ҳам халқ қилишга қодирман»».

قَالَ رَبِّ ٱجْعَل لِّىٓ ءَايَةً قَالَ ءَايَتُكَ أَلَّا تُكَلِّمَ ٱلنَّاسَ ثَلَٰثَ لَيَالٍ سَوِيًّا ﴿١٠﴾
فَخَرَجَ عَلَىٰ قَوْمِهِۦ مِنَ ٱلْمِحْرَابِ فَأَوْحَىٰٓ إِلَيْهِمْ أَن سَبِّحُوا۟ بُكْرَةً وَعَشِيًّا ﴿١١﴾

10-11. Закарийё (алайҳиссалом) айтди: «Бу фарзанднинг вужудга келишига мен учун бир нишона (белги) муайян қилгил». Парвардигор айтди: «Сенга нишона шуки, ўзинг тандуруст бўлатуриб, уч кунга қадар халққа сўзлай олмайсан». Бас, ибодатхонадан чиқиб, қавмига эртаю кеч ибодатларингизни давом эттиринглар, деб ишора қилди. *Шундан кейин уйига бориб, хотини билан яқинлик қилди. Аёли Яҳё алайҳиссаломга ҳомиладор бўлди. Ҳомила муддати тамом бўлиб, Яҳё алайҳиссалом туғилди. Етти ёшга етганида отаси билан ибодатга машғул бўлди.*

يَٰيَحْيَىٰ خُذِ ٱلْكِتَٰبَ بِقُوَّةٍ ۖ وَءَاتَيْنَٰهُ ٱلْحُكْمَ صَبِيًّا ﴿١٢﴾ وَحَنَانًا مِّن لَّدُنَّا وَزَكَوٰةً ۖ
وَكَانَ تَقِيًّا ﴿١٣﴾ وَبَرًّۢا بِوَٰلِدَيْهِ وَلَمْ يَكُن جَبَّارًا عَصِيًّا ﴿١٤﴾ وَسَلَٰمٌ عَلَيْهِ يَوْمَ
وُلِدَ وَيَوْمَ يَمُوتُ وَيَوْمَ يُبْعَثُ حَيًّا ﴿١٥﴾

12-15. Вақтики, Яҳё (алайҳиссалом)га Худо тарафидан нубувват мартабаси берилгач, Парвардигор Яҳё (алайҳиссалом)га хитоб қилиб айтдики: «Эй Яҳё, Таврот китобини ихлос ва эътиқод билан қўлингга ол, амал қил». Биз Яҳё (алайҳиссалом)га ёшлик вақтида Таврот ҳикматларининг фаҳмини ато қилдик. Ўз наздимиздан (ҳузуримиздан) дилига мулойимлик ва покизаликни бердик. У доимо худотарс (тақводор) эди. Ота ва онасига фармонбардор эди. У Парвардигорнинг ҳукмига саркашлик ва исён қилмасди. Унга шайтоннинг шарридан, туғилган кунида, ўлган кунида ва Қиёмат куни тирилганида Аллоҳнинг азобидан саломатлик бўлсин!

وَٱذْكُرْ فِى ٱلْكِتَٰبِ مَرْيَمَ إِذِ ٱنتَبَذَتْ مِنْ أَهْلِهَا مَكَانًا شَرْقِيًّا ﴿١٦﴾ فَٱتَّخَذَتْ

مِن دُونِهِمْ حِجَابًا فَأَرْسَلْنَآ إِلَيْهَا رُوحَنَا فَتَمَثَّلَ لَهَا بَشَرًا سَوِيًّا ﴿١٧﴾ قَالَتْ
إِنِّىٓ أَعُوذُ بِٱلرَّحْمَٰنِ مِنكَ إِن كُنتَ تَقِيًّا ﴿١٨﴾

16-18. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Марямнинг қиссасини Қуръонда ёд қилгил. Вақтики, Марямга ғусл ҳожат бўлди, холасининг уйидан чиқиб, кун чиқар тарафга, хилват жойга борди. Ғусл қилмоқ учун холаларидан (аҳли оиласидан) ўзини парда ортига олди. Биз Жаброил (алайҳиссалом)ни ғусл қилиб турган жойига юбордик. У Марямга мукаммал
16 жузъ инсон суратида кўринди. Вақтики, Марям бу хилват жойда ягона одамни кўрди. Айтди: «Агар сен худотарс-муттақий бўлсанг ҳам, мен сендан Худонинг паноҳига қочурман».

قَالَ إِنَّمَآ أَنَا۠ رَسُولُ رَبِّكِ لِأَهَبَ لَكِ غُلَٰمًا زَكِيًّا ﴿١٩﴾ قَالَتْ أَنَّىٰ يَكُونُ لِى غُلَٰمٌ وَلَمْ
يَمْسَسْنِى بَشَرٌ وَلَمْ أَكُ بَغِيًّا ﴿٢٠﴾ قَالَ كَذَٰلِكِ قَالَ رَبُّكِ هُوَ عَلَىَّ هَيِّنٌ وَلِنَجْعَلَهُۥٓ ءَايَةً
لِّلنَّاسِ وَرَحْمَةً مِّنَّا وَكَانَ أَمْرًا مَّقْضِيًّا ﴿٢١﴾

19-21. Жаброил (алайҳиссалом) айтди: «Мендан қўрқма, Парвардигоринг тарафидан сенга бир покиза ғулом (ўғил) ҳадя қилай деб, элчи бўлиб келдим». Марям айтди: «Қандоқ менда ғулом бўлади? Ваҳолонки, ҳеч бир инсон менинг қўлимни ушлагани йўқ, беҳуда юрган фоҳиша ҳам эмасман?». Жаброил айтди: «Ҳақиқатдан ҳам шундай, лекин Парвардигоринг айтурки: «Отасиз фарзанд яратиш Менга осон. Бу фарзандни барча инсонларга ўз қудратимни нишона (белги) қилиш учун яратаман. Бу фарзандни Ўз тарафимдан халқ учун раҳмат ва ҳидоят сабаби қиламан. Бу ишнинг вужудга келишида Менинг ҳукмим муқаррар бўлгандир»».

۞ فَحَمَلَتْهُ فَٱنتَبَذَتْ بِهِۦ مَكَانًا قَصِيًّا ﴿٢٢﴾ فَأَجَآءَهَا ٱلْمَخَاضُ إِلَىٰ جِذْعِ ٱلنَّخْلَةِ قَالَتْ
يَٰلَيْتَنِى مِتُّ قَبْلَ هَٰذَا وَكُنتُ نَسْيًا مَّنسِيًّا ﴿٢٣﴾

22-23. Бас, *Жаброил (алайҳиссалом) Биби Марямнинг қоринларига (ё огизларига) дам қилди. Шу билан Биби Марям* ҳомиладор бўлди. Биби Марям туғиш яқин қолган вақтда Байтул Мақдисдан чеккароқ жойга борди ва Биби Марямда туғиш дарди (тўлғоқ) бошланди. Бир қуриган хурмо дарахтига такя қилди. Шу жойда вазъи ҳамл бўлди (фарзанд туғилди). Биби Марям бу ҳолни кўргач, паришон бўлиб айтди: «Э, кошки мен бу воқеадан илгари ўлсайдим. Халқ дилидан тамоман унутилиб кетсайдим, халқ мени бу ҳолда кўрмаган бўлур эди».

فَنَادَىٰهَا مِن تَحْتِهَآ أَلَّا تَحْزَنِى قَدْ جَعَلَ رَبُّكِ تَحْتَكِ سَرِيًّا ﴿٢٤﴾ وَهُزِّىٓ إِلَيْكِ بِجِذْعِ
ٱلنَّخْلَةِ تُسَٰقِطْ عَلَيْكِ رُطَبًا جَنِيًّا ﴿٢٥﴾ فَكُلِى وَٱشْرَبِى وَقَرِّى عَيْنًا فَإِمَّا تَرَيِنَّ مِنَ
ٱلْبَشَرِ أَحَدًا فَقُولِىٓ إِنِّى نَذَرْتُ لِلرَّحْمَٰنِ صَوْمًا فَلَنْ أُكَلِّمَ ٱلْيَوْمَ إِنسِيًّا ﴿٢٦﴾

24-26. Биби Марям шу ҳолда ўлимнинг орзусини қилиб турганида тагидан овоз келдики: «Сен бу ҳолга ҳаргиз ғамгин бўлма. Аллоҳ таоло сенинг учун тагингдан чашма (бир ариқ) жорий қилди. Унда ғусл қил. (Сўнгра) қуриган дарахтни силкитсанг, (ундан) сенга пишган хурмолар тўкилади. Бу хурмолардан еб, сувдан ичиб, сероб бўл. Бу ҳолдан ибрат олиб, хурсанд бўл, дилингга тасалли ҳосил қил. *Парвардигор қуруқ дарахтдан ҳўл мева ато қилади. Шунга ўхшаш сенга ҳам отасиз фарзанд ато қилди.* Бас, агар бирон одамни кўриб қолсанг, сендан фарзандинг хусусида савол қилса, айтгил: «Мен Парвардигорим учун рўза назр қилганман. Бугун бирор инсон билан асло сўзлашмайман».

فَأَتَتْ بِهِۦ قَوْمَهَا تَحْمِلُهُۥ ۖ قَالُوا۟ يَـٰمَرْيَمُ لَقَدْ جِئْتِ شَيْـًٔا فَرِيًّا ﴿٢٧﴾ يَـٰٓأُخْتَ 16 жузъ
هَـٰرُونَ مَا كَانَ أَبُوكِ ٱمْرَأَ سَوْءٍ وَمَا كَانَتْ أُمُّكِ بَغِيًّا ﴿٢٨﴾ فَأَشَارَتْ إِلَيْهِ ۖ قَالُوا۟ كَيْفَ
نُكَلِّمُ مَن كَانَ فِى ٱلْمَهْدِ صَبِيًّا ﴿٢٩﴾

27-29. Бас, Биби Марям ҳазрати Ийсони кўтариб, қавмига келди. Биби Марямнинг қавми ўртага олиб, айтди: «Эй Марям, Парвардигор зотига қасамки, сен ёмон нарсани ўз қавмингга олиб келдинг. Эй Ҳоруннинг синглиси, сенинг отанг ёмон одам эмас эди. Сенинг онанг ҳам фоҳиша (бузуқ аёл) бўлмаган. Сен нима иш қилиб келдинг?». Бас, Биби Марям қавмига жавоб бермасдан, гўдакка ишорат қилиб айтди: «Бундан сўранглар?». Қавми айтдики: «Биз бешикда ётган гўдак билан қандоқ сўзлашамиз?».

قَالَ إِنِّى عَبْدُ ٱللَّهِ ءَاتَىٰنِىَ ٱلْكِتَـٰبَ وَجَعَلَنِى نَبِيًّا ﴿٣٠﴾ وَجَعَلَنِى مُبَارَكًا أَيْنَ مَا كُنتُ
وَأَوْصَـٰنِى بِٱلصَّلَوٰةِ وَٱلزَّكَوٰةِ مَا دُمْتُ حَيًّا ﴿٣١﴾ وَبَرًّۢا بِوَٰلِدَتِى وَلَمْ يَجْعَلْنِى جَبَّارًا
شَقِيًّا ﴿٣٢﴾ وَٱلسَّلَـٰمُ عَلَىَّ يَوْمَ وُلِدتُّ وَيَوْمَ أَمُوتُ وَيَوْمَ أُبْعَثُ حَيًّا ﴿٣٣﴾

30-33. (Ҳазрати) Ийсо қавмга қараб айтди: «Мен Худонинг бандасиман. Мени ўз қудрати билан яратди. Мени Пайғамбар қилиб сайлаб, Китоб беришга ваъда қилди. Қаерда бўлсам ҳам, мени баракотли қилди. Модомики ҳаётим бор, мени намозга ва закотга, онамга итоат қилишга амр қилди. Мени саркаш ва бадбахт қилмади, балки Ўзига итоатли қилиб яратди. Менга Парвардигор тарафидан таваллуд бўлган кунларимда ва ўлган кунларимда, Қиёмат куни тирилганимда саломатлик бўлсин!».

ذَٰلِكَ عِيسَى ٱبْنُ مَرْيَمَ ۚ قَوْلَ ٱلْحَقِّ ٱلَّذِى فِيهِ يَمْتَرُونَ ﴿٣٤﴾ مَا كَانَ لِلَّهِ أَن يَتَّخِذَ
مِن وَلَدٍ ۖ سُبْحَـٰنَهُۥٓ ۚ إِذَا قَضَىٰٓ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿٣٥﴾
وَإِنَّ ٱللَّهَ رَبِّى وَرَبُّكُمْ فَٱعْبُدُوهُ ۚ هَـٰذَا صِرَٰطٌ مُّسْتَقِيمٌ ﴿٣٦﴾

34-36. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Мен Сенга баён қилган мана шу қисса Биби Марямнинг ўғли Ийсо (алайҳиссалом) қиссаси эди. Насоролар билан яҳудлар Ийсо (алайҳиссалом) хусусида ихтилоф қиладилар. Насоролар ғулув қилиб, (ҳаддан ошиб, уни) «Худонинг ўғли», – десалар, яҳудлар мазаммат қилиб, «зинодан бўлган», дейдилар. Энди Мен Сенга ҳақ ва рост сўзни айтаман. Аллоҳ таолога Ўзи учун фарзанд пайдо қилиш (бола тутмоқ) лойиқ эмас. Аллоҳ таоло бу хил айблардан покдир. Вақтики, Парвардигор бир нарса яратишни ҳоҳласа, бас, «Бўл!» деган ҳамоно у нарса бўлади. Ийсо (алайҳиссалом) қавмига айтди: «Албатта, Аллоҳ
16 жузъ таоло мени яратган ва сизларни ҳам яратган Парвардигордир. Шу Зотга ибодат қилинглар. Тўғри йўл мана шудир».

فَٱخْتَلَفَ ٱلْأَحْزَابُ مِنۢ بَيْنِهِمْ ۖ فَوَيْلٌ لِّلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِن مَّشْهَدِ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿٣٧﴾
أَسْمِعْ بِهِمْ وَأَبْصِرْ يَوْمَ يَأْتُونَنَا ۖ لَٰكِنِ ٱلظَّٰلِمُونَ ٱلْيَوْمَ فِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٣٨﴾
وَأَنذِرْهُمْ يَوْمَ ٱلْحَسْرَةِ إِذْ قُضِىَ ٱلْأَمْرُ وَهُمْ فِى غَفْلَةٍ وَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٣٩﴾
إِنَّا نَحْنُ نَرِثُ ٱلْأَرْضَ وَمَنْ عَلَيْهَا وَإِلَيْنَا يُرْجَعُونَ ﴿٤٠﴾

37-40. Сўнгра гуруҳлар ўз ўрталарида Ийсо (алайҳиссалом) хусусида кўп ихтилофлар қилдилар. *Лекин ҳақ сўзни Мен Сенга айтдим* Бас, вой ул кофирлар ҳолигаки, Қиёматнинг улуғ кунларида Маҳшаргоҳда ҳозир бўладилар, илоҳий азобни мушоҳада қиладилар. Вақтики, Қиёмат куни кофирлар Бизнинг ҳузуримизга келганларида ниҳоятда ҳақ сўзни эшитгувчи, ҳақиқатни кўрувчи бўладилар. Лекин (энди) уларга ҳеч қандай фойда бермайди. Чунки у золимлар бу ҳаёти дунёда гумроҳлик йўлига кириб кетдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларни Қиёматнинг ҳасратли кунларидан қўрқитгил. Чунки у вақтда ҳамма иш тамом бўлади. Тавба қилишга ҳеч вақт (фурсат) қолмайди. Улар ғафлатдадирлар, иймон келтирмай қоладилар. У кунларда ер юзи ва ундаги махлуқотлар Бизга қолади ва ҳам Бизга қайтадилар. *Яъни, у кунда Биздан бошқа бирор ҳукм қилувчи молик (подшоҳ) бўлмайди.*

وَٱذْكُرْ فِى ٱلْكِتَٰبِ إِبْرَٰهِيمَ ۚ إِنَّهُۥ كَانَ صِدِّيقًا نَّبِيًّا ﴿٤١﴾ إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ يَٰٓأَبَتِ لِمَ
تَعْبُدُ مَا لَا يَسْمَعُ وَلَا يُبْصِرُ وَلَا يُغْنِى عَنكَ شَيْـًٔا ﴿٤٢﴾ يَٰٓأَبَتِ إِنِّى قَدْ جَآءَنِى
مِنَ ٱلْعِلْمِ مَا لَمْ يَأْتِكَ فَٱتَّبِعْنِىٓ أَهْدِكَ صِرَٰطًا سَوِيًّا ﴿٤٣﴾

41-43. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қуръонда зикр қилинган Иброҳим қиссасини ёд қилгил. Иброҳим Парвардигор наздида содиқ пайғамбарлардан эди. Вақтики, Иброҳим отасини бутпараст кўрди, айтди: «Эй ота, нима учун эшитмайдиган ва кўрмайдиган, сендан бирон зарарни даф қилолмайдиган бутга ибодат қиласан? Эй ота, Парвардигор сенга бермаган илмни менга ато қилди. Менинг гапимни қабул қил. Менга тобе бўлгил. Мен сени тўғри йўлга бошлайман.

يَٰٓأَبَتِ لَا تَعۡبُدِ ٱلشَّيۡطَٰنَۖ إِنَّ ٱلشَّيۡطَٰنَ كَانَ لِلرَّحۡمَٰنِ عَصِيّٗا ﴿٤٤﴾ يَٰٓأَبَتِ إِنِّيٓ
أَخَافُ أَن يَمَسَّكَ عَذَابٞ مِّنَ ٱلرَّحۡمَٰنِ فَتَكُونَ لِلشَّيۡطَٰنِ وَلِيّٗا ﴿٤٥﴾ قَالَ أَرَاغِبٌ
أَنتَ عَنۡ ءَالِهَتِي يَٰٓإِبۡرَٰهِيمُۖ لَئِن لَّمۡ تَنتَهِ لَأَرۡجُمَنَّكَۖ وَٱهۡجُرۡنِي مَلِيّٗا ﴿٤٦﴾

44-46. Эй ота, шайтонга ибодат қилма, чунки шайтон Худога осий бўлиб, мардуд бўлгандир. Эй ота, мен қўрқаманки, Худо тарафидан сенга азоб келиб, ҳалок бўласан. *Бас, дўзахда шайтон билан бирга бўласан».* Иброҳимнинг отаси айтди: «Эй Иброҳим, бизнинг маъбудимиздан юз ўгиргувчимисан? Агар бу динингдан қайтмасанг, мен Сени тошбўрон қиламан. Ҳозироқ мендан узоқ бўл». 16 жузъ

قَالَ سَلَٰمٌ عَلَيۡكَۖ سَأَسۡتَغۡفِرُ لَكَ رَبِّيٓۖ إِنَّهُۥ كَانَ بِي حَفِيّٗا ﴿٤٧﴾

47. Вақтики, Иброҳим (алайҳиссалом)нинг отаси Иброҳим (алайҳиссалом)га айтди: «Сен мендан узоқ бўл!», Иброҳим (алайҳиссалом) отасига айтди: «Бу дунёда сенга офатлардан саломатлик бўлсин, яқинда сенинг учун Парвардигоримдан мағфират талаб қиламан (сўрайман) ва сенинг гуноҳингни кечиришини тилаб, дуо қиламан. Чунки Аллоҳ таоло менга меҳрибондир»; *«Талабингни бераман», – деб ваъда қилгандир.*

وَأَعۡتَزِلُكُمۡ وَمَا تَدۡعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَأَدۡعُواْ رَبِّي عَسَىٰٓ أَلَّآ أَكُونَ بِدُعَآءِ رَبِّي
شَقِيّٗا ﴿٤٨﴾ فَلَمَّا ٱعۡتَزَلَهُمۡ وَمَا يَعۡبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَهَبۡنَا لَهُۥٓ إِسۡحَٰقَ وَيَعۡقُوبَۖ
وَكُلّٗا جَعَلۡنَا نَبِيّٗا ﴿٤٩﴾ وَوَهَبۡنَا لَهُم مِّن رَّحۡمَتِنَا وَجَعَلۡنَا لَهُمۡ لِسَانَ صِدۡقٍ عَلِيّٗا ﴿٥٠﴾

48-50. Энди Мен ўзларингизнинг талабларингизга мувофиқ, сизлардан, Худодан бошқа ибодат қилиб турган бутларингиздан узоқ бўламан. Яратган Парвардигоримга ибодат қиламан. Умидворманки, Парвардигоримга ибодат қилсам, раҳматидан ноумид (маҳрум) бўлмагайман». Вақтики, бу қавмдан ва ибодат қилиб турган бутларидан узоқ бўлди, Биз унга фарзанддан ноумидлик ҳолатида Исҳоқ ва *набираси* Яъқубни ато этдик. Уларнинг ҳаммаларини набий қилдик. Уларнинг ҳамма авлодларига Ўз раҳматимиз ва иноятимиздан фарзандлар инъом этдик. Ҳаммалари набий бўлдилар. Улар учун халқ ўртасида зикри жамиллар (мақтовли, яхши сўзлар) ато қилдик.

وَٱذۡكُرۡ فِي ٱلۡكِتَٰبِ مُوسَىٰٓۚ إِنَّهُۥ كَانَ مُخۡلَصٗا وَكَانَ رَسُولٗا نَّبِيّٗا ﴿٥١﴾
وَنَٰدَيۡنَٰهُ مِن جَانِبِ ٱلطُّورِ ٱلۡأَيۡمَنِ وَقَرَّبۡنَٰهُ نَجِيّٗا ﴿٥٢﴾
وَوَهَبۡنَا لَهُۥ مِن رَّحۡمَتِنَآ أَخَاهُ هَٰرُونَ نَبِيّٗا ﴿٥٣﴾

51-53. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қуръонда Мусо (алайҳиссалом) қиссасини ёд эт. Мусо ёмон сифатлардан покиза ва ҳам улуғ пайғамбарлардан эди. Биз Тур тоғининг ўнг тарафидан Мусога нидо қилиб гапир-

дик ва ҳам Мусони даргоҳимизга яқин қилиб, Ўзимизга ҳамроз (сирдош) қилдик. Ўзимизнинг раҳмат ва иноятимиздан унинг дуосини мустажоб қилиб, биродари Ҳорунни пайғамбарликда (унга) шерик қилиб бердик.

وَٱذۡكُرۡ فِي ٱلۡكِتَٰبِ إِسۡمَٰعِيلَۚ إِنَّهُۥ كَانَ صَادِقَ ٱلۡوَعۡدِ وَكَانَ رَسُولٗا نَّبِيّٗا ﴿٥٤﴾
وَكَانَ يَأۡمُرُ أَهۡلَهُۥ بِٱلصَّلَوٰةِ وَٱلزَّكَوٰةِ وَكَانَ عِندَ رَبِّهِۦ مَرۡضِيّٗا ﴿٥٥﴾

54-55. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қуръонда Исмоил (алайҳисса-
16 жузъ ломнинг қиссаларини ёд қил. Исмоил (алайҳиссалом) ваъдасига вафо қилувчи, Худо тарафидан юборилган Пайғамбар эди. У ўз аҳлини намоз ва закотга амр қиларди. Ва Парвардигорнинг наздида мақбул банда эди.

وَٱذۡكُرۡ فِي ٱلۡكِتَٰبِ إِدۡرِيسَۚ إِنَّهُۥ كَانَ صِدِّيقٗا نَّبِيّٗا ﴿٥٦﴾ وَرَفَعۡنَٰهُ مَكَانًا عَلِيًّا ﴿٥٧﴾
أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ أَنۡعَمَ ٱللَّهُ عَلَيۡهِم مِّنَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ مِن ذُرِّيَّةِ ءَادَمَ وَمِمَّنۡ حَمَلۡنَا مَعَ نُوحٖ
وَمِن ذُرِّيَّةِ إِبۡرَٰهِيمَ وَإِسۡرَٰٓءِيلَ وَمِمَّنۡ هَدَيۡنَا وَٱجۡتَبَيۡنَآۚ إِذَا تُتۡلَىٰ عَلَيۡهِمۡ ءَايَٰتُ
ٱلرَّحۡمَٰنِ خَرُّواْۤ سُجَّدٗاۤ وَبُكِيّٗا۩ ﴿٥٨﴾

56-58. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қуръонда Идриснинг ҳолини ҳам ёд қил. Идрис Парвардигор тарафидан юборилган набий, Аллоҳнинг содиқ бандаларидан эди. Биз уни юксак мақомга кўтардик. *Ёки уни осмонга кўтардик.* Зикр қилинган анбиёларга Парвардигор ўз раҳматини ато қилган эди. (Ҳазрати) Одам зурриётларидан ва ҳам Иброҳим (алайҳиссалом)нинг ва Яъқуб (алайҳиссалом)нинг авлодларидан эдилар. Биз у зотларни бандалар орасидан саралаб, роҳи рост (тўғри йўл)га ҳидоят қилган эдик. У зотларнинг сифатлари шундан иборат эдики, агар уларга Худонинг оятлари тиловат қилинса, ҳаммалари Худонинг азобидан қўрқиб, йиғлаган ҳолда саждага йиқилар эдилар. **(58-оят сажда оятидир).**

۞ فَخَلَفَ مِنۢ بَعۡدِهِمۡ خَلۡفٌ أَضَاعُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَٱتَّبَعُواْ ٱلشَّهَوَٰتِۖ فَسَوۡفَ
يَلۡقَوۡنَ غَيًّا ﴿٥٩﴾ إِلَّا مَن تَابَ وَءَامَنَ وَعَمِلَ صَٰلِحٗا فَأُوْلَٰٓئِكَ يَدۡخُلُونَ
ٱلۡجَنَّةَ وَلَا يُظۡلَمُونَ شَيۡـٔٗا ﴿٦٠﴾ جَنَّٰتِ عَدۡنٍ ٱلَّتِي وَعَدَ ٱلرَّحۡمَٰنُ عِبَادَهُۥ
بِٱلۡغَيۡبِۚ إِنَّهُۥ كَانَ وَعۡدُهُۥ مَأۡتِيّٗا ﴿٦١﴾ لَّا يَسۡمَعُونَ فِيهَا لَغۡوًا إِلَّا سَلَٰمٗاۖ وَلَهُمۡ
رِزۡقُهُمۡ فِيهَا بُكۡرَةٗ وَعَشِيّٗا ﴿٦٢﴾ تِلۡكَ ٱلۡجَنَّةُ ٱلَّتِي نُورِثُ مِنۡ عِبَادِنَا
مَن كَانَ تَقِيّٗا ﴿٦٣﴾

59-63. Бас, у зотлардан кейин шундоқ бадкирдор авлодлар пайдо бўлдики, намозни тарк қилдилар, шаҳвати нафсонияга пайравлик этдилар. Улар Қиёмат куни аламли азобга рўбарў бўладилар, тезда қилмишлари-

нинг жазосини кўрадилар. Магар улардан кимки тавба қилиб, иймон келтирса ва яхши амаллар қилса, улар жаннатга дохил бўладилар. Уларнинг савобларидан асло кам қилинмайди. Улар жаннати Аднга дохил бўладилар. Парвардигор бандаларига ваъда қилган бу жаннат бандаларнинг кўзидан ғойибдир. Албатта, Аллоҳ таолонинг ваъдасида хилоф бўлмайди (у келувчидир). У зотлар жаннатда беҳуда сўзни эшитмайдилар, магар «Ассалому алайкум!» калимасини эшитадилар. У жойда эртаю кеч ризқлари муҳайёдир. Биз у жаннатни муттақий бандаларимизга ато қиламиз.

وَمَا نَتَنَزَّلُ إِلَّا بِأَمْرِ رَبِّكَ لَهُۥ مَا بَيْنَ أَيْدِينَا وَمَا خَلْفَنَا وَمَا بَيْنَ ذَٰلِكَ وَمَا كَانَ 16 жузъ
رَبُّكَ نَسِيًّا ﴿٦٤﴾ رَّبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا فَٱعْبُدْهُ وَٱصْطَبِرْ لِعِبَٰدَتِهِۦ
هَلْ تَعْلَمُ لَهُۥ سَمِيًّا ﴿٦٥﴾

64-65. *Расулуллоҳга бир муддат Аллоҳ таоло тарафидан ваҳий таъхир бўлган экан. Вақтики, Жаброил алайҳиссалом ваҳий олиб келганида Расулуллоҳ айтдилар: «Мен сизнинг ваҳий олиб келишингизга кўп мунтазир бўлдим»*, Жаброил (алайҳиссалом) айтди: «Биз фаришталар фақат Аллоҳнинг амри билан ер юзига тушамиз. Бизларнинг олдимиздаги аҳволнинг (иш-нарсаларнинг), орқамиздаги аҳволнинг ё бу ўртадаги барча аҳволнинг илми Парвардигорга хосдир. *Ҳар бир нарсага ўз вақтида ҳукм қилади.* Парвардигоринг бирор нарсани эсидан чиқаргувчи эмас. Аллоҳ таоло еру осмонларни ва уларнинг ўртасидаги ашёларни халқ қилгувчи Раббидир. Сен Унга ибодат қил. Унга ибодат қилишда ҳар қандоқ машаққатларга сабр қил. Парвардигорингга монанд (ўхшаш) борлигини биласанми? *Ҳаргиз йўқдир!»*.

وَيَقُولُ ٱلْإِنسَٰنُ أَءِذَا مَا مِتُّ لَسَوْفَ أُخْرَجُ حَيًّا ﴿٦٦﴾ أَوَلَا يَذْكُرُ ٱلْإِنسَٰنُ أَنَّا
خَلَقْنَٰهُ مِن قَبْلُ وَلَمْ يَكُ شَيْـًٔا ﴿٦٧﴾ فَوَرَبِّكَ لَنَحْشُرَنَّهُمْ وَٱلشَّيَٰطِينَ ثُمَّ
لَنُحْضِرَنَّهُمْ حَوْلَ جَهَنَّمَ جِثِيًّا ﴿٦٨﴾

66-68. Қиёматга мункир бўлган баъзи инсонлар айтадики: «Мен ўлиб қабрга кирсам, қайтадан тирилтирилиб, қабрдан чиқариламанми?». У инсон илгари ҳеч бир нарса эмаслигида ҳам халқ қилганимизни ўйламайдими? Парвардигоринг номига қасамки, Биз уларни тирилтириб, шайтонлар билан бирга Маҳшарга жам этамиз. Сўнгра Биз уларнинг ҳаммаларини жаҳаннам атрофига чўкка тушиб, зору тазарру қилган ҳолларида ҳозир қиламиз.

ثُمَّ لَنَنزِعَنَّ مِن كُلِّ شِيعَةٍ أَيُّهُمْ أَشَدُّ عَلَى ٱلرَّحْمَٰنِ عِتِيًّا ﴿٦٩﴾ ثُمَّ لَنَحْنُ أَعْلَمُ
بِٱلَّذِينَ هُمْ أَوْلَىٰ بِهَا صِلِيًّا ﴿٧٠﴾ وَإِن مِّنكُمْ إِلَّا وَارِدُهَا كَانَ عَلَىٰ رَبِّكَ حَتْمًا
مَّقْضِيًّا ﴿٧١﴾ ثُمَّ نُنَجِّى ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوا۟ وَّنَذَرُ ٱلظَّٰلِمِينَ فِيهَا جِثِيًّا ﴿٧٢﴾

69-72. Сўнгра Биз ҳар бир гуруҳдан Парвардигорига иймон келтирмай, оғир гуноҳ қилганларини чиқариб (гуруҳ ичидан суғуриб) оламиз. Албатта, дўзахга ташлашга лойиқ бўлган гуруҳларни биламиз. Ҳеч бир кимса йўқки, магар у дўзахдан убур қилиб ўтади (яъни, сизлардан у дўзахдан убур қилиб ўтмаган бирор киши қолмас). Парвардигорингнинг бу ҳукми қатъийдур. Биз фақат имон келтирган ва тақво қилган гуруҳларга (азобдан) нажот берамиз. Золимларни дўзахда чўккалаб ўтирган ҳолатда қолдирамиз.

16 жузъ

وَإِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتُنَا بَيِّنَٰتٍ قَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لِلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ أَىُّ
ٱلْفَرِيقَيْنِ خَيْرٌ مَّقَامًا وَأَحْسَنُ نَدِيًّا ﴿٧٣﴾ وَكَمْ أَهْلَكْنَا قَبْلَهُم مِّن قَرْنٍ هُمْ
أَحْسَنُ أَثَٰثًا وَرِءْيًا ﴿٧٤﴾

73-74. Вақтики, Макка мушрикларига равшан (очиқ) оятларимиз тиловат қилинса, кофирлар масхара қилиб, мўминларга айтадилар: «Икки фирқанинг, *яъни, сизларнинг фирқаларингиз билан бизларнинг фирқамиздан* қайси бирининг мақоми ва манзили яхши ва қайси бирининг мажлис ва суҳбатлари аълодир? *Яъни, кофирлар, албатта, бизларнинг маишатимиз сизларникидан яхши, демоқчилар.* Парвардигор уларнинг мол ва давлатда фахрланишларини рад қилиб айтади: «Биз улардан илгари кўп гуруҳларни фахрланишлари боис ҳалок қилдик. Улар ҳолат, маишат, давлат, мол ва ўз суратларининг зеболиги жиҳатидан ҳам Макка кофирларидан бир неча баробар яхшироқ эдилар». *У молу мулклар Худонинг азобидан нажот беролмади.*

قُلْ مَن كَانَ فِى ٱلضَّلَٰلَةِ فَلْيَمْدُدْ لَهُ ٱلرَّحْمَٰنُ مَدًّا ۚ حَتَّىٰٓ إِذَا رَأَوْا۟ مَا يُوعَدُونَ إِمَّا
ٱلْعَذَابَ وَإِمَّا ٱلسَّاعَةَ فَسَيَعْلَمُونَ مَنْ هُوَ شَرٌّ مَّكَانًا وَأَضْعَفُ جُندًا ﴿٧٥﴾

75. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен уларга айтгил: Ҳар ким бу дунёда гумроҳ бўлса, Ҳақ таоло унинг молига баракот беради, умрини узайтириб қўяди. (Аммо) вақтики, улар Худо тарафидан ваъда қилинган азобни мушоҳада қилганларида ё Қиёмат кунини мушоҳада қилганларида, бас, албатта, қайси бир фирқанинг мақоми улуғ ва қайси бир фирқа роҳат ва маишатда эканини биладилар. Қайси бирларининг ёрдамчилари заиф ва қайси бирларининг мададкорлари қавий (кучли) эканини у мақомда яхши биладилар ва огоҳланадилар.

وَيَزِيدُ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ٱهْتَدَوْا۟ هُدًى ۗ وَٱلْبَٰقِيَٰتُ ٱلصَّٰلِحَٰتُ خَيْرٌ عِندَ رَبِّكَ ثَوَابًا
وَخَيْرٌ مَّرَدًّا ﴿٧٦﴾ أَفَرَءَيْتَ ٱلَّذِى كَفَرَ بِـَٔايَٰتِنَا وَقَالَ لَأُوتَيَنَّ مَالًا وَوَلَدًا ﴿٧٧﴾
أَطَّلَعَ ٱلْغَيْبَ أَمِ ٱتَّخَذَ عِندَ ٱلرَّحْمَٰنِ عَهْدًا ﴿٧٨﴾

76-78. Аллоҳ таоло ҳар бир нозил бўлган оятининг тасдиғи учун мўминларнинг ҳидоятини зиёда қилур. Қиёматгача боқий қоладиган амаллар, Парвардигорнинг наздида кофирларнинг молу амволидан яхшироқдир,

Чунки Қиёмат куни бу амалларга яхши жазолар (ажру мукофотлар) бериладИ. Охири хайрлидир. Бизнинг оятимизни инкор қилган кофирнинг: «Худо тарафидан менга охиратда молу давлат, авлодлар берилади», – деб айтганини кўрдингми (эшитдингми)? У кофир *Лавҳул Маҳфузни кўрганмикан*, ғайб ишларни билармикан, ё Худонинг ваъдасини олганмикан?.

كَلَّا ۚ سَنَكْتُبُ مَا يَقُولُ وَنَمُدُّ لَهُۥ مِنَ ٱلْعَذَابِ مَدًّا ﴿٧٩﴾
وَنَرِثُهُۥ مَا يَقُولُ وَيَأْتِينَا فَرْدًا ﴿٨٠﴾ وَٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِ ٱللَّهِ ءَالِهَةً لِّيَكُونُوا۟
لَهُمْ عِزًّا ﴿٨١﴾ كَلَّا ۚ سَيَكْفُرُونَ بِعِبَادَتِهِمْ وَيَكُونُونَ عَلَيْهِمْ ضِدًّا ﴿٨٢﴾ 16 жузъ

79-82. (Йўқ!) Ҳаргиз унинг айтгани бўлмас! Биз оғзидан чиққан гапларни ёзамиз. Унга узоқ муддатли азоб берамиз. Ва унинг айтаёган молу амволлари у ўлганидан сўнг Бизга қолади. Қиёмат куни Бизнинг олдимизга танҳо келади. Худодан бошқага – бутларга ибодат қилиб, гумон қилдиларки, у бутлар уларга иззат ва обрў келтиради. Ҳаргиз бу умидлари ҳосил бўлмайди! Қиёмат куни Худонинг азобини кўрганларида бутлар мушрикларнинг ибодатларини инкор қиладилар, уларга душман бўладилар.

أَلَمْ تَرَ أَنَّآ أَرْسَلْنَا ٱلشَّيَـٰطِينَ عَلَى ٱلْكَـٰفِرِينَ تَؤُزُّهُمْ أَزًّا ﴿٨٣﴾ فَلَا تَعْجَلْ عَلَيْهِمْ ۖ
إِنَّمَا نَعُدُّ لَهُمْ عَدًّا ﴿٨٤﴾ يَوْمَ نَحْشُرُ ٱلْمُتَّقِينَ إِلَى ٱلرَّحْمَـٰنِ وَفْدًا ﴿٨٥﴾
وَنَسُوقُ ٱلْمُجْرِمِينَ إِلَىٰ جَهَنَّمَ وِرْدًا ﴿٨٦﴾
لَّا يَمْلِكُونَ ٱلشَّفَـٰعَةَ إِلَّا مَنِ ٱتَّخَذَ عِندَ ٱلرَّحْمَـٰنِ عَهْدًا ﴿٨٧﴾

83-87. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен билмадингми, Биз шайтонларни кофирларга юбордик? Бу шайтонлар кофирларни исён қилишга тарғиб қилиб, ҳаракатта соладилар. Сен уларнинг азобига шошилмагил. Биз уларни азоб қилиш учун кунларини ҳисоблаб, муайян қилиб қўйганмиз. Қиёмат куни бўлганида муттақийларни (тақводорларни) меҳмон қилиш учун Парвардигорнинг жаннатларига тўплаймиз. Гуноҳкорларни ташналик ҳолларида жаҳаннам тарафга ҳайдаймиз. Аҳли Маҳшар бир-бирини шафоат қилишга қодир бўлмайдилар, магар Худо тарафидан рухсат олган (изн берилган) шахсгина (шафоат қилишга) қодир бўлади.

وَقَالُوا۟ ٱتَّخَذَ ٱلرَّحْمَـٰنُ وَلَدًا ﴿٨٨﴾ لَّقَدْ جِئْتُمْ شَيْـًٔا إِدًّا ﴿٨٩﴾ تَكَادُ ٱلسَّمَـٰوَٰتُ يَتَفَطَّرْنَ
مِنْهُ وَتَنشَقُّ ٱلْأَرْضُ وَتَخِرُّ ٱلْجِبَالُ هَدًّا ﴿٩٠﴾ أَن دَعَوْا۟ لِلرَّحْمَـٰنِ وَلَدًا ﴿٩١﴾ وَمَا يَنۢبَغِى
لِلرَّحْمَـٰنِ أَن يَتَّخِذَ وَلَدًا ﴿٩٢﴾ إِن كُلُّ مَن فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ إِلَّآ ءَاتِى ٱلرَّحْمَـٰنِ
عَبْدًا ﴿٩٣﴾ لَّقَدْ أَحْصَىٰهُمْ وَعَدَّهُمْ عَدًّا ﴿٩٤﴾ وَكُلُّهُمْ ءَاتِيهِ يَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ فَرْدًا ﴿٩٥﴾

88-95. Кофирлар: «Худонинг боласи бор», – деб айтадилар. Иззати жалолимга қасамки, дарҳақиқат, Аллоҳга жуда ёмон нарсани нисбат беряпсизлар. Аллоҳга бола (фарзанд) нисбатини берганларинг боис қарийбки

(яқиндурки) осмонлар тешилса, ер ёрилса ва тоғлар парчаланиб йиқилиб тушса. Бола туғдириш Аллоҳга лойиқ эмас. Ердаги ва осмонлардаги зотлар ҳаммаси Худонинг бандасидир. Парвардигорнинг илми ва қудрати уларни иҳота қилиб олгандир. Аллоҳ наздида уларнинг ўзлари ва аъмоллари – ҳаммаси саноқлидир ва ҳаммалари Парвардигорнинг олдига танҳо бўлиб келадилар.

إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّـٰلِحَـٰتِ سَيَجْعَلُ لَهُمُ ٱلرَّحْمَـٰنُ وُدًّا ﴿٩٦﴾ فَإِنَّمَا

16 жузъ يَسَّرْنَـٰهُ بِلِسَانِكَ لِتُبَشِّرَ بِهِ ٱلْمُتَّقِينَ وَتُنذِرَ بِهِۦ قَوْمًا لُّدًّا ﴿٩٧﴾ وَكَمْ أَهْلَكْنَا

قَبْلَهُم مِّن قَرْنٍ هَلْ تُحِسُّ مِنْهُم مِّنْ أَحَدٍ أَوْ تَسْمَعُ لَهُمْ رِكْزًۢا ﴿٩٨﴾

96-98. Парвардигор, албатта, иймон келтириб, яхши амал қилган гуруҳларнинг муҳаббатини ҳамманинг дилига солади. *Чунки Худо яхши кўрганини ҳамма ҳам яхши кўради.* Биз Қуръонни муттақийларга Худонинг раҳматидан башорат беришинг ва Худонинг душманларини азобдан қўрқитишинг учун Сенинг тилингда нозил қилдик ва Сенга осон қилдик. Бу кофирлардан илгари кўпларини исён қилганлари сабабидан ҳалок этганмиз, ер юзидан шундоқ маҳв бўлиб кетдиларки, лоақал биронталарини кўриб, овозларини эшитасанми? (Яъни, биронталарини кўрмайсан ҳам, овозларини ҳам эшитмайсан).

Маккада нозил бўлган бу сура бир юз ўттиз беш оятдан иборатдир.

16 жузъ

Суранинг бошида «то-ҳа» ҳарфлари келгани учун сура «Тоҳа» номини олган. Ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳунинг бу сура сабабли мусулмон бўлгани Ислом тарихида муҳим из қолдирган. Воқеанинг қисқача тарихи бундай: Исломнинг дастлабки пайтларида унинг ашаддий душмани бўлган Хаттоб ўғли Умар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламни ўлдириш учун йўлга чиқади. Кетаётганида синглиси Фотима ва унинг эри Саиднинг мусулмон бўлганини билиб, аввал уларнинг ишини битирай деб қарор қилади. «Тоҳа» сурасини ўқиётган эр-хотин Умар келиши билан Қуръонни яширадилар, бироқ Умар Қуръон оятларини эшитиб қолади. Ўқиган нарсаларини кўрсатишларини сўрайди. Улар рад этганларидан кейин, Умар Саидга ташланади ва йўлини тўсган синглиси Фотимани уриб юборади. Юзидан қонлар оққан Фотима жасорат намоён этиб, мусулмон бўлганларини очиқ айтади. Синглисининг аҳволига раҳми келган Умар бу гал юмшоқлик билан яна улар ўқиган нарсага қизиқсиниб, ўқиб беришларини сўрайди. «Тоҳа» сураси ёзилган оятлар варағини ўқиганларидан кейин, у Қуръоннинг мўъжизали маъноларидан таъсирланади ва Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ёнларига бориб, мусулмон бўлади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

Вақтики, жаноби Расулуллоҳ Худонинг ибодатига маъмур эдилар, кечалари ухламасдан ибодат қилар, кундузлари рўза тутар эдилар. Ҳатто оёқлари варам (шишиб кетар) эди. Парвардигор ушбу оятни юбориб, Расулуллоҳни бу тариқа қаттиқ ибодат қилишдан манъ қилди. Ва айтди:

طه ﴿١﴾ مَآ أَنزَلْنَا عَلَيْكَ ٱلْقُرْءَانَ لِتَشْقَىٰٓ ﴿٢﴾ إِلَّا تَذْكِرَةً لِّمَن يَخْشَىٰ ﴿٣﴾

1-3. То. Ҳа. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таологa хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз Сенга Қуръонни Сенинг машаққат тортишинг учун эмас, балки Худодан қўрққан бандаларга панд берасан ва мавъиза қиласан, Худодан қўрқмайдиган бандаларни Худонинг азобидан қўрқитасан, деб нозил қилдик. Сенинг вазифанг Худонинг бандаларига (динни) таблиғ (тарғиб) қилмоқдан иборат. *Шунинг ўзи Сенга улуғ ибодатдир.*

تَنزِيلًا مِّمَّنْ خَلَقَ ٱلْأَرْضَ وَٱلسَّمَٰوَٰتِ ٱلْعُلَى ﴿٤﴾ ٱلرَّحْمَٰنُ عَلَى ٱلْعَرْشِ ٱسْتَوَىٰ
﴿٥﴾ لَهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا وَمَا تَحْتَ ٱلثَّرَىٰ ﴿٦﴾ وَإِن
تَجْهَرْ بِٱلْقَوْلِ فَإِنَّهُۥ يَعْلَمُ ٱلسِّرَّ وَأَخْفَى ﴿٧﴾ ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ لَهُ ٱلْأَسْمَآءُ
ٱلْحُسْنَىٰ ﴿٨﴾

16 жузъ 4-8. Бу Қуръон осмонлару ерни халқ қилган Парвардигор тарафидан нозил бўлгандир. Аллоҳ таоло Ўзининг улуғ қудрати билан Аршга муставлий ва мутасарриф (уни тасарруф қилгувчи)дир. Осмонлардаги малоикалар бўлсин, ернинг бетидаги ва тагидаги ашёлар, ер бирлан осмон ўртасидаги махлуқлар бўлсин – ҳаммаси Худонинг мулкидир. Агар Сен ошкора сўзласанг ҳам ё дилингда яширин сўзласанг ҳам, Аллоҳ ҳаммасини билади. Бир Аллоҳдан бошқа ҳеч бир маъбуд йўқ. Аллоҳнинг яхши номлари ва яхши сифатлари бордир.

وَهَلْ أَتَىٰكَ حَدِيثُ مُوسَىٰٓ ﴿٩﴾ إِذْ رَءَا نَارًا فَقَالَ لِأَهْلِهِ ٱمْكُثُوٓا۟ إِنِّىٓ ءَانَسْتُ نَارًا
لَّعَلِّىٓ ءَاتِيكُم مِّنْهَا بِقَبَسٍ أَوْ أَجِدُ عَلَى ٱلنَّارِ هُدًى ﴿١٠﴾

9-10. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга Мусо ҳақида хабар келганми? Мусонинг қиссасини биласанми? *Агар билмасанг, Мен Сенга ҳикоя қиламан, токи Мусонинг ҳолидан ибрат ол, мусибатларга сабр қил, сабр қилишда унга иқтидо (пайрав, издош) бўл. Вақтики, Мусо аёлини олиб, Ҳазрати Шуайбдан рухсат тилаб, ўз ватани Мисрга жўнади, йўлда совуқ бўлди, йўлни ҳам йўқотиб, адашдилар. Хотини ҳомиладор эди. Туғиш дарди (тўлғоқ) бошланди. Хотини: «Совуқ бўлди. Ўт ёқсангиз эди»,- деб талаб қилди.* Мусо (алайҳиссалом) узоқда ўт ёнганини кўрди. *Вақтики, ўтни кўрди,* аёлига айтди: «Озгина сабр қилиб туринглар, мен ўтни кўряпман. Шоядки ўшал ўтдан бир лахчасини олиб келарман ё ўтни топиб берадиган одамни учратарман».

فَلَمَّآ أَتَىٰهَا نُودِىَ يَٰمُوسَىٰٓ ﴿١١﴾ إِنِّىٓ أَنَا۠ رَبُّكَ فَٱخْلَعْ نَعْلَيْكَ إِنَّكَ بِٱلْوَادِ
ٱلْمُقَدَّسِ طُوًى ﴿١٢﴾ وَأَنَا ٱخْتَرْتُكَ فَٱسْتَمِعْ لِمَا يُوحَىٰٓ ﴿١٣﴾ إِنَّنِىٓ أَنَا ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ
إِلَّآ أَنَا۠ فَٱعْبُدْنِى وَأَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ لِذِكْرِىٓ ﴿١٤﴾

11-14. Вақтики, Мусо (алайҳиссалом) ўтнинг олдига келди. Кўрдики, ўт эмас, балки бир дарахтдан нур зоҳир бўлиб турибди. У нур тарафидан нидо қилинди: «Эй Мусо, Мен Сенинг Парвардигорингман, оёғингдан ковушингни чиқар (еч), Сен Тувo номли бир муқаддас водийда турибсан! *Яъни, одоб учун ковушингни еч.* Мен Сени бандалар ичидан нубувват (пайғамбарлик) мансабига ихтиёр қилдим. Энди Сенга нима ваҳий қилинса, эшитгил ва унга амал қилгил. Мен якка ва ягона Аллоҳдурман, Мендан бошқа маъбуд йўқдир. Бас, Сен Менга ибодат қил ва Мени ёд этган ҳолда намоз ўқи!

إِنَّ ٱلسَّاعَةَ ءَاتِيَةٌ أَكَادُ أُخْفِيهَا لِتُجْزَىٰ كُلُّ نَفْسٍ بِمَا تَسْعَىٰ ﴿١٥﴾ فَلَا يَصُدَّنَّكَ
عَنْهَا مَن لَّا يُؤْمِنُ بِهَا وَٱتَّبَعَ هَوَىٰهُ فَتَرْدَىٰ ﴿١٦﴾

15-16. Албатта, Қиёмат келгувчидир. Унинг келадиган вақтини ҳеч ким билмайди. Токи ҳар бир нафснинг қилмишига яраша жазо бериш учун Мен уни пинҳон қилганман. Сенга лозими шуки, Қиёматга иймон келтиришдан ҳеч бир нарса Сени тўсмасин. У шахсларки, Қиёматга иймон келтирмайдилар, ҳавойи нафсларига эргашадилар, Сен уларга эргашмагилки, ҳалок бўласан». 16 жузъ

وَمَا تِلْكَ بِيَمِينِكَ يَـٰمُوسَىٰ ﴿١٧﴾ قَالَ هِىَ عَصَاىَ أَتَوَكَّؤُا۟ عَلَيْهَا وَأَهُشُّ بِهَا
عَلَىٰ غَنَمِى وَلِىَ فِيهَا مَـَٔارِبُ أُخْرَىٰ ﴿١٨﴾

17-18. *Вақтики, Ҳазрати Мусо Аллоҳ таоло тарафидан пайғамбарлик мартабасига етди, Аллоҳ таоло Ҳазрати Мусога пайғамбарлигига ҳужжат бўлиши учун мўъжизалар ато қилмоқни хоҳлади.* Ҳақ таоло унга айтди: «Ўнг қўлингга ушлаганинг нима, эй Мусо?». Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Бу менинг асойимдир. Унга такя қилиб, суяниб юраман ва қўйларимга дарахтлардан барг қоқиб бераман. Бу асода менинг бошқа ҳожатларим ҳам бордир». *Яъни, «баъзи зиён қилувчиларни ўзимдан даф қиламан». Бу асони Ҳазрати Шуайб алайҳиссалом Ҳазрати Мусо сафарга ирода қилганида берган эди. Баъзи ривоятларга кўра, Ҳазрати Одам алайҳиссаломдан қолган экан.*

قَالَ أَلْقِهَا يَـٰمُوسَىٰ ﴿١٩﴾ فَأَلْقَىٰهَا فَإِذَا هِىَ حَيَّةٌ تَسْعَىٰ ﴿٢٠﴾ قَالَ خُذْهَا وَلَا
تَخَفْ سَنُعِيدُهَا سِيرَتَهَا ٱلْأُولَىٰ ﴿٢١﴾ وَٱضْمُمْ يَدَكَ إِلَىٰ جَنَاحِكَ تَخْرُجْ بَيْضَآءَ
مِنْ غَيْرِ سُوٓءٍ ءَايَةً أُخْرَىٰ ﴿٢٢﴾ لِنُرِيَكَ مِنْ ءَايَـٰتِنَا ٱلْكُبْرَى ﴿٢٣﴾ ٱذْهَبْ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ
إِنَّهُۥ طَغَىٰ ﴿٢٤﴾

19-24. Парвардигор айтди: «Эй Мусо, бу асони қўлингдан ерга ташла!» Мусо (алайҳиссалом) қўлидан ерга ташлади. Бас, ногоҳ у асо улуғ илон (аждарҳо) бўлиб, ерда ҳаракат қилар эди. (Ҳазрати) Мусо қўрқиб, қочгани турди. Ҳақ таоло айтди: «Сен қўрқма, асони қўлингга ол. Сен асони қўлингга олсанг, ўз аслига келтирамиз. Эй Мусо, қўлингни қўлтиғингга қисиб, яна бу ёққа чиқариб ол, қўлинг нур берувчи барқга (яшинга) айланади. Бу Сенга ҳеч зиёнсиз яна бир мўъжизадир. Биз Сенга бошқа улуғ мўъжизалар ато қилишни хоҳлаймиз. Энди Сен Фиръавн олдига боргил. Чунки Фиръавн Худога исён қилишда ҳаддидан ошгандир. Сен уни Менинг тарафимга даъват қил!»

قَالَ رَبِّ ٱشْرَحْ لِى صَدْرِى ﴿٢٥﴾ وَيَسِّرْ لِىٓ أَمْرِى ﴿٢٦﴾ وَٱحْلُلْ عُقْدَةً مِّن لِّسَانِى

﴿٢٧﴾ يَفْقَهُوا۟ قَوْلِى ﴿٢٨﴾ وَٱجْعَل لِّى وَزِيرًا مِّنْ أَهْلِى ﴿٢٩﴾ هَٰرُونَ أَخِى ﴿٣٠﴾ ٱشْدُدْ
بِهِۦٓ أَزْرِى ﴿٣١﴾ وَأَشْرِكْهُ فِىٓ أَمْرِى ﴿٣٢﴾ كَىْ نُسَبِّحَكَ كَثِيرًا ﴿٣٣﴾ وَنَذْكُرَكَ كَثِيرًا ﴿٣٤﴾
إِنَّكَ كُنتَ بِنَا بَصِيرًا ﴿٣٥﴾ قَالَ قَدْ أُوتِيتَ سُؤْلَكَ يَٰمُوسَىٰ ﴿٣٦﴾

25-36. *Вақтики, Мусо алайҳиссалом набий бўлиб, Фиръавннинг олдига
бормоқчи бўлди, дуо қилиб, Ҳақ таолодан баъзи нарсаларни сўради.* Айт-
ди: «Эй Парвардигоро, *биринчидан* (аввало), қалбимни кенг қилгил, ди-
16 жузъ лимга қувват бергил, *токи кулфатларингга дилтанг бўлмасдан, сабр қилгувчи
бўлай,* пайғамбарлик иши (вазифаси)даги ҳар бир ишни осон қилгил. Ти-
лимдаги лукнот (тугун)ни очгил, токи сўзимни яхши фаҳмласинлар. *Тил-
ларида дудуқлик бор эди.* Яна менга ўз аҳлимдан Ҳорунни вазир қилиб
бер. У билан менинг қувватимни мустаҳкам қилгил! Вазифаи нубувватда
(пайғамбарлик вазифасида) уни менга шерик қилгил, токи Сенга кўплаб
тасбеҳ айтайлик ва ибодат қилайлик. Ва Сени кўп ёд қилайлик. Сен биз-
нинг ҳолимизни билгувчи доносан». Парвардигор айтди: «Эй Мусо, сўра-
ган нарсаларингнинг ҳаммаси Сенга берилди». *Дуоинг қабул қилинди.*

وَلَقَدْ مَنَنَّا عَلَيْكَ مَرَّةً أُخْرَىٰٓ ﴿٣٧﴾ إِذْ أَوْحَيْنَآ إِلَىٰٓ أُمِّكَ مَا يُوحَىٰٓ ﴿٣٨﴾ أَنِ ٱقْذِفِيهِ
فِى ٱلتَّابُوتِ فَٱقْذِفِيهِ فِى ٱلْيَمِّ فَلْيُلْقِهِ ٱلْيَمُّ بِٱلسَّاحِلِ يَأْخُذْهُ عَدُوٌّ لِّى وَعَدُوٌّ لَّهُۥ ۚ
وَأَلْقَيْتُ عَلَيْكَ مَحَبَّةً مِّنِّى وَلِتُصْنَعَ عَلَىٰ عَيْنِىٓ ﴿٣٩﴾

37-39. Эй Мусо, Мен Сенга бошқа марта ҳам кўп эҳсонлар қилган эдим. *Бундан бошқа вақтларда ҳам лозимки, Менинг шукримни бажо келтир, Сенга қилган эҳсонларимни ёд эт. Ҳозир Мен Сенга ҳикоя қиламан. Вақтики, онанг Сени туғди, Фиръавннинг амалдорлари қатл қилиш учун ўғил болаларни қидирар эдилар. Онанг Сени тирик сақлаб қолиш учун мутаҳаййир (ҳайрон) бўлиб қолди.* У вақтда Биз онангнинг дилига шу тарзда илҳом қилдик: «Болангни сандиққа солиб, уни қопқоғини маҳкам беркитиб, Нил дарёсига ташла, сўнгра дарё уни соҳилга чиқариб қўяди, токи Менинг ва болангнинг душмани (уни) олиб, тарбия қилади». Сенинг дилингга Ўзимнинг муҳаббатимни солдим. Ва бошқаларнинг дилига ҳам Сенинг муҳаббатингни солдим. Хоҳладимки, Сен Менинг муҳофазатимда (ҳимоямда униб-ўсиб) тарбия топгайсан.

إِذْ تَمْشِىٓ أُخْتُكَ فَتَقُولُ هَلْ أَدُلُّكُمْ عَلَىٰ مَن يَكْفُلُهُۥ ۖ فَرَجَعْنَٰكَ إِلَىٰٓ أُمِّكَ كَىْ
تَقَرَّ عَيْنُهَا وَلَا تَحْزَنَ ۚ وَقَتَلْتَ نَفْسًا فَنَجَّيْنَٰكَ مِنَ ٱلْغَمِّ وَفَتَنَّٰكَ فُتُونًا ۚ فَلَبِثْتَ
سِنِينَ فِىٓ أَهْلِ مَدْيَنَ ثُمَّ جِئْتَ عَلَىٰ قَدَرٍ يَٰمُوسَىٰ ﴿٤٠﴾

40. Вақтики, Сенинг опанг Фиръавннинг хотини олдига бориб айтган эди: «Мен сизларга у боланинг кафил бўлиб, тарбия қилгувчисини кўрсатайми?» Фиръавннинг хотини айтди: «Тезлик билан бу ерга тарбия қилувчини олиб кел». Опанг бориб онангни олиб келди. Бас, Биз Сени онангга

қайтариб бердик, токи Сенинг дийдорингни кўриб, онангнинг кўзлари хурсандчиликдан равшан бўлсин ва Сенинг фироқингда ғамгин бўлмасин. Сен Фиръавннинг тарбиясида навжувонлик даврига қадам қўйдинг. Сўнгра бир қибтийни ўлдирдинг. Фиръавн Сендан қасос олиб ўлдирмоқчи бўлди. Сен қочиб кетдинг. Бизлар Сенга бу ғам ва қўрқувлардан нажот бердик. Сени кўп кулфатларга мубтало қилдик. Синов учун Сен аҳли Мадян ичида неча йиллар умр кечирдинг. Сўнгра тақдири илоҳий бирла, эй Мусо, ўз ватанингга келдинг.

وَٱصْطَنَعْتُكَ لِنَفْسِى ﴿٤١﴾ ٱذْهَبْ أَنتَ وَأَخُوكَ بِـَٔايَٰتِى وَلَا تَنِيَا فِى ذِكْرِى ﴿٤٢﴾

41-42. Сўнгра Сени ўзимга нубувват учун ихтиёр қилдим. Энди Сен 16 жузъ
ва биродаринг Менинг оятларим (мўъжизаларим) бирла Фиръавннинг ҳузурига боринглар. Мени ёд қилишда ва ибодатларимни адо этишда сустлик қилманглар.

ٱذْهَبَآ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ إِنَّهُۥ طَغَىٰ ﴿٤٣﴾ فَقُولَا لَهُۥ قَوْلًا لَّيِّنًا لَّعَلَّهُۥ يَتَذَكَّرُ أَوْ يَخْشَىٰ ﴿٤٤﴾

قَالَا رَبَّنَآ إِنَّنَا نَخَافُ أَن يَفْرُطَ عَلَيْنَآ أَوْ أَن يَطْغَىٰ ﴿٤٥﴾

43-45. Икковларинг Фиръавннинг ҳузурига боринглар, даъват қилинглар, чунки у ҳаддидан ошди. Икковларинг Фиръавнга мулойим сўзланглар, қаттиқ сўзламанглар. Шоядки насиҳатларингни олиб, Худонинг азобидан қўрқса. Икковлари айтдилар: «Эй Парвардигоро, биз Фиръавннинг азоб беришидан қўрқамиз. Фиръавн бизнинг мўъжизаларимизга қарамасдан, бизни ўлимга буюриши ёки ниҳоятда (жуда) ҳаддидан ошиб, Сенинг муқаддас зотингга беодоблик қилиши мумкин».

قَالَ لَا تَخَافَآ إِنَّنِى مَعَكُمَآ أَسْمَعُ وَأَرَىٰ ﴿٤٦﴾ فَأْتِيَاهُ فَقُولَآ إِنَّا رَسُولَا
رَبِّكَ فَأَرْسِلْ مَعَنَا بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ وَلَا تُعَذِّبْهُمْ قَدْ جِئْنَٰكَ بِـَٔايَةٍ مِّن رَّبِّكَ
وَٱلسَّلَٰمُ عَلَىٰ مَنِ ٱتَّبَعَ ٱلْهُدَىٰٓ ﴿٤٧﴾

46-47. Парвардигор айтди: «Сизлар ҳеч нарсадан қўрқманглар, Мен сизлар билан биргаман, доим сизларни муҳофазат қиламан, сўзларингизни эшитаман ва ҳолатларингизни кўриб тураман. Сизлар Фиръавннинг олдига боринглар ва «Бизлар Худо томонидан келган элчилармиз», — денглар. «*Биринчидан*, бизларга иймон келтиргил, *иккинчидан*, Бани Исроилни бизга қўшиб юбор, Байтул Мақдисга олиб кетайлик, бу халққа кўп азоб бермагил. Батаҳқиқ, Биз сенинг ҳузурингга сени яратган Парвардигорингдан мўъжизалар олиб келдик. Худога иймон келтириб, ҳидоят йўлига тобе бўлган зотларга Худонинг саломи бўлсин!».

إِنَّا قَدْ أُوحِىَ إِلَيْنَآ أَنَّ ٱلْعَذَابَ عَلَىٰ مَن كَذَّبَ وَتَوَلَّىٰ ﴿٤٨﴾ قَالَ فَمَن رَّبُّكُمَا
يَٰمُوسَىٰ ﴿٤٩﴾ قَالَ رَبُّنَا ٱلَّذِىٓ أَعْطَىٰ كُلَّ شَىْءٍ خَلْقَهُۥ ثُمَّ هَدَىٰ ﴿٥٠﴾ قَالَ فَمَا
بَالُ ٱلْقُرُونِ ٱلْأُولَىٰ ﴿٥١﴾

48-51. Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Меҳга Худо тарафидан хабар берилди. Қиёмат кунида Худодан юз ўтирувчиларга ва мункир бўлувчиларга Худонинг азоби бўлар экан». Вақтики, (Ҳазрати) Мусо Фиръавннинг ҳузурига келиб, уни Худо тарафига даъват қилди, Фиръавн сўрадики: «Эй Мусо, сизларнинг (иккингизнинг) Парвардигорингиз ким?» Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Бизнинг Парвардигоримиз шундай Зотдирки, ҳар бир нарсани халқ қилиб, ўзига мувофиқ суратини ато қилди, сўнгра тирикликнинг маошини талаб қилишга йўл кўрсатди». Фиръавн айтди: «Биздан муқаддам ўтган халқларнинг аҳволи нима бўлди? *Улар ҳам Сен*
16 жузъ *айтган Худони танимас эдилар*».

قَالَ عِلْمُهَا عِندَ رَبِّي فِي كِتَٰبٍ ۖ لَّا يَضِلُّ رَبِّي وَلَا يَنسَى ﴿٥٢﴾ ٱلَّذِي جَعَلَ لَكُمُ
ٱلْأَرْضَ مَهْدًا وَسَلَكَ لَكُمْ فِيهَا سُبُلًا وَأَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَأَخْرَجْنَا بِهِۦٓ
أَزْوَٰجًا مِّن نَّبَاتٍ شَتَّىٰ ﴿٥٣﴾ كُلُوا۟ وَٱرْعَوْا۟ أَنْعَٰمَكُمْ ۗ
إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّأُو۟لِي ٱلنُّهَىٰ ﴿٥٤﴾

52-54. Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Уларнинг ҳолини Парвардигорим билади, қандай ҳолда бўлсалар, Лавҳул Маҳфузда ёзилгандир. Худо ҳеч бир нарсани хато ҳам қилмайди ва фаромуш ҳам қилмайди. Аллоҳ таоло шундоқ Зотки, ер юзини сизларга сукунат (яшаш) учун яратди ва яна ерда сизларнинг фойдангиз учун йўллар очиб, тайёрлаб берди, осмондан ёмғирлар ёғдирди». Парвардигор айтадики: «Бу ёмғир билан ҳар қисм (турли) гиёҳларни, ранг-баранг набoтот навларини кўкартириб (ўстириб) бердик ва ҳам сизларнинг манфаатларингиз учун боғлар ва молларингизнинг фойдаси учун кўкатлар кўкартириб бердик. Энди сизлар бу боғларнинг меваларидан енглар, гиёҳлари билан ҳайвонларингизни боқинглар. Бу ишларда ақлли инсонлар учун Бизнинг қудратимизга далолат қилгувчи нишоналар бордир.

۞ مِنْهَا خَلَقْنَٰكُمْ وَفِيهَا نُعِيدُكُمْ وَمِنْهَا نُخْرِجُكُمْ تَارَةً أُخْرَىٰ ﴿٥٥﴾ وَلَقَدْ أَرَيْنَٰهُ
ءَايَٰتِنَا كُلَّهَا فَكَذَّبَ وَأَبَىٰ ﴿٥٦﴾

55-56. Биз сизларни ердан халқ қилганмиз. Сизларни ўлдириб, яна ерга қайтарамиз. Қиёмат куни сизларни қайтадан тирилтириб, ушбу ердан чиқарамиз. Дарҳақиқат, Биз Фиръавнга ҳамма оят-мўъжизамизни кўрсатдик, лекин у ишонмади ва иймон келтиришдан ибо қилди (бош тортди)».

قَالَ أَجِئْتَنَا لِتُخْرِجَنَا مِنْ أَرْضِنَا بِسِحْرِكَ يَٰمُوسَىٰ ﴿٥٧﴾ فَلَنَأْتِيَنَّكَ بِسِحْرٍ
مِّثْلِهِۦ فَٱجْعَلْ بَيْنَنَا وَبَيْنَكَ مَوْعِدًا لَّا نُخْلِفُهُۥ نَحْنُ وَلَآ أَنتَ مَكَانًا سُوًى ﴿٥٨﴾
قَالَ مَوْعِدُكُمْ يَوْمُ ٱلزِّينَةِ وَأَن يُحْشَرَ ٱلنَّاسُ ضُحًى ﴿٥٩﴾ فَتَوَلَّىٰ فِرْعَوْنُ فَجَمَعَ
كَيْدَهُۥ ثُمَّ أَتَىٰ ﴿٦٠﴾

57-60. Фиръавн айтди: «Эй Мусо, сеҳринг билан бизни мулкимиздан чиқариб, ўзинг подшоҳ бўлишга келдингми? Биз, албатта, Сенинг сеҳрингга ўхшаш сеҳрни тайёрлаб, Сенинг муқобилингга келтирамиз. Биз билан ўзингнинг ўртангда муқобала қилиш учун бир вақтни ваъда қил. У ваъдага биз ҳам хилоф қилмайлик, Сен ҳам хилоф қилмагил. Ва ҳам бир текис жойни ихтиёр эт». Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Сен билан ваъдамиз сизларнинг ийд(байрам) кунингиз бўлади. Мардум тўпланган чошгоҳ вақтида муқобала қиламиз». Бас, Фиръавн ўз ўрдасига қайтдида, вазирлари билан маслаҳатлашиб, Мусо (алайҳиссалом)га муқобала қилиш учун жодугарларни (сеҳргарларни) жамлаб келди. 16 жузъ

قَالَ لَهُم مُّوسَىٰ وَيْلَكُمْ لَا تَفْتَرُوا۟ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا فَيُسْحِتَكُم بِعَذَابٍ ۖ
وَقَدْ خَابَ مَنِ ٱفْتَرَىٰ ﴿٦١﴾ فَتَنَٰزَعُوٓا۟ أَمْرَهُم بَيْنَهُمْ وَأَسَرُّوا۟ ٱلنَّجْوَىٰ ﴿٦٢﴾

61-62. Мусо (алайҳиссалом) сеҳргарларга айтди: «Вой сизларнинг ҳолингизга! Худонинг Пайғамбарини жодугар деб, Худога нисбатан ёлғон туҳмат (бўҳтон) қилманглар. Аллоҳ таоло сизларга азоб юбориб, ҳалок қилади. Худога туҳмат қилувчи ҳаргиз мақсадига етмайди». Жодугарлар ўз ўрталарида (Ҳазрати) Мусога муқобала қилиш тўғрисида махфий маслаҳат қилдилар.

قَالُوٓا۟ إِنْ هَٰذَٰنِ لَسَٰحِرَٰنِ يُرِيدَانِ أَن يُخْرِجَاكُم مِّنْ أَرْضِكُم بِسِحْرِهِمَا وَيَذْهَبَا
بِطَرِيقَتِكُمُ ٱلْمُثْلَىٰ ﴿٦٣﴾ فَأَجْمِعُوا۟ كَيْدَكُمْ ثُمَّ ٱئْتُوا۟ صَفًّا ۚ وَقَدْ أَفْلَحَ ٱلْيَوْمَ مَنِ
ٱسْتَعْلَىٰ ﴿٦٤﴾ قَالُوا۟ يَٰمُوسَىٰٓ إِمَّآ أَن تُلْقِىَ وَإِمَّآ أَن نَّكُونَ أَوَّلَ مَنْ أَلْقَىٰ ﴿٦٥﴾

63-65. Фиръавнга айтдиларки: «Бу иккови, албатта, соҳирлардир, ўзининг сеҳри билан сизларни бу мамлакатдан чиқаришни, сизларнинг яхши динингизни йўқ қилишни хоҳлайдилар». Бас, Фиръавн жодугарларга айтди: «Ҳийлаларингизни (сеҳру жодунгизни) бошланг. Саф тортиб майдонга келинг. Қайси тараф ғолиб бўлса, шу мақсадига етади». Жодугарлар айтдилар: «Эй Мусо, муқобала қилмоқ учун Сен сеҳрингни аввал ташлайсанми ё биз аввал ташлайликми?».

قَالَ بَلْ أَلْقُوا۟ ۖ فَإِذَا حِبَالُهُمْ وَعِصِيُّهُمْ يُخَيَّلُ إِلَيْهِ مِن سِحْرِهِمْ أَنَّهَا تَسْعَىٰ ﴿٦٦﴾
فَأَوْجَسَ فِى نَفْسِهِۦ خِيفَةً مُّوسَىٰ ﴿٦٧﴾ قُلْنَا لَا تَخَفْ إِنَّكَ أَنتَ ٱلْأَعْلَىٰ ﴿٦٨﴾
وَأَلْقِ مَا فِى يَمِينِكَ تَلْقَفْ مَا صَنَعُوٓا۟ ۖ إِنَّمَا صَنَعُوا۟ كَيْدُ سَٰحِرٍ ۖ وَلَا يُفْلِحُ ٱلسَّاحِرُ
حَيْثُ أَتَىٰ ﴿٦٩﴾

66-69. Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Аввал сиз ташланг». Бас, жодугарлар сеҳр асбобларини (арқон ва асоларини) майдонга ташладилар. Бас, ногоҳ уларнинг асолари ва арқонлари хаёл қилиндики, ҳаммаси илонлар бўлиб, майдонда ҳаракат қилар эди. Мусо (алайҳиссалом) нафсида қўрқув

даҳшатини ҳис этди. Биз ваҳий юбориб, айтдик: «Эй Мусо, қўрқма, (Сен ғалаба қиласан). Ўнг қўлингдаги асони майдонга ташла, токи жодугарларнинг қилган жодуларини ютиб юборсин. Уларнинг қилган ишлари – соҳирларнинг ҳийласи, холос. *Албатта, мўъжиза олдида сеҳр мағлуб бўлади.* Соҳир қаерга борса ҳам, нажот топмайди».

فَأُلْقِيَ ٱلسَّحَرَةُ سُجَّدًا قَالُوٓا۟ ءَامَنَّا بِرَبِّ هَٰرُونَ وَمُوسَىٰ ٧٠ قَالَ ءَامَنتُمْ لَهُۥ قَبْلَ
أَنْ ءَاذَنَ لَكُمْ ۖ إِنَّهُۥ لَكَبِيرُكُمُ ٱلَّذِى عَلَّمَكُمُ ٱلسِّحْرَ ۖ فَلَأُقَطِّعَنَّ أَيْدِيَكُمْ
16 жузъ وَأَرْجُلَكُم مِّنْ خِلَٰفٍ وَلَأُصَلِّبَنَّكُمْ فِى جُذُوعِ ٱلنَّخْلِ وَلَتَعْلَمُنَّ أَيُّنَآ أَشَدُّ عَذَابًا
وَأَبْقَىٰ ٧١

70–71. Жодугарлар *аниқ билдиларки, Мусодан содир бўлган амр (иш) сеҳр эмас, балки мўъжизадир. Чунки сеҳр сеҳрни ботил қилмайди. Ҳаммалари қилган ишларидан пушаймон бўлиб,* Парвардигорга сажда қилмоқ учун ерга йиқилдилар. Айтдиларки: «Бизлар Мусо билан Ҳоруннинг Худосига иймон келтирдик». Фиръавн айтди: «Мен ижозат бермасимдан олдин Мусонинг Худосига иймон келтирдингизлар-ми? *Энди билсам, сизларга сеҳрни таълим берган устозларинг Мусо экан.* Энди мен сизларга жазо бериб, қўл-оёқларингизнинг бирини ўнгдан ва бошқасини чапдан қилиб кесдираман. Ибрат учун жасадларингизни хурмонинг танасига осиб қўяман. Сўнгра биласизлар, менинг азобим боқий ва қаттиқми ё Мусонинг Худосининг азоби боқий ва қаттиқми?».

قَالُوا۟ لَن نُّؤْثِرَكَ عَلَىٰ مَا جَآءَنَا مِنَ ٱلْبَيِّنَٰتِ وَٱلَّذِى فَطَرَنَا ۖ فَٱقْضِ مَآ أَنتَ
قَاضٍ ۖ إِنَّمَا تَقْضِى هَٰذِهِ ٱلْحَيَوٰةَ ٱلدُّنْيَآ ٧٢ إِنَّآ ءَامَنَّا بِرَبِّنَا لِيَغْفِرَ لَنَا خَطَٰيَٰنَا
وَمَآ أَكْرَهْتَنَا عَلَيْهِ مِنَ ٱلسِّحْرِ ۗ وَٱللَّهُ خَيْرٌ وَأَبْقَىٰٓ ٧٣ إِنَّهُۥ مَن يَأْتِ رَبَّهُۥ مُجْرِمًا فَإِنَّ
لَهُۥ جَهَنَّمَ لَا يَمُوتُ فِيهَا وَلَا يَحْيَىٰ ٧٤

72–74. Жодугарлар айтдилар: «Бизларга мўъжизотлар содир бўлиб, бизни халқ қилган Парвардигор зоҳир бўлгандан кейин сени худоликка ҳаргиз ихтиёр қилмаймиз ва ҳукмингни бажармаймиз. Бизга нима ҳукм қилсанг, қилавер, бизлар парво қилмаймиз. Сен нима ҳукм қилсанг, шу дунёда қиласан, бу ҳукмларинг ҳамиша давом этмайди. Бизлар Парвардигоримизга иймон келтирдик. Биз ўтган хатоларимизни Парвардигор кечиришини умид қиламиз. Ва ҳам сен бизни сеҳр билан мўъжизага муқобала этишга мажбур қилган хатойимизни ҳам кечиришини Худодан умид қиламиз. Аллоҳ таоло бизга ҳамма нарсадан аълороқ, Аллоҳ яхшидир ва ҳамиша боқийдир». Албатта, кимки Қиёмат куни Парвардигорининг ҳузурига гуноҳкор бўлиб келаркан, бас, унга жаҳаннамнинг азоби тайёрдир. Жаҳаннамда ўлмайди, унда яхши ҳаёт ҳам йўқ.

وَمَن يَأْتِهِۦ مُؤْمِنًا قَدْ عَمِلَ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فَأُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمُ ٱلدَّرَجَٰتُ ٱلْعُلَىٰ ﴿٧٥﴾
جَنَّٰتُ عَدْنٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا ۚ وَذَٰلِكَ جَزَآءُ مَن تَزَكَّىٰ ﴿٧٦﴾

75-76. Ҳар ким Парвардигорнинг ҳузурига мўмин бўлиб, яхши амал қилиб келар экан, бас, уларга жаннати Аднда юксак мартабалар берилади. Бу жаннатнинг бўстонларидан анҳорлар жорий (оқиб) туради. Аҳли жаннат у ерда абадий бўлади. Покиза, муттақий одамларнинг мукофоти шундан иборатдир.

16 жузъ

وَلَقَدْ أَوْحَيْنَآ إِلَىٰ مُوسَىٰٓ أَنْ أَسْرِ بِعِبَادِى فَٱضْرِبْ لَهُمْ طَرِيقًا فِى ٱلْبَحْرِ يَبَسًا لَّا
تَخَٰفُ دَرَكًا وَلَا تَخْشَىٰ ﴿٧٧﴾ فَأَتْبَعَهُمْ فِرْعَوْنُ بِجُنُودِهِۦ فَغَشِيَهُم مِّنَ ٱلْيَمِّ مَا غَشِيَهُمْ
﴿٧٨﴾ وَأَضَلَّ فِرْعَوْنُ قَوْمَهُۥ وَمَا هَدَىٰ ﴿٧٩﴾

77-79. Биз Мусога ваҳий юбориб буюрдик: «Сен тунда бандаларимни Мисрдан олиб кет. Улар учун дарё (денгиз) йўлини танла. У дарёдан (денгиздан) сизларга қуруқ йўл ато қиламан. Сен Фиръавннинг етиб келишидан ҳам, дарёга ғарқ бўлишдан ҳам қўрқмагил. Мен сизларни Фиръавннинг зулмидан саломат сақлайман». *Фиръавн иккинчи куни хабар топдики, Бани Исроил Мисрдан чиқиб кетибди.* Фиръавн лашкарини олиб, Бани Исроилнинг орқасидан қувиб, дарё (денгиз) лабига келди. Қарадики, сув ўртасида йўл пайдо бўлган. Фиръавн лашкари билан шу йўлдан ўтмоқчи бўлиб дарёга (денгизга) кирди. Дарёнинг (денгизнинг) улуғ мавжлари уларни ўраб олди. Фиръавн ўз қавмини ҳам йўқотди, ўзи ҳам йўл топмади. Ҳаммалари дарёга ғарқ бўлдилар.

يَٰبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ قَدْ أَنجَيْنَٰكُم مِّنْ عَدُوِّكُمْ وَوَٰعَدْنَٰكُمْ جَانِبَ ٱلطُّورِ ٱلْأَيْمَنَ
وَنَزَّلْنَا عَلَيْكُمُ ٱلْمَنَّ وَٱلسَّلْوَىٰ ﴿٨٠﴾ كُلُوا۟ مِن طَيِّبَٰتِ مَا رَزَقْنَٰكُمْ وَلَا تَطْغَوْا۟ فِيهِ
فَيَحِلَّ عَلَيْكُمْ غَضَبِى ۖ وَمَن يَحْلِلْ عَلَيْهِ غَضَبِى فَقَدْ هَوَىٰ ﴿٨١﴾ وَإِنِّى لَغَفَّارٌ لِّمَن
تَابَ وَءَامَنَ وَعَمِلَ صَٰلِحًا ثُمَّ ٱهْتَدَىٰ ﴿٨٢﴾

80-82. Биз ваҳий орқали Бани Исроилга айтдик: «Эй Бани Исроил, сизларга душманларингиздан нажот бердик. Тур тоғининг ўнг тарафида сукунат қилмоқларингиз (яшаб қолмоқларингиз) учун ваъда бердик. Сизларга марҳамат қилиб, тайёр шакарни (ширинликни) осмондан ёғдирдик. Қовурилган бедана гўштини ато қилдик. Биз муқаррар қилган ризқларимизни енглар, бир-бирларингизнинг ҳақларингизга тажовуз қилманглар, неъматларимизни еб, гуноҳ қилманглар. Шукр бажо келтиринглар, акс ҳолда, бошингизга Менинг ғазабим ёғилади. Кимгаки Менинг ғазабим етса, у шаксиз ҳалок бўлади. Албатта, Мен кечирувчиман. Тавба қилган, иймон келтириб, яхши амаллар қилган, сўнгра тўғри йўлда барқарор бўлган бандаларимнинг гуноҳларини, албатта, кечираман».

۞ وَمَآ أَعۡجَلَكَ عَن قَوۡمِكَ يَٰمُوسَىٰ ﴿٨٣﴾ قَالَ هُمۡ أُوْلَآءِ عَلَىٰٓ أَثَرِي وَعَجِلۡتُ
إِلَيۡكَ رَبِّ لِتَرۡضَىٰ ﴿٨٤﴾

83-84. «Эй Мусо, Сени нима шошилтирдики, қавмингдан жудо бўлиб келдинг?». *Қисса шундан иборат эдики, Ҳақ таоло Мусо алайҳиссаломга ваҳий юборган эди: «Қавмингнинг ашрофларидан (улуғларидан) етмиш кишини олиб, Тур тоғига келгил, Мен Сенга Тавротни ато қиламан». Мусо алайҳиссалом қавмини йўлда қолдириб, ўзи танҳо Тур тоғига келди. Шунинг учун Худо хитоб қилиб айтдики: «Нима учун қавмингдан жудо бўлиб, танҳо келдинг?».* Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Улар менинг изимдан келяптилар. Эй Парвардигор, Сен бу қилмишимдан рози бўласан деб, Сен томонга шошилиб келдим».

16 жузъ

قَالَ فَإِنَّا قَدۡ فَتَنَّا قَوۡمَكَ مِنۢ بَعۡدِكَ وَأَضَلَّهُمُ ٱلسَّامِرِيُّ ﴿٨٥﴾

85. Аллоҳ деди: «Эй Мусо, Сендан кейин қавмингни фитнага мубтало қилдик, ҳаммалари бузоққа ибодат қилгани турдилар. Сомирий деган шахс уларни гумроҳ қилди». *Сомирий ўзи заргар эди, қибтийлардан ўлжа қилиб олган тиллаларни эритиб, қолипга қуйиб, бузоқнинг ҳайкалини тайёрлади. Бир ривоятда, Жаброил алайҳиссалом Фиръавнни ҳалок қилмоқ учун келганларида, отининг оёқларидан чиққан тупроқдан олиб қўйган экан. Тупроқни ўша ҳайкалга сепди, бузоқ тирилиб, овоз қилгани турди. Сомирий Бани Исроилга айтди: «Мана шу Мусонинг ва сизларнинг худоларингиздир. Мусо эсидан чиқариб, Худони излаб, Тур тоғига кетди».*

فَرَجَعَ مُوسَىٰٓ إِلَىٰ قَوۡمِهِۦ غَضۡبَٰنَ أَسِفٗاۚ قَالَ يَٰقَوۡمِ أَلَمۡ يَعِدۡكُمۡ رَبُّكُمۡ وَعۡدًا
حَسَنًاۚ أَفَطَالَ عَلَيۡكُمُ ٱلۡعَهۡدُ أَمۡ أَرَدتُّمۡ أَن يَحِلَّ عَلَيۡكُمۡ غَضَبٞ مِّن رَّبِّكُمۡ
فَأَخۡلَفۡتُم مَّوۡعِدِي ﴿٨٦﴾

86. *Мусо алайҳиссалом Тур тоғида муножотдан фориғ бўлди. Худойи таоло ваъдага мувофиқ китоб (Таврот)ни берди, қавмига* қайтиб келди. Қавмини бу ҳолда кўриб, ниҳоятда афсусланиб, ғазабнок бўлди. Қавмини маломат қилиб айтдики: «Эй қавмим, Парвардигорим сизларга яхши ваъдалар бермаганмиди? Ахир аҳкоми шариатни баён қилувчи Тавротни бераман, деб ваъда қилган эди-ку! Мен сизлардан жудо бўлиб кетганимга кўп вақт ўтгани йўқ-ку? *Қирқ кунга ваъда қилган эдим, шу ваъдада қайтиб келдим.* Ё сизлар қасддан Парвардигорингизнинг ғазаби ўз бошингизга ёғилишини истадингизларми? Иймонимизда барқарор турамиз, деб ваъда қилган эдингизлар-ку? Менга берган ваъдага хилоф иш қилдингизлар».

قَالُواْ مَآ أَخۡلَفۡنَا مَوۡعِدَكَ بِمَلۡكِنَا وَلَٰكِنَّا حُمِّلۡنَآ أَوۡزَارٗا مِّن زِينَةِ ٱلۡقَوۡمِ فَقَذَفۡنَٰهَا
فَكَذَٰلِكَ أَلۡقَى ٱلسَّامِرِيُّ ﴿٨٧﴾ فَأَخۡرَجَ لَهُمۡ عِجۡلٗا جَسَدٗا لَّهُۥ خُوَارٞ فَقَالُواْ هَٰذَآ

إِلَٰهُكُمْ وَإِلَٰهُ مُوسَىٰ فَنَسِيَ ﴿٨٨﴾ أَفَلَا يَرَوْنَ أَلَّا يَرْجِعُ إِلَيْهِمْ قَوْلًا وَلَا يَمْلِكُ
لَهُمْ ضَرًّا وَلَا نَفْعًا ﴿٨٩﴾

87-89. Бузоқпарастлар айтдиларки: «Сенинг ваъдангга ўз ихтиёримизча хилоф қилганимиз йўқ. Мажбуран ихтиёр қилдик. Бизнинг елкамизга бу муомала мажбуран юклатилди. Қибтийлардан қолган (зар) зеварларни ўтга солдик, Сомирий ҳам қўлидаги зеб-зийнатларни ўтга солди. Бас, Сомирий ўтнинг ичидан Бани Исроилга гусола (бузоқнинг) ҳайкалини чиқариб берди. Бузоққа ўхшаш овоз қилар эди. «Худоларинг ва Мусонинг Худоси ҳам мана шудир, Мусо эса буни унутиб қўйди», – деб ҳаммани гумроҳ қилди. Бузоқпарастлар у бузоқ сўзлашга ҳам, уларга жавоб беришга ҳам, бирор фойда-зарар етказишга ҳам қодир эмаслигини билмайдиларми?. 16 жузъ

وَلَقَدْ قَالَ لَهُمْ هَٰرُونُ مِن قَبْلُ يَٰقَوْمِ إِنَّمَا فُتِنتُم بِهِۦ وَإِنَّ رَبَّكُمُ ٱلرَّحْمَٰنُ فَٱتَّبِعُونِى
وَأَطِيعُوٓا۟ أَمْرِى ﴿٩٠﴾ قَالُوا۟ لَن نَّبْرَحَ عَلَيْهِ عَٰكِفِينَ حَتَّىٰ
يَرْجِعَ إِلَيْنَا مُوسَىٰ ﴿٩١﴾

90-91. Мусо (алайҳиссалом) ҳануз Тур тоғидан келмаган эди, Ҳорун (алайҳиссалом) кўрдики, Бани Исроил гумроҳ бўлди. Уларга қараб айтди: «Эй қавмим, сизлар бузоқнинг ибодатига мубтало бўлдингизлар, ваҳоланки, сизларни яратган Зот – меҳрибон ягона Худонинг ўзи эди. Ҳали ҳам бўлса, менга тобе бўлинглар, ҳукмимга итоат қилинглар». Яҳудлар айтдилар: «То Мусо келгунича биз бу бузоқпарастликдан қайтмаймиз». Мусо (алайҳиссалом) Тур тоғидан қайтиб келди. Бу ҳолни кўриб Ҳорун (алайҳиссалом)га айтди:

قَالَ يَٰهَٰرُونُ مَا مَنَعَكَ إِذْ رَأَيْتَهُمْ ضَلُّوٓا۟ ﴿٩٢﴾ أَلَّا تَتَّبِعَنِ ۖ أَفَعَصَيْتَ أَمْرِى ﴿٩٣﴾
قَالَ يَبْنَؤُمَّ لَا تَأْخُذْ بِلِحْيَتِى وَلَا بِرَأْسِىٓ ۖ إِنِّى خَشِيتُ أَن تَقُولَ فَرَّقْتَ بَيْنَ بَنِىٓ
إِسْرَٰٓءِيلَ وَلَمْ تَرْقُبْ قَوْلِى ﴿٩٤﴾

92-94. «Эй Ҳорун, кўрдингки, Бани Исроил гумроҳ бўлди, менинг орқамдан бориб, менга хабар беришингга нима нарса моне бўлди? Мен сенга Бани Исроилни топшириб, васият қилган эдим, сени ўзимга халифа қилиб, уларнинг ҳолини ислоҳ қилгил, гумроҳ бўлгани қўймагил, деган эдим. Нега амримни бажо келтирмадинг?». Ҳорун (алайҳиссалом) айтди: «Эй онамнинг боласи, менинг соқолимдан тортма, бошимдан ҳам тортма, мен қўрқдимки, насиҳат қилсам, бу қавм икки фирқа бўлиб қолсалар, Бани Исроил жамоасига тафриқа солибсан, менинг қавлимга (сўзимга) амал қилмабсан, мен сенга ислоҳ қилгил деган эдим, сен тафриқа солибсан, деб айтар эдинг. Шунинг учун хомуш бўлдим».

قَالَ فَمَا خَطْبُكَ يَٰسَٰمِرِيُّ ﴿٩٥﴾ قَالَ بَصُرْتُ بِمَا لَمْ يَبْصُرُواْ بِهِۦ فَقَبَضْتُ
قَبْضَةً مِّنْ أَثَرِ ٱلرَّسُولِ فَنَبَذْتُهَا وَكَذَٰلِكَ سَوَّلَتْ لِي نَفْسِي ﴿٩٦﴾

95-96. Сўнгра Мусо (алайҳиссалом) Сомирийга қараб айтди: «Эй Сомирий, сен бу улуғ гуноҳ ишга қандай қилиб қўл урдинг? Сабабини айтиб бер». Сомирий айтди: «Мен Бани Исроил кўрмаган нарсани кўрдим. Яъни, Фиръавнни ҳалок қилмоқ учун Худо тарафидан келган малоикани танидим. Отининг оёғи тагидан чиққан тупроқдан бир қабза (сиқим) олдим. Бузоқнинг ҳайкали тепасига сочдим. Бузоқ тирилиб, овоз
16 жузъ
қила бошлади. Нафсим менга шу ишни маъқул қилди».

قَالَ فَٱذْهَبْ فَإِنَّ لَكَ فِي ٱلْحَيَوٰةِ أَن تَقُولَ لَا مِسَاسَ وَإِنَّ لَكَ
مَوْعِدًا لَّن تُخْلَفَهُۥ وَٱنظُرْ إِلَىٰٓ إِلَٰهِكَ ٱلَّذِي ظَلْتَ عَلَيْهِ عَاكِفًا لَّنُحَرِّقَنَّهُۥ
ثُمَّ لَنَنسِفَنَّهُۥ فِي ٱلْيَمِّ نَسْفًا ﴿٩٧﴾ إِنَّمَآ إِلَٰهُكُمُ ٱللَّهُ ٱلَّذِي لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ وَسِعَ
كُلَّ شَيْءٍ عِلْمًا ﴿٩٨﴾

97-98. Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Сенинг жазоинг шуки, Бани Исроил қавмидан чиқиб кет! Сенга тирикликда азоб шуки, рўбарў бўлган одамга: «Менга яқин келманглар!», – деб айтурсан».

Ривоят қиладиларки, Мусо алайҳиссаломнинг дуолари билан Сомирийнинг баданида бир дард пайдо бўлган эди. Ким яқин борса, унга ҳам бу дард юқар эди. Сомирийнинг ўзи одамларга: «Менга яқин келманглар!», – деб айтар эди.

Мусо (алайҳиссалом) айтди: *«Бу азоб сенинг бу дунёда тортган азобингдир, аммо* Қиёматда сенга ваъда қилинган улуғ азоб бордир. Бу ваъдага вафо қилинади. Энди сен ўзингнинг ибодат қилган «худойингга» назар сол, бизлар уни куйдириб, кул қиламиз, дарёга (денгизга) совурамиз. Сен ибрат билан назар қилгин, шу аҳволга тушган нарсага ибодат қилиб бўладими?! Эй Бани Исроил, ҳақиқий ибодат қилинадиган Худоларинг якка ва ягонадир, Ўзи танҳодир, бошқа маъбуд йўқдир, Унинг илми ҳамма нарсани иҳота қилиб олгандир».

كَذَٰلِكَ نَقُصُّ عَلَيْكَ مِنْ أَنۢبَآءِ مَا قَدْ سَبَقَ وَقَدْ ءَاتَيْنَٰكَ مِن لَّدُنَّا ذِكْرًا ﴿٩٩﴾
مَّنْ أَعْرَضَ عَنْهُ فَإِنَّهُۥ يَحْمِلُ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ وِزْرًا ﴿١٠٠﴾ خَٰلِدِينَ فِيهِ وَسَآءَ لَهُمْ يَوْمَ
ٱلْقِيَٰمَةِ حِمْلًا ﴿١٠١﴾ يَوْمَ يُنفَخُ فِي ٱلصُّورِ وَنَحْشُرُ ٱلْمُجْرِمِينَ يَوْمَئِذٍ زُرْقًا ﴿١٠٢﴾
يَتَخَٰفَتُونَ بَيْنَهُمْ إِن لَّبِثْتُمْ إِلَّا عَشْرًا ﴿١٠٣﴾ نَّحْنُ أَعْلَمُ بِمَا يَقُولُونَ إِذْ يَقُولُ
أَمْثَلُهُمْ طَرِيقَةً إِن لَّبِثْتُمْ إِلَّا يَوْمًا ﴿١٠٤﴾

99-104. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга ушбу Мусо (алайҳиссалом)нинг қиссаларига ўхшаш қисса баён қиламиз. Ўзимиз тарафимиздан Сенга ўтганларнинг аҳволини панд-насиҳат қилувчи Қуръон бердик. Ҳар ким саркашлик қилиб, Қуръондан юз ўгирса, у шахс Қиёмат куни гуноҳларнинг юкини кўтариб, ҳозир бўлади; доимий азобда қолади. Қиёмат куни ундай одамларнинг кўтарган юклари жуда ҳам ёмон юкдир. (Ҳазрати) Исрофил Қиёмат куни сур тортганида уларни юзлари қорайган ва кўзлари кўкарган ҳолда жам қиламиз. Ўзаро махфий (пичирлаб) сўзлашадиларки: «У дунёда ўн кунгина ҳаёт кечирдингиз, (холос)». Хуллас, камоли даҳшатдан кечирган умрларини эсдан чиқарадилар. Улардан баъзи донороқлари айтадилар: «Сизлар ҳаёт кечирганингиз йўқ, магар бир кун холос». Қиёмат кунига қараганда дунё (куни)нинг ҳаммаси бир кундир (бир кунга ўхшаб қолади). 16 жузъ

وَيَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلْجِبَالِ فَقُلْ يَنسِفُهَا رَبِّى نَسْفًا ﴿١٠٥﴾ فَيَذَرُهَا قَاعًا صَفْصَفًا
﴿١٠٦﴾ لَّا تَرَىٰ فِيهَا عِوَجًا وَلَآ أَمْتًا ﴿١٠٧﴾ يَوْمَئِذٍ يَتَّبِعُونَ ٱلدَّاعِىَ لَا عِوَجَ لَهُۥ
وَخَشَعَتِ ٱلْأَصْوَاتُ لِلرَّحْمَٰنِ فَلَا تَسْمَعُ إِلَّا هَمْسًا ﴿١٠٨﴾

105-108. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан кофирлар: «Қиёмат куни тоғларнинг аҳволи нима бўлади?» – деб савол қилишади. Сен жавоб берки: «Тоғларни гард-гард қилади ва шамолга буюриб совуради, ерни холи (бўм-бўш) ва текис аҳволда қолдиради. Ерда пастлик, жарлик ва баландликларни кўрмайсан. Шу кунда тамом халойиқ, чақирувчининг орқасидан эргашади. Исрофил (алайҳиссалом): «Маҳшаргоҳда ҳаммалaрингиз ҳозир бўлинглар», – деб чақиради. Ҳеч ким бурилиб, қочиб бирор тарафга кетолмайди. У кунда Парвардигорнинг ҳайбатидан ҳамма хомуш бўлади. Ҳеч кимдан бирор овоз эшитмайсан, магар ҳамма овозлар махфий бўлади.

يَوْمَئِذٍ لَّا تَنفَعُ ٱلشَّفَٰعَةُ إِلَّا مَنْ أَذِنَ لَهُ ٱلرَّحْمَٰنُ وَرَضِىَ لَهُۥ قَوْلًا ﴿١٠٩﴾ يَعْلَمُ مَا
بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِهِۦ عِلْمًا ﴿١١٠﴾ ۞ وَعَنَتِ ٱلْوُجُوهُ لِلْحَىِّ
ٱلْقَيُّومِ ۖ وَقَدْ خَابَ مَنْ حَمَلَ ظُلْمًا ﴿١١١﴾ وَمَن يَعْمَلْ مِنَ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَهُوَ
مُؤْمِنٌ فَلَا يَخَافُ ظُلْمًا وَلَا هَضْمًا ﴿١١٢﴾

109-112. У кунда ҳеч ким ҳеч кимсани оқлаб шафоат қила олмайди, магар Парвардигор рухсат берган, сўзлашидан рози бўлган бўлса, у одам гаҳира олади, шафоатдан баҳраманд бўлади. Парвардигор уларга бундан сўнг қандай ҳолат келишини ҳам, дунёда қандай ҳолда бўлганини ҳам билади. Аммо улар ҳеч бир нарсани билмайдилар. Қиёмат куни тирик ва боқий Парвардигорнинг ҳузурида дунёда зулм ва ширкка мубтало бўлганларнинг юзлари хор ва ноумид бўлади. Аммо ҳар ким-

ки, мўмин бўлган ҳолда яхши амаллар қилган бўлса, улар у кунда ҳеч қандай зулмдан қўрқмайдилар, ҳасанотларига (савобли ишларига, хайротларига) нуқсон етишидан ҳам қўрқмайдилар».

وَكَذَٰلِكَ أَنزَلْنَٰهُ قُرْءَانًا عَرَبِيًّا وَصَرَّفْنَا فِيهِ مِنَ ٱلْوَعِيدِ لَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ أَوْ
يُحْدِثُ لَهُمْ ذِكْرًا ﴿١١٣﴾

113. Шу нозил қилган оятларимизга ўхшаб Биз Қуръонни араб тилида
16 жузъ нозил қилдик. Шоядки мушриклар қўрқиб, ҳидоят йўлини ихтиёр қиларлар ёки ундан янги панд-насиҳатлар эшитарлар, деб бу Қуръонда азоб учун келган оятларни бот-бот такрор қилдик.

فَتَعَٰلَى ٱللَّهُ ٱلْمَلِكُ ٱلْحَقُّ ۗ وَلَا تَعْجَلْ بِٱلْقُرْءَانِ مِن قَبْلِ أَن يُقْضَىٰٓ إِلَيْكَ
وَحْيُهُۥ ۖ وَقُل رَّبِّ زِدْنِى عِلْمًا ﴿١١٤﴾ وَلَقَدْ عَهِدْنَآ إِلَىٰٓ ءَادَمَ مِن قَبْلُ فَنَسِىَ وَلَمْ
نَجِدْ لَهُۥ عَزْمًا ﴿١١٥﴾

114-115. Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан олийдир, ҳукм қилувчи ҳақ Подшоҳдир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен ваҳий тамом бўлишига мунтазир бўлгил, Қуръон ўқишга шошилма. *Биз Қуръонни дилингга жойлаймиз.* Доим дуо қилиб айтгил: «Эй Парвардигор, менинг илмимни зиёда қилгил». Албатта, Биз Одамга: «Буғдой дарахтига яқинлашмагил, мевасидан емагил», — деб ваҳий юборган эдик. Кейин Одам Бизнинг ҳукмимизни эсдан чиқарди. Биз Одамнинг азму қарори мустаҳкамлигини кўрмадик, сабр-тоқатли бўлмади. Вақтики, Одамни яратгандан сўнг малоикаларга: «Одамга сажда қилинглар!», — деб буюрдик. Ҳаммалари сажда қилдилар, магар Иблис сажда қилишдан бош тортди.

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَٰٓئِكَةِ ٱسْجُدُوا۟ لِءَادَمَ فَسَجَدُوٓا۟ إِلَّآ إِبْلِيسَ أَبَىٰ ﴿١١٦﴾ فَقُلْنَا يَٰٓـَٔادَمُ
إِنَّ هَٰذَا عَدُوٌّ لَّكَ وَلِزَوْجِكَ فَلَا يُخْرِجَنَّكُمَا مِنَ ٱلْجَنَّةِ فَتَشْقَىٰٓ ﴿١١٧﴾ إِنَّ لَكَ أَلَّا
تَجُوعَ فِيهَا وَلَا تَعْرَىٰ ﴿١١٨﴾ وَأَنَّكَ لَا تَظْمَؤُا۟ فِيهَا وَلَا تَضْحَىٰ ﴿١١٩﴾ فَوَسْوَسَ إِلَيْهِ
ٱلشَّيْطَٰنُ قَالَ يَٰٓـَٔادَمُ هَلْ أَدُلُّكَ عَلَىٰ شَجَرَةِ ٱلْخُلْدِ وَمُلْكٍ لَّا يَبْلَىٰ ﴿١٢٠﴾ فَأَكَلَا
مِنْهَا فَبَدَتْ لَهُمَا سَوْءَٰتُهُمَا وَطَفِقَا يَخْصِفَانِ عَلَيْهِمَا مِن وَرَقِ ٱلْجَنَّةِ ۚ وَعَصَىٰٓ
ءَادَمُ رَبَّهُۥ فَغَوَىٰ ﴿١٢١﴾

116-121. Биз Одамга насиҳат қилиб айтдик: «Эй Одам, бу шайтон Сенга ва аёлингга душмандир, бас, сизларнинг жаннатдан чиқишларингизга сабаб бўлмасин. Агар жаннатдан чиқар эмансизлар, кулфатга учраб қоласизлар, чунки Сенга ва аёлингга жаннат ичида роҳат бордир. У ерда оч-яланғоч, ташна бўлмайсан, офтобнинг иссиғида қолмайсан. Агар

жаннатдан чиқсанг, у кулфатларга дучор бўласан. Бас, шайтон (Ҳазрати) Одамни васваса қилиб айтди: «Мен Сенга бир дарахтни кўрсатайми? Унинг номини Шажаратул-Хулд (Абадият дарахти) дейдилар. У дарахтнинг мевасини еган киши асло ўлмайди ва жаннатдан чиқмайди. Ва Сенга туганмас мулку давлатни кўрсатайми? Бас, икковлари манҳий (тақиқланган) дарахтнинг мевасидан едилар, сўнгра жаннат либослари устларидан учиб кетди, авратлари очилиб қолди. Бу икковлари дарахтларнинг баргларини олиб, авратларини ёпа бошладилар. Одам (алайҳиссалом) Парвардигорнинг амрига хилоф иш қилди. *Шайтоннинг ваъда қилганларидан бебаҳра қолди. Сўнгра Жаброил алайҳиссалом уларни*
жаннатдан олиб чиқди. Қилган ишларига надомат ва истиғфор қила 16 жузъ
бошладилар.

ثُمَّ ٱجْتَبَـٰهُ رَبُّهُۥ فَتَابَ عَلَيْهِ وَهَدَىٰ ﴿١٢٢﴾ قَالَ ٱهْبِطَا مِنْهَا جَمِيعًۢا ۖ بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ
عَدُوٌّ ۖ فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُم مِّنِّى هُدًى فَمَنِ ٱتَّبَعَ هُدَاىَ فَلَا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَىٰ ﴿١٢٣﴾

122-123. Вақтики, (Ҳазрати) Одам қилган амалларига пушаймон бўлиб, тавба қилди, Ҳақ таоло тавбаларини қабул қилиб, тўғри йўлга ҳидоят қилди. Ҳақ таоло айтди: «Эй Одам ва Ҳавво, иккингиз ҳам жаннатдан чиқиб кетинглар. Баъзи авлодларингиз (зурриётларингиз) баъзи авлодларингга адоват қилган ҳолда ер юзида тирикчилик қилинглар. Зурриётларингиз билан ер юзида яшаганларингизда қай бирингизга Мен томонимдан ҳидоят қилувчи келса, бас, кимки ҳидоятимизга тобе бўлиб, амримизни бажо келтирса, у шахс бу дунёда гумроҳлик қилмайди ва охиратда ҳам азоб-уқубатга гирифтор бўлмайди.

وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِى فَإِنَّ لَهُۥ مَعِيشَةً ضَنكًا وَنَحْشُرُهُۥ يَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ أَعْمَىٰ
﴿١٢٤﴾ قَالَ رَبِّ لِمَ حَشَرْتَنِىٓ أَعْمَىٰ وَقَدْ كُنتُ بَصِيرًا ﴿١٢٥﴾ قَالَ كَذَٰلِكَ أَتَتْكَ
ءَايَـٰتُنَا فَنَسِيتَهَا ۖ وَكَذَٰلِكَ ٱلْيَوْمَ تُنسَىٰ ﴿١٢٦﴾ وَكَذَٰلِكَ نَجْزِى مَنْ أَسْرَفَ وَلَمْ يُؤْمِنۢ
بِـَٔايَـٰتِ رَبِّهِۦ ۚ وَلَعَذَابُ ٱلْءَاخِرَةِ أَشَدُّ وَأَبْقَىٰٓ ﴿١٢٧﴾

124-127. Ҳар кимки Менинг ёдимдан юз ўгирса, у шахснинг бу дунёдаги жазоси шуки, танглик ва қаттиқлик билан кун кечиради, Қиёмат куни уни қабрдан кўзлари кўр ҳолда тургизамиз. У шахс фарёд қилиб айтадики: «Эй Парвардигор, у дунёда мен кўр эмас эдим, нега бу дунёда кўр турғиздинг?». Худо тарафидан унга жавоб берилади: «Сен шундай бўлишинг керак эди, чунки сенга Менинг оятларим ва мўъжизаларим келганида ҳаммасидан кўз юмиб, бош тортдинг. Энди бугун сендан ҳам кўз юмилади, ҳолингга қаралмайди». Шунга ўхшаш ҳаддидан ошган одамларга, Парвардигорнинг оятларига иймон келтирмаганларга, жазо берамиз. Албатта, охиратнинг азоби жуда қаттиқдир ва у ҳамиша (абадий) давом этади.

أَفَلَمْ يَهْدِ لَهُمْ كَمْ أَهْلَكْنَا قَبْلَهُم مِّنَ ٱلْقُرُونِ يَمْشُونَ فِى مَسَٰكِنِهِمْ ۗ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ
لِّأُو۟لِى ٱلنُّهَىٰ ﴿١٢٨﴾ وَلَوْلَا كَلِمَةٌ سَبَقَتْ مِن رَّبِّكَ لَكَانَ لِزَامًا وَأَجَلٌ مُّسَمًّى ﴿١٢٩﴾

128-129. Қурайш мушриклари ўзларидан илгари уларнинг жойларида яшаб ўтган умматларни ҳалок қилганимизни биладилар, оё, ана ўшалар ибрат ва ҳидоятларига сабаб бўлмайдими? Уларнинг ҳалок бўлган жойларида юриб аҳволларини кўрган эдилар-ку? Улар ҳалок бўлганлардан ибрат олсалар бўлмайдими?! Албатта, уларнинг ҳалока-
16 жузъ тида оқиллар учун ибрат олишга нишоналар бор эди. Агар Худонинг ҳукми олдин жорий бўлмаганида, яъни, уларнинг азобини охиратга қолдирмаганида, шу дунёда улар азобдан халос бўлмасди. Лекин Парвардигорнинг қазою қадари шунга жорий бўлган ва азоб учун вақт муайян қилгандир.

فَٱصْبِرْ عَلَىٰ مَا يَقُولُونَ وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ قَبْلَ طُلُوعِ ٱلشَّمْسِ وَقَبْلَ غُرُوبِهَا ۖ
وَمِنْ ءَانَآئِ ٱلَّيْلِ فَسَبِّحْ وَأَطْرَافَ ٱلنَّهَارِ لَعَلَّكَ تَرْضَىٰ ﴿١٣٠﴾ وَلَا تَمُدَّنَّ عَيْنَيْكَ
إِلَىٰ مَا مَتَّعْنَا بِهِۦٓ أَزْوَٰجًا مِّنْهُمْ زَهْرَةَ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا لِنَفْتِنَهُمْ فِيهِ ۚ وَرِزْقُ رَبِّكَ خَيْرٌ
وَأَبْقَىٰ ﴿١٣١﴾ وَأْمُرْ أَهْلَكَ بِٱلصَّلَوٰةِ وَٱصْطَبِرْ عَلَيْهَا ۖ لَا نَسْـَٔلُكَ رِزْقًا ۖ نَّحْنُ نَرْزُقُكَ ۗ
وَٱلْعَٰقِبَةُ لِلتَّقْوَىٰ ﴿١٣٢﴾

130-132. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушрикларнинг тиллари билан таъна қилганларига то Парвардигоринг ҳукм қилмагунча, сабр қил. Парвардигорга офтоб тулу қилмасдан (чиқмасдан) илгари намоз ўқигил. Худонинг тавфиқ, ҳидоятига ҳамд айтган ҳолингда офтобнинг ғуруб бўлишидан (куннинг ботишидан) муқаддам намози асрни адо эт. Кечанинг маълум бир вақтларида ҳам намози шом ва хуфтонни адо қил, кундузнинг тарафларида ҳам намози зуҳрни (пешинни) адо эт, шоядки бу ибодатларинг эвазига Худонинг берган атоларидан (ажрларидан) рози бўлурсан. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз кофир жамоаларига берган мол ва мулкларга ҳасрат билан қарамагил, мол-мулклар бу дунёнинг зийнатидир. Кофирларга бу дунё матолари Қиёмат куни азобга мубтало бўлишларига ҳукм қилмоқ учун берилган. Сен учун Парвардигоринг Қиёмат куни муқаррар қилиб қўйган ризқ-насибаси уларнинг фоний бўлиб кетадиган молидан яхшироқ ва абадийроқдир. Ўзингнинг тобеларингни намоз ўқишга амр қилгил, шу амалда ҳамиша давом эт. Биз сизлардан ризқ-рўз сўрамаймиз, аксинча, сизларга Биз ризқ берамиз. Шундай экан, хотиржамлик билан Худонинг ибодатига машғул бўлинглар. Охиратнинг хайри ва саодати аҳли тақвоникидир.

وَقَالُوا۟ لَوْلَا يَأْتِينَا بِـَٔايَةٍ مِّن رَّبِّهِۦٓ ۚ أَوَلَمْ تَأْتِهِم بَيِّنَةُ مَا فِى ٱلصُّحُفِ ٱلْأُولَىٰ ﴿١٣٣﴾

133. Макка мушриклари айтадилар: «Нима учун Худо тарафидан биз талаб қилган мўъжизалар келмайди?». Ахир уларга илгариги ўтган китоблардаги аҳволларнинг хабари (Қуръонда) келмаганми? *Ўтган умматлар ўз пайғамбарларидан мумкин бўлмаган мўъжизалар талаб қилганлари, сўнгра мўъжиза келганида инкор қилганлари сабабли ҳаммаси ҳалок бўлган аҳли китобларнинг ҳикоятларини эшитган бўлсалар керак. Булар ҳам ана ўшандай мўъжизалар талаб қилар эканлар, сўнгра ҳаммалари ҳалок бўладилар.*

وَلَوْ أَنَّآ أَهْلَكْنَٰهُم بِعَذَابٍ مِّن قَبْلِهِۦ لَقَالُوا۟ رَبَّنَا لَوْلَآ أَرْسَلْتَ إِلَيْنَا رَسُولًا 16 жузъ
فَنَتَّبِعَ ءَايَٰتِكَ مِن قَبْلِ أَن نَّذِلَّ وَنَخْزَىٰ ﴿١٣٤﴾ قُلْ كُلٌّ مُّتَرَبِّصٌ فَتَرَبَّصُوا۟
فَسَتَعْلَمُونَ مَنْ أَصْحَٰبُ ٱلصِّرَٰطِ ٱلسَّوِيِّ وَمَنِ ٱهْتَدَىٰ ﴿١٣٥﴾

134-135. Агар Биз пайғамбар юборишдан илгари кофирларни ҳалок қилсак, Қиёмат куни ҳужжат (баҳона) қилиб айтар эдиларки: «Эй Парвардигор, нима учун бизларга пайғамбар юбормадинг? Биз унга иймон келтирган ва ҳукмларингга тобе бўлган бўлар эдик. *Бугунги Қиёмат кунида хор ва расво бўлмаган бўлар эдик»*. Шунинг учун Биз ҳар бир миллатга пайғамбар юбориб огоҳлантирдик. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушрикларга айтгил: «Ҳар биримиз ким ҳақ йўлда, ким ботил йўлда экани аён бўлишига мунтазирдирмиз. Сизлар ҳам мунтазир бўлиб туринглар, яқинда ким ҳидоят аҳли ва ким гумроҳ эканини биласизлар».

ЎН ЕТТИНЧИ ЖУЗЪ

17 жузъ

Маккада нозил бўлган бу сура бир юз ўн икки оятдан иборатдир.

Сурада бошқа мавзулар билан бир қаторда, хусусан, Ибр ҳим, Исҳоқ, Яъқуб, Лут, Нуҳ, Довуд, Сулаймон, Айюб, Исмоил, Идрис, Зулкифл, Зуннун, Закарийё ва Ийсо пайғамбарлар (алайҳимуссалом) ва уларнинг қавмлари билан бўлган муносабатлари ҳақида сўз юритилган. Шунинг учун сура «Анбиё» – Пайғамбарлар номини олган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

اقْتَرَبَ لِلنَّاسِ حِسَابُهُمْ وَهُمْ فِي غَفْلَةٍ مُّعْرِضُونَ ﴿١﴾ مَا يَأْتِيهِم مِّن ذِكْرٍ
مِّن رَّبِّهِم مُّحْدَثٍ إِلَّا اسْتَمَعُوهُ وَهُمْ يَلْعَبُونَ ﴿٢﴾ لَاهِيَةً قُلُوبُهُمْ وَأَسَرُّوا
النَّجْوَى الَّذِينَ ظَلَمُوا هَلْ هَٰذَا إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ
أَفَتَأْتُونَ السِّحْرَ وَأَنتُمْ تُبْصِرُونَ ﴿٣﴾

1-3. Одамларга уларнинг қилган амалларини ҳисоб қиладиган вақт яқин бўлиб қолди. Ваҳоланки, ҳануз ҳам ғафлатда умр ўтказиб, Худонинг оятларидан юз ўгирадилар. Худо тарафидан уларга янги-янги панд ва насиҳат нозил бўлиб турган бўлса-да, уни эшитиб туриб, масхара қиладилар. Диллари Худодан ғофил бўлгани ҳолда, бу золимлар бирбирлари билан сўзлашиб (шивирлашиб) айтадиларки: «Бу Муҳаммад ҳам сизларга ўхшаган одам-ку, ейди, ичади, сизлардан ҳеч афзаллик жойи йўқ-ку. Сизлар кўра била туриб, Муҳаммаднинг сеҳру жодусини қабул қиласизларми?».

قَالَ رَبِّي يَعْلَمُ الْقَوْلَ فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿٤﴾ بَلْ قَالُوا
أَضْغَاثُ أَحْلَامٍ بَلِ افْتَرَاهُ بَلْ هُوَ شَاعِرٌ فَلْيَأْتِنَا بِآيَةٍ كَمَا أُرْسِلَ الْأَوَّلُونَ
﴿٥﴾ مَا آمَنَتْ قَبْلَهُم مِّن قَرْيَةٍ أَهْلَكْنَاهَا أَفَهُمْ يُؤْمِنُونَ ﴿٦﴾

4-6. Уларга жавобан Муҳаммад (алайҳиссалом) айтди: «Менинг Парвардигорим осмонда айтилган сўзни ҳам билади, шунга ўхшаш сизларнинг махфий (шивир-шивир) сўзларингизни ҳам эшитади». Аллоҳ таоло бандаларининг сўзларини эшитгувчи ва ҳолларини (билгувчи) донодир. Кофирлар Расулуллоҳнинг сўзларини бир сафар «сеҳр» десалар, бошқа сафар: «Кўрилган паришон тушга ўхшайди», дейдилар. Яна айтадилар: «Йўқ ундай эмас, балки ёлғон гапларни Худога нисбат беради». Яна айтадиларки: «Бундай эмасдир, балки шоирдир, айтган сўзлари шеърдан иборатдир. Агар ҳақиқатан Пайғамбар бўлса, бизга илгариги умматларга юборилган мўъжизалардан келтирсин». *Яъни, Мусо пайғамбарга ўхшаб асони аждар қилсин, Ийсо пайғамбарга ўхшаб ўликни тирилтирсин», — деб даъво қилишади.* 17 жузъ

Улардан илгари ўтган умматлар шу қадар мўъжизаларни кўриб ҳам иймон келтирмадилар. Охири Биз уларни ҳалок қилдик. Энди Биз шу хил мўъжизаларни уларга юборсак, улар иймон келтиришармиди?!

وَمَآ أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ إِلَّا رِجَالًا نُّوحِىٓ إِلَيْهِمْ فَسْـَٔلُوٓا۟ أَهْلَ ٱلذِّكْرِ إِن كُنتُمْ لَا
تَعْلَمُونَ ﴿٧﴾ وَمَا جَعَلْنَٰهُمْ جَسَدًا لَّا يَأْكُلُونَ ٱلطَّعَامَ وَمَا كَانُوا۟ خَٰلِدِينَ
﴿٨﴾ ثُمَّ صَدَقْنَٰهُمُ ٱلْوَعْدَ فَأَنجَيْنَٰهُمْ وَمَن نَّشَآءُ وَأَهْلَكْنَا ٱلْمُسْرِفِينَ ﴿٩﴾
لَقَدْ أَنزَلْنَآ إِلَيْكُمْ كِتَٰبًا فِيهِ ذِكْرُكُمْ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿١٠﴾

7-10. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан муқаддам (илгари) одамлардан пайғамбарлар юбориб, уларга ваҳий юборганман (туширганман). Эй мушриклар, агар билмасангизлар, аҳли китоблардан сўранглар. Биз у пайғамбарларни таом емайдиган ҳайкал қилиб яратганимиз йўқ. Улар дунёда абадий яшаб қолганлари ҳам йўқ, ҳаммалари ўлиб кетди. *Энди сизлар Муҳаммадни бизга ўхшаб таом ейди, дейсизларми?* Сўнгра Биз ўз ваъдамизга вафо қилиб, пайғамбарларга ва уларга иймон келтирган мўминларга нажот бердик, ҳаддидан ошган кофирларни ҳалок қилдик. Эй Қурайш халқи, сизларга ўз тилларингизда Қуръонни нозил қилдик. Қуръонда сизларга панд ва насиҳатлар бордир. Нима учун ибрат олиб, фаҳмламайсизлар?!

وَكَمْ قَصَمْنَا مِن قَرْيَةٍ كَانَتْ ظَالِمَةً وَأَنشَأْنَا بَعْدَهَا قَوْمًا ءَاخَرِينَ ﴿١١﴾ فَلَمَّآ
أَحَسُّوا۟ بَأْسَنَآ إِذَا هُم مِّنْهَا يَرْكُضُونَ ﴿١٢﴾ لَا تَرْكُضُوا۟ وَٱرْجِعُوٓا۟ إِلَىٰ مَآ أُتْرِفْتُمْ
فِيهِ وَمَسَٰكِنِكُمْ لَعَلَّكُمْ تُسْـَٔلُونَ ﴿١٣﴾ قَالُوا۟ يَٰوَيْلَنَآ إِنَّا كُنَّا ظَٰلِمِينَ ﴿١٤﴾ فَمَا
زَالَت تِّلْكَ دَعْوَىٰهُمْ حَتَّىٰ جَعَلْنَٰهُمْ حَصِيدًا خَٰمِدِينَ ﴿١٥﴾

11-15. Биз азоб юбориб, кўп шаҳар-қишлоқларни вайрон қилдик. У шаҳар-қишлоқларнинг аҳллари золим эдилар. Сўнгра ҳалок бўлдилар.

Уларнинг жойига бошқа қавмни келтирдик. Вақтики, у қишлоқларнинг аҳллари Бизнинг азобимизни кўрдилар, пиёда, от-уловларига миниб, у масканлардан қоча бошладилар. Малоикалар уларга хитоб қилиб айтар эдилар: «Худонинг азобидан қочиб қутула олмайсизлар. Ўз фисқу фасод, маишат қилган маконингизга қайтинглар! Сизлар, албатта, Аллоҳнинг берган нозу неъматларидан сўроқ қилинурсизлар». Кофирлар дод-фарёд билан айтардиларки: «Вой бизнинг ҳолимизга, бизлар, албатта, золимлардан бўлдик!». Уларнинг дод ва фарёдлари то Биз уларни ўриб ташланган хас-хашакка ўхшатиб нобуд қилгунимизча мана шундай давом этди.
17 жузъ *Уларнинг овозларини ўчирдик.*

وَمَا خَلَقْنَا ٱلسَّمَآءَ وَٱلْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا لَـٰعِبِينَ ﴿١٦﴾ لَوْ أَرَدْنَآ أَن نَّتَّخِذَ لَهْوًا
لَّٱتَّخَذْنَـٰهُ مِن لَّدُنَّآ إِن كُنَّا فَـٰعِلِينَ ﴿١٧﴾ بَلْ نَقْذِفُ بِٱلْحَقِّ عَلَى ٱلْبَـٰطِلِ
فَيَدْمَغُهُۥ فَإِذَا هُوَ زَاهِقٌ ۚ وَلَكُمُ ٱلْوَيْلُ مِمَّا تَصِفُونَ ﴿١٨﴾

16-18. Биз осмонни, ерни ва унинг ўртасидаги ашёларни бефойда, (беҳикмат) яратмадик. Агар Биз ирода қилганимизда бошқа махлуққа ўхшаш болалар ва хотинлар пайдо қилгувчи бўлсак, пайдо қилган ва ўз тарафимизда тутган бўлур эдик. Лекин бу тариқа аҳлу фарзандли бўлиш Худо учун мумкин (лойиқ) эмас. Балки Биз ҳақни ботилдан ғолиб қилишни истаймиз. Бас, ҳақ ботилни йўқ қилади. Албатта, ботил йўқ бўлгувчидир. Эй кофирлар, вой сизларга! Нолойиқ сифатларни — хотин ва болани (Худога) нисбат берасизлар.

وَلَهُۥ مَن فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ وَمَنْ عِندَهُۥ لَا يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِهِۦ وَلَا
يَسْتَحْسِرُونَ ﴿١٩﴾ يُسَبِّحُونَ ٱلَّيْلَ وَٱلنَّهَارَ لَا يَفْتُرُونَ ﴿٢٠﴾ أَمِ ٱتَّخَذُوٓا۟ ءَالِهَةً مِّنَ
ٱلْأَرْضِ هُمْ يُنشِرُونَ ﴿٢١﴾ لَوْ كَانَ فِيهِمَآ ءَالِهَةٌ إِلَّا ٱللَّهُ لَفَسَدَتَا ۚ فَسُبْحَـٰنَ ٱللَّهِ رَبِّ
ٱلْعَرْشِ عَمَّا يَصِفُونَ ﴿٢٢﴾ لَا يُسْـَٔلُ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يُسْـَٔلُونَ ﴿٢٣﴾

19-23. Осмонлардаги малоикалар (фариштальар) ва ердаги инсонлар, Парвардигорнинг наздидаги муқарраб (яқин) фаришталар Худога ибодат қилишдан бош тортмайдилар ва чарчамайдилар ҳам. Кеча ва кундуз Худонинг тасбеҳини айтадилар, сустлик қилмайдилар. Ёки кофирлар ўзларига ернинг аъзосидан (таркибидан) пайдо бўлган нарсани Худо қилиб олдиларми?! Ўша бутлар Қиёмат куни халқни тирилтирадими?! Агар еру осмонда Парвардигордан бошқа худолар бўлганида эди, еру осмон, албатта, вайрон бўлар эди. Бас, танҳо Парвардигор Аршни халқ қилгандир. Кофирларнинг васф қилган сифатларидан муназзаҳдир (покдир). У нима қилса, фоил (қилувчи, бажарувчи) ва мухтордир (соҳиб ихтиёрдир), қилган ишидан сўроқ қилинмайди, балки бандалар қилган амалларидан сўроқ қилинадилар.

أَمِ ٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِهِۦٓ ءَالِهَةً ۖ قُلْ هَاتُوا۟ بُرْهَـٰنَكُمْ ۖ هَـٰذَا ذِكْرُ مَن مَّعِىَ وَذِكْرُ مَن
قَبْلِى ۗ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ٱلْحَقَّ ۖ فَهُم مُّعْرِضُونَ ﴿٢٤﴾

24. Кофирлар ўзларига бир Аллоҳдан бошқа маъбуд муқаррар қилганлар. Оё, уларда (маъбудларининг ҳақиқий худолигига) бирор ҳужжат борми? Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Агар ҳужжатларингиз бўлса, келтиринглар. Мана, менинг умматларимга нозил бўлган Қуръон ҳозирдир. Мендан аввалги умматларга нозил бўлган Таврот ва Инжил
бордир. Бу китобларга назар қилинглар. Бир Аллоҳдан бошқага ибодат 17 жузъ
қилишга рухсат борми?!» (Йўқ!) Балки уларнинг кўплари Ҳақни танимайдилар, жоҳилдирлар. Улар ҳақдан эъроз қиладилар (юз ўгирадилар).

وَمَآ أَرْسَلْنَا مِن قَبْلِكَ مِن رَّسُولٍ إِلَّا نُوحِىٓ إِلَيْهِ أَنَّهُۥ لَآ إِلَـٰهَ إِلَّآ أَنَا۠ فَٱعْبُدُونِ
﴿٢٥﴾ وَقَالُوا۟ ٱتَّخَذَ ٱلرَّحْمَـٰنُ وَلَدًا ۗ سُبْحَـٰنَهُۥ ۚ بَلْ عِبَادٌ مُّكْرَمُونَ ﴿٢٦﴾ لَا
يَسْبِقُونَهُۥ بِٱلْقَوْلِ وَهُم بِأَمْرِهِۦ يَعْمَلُونَ ﴿٢٧﴾ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا
خَلْفَهُمْ وَلَا يَشْفَعُونَ إِلَّا لِمَنِ ٱرْتَضَىٰ وَهُم مِّنْ خَشْيَتِهِۦ مُشْفِقُونَ ﴿٢٨﴾
۞ وَمَن يَقُلْ مِنْهُمْ إِنِّىٓ إِلَـٰهٌ مِّن دُونِهِۦ فَذَٰلِكَ نَجْزِيهِ جَهَنَّمَ ۚ كَذَٰلِكَ نَجْزِى
ٱلظَّـٰلِمِينَ ﴿٢٩﴾

25-29. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан муқаддам қайси Пайғамбарни юборган бўлсам, у Пайғамбарга ваҳий орқали: «Оламда Мендан бошқа маъбуд йўқ, фақат Менга ибодат қилинглар», – деб хабар бердим. *Ҳар бир Пайғамбарлар бу амрдан умматларини огоҳ қилганлар. Бовужуд огоҳлантирсалар ҳам,* аҳли китоблар айтдиларки: «Худо Ийсо билан Узайрни ўзига фарзанд қилиб олган». Ваҳоланки, Аллоҳ таоло бу айб (бўҳтон)лардан покдир. Зотан, Ийсо (алайҳиссалом) билан Узайр (алайҳиссалом) Худонинг наздида мукаррам бандалардандир. «Худоман», деган сўз (даъво) ҳаргиз улардан содир бўлмагандир, балки у зотлар Худонинг амрига мувофиқ амал қилдилар. Аллоҳ таоло уларнинг олдиларидаги ва орқаларидаги ҳар бир амални билиб туради. У зотлар Аллоҳ рози бўлмаган бандаларни шафоат қилмайдилар. Аллоҳдан берухсат ҳеч бир ишни қилмайдилар. Балки у зотлар Худонинг хавфидан ҳамиша титраб турадилар. Бу зотлардан қайси бирики: «Худодан бошқа мен ҳам худоман, менга ибодат қилинглар», деса, ундай одамни, *гарчи пайғамбар бўлса* ҳам, жаҳаннам билан жазолаймиз. Ҳаддидан тажовуз қилганларга шундоқ жазо берамиз.

أَوَلَمْ يَرَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَنَّ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ كَانَتَا رَتْقًا فَفَتَقْنَـٰهُمَا

وَجَعَلْنَا مِنَ ٱلْمَآءِ كُلَّ شَىْءٍ حَىٍّ أَفَلَا يُؤْمِنُونَ ﴿٣٠﴾ وَجَعَلْنَا فِى ٱلْأَرْضِ رَوَٰسِىَ
أَن تَمِيدَ بِهِمْ وَجَعَلْنَا فِيهَا فِجَاجًا سُبُلًا لَّعَلَّهُمْ يَهْتَدُونَ ﴿٣١﴾ وَجَعَلْنَا ٱلسَّمَآءَ
سَقْفًا مَّحْفُوظًا وَهُمْ عَنْ ءَايَٰتِهَا مُعْرِضُونَ ﴿٣٢﴾ وَهُوَ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلَّيْلَ وَٱلنَّهَارَ
وَٱلشَّمْسَ وَٱلْقَمَرَ كُلٌّ فِى فَلَكٍ يَسْبَحُونَ ﴿٣٣﴾

17 жузъ 30-33. Оё, кофирлар кўрмайдиларми, фикр юритмайдиларми?! Осмонлар билан ер аввал берк эди, ҳеч нарса чиқмас эди. Бас, Биз уларни очиб юбордик. Осмондан ёмғирлар ёғди, ердан гиёҳлар кўкарди ва ҳар бир ҳаёт кечирувчи махлуқни сувдан пайдо этдик ва сувни ҳаётнинг давомли бўлишига сабаб қилдик. Бу қудратларимизни мушоҳада қилиб, иймон келтирмайдиларми?! Уларни зилзила ва вайронагарчиликдан сақлаш учун Ерда тоғларни яратдик ва тоғлар орасида йўллар ҳам пайдо қилдик. Бу йўллардан барча мақсадларини (ҳосил) қиладилар. Бандаларнинг тепасига осмонни мустаҳкам, йиқилмайдиган қилиб яратдик. Улар бовужуд қудратларимизни кўриб туриб ҳам, иймон келтиришдан бош тортадилар. Парвардигор шундай улуғ зотдирки, кеча ва кундузни халқ қилди, офтоб билан ойни яратди, уларнинг ҳар бирлари осмонда сузиб юрадилар.

وَمَا جَعَلْنَا لِبَشَرٍ مِّن قَبْلِكَ ٱلْخُلْدَ أَفَإِي۟ن مِّتَّ فَهُمُ ٱلْخَٰلِدُونَ ﴿٣٤﴾ كُلُّ نَفْسٍ
ذَآئِقَةُ ٱلْمَوْتِ وَنَبْلُوكُم بِٱلشَّرِّ وَٱلْخَيْرِ فِتْنَةً وَإِلَيْنَا تُرْجَعُونَ ﴿٣٥﴾

34-35. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан муқаддам (аввал) ҳеч бир инсонга абадий ҳаёт берганимиз йўқ. Энди Сен ўлсанг, улар абадий ҳаёт кечирар эканми? Йўқ! Ҳар (бир) шахс (инсон) ўлимнинг мазасини тотиб кўргувчидир. Биз сизларни бу дунёда мусибат бериб ҳам, ғанимат неъмат бериб ҳам синаймиз. (Қани) сизлар мусибатга сабр қилиб, неъматга шукр қиласизларми ёки қилмайсизларми? Қиёмат куни сизлар Бизнинг ҳузуримизга олиб келинасизлар, қилган ишларингиздан ҳисоб берасизлар.

وَإِذَا رَءَاكَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِن يَتَّخِذُونَكَ إِلَّا هُزُوًا أَهَٰذَا ٱلَّذِى يَذْكُرُ
ءَالِهَتَكُمْ وَهُم بِذِكْرِ ٱلرَّحْمَٰنِ هُمْ كَٰفِرُونَ ﴿٣٦﴾ خُلِقَ ٱلْإِنسَٰنُ مِنْ
عَجَلٍ سَأُو۟رِيكُمْ ءَايَٰتِى فَلَا تَسْتَعْجِلُونِ ﴿٣٧﴾ وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَٰذَا
ٱلْوَعْدُ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٣٨﴾

36-38. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), вақтики, кофирлар Сени кўрсалар, масхара қилиб, бир-бирларига: «Сизларнинг худоларингизни ёмонлайдиган (мана) шуми?» — деб айтадилар. *Худо уларни ва (сохта) «худо»ларини Қуръонда мазаммат қилади.* Ва улар Қуръонга мункирдирлар. Инсоннинг табиати шошқалоқликдан яратилгандир. Азобнинг нишоналари-

ни сизларга кўрсатгунча шошмай туринглар! Биз уни тезда сизларга кўрсатамиз! Кофирлар шошқалоқликларидан: «Агар сизлар рост айтсангизлар, ваъда қилган азобларингиз қачон бўлади?», – деб айтадилар.

لَوْ يَعْلَمُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ حِينَ لَا يَكُفُّونَ عَن وُجُوهِهِمُ ٱلنَّارَ وَلَا عَن
ظُهُورِهِمْ وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ ﴿٣٩﴾ بَلْ تَأْتِيهِم بَغْتَةً فَتَبْهَتُهُمْ فَلَا
يَسْتَطِيعُونَ رَدَّهَا وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ ﴿٤٠﴾

39-40. Агар кофирлар на олдиларидан ва на орқаларидан келган жаҳаннам ўтини даф қилолмасликларини, уларга бирор ёрдамчи ҳам ёрдам бера олмайдиган вақтни билсалар эди, гумроҳликларини тушунган, Қиёматга мункир бўлмаган бўлар эдилар. Аммо Қиёмат бирдан қоим бўлиб, уларни ҳайрону сарсон қилиб қўяди. Бас, бу аҳволни даф қилишга қодир бўлмайдилар, уларга муҳлат ҳам берилмайди. 17 жузъ

وَلَقَدِ ٱسْتُهْزِئَ بِرُسُلٍ مِّن قَبْلِكَ فَحَاقَ بِٱلَّذِينَ سَخِرُوا۟ مِنْهُم مَّا كَانُوا۟ بِهِۦ
يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٤١﴾ قُلْ مَن يَكْلَؤُكُم بِٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ مِنَ ٱلرَّحْمَٰنِ ۗ بَلْ هُمْ عَن
ذِكْرِ رَبِّهِم مُّعْرِضُونَ ﴿٤٢﴾

41-42. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан илгариги кофирлар ҳам пайғамбарларни масхара қилганлар. У пайғамбарлар сабр қилганлар. Сен ҳам сабр қил! Оқибат масхара қилганлари учун у кофирларни Худонинг азоби қамраб олган эди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Худо тарафидан кеча ва кундуз келадиган азобдан сизларни ким сақлайди. Ҳеч ким сизларга нажот беролмайди?!» У кофирлар огоҳ бўлмайдилар, балки улар Худони ёд этишдан иъроз қиладилар (юз ўгирадилар).

أَمْ لَهُمْ ءَالِهَةٌ تَمْنَعُهُم مِّن دُونِنَا ۚ لَا يَسْتَطِيعُونَ نَصْرَ أَنفُسِهِمْ وَلَا هُم مِّنَّا
يُصْحَبُونَ ﴿٤٣﴾ بَلْ مَتَّعْنَا هَٰٓؤُلَآءِ وَءَابَآءَهُمْ حَتَّىٰ طَالَ عَلَيْهِمُ ٱلْعُمُرُ ۗ أَفَلَا
يَرَوْنَ أَنَّا نَأْتِى ٱلْأَرْضَ نَنقُصُهَا مِنْ أَطْرَافِهَآ ۚ أَفَهُمُ ٱلْغَٰلِبُونَ ﴿٤٤﴾ قُلْ
إِنَّمَآ أُنذِرُكُم بِٱلْوَحْىِ ۚ وَلَا يَسْمَعُ ٱلصُّمُّ ٱلدُّعَآءَ إِذَا مَا يُنذَرُونَ ﴿٤٥﴾

43-45. Ёки уларнинг Биздан бошқа Бизнинг азобимиздан сақлайдиган «худо»лари борми?! *Ҳаргиз йўқдир*. У бутлар ўз нафсларига ёрдам беролмайдилар. Бошқаларга қандай ёрдам берадилар?! У бутлар ибодат қилувчилари билан Бизнинг азобимиздан ўзларини сақлай олмайдилар. Биз бу қавмга у дунёда кенглик (инъом қилиб), молу дунё берган ва обоу аждодларига (ота-боболарига) ҳам шундай меҳрибонлик қилган эдик. Ҳатто айш-ишрат билан умрлари ҳам узун бўлди. Улар: «Бизнинг аҳволимиз ҳамиша шундай қолади», деб ўйлаб, Худонинг балосидан ғофил бўлдилар.

У кофирлар кўрмайдиларми, уларнинг мамлакатини атрофидан кам қилиб (камайтириб), мусулмонларга топширмоқдамиз? Улар мусулмонларга ғолиб бўладиларми?! *Ҳаргиз бўлмайдилар.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Мен сизларни ҳамиша ваҳий орқали Худонинг азобидан қўрқитаман», – деб айтгил. Лекин Аллоҳ таоло уларни гунгу кар қилган, ҳарчанд Худонинг азобидан қўрқитсанг ҳам, насиҳатни эшитмайдилар.

وَلَئِن مَّسَّتْهُمْ نَفْحَةٌ مِّنْ عَذَابِ رَبِّكَ لَيَقُولُنَّ يَٰوَيْلَنَآ إِنَّا كُنَّا ظَٰلِمِينَ
17 жузъ ﴿٤٦﴾ وَنَضَعُ ٱلْمَوَٰزِينَ ٱلْقِسْطَ لِيَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ فَلَا تُظْلَمُ نَفْسٌ شَيْـًٔا وَإِن
كَانَ مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِّنْ خَرْدَلٍ أَتَيْنَا بِهَا وَكَفَىٰ بِنَا حَٰسِبِينَ ﴿٤٧﴾

46-47. Агар кофирлар Парвардигорнинг азобидан андак (озгина) тотиб кўрсалар, доду фарёд билан айтадиларки: «Вой бизнинг ҳолимизга! Бизлар ўз нафсимизга зулм қилганлардан эканмиз!». Қиёмат бўлганида халқнинг (бандаларнинг) амалларини ўлчаш учун адолат тарозуларини қурамиз. Озгина бўлса-да, халқнинг аъмолидан камайтирилмайди. Агар бир гиёҳнинг уруғича амал бўлса ҳам, олиб келамиз (ҳисобга оламиз). Амалларини ҳисоб қилишга Бизнинг илмимиз етарлидир.

وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَىٰ وَهَٰرُونَ ٱلْفُرْقَانَ وَضِيَآءً وَذِكْرًا لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٤٨﴾ ٱلَّذِينَ
يَخْشَوْنَ رَبَّهُم بِٱلْغَيْبِ وَهُم مِّنَ ٱلسَّاعَةِ مُشْفِقُونَ ﴿٤٩﴾ وَهَٰذَا ذِكْرٌ
مُّبَارَكٌ أَنزَلْنَٰهُ أَفَأَنتُمْ لَهُۥ مُنكِرُونَ ﴿٥٠﴾

48-50. Мусо билан Ҳорунга Тавротни бердик. У Китоб ҳақ ва ботилни ажратувчи, одамларнинг ҳидояти учун равшан нур эди. Худодан ғойибона қўрқувчи ва ҳам Қиёматнинг азобидан хавфсираб турган муттақийлар учун у Китобда панду насиҳатлар бор эди. Лекин Бани Исроил амал қилмади. Ва бу Қуръонни Биз Муҳаммад (алайҳиссалом)га нозил қилдик. (Бу) муборак Китобдир. Унда панду насиҳатлар бордир. Эй Қурайш кофирлари, сизлар ушбу Қуръонга мункир бўласизларми?!

۞ وَلَقَدْ ءَاتَيْنَآ إِبْرَٰهِيمَ رُشْدَهُۥ مِن قَبْلُ وَكُنَّا بِهِۦ عَٰلِمِينَ ﴿٥١﴾ إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ
وَقَوْمِهِۦ مَا هَٰذِهِ ٱلتَّمَاثِيلُ ٱلَّتِىٓ أَنتُمْ لَهَا عَٰكِفُونَ ﴿٥٢﴾ قَالُوا۟ وَجَدْنَآ ءَابَآءَنَا لَهَا
عَٰبِدِينَ ﴿٥٣﴾ قَالَ لَقَدْ كُنتُمْ أَنتُمْ وَءَابَآؤُكُمْ فِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٥٤﴾ قَالُوٓا۟
أَجِئْتَنَا بِٱلْحَقِّ أَمْ أَنتَ مِنَ ٱللَّٰعِبِينَ ﴿٥٥﴾

51-55. Мусодан илгари Иброҳим (алайҳиссалом)га маърифат ва ҳидоят асбобини ато қилган эдик. Биз унинг ҳолини билган ва талаб қилган мақсадларини берган эдик. Вақтики, Иброҳим отасига ва қавмига айтди: «Сиз ибодат қилаётган мана шу ҳайкаллар нимадир?» Улар: «Шунинг

учунки, аждодларимиз ҳам шу ҳайкалларга сиғиниб ибодат қилиб келгандирлар», – деб жавоб беришди. Иброҳим (алайҳиссалом): «Парвардигор зотига қасамки, сизлар ва аждодларингиз – ҳаммангиз ошкоро (очиқ) гумроҳликда экансизлар», – деди. Қавми айтди: «Бизга рост гапиряпсанми ёки ҳазил қиляпсанми?».

قَالَ بَل رَّبُّكُمْ رَبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ٱلَّذِى فَطَرَهُنَّ وَأَنَا۠ عَلَىٰ ذَٰلِكُم مِّنَ

ٱلشَّٰهِدِينَ ﴿٥٦﴾ وَتَٱللَّهِ لَأَكِيدَنَّ أَصْنَٰمَكُم بَعْدَ أَن تُوَلُّوا۟ مُدْبِرِينَ ﴿٥٧﴾

فَجَعَلَهُمْ جُذَٰذًا إِلَّا كَبِيرًا لَّهُمْ لَعَلَّهُمْ إِلَيْهِ يَرْجِعُونَ ﴿٥٨﴾ 17 жузъ

56-58. Иброҳим айтди: «Мен сизларга ҳақиқатни гапиряпман, сизларни яратган Парвардигорингиз ер ва осмонларни халқ қилган Парвардигордир. Мен сизларга шундай гувоҳлик бераман». Иброҳим дилида айтди: « Худога қасамки, сизлар бу ердан кетган вақтларингизда бутларингизни поралаб (парчалаб) ташлайман». *Бу қавмнинг одати ҳар йили шаҳардан чиқиб, ийд (байрам) қилар эдилар. Иброҳим шу вақтни кутиб турди. Келиб бутхонанинг дарвозасида ётди. Одамлар: «Сен ийдгоҳга (байрам бўладиган жойга) чиқмайсанми?» дейишса,«Мен касалман»,– деди. Бутхонада тахминан етмишта бут бор эди.* Одамлар кетганидан сўнг ҳамма бутларни болта билан уриб, парчалаб ташлади, фақат каттасини қолдирди. Болтани каттасининг бўйнига осиб қўйди, токи бутпарастлар келиб, ўша катта бутга мурожаат қилсинлар, деб.

قَالُوا۟ مَن فَعَلَ هَٰذَا بِـَٔالِهَتِنَآ إِنَّهُۥ لَمِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٥٩﴾ قَالُوا۟ سَمِعْنَا فَتًى

يَذْكُرُهُمْ يُقَالُ لَهُۥٓ إِبْرَٰهِيمُ ﴿٦٠﴾ قَالُوا۟ فَأْتُوا۟ بِهِۦ عَلَىٰٓ أَعْيُنِ ٱلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ

يَشْهَدُونَ ﴿٦١﴾ قَالُوٓا۟ ءَأَنتَ فَعَلْتَ هَٰذَا بِـَٔالِهَتِنَا يَٰٓإِبْرَٰهِيمُ ﴿٦٢﴾ قَالَ بَلْ فَعَلَهُۥ

كَبِيرُهُمْ هَٰذَا فَسْـَٔلُوهُمْ إِن كَانُوا۟ يَنطِقُونَ ﴿٦٣﴾

59-63. Кофирлар ийдгоҳдан қайтиб келиб, айтдилар: «Бизнинг худоларимизга (нисбатан) бу ишни ким қилди? Ҳар ким қилган бўлса, у золимлардандир». Баъзилар айтдиларки: «Бир навжувон йигит бизнинг худоларимизни ёмонлаб юрганини эшитган эдик, унинг номини Иброҳим дейишар эди, магарам шу қилгандир». (Қавм катталари) айтдилар: «Халқ олдига олиб келинглар! Шоядки уни халқ кўрган бўлса, гувоҳлик берар». Хуллас, Иброҳимни олиб келиб айтдилар (сўрадилар): «Эй Иброҳим, бизнинг худоларимизга Сен бундай муомала қилдингми?» Иброҳим (алайҳиссалом) айтди: «Бу ишларни бўйнига болта осиб қўйган (бутларнинг) каттаси қилган. Агар гапирса, ундан сўранглар!».

فَرَجَعُوٓا۟ إِلَىٰٓ أَنفُسِهِمْ فَقَالُوٓا۟ إِنَّكُمْ أَنتُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٦٤﴾ ثُمَّ نُكِسُوا۟ عَلَىٰ

رُءُوسِهِمْ لَقَدْ عَلِمْتَ مَا هَٰٓؤُلَآءِ يَنطِقُونَ ﴿٦٥﴾ قَالَ أَفَتَعْبُدُونَ مِن

دُونِ ٱللَّهِ مَا لَا يَنفَعُكُمْ شَيْـًٔا وَلَا يَضُرُّكُمْ ﴿٦٦﴾ أُفٍّ لَّكُمْ وَلِمَا تَعْبُدُونَ
مِن دُونِ ٱللَّهِ ۖ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٦٧﴾

64-67. Бу кофирлар ўз нафсларига ружу қилиб, бир-бирларига: «Ҳаммангиз ўз нафсларига зулм қилгувчиларсиз», – деб айтар эдилар. Сўнгра (улар) бошларини ерга эгиб, (мулзам) бўлиб қолдилар. Бошларини ерга эгиб, Иброҳимга қандай жавоб беришни билмай қолдилар. (Сўнгра) Иброҳимга айтдилар: «Сен биласан-ку, бу бутлар гапира олмайди, яна:
17 жузъ «Буларнинг каттасидан сўранглар», – дейсан?». Иброҳим уларга айтди: «Ундай бўлса, сизлар (қудратли) Худони қўйиб, қўлларидан зарар ва манфаат етказиш келмайдиган шундай бежон нарсага (бутларга) ибодат қиласизларми?! Сизларга ва ибодат қилган бутларингизга ҳам бадбахтлик бўлсин! Оё, ақл юритиб, уйлаб кўрмайсизларми?».

قَالُوا۟ حَرِّقُوهُ وَٱنصُرُوٓا۟ ءَالِهَتَكُمْ إِن كُنتُمْ فَٰعِلِينَ ﴿٦٨﴾ قُلْنَا يَٰنَارُ كُونِى بَرْدًا
وَسَلَٰمًا عَلَىٰٓ إِبْرَٰهِيمَ ﴿٦٩﴾ وَأَرَادُوا۟ بِهِۦ كَيْدًا فَجَعَلْنَٰهُمُ ٱلْأَخْسَرِينَ ﴿٧٠﴾

68-70. Кофирлар айтдилар: «Агар буни жазоламоқчи ва худоларингизга нусрат (ёрдам) бермоқчи бўлсангизлар, Иброҳимни ўтга солиб куйдиринглар!» *Уларнинг қонунлари бўйича ёмон гуноҳкорни (огир жиноятчини) ўтда ёқар эдилар. Вақтики, бир майдонга ўт ёқдилар, Иброҳим алайҳиссаломни ўтга ташладилар.* Биз ўтга ҳукм қилдик: «Эй ўт, совуқ (салқин) бўл ва Иброҳимни саломат сақлагил!». Кофирлар хоҳладиларки, Иброҳим (алайҳиссалом)га шу хилда ҳийла қилиб, ҳалок этсалар. Биз уларнинг ҳийлаларини ботил қилиб, амалларининг ҳаммасини зое этдик.

وَنَجَّيْنَٰهُ وَلُوطًا إِلَى ٱلْأَرْضِ ٱلَّتِى بَٰرَكْنَا فِيهَا لِلْعَٰلَمِينَ ﴿٧١﴾ وَوَهَبْنَا لَهُۥٓ
إِسْحَٰقَ وَيَعْقُوبَ نَافِلَةً ۖ وَكُلًّا جَعَلْنَا صَٰلِحِينَ ﴿٧٢﴾ وَجَعَلْنَٰهُمْ أَئِمَّةً
يَهْدُونَ بِأَمْرِنَا وَأَوْحَيْنَآ إِلَيْهِمْ فِعْلَ ٱلْخَيْرَٰتِ وَإِقَامَ ٱلصَّلَوٰةِ وَإِيتَآءَ ٱلزَّكَوٰةِ ۖ
وَكَانُوا۟ لَنَا عَٰبِدِينَ ﴿٧٣﴾ وَلُوطًا ءَاتَيْنَٰهُ حُكْمًا وَعِلْمًا وَنَجَّيْنَٰهُ مِنَ ٱلْقَرْيَةِ
ٱلَّتِى كَانَت تَّعْمَلُ ٱلْخَبَٰٓئِثَ ۗ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ قَوْمَ سَوْءٍ فَٰسِقِينَ ﴿٧٤﴾ وَأَدْخَلْنَٰهُ فِى
رَحْمَتِنَآ ۖ إِنَّهُۥ مِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٧٥﴾

71-75. Биз Иброҳимга ва биродарзодалари Лутга кофирларнинг шарридан нажот бердик. Уларга муқаддас, баракотли Шом ерига боришни амр қилдик. Шом ерини аҳли олам учун баракотли қилган эдик. Иброҳимга Исҳоқ номли ўғилни ва яна зиёдатан Яъқуб номли набирани ато қилдик. Бу ота-болаларнинг ҳаммаларини солиҳ бандалар (қилиб) ярат-

дик ва ҳаммаларига халқни ҳидоят қилиш учун нубувват (пайғамбарлик) бериб, пешво қилдик. Уларни энг яхши ишлар қилишга буюрдик Ва ҳам намозни барпо қилишга ва закотни адо этишга амр қилдик. Улар Бизга ҳамиша ибодат қилгувчи эдилар. Лутга илм ва ҳикмат ато этдик. Унга хабис (нопок) қавм шарридан нажот бердик. У қавм ёмон ишлар қилар эди. Улар фосиқ, бадкор қавм эдилар, яъни ливотагарлик (баччабозлик)ка машғул бўлар эдилар. Охир Лутни жаннатимизга дохил қилдик, чунки у солиҳ бандалардан эди.

وَنُوحًا إِذْ نَادَىٰ مِن قَبْلُ فَاسْتَجَبْنَا لَهُۥ فَنَجَّيْنَٰهُ وَأَهْلَهُۥ مِنَ ٱلْكَرْبِ 17 жузъ
ٱلْعَظِيمِ ﴿٧٦﴾ وَنَصَرْنَٰهُ مِنَ ٱلْقَوْمِ ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَآ ۚ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ قَوْمَ
سَوْءٍ فَأَغْرَقْنَٰهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٧٧﴾

76-77. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Нуҳнинг аҳволини ёд қил. Нуҳ Иброҳимдан илгари дунёга келган эди. Қавмига пайғамбар қилиб юборган эдик. Кўп йиллар қавмини иймонга даъват қилди. (Аммо) иймон келтиришларидан маъюс (ноумид) бўлгач, қавмининг ҳалок бўлиши учун дуои бад қилди. Бизлар дуосини мустажоб қилдик. Нуҳга аҳли билан улуғ (катта) ғамдан нажот бердик. Нуҳ қавми Бизнинг оятларимизни инкор қилган эди. Улар кўп ёмон қавм эдилар. Нуҳ (алайҳиссалом)га азият берар эдилар. Биз Нуҳ (алайҳиссалом)га ёрдам бердик, қавмининг ҳаммасини тўфонда ғарқ қилиб, ҳалок этдик.

وَدَاوُۥدَ وَسُلَيْمَٰنَ إِذْ يَحْكُمَانِ فِى ٱلْحَرْثِ إِذْ نَفَشَتْ فِيهِ غَنَمُ ٱلْقَوْمِ وَكُنَّا
لِحُكْمِهِمْ شَٰهِدِينَ ﴿٧٨﴾ فَفَهَّمْنَٰهَا سُلَيْمَٰنَ ۚ وَكُلًّا ءَاتَيْنَا حُكْمًا وَعِلْمًا ۚ
وَسَخَّرْنَا مَعَ دَاوُۥدَ ٱلْجِبَالَ يُسَبِّحْنَ وَٱلطَّيْرَ ۚ وَكُنَّا فَٰعِلِينَ ﴿٧٩﴾

78-79. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Довуд ва унинг ўғли Сулаймон қиссаларини ёд қил. Вақтики, икковлари бир зироатгоҳ (экинзор) тўғрисида ҳукм қилар эдилар.

Бу қисса шундан иборат эди: «Икки қўшнидан биттасининг зироати (деҳқончилиги), бошқасининг бир гала (пода) қўйлари бор эди. Кечаси қўйлар чиқиб, қўшнисининг экинларини пайҳон қилди. Зироатнинг соҳиби Довудга келиб, арз этди. Довуд алайҳиссалом қўйнинг эгасини чақириб, (воқеани) сўради. Қўйнинг эгаси юз берган (воқеага) иқрор бўлди. Сулаймон алайҳиссалом бош бола эдилар. (Оталари) Довуд алайҳиссалом нима ҳукм чиқарсалар: «Дадам нима ҳукм қилдилар?», — деб сўрар эдилар. Довуд алайҳиссалом қўйларни зироат эгасига беришни ҳукм қилган эдилар. Сулаймон алайҳиссалом кўчада улардан: «Дадам нима ҳукм қилдилар?», — деб сўрадилар. Улар (бўлган) воқеани баён қилдилар. Сулаймон алайҳиссалом: «Қайтинглар, отамизнинг олдига борамиз, ҳукм (тўла) адолатли бўлмабди», — деди. Парвардигор айтди: «Биз уларнинг ҳукмига олим эдик. Адолатли ҳукмни Сулаймон (алайҳиссалом)га илҳом қилдик».

Сулаймон (алайҳиссалом) (отасига) айтдики: «Қўйларни зироатнинг эгасига омонат тарзда топшириш керак. Экиннинг соҳиби қўйларнинг сутидан, жунидан фойда олсин. Қўйнинг эгаси зироат(гоҳ)ни ислоҳ қилсин. Экинзорни аввалги ҳолатига келтиргач, қўйларини қайтариб олади». (Довуд (алайҳиссалом)га ҳам Сулаймон (алайҳиссалом) ҳукми маъқул бўлади ва ана шу ҳукмни ижро этади). Биз ҳар икковига ҳам ҳикмат, илм ато қилдик, тоғлар ва паррандаларни мусаххар қилиб қўйдик. Қачонки (Довуд алайҳиссалом) Парвардигорга тасбеҳ айтсалар, тоғлар ва паррандалар қўшилиб тасбеҳ айтар эдилар.

17 жузъ وَعَلَّمْنَٰهُ صَنْعَةَ لَبُوسٍ لَّكُمْ لِتُحْصِنَكُم مِّنۢ بَأْسِكُمْ فَهَلْ أَنتُمْ شَٰكِرُونَ ﴿٨٠﴾
وَلِسُلَيْمَٰنَ ٱلرِّيحَ عَاصِفَةً تَجْرِى بِأَمْرِهِۦٓ إِلَى ٱلْأَرْضِ ٱلَّتِى بَٰرَكْنَا فِيهَا ۚ وَكُنَّا بِكُلِّ
شَىْءٍ عَٰلِمِينَ ﴿٨١﴾ وَمِنَ ٱلشَّيَٰطِينِ مَن يَغُوصُونَ لَهُۥ وَيَعْمَلُونَ عَمَلًا
دُونَ ذَٰلِكَ ۖ وَكُنَّا لَهُمْ حَٰفِظِينَ ﴿٨٢﴾

80-82. Довуд (алайҳиссалом)га зирҳ тўқиш ҳунарини ҳам таълим берган эдик. Бу нарса сизларни шамшир захмидан сақлайди. Эй Довуд аҳли, сизлар бу неъматларимга шукр қилгувчимисизлар ё йўқми? Ва яна Сулаймон (алайҳиссалом)га қаттиқ эсувчи шамолни мусаххар қилдик. Бу шамол Сулаймон (алайҳиссалом)нинг амрига мувофиқ ҳаракат қиларди, Биз баракот ато қилган ерларга, яъни Шом вилоятларига олиб борар эди. Биз ҳар бир ишга олиммиз. Ва яна Сулаймон (алайҳиссалом)га девларни мусаххар қилдик. Бу девлар дарёларга ғўта уриб (шўнғиб), ажойиб нафис дурларни топиб чиқарар эди. Бундан бошқа ҳам ажойиб амалларни (ишларни) ҳам қила олардилар. Биз бу девларни Сулаймон (алайҳиссалом)нинг ҳукмларидан чиқмасин деб, муҳофазат қилар эдик.

۞ وَأَيُّوبَ إِذْ نَادَىٰ رَبَّهُۥٓ أَنِّى مَسَّنِىَ ٱلضُّرُّ وَأَنتَ أَرْحَمُ ٱلرَّٰحِمِينَ ﴿٨٣﴾
فَٱسْتَجَبْنَا لَهُۥ فَكَشَفْنَا مَا بِهِۦ مِن ضُرٍّ ۖ وَءَاتَيْنَٰهُ أَهْلَهُۥ وَمِثْلَهُم مَّعَهُمْ رَحْمَةً مِّنْ
عِندِنَا وَذِكْرَىٰ لِلْعَٰبِدِينَ ﴿٨٤﴾

83-84. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Айюб (алайҳиссалом)нинг аҳволини ёд қил.

Айюб алайҳиссалом Пайғамбар ва аҳли давлатлардан эди, соҳиби фарзанд, кўп хизматкорлари бор эди. Парвардигор ўзининг солиҳ бандаларини турли кулфатлар билан синар экан. Андак замонда (оз фурсатда) молу дунёларини сел олиб кетди. Фарзандлари йиқилган томнинг тагида қолиб, ҳалок бўлди. Ўзининг баданига жароҳат (яра) тошиб, қуртлади. Бу ҳолни кўрган хизматкорлар ҳар тарафга тарқалдилар. Хотинларига ўзи рухсат берди. Битта Раҳима номли хотини қолди. У (Раҳима) кетишга унамади. (Айюб алайҳиссалом) етти йил шу балога мубтало бўлдилар. Вақтики, Парвардигорга нидо қилиб айтди: «Эй Парвардигор, Сен оламда меҳрибонларнинг меҳрибонисан, мени

тамом машаққат ўраб олди. Менга раҳм қилгил!» Биз унинг дуосини ижобат қилиб, кулфатлардан нажот бердик. Унга фарзандларини қайтариб бердик. Фарзанд устига фарзанд, мол-дунёларининг устига неча баробар мол ато қилдик. Булар Биз томонимиздан Айюбнинг сабри эвазига берилган иноятимиз эди. Ва ҳам Худонинг обид бандаларига панд ва ибратдир. *Парвардигор Муҳаммад алайҳиссаломга насиҳат қилиб: «Айюбнинг сабрига тақлид қил», – деб буюрди.*

وَإِسْمَٰعِيلَ وَإِدْرِيسَ وَذَا ٱلْكِفْلِ ۖ كُلٌّ مِّنَ ٱلصَّٰبِرِينَ ﴿٨٥﴾ وَأَدْخَلْنَٰهُمْ فِى
رَحْمَتِنَآ ۖ إِنَّهُم مِّنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٨٦﴾ وَذَا ٱلنُّونِ إِذ ذَّهَبَ مُغَٰضِبًا فَظَنَّ أَن 17 жузъ
لَّن نَّقْدِرَ عَلَيْهِ فَنَادَىٰ فِى ٱلظُّلُمَٰتِ أَن لَّآ إِلَٰهَ إِلَّآ أَنتَ سُبْحَٰنَكَ إِنِّى كُنتُ
مِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٨٧﴾ فَٱسْتَجَبْنَا لَهُۥ وَنَجَّيْنَٰهُ مِنَ ٱلْغَمِّ ۚ وَكَذَٰلِكَ نُـۨجِى
ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٨٨﴾

85-88. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Исмоил, Идрис ва Зулкифл (алайҳимуссалом) пайғамбарларнинг қиссаларини ёд қил. Уларнинг ҳар бирлари собирлардан эдилар. Уларни Биз раҳматимизга лойиқ қилдик. Чунки улар солиҳ бандалардан эди. Балиқ эгаси (Юнус алайҳиссалом)нинг аҳволини ёд қил. Қавми иймон келтирмаганидан кейин аччиқланиб, (чиқиб) кетди. Биз уни йўлдан қайтаришга қодир эмасдек (бўлмайдигандек) гумон қилди. *Бас, Юнус алайҳиссаломга Худонинг ваҳийсига мунтазир бўлиш лозим эди. Худодан беижозат (қавмини) ташлаб кетди. Дарёда кемага миниб, кетиб турган ҳолида кемани катта бир балиқ тўсди. Ҳамманинг дилида кеманинг ғарқ бўлиш хавфи пайдо бўлди. Бир одам айтди: «Бундай ҳолат бирор қул хожасининг хизматидан қочганида содир бўлади. (Агар биз) бирор одамни балиққа (қурбонлик учун) ташласак, ўшанда нажот топамиз». Юнус алайҳиссалом айтди: «Мавлосидан қочган қул менман, мени ташланглар». Шу билан дарёга ташладилар, балиқ ютди.* Балиқнинг қорни зулумот эди. Дарёнинг зулумоти ва ҳам кечанинг зулумоти ичида (Юнус алайҳиссалом) дуо қилди: «Эй Парвардигоро, Сендан ўзга ҳеч маъбуд йўқ. Сен ҳамма айбдан поксан. Мен ўз нафсимга зулм қилганларданман. *Сенинг раҳмингни сўрайман».* Бас, дуосини ижобат қилдик ва нажот бердик. Бу ғамлардан Юнусга нажот берганимиздек, содиқ мўминларга кулфатлардан нажот берамиз.

وَزَكَرِيَّآ إِذْ نَادَىٰ رَبَّهُۥ رَبِّ لَا تَذَرْنِى فَرْدًا وَأَنتَ خَيْرُ ٱلْوَٰرِثِينَ ﴿٨٩﴾
فَٱسْتَجَبْنَا لَهُۥ وَوَهَبْنَا لَهُۥ يَحْيَىٰ وَأَصْلَحْنَا لَهُۥ زَوْجَهُۥٓ ۚ إِنَّهُمْ كَانُوا۟
يُسَٰرِعُونَ فِى ٱلْخَيْرَٰتِ وَيَدْعُونَنَا رَغَبًا وَرَهَبًا ۖ وَكَانُوا۟ لَنَا خَٰشِعِينَ ﴿٩٠﴾

89-90. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Закарийё (алайҳиссалом) воқеаларини ёд қилгил. Вақтики у Паравардигорга дуо қилиб, муножот этди, зори

ва таваллo қилиб айтдики: «Эй Парвардигор, мени бефарзанд, танҳо қўймагил, ваҳоланки, Сен ҳаммадан энг яхши ворисссан. Шундай бўлса ҳам, менинг ўрнимга нубувват ишини давом эттирадиган вориси нубувват ато қилгил». Бас, Биз унинг дуосини мустажоб қилдик. Унинг аёлини фарзанд кўришга лойиқ қилиб, ислоҳ этдик. Охир Яҳё (алайҳиссалом)ни ато қилдик. Юқорида номлари зикр қилинган пайғамбарлар Худо учун яхши амаллар қилишга шошилардилар. Худонинг раҳматига рағбат қилиб, азобидан қўрқар эдилар. Ва ҳам Бизнинг амрларимизга бўйин эгувчи эдилар.

17
жузъ

وَالَّتِي أَحْصَنَتْ فَرْجَهَا فَنَفَخْنَا فِيهَا مِن رُّوحِنَا
وَجَعَلْنَاهَا وَابْنَهَا آيَةً لِّلْعَالَمِينَ ﴿٩١﴾

91. *Эй Муҳаммад, Сен Биби Марям қиссасини ёд қилгилки, ажойиб қудрати илоҳийга далолатдир.* У пок аёл ўз андомини (номусини) хоҳ ҳалол, хоҳ ҳаром ҳар қандай олудаликдан (нопокликдан) сақлади. Биз Ўз жонибимиздан (тарафимиздан) бўлган руҳни покдомон ожизанинг қорнига дохил қилдик. Бу аёлнинг ўзини ҳам, ўғлини ҳам олам халқи учун улуғ қудратимизга нишона қилдик.

إِنَّ هَٰذِهِ أُمَّتُكُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً وَأَنَا رَبُّكُمْ فَاعْبُدُونِ ﴿٩٢﴾ وَتَقَطَّعُوا أَمْرَهُم
بَيْنَهُمْ كُلٌّ إِلَيْنَا رَاجِعُونَ ﴿٩٣﴾ فَمَن يَعْمَلْ مِنَ الصَّالِحَاتِ وَهُوَ مُؤْمِنٌ
فَلَا كُفْرَانَ لِسَعْيِهِ وَإِنَّا لَهُ كَاتِبُونَ ﴿٩٤﴾ وَحَرَامٌ عَلَىٰ قَرْيَةٍ أَهْلَكْنَاهَا
أَنَّهُمْ لَا يَرْجِعُونَ ﴿٩٥﴾

92-95. Албатта, сизларнинг миллатингиз ягона бир миллатдир. У Исломдан иборатдир. Бу миллатда мутафарриқ (тафриқа-тоифаларга бошловчи) бўлманг! Мен сизларнинг Парвардигорингизман, танҳо Менгагина ибодат қилинглар. Бас, ўтган гуруҳлар ўз динларида мутафарриқ бўлдилар. Баъзилари насоро ва баъзилари яҳудий бўлиб олдилар. Улар охир Бизнинг ҳузуримизга келгувчидирлар. Бас, улардан ҳар ким мўмин бўлиб, яхши амаллар қилса, амаллари зое кетмайди. Биз қилган амалларини номаи аъмолларига ёздирамиз. Биз ҳалок қилган қишлоқ (шаҳар) аҳолиси бу дунёга қайтиб келиб, тарк қилган ибодатларининг тадорикини қилишлари маҳолдир. Балки, улар то Қиёмат қабрда азоб тортадилар. Дунёга қайтиб келмайдилар.

حَتَّىٰ إِذَا فُتِحَتْ يَأْجُوجُ وَمَأْجُوجُ وَهُم مِّن كُلِّ حَدَبٍ يَنسِلُونَ ﴿٩٦﴾
وَاقْتَرَبَ الْوَعْدُ الْحَقُّ فَإِذَا هِيَ شَاخِصَةٌ أَبْصَارُ الَّذِينَ كَفَرُوا يَا وَيْلَنَا قَدْ
كُنَّا فِي غَفْلَةٍ مِّنْ هَٰذَا بَلْ كُنَّا ظَالِمِينَ ﴿٩٧﴾ إِنَّكُمْ وَمَا تَعْبُدُونَ
مِن دُونِ اللَّهِ حَصَبُ جَهَنَّمَ أَنتُمْ لَهَا وَارِدُونَ ﴿٩٨﴾ لَوْ كَانَ هَٰؤُلَاءِ

ءَالِهَةً مَّا وَرَدُوهَا ۖ وَكُلٌّ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿٩٩﴾ لَهُمْ فِيهَا زَفِيرٌ وَهُمْ فِيهَا لَا يَسْمَعُونَ ﴿١٠٠﴾

96-100. То Яъжуж ва Маъжужнинг тўсиғи (тўғони) очилиб, ҳар бир баландликдан (тепаликдан) ўтиб, оламга ҳужум қиладилар. *Бу (ҳодисалар билан) Қиёматнинг аломатлари зоҳир бўлади.* Қиёмат бўлишининг ҳақ ваъдаси яқин келди. Бас, у вақтда кофирлар кўзларини камоли даҳшатдан юқорига тикилган ҳолда айтадиларки: «Эй, вой бизнинг ҳолимизга! Биз у дунёда бу аҳволдан ғофил бўлибмиз, балки золимлардан эканмиз». Сўнгра малоикалар айтадиларки: «Бугун сизлар ва ибодат қилган бутларингиз – барчангиз жаҳаннам ўтинидирсизлар, ҳаммаларингиз жаҳаннамга дохил бўласизлар, агар бутларингиз ҳақиқатдан ҳам худо бўлганларида, бу жаҳаннамга кирмаган бўлар эдилар». Ваҳоланки, ҳаммалари дўзахда абадий қоладилар. У дўзахда улар фарёду фиғон қиладилар. Малоикалар тарафидан яхши сўз эшитмайдилар. 17 жузъ

إِنَّ ٱلَّذِينَ سَبَقَتْ لَهُم مِّنَّا ٱلْحُسْنَىٰٓ أُو۟لَٰٓئِكَ عَنْهَا مُبْعَدُونَ ﴿١٠١﴾ لَا يَسْمَعُونَ حَسِيسَهَا ۖ وَهُمْ فِى مَا ٱشْتَهَتْ أَنفُسُهُمْ خَٰلِدُونَ ﴿١٠٢﴾ لَا يَحْزُنُهُمُ ٱلْفَزَعُ ٱلْأَكْبَرُ وَتَتَلَقَّىٰهُمُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ هَٰذَا يَوْمُكُمُ ٱلَّذِى كُنتُمْ تُوعَدُونَ ﴿١٠٣﴾

101-103. Албатта, у зотларки, Бизнинг тарафимиздан тавфиқ-тоат ато қилинган бўлса, улар дўзахдан узоқдирлар. Жаҳаннамнинг овозини ҳам эшитмайдилар. Улар жаннат бўстонида хоҳишларига мувофиқ ноз ва неъматлардан баҳраманд бўлиб, ҳамиша (абадий) қоладилар. Уларни Қиёматнинг даҳшати ғамгин қилмайди. Уларга малоикалар салом билан, яхши мулоқот қилиб айтадиларки: «У дунёда ваъда қилинган мана шу кунларингиз келди. Энди сизларга роҳат қиладиган вақт етди».

يَوْمَ نَطْوِى ٱلسَّمَآءَ كَطَىِّ ٱلسِّجِلِّ لِلْكُتُبِ ۚ كَمَا بَدَأْنَآ أَوَّلَ خَلْقٍ نُّعِيدُهُۥ ۚ وَعْدًا عَلَيْنَآ ۚ إِنَّا كُنَّا فَٰعِلِينَ ﴿١٠٤﴾

104. Мактубларни ёзиб бўлиб, ўраб ташлагандек, Биз осмонни тахлаб ташлайдиган кунни ёд қил. Биз инсонни аввал яратганимиздек яна қайтадан халқ қиламиз. Шундай ваъда қилганмиз. Албатта, Биз ваъдага вафо қилувчимиз.

وَلَقَدْ كَتَبْنَا فِى ٱلزَّبُورِ مِنۢ بَعْدِ ٱلذِّكْرِ أَنَّ ٱلْأَرْضَ يَرِثُهَا عِبَادِىَ ٱلصَّٰلِحُونَ ﴿١٠٥﴾ إِنَّ فِى هَٰذَا لَبَلَٰغًا لِّقَوْمٍ عَٰبِدِينَ ﴿١٠٦﴾ وَمَآ أَرْسَلْنَٰكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَٰلَمِينَ ﴿١٠٧﴾

105-107. Батаҳқиқ, Биз Лавҳул Маҳфузда зикр қилгандан сўнг Забур китобида ёзиб қўйдикки: «Оқибат бу ерга солиҳ бандаларимдан ворис бўладилар». Албатта, ушбу Қуръонда зикр қилинган панду насиҳатлар муте (итоаткор) бандаларимга етарлидир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), олам халқига меҳрибонлигимдан Мен Сени (оламларга) фақат сабаби раҳмат қилиб юбордим.

قُلْ إِنَّمَا يُوحَىٰٓ إِلَيَّ أَنَّمَآ إِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌ فَهَلْ أَنتُم مُّسْلِمُونَ ﴿١٠٨﴾
17 жузъ فَإِن تَوَلَّوْا۟ فَقُلْ ءَاذَنتُكُمْ عَلَىٰ سَوَآءٍ وَإِنْ أَدْرِىٓ أَقَرِيبٌ أَم بَعِيدٌ مَّا
تُوعَدُونَ ﴿١٠٩﴾ إِنَّهُۥ يَعْلَمُ ٱلْجَهْرَ مِنَ ٱلْقَوْلِ وَيَعْلَمُ مَا تَكْتُمُونَ ﴿١١٠﴾
وَإِنْ أَدْرِى لَعَلَّهُۥ فِتْنَةٌ لَّكُمْ وَمَتَٰعٌ إِلَىٰ حِينٍ ﴿١١١﴾ قَٰلَ رَبِّ ٱحْكُم بِٱلْحَقِّ وَرَبُّنَا
ٱلرَّحْمَٰنُ ٱلْمُسْتَعَانُ عَلَىٰ مَا تَصِفُونَ ﴿١١٢﴾

108-112. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Менга Худо тарафидан шу мазмунда ваҳий юборилди: «Албатта, Парвардигорингиз якка ва ягона, шериги йўқдир. Бас, сизлар бу сўзга бўйсунасизларми ё инкор қиласизларми?». Бас, агар юз ўгирсалар, айттил: «Мен сизларнинг ҳаммаларингизга баробар хабар бердим ва огоҳ қилдим. Сизларга ваъда қилинган Қиёмат яқинми ё узоқми, мен билмайман. Аллоҳ таоло ошкора сўзни ҳам, дилларингизда сақлаган сўзни ҳам билади. Сизлардан азобнинг таъхир бўлишида қандай ҳикмат борлигини мен билмайман. Балки муайян вақтгача сизларга муҳлат бергани синамоқ учун ё бир оз фойдаланишингиз учундир». Муҳаммад (алайҳиссалом) дуо қилиб айтди: «Эй Парвардигоро, мен билан Макка аҳли ўртасида ҳақ билан ҳукм қилгил. Албатта, Бизнинг Парвардигоримиз олам аҳлига меҳрибондир. Бандалар сиз (кофирлар) қилаётган нотўғри васфларингизга қарши ҳар бир ишларида фақат Ундан мадад сўрайдилар».

Мадинада нозил бўлган бу сура
етмиш саккиз оятдан иборатдир.

17 жузъ

Кўпчилик муфассирларнинг фикрича, 19-оятдан бошлаб кейинги 6 оят Мадинада, бошқалари Маккада нозил бўлган. Бу сурада ҳаж қилиш фарзи Иброҳим (алайҳиссалом) томонидан бошланиб, Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) томонидан ҳам давом эттирилгани ҳамда ҳажнинг аҳком ва арконлари ҳақида сўз юритилгани учун сура «Ҳаж» номини олган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ ٱتَّقُواْ رَبَّكُمْۚ إِنَّ زَلْزَلَةَ ٱلسَّاعَةِ شَيْءٌ عَظِيمٞ ١ يَوْمَ تَرَوْنَهَا
تَذْهَلُ كُلُّ مُرْضِعَةٍ عَمَّآ أَرْضَعَتْ وَتَضَعُ كُلُّ ذَاتِ حَمْلٍ حَمْلَهَا وَتَرَى
ٱلنَّاسَ سُكَٰرَىٰ وَمَا هُم بِسُكَٰرَىٰ وَلَٰكِنَّ عَذَابَ ٱللَّهِ شَدِيدٞ ٢

1-2. Эй инсонлар, Худонинг азобидан қўрқинглар, чунки Қиёматнинг аломатларидан бири бўлган зилзила ниҳоятда даҳшатли ҳолдир. У зилзилани кўрган кунларингизда камоли қўрқувдан ҳар бир эмизгувчи хотин ўзининг эмизиб турган боласидан ғофил бўлади, ҳар бир ҳомиладор хотин бемаҳал бола ташлайди, ҳар ерда инсонларни маст бўлган ҳолда кўрасан. Аслида, улар маст эмаслар. Лекин Худонинг азоби қаттиқдир. *Даҳшатли қўрқувдан беҳуш бўладилар.*

وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يُجَٰدِلُ فِي ٱللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٖ وَيَتَّبِعُ كُلَّ شَيْطَٰنٖ مَّرِيدٖ ٣
كُتِبَ عَلَيْهِ أَنَّهُۥ مَن تَوَلَّاهُ فَأَنَّهُۥ يُضِلُّهُۥ وَيَهْدِيهِ إِلَىٰ عَذَابِ ٱلسَّعِيرِ ٤

3-4. Одамларнинг ичида шундай шахслар ҳам борки, илмсиз ва ҳужжатсиз Аллоҳнинг дини борасида жанжал қиладилар. Ҳар бир саркаш шайтоннинг орқасидан эргашадилар. Уларнинг шаънига Лавҳул Маҳфузда шундай ёзилгандир: «Кимки шайтонни дўст тутса, бас, албатта, шайтон уни гумроҳ қилади, ёниб турган дўзахнинг азобига йўл бошлайди».

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِن كُنتُمْ فِي رَيْبٖ مِّنَ ٱلْبَعْثِ فَإِنَّا خَلَقْنَٰكُم مِّن تُرَابٖ ثُمَّ مِن نُّطْفَةٖ

ثُمَّ مِن عَلَقَةٍ ثُمَّ مِن مُّضۡغَةٍ مُّخَلَّقَةٍ وَغَيۡرِ مُخَلَّقَةٍ لِّنُبَيِّنَ لَكُمۡۚ وَنُقِرُّ فِي ٱلۡأَرۡحَامِ مَا
نَشَآءُ إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى ثُمَّ نُخۡرِجُكُمۡ طِفۡلًا ثُمَّ لِتَبۡلُغُوٓاْ أَشُدَّكُمۡۖ وَمِنكُم مَّن
يُتَوَفَّىٰ وَمِنكُم مَّن يُرَدُّ إِلَىٰٓ أَرۡذَلِ ٱلۡعُمُرِ لِكَيۡلَا يَعۡلَمَ مِنۢ بَعۡدِ عِلۡمٖ شَيۡـٔٗاۚ
وَتَرَى ٱلۡأَرۡضَ هَامِدَةٗ فَإِذَآ أَنزَلۡنَا عَلَيۡهَا ٱلۡمَآءَ ٱهۡتَزَّتۡ وَرَبَتۡ وَأَنۢبَتَتۡ مِن
كُلِّ زَوۡجِۭ بَهِيجٖ ﴿٥﴾

17 жузъ

5. Эй инсонлар, агар сизлар Қиёмат куни тирилишга шак қилсангизлар, бас, билингларки, Биз боболарингиз (Ҳазрати) Одамни тупроқдан халқ қилдик, сўнгра сизларни манийдан яратдик. Сўнгра онанинг раҳмида ивиган қонга айлантирдик, сўнгра ивиган қондан бир парча гўштга айлантирдик, сўнгра сизларнинг суратларингиз мукаммал халқ қилинди ё ноқис яратилди, *яъни, баъзи аъзоларингиз ноқис ҳолда туғилдингизлар. Сизларнинг аҳволларингиз тадрижан мукаммал қилинди, токи бизлар инсон Қиёмат куни қандай тирилади, шуни сизларга баён қилиб берайлик*. Сизларни онанинг раҳмида барқарор қилдик. Бизлар хоҳлаганимизча – туғилиш муддатигача турасизлар, сўнгра сизларни тифллик (чақалоқлик) ҳолатида онанинг қорнидан чиқарамиз, сўнгра сизларни ақлларингиз ва қувватларингиз комил бўлгунича тарбия қиламиз. Сизлардан баъзиларингиз кекса (қари) бўлмасдан вафот қиласизлар ва баъзиларингиз бадтарин ҳолатга қайтариласизлар, яъни пир (қария) бўлиб, ниҳоятда заифлашиб, ёш бола ҳолига айланиб, илгари билган нарсаларингизни ҳам эсларингиздан чиқариб, билмай қоласиз. *Бу аҳволларнинг ҳаммаси Худонинг улуғ қудратига далолат қилади. Инсонни Қиёмат кунида тирилишига яна бир далил шуки*, ерни қуруқ, гиёҳдан холи ҳолда кўрасан, бас, вақтики, Биз ерга осмондан ёмғир ёғдирамиз, сўнгра ердан гиёҳлар кўкариб, ҳаракатга киради ва кўп бўлади ва ҳар бир нав (тур) набототдан (ўсимликлардан) кўкартиради (ўстиради).

ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلۡحَقُّ وَأَنَّهُۥ يُحۡيِ ٱلۡمَوۡتَىٰ وَأَنَّهُۥ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ ﴿٦﴾
وَأَنَّ ٱلسَّاعَةَ ءَاتِيَةٞ لَّا رَيۡبَ فِيهَا وَأَنَّ ٱللَّهَ يَبۡعَثُ مَن فِي ٱلۡقُبُورِ ﴿٧﴾

6-7. Бу аҳволларнинг ўзгариши, қуруқ ерда гиёҳларнинг пайдо бўлиши шунинг учунки, Аллоҳ таоло ҳақдир, азим қудратларга эгадир. Албатта, У ўликларни тирилтиради. У Парвардигор, албатта, ҳар бир нарсага қодирдир. Албатта, бир куни Қиёмат келгувчидир. Унга шак ва шубҳа йўқдир. Албатта, Аллоҳ таоло қабрдаги ўликларга ҳаёт бериб, Маҳшаргоҳга ҳозир қилади ва аъмолларига яраша жазо беради.

وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يُجَٰدِلُ فِي ٱللَّهِ بِغَيۡرِ عِلۡمٖ وَلَا هُدٗى وَلَا كِتَٰبٖ مُّنِيرٖ ﴿٨﴾ ثَانِيَ
عِطۡفِهِۦ لِيُضِلَّ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِۖ لَهُۥ فِي ٱلدُّنۡيَا خِزۡيٞۖ وَنُذِيقُهُۥ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ

عَذَابَ ٱلْحَرِيقِ ۝٩ ذَٰلِكَ بِمَا قَدَّمَتْ يَدَاكَ وَأَنَّ ٱللَّهَ لَيْسَ بِظَلَّٰمٍ لِّلْعَبِيدِ ۝١٠

8-10. Инсонлардан шундай шахслар борки, эътиқодсиз, илмсиз ва далилсиз Ҳақдан юзини ўгирган ҳолда Худонинг шаъни ҳақида мужодала қилади. Нодон одамларни Худонинг йўлидан чалғитиш учун саркашлик қилиб, жанжал қилади (талашиб-тортишади). Бундай одамларга бу дунёда Худо тарафидан расволик муқаррардир. Охиратда куйдиргувчи азобга мубтало қиламиз. Қиёмат куни малоикалар айтадиларки: «Бу азоблар сенга у дунёда ўзинг касб қилган амалларингга мувофиқдир, чунки Аллоҳ таоло ҳеч бандага зулм қилмайди, аъмолига мувофиқ жазо беради». 17 жузъ

وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يَعْبُدُ ٱللَّهَ عَلَىٰ حَرْفٍ فَإِنْ أَصَابَهُۥ خَيْرٌ ٱطْمَأَنَّ بِهِۦ وَإِنْ
أَصَابَتْهُ فِتْنَةٌ ٱنقَلَبَ عَلَىٰ وَجْهِهِۦ خَسِرَ ٱلدُّنْيَا وَٱلْـَٔاخِرَةَ ذَٰلِكَ هُوَ ٱلْخُسْرَانُ
ٱلْمُبِينُ ۝١١ يَدْعُوا۟ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَا لَا يَضُرُّهُۥ وَمَا لَا يَنفَعُهُۥ ذَٰلِكَ هُوَ
ٱلضَّلَٰلُ ٱلْبَعِيدُ ۝١٢ يَدْعُوا۟ لَمَن ضَرُّهُۥٓ أَقْرَبُ مِن نَّفْعِهِۦ لَبِئْسَ ٱلْمَوْلَىٰ
وَلَبِئْسَ ٱلْعَشِيرُ ۝١٣

11-13. Инсонлардан шундай шахслар борки, Худога ихлос билан ибодат қилмасдан, мол-мулкка вобаста бўлиб, изтироб билан ибодат қилади. Агар унга Худо тарафидан фаровон (кенг) ризқу рўз етиб турса, дили ором олади ва хотиржам бўлади. Агар Худо тарафидан танглик ва фақирлик етса, юз ўгириб, орқасига қайтиб кетади, яъни, муртад бўлиб, диндан чиқади. Бу шахснинг ҳоли бу дунёда ҳам ва охиратда ҳам ўзига зиён қилишдан бошқа нарса бўлмайди. Бу хилдаги зиёнкорлик ҳақиқатан абадий шақоват (бадбахтлик)дан иборатдир. Бу одам Худога ибодат қилмай, бирор шахсга зарар ҳам етказмайдиган ва манфаат ҳам етказмайдиган бутларга ибодат қилади. Бу ҳол оғир гумроҳликдан иборатдир, чунки улар шундай нарсага ибодат қиладиларки, унинг зарари нафидан яқинроқдир. Унинг умид қилган (сиғинган, ёрдам сўраган) маъбуди энг ёмон ҳамроҳидир.

إِنَّ ٱللَّهَ يُدْخِلُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا
ٱلْأَنْهَٰرُ إِنَّ ٱللَّهَ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ ۝١٤

14. Албатта, Аллоҳ таоло мўминларни ва яхши амал қилувчиларни шундай жаннатга киргизадики, бўстонларидан анҳорлар оқади, уларга хоҳлаган ноз ва неъматлари муҳайёдир. Албатта, Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсасини қилади ва бунга қудрати етади.

مَن كَانَ يَظُنُّ أَن لَّن يَنصُرَهُ ٱللَّهُ فِى ٱلدُّنْيَا وَٱلْـَٔاخِرَةِ فَلْيَمْدُدْ بِسَبَبٍ إِلَى
ٱلسَّمَآءِ ثُمَّ لْيَقْطَعْ فَلْيَنظُرْ هَلْ يُذْهِبَنَّ كَيْدُهُۥ مَا يَغِيظُ ۝١٥

15. Мушриклардан ҳар ким: «Худо бу дунёда ҳам, охиратда ҳам пайғамбарига нусрат бермайди», деб, гумон қилар экан ва ўзининг дилига тасалли берар экан. *(Худойи таоло бу мушрикнинг табиатига хилоф тарзда ўз пайғамбарига ёрдам беради. Чунончи, Аллоҳ таоло Қуръонда «Албатта, Биз Пайғамбарга ёрдам берамиз», – деб ваъда қилгандир).* Агарчи кофирлар, мушриклар ўз ғазабларидан жонлари чиқса ҳам, ўзларининг ғазабларига тасалли бериш учун бир арқонни олсинлар-да, бир тарафини осмон тарафга боғлаб, иккинчи тарафини бўйниларига солсинлар. Сўнгра осилган ҳолда арқонни кесиб ерга йиқилсинлар. Шунинг
17 жузъ билан жонлари чиқсин. Бас, кўрсинлар-чи, шу хил кулфат билан қилган ҳийлалари ғам-адоватларини бирор зарра паст қиладими-йўқми? *(Йўқ!) Балки шу ғазаб билан ўлиб кетадилар!*

وَكَذَٰلِكَ أَنزَلْنَٰهُ ءَايَٰتٍۭ بَيِّنَٰتٍ وَأَنَّ ٱللَّهَ يَهْدِى مَن يُرِيدُ ﴿١٦﴾

16. Диннинг ҳақлигига равшан далиллар келтирганимиз каби Қуръонни ҳам нозил қилдик. У Қуръонда дин аҳкомларини, анбиёларнинг қиссаларини баён қилиш учун очиқ-ойдин оятлар бордир. Чунки Аллоҳ таоло ҳар кимни хоҳласа, бу оятлар билан ҳидоят қилади.

إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَٱلَّذِينَ هَادُوا۟ وَٱلصَّٰبِـِٔينَ وَٱلنَّصَٰرَىٰ وَٱلْمَجُوسَ وَٱلَّذِينَ
أَشْرَكُوٓا۟ إِنَّ ٱللَّهَ يَفْصِلُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ شَهِيدٌ ﴿١٧﴾

17. Албатта, бу дунёда Худога иймон келтирган мўминлар жамоасини, яҳудийларни, офтобпарастларни, насоролар гуруҳини, оташпарастларни, мушриклар гуруҳларини Қиёмат куни бўлганида, Аллоҳ таоло қайси бирлари ботил динда ва қайси бири ҳақ динда эканини жудо қилади (ажратади) ва ҳукм қилади. Ҳар бир гуруҳнинг амалига лойиқ жазо беради. Чунки Аллоҳ таоло ҳар бир нарсадан огоҳдир.

أَلَمْ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ يَسْجُدُ لَهُۥ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَن فِى ٱلْأَرْضِ وَٱلشَّمْسُ
وَٱلْقَمَرُ وَٱلنُّجُومُ وَٱلْجِبَالُ وَٱلشَّجَرُ وَٱلدَّوَآبُّ وَكَثِيرٌ مِّنَ ٱلنَّاسِ ۖ وَكَثِيرٌ حَقَّ
عَلَيْهِ ٱلْعَذَابُ ۗ وَمَن يُهِنِ ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِن مُّكْرِمٍ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يَفْعَلُ مَا يَشَآءُ ۩ ﴿١٨﴾

18. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Аллоҳ таологa осмонлардаги малоикалар, ердаги ашёлар, офтоб, ой, юлдузлар, тоғлар, дарахтлар, тўрт оёқли ҳайвонлар ҳамда инсонлардан кўпларининг сажда қилганини кўрмайсанми? Ва кўп инсонларга эса Худонинг азоби собит бўлди. Ҳар кимники, Худо хор қилса, уни азиз қилгувчи бўлмайди. Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсасини қилади. **(Ушбу оят сажда оятидир).**

۞ هَٰذَانِ خَصْمَانِ ٱخْتَصَمُوا۟ فِى رَبِّهِمْ ۖ فَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ قُطِّعَتْ لَهُمْ ثِيَابٌ مِّن
نَّارٍ يُصَبُّ مِن فَوْقِ رُءُوسِهِمُ ٱلْحَمِيمُ ﴿١٩﴾ يُصْهَرُ بِهِۦ مَا فِى بُطُونِهِمْ وَٱلْجُلُودُ ﴿٢٠﴾

وَلَهُم مَّقَٰمِعُ مِنۡ حَدِيدٖ ﴿٢١﴾ كُلَّمَآ أَرَادُوٓاْ أَن يَخۡرُجُواْ مِنۡهَا مِنۡ غَمٍّ أُعِيدُواْ فِيهَا
وَذُوقُواْ عَذَابَ ٱلۡحَرِيقِ ﴿٢٢﴾

19-22. Мана шу икки ғаним гуруҳ Худонинг дини учун (ўзаро) жанг қиладилар. *Ҳазрати Абу Зарр Ғифорий розийаллоҳу таоло анҳу қасамёд қилиб айтадиларки: «Бу икки гуруҳ олти кишидан иборат бўлиб, уч киши кофирлар тарафидан, яъни, Утба, Шайба, Валид эдилар, уч киши мўминлар тарафидан, яъни, Ҳамза, Абу Убайда, Ҳазрати Али эдиларки, улар Бадр жангида биринчи бўлиб, майдонга чиқиб урушдилар. Бу оят уларнинг ҳақига нозил бўлгандир.* Бас, кофирларнинг ҳоли Қиёмат куни шундай бўладики, уларнинг қоматларига яраша ўтдан жома қилиб кийдирилади. Бошларидан қайноқ сув қўйилади. Бунинг натижасида қоринларидаги аъзолари ва терилари куйиб, ерга тўкилади. Уларга азоб бериш учун урадиган гурзилар тайёрдир. Ҳар вақтики, ғам ва андуҳдан қутулиш учун дўзахдан чиқишни хоҳласалар, малоикалар тарафидан яна дўзахга қайтариладилар. Малоикалар айтадиларки: «Эй кофирлар, куйдирувчи азобнинг «мазасини» энди тотинглар!». 17 жузъ

إِنَّ ٱللَّهَ يُدۡخِلُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ جَنَّٰتٖ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا
ٱلۡأَنۡهَٰرُ يُحَلَّوۡنَ فِيهَا مِنۡ أَسَاوِرَ مِن ذَهَبٖ وَلُؤۡلُؤٗاۖ وَلِبَاسُهُمۡ فِيهَا حَرِيرٞ ﴿٢٣﴾
وَهُدُوٓاْ إِلَى ٱلطَّيِّبِ مِنَ ٱلۡقَوۡلِ وَهُدُوٓاْ إِلَىٰ صِرَٰطِ ٱلۡحَمِيدِ ﴿٢٤﴾

23-24. Албатта, Аллоҳ таоло Қиёматда яхши амал қилган мўминларни дарахтларининг тагидан анҳорлар оқадиган жаннатга киргизади. Жаннатда улар қўлларига тилладан бўлган ҳалқалар ва марваридлар билан зийнатланадилар. Уларнинг киядиган либослари ҳарир (ипак) бўлади. Бу зотлар бу дунёда яхши сўзларни айтишга ҳидоят қилингандирлар, яъни, Калимаи шаҳодат ва Калимаи истиғфор ва тиловати Қуръон ўқимоққа Худо тарафидан тавфиқ берилгандир ва ҳам Худонинг яхши йўлига ҳидоят қилингандирлар.

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ وَيَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱلۡمَسۡجِدِ ٱلۡحَرَامِ ٱلَّذِي
جَعَلۡنَٰهُ لِلنَّاسِ سَوَآءً ٱلۡعَٰكِفُ فِيهِ وَٱلۡبَادِۚ وَمَن يُرِدۡ فِيهِ بِإِلۡحَادِۭ بِظُلۡمٖ
نُّذِقۡهُ مِنۡ عَذَابٍ أَلِيمٖ ﴿٢٥﴾

25. Албатта, кофир бўлган жамоалар мўминларни Худонинг йўлидан, Масжидул Ҳаромни тавоф қилишдан манъ қиладилар. Ваҳоланки, бу Масжидул Ҳаромнинг зиёратини ҳамма халққа баробар қилганмиз. Хоҳ Маккада яшайдиган муқим бўлсинлар, хоҳ ташқаридан келган (мусофир) бўлсинлар. Ҳар кимки Масжидул Ҳаромда шу тариқа зулм қилиб, Худонинг йўлидан манъ этишни истаса, Қиёмат куни ундай шахсни қаттиқ азобга мубтало қиламиз.

وَإِذْ بَوَّأْنَا لِإِبْرَٰهِيمَ مَكَانَ ٱلْبَيْتِ أَن لَّا تُشْرِكْ بِى شَيْـًٔا وَطَهِّرْ بَيْتِىَ
لِلطَّآئِفِينَ وَٱلْقَآئِمِينَ وَٱلرُّكَّعِ ٱلسُّجُودِ ﴿٢٦﴾ وَأَذِّن فِى ٱلنَّاسِ بِٱلْحَجِّ
يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَىٰ كُلِّ ضَامِرٍ يَأْتِينَ مِن كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ ﴿٢٧﴾ لِّيَشْهَدُوا۟
مَنَـٰفِعَ لَهُمْ وَيَذْكُرُوا۟ ٱسْمَ ٱللَّهِ فِىٓ أَيَّامٍ مَّعْلُومَـٰتٍ عَلَىٰ مَا رَزَقَهُم مِّنۢ بَهِيمَةِ
ٱلْأَنْعَـٰمِ ۖ فَكُلُوا۟ مِنْهَا وَأَطْعِمُوا۟ ٱلْبَآئِسَ ٱلْفَقِيرَ ﴿٢٨﴾ ثُمَّ لْيَقْضُوا۟ تَفَثَهُمْ وَلْيُوفُوا۟ 17 жузъ
نُذُورَهُمْ وَلْيَطَّوَّفُوا۟ بِٱلْبَيْتِ ٱلْعَتِيقِ ﴿٢٩﴾

26-29. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз Байтуллоҳ бино қилинадиган маконни Иброҳим (алайҳиссалом)га муайян қилиб берган воқеани ёд қилгил. Сўнгра Иброҳим Байтуллоҳни бино қилди. Иброҳимга шу мазмунда ваҳий юбордик: «Ҳеч нарсани Менга шерик қилмайсан. Менинг Байтимни зиёрат қилувчиларга ва намоз ўқувчиларга, руку ва сужуд қилувчиларга ифлосликлардан пок қиласан. Халққа ҳаж қилишни эълон қил. Улар Сенинг тарафингга келсинлар. Токи пиёда ёки узоқ йўлдан келадиган ориқ туяларига миниб, ўзларининг манфаатлари учун ҳозир бўлсинлар. Ва ҳам Айёми ташриқ кунларида Худо ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини сўйиш учун Худонинг номини ёд қилсинлар. Бас, қурбонлик гўштидан ўзларингиз ҳам (еңглар) ва фақирларга ҳам берингглар. Сўнгра эҳромни чиқариб, ўзларини чиркиндан (кирлардан) тозалаб, соч олдирсинлар. Назр қилган кишилар назрларига вафо кўрсатсинлар, сўнгра бу улуғ Байтни зиёрат қилсинлар».

ذَٰلِكَ وَمَن يُعَظِّمْ حُرُمَـٰتِ ٱللَّهِ فَهُوَ خَيْرٌ لَّهُۥ عِندَ رَبِّهِۦ ۗ وَأُحِلَّتْ لَكُمُ ٱلْأَنْعَـٰمُ
إِلَّا مَا يُتْلَىٰ عَلَيْكُمْ ۖ فَٱجْتَنِبُوا۟ ٱلرِّجْسَ مِنَ ٱلْأَوْثَـٰنِ وَٱجْتَنِبُوا۟ قَوْلَ ٱلزُّورِ
﴿٣٠﴾ حُنَفَآءَ لِلَّهِ غَيْرَ مُشْرِكِينَ بِهِۦ ۚ وَمَن يُشْرِكْ بِٱللَّهِ فَكَأَنَّمَا خَرَّ مِنَ ٱلسَّمَآءِ
فَتَخْطَفُهُ ٱلطَّيْرُ أَوْ تَهْوِى بِهِ ٱلرِّيحُ فِى مَكَانٍ سَحِيقٍ ﴿٣١﴾ ذَٰلِكَ وَمَن يُعَظِّمْ شَعَـٰٓئِرَ
ٱللَّهِ فَإِنَّهَا مِن تَقْوَى ٱلْقُلُوبِ ﴿٣٢﴾

30-32. Ушбу зикр қилинган ҳаж аҳкомлари Аллоҳ таолонинг буюрган аҳкомларидир. Кимки аҳкоми илоҳийни улуғ билиб, ҳурмат (риоя) қилса, бас, у одамнинг ушбу феъли Худонинг наздида унинг ўзи учун савобли ишдир. Билингларки, тўрт оёқли жониворлардан фойдаланиш сизларга ҳалол қилинди, магар сизларга зикр этиладиган нарсалардан ҳазар қилинглар: *аввало*, нажосат бўлган бутпарастликдан ҳазар қилинглар. *Иккинчиси шуки*, ёлғон гапдан ва туҳматдан, ва ёлғон гувоҳлик беришдан ҳазар қилинглар. Худога ширк келтирмасдан, мухлис бандалардан бўлинглар, ҳақ динга мойиллик кўрсатинглар. Худога ширк кел-

тирган банда шундай одамга ўхшайдики, гўёки осмондан қулаб тушиб ҳалок бўлган-у, бас, унинг гўштини паррандалар (йиртқич қушлар) еб қўйган ёки кучли шамол уни узоқ жойларга олиб бориб ташлаган ва шу аҳволда нобуд бўлгандир. Бас, мушрикларнинг аҳволлари шунга ўхшашдир. Ушбу бандаларнинг бутпарастликдан ва ёлғон сўзлашдан парҳез қилмоқлари Худонинг наздида яхши ва савобли ишдир. Ҳар кимки Худонинг аҳкомларини ҳурмат қилса, бас, у банданинг қилган ишлари дилининг тақводорлигидандир.

لَكُمْ فِيهَا مَنَٰفِعُ إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى ثُمَّ مَحِلُّهَآ إِلَى ٱلْبَيْتِ ٱلْعَتِيقِ ﴿٣٣﴾ وَلِكُلِّ أُمَّةٍ
جَعَلْنَا مَنسَكًا لِّيَذْكُرُوا۟ ٱسْمَ ٱللَّهِ عَلَىٰ مَا رَزَقَهُم مِّنۢ بَهِيمَةِ ٱلْأَنْعَٰمِ ۗ فَإِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ 17 жузъ
وَٰحِدٌ فَلَهُۥٓ أَسْلِمُوا۟ ۗ وَبَشِّرِ ٱلْمُخْبِتِينَ ﴿٣٤﴾ ٱلَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ ٱللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ
وَٱلصَّٰبِرِينَ عَلَىٰ مَآ أَصَابَهُمْ وَٱلْمُقِيمِى ٱلصَّلَوٰةِ وَمِمَّا رَزَقْنَٰهُمْ يُنفِقُونَ ﴿٣٥﴾

33-35. Эй бандалар, сизлар учун бу тўрт оёқли жониворларда фойдалар бор. Сутидан ва жунидан ва бошқа йўл озуқаларингни муайян вақтгача, яъни, қурбонлик давригача юклаб боришда фойдаланасизлар, сўнгра сўядиган (жойга) – Байтуллоҳга олиб борасизлар. Сизлардан ҳар бир миллатнинг Биз тайин қилган қурбонгоҳлари бўлар эди. У жойда қурбонлик қилар эдилар. Албатта, уларга лозими шуки, Парвардигорнинг муқаррар қилган ҳайвонларини сўйиш устида Аллоҳнинг номини эсласинлар ва илоҳий ризққа шукр қилсинлар. Бас, Парвардигорингиз якка ва ягонадир, шериги йўқдир. Ушбу Парвардигорга бўйсунинглар, ҳукмини бажо келтиринглар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худога итоат қилувчиларга раҳмати илоҳийдан башорат бергил, у зотларнинг сифатлари шундайки, уларнинг наздида Парвардигор зикр қилинса, дилларида Худодан хавф пайдо бўлиб, кўзларидан ёш тўкадилар. (Улар) бошларига тушган мусибатларга сабр қилгувчилар ва ҳам беш вақт намозни шароитлари билан адо этгувчилар ва ҳам Биз ато қилган ризқларимиздан яхши ишларга сарф қилгувчилардир.

وَٱلْبُدْنَ جَعَلْنَٰهَا لَكُم مِّن شَعَٰٓئِرِ ٱللَّهِ لَكُمْ فِيهَا خَيْرٌ ۖ فَٱذْكُرُوا۟ ٱسْمَ ٱللَّهِ عَلَيْهَا
صَوَآفَّ ۖ فَإِذَا وَجَبَتْ جُنُوبُهَا فَكُلُوا۟ مِنْهَا وَأَطْعِمُوا۟ ٱلْقَانِعَ وَٱلْمُعْتَرَّ ۚ كَذَٰلِكَ
سَخَّرْنَٰهَا لَكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٣٦﴾ لَن يَنَالَ ٱللَّهَ لُحُومُهَا وَلَا دِمَآؤُهَا وَلَٰكِن
يَنَالُهُ ٱلتَّقْوَىٰ مِنكُمْ ۚ كَذَٰلِكَ سَخَّرَهَا لَكُمْ لِتُكَبِّرُوا۟ ٱللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَىٰكُمْ ۗ وَبَشِّرِ
ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٣٧﴾

36-37. Эй ҳожилар, сизларнинг қурбонлик қилиш учун олиб келган ҳайвонларингизни (мол ва туяларингизни) Худо муқаррар қилган динингизнинг аҳкомларидан қилдик. Бу ҳайвонларни қурбонлик қилишда сизларга дин ва дунёнинг саодати муяссардир. Бас, сизлар бу ҳайвонларни

қурбонлик қилиш олдидан Аллоҳни зикр этинглар. Вақтики бу ҳайвонларнинг жонлари чиқиб, ёнбошлари билан ётиб қолсалар, гўштидан ўзларинг ҳам енглар ва қаноат қилувчи дарвешларга ва тиланчи кишиларга ҳам едиринглар. Биз бу ҳайвонларни бовужуди қувват (қувватли бўлса ҳам) ва азамати билан сизларга муте қилдик. Шоядки, сизлар Худонинг эҳсонига шукр қиларсизлар. Шуни билишларинг керакки, Аллоҳ таолога бу қурбонликларингизнинг на гўшти ва на қонлари манзур эмас, лекин унга сизларнинг тақволарингиз ва ихлосларингиз манзурдир. Баён қилиб ўтганимиздек, (мазкур) ҳайвонларни сизларга ром қилдик. Токи сизлар сўйиш
17 жузъ вақтида Худога такбир айтиб, Парвардигор ҳидоят қилгани учун шукрини адо этурсизлар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яхши амаллар қилганларга беҳиштдан башорат бер ва тоатлари қабул бўлганини хабар қил.

۞ إِنَّ ٱللَّهَ يُدَٰفِعُ عَنِ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ خَوَّانٖ كَفُورٍ ٣٨

38. Албатта, Аллоҳ таоло мушрикларнинг зулм ва фитналарини мўминларнинг устидан даф қилади. *Охир мўминларга мадад бериб, душманлар устидан голиб қилади.* Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир хоинни ва ношукр бандани дўст тутмайди.

أُذِنَ لِلَّذِينَ يُقَٰتَلُونَ بِأَنَّهُمۡ ظُلِمُواْۚ وَإِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ نَصۡرِهِمۡ لَقَدِيرٌ ٣٩ ٱلَّذِينَ
أُخۡرِجُواْ مِن دِيَٰرِهِم بِغَيۡرِ حَقٍّ إِلَّآ أَن يَقُولُواْ رَبُّنَا ٱللَّهُۗ وَلَوۡلَا دَفۡعُ ٱللَّهِ ٱلنَّاسَ
بَعۡضَهُم بِبَعۡضٖ لَّهُدِّمَتۡ صَوَٰمِعُ وَبِيَعٞ وَصَلَوَٰتٞ وَمَسَٰجِدُ يُذۡكَرُ فِيهَا ٱسۡمُ ٱللَّهِ
كَثِيرٗاۗ وَلَيَنصُرَنَّ ٱللَّهُ مَن يَنصُرُهُۥٓۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَقَوِيٌّ عَزِيزٌ ٤٠

39-40. Кофирлар тарафидан муқотала қилинган ва зулм ўтказилган ва диёрларидан чиқарилган мўминларга Худо тарафидан кофирлар билан жанг қилишлари учун рухсат ва ижозат берилди. *Чунки мўминларнинг бошида у кофирларнинг зулмлари ҳаддан ошди.* Албатта, Аллоҳ таоло мазлумларга ёрдам беришга қодирдир. У мўминларнинг ҳеч гуноҳлари йўқ эди. Фақат: «Бизнинг Парвардигоримиз якка ва ягонадир, бир Аллоҳнинг ўзидир», – деб айтганлари учун ўз диёрларидан ноҳақ чиқарилдилар. *Аллоҳ таолонинг одати шуки, золимларни даф қилади.* Агар Аллоҳ таоло баъзи золим инсонларни баъзилари билан даф қилиб турмаганида эди, хоҳ собийларнинг, хоҳ насронийларнинг, хоҳ яҳудларнинг ибодатхоналари ёки мусулмонларнинг масжидлари бўлсин, Худо кўп зикр қилинадиган бундай масжидларнинг (ибодатгоҳларнинг) ҳаммаси вайрон ва хароб бўларди. *Лекин Аллоҳ таоло золимларнинг бундай ҳаракатларини даф қилиб, ҳалок қилади.* Албатта, Аллоҳ таоло шундай зотларга мадад қиладики, улар Худонинг динига ёрдам берадилар. Албатта, Аллоҳ таолонинг мўминларга нусрат бермоққа қудрати етади, У ўз ҳукмида ғолибдир.

ٱلَّذِينَ إِن مَّكَّنَّٰهُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ أَقَامُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَوُاْ ٱلزَّكَوٰةَ وَأَمَرُواْ
بِٱلۡمَعۡرُوفِ وَنَهَوۡاْ عَنِ ٱلۡمُنكَرِۗ وَلِلَّهِ عَٰقِبَةُ ٱلۡأُمُورِ ٤١

41. Агар Биз у мўминларни ер юзига қодир қилсак, улар намозни барпо қиладилар, закотни адо этадилар, халқни яхши ишларга амр қиладилар ва ёмон ишлардан қайтарадилар. Ҳар бир нарсанинг оқибати Худонинг иродасига боғлиқдир.

وَإِن يُكَذِّبُوكَ فَقَدْ كَذَّبَتْ قَبْلَهُمْ قَوْمُ نُوحٍ وَعَادٌ وَثَمُودُ ﴿٤٢﴾ وَقَوْمُ إِبْرَٰهِيمَ
وَقَوْمُ لُوطٍ ﴿٤٣﴾ وَأَصْحَٰبُ مَدْيَنَ ۖ وَكُذِّبَ مُوسَىٰ فَأَمْلَيْتُ لِلْكَٰفِرِينَ ثُمَّ
أَخَذْتُهُمْ ۖ فَكَيْفَ كَانَ نَكِيرِ ﴿٤٤﴾ 17 жузъ

42-44. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Қурайш кофирлари Сени ёлғончи қилсалар, Сен кофирларнинг бу феълларига ғамгин бўлма, чунки улардан илгари Нуҳ (алайҳиссалом)нинг қавми Нуҳ (алайҳиссалом)ни, Од қавми Ҳуд (алайҳиссалом)ни, Самуд қавми Солиҳ (алайҳиссалом)ни, Намруд қавми Иброҳим (алайҳиссалом)ни, Лут (алайҳиссалом)нинг қавми Лут (алайҳиссалом)ни, Мадян аҳли Шуайб (алайҳиссалом)ни, қибтийлар Мусо (алайҳиссалом)ни ёлғончи қилдилар. Бас, Мен кофирларга умрлари охир бўлгунча (озроқ) муҳлат бердим, сўнгра уларни азобга мубтало қилдим. Сўнгра ҳар бир миллат бир навъи азоб билан ҳалок этилдилар. Бас, уларнинг ҳалокати ҳаммага ибрат бўлиб қолди. Бас, (Мени инкор қилганлари учун) уларга азобим қандай бўлди?

فَكَأَيِّن مِّن قَرْيَةٍ أَهْلَكْنَٰهَا وَهِيَ ظَالِمَةٌ فَهِيَ خَاوِيَةٌ عَلَىٰ عُرُوشِهَا وَبِئْرٍ مُّعَطَّلَةٍ
وَقَصْرٍ مَّشِيدٍ ﴿٤٥﴾ أَفَلَمْ يَسِيرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ فَتَكُونَ لَهُمْ قُلُوبٌ يَعْقِلُونَ بِهَآ أَوْ ءَاذَانٌ
يَسْمَعُونَ بِهَا ۖ فَإِنَّهَا لَا تَعْمَى ٱلْأَبْصَٰرُ وَلَٰكِن تَعْمَى ٱلْقُلُوبُ ٱلَّتِى فِى ٱلصُّدُورِ ﴿٤٦﴾

45-46. Кўп қишлоқ (шаҳар)ларнинг аҳолисини золим бўлганлари учун ҳалок қилдик. У қишлоқ (шаҳар)ларнинг иморатлари бир-бирининг устига йиқилди ва хароб бўлди. Қудуқлар бекор (яроқсиз) бўлиб қолди. Энди сув оладиган одам ҳам қолмади. Кўп мустаҳкам қасрлар (ҳувиллаб) холи қолди. Бас, Макка мушриклари нима учун ер юзини сайр қилиб кўрмайдилар, токи, у хароб бўлган жойларни кўриб, ибрат олсалар, токи диллари огоҳланса, қулоқлари бу воқеаларни эшитиб, ибрат олса. Ҳақиқатан ҳол шундайки, кўзлар кўришдан нобийно (кўр) бўлмайди, лекин кўкракларидаги диллари кўришдан аъмо (кўр) бўлади, *яъни, кўзлари очиғу диллари кўрдир...*

وَيَسْتَعْجِلُونَكَ بِٱلْعَذَابِ وَلَن يُخْلِفَ ٱللَّهُ وَعْدَهُۥ ۚ وَإِنَّ يَوْمًا عِندَ رَبِّكَ كَأَلْفِ
سَنَةٍ مِّمَّا تَعُدُّونَ ﴿٤٧﴾

47. Макка мушриклари Сендан ваъда қилинган азобни «Қачон бўлади?», деб талаб қиладилар, ваҳоланки, Аллоҳ таоло ваъдасига хилоф қилмайди. Вақти келганида, албатта, юборади. Албатта, Парвардигоринг наздидаги бир кун сизлар санаган йилларингизнинг минг йилига баробар келади.

وَكَأَيِّن مِّن قَرْيَةٍ أَمْلَيْتُ لَهَا وَهِيَ ظَالِمَةٌ ثُمَّ أَخَذْتُهَا وَإِلَيَّ الْمَصِيرُ ﴿٤٨﴾

48. Кўп (қанчадан-қанча) қишлоқ (шаҳар)лар аҳолиси золим эдилар. Уларга азоб юбормасдан, муҳлат бердим. Сўнгра, вақти келганида ҳалок қилдим. (Оқибат) барчанинг қайтиши Менинг ҳузуримгадир.

قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّمَا أَنَا لَكُمْ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٤٩﴾ فَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا
الصَّالِحَاتِ لَهُم مَّغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴿٥٠﴾ وَالَّذِينَ سَعَوْا فِي آيَاتِنَا مُعَاجِزِينَ
17 жузъ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ ﴿٥١﴾

49-51. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бандаларимга айтгил: «Мен сизларга Худо тарафидан пайғамбар бўлиб келдим. Сизларни Худонинг азобидан қўрқитгувчиман ва ҳам азобнинг сабабларини ошкора баён қилувчиман. Бас, сизлардан кимки иймон келтирса, яхши амаллар қилса, уларга Худо тарафидан гуноҳларининг кечирилиши ваъда қилинади. Аллоҳ уларга жаннатда ризқу рўз муқаррар қилади, яхши роҳатда бўладилар». Аммо Бизнинг оятларимизни рад этишга кўшиш (ҳаракат) қилган, ўз гумонларича Бизнинг оятларимизни ожиз қолдирмоқчи бўлган кофирлар – ана ўшалар Қиёмат куни аҳли дўзахдирлар.

وَمَا أَرْسَلْنَا مِن قَبْلِكَ مِن رَّسُولٍ وَلَا نَبِيٍّ إِلَّا إِذَا تَمَنَّىٰ أَلْقَى الشَّيْطَانُ فِي أُمْنِيَّتِهِ
فَيَنسَخُ اللَّهُ مَا يُلْقِي الشَّيْطَانُ ثُمَّ يُحْكِمُ اللَّهُ آيَاتِهِ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٥٢﴾
لِّيَجْعَلَ مَا يُلْقِي الشَّيْطَانُ فِتْنَةً لِّلَّذِينَ فِي قُلُوبِهِم مَّرَضٌ وَالْقَاسِيَةِ قُلُوبُهُمْ ۗ
وَإِنَّ الظَّالِمِينَ لَفِي شِقَاقٍ بَعِيدٍ ﴿٥٣﴾ وَلِيَعْلَمَ الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ أَنَّهُ الْحَقُّ
مِن رَّبِّكَ فَيُؤْمِنُوا بِهِ فَتُخْبِتَ لَهُ قُلُوبُهُمْ ۗ وَإِنَّ اللَّهَ لَهَادِ الَّذِينَ آمَنُوا إِلَىٰ
صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٥٤﴾

52-54. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан илгари ҳеч бир расул ва набий юбормадикки, магар у зотлар Худонинг оятини қироат қилганида шайтон ўзининг мақсадини уларнинг қироатларига аралаштирмаган бўлса[1]. Бас, Аллоҳ таоло шайтоннинг мақсадини ботил қилиб, сўнгра Ўзининг оятларини мустаҳкам қилади. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага donoдир, Ўзининг феълида ҳакимдир. Бунда ҳикмат шуки, дилларида марази бор мунофиқларни ва дили қаттиқ кофирларни шайтоннинг илқоси (васваса

[1] Оятда келган «таманний» ва «умнийяҳ» сўзларини баъзи муфассирлар пайғамбарларнинг бани башарни ҳақ динга даъват этиш йўлидаги энг гўзал орзу ҳавасларга берилишлари, деб талқин қилганлар. Шунга асосан мазкур оятни қуйидагича тушуниш ҳам мумкин: «Эй Муҳаммад (алайҳиссалом) Сендан илгари ҳеч бир расул ва набий юбормадикки, магар у зотлар Худонинг динига даъват қилиш орзусига ғарқ бўлганларида шайтон уларнинг орзуларига шубҳаю васваса солмаган бўлсин. Бас, Аллоҳ шайтон соладиган ҳар бир шубҳаю васвасани кетказади ....».

солиши) билан гумроҳ қилиб, фитнага мубтало этмоқдир. Албатта, золимлар, аҳли нифоқлар ўзларининг куфрлари ва инодларига (саркашликларига) ғарқ бўлиб қолгандирлар. Ва ҳам ҳикмати шуки, Худованд илм ато қилган зотлар биладиларки, Қуръон ҳақдир, Парвардигор тарафидан нозил бўлгандир. *Шайтоннинг илқо қилган мақсади ботилдир.* Бас, унга (Қуръонга) ишонадилар ва диллари нарм (юмшоқ) бўлиб, Қуръонга мойил бўлади, аҳкомларини қабул қиладилар. Албатта, Аллоҳ таоло мўминларни тўғри йўлга ҳидоят қилгувчидир.

وَلَا يَزَالُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ فِي مِرْيَةٍ مِّنْهُ حَتَّىٰ تَأْتِيَهُمُ ٱلسَّاعَةُ بَغْتَةً أَوْ يَأْتِيَهُمْ 17 жузъ
عَذَابُ يَوْمٍ عَقِيمٍ ﴿٥٥﴾

55. Кофирлар то ногаҳоний ўлим (тўсатдан Қиёмат соати) келгунича ёки Қиёмат кунидаги қаттиқ азоб келгунича Қуръон тўғрисида ҳамиша шак ва шубҳададирлар.

ٱلْمُلْكُ يَوْمَئِذٍ لِّلَّهِ يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ فَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فِي
جَنَّٰتِ ٱلنَّعِيمِ ﴿٥٦﴾ وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ وَكَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَا
فَأُوْلَٰٓئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿٥٧﴾

56-57. Қиёмат кунида ҳукм қилиш ва буйруқ қилиш Худога хосдир. Бандалари ўртасида иродасига мувофиқ ҳукм қилади. Бас, иймон келтирган ва яхши амал қилганларни нозу неъматли жаннатга киришга ҳукм қилади. Аммо кофир бўлганлар, Худонинг оятини ёлғон деган кишилар учун эса расво қилувчи азоб муқаррардир.

وَٱلَّذِينَ هَاجَرُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ ثُمَّ قُتِلُوٓاْ أَوْ مَاتُواْ لَيَرْزُقَنَّهُمُ ٱللَّهُ رِزْقًا حَسَنًا
وَإِنَّ ٱللَّهَ لَهُوَ خَيْرُ ٱلرَّٰزِقِينَ ﴿٥٨﴾ لَيُدْخِلَنَّهُم مُّدْخَلًا يَرْضَوْنَهُۥ وَإِنَّ ٱللَّهَ
لَعَلِيمٌ حَلِيمٌ ﴿٥٩﴾

58-59. У зотларки, Худонинг йўлида ватанларини тарк этдилар, сўнгра кофирлар билан жиҳод қилдилар, сўнгра шаҳид бўлдилар ё шу йўлда вафот этдилар, албатта, Аллоҳ таоло у зотларга беҳиштда ноз ва неъматлар муқаррар қилади. Ва, албатта, Аллоҳ таоло ризқ берувчиларнинг афзалидир. Ва ҳам (Худо) у зотларни шундай маконга (жаннатга) дохил қиладики, улар Худодан миннатдор бўладилар. Албатта, Аллоҳ таоло бандаларининг ҳолини (билгувчи) донодир. Гуноҳкорларнинг ҳолига ҳалимдир, тезда азоб бермайди.

۞ ذَٰلِكَ وَمَنْ عَاقَبَ بِمِثْلِ مَا عُوقِبَ بِهِۦ ثُمَّ بُغِيَ عَلَيْهِ لَيَنصُرَنَّهُ ٱللَّهُ إِنَّ ٱللَّهَ
لَعَفُوٌّ غَفُورٌ ﴿٦٠﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ يُولِجُ ٱلَّيْلَ فِي ٱلنَّهَارِ وَيُولِجُ ٱلنَّهَارَ فِي ٱلَّيْلِ
وَأَنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ ﴿٦١﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْحَقُّ وَأَنَّ مَا يَدْعُونَ

مِن دُونِهِۦ هُوَ ٱلۡبَٰطِلُ وَأَنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلۡعَلِيُّ ٱلۡكَبِيرُ ﴿٦٢﴾

60-62. Албатта, бандалар ўртасида Қиёмат куни Худонинг ҳукми шуки,
қай бир банда золим тарафидан азият кўрса, шунга мувофиқ у золимни ҳам
жазолайди, сўнгра яна унинг устига зулм қилинса, албатта, Аллоҳ таоло
мазлумга ёрдам беради. Албатта, Аллоҳ таоло гуноҳларни кечиргувчи, Қиёмат
куни мағфират қилгувчидир. Шубҳасиз, Аллоҳ таоло мазлумларга ёрдам
беришга қодирдир. Чунки Аллоҳ таоло кеча соатларини кундузга зиёда қилса
ва кундуздан олиб кечага дохил қилса (қўшса), қудрати етади. Ва ҳам Аллоҳ
17 жузъ таоло бандаларининг ҳолларидан хабардор ва сўзларини эшитгувчи ва
афъолларини кўргувчидир. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодир, чунки У
ҳақдир, кофирларнинг Ундан бошқа ибодат қиладиган бутлари ботилдир.
Ва ҳам Аллоҳ таоло ҳар (бир) нарсадан улуғдир, ҳар бир нарсага ғолибдир.

أَلَمۡ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ أَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءٗ فَتُصۡبِحُ ٱلۡأَرۡضُ مُخۡضَرَّةًۚ إِنَّ ٱللَّهَ
لَطِيفٌ خَبِيرٞ ﴿٦٣﴾ لَّهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۚ وَإِنَّ ٱللَّهَ لَهُوَ
ٱلۡغَنِيُّ ٱلۡحَمِيدُ ﴿٦٤﴾ أَلَمۡ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ سَخَّرَ لَكُم مَّا فِي ٱلۡأَرۡضِ وَٱلۡفُلۡكَ تَجۡرِي فِي
ٱلۡبَحۡرِ بِأَمۡرِهِۦ وَيُمۡسِكُ ٱلسَّمَآءَ أَن تَقَعَ عَلَى ٱلۡأَرۡضِ إِلَّا بِإِذۡنِهِۦٓۚ إِنَّ ٱللَّهَ
بِٱلنَّاسِ لَرَءُوفٞ رَّحِيمٞ ﴿٦٥﴾ وَهُوَ ٱلَّذِيٓ أَحۡيَاكُمۡ ثُمَّ يُمِيتُكُمۡ ثُمَّ يُحۡيِيكُمۡۚ
إِنَّ ٱلۡإِنسَٰنَ لَكَفُورٞ ﴿٦٦﴾

63-66. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), фикр қилмадингмики, Аллоҳ таоло осмондан ёмғирни нозил қилади (туширади). Бас, ер юзи яшнаб турган боққа айланади. Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳолини (билгувчи) донодир ва меҳрибондир. Осмонлардаги ашёлар, ер ва ундаги ашёлар Худонинг мулкидир. Лекин Аллоҳ таоло ҳаммасидан мустағний (беҳожат)дир, ҳамду саного лойиқдир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), фикр қилмадингми, Аллоҳ таоло сизларга ер юзидаги ҳайвонларни ва Ўзининг амри билан ҳаракат қиладиган дарёдаги кемаларни ҳам мусаххар қилди. Улар сизларни узоқ мамлакатларга олиб боради. Аллоҳ таолонинг қудрати осмонни ерга йиқилишидан сақлаб туради. Магар Аллоҳнинг Ўзи изн берса (йиқилади). Албатта, Аллоҳ таоло бандаларга шафқатли, меҳрибондир. Аллоҳ таоло шундай Зотдирки, сизларга ҳаёт беради, сўнгра умрларинг тамом бўлганида, сизларни ўлдиради. Қиёмат куни яна сизларга ҳаёт беради (тирилтиради). Лекин инсон доим Худога ношукрлик қилгувчидир.

لِّكُلِّ أُمَّةٖ جَعَلۡنَا مَنسَكًا هُمۡ نَاسِكُوهُۖ فَلَا يُنَٰزِعُنَّكَ فِي ٱلۡأَمۡرِۚ وَٱدۡعُ إِلَىٰ
رَبِّكَۖ إِنَّكَ لَعَلَىٰ هُدٗى مُّسۡتَقِيمٖ ﴿٦٧﴾ وَإِن جَٰدَلُوكَ فَقُلِ ٱللَّهُ أَعۡلَمُ بِمَا
تَعۡمَلُونَ ﴿٦٨﴾ ٱللَّهُ يَحۡكُمُ بَيۡنَكُمۡ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ فِيمَا كُنتُمۡ فِيهِ تَخۡتَلِفُونَ ﴿٦٩﴾

67-69. Биз ҳар бир уммат учун ўзига хос шариатни муайян қилдик. Улар ўз қонунларига амал қиладилар. Бас, улар дин хусусида Сен билан жанжал қилмасликлари керак. Сен уларни Худо тарафига даъват эт. Албатта, Сен тўғри йўлда ва ҳидоятда барқарордирсан. Агар улар Сен билан хусумат қилиб, жанжал қилсалар айтгил: «Сизларнинг қилиб турган ёмон ишларингизни Парвардигор билгувчи донодир. Аллоҳ таоло Қиёмат куни эътиқод қилган ихтилофларингиз ҳақида ўрталарингизда ҳукм қилади, ким ҳақ ва ким ноҳақ, маълум бўлади».

أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ ٱللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِى ٱلسَّمَآءِ وَٱلْأَرْضِ ۗ إِنَّ ذَٰلِكَ فِى كِتَٰبٍ ۚ إِنَّ ذَٰلِكَ 17 жузъ
عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرٌ ﴿٧٠﴾

70. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Аллоҳ таоло осмондаги ва ердаги нарсалардан воқиф эканини билмадингми? Бу ашёларнинг ҳаммаси Лавҳул Маҳфузда ёзилгандир. Ҳар бир зарротнинг илми Аллоҳга осондир.

وَيَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَا لَمْ يُنَزِّلْ بِهِۦ سُلْطَٰنًا وَمَا لَيْسَ لَهُم بِهِۦ عِلْمٌ ۗ وَمَا
لِلظَّٰلِمِينَ مِن نَّصِيرٍ ﴿٧١﴾ وَإِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتُنَا بَيِّنَٰتٍ تَعْرِفُ فِى وُجُوهِ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ ٱلْمُنكَرَ ۖ يَكَادُونَ يَسْطُونَ بِٱلَّذِينَ يَتْلُونَ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتِنَا ۗ قُلْ
أَفَأُنَبِّئُكُم بِشَرٍّ مِّن ذَٰلِكُمُ ۗ ٱلنَّارُ وَعَدَهَا ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ۖ وَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ ﴿٧٢﴾

71-72. Кофирлар Худодан бошқа бутларга ибодат қиладилар. Бу ибодатларининг ҳақлиги учун Худо тарафидан ҳеч қандай ҳужжат ва бурҳон (далил) йўқ ва бу эътиқодларининг ҳақлигига ўзларида ҳам ҳеч қандай илм йўқ. Қилган ишларининг ҳаммаси ботилдир. Улар ўз нафсларига зулм қилгувчилардирлар. Золимларга ҳеч қандай ёрдам бергувчи йўқдир. Вақтики, кофирларга Бизнинг очиқ-равшан оятларимиз тиловат қилинса, уларнинг юзларида нохушлик аломатини мушоҳада қиласан. Кофирлар тиловат қилгувчиларнинг устларига ҳамла қилишга яқин қолурлар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у кофирларга айтгил: «Сизларга мен бундан ҳам ёмонроқ нарсадан хабар берайми? У нарса дўзахдир. Аллоҳ таоло уни кофирларга ваъда қилгандир. У дўзах сизлар борадиган кўп ёмон жойларингиздир»:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ ضُرِبَ مَثَلٌ فَٱسْتَمِعُوا۟ لَهُۥٓ ۚ إِنَّ ٱلَّذِينَ تَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ
لَن يَخْلُقُوا۟ ذُبَابًا وَلَوِ ٱجْتَمَعُوا۟ لَهُۥ ۖ وَإِن يَسْلُبْهُمُ ٱلذُّبَابُ شَيْـًٔا لَّا يَسْتَنقِذُوهُ مِنْهُ ۚ
ضَعُفَ ٱلطَّالِبُ وَٱلْمَطْلُوبُ ﴿٧٣﴾ مَا قَدَرُوا۟ ٱللَّهَ حَقَّ قَدْرِهِۦٓ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَقَوِىٌّ عَزِيزٌ
﴿٧٤﴾ ٱللَّهُ يَصْطَفِى مِنَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةِ رُسُلًا وَمِنَ ٱلنَّاسِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌۢ
بَصِيرٌ ﴿٧٥﴾ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ ۗ وَإِلَى ٱللَّهِ تُرْجَعُ ٱلْأُمُورُ ﴿٧٦﴾

73-76. Эй Худонинг бандалари, бутларга ибодат қилишларингиз тўғ-
рисида Ҳақ таоло тарафидан *сизларга «Анкабут» сурасида* мисол баён
қилинган эди. Бу мисолни ихлос билан эшитиб, ҳақиқатни идрок қилинг-
лар. Зеро, сизлар Худодан бошқа бутларга ибодат қиласизлар. Улар агар-
чи ҳаммалари жам бўлиб, бир-бирларига ёрдам қилсалар-да, бир паш-
шани яратишга қодир эмаслар. Агар пашшалар уларнинг бошларига қўниб,
бирор нарсани олиб кетсалар, қайтариб олишга қодир эмаслар. Бу талаб
қилувчилар ҳам, матлуб (пашша) ҳам заифдир. *Шунингдек, мушриклар
бутлардан мақсадларини дуо қилиб, талаб қиладилар. Улар ҳам, улар-*
17 жузъ *нинг матлублари – бутлар ҳам заифдирлар.* Бу мушриклар Аллоҳ тао-
лони ҳаққоний равишда танимадилар, қадрламадилар. Албатта, Аллоҳ та-
оло ҳар бир нарсадан қудратли, ҳар бир феълида ғолибдир. Аллоҳ таоло
малоикалардан ҳам расуллар интихоб қилади (танлайди) ва инсонлардан
ҳам расуллар интихоб қилади. Малоикаларнинг расуллари пайғамбар-
ларга ваҳий олиб келади, пайғамбарлар Худонинг ҳукмини халққа етка-
задилар. Шубҳасиз, Аллоҳ таоло бандаларининг дуоларини эшитгувчи ва
аҳволларини кўргувчидир. Аллоҳ таоло бандаларининг ҳузуридаги (зо-
ҳирий) ашёларни ҳам ва орқаларидаги махфий ашёларни ҳам билади.
Ҳар бир ашё охиратда Парвардигор тарафига қайтарилади.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱرۡكَعُواْ وَٱسۡجُدُواْ وَٱعۡبُدُواْ رَبَّكُمۡ وَٱفۡعَلُواْ ٱلۡخَيۡرَ
لَعَلَّكُمۡ تُفۡلِحُونَ ۩ ﴿٧٧﴾ وَجَٰهِدُواْ فِي ٱللَّهِ حَقَّ جِهَادِهِۦۚ هُوَ ٱجۡتَبَىٰكُمۡ وَمَا
جَعَلَ عَلَيۡكُمۡ فِي ٱلدِّينِ مِنۡ حَرَجٖۚ مِّلَّةَ أَبِيكُمۡ إِبۡرَٰهِيمَۚ هُوَ سَمَّىٰكُمُ ٱلۡمُسۡلِمِينَ
مِن قَبۡلُ وَفِي هَٰذَا لِيَكُونَ ٱلرَّسُولُ شَهِيدًا عَلَيۡكُمۡ وَتَكُونُواْ شُهَدَآءَ عَلَى ٱلنَّاسِۚ
فَأَقِيمُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُواْ ٱلزَّكَوٰةَ وَٱعۡتَصِمُواْ بِٱللَّهِ هُوَ مَوۡلَىٰكُمۡۖ فَنِعۡمَ ٱلۡمَوۡلَىٰ
وَنِعۡمَ ٱلنَّصِيرُ ﴿٧٨﴾

77-78. Эй мўминлар, Худога холис ибодат қилинглар, намозларингизда руку қилинг ва сажда қилинг. Шариат буюрган ишларни бажаринг. Шоядки Қиёмат куни дўзах ўтидан нажот топсангизлар. Худо йўлида ихлос билан жиҳод қилинг. Аллоҳ таоло сизларни Ислом динига лойиқ кўрди ва мусулмон (этиб) яратди. Аллоҳ таоло динларингизда ҳараж (қийинчилик) ва машаққат пайдо қилмади. Сизларга қулайликни ихтиёр этди. Оталарингиз Иброҳимнинг миллатига тобе бўлинг. Қуръонда ҳам, бундан муқаддам нозил бўлган китобларда ҳам Аллоҳ таоло сизларни мусулмон деб атади. Албатта, Худо учун жиҳод қилинг, Қиёмат куни Муҳаммад (алайҳиссалом) сизларнинг устларингизда сизлар учун гувоҳлик беради. Ва сизлар ҳам бошқа миллатлар учун гувоҳлик берурсизлар. Эй мусулмонлар, намозни ўз вақтида адо этинг, молингиздан закотни ато қилинг. Худонинг буйруқларини маҳкам ушлаб, амал қилинг. Аллоҳ таоло сизларнинг мавлоларингиз ва сизларга ёрдам бергувчидир. Аллоҳ таоло сизларга яхши ёр ва мададкордир!

ЎН САККИЗИНЧИ ЖУЗЪ

Маккада нозил бўлган бу сура 18 жузъ
бир юз ўн саккиз оятдан иборатдир.

Суранинг илк оятларида нажот топган мўминларнинг ибодатларидан, ахлоқий яшашларидан ва улар ноил бўладиган охират неъматларидан сўзланганини учун «ал-Мўминун» – Мўминлар номини олган. Шунингдек, Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинган бир ҳадисда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу оятлар тушиши билан: «Менга ўн оят нозил бўлдики, кимнинг ҳолати (яшаш тарзи, ибодати) бунга мувофиқ бўлса, жаннатга киради», – деб марҳамат қилиб, суранинг илк ўн оятини ўқиганлар.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

قَدْ أَفْلَحَ ٱلْمُؤْمِنُونَ ۝١ ٱلَّذِينَ هُمْ فِى صَلَاتِهِمْ خَٰشِعُونَ ۝٢ وَٱلَّذِينَ هُمْ عَنِ
ٱللَّغْوِ مُعْرِضُونَ ۝٣ وَٱلَّذِينَ هُمْ لِلزَّكَوٰةِ فَٰعِلُونَ ۝٤ وَٱلَّذِينَ هُمْ لِفُرُوجِهِمْ
حَٰفِظُونَ ۝٥ إِلَّا عَلَىٰٓ أَزْوَٰجِهِمْ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُهُمْ فَإِنَّهُمْ غَيْرُ مَلُومِينَ ۝٦

1-6. Албатта, Қиёмат куни шундай мўминлар нажот топадики, улар ўз намозларини тақво ва ожизлик билан адо этадилар. Ва ҳам у зотлар номақбул афъол (феъллардан) ва ақволлардан (сўзлардан) юз ўгиргувчидирлар. Ва ҳам у зотлар молларидан Худонинг ҳаққи (закот)ни (ҳақдорига) адо этувчи (берувчи) ва ҳам ўз нафсларини ҳаромдан сақловчидирлар. Магар ўз ҳалол хотинлари ва канизларидан сақланмагайлар ва бу феъллари учун маломат қилинмайдилар.

فَمَنِ ٱبْتَغَىٰ وَرَآءَ ذَٰلِكَ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْعَادُونَ ۝٧ وَٱلَّذِينَ هُمْ لِأَمَٰنَٰتِهِمْ
وَعَهْدِهِمْ رَٰعُونَ ۝٨ وَٱلَّذِينَ هُمْ عَلَىٰ صَلَوَٰتِهِمْ يُحَافِظُونَ ۝٩ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ
ٱلْوَٰرِثُونَ ۝١٠ ٱلَّذِينَ يَرِثُونَ ٱلْفِرْدَوْسَ هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ۝١١

7-11. Бас, кимки ўз ҳалол хотинларидан бошқа ажнабийларга зино ва шу каби ношаръий муомала қилса, ана ўшалар шариат ҳудудидан тажовуз қилгувчидирлар. Аммо мўминлар омонатга хиёнат қилмайдиган ва қилган аҳдларига риоя қилувчи ва намозларини шароитларига (барча талабларига) риоя қилиб, ўз вақтида муҳофазот этиб адо қилгувчидирлар. Мана шундай зотлар Қиёмат куни Жаннатул Фирдавснинг меросини олувчидирлар ва ҳамиша (абадий) Жаннатул Фирдавсда қоладилар.

وَلَقَدْ خَلَقْنَا ٱلْإِنسَٰنَ مِن سُلَٰلَةٍ مِّن طِينٍ ﴿١٢﴾ ثُمَّ جَعَلْنَٰهُ نُطْفَةً فِى قَرَارٍ مَّكِينٍ
18 жузъ ﴿١٣﴾ ثُمَّ خَلَقْنَا ٱلنُّطْفَةَ عَلَقَةً فَخَلَقْنَا ٱلْعَلَقَةَ مُضْغَةً فَخَلَقْنَا ٱلْمُضْغَةَ عِظَٰمًا
فَكَسَوْنَا ٱلْعِظَٰمَ لَحْمًا ثُمَّ أَنشَأْنَٰهُ خَلْقًا ءَاخَرَ فَتَبَارَكَ ٱللَّهُ أَحْسَنُ ٱلْخَٰلِقِينَ ﴿١٤﴾

12-14. Албатта, Биз асл инсонни, яъни, (Ҳазрати) Одамни холис лойдан яратдик. Сўнгра унинг фарзандларининг халқ бўладиган моддасини манийга айлантириб, мустаҳкам жойда (она бачадонида) қарор топтирдик. Сўнгра у манийни қуюқ қонга айлантирдик, сўнг у ивиган қондан гўшт пайдо қилдик, сўнгра у гўштпорадан суяклар, томирлар яратдик. Кейин у суякларни гўшт билан ўрадик (қопладик). Сўнгра у жасаддан бошқа нарсаларни яратдик, яъни жон ато қилдик. (Ва бошқа) аъзоларини халқ қилдик. Аллоҳ таоло махлуқларни бенуқсон халқ қилгувчи улуғ Зотдир.

ثُمَّ إِنَّكُم بَعْدَ ذَٰلِكَ لَمَيِّتُونَ ﴿١٥﴾ ثُمَّ إِنَّكُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ تُبْعَثُونَ ﴿١٦﴾ وَلَقَدْ
خَلَقْنَا فَوْقَكُمْ سَبْعَ طَرَآئِقَ وَمَا كُنَّا عَنِ ٱلْخَلْقِ غَٰفِلِينَ ﴿١٧﴾

15-17. Сўнгра сизларнинг ҳаётларингиз тамом бўлиб, ўлгувчисизлар. Сўнгра Қиёмат куни қайтадан тирилгайсизлар. Албатта, Биз сизларнинг устларингизга етти табақали осмонни халқ қилдик. Биз яратган махлуқларимиздан ғофил эмасмиз.

وَأَنزَلْنَا مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءًۢ بِقَدَرٍ فَأَسْكَنَّٰهُ فِى ٱلْأَرْضِ وَإِنَّا عَلَىٰ ذَهَابٍۭ
بِهِۦ لَقَٰدِرُونَ ﴿١٨﴾ فَأَنشَأْنَا لَكُم بِهِۦ جَنَّٰتٍ مِّن نَّخِيلٍ وَأَعْنَٰبٍ لَّكُمْ فِيهَا
فَوَٰكِهُ كَثِيرَةٌ وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ ﴿١٩﴾ وَشَجَرَةً تَخْرُجُ مِن طُورِ سَيْنَآءَ تَنۢبُتُ
بِٱلدُّهْنِ وَصِبْغٍ لِّلْءَاكِلِينَ ﴿٢٠﴾

18-20. Биз бандаларнинг салоҳияти учун осмондан ёмғирларни андоза (аниқ ўлчов) билан нозил қилдик (ёғдирдик) ва бу ёмғирларни ерларда сокин қилдик. *Ундан чашмалар жорий бўлди.* Ваҳоланки, Биз у сувларни йўқ қилишга қодир эдик. Бас, сизлар учун ушбу ёмғир билан боғ ва бўстонлар яратдик. У боғларда хурмозор ва узумзорларни халқ қилдик. Сизлар учун бўстонларда кўп мевалар пайдо бўлади. У мевалардан ейсизлар. Яна сизлар учун Тури Синодан чиқадиган зайтун дарахтини яратдик. У дарахт сизларга ва ҳам егувчиларга нонхуруш бўлади. *Ва чироқларингизни равшан қилади.*

وَإِنَّ لَكُمْ فِي ٱلْأَنْعَٰمِ لَعِبْرَةً نُّسْقِيكُم مِّمَّا فِي بُطُونِهَا وَلَكُمْ فِيهَا مَنَٰفِعُ كَثِيرَةٌ وَمِنْهَا
تَأْكُلُونَ ﴿٢١﴾ وَعَلَيْهَا وَعَلَى ٱلْفُلْكِ تُحْمَلُونَ ﴿٢٢﴾

21-22. Албатта, сизларга тўрт оёқли жониворларни халқ қилишимизда фойдалар бордир. Бу жониворларнинг қоринларидан чиққан сут билан сизларни сероб қиламиз. Сизларга бу жониворлардан кўп манфаатлар ҳосил бўлади. Баъзиларининг гўштини ейсизлар, баъзиларининг устиларига кемаларга ўхшаб юк ортасизлар. Ўзларингиз ҳам узоқ масофаларга миниб борасизлар.

18 жузъ

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِۦ فَقَالَ يَٰقَوْمِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ غَيْرُهُۥٓ
أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٢٣﴾ فَقَالَ ٱلْمَلَؤُا۟ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِن قَوْمِهِۦ مَا هَٰذَآ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ
يُرِيدُ أَن يَتَفَضَّلَ عَلَيْكُمْ وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ لَأَنزَلَ مَلَٰٓئِكَةً مَّا سَمِعْنَا بِهَٰذَا فِيٓ ءَابَآئِنَا
ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٢٤﴾ إِنْ هُوَ إِلَّا رَجُلٌۢ بِهِۦ جِنَّةٌ فَتَرَبَّصُوا۟ بِهِۦ حَتَّىٰ حِينٍ ﴿٢٥﴾

23-25. Биз Нуҳ (алайҳиссалом)ни ўз қавмига Пайғамбар қилиб юбордик. Бас, Нуҳ (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, сизларни халқ қилган бир Худонинг ўзига ибодат қилинглар. Ундан бошқа Худо йўқдир. Сизлар Худонинг азобидан қўрқмайсизларми?!» Бас Нуҳ (алайҳиссалом)нинг қавмидан бир жамоа кофирларнинг бошлиқлари айтдилар: «Эй мардум, Нуҳ ҳам сизларга ўхшаш бир одамдир. «Мен пайғамбарман», деб, сизларга сардор бўлишни хоҳлайди. Агар Худойи таоло бизни ҳидоятга бошлашни хоҳласа, бизга малоикалардан Пайғамбар қилиб юборган бўлар эди. Бизлар бундай сўзларни ўтган обоу аждодларимиз (ота-боболаримиз)дан ҳам эшитмаган эдик. Бу одамга жин теккандир. Сизлар мунтазир бўлиб туринглар, бир мунча вақтдан кейин ўзи йўқ бўлиб кетади».

قَالَ رَبِّ ٱنصُرْنِي بِمَا كَذَّبُونِ ﴿٢٦﴾ فَأَوْحَيْنَآ إِلَيْهِ أَنِ ٱصْنَعِ ٱلْفُلْكَ
بِأَعْيُنِنَا وَوَحْيِنَا فَإِذَا جَآءَ أَمْرُنَا وَفَارَ ٱلتَّنُّورُ فَٱسْلُكْ فِيهَا مِن كُلٍّ
زَوْجَيْنِ ٱثْنَيْنِ وَأَهْلَكَ إِلَّا مَن سَبَقَ عَلَيْهِ ٱلْقَوْلُ مِنْهُمْ وَلَا تُخَٰطِبْنِي فِي
ٱلَّذِينَ ظَلَمُوٓا۟ إِنَّهُم مُّغْرَقُونَ ﴿٢٧﴾

26-27. Вақтики, Нуҳ (алайҳиссалом) кофирларнинг иймон келтиришларидан ноумид бўлди, Парвардигорга муножот қилиб айтди: «Эй Парвардигоро, менга ёрдам бергил, чунки бу қавм мени ёлғончига чиқарди». Бас, Биз Нуҳга ваҳий юбориб, унга амр қилдик: «Эй Нуҳ, Бизнинг назоратимиз ва амримизга мувофиқ кема тайёрлагил». Бас, қачонки фармонимиз етиб, кофирларнинг азобига маконингдаги танурдан сув қайнаб чиқса, ҳар бир ҳайвондан бир жуфтини ва ҳам аҳли аёлларингни кемага солгил (чиқаргил). Магар ул кофирлар ва Сенинг аҳли байтингдан ким-

нинг ҳалокатига Бизнинг ҳукмимиз (сўзимиз) жорий бўлган бўлса, улар ҳалок бўладилар. Сен золимларга нажот беришимиз учун дуо қилмагил, чунки улар ғарқ бўлгувчидирлар.

فَإِذَا ٱسْتَوَيْتَ أَنتَ وَمَن مَّعَكَ عَلَى ٱلْفُلْكِ فَقُلِ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ٱلَّذِى نَجَّىٰنَا مِنَ
ٱلْقَوْمِ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٢٨﴾ وَقُل رَّبِّ أَنزِلْنِى مُنزَلًا مُّبَارَكًا وَأَنتَ خَيْرُ ٱلْمُنزِلِينَ ﴿٢٩﴾ إِنَّ فِى
ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ وَإِن كُنَّا لَمُبْتَلِينَ ﴿٣٠﴾ ثُمَّ أَنشَأْنَا مِنۢ بَعْدِهِمْ قَرْنًا ءَاخَرِينَ ﴿٣١﴾
18 жузъ فَأَرْسَلْنَا فِيهِمْ رَسُولًا مِّنْهُمْ أَنِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ غَيْرُهُۥٓ ۖ أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٣٢﴾

28-32. Эй Нуҳ, Сен билан бирга бўлган мўминлар кемада қарор топганларингиздан кейин айтгил: «Парвардигорга ҳамду сано бўлсинки, бизларга золим қавмдан нажот берди». Ва ҳам Парвардигорга дуо қилиб айтгил: «Эй Парвардигоро, кемадан чиқар ҳолатимизда саломатлик ва хайр-баракот бирла кемадан туширгил. Сен муборак манзилга туширгувчиларнинг энг афзалисан». Албатта, у қавмнинг ҳалокатида ва мўминларнинг нажот топганида инсонлар учун ҳикматли ибратлар бордир. Албатта, Биз саркаш қавмни азобга мубтало қилгувчимиз. Нуҳ қавми ҳалок бўлганидан кейин Биз дунёга бошқа миллатларни халқ қилдик. Бас, у қавмларга ўзларидан пайғамбарлар юбордик. У пайғамбарлар қавмларига насиҳат қилиб айтдилар: «Эй қавм, сизларни яратган бир Аллоҳга ибодат қилинг. Ибодат қилмоқ учун сизларга бошқа Худо йўқдир. Ахир, сизлар Худонинг азобидан қўрқмайсизларми?»

وَقَالَ ٱلْمَلَأُ مِن قَوْمِهِ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَكَذَّبُوا۟ بِلِقَآءِ ٱلْءَاخِرَةِ وَأَتْرَفْنَٰهُمْ فِى ٱلْحَيَوٰةِ
ٱلدُّنْيَا مَا هَٰذَآ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يَأْكُلُ مِمَّا تَأْكُلُونَ مِنْهُ وَيَشْرَبُ مِمَّا تَشْرَبُونَ ﴿٣٣﴾
وَلَئِنْ أَطَعْتُم بَشَرًا مِّثْلَكُمْ إِنَّكُمْ إِذًا لَّخَٰسِرُونَ ﴿٣٤﴾ أَيَعِدُكُمْ أَنَّكُمْ إِذَا مِتُّمْ وَكُنتُمْ
تُرَابًا وَعِظَٰمًا أَنَّكُم مُّخْرَجُونَ ﴿٣٥﴾ ۞ هَيْهَاتَ هَيْهَاتَ لِمَا تُوعَدُونَ ﴿٣٦﴾ إِنْ هِىَ
إِلَّا حَيَاتُنَا ٱلدُّنْيَا نَمُوتُ وَنَحْيَا وَمَا نَحْنُ بِمَبْعُوثِينَ ﴿٣٧﴾ إِنْ هُوَ إِلَّا رَجُلٌ ٱفْتَرَىٰ
عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا وَمَا نَحْنُ لَهُۥ بِمُؤْمِنِينَ ﴿٣٨﴾

33-38. Бу расуллар қавмидан бир жамоа кофир бўлганлар Қиёматнинг келишини инкор қилдилар. Бу дунёда тирик эканларида баъзиларига нознеъматлар берганимизга қарамасдан, айтар эдиларки: «Бу пайғамбар ҳам сизларга ўхшаш инсондир, сизлар еган таомдан ейди, сизлар ичган сувдан ичади. Бу қандай пайғамбар бўлди? Агар сизлар ўзларингизга ўхшаш инсонга итоат этар экансизлар, у ҳолда ўзларингизга зиён қилгувчилардан бўласизлар. Агар бу пайғамбар сизларга: «Ўлиб, тупроқ бўлганингиздан сўнг қайтадан тирилиб, гўрдан чиқасизлар», — деб ваъда берса, сиз-

лар бу ёлғонга ишонасизларми? Бу пайғамбарларнинг қилган ваъдалари ҳақиқатда ақлдан ниҳоятда узоқдир. Бизларнинг ҳаётимиз шу дунёдаги ҳаётдир. Бундан бошқа ҳаёт йўқдир. Бизлардан баъзиларимиз ўлсак, баъзиларимиз дунёга келамиз. Ўлгандан сўнг бизлар қайтадан тирилмаймиз. Бу пайғамбар ушбу сўзлари билан (фақат) Худога туҳмат қилмоқда, холос. Бизлар унга ҳаргиз иймон келтирмаймиз».

قَالَ رَبِّ ٱنصُرْنِي بِمَا كَذَّبُونِ ﴿٣٩﴾ قَالَ عَمَّا قَلِيلٍ لَّيُصْبِحُنَّ نَٰدِمِينَ ﴿٤٠﴾

فَأَخَذَتْهُمُ ٱلصَّيْحَةُ بِٱلْحَقِّ فَجَعَلْنَٰهُمْ غُثَآءً ۚ فَبُعْدًا لِّلْقَوْمِ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٤١﴾

18 жузъ

39-41. Бу қавмнинг пайғамбари Худога дуо қилиб айтди: «Эй Парвардигоро, бу қавм мени ёлғончи қилди. *Ҳатто мени ҳалок қилмоқчи бўлди,* менга ёрдам бергил». Худо айтди: «Сабр қилгил, оз фурсатдан сўнг азобни кўрганида қилган ишларига пушаймон бўладилар». Бас, сўнгра азоби илоҳий уларга нозил бўлди. Жаброил (алайҳиссалом) бир овоз қилди. Ҳамма кофирларнинг юраги ёрилиб, ўлди. *Бу келган азобдан маълум бўладики, ушбу қавм Самуд қавми бўлиб, пайғамбари Солиҳ алайҳиссаломдир. Бу азобнинг келиши илоҳий ваъдага мувофиқ эди.* Бас, Биз бу кофирларни селда оққан хас-хашакка айлантирдик. Золим қавмларга Худонинг раҳматидан маҳрумлик бўлсин!

ثُمَّ أَنشَأْنَا مِنۢ بَعْدِهِمْ قُرُونًا ءَاخَرِينَ ﴿٤٢﴾ مَا تَسْبِقُ مِنْ أُمَّةٍ أَجَلَهَا وَمَا

يَسْتَـْٔخِرُونَ ﴿٤٣﴾ ثُمَّ أَرْسَلْنَا رُسُلَنَا تَتْرَا ۖ كُلَّ مَا جَآءَ أُمَّةً رَّسُولُهَا كَذَّبُوهُ ۚ فَأَتْبَعْنَا

بَعْضَهُم بَعْضًا وَجَعَلْنَٰهُمْ أَحَادِيثَ ۚ فَبُعْدًا لِّقَوْمٍ لَّا يُؤْمِنُونَ ﴿٤٤﴾

42-44. Сўнгра, уларнинг ҳалокатидан кейин ер юзида бошқа миллатларни яратдик. Ҳеч бир миллат ўзининг ҳалок бўладиган муддатидан олдин ҳам кетмайди, кейин ҳам қолмайди, *яъни, ўз вақтида ҳалок бўлади.* Сўнгра бу қавмга расулларни пайдар-пай юбордик. Ҳар бир Пайғамбар ўз қавмига келганида уни ёлғончи дедилар ва инкор қилдилар. Бас, Биз баъзи қавмнинг орқасидан баъзисини ҳалок қилдик. Халқ ўртасида ибрат учун қиссаларини (баён) қилдирдик. Бас, иймон келтирмаган қавмга Худонинг раҳматидан узоқлик бўлсин!

ثُمَّ أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ وَأَخَاهُ هَٰرُونَ بِـَٔايَٰتِنَا وَسُلْطَٰنٍ مُّبِينٍ ﴿٤٥﴾ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ

وَمَلَإِيْهِۦ فَٱسْتَكْبَرُوا۟ وَكَانُوا۟ قَوْمًا عَالِينَ ﴿٤٦﴾ فَقَالُوٓا۟ أَنُؤْمِنُ لِبَشَرَيْنِ مِثْلِنَا

وَقَوْمُهُمَا لَنَا عَٰبِدُونَ ﴿٤٧﴾ فَكَذَّبُوهُمَا فَكَانُوا۟ مِنَ ٱلْمُهْلَكِينَ ﴿٤٨﴾ وَلَقَدْ

ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ لَعَلَّهُمْ يَهْتَدُونَ ﴿٤٩﴾

45-49. Сўнгра Биз Мусо (алайҳиссалом)ни ва биродари Ҳорунни мўъжизалар ва очиқ ҳужжатлар билан Фиръавн ва унинг қавмига пайғамбар қилиб юбордик. Бас, саркашлик қилдилар ва иймон келтирмади-

лар. Бу қавм ўз замонларида қаҳру ғалабага эга (мутакаббирлар) эдилар. Бас, айтдилар: «Ўзимизга ўхшаган иккита одамга иймон келтирайликми? Ваҳоланки, бу икковининг қавми бизларга хизмат қиладилар». Бас, Мусо билан Ҳорунни ёлғончи қилдилар. Натижада ҳалок бўлганлар жамоасидан бўлдилар. Биз Бани Исроил қавмини ҳидоят топсинлар, деб Мусога Тавротни нозил этдик.

وَجَعَلْنَا ٱبْنَ مَرْيَمَ وَأُمَّهُۥٓ ءَايَةً وَءَاوَيْنَٰهُمَآ إِلَىٰ رَبْوَةٍ ذَاتِ قَرَارٍ وَمَعِينٍ ﴿٥٠﴾

50. Биз (Ҳазрати) Ийсони ва онаси Биби Марямнинг қиссаларини
18 жузъ халқ учун пайғамбарлигига далил ва ибрат қилдик. Ва уларга баланд, серҳаво ва чашмалар оқиб турган жойни қароргоҳ муқаррар қилдик.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلرُّسُلُ كُلُوا۟ مِنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ وَٱعْمَلُوا۟ صَٰلِحًا ۖ إِنِّى بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ ﴿٥١﴾ وَإِنَّ
هَٰذِهِۦٓ أُمَّتُكُمْ أُمَّةً وَٰحِدَةً وَأَنَا۠ رَبُّكُمْ فَٱتَّقُونِ ﴿٥٢﴾ فَتَقَطَّعُوٓا۟ أَمْرَهُم بَيْنَهُمْ زُبُرًا ۖ
كُلُّ حِزْبٍۭ بِمَا لَدَيْهِمْ فَرِحُونَ ﴿٥٣﴾

51-53. Айтдик: «Эй пайғамбарлар, Менинг покиза ризқларимдан енглар, яхши амал қилинглар. Мен сизларнинг (қилаётган) амалларингизни (билиб турувчи) дономан. Албатта, бу умматларингиз иттифоқ (ягона) умматдир. Мен сизларнинг Парвардигорингиздурман. Мендан қўрқинглар. Бас, бу аҳли китоблар ўз динларида ихтилоф қилдилар ва гуруҳ-гуруҳ бўлдилар. Ҳар бир гуруҳ ўзининг йўлини ҳақ деб билди. Шунга хурсанд бўлди».

فَذَرْهُمْ فِى غَمْرَتِهِمْ حَتَّىٰ حِينٍ ﴿٥٤﴾ أَيَحْسَبُونَ أَنَّمَا نُمِدُّهُم بِهِۦ مِن مَّالٍ وَبَنِينَ ﴿٥٥﴾
نُسَارِعُ لَهُمْ فِى ٱلْخَيْرَٰتِ ۚ بَل لَّا يَشْعُرُونَ ﴿٥٦﴾

54-56. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен у кофирларни залолатларига ботган ҳолларида то ажаллари етгунча ўз ҳолларига қўйиб қўй. У кофирлар Биз уларга моллар ва фарзандлар билан ёрдам беришимизга ва уларга хайрлик билан ҳар бир некликлар (яхшиликларни) ато этишимизга гумон қиладиларми? *(Йўқ!) Бундай гумонлари тўғри эмас.* Улар (сезмайдилар) ақллари йўқ.

إِنَّ ٱلَّذِينَ هُم مِّنْ خَشْيَةِ رَبِّهِم مُّشْفِقُونَ ﴿٥٧﴾ وَٱلَّذِينَ هُم بِـَٔايَٰتِ رَبِّهِمْ يُؤْمِنُونَ
﴿٥٨﴾ وَٱلَّذِينَ هُم بِرَبِّهِمْ لَا يُشْرِكُونَ ﴿٥٩﴾ وَٱلَّذِينَ يُؤْتُونَ مَآ ءَاتَوا۟ وَّقُلُوبُهُمْ وَجِلَةٌ
أَنَّهُمْ إِلَىٰ رَبِّهِمْ رَٰجِعُونَ ﴿٦٠﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ يُسَٰرِعُونَ فِى ٱلْخَيْرَٰتِ وَهُمْ لَهَا سَٰبِقُونَ ﴿٦١﴾

57-61. Парвардигорнинг хавфидан диллари титрайдиган ва ҳам Парвардигорнинг оятларига иймонлари бор бўлган ва ҳам Парвардигорнинг ибодатига ҳеч бир нарсани шерик қилмайдиган ва ҳам Худонинг йўлида ҳар нарсагаки садақот (хайру эҳсон) қилсалар, қабул бўлмаслигидан дил-

ларида хавф бўладиган ва ҳам Қиёмат куни Худонинг олдига боришларини ҳис қилиб турадиган сифатларга эга бандалар — ана ўшалар ҳар бир хайр ишни қилмоққа шошиладилар. Ва улар ана шу хайр ишларда бошқалардан кўра ўзишга ҳаракат қиладилар.

وَلَا نُكَلِّفُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا ۖ وَلَدَيْنَا كِتَٰبٌ يَنطِقُ بِٱلْحَقِّ ۚ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ
﴿٦٢﴾ بَلْ قُلُوبُهُمْ فِى غَمْرَةٍ مِّنْ هَٰذَا وَلَهُمْ أَعْمَٰلٌ مِّن دُونِ ذَٰلِكَ هُمْ لَهَا
عَٰمِلُونَ ﴿٦٣﴾ حَتَّىٰٓ إِذَآ أَخَذْنَا مُتْرَفِيهِم بِٱلْعَذَابِ إِذَا هُمْ يَجْـَٔرُونَ ﴿٦٤﴾ 18 жузъ
لَا تَجْـَٔرُوا۟ ٱلْيَوْمَ ۖ إِنَّكُم مِّنَّا لَا تُنصَرُونَ ﴿٦٥﴾

62-65. Биз ҳеч бир банданни тоқатидан ташқари (амрга) таклиф бермаймиз, балки қудрати етадиган амални буюрамиз. Ҳар бир кимсанинг номаи аъмоли Бизнинг наздимизда мавжуддир. У нома ҳақни кўрсатиб беради. Ҳар бир кимса ўзининг амалига мувофиқ жазоланади. Ортиқча жазо бериб, зулм қилинмайди. Балки кофирларнинг диллари шу хил инкор қилишларидан ғафлатга ботгандир. Ваҳоланки, уларнинг куфрдан бошқа ҳам нопок амаллари бордир. Улар ҳамиша шу амалларни қиладилар. Вақтики Биз бу кофирларнинг (маишатпараст) сардорларини азобга мубтало қилсак, нега улар дод-фарёд чекиб илтижо қиладилар? Биз уларга айтамиз: «Бугунлик кунда дод-вой қилманглар! Ҳарчанд фарёд қилсангизлар ҳам сизларга Бизнинг тарафимиздан ёрдам берилмайди».

قَدْ كَانَتْ ءَايَٰتِى تُتْلَىٰ عَلَيْكُمْ فَكُنتُمْ عَلَىٰٓ أَعْقَٰبِكُمْ تَنكِصُونَ ﴿٦٦﴾ مُسْتَكْبِرِينَ
بِهِۦ سَٰمِرًا تَهْجُرُونَ ﴿٦٧﴾

66-67. Ҳар қачонки сизларга Менинг оятим тиловат қилинса, бас, сизлар орқаларингизга қайтар эдингизлар. Байтуллоҳ билан фахр қилиб, Қуръон эшитишдан нафратланиб, Ҳарамда афсона айтишга машғул бўлардингизлар.

أَفَلَمْ يَدَّبَّرُوا۟ ٱلْقَوْلَ أَمْ جَآءَهُم مَّا لَمْ يَأْتِ ءَابَآءَهُمُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٦٨﴾ أَمْ لَمْ يَعْرِفُوا۟
رَسُولَهُمْ فَهُمْ لَهُۥ مُنكِرُونَ ﴿٦٩﴾ أَمْ يَقُولُونَ بِهِۦ جِنَّةٌۢ ۚ بَلْ جَآءَهُم بِٱلْحَقِّ
وَأَكْثَرُهُمْ لِلْحَقِّ كَٰرِهُونَ ﴿٧٠﴾

68-70. (Улар) Қуръоннинг сўзига тафаккур қилмайдиларми? Ёки уларга ота-боболарига келмаган китоб келдими ёки пайғамбарларини танимаганлари учун инкор қиладиларми? Ёки пайғамбарлари (Муҳаммад алайҳиссалом)нинг шаънига мажнун деб даъво қиладиларми? (Йўқ!) Уларнинг ўйлаганлари тўғри эмас, балки Муҳаммад (алайҳиссалом) уларга ҳақ динни олиб келди. Ҳолбуки, уларнинг аксари ҳақни ёмон кўради. *Шунинг учун инкор қилади.*

وَلَوِ ٱتَّبَعَ ٱلْحَقُّ أَهْوَآءَهُمْ لَفَسَدَتِ ٱلسَّمَٰوَٰتُ وَٱلْأَرْضُ وَمَن فِيهِنَّ ۚ بَلْ
أَتَيْنَٰهُم بِذِكْرِهِمْ فَهُمْ عَن ذِكْرِهِم مُّعْرِضُونَ ﴿٧١﴾ أَمْ تَسْـَٔلُهُمْ خَرْجًا
فَخَرَاجُ رَبِّكَ خَيْرٌ ۖ وَهُوَ خَيْرُ ٱلرَّٰزِقِينَ ﴿٧٢﴾ وَإِنَّكَ لَتَدْعُوهُمْ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ
﴿٧٣﴾ وَإِنَّ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِٱلْءَاخِرَةِ عَنِ ٱلصِّرَٰطِ لَنَٰكِبُونَ ﴿٧٤﴾

18 жузъ

71-74. Агар Парвардигор уларнинг хоҳишларига тобе бўлса эди, ер ва осмонлар ва улардаги ашёлар ҳаммаси барбод бўлур эди. Балки уларга берган Китобимизда улар учун панд ва насиҳатлар бордир. Бас, бу кофирлар шу насиҳатлардан юз ўгирадилар. Ёки Сен уларнинг молларига тамаъ қилиб, пайғамбарлигингга ужрат (ҳақ) сўрайсанми? *Шунинг учун улар эъроз (инкор) қиладиларми?* Балки Худонинг Сенга берадиган ажри уларнинг мол ва давлатидан яхшироқдир. Худойи таоло ризқ берувчиларнинг энг яхшисидир. Албатта, Сен уларни тўғри йўлга даъват қиласан. Лекин охиратга иймон келтирмайдиган кофирлар тўғри йўлдан гумроҳ бўлгувчидирлар.

۞ وَلَوْ رَحِمْنَٰهُمْ وَكَشَفْنَا مَا بِهِم مِّن ضُرٍّ لَّلَجُّواْ فِي طُغْيَٰنِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿٧٥﴾ وَلَقَدْ
أَخَذْنَٰهُم بِٱلْعَذَابِ فَمَا ٱسْتَكَانُواْ لِرَبِّهِمْ وَمَا يَتَضَرَّعُونَ ﴿٧٦﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا فَتَحْنَا
عَلَيْهِم بَابًا ذَا عَذَابٍ شَدِيدٍ إِذَا هُمْ فِيهِ مُبْلِسُونَ ﴿٧٧﴾

75-77. Ва агар Биз у кофирларга раҳм қилсак, улардан очарчилик ва тангликни кўтарсак ҳам, улар яна огоҳ бўлмасдан, ўзларининг саркашликларида кўр-кўрона ҳаракат қилаверадилар. Ва агар уларни азобга мубтало қилсак ҳам, бўйинларини Парвардигорга эгмайдилар ва ожизлик қилмайдилар. Вақтики, Биз уларга азоб дарвозасини очиб қўйсак, ногоҳ улар азобни кўрганидан сўнг умидлари узилиб, тазарру қилмоқни бошлайдилар. Лекин бу ожизликлари энди фойда бермайди.

وَهُوَ ٱلَّذِيٓ أَنشَأَ لَكُمُ ٱلسَّمْعَ وَٱلْأَبْصَٰرَ وَٱلْأَفْـِٔدَةَ ۚ قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ ﴿٧٨﴾ وَهُوَ
ٱلَّذِي ذَرَأَكُمْ فِي ٱلْأَرْضِ وَإِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٧٩﴾ وَهُوَ ٱلَّذِي يُحْيِۦ وَيُمِيتُ وَلَهُ ٱخْتِلَٰفُ
ٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ ۚ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٨٠﴾ بَلْ قَالُواْ مِثْلَ مَا قَالَ ٱلْأَوَّلُونَ ﴿٨١﴾

78-81. Парвардигор шундай Зотдирки, сизларга эшитмоқ учун қулоқ ва кўрмоқ учун кўз яратди. Тафаккур қилмоқ учун дил яратди. Лекин сизлар бу неъматларга кам шукр қиласизлар. Парвардигор шундай Зотдирки, сизларни яратиб, ер юзида мутафарриқ қилди (ёйиб қўйди). Қиёмат куни Худонинг ҳузурида жам бўласизлар. Парвардигор шундай зотдирки, сизларга ҳаёт ва ўлим беради. Унинг амри билан кеча ва кундуз бирин-кетин ҳаракат қилади. Энди сизлар бу қудрати илоҳийни ўйламайсизларми? Балки улар тафаккур қилмасдан, ота-боболари айтган сўзларни айтадилар.

قَالُوٓاْ أَءِذَا مِتۡنَا وَكُنَّا تُرَابٗا وَعِظَٰمًا أَءِنَّا لَمَبۡعُوثُونَ ﴿٨٢﴾ لَقَدۡ وُعِدۡنَا نَحۡنُ
وَءَابَآؤُنَا هَٰذَا مِن قَبۡلُ إِنۡ هَٰذَآ إِلَّآ أَسَٰطِيرُ ٱلۡأَوَّلِينَ ﴿٨٣﴾

82-83. У кофирларнинг ота-боболари айтган эдилар: «Вақтики бизлар ўлиб, тупроқ бўлиб кетсак, суякларимиз чириб кетса, яна қайтадан тириламизми? Батаҳқиқ, бизларга ва ота-боболаримизга ҳам шундай гаплар ваъда қилинган эди. Бу гаплар илгари ўтганларнинг афсоналаридан бошқа нарса эмас».

قُل لِّمَنِ ٱلۡأَرۡضُ وَمَن فِيهَآ إِن كُنتُمۡ تَعۡلَمُونَ ﴿٨٤﴾ سَيَقُولُونَ لِلَّهِۚ قُلۡ أَفَلَا 18 жузъ
تَذَكَّرُونَ ﴿٨٥﴾ قُلۡ مَن رَّبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ ٱلسَّبۡعِ وَرَبُّ ٱلۡعَرۡشِ ٱلۡعَظِيمِ ﴿٨٦﴾
سَيَقُولُونَ لِلَّهِۚ قُلۡ أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٨٧﴾ قُلۡ مَنۢ بِيَدِهِۦ مَلَكُوتُ كُلِّ شَيۡءٖ
وَهُوَ يُجِيرُ وَلَا يُجَارُ عَلَيۡهِ إِن كُنتُمۡ تَعۡلَمُونَ ﴿٨٨﴾ سَيَقُولُونَ لِلَّهِۚ قُلۡ فَأَنَّىٰ
تُسۡحَرُونَ ﴿٨٩﴾ بَلۡ أَتَيۡنَٰهُم بِٱلۡحَقِّ وَإِنَّهُمۡ لَكَٰذِبُونَ ﴿٩٠﴾

84-90. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у кофирларга айтгил: «Ер ва ер юзидаги барча ашёлар кимнинг мулки? Агар билсангизлар, айтинглар?» Улар тезлик билан: «Худонинг мулки», – деб жавоб берадилар. Айтгил: «Ундай бўлса, нима учун ўйламайсизлар?» Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Етти табақа осмонни ва улуғ Аршни ким халқ қилган?» Тезда жавоб берадиларки: «Худо халқ қилган ва Унинг тасарруфидадир». Айтгил: «Ундай бўлса, нима учун Худодан қўрқмайсизлар?» Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Ҳар бир нарсанинг ҳукмронлиги кимнинг ихтиёрида? У Зот ҳар бир нарсага паноҳ беради ва муҳофаза қилади. Унга эса ҳеч ким паноҳ бера олмайди. Агар билсангизлар, айтинглар?» У кофирлар жавоб бериб айтадиларки: «Бу ашёларнинг ҳаммаси Худонинг ҳукмидадир». Айтгил: «Ундай бўлса, нимага алдандингизлар ва ҳақ йўлдан қайтдингизлар?» (Йўқ!) Балки Биз у кофирларга ҳақ динни ато қилдик, ваҳоланки, улар ёлғончидирлар. *Ҳамма нарсани ёлғонга нисбат берадилар*».

مَا ٱتَّخَذَ ٱللَّهُ مِن وَلَدٖ وَمَا كَانَ مَعَهُۥ مِنۡ إِلَٰهٍۚ إِذٗا لَّذَهَبَ كُلُّ إِلَٰهِۭ بِمَا خَلَقَ
وَلَعَلَا بَعۡضُهُمۡ عَلَىٰ بَعۡضٖۚ سُبۡحَٰنَ ٱللَّهِ عَمَّا يَصِفُونَ ﴿٩١﴾ عَٰلِمِ ٱلۡغَيۡبِ
وَٱلشَّهَٰدَةِ فَتَعَٰلَىٰ عَمَّا يُشۡرِكُونَ ﴿٩٢﴾

91-92. Бу кофирлар Аллоҳ таолога фарзанд ва шерик исбот (нисбат) қилишларида ёлғончидирлар. Аллоҳ таоло ўзига ҳеч қандай фарзанд муқаррар қилгани йўқ ва ҳам халқ қилмоқликда Аллоҳ билан бошқа бир илоҳ шерик эмас. Агар худоликда унинг шериги бўлса эди, ҳар қайси «худо»нинг ўзига хос махлуқи бўлар эди. Бу икки қисм махлуқот бир-

биридан ажралиб турган бўларди. Ваҳоланки, ҳамма махлуқот бирдир. Ва ҳам у «худолар»нинг баъзиси баъзисидан ғалаба қилган ва олам ҳам хароб бўлган бўларди. Аллоҳ таоло кофирларнинг бу хилдаги туҳматларидан покдир, ошкора ва ғайбни билгувчидир. Кофирларнинг ширк келтиришларидан Аллоҳ таоло покдир!

قُل رَّبِّ إِمَّا تُرِيَنِّي مَا يُوعَدُونَ ﴿٩٣﴾ رَبِّ فَلَا تَجْعَلْنِي فِي ٱلْقَوْمِ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٩٤﴾

18 жузъ وَإِنَّا عَلَىٰٓ أَن نُّرِيَكَ مَا نَعِدُهُمْ لَقَٰدِرُونَ ﴿٩٥﴾ ٱدْفَعْ بِٱلَّتِي هِيَ أَحْسَنُ ٱلسَّيِّئَةَ نَحْنُ

أَعْلَمُ بِمَا يَصِفُونَ ﴿٩٦﴾

93-96. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худога дуо қилиб айтгил: «Эй Парвардигоро, агар кофирларга ваъда қилган азобингни менга кўрсатсанг, мени у золим қавм гуруҳидан қилмагил». Албатта, Биз кофирларга ваъда қилган азобларимизни Сенга кўрсатишга қодирмиз, лекин уларга муҳлат берамиз. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен кофирлар тарафидан ҳар қандай азият ва ёмонлик кўрсанг, уларнинг муқобилига қаттиқ сўзламасдан, яхши муомала билан қайтаргил. Биз улар нима деган бўлсалар ва Бизга қандай сифатларни нисбат берган бўлсалар, биламиз.

وَقُل رَّبِّ أَعُوذُ بِكَ مِنْ هَمَزَٰتِ ٱلشَّيَٰطِينِ ﴿٩٧﴾ وَأَعُوذُ بِكَ رَبِّ أَن يَحْضُرُونِ ﴿٩٨﴾

97-98. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худога тазарру билан дуо қилиб айтгил: «Эй Парвардигоро, Сенга илтижо қилиб, шайтоннинг васвасаларидан паноҳ тилайман. Ва ҳам, эй Парвардигоро, шайтонлар ҳозир бўлиб, менинг ибодатимга халал беришларидан паноҳ тилайман». *Эй Муҳаммад, бу кофирлар Сенинг ва Менинг шаънимга то ўлим келгунча беҳуда туҳматлар қилаверадилар.*

حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَ أَحَدَهُمُ ٱلْمَوْتُ قَالَ رَبِّ ٱرْجِعُونِ ﴿٩٩﴾ لَعَلِّيٓ أَعْمَلُ صَٰلِحًا فِيمَا

تَرَكْتُ كَلَّآ إِنَّهَا كَلِمَةٌ هُوَ قَآئِلُهَا وَمِن وَرَآئِهِم بَرْزَخٌ إِلَىٰ يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿١٠٠﴾

فَإِذَا نُفِخَ فِي ٱلصُّورِ فَلَآ أَنسَابَ بَيْنَهُمْ يَوْمَئِذٍ وَلَا يَتَسَآءَلُونَ ﴿١٠١﴾

99-101. Вақтики ўлим келса, Худонинг азобини муайян кўрганидан сўнг Худога ёлвориб, ҳар бири айтади: «Эй Парвардигоро, мени у дунёга қайтаргил, шоядки у дунёга борсам, мен тарк этган яхши амалларни адо қилар эдим». (Йўқ!) Ҳаргиз унинг талаби (айтгани) бўлмайди. Бу сўз бир афсус-надоматдирки, Худонинг азобини муояна (очиқ-ойдин) кўриб айтаётир. Улар билан дунё ўртасида бир монелик (тўсиқ) бордирки, ҳаргиз (дунё ҳаётига) қайта олмайдилар. Бу тўсиқ қабр ҳаётидурким, то Қиёмат куни қайта тирилгунларича ётаверадилар. Вақтики Қиёмат куни (Ҳазрати) Исрофил тарафидан сур тортилса (чалинса), бандалар ўраталарида ҳеч қандай хешлик ва қариндошлик бўлмайди ва бир-бирларига раҳм қилмайдилар. Ва бир-бирларидан: «Кимнинг фарзандисан?», — деб сўроқ (савол) қилмайдилар.

فَمَن ثَقُلَتْ مَوَٰزِينُهُۥ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿١٠٢﴾ وَمَنْ خَفَّتْ
مَوَٰزِينُهُۥ فَأُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ خَسِرُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ فِى جَهَنَّمَ خَٰلِدُونَ ﴿١٠٣﴾
تَلْفَحُ وُجُوهَهُمُ ٱلنَّارُ وَهُمْ فِيهَا كَٰلِحُونَ ﴿١٠٤﴾ أَلَمْ تَكُنْ ءَايَٰتِى تُتْلَىٰ
عَلَيْكُمْ فَكُنتُم بِهَا تُكَذِّبُونَ ﴿١٠٥﴾

102-105. Бас, Қиёмат куни кимнинг яхши амаллари тарозуда оғир келар экан, ана ўша бандалар нажот топгувчидирлар ва мақсадга етгувчидирлар! Кимнинг яхши амаллари тарозуда енгил келар экан, бас, бу жамоа ўз нафсларига зиён қилгувчи, жаҳаннамда ҳамиша (абадий) қолгувчидирлар. Уларнинг юзларини жаҳаннам ўти куйдирганидан юзлари қабоҳатга учраб, таниб бўлмайдиган даражага етади. Худо бу бандаларига айтадики: «Эй бандаларим, сизларга Менинг оятларим тиловат қилинмаган эдими? Бас, сизлар уларни ёлғон демаган эдингизми? (Йўқ!) Балки тиловат қилинган эди ва сизлар насиҳатларни эшитмаган эдингизлар. Балки таквиб қилдингизлар ва ёлғон дедингизлар». 18 жузъ

قَالُوا۟ رَبَّنَا غَلَبَتْ عَلَيْنَا شِقْوَتُنَا وَكُنَّا قَوْمًا ضَآلِّينَ ﴿١٠٦﴾ رَبَّنَآ أَخْرِجْنَا مِنْهَا
فَإِنْ عُدْنَا فَإِنَّا ظَٰلِمُونَ ﴿١٠٧﴾ قَالَ ٱخْسَـُٔوا۟ فِيهَا وَلَا تُكَلِّمُونِ ﴿١٠٨﴾

106-108. Аҳли дўзах Худога ёлвориб айтадиларки: «Эй Парвардигоро, бизга бадбахтлигимиз ғолиб бўлган экан ва гумроҳ бўлган эканмиз. Эй Парвардигоро, энди бизга раҳм қил, бу дўзахдан чиқариб, у дунёга қайтаргил, бас, агар биз яна куфримизга қайтсак, бас, у ҳолда, албатта, золимлардан бўлармиз». Худо айтадики: «Эй кофирлар, йўқолинг, хор бўлинг, бу гапларни бас қилинг!»

إِنَّهُۥ كَانَ فَرِيقٌ مِّنْ عِبَادِى يَقُولُونَ رَبَّنَآ ءَامَنَّا فَٱغْفِرْ لَنَا وَٱرْحَمْنَا وَأَنتَ خَيْرُ
ٱلرَّٰحِمِينَ ﴿١٠٩﴾ فَٱتَّخَذْتُمُوهُمْ سِخْرِيًّا حَتَّىٰٓ أَنسَوْكُمْ ذِكْرِى وَكُنتُم مِّنْهُمْ
تَضْحَكُونَ ﴿١١٠﴾ إِنِّى جَزَيْتُهُمُ ٱلْيَوْمَ بِمَا صَبَرُوٓا۟ أَنَّهُمْ هُمُ ٱلْفَآئِزُونَ ﴿١١١﴾

109-111. У дунёда Менинг бир жамоа мухлис бандаларим бор эди. Улар ҳамиша дуо қилиб айтар эдиларки: «Эй Парвардигоро, Сенга иймон келтирдик, бизларнинг гуноҳларимизни кечиргил. Сен раҳм қилгувчиларнинг энг афзалисан». Сизлар бу мухлис бандаларимга азият бердингизлар. Ҳатто бу азият беришларингиз Менинг хавфимни дилларингдан фаромуш қилдирди. Сизлар уларнинг ҳолларига кулар эдиларинг. Бу бандаларим сизларнинг азиятларингизга сабр қилар эдилар. Энди сабр қилганлари учун бу кун Мен уларга савоблар (мукофотлар) ато қилдим. Улар мақсадларига етдилар.

قَٰلَ كَمْ لَبِثْتُمْ فِي ٱلْأَرْضِ عَدَدَ سِنِينَ ﴿١١٢﴾ قَالُوا۟ لَبِثْنَا يَوْمًا أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ فَسْـَٔلِ
ٱلْعَآدِّينَ ﴿١١٣﴾ قَٰلَ إِن لَّبِثْتُمْ إِلَّا قَلِيلًا ۖ لَّوْ أَنَّكُمْ كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١١٤﴾

112-114. Қиёмат куни Парвардигор кофирлардан сўрайди: «Ер юзида неча йил ҳаёт кечирдингизлар?» Кофирлар *Қиёмат кунининг узоқлигига қиёс қилиб:* «Биз дунёда бир кун ё ярим кун ҳаёт кечирдик. Бизнинг умримизни билгувчи малоикалардан савол қилгил?», — деб айтадилар. Парвардигор айтади: «Агар сизлар ҳақиқатни билсангизлар, сизлар бир кундан ҳам
18 жузъ кам, балки андак ҳаёт кечирдингизлар. *Чунки бу дунёнинг муддати охиратга нисбатан дарёдан бир қатра ҳисобланади.*

أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَٰكُمْ عَبَثًا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ ﴿١١٥﴾ فَتَعَٰلَى ٱللَّهُ ٱلْمَلِكُ
ٱلْحَقُّ ۖ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ رَبُّ ٱلْعَرْشِ ٱلْكَرِيمِ ﴿١١٦﴾

115-116. Эй кофирлар, гумон қиласизларки, Биз сизларни беҳуда халқ қилганмиз ва яна ўйлайсизларки, Қиёмат куни қайтадан тирилиб, Бизнинг ҳузуримизга қайтмайсизлар?» Бас, Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан улуғдир, ҳақ Подшоҳдир. Ундан бошқа ҳеч маъбуд йўқдир, У улуғ Арш Парвардигоридир.

وَمَن يَدْعُ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا ءَاخَرَ لَا بُرْهَٰنَ لَهُۥ بِهِۦ فَإِنَّمَا حِسَابُهُۥ عِندَ رَبِّهِۦٓ ۚ إِنَّهُۥ لَا
يُفْلِحُ ٱلْكَٰفِرُونَ ﴿١١٧﴾ وَقُل رَّبِّ ٱغْفِرْ وَٱرْحَمْ وَأَنتَ خَيْرُ ٱلرَّٰحِمِينَ ﴿١١٨﴾

117-118. Кимки Худога ибодат қилишда бирор ҳужжат ва далилсиз бошқа илоҳни қўшар экан, уни Парвардигор ҳисоб-китоб қилади ва муносиб жазолайди. Албатта, мушриклар Қиёмат куни нажот топмайдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), дуо қилиб: «Эй Парвардигоро, хатоларимни кечиргил, раҳм қилгил. Сен раҳм қилувчиларнинг (энг) яхшисидурсан», — деб айт.



Мадинада нозил бўлган бу сура
олтмиш тўрт оятдан иборатдир.

«Нур ояти» деб ном олган 35-оятда Аллоҳ таолонинг осмонлар ва 18 жузъ
ерни ойдинлатган нури ҳақида сўз боради. Шунинг учун сура «Нур» номини олган. Бу сурада одоб-ахлоқ масалалари, ўзаро инсоний муносабатлар, зинокор ва туҳматчиларга берилажак жазо чоралари каби мавзулар ҳақида сўз юритилган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

سُورَةٌ أَنزَلْنَٰهَا وَفَرَضْنَٰهَا وَأَنزَلْنَا فِيهَآ ءَايَٰتٍۭ بَيِّنَٰتٍ لَّعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿١﴾ ٱلزَّانِيَةُ
وَٱلزَّانِى فَٱجْلِدُوا۟ كُلَّ وَٰحِدٍ مِّنْهُمَا مِا۟ئَةَ جَلْدَةٍ وَلَا تَأْخُذْكُم بِهِمَا رَأْفَةٌ فِى دِينِ ٱللَّهِ
إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ وَلْيَشْهَدْ عَذَابَهُمَا طَآئِفَةٌ مِّنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ
﴿٢﴾ ٱلزَّانِى لَا يَنكِحُ إِلَّا زَانِيَةً أَوْ مُشْرِكَةً وَٱلزَّانِيَةُ لَا يَنكِحُهَآ إِلَّا زَانٍ أَوْ مُشْرِكٌ
وَحُرِّمَ ذَٰلِكَ عَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٣﴾

1-3. Ушбу сура Қуръон сураларидан биридирки, Биз уни мўминларга нозил қилдик ва ушбу сурадаги аҳкомларни ижро этмоқни мўминларга фарз қилдик. Бу сурада очиқ-равшан оятларни нозил қилдик, шояд унинг маъноларини фикр этиб, панд оларсизлар. Агар эрга тегмаган ёш қиз ва хотин олмаган ёш навжувон (йигит) зино қилса, ҳар бирини юз даррадан уринглар. Агар сизларнинг Худога ва охиратга иймонларингиз бўлса, Худонинг ҳукмини ижро этишда уларга раҳм қилманг, токи бошқаларга ибрат бўлсин. Бир жамоа мўминлар уларни жазолаган жойда ҳозир бўлинглар. Токи ҳамма мўминларга насиҳат (ибрат) бўлсин. Зино қилувчи одамга покиза хотинни никоҳ қилманглар. Магар ўзига ўхшаш зония (зинокор) хотинни никоҳ қилинглар ёки кофир (мушрика) хотинни (никоҳланишга) беринглар. Шунга ўхшаш, зино қилган хотинни покиза одам никоҳига олмасин, балки ўзига ўхшаш зинокор ёки мушрикка никоҳлансин. Бу тарика никоҳ (яъни, зинокор аёлларга уйланмоқ) покиза мўминларга ҳаром қилинди.

وَٱلَّذِينَ يَرۡمُونَ ٱلۡمُحۡصَنَٰتِ ثُمَّ لَمۡ يَأۡتُواْ بِأَرۡبَعَةِ شُهَدَآءَ فَٱجۡلِدُوهُمۡ ثَمَٰنِينَ
جَلۡدَةٗ وَلَا تَقۡبَلُواْ لَهُمۡ شَهَٰدَةً أَبَدٗاۚ وَأُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلۡفَٰسِقُونَ ٤ إِلَّا ٱلَّذِينَ تَابُواْ
مِنۢ بَعۡدِ ذَٰلِكَ وَأَصۡلَحُواْ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٞ رَّحِيمٞ ٥

4-5. Мастура ва покиза хотинларни «зония» ва «фоҳиша» деб айблаган кимсалар – улар исботлаш учун тўрт одил гувоҳни ҳокимлар ҳузурига
18 жузъ олиб келмасалар, ўзларининг сўзларини исбот қилмасалар, уларни саксон дарра уринглар ва шаҳодатларини (гувоҳликларини) бундан кейин асло қабул қилманглар, чунки улар фосиқдирлар. *Фосиқнинг шаҳодати мақбул эмасдир.* Магар у кишиларки, жазоланганидан сўнг тавба қилсалар, яхши амаллар қилиб, ўзларини ислоҳ этсалар, (улар фосиқ эмасдирлар), бас, албатта, Аллоҳ таоло гуноҳларни кечиргувчи ва меҳрибондир.

وَٱلَّذِينَ يَرۡمُونَ أَزۡوَٰجَهُمۡ وَلَمۡ يَكُن لَّهُمۡ شُهَدَآءُ إِلَّآ أَنفُسُهُمۡ فَشَهَٰدَةُ أَحَدِهِمۡ
أَرۡبَعُ شَهَٰدَٰتِۭ بِٱللَّهِ إِنَّهُۥ لَمِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ٦ وَٱلۡخَٰمِسَةُ أَنَّ لَعۡنَتَ ٱللَّهِ عَلَيۡهِ
إِن كَانَ مِنَ ٱلۡكَٰذِبِينَ ٧

6-7. У кишиларки, ўз аёлларини зинога нисбат бериб, фоҳиша ё зония, ё бузуқи (каби) алфозларни (сўзларни) истеъмол қилиб, ҳақорат этадилар, ваҳоланки, уларнинг ўз сўзларини исботлашга бирор гувоҳлари йўқ, фақат даъво қиладилар, холос. Гувоҳи бўлмаган эр ва хотин ҳокимнинг ҳузурида ўзларининг ростгўйликлари тўғрисида тўрт марта қасамёд қилиб, гувоҳлик берадилар. Эркак (тўрт марта) айтади: «Худога қасамёд қилиб айтаманки, мен ушбу сўзимда ростгўйлардандирман». Бешинчи марта айтадики: «Агар мен (ушбу даъвомда) ёлғончи бўлсам, менга Худонинг лаънати бўлсин!»

وَيَدۡرَؤُاْ عَنۡهَا ٱلۡعَذَابَ أَن تَشۡهَدَ أَرۡبَعَ شَهَٰدَٰتِۭ بِٱللَّهِ إِنَّهُۥ لَمِنَ ٱلۡكَٰذِبِينَ ٨
وَٱلۡخَٰمِسَةَ أَنَّ غَضَبَ ٱللَّهِ عَلَيۡهَآ إِن كَانَ مِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ٩ وَلَوۡلَا فَضۡلُ ٱللَّهِ
عَلَيۡكُمۡ وَرَحۡمَتُهُۥ وَأَنَّ ٱللَّهَ تَوَّابٌ حَكِيمٌ ١٠

8-10. Хотинга навбат келганида, ўзидан зино ҳаддини (жазосини) даф қилиш учун тўрт мартаба гувоҳлик бериб, айтади: «Худога қасамёд қилиб айтаманки, ушбу даъвода эрим ёлғончилардандир». Ушбу сўзни тўрт марта такрорлагач, бешинчи марта айтадики: «Агар эрим (ўз даъвосида) ростгўйлардан бўлса, менга Худонинг ғазаби бўлсин!» Агар сизларга Худонинг фазлу марҳамати бўлмаганида ва ҳам Аллоҳ таоло тавбаларни қабул қилмаганида эди, сизларни ушбу сўзларингиз учун азобга мубтало қилган бўлур эди. Лекин Аллоҳ таоло тавбаларни қабул қилгувчидир. Ва ҳар бир феъли ҳикматлидир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ جَآءُو بِٱلْإِفْكِ عُصْبَةٌ مِّنكُمْ ۚ لَا تَحْسَبُوهُ شَرًّا لَّكُم ۖ بَلْ هُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ ۚ
لِكُلِّ ٱمْرِئٍ مِّنْهُم مَّا ٱكْتَسَبَ مِنَ ٱلْإِثْمِ ۚ وَٱلَّذِى تَوَلَّىٰ كِبْرَهُۥ مِنْهُمْ لَهُۥ
عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١١﴾ لَّوْلَآ إِذْ سَمِعْتُمُوهُ ظَنَّ ٱلْمُؤْمِنُونَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتُ بِأَنفُسِهِمْ
خَيْرًا وَقَالُوا۟ هَٰذَآ إِفْكٌ مُّبِينٌ ﴿١٢﴾

11-12. Албатта, улуғ ёлғонни (бўҳтонни) *ҳазрати Оишаи сиддиқанинг шаънига* туҳмат қилганлар ўзингиздан бўлган бир жамоа (тўда)дирлар. 18 жузъ
Сизлар бу туҳматни «Ёмон бўлди», деб гумон қилманглар, балки сизлар учун хайр бўлди. *Чунки бу туҳмат учун унинг (Оишаи сиддиқанинг) ҳаққига улуғ савоб ёзилди. Ва яна унинг поклиги ҳақида оятлар нозил бўлди. Туҳмат қилувчиларга эса катта гуноҳлар ёзилди.* Туҳмат қилувчиларнинг ҳар бирига қилган туҳматлари учун жазо берилади. Катта туҳматни амалга оширишга бош-қош бўлган кишига Қиёмат куни оғир азоб бордир. *У шахс – туҳмат қилувчиларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибни Убай эди.* Нима учун бир-бирларининг ҳақларига яхши гумон қилувчи мўмин ва мўминалар бу туҳматни эшитганларида: «Бу очиқ-ойдин бўҳтондир. Биз бу сўзга бовар қилмаймиз (ишонмаймиз)», – демадилар?!

لَّوْلَا جَآءُو عَلَيْهِ بِأَرْبَعَةِ شُهَدَآءَ ۚ فَإِذْ لَمْ يَأْتُوا۟ بِٱلشُّهَدَآءِ فَأُو۟لَٰٓئِكَ عِندَ ٱللَّهِ هُمُ
ٱلْكَٰذِبُونَ ﴿١٣﴾ وَلَوْلَا فَضْلُ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُۥ فِى ٱلدُّنْيَا وَٱلْءَاخِرَةِ لَمَسَّكُمْ فِى
مَآ أَفَضْتُمْ فِيهِ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١٤﴾ إِذْ تَلَقَّوْنَهُۥ بِأَلْسِنَتِكُمْ وَتَقُولُونَ بِأَفْوَاهِكُم مَّا
لَيْسَ لَكُم بِهِۦ عِلْمٌ وَتَحْسَبُونَهُۥ هَيِّنًا وَهُوَ عِندَ ٱللَّهِ عَظِيمٌ ﴿١٥﴾

13-15. Пайғамбарнинг аёлларига бўҳтон қилувчилар ўз сўзларини исбот қилмоқ учун нега тўрт гувоҳ ҳозир қилмайдилар. Вақтики, гувоҳлар келтиришга ожиз бўлсалар, бас, ана ўшалар Худонинг наздида ёлғончидирлар. Агар дунё ва охиратда бошларингиздан Худонинг фазлу марҳамати ёғилмаганида эди, бу айтган ёлғонларингиз учун қаттиқ азобга мубтало бўлар эдингизлар, чунки бу сўзни (бўҳтонни) бир-бирларингиздан эшитиб, тилдан-тилга гапириб юрар эдингизлар. Ваҳоланки, сизларда бу тўғрида ҳеч қандай илм (бирор ишончли хабар) йўқ эди. Ва бу хилдаги гапларни одатдаги гаплардек енгил деб ўйлардингизлар. Ваҳоланки, у Аллоҳнинг наздида улуғ туҳмат эди.

وَلَوْلَآ إِذْ سَمِعْتُمُوهُ قُلْتُم مَّا يَكُونُ لَنَآ أَن نَّتَكَلَّمَ بِهَٰذَا سُبْحَٰنَكَ هَٰذَا بُهْتَٰنٌ
عَظِيمٌ ﴿١٦﴾ يَعِظُكُمُ ٱللَّهُ أَن تَعُودُوا۟ لِمِثْلِهِۦٓ أَبَدًا إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿١٧﴾
وَيُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمُ ٱلْءَايَٰتِ ۚ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿١٨﴾

16-18. Эй мўминлар, бу сўзни эшитган вақтларингизда нима учун айтмадиларингизки: «Бизларга бундай сўзларни айтиш лойиқ (тўғри) эмас. Эй Парвардигоро, Сен жумла айблардан поксан. Пайғамбарингнинг аҳли ҳараминнинг поклигини Сен билурсан. Унинг шаънига бу катта бўҳтондир!» Эй мўминлар, сизларга Аллоҳ таоло панд бериб айтадики: «Агар мўмин бўлсангизлар, у туҳматга ўхшаш нарсага қайта мубтало бўлмасликларингиз керак. Аллоҳ таоло сизларга оятларини (очиқ) равшан баён қилади. Аллоҳ таоло сизларнинг аҳволларингизни билгувчи ва ҳаким – покликларингизга ҳукм қилгувчидир».

18 жузъ إِنَّ ٱلَّذِينَ يُحِبُّونَ أَن تَشِيعَ ٱلْفَٰحِشَةُ فِى ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ فِى
ٱلدُّنْيَا وَٱلْءَاخِرَةِ ۚ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿١٩﴾ وَلَوْلَا فَضْلُ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ
وَرَحْمَتُهُۥ وَأَنَّ ٱللَّهَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿٢٠﴾ ۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَتَّبِعُوا۟ خُطُوَٰتِ
ٱلشَّيْطَٰنِ ۚ وَمَن يَتَّبِعْ خُطُوَٰتِ ٱلشَّيْطَٰنِ فَإِنَّهُۥ يَأْمُرُ بِٱلْفَحْشَآءِ وَٱلْمُنكَرِ ۚ وَلَوْلَا
فَضْلُ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُۥ مَا زَكَىٰ مِنكُم مِّنْ أَحَدٍ أَبَدًا وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ يُزَكِّى مَن يَشَآءُ ۗ
وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢١﴾

19-21. Албатта, мўминлар ўртасида фаҳш, ёлғон сўзларни тарқатишни дўст тутадиган мунофиқларга Қиёматда қаттиқ азоб берилади. Бу дунёда эса шарманда ва расво бўладилар. Аллоҳ таоло у мунофиқларнинг дилларидагини билади, сизлар билмайсизлар. Агар бандаларга Парвардигорнинг фазлу марҳамати ва меҳрибонлиги бўлмаганида эди, ҳаммага бало келган бўларди. Эй мўминлар, шайтон орқасидан эргашманглар. Ҳар ким шайтонга тобе бўлса, бас, уни шайтон ёмон (гуноҳ) ишларга амр қилади. Агар сизларга Парвардигорнинг фазлу марҳамати бўлмаганида эди, сизлардан ҳеч бирларингиз бу беҳуда сўзлардан абадий пок бўлмасдингиз. Лекин Аллоҳ таоло хоҳлаган бандасини ҳидоят қилиб, бу ёмон ишлардан пок қилади. Аллоҳ таоло бандаларининг сўзларини эшитгувчи ва ҳолларини (билгувчи) донодир.

وَلَا يَأْتَلِ أُو۟لُوا۟ ٱلْفَضْلِ مِنكُمْ وَٱلسَّعَةِ أَن يُؤْتُوٓا۟ أُو۟لِى ٱلْقُرْبَىٰ وَٱلْمَسَٰكِينَ
وَٱلْمُهَٰجِرِينَ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ ۖ وَلْيَعْفُوا۟ وَلْيَصْفَحُوٓا۟ ۗ أَلَا تُحِبُّونَ أَن يَغْفِرَ ٱللَّهُ
لَكُمْ ۗ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٢٢﴾

22. *Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳунинг фақир бўлган холазодалари Мистоҳ ибн Асоса разийаллоҳу анҳо Ҳазрати Оишага нисбатан бўлган бўҳтон сўзга аралашганлари сабабидан Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ: «Иккинчи Мистоҳга эҳсон қилмайман», – деб қасамёд қилганлар. Худованди таоло бу оятни нозил қилиб, силаи раҳмни узишдан манъ қилади.* Эй мўминлар, сизлардан фазилат эгаси ва давлат соҳиби бўлган кишилар: «Хеш ва ақраболарга ва мискинларга ва Аллоҳнинг йў-

лида муҳожир бўлганларга Худонинг йўлида эҳсон қилмайман», – деб қасамёд қилмасинлар, балки уларнинг хатоларини кечирсинлар. Ахир сизлар бу кечирмоқларингиз бадалига Қиёмат куни Аллоҳ таоло сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилмоғини дўст тутмайсизларми? Аллоҳ таоло гуноҳларни кечиргувчи ва ўта меҳрибондир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ يَرْمُونَ ٱلْمُحْصَنَٰتِ ٱلْغَٰفِلَٰتِ ٱلْمُؤْمِنَٰتِ لُعِنُوا۟ فِى ٱلدُّنْيَا
وَٱلْءَاخِرَةِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿٢٣﴾ يَوْمَ تَشْهَدُ عَلَيْهِمْ أَلْسِنَتُهُمْ وَأَيْدِيهِمْ
وَأَرْجُلُهُم بِمَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٢٤﴾ يَوْمَئِذٍ يُوَفِّيهِمُ ٱللَّهُ دِينَهُمُ ٱلْحَقَّ وَيَعْلَمُونَ 18 жузъ
أَنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْحَقُّ ٱلْمُبِينُ ﴿٢٥﴾

23-25. Уйларида ўтирган мўмина, мастура ва покиза хотинларни зинога нисбат бериб, ҳақорат қиладиган кимсалар бу дунё ва охиратда лаънатга гирифтор бўладилар. Уларга Қиёмат куни қаттиқ азоб берилади. Ўша кунда гуноҳкорнинг тиллари, қўллари ва оёқлари қилган амаллари ҳақида гувоҳлик беради. У кунда (Қиёматда) Аллоҳ таоло ҳар бир шахсни қилган амалига мувофиқ адолат билан жазолайди. Шу вақтда бандалар Аллоҳ таоло Ўз зотида собит, қоим, ҳақ Зотлигини биладилар.

ٱلْخَبِيثَٰتُ لِلْخَبِيثِينَ وَٱلْخَبِيثُونَ لِلْخَبِيثَٰتِ ۖ وَٱلطَّيِّبَٰتُ لِلطَّيِّبِينَ وَٱلطَّيِّبُونَ
لِلطَّيِّبَٰتِ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ مُبَرَّءُونَ مِمَّا يَقُولُونَ ۖ لَهُم مَّغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴿٢٦﴾

26. Нопок, ифлос хотинлар ифлос эркакларга муносибдирлар ва ҳам ифлос эркаклар ифлос хотинларга лойиқдирлар. Ва покиза хотинлар покиза эркакларга муносибдирлар ва покиза эркаклар покиза хотинларга муносибдирлар. Бу покиза эр ва покиза хотинлар мунофиқларнинг туҳматларидан покдирлар. У мунофиқлар томонидан азият кўрган шахсларга Қиёмат куни яхши ажрлар берилади ва гуноҳлари Худойи таоло томонидан кечирилади.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَدْخُلُوا۟ بُيُوتًا غَيْرَ بُيُوتِكُمْ حَتَّىٰ تَسْتَأْنِسُوا۟ وَتُسَلِّمُوا۟
عَلَىٰٓ أَهْلِهَا ۚ ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿٢٧﴾ فَإِن لَّمْ تَجِدُوا۟ فِيهَآ أَحَدًا
فَلَا تَدْخُلُوهَا حَتَّىٰ يُؤْذَنَ لَكُمْ ۖ وَإِن قِيلَ لَكُمُ ٱرْجِعُوا۟ فَٱرْجِعُوا۟ ۖ هُوَ أَزْكَىٰ
لَكُمْ ۚ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ ﴿٢٨﴾ لَّيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَن تَدْخُلُوا۟ بُيُوتًا غَيْرَ
مَسْكُونَةٍ فِيهَا مَتَٰعٌ لَّكُمْ ۚ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ مَا تُبْدُونَ وَمَا تَكْتُمُونَ ﴿٢٩﴾

27-29. Эй мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга изн сўрамасдан ва уй аҳлига салом бермасдан, рухсатсиз кирманглар. Бундай қилган ишларингиз ўзларингизга фойдалидир. Шояд ўзларингиз учун ибратли, фой-

дали, ахлоқларингизга эслатма бўлса. Бас, агар у уйда ҳеч кимни топмасангизлар ёки биров рухсат бермаса, кирманглар. Агар уй эгалари сизларга: «Қайтинг ва кирманг», – десалар, қайтинглар, кирманглар. Сизларнинг шу қайтишларингиз яхши хулқингизга далолат қилади. Аллоҳ таоло сизларнинг ҳар бир қилган амалларингизни (билгувчи) конодир. Агар бирортангиз учун маскан бўлмаган уйларга (карвонсарой, работ, меҳмонхона ва ҳ.к.) кирсангизлар ва шундай уйга киришга ҳожатларингиз бўлса, ундай уйга берухсат кирсангизлар ҳам бўлаверади. Бунда сизларга ҳеч қандай гуноҳ йўқдир. Аллоҳ таоло ошкора феълларингизни ҳам ва махфий ниятларингизни ҳам билади.

18 жузъ

قُل لِّلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا۟ مِنْ أَبْصَٰرِهِمْ وَيَحْفَظُوا۟ فُرُوجَهُمْ ۚ ذَٰلِكَ أَزْكَىٰ لَهُمْ ۗ
إِنَّ ٱللَّهَ خَبِيرٌۢ بِمَا يَصْنَعُونَ ﴿٣٠﴾

30. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мўминларга айтгил, номаҳрамларга қарашдан кўзларини юмсинлар, фаржларини ҳаромдан сақласинлар. Бу қилган ишларида ахлоқлари покиза бўлади. Дунё ва охиратда саодатга эришадилар. Ҳар бир қилган ишларини Аллоҳ таоло (билгувчи) донодир.

وَقُل لِّلْمُؤْمِنَٰتِ يَغْضُضْنَ مِنْ أَبْصَٰرِهِنَّ وَيَحْفَظْنَ فُرُوجَهُنَّ وَلَا يُبْدِينَ
زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا ۖ وَلْيَضْرِبْنَ بِخُمُرِهِنَّ عَلَىٰ جُيُوبِهِنَّ ۖ وَلَا يُبْدِينَ
زِينَتَهُنَّ إِلَّا لِبُعُولَتِهِنَّ أَوْ ءَابَآئِهِنَّ أَوْ ءَابَآءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ أَبْنَآئِهِنَّ أَوْ
أَبْنَآءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ إِخْوَٰنِهِنَّ أَوْ بَنِىٓ إِخْوَٰنِهِنَّ أَوْ بَنِىٓ أَخَوَٰتِهِنَّ أَوْ نِسَآئِهِنَّ أَوْ
مَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُهُنَّ أَوِ ٱلتَّٰبِعِينَ غَيْرِ أُو۟لِى ٱلْإِرْبَةِ مِنَ ٱلرِّجَالِ أَوِ ٱلطِّفْلِ
ٱلَّذِينَ لَمْ يَظْهَرُوا۟ عَلَىٰ عَوْرَٰتِ ٱلنِّسَآءِ ۖ وَلَا يَضْرِبْنَ بِأَرْجُلِهِنَّ لِيُعْلَمَ مَا يُخْفِينَ
مِن زِينَتِهِنَّ ۚ وَتُوبُوٓا۟ إِلَى ٱللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَ ٱلْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٣١﴾

31. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мўмина хотинларга айтгил, номаҳрам эркакларга қарашдан кўзларини юмсинлар, авратларини (фаржларини) ҳаромдан сақласинлар, зийнатли жойларини очмасинлар. Магар зоҳир бўлиб турадиган (кўриниб турган) зийнат жойлари бўлса, жоиздир. Масалан, қўлларининг панжалари ва кафтлари ва оёқларининг бўғимидан пасти очиқ бўлса, зарари йўқдир. Бошларига ёпган рўмол билан бўйинларини ва сийналарини беркитсинлар. Зийнатланган жойларини зоҳир қилмасинлар. Магар ўз эрларига, оталарига, эрларининг оталарига ё ўғилларига, ёки эрларининг ўғилларига, ё (ўз) бrandoдарларига (ака-укаларига), ё бrandoдарзодаларига, ё опа-сингилларнинг болаларига, ё бошқа хотинларга, ё сотиб олган канизакларига, ёки хизмат қилувчи ғуломларига – шаҳватдан қолган мўйсафид бўлса, ё ҳануз хотинларнинг авратларини билмайдиган ёш болаларга кўрсатиш жоиздир. *Зийнатли жойдан мақсад зар-зеварлар тақадиган жойлардир.* Юрганда оёқларини бир-

бирига уриб, махфий зийнатларини билдирмасинлар. Эй мўминлар, инсон хатодан холи эмас. Агар номаҳрамларга қаращда хато қилган бўлсангизлар, (астойдил) тавба қилсангизлар, Парвардигор тавбаларингизни қабул қилади. Шоядки, Қиёмат куни тавбаларингиз қабул бўлиб, дўзахдан нажот топарсизлар.

وَأَنكِحُوا۟ ٱلْأَيَـٰمَىٰ مِنكُمْ وَٱلصَّـٰلِحِينَ مِنْ عِبَادِكُمْ وَإِمَآئِكُمْ ۚ إِن يَكُونُوا۟
فُقَرَآءَ يُغْنِهِمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ ۗ وَٱللَّهُ وَٰسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٣٢﴾ وَلْيَسْتَعْفِفِ ٱلَّذِينَ لَا يَجِدُونَ
نِكَاحًا حَتَّىٰ يُغْنِيَهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ ۗ وَٱلَّذِينَ يَبْتَغُونَ ٱلْكِتَـٰبَ مِمَّا مَلَكَتْ 18 жузъ
أَيْمَـٰنُكُمْ فَكَاتِبُوهُمْ إِنْ عَلِمْتُمْ فِيهِمْ خَيْرًا ۖ وَءَاتُوهُم مِّن مَّالِ ٱللَّهِ ٱلَّذِىٓ ءَاتَىٰكُمْ ۚ
وَلَا تُكْرِهُوا۟ فَتَيَـٰتِكُمْ عَلَى ٱلْبِغَآءِ إِنْ أَرَدْنَ تَحَصُّنًا لِّتَبْتَغُوا۟ عَرَضَ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا ۚ
وَمَن يُكْرِههُّنَّ فَإِنَّ ٱللَّهَ مِنۢ بَعْدِ إِكْرَٰهِهِنَّ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٣٣﴾

32-33. Эй мўминлар, эрсиз, бева хотинларни бирор одам топиб никоҳлаб қўйинглар ва ғуломларингизни уйлантириб қўйинглар. Агар улар бечора, фақир бўлсалар, Худойи таоло ўз фазли ва марҳамати билан уларни мустағний (беҳожат) қилади, чунки Аллоҳ таолонинг ўз бандаларига ризқу рўзи кенгдир, ҳолларини (билгувчи) донодир. Хотин олишга қудрати етмайдиган, нафақадан ожиз бўлган бечора кишиларга лозим шуки, нафсларини ҳаромдан сақласинлар, *Худойи таоло уларни ўз фазли ва марҳамати билан ғаний (бой) қилгунча.* Эй мўминлар, сизлардан ғуломларингиз ва канизларингиз мукотаба (озод бўлиш учун васиқа) қилмоқни талаб қилсалар, агар мукотабани адо этиб, яхши ишлар қилишларига қобилиятлари борлигини билсангиз, уларни мукотаба қилинг. *Мукотаба шундан иборатки, хожа ғуломига айтади: «Менга шунча миқдорда пул топиб бергил, сўнгра сен озодсан».* Эй мўминлар, у бечораларга озод бўлишлари учун Худонинг сизларга берган маошидан ёрдам қилинглар, *тоқи улар озод бўлсинлар. Исломдан илгари жоҳилият даврида аҳли давлатлар фоҳишахона очиб, ёш канизларни зинога мажбур қилар эдилар. Ислом дини келганидан сўнг Худойи таоло бу қабиҳ ишдан манъ қилиб айтдики:* «Эй аҳли давлатлар, бу қабиҳ ишни (зинони) хоҳламаган ва покизаликни истаган канизларни зинога мажбур қилманг». Сизлар бу феълларингиз орқасида дунё тўплашни истайсизлар. Ҳар кимки бу бечораларни мажбур қилар экан, Қиёмат куни жавобини беради, лекин Аллоҳ таоло жабрланган канизларнинг гуноҳларини кечиргувчи ва меҳрибондир.

وَلَقَدْ أَنزَلْنَآ إِلَيْكُمْ ءَايَـٰتٍ مُّبَيِّنَـٰتٍ وَمَثَلًا مِّنَ ٱلَّذِينَ خَلَوْا۟ مِن قَبْلِكُمْ وَمَوْعِظَةً
لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٣٤﴾

34. Эй мўминлар, Биз сизларга ҳалол ва ҳаромни баён қилгувчи оятларни нозил қилдик. Сизларга ибрат учун, муттақийларга насиҳат учун сизлардан муқаддам ўтган қавмларнинг қиссаларини баён этдик.

۞ ٱللَّهُ نُورُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ مَثَلُ نُورِهِۦ كَمِشْكَوٰةٍ فِيهَا مِصْبَاحٌ ٱلْمِصْبَاحُ
فِى زُجَاجَةٍ ٱلزُّجَاجَةُ كَأَنَّهَا كَوْكَبٌ دُرِّىٌّ يُوقَدُ مِن شَجَرَةٍ مُّبَٰرَكَةٍ زَيْتُونَةٍ لَّا
شَرْقِيَّةٍ وَلَا غَرْبِيَّةٍ يَكَادُ زَيْتُهَا يُضِىٓءُ وَلَوْ لَمْ تَمْسَسْهُ نَارٌ نُّورٌ عَلَىٰ نُورٍ يَهْدِى ٱللَّهُ
لِنُورِهِۦ مَن يَشَآءُ وَيَضْرِبُ ٱللَّهُ ٱلْأَمْثَٰلَ لِلنَّاسِ وَٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿٣٥﴾

18 жузъ

35. Аллоҳ таоло ер ва осмонларнинг нуридир. Аллоҳ нурининг сифати (мисоли) шунга ўхшайдики, токчада ёндирилган (ёқиб қўйилган) чироқ ҳамма тарафни равшан (ёруғ) қилгани каби, Аллоҳнинг нури ҳам ер ва осмонни шундай равшан этади. Шишадан ясалган қандилнинг ичида ёниб турган (у нурли) чироқ худди равшан юлдузга ўхшайди, гўёки у муборак зайтун дарахтининг ёғидан ёқиб қўйилган. Бу дарахт машриқ тарафда ҳам ўсмайди, мағриб тарафда ҳам ўсмайди, *балки Арабистон тоғларида ўсади.* Зайтун ёғи билан ёндирилган чироқ, шу даражада равшандирки, гўё у ўтсиз бўлса-да, (унга олов тегмаса ҳам), у равшанлик беради, (Бу равшанликлар) нур устига нурдир. Худойи таоло хоҳлаган бандаларини ўз нурига шундай ҳидоят қилади. Гўёки бу чироқ билан ҳидоят қилгандек. Аллоҳ таоло бандаларини огоҳлантириш учун шундай масалаларни баён қилади. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани (билгувчи) донодир.

فِى بُيُوتٍ أَذِنَ ٱللَّهُ أَن تُرْفَعَ وَيُذْكَرَ فِيهَا ٱسْمُهُۥ يُسَبِّحُ لَهُۥ فِيهَا بِٱلْغُدُوِّ وَٱلْءَاصَالِ
﴿٣٦﴾ رِجَالٌ لَّا تُلْهِيهِمْ تِجَٰرَةٌ وَلَا بَيْعٌ عَن ذِكْرِ ٱللَّهِ وَإِقَامِ ٱلصَّلَوٰةِ وَإِيتَآءِ ٱلزَّكَوٰةِ
يَخَافُونَ يَوْمًا تَتَقَلَّبُ فِيهِ ٱلْقُلُوبُ وَٱلْأَبْصَٰرُ ﴿٣٧﴾ لِيَجْزِيَهُمُ ٱللَّهُ أَحْسَنَ مَا عَمِلُوا۟
وَيَزِيدَهُم مِّن فَضْلِهِۦ وَٱللَّهُ يَرْزُقُ مَن يَشَآءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿٣٨﴾

36-38. Худонинг амри билан бино қилиниб, устунлар билан кўтарилган ибодатхоналарда ёки (Аллоҳ уларнинг) мартабаларини баланд қилган у уйларда Парвардигорнинг исми зикр қилинади. У ибодатхонада эртаю кеч муттақий бандалар намоз ўқийдилар. Шундай бандаларни на байъ (сотиш), на тижорат ва на широ (сотиб олиш) Худони ёд этишдан, намоздан, закот беришдан ғофил қилмайди. Бу бандалар Қиёмат кунидан шундай қўрқадиларки, унинг хавфидан диллари изтиробга тушади ва кўзлари хира бўлади. Улар Аллоҳ таоло яхши амал қилувчиларга жазо (ажр) бериши, фазлу марҳаматидан яхши ризқ муқаррар қилиши учун (тақво ва ибодат қиладилар). Аллоҳ таоло хоҳлаган бандасига беҳисоб ризқ беради.

وَٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَعْمَٰلُهُمْ كَسَرَابٍۭ بِقِيعَةٍ يَحْسَبُهُ ٱلظَّمْـَٔانُ مَآءً حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَهُۥ
لَمْ يَجِدْهُ شَيْـًٔا وَوَجَدَ ٱللَّهَ عِندَهُۥ فَوَفَّىٰهُ حِسَابَهُۥ وَٱللَّهُ سَرِيعُ ٱلْحِسَابِ ﴿٣٩﴾ أَوْ
كَظُلُمَٰتٍ فِى بَحْرٍ لُّجِّىٍّ يَغْشَىٰهُ مَوْجٌ مِّن فَوْقِهِۦ مَوْجٌ مِّن فَوْقِهِۦ سَحَابٌ ظُلُمَٰتٌ

بَعْضُهَا فَوْقَ بَعْضٍ إِذَآ أَخْرَجَ يَدَهُۥ لَمْ يَكَدْ يَرَىٰهَا ۗ وَمَن لَّمْ يَجْعَلِ ٱللَّهُ لَهُۥ نُورًا
فَمَا لَهُۥ مِن نُّورٍ ﴿٤٠﴾

39-40. Кофирларнинг қилган амаллари биёбонда кўринган саробга ўхшайди. Ташна бўлган одам «сув» деб гумон қилади, вақтики, яқин бориб кўрса, ҳеч қандай сув йўқдир. Шунга ўхшаш, кофирлар ҳам қилган амалларини «Қиёмат куни бизга фойда беради», деб гумон қиладилар. Вақтики келиб, номаи аъмолларини кўрганларида, ҳеч қандай (яхши)
амални топмайдилар. Балки ҳузурларида (қаршиларида) ҳисоб олгувчи 18 жузъ
(қилгувчи) Парвардигорни (ҳозиру нозир) топадилар. Бас, Парвардигор улардан тўлиқ ҳисоб олиб, унга мувофиқ жазо беради. Аллоҳ таоло тез ҳисоб олгувчидир. Ёки уларнинг ҳоллари қоронғуликда (зулматда) қолган (тубсиз) дарёдаги мусофирларга ўхшайди. Гўёки уларни тўлқин ўраб олгандир. У тўлқиннинг устидан ҳам тўлқинлар ва уларни эса булутлар ўраб олгандир. Қоронғуликлар устига қоронғуликдир. Вақтики, қўлларини енгларидан чиқарсалар, қарийбки (деярли) қўлларини кўрмайдилар. Ҳар кимники, Парвардигор (қалбини, йўлини) ҳидоят нури билан равшан қилмаса, унга ҳеч қандай нур бўлмайди. Шунга ўхшаш кофирлар ҳам Қиёмат куни қоронғуликларда қоладилар.

أَلَمْ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ يُسَبِّحُ لَهُۥ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَٱلطَّيْرُ صَٰٓفَّٰتٍ ۖ كُلٌّ قَدْ عَلِمَ
صَلَاتَهُۥ وَتَسْبِيحَهُۥ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌۢ بِمَا يَفْعَلُونَ ﴿٤١﴾ وَلِلَّهِ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ ۖ وَإِلَى ٱللَّهِ ٱلْمَصِيرُ ﴿٤٢﴾

41-42. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Аллоҳ таолони осмонлардаги фаришталар, ердаги ҳайвонотлар поклик билан ёд қилганини ва ҳам ҳавода учиб юрган қушлар Аллоҳ таолога тасбеҳ айтганини кўрмайсанми?! Аллоҳ таоло ҳар бирининг тасбеҳини ва дуосини билади. Аллоҳ таоло бандаларининг қилган феълларини билгувчи донодир. Осмонлар ва ер юзининг подшоҳлиги Худога хосдир. Коинотдаги ҳар бир нарса Худо тарафига ружу қилади (қайтади).

أَلَمْ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ يُزْجِى سَحَابًا ثُمَّ يُؤَلِّفُ بَيْنَهُۥ ثُمَّ يَجْعَلُهُۥ رُكَامًا فَتَرَى ٱلْوَدْقَ
يَخْرُجُ مِنْ خِلَٰلِهِۦ وَيُنَزِّلُ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مِن جِبَالٍ فِيهَا مِنۢ بَرَدٍ فَيُصِيبُ بِهِۦ مَن
يَشَآءُ وَيَصْرِفُهُۥ عَن مَّن يَشَآءُ ۖ يَكَادُ سَنَا بَرْقِهِۦ يَذْهَبُ بِٱلْأَبْصَٰرِ ﴿٤٣﴾

43. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худонинг қудратини мушоҳада қилмайсанми? Аллоҳ таоло булутларни ҳар тарафга ҳайдаб юборади, сўнгра бир-бирларига қўшади. Сўнгра қат-қат қилиб қуюқлаштиради. Кейин кўрасанки, ёмғир қатралари булутлар орасидан чиқиб тўкилади. (Аллоҳ таоло) юқоридан (осмондаги булутлар тоғидан) жалалар нозил қилиб (ёғдириб), (Ўзи) хоҳлаган ерларига бу ёмғирларни етказиб, одамларни

сероб қилади. (Ва Ўзи) хоҳлаган жойларидан (ёмғирларни) қайтариб қўяди. Яқиндурки, булутлардан чиққан чақмоқнинг равшанлиги кўзларни хира қилиб қўядигандек.

يُقَلِّبُ ٱللَّهُ ٱلَّيۡلَ وَٱلنَّهَارَۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَعِبۡرَةٗ لِّأُوْلِي ٱلۡأَبۡصَٰرِ ﴿٤٤﴾

44. Аллоҳ таоло ўз қудрати билан кечани кундузга айлантиради ва кундузни кечага айлантиради. Албатта, бу коинотнинг тағйир топишида (ўзгаришида) кўзи очиқ доно одамларга панд ва ибратлар бор.

18 жузъ وَٱللَّهُ خَلَقَ كُلَّ دَآبَّةٖ مِّن مَّآءٖۖ فَمِنۡهُم مَّن يَمۡشِي عَلَىٰ بَطۡنِهِۦ وَمِنۡهُم مَّن يَمۡشِي عَلَىٰ
رِجۡلَيۡنِ وَمِنۡهُم مَّن يَمۡشِي عَلَىٰٓ أَرۡبَعٖۚ يَخۡلُقُ ٱللَّهُ مَا يَشَآءُۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ
﴿٤٥﴾ لَّقَدۡ أَنزَلۡنَآ ءَايَٰتٖ مُّبَيِّنَٰتٖۚ وَٱللَّهُ يَهۡدِي مَن يَشَآءُ إِلَىٰ صِرَٰطٖ مُّسۡتَقِيمٖ ﴿٤٦﴾

45-46. Яна Худонинг қудратларидан бири шуки, Аллоҳ таоло ҳар бир ҳайвонни бир қатра сувдан халқ қилди. Бас, бу ҳайвонлардан баъзилари қоринлари билан судралиб юради ва баъзилари икки оёқ билан юради ва баъзилари тўрт оёқ билан юради. Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсасини яратади ва (халқ қилишга) қудрати етади. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир. Биз бандаларга ҳар бир нарсани зоҳир қилувчи оятлар нозил қилдик. Аллоҳ таоло хоҳлаган бандасини тўғри йўлга бошлайди.

وَيَقُولُونَ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ وَبِٱلرَّسُولِ وَأَطَعۡنَا ثُمَّ يَتَوَلَّىٰ فَرِيقٞ مِّنۡهُم مِّنۢ بَعۡدِ ذَٰلِكَۚ
وَمَآ أُوْلَٰٓئِكَ بِٱلۡمُؤۡمِنِينَ ﴿٤٧﴾ وَإِذَا دُعُوٓاْ إِلَى ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ لِيَحۡكُمَ بَيۡنَهُمۡ إِذَا فَرِيقٞ
مِّنۡهُم مُّعۡرِضُونَ ﴿٤٨﴾ وَإِن يَكُن لَّهُمُ ٱلۡحَقُّ يَأۡتُوٓاْ إِلَيۡهِ مُذۡعِنِينَ ﴿٤٩﴾ أَفِي قُلُوبِهِم
مَّرَضٌ أَمِ ٱرۡتَابُوٓاْ أَمۡ يَخَافُونَ أَن يَحِيفَ ٱللَّهُ عَلَيۡهِمۡ وَرَسُولُهُۥۚ بَلۡ أُوْلَٰٓئِكَ هُمُ
ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٥٠﴾

47-50. Мунофиқлар айтадиларки: «Бизлар Худо ва Расулига иймон келтирдик ва итоат қилдик». Сўнгра улардан бир жамоалари юз ўгириб кетадилар. Ҳақиқатда ана ўшалар мўмин эмаслар. Агар бу мунофиқларнинг ораларида ихтилоф бўлиб қолса, мўминлар уларни Худо ва Расулининг ҳукмига рози бўлишга чақирсалар, уларнинг бир жамоаси Худо ва Расул ҳукмидан бош тортадилар. Агар уларнинг фойдаларига ҳукм бўладиган бўлса, рози бўлиб, келадилар. Уларнинг зарарига ҳукм бўладиган бўлса, бош тортадилар. Оё, уларнинг дилларида нифоқнинг марази борми? Ё Ислом динидан шубҳадамилар? Ёки: «Худо ва Расул бизга зулм қилади», – деб қўрқадиларми? Ҳақиқатда ундай эмасдир. Балки уларнинг ўзлари золимдирлар.

إِنَّمَا كَانَ قَوۡلَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ إِذَا دُعُوٓاْ إِلَى ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ لِيَحۡكُمَ بَيۡنَهُمۡ أَن يَقُولُواْ

سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا ۚ وَأُولَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٥١﴾ وَمَن يُطِعِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ وَيَخْشَ
ٱللَّهَ وَيَتَّقْهِ فَأُولَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْفَآئِزُونَ ﴿٥٢﴾

51-52. Агар мўминлар Худо ва Расулнинг ҳукмига рози бўлишга чақирилсалар, айтадиларки: «Биз эшитамиз ва итоат қиламиз. Бу ҳукмни жони дилимиз билан ижро этамиз». Ана ўша зотлар Қиёмат куни нажот топгувчидирлар. Ҳар кимки Худо ва Расулининг ҳукмига итоат қилар, Аллоҳдан қўрқар ва азобидан ўзини сақлар экан, ана ўшандай зотлар мақсадларига етгувчидирлар. 18 жузъ

۞ وَأَقْسَمُوا۟ بِٱللَّهِ جَهْدَ أَيْمَٰنِهِمْ لَئِنْ أَمَرْتَهُمْ لَيَخْرُجُنَّ ۖ قُل لَّا تُقْسِمُوا۟ ۖ طَاعَةٌ
مَّعْرُوفَةٌ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ خَبِيرٌۢ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿٥٣﴾ قُلْ أَطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُوا۟ ٱلرَّسُولَ ۖ فَإِن
تَوَلَّوْا۟ فَإِنَّمَا عَلَيْهِ مَا حُمِّلَ وَعَلَيْكُم مَّا حُمِّلْتُمْ ۖ وَإِن تُطِيعُوهُ تَهْتَدُوا۟ ۚ وَمَا عَلَى
ٱلرَّسُولِ إِلَّا ٱلْبَلَٰغُ ٱلْمُبِينُ ﴿٥٤﴾

53-54. Мунофиқлар Худонинг номига шу мазмунда қаттиқ қасамёд қилдиларки, агар Сен уларга жиҳод учун уйларидан чиқишни амр қилсанг: «Албатта чиқамиз», – дейдилар. Лекин ҳақиқатда (аслида) итоат қилмайдилар. У гуруҳга айтгил: «Ёлғон қасамёд қилманглар. Сизлардан ҳукмга яхши итоат қилиш талаб қилинади. Албатта, Аллоҳ таоло қилган амалларингиздан хабардор». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у гуруҳга айтгил: «Худо ва Расули ҳукмига итоат қилинглар». Бас, агар бу ҳукмдан юз ўгирсалар, Пайғамбар ўз бўйнига юкланган вазифага жавобгардир. Сизлар эса ўз бўйинларингизга юкланган вазифага жавобгардирсизлар. Агар Худо ва Расули ҳукмига итоат қилсангизлар, ҳидоят топган бўласизлар. Расулнинг зиммасида сизларга Худонинг ҳукмини очиқ етказмоқдан бошқа вазифаси йўқдир».

وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مِنكُمْ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِى ٱلْأَرْضِ
كَمَا ٱسْتَخْلَفَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ ٱلَّذِى ٱرْتَضَىٰ لَهُمْ
وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّنۢ بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا ۚ يَعْبُدُونَنِى لَا يُشْرِكُونَ بِى شَيْـًٔا ۚ وَمَن كَفَرَ
بَعْدَ ذَٰلِكَ فَأُولَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْفَٰسِقُونَ ﴿٥٥﴾ وَأَقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُوا۟ ٱلزَّكَوٰةَ وَأَطِيعُوا۟
ٱلرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿٥٦﴾

55-56. Аллоҳ таоло иймон келтирган ва яхши амал қилувчи мўминларни худди улардан илгари ўтган қавмларни ер юзида халифа қилгани каби ер юзига халифа қилмоқни ваъда беради. Ва ҳам бу мўминларга мақбул (Ўзи рози) бўлган динларини мустаҳкам ва бошқа динлардан ғолиб этмоқни, уларнинг душмандан хавфу қўрқувларини амну омонликка бадал қилмоқни ваъда қилади. Чунки улар (яхши амал қилувчи мўминлар)

Менга ибодат қиладилар. Ҳеч бир нарсани Менга шерик қилмайдилар. Шу ваъдалардан сўнг кимки кофир бўлса, *яъни, Менинг неъматимга куфрон қилар экан*, ана ўшалар фосиқ кимсалардир. Эй бандалар, намозни ўз вақтида адо этинглар ва закотни беринглар ва Расулга итоат қилинглар, шояд Қиёмат куни Худонинг раҳматига сазовор бўласизлар.

لَا تَحْسَبَنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مُعْجِزِينَ فِى ٱلْأَرْضِ ۚ وَمَأْوَىٰهُمُ ٱلنَّارُ ۖ
وَلَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ ﴿٥٧﴾

18 кузъ 57. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), «Кофирлар ер юзида Худонинг балоларини қайтариб, ожиз қилувчи бўладилар», деб гумон қилмагил. Уларнинг жойлари дўзахдир! Ёмон ҳолда дўзахга қайтадилар.

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لِيَسْتَـْٔذِنكُمُ ٱلَّذِينَ مَلَكَتْ أَيْمَـٰنُكُمْ وَٱلَّذِينَ لَمْ يَبْلُغُوا۟
ٱلْحُلُمَ مِنكُمْ ثَلَـٰثَ مَرَّٰتٍ ۚ مِّن قَبْلِ صَلَوٰةِ ٱلْفَجْرِ وَحِينَ تَضَعُونَ ثِيَابَكُم مِّنَ
ٱلظَّهِيرَةِ وَمِنۢ بَعْدِ صَلَوٰةِ ٱلْعِشَآءِ ۚ ثَلَـٰثُ عَوْرَٰتٍ لَّكُمْ ۚ لَيْسَ عَلَيْكُمْ وَلَا عَلَيْهِمْ
جُنَاحٌۢ بَعْدَهُنَّ ۚ طَوَّٰفُونَ عَلَيْكُم بَعْضُكُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ ۚ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمُ
ٱلْـَٔايَـٰتِ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٥٨﴾

58. Эй мўминлар, ғуломларингиз ва балоғатга етмаган болаларга лозимдирки, уйларингизга (ҳузурингизга) (бир) кеча ва кундуз (мобайни)да уч вақт сизлардан изн олиб, рухсат сўраб кирсинлар. *Биринчиси* – бомдод намозидан олдин кирсалар, рухсат сўраб кирсинлар. *Иккинчиси* – туш вақти – офтоб иссиқ бўлганда (қизиб турганида), иссиқдан устбошларни ечиб ўтирган вақтда рухсат сўраб кирсинлар. *Учинчиси* – хуфтон намозидан кейин рухсат сўраб кирсинлар. Бу уч вақтда сизлар авратларингизни беркитиб сақлашингиз лозимдир (Чунки бу уч вақтда авратларингиз очиқ бўлиши мумкин). Бу уч вақтдан бошқа вақтда рухсатсиз кирсалар, уларга ҳеч гуноҳ йўқ. Ва сизларга ҳам ҳеч қандай ҳараж (қийинчилик, малоллик) йўқдир. Чунки бу ғуломларингиз сизларга хизмат қилади, *яъни, сизларга аралашиб юрадилар*. Баъзиларингиз баъзиларингизга аралашмасдан иложингиз йўқ. Аллоҳ таоло сизларга шунга ўхшаш аҳкоми шаръийни баён қилиб беради. Аллоҳ таоло бандаларининг маслаҳатига доно ва (ҳақ) ҳукм қилгувчидир.

وَإِذَا بَلَغَ ٱلْأَطْفَـٰلُ مِنكُمُ ٱلْحُلُمَ فَلْيَسْتَـْٔذِنُوا۟ كَمَا ٱسْتَـْٔذَنَ ٱلَّذِينَ مِن
قَبْلِهِمْ ۚ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمْ ءَايَـٰتِهِۦ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٥٩﴾

59. Қачонки, сизларнинг болаларингиз балоғатга етсалар, улардан олдингилари изн сўраб ҳузурингизга кирганлари каби, бас, уларга ҳам лозимдурки, олдингизга кирмоқчи бўлишганида, рухсат сўраб кирсинлар. Шунга ўхшаш, Аллоҳ таоло сизларга аҳкоми шариатни баён қилиб беради. Аллоҳ таоло аҳволларингизни билгувчи ва ҳикматига мувофиқ ҳукм қилгувчидир.

وَٱلْقَوَٰعِدُ مِنَ ٱلنِّسَآءِ ٱلَّٰتِى لَا يَرْجُونَ نِكَاحًا فَلَيْسَ عَلَيْهِنَّ جُنَاحٌ أَن
يَضَعْنَ ثِيَابَهُنَّ غَيْرَ مُتَبَرِّجَٰتٍۭ بِزِينَةٍ ۖ وَأَن يَسْتَعْفِفْنَ خَيْرٌ لَّهُنَّ ۗ
وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٦٠﴾

60. Аеллардан уйларида (ожиз кампир бўлиб) ўтириб қолганлари, никоҳни умид қилмайдиганлари зийнатланган жойларини очмасдан, устларидаги жомаларини (епинчиқларини) ечиб, Аллоҳ манъ қилган жойларини беркитиб ўтирсалар, ҳеч гуноҳ йўқдир. Агар ҳае қилиб, ўзларининг покликларини сақласалар, уларга яхшидир. Аллоҳ таоло ҳар бир сўзни эшитгувчи ва ҳолларини (билгувчи) донодир. 18 жузъ

لَّيْسَ عَلَى ٱلْأَعْمَىٰ حَرَجٌ وَلَا عَلَى ٱلْأَعْرَجِ حَرَجٌ وَلَا عَلَى ٱلْمَرِيضِ حَرَجٌ وَلَا
عَلَىٰٓ أَنفُسِكُمْ أَن تَأْكُلُوا۟ مِنۢ بُيُوتِكُمْ أَوْ بُيُوتِ ءَابَآئِكُمْ أَوْ بُيُوتِ أُمَّهَٰتِكُمْ
أَوْ بُيُوتِ إِخْوَٰنِكُمْ أَوْ بُيُوتِ أَخَوَٰتِكُمْ أَوْ بُيُوتِ أَعْمَٰمِكُمْ أَوْ بُيُوتِ
عَمَّٰتِكُمْ أَوْ بُيُوتِ أَخْوَٰلِكُمْ أَوْ بُيُوتِ خَٰلَٰتِكُمْ أَوْ مَا مَلَكْتُم مَّفَاتِحَهُۥٓ أَوْ
صَدِيقِكُمْ ۚ لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَن تَأْكُلُوا۟ جَمِيعًا أَوْ أَشْتَاتًا ۚ فَإِذَا
دَخَلْتُم بُيُوتًا فَسَلِّمُوا۟ عَلَىٰٓ أَنفُسِكُمْ تَحِيَّةً مِّنْ عِندِ ٱللَّهِ مُبَٰرَكَةً طَيِّبَةً ۚ
كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمُ ٱلْءَايَٰتِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٦١﴾

61. Аъмо (кўр)ларга ва оёғи чўлоқларга ва ҳам касалларга саҳиҳлар (соғ кишилар) билан таом емоқларида ҳеч қандай ҳараж (гуноҳ, танглик, машаққатлик) йўқдир. Сизнинг ўз нафсингизга (ўзингизга) ўз уйларингиздан ё оталарингиз уйларидан, ё оналарингиз уйларидан, е биродарларингиз (ака-укаларингиз) уйларидан, е опа-сингилларингиз уйларидан, ё амакиларингиз уйларидан, ё аммаларингиз уйларидан, ё тоғаларингиз уйларидан, ё холаларингиз уйларидан, е (сизга) калитларини топшириб емоққа рухсат бериб қўйган кишининг уйидан ва ҳам дўстларингиз уйларидан рухсат (изн) сўрамасдан, таом есангизлар, сизларга ҳеч гуноҳ йўқдир. Жамланиб (тўпланиб) ё бўлинган (тарқоқ) ҳолда ҳам таом есангизлар, ҳеч бир гуноҳ йўқдир. Агар бирор уйга кирсангизлар, диний биродарларингизга салом беринг, Худо тарафидан машруъ бўлган муборак ва одамни хурсанд қиладиган маъноли салом бўлсин. Аллоҳ таоло оятларини мана шундай баён қилади, шоядки сизлар фикр этиб, амал қиласизлар.

إِنَّمَا ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَإِذَا كَانُوا۟ مَعَهُۥ عَلَىٰٓ أَمْرٍ
جَامِعٍ لَّمْ يَذْهَبُوا۟ حَتَّىٰ يَسْتَـْٔذِنُوهُ ۚ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَسْتَـْٔذِنُونَكَ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ
يُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ ۚ فَإِذَا ٱسْتَـْٔذَنُوكَ لِبَعْضِ شَأْنِهِمْ فَأْذَن لِّمَن شِئْتَ
مِنْهُمْ وَٱسْتَغْفِرْ لَهُمُ ٱللَّهَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٦٢﴾

62. Худо ва Расулига иймон келтирганлар ҳақиқатан мўмини комилдирлар. Вақтики, Расул билан бирор (муҳим) жамият ишида бирга бўлсалар, ўз ишларига Расулнинг рухсатисиз кетмайдилар, *кетсалар ҳам Расулдан рухсат олиб кетадилар.* Албатта, Сендан рухсат сўрайдиган кишилар Худо ва Расулига иймон келтирганлар орасида ҳақиқий мўминдирлар. Қачонки, улар баъзи ишлари учун Сендан рухсат сўрасалар, улардан хоҳлаганингга рухсат бергил. Сенинг олдингда хилоф иш қилиб қўйганлари учун Худодан кечирим сўрагил. Албатта, Аллоҳ таоло бандаларининг гуноҳларини кечирувчи меҳрибондир.

18 жузъ لَا تَجْعَلُوا دُعَاءَ الرَّسُولِ بَيْنَكُمْ كَدُعَاءِ بَعْضِكُم بَعْضًا ۚ قَدْ يَعْلَمُ اللَّهُ الَّذِينَ
يَتَسَلَّلُونَ مِنكُمْ لِوَاذًا ۚ فَلْيَحْذَرِ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَن تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ
يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٦٣﴾ أَلَا إِنَّ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ ۖ قَدْ يَعْلَمُ مَا
أَنتُمْ عَلَيْهِ وَيَوْمَ يُرْجَعُونَ إِلَيْهِ فَيُنَبِّئُهُم بِمَا عَمِلُوا ۗ وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٦٤﴾

63-64. Агар Муҳаммад (алайҳиссалом) сизлардан бирор ишни талаб қилса, Расулнинг талабини бир-бирларингизга қилинадиган талабга ўхшатманглар. *Бу тўғрида бепарволик қилманглар,чунки Расулнинг талабини бажармоқлик сизларга фарздир.* Аллоҳ таоло Расулнинг сўзига парво қилмай, жамоанинг ичидан яшириниб чиқиб кетадиган гуруҳни билади. Расулнинг амрига мухолифат қилувчилар бирор фитнага мубтало бўлишдан, Худонинг қаттиқ азоби етишидан қўрқмоқлари лозим. Огоҳ бўлингларки, ердаги ва осмонлардаги ашёлар Худонинг мулкидир. Парвардигор сизларнинг қай ҳолатда бўлганларингизни ва Қиёмат кунини ҳам яхши билади. Ўзига қайтариладиган (Қиёмат) куни Худонинг олдига борганларида Аллоҳ таоло бандаларини қилган амалларидан огоҳлантиради. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билгувчи Зотдир.

Маккада нозил бўлган бу сура
етмиш етти оятдан иборатдир.

Суранинг 68, 69, 70-оятлари Мадинада тушгани ҳақида ҳам ривоят бор. **18 жузъ**
Унинг номи илк оятида келган «ал-Фурқон» сўзидан олинган. «Фурқон» ҳақни ботилдан ажратувчи маъносида бўлиб, Қуръони каримнинг номларидан биридир.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

تَبَارَكَ ٱلَّذِى نَزَّلَ ٱلْفُرْقَانَ عَلَىٰ عَبْدِهِۦ لِيَكُونَ لِلْعَٰلَمِينَ نَذِيرًا ﴿١﴾ ٱلَّذِى
لَهُۥ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَلَمْ يَتَّخِذْ وَلَدًا وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ شَرِيكٌ فِى ٱلْمُلْكِ
وَخَلَقَ كُلَّ شَىْءٍ فَقَدَّرَهُۥ تَقْدِيرًا ﴿٢﴾ وَٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِهِۦٓ ءَالِهَةً لَّا يَخْلُقُونَ
شَيْـًٔا وَهُمْ يُخْلَقُونَ وَلَا يَمْلِكُونَ لِأَنفُسِهِمْ ضَرًّا وَلَا نَفْعًا وَلَا يَمْلِكُونَ
مَوْتًا وَلَا حَيَوٰةً وَلَا نُشُورًا ﴿٣﴾

1-3. Тамом оламга етказсин ва Худонинг азобидан қўрқитсин деб, Ўз бандаси Муҳаммад (алайҳиссалом)га Қуръонни нозил қилган У Зот улуғ ва покдир. Парвардигор шундай Зотдирки, ер ва осмонларнинг подшоҳлиги унинг ҳукмидадир. У Зотнинг фарзанди ҳам йўқ, Ўзи туғилган ҳам эмас, Унинг подшоҳлигига ҳеч ким шерик ҳам эмас. Ҳар бир нарсани У яратди ва Ўз афъолига ва Ўз хислатларига муносиб қилди. Кофирлар (ўзларига) бир Аллоҳдан бошқа маъбудлар муқаррар қилдилар. Уларнинг у ботил худолари бирор нарсани халқ қилишга қодир эмас, балки ўзлари махлуқдирлар. Ўз нафслари учун бирор фойда келтиришдан ожиздирлар ва зарарни даф қилишга ҳам қодир эмаслар. Бировни ўлдиришга ёки унга ҳаёт бағишлашга ёки Қиёмат куни (қайта) тирилтиришга молик эмаслар.

وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِنْ هَٰذَآ إِلَّآ إِفْكٌ ٱفْتَرَىٰهُ وَأَعَانَهُۥ عَلَيْهِ قَوْمٌ ءَاخَرُونَ ۖ فَقَدْ
جَآءُو ظُلْمًا وَزُورًا ﴿٤﴾ وَقَالُوٓا۟ أَسَٰطِيرُ ٱلْأَوَّلِينَ ٱكْتَتَبَهَا فَهِىَ تُمْلَىٰ عَلَيْهِ

بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴿٥﴾ قُلْ أَنزَلَهُ ٱلَّذِى يَعْلَمُ ٱلسِّرَّ فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ إِنَّهُۥ
كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٦﴾

4-6. Кофирлар айтадилар: «Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг даъво қилган сўзлари, ўқиган Қуръони ҳаммаси ёлғондир. «Худодан нозил бўлди», — деб Худога туҳмат қилади. Балки ўзининг айттан (тўқиган) сўзларидир. (Уни тўқишда) бошқа қавмлар ҳам ёрдам бергандир». У гуруҳлар ёлғонлар тўқиб, ҳадларидан ошгандирлар ёки Парвардигор айтадики: «Кофирлар ҳадларидан ошиб, ўзлари туҳмат қиладилар». Кофирлар яна айтадиларки: «Бу Қуръон ўтган қавмларнинг афсоналаридир. Бу афсоналарни бошқалар ёзиб, унга эртаю кеч ўқиб берадилар». Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Эй кофирлар, бу Қуръонни осмонлардаги ва ердаги махфий ишларни биладиган Зот нозил қилди. Албатта, Парвардигор бандаларининг гуноҳларини кечиргувчи меҳрибондир»

18 жузъ

وَقَالُوا۟ مَالِ هَـٰذَا ٱلرَّسُولِ يَأْكُلُ ٱلطَّعَامَ وَيَمْشِى فِى ٱلْأَسْوَاقِ لَوْلَآ
أُنزِلَ إِلَيْهِ مَلَكٌ فَيَكُونَ مَعَهُۥ نَذِيرًا ﴿٧﴾ أَوْ يُلْقَىٰٓ إِلَيْهِ كَنزٌ أَوْ تَكُونُ لَهُۥ
جَنَّةٌ يَأْكُلُ مِنْهَا ۚ وَقَالَ ٱلظَّـٰلِمُونَ إِن تَتَّبِعُونَ إِلَّا رَجُلًا مَّسْحُورًا
﴿٨﴾ ٱنظُرْ كَيْفَ ضَرَبُوا۟ لَكَ ٱلْأَمْثَـٰلَ فَضَلُّوا۟ فَلَا يَسْتَطِيعُونَ سَبِيلًا ﴿٩﴾
تَبَارَكَ ٱلَّذِىٓ إِن شَآءَ جَعَلَ لَكَ خَيْرًا مِّن ذَٰلِكَ جَنَّـٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا
ٱلْأَنْهَـٰرُ وَيَجْعَل لَّكَ قُصُورًا ﴿١٠﴾

7-10. Кофирлар масхара қилиб айтадилар: «Бу қандай Пайғамбарки, бизларга ўхшаш таом ейди ва бозорларда юради. Нима учун унга осмондан фаришта нозил қилинмайди. Токи пайғамбарлик ишида ёрдамчи бўлар эди. Нима учун унга осмондан хазина ташланмайди. *Токи давлатли бўлар эди.* Ёки унга Худойи таоло боғ яратиб бермайди. У боғнинг меваларидан еган бўлар эди». У кофирлар мўминларга айтадилар: «Сизлар аҳмоқ бўлиб сеҳрланган, ақлдан адашган одамга эргашяпсизлар». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), қарагил, улар Сенинг ҳақиқатингга қандай мисоллар тўқиб баён қиляптилар. Балки у гумроҳларнинг ўзлари йўлдан адашгандирлар. Кўрга ўхшаб йўлни топмайдилар. Парвардигор улуғдир, агар хоҳласа, Сенга уларнинг айтганларидан ҳам зиёда, ичидан анҳорлар оқиб турадиган боғни яратиб беришга қодир. Ва у боғда баланд иморатлар (қасрлар) пайдо қилишга қудрати етади.

بَلْ كَذَّبُوا۟ بِٱلسَّاعَةِ ۖ وَأَعْتَدْنَا لِمَن كَذَّبَ بِٱلسَّاعَةِ سَعِيرًا ﴿١١﴾ إِذَا رَأَتْهُم مِّن
مَّكَانٍۭ بَعِيدٍ سَمِعُوا۟ لَهَا تَغَيُّظًا وَزَفِيرًا ﴿١٢﴾ وَإِذَآ أُلْقُوا۟ مِنْهَا مَكَانًا ضَيِّقًا مُّقَرَّنِينَ
دَعَوْا۟ هُنَالِكَ ثُبُورًا ﴿١٣﴾

11-13. (Йўқ!) Балки у кофирлар Қиёматга ишонмайдилар. Биз Қиёматга ишонмайдиганларга дўзахни муҳайё қилиб қўйганмиз. Қиёмат куни у кофирлар узоқ жойдан дўзахга рўбарў бўлганларида, дўзах тарафидан (ғазабли ва) даҳшатли овозлар эшитадилар. Вақтики, у кофирларнинг қўл ва оёқларини боғлаган ҳолда дўзахнинг тор жойига ташласалар, у жойда дод-вой солиб (ўзларига ҳалокат тилаб) бақирадилар.

لَّا تَدْعُوا۟ ٱلْيَوْمَ ثُبُورًا وَٰحِدًا وَٱدْعُوا۟ ثُبُورًا كَثِيرًا ﴿١٤﴾ قُلْ أَذَٰلِكَ خَيْرٌ أَمْ جَنَّةُ
ٱلْخُلْدِ ٱلَّتِى وُعِدَ ٱلْمُتَّقُونَ ۚ كَانَتْ لَهُمْ جَزَآءً وَمَصِيرًا ﴿١٥﴾ لَّهُمْ فِيهَا مَا 18 жузъ
يَشَآءُونَ خَٰلِدِينَ ۚ كَانَ عَلَىٰ رَبِّكَ وَعْدًا مَّسْـُٔولًا ﴿١٦﴾

14-16. Малоикалар тарафидан уларга айтилади: «Бу кун сизлар бир маротаба дод-вой демасдан, кўп марта дод-вой денглар (ҳалокат тилангглар)». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сени фақирлик билан айбловчиларга айтгил: «Бу дунёнинг боғу бўстони яхшими ёки Қиёматдаги ҳамиша (абадий) турадиган, муттақийларга ваъда қилинган жаннат яхшими? У жаннат муттақийларнинг қилган амаллари бадалига ато қилинади. Ўлгандан сўнг уларнинг борадиган жойлари ўша жаннатдир. У муттақийларга беҳиштда хоҳлаган нарсалари муҳайёдир, унда ҳамиша қоладилар. Бу марҳаматлар Парвардигор тарафидан вафо қилинадиган ваъдалардир».

وَيَوْمَ يَحْشُرُهُمْ وَمَا يَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ فَيَقُولُ ءَأَنتُمْ أَضْلَلْتُمْ عِبَادِى
هَٰٓؤُلَآءِ أَمْ هُمْ ضَلُّوا۟ ٱلسَّبِيلَ ﴿١٧﴾ قَالُوا۟ سُبْحَٰنَكَ مَا كَانَ يَنۢبَغِى لَنَآ أَن نَّتَّخِذَ
مِن دُونِكَ مِنْ أَوْلِيَآءَ وَلَٰكِن مَّتَّعْتَهُمْ وَءَابَآءَهُمْ حَتَّىٰ نَسُوا۟ ٱلذِّكْرَ وَكَانُوا۟
قَوْمًۢا بُورًا ﴿١٨﴾ فَقَدْ كَذَّبُوكُم بِمَا تَقُولُونَ فَمَا تَسْتَطِيعُونَ صَرْفًا وَلَا
نَصْرًا ۚ وَمَن يَظْلِم مِّنكُمْ نُذِقْهُ عَذَابًا كَبِيرًا ﴿١٩﴾

17-19. Қиёмат куни Аллоҳ таоло кофирларни ва Худодан бошқа ибодат қилинган бутларни жам қилади. Парвардигор бутларга хитоб қилиб айтади: «Бу бандаларимни сизлар гумроҳ қилдингизларми? Ёки ўзлари йўлдан адашдиларми?» Бутлар айтадиларки: «Эй Парвардигоро, Сен шерикдан ва ҳамма айбдан покдирсан. Сендан бошқани ўзимизга ҳоким, валий, дўст тутмоқ бизга лойиқ эмас. Аммо улар гумроҳ бўлганликларининг сабаби шуки, Сен уларга ва оталарига дунёни кўп бериб, мағрур қилдинг. Ҳатто улар Сени ёд қилишдан ғофил бўлиб қолдилар, пайғамбарларнинг панд-насиҳатларини эсларидан чиқардилар. Бу қавмнинг ўзлари ҳалок бўлгувчи эдилар». Парвардигор айтади: «Эй кофирлар, ушбу бутларингиз сизларнинг айтган сўзларингизни ёлғонга чиқардилар. Сизлар бутларни Менга шерик қилган эдингизлар. Энди бу бутлар сизлардан Худонинг азобини қайтара олмайди, сизларга ёрдам ҳам беролмайди. Сизлардан ҳар кимки ширк қилган бўлса, бу кун уни қаттиқ азобга мубтало қиламиз».

وَمَآ أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ مِنَ ٱلْمُرْسَلِينَ إِلَّآ إِنَّهُمْ لَيَأْكُلُونَ ٱلطَّعَامَ وَيَمْشُونَ فِي
ٱلْأَسْوَاقِ ۗ وَجَعَلْنَا بَعْضَكُمْ لِبَعْضٍ فِتْنَةً أَتَصْبِرُونَ ۗ وَكَانَ رَبُّكَ بَصِيرًا ﴿٢٠﴾

20. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан муқаддам қайси бир пайғамбарни юборган бўлсак, у пайғамбарлар ҳам бошқа одамларга ўхшаб, (таом) ер эдилар, ичар эдилар ва бозорларда юрар эдилар. Бу афъоллар пайғамбарларга хилоф эмасдир. Биз баъзиларингизни баъзиларингизга фитна (синов)га сабаб қилдик: *фақирлар бойларга; пайғамбарлар умматларга; касаллар тандурустларга. Бу дунё одамлар учун синовдир. Бойлар фақирларни кўриб, соғлар касалларни кўриб, шукр қилишлари керак.* Оё, сизлар ҳар бир ибтило (синов, имтиҳон)га сабр қиласизларми ё йўқми? Аллоҳ таоло сизларнинг ҳолларингизни кўрувчидир. *Сабр қилувчиларга ажр беради.*

19 жузъ

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЖУЗЪ

۞ وَقَالَ ٱلَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَآءَنَا لَوْلَآ أُنزِلَ عَلَيْنَا ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ أَوْ نَرَىٰ رَبَّنَا ۗ لَقَدِ
ٱسْتَكْبَرُوا۟ فِىٓ أَنفُسِهِمْ وَعَتَوْ عُتُوًّا كَبِيرًا ﴿٢١﴾ يَوْمَ يَرَوْنَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةَ لَا بُشْرَىٰ
يَوْمَئِذٍ لِّلْمُجْرِمِينَ وَيَقُولُونَ حِجْرًا مَّحْجُورًا ﴿٢٢﴾ وَقَدِمْنَآ إِلَىٰ مَا عَمِلُوا۟ مِنْ
عَمَلٍ فَجَعَلْنَٰهُ هَبَآءً مَّنثُورًا ﴿٢٣﴾

21-23. Қиёматнинг бўлишини ва Бизга рўбарў бўлишларини инкор қиладиган у кофир гуруҳлар: «Нима учун бизларга фариштaларнинг ўзлари келиб хабар бермайдилар. Нега биз Худонинг Ўзини кўрмаймиз?», – деб айтадилар. Улар ўзларича ўзларини ниҳоятда улуғ ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳадду ҳисобсиз даражада саркашлик қиладилар. Қиёмат куни малоикаларни кўрсалар, у кун кофирлар учун хурсанд бўладиган ҳол бўлмайди. Балки: «Бизни шу малоикалар кўриб қолишидан Худо сақласа эди», – деб уларни кўришга тоқатлари бўлмайди. Фариштaлар уларга: «Яхши хушхабарлар сизларга ҳаром»,* – деб айтишади. Қиёмат куни уларнинг қилган амалларига мутаважжиҳ бўламиз (юзланамиз) ва ҳамма амалларини ботил қиламиз. Гард ва ғубор каби ҳавога учириб юборамиз.

أَصْحَٰبُ ٱلْجَنَّةِ يَوْمَئِذٍ خَيْرٌ مُّسْتَقَرًّا وَأَحْسَنُ مَقِيلًا ﴿٢٤﴾ وَيَوْمَ تَشَقَّقُ ٱلسَّمَآءُ
بِٱلْغَمَٰمِ وَنُزِّلَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ تَنزِيلًا ﴿٢٥﴾ ٱلْمُلْكُ يَوْمَئِذٍ ٱلْحَقُّ لِلرَّحْمَٰنِ ۚ وَكَانَ يَوْمًا
عَلَى ٱلْكَٰفِرِينَ عَسِيرًا ﴿٢٦﴾ وَيَوْمَ يَعَضُّ ٱلظَّالِمُ عَلَىٰ يَدَيْهِ يَقُولُ يَٰلَيْتَنِى ٱتَّخَذْتُ
مَعَ ٱلرَّسُولِ سَبِيلًا ﴿٢٧﴾ يَٰوَيْلَتَىٰ لَيْتَنِى لَمْ أَتَّخِذْ فُلَانًا خَلِيلًا ﴿٢٨﴾ لَّقَدْ أَضَلَّنِى

مَعَ ٱلرَّسُولِ سَبِيلاً ﴿٢٧﴾ يَـٰوَيْلَتَىٰ لَيْتَنِى لَمْ أَتَّخِذْ فُلَانًا خَلِيلاً ﴿٢٨﴾ لَّقَدْ أَضَلَّنِى
عَنِ ٱلذِّكْرِ بَعْدَ إِذْ جَآءَنِى ۗ وَكَانَ ٱلشَّيْطَـٰنُ لِلْإِنسَـٰنِ خَذُولاً ﴿٢٩﴾ وَقَالَ
ٱلرَّسُولُ يَـٰرَبِّ إِنَّ قَوْمِى ٱتَّخَذُوا۟ هَـٰذَا ٱلْقُرْءَانَ مَهْجُورًا ﴿٣٠﴾

24-30. Қиёмат куни Аллоҳнинг фазлу марҳамати билан аҳли жаннатнинг қарор топган жойлари, истироҳатлари яхши бўлади. Ўша Қиёмат куни осмон булутлар билан пора-пора бўлади. Малоикалар ер юзига туширилади. У кунда ҳақиқий подшоҳлик Худоникидир. У кун кофирлар учун оғир (кун) бўлади. Ўша кунда золимлар ҳасрат ва надомат билан қўлларини (бармоқларини) тишлаб, айтадиларки: «Кошки мен у дунёда Расулнинг айтганларини бажо келтириб, кўрсатган йўлидан юрган бўлсам эди. Энди менинг ҳолимга вой! Кошки фалон гумроҳ билан дўстлик қилмасам бўлар эди. У мени Худони ёд этишдан ва Расулининг бизларга олиб келган (етказган) пандларидан ғофил қилди». У кунда шайтон инсонни (ёрдамчисиз) танҳо ташлаб кетади. Унга ҳеч қандай ёрдам берилмайди. Қиёмат куни Муҳаммад (алайҳиссалом) айтади: «Эй Парвардигоро, албатта, менинг қавмим Қуръонни тарк этиб, ҳукмларига амал қилмадилар». 19 жузъ

وَكَذَٰلِكَ جَعَلْنَا لِكُلِّ نَبِىٍّ عَدُوًّا مِّنَ ٱلْمُجْرِمِينَ ۗ وَكَفَىٰ بِرَبِّكَ هَادِيًا وَنَصِيرًا ﴿٣١﴾
وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَوْلَا نُزِّلَ عَلَيْهِ ٱلْقُرْءَانُ جُمْلَةً وَٰحِدَةً ۚ كَذَٰلِكَ لِنُثَبِّتَ بِهِۦ
فُؤَادَكَ ۖ وَرَتَّلْنَـٰهُ تَرْتِيلاً ﴿٣٢﴾

31-32. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирлар Сенга душман бўлганидек, ҳар бир пайғамбарга ҳам жиноятчи кофирлардан душманлар яратдим. *У набийлар кофирларнинг азиятларига сабр қилдилар. Сен ҳам сабр қил.* Сенга йўл кўрсатиш ва ёрдам бериш учун Парвардигорнинг ўзи етарли ва кифоя қилгувчидир. Кофирлар айтадилар: «Нега Қуръон унга Тавротга ўхшаб бирдан нозил бўлмади, оятлар (кетма-кет) алоҳида-алоҳида ҳолда нозил бўлди?» Биз унинг воситасида қалбингни собит ва мустаҳкам қилиш учун шундай қилдик ва уни дона-дона қироат қилдик. *Оятлар парча-парча ҳолда нозил бўлганининг фойдаси кўпдир. Биринчиси шуки, ҳар бир оят нозил бўлганида дилингга нақш боғлаб, қалбингга қувват бағишлайди. Иккинчиси шуки, ёд олиш осон бўлади. Учинчиси шуки, умматинг шавқ билан қабул қилади. Тўртинчиси шуки, Жаброилнинг воситаси билан оят-оят қилиб қироат қиламиз. Дилингга тезлик билан жойлашади.*

وَلَا يَأْتُونَكَ بِمَثَلٍ إِلَّا جِئْنَـٰكَ بِٱلْحَقِّ وَأَحْسَنَ تَفْسِيرًا ﴿٣٣﴾ ٱلَّذِينَ يُحْشَرُونَ
عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ إِلَىٰ جَهَنَّمَ أُو۟لَـٰٓئِكَ شَرٌّ مَّكَانًا وَأَضَلُّ سَبِيلاً ﴿٣٤﴾

33-34. Кофирлар Сенинг шаънингга ва динингга эътироз қилиб, масал олиб келсалар, Биз ҳужжат билан батафсил жавобини қайтарамиз,

равшан ва очиқ баён қилиб берамиз. Мушриклар Маҳшаргоҳда жаҳаннам тарафига юзлари билан (юзтубан) ҳолда судраб олиб борилади. Уларнинг етадиган жойлари кўп ёмондир, чунки уларнинг у дунёда юрган йўллари кўп ёмон эди. Улар йўлдан адашган гумроҳлар эдилар.

وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ وَجَعَلْنَا مَعَهُۥٓ أَخَاهُ هَٰرُونَ وَزِيرًا ﴿٣٥﴾

فَقُلْنَا ٱذْهَبَآ إِلَى ٱلْقَوْمِ ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا فَدَمَّرْنَٰهُمْ تَدْمِيرًا ﴿٣٦﴾

19 жузъ

35-36. (Батаҳқиқ). Биз Мусо (алайҳиссалом)га Тавpот китобини бердик. Фиръавн ҳалок бўлганидан кейин Мусонинг биродари Ҳорунни Мусога ёрдам бериш учун Пайғамбар (вазир) қилиб юбордик. Икковларига айтдикки: «Боринглар, менинг оятларимни ёлғонга чиқарган у кофир гуруҳларни динга даъват қилинглар». Мусо (алайҳиссалом) ўз биродари билан (уларни) ҳарчанд динга даъват қилдилар, у кофирлар саркашлик қилиб, қабул этмадилар. Биз (уларнинг) ҳаммасини ҳалок қилдик.

وَقَوْمَ نُوحٍ لَّمَّا كَذَّبُوا۟ ٱلرُّسُلَ أَغْرَقْنَٰهُمْ وَجَعَلْنَٰهُمْ لِلنَّاسِ ءَايَةً ۖ وَأَعْتَدْنَا
لِلظَّٰلِمِينَ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿٣٧﴾ وَعَادًا وَثَمُودَا۟ وَأَصْحَٰبَ ٱلرَّسِّ وَقُرُونًۢا بَيْنَ
ذَٰلِكَ كَثِيرًا ﴿٣٨﴾ وَكُلًّا ضَرَبْنَا لَهُ ٱلْأَمْثَٰلَ ۖ وَكُلًّا تَبَّرْنَا تَتْبِيرًا ﴿٣٩﴾ وَلَقَدْ
أَتَوْا۟ عَلَى ٱلْقَرْيَةِ ٱلَّتِىٓ أُمْطِرَتْ مَطَرَ ٱلسَّوْءِ ۚ أَفَلَمْ يَكُونُوا۟ يَرَوْنَهَا ۚ بَلْ كَانُوا۟ لَا
يَرْجُونَ نُشُورًا ﴿٤٠﴾

37-40. Ва (Ҳазрати) Нуҳ қавми ҳам ўтган пайғамбарларни ёлғончига чиқарганлари учун ҳаммаларини тўфон селига ғарқ қилиб, нобуд айладик. Кейин келадиган бандалар учун уларнинг ҳалокатини ибратга сабаб қилдик. Ва Биз золимларга аламли азобларни муқаррар қилиб қўйдик. Ва Од ва Самуд қавмларини ҳалок қилдик. Ва Расса деган қудуқнинг атрофида яшовчи кофирларни ҳамда уларнинг ораларида яшаб ўтган кўп кофирлар гуруҳини қириб ташладик. Ибрат учун ҳаммаларининг достонларини баён қилдик. Кимки Пайғамбарларни инкор қиладиган бўлса, уларни нест-нобуд айладик. Қурайш халқи тижорат қилган вақтларида Биз осмондан тош ёғдириб халқини ҳалок қилган қишлоқлардан ўтиб, уларни кўрмадиларми? (Йўқ!) У кофирлар Қиёматда қайта тирилишга мункирдирлар. *Шунинг учун ҳам панд-насиҳат олмайдилар.*

وَإِذَا رَأَوْكَ إِن يَتَّخِذُونَكَ إِلَّا هُزُوًا أَهَٰذَا ٱلَّذِى بَعَثَ ٱللَّهُ رَسُولًا ﴿٤١﴾ إِن كَادَ
لَيُضِلُّنَا عَنْ ءَالِهَتِنَا لَوْلَآ أَن صَبَرْنَا عَلَيْهَا ۚ وَسَوْفَ يَعْلَمُونَ حِينَ يَرَوْنَ
ٱلْعَذَابَ مَنْ أَضَلُّ سَبِيلًا ﴿٤٢﴾ أَرَءَيْتَ مَنِ ٱتَّخَذَ إِلَٰهَهُۥ هَوَىٰهُ أَفَأَنتَ تَكُونُ عَلَيْهِ
وَكِيلًا ﴿٤٣﴾ أَمْ تَحْسَبُ أَنَّ أَكْثَرَهُمْ يَسْمَعُونَ أَوْ يَعْقِلُونَ ۚ إِنْ هُمْ إِلَّا

كَٱلْأَنْعَٰمِ ۖ بَلْ هُمْ أَضَلُّ سَبِيلًا ﴿٤٤﴾

41-44. Макка мушриклари Сени кўрган вақтларида масхара қилиб, айтадилар: «Худо шуни Пайғамбар қилиб юбордими? Бундан бошқани топмадими? Агар маҳкам туриб сабр қилмаганимизда, албатта, бу бизни ўз динимиздан адаштириб, бутларимиздан бегона қилаёзган бўлар эди-я?». Яқинда Худонинг азобини кўрганларида ким йўлдан адашган, гумроҳ эканлигини биладилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худонинг тоатини тарк этиб, ўз хоҳишларича итоат қилувчиларни кўрдингми? Энди Сен уларга
вакил бўлиб, залолат йўлидан қайтара оласанми? Ёки Сен у кофирларнинг 19 жузъ
кўпларини панд-насиҳат эшитади ё ақл-идрокини ишлатади, деб гумон қиласанми? Улар одам эмас, балки тўрт оёқли жониворлардан (ҳайвондан) ҳам баттардирлар.

أَلَمْ تَرَ إِلَىٰ رَبِّكَ كَيْفَ مَدَّ ٱلظِّلَّ وَلَوْ شَآءَ لَجَعَلَهُۥ سَاكِنًا ثُمَّ جَعَلْنَا ٱلشَّمْسَ
عَلَيْهِ دَلِيلًا ﴿٤٥﴾ ثُمَّ قَبَضْنَٰهُ إِلَيْنَا قَبْضًا يَسِيرًا ﴿٤٦﴾ وَهُوَ ٱلَّذِى جَعَلَ لَكُمُ ٱلَّيْلَ
لِبَاسًا وَٱلنَّوْمَ سُبَاتًا وَجَعَلَ ٱلنَّهَارَ نُشُورًا ﴿٤٧﴾

45-47. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Парвардигорингнинг қудратига боқмайсанми? Ер юзида сояни қандай пайдо қилиб, ҳаракатга солди. Агар Парвардигор хоҳласайди, уни бир ерда тўхтатиб қўйган бўлар эди. Сўнгра Биз офтобни соянинг мавжудлигига далил қилдик, сўнгра қуёшнинг ҳаракати билан сояни кам-кам (Ўзимизга тортиб) йўқ қиламиз. *Яъни, соянинг ўрнини қуёшнинг нури (эгаллаб) олади.* Парвардигор шундай Зотдирки, сизларнинг роҳатларингиз учун кечани яратди. Сизларнинг устларингизни чодирга ўхшатиб ёпди. Аллоҳ таоло сизларнинг истироҳатларингиз учун уйқуни яратди. Ҳар тарафга тарқалиб меҳнат қилишларинг учун кундузни пайдо қилди.

وَهُوَ ٱلَّذِىٓ أَرْسَلَ ٱلرِّيَٰحَ بُشْرًۢا بَيْنَ يَدَىْ رَحْمَتِهِۦ ۚ وَأَنزَلْنَا مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً
طَهُورًا ﴿٤٨﴾ لِّنُحْـِۧىَ بِهِۦ بَلْدَةً مَّيْتًا وَنُسْقِيَهُۥ مِمَّا خَلَقْنَآ أَنْعَٰمًا وَأَنَاسِىَّ كَثِيرًا
﴿٤٩﴾ وَلَقَدْ صَرَّفْنَٰهُ بَيْنَهُمْ لِيَذَّكَّرُوا۟ فَأَبَىٰٓ أَكْثَرُ ٱلنَّاسِ إِلَّا كُفُورًا ﴿٥٠﴾

48-50. Аллоҳ таоло шундай Зотдирки, шамолни яратди. (У) сизларга Ўзининг раҳмати – ёмғирдан хушхабар беради. Биз (қақраб) қуриб ётган ерларга (масканларга) ҳаёт бағишладик ва махлуқларимизни – ҳайвонот ва одамларни сероб қилиш учун осмондан тоза (пок) сув туширдик. Биз ранго-ранг қудратларимизни бандаларнинг ўрталарида кўрсатамиз, токи улар панду насиҳат олсинлар. Лекин уларнинг кўплари ибо қилиб (кибр билан) кофирлик қиладилар.

وَلَوْ شِئْنَا لَبَعَثْنَا فِى كُلِّ قَرْيَةٍ نَّذِيرًا ﴿٥١﴾ فَلَا تُطِعِ ٱلْكَٰفِرِينَ وَجَٰهِدْهُم

بِهِۦ جِهَادًا كَبِيرًا ﴿٥٢﴾ ۞ وَهُوَ ٱلَّذِى مَرَجَ ٱلْبَحْرَيْنِ هَٰذَا عَذْبٌ فُرَاتٌ وَهَٰذَا
مِلْحٌ أُجَاجٌ وَجَعَلَ بَيْنَهُمَا بَرْزَخًا وَحِجْرًا مَّحْجُورًا ﴿٥٣﴾ وَهُوَ ٱلَّذِى خَلَقَ مِنَ
ٱلْمَآءِ بَشَرًا فَجَعَلَهُۥ نَسَبًا وَصِهْرًا ۗ وَكَانَ رَبُّكَ قَدِيرًا ﴿٥٤﴾

51-54. Агар Биз хоҳласак, ҳар бир қишлоқ (шаҳар)га Аллоҳнинг ҳук-
мини етказадиган бир Пайғамбар юборар эдик. *Лекин, эй Муҳаммад,*
Сени тамоми миллат (бутун инсоният) учун Пайғамбар қилиб юбор-
19 жузъ *дик. Қиёматгача Сендан бошқа пайғамбар келмайди.* Шундай бўлгач, ко-
фирларнинг сўзларига асло итоат этма. Улар билан (Қуръон орқали)
қаттиқ муқобала (мунозара) қил. Парвардигор шундай Зотдирки, икки
дарё (денгиз)ни бир-бирига аралаштириб (оқизиб қўйди). Бирининг суви
ширин ва бошқасининг суви шўр эди. Ҳар икки дарё (денгизнинг) ўрта-
сида бир-бирига аралашишдан тўсиб турадиган восита (парда, тўсиқ)
муқаррар қилди. Сўнгра ҳар икки дарё бир-биридан жудо бўлиб, ширин
сув ўз йўлига, аччиғи (шўри) ҳам ўз йўлига жорий (равон) бўлди. Пар-
вардигор шундай Зотдирки, бир қатра сувдан инсонни халқ қилди. Бас,
уларни икки қисм қилиб, бир қисмини (насл жиҳатдан) никоҳини нораво
ва иккинчи қисмини (қуда-андачилик сабабидан) раво қилди. Парварди-
горинг ҳар бир нарсага қодир Зотдир.

وَيَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَا لَا يَنفَعُهُمْ وَلَا يَضُرُّهُمْ ۗ وَكَانَ ٱلْكَافِرُ عَلَىٰ رَبِّهِۦ
ظَهِيرًا ﴿٥٥﴾ وَمَآ أَرْسَلْنَٰكَ إِلَّا مُبَشِّرًا وَنَذِيرًا ﴿٥٦﴾ قُلْ مَآ أَسْـَٔلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ
إِلَّا مَن شَآءَ أَن يَتَّخِذَ إِلَىٰ رَبِّهِۦ سَبِيلًا ﴿٥٧﴾ وَتَوَكَّلْ عَلَى ٱلْحَىِّ ٱلَّذِى لَا
يَمُوتُ وَسَبِّحْ بِحَمْدِهِۦ ۚ وَكَفَىٰ بِهِۦ بِذُنُوبِ عِبَادِهِۦ خَبِيرًا ﴿٥٨﴾ ٱلَّذِى خَلَقَ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا فِى سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ ٱسْتَوَىٰ عَلَى ٱلْعَرْشِ ۚ
ٱلرَّحْمَٰنُ فَسْـَٔلْ بِهِۦ خَبِيرًا ﴿٥٩﴾

55-59. Кофирлар Худодан бошқа қўлларидан бирор фойда ҳам, зарар ҳам келмайдиган бутларга ибодат қиладилар. Кофирлар Худога итоатсизлик қилишда шайтоннинг ёрдамига суянадилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз Сени Худонинг раҳматидан мўминларга башорат берувчи, кофирларни Унинг азобидан қўрқитувчи қилиб юбордик. Кофирларга айтгилки: «Пайғамбарлик даъватимга сизлардан ужрат (ҳақ) сўрамайман. Фақат сизлардан Худо томонга йўл олишларингизни сўрайман».

Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ҳар бир ишингда ўлмайдиган ва ҳамиша боқий Парвардигорга таваккул қил. Парвардигорга доимо ҳамду сано айтиб, поклаб ёд эт. Чунки ҳар бир банданинг гуноҳларини билишга Парвардигорнинг илми етарлидир. Парвардигор шундай Зотдирки, осмонни ва ерни ва улар ўртасидаги нарсаларни олти кунда халқ

қилди, сўнгра Арш тарафига мутаважжиҳ бўлди. Ўзинг билмаган нарсани доно Зотдан сўрагил.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ ٱسْجُدُوا۟ لِلرَّحْمَٰنِ قَالُوا۟ وَمَا ٱلرَّحْمَٰنُ أَنَسْجُدُ لِمَا تَأْمُرُنَا وَزَادَهُمْ
نُفُورًا ۩ ﴿٦٠﴾

60. Вақтики, кофирларга: «Раҳмонга сажда қилинглар», — деб айтилса, жавоб берадиларки: «Раҳмон ким? Ундай исмли зотни биз билмаймиз. Биз Сен амр қилган зотга сажда қилаверамизми? *Ҳаргиз сажда қилмаймиз*». Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг амрлари (даъватлари) уларнинг нафратла- 19 жузъ
рини янада зиёда қилди. **(Ушбу оят сажда оятидир).**

تَبَارَكَ ٱلَّذِى جَعَلَ فِى ٱلسَّمَآءِ بُرُوجًا وَجَعَلَ فِيهَا سِرَٰجًا وَقَمَرًا مُّنِيرًا ﴿٦١﴾ وَهُوَ
ٱلَّذِى جَعَلَ ٱلَّيْلَ وَٱلنَّهَارَ خِلْفَةً لِّمَنْ أَرَادَ أَن يَذَّكَّرَ أَوْ أَرَادَ شُكُورًا ﴿٦٢﴾
وَعِبَادُ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلَّذِينَ يَمْشُونَ عَلَى ٱلْأَرْضِ هَوْنًا وَإِذَا خَاطَبَهُمُ
ٱلْجَٰهِلُونَ قَالُوا۟ سَلَٰمًا ﴿٦٣﴾

61-63. Осмондаги буржларни, яна осмонда чироққа ўхшаш офтобни ва мунаввар ойни яратган Парвардигор улуғ ва баракотли Зотдир. Яна У ибрат олишни ва шукр қилишни истаганларга кеча ва кундузни бирин-кетин ҳаракат қиладиган ҳолда халқ қилган Зотдир. Бу — ажойиб панд ва насиҳатдир. Парвардигорнинг шундай бандалари борки, ер юзида тавозе билан юрадилар. Вақтики, нодонлар уларга адабсизлик билан хитоб қилганларида: «Сизларга саломатлик бўлсин», — деб кетадилар, (беҳуда сўз айтмайдилар).

وَٱلَّذِينَ يَبِيتُونَ لِرَبِّهِمْ سُجَّدًا وَقِيَٰمًا ﴿٦٤﴾ وَٱلَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا ٱصْرِفْ
عَنَّا عَذَابَ جَهَنَّمَ إِنَّ عَذَابَهَا كَانَ غَرَامًا ﴿٦٥﴾ إِنَّهَا سَآءَتْ مُسْتَقَرًّا وَمُقَامًا
﴿٦٦﴾ وَٱلَّذِينَ إِذَآ أَنفَقُوا۟ لَمْ يُسْرِفُوا۟ وَلَمْ يَقْتُرُوا۟ وَكَانَ بَيْنَ ذَٰلِكَ قَوَامًا ﴿٦٧﴾

64-67. Парвардигорнинг шундай бандалари борки, тунни гоҳ сажда қилган ҳолда, гоҳ тик турган ҳолда Парвардигорга ибодат қилиб ўтказадилар. У зотлар дуо қилиб айтадиларки: «Эй Парвардигоро, бизлардан жаҳаннам азобини қайтаргил, чунки дўзах азоби тугамас ва доимийдир. Ва дўзах энг ёмон қароргоҳ ва мақомдир (жойдир)». У зотлар Худонинг йўлида эҳсон қилсалар, исрофгар ҳам бўлмайдилар, бахиллик ва хасислик ҳам қилмайдилар, балки ўртамиёна эҳсон қиладилар.

وَٱلَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا ءَاخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ ٱلنَّفْسَ ٱلَّتِى حَرَّمَ ٱللَّهُ إِلَّا
بِٱلْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ ۚ وَمَن يَفْعَلْ ذَٰلِكَ يَلْقَ أَثَامًا ﴿٦٨﴾ يُضَٰعَفْ لَهُ ٱلْعَذَابُ يَوْمَ
ٱلْقِيَٰمَةِ وَيَخْلُدْ فِيهِۦ مُهَانًا ﴿٦٩﴾ إِلَّا مَن تَابَ وَءَامَنَ وَعَمِلَ عَمَلًا صَٰلِحًا

فَأُوْلَٰٓئِكَ يُبَدِّلُ ٱللَّهُ سَيِّـَٔاتِهِمْ حَسَنَٰتٍ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٧٠﴾ وَمَن
تَابَ وَعَمِلَ صَٰلِحًا فَإِنَّهُۥ يَتُوبُ إِلَى ٱللَّهِ مَتَابًا ﴿٧١﴾

19 жузъ

68-71. Улар ибодатларида (ва илтижоларида) Худога шерик қилмайдилар, Худо ўлдиришни ҳаром этган бандаларни ноҳақ қатл қилмайдилар. Магар қасос (ҳукми) билан (қатл қиладилар). Ва зино ҳам қилмайдилар. Ҳар кимки ушбу гуноҳи кабираларни қилар экан, оғир уқубатга мубтало бўлади. Қиёмат куни (унга) икки баробар азоб берилади. Хорлик билан дўзахда ҳамиша (абадий) қолади. Магар ким ширкдан тавба қилса ва иймон келтирса ва яхши амал қилса, бас, Аллоҳ таоло ўшаларнинг гуноҳларини афв этиб, ўрнига савоб ёзади. Аллоҳ таоло тавба қилувчиларнинг гуноҳларини кечирувчи ва меҳрибондир. Кимки гуноҳларига тавба келтирса ва солиҳ амаллар қилса, бас, у банда ҳақиқатда Худо тарафига ружу қилибди (қайтибди) ва ҳидоят топибди.

وَٱلَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ ٱلزُّورَ وَإِذَا مَرُّوا۟ بِٱللَّغْوِ مَرُّوا۟ كِرَامًا ﴿٧٢﴾ وَٱلَّذِينَ
إِذَا ذُكِّرُوا۟ بِـَٔايَٰتِ رَبِّهِمْ لَمْ يَخِرُّوا۟ عَلَيْهَا صُمًّا وَعُمْيَانًا ﴿٧٣﴾ وَٱلَّذِينَ يَقُولُونَ
رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَٰجِنَا وَذُرِّيَّٰتِنَا قُرَّةَ أَعْيُنٍ وَٱجْعَلْنَا لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا ﴿٧٤﴾

72-74. У (ҳидоят топган) кишилар ёлғондан гувоҳлик бермайдилар, беҳуда ишлар қилувчиларнинг қошларидан (ёнларидан) ўтсалар, уларга аралашмайдилар, балки (ўзларини сақлаган ҳолда) покизалик билан ўтадилар. Уларга Қуръондан панд-насиҳат қилинса, ўзларини гунг ва кўрликка солмасдан, жону дил билан эшитадилар. У жамоалар Худога дуо қилиб айтадиларки: «Парвардигоро, бизларга хотинларимиздан, зурриётларимиздан кўзимизни равшан қиладиган солиҳ фарзандлар ато эт, бизларни муттақийларга пешво қилгил».

أُوْلَٰٓئِكَ يُجْزَوْنَ ٱلْغُرْفَةَ بِمَا صَبَرُوا۟ وَيُلَقَّوْنَ فِيهَا تَحِيَّةً وَسَلَٰمًا ﴿٧٥﴾
خَٰلِدِينَ فِيهَا ۚ حَسُنَتْ مُسْتَقَرًّا وَمُقَامًا ﴿٧٦﴾ قُلْ مَا يَعْبَؤُا۟ بِكُمْ رَبِّى لَوْلَا
دُعَآؤُكُمْ ۖ فَقَدْ كَذَّبْتُمْ فَسَوْفَ يَكُونُ لِزَامًۢا ﴿٧٧﴾

75-77. Ана ўшалар Қиёмат куни бу дунёдаги азиятларга сабр қилганлари учун (уларга) жаннатнинг олий жойларидан жой берилади. Малоикалар тарафидан жаннатда уларга таҳийят ва салом берилади. Улар ҳамиша жаннатда бўладилар. Ором оладиган жойлари (қароргоҳ, манзиллари) ниҳоятда яхшидир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у кофирларга айтгил: «У дунёда сизларнинг Парвардигорга ёлвориб қилган дуоларингиз бўлмаганида эди, Парвардигорим сизларга ҳеч парво қилмаган бўлар эди. Энди Қиёматда қандай парво қилсинки, сизлар Худонинг каломини таксиб қилдингизлар (ёлғон дедингизлар). Энди (албатта) сизларга бунинг жазоси лозимдир».

Маккада нозил бўлган бу сура
икки юз йигирма етти оятдан иборатдир.

Суранинг 224, 225, 226, 227-оятлари Мадинада нозил бўлган. «Шуаро» шоирлар деганидир. 224-оятида шоирлар ҳақида сўз юритилгани боис шундай номланган. Ислом душманларининг (мухолифларининг) Қуръонга қарши илгари сурган иддаоларидан бири - «бу Қуръон бирор шоир томонидан тўқилган» деган бўҳтонларидир. Бироқ Қуръон Ҳазрати Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ва илгари ўтган пайғамбарлар халқларни Ҳақ йўлига даъват этишда таблиғ ва илоҳий асосга таянганликларини ҳамда Қуръоннинг бирор инсон зоти томонидан тўқилмаганини исбот этиб, бу иддаоларини рад қилади ва батамом йўққа чиқаради. 19 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

طسٓمٓ ﴿١﴾ تِلْكَ ءَايَٰتُ ٱلْكِتَٰبِ ٱلْمُبِينِ ﴿٢﴾ لَعَلَّكَ بَٰخِعٌ نَّفْسَكَ أَلَّا يَكُونُوا۟
مُؤْمِنِينَ ﴿٣﴾ إِن نَّشَأْ نُنَزِّلْ عَلَيْهِم مِّنَ ٱلسَّمَآءِ ءَايَةً فَظَلَّتْ أَعْنَٰقُهُمْ لَهَا خَٰضِعِينَ
﴿٤﴾ وَمَا يَأْتِيهِم مِّن ذِكْرٍ مِّنَ ٱلرَّحْمَٰنِ مُحْدَثٍ إِلَّا كَانُوا۟ عَنْهُ مُعْرِضِينَ ﴿٥﴾ فَقَدْ
كَذَّبُوا۟ فَسَيَأْتِيهِمْ أَنۢبَٰٓؤُا۟ مَا كَانُوا۟ بِهِۦ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٦﴾

1-6. То. Сийн. Мийм. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Бу сура ҳалол ва ҳаромни баён қилувчи Қуръон оятларидир. Кофирларнинг иймон келтирмаганликлари сабабидан ғамгин бўлиб, ўз нафсингни ҳалок қилгувчимисан? Агар Биз хоҳласак, осмондан кофирларга шундай аломат (мўъжиза)ларни нозил қиламизки, у ҳолда кофирлар интиҳо даража (ғоят улкан) қўрқинчдан бўйинлари ночор эгилиб, иложсиз итоат этиб қоладилар. Улар Парвардигор тарафидан янги-янги ибрат бўладиган оятлар келса-да, улардан юз ўгириб, тасдиқ қилмайдилар, балки таксиб қиладилар (ёлғонга чиқарадилар). *Яқинда улар масхара қилган Ислом динини тасдиқловчи далиллар келади.*

أَوَلَمْ يَرَوْا۟ إِلَى ٱلْأَرْضِ كَمْ أَنۢبَتْنَا فِيهَا مِن كُلِّ زَوْجٍ كَرِيمٍ ﴿٧﴾ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَةً وَمَا
كَانَ أَكْثَرُهُم مُّؤْمِنِينَ ﴿٨﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٩﴾

7-9. Бу кофирлар Парвардигорнинг қудратини мушоҳада қилиш учун ер юзига назар қилмайдиларми? Биз ер юзида инсон учун ҳар бир нав гиёҳдан азиз неъматлардан кўпини кўкартириб қўйдик. Бу коинотда Худонинг қудратини кўрсатадиган нишона (белги)лар бордир. Лекин аксар кофирлар ишонмайдилар (иймон келтирмайдилар). Албатта, Парвардигоринг ҳар бир нарсадан ғолиб ва меҳрибондир.

وَإِذْ نَادَىٰ رَبُّكَ مُوسَىٰٓ أَنِ ٱئْتِ ٱلْقَوْمَ ٱلظَّـٰلِمِينَ ﴿١٠﴾ قَوْمَ فِرْعَوْنَ ۚ أَلَا يَتَّقُونَ

19 жузъ ﴿١١﴾ قَالَ رَبِّ إِنِّىٓ أَخَافُ أَن يُكَذِّبُونِ ﴿١٢﴾ وَيَضِيقُ صَدْرِى وَلَا يَنطَلِقُ لِسَانِى

فَأَرْسِلْ إِلَىٰ هَـٰرُونَ ﴿١٣﴾ وَلَهُمْ عَلَىَّ ذَنۢبٌ فَأَخَافُ أَن يَقْتُلُونِ ﴿١٤﴾

10-14. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ёд қил (эсла), Парвардигоринг Мусо (алайҳиссалом)га нидо қилиб айтди: «Мен Сени пайғамбар қилдим. Фиръавннинг золим қавмига бориб уларга айтгил: «Парвардигорнинг азобидан қўрқсинлар». Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Эй Парвардигор, кофирлар Мени ёлғончи қилишларидан қўрқаман. Шу сабабдан дилтанг бўларман. Тилим ҳам фасоҳат билан гапиришга қодир эмас. Биродарим Ҳорунни ҳам пайғамбарликда менга шерик қилгил. У кофирларнинг наздида мен гуноҳкорман. *Бир қибтийни қатл қилганман.* Шу сабабдан мени ўлдириб қўйишларидан қўрқаман».

قَالَ كَلَّا ۖ فَٱذْهَبَا بِـَٔايَـٰتِنَآ ۖ إِنَّا مَعَكُم مُّسْتَمِعُونَ ﴿١٥﴾ فَأْتِيَا فِرْعَوْنَ فَقُولَآ إِنَّا

رَسُولُ رَبِّ ٱلْعَـٰلَمِينَ ﴿١٦﴾ أَنْ أَرْسِلْ مَعَنَا بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ﴿١٧﴾

15-17. Парвардигор айтди: «Ҳаргиз ундай қилолмайдилар. Мен Сенга пайғамбарлигингни тасдиқ қилувчи мўъжизалар ато қилдим. Икковларингиз Фиръавннинг олдига шу мўъжизалар билан боринглар. Фиръавн билан сўзлашгил. У қандай жавоб берса, Мен ҳам сизлар билан бирга унинг сўзини эшитгувчидирман». Фиръавннинг олдига икковларинг бориб айтингларки: «Бизлар Парвардигори оламнинг сенга юборган пайғамбарларидирмиз, *биринчи сўзимиз (талабимиз) шуки, Парвардигорга иймон келтир, иккинчи сўзимиз (талабимиз) шуки,* Бани Исроил қавмини бизга топшир (яъни биз билан ўз юртларига қўшиб юбор)».

قَالَ أَلَمْ نُرَبِّكَ فِينَا وَلِيدًا وَلَبِثْتَ فِينَا مِنْ عُمُرِكَ سِنِينَ ﴿١٨﴾ وَفَعَلْتَ فَعْلَتَكَ ٱلَّتِى

فَعَلْتَ وَأَنتَ مِنَ ٱلْكَـٰفِرِينَ ﴿١٩﴾ قَالَ فَعَلْتُهَآ إِذًا وَأَنَا۠ مِنَ ٱلضَّآلِّينَ ﴿٢٠﴾

فَفَرَرْتُ مِنكُمْ لَمَّا خِفْتُكُمْ فَوَهَبَ لِى رَبِّى حُكْمًا وَجَعَلَنِى مِنَ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٢١﴾

وَتِلْكَ نِعْمَةٌ تَمُنُّهَا عَلَىَّ أَنْ عَبَّدتَّ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ﴿٢٢﴾

18-22. Фиръавн айтди: «Эй Мусо, Сени болалик ҳолингдан (пайтингдан) ўз хонадонимизда тарбия қилмадикми? Сен йигирма йиллик ҳаётингни бизнинг орамизда ўтказмадингми?! Сен гуноҳ ишни қилиб, қочиб

кетдинг. Энди бизнинг эҳсонларимиз эвазига миннатдор бўлмасдан, куфрони неъмат (нонкўрлик) қиляпсан». Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Мен ўша (гуноҳ) ишни қилган бўлсам, ўша даврларда гумроҳлардан бўлганман ва сизлардан қўрқиб қочиб кетганман. Энди Парвардигорим менга илм-ҳикмат берди ва пайғамбарлар жамоасидан қилди. Оё, шу (берган) неъматларинг учун сен Менга миннат қилурсанми? Ваҳоланки, сен Бани Исроил қавмига зулм қилиб, ўзингга қул қилиб олдинг. (Яъни сен Бани Исроилга зулм қилганинг сабабли у неъматлар менга етди)».

قَالَ فِرْعَوْنُ وَمَا رَبُّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٢٣﴾ قَالَ رَبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا 19 жузъ
بَيْنَهُمَآ إِن كُنتُم مُّوقِنِينَ ﴿٢٤﴾ قَالَ لِمَنْ حَوْلَهُۥٓ أَلَا تَسْتَمِعُونَ ﴿٢٥﴾ قَالَ رَبُّكُمْ وَرَبُّ
ءَابَآئِكُمُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٢٦﴾ قَالَ إِنَّ رَسُولَكُمُ ٱلَّذِىٓ أُرْسِلَ إِلَيْكُمْ لَمَجْنُونٌ ﴿٢٧﴾ قَالَ
رَبُّ ٱلْمَشْرِقِ وَٱلْمَغْرِبِ وَمَا بَيْنَهُمَآ إِن كُنتُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٢٨﴾

23-28. Фиръавн Мусо (алайҳиссалом)га: «Парвардигори олам деганинг кимдир?», – деди. Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Агар ишонмоқчи бўлсангизлар, У осмонларни, ер ва унинг атрофидаги ашёларнинг Худосидир». Фиръавн атрофида ўтирган вазирларга айтди: «Мусонинг сўзини эшитяпсизларми?» Мусо (алайҳиссалом) Фиръавнга айтди: «У Парвардигор сизларни ва ота-боболарингизни яратган Зотдир». Фиръавн масхара қилиб, вазирларига айтди: «Сизларга Пайғамбарман», – деб келган Мусо мажнун (жинни)дир». Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Агар ҳақиқатда ақлларингиз бўлса, Парвардигор машриқни ва мағрибни ва унинг ўртасидаги барча ашёларни халқ қилган Зотдир».

قَالَ لَئِنِ ٱتَّخَذْتَ إِلَٰهًا غَيْرِى لَأَجْعَلَنَّكَ مِنَ ٱلْمَسْجُونِينَ ﴿٢٩﴾ قَالَ أَوَلَوْ
جِئْتُكَ بِشَىْءٍ مُّبِينٍ ﴿٣٠﴾ قَالَ فَأْتِ بِهِۦٓ إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿٣١﴾ فَأَلْقَىٰ
عَصَاهُ فَإِذَا هِىَ ثُعْبَانٌ مُّبِينٌ ﴿٣٢﴾ وَنَزَعَ يَدَهُۥ فَإِذَا هِىَ بَيْضَآءُ لِلنَّٰظِرِينَ ﴿٣٣﴾ قَالَ
لِلْمَلَإِ حَوْلَهُۥٓ إِنَّ هَٰذَا لَسَٰحِرٌ عَلِيمٌ ﴿٣٤﴾ يُرِيدُ أَن يُخْرِجَكُم مِّنْ أَرْضِكُم
بِسِحْرِهِۦ فَمَاذَا تَأْمُرُونَ ﴿٣٥﴾ قَالُوٓا۟ أَرْجِهْ وَأَخَاهُ وَٱبْعَثْ فِى ٱلْمَدَآئِنِ حَٰشِرِينَ
﴿٣٦﴾ يَأْتُوكَ بِكُلِّ سَحَّارٍ عَلِيمٍ ﴿٣٧﴾

29-37. Фиръавн Мусо (алайҳиссалом)га айтди: «Агар Сен мендан бошқа Худога эътиқод қилсанг, Сени жазолаб, зиндонга ташлайман». Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Пайғамбарлигимга далолат қилгувчи мўъжизаларни кўрсатсам ҳам, мени зиндонга соласанми?» Фиръавн айтди: «Агар Сен ростгўйлардан бўлсанг, ўша мўъжизани келтир». Бас, (Ҳазрати) Мусо асойини ерга ташлади, бас, ногоҳ (тўсатдан) у асо ошкора аждарҳога айланди.

Қўлини енгидан чиқарди, бас, ногоҳ у (қўли) назар қилгувчиларга офтобдек нурли кўринар эди. Фиръавн атрофида ўтирган вазирларга айтди. «Бу Мусо доно сеҳргарлардан экан, сеҳр билан ўз ерларингиздан чиқаришни, *ўринларингизга подшоҳ бўлишни* хоҳлайди. Энди менга қандай маслаҳат берасизлар?». Вазирлар Фиръавнга айтдилар: «Ҳозир Мусони ва унинг биродарини ўз ҳолига қўйиб тур-да, бир жамоа кишиларни шаҳарларга юбор, токи доно ва илмли сеҳргарларни ҳузурингга йиғиб келсинлар».

فَجُمِعَ ٱلسَّحَرَةُ لِمِيقَٰتِ يَوْمٍ مَّعْلُومٍ ﴿٣٨﴾ وَقِيلَ لِلنَّاسِ هَلْ أَنتُم مُّجْتَمِعُونَ ﴿٣٩﴾
19 жузъ لَعَلَّنَا نَتَّبِعُ ٱلسَّحَرَةَ إِن كَانُوا۟ هُمُ ٱلْغَٰلِبِينَ ﴿٤٠﴾ فَلَمَّا جَآءَ ٱلسَّحَرَةُ قَالُوا۟ لِفِرْعَوْنَ أَئِنَّ
لَنَا لَأَجْرًا إِن كُنَّا نَحْنُ ٱلْغَٰلِبِينَ ﴿٤١﴾ قَالَ نَعَمْ وَإِنَّكُمْ إِذًا لَّمِنَ ٱلْمُقَرَّبِينَ ﴿٤٢﴾ قَالَ لَهُم
مُّوسَىٰٓ أَلْقُوا۟ مَآ أَنتُم مُّلْقُونَ ﴿٤٣﴾ فَأَلْقَوْا۟ حِبَالَهُمْ وَعِصِيَّهُمْ وَقَالُوا۟ بِعِزَّةِ فِرْعَوْنَ إِنَّا
لَنَحْنُ ٱلْغَٰلِبُونَ ﴿٤٤﴾ فَأَلْقَىٰ مُوسَىٰ عَصَاهُ فَإِذَا هِىَ تَلْقَفُ مَا يَأْفِكُونَ ﴿٤٥﴾

38-45. Бас, сеҳргарлар муайян вақтда жам қилинди. Халққа эълон қилиндики: «Сизлар ҳам Мусони даф қилиш учун майдонга жам бўлдингизлармии? Агар сеҳргарлар ғолиб бўлсалар, Мусони даф қилиш учун соҳирларнинг орқасидан эргашамиз». Вақтики, соҳирлар (йиғилиб) келдилар ва Фиръавнга айтдилар: «Агар биз Мусодан ғолиб бўлсак, қилган хизматимиз учун ажр (мукофот, ҳақ) бериладими ё йўқми?» Фиръавн айтди: «Албатта, сизлар учун ажр берилади ва менга яқин ходимлардан бўласизлар». Мусо (алайҳиссалом) сеҳргарларга айтди: «Сизлар ташлайдиган нарсаларингизни майдонга ташланглар». Бас, жодугарлар арқонларини ва асоларини ерга ташладилар. У нарсалар заҳарли илонга айланди. Жодугарлар айтдилар: «Фиръавннинг иззатига қасамки, албатта, биз ғалаба қилгувчидирмиз». Бас, сўнгра (Ҳазрати) Мусо асойини ташлади. Бас, ногоҳ асойи аждарҳо бўлиб, жодугарларнинг қилган жодуларини ютар эди.

فَأُلْقِىَ ٱلسَّحَرَةُ سَٰجِدِينَ ﴿٤٦﴾ قَالُوٓا۟ ءَامَنَّا بِرَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٤٧﴾ رَبِّ مُوسَىٰ
وَهَٰرُونَ ﴿٤٨﴾ قَالَ ءَامَنتُمْ لَهُۥ قَبْلَ أَنْ ءَاذَنَ لَكُمْ إِنَّهُۥ لَكَبِيرُكُمُ ٱلَّذِى عَلَّمَكُمُ
ٱلسِّحْرَ فَلَسَوْفَ تَعْلَمُونَ لَأُقَطِّعَنَّ أَيْدِيَكُمْ وَأَرْجُلَكُم مِّنْ خِلَٰفٍ وَلَأُصَلِّبَنَّكُمْ
أَجْمَعِينَ ﴿٤٩﴾ قَالُوا۟ لَا ضَيْرَ إِنَّآ إِلَىٰ رَبِّنَا مُنقَلِبُونَ ﴿٥٠﴾ إِنَّا نَطْمَعُ أَن يَغْفِرَ لَنَا
رَبُّنَا خَطَٰيَٰنَآ أَن كُنَّآ أَوَّلَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٥١﴾ ۞ وَأَوْحَيْنَآ إِلَىٰ مُوسَىٰٓ أَنْ أَسْرِ بِعِبَادِىٓ
إِنَّكُم مُّتَّبَعُونَ ﴿٥٢﴾

46-52. Бас, вақтики, соҳирлар мағлуб бўлдилар, дарҳол сажда қилган ҳолда ерга йиқилдилар ва : «Бизлар Мусо билан Ҳорунни Пайғамбар

қилиб юборган оламларнинг Парвардигорига иймон келтирдик», – деди-
лар. Фиръавн соҳирларга айтдики: «Мен сизга ижозат бермасимдан ол-
дин Мусонинг Худосига иймон келтирдингизларми?. Демак, маълум бўл-
дики, Мусо сизларга сеҳр илмини таълим берган устозларинг экан. Яқинда
мен сизларга қандай жазо беришимни биласизлар. Менга хилоф қилган-
ларинг учун қўл-оёқларингизни қарама-қарши томондан кесаман, ҳам-
маларингизни дорга осаман». Жодутарлар Фиръавнга айтдилар: «Агар
сен бизни ўлдирсанг ҳам, асло парво қилмаймиз ва қўрқмаймиз, чунки
биз Худонинг ҳузурига борамиз. Бизлар ҳаммадан олдин иймон келтир-
ганимиз учун Парвардигор ўтган хато-гуноҳларимизни кечади, деб умид 19 жузъ
қиламиз». Биз Мусо (алайҳиссалом)га амр қилдикки: «Кечаси Бани Исро-
илни олиб, шаҳардан чиқиб кетгил. Албатта, сизларнинг ор-қаларингиз-
дан Фиръавн лашкарлари билан қувиб боради».

فَأَرْسَلَ فِرْعَوْنُ فِي ٱلْمَدَآئِنِ حَـٰشِرِينَ ﴿٥٣﴾ إِنَّ هَـٰٓؤُلَآءِ لَشِرْذِمَةٌ قَلِيلُونَ ﴿٥٤﴾ وَإِنَّهُمْ
لَنَا لَغَآئِظُونَ ﴿٥٥﴾ وَإِنَّا لَجَمِيعٌ حَـٰذِرُونَ ﴿٥٦﴾ فَأَخْرَجْنَـٰهُم مِّن جَنَّـٰتٍ وَعُيُونٍ
﴿٥٧﴾ وَكُنُوزٍ وَمَقَامٍ كَرِيمٍ ﴿٥٨﴾ كَذَٰلِكَ وَأَوْرَثْنَـٰهَا بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ﴿٥٩﴾ فَأَتْبَعُوهُم
مُّشْرِقِينَ ﴿٦٠﴾ فَلَمَّا تَرَٰٓءَا ٱلْجَمْعَانِ قَالَ أَصْحَـٰبُ مُوسَىٰٓ إِنَّا لَمُدْرَكُونَ ﴿٦١﴾

53-61. Бас, Фиръавн шаҳарга одам юбориб лашкарини жам қилди. (Уларга айтилдики:) «Бу Бани Исроил қавми кичик бир жамоа бўлиб, бизларни ғазабга келтирди. Бизда жанг асбоблари муҳайё, бизлар бутун лашкаримиз билан уларга қарши уруш қиламиз». Парвардигор Мусо (алайҳиссалом)га айтди: «Бизнинг иродамиз Фиръавнни лашкари билан ҳалок қилишга тааллуқ топди. Шунинг учун Фиръавнни барча лашкари билан яшнаб турган боғ ва бўстонлардан, оқиб турган чашмалардан, хазиналардан ва гўзал манзиллардан (маҳрум қилиб), чиқардик. Ҳалок бўладиган жойларга юбордик. Уларнинг боғ ва бўстонларини Бани Исроилга мерос қилиб қолдирдик». Бас, офтоб чиққан вақтда Фиръавн лашкари билан Бани Исроилнинг орқасидан қувиб етди. Вақтики, икки лашкар бирибирини кўрди, Мусонинг ҳамроҳлари айтдилар: «Фиръавн лашкари билан бизга етиб келди. Энди бизни ушлаб кетади (тутиб олади)».

قَالَ كَلَّآ ۖ إِنَّ مَعِىَ رَبِّى سَيَهْدِينِ ﴿٦٢﴾ فَأَوْحَيْنَآ إِلَىٰ مُوسَىٰٓ أَنِ ٱضْرِب بِّعَصَاكَ
ٱلْبَحْرَ ۖ فَٱنفَلَقَ فَكَانَ كُلُّ فِرْقٍ كَٱلطَّوْدِ ٱلْعَظِيمِ ﴿٦٣﴾ وَأَزْلَفْنَا ثَمَّ ٱلْـَٔاخَرِينَ ﴿٦٤﴾
وَأَنجَيْنَا مُوسَىٰ وَمَن مَّعَهُۥٓ أَجْمَعِينَ ﴿٦٥﴾ ثُمَّ أَغْرَقْنَا ٱلْـَٔاخَرِينَ ﴿٦٦﴾ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَـَٔايَةً ۖ
وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُم مُّؤْمِنِينَ ﴿٦٧﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٦٨﴾

62-68. (Ҳазрати) Мусо айтди: «Ҳаргиз ундай қила олмайдилар, чунки Парвардигор мен билан биргадир. Албатта, У менга нажот йўлини кўрсатади». Бас, Биз Мусога ваҳий юбориб айтдик: «Асойингни дарё (денгиз)га

ургил!» (Ҳазрати) Мусо асойини урди. Дарё (денгиз)нинг суви иккига бўлинди. Ҳар бир дарё (денгиз) мавжи улкан тоғдек эди. Биз Фиръавннинг қолган лашкарини ҳам у жойга яқинлаштириб, тўпладик. Мусо (алайҳиссалом) қавми билан мавжлар орасидан ўтиб, нажот топди. Фиръавн лашкари билан Мусо (алайҳиссалом)ни қувиб, дарёга кирди. Биз ҳаммасини ғарқ қилиб, ҳалок этдик. Албатта, Мусо (алайҳиссалом)нинг нажот топишида ва Фиръавннинг ҳалок бўлишида Худонинг қудратига далолат қиладиган нишона (белги)лар бордир. Лекин кофирларнинг кўплари бунга ишонмайдилар. Албатта, Парвардигоринг ҳамма нарсадан ғолиб ва меҳрибондир.

19 жузъ وَٱتْلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ إِبْرَٰهِيمَ ﴿٦٩﴾ إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِۦ مَا تَعْبُدُونَ ﴿٧٠﴾ قَالُوا۟ نَعْبُدُ
أَصْنَامًا فَنَظَلُّ لَهَا عَٰكِفِينَ ﴿٧١﴾ قَالَ هَلْ يَسْمَعُونَكُمْ إِذْ تَدْعُونَ ﴿٧٢﴾ أَوْ
يَنفَعُونَكُمْ أَوْ يَضُرُّونَ ﴿٧٣﴾

69-73. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга Иброҳим (алайҳиссалом)нинг қиссаларини ўқиб эшиттир. Иброҳим отасига ва қавмига: «Сизлар нима нарсага ибодат қилмоқдасизлар?» – деб айтганида, қавми жавоб бердики: «Бизлар бут-санамларга ибодат қиламиз. Уларга ибодат қилишда давом этамиз». Иброҳим айтди: «Бутларинг сизлар чақирган вақтда эшитадими ё ибодат қилсангизлар, фойда етказадими, ё ибодат қилмасангизлар зарар етказадими?»

قَالُوا۟ بَلْ وَجَدْنَآ ءَابَآءَنَا كَذَٰلِكَ يَفْعَلُونَ ﴿٧٤﴾ قَالَ أَفَرَءَيْتُم مَّا كُنتُمْ تَعْبُدُونَ
﴿٧٥﴾ أَنتُمْ وَءَابَآؤُكُمُ ٱلْأَقْدَمُونَ ﴿٧٦﴾ فَإِنَّهُمْ عَدُوٌّ لِّىٓ إِلَّا رَبَّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٧٧﴾
ٱلَّذِى خَلَقَنِى فَهُوَ يَهْدِينِ ﴿٧٨﴾ وَٱلَّذِى هُوَ يُطْعِمُنِى وَيَسْقِينِ ﴿٧٩﴾ وَإِذَا مَرِضْتُ
فَهُوَ يَشْفِينِ ﴿٨٠﴾ وَٱلَّذِى يُمِيتُنِى ثُمَّ يُحْيِينِ ﴿٨١﴾ وَٱلَّذِىٓ أَطْمَعُ أَن يَغْفِرَ لِى
خَطِيٓـَٔتِى يَوْمَ ٱلدِّينِ ﴿٨٢﴾

74-82. Кофирлар жавоб бердиларки: «Биз бутлар тўғрисида бу нарсани мушоҳада қилмаганмиз, ота-боболаримиз шундай ибодат қилганлари учун биз ҳам уларга тақлид этиб, ибодат қиламиз». Иброҳим айтди: «Билингларки, (ўтмиш) ота-боболарингиз ва ўзларингиз ибодат қилиб келган бутлар ҳақида ўйлаб кўрдингизларми? Албатта, улар менга душмандир. Мен ҳам уларга душмандирман. Фақат менинг дўстим мени ва оламларни яратган Парвардигордир. Ва У мени ҳидоят қилади. Ва У – Парвардигор шундай Зотдирки, мени едиради ва ичиради. Мен касал бўлган вақтда шифо беради. У зот умрим тамом бўлганида мени ўлдиради. Сўнгра Қиёмат бўлганида мени тирилтиради. Умид қиламанки, У Қиёмат куни бўлганида гуноҳларимни кечиради».

رَبِّ هَبْ لِى حُكْمًا وَأَلْحِقْنِى بِٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٨٣﴾ وَٱجْعَل لِّى لِسَانَ صِدْقٍ

فِي ٱلْآخِرِينَ ﴿٨٤﴾ وَٱجْعَلْنِي مِن وَرَثَةِ جَنَّةِ ٱلنَّعِيمِ ﴿٨٥﴾ وَٱغْفِرْ لِأَبِيٓ إِنَّهُۥ كَانَ مِنَ
ٱلضَّآلِّينَ ﴿٨٦﴾ وَلَا تُخْزِنِي يَوْمَ يُبْعَثُونَ ﴿٨٧﴾ يَوْمَ لَا يَنفَعُ مَالٌ وَلَا بَنُونَ ﴿٨٨﴾ إِلَّا
مَنْ أَتَى ٱللَّهَ بِقَلْبٍ سَلِيمٍ ﴿٨٩﴾

83-89. Эй Парвардигор, менга илму ҳикмат ато қил ва Қиёмат куни мени яхши бандаларинг қаторига қўшгил ва кейин келгувчи бандаларинг тилларига мен ҳақимда яхши гаплар жорий қилгил. Ва мени наъим 19 жузъ
жаннатинг *меросхўрларидан қилгил. Ва отамнинг гуноҳини кечгил,* чунки у, шубҳасиз, гумроҳлардан эди. Ва Қиёмат куни бандаларинг ўртасида мени расво қилмагил. У шундай кундирки, аҳли давлатнинг моллари ва халқнинг фарзандлари манфаат етказа олмайди. Худонинг ҳузурида (фақат) қалби нифоқдан пок бўлиб келган (қалби салим) одамлар фойдаманд бўладилар (манфаат топадилар).

وَأُزْلِفَتِ ٱلْجَنَّةُ لِلْمُتَّقِينَ ﴿٩٠﴾ وَبُرِّزَتِ ٱلْجَحِيمُ لِلْغَاوِينَ ﴿٩١﴾ وَقِيلَ لَهُمْ أَيْنَ مَا كُنتُمْ
تَعْبُدُونَ ﴿٩٢﴾ مِن دُونِ ٱللَّهِ هَلْ يَنصُرُونَكُمْ أَوْ يَنتَصِرُونَ ﴿٩٣﴾ فَكُبْكِبُوا۟ فِيهَا هُمْ
وَٱلْغَاوُۥنَ ﴿٩٤﴾ وَجُنُودُ إِبْلِيسَ أَجْمَعُونَ ﴿٩٥﴾ قَالُوا۟ وَهُمْ فِيهَا يَخْتَصِمُونَ ﴿٩٦﴾ تَٱللَّهِ
إِن كُنَّا لَفِي ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٩٧﴾ إِذْ نُسَوِّيكُم بِرَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٩٨﴾ وَمَآ أَضَلَّنَآ إِلَّا
ٱلْمُجْرِمُونَ ﴿٩٩﴾ فَمَا لَنَا مِن شَٰفِعِينَ ﴿١٠٠﴾ وَلَا صَدِيقٍ حَمِيمٍ ﴿١٠١﴾ فَلَوْ أَنَّ لَنَا كَرَّةً
فَنَكُونَ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٠٢﴾

90-102. Қиёмат куни муттақийларга жаннат яқин келтирилади. Гумроҳларга дўзах зоҳир қилинади. Малоикалар тарафидан кофирларга айтиладики: «Сизлар умид қилиб ибодат қилган бутларингиз қаерда қолди? Бу кун сизларга ёрдам беришга ёки Аллоҳнинг азобидан ўзларини қутқаришга қодирмилар?» Бас, у бутлар ва гумроҳ бўлган тобелари, шайтон ва унинг лашкарлари юзтубан ҳолда дўзахга ташланади. У гумроҳлар дўзахда бир-бирлари билан жанжал қилишиб айтадилар: «Парвардигор зотига қасамки, у дунёда ҳаммамиз очиқ-ойдин гумроҳ бўлган эканмиз. Эй бутлар, сизларни ибодат қилиш учун Парвардигори оламга баробар қилган (тенглаштирган) эканмиз. Бизларни ҳеч ким гумроҳ қилмади, фақат бадбахт пешволаримиз гумроҳ қилди. Энди бу кунда бизни бирор шафоат қилувчи ҳам йўқ, бизга раҳм қиладиган меҳрибон дўст ҳам йўқ. Кошки, биз иккинчи марта дунёга қайтсагу содиқ мўминлардан бўлсак эди!».

إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَءَايَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُم مُّؤْمِنِينَ ﴿١٠٣﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٠٤﴾

103-104. Албатта, бундай ўтмиш қиссаларда донолар учун ибратли панд- насиҳатлар бордир, лекин кўп кофирлар иймон келтирмайдилар. Албатта, Парвардигоринг ҳар бир ишда ғолиб ва меҳрибондир.

كَذَّبَتْ قَوْمُ نُوحٍ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿١٠٥﴾ إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخُوهُمْ نُوحٌ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٠٦﴾ إِنِّى لَكُمْ
رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٠٧﴾ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿١٠٨﴾ وَمَآ أَسْـَٔلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِىَ
إِلَّا عَلَىٰ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٠٩﴾ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿١١٠﴾ ۞ قَالُوٓا۟ أَنُؤْمِنُ لَكَ وَٱتَّبَعَكَ
19 жузъ ٱلْأَرْذَلُونَ ﴿١١١﴾ قَالَ وَمَا عِلْمِى بِمَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١١٢﴾ إِنْ حِسَابُهُمْ إِلَّا عَلَىٰ رَبِّى
لَوْ تَشْعُرُونَ ﴿١١٣﴾ وَمَآ أَنَا۠ بِطَارِدِ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١١٤﴾ إِنْ أَنَا۠ إِلَّا نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿١١٥﴾

105-115. Нуҳ (алайҳиссалом) қавми ўтган пайғамбарларни инкор қилди. «Шунда уларга биродарлари Нуҳ пайғамбар айтди: «Пайғамбарларни инкор қиласизлар, Худодан қўрқмайсизларми? Мен сизларга Худо тарафидан омонатни етказувчи Пайғамбардирман. Худодан қўрқинглар, менга итоат қилинглар. Мен пайғамбарлигим учун сизлардан бирор ажр (ҳақ) сўрамайман. Менинг ажримни Парвардигоримнинг ўзи беради. Бас, Аллоҳ таолодан қўрқинглар, менга итоат қилинглар». Кофирлар Нуҳга айтдиларки: «Сенга пасткаш разиллар эргашиб турган ҳолда биз Сенга иймон келтирайликми?» Нуҳ қавмига айтди: «У кишиларнинг қандай амаллар қилаётганига менинг ҳеч қандай илмим йўқ. Агар билсангизлар, улар қилган амалларининг ҳисоби Парвардигор (зиммаси)дадир. Агар билсангизлар, уларнинг амалларини Парвардигор ҳисоб қилади ва ўшанга мувофиқ жазо беради. Мен сўзингизга кириб, иймон келтирган мўминларни ҳузуримдан ҳайдовчи эмасман. Мен фақат сизларни Худонинг азобидан қўрқитувчидурман, холос».

قَالُوا۟ لَئِن لَّمْ تَنتَهِ يَٰنُوحُ لَتَكُونَنَّ مِنَ ٱلْمَرْجُومِينَ ﴿١١٦﴾ قَالَ رَبِّ إِنَّ قَوْمِى
كَذَّبُونِ ﴿١١٧﴾ فَٱفْتَحْ بَيْنِى وَبَيْنَهُمْ فَتْحًا وَنَجِّنِى وَمَن مَّعِىَ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١١٨﴾

116-118. Кофирлар Нуҳ (алайҳиссалом)га айтдилар: «Эй Нуҳ, агар Сен бу гапларингдан қайтмасанг, албатта, тошбўрон қилинарсан». Нуҳ (алайҳиссалом) қавмининг иймон келтиришидан ноумид бўлиб, муножот қилиб айтди: «Эй Раббим, дарҳақиқат, бу қавмим мени ёлғончи қилди, иймон келтирмадилар. Энди Сен бизнинг ўртамизда қатъий ҳукм қилгил. Менга ва мўминларга уларнинг шарридан нажот бергил».

فَأَنجَيْنَٰهُ وَمَن مَّعَهُۥ فِى ٱلْفُلْكِ ٱلْمَشْحُونِ ﴿١١٩﴾ ثُمَّ أَغْرَقْنَا بَعْدُ ٱلْبَاقِينَ ﴿١٢٠﴾ إِنَّ فِى
ذَٰلِكَ لَءَايَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُم مُّؤْمِنِينَ ﴿١٢١﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٢٢﴾

119-122. Бас, Биз Нуҳга ва у билан кемада бирга бўлган мўминларга тўфон сувидан нажот бердик. Сўнгра боқий қолганларини тўфон сувига ғарқ қилдик. Албатта, Нуҳ (алайҳиссалом)нинг қиссаларида донолар учун

панд ва насиҳатга сабаб бўладиган аломатлар бордир, лекин Нуҳ (алайҳиссалом) қавмидан кўплари иймон келтирмадилар. Албатта, Аллоҳ таоло ўз ҳукмида ғолиб ва бандаларига меҳрибондир.

كَذَّبَتْ عَادٌ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿١٢٣﴾ إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخُوهُمْ هُودٌ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٢٤﴾ إِنِّى لَكُمْ
رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٢٥﴾ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿١٢٦﴾ وَمَآ أَسْـَٔلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ
أَجْرِىَ إِلَّا عَلَىٰ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٢٧﴾

123-127. Од қавми ўтган пайғамбарларни ёлғончи қилди. Вақтики, биро- 19 жузъ
дарлари Ҳуд (алайҳиссалом) уларга айтди: «Пайғамбарларни ёлғончи қилишда Худодан қўрқмайсизларми? Албатта, мен сизларга Худо тарафидан келган омонатдор (ишончли) Пайғамбардирман. Бас, Худодан қўрқинглар, менга итоат қилинглар. Мен пайғамбарлигим учун сизлардан ажр сўрамайман. Менинг ажрим фақат оламлар Раббисининг зиммасидадир.

أَتَبْنُونَ بِكُلِّ رِيعٍ ءَايَةً تَعْبَثُونَ ﴿١٢٨﴾ وَتَتَّخِذُونَ مَصَانِعَ لَعَلَّكُمْ تَخْلُدُونَ
﴿١٢٩﴾ وَإِذَا بَطَشْتُم بَطَشْتُمْ جَبَّارِينَ ﴿١٣٠﴾ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿١٣١﴾

128-131. Сизлар Худодан ғофил бўлиб, беҳуда фахрланиш учун тепаликларда уйлар, ўзларингиз учун мустаҳкам баланд иморатлар (қасрлар) бино қиласизларми? Гўё сизлар у иморатларда ўлмасдан, абадий ҳаёт кечирасизлар. Вақтики, сизлар бирор одамдан интиқом (қасос) олсангизлар, золимларга ўхшаб, раҳм қилмасдан интиқом оласизлар. Ҳақиқатда сизлар мутакаббир, золим қавмдирсизлар. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар. Менинг насиҳатимни эшитиб, итоат қилинглар.

وَٱتَّقُوا۟ ٱلَّذِىٓ أَمَدَّكُم بِمَا تَعْلَمُونَ ﴿١٣٢﴾ أَمَدَّكُم بِأَنْعَٰمٍ وَبَنِينَ ﴿١٣٣﴾ وَجَنَّٰتٍ
وَعُيُونٍ ﴿١٣٤﴾ إِنِّىٓ أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٣٥﴾

132-135. Ўзингиз билган неъматлар ила сизга мадад берган Зот – Парвардигордан қўрқинглар. Парвардигор сизларга тўрт оёғли ҳайвонлар, фарзандлар, боғлар ва чашмалар ато қилиб, мадад берди. Мен неъматларига куфр, ношукурлик қилганларингиз учун Худо тарафидан сизларга Улуғ кун азобининг келишидан қўрқаман».

قَالُوا۟ سَوَآءٌ عَلَيْنَآ أَوَعَظْتَ أَمْ لَمْ تَكُن مِّنَ ٱلْوَٰعِظِينَ ﴿١٣٦﴾ إِنْ هَٰذَآ إِلَّا
خُلُقُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٣٧﴾ وَمَا نَحْنُ بِمُعَذَّبِينَ ﴿١٣٨﴾ فَكَذَّبُوهُ فَأَهْلَكْنَٰهُمْ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ
لَءَايَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُم مُّؤْمِنِينَ ﴿١٣٩﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٤٠﴾

136-140. Ҳуд (алайҳиссалом)нинг қавми айтди: «Сен бизга насиҳат қиласанми ё қилмайсанми, бизга барибир, асло Сенинг насиҳатингга амал қилмаймиз. Биз қилган ишларни илгариги одамлар ҳам қилиб ўтган. Биз бу амалларимиз учун азобга мубтало бўлмаймиз». Бас, Ҳуд

(алайҳиссалом)нинг қавми иймон келтиришдан бош тортди. Биз уларни ҳалок қилдик. Албатта, Ҳуд (алайҳиссалом)нинг қиссаларида бандаларга ибрат бўладиган нишоналар (оят-аломатлар) бор. Лекин қавмнинг аксари иймон келтирмади. Албатта, Парвардигоринг ўз ҳукмида ғолиб ва меҳрибондир.

كَذَّبَتْ ثَمُودُ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿١٤١﴾ إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخُوهُمْ صَٰلِحٌ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٤٢﴾ إِنِّى
لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٤٣﴾ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿١٤٤﴾ وَمَآ أَسْـَٔلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ
19 жузъ
إِنْ أَجْرِىَ إِلَّا عَلَىٰ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٤٥﴾

141-145. Самуд қавми ўтган пайғамбарларни ёлғончи қилди. Вақтики, биродарлари Солиҳ (алайҳиссалом) уларга айтди: «Сизлар пайғамбарларни инкор қиласизлар. Худодан қўрқмайсизларми? Мен сизларга насиҳат қилувчи омонатлик Пайғамбарман. Бас, Худодан қўрқиб, менинг ҳукмимга итоат қилинглар. Сизлардан пайғамбарлигим учун ҳақ сўрамайман. Менинг ажримни Парвардигори оламнинг ўзи беради.

أَتُتْرَكُونَ فِى مَا هَٰهُنَآ ءَامِنِينَ ﴿١٤٦﴾ فِى جَنَّٰتٍ وَعُيُونٍ ﴿١٤٧﴾ وَزُرُوعٍ وَنَخْلٍ
طَلْعُهَا هَضِيمٌ ﴿١٤٨﴾ وَتَنْحِتُونَ مِنَ ٱلْجِبَالِ بُيُوتًا فَٰرِهِينَ ﴿١٤٩﴾ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ
وَأَطِيعُونِ ﴿١٥٠﴾

146-150. Сизларни бу манзилларингизда амну омонлик билан ҳаёт кечиришга қўядиларми? *Ҳаргиз ундай бўлмайди.* Сизлар боғларда, чашмаларнинг бўйида, экинзор жойларда ва нозик гуллайдиган хурмозорларда роҳат билан сукунат қиламиз (яшаймиз) деб ўйлайсизларми-а?! Тоғларнинг тошларини усталик билан йўниб, яхши иморатлар қиласизлар. Лекин Худонинг неъматларига шукр қилмайсизлар. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар. Менинг насиҳатимни эшитиб, фармонимга итоат қилинглар».

وَلَا تُطِيعُوٓا۟ أَمْرَ ٱلْمُسْرِفِينَ ﴿١٥١﴾ ٱلَّذِينَ يُفْسِدُونَ فِى ٱلْأَرْضِ وَلَا يُصْلِحُونَ
﴿١٥٢﴾ قَالُوٓا۟ إِنَّمَآ أَنتَ مِنَ ٱلْمُسَحَّرِينَ ﴿١٥٣﴾ مَآ أَنتَ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُنَا فَأْتِ بِـَٔايَةٍ
إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿١٥٤﴾

151-154. Солиҳ (алайҳиссалом) айтди: «Эй қавмим, ҳаддидан тажовуз қилган, ер юзида фасод қилувчи, ислоҳ қилмайдиган бошлиқларингизнинг амрига итоат қилманг. *Менга тобе бўлинг*». Кофирлар айтдилар: «Эй Солиҳ, Сен сеҳр қилинган ва ақлдан озган кишидирсан. Сен ҳам бизга ўхшаш одамсан. Агар Сен ростгўйлардан бўлсанг, бизга бирор мўъжиза кўрсат». *Солиҳ алайҳиссалом айтди: «Қандай мўъжиза талаб қиларсизлар?» Кофирлар талаб қилдиларки: «Ушбу тош ёрилиб ичидан урғочи туя чиқсин». Солиҳ алайҳиссалом дуо қилди. Тош ёрилди ва ичидан бир туя чиқди.*

قَالَ هَٰذِهِۦ نَاقَةٌ لَّهَا شِرْبٌ وَلَكُمْ شِرْبُ يَوْمٍ مَّعْلُومٍ ﴿١٥٥﴾ وَلَا تَمَسُّوهَا بِسُوٓءٍ
فَيَأْخُذَكُمْ عَذَابُ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٥٦﴾

155-156. Солиҳ (алайҳиссалом) деди: «Сизлар талаб қилган туя мана шудир. Энди чашманинг сувини навбат билан бир кун сизлар ичасизлар ва бошқа бир кун туя ичади. Энди сизларга насиҳат шуки, туяга ёмонлик қилиб қўл теккизманглар. Акс ҳолда, Худойи таоло сизларни оғир азобга мубтало қилади».

فَعَقَرُوهَا فَأَصْبَحُوا۟ نَٰدِمِينَ ﴿١٥٧﴾ فَأَخَذَهُمُ ٱلْعَذَابُ ۗ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَةً ۖ وَمَا 19 жузъ
كَانَ أَكْثَرُهُم مُّؤْمِنِينَ ﴿١٥٨﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٥٩﴾

157-159. Бас, кофирлар насиҳатни тингламадилар. Туянинг оёқларини кесиб, ҳалок қилдилар. Кейин фойдасиз пушаймонда қолдилар. Сўнгра уларга Худонинг азоби келди. Жаброил (алайҳиссалом) бир овоз қилди. Кофирларнинг юраклари ёрилиб, ҳалок бўлди. Албатта, Солиҳ (алайҳиссалом)нинг қиссаларида Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи (белги) далиллар бор. Лекин кофирларнинг кўплари ишонмадилар. Албатта, Аллоҳ таоло ўзининг ҳукмида ғолиб ва бандаларга меҳрибондир.

كَذَّبَتْ قَوْمُ لُوطٍ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿١٦٠﴾ إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخُوهُمْ لُوطٌ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٦١﴾
إِنِّى لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٦٢﴾ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿١٦٣﴾

160-163. Лут (алайҳиссалом)нинг қавми ўтган пайғамбарларни ёлғончи қилар эди. Вақтики, уларга биродарлари Лут (алайҳиссалом) айтди: «Нима учун пайғамбарларни такзиб қиласизлар (ёлғончига чиқарасизлар)? Худодан қўрқмайсизларми? Мен сизларга Худо тарафидан келган, Худонинг ҳукмига хиёнат қилмайдиган омонатлик пайғамбардирман. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар. Менинг ҳукмимга итоат этинглар.

وَمَآ أَسْـَٔلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ ۖ إِنْ أَجْرِىَ إِلَّا عَلَىٰ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٦٤﴾
أَتَأْتُونَ ٱلذُّكْرَانَ مِنَ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٦٥﴾ وَتَذَرُونَ مَا خَلَقَ لَكُمْ رَبُّكُم مِّنْ
أَزْوَٰجِكُم ۚ بَلْ أَنتُمْ قَوْمٌ عَادُونَ ﴿١٦٦﴾

164-166. Мен (пайғамбарона даъватларим учун) сизлардан ужрат (ҳақ) сўрамайман. Менга Раббул оламийн – Худонинг ўзи ажр беради. Ахир сизлар қазои шаҳват (шаҳватни қондириш) учун Парвардигор яратган хотинларингизни қўйиб, олам аҳлидан эркакларга қасд қиласизларми? Йўқ, сизлар бу феълларингиз билан ҳаддидан ошган қавмдирсизлар».

قَالُوا۟ لَئِن لَّمْ تَنتَهِ يَٰلُوطُ لَتَكُونَنَّ مِنَ ٱلْمُخْرَجِينَ ﴿١٦٧﴾ قَالَ إِنِّى لِعَمَلِكُم مِّنَ
ٱلْقَالِينَ ﴿١٦٨﴾ رَبِّ نَجِّنِى وَأَهْلِى مِمَّا يَعْمَلُونَ ﴿١٦٩﴾

167-169. Кофирлар Лут (алайҳиссалом)га айтдилар: «Эй Лут, Сен агар бу гапларингдан қайтмасанг, мамлакатимиздан ҳайдаласан». Лут (алайҳиссалом) айтди: «Мен сизларнинг бу амалларингизни (баччабозликни) жуда ёмон кўргувчиларданман, ундан қайтинглар». У кофирлар амалларини тарк қилмасдан, Лут (алайҳиссалом)га кўп азоб бердилар. Лут (алайҳиссалом) Парвардигорга муножот ила дуо қилиб айтди: «Эй Парвардигор, менга ва аҳлимга улар қилаётган амалларидан нажот бергил».

فَنَجَّيْنَٰهُ وَأَهْلَهُۥٓ أَجْمَعِينَ ﴿١٧٠﴾ إِلَّا عَجُوزًا فِى ٱلْغَٰبِرِينَ ﴿١٧١﴾ ثُمَّ دَمَّرْنَا ٱلْءَاخَرِينَ
19 жузъ ﴿١٧٢﴾ وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهِم مَّطَرًا ۖ فَسَآءَ مَطَرُ ٱلْمُنذَرِينَ ﴿١٧٣﴾ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَةً ۖ
وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُم مُّؤْمِنِينَ ﴿١٧٤﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٧٥﴾ .

170-175. Бас, Биз Лутнинг дуосини мустажоб қилиб, ўзига ва аҳлига нажот бердик. Фақат бир кампири (хотини)га нажот бермадик, кофирлар билан қолиб, ҳалок бўлди. Сўнгра қолган барча кофирларни ҳалок қилдик. Бошларидан ёмғир ўрнига тош ёғдирдик. Ёмғир ўрнига ёққан тош кўп ёмон бўлди. Албатта, Лут (алайҳиссалом)нинг воқеаларида оқил одамлар учун ибрат бўладиган (белги) далиллар бор. Лекин у қавмнинг кўплари иймон келтирмадилар. Парвардигоринг ўз феълида ғолиб ва бандаларга меҳрибондир.

كَذَّبَ أَصْحَٰبُ لْـَٔيْكَةِ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿١٧٦﴾ إِذْ قَالَ لَهُمْ شُعَيْبٌ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٧٧﴾
إِنِّى لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٧٨﴾ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿١٧٩﴾ وَمَآ أَسْـَٔلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ
أَجْرٍ ۖ إِنْ أَجْرِىَ إِلَّا عَلَىٰ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٨٠﴾

176-180. Айка деган (қалин дарахтзор) жойнинг халқи ўтган пайғамбарларни ёлғончи қилар эди. Вақтики, Шуайб (алайҳиссалом) уларга айтди: «Нега пайғамбарларни инкор қиласизлар, Худодан қўрқмайсизларми? Албатта, мен сизларга Худонинг ҳукмини етказадиган омонатлик Пайғамбардирман. Бас, Худодан қўрқинг ва менинг ҳукмимга итоат қилинг. Мен сизлардан пайғамбарлигим учун бирор мукофот сўрамайман. Менга оламлар Раббиси – Аллоҳнинг ўзи ажр беради.

۞ أَوْفُوا۟ ٱلْكَيْلَ وَلَا تَكُونُوا۟ مِنَ ٱلْمُخْسِرِينَ ﴿١٨١﴾ وَزِنُوا۟ بِٱلْقِسْطَاسِ
ٱلْمُسْتَقِيمِ ﴿١٨٢﴾ وَلَا تَبْخَسُوا۟ ٱلنَّاسَ أَشْيَآءَهُمْ وَلَا تَعْثَوْا۟ فِى ٱلْأَرْضِ
مُفْسِدِينَ ﴿١٨٣﴾

181-183. Халқнинг ҳақини кам қилмасдан, тўла адо этинг. Тарозидан уриб қолмасдан, адолат билан тўғри ўлчаб беринг. Одамларнинг нарсаларини ноқис қилмасдан беринглар. Ер юзида авбошлик билан фасод қилманглар».

وَٱتَّقُوا۟ ٱلَّذِى خَلَقَكُمْ وَٱلْجِبِلَّةَ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٨٤﴾ قَالُوٓا۟ إِنَّمَآ أَنتَ مِنَ
ٱلْمُسَحَّرِينَ ﴿١٨٥﴾ وَمَآ أَنتَ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُنَا وَإِن نَّظُنُّكَ لَمِنَ ٱلْكَٰذِبِينَ
﴿١٨٦﴾ فَأَسْقِطْ عَلَيْنَا كِسَفًا مِّنَ ٱلسَّمَآءِ إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿١٨٧﴾
قَالَ رَبِّىٓ أَعْلَمُ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿١٨٨﴾

184-188. «Сизларни ва сизлардан олдин ўтган халқларни яратган Парвардигордан қўрқинглар». Кофирлар унга айтдиларки: «Сен, шубҳасиз, сеҳрланган ва ақлдан озган кишидирсан. Сен ҳам бизга ўхшаш одамсан. Биздан ортиқ жойинг йўқ. Биз, албатта, Сени ёлғончилардан деб билурмиз. Агар Сен ростгўйлардан бўлсанг, Худодан сўра, осмондан бир парча булут устимизга тушиб (бизни) ҳалок қилсин». Шуайб (алайҳиссалом) айтди: «Парвардигорим сизларнинг қилиб турган амалларингизни билади. Шунга кўра азоб беради». 19 жузъ

فَكَذَّبُوهُ فَأَخَذَهُمْ عَذَابُ يَوْمِ ٱلظُّلَّةِ ۚ إِنَّهُۥ كَانَ عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ
﴿١٨٩﴾ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَةً ۖ وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُم مُّؤْمِنِينَ ﴿١٩٠﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ
ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٩١﴾

189-191. Бас, Шуайб алайҳисаломнинг қавми уни ёлғончи қилишиб, иймон келтиришдан бош тортдилар. Бас, Аллоҳ таоло (соябон куни) бир қора булутни юбориб, уларни ҳалок қилди. Албатта, бу улар учун (улуғ куннинг) оғир азоби эди. Шубҳасиз, Шуайб (алайҳиссалом) қиссасида оқил одамлар учун ибрат бўладиган оят-далиллар бордир. Лекин уларнинг кўплари иймон келтирмадилар. Албатта, Парвардиторинг ўз ҳукмида ғолиб ва бандаларга меҳрибондир.

وَإِنَّهُۥ لَتَنزِيلُ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٩٢﴾ نَزَلَ بِهِ ٱلرُّوحُ ٱلْأَمِينُ ﴿١٩٣﴾ عَلَىٰ قَلْبِكَ لِتَكُونَ
مِنَ ٱلْمُنذِرِينَ ﴿١٩٤﴾ بِلِسَانٍ عَرَبِىٍّ مُّبِينٍ ﴿١٩٥﴾ وَإِنَّهُۥ لَفِى زُبُرِ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٩٦﴾
أَوَلَمْ يَكُن لَّهُمْ ءَايَةً أَن يَعْلَمَهُۥ عُلَمَٰٓؤُا۟ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ﴿١٩٧﴾

192-197. Албатта, бу Қуръон Парвардигори оламнинг нозил қилган Каломидир. Токи Сен фасиҳ (чиройли) арабий тил билан кофирларга панд ва насиҳат қилишинг учун Жаброил араб тилида Худонинг бу Каломини Сенга етказиб, ўргатиб, Сенинг дилингга жо қилди. Албатта, Қуръоннинг сифатлари, илгари нозил бўлган китобларда (ҳам) собит эди. Бани Исроилнинг уламоларига Қуръоннинг ҳақлигини билиш учун бу далил эмасми?

وَلَوْ نَزَّلْنَٰهُ عَلَىٰ بَعْضِ ٱلْأَعْجَمِينَ ﴿١٩٨﴾ فَقَرَأَهُۥ عَلَيْهِم مَّا كَانُوا۟ بِهِۦ

مُؤْمِنِينَ ﴿١٩٩﴾ كَذَٰلِكَ سَلَكْنَٰهُ فِي قُلُوبِ ٱلْمُجْرِمِينَ ﴿٢٠٠﴾ لَا يُؤْمِنُونَ
بِهِۦ حَتَّىٰ يَرَوُا۟ ٱلْعَذَابَ ٱلْأَلِيمَ ﴿٢٠١﴾

198-201. Агар Биз Қуръонни (араб бўлмаган) ажам халқидан баъзисига нозил қилганимизда эди ва бас, у ажамий уни аҳли Маккага қироат қилганида эди, Макка аҳли: «Бизлар бир ажамийга тобе бўламизми?», – деб (барибир) иймон келтирмас эдилар. *Шунга ўхшаш, уларнинг дилларида инкорлари бўлиб: «Сенга тобе бўламизми?», – деб иймон келтирмадилар.* Журм қилувчиларнинг дилларига инкорни шундай қарор топтирдик. Улар то Парвардигорнинг азобини кўрмагунларича Қуръонга ишонмайдилар.

19 жузъ

فَيَأْتِيَهُم بَغْتَةً وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٢٠٢﴾ فَيَقُولُوا۟ هَلْ نَحْنُ مُنظَرُونَ ﴿٢٠٣﴾
أَفَبِعَذَابِنَا يَسْتَعْجِلُونَ ﴿٢٠٤﴾

202-204. Бас, у кофирларга ғофил бўлиб турган ҳолларида ногаҳоний азоб келади. У вақтда айтадиларки: «Бизларга муҳлат берилмас эканми, токи иймон келтирсак?!» *Уларга: «Энди сизларга муҳлат берилмайди», – деган жавоб бўлади. Кофирлар айтадилар: «Сенинг ваъда қилган азобинг қачон келади?»* Парвардигор айтди: «Оё, улар Бизнинг азобимиз келишига шошиладиларми?»

أَفَرَءَيْتَ إِن مَّتَّعْنَٰهُمْ سِنِينَ ﴿٢٠٥﴾ ثُمَّ جَآءَهُم مَّا كَانُوا۟ يُوعَدُونَ ﴿٢٠٦﴾
مَآ أَغْنَىٰ عَنْهُم مَّا كَانُوا۟ يُمَتَّعُونَ ﴿٢٠٧﴾ وَمَآ أَهْلَكْنَا مِن قَرْيَةٍ إِلَّا لَهَا
مُنذِرُونَ ﴿٢٠٨﴾ ذِكْرَىٰ وَمَا كُنَّا ظَٰلِمِينَ ﴿٢٠٩﴾

205-209. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар кофирларга бир неча йил ҳаёт, молу давлат берсам, сўнгра уларга ваъда қилинган азоб келса, (ўшанда) у кофирларнинг мол-дунёси (асқотмасдан), Худонинг азобини даф қила олмаслигини биласанми? Ҳеч бир шаҳар ё қишлоқ аҳлини Биз огоҳлантирмасдан ҳалок қилмадик. Магар уларга Пайғамбар юбориб, насиҳат қилдик. Улар Худонинг азобидан қўрқитдилар. *Сўнгра уларни хароб қилганмиз.* Биз золим эмасмиз. Пайғамбар юбормасдан, (ибрат-эслатма бўлишини назарда тутмасдан), бирор қавмни азобга дучор қилмаймиз.

وَمَا تَنَزَّلَتْ بِهِ ٱلشَّيَٰطِينُ ﴿٢١٠﴾ وَمَا يَنۢبَغِي لَهُمْ وَمَا يَسْتَطِيعُونَ ﴿٢١١﴾
إِنَّهُمْ عَنِ ٱلسَّمْعِ لَمَعْزُولُونَ ﴿٢١٢﴾ فَلَا تَدْعُ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا ءَاخَرَ
فَتَكُونَ مِنَ ٱلْمُعَذَّبِينَ ﴿٢١٣﴾

210-213. Билингларки, бу Қуръонни шайтонлар нозил қилгани йўқ, улар бунга лойиқ ҳам эмаслар, кучлари ҳам етмайди. Бу шайтонлар Қуръонни эшитишдан маҳрум (четлатилган)дирлар. *Балки Қуръонни фаришта олиб*

келди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Парвардигорга ибодат қилишингда бошқа ботил илоҳларни (бут ва шунга ўхшашларни) қўшмагил. У ҳолда Сен ҳам азоб тортгувчилардан бўласан.

وَأَنذِرْ عَشِيرَتَكَ ٱلْأَقْرَبِينَ ﴿٢١٤﴾ وَٱخْفِضْ جَنَاحَكَ لِمَنِ ٱتَّبَعَكَ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٢١٥﴾ فَإِنْ عَصَوْكَ فَقُلْ إِنِّى بَرِىٓءٌ مِّمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٢١٦﴾ وَتَوَكَّلْ عَلَى ٱلْعَزِيزِ ٱلرَّحِيمِ ﴿٢١٧﴾

214-217. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), аввал ўз яқин қариндошларингни Худонинг азобидан қўрқитгил. Сенга тобе бўлган мўминларга меҳрибон бўл. Бас, агар Сени инкор қилиб, насиҳатингни қабул қилмасалар, уларга: «Мен сизларнинг қилаётган амалларингиздан безорман», – деб айт. Пайғамбарлик вазифангни адо этишингда қудратли ва меҳрибон Парвардигорингга таваккул қил. 19 жузъ

ٱلَّذِى يَرَىٰكَ حِينَ تَقُومُ ﴿٢١٨﴾ وَتَقَلُّبَكَ فِى ٱلسَّٰجِدِينَ ﴿٢١٩﴾ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٢٢٠﴾ هَلْ أُنَبِّئُكُمْ عَلَىٰ مَن تَنَزَّلُ ٱلشَّيَٰطِينُ ﴿٢٢١﴾ تَنَزَّلُ عَلَىٰ كُلِّ أَفَّاكٍ أَثِيمٍ ﴿٢٢٢﴾ يُلْقُونَ ٱلسَّمْعَ وَأَكْثَرُهُمْ كَٰذِبُونَ ﴿٢٢٣﴾

218-223. У Парвардигор Сени тунлари туриб ибодат қилганингда ва намозхонлар билан бирга сажда қилганингда кўриб туради. Албатта, Аллоҳ таоло Сенинг сўзларингни эшитгувчи ва аҳволингни (билгувчи) донодир. Сенга шайтонлар (тушиб) келиб, кимлар билан сўзлашиши ҳақида хабар берайми? Шайтонлар ёлғончиларга, гуноҳкорларга, унинг сўзига қулоқ солувчиларга келиб сўзлашади. Улар шайтонга қулоқ соладилар ва шайтон билан сўзлашувчиларнинг кўплари ёлғончидир.

وَٱلشُّعَرَآءُ يَتَّبِعُهُمُ ٱلْغَاوُۥنَ ﴿٢٢٤﴾ أَلَمْ تَرَ أَنَّهُمْ فِى كُلِّ وَادٍ يَهِيمُونَ ﴿٢٢٥﴾ وَأَنَّهُمْ يَقُولُونَ مَا لَا يَفْعَلُونَ ﴿٢٢٦﴾ إِلَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَذَكَرُوا۟ ٱللَّهَ كَثِيرًا وَٱنتَصَرُوا۟ مِنۢ بَعْدِ مَا ظُلِمُوا۟ ۗ وَسَيَعْلَمُ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوٓا۟ أَىَّ مُنقَلَبٍ يَنقَلِبُونَ ﴿٢٢٧﴾

224-227. Мушрикларнинг шоирларига гумроҳлар эргашадилар. Уларни кўрмайсанми, ёлғончиликнинг ҳар бир кўчасига кириб чиқадилар. Улар ўзлари қилмайдиган ишларни мақтаниб гапирадилар. Аммо иймон келтириб, яхши амаллар қилганлар, ўз шеърларида Худонинг ҳамду саносини кўп айтганлар, мазлум бўлганларидан кейин нусрат ва ғолиб бўлган шоирлар у мушрик шоирлардан мустаснодирлар, *яъни, бошқаларни йўлдан оздиргувчи эмаслар*. Яқинда бу золимлар охир (оқибат)да қандай жойга (яъни ағдарилиш маконига) боришларини билиб қоладилар.

Маккада нозил бўлган бу сура
тўқсон уч оятдан иборатдир.

19 жузъ *«Намл» сўзи чумоли маъносини англатади. 18-оятида Сулаймон алайҳиссаломнинг қўшинига йўл берган чумолилардан сўз юритилгани учун сура шундай номланган. Сурада Мусо, Солиҳ ва Лут пайғамбарлар қиссаси келтирилади. Довуд ва Сулаймон алайҳиссаломлар ҳақида батафсилроқ ҳикоя қилинади. Қуръондан насиҳат ва ибрат олишга чақирилади.*

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

طسٓۚ تِلۡكَ ءَايَٰتُ ٱلۡقُرۡءَانِ وَكِتَابٖ مُّبِينٍ ﴿١﴾ هُدٗى وَبُشۡرَىٰ لِلۡمُؤۡمِنِينَ ﴿٢﴾
ٱلَّذِينَ يُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَيُؤۡتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ وَهُم بِٱلۡأٓخِرَةِ هُمۡ يُوقِنُونَ ﴿٣﴾

1-3. То. Сийн.*Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Бу сура ҳукмлари очиқ Қуръоннинг оятларидир. Бандаларни ҳидоят қилмоқ учун нозил бўлгандир. Ва ҳам намозни ўз вақтида адо этадиган, закотни берадиган, охиратга ишонадиган мўмичларга Худонинг раҳматидан башорат бергувчидир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ لَا يُؤۡمِنُونَ بِٱلۡأٓخِرَةِ زَيَّنَّا لَهُمۡ أَعۡمَٰلَهُمۡ فَهُمۡ يَعۡمَهُونَ ﴿٤﴾ أُوْلَٰٓئِكَ
ٱلَّذِينَ لَهُمۡ سُوٓءُ ٱلۡعَذَابِ وَهُمۡ فِي ٱلۡأٓخِرَةِ هُمُ ٱلۡأَخۡسَرُونَ ﴿٥﴾ وَإِنَّكَ لَتُلَقَّى
ٱلۡقُرۡءَانَ مِن لَّدُنۡ حَكِيمٍ عَلِيمٍ ﴿٦﴾

4-6. Албатта, охиратга ишонмайдиган кофирларга амалларини ўзларига маъқул (чиройли) қилиб кўрсатдик. Бас, улар гумроҳликда саргардон бўлиб юраверадилар. Ана ўша гуруҳга Қиёмат куни қаттиқ азоб муқаррардир ва ҳам улар охиратда энг кўп зиён кўргувчилардандир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга энг доно ва энг ҳаким Парвардигор тарафидан (бу) Қуръон ато қилинади.

إِذۡ قَالَ مُوسَىٰ لِأَهۡلِهِۦٓ إِنِّيٓ ءَانَسۡتُ نَارٗا سَـَٔاتِيكُم مِّنۡهَا بِخَبَرٍ أَوۡ ءَاتِيكُم بِشِهَابٖ
قَبَسٖ لَّعَلَّكُمۡ تَصۡطَلُونَ ﴿٧﴾ فَلَمَّا جَآءَهَا نُودِيَ أَنۢ بُورِكَ مَن فِي ٱلنَّارِ وَمَنۡ

حَوْلَهَا وَسُبْحَٰنَ ٱللَّهِ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٨﴾

7-8. Эй Муҳаммад (алайхиссалом), Мусо (алайҳиссалом) хотинини олиб Мадян шаҳридан чиқиб, Мисрга кетаётган вақтни ёд қил (эсла). Ўшанда йўлда осмондан ёмғир ёғди, ҳаво совуқ бўлди. Йўлдан адашиб қолдилар. Хотинини туғиш (тўлғоқ) дарди тутди. Хотини айтди: «Менга исиниш учун ўт (олов) ёқиб беринг». Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Мен тоғ тарафидан бир ўт (олов)ни кўряпман, шу ўтдан бир лахчасини олиб келаман ёки (бирор кишидан йўлнинг) хабарини олиб (билиб) келаман. Сизлар ўша ўт билан иссиқ бўласизлар (исинасизлар). Вақтики, Мусо (алайҳиссалом) ўтга яқин бориб кўрса, у ўт эмас, балки нур экан. Бир дарахтдан чиқиб, осмонга кўтариларди. Мусо (алайҳиссалом) ҳайрон бўлиб қолди. Ногоҳ у нурдан овоз келди: «Ўтни талаб қилиб келган одам ва атрофдаги малоикалар хайру баракотлидур! Ва оламлар Парвардигори жамиъи (айбу) нуқсонлардан покдир! 19 жузъ

يَٰمُوسَىٰٓ إِنَّهُۥٓ أَنَا ٱللَّهُ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٩﴾ وَأَلْقِ عَصَاكَ فَلَمَّا رَءَاهَا تَهْتَزُّ كَأَنَّهَا جَآنٌّ وَلَّىٰ مُدْبِرًا وَلَمْ يُعَقِّبْ يَٰمُوسَىٰ لَا تَخَفْ إِنِّى لَا يَخَافُ لَدَىَّ ٱلْمُرْسَلُونَ ﴿١٠﴾ إِلَّا مَن ظَلَمَ ثُمَّ بَدَّلَ حُسْنًۢا بَعْدَ سُوٓءٍ فَإِنِّى غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١١﴾

9-11. Эй Мусо, билгилки, Мен ҳар бир нарсадан ғолиб, ўз ишида ҳаким ва энг доно Парвардигорингдирман. Сен қўлингдаги асойингни ерга ташла». Мусо (алайҳиссалом) асойини ерга ташлади. (Ҳазрати) Мусо қарасаларки, асо бир илонга ўхшаб ҳаракат қилиб турибди. Мусо (алайҳиссалом) қўрқиб, орқасига қарамай қочди. Биз Мусога айтдик: «Қўрқма, пайғамбарларим Менинг ҳузуримда ҳеч бир нарсадан қўрқмайдилар». *Яъни, фақат гуноҳкор, золимлар қўрқадилар.* Агар зулм қилувчилар ёмон амалларини яхши амалга бадал қилсалар, албатта, Мен кечирувчи ва меҳрибондирман.

وَأَدْخِلْ يَدَكَ فِى جَيْبِكَ تَخْرُجْ بَيْضَآءَ مِنْ غَيْرِ سُوٓءٍ فِى تِسْعِ ءَايَٰتٍ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَقَوْمِهِۦٓ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ قَوْمًا فَٰسِقِينَ ﴿١٢﴾ فَلَمَّا جَآءَتْهُمْ ءَايَٰتُنَا مُبْصِرَةً قَالُوا۟ هَٰذَا سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿١٣﴾ وَجَحَدُوا۟ بِهَا وَٱسْتَيْقَنَتْهَآ أَنفُسُهُمْ ظُلْمًا وَعُلُوًّا فَٱنظُرْ كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلْمُفْسِدِينَ ﴿١٤﴾

12-14. Эй Мусо, қўлингни ёқангнинг ичига (қўлтиғингга) киргизиб (тиқиб), сўнгра чиқар. Қўлинг чиққанида ҳеч бир иллатсиз (ёмонликсиз) оппоқ нурга айланади. Бу икки мўъжиза ҳам Сенга ато қилинган тўққиз мўъжиза жумласидандир. *Яъни, энди Мен Сени пайғамбар қилиб танладим. Фиръавнга ва унинг қавмига бориб пайғамбарлигингни эълон қилиб, уларни динга даъват қилгил.* Уларнинг ҳаммаси фасодчи мушрикдирлар. Вақтики, Мусо (алайҳиссалом) Фиръавн ҳузурига келиб, мўъжизалар кўр-

сатганларида, фиръавнийлар Бизнинг қудратимиз далиллари (аломатлари)ни очиқ-равшан кўрганларида айтдиларки: «Бу равшан (очиқ-ойдин) жодутарликдир (сеҳрдир)». Ҳаммалари у мўъжизаларга мункир бўлдилар. Аниқ билар эдиларки, улар мўъжизадир, сеҳр эмасдир. Лекин кибр ва душманлик билан инкор қилар эдилар. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кўргилки у фасод қилувчиларнинг оқибатлари қандай бўлди.

وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا دَاوُۥدَ وَسُلَيْمَٰنَ عِلْمًا ۖ وَقَالَا ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ٱلَّذِى فَضَّلَنَا عَلَىٰ كَثِيرٍ مِّنْ
19 жузъ عِبَادِهِ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٥﴾ وَوَرِثَ سُلَيْمَٰنُ دَاوُۥدَ ۖ وَقَالَ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ عُلِّمْنَا مَنطِقَ
ٱلطَّيْرِ وَأُوتِينَا مِن كُلِّ شَىْءٍ ۖ إِنَّ هَٰذَا لَهُوَ ٱلْفَضْلُ ٱلْمُبِينُ ﴿١٦﴾

15-16. Албатта, Биз Довуд (алайҳиссалом) ва Сулаймон (алайҳиссалом)га илм ато қилдик. Икковлари Худонинг шукрини бажо келтириб айтдиларки: «Парвардигорга ҳамду санолар бўлсин. У кўп мўмин бандалардан Бизни (фазилатли) ортиқ қилди. *Яъни, Бизга подшоҳлик ва пайғамбарлик бериб, ҳаммадан афзал қилди»*. Вақтики, Довуд (алайҳиссалом) вафот қилиб кетди, Сулаймон (алайҳиссалом) отасининг подшоҳлигига ворис бўлди ва айтди: «Эй одамлар, Бизга Худованди Таоло тарафидан паррандаларнинг тиллари ўргатилди ва Бизга Биз муҳтож бўлган ҳар бир нарса(дан насиба) ато қилинди. Парвардигорнинг бу ато қилганлари у Зотнинг очиқ марҳамати (фазли)дир».

وَحُشِرَ لِسُلَيْمَٰنَ جُنُودُهُۥ مِنَ ٱلْجِنِّ وَٱلْإِنسِ وَٱلطَّيْرِ فَهُمْ يُوزَعُونَ ﴿١٧﴾ حَتَّىٰٓ
إِذَآ أَتَوْا۟ عَلَىٰ وَادِ ٱلنَّمْلِ قَالَتْ نَمْلَةٌ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّمْلُ ٱدْخُلُوا۟ مَسَٰكِنَكُمْ لَا
يَحْطِمَنَّكُمْ سُلَيْمَٰنُ وَجُنُودُهُۥ وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿١٨﴾

17-18. Сулаймон (алайҳиссалом)нинг ҳузурига жинлар гуруҳидан, инсонлардан ва паррандалардан лашкарлар жам бўлишди. Кейин қолганлар етиб келиши учун бу лашкарлар бир ерга тўпланиб турдилар. Вақтики, лашкарлар тўпланди, Сулаймон (алайҳиссалом) улар билан чумолилар майдонига етиб келди. Чумолилар подшоҳи айтди: «Эй чумолилар, ўз уйларингизга кириб кетинглар. Токи Сулаймон (алайҳиссалом) лашкарлари билан билмасдан сизларни оёқ ости қилмасин».

فَتَبَسَّمَ ضَاحِكًا مِّن قَوْلِهَا وَقَالَ رَبِّ أَوْزِعْنِىٓ أَنْ أَشْكُرَ نِعْمَتَكَ ٱلَّتِىٓ أَنْعَمْتَ
عَلَىَّ وَعَلَىٰ وَٰلِدَىَّ وَأَنْ أَعْمَلَ صَٰلِحًا تَرْضَىٰهُ وَأَدْخِلْنِى بِرَحْمَتِكَ فِى عِبَادِكَ
ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿١٩﴾

19. Бас, Сулаймон (алайҳиссалом) бу чумолининг сўзидан таажжубланиб кулди. Худога дуо қилиб айтди: «Эй Парвардигор, Менга тавфиқ бер, токи менга, ота-онамга инъом қилган неъматларингга шукр адо этай. Ва Сен рози бўладиган яхши амаллар қилай. Ўз фазлу марҳаматинг билан мени солиҳ бандаларинг қаторига қўшгил».

وَتَفَقَّدَ ٱلطَّيْرَ فَقَالَ مَا لِىَ لَآ أَرَى ٱلْهُدْهُدَ أَمْ كَانَ مِنَ ٱلْغَآئِبِينَ ﴿٢٠﴾
لَأُعَذِّبَنَّهُۥ عَذَابًا شَدِيدًا أَوْ لَأَا۟ذْبَحَنَّهُۥٓ أَوْ لَيَأْتِيَنِّى بِسُلْطَٰنٍ مُّبِينٍ ﴿٢١﴾ فَمَكَثَ غَيْرَ
بَعِيدٍ فَقَالَ أَحَطتُ بِمَا لَمْ تُحِطْ بِهِۦ وَجِئْتُكَ مِن سَبَإٍۭ بِنَبَإٍ يَقِينٍ ﴿٢٢﴾

20-22. Сулаймон (алайҳиссалом) бир кун паррандаларни текшириб, пўпишак (ҳудҳуд)ни улар ичида кўрмади. Айтди: «Нима учун паррандалар ичида пўпишакни кўрмаяпман, балки мендан берухсат ғойиб бўлгандир. Агар келса, унга қаттиқ азоб бераман ё сўйдириб юбораман, ёки ўзининг ғойиб бўлганига очиқ далил (ҳужжат) келтириб, узрини айтади». Бас, озгина кечиккандан сўнг пўпишак етиб келди. *Сулаймон (алайҳиссалом) унга итоб қилиб: «Нега (индамай) ғойиб бўлдинг?», – деди.* Пўпишак айтди: «Мен Сен мушоҳада қилмаган ва кўрмаган жойларни кўриб келдим. Мен Сенга Сабаъ (Сабо) қавмидан ишончли хабар келтирдим». *Сулаймон алайҳиссалом: «У қавмнинг подшоҳи ким?», – деб сўради.*

19 жузъ

إِنِّى وَجَدتُّ ٱمْرَأَةً تَمْلِكُهُمْ وَأُوتِيَتْ مِن كُلِّ شَىْءٍ وَلَهَا عَرْشٌ عَظِيمٌ ﴿٢٣﴾
وَجَدتُّهَا وَقَوْمَهَا يَسْجُدُونَ لِلشَّمْسِ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَزَيَّنَ لَهُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ أَعْمَٰلَهُمْ
فَصَدَّهُمْ عَنِ ٱلسَّبِيلِ فَهُمْ لَا يَهْتَدُونَ ﴿٢٤﴾ أَلَّا يَسْجُدُوا۟ لِلَّهِ ٱلَّذِى يُخْرِجُ
ٱلْخَبْءَ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَيَعْلَمُ مَا تُخْفُونَ وَمَا تُعْلِنُونَ ﴿٢٥﴾ ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا
هُوَ رَبُّ ٱلْعَرْشِ ٱلْعَظِيمِ ۩ ﴿٢٦﴾

23-26. Пўпишак айтди: «Мен уларнинг подшоҳи бир хотин эканлигини кўрдим. У хотинга Худо тарафидан кўп нарса берилган бўлиб, унинг улуғ бир тахти бор экан. У аёлнинг ҳам, қавмининг ҳам Худога эмас, офтобга ибодат қилаётганларини кўрдим. Шайтон иғво қилиб, уларнинг амалларини кўзларига чиройли кўрсатиб, ҳидоят йўлидан манъ қилган экан. Улар (ҳаммаси) гумроҳликлари туфайли Аллоҳ таолога ибодат этиб сажда қилмас эканлар. **(25-оят сажда оятидир).** У Парвардигор осмонлардаги ва ердаги махфий нарсаларни, қалбларнинг пинҳон сақлаган ва ошкора қилган нарсаларини билгувчи Зотдир. Бир Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқ. У улуғ Аршни яратган Парвардигордир».

۞ قَالَ سَنَنظُرُ أَصَدَقْتَ أَمْ كُنتَ مِنَ ٱلْكَٰذِبِينَ ﴿٢٧﴾ ٱذْهَب بِّكِتَٰبِى هَٰذَا فَأَلْقِهْ
إِلَيْهِمْ ثُمَّ تَوَلَّ عَنْهُمْ فَٱنظُرْ مَاذَا يَرْجِعُونَ ﴿٢٨﴾ قَالَتْ يَٰٓأَيُّهَا ٱلْمَلَؤُا۟ إِنِّىٓ أُلْقِىَ إِلَىَّ
كِتَٰبٌ كَرِيمٌ ﴿٢٩﴾

27-29. Сулаймон (алайҳиссалом) пўпишакка айтди: «Биз сенинг сўзингни текшириб кўрамиз, сўзларинг ростми ёки ёлғонми?» *Сўнгра Сулаймон*

алайҳиссалом бир мактуб ёзиб, Сабаъ подшоҳи Билқисга юбормоқчи бўлди. Пўпишакка айтди: «Менинг бу мактубимни подшоҳнинг қасрига олиб бориб ташла. Сўнгра ўзингни бир четга олиб, назар қилиб (кузатиб) тур. Улар мактубга қандай жавоб берадилар». *Пўпишак мактубни олиб, учиб борди ва подшоҳнинг тахтига ташлади. Билқис уйқусидан бош кўтариб, мактубни кўрди.* Очиб ўқигач, қавмнинг улуғларини йиғиб айтди: «Эй қавмим, менга Сулаймон пайғамбар тарафидан бир мактуб ёзилиб, менинг тахтимга ташланибди».

إِنَّهُۥ مِن سُلَيْمَـٰنَ وَإِنَّهُۥ بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَـٰنِ ٱلرَّحِيمِ ﴿٣٠﴾ أَلَّا تَعْلُواْ عَلَىَّ

19 жузъ وَأْتُونِى مُسْلِمِينَ ﴿٣١﴾ قَالَتْ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلْمَلَؤُاْ أَفْتُونِى فِىٓ أَمْرِى مَا كُنتُ قَاطِعَةً

أَمْرًا حَتَّىٰ تَشْهَدُونِ ﴿٣٢﴾ قَالُواْ نَحْنُ أُوْلُواْ قُوَّةٍ وَأُوْلُواْ بَأْسٍ شَدِيدٍ وَٱلْأَمْرُ

إِلَيْكِ فَٱنظُرِى مَاذَا تَأْمُرِينَ ﴿٣٣﴾

30-33. Мазмуни шундай экан: «Мен – Сулаймон пайғамбар, бу мактубни кечирувчи ва меҳрибон Парвардигорнинг номи билан ёзиб юбораман. Сизлар менга кибр ва катталик (манманлик) қилмасдан, бўйинсуниб келинглар ва иймон келтиринглар». Билқис айтди: «Эй қавмим, сизлар бу ишда бирор маслаҳат бермагунингизча мен танҳо қатъий бир қарор қилмасман». У жамоа айтди: «Бизлар куч-қувватли ва шижоатли халқмиз. Энди маслаҳат ўзингга қолди, қандай амр қилсанг, биз шунга итоат этамиз».

قَالَتْ إِنَّ ٱلْمُلُوكَ إِذَا دَخَلُواْ قَرْيَةً أَفْسَدُوهَا وَجَعَلُوٓاْ أَعِزَّةَ أَهْلِهَآ أَذِلَّةً وَكَذَٰلِكَ

يَفْعَلُونَ ﴿٣٤﴾ وَإِنِّى مُرْسِلَةٌ إِلَيْهِم بِهَدِيَّةٍ فَنَاظِرَةٌۢ بِمَ يَرْجِعُ ٱلْمُرْسَلُونَ ﴿٣٥﴾

34-35. Билқис ўз қавмига айтди: «Подшоҳлар бирор шаҳар ва қишлоқни босиб олсалар, у жойларни ғорат этиб, хароб қиладилар. Азиз кишиларини хор қиладилар. Золим подшоҳларнинг одати шундайдир. Мен Сулаймон (алайҳиссалом)га ҳадя юбориб, ақл ва идрокини синаб кўраман. Юборган элчиларим қандай жавоб билан қайтсалар, шунга қараб муомала қиламиз».

فَلَمَّا جَآءَ سُلَيْمَـٰنَ قَالَ أَتُمِدُّونَنِ بِمَالٍ فَمَآ ءَاتَىٰنِۦَ ٱللَّهُ خَيْرٌ مِّمَّآ ءَاتَىٰكُم بَلْ

أَنتُم بِهَدِيَّتِكُمْ تَفْرَحُونَ ﴿٣٦﴾ ٱرْجِعْ إِلَيْهِمْ فَلَنَأْتِيَنَّهُم بِجُنُودٍ لَّا قِبَلَ لَهُم بِهَا

وَلَنُخْرِجَنَّهُم مِّنْهَآ أَذِلَّةً وَهُمْ صَـٰغِرُونَ ﴿٣٧﴾

36-37. Вақтики, Билқиснинг элчилари Сулаймон (алайҳиссалом)га келдилар, Сулаймон (алайҳиссалом) уларнинг ҳадяларини назарларидан ўтказиб айтди: «Сизлар менга мол-дунё бериб, ёрдам қилмоқчимисизлар? Ваҳоланки, Худонинг менга берган атолари сизларнинг олиб келган молларингиздан *юз баробар* яхшидир. Аммо сизлар олиб келган ҳадяларингиз билан фахрланиб, хурсанд бўласизлар. *Сизлар энди молларингизни олиб қайтинглар. Бориб подшоҳларингизга айтинларки:* «Агар

мусулмон бўлиб, менинг олдимга келмаса, Биз улар бас кела олмайдиган лашкар билан устларига бостириб борамиз. Уларни хор ва залил бўлган ҳолларида мамлакатларидан чиқарамиз».

قَالَ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلْمَلَؤُا۟ أَيُّكُمْ يَأْتِينِى بِعَرْشِهَا قَبْلَ أَن يَأْتُونِى مُسْلِمِينَ ﴿٣٨﴾ قَالَ
عِفْرِيتٌ مِّنَ ٱلْجِنِّ أَنَا۠ ءَاتِيكَ بِهِۦ قَبْلَ أَن تَقُومَ مِن مَّقَامِكَ ۖ وَإِنِّى عَلَيْهِ
لَقَوِىٌّ أَمِينٌ ﴿٣٩﴾

38-39. Сулаймон (алайҳиссалом) Худонинг ўзига берган мўъжизасини Билқисга кўрсатмоқни хоҳлаб, (акобирлару) лашкарларига айтди: 19 жузъ
«Эй жамоа, сизлардан қайси бирингиз бу қавм бўйсуниб келмасидан олдин, Билқиснинг (ўз шаҳрида қолган) тахтини олиб келади». Шунда жинлардан бир ҳайбатли (жин) айтди: «Сен ўз мажлисингдан (ўрнингдан) турмасдан олдин мен (тахтни) ҳозир қиламан. Албатта, бунга қудратим етади. Чунки, мен қувватли омонатдордирман».

قَالَ ٱلَّذِى عِندَهُۥ عِلْمٌ مِّنَ ٱلْكِتَـٰبِ أَنَا۠ ءَاتِيكَ بِهِۦ قَبْلَ أَن يَرْتَدَّ إِلَيْكَ طَرْفُكَ ۚ
فَلَمَّا رَءَاهُ مُسْتَقِرًّا عِندَهُۥ قَالَ هَـٰذَا مِن فَضْلِ رَبِّى لِيَبْلُوَنِىٓ ءَأَشْكُرُ أَمْ أَكْفُرُ ۖ وَمَن
شَكَرَ فَإِنَّمَا يَشْكُرُ لِنَفْسِهِۦ ۖ وَمَن كَفَرَ فَإِنَّ رَبِّى غَنِىٌّ كَرِيمٌ ﴿٤٠﴾ قَالَ نَكِّرُوا۟ لَهَا
عَرْشَهَا نَنظُرْ أَتَهْتَدِىٓ أَمْ تَكُونُ مِنَ ٱلَّذِينَ لَا يَهْتَدُونَ ﴿٤١﴾

40-41. Бу ўтирганлар ичида илгариги нозил бўлган китобларни ўқиган киши бор эди. *Баъзи муфассирлар бу киши Исми Аъзамни билувчи, Сулаймон алайҳиссаломнинг вазири Осиф ибни Бархиё бўлганлигини айтишган.* У Сулаймон (алайҳиссалом)га айтди: «Мен Билқиснинг тахтини сиз кўзингизни юмиб-очгунча ҳозир қиламан». Сулаймон (алайҳиссалом) вақтики, бир назар қилса, Билқиснинг тахти олдида ҳозир бўлибди. Сулаймон (алайҳиссалом) айтди: «Бу иззат ва каромат менга Парвардигоримнинг фазли ва марҳаматидандир. Токи, Парвардигор мени синайдирки, берган неъматларига шукр қиламанми ё куфрон (ношукурлик) қиламанми. Ҳар кимки Худонинг неъматига шукр қилса, ўз (нафс)ининг фойдасига шукр қилибди. Ҳар кимки Худонинг неъматига куфрон (ношукурлик) қилса, ўзига зарар қилибди. Чунки Парвардигорим унинг шукридан мустағний (беҳожат) беиваз (беминнат) эҳсон қилувчидир. Сулаймон (алайҳиссалом) айтди: «Билқиснинг тахтини ўзгартириб қўйинглар. Қарайлик-чи, тахтини танийдими ё йўқми?»

فَلَمَّا جَآءَتْ قِيلَ أَهَـٰكَذَا عَرْشُكِ ۖ قَالَتْ كَأَنَّهُۥ هُوَ ۚ وَأُوتِينَا ٱلْعِلْمَ مِن قَبْلِهَا وَكُنَّا
مُسْلِمِينَ ﴿٤٢﴾ وَصَدَّهَا مَا كَانَت تَّعْبُدُ مِن دُونِ ٱللَّهِ ۖ إِنَّهَا كَانَتْ مِن قَوْمٍ كَـٰفِرِينَ
﴿٤٣﴾ قِيلَ لَهَا ٱدْخُلِى ٱلصَّرْحَ ۖ فَلَمَّا رَأَتْهُ حَسِبَتْهُ لُجَّةً وَكَشَفَتْ عَن سَاقَيْهَا ۚ قَالَ

إِنَّهُۥ صَرْحٌ مُّمَرَّدٌ مِّن قَوَارِيرَ ۗ قَالَتْ رَبِّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي وَأَسْلَمْتُ مَعَ سُلَيْمَٰنَ لِلَّهِ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٤٤﴾

42-44. Билқис Сулаймон (алайҳиссалом)нинг ҳузурида ҳозир бўлганда ундан: «Сенинг тахтинг шунга ўхшашмиди?», – деб сўралди. У (Билқис): «Гўё менинг тахтимнинг ўзгинаси», – деб жавоб берди. Билқис айтдики: «Бизларга Парвардигор динининг ҳақлигига, Сулаймон (алайҳиссалом)-нинг пайғамбарлигига бу мўъжизадан илгари илм берилган эди. Бизлар
19 жузъ Сулаймон (алайҳиссалом)нинг ҳукмига таслим бўлиб келдик». Парвардигор ўзининг ҳидоят ва тавфиқи билан Билқис ва унинг қавмини ибодат қилиб турган ботил динларидан қайтарди, чунки улар олдин кофирлар қавмидан эдилар. Билқисга: «Қасрнинг (саройнинг) саҳнига киргин», – дейилди. Вақтики, кирмоқчи бўлди, сувнинг тўлқини деб гумон қилиб, оёқларини ва болдирини очди. Сулаймон (алайҳиссалом) айтди: «Оёғингни ёп, бу майдон (саҳна) шишадан (ойнадан) ясалгандир». Билқис айтди: «Эй Парвардигор, мен офтобга ибодат қилиб, ўз нафсимга зулм қилган эканман. Энди мен Сулаймон (алайҳиссалом)га тобе бўлиб, (оламлар) Парвардигорига иймон келтирдим».

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَآ إِلَىٰ ثَمُودَ أَخَاهُمْ صَٰلِحًا أَنِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ فَإِذَا هُمْ فَرِيقَانِ يَخْتَصِمُونَ ﴿٤٥﴾ قَالَ يَٰقَوْمِ لِمَ تَسْتَعْجِلُونَ بِٱلسَّيِّئَةِ قَبْلَ ٱلْحَسَنَةِ ۖ لَوْلَا تَسْتَغْفِرُونَ ٱللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿٤٦﴾

45-46. Бизлар Самуд қавмининг қариндошларидан (ўзларидан) Солиҳ (алайҳиссалом)ни Самуд қавмига Пайғамбар қилиб юбордик. Солиҳ (алайҳиссалом) қавмига айтди: «Якка ва ягона Худонинг ўзига ибодат қилинглар». Бас, ногоҳ бу қавм икки фирқага бўлиниб, бир-бирлари билан хусумат қилар эдилар. Солиҳ (алайҳиссалом)га кофирлар айтдилар: «Бизга ваъда қилган азобинг қачон келади?» Солиҳ (алайҳиссалом) қавмига айтди: «Нима учун яхши амал қилиш ўрнига (ёмонлик) азобнинг келишига шошиласизлар? Нега Худодан кечирим сўрамайсизлар? Балки сизларга раҳм қилган бўлармиди?».

قَالُوا۟ ٱطَّيَّرْنَا بِكَ وَبِمَن مَّعَكَ ۚ قَالَ طَٰٓئِرُكُمْ عِندَ ٱللَّهِ ۖ بَلْ أَنتُمْ قَوْمٌ تُفْتَنُونَ ﴿٤٧﴾ وَكَانَ فِي ٱلْمَدِينَةِ تِسْعَةُ رَهْطٍ يُفْسِدُونَ فِي ٱلْأَرْضِ وَلَا يُصْلِحُونَ ﴿٤٨﴾ قَالُوا۟ تَقَاسَمُوا۟ بِٱللَّهِ لَنُبَيِّتَنَّهُۥ وَأَهْلَهُۥ ثُمَّ لَنَقُولَنَّ لِوَلِيِّهِۦ مَا شَهِدْنَا مَهْلِكَ أَهْلِهِۦ وَإِنَّا لَصَٰدِقُونَ ﴿٤٩﴾

47-49. Кофирлар айтдилар: «Сен ва Сенга иймон келтирганлар бизнинг бошимизга кулфат ва қаҳатчилик олиб келдингизлар. Сенинг шумлигингдан бизлар кулфат кўряпмиз». Солиҳ (алайҳиссалом) айтди: «Шумлик ва яхшилик Худонинг ҳукмида, Менинг ихтиёримда эмас. Балки ўзла-

рингиз Худо тарафидан фитнага (синовга) мубтало қилинган қавмдирсизлар». Уларнинг шаҳарларида тўққиз фирқа кофир бор эди. Доимо ер юзида фасод қилар ва ислоҳ қилмас эдилар. Улар Худонинг номига қасамёд қилиб айтдиларки: «Бизлар кечаси Солиҳ ва аҳлининг бошига ҳужум қилиб, ўлдирамиз. Агар Солиҳнинг қариндошлари (валийлари) биздан сўрасалар, айтамизки: «Солиҳ (алайҳиссалом) ва аҳлининг ҳалокатига биз гувоҳ эмасмиз. *Яъни, ҳалок бўлган жойда биз йўқ эдик. Ким ўлдирганини билмаймиз.* Албатта, бизлар сўзимизда ростгўйдирмиз».

وَمَكَرُوا مَكْرًا وَمَكَرْنَا مَكْرًا وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٥٠﴾ فَانظُرْ كَيْفَ كَانَ 20 жузъ
عَاقِبَةُ مَكْرِهِمْ أَنَّا دَمَّرْنَاهُمْ وَقَوْمَهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٥١﴾ فَتِلْكَ بُيُوتُهُمْ خَاوِيَةً بِمَا
ظَلَمُوا إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٥٢﴾

50-52. Кофирлар Солиҳ (алайҳиссалом)ни ўлдириш учун ҳийла (макр) қилмоқчи бўлдилар. Биз ҳам улар амалга оширмоқчи бўлган макрнинг жазосини бермоқчи бўлдик. *Ваҳоланки, уларнинг ҳеч нарсадан хабарлари йўқ эди.* Фикр қилгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларнинг қилган макрларининг оқибати нима бўлди? Охир Биз кофирлар қавмининг ҳаммасини ҳалок қилдик. Ана қолган уйлари ва нишоналари! Қилган зулмларининг жазосига ҳаммаси вайрон ва хароб бўлиб ётибди. Бу қиссада доно, илмли қавмлар учун ибратли аломатлар бордир.

وَأَنجَيْنَا الَّذِينَ آمَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ ﴿٥٣﴾

53. Биз кофирларни ҳалок қилиб, иймон келтирганларга ва тақво қилганларга нажот бердик. *Муҳаммад алайҳиссалом Табук газотига кетаётган вақтларида Самуд қавмининг вайрон бўлиб ётган иморатлари олдидан ўтдилар. Саҳобаларига амр қилдиларки, «Бу жой Самуд қавмининг ҳалок бўлган макони. Ҳаммаларингиз тавозе билан Худога тазарру қилиб, (йиглаб) бошларингизни эгиб ўтинглар».*

ЙИГИРМАНЧИ ЖУЗЪ

وَلُوطًا إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِ أَتَأْتُونَ الْفَاحِشَةَ وَأَنتُمْ تُبْصِرُونَ ﴿٥٤﴾ أَئِنَّكُمْ
لَتَأْتُونَ الرِّجَالَ شَهْوَةً مِّن دُونِ النِّسَاءِ بَلْ أَنتُمْ قَوْمٌ تَجْهَلُونَ ﴿٥٥﴾ فَمَا
كَانَ جَوَابَ قَوْمِهِ إِلَّا أَن قَالُوا أَخْرِجُوا آلَ لُوطٍ مِّن قَرْيَتِكُمْ إِنَّهُمْ
أُنَاسٌ يَتَطَهَّرُونَ ﴿٥٦﴾

54-56. Биз Лут (алайҳиссалом)ни ўз қавмига Пайғамбар қилиб юбордик. Вақтики, Лут (алайҳиссалом) қавмига насиҳат қилиб айтди: «Сизлар бу (баччабозлик) феълининг ёмонлигини билиб туриб беҳаё ишга машғул бўласиз-

ларми? Ахир, сизлар Худо буюрган хотинларни тарк этиб, шаҳватларингизни эркакларга сарф қиласизларми? Балки сизлар ҳайвонлардан баттар жоҳиллик қилаётган қавмсизлар. Лут (алайҳиссалом)нинг насиҳатига қавми жавоб бериб, бир-бирларига айтардилар: «Ўз қабилаларингиздан Лутни тобелари (аҳли аёли ва издошлари) билан бирга чиқариб юборинг. Улар ўзларини «пок» деб, бизни «ифлос» дейдиган одамлардир».

فَأَنجَيْنَٰهُ وَأَهْلَهُۥٓ إِلَّا ٱمْرَأَتَهُۥ قَدَّرْنَٰهَا مِنَ ٱلْغَٰبِرِينَ ﴿٥٧﴾ وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهِم
20 жузъ مَّطَرًا ۖ فَسَآءَ مَطَرُ ٱلْمُنذَرِينَ ﴿٥٨﴾ قُلِ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ وَسَلَٰمٌ عَلَىٰ عِبَادِهِ ٱلَّذِينَ
ٱصْطَفَىٰٓ ۗ ءَآللَّهُ خَيْرٌ أَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٥٩﴾

57-59. Бас, Биз Лутга ва аҳлига нажот бердик, фақат хотинини қолдирдик, чунки унинг ҳалок бўлишини муқаррар қилган эдик. Сўнгра Биз қавмнинг бошига ёмғир-тош ёғдирдик. Кофирлар учун бу жуда ёмон ёмғир эди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен бу қавмларнинг ҳалок бўлганини эшитдинг. Энди Сен «Худога ҳамду санолар бўлсин!» — деб айтгил. Худо пайғамбарликка ихтиёр қилганларга «Салом бўлсин!» — дегил. Аллоҳ таоло яхшими ё мушрикларнинг Худога шерик қилган маъбудлари яхшими? *Албатта, Худо яхшидир.*

أَمَّنْ خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ وَأَنزَلَ لَكُم مِّنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَأَنۢبَتْنَا
بِهِۦ حَدَآئِقَ ذَاتَ بَهْجَةٍ مَّا كَانَ لَكُمْ أَن تُنۢبِتُوا۟ شَجَرَهَآ ۗ أَءِلَٰهٌ مَّعَ
ٱللَّهِ ۚ بَلْ هُمْ قَوْمٌ يَعْدِلُونَ ﴿٦٠﴾ أَمَّن جَعَلَ ٱلْأَرْضَ قَرَارًا وَجَعَلَ خِلَٰلَهَآ أَنْهَٰرًا
وَجَعَلَ لَهَا رَوَٰسِىَ وَجَعَلَ بَيْنَ ٱلْبَحْرَيْنِ حَاجِزًا ۗ أَءِلَٰهٌ مَّعَ ٱللَّهِ ۚ بَلْ
أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٦١﴾

60-61. *Сизлардан:* Осмонлар ва ерни ким яратди, осмондан ёмғирни ким ёғдирди? — *деб сўрайман.* Бас, Биз бу ёмғир сабаби билан (воситасида) зийнатли боғлар кўкартирдик. Сизлар бундай боғларнинг бирор дарахтини кўкартиришга қодир эмас эдингизлар. Энди жавоб беринглар-чи, Худонинг буларни халқ қилмоғида шериги бормиди? (Йўқ!) Кофирлар йўлдан озган қавмдирлар. Худога шерик қиладилар. Яна сизлардан сўраймanки, ерни барча ҳайвону жонзотлар учун ким қароргоҳ қилди? Ернинг ўрталарида анҳорларни ким оқизиб қўйди? Ернинг устида тоғларни ким яратди? Икки дарё (денгиз) қўшилганда ўртасида ким тўсиқ яратди? Энди жавоб беринглар-чи, бу ишларда Худонинг шериги бор эдими? (Йўқ!) Кофирларнинг кўплари ҳайвонлардан ҳам баттар илмсиздирлар.

أَمَّن يُجِيبُ ٱلْمُضْطَرَّ إِذَا دَعَاهُ وَيَكْشِفُ ٱلسُّوٓءَ وَيَجْعَلُكُمْ خُلَفَآءَ ٱلْأَرْضِ
أَءِلَٰهٌ مَّعَ ٱللَّهِ ۚ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ ﴿٦٢﴾ أَمَّن يَهْدِيكُمْ فِى ظُلُمَٰتِ ٱلْبَرِّ

وَالْبَحْرِ وَمَن يُرْسِلُ الرِّيَاحَ بُشْرًا بَيْنَ يَدَيْ رَحْمَتِهِ أَإِلَٰهٌ مَعَ اللَّهِ تَعَالَى اللَّهُ
عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٦٣﴾

62-63. *Сизлардан:* Ожиз-ночорларнинг дуосини ким қабул қилади, улардан кулфатни ким даф этади, сизларни ер юзига ким халифа қилди? – *деб сўрайман. Жавоб беринглар-чи,* Худонинг шериги бор эканми? Лекин сизлар камроқ ўйлайсизлар, озроқ ибрат оласизлар. *Сизлардан сўрайманки:* Сизлар қоронғи биёбонларда ва дарё (денгиз)ларда сафар қилганларингизда ким йўл кўрсатади? Ўз раҳмати – ёмғирдан илгари булутларни 20 жузъ
(ҳайдаб) олиб келиш учун шамолларни хушхабар қилиб ким юборади? Энди жавоб беринглар-чи, бу ишларни Худонинг Ўзи қиладими ё шериги борми? Худо кофирларнинг Унга тенглаштирган шерикларидан олий ва муназзаҳ (пок)дир.

أَمَّن يَبْدَأُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ وَمَن يَرْزُقُكُم مِّنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَإِلَٰهٌ مَعَ اللَّهِ قُلْ
هَاتُوا بُرْهَانَكُمْ إِن كُنتُمْ صَادِقِينَ ﴿٦٤﴾ قُل لَّا يَعْلَمُ مَن فِي السَّمَاوَاتِ
وَالْأَرْضِ الْغَيْبَ إِلَّا اللَّهُ وَمَا يَشْعُرُونَ أَيَّانَ يُبْعَثُونَ ﴿٦٥﴾ بَلِ ادَّارَكَ عِلْمُهُمْ فِي
الْآخِرَةِ بَلْ هُمْ فِي شَكٍّ مِّنْهَا بَلْ هُم مِّنْهَا عَمُونَ ﴿٦٦﴾

64-66. *Яна сизлардан сўрайман:* Аввалда махлуқотни ким яратди? Яна ўлгандан сўнг ким қайтадан тирилтиради? Сизларни осмондан ва ердан ким ризқлантиради? *Энди жавоб беринглар-чи,* Худонинг шериги бор эканми? Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Агар сўзларингиз рост бўлса, ҳужжат-далил келтиринглар». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом) уларга айтгил: «Ердаги ва осмонлардаги махфий (ғайб) нарсаларни фақат Аллоҳ билади. Бошқалар ғайб илмини билишга ожиздирлар. Қиёмат кунини, қачон қайта тирилишларини билмайдилар. Охират тўғрисида ҳар хил андишалар қилсалар (ҳам) у ҳақдаги илмлари қуруқ ва саёз. Балки ҳамиша шак ва шубҳададирлар. Балки улар охиратнинг илмидан кўрдирлар.

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَإِذَا كُنَّا تُرَابًا وَآبَاؤُنَا أَئِنَّا لَمُخْرَجُونَ ﴿٦٧﴾ لَقَدْ وُعِدْنَا
هَٰذَا نَحْنُ وَآبَاؤُنَا مِن قَبْلُ إِنْ هَٰذَا إِلَّا أَسَاطِيرُ الْأَوَّلِينَ ﴿٦٨﴾ قُلْ سِيرُوا فِي
الْأَرْضِ فَانظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُجْرِمِينَ ﴿٦٩﴾ وَلَا تَحْزَنْ عَلَيْهِمْ وَلَا تَكُن
فِي ضَيْقٍ مِّمَّا يَمْكُرُونَ ﴿٧٠﴾

67-70. Кофирлар айтадиларки: «Бизлар ва ота-боболаримиз тупроқ бўлиб кетганимиздан кейин яна (қайта) ердан тирилиб чиқамизми? Албатта, бизларга ва биздан илгариги ота-боболаримизга (ҳам) шундай ваъдалар қилиниб, хабар берилган эди. Бу нарсалар олдин ўтганларнинг

афсоналаридан ўзга нарса эмасдир». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), *кофирларга* айтгил: «Ер юзини сайр қилиб, гуноҳкорларнинг оқибати қандай бўлганини кўринглар?». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар улар иймон келтирмасалар, бунинг учун ғамгин бўлма, уларнинг макрларидан кўнглинг ҳам сиқилмасин.

وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَٰذَا ٱلْوَعْدُ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٧١﴾ قُلْ عَسَىٰٓ أَن يَكُونَ رَدِفَ
لَكُم بَعْضُ ٱلَّذِى تَسْتَعْجِلُونَ ﴿٧٢﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى ٱلنَّاسِ وَلَٰكِنَّ
20 жузъ أَكْثَرَهُمْ لَا يَشْكُرُونَ ﴿٧٣﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَيَعْلَمُ مَا تُكِنُّ صُدُورُهُمْ وَمَا يُعْلِنُونَ ﴿٧٤﴾
وَمَا مِنْ غَآئِبَةٍ فِى ٱلسَّمَآءِ وَٱلْأَرْضِ إِلَّا فِى كِتَٰبٍ مُّبِينٍ ﴿٧٥﴾

71-75. *Кофирлар Қиёматга мункир бўлиб* айтадилар: «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, «Қиёмат бўлади», – деган ваъдаларингиз қачон воқе бўлади?» Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга жавоб бергил: «Сизлар шошилиб талаб қиладиган нарсаларнинг баъзилари яқинда воқе бўлади». Албатта, Парвардигоринг одамларга нисбатан фазлу марҳамат соҳибидир. Лекин уларнинг кўплари шукр қилмайдилар. Албатта, Парвардигоринг инсонларнинг дилларидагини ва ошкор қилганларини (ҳам) билади. Албатта, ер ва осмонда бирор махфий нарса йўқки, у Лавҳул Маҳфузда ёзилмаган бўлсин.

إِنَّ هَٰذَا ٱلْقُرْءَانَ يَقُصُّ عَلَىٰ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ أَكْثَرَ ٱلَّذِى هُمْ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ
﴿٧٦﴾ وَإِنَّهُۥ لَهُدًى وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿٧٧﴾ إِنَّ رَبَّكَ يَقْضِى بَيْنَهُم بِحُكْمِهِۦ وَهُوَ
ٱلْعَزِيزُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٧٨﴾ فَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ إِنَّكَ عَلَى ٱلْحَقِّ ٱلْمُبِينِ ﴿٧٩﴾ إِنَّكَ لَا تُسْمِعُ
ٱلْمَوْتَىٰ وَلَا تُسْمِعُ ٱلصُّمَّ ٱلدُّعَآءَ إِذَا وَلَّوْا۟ مُدْبِرِينَ ﴿٨٠﴾ وَمَآ أَنتَ بِهَٰدِى ٱلْعُمْىِ
عَن ضَلَٰلَتِهِمْ إِن تُسْمِعُ إِلَّا مَن يُؤْمِنُ بِـَٔايَٰتِنَا فَهُم مُّسْلِمُونَ ﴿٨١﴾

76-81. Албатта, бу Қуръон Бани Исроил ихтилоф қилаётган кўп зотлар тўғрисида сўзлаб, баён қилиб беради. *Масалан, уларнинг ақидасига (кўра,) гўё яҳудлардан бошқа фирқалар жаннатга кира олмайди. Насороларнинг динлари эса ботилдир. Яна шунга ўхшаш сўзлар (айтадилар).* Албатта, Қуръон бандаларни ҳидоят қилгувчи ва мўминларга раҳматдир. Албатта, Парвардигоринг яҳудлар ўртасида ўз ҳукми билан ажрим қилади, У ҳамма нарсадан ғолиб ва донодир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларнинг берган азиятларига парво қилма, ҳар бир ишда Аллоҳга таваккул қил. Албатта, Сен равшан, ҳақ диндасан. Сен ўликларга сўзингни етказолмайсан, Сен ортига қараб қочган карларнинг қулоғига (ҳам) овозингни эшиттиролмайсан. Сен насиҳатларингдан юз ўгирган ва адашган кўрларни йўлга сололмайсан. Сен Менинг

оятимга иймон келтирган мўминларга панд ва насиҳатингни эшиттирасан. Бас, улар қабул қиладилар, улар мусулмондирлар.

۞ وَإِذَا وَقَعَ ٱلْقَوْلُ عَلَيْهِمْ أَخْرَجْنَا لَهُمْ دَآبَّةً مِّنَ ٱلْأَرْضِ تُكَلِّمُهُمْ أَنَّ ٱلنَّاسَ
كَانُوا۟ بِـَٔايَـٰتِنَا لَا يُوقِنُونَ ﴿٨٢﴾ وَيَوْمَ نَحْشُرُ مِن كُلِّ أُمَّةٍ فَوْجًا مِّمَّن يُكَذِّبُ
بِـَٔايَـٰتِنَا فَهُمْ يُوزَعُونَ ﴿٨٣﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءُو قَالَ أَكَذَّبْتُم بِـَٔايَـٰتِى وَلَمْ تُحِيطُوا۟
بِهَا عِلْمًا أَمَّاذَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٨٤﴾ وَوَقَعَ ٱلْقَوْلُ عَلَيْهِم بِمَا ظَلَمُوا۟ فَهُمْ لَا 20 жузъ
يَنطِقُونَ ﴿٨٥﴾ أَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّا جَعَلْنَا ٱلَّيْلَ لِيَسْكُنُوا۟ فِيهِ وَٱلنَّهَارَ مُبْصِرًا ۚ إِنَّ فِى
ذَٰلِكَ لَـَٔايَـٰتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٨٦﴾

82-86. Вақтики, кофирларга азобнинг ваъдаси собит бўлса, Биз улар учун ердан бир ҳайвон (жонивор)ни чиқарамиз. У ҳайвон халқ билан сўзлашиб, Бизнинг оятларимизга иймон келтирмаганликларини айтади. *Бу (ҳол) Қиёмат аломатларидандирки, кофирларни Қиёмат бўлишидан огоҳлантиради ва шунга ишонтиради.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Маҳшар кунини ёд қил. У кунда ҳар бир умматдан Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарган бир гуруҳ сардорларини бирин-кетин (тизиб), жам қиламиз. Улар ҳозир бўлишгач, Аллоҳ хитоб қилиб айтади: «Сизлар Менинг Китобимнинг ҳақиқатига тушунмасдан, (пухта англамасдан туриб), ёлғонга чиқардингизларми? Сизлар Аллоҳ пайғамбар юборгандан сўнг иймон келтирмасдан, нима иш қилдингизлар?» Сўнгра бу қавмга зулму ситамлари сабабидан азоб беришнинг ҳукми воқе бўлади. Улар хижолат бўлганларидан ҳеч гапиролмайдилар. Қиёматга мункир бўлганлар уларнинг ором олмоқлари учун кечани пайдо қилганимизни ва кўриш учун кундузни ёруғ қилиб қўйганимизни кўрмайдиларми? Бу кеча ва кундузнинг пайдар-пай келмоғида Қиёмат кунига иймон келтирган мўминлар учун далиллар бордир.

وَيَوْمَ يُنفَخُ فِى ٱلصُّورِ فَفَزِعَ مَن فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَمَن فِى ٱلْأَرْضِ إِلَّا مَن شَآءَ ٱللَّهُ ۚ
وَكُلٌّ أَتَوْهُ دَٰخِرِينَ ﴿٨٧﴾ وَتَرَى ٱلْجِبَالَ تَحْسَبُهَا جَامِدَةً وَهِىَ تَمُرُّ مَرَّ ٱلسَّحَابِ ۚ
صُنْعَ ٱللَّهِ ٱلَّذِىٓ أَتْقَنَ كُلَّ شَىْءٍ ۚ إِنَّهُۥ خَبِيرٌۢ بِمَا تَفْعَلُونَ ﴿٨٨﴾ مَن جَآءَ
بِٱلْحَسَنَةِ فَلَهُۥ خَيْرٌ مِّنْهَا وَهُم مِّن فَزَعٍ يَوْمَئِذٍ ءَامِنُونَ ﴿٨٩﴾ وَمَن جَآءَ بِٱلسَّيِّئَةِ
فَكُبَّتْ وُجُوهُهُمْ فِى ٱلنَّارِ هَلْ تُجْزَوْنَ إِلَّا مَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٩٠﴾

87-90. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ўша кунни ёд қил (эсла), Исрофил (алайҳиссалом) Худонинг амри билан сур чалганида, осмонлардаги ва ердаги барча махлуқот қўрқиб, ларзага тушади. Магар Парвардигор

қўрқмаслигини ирода қилган зотларгина - муқарраб малоикалар қўрқмайдилар. Ҳар бир миллат Маҳшаргоҳга хор бўлиб, бўйин эгиб ва даҳшатга тушиб тўпланади. У вақтда тоғларни кўриб: «Ўз жойида турибди», деб гумон қиласан. Ваҳоланки, (тоғлар) булутлар каби ҳаракат қилиб (сузиб) юради. *Охир гард ва губор бўлиб, йўқ бўлиб кетади.* У улуғ Зот – Парвардигор ҳар бир нарсани мустаҳкам (пухта қилиб) яратди. Бу ишлар Парвардигорнинг феъли (иши)дир. Аллоҳ таоло сизларнинг ҳар бир қилган феълингиздан хабардордир. Кимки яхши амал қилса, бас, у одамга (Қиёматда) қилган амалидан (кўра) яхшироқ мукофот берилади. Бундай
20 жузъ одам Қиёмат кунининг қўрқувидан эминдир. Кимки ёмон амал қилар ва (Парвардигорга) ширк келтирар экан, юзи тубан ҳолда дўзахга ташланади. (Ва уларга): «Сизларга қилган амалларингизга мувофиқ жазо берилади, зулм қилинмайди», – деб айтилади.

إِنَّمَآ أُمِرْتُ أَنْ أَعْبُدَ رَبَّ هَٰذِهِ ٱلْبَلْدَةِ ٱلَّذِى حَرَّمَهَا وَلَهُۥ كُلُّ شَىْءٍ ۖ وَأُمِرْتُ
أَنْ أَكُونَ مِنَ ٱلْمُسْلِمِينَ ﴿٩١﴾ وَأَنْ أَتْلُوَا۟ ٱلْقُرْءَانَ ۖ فَمَنِ ٱهْتَدَىٰ فَإِنَّمَا يَهْتَدِى
لِنَفْسِهِۦ ۖ وَمَن ضَلَّ فَقُلْ إِنَّمَآ أَنَا۠ مِنَ ٱلْمُنذِرِينَ ﴿٩٢﴾ وَقُلِ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ سَيُرِيكُمْ
ءَايَٰتِهِۦ فَتَعْرِفُونَهَا ۚ وَمَا رَبُّكَ بِغَٰفِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٩٣﴾

91-93. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Мен Худо тарафидан Худо азиз қилган Макка шаҳрининг Парвардигорига ибодат қилишга амр этилдим. Ҳар бир нарса Парвардигорнинг тасарруфидадир. (Мен) Худо тарафидан мусулмон бўлиб, Унга бўйинсунишга, Қуръонни ҳамиша тиловат қилишга ва халққа панд-насиҳат қилишга буюрилгандирман. Бас, кимки Менинг насиҳатимни қабул қилиб, ҳидоят топса, унинг фойдаси ўз нафсига (ўзига)дир. Ва кимки гумроҳ бўлса, бас, уларга айтгил: «Мен сизларни Худонинг азобидан қўрқитувчидирман, холос». Айтгил: «Парвардигорга ҳамду сано бўлсин. *Менга пайғамбарлик даражасини ато қилди.* Яқинда Аллоҳ таоло сизларга Қиёматнинг аломатларини кўрсатади. Бас, сизлар у аломатларни биласизлар (кўрасизлар). Парвардигор сизларнинг қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир».

Маккада нозил бўлган бу сура саксон саккиз оятдан иборатдир.

Суранинг 85-ояти Макка ва Мадина орасида, 52 ва 55-оятлари эса Мадинада нозил бўлганлиги ҳақида ривоят бор. «Қасас» — воқеалар, ҳикоялар деганидир. Суранинг номи 25-оятдаги қисса баёнидан олинган. Унинг асос мавзуларини Мусо алайҳиссаломнинг болалигидан бошлаб ҳаёти, мужодалалари, тавҳид аҳлининг зафари ва дунё сарватига (бойлигига) ишониб бўлмаслиги ташкил этади. 20 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

طسٓمٓ ﴿١﴾ تِلْكَ ءَايَٰتُ ٱلْكِتَٰبِ ٱلْمُبِينِ ﴿٢﴾ نَتْلُوا۟ عَلَيْكَ مِن نَّبَإِ مُوسَىٰ
وَفِرْعَوْنَ بِٱلْحَقِّ لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٣﴾ إِنَّ فِرْعَوْنَ عَلَا فِى ٱلْأَرْضِ
وَجَعَلَ أَهْلَهَا شِيَعًا يَسْتَضْعِفُ طَآئِفَةً مِّنْهُمْ يُذَبِّحُ أَبْنَآءَهُمْ وَيَسْتَحْىِۦ نِسَآءَهُمْ
إِنَّهُۥ كَانَ مِنَ ٱلْمُفْسِدِينَ ﴿٤﴾

1-4. То. Сийн. Мим. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Ушбу суранинг ҳукмлари очиқ-ойдин Китобнинг (Қуръоннинг) оятларидир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), иймон келтирганларга ибрат бўлсин деб, Биз Сенга Мусо (алайҳиссалом)нинг хабарини ва Фиръавннинг ҳикояларини Жаброил (алайҳиссалом) воситасида ҳаққу ростлик билан ўқиб берамиз. Албатта, Фиръавн ер юзида (Мисрда) ғолиб бўлиб, кибр қилди. Халқни гуруҳ-гуруҳга бўлиб ташлади. Улардан бир тоифасини ожиз ва асир этиб, ўзига хизматкор қилиб олди. Ўғил болаларни қатл қилиб, қизларни (тирик) қолдирарди. Албатта, у Фиръавн муфсидлардан (фасод қилувчилардан) эди.

وَنُرِيدُ أَن نَّمُنَّ عَلَى ٱلَّذِينَ ٱسْتُضْعِفُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ وَنَجْعَلَهُمْ أَئِمَّةً
وَنَجْعَلَهُمُ ٱلْوَٰرِثِينَ ﴿٥﴾ وَنُمَكِّنَ لَهُمْ فِى ٱلْأَرْضِ وَنُرِىَ فِرْعَوْنَ وَهَٰمَٰنَ
وَجُنُودَهُمَا مِنْهُم مَّا كَانُوا۟ يَحْذَرُونَ ﴿٦﴾

5-6. *Фиръавнга мунажжимлар: «Яҳудлардан бир бола туғилади, Сени ҳалок қилиб, мамлакатингга эга бўлади», – деб хабар берган эдилар.* Шунинг учун ҳам Фиръавн ўғил болаларни ўлдирар ва қиз туғилса қолдирар эди. Биз ожизларга эҳсон қилиб Фиръавннинг зулмидан нажот беришни ва ҳам Бани Исроилни бошқа халққа пешво қилишни ва уларни Фиръавнни мамлакатига ворис қилишини ва Бани Исроилга Миср ерларидан жой бериб, қудратли қилишни хоҳладик. Фиръавнга, Ҳомонга ва уларнинг лашкарларига Бани Исроил тарафидан хавф қилган (қўрққан) нарсаларини (рўй беришидан қўрққан ҳодисаларни) кўзларига кўрсатиб
20 жузъ қўйишни хоҳладик.

وَأَوْحَيْنَآ إِلَىٰٓ أُمِّ مُوسَىٰٓ أَنْ أَرْضِعِيهِ فَإِذَا خِفْتِ عَلَيْهِ فَأَلْقِيهِ فِي ٱلْيَمِّ وَلَا تَخَافِي
وَلَا تَحْزَنِيٓ إِنَّا رَآدُّوهُ إِلَيْكِ وَجَاعِلُوهُ مِنَ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٧﴾ فَٱلْتَقَطَهُۥٓ ءَالُ
فِرْعَوْنَ لِيَكُونَ لَهُمْ عَدُوًّا وَحَزَنًا إِنَّ فِرْعَوْنَ وَهَٰمَٰنَ وَجُنُودَهُمَا
كَانُوا۟ خَٰطِـِٔينَ ﴿٨﴾ وَقَالَتِ ٱمْرَأَتُ فِرْعَوْنَ قُرَّتُ عَيْنٍ لِّي وَلَكَ لَا
تَقْتُلُوهُ عَسَىٰٓ أَن يَنفَعَنَآ أَوْ نَتَّخِذَهُۥ وَلَدًا وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٩﴾

7-9. *Вақтики, Мусо алайҳиссалом туғилиб дунёга келди,* Биз унинг онасига илҳом қилдик: «Қўрқмасдан, болангни эмизиб тарбия қилавер. Болангни Фиръавн қатл қилишидан қўрқсанг, уни бир сандиққа солиб дарёга оқизиб юбор. Болангнинг нобуд бўлишидан қўрқма, ғамгин бўлмагил. Биз болангни ўзингга қайтариб берамиз. Бир кун келиб болангни пайғамбарлардан қиламиз». *Ҳазрати Мусонинг оналари Мусо алайҳиссаломни бир сандиққа солиб, сув кирмайдиган тарзда маҳкам қилдида, кечаси олиб бориб дарёга ташлади. Сандиқ дарёдан оқиб бориб, бир наҳр (анҳор) орқали Фиръавннинг боғига кирди. Эрта билан Фиръавннинг хотини сандиқни кўриб сувдан олди.* Худонинг иродаси билан бу бола (келгусида Пайғамбар бўлиб) уларга душман ва ғамгинлик топишларига сабабкор бўлгувчилардан эди. (Бу болани) ўзлари тарбия қилишга киришдилар. Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва уларнинг лашкарлари беҳуда, хато қилиб болаларни ўлдирар ва Худонинг иродасини даф қилмоқчи бўлар эдилар. *Лекин Худо хоҳлаганини қилади. Фиръавн болани кўриб, ўлдирмоқчи бўлди.* Унинг хотини айтди: «Бу болани ўлдирма, бизга фарзанд бўлиб, менинг ҳам, сенинг ҳам кўзимизнинг нури бўлар. Шоядки, бизларга кўп манфаат етказар». Лекин бу бола у (фиръавнпараст)ларнинг ҳалокатига сабаб бўлишини билмас эдилар.

وَأَصْبَحَ فُؤَادُ أُمِّ مُوسَىٰ فَٰرِغًا إِن كَادَتْ لَتُبْدِي بِهِۦ لَوْلَآ أَن رَّبَطْنَا عَلَىٰ
قَلْبِهَا لِتَكُونَ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٠﴾ وَقَالَتْ لِأُخْتِهِۦ قُصِّيهِ فَبَصُرَتْ بِهِۦ
عَن جُنُبٍ وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿١١﴾ ۞ وَحَرَّمْنَا عَلَيْهِ ٱلْمَرَاضِعَ مِن قَبْلُ فَقَالَتْ

هَلْ أَدُلُّكُمْ عَلَىٰٓ أَهْلِ بَيْتٍ يَكْفُلُونَهُۥ لَكُمْ وَهُمْ لَهُۥ نَٰصِحُونَ ﴿١٢﴾ فَرَدَدْنَٰهُ
إِلَىٰٓ أُمِّهِۦ كَىْ تَقَرَّ عَيْنُهَا وَلَا تَحْزَنَ وَلِتَعْلَمَ أَنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ وَلَٰكِنَّ
أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٣﴾

10-13. Вақтики, Мусо (алайҳиссалом)нинг онаси боласининг Фиръавн
қўлига тушганини эшитди, дилида сабру тоқат қолмади. «Боламни ўлдира-
ди», деб қўрқди. Агар Биз Мусонинг онасининг дилида сабрни ва Худога
ишончни мустаҳкам қилмаганимизда эди, сирни ошкор қилиб қўйишига 20 жузъ
оз қолган эди. Мусонинг (онаси) унинг опасига айтди: «Боланинг кейини-
дан бориб хабар ол». Мусо (алайҳиссалом)нинг опаси узоқдан бориб қараб
турар эди. Унинг келганини Фиръавн аҳли билмас эди. Биз Мусога опаси
келмасидан олдин бошқа дояларни эмишни ҳаром қилдик. Бас, опаси Фиръ-
авн (хонадони) аҳлига: «Бу болани яхши эмизиб тарбия қилувчи (зимма-
сига олувчи) хонадонни сизларга кўрсатайми?», – деди. Фиръавн аҳли
қабул қилди. Кейин бориб онасини олиб келди. Бас, Биз Мусони онасига
қайтариб бердик, токи боласини кўриб, кўзлари равшан бўлсин (қувон-
син), ғамгин бўлмасин ва билсинки, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Ўз ваъда-
сига вафо қилади. Лекин кўп бандалар буни билмайдилар, ғофилдирлар.

وَلَمَّا بَلَغَ أَشُدَّهُۥ وَٱسْتَوَىٰٓ ءَاتَيْنَٰهُ حُكْمًا وَعِلْمًا ۚ وَكَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْمُحْسِنِينَ
﴿١٤﴾ وَدَخَلَ ٱلْمَدِينَةَ عَلَىٰ حِينِ غَفْلَةٍ مِّنْ أَهْلِهَا فَوَجَدَ فِيهَا رَجُلَيْنِ يَقْتَتِلَانِ
هَٰذَا مِن شِيعَتِهِۦ وَهَٰذَا مِنْ عَدُوِّهِۦ ۖ فَٱسْتَغَٰثَهُ ٱلَّذِى مِن شِيعَتِهِۦ عَلَى ٱلَّذِى
مِنْ عَدُوِّهِۦ فَوَكَزَهُۥ مُوسَىٰ فَقَضَىٰ عَلَيْهِ ۖ قَالَ هَٰذَا مِنْ عَمَلِ ٱلشَّيْطَٰنِ ۖ إِنَّهُۥ عَدُوٌّ
مُّضِلٌّ مُّبِينٌ ﴿١٥﴾

14-15. Қачонки, Мусо (алайҳиссалом) балоғатта етиб, куч-қувватга эга бўлганида, унга илм ва ҳикмат ато қилдик. Биз яхшиларга ана шундай жазо (мукофот) берамиз. Бир кун Мусо ҳеч ким билмаган ҳолда шаҳарга кирди. Бас, шаҳарда икки кишининг бир-бири билан уришиб турганини кўрди. Бири Мусо (алайҳиссалом)нинг ўз қавмидан, бири душмани – Фиръавннинг қавмидан. Мусо (алайҳиссалом)нинг қавмидан бўлган одам у кишидан ёрдам сўради. Мусо (алайҳиссалом) келиб душманларидан бўлган қибтийни бир мушт урганида, у ўлиб қолди. Мусо (алайҳиссалом бу қилмишидан) пушаймон бўлиб айтди: «Бу қилган ишим шайтоннинг иғвоси билан бўлди. Албатта, шайтон бандаларга ошкора душмандир».

قَالَ رَبِّ إِنِّى ظَلَمْتُ نَفْسِى فَٱغْفِرْ لِى فَغَفَرَ لَهُۥٓ ۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٦﴾
قَالَ رَبِّ بِمَآ أَنْعَمْتَ عَلَىَّ فَلَنْ أَكُونَ ظَهِيرًا لِّلْمُجْرِمِينَ ﴿١٧﴾

16-17. (Ҳазрати) Мусо айтди: «Эй Парвардигоро, Мен бу одамни ноҳақ ўлдирдим. Ўз нафсимга зулм қилдим. Мени кечир». Бас, Худо

гуноҳини кечди. Албатта, Аллоҳ таоло бандаларнинг гуноҳларини кечирувчи, меҳрибондир. Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Эй Парвардигоро, менга инъом қилган неъматларингга қасамки, гуноҳкорларга иккинчи ёрдам бермайман».

فَأَصْبَحَ فِي ٱلْمَدِينَةِ خَآئِفًا يَتَرَقَّبُ فَإِذَا ٱلَّذِي ٱسْتَنصَرَهُۥ بِٱلْأَمْسِ يَسْتَصْرِخُهُۥ
قَالَ لَهُۥ مُوسَىٰٓ إِنَّكَ لَغَوِيٌّ مُّبِينٌ ﴿١٨﴾ فَلَمَّآ أَنْ أَرَادَ أَن يَبْطِشَ بِٱلَّذِي هُوَ عَدُوٌّ
20 жузъ لَّهُمَا قَالَ يَٰمُوسَىٰٓ أَتُرِيدُ أَن تَقْتُلَنِي كَمَا قَتَلْتَ نَفْسًۢا بِٱلْأَمْسِ إِن تُرِيدُ إِلَّآ أَن
تَكُونَ جَبَّارًا فِي ٱلْأَرْضِ وَمَا تُرِيدُ أَن تَكُونَ مِنَ ٱلْمُصْلِحِينَ ﴿١٩﴾

18-19. Бас, Мусо (алайҳиссалом) эрта билан туриб, шаҳарнинг кўчасида «Мени Фиръавннинг одамлари ушлаб кетмасин», деган андиша билан хавфсираб юриб кетаётганида ногоҳ кўрдики, кечаги Мусо (алайҳиссалом)ни ёрдамга чақирган одам бир қибтий билан жанжал қилиб турибди. У яна қичқириб, Мусо (алайҳиссалом)ни ёрдамга чақириб қолди. Мусо (алайҳиссалом) унга айтди: «Сенинг ўзинг асли жанжалкаш, гумроҳ одам экансан. *Ҳар кун бир киши билан жанжал қиласан»*. Мусо (алайҳиссалом) (икковларига душман бўлган) у қибтийга ҳайбат қилиб, (уни ушлаб) бу яҳудга нажот беришни хоҳлади, шунда у қибтий Мусо (алайҳиссалом)га айтди: «Эй Мусо, Сен кеча бир кишини ўлдирган эдинг. Бугун Мени ўлдирмоқни истайсанми? Сен ер юзида ислоҳ қилишни хоҳламайсан, балки зулм қилиб, одам ўлдиришни истайсан».

وَجَآءَ رَجُلٌ مِّنْ أَقْصَا ٱلْمَدِينَةِ يَسْعَىٰ قَالَ يَٰمُوسَىٰٓ إِنَّ ٱلْمَلَأَ يَأْتَمِرُونَ بِكَ
لِيَقْتُلُوكَ فَٱخْرُجْ إِنِّي لَكَ مِنَ ٱلنَّٰصِحِينَ ﴿٢٠﴾ فَخَرَجَ مِنْهَا خَآئِفًا يَتَرَقَّبُ قَالَ
رَبِّ نَجِّنِي مِنَ ٱلْقَوْمِ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٢١﴾

20-21. *Бу воқеани билган кишилар Фиръавнга хабар бердилар. Фиръавн вазирлари билан машварат қилганда, ҳаммалари Мусо алайҳиссаломни ўлдиришни маслаҳат бердилар*. Ва шаҳар четидан бир киши хабардор бўлиб, югуриб келиб, айтди: «Эй Мусо, Фиръавннинг вазирлари Сени ўлдиришни маслаҳат қилдилар. Бу шаҳардан чиқиб қоч. Мен Сенга хайрихоҳ дўстлардандирман». Бас, Мусо (алайҳиссалом) шаҳардан чиқиб, ниҳоятда қўрққан ҳолида қочди. Худодан нажот сўраб: «Парвардигоро, золим қавмдан Менга нажот бергил», – деб дуо қилди.

وَلَمَّا تَوَجَّهَ تِلْقَآءَ مَدْيَنَ قَالَ عَسَىٰ رَبِّيٓ أَن يَهْدِيَنِي سَوَآءَ ٱلسَّبِيلِ ﴿٢٢﴾
وَلَمَّا وَرَدَ مَآءَ مَدْيَنَ وَجَدَ عَلَيْهِ أُمَّةً مِّنَ ٱلنَّاسِ يَسْقُونَ وَوَجَدَ مِن
دُونِهِمُ ٱمْرَأَتَيْنِ تَذُودَانِ قَالَ مَا خَطْبُكُمَا قَالَتَا لَا نَسْقِي حَتَّىٰ يُصْدِرَ ٱلرِّعَآءُ
وَأَبُونَا شَيْخٌ كَبِيرٌ ﴿٢٣﴾

22-23. Мусо (алайҳиссалом) Мадян тарафга юзланиб айтдилар: «Парвардигоримдан мени тўғри йўлга ҳидоят қилади, деб умид қиламан». Мусо (алайҳиссалом) Мадянда бир қудуқнинг лабига етиб келганида, у жойда бир жамоа халқнинг қудуқдан сув тортиб, қўйларини сероб қилиб турганини кўрди. (Яна кўрдики), улардан бошқа яна икки қиз ҳам ўз қўйларини бир тарафда (чеккада) сақлаб турибдилар. Мусо (алайҳиссалом) у қизларга: «Нима қилиб турибсизлар?» – деди. У қизлар айтдилар: «Бизлар то бу чўпонлар қайтиб кетмагунларича қўйларимизни суғоролмаймиз. Отамиз бир мўйсафид одамдир». *Бас, у кофир гуруҳлар қўйларини суғориб, қудуқнинг оғзини тош билан беркитиб жўнадилар. Қизлар: «Қўйларимиз сувсиз қолди», – деб йиғладилар.* 20 жузъ

فَسَقَىٰ لَهُمَا ثُمَّ تَوَلَّىٰٓ إِلَى ٱلظِّلِّ فَقَالَ رَبِّ إِنِّي لِمَآ أَنزَلْتَ إِلَيَّ مِنْ خَيْرٍ فَقِيرٌ ﴿٢٤﴾
فَجَآءَتْهُ إِحْدَىٰهُمَا تَمْشِي عَلَى ٱسْتِحْيَآءٍ قَالَتْ إِنَّ أَبِي يَدْعُوكَ لِيَجْزِيَكَ
أَجْرَ مَا سَقَيْتَ لَنَا ۚ فَلَمَّا جَآءَهُۥ وَقَصَّ عَلَيْهِ ٱلْقَصَصَ قَالَ لَا تَخَفْ ۖ نَجَوْتَ
مِنَ ٱلْقَوْمِ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٢٥﴾

24-25. (Ҳазрати) Мусо келиб, қудуқнинг устидан тошни олиб қўйларига сув тортиб берди. У қизлар хурсанд бўлиб, қўйларини ҳайдаб кетдилар. Сўнгра Мусо (алайҳиссалом) бир дарахтнинг соясига бориб ором олди. *Кейин халтасидан озгина нон олиб еди ва айтди:* «Эй Парвардигоро, менга Ўз марҳаматинг билан қандай ризқ берсанг, ўшанга муҳтожман. *Берган ризқингга шукр қиламан*». Бас, икки қиздан бири Мусо (алайҳиссалом)нинг олдиларига ҳаё билан қадам босиб келди ва айтди: «Отам Сени чақиряпти. Қўйларимизни суғориб берганинг учун хизмат ҳаққини беришни истайди». Бу мўйсафид кўр бўлиб ўтириб қолган Шуайб (алайҳиссалом) эди. Мусо (алайҳиссалом) келиб, бошидан ўтган қиссани баён қилиб берди. Шуайб (алайҳиссалом) айтдики: «Энди қўрқма. Золим қавмдан нажот топдинг».

قَالَتْ إِحْدَىٰهُمَا يَٰٓأَبَتِ ٱسْتَـْٔجِرْهُ ۖ إِنَّ خَيْرَ مَنِ ٱسْتَـْٔجَرْتَ ٱلْقَوِيُّ ٱلْأَمِينُ
﴿٢٦﴾ قَالَ إِنِّيٓ أُرِيدُ أَنْ أُنكِحَكَ إِحْدَى ٱبْنَتَيَّ هَٰتَيْنِ عَلَىٰٓ أَن تَأْجُرَنِي ثَمَٰنِيَ
حِجَجٍ ۖ فَإِنْ أَتْمَمْتَ عَشْرًا فَمِنْ عِندِكَ ۖ وَمَآ أُرِيدُ أَنْ أَشُقَّ عَلَيْكَ ۚ سَتَجِدُنِيٓ
إِن شَآءَ ٱللَّهُ مِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٢٧﴾ قَالَ ذَٰلِكَ بَيْنِي وَبَيْنَكَ ۖ أَيَّمَا ٱلْأَجَلَيْنِ
قَضَيْتُ فَلَا عُدْوَٰنَ عَلَيَّ ۖ وَٱللَّهُ عَلَىٰ مَا نَقُولُ وَكِيلٌ ﴿٢٨﴾

26-28. Шуайб (алайҳиссалом)нинг бир қизи айтдики: «Эй ота, агар бу йигитни хизматкор қилиб (ёллаб) олсанг яхши эди, чунки (ишга ёлланадиган) қувватли, омонатдор йигит экан». Шуайб (алайҳиссалом) айтди: «Эй Мусо, шу икки қизимдан танлаганингни Сенга никоҳ қилиб беришни хоҳлайман. Шу шарт биланки, менга хизматкор бўлиб, саккиз йил қўй

боқиб берасан. Агар ўн йилни тамом қилсанг, Сенинг тарафингдан бизга улуғ эҳсон (яхшилик) бўлади. Мен Сени кулфат ва машаққатга солишни истамайман. Худо хоҳласа, менинг солиҳ, яхши муомала қилувчилардан эканлигимни кўрасан». Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Бу аҳд Сен билан менинг ўртамизда муқаррар (собит) бўлди. Икки муддатдан бирини тамом қилсам, аҳдга вафо қилиб, менга зулм қилмайсан. Бизнинг айтаётган сўзларимизга Аллоҳ гувоҳдир».

۞ فَلَمَّا قَضَىٰ مُوسَى ٱلْأَجَلَ وَسَارَ بِأَهْلِهِۦٓ ءَانَسَ مِن جَانِبِ ٱلطُّورِ نَارًا قَالَ
20 жузъ لِأَهْلِهِ ٱمْكُثُوٓا۟ إِنِّىٓ ءَانَسْتُ نَارًا لَّعَلِّىٓ ءَاتِيكُم مِّنْهَا بِخَبَرٍ أَوْ جَذْوَةٍ مِّنَ ٱلنَّارِ
لَعَلَّكُمْ تَصْطَلُونَ ﴿٢٩﴾ فَلَمَّآ أَتَىٰهَا نُودِىَ مِن شَٰطِئِ ٱلْوَادِ ٱلْأَيْمَنِ فِى
ٱلْبُقْعَةِ ٱلْمُبَٰرَكَةِ مِنَ ٱلشَّجَرَةِ أَن يَٰمُوسَىٰٓ إِنِّىٓ أَنَا ٱللَّهُ رَبُّ ٱلْعَٰلَمِينَ
﴿٣٠﴾ وَأَنْ أَلْقِ عَصَاكَ فَلَمَّا رَءَاهَا تَهْتَزُّ كَأَنَّهَا جَآنٌّ وَلَّىٰ مُدْبِرًا وَلَمْ يُعَقِّبْ يَٰمُوسَىٰٓ
أَقْبِلْ وَلَا تَخَفْ إِنَّكَ مِنَ ٱلْءَامِنِينَ ﴿٣١﴾

29-31. Вақтики, Мусо (алайҳиссалом) хизматни тамом қилди, Шуайб (алайҳиссалом) аҳдига вафо қилиб, қизини никоҳлаб берди. Сўнгра Мусо (алайҳиссалом) ўз шаҳрига кетишга рухсат сўради. Шуайб (алайҳиссалом) ижозат берди. Сўнгра Мусо (алайҳиссалом) хотинини олиб, Миср тарафига равона бўлди. Йўлда ёмғир ёғиб, совуқ бўлиб қолди. Мусо (алайҳиссалом) йўлдан адашди. Хотинини туғиш (тўлғоқ) дарди тутди. «Менга олов (ёқиб) беринг», – деди. Мусо (алайҳиссалом) қараса, Тур тоғи тарафидан ўт кўринди. Аҳли оиласига айтди: «Сизлар шу жойда тўхтаб туринглар. Мен ёниб турган ўтни кўряпман. Балки ўша ўтдан сизларга бир лахча (чўғ) олиб келаман. Йўлнинг ҳам хабарини сўраб (суриштириб) келаман. Шоядки, сизлар у ўтда исиниб дардларинг паст бўлар». Мусо (алайҳиссалом) ўтга яқин келганида, қарасалар, ўт эмас, балки нур экан. У нур майдоннинг (водийнинг) ўнг тарафида, баракотли бир жойда кўкарган дарахтдан чиқиб турибди. Ногоҳ у нурдан овоз келдики: «Эй Мусо, Мен Худоман ва жумла оламларнинг Парвардигориман. Қўлингдаги асони ерга ташлагил». (Ҳазрати) Мусо ташлади. Асо бир илон бўлиб ҳаракат қилаётганини кўриб, орқасига қарамасдан қочди. Нидо келдики: «Эй Мусо, яқин кел. Асоингни ол. Қўрқма, Сенга зиён қилмайди. Сен омон топганлардандирсан».

ٱسْلُكْ يَدَكَ فِى جَيْبِكَ تَخْرُجْ بَيْضَآءَ مِنْ غَيْرِ سُوٓءٍ وَٱضْمُمْ إِلَيْكَ جَنَاحَكَ
مِنَ ٱلرَّهْبِ فَذَٰنِكَ بُرْهَٰنَانِ مِن رَّبِّكَ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَمَلَإِي۟هِۦٓ إِنَّهُمْ
كَانُوا۟ قَوْمًا فَٰسِقِينَ ﴿٣٢﴾ قَالَ رَبِّ إِنِّى قَتَلْتُ مِنْهُمْ نَفْسًا فَأَخَافُ أَن
يَقْتُلُونِ ﴿٣٣﴾ وَأَخِى هَٰرُونُ هُوَ أَفْصَحُ مِنِّى لِسَانًا فَأَرْسِلْهُ مَعِىَ رِدْءًا يُصَدِّقُنِىٓ

إِنِّيٓ أَخَافُ أَن يُكَذِّبُونِ ﴿٣٤﴾ قَالَ سَنَشُدُّ عَضُدَكَ بِأَخِيكَ وَنَجۡعَلُ لَكُمَا
سُلۡطَٰنٗا فَلَا يَصِلُونَ إِلَيۡكُمَاۚ بِـَٔايَٰتِنَآ أَنتُمَا وَمَنِ ٱتَّبَعَكُمَا ٱلۡغَٰلِبُونَ ﴿٣٥﴾

32-35. Эй Мусо, қўлингни ёқангга (қўлтиғингга) тиққил. Чиқарганингда бирон иллатсиз (нуқсонсиз) нуроний (оппоқ) бўлиб чиқади. Яна қайтадан қўлингни қўлтиғингга сол (қисиб ол), аслига келади. Сен шу ҳолда қолади, деб қўрқмагил. Сенга шу икки мўъжиза Парвардигор тарафидан ато қилинди. Фиръавн ва унинг жамоасининг олдига бор ва ўз пайғамбарлигингни эълон қил. Албатта, улар бедин (фосиқ) қавмдирлар. (Ҳазрати) Мусо айтди: «Парвардигоро, мен Фиръавннинг олдига боришдан қўрқаман. Мени ўлдиради, чунки одам ўлдириб қочганман. Ва биродарим Ҳоруннинг тили мендан кўра фасиҳроқ (бурророқ)дир. Уни мен билан бирга ёрдамчи қилиб юбор. Менинг сўзларимни тасдиқлаб туради. Чунки улар мени ёлғончи дейишларидан қўрқаман», – деди. Парвардигор айтди: «Сенинг талабингни қабул қилдим, албатта, биродарингни Сенга ёрдамчи қилиб, Сенинг дилингни бақувват қиламан. Ва ҳам ҳар икковларингта душманлар устидан ғалаба ато қиламан. Сизларга зарар етказишга душманларнинг қуввати етмайди. Ато қилган мўъжизаларимиз сабабидан, албатта, Сиз иккингиз ва сизларга тобе бўлганлар ғолиб чиқасизлар». 20 жузъ

فَلَمَّا جَآءَهُم مُّوسَىٰ بِـَٔايَٰتِنَا بَيِّنَٰتٖ قَالُواْ مَا هَٰذَآ إِلَّا سِحۡرٞ مُّفۡتَرٗى وَمَا سَمِعۡنَا
بِهَٰذَا فِيٓ ءَابَآئِنَا ٱلۡأَوَّلِينَ ﴿٣٦﴾ وَقَالَ مُوسَىٰ رَبِّيٓ أَعۡلَمُ بِمَن جَآءَ بِٱلۡهُدَىٰ مِنۡ
عِندِهِۦ وَمَن تَكُونُ لَهُۥ عَٰقِبَةُ ٱلدَّارِۚ إِنَّهُۥ لَا يُفۡلِحُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٣٧﴾

36-37. Вақтики, Мусо (алайҳиссалом) Фиръавннинг ҳузурига келди, ўзининг пайғамбарлигига равшан (очиқ) мўъжизалар кўрсатди. Бас, Фиръавн айтди: «Бу мўъжиза эмасдир, балки ўйлаб топилган жодугарликдир. Бу хил жодугарлик ота-боболаримиз (замони)да бўлмаган, эшитмаганмиз ҳам». Мусо (алайҳиссалом) айтди: «Парвардигорим кимларни (ҳидоятга бошловчи) Пайғамбар қилиб юборган бўлса ва ҳам охиратда кимлар нажот топгувчи бўлсалар, ҳаммасини яхши билгувчи Зотдир. Албатта, золимлар нажот топмайдилар».

وَقَالَ فِرۡعَوۡنُ يَٰٓأَيُّهَا ٱلۡمَلَأُ مَا عَلِمۡتُ لَكُم مِّنۡ إِلَٰهٍ غَيۡرِي فَأَوۡقِدۡ لِي يَٰهَٰمَٰنُ
عَلَى ٱلطِّينِ فَٱجۡعَل لِّي صَرۡحٗا لَّعَلِّيٓ أَطَّلِعُ إِلَىٰٓ إِلَٰهِ مُوسَىٰ وَإِنِّي لَأَظُنُّهُۥ مِنَ
ٱلۡكَٰذِبِينَ ﴿٣٨﴾ وَٱسۡتَكۡبَرَ هُوَ وَجُنُودُهُۥ فِي ٱلۡأَرۡضِ بِغَيۡرِ ٱلۡحَقِّ وَظَنُّوٓاْ أَنَّهُمۡ
إِلَيۡنَا لَا يُرۡجَعُونَ ﴿٣٩﴾ فَأَخَذۡنَٰهُ وَجُنُودَهُۥ فَنَبَذۡنَٰهُمۡ فِي ٱلۡيَمِّۖ فَٱنظُرۡ كَيۡفَ
كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٤٠﴾

38-40. Фиръавн ўзининг тобеларига айтди: «Эй қавмим, мен сизларга ўзимдан бошқа Худо борлигини билмайман». Ва вазири Ҳомонга айтди: «Эй Ҳомон, лойдан ғиштлар тайёр қил ва ўт ёқиб у ғиштларни пиширгилда, менга бир баланд минора (қаср) бино қил. Мен миноранинг тепасига чиқиб, осмонга боқай, шоядки Мусонинг Худосини кўрсам. Албатта, мен Мусони ёлғончилардан деб ўйламоқдаман». *Фиръавн аҳмоқлигидан: «Оламларни яратган Парвардигор осмонда», – деб ўйлаганди.* Сўнгра Фиръавн ва унинг лашкарлари ноҳақ саркашлик қилиб, ҳақ динни инкор қилдилар. Улар: «Ўлмаймиз, Қиёмат ҳам бўлмайди, Маҳшаргоҳда Аллоҳнинг ҳузурига ҳам бормаймиз», деб гумон қилдилар. Бас, Биз Фиръавн ва унинг лаш-
20 жузъ карларини ҳайдаб олиб бориб дарё (денгиз)га ғарқ қилдик. Бас, Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), золимларнинг оқибати қандай бўлишини кўргил.

وَجَعَلْنَٰهُمْ أَئِمَّةً يَدْعُونَ إِلَى ٱلنَّارِ ۖ وَيَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ لَا يُنصَرُونَ ﴿٤١﴾
وَأَتْبَعْنَٰهُمْ فِى هَٰذِهِ ٱلدُّنْيَا لَعْنَةً ۖ وَيَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ هُم مِّنَ ٱلْمَقْبُوحِينَ ﴿٤٢﴾
وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ مِنۢ بَعْدِ مَآ أَهْلَكْنَا ٱلْقُرُونَ ٱلْأُولَىٰ بَصَآئِرَ
لِلنَّاسِ وَهُدًى وَرَحْمَةً لَّعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿٤٣﴾

41-43. Биз Фиръавн ва унинг лашкарларини халқни дўзахга тарғиб қиладиган (чақирадиган) бошлиқлар қилдик. *Қиёмат куни уларни азобдан қутқарувчи ёрдамчилар бўлмайди.* Бу дунёда уларнинг орқасидан лаънатлар юборилади. Қиёмат куни эса, Худонинг раҳматидан маҳрум этиладилар. Албатта, Биз бу ўтган кофирларни ҳалок қилгандан кейин Мусога Таврот китобини бердик. Албатта, бу Китоб халққа Худонинг ҳукмларини ойдинлаштириб, равшан қилиб (аниқлаштириб) беради ва ҳидоят қилади. Ва панд (ибрат) олувчи умматлар учун Худонинг раҳматига сабаб бўлади.

وَمَا كُنتَ بِجَانِبِ ٱلْغَرْبِىِّ إِذْ قَضَيْنَآ إِلَىٰ مُوسَى ٱلْأَمْرَ وَمَا كُنتَ مِنَ ٱلشَّٰهِدِينَ
﴿٤٤﴾ وَلَٰكِنَّآ أَنشَأْنَا قُرُونًا فَتَطَاوَلَ عَلَيْهِمُ ٱلْعُمُرُ ۚ وَمَا كُنتَ ثَاوِيًا فِىٓ أَهْلِ
مَدْيَنَ تَتْلُوا۟ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتِنَا وَلَٰكِنَّا كُنَّا مُرْسِلِينَ ﴿٤٥﴾ وَمَا كُنتَ بِجَانِبِ
ٱلطُّورِ إِذْ نَادَيْنَا وَلَٰكِن رَّحْمَةً مِّن رَّبِّكَ لِتُنذِرَ قَوْمًا مَّآ أَتَىٰهُم مِّن نَّذِيرٍ مِّن
قَبْلِكَ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿٤٦﴾

44-46. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен Тур тоғининг ғарб томонларида бўлганинг йўқ эди. Биз Мусо (алайҳиссалом)га ваҳий юборганимизда Сен у жойда ҳозир (гувоҳлардан) эмас эдинг. *Лекин Биз бу қиссаларни Сенга ваҳий орқали маълум қилдик.* Биз Мусодан кейин кўп йиллар ва кўп замонлар ўтказдик. Турли гуруҳлар пайдо бўлди. Уларга узун умрлар бердик. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен бу яҳудларга ушбу қиссаларни ўқиб эшиттирмоқ ё улардан хабар бермоқ учун у даврларда асло бўлганинг

йўқ ва Шуайб (алайҳиссалом) яшаган Мадянда муқим ҳам эмасдинг. Лекин бу (қисса)ларнинг ҳаммасининг хабарини Сенга ваҳий орқали юбордик. Биз Мусо (алайҳиссалом)га нидо қилган ва Таврот китобини берган вақтда Сен (эй Муҳаммад алайҳиссалом), Тур тоғи тарафида йўқ эдинг Лекин қавмингни Худонинг азобидан қўрқитишинг учун Сенга бу хабарлар (қиссалар) Парвардигорингнинг фазлу марҳамати орқали етказилди. Чунки бу қавмга Сендан илгари бирор Пайғамбар келиб хабар бермаган. Шоядки, (қавминг қиссалардан ибрат олиб) насиҳатингни қабул қилса.

وَلَوْلَآ أَن تُصِيبَهُم مُّصِيبَةٌۢ بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ فَيَقُولُوا۟ رَبَّنَا لَوْلَآ أَرْسَلْتَ إِلَيْنَا 20 жузъ
رَسُولًا فَنَتَّبِعَ ءَايَـٰتِكَ وَنَكُونَ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٤٧﴾ فَلَمَّا جَآءَهُمُ ٱلْحَقُّ مِنْ
عِندِنَا قَالُوا۟ لَوْلَآ أُوتِىَ مِثْلَ مَآ أُوتِىَ مُوسَىٰٓ ۚ أَوَلَمْ يَكْفُرُوا۟ بِمَآ أُوتِىَ مُوسَىٰ
مِن قَبْلُ ۖ قَالُوا۟ سِحْرَانِ تَظَـٰهَرَا وَقَالُوٓا۟ إِنَّا بِكُلٍّ كَـٰفِرُونَ ﴿٤٨﴾

47-48. Агар кофирлар Қиёмат кунининг азобини кўрганларида: «Бизга нима учун Пайғамбар юбормадинг, бизни огоҳлантирмадинг? Биз ҳам оятингга иймон келтириб, мўминлардан бўлар эдик», – деб ҳужжат (даъво) қилмаганларида *Пайғамбар ҳам юбормасдик. Балки,шу дунёда қилган амалларига мувофиқ нақд азоб берган бўлардик. Лекин даъво қилишлари боис азобларини таъхир қилдик (кечиктирдик), Пайғамбар юбориб огоҳлантирдик.* Вақтики, Бизнинг наздимиздан (ҳузуримиздан) Муҳаммад (алайҳиссалом)га Қуръон нозил бўлди, кофирлар инкор қилиб: «Мусога берилган мўъжиза нима учун Муҳаммадга берилмади?», – деб айтдилар. Ахир улар илгари ҳам Мусога келган мўъжизаларни инкор этиб, кофир бўлмадиларми? Ўша даврларда ҳам: «Мусо билан Ҳорун соҳирлардир. Бир-бирига ёрдамчилардир. Бизлар уларнинг ҳеч бирига ишонмаймиз», – демадиларми?! Улар: «Таврот ва Қуръон бир-бирини қувватлайдиган икки сеҳрдир, биз уларни инкор этгувчидирмиз», – дедилар.

قُلْ فَأْتُوا۟ بِكِتَـٰبٍ مِّنْ عِندِ ٱللَّهِ هُوَ أَهْدَىٰ مِنْهُمَآ أَتَّبِعْهُ إِن كُنتُمْ صَـٰدِقِينَ
﴿٤٩﴾ فَإِن لَّمْ يَسْتَجِيبُوا۟ لَكَ فَٱعْلَمْ أَنَّمَا يَتَّبِعُونَ أَهْوَآءَهُمْ ۚ وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّنِ
ٱتَّبَعَ هَوَىٰهُ بِغَيْرِ هُدًى مِّنَ ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلظَّـٰلِمِينَ ﴿٥٠﴾ ۞
وَلَقَدْ وَصَّلْنَا لَهُمُ ٱلْقَوْلَ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿٥١﴾ ٱلَّذِينَ ءَاتَيْنَـٰهُمُ ٱلْكِتَـٰبَ مِن
قَبْلِهِۦ هُم بِهِۦ يُؤْمِنُونَ ﴿٥٢﴾

49-52. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга: «Агар сизлар ростгўйлардан бўлсангиз, Қуръон ва Тавротни сеҳр деб рад этсангизлар, Худо тарафидан шундай бир китоб келтирингки, у икки китобдан (Қуръон ва Тавротдан) ишончлироқ, зиёда ҳидоят қилувчироқ бўлсин ва ҳақ йўлни кўрсатсин. Агар шундай китоб бўлса, мен ҳам унга амал қиламан», –

дегил. Агар кофирлар сўзингга жавоб бермасалар, билгилки, улар нафсоний хоҳишларига эргашмоқдалар, холос. Худонинг ҳидоятига тобе бўлмайдиган, балки ўз нафсоний хоҳишларига тобе бўладиган (эргашадиган) одамдан кўра зиёда гумроҳ киши борми?! Албатта, Аллоҳ таоло золим қавмни ҳидоят қилмайди. Шоядки, панд-насиҳатларимизни қабул қилсалар, деб, батаҳқиқ, уларга оятларимизни пайдар-пай юбордик. Қуръондан илгари Биз Китоб (Таврот ва Инжил) юборган зотларнинг баъзилари унга (Қуръонга) иймон келтирдилар.

20 жузъ وَإِذَا يُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ قَالُوٓاْ ءَامَنَّا بِهِۦٓ إِنَّهُ ٱلْحَقُّ مِن رَّبِّنَآ إِنَّا كُنَّا مِن قَبْلِهِۦ مُسْلِمِينَ
﴿٥٣﴾ أُوْلَٰٓئِكَ يُؤْتَوْنَ أَجْرَهُم مَّرَّتَيْنِ بِمَا صَبَرُواْ وَيَدْرَءُونَ بِٱلْحَسَنَةِ ٱلسَّيِّئَةَ
وَمِمَّا رَزَقْنَٰهُمْ يُنفِقُونَ ﴿٥٤﴾ وَإِذَا سَمِعُواْ ٱللَّغْوَ أَعْرَضُواْ عَنْهُ وَقَالُواْ لَنَآ
أَعْمَٰلُنَا وَلَكُمْ أَعْمَٰلُكُمْ سَلَٰمٌ عَلَيْكُمْ لَا نَبْتَغِى ٱلْجَٰهِلِينَ ﴿٥٥﴾ إِنَّكَ لَا تَهْدِى مَنْ
أَحْبَبْتَ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ يَهْدِى مَن يَشَآءُ ۚ وَهُوَ أَعْلَمُ بِٱلْمُهْتَدِينَ ﴿٥٦﴾

53-56. Вақтики, Қуръон уларга тиловат қилинса, айтадилар: «Биз бу Қуръонга иймон келтирдик. Албатта, Қуръон ҳақдир. Худо тарафидан нозил бўлгандир. Қуръон келмасдан илгари ҳам биз мусулмон эдик, бўйинсунган эдик». Сабр қилганлари сабабидан у жамоанинг ажрлари икки марта (зиёда қилиб) берилади. У жамоанинг сифатлари шуки, ёмонликни яхшилик билан даф қиладилар. Берган ризқимиздан бизнинг розилигимиз учун сарф қиладилар. Ва қачонки беҳуда сўзлар эшитсалар, қулоқ солмай, ундан юз ўгириб кетадилар. Айтадиларки: «Бизнинг амалларимиз бизгадир (ўзимиз учундир). Сизнинг амалларингиз сизгадир (ўзингиз учундир). Сизларга салом бўлсин, бизлар жоҳилларнинг суҳбатини хоҳламаймиз». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен дўст тутган кишингни ҳидоят қилолмайсан, лекин Аллоҳ таоло кимни хоҳласа, ҳидоят қилади. Албатта, Аллоҳ таоло ҳидоят топганларни яхши билгувчи Зотдир.

وَقَالُوٓاْ إِن نَّتَّبِعِ ٱلْهُدَىٰ مَعَكَ نُتَخَطَّفْ مِنْ أَرْضِنَآ ۚ أَوَلَمْ نُمَكِّن لَّهُمْ حَرَمًا ءَامِنًا
يُجْبَىٰٓ إِلَيْهِ ثَمَرَٰتُ كُلِّ شَىْءٍ رِّزْقًا مِّن لَّدُنَّا وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٥٧﴾
وَكَمْ أَهْلَكْنَا مِن قَرْيَةٍۭ بَطِرَتْ مَعِيشَتَهَا ۖ فَتِلْكَ مَسَٰكِنُهُمْ لَمْ تُسْكَن مِّنۢ
بَعْدِهِمْ إِلَّا قَلِيلًا ۖ وَكُنَّا نَحْنُ ٱلْوَٰرِثِينَ ﴿٥٨﴾ وَمَا كَانَ رَبُّكَ مُهْلِكَ ٱلْقُرَىٰ
حَتَّىٰ يَبْعَثَ فِىٓ أُمِّهَا رَسُولًا يَتْلُواْ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتِنَا ۚ وَمَا كُنَّا مُهْلِكِى ٱلْقُرَىٰٓ إِلَّا
وَأَهْلُهَا ظَٰلِمُونَ ﴿٥٩﴾

57-59. Макка кофирлари айтадиларки:«Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар биз Сенинг ҳидоятингга тобе бўлсак ва иймон келтирсак, бошқа араблар

бизларга душман бўлиб, ўз жойимиздан (ҳайдаб) чиқарадилар». Сен уларга айтгил: «Биз уларни амну омонлик (макони бўлган) Ҳарам ерига жойламадикми? У ерда ҳамма нарса амну омондадир. Бизнинг ҳукмимиз билан бошқа мамлакатларнинг турли хил мевалари сизларга ризқу рўз ўлароқ (у жойга) келтирилади-ку!» Лекин бу кофирлар буни билмайдилар ва шукр қилмайдилар. Кўп қишлоқ, юртларнинг халқларини ҳалок қилдик. Уларни мол-дунёлари, маишатлари мағрур қилиб, кофир бўлган эдилар. Мана уларнинг уйлари хароб бўлиб ётибди. Улардан кейин ҳеч ким (у жойларни) маскан қилмагандир. Фақат уларнинг озгина жойлари Бизнинг тасаррруфимизда қолди. Сенинг Парвардигоринг ҳеч бир қишлоқ (шаҳар)ни ҳалок 20 жузъ
қилгувчи эмас, магар кўпларига пайғамбар юборади. У пайғамбарлар Бизнинг оятларимизни уларга ўқиб насиҳат қилгандан сўнг (амал қилмасалар ҳалок қилади). Биз бирор қишлоқ (шаҳар) халқини ҳалок қилувчи эмасмиз, фақат ҳаддан ошиб золим бўлганларидан сўнг ҳалок қилармиз.

وَمَآ أُوتِيتُم مِّن شَىْءٍ فَمَتَٰعُ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَزِينَتُهَا ۚ وَمَا عِندَ ٱللَّهِ خَيْرٌ وَأَبْقَىٰٓ ۚ
أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٦٠﴾ أَفَمَن وَعَدْنَٰهُ وَعْدًا حَسَنًا فَهُوَ لَٰقِيهِ كَمَن مَّتَّعْنَٰهُ مَتَٰعَ
ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا ثُمَّ هُوَ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ مِنَ ٱلْمُحْضَرِينَ ﴿٦١﴾

60-61. Бу дунёда сизларга нимаики берилган бўлса, дунё ҳаётининг фойдаланадиган матоси ва зийнати, холос. Охир-оқибат йўқ бўлиб кетади. Аллоҳнинг наздидаги жаннат ва унинг нозу неъматлари абадий ва бу дунёнинг фароғатидан яхшидир. Сизлар бу ҳақда фикр қилиб ўйламайсизларми? Кимгаки Биз яхши ваъдалар қилган бўлсак, албатта, у одамга (у нарсалар) муяссар бўлади. Биз ўз ваъдамизга вафо қиламиз. Масалан, шу дунёда давлат ва роҳатдан фойдаланиб, азобга лойиқ бўлган (ҳар) бир киши Қиёмат куни Худонинг олдида ҳозир бўлиб, баҳраманд бўлган ноз ва неъматларидан ҳисоб беради. Ундай киши жаннат ваъда қилинган ва унга сазовор бўлган киши билан тенг бўладими? *Асло тенг бўлмайди.*

وَيَوْمَ يُنَادِيهِمْ فَيَقُولُ أَيْنَ شُرَكَآءِىَ ٱلَّذِينَ كُنتُمْ تَزْعُمُونَ ﴿٦٢﴾ قَالَ ٱلَّذِينَ
حَقَّ عَلَيْهِمُ ٱلْقَوْلُ رَبَّنَا هَٰٓؤُلَآءِ ٱلَّذِينَ أَغْوَيْنَآ أَغْوَيْنَٰهُمْ كَمَا غَوَيْنَا ۖ تَبَرَّأْنَآ
إِلَيْكَ ۖ مَا كَانُوٓا۟ إِيَّانَا يَعْبُدُونَ ﴿٦٣﴾ وَقِيلَ ٱدْعُوا۟ شُرَكَآءَكُمْ فَدَعَوْهُمْ فَلَمْ
يَسْتَجِيبُوا۟ لَهُمْ وَرَأَوُا۟ ٱلْعَذَابَ ۚ لَوْ أَنَّهُمْ كَانُوا۟ يَهْتَدُونَ ﴿٦٤﴾

62-64. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), эсла, Парвардигор (Қиёмат куни) кофирларни чақириб айтади: «Қиёмат куни бизга ёрдам беради», – деб ибодатда Менга шерик қилган у (бут) худоларингиз қани?» (У кунда) азоб қилмоқ учун Худонинг ҳукми бошларига собит бўлган (доҳий сардорлар) айтадилар: «Эй Парвардигор, ўзимиз гумроҳ бўлганимиз каби бизга тобе бўлган ана у гуруҳларни ҳам гумроҳ қилдик. Энди Сенинг ҳузурингда: «Биз улардан безормиз, улар бизларга ибодат қилганлари

йўқ, балки ҳавои нафсларига ибодат қилганлар», – деб айтамиз». Кофирларга айтилади: «Худога шерик қилган бутларингизни чақирингиз, сизларга ёрдам берсинлар». Бас, кофирлар ибодат қилган бутларини ҳарчанд чақирсалар, бутлар уларга жавоб бермайдилар. Азобни кўриб, ҳасрат ва надомат билан айтадиларки: «Кошки у дунёда ҳидоят топганимизда, бу ерда азоб тортмас эдик».

وَيَوْمَ يُنَادِيهِمْ فَيَقُولُ مَاذَآ أَجَبْتُمُ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٦٥﴾ فَعَمِيَتْ عَلَيْهِمُ ٱلْأَنۢبَآءُ يَوْمَئِذٍ
20 жузъ فَهُمْ لَا يَتَسَآءَلُونَ ﴿٦٦﴾ فَأَمَّا مَن تَابَ وَءَامَنَ وَعَمِلَ صَٰلِحًا فَعَسَىٰٓ أَن
يَكُونَ مِنَ ٱلْمُفْلِحِينَ ﴿٦٧﴾

65-67. Аллоҳ таоло Қиёмат куни бўлганда нидо қилиб, бандаларидан сўрайди: «Биз юборган пайғамбарларга нима жавоб қайтарган эдингизлар?» Бас, улар пайғамбарларга бўлган муомалани эсларидан чиқариб, жавоб бера олмайдилар. Бу халойиқ ниҳоятда даҳшатга тушиб, қандай жавоб қилишни бир-бирларидан сўролмай қолади. Аммо тавба қилган, иймон келтирган ва яхши (солиҳ) амал қилган кишилар нажот топгувчилардандир. *Кимдаки агар бу сифатлар бўлмаса, азобга мубтало бўлгувчилардандир.*

وَرَبُّكَ يَخْلُقُ مَا يَشَآءُ وَيَخْتَارُ ۗ مَا كَانَ لَهُمُ ٱلْخِيَرَةُ ۚ سُبْحَٰنَ ٱللَّهِ وَتَعَٰلَىٰ عَمَّا
يُشْرِكُونَ ﴿٦٨﴾ وَرَبُّكَ يَعْلَمُ مَا تُكِنُّ صُدُورُهُمْ وَمَا يُعْلِنُونَ ﴿٦٩﴾ وَهُوَ ٱللَّهُ
لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ۖ لَهُ ٱلْحَمْدُ فِى ٱلْأُولَىٰ وَٱلْءَاخِرَةِ ۖ وَلَهُ ٱلْحُكْمُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٧٠﴾

68-70. *Макка кофирлари: «Худо пайғамбарликка Муҳаммаддан улуғроқ одамни топмадимикан?», – деб айтадилар.* Худо жавоб берадики: «Парвардигоринг хоҳлаганини яратади. Ихтиёр қилган одамни Пайғамбар қилади. Ҳеч кимдан маслаҳат сўрамайди. Бу тўғрида ҳеч кимда ихтиёр йўқдир. Парвардигор тамом (ҳар қандай) айбу нуқсонлардан покдир. Мушриклар ширк келтирган бутлардан олий (юксак)дир. Парвардигор уларнинг дилларидаги яширин сирларини ҳам, ошкор қилган нарсаларини ҳам билади. Парвардигор шундай Зотки, (ибодатга лойиқ) ундан бошқа бирор илоҳ йўқ. Бу дунё ва охиратдаги барча яхшиликлар Аллоҳга хосдир. Ҳукм қилгувчи ҳам Ўзи. Охиратда ҳамма Худонинг тарафига қайтарилади».

قُلْ أَرَءَيْتُمْ إِن جَعَلَ ٱللَّهُ عَلَيْكُمُ ٱلَّيْلَ سَرْمَدًا إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ مَنْ إِلَٰهٌ غَيْرُ
ٱللَّهِ يَأْتِيكُم بِضِيَآءٍ ۖ أَفَلَا تَسْمَعُونَ ﴿٧١﴾ قُلْ أَرَءَيْتُمْ إِن جَعَلَ ٱللَّهُ عَلَيْكُمُ
ٱلنَّهَارَ سَرْمَدًا إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ مَنْ إِلَٰهٌ غَيْرُ ٱللَّهِ يَأْتِيكُم بِلَيْلٍ تَسْكُنُونَ فِيهِ ۖ
أَفَلَا تُبْصِرُونَ ﴿٧٢﴾

71-72. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушрикларга айтгил: «Менга хабар берингляр-чи (айтинглар-чи), агар Парвардигор сизларнинг бош-

ларингизда кечанинг қоронғулигини то Қиёматгача давом эттирса, Худодан бошқа қайси бир илоҳларингиз сизларга равшанликни (ёруғликни) келтира олади? Сизлар насиҳатни эшитмайсизларми?!» Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Менга хабар берингларчи, агар Парвардигор сизларнинг тепаларингизда (бошларингизда) кундуз кунини то Қиёматгача давом эттирса, Парвардигордан бошқа қайси илоҳларингиз сизларга роҳатланадиган кечани олиб келади? Сизлар фикр қилиб ўйламайсизларми?!»

وَمِن رَّحْمَتِهِۦ جَعَلَ لَكُمُ ٱلَّيْلَ وَٱلنَّهَارَ لِتَسْكُنُوا۟ فِيهِ وَلِتَبْتَغُوا۟ مِن فَضْلِهِۦ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٧٣﴾

20 жузъ

73. Худо сизларга фазлу марҳаматлидирки, ором олишларингиз учун кечани яратди. Ризқу рўз топишлик учун кундузни яратди. Худонинг бу неъматига шукр қилишларингиз керак.

وَيَوْمَ يُنَادِيهِمْ فَيَقُولُ أَيْنَ شُرَكَآءِىَ ٱلَّذِينَ كُنتُمْ تَزْعُمُونَ ﴿٧٤﴾ وَنَزَعْنَا مِن كُلِّ أُمَّةٍ شَهِيدًا فَقُلْنَا هَاتُوا۟ بُرْهَـٰنَكُمْ فَعَلِمُوٓا۟ أَنَّ ٱلْحَقَّ لِلَّهِ وَضَلَّ عَنْهُم مَّا كَانُوا۟ يَفْتَرُونَ ﴿٧٥﴾

74-75. Қиёмат куни Парвардигор мушрикларни чақириб айтади: «Эй мушриклар, эътиқод қилиб, худоликда Менга шерик қилган худоларингиз қани? *Бу кун сизларга ёрдам қилиб, сизларга азобдан нажот берсин. (Йўқ!) Улар ҳаргиз сизларга ёрдам беролмайди, азобдан қутқаролмайди»*. Қиёмат куни Биз ҳар (бир) миллатдан гувоҳ ва ҳужжат талаб қиламиз. Уларга айтамиз: Сўзларингизнинг ҳақликларингизга гувоҳ ва далил келтиринглар. Бас, у вақтда кофирлар биладиларки, ҳақ Худо тарафида экан. У кунда уларнинг умид қилган ёрдамчилари улардан ғойиб бўлади. Ўз ҳолларига саргардон бўладилар».

۞ إِنَّ قَـٰرُونَ كَانَ مِن قَوْمِ مُوسَىٰ فَبَغَىٰ عَلَيْهِمْ ۖ وَءَاتَيْنَـٰهُ مِنَ ٱلْكُنُوزِ مَآ إِنَّ مَفَاتِحَهُۥ لَتَنُوٓأُ بِٱلْعُصْبَةِ أُو۟لِى ٱلْقُوَّةِ إِذْ قَالَ لَهُۥ قَوْمُهُۥ لَا تَفْرَحْ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ ٱلْفَرِحِينَ ﴿٧٦﴾ وَٱبْتَغِ فِيمَآ ءَاتَىٰكَ ٱللَّهُ ٱلدَّارَ ٱلْـَٔاخِرَةَ ۖ وَلَا تَنسَ نَصِيبَكَ مِنَ ٱلدُّنْيَا ۖ وَأَحْسِن كَمَآ أَحْسَنَ ٱللَّهُ إِلَيْكَ ۖ وَلَا تَبْغِ ٱلْفَسَادَ فِى ٱلْأَرْضِ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ ٱلْمُفْسِدِينَ ﴿٧٧﴾

76-77. Қорун номли бир одам Мусо (алайҳиссалом)нинг қавмидан эди. Ҳамиша Бани Исроилга зулм қиларди. Биз Қорунга шу қадар хазиналар ато қилган эдикки, у хазинанинг калитларини бир жамоа қувватли одамлар (ҳам) машаққат билан кўтариб юрар эдилар. Қоруннинг қавми унга айтди: «Бу мол ва дунёларингга мағрур бўлма. Мағрур бўлганларни Худо севмайди. Худо берган молларингни сарф этиб, охират-

ни талаб қилгил. Ўладиган вақтингда дунёдан олиб кетадиган нарсангни фаромуш қилма. *Бир кафандан ортиқ нарсани олиб кетолмайсан.* Бу дунёда Худо сенга эҳсон (яхшилик) қилганидек, сен ҳам Худонинг халқига эҳсон қилгил. Ер юзида фасод ишларни қилмагил. Албатта, Аллоҳ таоло муфсидларни севмайди».

قَالَ إِنَّمَآ أُوتِيتُهُۥ عَلَىٰ عِلْمٍ عِندِيٓ ۚ أَوَلَمْ يَعْلَمْ أَنَّ ٱللَّهَ قَدْ أَهْلَكَ مِن قَبْلِهِۦ
مِنَ ٱلْقُرُونِ مَنْ هُوَ أَشَدُّ مِنْهُ قُوَّةً وَأَكْثَرُ جَمْعًا ۚ وَلَا يُسْـَٔلُ عَن ذُنُوبِهِمُ
20 жузъ ٱلْمُجْرِمُونَ ﴿٧٨﴾ فَخَرَجَ عَلَىٰ قَوْمِهِۦ فِى زِينَتِهِۦ ۖ قَالَ ٱلَّذِينَ يُرِيدُونَ
ٱلْحَيَوٰةَ ٱلدُّنْيَا يَـٰلَيْتَ لَنَا مِثْلَ مَآ أُوتِىَ قَـٰرُونُ إِنَّهُۥ لَذُو حَظٍّ عَظِيمٍ ﴿٧٩﴾

78-79. Қорун айтди: «Мен бу мол-дунёни ўзимнинг илмим билан топдим. Менга ҳеч ким бергани йўқ». У билмайдимики, ундан зиёда қувватлироқ, ундан зиёда давлат тўплаган одамлар Қорундан илгари ўтгандирлар. Аллоҳ таоло ҳаммасини ҳалок қилгандир. Аллоҳ таоло томонидан: «Сизлар қандай гуноҳ қилган эдингизлар?», – деб кофирлардан сўраб ўтирилмайди. *Ўзларининг юз қоралиги етарлидир.* Қорун ўзининг давлати билан зийнатланиб (ясаниб), ўз қавмининг олдига чиққан эди, дунёда яхши ҳаёт кечиришни орзу қилган кимсалар: «Кошки бизларга ҳам Қорунга берилганидек давлат берилса эди, бизлар ҳам дунёда давлатли бўлиб, ҳаёт кечирар эдик. Чунки Қорун дунёдан улуғ насибага эгадир», – дедилар.

وَقَالَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْعِلْمَ وَيْلَكُمْ ثَوَابُ ٱللَّهِ خَيْرٌ لِّمَنْ ءَامَنَ وَعَمِلَ
صَـٰلِحًا وَلَا يُلَقَّىٰهَآ إِلَّا ٱلصَّـٰبِرُونَ ﴿٨٠﴾ فَخَسَفْنَا بِهِۦ وَبِدَارِهِ ٱلْأَرْضَ فَمَا
كَانَ لَهُۥ مِن فِئَةٍ يَنصُرُونَهُۥ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَمَا كَانَ مِنَ ٱلْمُنتَصِرِينَ ﴿٨١﴾
وَأَصْبَحَ ٱلَّذِينَ تَمَنَّوْا۟ مَكَانَهُۥ بِٱلْأَمْسِ يَقُولُونَ وَيْكَأَنَّ ٱللَّهَ يَبْسُطُ
ٱلرِّزْقَ لِمَن يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦ وَيَقْدِرُ ۖ لَوْلَآ أَن مَّنَّ ٱللَّهُ عَلَيْنَا لَخَسَفَ بِنَا
وَيْكَأَنَّهُۥ لَا يُفْلِحُ ٱلْكَـٰفِرُونَ ﴿٨٢﴾

80-82. Парвардигор тарафидан илм ато қилинган ва тавфиқ берилган жамоалар Қоруннинг давлатини орзу қилганларга айтадилар: «Сизларнинг ҳолларингизга вой! Аллоҳнинг мўминларга ва яхши амал қилганларга берадиган савоби Қиёматда Қоруннинг (бу дунёда берилган) давлатидан яхшироқдир. Бу неъматларга фақат сабр қилганларгина етадилар». Бас, Биз Қорунни, унинг давлатини, қасру иморатларини ерга юттирдик. Ҳеч ким Қорунга ёрдам бериб, уни Аллоҳнинг балосидан қутқариб қололмади. Унга Худонинг азобидан қутулиш ҳам муяссар бўлмади. Қорун ҳалок бўлгандан сўнг кечагина Қоруннинг уй-жой ва давлатини орзу қилган кимсалар бу кун (энди): «Во ажабо! Аллоҳ таоло хоҳлаган банда-

сига ризқ-рўзини кенг ва хоҳлаган бандасига тор қилиб берар экан-ку! Бизлар шуни билишимиз керак эди. Агар бизларга Парвардигорнинг фазлу марҳамати бўлмаганида, Қорун билан бирга бизни ҳам ерга юттирар экан. Во ажабо! Биз буни билишимиз ва ибрат олишимиз керак эди. Албатта, кофирлар нажот топмас эканлар-да», – деб айтардилар.

تِلْكَ ٱلدَّارُ ٱلْـَٔاخِرَةُ نَجْعَلُهَا لِلَّذِينَ لَا يُرِيدُونَ عُلُوًّا فِى ٱلْأَرْضِ وَلَا فَسَادًا ۚ
وَٱلْعَـٰقِبَةُ لِلْمُتَّقِينَ ﴿٨٣﴾ مَن جَآءَ بِٱلْحَسَنَةِ فَلَهُۥ خَيْرٌ مِّنْهَا ۖ وَمَن جَآءَ بِٱلسَّيِّئَةِ فَلَا
يُجْزَى ٱلَّذِينَ عَمِلُوا۟ ٱلسَّيِّـَٔاتِ إِلَّا مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٨٤﴾ 20 жузъ

83-84. Биз охиратнинг нозу неъматларини ер юзида кибр ва фасод қилишни истамайдиган одамларга ато қиламиз. Охират роҳати муттақийларгадир. Кимки бу дунёда бир яхшилик қилса, унга Худойи таоло тарафидан қилган амалидан зиёда савоб берилади. Кимки бир гуноҳ иш қилса, бу гуноҳ қилувчиларга ўша гуноҳига лойиқ жазо берилади, зиёда берилмайди.

إِنَّ ٱلَّذِى فَرَضَ عَلَيْكَ ٱلْقُرْءَانَ لَرَآدُّكَ إِلَىٰ مَعَادٍ ۚ قُل رَّبِّىٓ أَعْلَمُ مَن جَآءَ
بِٱلْهُدَىٰ وَمَنْ هُوَ فِى ضَلَـٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٨٥﴾ وَمَا كُنتَ تَرْجُوٓا۟ أَن يُلْقَىٰٓ إِلَيْكَ
ٱلْكِتَـٰبُ إِلَّا رَحْمَةً مِّن رَّبِّكَ ۖ فَلَا تَكُونَنَّ ظَهِيرًا لِّلْكَـٰفِرِينَ ﴿٨٦﴾ وَلَا يَصُدُّنَّكَ
عَنْ ءَايَـٰتِ ٱللَّهِ بَعْدَ إِذْ أُنزِلَتْ إِلَيْكَ ۖ وَٱدْعُ إِلَىٰ رَبِّكَ ۖ وَلَا تَكُونَنَّ مِنَ
ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿٨٧﴾ وَلَا تَدْعُ مَعَ ٱللَّهِ إِلَـٰهًا ءَاخَرَ ۘ لَآ إِلَـٰهَ إِلَّا هُوَ ۚ كُلُّ شَىْءٍ هَالِكٌ
إِلَّا وَجْهَهُۥ ۚ لَهُ ٱلْحُكْمُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٨٨﴾

85-88. Албатта, у Зотки, Қуръонни нозил қилди, шак-шубҳасиз, У Сенинг қайтиб борадиган жойингта (Маккаи Мукаррамага) қайтаради. Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Парвардигорим ўз тарафидан ҳидоят (ҳақ дин) билан келган одамнинг ҳам ва гумроҳ бўлган одамнинг ҳам аҳволини билгувчидир». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен ўзингга Китоб берилишидан умид қилмас эдинг. Фақат Аллоҳ таоло халқни ҳидоят қилиш учун, меҳрибонлиги учун Қуръонни нозил қилди. Энди Сен кофирларга мададкор бўлма, *мудоро қилмагил. Албатта, кофирлар Сени игво қилиш билан Қуръон ўқиб, унга амал қилишдан манъ қилмаслиги лозим.* Вақтики, Сенга оят нозил бўлганда, унга амал қилишдан Сени қайтара олмасинлар. Балки Сен уларни (якка ва ягона) Худо тарафига тарғиб (даъват) қил. Сен мушрикларга қўшилма, ибодат қилишингда бошқа нарсани Худога (шерик қилиб) қўшмагил, чунки Худодан бошқа бирор маъбуд йўқдир. Ҳамма нарса йўқ (ҳалок) бўлгувчидир, магар ёлғиз зот – Парвардигор абадий (боқий)дир. Қиёмат кунининг ҳукми Худога хосдир. Ҳаммаларингиз Худонинг олдида ҳозир қилинасизлар.

Маккада нозил бўлган бу сура олтмиш тўққиз оятдан иборатдир.

20 жузъ

«Анкабут» – ўргимчак деганидир. Суранинг 41-оятида кофирларнинг ибодат ва амаллари тамсил сифатида ўргимчакнинг заиф уясига ўхшатилганлиги учун ҳам сура шундай ном олган. Сурада Аллоҳ бандасини имтиҳон қилиши, фитналардан йироқ бўлиш, Ҳақ йўлида собитлик ва Қуръони каримнинг Аллоҳ Каломи эканлиги ҳақидаги мавзулардан хабар берилади.



Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الٓمٓ ﴿١﴾ أَحَسِبَ ٱلنَّاسُ أَن يُتۡرَكُوٓاْ أَن يَقُولُوٓاْ ءَامَنَّا وَهُمۡ لَا يُفۡتَنُونَ ﴿٢﴾ وَلَقَدۡ
فَتَنَّا ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِهِمۡۖ فَلَيَعۡلَمَنَّ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ صَدَقُواْ وَلَيَعۡلَمَنَّ ٱلۡكَٰذِبِينَ ﴿٣﴾ أَمۡ
حَسِبَ ٱلَّذِينَ يَعۡمَلُونَ ٱلسَّيِّـَٔاتِ أَن يَسۡبِقُونَاۚ سَآءَ مَا يَحۡكُمُونَ ﴿٤﴾ مَن كَانَ
يَرۡجُواْ لِقَآءَ ٱللَّهِ فَإِنَّ أَجَلَ ٱللَّهِ لَأٓتٖۚ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلۡعَلِيمُ ﴿٥﴾

1-5. Алиф. Лом. Мийм. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Оё, инсонлар (одамлар): «Иймон келтирдик», – десалар (фақат «иймон келтирдик», дейишлари билан) шариатнинг бошқа аҳкомлари уларнинг бўйинларига юкланмайди ва улар имтиҳон этилмайдилар, деб гумон қиладиларми?! *Бу гумонлари хатодир. Парвардигор бандаларини ҳар турли кулфатлар билан синайди.* Албатта, Биз улардан илгари ўтган умматларни ҳам синаган эдик. Бас, бу синов билан Аллоҳ ростгўйлар билан ёлғончиларни ажратади. Мўмин ким, мунофиқ ким, маълум бўлади. Ёки гуноҳ қилувчилар Биздан ғолиб бўлишни, Бизни ожиз қолдириб азобимиздан қутулиб қолишни ўйлайдиларми?! Бу гумонлари ва ҳукмлари кўп ёмондир! Кимки Қиёмат куни Парвардигорга рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, албатта, унинг вақти муқаррар келади. Аллоҳ таоло сизларнинг сўзларингизни эшитгувчи ва аҳволларингизни (билгувчи) донодир.

وَمَن جَٰهَدَ فَإِنَّمَا يُجَٰهِدُ لِنَفۡسِهِۦٓۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَغَنِيٌّ عَنِ ٱلۡعَٰلَمِينَ ﴿٦﴾ وَٱلَّذِينَ

ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَنُكَفِّرَنَّ عَنْهُمْ سَيِّـَٔاتِهِمْ وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَحْسَنَ ٱلَّذِى
كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٧﴾

6-7. Ким Худонинг йўлида жиҳод қилса, бас, у шахс ўз нафсининг фойдаси учун жиҳод қилади. Албатта, Аллоҳ таоло олам аҳлининг ибодатларидан мустағний (беҳожат)дир. Албатта, Биз Худога иймон келтирган ва яхши амал қилган жамоаларнинг гуноҳларини кечирамиз. Қилган гуноҳларига яхши амалларини каффорат қиламиз. Албатта, Биз қилган амалларидан яхшироқ ва зиёдроқ савоб берамиз. 20 жузъ

وَوَصَّيْنَا ٱلْإِنسَٰنَ بِوَٰلِدَيْهِ حُسْنًا ۖ وَإِن جَٰهَدَاكَ لِتُشْرِكَ بِى مَا لَيْسَ لَكَ بِهِۦ
عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَآ ۚ إِلَىَّ مَرْجِعُكُمْ فَأُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٨﴾ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟
وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَنُدْخِلَنَّهُمْ فِى ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٩﴾

8-9. Биз ҳар бир инсонни ота ва онаси билан яхши муомала қилишга буюрдик. Агар ота ва онанг куфрга ва ширк келтиришга буюрсалар, сенинг бу тўғрида бирор илминг бўлмаса, (у пайтда) ота-онангга итоат қилма. Қиёмат куни ҳаммангиз Менинг ҳузуримда ҳозир бўласизлар. *Ҳақ ва ноҳақ маълум бўлади.* (Ўшанда) Мен сизларни қилган амалларингиздан огоҳлантираман. Иймон келтириб, яхши амал қилган гуруҳларни, албатта, солиҳлар қаторига киритамиз.

وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يَقُولُ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ فَإِذَآ أُوذِىَ فِى ٱللَّهِ جَعَلَ فِتْنَةَ ٱلنَّاسِ كَعَذَابِ ٱللَّهِ
وَلَئِن جَآءَ نَصْرٌ مِّن رَّبِّكَ لَيَقُولُنَّ إِنَّا كُنَّا مَعَكُمْ ۚ أَوَلَيْسَ ٱللَّهُ بِأَعْلَمَ بِمَا فِى
صُدُورِ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٠﴾ وَلَيَعْلَمَنَّ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَلَيَعْلَمَنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ ﴿١١﴾

10-11. Одамлар ичида шундайлари ҳам борки: «Худога иймон келтирдик», – дейдилар. Вақтики, Худонинг йўлида машаққатга мубтало бўлсалар, одамлар тарафидан тортган азобларини Худонинг азобидек фаҳмлаб, жиҳод қилишдан бош тортадилар. Жиҳоднинг азобларига сабр қилмайдилар. Агар Парвардигоринг тарафидан Сенга фатҳу зафар муяссар бўлса, у вақтда айтадиларки: «Биз ҳам сизлар билан бирга эдик, ғанимат молга шерикдирмиз». Аллоҳ таоло олам аҳлининг дилларидаги махфий сирларига доно эмасми? Албатта, Аллоҳ таоло содиқ мўминлар кимлар, мунофиқлар кимлар, билади.

وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱتَّبِعُوا۟ سَبِيلَنَا وَلْنَحْمِلْ خَطَٰيَٰكُمْ وَمَا هُم
بِحَٰمِلِينَ مِنْ خَطَٰيَٰهُم مِّن شَىْءٍ ۖ إِنَّهُمْ لَكَٰذِبُونَ ﴿١٢﴾ وَلَيَحْمِلُنَّ
أَثْقَالَهُمْ وَأَثْقَالًا مَّعَ أَثْقَالِهِمْ ۖ وَلَيُسْـَٔلُنَّ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ عَمَّا كَانُوا۟ يَفْتَرُونَ ﴿١٣﴾

12-13. Кофирлар мўминларга айтадиларки: «Сизлар бизга эргашиб, бизнинг йўлимиздан юраверинглар. Агар йўлимиз хато бўлса, Қиёмат куни хатоларингизни биз кўтарамиз». Улар ёлғон айтадилар. Қиёмат куни бўлганда ҳеч кимнинг хатосини бўйинларига олмайдилар. Албатта, Қиёмат куни ўзларининг (гуноҳ) юкларини ҳам кўтарадилар, иғво (бўҳтон) қилиб йўлдан урган бошқа одамларнинг ҳам юкларини кўтарадилар. Албатта, Қиёмат куни Худога ёлғон туҳматлар қилганлари учун савол қилинадилар.

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِۦ فَلَبِثَ فِيهِمْ أَلْفَ سَنَةٍ إِلَّا خَمْسِينَ عَامًا
20 жузъ فَأَخَذَهُمُ ٱلطُّوفَانُ وَهُمْ ظَٰلِمُونَ ﴿١٤﴾ فَأَنجَيْنَٰهُ وَأَصْحَٰبَ ٱلسَّفِينَةِ
وَجَعَلْنَٰهَآ ءَايَةً لِّلْعَٰلَمِينَ ﴿١٥﴾

14-15. Биз Нуҳ (алайҳиссалом)ни ўз қавмига Пайғамбар қилиб юборган эдик. Бас, Нуҳ ўз қавми орасида тўққиз юз эллик йил умр кўрди. Шу муддат ичида халқни иймонга даъват қилди. *Нуҳ қавми золим эди, иймон келтирмади.* Бас, тўфон сели келиб, уларни ҳалок қилди. Бас, Биз Нуҳга ва унинг кема аҳлига нажот бердик. Уларнинг аҳволларини олам аҳлига ибрат қилиб қўйидик.

وَإِبْرَٰهِيمَ إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ وَٱتَّقُوهُ ۖ ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُمْ
تَعْلَمُونَ ﴿١٦﴾ إِنَّمَا تَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ أَوْثَٰنًا وَتَخْلُقُونَ إِفْكًا ۚ إِنَّ
ٱلَّذِينَ تَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ لَا يَمْلِكُونَ لَكُمْ رِزْقًا فَٱبْتَغُوا۟ عِندَ ٱللَّهِ
ٱلرِّزْقَ وَٱعْبُدُوهُ وَٱشْكُرُوا۟ لَهُۥٓ ۖ إِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿١٧﴾

16-17. Биз Иброҳимни ўз қавмига пайғамбар қилиб юбордик. Ўшанда Иброҳим ўз қавмига айтди: «Худога ибодат қилинглар. Унинг азобидан қўрқинглар. Агар ақл-идрокингиз бўлса, сизлар учун Худога ибодат қилиш яхшидир. Аммо сизлар Худодан бошқа бутларга ибодат қиласизлар. Бутларни «худо» деб, эътиқод қилиб, ёлғонни тўқиб чиқарасизлар. Бу Худодан бошқа бутларингиз сизларга ризқ беришга молик эмас. Ризқларингизни Худодан талаб қилинглар ва унга ибодат қилинглар. Эҳсонига шукр қилинглар. Қиёмат куни Худонинг ҳузурига бориб, амалларингиздан ҳисоб берасизлар».

وَإِن تُكَذِّبُوا۟ فَقَدْ كَذَّبَ أُمَمٌ مِّن قَبْلِكُمْ ۖ وَمَا عَلَى ٱلرَّسُولِ إِلَّا ٱلْبَلَٰغُ
ٱلْمُبِينُ ﴿١٨﴾ أَوَلَمْ يَرَوْا۟ كَيْفَ يُبْدِئُ ٱللَّهُ ٱلْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُۥٓ ۚ إِنَّ ذَٰلِكَ عَلَى
ٱللَّهِ يَسِيرٌ ﴿١٩﴾ قُلْ سِيرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ فَٱنظُرُوا۟ كَيْفَ بَدَأَ ٱلْخَلْقَ ۚ ثُمَّ ٱللَّهُ يُنشِئُ
ٱلنَّشْأَةَ ٱلْءَاخِرَةَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٠﴾ يُعَذِّبُ مَن يَشَآءُ وَيَرْحَمُ مَن

يَشَآءُ وَإِلَيۡهِ تُقۡلَبُونَ ٢١

18-21. Эй Макка аҳли, агар сизлар Муҳаммад (алайҳиссалом)ни ёлғончи қилсангизлар, сизлардан илгари ўтган умматлар ҳам ўз пайғамбарларини ёлғончи қилган эдилар. Ҳар бир пайғамбарга Худонинг ҳукмини етказишдан бошқа вазифа йўқдир. Қиёматга мункир (бўлган)лар аввал бошда Аллоҳ таоло махлуқни қандай яратишини, ўлгандан сўнг яна қайтадан яратишини кўрмайдиларми?! Бу иш, албатта, Аллоҳга осондир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу кофирларга айтгил: «Ер юзини сайру саёҳат қилиб кўринг. Аллоҳ таоло ҳар хил махлуқотни яратганини ва ранг-баранг инсонни қандай халқ қилганини кўриб, ибрат олинглар». Аллоҳ таоло охиратда ҳам шундай пайдо қилади. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир. Қиёмат куни Аллоҳ таоло хоҳлаган бандасини азоб қилади ва хоҳлаган бандасини раҳмат қилади. Албатта, сизлар ўлгандан сўнг Худонинг олдига ҳозир қилинасизлар». 20 жузъ

وَمَآ أَنتُم بِمُعۡجِزِينَ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَلَا فِي ٱلسَّمَآءِۖ وَمَا لَكُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ
مِن وَلِيّٖ وَلَا نَصِيرٖ ٢٢ وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَلِقَآئِهِۦٓ أُوْلَٰٓئِكَ يَئِسُواْ
مِن رَّحۡمَتِي وَأُوْلَٰٓئِكَ لَهُمۡ عَذَابٌ أَلِيمٞ ٢٣

22-23. *Эй инсонлар,* агар сизлар ерда ё осмонда бўлсангизлар ҳам, Худони ожиз қолдиролмайсизлар. *Унинг ҳукмидан қочиб қутулолмайсизлар.* Сизларга Худодан бошқа дўст ҳам, мададкор ҳам йўқдир. Худонинг оятига кофир бўлганлар ва охиратда У билан рўбарў келишдан мункир бўлганлар – улар Менинг раҳматимдан ноумид (маҳрумдир)лар. Қиёмат куни уларга қаттиқ азоб бордир.

فَمَا كَانَ جَوَابَ قَوۡمِهِۦٓ إِلَّآ أَن قَالُواْ ٱقۡتُلُوهُ أَوۡ حَرِّقُوهُ فَأَنجَىٰهُ ٱللَّهُ مِنَ
ٱلنَّارِۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَٰتٖ لِّقَوۡمٖ يُؤۡمِنُونَ ٢٤ وَقَالَ إِنَّمَا ٱتَّخَذۡتُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ
أَوۡثَٰنٗا مَّوَدَّةَ بَيۡنِكُمۡ فِي ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَاۖ ثُمَّ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ يَكۡفُرُ بَعۡضُكُم بِبَعۡضٖ
وَيَلۡعَنُ بَعۡضُكُم بَعۡضٗا وَمَأۡوَىٰكُمُ ٱلنَّارُ وَمَا لَكُم مِّن نَّٰصِرِينَ ٢٥

24-25. Иброҳим (алайҳиссалом) қавмини иймонга даъват қилганида, қавми жавоб бердики: «Иброҳимни ўлдиринглар ёки ўтга солиб куйдиринглар». Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом)ни ушлаб ўтга ташладилар. Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)ни ўтдан саломат чиқарди. Албатта, Иброҳим (алайҳиссалом) қиссасида мўминлар учун Худонинг қудратига далолат қиладиган нишоналар (аломатлар) бордир. Иброҳим (алайҳиссалом) қавмига айтди: «Сизлар бу дунёда Худодан бошқа бутларга иттифоқ ва дўстлик билан ибодат қилдингизлар. Қиёмат кунида эса бир-бирларингиздан безор бўласизлар. Баъзиларингиз баъзиларингизга лаънат айтасиз

ар. Сўнгра сизларнинг ётадиган (доимий бўладиган) жойларингиз дўзахдир. У вақтда сизларни азобдан қутқарувчи бирор ёрдамчи бўлмайди».

۞ فَـَٔامَنَ لَهُۥ لُوطٌۘ وَقَالَ إِنِّي مُهَاجِرٌ إِلَىٰ رَبِّيٓۖ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٢٦﴾ وَوَهَبْنَا لَهُۥٓ إِسْحَـٰقَ وَيَعْقُوبَ وَجَعَلْنَا فِي ذُرِّيَّتِهِ ٱلنُّبُوَّةَ وَٱلْكِتَـٰبَ وَءَاتَيْنَـٰهُ أَجْرَهُۥ فِي ٱلدُّنْيَاۖ وَإِنَّهُۥ فِي ٱلْـَٔاخِرَةِ لَمِنَ ٱلصَّـٰلِحِينَ ﴿٢٧﴾

20 жузъ

26-27. (Ҳазрати) Иброҳимнинг сўзларини жияни Лут (алайҳиссалом)дан бошқа ҳеч ким тасдиқламади. (Ҳазрати) Иброҳим ўз аҳли аёлига айтди: «Албатта, Мен Парвардигорнинг ризоси учун (У амр этган жойга) ҳижрат қилиб кетгувчиман. Шубҳасиз, Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан голибдир. *Мени кофирларга маглуб қилмайди*. Ҳар бир феъли ҳикматлидир». Иброҳим (алайҳиссалом) Шом тарафига ҳижрат қилганларида, у жойда ўғли Исҳоқ (алайҳиссалом)ни ато қилдик. Набираси Яъқуб (алайҳиссалом) ҳам туғилди. Иброҳимнинг авлодларига пайғамбарликни ато қилдик, Китоб бердик. Иброҳимга бу дунёда нубувват ва давлат инъом этдик. Охиратда, албатта, солиҳлардан бўлади.

وَلُوطًا إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِۦٓ إِنَّكُمْ لَتَأْتُونَ ٱلْفَـٰحِشَةَ مَا سَبَقَكُم بِهَا مِنْ أَحَدٍ مِّنَ ٱلْعَـٰلَمِينَ ﴿٢٨﴾ أَئِنَّكُمْ لَتَأْتُونَ ٱلرِّجَالَ وَتَقْطَعُونَ ٱلسَّبِيلَ وَتَأْتُونَ فِي نَادِيكُمُ ٱلْمُنكَرَۖ فَمَا كَانَ جَوَابَ قَوْمِهِۦٓ إِلَّآ أَن قَالُوا۟ ٱئْتِنَا بِعَذَابِ ٱللَّهِ إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّـٰدِقِينَ ﴿٢٩﴾ قَالَ رَبِّ ٱنصُرْنِي عَلَى ٱلْقَوْمِ ٱلْمُفْسِدِينَ ﴿٣٠﴾

28-30. Лут (алайҳиссалом)ни Муътафикот қавмига пайғамбар қилиб юбордик. Ўшанда Лут ўз қавмига айтди: «Сизлар ёмон, қабиҳ ишларга машғул бўласизлар. Бу феълларингизни сизлардан илгари (оламларда) ўтган ҳеч бир одам қилмагандир. Сизлар (ҳалол) хотинларни қўйиб, эркаклар билан (яқинлик қилиб) ёмон (фаҳш) ишлар қиласизларми? Ва ҳам сизлар йўлдан ўтгувчиларнинг молларини ғорат (талон-торож) этасизлар. Ва мажлисларингизда шаробхўрлик, фисқу фужур қиласизлар. *Бундай ёмон ишлардан қайтинглар. Бўлмаса,Худонинг азобига гирифтор бўласизлар*». Лут (алайҳиссалом)га қавмининг жавоби шу бўлдики: «Агар Сенинг сўзинг рост бўлса, Худонинг ваъда қилган азобини келтир». Лут (алайҳиссалом): «Эй Парвардигор, менга ёрдам бергил. Бу муфсид қавмни ҳалок қилгил», — деб Худога дуо қилди.

وَلَمَّا جَآءَتْ رُسُلُنَآ إِبْرَٰهِيمَ بِٱلْبُشْرَىٰ قَالُوٓا۟ إِنَّا مُهْلِكُوٓا۟ أَهْلِ هَـٰذِهِ ٱلْقَرْيَةِۖ إِنَّ أَهْلَهَا كَانُوا۟ ظَـٰلِمِينَ ﴿٣١﴾ قَالَ إِنَّ فِيهَا لُوطًاۚ قَالُوا۟ نَحْنُ أَعْلَمُ بِمَن

فِيهَا لَنُنَجِّيَنَّهُۥ وَأَهْلَهُۥٓ إِلَّا ٱمْرَأَتَهُۥ كَانَتْ مِنَ ٱلْغَٰبِرِينَ ﴿٣٢﴾

31-32. Малоикалар Парвардигор тарафидан элчи бўлиб Иброҳим (алайҳиссалом) ҳузурига келганларида, фарзанд кўришдан умид узган Иброҳим (алайҳиссалом)га (ўғли) Исҳоқ (алайҳиссалом)ни туғилишидан хушхабар бердилар. Яна айтдилар: «Албатта, бизлар Лутнинг қишлоқ аҳлини ҳалок қилмоқ учун келдик. Чунки бу қишлоқ аҳлининг ҳаммаси иймон келтирмаган золим кишилардир». Иброҳим (алайҳиссалом): «У қишлоқда Лут бор-ку?», – деди. Малоикалар айтдилар: «Биз қишлоқда кимлар борлигини яхши биламиз. Албатта, бизлар Лутга ва унинг аҳли аёлига нажот берамиз. Магар хотинини кофирлар ичида қолдирамиз. У ҳам, албатта, ҳалок бўлгувчилардандир». 20 жузъ

وَلَمَّآ أَن جَآءَتْ رُسُلُنَا لُوطًا سِىٓءَ بِهِمْ وَضَاقَ بِهِمْ ذَرْعًا وَقَالُوا۟ لَا تَخَفْ
وَلَا تَحْزَنْ إِنَّا مُنَجُّوكَ وَأَهْلَكَ إِلَّا ٱمْرَأَتَكَ كَانَتْ مِنَ ٱلْغَٰبِرِينَ ﴿٣٣﴾ إِنَّا
مُنزِلُونَ عَلَىٰٓ أَهْلِ هَٰذِهِ ٱلْقَرْيَةِ رِجْزًا مِّنَ ٱلسَّمَآءِ بِمَا كَانُوا۟ يَفْسُقُونَ
﴿٣٤﴾ وَلَقَد تَّرَكْنَا مِنْهَآ ءَايَةًۢ بَيِّنَةً لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿٣٥﴾

33-35. Вақтики, Бизнинг элчиларимиз Лут (алайҳиссалом)нинг уйига келишди, Лут (алайҳиссалом) уларнинг келганларига ғамгин бўлиб, юраги сиқилди. *Чунки малоикалар чиройли, навжувон йигитлар суратида эди. Лут алайҳиссалом уларни танимадилар. Кофирларнинг бу меҳмонларга азият беришларидан қўрқдилар.* Малоикалар Лут (алайҳиссалом)га айтдилар: «Биз учун қўрқма ва ғамгин ҳам бўлма. Биз Худо тарафидан келган малоикалармиз. Қавмингни ҳалок қиламиз. Сенга ва аҳлингга нажот берамиз. Магар хотинингни кофирлар ичида қолдирамиз. Бизлар бу қишлоқ аҳлининг бошига (фисқу фасод қилганлари учун) осмондан азоб келтирувчидирмиз». *Қилган фисқлари учун бу қавмнинг ҳаммаси азоби илоҳийга гирифтор бўлдилар.* Уларнинг хароб бўлган иморатларидан ақлли қавмларга ибрат (бўлиши) учун нишоналар қолдирдик.

وَإِلَىٰ مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا فَقَالَ يَٰقَوْمِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ وَٱرْجُوا۟ ٱلْيَوْمَ ٱلْـَٔاخِرَ وَلَا
تَعْثَوْا۟ فِى ٱلْأَرْضِ مُفْسِدِينَ ﴿٣٦﴾ فَكَذَّبُوهُ فَأَخَذَتْهُمُ ٱلرَّجْفَةُ فَأَصْبَحُوا۟ فِى
دَارِهِمْ جَٰثِمِينَ ﴿٣٧﴾

36-37. Мадян, халқига биродарлари Шуайб (алайҳиссалом)ни Пайғамбар қилиб юбордик. Шуайб айтди: «Эй қавм, Худога ибодат қилинглар. Охиратда Худонинг раҳматидан умидвор бўлинглар. Ер юзида юриб, фасод қилманглар». Шуайб (алайҳиссалом)нинг қавми инкор қилиб, иймон келтирмади. Бас, Шуайб (алайҳиссалом)нинг дуоси билан уларга зилзила балосини юбордик. Уларнинг уйлари ўзларига қабристон бўлди.

وَعَادًا وَثَمُودَا۟ وَقَد تَّبَيَّنَ لَكُم مِّن مَّسَٰكِنِهِمْ ۖ وَزَيَّنَ لَهُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ
أَعْمَٰلَهُمْ فَصَدَّهُمْ عَنِ ٱلسَّبِيلِ وَكَانُوا۟ مُسْتَبْصِرِينَ ﴿٣٨﴾ وَقَٰرُونَ وَفِرْعَوْنَ
وَهَٰمَٰنَ ۖ وَلَقَدْ جَآءَهُم مُّوسَىٰ بِٱلْبَيِّنَٰتِ فَٱسْتَكْبَرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ وَمَا كَانُوا۟
سَٰبِقِينَ ﴿٣٩﴾ فَكُلًّا أَخَذْنَا بِذَنۢبِهِۦ ۖ فَمِنْهُم مَّنْ أَرْسَلْنَا عَلَيْهِ حَاصِبًا وَمِنْهُم
20 жузъ مَّنْ أَخَذَتْهُ ٱلصَّيْحَةُ وَمِنْهُم مَّنْ خَسَفْنَا بِهِ ٱلْأَرْضَ وَمِنْهُم مَّنْ أَغْرَقْنَا ۚ
وَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيَظْلِمَهُمْ وَلَٰكِن كَانُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٤٠﴾

38-40. Ҳуд (алайҳиссалом) Пайғамбар бўлиб келган Од қавмини ва Солиҳ (алайҳиссалом)нинг қавми – Самудни ҳам ҳалок қилдик. Албатта, уларнинг ҳалок бўлган жойлари (масканлари) сизларга зоҳир кўриниб турибди. Уларнинг амалларини шайтон уларга маъқул қилган ва Худонинг йўлидан қайтарган эди. Гарчи уларнинг кўзлари бўлса-да, ҳақни кўрмас эдилар. Биз Қорунни, Фиръавнни ва Ҳомонни ҳалок қилдик. Ваҳоланки, Мусо уларга (очиқ) мўъжизалар кўрсатган эди. Бас, улар ер юзида саркашлик қилдилар. Улар Худонинг ҳукмидан ғолиб бўлолмадилар. Ҳар бирларининг қилган гуноҳларига мувофиқ азоб бердик. Баъзиларининг бошларига осмондан тош ёғдирдик. Баъзиларини Жаброилнинг қаттиқ овози (қичқириғи) билан ҳалок қилдик. Баъзиларини ерга юттирдик, баъзиларини сувга ғарқ қилдик. У кофирларга Худо ҳеч қандай зулм қилмади. Лекин улар ўз нафсларига зулм қилдилар.

مَثَلُ ٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِ ٱللَّهِ أَوْلِيَآءَ كَمَثَلِ ٱلْعَنكَبُوتِ ٱتَّخَذَتْ بَيْتًا ۖ
وَإِنَّ أَوْهَنَ ٱلْبُيُوتِ لَبَيْتُ ٱلْعَنكَبُوتِ ۖ لَوْ كَانُوا۟ يَعْلَمُونَ ﴿٤١﴾ إِنَّ ٱللَّهَ
يَعْلَمُ مَا يَدْعُونَ مِن دُونِهِۦ مِن شَىْءٍ ۚ وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٤٢﴾ وَتِلْكَ
ٱلْأَمْثَٰلُ نَضْرِبُهَا لِلنَّاسِ ۖ وَمَا يَعْقِلُهَآ إِلَّا ٱلْعَٰلِمُونَ ﴿٤٣﴾ خَلَقَ ٱللَّهُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضَ بِٱلْحَقِّ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿٤٤﴾

41-44. Худодан бошқа бутларга ибодат қилгувчиларнинг ҳоллари (мисоли) ўзига уй солган ўргимчакнинг ҳолига ўхшашдир. Агар кофирлар билсалар, ўргимчакнинг уясидан сустроқ (энг заиф) уй дунёда йўқ. Албатта, Аллоҳ кофирларнинг Ўзидан бошқа ҳар қандай ботил нарсага ибодат қилганини (яхши) билади. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсадан ғолиб, (Унинг) ҳар бир феъли ҳикматлидир. Биз бу (масал)ларни халққа (ибрат учун) баён қиламиз. Лекин ундан олимларгина панд (ибрат) оладилар. Аллоҳ таоло ер ва осмонларни илм ва тадбир билан яратди. Албатта, бунда мўминларга ибрат олмоқ учун нишоналар бордир.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ ЖУЗЪ

ٱتْلُ مَآ أُوحِىَ إِلَيْكَ مِنَ ٱلْكِتَـٰبِ وَأَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ ۖ إِنَّ ٱلصَّلَوٰةَ تَنْهَىٰ عَنِ
ٱلْفَحْشَآءِ وَٱلْمُنكَرِ ۗ وَلَذِكْرُ ٱللَّهِ أَكْبَرُ ۗ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَصْنَعُونَ ﴿٤٥﴾ ۞ وَلَا
تُجَـٰدِلُوٓا۟ أَهْلَ ٱلْكِتَـٰبِ إِلَّا بِٱلَّتِى هِىَ أَحْسَنُ إِلَّا ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ مِنْهُمْ ۖ وَقُولُوٓا۟ 21 жузъ
ءَامَنَّا بِٱلَّذِىٓ أُنزِلَ إِلَيْنَا وَأُنزِلَ إِلَيْكُمْ وَإِلَـٰهُنَا وَإِلَـٰهُكُمْ وَٰحِدٌ وَنَحْنُ لَهُۥ
مُسْلِمُونَ ﴿٤٦﴾

45-46. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), Сенга нозил этилган Қуръонни кофирларга тиловат қилгил, шояд иймон келтирсалар. Намозни ўз вақтида (тўкис) адо этгил, чунки намоз ёмон ишлардан қайтаради ва ҳам Аллоҳни ёдга солиб, Унинг зикрига машғул этади. Албатта, Аллоҳнинг зикри ҳамма нарсадан улуғдир. Қилган ишларингиз (амалларингиз) Аллоҳга маълумдир. (Эй мўминлар), аҳли китоб билан жанжаллашманг, балки (фақат) яхши ахлоқ билан мунозара қилинглар. *Агар аҳли китоблар зулм этсалар, у вақтда уларга раҳм қилмаслик керак.* Эй мўминлар, аҳли китобларга айтинг: «Биз сизларга нозил қилинган Китобга ва ҳам ўзимизга нозил бўлган Китобга – Қуръонга иймон келтирганмиз. Сизларнинг ва бизларнинг Худомиз бирдир. Биз шу Худонинг ҳукмига итоат этгувчимиз». *Бас, шундай экан, нима учун бизга душманлик қиласизлар?!*

وَكَذَٰلِكَ أَنزَلْنَآ إِلَيْكَ ٱلْكِتَـٰبَ ۚ فَٱلَّذِينَ ءَاتَيْنَـٰهُمُ ٱلْكِتَـٰبَ يُؤْمِنُونَ بِهِۦ ۖ
وَمِنْ هَـٰٓؤُلَآءِ مَن يُؤْمِنُ بِهِۦ ۚ وَمَا يَجْحَدُ بِـَٔايَـٰتِنَآ إِلَّا ٱلْكَـٰفِرُونَ ﴿٤٧﴾

47. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), Сендан олдин ўтган пайғамбарларга ҳам Китоб юборган эдик. Шунга ўхшаш Сенга ҳам Қуръонни нозил қилдик. Бас, аҳли китоблардан шундай кишилар борки, Қуръонга ҳам иймон келтирадилар. *Масалан, яҳудийлардан Абдуллоҳ ибн Салом розийаллоҳу анҳу* ва аҳли Маккадан ҳам Қуръонга иймон келтирганлари бордир. Бизнинг оятимизга ҳеч ким мункир бўлмайди, магар кофирларгина инкор қиладилар, холос.

وَمَا كُنتَ تَتْلُوا۟ مِن قَبْلِهِۦ مِن كِتَـٰبٍ وَلَا تَخُطُّهُۥ بِيَمِينِكَ ۖ إِذًا لَّٱرْتَابَ
ٱلْمُبْطِلُونَ ﴿٤٨﴾ بَلْ هُوَ ءَايَـٰتٌۢ بَيِّنَـٰتٌ فِى صُدُورِ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْعِلْمَ ۚ وَمَا
يَجْحَدُ بِـَٔايَـٰتِنَآ إِلَّا ٱلظَّـٰلِمُونَ ﴿٤٩﴾

48-49. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен Қуръон нозил бўлмасидан илгари бирор китоб ўқимаган эдинг, қўлингга қалам олиб ҳеч қандай хат ҳам ёзмагансан. Агар ўқиб, ёзган бўлганингда, кофирлар шубҳа қилган бўлардилар. «Бу Муҳаммад (алайҳиссалом) китоблардан ўқиб, бизга гапиряпти», – деб айтардилар. (Йўқ!) Балки бу Қуръон Худонинг очиқ-ойдин оятларидирки, Худованди таоло уни аҳли илмларнинг дилларига жойлайди. Бизнинг оятларимизни ҳеч ким инкор қилмайди, фақат золимларгина инкор қиладилар.

21 жузъ وَقَالُوا لَوْلَآ أُنزِلَ عَلَيْهِ ءَايَٰتٌ مِّن رَّبِّهِۦ ۖ قُلْ إِنَّمَا ٱلْءَايَٰتُ عِندَ ٱللَّهِ وَإِنَّمَآ أَنَا۠
نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٥٠﴾ أَوَلَمْ يَكْفِهِمْ أَنَّآ أَنزَلْنَا عَلَيْكَ ٱلْكِتَٰبَ يُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ ۚ إِنَّ
فِى ذَٰلِكَ لَرَحْمَةً وَذِكْرَىٰ لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٥١﴾ قُلْ كَفَىٰ بِٱللَّهِ بَيْنِى
وَبَيْنَكُمْ شَهِيدًا ۖ يَعْلَمُ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۗ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟
بِٱلْبَٰطِلِ وَكَفَرُوا۟ بِٱللَّهِ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْخَٰسِرُونَ ﴿٥٢﴾

50-52. Кофирлар айтадилар: «Нима учун Муҳаммад (алайҳиссалом)га Худо тарафидан *Мусонинг асо(ҳасса)сига, Солиҳнинг туясига ўхшаш* мўъжизалар нозил қилинмайди?» У кофирларга айтгил: «Мўъжизалар нозил қилиш Худонинг ҳукмида, менинг ихтиёримда эмасдир. Менинг вазифам – сизларга Худонинг ҳукмини етказмоқ, холос». Бу кофирлар учун Сенга нозил қилганимиз ушбу Китоб (Қуръон) кифоя қилмасми?! Бу Қуръон уларга тиловат қилинади, ғайб ишларидан хабар беради, ахир ундан улуғ мўъжиза бўладими?! Албатта, бу Қуръон иймон келтирган одамларга раҳмат ва панд-насиҳатдир. Сен у кофирларга айтгил: «Сизлар билан менинг ўртамдаги муомалага Худонинг ўзи гувоҳликка кифоядир». Аллоҳ таоло ердаги ва осмонлардаги ашёларни билади. Ботилга иймон келтириб, Худога куфр келтирганлар охиратда ўз нафсларига кўп зиён бўладиган ишни қилдилар.

وَيَسْتَعْجِلُونَكَ بِٱلْعَذَابِ ۚ وَلَوْلَآ أَجَلٌ مُّسَمًّى لَّجَآءَهُمُ ٱلْعَذَابُ وَلَيَأْتِيَنَّهُم
بَغْتَةً وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٥٣﴾ يَسْتَعْجِلُونَكَ بِٱلْعَذَابِ وَإِنَّ جَهَنَّمَ لَمُحِيطَةٌۢ
بِٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٥٤﴾ يَوْمَ يَغْشَىٰهُمُ ٱلْعَذَابُ مِن فَوْقِهِمْ وَمِن تَحْتِ أَرْجُلِهِمْ
وَيَقُولُ ذُوقُوا۟ مَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٥٥﴾

53-55. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирлар Сендан азобнинг тезроқ келишини (тезлаштиришни) талаб қиладилар. Агар азобнинг келиш вақти муайян (белгиланган) бўлмаганида эди, ногаҳоний азоб уларга келган бўлар эди ва улар билмасдан ғофил қолур эдилар. Лекин улар азобнинг келиши учун шошиладилар (шошилтирадилар), ваҳоланки, азобнинг вақти Қиёмат кунидир. Албатта, у Кунда жаҳаннам кофир

ларни иҳота қилиб (ўраб) олади. Қиёмат кунида кофирларнинг устларидан ҳам, оёқларининг остидан ҳам азоб ўраб олади. У вақтда Парвардигор: «Қилган амалларингизнинг жазоси учун ўзларингиз шошилтириб талаб қилган азобнинг «мазасини» тотиб кўринглар», — дейди.

يَٰعِبَادِيَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِنَّ أَرۡضِي وَٰسِعَةٞ فَإِيَّٰيَ فَٱعۡبُدُونِ ﴿٥٦﴾ كُلُّ نَفۡسٖ ذَآئِقَةُ
ٱلۡمَوۡتِۖ ثُمَّ إِلَيۡنَا تُرۡجَعُونَ ﴿٥٧﴾ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ
لَنُبَوِّئَنَّهُم مِّنَ ٱلۡجَنَّةِ غُرَفٗا تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَاۚ نِعۡمَ أَجۡرُ 21 жузъ
ٱلۡعَٰمِلِينَ ﴿٥٨﴾ ٱلَّذِينَ صَبَرُواْ وَعَلَىٰ رَبِّهِمۡ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٥٩﴾ وَكَأَيِّن مِّن دَآبَّةٖ لَّا
تَحۡمِلُ رِزۡقَهَا ٱللَّهُ يَرۡزُقُهَا وَإِيَّاكُمۡۚ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلۡعَلِيمُ ﴿٦٠﴾

56-60. Эй Менинг иймон келтирган бандаларим! Албатта, Менинг ерим кенгдир. *Ўз юртларингизда эмин ва омонлик бирла ибодат қила олмасангизлар, бошқа тинч ерларга боринглар, Бас, тинч жойларга бориб,* Менга ибодат қилинглар! Ҳар бир жондор (жон) ўлимнинг мазасини тотгувчидир. Ўлганларингиздан кейин Менинг ҳузуримда ҳозир бўласизлар. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилганларга Мен жаннатда — дарахтларининг тагидан анҳорлари жорий бўлган (оқиб турган) юқори (олиймақом) жойлардан жой бераман. Улар у жаннатда абадий қоладилар. Бу дунёнинг кулфатига сабр қилувчилар ва Худога таваккул қилувчиларнинг Қиёмат куни ажрлари қандай яхшидир! Кўп ҳайвон — жонзотлар бордирки, ўз ризқларини ўзлари тополмайдилар, балки Аллоҳ таоло уларга ҳам ризқ беради, сизларга ҳам ризқ беради. Аллоҳ таоло сизларнинг дуоларингизни эшитгувчи ва аҳволларингизни (билгувчи) донодир.

وَلَئِن سَأَلۡتَهُم مَّنۡ خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ وَسَخَّرَ ٱلشَّمۡسَ وَٱلۡقَمَرَ لَيَقُولُنَّ
ٱللَّهُۖ فَأَنَّىٰ يُؤۡفَكُونَ ﴿٦١﴾ ٱللَّهُ يَبۡسُطُ ٱلرِّزۡقَ لِمَن يَشَآءُ مِنۡ عِبَادِهِۦ وَيَقۡدِرُ لَهُۥٓۚ إِنَّ ٱللَّهَ
بِكُلِّ شَيۡءٍ عَلِيمٞ ﴿٦٢﴾ وَلَئِن سَأَلۡتَهُم مَّن نَّزَّلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءٗ فَأَحۡيَا بِهِ ٱلۡأَرۡضَ
مِنۢ بَعۡدِ مَوۡتِهَا لَيَقُولُنَّ ٱللَّهُۚ قُلِ ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِۚ بَلۡ أَكۡثَرُهُمۡ لَا يَعۡقِلُونَ ﴿٦٣﴾

61-63. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сен Макка мушрикларидан: «Еру осмонларни ким яратган ва офтоб билан ойни ким мусаххар қилиб, ҳаракатга солган?», — деб сўрасанг, (шубҳасиз), Сенга: «Албатта, Аллоҳ халқ қилган», — деб жавоб берадилар. Бас, шундай экан, улар (Аллоҳдан) юзларини ўтириб, кимга ибодат қилмоқдалар? Аллоҳ таоло хоҳлаган бандаларининг ризқини кенг, хоҳлаганларининг ризқларини эса камроқ қилади. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани яхши билгувчидир. *Ҳар бир одамга қанча ризқ етадиган бўлса, у ҳам Аллоҳга маълум.* Агар кофирлардан: «Осмондан ёмғирни ким ёғдиради, қуриб ётган ердан гиёҳларни ким

кўкартиради?» – деб сўрасанг: «Албатта, Аллоҳ қилади», – дейдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Худога ҳамду сано бўлсин, бизлар Унга иймон келтирганмиз ва иқрор қилганмиз. Аммо сизлар билиб туриб инкор қиласизлар», – деб айтгил. Йўқ! Улардан кўпларининг ҳайвонга ўхшаш ақллари йўқдир.

وَمَا هَٰذِهِ ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَآ إِلَّا لَهْوٌ وَلَعِبٌ ۚ وَإِنَّ ٱلدَّارَ ٱلْءَاخِرَةَ لَهِىَ ٱلْحَيَوَانُ ۚ
لَوْ كَانُوا۟ يَعْلَمُونَ ﴿٦٤﴾

21 жузъ 64. Бу дунёнинг тириклиги (ўткинчи) ўйин-кулгу ва беҳуда юриш, кейин (оқибат) – ўлишдир. Ундан бошқа эмас! Агар билсалар, ҳақиқий тириклик (ҳаёти) охиратда бўлади.

فَإِذَا رَكِبُوا۟ فِى ٱلْفُلْكِ دَعَوُا۟ ٱللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَ فَلَمَّا نَجَّىٰهُمْ إِلَى ٱلْبَرِّ إِذَا هُمْ
يُشْرِكُونَ ﴿٦٥﴾ لِيَكْفُرُوا۟ بِمَآ ءَاتَيْنَٰهُمْ وَلِيَتَمَتَّعُوا۟ ۖ فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿٦٦﴾ أَوَلَمْ
يَرَوْا۟ أَنَّا جَعَلْنَا حَرَمًا ءَامِنًا وَيُتَخَطَّفُ ٱلنَّاسُ مِنْ حَوْلِهِمْ ۚ أَفَبِٱلْبَٰطِلِ يُؤْمِنُونَ
وَبِنِعْمَةِ ٱللَّهِ يَكْفُرُونَ ﴿٦٧﴾

65-67. Улар катта фойдалар кўриш умидида дарё (денгиз) сафарига чиқиб, кемаларига минсалар, ногоҳ бўрон бўлиб, кемадагилар изтиробга тушиб, ўлим кўзларига кўринганида, Худога ёлвориб дуо қиладилар: «Худоё, агар бизга нажот берсанг, Сенга иймон келтириб, Сенинг динингда холис ибодат қиламиз», – дейдилар. Вақтики, уларга нажот бериб, эсон-омон қуруқликка чиқарсак, яна ширкларида давом этадилар, Худо нажот берганини инкор қиладилар. Яна дунёнинг неъматларидан фойдаланадилар. Улар қилган амалларининг жазосини яқинда кўриб биладилар. Биз уларга (Макка халқига) Ҳарами шарифни амну омон (тинч-хотиржам) жой қилиб берганимизни билмайдиларми?! Ваҳоланки, уларнинг атрофларидаги қабилалар қатл ва ғоратга дучор бўлмоқдалар. *Лекин Худойи таоло уларни сақлагандир.* Улар энди ботилга (бутга) иймон келтириб, унга ибодат қилиб, Худонинг неъматига куфр келтирадиларми?!

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا أَوْ كَذَّبَ بِٱلْحَقِّ لَمَّا جَآءَهُۥ ۚ أَلَيْسَ فِى
جَهَنَّمَ مَثْوًى لِّلْكَٰفِرِينَ ﴿٦٨﴾ وَٱلَّذِينَ جَٰهَدُوا۟ فِينَا لَنَهْدِيَنَّهُمْ سُبُلَنَا ۚ وَإِنَّ ٱللَّهَ
لَمَعَ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٦٩﴾

68-69. Худога нисбатан ёлғон, туҳматлар тўқувчилардан, ҳақ динни инкор қилувчилардан золимроқ одам борми?! *Ҳаргиз йўқдир!* Оё, жаҳаннам кофирларга ётадиган жой эмасми?! *Албатта, абадий ётадиган жойларидир!* Бизнинг динимиз учун жиҳод қиладиган мўминларни, албатта, Биз уларни ҳидоят йўлига соламиз. Албатта, Аллоҳ таоло яхшиларга (чиройли амал қилувчиларга) ҳамиша мададкордир.

Маккада нозил бўлган бу сура
олтмиш оятдан иборатдир.

Суранинг 17-оятидан ташқари барча оятлари Маккада нозил бўлган. Су- 21 жузъ
рада оташпарастлар билан уруш қилиб енгилган румлик (византиялик) насороларнинг қайта ғолиб бўлишлари ҳақида башорат берилгани учун «Рум» номини олган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الٓمٓ ﴿١﴾ غُلِبَتِ ٱلرُّومُ ﴿٢﴾ فِىٓ أَدْنَى ٱلْأَرْضِ وَهُم مِّنۢ بَعْدِ غَلَبِهِمْ سَيَغْلِبُونَ
﴿٣﴾ فِى بِضْعِ سِنِينَ ۗ لِلَّهِ ٱلْأَمْرُ مِن قَبْلُ وَمِنۢ بَعْدُ ۚ وَيَوْمَئِذٍ يَفْرَحُ ٱلْمُؤْمِنُونَ
﴿٤﴾ بِنَصْرِ ٱللَّهِ ۚ يَنصُرُ مَن يَشَآءُ ۖ وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٥﴾

1-5. Алиф. Лом. Мийм. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таологa хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Рум шаҳрининг насоролари Эрон оташпарастлари билан уруш қилиб, жуда яқин жойда мағлуб бўлдилар. Энди Рум насоролари яқин (саноқли) йиллар ичида эронийлар билан жанг қилиб, ғолиб бўладилар. Хоҳ олдин бўлсин, хоҳ кейин бўлсин, ҳукм Худонинг ҳукмидир. *Шу воқеа рўй берганида Макка кофирлари хурсанд бўлишиб, мусулмонлар ғамгин бўлган эдилар.* Ўша кунда яна уруш бўлиб, Худонинг ёрдами билан насоролар ғалаба қилганлиги боис мўминлар хурсанд бўлиб, кофирлар ғамгин бўладилар. Аллоҳ таоло хоҳлаган бандасига ёрдам беради. Аллоҳ таоло кофирлардан ғолиб, мўминларга меҳрибондир.

وَعْدَ ٱللَّهِ ۖ لَا يُخْلِفُ ٱللَّهُ وَعْدَهُۥ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٦﴾
يَعْلَمُونَ ظَٰهِرًا مِّنَ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَهُمْ عَنِ ٱلْءَاخِرَةِ هُمْ غَٰفِلُونَ ﴿٧﴾

6-7. Бу насороларнинг ғалаба қилмоқликларига Худо ваъда қилган эди. Худо ўз ваъдасига хилоф иш қилмайди, лекин кўп инсонлар буни билмайдилар. Одамлар дунё ҳаётида зоҳир бўладиган нарсаларни биладилар, лекин улар охиратда (бўладиган) муомалалардан ғофилдирлар.

أَوَلَمْ يَتَفَكَّرُوا۟ فِىٓ أَنفُسِهِم ۗ مَّا خَلَقَ ٱللَّهُ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَآ إِلَّا بِٱلْحَقِّ
وَأَجَلٍ مُّسَمًّى ۗ وَإِنَّ كَثِيرًا مِّنَ ٱلنَّاسِ بِلِقَآئِ رَبِّهِمْ لَكَـٰفِرُونَ ﴿٨﴾

8. Аллоҳ таоло ер ва осмонларни, унинг ўртасидаги ашёларни ҳикмат ва тадбир билан халқ қилганини ва уларнинг муайян вақтдан сўнг йўқ бўлиб кетишларини кофирлар ўз дилларида ўйлаб, фикр қилиб кўрмайдиларми?! Лекин кўп одамлар Қиёмат куни Парвардигорга рўбарў бўлишни инкор қиладилар.

21 жузъ أَوَلَمْ يَسِيرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ فَيَنظُرُوا۟ كَيْفَ كَانَ عَـٰقِبَةُ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۚ كَانُوٓا۟
أَشَدَّ مِنْهُمْ قُوَّةً وَأَثَارُوا۟ ٱلْأَرْضَ وَعَمَرُوهَآ أَكْثَرَ مِمَّا عَمَرُوهَا وَجَآءَتْهُمْ رُسُلُهُم
بِٱلْبَيِّنَـٰتِ ۖ فَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيَظْلِمَهُمْ وَلَـٰكِن كَانُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٩﴾

9. Оё, бу кофирлар ер юзини сайр қилиб, улардан илгари ўтган одамларнинг оқибати нима бўлганини кўрсалар бўлмайдими?! Ваҳоланки, у одамларнинг қувват ва давлатлари булардан зиёда эди. Улар ерларни ковлаб, булардан зиёда иморат қилар эдилар. Шу одамларга Худо тарафидан пайғамбарлар келган ва очиқ мўъжизалар кўрсатган эдилар. Лекин бу қавмлар кофир бўлдилар, ҳақни инкор қилдилар. Охирда (оқибат) ҳаммалари ҳалок бўлдилар. Аллоҳ таоло уларга зулм этгани йўқ, лекин ўз нафсларига (ўзлари) зулм қилдилар.

ثُمَّ كَانَ عَـٰقِبَةَ ٱلَّذِينَ أَسَـٰٓـُٔوا۟ ٱلسُّوٓأَىٰٓ أَن كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَـٰتِ ٱللَّهِ وَكَانُوا۟ بِهَا
يَسْتَهْزِءُونَ ﴿١٠﴾ ٱللَّهُ يَبْدَؤُا۟ ٱلْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُۥ ثُمَّ إِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿١١﴾ وَيَوْمَ
تَقُومُ ٱلسَّاعَةُ يُبْلِسُ ٱلْمُجْرِمُونَ ﴿١٢﴾ وَلَمْ يَكُن لَّهُم مِّن شُرَكَآئِهِمْ شُفَعَـٰٓؤُا۟
وَكَانُوا۟ بِشُرَكَآئِهِمْ كَـٰفِرِينَ ﴿١٣﴾

10-13. Динни ёлғонга чиқарувчи кофирларнинг оқибати ёмон бўлади. Чунки улар Аллоҳ таолонинг оятларига мункир бўлиб, уни масхара қилар эдилар. Аллоҳ таоло инсонни нутфа (маний)дан халқ қилди. Сўнгра йўқ қилиб, сўнгра яна ҳаёт беради. Сўнгра Маҳшаргоҳга ҳозир қилинадилар. Қиёмат куни бўлганда гуноҳкорлар ўз гуноҳларидан хижолат тортиб, хомуш (ноумид) бўладилар. Ибодат қилган бутлари тарафидан мушрикларга ҳеч қандай шафоат бўлмайди. У ҳолда кофирлар ўз бутларидан безор бўладилар.

وَيَوْمَ تَقُومُ ٱلسَّاعَةُ يَوْمَئِذٍ يَتَفَرَّقُونَ ﴿١٤﴾ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟
ٱلصَّـٰلِحَـٰتِ فَهُمْ فِى رَوْضَةٍ يُحْبَرُونَ ﴿١٥﴾ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَكَذَّبُوا۟ بِـَٔايَـٰتِنَا
وَلِقَآئِ ٱلْـَٔاخِرَةِ فَأُو۟لَـٰٓئِكَ فِى ٱلْعَذَابِ مُحْضَرُونَ ﴿١٦﴾

14-16. Қиёмат қоим бўлганда одамлар гуруҳларга бўлинадилар. Бу дунёда иймон келтирган ва яхши амал қилган жамоаларга жаннатдан жой берилиб, нозу неъматлар билан хурсанд қилинадилар. Аммо куфр келтириб, Бизнинг оятларимизни такзиб қилганлар (ёлғон деганлар) ва охиратнинг келишига мункир бўлганлар, бас, ана ўшалар азоби илоҳийга ҳозир қилинадилар.

فَسُبْحَٰنَ ٱللَّهِ حِينَ تُمْسُونَ وَحِينَ تُصْبِحُونَ ﴿١٧﴾ وَلَهُ ٱلْحَمْدُ فِى
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَعَشِيًّا وَحِينَ تُظْهِرُونَ ﴿١٨﴾ يُخْرِجُ ٱلْحَىَّ مِنَ ٱلْمَيِّتِ
وَيُخْرِجُ ٱلْمَيِّتَ مِنَ ٱلْحَىِّ وَيُحْىِ ٱلْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا ۚ وَكَذَٰلِكَ تُخْرَجُونَ ﴿١٩﴾ 21 жузъ

17-19. Бас, эй мўминлар, тунда ва тонгда, оқшому пешин пайтларида ҳам, Худони поклик билан ёд қилинглар ва намоз ўқинглар. Осмондаги малоикалар ва ердаги мўминларнинг ҳамду санолари Худога хосдир (тегишлидир). Аллоҳ таоло ўликдан тирикни чиқаради ва ҳам тирикдан ўликни чиқаради, *яъни кофирдан мўмин яратади, мўминдан кофир яратади.* Шунга ўхшаш сизлар ҳам қабрларингиздан чиқариласизлар.

وَمِنْ ءَايَٰتِهِۦٓ أَنْ خَلَقَكُم مِّن تُرَابٍ ثُمَّ إِذَآ أَنتُم بَشَرٌ تَنتَشِرُونَ ﴿٢٠﴾ وَمِنْ
ءَايَٰتِهِۦٓ أَنْ خَلَقَ لَكُم مِّنْ أَنفُسِكُمْ أَزْوَٰجًا لِّتَسْكُنُوٓا۟ إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُم مَّوَدَّةً
وَرَحْمَةً ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٢١﴾

20-21. Парвардигор қудратининг нишоналаридан бири – У зот сизларнинг бобонгиз Одам (алайҳиссалом)ни тупроқдан яратди. Сўнгра сизларни нутфадан пайдо қилди. Энди сизлар инсон бўлиб, ер юзининг ҳар жойида тарқалиб яшайсизлар. Парвардигор қудратининг нишоналаридан яна бири – сизларни ўз жинсларингиздан роҳатланишингиз учун жуфтлар яратди ва ўрталарингизда муҳаббат ва меҳрибонлик пайдо қилди. Парвардигорнинг бу ҳикматларида фикр қилувчи одамлар учун ажойиб ибратлар бордир.

وَمِنْ ءَايَٰتِهِۦ خَلْقُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَٱخْتِلَٰفُ أَلْسِنَتِكُمْ وَأَلْوَٰنِكُمْ ۚ إِنَّ فِى
ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّلْعَٰلِمِينَ ﴿٢٢﴾ وَمِنْ ءَايَٰتِهِۦ مَنَامُكُم بِٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ وَٱبْتِغَآؤُكُم مِّن
فَضْلِهِۦٓ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يَسْمَعُونَ ﴿٢٣﴾

22-23. Парвардигор қудратининг нишоналаридан яна бири – осмонлар ва ерни халқ қилди. Сизларнинг тилларингизни ва рангларингизни ҳар хил қилди. Олим ва донолар учун бунда ибрат оладиган ҳикматлар бордир. Аллоҳ қудратининг яна бир нишонаси шуки, кечаси ором олиб ухлайсизлар, кундузи Худонинг муқаррар қилиб қўйган ризқини талаб қиласизлар. Албатта, бу сўзларни эшитгувчиларга бунда ажойиб панду насиҳатлар бор.

وَمِنْ ءَايَٰتِهِۦ يُرِيكُمُ ٱلْبَرْقَ خَوْفًا وَطَمَعًا وَيُنَزِّلُ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَيُحْىِۦ بِهِ
ٱلْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَآ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿٢٤﴾ وَمِنْ
ءَايَٰتِهِۦٓ أَن تَقُومَ ٱلسَّمَآءُ وَٱلْأَرْضُ بِأَمْرِهِۦ ۚ ثُمَّ إِذَا دَعَاكُمْ دَعْوَةً مِّنَ ٱلْأَرْضِ إِذَآ
أَنتُمْ تَخْرُجُونَ ﴿٢٥﴾

21 жузъ

24-25. Аллоҳ қудратларининг яна бир нишонаси шуки, Аллоҳ таоло сизларга булутларда чақмоқни кўрсатади. Уни кўргандан сўнг ваҳм, қўрқув ва ҳам умидворлик пайдо бўлади, *яъни, яшиндан қўрқасизлар ва ёмғирдан умидвор бўласизлар.* Сўнгра осмондан ёмғир ёғдиради. У ёмғирнинг баракоти билан қуриб қолган ерлар кўкаламзор бўлади. Буларда доно қавмлар учун Парвардигор қудратининг нишоналари бордир. Парвардигор қудратининг нишоналаридан яна бири шуки, ер билан осмон Худонинг ҳукми билан қоим (барқарор бўлиб) туради, сўнгра Қиёмат қоим бўлиб, Исрофил (алайҳиссалом) сури билан сизларни чақирганда, сизлар ногоҳ қабрларингиздан чиқариласизлар.

وَلَهُۥ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ كُلٌّ لَّهُۥ قَٰنِتُونَ ﴿٢٦﴾

26. Осмонлардаги малоикалар ва ердаги инсонлар – ҳаммалари Худонинг бандалари, ҳаммалари Парвардигорга фармонбардордирлар.

وَهُوَ ٱلَّذِى يَبْدَؤُا۟ ٱلْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُۥ وَهُوَ أَهْوَنُ عَلَيْهِ ۚ وَلَهُ ٱلْمَثَلُ ٱلْأَعْلَىٰ فِى
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٢٧﴾

27. Парвардигор шундай Зотки, аввалида жондорларни халқ қилади, кейин ўлдиради, сўнгра (яна) тирилтиради. Бу – (қайта тирилтириш) Парвардигорга осондир. Ерда ва осмонда Аллоҳ таолонинг шаъни (васфи) улуғдир. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсада ғолиб, қилган ҳар бир иши ҳикматлидир.

ضَرَبَ لَكُم مَّثَلًا مِّنْ أَنفُسِكُمْ ۖ هَل لَّكُم مِّن مَّا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُكُم مِّن شُرَكَآءَ فِى
مَا رَزَقْنَٰكُمْ فَأَنتُمْ فِيهِ سَوَآءٌ تَخَافُونَهُمْ كَخِيفَتِكُمْ أَنفُسَكُمْ ۚ كَذَٰلِكَ
نُفَصِّلُ ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿٢٨﴾ بَلِ ٱتَّبَعَ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوٓا۟ أَهْوَآءَهُم بِغَيْرِ
عِلْمٍ ۖ فَمَن يَهْدِى مَنْ أَضَلَّ ٱللَّهُ ۖ وَمَا لَهُم مِّن نَّٰصِرِينَ ﴿٢٩﴾

28-29. Аллоҳ таоло сизларга ўз нафсларингиз аҳволидан (ўзларингиздан) мисол келтиради. *Мисол шундан иборатдир:* Бозордан сотиб олган ғуломларингиз Мен сизларга берган (ризқ) – давлатта шерик бўлишларини ўзингиз учун раво кўрасизларми?! Сиз билан ғуломларингизнинг ҳуқуқлари баробар бўлишини, молларингизни тасарруф қилишларини истайсизларми? *Балки буни ҳаргиз истамайсизлар!* Нафсларингизга ҳукм-

рон бўлишларидан қўрққандек, молларингизга ғуломларингизни эга бўлишларидан ҳам қўрқасизлар. Шундай бўлгач, *сизлар ҳам Парвардигорга бандасизлар. Демакки, Парвардигор ҳам сизларни ўз мулкига шерик қилишни хоҳламайди.* Доно ва оқил қавмлар учун оятларимизни шундай баён қиламиз. (Йўқ!) Балки золимлар илм ва бирор далилсиз ҳавойи нафсларига тобе бўладилар. Худо гумроҳ қилганларни ким ҳидоят қила олади?! Қиёмат куни уларга Худонинг азобидан нажот берувчи бирор ёрдамчи бўлмайди.

فَأَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفًا ۚ فِطْرَتَ ٱللَّهِ ٱلَّتِى فَطَرَ ٱلنَّاسَ عَلَيْهَا ۚ لَا تَبْدِيلَ لِخَلْقِ 21 жузъ
ٱللَّهِ ۚ ذَٰلِكَ ٱلدِّينُ ٱلْقَيِّمُ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٠﴾ مُنِيبِينَ
إِلَيْهِ وَٱتَّقُوهُ وَأَقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَلَا تَكُونُوا۟ مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿٣١﴾ مِنَ ٱلَّذِينَ
فَرَّقُوا۟ دِينَهُمْ وَكَانُوا۟ شِيَعًا ۖ كُلُّ حِزْبٍۭ بِمَا لَدَيْهِمْ فَرِحُونَ ﴿٣٢﴾

30-32. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ботил динларга мойил бўлмасдан, ихлос билан Ислом динига юз тут ва исломий фитратга (асл табиатга) мойил бўл. Аллоҳ таоло ҳамма халқни Ислом фитрати билан яратди, улардан иқрор (аҳд) олди. Худо халқ қилган ушбу исломий фитратда ҳеч бир ўзгариш ва алмашиш бўлмайди. Бу дин ҳақ ва тўғридир. Лекин кўп одамлар жоҳилдирлар, буни билмайдилар. Бу халқлар Худонинг ҳузурига қайтгувчидирлар. Парвардигордан қўрқинг, намозни ўз вақтида адо қилинг, намозни инкор қилиб, мушриклардан бўлманг! Ҳар хил ботил динларга эътиқод қилиб, фирқа-фирқа бўлиб олган гуруҳлардан бўлманглар. Ҳар бир фирқа ўзларининг қилган амалларидан хурсанддирлар.

وَإِذَا مَسَّ ٱلنَّاسَ ضُرٌّ دَعَوْا۟ رَبَّهُم مُّنِيبِينَ إِلَيْهِ ثُمَّ إِذَآ أَذَاقَهُم مِّنْهُ رَحْمَةً إِذَا
فَرِيقٌ مِّنْهُم بِرَبِّهِمْ يُشْرِكُونَ ﴿٣٣﴾ لِيَكْفُرُوا۟ بِمَآ ءَاتَيْنَٰهُمْ ۚ
فَتَمَتَّعُوا۟ فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ ﴿٣٤﴾

33-34. Вақтики, инсонларга Худо тарафидан бирор кулфат (зарар) етса, Худога қайтиб, тазарру билан ёлвориб, Парвардигордан у кулфатни даф қилишини сўрайдилар. Қачонки, Биз раҳм қилиб, балони даф қилсак, баногоҳ улардан бир тоифаси Парвардигорга ширк келтира бошлайди. Биз ато қилган неъматларимиз эвазига ношукурлик қиладилар. Бас, эй кофирлар, дунёдан вақтинча фойдаланиб (баҳраманд бўлиб) туринглар. Кейин сизларнинг амалларингизга қандай жазо берилишини биласизлар.

أَمْ أَنزَلْنَا عَلَيْهِمْ سُلْطَٰنًا فَهُوَ يَتَكَلَّمُ بِمَا كَانُوا۟ بِهِۦ يُشْرِكُونَ ﴿٣٥﴾ وَإِذَآ
أَذَقْنَا ٱلنَّاسَ رَحْمَةً فَرِحُوا۟ بِهَا ۖ وَإِن تُصِبْهُمْ سَيِّئَةٌۢ بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ إِذَا

هُمْ يَقْنَطُونَ ﴿٣٦﴾ أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّ ٱللَّهَ يَبْسُطُ ٱلرِّزْقَ لِمَن يَشَآءُ وَيَقْدِرُ ۚ إِنَّ فِي
ذَٰلِكَ لَأَيَٰتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٣٧﴾

35-37. Ёки Биз тарафимиздан осмондан кофирлар ширкларининг ҳақлигини баён қиладиган бирор бир ҳужжат нозил бўлдими? *(Йўқ!) Улар ўзларининг динларини ёлгондан тўқиб чиқаргандирлар*. Агар Бизнинг тарафимиздан бандаларга раҳмат, меҳрибонлик кўрсатилса, осойишта бўлсалар, хурсанд бўладилар. Агар амалларига яраша кулфат етиб қолса,
21 жузъ ногоҳ улар Худонинг раҳматидан ноумид бўладилар. Улар Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган кишига ризқини кенг қилишини, яна бошқасига эса камроқ қилишини кўрмайдиларми?! Аллоҳ таолонинг бу муомаласида мўминлар учун ибратлар бордир.

فَـَٔاتِ ذَا ٱلْقُرْبَىٰ حَقَّهُۥ وَٱلْمِسْكِينَ وَٱبْنَ ٱلسَّبِيلِ ۚ ذَٰلِكَ خَيْرٌ لِّلَّذِينَ يُرِيدُونَ
وَجْهَ ٱللَّهِ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٣٨﴾ وَمَآ ءَاتَيْتُم مِّن رِّبًا لِّيَرْبُوَا۟ فِىٓ أَمْوَٰلِ
ٱلنَّاسِ فَلَا يَرْبُوا۟ عِندَ ٱللَّهِ ۖ وَمَآ ءَاتَيْتُم مِّن زَكَوٰةٍ تُرِيدُونَ وَجْهَ ٱللَّهِ فَأُو۟لَٰٓئِكَ
هُمُ ٱلْمُضْعِفُونَ ﴿٣٩﴾

38-39. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ғанимат молидан қариндошларингга, мискинларга ва йўлдан қолганларга бериб, ҳақларини адо эт. Бу тариқа эҳсон Худонинг ризосини талаб қилувчиларга яхшидир. Шу тариқа эҳсон қилувчилар Қиёмат куни нажот топадилар. Ҳар бир нафақа ва ҳадяни «Менга ҳам бир куни эҳсон қилар», — деган умид билан бирбирларингизга берсангизлар, Худонинг олдида бу хилдаги эҳсоннинг баракаси ҳам, савоби ҳам бўлмайди. Эй мўминлар, Худонинг ризосини истаб молларингиздан закот берсангизлар, бас, шу хилдаги закот берувчилар Худонинг берган баракоти билан ўз молларини зиёда қилгувчилардир.

ٱللَّهُ ٱلَّذِى خَلَقَكُمْ ثُمَّ رَزَقَكُمْ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يُحْيِيكُمْ ۖ هَلْ مِن شُرَكَآئِكُم مَّن
يَفْعَلُ مِن ذَٰلِكُم مِّن شَىْءٍ ۚ سُبْحَٰنَهُۥ وَتَعَٰلَىٰ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٤٠﴾ ظَهَرَ ٱلْفَسَادُ فِى
ٱلْبَرِّ وَٱلْبَحْرِ بِمَا كَسَبَتْ أَيْدِى ٱلنَّاسِ لِيُذِيقَهُم بَعْضَ ٱلَّذِى عَمِلُوا۟ لَعَلَّهُمْ
يَرْجِعُونَ ﴿٤١﴾

40-41. Аллоҳ таоло сизларни халқ қилди. Сўнгра сизларга ризқ берди. Кейин умрларингиз тамом бўлганда ўлдиради. Сўнгра сизларга яна ҳаёт беради. Энди, эй мушриклар, айтинглар-чи, сизларнинг Менга шерик қилган «худолар»ингиз сизларнинг ҳаққингизда шундай ишларни қилишга қудратлари борми? Аллоҳ таоло мушрикларнинг шерик қилишларидан пок ва олийдир. Инсонларнинг қилган амаллари шумлигидан қуруқликда ёмғир ёғмасдан, дарёларда тўфонлар туриб, кемалар ғарқ бўлиб, фасод пайдо

бўлади. Аллоҳ таоло бу одамларнинг қилган амалларига яраша балоларни юборади. Шоядки, улар тавба қилиб, Худо тарафига қайтсалар.

قُلْ سِيرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ فَٱنظُرُوا۟ كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلُ ۚ كَانَ أَكْثَرُهُم مُّشْرِكِينَ ﴿٤٢﴾

42. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушрикларга айтгил: «Ер юзида сайру саёҳат қилиб, сизлардан илгари ўтган қавмларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринглар! Чунки уларнинг кўплари мушрик бўлган эдилар».

فَأَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ ٱلْقَيِّمِ مِن قَبْلِ أَن يَأْتِىَ يَوْمٌ لَّا مَرَدَّ لَهُۥ مِنَ ٱللَّهِ ۖ يَوْمَئِذٍ 21 жузъ
يَصَّدَّعُونَ ﴿٤٣﴾ مَن كَفَرَ فَعَلَيْهِ كُفْرُهُۥ ۖ وَمَنْ عَمِلَ صَٰلِحًا فَلِأَنفُسِهِمْ يَمْهَدُونَ
﴿٤٤﴾ لِيَجْزِىَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ مِن فَضْلِهِۦٓ ۚ إِنَّهُۥ لَا يُحِبُّ
ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٤٥﴾ وَمِنْ ءَايَٰتِهِۦٓ أَن يُرْسِلَ ٱلرِّيَاحَ مُبَشِّرَٰتٍ وَلِيُذِيقَكُم مِّن رَّحْمَتِهِۦ
وَلِتَجْرِىَ ٱلْفُلْكُ بِأَمْرِهِۦ وَلِتَبْتَغُوا۟ مِن فَضْلِهِۦ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٤٦﴾

43-46. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ҳақ дин тарафига юз тут, Қиёмат куни келмасидан илгари умматларингни ҳидоят қил. Бу Кун (Қиёмат) Худо тарафидан келувчидир, ҳаргиз уни қайтариб бўлмас. У кунда ҳамма бандалар мутафарриқ бўлиб (бўлиниб), баъзилари жаннат тарафига, баъзилари дўзах тарафига кетадилар. Кимки Худога куфр келтирса, куфрининг зарари ўзигадир. Кимлар яхши амаллар қилган бўлсалар, уларнинг амаллари ҳам ўз нафсларининг фойдасигадир, *чунки жаннатдан ўзларига жой тайёрлайдилар.* Ва ҳам Аллоҳ таоло иймон келтирган ва яхши (солиҳ) амал қилган зотларга Ўз фазлу марҳаматидан яхши савоблар беради. Албатта, Аллоҳ таоло кофирларни дўст тутмайди. Аллоҳ таоло қудратининг аломатларидан (бири) шуки, бандалар тарафига шамолни юбориб, раҳмат ёмғиридан башорат беради. Ва ҳам (У) раҳматидан сизларга боғларни ва меваларни ризқу рўз қилади. Худонинг амри билан дарёларда сув кўп бўлиб, кемалар ҳаракат этади. Сизлар Худонинг фазлу марҳамати (сабаби)дан узоқ жойларга сафар қилиб, ризқларингизни ҳосил қиласизлар. Албатта, сизлар Худонинг бу неъматларига шукр қиларсизлар (яъни шукр қилишингиз керак).

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مِن قَبْلِكَ رُسُلًا إِلَىٰ قَوْمِهِمْ فَجَآءُوهُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ فَٱنتَقَمْنَا مِنَ
ٱلَّذِينَ أَجْرَمُوا۟ ۖ وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٤٧﴾ ٱللَّهُ ٱلَّذِى يُرْسِلُ ٱلرِّيَٰحَ
فَتُثِيرُ سَحَابًا فَيَبْسُطُهُۥ فِى ٱلسَّمَآءِ كَيْفَ يَشَآءُ وَيَجْعَلُهُۥ كِسَفًا فَتَرَى ٱلْوَدْقَ يَخْرُجُ
مِنْ خِلَٰلِهِۦ ۖ فَإِذَآ أَصَابَ بِهِۦ مَن يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦٓ إِذَا هُمْ يَسْتَبْشِرُونَ ﴿٤٨﴾ وَإِن

كَانُوا۟ مِن قَبْلِ أَن يُنَزَّلَ عَلَيْهِم مِّن قَبْلِهِۦ لَمُبْلِسِينَ ﴿٤٩﴾ فَٱنظُرْ إِلَىٰٓ ءَاثَٰرِ
رَحْمَتِ ٱللَّهِ كَيْفَ يُحْىِ ٱلْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَآ ۚ إِنَّ ذَٰلِكَ لَمُحْىِ ٱلْمَوْتَىٰ ۖ وَهُوَ عَلَىٰ
كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٥٠﴾

47-50. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан илгари ҳам пайғамбарларни ўз қавмларига юборган эдик. Бас, у пайғамбарлар ўз қавмларига пайғамбар эканликларига очиқ-ойдин далиллар (мўъжизалар) келтирдилар. У қавмларнинг баъзилари иймон келтирган бўлсалар, баъзилари
21 жузъ
кофир бўлдилар. Бас, Биз кофир бўлганлардан интиқом (қасос) олдик. Чунки мўминларга ёрдам (нусрат) бериш Бизга лозим (бўлган) эди. Аллоҳ таоло шундай Зотки, шамол юбориб, булутларни ҳайдайди. Бас, булутларни осмон саҳнига хоҳлаганидек ёяди. Хоҳласа, булутларни пора-пора (бўлак-бўлак) қилиб, хоҳлаган ерига юборади. Бас, уларнинг oраларидан қатра-қатра ёмғирлар чиқиб, ерга тушади. Бу ёмғирлар Худо хоҳлаган бандаларнинг ерларига ёғиб, сероб қилади. Бас, у халқ ниҳоятда хурсанд бўлади. Чунки улар ёмғир ёғишидан илгари ноумид эдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худонинг раҳмати нишоналарига назар қил, қуриб ётганидан сўнг ерга қандай ҳаёт бағишлайди! Албатта, Аллоҳ ўликларга ҳам шундай ҳаёт ато қилиб, қайта тирилтиради. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир.

وَلَئِنْ أَرْسَلْنَا رِيحًا فَرَأَوْهُ مُصْفَرًّا لَّظَلُّوا۟ مِنۢ بَعْدِهِۦ يَكْفُرُونَ ﴿٥١﴾ فَإِنَّكَ لَا تُسْمِعُ
ٱلْمَوْتَىٰ وَلَا تُسْمِعُ ٱلصُّمَّ ٱلدُّعَآءَ إِذَا وَلَّوْا۟ مُدْبِرِينَ ﴿٥٢﴾ وَمَآ أَنتَ بِهَٰدِ ٱلْعُمْىِ عَن
ضَلَٰلَتِهِمْ ۖ إِن تُسْمِعُ إِلَّا مَن يُؤْمِنُ بِـَٔايَٰتِنَا فَهُم مُّسْلِمُونَ ﴿٥٣﴾ ۞ ٱللَّهُ ٱلَّذِى
خَلَقَكُم مِّن ضَعْفٍ ثُمَّ جَعَلَ مِنۢ بَعْدِ ضَعْفٍ قُوَّةً ثُمَّ جَعَلَ مِنۢ بَعْدِ قُوَّةٍ ضَعْفًا
وَشَيْبَةً ۚ يَخْلُقُ مَا يَشَآءُ ۖ وَهُوَ ٱلْعَلِيمُ ٱلْقَدِيرُ ﴿٥٤﴾

51-54. Агар Биз қаттиқ шамол юборсак ва экинларини сарғайган, қуриб қолган ҳолда кўрсалар, улар ғамгинликдан бу аҳволни кўргандан кейин Худонинг бошқа неъматларига ҳам куфрон (ношукурчилик) қила бошлайдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), албатта, Сен сўзингни ўликларга эшиттиролмайсан ва Сендан юз ўгириб кетаётган карларга ҳам уқтиролмайсан. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен кўр дилларни (сўқир қалбларни) гумроҳликларидан қайтара олмайсан, уларни ҳидоят қилолмайсан. Сенинг насиҳатларингни фақат (Бизнинг оятларимизга ишонган) мўминлар эшитиб, қабул қиладилар. Ана ўшалар мусулмондирлар. Аллоҳ таоло шундай зотдирки, сизларни заифликдан халқ қилди. Сўнгра сизларни заифлик ҳолатидан чиқариб қувват берди. Сўнгра сизларни ёшлик қувватидан кейин яна мўйсафид ва заиф қилди. Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсасини пайдо қилади. У бандаларнинг аҳволини билгувчи ва ҳар бир нарсага қуввати етгувчи (қодир)дир.

وَيَوْمَ تَقُومُ ٱلسَّاعَةُ يُقْسِمُ ٱلْمُجْرِمُونَ مَا لَبِثُواْ غَيْرَ سَاعَةٍ كَذَٰلِكَ كَانُواْ
يُؤْفَكُونَ ﴿٥٥﴾ وَقَالَ ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلْعِلْمَ وَٱلْإِيمَٰنَ لَقَدْ لَبِثْتُمْ فِي كِتَٰبِ ٱللَّهِ إِلَىٰ يَوْمِ
ٱلْبَعْثِ فَهَٰذَا يَوْمُ ٱلْبَعْثِ وَلَٰكِنَّكُمْ كُنتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٥٦﴾

55-56. Қиёмат куни қоим бўлганда кофирлар: «Биз дунёда бир соатдан ортиқ турганимиз йўқ», – деб қасамёд қиладилар. У кофирлар у дунёда (ҳам) ёлғон айтиб, ҳақиқатга мункир бўлардилар. *Охиратда ҳам шу тариқа ҳақиқатга мункир бўладилар*. Шунда илм ва иймон ато қилинган мўминлар кофирларга айтадиларки: «Нима учун ёлғон гапирасизлар? Сизларнинг дунёда қанча яшаганингиздан то қабрдан турганингизгача (бўлган муддат ва ҳодисалар) Лавҳул Маҳфузда ёзилган. Энди бугун қайта тирилиш кунидир. Лекин сизлар ўта жоҳилликларинг боис инкор қилиб турибсизлар». 21 жузъ

فَيَوْمَئِذٍ لَّا يَنفَعُ ٱلَّذِينَ ظَلَمُواْ مَعْذِرَتُهُمْ وَلَا هُمْ يُسْتَعْتَبُونَ ﴿٥٧﴾ وَلَقَدْ
ضَرَبْنَا لِلنَّاسِ فِي هَٰذَا ٱلْقُرْءَانِ مِن كُلِّ مَثَلٍ وَلَئِن جِئْتَهُم بِـَٔايَةٍ لَّيَقُولَنَّ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوٓاْ إِنْ أَنتُمْ إِلَّا مُبْطِلُونَ ﴿٥٨﴾ كَذَٰلِكَ يَطْبَعُ ٱللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِ ٱلَّذِينَ لَا
يَعْلَمُونَ ﴿٥٩﴾ فَٱصْبِرْ إِنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ وَلَا يَسْتَخِفَّنَّكَ ٱلَّذِينَ لَا
يُوقِنُونَ ﴿٦٠﴾

57-60. Бас, Қиёмат куни бўлганда кофирларнинг узрлари қабул қилинмайди ва улардан Худога узр айтиш (Аллоҳни рози қиладиган амалларга қайтиш) ҳам талаб қилинмайди. Биз бу Қуръондан панд олиб, ҳидоят йўлига кирарлар, деб одамлар учун ҳар тўғрида ибратли мисоллар баён қилдик. Лекин, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу мункирларга ҳар қандай мўъжиза кўрсатсанг ҳам, улар сизларга: «Ҳаммангиз ботил диндасизлар», – деб айтадилар. Парвардигор бу нодонларнинг дилларига ана шундай муҳр босган, *улар Ҳақ йўлни билмайдилар*. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларнинг озорларига сабр қил! Албатта, Сенга Худонинг ваъда қилган ёрдами ҳақдир. Бу кофирлар ваъда қилинган азобнинг келишида Сени шошилтирмасинлар! *Сен сабр қил, кофирларга азоб муқаррар келади.*

Маккада нозил бўлган бу сура
ўттиз тўрт оятдан иборатдир.

21 жузъ *Суранинг 27, 28, 29-оятлари Мадинада нозил бўлганлиги ҳақида ривоят келтирилган. Сурада Ҳазрати Луқмон хусусида сўз юритилганлиги учун унинг номи билан аталган ҳамда Ҳазрати Луқмоннинг ўғлига қилган насиҳатлари, Аллоҳнинг қудратига далолат қиладиган нарсалар ва ғайб илмлари каби мавзулар ҳақида баён қилиб берилган.*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الٓمٓ ﴿١﴾ تِلْكَ ءَايَٰتُ ٱلْكِتَٰبِ ٱلْحَكِيمِ ﴿٢﴾ هُدًى وَرَحْمَةً لِّلْمُحْسِنِينَ ﴿٣﴾ ٱلَّذِينَ
يُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَيُؤْتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ وَهُم بِٱلْءَاخِرَةِ هُمْ يُوقِنُونَ ﴿٤﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ عَلَىٰ
هُدًى مِّن رَّبِّهِمْ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٥﴾

1-5. Алиф. Лом. Мийм. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Бу сура (оятлар) ҳикматли Қуръоннинг оятларидир. Бандаларни Парвардигор тарафига ҳидоят қилгувчидир. Намозни ўз вақтида адо этган, Худо берган молларидан закот берган, охиратга иймон келтириб, ишонган – ана шу сифатларга эга бўлган зотлар Парвардигорнинг ҳидоят йўлидадирлар ва Қиёмат куни дўзахдан нажот топгувчилардир.

وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يَشْتَرِى لَهْوَ ٱلْحَدِيثِ لِيُضِلَّ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ
وَيَتَّخِذَهَا هُزُوًا ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿٦﴾ وَإِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِ ءَايَٰتُنَا وَلَّىٰ
مُسْتَكْبِرًا كَأَن لَّمْ يَسْمَعْهَا كَأَنَّ فِىٓ أُذُنَيْهِ وَقْرًا ۖ فَبَشِّرْهُ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٧﴾

6-7. Худонинг бандаларидан шундай кишилар борки, беҳуда сўзларни пул сарф қилиб сотиб оладилар, бемаъни, сафсата сўзларга машғул бўладилар, илмсизлик оқибатида Худонинг йўлидан адашиб, бошқаларни ҳам гумроҳ қилиш (адаштириш) учун уринадилар ва ҳам Худонинг каломини ва ҳақ динни масхара қиладилар. Қиёмат куни ундай одамларга қаттиқ

азоблар берилади. Вақтики, уларга Бизнинг оятлармиз тиловат қилинса, кибр билан юзларини ўгирадилар, гўёки қулоқларида карлик бор, эшитишни истамайдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ундай одамларга Худонинг қаттиқ азобидан хабар бер!

إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَهُمۡ جَنَّٰتُ ٱلنَّعِيمِ ﴿٨﴾ خَٰلِدِينَ فِيهَا
وَعۡدَ ٱللَّهِ حَقّٗاۚ وَهُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ ﴿٩﴾

8-9. Албатта, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга Аллоҳ
таоло тарафидан ноз ва неъматли жаннатлар ато қилинади. Бу жаннат- 21 жузъ
ларда (улар) ҳамиша бўладилар (абадий қоладилар). Аллоҳ таолонинг ваъдалари ҳақдир, албатта, вафо қилинади. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсадан ғолиб ва ҳар бир феъли ҳикматлидир.

خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ بِغَيۡرِ عَمَدٖ تَرَوۡنَهَاۖ وَأَلۡقَىٰ فِي ٱلۡأَرۡضِ رَوَٰسِيَ أَن تَمِيدَ بِكُمۡ
وَبَثَّ فِيهَا مِن كُلِّ دَآبَّةٖۚ وَأَنزَلۡنَا مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءٗ فَأَنۢبَتۡنَا فِيهَا مِن كُلِّ زَوۡجٖ
كَرِيمٍ ﴿١٠﴾ هَٰذَا خَلۡقُ ٱللَّهِ فَأَرُونِي مَاذَا خَلَقَ ٱلَّذِينَ مِن دُونِهِۦۚ
بَلِ ٱلظَّٰلِمُونَ فِي ضَلَٰلٖ مُّبِينٖ ﴿١١﴾

10-11. Сизлар аниқ-равшан кўриб турганингиздек, Аллоҳ таоло осмонларни устунсиз яратди. Сизларни изтиробга солиб, паришон қилмасин, деб ерда тоғларни барпо қилди. Ер юзида ҳар хил жонзотларни халқ қилиб, тарқатиб-ёйди. Биз осмондан сизларга ёмғирлар ёғдирдик, ерда ҳар турли фойдали гиёҳлар кўкартирдик – бу нарсаларнинг ҳаммаси Худонинг махлуқларидир. Худо уларни халқ қилган. Эй кофирлар, бу нарсаларни Худодан бошқа ким халқ қилганини Менга кўрсатинглар-чи? Энди ҳаддидан ошган кофирлар ошкора гумроҳликда (адашишда) собитдирлар. *Бу нарсаларга иқрор бўлмайдилар.*

وَلَقَدۡ ءَاتَيۡنَا لُقۡمَٰنَ ٱلۡحِكۡمَةَ أَنِ ٱشۡكُرۡ لِلَّهِۚ وَمَن يَشۡكُرۡ فَإِنَّمَا يَشۡكُرُ لِنَفۡسِهِۦۖ
وَمَن كَفَرَ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَنِيٌّ حَمِيدٞ ﴿١٢﴾ وَإِذۡ قَالَ لُقۡمَٰنُ لِٱبۡنِهِۦ وَهُوَ يَعِظُهُۥ يَٰبُنَيَّ لَا
تُشۡرِكۡ بِٱللَّهِۖ إِنَّ ٱلشِّرۡكَ لَظُلۡمٌ عَظِيمٞ ﴿١٣﴾

12-13. Биз Луқмонга ҳикмат ато қилдик. Унга: «Аллоҳ таолонинг бу эҳсонига шукр қил», – деб буюрдик. Кимки Аллоҳ таологa шукр этар экан, албатта, ўз нафсининг фойдаси учун шукр қилади. Кимки Худойи таолонинг неъматларига шукр қилмаса, Аллоҳ таоло унинг шукридан мустағний (беҳожат) ва ҳамдга лойиқ Зотдир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ёд қил, Луқмон ўз фарзандига насиҳат қилиб айтди: «Эй ўғилгинам, Худога ҳеч нарсани шерик қилма, чунки Худога ширк қилишлик улуғ гуноҳлардандир».

وَوَصَّيْنَا ٱلْإِنسَٰنَ بِوَٰلِدَيْهِ حَمَلَتْهُ أُمُّهُۥ وَهْنًا عَلَىٰ وَهْنٍ وَفِصَٰلُهُۥ فِى عَامَيْنِ أَنِ
ٱشْكُرْ لِى وَلِوَٰلِدَيْكَ إِلَىَّ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٤﴾ وَإِن جَٰهَدَاكَ عَلَىٰٓ أَن تُشْرِكَ بِى مَا
لَيْسَ لَكَ بِهِۦ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا ۖ وَصَاحِبْهُمَا فِى ٱلدُّنْيَا مَعْرُوفًا ۖ وَٱتَّبِعْ سَبِيلَ مَنْ
أَنَابَ إِلَىَّ ۚ ثُمَّ إِلَىَّ مَرْجِعُكُمْ فَأُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٥﴾

21 жузъ

14-15. Биз инсонларни ота ва онасига яхшилик қилишга буюрдик, чунки (уни) болалик ҳолида (яъни ҳомиладорлиги пайтида) онаси заифлик (ожизлик) устига заифлик бўлган ҳолида қорнида кўтариб юрди, туғилгандан сўнгра икки йил эмишда давом этди. Биз инсонга: «Менга ва ҳам ота-онага шукргузор бўл», — деб буюрдик. *Чунки Мен сени йўқдан бор қилдим. Ота ва онанг сени тарбият этди.* Қиёмат куни Менинг ҳузуримга қайтасан. Агар ота-онанг сенга ўзинг билмаган нарсани — Аллоҳга ширк келтиришни буюрса, шунда уларга итоат қилма! Балки уларга дунёда яхшилик қил ва хизматларини бажо келтир! Ва ҳам Менга ружу қилганлар ва ҳидоят топганларнинг йўлларига тобе бўл, (эргаш)! Қиёмат куни ҳаммангиз Менинг ҳузуримда ҳозир бўласиз. Сўнгра Мен сизларни қилиб ўтган амалларингиздан огоҳлантираман.

يَٰبُنَىَّ إِنَّهَآ إِن تَكُ مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِّنْ خَرْدَلٍ فَتَكُن فِى صَخْرَةٍ أَوْ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ أَوْ فِى
ٱلْأَرْضِ يَأْتِ بِهَا ٱللَّهُ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَطِيفٌ خَبِيرٌ ﴿١٦﴾

16. Луқмон айтди: «Эй ўғилчам, агар инсондан содир этилган амал ниҳоятда ҳақир, майда, яъни, хардал (ачитқи) донасидан ҳам кичикроқ бўлса-да, тошнинг тагида бўлсин ё осмонда бўлсин, ёки ернинг остида бўлсин, Қиёмат куни Аллоҳ таоло (уни) ҳозир қилади ва ҳисоб-китоб этади. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир бандага меҳрибон ва ҳар нарсани билгувчи, ҳар нарсадан хабардордир.

يَٰبُنَىَّ أَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ وَأْمُرْ بِٱلْمَعْرُوفِ وَٱنْهَ عَنِ ٱلْمُنكَرِ وَٱصْبِرْ عَلَىٰ مَآ أَصَابَكَ ۖ إِنَّ
ذَٰلِكَ مِنْ عَزْمِ ٱلْأُمُورِ ﴿١٧﴾ وَلَا تُصَعِّرْ خَدَّكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمْشِ فِى ٱلْأَرْضِ
مَرَحًا ۖ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ ﴿١٨﴾ وَٱقْصِدْ فِى مَشْيِكَ وَٱغْضُضْ مِن
صَوْتِكَ ۚ إِنَّ أَنكَرَ ٱلْأَصْوَٰتِ لَصَوْتُ ٱلْحَمِيرِ ﴿١٩﴾

17-19. Эй ўғилчам, намозни ўз вақтида адо эт, бошқаларни яхши ишларга амр қил ва ёмон ишлардан қайтар! Бошингга етган кулфатларга сабр эт! Албатта, мусибатларга сабр қилиш аҳамиятли (фазилатли) ишлардандир. Юзингни кибр билан халқдан ўгирма ва кибр билан ерга қадам қўйма! Аллоҳ таоло мақтанчоқ-мутакаббирни асло дўст тутмайди. Эй ўғлим, юрганингда ўртамиёна қадам ташла, овоз қилсанг, паст овоз қил, кўчаларда бақирма, чунки овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир!»

أَلَمْ تَرَوْا۟ أَنَّ ٱللَّهَ سَخَّرَ لَكُم مَّا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ وَأَسْبَغَ عَلَيْكُمْ
نِعَمَهُۥ ظَٰهِرَةً وَبَاطِنَةً ۗ وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يُجَٰدِلُ فِى ٱللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَلَا هُدًى وَلَا
كِتَٰبٍ مُّنِيرٍ ﴿٢٠﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ ٱتَّبِعُوا۟ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ قَالُوا۟ بَلْ نَتَّبِعُ مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِ
ءَابَآءَنَآ ۚ أَوَلَوْ كَانَ ٱلشَّيْطَٰنُ يَدْعُوهُمْ إِلَىٰ عَذَابِ ٱلسَّعِيرِ ﴿٢١﴾

20-21. Аллоҳ осмондаги ой ва кунларни ва ер юзидаги ҳайвонларни сизларга мусаххар қилганини, сизларга зоҳир ва ботин неъматларини ато этганини кўрмайсизларми?! Баъзи кофирлар Парвардигорнинг неъматларига шукр қилмасдан, Худо тўғрисида жаҳолат билан жанжал қиладилар (тортишадилар). Улар Худо тарафидан ҳидоят топмайдилар ва уларнинг очиқ ва зоҳир китоблари ҳам йўқ. У кофирларга насиҳат қилиб, Аллоҳ таоло нозил қилган Китобга тобе бўлинглар, дейилса: «Ота-боболаримизни қайси йўлда топган бўлсак, ўша йўлга тобе бўламиз», – дейдилар. Агар шайтон уларни дўзах азоби томон чақираётган бўлса ҳам, шайтоннинг орқасидан эргашадиларми? 21 жузъ

۞ وَمَن يُسْلِمْ وَجْهَهُۥٓ إِلَى ٱللَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ فَقَدِ ٱسْتَمْسَكَ بِٱلْعُرْوَةِ ٱلْوُثْقَىٰ ۗ
وَإِلَى ٱللَّهِ عَٰقِبَةُ ٱلْأُمُورِ ﴿٢٢﴾

22. Ҳар кимки Худонинг фармонига итоат қилиб, Худо тарафига мутаважжиҳ бўлиб (юзланиб), доимо яхши амаллар қилса, бас, у одам мустаҳкам нарсани ушлабди. Ҳар бир нарсанинг оқибати Парвардигор тарафига ружу қилади (қайтади).

وَمَن كَفَرَ فَلَا يَحْزُنكَ كُفْرُهُۥٓ ۚ إِلَيْنَا مَرْجِعُهُمْ فَنُنَبِّئُهُم بِمَا عَمِلُوٓا۟ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌۢ
بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ﴿٢٣﴾ نُمَتِّعُهُمْ قَلِيلًا ثُمَّ نَضْطَرُّهُمْ إِلَىٰ عَذَابٍ غَلِيظٍ ﴿٢٤﴾ وَلَئِن
سَأَلْتَهُم مَّنْ خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ ٱللَّهُ ۚ قُلِ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ۚ بَلْ أَكْثَرُهُمْ
لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢٥﴾ لِلَّهِ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْغَنِىُّ ٱلْحَمِيدُ ﴿٢٦﴾

23-26. Ҳар кимки кофир бўлса, унинг куфри Сени ғамгин қилмасин, уларнинг келадиган жойлари Бизнинг ҳузуримиздир. Кейин Биз уларни қилган амалларидан хабардор этамиз. Албатта, Аллоҳ таоло дилдардаги (махфий) сирларни билади. Биз кофирларни дунёдан озгина фойдалантирамиз. Сўнгра уларни хор қилиб, дўзахнинг қаттиқ азобини тортишга мажбур этамиз. Агар кофирлардан: «Еру осмонни ким яратган?», – деб сўрасанг, «Албатта, Аллоҳ яратган», – деб айтадилар. Сен айтгил: «Худога шукрки, бунга иқрор эвансизлар». Балки кўплари иқрор қилганларини билмайдилар. Осмонлардаги ва ердаги ашёларнинг ҳаммаси Худонинг мулкидир. Албатта, Аллоҳ таоло ҳамма ашёлардан мустағний (беҳожат) ва ҳамдга лойиқ Зотдир.

وَلَوْ أَنَّمَا فِي ٱلْأَرْضِ مِن شَجَرَةٍ أَقْلَٰمٌ وَٱلْبَحْرُ يَمُدُّهُۥ مِنۢ بَعْدِهِۦ سَبْعَةُ أَبْحُرٍ مَّا
نَفِدَتْ كَلِمَٰتُ ٱللَّهِ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٧﴾

27. Агар ер юзидаги (барча) дарахтлар қалам бўлса, дарёи муҳитга (денгизга) яна етти дарё (денгиз) қўшилиб сиёҳ бўлса ва улар билан Аллоҳнинг сўзлари ёзилса ҳам, (у сўзларни ёзиб) охирига етказиб бўлмайди. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар нарсадан ғолиб, сўзлари ҳикматлидир.

21 жузъ

مَّا خَلْقُكُمْ وَلَا بَعْثُكُمْ إِلَّا كَنَفْسٍ وَٰحِدَةٍ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌۢ بَصِيرٌ ﴿٢٨﴾ أَلَمْ تَرَ أَنَّ
ٱللَّهَ يُولِجُ ٱلَّيْلَ فِي ٱلنَّهَارِ وَيُولِجُ ٱلنَّهَارَ فِي ٱلَّيْلِ وَسَخَّرَ ٱلشَّمْسَ وَٱلْقَمَرَ كُلٌّ
يَجْرِيٓ إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى وَأَنَّ ٱللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٢٩﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ هُوَ
ٱلْحَقُّ وَأَنَّ مَا يَدْعُونَ مِن دُونِهِ ٱلْبَٰطِلُ وَأَنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْعَلِيُّ ٱلْكَبِيرُ ﴿٣٠﴾

28-30. Эй Макка халқи, сизларнинг ҳаммаларингизни халқ қилиш (яратиш) ва Қиёмат куни (қайта) тирилтириш Менинг наздимда мушкул иш эмас. Гўё бир одамни яратиш ва қайта тирилтириш каби осондир. Аллоҳ таоло сўзларингизни эшитувчи ва ҳолларингизни кўрувчидир. Аллоҳ таоло кечани кундузга дохил қилишини ва кундузни кечага киритишини, офтоб билан ойни бўйсундириб қўйганини ва уларнинг ҳар бири муайян муддатга қадар ҳаракат қилиб турганини ва Аллоҳ таоло сизларнинг қилаётган амалларингиздан хабардор эканлигини кўрмадингизми?! Худонинг бу қудрати улуғлиги шунинг учунки, Аллоҳ таоло ҳамиша ҳақ ва собитдир. Кофирларнинг «худо» деб, ибодат қилаётган бутлари (эса) ботил бир нарсадир. Албатта, Аллоҳ таолонинг ҳар бир нарсадан мартабаси баланд ва улуғдир.

أَلَمْ تَرَ أَنَّ ٱلْفُلْكَ تَجْرِي فِي ٱلْبَحْرِ بِنِعْمَتِ ٱللَّهِ لِيُرِيَكُم مِّنْ ءَايَٰتِهِۦٓ ۚ إِنَّ فِي
ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّكُلِّ صَبَّارٍ شَكُورٍ ﴿٣١﴾ وَإِذَا غَشِيَهُم مَّوْجٌ كَٱلظُّلَلِ دَعَوُا۟ ٱللَّهَ
مُخْلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَ فَلَمَّا نَجَّىٰهُمْ إِلَى ٱلْبَرِّ فَمِنْهُم مُّقْتَصِدٌ ۚ وَمَا يَجْحَدُ بِـَٔايَٰتِنَآ
إِلَّا كُلُّ خَتَّارٍ كَفُورٍ ﴿٣٢﴾

31-32. Сизларга ўз қудратининг нишоналаридан (бирини) кўрсатиш учун Худо ўз фазлу марҳамати бирла дарёда кемаларни суздириб қўйганини кўрмадингизми?! Бу дунёнинг муомалотларида балоларга сабр этувчилар ва неъматларга шукр қилувчилар учун ибратлар бор. Дарёда ҳаракат қилувчиларни дарёнинг мавжи сояга ўхшаб ўраб олса, одамлар дилларида (чин) ихлос билан нажот сўраб, дуога машғул бўладилар. Қачонки Парвардигор нажот бериб, қуруқликка чиқсалар, бас, бу одамлардан баъзилари ўз аҳдларига вафо қиладилар ва баъзилари бизнинг қудратимизни инкор этадилар. Оқиллар оятларимизни инкор қилмас, магар аҳдини синдирувчи ношукр бандалар инкор қиладилар.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ ٱتَّقُواْ رَبَّكُمْ وَٱخْشَوْاْ يَوْمًا لَّا يَجْزِى وَالِدٌ عَن وَلَدِهِۦ وَلَا مَوْلُودٌ
هُوَ جَازٍ عَن وَالِدِهِۦ شَيْـًٔا ۚ إِنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ ۖ فَلَا تَغُرَّنَّكُمُ ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا
وَلَا يَغُرَّنَّكُم بِٱللَّهِ ٱلْغَرُورُ ﴿٣٣﴾

33. Эй бандалар, Парвардигорингиздан ҳамда ҳеч бир ота боласидан ва ҳеч бир фарзанд отасидан азобни қайтаролмайдиган Қиёмат кунидан қўрқинглар! Шубҳасиз, Аллоҳ таолонинг ваъдаси ҳақдир. Сизларни дунёнинг молу матоси ва шайтоннинг: «Худо кечирувчи, карами кенг, азоб қилмайди», — деган сўзлари алдаб қўймасин, мағрур қилмасин (чалғитмасин). 21 жузъ

إِنَّ ٱللَّهَ عِندَهُۥ عِلْمُ ٱلسَّاعَةِ وَيُنَزِّلُ ٱلْغَيْثَ وَيَعْلَمُ مَا فِى ٱلْأَرْحَامِ ۖ وَمَا
تَدْرِى نَفْسٌ مَّاذَا تَكْسِبُ غَدًا ۖ وَمَا تَدْرِى نَفْسٌۢ بِأَىِّ أَرْضٍ تَمُوتُ ۚ إِنَّ
ٱللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌۢ ﴿٣٤﴾

34. Албатта, Қиёмат илми (қачон бўлиши) Аллоҳ таолога хосдир. Ҳамда ёмғир қачон ёғиши, қаерга ёғиши ва қанча миқдорда ёғишини ва ҳам оналар қоринларидаги бола қайси рангда, ўғилми ё қизми, аъзоси комилми ё нуқсонлими, буларнинг барчасини фақат Аллоҳ таоло билади. Ҳеч бир нафс (тирик жон) қаерда ўлишини билмайди. Албатта, Аллоҳ таоло билгувчи ва хабардордир.

Маккада нозил бўлган бу сура ўттиз оятдан иборатдир.

21 жузъ *Суранинг номи 15-оятдан олинган. 18, 19, 20-оятлари Мадинада нозил бўлганлиги ҳақида ривоят бор. Сурада Қуръоннинг Илоҳий Китоб эканлиги, дунё ҳаётидан бошқа охират олами борлиги ва унда мўминлар роҳатда, кофирлар эса азобда қолажагидан хабар берилади. Сура ҳисоб-китоб кунидаги аҳвол тасвирланиши билан ниҳояланади.*

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الٓمٓ ﴿١﴾ تَنزِيلُ ٱلۡكِتَٰبِ لَا رَيۡبَ فِيهِ مِن رَّبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ﴿٢﴾ أَمۡ يَقُولُونَ
ٱفۡتَرَىٰهُۚ بَلۡ هُوَ ٱلۡحَقُّ مِن رَّبِّكَ لِتُنذِرَ قَوۡمٗا مَّآ أَتَىٰهُم مِّن نَّذِيرٖ مِّن قَبۡلِكَ لَعَلَّهُمۡ
يَهۡتَدُونَ ﴿٣﴾

1-3. Алиф. Лом. Мийм. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Бу Қуръон Парвардигори олам тарафидан нозил қилинди. Бунда шак-шубҳа йўқдир. Ёки кофирлар: «(Қуръон) Муҳаммад тарафидан ихтиро қилиб (тўқиб), чиқарилган гаплардир, Худонинг сўзлари эмас», – деб айтадиларми? (Йўқ!) У кофирларнинг сўзлари хато (ва бўҳтон)дир. Балки, (бу Қуръон) Парвардигоринг тарафидан нозил бўлган рост (ҳақ) Каломдир. Сен бу Қуръон билан қавмингга насиҳат қилиб, Худонинг азобидан қўрқитасан. (Чунки) бу арабларга Сендан илгари насиҳат қилувчилар келган эмас. Шоядки (улар) Сенинг насиҳатинг билан ҳидоят топсалар.

ٱللَّهُ ٱلَّذِي خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ وَمَا بَيۡنَهُمَا فِي سِتَّةِ أَيَّامٖ ثُمَّ ٱسۡتَوَىٰ عَلَى
ٱلۡعَرۡشِۖ مَا لَكُم مِّن دُونِهِۦ مِن وَلِيّٖ وَلَا شَفِيعٍۚ أَفَلَا تَتَذَكَّرُونَ ﴿٤﴾ يُدَبِّرُ ٱلۡأَمۡرَ
مِنَ ٱلسَّمَآءِ إِلَى ٱلۡأَرۡضِ ثُمَّ يَعۡرُجُ إِلَيۡهِ فِي يَوۡمٖ كَانَ مِقۡدَارُهُۥٓ أَلۡفَ سَنَةٖ مِّمَّا
تَعُدُّونَ ﴿٥﴾ ذَٰلِكَ عَٰلِمُ ٱلۡغَيۡبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ ٱلۡعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٦﴾

4-6. Аллоҳ таоло шундай Зотки, еру осмонларни ва унинг ўртасидаги ашёларни олти кунда халқ қилди. Сўнгра Аршга қасд қилди. Сизларга Парвардигордан бошқа ёру мададкор ва шафоат қилгувчи йўқ. Ахир, бундан эслатма, панд, насиҳат олмайсизларми? Аллоҳ таоло дунёнинг ишларига интизом, (тадбир) қилади. Сўнгра ҳукмини малоикалар орқали осмондан ерга юборади. Кейин малоикалар ердан яна осмон тарафига ўша кунда қайтиб борадилар. У кун (Қиёмат)нинг миқдори сизларнинг ҳисобларингиз билан минг йилга баробардир. Оламнинг тадбирларини қилувчи Аллоҳ таоло махфий ва ошкор нарсаларни билгувчи, ўзининг тадбирида ғолиб, бандаларга меҳрибондир. 21 жузъ

ٱلَّذِىٓ أَحْسَنَ كُلَّ شَىْءٍ خَلَقَهُۥ ۖ وَبَدَأَ خَلْقَ ٱلْإِنسَٰنِ مِن طِينٍ ﴿٧﴾ ثُمَّ جَعَلَ
نَسْلَهُۥ مِن سُلَٰلَةٍ مِّن مَّآءٍ مَّهِينٍ ﴿٨﴾ ثُمَّ سَوَّىٰهُ وَنَفَخَ فِيهِ مِن رُّوحِهِۦ ۖ وَجَعَلَ لَكُمُ
ٱلسَّمْعَ وَٱلْأَبْصَٰرَ وَٱلْأَفْـِٔدَةَ ۚ قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ ﴿٩﴾

7-9. У шундай Зотки, ҳар бир нарсани ҳикматга мувофиқ яратди. Инсонни яратишни аввал лойдан бошлади. Кейин унинг авлодини озгина ҳақир сувдан пайдо қилди. Сўнгра она қорнида аъзоларини баробар (мутаносиб) қилди. Кейин жасадга Ўзининг руҳидан дам урди. Сўнг инсонда эшитмоқ учун қулоқ, кўрмоқ учун кўз ва фикр юритмоқ учун юрак яратди. Лекин сизлар Худонинг бу улуғ неъматларига кам шукр қиласизлар.

وَقَالُوٓا۟ أَءِذَا ضَلَلْنَا فِى ٱلْأَرْضِ أَءِنَّا لَفِى خَلْقٍ جَدِيدٍۭ ۚ بَلْ هُم بِلِقَآءِ رَبِّهِمْ
كَٰفِرُونَ ﴿١٠﴾ ۞ قُلْ يَتَوَفَّىٰكُم مَّلَكُ ٱلْمَوْتِ ٱلَّذِى وُكِّلَ بِكُمْ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمْ
تُرْجَعُونَ ﴿١١﴾ وَلَوْ تَرَىٰٓ إِذِ ٱلْمُجْرِمُونَ نَاكِسُوا۟ رُءُوسِهِمْ عِندَ رَبِّهِمْ
رَبَّنَآ أَبْصَرْنَا وَسَمِعْنَا فَٱرْجِعْنَا نَعْمَلْ صَٰلِحًا إِنَّا مُوقِنُونَ ﴿١٢﴾

10-12. Кофирлар: «Бизлар ўлиб, ернинг тагига кирсак, яна янгидан яратиламизми?» – дейдилар. (Йўқ!) У кофирлар Қиёматда Худога рўбарў бўлишни ҳам инкор қиладилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Сизларнинг жонларингизни олишга вакил қилинган Азроил фаришта сизларни ўлдиради. Сўнгра сизлар Парвардигорингиз ҳузурида ҳозир бўласизлар». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен гуноҳкорларнинг аҳволларини кўрсанг, таажжуб қиларсан. Улар Парвардигорнинг ҳузурида жам қилинадилар. (Кофирлар) камоли хижолатдан бошларини эгиб айтадиларки: «Эй Парвардигор, Сенинг ваъда қилган нарсаларингни кўзимиз билан кўрдик, Сенинг итобларингни қулоқларимиз билан эшитдик. Энди бизларни у дунёга қайтар, токи яхши амаллар қилайлик ва ҳам Сенга иймон келтирайлик. Албатта, Биз ишонгувчилардан бўлдик». Лекин у кунги надоматлари уларга фойда бермайди.

وَلَوْ شِئْنَا لَآتَيْنَا كُلَّ نَفْسٍ هُدَاهَا وَلَٰكِنْ حَقَّ الْقَوْلُ مِنِّي لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنَ
الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴿١٣﴾ فَذُوقُوا بِمَا نَسِيتُمْ لِقَاءَ يَوْمِكُمْ هَٰذَا إِنَّا
نَسِينَاكُمْ ۖ وَذُوقُوا عَذَابَ الْخُلْدِ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٤﴾

13-14. Агар Биз хоҳласак, бу дунёда ҳар бир нафсни (жонни) ҳидоят
қилган бўлар эдик. Лекин ундай қилмадик. Чунки у ҳолда кофиру мўмин-
нинг фарқи бўлмасди. Бу дунё – синов ва имтиҳон дунёси. Аммо жаҳан-
21 жузъ намни инсонлардан ва жинлардан бўлган кофирлар билан тўлдириш ҳақи-
да Бизнинг ҳукмимиз Лавҳул Маҳфузда собит бўлган (ёзиб қўйилган)дир.
Сизлар у дунёда Худога мулоқий (рўбарў) бўлишни эсларингиздан чиқар-
ган эдингиз. Энди Биз ҳам сизларга илтифот этмаймиз, меҳрибонлик би-
лан назар қилмаймиз. Энди сизлар қилган амалларингизга мувофиқ аба-
дий, йўқ бўлмайдиган азобнинг «маза»сини тотиб кўринглар.

إِنَّمَا يُؤْمِنُ بِآيَاتِنَا الَّذِينَ إِذَا ذُكِّرُوا بِهَا خَرُّوا سُجَّدًا وَسَبَّحُوا بِحَمْدِ رَبِّهِمْ
وَهُمْ لَا يَسْتَكْبِرُونَ ۩ ﴿١٥﴾ تَتَجَافَىٰ جُنُوبُهُمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ
خَوْفًا وَطَمَعًا وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ﴿١٦﴾

15-16. Албатта, Бизнинг оятларимизга шундай зотлар иймон келтирадиларки, шу оятлар билан уларга панду насиҳат қилинса, зорию тазарру ила ерга йиқилиб, сажда қиладилар. **(15-оят сажда оятидир).** Ва ҳам: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», – деб тасбеҳ айтадилар. Улар ҳаргиз кибр қилмайдилар. Кеча бўлганда улар роҳат билан ёнбошларини қўйиб ухламайдилар. Худонинг азобидан қўрқиб, раҳматидан умидвор ҳолда Парвардигорга ибодат қиладилар. Биз берган ризқдан Аллоҳ ризоси учун бериё садақа берадилар.

فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَا أُخْفِيَ لَهُمْ مِنْ قُرَّةِ أَعْيُنٍ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٧﴾ أَفَمَنْ
كَانَ مُؤْمِنًا كَمَنْ كَانَ فَاسِقًا ۚ لَا يَسْتَوُونَ ﴿١٨﴾ أَمَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا
الصَّالِحَاتِ فَلَهُمْ جَنَّاتُ الْمَأْوَىٰ نُزُلًا بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٩﴾

17-19. Бас, бирор жон қилган амаллари эвазига Худо тарафидан хурсанд қиладиган, кўзларни қувонтирадиган нозу нематлар муҳайё қилиб, яшириб қўйилганлигини билмайди. Бир одам содиқ мўмин бўлса, фосиқу фожир бўлган одам билан баробар бўладими? *Ҳаргиз баробар бўлмайди!* Албатта, мўминлар иймон келтирганлари ва яхши амал қилганлари сабабидан Жаннатул Маъвода Парвардигор тарафидан меҳмон қилинадилар.

وَأَمَّا الَّذِينَ فَسَقُوا فَمَأْوَاهُمُ النَّارُ ۖ كُلَّمَا أَرَادُوا أَنْ يَخْرُجُوا مِنْهَا أُعِيدُوا فِيهَا
وَقِيلَ لَهُمْ ذُوقُوا عَذَابَ النَّارِ الَّذِي كُنْتُمْ بِهِ تُكَذِّبُونَ ﴿٢٠﴾ وَلَنُذِيقَنَّهُمْ

مِّنَ ٱلْعَذَابِ ٱلْأَدْنَىٰ دُونَ ٱلْعَذَابِ ٱلْأَكْبَرِ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿٢١﴾ وَمَنْ أَظْلَمُ
مِمَّن ذُكِّرَ بِـَٔايَٰتِ رَبِّهِۦ ثُمَّ أَعْرَضَ عَنْهَآ ۚ إِنَّا مِنَ ٱلْمُجْرِمِينَ مُنتَقِمُونَ ﴿٢٢﴾

20-22. Аммо Худонинг фармонидан чиқиб кофир бўлган гуруҳларнинг жойлари дўзахдир. Вақтики дўзахдан чиқишни истасалар, яна дўзахга қайтариладилар. Уларга айтиладики: «У дунёда инкор қилганингиз азобни энди тотиб кўринглар». Албатта, уларга охиратнинг улуғ азобидан илгари бу дунёдаги яқин азобни тоттирамиз. Шоядки куфрларидан қайтиб, ҳидоятта юзлансалар. Аллоҳнинг каломи билан насиҳат қилинса, уни инкор этиб, юз ўгирадиган кимсадан ҳам золимроқ одам борми?! Биз, албатта, бу хилдаги гуноҳкорлардан ўч олгувчидирмиз. 21 жузъ

وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ فَلَا تَكُن فِى مِرْيَةٍ مِّن لِّقَآئِهِۦ ۖ وَجَعَلْنَٰهُ هُدًى
لِّبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ﴿٢٣﴾ وَجَعَلْنَا مِنْهُمْ أَئِمَّةً يَهْدُونَ بِأَمْرِنَا لَمَّا صَبَرُوا۟ ۖ وَكَانُوا۟
بِـَٔايَٰتِنَا يُوقِنُونَ ﴿٢٤﴾ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ يَفْصِلُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ فِيمَا كَانُوا۟ فِيهِ
يَخْتَلِفُونَ ﴿٢٥﴾ أَوَلَمْ يَهْدِ لَهُمْ كَمْ أَهْلَكْنَا مِن قَبْلِهِم مِّنَ ٱلْقُرُونِ يَمْشُونَ فِى
مَسَٰكِنِهِمْ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ ۖ أَفَلَا يَسْمَعُونَ ﴿٢٦﴾

23-26. Биз Мусо (алайҳиссалом)га Тавротни бердик. *Шунга ўхшаш, Сенга Қуръонни нозил қилдик.* Энди Сен Қуръонга рўбарў бўлишдан шубҳа этма. *Ёки Мусога рўбарў бўлишдан шубҳа қилма. Чунки Меърожда мулоқотда бўлдилар. Ёки Мусо (алайҳиссалом)нинг Тавротни қабул қилиб олганига шубҳа қилма.* Мусо (алайҳиссалом)ни Бани Исроил халқига йўл кўрсатувчи қилдик. Ва улар вақтики, ибодатнинг машаққатларига, кулфатларга сабр қилишди, Бизнинг ҳукмимиз ила Бани Исроилдан яна бошқа пешволар чиқардик, *токи Бизнинг ҳукмимиз билан улар ҳам халқни ҳидоят қилсинлар.* Улар Бизнинг оятларимизга иймон келтирган эдилар. Албатта, Парвардигоринг Исроил халқи ўртасидаги ихтилофли масалалар тўғрисида Қиёмат куни ҳукм қилгувчидир. Макка халқи ўзларидан илгари кўп миллатларни ҳалок қилганимизни кўрмайдиларми?! Улар ўша қавмларнинг ҳалок бўлган жойларидан ўтадилар, кўзлари билан азобнинг нишоналарини кўрадилар. Албатта, бу қавмларнинг ҳалокатларида нишоналар бор, ҳикоятлар бор, (уларни) эшитмайдиларми?!

أَوَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّا نَسُوقُ ٱلْمَآءَ إِلَى ٱلْأَرْضِ ٱلْجُرُزِ فَنُخْرِجُ بِهِۦ زَرْعًا تَأْكُلُ مِنْهُ
أَنْعَٰمُهُمْ وَأَنفُسُهُمْ ۖ أَفَلَا يُبْصِرُونَ ﴿٢٧﴾ وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَٰذَا ٱلْفَتْحُ إِن كُنتُمْ
صَٰدِقِينَ ﴿٢٨﴾ قُلْ يَوْمَ ٱلْفَتْحِ لَا يَنفَعُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِيمَٰنُهُمْ وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ ﴿٢٩﴾

فَأَعْرِضْ عَنْهُمْ وَٱنتَظِرْ إِنَّهُم مُّنتَظِرُونَ ﴿٣٠﴾

27-30. Биз сувни қуруқ ерларга жорий қилиб (оқизиб) қўйганимизга ибрат билан қарамайдиларми? Ахир, у сув билан ердан дарахтлар ва гиёҳлар кўкартирамиз. У гиёҳлардан ҳайвонлар ризқланадилар. Ўзлари эса у зироат ва дарахтларнинг меваларидан ейдилар. Худонинг бу қудратини мушоҳада қилмайдиларми? Кофирлар: «Эй мўминлар, агар ваъдаларингиз рост бўлса, бизнинг устимиздан сизларнинг ғалабангиз қачон бўлади?!» – деб айтадилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга
21 жузъ айтгил: «Фатҳ куни сизларга бало келгандан сўнг кофирларнинг иймон келтиришлари фойда бермайди, уларга муҳлат ҳам берилмайди». Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирлар билан мужодала қилмасдан, улардан юз ўгир ва (уларга азоб келишига) мунтазир бўлиб тур, кофирлар ҳам Сенинг мағлуб бўлишингга мунтазирдирлар.

Мадинада нозил бўлган бу сура етмиш уч оятдан иборатдир.

21 жузъ

«Аҳзоб» ҳизбнинг кўплиги бўлиб, гуруҳ, жамоат, фирқа деган маъноларда келади. Кунлик одатда ўқиладиган дуолар тўплами ҳамда Қуръон жузъининг тўртдан бири ҳам ҳизб деб аталади. Бу сурада мусулмонларга қарши урушишга чоғланган бирлашган араб қабилалари ҳақида сўз кетганлиги учун «Аҳзоб» номи берилган. Ривоятга кўра, бир тўп ҳаддидан ошган мушриклар Уҳуд жангидан кейин Мадинага келиб, мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай уйига меҳмон бўлганлар. Пайғамбар алайҳиссалом уларнинг хавфсизликларини таъминлаганларидан кейин ўзлари билан кўришиш учун ижозат берганлар. Бу кўришишда Расулуллоҳ алайҳиссаломга: «Сен бизнинг ибодат қилаётган нарсаларимизни камситишдан воз кеч. «Улар манфаат келтира оладилар, шафоат қиладилар», – деб айтгил, кейин биз ҳам Сени ўз Раббинг билан омон қолдирайлик», – дейдилар. У ердаги мусулмонларнинг юраклари сиқилади, уларни ўлдирмоқчи бўладилар. Лекин уларнинг хавфсизликларини кафолатлаб берган ваъдаларини бузишдан Аллоҳдан қўрқишади, боз устига кофирлар ва мунофиқларнинг сўзларига бўйин эгмасликни ўйлаб безовта бўла бошлайдилар. Шунда Ҳазрати Пайғамбаримизга суранинг аввалги оятлари нозил бўла бошлади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ ٱتَّقِ ٱللَّهَ وَلَا تُطِعِ ٱلْكَٰفِرِينَ وَٱلْمُنَٰفِقِينَ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ
عَلِيمًا حَكِيمًا ۝١ وَٱتَّبِعْ مَا يُوحَىٰٓ إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِمَا
تَعْمَلُونَ خَبِيرًا ۝٢ وَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ وَكِيلًا ۝٣

1-3. Эй Пайғамбар, Сен Худодан қўрқгил ва кофирлар ҳамда мунофиқларнинг ҳукмларига итоат қилма! Албатта, Парвардигор уларнинг дилларидагини билувчи ва ҳукм қилгувчи (Зот)дир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Парвардигоринг тарафидан келган ваҳийга итоат эт! Албатта, Аллоҳ таоло сизларнинг қилган амалларингиздан хабардордир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ҳар бир ишингда Аллоҳга таваккул қил! Сенга Парвардигорнинг ваколати (вакиллиги) кифоя қилади.

مَا جَعَلَ ٱللَّهُ لِرَجُلٍ مِّن قَلْبَيْنِ فِي جَوْفِهِۦۚ وَمَا جَعَلَ أَزْوَٰجَكُمُ ٱلَّٰٓـِٔي تُظَٰهِرُونَ
مِنْهُنَّ أُمَّهَٰتِكُمْۚ وَمَا جَعَلَ أَدْعِيَآءَكُمْ أَبْنَآءَكُمْۚ ذَٰلِكُمْ قَوْلُكُم بِأَفْوَٰهِكُمْۖ وَٱللَّهُ يَقُولُ
ٱلْحَقَّ وَهُوَ يَهْدِي ٱلسَّبِيلَ ﴿٤﴾ ٱدْعُوهُمْ لِأٓبَآئِهِمْ هُوَ أَقْسَطُ عِندَ ٱللَّهِۚ فَإِن لَّمْ
تَعْلَمُوٓاْ ءَابَآءَهُمْ فَإِخْوَٰنُكُمْ فِي ٱلدِّينِ وَمَوَٰلِيكُمْۚ وَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ فِيمَآ
أَخْطَأْتُم بِهِۦ وَلَٰكِن مَّا تَعَمَّدَتْ قُلُوبُكُمْۚ وَكَانَ ٱللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٥﴾

21 жузъ

4-5. Аллоҳ таоло ҳар бир инсоннинг ичида бир дил (қалб) яратган, икки дил яратмаган. *Шунинг учун ният ҳам, муҳаббат ҳам битта бўлиши керак.* Ва ҳам хотинларингизни зиҳор қилиб, оналарингизга ўхшатасизлар. Худойи таоло уларни сиз учун она қилмаган ва Парвардигор ўғилхонларингизни (асраб олган ўғилларингизни) сиз учун ҳақиқий ўғил қилмаган, булар фақат оғизларингиздан чиққан сўзлардир, холос. Фақат Аллоҳ таоло сизларга ҳақ сўзни айтади ва тўғри йўлни кўрсатади. Асраб олган болангизни ўз отасининг номи билан чақиринглар. Ана шу Аллоҳнинг наздида тўғридир. Бас, агар оталарини билмасангиз, *«эй биродар», «эй дўстим» каби сўзлар билан хитоб қилинглар*, чунки диндош биродар ва дўстдирсизлар. *Исломнинг бошлангич пайтларида Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зайд бин Ҳориса розийаллоҳу анҳуни озод этиб, ўгил қилиб олган эдилар. Шу боис ҳамма ул жанобни «Зайд бин Муҳаммад», – дер эди. Юқоридаги оятлар тушганидан сўнг «Зайд бин Ҳориса», – дейдиган бўлдилар.* Сизларнинг илгари хато қилиб сўзлаган сўзларингизда ҳеч гуноҳ йўқ. Лекин дилларингиз билан қасддан айтсангизлар, гуноҳ бўлади. Аллоҳ таоло гуноҳларингизни кечирувчи ва меҳрибондир.

ٱلنَّبِيُّ أَوْلَىٰ بِٱلْمُؤْمِنِينَ مِنْ أَنفُسِهِمْۖ وَأَزْوَٰجُهُۥٓ أُمَّهَٰتُهُمْۗ وَأُوْلُواْ ٱلْأَرْحَامِ
بَعْضُهُمْ أَوْلَىٰ بِبَعْضٍ فِي كِتَٰبِ ٱللَّهِ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُهَٰجِرِينَ إِلَّآ أَن
تَفْعَلُوٓاْ إِلَىٰٓ أَوْلِيَآئِكُم مَّعْرُوفًاۚ كَانَ ذَٰلِكَ فِي ٱلْكِتَٰبِ مَسْطُورًا ﴿٦﴾

6. Пайғамбар (алайҳиссалом) мўминларга ўз нафсларидан ҳам яқинроқдир *ва ҳар бир ишларини тасарруф қилгувчидир*. Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг хотинлари мўминларнинг оналаридир. Қариндошлар бошқа бегона мўминлардан, муҳожирлардан кўра мерос олмоқда бир-бирларига яқинроқ (ҳақлироқ)дирлар. *Қуръоннинг мерос оятларида ёзилгандир.* Магар васият тариқасида баъзи дўстларингизга (мерос) тайин қилсангиз (жоиздир). Бу ҳукмларнинг ҳаммаси Лавҳул Маҳфузда ёзилгандир.

وَإِذْ أَخَذْنَا مِنَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ مِيثَٰقَهُمْ وَمِنكَ وَمِن نُّوحٍ وَإِبْرَٰهِيمَ وَمُوسَىٰ وَعِيسَى
ٱبْنِ مَرْيَمَۖ وَأَخَذْنَا مِنْهُم مِّيثَٰقًا غَلِيظًا ﴿٧﴾ لِّيَسْـَٔلَ ٱلصَّٰدِقِينَ عَن صِدْقِهِمْۚ
وَأَعَدَّ لِلْكَٰفِرِينَ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿٨﴾

7-8. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Аллоҳнинг ҳукмини бандаларга етказадиган, уларга насиҳат қиладиган, Худонинг азобидан қўрқитадиган пайғамбарлардан мийсоқ - аҳд олганимизни ёд қил (эсла). Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан ҳам, Нуҳдан ҳам, Иброҳимдан ҳам, Мусодан ва Ийсо ибн Марям (алайҳимуссаломлар)дан — уларнинг ҳаммаларидан қасам бирла аҳд-паймон олдик. (Бу аҳд-паймон) Парвардигорнинг ростгўй пайғамбарлардан умматга қилган садоқатлари, уларни инкор ёки иқрор қилганлари ҳақида сўроқ-савол қилиш учундир. Аллоҳ таоло кофирлар учун аламли азобни муҳайё қилиб қўйди.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱذْكُرُوا۟ نِعْمَةَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ جَآءَتْكُمْ جُنُودٌ فَأَرْسَلْنَا 21 жузъ
عَلَيْهِمْ رِيحًا وَجُنُودًا لَّمْ تَرَوْهَا ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرًا ﴿٩﴾ إِذْ
جَآءُوكُم مِّن فَوْقِكُمْ وَمِنْ أَسْفَلَ مِنكُمْ وَإِذْ زَاغَتِ ٱلْأَبْصَٰرُ وَبَلَغَتِ
ٱلْقُلُوبُ ٱلْحَنَاجِرَ وَتَظُنُّونَ بِٱللَّهِ ٱلظُّنُونَا۠ ﴿١٠﴾ هُنَالِكَ ٱبْتُلِىَ
ٱلْمُؤْمِنُونَ وَزُلْزِلُوا۟ زِلْزَالًا شَدِيدًا ﴿١١﴾ وَإِذْ يَقُولُ ٱلْمُنَٰفِقُونَ وَٱلَّذِينَ
فِى قُلُوبِهِم مَّرَضٌ مَّا وَعَدَنَا ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥٓ إِلَّا غُرُورًا ﴿١٢﴾

9-12. Эй мўминлар, сизларга Худо ато қилган неъматларни ёд қилинг! Ҳандақ уруши вақтида кофирларнинг лашкарлари сизларга ҳужум қилиб келди. Бас, Биз уларнинг устига совуқ шамол юргиздик (юбордик), сизларга ёрдам учун лашкар юбордик, сизлар у лашкарни кўрмас эдингизлар. Аллоҳ таоло сизлар қилаётган амалларни кўриб турар эди. Вақтики, кофирларнинг лашкари юқоридан ҳам, пастдан ҳам ҳужум қилиб келди, у вақтда қўрқувдан кўзлар хира тортди, диллар томоқларга тиқилди (жонлар ҳалқумга келди) ва Худонинг шаънига турли гумонлар қила бошладингизлар. У жойда мўминлар оғир мусибатга мубтало бўлиб, изтиробга (ларзага) тушиб қолган эдилар. У вақтда мунофиқлар ҳамда дилларида марази борлар айтар эдиларки: «Худо ва Расулнинг бизга қилган ваъдалари ёлғондан бошқа нарса эмас экан».

وَإِذْ قَالَت طَّآئِفَةٌ مِّنْهُمْ يَٰٓأَهْلَ يَثْرِبَ لَا مُقَامَ لَكُمْ فَٱرْجِعُوا۟ ۚ وَيَسْتَـْٔذِنُ فَرِيقٌ مِّنْهُمُ
ٱلنَّبِىَّ يَقُولُونَ إِنَّ بُيُوتَنَا عَوْرَةٌ وَمَا هِىَ بِعَوْرَةٍ ۖ إِن يُرِيدُونَ إِلَّا فِرَارًا ﴿١٣﴾

13. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), эслагил, мунофиқлардан бир жамоаси Ҳандақ урушида Мадина аҳлига иғвогарлик билан айтган эдилар: «Эй Ясриб (Мадина) аҳли, сизларнинг бу жойда туриб қолишингизнинг ҳеч фойдаси йўқдир, бас, ўз манзилларингизга қайтинглар». Улардан яна бир фирқаси (гуруҳи) Пайғамбардан рухсат сўраб, айтар эдиларки: «Уйларимиз холи (очиқ-сочиқ) қолган, агар душман ҳужум қилса, муҳофаза қиладиган одам йўқ». Аслида, у мунофиқлар ёлғон айтадилар. Уйлари холи (очиқ-сочиқ қолган) эмас, ҳар тарафдан муҳофаза қилингандир. Улар шундай ҳийла билан фақат қочишни истайдилар, холос.

وَلَوْ دُخِلَتْ عَلَيْهِم مِّنْ أَقْطَارِهَا ثُمَّ سُئِلُوا۟ ٱلْفِتْنَةَ لَءَاتَوْهَا وَمَا تَلَبَّثُوا۟ بِهَآ إِلَّا
يَسِيرًا ﴿١٤﴾ وَلَقَدْ كَانُوا۟ عَـٰهَدُوا۟ ٱللَّهَ مِن قَبْلُ لَا يُوَلُّونَ ٱلْأَدْبَـٰرَ ۚ وَكَانَ عَهْدُ
ٱللَّهِ مَسْـُٔولًا ﴿١٥﴾ قُل لَّن يَنفَعَكُمُ ٱلْفِرَارُ إِن فَرَرْتُم مِّنَ ٱلْمَوْتِ أَوِ ٱلْقَتْلِ
وَإِذًا لَّا تُمَتَّعُونَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٦﴾

21 жузъ

14-16. Агар уларнинг (мунофиқларнинг) тепасига ҳар тарафдан душманлар кириб, ҳужум қилсалар, сўнгра душманлар у мунофиқлардан Мадинада фитна қилишни сўрар-экан ва кофирлар билан муттафиқ (ҳамжиҳат) бўлишни талаб этсалар, у мунофиқлар кофирларнинг талабини фавран (дарҳол) бажо келтирадилар. У мунофиқлар фитнани чиқаришдан тўхтаб турмайдилар (кечикмайдилар), магар озгиналари эҳтимол инсофга келарлар. Бундан илгари Уҳуд урушида: «Бундан кейин урушдан қочмаймиз», – деб ваъда берган эдилар. Албатта, Худонинг аҳдига вафо қилишлари керак эди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у мунофиқларга айтгил: «Сизларга ўлимдан ёки қатл (ўлдирилиш)дан қочмоқлик фойда бермайди. Агар тирик қолсангизлар ҳам, дунёда камроқ маишат қиласизлар».

قُلْ مَن ذَا ٱلَّذِى يَعْصِمُكُم مِّنَ ٱللَّهِ إِنْ أَرَادَ بِكُمْ سُوٓءًا أَوْ أَرَادَ بِكُمْ رَحْمَةً ۚ وَلَا
يَجِدُونَ لَهُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿١٧﴾ ۞ قَدْ يَعْلَمُ ٱللَّهُ ٱلْمُعَوِّقِينَ
مِنكُمْ وَٱلْقَآئِلِينَ لِإِخْوَٰنِهِمْ هَلُمَّ إِلَيْنَا ۖ وَلَا يَأْتُونَ ٱلْبَأْسَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٨﴾ أَشِحَّةً
عَلَيْكُمْ ۖ فَإِذَا جَآءَ ٱلْخَوْفُ رَأَيْتَهُمْ يَنظُرُونَ إِلَيْكَ تَدُورُ أَعْيُنُهُمْ كَٱلَّذِى يُغْشَىٰ
عَلَيْهِ مِنَ ٱلْمَوْتِ ۖ فَإِذَا ذَهَبَ ٱلْخَوْفُ سَلَقُوكُم بِأَلْسِنَةٍ حِدَادٍ أَشِحَّةً عَلَى ٱلْخَيْرِ ۚ
أُو۟لَـٰٓئِكَ لَمْ يُؤْمِنُوا۟ فَأَحْبَطَ ٱللَّهُ أَعْمَـٰلَهُمْ ۚ وَكَانَ ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرًا ﴿١٩﴾

17-19. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мунофиқларга айтгил: «Агар Худойи таоло сизларга бало юборишни истаса ёки меҳрибонлик (қилишни) хоҳласа, ким бундан манъ қила олади? Худо ҳар бир бандасига нимани хоҳласа (қилишга) қодир». Улар ўзлари учун Худодан бошқа дўст ва ёрдамчи ҳам топа олмайдилар. Аллоҳ таоло сизларнинг ичларингиздаги иғво қилиб, жиҳоддан қайтарувчиларни, ўзининг дўстларини чақириб, сизларга ёрдам беришдан қолдирувчиларни (ҳам яхши) билади. У мунофиқлардан кўплари урушга ҳозир бўлмайди, магар озгиналари (ўлжа умидида) сизларга ёрдамларини аямайди. Қачонки душман тарафидан хавф келиб қолса, кўрасан: қўрққанларидан уларнинг кўзлари ола-кула бўлиб, ўлган одамнинг аҳволига ўхшаб қоладилар. Вақтики, уруш тамом бўлиб, хавф бартараф бўлса, ғанимат молига бахиллик (очкўзлик) қилиб, сизлар билан тиллари узун бўлиб жанжал қиладилар. Ҳақиқатда (аслида), уларнинг иймонлари йўқ. Қилган амалларини Худойи таоло бекор қилган. Аллоҳ таолога бу иш осондир.

يَحْسَبُونَ ٱلْأَحْزَابَ لَمْ يَذْهَبُوا۟ ۖ وَإِن يَأْتِ ٱلْأَحْزَابُ يَوَدُّوا۟ لَوْ أَنَّهُم بَادُونَ فِى
ٱلْأَعْرَابِ يَسْـَٔلُونَ عَنْ أَنۢبَآئِكُمْ ۖ وَلَوْ كَانُوا۟ فِيكُم مَّا قَـٰتَلُوٓا۟ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٢٠﴾

20. Кофирларнинг аскарлари Мадина атрофидан қочиб кетган бўлсалар ҳам, мунофиқлар уларни ҳануз кетганлари йўқ, деб хаёл қиладилар. Мунофиқлар қўрқоқликларидан кофирларни кетмаган, деб гумон қилар эдилар. Агар кофирларнинг лашкари Мадинага қайтиб ҳужум қилсалар, мунофиқлар хоҳлар эдиларки: «Бизлар Мадинада эмас, кошки саҳрода бўлсак
эди, урушни кўрмаган бўлар эдик». Мусулмонларнинг аҳволини, кофир- 21 жузъ
ларнинг аҳволини бир-биридан сўраб-суриштирадилар. Ва агар билфараз (мабодо) сизларнинг ичларингизда бўлганларида ҳам урушга аралашмайдилар, магар озгиналари ғанимат молига эга бўлиш учун (аралашадилар).

لَّقَدْ كَانَ لَكُمْ فِى رَسُولِ ٱللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا۟ ٱللَّهَ وَٱلْيَوْمَ ٱلْـَٔاخِرَ
وَذَكَرَ ٱللَّهَ كَثِيرًا ﴿٢١﴾ وَلَمَّا رَءَا ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلْأَحْزَابَ قَالُوا۟ هَـٰذَا مَا وَعَدَنَا ٱللَّهُ
وَرَسُولُهُۥ وَصَدَقَ ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥ ۚ وَمَا زَادَهُمْ إِلَّآ إِيمَـٰنًا وَتَسْلِيمًا ﴿٢٢﴾

21-22. Албатта, сизларнинг итоат қилишларингиз учун Расулуллоҳ (алайҳиссалом)нинг муборак зотларида яхши (гўзал) хислатлар бор. Сизларга лозим шуки, Расулуллоҳга эргашинглар. Ва ҳам Худонинг ризосини истаганлар, Қиёмат куни яхшиликларидан умид қилганлар ва Худони кўп зикр қилувчи кишилар Расулуллоҳ (алайҳиссалом)нинг суннатларига иқтидо қилишлари (Расулуллоҳ алайҳиссаломга эргашишлари) керак. *Расулуллоҳ Аҳзоб урушидан хабар берган ва бу урушда «Мўминларга фатҳ ва зафар бўлади», – деб ваъда қилган бир вақтда кофирларнинг лашкари зоҳир бўлди (кўринди)*, мўминлар (уларни) ўз кўзлари билан кўрганларида айтдилар: «Булар Худо ва Расули бизга ваъда қилган лашкардир. Албатта, Худо ва Расули ўз ваъдасига вафо қилгувчи, содиқдир». У кофирларнинг ҳужум қилмоқликлари мўминларнинг иймонларини зиёда (қувватлантирди) ва итоатларини мустаҳкам қилди.

مِّنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ رِجَالٌ صَدَقُوا۟ مَا عَـٰهَدُوا۟ ٱللَّهَ عَلَيْهِ ۖ فَمِنْهُم مَّن قَضَىٰ نَحْبَهُۥ
وَمِنْهُم مَّن يَنتَظِرُ ۖ وَمَا بَدَّلُوا۟ تَبْدِيلًا ﴿٢٣﴾ لِّيَجْزِىَ ٱللَّهُ ٱلصَّـٰدِقِينَ بِصِدْقِهِمْ
وَيُعَذِّبَ ٱلْمُنَـٰفِقِينَ إِن شَآءَ أَوْ يَتُوبَ عَلَيْهِمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٢٤﴾

23-24. Мўминлардан шундай одамлар борки, Худога қилган ваъдаларига вафо қиладилар. Улардан баъзилари жони ва молларини Худонинг ризоси учун фидо қилиб, шаҳид бўлиб кетдилар. Улардан баъзилари (шаҳидликка) мунтазир бўлиб турибдилар. У зотлар ўзларининг қилган аҳдларини бузмайдилар. Парвардигорнинг жиҳод учун қилган ҳукмлари (ва синовлари) шунинг учунки, содиқ мўминлар билан мунофиқлар ажраладилар. Худойи таоло Қиёмат куни содиқ мўминларга яхши са-

воблар бериши, агар хоҳласа, мунофиқларни азоб қилади. Агар тавба қилсалар, хоҳласа, тавбаларини қабул қилади. Аллоҳ таоло, албатта, гуноҳкорларнинг гуноҳини кечирувчи ва меҳрибондир.

وَرَدَّ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِغَيْظِهِمْ لَمْ يَنَالُوا۟ خَيْرًا ۚ وَكَفَى ٱللَّهُ ٱلْمُؤْمِنِينَ ٱلْقِتَالَ ۚ
وَكَانَ ٱللَّهُ قَوِيًّا عَزِيزًا ﴿٢٥﴾ وَأَنزَلَ ٱلَّذِينَ ظَٰهَرُوهُم مِّنْ أَهْلِ ٱلْكِتَٰبِ مِن
صَيَاصِيهِمْ وَقَذَفَ فِى قُلُوبِهِمُ ٱلرُّعْبَ فَرِيقًا تَقْتُلُونَ وَتَأْسِرُونَ فَرِيقًا ﴿٢٦﴾
21 жузъ وَأَوْرَثَكُمْ أَرْضَهُمْ وَدِيَٰرَهُمْ وَأَمْوَٰلَهُمْ وَأَرْضًا لَّمْ تَطَـُٔوهَا ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ
شَىْءٍ قَدِيرًا ﴿٢٧﴾

25-27. Кофирлар бу урушларида ҳеч мақсадларига етмадилар. Худойи таоло уларни диллари (юраклари) ғазабга тўлган ва ғамгин бўлган ҳолларида мусулмонларнинг бошидан даф қилди. Шу билан бу урушдан мўминларга нажот берди. Аллоҳ таоло Ўз феълида ғолиб ва қудратлидир. *Аҳли китоблардан Расулуллоҳга қилган аҳдларини синдирган Бани Қурайза қабиласи мушрикларга ёрдам берган эди.* Аллоҳ таоло уларни мустаҳкам қалъаларидан тушириди, дилларига мусулмонлар тарафидан хавф солди. Ҳаммалари таслим бўлдилар. Бир гуруҳини ўлдирдингизлар ва бир гуруҳининг хотинларини ва авлодларини асир қилдингизлар. Уларнинг ерларини, уйларини ва мол-ҳолларини, сизларнинг тасарруфларингизда бўлмаган ерларни Парвардигор сизларга мерос қилиб берди. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِىُّ قُل لِّأَزْوَٰجِكَ إِن كُنتُنَّ تُرِدْنَ ٱلْحَيَوٰةَ ٱلدُّنْيَا وَزِينَتَهَا فَتَعَالَيْنَ
أُمَتِّعْكُنَّ وَأُسَرِّحْكُنَّ سَرَاحًا جَمِيلًا ﴿٢٨﴾ وَإِن كُنتُنَّ تُرِدْنَ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ
وَٱلدَّارَ ٱلْءَاخِرَةَ فَإِنَّ ٱللَّهَ أَعَدَّ لِلْمُحْسِنَٰتِ مِنكُنَّ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿٢٩﴾ يَٰنِسَآءَ ٱلنَّبِىِّ
مَن يَأْتِ مِنكُنَّ بِفَٰحِشَةٍ مُّبَيِّنَةٍ يُضَٰعَفْ لَهَا ٱلْعَذَابُ ضِعْفَيْنِ ۚ وَكَانَ ذَٰلِكَ
عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرًا ﴿٣٠﴾

28-30. *Вақтики, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг аҳли аёллари у зотдан ортиқча дунё матоларини, яхши киймоқ ва яхши емоқни талаб қилдилар, бу (қуйидаги) оят нозил бўлди.* Эй Пайғамбар, хотинларингта айтгил: «Агар сизлар мендан дунёнинг зийнатини ва яхши маишатини талаб қилар экансизлар, мен бунга (тўла) қодир эмасман, энди сизларга айтаманки, келинглар (бир оз баҳраманд этиб), яхшилик билан йўлларингизни очиб (бўшатиб), рухсат берай (талоқ қилай), *токи сизлар ўзларингиз учун давлатли одамларни ихтиёр қиларсизлар.* Ва агар сизлар Худонинг ризосини хоҳласангизлар, Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг хушнудлигини истасангизлар, охиратнинг нозу неъматларини хоҳласангизлар, бас, Аллоҳ таоло

сизларни бу яхши ниятларингиз (яхши амалларингиз) учун Қиёмат куни улуғ савоб ато қилади ва жаннатнинг нозу неъматларини муҳайё қилиб (тайёрлаб) қўйган». Эй Пайғамбарнинг хотинлари, сизлардан кимки бирор ёмон иш қилса, зоҳиран бадкорликка юрса, Худойи таоло унга бошқа хотинларга нисбатан икки баробар азоб беради, *чунки сизлар Пайғамбарнинг хотинларисиз.* Бу Худога осон бўлган ишдир.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ ЖУЗЪ

22 жузъ

۞ وَمَن يَقْنُتْ مِنكُنَّ لِلَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَتَعْمَلْ صَٰلِحًا نُّؤْتِهَآ أَجْرَهَا مَرَّتَيْنِ وَأَعْتَدْنَا
لَهَا رِزْقًا كَرِيمًا ﴿٣١﴾

31. Агар сизлардан қайсиларингиз Худонинг ҳукмига итоат қилиб, Расулни хурсанд этса ва яхши амал қилса, унинг савобини икки марта кўпайтириб берамиз ва жаннатда унинг учун нозу неъматлар тайёрлаб қўйганмиз.

يَٰنِسَآءَ ٱلنَّبِىِّ لَسْتُنَّ كَأَحَدٍ مِّنَ ٱلنِّسَآءِ ۚ إِنِ ٱتَّقَيْتُنَّ فَلَا تَخْضَعْنَ بِٱلْقَوْلِ
فَيَطْمَعَ ٱلَّذِى فِى قَلْبِهِۦ مَرَضٌ وَقُلْنَ قَوْلًا مَّعْرُوفًا ﴿٣٢﴾ وَقَرْنَ فِى بُيُوتِكُنَّ وَلَا
تَبَرَّجْنَ تَبَرُّجَ ٱلْجَٰهِلِيَّةِ ٱلْأُولَىٰ ۖ وَأَقِمْنَ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتِينَ ٱلزَّكَوٰةَ وَأَطِعْنَ
ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥٓ ۚ إِنَّمَا يُرِيدُ ٱللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنكُمُ ٱلرِّجْسَ أَهْلَ ٱلْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ
تَطْهِيرًا ﴿٣٣﴾ وَٱذْكُرْنَ مَا يُتْلَىٰ فِى بُيُوتِكُنَّ مِنْ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ وَٱلْحِكْمَةِ ۚ إِنَّ
ٱللَّهَ كَانَ لَطِيفًا خَبِيرًا ﴿٣٤﴾

32-34. Эй пайғамбарнинг хотинлари, сизлар бошқа хотинларга ўхшаган эмассиз. Агар ҳақиқатда Худодан қўрқсангизлар, эркакларга мулойим сўзламанглар. Агар мулойим сўзласангизлар, қалбида марази бор дили фосид одамлар сизлардан тамаъ қилиб қоладилар. Гапирганларингизда ҳаё билан шаръий гап сўзланг, уйларингизда қарор топиб ўлтиринглар. Исломдан илгариги жоҳилият хотинларига ўхшаб кўчаларда эркакларга ўзларингизни кўрсатиб юрманг. Вақтида намозларингизни адо этинг ва закотларингизни ҳақдорларга беринг! Худонинг ҳукмини бажаринг, Расул (алайҳиссалом)нинг суннатига эргашинг. Аллоҳ таоло сизлардан гуноҳнинг палидлигини йўқ қилишни истайди. Эй Пайғамбарнинг аҳли байти, Аллоҳ таоло сизларни ёмон ишлардан пок қилишни истайди. Уйларингизда ўтириб, Худонинг (тиловат қилинаётган) оятларини, Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг ҳикматли сўзларини ёд қилинглар. Албатта, Аллоҳ таоло бандаларга жуда марҳаматли ва аҳволларидан хабардордир.

إِنَّ ٱلْمُسْلِمِينَ وَٱلْمُسْلِمَٰتِ وَٱلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ وَٱلْقَٰنِتِينَ
وَٱلْقَٰنِتَٰتِ وَٱلصَّٰدِقِينَ وَٱلصَّٰدِقَٰتِ وَٱلصَّٰبِرِينَ وَٱلصَّٰبِرَٰتِ وَٱلْخَٰشِعِينَ
وَٱلْخَٰشِعَٰتِ وَٱلْمُتَصَدِّقِينَ وَٱلْمُتَصَدِّقَٰتِ وَٱلصَّٰٓئِمِينَ وَٱلصَّٰٓئِمَٰتِ
وَٱلْحَٰفِظِينَ فُرُوجَهُمْ وَٱلْحَٰفِظَٰتِ وَٱلذَّٰكِرِينَ ٱللَّهَ كَثِيرًا وَٱلذَّٰكِرَٰتِ
أَعَدَّ ٱللَّهُ لَهُم مَّغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ﴿٣٥﴾

22 жузъ

35. Албатта, эркак мусулмонлар ва мусулмон хотинлар ва мўмин эркаклар ва мўмина хотинлар, Худога тоат қилувчи эркаклар ва тоат қилувчи хотинлар, рост гапирувчи эркаклар ва рост гапирувчи хотинлар, сабр қилувчи эркаклар ва сабр қилувчи хотинлар, тавозе қилувчи эркаклар ва тавозе қилувчи хотинлар, (хайр) садақа қилувчи эркаклар ва (хайр) садақа қилувчи хотинлар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи хотинлар, ўз нафсини (авратини) ҳаромдан сақловчи эркаклар ва ўз нафсини ҳаромдан сақловчи хотинлар, Худони (кўп) ёд (зикр) қилувчи эркаклар ва Худони (кўп) ёд (зикр) қилувчи хотинлар – Аллоҳ таоло уларнинг гуноҳларини кечиргувчи ва уларга улуғ савоблар ато қилгувчидир.

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥٓ أَمْرًا أَن يَكُونَ لَهُمُ ٱلْخِيَرَةُ مِنْ
أَمْرِهِمْ ۗ وَمَن يَعْصِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَٰلًا مُّبِينًا ﴿٣٦﴾ وَإِذْ تَقُولُ لِلَّذِىٓ
أَنْعَمَ ٱللَّهُ عَلَيْهِ وَأَنْعَمْتَ عَلَيْهِ أَمْسِكْ عَلَيْكَ زَوْجَكَ وَٱتَّقِ ٱللَّهَ وَتُخْفِى فِى نَفْسِكَ
مَا ٱللَّهُ مُبْدِيهِ وَتَخْشَى ٱلنَّاسَ وَٱللَّهُ أَحَقُّ أَن تَخْشَىٰهُ ۖ فَلَمَّا قَضَىٰ زَيْدٌ مِّنْهَا وَطَرًا
زَوَّجْنَٰكَهَا لِكَىْ لَا يَكُونَ عَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ حَرَجٌ فِىٓ أَزْوَٰجِ أَدْعِيَآئِهِمْ إِذَا قَضَوْا۟
مِنْهُنَّ وَطَرًا ۚ وَكَانَ أَمْرُ ٱللَّهِ مَفْعُولًا ﴿٣٧﴾

36-37. Ҳеч бир мўмин эркак ва мўмина аёлга Худо ва Расули бирор ишни ҳукм қилгандан сўнг (у ишни қўйиб,) ўзлари хоҳлаган ишларини ихтиёр этишлари жоиз эмас, балки Худо ва Расулнинг ҳукмига итоат қилишлари керак. Кимки Худо ва Расулига нофармонлик қилса (осий бўлса), очиқдан-очиқ гумроҳ бўлибди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), фикр қил, Худо эҳсон қилиб, Исломни насиб этган ва Сен ҳам эҳсон қилиб, озод қилган одам – *Зайд ибн Ҳориса (розийаллоҳу таоло анҳу)*га: «Хотинингни талоқ қилма, ўзингда сақлаб тур ва Худодан қўрқ», – деб айтар эдинг. Сен Аллоҳ таоло ошкор қилишга буюрган амрни ошкор қилмасдан, дилингда махфий сақлаб юрар эдинг. Сен «Мени маломат қиладилар», – деб ошкор қилишдан қўрқардинг. Ваҳоланки, Сенинг қўрқмоғинг учун Аллоҳ ҳақлироқ эди. Қачонки Зайд ўз хотинидан ишини битириб, жудо бўлди (ажралишди), Сенга уни хотинликка олишга ҳукм қилдик, токи мўминларга ўзларининг ўғилхонлари (асранди ўғиллари)

хотинларини талоқ қилгандан сўнг (никоҳларига) олишга бирор танглик моне бўлмасин. Албатта, Худонинг ҳукми амалга ошгувчидир.

مَّا كَانَ عَلَى ٱلنَّبِيِّ مِنْ حَرَجٍ فِيمَا فَرَضَ ٱللَّهُ لَهُۥ ۖ سُنَّةَ ٱللَّهِ فِى ٱلَّذِينَ خَلَوْا۟ مِن قَبْلُ ۚ وَكَانَ أَمْرُ ٱللَّهِ قَدَرًا مَّقْدُورًا ﴿٣٨﴾ ٱلَّذِينَ يُبَلِّغُونَ رِسَـٰلَـٰتِ ٱللَّهِ وَيَخْشَوْنَهُۥ وَلَا يَخْشَوْنَ أَحَدًا إِلَّا ٱللَّهَ ۗ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ حَسِيبًا ﴿٣٩﴾

38-39. Албатта, Аллоҳ Пайғамбарга буюрган амалларни қилишликда Худо тарафидан бирор ҳараж (танглик-монелик) йўқ. Аллоҳнинг бу одати илгари ўтган пайғамбарларга ҳам жорий бўлгандир. Худонинг амри муқаддар (тақдир қилинган) ва муқаррар (албатта бўладир). Унга хилоф қилмоқ жоиз эмас. Ўтган пайғамбарлар Худонинг ҳукмини бандаларга етказар ва Худодан қўрқар, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмас эдилар. Қиёмат куни бандаларнинг ҳисобини олмоқ учун Аллоҳ таолонинг Ўзи етарлидир. 22 жузъ

مَّا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَآ أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَـٰكِن رَّسُولَ ٱللَّهِ وَخَاتَمَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمًا ﴿٤٠﴾ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا ﴿٤١﴾ وَسَبِّحُوهُ بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴿٤٢﴾

40-42. Муҳаммад (алайҳиссалом) сизлардан ҳеч бирларингизга ота бўлмайди. Лекин у Худонинг ҳақ Пайғамбари, анбиёларнинг охиридир. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билгувчи Зот. Эй мўминлар, Худони кўп ёд (зикр) қилинг! Эртаю кеч намоз ўқиб, Унга тасбеҳ айтинг!

هُوَ ٱلَّذِى يُصَلِّى عَلَيْكُمْ وَمَلَـٰٓئِكَتُهُۥ لِيُخْرِجَكُم مِّنَ ٱلظُّلُمَـٰتِ إِلَى ٱلنُّورِ ۚ وَكَانَ بِٱلْمُؤْمِنِينَ رَحِيمًا ﴿٤٣﴾ تَحِيَّتُهُمْ يَوْمَ يَلْقَوْنَهُۥ سَلَـٰمٌ ۚ وَأَعَدَّ لَهُمْ أَجْرًا كَرِيمًا ﴿٤٤﴾

43-44. Парвардигор сизларни куфрнинг зулматидан ва гуноҳнинг хабасоти (чиркинлиги)дан чиқариб, иймон равшанлигига (нурига) дохил қилиш учун сизларга раҳмат юборади, малоикалар (Аллоҳдан) гуноҳларингизнинг (афв этилишини) тилайдилар. Аллоҳ таоло мўминларга меҳрибон Зотдир. Қиёмат куни мўминлар Аллоҳга рўбарў бўлганларида (уларга) Аллоҳ таоло тарафидан таҳийёт учун салом берилади. Аллоҳ таоло мўминларга улуғ ажр – жаннатнинг нозу неъматларини муҳайё қилиб қўйгандир.

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِىُّ إِنَّآ أَرْسَلْنَـٰكَ شَـٰهِدًا وَمُبَشِّرًا وَنَذِيرًا ﴿٤٥﴾ وَدَاعِيًا إِلَى ٱللَّهِ بِإِذْنِهِۦ وَسِرَاجًا مُّنِيرًا ﴿٤٦﴾ وَبَشِّرِ ٱلْمُؤْمِنِينَ بِأَنَّ لَهُم مِّنَ ٱللَّهِ فَضْلًا كَبِيرًا ﴿٤٧﴾ وَلَا تُطِعِ ٱلْكَـٰفِرِينَ وَٱلْمُنَـٰفِقِينَ وَدَعْ أَذَىٰهُمْ وَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ ۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ وَكِيلًا ﴿٤٨﴾

45-48. Эй Пайғамбар, Биз Сени Қиёмат куни умматларга шоҳид (гувоҳ) бўлувчи ва мўминларга Худонинг раҳматидан башорат бергувчи, кофирларни Худонинг азобидан қўрқитгувчи ва Худонинг буйруғи билан бандаларни Аллоҳ томонига – ҳақ йўлга даъват қилгувчи ва ҳам Нурли чироқ (яъни, Қуръон) билан халққа насиҳат қилгувчи қилиб юбордик. Мўминларга Қиёмат куни Худо тарафидан улуғ марҳаматлар бўлишини башорат бер. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга ва мунофиқларга итоат этма! Уларнинг азиятларига парво ҳам қилма! Аллоҳ таологa таваккул қил! Ҳамма ишингни Аллоҳга топшир! Аллоҳ Сенинг ишларингга вакил бўлиш учун етарлидир.

22 жузъ

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِذَا نَكَحْتُمُ ٱلْمُؤْمِنَٰتِ ثُمَّ طَلَّقْتُمُوهُنَّ مِن قَبْلِ أَن
تَمَسُّوهُنَّ فَمَا لَكُمْ عَلَيْهِنَّ مِنْ عِدَّةٍ تَعْتَدُّونَهَا ۖ فَمَتِّعُوهُنَّ وَسَرِّحُوهُنَّ
سَرَاحًا جَمِيلًا ﴿٤٩﴾

49. Эй мўминлар, агар сизлар мўмина аёлларни никоҳларингизга олсангизлар, кейин хилватда бирга бўлмасдан туриб талоқ қилсангизлар, сизларнинг тарафларингиздан хотинлар устига ҳеч идда лозим бўлмайди. Агар маҳр (тайин қилинган) бўлса, маҳрининг ярмини бериб юборинглар ва агар бўлмаса, бирор нарса бериб, рози қилиб юборинглар.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِىُّ إِنَّآ أَحْلَلْنَا لَكَ أَزْوَٰجَكَ ٱلَّٰتِىٓ ءَاتَيْتَ أُجُورَهُنَّ وَمَا مَلَكَتْ
يَمِينُكَ مِمَّآ أَفَآءَ ٱللَّهُ عَلَيْكَ وَبَنَاتِ عَمِّكَ وَبَنَاتِ عَمَّٰتِكَ وَبَنَاتِ خَالِكَ وَبَنَاتِ
خَٰلَٰتِكَ ٱلَّٰتِى هَاجَرْنَ مَعَكَ وَٱمْرَأَةً مُّؤْمِنَةً إِن وَهَبَتْ نَفْسَهَا لِلنَّبِىِّ إِنْ أَرَادَ
ٱلنَّبِىُّ أَن يَسْتَنكِحَهَا خَالِصَةً لَّكَ مِن دُونِ ٱلْمُؤْمِنِينَ ۗ قَدْ عَلِمْنَا مَا فَرَضْنَا عَلَيْهِمْ
فِىٓ أَزْوَٰجِهِمْ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُهُمْ لِكَيْلَا يَكُونَ عَلَيْكَ حَرَجٌ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ
غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٥٠﴾

50. Эй Пайғамбар, Биз Сенга маҳрини бериб олган хотинларингни ва кофирлардан асир бўлиб тушган каниз (жория)ларни ҳамда амакинг ва аммангнинг қизларини, тоғангнинг ва Сен билан бирга ҳижрат қилиб келган холаларингнинг қизларини ҳалол қилдик. Ва агар ўз нафсини ҳийба қилган (ўзини бағишлаган) мўмина хотинларни Пайғамбар никоҳлаб олишни хоҳласа, уни пайғамбарга махсус ҳалол қилдик. *Яъни, ўзини бағишлаган хотиннинг гувоҳсиз, маҳрсиз ҳалол бўлмоқлиги (эй Пайғамбар)* фақат Сенга хосдир, (бошқа) мўминларга эмас. Биз, билдик ва, албатта, мўминлар зиммасига хотинларининг никоҳида маҳр муқаррар этдик *ҳамда нафақа ва ўрталарида (адолатли) тақсимнинг лозимлиги, тўрттага қадар (хотин) олмоқликлари* ва ҳам сотиб олган канизларидан фойдаланишларини ҳалол қилдик, токи Сенга ва мўминларга танглик, қийинчилик бўлмасин. Аллоҳ таоло бандаларнинг хатоларини кечиргувчи ва уларга меҳрибондир.

تُرْجِي مَن تَشَآءُ مِنْهُنَّ وَتُـْٔوِيٓ إِلَيْكَ مَن تَشَآءُ ۖ وَمَنِ ٱبْتَغَيْتَ مِمَّنْ عَزَلْتَ فَلَا
جُنَاحَ عَلَيْكَ ۚ ذَٰلِكَ أَدْنَىٰٓ أَن تَقَرَّ أَعْيُنُهُنَّ وَلَا يَحْزَنَّ وَيَرْضَيْنَ بِمَآ
ءَاتَيْتَهُنَّ كُلُّهُنَّ ۚ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ مَا فِي قُلُوبِكُمْ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلِيمًا حَلِيمًا ﴿٥١﴾ لَّا
يَحِلُّ لَكَ ٱلنِّسَآءُ مِنۢ بَعْدُ وَلَآ أَن تَبَدَّلَ بِهِنَّ مِنْ أَزْوَٰجٍ وَلَوْ أَعْجَبَكَ حُسْنُهُنَّ
إِلَّا مَا مَلَكَتْ يَمِينُكَ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ رَّقِيبًا ﴿٥٢﴾ 22 жузъ

51-52. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу хотинларингдан хоҳлаганингни мавқуф қилиб (четлатиб) қўйсанг ва хоҳлаганингни ўзингга яқин қилсанг ва четлатиб қўйган хотинларингдан яна хоҳлаганингни ўзингга яқин қилсанг Сенга ҳеч бир ҳараж (танглик, тўсиқ) йўқдир. Ўзинг четлатиб қўйган аёллардан баъзисини ўзингга яқин қилмоқлигинг хурсандчиликдан уларнинг кўзларини равшан қилади. Ғамгин бўлмайдилар, ҳаммалари Сенинг меҳрибончилигингдан рози бўладилар. Аллоҳ таоло сизларнинг дилларингиздаги сирларни билади. Аллоҳ таоло ҳалим Зотдир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу хотинларингдан кейин Сенга бошқа хотин олмоқ ҳалол эмас. Гарчи жамоллари Сени мафтун қилса ҳам, бу хотинларингни бошқа хотинларга алмаштиролмайсан. Магар канизларингни қандоқ тасарруф қилсанг, ихтиёр ўзингда, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани (кузатиб) сақловчидир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَدْخُلُوا۟ بُيُوتَ ٱلنَّبِيِّ إِلَّآ أَن يُؤْذَنَ لَكُمْ إِلَىٰ
طَعَامٍ غَيْرَ نَٰظِرِينَ إِنَىٰهُ وَلَٰكِنْ إِذَا دُعِيتُمْ فَٱدْخُلُوا۟ فَإِذَا طَعِمْتُمْ فَٱنتَشِرُوا۟ وَلَا
مُسْتَـْٔنِسِينَ لِحَدِيثٍ ۚ إِنَّ ذَٰلِكُمْ كَانَ يُؤْذِي ٱلنَّبِيَّ فَيَسْتَحْيِۦ مِنكُمْ ۖ وَٱللَّهُ لَا
يَسْتَحْيِۦ مِنَ ٱلْحَقِّ ۚ وَإِذَا سَأَلْتُمُوهُنَّ مَتَٰعًا فَسْـَٔلُوهُنَّ مِن وَرَآءِ حِجَابٍ ۚ
ذَٰلِكُمْ أَطْهَرُ لِقُلُوبِكُمْ وَقُلُوبِهِنَّ ۚ وَمَا كَانَ لَكُمْ أَن تُؤْذُوا۟ رَسُولَ ٱللَّهِ
وَلَآ أَن تَنكِحُوٓا۟ أَزْوَٰجَهُۥ مِنۢ بَعْدِهِۦٓ أَبَدًا ۚ إِنَّ ذَٰلِكُمْ كَانَ عِندَ ٱللَّهِ عَظِيمًا ﴿٥٣﴾
إِن تُبْدُوا۟ شَيْـًٔا أَوْ تُخْفُوهُ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا ﴿٥٤﴾

53-54. Эй мўминлар, Пайғамбарнинг уйига ижозатсиз кирманг, магар таом емоқ учун ижозат берилса, киринг. Пайғамбарнинг таоми(пишиши)га интизор бўлиб турманг, лекин чақирилсангизлар, киринглар. Вақтики, таом еганларингиздан сўнг тезда тарқалиб кетинглар, узоқ гапиришиб ўтирманглар, бу қилган ишларингиз Набий (алайҳиссалом)га озор беради. Пайғамбар (алайҳиссалом) сизларга: «Туриб кетинглар», – дейишдан ҳаё қилади. Аллоҳ таоло ҳақни айтишдан ҳаё қилмайди. Агар сизлар Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг аёлларидан бирор нарсани сўрамоқчи бўлсангизлар, парданинг орқасида туриб сўранглар. Бундай қилишингиз сизларнинг дилларингиз поклигига ҳам, хотинларнинг диллари

поклигига ҳам сабаб бўлади. Худонинг Пайғамбарига озор бермоқ сизларга лойиқ эмас. Пайғамбардан кейин унинг хотинларини (никоҳингизга) олмоғингиз ҳалол эмас. Албатта, бундай иш қилиш Худонинг олдида оғир гуноҳ ҳисобланади. Агар бирор нарсани дилларингизда сақласангизлар ҳам ё ошкор қилсангизлар ҳам Аллоҳга барчаси маълум. Чунки Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билгувчи (Зот)дир.

لَّا جُنَاحَ عَلَيْهِنَّ فِىٓ ءَابَآئِهِنَّ وَلَآ أَبْنَآئِهِنَّ وَلَآ إِخْوَٰنِهِنَّ وَلَآ أَبْنَآءِ إِخْوَٰنِهِنَّ وَلَا
22 жузъ أَبْنَآءِ أَخَوَٰتِهِنَّ وَلَا نِسَآئِهِنَّ وَلَا مَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُهُنَّ ۗ وَٱتَّقِينَ ٱللَّهَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ
كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ شَهِيدًا ﴿٥٥﴾

55. Хотинлар ўз оталарига, ўғилларига, ака-укаларига ва уларнинг ўғилларига, опа-сингилларининг ўғилларига ва бошқа хотинларга ҳамда сотиб олган қулларига рўбарў бўлганларида парда қилиб, ўзларини беркитмасалар, гуноҳ йўқ. Эй хотинлар, бепарда (ҳижобсиз) юришдан Худодан қўрқинглар! Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага гувоҳ бўлган Зотдир.

إِنَّ ٱللَّهَ وَمَلَٰٓئِكَتَهُۥ يُصَلُّونَ عَلَى ٱلنَّبِىِّ ۚ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ صَلُّوا۟ عَلَيْهِ
وَسَلِّمُوا۟ تَسْلِيمًا ﴿٥٦﴾

56. Албатта, Аллоҳ таоло ва унинг малоикалари Пайғамбар (алайҳиссалом)га дуруд (саловот) юборадилар. Эй мўминлар, сизлар ҳам Пайғамбар (алайҳиссалом)га Худодан раҳмат сўранглар, ҳукмларига бўйсунинглар.

إِنَّ ٱلَّذِينَ يُؤْذُونَ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ لَعَنَهُمُ ٱللَّهُ فِى ٱلدُّنْيَا وَٱلْـَٔاخِرَةِ وَأَعَدَّ لَهُمْ عَذَابًا
مُّهِينًا ﴿٥٧﴾ وَٱلَّذِينَ يُؤْذُونَ ٱلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ بِغَيْرِ مَا ٱكْتَسَبُوا۟ فَقَدِ
ٱحْتَمَلُوا۟ بُهْتَٰنًا وَإِثْمًا مُّبِينًا ﴿٥٨﴾

57-58. Албатта, Аллоҳ ва расулини норози қиладиган гуруҳларни Аллоҳ таоло дунё ва охиратда раҳматидан маҳрум қилади, Қиёматда улар учун аламли азобни муҳайё қилиб қўйган. Мўминларга ва мўмина хотинларга ноҳақ азият берадиган у гуруҳлар ноҳақ бўҳтонни амалга оширган бўлиб, очиқ гуноҳ қилганлардандир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِىُّ قُل لِّأَزْوَٰجِكَ وَبَنَاتِكَ وَنِسَآءِ ٱلْمُؤْمِنِينَ يُدْنِينَ عَلَيْهِنَّ مِن
جَلَٰبِيبِهِنَّ ۚ ذَٰلِكَ أَدْنَىٰٓ أَن يُعْرَفْنَ فَلَا يُؤْذَيْنَ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٥٩﴾

59. Эй Пайғамбар (алайҳиссалом), хотинларингга, қизларингга ва бошқа мўминларнинг хотинларига айтгил, бошларига чодир (ҳижоб, ёпинчиқ) солиб юрсинлар. Бундай қилишлари ўзларининг ҳурлик ва озодлик ҳамда покизаликларини билдиришга бир белги (восита) бўлади. Бас, уларга авбош (безори, фосиқ)лар тарафидан озор берилмайди. Аллоҳ таоло бандаларнинг гуноҳларини кечиргувчи ва меҳрибон Зотдир.

۞ لَّئِن لَّمْ يَنتَهِ ٱلْمُنَٰفِقُونَ وَٱلَّذِينَ فِى قُلُوبِهِم مَّرَضٌ وَٱلْمُرْجِفُونَ فِى ٱلْمَدِينَةِ
لَنُغْرِيَنَّكَ بِهِمْ ثُمَّ لَا يُجَاوِرُونَكَ فِيهَآ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٦٠﴾ مَّلْعُونِينَ ۖ أَيْنَمَا ثُقِفُوٓا۟
أُخِذُوا۟ وَقُتِّلُوا۟ تَقْتِيلًا ﴿٦١﴾ سُنَّةَ ٱللَّهِ فِى ٱلَّذِينَ خَلَوْا۟ مِن قَبْلُ ۖ وَلَن تَجِدَ لِسُنَّةِ
ٱللَّهِ تَبْدِيلًا ﴿٦٢﴾

60-62. Агар мунофиқлар ўзларининг нифоқларидан қайтмасалар, дилларида марази бор кимсалар ёмон ишларини тўхтатмасалар ҳамда Мадинада мусулмонлар ҳақида ёмон сўзларни (миш-мишларни) тарқатгувчилар ўз одатларини давом эттирсалар, албатта, Сени уларнинг устига ғолиб қилиб қўямиз ва ҳаммаларини Мадинадан (ҳайдаб) чиқаришга буюрамиз. Сўнгра улар Мадинада Сен билан ҳамсоя (қўшни) бўлолмайдилар, магар андак замон (оз фурсат ҳамсоя бўладилар). Улар Худонинг лаънатига гирифтор бўлгандирлар. Мадинадан чиқарилгандан кейин қаерда топилсалар, ушланиб ўлдириладилар. Илгари ўтган миллатларда Худонинг ҳукмидан юз ўгирганларни ўлдиришга ҳукм қилинар эди, Аллоҳ таоло суннати (одати, жорий қонуни)нинг табдил бўлганини (ўзгарганини) топмайсан. 22 жузъ

يَسْـَٔلُكَ ٱلنَّاسُ عَنِ ٱلسَّاعَةِ ۖ قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِندَ ٱللَّهِ ۚ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّ ٱلسَّاعَةَ
تَكُونُ قَرِيبًا ﴿٦٣﴾ إِنَّ ٱللَّهَ لَعَنَ ٱلْكَٰفِرِينَ وَأَعَدَّ لَهُمْ سَعِيرًا ﴿٦٤﴾ خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًا ۖ
لَّا يَجِدُونَ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿٦٥﴾

63-65. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирлар Сендан: «Қиёмат соати қачон бўлади?» – деб сўрайдилар. Сен: «Қиёматнинг илми фақат Парвардигорнинг наздидадир», – деб жавоб қил. Сенга ким хабар бердики, улар Сендан сўрайди? Балки Қиёмат яқинда қоим бўлади. Аллоҳ таоло кофирларни Ўзининг раҳматидан узоқ қилиб, улар учун дўзахни тайёрлаб қўйиган, дўзахда абадий қоладилар. Азобдан нажот берувчи бирор (ёру) мададкор топмайдилар.

يَوْمَ تُقَلَّبُ وُجُوهُهُمْ فِى ٱلنَّارِ يَقُولُونَ يَٰلَيْتَنَآ أَطَعْنَا ٱللَّهَ وَأَطَعْنَا ٱلرَّسُولَا۠ ﴿٦٦﴾
وَقَالُوا۟ رَبَّنَآ إِنَّآ أَطَعْنَا سَادَتَنَا وَكُبَرَآءَنَا فَأَضَلُّونَا ٱلسَّبِيلَا۠ ﴿٦٧﴾ رَبَّنَآ ءَاتِهِمْ
ضِعْفَيْنِ مِنَ ٱلْعَذَابِ وَٱلْعَنْهُمْ لَعْنًا كَبِيرًا ﴿٦٨﴾

66-68. Вақтики, кофирларнинг юзлари дўзах оловига ўгирилса, ҳасрат ва надомат бирла айтадилар: «Кошки Худога ибодат қилганимизда эди, кошки Расулнинг ҳукмини бажо келтирганимизда эди, бу азобга мубтало бўлмас эдик». Уларнинг тобелари айтадиларки: «Эй Парвардигоримиз, биз у дунёда катта пешволаримизга итоат қилдик, уларнинг йўлидан юрдик, улар бизларни гумроҳ қилган эканлар. Энди, Парвардигоро, уларга икки баробар азоб бер ва Ўзингнинг раҳматингдан узоқ (йироқ) қил!»

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَكُونُوا۟ كَٱلَّذِينَ ءَاذَوْا۟ مُوسَىٰ فَبَرَّأَهُ ٱللَّهُ مِمَّا قَالُوا۟ ۚ وَكَانَ عِندَ
ٱللَّهِ وَجِيهًا ﴿٦٩﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَقُولُوا۟ قَوْلًا سَدِيدًا ﴿٧٠﴾ يُصْلِحْ لَكُمْ
أَعْمَٰلَكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ ۗ وَمَن يُطِعِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ فَقَدْ فَازَ فَوْزًا عَظِيمًا ﴿٧١﴾

69-71. Эй мўминлар, яҳудларга ўхшаманглар! Яҳудлар (Ҳазрати) Мусога ҳамиша озор берар эдилар, у кишининг шаънларига ёмон туҳматлар қилардилар. Бас, Парвардигор Мусони уларнинг туҳматларидан пок
22 жузъ қилди. Мусо (алайҳиссалом) Худонинг наздида мақбул банда эди. Эй мўминлар, Худодан қўрқинглар, агар сўзласангиз, рост сўзланглар. Агар шундай бўлсангизлар, Худойи таоло сизларнинг амалларингизниислоҳ этиб, қабул қилади, унга савоб ёзади. Гуноҳларингизни кечиради. Ҳар кимки Худо ва Расулининг буйруғига итоат қилса, Қиёмат куни улуғ мақсадга етади.

إِنَّا عَرَضْنَا ٱلْأَمَانَةَ عَلَى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَٱلْجِبَالِ فَأَبَيْنَ أَن يَحْمِلْنَهَا
وَأَشْفَقْنَ مِنْهَا وَحَمَلَهَا ٱلْإِنسَٰنُ ۖ إِنَّهُۥ كَانَ ظَلُومًا جَهُولًا ﴿٧٢﴾ لِّيُعَذِّبَ ٱللَّهُ
ٱلْمُنَٰفِقِينَ وَٱلْمُنَٰفِقَٰتِ وَٱلْمُشْرِكِينَ وَٱلْمُشْرِكَٰتِ وَيَتُوبَ ٱللَّهُ عَلَى
ٱلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًۢا ﴿٧٣﴾

72-73. Биз омонатимизни, яъни таклифоти шаръийяни осмонларга, ерга ва тоғларга арз қилдик, яъни, шу омонатни қабул қилиб олишларини сўрадик. Улар бу омонатни кўтаришдан ожиз эканликларини изҳор қилдилар, бу омонатни бажо келтиришдан қўрқдилар. Лекин инсон қабул қилиб олди. Чунки инсон нодонлиги туфайли бу омонатни қабул қилиб, ўз нафсига (ўзига) зулм қилди. Бу Парвардигор тарафидан инсон учун оғир имтиҳон эди. Парвардигор бу омонатни бажо келтирмаган мунофиқлар ва мушрикларни – хоҳ эркак, хоҳ хотин бўлсин, азоблаши, бу омонатни бажо келтирган мўминларни – хоҳ эркак, хоҳ хотин бўлсин, раҳматига дохил қилиши учун (омонатни одам боласига юклади). Аллоҳ таоло бандаларнинг гуноҳларини авф қилгувчи ва меҳрибон Зотдир.

Маккада нозил бўлган бу сура эллик тўрт оятдан иборатдир.

Фақат 6-ояти Мадинада нозил этилган. Ушбу суранинг номи 15-оятда келган Ямандаги бир жой ёки қабила номи бўлган «Сабаъ» сўзидан олинган. Сурада Аллоҳнинг қодирлиги, Қиёмат куниđа ҳар бир яхшилик ва ёмонликка жазо ё мукофот берилиши, гуноҳкорларнинг ўз пешволари билан можаролари, Довуд ва Сулаймон пайғамбарларнинг қиссалари, саркаш Сабаъ қавмининг ҳалок қилиниши каби мавзулар ўрин олган. 22 жузъ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِ ٱلَّذِي لَهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِ وَلَهُ ٱلۡحَمۡدُ فِي ٱلۡأٓخِرَةِۚ وَهُوَ
ٱلۡحَكِيمُ ٱلۡخَبِيرُ ١ يَعۡلَمُ مَا يَلِجُ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَمَا يَخۡرُجُ مِنۡهَا وَمَا يَنزِلُ مِنَ
ٱلسَّمَآءِ وَمَا يَعۡرُجُ فِيهَاۚ وَهُوَ ٱلرَّحِيمُ ٱلۡغَفُورُ ٢

1-2. Ҳамма яхшиликлар (барча ҳамду сано) кимдан содир бўлса, Аллоҳникидир (Аллоҳ учундир). Ердаги ва осмонлардаги ҳар бир нарса Аллоҳникидир. Охиратда жаннат аҳлининг ҳамдлари ҳам Аллоҳникидир. Аллоҳ таоло ўзининг ишида ҳаким ва бандаларнинг аҳволларига доно (Зот)дир. Аллоҳ таоло ҳар бир нарса ерга кирса ҳам ва ҳар бир нарса ердан чиқса ҳам билади, осмондан тушадиган малоикаларни ҳам ва осмонга чиқадиган нарсаларни ҳам билади. Аллоҳ таоло бандаларнинг гуноҳларини кечиргувчи ва меҳрибондир.

وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ لَا تَأۡتِينَا ٱلسَّاعَةُۖ قُلۡ بَلَىٰ وَرَبِّي لَتَأۡتِيَنَّكُمۡ عَٰلِمِ ٱلۡغَيۡبِۖ لَا
يَعۡزُبُ عَنۡهُ مِثۡقَالُ ذَرَّةٖ فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَلَا فِي ٱلۡأَرۡضِ وَلَآ أَصۡغَرُ مِن ذَٰلِكَ وَلَآ
أَكۡبَرُ إِلَّا فِي كِتَٰبٖ مُّبِينٖ ٣ لِّيَجۡزِيَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِۚ
أُوْلَٰٓئِكَ لَهُم مَّغۡفِرَةٞ وَرِزۡقٞ كَرِيمٞ ٤ وَٱلَّذِينَ سَعَوۡ فِيٓ ءَايَٰتِنَا مُعَٰجِزِينَ
أُوْلَٰٓئِكَ لَهُمۡ عَذَابٞ مِّن رِّجۡزٍ أَلِيمٞ ٥ وَيَرَى ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلۡعِلۡمَ ٱلَّذِيٓ أُنزِلَ

إِلَيۡكَ مِن رَّبِّكَ هُوَ ٱلۡحَقَّ وَيَهۡدِيٓ إِلَىٰ صِرَٰطِ ٱلۡعَزِيزِ ٱلۡحَمِيدِ ٦

3-6. Кофирлар: «Қиёмат (соати) келмайди ва бўлмайди», – деб айта-
дилар. Сен айтгил: «Ғайбни билгувчи Парвардигоримга қасамки, албатта,
у (Қиёмат) сизларга келади ва бўлади. *Лекин қачон бўлишини (фақат)
Парвардигор билади.* Ғайб илмини билувчи Парвардигордир. Хоҳ осмон-
да, хоҳ ерда бир зарра миқдоридаги нарса, заррадан кичик бўлсин, ё
катта бўлсин, Парвардигор илмидан ташқарида эмас. Ҳаммаси очиқ ки-
тобда – Лавҳул Маҳфузда ёзилгандир. Мўминларнинг қилган яхши амал-
22 жузъ ларини ҳам Парвардигор билади. (Қиёмат бўлишининг ҳикматларидан
бири) Қиёмат куни мўминларнинг қилган амалларига яраша ажр беради,
гуноҳларини кечиради, жаннатда яхши нозу неъматларни уларга муяс-
сар қилади». Бизнинг оятларимизга қарши бўлиб, ботил қилишга ҳара-
кат қиладиган кофирларга эса Қиёмат куни қаттиқ азоб берилади. Худо
тарафидан илм ато этилган одамлар Парвардигоринг тарафидан Сенга
нозил қилинган Қуръоннинг ҳақлигини, албатта, бандаларнинг ҳамдига
сазовор бўлган Зот ва ҳамма нарсадан ғолиб (бўлган) Парвардигорнинг
йўлига (Қуръон) ҳидоят қилишини биладилар.

وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ هَلۡ نَدُلُّكُمۡ عَلَىٰ رَجُلٖ يُنَبِّئُكُمۡ إِذَا مُزِّقۡتُمۡ كُلَّ مُمَزَّقٍ إِنَّكُمۡ
لَفِي خَلۡقٖ جَدِيدٍ ٧ أَفۡتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا أَم بِهِۦ جِنَّةُۢۗ بَلِ ٱلَّذِينَ لَا يُؤۡمِنُونَ
بِٱلۡأٓخِرَةِ فِي ٱلۡعَذَابِ وَٱلضَّلَٰلِ ٱلۡبَعِيدِ ٨ أَفَلَمۡ يَرَوۡاْ إِلَىٰ مَا بَيۡنَ أَيۡدِيهِمۡ وَمَا
خَلۡفَهُم مِّنَ ٱلسَّمَآءِ وَٱلۡأَرۡضِۚ إِن نَّشَأۡ نَخۡسِفۡ بِهِمُ ٱلۡأَرۡضَ أَوۡ نُسۡقِطۡ عَلَيۡهِمۡ
كِسَفٗا مِّنَ ٱلسَّمَآءِۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَةٗ لِّكُلِّ عَبۡدٖ مُّنِيبٖ ٩

7-9. Кофирларнинг баъзилари баъзиларига айтадиларки: «Сизлар гўрда пора-пора (бўлак-бўлак) бўлиб, чириб кетсангизлар, сизларга қайтадан яратилишингиз ҳақида хабар берадиган бир кишини (яъни, Муҳамад алайҳиссаломни) сизларга кўрсатайликми?! У (Муҳаммад алайҳиссалом) Худога ёлғонни туҳмат қиляпти? Ё ўзи мажнун бўлиб қолган?» (Йўқ!) Кофирларнинг бу айтган сўзлари беҳудадир. Охиратга ишонмайдиган кофирларга Қиёматда азоб берилади, чунки улар оғир гумроҳликка учраган қавмдир. Бу мункирлар олдиларидаги ер юзида бўлиб турган нарсаларга, ё ортларидаги ўтиб кетган нарсаларга қарамайдиларми? Ва хоҳ осмондаги, хоҳ ердаги нарсалар(ни кўриб, улар)дан ибрат олсалар бўлмайдими? Агар Биз хоҳласак, уларни ерга юттириб юборамиз ё уларнинг устига осмондан бир парчасини тушириб юборамиз. Бу нарсаларга қудратимиз етади. Бу нарсаларда Худога қайттувчи ҳар бир мўмин учун ибратлар бордир.

۞وَلَقَدۡ ءَاتَيۡنَا دَاوُۥدَ مِنَّا فَضۡلٗاۖ يَٰجِبَالُ أَوِّبِي مَعَهُۥ وَٱلطَّيۡرَۖ وَأَلَنَّا لَهُ ٱلۡحَدِيدَ ١٠
أَنِ ٱعۡمَلۡ سَٰبِغَٰتٖ وَقَدِّرۡ فِي ٱلسَّرۡدِۖ وَٱعۡمَلُواْ صَٰلِحًاۖ إِنِّي بِمَا تَعۡمَلُونَ بَصِيرٞ ١١

10-11. Биз Довуд (алайҳиссалом)га пайғамбарлик ато қилиб, кўп мўъжизалар берган эдик. Тоғларга ҳукм қилдикки: «Эй тоғлар, Довуднинг тасбеҳларига сизлар ҳам ҳамроҳ бўлиб, тасбеҳ айтинг!» Паррандаларга (қушларга) ҳам амр қилган эдикки: «Довуд билан қўшилиб тасбеҳ айтинг!» Ва темирни Довудга мулойим (юмшоқ) қилган эдик. Довудга буюрдикки, темирдан кенг зирҳлар тайёрла! Зирҳни тўқиган вақтингда ҳалқаларини баробар (ўлчовли) қил! Яна Довудга: «Аҳли байтинг билан Худога яхши амаллар қилинглар. Мен сизларнинг қилган амалларингизни кўриб тургувчиман», – деб амр қилдик.

وَلِسُلَيْمَٰنَ ٱلرِّيحَ غُدُوُّهَا شَهْرٌ وَرَوَاحُهَا شَهْرٌ ۖ وَأَسَلْنَا لَهُۥ عَيْنَ ٱلْقِطْرِ ۖ وَمِنَ 22 жузъ
ٱلْجِنِّ مَن يَعْمَلُ بَيْنَ يَدَيْهِ بِإِذْنِ رَبِّهِۦ ۖ وَمَن يَزِغْ مِنْهُمْ عَنْ أَمْرِنَا نُذِقْهُ مِنْ عَذَابِ
ٱلسَّعِيرِ ﴿١٢﴾ يَعْمَلُونَ لَهُۥ مَا يَشَآءُ مِن مَّحَٰرِيبَ وَتَمَٰثِيلَ وَجِفَانٍ كَٱلْجَوَابِ وَقُدُورٍ
رَّاسِيَٰتٍ ۚ ٱعْمَلُوٓا۟ ءَالَ دَاوُۥدَ شُكْرًا ۚ وَقَلِيلٌ مِّنْ عِبَادِىَ ٱلشَّكُورُ ﴿١٣﴾

12-13. Биз Сулаймон (алайҳиссалом)га шамолни мусаххар қилиб қўйдик. (У шамол) эрта билан ҳам бир ойлик йўлга ҳаракат қилар (йўлни босар) ва кечқурун ҳам бир ойлик йўлга сафар қилар (йўлни босар эди). Ва унга эритилган мис чашмасини оқизиб қўйдик ҳамда жинларни ҳам унга бўйсундириб қўйдик. Худонинг ҳукми билан улар Сулаймон (алайҳиссалом) учун ишлар эди. Улардан қайси бири Бизнинг фармонимиздан бўйин товласа, дўзахнинг азобига гирифтор қиламиз. *Жинлар Сулаймон (алайҳиссалом)нинг хоҳлаган ишларини бажарар эдилар.* Баланд қалъалар ва меҳроблар бино қилар ва ҳайкаллар (бино ва ашёларни безайдиган тимсоллар) ясар, Сулаймон (алайҳиссалом) учун ҳовуздек косалар (лаганлар) барпо қилиб, баланд (катта) қозонлар тайёрлар эдилар. Биз: «Эй Довуд аҳли, Худонинг берган неъматларига шукр қилинглар», – деб ҳукм этдик. Ва Менинг бандаларимдан шукр қилгувчилар камдир.

فَلَمَّا قَضَيْنَا عَلَيْهِ ٱلْمَوْتَ مَا دَلَّهُمْ عَلَىٰ مَوْتِهِۦٓ إِلَّا دَآبَّةُ ٱلْأَرْضِ تَأْكُلُ
مِنسَأَتَهُۥ ۖ فَلَمَّا خَرَّ تَبَيَّنَتِ ٱلْجِنُّ أَن لَّوْ كَانُوا۟ يَعْلَمُونَ ٱلْغَيْبَ مَا لَبِثُوا۟ فِى
ٱلْعَذَابِ ٱلْمُهِينِ ﴿١٤﴾

14. Вақтики, Сулаймонни ўлимга ҳукм қилдик, у асосига суянган ҳолда ўлди. Сулаймоннинг ўлимидан ҳеч ким хабар беролмади, магар асосини еган қурт хабар берди. Қачонки асосини қурт егандан сўнг синди, Сулаймон ерга йиқилди, ўлгани маълум бўлди. Бас, шунда жинлар билдиларки, агар улар ғайб илмига эга бўлганларида эди, хор қилгувчи меҳнатнинг азобига мубтало бўлмас эдилар.

لَقَدْ كَانَ لِسَبَإٍ فِى مَسْكَنِهِمْ ءَايَةٌ ۖ جَنَّتَانِ عَن يَمِينٍ وَشِمَالٍ ۖ كُلُوا۟ مِن رِّزْقِ رَبِّكُمْ
وَٱشْكُرُوا۟ لَهُۥ ۚ بَلْدَةٌ طَيِّبَةٌ وَرَبٌّ غَفُورٌ ﴿١٥﴾

15. Албатта, Сабаъ деган қабиланинг жойида Аллоҳнинг қудратига далолат қиладиган шундай аломатлар бор эди. У манзилнинг ўнг ва чап тарафида иккита боғ бўлиб, у қавмнинг Пайғамбари айтди: «Парвардигор ризқ қилиб берган бу боғнинг меваларидан енглар. Худонинг шукрини бажо келтиринглар. Сизлар яшаган шаҳар покиза ва боғлар билан зийнатлангандир. Сизларга Худонинг марҳамати бениҳоя ва У гуноҳларингизни кечиргувчидир».

فَأَعْرَضُوا فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ سَيْلَ الْعَرِمِ وَبَدَّلْنَاهُم بِجَنَّتَيْهِمْ جَنَّتَيْنِ ذَوَاتَيْ أُكُلٍ
22 Жузъ خَمْطٍ وَأَثْلٍ وَشَيْءٍ مِّن سِدْرٍ قَلِيلٍ ﴿١٦﴾ ذَٰلِكَ جَزَيْنَاهُم بِمَا كَفَرُوا وَهَلْ نُجَازِي
إِلَّا الْكَفُورَ ﴿١٧﴾

16-17. У Сабаъ қабиласининг одамлари Пайғамбарнинг сўзларидан юз ўгириб, насиҳатларини қабул қилмадилар. *Бизнинг ато қилган неъматимизга ношукур бўлиб, боғларининг мевасидан Худонинг ҳаққини адо этмадилар.* Биз уларнинг устига кучли селни равон қилдик. *Обод боғларини ва шаҳарларини хароб этиб кетди.* Сўнгра уларнинг жаннатга ўхшаган боғлари ўрнида чангалзорлар битилди. Аччиқ мевали дарахтлар пайдо бўлди. Одамларга ибрат бўлсин деб, Канор деган дарахтдан озгина намуна қолди. Биз бу оғир жазони Худонинг неъматига куфрон (ношукурлик) қилганлари учун бердик. Худо ношукурларга жазо беради.

وَجَعَلْنَا بَيْنَهُمْ وَبَيْنَ الْقُرَى الَّتِي بَارَكْنَا فِيهَا قُرًى ظَاهِرَةً وَقَدَّرْنَا فِيهَا السَّيْرَ
سِيرُوا فِيهَا لَيَالِيَ وَأَيَّامًا آمِنِينَ ﴿١٨﴾ فَقَالُوا رَبَّنَا بَاعِدْ بَيْنَ أَسْفَارِنَا وَظَلَمُوا
أَنفُسَهُمْ فَجَعَلْنَاهُمْ أَحَادِيثَ وَمَزَّقْنَاهُمْ كُلَّ مُمَزَّقٍ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَاتٍ لِّكُلِّ
صَبَّارٍ شَكُورٍ ﴿١٩﴾

18-19. Аҳли Сабаъ билан Биз баракали қилган (Байтул Мақдис, Шом, Макка ва Мадина каби) шаҳар-қишлоқлар ўртасида очиқ-обод қишлоқлар пайдо қилиб, у қишлоқлардан сафар қилиб ўтишни (ўлчаб-белгилаб) осон қилган эдик. Ўша давр пайғамбарларининг воситаси билан: «У қишлоқлардан кечаю кундуз амну омонда сафар қилаверинглар, у қишлоқлар сизлар учун обод, сизларга ҳеч зиён-азият бўлмайди», — деб амр қилдик. У қишлоқнинг бойлари ҳасад билан: «Парвардигоро, сафарларимиз орасидаги манзил-масофани йироқ қил ва биёбонга айлантиргил», — деб талаб қилиб, ўз нафсларига зулм қилдилар. Бас, Биз уларнинг роҳатларини кулфатга айлантирдик. Ҳаммасини парчалаб, ҳар томонга юбордик ва мамлакатларини хароб қилдик. Уларнинг аҳволини кейинги одамларга ибратли бўлган ҳикояларга айлантирдик. Бизнинг бу қиссамизда ниҳоятда собир ва шокир одамлар учун ибратлар бор.

وَلَقَدْ صَدَّقَ عَلَيْهِمْ إِبْلِيسُ ظَنَّهُ فَاتَّبَعُوهُ إِلَّا فَرِيقًا مِّنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٢٠﴾ وَمَا

كَانَ لَهُۥ عَلَيْهِم مِّن سُلْطَٰنٍ إِلَّا لِنَعْلَمَ مَن يُؤْمِنُ بِٱلْءَاخِرَةِ مِمَّنْ هُوَ مِنْهَا فِى
شَكٍّ ۗ وَرَبُّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ حَفِيظٌ ﴿٢١﴾ قُلِ ٱدْعُوا۟ ٱلَّذِينَ زَعَمْتُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ ۖ
لَا يَمْلِكُونَ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَلَا فِى ٱلْأَرْضِ وَمَا لَهُمْ فِيهِمَا مِن
شِرْكٍ وَمَا لَهُۥ مِنْهُم مِّن ظَهِيرٍ ﴿٢٢﴾

20-22. Шайтон: «Агар инсоннинг аҳволи шундай бўлса, мен кўпларини иғво қиламан», деб гумон қилган эди. Энди шайтоннинг бу гумони рост бўлиб (рўёбга) чиқди, чунки кўпчилик одамлар унинг орқасидан эргашдилар. Магар бир фирқа – холис мўминлар эргашмадилар. Шайтон уларнинг устига мусаллат (ғолиб, ҳукмрон) бўлмайди. Қиёмат бўлишига иймон келтирувчилар билан унга шак-шубҳа қилувчилар ажралишлари учун инсонлар динда фирқа-фирқа бўлдилар. Парвардигор ҳар бир нарсани муҳофаза қилувчидир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худодан бошқага ибодат қилувчи (мушрик)ларга айтгил: «Худоларингни чақиринглар-чи, сизларга ёрдам бера оладими?». Ваҳоланки, у кофирларнинг ибодат қилган худолари на осмонларда ва на ерда бир зарра миқдорича нарсага молик эмаслар. У бутларнинг на осмонларда ва на ерда бирор шериклари ва ёрдам берувчилари йўқ. (Яъни у бутлар осмонларда ҳам, ерда ҳам ҳеч бир нарсада Аллоҳга шериклик қилолмайдилар ва у Зотга бирор ёрдам беришнинг ҳам уддасидан чиқолмайдилар). **22 жузъ**

وَلَا تَنفَعُ ٱلشَّفَٰعَةُ عِندَهُۥٓ إِلَّا لِمَنْ أَذِنَ لَهُۥ ۚ حَتَّىٰٓ إِذَا فُزِّعَ عَن قُلُوبِهِمْ قَالُوا۟
مَاذَا قَالَ رَبُّكُمْ ۖ قَالُوا۟ ٱلْحَقَّ ۖ وَهُوَ ٱلْعَلِىُّ ٱلْكَبِيرُ ﴿٢٣﴾

23. Қиёмат куни Парвардигорнинг олдида ҳеч қандай шафоат фойда бермайди. Магар Парвардигор бирор одамга шафоат қилиш учун рухсат берсагина, у шафоат қила олади. Маҳшар аҳлининг ҳаммаси қўрқувдан изтиробга тушади. Биров-бировнинг ҳолига илтифот қилмайди, шафоат этишни ҳам эсдан чиқарадилар. Магар дилларидан қўрқув кўтарилгач, баъзилари баъзиларидан сўрайдиларки: «Парвардигор сизларнинг ҳақларингизда қандай ҳукм қилди?» Улар жавоб берадиларки: «Парвардигоримиз тўғри ва ҳақ сўзни айтди. Мўминларга кофирларни эмас, мўминларни шафоат қилиш учун рухсат берди». Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан (олий) улуғдир.

۞ قُلْ مَن يَرْزُقُكُم مِّنَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ قُلِ ٱللَّهُ ۖ وَإِنَّآ أَوْ إِيَّاكُمْ لَعَلَىٰ
هُدًى أَوْ فِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٢٤﴾ قُل لَّا تُسْـَٔلُونَ عَمَّآ أَجْرَمْنَا وَلَا نُسْـَٔلُ عَمَّا
تَعْمَلُونَ ﴿٢٥﴾ قُلْ يَجْمَعُ بَيْنَنَا رَبُّنَا ثُمَّ يَفْتَحُ بَيْنَنَا بِٱلْحَقِّ وَهُوَ ٱلْفَتَّاحُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٢٦﴾
قُلْ أَرُونِىَ ٱلَّذِينَ أَلْحَقْتُم بِهِۦ شُرَكَآءَ ۖ كَلَّا ۚ بَلْ هُوَ ٱللَّهُ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٢٧﴾

24-27. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом) кофирлардан сўрагил: «Осмондан ёмғир ёғдириб ва ердан гиёҳ кўкартириб сизларга ким ризқ беради?» *Агар кофирлар жавоб бермасалар,* Сен айтгил: «Аллоҳ ризқ беради. *Биз Парвардигорни «Яккаю ягона ва ризқ берувчи», деб эътиқод қиламиз. Сизлар инкор қиласизлар.* Энди айтинглар-чи, бизлар ҳидоятдами ёки сизлар ҳидоятдами? Бизлар гумроҳми ёки сизлар гумроҳми?» Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Бизларнинг гуноҳларимиз сизлардан сўралмайди ва сизларнинг қилган амалларингиз бизлардан сўралмайди». Айтгил: «Маҳшаргоҳда Парвардигор сизларни ва бизлар-
22 жузъ ни жамлайди. Сўнгра ўртамизда адолат билан ҳукм қилади. Ва Парвардигор ростлик билан ҳукм қилгувчи, доно (ўта билгувчи)дир». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушрикларга айтгил: «Худога ҳамроҳ қилган шерикларингизни менга кўрсатинглар-чи? (Йўқ!) Улар ҳаргиз шерик бўлмайдилар. Албатта, Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан ғолиб ва феъли ҳикматли Зотдир».

وَمَآ أَرْسَلْنَٰكَ إِلَّا كَآفَّةً لِّلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا
يَعْلَمُونَ ﴿٢٨﴾ وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَٰذَا ٱلْوَعْدُ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٢٩﴾
قُل لَّكُم مِّيعَادُ يَوْمٍ لَّا تَسْتَـْٔخِرُونَ عَنْهُ سَاعَةً وَلَا تَسْتَقْدِمُونَ ﴿٣٠﴾

28-30. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз Сени дунёдаги ҳамма инсониятга Пайғамбар қилиб юбордик. Мўминларга Худонинг раҳматидан башорат берувчисан ва кофирларни Худонинг азобидан қўрқитувчисан. Лекин кўп одамлар жоҳилдирлар, ҳеч нарсани билмайдилар. Улар: «Агар рост айтадиган бўлсангизлар, бизларга ваъда қилган азобингиз қачон бўлади?», – деб айтадилар. Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Сизларнинг азобларингиз учун Худо тарафидан ваъда қилинган муайян кун бор. Сизлар у кундан кейин ҳам қололмайсизлар ва илгари ҳам кетолмайсизлар».

وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَن نُّؤْمِنَ بِهَٰذَا ٱلْقُرْءَانِ وَلَا بِٱلَّذِى بَيْنَ يَدَيْهِ ۗ وَلَوْ تَرَىٰٓ
إِذِ ٱلظَّٰلِمُونَ مَوْقُوفُونَ عِندَ رَبِّهِمْ يَرْجِعُ بَعْضُهُمْ إِلَىٰ بَعْضٍ ٱلْقَوْلَ يَقُولُ
ٱلَّذِينَ ٱسْتُضْعِفُوا۟ لِلَّذِينَ ٱسْتَكْبَرُوا۟ لَوْلَآ أَنتُمْ لَكُنَّا مُؤْمِنِينَ ﴿٣١﴾

31. Мушриклар Муҳаммад (алайҳиссалом)га: «Бизлар ҳаргиз бу Қуръонга ва илгари нозил бўлган китобларга ишонмаймиз», – деб айтадилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сен Қиёмат куни уларнинг аҳволини кўрсанг, таажжуб қиласан. Ўшанда у кофирлар Парвардигорнинг олдида ҳозир қилинган вақтда баъзилари баъзиларига мурожаат қилиб (гап қайтариб), жанжал қиладилар. Заиф (итоаткор)лари мутакаббир (пешво)ларига айтадиларки: «Агар у дунёда сизлар бўлмаганларингизда биз иймон келтирган бўлар эдик».

قَالَ ٱلَّذِينَ ٱسْتَكْبَرُوا۟ لِلَّذِينَ ٱسْتُضْعِفُوٓا۟ أَنَحْنُ صَدَدْنَٰكُمْ عَنِ ٱلْهُدَىٰ بَعْدَ إِذْ جَآءَكُم ۖ بَلْ كُنتُم مُّجْرِمِينَ ﴿٣٢﴾ وَقَالَ ٱلَّذِينَ ٱسْتُضْعِفُوا۟ لِلَّذِينَ ٱسْتَكْبَرُوا۟ بَلْ مَكْرُ ٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ إِذْ تَأْمُرُونَنَآ أَن نَّكْفُرَ بِٱللَّهِ وَنَجْعَلَ لَهُۥٓ أَندَادًا ۚ وَأَسَرُّوا۟ ٱلنَّدَامَةَ لَمَّا رَأَوُا۟ ٱلْعَذَابَ وَجَعَلْنَا ٱلْأَغْلَٰلَ فِىٓ أَعْنَاقِ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ۚ هَلْ يُجْزَوْنَ إِلَّا مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٣٣﴾

22 жузъ

32-33. Такаббурлари заифларига жавоб бериб айтадилар: «Ислом дини келгандан сўнг биз сизларни ундан манъ қилдикми? (Йўқ!) Балки ўзларингиз гуноҳкордирсизлар». Заифлари мутакаббирларига айтадики: «(Йўқ!) Бизларни Исломдан манъ қилган (тўсган) нарса – сизнинг кечаю кундуз ишлатган ҳийлаларингиздир. Чунки сизлар бизни Худога куфр келтиришга ва Унга бошқа нарсаларни шерик қилишга амр қилар эдингизлар». Энди, вақтики азобни кўрганларида, ҳаммалари дилларидан пушаймон бўладилар. Уларнинг бўйинларига ғул ва занжирлар солиб, дўзах тарафга тортамиз (судраймиз). Уларнинг амалларига яраша жазо берилади.

وَمَآ أَرْسَلْنَا فِى قَرْيَةٍ مِّن نَّذِيرٍ إِلَّا قَالَ مُتْرَفُوهَآ إِنَّا بِمَآ أُرْسِلْتُم بِهِۦ كَٰفِرُونَ ﴿٣٤﴾ وَقَالُوا۟ نَحْنُ أَكْثَرُ أَمْوَٰلًا وَأَوْلَٰدًا وَمَا نَحْنُ بِمُعَذَّبِينَ ﴿٣٥﴾ قُلْ إِنَّ رَبِّى يَبْسُطُ ٱلرِّزْقَ لِمَن يَشَآءُ وَيَقْدِرُ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٦﴾ وَمَآ أَمْوَٰلُكُمْ وَلَآ أَوْلَٰدُكُم بِٱلَّتِى تُقَرِّبُكُمْ عِندَنَا زُلْفَىٰٓ إِلَّا مَنْ ءَامَنَ وَعَمِلَ صَٰلِحًا فَأُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمْ جَزَآءُ ٱلضِّعْفِ بِمَا عَمِلُوا۟ وَهُمْ فِى ٱلْغُرُفَٰتِ ءَامِنُونَ ﴿٣٧﴾

34-37. Биз қайси бир қаря (шаҳар ва қишлоқ)га огоҳлантирувчи (Пайғамбар) юборсак, албатта, у жойнинг аҳли давлатлари (пайғамбарларга) айтадилар: «Биз Сизларнинг пайғамбарликларингизни, бизга олиб келган динларингизни инкор қиламиз (ишонмаймиз). Чунки бизнинг Сизларга нисбатан молимиз ва авлодимиз кўп. (Аслида), пайғамбарликка биз лойиқмиз, чунки бизларга Худо меҳрибонлик қилиб, давлат берган. Сизларга ўхшаб фақир қилмаган. Ва биз азоблангувчилардан бўлмаймиз». Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Шубҳасиз, Парвардигорим хоҳлаган кишига ризқини кенг (мўл) қилиб ва хоҳлаган кишига кам (тор) қилиб беради. *Бунинг куфр ва иймонга дахли йўқ*. Лекин кўп халқ бунинг ҳикматини билмайди. Сизларнинг молларингиз ҳам, авлодларингиз ҳам Парвардигорга яқин қилувчи хислатга (воситага) эга эмас. Парвардигорга фақат иймон келтириб, яхши амал қилган одамгина яқин бўлади. Бас, Аллоҳ ана ўшандай зотларнинг амаллари эвазига икки баробар кўпайтириб савоб беради. Улар жаннатнинг баланд қасрларида ором (фароғат) билан ётадилар.

وَالَّذِينَ يَسْعَوْنَ فِي آيَاتِنَا مُعَاجِزِينَ أُولَٰئِكَ فِي الْعَذَابِ مُحْضَرُونَ ﴿٣٨﴾ قُلْ
إِنَّ رَبِّي يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَيَقْدِرُ لَهُ ۚ وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ شَيْءٍ
فَهُوَ يُخْلِفُهُ ۖ وَهُوَ خَيْرُ الرَّازِقِينَ ﴿٣٩﴾ وَيَوْمَ يَحْشُرُهُمْ جَمِيعًا ثُمَّ يَقُولُ لِلْمَلَائِكَةِ
أَهَٰؤُلَاءِ إِيَّاكُمْ كَانُوا يَعْبُدُونَ ﴿٤٠﴾ قَالُوا سُبْحَانَكَ أَنْتَ وَلِيُّنَا مِنْ دُونِهِمْ ۖ بَلْ
22 жузъ كَانُوا يَعْبُدُونَ الْجِنَّ ۖ أَكْثَرُهُمْ بِهِمْ مُؤْمِنُونَ ﴿٤١﴾

38-41. Кофирлар Бизнинг оятларимизга қарши бўлиб, рад этишга ҳаракат қиладилар. Қиёмат куни улар дўзахнинг азобига ҳозир қилинадилар. Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Албатта, Парвардигорим хоҳласа, бировнинг ризқини кенг қилади ва бошқаникини кам қилади. Худонинг йўлида сарф қилган молларингизнинг ўрнини Худойи таоло тўлдиради. Ва Худойи таоло ризқ берувчиларнинг афзалидир». Қиёмат куни Аллоҳ таоло Маҳшаргоҳда кофирларни жам қилиб, малоикаларга айтади: «Эй малоикалар, сизларга ибодат қиладиган ва сизларни Менга шерик қиладиган мана шуларми?» Малоикалар айтадиларки: «Эй Парвардигоро, Сен шерикдан покдирсан! Улар эмас, Сен бизнинг Маъбудимизсан! (Йўқ!) У кофирлар жаҳолатдан ва гумроҳликдан жинларга ибодат қилар эдилар. Кўплари ўша жинларга иймон келтириб, уларга мутобаат қиладилар (эргашадирлар)».

فَالْيَوْمَ لَا يَمْلِكُ بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ نَفْعًا وَلَا ضَرًّا وَنَقُولُ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا ذُوقُوا
عَذَابَ النَّارِ الَّتِي كُنْتُمْ بِهَا تُكَذِّبُونَ ﴿٤٢﴾

42. Бас, бу кун – Қиёмат куни баъзиларингиз баъзиларингизга фойда етказмоққа ва зарар етказмоққа молик (қодир) эмассизлар. Золимларга Қиёмат куни айтамиз: «Бу кун сизлар инкор қилган азобнинг «мазасини» тотиб кўринглар».

وَإِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ آيَاتُنَا بَيِّنَاتٍ قَالُوا مَا هَٰذَا إِلَّا رَجُلٌ يُرِيدُ أَنْ يَصُدَّكُمْ عَمَّا
كَانَ يَعْبُدُ آبَاؤُكُمْ وَقَالُوا مَا هَٰذَا إِلَّا إِفْكٌ مُفْتَرًى ۚ وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِلْحَقِّ
لَمَّا جَاءَهُمْ إِنْ هَٰذَا إِلَّا سِحْرٌ مُبِينٌ ﴿٤٣﴾ وَمَا آتَيْنَاهُمْ مِنْ كُتُبٍ يَدْرُسُونَهَا ۖ وَمَا
أَرْسَلْنَا إِلَيْهِمْ قَبْلَكَ مِنْ نَذِيرٍ ﴿٤٤﴾ وَكَذَّبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَمَا بَلَغُوا مِعْشَارَ مَا
آتَيْنَاهُمْ فَكَذَّبُوا رُسُلِي ۖ فَكَيْفَ كَانَ نَكِيرِ ﴿٤٥﴾

43-45. Вақтики Бизнинг очиқ-ойдин оятларимиз кофирларга тиловат қилинса, улар айтадилар: «Бу Қуръонни тиловат қилувчи одам бизни ота-боболармиз ибодат қилган бутлардан манъ қилишни хоҳлайди».

Айтадиларки: «Бу оятлар Худонинг сўзлари эмас, ёлғондан тўқилгандир». Ва ҳам ҳақ Қуръонни инкор қилган кофирлар: «Бу очиқ (ойдин) сеҳр ва жодудан иборат», – дейдилар. Ваҳоланки, Биз у кофирларга ўқишлари учун китоб юборганимиз йўқ. Сендан илгари арабларга пайғамбар ҳам юбормаганмиз. Булардан илгари (ҳам) ўтган умматлар ўз пайғамбарларини ёлғончи қилган эдилар. У қавмларга берилган мол ва давлатнинг ўндан бирини ҳам Макка мушрикларига берганимиз йўқ. Улар юборган пайғамбарларимизни ёлғончи қилдилар. Аллоҳнинг азобига гирифтор бўлдилар. Бас, Бизни инкор қилувчиларнинг оқибатлари нима бўлди! Бундан ибрат олишлари керак эди.

22 жузъ

۞ قُلْ إِنَّمَا أَعِظُكُم بِوَاحِدَةٍ ۖ أَن تَقُومُوا لِلَّهِ مَثْنَىٰ وَفُرَادَىٰ ثُمَّ تَتَفَكَّرُوا ۚ مَا
بِصَاحِبِكُم مِّن جِنَّةٍ ۚ إِنْ هُوَ إِلَّا نَذِيرٌ لَّكُم بَيْنَ يَدَيْ عَذَابٍ شَدِيدٍ ﴿٤٦﴾ قُلْ مَا
سَأَلْتُكُم مِّنْ أَجْرٍ فَهُوَ لَكُمْ ۖ إِنْ أَجْرِيَ إِلَّا عَلَى اللَّهِ ۖ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ ﴿٤٧﴾

46-47. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушрикларга айтгил: «Мен сизларга бир нарсанигина насиҳат қиламан. У шундан иборатки, бизнинг мажлисимиздан Худо учун иккита-иккита ва битта-битта туриб кетинглар. Мен ҳақимда ўйланглар, фикр қилинглар, сизларни мусоҳибларингиз асло жинни эмасдир. Балки у Худонинг Пайғамбаридир, келадиган қаттиқ азобдан сизларни қўрқитади (огоҳлантиради). *Бу сўзларга ишонишларингиз керак*». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «Мен сизлардан пайғамбарлигим учун ужрат (ажр, ҳақ) сўрамайман. Агар ужрат берадиган бўлсангизлар, уни ўзларингизга бағишладим. Менинг ужратимни Худонинг ўзи беради. Аллоҳ ҳар бир нарсага Ўзи гувоҳдир».

قُلْ إِنَّ رَبِّي يَقْذِفُ بِالْحَقِّ عَلَّامُ الْغُيُوبِ ﴿٤٨﴾ قُلْ جَاءَ الْحَقُّ وَمَا يُبْدِئُ الْبَاطِلُ
وَمَا يُعِيدُ ﴿٤٩﴾ قُلْ إِن ضَلَلْتُ فَإِنَّمَا أَضِلُّ عَلَىٰ نَفْسِي ۖ وَإِنِ اهْتَدَيْتُ فَبِمَا يُوحِي
إِلَيَّ رَبِّي ۚ إِنَّهُ سَمِيعٌ قَرِيبٌ ﴿٥٠﴾

48-50. Кофирларга айтгил: «Менинг Парвардигорим ҳақ динни ошкор этиб, унинг ҳукмларини жорий қилади. У Зот махфий нарсаларни билгувчидир». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «Бандаларга ҳақ дин келди, ботил бутлар ҳеч нарсани пайдо (барпо) қила олмайди, ўлган нарсани тирилтира олмайди». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «Агар мен гумроҳ бўлсам, гумроҳлигимнинг зарари ўз нафсимгадир. Агар ҳидоят топсам, Парвардигоримнинг менга юборган ваҳийси орқали ҳидоят топаман» Аллоҳ таоло бандаларнинг дуосини эшитгувчи ва бандаларига яқиндир.

وَلَوْ تَرَىٰ إِذْ فَزِعُوا فَلَا فَوْتَ وَأُخِذُوا مِن مَّكَانٍ قَرِيبٍ ﴿٥١﴾ وَقَالُوا آمَنَّا بِهِ
وَأَنَّىٰ لَهُمُ التَّنَاوُشُ مِن مَّكَانٍ بَعِيدٍ ﴿٥٢﴾ وَقَدْ كَفَرُوا بِهِ مِن قَبْلُ

وَيَقۡذِفُونَ بِٱلۡغَيۡبِ مِن مَّكَانِۭ بَعِيدٖ ﴿٥٣﴾ وَحِيلَ بَيۡنَهُمۡ وَبَيۡنَ مَا يَشۡتَهُونَ كَمَا
فُعِلَ بِأَشۡيَاعِهِم مِّن قَبۡلُۚ إِنَّهُمۡ كَانُواْ فِي شَكّٖ مُّرِيبِۭ ﴿٥٤﴾

51-54. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қиёмат куни кофирларнинг аҳволларини кўрсанг, таажжуб қиласан. Агар кофирлар Қиёматнинг даҳшатидан қўрқиб қочмоқчи бўлсалар, ҳеч вақт қочиб қутулолмайдилар. Ҳар тарафдан (яқин макондан) иҳота қилиниб, ушланадилар. Азобни кўрган вақт: «Қуръонни тасдиқ қилдик, иймон келтирдик», – дейдилар. (Энди)
22 жузъ бундай иймон келтиришлари буларга қаердан ҳам муяссар бўлсин?! Бу масофа ниҳоятда узоқдир! Чунки иймон келтирмоқ у дунёда қолди. Ваҳоланки, улар илгари кофир бўлиб, иймон келтирмаганлар. Улар узоқ (макон)дан туриб Исломга (ғайбга-охиратга) таъна қилар эдилар. Энди улар билан истаган нарсалари ўртасида куфрлари тўсиқ бўлди. Чунончи, улардан илгариги қавмларга ҳам шундай муомала бўлганди. У кофирлар, албатта, паришон қилувчи шакка (шубҳага) тушиб қолган эдилар.

Маккада нозил бўлган бу сура
қирқ беш оятдан иборатдир.

Сурада Аллоҳнинг халлоқи коинотлиги, фаришталарнинг вазифалари, Қиёмат кунида кечадиган воқеа-ҳодисалар, махлуқотларнинг Аллоҳ тарафидан ҳикмат билан яратилганлиги, мушрик, бутпарастларнинг амаллари ботил эканлиги ҳақида хабар берилади. 22 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ فَاطِرِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ جَاعِلِ ٱلْمَلَٰٓئِكَةِ رُسُلًا أُو۟لِىٓ أَجْنِحَةٍ مَّثْنَىٰ
وَثُلَٰثَ وَرُبَٰعَ ۚ يَزِيدُ فِى ٱلْخَلْقِ مَا يَشَآءُ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿١﴾ مَّا يَفْتَحِ
ٱللَّهُ لِلنَّاسِ مِن رَّحْمَةٍ فَلَا مُمْسِكَ لَهَا ۖ وَمَا يُمْسِكْ فَلَا مُرْسِلَ لَهُۥ مِنۢ بَعْدِهِۦ ۚ
وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٢﴾

1-2. Ҳамма яхшиликлар (ҳамду санолар) кимдан содир бўлса, у Худо учун (хос)дир. Аллоҳ таоло осмонларни ва ерни халқ қилувчи, малоикаларни пайғамбарлар тарафига элчи қилиб юборувчидир. У малоикалар икки-икки, уч-уч, тўрт-тўрт нав қанотларга эгадирлар. Аллоҳ таоло халқ қилган нарсаларида нимани хоҳласа, (ўшани) зиёда қилади. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодир (Зот)дир. Аллоҳ ҳар бир бандага раҳмат дарвозасини очса, уни ҳеч ким беркита олмайди. Агар беркитиб қўйса, кейин уни ҳеч ким очолмайди. Аллоҳ таоло ҳар бир ишда ғолиб ва ҳар бир феъли ҳикматлидир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ ٱذْكُرُوا۟ نِعْمَتَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ ۚ هَلْ مِنْ خَٰلِقٍ غَيْرُ ٱللَّهِ يَرْزُقُكُم مِّنَ
ٱلسَّمَآءِ وَٱلْأَرْضِ ۚ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ۖ فَأَنَّىٰ تُؤْفَكُونَ ﴿٣﴾ وَإِن يُكَذِّبُوكَ فَقَدْ
كُذِّبَتْ رُسُلٌ مِّن قَبْلِكَ ۚ وَإِلَى ٱللَّهِ تُرْجَعُ ٱلْأُمُورُ ﴿٤﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ
حَقٌّ ۖ فَلَا تَغُرَّنَّكُمُ ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا ۖ وَلَا يَغُرَّنَّكُم بِٱللَّهِ ٱلْغَرُورُ ﴿٥﴾ إِنَّ ٱلشَّيْطَٰنَ

لَكُمْ عَدُوٌّ فَاتَّخِذُوهُ عَدُوًّا ۚ إِنَّمَا يَدْعُوا حِزْبَهُۥ لِيَكُونُوا مِنْ أَصْحَٰبِ ٱلسَّعِيرِ ﴿٦﴾

3-6. Эй Худонинг бандалари, Худонинг сизларга берган неъматларини ёд қилинглар ва шукрини адо этинглар. Сизларга осмондан ёмғир ёғдириб, ердан гиёҳлар кўкартириб, ризқ қилиб берадиган Худодан бошқа бирор яратувчи борми?! Ёлғиз Парвардигордан бошқа ҳеч бир маъбуд йўқ. Бас, сизлар тавҳид йўлидан бурилиб қаёққа кетяпсизлар? Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сени кофирлар такзиб қилсалар (ёлғончи қилсалар), сабр қил. Сендан илгари ўтган пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилин-
22 жузъ гандирлар. Охир (оқибат) ҳамма ишлар Худо тарафига қайтарилади. Эй бандалар, албатта, Аллоҳ таолонинг ваъдаси ҳақдир. *Унга (ваъдасига) хилоф бўлмайди.* Шундай экан, дунёнинг зийнатлари сизларни мағрур қилмасин. *Охиратни эсларингиздан чиқарманг.* «Худо карами билан гуноҳларни кечираверади», – деб, шайтон сизларни алдаб қўймасин. Албатта, шайтон сизларга очиқ душмандир. Сизлар ҳам уни душман тутинглар. Шайтон ўзининг тобеларини Қиёмат куни дўзахнинг азобига гирифтор бўлсинлар деб, дўзах тарафига чақиради.

ٱلَّذِينَ كَفَرُوا لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ ۖ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَهُم
مَّغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ كَبِيرٌ ﴿٧﴾ أَفَمَن زُيِّنَ لَهُۥ سُوٓءُ عَمَلِهِۦ فَرَءَاهُ حَسَنًا ۖ فَإِنَّ ٱللَّهَ
يُضِلُّ مَن يَشَآءُ وَيَهْدِى مَن يَشَآءُ ۖ فَلَا تَذْهَبْ نَفْسُكَ عَلَيْهِمْ حَسَرَٰتٍ ۚ إِنَّ
ٱللَّهَ عَلِيمٌۢ بِمَا يَصْنَعُونَ ﴿٨﴾

7-8. Қиёматда кофир бўлганларга қаттиқ азоб берилади. Ва Аллоҳ яхши амал қилган мўминларнинг гуноҳларини кечириб, улуғ ажр беради. Ҳар кимнинг ёмон амаллари шайтон тарафидан зийнатлантириб кўрсатилса, бас, у банда ўзининг ёмон амалларини яхши деб билса, солиҳ мўмин бўлиб қоладими? Аллоҳ таоло кимни хоҳласа, гумроҳ қилади ва кимни хоҳласа, ҳидоят қилади. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), умматларингнинг ёмон амаллари учун афсус қилма. Сен унга жавобгар эмассан. Албатта, Аллоҳ таоло уларнинг қилган ишларини билгувчидир.

وَٱللَّهُ ٱلَّذِىٓ أَرْسَلَ ٱلرِّيَٰحَ فَتُثِيرُ سَحَابًا فَسُقْنَٰهُ إِلَىٰ بَلَدٍ مَّيِّتٍ فَأَحْيَيْنَا بِهِ ٱلْأَرْضَ
بَعْدَ مَوْتِهَا ۚ كَذَٰلِكَ ٱلنُّشُورُ ﴿٩﴾ مَن كَانَ يُرِيدُ ٱلْعِزَّةَ فَلِلَّهِ ٱلْعِزَّةُ جَمِيعًا ۚ إِلَيْهِ يَصْعَدُ
ٱلْكَلِمُ ٱلطَّيِّبُ وَٱلْعَمَلُ ٱلصَّٰلِحُ يَرْفَعُهُۥ ۚ وَٱلَّذِينَ يَمْكُرُونَ ٱلسَّيِّـَٔاتِ لَهُمْ عَذَابٌ
شَدِيدٌ ۖ وَمَكْرُ أُو۟لَٰٓئِكَ هُوَ يَبُورُ ﴿١٠﴾

9-10. Аллоҳ таоло шамолларни юборадиган Зотдир. У шамол булутларни ҳайдаб, гиёҳ кўкармай қуриб қолган ерларга олиб боради. Қуриган ерларни сувга сероб қилиб, гиёҳлар кўкартирамиз. Ўликлар ҳам Қиёмат куни ердан ана шундай чиқадилар. Кимки бу дунёда иззат ва обрў истаса,

барча иззат Худоникидир. *Худодан талаб қилиш керакдир.* Худо тарафига яхши, савобли сўзлар кўтарилади. Яхши амалларни Парвардигор юқорига (ўз ҳузурига) кўтаради. Гуноҳни ўйлаб макр қиладиган одамларга Қиёмат куни қаттиқ азоб бордир. Уларнинг макрлари, албатта, ботил бўлади.

وَٱللَّهُ خَلَقَكُم مِّن تُرَابٍ ثُمَّ مِن نُّطْفَةٍ ثُمَّ جَعَلَكُمْ أَزْوَٰجًا ۚ وَمَا تَحْمِلُ مِنْ أُنثَىٰ وَلَا
تَضَعُ إِلَّا بِعِلْمِهِۦ ۚ وَمَا يُعَمَّرُ مِن مُّعَمَّرٍ وَلَا يُنقَصُ مِنْ عُمُرِهِۦٓ إِلَّا فِى كِتَٰبٍ ۚ إِنَّ
ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرٌ ﴿١١﴾ وَمَا يَسْتَوِى ٱلْبَحْرَانِ هَٰذَا عَذْبٌ فُرَاتٌ سَآئِغٌ شَرَابُهُۥ 22 жузъ
وَهَٰذَا مِلْحٌ أُجَاجٌ ۖ وَمِن كُلٍّ تَأْكُلُونَ لَحْمًا طَرِيًّا وَتَسْتَخْرِجُونَ حِلْيَةً تَلْبَسُونَهَا
وَتَرَى ٱلْفُلْكَ فِيهِ مَوَاخِرَ لِتَبْتَغُوا۟ مِن فَضْلِهِۦ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٢﴾

11-12. Аллоҳ таоло сизларнинг боболарингиз (Ҳазрати) Одамни тупроқдан яратди. Сўнгра сизларни бир қатра манийдан халқ қилди ва сизларни хотинлар билан жуфт қилди. Ҳар бир аёл қорнида қандай ҳомила, *қайси рангда* ва қандай туғади, Аллоҳ таолонинг илми-иродаси ила бўлади. Ва ҳар бир кимсанинг умрини зиёда қилса ёки ноқис қилса, Аллоҳ таолонинг ихтиёридадир. Лавҳул Маҳфузда умрни зиёда қилмоқлик ва кам қилмоқлик битилгандир. Бу ишлар Аллоҳга осондир. Икки дарё (денгиз) – бирининг суви ширин, ёқимли, яна бирининг суви шўр, аччиқ. Бу икки дарё (денгиз) баробар (тенг) бўлмайди. *Бу мисол шунинг учундирки, мўмин билан кофир баробар бўлмайди.* Бу иккала дарёдан пайдо бўлган гўшти ширин ва покиза бўлган балиқларни (тутиб) ейсизлар. Хотинларингизнинг зийнатланиши учун маржон ва марваридлар чиқариб оласизлар. Сизлар сафар қилиб, Аллоҳнинг сизларга тақдир этган ризқларини қўлга киритиш учун дарёнинг сувларини ёриб ҳаракат қилаётган кемаларни кўрасизлар. Албатта, Аллоҳ таолонинг бу неъматларига шукр қилишларингиз лозимдир.

يُولِجُ ٱلَّيْلَ فِى ٱلنَّهَارِ وَيُولِجُ ٱلنَّهَارَ فِى ٱلَّيْلِ وَسَخَّرَ ٱلشَّمْسَ وَٱلْقَمَرَ كُلٌّ
يَجْرِى لِأَجَلٍ مُّسَمًّى ۚ ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبُّكُمْ لَهُ ٱلْمُلْكُ ۚ وَٱلَّذِينَ تَدْعُونَ مِن
دُونِهِۦ مَا يَمْلِكُونَ مِن قِطْمِيرٍ ﴿١٣﴾ إِن تَدْعُوهُمْ لَا يَسْمَعُوا۟ دُعَآءَكُمْ وَلَوْ
سَمِعُوا۟ مَا ٱسْتَجَابُوا۟ لَكُمْ ۖ وَيَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ يَكْفُرُونَ بِشِرْكِكُمْ ۚ وَلَا يُنَبِّئُكَ
مِثْلُ خَبِيرٍ ﴿١٤﴾

13-14. Аллоҳ таоло кечани кундузга киритади ва кундузни кечага киритади. У ой ва кунни (қуёшни) ўзига бўйсундириб қўйган. Булар то муайян вақтга (қадар) ҳаракат қилади. Бу қудратли Аллоҳ сизларнинг Парвардигорингиздир. Қандай тасарруф қилса, мулк ўзига хосдир. Эй кофирлар, сизлар Худодан бошқа ибодат (илтижо) қилаётган бутларин-

гиз хурмо донасининг пўстлоғича нарсага молик эмасдирлар. Агар чақирсангизлар, эшитмайдилар. Агар билфараз (мабодо) эшитган тақдирда ҳам, жавоб беролмайдилар. Қиёмат куни бўлганида, сизларнинг ширкларингиздан безор бўлиб, инкор этадилар. Сенга (эй Муҳаммад алайҳиссалом), дунё ва охират ҳақида ҳар нарсадан огоҳ бўлган Парвардигоринг каби ҳеч ким хабар бера олмайди.

۞ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ أَنتُمُ ٱلْفُقَرَآءُ إِلَى ٱللَّهِ ۖ وَٱللَّهُ هُوَ ٱلْغَنِىُّ ٱلْحَمِيدُ ﴿١٥﴾ إِن يَشَأْ
يُذْهِبْكُمْ وَيَأْتِ بِخَلْقٍ جَدِيدٍ ﴿١٦﴾ وَمَا ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ بِعَزِيزٍ ﴿١٧﴾

22 жузъ

15-17. Эй бандалар, сизлар Худога муҳтождирсиз. Аллоҳ таоло (эса), албатта, сизлардан мустағний (беҳожат) бўлган Зотдир. Ҳар бир феъли яхшидир. Агар Парвардигор хоҳласа, сизларни ер юзидан йўқ қилиб, янги фармонбардор ва муте инсонларни яратиб, ўринларингизга олиб келади. Ва бу иш Аллоҳга қийин эмас.

وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ۚ وَإِن تَدْعُ مُثْقَلَةٌ إِلَىٰ حِمْلِهَا لَا يُحْمَلْ مِنْهُ شَىْءٌ وَلَوْ
كَانَ ذَا قُرْبَىٰٓ ۗ إِنَّمَا تُنذِرُ ٱلَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهُم بِٱلْغَيْبِ وَأَقَامُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ ۚ وَمَن
تَزَكَّىٰ فَإِنَّمَا يَتَزَكَّىٰ لِنَفْسِهِۦ ۚ وَإِلَى ٱللَّهِ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٨﴾

18. Қиёмат куни биров-бировнинг гуноҳи (юки)ни кўтаролмайди. Агар (гуноҳи) юки оғир бўлган киши юкини енгил қилмоқ учун бировни чақирса (чорласа), ҳатто чақирган кишиси қариндош бўлса ҳам, унинг оғир юкидан бирор нарсани енгил қилолмайди. *У кун бировнинг бировга боқишига ҳад ва имкони бўлмайди.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен Худонинг ҳукмларини Худодан қўрққан одамларга ва намозни адо этувчиларга еткизасан. Сенинг насиҳатингни ўша зотлар қабул қиладилар. Ҳар ким гуноҳ киридан пок бўлса, ўз нафсининг фойдасига покланибди. Ҳамманинг борадиган жойи Парвардигорнинг ҳузуригадир.

وَمَا يَسْتَوِى ٱلْأَعْمَىٰ وَٱلْبَصِيرُ ﴿١٩﴾ وَلَا ٱلظُّلُمَـٰتُ وَلَا ٱلنُّورُ ﴿٢٠﴾ وَلَا ٱلظِّلُّ وَلَا
ٱلْحَرُورُ ﴿٢١﴾ وَمَا يَسْتَوِى ٱلْأَحْيَآءُ وَلَا ٱلْأَمْوَٰتُ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يُسْمِعُ مَن يَشَآءُ ۖ وَمَآ
أَنتَ بِمُسْمِعٍ مَّن فِى ٱلْقُبُورِ ﴿٢٢﴾ إِنْ أَنتَ إِلَّا نَذِيرٌ ﴿٢٣﴾ إِنَّآ أَرْسَلْنَـٰكَ بِٱلْحَقِّ بَشِيرًا
وَنَذِيرًا ۚ وَإِن مِّنْ أُمَّةٍ إِلَّا خَلَا فِيهَا نَذِيرٌ ﴿٢٤﴾

19-24. Албатта, кўр билан кўзи очиқ, қоронғулик билан ёруғлик баробар эмас. Соя иссиқ (жазирама) билан тенг бўлмайди. Шунга ўхшаш тириклар билан ўликлар ва яхшилар билан ёмонлар ҳам баробар эмас. Аллоҳ таоло хоҳлаганига эшиттира олади ва огоҳ қила олади. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен қабрдаги ўликларга эшиттира олмайсан ва фаҳмлата олмайсан. Сен Худо тарафидан хабар берувчи (огоҳлантирувчи)сан. Биз Сени ҳақ дин билан Пайғамбар қилиб юбордик. Мўминларга Худонинг

раҳматидан хабар бериб, кофирларни Худонинг азобидан қўрқитасан. Қай бир умматки, дунёга келиб-кетган бўлса, уларга Худо тарафидан (огоҳлантирувчи) Пайғамбар ҳам юборилган.

وَإِن يُكَذِّبُوكَ فَقَدْ كَذَّبَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ جَآءَتْهُمْ رُسُلُهُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ
وَبِٱلزُّبُرِ وَبِٱلْكِتَٰبِ ٱلْمُنِيرِ ﴿٢٥﴾ ثُمَّ أَخَذْتُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ فَكَيْفَ كَانَ نَكِيرِ ﴿٢٦﴾

25-26. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Макканинг кофирлари Сени таксиб қилсалар (ёлғончи қилсалар), ҳеч таажжубланмаки, улардан муқаддам ўтган қавмлар ҳам ўз пайғамбарларини ёлғончига чиқарганлар. Ваҳоланки, пайғамбарлар қавмларига очиқ мўъжизалар, Худо тарафидан саҳифалар ва нурли Китоблар олиб келган эдилар. Лекин улар инкор қилишди, тасдиқ этишмади. Сўнгра Биз инкор қилувчиларни азобга мубтало қилдик. Бас, Менинг инкор қилишимнинг оқибати қандай бўлди?! *Охири ҳалокат билан тамом бўлди.* 22 жузъ

أَلَمْ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ أَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَأَخْرَجْنَا بِهِۦ ثَمَرَٰتٍ مُّخْتَلِفًا أَلْوَٰنُهَا ۚ وَمِنَ
ٱلْجِبَالِ جُدَدٌۢ بِيضٌ وَحُمْرٌ مُّخْتَلِفٌ أَلْوَٰنُهَا وَغَرَابِيبُ سُودٌ ﴿٢٧﴾ وَمِنَ ٱلنَّاسِ
وَٱلدَّوَآبِّ وَٱلْأَنْعَٰمِ مُخْتَلِفٌ أَلْوَٰنُهُۥ كَذَٰلِكَ ۗ إِنَّمَا يَخْشَى ٱللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ
ٱلْعُلَمَٰٓؤُا۟ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ غَفُورٌ ﴿٢٨﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَتْلُونَ كِتَٰبَ ٱللَّهِ وَأَقَامُوا۟
ٱلصَّلَوٰةَ وَأَنفَقُوا۟ مِمَّا رَزَقْنَٰهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً يَرْجُونَ تِجَٰرَةً لَّن تَبُورَ ﴿٢٩﴾
لِيُوَفِّيَهُمْ أُجُورَهُمْ وَيَزِيدَهُم مِّن فَضْلِهِۦٓ ۚ إِنَّهُۥ غَفُورٌ شَكُورٌ ﴿٣٠﴾

27-30. Парвардигорнинг қудратини кўрмайсанми, У (Аллоҳ) осмондан ёмғирлар ёғдириб, ундан дарахтлар кўкартириб, у дарахтлардан ҳар хил рангдаги мевалар пайдо қилди. Тоғларнинг ҳам баъзисини йўл-йўл, баъзисини оқ, қизил ва қоп-қора қилиб ранго-ранг яратгандир. Одамлар, ҳайвонлар ва чорваларнинг рангларини турли-туман қилиб халқ қилгандир. *Парвардигорнинг бу қудратларини олим кишилар биладилар (фикр қиладилар).* Бандалари орасидан олим кишилар Аллоҳдан қўрқадилар. (Шубҳасиз), Аллоҳ таоло ўз қудратида ғолиб, хатоларни кечирувчидир. Албатта, ўша олим кимсаларки, Худонинг Китобини тиловат қилиб, унга амал қиладилар, намозни тўкис адо этадилар, Бизнинг ато этган ризқларимиздан ошкора ва махфий садақа (эҳсон) қиладилар — улар Қиёмат куни бу тижоратларидан зиён кўрмасликка умидвор бўладилар. Албатта, Аллоҳ таоло Қиёмат куни уларнинг савобларини фазлу марҳамати билан зиёда ва комил қилиб беради. Аллоҳ таоло бандаларининг гуноҳларини кечирувчи ва шукрларини қабул қилгувчидир.

وَٱلَّذِىٓ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ مِنَ ٱلْكِتَٰبِ هُوَ ٱلْحَقُّ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ

بِعِبَادِهِۦ لَخَبِيرُۢ بَصِيرٞ ٣١ ثُمَّ أَوۡرَثۡنَا ٱلۡكِتَٰبَ ٱلَّذِينَ ٱصۡطَفَيۡنَا مِنۡ عِبَادِنَاۖ فَمِنۡهُمۡ
ظَالِمٞ لِّنَفۡسِهِۦ وَمِنۡهُم مُّقۡتَصِدٞ وَمِنۡهُمۡ سَابِقُۢ بِٱلۡخَيۡرَٰتِ بِإِذۡنِ ٱللَّهِۚ ذَٰلِكَ هُوَ
ٱلۡفَضۡلُ ٱلۡكَبِيرُ ٣٢

31-32. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга ваҳий орқали Қуръонни юбордик. Қуръон, бешубҳа, ҳақдир, илгариги китобларни тасдиқ қилгувчидир. Албатта, Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳолидан хабардор ва (уларни) кўриб тургувчидир. Сўнгра Биз яхши (танлаб олган) бандаларимизга Қуръонни (мерос қилиб) қолдирдик. Бас, бандалардан баъзилари Қуръонга амал қилмасдан, ўз нафсларига зулм қилгувчидирлар ва баъзилари ўртача амал қилгувчидирлар ва баъзилари Худонинг тавфиқи бирла бошқалардан зиёда амал қилгувчидирлар. Ана шу Худонинг улуғ фазли-марҳаматидир.

22 жузъ

جَنَّٰتُ عَدۡنٖ يَدۡخُلُونَهَا يُحَلَّوۡنَ فِيهَا مِنۡ أَسَاوِرَ مِن ذَهَبٖ وَلُؤۡلُؤٗاۖ وَلِبَاسُهُمۡ
فِيهَا حَرِيرٞ ٣٣ وَقَالُواْ ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِ ٱلَّذِيٓ أَذۡهَبَ عَنَّا ٱلۡحَزَنَۖ إِنَّ رَبَّنَا لَغَفُورٞ
شَكُورٌ ٣٤ ٱلَّذِيٓ أَحَلَّنَا دَارَ ٱلۡمُقَامَةِ مِن فَضۡلِهِۦ لَا يَمَسُّنَا فِيهَا نَصَبٞ وَلَا
يَمَسُّنَا فِيهَا لُغُوبٞ ٣٥

33-35. Қуръонга амал қилувчилар ҳамиша (абадий) муқим бўладиган (Адн) жаннатларига дохил бўладилар. У жаннатда тилладан билагузуклар ва марвариддан тайёрланган зеварлар билан зийнатлантириладилар. Жаннатда жаннат аҳлининг либослари холис ипакдан бўлади. Улар Аллоҳ таолодан миннатдор бўлиб, айтадилар: «Аллоҳ таолога ҳамд ва сано бўлсинки, бизлардан ғам ва андуҳни кетказди. Албатта, Парвардигоримиз хатоларни кечирувчи, шукр қилганларимизга ажр бергувчидир. У Зот бизни Ўз фазлу марҳамати билан шундай бир жойда абадий муқим қилдики, энди бу жойда бизга ҳеч (ҳорғинлик), ранж ва машаққат етмайди».

وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ لَهُمۡ نَارُ جَهَنَّمَ لَا يُقۡضَىٰ عَلَيۡهِمۡ فَيَمُوتُواْ وَلَا يُخَفَّفُ عَنۡهُم مِّنۡ
عَذَابِهَاۚ كَذَٰلِكَ نَجۡزِي كُلَّ كَفُورٖ ٣٦ وَهُمۡ يَصۡطَرِخُونَ فِيهَا رَبَّنَآ أَخۡرِجۡنَا
نَعۡمَلۡ صَٰلِحًا غَيۡرَ ٱلَّذِي كُنَّا نَعۡمَلُۚ أَوَلَمۡ نُعَمِّرۡكُم مَّا يَتَذَكَّرُ فِيهِ مَن تَذَكَّرَ
وَجَآءَكُمُ ٱلنَّذِيرُۖ فَذُوقُواْ فَمَا لِلظَّٰلِمِينَ مِن نَّصِيرٍ ٣٧

36-37. Қиёмат куни мушрикларга жаҳаннамнинг ўти (оташи) муяссар бўлади. Худо тарафидан уларнинг ўлимига ҳукм қилинмайди, токи ўлиб азобдан қутулсалар, ва дўзахнинг азоби кам ҳам қилинмайди (енгиллатилмайди). Мушрик-кофирларга ана шундай жазо берамиз. Дўзахда улар фарёд

қилиб айтадиларки: «Эй Парвардигоро, бизни дўзахдан чиқариб, у дунёга юбор, илгари қилган (ёмон) амалларимиздан бошқа яхши амаллар қилайлик». Биз у дунёда уларга узоқ умр бермадикми? Панду насиҳат олишлари учун узоқ муҳлат бермадикми? Сизларга огоҳлантирувчи Пайғамбар юборилган эди-ку! Нима учун (айтганларини) қабул қилмадингизлар? Бас, энди дўзах азобини тотинглар! Золимларга ҳеч бир ёрдамчи йўқдир!

إِنَّ ٱللَّهَ عَٰلِمُ غَيْبِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ إِنَّهُۥ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ﴿٣٨﴾ هُوَ
ٱلَّذِى جَعَلَكُمْ خَلَٰٓئِفَ فِى ٱلْأَرْضِ ۚ فَمَن كَفَرَ فَعَلَيْهِ كُفْرُهُۥ ۖ وَلَا يَزِيدُ ٱلْكَٰفِرِينَ 22 жузъ
كُفْرُهُمْ عِندَ رَبِّهِمْ إِلَّا مَقْتًا ۖ وَلَا يَزِيدُ ٱلْكَٰفِرِينَ كُفْرُهُمْ إِلَّا خَسَارًا ﴿٣٩﴾

38-39. Албатта, Аллоҳ таоло осмонлардаги ва ердаги махфий нарсаларни билгувчи ва диллардаги сирлардан (тамоман) огоҳдир. Парвардигор шундай Зотки, сизларни ер юзига бирин-кетин халифа қилиб яратди. Бас, энди ким инкор қилса (куфр келтирса), унинг ўзига зиён ва зарардир. Кофирларнинг куфри (Худонинг ҳузурида) Худонинг ғазабидан бошқа нарсани зиёда қилмайди. Ва ҳам (кофирларнинг куфри уларга) зиёндан бошқа нарсани келтирмайди (зиёда қилмайди).

قُلْ أَرَءَيْتُمْ شُرَكَآءَكُمُ ٱلَّذِينَ تَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ أَرُونِى مَاذَا خَلَقُوا۟ مِنَ ٱلْأَرْضِ
أَمْ لَهُمْ شِرْكٌ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ أَمْ ءَاتَيْنَٰهُمْ كِتَٰبًا فَهُمْ عَلَىٰ بَيِّنَتٍ مِّنْهُ ۚ بَلْ إِن يَعِدُ
ٱلظَّٰلِمُونَ بَعْضُهُم بَعْضًا إِلَّا غُرُورًا ﴿٤٠﴾ ۞ إِنَّ ٱللَّهَ يُمْسِكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضَ أَن تَزُولَا ۚ وَلَئِن زَالَتَآ إِنْ أَمْسَكَهُمَا مِنْ أَحَدٍ مِّنۢ بَعْدِهِۦٓ ۚ إِنَّهُۥ كَانَ
حَلِيمًا غَفُورًا ﴿٤١﴾

40-41. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Худони қўйиб, У Зотга шерик қилаётган ботил худоларингизнинг аҳволини кўряпсизларми? Менга кўрсатинглар-чи, улар ердан бирон нарсани халқ қилдиларми ёки уларнинг осмонларни пайдо қилишда (яратишда Аллоҳга) бирор шерикликлари борми? Ёки уларнинг қўлларида Мен томонимдан ёзиб берилган равшан (очиқ-ойдин) ҳужжатлари борми? (Яъни Мен уларга китоб берганману, ундан ўзларининг ҳақликларига бирор нарсани ҳужжат қилиб олганларми?)». (Йўқ!) Золимларнинг баъзилари баъзиларига ёлғон ваъдалар берадилар (алдайдилар) ва гумроҳ қиладилар. Аллоҳ таоло еру осмонни ўрнидан бежо бўлишдан (қўзғалишдан, қулаб тушишдан) сақлаб туради. Агар ўринларидан бежо бўлсалар, Худодан бошқа ҳеч ким уларни сақлаб туролмайди. Аллоҳ таоло кофирларни азоб қилишда шошилмасдан сабр қилувчидир ва мўминларнинг гуноҳларини кечирувчидир.

وَأَقْسَمُوا۟ بِٱللَّهِ جَهْدَ أَيْمَٰنِهِمْ لَئِن جَآءَهُمْ نَذِيرٌ لَّيَكُونُنَّ أَهْدَىٰ مِنْ إِحْدَى

ٱلْأُمَمِ ۖ فَلَمَّا جَآءَهُمْ نَذِيرٌ مَّا زَادَهُمْ إِلَّا نُفُورًا ﴿٤٢﴾ ٱسْتِكْبَارًا فِى ٱلْأَرْضِ وَمَكْرَ
ٱلسَّيِّئِ ۚ وَلَا يَحِيقُ ٱلْمَكْرُ ٱلسَّيِّئُ إِلَّا بِأَهْلِهِۦ ۚ فَهَلْ يَنظُرُونَ إِلَّا سُنَّتَ ٱلْأَوَّلِينَ ۚ
فَلَن تَجِدَ لِسُنَّتِ ٱللَّهِ تَبْدِيلًا ۖ وَلَن تَجِدَ لِسُنَّتِ ٱللَّهِ تَحْوِيلًا ﴿٤٣﴾

42-43. Кофирлар: «Бизларга Худодан хабар берувчи Пайғамбар келса, бизлар бошқа умматлардан олдин иймон келтирувчи ва улардан кўра ҳидоят топувчи бўлар эдик», – деб Худонинг номи билан қаттиқ қасам
22 жузъ ичардилар. Вақтики Худо тарафидан Пайғамбар бўлиб Муҳаммад (алайҳиссалом) келди, уларда нафратдан ва кибрдан бошқа нарса зиёда бўлмади. Балки Пайғамбарни ўлдириш учун дилларида ёмон макрлар ўйлайдилар. Ҳолбуки, ёмон макр ўз аҳлига (эгаларига) зиён етказади ва азобга сабаб бўлади. Бу кофирлар фақат илгари ўтган умматларнинг бошига тушган кўргуликларга (яъни, куфрлари туфайли ҳалок бўлишга) мунтазир бўлмоқдалар. Аллоҳ таолонинг суннатида (қонунида) ҳаргиз ўзгариш топмайсан. Аллоҳ таолонинг суннати ҳаргиз бошқача бўлмайди.

أَوَلَمْ يَسِيرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ فَيَنظُرُوا۟ كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَكَانُوٓا۟ أَشَدَّ
مِنْهُمْ قُوَّةً ۚ وَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيُعْجِزَهُۥ مِن شَىْءٍ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَلَا فِى ٱلْأَرْضِ ۚ إِنَّهُۥ
كَانَ عَلِيمًا قَدِيرًا ﴿٤٤﴾ وَلَوْ يُؤَاخِذُ ٱللَّهُ ٱلنَّاسَ بِمَا كَسَبُوا۟ مَا تَرَكَ عَلَىٰ
ظَهْرِهَا مِن دَآبَّةٍ وَلَٰكِن يُؤَخِّرُهُمْ إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى ۖ فَإِذَا جَآءَ أَجَلُهُمْ فَإِنَّ
ٱللَّهَ كَانَ بِعِبَادِهِۦ بَصِيرًۢا ﴿٤٥﴾

44-45. Улар нима учун ер юзида сайр қилиб, ўзларидан муқаддам ўтган умматларнинг (аянчли) оқибатларига назар солмайдилар?! (Ибрат олмайдиларми?!) Ваҳоланки, у умматларнинг булардан куч-қувватлари зиёда (ва мол-дунёлари ортиқ) эди. Аллоҳ таолони хоҳ осмонларда бўлсин, хоҳ ерда бўлсин, бирор нарса ожиз (мағлуб) қила олмайди. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билади, ҳар бир нарсага қудрати етади. Агар Аллоҳ таоло халқнинг гуноҳларига яраша азоб қилганида эди, ер юзида бирон ҳайвонотни қолдирмасдан, ҳалок қилган бўларди. *Чунки ҳайвонлар инсон шумлигининг касофатига қолар эдилар.* Лекин Аллоҳ таоло (бандаларни) азобламасдан, муайян вақтгача муҳлат беради. Бас, қачонки, муқаррар бўлган вақт (белгиланган муддат) етса, ҳалок қилади. Бас, албатта, Аллоҳ таоло бандаларнинг аҳволларини кўриб туради.

Маккада нозил бўлган бу сура
саксон уч оятдан иборатдир.

Мазкур суранинг номи ҳисобланган «Ёсин», умуман олганда, «эй инсон!», «эй саййидул башар!» маъносини билдириб, Ҳазрати Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб эканлиги аксар муфассирлар томонидан таъкидланган. Бу сура Қуръони Каримнинг «қалби» аталиб, мусулмонлар орасида алоҳида аҳамиятга эгадир. Ва шунингдек, суранинг фазилатлари ҳақида бир қанча ҳадислар ривоят қилинган. 22 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

يسٓ ﴿١﴾ وَٱلْقُرْءَانِ ٱلْحَكِيمِ ﴿٢﴾ إِنَّكَ لَمِنَ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٣﴾ عَلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ
﴿٤﴾ تَنزِيلَ ٱلْعَزِيزِ ٱلرَّحِيمِ ﴿٥﴾ لِتُنذِرَ قَوْمًا مَّآ أُنذِرَ ءَابَآؤُهُمْ فَهُمْ غَٰفِلُونَ ﴿٦﴾

1-6. Ё, Сийн. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Ҳикматли Қуръонга қасамки, албатта, Сен пайғамбарлардансан, ҳидоят йўлида муқимсан. Токи Сен ота-боболари қўрқитилмаган (огоҳлантирилмаган) ва ўзлари ғафлатда қолган бир қавмни Худонинг азобидан қўрқитишинг учун ғолиб ва меҳрибон Парвардигор тарафидан Сенга Қуръон нозил қилинди.

لَقَدْ حَقَّ ٱلْقَوْلُ عَلَىٰٓ أَكْثَرِهِمْ فَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٧﴾ إِنَّا جَعَلْنَا فِىٓ أَعْنَٰقِهِمْ
أَغْلَٰلًا فَهِىَ إِلَى ٱلْأَذْقَانِ فَهُم مُّقْمَحُونَ ﴿٨﴾ وَجَعَلْنَا مِنۢ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ سَدًّا
وَمِنْ خَلْفِهِمْ سَدًّا فَأَغْشَيْنَٰهُمْ فَهُمْ لَا يُبْصِرُونَ ﴿٩﴾

7-9. Албатта, кўп кофирларга Худонинг ваъда қилган азоби собит бўлган. Улар иймон келтирмайдилар, гўёки Биз у кофирларнинг бўйинларидан то иякларигача ҳалқа (кишан) солганмиз. Уларнинг бошлари юқори бўлиб (ғўдайиб) қолган, ерга эгилмайдилар. *Парвардигор уларнинг саркашликларини бўйнига ҳалқа (кишан) солинган одамга ўхшатаяпти.* Ва Биз уларнинг олдиларида ҳам, орқаларида ҳам парда (тўсиқ) яратдик. Бас, улар ҳеч нарсани кўрмайдилар.

وَسَوَآءٌ عَلَيۡهِمۡ ءَأَنذَرۡتَهُمۡ أَمۡ لَمۡ تُنذِرۡهُمۡ لَا يُؤۡمِنُونَ ﴿١٠﴾ إِنَّمَا تُنذِرُ مَنِ
ٱتَّبَعَ ٱلذِّكۡرَ وَخَشِيَ ٱلرَّحۡمَٰنَ بِٱلۡغَيۡبِۖ فَبَشِّرۡهُ بِمَغۡفِرَةٖ وَأَجۡرٖ كَرِيمٍ ﴿١١﴾
إِنَّا نَحۡنُ نُحۡيِ ٱلۡمَوۡتَىٰ وَنَكۡتُبُ مَا قَدَّمُواْ وَءَاثَٰرَهُمۡۚ وَكُلَّ شَيۡءٍ
أَحۡصَيۡنَٰهُ فِيٓ إِمَامٖ مُّبِينٖ ﴿١٢﴾

22 жузъ 10-12. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен кофирларни Худонинг азобидан қўрқитсанг ё қўрқитмасанг, уларга барибир. Улар иймон келтирмайдилар. Сенинг насиҳатинг (огоҳлантиришинг) шундай зотларга фойда берадики, улар зикрга – Қуръонга амал қиладилар, Худони кўрмасдан туриб (ғойибона Ундан) қўрқадилар. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга Худонинг кечиришидан ва улуғ ажр беришидан хабар қил! Албатта, Биз одамларни ўлгандан кейин Қиёмат куни (қайта) тирилтирамиз. У дунёда қилган хоҳ яхши, хоҳ ёмон амалларини ва (ўзларидан кейин) қолдирган асарларини (савоб ё гуноҳ ишларини ҳам) ёзиб қўямиз. Ҳар нарсаки Биз сақлаган бўлсак ва Бизга маълум бўлса, (очиқ-ойдин китоб) Лавҳул Маҳфузда ёзилгандир (ёзиб қўйганмиз).

وَٱضۡرِبۡ لَهُم مَّثَلًا أَصۡحَٰبَ ٱلۡقَرۡيَةِ إِذۡ جَآءَهَا ٱلۡمُرۡسَلُونَ ﴿١٣﴾ إِذۡ أَرۡسَلۡنَآ إِلَيۡهِمُ
ٱثۡنَيۡنِ فَكَذَّبُوهُمَا فَعَزَّزۡنَا بِثَالِثٖ فَقَالُوٓاْ إِنَّآ إِلَيۡكُم مُّرۡسَلُونَ ﴿١٤﴾ قَالُواْ مَآ أَنتُمۡ
إِلَّا بَشَرٞ مِّثۡلُنَا وَمَآ أَنزَلَ ٱلرَّحۡمَٰنُ مِن شَيۡءٍ إِنۡ أَنتُمۡ إِلَّا تَكۡذِبُونَ ﴿١٥﴾ قَالُواْ رَبُّنَا
يَعۡلَمُ إِنَّآ إِلَيۡكُمۡ لَمُرۡسَلُونَ ﴿١٦﴾ وَمَا عَلَيۡنَآ إِلَّا ٱلۡبَلَٰغُ ٱلۡمُبِينُ ﴿١٧﴾ قَالُوٓاْ إِنَّا
تَطَيَّرۡنَا بِكُمۡۖ لَئِن لَّمۡ تَنتَهُواْ لَنَرۡجُمَنَّكُمۡ وَلَيَمَسَّنَّكُم مِّنَّا عَذَابٌ أَلِيمٞ ﴿١٨﴾ قَالُواْ
طَٰٓئِرُكُم مَّعَكُمۡۚ أَئِن ذُكِّرۡتُمۚ بَلۡ أَنتُمۡ قَوۡمٞ مُّسۡرِفُونَ ﴿١٩﴾

13-19. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу Макка халқига Антокия шаҳри одамларининг қиссасини баён қил. Вақтики, (Ҳазрати) Ийсо тарафидан уч киши[1] Антокия шаҳрига элчи бўлиб келиб, бу қавмни иймонга далолат қилдилар, ўшанда Биз у қавмга (халқини иймонга даъват қилиш учун) икки кишини юборган эдик, Антокия халқи у икковларини таксиб қилдилар (ёлғончиларга чиқардилар). Бас, Биз учинчи одамни юбориб, уларни қўллаб-қувватладик. Улар: «Эй Антокия халқи, бизлар (Ҳазрати) Ийсо юборган элчилармиз. Бутпарастликни ташлаб, Худога иймон келтиринглар», – дейишди. Бу халқ элчиларга айтди: «Сизлар ҳам бизга ўхшаш инсонларсиз, (бизлардан бирор) ортиқ жойларингиз йўқ, Худойи таоло ҳеч кимни Пайғамбар қилиб юборгани йўқ. Сизлар ёлғон айтасизлар».

[1] Баъзи тафсирларда Антокия халқига юборилган уч киши Ҳазрати Ийсо юборган элчилар эмас, балки пайғамбарлар эканлиги айтилган.

Элчилар: «Аллоҳ гувоҳки, бизлар (Ҳазрати) Ийсо тарафидан юборилган элчилармиз. Бизларнинг вазифамиз (фақат ҳақ сўзни) сизларга хабар беришдир», – дедилар. Антокия аҳли айтди: «Сизларни шумқадам, деб гумонга бораяпмиз. Агар бу сўзларингиздан қайтмасангизлар, сизларни тошбўрон қиламиз ва бизлар тарафимиздан қаттиқ кулфат (азоб)лар кўрасизлар». У элчилар айтдилар: «Бизларда шумлик йўқ, балки шумлик сизлар (ўзингиз) билан бирладир. Агар сизларга насиҳат қилинса, буни шумликдан деб эътиқод қиласизларми? Балки сизлар ҳаддингиздан ошган (исрофкор) халқсизлар».

وَجَآءَ مِنْ أَقْصَا ٱلْمَدِينَةِ رَجُلٌ يَسْعَىٰ قَالَ يَٰقَوْمِ ٱتَّبِعُوا۟ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٢٠﴾ 22 жузъ
ٱتَّبِعُوا۟ مَن لَّا يَسْـَٔلُكُمْ أَجْرًا وَهُم مُّهْتَدُونَ ﴿٢١﴾

20-21. Шаҳар чеккасидан бир одам[1] югуриб келиб айтдики: «Эй қавм, бу элчиларнинг айтганларини қилинглар ва (уларга) тобе бўлинглар. Сизларга холис насиҳат қиладиган, амаллари учун сизлардан ужрат (ҳақ, музд) сўрамайдиган ва ҳидоят топган шундай кишиларга тобе бўлинглар (эргашинглар)».

وَمَا لِىَ لَآ أَعْبُدُ ٱلَّذِى فَطَرَنِى وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٢٢﴾ ءَأَتَّخِذُ مِن دُونِهِۦٓ ءَالِهَةً إِن
يُرِدْنِ ٱلرَّحْمَٰنُ بِضُرٍّ لَّا تُغْنِ عَنِّى شَفَٰعَتُهُمْ شَيْـًٔا وَلَا يُنقِذُونِ ﴿٢٣﴾ إِنِّىٓ إِذًا لَّفِى
ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٢٤﴾

22-24. «Мен нима учун мени халқ қилган Парвардигорга ибодат қилмас эканман, сизлар ҳам Қиёмат куни шу Парвардигор ҳузурига ҳозир бўласизлар. Мен бир (якка-ягона) Худони қўйиб, бошқа (илоҳлар – бутлар)га ибодат қилайми? Агар Парвардигор менга зарар қилишни хоҳласа, у бутларнинг шафоати менга (ҳеч) фойда бермайди ва менга Худонинг азобидан ҳам нажот беролмайди. *Агар мен ушбу бутларга ибодат қилар эканман,* у ҳолда мен очиқ (ойдин) гумроҳлик йўлига кирган бўламан.

إِنِّىٓ ءَامَنتُ بِرَبِّكُمْ فَٱسْمَعُونِ ﴿٢٥﴾ قِيلَ ٱدْخُلِ ٱلْجَنَّةَ قَالَ يَٰلَيْتَ قَوْمِى
يَعْلَمُونَ ﴿٢٦﴾ بِمَا غَفَرَ لِى رَبِّى وَجَعَلَنِى مِنَ ٱلْمُكْرَمِينَ ﴿٢٧﴾

25-27. Лекин мен сизларни халқ қилган Парвардигорга иймон келтирдим. Менинг насиҳатимни эшитиб, амал қилинглар». *Кофирлар у бечорани шаҳид қилдилар. Малоикалар тарафидан унинг руҳига:* «Жаннатга кир», – деган хитоб бўлди. У банда Парвардигорнинг марҳаматларини кўргандан кейин айтди: «Кошки менинг қавмим Парвардигор мени кечирганини ва менга карам қилганини билса эди». *Шоядки, иймон келтирар эдилар.*

[1] Баъзи тафсирларда бу одамнинг номи Ҳабиб ан-Нажжор дейилган.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ ЖУЗЪ

۞ وَمَآ أَنزَلۡنَا عَلَىٰ قَوۡمِهِۦ مِنۢ بَعۡدِهِۦ مِن جُندٖ مِّنَ ٱلسَّمَآءِ وَمَا كُنَّا مُنزِلِينَ ﴿٢٨﴾
إِن كَانَتۡ إِلَّا صَيۡحَةٗ وَٰحِدَةٗ فَإِذَا هُمۡ خَٰمِدُونَ ﴿٢٩﴾

28-29. Бу шаҳид бўлган одам қавмининг устига ундан сўнг осмондан лашкар (қўшин) ҳам юбормадик (туширмадик). Уларни ҳалок қилиш учун
23 жузъ бундай лашкарни осмондан туширувчи ҳам эмасмиз. Балки уларни ҳалок қилиш учун Жаброилнинг бир овози сабаб (кифоя) бўлди, холос. Жаброил бир овоз қилди, шу билан улар ўчиб қолган ўтдек хомуш бўлдилар.

يَٰحَسۡرَةً عَلَى ٱلۡعِبَادِۚ مَا يَأۡتِيهِم مِّن رَّسُولٍ إِلَّا كَانُواْ بِهِۦ يَسۡتَهۡزِءُونَ ﴿٣٠﴾ أَلَمۡ يَرَوۡاْ
كَمۡ أَهۡلَكۡنَا قَبۡلَهُم مِّنَ ٱلۡقُرُونِ أَنَّهُمۡ إِلَيۡهِمۡ لَا يَرۡجِعُونَ ﴿٣١﴾ وَإِن كُلّٞ لَّمَّا جَمِيعٞ
لَّدَيۡنَا مُحۡضَرُونَ ﴿٣٢﴾

30-32. Эй вой, бу кофирларнинг ҳолига! Уларга ҳар (қачон) бир Пайғамбар келса (юборилса), масхара қилиб, иймон келтирмадилар. Биз улардан илгари кўп табақа одамларни ҳалок қилганимизни, энди улар буларнинг олдиларига қайтиб келмасликларини кўрмадиларми (ва билмадиларми)?! Балки улар, (албатта, жамланиб) Бизнинг олдимизга (ҳузуримизга) ҳозир қилинадилар.

وَءَايَةٞ لَّهُمُ ٱلۡأَرۡضُ ٱلۡمَيۡتَةُ أَحۡيَيۡنَٰهَا وَأَخۡرَجۡنَا مِنۡهَا حَبّٗا فَمِنۡهُ يَأۡكُلُونَ ﴿٣٣﴾
وَجَعَلۡنَا فِيهَا جَنَّٰتٖ مِّن نَّخِيلٖ وَأَعۡنَٰبٖ وَفَجَّرۡنَا فِيهَا مِنَ ٱلۡعُيُونِ ﴿٣٤﴾ لِيَأۡكُلُواْ
مِن ثَمَرِهِۦ وَمَا عَمِلَتۡهُ أَيۡدِيهِمۡۚ أَفَلَا يَشۡكُرُونَ ﴿٣٥﴾ سُبۡحَٰنَ ٱلَّذِي خَلَقَ
ٱلۡأَزۡوَٰجَ كُلَّهَا مِمَّا تُنۢبِتُ ٱلۡأَرۡضُ وَمِنۡ أَنفُسِهِمۡ وَمِمَّا لَا يَعۡلَمُونَ ﴿٣٦﴾

33-36. Бандаларга Худонинг қудратидан нишонаки, қуриб қолган ерларни ёмғир билан кўкартирдик. У ердан донлар чиқардик. У донлардан бандалар ейдилар. У ерда хурмозор ва узумзор боғлар яратдик, ерлардан чашмалар чиқариб, оқизиб қўйдик, токи одамлар у боғларнинг меваларидан есинлар. Ва ҳам бандалар қўллари билан ишламаган тоғларда мевалар яратдик. Энди бандалар бу неъматлармизга шукр қилмасмикинлар? Ҳамма нуқсонлардан пок (бўлган) Парвардигор, ер кўкартирадиган (ўстирадиган) гиёҳлардан нав-нав қилиб яратди. Инсонларнинг нафсларидан (ўзларидан) ва улар билмайдиган нарсаларнинг барчасидан жуфт-жуфт қилиб яратди.

وَءَايَةٞ لَّهُمُ ٱلَّيۡلُ نَسۡلَخُ مِنۡهُ ٱلنَّهَارَ فَإِذَا هُم مُّظۡلِمُونَ ﴿٣٧﴾ وَٱلشَّمۡسُ تَجۡرِي
لِمُسۡتَقَرّٖ لَّهَاۚ ذَٰلِكَ تَقۡدِيرُ ٱلۡعَزِيزِ ٱلۡعَلِيمِ ﴿٣٨﴾ وَٱلۡقَمَرَ قَدَّرۡنَٰهُ مَنَازِلَ حَتَّىٰ عَادَ

وَءَايَةٞ لَّهُمُ ٱلَّيۡلُ نَسۡلَخُ مِنۡهُ ٱلنَّهَارَ فَإِذَا هُم مُّظۡلِمُونَ ﴿٣٧﴾ وَٱلشَّمۡسُ تَجۡرِي
لِمُسۡتَقَرّٖ لَّهَاۚ ذَٰلِكَ تَقۡدِيرُ ٱلۡعَزِيزِ ٱلۡعَلِيمِ ﴿٣٨﴾ وَٱلۡقَمَرَ قَدَّرۡنَٰهُ مَنَازِلَ حَتَّىٰ عَادَ
كَٱلۡعُرۡجُونِ ٱلۡقَدِيمِ ﴿٣٩﴾ لَا ٱلشَّمۡسُ يَنۢبَغِي لَهَآ أَن تُدۡرِكَ ٱلۡقَمَرَ وَلَا ٱلَّيۡلُ سَابِقُ
ٱلنَّهَارِۚ وَكُلّٞ فِي فَلَكٖ يَسۡبَحُونَ ﴿٤٠﴾

37-40. Худонинг қудратига бандалар учун яна бир нишона шуки, кеча- 23 жузъ
дан кундузни зойил қиламиз ва чиқарамиз. Бас, ногоҳ бандалар қоронғу-
ликда (зулматда) қоладилар ва ухлаб роҳатланадилар. Офтоб (ўз) муайян
жойи (қароргоҳи) сари ҳаракат қилади. Бу ғолиб ва доно Парвардигорнинг
муқаддароти (белгиланган тақдири)дир. Ойга (ҳам) манзиллар муқаррар
қилиб (белгилаб) қўйдик. Ой бу манзилларда ҳаракат қилиб, то ўз жойига
қайтгунча, қуриб қолган хурмо шохидек (бутоғидек) эгилиб қолади. Худо-
нинг ҳикматларидан бири шуки, офтоб ҳаракат қилиб, ойга жам бўлмайди
(етишиб олмайди) ва на кеча ҳаракат қилиб, кундуздан ўтиб кетмайди,
балки ҳар қайсиси ўзининг осмонида (фалакида) ҳаракат қилади.

وَءَايَةٞ لَّهُمۡ أَنَّا حَمَلۡنَا ذُرِّيَّتَهُمۡ فِي ٱلۡفُلۡكِ ٱلۡمَشۡحُونِ ﴿٤١﴾ وَخَلَقۡنَا لَهُم مِّن مِّثۡلِهِۦ مَا
يَرۡكَبُونَ ﴿٤٢﴾ وَإِن نَّشَأۡ نُغۡرِقۡهُمۡ فَلَا صَرِيخَ لَهُمۡ وَلَا هُمۡ يُنقَذُونَ ﴿٤٣﴾ إِلَّا رَحۡمَةٗ مِّنَّا
وَمَتَٰعًا إِلَىٰ حِينٖ ﴿٤٤﴾

41-44. Бандаларга Аллоҳ таолонинг қудратидан нишона шуки, Биз Одам авлодини кемаларга тўлдириб, дарёда ҳаракат қилдирдик. Шу кемаларга ўхшаш қуруқликда миниб юрадиган ҳайвонларни яратдик. Агар хоҳласак, уларни ғарқ қилардик. Уларнинг фарёдига ҳеч ким қулоқ солиб, ёрдам қила олмасди, уларга нажот ҳам бера олмасди. Лекин Биз фазлу марҳаматимиз бирла уларни ҳалок қилмадик, то ажаллари етгунича дунёдан баҳраманд қилдик.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ ٱتَّقُواْ مَا بَيۡنَ أَيۡدِيكُمۡ وَمَا خَلۡفَكُمۡ لَعَلَّكُمۡ تُرۡحَمُونَ ﴿٤٥﴾ وَمَا تَأۡتِيهِم
مِّنۡ ءَايَةٖ مِّنۡ ءَايَٰتِ رَبِّهِمۡ إِلَّا كَانُواْ عَنۡهَا مُعۡرِضِينَ ﴿٤٦﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمۡ أَنفِقُواْ مِمَّا
رَزَقَكُمُ ٱللَّهُ قَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ لِلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَنُطۡعِمُ مَن لَّوۡ يَشَآءُ ٱللَّهُ أَطۡعَمَهُۥٓ إِنۡ
أَنتُمۡ إِلَّا فِي ضَلَٰلٖ مُّبِينٖ ﴿٤٧﴾

45-47. Вақтики, кофирларга пайғамбарлар тарафидан: «Олдингиздан келадиган азобдан қўрқинглар, охиратда орқангиздан келадиган азобдан қўрқинглар, шоядки Парвардигор сизларга раҳм қилиб, нажот берса», — деб айтилса, кофирларга Худонинг оятларидан ҳар бир оят келганда, инкор қилиб, юз ўгирадилар. Қачонки, кофирларга: «Сизларга Худо берган ризқ-

лардан ғарибларга улашинглар ва очларни тўйғазинглар», – дейилса, кофирлар мўминларга жавоб берадиларки: «Худо хоҳлаганида, мўминларга таом берган, уларнинг қоринларини тўйғазган бўларди, энди шу ғарибларга биз таом берайликми?! Худо бермаса, биз қандай берамиз? Эй мўминлар, сизлар «Худо ризқ беради», – деб (очиқ-ойдин) гумроҳликдасизлар».

وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَٰذَا ٱلۡوَعۡدُ إِن كُنتُمۡ صَٰدِقِينَ ﴿٤٨﴾ مَا يَنظُرُونَ إِلَّا صَيۡحَةٗ
وَٰحِدَةٗ تَأۡخُذُهُمۡ وَهُمۡ يَخِصِّمُونَ ﴿٤٩﴾ فَلَا يَسۡتَطِيعُونَ تَوۡصِيَةٗ وَلَآ إِلَىٰٓ
23 жузъ أَهۡلِهِمۡ يَرۡجِعُونَ ﴿٥٠﴾

48-50. Кофирлар айтадиларки: «Агар сизлар рост айтсангизлар, Қиёматнинг ваъдаси қачон бўлади?» Улар (фақат) бир овоз бўлишига мунтазирдирлар (холос). Ҳолбуки, улар дунё ишига машғул бўлиб, бир-бири билан жанжаллашиб (тортишиб) турган ҳолларида бу овоз уларни олиб кетади. Бас, у вақтда улар васият қилишга ҳам, аҳллари олдига бориб хабарлашишга ҳам қодир бўлмай (қола)дилар.

وَنُفِخَ فِي ٱلصُّورِ فَإِذَا هُم مِّنَ ٱلۡأَجۡدَاثِ إِلَىٰ رَبِّهِمۡ يَنسِلُونَ ﴿٥١﴾ قَالُواْ يَٰوَيۡلَنَا
مَنۢ بَعَثَنَا مِن مَّرۡقَدِنَاۜ هَٰذَا مَا وَعَدَ ٱلرَّحۡمَٰنُ وَصَدَقَ ٱلۡمُرۡسَلُونَ ﴿٥٢﴾ إِن
كَانَتۡ إِلَّا صَيۡحَةٗ وَٰحِدَةٗ فَإِذَا هُمۡ جَمِيعٞ لَّدَيۡنَا مُحۡضَرُونَ ﴿٥٣﴾ فَٱلۡيَوۡمَ لَا تُظۡلَمُ
نَفۡسٞ شَيۡـٔٗا وَلَا تُجۡزَوۡنَ إِلَّا مَا كُنتُمۡ تَعۡمَلُونَ ﴿٥٤﴾

51-54. Сўнгра Исрофил (алайҳиссалом) тарафидан иккинчи сур тортилади. *Икки сур орасидаги вақтни қирқ йил дебдурлар.* Бас, ногоҳ бу сурдан кейин ўликлар қабрларидан туриб, Парвардигор ҳузурига шошиб борадилар. Кофирлар бу ҳолни кўрганларидан сўнг: «Вой бизнинг ҳолимизга! Бизни қабримиздан ким турғазди?», – деб айтадилар. Малоикалар жавоб берадилар: «Парвардигор у дунёда сизларга «Қайта тирилasизлар», – деб ваъда қилган эди, пайғамбарлар рост хабар берган эдилар. Сизлар эса мункир бўлган эдингизлар. Мана шу ваъда ҳозир келди». Бас, улар Бизнинг ҳузуримизда ҳозир қилинадилар. Бас, бу кун бирор нафсга (жонга) ҳеч қандай зулм қилинмайди. Магар амалларига яраша жазо берилади.

إِنَّ أَصۡحَٰبَ ٱلۡجَنَّةِ ٱلۡيَوۡمَ فِي شُغُلٖ فَٰكِهُونَ ﴿٥٥﴾ هُمۡ وَأَزۡوَٰجُهُمۡ فِي ظِلَٰلٍ عَلَى
ٱلۡأَرَآئِكِ مُتَّكِـُٔونَ ﴿٥٦﴾ لَهُمۡ فِيهَا فَٰكِهَةٞ وَلَهُم مَّا يَدَّعُونَ ﴿٥٧﴾ سَلَٰمٞ قَوۡلٗا مِّن رَّبّٖ
رَّحِيمٖ ﴿٥٨﴾ وَٱمۡتَٰزُواْ ٱلۡيَوۡمَ أَيُّهَا ٱلۡمُجۡرِمُونَ ﴿٥٩﴾

55-59. Албатта, бу кунда аҳли жаннат хурсандчиликка машғул бўладилар. Уларнинг ўзлари ва аёллари сояларда, тахтларда (роҳатланиб) суяниб (ёнбошлаб) ётадилар. Улар учун у ерда турли мевалар бордир.Улар

қандай нозу неъматларни талаб қилсалар, муҳайёдир. Аҳли жаннатларга меҳрибон Парвардигор тарафидан хитоб қилиб айтилади: «Салом бўлсин сизларга, эй аҳли жаннат! Жаннатда хурсандчилик билан роҳатланинг. Эй гуноҳкорлар, содиқ мўминлардан ажралинглар!».

۞ أَلَمْ أَعْهَدْ إِلَيْكُمْ يَٰبَنِىٓ ءَادَمَ أَن لَّا تَعْبُدُوا۟ ٱلشَّيْطَٰنَ ۖ إِنَّهُۥ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ
﴿٦٠﴾ وَأَنِ ٱعْبُدُونِى ۚ هَٰذَا صِرَٰطٌ مُّسْتَقِيمٌ ﴿٦١﴾ وَلَقَدْ أَضَلَّ مِنكُمْ جِبِلًّا كَثِيرًا ۖ
أَفَلَمْ تَكُونُوا۟ تَعْقِلُونَ ﴿٦٢﴾ هَٰذِهِۦ جَهَنَّمُ ٱلَّتِى كُنتُمْ تُوعَدُونَ ﴿٦٣﴾ ٱصْلَوْهَا 23 жузъ
ٱلْيَوْمَ بِمَا كُنتُمْ تَكْفُرُونَ ﴿٦٤﴾ ٱلْيَوْمَ نَخْتِمُ عَلَىٰٓ أَفْوَٰهِهِمْ وَتُكَلِّمُنَآ أَيْدِيهِمْ
وَتَشْهَدُ أَرْجُلُهُم بِمَا كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿٦٥﴾

60-65. Эй Одам авлодлари, Мен сизларга: «Шайтонга ибодат қилманг», — деб амр қилмадимми? Албатта, шайтон сизларга очиқ (ойдин) душмандир. «Менга ибодат қилинглар», — демадимми? Бу сизларга тўғри йўл эди. Шайтон сизларнинг кўпларингизни йўлдан оздирди. *Ахир сизлар бу ҳақда ўйламайсизларми?* Эй кофирлар, сизларга ваъда қилинган жаҳаннам мана шудир. Кофир бўлганликларинг учун бу кун шу жаҳаннамга киринглар. Бугунги кунда уларнинг оғизларига муҳр босамиз. Бизга қилган ишларидан қўллари гапиради ва оёқлари гувоҳлик беради.

وَلَوْ نَشَآءُ لَطَمَسْنَا عَلَىٰٓ أَعْيُنِهِمْ فَٱسْتَبَقُوا۟ ٱلصِّرَٰطَ فَأَنَّىٰ يُبْصِرُونَ ﴿٦٦﴾ وَلَوْ
نَشَآءُ لَمَسَخْنَٰهُمْ عَلَىٰ مَكَانَتِهِمْ فَمَا ٱسْتَطَٰعُوا۟ مُضِيًّا وَلَا يَرْجِعُونَ ﴿٦٧﴾
وَمَن نُّعَمِّرْهُ نُنَكِّسْهُ فِى ٱلْخَلْقِ ۖ أَفَلَا يَعْقِلُونَ ﴿٦٨﴾

66-68. Агар Биз хоҳласак, дунёда кўзларини йўқ қилган бўлардик. Бас, илгари юрмоқчи бўлсалар йўлни қандай (ҳам) кўра оладилар. Агар Биз хоҳласак, турган жойларида суратларини масх қилиб (ўзгартириб, қотириб) қўярдик. Бас, улар (олдинга) юришга ҳам ва (ортга) қайтишга ҳам қодир бўлмас эдилар. *Ўйлаб кўрсак, Худонинг бандаларга ибрат учун кўз бергани ва ҳаракат қилмоқ учун оёқ бергани ва меҳнат қилмоқ учун қўл бергани улуғ марҳаматидир.* Ва кимгаки, узоқ умр берсак, бас, у банданинг хилқатини ночор бир аҳволга қайтарамиз, *яъни, қуввати заифлашади ва ақли камаяди.* Бу ҳолатни ўйламайдиларми?

وَمَا عَلَّمْنَٰهُ ٱلشِّعْرَ وَمَا يَنۢبَغِى لَهُۥٓ ۚ إِنْ هُوَ إِلَّا ذِكْرٌ وَقُرْءَانٌ مُّبِينٌ ﴿٦٩﴾ لِّيُنذِرَ مَن
كَانَ حَيًّا وَيَحِقَّ ٱلْقَوْلُ عَلَى ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٧٠﴾

69-70. *Эй кофирлар, Муҳаммад (алайҳиссалом)ни шоир деманглар!* Биз унга шеърни таълим берганимиз йўқ ва унга шоирлик лойиқ эмас. Балки у ошкоро (очиқ-ойдин) Қуръондирки, унда панду насиҳатлар бордир. (Бу

Қуръон) Муҳаммад (алайҳиссалом)га диллари ҳаёт (қалби ўлмаган) одамларга насиҳат қилиши, агар Қуръон (ҳукми)ни қабул қилмасалар, кофирларга азобнинг ҳукми собит бўлишини етказиши учун (нозил қилинди).

أَوَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّا خَلَقْنَا لَهُم مِّمَّا عَمِلَتْ أَيْدِينَآ أَنْعَٰمًا فَهُمْ لَهَا مَٰلِكُونَ ﴿٧١﴾
وَذَلَّلْنَٰهَا لَهُمْ فَمِنْهَا رَكُوبُهُمْ وَمِنْهَا يَأْكُلُونَ ﴿٧٢﴾ وَلَهُمْ فِيهَا مَنَٰفِعُ وَمَشَارِبُ
أَفَلَا يَشْكُرُونَ ﴿٧٣﴾

23 жузъ 71-73. Биз қудрат (қўл)имиз билан уларнинг фойдасига ҳайвонлар халқ қилиб (яратиб) қўйганимизни оё, кўрмайдиларми? Бандалар ҳайвонларга моликдирлар, улардан кўп манфаатлар етади. Баъзиларини бўйсундириб қўйдик, миниб фойдаланадилар ва баъзиларининг гўштини ейдилар. Баъзиларининг жунидан фойдаланадилар, баъзиларининг сутини ичадилар. Энди бандалар Худонинг бу неъматларига шукр қилмайдиларми?!

وَٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِ ٱللَّهِ ءَالِهَةً لَّعَلَّهُمْ يُنصَرُونَ ﴿٧٤﴾ لَا يَسْتَطِيعُونَ نَصْرَهُمْ
وَهُمْ لَهُمْ جُندٌ مُّحْضَرُونَ ﴿٧٥﴾ فَلَا يَحْزُنكَ قَوْلُهُمْ إِنَّا نَعْلَمُ مَا يُسِرُّونَ وَمَا
يُعْلِنُونَ ﴿٧٦﴾ أَوَلَمْ يَرَ ٱلْإِنسَٰنُ أَنَّا خَلَقْنَٰهُ مِن نُّطْفَةٍ فَإِذَا هُوَ خَصِيمٌ مُّبِينٌ ﴿٧٧﴾

74-77. Кофирлар ўзларига Аллоҳдан бошқа бутларни «илоҳ» қилиб олдилар. Қиёматда «улардан ёрдам етади», деб умид қилдилар. Ҳолбуки, бутлар (заррача ҳам) ёрдам беришга қодир эмаслар. *Чунки ҳеч қандай ақл ва идроклари йўқ, жонсиз бир махлуқдирлар. Балки, аксинча, кофирлар бутларни сақлаб туришга ҳозир бўлган лашкардирлар.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сени кофирларнинг шаънингга айтган сўзлари ғамгин қилмасин. Биз уларнинг дилларидагини ҳам, ошкора айтган сўзларини ҳам биламиз. *Шунга яраша жазо берамиз.* Инсон Биз уни бир қатра сувдан яратганимизни билмайдими? Бас, бу инсон тарбия топганидан сўнг Бизга очиқ (ошкоро) душман бўлиб қолди.

وَضَرَبَ لَنَا مَثَلًا وَنَسِىَ خَلْقَهُۥ قَالَ مَن يُحْىِ ٱلْعِظَٰمَ وَهِىَ رَمِيمٌ ﴿٧٨﴾
قُلْ يُحْيِيهَا ٱلَّذِىٓ أَنشَأَهَآ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَهُوَ بِكُلِّ خَلْقٍ عَلِيمٌ ﴿٧٩﴾

78-79. Макка мушрикларидан бири чириган суякларни майдалаб, шамолга учириб юборди ва: «Буни Худо қандай тирилтиради?» – деб Бизга мисол баён қилди. Ваҳоланки, у кофир ўзининг қандай яратилганини эсидан чиқариб қўйди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айт, аввалги (илк) бор яратган Зот яна қайта тирилтиради. У Парвардигор ҳар қандай халқ қилиб яратишга қодирдир.

ٱلَّذِى جَعَلَ لَكُم مِّنَ ٱلشَّجَرِ ٱلْأَخْضَرِ نَارًا فَإِذَآ أَنتُم مِّنْهُ تُوقِدُونَ ﴿٨٠﴾

80. У Зотнинг шундай қудрати борки, сизларга кўкариб турган (яшил) дарахтдан ўт пайдо қилади. Сизлар у дарахтдан ўт ёндириб, ўзларингизга таом тайёрлайсизлар. *У дарахтнинг бирини Марах дейдилар. Яна бирини Афор дейдилар. Араб чўлларида ўсадиган, кўкарадиган Марахнинг шохини олиб Афорнинг шохига суркаса, ундан ўт чиқади.*

أَوَلَيْسَ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ بِقَٰدِرٍ عَلَىٰٓ أَن يَخْلُقَ مِثْلَهُم ۚ بَلَىٰ وَهُوَ ٱلْخَلَّٰقُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٨١﴾

81. Осмон ва ерни халқ қилган Зот одамларга ўхшаш майда, заиф махлуқни яна қайтадан яратмоққа қодир эмасми? *Албатта қодирдир*. У (Аллоҳ) доно ва халқ қилувчидир. 23 жузъ

إِنَّمَآ أَمْرُهُۥٓ إِذَآ أَرَادَ شَيْـًٔا أَن يَقُولَ لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿٨٢﴾

82. Парвардигорнинг шаъни шуки, бир нарсани пайдо қилишни (яратишни) хоҳлаб ҳукм қилиб: «Пайдо бўл!» деса, бас, пайдо бўлади.

فَسُبْحَٰنَ ٱلَّذِى بِيَدِهِۦ مَلَكُوتُ كُلِّ شَىْءٍ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٨٣﴾

83. Бас, Аллоҳ ҳамма нуқсонлардан пок, ҳар бир нарсанинг тасарруфи унинг қудратидадир: Қиёмат куни унинг ҳузурига қайтариласизлар.

Маккада нозил бўлган бу сура
бир юз саксон икки оятдан иборатдир.

23 жузъ *Суранинг номи саф тутган малакларга ишорат қиладиган илк оятидан олинган. Унда коинотдаги кучлардан, мўмин ва кофирларнинг аҳволларидан баҳс юритилади.*

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَٱلصَّٰٓفَّٰتِ صَفّٗا ﴿١﴾ فَٱلزَّٰجِرَٰتِ زَجۡرٗا ﴿٢﴾ فَٱلتَّٰلِيَٰتِ ذِكۡرًا ﴿٣﴾ إِنَّ إِلَٰهَكُمۡ
لَوَٰحِدٞ ﴿٤﴾ رَّبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَمَا بَيۡنَهُمَا وَرَبُّ ٱلۡمَشَٰرِقِ ﴿٥﴾

1-5. (Сафда) саф тортиб турган малоикаларга қасам! Шайтонларни осмонга чиқишдан манъ қилувчи малоикаларга қасам! Худонинг ваҳийсини анбиёларга олиб келиб, тиловат қилувчиларга қасам! Бас, эй бандалар, сизнинг Парвардигорингиз якка ва ягонадир. Осмонлару ернинг ва уларнинг ўртасидаги нарсаларнинг Парвардигоридир. Ва офтобнинг тулу қиладиган (чиқадиган) жойларининг Парвардигоридир.

إِنَّا زَيَّنَّا ٱلسَّمَآءَ ٱلدُّنۡيَا بِزِينَةٍ ٱلۡكَوَاكِبِ ﴿٦﴾ وَحِفۡظٗا مِّن كُلِّ شَيۡطَٰنٖ مَّارِدٖ ﴿٧﴾
لَّا يَسَّمَّعُونَ إِلَى ٱلۡمَلَإِ ٱلۡأَعۡلَىٰ وَيُقۡذَفُونَ مِن كُلِّ جَانِبٖ ﴿٨﴾ دُحُورٗاۖ وَلَهُمۡ
عَذَابٞ وَاصِبٌ ﴿٩﴾ إِلَّا مَنۡ خَطِفَ ٱلۡخَطۡفَةَ فَأَتۡبَعَهُۥ شِهَابٞ ثَاقِبٞ ﴿١٠﴾

6-10. Биз дунё осмонини зийнатлантириш ва уни ҳар бир саркаш шайтондан сақламоқ учун юлдузларни яратдик. Бу шайтонлар юқоридаги малоикаларнинг сўзларини эшитолмайдилар. Бу шайтонларга ҳар тарафдан ўтлар лахчаси (учқуни) отилади, хор ва заиф бўлиб, ерга йиқиладилар. Шайтонларга (узлуксиз) қаттиқ азоб муқаррардир. Магар (қай бир шайтон) фаришта元ларнинг бирор гапини (ўғринча эшитиб) қочмоқчи бўлса, бас, уни орқасидан куйдириб юборадиган лахча (шуъла) таъқиб этади (ва уни ҳалок қилади).

فَٱسۡتَفۡتِهِمۡ أَهُمۡ أَشَدُّ خَلۡقًا أَم مَّنۡ خَلَقۡنَآۚ إِنَّا خَلَقۡنَٰهُم مِّن طِينٖ لَّازِبِۭ ﴿١١﴾
بَلۡ عَجِبۡتَ وَيَسۡخَرُونَ ﴿١٢﴾ وَإِذَا ذُكِّرُواْ لَا يَذۡكُرُونَ ﴿١٣﴾

11-13. Макка мушрикларидан сўра: «Биз халқ қилган нарсаларга нисбатан уларни яратиш қийинроқми? *Яъни уларними ёки Биз халқ қилган ерy осмонни яратиш қаттиқми (мушкулми)?* Ҳолбуки, уларнинг боболарини ёпишқоқ лойдан халқ қилдик. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларнинг Қуръонни инкор этиб, иймон келтирмаганларига таажжуб қиласан, ваҳоланки, у кофирлар масхара этадилар. Вақтики (уларга) насиҳат берилса, қабул қилмайдилар.

وَإِذَا رَأَوْا۟ ءَايَةً يَسْتَسْخِرُونَ ﴿١٤﴾ وَقَالُوٓا۟ إِنْ هَـٰذَآ إِلَّا سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿١٥﴾ أَءِذَا
مِتْنَا وَكُنَّا تُرَابًا وَعِظَـٰمًا أَءِنَّا لَمَبْعُوثُونَ ﴿١٦﴾ أَوَءَابَآؤُنَا ٱلْأَوَّلُونَ ﴿١٧﴾ 23 жузъ
قُلْ نَعَمْ وَأَنتُمْ دَٰخِرُونَ ﴿١٨﴾

14-18. Ва агар бирор мўъжизани кўрсалар, масхара қилиб: «Бу очиқ (ойдин) жодугарлик», – дейдилар. «Бизлар ўлиб (тупроққа айланиб) кетсак, суякларимиз чириб кетса, бизлар қайтадан тириламизми? Ота-боболаримиз ҳам тириладиларми-а?», – деб айтадилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Оре! (Ҳа!) Хор ва залил бўлиб тириласизлар».

فَإِنَّمَا هِىَ زَجْرَةٌ وَٰحِدَةٌ فَإِذَا هُمْ يَنظُرُونَ ﴿١٩﴾ وَقَالُوا۟ يَـٰوَيْلَنَا هَـٰذَا يَوْمُ ٱلدِّينِ ﴿٢٠﴾
هَـٰذَا يَوْمُ ٱلْفَصْلِ ٱلَّذِى كُنتُم بِهِۦ تُكَذِّبُونَ ﴿٢١﴾

19-21. Ногоҳ Қиёмат куни бир сур тортилади. Улар қабрдан бош кўтариб: «Бизнинг ҳолимизга вой! Мана бу Йавмул-жазо, яъни Қиёмат бўлибди!», – деб айтадилар. Малоикалар айтадиларки: «Оре! (Ҳа!) Бу кун яхшилар ёмонлардан ажрайдиган кундир. Сизлар у дунёда бу куннинг келишига мункир эдингизлар».

۞ ٱحْشُرُوا۟ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ وَأَزْوَٰجَهُمْ وَمَا كَانُوا۟ يَعْبُدُونَ ﴿٢٢﴾ مِن دُونِ ٱللَّهِ
فَٱهْدُوهُمْ إِلَىٰ صِرَٰطِ ٱلْجَحِيمِ ﴿٢٣﴾ وَقِفُوهُمْ إِنَّهُم مَّسْـُٔولُونَ ﴿٢٤﴾ مَا لَكُمْ لَا
تَنَاصَرُونَ ﴿٢٥﴾ بَلْ هُمُ ٱلْيَوْمَ مُسْتَسْلِمُونَ ﴿٢٦﴾

22-26. Ҳақ таоло Қиёмат куни малоикаларга буюради: «Мушрик бўлиб, ўз нафсларига зулм қилганларни, уларнинг шерикларини ва ибодат қилиб юрган бутларини (ҳаммасини) Маҳшарга жам қилинглар, (уларга) дўзахнинг йўлини кўрсатинглар. Уларни майдонда бир оз (муддат) тўхтатиб туринглар, албатта, улардан савол қилинадики: «Бу кунда нима учун бир-бирларингизга ёрдам беролмайсизлар? *У дунёда «Бутларимиз ёрдам беради», – деб ўйлаган эдингизлар-ку?!»* Ҳақ таоло малоикаларга айтади: «Булар бир-бирларига ёрдам беришга қодир эмас, балки бугун буларнинг бўйинлари эгилган».

وَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ يَتَسَآءَلُونَ ﴿٢٧﴾ قَالُوٓا۟ إِنَّكُمْ كُنتُمْ تَأْتُونَنَا عَنِ ٱلْيَمِينِ

﴿٢٨﴾ قَالُوا۟ بَل لَّمْ تَكُونُوا۟ مُؤْمِنِينَ ﴿٢٩﴾ وَمَا كَانَ لَنَا عَلَيْكُم مِّن سُلْطَٰنٍۭ ۖ بَلْ كُنتُمْ
قَوْمًا طَٰغِينَ ﴿٣٠﴾

27-30. Уларнинг тобелари бошлиқларига савол қилиб айтадилар: «Сизлар бизларни зўрлик билан ўз динларингизга тобе қилар эдингизлар». Бошлиқлари жавоб берадиларки: «Биз сизларни тобе қилганимиз йўқ, балки, аслида, ўзларингиз мўмин бўлмагансиз. Сизларнинг устларингизда бизлар мусаллат (ҳукмрон) эмасдик, балки ўзларингиз ҳаддан ташқари йўлдан адашган қавм эдингизлар.
23 жузъ

فَحَقَّ عَلَيْنَا قَوْلُ رَبِّنَآ ۖ إِنَّا لَذَآئِقُونَ ﴿٣١﴾ فَأَغْوَيْنَٰكُمْ إِنَّا كُنَّا غَٰوِينَ ﴿٣٢﴾ فَإِنَّهُمْ
يَوْمَئِذٍ فِى ٱلْعَذَابِ مُشْتَرِكُونَ ﴿٣٣﴾ إِنَّا كَذَٰلِكَ نَفْعَلُ بِٱلْمُجْرِمِينَ ﴿٣٤﴾ إِنَّهُمْ كَانُوٓا۟
إِذَا قِيلَ لَهُمْ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا ٱللَّهُ يَسْتَكْبِرُونَ ﴿٣٥﴾

31-35. Бас, Худонинг (азоб) ҳукми ҳаммамизга вожиб бўлди. Энди дўзахнинг азобига мубтало бўлгувчилармиз. Бизнинг ўзимиз гумроҳ эдик, сизларни ҳам гумроҳликка шерик қилдик. Шунинг учун энди азобни бирга тортамиз». Албатта, уларнинг ҳаммалари Қиёмат куни дўзахнинг азобига шерикдирлар. Биз мушрикларга ана шундай муомала қиламиз, чунки у дунёда уларни тавҳид калимаси («Ло илоҳа иллаллоҳ»)га даъват қилинганда, кибр қилиб, бош тортгандилар.

وَيَقُولُونَ أَئِنَّا لَتَارِكُوٓا۟ ءَالِهَتِنَا لِشَاعِرٍ مَّجْنُونٍۭ ﴿٣٦﴾ بَلْ جَآءَ بِٱلْحَقِّ وَصَدَّقَ
ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٣٧﴾ إِنَّكُمْ لَذَآئِقُوا۟ ٱلْعَذَابِ ٱلْأَلِيمِ ﴿٣٨﴾ وَمَا تُجْزَوْنَ إِلَّا مَا كُنتُمْ
تَعْمَلُونَ ﴿٣٩﴾ إِلَّا عِبَادَ ٱللَّهِ ٱلْمُخْلَصِينَ ﴿٤٠﴾

36-40. (Ва улар) «Биз бир мажнун шоирга итоат қилиб, ўз илоҳларимиз ибодатини тарк қиламизми?», – деб айтар эдилар. Ваҳоланки, Муҳаммад (алайҳиссалом) шоир ҳам эмас, мажнун ҳам эмас, балки Худо тарафидан ҳақ динни олиб келган, ўтган пайғамбарларни тасдиқ қилгувчидир. Эй кофирлар, шубҳасиз, сизларга амалларингизга яраша жазо берилади. Сизлар қаттиқ азобга мубтало бўласизлар. Бу азобдан Худонинг ихлосли бандалари нажот топадилар.

أُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمْ رِزْقٌ مَّعْلُومٌ ﴿٤١﴾ فَوَٰكِهُ ۖ وَهُم مُّكْرَمُونَ ﴿٤٢﴾ فِى جَنَّٰتِ ٱلنَّعِيمِ ﴿٤٣﴾ عَلَىٰ
سُرُرٍ مُّتَقَٰبِلِينَ ﴿٤٤﴾ يُطَافُ عَلَيْهِم بِكَأْسٍ مِّن مَّعِينٍۭ ﴿٤٥﴾ بَيْضَآءَ لَذَّةٍ لِّلشَّٰرِبِينَ ﴿٤٦﴾
لَا فِيهَا غَوْلٌ وَلَا هُمْ عَنْهَا يُنزَفُونَ ﴿٤٧﴾ وَعِندَهُمْ قَٰصِرَٰتُ ٱلطَّرْفِ عِينٌ ﴿٤٨﴾
كَأَنَّهُنَّ بَيْضٌ مَّكْنُونٌ ﴿٤٩﴾

41-49. Жаннатда у ихлосли бандаларга лаззатли мевалардан ризқ муқаррар қилингандир. У жамоа жаннатда азизу мукаррам бўлиб, тахтларда (сўриларда) бир-бирларига рўбарў бўлиб ўтирадилар. Уларга ҳурлар тарафидан сутдан ҳам оқроқ, лаззатбахш шарбатлар жомларга тўлдириб, узатилиб турилади. Улар бу шароблардан ақлларини йўқотиб, маст ҳам бўлмайдилар. Жаннат аҳлининг олдиларида қора кўзли ҳурлар кўзларини аҳли жаннатга тикиб, ҳамиша хизматдадирлар. Уларнинг баданлари гўё туяқушнинг қаноти тагидаги тухумга ўхшаш оқдир.

فَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ يَتَسَآءَلُونَ ﴿٥٠﴾ قَالَ قَآئِلٌ مِّنْهُمْ إِنِّي كَانَ لِي قَرِينٌ ﴿٥١﴾ يَقُولُ 23 жузъ
أَءِنَّكَ لَمِنَ ٱلْمُصَدِّقِينَ ﴿٥٢﴾ أَءِذَا مِتْنَا وَكُنَّا تُرَابًا وَعِظَٰمًا أَءِنَّا لَمَدِينُونَ ﴿٥٣﴾
قَالَ هَلْ أَنتُم مُّطَّلِعُونَ ﴿٥٤﴾ فَٱطَّلَعَ فَرَءَاهُ فِي سَوَآءِ ٱلْجَحِيمِ ﴿٥٥﴾

50-55. Аҳли жаннатнинг баъзилари баъзиларига қараб, у дунёнинг аҳволидан савол қилишади. Улардан бири айтадики: «У дунёда менинг бир рафиқим (дўстим) бор эди. У менга айтар эди: «Сен Қиёмат кунига ишонувчимисан? Агар бизлар ўлиб, тупроққа айланиб кетсак ва суякларимиз чириб кетса, яна қайтадан тирилиб, қилган амалларимиз учун жазоланамизми?» Сўнгра у одам айтадики: «Сизлар менинг дўстимни кўрдингизларми? Аҳволидан хабардормисизлар?» *Улар бу одамга дўстини кўрсатадилар*. Бас, қарасаки дўсти жаҳаннамнинг ўртасида турибди.

قَالَ تَٱللَّهِ إِن كِدتَّ لَتُرْدِينِ ﴿٥٦﴾ وَلَوْلَا نِعْمَةُ رَبِّي لَكُنتُ مِنَ ٱلْمُحْضَرِينَ ﴿٥٧﴾
أَفَمَا نَحْنُ بِمَيِّتِينَ ﴿٥٨﴾ إِلَّا مَوْتَتَنَا ٱلْأُولَىٰ وَمَا نَحْنُ بِمُعَذَّبِينَ ﴿٥٩﴾ إِنَّ هَٰذَا لَهُوَ
ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿٦٠﴾ لِمِثْلِ هَٰذَا فَلْيَعْمَلِ ٱلْعَٰمِلُونَ ﴿٦١﴾

56-61. Жаннатдаги одам дўзахдаги дўстига айтади: «Парвардигорнинг номига қасамки, албатта, мени иғво қилиб, ҳалок қилишингга оз қолган экан. Агар менга Парвардигорнинг фазлу марҳамати бўлмаганда, мен сен билан (бирга) дўзахда ҳозир бўлардим». Жаннатдаги дўсти малоикалардан сўрайди: «Энди бизлар дунёда ўлганимиз каби бу жойда яна ўламизми?! Биз бу роҳатдан жудо бўлиб, яна азобга мубтало бўламизми?» Малоикалар жавоб берадиларки: «Сизларга энди ўлим ҳам йўқ, азоб ҳам йўқ». Бу одам айтадики: «Агар ундай бўлса, бизга улуғ саодат экан! Шундай саодатга етишиш учун у дунёда амал қилгувчилар (мана шундай) яхши амал қилишлари керак экан».

أَذَٰلِكَ خَيْرٌ نُّزُلًا أَمْ شَجَرَةُ ٱلزَّقُّومِ ﴿٦٢﴾ إِنَّا جَعَلْنَٰهَا فِتْنَةً لِّلظَّٰلِمِينَ ﴿٦٣﴾

62-63. Ҳақ таоло аҳли жаннатга айтади: «Меҳмондорчилик учун бу нозу неъматлар яхшими, ё дўзахдаги заққум дарахтининг мевасими?» Дўзахдаги у (заққум) дарахтини золимларни азоблаш учун яратганмиз.

إِنَّهَا شَجَرَةٌ تَخْرُجُ فِي أَصْلِ الْجَحِيمِ ﴿٦٤﴾ طَلْعُهَا كَأَنَّهُ رُءُوسُ الشَّيَاطِينِ ﴿٦٥﴾
فَإِنَّهُمْ لَآكِلُونَ مِنْهَا فَمَالِئُونَ مِنْهَا الْبُطُونَ ﴿٦٦﴾ ثُمَّ إِنَّ لَهُمْ عَلَيْهَا لَشَوْبًا مِنْ حَمِيمٍ
﴿٦٧﴾ ثُمَّ إِنَّ مَرْجِعَهُمْ لَإِلَى الْجَحِيمِ ﴿٦٨﴾ إِنَّهُمْ أَلْفَوْا آبَاءَهُمْ ضَالِّينَ ﴿٦٩﴾ فَهُمْ عَلَىٰ
آثَارِهِمْ يُهْرَعُونَ ﴿٧٠﴾

23 жузъ

64-70. Албатта, у Заққум дарахти дўзахнинг қаъридан кўкариб чиқади, меваларининг боши девларнинг (шайтонларнинг) бошига ўхшайди. Албатта, дўзах аҳли у мевалардан қоринларини тўйдириб ейдилар. У меваларни еганларидан сўнг дўзахнинг қайноқ заҳарли сувидан ичкизилади, сўнгра улар дўзахда азобланадиган жойларига қайтарилади. (Бу азоб шунинг учунки), улар ота-боболарини гумроҳ бўлган ҳолда топдилар (ва уларга эргашдилар). Энди уларнинг ўзлари ҳам ота-боболарининг орқасидан эргашиб гумроҳ бўлгандирлар.

وَلَقَدْ ضَلَّ قَبْلَهُمْ أَكْثَرُ الْأَوَّلِينَ ﴿٧١﴾ وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا فِيهِمْ مُنْذِرِينَ ﴿٧٢﴾ فَانْظُرْ
كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُنْذَرِينَ ﴿٧٣﴾ إِلَّا عِبَادَ اللَّهِ الْمُخْلَصِينَ ﴿٧٤﴾

71-74. Улардан илгари ҳам кўп миллатлар гумроҳ бўлган эдилар. Биз улар орасига насиҳат қилгувчи пайғамбарлар юборган эдик. У қавм (ўз) пайғамбарларига иймон келтирмасдан, ҳаммалари ҳалок бўлдилар. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларнинг оқибатлари қандоқ бўлганини кўр. Магар у азобдан Худонинг ихлосли бандалари нажот топдилар.

وَلَقَدْ نَادَانَا نُوحٌ فَلَنِعْمَ الْمُجِيبُونَ ﴿٧٥﴾ وَنَجَّيْنَاهُ وَأَهْلَهُ مِنَ الْكَرْبِ الْعَظِيمِ
﴿٧٦﴾ وَجَعَلْنَا ذُرِّيَّتَهُ هُمُ الْبَاقِينَ ﴿٧٧﴾ وَتَرَكْنَا عَلَيْهِ فِي الْآخِرِينَ ﴿٧٨﴾ سَلَامٌ عَلَىٰ
نُوحٍ فِي الْعَالَمِينَ ﴿٧٩﴾ إِنَّا كَذَٰلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿٨٠﴾ إِنَّهُ مِنْ عِبَادِنَا
الْمُؤْمِنِينَ ﴿٨١﴾ ثُمَّ أَغْرَقْنَا الْآخَرِينَ ﴿٨٢﴾

75-82. Нуҳ (алайҳиссалом) Бизга муножот қилиб, қавмининг ҳалок бўлишлигини талаб қилди. Биз мазлумнинг дуосини яхши ижобат қилгувчимиз. Биз кофирларни тўфон сувига ғарқ қилдик. Нуҳга ва унинг аҳлига улуғ ғамдан нажот бердик, зурриётларига дунёда боқийлик ато қилдик. Келгуси бандалар орасида Нуҳдан яхши ном қолдирдик. Олам аҳлининг ичида Нуҳга салом бўлсин! Албатта, Биз яхши амал қилгувчиларга шу хилда жазо (ажр-мукофот) берамиз. Нуҳ Бизнинг мўмин ва муте бандаларимиздан эди. Сўнгра бошқа қолган кофирларни ғарқ қилдик.

۞ وَإِنَّ مِنْ شِيعَتِهِ لَإِبْرَاهِيمَ ﴿٨٣﴾ إِذْ جَاءَ رَبَّهُ بِقَلْبٍ سَلِيمٍ ﴿٨٤﴾ إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ

وَقَوْمِهِۦ مَاذَا تَعْبُدُونَ ﴿٨٥﴾ أَئِفْكًا ءَالِهَةً دُونَ ٱللَّهِ تُرِيدُونَ ﴿٨٦﴾ فَمَا ظَنُّكُم بِرَبِّ
ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٨٧﴾ فَنَظَرَ نَظْرَةً فِى ٱلنُّجُومِ ﴿٨٨﴾ فَقَالَ إِنِّى سَقِيمٌ ﴿٨٩﴾ فَتَوَلَّوْا۟ عَنْهُ
مُدْبِرِينَ ﴿٩٠﴾ فَرَاغَ إِلَىٰٓ ءَالِهَتِهِمْ فَقَالَ أَلَا تَأْكُلُونَ ﴿٩١﴾ مَا لَكُمْ لَا تَنطِقُونَ ﴿٩٢﴾
فَرَاغَ عَلَيْهِمْ ضَرْبًۢا بِٱلْيَمِينِ ﴿٩٣﴾ فَأَقْبَلُوٓا۟ إِلَيْهِ يَزِفُّونَ ﴿٩٤﴾

83-94. Албатта, Иброҳим (алайҳиссалом) Нуҳ (алайҳиссалом)нинг тобеларидан эди. *Эй Муҳаммад, Иброҳим аҳволини ёд қил (эсла)!* Вақтики, Иброҳим Парвардигорнинг ҳузурига келди, қалби батамом гуноҳлардан ва ёмон ниятлардан пок эди. *Унинг ҳикоясини фикр қил!* Қачонки отасига ва қавмига айтди: «Қандай нарсага ибодат қиласизлар? Худодан бошқа ёлғон-ботил «илоҳлар»га ибодат қилишни истайсизларми? Тамом (бутун) оламларни яратган Парвардигор шаънига қандай гумон қиласизлар?» Бас, қавмини ишонтириш учун юлдузлар тарафига назар қилди. *Чунки қавми юлдузларга ибодат қилар эди, ёки илми нужумга машғул бўларди.* Сўнгра қавмларига айтди: «Юлдузларнинг аломатларига қараганда, Мен беморман, яъни касал бўлгувчиман». Бас, қавми Иброҳим (алайҳиссалом)дан юз ўгириб, касалларидан ҳазар қилиб (маросимларига) кетди. Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом) бутхонага яширин кириб, бутларга қаради. Кўрдики, кофирлар бутларининг олдиларига ҳар хил таом қўйибдилар. Иброҳим (алайҳиссалом) бутларни масхара қилиб, айтди: «Нима учун бу таомлардан емайсизлар, нега гапирмайсизлар?» Сўнгра у бутларнинг устига ҳужум қилиб, ўнг қўлидаги болта билан уриб, ёра бошлади. Қавми бутларнинг майдаланганини эшитиб, югуриб Иброҳим (алайҳиссалом)нинг олдига келдилар. 23 жузъ

قَالَ أَتَعْبُدُونَ مَا تَنْحِتُونَ ﴿٩٥﴾ وَٱللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ ﴿٩٦﴾ قَالُوا۟ ٱبْنُوا۟ لَهُۥ
بُنْيَٰنًا فَأَلْقُوهُ فِى ٱلْجَحِيمِ ﴿٩٧﴾ فَأَرَادُوا۟ بِهِۦ كَيْدًا فَجَعَلْنَٰهُمُ ٱلْأَسْفَلِينَ ﴿٩٨﴾

95-98. Иброҳим (алайҳиссалом) қавмига айтди: «Ўз қўлларингиз билан ясаган ҳайкалларингизга ибодат қиласизларми? Ваҳоланки, Аллоҳ таоло сизларни ҳам, қилган амалларингизни ҳам халқ қилгандир». Сўнгра қавми бир-бирларига айтдиларки: «Иброҳимни куйдириш учун бир уй бино қилинглар, сўнгра ўт қўйиб, Иброҳимни (унга) ташланглар». *Шундай қилиб, Иброҳимни куйдирмоқчи бўлдилар.* Бас, Биз уларнинг макрларини ботил қилиб, мағлуб этдик. Иброҳим (алайҳиссалом)га ўтни гулзор қилдик. Иброҳим ўтдан нажот топди.

وَقَالَ إِنِّى ذَاهِبٌ إِلَىٰ رَبِّى سَيَهْدِينِ ﴿٩٩﴾ رَبِّ هَبْ لِى مِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿١٠٠﴾ فَبَشَّرْنَٰهُ
بِغُلَٰمٍ حَلِيمٍ ﴿١٠١﴾ فَلَمَّا بَلَغَ مَعَهُ ٱلسَّعْىَ قَالَ يَٰبُنَىَّ إِنِّىٓ أَرَىٰ فِى ٱلْمَنَامِ أَنِّىٓ أَذْبَحُكَ
فَٱنظُرْ مَاذَا تَرَىٰ ۚ قَالَ يَٰٓأَبَتِ ٱفْعَلْ مَا تُؤْمَرُ ۖ سَتَجِدُنِىٓ إِن شَآءَ ٱللَّهُ مِنَ

ٱلصَّٰبِرِينَ ﴿١٠٢﴾ فَلَمَّآ أَسْلَمَا وَتَلَّهُۥ لِلْجَبِينِ ﴿١٠٣﴾

99-103. Вақтики, Иброҳим ўтдан нажот топди, айтди: «Мен Парвардигорим буюрган жойга ҳижрат қилиб кетаман. Умид қиламанки, Парвардигорим мени мақсудимга етказадир». Сўнгра Аллоҳга дуо қилиб: «Парвардигоро, менга бир фарзанд ато этки, солиҳлардан бўлсин», – деб илтижо қилди. Биз унга: «Сенга бир одобли, ҳалим ўғил ато қиламиз», – деб башорат бердик. (Бас), қачонки, Исмоил (алайҳиссалом) меҳнат қилишга етгандан кейин (улғайганида)[1] Иброҳим (алайҳиссалом) айтди: «Эй ўғил-
23 жузъ чам, Худо тарафидан Сени қурбонлик қилишга амр қилиндим. Бас, энди Сен бу тўғрида нима фикр қиласан?» Исмоил (алайҳиссалом) айтди: «Эй отажон, Худонинг амрини бажо келтиринг, иншоаллоҳ Мени сабр қилгувчилардан топасиз». Албатта, ота-бола Худонинг ҳукмига таслим бўлдилар. Иброҳим (алайҳиссалом) ўғилларини қурбонлик қиладиган жойга олиб бориб, Худонинг ҳукмини бажо келтириш учун пешоналарини ерга қилиб ётқизган вақтларида

وَنَٰدَيْنَٰهُ أَن يَٰٓإِبْرَٰهِيمُ ﴿١٠٤﴾ قَدْ صَدَّقْتَ ٱلرُّءْيَآ ۚ إِنَّا كَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْمُحْسِنِينَ
﴿١٠٥﴾ إِنَّ هَٰذَا لَهُوَ ٱلْبَلَٰٓؤُا۟ ٱلْمُبِينُ ﴿١٠٦﴾ وَفَدَيْنَٰهُ بِذِبْحٍ عَظِيمٍ ﴿١٠٧﴾

104-107. Биз унга нидо қилиб айтдикки: «Эй Иброҳим, Сен кўрган тушингни рост чиқариб (тасдиқ қилиб), Бизнинг ҳукмимизни бажо келтирдинг. *Биз ўғлингни ўлимдан озод қилдик*. Биз Худонинг ҳукмини бажарувчиларга ана шундай ажр берамиз». Албатта, бу Иброҳим учун очиқ (ойдин) имтиҳон эди. Сўнгра Биз Исмоил (алайҳиссалом)нинг ўрнига катта бир қўчқорни (қурбонлик учун) сўйишга бердик.

وَتَرَكْنَا عَلَيْهِ فِى ٱلْـَٔاخِرِينَ ﴿١٠٨﴾ سَلَٰمٌ عَلَىٰٓ إِبْرَٰهِيمَ ﴿١٠٩﴾ كَذَٰلِكَ نَجْزِى
ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿١١٠﴾ إِنَّهُۥ مِنْ عِبَادِنَا ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١١١﴾ وَبَشَّرْنَٰهُ بِإِسْحَٰقَ نَبِيًّا مِّنَ
ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿١١٢﴾ وَبَٰرَكْنَا عَلَيْهِ وَعَلَىٰٓ إِسْحَٰقَ ۚ وَمِن ذُرِّيَّتِهِمَا مُحْسِنٌ وَظَالِمٌ
لِّنَفْسِهِۦ مُبِينٌ ﴿١١٣﴾

108-113. Келгуси одамлар учун Иброҳим (алайҳиссалом)дан яхши ном қолдирдик. Иброҳимга Биздан салом бўлсин! Биз яхшиларга ана шундай жазо (ажр-мукофот) берамиз! Албатта, Иброҳим мўмин бандаларимиздан эди. Иброҳим (алайҳиссалом)га: «Сенга Исҳоқ исмли фарзанд ато этилади, ўзи Пайғамбар бўлиб, солиҳлардан бўлади», – деб башорат бердик. Биз Иброҳим ва Исҳоққа баракот бердик. Уларнинг зурриётларидан солиҳлар ҳам пайдо бўлади, ўз нафсига очиқ зулм қилгувчилар ҳам пайдо бўлади.

[1] Яъни, ўн икки – ўн беш ёшлар орасида.

وَلَقَدْ مَنَنَّا عَلَىٰ مُوسَىٰ وَهَٰرُونَ ﴿١١٤﴾ وَنَجَّيْنَٰهُمَا وَقَوْمَهُمَا مِنَ ٱلْكَرْبِ
ٱلْعَظِيمِ ﴿١١٥﴾ وَنَصَرْنَٰهُمْ فَكَانُوا۟ هُمُ ٱلْغَٰلِبِينَ ﴿١١٦﴾ وَءَاتَيْنَٰهُمَا ٱلْكِتَٰبَ
ٱلْمُسْتَبِينَ ﴿١١٧﴾ وَهَدَيْنَٰهُمَا ٱلصِّرَٰطَ ٱلْمُسْتَقِيمَ ﴿١١٨﴾ وَتَرَكْنَا عَلَيْهِمَا فِى
ٱلْـَٔاخِرِينَ ﴿١١٩﴾ سَلَٰمٌ عَلَىٰ مُوسَىٰ وَهَٰرُونَ ﴿١٢٠﴾ إِنَّا كَذَٰلِكَ نَجْزِى
ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿١٢١﴾ إِنَّهُمَا مِنْ عِبَادِنَا ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٢٢﴾ 23 жузъ

114-122. Биз Мусо ва Ҳорунга (неъматлар) эҳсон қилдик. Биз иккровига ҳам, қавмига ҳам улуғ ғамдан нажот бердик. *Ва уларга ёрдам қилдик,* улар ўз душманлари устидан ғолиб бўлдилар. Сўнгра уларга равшан ва мукаммал Таврот китобини ато қилдик, икковларига тўғри йўлни кўрсатдик. Кейин келгувчилар учун улардан яхши ном қолдирдик. Мусо билан Ҳорунга Бизадан салом бўлсин! Биз яхшиларга ана шундай жазо (ажр-мукофот) берамиз! Икковлари мўмин бандаларимиздан эдилар.

وَإِنَّ إِلْيَاسَ لَمِنَ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿١٢٣﴾ إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِۦٓ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٢٤﴾
أَتَدْعُونَ بَعْلًا وَتَذَرُونَ أَحْسَنَ ٱلْخَٰلِقِينَ ﴿١٢٥﴾ ٱللَّهَ رَبَّكُمْ وَرَبَّ ءَابَآئِكُمُ
ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٢٦﴾ فَكَذَّبُوهُ فَإِنَّهُمْ لَمُحْضَرُونَ ﴿١٢٧﴾ إِلَّا عِبَادَ ٱللَّهِ
ٱلْمُخْلَصِينَ ﴿١٢٨﴾ وَتَرَكْنَا عَلَيْهِ فِى ٱلْـَٔاخِرِينَ ﴿١٢٩﴾ سَلَٰمٌ عَلَىٰٓ إِلْ يَاسِينَ ﴿١٣٠﴾
إِنَّا كَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿١٣١﴾ إِنَّهُۥ مِنْ عِبَادِنَا ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٣٢﴾

123-132. Албатта, Илёс ҳам пайғамбарлардандир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), унинг аҳволини ёд қил (эсла). У ўз қавмига айтди: «Худодан қўрқмайсизларми? Баъл деган бутга ибодат қиласизлар, энг яхши яратувчи бўлган Парвардигорни тарк этасизлар. Аллоҳ таоло сизларни ҳам ва ўтган ота-боболарингизни ҳам яратган Парвардигордир». Бас, Илёс (алайҳиссалом)ни қавми инкор қилиб, иймон келтирмадилар. Шунинг учун улар Қиёмат куни дўзахга ҳозирланувчидирлар. Магар Худонинг ихлосли бандалари нажот топгувчидирлар. Ва кейин келгувчилар учун Илёсдан яхши ном қолдирдик. Илёсга Худонинг саломи бўлсин! Биз яхшиларга ана шундай жазо (ажр-мукофот) берамиз! Илёс мўмин бандаларимиздан эди.

وَإِنَّ لُوطًا لَّمِنَ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿١٣٣﴾ إِذْ نَجَّيْنَٰهُ وَأَهْلَهُۥٓ أَجْمَعِينَ ﴿١٣٤﴾ إِلَّا عَجُوزًا فِى
ٱلْغَٰبِرِينَ ﴿١٣٥﴾ ثُمَّ دَمَّرْنَا ٱلْـَٔاخَرِينَ ﴿١٣٦﴾ وَإِنَّكُمْ لَتَمُرُّونَ عَلَيْهِم مُّصْبِحِينَ ﴿١٣٧﴾

وَبِٱلَّيْلِ ۗ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿١٣٨﴾

133-138. Ва, албатта, Лут ҳам пайғамбарлардан эди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), унинг аҳволини эсла! Ўшанда Биз унга ва унинг аҳлига, ҳаммасига нажот бердик. Магар унинг бир кампири (хотини) кейин қолиб, ҳалок бўлди. Сўнгра қолган қавмнинг ҳаммасини ҳалок қилдик. Эй Қурайш халқи, сизлар эртаю кеч сафарларингизда уларнинг ҳалок бўлган маконларидан ўтиб турасизлар. Оё, андиша (фикру мулоҳаза) қилмайсизлармi? Кофирларнинг аҳволи қандай бўлар экан?

23 жузъ

وَإِنَّ يُونُسَ لَمِنَ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿١٣٩﴾ إِذْ أَبَقَ إِلَى ٱلْفُلْكِ ٱلْمَشْحُونِ ﴿١٤٠﴾

فَسَاهَمَ فَكَانَ مِنَ ٱلْمُدْحَضِينَ ﴿١٤١﴾ فَٱلْتَقَمَهُ ٱلْحُوتُ وَهُوَ مُلِيمٌ ﴿١٤٢﴾

139-142. Ва, албатта, Юнус ҳам пайғамбарлардандир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), унинг аҳволини ёд қил (эсла)! Вақтики кофирлардан қочиб, дарё (денгиз)га келиб одамлар билан тўла бўлган кемага кирди, (довул туриб), кемани катта бир балиқ тўсди. Кема аҳли хожасидан қочган бир кишини дарёга ташламоқчи бўлиб чек (қуръа) ташладилар. Бас, чек Юнус (алайҳиссалом)нинг номига чиқди. Юнус (алайҳиссалом)ни дарёга ташладилар, балиқ ютиб юборди. Юнус (алайҳиссалом) ўз нафсини маломат қилар эди: *«Ла илаҳа илла анта субҳанака инний кунту миназ-золимийн» — яъни, «Сендан бошқа ҳеч маъбуд йўқдир, Сен ҳамма айблардан покдирсан! Мен ўз нафсимга зулм қилгувчилардандирман!», — деб тавба қилди.*

فَلَوْلَآ أَنَّهُۥ كَانَ مِنَ ٱلْمُسَبِّحِينَ ﴿١٤٣﴾ لَلَبِثَ فِى بَطْنِهِۦٓ إِلَىٰ يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿١٤٤﴾

۞ فَنَبَذْنَٰهُ بِٱلْعَرَآءِ وَهُوَ سَقِيمٌ ﴿١٤٥﴾ وَأَنۢبَتْنَا عَلَيْهِ شَجَرَةً مِّن يَقْطِينٍ ﴿١٤٦﴾

وَأَرْسَلْنَٰهُ إِلَىٰ مِا۟ئَةِ أَلْفٍ أَوْ يَزِيدُونَ ﴿١٤٧﴾ فَـَٔامَنُوا۟ فَمَتَّعْنَٰهُمْ إِلَىٰ حِينٍ ﴿١٤٨﴾

143-148. Агар у тасбеҳ айтувчилардан бўлмаганда эди, Қиёматгача балиқнинг қорнида қолар эди. Бас, Биз уни ниҳоятда заиф, касал бўлган ҳолида балиқнинг қорнидан чиқариб, майдонга ташладик. Сўнгра Биз унинг бошида қовоқ дарахтини ўстириб қўйдик, бошига соя солди. Ва куч-қувватга кирганидан сўнг уни иккинчи марта юз минг ёки ундан зиёдароқ (кишилик) қавмга юбордик. Бас, улар иймон келтирдилар. Биз уларни то ажаллари келгунича дунё лаззатларидан фойдалантирдик.

فَٱسْتَفْتِهِمْ أَلِرَبِّكَ ٱلْبَنَاتُ وَلَهُمُ ٱلْبَنُونَ ﴿١٤٩﴾ أَمْ خَلَقْنَا ٱلْمَلَٰٓئِكَةَ

إِنَٰثًا وَهُمْ شَٰهِدُونَ ﴿١٥٠﴾ أَلَآ إِنَّهُم مِّنْ إِفْكِهِمْ لَيَقُولُونَ ﴿١٥١﴾

وَلَدَ ٱللَّهُ وَإِنَّهُمْ لَكَٰذِبُونَ ﴿١٥٢﴾

149-152. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу мушриклардан сўра: «(Нега) малоикаларни Худонинг қизлари дейсизлар, ваҳоланки ўзларингиз қиз-

ларни ёмон кўрасизлар?» Жавоб берсинлар-чи, у ҳолда нега ўзларига ўғилларни, Худога қизларни (нисбат) берадилар? Ёки айтсинлар-чи, малоикаларни қиз қилиб яратганмизда, улар ҳозир эканларми? Огоҳ бўлгилки, уларнинг: «Худонинг фарзанди бор», — дейишлари бўҳтонларидан ва ёлғонларидандир. Албатта, улар ёлғончидирлар.

أَصْطَفَى ٱلْبَنَاتِ عَلَى ٱلْبَنِينَ ﴿١٥٣﴾ مَا لَكُمْ كَيْفَ تَحْكُمُونَ ﴿١٥٤﴾ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ

﴿١٥٥﴾ أَمْ لَكُمْ سُلْطَٰنٌ مُّبِينٌ ﴿١٥٦﴾ فَأْتُوا۟ بِكِتَٰبِكُمْ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿١٥٧﴾

وَجَعَلُوا۟ بَيْنَهُۥ وَبَيْنَ ٱلْجِنَّةِ نَسَبًا ۚ وَلَقَدْ عَلِمَتِ ٱلْجِنَّةُ إِنَّهُمْ لَمُحْضَرُونَ ﴿١٥٨﴾ 23 жузъ

سُبْحَٰنَ ٱللَّهِ عَمَّا يَصِفُونَ ﴿١٥٩﴾ إِلَّا عِبَادَ ٱللَّهِ ٱلْمُخْلَصِينَ ﴿١٦٠﴾

153-160. Ё Худойи таоло ўзига ўғилларни ихтиёр қилмай, қизларни ихтиёр қилганми? Сизларга нима бўлдики, нотўғри ҳукм қиласизлар? *Андиша қилмайсизларми?* Сизларнинг (даъво қилишларингизда) бирор ҳужжат борми ёки сизларда бирор ёзилган китоб борми? Агар рост айтсангизлар, (ўша) китобларингизни олиб келинг! *Уларнинг аҳмоқлигига қарагилки,* Худо билан жин ва девлар ўртасида қариндошлик (насаб даъвоси)ни муқаррар қиладилар. Жин ва парилар Қиёмат куни Парвардигорнинг ҳузурига ҳозир қилинишларини биладилар. Худойи таоло у кофирларнинг баён қилган сифатларидан покдир. Албатта, Худонинг ихлосли бандалари Парвардигорни бундай (нотўғри) сифатлар билан ёд қилмайдилар.

فَإِنَّكُمْ وَمَا تَعْبُدُونَ ﴿١٦١﴾ مَآ أَنتُمْ عَلَيْهِ بِفَٰتِنِينَ ﴿١٦٢﴾ إِلَّا مَنْ هُوَ صَالِ

ٱلْجَحِيمِ ﴿١٦٣﴾

161-163. Бас, сизлар ва сиз ибодат қилаётган бутлар ҳеч кимни гумроҳ қилолмайсизлар. Магар Худонинг (азалий) илмида дўзахга кирувчи бўлган одамнигина гумроҳ қилурсизлар.

وَمَا مِنَّآ إِلَّا لَهُۥ مَقَامٌ مَّعْلُومٌ ﴿١٦٤﴾ وَإِنَّا لَنَحْنُ ٱلصَّآفُّونَ ﴿١٦٥﴾ وَإِنَّا لَنَحْنُ

ٱلْمُسَبِّحُونَ ﴿١٦٦﴾

164-166. *Қачонки кофирлар малоикаларни «Худонинг қизлари» деганларида, малоикалар ўзларининг аҳволларини маълум қилиб айтдилар:* «Бизлар Худонинг бандаларимиз. Бизларнинг ҳар биримизга Худо тарафидан муайян бир мартаба (мақом) муайяндир. Бизларнинг баъзиларимиз Худонинг ибодатида саф тортиб турамиз ва баъзиларимиз унга тасбеҳ айтгувчилардирмиз».

وَإِن كَانُوا۟ لَيَقُولُونَ ﴿١٦٧﴾ لَوْ أَنَّ عِندَنَا ذِكْرًا مِّنَ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٦٨﴾ لَكُنَّا عِبَادَ

ٱللَّهِ ٱلْمُخْلَصِينَ ﴿١٦٩﴾ فَكَفَرُوا۟ بِهِۦ ۖ فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿١٧٠﴾

167-170. Қурайш кофирлари Ислом келмасидан олдин: «Агар бизларга илгари ўтганлардан панду насиҳат қиладиган бир китоб қолган бўлганида эди, биз унга амал қилиб, Аллоҳнинг ихлосли бандаларидан бўлар эдик», – деб айтардилар. *Қачонки, Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбар бўлиб дунёга келдилар, китобларнинг афзали ва олийси Қуръон нозил бўлди.* Қурайш кофирлари уни инкор қилиб, иймон келтирмадилар, қилган аҳдларига вафо қилмадилар. Куфрларининг оқибати қандай бўлишини яқинда биладилар.

وَلَقَدْ سَبَقَتْ كَلِمَتُنَا لِعِبَادِنَا ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿١٧١﴾ إِنَّهُمْ لَهُمُ ٱلْمَنصُورُونَ ﴿١٧٢﴾
23 жузъ وَإِنَّ جُندَنَا لَهُمُ ٱلْغَٰلِبُونَ ﴿١٧٣﴾

171-173. Албатта, Биз пайғамбарларга ёрдам берамиз, уларни кофирлар устидан ғолиб қиламиз, деган ваъдамиз Лавҳул Маҳфузда ёзилган. Шубҳасиз, пайғамбарлар нусрат топадилар. Бизнинг лашкарларимиз, яъни мўмин бандаларимиз, албатта, кофирлар устидан ғалаба қиладилар.

فَتَوَلَّ عَنْهُمْ حَتَّىٰ حِينٍ ﴿١٧٤﴾ وَأَبْصِرْهُمْ فَسَوْفَ يُبْصِرُونَ ﴿١٧٥﴾ أَفَبِعَذَابِنَا
يَسْتَعْجِلُونَ ﴿١٧٦﴾ فَإِذَا نَزَلَ بِسَاحَتِهِمْ فَسَآءَ صَبَاحُ ٱلْمُنذَرِينَ ﴿١٧٧﴾ وَتَوَلَّ
عَنْهُمْ حَتَّىٰ حِينٍ ﴿١٧٨﴾ وَأَبْصِرْ فَسَوْفَ يُبْصِرُونَ ﴿١٧٩﴾

174-179. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), энди Сен улардан юз ўгириб, то қитолга (жиҳодга) амр қилгунимизча қараб тур! Бас, кофирлар ҳам яқинда Сенинг ғалаба қилганингни кўрадилар. *Вақтики, кофирлар Пайғамбарнинг ғалаба қилганини эшитдилар, ўзларига бало келишлигини билиб, Муҳаммаддан: «Бизга бало қачон келади?», – деб сўрашди.* Ҳақ Таоло айтди: «Кофирлар Бизнинг азобимиз тезда келишини истайдиларми? Агар уларнинг майдонларига (устларига) бало тушар экан, улар кўп ёмон кунга қоладилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), улардан юз ўгириб, то қитол ояти келгунича қараб тур. Улар ҳам яқинда куфрларининг оқибатини кўрадилар.

سُبْحَٰنَ رَبِّكَ رَبِّ ٱلْعِزَّةِ عَمَّا يَصِفُونَ ﴿١٨٠﴾ وَسَلَٰمٌ عَلَى ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿١٨١﴾
وَٱلْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٨٢﴾

180-182. Иззат ва ғалаба эгаси – Парвардигоринг кофирларнинг айтган сўзларидан покдир! Пайғамбарларга салом бўлсин! Ва ҳамма яхшиликлар (ҳамду санолар) оламларни яратган Парвардигорникидир.

Маккада нозил бўлган бу сура саксон саккиз оятдан иборатдир.

Сура Қамар сурасидан кейин Маккада нозил бўлган. Унинг номи биринчи 23 жузъ
оятда келган «сод» ҳарфидан олинган. Суранинг бошида Қуръони каримнинг ҳақ Китоб эканлиги билан қасам ичилади. Кейинги оятларда Макка мушрикларининг саркашликлари, уларга нисбатан сабрли бўлиш, айрим пайғамбарлар ҳаётидан лавҳалар, жаннатий мўминлар ва дўзахий кофирлар ҳақида сўз юритилади. Иблиснинг такаббурлиги ва жаннатдан қувилишидан, Қуръон башоратларининг ҳақлигидан хабар берилади.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

صٓۚ وَٱلۡقُرۡءَانِ ذِي ٱلذِّكۡرِ ﴿١﴾ بَلِ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ فِي عِزَّةٖ وَشِقَاقٖ ﴿٢﴾ كَمۡ أَهۡلَكۡنَا
مِن قَبۡلِهِم مِّن قَرۡنٖ فَنَادَواْ وَّلَاتَ حِينَ مَنَاصٖ ﴿٣﴾

1-3. Сод. *Бу (муқаттаот) ҳарфнинг маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Ундан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Панду насиҳатга ва шариат аҳкомларига эга бўлган Қуръонга қасамки, Қуръон кофирларнинг «сеҳр» деган сўзларига мувофиқ эмасдир. Балки кофирларнинг ўзлари саркаш ва адоватга мубталодирлар. Биз улардан илгари ҳам кўп умматларни ҳалок қилган эдик, улар у вақтда (азоб келганда) доду фарёд қилиб, нажот сўрар эдилар. Лекин у вақтда уларга ҳеч қандай нажот ва паноҳ топадиган жой йўқ эди.

وَعَجِبُوٓاْ أَن جَآءَهُم مُّنذِرٞ مِّنۡهُمۡۖ وَقَالَ ٱلۡكَٰفِرُونَ هَٰذَا سَٰحِرٞ كَذَّابٌ ﴿٤﴾ أَجَعَلَ
ٱلۡأٓلِهَةَ إِلَٰهٗا وَٰحِدًاۖ إِنَّ هَٰذَا لَشَيۡءٌ عُجَابٞ ﴿٥﴾ وَٱنطَلَقَ ٱلۡمَلَأُ مِنۡهُمۡ أَنِ ٱمۡشُواْ
وَٱصۡبِرُواْ عَلَىٰٓ ءَالِهَتِكُمۡۖ إِنَّ هَٰذَا لَشَيۡءٞ يُرَادُ ﴿٦﴾ مَا سَمِعۡنَا بِهَٰذَا فِي ٱلۡمِلَّةِ ٱلۡأٓخِرَةِ
إِنۡ هَٰذَآ إِلَّا ٱخۡتِلَٰقٌ ﴿٧﴾ أَءُنزِلَ عَلَيۡهِ ٱلذِّكۡرُ مِنۢ بَيۡنِنَاۚ بَلۡ هُمۡ فِي شَكّٖ مِّن ذِكۡرِيۚ
بَل لَّمَّا يَذُوقُواْ عَذَابِ ﴿٨﴾

4-8. Вақтики, Муҳаммад (алайҳиссалом) ўз қавмига Пайғамбар бўлиб келганида Қурайш кофирлари айтдилар: «Бу Муҳаммад ёлғончи, жодугар-

дир. Муҳаммад бизларнинг кўп худоларимизни битта худога айлантирадими? Оламнинг интизоми бир Худонинг қўлидан келадими? Бу таажжуб қиладиган ишдир». Қурайш жамоаси Муҳаммад (алайҳиссалом)дан бу гапларни эшитгандан сўнг туриб кетиб (пешволари) бир-бирларига айтдилар: «Ўз худоларингизнинг ибодатига юринглар! Сабр қилинглар! Бизлар кейинги бошқа миллатлардан «худо бир» деган сўзни эшитмаган эдик. Бу Муҳаммаднинг дини, бизнинг ичимизга адоват солишни мақсад қилиб олган. Магар у ўйлаб чиқарилган ёлғондир. Бизнинг ичимиздан Муҳаммад Пайғамбар бўлиб, унга Қуръон нозил қилинибдими? Обрўли одамлар турган
23 жузъ ҳолда-я?» (Йўқ!) Биз Муҳаммад (алайҳиссалом)га ваҳий юборганимизга бу кофирлар шак-шубҳададирлар? Ҳали улар азобни тотиб кўрганлари йўқ. *Вақтики, азобни кўрсалар, ҳақни билар эдилар.*

أَمْ عِندَهُمْ خَزَآئِنُ رَحْمَةِ رَبِّكَ ٱلْعَزِيزِ ٱلْوَهَّابِ ﴿٩﴾ أَمْ لَهُم مُّلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا ۖ فَلْيَرْتَقُوا۟ فِى ٱلْأَسْبَٰبِ ﴿١٠﴾ جُندٌ مَّا هُنَالِكَ مَهْزُومٌ مِّنَ
ٱلْأَحْزَابِ ﴿١١﴾

9-11. Ёки қудратли ва энг сахий Парвардигор хазиналарининг ихтиёри уларнинг қўлидами? Ёки еру осмонларнинг ва улар ўртасидаги нарсаларнинг эгаси уларми? Бас, агар шундай бўлса, осмонга чиқиш асбобларини топиб, осмонга чиқсинлар. *Лекин ҳеч нарсанинг ихтиёри уларнинг қўлларида эмас.* Улар Муҳаммад (алайҳиссалом) билан жанг қилиб, майдондан шикастланиб қочган (кофирлар гуруҳидан бўлган бир) лашкардир.

كَذَّبَتْ قَبْلَهُمْ قَوْمُ نُوحٍ وَعَادٌ وَفِرْعَوْنُ ذُو ٱلْأَوْتَادِ ﴿١٢﴾ وَثَمُودُ وَقَوْمُ لُوطٍ
وَأَصْحَٰبُ لْـَٔيْكَةِ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلْأَحْزَابُ ﴿١٣﴾ إِن كُلٌّ إِلَّا كَذَّبَ ٱلرُّسُلَ فَحَقَّ
عِقَابِ ﴿١٤﴾

12-14. Қурайш кофирларидан илгари Нуҳ (алайҳиссалом) қавми Нуҳ (алайҳиссалом)ни таксиб (ёлғончи) қилган эди. Од қавми Ҳуд (алайҳиссалом)ни, иймон келтирганларни азобловчи Фиръавн Мусо (алайҳиссалом)ни ёлғончи қилган эдилар ва Самуд қавми Солиҳ (алайҳиссалом)ни, Лут қавми Лут (алайҳиссалом)ни, Айка аҳли Шуайб (алайҳиссалом)ни ёлғончи қилган эдилар. Улар Аллоҳга қарши фирқалардир. У гуруҳларнинг ҳар бири ўз пайғамбарларини ёлғончи қилдилар. Бас, уларга Худонинг азоби вожиб бўлиб, ҳаммалари ҳалок бўлдилар.

وَمَا يَنظُرُ هَٰٓؤُلَآءِ إِلَّا صَيْحَةً وَٰحِدَةً مَّا لَهَا مِن فَوَاقٍ ﴿١٥﴾ وَقَالُوا۟ رَبَّنَا عَجِّل لَّنَا
قِطَّنَا قَبْلَ يَوْمِ ٱلْحِسَابِ ﴿١٦﴾

15-16. Улар энди ҳеч нарса тўхтатолмайдиган Исрофилнинг кучли бир овозига (қичқириғига) мунтазир бўлиб турадилар, холос. Макка мушрик-

лари масхара қилиб: «Эй Раббимиз, азобдан ҳар қанча насибамиз бўлса, Қиёматдан илгари уни тездик билан бизга юбор», – деб дуо қилишарди.

ٱصْبِرْ عَلَىٰ مَا يَقُولُونَ وَٱذْكُرْ عَبْدَنَا دَاوُۥدَ ذَا ٱلْأَيْدِ إِنَّهُۥٓ أَوَّابٌ ﴿١٧﴾ إِنَّا سَخَّرْنَا
ٱلْجِبَالَ مَعَهُۥ يُسَبِّحْنَ بِٱلْعَشِىِّ وَٱلْإِشْرَاقِ ﴿١٨﴾ وَٱلطَّيْرَ مَحْشُورَةً كُلٌّ لَّهُۥٓ أَوَّابٌ ﴿١٩﴾
وَشَدَدْنَا مُلْكَهُۥ وَءَاتَيْنَٰهُ ٱلْحِكْمَةَ وَفَصْلَ ٱلْخِطَابِ ﴿٢٠﴾

17-20. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларнинг сўзларига ғамгин
бўлмай, сабр қил. Бизнинг бандамиз Довуд (алайҳиссалом)ни ёд қил (эсла)! 23 жузъ
У қувват соҳиби, ҳам подшоҳ, ҳам Пайғамбар эди. Подшоҳлик уни мағрур қилмади. Албатта, у Бизнинг тарафимизга қайтгувчидир. Албатта, Биз Довудга тоғларни бўйсундирган эдик, кечаю кундуз унга қўшилиб тасбеҳ айтар эдилар. Ва (тўплангувчи) қушлар жамоасини ҳам *унга бўйсундирган эдик, улар ҳам Довуд билан қўшилиб тасбеҳ айтар эдилар.* Уларнинг ҳар бири Биз тарафимизга қайттувчидирлар. Унинг подшоҳлигини лашкарлар билан қувватли қилдик ва унга илм-ҳикмат ато этдик. Ва хасмлар ўртасида ҳақни топиб (адолат билан) ҳукм қилиш илмини ҳам берган эдик.

۞ وَهَلْ أَتَىٰكَ نَبَؤُا۟ ٱلْخَصْمِ إِذْ تَسَوَّرُوا۟ ٱلْمِحْرَابَ ﴿٢١﴾ إِذْ دَخَلُوا۟ عَلَىٰ دَاوُۥدَ
فَفَزِعَ مِنْهُمْ ۖ قَالُوا۟ لَا تَخَفْ ۖ خَصْمَانِ بَغَىٰ بَعْضُنَا عَلَىٰ بَعْضٍ فَٱحْكُم بَيْنَنَا
بِٱلْحَقِّ وَلَا تُشْطِطْ وَٱهْدِنَآ إِلَىٰ سَوَآءِ ٱلصِّرَٰطِ ﴿٢٢﴾

21-22. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга икки (жанжаллашувчи) даъвогарнинг хабари келганми? Ўшанда (улар) Довуд (алайҳиссалом)-нинг ибодат қилиб ўтирган масжидларига девордан ошиб тушган эдилар. Довуд (алайҳиссалом) улардан қўрқиб кетди. *Чунки, улар (унинг ҳузурига) ижозатсиз кириб келган эдилар.* Улар (иккови) айтдилар: «Эй Довуд, биздан қўрқма, биз икки даъвогармиз. Баъзимиз-баъзимизга (бир-биримизга) зулм қилдик. (Сен) бизларнинг ўртамизда адолат билан ҳукм эт! Жабр қилма ва бизларни инсоф йўлига бошла!

إِنَّ هَٰذَآ أَخِى لَهُۥ تِسْعٌ وَتِسْعُونَ نَعْجَةً وَلِىَ نَعْجَةٌ وَٰحِدَةٌ فَقَالَ أَكْفِلْنِيهَا وَعَزَّنِى فِى
ٱلْخِطَابِ ﴿٢٣﴾ قَالَ لَقَدْ ظَلَمَكَ بِسُؤَالِ نَعْجَتِكَ إِلَىٰ نِعَاجِهِۦ ۖ وَإِنَّ كَثِيرًا مِّنَ
ٱلْخُلَطَآءِ لَيَبْغِى بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ إِلَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَقَلِيلٌ
مَّا هُمْ ۗ وَظَنَّ دَاوُۥدُ أَنَّمَا فَتَنَّٰهُ فَٱسْتَغْفَرَ رَبَّهُۥ وَخَرَّ رَاكِعًا وَأَنَابَ ۩ ﴿٢٤﴾

23-24. *Бизнинг жанжалимиз шундан иборатки,* (мана) бу менинг биродарим бўлади. Унинг тўқсон тўққизта совлиқ қўйи бор. Менинг (эса) бир дона совлиқ қўйим бор. Бу: «Шу бир дона қўйингни ҳам менга топширгил», – деб хусуматда (тортишувда) мендан ғалаба қилди. *Менинг бир дона қўйимни тортиб олди. Энди сиз адолат билан ҳукм қилинг».* Довуд

(алайҳиссалом) айтди: «Агар шундай қилган бўлса, бинодаринг сенинг қўйингни тортиб олиб, (ўз қўйларига қўшиб олиш билан) сенга зулм қилибди. Албатта, кўп шериклар бир-бирларига зулм қиладилар. Магар Аллоҳга иймон келтирган ва яхши амаллар қилганларгина зулм қилмайдилар. Лекин ундай одамлар кам топилади». *Бу даъвогарлар Довуд ўзига (ўзи) ҳукм чиқарди, деб ғойиб бўлдилар. Довуд алайҳиссалом билдиларки, улар фаришталар бўлиб,у кишини огоҳлантириш учун Худо юборган. Баъзи қиссаларда келтириладики, Довуд алайҳиссаломнинг тўқсон тўққизта хотинлари бор эди. У кишининг лашкарларидан Уриё деган одам бир қизни хотин-*
23 жузъ *ликка сўради. Ҳазрати Довуд алайҳиссалом ҳам уни сўради. Ул қизнинг ота-онаси Уриёга бермасдан,Довуд алайҳиссаломга бердилар. Бу муомала Парвардигорга хуш келмади ва Довуд алайҳиссаломга шу тариқа танбиҳ берди. Ҳақиқатни Аллоҳ билгувчидир!* Довуд (алайҳиссалом) Парвардигорга қайтиб, саждага йиқилиб, кечирим сўради. **(24-оят сажда оятидир).**

فَغَفَرْنَا لَهُۥ ذَٰلِكَ ۖ وَإِنَّ لَهُۥ عِندَنَا لَزُلْفَىٰ وَحُسْنَ مَـَٔابٍ ﴿٢٥﴾ يَٰدَاوُۥدُ إِنَّا
جَعَلْنَٰكَ خَلِيفَةً فِى ٱلْأَرْضِ فَٱحْكُم بَيْنَ ٱلنَّاسِ بِٱلْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعِ ٱلْهَوَىٰ
فَيُضِلَّكَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَضِلُّونَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌۢ
بِمَا نَسُوا۟ يَوْمَ ٱلْحِسَابِ ﴿٢٦﴾

25-26. Бас, Биз Довуднинг у қилган ишини кечирдик. Албатта, Довуд яхши амаллар билан Бизга қурбат (яқинлик) ҳосил қилгандир. Биз Довудга хитоб қилиб айтдикки: «Эй Довуд, Биз Сени ер юзига подшоҳ (халифа) қилдик, энди Сен халқ ўртасида адолат билан ҳукм қил! Нафсинг хоҳишларига тобе бўлма! Чунки нафсинг Сени Худонинг йўлидан адаштиради. Худонинг йўлидан гумроҳ бўлган (адашган) кишилар охиратни эсларидан чиқарганликлари учун қаттиқ азобга мубтало бўладилар.

وَمَا خَلَقْنَا ٱلسَّمَآءَ وَٱلْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا بَٰطِلًا ۚ ذَٰلِكَ ظَنُّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ۚ فَوَيْلٌ
لِّلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنَ ٱلنَّارِ ﴿٢٧﴾ أَمْ نَجْعَلُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ
كَٱلْمُفْسِدِينَ فِى ٱلْأَرْضِ أَمْ نَجْعَلُ ٱلْمُتَّقِينَ كَٱلْفُجَّارِ ﴿٢٨﴾ كِتَٰبٌ أَنزَلْنَٰهُ إِلَيْكَ
مُبَٰرَكٌ لِّيَدَّبَّرُوٓا۟ ءَايَٰتِهِۦ وَلِيَتَذَكَّرَ أُو۟لُوا۟ ٱلْأَلْبَٰبِ ﴿٢٩﴾

27-29. Биз еру осмонни, уларнинг ўртасидаги нарсаларни ботил (беҳуда) яратмадик. «Ер ва осмон ўз-ўзидан пайдо бўлган», — деган сўзлар кофирларнинг эътиқодларидир. Дўзахга кирувчи кофирларнинг аҳволларига вой! Биз мўминларни ва яхши амал қилгувчиларни ер юзида фасод қилувчилар каби яратармидик? Ёки тақводорларни фосиқ-фожирларга ўхшатиб халқ қилармидик? *Уларни ҳаргиз баробар қилмадик.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ушбу Қуръон унинг оятларига тафаккур қилишлари ва ақл соҳиблари ундан панд (ибрат) олишлари учун Биз Сенга нозил қилган хайрли ва баракотли Китобдир.

وَوَهَبْنَا لِدَاوُۥدَ سُلَيْمَـٰنَ ۚ نِعْمَ ٱلْعَبْدُ ۖ إِنَّهُۥٓ أَوَّابٌ ﴿٣٠﴾ إِذْ عُرِضَ عَلَيْهِ بِٱلْعَشِىِّ

ٱلصَّـٰفِنَـٰتُ ٱلْجِيَادُ ﴿٣١﴾ فَقَالَ إِنِّىٓ أَحْبَبْتُ حُبَّ ٱلْخَيْرِ عَن ذِكْرِ رَبِّى حَتَّىٰ تَوَارَتْ

بِٱلْحِجَابِ ﴿٣٢﴾ رُدُّوهَا عَلَىَّ ۖ فَطَفِقَ مَسْحًۢا بِٱلسُّوقِ وَٱلْأَعْنَاقِ ﴿٣٣﴾

30-33. Ва Биз Довуд (алайҳиссалом)га Сулаймонни ҳийба (ҳадя) қилдик. Сулаймон кўп яхши банда эди. У ҳамиша Худога мутаважжиҳ (юзлангувчи) эди. Вақтики, кечқурун яхши (югурик) отларни томоша қилишга рўбарў қилинганида Сулаймон (алайҳиссалом) бу отларнинг томошасига машғул бўлиб, кечқурунги қиладиган ибодатларини эсларидан чиқариб қўйдилар, ибодатнинг вақти ўтиб кетди. Сулаймон (алайҳиссалом) афсус қилиб айтдиларки: «Мен дунёнинг муҳаббатига машғул бўлиб, Парвардигорнинг ёдидан ғофил бўлдим. Ҳаттоки, офтоб ботиб, ибодатнинг вақти ўтиб кетибди». Буюрдиларки: «Бу отларни менинг олдимга қайтариб олиб келинглар, токи фавт бўлган ибодатнинг каффоратига у отларни қурбонлик қилай». Сўнгра у отларни сўйиб, Худонинг йўлида қурбонлик қилди. 23 жузъ

وَلَقَدْ فَتَنَّا سُلَيْمَـٰنَ وَأَلْقَيْنَا عَلَىٰ كُرْسِيِّهِۦ جَسَدًا ثُمَّ أَنَابَ ﴿٣٤﴾ قَالَ رَبِّ ٱغْفِرْ

لِى وَهَبْ لِى مُلْكًا لَّا يَنۢبَغِى لِأَحَدٍ مِّنۢ بَعْدِىٓ ۖ إِنَّكَ أَنتَ ٱلْوَهَّابُ ﴿٣٥﴾

34-35. Биз Сулаймон (алайҳиссалом)ни бир фитна (синов)га мубтало қилдик. Унинг тахтига бир жасадни-девни ташлаб қўйдик. *У дев Сулаймон (алайҳиссалом)нинг ўрниларига ҳукмронлик қилди. Сўнгра Сулаймон (алайҳиссалом) подшоҳликдан ажраб сарсон бўлиб юрдилар. Чунки Сулаймон (алайҳиссалом)нинг қўлларидаги узукларини дев ўғирлаган эди. У узукка Исми Аъзам ёзилган эди. Ҳамма нарса шу узукка мусаххар (бўйсунган) эди. Парвардигор раҳм қилиб узугини яна қўлига қайтарди. Валлоҳу аълам.** Сулаймон (алайҳиссалом) Парвардигорга дуо қилиб айтди: «Эй Парвардигоро, мени кечир! Менга шундай подшоҳлик берки, мендан кейин ҳеч кимга муяссар бўлмасин. Сен ҳар бир нарсани ато қилгувчисан».

فَسَخَّرْنَا لَهُ ٱلرِّيحَ تَجْرِى بِأَمْرِهِۦ رُخَآءً حَيْثُ أَصَابَ ﴿٣٦﴾ وَٱلشَّيَـٰطِينَ كُلَّ بَنَّآءٍ

وَغَوَّاصٍ ﴿٣٧﴾ وَءَاخَرِينَ مُقَرَّنِينَ فِى ٱلْأَصْفَادِ ﴿٣٨﴾ هَـٰذَا عَطَآؤُنَا فَٱمْنُنْ أَوْ

أَمْسِكْ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿٣٩﴾ وَإِنَّ لَهُۥ عِندَنَا لَزُلْفَىٰ وَحُسْنَ مَـَٔابٍ ﴿٤٠﴾

36-40. Бас, Биз унга шамолни бўйинсундирдик. Қаерга хоҳласа оҳиста олиб боради. Ва яна катта биноларни қурувчи шайтонларни (жинларни)

---

* *Айтибдурларки, бу жасад – Сулаймон алайҳиссаломнинг руҳсиз ўғли бўлган. Ёки у зотнинг бир сабаб билан қирқ кун давомида касал бўлиб қолган ҳолсиз, мажолсиз жасадларига ишорадир. Баъзилар бу жасаддан мурод Сулаймон алайҳиссаломнинг Исми Аъзам ёзилган узугини ўғирлаган жиндурки, қирқ кун ҳукмронлик қилган. Сўнгра Аллоҳ таоло у узукни яна Сулаймон алайҳиссаломга қайтариб берган, дебдурлар. Ҳақиқатни Аллоҳ билгувчидир.*

мусаххар қилдик. (Дарё-денгизлар қаъридан) гавҳарлар чиқариб берувчи ғаввос шайтонларни муқаррар қилдик. Бошқа бир фирқа саркаш девларни асир қилиб, занжирларга боғлаб қўйдик. Сулаймонга айтдик: «Булар Сенга ато қилган (нарса)ларимиздир. Уларни бошқа муҳтожларга берсанг ҳам, ё ўзингда сақлаб қолдирсанг ҳам Сен ҳисобга тортилмайсан. *Расулуллоҳ (алайҳиссалом) айтган эканлар: «Қиёмат куни молдорлар ўзининг молидан ҳисоб берадилар, магар Сулаймон алайҳиссалом ҳисоб бермайди.* Ва, албатта, Бизнинг наздимизда Сулаймонни Бизга яқин қилгувчи яхши амаллари бор. Унинг Бизга қайтиши яхшидир.

23 жузъ وَٱذْكُرْ عَبْدَنَآ أَيُّوبَ إِذْ نَادَىٰ رَبَّهُۥٓ أَنِّى مَسَّنِىَ ٱلشَّيْطَٰنُ بِنُصْبٍ وَعَذَابٍ ﴿٤١﴾
ٱرْكُضْ بِرِجْلِكَ هَٰذَا مُغْتَسَلٌۢ بَارِدٌ وَشَرَابٌ ﴿٤٢﴾ وَوَهَبْنَا لَهُۥٓ أَهْلَهُۥ وَمِثْلَهُم مَّعَهُمْ
رَحْمَةً مِّنَّا وَذِكْرَىٰ لِأُو۟لِى ٱلْأَلْبَٰبِ ﴿٤٣﴾ وَخُذْ بِيَدِكَ ضِغْثًا فَٱضْرِب بِّهِۦ وَلَا
تَحْنَثْ إِنَّا وَجَدْنَٰهُ صَابِرًا نِّعْمَ ٱلْعَبْدُ إِنَّهُۥٓ أَوَّابٌ ﴿٤٤﴾

41-44. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Менинг собир бандам Айюбни ёд қил! Вақтики у Парвардигорга муножот этиб, дуо қилди: «Эй Парвардигоро, менга дард ва аламлар етди, шайтон иғво қилиб, озор беради. Эй Парвардигоро, Сен раҳм қилгувчиларнинг яхшисидирсан, менинг ҳолимга раҳм қил». *Биз унинг дуосини қабул қилдик. Жаброилга амр этдик,*бориб Айюбга: «Эй Айюб, оёғингни ерга ур», – деб буюрди. *У Парвардигорнинг амрини бажарган эди, оёқлари тагидан икки чашма пайдо бўлди. Жаброил алайҳиссалом айтдики:* «Бу чашманинг суви иссиқ, бунга ғусл қил, иккинчи чашманинг суви совуқ, бундан ич!» *(Баъзи муфассирлар чашма битта бўлган. Аллоҳнинг иродаси билан ичганда суви совуққа, чўмилганда иссиққа айланган, дейишган).* Ва Биз Айюбга аҳли аёлини, унинг мислича яна ҳалок бўлган фарзандларини ва бойликларини қайтариб бердик. Бу унга Биз тарафимиздан фазлу марҳамат эди ва ақлли кишиларга бунда ибрат (эслатма) бор эди. *Ҳазрати Айюб алайҳиссаломнинг хотини овқат истаб қишлоққа кетганида таъхир қилган эди. Айюб алайҳиссалом:* «Агар келса, юз калтак ураман», – деб қасамёд қилди. Кейин пушаймон бўлди. Жаброил (алайҳиссалом) келиб айтдики: «Майда новдалардан юзтасини тўплаб, ўша билан ур, қасамингни бузмаган бўласан». Биз Айюбни балоларга сабр қилгувчи топдик. У Худога қайтувчи яхши бандадир.

وَٱذْكُرْ عِبَٰدَنَآ إِبْرَٰهِيمَ وَإِسْحَٰقَ وَيَعْقُوبَ أُو۟لِى ٱلْأَيْدِى وَٱلْأَبْصَٰرِ ﴿٤٥﴾ إِنَّآ
أَخْلَصْنَٰهُم بِخَالِصَةٍ ذِكْرَى ٱلدَّارِ ﴿٤٦﴾ وَإِنَّهُمْ عِندَنَا لَمِنَ ٱلْمُصْطَفَيْنَ
ٱلْأَخْيَارِ ﴿٤٧﴾

45-47. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Бизнинг бандаларимиз Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқуб (алайҳимуссаломлар)ни ёд қил! Улар саховатли қўлларга, ҳақни кўрадиган кўзларга эга эдилар. Биз уларни покиза одатга хос қил

ган эдик. У одат шундан иборат эдики, доим охиратни ёд қилар эдилар. Ва, албатта, у зотлар Бизнинг наздимизда бандаларнинг ичидан саралаб олинган яхши кишилардан эдилар.

وَاذْكُرْ إِسْمَاعِيلَ وَالْيَسَعَ وَذَا الْكِفْلِ ۖ وَكُلٌّ مِّنَ الْأَخْيَارِ ﴿٤٨﴾

48. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Исмоил, Аляса ва Зулкифл (алайҳимуссалом) пайғамбарларнинг қиссаларини ёд қил. Уларнинг ҳар бири Худонинг энг яхши бандаларидан эди.

هَٰذَا ذِكْرٌ ۚ وَإِنَّ لِلْمُتَّقِينَ لَحُسْنَ مَآبٍ ﴿٤٩﴾ جَنَّاتِ عَدْنٍ مُّفَتَّحَةً لَّهُمُ الْأَبْوَابُ 23 жузъ
﴿٥٠﴾ مُتَّكِئِينَ فِيهَا يَدْعُونَ فِيهَا بِفَاكِهَةٍ كَثِيرَةٍ وَشَرَابٍ ﴿٥١﴾ ۞ وَعِندَهُمْ
قَاصِرَاتُ الطَّرْفِ أَتْرَابٌ ﴿٥٢﴾ هَٰذَا مَا تُوعَدُونَ لِيَوْمِ الْحِسَابِ ﴿٥٣﴾ إِنَّ هَٰذَا
لَرِزْقُنَا مَا لَهُ مِن نَّفَادٍ ﴿٥٤﴾

49-54. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), шу пайғамбарларнинг қиссалари Сенга насиҳат бўладиган ва ибрат оладиган қиссалардир. Албатта, муттақийлар учун улар турадиган Адн жаннатининг дарвозалари очиқдир. У жаннатда суяниб роҳатланадилар ва ҳар хил мевалардан талаб қиладилар ҳамда ҳар турли шароблардан ичадилар. Бир-бирлари билан ёшда баробар бўлган қоракўз ҳурлар уларнинг хизматларига кўзларини тикиб ҳозирдирлар. Малоикалар айтадилар: «Сизларга у дунёда Қиёмат кунида ваъда қилинган нозу неъматлар мана шулардан иборат». Парвардигор айтадики: «Албатта, сизларга берган бу ризқларимиз ҳаргиз тугамайди».

هَٰذَا ۚ وَإِنَّ لِلطَّاغِينَ لَشَرَّ مَآبٍ ﴿٥٥﴾ جَهَنَّمَ يَصْلَوْنَهَا فَبِئْسَ الْمِهَادُ ﴿٥٦﴾ هَٰذَا
فَلْيَذُوقُوهُ حَمِيمٌ وَغَسَّاقٌ ﴿٥٧﴾ وَآخَرُ مِن شَكْلِهِ أَزْوَاجٌ ﴿٥٨﴾ هَٰذَا فَوْجٌ
مُّقْتَحِمٌ مَّعَكُمْ ۖ لَا مَرْحَبًا بِهِمْ ۚ إِنَّهُمْ صَالُو النَّارِ ﴿٥٩﴾ قَالُوا بَلْ أَنتُمْ لَا مَرْحَبًا
بِكُمْ ۖ أَنتُمْ قَدَّمْتُمُوهُ لَنَا ۖ فَبِئْسَ الْقَرَارُ ﴿٦٠﴾ قَالُوا رَبَّنَا مَن قَدَّمَ لَنَا هَٰذَا فَزِدْهُ
عَذَابًا ضِعْفًا فِي النَّارِ ﴿٦١﴾

55-61. Жаннат аҳлига Парвардигорнинг марҳаматлари ана шундайдир. Албатта, ҳаддидан ошган кофирларнинг борадиган жойлари – жаҳаннам кўп ёмон жойдир. Улар унга кирадилар. Бас, ётадиган жойлари кўп ёмондир! Мана бу азоб қайноқ сувдан ва зардоб сувдан иборатдир. Уни ичиб кўрсинлар. Яна шунга ўхшаш бошқа азоблар бордир. Малоикалар бир жамоани бошлаб келиб, аҳли дўзахга: «Мана бу гуруҳ ҳам сизлар билан бирга бўладилар (жаҳаннамга кирадилар)», – дейдилар. Аҳли дўзах айтади: «Уларга ҳеч яхши кун бўлмасин! Албатта, улар ҳам шум амаллари

учун дўзахга кирадилар». Заифлари бошлиқларидан бу сўзни эшитганларидан сўнг жавоб берадиларки: «(Йўқ), сизларга ҳаргиз яхши кун бўлмасин! Сизлар бизни иғво қилдингизлар ва ёмон амалларга далолат қилдингизлар. Бу ёмон жойга келиб қолдик». Яна дуо қилиб айтадиларки: «Эй Парвардигор, ҳар кимки бизларни куфр ва залолатга рўбарў қилган бўлса, унинг дўзахдаги азобини икки баробар (зиёда) қил!»

وَقَالُوا۟ مَا لَنَا لَا نَرَىٰ رِجَالًا كُنَّا نَعُدُّهُم مِّنَ ٱلْأَشْرَارِ ﴿٦٢﴾ أَتَّخَذْنَٰهُمْ سِخْرِيًّا أَمْ
23 жузъ زَاغَتْ عَنْهُمُ ٱلْأَبْصَٰرُ ﴿٦٣﴾ إِنَّ ذَٰلِكَ لَحَقٌّ تَخَاصُمُ أَهْلِ ٱلنَّارِ ﴿٦٤﴾

62-64. Қурайш кофирлари дўзахга кирганларида айтадилар: «Нима бўлди бизга? Биз у дунёда ёмонлардан ҳисоблаб юрган кишиларни бу ерда кўрмаяпмиз. Ёки биз уларни нотўғри масхара қилган эдикми? Ёки улар ҳақ бўлганмилар? Ёки дўзахда бўлсалар ҳам, бизнинг кўзимиз хато қилиб, кўрмаяптими?» Албатта, Биз қилган ҳикоялар дўзах аҳлининг бирбирлари билан қиладиган жанжал (тортишув)ларидир. *Бу ҳақиқатдир.*

قُلْ إِنَّمَآ أَنَا۠ مُنذِرٌ ۖ وَمَا مِنْ إِلَٰهٍ إِلَّا ٱللَّهُ ٱلْوَٰحِدُ ٱلْقَهَّارُ ﴿٦٥﴾ رَبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا ٱلْعَزِيزُ ٱلْغَفَّٰرُ ﴿٦٦﴾ قُلْ هُوَ نَبَؤٌا۟ عَظِيمٌ ﴿٦٧﴾ أَنتُمْ عَنْهُ
مُعْرِضُونَ ﴿٦٨﴾ مَا كَانَ لِىَ مِنْ عِلْمٍۭ بِٱلْمَلَإِ ٱلْأَعْلَىٰٓ إِذْ يَخْتَصِمُونَ ﴿٦٩﴾ إِن يُوحَىٰٓ
إِلَىَّ إِلَّآ أَنَّمَآ أَنَا۠ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٧٠﴾

65-70. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «Мен сизларни Худонинг азобидан қўрқитгувчиман, холос. Шуни айтаманки, ҳеч бир маъбуд йўқ, магар яккаю ягона ва ҳамма нарсада ғолиб бўлган Аллоҳ бордир. Ер ва осмонларни ва улар ўртасидаги нарсаларни яратгувчи Парвардигордир. Кечирувчи ва ғолибдир». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «Мен сизларга хабар бераётган нарсаларим улуғ хабардир. Аммо сизлар ундан юз ўгирмоқдасиз. Менинг юқори (олам)даги малоикалар тўғрисида ва уларнинг тортишаётганлари хусусида ҳеч (бир) илмим йўқ. Ҳар бир нарсаки, менга Худо тарафидан ваҳий қилинса, мен уни ошкора хабар бергувчидирман».

إِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَٰٓئِكَةِ إِنِّى خَٰلِقٌۢ بَشَرًا مِّن طِينٍ ﴿٧١﴾ فَإِذَا سَوَّيْتُهُۥ وَنَفَخْتُ فِيهِ مِن
رُّوحِى فَقَعُوا۟ لَهُۥ سَٰجِدِينَ ﴿٧٢﴾ فَسَجَدَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ كُلُّهُمْ أَجْمَعُونَ ﴿٧٣﴾
إِلَّآ إِبْلِيسَ ٱسْتَكْبَرَ وَكَانَ مِنَ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٧٤﴾

71-74. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ёд қил у вақтники, Парвардигоринг малоикаларга айтди: «Албатта, Мен Одамни лойдан яратгувчиман, вақтики, унинг вужудини ростлаб, ичига руҳимни дохил қилсам (киритсам), унга сажда қилиш учун ерга йиқилинглар!» *Парвардигор Ҳазрати*

Одамни яратди. Унга руҳидан уфурди. Бас, ҳамма малоикалар сажда қилдилар, магар шайтон кибр қилиб сажда қилмади. У кофирлардан бўлди.

قَالَ يَٰٓإِبۡلِيسُ مَا مَنَعَكَ أَن تَسۡجُدَ لِمَا خَلَقۡتُ بِيَدَيَّۖ أَسۡتَكۡبَرۡتَ أَمۡ كُنتَ مِنَ
ٱلۡعَالِينَ ﴿٧٥﴾ قَالَ أَنَا۠ خَيۡرٞ مِّنۡهُ خَلَقۡتَنِي مِن نَّارٖ وَخَلَقۡتَهُۥ مِن طِينٖ ﴿٧٦﴾

75-76. Худо айтди: «Эй шайтон, Мен Ўз қудратим билан яратган Одамга сажда қилишдан сени нима нарса қайтарди. Кибр қилдингми ёки мартабанг баланд (бўлди)ми?». Шайтон айтди: «Менинг мартабам Одамдан баланд, мен ундан афзалман, чунки Сен мени оловдан яратгансан. Одамни эса лойдан яратдинг. *Бас, албатта, мен ундан афзалдирман».* 23 жузъ

قَالَ فَٱخۡرُجۡ مِنۡهَا فَإِنَّكَ رَجِيمٞ ﴿٧٧﴾ وَإِنَّ عَلَيۡكَ لَعۡنَتِيٓ إِلَىٰ يَوۡمِ ٱلدِّينِ ﴿٧٨﴾ قَالَ
رَبِّ فَأَنظِرۡنِيٓ إِلَىٰ يَوۡمِ يُبۡعَثُونَ ﴿٧٩﴾ قَالَ فَإِنَّكَ مِنَ ٱلۡمُنظَرِينَ ﴿٨٠﴾ إِلَىٰ يَوۡمِ ٱلۡوَقۡتِ
ٱلۡمَعۡلُومِ ﴿٨١﴾ قَالَ فَبِعِزَّتِكَ لَأُغۡوِيَنَّهُمۡ أَجۡمَعِينَ ﴿٨٢﴾ إِلَّا عِبَادَكَ مِنۡهُمُ
ٱلۡمُخۡلَصِينَ ﴿٨٣﴾

77-83. Худо айтди: «Бас, сен мардудсан, жаннатдан чиқ! Ва, албатта, Қиёматгача сенга Менинг лаънатим бўлгай!». Шайтон айтди: «Эй Парвардигор, то Қиёматгача менга муҳлат бергил!» Худо айтди: «Сенга муайян вақтгача муҳлат берилди». Шайтон айтди: «Сенинг иззатингга қасамки, Одам авлодининг ҳаммасини гумроҳ қиламан, магар холис эътиқодли бандаларинг менга итоат қилмайдилар».

قَالَ فَٱلۡحَقُّ وَٱلۡحَقَّ أَقُولُ ﴿٨٤﴾ لَأَمۡلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنكَ وَمِمَّن تَبِعَكَ مِنۡهُمۡ أَجۡمَعِينَ ﴿٨٥﴾ قُلۡ مَآ
أَسۡـَٔلُكُمۡ عَلَيۡهِ مِنۡ أَجۡرٖ وَمَآ أَنَا۠ مِنَ ٱلۡمُتَكَلِّفِينَ ﴿٨٦﴾ إِنۡ هُوَ إِلَّا ذِكۡرٞ لِّلۡعَٰلَمِينَ ﴿٨٧﴾
وَلَتَعۡلَمُنَّ نَبَأَهُۥ بَعۡدَ حِينِۭ ﴿٨٨﴾

84-88. Худо айтди: «Хабарлар ҳаммаси ҳақдир ва ҳақни айтаман, иззатимга қасамки, жаҳаннамни сен ва сенга эргашганларнинг барчаси билан тўлдираман». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Мен сизлардан пайғамбарлигим учун ҳеч ужрат (ҳақ) сўрамайман, ҳеч кимни мажбур қилгувчи ҳам эмасман. Бу Қуръон олам аҳли учун панд-насиҳатдан бошқа нарса эмасдир. Албатта, унинг хабарининг ҳақлигини бирмунча вақт ўтгандан сўнг биласизлар.

Маккада нозил бўлган бу сура
етмиш беш оятдан иборатдир.

23 жузъ *Фақат 53-55-оятлари Мадинада нозил бўлган. Мазкур сuranинг номи 71 ва 73-оятларда келган мўминлар ва кофирлар ташкил этган «жамоалар», «гуруҳлар» маъносидаги «зумар» сўзидан олинган. Сурада бутун мавжудотни яратган Зот - Аллоҳнинг якка-ягона эканлиги ва фақат Унга итоат қилиш лозимлиги, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани ўзига хос сурат ва сийратда яратгани, вазифалантиргани, Қиёматда мўминлар тўп-тўп бўлиб жаннатга дохил бўлишлари, кофирлар эса гуруҳ-гуруҳ бўлиб дўзахга ҳайдалиши ҳақида хабар берилади.*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

تَنزِيلُ ٱلْكِتَٰبِ مِنَ ٱللَّهِ ٱلْعَزِيزِ ٱلْحَكِيمِ ﴿١﴾ إِنَّآ أَنزَلْنَآ إِلَيْكَ ٱلْكِتَٰبَ بِٱلْحَقِّ
فَٱعْبُدِ ٱللَّهَ مُخْلِصًا لَّهُ ٱلدِّينَ ﴿٢﴾ أَلَا لِلَّهِ ٱلدِّينُ ٱلْخَالِصُ ۚ وَٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُوا۟
مِن دُونِهِۦٓ أَوْلِيَآءَ مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَآ إِلَى ٱللَّهِ زُلْفَىٰٓ إِنَّ ٱللَّهَ يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ
فِى مَا هُمْ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى مَنْ هُوَ كَٰذِبٌ كَفَّارٌ ﴿٣﴾

1-3. Қуръон Муҳаммад (алайҳиссалом)га ғолиб ва доно (ҳаким) Парвадигор тарафидан нозил қилингандир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз Сенга Қуръонни ҳаққи рост билан нозил қилдик. Бас, Сен динингни Худонинг Ўзи учун холис қилган ҳолда ибодат қил, огоҳ бўлки, ширкдан холи дин Аллоҳникидир. Бир Худога эмас, бутларга ибодат қиладиган кофирлар: «Биз шунинг учун бутларга ибодат қиламизки, улар бизни Худога яқин қилади», – деб айтадилар. Албатта, Аллоҳ таоло уларнинг ўртасидаги диний ихтилофлари учун Қиёмат куни ҳукм қилади. Албатта, Аллоҳ таоло ҳақни танимайдиган ёлғончини ҳидоят қилмайди.

لَّوْ أَرَادَ ٱللَّهُ أَن يَتَّخِذَ وَلَدًا لَّٱصْطَفَىٰ مِمَّا يَخْلُقُ مَا يَشَآءُ ۚ سُبْحَٰنَهُۥ ۖ هُوَ ٱللَّهُ
ٱلْوَٰحِدُ ٱلْقَهَّارُ ﴿٤﴾ خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ بِٱلْحَقِّ ۖ يُكَوِّرُ ٱلَّيْلَ عَلَى ٱلنَّهَارِ

وَيُكَوِّرُ ٱلنَّهَارَ عَلَى ٱلَّيْلِ ۖ وَسَخَّرَ ٱلشَّمْسَ وَٱلْقَمَرَ ۖ كُلٌّ يَجْرِى لِأَجَلٍ
مُّسَمًّى ۗ أَلَا هُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْغَفَّٰرُ ﴿٥﴾

4-5. Агар Парвардигор ўзига фарзанд истаса эди, махлуқлари ичидан хоҳлаганини саралаб олар эди. Лекин Аллоҳ таоло бу хил нарсалардан покдир. У яккаю ягона қудратлидир. Аллоҳ таоло осмонларни ҳамда ерни тадбир ва ҳикмат билан яратди. Кечани кундузга зиёда қилади (киритади) ва кундузни кечага зиёда қилади (киритади). Офтоб билан ой Унинг ҳукмига мусаххардир (бўйсунади), ҳар бири муайян (белгиланган) муддатда ҳаракат қилади. Огоҳ бўлки, Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан ғолиб ва бандаларнинг хатоларини кечиргувчидир. 23 жузъ

خَلَقَكُم مِّن نَّفْسٍ وَٰحِدَةٍ ثُمَّ جَعَلَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَأَنزَلَ لَكُم مِّنَ ٱلْأَنْعَٰمِ ثَمَٰنِيَةَ
أَزْوَٰجٍ ۚ يَخْلُقُكُمْ فِى بُطُونِ أُمَّهَٰتِكُمْ خَلْقًا مِّنۢ بَعْدِ خَلْقٍ فِى ظُلُمَٰتٍ ثَلَٰثٍ ۚ
ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبُّكُمْ لَهُ ٱلْمُلْكُ ۖ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ۖ فَأَنَّىٰ تُصْرَفُونَ ﴿٦﴾

6. У сизларни танҳо бир нафсдан (жондан) яратиб, яна ўз жинсидан хотинини (жуфтини) ҳам яратди. Сизларнинг манфаатингиз учун саккиз қисм жуфт ҳайвон яратди. *У ҳайвонлардан сизлар фойдаланасизлар.* Сизларни оналарингиз қорнида бир қатра сувдан яратди. Уч қисм қоронғулик (зулмат) ичида тадриж билан (пояма-поя) тарбия топасизлар. *У қоронғуликлар шулардан иборат: биринчи – она қорни; иккинчи – бачадоннинг ичи; учинчи – боланинг пардаси (йўлдоши)дир.* Ана шундай тарбия қилгувчи Парвардигорларингдир. Подшоҳлик Унга хосдир. Ундан бошқа ҳеч бир маъбуд йўқдир. Шундай Зотни қўйиб, қайси тарафга юзларингизни ўгирасизлар?!

إِن تَكْفُرُوا۟ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَنِىٌّ عَنكُمْ ۖ وَلَا يَرْضَىٰ لِعِبَادِهِ ٱلْكُفْرَ ۖ وَإِن تَشْكُرُوا۟ يَرْضَهُ
لَكُمْ ۗ وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ۗ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُم مَّرْجِعُكُمْ فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ
تَعْمَلُونَ ۚ إِنَّهُۥ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ﴿٧﴾

7. Агар кофир бўлсангизлар, Аллоҳ таоло сизларнинг иймонларингизга муҳтож эмас. *Агар иймон келтирсангиз, ўзларингизга фойдалидир, холос!* Лекин Аллоҳ таоло бандаларининг куфрига рози бўлмайди. Агар Парвардигорнинг эҳсонларига шукр қилсангизлар, Аллоҳ сизлардан рози бўлади. Сизларга шуни лойиқ кўради: «Қиёмат куни ҳеч бир кўтарувчи нафс (жон) бошқа жоннинг юкини кўтармайди, ҳар ким ўз юкини кўтаради». Сўнгра сизларнинг қайтадиган жойларингиз Парвардигорнинг ҳузуригдадир. Бас, у сизларнинг қилиб ўтган амалларингиздан огоҳлантиради. Албатта, Аллоҳ таоло кўкракдаги (диллардаги) сирларни (билгувчи) донодир.

۞ وَإِذَا مَسَّ ٱلْإِنسَٰنَ ضُرٌّ دَعَا رَبَّهُۥ مُنِيبًا إِلَيْهِ ثُمَّ إِذَا خَوَّلَهُۥ نِعْمَةً مِّنْهُ نَسِىَ مَا

كَانَ يَدْعُوٓاْ إِلَيْهِ مِن قَبْلُ وَجَعَلَ لِلَّهِ أَندَادًا لِّيُضِلَّ عَن سَبِيلِهِۦۚ قُلْ تَمَتَّعْ
بِكُفْرِكَ قَلِيلًاۖ إِنَّكَ مِنْ أَصْحَٰبِ ٱلنَّارِ ﴿٨﴾ أَمَّنْ هُوَ قَٰنِتٌ ءَانَآءَ ٱلَّيْلِ سَاجِدًا
وَقَآئِمًا يَحْذَرُ ٱلْءَاخِرَةَ وَيَرْجُواْ رَحْمَةَ رَبِّهِۦۗ قُلْ هَلْ يَسْتَوِى ٱلَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَٱلَّذِينَ
لَا يَعْلَمُونَۗ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُوْلُواْ ٱلْأَلْبَٰبِ ﴿٩﴾

23 жузъ

8-9. Вақтики, инсонга бирор бало (зарар) етса, Худога қайтиб, ёлвориб дуо қилади ва Худодан нажот тилайди. Қачонки Парвардигор унга эҳсон қилиб, балодан нажот берса, илгари ёлвориб дуо қилгани эсидан чиқади. Аллоҳнинг ибодатига бошқаларни шерик қилади. Ўзи гумроҳ бўлиб, бошқаларни ҳам гумроҳ қилади. Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Ўз куфринг билан озгина вақт (муддат) дунёдан фойдалангил (манфаатдор бўлиб тур), кейин, албатта, сен дўзах аҳлига қўшиласан». Энди шундай сифатларга эга бўлган кофир афзалми, ёки кечалари туриб, Худога ибодат қиладиган, Аллоҳга сажда қиладиган, қиёмда турган ҳолда охиратнинг азобидан қўрқадиган, Худонинг раҳматидан умид қиладиган зотлар афзалдирми? Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Билгувчилар ва Худони танувчилар, жоҳил ва Худога кофир бўлувчилар билан баробар бўладими?» *Ҳаргиз баробар бўлмас!* Албатта, панду насиҳатни ақли борлар қабул қиладилар.

قُلْ يَٰعِبَادِ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱتَّقُواْ رَبَّكُمْۚ لِلَّذِينَ أَحْسَنُواْ فِى هَٰذِهِ ٱلدُّنْيَا حَسَنَةٌۗ
وَأَرْضُ ٱللَّهِ وَٰسِعَةٌۗ إِنَّمَا يُوَفَّى ٱلصَّٰبِرُونَ أَجْرَهُم بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿١٠﴾ قُلْ إِنِّىٓ أُمِرْتُ
أَنْ أَعْبُدَ ٱللَّهَ مُخْلِصًا لَّهُ ٱلدِّينَ ﴿١١﴾ وَأُمِرْتُ لِأَنْ أَكُونَ أَوَّلَ ٱلْمُسْلِمِينَ ﴿١٢﴾

10-12. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Менинг тарафимдан Менга иймон келтирган бандаларимга айтгил: «Эй иймон келтирган бандаларим, Парвадигордан қўрқинглар. Бу дунёда яхши ишлар қилувчи одамларга Аллоҳ таоло тарафидан яхши савоблар берилади. Амну офият билан Худога бандалик қилувчиларга Худонинг ери кенгдир. Балоларга сабр қилувчиларга Аллоҳ таоло тарафидан беҳисоб ажрлар бор». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), *кофирлар Сени бутларига ибодат қилишга тарғиб қилсалар*: «Мен Худо тарафидан ширкдан пок дин ва Худога ихлос билан ибодат қилишга буюрилганман. Ва ҳам ҳаммадан аввал ва муқаддам Худонинг ҳукмига бўйсунишга буюрилганман», — дегин.

قُلْ إِنِّىٓ أَخَافُ إِنْ عَصَيْتُ رَبِّى عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٣﴾ قُلِ ٱللَّهَ أَعْبُدُ مُخْلِصًا لَّهُۥ
دِينِى ﴿١٤﴾ فَٱعْبُدُواْ مَا شِئْتُم مِّن دُونِهِۦۗ قُلْ إِنَّ ٱلْخَٰسِرِينَ ٱلَّذِينَ خَسِرُوٓاْ أَنفُسَهُمْ
وَأَهْلِيهِمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِۗ أَلَا ذَٰلِكَ هُوَ ٱلْخُسْرَانُ ٱلْمُبِينُ ﴿١٥﴾

13-15. Яна айтгил: «Агар Мен Парвардигорга гуноҳкор бўлсам (исён қилсам), Қиёмат куни Унинг улуғ азобидан қўрқаман». Айтгил: «Аллоҳга ихлос билан ибодат этаман ва динимни холис қиламан. Бас, сизлар Худодан бошқа нимага ибодат қилсангизлар қилаверинглар. *Лекин жазосини кўрасизлар*». Сен: «Албатта, Қиёмат куни зиён кўрадиганлар гумроҳ бўлиб, ўз нафсларига ҳам ва аҳлига ҳам зиён қилгувчилардир», – деб айтгил. Огоҳ бўлки, ҳақиқий, равшан (очиқ-ойдин) зиён Қиёматдаги зиёндир.

لَهُم مِّن فَوْقِهِمْ ظُلَلٌ مِّنَ ٱلنَّارِ وَمِن تَحْتِهِمْ ظُلَلٌ ۚ ذَٰلِكَ يُخَوِّفُ ٱللَّهُ بِهِۦ عِبَادَهُۥ ۚ
يَـٰعِبَادِ فَٱتَّقُونِ ﴿١٦﴾ 23 жузъ

16. Бу кофирларга жаҳаннамда тепаларидаги «соябон» ҳам, тагларига (остларига) солинган палослар ҳам ўт (олов)дандир. Аллоҳ таоло бу билан бандаларини ана шундай азоблардан қўрқитади. Энди сизларга насиҳат қилиб айтаманки: «Эй бандаларим, Мендан қўрқинглар!»

وَٱلَّذِينَ ٱجْتَنَبُوا۟ ٱلطَّـٰغُوتَ أَن يَعْبُدُوهَا وَأَنَابُوٓا۟ إِلَى ٱللَّهِ لَهُمُ ٱلْبُشْرَىٰ ۚ فَبَشِّرْ
عِبَادِ ﴿١٧﴾ ٱلَّذِينَ يَسْتَمِعُونَ ٱلْقَوْلَ فَيَتَّبِعُونَ أَحْسَنَهُۥٓ ۚ أُو۟لَـٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ هَدَىٰهُمُ ٱللَّهُ ۖ
وَأُو۟لَـٰٓئِكَ هُمْ أُو۟لُوا۟ ٱلْأَلْبَـٰبِ ﴿١٨﴾

17-18. Бутларга ибодат қилишдан сақланган ва Аллоҳ таоло тарафига қайтган мўмин жамоаларига Аллоҳ таоло томонидан башорат бордир. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яхши насиҳатлар эшитиб ва насиҳатларнинг яхшисига амал қиладиган бандаларимга хушхабар бер. Ана ўшаларни Аллоҳ таоло ҳидоят қилган ва ана ўша бандалар ақл соҳибларидир.

أَفَمَنْ حَقَّ عَلَيْهِ كَلِمَةُ ٱلْعَذَابِ أَفَأَنتَ تُنقِذُ مَن فِى ٱلنَّارِ ﴿١٩﴾ لَـٰكِنِ ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوْا۟
رَبَّهُمْ لَهُمْ غُرَفٌ مِّن فَوْقِهَا غُرَفٌ مَّبْنِيَّةٌ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَـٰرُ ۖ وَعْدَ ٱللَّهِ ۖ لَا يُخْلِفُ
ٱللَّهُ ٱلْمِيعَادَ ﴿٢٠﴾

19-20. Аллоҳ тарафидан азобнинг ҳукми собит бўлган кофирлар жамоаси билан азобнинг ҳукми собит бўлмаган бошқа бир (мўминлар) жамоаси тенг бўладиларми? Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), дўзахдагиларга Сен дўзахдан нажот беролаcанми? (Йўқ!) *Яъни бу иш Сенинг ихтиёрингда эмас!* Лекин Аллоҳдан қўрқадиган жамоалар жаннатда баланд (олий) мақомларда ва уларнинг устида бино қилинган қасрларда ором оладилар, остиларидан анҳорлар оқиб туради. Бу Аллоҳ таолонинг ваъдасидир. Аллоҳ таоло ўзининг ваъдасига хилоф қилмайди.

أَلَمْ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ أَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَسَلَكَهُۥ يَنَـٰبِيعَ فِى ٱلْأَرْضِ ثُمَّ يُخْرِجُ بِهِۦ
زَرْعًا مُّخْتَلِفًا أَلْوَٰنُهُۥ ثُمَّ يَهِيجُ فَتَرَىٰهُ مُصْفَرًّا ثُمَّ يَجْعَلُهُۥ حُطَـٰمًا ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ
لَذِكْرَىٰ لِأُو۟لِى ٱلْأَلْبَـٰبِ ﴿٢١﴾

21. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом)! Кўрмадингми? Аллоҳ таоло қудрати билан осмондан ёмғир ёғдиради. Ундан ерда чашмалар (сув ҳавзалари) пайдо қилиб, (оқизиб қўяди). Сўнгра у сув билан ранглари ҳар хил экинларни кўкартиради, кейин кўрасан – у экинлар сарғайиб қурийди. Сўнгра майда сомонга айланади. Парвардигорнинг бу қудратларида оқиллар учун насиҳат ва ибратлар бор. *Яъни, коинотнинг ҳар бир иши аввал пайдо бўлиб, камолга етади. Сўнгра заволга учраб, охири йўқ бўлади.*

أَفَمَن شَرَحَ ٱللَّهُ صَدۡرَهُۥ لِلۡإِسۡلَٰمِ فَهُوَ عَلَىٰ نُورٖ مِّن رَّبِّهِۦۚ فَوَيۡلٞ لِّلۡقَٰسِيَةِ
23 жузъ قُلُوبُهُم مِّن ذِكۡرِ ٱللَّهِۚ أُوْلَٰٓئِكَ فِي ضَلَٰلٖ مُّبِينٍ ﴿٢٢﴾ ٱللَّهُ نَزَّلَ أَحۡسَنَ ٱلۡحَدِيثِ
كِتَٰبٗا مُّتَشَٰبِهٗا مَّثَانِيَ تَقۡشَعِرُّ مِنۡهُ جُلُودُ ٱلَّذِينَ يَخۡشَوۡنَ رَبَّهُمۡ ثُمَّ تَلِينُ
جُلُودُهُمۡ وَقُلُوبُهُمۡ إِلَىٰ ذِكۡرِ ٱللَّهِۚ ذَٰلِكَ هُدَى ٱللَّهِ يَهۡدِي بِهِۦ مَن يَشَآءُۚ وَمَن
يُضۡلِلِ ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِنۡ هَادٍ ﴿٢٣﴾

22-23. Худойи таоло Ислом учун бир одамнинг қалбини очган бўлса, *унинг дили Худо тарафидан мағфират нурига эга бўлади*, шундай одам дили қаттиқ одам билан баробар бўладими?! *Ҳаргиз баробар бўлмайди!* Аллоҳ таолонинг зикридан юз ўгирувчи дили қаттиқ одамнинг ҳолига вой! Ана шундай одам очиқ гумроҳликдадир. Аллоҳ таоло Муҳаммад (алайҳиссалом)га яхши сўзларга эга бўлган Қуръонни нозил қилди. *Ийжозда, фасоҳатда ва балоғатда оятлари бир-бирига ўхшайди. Икки қисм жуфт сўзларга эгадир, яъни, дўзах билан жаннат, раҳмат билан азоб, иймон билан куфр, шунга ўхшаш сўзларга эга.* Уни тиловат қилганда ва азоб оятига етганда Худодан қўрқувчи бандаларнинг вужудлари титрайди. Сўнгра Худонинг зикрига машғул бўлганда диллари ва бошдан-оёқлари юмшайди. Бу сифат Парвардигорнинг ҳидоятидир. У Зот хоҳлаганини ҳидоят қилади. Кимни Худо гумроҳ қилса, бас, унинг ҳидоят қилувчиси йўқдир (бўлмайди).

أَفَمَن يَتَّقِي بِوَجۡهِهِۦ سُوٓءَ ٱلۡعَذَابِ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِۚ وَقِيلَ لِلظَّٰلِمِينَ ذُوقُواْ مَا
كُنتُمۡ تَكۡسِبُونَ ﴿٢٤﴾ كَذَّبَ ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِهِمۡ فَأَتَىٰهُمُ ٱلۡعَذَابُ مِنۡ حَيۡثُ لَا
يَشۡعُرُونَ ﴿٢٥﴾ فَأَذَاقَهُمُ ٱللَّهُ ٱلۡخِزۡيَ فِي ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَاۖ وَلَعَذَابُ ٱلۡأٓخِرَةِ أَكۡبَرُۚ
لَوۡ كَانُواْ يَعۡلَمُونَ ﴿٢٦﴾

24-26. Бир одам бутун вужуди билан Қиёмат куни бўладиган Худонинг қаттиқ азобидан ўз юзини сақласа ва бошқа бир одам эса Худонинг азобидан қўрқмаса ва ўзини сақламаса, улар баробар бўладими?! *Ҳаргиз баробар бўлмайди!* Қиёмат куни малоикалар тарафидан золимларга: «Энди қилиб ўтган амалларингизнинг жазосини тортинглар», – деб хитоб қилинади. Қурайш кофирларидан илгари ўтган кофирлар ҳам пайғамбарларни ёлғончи, Худони инкор қилган эдилар. Уларни билмайдиган (кутмаган) жойларидан азоб келиб, ҳалок қилган. (Бас), Парвардигор уларни бу дунёда ҳам рас-

воликка мубтало қилган. *Ва охиратда ҳам азобга мубтало қилиб расво этади.* Лекин агар билсалар, охиратнинг азоби қаттиқдир.

وَلَقَدْ ضَرَبْنَا لِلنَّاسِ فِي هَٰذَا ٱلْقُرْءَانِ مِن كُلِّ مَثَلٍ لَّعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿٢٧﴾ قُرْءَانًا عَرَبِيًّا غَيْرَ ذِي عِوَجٍ لَّعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ ﴿٢٨﴾

27-28. Албатта, Биз халқ учун ушбу Қуръондан ҳар тўғрида мисоллар баён қилдик. Шоядки эшитувчилар ундан ибрат олиб, амал қилсалар. Биз Қуръонни араб тилида нозил қилдик. Бу Қуръонда ҳеч бир халал ва хато йўқ. Шоядки бандалар унинг маъносига (ҳукмига) амал қилиб, ўзларини ёмон ишлардан сақласалар. 23 жузъ

ضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلًا رَّجُلًا فِيهِ شُرَكَآءُ مُتَشَٰكِسُونَ وَرَجُلًا سَلَمًا لِّرَجُلٍ هَلْ يَسْتَوِيَانِ مَثَلًا ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢٩﴾ إِنَّكَ مَيِّتٌ وَإِنَّهُم مَّيِّتُونَ ﴿٣٠﴾ ثُمَّ إِنَّكُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ عِندَ رَبِّكُمْ تَخْتَصِمُونَ ﴿٣١﴾

29-31. Парвардигор мўмин ва кофирга бир мисол баён қилади. Бир ғулом борки, унинг устидан кўп ёмон ва бадхулқ одамлар хўжайинликда шерикдирлар. *Бас, бундай ҳолатда у ғулом хўжайинларнинг ҳукмини бажо келтиролмайди, чунки бу хўжайинлар бир-бирларига зид (қарши) ҳукм қиладилар.* Яна бир ғулом борки, ундай хўжайинлардан саломатдир. У бир кишининг ғуломидир, *бу ғулом фақат шу хўжайиннинг хизматини яхши қилади (бажаради).* Иккала ғуломнинг аҳволи баробар бўладими? *Ҳаргиз баробар бўлмайдилар. Мушриклар билан мўминларнинг аҳволи ҳам шунга ўхшашдир.* Ҳамма яхшиликлар Худоникидир. *У ширкдан покдир.* Балки бу кофирларнинг кўплари жоҳилдир. *Худонинг ҳикматини билмайдилар.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), албатта, Сен ҳам дунёда боқий қолмассан. Кофирлар ҳам ўладилар. Сўнгра, сизлар Қиёмат куни Худонинг ҳузурида хусумат қиласизлар (тортишасизлар). *Кимлар ҳақ ва кимлар ноҳақ – Парвардигор ҳукм қилади.*

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ЖУЗЪ

۞ فَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّن كَذَبَ عَلَى ٱللَّهِ وَكَذَّبَ بِٱلصِّدْقِ إِذْ جَآءَهُۥٓ أَلَيْسَ فِي جَهَنَّمَ مَثْوًى لِّلْكَٰفِرِينَ ﴿٣٢﴾ وَٱلَّذِي جَآءَ بِٱلصِّدْقِ وَصَدَّقَ بِهِۦٓ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُتَّقُونَ ﴿٣٣﴾ لَهُم مَّا يَشَآءُونَ عِندَ رَبِّهِمْ ذَٰلِكَ جَزَآءُ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٣٤﴾ لِيُكَفِّرَ ٱللَّهُ عَنْهُمْ أَسْوَأَ ٱلَّذِي عَمِلُوا۟ وَيَجْزِيَهُمْ أَجْرَهُم بِأَحْسَنِ ٱلَّذِي كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٣٥﴾

32-35. Парвардигорга шерик ва фарзанд исбот (нисбат) қилгувчи ҳамда ўзига келган Ҳақ динни ёлғон дегувчилардан золимроқ одам борми? *Албатта йўқ!* Ё жаҳаннамда кофирлар учун жой топилмайдими? Муҳаммад (алайҳиссалом) Худо тарафидан ҳақ динни олиб келди ва асҳоблари уни тасдиқ қилдилар. Ана ўша зотлар Худонинг наздида муттақийдирлар. Улар Парвардигор ҳузурида (жаннатда) нимани орзу қилсалар, муҳайёдир. Яхшиларга ана шундай ажр-мукофот берилади. Аллоҳ таоло уларнинг хато амалларини кечиради ва яхши савоблар ато қилади. Уларнинг қилган амалларидан зиёда савоблар беради.

24 жузъ أَلَيْسَ ٱللَّهُ بِكَافٍ عَبْدَهُۥ ۖ وَيُخَوِّفُونَكَ بِٱلَّذِينَ مِن دُونِهِۦ ۚ وَمَن يُضْلِلِ
ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِنْ هَادٍ ﴿٣٦﴾ وَمَن يَهْدِ ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِن مُّضِلٍّ ۗ أَلَيْسَ ٱللَّهُ بِعَزِيزٍ
ذِى ٱنتِقَامٍ ﴿٣٧﴾

36-37. Аллоҳ таоло ўзининг бандаси Муҳаммад (алайҳиссалом)дан душманларининг шаррини (ёмонлигини) даф қилиб, ёрдам беришга етарли эмасми? Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирлар Сени Худодан бошқа ўз бутларидан (етадиган зарар билан) қўрқитмоқчи бўладилар. *Яъни: «Бизнинг бутларимизни инкор қилсанг, Сенга зарар етказади», — дейдилар. Сен Аллоҳдан бошқасидан қўрқма! Сенга Аллоҳнинг ёрдами кифоя қилади.* Кимни Парвардигор гумроҳ қилса (йўлдан оздирса), бас, уни бирор ҳидоят қилгувчи бўлмас, кимни ҳидоят қилса, бас, уни бирор гумроҳ қилғувчи бўлмас. Аллоҳ таоло душманларининг устидан ғалаба қилиб, ўч олувчи эмасми? *Албатта, шундай ғалаба қилгувчидир.*

وَلَئِن سَأَلْتَهُم مَّنْ خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ ٱللَّهُ ۚ قُلْ أَفَرَءَيْتُم مَّا
تَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ إِنْ أَرَادَنِىَ ٱللَّهُ بِضُرٍّ هَلْ هُنَّ كَٰشِفَٰتُ ضُرِّهِۦٓ أَوْ أَرَادَنِى
بِرَحْمَةٍ هَلْ هُنَّ مُمْسِكَٰتُ رَحْمَتِهِۦ ۚ قُلْ حَسْبِىَ ٱللَّهُ ۖ عَلَيْهِ يَتَوَكَّلُ
ٱلْمُتَوَكِّلُونَ ﴿٣٨﴾

38. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сен кофирлардан: «Осмонлар ва ерни ким яратган?», — деб сўрасанг, албатта, улар: «Аллоҳ қилган (яратган)», — деб айтадилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Худодан бошқа бутларингиз шаънига (ҳақида) қандай эътиқод қиласизлар? Агар Парвардигор менга зарарни хоҳласа, сизларнинг ибодат қилаётган «илоҳ»ларингиз мендан зарарни даф қила оладими ёки агар Парвардигорим менга марҳамат қилишни ирода қилса, сизларнинг ибодат қилаётган «илоҳ»ларингиз Худонинг раҳматини мендан тўхтатиб қола оладими? *Жавоб беринглар!» Агар жавоб беролмасалар,* айтгил «Мендан ёмонликни даф қилишга Парвардигорнинг Ўзи етарлидир Таваккул қилувчилар Парвардигоргагина таваккул қиладилар. *У ҳамманинг ишига кифоя қилади».*

قُلْ يَٰقَوْمِ ٱعْمَلُوا۟ عَلَىٰ مَكَانَتِكُمْ إِنِّى عَٰمِلٌ ۖ فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ ﴿٣٩﴾
مَن يَأْتِيهِ عَذَابٌ يُخْزِيهِ وَيَحِلُّ عَلَيْهِ عَذَابٌ مُّقِيمٌ ﴿٤٠﴾

39-40. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айттил: «Эй қавмим, сизлар ўз ҳолларингизча амал қилаверинглар, Мен ҳам ўз ишимни қилавераман. Бас, яқинда кимга хор қилувчи азоб келишини ва кимга бетўхтов (давомли) азоб нозил бўлишини биласизлар».

إِنَّآ أَنزَلْنَا عَلَيْكَ ٱلْكِتَٰبَ لِلنَّاسِ بِٱلْحَقِّ ۖ فَمَنِ ٱهْتَدَىٰ فَلِنَفْسِهِۦ ۖ وَمَن ضَلَّ 24 жузъ
فَإِنَّمَا يَضِلُّ عَلَيْهَا ۖ وَمَآ أَنتَ عَلَيْهِم بِوَكِيلٍ ﴿٤١﴾ ٱللَّهُ يَتَوَفَّى ٱلْأَنفُسَ حِينَ
مَوْتِهَا وَٱلَّتِى لَمْ تَمُتْ فِى مَنَامِهَا ۖ فَيُمْسِكُ ٱلَّتِى قَضَىٰ عَلَيْهَا ٱلْمَوْتَ وَيُرْسِلُ
ٱلْأُخْرَىٰٓ إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٤٢﴾

41-42. Биз халқнинг ҳидояти учун ростлик (ҳақ) билан Сенга Қуръонни нозил қилдик. Бас, кимки Қуръонга амал қилиб, ҳидоят топса, ўзининг фойдасига, кимки инкор қилиб, гумроҳ бўлса, ўз нафсининг зараригадир. Сен уларнинг залолатига ва ҳидоятига вакил (қўриқчи, жавобгар) эмассан. Аллоҳ таоло кишиларнинг ажали еттан вақтида руҳларини (танидан) чиқаради (жонини олади). Ажаллари етмаган кишиларнинг руҳларини уйқу пайтларида олади. Ўлишига ҳукм қилган кишиларнинг руҳларини ўз наздида сақлайди. Ўлишига ҳукм қилмаган кишиларнинг руҳларини то ажаллари етгунича ўз баданларида қолдириб, муҳлат беради. Албатта, Парвардигорнинг бу ҳукмида фикр қилувчи қавм учун ибратлар бор.

أَمِ ٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِ ٱللَّهِ شُفَعَآءَ ۚ قُلْ أَوَلَوْ كَانُوا۟ لَا يَمْلِكُونَ شَيْـًٔا وَلَا
يَعْقِلُونَ ﴿٤٣﴾ قُل لِّلَّهِ ٱلشَّفَٰعَةُ جَمِيعًا ۖ لَّهُۥ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ ثُمَّ إِلَيْهِ
تُرْجَعُونَ ﴿٤٤﴾ وَإِذَا ذُكِرَ ٱللَّهُ وَحْدَهُ ٱشْمَأَزَّتْ قُلُوبُ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ
بِٱلْءَاخِرَةِ ۖ وَإِذَا ذُكِرَ ٱلَّذِينَ مِن دُونِهِۦٓ إِذَا هُمْ يَسْتَبْشِرُونَ ﴿٤٥﴾

43-45. Кофирлар Худодан бошқа бутларини Қиёмат куни ўзларига шафоатчи тутганларми? Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Эй кофирлар, бу «илоҳ»ларингиз Қиёмат куни ҳеч нарсага молик бўлмасалар ва ҳеч нарсани билмасалар ҳам, сизларни шафоат қиладиларми?!» Уларга айтгил: «Шафоат қилишнинг ҳаммаси Худонинг ихтиёрида. Осмонлар ва ернинг ҳукмронлиги Худонинг ихтиёридадир, сўнгра ҳаммангиз Парвардигорнинг ҳузурига қайтасизлар». Вақтики танҳо Аллоҳнинг номи зикр қилинса, охиратта иймон келтирмаган кофирларнинг диллари нафратланади. Аллоҳдан бошқа бут – «илоҳ»лари зикр қилинган пайтда эса ҳаммалари хурсанд бўладилар.

قُلِ ٱللَّهُمَّ فَاطِرَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ عَٰلِمَ ٱلْغَيْبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ أَنتَ تَحْكُمُ بَيْنَ
عِبَادِكَ فِى مَا كَانُوا۟ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿٤٦﴾ وَلَوْ أَنَّ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ مَا فِى ٱلْأَرْضِ
جَمِيعًا وَمِثْلَهُۥ مَعَهُۥ لَٱفْتَدَوْا۟ بِهِۦ مِن سُوٓءِ ٱلْعَذَابِ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۚ وَبَدَا لَهُم مِّنَ
ٱللَّهِ مَا لَمْ يَكُونُوا۟ يَحْتَسِبُونَ ﴿٤٧﴾ وَبَدَا لَهُمْ سَيِّـَٔاتُ مَا كَسَبُوا۟ وَحَاقَ بِهِم مَّا
24 жузъ كَانُوا۟ بِهِۦ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٤٨﴾

46-48. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Парвардигорга муножот қилиб айтгил: «Эй осмонлар ва ерни халқ қилгувчи Парвардигор. Эй ошкора ва пинҳон сирларни билгувчи Парвардигор! Қиёмат куни бандаларингнинг динда ихтилоф қилган масалалари тўғрисида Сен ҳукм қилгувчисан. Албатта, агар кофир бўлганларнинг қўлларида ер юзининг барча хазиналари бўлса ва шу миқдорда яна нарсалар берилса ҳам, Қиёмат куни ўзларига келган қаттиқ азобни даф қилиш учун (уларни) фидя беришга тайёр бўладилар, *аммо у вақтда ҳеч қандай фидя қабул қилинмайди*. Аллоҳ тарафидан уларга хаёлларига келмаган азоблар зоҳир бўлади. Ва уларга ёмон амалларининг жазоси ошкор бўлади ҳамда масхара қилиб юрган афъолларининг жазоси уларга қайтади (етади).

فَإِذَا مَسَّ ٱلْإِنسَٰنَ ضُرٌّ دَعَانَا ثُمَّ إِذَا خَوَّلْنَٰهُ نِعْمَةً مِّنَّا قَالَ إِنَّمَآ أُوتِيتُهُۥ عَلَىٰ
عِلْمٍ ۚ بَلْ هِىَ فِتْنَةٌ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٤٩﴾ قَدْ قَالَهَا ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ فَمَآ
أَغْنَىٰ عَنْهُم مَّا كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿٥٠﴾

49-50. Вақтики инсонга бирор кулфат ва қаттиқлик етса, Бизга дуо қилиб, даф қилишимизни сўрайди. Сўнгра Биз ундан балони даф қилиб, Ўз фазлу марҳаматимиздан неъматлар инъом қилсак, у кофир: «Бу давлатни ўзимнинг илмим билан топдим, менга ҳеч ким бергани йўқ», — дейди. (Йўқ!) Бизнинг неъматимиз унга бир фитна (синов)дир, лекин кўп кофирлар (буни) билишмайди. Улардан илгари ўтган кофирлар ҳам шундай сўзларни айтган эдилар. Лекин кофирларнинг топган мол-давлатлари улардан балони даф қилолмади.

فَأَصَابَهُمْ سَيِّـَٔاتُ مَا كَسَبُوا۟ ۚ وَٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ مِنْ هَٰٓؤُلَآءِ سَيُصِيبُهُمْ سَيِّـَٔاتُ مَا
كَسَبُوا۟ وَمَا هُم بِمُعْجِزِينَ ﴿٥١﴾ أَوَلَمْ يَعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ يَبْسُطُ ٱلرِّزْقَ لِمَن يَشَآءُ
وَيَقْدِرُ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٥٢﴾

51-52. Бас, уларга ёмон амалларининг жазоси етди. Улардан бир фирқа золимларга қилган ёмон амалларининг жазоси яқинда етади. Ва улар Аллоҳ таолони ожиз қилолмайдилар. Билмайдилармики, Аллоҳ таолонинг қудрати

улуғдир. Хоҳласа, бировга ризқни кенг (қилиб) беради ва хоҳласа бировнинг ризқини танг (тор) қилиб беради. Иймон келтирган қавм учун Худонинг бу қудратида насиҳат (ибрат)лар бор.

۞ قُلْ يَٰعِبَادِيَ ٱلَّذِينَ أَسْرَفُوا۟ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا۟ مِن رَّحْمَةِ ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يَغْفِرُ
ٱلذُّنُوبَ جَمِيعًا ۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٥٣﴾ وَأَنِيبُوٓا۟ إِلَىٰ رَبِّكُمْ وَأَسْلِمُوا۟ لَهُۥ مِن
قَبْلِ أَن يَأْتِيَكُمُ ٱلْعَذَابُ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ ﴿٥٤﴾

53-54. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Бизнинг тарафимиздан банда- 24 жузъ
ларга айттил: «Эй гуноҳ қилиб, ҳаддан ташқари ўз нафсларига зулм қилган бандалар, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар! Аллоҳ барча гуноҳларни кечиради, чунки у бандаларнинг гуноҳларини кечиргувчи ва меҳрибондир. Эй бандалар, Парвардигор тарафига қайтинглар ва сизларга азоб келмасдан олдин унинг ҳукмига бўйин эгинглар. Агар азоб келса, сизларга ёрдам берилмайди».

وَٱتَّبِعُوٓا۟ أَحْسَنَ مَآ أُنزِلَ إِلَيْكُم مِّن رَّبِّكُم مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِيَكُمُ ٱلْعَذَابُ بَغْتَةً
وَأَنتُمْ لَا تَشْعُرُونَ ﴿٥٥﴾ أَن تَقُولَ نَفْسٌ يَٰحَسْرَتَىٰ عَلَىٰ مَا فَرَّطتُ فِى جَنۢبِ ٱللَّهِ
وَإِن كُنتُ لَمِنَ ٱلسَّٰخِرِينَ ﴿٥٦﴾ أَوْ تَقُولَ لَوْ أَنَّ ٱللَّهَ هَدَىٰنِى لَكُنتُ مِنَ
ٱلْمُتَّقِينَ ﴿٥٧﴾ أَوْ تَقُولَ حِينَ تَرَى ٱلْعَذَابَ لَوْ أَنَّ لِى كَرَّةً فَأَكُونَ مِنَ
ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٥٨﴾ بَلَىٰ قَدْ جَآءَتْكَ ءَايَٰتِى فَكَذَّبْتَ بِهَا وَٱسْتَكْبَرْتَ وَكُنتَ مِنَ
ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٥٩﴾

55-59. Эй бандалар, сизларга бехосдан келадиган азобдан илгари Парвардигор тарафидан нозил қилинган яхши панд ва насиҳатларга (Қуръонга) эргашинглар. Ваҳоланки, сизлар азоб келганини билмай қоласизлар. Ва яна ҳар бир нафс (жон) пушаймон бўлиб: «Афсус, мен Худо тарафидан келган ҳукмларга тақсир (нуқсон) қилдим ва масхара қилувчилардан бўлдим», – деб айтишидан илгари; ё ҳар бир нафс пушаймон бўлиб: «Агар мени Худойи таоло у дунёда ҳидоят қилганида эди, мен ҳам муттақийлардан бўлардим», – демасидан олдин; ё азобни кўрган чоғида: «Кошки у дунёга яна бир бор қайтишнинг имкони бўлганида эди, мен ҳам солиҳлардан бўлар эдим», – деб айтишидан (ҳасрат қилмасидан) олдин (Худога қайтинглар, Қуръонга эргашинглар). У вақт Парвардигор айтадики: «Йўқ! Албатта сенга Менинг оятим келганди, лекин сен уларни ёлғонга чиқариб, кибр қилдинг ва кофирлардан бўлдинг».

وَيَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ تَرَى ٱلَّذِينَ كَذَبُوا۟ عَلَى ٱللَّهِ وُجُوهُهُم مُّسْوَدَّةٌ ۚ أَلَيْسَ فِى جَهَنَّمَ

مَثْوًى لِّلْمُتَكَبِّرِينَ ﴿٦٠﴾ وَيُنَجِّي اللَّهُ الَّذِينَ اتَّقَوْا بِمَفَازَتِهِمْ لَا يَمَسُّهُمُ
السُّوءُ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٦١﴾

60-61. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қиёмат куни Худони, унинг ҳақ динини ёлғон деганларнинг юзларини қорайган ҳолда кўрасан. Ахир жаҳаннам кибр қилувчиларнинг жойи эмасми? *Албатта, ўшаларнинг жойидир.* Аллоҳ таоло тақво қилувчи бандаларни мақсадларига етказиб, дўзахдан нажот беради. Уларга ҳеч қандай мусибат етмайди, ғамгин ҳам
24 жузъ бўлмайдилар.

اللَّهُ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ وَكِيلٌ ﴿٦٢﴾ لَّهُ مَقَالِيدُ السَّمَاوَاتِ
وَالْأَرْضِ وَالَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِ اللَّهِ أُولَٰئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ ﴿٦٣﴾

62-63. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани яратувчи ва ҳар бир нарсани тасарруф қилувчидир. Ер билан осмон хазиналарининг калити Аллоҳнинг ихтиёридадир. Худонинг оятларига куфр келтирувчилар, ана ўшалар ўзларига зиён қилувчидирлар.

قُلْ أَفَغَيْرَ اللَّهِ تَأْمُرُونِّي أَعْبُدُ أَيُّهَا الْجَاهِلُونَ ﴿٦٤﴾ وَلَقَدْ أُوحِيَ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ
مِن قَبْلِكَ لَئِنْ أَشْرَكْتَ لَيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿٦٥﴾ بَلِ اللَّهَ
فَاعْبُدْ وَكُن مِّنَ الشَّاكِرِينَ ﴿٦٦﴾ وَمَا قَدَرُوا اللَّهَ حَقَّ قَدْرِهِ وَالْأَرْضُ
جَمِيعًا قَبْضَتُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَالسَّمَاوَاتُ مَطْوِيَّاتٌ بِيَمِينِهِ سُبْحَانَهُ
وَتَعَالَىٰ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٦٧﴾

64-67. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Эй жоҳиллар, мени Худодан бошқа бутларга ибодат қилишга амр этасизларми?» Худо тарафидан (эй Муҳаммад алайҳиссалом), Сенга ва Сендан илгари ўтган пайғамбарларга ҳам шундай ваҳий қилинган: «Сизларнинг қайсиларингиз Худога ширк келтирар эксансизлар, амалларингиз ботил бўлади ва ўзларингизга зиён қилгувчилардан бўласиз. Балки Аллоҳнинг ўзига ибодат қилиб, шукр қилгувчилардан бўлинг». Кофирлар Аллоҳ таолонинг шаънини (қадрини) муносиб тавсиф қилолмадилар. Аллоҳ таолонинг қудрати шундай улуғки, Қиёмат куни ер (бутун борлиғи билан) Унинг қудрат қўлида бўлади, осмонлар ўралган (йиғилган) ҳолда Унинг қудрат қўлида бўлади. Аллоҳ таоло барча нуқсонлардан пок ва уларнинг ширк келтиришларидан олийдир (юксакдир).

وَنُفِخَ فِي الصُّورِ فَصَعِقَ مَن فِي السَّمَاوَاتِ وَمَن فِي الْأَرْضِ إِلَّا مَن شَاءَ اللَّهُ ثُمَّ
نُفِخَ فِيهِ أُخْرَىٰ فَإِذَا هُمْ قِيَامٌ يَنظُرُونَ ﴿٦٨﴾

68. Замон охир бўлганда Аллоҳнинг амри билан Исрофил (алайҳиссалом) тарафидан сур тортилади. Ердаги ва осмонлардаги жонли нарсаларнинг ҳаммаси йиқилиб, ўлади. Магар Худо хоҳлаган зотларгина тирик қоладилар. *Масалан, жаннатнинг ичидаги ҳурлар, дўзахнинг қаровчилари вақтинча тирик қолишлари мумкин.* Сўнгра Худо хоҳлаган муддатдан кейин яна (бир бор) сур тортилади. У вақтда ҳамма ўлганлар қайтиб тириладилар, гўрларидан чиқиб, ҳайрон бўлиб атрофга назар солиб турадилар.

وَأَشْرَقَتِ ٱلْأَرْضُ بِنُورِ رَبِّهَا وَوُضِعَ ٱلْكِتَٰبُ وَجِاْىٓءَ بِٱلنَّبِيِّـۧنَ وَٱلشُّهَدَآءِ
وَقُضِيَ بَيْنَهُم بِٱلْحَقِّ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿٦٩﴾ وَوُفِّيَتْ كُلُّ نَفْسٍ مَّا عَمِلَتْ 24 жузъ
وَهُوَ أَعْلَمُ بِمَا يَفْعَلُونَ ﴿٧٠﴾

69-70. Ер юзи Парвардигорнинг адолат нури билан ёришади. Бандаларнинг амаллари ёзилган номалари қўлларига топширилади. Худонинг ҳузурига пайғамбарлар келтирилади ва умматлар билан рўбарў қилинади. Пайғамбарларга гувоҳлик бериш учун уммати Муҳаммад (алайҳиссалом) чақирилади. Бандалар ўртасида Парвардигор тарафидан адолат билан ҳукм қилинади. Ҳар бир бандага ҳеч қандай зулм қилинмасдан, амалларига яраша жазо берилади. Аллоҳ таоло уларнинг қилган феълларини билгувчидир.

وَسِيقَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓاْ إِلَىٰ جَهَنَّمَ زُمَرًا حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءُوهَا فُتِحَتْ أَبْوَٰبُهَا وَقَالَ
لَهُمْ خَزَنَتُهَآ أَلَمْ يَأْتِكُمْ رُسُلٌ مِّنكُمْ يَتْلُونَ عَلَيْكُمْ ءَايَٰتِ رَبِّكُمْ وَيُنذِرُونَكُمْ لِقَآءَ
يَوْمِكُمْ هَٰذَا ۚ قَالُواْ بَلَىٰ وَلَٰكِنْ حَقَّتْ كَلِمَةُ ٱلْعَذَابِ عَلَى ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٧١﴾

71. Қиёмат куни кофирлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб жаҳаннам томон ҳайдалади. Кофирлар дўзахнинг дарвозасига етиб келганларида, дарвоза очилади. Дўзахнинг муаккиллари (қўриқчилари) кофирларга итоб қилиб айтадилар: «Сизларга ўз жинсларингиздан насиҳат қиладиган пайғамбарлар келмаганмиди? Худонинг каломини ўқиб, сизларга эшиттирмаганмиди? Сизларни бу ерга келишларингиздан огоҳ этмаганмиди?» Кофирлар айтадиларки: «Оре (ҳа), пайғамбарлар бу азоблардан бизларни қўрқитган эдилар. Бизлар бадбахтлигимиз сабабидан итоат қилмадик, энди бизнинг устимизга Худонинг азоб ҳукми собит бўлди. *Чунки Худо Китобида: «Кофирларга азоб бераман», – дебваъда қилган эди».*

قِيلَ ٱدْخُلُوٓاْ أَبْوَٰبَ جَهَنَّمَ خَٰلِدِينَ فِيهَا ۖ فَبِئْسَ مَثْوَى ٱلْمُتَكَبِّرِينَ ﴿٧٢﴾
وَسِيقَ ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوْاْ رَبَّهُمْ إِلَى ٱلْجَنَّةِ زُمَرًا ۖ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءُوهَا وَفُتِحَتْ أَبْوَٰبُهَا
وَقَالَ لَهُمْ خَزَنَتُهَا سَلَٰمٌ عَلَيْكُمْ طِبْتُمْ فَٱدْخُلُوهَا خَٰلِدِينَ ﴿٧٣﴾

72-73. Малоикалар тарафидан айтиладики: «Ундай бўлса, жаҳаннамда ҳамиша (абадий) қолгувчи бўлган ҳолингизда унинг дарвозаларидан кирнглар!» Бу дўзахда мутакаббирларнинг жойлари кўп ёмондир. Шунга

ўхшаш у дунёда Парвардигордан қўрқиб, яхши амал қилганлар жаннатга гўруҳ-гуруҳ бўлиб равона бўладилар. Улар жаннатнинг дарвозасига етиб келганларида, жаннатнинг дарвозаси очилади. Жаннатнинг ходимлари уларга: «Сизларга Худонинг саломи бўлсин! Сизлар у дунёда пок юрдингизлар, энди жаннатга киринглар, бу жойда абадий қолурсизлар», – деб айтадилар.

وَقَالُوا۟ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ٱلَّذِى صَدَقَنَا وَعْدَهُۥ وَأَوْرَثَنَا ٱلْأَرْضَ نَتَبَوَّأُ مِنَ ٱلْجَنَّةِ
حَيْثُ نَشَآءُ ۖ فَنِعْمَ أَجْرُ ٱلْعَٰمِلِينَ ﴿٧٤﴾ وَتَرَى ٱلْمَلَٰٓئِكَةَ حَآفِّينَ مِنْ حَوْلِ
24 жузъ ٱلْعَرْشِ يُسَبِّحُونَ بِحَمْدِ رَبِّهِمْ ۖ وَقُضِىَ بَيْنَهُم بِٱلْحَقِّ وَقِيلَ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ
ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٧٥﴾

74-75. Аҳли жаннат хурсанд бўлиб айтадиларки: «Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин! Аллоҳ таоло бизларга ўз ваъдасини рост келтирди. Бизга жаннатни ато қилди. Энди бизлар жаннатнинг қайси маконини хоҳласак, у жойда ором оламиз. Солиҳ амал қилгувчиларнинг ажри қандай ҳам яхши экан!» Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у вақтда малоикалар Аршнинг атрофини ўраб олиб: «Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи», – деб, Аллоҳга тасбеҳ айтганини кўрасан. Парвардигор тарафидан ҳамма бандалар ўртасида адолат билан ҳукм қилинади. *Барчасига ўз мартабаларига мувофиқ жой бериб, осойишта қиладилар.* Ҳамма бандалар тарафидан: «Оламларнинг Парвардигорига ҳамду санолар бўлсин!», – дейилади.

Маккада нозил бўлган бу сура саксон беш оятдан иборатдир.

Суранинг 56 ва 57-оятлари Мадинада нозил бўлганлиги ҳақида хабарлар 24 жузъ
бор. Унинг 28-45-оятларига қадар Фиръавн хонадонидан бир кишининг хуфёна иймон келтиргани ва мағфират этилгани ҳақида баён қилинади. Шу боис сура «Ғофир» деб номланиши билан бирга «Мўмин» деб ҳам аталади.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

حمٓ ﴿١﴾ تَنزِيلُ ٱلْكِتَٰبِ مِنَ ٱللَّهِ ٱلْعَزِيزِ ٱلْعَلِيمِ ﴿٢﴾ غَافِرِ ٱلذَّنۢبِ وَقَابِلِ ٱلتَّوْبِ
شَدِيدِ ٱلْعِقَابِ ذِى ٱلطَّوْلِ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ إِلَيْهِ ٱلْمَصِيرُ ﴿٣﴾

1-3. Ҳо. Миим. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таологa хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Пайғамбарларга Китоб нозил қилмоқ Аллоҳ тарафидандир. Аллоҳнинг сифати шуки, ҳамма нарсадан ғолибдир ва ҳамма нарсани билгувчидир. Гуноҳларни кечирувчи ва тавбани қабул қилувчи, азоби қаттиқ ва соҳиби қудратдир. Ундан бошқа ҳеч маъбуд йўқ, ҳамманинг борадиган жойи Унинг ҳузуригадир.

مَا يُجَٰدِلُ فِىٓ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ إِلَّا ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ فَلَا يَغْرُرْكَ تَقَلُّبُهُمْ فِى ٱلْبِلَٰدِ ﴿٤﴾

4. Худонинг оятларига ҳеч ким мужодала қилолмайди, магар кофирлар (талашиб-тортишади). Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларнинг шаҳардан-шаҳарга сафар этиб, тижорат қилиш билан фойда олишлари Сени мағрурлантириб (чалғитиб) қўймасин, уларнинг роҳатлари вақтинчадир.

كَذَّبَتْ قَبْلَهُمْ قَوْمُ نُوحٍ وَٱلْأَحْزَابُ مِنۢ بَعْدِهِمْ وَهَمَّتْ كُلُّ أُمَّةٍۭ بِرَسُولِهِمْ
لِيَأْخُذُوهُ وَجَٰدَلُوا۟ بِٱلْبَٰطِلِ لِيُدْحِضُوا۟ بِهِ ٱلْحَقَّ فَأَخَذْتُهُمْ فَكَيْفَ كَانَ عِقَابِ
﴿٥﴾ وَكَذَٰلِكَ حَقَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ عَلَى ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَنَّهُمْ أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ ﴿٦﴾

5-6. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенинг умматингдан илгари Нуҳ (алайҳиссалом)нинг қавми Нуҳни ҳам ёлғончи қилган эди. Улардан кейин бошқа жамоалар ҳам ўзларига юборилган пайғамбарларга итоат қилиш-

мади. Ҳар бир тоифа (уммат) ўзининг пайғамбарига қасд қилиб, озор бермоқчи, ушлаб ўлдирмоқчи бўлди. Ботил ҳужжатлар келтириб, жанжал қилди. Шу билан ҳақни мағлуб қилмоқчи бўлишди. Бас, Мен уларни ҳалок қилдим. (Бас), эй кофирлар, Менинг азобимнинг кайфияти қандай экан?! Шунга ўхшаш, кофирларга ҳам Худойингнинг «Улар аҳли дўзах эдилар», деган ҳукми вожиб бўлди.

ٱلَّذِينَ يَحۡمِلُونَ ٱلۡعَرۡشَ وَمَنۡ حَوۡلَهُۥ يُسَبِّحُونَ بِحَمۡدِ رَبِّهِمۡ وَيُؤۡمِنُونَ بِهِۦ
وَيَسۡتَغۡفِرُونَ لِلَّذِينَ ءَامَنُواْ رَبَّنَا وَسِعۡتَ كُلَّ شَيۡءٖ رَّحۡمَةٗ وَعِلۡمٗا فَٱغۡفِرۡ لِلَّذِينَ
24 жузъ تَابُواْ وَٱتَّبَعُواْ سَبِيلَكَ وَقِهِمۡ عَذَابَ ٱلۡجَحِيمِ ﴿٧﴾ رَبَّنَا وَأَدۡخِلۡهُمۡ جَنَّٰتِ عَدۡنٍ
ٱلَّتِي وَعَدتَّهُمۡ وَمَن صَلَحَ مِنۡ ءَابَآئِهِمۡ وَأَزۡوَٰجِهِمۡ وَذُرِّيَّٰتِهِمۡۚ إِنَّكَ أَنتَ ٱلۡعَزِيزُ
ٱلۡحَكِيمُ ﴿٨﴾ وَقِهِمُ ٱلسَّيِّـَٔاتِۚ وَمَن تَقِ ٱلسَّيِّـَٔاتِ يَوۡمَئِذٖ فَقَدۡ رَحِمۡتَهُۥۚ وَذَٰلِكَ
هُوَ ٱلۡفَوۡزُ ٱلۡعَظِيمُ ﴿٩﴾

7-9. Худонинг Аршини кўтариб турадиган ва Аршнинг атрофини тавоф қиладиган малоикалар гуруҳи ҳам Парвардигорга ҳамд ва тасбеҳ айтадилар, Парвардигор ҳукмига итоат қиладилар, мўминларнинг гуноҳини тилайдилар. Айтадилар: «Эй Парвардигоро, Сенинг раҳматинг ва илминг ҳамма нарсадан улуғ (кенг)дир. Бас, тавба қилгувчиларнинг гуноҳларини кечир. Ва Сенинг йўлингда юрган инсонларни дўзах азобидан сақла!». Яна айтадиларки: «Эй Парвардигоро, лутфу марҳаматинг билан уларни ҳамда уларнинг ота-боболаридан, аждодларидан, хотинларидан яхши амал қилганларини ҳам Ўзинг уларга ваъда қилган – абадий иқомат қилинадиган жаннатингга дохил қил! Сенинг қудратинг ҳамма нарсадан ғолиб ва феълинг ҳикматлидир. Ва яна уларга тавфиқ бериб, ёмон амаллардан сақла! Ва кимники ёмон амаллардан сақласанг, шубҳасиз, унга раҳм қилибсан. У охиратда раҳматингга лойиқ бўлади, олий мақсадига эришади».

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ يُنَادَوۡنَ لَمَقۡتُ ٱللَّهِ أَكۡبَرُ مِن مَّقۡتِكُمۡ أَنفُسَكُمۡ إِذۡ
تُدۡعَوۡنَ إِلَى ٱلۡإِيمَٰنِ فَتَكۡفُرُونَ ﴿١٠﴾ قَالُواْ رَبَّنَآ أَمَتَّنَا ٱثۡنَتَيۡنِ وَأَحۡيَيۡتَنَا
ٱثۡنَتَيۡنِ فَٱعۡتَرَفۡنَا بِذُنُوبِنَا فَهَلۡ إِلَىٰ خُرُوجٖ مِّن سَبِيلٖ ﴿١١﴾ ذَٰلِكُم بِأَنَّهُۥٓ إِذَا دُعِيَ
ٱللَّهُ وَحۡدَهُۥ كَفَرۡتُمۡ وَإِن يُشۡرَكۡ بِهِۦ تُؤۡمِنُواْۚ فَٱلۡحُكۡمُ لِلَّهِ ٱلۡعَلِيِّ ٱلۡكَبِيرِ ﴿١٢﴾

10-12. *Вақтики кофирлар дўзахга кирганларида иймон келтирмаганликлари учун ўз нафсларини (жуда) ёмон кўриб маломат қилар эканлар. Шу ҳолатда* малоикалар уларга нидо қилиб, айтар эканлар: «У дунёда сизлар пайғамбарлар тарафидан иймонга даъват қилинган эдингизлар. Лекин сизлар (даъватни) қабул қилмасдан, кофир бўлдингизлар. Шубҳасиз, куфр келтирган пайтингизда Аллоҳнинг сизларни душман тутиши энди ўз нафсингизни душман тутганингиздан кўра каттароқ (шиддатли-

роқ)дир». *Дўзах аҳли Парвардигорга ёлвориб* айтадиларки: «Парвардигоро, бизни икки марта ўлдирдинг. Икки марта тирилтирдинг. Энди бизлар ўз гуноҳимизга иқрор бўлдик ва тавба қилдик. Энди бизларга бу дўзахдан нажот топиш йўли борми?» Худо тарафидан жавоб бериладики: «Энди бу жойда ҳеч кимнинг тавбаси қабул бўлмайди. Бу азоблар сизларга шунинг учунки, у дунёда Худонинг ваҳдониятидан (якка-ягоналигидан) гапирилса, инкор қилдингизлар. Худога ширк келтирилганда, ишондингизлар, энди ҳукм қилмоқлик Улуғ ва Олий Парвардигор қўлидадир».

هُوَ ٱلَّذِى يُرِيكُمْ ءَايَـٰتِهِۦ وَيُنَزِّلُ لَكُم مِّنَ ٱلسَّمَآءِ رِزْقًا ۚ وَمَا يَتَذَكَّرُ إِلَّا مَن 24 жузъ
يُنِيبُ ﴿١٣﴾ فَٱدْعُوا۟ ٱللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَ وَلَوْ كَرِهَ ٱلْكَـٰفِرُونَ ﴿١٤﴾ رَفِيعُ
ٱلدَّرَجَـٰتِ ذُو ٱلْعَرْشِ يُلْقِى ٱلرُّوحَ مِنْ أَمْرِهِۦ عَلَىٰ مَن يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦ لِيُنذِرَ
يَوْمَ ٱلتَّلَاقِ ﴿١٥﴾

13-15. Парвардигор шундай Зотки, сизларга қудратининг нишонасини кўрсатади, сизларга осмондан ризқ сабабларини туширади. (Ризқ сабаблари – ёмғир, қор, қуёш, ой нурлари ва ҳоказолардир). Бу оятлардан залолатдан йироқ, Худога қайтган одамларгина панд-насиҳат олади. Бас, эй бандалар, агар кофирлар сизларни ёмон кўрсалар-да, динларингизни риёкорликдан пок қилиб, Худога ибодат қилинглар. Парвардигор бандаларининг мартабаларини кўтаргувчи ва Аршнинг эгасидир. Ўзининг амри билан бандаларининг ичидан (орасидан) хоҳлаган одамига Жаброилни юбориб, Пайғамбар қилади. Сўнгра у Пайғамбар бандаларни Худога рўбарў бўладиган Қиёмат кунидан қўрқитади.

يَوْمَ هُم بَـٰرِزُونَ ۖ لَا يَخْفَىٰ عَلَى ٱللَّهِ مِنْهُمْ شَىْءٌ ۚ لِّمَنِ ٱلْمُلْكُ ٱلْيَوْمَ ۖ لِلَّهِ
ٱلْوَٰحِدِ ٱلْقَهَّارِ ﴿١٦﴾ ٱلْيَوْمَ تُجْزَىٰ كُلُّ نَفْسٍۭ بِمَا كَسَبَتْ ۚ لَا ظُلْمَ ٱلْيَوْمَ ۚ
إِنَّ ٱللَّهَ سَرِيعُ ٱلْحِسَابِ ﴿١٧﴾

16-17. Қиёмат куни бўлганда ҳамма ўликлар қабрдан зоҳир бўлиб, яъни тирилиб чиқадилар. Аллоҳ таологa бандаларининг қилган амалларидан ҳеч бир нарса махфий қолмайди. У ҳолда нидо қилувчи нидо қилиб айтади: «Бу кун подшоҳлик кимникидир?» Яна ўзи жавоб бериб айтади: «Бу кун мулк якка ва ягона қудратли Парвардигорникидир». Бу кун ҳар бир нафсга (кишига) қилган амалига яраша жазо берилади. Бу кун ҳеч кимга зулм қилинмайди. Албатта, Аллоҳ таоло тез ҳисоб қилгувчидир.

وَأَنذِرْهُمْ يَوْمَ ٱلْـَٔازِفَةِ إِذِ ٱلْقُلُوبُ لَدَى ٱلْحَنَاجِرِ كَـٰظِمِينَ ۚ مَا لِلظَّـٰلِمِينَ مِنْ
حَمِيمٍ وَلَا شَفِيعٍ يُطَاعُ ﴿١٨﴾ يَعْلَمُ خَآئِنَةَ ٱلْأَعْيُنِ وَمَا تُخْفِى ٱلصُّدُورُ ﴿١٩﴾
وَٱللَّهُ يَقْضِى بِٱلْحَقِّ ۖ وَٱلَّذِينَ يَدْعُونَ مِن دُونِهِۦ لَا يَقْضُونَ بِشَىْءٍ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ

ٱلسَّمِيعُ ٱلْبَصِيرُ ﴿٢٠﴾

18-20. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушрикларни яқинлашаётган Қиёмат кунидан қўрқит! Кофирлар азобни кўрганларида ниҳоятда қўрқиб, ғамдан юраклари томоқларига тиқилади (жон ҳалқумга келади). У вақтда бу золимларга ҳеч қандай дўст ҳам, итоат қилинадиган бирор шафоатчи ҳам бўлмайди. Аллоҳ таоло кўзлардан содир бўлган хиёнатни ҳам, диллардаги ёмон ниятларни ҳам билади. Аллоҳ таоло адолат билан ҳукм қилади. Мушрикларнинг Аллоҳдан бошқа ибодат қилган Худолари
24 жузъ эса ҳеч нарсага ҳукм қилолмайдилар. Аллоҳ таоло бандаларнинг дуоларини эшитгувчи, аҳволларини кўргувчидир.

۞ أَوَلَمْ يَسِيرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ فَيَنظُرُوا۟ كَيْفَ كَانَ عَـٰقِبَةُ ٱلَّذِينَ كَانُوا۟ مِن قَبْلِهِمْ ۚ كَانُوا۟ هُمْ أَشَدَّ مِنْهُمْ قُوَّةً وَءَاثَارًا فِى ٱلْأَرْضِ فَأَخَذَهُمُ ٱللَّهُ بِذُنُوبِهِمْ وَمَا كَانَ لَهُم مِّنَ ٱللَّهِ مِن وَاقٍ ﴿٢١﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ كَانَت تَّأْتِيهِمْ رُسُلُهُم بِٱلْبَيِّنَـٰتِ فَكَفَرُوا۟ فَأَخَذَهُمُ ٱللَّهُ ۚ إِنَّهُۥ قَوِىٌّ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿٢٢﴾

21-22. Ахир Қурайш кофирлари ер юзини сайр қилиб, ўзларидан муқаддам (олдин) ўтган кофирларнинг оқибатлари қандай бўлганига назар қилмайдиларми?! Ва ҳолбуки, уларнинг қувватлари буларнинг қувватларидан зиёда ва ер юзида нишоналари улуғроқ (кўпроқ) эди. Бас, Худойи таоло уларнинг гуноҳлари сабабидан ҳаммасини ҳалок қилди. Худонинг азобидан уларни (бирорта ҳам) сақлаб қолувчи бўлмади. Бундай азобларга қолишнинг сабаби шуки, уларга пайғамбарлар мўъжиза олиб келгандилар, лекин улар куфр келтирдилар. Бас, Аллоҳ таоло уларни ҳалок қилди. Албатта, Парвардигор қудратли ва азоби қаттиқдир.

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ بِـَٔايَـٰتِنَا وَسُلْطَـٰنٍ مُّبِينٍ ﴿٢٣﴾ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَهَـٰمَـٰنَ وَقَـٰرُونَ فَقَالُوا۟ سَـٰحِرٌ كَذَّابٌ ﴿٢٤﴾ فَلَمَّا جَآءَهُم بِٱلْحَقِّ مِنْ عِندِنَا قَالُوا۟ ٱقْتُلُوٓا۟ أَبْنَآءَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مَعَهُۥ وَٱسْتَحْيُوا۟ نِسَآءَهُمْ ۚ وَمَا كَيْدُ ٱلْكَـٰفِرِينَ إِلَّا فِى ضَلَـٰلٍ ﴿٢٥﴾ وَقَالَ فِرْعَوْنُ ذَرُونِىٓ أَقْتُلْ مُوسَىٰ وَلْيَدْعُ رَبَّهُۥٓ ۖ إِنِّىٓ أَخَافُ أَن يُبَدِّلَ دِينَكُمْ أَوْ أَن يُظْهِرَ فِى ٱلْأَرْضِ ٱلْفَسَادَ ﴿٢٦﴾ وَقَالَ مُوسَىٰٓ إِنِّى عُذْتُ بِرَبِّى وَرَبِّكُم مِّن كُلِّ مُتَكَبِّرٍ لَّا يُؤْمِنُ بِيَوْمِ ٱلْحِسَابِ ﴿٢٧﴾

23-27. Биз Мусони мўъжиза ва зоҳир далиллар билан Фиръавн, Ҳомон ва Қорунга Пайғамбар қилиб юбордик. *Мусо ўзининг пайғамбарлигини уларга изҳор қилганда,* улар айтдилар: «Бу ёлғончи, жодугардир». Вақтики, Бизнинг тарафимиздан уларга ҳақ дин етгандан сўнг улар

айтдилар: «Мусога иймон келтирганларнинг ўғил болаларини ўлдиринглар, қизларини ва хотинларини хизматкор қилиб олинглар». Лекин кофирларнинг макрлари ҳамиша ботил бўлади. Фиръавн айтдики: «Менга қўйинглар, Мусони ўлдираман. Мусога айтинглар, Худосини ёрдамга чақирсин. Албатта, мен қўрқаманки, Мусо тирик бўлса, динларингизни ўзгартириб юборади ёки фитна қилиб, ер юзида фасод тарқатади». Мусо айтди: «Қиёматга ишонмайдиган ҳар бир мутакаббирнинг ёмонлигидан мен Парвардигоримдан паноҳ тилайман».

وَقَالَ رَجُلٌ مُّؤْمِنٌ مِّنْ ءَالِ فِرْعَوْنَ يَكْتُمُ إِيمَٰنَهُۥٓ أَتَقْتُلُونَ رَجُلًا أَن 24 жузъ
يَقُولَ رَبِّيَ ٱللَّهُ وَقَدْ جَآءَكُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ مِن رَّبِّكُمْ وَإِن يَكُ كَٰذِبًا فَعَلَيْهِ
كَذِبُهُۥ وَإِن يَكُ صَادِقًا يُصِبْكُم بَعْضُ ٱلَّذِى يَعِدُكُمْ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى مَنْ
هُوَ مُسْرِفٌ كَذَّابٌ ﴿٢٨﴾

28. Фиръавннинг қариндошларидан бир мўмин киши ўз иймонини Фиръавндан яширар эди. Кофирларга айтди: «Бир одам: «Менинг Парвардигорим Аллоҳ», – деса, уни ўлдирасизларми?! Ваҳоланки, у одам Аллоҳ тарафидан мўъжизалар олиб келди. Агар ёлғончи бўлса, ёлғонининг зиёни ўзига тегади, агар рост айтса, у ҳолда сизларга ваъда қилинган азоб албатта, келади. Аллоҳ таоло ҳаддидан ошган (каззоб) кофирларни ҳидоят қилмайди.

يَٰقَوْمِ لَكُمُ ٱلْمُلْكُ ٱلْيَوْمَ ظَٰهِرِينَ فِى ٱلْأَرْضِ فَمَن يَنصُرُنَا مِنۢ بَأْسِ ٱللَّهِ إِن جَآءَنَا
قَالَ فِرْعَوْنُ مَآ أُرِيكُمْ إِلَّا مَآ أَرَىٰ وَمَآ أَهْدِيكُمْ إِلَّا سَبِيلَ ٱلرَّشَادِ ﴿٢٩﴾

29. Эй қавм, бугунлик кунда подшоҳлик сизларнинг қўлларингизда, бу шаҳарларда сизлар ғолиб бўлиб юрибсизлар. Агар бизга Худонинг азоби келса, унда ким бизга ёрдам беради?» Фиръавн қавмига айтди: «Мен сизларга ўзимга маъқул бўлган маслаҳатни кўрсатган ва сизларни тўғри йўлга солган эдим. *Сизлар Мусони ўлдиришларингиз керак эди.*

وَقَالَ ٱلَّذِىٓ ءَامَنَ يَٰقَوْمِ إِنِّىٓ أَخَافُ عَلَيْكُم مِّثْلَ يَوْمِ ٱلْأَحْزَابِ ﴿٣٠﴾ مِثْلَ دَأْبِ
قَوْمِ نُوحٍ وَعَادٍ وَثَمُودَ وَٱلَّذِينَ مِنۢ بَعْدِهِمْ وَمَا ٱللَّهُ يُرِيدُ ظُلْمًا لِّلْعِبَادِ ﴿٣١﴾
وَيَٰقَوْمِ إِنِّىٓ أَخَافُ عَلَيْكُمْ يَوْمَ ٱلتَّنَادِ ﴿٣٢﴾ يَوْمَ تُوَلُّونَ مُدْبِرِينَ مَا لَكُم مِّنَ ٱللَّهِ مِنْ
عَاصِمٍ وَمَن يُضْلِلِ ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِنْ هَادٍ ﴿٣٣﴾

30-33. Бир иймон келтирган одам қавмига айтди: «Эй қавм, агар иймон келтирмасангизлар, қўрқаманки, ҳолингиз илгари ҳалок бўлган кофир фирқаларнинг, Нуҳ, Од ва Самуд қавмига ва улардан кейин келган Мўътафика қавмининг ҳолига ўхшаган бўлади». *Уларнинг ҳаммаси ўз пайғамбарларига иймон келтирмай, ҳалок бўлган эдилар.* Аллоҳ таоло

бирор бандага зулм қилишни истамайди. *Ҳаммаси ўзининг (шум) феълидан ҳалок бўлади, ўзига ўзи зулм қилади.* У мўмин яна айтди: «Албатта, мен сизлар учун бир-бирини ёрдамга чақирадиган Қиёмат кунидан қўрқаман. *У кунда сизлар ортга қараб қочасизлар. Аммо сизларни ҳисобгоҳдан қайтариб, дўзах тарафига олиб борадилар.* У вақтда сизларни Худонинг азобидан ҳеч ким сақлай олмайди. Парвардигор кимни гумроҳ қилса, бас, ҳеч ким уни ҳидоят қилолмайди».

وَلَقَدْ جَآءَكُمْ يُوسُفُ مِن قَبْلُ بِٱلْبَيِّنَٰتِ فَمَا زِلْتُمْ فِى شَكٍّ مِّمَّا جَآءَكُم بِهِۦ
24 кузъ حَتَّىٰٓ إِذَا هَلَكَ قُلْتُمْ لَن يَبْعَثَ ٱللَّهُ مِنۢ بَعْدِهِۦ رَسُولًا ۚ كَذَٰلِكَ يُضِلُّ ٱللَّهُ مَنْ
هُوَ مُسْرِفٌ مُّرْتَابٌ ﴿٣٤﴾ ٱلَّذِينَ يُجَٰدِلُونَ فِىٓ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ بِغَيْرِ سُلْطَٰنٍ أَتَىٰهُمْ ۖ
كَبُرَ مَقْتًا عِندَ ٱللَّهِ وَعِندَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ۚ كَذَٰلِكَ يَطْبَعُ ٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ قَلْبِ
مُتَكَبِّرٍ جَبَّارٍ ﴿٣٥﴾

34-35. Мусо (алайҳиссалом)дан аввал Юсуф(алайҳиссалом) Худо тарафидан мўъжизалар билан Миср аҳлига Пайғамбар бўлиб келган эди. Сизлар дин хусусида унинг Худо тарафидан олиб келган аҳкомларига ҳамиша (доимо) шак ва шубҳада бўлган эдингизлар. Вақтики Юсуф (алайҳиссалом) оламдан кетди, сизлар айтдингизлар: «Юсуфдан кейин энди Худо бизга ҳеч қандай Пайғамбар юбормайди». Ўз ҳаддидан тажовуз қилиб, динда шак-шубҳа қилувчиларни, Худонинг оятлари (ҳақида) ҳужжат-далилсиз жанжал қилувчиларни Худойи таоло мана шундай гумроҳ қилиб қўяди. Ана шундай кофирларга Худойи таолонинг ва мўминларнинг душманликлари (қаҳру ғазаби) улуғдир. Аллоҳ таоло ҳар бир (зўравон ва) мутакаббир дилига ана шундай муҳр босади. *Унинг дилига ҳеч қандай ҳақ сўз ва насиҳат кор қилмайди.*

وَقَالَ فِرْعَوْنُ يَٰهَٰمَٰنُ ٱبْنِ لِى صَرْحًا لَّعَلِّىٓ أَبْلُغُ ٱلْأَسْبَٰبَ ﴿٣٦﴾ أَسْبَٰبَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
فَأَطَّلِعَ إِلَىٰٓ إِلَٰهِ مُوسَىٰ وَإِنِّى لَأَظُنُّهُۥ كَٰذِبًا ۚ وَكَذَٰلِكَ زُيِّنَ لِفِرْعَوْنَ سُوٓءُ
عَمَلِهِۦ وَصُدَّ عَنِ ٱلسَّبِيلِ ۚ وَمَا كَيْدُ فِرْعَوْنَ إِلَّا فِى تَبَابٍ ﴿٣٧﴾

36-37. Фиръавн ўзининг вазири Ҳомонга айтди: «Менга минорага ўхшаш баланд қаср бино қил, шоядки осмонга чиқадиган йўлни топсам. Кейин Мусонинг Худосини маълум қилсам (кўрсам). Мен Мусонинг: «Худо тарафидан юборилган Пайғамбардирман», – деганини ёлғон айтади, деб гумон қиламан». *Фиръавн Худо осмондадир деб ўйлади.* Фиръавннинг бу ёмон амаллари ўзига маъқул (зийнатли) бўлиб кўринар эди. Шунинг учун ҳам тўғри йўлдан адашди. Фиръавннинг бу хил ҳийлалари барбодликдан (зиёнкорликдан) бошқа нарса келтирмади. *Вақтики Фиръавн қурган бино битди, Парвардигор Жаброил (алайҳиссалом)га буюрди, у бир ишора билан вайрон қилиб ташлади.*

وَقَالَ ٱلَّذِىٓ ءَامَنَ يَٰقَوْمِ ٱتَّبِعُونِ أَهْدِكُمْ سَبِيلَ ٱلرَّشَادِ ﴿٣٨﴾ يَٰقَوْمِ
إِنَّمَا هَٰذِهِ ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا مَتَٰعٌ وَإِنَّ ٱلْءَاخِرَةَ هِىَ دَارُ ٱلْقَرَارِ ﴿٣٩﴾ مَنْ عَمِلَ سَيِّئَةً
فَلَا يُجْزَىٰٓ إِلَّا مِثْلَهَا ۖ وَمَنْ عَمِلَ صَٰلِحًا مِّن ذَكَرٍ أَوْ أُنثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ
فَأُو۟لَٰٓئِكَ يَدْخُلُونَ ٱلْجَنَّةَ يُرْزَقُونَ فِيهَا بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿٤٠﴾

38-40. Иймон келтирган киши айтдики: «Эй қавмим, менга тобе бўлинглар. Мен сизларга тўғри йўлни кўрсатаман. Эй қавмим, бу дунёнинг ҳаёти вақтинчалик маишат, арзимас матоҳдир. Ва, албатта, охират абадий турадиган жойдир. Ким бирор ёмон амал қилса, амалига яраша жазо берилади. Кимки хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, иймон келтирган ҳолда яхши амаллар қилса, бас, ўшалар жаннатга дохил бўладилар. У жаннатда уларга ҳисобсиз нозу-неъматлар берилади». 24 жузъ

۞ وَيَٰقَوْمِ مَا لِىٓ أَدْعُوكُمْ إِلَى ٱلنَّجَوٰةِ وَتَدْعُونَنِىٓ إِلَى ٱلنَّارِ ﴿٤١﴾
تَدْعُونَنِى لِأَكْفُرَ بِٱللَّهِ وَأُشْرِكَ بِهِۦ مَا لَيْسَ لِى بِهِۦ عِلْمٌ وَأَنَا۠ أَدْعُوكُمْ
إِلَى ٱلْعَزِيزِ ٱلْغَفَّٰرِ ﴿٤٢﴾

41-42. Эй қавмим, нега мен сизларни нажот тарафига чақирсам, сизлар эса мени дўзах тарафига чақирасизлар?! Сизлар яна мени Худога куфр келтиришимга тарғиб қиласизлар. Сизлар менда бирор (илм) ҳужжат-далил бўлмаган ҳолда Парвардигорга ширк келтиришимни таклиф қиласизлар. Ваҳоланки, мен сизларни кечирувчи ва улуғ Парвардигор тарафига чақиряпман.

لَا جَرَمَ أَنَّمَا تَدْعُونَنِىٓ إِلَيْهِ لَيْسَ لَهُۥ دَعْوَةٌ فِى ٱلدُّنْيَا وَلَا فِى ٱلْءَاخِرَةِ وَأَنَّ مَرَدَّنَآ
إِلَى ٱللَّهِ وَأَنَّ ٱلْمُسْرِفِينَ هُمْ أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ ﴿٤٣﴾ فَسَتَذْكُرُونَ مَآ أَقُولُ
لَكُمْ ۚ وَأُفَوِّضُ أَمْرِىٓ إِلَى ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ بَصِيرٌۢ بِٱلْعِبَادِ ﴿٤٤﴾

43-44. Ҳеч шак-шубҳасиз, сизлар мени ибодат қилишга таклиф қилаётган бутларингиз бандаларнинг талабларини ижобат қилишга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам қудратлари йўқ. Ва, шубҳасиз, қайтадиган йўлимиз Парвардигор ҳузуригадир. Ва ҳаддан тажовуз қилувчилар дўзах аҳлидирлар. Яқинда мен айтган сўзларимнинг ҳақлигини биласизлар. Мен ўз ишимни Худога топшираман. Албатта, Аллоҳ таоло бандаларининг аҳволларини кўриб туради.

فَوَقَىٰهُ ٱللَّهُ سَيِّـَٔاتِ مَا مَكَرُوا۟ ۖ وَحَاقَ بِـَٔالِ فِرْعَوْنَ سُوٓءُ ٱلْعَذَابِ ﴿٤٥﴾ ٱلنَّارُ
يُعْرَضُونَ عَلَيْهَا غُدُوًّا وَعَشِيًّا ۖ وَيَوْمَ تَقُومُ ٱلسَّاعَةُ أَدْخِلُوٓا۟ ءَالَ فِرْعَوْنَ
أَشَدَّ ٱلْعَذَابِ ﴿٤٦﴾ وَإِذْ يَتَحَآجُّونَ فِى ٱلنَّارِ فَيَقُولُ ٱلضُّعَفَٰٓؤُا۟ لِلَّذِينَ

ٱسْتَكْبَرُوٓا۟ إِنَّا كُنَّا لَكُمْ تَبَعًا فَهَلْ أَنتُم مُّغْنُونَ عَنَّا نَصِيبًا مِّنَ ٱلنَّارِ ﴿٤٧﴾

قَالَ ٱلَّذِينَ ٱسْتَكْبَرُوٓا۟ إِنَّا كُلٌّ فِيهَآ إِنَّ ٱللَّهَ قَدْ حَكَمَ بَيْنَ ٱلْعِبَادِ ﴿٤٨﴾

45-48. *Сўнгра Фиръавн у мўминни тутиб ўлдиришга ҳукм қилди.* Парвардигор у мўминни кофирларнинг макридан сақлаб, нажот берди. *Айтишларича, бу мўмин Фиръавн қавмидан қочиб бир тоққа бориб, ибодат қилишга машғул бўлган.* Фиръавн ва унинг қавмини эса қаттиқ азоб ўраб олди. *Яъни, улар дарёга ғарқ бўлиб, ҳалок бўлдилар. Энди то Қиёматгача*
24 жузъ
уларнинг жасадлари қаерда бўлса ҳам, дўзах оловига рўбарў қилиниб азоб берилади. Вақтики Қиёмат соати қоим бўлса, Аллоҳ таоло тарафидан фаришталарга: «Фиръавнни қавми билан дўзахга дохил қилиб, энг қаттиқ азобга мубтало қилинглар», – деб буйруқ берилади. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), дўзах аҳли бир-бирлари билан жанжал қиладиган вақтини ёд қил (эсла). Ўшанда заиф бечоралари такаббур пешволарига айтадилар: «У дунёда бизлар сизларга эргашган эдик, энди сизлар биздан дўзах азобини озгина бўлса-да даф қиласизларми?!» Пешволари айтадиларки: «Албатта, бизлар ҳаммамиз дўзахдадирмиз, *биз ўзимиздан азобни даф қилишга қодир эмасмиз, сизлардан қандай даф қиламиз?* Аллоҳ таоло бандалар ўртасида ҳукм чиқариб бўлган». *Энди ўзгармайди.*

وَقَالَ ٱلَّذِينَ فِى ٱلنَّارِ لِخَزَنَةِ جَهَنَّمَ ٱدْعُوا۟ رَبَّكُمْ يُخَفِّفْ عَنَّا يَوْمًا مِّنَ ٱلْعَذَابِ

﴿٤٩﴾ قَالُوٓا۟ أَوَلَمْ تَكُ تَأْتِيكُمْ رُسُلُكُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ ۖ قَالُوا۟ بَلَىٰ ۚ قَالُوا۟ فَٱدْعُوا۟ ۗ وَمَا

دُعَٰٓؤُا۟ ٱلْكَٰفِرِينَ إِلَّا فِى ضَلَٰلٍ ﴿٥٠﴾

49-50. Дўзах аҳли дўзахдаги (посбон) малоикаларга айтадилар: «Сизлар Парвардигордан дуо қилиб сўранглар, бирор кун биздан азобни енгиллатсин». Дўзахнинг муаккиллари (масъул фаришталари) айтадиларки: «Сизларга пайғамбарлар (аниқ-таниқ) мўъжизалар билан келмаган эдиларми?». Дўзахийлар: «Ҳа, келган эдилар, лекин бизлар иймон келтирмадик», – дейдилар. Фаришталар: «Ундай бўлса, бас, ўзларингиз дуо қилаверинглар». *Биз аралашмаймиз.* Албатта, кофирларнинг дуоси беҳуда кетади.

إِنَّا لَنَنصُرُ رُسُلَنَا وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُومُ ٱلْأَشْهَٰدُ ﴿٥١﴾

يَوْمَ لَا يَنفَعُ ٱلظَّٰلِمِينَ مَعْذِرَتُهُمْ ۖ وَلَهُمُ ٱللَّعْنَةُ وَلَهُمْ سُوٓءُ ٱلدَّارِ ﴿٥٢﴾

51-52. Албатта, Биз пайғамбарларга ва мўминларга у дунёда ҳам ва Қиёмат куни гувоҳлар қоим бўлганда ҳам ёрдам берамиз. Қиёмат куни золимларга узрлари фойда бермайди ва қабул қилинмайди. Ва уларга Худонинг раҳматидан маҳрумлик (бўлғай) ва уларга жаҳаннам ёмон уйдир.

وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْهُدَىٰ وَأَوْرَثْنَا بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ٱلْكِتَٰبَ ﴿٥٣﴾ هُدًى

وَذِكْرَىٰ لِأُو۟لِى ٱلْأَلْبَٰبِ ﴿٥٤﴾ فَٱصْبِرْ إِنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ وَٱسْتَغْفِرْ لِذَنۢبِكَ

وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ بِالْعَشِيِّ وَالْإِبْكَارِ ﴿٥٥﴾

53-55. Албатта, Биз Мусога тўғри динни бердик. Бани Исроилга Тавротни ҳидоят учун, ақлли одамларга насиҳат учун мерос қолдирдик. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларнинг азиятларига сабр қил! Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир, *охир-оқибат Сенга ёрдам беради.* Хатоларинг учун Худодан кечирим (мағфират) сўра! Эртаю кеч Худога ҳамду сано билан тасбеҳ айт!

إِنَّ الَّذِينَ يُجَادِلُونَ فِي آيَاتِ اللَّهِ بِغَيْرِ سُلْطَانٍ أَتَاهُمْ إِنْ فِي صُدُورِهِمْ إِلَّا 24 жузъ
كِبْرٌ مَا هُمْ بِبَالِغِيهِ فَاسْتَعِذْ بِاللَّهِ إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ ﴿٥٦﴾ لَخَلْقُ
السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ أَكْبَرُ مِنْ خَلْقِ النَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ
﴿٥٧﴾ وَمَا يَسْتَوِي الْأَعْمَىٰ وَالْبَصِيرُ وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَلَا
الْمُسِيءُ قَلِيلًا مَا تَتَذَكَّرُونَ ﴿٥٨﴾

56-58. Албатта, кофирлар ҳеч қандай далил ва ҳужжатсиз Худонинг ўзларига нозил бўлган оятлари ҳақида (талашиб) жанжал қиладилар. Дилларида улуғлик ва ғалаба қилишдан бошқа нарса йўқдир. Лекин бу мақсадларига ета олмайдилар. Бас, Аллоҳдан уларнинг шарридан (ёмонлигидан) паноҳ тила! Шубҳасиз Аллоҳ таоло бандаларининг дуоларини эшитгувчи ва аҳволларини кўргувчидир. Албатта, ер ва осмонларни ижод қилмоқ (яратмоқ) халқни яратмоқдан улуғ ва қийиндир. Лекин кўп одамларнинг (бунга) илмлари етмайди. Кўр билан кўрувчи баробар эмасдир. Худога иймон келтириб, яхши амал қилувчилар билан ёмон амал қилувчилар (ҳам) баробар эмасдир. Лекин камроқ ўйлайсизлар.

إِنَّ السَّاعَةَ لَآتِيَةٌ لَا رَيْبَ فِيهَا وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٥٩﴾ وَقَالَ
رَبُّكُمُ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي سَيَدْخُلُونَ
جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ ﴿٦٠﴾ اللَّهُ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ اللَّيْلَ لِتَسْكُنُوا فِيهِ وَالنَّهَارَ مُبْصِرًا
إِنَّ اللَّهَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى النَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ ﴿٦١﴾

59-61. Албатта, Қиёмат келгувчидир. Бунга шубҳа йўқ. Лекин одамларнинг кўплари ишонмайдилар. Парвардигор айтадики: «Менга тазарру билан ибодат қилиб, дуо қилинглар, (дуоларингизни) қабул қиламан. Лекин кибр қилиб, Менинг ибодатимдан юз ўгиргувчи гуруҳлар яқинда хор бўлиб, жаҳаннамга кирадилар». Аллоҳ таоло шундай Зотки, сизлар ором олишингиз учун кечани ва тириклик қилишларингиз учун кундузни ёруғ қилиб қўйди. Албатта, Аллоҳ таоло одамларга фазл ва марҳамат эгасидир. Лекин кўп одамлар Худога шукр қилмайдилар.

ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبُّكُمْ خَٰلِقُ كُلِّ شَيْءٍ لَّآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ فَأَنَّىٰ تُؤْفَكُونَ ﴿٦٢﴾

كَذَٰلِكَ يُؤْفَكُ ٱلَّذِينَ كَانُوا۟ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ يَجْحَدُونَ ﴿٦٣﴾

62-63. Аллоҳ таоло – сизларнинг Парвардигорингиз. У ҳар бир нарсани халқ қилгувчидир. Ундан бошқа ҳеч маъбуд йўқ. Бас, шундай экан нима учун унинг ибодатидан юз ўгириб кетаяпсизлар. Шунга ўхшаш Худонинг оятларини инкор қилувчи мутакаббирларнинг юзлари (ҳам) бошқа тарафга бурилиб кетади.

24 жузъ

ٱللَّهُ ٱلَّذِى جَعَلَ لَكُمُ ٱلْأَرْضَ قَرَارًا وَٱلسَّمَآءَ بِنَآءً وَصَوَّرَكُمْ فَأَحْسَنَ
صُوَرَكُمْ وَرَزَقَكُم مِّنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبُّكُمْ فَتَبَارَكَ ٱللَّهُ رَبُّ
ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٦٤﴾ هُوَ ٱلْحَىُّ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ فَٱدْعُوهُ مُخْلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَ
ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٦٥﴾ ۞ قُلْ إِنِّى نُهِيتُ أَنْ أَعْبُدَ ٱلَّذِينَ تَدْعُونَ مِن
دُونِ ٱللَّهِ لَمَّا جَآءَنِىَ ٱلْبَيِّنَٰتُ مِن رَّبِّى وَأُمِرْتُ أَنْ أُسْلِمَ لِرَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٦٦﴾

64-66. Аллоҳ таоло шундай Зотки, сизлар учун ерни қарор оладиган ором оладиган) жой қилиб яратди. Устларингиздан осмон биносини кўтариб қўйди. Сизларни одам суратида яратиб, суратларингизни зебо қилди ва сизларга покиза ризқлар берди. Мана шу Зот сизларнинг Парвардигорингиздир. Ҳамма нарсадан улуғ ва оламни тарбия қилувчидир. У ҳамиша тириқдир. Ундан бошқа ҳеч маъбуд йўқ. Энди сизлар динингизни ширк ва риёдан пок қилиб, унга ибодат қилинглар. Оламларни тарбия қилувчи Парвардигорга яхшиликлар (ҳамду сано) бўлсин. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил. «Албатта, Менга Парвардигоримдан пайғамбарлик (мўъжизалар) келганидан сўнг, Худони қўйиб сизларнинг ибодат қилаётган бутларингизга ибодат қилишим Худойи таоло тарафидан манъ қилинди. Ва яна Худо тарафидан Парвардигори оламнинг ҳукмига бўйнимни эгиб итоат қилишга маъмур бўлдим».

هُوَ ٱلَّذِى خَلَقَكُم مِّن تُرَابٍ ثُمَّ مِن نُّطْفَةٍ ثُمَّ مِنْ عَلَقَةٍ ثُمَّ يُخْرِجُكُمْ طِفْلًا ثُمَّ
لِتَبْلُغُوٓا۟ أَشُدَّكُمْ ثُمَّ لِتَكُونُوا۟ شُيُوخًا وَمِنكُم مَّن يُتَوَفَّىٰ مِن قَبْلُ وَلِتَبْلُغُوٓا۟
أَجَلًا مُّسَمًّى وَلَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٦٧﴾ هُوَ ٱلَّذِى يُحْىِۦ وَيُمِيتُ فَإِذَا قَضَىٰٓ
أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿٦٨﴾

67-68. Аллоҳ таоло шундай Зотки, сизларнинг боболарингизни тупроқдан, сўнгра сизларни нутфадан яратди. Сўнгра нутфалик ҳолатидан увиган қонга айлантирди. Сўнгра сизларни увиган қондан чиқарди. Сўнгра гўдаклик ҳолингизда онанинг қорнидан чиқарди. Сўнгра балоғатга ети-

шингиз учун улғайтиради. Ундан кейин қариялик ҳолига етасизлар. Сизлардан баъзиларингиз мўйсафид бўлишдан олдин вафот қиласизлар. Қолганларингиз муайян муддатгача умр кўрасизлар ва шоядки сизлар ўз яратилишингиз ҳақида ўйлаб кўрарсизлар? Парвардигор шундай Зотки, жонсизларга ҳаёт бағишлайди. Сўнгра ўлдиради. Вақтики бирор нарсани яратишни хоҳлаб, ҳукм қилмоқни ихтиёр этса, у нарсага «Бўл!» деса, бас, у нарса бўлади.

أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ يُجَٰدِلُونَ فِىٓ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ أَنَّىٰ يُصْرَفُونَ ﴿٦٩﴾ ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟
بِٱلْكِتَٰبِ وَبِمَآ أَرْسَلْنَا بِهِۦ رُسُلَنَا ۖ فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿٧٠﴾ إِذِ ٱلْأَغْلَٰلُ فِىٓ 24 жузъ
أَعْنَٰقِهِمْ وَٱلسَّلَٰسِلُ يُسْحَبُونَ ﴿٧١﴾ فِى ٱلْحَمِيمِ ثُمَّ فِى ٱلنَّارِ يُسْجَرُونَ ﴿٧٢﴾

69-72. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айрим кимсаларнинг Худонинг оятлари хусусида жанжал қилиш (талашиб-тортишиш)ларини кўрмайсанми? Уларнинг юзлари ботил тарафга қандай ўгирилиб кетади-а? Бу жанжал қилувчилар Худонинг Китобини ва пайғамбарлар Худо тарафидан олиб келган ҳақ динни инкор қиладилар. Яқинда бўйинларига ҳалқа (кишан) солиниб, оёқлари занжир билан боғланиб, дўзах тарафига судралган ва дўзахнинг қайноқ суви ва оловлари билан куйдирилган вақтда ҳақ нима, ботил нима, тезда биладилар.

ثُمَّ قِيلَ لَهُمْ أَيْنَ مَا كُنتُمْ تُشْرِكُونَ ﴿٧٣﴾ مِن دُونِ ٱللَّهِ ۖ قَالُوا۟ ضَلُّوا۟ عَنَّا بَل لَّمْ
نَكُن نَّدْعُوا۟ مِن قَبْلُ شَيْـًٔا ۚ كَذَٰلِكَ يُضِلُّ ٱللَّهُ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٧٤﴾ ذَٰلِكُم بِمَا كُنتُمْ
تَفْرَحُونَ فِى ٱلْأَرْضِ بِغَيْرِ ٱلْحَقِّ وَبِمَا كُنتُمْ تَمْرَحُونَ ﴿٧٥﴾ ٱدْخُلُوٓا۟ أَبْوَٰبَ
جَهَنَّمَ خَٰلِدِينَ فِيهَا ۖ فَبِئْسَ مَثْوَى ٱلْمُتَكَبِّرِينَ ﴿٧٦﴾ فَٱصْبِرْ إِنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ ۚ
فَإِمَّا نُرِيَنَّكَ بَعْضَ ٱلَّذِى نَعِدُهُمْ أَوْ نَتَوَفَّيَنَّكَ فَإِلَيْنَا يُرْجَعُونَ ﴿٧٧﴾

73-77. Сўнгра малоикалар томонидан уларга айтилади: «Худога шерик қилган бутларингиз қаерда қолди?» Улар: «Бизнинг назаримиздан йўқолиб қолишди», — деб жавоб берадилар. Сўнгра: «Бизлар у дунёда ҳеч нарсага ибодат қилганимиз йўқ», — деб инкор қила бошлайдилар. Аллоҳ таоло кофирларни шу тариқа гумроҳ қилади. Сўнгра малоикалар айтадилар: «Бу азоблар сизларга шунинг учунки, у дунёда ботил динга хурсанд бўлиб юрардингиз, кибр ва ғурурга берилар эдингиз. Энди жаҳаннамнинг дарвозасидан унда абадий қолувчи бўлган ҳолингизда ичкарига киринглар. Дўзахда мутакаббирларнинг жойлари кўп ёмон жойдир! Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларнинг азиятларига сабр қил! Аллоҳ таолонинг ваъдаси ҳақдир. Агар Сенга ваъда қилинган баъзи нарсаларни (кофирларга етадиган айрим азобларни) кўрсатсак, *кўриб хурсанд бўласан*, ёки Сенинг руҳингни юқори оламга

олиб кетамиз. *У ҳолда баъзи қилган ваъдаларимизни кўра олмайсан*. Бас, ҳамма нарса Бизнинг ҳузуримизга қайтади.

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِّن قَبْلِكَ مِنْهُم مَّن قَصَصْنَا عَلَيْكَ وَمِنْهُم مَّن لَّمْ نَقْصُصْ
عَلَيْكَ ۗ وَمَا كَانَ لِرَسُولٍ أَن يَأْتِيَ بِآيَةٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ ۚ فَإِذَا جَاءَ أَمْرُ اللَّهِ قُضِيَ
بِالْحَقِّ وَخَسِرَ هُنَالِكَ الْمُبْطِلُونَ ﴿٧٨﴾

24 жузъ 78. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан илгари пайғамбарлар юборган эдик. Улардан баъзиларининг қиссаларини Сенга баён қилиб, маълум қилдик ва баъзиларини Сенга баён қилмадик. Ҳеч бир пайғамбар кофирларга Худонинг буйруғисиз мўъжиза кўрсатиши мумкин эмас, магар Худонинг буйруғи билан (мўъжиза кўрсатади). Вақтики Худонинг фармони келса, ботил ботиллигига ва ҳақ ҳақлигига адолат билан ҳукм қилинади. У вақтда ботил йўлда юрганлар зиён тортиб, расво бўладилар.

اللَّهُ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَنْعَامَ لِتَرْكَبُوا مِنْهَا وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ ﴿٧٩﴾ وَلَكُمْ فِيهَا
مَنَافِعُ وَلِتَبْلُغُوا عَلَيْهَا حَاجَةً فِي صُدُورِكُمْ وَعَلَيْهَا وَعَلَى الْفُلْكِ تُحْمَلُونَ
﴿٨٠﴾ وَيُرِيكُمْ آيَاتِهِ فَأَيَّ آيَاتِ اللَّهِ تُنكِرُونَ ﴿٨١﴾

79-81. Аллоҳ таоло сизларнинг фойдангиз учун тўрт оёқли жониворларни (чорва ҳайвонларини) халқ қилди. Уларнинг баъзиларини минасизлар, баъзиларининг гўштини ейсизлар. Ва яна уларда сизлар учун бошқа манфаатлар бор. *Масалан, сутини ичасизлар, жунини либос қиласизлар*. Ва баъзиларини миниб узоқ сафарларга бориб, дилларингиздаги ҳожатларингизни ҳосил қиласизлар. Шундай ҳайвонларга ва кемалар устига юкларингиз юкланади. Аллоҳ таоло сизлар учун ўз қудратига далолат қилувчи кўп нишоналар кўрсатади. Энди сизлар Худонинг қайси (оят) нишоналарига мункир бўласизлар?!

أَفَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَيَنظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۚ كَانُوا
أَكْثَرَ مِنْهُمْ وَأَشَدَّ قُوَّةً وَآثَارًا فِي الْأَرْضِ فَمَا أَغْنَىٰ عَنْهُم مَّا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿٨٢﴾

82. Макка мушриклари ер юзини сайр қилиб, улардан илгари ўтган кофирларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўрмайдиларми? *Уларнинг ҳолатларидан ибрат олар эдилар*. Уларнинг молу давлатлари ва сонлари булардан кўп, куч-қувватлари ҳам зиёда, ер юзида асарлари (излари) ҳам кўп эди. Бас, касб қилган молу давлатлари улардан Худонинг балосини қайтара олмади.

فَلَمَّا جَاءَتْهُمْ رُسُلُهُم بِالْبَيِّنَاتِ فَرِحُوا بِمَا عِندَهُم مِّنَ الْعِلْمِ وَحَاقَ بِهِم مَّا
كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِئُونَ ﴿٨٣﴾ فَلَمَّا رَأَوْا بَأْسَنَا قَالُوا آمَنَّا بِاللَّهِ وَحْدَهُ وَكَفَرْنَا

بِمَا كُنَّا بِهِۦ مُشْرِكِينَ ﴿٨٤﴾ فَلَمْ يَكُ يَنفَعُهُمْ إِيمَـٰنُهُمْ لَمَّا رَأَوْا۟ بَأْسَنَا ۖ سُنَّتَ ٱللَّهِ
ٱلَّتِى قَدْ خَلَتْ فِى عِبَادِهِۦ ۖ وَخَسِرَ هُنَالِكَ ٱلْكَـٰفِرُونَ ﴿٨٥﴾

83-85. Вақтики, пайғамбарлар (уларга) мўъжизалар олиб келсалар, у кофирлар инкор қилиб, ўзларининг билган (ботил) эътиқодларига хурсанд бўлдилар. Охир-оқибат масхара қилган амалларининг жазоси уларни ўраб олди. Қачонки Бизнинг қаттиқ азобимизни кўрганларидан сўнг: «Биз якка ва ягона Худога иймон келтирдик ва Худога шерик қилган бутларимизга куфр келтирдик», – дедилар. Бас, энди Бизнинг азобимизни кўришгач, иймон (келтириш)лари уларга фойда бермади. Аллоҳ таолонинг илгари ўтган бандаларга жорий бўлган одати шундай жорий бўлган эди, *яъни, кофирларга азоб бериш ва мўминларга нажот бериш*. Энди бу жойда кофирлар куфр қилиб (келтириб) зиён тортдилар. 24 жузъ

***Маккада нозил бўлган бу сура
эллик тўрт оятдан иборатдир.***

24 жузъ *Суранинг номи 3-оятда келган «фуссилат» сўзидан олинган бўлиб, «муфассал баён қилинган сура» маъносидадир. «Сажда», «Ҳо. Мийм» ва «Масобиҳ» номлари билан ҳам эсланадиган бу сурада Аллоҳнинг каломи, яратувчилиги, кузатувчилиги, охиратдаги ҳолатлар ва банданинг масъулияти каби тушунчалар хусусида сўз юритилади.*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

حمٓ ﴿١﴾ تَنزِيلٌ مِّنَ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ ﴿٢﴾ كِتَٰبٌ فُصِّلَتْ ءَايَٰتُهُۥ قُرْءَانًا عَرَبِيًّا
لِّقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٣﴾ بَشِيرًا وَنَذِيرًا فَأَعْرَضَ أَكْثَرُهُمْ فَهُمْ لَا يَسْمَعُونَ ﴿٤﴾

1-4. Ҳо. Мийм. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Бу Қуръоннинг нузули (нозил бўлиши) меҳрибон ва кечирувчи Парвардигор тарафидандир. Бу Қуръон араб тилида, биладиган ва шу тилда сўзлашадиган қавмга нозил бўлган – оятлари очиқ баён қилинган Китобдир. Қуръон мўминларга Худонинг раҳматидан хабар берувчи ва кофирларни Худонинг азобидан қўрқитувчидир. Кофирларнинг кўплари, гарчи маъносини билсалар-да, бу Қуръондан юз ўгирадилар. Бас, уни эшитишни ҳам истамайдилар.

وَقَالُوا۟ قُلُوبُنَا فِىٓ أَكِنَّةٍ مِّمَّا تَدْعُونَآ إِلَيْهِ وَفِىٓ ءَاذَانِنَا وَقْرٌ وَمِنۢ بَيْنِنَا وَبَيْنِكَ
حِجَابٌ فَٱعْمَلْ إِنَّنَا عَٰمِلُونَ ﴿٥﴾

5. (Ва) айтадиларки: «Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен даъват қилаётган нарсаларинг дилимизга (қалбимизга) кирмайди. Дилларимиз берк, қулоқларимизда карлик бор. Сен билан бизнинг ўртамизда эса парда бор. *Сенинг ҳақиқатингга тушунмаймиз.* Сен ҳам ўз динингга амал қилавер, биз ҳам ўз динимизга амал қилаверамиз».

قُلْ إِنَّمَآ أَنَا۠ بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰٓ إِلَىَّ أَنَّمَآ إِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌ فَٱسْتَقِيمُوٓا۟ إِلَيْهِ
وَٱسْتَغْفِرُوهُ ۗ وَوَيْلٌ لِّلْمُشْرِكِينَ ﴿٦﴾ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ وَهُم بِٱلْءَاخِرَةِ هُمْ

كَٰفِرُونَ ﴿٧﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٍ ﴿٨﴾

6-8. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «*Нима учун Менинг ҳақиқатимга тушунмайсизлар?* Мен фаришта эмас, балки сизларга ўхшаган одамман. Аллоҳ таоло тарафидан Менга ваҳий юборилади. Мен сизларга айтаман: «Билингларки, Худойингиз якка ва ягонадир. Худо тарафига мутаважжиҳ бўлинг (юз тутинг), Уни якка-ягона деб билинг ва гуноҳларингизга кечирим (истиғфор) сўранг. Қиёмат куни мушрикларнинг ҳолларига войдир! Улар Худонинг ҳаққини адо этмайдилар ва охират кунига ишонмайдилар. Аммо мўминларга ва яхши амал қилувчиларга Худо тарафидан беҳисоб ажр берилади». 24 жузъ

۞ قُلْ أَئِنَّكُمْ لَتَكْفُرُونَ بِٱلَّذِى خَلَقَ ٱلْأَرْضَ فِى يَوْمَيْنِ وَتَجْعَلُونَ لَهُۥٓ أَندَادًا ۚ ذَٰلِكَ
رَبُّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٩﴾ وَجَعَلَ فِيهَا رَوَٰسِىَ مِن فَوْقِهَا وَبَٰرَكَ فِيهَا وَقَدَّرَ فِيهَآ أَقْوَٰتَهَا فِىٓ
أَرْبَعَةِ أَيَّامٍ سَوَآءً لِّلسَّآئِلِينَ ﴿١٠﴾ ثُمَّ ٱسْتَوَىٰٓ إِلَى ٱلسَّمَآءِ وَهِىَ دُخَانٌ فَقَالَ لَهَا
وَلِلْأَرْضِ ٱئْتِيَا طَوْعًا أَوْ كَرْهًا قَالَتَآ أَتَيْنَا طَآئِعِينَ ﴿١١﴾

9-11. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Сизлар ерни икки кунда яратган шундай Зотга куфр келтирасизларми? Ва сизлар Парвардигорга шериклар муқаррар қиласизларми? Ҳолбуки, Аллоҳ таоло барча оламларни тарбия қилувчидир. У Зот ернинг тепасида тоғларни яратди. У тоғларда инсон учун конлар, чашмалар ва бошқа фойдали нарсаларни яратиб, баракотли қилди, ҳамда ерда инсонлар ва уларнинг ризқ-рўзлари учун ашёлар яратди. Бу нарса икки кунда тамом бўлиб, савол қилувчилар учун ҳаммаси тўрт кунда тамом бўлди. Сўнгра осмонни пайдо қилишга қасд қилди. Ваҳоланки, осмон тутундан иборат эди. Бас, Парвардигор осмонга ва ерга ҳукм қилиб айтди: «Менинг фармонимни ё ихтиёрий, ё мажбурий бажаринглар». Ер билан осмон жавоб бердиларки: «Сенинг фармонингни хурсандлик билан бажарамиз».

فَقَضَىٰهُنَّ سَبْعَ سَمَٰوَاتٍ فِى يَوْمَيْنِ وَأَوْحَىٰ فِى كُلِّ سَمَآءٍ أَمْرَهَا ۚ وَزَيَّنَّا ٱلسَّمَآءَ
ٱلدُّنْيَا بِمَصَٰبِيحَ وَحِفْظًا ۚ ذَٰلِكَ تَقْدِيرُ ٱلْعَزِيزِ ٱلْعَلِيمِ ﴿١٢﴾

12. Аллоҳ таоло етти табақа осмонни ва ундаги ашёларни икки кунда тамом қилди (яратди). Сўнгра ҳар бир осмонга қандай иш қилишлари ва қандай ҳаракат этишлари тўғрисида буйруқ берди. Биз дунё осмонини юлдуз чироқлари билан зийнатлантирдик. Ҳамда осмонни ҳар турли офатлардан сақладик. Бу ишларнинг ҳаммаси доно ва ғолиб Парвардигорнинг муқаддароти (белгилаган тақдири)дир.

فَإِنْ أَعْرَضُوا۟ فَقُلْ أَنذَرْتُكُمْ صَٰعِقَةً مِّثْلَ صَٰعِقَةِ عَادٍ وَثَمُودَ ﴿١٣﴾ إِذْ جَآءَتْهُمُ
ٱلرُّسُلُ مِنۢ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ وَمِنْ خَلْفِهِمْ أَلَّا تَعْبُدُوٓا۟ إِلَّا ٱللَّهَ ۖ قَالُوا۟ لَوْ شَآءَ رَبُّنَا

لَأَنزَلَ مَلَٰٓئِكَةً فَإِنَّا بِمَآ أُرۡسِلۡتُم بِهِۦ كَٰفِرُونَ ﴿١٤﴾

13-14. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сенинг насиҳатингдан Макка кофирлари юз ўгириб, иймон келтирмасалар, айтгилки: «Мен сизларни Од ва Самуд қавмига келган уқубат (чақмоқ балоси) каби уқубат билан қўрқитаман. Вақтики у қавмларга ҳар бир замонда (даврда) пайғамбарлар уларнинг рўбарўларидан (олдиларидан) ҳам ва уларнинг кейинларидан (ортларидан) ҳам келиб, уларга: «Бир Аллоҳдан бошқага ибодат қилманглар», – деб насиҳат қилган эдилар, улар жавоб бердиларки: «Агар Парвардигор бизнинг
24 жузъ ҳидоятимизни истаса, малоикаларни юборган бўлар эди. Албатта, биз сизлар олиб келган динни инкор қилгувчидирмиз».

فَأَمَّا عَادٌ فَٱسۡتَكۡبَرُواْ فِي ٱلۡأَرۡضِ بِغَيۡرِ ٱلۡحَقِّ وَقَالُواْ مَنۡ أَشَدُّ مِنَّا قُوَّةًۖ أَوَلَمۡ يَرَوۡاْ
أَنَّ ٱللَّهَ ٱلَّذِي خَلَقَهُمۡ هُوَ أَشَدُّ مِنۡهُمۡ قُوَّةٗۖ وَكَانُواْ بِـَٔايَٰتِنَا يَجۡحَدُونَ ﴿١٥﴾
فَأَرۡسَلۡنَا عَلَيۡهِمۡ رِيحٗا صَرۡصَرٗا فِيٓ أَيَّامٖ نَّحِسَاتٖ لِّنُذِيقَهُمۡ عَذَابَ ٱلۡخِزۡيِ فِي ٱلۡحَيَوٰةِ
ٱلدُّنۡيَاۖ وَلَعَذَابُ ٱلۡأٓخِرَةِ أَخۡزَىٰۖ وَهُمۡ لَا يُنصَرُونَ ﴿١٦﴾ وَأَمَّا ثَمُودُ فَهَدَيۡنَٰهُمۡ
فَٱسۡتَحَبُّواْ ٱلۡعَمَىٰ عَلَى ٱلۡهُدَىٰ فَأَخَذَتۡهُمۡ صَٰعِقَةُ ٱلۡعَذَابِ ٱلۡهُونِ بِمَا كَانُواْ
يَكۡسِبُونَ ﴿١٧﴾ وَنَجَّيۡنَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَكَانُواْ يَتَّقُونَ ﴿١٨﴾

15-18. Аммо Од қавми ер юзида кибр, ноҳақлик ва фасод қилдилар. Даъво қилиб айтдиларки: «Ким биздан қувватли ва қудратлидир?» Оё, бу жоҳиллар уларни яратган Парвардигор зиёда қувватли ва қудратли эканлигини билмайдиларми? У кофирлар Бизнинг қудратимизнинг нишоналарини инкор қиладилар. Бас, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам расво қилувчи азобга мубтало этиш учун Биз уларнинг тепасига (устига) шум (наҳс) кунларида қаттиқ (кучли сарсар) шамолини юбордик. Лекин, албатта, охиратнинг азоби зиёда расво (ва хор) қилгувчидир. Ҳолбуки, Қиёматда уларга ёрдам бергувчи бўлмайди. Самуд қавмига ҳам Пайғамбарнинг воситаси билан ҳидоят йўлини кўрсатдик, лекин улар ҳидоят йўлига юрмасдан, гумроҳлик йўлини ихтиёр қилдилар. Бас, уларни амалларига яраша хор қилгувчи уқубат ҳалок қилди. Лекин улардан ташқари мўминларга ва Худодан қўрққанларга нажот бердик.

وَيَوۡمَ يُحۡشَرُ أَعۡدَآءُ ٱللَّهِ إِلَى ٱلنَّارِ فَهُمۡ يُوزَعُونَ ﴿١٩﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا مَا جَآءُوهَا شَهِدَ
عَلَيۡهِمۡ سَمۡعُهُمۡ وَأَبۡصَٰرُهُمۡ وَجُلُودُهُم بِمَا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ﴿٢٠﴾

19-20. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ўша кунни ёд қилгилки, Худонинг душманлари дўзахнинг яқинига тўпланадилар. Бас, у жойда кейин (орқада) қолганлар етиб олишлари учун тўхтатиб турилади. Бас, дўзах яқинига ҳозир бўлганларидан сўнг қилган ишларидан аъзолари гувоҳлик

беради. Қулоқлари эшитганидан, кўзлари кўрганидан, терилари ва бошқа аъзолари қилган амалларидан хабар беради.

وَقَالُوا۟ لِجُلُودِهِمْ لِمَ شَهِدتُّمْ عَلَيْنَا ۖ قَالُوٓا۟ أَنطَقَنَا ٱللَّهُ ٱلَّذِىٓ أَنطَقَ كُلَّ شَىْءٍ
وَهُوَ خَلَقَكُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٢١﴾ وَمَا كُنتُمْ تَسْتَتِرُونَ أَن يَشْهَدَ
عَلَيْكُمْ سَمْعُكُمْ وَلَآ أَبْصَـٰرُكُمْ وَلَا جُلُودُكُمْ وَلَـٰكِن ظَنَنتُمْ أَنَّ ٱللَّهَ لَا يَعْلَمُ كَثِيرًا
مِّمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٢٢﴾ وَذَٰلِكُمْ ظَنُّكُمُ ٱلَّذِى ظَنَنتُم بِرَبِّكُمْ أَرْدَىٰكُمْ فَأَصْبَحْتُم مِّنَ 24 жузъ
ٱلْخَـٰسِرِينَ ﴿٢٣﴾

21-23. Кофирлар аччиқланиб, аъзоларига айтадилар: «Нима учун бизнинг устимиздан гувоҳлик бердингизлар? *Ҳолбуки, биз сизларни у дунёда барча офатлардан сақлар эдик*». Аъзолари айтадиларки: «Биз ўз ихтиёримиз билан гапирмадик, балки ҳамма нарсага тил бериб гапиртирадиган Аллоҳ бизни ҳам гапиртирди. *У Зот қудратлидир*. У сизларни аввал яратган эди. Энди унинг тарафига ҳозир қилинасизлар. Сизлар у дунёда қулоқларинг, кўзларинг ва тилларинг ўзларингизга қарши гувоҳлик бериб, сизларни шарманда қилади, деб ўйламадингизлар, шунинг учун гуноҳни яширмасдан қилдингизлар. Балки гумон қилдингизларки, Аллоҳ таоло сизларнинг кўп амалларингизни билмайди. Аллоҳ таоло ҳақида ана шу хилда қилган гумонларингиз сизларни ҳалокатга дучор қилди. Бас, сизлар зиён қилганлардан бўлдингизлар».

فَإِن يَصْبِرُوا۟ فَٱلنَّارُ مَثْوًى لَّهُمْ ۖ وَإِن يَسْتَعْتِبُوا۟ فَمَا هُم مِّنَ ٱلْمُعْتَبِينَ ﴿٢٤﴾ ۞
وَقَيَّضْنَا لَهُمْ قُرَنَآءَ فَزَيَّنُوا۟ لَهُم مَّا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَحَقَّ عَلَيْهِمُ ٱلْقَوْلُ فِىٓ
أُمَمٍ قَدْ خَلَتْ مِن قَبْلِهِم مِّنَ ٱلْجِنِّ وَٱلْإِنسِ ۖ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ خَـٰسِرِينَ ﴿٢٥﴾

24-25. Бас, агар сабр қилиб, хомуш бўлсалар, уларнинг жойлари дўзахдир. Агар кечирим сўрасалар, улар кечирилмайди. Кофирларга шайтонлардан «дўстлар» ҳозирлаб қўйганмиз. Бас, (у шайтонлар) уларга олдиларидаги ва ортларидаги қилаётган амалларини яхши (зийнатли) қилиб кўрсатадилар. *Ва охират ишларини инкор қилишга тарғиб қиладилар*. Уларга ҳам Худонинг «азоб тортиш» ҳукми собит бўлган. Чунки улар ҳам Худонинг фармонига итоат қилмай ҳалок бўлган – ўзларидан олдин ўтган жинлар ва инсонлар жамоаларидан эдилар. Албатта, улар ўз нафсларига зиён қилган эдилар.

وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَا تَسْمَعُوا۟ لِهَـٰذَا ٱلْقُرْءَانِ وَٱلْغَوْا۟ فِيهِ لَعَلَّكُمْ تَغْلِبُونَ ﴿٢٦﴾
فَلَنُذِيقَنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ عَذَابًا شَدِيدًا وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَسْوَأَ ٱلَّذِى كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٢٧﴾
ذَٰلِكَ جَزَآءُ أَعْدَآءِ ٱللَّهِ ٱلنَّارُ ۖ لَهُمْ فِيهَا دَارُ ٱلْخُلْدِ ۖ جَزَآءًۢ بِمَا كَانُوا۟ بِـَٔايَـٰتِنَا يَجْحَدُونَ ﴿٢٨﴾

26-28. Кофирлар бир-бирларига насиҳат қилиб айтадилар: «Муҳаммад Қуръон ўқиганда унга қулоқ солманглар, балки беҳуда сўзларни айтиб, ғавғо кўтаринглар. Агар шундай қилсангизлар, албатта, ундан ғалаба қиласизлар». *Муҳаммад хомуш бўлиб қолади.* Биз у кофирларни қаттиқ азобга мубтало қиламиз ва уларнинг ёмонроқ амалига ёмонроқ жазо берамиз. Мана шундай ёмон уқубат Худонинг душманларига лойиқ жазо бўлиб, у дўзах ўтидан иборатдир. Бу кофирлар Бизнинг оятларимизни инкор қилганлари сабабидан дўзахда абадий қоладилар.

24 жузъ

وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ رَبَّنَآ أَرِنَا ٱلَّذَيْنِ أَضَلَّانَا مِنَ ٱلْجِنِّ وَٱلْإِنسِ نَجْعَلْهُمَا تَحْتَ
أَقْدَامِنَا لِيَكُونَا مِنَ ٱلْأَسْفَلِينَ ﴿٢٩﴾

29. Дўзахда азоб тортиб турадиган кофирлар айтадиларки: «Эй Парвардигор, бизларни гумроҳ қилган шайтонларни ва инсонларни бизга кўрсат, биз уларни оёғимизнинг остига олайлик. Токи улар жаҳаннамнинг қаърида азоб тортувчиларга қўшилсинлар». *Шунда дилимиз таскин топади.*

إِنَّ ٱلَّذِينَ قَالُوا۟ رَبُّنَا ٱللَّهُ ثُمَّ ٱسْتَقَٰمُوا۟ تَتَنَزَّلُ عَلَيْهِمُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ أَلَّا تَخَافُوا۟
وَلَا تَحْزَنُوا۟ وَأَبْشِرُوا۟ بِٱلْجَنَّةِ ٱلَّتِى كُنتُمْ تُوعَدُونَ ﴿٣٠﴾ نَحْنُ أَوْلِيَآؤُكُمْ فِى ٱلْحَيَوٰةِ
ٱلدُّنْيَا وَفِى ٱلْءَاخِرَةِ ۖ وَلَكُمْ فِيهَا مَا تَشْتَهِىٓ أَنفُسُكُمْ وَلَكُمْ فِيهَا مَا تَدَّعُونَ ﴿٣١﴾
نُزُلًا مِّنْ غَفُورٍ رَّحِيمٍ ﴿٣٢﴾

30-32. Албатта, «Бизнинг Парвардигоримиз бир Аллоҳдир», — деб иқрор қиладиган гуруҳлар бордирки, бу гапларида қоим, мустаҳкам туриб, то умрлари тамом бўлгунча амал қилдилар. Ўладиган ҳолларида малоикалар нозил бўлиб айтадиларки: «Эй Худонинг яхши бандалари, энди сизлар қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Худо тарафидан сизларга ваъда қилинган жаннат учун хурсанд бўлинглар. Биз бу дунёда ҳам сизларнинг дўстларингиз эдик, охиратда ҳам дўстларингиздурмиз. Охиратда Худо сизларга нафсларингиз хоҳлаган нарсани муҳайё қилади. Сизлар нимани талаб қилсангизлар, Аллоҳ ато қилади. Бу ҳаммаси сизларга гуноҳларни кечиргувчи ва меҳрибон Парвардигор тарафидан меҳмонликдир».

وَمَنْ أَحْسَنُ قَوْلًا مِّمَّن دَعَآ إِلَى ٱللَّهِ وَعَمِلَ صَٰلِحًا وَقَالَ إِنَّنِى مِنَ ٱلْمُسْلِمِينَ
﴿٣٣﴾ وَلَا تَسْتَوِى ٱلْحَسَنَةُ وَلَا ٱلسَّيِّئَةُ ۚ ٱدْفَعْ بِٱلَّتِى هِىَ أَحْسَنُ فَإِذَا ٱلَّذِى بَيْنَكَ
وَبَيْنَهُۥ عَدَٰوَةٌ كَأَنَّهُۥ وَلِىٌّ حَمِيمٌ ﴿٣٤﴾ وَمَا يُلَقَّىٰهَآ إِلَّا ٱلَّذِينَ صَبَرُوا۟ وَمَا يُلَقَّىٰهَآ إِلَّا
ذُو حَظٍّ عَظِيمٍ ﴿٣٥﴾ وَإِمَّا يَنزَغَنَّكَ مِنَ ٱلشَّيْطَٰنِ نَزْغٌ فَٱسْتَعِذْ بِٱللَّهِ ۖ إِنَّهُۥ هُوَ
ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٣٦﴾

33-36. Аллоҳ тарафига даъват қиладиган ва яхши амал қиладиган ҳамда: «Мен Худонинг ҳукмига бўйинсунувчилардан ман», – деб айтадиган кишининг сўзидан яхшироқ сўз айтувчи борми?! Яхшилик билан ёмонлик ҳеч қачон баробар бўлмайди. Шундай экан, Сен ёмонликни яхшилик билан қайтар. Агар шундай қилсанг, Сен билан ўртангизда адовати бор одам сенинг содиқ дўстингга, балки қариндошга айланади. Ёмонликка яхшилик қилиш хислати собир бандаларга ато қилинади. Худо тарафидан бу сифат фақат улуғ насибага эга бўлган одамларга берилади. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар шайтон тарафидан Сенга васваса қилинса, Худодан паноҳ тила! Чунки Аллоҳ таоло Сенинг сўзингни эшитгувчи ва аҳволингни (билгувчи) донодир. 24 жузъ

وَمِنْ ءَايَـٰتِهِ ٱلَّيْلُ وَٱلنَّهَارُ وَٱلشَّمْسُ وَٱلْقَمَرُ ۚ لَا تَسْجُدُوا۟ لِلشَّمْسِ وَلَا لِلْقَمَرِ
وَٱسْجُدُوا۟ لِلَّهِ ٱلَّذِى خَلَقَهُنَّ إِن كُنتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ ﴿٣٧﴾ فَإِنِ
ٱسْتَكْبَرُوا۟ فَٱلَّذِينَ عِندَ رَبِّكَ يُسَبِّحُونَ لَهُۥ بِٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ وَهُمْ لَا يَسْـَٔمُونَ ۩
﴿٣٨﴾ وَمِنْ ءَايَـٰتِهِۦٓ أَنَّكَ تَرَى ٱلْأَرْضَ خَـٰشِعَةً فَإِذَآ أَنزَلْنَا عَلَيْهَا ٱلْمَآءَ ٱهْتَزَّتْ
وَرَبَتْ ۚ إِنَّ ٱلَّذِىٓ أَحْيَاهَا لَمُحْىِ ٱلْمَوْتَىٰٓ ۚ إِنَّهُۥ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٣٩﴾

37-39. Худо қудратининг нишоналаридан бири шуки, кеча-кундуз, офтоб ва ой – ҳаммаси Худонинг махлуқидир. Шундай бўлгач, эй кофирлар, офтобга ҳам, ойга ҳам сажда қилманг! Бу нарсаларни яратган Парвардигорга сажда қилинг, агар ҳақиқатдан ҳам Худога ибодат қилувчи бўлсангизлар. Агар кофирлар сажда қилишдан бош тортиб, кибрлансалар, бунинг ҳеч аҳамияти йўқдир. Чунки Аллоҳнинг олдидаги малоикалар кечаю кундуз Худога сажда қиладилар ва тасбеҳ айтишдан сира чарчамайдилар (малолланмайдилар). **(37-38-оятлар сажда оятларидир).** Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худо қудратларининг нишоналаридан (яна) бири Сен ерни қуруқ (қақроқ ҳолда) кўрганингдир. Вақтики Биз (у ерга) осмондан ёмғир ёғдирсак, у ҳолда ер ҳаракатга киради, гиёҳларни ҳаракатга келтиради ва гиёҳлар кўкариб (ўсиб) кўп бўлади. У қуруқ ерга (ана шундай) ҳаёт бағишлаган Зот, албатта ўликларга ҳам шундай ҳаёт беради. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодир (Зот)дир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ يُلْحِدُونَ فِىٓ ءَايَـٰتِنَا لَا يَخْفَوْنَ عَلَيْنَآ ۗ أَفَمَن يُلْقَىٰ فِى ٱلنَّارِ خَيْرٌ أَم مَّن
يَأْتِىٓ ءَامِنًا يَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ ۚ ٱعْمَلُوا۟ مَا شِئْتُمْ ۖ إِنَّهُۥ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٤٠﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ بِٱلذِّكْرِ لَمَّا جَآءَهُمْ ۖ وَإِنَّهُۥ لَكِتَـٰبٌ عَزِيزٌ ﴿٤١﴾ لَّا يَأْتِيهِ ٱلْبَـٰطِلُ مِنۢ بَيْنِ يَدَيْهِ
وَلَا مِنْ خَلْفِهِۦ ۖ تَنزِيلٌ مِّنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ ﴿٤٢﴾

40-42. Албатта, Бизнинг оятларимиздан юз ўгириб, ботил динни ихтиёр қиладиган гуруҳлар Биздан махфий эмаслар. *Қилган ҳамма амалла-*

рини билиб турамиз. Дўзахга солинадиган одамлар яхшими ёки Қиёмат куни амну омон билан жаннатга кирадиган одамлар яхшими? Эй кофирлар, хоҳлаган амалларингизни қилиб туринглар. Албатта, Аллоҳ таоло амалларингизни кўриб тургувчи *ва унга лойиқ жазо бергувчидир.* Вақтики зикр-Қуръон нозил бўлди, албатта, бир гуруҳ кофирлар уни инкор қилдилар. Ваҳоланки, Қуръон улуғ Китобдир. Ҳеч қандай ботил унинг олдидан ё кетидан яқин келмайди. У (Қуръон) ҳикматли ва улуғ Парвардигор томонидан нозил қилингандир.

24 жузъ مَّا يُقَالُ لَكَ إِلَّا مَا قَدْ قِيلَ لِلرُّسُلِ مِن قَبْلِكَ ۚ إِنَّ رَبَّكَ لَذُو مَغْفِرَةٍ وَذُو عِقَابٍ
أَلِيمٍ ﴿٤٣﴾ وَلَوْ جَعَلْنَٰهُ قُرْءَانًا أَعْجَمِيًّا لَّقَالُوا۟ لَوْلَا فُصِّلَتْ ءَايَٰتُهُۥٓ ۖ ءَا۬عْجَمِىٌّ
وَعَرَبِىٌّ ۗ قُلْ هُوَ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ هُدًى وَشِفَآءٌ ۖ وَٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ فِىٓ
ءَاذَانِهِمْ وَقْرٌ وَهُوَ عَلَيْهِمْ عَمًى ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ يُنَادَوْنَ مِن مَّكَانٍۭ بَعِيدٍ ﴿٤٤﴾

43-44. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), (Сенга айтилаётган) бундай гаплар фақат Сенинг шаънингга эмас, балки Сендан муқаддам ўтган пайғамбарларнинг шаънига ҳам айтилган эди. Албатта, Парвардигоринг иймон келтирганларга мағфират эгасидир ва кофирларга қаттиқ азоб эгасидир. Агар Биз Қуръонни ажам (араб бўлмаган халқ) тилларида нозил қилганимизда эди, араблар: «Нима учун Қуръоннинг оятлари бизнинг тилимизда баён қилинмади, Қуръон ажам тилидаю мухотаби (хитоб қилинувчиси) араб бўладими?», – деб айтар эдилар. Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Қуръон иймон келтирганлар учун ҳидоят қилгувчи ва диллари (қалблари) касал бўлганларга шифо бергувчидур». Қуръонга иймон келтирмаган одамларнинг қулоқларида карлик бор. Қуръон уларга махфийдир (кўрликдир). *Унинг ҳақиқатини билмайдилар.* Гўёки уларнинг ҳолатлари узоқ масофадан туриб чақирилган жамоага ўхшайди, *яъни овозни эшитмайдилар.*

وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ فَٱخْتُلِفَ فِيهِ ۗ وَلَوْلَا كَلِمَةٌ سَبَقَتْ مِن رَّبِّكَ
لَقُضِىَ بَيْنَهُمْ ۚ وَإِنَّهُمْ لَفِى شَكٍّ مِّنْهُ مُرِيبٍ ﴿٤٥﴾ مَّنْ عَمِلَ صَٰلِحًا فَلِنَفْسِهِۦ ۖ وَمَنْ
أَسَآءَ فَعَلَيْهَا ۗ وَمَا رَبُّكَ بِظَلَّٰمٍ لِّلْعَبِيدِ ﴿٤٦﴾

45-46. Албатта, Биз Мусога Таврот (китоби)ни бердик. Бас, Тавротнинг ҳукмига ихтилоф қилинди. Агар Худонинг сўзи (ҳукми) олдиндан жорий бўлмаганида эди, *яъни ихтилофлари (Қиёматда) Худонинг ҳузурида ечилади, деган ҳукм бўлмаганда эди,* шу дунёдаёқ (дарҳол жазога) ҳукм қилинардилар. Албатта, мана шу Тавротга ихтилоф қилган қавм Қуръон тўғрисида ҳам шак қиладилар. Ҳар ким яхши амал қилса, ўз нафсининг фойдасига қилади ва ҳар ким ёмон амал қилса, ўз нафсининг зарарига қилади. Аллоҳ таоло бандаларига зулм қилгувчи эмасдир.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ЖУЗЪ

۞ إِلَيْهِ يُرَدُّ عِلْمُ ٱلسَّاعَةِ ۚ وَمَا تَخْرُجُ مِن ثَمَرَٰتٍ مِّنْ أَكْمَامِهَا وَمَا تَحْمِلُ مِنْ أُنثَىٰ
وَلَا تَضَعُ إِلَّا بِعِلْمِهِۦ ۚ وَيَوْمَ يُنَادِيهِمْ أَيْنَ شُرَكَآءِى قَالُوٓا۟ ءَاذَنَّٰكَ مَا مِنَّا مِن
شَهِيدٍ ﴿٤٧﴾ وَضَلَّ عَنْهُم مَّا كَانُوا۟ يَدْعُونَ مِن قَبْلُ ۖ وَظَنُّوا۟ مَا لَهُم مِّن مَّحِيصٍ ﴿٤٨﴾

25 жузъ

47-48. Қиёматнинг қачон бўлишидан савол қилинса, унинг илми Худо тарафига (унинг Ўзига) ҳавола этилади. Ҳар бир меванинг ўз ғунчасидан (гулкосасидан) чиқиши ва ҳар бир хотиннинг (урғочи жинснинг) ҳомиладор бўлиб туғишининг илми (сири) ҳам икки олам Парвардигорига ҳавола қилинади. Қиёмат куни Парвардигор кофирлардан нидо қилиб сўрайди: «Менга шерик қилган худоларингиз (бутларингиз) қани?» Кофирлар айтадилар: «Биз Сенга хабар бериб айтамизки, бизлардан ҳеч бир киши уларни ҳозир қилмайди, *чунки бизлар (энди ҳақиқатни англадик), у бутлардан безормиз»*. Мушрикларнинг илгари ибодат қилиб юрган бутлари у кунда улардан йўқолди (ғойиб бўлди). *Зотан, улар бирор ёрдам беришга қодир эмаслар.* Мушриклар ўзларига паноҳ (топадиган) жой йўқлигини яқин (аниқ) биладилар.

لَّا يَسْـَٔمُ ٱلْإِنسَٰنُ مِن دُعَآءِ ٱلْخَيْرِ وَإِن مَّسَّهُ ٱلشَّرُّ فَيَـُٔوسٌ قَنُوطٌ ﴿٤٩﴾ وَلَئِنْ أَذَقْنَٰهُ
رَحْمَةً مِّنَّا مِنۢ بَعْدِ ضَرَّآءَ مَسَّتْهُ لَيَقُولَنَّ هَٰذَا لِى وَمَآ أَظُنُّ ٱلسَّاعَةَ قَآئِمَةً وَلَئِن
رُّجِعْتُ إِلَىٰ رَبِّىٓ إِنَّ لِى عِندَهُۥ لَلْحُسْنَىٰ ۚ فَلَنُنَبِّئَنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِمَا عَمِلُوا۟
وَلَنُذِيقَنَّهُم مِّنْ عَذَابٍ غَلِيظٍ ﴿٥٠﴾

49-50. Инсон яхши нарсаларни талаб қилишдан чарчамайди. Агар унга кулфат ва қаҳатчилик келса, тушкунликка тушади, Худонинг раҳматидан умид узади. Агар Биз Ўзимизнинг фазлу марҳаматимиз билан кофирлардан ғаму кулфатни кетказиб, сиҳат-саломатлик ва давлат ато этсак, бу нарсаларни «Худо ато қилди», деб фикр қилмайди. Балки: «Бу нарсаларга мен лойиқ эдим, энди бу меникидир, мендан кетмайди. Мен Қиёмат қоим бўлмайди, – деб гумон қиламан, мабодо Қиёмат қоим бўлиб, Худонинг ҳузурига борсам ҳам, Худонинг ҳузурида менга бу дунёдагидан кўра зиёда нозу неъматлар муҳайёдир», – деб айтади. *Лекин унинг умид қилганидек бўлмайди.* Балки Биз кофирларнинг қилган амалларидан огоҳлантирамиз ва оғир азобларга мубтало қиламиз.

وَإِذَآ أَنْعَمْنَا عَلَى ٱلْإِنسَٰنِ أَعْرَضَ وَنَـَٔا بِجَانِبِهِۦ وَإِذَا مَسَّهُ ٱلشَّرُّ فَذُو دُعَآءٍ
عَرِيضٍ ﴿٥١﴾ قُلْ أَرَءَيْتُمْ إِن كَانَ مِنْ عِندِ ٱللَّهِ ثُمَّ كَفَرْتُم بِهِۦ مَنْ أَضَلُّ مِمَّنْ

هُوَ فِي شِقَاقٍ بَعِيدٍ ﴿٥٢﴾ سَنُرِيهِمْ آيَاتِنَا فِي الْآفَاقِ وَفِي أَنفُسِهِمْ حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَهُمْ
أَنَّهُ الْحَقُّ ۗ أَوَلَمْ يَكْفِ بِرَبِّكَ أَنَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ ﴿٥٣﴾ أَلَا إِنَّهُمْ فِي مِرْيَةٍ مِّن
لِّقَاءِ رَبِّهِمْ ۗ أَلَا إِنَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ مُّحِيطٌ ﴿٥٤﴾

51-54. Вақтики, Биз инсонга сиҳат-саломатликни ва давлатни инъом қилсак, инсон ғурурланиб, шукр қилишни унутади. Шукр қилишдан
25 жузъ юз ўгириб, ҳеч нарса кўрмагандек ўзини чеккага тортади. Қачон унга кулфат ва бало етса, ожизлик билан (Бизга) узундан-узун дуо қилади. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Айтинглар-чи, агар Қуръон Худонинг ҳузуридан нозил бўлган бўлсаю, сизлар билиб туриб инкор қилсангизлар, ана шундай мухолиф қилувчилардан кўра адашганроқ одам борми? Яқинда шу дунёдаёқ кофирларга олам атрофида қудратимизнинг улуғлигини кўрсатамиз, яъни, мўминларга фатҳу нусрат бериб, кофирлар устидан ғолиб қиламиз. Ва ҳам кофирларнинг нафсларида қудратимизни кўрсатамиз, яъни, уларга кулфат ва қийинчиликлар етказамиз, токи уларга Муҳаммад (алайҳиссалом) динининг ҳақлиги зоҳир бўлсин. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар кофирлар Сенинг динингни инкор қилсалар ва Калимаи шаҳодатни адо этмасалар, Парвардигорингнинг гувоҳлиги кифоя қилмайдими?! Чунки, Парвардигоринг ҳар бир нарсани билади ва унга гувоҳдир. Огоҳ бўлгилки, кофирлар Қиёмат бўлишини инкор қилиб, Парвардигорга рўбарў келишдан шубҳададирлар. Огоҳ бўлгилки, Парвардигорнинг илми ҳамма нарсани ўз ичига иҳота қилиб олгандир.

Маккада нозил бўлган бу сура
эллик уч оятдан иборатдир.

Суранинг Фақат 23-26-оятлари Мадинада нозил бўлган. Унинг номи 38-оятда келган ва мусулмонлар ишларини ўзаро машварат билан қилишлари кераклигини билдирувчи «шўро» сўзидан олинган. 25 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

حمٓ ﴿١﴾ عٓسٓقٓ ﴿٢﴾ كَذَٰلِكَ يُوحِىٓ إِلَيْكَ وَإِلَى ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِكَ ٱللَّهُ ٱلْعَزِيزُ
ٱلْحَكِيمُ ﴿٣﴾ لَهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۖ وَهُوَ ٱلْعَلِىُّ ٱلْعَظِيمُ ﴿٤﴾ تَكَادُ
ٱلسَّمَٰوَٰتُ يَتَفَطَّرْنَ مِن فَوْقِهِنَّ ۚ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةُ يُسَبِّحُونَ بِحَمْدِ رَبِّهِمْ
وَيَسْتَغْفِرُونَ لِمَن فِى ٱلْأَرْضِ ۗ أَلَآ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٥﴾

1-5. Ҳо. Миим. Айн. Сийн. Қоф. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), ҳамма нарсадан ғолиб ва феъли ҳикматли бўлган Аллоҳ таоло (Сенга ушбу сурани ваҳий қилганидек), Сенга ва Сендан муқаддам ўтган пайғамбарларга (ҳар бир нарса тўғрисида) ваҳий юборур эди. Осмонлардаги ва ердаги ҳамма нарсалар Худонинг мулкидир. Худо (юксак ва) улуғ мартабалидир. Парвардигорнинг хавфидан яқиндурки, тепаларидаги осмонлар пораланиб (ёрилиб) кетса. Ва малоикалар эса Парвардигорга ҳамд билан тасбеҳ айтадилар. Ер юзидаги мўмин инсонлар учун истиғфор қиладилар. Огоҳ бўлки, Аллоҳ таоло кечиргувчи ва меҳрибондир.

وَٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِهِۦٓ أَوْلِيَآءَ ٱللَّهُ حَفِيظٌ عَلَيْهِمْ وَمَآ أَنتَ عَلَيْهِم بِوَكِيلٍ ﴿٦﴾
وَكَذَٰلِكَ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ قُرْءَانًا عَرَبِيًّا لِّتُنذِرَ أُمَّ ٱلْقُرَىٰ وَمَنْ حَوْلَهَا وَتُنذِرَ يَوْمَ
ٱلْجَمْعِ لَا رَيْبَ فِيهِ ۚ فَرِيقٌ فِى ٱلْجَنَّةِ وَفَرِيقٌ فِى ٱلسَّعِيرِ ﴿٧﴾

6-7. Бир Аллоҳдан бошқа бутларни ўзларига «дўст» қилиб олган мушрик жамоаларининг амалларига Аллоҳ таоло қаровчидир (кузатувчидир). Сен уларнинг амалларига жавобгар (вакил, масъул) эмассан. *Ҳар бир*

пайғамбарга ўз тилида ваҳий юборганмиз. Шунга ўхшаш, Сен ҳам Макка аҳлини ва унинг атрофидаги арабларни Худонинг азобидан огоҳлантиришинг ва яна келишига шак-шубҳа йўқ бўлган Қиёмат кунининг аҳволидан қўрқитишинг учун Сенга ҳам Қуръонни араб тилида юбордик. Қиёматда бир гуруҳ жаннатда ва бир гуруҳ дўзахда бўладилар.

وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ لَجَعَلَهُمْ أُمَّةً وَٰحِدَةً وَلَٰكِن يُدْخِلُ مَن يَشَآءُ فِى رَحْمَتِهِۦ ۚ وَٱلظَّٰلِمُونَ
مَا لَهُم مِّن وَلِىٍّ وَلَا نَصِيرٍ ﴿٨﴾ أَمِ ٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِهِۦٓ أَوْلِيَآءَ ۖ فَٱللَّهُ هُوَ ٱلْوَلِىُّ وَهُوَ
25 жузъ يُحْىِ ٱلْمَوْتَىٰ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٩﴾

8-9. Агар Аллоҳ таоло хоҳлаганда, ҳамма инсонларни бир уммат қилар эди. *Лекин шундай қилмади, чунки бу дунё Худо тарафидан бандаларига синовдир.* Аллоҳ таоло ҳар кимники хоҳласа, яхши амалига мувофиқ раҳматига киритади *ва ҳар кимники хоҳласа, ёмон амали учун дўзахга дохил қилади.* Албатта, золимларга ҳеч қандай ёр (дўст) ва мададкор бўлмайди. Ёки кофирлар Худодан бошқа бутларни ўзларига дўст, деб биладиларми? Ваҳоланки, Аллоҳ таолонинг Ўзи бандаларига дўст ва меҳрибондир. Аллоҳ таоло ўликларни Ўз қудрати билан тирилтиради. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир.

وَمَا ٱخْتَلَفْتُمْ فِيهِ مِن شَىْءٍ فَحُكْمُهُۥٓ إِلَى ٱللَّهِ ۚ ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبِّى عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ
وَإِلَيْهِ أُنِيبُ ﴿١٠﴾ فَاطِرُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ جَعَلَ لَكُم مِّنْ أَنفُسِكُمْ أَزْوَٰجًا
وَمِنَ ٱلْأَنْعَٰمِ أَزْوَٰجًا ۖ يَذْرَؤُكُمْ فِيهِ ۚ لَيْسَ كَمِثْلِهِۦ شَىْءٌ ۖ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ
ٱلْبَصِيرُ ﴿١١﴾ لَهُۥ مَقَالِيدُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ يَبْسُطُ ٱلرِّزْقَ لِمَن يَشَآءُ
وَيَقْدِرُ ۚ إِنَّهُۥ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿١٢﴾

10-12. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом айт): «Эй мўминлар, кофирлар билан бирор нарсада ихтилоф қилсангиз, унинг ҳукми Парвардигорга ҳавола қилинади. Парвардигор Қиёматда адолат билан ҳукм қилади. Шу сифатга эга бўлган Аллоҳ менинг Парвардигоримдир. Мен Унгагина суянаман. Ва Унинг тарафига ружу қиламан (қайтаман)». У Зот (Аллоҳ) осмонлар ва ерни халқ қилувчидир. Ана шу Зот (Аллоҳ) сизларга ўз жинсингиздан хотинлар яратди ва ҳайвонларни ҳам жуфт-жуфт (қилиб) яратди. Шу тадбир билан сизларни кўпайтириб оламга тарқатди. У зотнинг ўхшаши йўқ, У эшитгувчи ва кўргувчидир. Ер ва осмонлар хазиналарининг калити унинг тасарруфидадир. Кимни хоҳласа, ризқини кенг қилади ва кимни хоҳласа, ризқини танг (тор) қилади. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билгувчидир.

۞ شَرَعَ لَكُم مِّنَ ٱلدِّينِ مَا وَصَّىٰ بِهِۦ نُوحًا وَٱلَّذِىٓ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ وَمَا وَصَّيْنَا بِهِۦٓ
إِبْرَٰهِيمَ وَمُوسَىٰ وَعِيسَىٰٓ ۖ أَنْ أَقِيمُوا۟ ٱلدِّينَ وَلَا تَتَفَرَّقُوا۟ فِيهِ ۚ كَبُرَ عَلَى ٱلْمُشْرِكِينَ مَا

تَدْعُوهُمْ إِلَيْهِ ۚ ٱللَّهُ يَجْتَبِىٓ إِلَيْهِ مَن يَشَآءُ وَيَهْدِىٓ إِلَيْهِ مَن يُنِيبُ ﴿١٣﴾

13. Аллоҳ таоло диндан Нуҳ (алайҳиссалом)га амр қилган нарсани сизларга ҳам амр қилди. У нарса Аллоҳни яккаю ягона билишдан иборат эди. Яна Сенга ваҳий юбориб амр қилган нарса, шунингдек Иброҳим, Мусо ва Ийсо (алайҳимуссаломлар)га васият қилган нарса (яъни): «Ҳаммаларингиз диннинг усулини барпо қилинглар. Бу нарсада ихтилоф (тафриқа) қилманглар», — (деб амр қилган эдик). *Шу амримизни пайғамбарлар бажо келтирдилар ва ихтилоф қилмадилар. Диннинг усули тавҳид илми ва ҳам Парвардигорга ширк келтирмасдан ибодат қилишдан иборат эди.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенинг Худо тарафига даъват қилмоғинг мушрикларга оғир бўлди, шунинг учун инкор қилдилар. Лекин Аллоҳ таоло ҳар кимники хоҳласа, ўз тарафига (ибодатига ё пайғамбарликка) тортади. Ва ҳам Худога қайтгувчиларни ўз йўлига ҳидоят қилади. **25 жузъ**

وَمَا تَفَرَّقُوٓا۟ إِلَّا مِنۢ بَعْدِ مَا جَآءَهُمُ ٱلْعِلْمُ بَغْيًۢا بَيْنَهُمْ ۚ وَلَوْلَا كَلِمَةٌ سَبَقَتْ مِن رَّبِّكَ
إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى لَّقُضِىَ بَيْنَهُمْ ۚ وَإِنَّ ٱلَّذِينَ أُورِثُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ مِنۢ بَعْدِهِمْ لَفِى شَكٍّ
مِّنْهُ مُرِيبٍ ﴿١٤﴾

14. Кофирлар динда мутафарриқ бўлмадилар, магар ҳақлигига илм ҳосил қилганларидан сўнг, мутафарриқ бўлдилар. *Чунки уларнинг ўрталарида ҳасад ва адоват ғолиб эди. Шунинг учун пайғамбарларга иймон келтирмадилар.* Парвардигоринг томонидан уларнинг азобини Қиёматга қолдириш учун ҳукм бўлмаганида эди, шу дунёдаёқ улар ҳалок қилинур эдилар. Ва, албатта, ўтган умматлардан сўнг Китоб (Таврот ва Инжил)га ворис бўлганлар Қуръон нозил бўлгандан кейин ҳам ўз китобларига шак-шубҳа қилдилар.

فَلِذَٰلِكَ فَٱدْعُ ۖ وَٱسْتَقِمْ كَمَآ أُمِرْتَ ۖ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَآءَهُمْ ۖ وَقُلْ ءَامَنتُ بِمَآ
أَنزَلَ ٱللَّهُ مِن كِتَٰبٍ ۖ وَأُمِرْتُ لِأَعْدِلَ بَيْنَكُمُ ۖ ٱللَّهُ رَبُّنَا وَرَبُّكُمْ ۖ لَنَآ أَعْمَٰلُنَا
وَلَكُمْ أَعْمَٰلُكُمْ ۖ لَا حُجَّةَ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمُ ۖ ٱللَّهُ يَجْمَعُ بَيْنَنَا ۖ وَإِلَيْهِ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٥﴾
وَٱلَّذِينَ يُحَآجُّونَ فِى ٱللَّهِ مِنۢ بَعْدِ مَا ٱسْتُجِيبَ لَهُۥ حُجَّتُهُمْ دَاحِضَةٌ عِندَ رَبِّهِمْ
وَعَلَيْهِمْ غَضَبٌ وَلَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ ﴿١٦﴾

15-16. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларни ҳам ҳақ динга даъват қил! Худо тарафидан буюрилган нарсада қоим тур! Кофирларнинг хоҳишларига тобе бўлма! Айттил: «Аллоҳ таоло томонидан нозил қилинган илоҳий китобларга иймон келтирганман. Аллоҳ тарафидан сизларнинг ўрталарингизда адолат қилишга буюрилганман. Аллоҳ таоло сизларнинг ҳам ва менинг ҳам Парвардигоримиздир. Менинг амалларимнинг ажрини ёки жазосини менга беради, сизларнинг амалларингиз ажрини ёки жазосини сизларга беради. Сиз билан бизнинг ўртамизда дунё тўғ-

рисида ҳеч хусумат йўқдир. Аллоҳ таоло Маҳшаргоҳда ҳаммамизни жам қилади. Ҳамманинг борадиган (қайтиш) жойи Худо тарафигадир». Худонинг мийсоқ кунида иқрор (тасдиқ) қилинган дини ҳақида жанжал қиладиган (талашиб-тортишадиган) гуруҳларнинг ҳужжатлари Парвардигорнинг наздида ботилдир. Улар тепасига (устига) Худонинг ғазаби бўлгай ва Қиёмат куни уларга оғир азоб бордир.

ٱللَّهُ ٱلَّذِىٓ أَنزَلَ ٱلْكِتَٰبَ بِٱلْحَقِّ وَٱلْمِيزَانَ ۗ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّ ٱلسَّاعَةَ قَرِيبٌ ﴿١٧﴾
25 жузъ يَسْتَعْجِلُ بِهَا ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِهَا ۖ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مُشْفِقُونَ مِنْهَا
وَيَعْلَمُونَ أَنَّهَا ٱلْحَقُّ ۗ أَلَآ إِنَّ ٱلَّذِينَ يُمَارُونَ فِى ٱلسَّاعَةِ لَفِى ضَلَٰلٍۭ بَعِيدٍ ﴿١٨﴾

17-18. Аллоҳ таоло шундай Зотки, ростлик билан Китоб нозил этди ва халқ ўртасида адолат қоим қилди. *Токи бир-бирларининг ҳақларига тажовуз илмасинлар.* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга Қиёмат бўлишини ким билдирди? Унинг илми (билими) Парвардигорга хосдир. Балки Қиёмат (соати) яқиндир! У Қиёматни инкор қилган кофирлар унинг (тезроқ) келишига шошиладилар (шошилтирадилар). Аммо иймон келтирган мўминлар Қиёматдан қўрқадилар, (чунки) биладиларки, Қиёмат ҳақдир. Огоҳ бўлгилки, Қиёматнинг келишига шубҳа қилувчилар оғир ва қаттиқ гумроҳликдадурлар.

ٱللَّهُ لَطِيفٌۢ بِعِبَادِهِۦ يَرْزُقُ مَن يَشَآءُ ۖ وَهُوَ ٱلْقَوِىُّ ٱلْعَزِيزُ ﴿١٩﴾ مَن كَانَ يُرِيدُ
حَرْثَ ٱلْءَاخِرَةِ نَزِدْ لَهُۥ فِى حَرْثِهِۦ ۖ وَمَن كَانَ يُرِيدُ حَرْثَ ٱلدُّنْيَا نُؤْتِهِۦ مِنْهَا
وَمَا لَهُۥ فِى ٱلْءَاخِرَةِ مِن نَّصِيبٍ ﴿٢٠﴾

19-20. Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибондир. Хоҳлаган одамнинг ризқини кенг қилади. Аллоҳ таоло қудратли, ғолибдир. Ҳар ким бу ерда (бу дунёда) охират учун амал экини экмоқни (яъни савоб ишларни) хоҳласа, Биз экини (ҳосили)ни зиёда қиламиз, *ундай одамнинг экинига барака берамиз.* Ва ҳар ким дунёнинг экинини (дунё мол-матосини) хоҳласа, бу дунёда истаганини берамиз. Лекин охиратда унга ҳеч қандай насиба берилмайди.

أَمْ لَهُمْ شُرَكَٰٓؤُا۟ شَرَعُوا۟ لَهُم مِّنَ ٱلدِّينِ مَا لَمْ يَأْذَنۢ بِهِ ٱللَّهُ ۚ وَلَوْلَا
كَلِمَةُ ٱلْفَصْلِ لَقُضِىَ بَيْنَهُمْ ۗ وَإِنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٢١﴾ تَرَى
ٱلظَّٰلِمِينَ مُشْفِقِينَ مِمَّا كَسَبُوا۟ وَهُوَ وَاقِعٌۢ بِهِمْ ۗ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟
وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فِى رَوْضَاتِ ٱلْجَنَّاتِ ۖ لَهُم مَّا يَشَآءُونَ عِندَ رَبِّهِمْ ۚ ذَٰلِكَ
هُوَ ٱلْفَضْلُ ٱلْكَبِيرُ ﴿٢٢﴾

21-22. Ёки кофирларнинг Худога шерик қилган бутлари Худо рози бўлмаган ботил динни улар учун муқаррар қилиб бердими? Агар азоб

ҳукмининг ваъдаси Қиёматга қолдирилмаганда эди, шу дунёдаёқ уларнинг ўрталарида ҳукм қилинган бўларди. Албатта, золимлар учун Қиёматда қаттиқ азоб бор. Сен золимларнинг ёмон амаллари жазосидан қўрққанини кўрасан. Ваҳоланки, бу жазо, албатта, уларга воқе бўладир. Аммо мўминлар ва яхши амал қилгувчилар жаннатнинг кўклам боғларида ором оладилар. Парвардигор ҳузурида уларнинг хоҳлаган нарсалари муҳайёдир. Бу мўминларга Худо тарафидан улуғ фазлдир.

ذَٰلِكَ ٱلَّذِى يُبَشِّرُ ٱللَّهُ عِبَادَهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ ۗ قُل لَّآ أَسْـَٔلُكُمْ
عَلَيْهِ أَجْرًا إِلَّا ٱلْمَوَدَّةَ فِى ٱلْقُرْبَىٰ ۗ وَمَن يَقْتَرِفْ حَسَنَةً نَّزِدْ لَهُۥ فِيهَا حُسْنًا ۚ إِنَّ ٱللَّهَ 25 жузъ
غَفُورٌ شَكُورٌ ﴿٢٣﴾ أَمْ يَقُولُونَ ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا ۖ فَإِن يَشَإِ ٱللَّهُ يَخْتِمْ عَلَىٰ قَلْبِكَ ۗ
وَيَمْحُ ٱللَّهُ ٱلْبَٰطِلَ وَيُحِقُّ ٱلْحَقَّ بِكَلِمَٰتِهِۦٓ ۚ إِنَّهُۥ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ﴿٢٤﴾

23-24. Бу шундай савобки, Аллоҳ таоло иймон келтирган ва яхши амал қилган бандаларга хушхабар беради. Айтгил, эй Муҳаммад: «Мен сизлардан пайғамбарлигим учун ужрат (ҳақ) сўрамайман. Магар қариндошлик, дўстлик ва иттифоқлик сўрайман. Кимки яхши амални касб қилса, унга ўша ишида савобини зиёда қилиб берамиз. Албатта, Аллоҳ таоло кечиргувчи ва ҳақшуносдир». Ёки, кофирлар: «Муҳаммад (алайҳиссалом) Худога ёлғон туҳмат қилади», – дейдиларми? Агар Худойи таоло хоҳласа, Сенинг дилингга муҳр босар эди. *Лекин Аллоҳ таоло бандаларнинг ичидан Сени саралаб (танлаб) Пайғамбар қилди.* Албатта, Аллоҳ таоло Ўз амри билан ҳақни ошкора қилади ва ботилни йўқ қилади. Аллоҳ таоло диллардаги сирларга олим (билгувчи)дир.

وَهُوَ ٱلَّذِى يَقْبَلُ ٱلتَّوْبَةَ عَنْ عِبَادِهِۦ وَيَعْفُوا۟ عَنِ ٱلسَّيِّـَٔاتِ وَيَعْلَمُ مَا
تَفْعَلُونَ ﴿٢٥﴾ وَيَسْتَجِيبُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَيَزِيدُهُم مِّن
فَضْلِهِۦ ۚ وَٱلْكَٰفِرُونَ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ ﴿٢٦﴾ ۞ وَلَوْ بَسَطَ ٱللَّهُ ٱلرِّزْقَ لِعِبَادِهِۦ
لَبَغَوْا۟ فِى ٱلْأَرْضِ وَلَٰكِن يُنَزِّلُ بِقَدَرٍ مَّا يَشَآءُ ۚ إِنَّهُۥ بِعِبَادِهِۦ خَبِيرٌۢ بَصِيرٌ ﴿٢٧﴾ وَهُوَ
ٱلَّذِى يُنَزِّلُ ٱلْغَيْثَ مِنۢ بَعْدِ مَا قَنَطُوا۟ وَيَنشُرُ رَحْمَتَهُۥ ۚ وَهُوَ ٱلْوَلِىُّ ٱلْحَمِيدُ ﴿٢٨﴾

25-28. Парвардигор шундай Зотки, бандаларининг тавбаларини қабул қилади ва гуноҳларини кечиради. Ва нима амал қилаётганларингизни билади. Иймон келтирган ва яхши амал қилганларнинг дуоларини мустажоб қилади. Фазлу карами билан савобларни зиёда қилиб беради. Кофирларга эса Қиёмат куни қаттиқ азоб бордир. Агар Аллоҳ таоло бандаларининг ризқини кенг қилса, албатта, ер юзида мағрурланиб, фасод қиладилар, лекин хоҳлаган бандасига андоза (ўлчов) билан беради. Аллоҳ таоло бандаларининг ҳолидан хабардор ва уларни кўриб тургувчидир.

Аллоҳ таоло шундай Зотки, бандаларининг умидлари узилгандан кейин осмондан ёмғир туширади. Аллоҳ таоло раҳматини (ёмғирни) тоғларга, ерларга ва бошқа керак бўлган жойларга таратиб ёғдиради. Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон, феъли ҳамдга сазовордир.

وَمِنْ ءَايَـٰتِهِۦ خَلْقُ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا بَثَّ فِيهِمَا مِن دَآبَّةٍ ۚ وَهُوَ عَلَىٰ
جَمْعِهِمْ إِذَا يَشَآءُ قَدِيرٌ ﴿٢٩﴾ وَمَآ أَصَـٰبَكُم مِّن مُّصِيبَةٍ فَبِمَا كَسَبَتْ أَيْدِيكُمْ
25 жузъ وَيَعْفُوا۟ عَن كَثِيرٍ ﴿٣٠﴾ وَمَآ أَنتُم بِمُعْجِزِينَ فِى ٱلْأَرْضِ ۖ وَمَا لَكُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ
مِن وَلِىٍّ وَلَا نَصِيرٍ ﴿٣١﴾

29-31. Ва Аллоҳ қудратининг нишоналаридан (яна) бири шуки, осмон ва ерни яратганлигидир. Ўша ер ва осмонда ҳайвонотлар ва малоикаларни тарқатиб-ейиб яратгандир. Агар хоҳласа, Маҳшаргоҳга ҳаммасини жам қилишга қодирдир. Эй бандалар, сизларга (етадиган) бирор мусибатни ўзларингиз касб қилган амалларингиздан кўринг, лекин кўпларингизни Худо кечириб юборади. Эй кофирлар, сизлар Худони ожиз қила олмайсизлар. *Ер юзида Худонинг амрини қайтара олмайсизлар.* Сизларга Худодан бошқа ёр ва мададкор йўқдир.

وَمِنْ ءَايَـٰتِهِ ٱلْجَوَارِ فِى ٱلْبَحْرِ كَٱلْأَعْلَـٰمِ ﴿٣٢﴾ إِن يَشَأْ يُسْكِنِ ٱلرِّيحَ فَيَظْلَلْنَ رَوَاكِدَ
عَلَىٰ ظَهْرِهِۦٓ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَـَٔايَـٰتٍ لِّكُلِّ صَبَّارٍ شَكُورٍ ﴿٣٣﴾ أَوْ يُوبِقْهُنَّ بِمَا كَسَبُوا۟
وَيَعْفُ عَن كَثِيرٍ ﴿٣٤﴾ وَيَعْلَمَ ٱلَّذِينَ يُجَـٰدِلُونَ فِىٓ ءَايَـٰتِنَا مَا لَهُم مِّن مَّحِيصٍ ﴿٣٥﴾

32-35. Аллоҳ қудратининг нишонларидан яна бири дарёда (денгизда) ҳаракат қилувчи ҳар бири тоғдек кемалардир. Агар Парвардигор хоҳласа, шамолни тўхтатиб қўяди. Бас, у кемалар дарё устида ҳаракат қилмай қоладилар. Албатта, бу нарсаларда ҳар бир сабр қилувчи ва шукр қилувчи бандалар учун ибратлар бор. Ёки Аллоҳ таоло кемадагиларни ёмон амалларининг шумлигидан ҳалок қилади ва кўпларини кечириб, нажот беради. Токи Бизнинг оятларимиз хусусида жанжал қиладиган (талашиб-тортишадиган)лар билсинларки, улар учун Худонинг азобидан қутуладиган жой йўқ.

فَمَآ أُوتِيتُم مِّن شَىْءٍ فَمَتَـٰعُ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا ۖ وَمَا عِندَ ٱللَّهِ خَيْرٌ وَأَبْقَىٰ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا۟
وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٣٦﴾ وَٱلَّذِينَ يَجْتَنِبُونَ كَبَـٰٓئِرَ ٱلْإِثْمِ وَٱلْفَوَٰحِشَ وَإِذَا مَا
غَضِبُوا۟ هُمْ يَغْفِرُونَ ﴿٣٧﴾ وَٱلَّذِينَ ٱسْتَجَابُوا۟ لِرَبِّهِمْ وَأَقَامُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَأَمْرُهُمْ
شُورَىٰ بَيْنَهُمْ وَمِمَّا رَزَقْنَـٰهُمْ يُنفِقُونَ ﴿٣٨﴾ وَٱلَّذِينَ إِذَآ أَصَابَهُمُ ٱلْبَغْىُ هُمْ
يَنتَصِرُونَ ﴿٣٩﴾

36-39. Ҳар нарсаки сизларга бу дунёда берилган бўлса, сизларнинг ҳаётингизда фойдаланиладиган озгина матоҳ бўлиб, охири фоний, йўқ бўлиб кетади. Лекин Аллоҳнинг ҳузуридаги савоблар ва жаннатнинг нозу неъматлари бу дунёнинг неъматларидан яхшидир, *йўқ бўлмайди*, ҳамиша боқий қолади. Бу нозу неъматлар иймон келтирганларга ва Худога таваккул қилганларга берилади. Бу тоифа инсонлар оғир гуноҳлардан ва фаҳш ишлардан сақланадиганлар, вақтики ғазаблари келса, душмандан ўч олмай кечиб юборадиганлардир. Улар Худонинг буйруғини қабул қилиб, амрини бажо келтирадиган ва намозни шарт-шароитлари билан адо қиладиган, ҳар бир ишлари ўрталарида маслаҳат (машварат) билан бўладиган
ва Биз берган ризқларимиздан мискинларга нафақа қиладиганлардир. Бу 25 жузъ
гуруҳлар кофирлар тарафидан зулм етган вақтда ўч оладилар.

وَجَزَٰٓؤُا۟ سَيِّئَةٍ سَيِّئَةٌ مِّثْلُهَا ۖ فَمَنْ عَفَا وَأَصْلَحَ فَأَجْرُهُۥ عَلَى ٱللَّهِ ۚ إِنَّهُۥ لَا يُحِبُّ
ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٤٠﴾ وَلَمَنِ ٱنتَصَرَ بَعْدَ ظُلْمِهِۦ فَأُو۟لَٰٓئِكَ مَا عَلَيْهِم مِّن سَبِيلٍ ﴿٤١﴾ إِنَّمَا
ٱلسَّبِيلُ عَلَى ٱلَّذِينَ يَظْلِمُونَ ٱلنَّاسَ وَيَبْغُونَ فِى ٱلْأَرْضِ بِغَيْرِ ٱلْحَقِّ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ
لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٤٢﴾ وَلَمَن صَبَرَ وَغَفَرَ إِنَّ ذَٰلِكَ لَمِنْ عَزْمِ ٱلْأُمُورِ ﴿٤٣﴾

40-43. Ёмонликнинг жазоси унга ўхшаш ёмонликдир. Ҳар ким ёмонлик қилувчини афв қилса ва уни ислоҳ қилса, унинг ажри Худога (ҳавола)дир (яъни Худонинг ўзи беради). Албатта, Аллоҳ таоло зулм қилгувчиларни дўст тутмайди. Ҳар кимки, зулм қилган золимдан ўч олса, уни ҳеч қандай маломат қилишга йўл йўқдир. Фақат шундай одамни маломат қилишга йўл борки (керакки), халққа ноҳақ зулм ўтказса ва ер юзида ноҳақ фасод қилса. Уларга Қиёмат куни қаттиқ азоб бордир. Ҳар ким душмандан ўч олмасдан, сабр қилса, кечирса, албатта улуғ ишлардандир.

وَمَن يُضْلِلِ ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِن وَلِىٍّ مِّنۢ بَعْدِهِۦ ۗ وَتَرَى ٱلظَّٰلِمِينَ لَمَّا رَأَوُا۟ ٱلْعَذَابَ
يَقُولُونَ هَلْ إِلَىٰ مَرَدٍّ مِّن سَبِيلٍ ﴿٤٤﴾ وَتَرَىٰهُمْ يُعْرَضُونَ عَلَيْهَا خَٰشِعِينَ مِنَ
ٱلذُّلِّ يَنظُرُونَ مِن طَرْفٍ خَفِىٍّ ۗ وَقَالَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِنَّ ٱلْخَٰسِرِينَ ٱلَّذِينَ
خَسِرُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ وَأَهْلِيهِمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۗ أَلَآ إِنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ فِى عَذَابٍ مُّقِيمٍ ﴿٤٥﴾
وَمَا كَانَ لَهُم مِّنْ أَوْلِيَآءَ يَنصُرُونَهُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ ۗ وَمَن
يُضْلِلِ ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِن سَبِيلٍ ﴿٤٦﴾

44-46. Аллоҳ таоло кимни гумроҳ қилса, гумроҳ бўлганидан сўнг унга ҳеч бир мададкор бўлмас. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар золимларнинг Қиёмат кунидаги аҳволини кўрсанг, Худонинг азобини кўрган вақтларида айтадилар: «Бизга ортга (дунёга) қайтадиган бирор йўл бормикан?» Улар хору зорлик билан дўзахга рўбарў қилинаётганларида кўзларининг

чеккаси (қири) билан қўрқиб-қўрқиб дўзах тарафига назар қилаётганларини кўрасан. Мўминлар айтадилар: «Албатта, зиёнкорлар Қиёмат куни ўз нафсларига, аҳлу аёлларига ва бошқа тобеларига зарар етказадилар. Ҳаммасининг азоб тортишига сабаб бўладилар». Огоҳ бўлки, золимлар ҳамиша давомли азобда бўладилар. Уларга Аллоҳдан бошқа нажот берадиган ҳеч қандай дўст ва ёрдамчи йўқдир. Ҳар кимни Худо гумроҳ қилса, унга қутуладиган йўл йўқ.

ٱسْتَجِيبُوا۟ لِرَبِّكُم مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِىَ يَوْمٌ لَّا مَرَدَّ لَهُۥ مِنَ ٱللَّهِ ۚ مَا لَكُم مِّن مَّلْجَإٍ
25 жузъ يَوْمَئِذٍ وَمَا لَكُم مِّن نَّكِيرٍ ﴿٤٧﴾ فَإِنْ أَعْرَضُوا۟ فَمَآ أَرْسَلْنَٰكَ عَلَيْهِمْ حَفِيظًا ۖ إِنْ
عَلَيْكَ إِلَّا ٱلْبَلَٰغُ ۗ وَإِنَّآ إِذَآ أَذَقْنَا ٱلْإِنسَٰنَ مِنَّا رَحْمَةً فَرِحَ بِهَا ۖ وَإِن تُصِبْهُمْ سَيِّئَةٌۢ
بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ فَإِنَّ ٱلْإِنسَٰنَ كَفُورٌ ﴿٤٨﴾

47-48. Худонинг ҳузуридан қайтиб келиш йўқ бўлган шундай кун келишидан олдин Парвардигорнинг амрига итоат қилинглар. У кунда сизларга паноҳ берадиган бирор нарса бўлмайди. Ва яна қилган ишларингизни (гуноҳларингизни) инкор қилолмайсизлар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар улар Сенинг насиҳатингдан юз ўгирсалар, бас, Биз Сени уларнинг амалларига назорат қилувчи (вакил) қилиб юбормадик. Сенинг зиммангдаги (вазифа) Худонинг ҳукмини етказишдан бошқа нарса эмас Вақтики, Биз инсонга ўз тарафимиздан марҳамат қилиб, бойлик ва тандурустлик берсак, унга хурсанд бўлади. Ва агар ўзларининг ёмон амалларига муносиб мусибат етса, у инсоннинг аччиқланиб, шукр қилмасдан кофир бўлганини кўрасан.

لِّلَّهِ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ يَخْلُقُ مَا يَشَآءُ ۚ يَهَبُ لِمَن يَشَآءُ إِنَٰثًا وَيَهَبُ
لِمَن يَشَآءُ ٱلذُّكُورَ ﴿٤٩﴾ أَوْ يُزَوِّجُهُمْ ذُكْرَانًا وَإِنَٰثًا ۖ وَيَجْعَلُ مَن يَشَآءُ عَقِيمًا ۚ
إِنَّهُۥ عَلِيمٌ قَدِيرٌ ﴿٥٠﴾

49-50. Осмонлар ва ернинг подшоҳлиги Аллоҳникидир. Хоҳлаган нарсасини халқ қилгувчи Зотдир. Хоҳлаганига қиз (фарзандлар) ато қилади ва хоҳлаганига ўғил (фарзандлар) беради. Ёки хоҳлаганига жуфтлаб – ҳам ўғил, ҳам қиз (фарзандлар) беради. Хоҳлаганини фарзандсиз, туғмас қилади. Аллоҳ таоло бандаларининг аҳволини билгувчи ва ҳар бир нарсага қодирдир.

۞ وَمَا كَانَ لِبَشَرٍ أَن يُكَلِّمَهُ ٱللَّهُ إِلَّا وَحْيًا أَوْ مِن وَرَآئِ حِجَابٍ أَوْ يُرْسِلَ رَسُولًا
فَيُوحِىَ بِإِذْنِهِۦ مَا يَشَآءُ ۚ إِنَّهُۥ عَلِىٌّ حَكِيمٌ ﴿٥١﴾ وَكَذَٰلِكَ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ رُوحًا
مِّنْ أَمْرِنَا ۚ مَا كُنتَ تَدْرِى مَا ٱلْكِتَٰبُ وَلَا ٱلْإِيمَٰنُ وَلَٰكِن جَعَلْنَٰهُ نُورًا نَّهْدِى

بِهِۦ مَن نَّشَآءُ مِنْ عِبَادِنَا ۚ وَإِنَّكَ لَتَهْدِىٓ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٥٢﴾ صِرَٰطِ ٱللَّهِ
ٱلَّذِى لَهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۗ أَلَآ إِلَى ٱللَّهِ تَصِيرُ ٱلْأُمُورُ ﴿٥٣﴾

51-53. Инсонга Худонинг гапирмоқлиги мумкин эмас. Магар ваҳий орқали, ёки парданинг орқасидан, ё (элчи) фариштани юборади-да, бас, у фаришта Худонинг ҳукми билан Унинг (Худонинг) хоҳлаган нарсасини ваҳий орқали етказади. Аллоҳ таоло ҳар нарсадан юқори (олий) ва ҳикматли зотдир. Илгари ўтган пайғамбарларга ваҳий юборганимиз каби Сенга ҳам Ўз амримиз билан бир руҳни – Каломим Қуръонни ваҳий қилдик. Сен илгари Қуръон ималигини ва иймон тариқаси қандайлигини билмас эдинг. Биз Қуръонни нурга ўхшаш равшан қилдик. Унинг сабаби (воситаси) билан хоҳлаган бандаларимизни ҳидоят қиламиз. Албатта, Сен халқни тўғри йўлга (ҳидоятга) бошлайсан. У (Сен бошлайдиган) йўл ердаги ва осмондаги нарсалар Унинг мулки бўлган Парвардигорнинг йўлидир. Огоҳ бўлгилки, барча ишлар Худо тарафига қайтади.

25 жузъ

Маккада нозил бўлган бу сура саксон тўққиз оятдан иборатдир.

25 жузъ

«Зухруф» сўзи зеб-зийнат, олтин ва мужавҳарот (қимматли тошлар) маъносида келади. Сурада шу ҳақда сўз юритилганлиги учун «Зухруф» номини олган. Аллоҳнинг наздида бойлик, зеб-зийнат эмас, инсонларнинг иймон-эътиқодлари муҳимлиги ушбу сурада батафсил баён қилиб берилади.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

حمٓ ﴿١﴾ وَٱلۡكِتَٰبِ ٱلۡمُبِينِ ﴿٢﴾ إِنَّا جَعَلۡنَٰهُ قُرۡءَٰنًا عَرَبِيّٗا لَّعَلَّكُمۡ تَعۡقِلُونَ
﴿٣﴾ وَإِنَّهُۥ فِيٓ أُمِّ ٱلۡكِتَٰبِ لَدَيۡنَا لَعَلِيٌّ حَكِيمٌ ﴿٤﴾

1-4. Ҳо. Мийм. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Аҳкомларни баён қилгувчи Китобга қасамки, у Китобни сизлар яхши фаҳмлашларинг учун Биз араб тилига айлантирдик (нозил қилдик). Албатта, бу Қуръон Бизнинг наздимизда Лавҳул Маҳфузда ёзилгандир. Улуғ ва ҳикматлидир.

أَفَنَضۡرِبُ عَنكُمُ ٱلذِّكۡرَ صَفۡحًا أَن كُنتُمۡ قَوۡمٗا مُّسۡرِفِينَ ﴿٥﴾ وَكَمۡ
أَرۡسَلۡنَا مِن نَّبِيّٖ فِي ٱلۡأَوَّلِينَ ﴿٦﴾ وَمَا يَأۡتِيهِم مِّن نَّبِيٍّ إِلَّا كَانُواْ بِهِۦ يَسۡتَهۡزِءُونَ ﴿٧﴾
فَأَهۡلَكۡنَآ أَشَدَّ مِنۡهُم بَطۡشٗا وَمَضَىٰ مَثَلُ ٱلۡأَوَّلِينَ ﴿٨﴾

5-8. Эй кофирлар, агар сизлар ҳаддиларингиздан ошиб (зикрга) Қуръонга инкор қилсангизлар, сизларга Қуръонни нозил қилишликни тўхтатиб қўямизми? *Агар сизлар амал қилмасангизлар, (бошқа) амал қилгувчилар пайдо бўлади.* Биз илгари ўтган умматларга ҳам, *агарчи иймон келтирмасалар-да*, кўп пайғамбарлар юборганмиз. У қавмлар ҳар бир Пайғамбар келса, унга иймон келтирмасдан, масхара қилганлар. Бас, (шу сабабдан Макка кофирларидан кўра) улуғроқларини ва қудратлироқларини ҳалок қилдик. Қуръонда аввалгиларнинг қиссалари ва ҳалокатларининг зикри ўтди.

وَلَئِن سَأَلۡتَهُم مَّنۡ خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ لَيَقُولُنَّ خَلَقَهُنَّ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡعَلِيمُ ﴿٩﴾

ٱلَّذِى جَعَلَ لَكُمُ ٱلْأَرْضَ مَهْدًا وَجَعَلَ لَكُمْ فِيهَا سُبُلًا لَّعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٠﴾ وَٱلَّذِى نَزَّلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءًۢ بِقَدَرٍ فَأَنشَرْنَا بِهِۦ بَلْدَةً مَّيْتًا ۚ كَذَٰلِكَ تُخْرَجُونَ ﴿١١﴾

9-11. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сен кофирлардан: «Ер ва осмонларни ким халқ қилган?», – деб сўрасанг, албатта, улар: «Доно (билгувчи) ва ғолиб Парвардигор халқ қилган», – дейдилар. Аллоҳ таоло шундай Зотки, сизлар ором олишларингиз учун ерни бисот (тўшак, қароргоҳ) қилди ва сафар қилиб мақсадларингизга етишларингиз учун ерда йўллар пайдо қилди, осмондан керакли (миқдорда) ёмғирлар ёғдирди. У ёмғирлар билан қуриб қолган ерларга ҳаёт бердик. *Гиёҳлар, дарахтлар кўкарди*. Шунга ўхшаш, Қиёмат куни сизларга ҳам ҳаёт берилиб, (қабрлардан) шундай чиқарилясизлар. 25 жузъ

وَٱلَّذِى خَلَقَ ٱلْأَزْوَٰجَ كُلَّهَا وَجَعَلَ لَكُم مِّنَ ٱلْفُلْكِ وَٱلْأَنْعَٰمِ مَا تَرْكَبُونَ ﴿١٢﴾ لِتَسْتَوُۥا۟ عَلَىٰ ظُهُورِهِۦ ثُمَّ تَذْكُرُوا۟ نِعْمَةَ رَبِّكُمْ إِذَا ٱسْتَوَيْتُمْ عَلَيْهِ وَتَقُولُوا۟ سُبْحَٰنَ ٱلَّذِى سَخَّرَ لَنَا هَٰذَا وَمَا كُنَّا لَهُۥ مُقْرِنِينَ ﴿١٣﴾ وَإِنَّآ إِلَىٰ رَبِّنَا لَمُنقَلِبُونَ ﴿١٤﴾

12-14. Парвардигор ҳайвонлардан ҳар хил қисмларини жуфт халқ қилди. Миниш учун сизларга кемалар ва тўрт оёқли жониворлар яратди. Токи сизлар уларнинг устларига минасизлар ва устларига ўтириб (ўрнашиб) олганингиздан сўнг Парвардигорнинг неъматини ёд қилинглар! Ва айтинглар: «Аллоҳ таоло тамом (барча) нуқсонлардан покдир! Бизга бу ҳайвонларни мусаххар қилди. Биз бунга қодир эмас эдик. Ва, албатта, Биз Парвардигор тарафига қайтгувчидирмиз».

وَجَعَلُوا۟ لَهُۥ مِنْ عِبَادِهِۦ جُزْءًا ۚ إِنَّ ٱلْإِنسَٰنَ لَكَفُورٌ مُّبِينٌ ﴿١٥﴾ أَمِ ٱتَّخَذَ مِمَّا يَخْلُقُ بَنَاتٍ وَأَصْفَىٰكُم بِٱلْبَنِينَ ﴿١٦﴾ وَإِذَا بُشِّرَ أَحَدُهُم بِمَا ضَرَبَ لِلرَّحْمَٰنِ مَثَلًا ظَلَّ وَجْهُهُۥ مُسْوَدًّا وَهُوَ كَظِيمٌ ﴿١٧﴾

15-17. Кофирлар Худойи таолога Ўзининг яратган бандаларидан (фаришталаридан) фарзанд муқаррар қиладилар. Албатта, инсон очиқ (ойдин) ношукур бандадир. Ёки Парвардигор Ўзи яратган махлуқларидан қиз қилиб олгану сизларга ўғилларни ихтиёр қилиб фазилат берганми?! Вақтики у кофирлардан бирига Худога нисбат берадиганлари қиз (фарзанд) туғилганидан башорат берилса, жуда аччиқланиб, ғазабга тўлади ва юзи қорайиб кетади. Ажабки, ўзи ёмон кўрадиган қизни Худога нисбат беради?!

أَوَمَن يُنَشَّؤُا۟ فِى ٱلْحِلْيَةِ وَهُوَ فِى ٱلْخِصَامِ غَيْرُ مُبِينٍ ﴿١٨﴾ وَجَعَلُوا۟ ٱلْمَلَٰٓئِكَةَ
ٱلَّذِينَ هُمْ عِبَٰدُ ٱلرَّحْمَٰنِ إِنَٰثًا ۚ أَشَهِدُوا۟ خَلْقَهُمْ ۚ سَتُكْتَبُ شَهَٰدَتُهُمْ وَيُسْـَٔلُونَ ﴿١٩﴾

18-19. Оё, (зар) зеварлар ичида тарбия топган ва (хусумат пайтида) ўз сўзини ҳужжат ва фасоҳат билан баён қилолмайдиган қизни Худонинг ҳиссаси деб муқаррар қиладиларми? Худонинг яхши бандалари – малоикаларни «хотинлар» деб эътиқод қиладилар. Ёки у кофирлар Биз малоикаларни халқ қилган вақтимизда ҳозир (гувоҳ) эдиларми?! Агар ундай бўлса, номаи
25 жузъ аъмолларига шаҳодатлари ёзилади ва ундан савол қилинадилар.

وَقَالُوا۟ لَوْ شَآءَ ٱلرَّحْمَٰنُ مَا عَبَدْنَٰهُم ۗ مَّا لَهُم بِذَٰلِكَ مِنْ عِلْمٍ ۖ إِنْ هُمْ إِلَّا
يَخْرُصُونَ ﴿٢٠﴾ أَمْ ءَاتَيْنَٰهُمْ كِتَٰبًا مِّن قَبْلِهِۦ فَهُم بِهِۦ مُسْتَمْسِكُونَ ﴿٢١﴾ بَلْ
قَالُوٓا۟ إِنَّا وَجَدْنَآ ءَابَآءَنَا عَلَىٰٓ أُمَّةٍ وَإِنَّا عَلَىٰٓ ءَاثَٰرِهِم مُّهْتَدُونَ ﴿٢٢﴾ وَكَذَٰلِكَ مَآ
أَرْسَلْنَا مِن قَبْلِكَ فِى قَرْيَةٍ مِّن نَّذِيرٍ إِلَّا قَالَ مُتْرَفُوهَآ إِنَّا وَجَدْنَآ ءَابَآءَنَا عَلَىٰٓ أُمَّةٍ
وَإِنَّا عَلَىٰٓ ءَاثَٰرِهِم مُّقْتَدُونَ ﴿٢٣﴾

20-23. Кофирлар айтадилар: «Агар Худо хоҳласа эди, биз фаришталарга ибодат қилмаган бўлар эдик». *Яъни, буни Худонинг ўзи хоҳлаган.* Лекин бу тўғрида уларнинг ҳеч қандай илмлари йўқ. Бу нарса ёлғондан бошқа нарса эмас. Қуръондан илгари Биз у кофирларга бирор китоб юборганмизу улар (уни) ҳужжат қилиб олгувчиларми?! Балки улар ҳужжат қилиб айтадиларки: «Ота-бобомизни бир уммат – динда топдикки, албатта, биз уларнинг орқасидан эргашиб, ҳидоят топамиз». Ушбу кофирларга ўхшаш Сендан илгари ҳар бир қишлоқ (шаҳар)га Пайғамбар юборган бўлсак, у қавмнинг бошлиқлари пайғамбарларга: «Албатта, биз ота-боболаримизни бир уммат – динда топгандирмизки, биз уларнинг орқаларидан эргашиб, уларга тобе бўламиз», – деб айтган эдилар.

۞ قَٰلَ أَوَلَوْ جِئْتُكُم بِأَهْدَىٰ مِمَّا وَجَدتُّمْ عَلَيْهِ ءَابَآءَكُمْ ۖ قَالُوٓا۟ إِنَّا بِمَآ أُرْسِلْتُم
بِهِۦ كَٰفِرُونَ ﴿٢٤﴾ فَٱنتَقَمْنَا مِنْهُمْ ۖ فَٱنظُرْ كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلْمُكَذِّبِينَ ﴿٢٥﴾

24-25. Пайғамбари уларга жавоб беради: «Агар мен даъват қилган дин сизларни тўғри йўлга ҳидоят қилса ва (сизларга) фойдали бўлса, у ҳолда ҳам сизлар ота-боболарингизнинг динига тобе бўласизларми?» Кофирлар жавоб берадиларки: «Биз сизларга эргашмаймиз, сизлар олиб келган динга иқрор қилмаймиз». Бас, Биз у кофирлар инкор қилганларидан кейин улардан ўч олиб, ҳалок қилдик. Бас, назар қил, (пайғамбарларни) ёлғончи қилгувчиларнинг оқибатлари қандай бўлди.

وَإِذْ قَالَ إِبْرَٰهِيمُ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِۦٓ إِنَّنِى بَرَآءٌ مِّمَّا تَعْبُدُونَ ﴿٢٦﴾ إِلَّا ٱلَّذِى فَطَرَنِى

فَإِنَّهُۥ سَيَهۡدِينِ ﴿٢٧﴾ وَجَعَلَهَا كَلِمَةَۢ بَاقِيَةً فِي عَقِبِهِۦ لَعَلَّهُمۡ يَرۡجِعُونَ ﴿٢٨﴾ بَلۡ
مَتَّعۡتُ هَٰٓؤُلَآءِ وَءَابَآءَهُمۡ حَتَّىٰ جَآءَهُمُ ٱلۡحَقُّ وَرَسُولٞ مُّبِينٞ ﴿٢٩﴾ وَلَمَّا جَآءَهُمُ ٱلۡحَقُّ
قَالُواْ هَٰذَا سِحۡرٞ وَإِنَّا بِهِۦ كَٰفِرُونَ ﴿٣٠﴾

26-30. Иброҳим (алайҳиссалом) отасига ва қавмига: «Мен, албатта, сизлар ибодат қилаётган бутларингиздан безордирман *ва уларга ибодат қилмайман. Магар шундай Зотга ибодат қиламанки, У мени халқ қилгандир.* У зот мени, албатта, доим тўғри йўлда барқарор қилади», – деганини ёд қил (эсла). Иброҳим тавҳид калимасини ўзидан кейин келадиган зурриётларига боқий қолдирди. *Токи зурриётлари шунга амал қилиб, куфрдан қайтсинлар.* Балки Мен қурайшнинг куфрига қарамай, ўзларини ва ота-боболарини то уларга ҳақ дин ва очиқ мўъжизалар билан Муҳаммад (алайҳиссалом) келгунча дунё ҳаётидан фойдалантирдим, давлат бердим. Вақтики уларга Қуръон келгандан сўнг айтадиларки: «Бу Қуръон сеҳрдир, албатта, Биз унга мункирмиз». 25 жузъ

وَقَالُواْ لَوۡلَا نُزِّلَ هَٰذَا ٱلۡقُرۡءَانُ عَلَىٰ رَجُلٖ مِّنَ ٱلۡقَرۡيَتَيۡنِ عَظِيمٍ ﴿٣١﴾ أَهُمۡ
يَقۡسِمُونَ رَحۡمَتَ رَبِّكَۚ نَحۡنُ قَسَمۡنَا بَيۡنَهُم مَّعِيشَتَهُمۡ فِي ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَاۚ
وَرَفَعۡنَا بَعۡضَهُمۡ فَوۡقَ بَعۡضٖ دَرَجَٰتٖ لِّيَتَّخِذَ بَعۡضُهُم بَعۡضٗا سُخۡرِيّٗاۗ وَرَحۡمَتُ
رَبِّكَ خَيۡرٞ مِّمَّا يَجۡمَعُونَ ﴿٣٢﴾

31-32. Қурайш кофирлари айтадиларки: «Бу Қуръон икки шаҳарнинг, *яъни, Макка билан Тоифнинг,* улуғ одамига нозил қилинганида эди? *Яъни, уларга нозил қилинмасдан, Муҳаммадга нозил қилиндими?»* Ёки улар Худонинг раҳматини тақсим қиладиларми? Ваҳоланки, бу дунёда ўрталаридаги ризқ-рўзларини Биз тақсим қиламиз. Биз кимни хоҳласак, пайғамбарликни шунга ато қиламиз. Биз баъзиларнинг мартабаларини баъзиларидан юқори қилдик. *Яъни, инсонларни тафовут (фарқли) қилиб халқ қилдик.* Баъзилари баъзиларига тобе (хизматкор) бўлиб ишлайдилар. *Ана шунда оламнинг интизоми барқарор бўлиб туради.* Парвардигорингнинг раҳмати аҳли давлатларнинг жам қилган молларидан афзалдир.

وَلَوۡلَآ أَن يَكُونَ ٱلنَّاسُ أُمَّةٗ وَٰحِدَةٗ لَّجَعَلۡنَا لِمَن يَكۡفُرُ بِٱلرَّحۡمَٰنِ لِبُيُوتِهِمۡ
سُقُفٗا مِّن فِضَّةٖ وَمَعَارِجَ عَلَيۡهَا يَظۡهَرُونَ ﴿٣٣﴾ وَلِبُيُوتِهِمۡ أَبۡوَٰبٗا وَسُرُرًا عَلَيۡهَا
يَتَّكِـُٔونَ ﴿٣٤﴾ وَزُخۡرُفٗاۚ وَإِن كُلُّ ذَٰلِكَ لَمَّا مَتَٰعُ ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَاۚ وَٱلۡأٓخِرَةُ
عِندَ رَبِّكَ لِلۡمُتَّقِينَ ﴿٣٥﴾

33-35. Агар одамлар бир миллат бўлиб, дунё ҳирсига берилиб, охиратнинг ўрнига дунёга муҳаббат қўйиш эҳтимоли бўлмаганда эди, Биз Аллоҳга кофир бўлганлар уйларини тилладан, томларини ва томларига

чиқадиган зиналарини ҳамда уйларининг дарвозаларини (эшикларини), суянадиган тахтларини кумушдан қилиб берган бўлар эдик. *Чунки Бизнинг наздимизда дунёнинг ҳеч эътибори йўқ. Лекин шундай қилмадик. Чунки ҳамма инсон дунёнинг муҳаббатига мубтало бўлиб, Худони ҳеч ким танимас эди.* Ва (зеб) зеварларни ҳам кофирларга берган бўлур эдик. Бу дунёнинг асбоблари дунё ҳаётида озгина фойдаланиладиган нарсалардир, бақоси йўқ. Охиратнинг маъийшати Парвардигорнинг наздида муттақийларгадир.

25 жуз

وَمَن يَعْشُ عَن ذِكْرِ ٱلرَّحْمَٰنِ نُقَيِّضْ لَهُۥ شَيْطَٰنًا فَهُوَ لَهُۥ قَرِينٌ ﴿٣٦﴾ وَإِنَّهُمْ
لَيَصُدُّونَهُمْ عَنِ ٱلسَّبِيلِ وَيَحْسَبُونَ أَنَّهُم مُّهْتَدُونَ ﴿٣٧﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَنَا قَالَ
يَٰلَيْتَ بَيْنِى وَبَيْنَكَ بُعْدَ ٱلْمَشْرِقَيْنِ فَبِئْسَ ٱلْقَرِينُ ﴿٣٨﴾ وَلَن يَنفَعَكُمُ ٱلْيَوْمَ إِذ
ظَّلَمْتُمْ أَنَّكُمْ فِى ٱلْعَذَابِ مُشْتَرِكُونَ ﴿٣٩﴾

36-39. Ҳар ким Худонинг ёдидан ғофил бўлса, унга шайтонни мусаллат (ғолиб ва назоратчи) қилиб қўямиз. Бас, шайтон у одам билан ҳамиша ҳамроҳ бўлади. Албатта, шайтонлар бандаларни Худонинг йўлидан манъ қиладилар. Ва бу кофирлар: «Бизлар ҳидоятдамиз», – деб хаёл қиладилар. Вақтики бу ғофил банда Бизнинг ҳузуримизга келганда, афсус билан айтадики: «Эй шайтон, кошки сен билан менинг ўртамда Мағриб билан Машриқ сингари узоқлик бўлганда эди... Бас, сен менга (нақадар) ёмон ҳамроҳ бўлдинг». Малоикалар тарафидан айтиладики: «Энди бугун афсусларингиз сизларга ҳеч фойда бермайди. Чунки ўз нафсларингизга зулм қилдингизлар. Энди бу азобда шайтонлар билан шерик бўласизлар».

أَفَأَنتَ تُسْمِعُ ٱلصُّمَّ أَوْ تَهْدِى ٱلْعُمْىَ وَمَن كَانَ فِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٤٠﴾
فَإِمَّا نَذْهَبَنَّ بِكَ فَإِنَّا مِنْهُم مُّنتَقِمُونَ ﴿٤١﴾ أَوْ نُرِيَنَّكَ ٱلَّذِى وَعَدْنَٰهُمْ فَإِنَّا
عَلَيْهِم مُّقْتَدِرُونَ ﴿٤٢﴾

40-42. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ҳақни эшитмайдиган карларга эшиттириш Сенинг қўлингдан келадими? Ёки ҳақни кўрмайдиган кўрларни ҳидоят қилиш қўлингдан келадими? *Асло, қўлингдан келмайди. Сендан насиҳат қилиш, холос, ҳидоят қилиш Худонинг ишидир.* Агар кофирларни азоб қилмасдан илгари Сени дунёдан олиб кетсак ҳам, Сендан кейин, албатта, кофирлардан ўч оламиз. Ёки Сенга ҳаётни берсак, қилган ваъдаларимизни Сенга кўрсатсак, албатта, Бизнинг уларга қудратимиз етади.

فَٱسْتَمْسِكْ بِٱلَّذِىٓ أُوحِىَ إِلَيْكَ إِنَّكَ عَلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٤٣﴾ وَإِنَّهُۥ لَذِكْرٌ لَّكَ
وَلِقَوْمِكَ وَسَوْفَ تُسْـَٔلُونَ ﴿٤٤﴾ وَسْـَٔلْ مَنْ أَرْسَلْنَا مِن قَبْلِكَ مِن رُّسُلِنَآ أَجَعَلْنَا
مِن دُونِ ٱلرَّحْمَٰنِ ءَالِهَةً يُعْبَدُونَ ﴿٤٥﴾

43-45. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз Сенга нимани буйруқ (ваҳий) қилсак, уни (Қуръонни) маҳкам ушла! Чунки сен тўғри йўлдасан. Албатта, Қуръон Сенинг ва қавмингнинг обрўйи ва иззатидир. Худонинг берган фазл марҳаматидир. Албатта, Қиёматда бу неъматлардан савол қилинасизлар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сендан илгари ўтган пайғамбарларнинг ҳолларини сўраб, маълум қил! Уларга бир (ягона) Худодан бошқа ибодат қилинадиган худо (илоҳ) муқаррар қилганмизми?! *Ҳаргиз ундай эмасдир! Ҳаммалари бир (ягона) Аллоҳга ибодат қилиб келганлар.*

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ بِـَٔايَٰتِنَآ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَمَلَإِيْهِۦ فَقَالَ إِنِّى رَسُولُ رَبِّ 5 зъ
ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٤٦﴾ فَلَمَّا جَآءَهُم بِـَٔايَٰتِنَآ إِذَا هُم مِّنْهَا يَضْحَكُونَ ﴿٤٧﴾ وَمَا نُرِيهِم مِّنْ
ءَايَةٍ إِلَّا هِىَ أَكْبَرُ مِنْ أُخْتِهَا ۖ وَأَخَذْنَٰهُم بِٱلْعَذَابِ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿٤٨﴾
وَقَالُوا۟ يَٰٓأَيُّهَ ٱلسَّاحِرُ ٱدْعُ لَنَا رَبَّكَ بِمَا عَهِدَ عِندَكَ إِنَّنَا لَمُهْتَدُونَ ﴿٤٩﴾ فَلَمَّا
كَشَفْنَا عَنْهُمُ ٱلْعَذَابَ إِذَا هُمْ يَنكُثُونَ ﴿٥٠﴾

46-50. Биз Мусони (оят) мўъжизалар(имиз) билан Фиръавнга ва қавмига юбордик. (Бас), Мусо (алайҳиссалом): «Мен Парвардигори оламнинг пайғамбариман», – деди. Вақтики Мусо (алайҳиссалом) бу мўъжизалар билан уларга келиб, пайғамбарлигини изҳор қилар эди, у кофирлар масхара қилиб кулар эдилар. Ҳар бир мўъжизани кўрсатганимиздан кейин иккинчи (мўъжиза) аввалгисидан улуғроқ (бўлар) эди. Уларни «Шоядки ботил диндан қайтарлар», – деб ҳар хил азобларга мубтало қилдик. Худо тарафидан ҳар балоки келса, кофирлар айтар эдилар: «Эй жодугар! Парвардигоринг Сенинг дуоингни қабул қилишга аҳд қилган бўлса, биз учун Ундан (офият) тила (Унга дуо қил)! Худо уларни (азобларни) даф қилса, албатта, биз иймон келтирамиз». Вақтики, Биз Мусонинг дуоси билан улардан азобни кўтардик, ногоҳ улар қилган аҳдларидан қайтиб, иймон келтирмадилар.

وَنَادَىٰ فِرْعَوْنُ فِى قَوْمِهِۦ قَالَ يَٰقَوْمِ أَلَيْسَ لِى مُلْكُ مِصْرَ وَهَٰذِهِ ٱلْأَنْهَٰرُ تَجْرِى
مِن تَحْتِىٓ ۖ أَفَلَا تُبْصِرُونَ ﴿٥١﴾ أَمْ أَنَا۠ خَيْرٌ مِّنْ هَٰذَا ٱلَّذِى هُوَ مَهِينٌ وَلَا يَكَادُ يُبِينُ
﴿٥٢﴾ فَلَوْلَآ أُلْقِىَ عَلَيْهِ أَسْوِرَةٌ مِّن ذَهَبٍ أَوْ جَآءَ مَعَهُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ مُقْتَرِنِينَ ﴿٥٣﴾

51-53. Фиръавн ўз жамоаси ичида нидо (хитоб) қилиб айтди: «Эй қавмим, Мисрнинг мулки меники эмасми? Бу менинг қасримнинг тагидан (оқиб) ўтадиган анҳорлар меники эмасми? Менинг улуғлигимни ва давлатимнинг дабдабасини кўрмайсизларми? Мен Мусодан улуғ эмасманми? У хор ва беқадр ва ўз гапини равшан айтишга (очиқ баён қилишга) қодир эмасдир. Агар бу улуғ бўлса, нима учун қўлларига тилла ҳалқалар (билагузуклар) солинмади, ёки (у билан) малоикалар ҳамроҳ бўлиб келмади?!»

فَٱسْتَخَفَّ قَوْمَهُۥ فَأَطَاعُوهُ ۚ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ قَوْمًا فَٰسِقِينَ ﴿٥٤﴾ فَلَمَّآ ءَاسَفُونَا ٱنتَقَمْنَا
مِنْهُمْ فَأَغْرَقْنَٰهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٥٥﴾ فَجَعَلْنَٰهُمْ سَلَفًا وَمَثَلًا لِّلْءَاخِرِينَ ﴿٥٦﴾

54-56. Бас, Фиръавн ўз қавмини аҳмоқ қилди. Қавми Фиръавннинг гапига ишониб итоат қилди. Чунки бу қавм динсиз (фосиқ) қавм эди. Вақтики, бу қавм Бизнинг ғазабимизни келтирди. Улардан ўч олиб ҳаммасини дарёга ғарқ қилдик. Кейинги ҳалок бўладиган кофирларнинг
25 жузъ бошлиғи қилдик (ибратли ўтмишга айлантирдик) ва зарбулмасал (мисол) қилиб қўйдик.

۞ وَلَمَّا ضُرِبَ ٱبْنُ مَرْيَمَ مَثَلًا إِذَا قَوْمُكَ مِنْهُ يَصِدُّونَ ﴿٥٧﴾ وَقَالُوٓا۟ ءَأَٰلِهَتُنَا
خَيْرٌ أَمْ هُوَ ۚ مَا ضَرَبُوهُ لَكَ إِلَّا جَدَلًۢا ۚ بَلْ هُمْ قَوْمٌ خَصِمُونَ ﴿٥٨﴾ إِنْ هُوَ إِلَّا عَبْدٌ
أَنْعَمْنَا عَلَيْهِ وَجَعَلْنَٰهُ مَثَلًا لِّبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ﴿٥٩﴾

57-59. Ийсо (алайҳиссалом)нинг қиссалари баён қилинган вақтда Сенинг қавминг хурсанд бўлиб қичқирурлар. *Чунки илгарироқ «Анбиё» сурасида «Кофирлар ва уларнинг ибодат қиладиган бутлари жаҳаннамнинг ўтини», мазмунида оят нозил бўлган эди.* (Шу боис) Қурайш кофирлари хурсандчилик изҳор қилиб айтдиларки: «Ийсо ҳам жаҳаннамнинг ўтини экан, чунки насоролар Ийсога ибодат қилганлар. Бизнинг бутларимиз жаҳаннамда бўлса, Ийсо ҳам бўлади. Ийсо яхшими ёки бизнинг бутимиз яхшими? Балки ҳеч (қандай) фарқи йўқ!» Кофирлар Сенга бу сўзни хусумат қилиб (тортишиш учун) айтдилар. Улар хусумат қилгувчи қавмдир. Ийсо Бизнинг бандаларимиздан бири бўлиб, Биз унга пайғамбарликни инъом қилдик. У (Ийсо) Бани Исроил (қавми) учун Худонинг қудратларидан бир нишона эди.

وَلَوْ نَشَآءُ لَجَعَلْنَا مِنكُم مَّلَٰٓئِكَةً فِى ٱلْأَرْضِ يَخْلُفُونَ ﴿٦٠﴾ وَإِنَّهُۥ لَعِلْمٌ لِّلسَّاعَةِ فَلَا
تَمْتَرُنَّ بِهَا وَٱتَّبِعُونِ ۚ هَٰذَا صِرَٰطٌ مُّسْتَقِيمٌ ﴿٦١﴾ وَلَا يَصُدَّنَّكُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ ۖ إِنَّهُۥ
لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿٦٢﴾

60-62. Эй кофирлар, агар Биз хоҳласак, сизларни ҳалок қилган, ўринларингизга малоикаларни ер юзига олиб келиб, халифа қилган бўлар эдик. *Бунга қудратимиз етар эди. Лекин Аллоҳ таоло ўз ҳикматига мувофиқ инсонни ер юзига халифа қилди.* Албатта, Ийсо Қиёматнинг яқин келишига далилдир. Чунки охирда осмондан тушади. Бас, Қиёматнинг бўлишига (ҳеч) шак-шубҳа қилманглар. Айттил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Менга тобе бўлинглар. Бу (энг) тўғри йўлдир. Сизларнинг динга тобе бўлишларингизга шайтон моне бўлмасин. Чунки шайтон, албатта, сизларга очиқ душмандир».

وَلَمَّا جَآءَ عِيسَىٰ بِٱلْبَيِّنَٰتِ قَالَ قَدْ جِئْتُكُم بِٱلْحِكْمَةِ وَلِأُبَيِّنَ لَكُم بَعْضَ
ٱلَّذِى تَخْتَلِفُونَ فِيهِ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿٦٣﴾ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ رَبِّى وَرَبُّكُمْ فَٱعْبُدُوهُ
هَٰذَا صِرَٰطٌ مُّسْتَقِيمٌ ﴿٦٤﴾

63-64. Вақтики Ийсо (алайҳиссалом) пайғамбар бўлиб, мўъжизалар келтирди ва Бани Исроилга айтдики: «Мен сизларга Худо тарафидан шариат олиб келдим. Ва сизларнинг динда ихтилоф қилаётган масалаларингизни баён қилиб бераман. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менинг сўзимга итоат қилинглар. Албатта, менинг Парвардигорим ва сизларнинг Парвардигорингиз бир (ягона) Аллоҳнинг ўзидир. Шу Аллоҳга ибодат қилинглар. Шу тўғри йўлдир». 25 жузъ

فَٱخْتَلَفَ ٱلْأَحْزَابُ مِنۢ بَيْنِهِمْ فَوَيْلٌ لِّلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ مِنْ عَذَابِ يَوْمٍ أَلِيمٍ ﴿٦٥﴾
هَلْ يَنظُرُونَ إِلَّا ٱلسَّاعَةَ أَن تَأْتِيَهُم بَغْتَةً وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٦٦﴾ ٱلْأَخِلَّآءُ
يَوْمَئِذٍۭ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ إِلَّا ٱلْمُتَّقِينَ ﴿٦٧﴾

65-67. Бани Исроил гуруҳ-гуруҳ бўлиб ихтилоф қилдилар. Бас, ўз нафсларига зулм қилиб, қаттиқ азобга мубтало бўлгувчиларнинг ҳолига вой! Кофирлар Қиёмат кунининг келишига интизор бўладилар. Қиёмат бирдан (тўсатдан) келади. Улар ғофил бўлиб қоладилар. Қиёмат куни дўстларнинг баъзилари баъзиларига душман бўладилар. Магар муттақийлар (тақводорлар) душман бўлмасдан бир-бирларини шафоат қиладилар.

يَٰعِبَادِ لَا خَوْفٌ عَلَيْكُمُ ٱلْيَوْمَ وَلَآ أَنتُمْ تَحْزَنُونَ ﴿٦٨﴾ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا
وَكَانُوا۟ مُسْلِمِينَ ﴿٦٩﴾ ٱدْخُلُوا۟ ٱلْجَنَّةَ أَنتُمْ وَأَزْوَٰجُكُمْ تُحْبَرُونَ ﴿٧٠﴾

68-70. Парвардигор тарафидан нидо қилинади: «Эй муттақий бандаларим! Бу кун сизларга азобдан ҳеч қўрқинч йўқдир. Сизлар ғамгин ҳам бўлмайсизлар». У муттақийлар шундай гуруҳдирларки, Бизнинг оятларимизга иймон келтирганлар ва Бизнинг ҳикматларимизга бўйин эггандирлар. Энди Биз уларга айтамизки: «Аёлларингиз ва тобеларингиз билан хурсанд бўлиб жаннатга киринглар».

يُطَافُ عَلَيْهِم بِصِحَافٍ مِّن ذَهَبٍ وَأَكْوَابٍ وَفِيهَا مَا تَشْتَهِيهِ ٱلْأَنفُسُ وَتَلَذُّ
ٱلْأَعْيُنُ وَأَنتُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿٧١﴾ وَتِلْكَ ٱلْجَنَّةُ ٱلَّتِىٓ أُورِثْتُمُوهَا بِمَا كُنتُمْ
تَعْمَلُونَ ﴿٧٢﴾ لَكُمْ فِيهَا فَٰكِهَةٌ كَثِيرَةٌ مِّنْهَا تَأْكُلُونَ ﴿٧٣﴾

71-73. Аҳли жаннат жаннатга кирганларидан сўнг уларнинг атрофларини ҳурлар айланиб, қўлларида тилла товоқларда ҳар хил таом ва қадаҳларда шароб билан хизмат қиладилар. Жаннатда нафс(кўнгил)-

ларнинг хоҳлаган нарсалари муҳайёдир. Кўзларга яхши кўринган нарсалар тайёрлаб қўйилган. Эй аҳли жаннат, энди сизлар бу жаннатда ҳамиша қоласизлар. Бу жаннат сизларнинг яхши амалларингиз мукофотига (мерос қилиб) берилган. Сизлар учун бу жаннатда ҳар хил мевалар тайёрдир. У мевалардан хоҳлаганларингизча ейсизлар.

إِنَّ ٱلْمُجْرِمِينَ فِى عَذَابِ جَهَنَّمَ خَٰلِدُونَ ﴿٧٤﴾ لَا يُفَتَّرُ عَنْهُمْ وَهُمْ فِيهِ مُبْلِسُونَ
﴿٧٥﴾ وَمَا ظَلَمْنَٰهُمْ وَلَٰكِن كَانُوا۟ هُمُ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٧٦﴾ وَنَادَوْا۟ يَٰمَٰلِكُ لِيَقْضِ عَلَيْنَا
25 жузъ رَبُّكَ قَالَ إِنَّكُم مَّٰكِثُونَ ﴿٧٧﴾

74-77. Албатта, кофирлар жаҳаннам азобида абадий қоладилар. Улардан азоб енгил қилинмайди. Ва азобнинг енгил бўлишидан уларнинг умидлари узилади. Биз кофирларга зулм қилганимиз йўқ. Ва лекин ўзлари ўзларига зулм қилдилар. Дўзах аҳли дўзахнинг муаккалига (масъул фариштасига) нидо қилиб айтадилар: «Парвардигорга биз томонимиздан арз қил. Бизга ўлим берсин». У муаккал айтадики: «Сизлар буни (ўлимни) умид қилманг. Энди сизлар мана шу азобда абадий қоласизлар».

لَقَدْ جِئْنَٰكُم بِٱلْحَقِّ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَكُمْ لِلْحَقِّ كَٰرِهُونَ ﴿٧٨﴾ أَمْ أَبْرَمُوٓا۟ أَمْرًا فَإِنَّا مُبْرِمُونَ
﴿٧٩﴾ أَمْ يَحْسَبُونَ أَنَّا لَا نَسْمَعُ سِرَّهُمْ وَنَجْوَىٰهُم ۚ بَلَىٰ وَرُسُلُنَا لَدَيْهِمْ يَكْتُبُونَ ﴿٨٠﴾

78-80. Парвардигор айтди: «Албатта, Биз сизларга ҳақ динни келтирган эдик. Лекин сизларнинг кўпларингиз Ҳақни ёмон кўрдингизлар *ва пайғамбарларнинг сўзларини эшитмадингизлар*. Балки кофирлар ўз ботил динларида мустаҳкам бўлишга қарор қилгандирлар? Агар ўшандай бўлса, Биз ҳам (албатта), уларга жазо беришга мустаҳкам қарор қилдик. Ёки гумон қиладиларки, Биз дилларида яширган сирларини ва махфий сўзларини эшитмаймизми? (Йўқ!) Ундай гумонлари хатодир! *Албатта, ҳар бир яширган нарсаларини биламиз*. Ва малоикаларимиз улар билан бирга қилган амалларини ёзиб турадилар».

قُلْ إِن كَانَ لِلرَّحْمَٰنِ وَلَدٌ فَأَنَا۠ أَوَّلُ ٱلْعَٰبِدِينَ ﴿٨١﴾ سُبْحَٰنَ رَبِّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ رَبِّ ٱلْعَرْشِ عَمَّا يَصِفُونَ ﴿٨٢﴾ فَذَرْهُمْ يَخُوضُوا۟ وَيَلْعَبُوا۟ حَتَّىٰ يُلَٰقُوا۟
يَوْمَهُمُ ٱلَّذِى يُوعَدُونَ ﴿٨٣﴾

81-83. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Агар Парвардигорнинг боласи бўлганида, мен ҳурмат (ибодат) қилгувчиларнинг биринчиси бўлар эдим. Лекин Аллоҳ таоло кофирлар сифатлаган сифатдан покдир! У осмонлар ва ернинг Парвардигори ва Аршни халқ қилган Парвардигордир». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу кофирларни (ўз ҳолларига) қўйиб қўй, то Аллоҳ таоло тарафидан ваъда қилинган кунга етгунларича (унга юзлангунларича) ботил ишларини давом эттираверсинлар, ўйнаб-кулаверсинлар.

وَهُوَ ٱلَّذِى فِى ٱلسَّمَآءِ إِلَٰهٌ وَفِى ٱلْأَرْضِ إِلَٰهٌ ۚ وَهُوَ ٱلْحَكِيمُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٨٤﴾
وَتَبَارَكَ ٱلَّذِى لَهُۥ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا وَعِندَهُۥ عِلْمُ
ٱلسَّاعَةِ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٨٥﴾

84–85. Аллоҳ таоло шундай Зотки, осмоннинг ҳам Худосидир ва ернинг ҳам Худосидир. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага донодир. Ва ҳам ҳар (бир) тадбири ҳикматли ва улуғдир. У Зот – Парвардигор баракотли-буюкдурким, осмонларнинг ва ернинг подшоҳлиги ва ундаги (улар орасидаги) ашёларнинг тасарруфи Парвардигорнинг ихтиёридадир. Қиёмат (соати) қачон бўлишининг илми (ҳам фақат) Парвардигорга хосдир (Унинг ҳузуридадир). Охир (оқибат) ҳаммангиз Парвардигор тарафига ружу қиласизлар (қайтасизлар). 25 жузъ

وَلَا يَمْلِكُ ٱلَّذِينَ يَدْعُونَ مِن دُونِهِ ٱلشَّفَٰعَةَ إِلَّا مَن شَهِدَ بِٱلْحَقِّ وَهُمْ
يَعْلَمُونَ ﴿٨٦﴾ وَلَئِن سَأَلْتَهُم مَّنْ خَلَقَهُمْ لَيَقُولُنَّ ٱللَّهُ ۖ فَأَنَّىٰ يُؤْفَكُونَ ﴿٨٧﴾
وَقِيلِهِۦ يَٰرَبِّ إِنَّ هَٰٓؤُلَآءِ قَوْمٌ لَّا يُؤْمِنُونَ ﴿٨٨﴾ فَٱصْفَحْ عَنْهُمْ وَقُلْ سَلَٰمٌ ۚ
فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿٨٩﴾

86–89. Парвардигордан бошқа кофирларнинг ибодат қилган «худо»лари Қиёмат куни шафоатга молик (эга) бўлмайдилар. Магар у зотларки, тил билан «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб гувоҳлик бериб, диллари билан тасдиқ қилган бўлсалар, улар мўминларни шафоат қилишга молик бўладилар. У зотларким шафоатга лойиқдурлар, биладиларки, гарчи кофирлар ва мушриклар уларга ибодат қилсалар ҳам – малоикалар ва (Ҳазрати) Ийсо ва (Ҳазрати) Узайрлар шафоатга моликдирлар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар кофирлардан у маъбудларини ким яратгани (ҳақида) савол қилсанг, албатта, айтадиларки: «Аллоҳ халқ қилган». Бас, шундай экан, Аллоҳнинг ибодатини қўйиб, қайси тарафга юз ўгирмоқдалар. Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг: «Эй Парвардигор, бу қавм ҳаргиз иймон келтирмайди», – деган сўзи Бизга маълумдир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен у кофирлардан юз ўгир ва айтки: «Мен таслим (салом) қилиб, сизлар билан видоъ қиламан». Яқинда улар қилган амалларининг жазосини биладилар.

Маккада нозил бўлган бу сура
эллик тўққиз оятдан иборатдир.

25 жузъ *Суранинг номи 10-оятда келган ва «тутун» маъносини англатган «дуҳон» сўзидан олинган. Унда Қуръони каримнинг ҳақ Китоб эканлиги ва унга шубҳа қилувчи мушриклар осмондан «тутун» ёғиладиган кун билан огоҳлантирилишлари баён қилиб берилади. Шунингдек, Мусо ва Фиръавн қиссаси, кофирларга дўзахнинг аламли азоби, мўминларга эса жаннатнинг нозу неъматлари ҳозирлаб қўйилгани ҳақида хабар берилади.*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

حمٓ ﴿١﴾ وَٱلۡكِتَٰبِ ٱلۡمُبِينِ ﴿٢﴾ إِنَّآ أَنزَلۡنَٰهُ فِي لَيۡلَةٖ مُّبَٰرَكَةٍۚ إِنَّا كُنَّا مُنذِرِينَ
﴿٣﴾ فِيهَا يُفۡرَقُ كُلُّ أَمۡرٍ حَكِيمٍ ﴿٤﴾ أَمۡرٗا مِّنۡ عِندِنَآۚ إِنَّا كُنَّا مُرۡسِلِينَ ﴿٥﴾

1-5. Ҳо. Мийм. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Ҳукмлари равшан (очиқ-ойдин) Қуръонга қасамки, Биз уни муборак кечада, *яъни Лайлатул қадр кечасида* нозил қилдик. Биз Қуръонни нозил этиб, кофирларни Қиёматнинг азобидан қўрқитгувчимиз. У муборак кечада Аллоҳ тарафидан ҳукм қилинган ҳар бир ҳикматли нарса жудо қилинади (айрилади), яъни ризқлар (ва бошқа ишлар) тақсим қилинади. Бу нарса Биз тарафимиздан буюрилган (амрдир) ҳукмдир.

رَحۡمَةٗ مِّن رَّبِّكَۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلۡعَلِيمُ ﴿٦﴾ رَبِّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَمَا
بَيۡنَهُمَآۖ إِن كُنتُم مُّوقِنِينَ ﴿٧﴾ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ يُحۡيِۦ وَيُمِيتُۖ رَبُّكُمۡ وَرَبُّ
ءَابَآئِكُمُ ٱلۡأَوَّلِينَ ﴿٨﴾ بَلۡ هُمۡ فِي شَكّٖ يَلۡعَبُونَ ﴿٩﴾

6-9. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз Сени Пайғамбар қилиб олам халқига раҳмат сабаби қилиб юборувчимиз. Аллоҳ таоло бандаларнинг дуоларини эшитгувчи ва ҳолларини (билгувчи) донодир. Агар сизлар яқийн қилиб (ишониб) иймон келтирувчи бўлсангизлар, Аллоҳ таоло еру осмонларнинг ва улар орасидаги нарсаларнинг Парвардигоридир. Бир Худодан бошқа маъбуд йўқ, У тирилтиради ва ўлдиради. Ва У сизларнинг Парвардигорингиз ва ўтиб кетган ота ва боболарингнинг ҳам Парвардигоридир.

Лекин кофирлар тирилишларига ишонмайдилар, ҳамиша гумондадирлар. Балки Қуръонга истеҳзо қиладилар.

فَٱرْتَقِبْ يَوْمَ تَأْتِى ٱلسَّمَآءُ بِدُخَانٍ مُّبِينٍ ﴿١٠﴾ يَغْشَى ٱلنَّاسَ هَٰذَا عَذَابٌ
أَلِيمٌ ﴿١١﴾ رَّبَّنَا ٱكْشِفْ عَنَّا ٱلْعَذَابَ إِنَّا مُؤْمِنُونَ ﴿١٢﴾ أَنَّىٰ لَهُمُ ٱلذِّكْرَىٰ وَقَدْ
جَآءَهُمْ رَسُولٌ مُّبِينٌ ﴿١٣﴾

10-13. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), шундай куннинг (Қиёматнинг) келишига мунтазир бўлки, ўша кун осмон тутун билан зоҳир бўлади ва халқни ўраб олади. Малоикалар: «Бу Худо тарафидан сизларга аламли азобдир», – дейдилар. Кофирлар дуо қилиб айтадилар: «Эй Парвардигоро, бошимиздан бу азобни кўтаргил, кейин биз иймон келтирамиз». Парвардигор айтадики: «Энди бу огоҳлик уларга қаердан келди?» Ваҳоланки, уларга Ҳақни зоҳир қилгувчи Пайғамбар келган эди. 25 жузъ

ثُمَّ تَوَلَّوْا۟ عَنْهُ وَقَالُوا۟ مُعَلَّمٌ مَّجْنُونٌ ﴿١٤﴾ إِنَّا كَاشِفُوا۟ ٱلْعَذَابِ قَلِيلًا
إِنَّكُمْ عَآئِدُونَ ﴿١٥﴾ يَوْمَ نَبْطِشُ ٱلْبَطْشَةَ ٱلْكُبْرَىٰٓ إِنَّا مُنتَقِمُونَ ﴿١٦﴾

14-16. Кейин бу кофирлар унга иймон келтиришдан юз ўгириб: «Бу одамнинг ўзи девона. Бу сўзлар унга ўргатилган», – дедилар. Биз сизлардан бу азобни озгина кўтарувчимиз, лекин сизлар иймон келтирмай, яна ўз куфрларингизга қайтасизлар. (Биз) бу кофирларни қаттиқ тутамиз ва улардан ўч оламиз.

۞ وَلَقَدْ فَتَنَّا قَبْلَهُمْ قَوْمَ فِرْعَوْنَ وَجَآءَهُمْ رَسُولٌ كَرِيمٌ ﴿١٧﴾ أَنْ أَدُّوٓا۟ إِلَىَّ عِبَادَ
ٱللَّهِ إِنِّى لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٨﴾ وَأَن لَّا تَعْلُوا۟ عَلَى ٱللَّهِ إِنِّىٓ ءَاتِيكُم بِسُلْطَٰنٍ مُّبِينٍ ﴿١٩﴾
وَإِنِّى عُذْتُ بِرَبِّى وَرَبِّكُمْ أَن تَرْجُمُونِ ﴿٢٠﴾ وَإِن لَّمْ تُؤْمِنُوا۟ لِى فَٱعْتَزِلُونِ ﴿٢١﴾

17-21. Биз Макка кофирларидан илгари Фиръавн қавмини имтиҳон қилдик ва уларга улуғ Расул келди. *Яъни, Ҳазрати Мусо келиб Фиръавн қавмига айтдики:* «Менга Худонинг бандалари Бани Исроилни топширинглар. Мен сизларга Худо тарафидан келган омонатдор Пайғамбарман. Ва Худога кибр қилманг. Албатта, мен сизларга ўз халқим учун зоҳир ҳужжат олиб келдим. Албатта, мен ўзимнинг ва сизларнинг Парвардигорингиз бўлган бир Аллоҳдан сизларнинг тошбўрон қилишларингиздан паноҳ тилайман. Агар менга иймон келтирмасангизлар, мени алоҳида ўз ҳолимга (қўйиб) қўйинглар».

فَدَعَا رَبَّهُۥٓ أَنَّ هَٰٓؤُلَآءِ قَوْمٌ مُّجْرِمُونَ ﴿٢٢﴾ فَأَسْرِ بِعِبَادِى لَيْلًا إِنَّكُم مُّتَّبَعُونَ
﴿٢٣﴾ وَٱتْرُكِ ٱلْبَحْرَ رَهْوًا إِنَّهُمْ جُندٌ مُّغْرَقُونَ ﴿٢٤﴾

22-24. Сўнгра уларнинг иймон келтиришларидан ноумид бўлиб, Парвардигорга дуо қилиб, уларнинг ҳалокатини сўради. Айтдики: «Бу қавм ўз

куфрларида мустаҳкамдир. Худоё, уларни ҳалок қил!» Парвардигор ҳа-
лок қилди. Сўнгра (Парвардигор) айтди: «Эй Мусо, Менинг бандаларим
— бани Исроилни кечаси Миср шаҳридан олиб чиқиб кетгил. Сизлар
кетганларингиздан кейин Фиръавн лашкарлари билан орқаларингиздан
қувиб боради. *Вақтики дарё (денгиз)га етсанг, асоинг билан дарёга ур,
дарё (денгиз)да сизларга йўл пайдо бўлади. Шу билан дарё (денгиз)дан
ўтиб кетасизлар.* Сўнгра дарёни ўз ҳолига қолдир. Фиръавн лашкари
билан у йўлдан ўтаман деб ғарқ бўлади». *Ҳазрати Мусо (алайҳиссалом)
Худонинг фармони билан дарёдан ўтиб кетди. Фиръавн лашкари билан*
25 жузъ *дарё (денгиз)га ғарқ бўлди.*

كَمْ تَرَكُوا۟ مِن جَنَّٰتٍ وَعُيُونٍ ﴿٢٥﴾ وَزُرُوعٍ وَمَقَامٍ كَرِيمٍ ﴿٢٦﴾ وَنَعْمَةٍ كَانُوا۟ فِيهَا
فَٰكِهِينَ ﴿٢٧﴾ كَذَٰلِكَ ۖ وَأَوْرَثْنَٰهَا قَوْمًا ءَاخَرِينَ ﴿٢٨﴾ فَمَا بَكَتْ عَلَيْهِمُ ٱلسَّمَآءُ
وَٱلْأَرْضُ وَمَا كَانُوا۟ مُنظَرِينَ ﴿٢٩﴾

25-29. Фиръавн ва унинг қавми ҳалок бўлгандан сўнг (ортларида) кўп боғлар, чашмалар, экинлар, яхши қасрлар ва бошқа кўп лаззатланадиган, роҳатланадиган неъматларини қолдириб кетди. Биз бу нарсаларни бошқа қавмларга (мерос қилиб) бердик. *Биз ғайридинларга шундай муомала қиламиз.* Бу Фиръавн қавмининг ҳалок бўлганига осмон ҳам мотам қилиб йиғламади ва ер ҳам бу қавмга муҳлат бермади.

وَلَقَدْ نَجَّيْنَا بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ مِنَ ٱلْعَذَابِ ٱلْمُهِينِ ﴿٣٠﴾ مِن فِرْعَوْنَ ۚ إِنَّهُۥ كَانَ
عَالِيًا مِّنَ ٱلْمُسْرِفِينَ ﴿٣١﴾ وَلَقَدِ ٱخْتَرْنَٰهُمْ عَلَىٰ عِلْمٍ عَلَى ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٣٢﴾ وَءَاتَيْنَٰهُم
مِّنَ ٱلْءَايَٰتِ مَا فِيهِ بَلَٰٓؤٌا۟ مُّبِينٌ ﴿٣٣﴾

30-33. Биз Бани Исроилга Фиръавннинг хор қилувчи азобидан нажот бердик. Чунки Фиръавн мутакаббир, саркаш ва ҳаддидан ошганлардан эди. Биз Бани Исроилни лойиқ билиб, ўз замонасининг халқидан афзал қилдик. Бани Исроилга марҳаматимизга далолат қиладиган кароматлар ато этдик. У кароматларда халқлар ибрат оладиган имтиҳонлар бор эди.

إِنَّ هَٰٓؤُلَآءِ لَيَقُولُونَ ﴿٣٤﴾ إِنْ هِىَ إِلَّا مَوْتَتُنَا ٱلْأُولَىٰ وَمَا نَحْنُ بِمُنشَرِينَ ﴿٣٥﴾ فَأْتُوا۟
بِـَٔابَآئِنَآ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٣٦﴾ أَهُمْ خَيْرٌ أَمْ قَوْمُ تُبَّعٍ وَٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۚ أَهْلَكْنَٰهُمْ ۖ
إِنَّهُمْ كَانُوا۟ مُجْرِمِينَ ﴿٣٧﴾

34-37. Албатта, бу Қурайш кофирлари айтадилар: «Бу бизнинг ўлимимиз, яъни биринчи ўлишимиздир. Бизлар қайтиб тирилмаймиз. Агар сизлар «ўлганлар тирилади», — деб рост айтсангизлар, бизнинг ўлган ота-боболаримизни олиб келтиринглар». Биз айтамизки: «Оё бу Қурайш қавми қувват ва шавкатда, мол ва давлатда яхшироқми ёки Туббаъ қавми ва улардан илгари ўтган ва ҳалок бўлиб кетган қавмлар қувват

лироқ эдими? Ҳаммалари гуноҳкор ва мункир қавм эдилар, Биз уларнинг ҳаммасини ҳалок қилдик».

وَمَا خَلَقْنَا ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا لَٰعِبِينَ ﴿٣٨﴾ مَا خَلَقْنَٰهُمَآ إِلَّا
بِٱلْحَقِّ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٩﴾

38-39. Биз осмонларни, ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни беҳуда ва бефойда халқ қилмадик. Уларнинг ҳаммаси инсон учун хизмат қилади. Ҳаммасини ҳақ ва ростлик билан халқ қилдик. Лекин кўп кофирлар унинг фойдасини (ҳикматини) билмайдилар.

25 жузъ

إِنَّ يَوْمَ ٱلْفَصْلِ مِيقَٰتُهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٤٠﴾ يَوْمَ لَا يُغْنِي مَوْلًى عَن مَّوْلًى شَيْـًٔا
وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ ﴿٤١﴾ إِلَّا مَن رَّحِمَ ٱللَّهُ ۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٤٢﴾
إِنَّ شَجَرَتَ ٱلزَّقُّومِ ﴿٤٣﴾ طَعَامُ ٱلْأَثِيمِ ﴿٤٤﴾ كَٱلْمُهْلِ يَغْلِي فِي ٱلْبُطُونِ ﴿٤٥﴾
كَغَلْيِ ٱلْحَمِيمِ ﴿٤٦﴾

40-46. Албатта, ҳақ ботилдан ажраладиган кун инсонларнинг Маҳшаргоҳда жам бўладиган вақтидир. У кунда бирор дўст ўзининг дўстидан бирор азобни даф қилолмайди. Ҳеч кимга ёрдам ҳам берилмайди. Магар Худо раҳм қилган бандалар бўлса, улар шафоат қилинади (уларга ёрдам берилади). Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан ғолиб ва меҳрибондир. Албатта, дўзахда Заққум дарахтининг мевалари гуноҳкорларнинг ейдиган таомларидир. У эритилган мисга ўхшайди. Қайноқ сув қайнагандек қоринларда қайнайди.

خُذُوهُ فَٱعْتِلُوهُ إِلَىٰ سَوَآءِ ٱلْجَحِيمِ ﴿٤٧﴾ ثُمَّ صُبُّوا۟ فَوْقَ رَأْسِهِۦ مِنْ
عَذَابِ ٱلْحَمِيمِ ﴿٤٨﴾ ذُقْ إِنَّكَ أَنتَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْكَرِيمُ ﴿٤٩﴾ إِنَّ هَٰذَا مَا
كُنتُم بِهِۦ تَمْتَرُونَ ﴿٥٠﴾

47-50. Биз малоикаларга буюрамизки: «Уларни ушланглар (тутинглар) ва дўзах тарафига тортинглар (судранглар). Сўнгра бошларидан қайнаб турган сувни қуйинглар». Малоикалар масхара қилиб айтадилар: «Сен энди бу таомларни егил (тотиб кўр)! Сен энди бизга «азиз» меҳмонсан. У дунёда бу нарсаларга шак қилиб, инкор этар эдинг».

إِنَّ ٱلْمُتَّقِينَ فِي مَقَامٍ أَمِينٍ ﴿٥١﴾ فِي جَنَّٰتٍ وَعُيُونٍ ﴿٥٢﴾ يَلْبَسُونَ مِن سُندُسٍ
وَإِسْتَبْرَقٍ مُّتَقَٰبِلِينَ ﴿٥٣﴾ كَذَٰلِكَ وَزَوَّجْنَٰهُم بِحُورٍ عِينٍ ﴿٥٤﴾ يَدْعُونَ فِيهَا
بِكُلِّ فَٰكِهَةٍ ءَامِنِينَ ﴿٥٥﴾

51-55. Албатта, Худодан қўрқадиганлар Қиёматда амну омонлик жойда сукунат қиладилар. У жой бўстонда ва чашмалар бўйида бўлади. Аҳли

жаннатлар ҳарир либосларнинг нафис ва қалинидан кийиб, тахтларда бир-бирларига рўбарў ўтирадилар. Ана шундай! Уларнинг ҳоллари нозу неъмат (ичи)да бўлади. Уларни ҳурлар билан ҳамроҳ қиламиз. Жаннатда (омонликда) ҳар хил покиза меваларни талаб қиладилар.

لَا يَذُوقُونَ فِيهَا ٱلْمَوْتَ إِلَّا ٱلْمَوْتَةَ ٱلْأُولَىٰ ۖ وَوَقَىٰهُمْ عَذَابَ ٱلْجَحِيمِ ﴿٥٦﴾

فَضْلًا مِّن رَّبِّكَ ۚ ذَٰلِكَ هُوَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿٥٧﴾

25 жузъ

56-57. Улар жаннатда ўлмайдилар, магар бошларидан ўтган биринчи ўлимни (кўрганлар). Аллоҳ таоло уларни дўзах азобидан сақлагандир. Бу ҳаммаси Парвардигорингнинг фазлу марҳаматидир. Уларнинг етган (эришган) мақсадлари улуғ мақсаддир!

فَإِنَّمَا يَسَّرْنَٰهُ بِلِسَانِكَ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿٥٨﴾

فَٱرْتَقِبْ إِنَّهُم مُّرْتَقِبُونَ ﴿٥٩﴾

58-59. Албатта, Биз Қуръонни Сенинг тилингда (араб тилида) нозил қилиб, фаҳмини (тушунилишини) осонлаштирдик. Шоядки халқ ўқиб, маънисига тушуниб, панд ва насиҳат олса. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар кофирлар Сени инкор қилсалар, бас, Сен сабр билан уларнинг бошига келадиган балоларга мунтазир бўл. Кофирлар ҳам Сенинг динингни мағлуб бўлишига мунтазирдирлар.

Маккада нозил бўлган бу сура
ўттиз етти оятдан иборатдир.

Сиранинг номи 28-оятда келган ва Қиёматда тиз чўкиб турувчи маъносини англатувчи «жосия» сўзидан олинган. Бу сура «Шариат» ва «Даҳр» ҳам деб аталади. Сурада Аллоҳнинг бору бирлиги ва фақат Унга сиғиниш лозимлиги, Бани Исроилга берилган неъматлар ва уларнинг ношукурлик қилишлари, ҳою ҳавасларга мубтало бўлганларнинг аянчли оқибати, Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида тиз чўкиб, Унинг ҳукмини кутиб турган инсонларнинг ҳолатлари баён қилиб берилган. 25 жузъ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

حمٓ ﴿١﴾ تَنزِيلُ ٱلۡكِتَٰبِ مِنَ ٱللَّهِ ٱلۡعَزِيزِ ٱلۡحَكِيمِ ﴿٢﴾ إِنَّ فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ
لَأٓيَٰتٖ لِّلۡمُؤۡمِنِينَ ﴿٣﴾ وَفِي خَلۡقِكُمۡ وَمَا يَبُثُّ مِن دَآبَّةٍ ءَايَٰتٞ لِّقَوۡمٖ يُوقِنُونَ ﴿٤﴾

1-4. Ҳо. Мийм. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Бу Қуръоннинг нузули (нозил қилиниши) мудаббир ва ғолиб Парвардигор тарафидандир. Осмонда ва ерда мўминлар учун Худонинг қудратига далил бўладиган нишона (белги)лар бордир. Эй бандалар, ўзларингизнинг халқ бўлишларингизда ва ер юзида ҳаракат қилиб юрган ҳайвонларда Худонинг сунъатига аниқ ишонувчи қавмлар учун далил бўладиган нишоналар бордир.

وَٱخۡتِلَٰفِ ٱلَّيۡلِ وَٱلنَّهَارِ وَمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مِن رِّزۡقٖ فَأَحۡيَا بِهِ ٱلۡأَرۡضَ بَعۡدَ
مَوۡتِهَا وَتَصۡرِيفِ ٱلرِّيَٰحِ ءَايَٰتٞ لِّقَوۡمٖ يَعۡقِلُونَ ﴿٥﴾ تِلۡكَ ءَايَٰتُ ٱللَّهِ نَتۡلُوهَا عَلَيۡكَ
بِٱلۡحَقِّۖ فَبِأَيِّ حَدِيثِۭ بَعۡدَ ٱللَّهِ وَءَايَٰتِهِۦ يُؤۡمِنُونَ ﴿٦﴾

5-6. Ва ҳам кеча ва кундузнинг ўзгаришида (алмашиб туришида) Худонинг қудратига нишоналар (аломатлар) бор. Ва ҳам осмондан Парвардигорнинг бандалари ризқига сабаб бўладиган ёмғирлар нозил қилишида (ёғдиришида) нишоналар бор. Бас, ерлар қуриб қолгандан сўнг Аллоҳ таоло шу ёмғирлар сабабидан у ерларга ҳаёт беришида ва шамол-

ларнинг ер юзида айланишида фикр қиладиган қавмлар учун Худонинг қудратига далил бўладиган нишона (белги)лар бордир. Бу далиллар Худо қудратининг далилларидирки, Сенга Қуръондан ростлик билан тиловат қиламиз. Аллоҳ таолонинг каломи ва оятидан кейин унга ишонмасалар, бошқа қайси гапга ишонадилар?!

وَيْلٌ لِّكُلِّ أَفَّاكٍ أَثِيمٍ ﴿٧﴾ يَسْمَعُ ءَايَـٰتِ ٱللَّهِ تُتْلَىٰ عَلَيْهِ ثُمَّ يُصِرُّ مُسْتَكْبِرًا كَأَن لَّمْ
25 жузъ يَسْمَعْهَا ۖ فَبَشِّرْهُ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٨﴾ وَإِذَا عَلِمَ مِنْ ءَايَـٰتِنَا شَيْـًٔا ٱتَّخَذَهَا هُزُوًا ۚ
أُو۟لَـٰٓئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿٩﴾

7-9. Ҳар бир гуноҳкор ва ёлғончининг ҳолига вой! Улар ўзларига тиловат қилинган Худонинг оятини эшитадилар. Гўёки эшитмагандек бўлиб, кибр билан ўз гапларида мустаҳкам турадилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен уларга қаттиқ азобдан башорат бер! У кофирлар Бизнинг оятимиздан бирор нарсани билсалар, уни масхара қиладилар. Уларга Худо тарафидан хор қилувчи азоб муқаррардир.

مِّن وَرَآئِهِمْ جَهَنَّمُ ۖ وَلَا يُغْنِى عَنْهُم مَّا كَسَبُوا۟ شَيْـًٔا وَلَا مَا ٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِ ٱللَّهِ
أَوْلِيَآءَ ۖ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١٠﴾ هَـٰذَا هُدًى ۖ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِـَٔايَـٰتِ رَبِّهِمْ لَهُمْ
عَذَابٌ مِّن رِّجْزٍ أَلِيمٌ ﴿١١﴾

10-11. Бу мункирларнинг бу дунёдан кейин у тарафларида (ортларида) жаҳаннам турибди. Уларнинг топган дунёлари улардан бирор азобни даф қилолмайди. Худодан бошқа дўст тутиб ибодат қилган бутлари ҳам ҳеч бир фойда бермайди. Уларга қаттиқ азоб муқаррардир. Бу Қуръон халқни ҳидоят қилгувчидир. Лекин Худонинг оятига мункир бўлганларга энг қаттиқ азоб муҳайёдир.

۞ ٱللَّهُ ٱلَّذِى سَخَّرَ لَكُمُ ٱلْبَحْرَ لِتَجْرِىَ ٱلْفُلْكُ فِيهِ بِأَمْرِهِۦ وَلِتَبْتَغُوا۟ مِن فَضْلِهِۦ
وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٢﴾ وَسَخَّرَ لَكُم مَّا فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ جَمِيعًا مِّنْهُ ۚ
إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَـَٔايَـٰتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿١٣﴾

12-13. Аллоҳ таоло шундай Зотки, сизларга дарё (денгиз)ларни мусаххар қилди. Худонинг амри билан кемаларингиз у дарё (денгиз)да ҳаракат қилади. Ва Аллоҳнинг фазли билан сизлар у кемаларда юриб ризқларингизни талаб қиласизлар (истайсизлар). Шоядки сизлар Худонинг бу неъматларига шукр қилсангизлар. Ва сизларга осмонлардаги малоикаларни ва ердаги нарсаларнинг ҳаммасини (Ўз томонидан) бўйсундириб қўйди. *Ҳаммаси сизларнинг фойдангизга хизмат қилади.* Албатта, бу мусаххар қилишларда фикр қилувчи қавмлар учун Худонинг марҳаматига нишоналар бордир.

قُل لِّلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ يَغْفِرُوا۟ لِلَّذِينَ لَا يَرْجُونَ أَيَّامَ ٱللَّهِ لِيَجْزِىَ قَوْمًۢا بِمَا
كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿١٤﴾ مَنْ عَمِلَ صَٰلِحًا فَلِنَفْسِهِۦ ۖ وَمَنْ أَسَآءَ فَعَلَيْهَا ۖ ثُمَّ إِلَىٰ
رَبِّكُمْ تُرْجَعُونَ ﴿١٥﴾

14-15. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мўминларга айтгил: «Худонинг Қиёмат кунлари, яъни азоб берадиган кунларидан қўрқмайдиган ва (раҳматидан) умид ҳам қилмайдиган одамларни кечирсинлар. *Яъни, мўминлар кофирларнинг берган азиятлари учун улардан ўч олишни фикр қилмасинлар.* Чунки Аллоҳ таоло ҳар бир қавмнинг қилган амалига лойиқ жазо беради. Ҳар кимки яхши амал қилса, ўз нафсининг фойдасига амал қилади. Ва ҳар кимки ёмон амал қилса, ўз нафсининг зараригадир. Сўнгра сизлар Парвардигорингиз тарафига қайтарилисизлар». 25 жузъ

وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ٱلْكِتَٰبَ وَٱلْحُكْمَ وَٱلنُّبُوَّةَ وَرَزَقْنَٰهُم مِّنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ
وَفَضَّلْنَٰهُمْ عَلَى ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٦﴾ وَءَاتَيْنَٰهُم بَيِّنَٰتٍ مِّنَ ٱلْأَمْرِ ۖ فَمَا ٱخْتَلَفُوٓا۟ إِلَّا مِنۢ
بَعْدِ مَا جَآءَهُمُ ٱلْعِلْمُ بَغْيًۢا بَيْنَهُمْ ۚ إِنَّ رَبَّكَ يَقْضِى بَيْنَهُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ فِيمَا
كَانُوا۟ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿١٧﴾

16-17. (Албатта), Биз Бани Исроилга Таврот китобини бердик, ҳукмронликни ва пайғамбарликни ато қилдик. Ва уларга покиза ризқлар бердик. Уларни ўз замоналари аҳлидан улуғ қилдик. Уларга дин тўғрисида равшан (очиқ-ойдин) далиллар (ҳужжатлар) бердик. Бас, улар ҳаққа (динларининг ҳақлигига) илм ҳосил қилганларидан сўнг ўз ораларида ҳасад қилиб ихтилоф этдилар. Албатта, Парвардигоринг Қиёмат куни уларнинг ихтилоф қилган масалалари ҳақида ўрталарида ҳукм қилади.

ثُمَّ جَعَلْنَٰكَ عَلَىٰ شَرِيعَةٍ مِّنَ ٱلْأَمْرِ فَٱتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَآءَ ٱلَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٨﴾
إِنَّهُمْ لَن يُغْنُوا۟ عَنكَ مِنَ ٱللَّهِ شَيْـًٔا ۚ وَإِنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَآءُ بَعْضٍ ۖ وَٱللَّهُ وَلِىُّ
ٱلْمُتَّقِينَ ﴿١٩﴾ هَٰذَا بَصَٰٓئِرُ لِلنَّاسِ وَهُدًى وَرَحْمَةٌ لِّقَوْمٍ يُوقِنُونَ ﴿٢٠﴾

18-20. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Бани Исроилдан кейин Сенга динда бир равшан йўл (шариат) муқаррар қилдик. Албатта, Сен шу йўлдан юр, жоҳилларнинг хоҳишларига тобе бўлма. Чунки агар Сенга Худо тарафидан бало келса, улар Сендан балони қайтаролмайдилар. Золимлар бир-бирларига дўст бўлади. Ва муттақийларнинг (тақводорларнинг) дўсти эса Парвардигордир. Ушбу Қуръон Худони таниш учун халққа очиқ далилдир, (Худога ва унинг Китобига) яқийн қилувчиларга (ишонувчиларга) Худо тарафидан ҳидоят ва раҳматдир.

أَمْ حَسِبَ ٱلَّذِينَ ٱجْتَرَحُوا۟ ٱلسَّيِّـَٔاتِ أَن نَّجْعَلَهُمْ كَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟
ٱلصَّـٰلِحَـٰتِ سَوَآءً مَّحْيَاهُمْ وَمَمَاتُهُمْ ۚ سَآءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴿٢١﴾ وَخَلَقَ ٱللَّهُ
ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ بِٱلْحَقِّ وَلِتُجْزَىٰ كُلُّ نَفْسٍۭ بِمَا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا
يُظْلَمُونَ ﴿٢٢﴾

25 жузъ 21–22. Оё, бу дунёда куфр ва фисқни касб қиладиган гуруҳлар уларни яхши амал қилувчи мўминлар билан бирга азиз ва мукаррам қилишимизни гумон қиладиларми? Уларнинг бу ҳукмлари ниҳоятда хато ва ёмондир. Шунинг учунки, уларнинг ҳаётлари ва мамотлари баробардир. Яъни, куфр билан ўлганлар куфр билан маҳшур бўлади (тирилади) ва иймон билан ўлганлар иймон билан бўлади (тирилади). Ҳар бир гуруҳ қилган амалига мувофиқ жазо олади. Аллоҳ таоло осмонлар ва ерни адолат ва ҳикмат билан халқ қилди. Албатта, Қиёмат кунида ҳар бир кишига қилган касбига мувофиқ адолат билан жазо берилади. Уларга зулм қилинмайди.

أَفَرَءَيْتَ مَنِ ٱتَّخَذَ إِلَـٰهَهُۥ هَوَىٰهُ وَأَضَلَّهُ ٱللَّهُ عَلَىٰ عِلْمٍ وَخَتَمَ عَلَىٰ سَمْعِهِۦ وَقَلْبِهِۦ
وَجَعَلَ عَلَىٰ بَصَرِهِۦ غِشَـٰوَةً فَمَن يَهْدِيهِ مِنۢ بَعْدِ ٱللَّهِ ۚ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿٢٣﴾ وَقَالُوا۟ مَا
هِىَ إِلَّا حَيَاتُنَا ٱلدُّنْيَا نَمُوتُ وَنَحْيَا وَمَا يُهْلِكُنَآ إِلَّا ٱلدَّهْرُ ۚ وَمَا لَهُم بِذَٰلِكَ مِنْ
عِلْمٍ ۖ إِنْ هُمْ إِلَّا يَظُنُّونَ ﴿٢٤﴾

23–24. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу кофирларнинг ўз нафсоний хоҳишларини ўзларига «худо» қилиб олганларини кўрдингми? Ана ўшанинг фармонини бажо келтирадилар. Аллоҳ таоло уларнинг бовужуд (гарчи) илмлари бўлса-да, (билиб туриб) гумроҳ қилган, қулоқларига ва дилларига муҳр босиб, кўзларига парда тортган. Улар ҳақни кўрмайдилар ва билмайдилар. Бир кишини Худо гумроҳ қилгандан кейин ким уни ҳидоят қила олади? Сизлар уларнинг ҳолларидан ибрат олмайсизларми? Қиёматта мункир бўлганлар айтадики: «Бизга фақат шу дунёдаги ҳаёт холос, бошқа ҳаёт йўқдир. Биз туғиламиз ва ҳаёт кечирамиз, сўнгра ўламиз. Бизни фақат замоннинг ўтиши ўлдиради». Улар бу гапларни ҳужжатсиз ва далилсиз гапирадилар. Уларнинг сўзлари гумондан бошқа нарса эмас.

وَإِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ ءَايَـٰتُنَا بَيِّنَـٰتٍ مَّا كَانَ حُجَّتَهُمْ إِلَّآ أَن قَالُوا۟ ٱئْتُوا۟ بِـَٔابَآئِنَآ إِن
كُنتُمْ صَـٰدِقِينَ ﴿٢٥﴾ قُلِ ٱللَّهُ يُحْيِيكُمْ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يَجْمَعُكُمْ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَـٰمَةِ لَا
رَيْبَ فِيهِ وَلَـٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢٦﴾ وَلِلَّهِ مُلْكُ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ
وَيَوْمَ تَقُومُ ٱلسَّاعَةُ يَوْمَئِذٍ يَخْسَرُ ٱلْمُبْطِلُونَ ﴿٢٧﴾

25-27. Вақтики, Қиёматга мункир (бўлган) кофирларга Қиёмат хусусида келган оятларимиз тиловат қилинса, кофирларнинг ҳужжатлари фақат шу бўладики: «Эй мўминлар, (агар) Қиёмат бўлади, деб рост айтсангизлар, бизнинг ўлган ота-боболаримизни олиб келинглар?!» *Биз шунда ишонамиз, (дейдилар).* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга: «Аллоҳ таоло сизларни тирилтиради ва ўлдиради, сўнгра яна қабрларингиздан тирилтириб чиқаради. Сўнгра Қиёмат куни сизларни жам қилади ва амалларингизга яраша жазо беради. Бунга ҳеч қандай шак ва шубҳа йўқ», – деб айтгил. Лекин одамларнинг кўплари жоҳилдир, билмайдилар. Ер ва осмонларнинг подшоҳлиги (мулки) Худоникидир. Қиёмат қоим бўлган кунда ҳам ҳукм Худоникидир. У кун ботил динда бўлганлар зиён тортадилар. **25** жузъ

وَتَرَىٰ كُلَّ أُمَّةٍ جَاثِيَةً ۚ كُلُّ أُمَّةٍ تُدْعَىٰ إِلَىٰ كِتَابِهَا ٱلْيَوْمَ تُجْزَوْنَ مَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٢٨﴾
هَٰذَا كِتَابُنَا يَنطِقُ عَلَيْكُم بِٱلْحَقِّ ۚ إِنَّا كُنَّا نَسْتَنسِخُ مَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٢٩﴾ فَأَمَّا
ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فَيُدْخِلُهُمْ رَبُّهُمْ فِى رَحْمَتِهِۦ ۚ ذَٰلِكَ هُوَ
ٱلْفَوْزُ ٱلْمُبِينُ ﴿٣٠﴾ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَفَلَمْ تَكُنْ ءَايَٰتِى تُتْلَىٰ عَلَيْكُمْ فَٱسْتَكْبَرْتُمْ
وَكُنتُمْ قَوْمًا مُّجْرِمِينَ ﴿٣١﴾

28-31. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қиёмат куни Қиёматнинг ҳайбатидан ҳар бир гуруҳни (умматни) тиззалари билан ўтирган (тиз чўккан) ҳолда кўрасан. Сўнгра ҳар бир гуруҳ номаи аъмолларини олишга чақирилади. Малоикалар тарафидан айтиладики: «Бугун сизларга амалларингизга яраша жазо берилади. Мана бу ёзган номаи аъмолимиз сизларга ростлик билан амалларингизни кўрсатиб беради. Албатта, Биз сизларнинг амалларингизни бу номага ёзиб турган эдик». *Энди халқ икки гуруҳга бўлинади.* Иймон келтириб, яхши амаллар қилган гуруҳни Парвардигор раҳматига дохил қилиб, жаннатини муяссар қилади. Улар улуғ мақсадларига етадилар. Лекин кофир бўлган гуруҳга Худо тарафидан айтиладики: «Сизларга Менинг оятларим тиловат қилинмаганмиди? *Нима учун иймон келтирмадингизлар?* Бас, кибр қилдингизлар ва гуноҳкор қавмга қўшилдингизлар. *Энди азоб тортишларингиз керак».*

وَإِذَا قِيلَ إِنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ وَٱلسَّاعَةُ لَا رَيْبَ فِيهَا قُلْتُم مَّا نَدْرِى مَا ٱلسَّاعَةُ إِن
نَّظُنُّ إِلَّا ظَنًّا وَمَا نَحْنُ بِمُسْتَيْقِنِينَ ﴿٣٢﴾ وَبَدَا لَهُمْ سَيِّـَٔاتُ مَا عَمِلُوا۟ وَحَاقَ بِهِم
مَّا كَانُوا۟ بِهِۦ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٣٣﴾

32-33. Вақтики кофирларга: «Аллоҳ таолонинг ваъдаси ҳақ ва Қиёматнинг келишига ҳеч шак ва шубҳа йўқ», – деб айтилса, улар: «Биз Қиёмат (соати) нима – билмаймиз. Биз сизларнинг гумонларингизга ўхшаш гумон қиламиз, *ҳеч қайсимиз кўзимиз билан кўрганимиз йўқ.* Биз аниқ

ишонгувчи эмасмиз», – дейишарди. Қиёмат куни уларга ёмон амаллари зоҳир бўлади. Ва уларни масхара қилган амалларининг азоби ўраб олади.

وَقِيلَ ٱلْيَوْمَ نَنسَىٰكُمْ كَمَا نَسِيتُمْ لِقَآءَ يَوْمِكُمْ هَـٰذَا وَمَأْوَىٰكُمُ ٱلنَّارُ وَمَا لَكُم مِّن
نَّـٰصِرِينَ ﴿٣٤﴾ ذَٰلِكُم بِأَنَّكُمُ ٱتَّخَذْتُمْ ءَايَـٰتِ ٱللَّهِ هُزُوًا وَغَرَّتْكُمُ ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا ۚ
فَٱلْيَوْمَ لَا يُخْرَجُونَ مِنْهَا وَلَا هُمْ يُسْتَعْتَبُونَ ﴿٣٥﴾ فَلِلَّهِ ٱلْحَمْدُ رَبِّ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ
25 жузъ وَرَبِّ ٱلْأَرْضِ رَبِّ ٱلْعَـٰلَمِينَ ﴿٣٦﴾ وَلَهُ ٱلْكِبْرِيَآءُ فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ
وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٣٧﴾

34-37. Кофирларга айтиладики: «Бу кун сизларни меҳрибонлик билан ёд қилмаймиз. Чунки сизлар (ҳам) у дунёда бу куннинг келишини эсларингиздан чиқарган эдингизлар. Энди сизларнинг жойларингиз дўзахдир ва сизларга ҳеч ёрдам бергувчилар бўлмайди. Бу азоблар сизларга шунинг учунки, Худонинг оятларини масхара қилдингизлар ва дунё ҳаёти сизларни мағрур қилиб қўйди». Бас, энди бугун улар дўзахдан чиқарилмайдилар ва улардан узрхоҳлик ҳам қабул қилинмайди. Тамоми яхшиликлар (барча ҳамду сано) осмонлару ерни халқ қилувчи ва барча оламлар Парвардигори – бир Аллоҳнинг ўзига хосдир. Осмонлар ва ердаги улуғлик у Парвардигорга хосдир. У ҳамма нарсада ғолиб ва У ҳар бир феълида мудаббирдир.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ ЖУЗЪ

Маккада нозил бўлган бу сура
ўттиз беш оятдан иборатдир. 26 жузъ

Од қавми яшайдиган жойларда шамоллар «аҳқоф» деб номланган қум тепаликларини пайдо қиларди. Бу сурада худди шу қавм яшаган жой ва қум тепалар, Куч-қувватига мағрур бўлган Од қавми Ҳуд алайҳиссаломнинг даъватини қабул қилмай, ҳалокатга дучор бўлгани ҳақида сўз боргани боис «ал-Аҳқоф» номини олган.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

حمٓ ۝١ تَنزِيلُ ٱلۡكِتَٰبِ مِنَ ٱللَّهِ ٱلۡعَزِيزِ ٱلۡحَكِيمِ ۝٢

1-2. Ҳо. Миийм. *Бу (муқаттаот) ҳарфлар маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Улардан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Қуръонни нозил қилмоқлик Аллоҳ таоло тарафиданки, У ҳамма нарсадан ғолиб ва мудаббирдир.

مَا خَلَقۡنَا ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ وَمَا بَيۡنَهُمَآ إِلَّا بِٱلۡحَقِّ وَأَجَلٖ مُّسَمّٗىۚ وَٱلَّذِينَ
كَفَرُواْ عَمَّآ أُنذِرُواْ مُعۡرِضُونَ ۝٣

3. Биз ерни, осмонларни ва улар ўртасидаги нарсаларни рост тадбир билан, муайян вақт билан халқ қилдик, кейин (яна Бизнинг изнимиз билан) йўқ бўлади. Кофирлар ўзлари қўрқитилган охиратнинг азобини инкор қиладилар.

قُلۡ أَرَءَيۡتُم مَّا تَدۡعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ أَرُونِي مَاذَا خَلَقُواْ مِنَ ٱلۡأَرۡضِ أَمۡ لَهُمۡ
شِرۡكٞ فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِۖ ٱئۡتُونِي بِكِتَٰبٖ مِّن قَبۡلِ هَٰذَآ أَوۡ أَثَٰرَةٖ مِّنۡ عِلۡمٍ إِن
كُنتُمۡ صَٰدِقِينَ ۝٤

4. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Бир (ягона) Аллоҳни (қўйиб), бошқа ибодат қилаётган илоҳларингизнинг ҳолидан менга хабар беринглар-чи ва менга кўрсатинглар-чи, улар Ердан нима нарсани

халқ қиладилар? Ва улар нима нарсага қодирлар? Ёки осмонларни халқ қилишда Худога шерикликлари борми? Агар (гапларинг рост бўлса, ушбу Қуръондан) илгари бирор китобга ёзилган бўлса ёки бирор илм (илмий асар) сизларга қолган бўлса, олиб келиб, менга кўрсатинглар-чи?»

وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّن يَدْعُوا مِن دُونِ اللَّهِ مَن لَّا يَسْتَجِيبُ لَهُ إِلَىٰ يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَهُمْ
عَن دُعَائِهِمْ غَافِلُونَ ﴿٥﴾ وَإِذَا حُشِرَ النَّاسُ كَانُوا لَهُمْ أَعْدَاءً وَكَانُوا بِعِبَادَتِهِمْ
26 жузъ كَافِرِينَ ﴿٦﴾ وَإِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ آيَاتُنَا بَيِّنَاتٍ قَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِلْحَقِّ لَمَّا جَاءَهُمْ
هَٰذَا سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿٧﴾

5-7. Худодан тониб (Худони қўйиб), бошқа бутларга ибодат қиладиган, Қиёматгача бутларидан мақсадларини талаб қилиб, дуо (илтижо) қилсалар ҳам, улар («илоҳ»лари) дуоларини ижобат этмайдиганлардан кўра гумроҳ ва адашганроқ кимса борми? Балки (ваҳоланки у бутлар кофир ва мушрикларнинг) дуоларидан ҳам ғофилдирлар. Маҳшаргоҳда бу кофирлар бирла бутлари жам қилинса, бу «худо»лари уларга душман бўлади. Ва уларнинг ибодатларига мункир бўладилар. Вақтики бу кофирларга Бизнинг равшан оятларимиз тиловат қилинса, кофирлар Қуръоннинг шаънига: «Бу очиқ сеҳрдир», — деб бўҳтон қиладилар.

أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَاهُ ۖ قُلْ إِنِ افْتَرَيْتُهُ فَلَا تَمْلِكُونَ لِي مِنَ اللَّهِ شَيْئًا ۖ هُوَ أَعْلَمُ
بِمَا تُفِيضُونَ فِيهِ ۖ كَفَىٰ بِهِ شَهِيدًا بَيْنِي وَبَيْنَكُمْ ۖ وَهُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ ﴿٨﴾

8. *Бу гап билан ҳам бас қилмай*, яна: «Буни Муҳаммад (алайҳиссалом)-нинг ўзи ёлғондан тўқиган», — деб айтадилар. Уларга айтгил: «Агар Мен Худонинг шаънига ёлғондан тўқиган бўлсам, бу қилган гуноҳимга Худо азоб берса, сизлар Худонинг азобини қайтаришга қодир эмассизлар. Аллоҳ таоло сизларнинг ташу (зоҳир ва) ботинларингизга донодир. Сизлар билан менинг ўртамиздаги муомалаларга Худонинг гувоҳлиги етарлидир (кифоя қилади)». Аллоҳ таоло кечиргувчи ва меҳрибондир.

قُلْ مَا كُنتُ بِدْعًا مِّنَ الرُّسُلِ وَمَا أَدْرِي مَا يُفْعَلُ بِي وَلَا بِكُمْ ۖ إِنْ أَتَّبِعُ إِلَّا مَا
يُوحَىٰ إِلَيَّ وَمَا أَنَا إِلَّا نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٩﴾ قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِن كَانَ مِنْ عِندِ اللَّهِ وَكَفَرْتُم بِهِ
وَشَهِدَ شَاهِدٌ مِّن بَنِي إِسْرَائِيلَ عَلَىٰ مِثْلِهِ فَآمَنَ وَاسْتَكْبَرْتُمْ ۖ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي
الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿١٠﴾

9-10 Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Мен пайғамбарлардан янги (биринчи) Пайғамбар эмасман. *Мендан илгари ҳам пайғамбарлар келганлар. Ваҳоланки, сизлар менинг пайғамбарлигимдан таажжуб қиласизлар.* Аллоҳ тарафидан менга қандай муомала қилинишини ва сизларга қандай муомала қилинишини Мен билмайман. Мен (фақат) Худо тарафидан (ўзимга) юборилган ваҳийга амал қиламан. Ва Мен сизларни

Худонинг азобидан қўрқитгувчиман (холос)». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), (улардан сўра): «Эй аҳли китоб, айтинглар-чи, агар Қуръон Худо тарафидан нозил этилган бўлса-ю, сизлар унга мункир бўлсангизлар, (ваҳоланки), Бани Исроилдан бир гувоҳ (Абдуллоҳ ибн Салом) унинг (Қуръонга ўхшаш китобнинг) ҳақлигига гувоҳлик берди. Бас, у шахс Қуръонга иймон келтирди ва сизлар унга мункир бўлиб, кибр қилиб имон келтирмадингизлар. *Бас, бу ҳолда сизлар золим эмасмисизлар?! Албатта, золимдирсизлар.* Албатта, Аллоҳ таоло золимларни ҳидоят қилмайди».

وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَوْ كَانَ خَيْرًا مَّا سَبَقُونَآ إِلَيْهِ ۚ وَإِذْ لَمْ يَهْتَدُوا۟ 26 жузь
بِهِۦ فَسَيَقُولُونَ هَٰذَآ إِفْكٌ قَدِيمٌ ﴿١١﴾ وَمِن قَبْلِهِۦ كِتَٰبُ مُوسَىٰٓ إِمَامًا وَرَحْمَةً ۚ
وَهَٰذَا كِتَٰبٌ مُّصَدِّقٌ لِّسَانًا عَرَبِيًّا لِّيُنذِرَ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ وَبُشْرَىٰ لِلْمُحْسِنِينَ ﴿١٢﴾

11-12. Кофирлар мўминларнинг шаънларига айтдиларки: «Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг дини ҳақ бўлганда эди, (анави фақиру ҳақир) мусулмонлар биздан илгари иймон келтирмаган бўлар эди». Вақтики, (шаккокликлари, кибру ҳаволари туфайли) бу диннинг ҳақлигига Худо тарафидан ҳидоят топишмагач, энди айтадилар: «Бу қадимдан келган ёлғондир». Бу Қуръондан аввал Мусога Таврот келган ва халққа ҳидоят ва раҳматнинг сабаби бўлган эди. Бу Қуръон ҳам Тавротни (ва бошқа илоҳий китобларни) тасдиқ қилгувчидир. Қуръон араб тилида нозил бўлди, токи мушриклар фаҳмласинлар ва уларга панд ва насиҳат бўлсин ва уларни Худонинг азобидан қўрқитсин. Ва яхшиларга (жаннатдан) башорат бўлсин.

إِنَّ ٱلَّذِينَ قَالُوا۟ رَبُّنَا ٱللَّهُ ثُمَّ ٱسْتَقَٰمُوا۟ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿١٣﴾
أُو۟لَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلْجَنَّةِ خَٰلِدِينَ فِيهَا جَزَآءًۢ بِمَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٤﴾

13-14. Албатта, ул гуруҳларки: «Парвардигоримиз ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидир», — дедилар, сўнгра то ўлгунларича шу сўзларида истиқомат қилдилар (мустаҳкам турдилар) ва иймон билан кетдилар, Қиёматда уларга ҳеч қандай хавф йўқдир ва улар ғамгин ҳам бўлмайдилар. Улар жаннат аҳлидирлар, қилган амалларининг бадалига жаннатда ҳамиша турувчидирлар (қолувчидирлар).

وَوَصَّيْنَا ٱلْإِنسَٰنَ بِوَٰلِدَيْهِ إِحْسَٰنًا ۖ حَمَلَتْهُ أُمُّهُۥ كُرْهًا وَوَضَعَتْهُ كُرْهًا ۖ وَحَمْلُهُۥ
وَفِصَٰلُهُۥ ثَلَٰثُونَ شَهْرًا ۚ حَتَّىٰٓ إِذَا بَلَغَ أَشُدَّهُۥ وَبَلَغَ أَرْبَعِينَ سَنَةً قَالَ رَبِّ أَوْزِعْنِىٓ
أَنْ أَشْكُرَ نِعْمَتَكَ ٱلَّتِىٓ أَنْعَمْتَ عَلَىَّ وَعَلَىٰ وَٰلِدَىَّ وَأَنْ أَعْمَلَ صَٰلِحًا تَرْضَىٰهُ
وَأَصْلِحْ لِى فِى ذُرِّيَّتِىٓ ۖ إِنِّى تُبْتُ إِلَيْكَ وَإِنِّى مِنَ ٱلْمُسْلِمِينَ ﴿١٥﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ
نَتَقَبَّلُ عَنْهُمْ أَحْسَنَ مَا عَمِلُوا۟ وَنَتَجَاوَزُ عَن سَيِّـَٔاتِهِمْ فِىٓ أَصْحَٰبِ ٱلْجَنَّةِ ۖ وَعْدَ
ٱلصِّدْقِ ٱلَّذِى كَانُوا۟ يُوعَدُونَ ﴿١٦﴾

15-16. Биз инсонга ота-оналарига яхшилик қилиш тўғрисида амр қилдик. Чунки она (боласи)ни қорнида машаққат билан кўтариб юриб, кейин машаққат билан туғади. У ҳомила бўлганидан сўнг то сутдан ажралгунча ўттиз ой ўтади. *Шу ўттиз ой ичида ва шундан кейин ҳам ота-онаси то боласи қувват олиб балоғатга етгунича уни машаққат билан тарбия қилади.* Сўнгра у вояга етиб, қирқ ёшига етганида *интиҳо (энг етук) даражада ақлу ҳуши ва аъзолари (ҳам) камолга етади. Сўнгра Худо тарафидан ҳидоят ва тавфиқ топиб, Парвардигорга* дуо қилади: «Эй Парвардигоро! Менга илҳом қилгил, Сен менга инъом қилган ва ота-
26 жузъ онамга ато этган неъматларингга шукр қилай. Ва ҳам менга тавфиқ бергинки, Сен рози бўладиган яхши амаллар қилай. Менинг бола-чақаларимни ҳам солиҳ қилгил. Мен Сенга тавба қилдим ва Сенинг ҳукмингга бўйин эгувчилларданман». Бу гуруҳнинг яхши амалларини Биз қабул қиламиз ва гуноҳларини кечириб, жаннат аҳлидан қиламиз. Бу (уларга) Бизнинг тарафимиздан берилган рост ваъдалардандир. *Албатта, Биз (ваъдамизга) вафо қиламиз.*

وَٱلَّذِى قَالَ لِوَٰلِدَيْهِ أُفٍّ لَّكُمَآ أَتَعِدَانِنِىٓ أَنْ أُخْرَجَ وَقَدْ خَلَتِ ٱلْقُرُونُ مِن قَبْلِى
وَهُمَا يَسْتَغِيثَانِ ٱللَّهَ وَيْلَكَ ءَامِنْ إِنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ فَيَقُولُ مَا هَٰذَآ إِلَّآ أَسَٰطِيرُ
ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٧﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ حَقَّ عَلَيْهِمُ ٱلْقَوْلُ فِىٓ أُمَمٍ قَدْ خَلَتْ مِن قَبْلِهِم مِّنَ
ٱلْجِنِّ وَٱلْإِنسِ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ خَٰسِرِينَ ﴿١٨﴾ وَلِكُلٍّ دَرَجَٰتٌ مِّمَّا عَمِلُوا۟ وَلِيُوَفِّيَهُمْ
أَعْمَٰلَهُمْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿١٩﴾

17-19. Ва у кишики ўз ота-онасига айтди: «Афсус сизларга! Сизлар менга гўрдан қайтиб тирилиб чиқишимнинг ваъдасини берасизларми? Ваҳоланки, мендан илгари кўп гуруҳлар ўтиб кетган-ку? *Уларнинг бирортаси ҳам қайтиб келганлари йўқ»*. Ота-оналари Парвардигорга дод-фарёд қилиб, айтдиларки: «Вой сенга, охиратга ишонгил, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир». Ўғли: «Бу хилдаги сўзлар аввалгиларнинг афсоналаридир», — деб жавоб беради. Бу гуруҳга ҳам ўзидан аввал ўтган, *Худонинг ғазабига мубтало бўлган* инсу жинлардан иборат гуруҳ (тоифа)лар қатори Аллоҳнинг азоб қилиш ҳукми собит бўлгандир. Албатта, ҳаммалари ўзларига зиён қилгувчилардан бўлдилар. Қиёматда ҳар бир фирқанинг амалига яраша (даража) мартабалари бордир. Аллоҳ таоло амалларининг ажрини ёки жазосини комил (қилиб) беради: яхши бўлса, яхши ажр, ёмон бўлса, ёмон жазо беради. Уларга зулм қилинмайди.

وَيَوْمَ يُعْرَضُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ عَلَى ٱلنَّارِ أَذْهَبْتُمْ طَيِّبَٰتِكُمْ فِى حَيَاتِكُمُ ٱلدُّنْيَا
وَٱسْتَمْتَعْتُم بِهَا فَٱلْيَوْمَ تُجْزَوْنَ عَذَابَ ٱلْهُونِ بِمَا كُنتُمْ تَسْتَكْبِرُونَ فِى ٱلْأَرْضِ بِغَيْرِ
ٱلْحَقِّ وَبِمَا كُنتُمْ تَفْسُقُونَ ﴿٢٠﴾

20. Кофирлар дўзахга рўбарў қилинган кунда малоикалар тарафидан айтилади: «Эй кофирлар, дунёда кечирган ҳаётларингизда дунёнинг лаззатларидан роҳат кўриб, охиратга қолдирмасдан, ҳаммасини (тотиб) тамом қилдингизлар. *Энди охиратдаги роҳатдан насибаларингиз йўқ.* Энди бу кун Ер юзида кибру (ҳаво) қилганларингиз бадалига ва фисқу (фужур) қилганларингиз эвазига хор қилгувчи азобга мубтало бўласизлар».

۞ وَٱذْكُرْ أَخَا عَادٍ إِذْ أَنذَرَ قَوْمَهُۥ بِٱلْأَحْقَافِ وَقَدْ خَلَتِ ٱلنُّذُرُ مِنۢ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمِنْ
خَلْفِهِۦٓ أَلَّا تَعْبُدُوٓا۟ إِلَّا ٱللَّهَ إِنِّىٓ أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿٢١﴾ قَالُوٓا۟ 26 жузъ
أَجِئْتَنَا لِتَأْفِكَنَا عَنْ ءَالِهَتِنَا فَأْتِنَا بِمَا تَعِدُنَآ إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّـٰدِقِينَ ﴿٢٢﴾ قَالَ
إِنَّمَا ٱلْعِلْمُ عِندَ ٱللَّهِ وَأُبَلِّغُكُم مَّآ أُرْسِلْتُ بِهِۦ وَلَـٰكِنِّىٓ أَرَىٰكُمْ قَوْمًا تَجْهَلُونَ ﴿٢٣﴾

21-23. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом)! Одининг биродари Ҳуд (алайҳиссалом)нинг қиссасини фикр қил. Вақтики Ҳуд (алайҳиссалом) ўз қавмини Аҳқоф деган жойда насиҳат қилиб, Худонинг азобидан қўрқитди. Вақтики у қавмга Ҳуд (алайҳиссалом)дан илгари ҳам пайғамбарлар келган эди, Ҳуд (алайҳиссалом) қавмига айтди: «Бир Аллоҳдан бошқага ибодат қилманглар. Мен сизларнинг бошларингизга улуғ азоб келишидан қўрқаман». Қавми айтди: «Эй Ҳуд, Сен бизни маъбудларимизнинг ибодатидан қайтаришга келдингми? Агар Сен рост айтадиганлардан бўлсанг, бизга ваъда қилган азобингни олиб келгил». Ҳуд (алайҳиссалом) айтди: «Азобнинг қачон келишини Парвардигорнинг Ўзи билади. Мен сизларга (фақат) Худонинг буйруғини етказдим. Лекин мен кўриб турибман, сизлар жоҳил қавм экансизлар».

فَلَمَّا رَأَوْهُ عَارِضًا مُّسْتَقْبِلَ أَوْدِيَتِهِمْ قَالُوا۟ هَـٰذَا عَارِضٌ مُّمْطِرُنَا ۚ بَلْ هُوَ مَا
ٱسْتَعْجَلْتُم بِهِۦ ۖ رِيحٌ فِيهَا عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٢٤﴾ تُدَمِّرُ كُلَّ شَىْءٍۭ بِأَمْرِ رَبِّهَا فَأَصْبَحُوا۟ لَا
يُرَىٰٓ إِلَّا مَسَـٰكِنُهُمْ ۚ كَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْقَوْمَ ٱلْمُجْرِمِينَ ﴿٢٥﴾

24-25. *Вақтики Ҳуд (алайҳиссалом) уларнинг иймонидан ноумид бўлди, уларга Аллоҳдан бало тилади. Осмонни қора булут босди.* Кофирлар бу булутни водийлари тарафига ёйилиб келаётганини кўрганларида: «Бу булут бизга ёмғир ёғдиради», — дедилар. Ҳуд (алайҳиссалом) айтдики: «Бу булутдан сизларга ёмғир ёғмайди, балки сизлар шошилиб талаб қилган нарсаларингиздир. Яъни, бир шамолдирки, унда қаттиқ азобдан бошқа нарса йўқдир. Парвардигорнинг амри билан нима нарсага тегса, вайрон қилади». *Бас,бу шамол етти кеча (ва саккиз кундуз) давом этди. Ҳаммани ҳалок қилди.* Ўткинчиларга бу ерда хароб бўлган уйлардан бошқа нарса маълум бўлмас эди. Гуноҳкор қавмларга шуларнинг азобига ўхшаш жазо берамиз.

وَلَقَدْ مَكَّنَّٰهُمْ فِيمَآ إِن مَّكَّنَّٰكُمْ فِيهِ وَجَعَلْنَا لَهُمْ سَمْعًا وَأَبْصَٰرًا وَأَفْـِٔدَةً فَمَآ
أَغْنَىٰ عَنْهُمْ سَمْعُهُمْ وَلَآ أَبْصَٰرُهُمْ وَلَآ أَفْـِٔدَتُهُم مِّن شَىْءٍ إِذْ كَانُوا۟ يَجْحَدُونَ
بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَحَاقَ بِهِم مَّا كَانُوا۟ بِهِۦ يَسْتَهْزِءُونَ ٢٦

26. Эй Қурайш аҳли! Од қавмига сизлардан кўра кўпроқ ва кучлироқ
қудрат ва шавкат, мол ва дунё, қулоқ ва кўз, ҳар бир нарсани фаҳмлаш
учун қалб берган эдик. Лекин қулоқлари ҳақни эшитмади, кўзлари ҳақни
26 жузъ кўрмади ва диллари Худони танимади. Худо берган бу неъматлар уларга
Худонинг азобидан нажот бермади. Чунки улар Худонинг (очиқ-равшан)
далилларини инкор қилган ва мўъжизотларига мункир бўлган эдилар.
Улар масхара қилган амалларининг азоби (ўз) бошларига келди.

وَلَقَدْ أَهْلَكْنَا مَا حَوْلَكُم مِّنَ ٱلْقُرَىٰ وَصَرَّفْنَا ٱلْـَٔايَٰتِ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ٢٧ فَلَوْلَا
نَصَرَهُمُ ٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِ ٱللَّهِ قُرْبَانًا ءَالِهَةًۢ ۖ بَلْ ضَلُّوا۟ عَنْهُمْ ۚ وَذَٰلِكَ إِفْكُهُمْ
وَمَا كَانُوا۟ يَفْتَرُونَ ٢٨

27-28. Эй аҳли Макка, албатта, Биз атрофингиздаги миллат ва (саркаш) қабилаларни ҳалок қилдик. Шоядки куфрларидан қайтсалар, деб «аҳли қаря»га ҳар хил нишона (белги)ларни кўрсатдик. *Лекин (улар) куфрларидан қайтмадилар ва ҳаммалари ҳалок бўлдилар.* У қавмларнинг Худодан бошқага ибодат қилган ва Худога яқинлаштиради, деб ўйлаган бутлари нима учун азоб келган вақтида ёрдам бермадилар?! Балки ўзларидан аввал ғойиб (йўқ) бўлиб кетдилар. Бутларини «худо» дейишлари ёлғончиликларидан ва ўзлари тўқиган бўҳтонларидан эди.

وَإِذْ صَرَفْنَآ إِلَيْكَ نَفَرًا مِّنَ ٱلْجِنِّ يَسْتَمِعُونَ ٱلْقُرْءَانَ فَلَمَّا حَضَرُوهُ
قَالُوٓا۟ أَنصِتُوا۟ ۖ فَلَمَّا قُضِىَ وَلَّوْا۟ إِلَىٰ قَوْمِهِم مُّنذِرِينَ ٢٩ قَالُوا۟ يَٰقَوْمَنَآ إِنَّا
سَمِعْنَا كِتَٰبًا أُنزِلَ مِنۢ بَعْدِ مُوسَىٰ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ يَهْدِىٓ إِلَى
ٱلْحَقِّ وَإِلَىٰ طَرِيقٍ مُّسْتَقِيمٍ ٣٠

29-30. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз жинларнинг бир жамоасини Қуръонни эшитсинлар, деб Сенинг тарафингга юборган вақтимизни ёд қил (эсла). Вақтики жинлар ҳозир бўлиб, бир-бирларига: «Хомуш (жим) бўлинглар ва Қуръонни эшитинглар», – дедилар. (Қачонки) Қуръон тиловати тамом бўлди, *ҳаммалари иймон келтирдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни қавмларига мубаллиғ (динга таблиғ этувчи) қилиб тайин қилдилар.* Улар ўз қавмларига қайтиб келиб, насиҳат қилиб, иймонга далолат қилдилар. Айтдиларки: «Эй қавмимиз, билингларки, бизлар Мусодан кейин нозил қилинган Қуръонни эшитдик. Бу Қуръон бошқа китобларни тасдиқ қилгувчидир. Ва бу Қуръон ҳақ дин тарафига ҳидоят қилади ва тўғри йўлга бошлайди.

يَٰقَوْمَنَآ أَجِيبُوا۟ دَاعِىَ ٱللَّهِ وَءَامِنُوا۟ بِهِۦ يَغْفِرْ لَكُم مِّن ذُنُوبِكُمْ وَيُجِرْكُم مِّنْ
عَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٣١﴾ وَمَن لَّا يُجِبْ دَاعِىَ ٱللَّهِ فَلَيْسَ بِمُعْجِزٍ فِى ٱلْأَرْضِ وَلَيْسَ لَهُۥ
مِن دُونِهِۦٓ أَوْلِيَآءُ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ فِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٣٢﴾

31-32. Эй қавмимиз, Худо тарафидан даъват қилувчи Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг сўзларини қабул қилинглар ва унга имон келтиринглар, токи Аллоҳ таоло гуноҳларингизни кечирсин ва қаттиқ азобдан нажот берсин». Кимки Аллоҳнинг доийси (даъватчиси, элчиси) Му- 26 жузъ
ҳаммад (алайҳиссалом)га ижобат қилмаса, ер юзида ҳеч кимни ожиз қилолмайди ва унга Аллоҳдан бошқа ёр ва мададкор бўлмайди. Ана ўшалар очиқ гумроҳликда (залолатда)дирлар.

أَوَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّ ٱللَّهَ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ وَلَمْ يَعْىَ بِخَلْقِهِنَّ بِقَٰدِرٍ
عَلَىٰٓ أَن يُحْۦِىَ ٱلْمَوْتَىٰ ۚ بَلَىٰٓ إِنَّهُۥ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٣٣﴾ وَيَوْمَ يُعْرَضُ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ عَلَى ٱلنَّارِ أَلَيْسَ هَٰذَا بِٱلْحَقِّ ۖ قَالُوا۟ بَلَىٰ وَرَبِّنَا ۚ قَالَ فَذُوقُوا۟ ٱلْعَذَابَ بِمَا
كُنتُمْ تَكْفُرُونَ ﴿٣٤﴾

33-34. Оё, улар (кофирлар) осмонлару ерни яратган ва уларни яратишда чарчамаган ва ўликларни ҳам тирилтиришга қодир бўлган Аллоҳ таолонинг зотига иймон келтирмайдиларми, кўрмайдиларми?! Ҳа, албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир. Кофирлар дўзахга рўбарў қилинган кунда малоикалар айтадилар: «Оё, бу ҳақ (ҳақиқат) эмас эканми?» Кофирлар айтадилар: «Ҳа шундоқ! Парвардигорга қасамки, ҳақ экан». Малоикалар айтадилар: «Ундай бўлса, мункир бўлганларингиз учун азобни тотинглар!».

فَٱصْبِرْ كَمَا صَبَرَ أُو۟لُوا۟ ٱلْعَزْمِ مِنَ ٱلرُّسُلِ وَلَا تَسْتَعْجِل لَّهُمْ ۚ كَأَنَّهُمْ يَوْمَ يَرَوْنَ
مَا يُوعَدُونَ لَمْ يَلْبَثُوٓا۟ إِلَّا سَاعَةً مِّن نَّهَارٍ ۚ بَلَٰغٌ ۚ فَهَلْ يُهْلَكُ إِلَّا ٱلْقَوْمُ
ٱلْفَٰسِقُونَ ﴿٣٥﴾

35. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), улуғ ҳимматли пайғамбарлар сабр қилганидек, ҳар бир ишда сабр қил ва умматинг интиқомига шошилмагил. Чунки улар Қиёматда ваъда қилинган азобни кўрганларида шундай ҳолга тушадиларки (қўрқувдан довдираб): «Дунёда бир соатдан зиёда турганимиз йўқ», — деб ўйлаб қоладилар. Бу сурада айтилган пандлар етарлидир. Бас, фақат фосиқ (итоатсиз) қавмлар ҳалок қилинадилар!

Мадинада нозил бўлган бу сура
ўттиз саккиз оятдан иборатдир.

26 жузъ *Номи Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам исмларидан олинган бу сура яна «Қитол» – жанг деган ном билан ҳам аталади. Чунки унда жиҳод қилиш ва унинг ҳукмлари билан боғлиқ жиҳатлар баён қилинган.*

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الَّذِينَ كَفَرُوا وَصَدُّوا عَن سَبِيلِ اللَّهِ أَضَلَّ أَعْمَالَهُمْ ﴿١﴾ وَالَّذِينَ آمَنُوا
وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَآمَنُوا بِمَا نُزِّلَ عَلَىٰ مُحَمَّدٍ وَهُوَ الْحَقُّ مِن رَّبِّهِمْ ۙ كَفَّرَ عَنْهُمْ
سَيِّئَاتِهِمْ وَأَصْلَحَ بَالَهُمْ ﴿٢﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا اتَّبَعُوا الْبَاطِلَ وَأَنَّ الَّذِينَ
آمَنُوا اتَّبَعُوا الْحَقَّ مِن رَّبِّهِمْ ۚ كَذَٰلِكَ يَضْرِبُ اللَّهُ لِلنَّاسِ أَمْثَالَهُمْ ﴿٣﴾

1-3. Аллоҳни инкор қилиб (куфр келтириб), Аллоҳ йўлидан бошқаларни ҳам қайтарувчи гуруҳларнинг (кимсаларнинг) амалларини Аллоҳ ботил қилгандир. Аммо у гуруҳларки, Худога иқрор қилган яхши амаллар қилган ва Муҳаммад (алайҳиссалом)га нозил бўлган Қуръонни тасдиқ этган кишиларнинг гуноҳларини Парвардигор кечиради ва дилларини нифоқдан пок қилиб, ислоҳ қилади. Албатта, Қуръон ҳақ Парвардигор тарафидан нозил бўлгандир. Кофирларнинг амаллари ботил бўлмоғига сабаб шуки, улар Худога мункир бўлиб, ботил динга эргашдилар. Мўминларнинг гуноҳлари кечирилиши ва дилларининг пок қилиниши шунинг учунки, улар Парвардигор тарафидан нозил бўлган Қуръонга тобе бўлдилар ва иймон келтирдилар. Аллоҳ таоло халққа насиҳат учун уларнинг ҳолларини шундай баён қилади.

فَإِذَا لَقِيتُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا فَضَرْبَ الرِّقَابِ حَتَّىٰ إِذَا أَثْخَنتُمُوهُمْ فَشُدُّوا الْوَثَاقَ
فَإِمَّا مَنًّا بَعْدُ وَإِمَّا فِدَاءً حَتَّىٰ تَضَعَ الْحَرْبُ أَوْزَارَهَا ۚ ذَٰلِكَ وَلَوْ يَشَاءُ اللَّهُ لَانتَصَرَ
مِنْهُمْ وَلَٰكِن لِّيَبْلُوَ بَعْضَكُم بِبَعْضٍ ۗ وَالَّذِينَ قُتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَلَن يُضِلَّ
أَعْمَالَهُمْ ﴿٤﴾ سَيَهْدِيهِمْ وَيُصْلِحُ بَالَهُمْ ﴿٥﴾ وَيُدْخِلُهُمُ الْجَنَّةَ عَرَّفَهَا لَهُمْ ﴿٦﴾

4-6. Эй мўминлар, агар сизлар урушда кофирларга йўлиқсангизлар, (бас), шамшир билан бўйниларини кесинглар. Вақтики қон тўкишни тамом қилганларингиздан сўнг, агар ғолиб бўлсангизлар, кофирларни асир қилинглар ва қўлларини маҳкам боғланглар. Сўнгра ё кечириб қўйиб юборасизлар, ёки фидя эвазига озод қиласизлар. То ўрталарингизда жанг тамом бўлиб (тугаб), сулҳ бўлгунча сизларга ҳукм шудир. Агар Парвардигор хоҳласа, сизларга урушсиз ҳам зафар берар эди. Лекин Аллоҳ таоло баъзиларингизни баъзиларингиз билан синайди. *Яъни, мўминларни кофирлар муқобилида жиҳод билан синайди. Кофирларни мўминларга нисбатан адоват билан синайди.* Аллоҳ шаҳид бўлганларнинг амалларини ҳабата (бекор) қилмайди ва тўғри йўлга ҳидоят этади ҳамда дилларини ислоҳ қилади. Агар шаҳид бўлсалар, Ўзи маълум қилиб (таърифлаб) ваъда берган жаннатига дохил қилади. **26 жузъ**

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِن تَنصُرُوا۟ ٱللَّهَ يَنصُرْكُمْ وَيُثَبِّتْ أَقْدَامَكُمْ ﴿٧﴾ وَٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ فَتَعْسًا لَّهُمْ وَأَضَلَّ أَعْمَـٰلَهُمْ ﴿٨﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ كَرِهُوا۟ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ
فَأَحْبَطَ أَعْمَـٰلَهُمْ ﴿٩﴾

7-9. Эй мўминлар, агар сизлар Худонинг динига ёрдам берсангизлар, Худо ҳам сизларнинг ҳар бир ишларингизга ёрдам беради. Ҳар бир ишга қадам қўйсангизлар, қадамларингизни мустаҳкам қилади. Ва кофир бўлганларни Аллоҳ таоло бадбахт ва ҳалок қилади. Чунки улар Худонинг нозил қилган Китобини ёмон кўрдилар, бас, Аллоҳ таоло уларнинг амалларини ҳабата (зое) қилди.

۞ أَفَلَمْ يَسِيرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ فَيَنظُرُوا۟ كَيْفَ كَانَ عَـٰقِبَةُ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۖ دَمَّرَ ٱللَّهُ
عَلَيْهِمْ ۖ وَلِلْكَـٰفِرِينَ أَمْثَـٰلُهَا ﴿١٠﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ مَوْلَى ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَأَنَّ
ٱلْكَـٰفِرِينَ لَا مَوْلَىٰ لَهُمْ ﴿١١﴾ إِنَّ ٱللَّهَ يُدْخِلُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّـٰلِحَـٰتِ
جَنَّـٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَـٰرُ ۖ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ يَتَمَتَّعُونَ وَيَأْكُلُونَ كَمَا تَأْكُلُ
ٱلْأَنْعَـٰمُ وَٱلنَّارُ مَثْوًى لَّهُمْ ﴿١٢﴾

10-12. Нима учун Макка аҳли ер юзини сайр қилиб, ўзларидан илгари ўтган, Аллоҳ таоло ҳалок қилган кофирларнинг оқибатлари қандай бўлганлигини *ва асарларини* кўрмайдилар? Бу кофирларга ҳам шу хилда уқубат бўлади. Мўминларга Аллоҳнинг марҳамати шунинг учундирки, Аллоҳ таоло мўминларга дўстдир. Кофирларнинг уқубатлари шунинг учундирки, ҳеч дўстлари йўқдир. Албатта, Аллоҳ таоло иймон келтирган ва яхши амаллар қилганларни тагидан анҳорлар жорий бўлган жаннатта дохил қилади. Кофир бўлганлар дунёдан фойдаланадилар, ҳайвонларга ўхшаб ейдилар, кейин уларнинг жойлари дўзахдир!

وَكَأَيِّن مِّن قَرْيَةٍ هِيَ أَشَدُّ قُوَّةً مِّن قَرْيَتِكَ ٱلَّتِيٓ أَخْرَجَتْكَ أَهْلَكْنَٰهُمْ فَلَا
نَاصِرَ لَهُمْ ﴿١٣﴾ أَفَمَن كَانَ عَلَىٰ بَيِّنَةٍ مِّن رَّبِّهِۦ كَمَن زُيِّنَ لَهُۥ سُوٓءُ عَمَلِهِۦ
وَٱتَّبَعُوٓا۟ أَهْوَآءَهُم ﴿١٤﴾

13-14. (Куфрлари учун ҳалокатга дучор бўлган аввалги) кўп қишлоқ (шаҳар) аҳллари Сени шаҳрингдан ҳайдаганлардан, *яъни Макка аҳлидан* қувватлироқ *ва давлатлироқ* эдилар. Биз уларни ҳалок қилдик (ва
26 жузъ уларга Худонинг балосидан қутқарувчи) ҳеч қандай ёрдамчи бўлмади. *Сенинг қишлоқ (шаҳар) аҳлингни ҳам ҳалок қилишга қудратимиз етади.* Ҳар кимгаки Аллоҳ тарафидан равшан ҳужжат ва мўъжизалар келган бўлса, шундай одам шайтон тарафидан ёмон амаллари чиройли кўрсатилган ва нафсоний хоҳишларга эргашган одам билан баробар бўладими?! *Ҳаргиз баробар бўлмас!*

مَّثَلُ ٱلْجَنَّةِ ٱلَّتِي وُعِدَ ٱلْمُتَّقُونَ فِيهَآ أَنْهَٰرٌ مِّن مَّآءٍ غَيْرِ ءَاسِنٍ وَأَنْهَٰرٌ مِّن لَّبَنٍ لَّمْ
يَتَغَيَّرْ طَعْمُهُۥ وَأَنْهَٰرٌ مِّنْ خَمْرٍ لَّذَّةٍ لِّلشَّٰرِبِينَ وَأَنْهَٰرٌ مِّنْ عَسَلٍ مُّصَفًّى وَلَهُمْ فِيهَا
مِن كُلِّ ٱلثَّمَرَٰتِ وَمَغْفِرَةٌ مِّن رَّبِّهِمْ كَمَنْ هُوَ خَٰلِدٌ فِي ٱلنَّارِ وَسُقُوا۟ مَآءً حَمِيمًا
فَقَطَّعَ أَمْعَآءَهُمْ ﴿١٥﴾

15. Худо тарафидан муттақийларга ваъда қилинган жаннатнинг сифати шудирки: у жаннатда анҳорлар жорийдирки, сувлари лаззатли, ўзгармагандир ва ҳам сутдан анҳорлари жорийдирки, мазаси (таъми) мутағайййир бўлмаган (ўзгармаган)дир ва ҳам шаробдан анҳорлар жорийдирки, ичувчиларга лаззатлидир ва ҳам тоза (мусаффо) асалдан анҳорлар жорийдир. Муттақийларга бу жаннатда ҳар хил мевалар муҳайёдир ва ҳам Парвардигор тарафидан фазл ва марҳамат бордир. Шу сифатларга ва шу нозу неъматларга етган банда билан дўзахда ҳамиша (абадий) қолувчи ва у ерда ичганларида ичакларини майдалаб (титиб) юборадиган заҳарли иссиқ сув ичувчи бадбахт кимса баробар бўладими?

وَمِنْهُم مَّن يَسْتَمِعُ إِلَيْكَ حَتَّىٰٓ إِذَا خَرَجُوا۟ مِنْ عِندِكَ قَالُوا۟ لِلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْعِلْمَ
مَاذَا قَالَ ءَانِفًا ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ طَبَعَ ٱللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ وَٱتَّبَعُوٓا۟ أَهْوَآءَهُمْ ﴿١٦﴾
وَٱلَّذِينَ ٱهْتَدَوْا۟ زَادَهُمْ هُدًى وَءَاتَىٰهُمْ تَقْوَىٰهُمْ ﴿١٧﴾ فَهَلْ يَنظُرُونَ إِلَّا ٱلسَّاعَةَ
أَن تَأْتِيَهُم بَغْتَةً ۖ فَقَدْ جَآءَ أَشْرَاطُهَا ۚ فَأَنَّىٰ لَهُمْ إِذَا جَآءَتْهُمْ ذِكْرَىٰهُمْ ﴿١٨﴾

16-18. Мунофиқлардан баъзилари Сенинг панду насиҳатларингга қулоқ соладилар. Вақтики Сенинг олдингдан ташқарига чиққанларида илмли саҳобаларга айтадиларки: «Муҳаммад ҳозир нима деди, билдингизларми? Биз фаҳмламадик». Бу гуруҳнинг дилларига Аллоҳ таоло муҳр босгандир ва улар

ўзларининг нафсоний ҳаволарига эргашадилар. *Шунинг учун Сенинг сўзларингни фаҳмламайдилар.* Аммо ҳидоят топган гуруҳларга Аллоҳ таоло тақво ато қилгандир ва сени сўзинг уларнинг иймонларини зиёда қилади. Улар Қиёматнинг тез (дафъатан) келишидан бошқа нарсага мунтазир эмаслар. Бас, Қиёматнинг аломатлари ва шароитлари зоҳир бўлган. Вақтики Қиёмат келса, уларнинг тавбалари, афсус ва надоматлари ҳеч фойда бермайди.

فَٱعْلَمْ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا ٱللَّهُ وَٱسْتَغْفِرْ لِذَنۢبِكَ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ ۗ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ مُتَقَلَّبَكُمْ وَمَثْوَىٰكُمْ ﴿١٩﴾

19. *Эй Муҳаммад алайҳиссалом, вақтики Сен кофирларнинг уқубатини ва муттақийларнинг бошоратларини билдинг,* бас, энди унутмагил, бир Аллоҳдан бошқа ҳеч маъбуд йўқ, ўз хатоларингиз, мўмин ва мўминаларнинг гуноҳлари учун Аллоҳдан мағфират сўрагил. Аллоҳ таоло сизларнинг ҳаракатларингизни ва ором оладиган жойларингизни билади. 26 жузъ

وَيَقُولُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَوْلَا نُزِّلَتْ سُورَةٌ ۖ فَإِذَآ أُنزِلَتْ سُورَةٌ مُّحْكَمَةٌ وَذُكِرَ فِيهَا ٱلْقِتَالُ ۙ رَأَيْتَ ٱلَّذِينَ فِى قُلُوبِهِم مَّرَضٌ يَنظُرُونَ إِلَيْكَ نَظَرَ ٱلْمَغْشِىِّ عَلَيْهِ مِنَ ٱلْمَوْتِ ۖ فَأَوْلَىٰ لَهُمْ ﴿٢٠﴾ طَاعَةٌ وَقَوْلٌ مَّعْرُوفٌ ۚ فَإِذَا عَزَمَ ٱلْأَمْرُ فَلَوْ صَدَقُوا۟ ٱللَّهَ لَكَانَ خَيْرًا لَّهُمْ ﴿٢١﴾

20-21. Жиҳодга ҳарис бўлган мўминлар айтадилар: «Нима учун жиҳодга амр қилувчи сура нозил бўлмайди?» Ҳар вақтики очиқ маъноли сура нозил этилса ва унда қитолнинг (урушнинг) зикри бўлса, дилларида марази (нифоқ) бор мунофиқлар гўёки ўладиган одам «сакаротул мавт» (ўлим талвасаси)га дучор бўлган пайт назар қилгандек, Сен томонга хунук назар билан қарайдилар. Ваҳоланки, яхши сўз айтиш ва итоат қилиш уларга муносиброқ эди. *Бас, уларнинг ҳолларига вой! Зоҳирда ўзларининг итоатларини ва яхши сўзларини ошкора қиладилар.* Вақтики мўминлар жиҳодга қасд қилсалар, улар (эса) қўрққанларидан уйларидан чиқмайдилар. Агар Худонинг ҳукмига рост муомала қилсалар, ўзларига яхши бўлар эди.

فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِن تَوَلَّيْتُمْ أَن تُفْسِدُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ وَتُقَطِّعُوٓا۟ أَرْحَامَكُمْ ﴿٢٢﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ لَعَنَهُمُ ٱللَّهُ فَأَصَمَّهُمْ وَأَعْمَىٰٓ أَبْصَٰرَهُمْ ﴿٢٣﴾ أَفَلَا يَتَدَبَّرُونَ ٱلْقُرْءَانَ أَمْ عَلَىٰ قُلُوبٍ أَقْفَالُهَآ ﴿٢٤﴾

22-24. Эй мунофиқлар! Агар сизлар халққа ҳоким бўлсангизлар, ер юзида фасод қилмоқни ва сийлаи раҳмни узишни орзу қиласизларми?! Сизларнинг бу умидларингиз ҳаргиз муяссар бўлмайди. Мунофиқларни Худо лаънатлаб, қулоқларини кар, кўзларини кўр қилгандир. Қуръоннинг насиҳатларига қулоқ солмайдиларми, токи ундан ибрат олсалар, ёки дилларига қулф солинганми?!

إِنَّ ٱلَّذِينَ ٱرۡتَدُّواْ عَلَىٰٓ أَدۡبَٰرِهِم مِّنۢ بَعۡدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمُ ٱلۡهُدَى ٱلشَّيۡطَٰنُ
سَوَّلَ لَهُمۡ وَأَمۡلَىٰ لَهُمۡ ﴿٢٥﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ قَالُواْ لِلَّذِينَ كَرِهُواْ مَا نَزَّلَ ٱللَّهُ
سَنُطِيعُكُمۡ فِي بَعۡضِ ٱلۡأَمۡرِۖ وَٱللَّهُ يَعۡلَمُ إِسۡرَارَهُمۡ ﴿٢٦﴾

25-26. Албатта, Ҳақ зоҳир бўлгандан сўнг орқаларига қайтиб, муртад бўлганларга шайтон гумроҳлик йўлини зийнатлаб кўрсатган. Ва ҳам «сизларга азоб келмайди», – деб уларга «муҳлат берган». Шайтоннинг уларга
26 жузъ мусаллат бўлишига (уларнинг қалбини эгаллаб олишига) боис бу мунофиқлар Аллоҳнинг нозил қилган оятларини ёмон кўрувчи мушрикларга айтдиларки: «Биз сизларга баъзи ишларда, *яъни пайғамбарлар билан жанг қилсангизлар* ёрдам берамиз». Аллоҳ таоло уларнинг махфий қилган сўзларини билади.

فَكَيۡفَ إِذَا تَوَفَّتۡهُمُ ٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ يَضۡرِبُونَ وُجُوهَهُمۡ وَأَدۡبَٰرَهُمۡ ﴿٢٧﴾ ذَٰلِكَ
بِأَنَّهُمُ ٱتَّبَعُواْ مَآ أَسۡخَطَ ٱللَّهَ وَكَرِهُواْ رِضۡوَٰنَهُۥ فَأَحۡبَطَ أَعۡمَٰلَهُمۡ ﴿٢٨﴾ أَمۡ
حَسِبَ ٱلَّذِينَ فِي قُلُوبِهِم مَّرَضٌ أَن لَّن يُخۡرِجَ ٱللَّهُ أَضۡغَٰنَهُمۡ ﴿٢٩﴾

27-29. Вақтики малоикалар бу мунофиқларнинг юзларига ва орқаларига уриб, жонларини олсалар, у вақтда уларнинг ҳоллари қандай бўларкин?! Бу уқубат шунинг учундирки, Худони ғазаблантирадиган нарсаларга тобе бўлдилар ва Худонинг хушнудлигини ёмон кўрдилар. Бас, Аллоҳ таоло амалларини ҳабата' (ботил) қилди. Дилларида маразлари бор бу мунофиқлар мўминларга бўлган махфий адоватларини Аллоҳ таоло мўминларга ошкор қилолмайди, деб гумон қиладиларми?!

وَلَوۡ نَشَآءُ لَأَرَيۡنَٰكَهُمۡ فَلَعَرَفۡتَهُم بِسِيمَٰهُمۡۚ وَلَتَعۡرِفَنَّهُمۡ فِي لَحۡنِ ٱلۡقَوۡلِۚ وَٱللَّهُ
يَعۡلَمُ أَعۡمَٰلَكُمۡ ﴿٣٠﴾ وَلَنَبۡلُوَنَّكُمۡ حَتَّىٰ نَعۡلَمَ ٱلۡمُجَٰهِدِينَ مِنكُمۡ وَٱلصَّٰبِرِينَ
وَنَبۡلُوَاْ أَخۡبَارَكُمۡ ﴿٣١﴾

30-31. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Биз хоҳласак, мунофиқларнинг ҳақиқатини Сенга кўрсатамиз ва аломатларини баён қиламиз. Бас, Сен, албатта, уларни аломатларидан танийсан, яна уларнинг хато сўзларидан ҳам танийсан. Аллоҳ таоло амалларингизни билиб туради. Ва, албатта, Биз сизларни имтиҳон қиламиз. Қитол (жиҳод)га амр этамиз, токи сизлардан мужоҳидлар ва урушда сабр қилувчилар маълум бўлсин. Ростгўйлик ва ёлғончиликда, иймон ва ихлосда ҳолларингизни имтиҳон қиламиз.

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ وَصَدُّواْ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ وَشَآقُّواْ ٱلرَّسُولَ مِنۢ بَعۡدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمُ
ٱلۡهُدَىٰ لَن يَضُرُّواْ ٱللَّهَ شَيۡـٔٗا وَسَيُحۡبِطُ أَعۡمَٰلَهُمۡ ﴿٣٢﴾ ۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ

أَطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُوا۟ ٱلرَّسُولَ وَلَا تُبْطِلُوٓا۟ أَعْمَـٰلَكُمْ ﴿٣٣﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَصَدُّوا۟
عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ ثُمَّ مَاتُوا۟ وَهُمْ كُفَّارٌ فَلَن يَغْفِرَ ٱللَّهُ لَهُمْ ﴿٣٤﴾

32-34. Албатта, кофир бўлган у гуруҳлар (кимсалар) бошқаларни Худонинг йўлидан қайтарганлар ва ҳақ зоҳир бўлгандан сўнг Расулуллоҳга хилоф қилганлар (қарши чиққанлар) – улар Худонинг ишига ҳеч зарар етказолмайдилар. Ва Аллоҳ таоло уларнинг барча амалларини ботил қилади. Эй мўминлар, Худонинг фармонига итоат этинглар ва Расулининг амрини бажо келтиринглар. Исён қилиб, амалларингизни ботил қилманглар. Албатта, ўзлари кофир бўлиб, бошқаларни ҳам Худонинг йўлидан 26 жузъ қайтариб, кейин кофирлик ҳолатида ўлган гуруҳларни Аллоҳ таоло ҳаргиз кечирмайди!

فَلَا تَهِنُوا۟ وَتَدْعُوٓا۟ إِلَى ٱلسَّلْمِ وَأَنتُمُ ٱلْأَعْلَوْنَ وَٱللَّهُ مَعَكُمْ وَلَن يَتِرَكُمْ
أَعْمَـٰلَكُمْ ﴿٣٥﴾ إِنَّمَا ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا لَعِبٌ وَلَهْوٌ ۚ وَإِن تُؤْمِنُوا۟ وَتَتَّقُوا۟ يُؤْتِكُمْ
أُجُورَكُمْ وَلَا يَسْـَٔلْكُمْ أَمْوَٰلَكُمْ ﴿٣٦﴾

35-36. Эй мўминлар! Кофирларга қарши суст бўлманглар, улардан ғолиб бўлган ҳолда уларни сулҳ қилишга (ярашишга) чақирманглар. Аллоҳ таоло сизлар билан биргадир *ва ёрдам беради*. Амалларингизни асло зое қилмайди. Албатта, дунёнинг тириклиги бефойда ва ўйиндан бошқа нарса эмасдир. Агар Худо ва Расулига иймон келтирсангизлар ва тақво қилсангизлар, албатта, Аллоҳ таоло ажрларингизни беради. Аллоҳ таоло ҳеч вақт сизларнинг молларингизни талаб қилмайди.

إِن يَسْـَٔلْكُمُوهَا فَيُحْفِكُمْ تَبْخَلُوا۟ وَيُخْرِجْ أَضْغَـٰنَكُمْ ﴿٣٧﴾ هَـٰٓأَنتُمْ هَـٰٓؤُلَآءِ
تُدْعَوْنَ لِتُنفِقُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ فَمِنكُم مَّن يَبْخَلُ ۖ وَمَن يَبْخَلْ فَإِنَّمَا يَبْخَلُ
عَن نَّفْسِهِۦ ۚ وَٱللَّهُ ٱلْغَنِىُّ وَأَنتُمُ ٱلْفُقَرَآءُ ۚ وَإِن تَتَوَلَّوْا۟ يَسْتَبْدِلْ قَوْمًا غَيْرَكُمْ ثُمَّ
لَا يَكُونُوٓا۟ أَمْثَـٰلَكُم ﴿٣٨﴾

37-38. Агар Аллоҳ таоло молларингизни талаб қилиб, «Беринг», – деб қистаса, бахиллик қилиб бермайсизлар. Ва аччиғингиз келиб, дилларингиздаги адоватлар зоҳир бўлади. *Эй мухотаб (хитоб қилинган) жамоалар!* Сизлар Худо йўлида молларингизни сарф қилишга чақирилсангизлар, бас, сизлардан баъзиларингиз бахиллик қилиб, Худо йўлида сарф қилмайсизлар. Сизлардан ҳар кимки бахиллик қилар экан, у ўз нафсининг зарарига бахиллик қилади. *Чунки савобидан маҳрум бўлади.* Ва Аллоҳ таоло ғанийдир. Сизларнинг эҳсонларингизга муҳтож эмас. Балки сизлар (фақирсизлар), Худонинг эҳсонига муҳтожсизлар. Ва агар Худонинг ҳукмларидан юз ўгириб кетсангизлар, Худо сизларни ҳалок қилиб, ўринларингизга бошқа қавм олиб келади. Улар эса сизларга ўхшаб бахил бўлмайдилар.

Мадинада нозил бўлган бу сура
йигирма тўққиз оятдан иборатдир.

26 жузъ *Исломнинг қўлга киритажаги фатҳ, нусрат ва зафар ҳақида сўз юритган бу сура «Фатҳ» номини олган. Ҳижратнинг олтинчи йилида Ҳудайбия аҳди пайтида Мадина ва Макка орасида тушган бўлса-да, Мадинада нозил бўлган суралардан ҳисобланади.*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

إِنَّا فَتَحْنَا لَكَ فَتْحًا مُّبِينًا ﴿١﴾ لِّيَغْفِرَ لَكَ ٱللَّهُ مَا تَقَدَّمَ مِن ذَنۢبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ وَيُتِمَّ
نِعْمَتَهُۥ عَلَيْكَ وَيَهْدِيَكَ صِرَٰطًا مُّسْتَقِيمًا ﴿٢﴾ وَيَنصُرَكَ ٱللَّهُ نَصْرًا عَزِيزًا ﴿٣﴾

1-3. Биз Сенга равшан фатҳни ҳукм қилдик. *Бу Қурайш билан сулҳ қилишингдан иборатдир.* Аллоҳ таолодан ҳар бир хатоларинг учун кечирим сўрагил, токи Аллоҳ таоло Сенинг ўтган ва кейинги (келгуси) хатоларингни кечирсин. Ва Сенга неъматини комил қилсин ва ҳам Сенга тўғри йўлни кўрсатсин ва душманларинг устидан (ғолиб келишингга) қавий (кучли) ёрдам берсин.

هُوَ ٱلَّذِىٓ أَنزَلَ ٱلسَّكِينَةَ فِى قُلُوبِ ٱلْمُؤْمِنِينَ لِيَزْدَادُوٓا۟ إِيمَٰنًا مَّعَ إِيمَٰنِهِمْ ۗ
وَلِلَّهِ جُنُودُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿٤﴾

4. Парвардигор шундай зотдирки, *шариат аҳкомларига амал қилишда* мўминларнинг дилларига оромликни ва сукунатни нозил қилди, токи иймонларининг устига иймонлари зиёда бўлсин. Осмонлар ва ернинг лашкарлари Аллоҳнинг ҳукмидадир. Аллоҳ таоло бандаларнинг аҳволини билгувчи ва ҳикматли мудаббир (тадбир қилгувчи)дир.

لِّيُدْخِلَ ٱلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا
وَيُكَفِّرَ عَنْهُمْ سَيِّـَٔاتِهِمْ ۚ وَكَانَ ذَٰلِكَ عِندَ ٱللَّهِ فَوْزًا عَظِيمًا ﴿٥﴾ وَيُعَذِّبَ
ٱلْمُنَٰفِقِينَ وَٱلْمُنَٰفِقَٰتِ وَٱلْمُشْرِكِينَ وَٱلْمُشْرِكَٰتِ ٱلظَّآنِّينَ بِٱللَّهِ ظَنَّ ٱلسَّوْءِ ۚ

عَلَيْهِمْ دَآئِرَةُ ٱلسَّوْءِ وَغَضِبَ ٱللَّهُ عَلَيْهِمْ وَلَعَنَهُمْ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَهَنَّمَ وَسَآءَتْ
مَصِيرًا ﴿٦﴾ وَلِلَّهِ جُنُودُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَكَانَ ٱللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا ﴿٧﴾

5-7. Ва ҳам бу иймоннинг баракотидан остларидан анҳорлари жорий
бўлган (оқиб ўтадиган) жаннатта мўмин ва мўминаларни дохил қилади
ва гуноҳларига каффорат қилади. Бу Худонинг наздида улуғ ва шарафли
бир (ютуқ) мақсаддир. Ва ҳам иймонсиз мунофиқ ва мунофиқаларни, хоҳ
эркак, хоҳ хотин бўлган мушрикларни қаттиқ азоблайди. Улар Худонинг
шаънига ёмон гумон қилувчилардир. Ёмон мусибат шуларнинг устига 26
бўлади. Худо уларга ғазаб қилиб, лаънатлаган ва уларга жаҳаннамнинг жузъ
азобини тайёр қилиб қўйгандир. Жаҳаннам бориладиган кўп ёмон жой-
дир! Ер ва осмонларнинг лашкарлари Худонинг ҳукмидадир. Аллоҳ таоло
ҳамма нарсада ғолиб ва ҳикматли мудаббирдир.

إِنَّآ أَرْسَلْنَٰكَ شَٰهِدًا وَمُبَشِّرًا وَنَذِيرًا ﴿٨﴾ لِّتُؤْمِنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَتُعَزِّرُوهُ
وَتُوَقِّرُوهُ وَتُسَبِّحُوهُ بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴿٩﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ يُبَايِعُونَكَ إِنَّمَا
يُبَايِعُونَ ٱللَّهَ يَدُ ٱللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْ فَمَن نَّكَثَ فَإِنَّمَا يَنكُثُ عَلَىٰ نَفْسِهِۦ وَمَنْ
أَوْفَىٰ بِمَا عَٰهَدَ عَلَيْهُ ٱللَّهَ فَسَيُؤْتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿١٠﴾

8-10. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом)! Биз Сени Ҳақни изҳор қилиш учун, мўминларга башорат бериш ва кофирларни қўрқитиш учун юбордик. Энди, эй мўминлар, сизларга башорат шундайки, Худо ва Расулига иймон келтирасиз, дин (ишлари)да унга ёрдам берасиз, уни ҳурматлайсиз ва Аллоҳни улуғлайсиз, Унга таъзим қиласиз ва Унгагина тасбеҳ айтасизлар, *яъни, эрта ва кеч намоз ўқийсизлар*. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга байъат қилаётганлар, ҳақиқатда (шубҳасиз), Худога байъат қилмоқда. Аллоҳ таолонинг ёрдами уларнинг қўллари устидадир. Ҳар ким аҳдини бузса, унинг гуноҳи ўз нафсининг зараригадир. Ва ҳар ким Худонинг аҳдига вафо қилса, Аллоҳ таоло унга (тезда) улуғ ажр беради.

سَيَقُولُ لَكَ ٱلْمُخَلَّفُونَ مِنَ ٱلْأَعْرَابِ شَغَلَتْنَآ أَمْوَٰلُنَا وَأَهْلُونَا فَٱسْتَغْفِرْ لَنَا
يَقُولُونَ بِأَلْسِنَتِهِم مَّا لَيْسَ فِى قُلُوبِهِمْ قُلْ فَمَن يَمْلِكُ لَكُم مِّنَ ٱللَّهِ شَيْـًٔا إِنْ
أَرَادَ بِكُمْ ضَرًّا أَوْ أَرَادَ بِكُمْ نَفْعًۢا بَلْ كَانَ ٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًۢا ﴿١١﴾ بَلْ ظَنَنتُمْ
أَن لَّن يَنقَلِبَ ٱلرَّسُولُ وَٱلْمُؤْمِنُونَ إِلَىٰٓ أَهْلِيهِمْ أَبَدًا وَزُيِّنَ ذَٰلِكَ فِى قُلُوبِكُمْ
وَظَنَنتُمْ ظَنَّ ٱلسَّوْءِ وَكُنتُمْ قَوْمًۢا بُورًا ﴿١٢﴾

11-12. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яқинда такаллуф қилиб, жиҳоддан (ортда) қолган мунофиқлар Сендан узр сўрайди. Айтадиларки: «Бизларни мол ва ҳолларимиз машғул қилди. *Шунинг учун жиҳодга*

боролмадик. Энди бизлар учун Худодан истиғфор тиланг». Бу муно-
фиқлар дилларида йўқ нарсани тиллари билан айтадилар. *Айтган сўз-
ларининг ҳаммаси ёлгон. Сен уларга айтгилки:* «Агар Худо сизларга
зарарни (балони) ирода қилса, ким моне (тўсиқ) бўла олади ва агар
фойдани ирода қилса, ким қайтара олади. *Ҳолат сизлар айтгандек,
(жуда кечиримли) эмас.* Йўқ, Аллоҳ таоло (ошкору пинҳон) амалла-
рингиздан хабардордир. Балки сизлар, Пайғамбар ва мўминлар жи-
ҳоддан ўз аҳли-хонадонларига абадий тирик қайтиб келмайдилар, деб
гумон қилгансизлар. Шунинг учун ҳам (улар билан бирга) бормадин-
26 жузъ гизлар. Шайтон тарафидан бу хилдаги ўйлар дилларингизга маъқул
қилинди. Мўминларнинг шаънларига ёмон гумон қилдингизлар. Ҳа-
қиқатан, сизлар ҳалок бўлгувчи қавмдирсизлар».

وَمَن لَّمْ يُؤْمِنۢ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ فَإِنَّآ أَعْتَدْنَا لِلْكَٰفِرِينَ سَعِيرًا ﴿١٣﴾ وَلِلَّهِ مُلْكُ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ يَغْفِرُ لِمَن يَشَآءُ وَيُعَذِّبُ مَن يَشَآءُ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ
غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿١٤﴾

13-14. Ҳар кимки Худо ва Расулига иймон келтирмаса, бас, Биз у мункирларга дўзах ўтини тайёрлаб қўйгандирмиз. Ер ва осмонларнинг подшоҳлиги, (эгалиги) Аллоҳ ихтиёридадир. Хоҳлаган бандани кечиради, хоҳлаган бандага азоб беради. Аллоҳ таоло мўмин бандаларнинг гуноҳларини кечиргувчи ва меҳрибондир.

سَيَقُولُ ٱلْمُخَلَّفُونَ إِذَا ٱنطَلَقْتُمْ إِلَىٰ مَغَانِمَ لِتَأْخُذُوهَا ذَرُونَا نَتَّبِعْكُمْ ۖ
يُرِيدُونَ أَن يُبَدِّلُوا۟ كَلَٰمَ ٱللَّهِ ۚ قُل لَّن تَتَّبِعُونَا كَذَٰلِكُمْ قَالَ ٱللَّهُ مِن قَبْلُ ۖ
فَسَيَقُولُونَ بَلْ تَحْسُدُونَنَا ۚ بَلْ كَانُوا۟ لَا يَفْقَهُونَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٥﴾

15. *Илгари урушга бормасдан, узр айтиб қолган мунофиқлар яқинда айтадилар:* «Эй мусулмонлар, Худо ваъда қилган ғаниматларни (ўлжаларни) олишга борсангизлар, қўйинглар, бизлар ҳам сизлар билан бирга борайлик». Бу мухолифлар Худонинг ҳукмини ўзгартиришни истайдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом)! Уларга айтгил: «Энди сизлар Биз билан урушга бормайсизлар. Бундан илгари (аввалги сафар жиҳоддан баҳона қилиб) қолганларингизда Худо шундай ҳукм қилган эди». Улар айтадиларки: «Худо ҳеч қандай ҳукм қилгани йўқ. Балки сизлар бизга бахиллик (ҳасад) қиляпсизлар». Балки бу қавм ўз фойдаларини камроқ тушунадилар.

قُل لِّلْمُخَلَّفِينَ مِنَ ٱلْأَعْرَابِ سَتُدْعَوْنَ إِلَىٰ قَوْمٍ أُو۟لِى بَأْسٍ شَدِيدٍ تُقَٰتِلُونَهُمْ أَوْ
يُسْلِمُونَ ۖ فَإِن تُطِيعُوا۟ يُؤْتِكُمُ ٱللَّهُ أَجْرًا حَسَنًا ۖ وَإِن تَتَوَلَّوْا۟ كَمَا تَوَلَّيْتُم مِّن قَبْلُ
يُعَذِّبْكُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٦﴾

16. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу хилоф қилувчиларга (ортда қолган мунофиқ аъробийларга): «Яқинда сизлар шавкатли ва қувватли кофирларнинг жангига чақириласизлар ва улар билан муқотала (жанг) қиласизлар ёки улар жангсиз таслим бўлиб, Исломга келадилар. Агар сизлар Худонинг ҳукмига итоат қилсангизлар, Аллоҳ сизларга кўп-кўп ажр беради. Агар аввалгидек жиҳоддан юз ўгирадиган бўлсангиз, унда Аллоҳ таоло сизларни қаттиқ азобга мубтало қилади», деб айтгил.

لَّيْسَ عَلَى ٱلْأَعْمَىٰ حَرَجٌ وَلَا عَلَى ٱلْأَعْرَجِ حَرَجٌ وَلَا عَلَى ٱلْمَرِيضِ حَرَجٌ ۗ
وَمَن يُطِعِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ يُدْخِلْهُ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ ۖ وَمَن يَتَوَلَّ 26 жузъ
يُعَذِّبْهُ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٧﴾

17. Парвардигор яроқсиз (узрли)ларни урушдан озод қилиш учун ҳукм қилди, кўрлар агар урушга бормасалар, уларга ҳеч гуноҳ йўқдир, чўлоқларга ҳам, беморларга ҳам ҳеч гуноҳ йўқдир. Ҳар кимки Аллоҳ ва Расулининг ҳукмига итоат қилса, Аллоҳ уларни тагидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннатта киритади. Ва ҳар кимки Худонинг ҳукмидан юз ўгирса, қаттиқ азобга мубтало қилади.

۞ لَّقَدْ رَضِىَ ٱللَّهُ عَنِ ٱلْمُؤْمِنِينَ إِذْ يُبَايِعُونَكَ تَحْتَ ٱلشَّجَرَةِ فَعَلِمَ مَا فِى
قُلُوبِهِمْ فَأَنزَلَ ٱلسَّكِينَةَ عَلَيْهِمْ وَأَثَٰبَهُمْ فَتْحًا قَرِيبًا ﴿١٨﴾ وَمَغَانِمَ كَثِيرَةً يَأْخُذُونَهَا ۗ
وَكَانَ ٱللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا ﴿١٩﴾

18-19. Албатта, Аллоҳ таоло Сенга дарахтнинг тагида жон ва молларини ислом учун фидо қилишга байъат қилган мўминлардан рози бўлди. Аллоҳ таоло уларнинг дилларидаги ихлосларини билди ҳамда дилларига ором ва сукун (хотиржамлик)ни нозил қилди. Уларга яқинда муяссар бўладиган ғалабани (фатҳни) ва ҳам кўп ғаниматларни (ўлжаларни) муқаррар қилди. Улар буларни оладилар. Аллоҳ таоло ҳамма нарсада ғолиб ва ҳар бир феъли ҳикматлидир.

وَعَدَكُمُ ٱللَّهُ مَغَانِمَ كَثِيرَةً تَأْخُذُونَهَا فَعَجَّلَ لَكُمْ هَٰذِهِۦ وَكَفَّ أَيْدِىَ ٱلنَّاسِ
عَنكُمْ وَلِتَكُونَ ءَايَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ وَيَهْدِيَكُمْ صِرَٰطًا مُّسْتَقِيمًا ﴿٢٠﴾ وَأُخْرَىٰ لَمْ
تَقْدِرُوا۟ عَلَيْهَا قَدْ أَحَاطَ ٱللَّهُ بِهَا ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرًا ﴿٢١﴾

20-21. Аллоҳ таоло кўп ғанимат молларга молик бўлишингизни ваъда қилади. Сизларга энди «Хайбар» урушини нақд қилди ва сизларни кофирларнинг ғалабасидан сақлади. Токи нақд олган ғаниматларингиз мўминлар учун Худонинг ваъдаси ростлигига нишона бўлсин. Бундан кейин ҳам Аллоҳ таоло сизларга жиҳод қилиш йўлларини кўрсатади ва яна ғанимат молларга эга бўлишларингизни ҳам ваъда қилади. Ҳали сизлар унга қодир

бўлганларингиз йўқ. Аллоҳ таолонинг илми ҳамма нарсани иҳота қилган (қамраб олган). Ва Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир.

وَلَوْ قَٰتَلَكُمُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَوَلَّوُا۟ ٱلْأَدْبَٰرَ ثُمَّ لَا يَجِدُونَ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿٢٢﴾
سُنَّةَ ٱللَّهِ ٱلَّتِى قَدْ خَلَتْ مِن قَبْلُ ۖ وَلَن تَجِدَ لِسُنَّةِ ٱللَّهِ تَبْدِيلًا ﴿٢٣﴾

22-23. Агар кофирлар сизлар билан урушсалар, қўрққанларидан орқаларини ўгириб, қочадилар. Кейин ўзларига ёр ва мададкор топмайдилар. Аллоҳ таолонинг аввалдан суннати (одати) шуки, пайғамбарларга ёрдам
26 жузъ беради ва кофирларни мағлуб қилади. Бундан кейин ҳам шундай қилади. Аллоҳ таолонинг одатида ўзгариш топмайсан.

وَهُوَ ٱلَّذِى كَفَّ أَيْدِيَهُمْ عَنكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ عَنْهُم بِبَطْنِ مَكَّةَ مِنۢ بَعْدِ أَنْ أَظْفَرَكُمْ
عَلَيْهِمْ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرًا ﴿٢٤﴾

24. Парвардигор шундай Зотки, Ҳудайбияда сизлардан кофирларнинг қўлларини ва улардан сизнинг қўлларингизни тўсди. Яъни, уруш бўлмади. *Макканинг чўлида сизларга зафар берганди. Бунинг устига кофирлар лашкарларининг олдинги сафларида турганларни асир қилиб олган эдингизлар. Кейин кофирлар билан сулҳ қилдингизлар.* Аллоҳ таоло сизларнинг амалларингизни кўриб тургувчидир.

هُمُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَصَدُّوكُمْ عَنِ ٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ وَٱلْهَدْىَ مَعْكُوفًا أَن
يَبْلُغَ مَحِلَّهُۥ ۚ وَلَوْلَا رِجَالٌ مُّؤْمِنُونَ وَنِسَآءٌ مُّؤْمِنَٰتٌ لَّمْ تَعْلَمُوهُمْ أَن تَطَـُٔوهُمْ
فَتُصِيبَكُم مِّنْهُم مَّعَرَّةٌۢ بِغَيْرِ عِلْمٍ ۖ لِّيُدْخِلَ ٱللَّهُ فِى رَحْمَتِهِۦ مَن يَشَآءُ ۚ لَوْ تَزَيَّلُوا۟
لَعَذَّبْنَا ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنْهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿٢٥﴾

25. Бу кофирлар, сизларни Масжидул Ҳаромнинг тавофидан манъ қилиб, қурбонликларингизни қурбонлик қиладиган жойга олиб боришга тўсқинлик қиларди. Агар Макка ичида сизлар билмайдиган мўмин ва мўминалар бўлмаганида ва уруш бошланиб кетиб, уларни билмасдан ҳалок қилишларингиз хавфи туғилмаганида эди, Худо сизларни урушдан манъ қилмаган бўлур эди. *Албатта, уруш бўлганда, сизлар уларни билмасдан ўлдириб қўйиб, гуноҳкор бўлишларингиз мумкин эди. Шунинг учун Парвардигор сулҳ қилишларингизни ирода этди.* Аллоҳ таоло хоҳлаганини ўз раҳматига дохил қилади. Агар Маккадаги мўминлар кофирлардан ажралиб кетганларида, у вақтда Биз кофирларни қаттиқ азобга мубтало қилган бўлар эдик.

إِذْ جَعَلَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ فِى قُلُوبِهِمُ ٱلْحَمِيَّةَ حَمِيَّةَ ٱلْجَٰهِلِيَّةِ فَأَنزَلَ ٱللَّهُ
سَكِينَتَهُۥ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ وَعَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ وَأَلْزَمَهُمْ كَلِمَةَ ٱلتَّقْوَىٰ وَكَانُوٓا۟
أَحَقَّ بِهَا وَأَهْلَهَا ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمًا ﴿٢٦﴾

26. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирлар дилларида жоҳилият кибрини (қизиққонлигини) мустаҳкам намоён қилган пайтни ёд қилгил. *Муҳаммад алайҳиссаломни Маккага кириб, хонаи Каъбани тавоф қилишга қўймадилар. Ҳатто мусулмонлар кофирлар билан урушишни ирода қилдилар. Лекин Аллоҳ таоло уруш бўлмаслигини хоҳлади.* Бас, Аллоҳ таоло Расулига ва мўминларга сабру оромни нозил қилди. Ва уларга тақво калимаси, *яъни Калимаи шаҳодатни* собит айлади. Мўминлар бу калимага жудаям ҳақли ва муносиб эдилар. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билгувчи донодир.

لَّقَدْ صَدَقَ ٱللَّهُ رَسُولَهُ ٱلرُّءْيَا بِٱلْحَقِّ لَتَدْخُلُنَّ ٱلْمَسْجِدَ ٱلْحَرَامَ إِن شَآءَ 26 жузъ
ٱللَّهُ ءَامِنِينَ مُحَلِّقِينَ رُءُوسَكُمْ وَمُقَصِّرِينَ لَا تَخَافُونَ فَعَلِمَ مَا لَمْ تَعْلَمُوا۟
فَجَعَلَ مِن دُونِ ذَٰلِكَ فَتْحًا قَرِيبًا ﴿٢٧﴾

27. *Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сулҳдан олдин Ҳудайбия воқеасини туш кўрган эдилар. Тушларида хонаи Каъбага кириб, зиёрат қилдилар ва ҳаж аҳкомларини адо этдилар. Мўминларга бу тушларини ҳикоя қилдилар. Ва бу туш таъбирини «шу йилда ҳосил бўлади», – деб ўйладилар. Сўнгра ҳаж қилишга азм этдилар. Маккага келганларида кофирлар киргани қўймади. Кейин ҳажни адо этмасдан, сулҳ қилиб қайтдилар. Баъзи иймони заиф мўминларнинг дилларига шайтон «Расулуллоҳнинг тушлари нотўғри чиқди», – дея васваса сола бошлади. Ваҳоланки, тушнинг таъбири қирқ йилдан кейин ҳам келиши мумкин. Аллоҳ таоло Расулининг тушини тасдиқлаб айтдики:* «Аллоҳ Расулининг тушини рост қилгандир, албатта, у воқе бўлади. Эй мўминлар, Худо хоҳласа, сизлар урушсиз, амну омонлик бирла сочларингни тагидан олдирган ёки калта қилдирган ва ҳеч кимдан қўрқмайдиган ҳолда Масжидул Ҳаромга дохил бўласиз. Бас, сизлар билмаган нарсани Аллоҳ билиб, ундан (Макка фатҳидан) олдин яқин бир фатҳ – ғалабани, Хайбар жангидаги нусратни муяссар қилди».

هُوَ ٱلَّذِىٓ أَرْسَلَ رَسُولَهُۥ بِٱلْهُدَىٰ وَدِينِ ٱلْحَقِّ لِيُظْهِرَهُۥ عَلَى ٱلدِّينِ كُلِّهِۦ
وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ شَهِيدًا ﴿٢٨﴾

28. Парвардигор Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан бошқа барча динлардан ғолиб қилиш учун юборди. Бу диннинг ҳақлигига Аллоҳнинг гувоҳлиги кифоя қилади.

مُّحَمَّدٌ رَّسُولُ ٱللَّهِ ۚ وَٱلَّذِينَ مَعَهُۥٓ أَشِدَّآءُ عَلَى ٱلْكُفَّارِ رُحَمَآءُ بَيْنَهُمْ ۖ تَرَىٰهُمْ رُكَّعًا
سُجَّدًا يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِّنَ ٱللَّهِ وَرِضْوَٰنًا ۖ سِيمَاهُمْ فِى وُجُوهِهِم مِّنْ أَثَرِ ٱلسُّجُودِ ۚ
ذَٰلِكَ مَثَلُهُمْ فِى ٱلتَّوْرَىٰةِ ۚ وَمَثَلُهُمْ فِى ٱلْإِنجِيلِ كَزَرْعٍ أَخْرَجَ شَطْـَٔهُۥ فَـَٔازَرَهُۥ
فَٱسْتَغْلَظَ فَٱسْتَوَىٰ عَلَىٰ سُوقِهِۦ يُعْجِبُ ٱلزُّرَّاعَ لِيَغِيظَ بِهِمُ ٱلْكُفَّارَ ۗ وَعَدَ ٱللَّهُ

ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّـٰلِحَـٰتِ مِنْهُم مَّغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًۢا ﴿٢٩﴾

29. Муҳаммад (алайҳиссалом) Аллоҳнинг Расулидир, у зот билан бирга
бўлган мўминлар кофирларга нисбатан қаҳрли ва ўз ўрталарида (ўза-
ро) раҳму шафқатлидирлар. Уларни Худонинг ибодатида руку ва сажда
қилган ҳолда кўрасан. Улар Аллоҳнинг фазлу марҳаматини ва розили-
гини истайдилар. Ҳамиша юзларида сажда қилганлик аломатлари мав-
жуддир. Уларнинг сифатлари Тавротда шундай. Ва Инжилда (уларнинг
сифатлари) худди шох чиқарган, мустаҳкам (қувватга кирган), йўғон
26 жузъ бўлиб, ўз танасида тик турган, кўкариб яшнаган ва ўз экувчисини
хурсанд қилган бир дарахтга ўхшайди. *Бу мисол Муҳаммад алайҳисса-
лом бирла мўминларнинг мисолларидир.* Бундай мисолнинг келтирили-
ши кофирларни мулзам ва ғамгин қилиш учундир. Аллоҳ таоло гуноҳ-
ларни кечиришини ва улуғ савоб беришини мўминларга ва яхши амал
қилгувчиларга ваъда қилади.

Мадинада нозил бўлган бу сура
ўн саккиз оятдан иборатдир.

Бу сурада мўминларга Пайғамбар ва ўзаро бир-бирлари билан қандай муомалада бўлишлари лозимлиги, шунингдек, баъзи бир одоб-ахлоқлар ўргатилган. Сураниг номи 4-оятда келган «ҳужурот» – хоналар маъносидаги сўздан олинган. 26 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تُقَدِّمُوا۟ بَيْنَ يَدَىِ ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ ۖ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌ
عَلِيمٌ ﴿١﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَرْفَعُوٓا۟ أَصْوَٰتَكُمْ فَوْقَ صَوْتِ ٱلنَّبِىِّ وَلَا تَجْهَرُوا۟
لَهُۥ بِٱلْقَوْلِ كَجَهْرِ بَعْضِكُمْ لِبَعْضٍ أَن تَحْبَطَ أَعْمَٰلُكُمْ وَأَنتُمْ لَا تَشْعُرُونَ
﴿٢﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَغُضُّونَ أَصْوَٰتَهُمْ عِندَ رَسُولِ ٱللَّهِ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ ٱمْتَحَنَ ٱللَّهُ
قُلُوبَهُمْ لِلتَّقْوَىٰ ۚ لَهُم مَّغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿٣﴾

1-3. Эй мўминлар, Аллоҳ ва унинг Расули олдида илгари юрманг, (шошилманг, ҳар бир ҳукм ва ишда) одоб сақланглар, беодоблик қилишдан Аллоҳдан қўрқинглар. Аллоҳ таоло сўзларингизни эшитгувчи ва аҳволларингизни (билгувчи) донодир. Эй мўминлар, овозларингизни Пайғамбарнинг овозидан баланд қилманглар. Унга беодоблик билан бир-бирингизга қаттиқ гапиргандек қаттиқ (баланд) овоз билан гапирманглар, токи ўзингиз билмаган ҳолда амалларингиз ботил бўлмасин. Расулуллоҳнинг ҳузурларида одоб билан овозларини паст қилиб гапирадиган мўминларнинг дилларини Аллоҳ таоло тақво билан синагандир. Уларга Аллоҳ таоло тарафидан мағфират ва улуғ савоб ато қилинади.

إِنَّ ٱلَّذِينَ يُنَادُونَكَ مِن وَرَآءِ ٱلْحُجُرَٰتِ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ ﴿٤﴾
وَلَوْ أَنَّهُمْ صَبَرُوا۟ حَتَّىٰ تَخْرُجَ إِلَيْهِمْ لَكَانَ خَيْرًا لَّهُمْ ۚ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٥﴾

4-5. (Албатта), Сени ҳужралар орқасидан қаттиқ овоз билан чақирадиганларнинг аксари кўп жоҳил ва ақлсиздир. Агар улар то Сен (ҳужрангдан) чиққунингча сабр қилиб турсалар, ўзларига яхши бўлар эди. Аллоҳ таоло хатоларни кечиргувчи ва бандаларга меҳрибондир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِن جَآءَكُمۡ فَاسِقُۢ بِنَبَإٖ فَتَبَيَّنُوٓاْ أَن تُصِيبُواْ قَوۡمَۢا بِجَهَٰلَةٖ
فَتُصۡبِحُواْ عَلَىٰ مَا فَعَلۡتُمۡ نَٰدِمِينَ ﴿٦﴾ وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّ فِيكُمۡ رَسُولَ ٱللَّهِۚ لَوۡ يُطِيعُكُمۡ
6 зъ فِي كَثِيرٖ مِّنَ ٱلۡأَمۡرِ لَعَنِتُّمۡ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ حَبَّبَ إِلَيۡكُمُ ٱلۡإِيمَٰنَ وَزَيَّنَهُۥ فِي قُلُوبِكُمۡ وَكَرَّهَ
إِلَيۡكُمُ ٱلۡكُفۡرَ وَٱلۡفُسُوقَ وَٱلۡعِصۡيَانَۚ أُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلرَّٰشِدُونَ ﴿٧﴾ فَضۡلٗا مِّنَ
ٱللَّهِ وَنِعۡمَةٗۚ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٞ ﴿٨﴾

6-8. Эй мўминлар, агар сизларга бирор фосиқ бирор хабарни олиб келса, яхши текшириб кўриб, (аниқлаб) кейин амал қилинглар. Сизлар бу фосиқнинг сўзига ишониб, бирор қавмга билмасдан мусибат етказиб қўясизлар, кейин ўзларингиз қилган ишларингизга пушаймон бўласизлар. Билингларки, ичларингизда Расулуллоҳ бордир. Агар кўп ишларда сизларга тобе бўлиб, гапларингга амал қилаверса, ўзларчнг кулфатда қоласизлар. *Сизлар ҳар бир ишда Расулуллоҳ билан маслаҳатлашиб, унинг сўзига итоат қилинглар. Албатта, сизлар шундай қиласизлар, чунки* Аллоҳ таоло сизларнинг дилларингизга иймонни маҳбуб, ҳамроҳ қилган ва иймон билан дилларингиз зийнатланган. Куфрни, фисқни ва исённи эса дилларингизга макруҳ қилган (ёмон кўрсатган). Ана шу гуруҳ (кишилар) Худонинг фазли ва марҳаматидан ҳидоят йўлини топгандир. Аллоҳ таоло бандаларининг аҳволини билгувчи ва феъли ҳикматлидир.

وَإِن طَآئِفَتَانِ مِنَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ٱقۡتَتَلُواْ فَأَصۡلِحُواْ بَيۡنَهُمَاۖ فَإِنۢ بَغَتۡ إِحۡدَىٰهُمَا عَلَى
ٱلۡأُخۡرَىٰ فَقَٰتِلُواْ ٱلَّتِي تَبۡغِي حَتَّىٰ تَفِيٓءَ إِلَىٰٓ أَمۡرِ ٱللَّهِۚ فَإِن فَآءَتۡ فَأَصۡلِحُواْ بَيۡنَهُمَا
بِٱلۡعَدۡلِ وَأَقۡسِطُوٓاْۖ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلۡمُقۡسِطِينَ ﴿٩﴾ إِنَّمَا ٱلۡمُؤۡمِنُونَ إِخۡوَةٞ
فَأَصۡلِحُواْ بَيۡنَ أَخَوَيۡكُمۡۚ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ لَعَلَّكُمۡ تُرۡحَمُونَ ﴿١٠﴾

9-10. Агар мўминлардан икки тоифа бир-бири билан уришиб қолсалар, *сизлар қараб турмасдан*, улар ўртасида сулҳ (ислоҳ) қилинг. Агар бир тоифа бошқа тоифага ноҳақ тажовуз қилса, бас, сизлар то Худонинг ҳукмига рози бўлгунларича, тажовуз қилувчилар билан курашинг. Агар Худонинг ҳукмига қайтсалар, ўрталарини адолат билан ислоҳ қилинг. Адолатли бўлинг. Аллоҳ таоло адолат қилгувчиларни дўст тутади. Албатта, ҳамма мўминлар диний биродардирлар. Биродарларингиз ўртасида ноиттифоқлик (келишмовчилик) бўлиб қолса, (ораларини) ислоҳ қилинглар. Ноиттифоқ бўлишдан Худодан қўрқинглар, шоядки Худонинг раҳматига лойиқ бўлсангиз.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا يَسْخَرْ قَوْمٌ مِّن قَوْمٍ عَسَىٰٓ أَن يَكُونُوا۟ خَيْرًا مِّنْهُمْ وَلَا نِسَآءٌ
مِّن نِّسَآءٍ عَسَىٰٓ أَن يَكُنَّ خَيْرًا مِّنْهُنَّ ۖ وَلَا تَلْمِزُوٓا۟ أَنفُسَكُمْ وَلَا تَنَابَزُوا۟ بِٱلْأَلْقَٰبِ ۖ
بِئْسَ ٱلِٱسْمُ ٱلْفُسُوقُ بَعْدَ ٱلْإِيمَٰنِ ۚ وَمَن لَّمْ يَتُبْ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿١١﴾

11. Эй мўминлар, сизлардан бир жамоа (қавм) бошқа бир жамоани масхара қилмасин. Эҳтимол, бу жамоа (паст кўрилиб, масхараланган жамоа) Худонинг наздида улардан яхшироқ бўлиши мумкин. Хотинлар ҳам бошқа хотинларни масхара қилмасинлар, Худонинг наздида бу хотинлар улардан яхшироқ бўлсалар, (ажаб эмас). Ўз биродарларингизнинг айбини ошкор (мазах) қилманглар ва ёмон лақаблар қўйманглар. Иймон келтиргандан кейин фосиқ деб ном чиқариш (жуда) ёмондир! Ҳар ким шу хилдаги ёмон сифатлардан тавба қилмаса, бас, улар биродарлари ҳақига золимдирлар.

26 жузъ

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱجْتَنِبُوا۟ كَثِيرًا مِّنَ ٱلظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ ٱلظَّنِّ إِثْمٌ ۖ وَلَا
تَجَسَّسُوا۟ وَلَا يَغْتَب بَّعْضُكُم بَعْضًا ۚ أَيُحِبُّ أَحَدُكُمْ أَن يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ
مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ ۚ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ تَوَّابٌ رَّحِيمٌ ﴿١٢﴾

12. Эй мўминлар, бировлар ҳақида ҳар хил гумон қилишдан ўзларингизни сақланглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Эй мўминлар, жосуслик қилманглар ва баъзиларингиз баъзиларингизнинг орқасидан ёмонламасин (ғийбат қилмасин). Сизлардан бирортангиз ўлган биродарининг гўштини ейишни хушлайдими? Албатта ёмон кўрасиз. *Яъни, бировни ғийбат қилиш (уни) ўлдириб гўштини ейиш билан баробардир.* Аллоҳдан қўрқинглар ва тавба қилинглар. Албатта, Аллоҳ таоло бандаларнинг тавбаларини қабул қилгувчи, меҳрибондир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَٰكُم مِّن ذَكَرٍ وَأُنثَىٰ وَجَعَلْنَٰكُمْ شُعُوبًا وَقَبَآئِلَ لِتَعَارَفُوٓا۟ ۚ
إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِندَ ٱللَّهِ أَتْقَىٰكُمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ ﴿١٣﴾

13. Эй одамлар, Биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик. Ва сизларни жамоа-жамоа ва қабила-қабила қилдик. Токи бир-бирларингизни taнинглар ва қабилаларингиз маълум бўлсин. Бу сифатларда ҳаммаларингиз баробардирсизлар. Лекин Аллоҳнинг наздида тақволарингиз ва Худодан қўрққанларингиз ҳаммадан азизроқдир. Аллоҳ таоло доно ва ҳолларингиздан огоҳдир.

۞ قَالَتِ ٱلْأَعْرَابُ ءَامَنَّا ۖ قُل لَّمْ تُؤْمِنُوا۟ وَلَٰكِن قُولُوٓا۟ أَسْلَمْنَا وَلَمَّا يَدْخُلِ
ٱلْإِيمَٰنُ فِى قُلُوبِكُمْ ۖ وَإِن تُطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ لَا يَلِتْكُم مِّنْ أَعْمَٰلِكُمْ شَيْـًٔا ۚ إِنَّ
ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٤﴾ إِنَّمَا ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ ثُمَّ لَمْ

يَرۡتَابُواْ وَجَٰهَدُواْ بِأَمۡوَٰلِهِمۡ وَأَنفُسِهِمۡ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِۚ أُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلصَّٰدِقُونَ
١٥ قُلۡ أَتُعَلِّمُونَ ٱللَّهَ بِدِينِكُمۡ وَٱللَّهُ يَعۡلَمُ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۚ
وَٱللَّهُ بِكُلِّ شَيۡءٍ عَلِيمٞ ١٦

14-16. Саҳрода ўтирган мунофиқлар (аъробийлар) айтадиларки: «Биз ҳам мўминларга ўхшаб иймон келтирганмиз». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Сизлар ҳақиқий мўмин бўлганларингиз йўқ.
26 жузъ (Ҳали иймон қалбларингизга ўрнашмаган). Лекин «Таслим бўлдик (итоат этдик, бўйсундик)», — деб айтинглар. *Вақтики иймон дилларингизга кирмаган экан, мўминмиз дейишларинг дуруст эмас.* Аллоҳ ва Расулининг ҳукмини ихлос билан қабул қилсангизлар, Аллоҳ таоло амалларингиз ажрини кам қилмайди, *балки мукаммал (қилиб) беради».* Аллоҳ таоло гуноҳларни кечиргувчи, меҳрибондир. (Албатта), ҳақиқий мўминлар Аллоҳга ва Расулига иймон келтириб, бунга дилларида ҳеч шак (шубҳа) қилмайдилар ва Аллоҳ йўлида жонлари ва моллари билан жиҳод қиладилар. Ана шундай кишиларнинг иймонлари ҳақиқийдир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу мунофиқларга айтгил: «Сизлар Худога иймонларингиздан хабар бермоқчимисизлар? Ваҳоланки, Аллоҳ таоло осмонлардаги ва ердаги зарраларнинг ҳаммасини билади. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билгувчи, доноди».

يَمُنُّونَ عَلَيۡكَ أَنۡ أَسۡلَمُواْۖ قُل لَّا تَمُنُّواْ عَلَيَّ إِسۡلَٰمَكُمۖ بَلِ ٱللَّهُ يَمُنُّ عَلَيۡكُمۡ أَنۡ
هَدَىٰكُمۡ لِلۡإِيمَٰنِ إِن كُنتُمۡ صَٰدِقِينَ ١٧ إِنَّ ٱللَّهَ يَعۡلَمُ غَيۡبَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۚ
وَٱللَّهُ بَصِيرُۢ بِمَا تَعۡمَلُونَ ١٨

17-18. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у мунофиқлар Сенга ўзларининг иймон келтирганларини миннат қиладилар. Сен уларга айтгил: «Менга мусулмонлигингизни миннат қилманглар, балки, агар иймон келтирганларингиз рост бўлса, Аллоҳ таоло миннат қилишга сизлардан кўра ҳақлироқдир, чунки сизларни иймонга ҳидоят қилди. Аллоҳ таоло осмонлардаги ва ердаги ғойиб нарсаларни билади. Ва сизларнинг қилган амалларингизни ҳам кўриб туради».

Маккада нозил бўлган бу сура
қирқ беш оятдан иборатдир.

Сура «Қоф» ҳарфи билан бошланганлиги учун шу номни олган. Сурада 26 жузъ
қайта тирилиш ва ҳисоб-китоб қилинишнинг ҳақ эканлиги, охиратга мункирлар эса азобга мубтало бўлишлари ҳамда сур чалингандан кейинги воқеалар, инсонларнинг саросимали ҳолатлари баён қилинади.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

قٓۚ وَٱلۡقُرۡءَانِ ٱلۡمَجِيدِ ١ بَلۡ عَجِبُوٓاْ أَن جَآءَهُم مُّنذِرٞ مِّنۡهُمۡ فَقَالَ
ٱلۡكَٰفِرُونَ هَٰذَا شَيۡءٌ عَجِيبٌ ٢ أَءِذَا مِتۡنَا وَكُنَّا تُرَابٗاۖ ذَٰلِكَ رَجۡعُۢ بَعِيدٞ ٣

1-3. Қоф. *Бу (муқаттаот) ҳарфнинг маъноси Аллоҳ таолога хосдир. Ундан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Улуғ Қуръонга қасамки, *Сен Худонинг Пайғамбаридирсан. Кофирлар мункир бўладилар.* Балки ўзларидан Муҳаммад (алайҳиссалом) Пайғамбар бўлиб келганига тааж-жубланиб: «Биз турганда Муҳаммаднинг Пайғамбар бўлгани ажабланарли иш-ку?», – дейдилар. Яна таажжуб билан айтадиларки: «Вақтики биз ўлиб кетсак ва тупроқ бўлиб кетсак, яна ҳаётга қайтамизми? Бу қайтиш ниҳоятда ақлдан узоқ, мумкин бўлмаган ишдир».

قَدۡ عَلِمۡنَا مَا تَنقُصُ ٱلۡأَرۡضُ مِنۡهُمۡۖ وَعِندَنَا كِتَٰبٌ حَفِيظُۢ ٤ بَلۡ كَذَّبُواْ بِٱلۡحَقِّ
لَمَّا جَآءَهُمۡ فَهُمۡ فِيٓ أَمۡرٖ مَّرِيجٍ ٥ أَفَلَمۡ يَنظُرُوٓاْ إِلَى ٱلسَّمَآءِ فَوۡقَهُمۡ كَيۡفَ
بَنَيۡنَٰهَا وَزَيَّنَّٰهَا وَمَا لَهَا مِن فُرُوجٖ ٦ وَٱلۡأَرۡضَ مَدَدۡنَٰهَا وَأَلۡقَيۡنَا فِيهَا رَوَٰسِيَ
وَأَنۢبَتۡنَا فِيهَا مِن كُلِّ زَوۡجِۭ بَهِيجٖ ٧ تَبۡصِرَةٗ وَذِكۡرَىٰ لِكُلِّ عَبۡدٖ مُّنِيبٖ ٨

4-8. Албатта, Биз ер уларнинг жасадларини қанча (қай) миқдорда кам қилаётганини биламиз. Бизнинг наздимизда уларнинг (аъмоллари) ёзилган китоб (Лавҳул Маҳфуз) бор. Лекин улар ҳақ динни инкор этдилар *ва Қуръон келганда (уни одамларга етказган Пайғамбарни) ёлғончи қилдилар.* Улар бу дин тўғрисида изтиробга тушиб қолганлар. Тепаларидаги ос-

монга назар қилсалар бўлмайдими? Биз уни қандай бино қилганмиз ва қандай зийнат берганмиз? У осмоннинг ҳеч қандай тешиги ва ёрилган жойи йўқ. *Ерга назар қилсалар бўлмайдими?* Биз ерни оёқларининг остига ёйиб қўйганмиз ва унинг устида оғир тоғлар яратганмиз ва ҳам ерда ҳар хил хурсанд қиладиган гиёҳлар яратганмиз, токи Худога қайтгувчи (ҳар бир) бандага (эслатма ва) насиҳат бўлсин. *Ва Аллоҳнинг маърифатига далил бўлсин.*

وَنَزَّلْنَا مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً مُّبَٰرَكًا فَأَنۢبَتْنَا بِهِۦ جَنَّٰتٍ وَحَبَّ ٱلْحَصِيدِ ﴿٩﴾
26 жузъ وَٱلنَّخْلَ بَاسِقَٰتٍ لَّهَا طَلْعٌ نَّضِيدٌ ﴿١٠﴾ رِّزْقًا لِّلْعِبَادِ ۖ وَأَحْيَيْنَا بِهِۦ بَلْدَةً مَّيْتًا ۚ
كَذَٰلِكَ ٱلْخُرُوجُ ﴿١١﴾

9-11. Биз осмондан баракотли ёмғирлар ёғдирдик ва унинг сабаби билан боғу бўстонлар яратдик. Ва ўриб олинадиган донлар (ундирдик), мевалари кўплигидан эгилиб, бир-бирига суяниб қолган баланд қоматли хурмолар кўкартирдик. Булар ҳаммаси бандаларга ризқ учундир. Биз ёмғирлар билан қуриб қолган шаҳарларни обод қилдик. *Ва ерларга ҳаёт бағишладик.* Сизларнинг қабрдан тирилиб чиқишларингиз ҳам шунга ўхшайди.

كَذَّبَتْ قَبْلَهُمْ قَوْمُ نُوحٍ وَأَصْحَٰبُ ٱلرَّسِّ وَثَمُودُ ﴿١٢﴾ وَعَادٌ وَفِرْعَوْنُ وَإِخْوَٰنُ
لُوطٍ ﴿١٣﴾ وَأَصْحَٰبُ ٱلْأَيْكَةِ وَقَوْمُ تُبَّعٍ ۚ كُلٌّ كَذَّبَ ٱلرُّسُلَ فَحَقَّ وَعِيدِ ﴿١٤﴾

12-14. Курайш қавмидан илгари Нуҳ қавми, Расс (қудуқ) аҳли (Шуайб алайҳиссаломга мункир бўлгани учун қудуққа тушиб кетган қавм), Самуд қавми, Од қавми, Фиръавн қавми, Лутнинг биродарлари, Айка аҳли ва Туббаъ қавми ҳам – ҳаммаси ўз пайғамбарларини такзиб (ёлғончи) қилиб, иймон келтиришдан бош тортган эдилар. Уларга Бизнинг тарафимиздан азоб ваъдаси собит бўлди.

أَفَعَيِينَا بِٱلْخَلْقِ ٱلْأَوَّلِ ۚ بَلْ هُمْ فِى لَبْسٍ مِّنْ خَلْقٍ جَدِيدٍ ﴿١٥﴾ وَلَقَدْ خَلَقْنَا
ٱلْإِنسَٰنَ وَنَعْلَمُ مَا تُوَسْوِسُ بِهِۦ نَفْسُهُۥ ۖ وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ ٱلْوَرِيدِ ﴿١٦﴾
إِذْ يَتَلَقَّى ٱلْمُتَلَقِّيَانِ عَنِ ٱلْيَمِينِ وَعَنِ ٱلشِّمَالِ قَعِيدٌ ﴿١٧﴾ مَّا يَلْفِظُ مِن قَوْلٍ إِلَّا
لَدَيْهِ رَقِيبٌ عَتِيدٌ ﴿١٨﴾

15-18. Биз инсонни аввалги яратганимизда ожиз бўлиб чарчаган эдикмики, энди бу кофирлар Бизнинг қайта яратишимизга шубҳа қиладилар? (Шубҳасиз), Биз инсонни яратганмиз. Нафси хотирига нима келтирса, (кўнглидан нима ўтса), биламиз. Биз унга жон томиридан ҳам яқинроқдирмиз. *Эй Муҳаммад алайҳиссалом, фикр қил,* ёд олувчи икки фаришта банданинг ўнг тарафида ва чап тарафида ҳозир бўлиб (кутиб) турадилар. (Банда) қай бир сўзни оғзига олса ёки бирор бир феъл содир қилса, у фаришталар ёнида ҳозирдирлар ва номаи аъмолига ёзиб борадилар.

وَجَآءَتْ سَكْرَةُ ٱلْمَوْتِ بِٱلْحَقِّ ذَٰلِكَ مَا كُنتَ مِنْهُ تَحِيدُ ﴿١٩﴾ وَنُفِخَ فِى ٱلصُّورِ ذَٰلِكَ يَوْمُ ٱلْوَعِيدِ ﴿٢٠﴾ وَجَآءَتْ كُلُّ نَفْسٍ مَّعَهَا سَآئِقٌ وَشَهِيدٌ ﴿٢١﴾ لَّقَدْ كُنتَ فِى غَفْلَةٍ مِّنْ هَٰذَا فَكَشَفْنَا عَنكَ غِطَآءَكَ فَبَصَرُكَ ٱلْيَوْمَ حَدِيدٌ ﴿٢٢﴾

19-22. Вақтики бандага ўлимнинг беҳушлиги (талвасаси) келса, малоикалар айтадилар: «Сен ўлимдан қочар эдинг, (ҳақиқатда) энди сенга (етиб) келди». Сўнгра (Ҳазрати) Исрофил тарафидан ўликларни қабрдан чиқариш учун сур чалинади. Малоикалар айтадилар: «Сизлар у дунёда бу куннинг келишидан қўрқитилган эдингизлар. *Мана энди ҳар бир нафс учун (бу кун етиб) келди».* У билан бирга Маҳшаргоҳга ҳайдаб боргувчи ва гувоҳлик бергувчи (фаришта) Маҳшаргоҳга ҳозир бўлади. Эй инсон, сен дунёда бу кунни кўрмаган ва ғафлатда эдинг. Энди сенинг кўзингдан пардани кўтардик. Энди сенинг кўзларинг ўткирдир, бу кунни кўриб турибди. **26 жузъ**

وَقَالَ قَرِينُهُۥ هَٰذَا مَا لَدَىَّ عَتِيدٌ ﴿٢٣﴾ أَلْقِيَا فِى جَهَنَّمَ كُلَّ كَفَّارٍ عَنِيدٍ ﴿٢٤﴾ مَّنَّاعٍ لِّلْخَيْرِ مُعْتَدٍ مُّرِيبٍ ﴿٢٥﴾ ٱلَّذِى جَعَلَ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا ءَاخَرَ فَأَلْقِيَاهُ فِى ٱلْعَذَابِ ٱلشَّدِيدِ ﴿٢٦﴾

23-26. Ҳар бир кофирга ҳамроҳ бўлиб юрган муаккал фаришта айтади: «Мана бунинг номаи аъмоли менинг наздимда ҳозирдир». *Кейин улар жаҳаннамга ҳукм қилинади.* Худо тарафидан дўзахга элтувчи икки фариштага амр бўладики: «Бу Худонинг ваҳдониятига шак қилган, ҳаддидан ошган, яхшиликни манъ қилувчи, саркаш кофирни жаҳаннамга ташланг! Булар Худога шерик иснод қилганлар (нисбат берганлар). Буларни азобнинг қаттиқ жойига ташланг!»

۞ قَالَ قَرِينُهُۥ رَبَّنَا مَآ أَطْغَيْتُهُۥ وَلَٰكِن كَانَ فِى ضَلَٰلٍ بَعِيدٍ ﴿٢٧﴾ قَالَ لَا تَخْتَصِمُوا۟ لَدَىَّ وَقَدْ قَدَّمْتُ إِلَيْكُم بِٱلْوَعِيدِ ﴿٢٨﴾ مَا يُبَدَّلُ ٱلْقَوْلُ لَدَىَّ وَمَآ أَنَا۠ بِظَلَّٰمٍ لِّلْعَبِيدِ ﴿٢٩﴾ يَوْمَ نَقُولُ لِجَهَنَّمَ هَلِ ٱمْتَلَأْتِ وَتَقُولُ هَلْ مِن مَّزِيدٍ ﴿٣٠﴾

27-30. Кейин (ҳар бир) гумроҳ банданинг ҳамроҳи бўлган шайтон айтади: «Худоё, мен буни гумроҳ қилганим йўқ, балки ўзи узундан-узоқ гумроҳликка мубтало эди». Худо айтадики: «Менинг олдимда жанжал қилманглар (тортишманглар). Мен илгари сизларга огоҳлантирувчилар юборган эдим. *Сизлар мункир бўлгансизлар.* Энди Менинг ҳузуримда ваъдаларга хилоф қилинмайди ва сўзлар ўзгармайди». Биз ҳеч бир бандага зулм қилгувчи эмасмиз, балки ўзлари амалларининг жазосини тортадилар. Қиёмат куни жаҳаннамга: «Сен тўлдингми?» – деб айтганимизда, жаҳаннам: «Менга яна зиёда (кўпроқ) керак», – деб жавоб беради. *Сўнгра Парвардигор (дўзахни)* шайтонлар билан тўлдиради.

وَأُزْلِفَتِ ٱلْجَنَّةُ لِلْمُتَّقِينَ غَيْرَ بَعِيدٍ ﴿٣١﴾ هَٰذَا مَا تُوعَدُونَ لِكُلِّ أَوَّابٍ حَفِيظٍ
﴿٣٢﴾ مَّنْ خَشِيَ ٱلرَّحْمَٰنَ بِٱلْغَيْبِ وَجَآءَ بِقَلْبٍ مُّنِيبٍ ﴿٣٣﴾ ٱدْخُلُوهَا بِسَلَٰمٍ ذَٰلِكَ
يَوْمُ ٱلْخُلُودِ ﴿٣٤﴾ لَهُم مَّا يَشَآءُونَ فِيهَا وَلَدَيْنَا مَزِيدٌ ﴿٣٥﴾

31-35. Қиёмат куни жаннат мутаққийларга (тақводор мўминларга) яқин келтирилиб, рўбарўларида ҳозир қилинади. Худо тарафидан айтилади: «Мана шу сизларга ваъда қилинган жаннат. Ҳар бир банда гуноҳлардан қайтиб, Худонинг ҳукмига риоя қилган бўлса, шу зотларга мана шу жаннат ваъда қилинган эди». Ҳар кимки Парвордигорни кўрмасдан туриб қўрқса, Худога матаважжиҳ бўлган дил (қалби салим) билан бу жойга келса, Парвардигор тарафидан айтиладики: «Саломатлик билан бу жаннатта киринглар. Ва мана шу сизларга абадий роҳат бўладиган кундир». Улар жаннатда нимани хоҳласалар, муҳайёдир. Лекин Биз (неъматларни янада) зиёда қилиб берамиз.

26 жузъ

وَكَمْ أَهْلَكْنَا قَبْلَهُم مِّن قَرْنٍ هُمْ أَشَدُّ مِنْهُم بَطْشًا فَنَقَّبُوا۟ فِى ٱلْبِلَٰدِ هَلْ مِن
مَّحِيصٍ ﴿٣٦﴾ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَذِكْرَىٰ لِمَن كَانَ لَهُۥ قَلْبٌ أَوْ أَلْقَى ٱلسَّمْعَ وَهُوَ
شَهِيدٌ ﴿٣٧﴾ وَلَقَدْ خَلَقْنَا ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا فِى سِتَّةِ أَيَّامٍ وَمَا
مَسَّنَا مِن لُّغُوبٍ ﴿٣٨﴾

36-38. Қурайшдан кўп замонлар илгари ўтган қавмларни ҳалок қилганмиз. Улар булардан кувватлироқ эдилар. Ва қишлоқ-шаҳарларда юриб тижорат қилар (балолардан қочиб юрар) эдилар. Улар ўлимдан қочиб қутула олдиларми? Албатта, бу воқеаларда ақлли одамлар учун насиҳатлар бор. Ёки ҳузури қалб билан қулоқ солувчилар учун ибратлар бор. Биз осмонларни, ерни ва улар орасидаги нарсаларни олти кунда халқ қилдик. Ваҳоланки, Бизга ҳеч қандай қийинчилик, ёки чарчоқ етгани йўқ.

فَٱصْبِرْ عَلَىٰ مَا يَقُولُونَ وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ قَبْلَ طُلُوعِ ٱلشَّمْسِ وَقَبْلَ
ٱلْغُرُوبِ ﴿٣٩﴾ وَمِنَ ٱلَّيْلِ فَسَبِّحْهُ وَأَدْبَٰرَ ٱلسُّجُودِ ﴿٤٠﴾

39-40. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яҳудийларнинг айтган сўзларига сабр қил ва Парвардигорингга ҳамд билан тасбеҳ айт. Қуёш чиқмасдан илгари ва ботмасдан илгари намоз ўқигил, *яъни бомдод намози, пешин намози, аср намозини ўқигил.* Кеч бошлангандан кейин ҳам Парвардигорга тасбеҳ айт, *шом ва хуфтон намозларини ўқигил.* Саждаларнинг орқасидан ҳам тасбеҳ айт. *Намозларинг орқасидан витр намози, ёки нафл намози ўқигил.*

وَٱسْتَمِعْ يَوْمَ يُنَادِ ٱلْمُنَادِ مِن مَّكَانٍ قَرِيبٍ ﴿٤١﴾ يَوْمَ يَسْمَعُونَ ٱلصَّيْحَةَ بِٱلْحَقِّ
ذَٰلِكَ يَوْمُ ٱلْخُرُوجِ ﴿٤٢﴾ إِنَّا نَحْنُ نُحْيِۦ وَنُمِيتُ وَإِلَيْنَا ٱلْمَصِيرُ ﴿٤٣﴾ يَوْمَ تَشَقَّقُ
ٱلْأَرْضُ عَنْهُمْ سِرَاعًا ذَٰلِكَ حَشْرٌ عَلَيْنَا يَسِيرٌ ﴿٤٤﴾ نَّحْنُ أَعْلَمُ بِمَا يَقُولُونَ
وَمَآ أَنتَ عَلَيْهِم بِجَبَّارٍ فَذَكِّرْ بِٱلْقُرْءَانِ مَن يَخَافُ وَعِيدِ ﴿٤٥﴾

41-45. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Исрофил яқин жойдан туриб сур чаладиган кунда (сурнинг овозини) эшитгил. Ўша кун ҳамма халқ қабрдан чиқадиган вақтда қаттиқ овозни (ҳақ ила) эшитадилар. (Ўша чиқиш кунидир). Биз бандаларга дунёда ҳаёт берамиз. Сўнгра ўлдирамиз. Ҳамма Бизнинг ҳузуримизга қайтади. Ерлар ёрилиб, ўликлардан парда кўтариладиган ва ўликлар тезлик билан қабрдан чиқиб, нидо қилувчи тарафига югурадиган ўша кунни ёд қил. Уларни тўплаш Биз учун осондир. Биз бандаларнинг айтган сўзларини билгувчимиз. Сен уларнинг амалларига мусаллат (зўрлик билан назорат қилувчи) эмассан. Сен Менинг азобимдан қўрқувчиларга Қуръон билан насиҳат қилгил. 26 жузъ

Маккада нозил бўлган бу сура олтмиш оятдан иборатдир.

26 жузъ *Суранинг номи илк оятда келган «Зориёт» – шамоллар маъносидаги сўздан олинган. Сурада Аллоҳ таоло тўрт нарсага қасам ичиб, Қиёматнинг, албатта, воқе бўлиши, жаҳаннам кофирларни ютишга муштоқ бўлиб турганидек, жаннат ҳам мўминларга мунтазир эканидан хабар берилади. Ибрат учун пайғамбарлар қиссаларидан келтирилади, Аллоҳнинг инсу жинни фақат Ўзига ибодат қилиш учун яратгани таъкидланади.*

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَالذَّارِيَاتِ ذَرْوًا ﴿١﴾ فَالْحَامِلَاتِ وِقْرًا ﴿٢﴾ فَالْجَارِيَاتِ يُسْرًا ﴿٣﴾ فَالْمُقَسِّمَاتِ
أَمْرًا ﴿٤﴾ إِنَّمَا تُوعَدُونَ لَصَادِقٌ ﴿٥﴾ وَإِنَّ الدِّينَ لَوَاقِعٌ ﴿٦﴾ وَالسَّمَاءِ ذَاتِ الْحُبُكِ
﴿٧﴾ إِنَّكُمْ لَفِي قَوْلٍ مُخْتَلِفٍ ﴿٨﴾

1-8. Тупроқларни осмонга совурувчи шамолга қасам! Ёмғирларнинг юкини кўтарувчи булутларга қасам! Дарёда осонлик билан ҳаракат қилувчи кемаларга қасам! Бандаларнинг ризқини тақсимлаб берувчи малоикаларга қасамки, сизларга Қиёматда ваъда қилинган нарсалар, албатта, ҳақдир. «Явмул жазо», яъни жазо куни (Қиёмат), албатта, воқе бўлади. Шиддатли осмонга қасамки, сизлар Муҳаммад (алайҳиссалом)-нинг шаънига ҳар хил (бўлмағур) сўзларни айтиб, *гоҳ шоир, гоҳ коҳин деб*, ҳайронликда қолгансизлар.

يُؤْفَكُ عَنْهُ مَنْ أُفِكَ ﴿٩﴾ قُتِلَ الْخَرَّاصُونَ ﴿١٠﴾ الَّذِينَ هُمْ فِي غَمْرَةٍ سَاهُونَ ﴿١١﴾
يَسْأَلُونَ أَيَّانَ يَوْمُ الدِّينِ ﴿١٢﴾ يَوْمَ هُمْ عَلَى النَّارِ يُفْتَنُونَ ﴿١٣﴾ ذُوقُوا فِتْنَتَكُمْ هَٰذَا
الَّذِي كُنْتُمْ بِهِ تَسْتَعْجِلُونَ ﴿١٤﴾

9-14. Худонинг илми азалийсида диндан (Қуръондан, Аллоҳнинг ҳукмларидан) юз бурганлар, албатта, диндан юз ўгирадилар. Ва (ундай) ёлғончилар лаънатга гирифтор бўладилар. Бу ёлғончилар ниҳоятда жоҳил ва

Худонинг ҳукмидан ғофилдирлар. Худонинг ҳукмидан камоли ғафлатда (бўлганликларидан) савол қиладиларки: «Явмул жазо (жазо куни - Қиёмат) қачон воқе бўлади?» У кун келадики, кофирлар дўзахда азобга мубтало бўладилар. Малоикалар тарафидан айтиладики: «Бу азобнинг келишига шошилар эдингизлар. Энди бу азобнинг мазасини тотаверинглар».

إِنَّ ٱلْمُتَّقِينَ فِي جَنَّٰتٖ وَعُيُونٍ ﴿١٥﴾ ءَاخِذِينَ مَآ ءَاتَىٰهُمْ رَبُّهُمْۚ إِنَّهُمْ كَانُواْ قَبْلَ
ذَٰلِكَ مُحْسِنِينَ ﴿١٦﴾ كَانُواْ قَلِيلٗا مِّنَ ٱلَّيْلِ مَا يَهْجَعُونَ ﴿١٧﴾ وَبِٱلْأَسْحَارِ هُمْ
يَسْتَغْفِرُونَ ﴿١٨﴾ وَفِيٓ أَمْوَٰلِهِمْ حَقّٞ لِّلسَّآئِلِ وَٱلْمَحْرُومِ ﴿١٩﴾ 26 жузъ

15-19. Албатта, мутаққийлар Қиёмат куни жаннатнинг бўстонларида, чашмалар бўйида ором оладилар. Худо фазли ва карами билан ато қилган нарсаларни оладилар. Чунки улар у дунёда эҳсон қилардилар. Кечаси оз ухлаб, қолганини ибодат билан ўтказар ва саҳарларда туриб, Худога истиғфор айтар эдилар. Ўз молк-мулкларидан сўровчиларга ва мустаҳиқларга (яъни, ҳақдор ва муҳтож кишиларга) ҳисса берар эдилар.

وَفِي ٱلْأَرْضِ ءَايَٰتٞ لِّلْمُوقِنِينَ ﴿٢٠﴾ وَفِيٓ أَنفُسِكُمْۚ أَفَلَا تُبْصِرُونَ ﴿٢١﴾ وَفِي
ٱلسَّمَآءِ رِزْقُكُمْ وَمَا تُوعَدُونَ ﴿٢٢﴾ فَوَرَبِّ ٱلسَّمَآءِ وَٱلْأَرْضِ إِنَّهُۥ لَحَقّٞ مِّثْلَ مَآ
أَنَّكُمْ تَنطِقُونَ ﴿٢٣﴾

20-23. Иймон келтирганлар учун ерда ва ҳам ўз нафсларида Худонинг қудратига далил-нишоналар бордир. Ахир, сизлар бу (белги) нишоналарга назар солмайсизларми? (Ва) осмонда сизларнинг ризқларингиз ва сизларга ваъда қилинган нарсалар муҳайё қилингандир. Осмон ва ерни яратган Парвардигорга қасамки, Қиёматнинг бўлиши худди сизларнинг гапирган гапларингиздек ростдир (ҳақдир).

هَلْ أَتَىٰكَ حَدِيثُ ضَيْفِ إِبْرَٰهِيمَ ٱلْمُكْرَمِينَ ﴿٢٤﴾ إِذْ دَخَلُواْ عَلَيْهِ فَقَالُواْ
سَلَٰمٗاۖ قَالَ سَلَٰمٞ قَوْمٞ مُّنكَرُونَ ﴿٢٥﴾ فَرَاغَ إِلَىٰٓ أَهْلِهِۦ فَجَآءَ بِعِجْلٖ سَمِينٖ ﴿٢٦﴾
فَقَرَّبَهُۥٓ إِلَيْهِمْ قَالَ أَلَا تَأْكُلُونَ ﴿٢٧﴾ فَأَوْجَسَ مِنْهُمْ خِيفَةٗۖ قَالُواْ لَا تَخَفْۖ
وَبَشَّرُوهُ بِغُلَٰمٍ عَلِيمٖ ﴿٢٨﴾ فَأَقْبَلَتِ ٱمْرَأَتُهُۥ فِي صَرَّةٖ فَصَكَّتْ وَجْهَهَا وَقَالَتْ عَجُوزٌ
عَقِيمٞ ﴿٢٩﴾ قَالُواْ كَذَٰلِكِ قَالَ رَبُّكِۖ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْحَكِيمُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٣٠﴾

24-30. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга Иброҳим (алайҳиссалом)-нинг азиз меҳмонлари хабари келганми? Вақтики меҳмонлар Иброҳимнинг ҳузурига кириб: «Сенга салом бердик», – дедилар, Иброҳим ҳам: «Сизларга ҳам салом бўлсин, мен сизларни танимай турибман», – деди-

да, ўрнидан туриб аҳлининг (оиласининг) олдига борди ва бу меҳмонлар учун бир семиз бузоғини пишириб олиб келиб олдиларига қўйди. (Уларнинг емаётганларини кўриб) Иброҳим: «Нима учун емайсизлар?», – деб сўради. Меҳмонлар: «Биз овқат емаймиз», – деб жавоб беришди. Иброҳимнинг дилидан қўрқув ўтди, *чунки у замонда биров душман бўлса, овқатини емас эди.* Меҳмонлар айтдиларки: «Биздан қўрқмангиз. Биз Худо тарафидан келган фариштлармиз. Сенга Худо томонидан бир (солиҳ) фарзанд туғилишидан башорат берамиз». Бу сўзни хотинлари Сора эшитгач, югуриб келди-да, юзига уриб, қаттиқ овоз билан: «Туғмас кампир қандай бола кўради-а?», – дея бошлади. Фаришталар айтдилар: «Парвар-
27 жузъ
дигоринг Сенинг ҳаққингда шундай ҳукм қилди Албатта, Парвардигоринг бандаларнинг ишига ҳукм қилгувчи ва аҳволларини (билгувчи) донодир».

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ЖУЗЪ

۞ قَالَ فَمَا خَطْبُكُمْ أَيُّهَا ٱلْمُرْسَلُونَ ﴿٣١﴾ قَالُوٓا۟ إِنَّآ أُرْسِلْنَآ إِلَىٰ قَوْمٍ مُّجْرِمِينَ ﴿٣٢﴾
لِنُرْسِلَ عَلَيْهِمْ حِجَارَةً مِّن طِينٍ ﴿٣٣﴾ مُّسَوَّمَةً عِندَ رَبِّكَ لِلْمُسْرِفِينَ ﴿٣٤﴾ فَأَخْرَجْنَا
مَن كَانَ فِيهَا مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٣٥﴾ فَمَا وَجَدْنَا فِيهَا غَيْرَ بَيْتٍ مِّنَ ٱلْمُسْلِمِينَ ﴿٣٦﴾
وَتَرَكْنَا فِيهَآ ءَايَةً لِّلَّذِينَ يَخَافُونَ ٱلْعَذَابَ ٱلْأَلِيمَ ﴿٣٧﴾

31-37. Иброҳим (алайҳиссалом) фаришталарга айтди: «Эй Худонинг юборган фаришталари, қандай улуғ ишда юрибсизлар?» Фаришталар айтдилар: «Биз мушриклар қавми тепасига тош ёғдириш учун юборилдик. У (тош) лойдан пиширилган ва Аллоҳнинг наздида ҳаддидан ошган (Лут) қавми учун (махсус нишона) белгилаб қўйилгандир. Аввал мўминларни шаҳардан чиқарамиз. Бас, биз (шаҳарда) мусулмонларнинг бирдан ортиқ (Лут алайҳиссалом хонадонидан бошқа) уйини тополмадик. Бу шаҳарда Аллоҳнинг азобидан қўрқувчилар учун харобаларни ибрат учун нишона қилиб қолдирдик».

وَفِى مُوسَىٰٓ إِذْ أَرْسَلْنَٰهُ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ بِسُلْطَٰنٍ مُّبِينٍ ﴿٣٨﴾ فَتَوَلَّىٰ بِرُكْنِهِۦ وَقَالَ سَٰحِرٌ
أَوْ مَجْنُونٌ ﴿٣٩﴾ فَأَخَذْنَٰهُ وَجُنُودَهُۥ فَنَبَذْنَٰهُمْ فِى ٱلْيَمِّ وَهُوَ مُلِيمٌ ﴿٤٠﴾

38-40. Мусонинг қиссасида ҳам Худодан қўрқувчилар учун нишоналар бордир. Вақтики Биз Мусони равшан (очиқ) мўъжизалар билан Фиръавнга юбордик, бас, Фиръавн ўзининг қувватига мағрур бўлиб, Мусодан юз ўгирди ва: «Мусо жодугар ё девонадир», – деди. Бас, Биз Фиръавнни лашкари билан дарё (денгиз)га ғарқ қилдик. Охирги ҳолда Фиръавн ўз нафсини маломат қилувчи эди.

وَفِي عَادٍ إِذْ أَرْسَلْنَا عَلَيْهِمُ ٱلرِّيحَ ٱلْعَقِيمَ ﴿٤١﴾ مَا تَذَرُ مِن شَيْءٍ أَتَتْ عَلَيْهِ إِلَّا
جَعَلَتْهُ كَٱلرَّمِيمِ ﴿٤٢﴾

41-42. Ва Од қавмининг қиссасида ҳам Худонинг қудратига далолат (аломатлар) бордир. Вақтики Биз бу қавмга ёмғирсиз қаттиқ шамолни юбордик, шамол ҳеч бир нарсани қолдирмади, магар уларни чириган суякка ўхшаш хароб қилди.

وَفِي ثَمُودَ إِذْ قِيلَ لَهُمْ تَمَتَّعُوا۟ حَتَّىٰ حِينٍ ﴿٤٣﴾ فَعَتَوْا۟ عَنْ أَمْرِ رَبِّهِمْ فَأَخَذَتْهُمُ 27 жузъ
ٱلصَّٰعِقَةُ وَهُمْ يَنظُرُونَ ﴿٤٤﴾ فَمَا ٱسْتَطَٰعُوا۟ مِن قِيَامٍ وَمَا كَانُوا۟ مُنتَصِرِينَ ﴿٤٥﴾

43-45. Самуд қавмининг қиссасида ҳам ибрат олувчилар учун нишоналар бордир. *Вақтики Солиҳ (алайҳиссалом)нинг туяларини ҳалок қилишди, Солиҳ (алайҳиссалом) уларга айтди:* «Энди сизлар азоб келгунча ҳаёти дунёдан фойдаланиб туринглар». Бас, улар Парвардигорнинг ҳукмидан саркашлик қилдилар ва, бас, улар бир-бирларини кўриб турган ҳолларида Жаброил (алайҳиссалом)нинг қаттиқ овозлари билан ҳалок бўлдилар. Бас, ўринларидан туриб бир-бирларига ёрдам беришга ҳам қодир бўлмадилар.

وَقَوْمَ نُوحٍ مِّن قَبْلُ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ قَوْمًا فَٰسِقِينَ ﴿٤٦﴾ وَٱلسَّمَآءَ بَنَيْنَٰهَا بِأَيْي۟دٍ وَإِنَّا
لَمُوسِعُونَ ﴿٤٧﴾ وَٱلْأَرْضَ فَرَشْنَٰهَا فَنِعْمَ ٱلْمَٰهِدُونَ ﴿٤٨﴾ وَمِن كُلِّ شَيْءٍ
خَلَقْنَا زَوْجَيْنِ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿٤٩﴾

46-49. Бу қавмдан илгари Нуҳ қавмини ҳам ҳалок қилган эдик, чунки Нуҳ қавми ҳам ҳаддидан ошган (фосиқ) қавм эди. Осмонни ўз қувватимиз билан бино қилдик (ва, албатта), Бизнинг ҳар бир нарсага қудратимиз етади. (Ва) ерни бандаларнинг оёқлари остига фарш (тўшама) қилиб ёзиб қўйдик. Биз (қандай) яхши фарш қилгувчидирмиз! Биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик. Шоядки ундан ибрат олсангиз!

فَفِرُّوٓا۟ إِلَى ٱللَّهِ إِنِّى لَكُم مِّنْهُ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٥٠﴾ وَلَا تَجْعَلُوا۟ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا ءَاخَرَ إِنِّى لَكُم
مِّنْهُ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٥١﴾ كَذَٰلِكَ مَآ أَتَى ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِم مِّن رَّسُولٍ إِلَّا قَالُوا۟ سَاحِرٌ أَوْ
مَجْنُونٌ ﴿٥٢﴾ أَتَوَاصَوْا۟ بِهِۦ بَلْ هُمْ قَوْمٌ طَاغُونَ ﴿٥٣﴾ فَتَوَلَّ عَنْهُمْ فَمَآ أَنتَ بِمَلُومٍ
﴿٥٤﴾ وَذَكِّرْ فَإِنَّ ٱلذِّكْرَىٰ تَنفَعُ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٥٥﴾

50-55. Муҳаммад (алайҳиссалом) айтди: «Ҳар бир балодан қочмоқчи бўлсангиз, Худо тарафига қочинглар. Мен сизларга Худо тарафидан келган очиқ (ойдин) қўрқитувчидирман. Аллоҳ таолога бошқани шерик қилманглар. Мен бундай шерик қилишдан сизларни очиқ (ойдин) қўр-

қитувчидирман». Мушриклар Муҳаммад (алайҳиссалом)ни соҳир (сеҳргар) деганлари каби, улардан илгари ўтган қавмлар ҳам ўз пайғамбарларини соҳир ёки мажнун деганлар. Улар бир-бирларига шундай дейишини васият қилишганми? Илгари ўтганлар кейинги ўтганларга васият қилганлари йўқ, балки уларнинг ўзлари саркаш қавмдирлар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), улардан юз ўгир! Агар улар иймон келтирмасалар, Сен Аллоҳнинг наздида маломат қилинмайсан. Сен ҳаммага насиҳат қилавергил, агар кофирлар фойдаланмасалар, мўминлар фойдаланадилар.

27 жузъ وَمَا خَلَقْتُ ٱلْجِنَّ وَٱلْإِنسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ﴿٥٦﴾ مَآ أُرِيدُ مِنْهُم مِّن رِّزْقٍ وَمَآ أُرِيدُ أَن
يُطْعِمُونِ ﴿٥٧﴾ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلرَّزَّاقُ ذُو ٱلْقُوَّةِ ٱلْمَتِينُ ﴿٥٨﴾ فَإِنَّ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ ذَنُوبًا
مِّثْلَ ذَنُوبِ أَصْحَـٰبِهِمْ فَلَا يَسْتَعْجِلُونِ ﴿٥٩﴾ فَوَيْلٌ لِّلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِن يَوْمِهِمُ
ٱلَّذِى يُوعَدُونَ ﴿٦٠﴾

56-60. Мен инсу жинни (фақат) Менга ибодат қилсинлар, деб яратдим. Мен улардан ризқ талаб қилмайман. Ва Мен улардан Менга таом беришларини ҳам талаб қилмайман. Ҳақиқатда, Аллоҳ таолонинг Ўзи Раззоқдир, мустаҳкам қудрат соҳибидир. Бас, бу золимларга худди илгари ўтган рафиқларига берилгандек азобдан насиба берилди. Бас, улар азобнинг келишига шошилмасинлар. (Бас), кофирларга ваъда қилинаётган куннинг азобидан вой (ҳалокат бўлсин)!



Маккада нозил бўлган бу сура
қирқ тўққиз оятдан иборатдир.

Суранинг номи биринчи оятда келган ва устида Мусо алайҳиссаломга Тав- 27 жузъ
рот нозил бўлган ва шу билан илоҳий хитобга эришган Тур тоғи номидан олинган. Сурада Аллоҳ таоло беш нарса билан қасам ичиб, Қиёматнинг воқе бўлиши ва жаннатда тақводорларга кўрсатиладиган лутфу марҳаматлар ҳақида хабар беради. Қуръонни ва пайғамбарларни инкор қилувчиларнинг даъволари асоссиз эканлиги қайд этилиб, Пайғамбарни сабрга ва тасбеҳ айтишга чақириш билан ниҳоя топади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَالطُّورِ ﴿١﴾ وَكِتَابٍ مَّسْطُورٍ ﴿٢﴾ فِي رَقٍّ مَّنشُورٍ ﴿٣﴾ وَالْبَيْتِ الْمَعْمُورِ ﴿٤﴾
وَالسَّقْفِ الْمَرْفُوعِ ﴿٥﴾ وَالْبَحْرِ الْمَسْجُورِ ﴿٦﴾ إِنَّ عَذَابَ رَبِّكَ لَوَاقِعٌ ﴿٧﴾
مَّا لَهُ مِن دَافِعٍ ﴿٨﴾ يَوْمَ تَمُورُ السَّمَاءُ مَوْرًا ﴿٩﴾ وَتَسِيرُ الْجِبَالُ سَيْرًا ﴿١٠﴾

1-10. Тур тоғига қасам! Очиқ қоғозга (саҳифага) ёзилган Китобга қасам! Байтул маъмурга (Обод уйга) қасам! Юқори кўтарилган осмоннинг томига қасам! Тўлқинланиб турган дарёга (денгизга) қасамки, албатта, Парвардигорингнинг азоби гуноҳкорларга собитдир. Уни даф қилгувчи йўқдир. У азоб осмон ларзага келиб (чайқалиб), йўқ бўлиб кетадиган, тоғлар ўз жойидан ҳаракатланиб, осмонга учиб кетадиган кунда воқе бўлади.

فَوَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿١١﴾ الَّذِينَ هُمْ فِي خَوْضٍ يَلْعَبُونَ ﴿١٢﴾ يَوْمَ
يُدَعُّونَ إِلَىٰ نَارِ جَهَنَّمَ دَعًّا ﴿١٣﴾ هَٰذِهِ النَّارُ الَّتِي كُنتُم بِهَا تُكَذِّبُونَ ﴿١٤﴾
أَفَسِحْرٌ هَٰذَا أَمْ أَنتُمْ لَا تُبْصِرُونَ ﴿١٥﴾ اصْلَوْهَا فَاصْبِرُوا أَوْ لَا تَصْبِرُوا
سَوَاءٌ عَلَيْكُمْ إِنَّمَا تُجْزَوْنَ مَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٦﴾

11-16. Қуръонни ёлғон деб ўйлаб, (ҳаддан ортиқ) масхара қилувчиларга Қиёмат куни вой (бўлсин)! Ўша куни кофирлар жаҳаннам тарафи

га судраб олиб бориладди. Малоикалар томонидан айтиладики: «Кўринглар, мана бу дўзах ўти. Сизлар уни ёлғон дер эдингизлар. Бу сеҳр эканми? Ё (уни) кўрмаяпсизларми? Бу дўзахга киринглар. Бу дўзахнинг ўтига хоҳ сабр қилинглар, хоҳ қилманглар, барибир. Энди қилган амалларингизнинг жазосини тортасизлар».

إِنَّ ٱلْمُتَّقِينَ فِي جَنَّٰتٍ وَنَعِيمٍ ﴿١٧﴾ فَٰكِهِينَ بِمَآ ءَاتَىٰهُمْ رَبُّهُمْ وَوَقَىٰهُمْ رَبُّهُمْ
عَذَابَ ٱلْجَحِيمِ ﴿١٨﴾ كُلُوا۟ وَٱشْرَبُوا۟ هَنِيٓـًٔۢا بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٩﴾ مُتَّكِـِٔينَ عَلَىٰ
27 жузъ سُرُرٍ مَّصْفُوفَةٍ وَزَوَّجْنَٰهُم بِحُورٍ عِينٍ ﴿٢٠﴾

17-20. Ўша кунда, албатта, муттақийлар жаннатда нозу неъматлар ичида бўладилар. Худонинг ато қилган марҳаматларидан хушнуд бўладилар. Аллоҳ таоло уларни дўзах ўтидан сақлаган. Малоикалар айтадиларки: «Эй жаннат аҳллари, у дунёда қилган амалларингиз бадалига (эвазига) жаннатнинг нозу неъматларидан ичинглар ва енглар. Сизларга ёқимли (ош) бўлсин». Жаннат аҳли тахтлар (сўрилар) устида бир-бирларига рўбарў бўлган ҳолда суяниб роҳатланадилар. Биз уларга оқ юзли ва қаро кўзли ҳурларни жуфт қилиб берамиз.

وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَٱتَّبَعَتْهُمْ ذُرِّيَّتُهُم بِإِيمَٰنٍ أَلْحَقْنَا بِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَمَآ أَلَتْنَٰهُم مِّنْ
عَمَلِهِم مِّن شَىْءٍ ۚ كُلُّ ٱمْرِئٍۭ بِمَا كَسَبَ رَهِينٌ ﴿٢١﴾ وَأَمْدَدْنَٰهُم بِفَٰكِهَةٍ وَلَحْمٍ مِّمَّا
يَشْتَهُونَ ﴿٢٢﴾ يَتَنَٰزَعُونَ فِيهَا كَأْسًا لَّا لَغْوٌ فِيهَا وَلَا تَأْثِيمٌ ﴿٢٣﴾ ۞ وَيَطُوفُ عَلَيْهِمْ
غِلْمَانٌ لَّهُمْ كَأَنَّهُمْ لُؤْلُؤٌ مَّكْنُونٌ ﴿٢٤﴾

21-24. Биз жаннатда иймон келтирганларни ва иймон келтириб, уларга тобе бўлган зурриётларини ота-боболарига қўшиб қўямиз. Ота-боболарининг савобларидан кам қилмаймиз. Ҳар бир одам оқил ва болиғ бўлса, ўзининг қилган амалига гаров (жавобгар-масъул)дир. *Ажри ёки жазосини ўзи тортади. Бировнинг гуноҳи учун биров жазоланмайди.* Биз (жаннатда) муттақийларга хоҳлаган меваларини зиёдаси билан берамиз ва хоҳлаган гўштларини муяссар қиламиз. Жаннатда муттақийлар шаробнинг косасини бир-бирлари билан олди-берди қиладилар. Бу шаробни ичгандан сўнг ҳеч қандай беҳудагўйлик бўлмайди ва гуноҳкор бўладиган бирор феълу хўй ҳам содир бўлмайди. Жаннат аҳли атрофида ёш йигитлар айланиб хизмат қиладилар. Уларнинг ҳар бирлари ҳусн ва жамолда садафнинг ичидаги марваридга ўхшайди.

وَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ يَتَسَآءَلُونَ ﴿٢٥﴾ قَالُوٓا۟ إِنَّا كُنَّا قَبْلُ فِىٓ أَهْلِنَا
مُشْفِقِينَ ﴿٢٦﴾ فَمَنَّ ٱللَّهُ عَلَيْنَا وَوَقَىٰنَا عَذَابَ ٱلسَّمُومِ ﴿٢٧﴾ إِنَّا كُنَّا مِن
قَبْلُ نَدْعُوهُ ۖ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْبَرُّ ٱلرَّحِيمُ ﴿٢٨﴾

25-28. Жаннат аҳли бир-бирларига муқобил (юзма-юз) ўтириб, ўзаро савол-жавоб қиладилар. Баъзилари айтадиларки: «Биз илгари аҳли аёлларимиз ичида ўтирар эдик ва Аллоҳ таолодан қўрқар эдик. (Бас), Аллоҳ таоло бизга тавфиқ бериб, бизни гуноҳдан сақлади. Ва бизга миннат (марҳамат) қилиб дўзах азобидан асради. (Дарҳақиқат), Биз у дунёда Худога ибодат қилар эдик. (Албатта), Аллоҳ таоло бизга эҳсон қилгувчи меҳрибондир».

فَذَكِّرْ فَمَآ أَنتَ بِنِعْمَتِ رَبِّكَ بِكَاهِنٍ وَلَا مَجْنُونٍ ﴿٢٩﴾ أَمْ يَقُولُونَ شَاعِرٌ نَّتَرَبَّصُ بِهِۦ رَيْبَ ٱلْمَنُونِ ﴿٣٠﴾ قُلْ تَرَبَّصُوا۟ فَإِنِّى مَعَكُم مِّنَ ٱلْمُتَرَبِّصِينَ ﴿٣١﴾ أَمْ تَأْمُرُهُمْ أَحْلَٰمُهُم بِهَٰذَآ ۚ أَمْ هُمْ قَوْمٌ طَاغُونَ ﴿٣٢﴾ أَمْ يَقُولُونَ تَقَوَّلَهُۥ ۚ بَل لَّا يُؤْمِنُونَ ﴿٣٣﴾ فَلْيَأْتُوا۟ بِحَدِيثٍ مِّثْلِهِۦٓ إِن كَانُوا۟ صَٰدِقِينَ ﴿٣٤﴾

27 жузъ

29-34. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қурайшга насиҳат қил! Сен Худонинг фазли ва марҳамати билан коҳин ҳам ва мажнун ҳам эмассан. Бу кофирлар Сени шоир дейдиларми? Ё айтадиларки: «Муҳаммад (алайҳиссалом) замоннинг бирор кулфатига учрар, деб биз мунтазир бўлиб турамиз». Айттил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Сизлар мунтазир бўлиб туринглар. Сизлар қатори мен ҳам сизларга азоб келишига мунтазир бўлиб тураман». Уларнинг ақллари шундай дейишга ҳукм қиладими? Бас, улар туғён қилган саркаш қавмдирлар. Ё Қуръон шаънига: «Муҳаммаднинг ўзи тўқиган», — деб айтадиларми? Йўқ! Ундай эмас, балки ўзлари саркашликдан иймон келтирмайдилар. Агар рост айтадиган бўлсалар, Қуръонга ўхшаш сўзни тўқиб келтирсинлар.

أَمْ خُلِقُوا۟ مِنْ غَيْرِ شَىْءٍ أَمْ هُمُ ٱلْخَٰلِقُونَ ﴿٣٥﴾ أَمْ خَلَقُوا۟ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ ۚ بَل لَّا يُوقِنُونَ ﴿٣٦﴾ أَمْ عِندَهُمْ خَزَآئِنُ رَبِّكَ أَمْ هُمُ ٱلْمُصَيْطِرُونَ ﴿٣٧﴾ أَمْ لَهُمْ سُلَّمٌ يَسْتَمِعُونَ فِيهِ ۖ فَلْيَأْتِ مُسْتَمِعُهُم بِسُلْطَٰنٍ مُّبِينٍ ﴿٣٨﴾ أَمْ لَهُ ٱلْبَنَٰتُ وَلَكُمُ ٱلْبَنُونَ ﴿٣٩﴾ أَمْ تَسْـَٔلُهُمْ أَجْرًا فَهُم مِّن مَّغْرَمٍ مُّثْقَلُونَ ﴿٤٠﴾

35-40. Ё уларни ҳеч ким яратмаган, балки ўзлари (ўзимиз) пайдо бўлган(миз) деб ўйлайдиларми? Ё ўзларини ўзлари яратган деб ўйлайдиларми? Ё ер ва осмонларни улар яратганмиз, деб ўйлайдиларми?! Асло ундай эмас! Балки ўзларининг ишончлари йўқдир. Ё Худо хазиналарининг калити олдимизда (ҳузуримизда) деб ўйлайдиларми? Ёки ўзлари оламга мусаллат бўлиб, хоҳлаганларини қиладиларми? Ёки осмоннинг шотиси (нарвони) уларнинг қўлидами? Малоикалардан ғайбни эшитиб келадиларми? Бас, (агар эшитган бўлсалар,) эшитганларини очиқ ҳужжат билан исбот қилсинлар. Ёки Худога қизларни исбот қилиб (нисбат бериб), ўзларига ўғилларни исбот қиладиларми? Ёки Сен пайғамбарли-

ғингга улардан ужрат (тўлов, ҳақ) сўраяпсанми? Шунинг учун уларга товон тўлаш оғир келаяптими?

أَمْ عِندَهُمُ ٱلْغَيْبُ فَهُمْ يَكْتُبُونَ ﴿٤١﴾ أَمْ يُرِيدُونَ كَيْدًا ۖ فَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ هُمُ
ٱلْمَكِيدُونَ ﴿٤٢﴾ أَمْ لَهُمْ إِلَٰهٌ غَيْرُ ٱللَّهِ ۚ سُبْحَٰنَ ٱللَّهِ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٤٣﴾

41-43. Ё уларнинг олдиларида ғайб илми бору шундан (олиб) ёзаяптиларми? *Шунинг учун Қиёматга мункир бўладиларми?* Ё Сенинг тўғрингда
27 жузъ Сени қатл қилиш учун бирон ҳийла қилмоқчидирлар? Агар шундай бўлса, бу кофирлар ўзларини алдайдилар (ўзларига жазо етади). Ёки уларнинг Аллоҳдан бошқа худоси борми?! Бу ўйлаганлари ҳаргиз тўғри эмас. Аллоҳ таоло уларнинг шерикларидан (ширк келтиришларидан) покдир.

وَإِن يَرَوْا۟ كِسْفًا مِّنَ ٱلسَّمَآءِ سَاقِطًا يَقُولُوا۟ سَحَابٌ مَّرْكُومٌ ﴿٤٤﴾ فَذَرْهُمْ حَتَّىٰ
يُلَٰقُوا۟ يَوْمَهُمُ ٱلَّذِى فِيهِ يُصْعَقُونَ ﴿٤٥﴾ يَوْمَ لَا يُغْنِى عَنْهُمْ كَيْدُهُمْ شَيْـًٔا وَلَا هُمْ
يُنصَرُونَ ﴿٤٦﴾ وَإِنَّ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ عَذَابًا دُونَ ذَٰلِكَ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ
﴿٤٧﴾ وَٱصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ فَإِنَّكَ بِأَعْيُنِنَا ۖ وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ حِينَ تَقُومُ ﴿٤٨﴾ وَمِنَ
ٱلَّيْلِ فَسَبِّحْهُ وَإِدْبَٰرَ ٱلنُّجُومِ ﴿٤٩﴾

44-49. Агар бу кофирлар осмоннинг бир парчаси устларига тушиб келаётганини кўрсалар (ҳам), ўта даражада саркашликларидан айтадиларки: «Бу бало эмас, балки бир-бирига ёпишган булутдир. *Бизга ёмғир ёғдиради*». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен уларни то ҳалок бўладиган кунга дуч келгунларича ўз ҳолларига қўйиб қўй. У кунда уларнинг макрлари (ҳийлалари) ҳеч фойда бермайди ва уларга ёрдам ҳам берилмайди. Албатта, золимлар учун Қиёматнинг азобидан бошқа бу дунёда ҳам азоб бордир, лекин кўплари билмайдилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Парвардигорнинг ҳукми келгунча сабр қил! Сен Бизнинг ҳифзу ҳимоямиздасан. Худога субҳда ўрнингдан турган вақтингда, кечалари туриб ва ҳам юлдузлар ғойиб бўлганидан кейин (саҳар пайтларида ҳам) ҳамд билан тасбеҳ айтгил.

Маккада нозил бўлган бу сура олтмиш икки оятдан иборатдир.

Суранинг фақат 32-ояти Мадинада нозил бўлган. Сурада улуғ мўъжиза – Меърож воқеаси, тавҳид, ақида ва охиратдаги аҳвол баён қилиб берилади. **27 жузъ**

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَٱلنَّجْمِ إِذَا هَوَىٰ ﴿١﴾ مَا ضَلَّ صَاحِبُكُمْ وَمَا غَوَىٰ ﴿٢﴾ وَمَا يَنطِقُ عَنِ ٱلْهَوَىٰٓ
﴿٣﴾ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ ﴿٤﴾ عَلَّمَهُۥ شَدِيدُ ٱلْقُوَىٰ ﴿٥﴾ ذُو مِرَّةٍ فَٱسْتَوَىٰ ﴿٦﴾

1-6. Ғуруб бўлган (ботаётган) вақтдаги юлдузга қасамки, сизларнинг соҳибларингиз, яъни Муҳаммад (алайҳиссалом) гумроҳ бўлгани йўқ ва ғалат (хато) қилгани ҳам йўқ. У (Муҳаммад) ўз нафсининг хоҳиши билан гапирмайди, балки унинг айтганлари Худо тарафидан юборилган ваҳийдир. Муҳаммад (алайҳиссалом)га (Қуръонни) қувватли ва ҳам ҳусн соҳиби Жаброил таълим берган.

وَهُوَ بِٱلْأُفُقِ ٱلْأَعْلَىٰ ﴿٧﴾ ثُمَّ دَنَا فَتَدَلَّىٰ ﴿٨﴾ فَكَانَ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَىٰ
﴿٩﴾ فَأَوْحَىٰٓ إِلَىٰ عَبْدِهِۦ مَآ أَوْحَىٰ ﴿١٠﴾ مَا كَذَبَ ٱلْفُؤَادُ مَا رَأَىٰٓ ﴿١١﴾
أَفَتُمَٰرُونَهُۥ عَلَىٰ مَا يَرَىٰ ﴿١٢﴾

7-12. Бас, Жаброил осмоннинг канорасида (юксак уфқда) рост турди, кейин Жаброил Пайғамбарга яқин бўлди. Кейин сўзлаш учун бошини яқинлаштирди. Бас, Муҳаммад (алайҳиссалом) билан Жаброилнинг ўрталаридаги масофа икки камон миқдорича ё ундан ҳам камроқ (яқинроқ) эди. Кейин Худо буюрган ҳукмни Худонинг бандаси Муҳаммад (алайҳиссалом)га хабар берди. Пайғамбарнинг кўрган нарсасини дили тасдиқлади. Эй кофирлар, Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг Меърожда кўрган нарсалари ҳақида жанжал қиласизларми (талашиб-тортишасизларми)?

وَلَقَدْ رَءَاهُ نَزْلَةً أُخْرَىٰ ﴿١٣﴾ عِندَ سِدْرَةِ ٱلْمُنتَهَىٰ ﴿١٤﴾ عِندَهَا جَنَّةُ ٱلْمَأْوَىٰٓ

﴿١٥﴾ إِذۡ يَغۡشَى ٱلسِّدۡرَةَ مَا يَغۡشَىٰ ﴿١٦﴾ مَا زَاغَ ٱلۡبَصَرُ وَمَا طَغَىٰ ﴿١٧﴾ لَقَدۡ رَأَىٰ مِنۡ
ءَايَٰتِ رَبِّهِ ٱلۡكُبۡرَىٰٓ ﴿١٨﴾

13-18. Муҳаммад (алайҳиссалом) Жаброилни иккинчи марта асл суратида «Сидратул мунтаҳо» дарахтининг олдида кўрди. Сидратул мунтаҳонинг олдида муттақийлар ором оладиган (Маъво) жаннати бордир. Ўша вақтда Сидра дарахтини (ўраб олувчи) парда қоплаб олган эди. У вақтда Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг кўзи хато қилмади ва мақсаддан
27 жузъ тажовуз қилмади. (Дарҳақиқат), Парвардигорининг улуғ оятларини кўрди.

أَفَرَءَيۡتُمُ ٱللَّٰتَ وَٱلۡعُزَّىٰ ﴿١٩﴾ وَمَنَوٰةَ ٱلثَّالِثَةَ ٱلۡأُخۡرَىٰٓ ﴿٢٠﴾ أَلَكُمُ ٱلذَّكَرُ وَلَهُ ٱلۡأُنثَىٰ
﴿٢١﴾ تِلۡكَ إِذٗا قِسۡمَةٞ ضِيزَىٰٓ ﴿٢٢﴾ إِنۡ هِيَ إِلَّآ أَسۡمَآءٞ سَمَّيۡتُمُوهَآ أَنتُمۡ وَءَابَآؤُكُم مَّآ
أَنزَلَ ٱللَّهُ بِهَا مِن سُلۡطَٰنٍۚ إِن يَتَّبِعُونَ إِلَّا ٱلظَّنَّ وَمَا تَهۡوَى ٱلۡأَنفُسُۖ وَلَقَدۡ
جَآءَهُم مِّن رَّبِّهِمُ ٱلۡهُدَىٰٓ ﴿٢٣﴾ أَمۡ لِلۡإِنسَٰنِ مَا تَمَنَّىٰ ﴿٢٤﴾ فَلِلَّهِ ٱلۡأٓخِرَةُ وَٱلۡأُولَىٰ ﴿٢٥﴾

19-25. Лот, Уззо ва учинчиси Манот (бутлари)ни ҳам кўрдингизларми? Уларни ва малоикаларни Худонинг қизлари деб эътиқод қилдингизлар. Оё, сизларга ўғил бўлсин-у, Худога (эса) қизлар бўлсинми? Вақтики шундай тақсим қилар экансиз, бу тақсимларинг ноинсофлик ва адолатсизликдир. Уларнинг номларини ўзларингиз ва ота-боболарингиз қўйиб олгансизлар. Аллоҳ тарафидан ҳеч қандай ҳужжат йўқдир. Мушриклар (фақат) ўз гумонлари ва (ҳавойи) нафслари истаган нарсага тобе бўладилар. Ваҳоланки, уларга Худо тарафидан ҳидоят, яъни Китоб ва Расул келган ва ана ўшанга тобе бўлишлари керак. Ахир инсонга, яъни кофирларга орзу қилган нарсалари муяссар бўлаверадими? Охират ва дунё – ҳаммаси Худонинг мулкидир.

۞ وَكَم مِّن مَّلَكٖ فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ لَا تُغۡنِي شَفَٰعَتُهُمۡ شَيۡـًٔا إِلَّا مِنۢ بَعۡدِ أَن يَأۡذَنَ ٱللَّهُ
لِمَن يَشَآءُ وَيَرۡضَىٰٓ ﴿٢٦﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ لَا يُؤۡمِنُونَ بِٱلۡأٓخِرَةِ لَيُسَمُّونَ ٱلۡمَلَٰٓئِكَةَ
تَسۡمِيَةَ ٱلۡأُنثَىٰ ﴿٢٧﴾ وَمَا لَهُم بِهِۦ مِنۡ عِلۡمٍۖ إِن يَتَّبِعُونَ إِلَّا ٱلظَّنَّۖ وَإِنَّ ٱلظَّنَّ لَا
يُغۡنِي مِنَ ٱلۡحَقِّ شَيۡـٔٗا ﴿٢٨﴾ فَأَعۡرِضۡ عَن مَّن تَوَلَّىٰ عَن ذِكۡرِنَا وَلَمۡ يُرِدۡ إِلَّا ٱلۡحَيَوٰةَ
ٱلدُّنۡيَا ﴿٢٩﴾ ذَٰلِكَ مَبۡلَغُهُم مِّنَ ٱلۡعِلۡمِۚ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ أَعۡلَمُ بِمَن ضَلَّ عَن سَبِيلِهِۦ
وَهُوَ أَعۡلَمُ بِمَنِ ٱهۡتَدَىٰ ﴿٣٠﴾

26-30. Парвардигорнинг наздида осмондаги кўп малоикаларнинг шафоатлари ҳеч қандай манфаат келтирмайди. Магар Аллоҳ таоло хоҳлаган кишисига (шафоатга) рухсат ва розилик бергандан кейин, у шафоат фойда

беради. Охиратта иймон келтирмаган кофирлар малоикаларга хотинлар (аёллар)нинг номларини берадилар. Уларда малоикалар тўғрисида ҳеч қандай илм йўқ. Магар (ўз) гумонларига тобе бўладилар. (Ва, албатта), гумонлари ҳақиқатни билишда ҳеч қандай манфаат (ёрдам) бермайди. Бизнинг Қуръондан юз ўгирган ва дунё ҳаётидан бошқа нарсани истамаган кофирлардан Сен ҳам юз ўгир. Уларнинг илмлари етган жой ана шудир. Албатта, Парвардигоринг (Унинг) йўлидан адашганларни ҳам ва ҳидоят топганларни ҳам билгувчидир.

وَلِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ لِيَجْزِيَ الَّذِينَ أَسَاءُوا بِمَا عَمِلُوا وَيَجْزِيَ 27 жузъ
الَّذِينَ أَحْسَنُوا بِالْحُسْنَى ﴿٣١﴾ الَّذِينَ يَجْتَنِبُونَ كَبَائِرَ الْإِثْمِ وَالْفَوَاحِشَ إِلَّا اللَّمَمَ
إِنَّ رَبَّكَ وَاسِعُ الْمَغْفِرَةِ هُوَ أَعْلَمُ بِكُمْ إِذْ أَنشَأَكُم مِّنَ الْأَرْضِ وَإِذْ أَنتُمْ أَجِنَّةٌ
فِي بُطُونِ أُمَّهَاتِكُمْ فَلَا تُزَكُّوا أَنفُسَكُمْ هُوَ أَعْلَمُ بِمَنِ اتَّقَى ﴿٣٢﴾

31-32. Ердаги ва осмонлардаги нарсалар(нинг барчаси) Худонинг мулкидир. Оқибат ёмон амал қилувчиларнинг амалларига яраша жазо беради. Ва яхши амал қилувчиларга ажр-мукофот беради. Яхши (солиҳ) кишилар шундай гуруҳлардан иборатки, катта гуноҳлардан ва фаҳш ишлардан ҳазар қиладилар. Магар кичик хатолар содир қилиб қўйсалар, Худо уларни афв этади. (Албатта), Парвардигорингнинг мағфирати кенгдир. Аллоҳ таоло сизларнинг аҳволларингизни билгувчидир. Чунки сизларнинг боболарингиз — Одамни ердан халқ қилгандир ва сизларни нутфадан яратгандир. Вақтики сизлар оналарингизнинг қорнида гўдак эдингизлар, у вақтдаги ҳолатларингизга ҳам Парвардигор доно эди. *Бас,сизлар ҳаром нарсадан пайдо бўлгансизлар.* Энди сизлар ўз нафсларингизни оқламанг *(гурурга, фахрга берилиб, неккайиб кетманг). (Сизлар фақат) тақво билан азиз бўласизлар.* Аллоҳ таоло тақво қилувчининг ҳолига donoдир.

أَفَرَأَيْتَ الَّذِي تَوَلَّى ﴿٣٣﴾ وَأَعْطَى قَلِيلًا وَأَكْدَى ﴿٣٤﴾ أَعِندَهُ عِلْمُ الْغَيْبِ فَهُوَ
يَرَى ﴿٣٥﴾ أَمْ لَمْ يُنَبَّأْ بِمَا فِي صُحُفِ مُوسَى ﴿٣٦﴾ وَإِبْرَاهِيمَ الَّذِي وَفَّى ﴿٣٧﴾ أَلَّا تَزِرُ
وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَى ﴿٣٨﴾ وَأَن لَّيْسَ لِلْإِنسَانِ إِلَّا مَا سَعَى ﴿٣٩﴾ وَأَنَّ سَعْيَهُ سَوْفَ
يُرَى ﴿٤٠﴾ ثُمَّ يُجْزَاهُ الْجَزَاءَ الْأَوْفَى ﴿٤١﴾ وَأَنَّ إِلَى رَبِّكَ الْمُنتَهَى ﴿٤٢﴾

33-42. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Ҳақдан юз ўгирган ва молидан озгинасини бериб, сўнгра (қизғаниб) хасислик қилган бахил кофирни кўрдингми? Оё, унинг наздида (ҳузурида) ғайб илми бормидики, ўшандан билиб олса? Ёки у кофир Мусо (алайҳиссалом)нинг саҳифасидаги ва ўз аҳдига вафо қилган Иброҳим (алайҳиссалом) саҳифасидаги каломдан (сўзлардан) огоҳлантирилмаганми? У калом шундан иборатки: «Ҳеч бир кўтарувчи Қиёмат куни бошқа одамнинг юкини кўтармайди. Ва инсонга

ҳеч фойда етмайди, магар ўзининг амалидан (бошқа). Унинг амалини текшириб кўрадилар, сўнгра унга тўлиқ ажр (ёки жазо) берилади. Ҳамманинг қайтадиган жойи Парвардигорнинг ҳузуридадир».

وَأَنَّهُۥ هُوَ أَضْحَكَ وَأَبْكَىٰ ﴿٤٣﴾ وَأَنَّهُۥ هُوَ أَمَاتَ وَأَحْيَا ﴿٤٤﴾ وَأَنَّهُۥ خَلَقَ ٱلزَّوْجَيْنِ
ٱلذَّكَرَ وَٱلْأُنثَىٰ ﴿٤٥﴾ مِن نُّطْفَةٍ إِذَا تُمْنَىٰ ﴿٤٦﴾ وَأَنَّ عَلَيْهِ ٱلنَّشْأَةَ ٱلْأُخْرَىٰ ﴿٤٧﴾
27 жузъ وَأَنَّهُۥ هُوَ أَغْنَىٰ وَأَقْنَىٰ ﴿٤٨﴾ وَأَنَّهُۥ هُوَ رَبُّ ٱلشِّعْرَىٰ ﴿٤٩﴾ وَأَنَّهُۥٓ أَهْلَكَ عَادًا ٱلْأُولَىٰ
﴿٥٠﴾ وَثَمُودَا۟ فَمَآ أَبْقَىٰ ﴿٥١﴾

43-51. Аллоҳ таолонинг Ўзи кулдиради ва Ўзи йиғлатади. Аллоҳ таоло Ўзи ўлдиради ва Ўзи тирилтиради. Аллоҳ таоло раҳмга тўкилган манийдан эркак ва хотинни икки қисм қилиб яратди. Ва яна иккинчи (бор) пайдо қилиш ҳам Худонинг қудратидадир (зиммасидадир). Албатта, Аллоҳ таолонинг Ўзи бандаларни ғаний (бой ва бадавлат) қилди. Аллоҳ таоло Ўзи Шеъро деган юлдузни халқ қилгувчидир. *Баъзи кофирлар у юлдузга ибодат қилар эдилар*. Аллоҳ таолонинг Ўзи аввалги (биринчи) Од қавмини ва *кейинги Од қавмини ҳам* ҳалок қилди. Аллоҳ таолонинг Ўзи Самуд қавмини бирорта қолдирмасдан ҳалок қилди.

وَقَوْمَ نُوحٍ مِّن قَبْلُ ۖ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ هُمْ أَظْلَمَ وَأَطْغَىٰ ﴿٥٢﴾ وَٱلْمُؤْتَفِكَةَ أَهْوَىٰ ﴿٥٣﴾
فَغَشَّىٰهَا مَا غَشَّىٰ ﴿٥٤﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكَ تَتَمَارَىٰ ﴿٥٥﴾ هَٰذَا نَذِيرٌ مِّنَ ٱلنُّذُرِ
ٱلْأُولَىٰٓ ﴿٥٦﴾ أَزِفَتِ ٱلْءَازِفَةُ ﴿٥٧﴾ لَيْسَ لَهَا مِن دُونِ ٱللَّهِ كَاشِفَةٌ ﴿٥٨﴾ أَفَمِنْ هَٰذَا
ٱلْحَدِيثِ تَعْجَبُونَ ﴿٥٩﴾ وَتَضْحَكُونَ وَلَا تَبْكُونَ ﴿٦٠﴾ وَأَنتُمْ سَٰمِدُونَ ﴿٦١﴾
فَٱسْجُدُوا۟ لِلَّهِ وَٱعْبُدُوا۟ ۩ ﴿٦٢﴾

52-62. Од ваСамуддан илгари Нуҳ қавмини ҳам ҳалок қилган эди. Чунки қавми ҳаммадан золимроқ ва ҳаммадан саркашроқ эди. Муътафика қавмини ерга ағдариб (тўнтариб) ҳалок қилди. Тепасига тош ёғдириб кўмиб ташлади. Бас, эй мухотаб (инсон), Парвардигорингнинг қайси неъматларига шак келтирасан?! Бу Муҳаммад (алайҳиссалом) сизларга илгари пайғамбар бўлиб келган пайғамбарлар жинсидандир. Қиёмат яқин келди. У Қиёматни Худодан бошқа зоҳир қилгувчи йўқдир. Оё сизлар (эй мушрик, кофирлар), шу Қуръондан таажжуб қиласизларми? Масхара этиб куласизлар-у, йиғламайсизлар?! Қуръон ўқилган вақтда ўйин қиласизлар. Бас, сизлар Худога сажда қилинглар, ёлғиз Худонинг ўзига ибодат этинглар. **(59-62-оятлар сажда оятларидир).**

Маккада нозил бўлган бу сура
эллик беш оятдан иборатдир.

27 жузъ

Ҳазрати Пайғамбаримизга ато этилган улуғ мўъжиза бўлмиш «шаққи қамар» – ойнинг иккига бўлиниши ҳақида сўз борганлиги учун сура «Қамар» номини олган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

اقْتَرَبَتِ السَّاعَةُ وَانشَقَّ الْقَمَرُ ۝١ وَإِن يَرَوْا آيَةً يُعْرِضُوا وَيَقُولُوا سِحْرٌ
مُّسْتَمِرٌّ ۝٢ وَكَذَّبُوا وَاتَّبَعُوا أَهْوَاءَهُمْ ۚ وَكُلُّ أَمْرٍ مُّسْتَقِرٌّ ۝٣ وَلَقَدْ
جَاءَهُم مِّنَ الْأَنبَاءِ مَا فِيهِ مُزْدَجَرٌ ۝٤ حِكْمَةٌ بَالِغَةٌ ۖ فَمَا تُغْنِ النُّذُرُ ۝٥

1-5. Қиёмат яқин бўлди. Ва аломати шуки, ой иккига бўлинди. Агар кофирлар бирор мўъжизани кўрсалар, ундан юз ўгирадилар ва айтадиларки: «Бу кучли сеҳрдир». Ва пайғамбарларни таксиб (ёлғончи) қиладилар. Ва ўз хоҳиш (нафс)ларига тобе бўладилар. Ва ҳар бир нарса ўз вақтида муқаррар бўлгувчидир. Бу кофирларга Қуръонда шундай хабарлар келгандирки, уларни ёмон ишлардан манъ қилувчи ва унда ҳикмати комила (комил ҳикмат) бордир. Лекин бу кофирларга пайғамбарларнинг насиҳатлари ва Қуръон мавъизаси манфаат етказмади.

فَتَوَلَّ عَنْهُمْ ۘ يَوْمَ يَدْعُ الدَّاعِ إِلَىٰ شَيْءٍ نُّكُرٍ ۝٦ خُشَّعًا أَبْصَارُهُمْ
يَخْرُجُونَ مِنَ الْأَجْدَاثِ كَأَنَّهُمْ جَرَادٌ مُّنتَشِرٌ ۝٧ مُّهْطِعِينَ إِلَى الدَّاعِ ۖ يَقُولُ
الْكَافِرُونَ هَٰذَا يَوْمٌ عَسِرٌ ۝٨

6-8. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), энди Сен улардан юз ўгир! Чақирувчи (Ҳазрати) Исрофил уларни ёмон кулфат тарафига чақирадиган ўша кунга мунтазир бўлгил! Улар қўрқувдан кўзлари ичларига тортилган ҳолда қабрдан чиқиб келадилар. Улар гўё даштдаги паришон бўлган (ёйилиб кетган) чигирткаларга ўхшаб, тезлик билан чақирувчи тарафига югурадилар. Ва кофирлар: «Бу кун бизга оғир бўлди», – деб айтадилар.

۞ كَذَّبَتْ قَبْلَهُمْ قَوْمُ نُوحٍ فَكَذَّبُوا عَبْدَنَا وَقَالُوا مَجْنُونٌ وَازْدُجِرَ ﴿٩﴾ فَدَعَا رَبَّهُ
أَنِّي مَغْلُوبٌ فَانْتَصِرْ ﴿١٠﴾

9-10. Қурайшдан илгари Нуҳнинг қавми ҳам Бизнинг бандамиз Нуҳни ёлғончи қилиб: «Бу девонадир», – деб айтган эди. Сўнгра кофирлар тарафидан Нуҳ даъват қилишдан манъ қилинди. Нуҳ (алайҳиссалом) ожиз бўлиб, Парвардигорга дуо қилиб айтдики: «Эй Парвардигор, мен кофирлардан мағлуб бўлдим. Энди Сен менга ёрдам бергил ва буларни
27 жузъ ҳалок қилгил!»

فَفَتَحْنَا أَبْوَابَ السَّمَاءِ بِمَاءٍ مُنْهَمِرٍ ﴿١١﴾ وَفَجَّرْنَا الْأَرْضَ عُيُونًا فَالْتَقَى الْمَاءُ
عَلَىٰ أَمْرٍ قَدْ قُدِرَ ﴿١٢﴾ وَحَمَلْنَاهُ عَلَىٰ ذَاتِ أَلْوَاحٍ وَدُسُرٍ ﴿١٣﴾

11-13. Бас, Биз бу қавмни азобламоқ учун осмоннинг дарвозаларини очиб юбордик. *Қирқ кунгача* (шаррос) ёмғир тинмай ёғиб турди. Ва ернинг чашмаларини ҳам оқиздириб қўйдик. Худонинг муқаррар қилган амрига мувофиқ икки сув (ер ва осмон сувлари) бир-бирига қўшилди. Нуҳни, *мўминлар билан бирга* тахталар ва михлар ила маҳкам қилинган кемага миндирдик.

تَجْرِي بِأَعْيُنِنَا جَزَاءً لِمَنْ كَانَ كُفِرَ ﴿١٤﴾ وَلَقَدْ تَرَكْنَاهَا آيَةً فَهَلْ مِنْ مُدَّكِرٍ ﴿١٥﴾
فَكَيْفَ كَانَ عَذَابِي وَنُذُرِ ﴿١٦﴾ وَلَقَدْ يَسَّرْنَا الْقُرْآنَ لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِنْ مُدَّكِرٍ ﴿١٧﴾
كَذَّبَتْ عَادٌ فَكَيْفَ كَانَ عَذَابِي وَنُذُرِ ﴿١٨﴾

14-18. У кема Бизнинг ҳифзу ҳимоямизда ҳаракат қилар эди. Куфрга мубтало бўлганларнинг жазоси учун бу тўфон воқе бўлди. Биз бу қиссани келгуси бандалар учун ибрат нишонаси қилиб қолдирдик. Энди ундан ибрат олгувчилар борми? Бас, Бизнинг азобимиз ва қўрқитишларимиз қандай бўлди?! Биз Қуръонни панд олувчилар учун осон қилдик. Энди ибрат олувчилар борми? Од қавми ҳам Ҳуд (алайҳиссалом)ни ёлғончи деди. Бас, уларнинг тепасига (бошига) келган азобимиз ва азобдан қўрқитганимиз қандай бўлган эди?!

إِنَّا أَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ رِيحًا صَرْصَرًا فِي يَوْمِ نَحْسٍ مُسْتَمِرٍّ ﴿١٩﴾ تَنْزِعُ النَّاسَ كَأَنَّهُمْ
أَعْجَازُ نَخْلٍ مُنْقَعِرٍ ﴿٢٠﴾ فَكَيْفَ كَانَ عَذَابِي وَنُذُرِ ﴿٢١﴾ وَلَقَدْ يَسَّرْنَا الْقُرْآنَ
لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِنْ مُدَّكِرٍ ﴿٢٢﴾

19-22. Биз у қавмнинг тепасига ёмон кунда (давомли) қаттиқ (кучли) шамолни юборган эдик. Бу шамол одамларни жойларидан чиқариб, осмонга кўтариб ва ерга уриб ҳалок қилган эди. Уларнинг жасадлари (томиридан) суғуриб олинган хурмонинг танасидек ётар эди. Бизнинг бу азо-

бимиз, огоҳлантириб қўрқитишларимиз қандай бўлган эди? Биз Қуръонни панд олувчилар учун осон қилдик. Энди панд олувчилар борми?

كَذَّبَتْ ثَمُودُ بِٱلنُّذُرِ ﴿٢٣﴾ فَقَالُوٓا۟ أَبَشَرًا مِّنَّا وَٰحِدًا نَّتَّبِعُهُۥٓ إِنَّآ إِذًا لَّفِى ضَلَٰلٍ وَسُعُرٍ ﴿٢٤﴾ أَءُلْقِىَ ٱلذِّكْرُ عَلَيْهِ مِنۢ بَيْنِنَا بَلْ هُوَ كَذَّابٌ أَشِرٌ ﴿٢٥﴾ سَيَعْلَمُونَ غَدًا مَّنِ ٱلْكَذَّابُ ٱلْأَشِرُ ﴿٢٦﴾

23-26. Самуд қавми Солиҳ (алайҳиссалом)ни ва бошқа пайғамбарларни таксиб (ёлғончи) қилди ва айтдиларки: «Биз (ўз) ичимиздан (бўлган) бир кишига тобе бўламизми? *У одамнинг ҳеч ёр ва мададкори йўқдир.* Агар шундай ҳақир (бир бечора) одамга эргашсак, у вақтда биз девона ва гумроҳдирмиз. Бизнинг орамиздан (келиб-келиб) шундай ҳақир одамга ваҳий юбориладими? Балки у ёлғончи ва адоват қилувчидир». Яқинда азобни кўрганларида биладиларки, ёлғончи ва катталик қилгувчи кимдир! 27 жуз

إِنَّا مُرْسِلُوا۟ ٱلنَّاقَةِ فِتْنَةً لَّهُمْ فَٱرْتَقِبْهُمْ وَٱصْطَبِرْ ﴿٢٧﴾ وَنَبِّئْهُمْ أَنَّ ٱلْمَآءَ قِسْمَةٌۢ بَيْنَهُمْ ۖ كُلُّ شِرْبٍ مُّحْتَضَرٌ ﴿٢٨﴾

27-28. Кейин Солиҳ (алайҳиссалом)дан тошдан туя чиқариш мўжизасини талаб қилдилар. Биз уларнинг талабларига мувофиқ (синамоқ учун) туяни тошдан чиқарувчидирмиз. Лекин шу туя уларнинг азобига сабаб бўлади. Эй Солиҳ, сабр қилиб, уларга мунтазир бўлиб тур! Бу қавм ўртасида сувнинг тақсим бўлишидан (уларни) огоҳлантир. *Яъни, бир кун қавм (сув) ичади ва бир кун бу туя ичади.* Ҳар бирлари ўз насибалари кунида ҳозир бўладилар.

فَنَادَوْا۟ صَاحِبَهُمْ فَتَعَاطَىٰ فَعَقَرَ ﴿٢٩﴾ فَكَيْفَ كَانَ عَذَابِى وَنُذُرِ ﴿٣٠﴾

29-30. Бас, Самуд қавми ўзларининг шерикларидан бир кишини чақириб, туяни ўлдиришга тарғиб қилди. Бас, у одам *қилични олиб, йўлда пойлаб турди ва* туяни уриб, ҳалок қилди. Бас, бу қавмга берган азобимиз ва огоҳлантиришлар қандай бўлган эди?

إِنَّآ أَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ صَيْحَةً وَٰحِدَةً فَكَانُوا۟ كَهَشِيمِ ٱلْمُحْتَظِرِ ﴿٣١﴾ وَلَقَدْ يَسَّرْنَا ٱلْقُرْءَانَ لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِن مُّدَّكِرٍ ﴿٣٢﴾

31-32. Биз уларнинг устига Жаброилни юбордик, У бир (даҳшатли) овоз билан ҳаммасини ҳалок қилди. Бас, улар ҳайвонларнинг оёғи остидаги сомондек майдаландилар. Биз Қуръонни панд (ибрат) олиш учун осон қилган эдик. Энди панд олувчи борми?

كَذَّبَتْ قَوْمُ لُوطٍۭ بِٱلنُّذُرِ ﴿٣٣﴾ إِنَّآ أَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ حَاصِبًا إِلَّآ ءَالَ لُوطٍ ۖ نَّجَّيْنَٰهُم بِسَحَرٍ ﴿٣٤﴾ نِّعْمَةً مِّنْ عِندِنَا ۚ كَذَٰلِكَ نَجْزِى مَن شَكَرَ ﴿٣٥﴾ وَلَقَدْ أَنذَرَهُم

بَطْشَتَنَا فَتَمَارَوْا۟ بِٱلنُّذُرِ ﴿٣٦﴾ وَلَقَدْ رَٰوَدُوهُ عَن ضَيْفِهِۦ فَطَمَسْنَآ أَعْيُنَهُمْ
فَذُوقُوا۟ عَذَابِى وَنُذُرِ ﴿٣٧﴾

33-37. Лутнинг қавми ўтган пайғамбарларни ёлғончи қилди. Уларнинг тепасига тошбўрон қилувчи шамолни юбордик. (Ўз) фазлу марҳаматимиз билан саҳар вақтида Лутнинг аҳли аёлларига нажот бердик. Биз шукр қилувчи бандаларга шу хилда нажот берамиз. Лут ўз қавмига насиҳат қилиб, Бизнинг ҳалок этишимиздан хабар берган эди. Аммо қавми бу хабарларга шак келтирди (ишонмади). У қавм Лут (алайҳиссалом)нинг меҳмонларини талаб қила бошлади. *Лут (алайҳиссалом) ҳарчанд насиҳат қилса ҳам фойда бермади. Охири дарвозани синдириб кирдилар.* (Бас, Биз уларнинг кўзларини кўр қилдик. Яъни) Парвардигорнинг амри билан Жаброил (алайҳиссалом) уларнинг кўзларини кўр қилди. Бас, малоикалар айтдилар: «Энди (огоҳлантирилган) азобни тотиб кўринглар!» *Ё Парвардигор айтдики: «Энди Менинг огоҳлантирган азобимни тотиб кўринглар!»*

27 жузъ

وَلَقَدْ صَبَّحَهُم بُكْرَةً عَذَابٌ مُّسْتَقِرٌّ ﴿٣٨﴾ فَذُوقُوا۟ عَذَابِى وَنُذُرِ ﴿٣٩﴾ وَلَقَدْ
يَسَّرْنَا ٱلْقُرْءَانَ لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِن مُّدَّكِرٍ ﴿٤٠﴾

38-40. Эрта билан муқаррар бўлган азоб уларга етиб келди. Эй кофирлар, энди Менинг огоҳлантирган азобимни тотиб кўринглар! Биз Қуръонни панд олувчига осон қилдик. Энди ундан панд олувчи борми?

وَلَقَدْ جَآءَ ءَالَ فِرْعَوْنَ ٱلنُّذُرُ ﴿٤١﴾ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا كُلِّهَا فَأَخَذْنَٰهُمْ أَخْذَ عَزِيزٍ
مُّقْتَدِرٍ ﴿٤٢﴾ أَكُفَّارُكُمْ خَيْرٌ مِّنْ أُو۟لَٰٓئِكُمْ أَمْ لَكُم بَرَآءَةٌ فِى ٱلزُّبُرِ ﴿٤٣﴾ أَمْ يَقُولُونَ نَحْنُ
جَمِيعٌ مُّنتَصِرٌ ﴿٤٤﴾

41-44. Албатта, Фиръавн аҳлига огоҳлантирувчи нишоналар келган эди. Бизнинг оятларимизнинг ҳаммасини ёлғонга чиқаришди. Бас, уларни қудратли ғолиб Зот тутиши (ушлаши) билан ушладик, *сўнгра (барчаларини) ҳалок қилдик.* Эй араблар (Макка кофирлари), сизларнинг кофирларингиз қудратлими ёки илгари ўтган кофирлар қудратли эдими? Ё илгариги (илоҳий) китобларда сизларнинг азобдан халос бўлишингиз ҳақида сўзлар (васиқалар) бор эдими? Ёки: «Биз интиқом олувчи ва ғалаба қилувчи жамоамиз, бизни ҳеч ким ҳалок қилолмайди», — деб айтадиларми?

سَيُهْزَمُ ٱلْجَمْعُ وَيُوَلُّونَ ٱلدُّبُرَ ﴿٤٥﴾ بَلِ ٱلسَّاعَةُ مَوْعِدُهُمْ وَٱلسَّاعَةُ أَدْهَىٰ وَأَمَرُّ ﴿٤٦﴾

45-46. *Уларнинг сўзлари хатодир.* Яқинда уларнинг жамоалари мутафарриқ (пароканда) бўлиб, шикаст еб орқаларига қочадилар. Балки уларга ваъда қилинган азоб Қиёматда бўлади. Қиёматнинг азоби ниҳоятда қаттиқ ва аччиқдир.

إِنَّ ٱلْمُجْرِمِينَ فِي ضَلَـٰلٍ وَسُعُرٍ ﴿٤٧﴾ يَوْمَ يُسْحَبُونَ فِي ٱلنَّارِ عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ ذُوقُوا۟
مَسَّ سَقَرَ ﴿٤٨﴾ إِنَّا كُلَّ شَىْءٍ خَلَقْنَـٰهُ بِقَدَرٍ ﴿٤٩﴾ وَمَآ أَمْرُنَآ إِلَّا وَٰحِدَةٌ كَلَمْحٍۭ
بِٱلْبَصَرِ ﴿٥٠﴾ وَلَقَدْ أَهْلَكْنَآ أَشْيَاعَكُمْ فَهَلْ مِن مُّدَّكِرٍ ﴿٥١﴾

47-51. Албатта, гуноҳкорлар ва мушриклар бу дунёда гумроҳлик ва жаҳолатдадирлар. Қиёматда юзтубан ҳолда дўзах тарафига тортиладилар. (У кунда) малоикалар (уларга) айтадиларки: «Дўзахнинг иссиғини (азобини) тотиб кўринглар». Парвардигор айтадики: «Албатта, Биз ҳар бир нарсани андозаси (аниқ ўлчови) билан ҳикматга мувофиқ халқ қилганмиз. Бизнинг амримиз бир калима (сўз)дан (яъни «Бўл!» дейишдан) иборат, холос. Кўз очиб юмгунча бажарилади». Эй Қурайш кофирлари, Биз сизларга ўхшаган кофирларнинг кўпларини ҳалок қилгандирмиз. Энди ибрат олувчи борми? 27 жузъ

وَكُلُّ شَىْءٍ فَعَلُوهُ فِي ٱلزُّبُرِ ﴿٥٢﴾ وَكُلُّ صَغِيرٍ وَكَبِيرٍ مُّسْتَطَرٌ ﴿٥٣﴾ إِنَّ ٱلْمُتَّقِينَ فِي
جَنَّـٰتٍ وَنَهَرٍ ﴿٥٤﴾ فِي مَقْعَدِ صِدْقٍ عِندَ مَلِيكٍ مُّقْتَدِرٍۭ ﴿٥٥﴾

52-55. Ҳар неки амал қилган бўлсалар, номаи аъмолларида ёзилгандир. Ҳар бир амал, хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик бўлсин, номаи аъмолларида муқаррар ёзилгандир. Албатта, Худодан қўрққан бандалар жаннатда анҳорлар (дарё ва чашмалар) бўйида ором оладилар. Қудратли, ҳақиқий Подшоҳ — Парвардигор наздида муттақийларнинг ўтирадиган жойлари (бўлур). (Яъни муттақийлар жаннатда Аллоҳ ҳузуридаги муборак сидқ маконида бўлурлар).

Мадинада нозил бўлган бу сура етмиш саккиз оятдан иборатдир.

27 жузъ *Суранинг номи илк оят бўлган «ар-Раҳмон»дир. Бу сурада Аллоҳнинг неъматлари бир-бир санаб ўтиларкан, барча шуурли (онгли) мавжудотга хитобан: «Бас, Парвардигорингизнинг қайси бир неъматларини ёлғон дея олурсизлар?», — деган маънодаги оят тез-тез қайтариб турилади.*

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

ٱلرَّحۡمَٰنُ ١ عَلَّمَ ٱلۡقُرۡءَانَ ٢ خَلَقَ ٱلۡإِنسَٰنَ ٣ عَلَّمَهُ ٱلۡبَيَانَ ٤
ٱلشَّمۡسُ وَٱلۡقَمَرُ بِحُسۡبَانٖ ٥ وَٱلنَّجۡمُ وَٱلشَّجَرُ يَسۡجُدَانِ ٦ وَٱلسَّمَآءَ
رَفَعَهَا وَوَضَعَ ٱلۡمِيزَانَ ٧ أَلَّا تَطۡغَوۡاْ فِي ٱلۡمِيزَانِ ٨

1-8. Парвардигор Муҳаммад (алайҳиссалом)га Қуръонни таълим берди. Инсонни халқ қилди ва унга сўзлашни таълим берди. Офтоб ва ой муқаррар бўлган ҳисоб билан ҳаракат қиладилар. Гиёҳлар (ўт-ўланлар) ва (дов) дарахтлар Парвардигорга сажда қиладилар. Осмонни бандалар устига баланд қилиб кўтариб қўйди ва сизларнинг муомалаларингиз учун мезон — тарозуни муқаррар қилди. Токи тарозуда ҳаддан (шаръий меъёрдан) тажовуз қилманглар, адолат билан тортинглар.

وَأَقِيمُواْ ٱلۡوَزۡنَ بِٱلۡقِسۡطِ وَلَا تُخۡسِرُواْ ٱلۡمِيزَانَ ٩ وَٱلۡأَرۡضَ وَضَعَهَا لِلۡأَنَامِ
١٠ فِيهَا فَٰكِهَةٞ وَٱلنَّخۡلُ ذَاتُ ٱلۡأَكۡمَامِ ١١ وَٱلۡحَبُّ ذُو ٱلۡعَصۡفِ وَٱلرَّيۡحَانُ ١٢
فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ١٣

9-13. Ва тарозуни тортишда кам қилманглар (уриб қолманглар). Аллоҳ таоло ерни халқ (жонзотлар) учун пайдо қилди. У ерда мевалар ва ғилофнинг ичида (гулкосали) хурмо мевалари пайдо бўлади. У ерда барг чиқарадиган доналар (сомонли дон-дунлар) ва хушбўй (гул) гиёҳлар кўкаради. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?!

خَلَقَ ٱلْإِنسَٰنَ مِن صَلْصَٰلٍ كَٱلْفَخَّارِ ﴿١٤﴾ وَخَلَقَ ٱلْجَآنَّ مِن مَّارِجٍ مِّن نَّارٍ
﴿١٥﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿١٦﴾ رَبُّ ٱلْمَشْرِقَيْنِ وَرَبُّ ٱلْمَغْرِبَيْنِ ﴿١٧﴾ فَبِأَيِّ
ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿١٨﴾ مَرَجَ ٱلْبَحْرَيْنِ يَلْتَقِيَانِ ﴿١٩﴾ بَيْنَهُمَا بَرْزَخٌ
لَّا يَبْغِيَانِ ﴿٢٠﴾

14-20. Аллоҳ таоло инсонни мисли сополга ўхшаш қуриган лойдан халқ қилди. Ва жинларни ўтнинг шуъласидан яратди. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Аллоҳ таоло икки машриқ ва икки мағрибнинг Парвардигоридир. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Парвардигорнинг қудратларидан бири шуки, бири шўр ва бири ширин бўлган икки дарё (денгиз) сувини бир-бирига аралаштирди (жорий қилиб қўйди): икковининг ўртасида бир-бирига қўшилмайдиган парда (тўсиқ) яратди. Ва бири-бирига (тўсиқдан ошиб-ўтиб) ғалаба қилмайдилар. *Яна иккови бир-биридан жудо бўлади. Ширин сув шўр сувдан ажралади. Бу Парвардигорнинг қудратларидан биридир.* 27 жузъ

فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٢١﴾ يَخْرُجُ مِنْهُمَا ٱللُّؤْلُؤُ وَٱلْمَرْجَانُ ﴿٢٢﴾ فَبِأَيِّ
ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٢٣﴾ وَلَهُ ٱلْجَوَارِ ٱلْمُنشَـَٔاتُ فِى ٱلْبَحْرِ كَٱلْأَعْلَٰمِ ﴿٢٤﴾ فَبِأَيِّ
ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٢٥﴾

21-25. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! У икки дарёдан марваридлар ва маржонлар чиқади. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Парвардигор у дарёда тоғ каби улуғ кемалар яратган. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?!

كُلُّ مَنْ عَلَيْهَا فَانٍ ﴿٢٦﴾ وَيَبْقَىٰ وَجْهُ رَبِّكَ ذُو ٱلْجَلَٰلِ وَٱلْإِكْرَامِ ﴿٢٧﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ
رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٢٨﴾ يَسْـَٔلُهُۥ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ كُلَّ يَوْمٍ هُوَ فِى شَأْنٍ ﴿٢٩﴾
فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٣٠﴾

26-30. Ернинг бетида (устида) ҳар нарсаки бор, ҳаммаси йўқ бўлади. Фақат улуғлик (ва шараф) эгаси Парвардигорнинг зоти боқийдир. Бошқаси фоний, ўткинчидир. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Осмондаги ва ердаги ҳар бир инсон ва малоика Парвардигордан ҳожатларини сўрайдилар. Парвардигор ҳар бир соатда ва ҳар бир кунда бошқа бир ҳолатда туради. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?!

سَنَفْرُغُ لَكُمْ أَيُّهَ ٱلثَّقَلَانِ ﴿٣١﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٣٢﴾ يَٰمَعْشَرَ ٱلْجِنِّ
وَٱلْإِنسِ إِنِ ٱسْتَطَعْتُمْ أَن تَنفُذُوا۟ مِنْ أَقْطَارِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ فَٱنفُذُوا۟ لَا
تَنفُذُونَ إِلَّا بِسُلْطَٰنٍ ﴿٣٣﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٣٤﴾ يُرْسَلُ عَلَيْكُمَا
شُوَاظٌ مِّن نَّارٍ وَنُحَاسٌ فَلَا تَنتَصِرَانِ ﴿٣٥﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٣٦﴾ فَإِذَا
ٱنشَقَّتِ ٱلسَّمَآءُ فَكَانَتْ وَرْدَةً كَٱلدِّهَانِ ﴿٣٧﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٣٨﴾ **27 жузъ**

31-38. Эй инсу жинлар, Биз ҳамма нарсаларнинг баёнидан фориғ бўлиб, сизларга мутаважжиҳ бўламиз. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Эй инсонлар гуруҳи (жамоаси) ва эй жинлар гуруҳи, осмонларнинг канораларидан (чегараларидан) ва ернинг канораларидан чиқиб кетишга қодир бўлсангизлар, чиқиб кетинглар. Чиқиб кетолмайсизлар, магар зўр қувват билан (яъни Аллоҳнинг изну иродаси билан чиқиб кета оласизлар). Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Эй инсу жин, сизларнинг осийларингиз ва мушрикларингиз устига ўтнинг аланга ва тутуни юборилади. *Кейин у сизларни куйдиради.* Сизлар уни даф қилолмайсизлар. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Вақтики осмон ёрилиб кетса, у қизил гулга ва қизил бисотга ўхшаш ранг пайдо қилади. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?!

فَيَوْمَئِذٍ لَّا يُسْـَٔلُ عَن ذَنۢبِهِۦٓ إِنسٌ وَلَا جَآنٌّ ﴿٣٩﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ
﴿٤٠﴾ يُعْرَفُ ٱلْمُجْرِمُونَ بِسِيمَٰهُمْ فَيُؤْخَذُ بِٱلنَّوَٰصِى وَٱلْأَقْدَامِ ﴿٤١﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ
رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٤٢﴾

39-42. Бас, ўша кунда инсон ҳам, жин ҳам гуноҳидан савол қилинмайди, *балки (сиймо) аломатларидан таниб олинади*. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Кофирлар (сиймо) аломатларидан танилиб, бас, пешоналаридаги сочларидан ва оёқларидан ушлаб дўзахга ташланадилар. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?!

هَٰذِهِۦ جَهَنَّمُ ٱلَّتِى يُكَذِّبُ بِهَا ٱلْمُجْرِمُونَ ﴿٤٣﴾ يَطُوفُونَ بَيْنَهَا وَبَيْنَ حَمِيمٍ ءَانٍ ﴿٤٤﴾
فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٤٥﴾ وَلِمَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِۦ جَنَّتَانِ ﴿٤٦﴾ فَبِأَيِّ
ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٤٧﴾ ذَوَاتَآ أَفْنَانٍ ﴿٤٨﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٤٩﴾

43-49. Малоикалар айтадиларки: «Мушриклар инкор қилган жаҳаннам мана шудир». Дўзахдагилар ўт билан иссиқ сув орасида ҳаракат қиладилар (айланиб юрадилар). Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! У дунёда Худонинг олдида ҳисоб беришдан қўрққанларга икки жаннат берилади. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! У (сермева) икки жаннат дарахтларининг шохлари бир-бирига уланиб кетган. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?!

فِيهِمَا عَيْنَانِ تَجْرِيَانِ ﴿٥٠﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٥١﴾ فِيهِمَا مِن كُلِّ فَٰكِهَةٍ 27 жузъ
زَوْجَانِ ﴿٥٢﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٥٣﴾

50-53. У икки жаннатда икки чашма (булоқ) оқиб туради. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Шу икки жаннатда ҳар турли мевадан жуфт-жуфт (қилиб) яратганмиз. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?!

مُتَّكِـِٔينَ عَلَىٰ فُرُشٍۭ بَطَآئِنُهَا مِنْ إِسْتَبْرَقٍ ۚ وَجَنَى ٱلْجَنَّتَيْنِ دَانٍ ﴿٥٤﴾ فَبِأَيِّ
ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٥٥﴾ فِيهِنَّ قَٰصِرَٰتُ ٱلطَّرْفِ لَمْ يَطْمِثْهُنَّ إِنسٌ قَبْلَهُمْ وَلَا
جَآنٌّ ﴿٥٦﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٥٧﴾

54-57. Аҳли жаннатлар астарлари ҳарир (ипак)дан бўлган бисотлар (тўшаклар)га суяниб ўтирадилар. Ҳар икки жаннатнинг мевалари аҳли жаннатга яқиндир. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Жаннат қасрларининг ичида шундай ҳурлар борки, ўз куёвлари (эгалари)дан бошқага (асло) кўзлари тушмагандир. Уларга бу куёвлардан илгари инс ҳам, жин ҳам яқин бўлмаган. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?!

كَأَنَّهُنَّ ٱلْيَاقُوتُ وَٱلْمَرْجَانُ ﴿٥٨﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٥٩﴾ هَلْ جَزَآءُ
ٱلْإِحْسَٰنِ إِلَّا ٱلْإِحْسَٰنُ ﴿٦٠﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٦١﴾

58-61. Бу ҳурлар гўёки ёқут ва маржонга ўхшайдилар. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Яхшилик (эҳсон)нинг жазоси яхшиликдан бошқа бўлмайди. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?!

وَمِن دُونِهِمَا جَنَّتَانِ ﴿٦٢﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٦٣﴾ مُدْهَآمَّتَانِ ﴿٦٤﴾
فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٦٥﴾ فِيهِمَا عَيْنَانِ نَضَّاخَتَانِ ﴿٦٦﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ

رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٦٧﴾

62-67. Бу иккала жаннатдан бошқа яна икки жаннат бордир. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Бу иккала жаннат ниҳоятда сабзазор ва кўкаламзордир. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар. Бу икки жаннатда жўш уриб (отилиб) турган икки чашма бордир. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?!

27 жузъ

فِيهِمَا فَٰكِهَةٌ وَنَخْلٌ وَرُمَّانٌ ﴿٦٨﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٦٩﴾ فِيهِنَّ خَيْرَٰتٌ
حِسَانٌ ﴿٧٠﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٧١﴾ حُورٌ مَّقْصُورَٰتٌ فِى ٱلْخِيَامِ ﴿٧٢﴾
فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٧٣﴾ لَمْ يَطْمِثْهُنَّ إِنسٌ قَبْلَهُمْ وَلَا جَآنٌّ ﴿٧٤﴾ فَبِأَيِّ
ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٧٥﴾

68-75. У икки жаннатда турли мевалар, хурмо ва анор дарахтлари бор. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Бу жаннатларда сараланган, чиройли (гўзал) аёллар бор. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Яна чодирларда яширинган ҳурлар бор. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Бу ҳурларга ушбу эрлардан илгари бирор инс ҳам, жин ҳам қўл теккизмаган. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?!

مُتَّكِـِٔينَ عَلَىٰ رَفْرَفٍ خُضْرٍ وَعَبْقَرِىٍّ حِسَانٍ ﴿٧٦﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ
﴿٧٧﴾ تَبَٰرَكَ ٱسْمُ رَبِّكَ ذِى ٱلْجَلَٰلِ وَٱلْإِكْرَامِ ﴿٧٨﴾

76-78. Аҳли жаннат кўк рангли ёстиқларга суяниб, чиройли (яшил) бисотларда ўтирадилар. Бас, эй инсонлар ва жинлар, Парвардигорнинг қайси бир неъматларини ёлғон деб инкор қиласизлар?! Парвардигорингизнинг номи улуғдир. Улуғликка ва инъомга эгадир. *Ва сифати қаҳрияга ҳам ва сифати лутфияга ҳам соҳибдир.*

Маккада нозил бўлган бу сура
тўқсон олти оятдан иборатдир.

Суранинг номи унинг илк оятида келган ва Қиёмат воқеасини ифода этувчи «воқеъа» сўзидан олинган. Сурада Қиёмат ва у кундаги уч фирқанинг аҳволлари, жаннатдаги роҳатлару дўзахдаги азоблар баён қилиб берилади. 27 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

إِذَا وَقَعَتِ ٱلْوَاقِعَةُ ﴿١﴾ لَيْسَ لِوَقْعَتِهَا كَاذِبَةٌ ﴿٢﴾ خَافِضَةٌ رَّافِعَةٌ ﴿٣﴾ إِذَا رُجَّتِ
ٱلْأَرْضُ رَجًّا ﴿٤﴾ وَبُسَّتِ ٱلْجِبَالُ بَسًّا ﴿٥﴾ فَكَانَتْ هَبَآءً مُّنۢبَثًّا ﴿٦﴾ وَكُنتُمْ أَزْوَٰجًا
ثَلَٰثَةً ﴿٧﴾ فَأَصْحَٰبُ ٱلْمَيْمَنَةِ مَآ أَصْحَٰبُ ٱلْمَيْمَنَةِ ﴿٨﴾

1-8. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қиёмат қоим бўлганда, унинг воқе бўлишлигини ёлғон дейдиган бирор киши қолмайдиган вақтни фикр қил. Қиёмат бир гуруҳнинг мартабасини паст қилиб, яна бир гуруҳнинг мартабасини юқори кўтарувчидир. Ер юзида зилзила бўлиб, вайрон бўлса ва тоғлар чанг ва тўзон бўлиб, осмонга учиб кетса, шу вақтда Қиёмат воқе бўлади. Шу вақтда сизлар уч фирқа (тоифа) бўлиб қоласизлар. Бир фирқа – ўнг тарафдаги асҳоблар. Бу ўнг тарафдаги асҳоблар қандай (саодатли) зотлардир?

وَأَصْحَٰبُ ٱلْمَشْـَٔمَةِ مَآ أَصْحَٰبُ ٱلْمَشْـَٔمَةِ ﴿٩﴾ وَٱلسَّٰبِقُونَ ٱلسَّٰبِقُونَ ﴿١٠﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ
ٱلْمُقَرَّبُونَ ﴿١١﴾ فِى جَنَّٰتِ ٱلنَّعِيمِ ﴿١٢﴾ ثُلَّةٌ مِّنَ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٣﴾ وَقَلِيلٌ مِّنَ ٱلْءَاخِرِينَ
﴿١٤﴾ عَلَىٰ سُرُرٍ مَّوْضُونَةٍ ﴿١٥﴾ مُّتَّكِـِٔينَ عَلَيْهَا مُتَقَٰبِلِينَ ﴿١٦﴾ يَطُوفُ عَلَيْهِمْ
وِلْدَٰنٌ مُّخَلَّدُونَ ﴿١٧﴾ بِأَكْوَابٍ وَأَبَارِيقَ وَكَأْسٍ مِّن مَّعِينٍ ﴿١٨﴾

9-18. Ва иккинчи (фирқа) – чап тарафдаги асҳоблар. Бу чап тарафдагилар қандай (бадбахт) асҳоблардир? *Яъни, номаи амолларини чап тарафдан олувчилар. Ўнг тарафдаги асҳоблар номаи амолларини ўнг тараф-*

дан олгувчилардир. (Учинчи фирқадагилар) ҳаммадан илгари (кўпроқ) Худони танувчилар ва иймон келтирувчилар бўлиб, Аллоҳга (энг) яқин бандалар шу жамоалардир. Булар Парвардигорнинг марҳамати билан ноз ва неъматли жаннатда муқим бўладилар. Бу жамоа аввалги (уммат)лардан зиёда (кўпчилик) ва кейинги келувчилардан (Муҳаммад алайҳиссалом умматларидан) озроқ бўладилар[1]. Бу жамоа жаннатда зардан тўқилган тахтларда (сўриларда) ўтириб, зардан тўқилган ёстиқларга суянган ҳолда бир-бирларига юзма-юз (бўлиб) ўтирадилар. Буларнинг атрофларида (мангу) ёш йигитлар юриб хизмат қиладилар ва қўлларида шароб тўлди-
27 жузъ рилган сuroҳийлар, офтобалар ва жомлар бўлиб, жаннат аҳлига (айлантириб) ичкизадилар.

لَّا يُصَدَّعُونَ عَنْهَا وَلَا يُنزِفُونَ ﴿١٩﴾ وَفَٰكِهَةٍ مِّمَّا يَتَخَيَّرُونَ ﴿٢٠﴾ وَلَحْمِ طَيْرٍ مِّمَّا يَشْتَهُونَ ﴿٢١﴾ وَحُورٌ عِينٌ ﴿٢٢﴾ كَأَمْثَٰلِ ٱللُّؤْلُؤِ ٱلْمَكْنُونِ ﴿٢٣﴾ جَزَآءًۢ بِمَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٢٤﴾ لَا يَسْمَعُونَ فِيهَا لَغْوًا وَلَا تَأْثِيمًا ﴿٢٥﴾ إِلَّا قِيلًا سَلَٰمًا سَلَٰمًا ﴿٢٦﴾

19-26. Бу шаробларни ичгандан сўнг бош оғриқ ва беҳуш (маст) ҳам бўлмайдилар. (Улар) ихтиёр қилган (хоҳлаган) меваларини келтириб берадилар. Ва хоҳлаган парранда (қуш) гўштларини ҳозир қиладилар. Уларга гўё садафнинг ичидаги марварид (дур)га ўхшайдиган оқ юзли ва шаҳло кўзли ҳурлар хизмат қиладилар. Бу ноз-неъматларнинг ҳаммаси уларнинг қилган амаллари эвазига (мукофот ўлароқ) ато қилинади. Улар жаннатда беҳуда ва гуноҳ сўзларни эшитмайдилар, магар бир-бирларига саломлашишдан бошқа сўзни айтмайдилар. (Уларга Аллоҳ томонидан ҳам, фаришталар томонидан ҳам саломлар етиб туради).

وَأَصْحَٰبُ ٱلْيَمِينِ مَآ أَصْحَٰبُ ٱلْيَمِينِ ﴿٢٧﴾ فِى سِدْرٍ مَّخْضُودٍ ﴿٢٨﴾ وَطَلْحٍ مَّنضُودٍ ﴿٢٩﴾ وَظِلٍّ مَّمْدُودٍ ﴿٣٠﴾ وَمَآءٍ مَّسْكُوبٍ ﴿٣١﴾ وَفَٰكِهَةٍ كَثِيرَةٍ ﴿٣٢﴾ لَّا مَقْطُوعَةٍ وَلَا مَمْنُوعَةٍ ﴿٣٣﴾ وَفُرُشٍ مَّرْفُوعَةٍ ﴿٣٤﴾ إِنَّآ أَنشَأْنَٰهُنَّ إِنشَآءً ﴿٣٥﴾ فَجَعَلْنَٰهُنَّ أَبْكَارًا ﴿٣٦﴾ عُرُبًا أَتْرَابًا ﴿٣٧﴾ لِّأَصْحَٰبِ ٱلْيَمِينِ ﴿٣٨﴾ ثُلَّةٌ مِّنَ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٣٩﴾ وَثُلَّةٌ مِّنَ ٱلْءَاخِرِينَ ﴿٤٠﴾

27-40. Ва ўнг тарафдаги (саодатли) асҳобларнинг аҳволлари қандай (яхши)! Улар жаннатда тикансиз канор (сидр) дарахтининг соясида ўти-

---

[1]Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Маданий (Олтинхон Тўра) тафсирларида 13 ва 14-оятларга шундай изоҳ берилган: Бу мақомда аввалгилардан аввалги умматлар ва сўнггилардан бу уммат муроддур ё ҳар икки тоифа ҳам бу умматдандир. Чунончи, «Руҳул маъоний» китобида Саййиди олам пайғамбаримиздин ривоят қилинурки, هُمَا جَمِيعًا من هَذه الامة (улар ҳар иккаласи мана шу умматдандир) дебдурлар. (Ал-Қуръон Ал-Карим маъноларининг таржимаси ва шарҳлари. Иккинчи нашр. Тошкент. «Фан», 2002, 544-бет).

адилар. Устма-уст (тизилган) мевали муз (банан) дарахтининг соясида ўладилар. Ва яна (бошқа) зоил бўлмайдиган (ёйилган) соялар остида ўладилар. Ва яна оқиб турган сувлар бўйида бўладилар. Ва яна лаззат берадиган, тугамайдиган ва ейиши манъ қилинмайдиган мевалардан лаззатланадилар. Ва қалин фаршлар (кўрпачалар)да ўтирадилар. Биз кампир аёлларни қайтадан навжувон қилиб пайдо қиламиз ва уларни бокира, бир хил ёшдаги (тенгқур) қизларга айлантирамиз. Улар ўз эрларини яхши кўрувчи бўладилар. Бу эҳсонларимизнинг ҳаммаси ўнг тарафдаги асҳоблар учундир. Улар илгари ўтган умматлардан ҳам бир жамоа бўладилар ва кейин келадиган умматлардан ҳам бир жамоа бўладилар. 27 жузъ

وَأَصْحَٰبُ ٱلشِّمَالِ مَآ أَصْحَٰبُ ٱلشِّمَالِ ﴿٤١﴾ فِى سَمُومٍ وَحَمِيمٍ ﴿٤٢﴾ وَظِلٍّ مِّن يَحْمُومٍ
﴿٤٣﴾ لَّا بَارِدٍ وَلَا كَرِيمٍ ﴿٤٤﴾ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ قَبْلَ ذَٰلِكَ مُتْرَفِينَ ﴿٤٥﴾ وَكَانُوا۟ يُصِرُّونَ
عَلَى ٱلْحِنثِ ٱلْعَظِيمِ ﴿٤٦﴾ وَكَانُوا۟ يَقُولُونَ أَئِذَا مِتْنَا وَكُنَّا تُرَابًا وَعِظَٰمًا أَءِنَّا
لَمَبْعُوثُونَ ﴿٤٧﴾ أَوَءَابَآؤُنَا ٱلْأَوَّلُونَ ﴿٤٨﴾

41-48. Чап тарафдаги (бадбахт) асҳоблар кимлар ва уларнинг аҳволлари қандай (ёмон)? Улар иссиқ, заҳарли шамолларда ва ниҳоят даражада қайноқ сувда азоб чекадилар. Одамга ёқимсиз, салқин ҳам, фойдали ҳам бўлмаган қора тутун ичида азоб тортадилар. Чунки улар у дунёда нозу неъматларга буркалиб, улуғ (катта) гуноҳлар қилишда давом этгандирлар. Улар у дунёда айтар эдиларки: «Биз ўлиб, тупроқ бўлиб кетсак ва суякларимиз чириб кетса (ҳам), қайтадан тириламизми? Ўлиб кетган боболаримиз ҳам қайтиб келадиларми?»

قُلْ إِنَّ ٱلْأَوَّلِينَ وَٱلْءَاخِرِينَ ﴿٤٩﴾ لَمَجْمُوعُونَ إِلَىٰ مِيقَٰتِ يَوْمٍ مَّعْلُومٍ ﴿٥٠﴾ ثُمَّ
إِنَّكُمْ أَيُّهَا ٱلضَّآلُّونَ ٱلْمُكَذِّبُونَ ﴿٥١﴾ لَءَاكِلُونَ مِن شَجَرٍ مِّن زَقُّومٍ ﴿٥٢﴾ فَمَالِـُٔونَ
مِنْهَا ٱلْبُطُونَ ﴿٥٣﴾ فَشَٰرِبُونَ عَلَيْهِ مِنَ ٱلْحَمِيمِ ﴿٥٤﴾ فَشَٰرِبُونَ شُرْبَ ٱلْهِيمِ ﴿٥٥﴾
هَٰذَا نُزُلُهُمْ يَوْمَ ٱلدِّينِ ﴿٥٦﴾

49-56. Айттил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Ўтиб кетганлар ва кейин келгувчилар Қиёматда – муайян вақтда ҳаммалари тирилиб жам бўладилар». Сўнгра, эй инкор қилувчи гумроҳлар, сизлар Заққум дарахтининг мевасини егувчисизлар. Шу дарахтнинг мевасидан қоринларингизни тўйғазувчи бўласизлар. Сўнгра чанқасангизлар, маст туянинг ичганига ўхшаб қайноқ сувдан ичасизлар. Уларнинг Қиёмат кунидаги зиёфатлари ана шундан иборат!

نَحْنُ خَلَقْنَٰكُمْ فَلَوْلَا تُصَدِّقُونَ ﴿٥٧﴾ أَفَرَءَيْتُم مَّا تُمْنُونَ ﴿٥٨﴾ ءَأَنتُمْ تَخْلُقُونَهُۥٓ أَمْ
نَحْنُ ٱلْخَٰلِقُونَ ﴿٥٩﴾ نَحْنُ قَدَّرْنَا بَيْنَكُمُ ٱلْمَوْتَ وَمَا نَحْنُ بِمَسْبُوقِينَ ﴿٦٠﴾ عَلَىٰٓ أَن

نُبَدِّلَ أَمْثَٰلَكُمْ وَنُنشِئَكُمْ فِى مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٦١﴾

57-61. Аввалда сизларни Биз яратганмиз, нима учун (қайта тирилтиришимизга) ишонмайсизлар?! Сизлар хотинларингиз раҳми (бачадони)га тўкиладиган у манийни кўрдингизларми? Ундан болани сизлар яратасизларми ёки Биз яратамизми? Биз сизларнинг ораларингизда ўлимни муқаддар (тақдир) қилдик. Ва Биз ўрниларингизга сизларга ўхшаганларни алмаштириб қўйишга ва сизларни сизлар билмайдиган ҳайъат (шаклу шамойил)да ва сифатда пайдо қилишдан ҳам ожиз эмасмиз.

27 жузъ وَلَقَدْ عَلِمْتُمُ ٱلنَّشْأَةَ ٱلْأُولَىٰ فَلَوْلَا تَذَكَّرُونَ ﴿٦٢﴾ أَفَرَءَيْتُم مَّا تَحْرُثُونَ ﴿٦٣﴾
ءَأَنتُمْ تَزْرَعُونَهُۥٓ أَمْ نَحْنُ ٱلزَّٰرِعُونَ ﴿٦٤﴾ لَوْ نَشَآءُ لَجَعَلْنَٰهُ حُطَٰمًا فَظَلْتُمْ
تَفَكَّهُونَ ﴿٦٥﴾ إِنَّا لَمُغْرَمُونَ ﴿٦٦﴾ بَلْ نَحْنُ مَحْرُومُونَ ﴿٦٧﴾

62-67. Аввалги пайдо бўлишни билгандирсизлар. Нима учун шундан ибрат олмайсизлар? Ерга эккан экинларингизни кўрдингизларми? (У ҳақда ўйлаб кўрдингизми?) Уни сизлар кўкартиряпсизларми ёки Биз кўкартиряпмизми?! Агар Биз хоҳласак, эккан экинларингизни қуруқ, донсиз хашакка айлантиришга қудратимиз етади. Бас, у вақт сизлар таажжуб қилиб, ғамгин бўласизлар ва: «Биз зарар тортдик (зиён кўрдик)». Балки: «Насибамиздан маҳрум бўлдик», – деб айтасизлар.

أَفَرَءَيْتُمُ ٱلْمَآءَ ٱلَّذِى تَشْرَبُونَ ﴿٦٨﴾ ءَأَنتُمْ أَنزَلْتُمُوهُ مِنَ ٱلْمُزْنِ أَمْ نَحْنُ ٱلْمُنزِلُونَ
﴿٦٩﴾ لَوْ نَشَآءُ جَعَلْنَٰهُ أُجَاجًا فَلَوْلَا تَشْكُرُونَ ﴿٧٠﴾ أَفَرَءَيْتُمُ ٱلنَّارَ ٱلَّتِى تُورُونَ
﴿٧١﴾ ءَأَنتُمْ أَنشَأْتُمْ شَجَرَتَهَآ أَمْ نَحْنُ ٱلْمُنشِـُٔونَ ﴿٧٢﴾ نَحْنُ جَعَلْنَٰهَا تَذْكِرَةً
وَمَتَٰعًا لِّلْمُقْوِينَ ﴿٧٣﴾ فَسَبِّحْ بِٱسْمِ رَبِّكَ ٱلْعَظِيمِ ﴿٧٤﴾

68-74. Ичиб турган сувларингизни (ўйлаб) кўрдингизларми? Уни булутлардан сизлар ёғдирасизларми ёки Биз ёғдирамизми? Агар уни ичиб бўлмайдиган шўр сувга айлантирсак, қудратимиз етади. Нима учун шукр қилмайсизлар?! Дарахтнинг шохидан чиқадиган у ўтни (ўйлаб) кўрдингизларми? У дарахтни сизлар пайдо қилдингизларми ёки Биз пайдо қилдикми? Биз у (ўт чиқарадиган) дарахтни сизларга ибрат (эслатма) учун ва мусофирлар фойдаланишлари учун халқ қилдик (яратдик). Бас, Худонинг улуғ номини поклик билан ёд қилинглар.

۞ فَلَآ أُقْسِمُ بِمَوَٰقِعِ ٱلنُّجُومِ ﴿٧٥﴾ وَإِنَّهُۥ لَقَسَمٌ لَّوْ تَعْلَمُونَ عَظِيمٌ ﴿٧٦﴾ إِنَّهُۥ
لَقُرْءَانٌ كَرِيمٌ ﴿٧٧﴾ فِى كِتَٰبٍ مَّكْنُونٍ ﴿٧٨﴾ لَّا يَمَسُّهُۥٓ إِلَّا ٱلْمُطَهَّرُونَ ﴿٧٩﴾ تَنزِيلٌ مِّن
رَّبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٨٠﴾ أَفَبِهَٰذَا ٱلْحَدِيثِ أَنتُم مُّدْهِنُونَ ﴿٨١﴾ وَتَجْعَلُونَ رِزْقَكُمْ أَنَّكُمْ

تُكَذِّبُونَ ﴿٨٢﴾

75-82. Бас, юлдузларнинг тўкиладиган вақтларига қасамёд қиламан. Албатта, агар билсангизлар, бу улуғ қасамдир! Албатта, бу Китоб улуғ Қуръондир. Лавҳул Маҳфузда ёзилгандир. Уни (фақат) пок одамлар ушлайдилар. У Парвардигори олам тарафидан нозил қилинган. Оё сизлар шу Қуръонга мункир бўласизларми? Бу Қуръондан насибаларингиз – инкор қилишдан (ёлғонга чиқаришдан) иборатми?

فَلَوْلَآ إِذَا بَلَغَتِ ٱلْحُلْقُومَ ﴿٨٣﴾ وَأَنتُمْ حِينَئِذٍ تَنظُرُونَ ﴿٨٤﴾ وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ 27 жузъ
مِنكُمْ وَلَٰكِن لَّا تُبْصِرُونَ ﴿٨٥﴾ فَلَوْلَآ إِن كُنتُمْ غَيْرَ مَدِينِينَ ﴿٨٦﴾ تَرْجِعُونَهَآ إِن
كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٨٧﴾

83-87. Вақтики руҳларингиз (яъни ўлаётган кишининг руҳи) ҳалқумига етганда, сизлар унга назар солиб турган вақтингизда Биз ҳозир ва нозир бўлиб, унга сизлардан ҳам яқинроқ бўламиз. Лекин сиз бу ҳолатдан бехабар (бўлур)сиз. Агар сизлар: «Тирилмаймиз ва Қиёмат куни жазоланмаймиз», – деб эътиқод қилсангизлар ва бу сўзларингизда ростгўй бўлсангизлар, нима учун жон чиқишига моне бўлиб, (уни яна жасадга) қайтармадингизлар?

فَأَمَّآ إِن كَانَ مِنَ ٱلْمُقَرَّبِينَ ﴿٨٨﴾ فَرَوْحٌ وَرَيْحَانٌ وَجَنَّتُ نَعِيمٍ ﴿٨٩﴾ وَأَمَّآ إِن كَانَ مِنْ
أَصْحَٰبِ ٱلْيَمِينِ ﴿٩٠﴾ فَسَلَٰمٌ لَّكَ مِنْ أَصْحَٰبِ ٱلْيَمِينِ ﴿٩١﴾ وَأَمَّآ إِن كَانَ مِنَ
ٱلْمُكَذِّبِينَ ٱلضَّآلِّينَ ﴿٩٢﴾ فَنُزُلٌ مِّنْ حَمِيمٍ ﴿٩٣﴾ وَتَصْلِيَةُ جَحِيمٍ ﴿٩٤﴾ إِنَّ هَٰذَا لَهُوَ
حَقُّ ٱلْيَقِينِ ﴿٩٥﴾ فَسَبِّحْ بِٱسْمِ رَبِّكَ ٱلْعَظِيمِ ﴿٩٦﴾

88-96. Энди ўлганлар икки ҳолдан ўзга эмаслар. Агар ўлганлар Худога яқин бандалардан бўлсалар, бас, улар роҳат-фароғатда бўлиб, ғамдан нажот топиб, Худонинг раҳматига эришиб, жойлари ноз-неъматли жаннатдадир. Агар ўлганлар ўнг тараф асҳобларидан бўлсалар, малоикалар тарафидан айтиладики: «Бас, саломатлик бўлсин сенга, эй ўнг тарафнинг асҳобларидан бўлган киши!» Аммо ўлганлар гумроҳлардан ва мункирлардан бўлса, бас, Қиёмат куни уларнинг зиёфати қайноқ, заҳарли сув ичишдан ва жаҳаннамга дохил бўлишдан иборатдир. Албатта, бу уч фирқанинг шаънларига айтилган сўзлар ва ваъдалар шубҳасиз ростдир. Бас, энди, эй мухотаб (хитоб қилинган Пайғамбар), Худонинг улуғ исмини поклик билан ёд қил!

Мадинада нозил бўлган бу сура
йигирма тўққиз оятдан иборатдир.

27 жузъ

Суранинг 25-оятида ҳадид – темир ва унинг хусусиятлари ҳақида сўз борганлиги учун ҳам сура «Ҳадид» номини олган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

سَبَّحَ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ ۖ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿١﴾ لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ
وَالْأَرْضِ ۖ يُحْيِي وَيُمِيتُ ۖ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢﴾ هُوَ الْأَوَّلُ وَالْآخِرُ
وَالظَّاهِرُ وَالْبَاطِنُ ۖ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٣﴾

1-3. Осмондаги малоикалар ва ердаги нарсалар Аллоҳ таолони поклик билан ёд қиладилар. У Худо ҳамма нарсадан ғолиб ва ҳар бир феъли ҳикматлидир. Осмонлар ва ернинг подшоҳлиги Аллоҳникидир. У ўлдиради ва тирилтиради. Худойи таоло ҳар бир нарсага қодирдир. Парвардигор ҳамма нарсадан аввалдир ва ҳамма нарсадан кейин қолади. У ошкор ва махфийдир. Ва У ҳар бир нарсани билгувчидир.

هُوَ الَّذِي خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ ۚ
يَعْلَمُ مَا يَلِجُ فِي الْأَرْضِ وَمَا يَخْرُجُ مِنْهَا وَمَا يَنْزِلُ مِنَ السَّمَاءِ وَمَا يَعْرُجُ فِيهَا ۖ
وَهُوَ مَعَكُمْ أَيْنَ مَا كُنْتُمْ ۚ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٤﴾ لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ
وَالْأَرْضِ ۚ وَإِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ ﴿٥﴾ يُولِجُ اللَّيْلَ فِي النَّهَارِ وَيُولِجُ النَّهَارَ فِي
اللَّيْلِ ۚ وَهُوَ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ ﴿٦﴾

4-6. Парвардигор шундай Зотки, осмонларни ва ерни олти кунда халқ қилди. Кейин Аршнинг тадбирига қасд қилди. Аллоҳ таоло ерга кирган ҳар бир нарсани ва ердан чиққан ҳар бир нарсани билади. Ва ҳар бир нарсаки осмондан ерга тушса ва ҳар бир нарсаки ердан осмонга чиқса,

билади. Сизлар қаерда бўлсангизлар ҳам, Худонинг марҳамати сизлар билан биргадир. Аллоҳ таоло қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир. Ер ва осмонларнинг подшоҳлиги Худоникидир. Ва ҳар бир нарсанинг ҳукми Худога қайтарилади. У кечадан олиб кундузга киритади ва кундуздан олиб кечага киритади. Ва Худо кўкрақдаги (қалбдаги) сирларни билгувчидир.

ءَامِنُوا بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَأَنفِقُوا مِمَّا جَعَلَكُم مُّسْتَخْلَفِينَ فِيهِ فَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا
مِنكُمْ وَأَنفَقُوا لَهُمْ أَجْرٌ كَبِيرٌ ﴿٧﴾ وَمَا لَكُمْ لَا تُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَٱلرَّسُولُ 27 жузъ
يَدْعُوكُمْ لِتُؤْمِنُوا بِرَبِّكُمْ وَقَدْ أَخَذَ مِيثَٰقَكُمْ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿٨﴾ هُوَ ٱلَّذِى
يُنَزِّلُ عَلَىٰ عَبْدِهِۦٓ ءَايَٰتٍۭ بَيِّنَٰتٍ لِّيُخْرِجَكُم مِّنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى ٱلنُّورِ وَإِنَّ ٱللَّهَ
بِكُمْ لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿٩﴾

7-9. Эй бандалар, Худо ва Расулига иймон келтиринглар. Худо сизларни садақа (сарф) қилишга халифа қилиб қўйган молларингиздан Аллоҳнинг йўлида садақа қилинглар. Энди сизлардан ҳар ким иймон келтирса ва Худонинг йўлида харж қилса, уларга улуғ ажр бордир. Эй Макка аҳли, сизларга нима бўлди, Худога иймон келтирмайсизлар?! Ваҳоланки, Пайғамбар сизларни Парвардигорингизга иймон келтиришга чақириб турибди. Агар сизлар мийсоқ кунига ишонган бўлсангизлар, батаҳқиқ, Аллоҳ таоло сизлардан мийсоқ кунида аҳд олган эди. Парвардигор шундай зотки, сизларни куфрнинг қоронғулигидан чиқариб, иймон нурига мушарраф қилиш учун Ўзининг бандаси ва Расули Муҳаммад (алайҳиссалом)га равшан (очиқ) оятлар нозил қилади. Ва билингларки, албатта, Аллоҳ таоло сизларга ниҳоятда шафқатли ва меҳрибондир.

وَمَا لَكُمْ أَلَّا تُنفِقُوا فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ وَلِلَّهِ مِيرَٰثُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ لَا يَسْتَوِى
مِنكُم مَّنْ أَنفَقَ مِن قَبْلِ ٱلْفَتْحِ وَقَٰتَلَ أُولَٰٓئِكَ أَعْظَمُ دَرَجَةً مِّنَ ٱلَّذِينَ أَنفَقُوا
مِنۢ بَعْدُ وَقَٰتَلُوا وَكُلًّا وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلْحُسْنَىٰ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿١٠﴾ مَّن ذَا
ٱلَّذِى يُقْرِضُ ٱللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا فَيُضَٰعِفَهُۥ لَهُۥ وَلَهُۥٓ أَجْرٌ كَرِيمٌ ﴿١١﴾

10-11. Сизларга нима бўлдики, молларингизни Худо йўлида сарфламайсизлар? Ваҳоланки, осмонлардаги ва ердаги нарсалар Худонинг мулкидир. *Кейин ҳам Худонинг мулки бўлиб қолади.* Макканинг фатҳидан илгари Худонинг йўлида харж қилувчилар ва Худонинг йўлида ғазот қилувчилар, Макканинг фатҳидан кейин харж қилувчилар ва ғазот қилувчилар билан баробар эмасдирлар. Уларнинг (Макка фатҳидан аввал бойликларини Ҳақ йўлида харж қилган ва ғазот қилганларнинг) даражалари кейин харж қилувчилар ва ғазот қилувчиларнинг даражасидан улуғдир. Лекин Аллоҳ таоло ҳар бирларига жаннатни ваъда қилган.

Аллоҳ таоло сизларнинг қилаётган амалларингиздан хабардордир. Кимдурки, Аллоҳга ихлос билан молидан қарз(и ҳасана) беради, Аллоҳ таоло у одамга шу дунёда(ёқ) бир неча баробар қилиб қайтаради ва охиратда (унга) улуғ ажр бордир.

يَوْمَ تَرَى ٱلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ يَسْعَىٰ نُورُهُم بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَٰنِهِم بُشْرَىٰكُمُ
ٱلْيَوْمَ جَنَّٰتٌ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا ۚ ذَٰلِكَ هُوَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿١٢﴾

12. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қиёмат куни мўмин ва мўминалар-
27 жузъ нинг олдиларида ва ўнг тарафларида иймонларининг нури равшанланиб бораётганини кўрасан. Малоикалар айтадиларки: «Сизларга бу кун тагидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннат (хўшхабари) муборак бўлсин! Унда ҳамиша (абадий) қоласизлар». Бу башорат Сенга улуғ (улкан) мақсадга етмоқдир.

يَوْمَ يَقُولُ ٱلْمُنَٰفِقُونَ وَٱلْمُنَٰفِقَٰتُ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱنظُرُونَا نَقْتَبِسْ مِن
نُّورِكُمْ قِيلَ ٱرْجِعُوا۟ وَرَآءَكُمْ فَٱلْتَمِسُوا۟ نُورًا فَضُرِبَ بَيْنَهُم بِسُورٍ لَّهُۥ بَابٌۢ
بَاطِنُهُۥ فِيهِ ٱلرَّحْمَةُ وَظَٰهِرُهُۥ مِن قِبَلِهِ ٱلْعَذَابُ ﴿١٣﴾ يُنَادُونَهُمْ أَلَمْ نَكُن مَّعَكُمْ ۖ
قَالُوا۟ بَلَىٰ وَلَٰكِنَّكُمْ فَتَنتُمْ أَنفُسَكُمْ وَتَرَبَّصْتُمْ وَٱرْتَبْتُمْ وَغَرَّتْكُمُ ٱلْأَمَانِىُّ حَتَّىٰ
جَآءَ أَمْرُ ٱللَّهِ وَغَرَّكُم بِٱللَّهِ ٱلْغَرُورُ ﴿١٤﴾ فَٱلْيَوْمَ لَا يُؤْخَذُ مِنكُمْ فِدْيَةٌ وَلَا مِنَ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ ۚ مَأْوَىٰكُمُ ٱلنَّارُ ۖ هِىَ مَوْلَىٰكُمْ ۖ وَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٥﴾

13-15. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мунофиқ ва мунофиқалар мўминларга: «Бизларга марҳамат билан назар қилинглар, сизларнинг нурларингиздан биз ҳам фойдаланайлик», — дейдиган ўша кунни ёд қил (эсла)! Малоикалар айтадиларки: «Эй мунофиқлар, ортингизга қайтинглар ва ўзларингизга нур истанглар». Бас, малоикалар Худонинг амри билан мунофиқлар ва мўминларнинг ўрталарида бир қалъа пайдо қилади. У қалъада бир дарвоза пайдо бўлади. Мўминларни дарвозадан ичкарига киритадилар, мунофиқлар эса ташқарида қоладилар. Қалъа ичи раҳмат нури билан тўлади. Қалъанинг ташқарисида мунофиқлар тарафида азоб бордир. Мўминлар қалъа ичидан жаннатга қараб йўл оладилар. Мунофиқлар мўминларни чақириб айтадилар: «Бизни нима учун ажратиб қўйдингизлар, у дунёда сизлар билан бирга эмасмидик?! *Сизлар билан бирга намоз ўқимас эдикми?!*» Мўминлар айтадиларки: «Ҳа шундай эди, лекин сизлар нифоқ қилиб, ўз нафсларингизни азобга қолдирдингизлар ва тавба қилмасдан, таъхир қилдингизлар ва Ислом динига шубҳа қилдингизлар. Сизларни дунёнинг (беҳуда) орзулари мағрур қилиб қўйди. То Худонинг фармони билан ўлимларингиз келгунича ҳийлагар шайтон сизларни Худонинг фармонини бажарищдан алдаб қўйди. Энди бу кун (эй мунофиқлар), сизлардан ҳам, кофирлардан ҳам дўзах азобини даф қилиш учун бирон фидя (тўлов) олинмайди, қабул қилинмайди. Энди ҳаммаларин-

гизнинг жойларингиз дўзахдир. Дўзахнинг ўти сизларга лойиқдир. Дўзах қайтадиган кўп ёмон жойдир!»

۞ أَلَمْ يَأْنِ لِلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ أَن تَخْشَعَ قُلُوبُهُمْ لِذِكْرِ ٱللَّهِ وَمَا نَزَلَ مِنَ ٱلْحَقِّ وَلَا
يَكُونُوا۟ كَٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ مِن قَبْلُ فَطَالَ عَلَيْهِمُ ٱلْأَمَدُ فَقَسَتْ قُلُوبُهُمْ ۖ وَكَثِيرٌ
مِّنْهُمْ فَٰسِقُونَ ﴿١٦﴾ ٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ يُحْىِ ٱلْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا ۚ قَدْ بَيَّنَّا لَكُمُ
ٱلْءَايَٰتِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿١٧﴾ إِنَّ ٱلْمُصَّدِّقِينَ وَٱلْمُصَّدِّقَٰتِ وَأَقْرَضُوا۟ ٱللَّهَ قَرْضًا 27 жузъ
حَسَنًا يُضَٰعَفُ لَهُمْ وَلَهُمْ أَجْرٌ كَرِيمٌ ﴿١٨﴾

16-18. Оё Худонинг ёди (зикри) билан ва ҳам Худойи таоло нозил қилган Қуръонни тиловат қилиш ва эшитиш билан мўминларнинг диллари эриб, мулойим бўлиш вақти келмадими?! Ва (мўминлар) аҳли китобларга ўхшаш бўлмасинларки, узоқ умр (муддат)лар ўтиши билан уларнинг диллари зиёда қотиб, ҳеч мулойимлик қолмаган эди. Ва уларнинг кўплари фосиқ эдилар. Билингларки, Аллоҳ таоло ер қуриганидан кейин унга ҳаёт беради. Сизларга Худо қудратининг нишоналарини равшан баён қилдик. Шоядки ақлларингизни ишлатиб, фикр қилурсизлар. Албатта, Аллоҳ ва Расулининг сўзини тасдиқ қилувчи мўмин ва мўминалар, Худонинг йўлида молларини сарф қилувчиларга — Худога қарзи ҳасана берувчиларга Аллоҳ таоло бу дунёда берганларини зиёда қилиб қайтаради ва охиратда эса улуғ ажр бор.

وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرُسُلِهِۦٓ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلصِّدِّيقُونَ ۖ وَٱلشُّهَدَآءُ عِندَ رَبِّهِمْ لَهُمْ
أَجْرُهُمْ وَنُورُهُمْ ۖ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَكَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَآ أُو۟لَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلْجَحِيمِ
﴿١٩﴾ ٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّمَا ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا لَعِبٌ وَلَهْوٌ وَزِينَةٌ وَتَفَاخُرٌۢ بَيْنَكُمْ وَتَكَاثُرٌ فِى
ٱلْأَمْوَٰلِ وَٱلْأَوْلَٰدِ ۖ كَمَثَلِ غَيْثٍ أَعْجَبَ ٱلْكُفَّارَ نَبَاتُهُۥ ثُمَّ يَهِيجُ فَتَرَىٰهُ مُصْفَرًّا
ثُمَّ يَكُونُ حُطَٰمًا ۖ وَفِى ٱلْءَاخِرَةِ عَذَابٌ شَدِيدٌ وَمَغْفِرَةٌ مِّنَ ٱللَّهِ وَرِضْوَٰنٌ ۚ وَمَا
ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَآ إِلَّا مَتَٰعُ ٱلْغُرُورِ ﴿٢٠﴾

19-20. Худога ва Унинг расулларига ихлос билан иймон келтирган ва амрларини бажо келтирган ана шу жамоалар сиддиқлардир. Парвардигор наздида мартабалари улуғ — шаҳидлардир. Аллоҳ таоло уларга комил ажр ва иймон нури ато қилган. Аммо кофир бўлганлар ва Бизнинг оятларимизни инкор қилганлар дўзах асҳобидирлар. Эй мўминлар, билингларки, дунёнинг тириклиги ўйин-кулгудир ва зеб-зийнатдир, бирбирларингиз билан фахрланишдир, молларингиз ва фарзандларингизни кўпайтиришдан иборатдир. Бунинг мисли шунга ўхшайдики, осмондан ёмғир ёғиб, ерлардан гиёҳлар кўкарса, деҳқонлар хурсанд бўла-

дилар ва «кўп ҳосил оламиз», — деб умид қиладилар. Кейин *бир совуқ шамол келса,* ҳаммасини қуритса, бас, барглари сарғайиб қурий бошлаганини кўрасан, кейин ҳаммаси синиб, майдаланиб сомонга айланади. *Дунёнинг нашъу намоси ана шулардан иборатдир.* Аммо охиратдаги аҳвол икки ҳолатдан ташқари эмас. Бири қаттиқ азоб ва иккинчиси Аллоҳнинг мағфирати ва розилигидир. Дунё ҳаёти одамни алдайдиган лаззатдан бошқа нарса эмас.

سَابِقُوٓا۟ إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا كَعَرْضِ ٱلسَّمَآءِ وَٱلْأَرْضِ أُعِدَّتْ
27 жузъ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرُسُلِهِۦ ذَٰلِكَ فَضْلُ ٱللَّهِ يُؤْتِيهِ مَن يَشَآءُ وَٱللَّهُ ذُو ٱلْفَضْلِ
ٱلْعَظِيمِ ﴿٢١﴾ مَآ أَصَابَ مِن مُّصِيبَةٍ فِى ٱلْأَرْضِ وَلَا فِىٓ أَنفُسِكُمْ إِلَّا فِى كِتَٰبٍ
مِّن قَبْلِ أَن نَّبْرَأَهَآ إِنَّ ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرٌ ﴿٢٢﴾ لِّكَيْلَا تَأْسَوْا۟ عَلَىٰ مَا فَاتَكُمْ وَلَا
تَفْرَحُوا۟ بِمَآ ءَاتَىٰكُمْ وَٱللَّهُ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ ﴿٢٣﴾

21-23. Аллоҳ таолонинг мағфиратига мутаважжиҳ бўлинг. Ва ҳам кенглиги ер ва осмоннинг кенглигича бўлган жаннат тарафига ҳаракат қилинг (шошилинг). У (жаннат) Аллоҳ ва Расулига иймон келтирганларга тайёр қилиб қўйилган. Унга кириш Худонинг фазли ва марҳаматидирки, кимга хоҳласа беради. Аллоҳ таоло улуғ фазл соҳибидир. Ҳар мусибатки, ер юзига ва ҳам нафсларингизга етса, у мусибатни пайдо қилмасимиздан йлгари (Лавҳул Маҳфузда) ёзилган бўлади. Албатта, бу (иш) Аллоҳ таолога осондир, токи сизлар қўлингиздан кетган нарсага ғамгин бўлманг ва қўлингизга келган нарсага хурсанд ҳам бўлманг. Аллоҳ таоло ҳар бир кибр қилувчи ва фахр қилувчини дўст тутмайди.

ٱلَّذِينَ يَبْخَلُونَ وَيَأْمُرُونَ ٱلنَّاسَ بِٱلْبُخْلِ وَمَن يَتَوَلَّ فَإِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْغَنِىُّ
ٱلْحَمِيدُ ﴿٢٤﴾

24. У мутакаббирлар шундайдирларки, Худонинг молига бахиллик қиладилар ва бошқаларни ҳам бахилликка тарғиб қиладилар. Ҳар кимки Худонинг ҳукмидан юз ўгирса, Аллоҳ таоло ғанийдир. Ҳеч кимга муҳтож эмас, мақтовга лойиқ Зотдир.

لَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلَنَا بِٱلْبَيِّنَٰتِ وَأَنزَلْنَا مَعَهُمُ ٱلْكِتَٰبَ وَٱلْمِيزَانَ لِيَقُومَ ٱلنَّاسُ
بِٱلْقِسْطِ وَأَنزَلْنَا ٱلْحَدِيدَ فِيهِ بَأْسٌ شَدِيدٌ وَمَنَٰفِعُ لِلنَّاسِ وَلِيَعْلَمَ ٱللَّهُ مَن
يَنصُرُهُۥ وَرُسُلَهُۥ بِٱلْغَيْبِ إِنَّ ٱللَّهَ قَوِىٌّ عَزِيزٌ ﴿٢٥﴾

25. Биз расулларимизни равшан (очиқ) далиллар билан халққа юбордик. Уларга Китоб ҳам нозил этдик, инсонлар бир-бири билан муомала қилганда инсоф қилсинлар деб, адолат тарозусини мақаррар этдик ва ҳам бандаларга темирни халқ қилдик, ундан уруш асбоблари тайёрланади. Ва

унда халқ учун бошқа манфаатлар ҳам бор. Токи Худонинг динига ва Расулига ким ғойибона ёрдам бериши маълум бўлсин. Албатта, Аллоҳ таоло қувватли ғолибдир.

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا وَإِبْرَٰهِيمَ وَجَعَلْنَا فِى ذُرِّيَّتِهِمَا ٱلنُّبُوَّةَ وَٱلْكِتَـٰبَ ۖ فَمِنْهُم
مُّهْتَدٍ ۖ وَكَثِيرٌ مِّنْهُمْ فَـٰسِقُونَ ﴿٢٦﴾ ثُمَّ قَفَّيْنَا عَلَىٰٓ ءَاثَـٰرِهِم بِرُسُلِنَا وَقَفَّيْنَا
بِعِيسَى ٱبْنِ مَرْيَمَ وَءَاتَيْنَـٰهُ ٱلْإِنجِيلَ وَجَعَلْنَا فِى قُلُوبِ ٱلَّذِينَ ٱتَّبَعُوهُ رَأْفَةً
وَرَحْمَةً وَرَهْبَانِيَّةً ٱبْتَدَعُوهَا مَا كَتَبْنَـٰهَا عَلَيْهِمْ إِلَّا ٱبْتِغَآءَ رِضْوَٰنِ ٱللَّهِ فَمَا رَعَوْهَا 27 жузъ
حَقَّ رِعَايَتِهَا ۖ فَـَٔاتَيْنَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مِنْهُمْ أَجْرَهُمْ ۖ وَكَثِيرٌ مِّنْهُمْ فَـٰسِقُونَ ﴿٢٧﴾

26-27. Биз Нуҳ(алайҳиссалом) билан Иброҳим(алайҳиссалом)ни Пайғамбар қилиб юбордик ва икковларининг авлодларига нубувват ва Китоб бердик. Лекин уларнинг зурриётларидан баъзилари ҳидоят топдилар ва кўплари фосиқ бўлдилар. Яна уларнинг кетидан пайғамбарлар юбордик. Бу пайғамбарлардан сўнг яна Ийсо ибн Марямни Пайғамбар қилиб юбордик ва унга Инжил китобини нозил этдик. Ийсо (алайҳиссалом)га тобе бўлганларнинг дилларига меҳрибонлик ва раҳму шафқат қилиш сифатларини ато этдик. Улар хилватда ибодат қилишни ихтиёр қилдилар. Бу сифатни (хилватда ибодат қилиш – роҳибликни) ўзлари ихтиро қилдилар (ўйлаб топдилар). Биз уларга (роҳибликни) фарз қилганимиз йўқ. Лекин Худонинг ризоси учун қилсалар, ажр берилади. Аммо кўплари хилватда ўтиришнинг риоясини, ҳаққини адо қилмадилар. Бас, Биз ихлос билан иймон келтирганларига ажр ато қилдик, лекин у (аҳли китоб)лардан кўплари фосиқ эдилар.

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَءَامِنُوا۟ بِرَسُولِهِۦ يُؤْتِكُمْ كِفْلَيْنِ مِن رَّحْمَتِهِۦ
وَيَجْعَل لَّكُمْ نُورًا تَمْشُونَ بِهِۦ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ۚ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٢٨﴾ لِّئَلَّا يَعْلَمَ
أَهْلُ ٱلْكِتَـٰبِ أَلَّا يَقْدِرُونَ عَلَىٰ شَىْءٍ مِّن فَضْلِ ٱللَّهِ ۙ وَأَنَّ ٱلْفَضْلَ بِيَدِ ٱللَّهِ
يُؤْتِيهِ مَن يَشَآءُ ۚ وَٱللَّهُ ذُو ٱلْفَضْلِ ٱلْعَظِيمِ ﴿٢٩﴾

28-29. Эй мўминлар, Аллоҳ таолодан қўрқинглар ва Расулига иймон келтиринглар. Агар шундай қилсангизлар, Аллоҳ сизларга раҳматидан икки ҳисса беради. Сизларга Қиёмат куни нур ато қилади. *Шу нурнинг ёруғлиги билан Қиёматнинг қоронғулигида юрасизлар ва (Сирот) кўпригидан ўтасизлар ва сизларни мағфират қилади.* Аллоҳ таоло гуноҳларни кечирувчи ва бандаларга меҳрибондир. Худойи таоло ўз карами билан мўминларга меҳрибон бўлади, токи аҳли китоб билсинларки, Аллоҳ таолонинг фазлига қодир эмаслар. Фазл ва марҳамат Худонинг қўлида бўлиб, уни хоҳлаган бандасига беради. Аллоҳ таоло улуғ фазл соҳибидир.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ ЖУЗЪ



28 жузъ

Мадинада нозил бўлган бу сура
йигирма икки оятдан иборатдир.

Суранинг номи унинг илк оятида келган «тужадилу» сўзидан олинган.

Расулуллоҳнинг замонларида Авс ибн Собит розийаллоҳу анҳу билан хотини Ҳавла бинти Саълаба розийаллоҳу анҳонинг ўрталарида «зиҳор» масаласида жанжал воқе бўлади. Авс ибн Собит хотинига айтдики: «Сен мен учун онамнинг белидексан». Жоҳилият даврида бу иборани талоқ деб ҳисоб қилар эдилар. Одамлар буни талоққа ҳукм қилдилар. Ҳавла (розийаллоҳу анҳо) Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб, эри тўғрисида шикоят қилди. Расулуллоҳ ҳам ҳукм қилдиларки: «Сен талоқ бўлибсан». Ҳавла (розийаллоҳу анҳо) жанжал қилиб: «Мени талоқ қилгани йўқ», – деб айтадилар. Расулуллоҳ яна такрорлайдиларки: «Эрингга талоқ бўлибсан». Ҳавланинг болалари кўп эди. Эридан жудо бўлганидан таъсирланиб, Парвардигорга дил сўзларини изҳор этиб муножот қилади. Сўнгра бу сура нозил бўлди.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

قَدْ سَمِعَ ٱللَّهُ قَوْلَ ٱلَّتِي تُجَٰدِلُكَ فِي زَوْجِهَا وَتَشْتَكِيٓ إِلَى ٱللَّهِ وَٱللَّهُ يَسْمَعُ
تَحَاوُرَكُمَآ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌۢ بَصِيرٌ ﴿١﴾ ٱلَّذِينَ يُظَٰهِرُونَ مِنكُم مِّن نِّسَآئِهِم مَّا هُنَّ
أُمَّهَٰتِهِمْ ۖ إِنْ أُمَّهَٰتُهُمْ إِلَّا ٱلَّٰٓـِٔي وَلَدْنَهُمْ ۚ وَإِنَّهُمْ لَيَقُولُونَ مُنكَرًا مِّنَ ٱلْقَوْلِ
وَزُورًا ۚ وَإِنَّ ٱللَّهَ لَعَفُوٌّ غَفُورٌ ﴿٢﴾ وَٱلَّذِينَ يُظَٰهِرُونَ مِن نِّسَآئِهِمْ ثُمَّ يَعُودُونَ لِمَا
قَالُوا۟ فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مِّن قَبْلِ أَن يَتَمَآسَّا ۚ ذَٰلِكُمْ تُوعَظُونَ بِهِۦ ۚ وَٱللَّهُ بِمَا
تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٣﴾

1-3. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), (албатта), Аллоҳ таоло Сен билан эри хусусида (тўғрисида) жанжал қилаётган (тортишаётган) ва Аллоҳ таологa шикоят қилаётган (у хотиннинг сўзини ҳам) ва Аллоҳ таоло икковларинг сўзлашганларингизни (ҳам) эшитди. Албатта, Аллоҳ таоло бандаларининг сўзларини эшитади ва аҳволларини (билгувчи) донодир. Сиз-

лардан хотинларини музоҳара (зиҳор) қиладиганлар, *яъни, хотинларининг ҳатри аврат жойларини оналарининг аъзоларига ўхшатадиган кишилар (билиб қўйсинларки),* ҳеч вақт хотинлари оналари бўлмайди. Оналари (фақат) ўзларини туққан волидаларидир. Ва, албатта, ундай гуруҳлар (кишилар) номаъқул ва ёлғон гапларни айтадилар. *Тавба қилсалар,* ва, албатта, Аллоҳ таоло кечиргувчидир. Хотинлари билан музоҳара қилган, кейин сўзларидан (пушаймон бўлиб) қайтган кимсалар хотинига яқин келмасдан (қўл узатмасдан, қўшилмасдан) олдин бунинг каффоратига бир қул озод қиладилар. Аллоҳ таоло сизларга (ибрат олишингиз учун) шундай насиҳат қилади. Аллоҳ таоло қилган амалларингиздан хабардордир.

28 жузъ

فَمَن لَّمْ يَجِدْ فَصِيَامُ شَهْرَيْنِ مُتَتَابِعَيْنِ مِن قَبْلِ أَن يَتَمَآسَّا ۖ فَمَن لَّمْ يَسْتَطِعْ
فَإِطْعَامُ سِتِّينَ مِسْكِينًا ۚ ذَٰلِكَ لِتُؤْمِنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ ۚ وَتِلْكَ حُدُودُ ٱللَّهِ ۗ
وَلِلْكَٰفِرِينَ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٤﴾

4. Агар озод қилиш учун қул топмасалар, хотинларига яқин бўлмасдан туриб, икки ой кетма-кет рўза тутадилар. Агар рўзага ҳам қодир бўлмасалар, олтмишта мискинга таом берадилар. Худо ва Расулига итоат қилувчиларга шу ҳукмдир. Бу ҳукмлар Худонинг манъ қилган ҳудудларидандир. Инкор қилгувчиларга Қиёматда қаттиқ азоб бордир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ يُحَآدُّونَ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ كُبِتُوا۟ كَمَا كُبِتَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۚ وَقَدْ أَنزَلْنَآ
ءَايَٰتٍۭ بَيِّنَٰتٍ ۚ وَلِلْكَٰفِرِينَ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿٥﴾ يَوْمَ يَبْعَثُهُمُ ٱللَّهُ جَمِيعًا فَيُنَبِّئُهُم
بِمَا عَمِلُوٓا۟ ۚ أَحْصَىٰهُ ٱللَّهُ وَنَسُوهُ ۚ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ شَهِيدٌ ﴿٦﴾

5-6. Албатта, Худога ва Расулига мухолиф бўладиган гуруҳлар улардан аввалги мухолиф бўлган умматлар каби хор ва залил бўладилар. Ваҳоланки, Биз равшан далиллар (очиқ оятлар) нозил қилганмиз. Мункирларга Қиёматда хор қилгувчи азоб муқаррардир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Аллоҳ таоло ҳамма ўликларни қабрдан чиқариб, Маҳшаргоҳга жам қиладиган кунни ёд қил! Кейин уларни қилган амалларидан огоҳлантиради. Худойи таоло уларнинг амалларини сақлаган (ҳисоблаб турган)дир, улар эса эсларидан чиқариб қўйганлар. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсадан хабардордир.

أَلَمْ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۖ مَا يَكُونُ مِن نَّجْوَىٰ
ثَلَٰثَةٍ إِلَّا هُوَ رَابِعُهُمْ وَلَا خَمْسَةٍ إِلَّا هُوَ سَادِسُهُمْ وَلَآ أَدْنَىٰ مِن ذَٰلِكَ وَلَآ أَكْثَرَ
إِلَّا هُوَ مَعَهُمْ أَيْنَ مَا كَانُوا۟ ۖ ثُمَّ يُنَبِّئُهُم بِمَا عَمِلُوا۟ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ بِكُلِّ شَىْءٍ
عَلِيمٌ ﴿٧﴾ أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ نُهُوا۟ عَنِ ٱلنَّجْوَىٰ ثُمَّ يَعُودُونَ لِمَا نُهُوا۟ عَنْهُ
وَيَتَنَٰجَوْنَ بِٱلْإِثْمِ وَٱلْعُدْوَٰنِ وَمَعْصِيَتِ ٱلرَّسُولِ وَإِذَا جَآءُوكَ حَيَّوْكَ بِمَا

لَمْ يُحَيِّكَ بِهِ ٱللَّهُ وَيَقُولُونَ فِيٓ أَنفُسِهِمْ لَوْلَا يُعَذِّبُنَا ٱللَّهُ بِمَا نَقُولُ حَسْبُهُمْ
جَهَنَّمُ يَصْلَوْنَهَا فَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ ﴿٨﴾

7-8. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Аллоҳ таоло осмондаги ва ердаги махфий ашёларни билишини кўрмадингми (билмадингми)? Агар уч киши бир-бирлари билан гаплашсалар, Аллоҳ таоло тўртинчиларидир. Ва агар беш киши (ўзаро) махфий гаплашсалар, Аллоҳ таоло олтинчиларидир. Хоҳ бундан кам (киши) бўлсин, хоҳ кўп (киши) бўлсин, қаерда бўлсалар ва
28 жузъ бир-бирлари билан махфий сўзлашсалар, Аллоҳ таоло (улар билан) биргадир. Кейин Қиёмат куни уларнинг амалларидан огоҳлантиради. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билгувчидир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бир-бирлари билан гуноҳ сўзларни сўзлашишдан манъ қилинганларни кўрмадингми? Улар манъ қилинган нарсага яна ружу қиладилар. Гуноҳ, адоват ва ҳам Расулга нофармонлик (осий) бўладиган сўзларни махфий сўзлашадилар. Вақтики Сенинг ҳузурингга келсалар, шундай лафзлар билан салом берадиларки, бу хил саломни Аллоҳ таоло Сенга раво кўрмайди. Ва яна дилларида (ўзларича) ўйлайдиларки: «Бу Пайғамбар бўлса, Худо нимага айтган сўзимиз учун бизга жазо бермайди». Уларнинг азоб тортишлари учун жаҳаннам етарлидир. Дўзах кўп ёмон жойдир!

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا تَنَٰجَيْتُمْ فَلَا تَتَنَٰجَوْاْ بِٱلْإِثْمِ وَٱلْعُدْوَٰنِ وَمَعْصِيَتِ
ٱلرَّسُولِ وَتَنَٰجَوْاْ بِٱلْبِرِّ وَٱلتَّقْوَىٰ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ ٱلَّذِيٓ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٩﴾ إِنَّمَا
ٱلنَّجْوَىٰ مِنَ ٱلشَّيْطَٰنِ لِيَحْزُنَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَلَيْسَ بِضَآرِّهِمْ شَيْـًٔا إِلَّا بِإِذْنِ
ٱللَّهِ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ ٱلْمُؤْمِنُونَ ﴿١٠﴾

9-10. Эй мўминлар, агар бир-бирларингиз билан (пичирлаб) яширин сўзлашсангизлар, гуноҳ бўладиган ва адоват келтирадиган ва ҳам Расулнинг ҳукмига мухолиф сўзларни сўзлашманглар, балки савоб бўладиган ва тақвога сабаб бўладиган сўзларни сўзлашинглар. Ёмон сўзларни сўзлашишда Парвардигордан қўрқинглар. Чунки Қиёмат куни Аллоҳ ҳузурига бориб жавоб берасизлар. Бу хилдаги ёмон сўзларни сўзлашиш шайтоннинг иғвоси билан бўлади. Зеро, шайтон мўминларни ғамгин қилишни истайди. Ваҳоланки, ҳеч бир нарса мўминларга зарар етказа олмайди, магар Худонинг иродаси билан (зарар етказади). Мўминларга лозимки, Худонинг ўзига таваккул қилсинлар.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا قِيلَ لَكُمْ تَفَسَّحُواْ فِي ٱلْمَجَٰلِسِ فَٱفْسَحُواْ يَفْسَحِ
ٱللَّهُ لَكُمْ وَإِذَا قِيلَ ٱنشُزُواْ فَٱنشُزُواْ يَرْفَعِ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مِنكُمْ وَٱلَّذِينَ أُوتُواْ
ٱلْعِلْمَ دَرَجَٰتٍ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿١١﴾

11. Эй мўминлар, Пайғамбар тарафидан сизларга: «Мажлисларда кенг(роқ) ўтиринглар», – деб айтилса, бас, сизлар, албатта, итоат қилиб,

кенг(роқ) ўтиринглар. Аллоҳ таоло ҳамма ишларингизда кенглик беради. Вақтики сизларга: «Туринглар», – деб айтилса, бас, туриб кетинглар. Албатта, сизлардан итоат қилганларнинг даражасини кўтаради ва илмлиларнинг мартабасини баланд қилади. Аллоҳ таоло қилган ишларингиздан хабардордир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِذَا نَٰجَيْتُمُ ٱلرَّسُولَ فَقَدِّمُوا۟ بَيْنَ يَدَىْ نَجْوَىٰكُمْ صَدَقَةً ۚ
ذَٰلِكَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَأَطْهَرُ ۚ فَإِن لَّمْ تَجِدُوا۟ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٢﴾ ءَأَشْفَقْتُمْ أَن
تُقَدِّمُوا۟ بَيْنَ يَدَىْ نَجْوَىٰكُمْ صَدَقَٰتٍ ۚ فَإِذْ لَمْ تَفْعَلُوا۟ وَتَابَ ٱللَّهُ عَلَيْكُمْ فَأَقِيمُوا۟ 28 жузъ
ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُوا۟ ٱلزَّكَوٰةَ وَأَطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ ۚ وَٱللَّهُ خَبِيرٌۢ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿١٣﴾

12-13. *Расулуллоҳнинг олдиларига ҳар хил одамлар келиб, (пичирлаб) турли саволлар бериб, у зотни танг қилишар эди. Шунда ушбу оят нозил бўлди:* Эй мўминлар, агар Расулуллоҳ билан сўзлашмоқ (суҳбатлашмоқчи) бўлсангизлар, аввал Худонинг йўлида садақа қилинглар, кейин сўзлашинглар. Бу садақа бериш сизларга яхшироқдир, сизларни гуноҳлардан пок қилади. Агар садақа беришга қодир бўлмасангизлар, бас, Аллоҳ таоло афв этади. Аллоҳ таоло кечиргувчи ва меҳрибондир. Оё сизларга (хос) суҳбатлашишдан олдин садақа бериш машаққат бўлдими? (Бордию садақа бермоқ) қўлларингиздан келмаса ва қила олмасангизлар, қўрқманглар, Аллоҳ таоло (тавбаларингизни қабул қилиб), сизларни афв этди. Бас, (энди) намоз ўқинглар, закот беринглар, Аллоҳга ва Расулига итоат қилинглар. Аллоҳ таоло қилган амалларингиздан хабардордир. *Бу оят билан сўзлашиш (сирлашиш-суҳбатлашиш)дан аввал садақа бериш мансух бўлди.*

۞ أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ تَوَلَّوْا۟ قَوْمًا غَضِبَ ٱللَّهُ عَلَيْهِم مَّا هُم مِّنكُمْ وَلَا مِنْهُمْ وَيَحْلِفُونَ
عَلَى ٱلْكَذِبِ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿١٤﴾ أَعَدَّ ٱللَّهُ لَهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا ۖ إِنَّهُمْ سَآءَ مَا كَانُوا۟
يَعْمَلُونَ ﴿١٥﴾ ٱتَّخَذُوٓا۟ أَيْمَٰنَهُمْ جُنَّةً فَصَدُّوا۟ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ فَلَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿١٦﴾

14-16. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Худо ғазаб қилган қавм билан дўстлик қиладиган у гуруҳларни кўрмайсанми? Улар (мунофиқлар) сизлардан ҳам, улардан ҳам эмасдирлар. Ёлғон айтаётганларини ўзлари билиб турган ҳолда ёлғондан «Бизлар мусулмонмиз», – деб қасамёд қиладилар. Аллоҳ таоло улар учун қаттиқ азобни тайёрлаб қўйгандир. Уларнинг қилган амаллари ниҳоятда ёмондир. Улар қасамларини ўзларини кўрсатмайдиган ниқоб қилиб олганлар. Ва бошқаларни ҳам Худонинг йўлидан манъ қиладилар. Уларга Қиёмат куни хор қилувчи азоб муқаррардир.

لَّن تُغْنِىَ عَنْهُمْ أَمْوَٰلُهُمْ وَلَآ أَوْلَٰدُهُم مِّنَ ٱللَّهِ شَيْـًٔا ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ ۖ هُمْ فِيهَا
خَٰلِدُونَ ﴿١٧﴾ يَوْمَ يَبْعَثُهُمُ ٱللَّهُ جَمِيعًا فَيَحْلِفُونَ لَهُۥ كَمَا يَحْلِفُونَ لَكُمْ ۖ وَيَحْسَبُونَ

أَنَّهُمْ عَلَىٰ شَيْءٍ ۚ أَلَا إِنَّهُمْ هُمُ الْكَاذِبُونَ ﴿١٨﴾

17-18. Қиёмат куни уларнинг моллари ҳам ва авлодлари ҳам Худонинг азобидан нажот беролмайди. Улар дўзах аҳлидирлар ва у дўзахда абадий қоладилар. Аллоҳ таоло уларни қабрдан чиқариб, Маҳшаргоҳга жам қилган ўша кунда, улар Худонинг ҳузурида ҳам: «Биз мўмин ва аҳли Исломмиз», — деб худди сизларга қасам ичганларидек қасамёд қиладилар. Бу билан бирор фойдага (нарсага) эга бўламиз, деб гумон қиладилар. Огоҳ бўлингларки, улар энг ёмон ёлғончидирлар.

28 жузъ

اسْتَحْوَذَ عَلَيْهِمُ الشَّيْطَانُ فَأَنسَاهُمْ ذِكْرَ اللَّهِ ۚ أُولَٰئِكَ حِزْبُ الشَّيْطَانِ ۚ أَلَا إِنَّ
حِزْبَ الشَّيْطَانِ هُمُ الْخَاسِرُونَ ﴿١٩﴾ إِنَّ الَّذِينَ يُحَادُّونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ أُولَٰئِكَ فِي
الْأَذَلِّينَ ﴿٢٠﴾ كَتَبَ اللَّهُ لَأَغْلِبَنَّ أَنَا وَرُسُلِي ۚ إِنَّ اللَّهَ قَوِيٌّ عَزِيزٌ ﴿٢١﴾

19-21. Бу мунофиқлардан шайтон ғалаба қилиб (уларни эгаллаб), дилларидан Худонинг ёдини кўтарган (унуттирган)дир. Бу мунофиқлар шайтоннинг тобеларидир. Огоҳ бўлингларки, албатта, шайтоннинг гуруҳлари ўзларига зиён қилгувчидирлар. Албатта, Аллоҳ ва Расулига мухолиф бўлганлар ҳаммадан хорроқ кишилар. Аллоҳ таоло ҳукм қилганки: «Мен ва Мен юборган пайғамбарларим мухолифлардан ғалаба қиламиз». Албатта, Аллоҳ таоло қудратли ва ғолибдир.

لَّا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ
وَلَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ أَوْ أَبْنَاءَهُمْ أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ ۚ أُولَٰئِكَ كَتَبَ فِي
قُلُوبِهِمُ الْإِيمَانَ وَأَيَّدَهُم بِرُوحٍ مِّنْهُ ۖ وَيُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ
خَالِدِينَ فِيهَا ۚ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ ۚ أُولَٰئِكَ حِزْبُ اللَّهِ ۚ أَلَا إِنَّ حِزْبَ
اللَّهِ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٢٢﴾

22. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен, Худога ва охиратга иймони бўлатуриб, Худо ва Расулининг душманларини дўст тутган қавмни топмайсан — агарчи Худонинг душманлари уларнинг оталари ё фарзандлари бўлса ҳам, ё биродарлари, ёки қавм-қариндошлари бўлса ҳам дўстлашмайдилар. Чунки мўминлар шундай жамоадирки, Аллоҳ таоло уларнинг дилларида иймонни мустаҳкам қилган ва Ўз тарафидан уларга файз ва футуҳ билан қувват бергандир. Қиёмат куни уларни тагидан анҳорлар жорий бўладиган (оқиб турадиган) жаннатга дохил қилади. Улар у жаннатда абадий қоладилар. Аллоҳ улардан рози бўлади ва улар ҳам Аллоҳдан рози бўладилар. У гуруҳлар Аллоҳнинг лашкарларидир. Огоҳ бўлингларки, албатта, Худонинг лашкарлари нажот топгувчидирлар!

***Мадинада нозил бўлган бу сура
йигирма тўрт оятдан иборатдир.***

Суранинг 2-7-оятларида яҳудий қабилаларидан кофир бўлган кимсалар «ҳашр» қилиниб (тўпланиб), диёрларидан ҳайдаб чиқарилганликлари ҳақида сўз борганлиги учун сура «Ҳашр» номини олган. 28 жузъ

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина атрофидаги яҳудларнинг Бани Назийр қабиласига бир маслаҳат учун бориб, деворнинг соясида ўтирган эдилар. Яҳудлар маслаҳат қилишиб, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг тепаларидан бир харсанг тошни ташлаб юбормоқчи бўладилар. Аллоҳ таоло Ўз Расулини ваҳий билан бу воқеадан огоҳ қилади. Пайғамбаримиз ўринларидан туриб, Мадинага равона бўладилар. Бани Назийр қабиласи ва уларнинг кирдикорлари ҳақида ушбу сура нозил бўлди.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

سَبَّحَ لِلَّهِ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۖ وَهُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ ١ هُوَ ٱلَّذِيٓ
أَخۡرَجَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ مِنۡ أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِ مِن دِيَٰرِهِمۡ لِأَوَّلِ ٱلۡحَشۡرِۚ مَا ظَنَنتُمۡ أَن
يَخۡرُجُواْۖ وَظَنُّوٓاْ أَنَّهُم مَّانِعَتُهُمۡ حُصُونُهُم مِّنَ ٱللَّهِ فَأَتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِنۡ حَيۡثُ لَمۡ
يَحۡتَسِبُواْۖ وَقَذَفَ فِي قُلُوبِهِمُ ٱلرُّعۡبَۚ يُخۡرِبُونَ بُيُوتَهُم بِأَيۡدِيهِمۡ وَأَيۡدِي ٱلۡمُؤۡمِنِينَ
فَٱعۡتَبِرُواْ يَٰٓأُوْلِي ٱلۡأَبۡصَٰرِ ٢

1-2. Осмонлардаги малоикалар ва ердаги бор нарсалар Худони поклик билан ёд қиладилар, *яъни тасбеҳ айтадилар.* Аллоҳ таоло ҳар бир нарсадан ғолиб ва ҳар бир ишга ҳикматлидир. Аллоҳ таоло шундай Зотки, У аҳли китоб (яҳудий) кофирларни (тўплаб) ўз уйларидан (диёрларидан) ҳайдаб чиқарди. Улар Мадина атрофидан кетган гуруҳларнинг аввалгиси (биринчиси)дир. Сизлар уларни ўз диёрларидан чиқиб кетадилар, деб гумон қилмаган эдингизлар. У яҳудлар мустаҳкам қалъалари Худонинг муқаддаротидан (тақдиридан) моне (тўсиқ, қалқон) бўлади, деб ўйлаган эдилар. Аллоҳ таоло уларнинг бошларига гумон қилмаган ерларидан бало келтирди. Дилларига қўрқув солди. Улар уйларини ўз қўллари ва мўминларнинг қўллари билан вайрон қилар (бузар) эдилар. Эй мўминлар, ибрат кўзи билан қараб, улардан ибрат олинглар.

وَلَوْلَآ أَن كَتَبَ ٱللَّهُ عَلَيْهِمُ ٱلْجَلَآءَ لَعَذَّبَهُمْ فِى ٱلدُّنْيَا ۖ وَلَهُمْ فِى ٱلْـَٔاخِرَةِ عَذَابُ
ٱلنَّارِ ﴿٣﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ شَآقُّوا۟ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ ۖ وَمَن يُشَآقِّ ٱللَّهَ فَإِنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ
ٱلْعِقَابِ ﴿٤﴾

3-4. Агар Худо (уларга) ватандан чиқиб кетишни ҳукм қилмаганида эди, уларни шу дунёдаёқ ҳалок қилган бўлар эди. Лекин охиратда (ҳам) уларга дўзах азоби муқаррардир. Бу ватанларидан ҳайдалишларининг
28 жузъ боиси шуки, улар Худога ва Расулига мухолифатчилик қилдилар. Ва кимки Парвардигорга мухолиф бўлса (душманлик қилса), унга Аллоҳнинг азоби қаттиқдир.

مَا قَطَعْتُم مِّن لِّينَةٍ أَوْ تَرَكْتُمُوهَا قَآئِمَةً عَلَىٰٓ أُصُولِهَا فَبِإِذْنِ ٱللَّهِ وَلِيُخْزِىَ
ٱلْفَٰسِقِينَ ﴿٥﴾ وَمَآ أَفَآءَ ٱللَّهُ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ مِنْهُمْ فَمَآ أَوْجَفْتُمْ عَلَيْهِ مِنْ خَيْلٍ وَلَا
رِكَابٍ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ يُسَلِّطُ رُسُلَهُۥ عَلَىٰ مَن يَشَآءُ ۚ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٦﴾
مَّآ أَفَآءَ ٱللَّهُ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ مِنْ أَهْلِ ٱلْقُرَىٰ فَلِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ وَلِذِى ٱلْقُرْبَىٰ وَٱلْيَتَٰمَىٰ
وَٱلْمَسَٰكِينِ وَٱبْنِ ٱلسَّبِيلِ كَىْ لَا يَكُونَ دُولَةًۢ بَيْنَ ٱلْأَغْنِيَآءِ مِنكُمْ ۚ وَمَآ ءَاتَىٰكُمُ
ٱلرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَىٰكُمْ عَنْهُ فَٱنتَهُوا۟ ۚ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿٧﴾

5-7. (Сизлар) Бани Назийрнинг боғидан қайси бир хурмони кесган бўлсангизлар, ёки кесмасдан (ўз ҳолича) қолдирган бўлсангизлар, бу ҳаммаси Худонинг буйруғи билан фосиқларни хор ва ғамгин қилиш учун бўлди. Бас, эй мўминлар, Худо Бани Назийрнинг молидан Расулуллоҳга ҳар нарсаки ато қилган бўлса, сизлар отларингизни ва туяларингизни майдонда югуртириб ҳосил қилган (қўлга киритган)ларингиз йўқ. Лекин Аллоҳ таоло хоҳлаган одамининг устидан Расулини мусаллат (ғолиб) қилади. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир. Худо ўз Расулига Бани Назийр қалъасидан ато қилган ҳар бир ўлжа Худо ва Расулининг ҳақидир. Яна Расулуллоҳ қариндошларининг, етимларнинг, мискинларнинг ва йўлда қолганларнинг ҳақидир. *Бошқаларнинг ҳақи йўқдир.* Токи бу мол сизлардан (сизларнинг орангиздаги) бойлар ўртасида қўлма-қўл бўлмасин. Ҳар нарсаки Расулуллоҳ сизларга берса ёки буюрса, олинглар ва ҳар нарсадан қайтарса, қайтинглар. Итоатсизлик қилишда Худодан қўрқинглар. Албатта, Аллоҳнинг азоби қаттиқдир.

لِلْفُقَرَآءِ ٱلْمُهَٰجِرِينَ ٱلَّذِينَ أُخْرِجُوا۟ مِن دِيَٰرِهِمْ وَأَمْوَٰلِهِمْ يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِّنَ
ٱللَّهِ وَرِضْوَٰنًا وَيَنصُرُونَ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥٓ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلصَّٰدِقُونَ ﴿٨﴾ وَٱلَّذِينَ
تَبَوَّءُو ٱلدَّارَ وَٱلْإِيمَٰنَ مِن قَبْلِهِمْ يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ فِى

صُدُورِهِمْ حَاجَةً مِّمَّآ أُوتُوا۟ وَيُؤْثِرُونَ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ ۚ
وَمَن يُوقَ شُحَّ نَفْسِهِۦ فَأُو۟لَـٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٩﴾

8-9. Ва ҳам ғанимат (ўлжа) молидан муҳожирларнинг фақирларига ҳисса берилади. Улар шундай зотларки, мол-мулкларидан маҳрум қилиниб, ўз диёрларидан (ҳайдаб) чиқарилгандирлар. Улар ризқларини Худодан талаб қиладилар ва Худонинг ризосини истайдилар ҳамда жон ва моллари билан Худонинг динига ва Расулига ёрдам берадилар. Ана ўша гуруҳлар динларида содиқ зотлардир. *Ва ҳам Дорул Исломдан жой олган кишиларга ҳисса берилади.* Муҳожирлар ҳижрат қилишларидан аввал бу шаҳарда (Мадинада яшаган) ва иймонида собит бўлганлар ҳижрат қилиб келган муҳожирларни дўст тутадилар. Муҳожирларга берилган нарсалар тўғрисида дилларида ҳеч қандай рашк ва ҳасад топмайдилар. Ўзларининг нафсларидан бу муҳожирларни муқаддам тутадилар ва ўзлари муҳтож бўлсалар ҳам, ўз насибаларини уларга берадилар. Ҳар ким ўз нафсининг бахиллигидан сақланар экан, ана шундай зотлар нажот топгувчидирлар.

28 жузъ

وَٱلَّذِينَ جَآءُو مِنۢ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا ٱغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَٰنِنَا ٱلَّذِينَ
سَبَقُونَا بِٱلْإِيمَـٰنِ وَلَا تَجْعَلْ فِى قُلُوبِنَا غِلًّا لِّلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ رَبَّنَآ إِنَّكَ رَءُوفٌ
رَّحِيمٌ ﴿١٠﴾

10. Муҳожирлар ва ансорлардан кейин келадиган гуруҳлар, *яъни тобеинлар,* дуо қилиб айтадиларки: «Парвардигоро, бизнинг гуноҳларимизни кечиргил ва биздан илгари иймонга мушарраф бўлган биродарларимизнинг гуноҳларини кечиргил. Бизнинг дилимизда у мўмин биродарларимиз учун гина ва ҳасадни пайдо қилмагил. Эй Парвардигоро, Сен бандаларга ниҳоятда меҳрибон (ва) раҳмли Зотсан».

۞ أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ نَافَقُوا۟ يَقُولُونَ لِإِخْوَٰنِهِمُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنْ أَهْلِ ٱلْكِتَـٰبِ
لَئِنْ أُخْرِجْتُمْ لَنَخْرُجَنَّ مَعَكُمْ وَلَا نُطِيعُ فِيكُمْ أَحَدًا أَبَدًا وَإِن قُوتِلْتُمْ
لَنَنصُرَنَّكُمْ وَٱللَّهُ يَشْهَدُ إِنَّهُمْ لَكَـٰذِبُونَ ﴿١١﴾ لَئِنْ أُخْرِجُوا۟ لَا يَخْرُجُونَ مَعَهُمْ وَلَئِن
قُوتِلُوا۟ لَا يَنصُرُونَهُمْ وَلَئِن نَّصَرُوهُمْ لَيُوَلُّنَّ ٱلْأَدْبَـٰرَ ثُمَّ لَا يُنصَرُونَ ﴿١٢﴾
لَأَنتُمْ أَشَدُّ رَهْبَةً فِى صُدُورِهِم مِّنَ ٱللَّهِ ۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَّا يَفْقَهُونَ ﴿١٣﴾

11-13. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), бу мунофиқлар аҳли китоб бўлган кофир (яҳудий) дўстларига: «Агар сизлар диёрларингиздан (қувиб) чиқарилсангизлар, биз ҳам сизлар билан чиқиб кетамиз. Сизларнинг зарарларингиз учун ҳеч кимга итоат қилмаймиз. Агар мусулмонлар билан жанг қилиб қолсангизлар, албатта, сизларга ёрдам берамиз», — деб айтганларини кўрмадингми? Ва Аллоҳ таоло гувоҳлик бериб айтадики, (шуб-

ҳасиз,) улар ёлғончидирлар. Агар яҳудлар ўз диёрларидан (ҳайдаб) чиқарилсалар, бу (мунофиқлар) улар билан бирга чиқмайдилар. Агар (яҳудларга қарши) муқотала қилинса, улар (мунофиқлар) ёрдам бермайдилар. Агар билфараз (мабодо) ёрдам берсалар (ҳам), уруш вақтида орқаларини ўгириб қочадилар. Лекин Бани Назийрга ҳеч ким тарафидан ёрдам берилмайди. Албатта, сизлар у (мунофиқ)ларнинг дилларида Аллоҳ таолодан ҳам кўра ҳайбатлироқ (қўрқинчлироқ) туюласизлар. Бундай бўлишининг боиси, улар фаҳмсиз (беақл) қавмдирлар.

28 жузъ لَا يُقَٰتِلُونَكُمْ جَمِيعًا إِلَّا فِى قُرًى مُّحَصَّنَةٍ أَوْ مِن وَرَآءِ جُدُرٍۭ ۚ بَأْسُهُم بَيْنَهُمْ
شَدِيدٌ ۚ تَحْسَبُهُمْ جَمِيعًا وَقُلُوبُهُمْ شَتَّىٰ ۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَّا يَعْقِلُونَ ﴿١٤﴾

14. Бу гуруҳларнинг ҳаммаси қўшилиб сизлар билан жанг қилолмайди. Агар жанг қилсалар ҳам, атрофи қўрғонли қишлоқда туриб жанг қилади, ёки деворнинг орқасида беркиниб туриб жанг қилади. *Чунки сизларнинг ҳайбатларингиздан дилларига қўрқув жойлашгандир*. Лекин бу уруш ўз ўрталарида бўлса, қаттиқ (шиддатли) бўлади. Зоҳирларини кўриб, жуда иттифоқ деб ўйлайсан, лекин диллари бир-бирларидан жудо, паришон (тарқоқ)дир. Бундай ҳолатларининг боиси шуки, улар ақлсиз қавмдирлар.

كَمَثَلِ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ قَرِيبًا ۖ ذَاقُوا۟ وَبَالَ أَمْرِهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٥﴾
كَمَثَلِ ٱلشَّيْطَٰنِ إِذْ قَالَ لِلْإِنسَٰنِ ٱكْفُرْ فَلَمَّا كَفَرَ قَالَ إِنِّى بَرِىٓءٌ مِّنكَ
إِنِّىٓ أَخَافُ ٱللَّهَ رَبَّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٦﴾ فَكَانَ عَٰقِبَتَهُمَآ أَنَّهُمَا فِى ٱلنَّارِ خَٰلِدَيْنِ فِيهَا ۚ
وَذَٰلِكَ جَزَٰٓؤُا۟ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٧﴾

15-17. Уларнинг ҳолатлари ўзларидан муқаддам ўтган ва қилган ишларининг жазосини тортган қавмга ўхшайди. Қиёмат куни уларга аламли азоб муқаррардир. Бу мунофиқларнинг фириблари (ҳийлалари) шайтоннинг фирибига ўхшайди. Шайтон инсонга: «Кофир бўл», – деб айтган вақтда инсон унга итоат қилиб, кофир бўлса, шайтон унга: «Мен сендан безорман. Мен Парвардигори оламдан қўрқаман», – деб айтади. Бас, шайтон билан у одамнинг оқибатлари шундай бўладики, иккови ҳам дўзахга киради ва дўзахда ҳамиша (абадий) қоладилар. Ва золимларнинг жазоси ана шундайдир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَلْتَنظُرْ نَفْسٌ مَّا قَدَّمَتْ لِغَدٍ ۖ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ۚ إِنَّ
ٱللَّهَ خَبِيرٌۢ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿١٨﴾ وَلَا تَكُونُوا۟ كَٱلَّذِينَ نَسُوا۟ ٱللَّهَ فَأَنسَىٰهُمْ أَنفُسَهُمْ ۚ
أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْفَٰسِقُونَ ﴿١٩﴾ لَا يَسْتَوِىٓ أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ وَأَصْحَٰبُ ٱلْجَنَّةِ ۚ
أَصْحَٰبُ ٱلْجَنَّةِ هُمُ ٱلْفَآئِزُونَ ﴿٢٠﴾

18-20. Эй мўминлар, Худодан қўрқинглар. Ҳар бир нафс ўзидан олдин Қиёмат (куни) учун нима юборганини ўйлаб кўрсин. Худодан қўрқинглар, Аллоҳ таоло қилган амалларингиздан хабардордир. Худони эсларидан чиқарган қавмга ўхшаманглар. Бас, Аллоҳ таоло ҳам уларга ўз нафсларини хотирларидан унуттирди. Ана шундай жамоа фосиқдирлар. Ўт (дўзах) асҳоблари билан жаннат асҳоблари баробар бўлмайди. Жаннат асҳоблари ўз мақсадларига етгувчидирлар.

لَوْ أَنزَلْنَا هَٰذَا ٱلْقُرْءَانَ عَلَىٰ جَبَلٍ لَّرَأَيْتَهُۥ خَٰشِعًا مُّتَصَدِّعًا مِّنْ خَشْيَةِ ٱللَّهِ ۚ
وَتِلْكَ ٱلْأَمْثَٰلُ نَضْرِبُهَا لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٢١﴾ هُوَ ٱللَّهُ ٱلَّذِى لَآ إِلَٰهَ إِلَّا 28 жузъ
هُوَ ۖ عَٰلِمُ ٱلْغَيْبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ ۖ هُوَ ٱلرَّحْمَٰنُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٢٢﴾

21-22. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Биз бу Қуръонни тоққа нозил қилганимизда эди, Сен тоғнинг Аллоҳ таолодан қўрқанидан пора-пора бўлиб (парчаланиб) кетганини кўрар эдинг. Биз бу мисолларни, шоядки фикр қилиб ибрат олсалар, деб халққа баён қиламиз. У Аллоҳ таоло шундай Зотдирки, ундан бошқа ибодатга лойиқ ҳеч маъбуд йўқ. Махфий ва ошкорни билгувчи фақат (Унинг) Ўзидир. У кечиргувчи ва меҳрибондир.

هُوَ ٱللَّهُ ٱلَّذِى لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلْمَلِكُ ٱلْقُدُّوسُ ٱلسَّلَٰمُ ٱلْمُؤْمِنُ ٱلْمُهَيْمِنُ
ٱلْعَزِيزُ ٱلْجَبَّارُ ٱلْمُتَكَبِّرُ ۚ سُبْحَٰنَ ٱللَّهِ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٢٣﴾ هُوَ ٱللَّهُ ٱلْخَٰلِقُ
ٱلْبَارِئُ ٱلْمُصَوِّرُ ۖ لَهُ ٱلْأَسْمَآءُ ٱلْحُسْنَىٰ ۚ يُسَبِّحُ لَهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ
وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٢٤﴾

23-24. Парвардигор шундай Зотдирки, ундан бошқа ибодатга лойиқ ҳеч Худо йўқдир, магар Ўзидир. У подшоҳдир, зоти покдир. Барча айблардан саломатдир. Мўминларга омонлик бергувчидир, бандаларни сақловчидир, ғолибдир, синиқларни ислоҳ қилгувчидир, ҳамма нарсадан улуғдир. Аллоҳ таоло кофирларнинг шерик (ширк) келтираётган нарсаларидан покдир. Аллоҳ таоло ҳамма нарсани халқ қилгувчидир, йўқдан вужудга келтиргувчидир. Ҳамма махлуқотга сурат бергувчидир. Унинг яхши номлари бордир. Ердаги ва осмондаги ҳамма нарсалар уни поклик билан ёд қиладилар. Ва У ҳамма нарсадан ғолиб ва ҳамма ишлари ҳикматлидир

Мадинада нозил бўлган бу сура ўн уч оятдан иборатдир.

28 жузъ

Суранинг номи 10-оятида келган «имтаҳину»сўзидан олинган. Сурада мушрикларни дўст тутмаслик, бу борада Иброҳим алайҳиссаломдан ўрнак олиш, Мадинага ҳижрат қилиб келган айрим аёлларнинг иймонларини имтиҳон қилиб кўриш ҳақида сўз боради.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَتَّخِذُواْ عَدُوِّي وَعَدُوَّكُمۡ أَوۡلِيَآءَ تُلۡقُونَ إِلَيۡهِم بِٱلۡمَوَدَّةِ
وَقَدۡ كَفَرُواْ بِمَا جَآءَكُم مِّنَ ٱلۡحَقِّ يُخۡرِجُونَ ٱلرَّسُولَ وَإِيَّاكُمۡ أَن تُؤۡمِنُواْ بِٱللَّهِ رَبِّكُمۡ
إِن كُنتُمۡ خَرَجۡتُمۡ جِهَٰدٗا فِي سَبِيلِي وَٱبۡتِغَآءَ مَرۡضَاتِيۚ تُسِرُّونَ إِلَيۡهِم بِٱلۡمَوَدَّةِ وَأَنَا۠
أَعۡلَمُ بِمَآ أَخۡفَيۡتُمۡ وَمَآ أَعۡلَنتُمۡۚ وَمَن يَفۡعَلۡهُ مِنكُمۡ فَقَدۡ ضَلَّ سَوَآءَ ٱلسَّبِيلِ ١

1. Эй мўминлар, Менинг душманларимни ва ўзингизнинг душманларингизни дўст тутманглар! Сизлар дўстлик орқасидан уларга баъзи сирларни (хабарларни) айтиб қўясизлар. Ваҳоланки, улар сизларга келган ҳақ динни инкор қилган. Улар сизларни ҳам ва пайғамбарни ҳам Парвардигорга иймон келтирганлари сабабли ўз ватанларидан (ҳайдаб) чиқарган кишилардир. Агар ҳақиқатда Менинг йўлимда жиҳод қилиш учун чиққан бўлсангизлар, Менинг розилигимни истасангизлар, уларни ҳаргиз дўст тутманглар. Уларга дўстлик орқасидан махфий сирларни айтиб қўясизлар. Мен сизларнинг махфий ва ошкор сўзларингизни билгувчиман. Сизлардан кимки улар билан дўстлик қилар экан, у тўғри йўлдан адашгандир.

إِن يَثۡقَفُوكُمۡ يَكُونُواْ لَكُمۡ أَعۡدَآءٗ وَيَبۡسُطُوٓاْ إِلَيۡكُمۡ أَيۡدِيَهُمۡ وَأَلۡسِنَتَهُم بِٱلسُّوٓءِ
وَوَدُّواْ لَوۡ تَكۡفُرُونَ ٢ لَن تَنفَعَكُمۡ أَرۡحَامُكُمۡ وَلَآ أَوۡلَٰدُكُمۡۚ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ يَفۡصِلُ
بَيۡنَكُمۡۚ وَٱللَّهُ بِمَا تَعۡمَلُونَ بَصِيرٞ ٣

2-3. Агар кофирлар устингиздан зафар топсалар, сизларга очиқ душманлик қиладилар, қўлларини зарар етказишга ва тилларини ҳақорат қилишга узатадилар. Сизларнинг қайтадан кофир бўлишларингизни хоҳлайдилар. Қиёмат куни шу дўст тутган қариндошларингиз ва авлодларингиз ҳеч манфаат бермайди. Аллоҳ таоло сизларнинг ўрталарингизни жудо қилиб қўяди. Аллоҳ таоло сизларнинг (ҳар бир) қилаётган амалларингизни кўриб туради.

قَدْ كَانَتْ لَكُمْ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ فِيٓ إِبْرَٰهِيمَ وَٱلَّذِينَ مَعَهُۥٓ إِذْ قَالُوا۟ لِقَوْمِهِمْ إِنَّا
بُرَءَٰٓؤُا۟ مِنكُمْ وَمِمَّا تَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ كَفَرْنَا بِكُمْ وَبَدَا بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمُ 28 жузъ
ٱلْعَدَٰوَةُ وَٱلْبَغْضَآءُ أَبَدًا حَتَّىٰ تُؤْمِنُوا۟ بِٱللَّهِ وَحْدَهُۥٓ إِلَّا قَوْلَ إِبْرَٰهِيمَ لِأَبِيهِ
لَأَسْتَغْفِرَنَّ لَكَ وَمَآ أَمْلِكُ لَكَ مِنَ ٱللَّهِ مِن شَىْءٍ رَّبَّنَا عَلَيْكَ تَوَكَّلْنَا وَإِلَيْكَ أَنَبْنَا
وَإِلَيْكَ ٱلْمَصِيرُ ﴿٤﴾

4. Эй мўминлар, сизлар иқтидо қилишларингиз (эргашишларингиз) учун Иброҳим (алайҳиссалом)да ва унга иймон келтирганларда яхши йўл, (ибрат) бордир. Вақтики улар ўз қариндошларига айтдилар: «Бизлар сизлардан ҳам ва Аллоҳдан бошқа ибодат қилиб турган бутларингиздан ҳам безормиз. Сизларнинг динларингизга мункирмиз. Энди токи бир (ягона) Худонинг ўзига иймон келтирмагунингизча сизлар билан бизнинг ўртамизда буғзу адоват мавжуд бўлиб қолади». Магар Иброҳим (алайҳиссалом)нинг бир гапига иқтидо қилманглар. У отасига ваъда қилиб айтдики: «Сен ўлганингдан кейин, албатта, Худодан Сенинг гуноҳингни кечиришини тилайман. Азоб қилса, мен қайтаришга қодир эмасман». *Яъни, Парвардигор: «Эй мўминлар, сизлар Иброҳим (алайҳиссалом)нинг юқоридаги сўзларига эргашманглар», – деб амр қилмоқда.*

رَبَّنَا لَا تَجْعَلْنَا فِتْنَةً لِّلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَٱغْفِرْ لَنَا رَبَّنَآ إِنَّكَ أَنتَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٥﴾

5. Сўнгра Иброҳимнинг қавми Худога арз қилиб, айтдики: «Эй Парвардигоро, биз Сенга таваккул қилдик ва Сенга ружу қилдик. Қайтиб борадиган жойимиз фақат Сенинг тарафингтадир. Эй Парвардигоро, кофирларни бизнинг устимизга мусаллат (ғолиб) қилмагил. Эй Парвардигоро, бизнинг гуноҳларимизни кечиргил ва *уларнинг шаррини бизлардан даф қилгил.* Сен ғолибсан, ҳар бир ишинг ҳикматли Зотдирсан».

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِيهِمْ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا۟ ٱللَّهَ وَٱلْيَوْمَ ٱلْءَاخِرَ وَمَن يَتَوَلَّ
فَإِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْغَنِىُّ ٱلْحَمِيدُ ﴿٦﴾ ۞ عَسَى ٱللَّهُ أَن يَجْعَلَ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَ ٱلَّذِينَ عَادَيْتُم
مِّنْهُم مَّوَدَّةً وَٱللَّهُ قَدِيرٌ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٧﴾

6-7. Албатта, сизлар эргашишларинг учун Иброҳим (алайҳиссалом) ва унинг қавмида яхши тариқа (йўл) бордир. Лекин бу иқтидо қилиш Худонинг раҳмати ва ризосини истаган ва ҳам Қиёматнинг роҳатларидан

умидвор бўлган кишиларга муяссар бўлади. Ҳар кимки бизнинг фармонимиздан юз ўгириб, кофирларга дўстлик қилар экан, Аллоҳ таоло улардан мустағний (беҳожат)дир *ва уларга ёрдам ҳам бермайди*. Ўзи ҳамдга лойиқ Зотдир. Шоядки Аллоҳ таоло сизлар билан душманлик қилган қариндошларингиз ўртасида вақти келиб иймон келтирганларидан сўнг дўстлик солса (қодирдир). Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир. Аллоҳ таоло гуноҳларни кечиргувчи, меҳрибондир.

لَّا يَنْهَىٰكُمُ ٱللَّهُ عَنِ ٱلَّذِينَ لَمْ يُقَٰتِلُوكُمْ فِى ٱلدِّينِ وَلَمْ يُخْرِجُوكُم مِّن دِيَٰرِكُمْ أَن
28 жузъ تَبَرُّوهُمْ وَتُقْسِطُوٓا۟ إِلَيْهِمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلْمُقْسِطِينَ ﴿٨﴾ إِنَّمَا يَنْهَىٰكُمُ ٱللَّهُ عَنِ
ٱلَّذِينَ قَٰتَلُوكُمْ فِى ٱلدِّينِ وَأَخْرَجُوكُم مِّن دِيَٰرِكُمْ وَظَٰهَرُوا۟ عَلَىٰٓ إِخْرَاجِكُمْ أَن
تَوَلَّوْهُمْ ۚ وَمَن يَتَوَلَّهُمْ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٩﴾

8-9. Аллоҳ таоло сизларни дин туфайли сизлар билан урушмаган, сизларни ватанларингиздан чиқармаган жамоаларга яхшилик қилишдан манъ қилмайди. *Сизлар уларга яхши муомала қилсангизлар, жоиздир*. Албатта, Аллоҳ таоло инсоф қилувчиларни дўст тутади. Аллоҳ таоло дин учун сизлар билан урушганлар, сизларни ватанларингиздан чиқарганлар ва сизларни (ватанларингиздан ҳайдаб) чиқаришда (ўзаро) ёрдамлашган гуруҳлар билан дўст бўлишдан сизларни қайтаради. Сизлардан кимки ушбу гуруҳлар билан дўстлик қилса, ана ўшалар золимлардан ҳисобланадилар.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِذَا جَآءَكُمُ ٱلْمُؤْمِنَٰتُ مُهَٰجِرَٰتٍ فَٱمْتَحِنُوهُنَّ ۖ ٱللَّهُ أَعْلَمُ
بِإِيمَٰنِهِنَّ ۖ فَإِنْ عَلِمْتُمُوهُنَّ مُؤْمِنَٰتٍ فَلَا تَرْجِعُوهُنَّ إِلَى ٱلْكُفَّارِ ۖ لَا هُنَّ حِلٌّ لَّهُمْ
وَلَا هُمْ يَحِلُّونَ لَهُنَّ ۖ وَءَاتُوهُم مَّآ أَنفَقُوا۟ ۚ وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ أَن تَنكِحُوهُنَّ إِذَآ
ءَاتَيْتُمُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ ۚ وَلَا تُمْسِكُوا۟ بِعِصَمِ ٱلْكَوَافِرِ وَسْـَٔلُوا۟ مَآ أَنفَقْتُمْ وَلْيَسْـَٔلُوا۟
مَآ أَنفَقُوا۟ ۚ ذَٰلِكُمْ حُكْمُ ٱللَّهِ ۖ يَحْكُمُ بَيْنَكُمْ ۚ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿١٠﴾

10. Эй мўминлар, агар сизларга кофирларнинг ичидан иймон келтирган аёллар ҳижрат қилиб келсалар, уларни қасам ичдириш билан синаб кўринглар. *Улар Ислом дини учун кўчиб келганларми, ёки бошқа дунёвий ғараз учун (аниқланглар)*. Аллоҳ уларнинг иймонларини билгувчидир. Агар ҳақиқий мўминалигини ёки дин учун ҳижрат қилиб келганлигини билсангизлар, уларни кофирларга қайтариб берманглар. Чунки улар кофирларга ҳалол эмаслар ва кофирлар ҳам уларга ҳалол эмаслар. *Агар эрлари орқаларидан келиб: «Мен маҳрини берганман ва бирмунча харажат қилгандим», – деб даъво қилсалар,* сизлар уларга харажат қилган молларини (қайтариб) беринглар. Агар сизлар у аёлларнинг маҳрларини берсангизлар ва никоҳларингга олсангизлар, сизларга ҳеч гуноҳ йўқдир. Агар кофир хотинларингиз иймон келтирмасалар, уларни (никоҳларин-

ғизда) ушлаб турмай, қуйиб юборинглар. Сизлар ҳам харажат қилган маблағларингизни кофирлардан талаб қилинглар ва кофирлар ҳам (сизлардан) талаб қилсинлар. Сизларнинг ўрталарингизда ҳукм қилинган масалалар Худонинг ҳукмидир. Аллоҳ таоло бандаларининг аҳволини билгувчи ва тадбир билан ҳукм қилгувчидир.

وَإِن فَاتَكُمْ شَيْءٌ مِّنْ أَزْوَٰجِكُمْ إِلَى ٱلْكُفَّارِ فَعَاقَبْتُمْ فَـَٔاتُوا۟ ٱلَّذِينَ ذَهَبَتْ
أَزْوَٰجُهُم مِّثْلَ مَآ أَنفَقُوا۟ ۚ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ٱلَّذِىٓ أَنتُم بِهِۦ مُؤْمِنُونَ ﴿١١﴾

11. Эй мўминлар, агар сизларнинг хотинларингиздан бирортаси муртад 28 жузъ
бўлиб, кофирлар тарафига қочиб кетса, бас, сизлар кофирлар билан уруш қилиб ғалаба қилсангизлар ва ғанимат моллардан (ўлжа) олсангизлар, хотинлари қочиб кетганларга хотинларига харажат қилган маблағини ғанимат молдан беринглар. Сизлар иймон келтирган Парвардигордан қўрқинглар.

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِىُّ إِذَا جَآءَكَ ٱلْمُؤْمِنَـٰتُ يُبَايِعْنَكَ عَلَىٰٓ أَن لَّا يُشْرِكْنَ بِٱللَّهِ شَيْـًٔا وَلَا
يَسْرِقْنَ وَلَا يَزْنِينَ وَلَا يَقْتُلْنَ أَوْلَـٰدَهُنَّ وَلَا يَأْتِينَ بِبُهْتَـٰنٍ يَفْتَرِينَهُۥ بَيْنَ أَيْدِيهِنَّ
وَأَرْجُلِهِنَّ وَلَا يَعْصِينَكَ فِى مَعْرُوفٍ ۙ فَبَايِعْهُنَّ وَٱسْتَغْفِرْ لَهُنَّ ٱللَّهَ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ
غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٢﴾ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَتَوَلَّوْا۟ قَوْمًا غَضِبَ ٱللَّهُ عَلَيْهِمْ قَدْ
يَئِسُوا۟ مِنَ ٱلْـَٔاخِرَةِ كَمَا يَئِسَ ٱلْكُفَّارُ مِنْ أَصْحَـٰبِ ٱلْقُبُورِ ﴿١٣﴾

12-13. Эй пайғамбар, вақтики Сенинг олдингга мўмина аёллар келиб, ибодатларида (Аллоҳга) ҳеч бир нарсани шерик қилмаслик, ўғрилик қилмаслик, зино қилмаслик, болаларини ўлдирмаслик, қорнидаги болалари ёки туққан болалари хусусида ёлғон гапирмаслик, шариатнинг ҳукмларида Сенга нофармонлик (исён) қилмаслик тўғрисида байъат (аҳд) қилсалар, Сен улардан шу шартлар билан байъат олгин. Улар учун Худодан кечирим сўрагин. Аллоҳ таоло гуноҳларни кечирувчи, бандаларига меҳрибондир. Эй мўминлар, Худо ғазаб қилган қавмлар билан дўстлик қилманглар. Қабр аҳлининг дунёга қайтиб келишларидан умид узган кофирлар каби улар ҳам охират роҳатидан ноумид бўлгандирлар.

Мадинада нозил бўлган бу сура
ўн тўрт оятдан иборатдир.

28 жузъ *Суранинг 4-оятида мўминларнинг саф тортиб, Аллоҳ йўлида жиҳод қилишлари айтилади. Шундан сура «Сафф» деб номланган. Сурада ваъдага вафоли бўлиш, жиҳод қилиш, айрим пайғамбарларга етказилган азиятлар ҳақида баён қилиб берилади.*

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

سَبَّحَ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿١﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ
آمَنُوا لِمَ تَقُولُونَ مَا لَا تَفْعَلُونَ ﴿٢﴾ كَبُرَ مَقْتًا عِندَ اللَّهِ أَن تَقُولُوا مَا لَا
تَفْعَلُونَ ﴿٣﴾ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الَّذِينَ يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِهِ صَفًّا كَأَنَّهُم
بُنْيَانٌ مَّرْصُوصٌ ﴿٤﴾

1-4. Осмондаги малоикалар ва ердаги инсонлар Аллоҳ таолони поклик билан ёд қиладилар. Аллоҳ таоло ғолиб ва ҳикматли Зотдир. Эй мўминлар, нима учун қилмаган амалларингиздан сўзлайсизлар?! Аллоҳ таоло наздида қилмаган ишни сўзлаш кўп номақбулдир. Аллоҳ таоло ўз йўлида гўё мустаҳкам қилинган бинога ўхшаш (жипс) саф тортиб урушадиган гуруҳларни дўст тутади.

وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ يَا قَوْمِ لِمَ تُؤْذُونَنِي وَقَد تَّعْلَمُونَ أَنِّي رَسُولُ اللَّهِ
إِلَيْكُمْ فَلَمَّا زَاغُوا أَزَاغَ اللَّهُ قُلُوبَهُمْ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ ﴿٥﴾

5. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Мусо (алайҳиссалом)нинг қавмига айтган сўзларини ёд қил (эсла): «Эй қавмим, нима учун менга озор берасизлар. Биласизларки, мен сизларга Аллоҳ таоло тарафидан келган Пайғамбарман». Вақтики Мусо (алайҳиссалом)нинг қавми кажравлик (итоатсизлик) қилди. Аллоҳ таоло ҳам уларнинг дилларини каж, яъни эгри қилиб қўйди. Аллоҳ таоло фосиқ қавмни ҳидоят қилмайди.

وَإِذْ قَالَ عِيسَى ٱبْنُ مَرْيَمَ يَٰبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ إِنِّى رَسُولُ ٱللَّهِ إِلَيْكُم مُّصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ
يَدَىَّ مِنَ ٱلتَّوْرَىٰةِ وَمُبَشِّرًۢا بِرَسُولٍ يَأْتِى مِنۢ بَعْدِى ٱسْمُهُۥٓ أَحْمَدُ ۖ فَلَمَّا جَآءَهُم
بِٱلْبَيِّنَٰتِ قَالُوا۟ هَٰذَا سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿٦﴾

6. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Ийсо (алайҳиссалом)нинг яҳудларга айтган сўзларини ёд қил (эсла): «Албатта, мен сизларга Худо томонидан келган (ҳақ) Пайғамбарман. Ўзимдан олдинги Таврот китобини тасдиқлайман ва мендан кейин келгувчи Аҳмад исмли пайғамбардан башорат бераман». Энди қачонки Аҳмад (яъни Муҳаммад алайҳиссалом) исмли пайғамбар ҳақ мўъжизалар билан келди, кофирлар: «Бу очиқ (ойдин) жодугарликдир», – деб айтдилар. 28 жузъ

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ ٱلْكَذِبَ وَهُوَ يُدْعَىٰٓ إِلَى ٱلْإِسْلَٰمِ ۚ وَٱللَّهُ لَا يَهْدِى
ٱلْقَوْمَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٧﴾ يُرِيدُونَ لِيُطْفِـُٔوا۟ نُورَ ٱللَّهِ بِأَفْوَٰهِهِمْ وَٱللَّهُ مُتِمُّ نُورِهِۦ وَلَوْ
كَرِهَ ٱلْكَٰفِرُونَ ﴿٨﴾ هُوَ ٱلَّذِىٓ أَرْسَلَ رَسُولَهُۥ بِٱلْهُدَىٰ وَدِينِ ٱلْحَقِّ لِيُظْهِرَهُۥ
عَلَى ٱلدِّينِ كُلِّهِۦ وَلَوْ كَرِهَ ٱلْمُشْرِكُونَ ﴿٩﴾

7-9. Ким золимроқ шундай одамданки, Худонинг шаънига ёлғон тўқийди, ваҳоланки у Ислом тарафига даъват қилинади. Аллоҳ таоло золим қавмни ҳидоят қилмайди. Кофирлар оғизлари билан Худонинг нурини ўчирмоқни хоҳлайдилар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло гарчи кофирлар хоҳламасалар ҳам, ўз нурини (Ислом динини ҳар томонга ёйиб) мукаммал қилгувчидир. Гарчи мушриклар ёмон кўрсалар ҳам, Парвардигор Ислом динини бошқа динлардан ғолиб қилиш учун ўз Расулини ҳақ дин, ваҳдоният билан юборган Зотдир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ هَلْ أَدُلُّكُمْ عَلَىٰ تِجَٰرَةٍ تُنجِيكُم مِّنْ عَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿١٠﴾ تُؤْمِنُونَ
بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَتُجَٰهِدُونَ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ بِأَمْوَٰلِكُمْ وَأَنفُسِكُمْ ۚ ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن
كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١١﴾ يَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَيُدْخِلْكُمْ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ
وَمَسَٰكِنَ طَيِّبَةً فِى جَنَّٰتِ عَدْنٍ ۚ ذَٰلِكَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿١٢﴾ وَأُخْرَىٰ تُحِبُّونَهَا ۖ نَصْرٌ
مِّنَ ٱللَّهِ وَفَتْحٌ قَرِيبٌ ۗ وَبَشِّرِ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٣﴾

10-13. Эй мўминлар, Мен сизларга оғир азобдан нажот бергувчи тижоратни кўрсатайми?! Худога ва Расулига иймон келтирасизлар ва Худонинг йўлида молларингиз ва нафс (жон)ларингиз билан жиҳод қиласизлар. Агар билсангизлар, бундай қилмоғингиз сизлар учун энг фойдали (хайрли) ишдир. Бундай амалларингиз эвазига Худо сизларнинг гуноҳ-

ларингизни кечиради. Ва тагидан анҳорлар жорий бўладиган (оқиб ўтадиган) жаннатга дохил қилади. Адн жаннатида покиза (олий) жойларга ўтқазади. Бу сизлар учун улуғ мақсадларга етмоқдир. Сизлар яхши кўрадиган иккинчи бир неъмат ҳам борки, Худо уни сизларга ато қилади. У (неъмат) яқинда Худо тарафидан сизларга кофирлар устидан фатҳу зафар топишдан иборатдир! Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мўминларга бундан башорат бер!

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ كُونُوٓا۟ أَنصَارَ ٱللَّهِ كَمَا قَالَ عِيسَى ٱبْنُ مَرْيَمَ لِلْحَوَارِيِّـۧنَ
28 жузъ مَنْ أَنصَارِىٓ إِلَى ٱللَّهِ ۖ قَالَ ٱلْحَوَارِيُّونَ نَحْنُ أَنصَارُ ٱللَّهِ ۖ فَـَٔامَنَت طَّآئِفَةٌ مِّنۢ
بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ وَكَفَرَت طَّآئِفَةٌ ۖ فَأَيَّدْنَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ عَلَىٰ عَدُوِّهِمْ
فَأَصْبَحُوا۟ ظَٰهِرِينَ ﴿١٤﴾

14. Эй мўминлар, Худонинг динига ёрдам берувчи бўлинглар! Чунончи, Ийсо (алайҳиссалом) хос ёронлари (ҳаворийлар)га: «Худонинг дини учун ким Менга ёрдамчи бўлади?», – дедилар. Ийсо (алайҳиссалом)нинг хос ёронлари: «Худонинг динига ёрдам берувчи бизлармиз», – деб айтдилар. Шундан кейин Бани Исроил (қавми)дан бир жамоа иймон келтирди ва бир жамоа кофир бўлди. Бас, Биз мўминларга душманларнинг муқобилига қувват бердик, бас, улар ғолиб бўлдилар.

***Мадинада нозил бўлган бу сура
ўн бир оятдан иборатдир.***

Суранинг номи 9-оятда келган «жумуъа» сўзидан олинган. Сурада Пайғам- 28 жузъ
*барликнинг фазилати, яҳудийларни танқид қилиш, жумъа намозининг аҳкомла-
ри каби мавзулар устида сўз боради.*

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

يُسَبِّحُ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ الْمَلِكِ الْقُدُّوسِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ ﴿١﴾
هُوَ الَّذِي بَعَثَ فِي الْأُمِّيِّينَ رَسُولًا مِنْهُمْ يَتْلُو عَلَيْهِمْ آيَاتِهِ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ
الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَإِنْ كَانُوا مِنْ قَبْلُ لَفِي ضَلَالٍ مُبِينٍ ﴿٢﴾ وَآخَرِينَ مِنْهُمْ لَمَّا
يَلْحَقُوا بِهِمْ ۚ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٣﴾ ذَٰلِكَ فَضْلُ اللَّهِ يُؤْتِيهِ مَنْ يَشَاءُ ۚ وَاللَّهُ ذُو
الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ﴿٤﴾

1-4. Осмонлардаги фаришталар ва ердаги ашёлар Худони поклик билан ёд қиладилар. Аллоҳ таоло ҳақиқий подшоҳдир, барча айблардан покдир, ғолибдир, феъли ҳикматлидир. Парвардигор шундай Зотдирки, ўқимаган уммийларга ўзларидан Пайғамбар юборади. У Пайғамбар бу уммийлар гарчи илгари очиқ гумроҳликда бўлган бўлсалар ҳам, уларга Худонинг оятларини тиловат қилиб беради ва уларни ёмон ахлоқлардан пок қилади (қутқаради). Қуръон ва илмни таълим беради. (Аллоҳ таоло) яна у Пайғамбарни ҳануз улар дунёга келиб, уларга қўшилмаган бошқа бир тоифа халққа (ҳам) юборади. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсадан ғолиб ва феъли ҳикматлидир. Бу нубувват Аллоҳнинг фазлидир, уни хоҳлаган бандасига ато қилади. Аллоҳ таоло улуғ фазл соҳибидир.

مَثَلُ الَّذِينَ حُمِّلُوا التَّوْرَاةَ ثُمَّ لَمْ يَحْمِلُوهَا كَمَثَلِ الْحِمَارِ يَحْمِلُ أَسْفَارًا ۚ بِئْسَ
مَثَلُ الْقَوْمِ الَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِ اللَّهِ ۚ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿٥﴾

5. У яҳудийлар жамоасики, Тавротга амал қилиш зиммаларига юклатилган эди, сўнгра унга амал қилмадилар (уни кўтармадилар), уларнинг

ҳолатлари китоблар кўтарган (юклатилган) эшакнинг ҳолатига ўхшайди. Худонинг оятига мункир бўлувчиларнинг ҳолатлари кўп ёмондир! Аллоҳ таоло золим қавмларни ҳидоят қилмайди.

قُلْ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ هَادُوٓا۟ إِن زَعَمْتُمْ أَنَّكُمْ أَوْلِيَآءُ لِلَّهِ مِن دُونِ ٱلنَّاسِ فَتَمَنَّوُا۟
ٱلْمَوْتَ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٦﴾ وَلَا يَتَمَنَّوْنَهُۥٓ أَبَدًۢا بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ ۚ وَٱللَّهُ عَلِيمٌۢ
بِٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٧﴾ قُلْ إِنَّ ٱلْمَوْتَ ٱلَّذِى تَفِرُّونَ مِنْهُ فَإِنَّهُۥ مُلَٰقِيكُمْ ۖ ثُمَّ
28 жузъ تُرَدُّونَ إِلَىٰ عَٰلِمِ ٱلْغَيْبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٨﴾

6-8. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), яҳудларга айтгил: «Эй яҳуд жамоаси, агар сизлар бошқалар эмас (фақат) ўзларингизни Худонинг дўстлари деб гумон қилишда ростгўй бўлсангизлар, унда ўлимни орзу қилинглар». Улар гуноҳни касб қилиб, гуноҳларини ўзларидан илгари охиратга юборганлари учун (жазодан қўрқиб) ҳаргиз ўлимни хоҳламайдилар. Аллоҳ таоло золимларнинг аҳволини билгувчидир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айттил: «Сиз ундан қочаётган ўша ўлим, албатта, сизларга етади. Кейин сизлар ошкора ва махфий нарсаларни билгувчи Аллоҳнинг ҳузурига қайтарилασизлар. Сўнгра Аллоҳ таоло сизларни қилган амалларингиздан огоҳлантиради».

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِذَا نُودِىَ لِلصَّلَوٰةِ مِن يَوْمِ ٱلْجُمُعَةِ فَٱسْعَوْا۟ إِلَىٰ ذِكْرِ ٱللَّهِ
وَذَرُوا۟ ٱلْبَيْعَ ۚ ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٩﴾ فَإِذَا قُضِيَتِ ٱلصَّلَوٰةُ
فَٱنتَشِرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ وَٱبْتَغُوا۟ مِن فَضْلِ ٱللَّهِ وَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ كَثِيرًا لَّعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ
﴿١٠﴾ وَإِذَا رَأَوْا۟ تِجَٰرَةً أَوْ لَهْوًا ٱنفَضُّوٓا۟ إِلَيْهَا وَتَرَكُوكَ قَآئِمًا ۚ قُلْ مَا عِندَ ٱللَّهِ خَيْرٌ مِّنَ
ٱللَّهْوِ وَمِنَ ٱلتِّجَٰرَةِ ۚ وَٱللَّهُ خَيْرُ ٱلرَّٰزِقِينَ ﴿١١﴾

9-11. Эй мўминлар, жумъа кунида жумъа намози учун азон айтилган вақтда намоз ўқишга югуринглар (шошилинглар). Ва олди-сотдини тарк этинглар. Агар билсангизлар, олди-сотдидан кўра бу (сиз учун) яхшидир. Бас, жумъа намози адо қилиниб бўлгач, кейин ўз ишларингизга тарқалинглар ва Худо муқаррар қилган ризқ-рўзни талаб қилинглар. Ва Худони кўплаб ёд (зикр) қилинглар, шоядки шунда нажот топасизлар. Вақтики тижоратни кўрсалар ёки тижорат қофиласининг ноғора чалиб келаётганини эшитсалар, ёки ўйин-кулгуни кўриб қолсалар, ўша тарафга мутафарриқа бўлиб (тарқалиб) кетадилар. Сени турган ҳолингда ташлаб кетадилар. Уларга айтгилки: «Аллоҳнинг наздидаги савоб ўйин-кулгудан, тижоратдан афзалдир». Аллоҳ таоло ризқ берувчиларнинг афзалидир.

Мадинада нозил бўлган бу сура ўн бир оятдан иборатдир.

Сурада мунофиқларнинг хатти-ҳаракатлари ҳақида сўзланганлиги учун «Мунофиқун» – мунофиқлар деб номланган. 28 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

إِذَا جَآءَكَ ٱلْمُنَٰفِقُونَ قَالُوا۟ نَشْهَدُ إِنَّكَ لَرَسُولُ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ إِنَّكَ لَرَسُولُهُۥ
وَٱللَّهُ يَشْهَدُ إِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ لَكَٰذِبُونَ ﴿١﴾ ٱتَّخَذُوٓا۟ أَيْمَٰنَهُمْ جُنَّةً فَصَدُّوا۟ عَن
سَبِيلِ ٱللَّهِ ۚ إِنَّهُمْ سَآءَ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٢﴾

1-2. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенинг олдингта мунофиқлар келсалар айтадиларки: «Гувоҳлик берамизки, албатта, Сен Худонинг Пайғамбарисан». Аллоҳ таоло Сенинг Пайғамбар эканлигингни билади, лекин Аллоҳ таоло гувоҳлик берадики, албатта, мунофиқлар ёлғончидирлар. Мунофиқлар қасамларини қалқон қилиб олиб, ҳақиқатларини (асл қиёфаларини) яширадилар ва бошқа кишиларни жиҳоддан манъ қиладилар. Албатта, уларнинг қилган амаллари кўп ёмондир!

ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ ءَامَنُوا۟ ثُمَّ كَفَرُوا۟ فَطُبِعَ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ فَهُمْ لَا يَفْقَهُونَ ﴿٣﴾ ۞ وَإِذَا
رَأَيْتَهُمْ تُعْجِبُكَ أَجْسَامُهُمْ ۖ وَإِن يَقُولُوا۟ تَسْمَعْ لِقَوْلِهِمْ ۖ كَأَنَّهُمْ خُشُبٌ مُّسَنَّدَةٌ ۖ
يَحْسَبُونَ كُلَّ صَيْحَةٍ عَلَيْهِمْ ۚ هُمُ ٱلْعَدُوُّ فَٱحْذَرْهُمْ ۚ قَٰتَلَهُمُ ٱللَّهُ ۖ أَنَّىٰ يُؤْفَكُونَ ﴿٤﴾

3-4. Бу шунинг учундирки, аввал иймон келтирадилар, кейин кофир бўладилар. Бас, уларнинг дилларига муҳр босилгандир, улар ҳақиқатни фаҳмламайдилар. Вақтики Сен уларнинг жисмларини кўрсанг, Сени таажжубга солади. Агар сўзласалар, *сўзлари ширин, мулойимдир. Сўзларига мафтун бўлиб*, қулоқ солиб қоласан, *лекин диллари иймондан ва маърифатдан холидир*. Улар гўёки деворга тираб қўйган қуруқ ёғочга ўхшайдилар. Қўрқоқликларидан ҳар бир овозни (қичқириқни) ўзларига зарар (бало) деб ҳисоблайдилар. Ана ўшалар Сенга ва мўминларга душмандирлар. Улардан ҳазар қил! Уларни Худо лаънат қилсин! Ҳақ йўлдан қандай юз ўгирадилар?!

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا يَسْتَغْفِرْ لَكُمْ رَسُولُ ٱللَّهِ لَوَّوْا رُءُوسَهُمْ وَرَأَيْتَهُمْ يَصُدُّونَ
وَهُم مُّسْتَكْبِرُونَ ٥ سَوَآءٌ عَلَيْهِمْ أَسْتَغْفَرْتَ لَهُمْ أَمْ لَمْ تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ لَن يَغْفِرَ
ٱللَّهُ لَهُمْ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلْفَٰسِقِينَ ٦

5-6. Вақтики мунофиқларга: «Расулуллоҳнинг олдиларига келинглар, Расулуллоҳ Худодан сизлар учун мағфират талаб қилсин», — деб айтилса, улар тескари қараб кетадилар. Уларни Пайғамбарнинг олдига боришдан
28 жузъ кибр қилган ҳолда бош тортиб кетганларини кўрасан. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларнинг ҳаққига истиғфор айтсанг, ё айтмасанг, (барибир), Худо (уларни) ҳаргиз кечирмайди. (Албатта), Аллоҳ таоло фосиқларни ҳидоят қилмайди.

هُمُ ٱلَّذِينَ يَقُولُونَ لَا تُنفِقُوا عَلَىٰ مَنْ عِندَ رَسُولِ ٱللَّهِ حَتَّىٰ يَنفَضُّوا وَلِلَّهِ
خَزَآئِنُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَلَٰكِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ لَا يَفْقَهُونَ ٧ يَقُولُونَ لَئِن
رَّجَعْنَآ إِلَى ٱلْمَدِينَةِ لَيُخْرِجَنَّ ٱلْأَعَزُّ مِنْهَا ٱلْأَذَلَّ وَلِلَّهِ ٱلْعِزَّةُ وَلِرَسُولِهِۦ
وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَلَٰكِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ لَا يَعْلَمُونَ ٨

7-8. У мунофиқлар айтадилар: «Эй ансорийлар, Расулуллоҳнинг олдиларидаги муҳожирларга ҳеч нарса берманглар, токи мутафирриқ бўлиб (тарқалиб) кетсинлар». Лекин бу мунофиқлар билмайдиларки, осмонлар ва ернинг хазиналари Худонинг қўлидадир, *кимга хоҳласа, (ўшанга) беради*. У мунофиқлар айтадилар: «Агар сафардан (жиҳоддан) қайтиб Мадинага борсак, азизлар хорларни Мадинадан (ҳайдаб) чиқаради». Лекин мунофиқлар билмайдиларки, иззат (азизлик, ғолиблик) Аллоҳники ва унинг Расулиники ва мўминларникидир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تُلْهِكُمْ أَمْوَٰلُكُمْ وَلَآ أَوْلَٰدُكُمْ عَن ذِكْرِ ٱللَّهِ وَمَن يَفْعَلْ
ذَٰلِكَ فَأُولَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْخَٰسِرُونَ ٩ وَأَنفِقُوا مِن مَّا رَزَقْنَٰكُم مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِىَ
أَحَدَكُمُ ٱلْمَوْتُ فَيَقُولَ رَبِّ لَوْلَآ أَخَّرْتَنِىٓ إِلَىٰٓ أَجَلٍ قَرِيبٍ فَأَصَّدَّقَ وَأَكُن مِّنَ
ٱلصَّٰلِحِينَ ١٠ وَلَن يُؤَخِّرَ ٱللَّهُ نَفْسًا إِذَا جَآءَ أَجَلُهَا وَٱللَّهُ خَبِيرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ ١١

9-11. Эй мўминлар, на амвол (мол-дунё)ларингиз ва на авлодларингиз сизларни Аллоҳнинг ёдидан ғофил қилиб қўймасин (чалғитмасин). Кимки шундай ғафлатда қолар экан, у ўзига зиён қилгувчидир. Эй мўминлар, сизларга ўлим келмасидан илгари Мен берган ризқлардан Менинг йўлимга харж қилинглар. Агар ҳар ким шундай қилмасдан ўлиб кетар экан, у афсусланиб айтадики: «Эй Парвардигор, нима учун менинг ажалимни озгина таъхир қилмадинг? Бас, мен садақа қилиб солиҳлардан бўлсайдим». Лекин ҳар кимга ўлим муддати келар экан, Худойи таоло ҳаргиз уни таъхир қилмайди. Аллоҳ таоло қилган амалларингиздан хабардордир.

Мадинада нозил бўлган бу сура
ўн саккиз оятдан иборатдир.

28 жузъ

Мадинада нозил бўлган мазкур суранинг номи 9-оятда келган «бир-бирини алдаш, зарар етказиш» маъносидаги «тағобун» сўзидан олинган. Сурада инсоннинг ўткинчи дунёга, мол-мулкка ва бола-чақа муҳаббатига алданиб қолмаслиги, тақво билан ҳаёт ўтказиш кераклиги таъкидланади.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

يُسَبِّحُ لِلَّهِ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلْأَرْضِ ۖ لَهُ ٱلْمُلْكُ وَلَهُ ٱلْحَمْدُ ۖ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ
شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿١﴾ هُوَ ٱلَّذِي خَلَقَكُمْ فَمِنكُمْ كَافِرٌ وَمِنكُم مُّؤْمِنٌ ۚ وَٱللَّهُ بِمَا
تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٢﴾

1-2. Осмонлардаги малоикалар ва ердаги нарсалар Аллоҳ таолони поклаб ёд қиладилар. Подшоҳлик ва барча яхшиликлар у Аллоҳга хосдир. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодирдир. Парвардигор сизларни халқ қилган Зотдир. Бас, энди сизлардан баъзиларингиз кофир ва баъзиларингиз мўминдирсизлар. Аллоҳ таоло сизларнинг амалларингизни кўриб тургувчидир.

خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ بِٱلْحَقِّ وَصَوَّرَكُمْ فَأَحْسَنَ صُوَرَكُمْ ۖ وَإِلَيْهِ ٱلْمَصِيرُ
﴿٣﴾ يَعْلَمُ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَيَعْلَمُ مَا تُسِرُّونَ وَمَا تُعْلِنُونَ ۚ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ
بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ﴿٤﴾

3-4. Аллоҳ таоло осмонлар ва ерни комил тадбир (ҳикмат) билан яратди. Ва сизларни инсон суратида (шаклу шамойилларингизни чиройли, гўзал) қилди. Ва ҳар нарсанинг қайтиши Парвардигор тарафигадир. Аллоҳ таоло осмонлардаги ва ердаги ашёларни билади. Ва сизларнинг махфий ва ошкора қилаётган нарсаларингизни (ҳам) билади. Аллоҳ таоло дилингизда ўйлаган нарсаларингизни билгувчидир.

أَلَمْ يَأْتِكُمْ نَبَؤُا۟ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِن قَبْلُ فَذَاقُوا۟ وَبَالَ أَمْرِهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٥﴾

ذَٰلِكَ بِأَنَّهُۥ كَانَت تَّأْتِيهِمْ رُسُلُهُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ فَقَالُوٓاْ أَبَشَرٌ يَهْدُونَنَا فَكَفَرُواْ وَتَوَلَّواْۚ
وَّٱسْتَغْنَى ٱللَّهُۚ وَٱللَّهُ غَنِيٌّ حَمِيدٌ ﴿٦﴾

5-6. *Эй Қурайш халқи,* сизларга муқаддам ўтган кофирларнинг хабари келмаган эдими? Улар ўз амалларининг жазосини тортиб ҳалок бўлган эдилар ва уларга аламли азобни муқаррар қилганмиз. Боиси – уларга пайғамбарлар мўъжизотлар билан келганларида, улар айтардиларки: «Бизни ўзимизга ўхшаган одам ҳидоят қиладими? *Бу пайғамбарларнинг биздан ҳеч*
28 жузъ *фарқлари йўқ-ку?*» Бас, инкор қилдилар ва Пайғамбардан юз ўтирдилар. Аллоҳ таоло уларнинг иймонларидан мустағний (беҳожат)дир. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсадан мустағний ва ҳамдга лойиқ Зотдир.

زَعَمَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓاْ أَن لَّن يُبْعَثُواْۚ قُلْ بَلَىٰ وَرَبِّى لَتُبْعَثُنَّ ثُمَّ لَتُنَبَّؤُنَّ بِمَا عَمِلْتُمْۚ
وَذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرٌ ﴿٧﴾

7. Кофирлар Қиёмат куни ҳаргиз тирилмасликларини гумон (даъво) қиладилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга айтгил: «Парвардигорга қасамки, қайта тириласизлар. Кейин қилган амалларингиздан огоҳлантириласизлар. Сизларни (қайта) тирилтириш Худога осондир».

فَـَٔامِنُواْ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَٱلنُّورِ ٱلَّذِىٓ أَنزَلْنَاۚ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٨﴾ يَوْمَ
يَجْمَعُكُمْ لِيَوْمِ ٱلْجَمْعِۖ ذَٰلِكَ يَوْمُ ٱلتَّغَابُنِۗ وَمَن يُؤْمِنۢ بِٱللَّهِ وَيَعْمَلْ صَٰلِحًا يُكَفِّرْ
عَنْهُ سَيِّـَٔاتِهِۦ وَيُدْخِلْهُ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًاۚ
ذَٰلِكَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿٩﴾ وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ وَكَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَآ أُوْلَٰٓئِكَ
أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ خَٰلِدِينَ فِيهَاۖ وَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٠﴾

8-10. Эй мункирлар, бас, Худога ва унинг Расулига ва Биз нозил қилган Қуръонга иймон келтиринглар. Аллоҳ таоло қилаётган ҳар бир амалингиздан хабардордир. Парвардигор сизларни жам қиладиган ўша кунни ёд қилинглар. У кун (Қиёмат куни) сизларнинг зиён кўрадиган ва афсус қиладиган кунингиздир. *Яъни, кофирлар иймон келтирмаганликлари учун афсус ва надомат қилсалар, мўминлар амал қилишда нуқсон ва тақсир қилганликлари учун зиён қилгандирлар.* Ким Худога ихлос билан иймон келтирса ва яхши амаллар қилса, Аллоҳ таоло гуноҳларини кечиради ва тагидан анҳорлар жорий бўладиган (оқиб ўтадиган) жаннатига дохил қилади. У жаннатда ҳамиша (абадий) бўладилар. Бу жаннатга кириш буюк мақсадга етмоқдир! Кофирлар ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар – улар дўзах аҳлидирлар. Дўзахда абадий қоладилар. Дўзах борадиган кўп ёмон жойдир!

مَآ أَصَابَ مِن مُّصِيبَةٍ إِلَّا بِإِذْنِ ٱللَّهِۗ وَمَن يُؤْمِنۢ بِٱللَّهِ يَهْدِ قَلْبَهُۥۚ وَٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ

عَلِيمٌ ﴿١١﴾ وَأَطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُوا۟ ٱلرَّسُولَ ۚ فَإِن تَوَلَّيْتُمْ فَإِنَّمَا عَلَىٰ رَسُولِنَا
ٱلْبَلَٰغُ ٱلْمُبِينُ ﴿١٢﴾ ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ۚ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ ٱلْمُؤْمِنُونَ ﴿١٣﴾

11-13. Ҳар бир мусибатки, бандаларга етса, Худонинг ҳукми (изни) билан етади. Кимки ихлос билан Худога ишонса, Парвардигор унинг дилини яхши амалларга ҳидоят қилади. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодир ва донодир. Эй бандалар, Аллоҳ таоло ва Унинг Расулига итоат қилинглар. Агар сизлар юз ўгирсангизлар, у ҳолда Расулимиз учун сизларга очиқ насиҳат қилишдан бошқа вазифа қолмайди. Бир Аллоҳдан бошқа ҳеч маъбуд йўқ. Бас, мўминларга лозимдирки, Парвардигорнинг ўзига таваккул қилсинлар.

28 жузъ

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِنَّ مِنْ أَزْوَٰجِكُمْ وَأَوْلَٰدِكُمْ عَدُوًّا لَّكُمْ
فَٱحْذَرُوهُمْ ۚ وَإِن تَعْفُوا۟ وَتَصْفَحُوا۟ وَتَغْفِرُوا۟ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٤﴾ إِنَّمَآ
أَمْوَٰلُكُمْ وَأَوْلَٰدُكُمْ فِتْنَةٌ ۚ وَٱللَّهُ عِندَهُۥٓ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿١٥﴾

14-15. Эй мўминлар, сизларнинг (баъзи) хотинларингиз ва (баъзи) болачақаларингиз сизларни Аллоҳнинг ёдидан ғофил қиладиган душманларингиздир. Улардан ҳазар қилинглар. *Улардан душман деб интиқом (қасос) олманглар.* Агар хатоларини афв этиб, дилларингиздан чиқариб ташлаб, кечириб юборсангизлар, яхшидир, чунки Аллоҳ таоло кечиргувчи, меҳрибондир. Билингларки, молларингиз ва авлодларингиз сизларга имтиҳон учун фитнадир. *Сизларга лозим шуки, уларга зиёда (ортиқ) муҳаббат қўйиб, Худони тарк этманглар.* Аллоҳнинг наздида сизларга улуғ савоб бордир.

فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ مَا ٱسْتَطَعْتُمْ وَٱسْمَعُوا۟ وَأَطِيعُوا۟ وَأَنفِقُوا۟ خَيْرًا لِّأَنفُسِكُمْ ۗ وَمَن
يُوقَ شُحَّ نَفْسِهِۦ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿١٦﴾ إِن تُقْرِضُوا۟ ٱللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا
يُضَٰعِفْهُ لَكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ۚ وَٱللَّهُ شَكُورٌ حَلِيمٌ ﴿١٧﴾ عَٰلِمُ ٱلْغَيْبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ
ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿١٨﴾

16-18. Эй мўминлар, қўлларингиздан келгунича Аллоҳдан қўрқинглар ва пайғамбарнинг насиҳатларини эшитинглар, итоат қилинглар ва нафсларингиз фойдаси учун молларингиздан яхшисини Ҳақ йўлида беринглар. Кимки нафсининг бахиллигидан (қизғанчиқлигидан) ўзини сақлар экан, бас, улар ҳақиқий нажот топгувчилардир. Эй мўминлар, агар Худога ихлос билан қарз берсангизлар, Худо сизларга бир неча баробар кўпайтириб беради ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ таоло шукр қилгувчиларнинг шукрини қабул қилади ва *уларни дарров уқубат (азобга гирифтор) қилмайди,* махфий ва ошкора нарсаларни билувчидир. Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан ғолиб ва ҳикматли Зотдир.

Мадинада нозил бўлган бу сура
ўн икки оятдан иборатдир.

28 жузъ *«Талоқ» – эр ва хотиннинг маълум сабаблар ва талаблар асосида ажралишидир. Сура бундай ажралиш мавзусини ўз ичига олганлигидан «Талоқ» деб номланган. Шунингдек, идда сақлаш, нафақа бериш ва адолат қилиш каби ҳукмлар ҳам ушбу сурадан ўрин олган.*

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ إِذَا طَلَّقۡتُمُ ٱلنِّسَآءَ فَطَلِّقُوهُنَّ لِعِدَّتِهِنَّ وَأَحۡصُواْ ٱلۡعِدَّةَۖ وَٱتَّقُواْ
ٱللَّهَ رَبَّكُمۡۖ لَا تُخۡرِجُوهُنَّ مِنۢ بُيُوتِهِنَّ وَلَا يَخۡرُجۡنَ إِلَّآ أَن يَأۡتِينَ بِفَٰحِشَةٖ
مُّبَيِّنَةٖۚ وَتِلۡكَ حُدُودُ ٱللَّهِۚ وَمَن يَتَعَدَّ حُدُودَ ٱللَّهِ فَقَدۡ ظَلَمَ نَفۡسَهُۥۚ لَا تَدۡرِي لَعَلَّ
ٱللَّهَ يُحۡدِثُ بَعۡدَ ذَٰلِكَ أَمۡرٗا ١

1. Эй Пайғамбар, умматларингга айт, вақтики сизлар хотинларингизни талоқ қилсангизлар, уларни идданинг бошида (ҳайз ёки нифосдан пок бўлган ҳолатларида) талоқ қилинглар. Идда тамом бўлган ёки бўлмаганини билиш учун ҳисоб қилиб туринглар. Шариатга хилоф равишда талоқ қилишдан Худодан қўрқинглар. Идда ҳолатида (талоқ қилинган хотинларингизни) уйларингиздан (ҳайдаб) чиқариб юборманглар ва улар ўзлари ҳам чиқиб кетмасинлар. Магар ошкора фаҳш ишга мубтало бўлсалар, яъни зино қилсалар, у ҳолда уйдан чиқариб юборсангиз бўлади. Бу Худо муқаррар қилган ҳудуддир. Кимки Худо муқаррар қилган ҳаддан тажовуз қилар экан, (шубҳасиз у) ўз нафсига зулм қилибди. Ҳеч бир жон талоқ қилгандан кейин Худо қандай иш пайдо қилишини билмайди. *Балки Худо бирор ҳикматли ишни илҳом қилиб, у одам ўз аҳлига қайтадан ружу қилар (қайтар).*

فَإِذَا بَلَغۡنَ أَجَلَهُنَّ فَأَمۡسِكُوهُنَّ بِمَعۡرُوفٍ أَوۡ فَارِقُوهُنَّ بِمَعۡرُوفٖ وَأَشۡهِدُواْ
ذَوَيۡ عَدۡلٖ مِّنكُمۡ وَأَقِيمُواْ ٱلشَّهَٰدَةَ لِلَّهِۚ ذَٰلِكُمۡ يُوعَظُ بِهِۦ مَن كَانَ

يُؤْمِنُ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْـَٔاخِرِ ۚ وَمَن يَتَّقِ ٱللَّهَ يَجْعَل لَّهُۥ مَخْرَجًا ﴿٢﴾ وَيَرْزُقْهُ مِنْ
حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ ۚ وَمَن يَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُۥٓ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ بَٰلِغُ أَمْرِهِۦ ۚ قَدْ
جَعَلَ ٱللَّهُ لِكُلِّ شَىْءٍ قَدْرًا ﴿٣﴾

2-3. Эй эркаклар, хотинлар ўз иддаларини тамомлаган вақтларида
сизларга ихтиёр бордир, ё шариатга мувофиқ уйларингизда сақлаб қолиб
(яшанглар) ёки шариатга мувофиқ жудо бўлинглар. Ва (ярашишларин-
гизда ва ажралишаётган пайтларингизда) ўз тарафингиздан икки адо- 28 жузъ
латли одамни гувоҳ қилинглар. Эй гувоҳлар, сизлар (ҳам) холисан лиллаҳ
гувоҳлик қилинглар. Кимки Худога ва Қиёмат кунига иймон келтирган
бўлса, у одамга шу тариқа насиҳат қилинади. Кимки Худодан қўрқса ва
ножоиз ишга машғул бўлмаса, Парвардигор унга нажот йўлини кўрсатиб
қўяди. *Аллоҳ таоло унга бирор жуфти ҳалолни муяссар қилади.* Агар
фақир бўлса, унга ўйламаган жойидан ризқ етказади. Ва кимки Аллоҳ
таологa таваккул қилса, Аллоҳ таоло унга етарлидир. Албатта, Аллоҳ таоло
ўзининг муродини ижро қилувчи ва ўз ишини охирига етказувчидир.
Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага вақт муқаррар қилгандир, *ундан тажовуз
қилмайди.*

وَٱلَّٰٓـِٔى يَئِسْنَ مِنَ ٱلْمَحِيضِ مِن نِّسَآئِكُمْ إِنِ ٱرْتَبْتُمْ فَعِدَّتُهُنَّ ثَلَٰثَةُ أَشْهُرٍ وَٱلَّٰٓـِٔى
لَمْ يَحِضْنَ ۚ وَأُو۟لَٰتُ ٱلْأَحْمَالِ أَجَلُهُنَّ أَن يَضَعْنَ حَمْلَهُنَّ ۚ وَمَن يَتَّقِ ٱللَّهَ يَجْعَل لَّهُۥ
مِنْ أَمْرِهِۦ يُسْرًا ﴿٤﴾ ذَٰلِكَ أَمْرُ ٱللَّهِ أَنزَلَهُۥٓ إِلَيْكُمْ ۚ وَمَن يَتَّقِ ٱللَّهَ يُكَفِّرْ عَنْهُ سَيِّـَٔاتِهِۦ
وَيُعْظِمْ لَهُۥٓ أَجْرًا ﴿٥﴾

4-5. Эй мўминлар, сизларнинг хотинларингиздан бирор хотин ҳайз кўришдан ноумид бўлса, агар иддасига шубҳа қилсангизлар, уларнинг иддалари уч ойдир. Бирор сабаб билан ҳайз кўрмайдиган хотинларнинг иддалари ҳам уч ойдир. Ҳомиладор хотинлар иддаларининг муддати туққунчадир. Кимки Худодан қўрқиб шариатнинг аҳкомларига риоя қилар экан, Худо ҳар бир ишида осонлик (қулайлик, енгиллик) беради. Бу айтилган ҳукмлар Худонинг сизларга нозил қилган (туширган) ҳукмларидир. Кимки Худонинг азобидан қўрқиб, буйруғини бажарса, Худо унинг гуноҳларини афв этади ва савобини улуғ қилади.

أَسْكِنُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ سَكَنتُم مِّن وُجْدِكُمْ وَلَا تُضَآرُّوهُنَّ لِتُضَيِّقُوا۟ عَلَيْهِنَّ ۚ وَإِن
كُنَّ أُو۟لَٰتِ حَمْلٍ فَأَنفِقُوا۟ عَلَيْهِنَّ حَتَّىٰ يَضَعْنَ حَمْلَهُنَّ ۚ فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَـَٔاتُوهُنَّ
أُجُورَهُنَّ وَأْتَمِرُوا۟ بَيْنَكُم بِمَعْرُوفٍ وَإِن تَعَاسَرْتُمْ فَسَتُرْضِعُ لَهُۥٓ أُخْرَىٰ ﴿٦﴾

6. Идда ўтирган хотинларга бақадри тоқат (имкон қадар) ўзларингиз ўтирган ҳовлидан жой беринглар. Ва уларга зарар етказиб, танг қил-

манглар, *токи (уйдан) чиқиб кетишга мажбур бўлмасинлар.* Агар ҳомиладор бўлсалар, то туққунларича *жой бериб,* нафақаларини беринглар. Агар сизлар учун болаларингизни эмизсалар, уларга нафақадан ортиқча ажратиб беринглар. Агар ҳақ (музд) тўғрисида келишолмасаларингиз, шариатга мувофиқ ўзаро маслаҳат қилинглар. Ёки *бирор сабаб билан танг ҳолда қолсангиз ва* боланинг онаси эмиздирмаса, у ҳолда бошқа эмизувчи аёл эмизсин.

لِيُنفِقْ ذُو سَعَةٍ مِّن سَعَتِهِۦ ۖ وَمَن قُدِرَ عَلَيْهِ رِزْقُهُۥ فَلْيُنفِقْ مِمَّآ ءَاتَىٰهُ ٱللَّهُ ۚ
28 жузъ لَا يُكَلِّفُ ٱللَّهُ نَفْسًا إِلَّا مَآ ءَاتَىٰهَا ۚ سَيَجْعَلُ ٱللَّهُ بَعْدَ عُسْرٍ يُسْرًا ﴿٧﴾

7. Лозим шуки, аҳли давлатлар ўзларининг давлатларига мувофиқ нафақа берсинлар. Агар камбағал бўлиб ризқи танг бўлса, Худо берган ризқдан тоқатига яраша берсин. Аллоҳ таоло ҳеч нафсга (бандага) тоқатидан ташқари нарсани таклиф қилмайди, магар ўзининг берган молига мувофиқ таклиф қилади. Балки Аллоҳ қийинчилик (танглик)дан кейин тезда осонлик (кенглик)ни (юзага) келтиради.

وَكَأَيِّن مِّن قَرْيَةٍ عَتَتْ عَنْ أَمْرِ رَبِّهَا وَرُسُلِهِۦ فَحَاسَبْنَٰهَا حِسَابًا شَدِيدًا
وَعَذَّبْنَٰهَا عَذَابًا نُّكْرًا ﴿٨﴾ فَذَاقَتْ وَبَالَ أَمْرِهَا وَكَانَ عَٰقِبَةُ أَمْرِهَا خُسْرًا ﴿٩﴾

8-9. Кўп қишлоқ аҳллари Парвардигорнинг ҳукмидан тажовуз қилиб, Расулининг насиҳатини эшитмаган эдилар. Бас, Биз Қиёмат куни улардан қаттиқ ҳисоб оламиз ва аламли азобга мубтало қиламиз. Бас, у қавм қилган ишларининг жазосини тортдилар. Худо уларни ҳалок қилди. Ва уларнинг ишларининг охири зиён билан тугади.

أَعَدَّ ٱللَّهُ لَهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا ۖ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ يَٰٓأُو۟لِى ٱلْأَلْبَٰبِ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ۚ قَدْ
أَنزَلَ ٱللَّهُ إِلَيْكُمْ ذِكْرًا ﴿١٠﴾ رَّسُولًا يَتْلُوا۟ عَلَيْكُمْ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ مُبَيِّنَٰتٍ لِّيُخْرِجَ
ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ مِنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى ٱلنُّورِ ۚ وَمَن يُؤْمِنۢ بِٱللَّهِ
وَيَعْمَلْ صَٰلِحًا يُدْخِلْهُ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًا ۖ قَدْ
أَحْسَنَ ٱللَّهُ لَهُۥ رِزْقًا ﴿١١﴾

10-11. Аллоҳ таоло уларга қаттиқ азобни тайёрлаб қўйиган. Эй иймон келтирган ақл эгалари, Худодан қўрқинглар. Аллоҳ таоло сизларга Китоб нозил қилди. Иймон келтирган ва яхши амал қилган одамларни гумроҳлик қоронғулигидан ҳидоят нури тарафига чиқариш учун Худонинг равшан (очиқ) оятларини сизларга тиловат қилиб берадиган Расулини юборди Ва ким Аллоҳ таолога иймон келтирса ва яхши амаллар қилса, тагидан анҳорлар жорий бўлган (оқиб ўтадиган) жаннатига киритади. (Улар) у жаннатда ҳамиша (абадий) қоладилар. Аллоҳ таоло уларга яхши ризқ муҳаррар қилгандир.

ٱللَّهُ ٱلَّذِى خَلَقَ سَبْعَ سَمَٰوَٰتٍ وَمِنَ ٱلْأَرْضِ مِثْلَهُنَّ يَتَنَزَّلُ ٱلْأَمْرُ بَيْنَهُنَّ لِتَعْلَمُوٓا۟ أَنَّ
ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ وَأَنَّ ٱللَّهَ قَدْ أَحَاطَ بِكُلِّ شَىْءٍ عِلْمًۢا ﴿١٢﴾

12. Аллоҳ шундай Зотдирки, етти қават осмонларни халқ қилди ва ерни ҳам осмонга ўхшаш етти қават халқ қилди. Худонинг ҳукми уларнинг ўртасидан жорий бўлади. Билингларки, Аллоҳ таоло ҳар (бир) нарсага қодирдир. Ва билингларки, Аллоҳ таолонинг илми ҳамма нарсани иҳота қилиб (қамраб) олгандир.

28 жузъ

Мадинада нозил бўлган бу сура
ўн икки оятдан иборатдир.

28 жузъ *Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи ҳалол нарсаларни айрим сабабларга кўра ўзларига ҳаром қилганлар. Аллоҳу таоло бу борада у зотга танбеҳ беради ва тўғри йўлни кўрсатади. Суранинг номи биринчи оятда келган «таҳрим» ҳаром қилиб олиш сўзидан олинган.*

Бу суранинг нозил бўлишига сабаб шундан иборатки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари Ҳафса розийаллоҳу анҳо отасининг уйига кетиб, уйлари холи қолган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қибтийя канизаклари Мория розийаллоҳу анҳони у уйга чақириб, мусоҳиб бўлдилар (у билан тўшакда ётдилар). Ҳафса розийаллоҳу анҳо қайтиб келиб кўрсаки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Морияи қибтия розийаллоҳу анҳо билан уйда ўтирибдилар. Ҳафса розийаллоҳу анҳо бетоқат бўлиб, рашк қилиб, «Менинг навбат кунимда, менинг уйимда шу иш бўлдими?» — деб жанжал қилдилар. Расулуллоҳ саллоҳу алайҳи ва саллам уни жим қилиш учун айтадиларки, Мория розийаллоҳу анҳони ўзимга ҳаром қилсам, рози бўласанми? У: «Рози бўламан», — дейди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мория розийаллоҳу анҳони ўзларига ҳаром қилдилар ва: «Энди бу сирни бошқа хотинларга айтмагил», — деб тайинладилар. Лекин у чиқиб кетиб, Оиша розийаллоҳу анҳо-сиддиқага ошкора қилди. Кейин бу сура нозил бўлди. Муфассирлар суранинг нозил бўлишига хотинлари Зайнаб бинти Жаҳм билан бўлган бошқа бир воқеани ҳам сабаб қилиб кўрсатганлар.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ لِمَ تُحَرِّمُ مَآ أَحَلَّ ٱللَّهُ لَكَۖ تَبۡتَغِي مَرۡضَاتَ أَزۡوَٰجِكَۚ وَٱللَّهُ غَفُورٞ
رَّحِيمٞ ١ قَدۡ فَرَضَ ٱللَّهُ لَكُمۡ تَحِلَّةَ أَيۡمَٰنِكُمۡۚ وَٱللَّهُ مَوۡلَىٰكُمۡۖ وَهُوَ ٱلۡعَلِيمُ ٱلۡحَكِيمُ ٢

1-2. Парвардигор айтди: «Эй Пайғамбар, нима учун Сен хотинларинг ризолигини истаб, Худо Сенга ҳалол қилган нарсаларни ўзингга ҳаром қиласан? Аллоҳ таоло кечиргувчи, меҳрибондир. Аллоҳ таоло қасамларингиз учун каффорат бериб халос (ҳалол) бўлишни муқаррар қилди (шариатга киритди). Аллоҳ сизларнинг дўстингиздир». Аллоҳ таоло бандаларнинг аҳволини билгувчи ва мудаббирдир.

وَإِذۡ أَسَرَّ ٱلنَّبِيُّ إِلَىٰ بَعۡضِ أَزۡوَٰجِهِۦ حَدِيثٗا فَلَمَّا نَبَّأَتۡ بِهِۦ وَأَظۡهَرَهُ ٱللَّهُ عَلَيۡهِ عَرَّفَ

بَعْضَهُۥ وَأَعْرَضَ عَنۢ بَعْضٍ ۖ فَلَمَّا نَبَّأَهَا بِهِۦ قَالَتْ مَنْ أَنۢبَأَكَ هَٰذَا ۖ قَالَ
نَبَّأَنِىَ ٱلْعَلِيمُ ٱلْخَبِيرُ ﴿٣﴾

3. Эй мўминлар, Пайғамбар хотинларидан баъзисига сир гапни айтта-
ни ҳақида фикр қилинглар. *Пайғамбар у сирни хотинига махфий айтди ва
«бировга айтмагил», – деб таъкидлади.* Бас, Ҳафса (разияллоҳу анҳо) Оиша
(разияллоҳу анҳо)га (у сирни) ошкора қилиб қўйди. Аллоҳ таоло Ўз пай-
ғамбарига бу қиссани хабар қилди. Пайғамбар Ҳафса (розийаллоҳу ан-
ҳо)га (унинг) баъзи айтган сўзларини айтди (огоҳлантирди) ва баъзиси- 28 жузъ
дан юз ўгирди (билдирмади). Энди вақтики, пайғамбар Ҳафса(разияллоҳу
анҳо)ни огоҳлантиргач, Ҳафса (разияллоҳу анҳо) Расулуллоҳ (саллаллоҳу
алайҳи ва саллам)га айтдики: «Сенга (бу ҳақда) ким хабар берди?» Расу-
луллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтди: «Менга ҳамма нарсани бил-
гувчи, ҳамма нарсадан огоҳ Парвардигор хабар берди.

إِن تَتُوبَآ إِلَى ٱللَّهِ فَقَدْ صَغَتْ قُلُوبُكُمَا ۖ وَإِن تَظَٰهَرَا عَلَيْهِ فَإِنَّ ٱللَّهَ هُوَ مَوْلَىٰهُ
وَجِبْرِيلُ وَصَٰلِحُ ٱلْمُؤْمِنِينَ ۖ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةُ بَعْدَ ذَٰلِكَ ظَهِيرٌ ﴿٤﴾

4. *Энди, эй Ҳафса билан Оиша!* Агар (икковларингиз) Худога тавба қилсангизлар, Худо (гуноҳларингизни) кечиради. Батаҳқиқ, сизларнинг дилларингиз хато қилди. Энди агар Пайғамбарнинг (зарарига) сирини очишда бундан кейин ҳам бир-бирларингизга ёрдамлашар эқансизлар, бас, *у ҳолда билингларки,* албатта, Аллоҳ таоло Пайғамбарнинг дўсти, Жаброил (алайҳиссалом) мададкори ва солиҳ мўминлар ёрдамчилари-дир. Булардан кейин малоикалар ҳам Пайғамбарга ёрдам берадилар.

عَسَىٰ رَبُّهُۥٓ إِن طَلَّقَكُنَّ أَن يُبْدِلَهُۥٓ أَزْوَٰجًا خَيْرًا مِّنكُنَّ مُسْلِمَٰتٍ مُّؤْمِنَٰتٍ قَٰنِتَٰتٍ
تَٰٓئِبَٰتٍ عَٰبِدَٰتٍ سَٰٓئِحَٰتٍ ثَيِّبَٰتٍ وَأَبْكَارًا ﴿٥﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ قُوٓا۟ أَنفُسَكُمْ
وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا ٱلنَّاسُ وَٱلْحِجَارَةُ عَلَيْهَا مَلَٰٓئِكَةٌ غِلَاظٌ شِدَادٌ لَّا يَعْصُونَ
ٱللَّهَ مَآ أَمَرَهُمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ ﴿٦﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَا تَعْتَذِرُوا۟ ٱلْيَوْمَ
إِنَّمَا تُجْزَوْنَ مَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٧﴾

5-7. (Эй пайғамбарнинг хотинлари), агар у (Пайғамбар) сизларни талоқ қилиб юборса, шоядки Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг Парвардигори сизларнинг ўринларингизга сизлардан яхшироқ, Худога инқиёд (итоат) қилувчи, ишонувчи, дуо қилувчи, тавба қилувчи, ибодат қилувчи, рўза тутувчи жувон ва бокира қизлардан муяссар қилиб беради. Эй мўминлар, ўзларингизни ва аҳли аёлларингизни ёнадиган ўтини (ёқилғиси) одамлардан ва бутлардан иборат (бўлган) дўзахдан сақланглар. У дўзах устида қаттиқсўз (қўпол) ва ғазабли малоикалар

муаккалдирлар. Улар Худонинг буюрганига осий (итоатсиз) бўлмайдилар, ҳар қандай топшириқни бажарадилар. Эй кофирлар, бугун сизлар қилган ишларингиз учун Менга узр айтманглар. *Бугун сизларнинг узрларингиз қабул бўлмайди.* Қилган амалларингизга мувофиқ жазосини оласизлар, холос.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ تُوبُوٓاْ إِلَى ٱللَّهِ تَوۡبَةٗ نَّصُوحًا عَسَىٰ رَبُّكُمۡ أَن يُكَفِّرَ عَنكُمۡ
سَيِّـَٔاتِكُمۡ وَيُدۡخِلَكُمۡ جَنَّٰتٖ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ يَوۡمَ لَا يُخۡزِي ٱللَّهُ ٱلنَّبِيَّ
28 жузъ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مَعَهُۥۖ نُورُهُمۡ يَسۡعَىٰ بَيۡنَ أَيۡدِيهِمۡ وَبِأَيۡمَٰنِهِمۡ يَقُولُونَ رَبَّنَآ أَتۡمِمۡ
لَنَا نُورَنَا وَٱغۡفِرۡ لَنَآۖ إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ ٨ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ جَٰهِدِ
ٱلۡكُفَّارَ وَٱلۡمُنَٰفِقِينَ وَٱغۡلُظۡ عَلَيۡهِمۡۚ وَمَأۡوَىٰهُمۡ جَهَنَّمُۖ وَبِئۡسَ ٱلۡمَصِيرُ ٩

8-9. Эй мўминлар, Худога холис тавба қилиш билан тавба қилинглар. Шоядки тавба қилсангизлар Парвардигор сизларнинг гуноҳларингизни кеткизиб, остидан анҳорлари оқиб ўтадиган жаннатларига киритади. Аллоҳ таоло Ўзининг Пайғамбарини ва унга иймон келтирган мўминларни расво (шарманда) қилмайдиган ўша кунда иймон нурлари олдиларидан ва ўнг тарафларидан ёруғ қилиб боради. Улар Худодан талаб қилиб айтадиларки: «Эй Парвардигор, Бизга нуримизни комил қилиб бергил ва гуноҳларимизни мағфират қилгил. Албатта, Сен ҳар бир нарсага қодирсан». Эй Пайғамбар, кофирлар ва мунофиқлар билан жиҳод қил ва уларга қаттиққўл бўл. Уларнинг жойлари жаҳаннамдир. Жаҳаннам кўп ёмон борадиган жойдир!

ضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلٗا لِّلَّذِينَ كَفَرُواْ ٱمۡرَأَتَ نُوحٖ وَٱمۡرَأَتَ لُوطٖۖ كَانَتَا تَحۡتَ
عَبۡدَيۡنِ مِنۡ عِبَادِنَا صَٰلِحَيۡنِ فَخَانَتَاهُمَا فَلَمۡ يُغۡنِيَا عَنۡهُمَا مِنَ ٱللَّهِ شَيۡـٔٗا وَقِيلَ
ٱدۡخُلَا ٱلنَّارَ مَعَ ٱلدَّٰخِلِينَ ١٠

10. Худойи таоло кофирларга Нуҳ (алайҳиссалом) ва Лут (алайҳиссалом)нинг хотинлари қиссасини мисол тариқасида баён қилиб беради. Бу иккови солиҳ бандаларимиздан икки бандамизнинг никоҳида эдилар. Улар бу икки солиҳ бандага хиёнат қилдилар. Бу икки пайғамбар (ўз) хотинларидан Худонинг азобини даф қила олмадилар. Ва Қиёмат куни уларга (у хотинларга) айтиладики: «Дўзахга киргувчилар билан бирга иккovингиз ҳам (жаҳаннамга) киринглар».

وَضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلٗا لِّلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱمۡرَأَتَ فِرۡعَوۡنَ إِذۡ قَالَتۡ رَبِّ ٱبۡنِ لِي
عِندَكَ بَيۡتٗا فِي ٱلۡجَنَّةِ وَنَجِّنِي مِن فِرۡعَوۡنَ وَعَمَلِهِۦ وَنَجِّنِي مِنَ ٱلۡقَوۡمِ
ٱلظَّٰلِمِينَ ١١ وَمَرۡيَمَ ٱبۡنَتَ عِمۡرَٰنَ ٱلَّتِيٓ أَحۡصَنَتۡ فَرۡجَهَا فَنَفَخۡنَا فِيهِ

مِن رُّوحِنَا وَصَدَّقَتْ بِكَلِمَٰتِ رَبِّهَا وَكُتُبِهِۦ وَكَانَتْ مِنَ ٱلْقَٰنِتِينَ ﴿١٢﴾

11-12. Аллоҳ таоло мўминларга Фиръавн хотинининг қиссасини мисол тариқасида баён қилиб беради. *Мусо (алайҳиссалом)га иймон келтиргани учун Фиръавн (у хотинни) азоб бериб ўлдирганди.* Ўшанда Фиръавннинг хотини: «Эй Парвардигор, менга жаннатда Ўзингнинг наздингда бир уй-бино қилиб бергил. Менга Фиръавн ва унинг амалидан ва золим қавмидан нажот етказгил», – деб айтган эди. Ва яна (Парвардигор) мисол тариқасида Имроннинг қизи Биби Марям (розийаллоҳу анҳо) қиссасини баён қилиб беради. Биби Марям ўзининг фаржини (иффатини, номусини) ҳаромдан сақлаган хотин эди. Биз унинг қорнига (ўз) руҳимиздан пуфладик, у ҳомиладор бўлди. Парвардигорнинг калимотларини ва илгари нозил бўлган китобларни тасдиқ қилди. Биби Марям ҳамиша Худога ибодат қилувчилардан эди. 28 жузъ

Нуҳ алайҳиссалом ва Лут алайҳиссалом қандай улуғ зотлар эдилар. Лекин ҳар икковиларининг хотинлари мунофиқлардан бўлдилар. Шунинг учун осий дўзахийлар билан баробар жаҳаннамга ташландилар. Пайғамбарнинг хотини бўлганликлари уларни илоҳий азобдан қутқара олмади. Бунинг аксича, Фиръавннинг хотини ҳазрати Осия разияллоҳу анҳо комил мўмина ва эри эса Худонинг ашаддий душмани эди. У солиҳа хотин ҳам кофир эрини Худонинг азобидан қутқаролмади. Ва у ёмон эрнинг касофати (ҳам) яхши хотинга урмади. У бахтиёр хотин Мусо алайҳиссаломни гўдакликларидан тарбия қилар ва қўлидан келган ёрдамни аямас эди. Сир фош бўлгач, Фиръавн у солиҳа аёлни азобга тортди. Азоб чекатуриб: «Эй Парвардигорим! Мен учун жаннатда, ўз қошингда бир уй бино қил. Менга Фиръавндан ва унинг ишидан ва золим қавмдан нажот бергил», – деб Парвардигорга дуо қилдилар.

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ ЖУЗЪ

29 жузъ

Маккада нозил бўлган бу сура
ўттиз оятдан иборатдир.

Суранинг номи унинг илк оятида келган «ал-мулк» калимасидан олингандир. Шунингдек, мазкур сура «Таборак», «Мунжия», «Мужодала», «Маниъа», ва «Воқеа» номлари билан ҳам тилга олинади. Мулк сурасини ҳар кеча ўқиганнинг улкан савобларга ноил бўлиши бу суранинг фазилатларига доир ҳадисларда ворид бўлган.

Бу сураи шарифанинг номи «Суратул Мулк» ва «Сурату Таборак» бўлиб, Тур сурасидан кейин нозил бўлган. Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу сурани кўп яхши кўрар эдилар. Ҳар бир мусулмоннинг бу сурани ёд олишини истар эдилар. Ва ўзлари الم السَّجدة *«Алиф», «Лом», «Мийм»-ис-сажда» билан бу сурани ўқимасдан кечқурун уйқуга кетмас эдилар. Бу сурани «шофеъа», яъни шафоат қилгувчи ва «мунжия», яъни қабр азобидан нажот бергувчи экани ҳадисларда келган. Уламои киром раҳимаҳумуллоҳ бу сура ҳақида кўп фазилатлар баён қилибдилар. Бу суранинг ибтидосида Парвардигори олам ўз азаматидан хабар бериб марҳамат қиладики, ҳақиқатда буюк баракот ва улуғ азамат соҳиби у Худойи таоло якка ва ягонадир, ҳақиқий ва мислсиз подшоҳлик Унинг сифатидир. Ва барча оламга У моликдир, чунки У зот ҳар бир нарсага қодирдир. Хоҳлаган нарсасини пайдо қила олади ва хоҳламаган нарсаси ҳаргиз бўлмас. Ундан бошқа барча коинот Унинг маҳкумидир, фармонига мутедир. У Моликул мулк, хоҳлаган бандасига мулк ва тасарруф ато қилади ва хоҳлаган бандасидан мулк ва тасарруфни олиб қўяди. Инъом ва интиқом унинг ихтиёридадир. У бутун жаҳонни вужудга келтирган, ўлмоқ ва тирилмоқ силсиласини пайдо қилган Зотдир. Токи бу икки сифат, яъни ўлмоқ ва тирилмоқ васфлари билан бандаларни озмоиш қилади (синайди). Бирлари бандалик – яъни Мавлосига итоат қилишда бошқалардан яхшироқдир. Хуллас, қайси банда итоатсиз ва аҳли исёндир, имтиҳон қилади ва оқибатларига муносиб жазо ё сазо иноят қилади. У Парвардигор шундай марҳаматли Зотки, банда ўз хато ва исёнларига надоматда бўлиб тавба қилса, гуноҳларини мағфират қилади, даргоҳидан ноумид қайтармайди. Аллоҳ таолонинг ҳар нарсага ғолиблиги шуки, ҳеч ким Унинг мулкидан ва Унинг қабзасидан қоча олмайди ва Унинг итоб ва азобидан қутула олмайди. Ва «Ғафур»лиги будурки, агар карам қилса, бандасининг гуноҳи нақадар буюк ва беҳисоб бўлса, лаҳзада ҳаммасини афву мағфират қилади. Ва ҳеч ким унга эътироз қилолмайди. Лекин банданинг вазифаси шудирки, ҳамиша Унинг ғолиблигидан хавфда ва мағфиратидан ражода (умидворликда) бўлсин. Уламои киром бу мақомда ёзган таҳқиқларида айтибдирларки, суранинг бошида келган мавт (ўлим)дан муроди икки нарсадир. Биринчиси, пайдо бўлмасдан аввал адамда (йўқлик) бўлмоқ, иккинчиси, вужудга келгандан сўнг ўлмоқдир. Ва ҳаётдан мурод икки сифатдир. Биринчиси, адам оламидан бу дунёга келиш, иккинчиси, ўлгандан сўнг яна*

тирилмоқдир. Инсон биринчи ҳаётида имтиҳон ва озмоиш (синов) оламидадир. Иккинчи ҳаётида биринчи ҳаётида қилган ва синалган амалларининг жазо ё сазосини кўради[1].

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

تَبَٰرَكَ ٱلَّذِى بِيَدِهِ ٱلْمُلْكُ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿١﴾ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلْمَوْتَ 29 жузъ
وَٱلْحَيَوٰةَ لِيَبْلُوَكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا ۚ وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْغَفُورُ ﴿٢﴾

1-2. Подшоҳлик қўлида бўлган У Зот улуғдир. У ҳар бир нарсага қодирдир. У Парвардигор сиз бандалардан қайси бирларингиз яхши амал қилишларингизни маълум қилиш (синаш) учун ўлимни ва ҳаётни халқ қилган Зотдир. Парвардигор ҳамма нарсадан ғолиб ва (гуноҳларни) кечирувчидир.

ٱلَّذِى خَلَقَ سَبْعَ سَمَٰوَٰتٍ طِبَاقًا ۖ مَّا تَرَىٰ فِى خَلْقِ ٱلرَّحْمَٰنِ مِن تَفَٰوُتٍ ۖ
فَٱرْجِعِ ٱلْبَصَرَ هَلْ تَرَىٰ مِن فُطُورٍ ﴿٣﴾ ثُمَّ ٱرْجِعِ ٱلْبَصَرَ كَرَّتَيْنِ يَنقَلِبْ إِلَيْكَ
ٱلْبَصَرُ خَاسِئًا وَهُوَ حَسِيرٌ ﴿٤﴾

3-4. У Зот етти осмонни бирин-кетин (устма-уст) қилиб халқ қилди. Парвардигорнинг осмонни халқ қилишида ҳеч қандай нуқсонни кўрмайсан. Бас, осмонга қайтиб қарагил, унда бирор синиқ ё тешик кўрасанми? Сўнгра осмонга яна қайтиб-қайтиб қарагил, кўзинг чарчаб, ҳақиқатини кўролмай (билолмай) ўзингга қайтади.

وَلَقَدْ زَيَّنَّا ٱلسَّمَآءَ ٱلدُّنْيَا بِمَصَٰبِيحَ وَجَعَلْنَٰهَا رُجُومًا لِّلشَّيَٰطِينِ ۖ وَأَعْتَدْنَا
لَهُمْ عَذَابَ ٱلسَّعِيرِ ﴿٥﴾ وَلِلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِرَبِّهِمْ عَذَابُ جَهَنَّمَ ۖ وَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ ﴿٦﴾

5-6. Ва, (дарҳақиқат), Биз дунё осмонига чироқлар (юлдузлар) билан зийнат бердик. У юлдузларни шайтонларни ҳайдаш учун (уларга отиладиган тошлар қилиб) яратдик, токи (шайтонлар) осмонга чиқа олмасин. Ва ҳам бу шайтонлар учун дўзах азобини тайёрлаб қўйдик. Парвардигорга мункир бўлганлари учун жаҳаннам азоби муқаррардир. Жаҳаннам бориладиган кўп ёмон жойдир!

إِذَآ أُلْقُوا۟ فِيهَا سَمِعُوا۟ لَهَا شَهِيقًا وَهِىَ تَفُورُ ﴿٧﴾ تَكَادُ تَمَيَّزُ مِنَ ٱلْغَيْظِ ۖ كُلَّمَآ

[1] *Мутаржим ушбу иқтибосни Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Маданий (Олтинхон Тўра) тафсирларидан олган. Қаранг: Ал-Қуръон Ал-Карим маъноларининг таржимаси ва шарҳлари. Иккинчи нашр. Тошкент. «Фан», 2002, 582-бет.*

أُلْقِيَ فِيهَا فَوْجٌ سَأَلَهُمْ خَزَنَتُهَآ أَلَمْ يَأْتِكُمْ نَذِيرٌ ﴿٨﴾ قَالُوا۟ بَلَىٰ قَدْ جَآءَنَا نَذِيرٌ
فَكَذَّبْنَا وَقُلْنَا مَا نَزَّلَ ٱللَّهُ مِن شَىْءٍ إِنْ أَنتُمْ إِلَّا فِى ضَلَٰلٍ كَبِيرٍ ﴿٩﴾ وَقَالُوا۟ لَوْ كُنَّا
نَسْمَعُ أَوْ نَعْقِلُ مَا كُنَّا فِىٓ أَصْحَٰبِ ٱلسَّعِيرِ ﴿١٠﴾ فَٱعْتَرَفُوا۟ بِذَنۢبِهِمْ فَسُحْقًا
لِّأَصْحَٰبِ ٱلسَّعِيرِ ﴿١١﴾

29 жузъ 7-11. Вақтики кофирлар жаҳаннамга ташлансалар, жаҳаннамдан ҳайбатли (даҳшатли) овоз эшитадилар ва дўзах жўш уриб (қайнайди). У (дўзах) жўш урганидан гўё пораланиб (парчаланиб) кетгандек бўлади. Ҳар қачонки дўзахнинг муаккал фаришталари бир жамоани дўзахга ташласалар, улардан: «Оё сизларга бу азоблардан қўрқитувчи пайғамбар келмаган эдими?», – деб сўрайдилар. У жамоа (кофирлар) айтадиларки: «Оре (ҳа), (дарҳақиқат), бизларга Пайғамбар келган эди, лекин биз (уни) ёлғончи деб ишонмадик ва: «Худо бизга ҳеч нарсани нозил қилгани йўқ. Сизлар ёмон гумроҳликда (залолатда) қолган кишилардирсиз», – деб айтдик». Ва ҳам айтадиларки: «Агар биз Пайғамбарнинг насиҳатини олганимизда ва Худонинг қудратлари ҳақида ўйлаб, иймон келтирганимизда эди, биз бугун дўзах аҳлидан бўлмас эдик». Бас, ҳаммалари (ўз) гуноҳларига иқрор бўладилар, *лекин (у вақтда) фойда бермайди*. Дўзах аҳлига Худонинг раҳматидан узоқлик бўлсин!

إِنَّ ٱلَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهُم بِٱلْغَيْبِ لَهُم مَّغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ كَبِيرٌ ﴿١٢﴾ وَأَسِرُّوا۟ قَوْلَكُمْ أَوِ
ٱجْهَرُوا۟ بِهِۦٓ ۖ إِنَّهُۥ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ﴿١٣﴾ أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ ٱللَّطِيفُ
ٱلْخَبِيرُ ﴿١٤﴾

12-14. Парвардигорни кўрмасдан туриб қўрқадиган мўминлар жамоасининг гуноҳларини Худо кечиради ва уларга улуғ (ажру) савоб бордир. Сизлар хоҳ ошкора сўзланглар, хоҳ махфий сўзланглар, Аллоҳ таоло билади. Албатта, Аллоҳ таоло дилдаги махфий сирларни (билгувчи) донодир. Ахир, дилнинг (ўзини) халқ қилган Зот ундаги сирларни билмайдими? Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсанинг ҳақиқатини билади ва ундан хабардордир.

هُوَ ٱلَّذِى جَعَلَ لَكُمُ ٱلْأَرْضَ ذَلُولًا فَٱمْشُوا۟ فِى مَنَاكِبِهَا وَكُلُوا۟ مِن رِّزْقِهِۦ ۖ وَإِلَيْهِ
ٱلنُّشُورُ ﴿١٥﴾ ءَأَمِنتُم مَّن فِى ٱلسَّمَآءِ أَن يَخْسِفَ بِكُمُ ٱلْأَرْضَ فَإِذَا هِىَ تَمُورُ ﴿١٦﴾

15-16. Парвардигор сизларга ерни мусаххар қилиб қўйган Зотдир. Бас, сизлар ер атрофларида (турли жой ва бурчакларида) юринглар ва унда меҳнат қилиб, (Аллоҳ берган) ризқингизни териб енглар. Ва фақат Парвардигорнинг ҳузурига қайтиб борасизлар, *бас, шукрини бажо келтиринглар*. Эй кофирлар, сизлар ер юзига муаккал бўлган осмондаги

фаришталарнинг Худонинг амри билан сизларни ерга ютдириб юборишидан эминмисизлар?! Бас, ногоҳ у ер (титраб) энг тагига (қаърига) сизларни тортиб (кетишидан) хотиржаммисизлар?!

أَمْ أَمِنتُم مَّن فِي ٱلسَّمَآءِ أَن يُرْسِلَ عَلَيْكُمْ حَاصِبًا فَسَتَعْلَمُونَ كَيْفَ نَذِيرِ ﴿١٧﴾
وَلَقَدْ كَذَّبَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ فَكَيْفَ كَانَ نَكِيرِ ﴿١٨﴾

17-18. Оё сизлар осмондаги малоикалар Худонинг амри билан тепаларингиздан тош ёғдиришларидан хотиржаммисизлар?! Бас, тезда Менинг қўрқитишим (огоҳлантиришим) қандай эканлигини сизлар билиб оласизлар. Ва, дарҳақиқат, улардан илгари ўтган халқлар (ҳам) *Бизга мункир бўлган эдилар* ва расулларимизни ёлғончи қилган эдилар. Ҳаммалари ҳалок бўлдилар. Бас, Бизга мункир бўлганларнинг оқибатлари қандай бўлди?! 29 жузъ

أَوَلَمْ يَرَوْا۟ إِلَى ٱلطَّيْرِ فَوْقَهُمْ صَٰٓفَّٰتٍ وَيَقْبِضْنَ مَا يُمْسِكُهُنَّ إِلَّا ٱلرَّحْمَٰنُ إِنَّهُۥ
بِكُلِّ شَىْءٍۭ بَصِيرٌ ﴿١٩﴾ أَمَّنْ هَٰذَا ٱلَّذِى هُوَ جُندٌ لَّكُمْ يَنصُرُكُم مِّن دُونِ ٱلرَّحْمَٰنِ
إِنِ ٱلْكَٰفِرُونَ إِلَّا فِى غُرُورٍ ﴿٢٠﴾

19-20. Оё, тепаларида гоҳ қанотларини ёйиб, гоҳ йиғиб учиб юрган қушларга назар қилмайдиларми? Уларни Парвардигордан бошқаси тўхтатиб туролмайди. Аллоҳ таоло ҳамма нарсани кўриб тургувчидир. Оё Худодан бошқа сизларга ёрдам қилиб, Худонинг азобидан сақлаб қоладиган зот кимдир? Кофирларнинг ҳаммаси шайтоннинг фирибига (алдовига) учгандирлар.

أَمَّنْ هَٰذَا ٱلَّذِى يَرْزُقُكُمْ إِنْ أَمْسَكَ رِزْقَهُۥ بَل لَّجُّوا۟ فِى عُتُوٍّ وَنُفُورٍ ﴿٢١﴾ أَفَمَن
يَمْشِى مُكِبًّا عَلَىٰ وَجْهِهِۦٓ أَهْدَىٰٓ أَمَّن يَمْشِى سَوِيًّا عَلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٢٢﴾

21-22. Оё кимдурки, агар Худо ризқни тўхтатиб қўйса, (у) сизларга ризқ беради?! Балки бу кофирлар Парвардигордан нафратланишга ва саркашлик қилишга ёпишиб олгандирлар? Оё юзлари билан (юзтубан) ерда (қоқилиб) юрувчи мақсадга етадими ёки (тўғри йўлда) тик туриб юраётган кишими? *Албатта, тик бўлиб тўғри йўлдан юрувчи мақсадга етади.*

قُلْ هُوَ ٱلَّذِىٓ أَنشَأَكُمْ وَجَعَلَ لَكُمُ ٱلسَّمْعَ وَٱلْأَبْصَٰرَ وَٱلْأَفْـِٔدَةَ قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ
﴿٢٣﴾ قُلْ هُوَ ٱلَّذِى ذَرَأَكُمْ فِى ٱلْأَرْضِ وَإِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٢٤﴾ وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَٰذَا
ٱلْوَعْدُ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٢٥﴾ قُلْ إِنَّمَا ٱلْعِلْمُ عِندَ ٱللَّهِ وَإِنَّمَآ أَنَا۠ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٢٦﴾

23-26. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «У Парвардигор шундай зотдирки, сизларни (йўқдан бор қилиб) яратди ва сизларга қулоқ берди, кўз берди, дил берди. Лекин (сизлар жуда) кам шукр қиласизлар!» Эй

Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «У Парвардигор шундай Зотдирки, сизларни (яратиб) ер юзига ёйиб-тарқатиб юборди. Ва (Қиёматда) Худонинг ҳузурида (яна) жам бўласизлар». Ва кофирлар айтадиларки: «Агар рост айтсангизлар, бу ваъда қилинган Қиёмат қачон бўлади?» Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «Албатта, Қиёматнинг илми (қачон бўлиши) Парвардигорнинг наздидадир. Мен сизларни очиқ қўрқитувчиман, холос».

فَلَمَّا رَأَوْهُ زُلْفَةً سِيٓـَٔتْ وُجُوهُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَقِيلَ هَٰذَا ٱلَّذِى كُنتُم بِهِۦ
29 жузъ تَدَّعُونَ ﴿٢٧﴾ قُلْ أَرَءَيْتُمْ إِنْ أَهْلَكَنِىَ ٱللَّهُ وَمَن مَّعِىَ أَوْ رَحِمَنَا فَمَن يُجِيرُ
ٱلْكَٰفِرِينَ مِنْ عَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٢٨﴾

27-28. Вақтики (кофирлар) Қиёматнинг яқин келганини (уни яқиндан) кўрсалар, кофирларнинг ранглари ўчиб (қорайиб) ёмон ҳолга тушадилар. Малоикалар тарафидан уларга айтилади: «Сизлар ҳамиша «Қиёмат қачон бўлади?» - деб талаб қилар эдингизлар. Мана энди (сўраган нарсангизни) кўринглар». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «*Сизлар ҳамиша бизнинг ҳалок бўлишимизни истайсизлар.* Айтинглар-чи, агар Худойи таоло мени ва мен билан бирга мўминларни ҳалок қилса ёки раҳм қилса, *бизга улуғ ажр бордир. Энди айтинглар-чи,* сизларни ҳалок қилиб, азобга мубтало қилса, ким нажот бера олади?»

قُلْ هُوَ ٱلرَّحْمَٰنُ ءَامَنَّا بِهِۦ وَعَلَيْهِ تَوَكَّلْنَا ۖ فَسَتَعْلَمُونَ مَنْ هُوَ فِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٢٩﴾
قُلْ أَرَءَيْتُمْ إِنْ أَصْبَحَ مَآؤُكُمْ غَوْرًا فَمَن يَأْتِيكُم بِمَآءٍ مَّعِينٍ ﴿٣٠﴾

29-30. Айтгил, эй Муҳаммад (алайҳиссалом): «У Парвардигор шундай меҳрибондирки, биз Унга ишонамиз ва Унга таваккул қилгандирмиз. Бас, яқинда сизлар ким очиқ (ойдин) гумроҳликка учраганини биласизлар: *яъни, бизларми ёки сизларми?*» Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгилки: «Айтинглар-чи, мабодо ер юзидаги ҳамма сувлар ернинг тагига (сингиб) йўқ бўлиб кетса, сизларга ким оқар сув келтира олади?!» *Албатта, (фақат) Парвардигор олиб келади (келтира олади).*

Маккада нозил бўлган бу сура
эллик икки оятдан иборатдир.

Суранинг номи унинг илк оятида келган «қалам» сўзидан олинган ва у баъзан «Нун» сураси деб ҳам эсланади. Сурада Ҳазрати Пайғамбаримизнинг кофир, мушриклар таъналаридан покликлари ва аксинча, улуғ хулқ соҳиби эканликлари, Валид ибн Муғийра каби мунофиқларнинг нопок қилмишлари фош этилади. Шунингдек, бир қавм ҳақидаги ибратли, тамсилий ҳикоя ҳам келтирилади. Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломни кофир ва мушриклардан етадиган озор ва азиятларга сабру тоқат қилишга даъват этади. 29 жузъ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

نٓ ۚ وَٱلْقَلَمِ وَمَا يَسْطُرُونَ ﴿١﴾ مَآ أَنتَ بِنِعْمَةِ رَبِّكَ بِمَجْنُونٍ ﴿٢﴾ وَإِنَّ لَكَ
لَأَجْرًا غَيْرَ مَمْنُونٍ ﴿٣﴾ وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ ﴿٤﴾ فَسَتُبْصِرُ وَيُبْصِرُونَ ﴿٥﴾
بِأَييِّكُمُ ٱلْمَفْتُونُ ﴿٦﴾

1-6. Нун. *Бу (муқаттаот) ҳарфнинг маъноси Аллоҳ таологa хосдир. Ундан нимани ирода қилган бўлса, Ўзи билади.* Қасам юқоридаги (Лавҳул Маҳфуздаги) қаламга ва малоикаларнинг ёзганларигаки, Сен Парвардигорингнинг фазлу марҳамати билан мажнун эмассан. Ва, албатта, Сенга бениҳоят (адоқсиз) ажр бор. Албатта, Сен улуғ хулқ соҳибидирсан. Яқинда Сен ҳам кўрасан ва улар ҳам кўрадиларки, сизлардан ҳақиқий (асл) девона кимдир.

إِنَّ رَبَّكَ هُوَ أَعْلَمُ بِمَن ضَلَّ عَن سَبِيلِهِۦ وَهُوَ أَعْلَمُ بِٱلْمُهْتَدِينَ ﴿٧﴾ فَلَا تُطِعِ
ٱلْمُكَذِّبِينَ ﴿٨﴾ وَدُّوا۟ لَوْ تُدْهِنُ فَيُدْهِنُونَ ﴿٩﴾

7-9. Албатта, Парвардигоринг Унинг йўлидан гумроҳ бўлганнинг ҳолатини ҳам ва ҳидоят топганларнинг ҳолатини ҳам билгувчидир. Бас, инкор қилувчиларга итоат қилмагил. Улар Сени ҳамиша ўзларига мулойимлик (муросасозлик) қилишингни дўст тутадилар (хоҳлайдилар). (Чунки шунда) улар ҳам Сенинг муқобилингга мулойим (муросасоз) бўладилар.

وَلَا تُطِعْ كُلَّ حَلَّافٍ مَّهِينٍ ﴿١٠﴾ هَمَّازٍ مَّشَّآءٍ بِنَمِيمٍ ﴿١١﴾ مَّنَّاعٍ لِّلْخَيْرِ مُعْتَدٍ
أَثِيمٍ ﴿١٢﴾ عُتُلٍّ بَعْدَ ذَٰلِكَ زَنِيمٍ ﴿١٣﴾ أَن كَانَ ذَا مَالٍ وَبَنِينَ ﴿١٤﴾ إِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِ
ءَايَٰتُنَا قَالَ أَسَٰطِيرُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٥﴾ سَنَسِمُهُۥ عَلَى ٱلْخُرْطُومِ ﴿١٦﴾

10-16. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен ҳар қандай хор (беқадр, пасткаш) қасам ичувчининг сўзига, одамларнинг орқасидан таъна қилувчига (ғийбатчига), чақимчи (гап ташувчи)га, яхшиликни манъ қилувчига, кўп
29 жузъ
гуноҳ қилувчига, ёмон ахлоқли (бадхулқ) кишига, бу сифатлардан кейин ҳаромзода (насаби номаълум)га итоат қилма. *Бу оят ҳаромзода Валид ибн Мугийра шаънига нозил бўлган.* Шунинг учунки, у давлатли ва серфарзанд бўлиб, мол-дунёсига мағрур эди. Вақтики унга Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса: «Бу ўтган халқларнинг афсоналаридир», – дейди. Яқинда (тезда) унинг бурнига доғ қўямиз ва *юзини қора қиламиз, кейин дўзахга соламиз.*

إِنَّا بَلَوْنَٰهُمْ كَمَا بَلَوْنَآ أَصْحَٰبَ ٱلْجَنَّةِ إِذْ أَقْسَمُوا۟ لَيَصْرِمُنَّهَا مُصْبِحِينَ ﴿١٧﴾ وَلَا
يَسْتَثْنُونَ ﴿١٨﴾ فَطَافَ عَلَيْهَا طَآئِفٌ مِّن رَّبِّكَ وَهُمْ نَآئِمُونَ ﴿١٩﴾ فَأَصْبَحَتْ
كَٱلصَّرِيمِ ﴿٢٠﴾

17-20. Биз Қурайшни қаҳатчилик ва танглик (балоси)га мубтало қилдик, худди шундай, ўтган замонда ҳам боғ эгаларини мубтало қилган эдик. *Боғ эгалари – улар уч биродар эдилар. Оталаридан уларга бир боғ мерос қолди. Оталари солиҳ одам эди. Ҳамиша боғнинг меваларидан мискинларга тақсим қилар эди. Оталари вафот этгач, ўғилларининг очкўзлиги ва бахиллиги қўзғаб, диёнатни унутиб, мискинларга садақа қилмасдан, мевани териб олмоқчи бўлдилар.* Ўшанда улар (боғ эгалари): «Эрта билан туриб боғнинг мевасини териб оламиз», – деб қасамёд қилдилар-у, сўзларида: «Иншоаллоҳ» – Худо хоҳласа, демадилар. Улар ухлаб ётганларида Парвардигор тарафидан боққа бало (офат) келди. Бу мевазор боғни гўё ҳосили йиғиштириб олинган экинзорга айлантириб ташлади.

فَتَنَادَوْا۟ مُصْبِحِينَ ﴿٢١﴾ أَنِ ٱغْدُوا۟ عَلَىٰ حَرْثِكُمْ إِن كُنتُمْ صَٰرِمِينَ ﴿٢٢﴾ فَٱنطَلَقُوا۟ وَهُمْ
يَتَخَٰفَتُونَ ﴿٢٣﴾ أَن لَّا يَدْخُلَنَّهَا ٱلْيَوْمَ عَلَيْكُم مِّسْكِينٌ ﴿٢٤﴾ وَغَدَوْا۟ عَلَىٰ حَرْدٍ قَٰدِرِينَ
﴿٢٥﴾ فَلَمَّا رَأَوْهَا قَالُوٓا۟ إِنَّا لَضَآلُّونَ ﴿٢٦﴾ بَلْ نَحْنُ مَحْرُومُونَ ﴿٢٧﴾ قَالَ أَوْسَطُهُمْ أَلَمْ
أَقُل لَّكُمْ لَوْلَا تُسَبِّحُونَ ﴿٢٨﴾ قَالُوا۟ سُبْحَٰنَ رَبِّنَآ إِنَّا كُنَّا ظَٰلِمِينَ ﴿٢٩﴾

21-29. (Улар воқеадан бехабар) эрта билан (эрта тонгда) бир-бирларини чақирдилар ва айтдиларки: «Агар меваларни термоқчи бўлсангиз, ҳосилини йиғиштиришга эрта билан (эртароқ) ҳозир бўлинглар». Бас, улар боғ тарафга равона бўлдилар. «Токи бирор мискин хабар топиб боққа кирмасин», – деб, бир-бирлари билан паст овозда (оҳиста) сўзлашиб

борар эдилар. Ўзларини бу ишни бажаришга қодир деб, эътиқод (ишонч) қилиб эрта билан боққа борган эдилар. Вақтики боғни кўргач, бир-бирларига айтдилар: «*Биз боғ йўлини хато қилиб, бошқа одамнинг боғига келиб қолибмиз*». Ва яна айтдиларки: «Йўқ, *ундай эмас, балки* бизлар тамом мевалардан маҳрум бўлибмиз». Уларнинг ичидан ақллироғи: «Мен кеча сизларга нима учун «Иншоаллоҳ» демайсизлар, деб айтмабмидим», – деди. *Энди (қачонки) ҳушларига келгач*, айтдиларки: «Парвардигоримиз ҳамма айблардан покдир. Биз, албатта, золимлардан бўлдик!»

فَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ يَتَلَٰوَمُونَ ﴿٣٠﴾ قَالُوا۟ يَٰوَيْلَنَآ إِنَّا كُنَّا طَٰغِينَ ﴿٣١﴾ عَسَىٰ 29 жузъ
رَبُّنَآ أَن يُبْدِلَنَا خَيْرًا مِّنْهَآ إِنَّآ إِلَىٰ رَبِّنَا رَٰغِبُونَ ﴿٣٢﴾ كَذَٰلِكَ ٱلْعَذَابُ ۖ وَلَعَذَابُ
ٱلْءَاخِرَةِ أَكْبَرُ ۚ لَوْ كَانُوا۟ يَعْلَمُونَ ﴿٣٣﴾

30-33. Бас, баъзилари баъзиларига қараб маломат қилар эдиларки: «Эй, бизнинг ҳолимизга вой! Биз ҳақиқатда ҳаддимиздан ошган эканмиз. Энди шояд Парвардигор бизга раҳм қилиб зое бўлган нарсаларимиз ўрнига (ундан) яхшироғини берса. Энди биз Худо тарафига тавба қилиб, ружу қилдик». Дунёдаги азоб мана шу хилда бўлади. Агар билсангизлар, охиратнинг азоби бундан ҳам каттадир.

إِنَّ لِلْمُتَّقِينَ عِندَ رَبِّهِمْ جَنَّٰتِ ٱلنَّعِيمِ ﴿٣٤﴾ أَفَنَجْعَلُ ٱلْمُسْلِمِينَ كَٱلْمُجْرِمِينَ ﴿٣٥﴾ مَا
لَكُمْ كَيْفَ تَحْكُمُونَ ﴿٣٦﴾ أَمْ لَكُمْ كِتَٰبٌ فِيهِ تَدْرُسُونَ ﴿٣٧﴾ إِنَّ لَكُمْ فِيهِ لَمَا تَخَيَّرُونَ ﴿٣٨﴾

34-38. Албатта, муттақийлар учун Худо наздида неъматли жаннатлар бордир. Оё Биз мусулмонларнинг мартабасини гуноҳкорлар мартабасига тенг қиламизми? *Улар ҳаргиз баробар бўлмайдилар*. Сизларга нима бўлди? Қандай қилиб, *икковини баробар деб* ҳукм қиляпсизлар? Ёки сизларнинг қўлларингизда осмондан нозил бўлган китоб бор-да, ўшандан ўқиб айтаяпсизларми? У китобда сизлар ихтиёр қилган (ва бўлади деб ўйлаган) нарсаларингиз борми?

أَمْ لَكُمْ أَيْمَٰنٌ عَلَيْنَا بَٰلِغَةٌ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ ۙ إِنَّ لَكُمْ لَمَا تَحْكُمُونَ ﴿٣٩﴾ سَلْهُمْ أَيُّهُم
بِذَٰلِكَ زَعِيمٌ ﴿٤٠﴾ أَمْ لَهُمْ شُرَكَآءُ فَلْيَأْتُوا۟ بِشُرَكَآئِهِمْ إِن كَانُوا۟ صَٰدِقِينَ ﴿٤١﴾

39-41. Ёки сизларга Биз тарафимиздан Қиёматгача ўзгармайдиган (хоҳлаган нарсангиз бўлиши ҳақида) аҳд-паймон (ваъда) берилганми? Сизлар ўшанга қараб (хоҳлаганингизни) ҳукм қиласизларми? Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), улардан сўра, қайси бирлари Қиёматда бундай аҳднинг кафиллигини олади? Ёки уларнинг ёрдам берадиган шериклари борми? Агар рост айтсалар, шерикларини олиб келсинлар.

يَوْمَ يُكْشَفُ عَن سَاقٍ وَيُدْعَوْنَ إِلَى ٱلسُّجُودِ فَلَا يَسْتَطِيعُونَ ﴿٤٢﴾ خَٰشِعَةً
أَبْصَٰرُهُمْ تَرْهَقُهُمْ ذِلَّةٌ ۖ وَقَدْ كَانُوا۟ يُدْعَوْنَ إِلَى ٱلسُّجُودِ وَهُمْ سَٰلِمُونَ ﴿٤٣﴾

42-43. У кунда (Қиёматда) ҳақиқатдан парда кўтарилса (яъни соқ-болдирлар очилиб, Қиёмат ҳақиқатлари аниқ-таниқ намоён бўлиб қолса) кофирлар сажда қилишга чақирилганда, (бас), сажда қилишга қодир бўлмайдилар. Шармандаликдан ерга тикилиб қоладилар. У вақтда уларни хорлик ва расволик ўраб олади. Ваҳоланки, уларнинг (ҳаёти дунёда) сажда қилишга қудратлари етадиган вақтда саломатлик ҳолларида сажда қилишга амр қилинганларида инкор қилган эдилар.

فَذَرْنِي وَمَن يُكَذِّبُ بِهَٰذَا الْحَدِيثِ سَنَسْتَدْرِجُهُم مِّنْ حَيْثُ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٤٤﴾

29 жузъ

وَأُمْلِي لَهُمْ إِنَّ كَيْدِي مَتِينٌ ﴿٤٥﴾ أَمْ تَسْأَلُهُمْ أَجْرًا فَهُم مِّن مَّغْرَمٍ مُّثْقَلُونَ ﴿٤٦﴾

أَمْ عِندَهُمُ الْغَيْبُ فَهُمْ يَكْتُبُونَ ﴿٤٧﴾

44-47. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Қуръонни ёлғонга чиқаргувчиларни Менга қўйиб бер. Мен уларни даражама-даража (аста-секин) азоб тарафига ўзлари билмаган йўллардан олиб бораман. Ва уларга дунёда муҳлат бераман. Албатта, Менинг ҳийлам (тадбирим) мустаҳкамдир. Ёки Сен (улардан) ўз пайғамбарлигинг учун ужрат (ҳақ) сўраяпсан-да, бас, улар уни тўлашдан малолланадиларми? Ёки улар ғайб ишини (илмини) биладилару (айтаётган сўзларини) ўшандан (олиб) ёзмоқдаларми? *Йўқ! Бу ҳолатлардан ҳеч бири собит эмас. Балки кофирларнинг ўзлари Ҳақдан бош тортадилар, холос.*

فَاصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ وَلَا تَكُن كَصَاحِبِ الْحُوتِ إِذْ نَادَىٰ وَهُوَ مَكْظُومٌ ﴿٤٨﴾ لَّوْلَا

أَن تَدَارَكَهُ نِعْمَةٌ مِّن رَّبِّهِ لَنُبِذَ بِالْعَرَاءِ وَهُوَ مَذْمُومٌ ﴿٤٩﴾

48-49. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларнинг берган азобларига сабр қилиб, Парвардигорнинг ҳукмига мунтазир бўл! Балиқнинг эгаси Юнус (алайҳиссалом)га ўхшаш сабрсиз бўлмагил. Юнус (алайҳиссалом) ниҳоятда ғамга тўлиб Парвардигорга дуо қилган вақтни фикр қил. Унга Парвардигорнинг фазли ва марҳамати бўлмаганида эди, у қуруқ биёбонга ташлаб қўйилар ва маломат қилинар эди.

فَاجْتَبَاهُ رَبُّهُ فَجَعَلَهُ مِنَ الصَّالِحِينَ ﴿٥٠﴾ وَإِن يَكَادُ الَّذِينَ كَفَرُوا لَيُزْلِقُونَكَ

بِأَبْصَارِهِمْ لَمَّا سَمِعُوا الذِّكْرَ وَيَقُولُونَ إِنَّهُ لَمَجْنُونٌ ﴿٥١﴾ وَمَا هُوَ إِلَّا ذِكْرٌ

لِّلْعَالَمِينَ ﴿٥٢﴾

50-52. Лекин Парвардигор уни танлаб, унга пайғамбарлик ва ваҳий юборишни лойиқ кўрди. Бас, уни солиҳлардан қилди. Албатта, кофирлар кўзлари билан Сени ҳалок қилишига яқин қолган эди. Қуръони каримни эшитиб, айтар эдиларки: «Албатта, бу (Муҳаммад) девонадир. *Ўқиган Қуръони сеҳрдир. Бунга жинлар таълим беради*». Ваҳоланки, Қуръон Аллоҳ таоло тарафидан нозил бўлгандир. Олам аҳли учун панд ва насиҳатдир.

Маккада нозил бўлган бу сура эллик икки оятдан иборатдир.

Суранинг номи илк оятида келган «Ал-ҳоққа» сўзидан олинган. «Ҳоққа»га турли маънолар берганлар. «Ҳақ» сўзи ўзагидан келиб чиққанлиги учун ҳақ ва ҳақиқат нарсалар, аниқ рўй бергувчи, ҳақиқатан юзага келувчи ва ҳоказо. Ушбу сурада кўпроқ «Қиёмат» маъносида берилган. Дарҳақиқат, сурада Қиёмат кунидаги даҳшатли воқеалар, бандалар билан бўладиган ҳисоб-китоблар тафсилоти келтирилади. Қуръоннинг ҳақ Китоб эканлиги таъкидланади. 29 жузъ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

ٱلۡحَآقَّةُ ۝١ مَا ٱلۡحَآقَّةُ ۝٢ وَمَآ أَدۡرَىٰكَ مَا ٱلۡحَآقَّةُ ۝٣ كَذَّبَتۡ ثَمُودُ وَعَادُۢ
بِٱلۡقَارِعَةِ ۝٤ فَأَمَّا ثَمُودُ فَأُهۡلِكُواْ بِٱلطَّاغِيَةِ ۝٥ وَأَمَّا عَادٞ فَأُهۡلِكُواْ بِرِيحٖ
صَرۡصَرٍ عَاتِيَةٖ ۝٦ سَخَّرَهَا عَلَيۡهِمۡ سَبۡعَ لَيَالٖ وَثَمَٰنِيَةَ أَيَّامٍ حُسُومٗا فَتَرَى
ٱلۡقَوۡمَ فِيهَا صَرۡعَىٰ كَأَنَّهُمۡ أَعۡجَازُ نَخۡلٍ خَاوِيَةٖ ۝٧ فَهَلۡ تَرَىٰ لَهُم مِّنۢ بَاقِيَةٖ ۝٨

1-8. Қиёмат воқе бўлади. Қиёмат нимадир? Нима нарса Сени Қиёмат не эканлигидан хабардор қилди? Самуд қавми ва Од қавми Қиёматни такзиб қилдилар (ёлғонга чиқардилар). Аммо Самуд қавми(га келсак, улар) қаттиқ овоз (қичқириқ) билан ҳалок қилиндилар. Энди Од қавми(га келсак), бас, улар ҳаддан ташқари кучли шамол (бўрон) билан ҳалок қилиндилар. (Аллоҳ) уларнинг тепасига етти кеча ва саккиз кундуз шамолни мусаллат (ғолиб) қилиб қўйди. (У шамол) кеча ва кундуз бетўхтов жорий бўлар (эсиб турар) эди. Бас, у қавмнинг ер юзида йиқилиб (ҳалок бўлиб, тўнтарилиб) ётганини кўрар эдинг. (Улар) гўё томири билан ердан суғуриб ташланган (ғовак) хурмо дарахтининг танасига ўхшардилар. Уларнинг бирортаси ер юзида боқий қолганини кўрдингми? *Ҳаммаси ҳалок бўлиб кетган.*

وَجَآءَ فِرۡعَوۡنُ وَمَن قَبۡلَهُۥ وَٱلۡمُؤۡتَفِكَٰتُ بِٱلۡخَاطِئَةِ ۝٩ فَعَصَوۡاْ رَسُولَ رَبِّهِمۡ
فَأَخَذَهُمۡ أَخۡذَةٗ رَّابِيَةً ۝١٠ إِنَّا لَمَّا طَغَا ٱلۡمَآءُ حَمَلۡنَٰكُمۡ فِي ٱلۡجَارِيَةِ ۝١١ لِنَجۡعَلَهَا

لَكُمْ تَذْكِرَةً وَتَعِيَهَآ أُذُنٌ وَٰعِيَةٌ ﴿١٢﴾

9-12. Фиръавн ва ундан аввал ўтган кофирлар ва Муътафикот (тўнтарилган қавмлар) гуноҳ ишлар қилиб, бас, (ўз) пайғамбарларига нофармонлик (итоатсизлик) қилган эдилар. Бас, Парвардигор уларни қаттиқ азобга тутди. Албатта, Биз Нуҳ (алайҳиссалом) замонида тўфон суви туғён қилган вақтда боболарингиз Нуҳ (алайҳиссалом)га кемада нажот бердик, токи сизларга бу воқеа панд-ибрат бўлиши, *сақловчи қулоқлар* бу воқеани ёдда тутиши учун (шундай қилдик).

29 жузъ

فَإِذَا نُفِخَ فِى ٱلصُّورِ نَفْخَةٌ وَٰحِدَةٌ ﴿١٣﴾ وَحُمِلَتِ ٱلْأَرْضُ وَٱلْجِبَالُ فَدُكَّتَا دَكَّةً
وَٰحِدَةً ﴿١٤﴾ فَيَوْمَئِذٍ وَقَعَتِ ٱلْوَاقِعَةُ ﴿١٥﴾ وَٱنشَقَّتِ ٱلسَّمَآءُ فَهِىَ يَوْمَئِذٍ وَاهِيَةٌ
﴿١٦﴾ وَٱلْمَلَكُ عَلَىٰٓ أَرْجَآئِهَا ۚ وَيَحْمِلُ عَرْشَ رَبِّكَ فَوْقَهُمْ يَوْمَئِذٍ ثَمَٰنِيَةٌ ﴿١٧﴾
يَوْمَئِذٍ تُعْرَضُونَ لَا تَخْفَىٰ مِنكُمْ خَافِيَةٌ ﴿١٨﴾

13-18. Вақтики сур бир бор тортилса (чалинса), ер билан тоғлар кўтарилиб, бир-бирига урилиб майдаланади. Гард ва ғуборга айланади. Ўша кунда Қиёмат қоим бўлади. Осмон ёрилади. Ўша вақт осмон суст (беҳол) бўлиб қолади. Ўша кунда малоикалар осмоннинг атрофида турадилар. Парвардигорнинг Аршини саккизта малоика бошларига кўтариб турадилар. Ўша кун сизларнинг (қилган) феълларингиздан ва сўзларингиздан ҳеч бир махфий нарса қолмай, ошкора бўлади. *Ўзларингиз ҳам Худога рўбарў қилинасизлар.*

فَأَمَّا مَنْ أُوتِىَ كِتَٰبَهُۥ بِيَمِينِهِۦ فَيَقُولُ هَآؤُمُ ٱقْرَءُوا۟ كِتَٰبِيَهْ ﴿١٩﴾ إِنِّى ظَنَنتُ أَنِّى
مُلَٰقٍ حِسَابِيَهْ ﴿٢٠﴾ فَهُوَ فِى عِيشَةٍ رَّاضِيَةٍ ﴿٢١﴾ فِى جَنَّةٍ عَالِيَةٍ ﴿٢٢﴾ قُطُوفُهَا دَانِيَةٌ
﴿٢٣﴾ كُلُوا۟ وَٱشْرَبُوا۟ هَنِيٓـًٔا بِمَآ أَسْلَفْتُمْ فِى ٱلْأَيَّامِ ٱلْخَالِيَةِ ﴿٢٤﴾

19-24. Аммо номаи аъмоли ўнг қўлига берилган одам бениҳоят хурсанд бўлиб айтадики: «Келинглар (халойиқ), мана менинг номаи аъмолимни ўқинглар. Мен ўз ҳисоб-китобимга рўбарў бўлишимга яқин қилган (ишонган) эдим. *Ҳисобим осон бўлишига умид қилгандим*». Бас, у одам олий жаннатда мақбул ҳаёт кечиради. У жаннатнинг мевалари терувчиларга яқиндир. Жаннатдаги ризвон, яъни боғбон айтадики: «Бу дарахтнинг меваларидан енглар ва шарбатларидан ичинглар. Сизларга муборак бўлсин, чунки сизлар у дунёда яхши амаллар қилгансизлар».

وَأَمَّا مَنْ أُوتِىَ كِتَٰبَهُۥ بِشِمَالِهِۦ فَيَقُولُ يَٰلَيْتَنِى لَمْ أُوتَ كِتَٰبِيَهْ ﴿٢٥﴾ وَلَمْ أَدْرِ مَا
حِسَابِيَهْ ﴿٢٦﴾ يَٰلَيْتَهَا كَانَتِ ٱلْقَاضِيَةَ ﴿٢٧﴾ مَآ أَغْنَىٰ عَنِّى مَالِيَهْ ﴿٢٨﴾ هَلَكَ عَنِّى

سُلْطَٰنِيَهْ ﴿٢٩﴾

25-29. Аммо номаи аъмоли чап қўлига берилган киши, бас, надомат қилиб айтадики: «Эҳ, кошки менга бу номаи аъмол берилмаса эди, *мен бу жойда шарманда бўлмас эдим*. Эҳ, кошки ҳисобим нима (яъни ҳисоб-китоб нималигини) билмасам эди. Эҳ, кошки у дунёдаги ўлим мени йўқ қилиб юборгувчи ўлим бўлганда эди, бугун мен тирилмас эдим. Менинг мол (мансаб)им мендан азобни даф қилолмади. У дунёдаги улуғлигимнинг ҳаммаси йўқ бўлиб кетди».

خُذُوهُ فَغُلُّوهُ ﴿٣٠﴾ ثُمَّ ٱلْجَحِيمَ صَلُّوهُ ﴿٣١﴾ ثُمَّ فِى سِلْسِلَةٍ ذَرْعُهَا سَبْعُونَ ذِرَاعًا 29 жузъ
فَٱسْلُكُوهُ ﴿٣٢﴾ إِنَّهُۥ كَانَ لَا يُؤْمِنُ بِٱللَّهِ ٱلْعَظِيمِ ﴿٣٣﴾ وَلَا يَحُضُّ عَلَىٰ طَعَامِ
ٱلْمِسْكِينِ ﴿٣٤﴾ فَلَيْسَ لَهُ ٱلْيَوْمَ هَٰهُنَا حَمِيمٌ ﴿٣٥﴾ وَلَا طَعَامٌ إِلَّا مِنْ غِسْلِينٍ ﴿٣٦﴾
لَّا يَأْكُلُهُۥٓ إِلَّا ٱلْخَٰطِـُٔونَ ﴿٣٧﴾

30-37. Худо тарафидан малоикаларга амр қилинадики: «Уни ушланглар ва бўйнига ҳалқа солинглар, кейин ўтга ташланглар». Кейин малоикалар у банданинг бўйнига ҳалқа соладилар ва оёғига узунлиги етмиш газ занжир боғлайдилар. Сўнгра: «Уни дўзах тарафига тортинглар», – деб амр қилинади. Чунки у улуғ Парвардигорга иймон келтирмаган эди. Ва оч-мискинларга таом беришга тарғиб (ҳам) қилмас эди. Энди бугун уни ҳимоя қилгувчи (бирор) хешу ақрабоси йўқ. Ва унга ейишга таом ҳам йўқдир, магар дўзахийларнинг зардоби бор. Уни гуноҳкорлардан бошқа ҳеч ким емайди.

فَلَآ أُقْسِمُ بِمَا تُبْصِرُونَ ﴿٣٨﴾ وَمَا لَا تُبْصِرُونَ ﴿٣٩﴾ إِنَّهُۥ لَقَوْلُ رَسُولٍ كَرِيمٍ ﴿٤٠﴾
وَمَا هُوَ بِقَوْلِ شَاعِرٍ ۚ قَلِيلًا مَّا تُؤْمِنُونَ ﴿٤١﴾ وَلَا بِقَوْلِ كَاهِنٍ ۚ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ
﴿٤٢﴾ تَنزِيلٌ مِّن رَّبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٤٣﴾

38-43. Бас, сизларнинг ер юзида кўриб турган нарсаларингизга ва сизлар кўра олмайдиган нарсаларга қасамёд қиламанки, албатта, Қуръон улуғ Аллоҳ таолонинг сўзидир, муҳтарам Расул тиловатидир. Шоирнинг сўзи эмас, лекин сизлар ишонмайсизлар. Фолбиннинг сўзи ҳам эмас, лекин сизлар ундан панд (ибрат) олмайсизлар. Балки оламлар Парвардигори томонидан нозил қилингандир.

وَلَوْ تَقَوَّلَ عَلَيْنَا بَعْضَ ٱلْأَقَاوِيلِ ﴿٤٤﴾ لَأَخَذْنَا مِنْهُ بِٱلْيَمِينِ ﴿٤٥﴾ ثُمَّ لَقَطَعْنَا
مِنْهُ ٱلْوَتِينَ ﴿٤٦﴾ فَمَا مِنكُم مِّنْ أَحَدٍ عَنْهُ حَٰجِزِينَ ﴿٤٧﴾ وَإِنَّهُۥ لَتَذْكِرَةٌ لِّلْمُتَّقِينَ
﴿٤٨﴾ وَإِنَّا لَنَعْلَمُ أَنَّ مِنكُم مُّكَذِّبِينَ ﴿٤٩﴾ وَإِنَّهُۥ لَحَسْرَةٌ عَلَى ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٥٠﴾ وَإِنَّهُۥ

لَحَقُّ ٱلۡيَقِينِ ﴿٥١﴾ فَسَبِّحۡ بِٱسۡمِ رَبِّكَ ٱلۡعَظِيمِ ﴿٥٢﴾

44-52. Ва агар Пайғамбар Бизнинг номимиздан баъзи ёлғонларни тўқиганида эди, уни қувват (қудрат) билан ушлардик. Кейин унинг юрак томирини узиб ташлаган бўлар эдик. *Бас, у ҳалок топган бўлар-ди*. Бас, сизлар (ҳеч ким) ундан ҳалокатни даф қила олмас эдингизлар. Ва билингларки, албатта, Қуръон мутаққийларга панд ва насиҳатдир. Ва, албатта, Биз биламизки, сизлардан инкор қилувчилар бор. Ва, ал-батта, бу Қуръон кофирларга ҳасрат ва надомат сабаби бўлади. Ва, албатта, бу Қуръон гумонсиз (шубҳасиз) ҳақдир. *Худо тарафидан но-зил қилингандир*. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), улуғ Парвардигорнинг номини поклик билан ёд қилгил!

29 жузъ

Маккада нозил бўлган бу сура
қирқ тўрт оятдан иборатдир.

Суранинг номи унинг учинчи оятида ўтган «ал-Маориж» сўзидан олинган. Маориж «маърож» сўзининг кўплиги бўлиб, «юксалиш даражалари, поғоналар» деганидир. Сурада мушрикларнинг Қиёматни инкор қилишлари, лекин унинг албатта воқе бўлиши, инсон шошқалоқ ва бесабр қилиб яратилганлиги, тақвонинг инсон ҳаётидаги аҳамияти каби мавзулар баён этилган. **29 жузъ**

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

سَأَلَ سَآئِلٌۢ بِعَذَابٍ وَاقِعٍ ﴿١﴾ لِّلۡكَٰفِرِينَ لَيۡسَ لَهُۥ دَافِعٌ ﴿٢﴾ مِّنَ ٱللَّهِ ذِى
ٱلۡمَعَارِجِ ﴿٣﴾ تَعۡرُجُ ٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ وَٱلرُّوحُ إِلَيۡهِ فِى يَوۡمٍ كَانَ مِقۡدَارُهُۥ خَمۡسِينَ
أَلۡفَ سَنَةٍ ﴿٤﴾ فَٱصۡبِرۡ صَبۡرًا جَمِيلًا ﴿٥﴾ إِنَّهُمۡ يَرَوۡنَهُۥ بَعِيدًا ﴿٦﴾ وَنَرَىٰهُ قَرِيبًا ﴿٧﴾

1-7. (Бир) савол қилувчи (сўровчи киши) кофирларга воқе бўлувчи азобнинг қачон бўлишини сўради. Аллоҳ таоло тарафидан воқе бўладиган у азобни ҳеч бир даф (манъ) қилувчи бўлмас. Аллоҳ таоло баланд мартабаларнинг эгасидир. Малоикалар ҳам, Жаброил ҳам Худо амр қилган жойга борадилар. Ўша (Қиёмат) куни бу дунёнинг эллик минг йили билан баробардир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен кофирлар берган азиятларга чиройли сабр қил! Албатта, кофирлар Қиёматнинг бўлишини узоқ деб биладилар. Биз уни яқин деб биламиз.

يَوۡمَ تَكُونُ ٱلسَّمَآءُ كَٱلۡمُهۡلِ ﴿٨﴾ وَتَكُونُ ٱلۡجِبَالُ كَٱلۡعِهۡنِ ﴿٩﴾ وَلَا يَسۡـَٔلُ حَمِيمٌ
حَمِيمًا ﴿١٠﴾ يُبَصَّرُونَهُمۡۚ يَوَدُّ ٱلۡمُجۡرِمُ لَوۡ يَفۡتَدِى مِنۡ عَذَابِ يَوۡمِئِذِۭ بِبَنِيهِ ﴿١١﴾
وَصَٰحِبَتِهِۦ وَأَخِيهِ ﴿١٢﴾ وَفَصِيلَتِهِ ٱلَّتِى تُـٔۡوِيهِ ﴿١٣﴾ وَمَن فِى ٱلۡأَرۡضِ جَمِيعًا ثُمَّ
يُنجِيهِ ﴿١٤﴾ كَلَّآۖ إِنَّهَا لَظَىٰ ﴿١٥﴾ نَزَّاعَةً لِّلشَّوَىٰ ﴿١٦﴾ تَدۡعُواْ مَنۡ أَدۡبَرَ وَتَوَلَّىٰ ﴿١٧﴾
وَجَمَعَ فَأَوۡعَىٰٓ ﴿١٨﴾

8-18. У кун шундай кундирки, осмон эритилган мис каби, тоғлар титилган жунга ўхшаб қолади. У кунда ҳеч бир қариндош (дўст) бошқа бир қариндош аҳволини сўрамайди. Чунки ҳар бирларининг аҳволлари бошқаларига маълум қилинади. Кофирлар ўша куннинг азобидан болаларини, хотинларини, биродарларини (ака-укаларини) ва унга жой берган қабилаларини ва ер юзидаги тамом ашёларини (барча нарсаларни) фидя қилиб бериб бўлса ҳам қутулишни хоҳлайдилар. (Йўқ), улар ҳаргиз нажот топмайдилар. *Ўтга (жаҳаннам оловига) ташланадилар*. У ўт (кучли) шуъла ургувчидир. Териларни шилиб олгувчидир. У ўт ундан юз ўгириб
29 жузъ қочган одамни, бу дунёдаги инкор қилувчиларни, ҳақдан юз ўгирувчиларни ва дунёни жам қилиб, уни идишларга тўлдириб солиб қўювчиларни ўзига (домига) тортиб олади.

۞ إِنَّ ٱلْإِنسَٰنَ خُلِقَ هَلُوعًا ﴿١٩﴾ إِذَا مَسَّهُ ٱلشَّرُّ جَزُوعًا ﴿٢٠﴾ وَإِذَا مَسَّهُ ٱلْخَيْرُ مَنُوعًا
﴿٢١﴾ إِلَّا ٱلْمُصَلِّينَ ﴿٢٢﴾ ٱلَّذِينَ هُمْ عَلَىٰ صَلَاتِهِمْ دَآئِمُونَ ﴿٢٣﴾ وَٱلَّذِينَ فِىٓ
أَمْوَٰلِهِمْ حَقٌّ مَّعْلُومٌ ﴿٢٤﴾ لِّلسَّآئِلِ وَٱلْمَحْرُومِ ﴿٢٥﴾ وَٱلَّذِينَ يُصَدِّقُونَ بِيَوْمِ ٱلدِّينِ
﴿٢٦﴾ وَٱلَّذِينَ هُم مِّنْ عَذَابِ رَبِّهِم مُّشْفِقُونَ ﴿٢٧﴾ إِنَّ عَذَابَ رَبِّهِمْ غَيْرُ مَأْمُونٍ ﴿٢٨﴾
وَٱلَّذِينَ هُمْ لِفُرُوجِهِمْ حَٰفِظُونَ ﴿٢٩﴾ إِلَّا عَلَىٰٓ أَزْوَٰجِهِمْ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُهُمْ
فَإِنَّهُمْ غَيْرُ مَلُومِينَ ﴿٣٠﴾

19-30. Албатта, инсон бетоқат ва бесабр қилиб халқ қилингандир. Вақтики мусибат етса, бетоқатлик қилади ва вақтики давлат етса (сарфлашда) бахиллик қилади. Магар намоз ўқувчилар (ундай эмаслар). Улар намозларида давом этувчилар ва улар молларидан соиллар (сўрайдиганлар) ва муҳтожлар учун муайян насиба ажратганлар ва улар Қиёматга ишонадиган мўминлар ва улар Парвардигорининг азобидан қўрқадиганлардир. Албатта, Парвардигорнинг азоби қўрқмайдиган нарса эмасдир. Ва улар фаржларини (жинсий аъзоларини) ҳаромдан (зинодан) сақлайдиганлардир. Магар ўз хотин ва канизларига (шаҳватларини) сарф қиладиганлар, улар маломат қилинмайдилар. *Ана шу сифатларга эга бўлган зотлар Худо мусибат берса, сабр қиладилар. Худо давлат берса, инфоқэҳсон қиладилар.*

فَمَنِ ٱبْتَغَىٰ وَرَآءَ ذَٰلِكَ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْعَادُونَ ﴿٣١﴾ وَٱلَّذِينَ هُمْ لِأَمَٰنَٰتِهِمْ وَعَهْدِهِمْ
رَٰعُونَ ﴿٣٢﴾ وَٱلَّذِينَ هُم بِشَهَٰدَٰتِهِمْ قَآئِمُونَ ﴿٣٣﴾ وَٱلَّذِينَ هُمْ عَلَىٰ صَلَاتِهِمْ
يُحَافِظُونَ ﴿٣٤﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ فِى جَنَّٰتٍ مُّكْرَمُونَ ﴿٣٥﴾

31-35. Бундан бошқа сифатларни талаб қилувчи кишилар ҳаддаридан (шариат чегарасидан) тажовуз қилувчилардир. Ва яна улар (мўминлар)

қўлларидаги омонатларга ва аҳдларига риоя қилувчи, ҳақ ва ҳуқуқларга рост гувоҳлик берувчи ва намозларини ўз вақтида адо этувчи гуруҳлар бўлиб, ана шу сифатларга эга бўлган зотлар Қиёмат куни жаннатда Худонинг наздида мукаррам ва азиз бўладилар.

فَمَالِ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ قِبَلَكَ مُهْطِعِينَ ﴿٣٦﴾ عَنِ ٱلْيَمِينِ وَعَنِ ٱلشِّمَالِ عِزِينَ ﴿٣٧﴾
أَيَطْمَعُ كُلُّ ٱمْرِيٍٕ مِّنْهُمْ أَن يُدْخَلَ جَنَّةَ نَعِيمٍ ﴿٣٨﴾ كَلَّآ إِنَّا خَلَقْنَٰهُم مِّمَّا
يَعْلَمُونَ ﴿٣٩﴾ فَلَآ أُقْسِمُ بِرَبِّ ٱلْمَشَٰرِقِ وَٱلْمَغَٰرِبِ إِنَّا لَقَٰدِرُونَ ﴿٤٠﴾ عَلَىٰٓ أَن 29 жузъ
نُّبَدِّلَ خَيْرًا مِّنْهُمْ وَمَا نَحْنُ بِمَسْبُوقِينَ ﴿٤١﴾

36-41. Қиёмат куни мўминларнинг мукаррам ва азиз бўлганларини кўрганда, кофирлар ҳам умидвор бўлиб, Расулуллоҳнинг олдиларига югуришиб келишар экан. Худойи таоло тарафидан айтилар экан: «Бу кофирларга нима бўлдики, ўнг ва чап тарафдан гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Сен томонга югуриб келмоқдалар. Бу кофирлардан ҳар бир киши неъматли жаннатга киришни умид қиладиларми? (Йўқ!) Ҳаргиз ундай бўлмайди. *Иймонсиз кишининг жаннатга кириши мумкин эмас!»* Улар биладиларки, албатта, Биз уларни нутфадан (манийдан) халқ қилганмиз. *Ҳали улардан нутфанинг палидлиги кетгани йўқ.* Машриқ тарафларини ва мағриб тарафларини яратган Парвардигорнинг номига қасамки, Биз бу кофирларни ҳалок қилиб, ўринларига улардан яхшироқ одамларни яратишга қодирмиз. Биз (бу ишни қилишга) ожиз эмасмиз.

فَذَرْهُمْ يَخُوضُواْ وَيَلْعَبُواْ حَتَّىٰ يُلَٰقُواْ يَوْمَهُمُ ٱلَّذِى يُوعَدُونَ ﴿٤٢﴾ يَوْمَ يَخْرُجُونَ
مِنَ ٱلْأَجْدَاثِ سِرَاعًا كَأَنَّهُمْ إِلَىٰ نُصُبٍ يُوفِضُونَ ﴿٤٣﴾ خَٰشِعَةً أَبْصَٰرُهُمْ
تَرْهَقُهُمْ ذِلَّةٌ ذَٰلِكَ ٱلْيَوْمُ ٱلَّذِى كَانُواْ يُوعَدُونَ ﴿٤٤﴾

42-44. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен уларни ўз ҳолларига қўйиб қўй. То ваъда қилинган (Қиёмат) кунларига етгунларича, *ўша кунни кўргунларича* дунёда маишат қилиб, ўйнаб-кулиб юраверсинлар. Исрофил сурини эшитганларидан кейин ўликлар, гўё байроқ тикиб нишона қилиб қўйилган жойга югуриб борганларидек, қабрларидан югуриб (шошиб) чиқадилар. Ниҳоят даражада қўрқувдан кўзлари ерга тикилиб, хор ва залиллик билан у жойга тўпланадилар. Уларга у дунёда мана шу куннинг келишидан ваъда қилинар эди.

Маккада нозил бўлган бу сура
йигирма саккиз оятдан иборатдир.

29 жузъ *Нуҳ алайҳиссаломнинг илоҳий элчи бўлиб юборилиши ва мужодалалари ҳақида сўз юритилганидан ушбу сура «Нуҳ» номини олган. Унда Нуҳ алайҳиссаломнинг тўққиз юз эллик йил ўз қавми орасида яшаб, уларни ҳақ динга даъват этганлиги, қавми эса уни тингламагани, оқибат у зотнинг дуоси туфайли саркаш қавмнинг бошига келган тўфон балоси батафсил баён қилиб берилади. Пайғамбарларни инкор қилган қавмлар оқибат ҳалокатга дучор бўлганликлари уқтирилади.*

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

إِنَّآ أَرۡسَلۡنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوۡمِهِۦٓ أَنۡ أَنذِرۡ قَوۡمَكَ مِن قَبۡلِ أَن يَأۡتِيَهُمۡ عَذَابٌ أَلِيمٞ
١ قَالَ يَٰقَوۡمِ إِنِّي لَكُمۡ نَذِيرٞ مُّبِينٌ ٢ أَنِ ٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ وَٱتَّقُوهُ وَأَطِيعُونِ ٣
يَغۡفِرۡ لَكُم مِّن ذُنُوبِكُمۡ وَيُؤَخِّرۡكُمۡ إِلَىٰٓ أَجَلٖ مُّسَمًّىۚ إِنَّ أَجَلَ ٱللَّهِ إِذَا جَآءَ لَا يُؤَخَّرُ
لَوۡ كُنتُمۡ تَعۡلَمُونَ ٤

1-4. Биз Нуҳ (алайҳиссалом)ни ўз қавмига Пайғамбар қилиб юбордик. Нуҳга амр қилдикки: «Ўз қавмингни Худонинг азобидан қўрқитгил. Уларнинг бошларига азоб келмасидан илгари иймонга далолат қилгил». Кейин Нуҳ ўз қавмига айтди: «Эй қавмим, Мен сизларни Худонинг азобидан очиқ қўрқитувчиман. Мен сизларни бир Аллоҳга ибодат қилишга, Худодан қўрқишга ва Менинг ҳукмимга итоат қилишга даъват қиламан. Шундай қилганларингда Аллоҳ таоло сизларнинг баъзи гуноҳларингизни кечиради. Сизларни то муайян вақтгача азобламасдан муҳлат беради. Агар билсангизлар, Аллоҳ таолонинг муқаррар қилган (белгилаган) вақти келса, орқага сурилмайди».

قَالَ رَبِّ إِنِّي دَعَوۡتُ قَوۡمِي لَيۡلٗا وَنَهَارٗا ٥ فَلَمۡ يَزِدۡهُمۡ دُعَآءِيٓ إِلَّا فِرَارٗا ٦
وَإِنِّي كُلَّمَا دَعَوۡتُهُمۡ لِتَغۡفِرَ لَهُمۡ جَعَلُوٓاْ أَصَٰبِعَهُمۡ فِيٓ ءَاذَانِهِمۡ وَٱسۡتَغۡشَوۡاْ ثِيَابَهُمۡ
وَأَصَرُّواْ وَٱسۡتَكۡبَرُواْ ٱسۡتِكۡبَارٗا ٧

5-7. Нуҳ айтди: «Эй Парвардигор, мен қавмимни кеча ва кундуз тинмай даъват қилдим. Менинг чақириғим қочиш ва нафратдан бошқасини зиёда қилмади. Ва, албатта, мен уларни ҳар вақт Сен мағфират қилишинг учун динга далолат қилсам, улар менинг насиҳатимни эшитмасдик учун панжаларини қулоқларига тиқиб олар ва чопонлари (кийимлари) билан бошларини ўраб олар эдилар. Инкор қилишда мустаҳкам (собит) турар ва менга итоат қилишдан кибр қилар эдилар.

ثُمَّ إِنِّي دَعَوْتُهُمْ جِهَارًا ﴿٨﴾ ثُمَّ إِنِّي أَعْلَنتُ لَهُمْ وَأَسْرَرْتُ لَهُمْ إِسْرَارًا ﴿٩﴾ فَقُلْتُ
ٱسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ إِنَّهُۥ كَانَ غَفَّارًا ﴿١٠﴾ يُرْسِلِ ٱلسَّمَآءَ عَلَيْكُم مِّدْرَارًا ﴿١١﴾ 29 жузъ
وَيُمْدِدْكُم بِأَمْوَٰلٍ وَبَنِينَ وَيَجْعَل لَّكُمْ جَنَّٰتٍ وَيَجْعَل لَّكُمْ أَنْهَٰرًا ﴿١٢﴾ مَّا لَكُمْ لَا
تَرْجُونَ لِلَّهِ وَقَارًا ﴿١٣﴾ وَقَدْ خَلَقَكُمْ أَطْوَارًا ﴿١٤﴾

8-14. Кейин мен, албатта, уларни динга ошкора (очиқ) даъват қилдим. Сўнгра мен, албатта, уларни динга ошкора ва пинҳон даъват қилдим. Уларга айтдимки: «Гуноҳларингизга истиғфор айтинглар. (Албатта), Аллоҳ таоло кўп гуноҳларни кечиргувчидир. У сизларга баракотли ёмғир ёғдириш учун булутларни юборади ва ҳам сизларга молу мулк ва бола-чақалар ато қилиб, улар билан ёрдам беради. Кейин сизларга боғлар яратиб, анҳорлар жорий қилиб беради. Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг улуғлигига эътиқод қилмайсизлар? Ваҳоланки, Аллоҳ таоло сизларни ранг-баранг халқ қилди.

أَلَمْ تَرَوْا كَيْفَ خَلَقَ ٱللَّهُ سَبْعَ سَمَٰوَٰتٍ طِبَاقًا ﴿١٥﴾ وَجَعَلَ ٱلْقَمَرَ فِيهِنَّ نُورًا
وَجَعَلَ ٱلشَّمْسَ سِرَاجًا ﴿١٦﴾ وَٱللَّهُ أَنۢبَتَكُم مِّنَ ٱلْأَرْضِ نَبَاتًا ﴿١٧﴾ ثُمَّ يُعِيدُكُمْ فِيهَا
وَيُخْرِجُكُمْ إِخْرَاجًا ﴿١٨﴾ وَٱللَّهُ جَعَلَ لَكُمُ ٱلْأَرْضَ بِسَاطًا ﴿١٩﴾ لِّتَسْلُكُوا مِنْهَا
سُبُلًا فِجَاجًا ﴿٢٠﴾ قَالَ نُوحٌ رَّبِّ إِنَّهُمْ عَصَوْنِي وَٱتَّبَعُوا مَن لَّمْ يَزِدْهُ مَالُهُۥ وَوَلَدُهُۥٓ
إِلَّا خَسَارًا ﴿٢١﴾ وَمَكَرُوا مَكْرًا كُبَّارًا ﴿٢٢﴾

15-22. Аллоҳ таоло етти қават осмонларни қандай устма-уст халқ қилганини ва бу осмонда ойни қандай нурли ва қуёшни қандай (зиёли, ҳаётбахш) чироқ қилиб, яратиб қўйганини кўрмайсизларми? Ва Аллоҳ таоло сизларни ердан кўкартириб (ўстириб) чиқаради, кейин яна (ўлдириб) ерга қайтаради, кейин яна (тирилтириб) ердан чиқаради. Аллоҳ таоло ердаги кенг, мухталиф йўллардан юришингиз учун уни (ерни) оёқларингиз остида фирош (гиламдек текис) қилиб яратди. Нуҳ (алайҳиссалом) айтди: «Эй Парвардигор, бу қавм менга исён қилди ва моли ва фарзандлари уларга зиёндан бошқа нарса келтирмаган бошлиқларга эргашди. У қавмнинг катталари улуғ макрлар қилиб, халқни ўз тарафларига тортдилар».

وَقَالُوا لَا تَذَرُنَّ ءَالِهَتَكُمْ وَلَا تَذَرُنَّ وَدًّا وَلَا سُوَاعًا وَلَا يَغُوثَ وَيَعُوقَ وَنَسْرًا
﴿٢٣﴾ وَقَدْ أَضَلُّوا كَثِيرًا وَلَا تَزِدِ ٱلظَّٰلِمِينَ إِلَّا ضَلَٰلًا ﴿٢٤﴾ مِّمَّا خَطِيٓـَٰٔتِهِمْ أُغْرِقُوا
فَأُدْخِلُوا نَارًا فَلَمْ يَجِدُوا لَهُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ أَنصَارًا ﴿٢٥﴾

23-25. Кофирларнинг бошлиқлари тобеларига насиҳат қилиб айтдилар: «Маъбудларингиз (бутларингиз)ни ташламанглар. Вадд, Сувоъ, Яғус,
29 жузъ Яъуқ ва Насрнинг ибодатларини тарк этманглар». Ваҳоланки, у бутлар кўп одамларни гумроҳ қилди. Эй Парвардигор, золимларга гумроҳликдан бошқа нарсани зиёда қилма!» Улар гуноҳлари туфайли тўфон сувига ғарқ қилиндилар. Охири дўзахга киритиладилар. Бас, улар ўзларига Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай ёрдамчи топа олмадилар.

وَقَالَ نُوحٌ رَّبِّ لَا تَذَرْ عَلَى ٱلْأَرْضِ مِنَ ٱلْكَٰفِرِينَ دَيَّارًا ﴿٢٦﴾ إِنَّكَ إِن تَذَرْهُمْ
يُضِلُّوا عِبَادَكَ وَلَا يَلِدُوٓا إِلَّا فَاجِرًا كَفَّارًا ﴿٢٧﴾ رَّبِّ ٱغْفِرْ لِى وَلِوَٰلِدَىَّ وَلِمَن
دَخَلَ بَيْتِىَ مُؤْمِنًا وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ وَلَا تَزِدِ ٱلظَّٰلِمِينَ إِلَّا تَبَارًا ﴿٢٨﴾

26-28. Нуҳ Парвардигорга дуо қилиб айтдики: «Эй Парвардигор, ер юзида кофирлардан бирор сукунат қилувчи (яшаб қолувчи) кофирни қўймагил. Агар уларни тирик қўйсанг, бошқа бандаларингни ҳам гумроҳ қиладилар. Ўзларидан фожирлар ва кофирлардан бошқа фарзандлар қолдирмайдилар. Эй Парвардигоро, менинг гуноҳимни кечиргил ва ота-онамнинг гуноҳларини кечиргил. Менинг динимга кирган мўмин ва мўминаларнинг ҳам гуноҳларини кечиргил. Ва золимларга ҳалокатдан бошқа нарсани зиёда қилмагил».

Маккада нозил бўлган бу сура йигирма саккиз оятдан иборатдир.

Жинлар Қуръонни тинглаб ҳидоятга эришганлиги ҳақида хабар берилгани 29 жузъ
учун бу сура «Жин» номини олган. Пайғамбар алайҳиссалом амакилари Абу Толиб ва завжалари Хадичадан айрилгандан сўнг Тоифга кетиб, у ерда нохуш ҳодисаларга дуч келганлар. Ўша пайтларда Қурайш мушриклари ҳам мусулмонларга қарши душманликларини янада зиёда қилган эдилар. Шунинг учун Тоифдан қайтишда нозил бўлган ва Расули акрамга тасалли берган бу сура нафақат инсонларнинг, балки жинларнинг ҳам Қуръонга тобе бўлганликларини билдиради. Исломнинг зафар хушхабарини етказади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

قُلْ أُوحِيَ إِلَيَّ أَنَّهُ اسْتَمَعَ نَفَرٌ مِّنَ الْجِنِّ فَقَالُوا إِنَّا سَمِعْنَا قُرْآنًا عَجَبًا ﴿١﴾ يَهْدِي
إِلَى الرُّشْدِ فَآمَنَّا بِهِ وَلَن نُّشْرِكَ بِرَبِّنَا أَحَدًا ﴿٢﴾ وَأَنَّهُ تَعَالَىٰ جَدُّ رَبِّنَا مَا اتَّخَذَ
صَاحِبَةً وَلَا وَلَدًا ﴿٣﴾

1-3. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирларга айтгил: «Парвардигор тарафидан менга ваҳий қилиндики, бир жамоа жинлар *Батни Нахла* деган жойда Қуръонни эшитган ва иймон келтирган эдилар. (Улар) ўз қавмларига бориб айтдиларки: «Биз ажойиб Қуръон тиловатини эшитдик. *Биз ундан таъсирланиб таажжубландик.* У инсоннинг каломига ўхшамайди. Тўғри йўлга ҳидоят қилади. Биз унга иймон келтирдик. Ва энди бизлар Парвардигорнинг ибодатига ҳеч кимни шерик қилмаймиз. Ва, албатта, Парвардигорнинг азамати улуғдир. Парвардигор ўзига хотин ихтиёр қилгани йўқ ва фарзанд ҳам тутгани йўқ. *Бу ишлардан покдир.*

وَأَنَّهُ كَانَ يَقُولُ سَفِيهُنَا عَلَى اللَّهِ شَطَطًا ﴿٤﴾ وَأَنَّا ظَنَنَّا أَن لَّن تَقُولَ الْإِنسُ
وَالْجِنُّ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا ﴿٥﴾ وَأَنَّهُ كَانَ رِجَالٌ مِّنَ الْإِنسِ يَعُوذُونَ بِرِجَالٍ مِّنَ الْجِنِّ
فَزَادُوهُمْ رَهَقًا ﴿٦﴾ وَأَنَّهُمْ ظَنُّوا كَمَا ظَنَنتُمْ أَن لَّن يَبْعَثَ اللَّهُ أَحَدًا ﴿٧﴾

4-7. Илгари бизнинг жоҳилларимиз Парвардигорнинг шаънига ҳар хил беҳуда сўзларни айтар эдилар, ва, албатта, биз: «Инсон бўлсин, ё жин

бўлсин, Парвардигорнинг шаънига ёлғон гапирмайди», – деб гумон қилар эдик. Илгари инсонлардан бир жамоа эркаклар бир жамоа жинлардан паноҳ сўрардилар. Бас, инсонларнинг бу феъллари жинларнинг саркашлигини зиёда қилди, *чунки кофирлар жамоаси биёбонларда сафар қилсалар: «Шу биёбоннинг шарридан (сақланиш учун) биёбоннинг жинларидан паноҳ тилаймиз», – деб айтардилар.* Ва, албатта, эй жинлар, одамларнинг кофирлари ҳам сизларга ўхшаб: «Худойи таоло ўликлардан ҳеч кимни тирилтирмайди», – деб гумон қилар эдилар.

29 жузъ

وَأَنَّا لَمَسْنَا ٱلسَّمَآءَ فَوَجَدْنَٰهَا مُلِئَتْ حَرَسًا شَدِيدًا وَشُهُبًا ﴿٨﴾ وَأَنَّا كُنَّا نَقْعُدُ
مِنْهَا مَقَٰعِدَ لِلسَّمْعِ ۖ فَمَن يَسْتَمِعِ ٱلْءَانَ يَجِدْ لَهُۥ شِهَابًا رَّصَدًا ﴿٩﴾ وَأَنَّا لَا نَدْرِىٓ
أَشَرٌّ أُرِيدَ بِمَن فِى ٱلْأَرْضِ أَمْ أَرَادَ بِهِمْ رَبُّهُمْ رَشَدًا ﴿١٠﴾

8-10. Ва, (албатта), биз (ғайб хабарларини эшитиш учун) осмонга қўлимизни етказганимизда осмонни ниҳоятда мустаҳкам, қаттиқ (кучли) сақловчилар (қўриқчилар) билан тўла топдик. Ва ҳам (бизларга отиладиган шуълали) учқунларни кўрдик. Ва илгари биз гап эшитиш (ўғирлаш) учун осмон яқинига ўтириб олардик. Энди эса кимки гап олишни истаб (у ерга) борса, уни пойлаб турган осмон сақловчиларига, учқунларга дучор бўлади. Ва, албатта, биз бу ишлардан Парвардигор ер юзидаги одамларга шаррни (ёмонликни) ирода қилганми, ё хайрни (яхшиликни) ирода қилганми, ё ер аҳлига рушду ҳидоятни истаганми, билмаймиз.

وَأَنَّا مِنَّا ٱلصَّٰلِحُونَ وَمِنَّا دُونَ ذَٰلِكَ ۖ كُنَّا طَرَآئِقَ قِدَدًا ﴿١١﴾ وَأَنَّا ظَنَنَّآ أَن لَّن
نُّعْجِزَ ٱللَّهَ فِى ٱلْأَرْضِ وَلَن نُّعْجِزَهُۥ هَرَبًا ﴿١٢﴾

11-12. Ва бизларнинг баъзиларимиз солиҳлардан бўлсак-да, баъзиларимиз гуноҳкорларданмиз. Ва бизлар ҳам инсонларга ўхшаш мухталиф (турли) фирқалардирмиз. Ва, (албатта), биз билдикки, ҳар ерда бўлсак ҳам, Худони ожиз қолдиролмаймиз ва Ундан қочиб ҳам кета олмаймиз.

وَأَنَّا لَمَّا سَمِعْنَا ٱلْهُدَىٰٓ ءَامَنَّا بِهِۦ ۖ فَمَن يُؤْمِنۢ بِرَبِّهِۦ فَلَا يَخَافُ بَخْسًا وَلَا رَهَقًا
﴿١٣﴾ وَأَنَّا مِنَّا ٱلْمُسْلِمُونَ وَمِنَّا ٱلْقَٰسِطُونَ ۖ فَمَنْ أَسْلَمَ فَأُو۟لَٰٓئِكَ تَحَرَّوْا۟ رَشَدًا
﴿١٤﴾ وَأَمَّا ٱلْقَٰسِطُونَ فَكَانُوا۟ لِجَهَنَّمَ حَطَبًا ﴿١٥﴾

13-15. Ва, биз Қуръонни эшитган вақтимизда унга иймон келтирдик. Ҳар ким Парвардигорга иймон келтирса, бас, у одам нуқсондан ва зулму ситамдан қўрқмайди. Ва биздан баъзиларимиз мусулмон бўлдик ва баъзиларимиз кофирлигича қолди. Кимки Ислом келтирса (мусулмон бўлса), у тўғри йўлни қасд қилибди (танлабди). Аммо кофирлигича қолганлар жаҳаннамга ўтин бўладилар».

وَأَلَّوِ ٱسْتَقَٰمُوا۟ عَلَى ٱلطَّرِيقَةِ لَأَسْقَيْنَٰهُم مَّآءً غَدَقًا ﴿١٦﴾ لِّنَفْتِنَهُمْ فِيهِ ۚ وَمَن
يُعْرِضْ عَن ذِكْرِ رَبِّهِۦ يَسْلُكْهُ عَذَابًا صَعَدًا ﴿١٧﴾

16-17. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), менга ушбу ваҳий қилинди деб айттил: «Ва агар қурайшликлар иймон келтириб, тўғри йўлда мустаҳкам бўлсалар, уларни ёмғирлар билан сероб қилиб, улардан очарчиликни зойил қилар эдик. Кейин уларни неъматнинг шукрини бажо келтирадиларми, ё йўқми – синар эдик. Ва кимки ўз Парвардигорининг ёдидан (зикридан)
юз ўгирса ва неъматларига шукр қилмаса, Аллоҳ таоло уни қаттиқ азобга 29 жузъ
йўллаб қўяди».

وَأَنَّ ٱلْمَسَٰجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا۟ مَعَ ٱللَّهِ أَحَدًا ﴿١٨﴾ وَأَنَّهُۥ لَمَّا قَامَ عَبْدُ ٱللَّهِ يَدْعُوهُ
كَادُوا۟ يَكُونُونَ عَلَيْهِ لِبَدًا ﴿١٩﴾

18-19. Ва яна Менга ваҳий қилинди деб айттил: «(Албатта), масжидларнинг ҳаммаси Худога хосдир. *У хос жойда Парвардигорга ибодат қилиш керак.* Бас, Парвардигорга ибодат қилишда Унга бирор нарсани шерик қилиб қўшманглар». Вақтики Худонинг бандаси Муҳаммад (алайҳиссалом) у жойдан туриб, Парвардигорга намоз ўқишни бошлаганларида жинлар Қуръон қироатини эшитиш учун ниҳоятда шавқланиб кетганларидан Расулуллоҳнинг устига ёпишиб олишларига яқин қолди.

قُلْ إِنَّمَآ أَدْعُوا۟ رَبِّى وَلَآ أُشْرِكُ بِهِۦٓ أَحَدًا ﴿٢٠﴾ قُلْ إِنِّى لَآ أَمْلِكُ لَكُمْ ضَرًّا وَلَا
رَشَدًا ﴿٢١﴾

20-21. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мушрикларга айттил: «(Албатта), мен бир (якка-ягона) Парвардигоримга ибодат қиламан ва Унга ҳеч кимни шерик қилмайман». Эй Муҳаммад (алайҳиссалом) айттил: «(Албатта), мен сизларга зарар ҳам, фойда ҳам етказишга молик эмасман».

قُلْ إِنِّى لَن يُجِيرَنِى مِنَ ٱللَّهِ أَحَدٌ وَلَنْ أَجِدَ مِن دُونِهِۦ مُلْتَحَدًا ﴿٢٢﴾ إِلَّا بَلَٰغًا مِّنَ
ٱللَّهِ وَرِسَٰلَٰتِهِۦ ۚ وَمَن يَعْصِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ فَإِنَّ لَهُۥ نَارَ جَهَنَّمَ خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًا
﴿٢٣﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا رَأَوْا۟ مَا يُوعَدُونَ فَسَيَعْلَمُونَ مَنْ أَضْعَفُ نَاصِرًا وَأَقَلُّ عَدَدًا ﴿٢٤﴾

22-24. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом) айттил: «Агар Худо менга азоб берса, (албатта), ҳеч ким менга Худонинг азобидан нажот беролмайди ва Худонинг даргоҳидан бошқа жойдан паноҳ тополмайман. Фақат қўлимдан келгани шуки, Худонинг ҳукмларини сизларга етказаман ва рисолатнинг вазифасини адо этаман. Кимки Худога ва Расулига нофармончилик (исён) қилса, бас, (албатта), ундай одамга жаҳаннамнинг ўти тайёрдир. Унда ҳамиша (абадий) қолади». Вақтики кофирлар ўзларига ваъда қилинган азобни кўрсалар, бас, у ерда кимнинг ёрдамчиси йўқлигини, заифлигини ва кимнинг сони озлигини биладилар.

قُلْ إِنْ أَدْرِىٓ أَقَرِيبٌ مَّا تُوعَدُونَ أَمْ يَجْعَلُ لَهُۥ رَبِّىٓ أَمَدًا ﴿٢٥﴾ عَٰلِمُ ٱلْغَيْبِ فَلَا
يُظْهِرُ عَلَىٰ غَيْبِهِۦٓ أَحَدًا ﴿٢٦﴾ إِلَّا مَنِ ٱرْتَضَىٰ مِن رَّسُولٍ فَإِنَّهُۥ يَسْلُكُ مِنۢ بَيْنِ
يَدَيْهِ وَمِنْ خَلْفِهِۦ رَصَدًا ﴿٢٧﴾ لِّيَعْلَمَ أَن قَدْ أَبْلَغُوا۟ رِسَٰلَٰتِ رَبِّهِمْ وَأَحَاطَ بِمَا
لَدَيْهِمْ وَأَحْصَىٰ كُلَّ شَىْءٍ عَدَدًۢا ﴿٢٨﴾

29 жузъ

25-28. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), айтгил: «Сизларга ваъда қилинган азоб яқинми ёки Парвардигорим унга узоқ муддат қўйиганми, мен билмайман. Фақат Парвардигор ғайб (сирлари)ни билгувчидир. Ғайб ишларни ҳеч кимга изҳор қилмайди. Магар Ўзи рози бўлган Расулигагина (Ўзининг баъзи сирини) изҳор қилади. У Расулнинг олдидан ҳам, орқасидан ҳам сақловчи (муҳофизакор) малоикалар уни сақлаб юрадилар. Токи Пайғамбар, Жаброил ва у билан келган бошқа малоикалар Худонинг ҳукмини етказганликларини билсинлар ва *шоҳид бўлсинлар*. Ва Аллоҳ таолонинг илми малоикаларнинг (ё пайғамбарнинг) олдиларидаги вазифаларни иҳота қилиб олгандир. Ва ҳам Парвардигор ҳар бир нарсанинг ададини (саноғини) билади».

Маккада нозил бўлган бу сура йигирма оятдан иборатдир.

Суранинг 10, 11 ва 20-оятлари Мадинада нозил бўлганлиги ривоят қилинади. Унинг номи илк оятидаги «ал-Муззаммил» сўзидан олинган. «Муззаммил» — ўраниб олувчи маъносини билдиради. Бу сурада Ҳазрати Пайғамбаримизнинг мушриклар азиятларига сабр қилишлари, тунги ибодатлари, Қуръон тиловатлари, Қиёмат ҳодисалари ва бошқа воқеалар баёни келтирилган. 29 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

يَٰٓأَيُّهَا ٱلْمُزَّمِّلُ ﴿١﴾ قُمِ ٱلَّيْلَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٢﴾ نِّصْفَهُۥٓ أَوِ ٱنقُصْ مِنْهُ قَلِيلًا ﴿٣﴾
أَوْ زِدْ عَلَيْهِ وَرَتِّلِ ٱلْقُرْءَانَ تَرْتِيلًا ﴿٤﴾ إِنَّا سَنُلْقِى عَلَيْكَ قَوْلًا ثَقِيلًا ﴿٥﴾
إِنَّ نَاشِئَةَ ٱلَّيْلِ هِىَ أَشَدُّ وَطْـًٔا وَأَقْوَمُ قِيلًا ﴿٦﴾

1-6. Эй чодирга ўраниб ётувчи, кечада туриб ибодат қилгил, магар озроғида ухласанг майли. У кечанинг ярми, ёки ундан камроқ, ёки ярмидан зиёдароғида ухласанг ҳам майли. Ва Қуръонни равшан (донадона, аниқ қилиб) тиловат қилгил. Биз яқинда Сенга ваҳий орқали оғир ҳукмлар юборамиз. Албатта, кечаси туриб ибодат қилиш нафсга машаққатдир. Ва, аммо, Қуръон ўқиш (дуо ва ибодатлар) яхшидир. *(Чунки тил ва қалбга уйғун ва мувофиқроқ келади).*

إِنَّ لَكَ فِى ٱلنَّهَارِ سَبْحًا طَوِيلًا ﴿٧﴾ وَٱذْكُرِ ٱسْمَ رَبِّكَ وَتَبَتَّلْ إِلَيْهِ تَبْتِيلًا ﴿٨﴾ رَّبُّ
ٱلْمَشْرِقِ وَٱلْمَغْرِبِ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ فَٱتَّخِذْهُ وَكِيلًا ﴿٩﴾ وَٱصْبِرْ عَلَىٰ مَا يَقُولُونَ
وَٱهْجُرْهُمْ هَجْرًا جَمِيلًا ﴿١٠﴾

7-10. Кундуз куни Сенга машғулот кўпдир. Кечаси дилингни ҳар тарафдан узиб, Парвардигорга мутаважжиҳ қилиб (боғлаб), доим Уни зикр қилгил. У машриқ ва мағрибнинг Парвардигоридир. Ундан бошқа ҳеч маъбуд йўқдир. Барча ишларингни Унга топширгил. Кофирларнинг айтган сўзларига сабр қил. Улар билан жанжал қилмасдан (талашиб-тортишмасдан) мулойимлик (яхшилик) билан жудо бўл (ажраш).

وَذَرْنِي وَٱلْمُكَذِّبِينَ أُو۟لِي ٱلنَّعْمَةِ وَمَهِّلْهُمْ قَلِيلًا ﴿١١﴾ إِنَّ لَدَيْنَآ أَنكَالًا وَجَحِيمًا ﴿١٢﴾
وَطَعَامًا ذَا غُصَّةٍ وَعَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٣﴾ يَوْمَ تَرْجُفُ ٱلْأَرْضُ وَٱلْجِبَالُ وَكَانَتِ
ٱلْجِبَالُ كَثِيبًا مَّهِيلًا ﴿١٤﴾

11-14. Ва (эй Муҳаммад алайҳиссалом, Қуръонни, даъватларингни)
инкор қилган аҳли давлатларни Менга қўйиб бер. Уларнинг ишини Менга
29 жузъ топшир ва уларга озгина муҳлат бер. Албатта, Бизнинг наздимизда улар
учун дўзахда бўйниларига солинадиган занжирлар бор ва ёниб турган
ўтлар бор, томоққа тиқиладиган овқатлар ва ҳам аламли азоблар бордир.
Қиёмат кунида ер изтиробга (ларзага) тушади, тоғлар чангиб кетган қумга
айланади.

إِنَّآ أَرْسَلْنَآ إِلَيْكُمْ رَسُولًا شَٰهِدًا عَلَيْكُمْ كَمَآ أَرْسَلْنَآ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ رَسُولًا ﴿١٥﴾
فَعَصَىٰ فِرْعَوْنُ ٱلرَّسُولَ فَأَخَذْنَٰهُ أَخْذًا وَبِيلًا ﴿١٦﴾ فَكَيْفَ تَتَّقُونَ إِن كَفَرْتُمْ يَوْمًا
يَجْعَلُ ٱلْوِلْدَٰنَ شِيبًا ﴿١٧﴾

15-17. Эй Қурайш аҳли, Фиръавнга (Ҳазрати) Мусони Пайғамбар қилиб юборганимиздек, албатта, Биз сизларга ҳам ўзларингиздан (бўлган) Пайғамбар юбордик. Қиёмат куни сизларнинг амалларингизга гувоҳлик беради. Бас, Фиръавн Расулга осий бўлди. Бас, Биз уни қаттиқ азобга мубтало қилдик. Эй кофирлар, агар кофир бўлиб Қиёматга борсангизлар, жонларингизни ўша куннинг жуда шиддатли азобидан қандай сақлайсизлар? (Ахир) у куннинг даҳшати ёш болаларни мўйсафид (оқсоч)га айлантириб юборади-ку!

ٱلسَّمَآءُ مُنفَطِرٌۢ بِهِۦ ۚ كَانَ وَعْدُهُۥ مَفْعُولًا ﴿١٨﴾ إِنَّ هَٰذِهِۦ تَذْكِرَةٌ ۖ فَمَن شَآءَ
ٱتَّخَذَ إِلَىٰ رَبِّهِۦ سَبِيلًا ﴿١٩﴾

18-19. (У кунда) осмон парчаланиб кетади. Парвардигорнинг ваъдаси, албатта, бўлади. Албатта, бу сўзлар (оятлар) сизларга насиҳатдир. Бас, ким хоҳласа, насиҳатга амал қилиб, ўз Парвардигори тарафига йўл олади.

۞ إِنَّ رَبَّكَ يَعْلَمُ أَنَّكَ تَقُومُ أَدْنَىٰ مِن ثُلُثَىِ ٱلَّيْلِ وَنِصْفَهُۥ وَثُلُثَهُۥ وَطَآئِفَةٌ مِّنَ ٱلَّذِينَ
مَعَكَ ۚ وَٱللَّهُ يُقَدِّرُ ٱلَّيْلَ وَٱلنَّهَارَ ۚ عَلِمَ أَن لَّن تُحْصُوهُ فَتَابَ عَلَيْكُمْ ۖ فَٱقْرَءُوا۟ مَا تَيَسَّرَ
مِنَ ٱلْقُرْءَانِ ۚ عَلِمَ أَن سَيَكُونُ مِنكُم مَّرْضَىٰ ۙ وَءَاخَرُونَ يَضْرِبُونَ فِى ٱلْأَرْضِ
يَبْتَغُونَ مِن فَضْلِ ٱللَّهِ ۙ وَءَاخَرُونَ يُقَٰتِلُونَ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ ۖ فَٱقْرَءُوا۟ مَا تَيَسَّرَ مِنْهُ ۚ
وَأَقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُوا۟ ٱلزَّكَوٰةَ وَأَقْرِضُوا۟ ٱللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا ۚ وَمَا تُقَدِّمُوا۟ لِأَنفُسِكُم

مِّنْ خَيْرٍ تَجِدُوهُ عِندَ ٱللَّهِ هُوَ خَيْرًا وَأَعْظَمَ أَجْرًا ۚ وَٱسْتَغْفِرُوا۟ ٱللَّهَ ۖ إِنَّ
ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٢٠﴾

20. Албатта, Парвардигоринг биладики, Сен ибодатта кечанинг икки ҳиссасига яқин турасан, гоҳ ярмида турасан, гоҳ учдан бирида турасан. Бир тоифа мўминлар (саҳобалар)нинг ҳам Сен билан бирга шундай қилишларини (Аллоҳ) билади. Аллоҳ таоло кеча ва кундузнинг соатларини (маълум ўлчовда) андоза қилиб қўйгандир. Аллоҳ таоло кечанинг ҳаммасида туролмасликларингизни билди ва, бас, энди сизларга қайта енгиллик (ато) қилди. *Кечада туриб қудрат (имкон)ларингиз етган миқдорда ибодат қилинглар.* Бас, энди Қуръондан ҳар қанча (миқдор) муяссар бўлса, ўқийверинглар. Аллоҳ таоло сизлардан касал бўладиганлар борлигини билади. Сизлардан бир жамоа ер юзида сафар қилиб, Аллоҳнинг ризқини талаб қилишини ва бошқа бир жамоа Худонинг йўлида жиҳод қилишини (ҳам Аллоҳ таоло билади). Бас, энди Қуръондан ҳар қанча (миқдор) муяссар бўлса, ўқийверинглар ва намозни барпо қилинглар, закот беринглар ва Худога ихлос билан қарзи ҳасана беринглар. Ҳар бир (яхши) амални қилиб, ўз нафсингизнинг фойдаси учун охиратга юборсангизлар, Худонинг наздида ажрини топасизлар. Сизларнинг шундай қилишларингиз яхшироқ ва ажри ҳам улуғроқ бўлар эди. Аллоҳ таолодан гуноҳларингизни кечиришини сўранглар. Албатта, Аллоҳ таоло гуноҳларни кечирувчи ва меҳрибондир.

29 жузъ

Маккада нозил бўлган бу сура
эллик олти оятдан иборатдир.

29 жузъ *Суранинг номи унинг илк оятида келган либосига бурканиб ётувчи маъносини билдирувчи «ал-Муддассир» сўзидан олинган. Бу оят Пайғамбаримиз алайҳиссаломга хитоб қилинган илк оятдир. «Муззаммил» сурасидан олдин нозил этилган бу суранинг бошида Аллоҳ таоло инсонларга илоҳий таълимотни етказишда Расулини собитқадам бўлишга чақиради. Шунингдек, кофирларга Қиёмат кунида бўладиган азобнинг ҳақлиги, фосиқ Валид ибн Муғиранинг аянчли аҳволи, жаннат ва дўзах аҳлининг мулоқотлари ва ҳоказо воқеалар баён қилинади.*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

يَٰٓأَيُّهَا ٱلْمُدَّثِّرُ ﴿١﴾ قُمْ فَأَنذِرْ ﴿٢﴾ وَرَبَّكَ فَكَبِّرْ ﴿٣﴾ وَثِيَابَكَ فَطَهِّرْ ﴿٤﴾ وَٱلرُّجْزَ
فَٱهْجُرْ ﴿٥﴾

1-5. *Расулуллоҳ(га) дастлабки ваҳий келиш пайтларида ҳануз ваҳий фариштасини кўришга одатланмаган эдилар. (Иттифоқо), Жаброил алайҳиссаломни осмон билан ернинг ўртасида фаришта суратида кўрганларида қўрқиб, уйларига қайтиб келдилар. Қўрқувдан баданлари титраб, аёлларига айтдиларки: «Мени ўраб қўйинглар». Шу ўралиб ётган ҳолларида Парвардигордан хитоб бўлдики:* «Эй (либосларига) ўраниб ётган (зот), тур ўрнингдан. Худонинг амрини бажо келтиргил! Парвардигорингни улуғлик билан ёд қилгил. Либосларингни пок тутгил. Палидликлардан (гуноҳлардан) йироқ бўлгил.

وَلَا تَمْنُن تَسْتَكْثِرُ ﴿٦﴾ وَلِرَبِّكَ فَٱصْبِرْ ﴿٧﴾ فَإِذَا نُقِرَ فِى ٱلنَّاقُورِ ﴿٨﴾ فَذَٰلِكَ
يَوْمَئِذٍ يَوْمٌ عَسِيرٌ ﴿٩﴾ عَلَى ٱلْكَٰفِرِينَ غَيْرُ يَسِيرٍ ﴿١٠﴾

6-10. Бировларга кўп ҳисоблаб (миннат) қилган ҳолда эҳсон қилмагил. Парвардигоринг ҳукмини бажаришда машаққатларга сабр қилгил». Вақтики Исрофил (алайҳиссалом)нинг сури чалинса, у Кун оғир кун бўлади. Хусусан, (у кунда) кофирларга осон бўлмайди.

ذَرْنِي وَمَنْ خَلَقْتُ وَحِيدًا ﴿١١﴾ وَجَعَلْتُ لَهُۥ مَالًا مَّمْدُودًا ﴿١٢﴾ وَبَنِينَ شُهُودًا
﴿١٣﴾ وَمَهَّدتُّ لَهُۥ تَمْهِيدًا ﴿١٤﴾

11-14. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Мен яратган вақтимда ҳеч нарсаси йўқ, танҳо бўлган одамни Мен билан қўйгил ва унинг ишини Менга топширгил. Кейин унга кўп мол-дунё бердим ва олдида хизматга ҳозир бўлиб турадиган фарзандлар ато этдим. Ҳар бир нарсада унга кенгликмўллик бердим.

ثُمَّ يَطْمَعُ أَنْ أَزِيدَ ﴿١٥﴾ كَلَّآ إِنَّهُۥ كَانَ لِـَٔايَٰتِنَا عَنِيدًا ﴿١٦﴾ سَأُرْهِقُهُۥ صَعُودًا 29 жузъ
﴿١٧﴾ إِنَّهُۥ فَكَّرَ وَقَدَّرَ ﴿١٨﴾ فَقُتِلَ كَيْفَ قَدَّرَ ﴿١٩﴾ ثُمَّ قُتِلَ كَيْفَ قَدَّرَ ﴿٢٠﴾ ثُمَّ نَظَرَ
﴿٢١﴾ ثُمَّ عَبَسَ وَبَسَرَ ﴿٢٢﴾

15-22. Яна у зиёда қилиб беришимни тамаъ қилади. (Йўқ!) Ҳаргиз ундай қилмайман, чунки у Бизнинг оятларимизга душмандир. Яқинда унга оғир кулфатлар бераман, чунки у Қуръон тўғрисида дилида (ёмон фикрларни) ўйлади ва (уни амалга оширишни) муқаррар қилди?! Худонинг лаънатига гирифтор бўлсин, яна қандай ўйлар (ёмон режалар) муқаррар қилди?! Сўнгра яна Худонинг лаънатига гирифтор бўлсин, яна қандай ўйлар муқаррар қилди?! Кейин Қуръон тўғрисида назар қилди. Кейин аччиқланиб юзини буриштирди ва пешонасини тириштирди.

ثُمَّ أَدْبَرَ وَٱسْتَكْبَرَ ﴿٢٣﴾ فَقَالَ إِنْ هَٰذَآ إِلَّا سِحْرٌ يُؤْثَرُ ﴿٢٤﴾ إِنْ هَٰذَآ إِلَّا قَوْلُ ٱلْبَشَرِ
﴿٢٥﴾ سَأُصْلِيهِ سَقَرَ ﴿٢٦﴾ وَمَآ أَدْرَىٰكَ مَا سَقَرُ ﴿٢٧﴾ لَا تُبْقِي وَلَا تَذَرُ ﴿٢٨﴾ لَوَّاحَةٌ
لِّلْبَشَرِ ﴿٢٩﴾ عَلَيْهَا تِسْعَةَ عَشَرَ ﴿٣٠﴾

23-30. Кейин орқа ўгирди (Ҳақдан юз ўгирди) ва кибру ҳаво қилди. Кейин айтдики: «Бу Қуръон бировдан ўрганилган сеҳрдан иборатдир. Одамнинг сўзидан бошқа нарса эмасдир». Яқинда (тезда) уни дўзахга соламан. Сенга ким билдирдики, сақар (дўзах) нимадир? Сақар ҳеч кимни боқий қолдирмайди, *ҳаммани куйдиради* ва ҳеч кимни тарк ҳам қилмайди. Одамларни ёндирувчидир. У дўзахга ўн тўққизта малоика муаккалдир (қўриқчилик-эгалик қилувчилардир).

وَمَا جَعَلْنَآ أَصْحَٰبَ ٱلنَّارِ إِلَّا مَلَٰٓئِكَةً ۙ وَمَا جَعَلْنَا عِدَّتَهُمْ إِلَّا فِتْنَةً لِّلَّذِينَ كَفَرُوا۟
لِيَسْتَيْقِنَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ وَيَزْدَادَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِيمَٰنًا ۙ وَلَا يَرْتَابَ ٱلَّذِينَ
أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ وَٱلْمُؤْمِنُونَ ۙ وَلِيَقُولَ ٱلَّذِينَ فِى قُلُوبِهِم مَّرَضٌ وَٱلْكَٰفِرُونَ مَاذَآ أَرَادَ
ٱللَّهُ بِهَٰذَا مَثَلًا ۚ كَذَٰلِكَ يُضِلُّ ٱللَّهُ مَن يَشَآءُ وَيَهْدِى مَن يَشَآءُ ۚ وَمَا يَعْلَمُ جُنُودَ
رَبِّكَ إِلَّا هُوَ ۚ وَمَا هِىَ إِلَّا ذِكْرَىٰ لِلْبَشَرِ ﴿٣١﴾

31. Дўзахнинг муаккалларини (фақат) малоикалардан қилганимиз, улар-
нинг ададини (саноғини) ўн тўққизта деб муайян қилганимиз, кофир-
ларнинг куфрига сабаб бўлди, чунки кофирлар: *«Дўзахдаги саноқсиз одам-
ларни азоб қилишга ўн тўққизта малоика кифоя қиладими?», – деб мас-
хара қилар эдилар.* Аҳли китобларнинг ишонч ҳосил қилишларига сабаб
бўлди. *Чунки уларнинг китобларида (Таврот ва Инжилда) ҳам ўн тўққиз-
та деб ёзилган эди.* Мўминларнинг иймонларини зиёда қилди. *Чунки аҳли
китоблар ва мўминлар бу (сўзимизга) ҳеч шубҳа қилмайдилар.* Ва муно-
фиқлар ва кофирларнинг фитналарига сабаб бўлди. Чунки улар айтди-
29 жузъ ларки: «Худо бу мисолдан нима нарсани ирода қилмоқчи? *Бизнинг били-
шимизча, бу беҳуда гапдир».* Ана шу мунофиқлар ва шу кофирларнинг
гумроҳ бўлганлари каби, Аллоҳ таоло хоҳлаганини гумроҳ қилади, хоҳла-
ганини ҳидоят қилади. Аллоҳ таоло лашкарларининг ҳисобини Ўзидан
бошқа ҳеч ким билмайди. Бу (дўзах ҳақидаги) қисса одамларга панд ва
насиҳатдан бошқа нарса эмас.

كَلَّا وَٱلۡقَمَرِ ﴿٣٢﴾ وَٱلَّيۡلِ إِذۡ أَدۡبَرَ ﴿٣٣﴾ وَٱلصُّبۡحِ إِذَآ أَسۡفَرَ ﴿٣٤﴾ إِنَّهَا لَإِحۡدَى ٱلۡكُبَرِ
﴿٣٥﴾ نَذِيرٗا لِّلۡبَشَرِ ﴿٣٦﴾ لِمَن شَآءَ مِنكُمۡ أَن يَتَقَدَّمَ أَوۡ يَتَأَخَّرَ ﴿٣٧﴾ كُلُّ نَفۡسِۭ بِمَا
كَسَبَتۡ رَهِينَةٌ ﴿٣٨﴾ إِلَّآ أَصۡحَٰبَ ٱلۡيَمِينِ ﴿٣٩﴾ فِي جَنَّٰتٖ يَتَسَآءَلُونَ ﴿٤٠﴾ عَنِ
ٱلۡمُجۡرِمِينَ ﴿٤١﴾ مَا سَلَكَكُمۡ فِي سَقَرَ ﴿٤٢﴾

32-42. (Йўқ!) Сақар кофирлар ўйлаганидек эмасдир! Нурли ойга қасам, кундузнинг орқасидан келадиган кечага қасам ва равшан (ёруғ) бўлган субҳга қасамки, Сақарнинг табақаси дўзахнинг улуғ табақаларидандир. Одамларни Худонинг азобидан қўрқитиш учун муқаррар қилингандир. Ва сизлардан ҳар ким тоат ишларига мутаважжиҳ бўлса (юз тутса), ширк ва маъсиятдан тўхтаса (сақланса), ана шундай одамларга ибратдир. Ҳар бир нафс ўзининг қилмишига (яраша) жавоб беради. Магар ўнг қўл асҳоблари, уларнинг кирдикорлари (амаллари) яхшидир. Улар жаннатдан жой оладилар. Ва дўзах аҳлига назар қилиб сўрайдиларки, нима нарса сизларни Сақарга дохил қилди?

قَالُواْ لَمۡ نَكُ مِنَ ٱلۡمُصَلِّينَ ﴿٤٣﴾ وَلَمۡ نَكُ نُطۡعِمُ ٱلۡمِسۡكِينَ ﴿٤٤﴾ وَكُنَّا
نَخُوضُ مَعَ ٱلۡخَآئِضِينَ ﴿٤٥﴾ وَكُنَّا نُكَذِّبُ بِيَوۡمِ ٱلدِّينِ ﴿٤٦﴾ حَتَّىٰٓ أَتَىٰنَا ٱلۡيَقِينُ ﴿٤٧﴾
فَمَا تَنفَعُهُمۡ شَفَٰعَةُ ٱلشَّٰفِعِينَ ﴿٤٨﴾

43-48. Гуноҳкорлар жавоб бериб, айтадиларки: «Биз намоз ўқувчилардан эмас эдик ва мискинларга таом бермас эдик ва динни инкор қилувчилар билан бирга (ботил, беҳуда ишларга шўнғир) эдик. Бизга ўлим келгунича биз Қиёматни инкор қилувчилардан эдик. Энди бизга шафоат қилувчиларнинг шафоатлари фойда бермайди».

فَمَا لَهُمْ عَنِ ٱلتَّذْكِرَةِ مُعْرِضِينَ ﴿٤٩﴾ كَأَنَّهُمْ حُمُرٌ مُّسْتَنفِرَةٌ ﴿٥٠﴾ فَرَّتْ مِن قَسْوَرَةٍ
﴿٥١﴾ بَلْ يُرِيدُ كُلُّ ٱمْرِيٍٕ مِّنْهُمْ أَن يُؤْتَىٰ صُحُفًا مُّنَشَّرَةً ﴿٥٢﴾ كَلَّا ۖ بَل لَّا يَخَافُونَ
ٱلْءَاخِرَةَ ﴿٥٣﴾ كَلَّآ إِنَّهُۥ تَذْكِرَةٌ ﴿٥٤﴾ فَمَن شَآءَ ذَكَرَهُۥ ﴿٥٥﴾ وَمَا يَذْكُرُونَ إِلَّآ أَن
يَشَآءَ ٱللَّهُ ۚ هُوَ أَهْلُ ٱلتَّقْوَىٰ وَأَهْلُ ٱلْمَغْفِرَةِ ﴿٥٦﴾

49-56. Бас, бу одамларга не бўлдики, шердан қочган эшакка ўхшаб Қуръоннинг (панд) насиҳатидан юз ўгирадилар? Бас, улардан ҳар бир киши Худо тарафидан очиқ нома келишини *ва унда: «Муҳаммадга иймон келтиргил», – деб ёзилган бўлишини хоҳлайдилар*. (Йўқ!) Ҳаргиз ундай бўлмайди *ва агар бўлганда ҳам, иймон келтирмайдилар*. Балки улар охиратдан қўрқмайдилар. Қуръонни сеҳр демоқлари асло тўғри эмас. Албатта, Қуръон панд олишни хоҳлаганларга насиҳатдир. Парвардигорни ёд (зикр) қилолмаслар, магар Ўзи хоҳласагина ёд қиладилар. Худо қўрқишга лойиқ ва мағфират қилишга сазовор Зотдир. 29 жузъ

Маккада нозил бўлган бу сура қирқ оятдан иборатдир.

29 жузъ *Суранинг номи унинг илк оятидаги «ал-Қиёма» сўзидан олинган. Ушбу сурада Қиёмат қоим бўлиши, инсонларнинг бу кундаги қўрқув ва изтироблари, ҳисоб-китоб қилиниши ҳақида, мўминларнинг Аллоҳ дийдорига мушарраф бўлиши, кофирларнинг эса бадбахт инсонларга айланиб қолиши зикр қилинади. Шунингдек, ваҳийни қабул қилиш шартлари, қайта тирилиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам нақл қилинади.*

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

لَا أُقْسِمُ بِيَوْمِ الْقِيَامَةِ ﴿١﴾ وَلَا أُقْسِمُ بِالنَّفْسِ اللَّوَّامَةِ ﴿٢﴾ أَيَحْسَبُ الْإِنسَانُ
أَلَّن نَّجْمَعَ عِظَامَهُ ﴿٣﴾ بَلَىٰ قَادِرِينَ عَلَىٰ أَن نُّسَوِّيَ بَنَانَهُ ﴿٤﴾ بَلْ يُرِيدُ
الْإِنسَانُ لِيَفْجُرَ أَمَامَهُ ﴿٥﴾ يَسْأَلُ أَيَّانَ يَوْمُ الْقِيَامَةِ ﴿٦﴾

1-6. Қиёмат куни билан ва эгасини маломат қилувчи нафс билан қасамёд қиламан. Инсон Биз унинг суякларини жам қилолмаслигимизни гумон қиладими? Ҳа, Биз (унинг) панжаларининг (бармоқ учларининг) суякларини ҳам баробар қилишга (асл ҳолига келтиришга) қодирмиз. Балки инсон келажакдаги воқеаларни ёлғон дейишни хоҳлайди. У *масхара қилиб:* «Қиёмат куни қачон бўлади?», — деб сўрайди.

فَإِذَا بَرِقَ الْبَصَرُ ﴿٧﴾ وَخَسَفَ الْقَمَرُ ﴿٨﴾ وَجُمِعَ الشَّمْسُ وَالْقَمَرُ ﴿٩﴾ يَقُولُ
الْإِنسَانُ يَوْمَئِذٍ أَيْنَ الْمَفَرُّ ﴿١٠﴾ كَلَّا لَا وَزَرَ ﴿١١﴾ إِلَىٰ رَبِّكَ يَوْمَئِذٍ الْمُسْتَقَرُّ ﴿١٢﴾
يُنَبَّأُ الْإِنسَانُ يَوْمَئِذٍ بِمَا قَدَّمَ وَأَخَّرَ ﴿١٣﴾ بَلِ الْإِنسَانُ عَلَىٰ نَفْسِهِ بَصِيرَةٌ ﴿١٤﴾
وَلَوْ أَلْقَىٰ مَعَاذِيرَهُ ﴿١٥﴾

7-15. Қиёмат куни кўзлар (қамашиб) хира бўлганда, ой нурини йўқотиб, (тутилиб) тийра бўлганда, офтоб билан ой жам қилинганда (бирлаштирилганда) одамлар айтадиларки: «Қочадиган жой қаерда экан?» Ҳаргиз

қочадиган жой ва паноҳ берадиган жой ҳам йўқдир! Ва у Кунда қарор оладиган жой фақат Худонинг ҳузуридадир. Ва у кунда инсон қилиб ўтган (барча) амалларидан ва ўзидан кейин қолдирган молларидан огоҳлантирилади. Балки инсон ўз нафсининг қилган ишларини кўрувчидир. Агарчи ўзининг нажот топиши учун кўп узр-маъзурларни пеш қилса ҳам.

لَا تُحَرِّكْ بِهِۦ لِسَانَكَ لِتَعْجَلَ بِهِۦٓ ﴿١٦﴾ إِنَّ عَلَيْنَا جَمْعَهُۥ وَقُرْءَانَهُۥ ﴿١٧﴾ فَإِذَا قَرَأْنَٰهُ فَٱتَّبِعْ قُرْءَانَهُۥ ﴿١٨﴾ ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا بَيَانَهُۥ ﴿١٩﴾

16-19. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ваҳий тамом бўлмасдан илгари Қуръонни ёд қилиш учун тилингни ҳаракатга келтириб, ёд олишга шошилма, *яъни Жаброил Сенга таълим берганда бирга ўқимасдан,* хомуш бўлиб тур. Қуръонни Сенинг дилингга жам қилиш Бизнинг ишимиздир. Яна қироатини қалбингга жорий қилиш Бизнинг тасарруфимиздадир. Вақтики Биз Жаброилнинг тили билан Сенга (оятларни) ўқисак, унинг қироатига тааммул (фикру мулоҳаза) қилиб тур. Сўнгра унинг мушкулларини осон қилиш ва билмаган жойингни билдириш Бизнинг ишимиздир. 29 жузъ

كَلَّا بَلْ تُحِبُّونَ ٱلْعَاجِلَةَ ﴿٢٠﴾ وَتَذَرُونَ ٱلْـَٔاخِرَةَ ﴿٢١﴾ وُجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاضِرَةٌ ﴿٢٢﴾ إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ ﴿٢٣﴾ وَوُجُوهٌ يَوْمَئِذٍۭ بَاسِرَةٌ ﴿٢٤﴾ تَظُنُّ أَن يُفْعَلَ بِهَا فَاقِرَةٌ ﴿٢٥﴾

20-25. Эй бандалар, охиратнинг иши сизлар ўйлагандек эмасдир. Сизлар ушбу дунёни дўст тутасизлар ва охиратни тарк этасизлар. Қиёмат куни мўминларнинг юзлари нуроний (порлаб) Парвардигор тарафига назар қилувчи бўлади. Қиёмат куни кофирларнинг юзлари сўлғин бўлиб, (тиришиб-буришиб) орқа умуртқасини синдириб юборадиган (даҳшатли) азоб етишидан ниҳоятда ғамгин бўлиб қолади. *Эй мухотаб (хитобга қулоқ солган инсон),* агар уларни ўша алфозда кўрсанг, «Уларга улкан бир мусибат етган», деб гумон қиласан.

كَلَّآ إِذَا بَلَغَتِ ٱلتَّرَاقِيَ ﴿٢٦﴾ وَقِيلَ مَنْ رَاقٍ ﴿٢٧﴾ وَظَنَّ أَنَّهُ ٱلْفِرَاقُ ﴿٢٨﴾ وَٱلْتَفَّتِ ٱلسَّاقُ بِٱلسَّاقِ ﴿٢٩﴾ إِلَىٰ رَبِّكَ يَوْمَئِذٍ ٱلْمَسَاقُ ﴿٣٠﴾ فَلَا صَدَّقَ وَلَا صَلَّىٰ ﴿٣١﴾ وَلَٰكِن كَذَّبَ وَتَوَلَّىٰ ﴿٣٢﴾ ثُمَّ ذَهَبَ إِلَىٰٓ أَهْلِهِۦ يَتَمَطَّىٰٓ ﴿٣٣﴾ أَوْلَىٰ لَكَ فَأَوْلَىٰ ﴿٣٤﴾ ثُمَّ أَوْلَىٰ لَكَ فَأَوْلَىٰٓ ﴿٣٥﴾

26-35. *Дунёга кўнгил қўймаслик лозим ва охиратдан ғофил бўлмаслик керак.* Чунки ўлим пайти руҳ (жон) ҳалқумга келганда атрофидаги яқинлари тарафидан: «Ким *дам солиб, афсун қилиб, шифо бериб* (уни) ўлимдан қутқаради?», — деб айтилади. Ва ўлаётган одам «жудолик вақти келди», — деб аниқ ишонган ва ўликнинг оёқлари бир-бирига алмашиб (чалкашиб) ўралиб тушган бир вақтда у (марҳум)нинг борадиган жойи (фақат) Парвардигор ҳузуригадир. Бас, у банда садақа бермаган ва намоз ўқима-

ган, балки динни ёлғонга чиқарган ва ундан юз ўгиргандир. Сўнгра ўз аҳли аёлининг олдига хурсанд бўлиб кирган. Қиёмат куни унга: «Вой бўлсин сенга ва яна вой бўлсин сенга», – деб айтилади. Сўнгра яна: «Вой бўлсин сенга ва яна вой бўлсин сенга», – дейилади.

أَيَحۡسَبُ ٱلۡإِنسَٰنُ أَن يُتۡرَكَ سُدًى ﴿٣٦﴾ أَلَمۡ يَكُ نُطۡفَةٗ مِّن مَّنِيّٖ يُمۡنَىٰ ﴿٣٧﴾ ثُمَّ كَانَ
عَلَقَةٗ فَخَلَقَ فَسَوَّىٰ ﴿٣٨﴾ فَجَعَلَ مِنۡهُ ٱلزَّوۡجَيۡنِ ٱلذَّكَرَ وَٱلۡأُنثَىٰٓ ﴿٣٩﴾ أَلَيۡسَ ذَٰلِكَ
29 жузъ بِقَٰدِرٍ عَلَىٰٓ أَن يُحۡـِۧيَ ٱلۡمَوۡتَىٰ ﴿٤٠﴾

36-40. Оё инсон ўзини бефойда яратилган ва унга ҳеч бир шаръий таклифот буюрилмаган, деб гумон қиладими? *Ундай гумон қилмасин.* Ахир у раҳмга (бачадонга) тўкилган нутфа (маний) эмасмиди? Кейин у увиган қонга айланди. Бас, сўнгра Аллоҳ таоло ундан инсонни яратди ва аъзоларини баробар (мутаносиб) қилди. Кейин ундан эр ва хотин жуфтларини яратди. Шундай феълларни қилувчи Зот ўликларни қайта тирилтиришга қодир эмасми? *Ҳа, албатта қодирдир!*

Мадинада нозил бўлган бу сура
ўттиз бир оятдан иборатдир. 29 жузъ

Суранинг Маккада нозил бўлганлиги ҳақида ҳам ривоятлар бор. Унинг номи илк оятдаги «ал-инсон» сўзидан олинган. Сура «ҳал атака», «ад-даҳр», «ал-аброр» ва «ал-амшож» каби номлар билан ҳам аталади. Сурада «аброр» – тақводор инсонларнинг сифатлари, инсонга берилган кўз, қулоқ ва бошқа аъзоларнинг улуғ неъмат эканлиги, жаннатда мўминларга бериладиган ажр-мукофотлар ва илоҳий даъватларга амал қилиш каби мавзулар баён этилган.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

هَلۡ أَتَىٰ عَلَى ٱلۡإِنسَٰنِ حِينٞ مِّنَ ٱلدَّهۡرِ لَمۡ يَكُن شَيۡـٔٗا مَّذۡكُورًا ﴿١﴾ إِنَّا خَلَقۡنَا
ٱلۡإِنسَٰنَ مِن نُّطۡفَةٍ أَمۡشَاجٖ نَّبۡتَلِيهِ فَجَعَلۡنَٰهُ سَمِيعَۢا بَصِيرًا ﴿٢﴾ إِنَّا هَدَيۡنَٰهُ
ٱلسَّبِيلَ إِمَّا شَاكِرٗا وَإِمَّا كَفُورًا ﴿٣﴾ إِنَّآ أَعۡتَدۡنَا لِلۡكَٰفِرِينَ سَلَٰسِلَاْ وَأَغۡلَٰلٗا
وَسَعِيرًا ﴿٤﴾

1-4. Инсон бошидан (шундай) бир муддатлар ўтганки, у (бу замонларда) ҳеч ҳам зикр қилинмас эди ва номи ҳам йўқ эди. Биз инсонни аралашган манийдан яратдик. Синаш учун унга *ақл бердик*, қулоқ бердик, кўз бердик. Албатта, Биз унга ҳидоят йўлини кўрсатдик. Энди у ё ҳидоят йўлига кириб саодатли бўлади, ёки у йўлга кирмасдан, бадбахт бўлади. Агар бадбахт ва кофир бўлса, уни боғлайдиган ҳалқа (кишан) ва занжирларни тайёр қилиб қўйдик. Уни азоблаш учун ёниб турган олов ҳам пайдо қилдик.

إِنَّ ٱلۡأَبۡرَارَ يَشۡرَبُونَ مِن كَأۡسٖ كَانَ مِزَاجُهَا كَافُورًا ﴿٥﴾ عَيۡنٗا يَشۡرَبُ بِهَا
عِبَادُ ٱللَّهِ يُفَجِّرُونَهَا تَفۡجِيرٗا ﴿٦﴾

5-6. *Кейин содиқ мўминлар учун жаннат тайёрлаб қўйилгандир.* Албатта, яхши (солиҳ) мўминлар жаннатда Кофур чашмасига аралашган

шароблардан (яъни аралашмаси Кофур чашмасидан бўлган май қадаҳларининг шаробларидан) ичадилар. Кофур шундай чашмадирки, ундан Аллоҳнинг бандалари ичадилар. Уни хоҳлаган жойларига жорий қилиб (оқизиб) олиб борадилар.

يُوفُونَ بِٱلنَّذْرِ وَيَخَافُونَ يَوْمًا كَانَ شَرُّهُۥ مُسْتَطِيرًا ۝٧ وَيُطْعِمُونَ ٱلطَّعَامَ عَلَىٰ
حُبِّهِۦ مِسْكِينًا وَيَتِيمًا وَأَسِيرًا ۝٨ إِنَّمَا نُطْعِمُكُمْ لِوَجْهِ ٱللَّهِ لَا نُرِيدُ مِنكُمْ جَزَآءً
29 жузъ وَلَا شُكُورًا ۝٩ إِنَّا نَخَافُ مِن رَّبِّنَا يَوْمًا عَبُوسًا قَمْطَرِيرًا ۝١٠

7-10. Аҳли жаннатнинг сифатлари шундан иборатки, улар назрларига вафо қилар эдилар. Ва машаққатлари ҳаммага шомил (ҳаммани қамраб оладиган) Қиёмат кунидан қўрқадилар. Гарчи ўзлари муҳтож бўлсалар ҳам, таомларини етимга, мискинга ва асирларга едирардилар. Ва айтардиларки: «Албатта, биз Худонинг ризоси учун сизларга таом беряпмиз. Сизлардан унинг ўрнига бирор нарса олишни истамаймиз ва миннатдор бўлишингизни ҳам хоҳламаймиз. Бизни қаттиқ, шиддатли (Қиёмат) кунларининг азобига мубтало қилмасин, деб Парвардигордан қўрқамиз».

فَوَقَىٰهُمُ ٱللَّهُ شَرَّ ذَٰلِكَ ٱلْيَوْمِ وَلَقَّىٰهُمْ نَضْرَةً وَسُرُورًا ۝١١ وَجَزَىٰهُم بِمَا صَبَرُوا۟
جَنَّةً وَحَرِيرًا ۝١٢ مُّتَّكِـِٔينَ فِيهَا عَلَى ٱلْأَرَآئِكِ ۖ لَا يَرَوْنَ فِيهَا شَمْسًا وَلَا زَمْهَرِيرًا
۝١٣ وَدَانِيَةً عَلَيْهِمْ ظِلَٰلُهَا وَذُلِّلَتْ قُطُوفُهَا تَذْلِيلًا ۝١٤

11-14. Бас, Парвардигор ҳам ўша куннинг шарридан уларни сақлади. Ва уларнинг юзларига нур ва дилларига хурсандчилик ато қилди. Улар бу дунёда машаққатларга сабр қилганлари учун Аллоҳ таоло уларга жаннат берди ва (жаннатда кийиладиган) ипакли либослар ато қилди. Улар жаннатда тахтларда суяниб ўтирадилар. Жаннатда офтобнинг иссиғини ва қишнинг совуғини ҳам кўрмайдилар. Уларга жаннат дарахтларининг соялари яқин бўлади ва меваларини териш ҳам осон қилиб қўйилган бўлади.

وَيُطَافُ عَلَيْهِم بِـَٔانِيَةٍ مِّن فِضَّةٍ وَأَكْوَابٍ كَانَتْ قَوَارِيرَا۠ ۝١٥ قَوَارِيرَا۟ مِن فِضَّةٍ
قَدَّرُوهَا تَقْدِيرًا ۝١٦ وَيُسْقَوْنَ فِيهَا كَأْسًا كَانَ مِزَاجُهَا زَنجَبِيلًا ۝١٧ عَيْنًا فِيهَا
تُسَمَّىٰ سَلْسَبِيلًا ۝١٨

15-18. Жаннат аҳлининг атрофларига кумуш товоқ (идиш)ларда овқатлар келтирилади. Ва зоҳиридан ботини (ташқарисидан ичи) кўриниб турадиган шишага ўхшаш кумуш кўзаларда соф шароблар айлантириб турилади. Жаннат ходимлари бу шаробларни ҳар кимга муносиб миқдорда тутадилар. Жаннатда жаннат аҳлига қадаҳлардаги Занжабил аралашган хушбўй шароблардан ичкизилади. Занжабил жаннатда шундай чашмадирки, унинг номи Салсабилдир.

وَيَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَٰنٌ مُّخَلَّدُونَ إِذَا رَأَيْتَهُمْ حَسِبْتَهُمْ لُؤْلُؤًا مَّنثُورًا ﴿١٩﴾ وَإِذَا
رَأَيْتَ ثَمَّ رَأَيْتَ نَعِيمًا وَمُلْكًا كَبِيرًا ﴿٢٠﴾ عَٰلِيَهُمْ ثِيَابُ سُندُسٍ خُضْرٌ وَإِسْتَبْرَقٌ
وَحُلُّوٓا۟ أَسَاوِرَ مِن فِضَّةٍ وَسَقَىٰهُمْ رَبُّهُمْ شَرَابًا طَهُورًا ﴿٢١﴾ إِنَّ هَٰذَا كَانَ لَكُمْ جَزَآءً
وَكَانَ سَعْيُكُم مَّشْكُورًا ﴿٢٢﴾

19-22. Жаннат аҳлининг атрофларида ёш йигитчалар айланиб юрадилар. Улар ҳамиша (ёш) ўзгармай бир ҳолда турадилар. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), агар Сен уларни кўрсанг, гўёки садафдан янги тўкилган (сочилиб кетган) марвариддлар деб гумон қиласан. Вақтики жаннатни нозу неъматларга тўла кўрсанг, жаннат аҳлини улуғ подшоҳлардек кўрасан. Устларида кўк рангли ипакдан тўқилган ниҳоятда нозик либослар ва яна мустаҳкам тўқилган қимматбаҳо либослардир. Ва яна жаннат аҳлининг зийнатлантирилган қўлларида кумушдан ва тиллодан ҳалқалар (билагузуклар) кўрасан. Аллоҳ таоло уларга покиза шароб ичкизади. Уларга айтадики: «Сизларга бу иззат ва икромлар қабул қилинган яхши амалларингизнинг мукофотидир». 29 жуз

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا عَلَيْكَ ٱلْقُرْءَانَ تَنزِيلًا ﴿٢٣﴾ فَٱصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ وَلَا تُطِعْ مِنْهُمْ
ءَاثِمًا أَوْ كَفُورًا ﴿٢٤﴾ وَٱذْكُرِ ٱسْمَ رَبِّكَ بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴿٢٥﴾ وَمِنَ ٱلَّيْلِ فَٱسْجُدْ
لَهُۥ وَسَبِّحْهُ لَيْلًا طَوِيلًا ﴿٢٦﴾

23-26. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Биз Сенга Қуръонни (бўлак-бўлак ҳолда) нозил қилдик. Бас, Худонинг ҳукмига сабр қил! *Пайғамбарлик машаққатига чидамли бўл!* Мушриклардан мунофиқлари ва кофирларининг сўзларига итоат қилма! Эрта-ю кеч Парвардигорингни ёд (зикр) қил! Кечаси туриб намоз ўқи ва узун кечаларда Худонинг ибодатига машғул бўл!

إِنَّ هَٰٓؤُلَآءِ يُحِبُّونَ ٱلْعَاجِلَةَ وَيَذَرُونَ وَرَآءَهُمْ يَوْمًا ثَقِيلًا ﴿٢٧﴾ نَّحْنُ خَلَقْنَٰهُمْ
وَشَدَدْنَآ أَسْرَهُمْ وَإِذَا شِئْنَا بَدَّلْنَآ أَمْثَٰلَهُمْ تَبْدِيلًا ﴿٢٨﴾ إِنَّ هَٰذِهِۦ تَذْكِرَةٌ فَمَن
شَآءَ ٱتَّخَذَ إِلَىٰ رَبِّهِۦ سَبِيلًا ﴿٢٩﴾

27-29. Албатта, ана у кофирлар ушбу дунёнинг лаззатини яхши кўрадилар ва оғир кунни – охиратни орқаларига ташлайдилар. Биз аввалда уларни нутфадан заиф қилиб яратдик. Кейин уларнинг томирларини мустаҳкам қилдик ва қувват бердик. Агар Биз хоҳласак уларни йўқ қилиб, ўринларига уларга ўхшашларини халқ қилиб, дунёга келтиришга қудратимиз етади. Албатта, бу суранинг ҳукмлари халқ учун панд ва насиҳатдир. Ким хоҳласа, унга амал қилиб, Худо тарафига йўл олади.

وَمَا تَشَآءُونَ إِلَّآ أَن يَشَآءَ ٱللَّهُۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿٣٠﴾ يُدْخِلُ مَن يَشَآءُ
فِى رَحْمَتِهِۦۚ وَٱلظَّٰلِمِينَ أَعَدَّ لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًۢا ﴿٣١﴾

30-31. Сизлар ҳеч бир нарсани хоҳламайсизлар, магар Аллоҳ хоҳлагандан кейин (хоҳлайсизлар). Сизларнинг хоҳишларингиз амалга ошиши Аллоҳ таолонинг хоҳишига боғлиқдир. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билгувчидир ва ҳар бир нарсага ҳикматли мудаббирдир. У ўзи хоҳлаган кишини раҳматига дохил қилади. Золимларга қаттиқ азобни тайёрлаб қўйгандир.

29 жузъ

Маккада нозил бўлган бу сура
эллик оятдан иборатдир.

«Юборилганлар» маъносини англатувчи «ал-Мурсалот» сўзи суранинг илк оятидан олинган. Муфассирлар «юборилганлар»дан мақсад дунёни идора қилиш вазифаси билан юборилган бир қисм фаришталар, ёки шамоллар, ёхуд пайғамбарлар, ёки Қуръон оятлари бўлиши мумкиндир, деганлар. 29 жузъ

Олтинхон Тўра тафсирларида бу суранинг кўп фазилатлари баён қилиниб жумладан қуйидагилар келтирилган:

«Бу сураи кариманинг номи «Сураи мурсалот»дир. «Ҳумаза» сурасидан сўнг нозил бўлган. Бу сурада Роббул оламийн жалла шаънуҳу беш нарсага қасамёд қилади. Булар Мурсалот, Осифот, Ноширот, Фориқот, Мулқиёт. Баъзи муфассирлар бу беш нарсанинг ҳаммасини ҳаво деб атаганлар. Ва баъзилари аввалги тўрттани ҳаво ва бешинчисини фаришталар деганлар. Бундан бошқа қавллар ҳам бор. Бу таржимсда асрий буюк ва мўътамид олимлар таржималарига мувофиқ айтилиб, ҳаммасига ҳаво деб таржима берилди. Чунончи, агар ҳаво секин-секин юрса, ундан инсонга, ҳайвонга ва ҳар бир нарсага фойда ва наф ҳосил бўлади. Агар ўша ҳаво рафторини тез қилиб шиддат билан овоз қилиб юрса, оламни бузиб паришон қилади. Сукун билан келса «мурсалот» ва шиддат билан келса «осифот» дейилади, ўзи биргина нарсадир. Ҳар ҳолати учун бошқа васф берилади. Парвардигор хоҳласа у билан оламга наф еткизади, хоҳласа зарар етказади. Шу ҳаволардан баъзиси бухорот (буғ ва бошқа нарсалар)ни кўтариб юқорига олиб чиқади. Ва булутларни қўзғатиб, ҳар тарафга ёғиш учун тарқатади. Аллоҳ таоло хоҳлаган мақомларга сув беради. Ва қачон муҳтож ерлар сувдан сероб бўлса, ўша ҳаво булутларни бир-биридан жудо қилиб юборади. Қисмларини бўлак қилиб, парчалаб ташлайди. Шунинг учун ўша ҳаволарни «ноширот» ва «фориқот» дейилади. Ва шу ҳаволар Аллоҳ таоло амри билан қилиб турган ҳаракат ва сукунатлари билан бандалар дилларига тавба ва хавф ёдини туширадилар. Ва пайғамбарлар дилларига ваҳий овозини еткизадилар. Чунки ҳар нарсанинг овози эшитувчининг қулоғига ҳаво воситаси билан эшитилади. Аллома Ибни Касир сўнгги икки сифат, яъни «фориқот» ва «мулқиёт»дан мурод фаришталар эканлигида уламолардан хилоф йўқдир, дебдилар. Парвардигори олам бу беш нарсадан нимани ирода қилган бўлса, ўша нарсалар қудрати қоҳирасининг буюк нишонларидандир. Уларга қасамёд қилиб, иршод қиладики: «Эй мункирлар, сизлар ваъда қилинган нарсанинг келишини инкор қилаётирсизлар, аммо у ваъда, албатта, келади, чунки у ҳақдир. Келиши муқаррардир. Лекин муайян (аниқ) вақтини Ўзимдан бошқа ҳеч кимса билмас. Унинг келиши билан осмондаги юлдузларнинг нурлари маҳв бўлади. Ва осмондек мустаҳкам бир буюк махлуқ ёрилади. Ва тоғлар ер зилзиласидан майда-майда бўлиб ажзолари (бўлаклари) ҳавода учиб юради». Пайғамбарлар учун адолати Илоҳийга уммалари ила ҳозир бўлмакка вақт берилур ва ўшал вақтда барчалари жам бўлурлар, ўшал он ваъда қилинган нарса вужудга келур[1].

---

[1]*Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ал-Тарозий ал-Маданий (Олтинхон Тўра). Ал-Қуръон Ал-Карим маъноларининг таржимаси ва шарҳлари. Иккинчи нашр. Тошкент. «Фан», 2002. 624-625 бет. (Юқоридаги жумлалар бироз таҳрир қилиб берилди).*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَٱلْمُرْسَلَٰتِ عُرْفًا ﴿١﴾ فَٱلْعَٰصِفَٰتِ عَصْفًا ﴿٢﴾ وَٱلنَّٰشِرَٰتِ نَشْرًا ﴿٣﴾ فَٱلْفَٰرِقَٰتِ
29 жузъ فَرْقًا ﴿٤﴾ فَٱلْمُلْقِيَٰتِ ذِكْرًا ﴿٥﴾ عُذْرًا أَوْ نُذْرًا ﴿٦﴾ إِنَّمَا تُوعَدُونَ لَوَٰقِعٌ ﴿٧﴾

1-7. Пайғамбарларга аҳкоми шаръийя билан юборилган фаришталарга қасам! Қаттиқ азобларни олиб келувчи малоикаларга қасам! Шариатнинг аҳкомларини зоҳир қилувчи малоикаларга қасам! Ҳақ ва ботилни ажратувчи малоикаларга қасам! Пайғамбарларга ваҳий олиб келувчи малоикаларга қасам! Бу ваҳий муттақийларга амал қилишлари учун насиҳатдир, кофирларга азобдан қўрқитувчидир. Албатта, сизларга ваъда қилинаётган Қиёмат (куни) воқе бўлгувчидир.

فَإِذَا ٱلنُّجُومُ طُمِسَتْ ﴿٨﴾ وَإِذَا ٱلسَّمَآءُ فُرِجَتْ ﴿٩﴾ وَإِذَا ٱلْجِبَالُ نُسِفَتْ ﴿١٠﴾
وَإِذَا ٱلرُّسُلُ أُقِّتَتْ ﴿١١﴾ لِأَىِّ يَوْمٍ أُجِّلَتْ ﴿١٢﴾ لِيَوْمِ ٱلْفَصْلِ ﴿١٣﴾

8-13. Бас, вақтики юлдузлар йўқ қилинса, осмонлар пора қилинса (очилса ва ёрилса), тоғлар майда-майда қилинса (сочилиб кетса). Ва вақтики Пайғамбарлар (маълум кунда) бир ерга жам қилинса, бас, савол қилиб: «Бу воқеалар (пайғамбарларнинг гувоҳлик беришлари) қайси кунга таъхир қилинди?», — деб айтадилар. Жавоб бериладики: «Кофир ва мўминни, осий ва итоаткорни, ҳақ ва ботилни бир-бирларидан ажратадиган кунга таъхир қилинди (кечиктирилди)».

وَمَآ أَدْرَىٰكَ مَا يَوْمُ ٱلْفَصْلِ ﴿١٤﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿١٥﴾

14-15. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга ким «явмул фасл» (ажратиш куни) нималигини билдирди?! *Чунки (Парвардигор билдирмаса), унинг ҳақиқатини билиб бўлмайди.* Энди бу кунни ёлғон дегувчиларнинг ҳолларига вой!

أَلَمْ نُهْلِكِ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٦﴾ ثُمَّ نُتْبِعُهُمُ ٱلْءَاخِرِينَ ﴿١٧﴾ كَذَٰلِكَ نَفْعَلُ بِٱلْمُجْرِمِينَ
﴿١٨﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿١٩﴾ أَلَمْ نَخْلُقكُّم مِّن مَّآءٍ مَّهِينٍ ﴿٢٠﴾ فَجَعَلْنَٰهُ فِى قَرَارٍ
مَّكِينٍ ﴿٢١﴾ إِلَىٰ قَدَرٍ مَّعْلُومٍ ﴿٢٢﴾ فَقَدَرْنَا فَنِعْمَ ٱلْقَٰدِرُونَ ﴿٢٣﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ
لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٢٤﴾ أَلَمْ نَجْعَلِ ٱلْأَرْضَ كِفَاتًا ﴿٢٥﴾ أَحْيَآءً وَأَمْوَٰتًا ﴿٢٦﴾ وَجَعَلْنَا فِيهَا
رَوَٰسِىَ شَٰمِخَٰتٍ وَأَسْقَيْنَٰكُم مَّآءً فُرَاتًا ﴿٢٧﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٢٨﴾

16-28. Оё Биз аввалги ўтган *Од ва Самуд* қавмларини ҳалок қилмадикми? Кейинги келган умматларни ҳам *осий, кофир бўлсалар*, ўтганларнинг кетидан юборамиз. Биз гуноҳкорларга шунга ўхшаш муомала қиламиз. Бу воқеалардан ибрат олмасдан, инкор қилувчиларнинг ҳолларига вой! Ахир Биз сизларни ҳақир ва палид сувдан халқ қилмадикми? Кейин Биз уни муайян кунгача онанинг бачадонига мустаҳкам жойладик. *Кейин Биз уни одам қилиб яратдик.* Биз (нақадар) яхши қудратли ва қодир (Зот)миз. Энди Бизнинг қудратимизни инкор қилувчиларнинг ҳолларига вой! Ахир Биз ерни ўликлар ва тирикларни жам қилувчи қилиб яратмадикми? Биз яна у ернинг устида баланд тоғлар яратдик, унда оққан ширин (зилол) сувлар билан сизларни сероб қилдик. Бизнинг бу неъматларимизга шукр қилмасдан, инкор қилувчиларнинг ҳолларига вой! 29 жузъ

ٱنطَلِقُوٓاْ إِلَىٰ مَا كُنتُم بِهِۦ تُكَذِّبُونَ ﴿٢٩﴾ ٱنطَلِقُوٓاْ إِلَىٰ ظِلٍّ ذِى ثَلَٰثِ شُعَبٍ ﴿٣٠﴾
لَّا ظَلِيلٍ وَلَا يُغْنِى مِنَ ٱللَّهَبِ ﴿٣١﴾ إِنَّهَا تَرْمِى بِشَرَرٍ كَٱلْقَصْرِ ﴿٣٢﴾ كَأَنَّهُۥ جِمَٰلَتٌ
صُفْرٌ ﴿٣٣﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٣٤﴾ هَٰذَا يَوْمُ لَا يَنطِقُونَ ﴿٣٥﴾ وَلَا يُؤْذَنُ لَهُمْ
فَيَعْتَذِرُونَ ﴿٣٦﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٣٧﴾ هَٰذَا يَوْمُ ٱلْفَصْلِ جَمَعْنَٰكُمْ
وَٱلْأَوَّلِينَ ﴿٣٨﴾ فَإِن كَانَ لَكُمْ كَيْدٌ فَكِيدُونِ ﴿٣٩﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٤٠﴾

29-40. Эй кофирлар, ўзларингиз инкор қилган дўзах тарафига юринглар. Энди уч тарафли (бўлакли) соя тарафига боринглар. У (соя) роҳат (салқинлик) ҳам бағишламайди ва дўзахнинг иссиғидан ҳам сақламайди. Дўзахнинг ўти қасрлар баробарида аланга чиқаради. У алангаларнинг бўлаклари гуёки сариқ туяларга ўхшайди. Бу куннинг келишига мункир бўлувчиларнинг ҳолларига вой! Бу кун шундай кундирки, ҳеч кимга сўзлашга ҳам ва узр айтишга ҳам рухсат берилмайди. Бу ҳолатларга мункир бўлувчиларнинг ҳолларига вой! Бу кун осий билан мўминни ажратувчи кундир. Сизларни дўзахда олдин ўтган қавмлар билан (бирга) жам қиламиз. Агар сизларда азобдан қутулиш учун бирор-ҳийла бўлса, у ҳийлаларингизни Менга ишлатиб кўринглар-чи? Энди бу кунларга ишонмайдиганларнинг ҳолларига вой!

إِنَّ ٱلْمُتَّقِينَ فِى ظِلَٰلٍ وَعُيُونٍ ﴿٤١﴾ وَفَوَٰكِهَ مِمَّا يَشْتَهُونَ ﴿٤٢﴾ كُلُواْ وَٱشْرَبُواْ هَنِيٓـًٔا
بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٤٣﴾ إِنَّا كَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٤٤﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ
لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٤٥﴾

41-45. Қиёмат куни, албатта, тақводорлар соя-салқинларда ва чашмаларнинг бўйларида ором оладилар ва хоҳлаган меваларидан ейдилар. Уларга малоикалар тарафидан айтиладики: «Эй жаннат аҳли, яхши амал-

ларингизнинг мукофотига енглар ва ичинглар, сизларга муборак бўлсин!» Албатта, Биз яхши амал қилувчиларга шу хилда мукофот берамиз. Бу ҳолни инкор қилувчиларнинг ҳолларига вой!

كُلُوا وَتَمَتَّعُوا قَلِيلًا إِنَّكُم مُّجْرِمُونَ ﴿٤٦﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٤٧﴾ وَإِذَا قِيلَ
لَهُمُ ارْكَعُوا لَا يَرْكَعُونَ ﴿٤٨﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٤٩﴾ فَبِأَيِّ حَدِيثٍ بَعْدَهُ
يُؤْمِنُونَ ﴿٥٠﴾

29 ҷузъ

46-50. Эй кофирлар, бу дунёда енглар ва ичинглар. Оз муддат маишат қилинглар. Кейин *дўзахга борасизлар*, чунки, албатта, сизлар гуноҳкордирсизлар. Энди бу дўзахнинг азобига мункир бўлувчиларнинг ҳолларига вой! Вақтики уларга у дунёда: «Намоз ўқувчилар билан (бирга) намоз ўқинглар», — деб айтилганда, улар инкор қилиб, намоз ўқимайдилар. Энди намозни инкор қилувчиларнинг ҳолларига вой! Энди бу мункирлар Қуръон сўзига (ишонмаганларидан) кейин қайси сўзга ишонадилар?!

ЎТТИЗИНЧИ ЖУЗЪ

***Маккада нозил бўлган бу сура* 30 жузъ**
қирқ оятдан иборатдир.

«Набаъ» сўзи хабар маъносини англатади. Қиёмат кунида мўминлар эришажак улуғ неъматлардан ва кофирларга етажак аламли азоблардан хабар бергани учун ҳам сурага шундай ном берилган. Баъзан бошланиш сўзи эътибор қилиниб, «Амма» сураси деб ҳам юритилади.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аллоҳ таоло номи билан бошлайман.
У Зот дунё ва охиратда бандаларга меҳрибон (ва раҳмли)дир.

عَمَّ يَتَسَآءَلُونَ ١ عَنِ ٱلنَّبَإِ ٱلْعَظِيمِ ٢ ٱلَّذِى هُمْ فِيهِ مُخْتَلِفُونَ ٣
كَلَّا سَيَعْلَمُونَ ٤ ثُمَّ كَلَّا سَيَعْلَمُونَ ٥

1-5. Кофирлар (мушриклар) бир-бирларидан нима нарсани сўрайдилар (нима ҳақида сўрашиб турибдилар)?! (Улар) улуғ хабарнинг аҳволидан сўрайдилар. Бу кофирлар унинг шаънига ҳамиша (доимо) ихтилоф қилувчилардир. *У сўраган ва ихтилоф қилган хабар Қиёматнинг ёки Ислом динининг хабари эди.* Албатта, унга (у хабарга) ихтилоф қилмасликлари керак! Яқинда (унинг ҳақлигини) биладилар. Яна, албатта, (у хабарга) ихтилоф қилмасликлари керак! Яқинда унинг ҳақлигини биладилар.

أَلَمْ نَجْعَلِ ٱلْأَرْضَ مِهَٰدًا ٦ وَٱلْجِبَالَ أَوْتَادًا ٧ وَخَلَقْنَٰكُمْ أَزْوَٰجًا ٨
وَجَعَلْنَا نَوْمَكُمْ سُبَاتًا ٩ وَجَعَلْنَا ٱلَّيْلَ لِبَاسًا ١٠ وَجَعَلْنَا ٱلنَّهَارَ مَعَاشًا ١١

6-11. Ахир Биз ер юзини одамлар (учун) ором оладиган бисотлари (гилам) қилиб халқ қилмадикми? Тоғларни унинг устида мустаҳкам қилиш (тутиб туриши) учун михларга ўхшаш қилиб яратмадикми? Сизларни жуфт-жуфт қилиб яратдик. Уйқуларингизни сизларга роҳат қилиб пайдо этдик. Кечани сизларга ўраб оладиган (тўсиб турадиган) либосларингиз қилиб яратдик. Кундузни меҳнат қилиб, ризқ ҳосил қилишларингиз учун халқ қилдик.

وَبَنَيْنَا فَوْقَكُمْ سَبْعًا شِدَادًا ١٢ وَجَعَلْنَا سِرَاجًا وَهَّاجًا ١٣ وَأَنزَلْنَا مِنَ
ٱلْمُعْصِرَٰتِ مَآءً ثَجَّاجًا ١٤ لِّنُخْرِجَ بِهِۦ حَبًّا وَنَبَاتًا ١٥ وَجَنَّٰتٍ أَلْفَافًا ١٦

12-16. Тепаларингизга етти қават мустаҳкам осмонни бино қилдик. У осмонда равшан (ёруғ) чироққа ўхшаш офтобни яратдик. Сизларга (сиқилган) булутлардан ёмғирлар ёғдирдик. У ёмғирлар сабаби билан сизларга донлар кўкартирамиз ва сабза (ўсимлик)лар кўкартирамиз (ўстирамиз). Шохлари бир-бирига ўралиб кетган (чирмашиб кетган) боғлар пайдо қиламиз.

إِنَّ يَوْمَ ٱلْفَصْلِ كَانَ مِيقَـٰتًا ﴿١٧﴾ يَوْمَ يُنفَخُ فِى ٱلصُّورِ فَتَأْتُونَ أَفْوَاجًا ﴿١٨﴾
30 жузъ وَفُتِحَتِ ٱلسَّمَآءُ فَكَانَتْ أَبْوَٰبًا ﴿١٩﴾ وَسُيِّرَتِ ٱلْجِبَالُ فَكَانَتْ سَرَابًا ﴿٢٠﴾

17-20. Албатта, сур тортиладиган (чалинадиган) кун осийлар мўминлардан ажраладиган кун бўлади. Бас, ҳамма халойиқ гуруҳ-гуруҳ бўлиб қабрдан чиқиб, Маҳшаргоҳга тўпланади. Осмонлар пора-пора бўлиб очиқ дарвозаларга айланади. Тоғларни майда қилиб, ҳавога учириб юборадилар. Бас, у тоғлар саробга ўхшаб беҳақиқат (ҳақиқатдан йироқ) хаёлий бўлиб (хаёлга айланиб) қоладилар.

إِنَّ جَهَنَّمَ كَانَتْ مِرْصَادًا ﴿٢١﴾ لِّلطَّـٰغِينَ مَـَٔابًا ﴿٢٢﴾ لَّـٰبِثِينَ فِيهَآ أَحْقَابًا ﴿٢٣﴾
لَّا يَذُوقُونَ فِيهَا بَرْدًا وَلَا شَرَابًا ﴿٢٤﴾ إِلَّا حَمِيمًا وَغَسَّاقًا ﴿٢٥﴾

21-25. Жаҳаннам саркаш (осий)ларга мунтазир бўлиб туради ва унга кирувчиларга доимий (узоқ замонлар) қароргоҳ бўлади. Дўзахда дўзахийлар роҳатланадиган (бирор) совуқ ҳавони ҳам кўрмайдилар ва роҳатланиб ичадиган (бирор) шаробни ҳам тотмайдилар. Магарам заҳарли қайноқ сув ва дўзах аҳлининг зардобини (ичадилар).

جَزَآءً وِفَاقًا ﴿٢٦﴾ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ لَا يَرْجُونَ حِسَابًا ﴿٢٧﴾ وَكَذَّبُوا۟ بِـَٔايَـٰتِنَا كِذَّابًا
﴿٢٨﴾ وَكُلَّ شَىْءٍ أَحْصَيْنَـٰهُ كِتَـٰبًا ﴿٢٩﴾ فَذُوقُوا۟ فَلَن نَّزِيدَكُمْ إِلَّا عَذَابًا ﴿٣٠﴾

26-30. Уларга муносиб жазо шудир, чунки улар у дунёда Қиёматнинг ҳисоб (китоби)дан қўрқмас эдилар. Ва Бизнинг оятларимизни мутлақ ёлғонга чиқарган эдилар. Биз (эса) уларнинг ҳар бир қилган амалларини ёзиб сақладик. Энди мушрикларга айтамизки: «Дўзахнинг азобини тотиб кўринглар. Энди сизларга азобдан бошқа нарсани зиёда қилмаймиз».

إِنَّ لِلْمُتَّقِينَ مَفَازًا ﴿٣١﴾ حَدَآئِقَ وَأَعْنَـٰبًا ﴿٣٢﴾ وَكَوَاعِبَ أَتْرَابًا ﴿٣٣﴾ وَكَأْسًا دِهَاقًا
﴿٣٤﴾ لَّا يَسْمَعُونَ فِيهَا لَغْوًا وَلَا كِذَّٰبًا ﴿٣٥﴾ جَزَآءً مِّن رَّبِّكَ عَطَآءً حِسَابًا ﴿٣٦﴾

31-36. Албатта, муттақийларга улуғ мақсадга етадиган кун бордир. Уларга узумзорлар, боғлар ато қилинади. Ҳусн ва жамолда бир-бирларига ўхшаш (тенгқур) камолга (бўйига) етган қизлар ато қилинади. Шаробга тўлдирилган жомлар берилади. Жаннат аҳли жаннатда беҳуда ва ёлғон сўзларни эшитмайдилар. Булар (қилинган яхши амаллар ҳисобига) Парвардигоринг томонидан яхши ато (мукофот)ларга етадилар (эришадилар).

رَّبِّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَمَا بَيۡنَهُمَا ٱلرَّحۡمَٰنِۖ لَا يَمۡلِكُونَ مِنۡهُ خِطَابٗا ﴿٣٧﴾
يَوۡمَ يَقُومُ ٱلرُّوحُ وَٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ صَفّٗاۖ لَّا يَتَكَلَّمُونَ إِلَّا مَنۡ أَذِنَ لَهُ ٱلرَّحۡمَٰنُ
وَقَالَ صَوَابٗا ﴿٣٨﴾ ذَٰلِكَ ٱلۡيَوۡمُ ٱلۡحَقُّۖ فَمَن شَآءَ ٱتَّخَذَ إِلَىٰ رَبِّهِۦ مَـَٔابًا ﴿٣٩﴾ إِنَّآ
أَنذَرۡنَٰكُمۡ عَذَابٗا قَرِيبٗا يَوۡمَ يَنظُرُ ٱلۡمَرۡءُ مَا قَدَّمَتۡ يَدَاهُ وَيَقُولُ ٱلۡكَافِرُ
يَٰلَيۡتَنِي كُنتُ تُرَٰبَۢا ﴿٤٠﴾ **30 жузъ**

37-40. Парвардигор осмонлару ерни ва улар ўртасидаги нарсаларни яратувчидир *ва улуғ эҳсонлар қилувчидир.* У кунда осмондаги малоикалар ва ердаги инсонлар Парвардигорга сўзлашга қодир бўлмайдилар, магар Парвардигор томонидан рухсат берилса (гапиради). У кунда Руҳ (Жаброил) номли фаришта ва малоикалар саф тортиб турадилар. *Шафоат тўғрисида* ҳеч ким сўзлаёлмайди, магар Парвардигор рухсат берган зот (киши) сўзлай олади ва фақат тўғри (рост) сўзни айтади. Бу кун (Қиёмат) ҳақдир. Бас, агар ким (Аллоҳнинг розилигини) хоҳласа тоат-ибодат билан Худо тарафига қайтади. Биз сизларни яқин келажакдаги азобдан қўрқитамиз. У шундай кундирки, ҳар бир одам ҳаёти дунёда хоҳ яхши, хоҳ ёмон – қандай амал қилиб охиратга юборган бўлса, албатта, унинг (жазо ёки) мукофотини кўради. Ўша кунда кофирлар: «Кошки мен тупроқ бўлиб кетсам эди!», – *ёки «Қабрда тупроққа айланиб қайта тирилмасам эди!»,* – деб айтадилар.

Тартиби 79 ترتيبها

سُورَةُ النَّازِعَاتِ

НОЗИОТ СУРАСИ

Оятлари 46 آياتها

Маккада нозил бўлган бу сура қирқ олти оятдан иборатдир.

30 жузъ

Оятнинг номи «Сиқиб чиқарганлар» маъносини англатувчи «нозиъот» сўзидан олинган. Ушбу сурада эса, «нозиъот» – суғуриб олувчи, яъни жон олгувчи фаришталар маъносида келган. Сурадаги асосий фикр Қиёмат ҳақидадир. Аллоҳ таоло Ўз сўзини суранинг илк беш оятида зикр этилган куч ва фаришталар билан таъминланган борлиқларга қасам ичишдан бошламоқда. Шу билан Ҳақ таоло қайта тирилишнинг ҳақлигини таъкидлайди ва Қиёмат кунидаги даҳшатли манзараларни тасвирлайди. Сурада Фиръавн қавмининг ҳалокатга учраши баён этилади ва охирида яна Қиёмат мавзусига қайтилиб, кофирларнинг ҳаёти дунёда бир соат ҳам турмагандек бўлиб қолишлари таъкидлаб ўтилади.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَٱلنَّٰزِعَٰتِ غَرۡقٗا ﴿١﴾ وَٱلنَّٰشِطَٰتِ نَشۡطٗا ﴿٢﴾ وَٱلسَّٰبِحَٰتِ سَبۡحٗا ﴿٣﴾
فَٱلسَّٰبِقَٰتِ سَبۡقٗا ﴿٤﴾ فَٱلۡمُدَبِّرَٰتِ أَمۡرٗا ﴿٥﴾

1-5. Кофирларнинг жонини қаттиқ (суғуриб) олувчи малоикаларга қасам! Мўминларнинг руҳини мулойимлик (билан) олувчи малоикаларга қасам! Худонинг фармонини бажаришда югуриб юрадиган малоикаларга қасам! Худога ибодат қилишда ҳаммадан сабқат қилувчи (шошиб ўзгувчи) малоикаларга қасам! Бандаларнинг ризқларини интизом (назорат) қилувчи малоикаларга қасамки, *албатта, Қиёматда ҳамма тирилади ва қилган амалларидан ҳисоб беради.*

يَوۡمَ تَرۡجُفُ ٱلرَّاجِفَةُ ﴿٦﴾ تَتۡبَعُهَا ٱلرَّادِفَةُ ﴿٧﴾ قُلُوبٞ يَوۡمَئِذٖ وَاجِفَةٌ ﴿٨﴾
أَبۡصَٰرُهَا خَٰشِعَةٞ ﴿٩﴾ يَقُولُونَ أَءِنَّا لَمَرۡدُودُونَ فِي ٱلۡحَافِرَةِ ﴿١٠﴾ أَءِذَا كُنَّا عِظَٰمٗا
نَّخِرَةٗ ﴿١١﴾ قَالُواْ تِلۡكَ إِذٗا كَرَّةٌ خَاسِرَةٞ ﴿١٢﴾ فَإِنَّمَا هِيَ زَجۡرَةٞ وَٰحِدَةٞ ﴿١٣﴾ فَإِذَا هُم
بِٱلسَّاهِرَةِ ﴿١٤﴾

6-14. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), у кунни ёд қилгилки, Исрофил (алайҳиссалом) биринчи сур тортганда еру осмонлар ларзага келиб, ҳамма

тирик жон ўлади. Ундан кейин иккинчи сур тортганда ҳамма (жондор) тирилади. У вақтда қўрқувдан диллар титрайди, кўзлар (кучли изтиробдан) ерга тикилиб туради. Ва Қиёматга мункир бўлганлар айтадиларки: «Оё бизлар (ўлганимиздан кейин) аввалги ҳолатга қайтариламизми? Бизнинг суякларимиз чириб кетгандан сўнг ҳам яна (қайта) тириламизми? Агар шундай қайтиш бўлар экан, у ҳолда бу қайтишимиз (жуда) оғир зиён ва расволикдан иборатдир!» Бу иккинчи сур қаттиқ овоздан (бир қичқириқдан) иборатдир, ногаҳон ҳамма ўликлар тирилиб, ернинг бетига чиқадилар.

هَلْ أَتَىٰكَ حَدِيثُ مُوسَىٰٓ ﴿١٥﴾ إِذْ نَادَىٰهُ رَبُّهُۥ بِٱلْوَادِ ٱلْمُقَدَّسِ طُوًى ﴿١٦﴾ ٱذْهَبْ 30 жузъ
إِلَىٰ فِرْعَوْنَ إِنَّهُۥ طَغَىٰ ﴿١٧﴾ فَقُلْ هَل لَّكَ إِلَىٰٓ أَن تَزَكَّىٰ ﴿١٨﴾ وَأَهْدِيَكَ إِلَىٰ رَبِّكَ
فَتَخْشَىٰ ﴿١٩﴾ فَأَرَىٰهُ ٱلْءَايَةَ ٱلْكُبْرَىٰ ﴿٢٠﴾ فَكَذَّبَ وَعَصَىٰ ﴿٢١﴾ ثُمَّ أَدْبَرَ يَسْعَىٰ ﴿٢٢﴾
فَحَشَرَ فَنَادَىٰ ﴿٢٣﴾ فَقَالَ أَنَا۠ رَبُّكُمُ ٱلْأَعْلَىٰ ﴿٢٤﴾ فَأَخَذَهُ ٱللَّهُ نَكَالَ ٱلْءَاخِرَةِ
وَٱلْأُولَىٰٓ ﴿٢٥﴾ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَعِبْرَةً لِّمَن يَخْشَىٰٓ ﴿٢٦﴾

15-26. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга Мусо қиссаси (хабари) келганми? Фикр қил, Парвардигор унга Туво деган покиза водийда нидо қилиб айтдики: «Фиръавннинг олдига бор. Уни иймонга далолат қил (ундагин), чунки у ҳаддидан ошгандир. Унга айтгил: «Эй Фиръавн, куфру исёндан покланишга майлинг борми? Мен сени Парвардигорни танишга ва Ундан қўрқишга ҳидоят қиламан». Мусо (алайҳиссалом) *Худонинг ҳукми билан унинг олдига борди* ва улуғ мўъжиза кўрсатди. Лекин Фиръавн ёлғонга чиқарди ва исён қилди. Кейин юзини (орқасини) ўгирди ва аждарҳодан қочгани турди. *Кейин Мусо (алайҳиссалом)га: «Мен қавмим билан бир гаплашиб кўрай», — деб айтди. Мусо (алайҳиссалом) кетди.* Кейин Фиръавн қавмини тўплади ва уларга: «Мен улуғ парвардигорларингман, *менга сажда қилинглар»*, — деди. Бас, Аллоҳ таоло уни дунё ва охират азобига гирифтор қилди. Албатта, бу қиссада охират азобидан қўрқувчилар учун ибрат бордир.

ءَأَنتُمْ أَشَدُّ خَلْقًا أَمِ ٱلسَّمَآءُ ۚ بَنَىٰهَا ﴿٢٧﴾ رَفَعَ سَمْكَهَا فَسَوَّىٰهَا ﴿٢٨﴾ وَأَغْطَشَ
لَيْلَهَا وَأَخْرَجَ ضُحَىٰهَا ﴿٢٩﴾ وَٱلْأَرْضَ بَعْدَ ذَٰلِكَ دَحَىٰهَآ ﴿٣٠﴾ أَخْرَجَ مِنْهَا مَآءَهَا
وَمَرْعَىٰهَا ﴿٣١﴾ وَٱلْجِبَالَ أَرْسَىٰهَا ﴿٣٢﴾ مَتَٰعًا لَّكُمْ وَلِأَنْعَٰمِكُمْ ﴿٣٣﴾

27-33. Эй ҳашрга (қайта тирилишга) мункирлар, сизларни халқ қилиш қийинми ёки осмонни яратиш қийинми? *Албатта, осмонни яратиш қийиндир.* Аллоҳ таоло осмонни бино қилди ва унинг томини (шифтини) баланд кўтарди ва ҳамда уни баробар қилди (ҳар жиҳатдан мукаммал) қилди. Ва унинг кечасини қоронғу қилди ва кундузини равшан (ёруғ) қилди. Ва осмонни яратгандан кейин ерни текис қилиб қўйди. У ердан чашмалар

чиқарди. Ҳайвонлар ўтлайдиган яйловлар пайдо қилди. Ер юзида тоғларни мустаҳкам қилиб яратди. Буларнинг ҳаммаси сизларнинг ва жониворларингиз (чорва ҳайвонларингиз) манфаати учундир.

فَإِذَا جَآءَتِ ٱلطَّآمَّةُ ٱلْكُبْرَىٰ ﴿٣٤﴾ يَوْمَ يَتَذَكَّرُ ٱلْإِنسَٰنُ مَا سَعَىٰ ﴿٣٥﴾ وَبُرِّزَتِ
ٱلْجَحِيمُ لِمَن يَرَىٰ ﴿٣٦﴾ فَأَمَّا مَن طَغَىٰ ﴿٣٧﴾ وَءَاثَرَ ٱلْحَيَوٰةَ ٱلدُّنْيَا ﴿٣٨﴾ فَإِنَّ ٱلْجَحِيمَ
هِىَ ٱلْمَأْوَىٰ ﴿٣٩﴾ وَأَمَّا مَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِۦ وَنَهَى ٱلنَّفْسَ عَنِ ٱلْهَوَىٰ ﴿٤٠﴾ فَإِنَّ
ٱلْجَنَّةَ هِىَ ٱلْمَأْوَىٰ ﴿٤١﴾

30 жузъ

34-41. Вақтики инсонлар бошига Қиёмат келса, Худонинг фармони жорий бўлади. Ўша кунда инсон ўзининг ҳамма қилган ишини ёд қилади (эсга олади). Ҳамма қараб турган ҳолда дўзах зоҳир қилинади. Аммо кимки бу дунёда ҳаддидан ошган, охиратни тарк этиб, дунё ҳаётини ихтиёр қилган бўлса, албатта, унинг жойи дўзахдир. Ва аммо, кимки Парвардигорнинг олдида ҳозир бўлишдан қўрқса ва нафсини шаҳватдан (беҳуда ҳою ҳавасдан) манъ қилса (қайтарган бўлса), албатта, унинг жойи жаннатдир.

يَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلسَّاعَةِ أَيَّانَ مُرْسَىٰهَا ﴿٤٢﴾ فِيمَ أَنتَ مِن ذِكْرَىٰهَآ ﴿٤٣﴾ إِلَىٰ رَبِّكَ
مُنتَهَىٰهَآ ﴿٤٤﴾ إِنَّمَآ أَنتَ مُنذِرُ مَن يَخْشَىٰهَا ﴿٤٥﴾ كَأَنَّهُمْ يَوْمَ يَرَوْنَهَا لَمْ يَلْبَثُوٓا۟ إِلَّا
عَشِيَّةً أَوْ ضُحَىٰهَا ﴿٤٦﴾

42-46. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), кофирлар Сендан Қиёматнинг қай вақт барпо (қоим) бўлишини сўрайдилар. Уни билишда Сен қайси мартабадасан? (Сени илминг қай даражада?) *Сен у куннинг вақтини (билмайсан ва) билишинг зарур ҳам эмасдир.* Қиёмат илмининг интиҳоси Парвардигорингга (хос)дир. Сенинг вазифанг (фақат) Қиёматдан қўрқувчиларга хабар бериш ва қўрқитишдир. Агар *Макка кофирлари* Қиёматни кўрсалар, (қўрқувдан) бу ерда (дунё ҳаётида) кечанинг бир соатидан, ёки эртанинг бир соатидан (ортиқ) тўхтамагандек (яшамагандек) бўлиб қоладилар. *Кейин ҳаммалари ҳалок бўладилар*

Маккада нозил бўлган бу сура
қирқ икки оятдан иборатдир.

30 жузъ

Суранинг «Абаса» номи «юзини буриштирди, қошини чимирди» маъносидаги илк оятдан олинган. Бу суранинг нозил бўлишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам Валид, Умайя бин Халаф, Утба бин Робиа каби Қурайш зодагонларига Исломни тушунтираётган бир пайтда ҳузурларига Абдуллоҳ ибни Умми Мактум келади. Кўзи ожизлиги сабабли у ерда ўтирганларни кўрмаган Абдуллоҳ Расулуллоҳга бир неча бор: «Худо Сенга таълим берган Қуръондан менга ҳам таълим бергил», – деб айтади. Расулуллоҳ унинг бемаҳал саволидан нохушлик ҳис қилиб, юзларини ўгириб, жавоб бермайдилар. Чунки Қурайшнинг бойлари ўзларига мувофиқ муомала қилинишини хоҳлар эдилар. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни ранжитишини хоҳламадилар. Абдуллоҳ йиғлаб чиқиб кетди, шунда ушбу сура нозил бўлади.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

عَبَسَ وَتَوَلَّىٰٓ ﴿١﴾ أَن جَآءَهُ ٱلْأَعْمَىٰ ﴿٢﴾ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّهُۥ يَزَّكَّىٰٓ ﴿٣﴾ أَوْ يَذَّكَّرُ
فَتَنفَعَهُ ٱلذِّكْرَىٰٓ ﴿٤﴾

1-4. Муҳаммад (алайҳиссалом) юзини тириш қилди (буриштирди) ва орқа ўгирди. Шунинг учунки, унинг олдига аъмо (кўзи ожиз) келиб савол қилди. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга «У нотўғри иш қилди», деб нима нарса билдирди. Шоядки (Сендан эшитганлари туфайли) унинг дили покланар эди, ёки Сендан эшитиб, панд олар ва унга насиҳат фойда қилар эди.

أَمَّا مَنِ ٱسْتَغْنَىٰ ﴿٥﴾ فَأَنتَ لَهُۥ تَصَدَّىٰ ﴿٦﴾ وَمَا عَلَيْكَ أَلَّا يَزَّكَّىٰ ﴿٧﴾ وَأَمَّا مَن
جَآءَكَ يَسْعَىٰ ﴿٨﴾ وَهُوَ يَخْشَىٰ ﴿٩﴾ فَأَنتَ عَنْهُ تَلَهَّىٰ ﴿١٠﴾

5-10. Аммо ўзини иймон келтиришдан мустағний (беҳожат) деб билган киши тарафига юзланасан ва иймон келтиришига ҳарис (ўта хоҳишманд) бўласан. Агар у куфрдан покланмаса, Сенга ҳеч зарари йўқ. Аммо ҳузурингга таълим олиш учун шошилиб келган киши бўлса, у Худодан қўрқади. Бас, Сен ундан юз ўгириб, кофирларга машғул бўласан.

كَلَّآ إِنَّهَا تَذْكِرَةٌ ﴿١١﴾ فَمَن شَآءَ ذَكَرَهُۥ ﴿١٢﴾ فِى صُحُفٍ مُّكَرَّمَةٍ ﴿١٣﴾ مَّرْفُوعَةٍ مُّطَهَّرَةٍ
﴿١٤﴾ بِأَيْدِى سَفَرَةٍ ﴿١٥﴾ كِرَامٍ بَرَرَةٍ ﴿١٦﴾ قُتِلَ ٱلْإِنسَٰنُ مَآ أَكْفَرَهُۥ ﴿١٧﴾ مِنْ أَىِّ
شَىْءٍ خَلَقَهُۥ ﴿١٨﴾ مِن نُّطْفَةٍ خَلَقَهُۥ فَقَدَّرَهُۥ ﴿١٩﴾ ثُمَّ ٱلسَّبِيلَ يَسَّرَهُۥ ﴿٢٠﴾ ثُمَّ
أَمَاتَهُۥ فَأَقْبَرَهُۥ ﴿٢١﴾ ثُمَّ إِذَا شَآءَ أَنشَرَهُۥ ﴿٢٢﴾

30 жузъ 11-22. (Йўқ!) Ундай бўлмаслиги керак! Албатта, Қуръон панд олишни истаганларга мавъиза (эслатма)дир. Парвардигорнинг наздида азиз саҳифаларда ёзилгандир ва мартабаси юксакдир. Беҳуда нарсалардан покдир. Лавҳул Маҳфуздан олиб ёзувчи мукаррам фаришталарнинг қўлидадир. Кофир одам лаънатга гирифтор бўлсин! У қандай ҳам ношукур банда экан! Ўйламайдики, Худо уни нима нарсадан яратган?! Уни манийдан яратгандир. Онанинг раҳмида (бачадонида) аъзоларини бир-бирига муносиб қилиб яратди. Кейин (она қорнидан) чиқиш йўлини осон қилди. Сўнгра, ажали етганда, ўлдирди, кейин қабрга киритди. Сўнг яна хоҳлаган вақтида тирилтиради.

كَلَّا لَمَّا يَقْضِ مَآ أَمَرَهُۥ ﴿٢٣﴾ فَلْيَنظُرِ ٱلْإِنسَٰنُ إِلَىٰ طَعَامِهِۦٓ ﴿٢٤﴾ أَنَّا صَبَبْنَا
ٱلْمَآءَ صَبًّا ﴿٢٥﴾ ثُمَّ شَقَقْنَا ٱلْأَرْضَ شَقًّا ﴿٢٦﴾ فَأَنۢبَتْنَا فِيهَا حَبًّا ﴿٢٧﴾ وَعِنَبًا
وَقَضْبًا ﴿٢٨﴾ وَزَيْتُونًا وَنَخْلًا ﴿٢٩﴾ وَحَدَآئِقَ غُلْبًا ﴿٣٠﴾ وَفَٰكِهَةً وَأَبًّا ﴿٣١﴾ مَّتَٰعًا لَّكُمْ
وَلِأَنْعَٰمِكُمْ ﴿٣٢﴾

23-32. (Йўқ!) Аммо у андиша қилмади ва Худонинг амрини бажо келтирмади. Лозимдирки, инсон ўзининг ейдиган таомига назар солсин. *У қаердан пайдо бўлади?* Албатта, Биз осмондан ёмғирни ёғдирамиз, кейин ерни (ўсимлик ва гиёҳлар билан) ёрамиз. У ернинг ёриғидан донларни кўкартирамиз. Токлар ва олмалар, зайтунлар ва хурмолар ўстирамиз. Ҳамда сизларнинг манфаатларингиз учун ва чорва ҳайвонларингизнинг манфаатлари учун дарахтлари кўп боғлар, мевалар ва кўкаламзорлар яратамиз (ундириб-ўстирамиз).

فَإِذَا جَآءَتِ ٱلصَّآخَّةُ ﴿٣٣﴾ يَوْمَ يَفِرُّ ٱلْمَرْءُ مِنْ أَخِيهِ ﴿٣٤﴾ وَأُمِّهِۦ وَأَبِيهِ ﴿٣٥﴾
وَصَٰحِبَتِهِۦ وَبَنِيهِ ﴿٣٦﴾ لِكُلِّ ٱمْرِئٍ مِّنْهُمْ يَوْمَئِذٍ شَأْنٌ يُغْنِيهِ ﴿٣٧﴾ وُجُوهٌ يَوْمَئِذٍ
مُّسْفِرَةٌ ﴿٣٨﴾ ضَاحِكَةٌ مُّسْتَبْشِرَةٌ ﴿٣٩﴾ وَوُجُوهٌ يَوْمَئِذٍ عَلَيْهَا غَبَرَةٌ ﴿٤٠﴾ تَرْهَقُهَا قَتَرَةٌ
﴿٤١﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْكَفَرَةُ ٱلْفَجَرَةُ ﴿٤٢﴾

33-42. Вақтики қаттиқ овоз (қичқириқ) бўлганда, яъни Исрофил (алайҳиссалом) иккинчи сур тортганда (чалганда) бандалар оғир аҳволда қоладилар. Ўша кунда одам ўзининг туғишган биродаридан, онасидан, отасидан, хотинидан ва бола-чақасидан қочади. *Ҳар бир одамга ўша (қариндош, ёр-биродар)ларидан ғофил бўлиши учун бир ҳолате пайдо бўлади. Ҳар бир одам ўз ҳолига машғул бўлиб қолади.* Ўша кунда баъзиларининг юзлари ниҳоят даражада нуроний, кулиб турган ва хурсанд ҳолда бўлади. Баъзиларининг юзлари ғуборли, қорайган ва ғамли ҳолда бўлади. Бу кейинги гуруҳлар кофирлар ва фожирлардан иборат гуруҳлардир.

Маккада нозил бўлган бу сура йигирма тўққиз оятдан иборатдир.

30 жузъ

«Таквир» – ўралиш демакдир. Суранинг илк оятлариданоқ қуёшнинг ўралиб қолиши ва Қиёмат аломатларининг зоҳир бўлиши ҳақида сўз боради. Шунингдек, инсонларнинг қайта тирилиб, Маҳшаргоҳга жам бўлиши, ҳисоб-китобга тортилиши, Қуръони карим ва унинг ваҳий қилиниши билан боғлиқ хабарлар сура давомида баён қилиб берилади.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

إِذَا ٱلشَّمْسُ كُوِّرَتْ ﴿١﴾ وَإِذَا ٱلنُّجُومُ ٱنكَدَرَتْ ﴿٢﴾ وَإِذَا ٱلْجِبَالُ سُيِّرَتْ ﴿٣﴾
وَإِذَا ٱلْعِشَارُ عُطِّلَتْ ﴿٤﴾ وَإِذَا ٱلْوُحُوشُ حُشِرَتْ ﴿٥﴾ وَإِذَا ٱلْبِحَارُ سُجِّرَتْ ﴿٦﴾

1-6. Вақтики офтоб ўраб йиғиштирилса, вақтики юлдузлар хира бўлиб, тўкилиб кетса, тоғлар майдаланиб, ўрнидан суриб ташланса, туғадиган (ҳомиласи ўн ойлик) туялар маътал бўлиб, эгасиз (қаровсиз) қолса, тамом ваҳший жониворлар бир-бирига аралашиб кетса, дарёларнинг суви қуриб, танурдек қизиб (ёниб) кетса;

وَإِذَا ٱلنُّفُوسُ زُوِّجَتْ ﴿٧﴾ وَإِذَا ٱلْمَوْءُۥدَةُ سُئِلَتْ ﴿٨﴾ بِأَىِّ ذَنۢبٍ قُتِلَتْ ﴿٩﴾
وَإِذَا ٱلصُّحُفُ نُشِرَتْ ﴿١٠﴾ وَإِذَا ٱلسَّمَآءُ كُشِطَتْ ﴿١١﴾ وَإِذَا ٱلْجَحِيمُ سُعِّرَتْ ﴿١٢﴾
وَإِذَا ٱلْجَنَّةُ أُزْلِفَتْ ﴿١٣﴾ عَلِمَتْ نَفْسٌ مَّآ أَحْضَرَتْ ﴿١٤﴾

7-14. Вақтики арвоҳлар ўз жасадларига жуфтлантирилса, вақтики тириклай кўмилган қизлар нима сабабдан қатл қилинганликлари тўғрисида савол қилинса, вақтики номаи аъмоллар очилиб ўқилса, вақтики осмсннинг пардаси йиртилиб, очилиб кетса, вақтики дўзахлар ўт билан қиздирилса, вақтики жаннат Маҳшаргоҳга яқинлаштирилса, ҳар бир нафс бу ерга нимани ҳозирлаб келтирганини билади.

فَلَآ أُقْسِمُ بِٱلْخُنَّسِ ﴿١٥﴾ ٱلْجَوَارِ ٱلْكُنَّسِ ﴿١٦﴾ وَٱلَّيْلِ إِذَا عَسْعَسَ ﴿١٧﴾ وَٱلصُّبْحِ

إِذَا تَنَفَّسَ ﴿١٨﴾ إِنَّهُۥ لَقَوْلُ رَسُولٍ كَرِيمٍ ﴿١٩﴾ ذِى قُوَّةٍ عِندَ ذِى ٱلْعَرْشِ مَكِينٍ
﴿٢٠﴾ مُّطَاعٍ ثَمَّ أَمِينٍ ﴿٢١﴾

15-21. (Кундузлари) орқага қайтувчи (пинҳон бўлгувчи) ва (кечалари) ҳаракат қилгувчи ва ғойиб бўлгувчи юлдузга қасам! Ва орқага қайтган (ўз зулмати билан кириб келган, ё ортга қайтган) кечанинг номига қасам! Ва ёруғ бўлган (ёришиб отаётган) субҳга (тонгга) қасам! (Албатта), бу Қуръон Худо тарафидан келган азиз элчи – улуғ ва қувват соҳиби, Аршнинг эгаси (бўлган) Парвардигорнинг ҳузурида мартабали, у жойда бошқа фаришталар унга фармонбардор, ўзи омонатдор – Жаброилнинг Расулуллоҳга олиб келган сўзидир.

30 жузъ

وَمَا صَاحِبُكُم بِمَجْنُونٍ ﴿٢٢﴾ وَلَقَدْ رَءَاهُ بِٱلْأُفُقِ ٱلْمُبِينِ ﴿٢٣﴾ وَمَا هُوَ عَلَى ٱلْغَيْبِ
بِضَنِينٍ ﴿٢٤﴾ وَمَا هُوَ بِقَوْلِ شَيْطَٰنٍ رَّجِيمٍ ﴿٢٥﴾ فَأَيْنَ تَذْهَبُونَ ﴿٢٦﴾ إِنْ هُوَ إِلَّا ذِكْرٌ
لِّلْعَٰلَمِينَ ﴿٢٧﴾ لِمَن شَآءَ مِنكُمْ أَن يَسْتَقِيمَ ﴿٢٨﴾ وَمَا تَشَآءُونَ إِلَّآ أَن يَشَآءَ ٱللَّهُ رَبُّ
ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٢٩﴾

22-29. Ва сизларнинг соҳибларингиз мажнун ҳам эмас ва коҳин ҳам эмас. У Муҳаммад (алайҳиссалом) очиқ уфқда Жаброил (алайҳиссалом)ни ўз ҳайъатида (асл қиёфасида) кўрди. Сизларнинг соҳибларингиз Худодан келган *махфий* ваҳийларга бахил эмас. *У ҳаммасини сизларга таълим беради*. Ва Қуръон мардуд шайтоннинг сўзи эмас. Бас, энди сизлар юзларингизни Ҳақдан ўгириб, қаёққа кетмоқдасизлар? У Қуръони карим олам аҳлига панд-насиҳатдир. Ва ҳам сизлардан кимки Ҳақ йўлида мустақим (собит) бўлишни истаса, ўша одамга панд-насиҳатдир. Сизлар ҳақ йўлда истиқомат қилишни хоҳламайсизлар, магар Парвардигори олам ирода қилсагина (хоҳлайсизлар).

Маккада нозил бўлган бу сура
ўн тўққиз оятдан иборатдир.

30 жузъ *«Инфитор» сўзининг маъноси ёрилмоқ бўлиб, сурада осмоннинг ёрилиши ҳақида сўзланганлиги учун шундай ном олган. Сура Қиёматнинг ўзига хос аломатларини баён қилиш билан бошланади. Охиратни инкор қилган саркаш ва мағрур инсон огоҳлантирилади ва ҳар бир амални ёзиб борадиган фаришталар борлиги айтилади. Қиёматда яхшилар жаннатда, фожирлар абадий дўзахда қолажакларидан ва у кунда ҳукм қилиш фақат Аллоҳга хослигидан хабар берилади.*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аллоҳ таоло номи билан бошлайман.
У Зот дунё ва охиратда бандаларга меҳрибон (ва раҳмли)дир.

إِذَا ٱلسَّمَآءُ ٱنفَطَرَتْ ﴿١﴾ وَإِذَا ٱلْكَوَاكِبُ ٱنتَثَرَتْ ﴿٢﴾ وَإِذَا ٱلْبِحَارُ فُجِّرَتْ ﴿٣﴾
وَإِذَا ٱلْقُبُورُ بُعْثِرَتْ ﴿٤﴾ عَلِمَتْ نَفْسٌ مَّا قَدَّمَتْ وَأَخَّرَتْ ﴿٥﴾

1-5. Вақтики осмон пора-пора бўлиб, пардалари йиртилса, вақтики юлдузлар нурсиз бўлиб тўкилса (сочилиб кетса), вақтики дарё (денгиз-)лар (аралашиб) жорий қилиниб (тошса ва) йўқ қилинса, вақтики қабр аҳли тирилиб чиқса, ҳар бир нафс ўзининг илгари қилган амалларини, ё (ўзидан кейин) қолдирган амалларини билади.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلْإِنسَٰنُ مَا غَرَّكَ بِرَبِّكَ ٱلْكَرِيمِ ﴿٦﴾ ٱلَّذِى خَلَقَكَ فَسَوَّىٰكَ فَعَدَلَكَ
﴿٧﴾ فِىٓ أَىِّ صُورَةٍ مَّا شَآءَ رَكَّبَكَ ﴿٨﴾ كَلَّا بَلْ تُكَذِّبُونَ بِٱلدِّينِ ﴿٩﴾ وَإِنَّ عَلَيْكُمْ
لَحَٰفِظِينَ ﴿١٠﴾ كِرَامًا كَٰتِبِينَ ﴿١١﴾ يَعْلَمُونَ مَا تَفْعَلُونَ ﴿١٢﴾

6-12. Эй инсон, нима нарса сени алдаб қўйдики, улуғ Парвардигорингни (унутиб) инкор қилдинг? У Парвардигор сени халқ қилган эди. Онанинг қорнидаёқ аъзоларингни баробар (мутаносиб) қилиб, сўнгра қоматингни баробар (расо, мукаммал) айлади. Сени қандай суратда хоҳласа, (шундай) таркиб берди. (Йўқ!) Сизлар (эй кофирлар), албатта, Худони инкор қилмаслигингиз керак эди. Балки сизлар Қиёматда жазо берилишини ҳам инкор қиласизлар. Албатта, сизларнинг устингизда амалларингизни муҳофаза қилувчи Кироман котибин (улуғ фаришталар) бор. Улар нима қилаётганингизни биладилар.

إِنَّ ٱلْأَبْرَارَ لَفِى نَعِيمٍ ﴿١٣﴾ وَإِنَّ ٱلْفُجَّارَ لَفِى جَحِيمٍ ﴿١٤﴾ يَصْلَوْنَهَا يَوْمَ ٱلدِّينِ ﴿١٥﴾
وَمَا هُمْ عَنْهَا بِغَآئِبِينَ ﴿١٦﴾ وَمَآ أَدْرَىٰكَ مَا يَوْمُ ٱلدِّينِ ﴿١٧﴾ ثُمَّ مَآ أَدْرَىٰكَ مَا يَوْمُ
ٱلدِّينِ ﴿١٨﴾ يَوْمَ لَا تَمْلِكُ نَفْسٌ لِّنَفْسٍ شَيْـًٔا ۖ وَٱلْأَمْرُ يَوْمَئِذٍ لِّلَّهِ ﴿١٩﴾

13-19. Албатта, яхшилар жаннатда нозу неъмат ичида бўладилар. (Ва), албатта, фожирлар ва мункирлар дўзахда бўладилар. (Улар) Қиёмат куни дўзахга кирадилар ва дўзахдан ғойиб бўлолмайдилар. Сенга ким билдирдики, «Явмуд-дин» (Қиёмат куни) нимадир? Яна сендан такроран сўрайманки, «Явмуд-дин» (Қиёмат куни) нимадир? «Явмуд дин» (Қиёмат куни) шундай кундирки, ҳеч бир нафс (шахс) яна (бошқа) бир нафснинг фойдаси учун бирор нарса қилишга молик бўлмайди. У кунда (барча) фармон (ҳукмлар) Худоники (Худога хос)дир.

30 жузъ

Маккада нозил бўлган бу сура ўттиз олти оятдан иборатдир.

30 жузъ *«Мутаффифин» – бировларнинг ҳақларидан уриб қолгувчилардир. Суранинг бошида ўлчов ва тарозиларидан бировларнинг ҳақларини уриб қолгувчилар мазаммат қилингани учун унга «Мутаффифин» номи берилган. Ўлчов ва тарозига хиёнат қиладиганлар, фосиқ ва фожирлар учун оқибат дўзах тайёрлаб қўйилган бўлса, аҳли иймон учун ноз-неъматли жаннатлар ҳозирлаб қўйилганлиги сурада таъкидлаб ўтилади.*

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَيْلٌ لِّلْمُطَفِّفِينَ ﴿١﴾ الَّذِينَ إِذَا اكْتَالُوا عَلَى النَّاسِ يَسْتَوْفُونَ ﴿٢﴾ وَإِذَا كَالُوهُمْ
أَو وَّزَنُوهُمْ يُخْسِرُونَ ﴿٣﴾ أَلَا يَظُنُّ أُولَٰئِكَ أَنَّهُم مَّبْعُوثُونَ ﴿٤﴾ لِيَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿٥﴾
يَوْمَ يَقُومُ النَّاسُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٦﴾

1-6. Одамларнинг ҳақларини (ўлчов, тарозидан) кам қилувчилар (уриб қолувчилар)нинг ҳолларига вой! Улар шундай жамоадирларки, вақтики халқдан ҳақларини ўлчаб, ёки тортиб олсалар, тўлиқ (тортиб) оладилар. Агар бошқаларга ҳақларини ўлчаб, ёки тортиб берсалар, кам қилиб (уриб қолиб) берадилар. Қиёматда халқ тирилиб, Парвардигори олам ҳузурида ҳозир бўлганларида бу гуруҳлар ҳам ҳозир бўлишларини билмайдиларми?

كَلَّا إِنَّ كِتَابَ الْفُجَّارِ لَفِي سِجِّينٍ ﴿٧﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا سِجِّينٌ ﴿٨﴾ كِتَابٌ مَّرْقُومٌ
﴿٩﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿١٠﴾ الَّذِينَ يُكَذِّبُونَ بِيَوْمِ الدِّينِ ﴿١١﴾ وَمَا يُكَذِّبُ
بِهِ إِلَّا كُلُّ مُعْتَدٍ أَثِيمٍ ﴿١٢﴾

7-12. Бу ҳақ ва муқаррардирки, гуноҳкорларнинг номаи аъмоллари «Сижжийн»да бўлади. Сижжийн нима эканлигидан Сени нима огоҳлантирди? Сижжийн – ёзилган бир китобдир. Бу Қиёмат кунини инкор қилувчиларнинг ҳолига вой! Улар шундай гуруҳларки, «Явмул жазо» (Жазо куни – Қиёмат)га ишонмайдилар. «Явмул жазо»ни фақат золимлар ва гуноҳкорларгина инкор қиладилар.

إِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِ ءَايَٰتُنَا قَالَ أَسَٰطِيرُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٣﴾ كَلَّا ۖ بَلْ ۜ رَانَ عَلَىٰ قُلُوبِهِم مَّا
كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿١٤﴾ كَلَّآ إِنَّهُمْ عَن رَّبِّهِمْ يَوْمَئِذٍ لَّمَحْجُوبُونَ ﴿١٥﴾ ثُمَّ إِنَّهُمْ لَصَالُوا۟
ٱلْجَحِيمِ ﴿١٦﴾ ثُمَّ يُقَالُ هَٰذَا ٱلَّذِى كُنتُم بِهِۦ تُكَذِّبُونَ ﴿١٧﴾

13-17. Вақтики Бизнинг оятларимиз у (инкорчи)нинг ҳузурида тиловат қилинса: «Бу илгари ўтган одамларнинг афсонасидир», – деб айтади. (Йўқ!) У (оятлар) афсона эмас, балки Худонинг каломидир. Лекин уларнинг дилларини қилган гуноҳларининг кири босиб (қоплаб) олгандир. Балки улар у кунда Парвардигорнинг марҳамат нуридан парда (орти)да беркиниб қолувчилардир. Сўнгра улар, (албатта), дўзахга киргувчилардир. Кейин малоикалар тарафидан айтиладики: «Сизлар у дунёда «ёлғон» деб инкор қилган дўзах – мана шудир». 30 жузъ

كَلَّآ إِنَّ كِتَٰبَ ٱلْأَبْرَارِ لَفِى عِلِّيِّينَ ﴿١٨﴾ وَمَآ أَدْرَىٰكَ مَا عِلِّيُّونَ ﴿١٩﴾ كِتَٰبٌ مَّرْقُومٌ
﴿٢٠﴾ يَشْهَدُهُ ٱلْمُقَرَّبُونَ ﴿٢١﴾ إِنَّ ٱلْأَبْرَارَ لَفِى نَعِيمٍ ﴿٢٢﴾ عَلَى ٱلْأَرَآئِكِ يَنظُرُونَ ﴿٢٣﴾
تَعْرِفُ فِى وُجُوهِهِمْ نَضْرَةَ ٱلنَّعِيمِ ﴿٢٤﴾ يُسْقَوْنَ مِن رَّحِيقٍ مَّخْتُومٍ ﴿٢٥﴾ خِتَٰمُهُۥ
مِسْكٌ ۚ وَفِى ذَٰلِكَ فَلْيَتَنَافَسِ ٱلْمُتَنَٰفِسُونَ ﴿٢٦﴾ وَمِزَاجُهُۥ مِن تَسْنِيمٍ ﴿٢٧﴾ عَيْنًا
يَشْرَبُ بِهَا ٱلْمُقَرَّبُونَ ﴿٢٨﴾

18-28. Бу ҳақ ва муқаррардирки, яхши одамларнинг номаи аъмоллари «Иллийюн»да бўлади. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), «Иллийюн» ни-малигини Сен қайдан ҳам биласан? Иллийюн ёзилган бир китобдирки, фаришталарнинг қўлларидадир. Муқарраб фаришталар ҳамиша у китобни сақлайдилар. Қиёмат куни яхши амал қилгувчилар жаннатда нозу неъмат ичида бўладилар. Ва тахтларда ҳар тарафга (мамнун) назар қилиб ўтирадилар. Уларнинг юзларидан жаннатнинг хурсандчилиги (неъматлардан масрурлик) борлигини биласан (туясан). Уларга муҳрланган холис, (покиза) шароб ичкизилади. У шаробнинг идишларига мушк билан муҳр босилгандир. Шу холис шаробни ичиш учун рағбат қилувчилар рағбат қилишлари ва яхши амаллар бажаришлари керак. У шароб Тасним билан аралаштирилгандир. Тасним бир чашманинг номидирки, ундан муқаррабин (Аллоҳга яқин) бандалар ичадилар.

إِنَّ ٱلَّذِينَ أَجْرَمُوا۟ كَانُوا۟ مِنَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ يَضْحَكُونَ ﴿٢٩﴾ وَإِذَا مَرُّوا۟ بِهِمْ
يَتَغَامَزُونَ ﴿٣٠﴾ وَإِذَا ٱنقَلَبُوٓا۟ إِلَىٰٓ أَهْلِهِمُ ٱنقَلَبُوا۟ فَكِهِينَ ﴿٣١﴾

29-31. Албатта, гуноҳ қилувчилар иймон келтирганларнинг аҳволларини масхара қилиб кулади(ган жамоалар эди)лар. Ва агар мўминларнинг олдиларидан ўтсалар, кўзлари билан ишора қилиб, таҳқир қилар-

дилар. Вақтики ўз аҳли аёлларига қайтиб борсалар, қилган ишларидан хурсанд бўлиб, фахрланиб борардилар.

وَإِذَا رَأَوْهُمْ قَالُوٓا۟ إِنَّ هَـٰٓؤُلَآءِ لَضَآلُّونَ ﴿٣٢﴾ وَمَآ أُرْسِلُوا۟ عَلَيْهِمْ حَـٰفِظِينَ ﴿٣٣﴾
فَٱلْيَوْمَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مِنَ ٱلْكُفَّارِ يَضْحَكُونَ ﴿٣٤﴾ عَلَى ٱلْأَرَآئِكِ يَنظُرُونَ ﴿٣٥﴾
هَلْ ثُوِّبَ ٱلْكُفَّارُ مَا كَانُوا۟ يَفْعَلُونَ ﴿٣٦﴾

30 жузъ 32-36. Ва вақтики кофирлар мусулмонларни кўрсалар: «Бу жамоа йўлдан адашган гумроҳлардир», – деб айтардилар. Ваҳоланки, улар мусулмонларнинг қилаётган амалларига қоровул қилиб юборилмаганлар. Энди бу кун – Қиёмат куни мўминлар кофирларнинг аҳволларини кўриб, масхара қилиб куладилар. Улар тахтларда ўтириб кофирларнинг аҳволларига назар соладилар. «Оё, кофирларнинг қилган амалларига (лойиқ) жазо берилдими?» *Албатта берилди.*

Маккада нозил бўлган бу сура
йигирма беш оятдан иборатдир.

Иншиқоқ – ёрилмоқ дегани бўлиб, Инфитор сурасидан кейин нозил бўлган. Ушбу сурада осмоннинг ёрилиши ҳақида сўз кетганлиги учун «Иншиқоқ» деб номланган. Бу сурада ҳам қайта тирилиш ва Қиёмат аломатлари баён қилинган. Инсоннинг меҳнат-машаққатли ҳаёти, охиратда кимлар номаи аъмолини ўнг қўл томонидан олиб, жаннатга кириши, кимлар номаи аъмолини чап ва орқа томонидан олиб, дўзахга кириши ҳақида хабар берилади. 30 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

إِذَا ٱلسَّمَآءُ ٱنشَقَّتْ ﴿١﴾ وَأَذِنَتْ لِرَبِّهَا وَحُقَّتْ ﴿٢﴾ وَإِذَا ٱلْأَرْضُ مُدَّتْ ﴿٣﴾
وَأَلْقَتْ مَا فِيهَا وَتَخَلَّتْ ﴿٤﴾ وَأَذِنَتْ لِرَبِّهَا وَحُقَّتْ ﴿٥﴾

1-5. Вақтики осмон пора бўлса (ёрилса) ва Парвардигорнинг ҳукмига итоат қилса. Албатта, итоат қилиш унга лойиқдир. Вақтики ер тортиб кенгайтирилса (чўзилса) ва ичидаги бор нарсаларни ташқарига (отиб) чиқарса ва ҳаммасидан холи бўлса, Парвардигорнинг ҳукмига итоат қилса, албатта, итоат қилиш унга лойиқдир. *Ҳар бир инсон яхши бўлса – яхши (натижасини), ёмон бўлса – ёмон жазосини кўради.*

يَٰٓأَيُّهَا ٱلْإِنسَٰنُ إِنَّكَ كَادِحٌ إِلَىٰ رَبِّكَ كَدْحًا فَمُلَٰقِيهِ ﴿٦﴾ فَأَمَّا مَنْ أُوتِىَ كِتَٰبَهُۥ
بِيَمِينِهِۦ ﴿٧﴾ فَسَوْفَ يُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا ﴿٨﴾ وَيَنقَلِبُ إِلَىٰٓ أَهْلِهِۦ مَسْرُورًا
﴿٩﴾ وَأَمَّا مَنْ أُوتِىَ كِتَٰبَهُۥ وَرَآءَ ظَهْرِهِۦ ﴿١٠﴾ فَسَوْفَ يَدْعُوا۟ ثُبُورًا ﴿١١﴾ وَيَصْلَىٰ
سَعِيرًا ﴿١٢﴾ إِنَّهُۥ كَانَ فِىٓ أَهْلِهِۦ مَسْرُورًا ﴿١٣﴾ إِنَّهُۥ ظَنَّ أَن لَّن يَحُورَ ﴿١٤﴾ بَلَىٰٓ إِنَّ
رَبَّهُۥ كَانَ بِهِۦ بَصِيرًا ﴿١٥﴾

6-15. Эй инсон, то Парвардигорингга мулоқий (рўбарў) бўлгунингча, албатта, меҳнат-машаққат тортиб амал (ҳаракат) қилгувчисан, бас, охир Унга мулоқий бўласан (йўлиқасан). Аммо ҳар кимнинг номаи аъмоли

ўнг қўлига берилса, бас, яқинда (тезда) ундан осонлик билан ҳисоб (китоб) олинади ва ўзининг тобелари олдига хурсанд бўлиб қайтиб келади. Аммо ҳар кимнинг номаи аъмоли орқа тарафидан берилса: «Бундан кўра ҳалок бўлганим яхши эди», — деб дод солади. Кейин ёниб турган ўтга (дўзахга) киради. Бу одам у дунёда ўзининг аҳли аёли ўртасида хурсанд бўлиб ўтирган эди. Бу одам (ҳаёти дунёда) Худонинг ҳузурига ҳаргиз ружу қилинмайди (қайтилмайди) ва Қиёмат ҳам бўлмайди, деб гумон қиларди (ишонарди). Ҳа, бундай аҳволнинг (қайта тирилиш ва Қиёматнинг) бўлиши муқаррар эди. Чунки Аллоҳ таоло *унинг қилган амалларидан хабардор эди.*

30 жузъ

فَلَآ أُقْسِمُ بِٱلشَّفَقِ ﴿١٦﴾ وَٱلَّيْلِ وَمَا وَسَقَ ﴿١٧﴾ وَٱلْقَمَرِ إِذَا ٱتَّسَقَ ﴿١٨﴾ لَتَرْكَبُنَّ
طَبَقًا عَن طَبَقٍ ﴿١٩﴾

16-19. Қасамёд қиламан осмондаги қизилликка (шафаққа)! Қасамёд қиламан кечага ва уни қоронғулик билан ўраб олган нарсаларга! Ва ҳам қасамёд қиламан ойга, вақтики нури комил (тўла, мукаммал) бўлса! Эй инсонлар, сизлар нутфалик ҳолингиздан то ўлгунларингизгача бир ҳолдан (бошқа) бир ҳолга ўтиб, ўзгариб турасизлар.

فَمَا لَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٢٠﴾ وَإِذَا قُرِئَ عَلَيْهِمُ ٱلْقُرْءَانُ لَا يَسْجُدُونَ ۩ ﴿٢١﴾ بَلِ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ يُكَذِّبُونَ ﴿٢٢﴾ وَٱللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا يُوعُونَ ﴿٢٣﴾ فَبَشِّرْهُم بِعَذَابٍ أَلِيمٍ
﴿٢٤﴾ إِلَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّـٰلِحَـٰتِ لَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٍ ﴿٢٥﴾

20-25. Бас, кофирларга нима бўлдики, ишонмайдилар?! Вақтики уларга Қуръон тиловат қилинса, сажда қилмайдилар. **(20-21-оятлар сажда оятларидир).** Балки кофирлар Қуръонни (ундаги ҳукмларни) инкор қиладилар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло уларнинг дилларида сақлаётган нарсаларини (куфр ва нифоқларини) билади. Бас, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), уларга Худонинг қаттиқ азобидан хабар бергил! Лекин (фақат) иймон келтирган ва яхши амал қилган (зот)ларга бениҳоят ажр(у мукофот) муқаррардир.

Маккада нозил бўлган бу сура
йигирма икки оятдан иборатдир.

Шамс сурасидан кейин нозил бўлган бу сурада Аллоҳ таоло буржлари бўлган осмонга, Қиёмат кунига ва у кунга шоҳид бўлгувчилар билан у кунга шоҳид бўлингувчи воқеа-ҳодисаларга қасам ичгандан кейин ўтмишда бўлиб ўтган бир воқеа ҳақида сўз кетади: «Хандақ эгалари» номини олган бир золим подшоҳ ва унинг малайлари эътиқодли мўминларни Хандақ ичида ёқилган оловга ташлаб, томоша қилиб турар эдилар. Иттифоқо олов ўзларини ҳам домига тортиб кетади. Аллоҳ таоло бу воқеани баён қилар экан, золимларга жаҳаннам азобининг муқаррарлигини, мўминларга эса собит иймон — эътиқодлари туфайли олиймақом жаннатлар тайёрлаб қўйганлигини уқтириб ўтади. Йўқдан бор қилгувчи Аллоҳ таоло инсонларни ўлдириб, қайта тирилтириб, Қиёматда хоҳлаган нарсасини қилгувчи Зот эканлигини мўминларга таъкидлайди. 30 жузъ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَٱلسَّمَآءِ ذَاتِ ٱلۡبُرُوجِ ﴿١﴾ وَٱلۡيَوۡمِ ٱلۡمَوۡعُودِ ﴿٢﴾ وَشَاهِدٖ وَمَشۡهُودٖ ﴿٣﴾ قُتِلَ
أَصۡحَٰبُ ٱلۡأُخۡدُودِ ﴿٤﴾ ٱلنَّارِ ذَاتِ ٱلۡوَقُودِ ﴿٥﴾ إِذۡ هُمۡ عَلَيۡهَا قُعُودٞ ﴿٦﴾ وَهُمۡ عَلَىٰ
مَا يَفۡعَلُونَ بِٱلۡمُؤۡمِنِينَ شُهُودٞ ﴿٧﴾

1-7. Ўн икки буржларга бўлинган осмонга қасам! Ваъда қилинган Қиёмат кунига қасам! Ва гувоҳ бўлувчи Муҳаммад (алайҳиссалом)га ва гувоҳлик берилувчи умматига қасам! («Асҳоби Ухдуд») Хандақ эгалари лаънатга гирифтор бўлсин! Улар Хандақда ёниб (ловуллаб) турган ўтнинг эгалари эдилар. У кофирлар (Хандақдаги) ўтнинг атрофида ўтирар эдилар. Улар (кофирлар) мўминларга қилаётган феълларини (бераётган азобларини) ҳозир бўлиб, кўриб тургувчи эдилар.

«Асҳоби Ухдуд» дегани бир жамоа кофирлар эдиларки, ўтмишда бир жамоа мўминларни олиб келиб, динларидан қайтишга таклиф қилар эдилар. Ким қайтмаса, подшоҳнинг ҳукми билан Хандақдаги ёниб турган ўтга ташлар эдилар. Охири ўзлари ёндирган ўтда Аллоҳнинг ҳукми билан ўзлари куйиб ҳалок бўлдилар.

وَمَا نَقَمُوا۟ مِنْهُمْ إِلَّآ أَن يُؤْمِنُوا۟ بِٱللَّهِ ٱلْعَزِيزِ ٱلْحَمِيدِ ﴿٨﴾ ٱلَّذِى لَهُۥ مُلْكُ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ شَهِيدٌ ﴿٩﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ فَتَنُوا۟ ٱلْمُؤْمِنِينَ
وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ ثُمَّ لَمْ يَتُوبُوا۟ فَلَهُمْ عَذَابُ جَهَنَّمَ وَلَهُمْ عَذَابُ ٱلْحَرِيقِ ﴿١٠﴾

8-10. У (кофир)ларнинг мўминларга бўлган адовати шунинг учунки, бу мўминлар ғолиб ва ҳамдга сазовор Парвардигорга иймон келтирган эдилар. Шундай Зотга иймон келтирган эдиларки, ер ва осмонларнинг
30 жузъ подшоҳлиги Унинг тасарруфида эди. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага донодир (гувоҳдир). Албатта, ҳар бир жамоаки, мўмин ва мўминаларга азоб бериб, кейин тавба қилмагандир, уларга жаҳаннам азоби муқаррардир. Ва уларга куйдирадиган азоб муқаррардир.

إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَهُمْ جَنَّٰتٌ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ ۚ ذَٰلِكَ
ٱلْفَوْزُ ٱلْكَبِيرُ ﴿١١﴾ إِنَّ بَطْشَ رَبِّكَ لَشَدِيدٌ ﴿١٢﴾ إِنَّهُۥ هُوَ يُبْدِئُ وَيُعِيدُ ﴿١٣﴾ وَهُوَ
ٱلْغَفُورُ ٱلْوَدُودُ ﴿١٤﴾ ذُو ٱلْعَرْشِ ٱلْمَجِيدُ ﴿١٥﴾ فَعَّالٌ لِّمَا يُرِيدُ ﴿١٦﴾

11-16. Албатта, иймон келтирган ва яхши амал қилган жамоаларга Аллоҳ таоло тарафидан остидан анҳорлар жорий бўлган (оқиб ўтадиган) жаннат ато қилинади. Бу улар етадиган улуғ мақсаддир. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), албатта, Парвардигорингнинг ушлаши (гуноҳкорларни азоблаши жуда) қаттиқдир. Албатта, Парвардигор аввал ижод қилади (йўқдан бор қилади), кейин яна қайтаради (ўлгандан сўнг Қиёматда қайта тирилтиради). Аллоҳ таоло (гуноҳларни) кечиргувчидир, (итоатли) бандаларга дўстдир. У Арш эгаси (улуғ Зот)дир. У ирода қилган (хоҳлаган) ҳар қандай нарсасини қила олгувчидир.

هَلْ أَتَىٰكَ حَدِيثُ ٱلْجُنُودِ ﴿١٧﴾ فِرْعَوْنَ وَثَمُودَ ﴿١٨﴾ بَلِ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ فِى تَكْذِيبٍ
﴿١٩﴾ وَٱللَّهُ مِن وَرَآئِهِم مُّحِيطٌۢ ﴿٢٠﴾ بَلْ هُوَ قُرْءَانٌ مَّجِيدٌ ﴿٢١﴾ فِى لَوْحٍ مَّحْفُوظٍۭ ﴿٢٢﴾

17-22. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга лашкарларнинг хабари (қиссаси) келганми? *Ва у лашкарлар кимлар эди, биласанми?* Улар Фиръавннинг қавми ва Самуд қавмидир. Балки инкор қилувчи кофирларнинг ҳаммаларидир. Аллоҳ таолонинг илми (улар ортидан) ҳамма нарсани ўраб (иҳота қилиб) олгандир. Қуръон шеър ва каҳонат (коҳинлик, сеҳр) эмасдир, балки улуғ Қуръондир. Аллоҳ таоло тарафидан нозил бўлгандир. Лавҳул Маҳфузда ёзилгандир.

Маккада нозил бўлган бу сура
ўн етти оятдан иборатдир.

Балад сурасидан кейин нозил бўлган бу суранинг номи илк оятида келган «ториқ» сўзидан олинган. «Ториқ» – тунги йўлчи, шиддат билан урувчи, эшик қоқувчи деганидир. Сурадаги «ториқ» эса, кечаси ˘п н р тар атадиган юлдузни англатадики, бу тонг юлдузидир. Бу сўз мажозан машҳур кишиға нисбатан ҳам ишлатилади. Бадиий жиҳатдан жоҳилият даври – зулматли тунга ва у даврда келган Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи ва саллам эса, кечани ёритган ва субҳнинг хушхабарини берадиган субҳ (тонг) юлдузига ўхшатилган бўлиши мумкин. Бу сурадан ҳар бир инсоннинг қиладиган амаллари хос фаришталар томонидан ёзиб борилиши, ўлгандан сўнг қайта тирилиши, Қиёматнинг ҳақлиги, Қуръони каримнинг илоҳий китоблиги, маккорларнинг макрига яраша жазо берилиши каби мавзулар ўрин олган. **30 жузъ**

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَٱلسَّمَآءِ وَٱلطَّارِقِ ﴿١﴾ وَمَآ أَدۡرَىٰكَ مَا ٱلطَّارِقُ ﴿٢﴾ ٱلنَّجۡمُ ٱلثَّاقِبُ ﴿٣﴾ إِن كُلُّ
نَفۡسٖ لَّمَّا عَلَيۡهَا حَافِظٞ ﴿٤﴾ فَلۡيَنظُرِ ٱلۡإِنسَٰنُ مِمَّ خُلِقَ ﴿٥﴾ خُلِقَ مِن مَّآءٖ دَافِقٖ ﴿٦﴾
يَخۡرُجُ مِنۢ بَيۡنِ ٱلصُّلۡبِ وَٱلتَّرَآئِبِ ﴿٧﴾

1-7. Осмонга ва кечаси тулу қилувчи (чиқувчи Ториқ) юлдузига қасам! Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен Ториқни нима деб биласан? Ториқ равшан (ёруғ) юлдуздир. Бас, билгилки, ҳеч бир нафс (шахс) йўқдир, магар уни (муҳофаза этиб), амалларини сақловчи кироман котибийн (улуғ фаришталар) бордир. Бас, инсон нимадан яратилганлигига назар қилиши керак. Инсон сачраб (отилиб) чиқувчи манийдан халқ қилингандир. У маний эркакнинг пушти (камари)дан ва хотиннинг кўкрак (суягидан) чиқадир, *кейин раҳмда (бачадонда) аралашади.*

إِنَّهُۥ عَلَىٰ رَجۡعِهِۦ لَقَادِرٞ ﴿٨﴾ يَوۡمَ تُبۡلَى ٱلسَّرَآئِرُ ﴿٩﴾ فَمَا لَهُۥ مِن قُوَّةٖ وَلَا نَاصِرٖ ﴿١٠﴾

8-10. Албатта, Парвардигор инсонни қайтадан халқ қилишга қодирдир. Қиёмат куни сирлар (ҳар бир инсоннинг нияти, эътиқоди) зоҳир бўлади. *Ҳақ ва ботил бир-биридан ажралади.* У вақтда инсонга Худонинг

азобини қайтаришга ҳеч қандай (куч) қудрат йўқдир ва ёрдамчи ҳам йўқдир (бўлмайди).

وَٱلسَّمَآءِ ذَاتِ ٱلرَّجۡعِ ﴿١١﴾ وَٱلۡأَرۡضِ ذَاتِ ٱلصَّدۡعِ ﴿١٢﴾ إِنَّهُۥ لَقَوۡلٞ فَصۡلٞ ﴿١٣﴾
وَمَا هُوَ بِٱلۡهَزۡلِ ﴿١٤﴾ إِنَّهُمۡ يَكِيدُونَ كَيۡدٗا ﴿١٥﴾ وَأَكِيدُ كَيۡدٗا ﴿١٦﴾ فَمَهِّلِ ٱلۡكَٰفِرِينَ
أَمۡهِلۡهُمۡ رُوَيۡدَۢا ﴿١٧﴾

30 жузъ

11-17. Ёмғирли осмонга қасам! Ва гиёҳли ерга қасамки, албатта, Қуръон ҳақ ва ботилни ажратувчидир. У – Аллоҳнинг сўзидир. У беҳуда гап (сўз) эмасдир. Қурайш кофирлари Сенинг ҳаққингда (ҳийлаю) макр қиладилар. Ва Мен уларнинг макрини даф қиламан. (Эй Муҳаммад), кофирларга оз-гина муҳлат бер. Уларни Менга қўйиб қўй ва (азобга қолишлари учун шошилиб) ҳақларига дуои бад қилма! *Вақти келганда Мен (уларни муносиб) жазолайман.*

Маккада нозил бўлган бу сура
ўн тўққиз оятдан иборатдир.

Аллоҳнинг «Энг улуғ» маъносидаги номи билан бошланганлиги учун бу сура «ал-Аъла» деб ном олган. Сурада улуғ мўъжиза – инсоннинг дунёга келиши, табиатдаги ўзгаришлар Аллоҳ қудратининг нишоналаридан эканлигига ишора қилинади. Аллоҳ таоло ўз Пайғамбарининг қалбига Қуръонни жойлаши, Қуръондан тақводорларнинг ибрат олишию, бадбахт кимсаларнинг ундан қочиши баён қилиб берилади. Шунингдек, Қуръондаги илоҳий мавзуларнинг Иброҳим ва Мусо пайғамбарлар саҳифаларидан ҳам ўрин олганлиги айтилади. 30 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

سَبِّحِ ٱسْمَ رَبِّكَ ٱلْأَعْلَى ﴿١﴾ ٱلَّذِى خَلَقَ فَسَوَّىٰ ﴿٢﴾ وَٱلَّذِى قَدَّرَ فَهَدَىٰ ﴿٣﴾
وَٱلَّذِىٓ أَخْرَجَ ٱلْمَرْعَىٰ ﴿٤﴾ فَجَعَلَهُۥ غُثَآءً أَحْوَىٰ ﴿٥﴾

1-5. Улуғ Парвардигорингнинг номини поклик билан ёд қил! Парвардигор шундай зотдирки, у инсонни она раҳмида (бачадонида) халқ қилди. Ва ҳамма аъзоларини баробар (мутаносиб, уйғун) қилди. Ва У шундай Зотдирки, (инсоннинг) раҳмда қанча муддат бўлишини муқаддар қилди (белгилаб қўйди), кейин чиқиш йўлини кўрсатди. Ва У шундай Зотдирки, (ердан) гиёҳлар (ўт-ўланлар, ўсимликлар) ундирди, кейин ул гиёҳларни қуритди ва бошқа рангга айлантирди.

سَنُقْرِئُكَ فَلَا تَنسَىٰٓ ﴿٦﴾ إِلَّا مَا شَآءَ ٱللَّهُ ۚ إِنَّهُۥ يَعْلَمُ ٱلْجَهْرَ وَمَا يَخْفَىٰ ﴿٧﴾
وَنُيَسِّرُكَ لِلْيُسْرَىٰ ﴿٨﴾ فَذَكِّرْ إِن نَّفَعَتِ ٱلذِّكْرَىٰ ﴿٩﴾ سَيَذَّكَّرُ مَن يَخْشَىٰ ﴿١٠﴾
وَيَتَجَنَّبُهَا ٱلْأَشْقَى ﴿١١﴾ ٱلَّذِى يَصْلَى ٱلنَّارَ ٱلْكُبْرَىٰ ﴿١٢﴾ ثُمَّ لَا يَمُوتُ فِيهَا
وَلَا يَحْيَىٰ ﴿١٣﴾

6-13. Яқинда (Биз) Сенга Қуръонни ўқитамиз, кейин эсингдан чиқармайсан. Магар Худо хоҳлаган (баъзи оятларни ёки) мансух оятни (эсингдан чиқарасан). (Албатта), Аллоҳ таоло ошкорни ҳам билади ва махфийни ҳам билади. Сенга шариат аҳкомларини осон қиламиз. Бас, агар мавъи-

занг манфаат берса, халққа панду насиҳат қилгил. Худодан қўрқадиган муттақий Сенинг мавъизангни қабул қилади. Ва шақий (бадбахт) эса Сенинг мавъизангдан қочади. У Қиёматда улуғ ўтга (жаҳаннамга) киради. Кейин у дўзахда *ўлмайди ҳам*, тирилмайди ҳам, *роҳатланолмайди ҳам.*

قَدْ أَفْلَحَ مَن تَزَكَّىٰ ﴿١٤﴾ وَذَكَرَ ٱسْمَ رَبِّهِۦ فَصَلَّىٰ ﴿١٥﴾ بَلْ تُؤْثِرُونَ ٱلْحَيَوٰةَ ٱلدُّنْيَا
﴿١٦﴾ وَٱلْءَاخِرَةُ خَيْرٌ وَأَبْقَىٰٓ ﴿١٧﴾ إِنَّ هَـٰذَا لَفِى ٱلصُّحُفِ ٱلْأُولَىٰ ﴿١٨﴾ صُحُفِ إِبْرَٰهِيمَ
30 жузъ وَمُوسَىٰ ﴿١٩﴾

14-19. Гуноҳдан пок бўлган, Худонинг номини ёд қилган ва намоз ўқиган (киши) нажот топди. Кофирлар охиратнинг ўрнига дунё ҳаётини ихтиёр қиладилар. Ваҳоланки, охират дунёдан яхшидир ва ҳамиша боқийдир. Албатта, бу сўзлар илгари нозил бўлган саҳифаларда бордир. У саҳифалар Иброҳим (алайҳиссалом) ва Мусо (алайҳиссалом)га нозил бўлгандир.

Маккада нозил бўлган бу сура
йигирма олти оятдан иборатдир.

30 жузъ

«Ғошия» – ўраб олгувчи деганидир. Суранинг номи унинг илк оятида келган ва даҳшати барча нарсани ўз ичига ўраб олган Қиёмат куни маъносидаги «ғошия» сўзидан олинган. «Зориёт» сурасидан кейин илк нозил бўлган суралардан бўлмиш бу сурада Қиёмат ва охиратга оид хабарлар бор. Бундан ташқари Аллоҳнинг борлиғига, Унинг ваҳдониятига далолат қиладиган баъзи мавжудотлар далил сифатида келтирилади. Ҳаётнинг муайян бир режа ва дастурга мувофиқ давом этиши ва бу давомийликнинг интиҳоси эса Аллоҳга қайтиш ва Унинг наздида ҳисоб бериш эканлиги англатилади.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَـٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

هَلْ أَتَىٰكَ حَدِيثُ ٱلْغَـٰشِيَةِ ﴿١﴾ وُجُوهٌ يَوْمَئِذٍ خَـٰشِعَةٌ ﴿٢﴾ عَامِلَةٌ نَّاصِبَةٌ ﴿٣﴾
تَصْلَىٰ نَارًا حَامِيَةً ﴿٤﴾ تُسْقَىٰ مِنْ عَيْنٍ ءَانِيَةٍ ﴿٥﴾ لَّيْسَ لَهُمْ طَعَامٌ إِلَّا مِن ضَرِيعٍ
﴿٦﴾ لَّا يُسْمِنُ وَلَا يُغْنِى مِن جُوعٍ ﴿٧﴾

1-7. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга Қиёматнинг хабари келганми? У кунда бир қанча юзлар хор бўладилар, (қўрқувдан кофирларнинг бўйинлари хам бўлиб қолади), (улар) меҳнат қилгувчи (машаққат чеккувчи) ва чарчагувчидирлар. Улар ёниб турган ўтга кирадилар ва уларга қайнаб турган чашмадан ичкизилади. (Дўзахда) уларнинг таомлари Зариъ деган заҳарли ва тиконли ўтдан бўлади. *Уни ҳеч бир ҳайвон еёлмайди.* У одамни семиртирмайди ва очликдан сақламайди ҳам.

وُجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاعِمَةٌ ﴿٨﴾ لِّسَعْيِهَا رَاضِيَةٌ ﴿٩﴾ فِى جَنَّةٍ عَالِيَةٍ ﴿١٠﴾ لَّا تَسْمَعُ فِيهَا
لَـٰغِيَةً ﴿١١﴾ فِيهَا عَيْنٌ جَارِيَةٌ ﴿١٢﴾ فِيهَا سُرُرٌ مَّرْفُوعَةٌ ﴿١٣﴾ وَأَكْوَابٌ مَّوْضُوعَةٌ ﴿١٤﴾
وَنَمَارِقُ مَصْفُوفَةٌ ﴿١٥﴾ وَزَرَابِىُّ مَبْثُوثَةٌ ﴿١٦﴾

8-16. Қиёмат куни юзлари ниҳоятда тоза, нуроний (ва масрур) бир жамоа одамларни кўрасан. (Улар) ўзларининг қилган амалларидан рози-

дирлар ва баланд (олий) даражали жаннатда бўладилар. (У) жаннатда беҳуда сўз эшитмайдилар. (У) жаннатда жорий бўлган (оқиб турадиган) чашма бордир. (У) жаннатда баланд тахтлар қўйилган, (ичиш учун) шароб тўлдирилган кўзалар ҳозир этилган ва ёстиқлар қаторланган (тизиб қўйилган) ва бахмал палослар (гиламлар) ҳар ер - ҳар ерга тўшалган.

أَفَلَا يَنظُرُونَ إِلَى ٱلْإِبِلِ كَيْفَ خُلِقَتْ ﴿١٧﴾ وَإِلَى ٱلسَّمَآءِ كَيْفَ رُفِعَتْ ﴿١٨﴾
وَإِلَى ٱلْجِبَالِ كَيْفَ نُصِبَتْ ﴿١٩﴾ وَإِلَى ٱلْأَرْضِ كَيْفَ سُطِحَتْ ﴿٢٠﴾

30 жузъ 17-20. Оё, улар туянинг қандай халқ қилинганига назар қилмайдиларми? Тоғларни ер бетига қандай ўрнатиб қўйилганига ва осмоннинг қандай кўтариб қўйилганига назар қилмайдиларми?! Ва ерни қандай текис қилиб қўйилганига қарамайдиларми?

فَذَكِّرْ إِنَّمَآ أَنتَ مُذَكِّرٌ ﴿٢١﴾ لَّسْتَ عَلَيْهِم بِمُصَيْطِرٍ ﴿٢٢﴾ إِلَّا مَن تَوَلَّىٰ وَكَفَرَ ﴿٢٣﴾
فَيُعَذِّبُهُ ٱللَّهُ ٱلْعَذَابَ ٱلْأَكْبَرَ ﴿٢٤﴾ إِنَّ إِلَيْنَآ إِيَابَهُمْ ﴿٢٥﴾ ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا حِسَابَهُم ﴿٢٦﴾

21-26. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен халққа насиҳат қил! Чунки Сен насиҳат қилгувчидирсан. Уларни мажбур қилувчи эмасдирсан. Лекин Парвардигор Сендан юз ўгирадиган ва мункир бўладиган у одамни улуғ азоб билан азоблайди. Албатта, уларнинг (кофирларнинг оқибат) келадиган жойлари Бизнинг ҳузуримиздадир. Кейин уларнинг қилган ишларидан ҳисоб олиш Бизга (тегишли)дир.

Маккада нозил бўлган бу сура ўттиз оятдан иборатдир.

«Фажр» сўзи қуёш чиқадиган жойнинг оқариши ва шафақ маъносида келади. «Вал фажр» — тонгга қасам дегани. Лайл сурасидан кейин нозил бўлган ушбу Фажр сурасида олдин ўтган қавмларга оид қиссалар зикр қилинади. Аллоҳ таоло инсонларга бойлик ва камбағаллик бериб синаши, Қиёматда ҳар бир кишининг қилган амалига муносиб жазоланиши, ёки мукофотланиши ҳақида хабар берилади. **30 жузъ**

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَٱلْفَجْرِ ﴿١﴾ وَلَيَالٍ عَشْرٍ ﴿٢﴾ وَٱلشَّفْعِ وَٱلْوَتْرِ ﴿٣﴾ وَٱلَّيْلِ إِذَا يَسْرِ ﴿٤﴾ هَلْ فِى
ذَٰلِكَ قَسَمٌ لِّذِى حِجْرٍ ﴿٥﴾ أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِعَادٍ ﴿٦﴾ إِرَمَ ذَاتِ ٱلْعِمَادِ ﴿٧﴾
ٱلَّتِى لَمْ يُخْلَقْ مِثْلُهَا فِى ٱلْبِلَٰدِ ﴿٨﴾

1-8. Субҳга (тонгга) қасам! Рамазоннинг даҳаи охирига (охирги ўн кунлигига) қасам! Тоқ ва жуфт нарсаларга қасам! *Яъни, Холиқ ва махлуққа қасам!* Ва ўтиб бораётган кечага қасам! Оқиллар учун Мен ёд қилган (мана шу) қасамлардан мақбулроқ қасам борми? *Албатта, (булар) оқиллар учун мақбул қасамлардирки, Қиёмат куни мункирлар учун (даҳшатли) азоб муҳайёдир (тайёрлаб қўйилгандир).* Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Парвардигоринг Од (қавми) ва устунлари баланд Ирам (шаҳри)га қандай муомала қилганлигини билмадингми? *Бу (Од) қавми кучли, бўйлари баланд эди.* Уларга ўхшаган қувватли ва баланд бўйли халқлар бошқа шаҳарларда халқ қилинмаган (яратилмаган)дир.

وَثَمُودَ ٱلَّذِينَ جَابُوا۟ ٱلصَّخْرَ بِٱلْوَادِ ﴿٩﴾ وَفِرْعَوْنَ ذِى ٱلْأَوْتَادِ ﴿١٠﴾ ٱلَّذِينَ طَغَوْا۟
فِى ٱلْبِلَٰدِ ﴿١١﴾ فَأَكْثَرُوا۟ فِيهَا ٱلْفَسَادَ ﴿١٢﴾ فَصَبَّ عَلَيْهِمْ رَبُّكَ سَوْطَ عَذَابٍ ﴿١٣﴾
إِنَّ رَبَّكَ لَبِٱلْمِرْصَادِ ﴿١٤﴾

9-14. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Парвардигоринг Самуд қавмига қандай муомала қилди? Бу қавм тоғлардан катта тошларни олиб келиб, «Водийул-Қуро» деган жойда қасрлар бино қилган эдилар. Оё, Парвардигоринг Фиръавнга қандай муомала қилганлигини билмадингми? У михлар эгаси эди. Одамларни михга қоқиб азоблар эди. Уларнинг ҳаммаси шаҳарларга ҳоким бўлиб, зулм қилар эдилар. Ва у шаҳарларда (фисқу) фасодни қилар эдилар. Парвардигоринг уларнинг тепасига (устига) азоб нозил қилди (туширди). Албатта, Парвардигоринг бандалар ҳолига ҳозиру нозирдир.

30 жузъ

فَأَمَّا ٱلْإِنسَٰنُ إِذَا مَا ٱبْتَلَىٰهُ رَبُّهُۥ فَأَكْرَمَهُۥ وَنَعَّمَهُۥ فَيَقُولُ رَبِّىٓ أَكْرَمَنِ ﴿١٥﴾
وَأَمَّآ إِذَا مَا ٱبْتَلَىٰهُ فَقَدَرَ عَلَيْهِ رِزْقَهُۥ فَيَقُولُ رَبِّىٓ أَهَٰنَنِ ﴿١٦﴾ كَلَّا ۖ بَل لَّا تُكْرِمُونَ
ٱلْيَتِيمَ ﴿١٧﴾ وَلَا تَحَٰٓضُّونَ عَلَىٰ طَعَامِ ٱلْمِسْكِينِ ﴿١٨﴾ وَتَأْكُلُونَ ٱلتُّرَاثَ
أَكْلًا لَّمًّا ﴿١٩﴾ وَتُحِبُّونَ ٱلْمَالَ حُبًّا جَمًّا ﴿٢٠﴾

15-20. Аммо Парвардигор бир инсонни имтиҳон қилиш учун уни азиз ва мукаррам қилиб, (унга) кўп неъматлар берса: «Парвардигорим мени икром (азиз) қилди», – деб мағрур бўлади. Ва аммо бир инсонни (синаш учун) ризқини танг қилса ва камбағал қилса, у банда айтадики: «Парвардигорим мени таҳқир (хор) қилди». (Йўқ!) У ўйлагандек эмас! *Банда (фақат) тақво билан (азиз ва) мукаррам бўлади, гуноҳ (фисқу фасод) билан ҳақир (хор ва залил) бўлади.* Балки улар бирор етимга раҳм этиб, икром қилмаганлар. Ва мискинга ўзлари ҳам таом бермаганлар ва бошқаларни ҳам тарғиб қилмаганлар. Бирор жойдан мерос моли топилса, хўб (орқа-олдиларига қарамай) ейдилар. Мол ва дунёни ниҳоятда дўст тутадилар.

كَلَّآ إِذَا دُكَّتِ ٱلْأَرْضُ دَكًّا دَكًّا ﴿٢١﴾ وَجَآءَ رَبُّكَ وَٱلْمَلَكُ صَفًّا صَفًّا ﴿٢٢﴾
وَجِاْىٓءَ يَوْمَئِذٍۭ بِجَهَنَّمَ ۚ يَوْمَئِذٍ يَتَذَكَّرُ ٱلْإِنسَٰنُ وَأَنَّىٰ لَهُ ٱلذِّكْرَىٰ ﴿٢٣﴾ يَقُولُ
يَٰلَيْتَنِى قَدَّمْتُ لِحَيَاتِى ﴿٢٤﴾

21-24. (Йўқ!) Ҳаргиз бундай қилмаслик керак! *Ушбу воқеалар ҳақдирким,* вақтики (зилзила бўлиб), ер пора-пора (парча-парча) бўлса, Парвардигорнинг ҳукми келса ва малоикалар саф-саф бўлиб турсалар ва ўша кунда жаҳаннам олиб келинса (келтирилса), ўша вақтда инсон қилган амалларини ёд қилади, ҳасрат ва надомат чекади. Бу мақомда (ўринда) энди унинг ёд қилиши (эслаши) ва надомат чекиши қандай манфаат беради?! (Ҳеч манфаат бермайди). Айтадики: «Эй кошки, бу ердаги (охиратдаги) ҳаётим учун яхши амаллар қилиб юборган бўлсам эди?!»

فَيَوْمَئِذٍ لَّا يُعَذِّبُ عَذَابَهُۥٓ أَحَدٌ ﴿٢٥﴾ وَلَا يُوثِقُ وَثَاقَهُۥٓ أَحَدٌ ﴿٢٦﴾ يَٰٓأَيَّتُهَا ٱلنَّفْسُ
ٱلْمُطْمَئِنَّةُ ﴿٢٧﴾ ٱرْجِعِىٓ إِلَىٰ رَبِّكِ رَاضِيَةً مَّرْضِيَّةً ﴿٢٨﴾ فَٱدْخُلِى فِى عِبَٰدِى ﴿٢٩﴾

وَٱدْخُلِي جَنَّتِي ﴿٣٠﴾

25-30. Ўша кунда ҳеч ким Парвардигорнинг берган азобига ўхшаш азоб қила олмайди ва ҳеч ким У занжирларга боғлаганидек боғлай олмайди. Парвардигор солиҳ одамларнинг руҳига хитоб қилиб айтадики: «Эй Худонинг зикри билан ором олган (хотиржам) руҳ, ўзинг рози бўлган ҳолингда ва Парвардигор ҳам сендан рози бўлган ҳолда Парвардигоринг ҳузурига қайт! Ҳар бирларингиз бандаларимнинг жасадларига кирингларва жаннатимга дохил бўлинглар!»

Маккада нозил бўлган бу сура
йигирма оятдан иборатдир.

30 жузъ *Қоф сурасидан кейин нозил бўлган бу суранинг номи илк оятда келган ва «шаҳар» (Макка)ни англатган «балад» сўзидан олинган. Унда инсоннинг яратилишидан, унинг баъзи хатти-ҳаракатларидан, инсон унга берилган молдунёни яхшиликка ишлатмаганининг ёмон оқибатидан, хайр йўлига ишлатганларнинг нурли келажакларидан сўз юритилади. Хуллас, инсонни саодатга ва бадбахтликка етаклайдиган йўллар ва воситалар кўрсатиб берилади.*

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

لَآ أُقۡسِمُ بِهَٰذَا ٱلۡبَلَدِ ﴿١﴾ وَأَنتَ حِلُّۢ بِهَٰذَا ٱلۡبَلَدِ ﴿٢﴾ وَوَالِدٖ وَمَا وَلَدَ ﴿٣﴾ لَقَدۡ
خَلَقۡنَا ٱلۡإِنسَٰنَ فِي كَبَدٍ ﴿٤﴾ أَيَحۡسَبُ أَن لَّن يَقۡدِرَ عَلَيۡهِ أَحَدٞ ﴿٥﴾ يَقُولُ أَهۡلَكۡتُ
مَالٗا لُّبَدًا ﴿٦﴾ أَيَحۡسَبُ أَن لَّمۡ يَرَهُۥٓ أَحَدٌ ﴿٧﴾ أَلَمۡ نَجۡعَل لَّهُۥ عَيۡنَيۡنِ ﴿٨﴾ وَلِسَانٗا
وَشَفَتَيۡنِ ﴿٩﴾ وَهَدَيۡنَٰهُ ٱلنَّجۡدَيۡنِ ﴿١٠﴾

1-10. Қасамёд қиламан шу – Макка шаҳрига! Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сен шу Макка шаҳрида нозил бўлгансан (туғилгансан ва яшаб турибсан). Ҳазрати Одам ва унинг болалари (зурриётлари) билан қасамёд қиламан! Албатта, Биз инсонни оғир меҳнат-машаққатта дучор бўладиган ҳолда халқ қилдик. Оё, инсон: «Менга бирор кишининг кучи етмайди», – деб ўйлайдими? У кофир айтадики: «Ислом динининг зарарига кўп моллар сарф қилдим». Оё, у (ғофил инсон) ҳеч ким уни билмайди ва амалларини ҳам кўрмайди, деб гумон қиладими? Оё, Биз унга иккита кўз бермадикми? Ва унга сўзлаш учун тил ва ейиш учун оғиз ва оғизни беркитиш учун иккита лаб бермадикми? Унга ҳақ ва ботил йўлни кўрсатиб қўймадикми? *Балки унга ушбу неъматларимизни бериб, қудратимизни кўрсатдик.*

فَلَا ٱقۡتَحَمَ ٱلۡعَقَبَةَ ﴿١١﴾ وَمَآ أَدۡرَىٰكَ مَا ٱلۡعَقَبَةُ ﴿١٢﴾ فَكُّ رَقَبَةٍ ﴿١٣﴾ أَوۡ إِطۡعَٰمٞ فِي
يَوۡمٖ ذِي مَسۡغَبَةٖ ﴿١٤﴾ يَتِيمٗا ذَا مَقۡرَبَةٍ ﴿١٥﴾ أَوۡ مِسۡكِينٗا ذَا مَتۡرَبَةٖ ﴿١٦﴾

11-16. Бас, у (мағрур) инсон диннинг қаттиқ (қийин) йўллари (ақаба)дан ўтмади. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), диннинг қаттиқ йўллари нима? Сен (уни) қандай билдинг? Сен билгилки, ғуломларни (қулларни) озод қилиш, очарчилик кунларида қариндош, етимларга, ёки бечора-мискинларга таом бериш – ана шулар диннинг оғир йўлларидан иборатдир.

ثُمَّ كَانَ مِنَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَتَوَاصَوْاْ بِٱلصَّبْرِ وَتَوَاصَوْاْ بِٱلْمَرْحَمَةِ ﴿١٧﴾ أُوْلَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلْمَيْمَنَةِ ﴿١٨﴾ وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ بِـَٔايَٰتِنَا هُمْ أَصْحَٰبُ ٱلْمَشْـَٔمَةِ ﴿١٩﴾ عَلَيْهِمْ نَارٌ مُّؤْصَدَةٌۢ ﴿٢٠﴾

30 жузъ

17-20. Кейин инсонлардан шундай мўминлар (ҳам) борки, бир-бирларини сабрга ва ҳам Худонинг бандаларига меҳрибонлик қилишга даъват қиладилар. Бу мўминлар Аршнинг ўнг тарафида турган (саодатли) асҳоблардир. Ва Бизнинг оятларимизга мункир бўлган у гуруҳлар Аршнинг чап тарафидаги (бадбахт) асҳоблардир. Уларни ҳар тарафларидан ўт (дўзах олови) ўраб олгандир.

Маккада нозил бўлган бу сура
ўн беш оятдан иборатдир.

30 жузъ *Қадр сурасидан кейин нозил бўлган ушбу суранинг номи унинг илк оятида келган «шамс», яъни қуёш сўзидан олинган. Сурада инсоннинг фитратида яхшилик ва ёмонлик хислатлари мавжудлиги, тўғри йўлни танлаган киши саодатга эришиши, нотўғри йўлни ихтиёр қилган эса дўзахга тушиши айтилади. Суранинг охирида Самуд қавми ва уларнинг ҳалок бўлиши мисолида инсонлар ибрат олишга чақирилади.*

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَٱلشَّمۡسِ وَضُحَىٰهَا ﴿١﴾ وَٱلۡقَمَرِ إِذَا تَلَىٰهَا ﴿٢﴾ وَٱلنَّهَارِ إِذَا جَلَّىٰهَا ﴿٣﴾ وَٱلَّيۡلِ
إِذَا يَغۡشَىٰهَا ﴿٤﴾ وَٱلسَّمَآءِ وَمَا بَنَىٰهَا ﴿٥﴾ وَٱلۡأَرۡضِ وَمَا طَحَىٰهَا ﴿٦﴾ وَنَفۡسٖ
وَمَا سَوَّىٰهَا ﴿٧﴾

1-7. Офтобга қасам! Ва унинг равшанлигига қасам! Офтоб (ботганидан сўнг) кетидан эргашган ойга қасам! Кундузга қасам, вақтики офтобни зоҳир қилганда! Кечасига қасам, вақтики қоронғулиги билан офтобнинг бетини беркитганда! Осмонга қасам! Ва уни бино қилган Зотга қасам! Ерга қасам! Ва уни (яшаш учун) текис қилиб қўйган Зотга қасам! Одамнинг нафсига қасам! Ва унинг аъзоларини баробар (мутаносиб) қилган Зотга қасам!

فَأَلۡهَمَهَا فُجُورَهَا وَتَقۡوَىٰهَا ﴿٨﴾ قَدۡ أَفۡلَحَ مَن زَكَّىٰهَا ﴿٩﴾ وَقَدۡ خَابَ مَن دَسَّىٰهَا ﴿١٠﴾

8-10. Бас, Парвардигор нафсга гуноҳларини ҳам ва тақвосини ҳам (илҳом билан) таълим берди, *яъни (нафсга) гуноҳ ва тақво йўлини кўрсатди.* Бас, кимки нафсини гуноҳлардан тоза (пок) қилса, у нажот топди. Ва, бас, кимки нафсини гуноҳларга олуда қилса (булғаса), хор этди ва ўз нафсига зиён қилди.

كَذَّبَتۡ ثَمُودُ بِطَغۡوَىٰهَآ ﴿١١﴾ إِذِ ٱنۢبَعَثَ أَشۡقَىٰهَا ﴿١٢﴾ فَقَالَ لَهُمۡ رَسُولُ ٱللَّهِ نَاقَةَ

ٱللَّهِ وَسُقْيَٰهَا ﴿١٣﴾ فَكَذَّبُوهُ فَعَقَرُوهَا فَدَمْدَمَ عَلَيْهِمْ رَبُّهُم بِذَنۢبِهِمْ فَسَوَّىٰهَا
﴿١٤﴾ وَلَا يَخَافُ عُقْبَٰهَا ﴿١٥﴾

11-15. Самуд қавми ўзининг саркашлиги билан Солиҳ (алайҳис-
салом)ни таксиб қилди (ёлғончига чиқарди). Бу қавмнинг энг бадбахт
одами туяни ўлдиришни қасд қилганида, уларга Худонинг Пайғамба-
ри айтдики: «Худонинг туясидан қўлларингизни тортинглар. Ва унинг
ичадиган сувига монелик қилманглар. *Агар шундай қилсангизлар, Худо*
тарафидан бало келади». Бас, Самуд қавми Солиҳ (алайҳиссалом)нинг 30 жузъ
бу сўзларини ёлғонга чиқарди ва туяни ўлдирди (сўйиб юборди). Бу
гуноҳлари сабабидан Парвардигор уларнинг бошига бирдан ҳалокат
юборди. Катта ва кичик (барчаларини) баробар балога (азобга) муб-
тало қилди. Ва Парвардигор (бу) ҳалокатнинг оқибатидан қўрқмайди.

Маккада нозил бўлган бу сура
йигирма бир оятдан иборатдир.

30 жузъ

Сура «Вал-лайл» (кечага қасам) билан бошланганлиги учун «Лайл» деб номланади. Бу сурада инсонларнинг икки қарама-қарши хатти-ҳаракатларидан: сахийлик ва хасисликдан сўз юритилади. Шунингдек, иймонли бўлиш билан сахийлик ва имонсиз бўлиш билан хасислик орасидаги боғлиқлик ва фарқлиликка диққат қаратилади.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَٱلَّيۡلِ إِذَا يَغۡشَىٰ ١ وَٱلنَّهَارِ إِذَا تَجَلَّىٰ ٢ وَمَا خَلَقَ ٱلذَّكَرَ وَٱلۡأُنثَىٰٓ ٣ إِنَّ
سَعۡيَكُمۡ لَشَتَّىٰ ٤ فَأَمَّا مَنۡ أَعۡطَىٰ وَٱتَّقَىٰ ٥ وَصَدَّقَ بِٱلۡحُسۡنَىٰ ٦ فَسَنُيَسِّرُهُۥ
لِلۡيُسۡرَىٰ ٧

1-7. Кечага қасам, вақтики ўзининг қоронғулиги билан тамом оламни ёпиб (қамраб) олса! Кундузга қасам, вақтики равшан бўлса! Эркак ва урғочини халқ қилган у Зотга қасамки, албатта, сизларнинг амалларингиз ҳар хилдир: *Биров шақоват (гуноҳ) йўлига юради ва биров ҳидоят йўлига юради.* Аммо кимки Худо йўлида молини (садақа) берди, куфр ва ширкдан парҳез қилди ҳамда Калимаи тайййибани тасдиқ қилди, ана шунда одамга роҳат (саодат) йўлини осон қилиб қўямиз.

وَأَمَّا مَنۢ بَخِلَ وَٱسۡتَغۡنَىٰ ٨ وَكَذَّبَ بِٱلۡحُسۡنَىٰ ٩ فَسَنُيَسِّرُهُۥ لِلۡعُسۡرَىٰ ١٠
وَمَا يُغۡنِي عَنۡهُ مَالُهُۥٓ إِذَا تَرَدَّىٰٓ ١١ إِنَّ عَلَيۡنَا لَلۡهُدَىٰ ١٢ وَإِنَّ لَنَا لَلۡأٓخِرَةَ
وَٱلۡأُولَىٰ ١٣

8-13. Ва аммо кимки молини Худо йўлида (инфоқ) этмасдан, бахиллик қилди, ўзини мустағний (беҳожат) деб билди ва Калимаи тайййибани ёлғонга чиқарди, унга шақоват (бадбахтлик) йўлларини осон қилиб қўямиз. Ва унинг бахиллик қилган (хасислик билан асраган) моли (дўзахда) азоб

тортган вақтида фойда бермайди. Албатта, (инсонларни) ҳидоят қилиш Бизнинг зиммамиздадир. Ва, (албатта), дунё ва охиратнинг ҳукми Бизнинг тасарруфимиздадир.

فَأَنذَرْتُكُمْ نَارًا تَلَظَّىٰ ﴿١٤﴾ لَا يَصْلَىٰهَآ إِلَّا ٱلْأَشْقَى ﴿١٥﴾ ٱلَّذِى كَذَّبَ وَتَوَلَّىٰ ﴿١٦﴾
وَسَيُجَنَّبُهَا ٱلْأَتْقَى ﴿١٧﴾ ٱلَّذِى يُؤْتِى مَالَهُۥ يَتَزَكَّىٰ ﴿١٨﴾ وَمَا لِأَحَدٍ عِندَهُۥ مِن نِّعْمَةٍ
تُجْزَىٰٓ ﴿١٩﴾ إِلَّا ٱبْتِغَآءَ وَجْهِ رَبِّهِ ٱلْأَعْلَىٰ ﴿٢٠﴾ وَلَسَوْفَ يَرْضَىٰ ﴿٢١﴾

14-21. (Бас), Мен сизларни ёниб турган ўтдан (жаҳаннамдан) қўрқитаман. У ўтга бандаларнинг фақат динни ёлғон деган ва ундан юз ўгирган бадбахти киради. У ўтдан яхши тақволи ва молини Худо йўлида берувчи ва нафсини пок тутувчи одам узоқ қилинади. У одамнинг наздида (зиммасида) адо қилиши керак бўлган бировнинг (хайр) эҳсони ва қарзи йўқдир. Фақат у молини Худонинг ризоси учун беради. Ва яқинда у Парвардигорнинг эҳсонидан рози бўлади. 30 жузъ

Маккада нозил бўлган бу сура ўн бир оятдан иборатдир.

30 жузъ *«Зуҳо» – чошгоҳ вақти демакдир. Суранинг номига кўчган бу сўз унинг илк оятида келади. Фажр сурасидан кейин нозил бўлган бу сурада охир замон Пайғамбарининг бир неча хусусиятларидан, шу жумладан, етим бўлганликлари зикр қилинади ва у зотга меҳру шафқат билан тасалли берилади.*

Вақтики Расулуллоҳга бир мунча вақт ваҳий келмай тўхтаб қолди. Қурайш кофирлари таъна қилиб, айтдиларки: «Энди Муҳаммаднинг Худоси Уни ўз ҳолига ташлаб қўйди ва ёмон кўриб қолди». Ҳақ таоло уларнинг сўзларини рад этиб, ушбу сурани нозил қилди.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَٱلضُّحَىٰ ﴿١﴾ وَٱلَّيْلِ إِذَا سَجَىٰ ﴿٢﴾ مَا وَدَّعَكَ رَبُّكَ وَمَا قَلَىٰ ﴿٣﴾ وَلَلْءَاخِرَةُ خَيْرٌ
لَّكَ مِنَ ٱلْأُولَىٰ ﴿٤﴾

1-4. Чошт (чошгоҳ) вақтига қасам! Ва кечага қасам, вақтики қоронғулиги билан оламни ёпса (ўраб-қоплаб олса)! Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Аллоҳ таоло Сени ташлаб қўйгани ҳам йўқ ва ёмон ҳам кўриб қолгани йўқ. Албатта, Сен учун охират бу дунёдан яхшироқдир.

وَلَسَوْفَ يُعْطِيكَ رَبُّكَ فَتَرْضَىٰٓ ﴿٥﴾ أَلَمْ يَجِدْكَ يَتِيمًا فَـَٔاوَىٰ ﴿٦﴾ وَوَجَدَكَ
ضَآلًّا فَهَدَىٰ ﴿٧﴾ وَوَجَدَكَ عَآئِلًا فَأَغْنَىٰ ﴿٨﴾ فَأَمَّا ٱلْيَتِيمَ فَلَا تَقْهَرْ ﴿٩﴾ وَأَمَّا
ٱلسَّآئِلَ فَلَا تَنْهَرْ ﴿١٠﴾ وَأَمَّا بِنِعْمَةِ رَبِّكَ فَحَدِّثْ ﴿١١﴾

5-11. Ва албатта, Аллоҳ таоло Сенга (тезда) шу қадар (улуғ) эҳсон қиладики, Сен Аллоҳдан рози бўласан. *Энди Сен Худонинг ризоси учун етим ва мискинларга яхшилик қил!* Парвардигор Сени етим (ҳолда) топмадими? Кейин Сенга паноҳ (бошпана) берди. (Парвардигор) Сени йўлдан адашган топди, кейин Сени (тўғри) йўлга солиб қўйди. (Парвардигор) Сени фақир топди, кейин мустағний (беҳожат, бой) қилди. Энди Сен(эй Муҳаммад), етимларга аччиқланма (қўпол муомала қилма) ва савол қилувчиларни (ҳузурингга ночорликдан бирор нарса сўраб келгувчиларни) рад қилма! (Имкон даражасида ноумид қайтарма) ҳамда Парвардигоринг (берган) неъматига шукр қил. (У ҳақда одамларга сўзлаб бер).

Маккада нозил бўлган бу сура
саккиз оятдан иборатдир.

«Шарҳ» изоҳламоқ, кенг қилмоқ ва очмоқ маъноларида келади. «Зуҳо» сурасидан кейин Маккада нозил бўлган мазкур сурада Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламни ёшлигида рисолатга тайёрламоқ учун қалбларининг очилиб тозаланганлиги, покланганлиги ҳақида сўз юритилади. Бундан ташқари қийинчиликлардан кейин енгилликлар келишига ва бунинг учун Аллоҳга шукр қилишга ташвиқ қилинади. 30 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

أَلَمْ نَشْرَحْ لَكَ صَدْرَكَ ﴿١﴾ وَوَضَعْنَا عَنكَ وِزْرَكَ ﴿٢﴾ ٱلَّذِىٓ أَنقَضَ ظَهْرَكَ
﴿٣﴾ وَرَفَعْنَا لَكَ ذِكْرَكَ ﴿٤﴾ فَإِنَّ مَعَ ٱلْعُسْرِ يُسْرًا ﴿٥﴾ إِنَّ مَعَ ٱلْعُسْرِ يُسْرًا ﴿٦﴾ فَإِذَا
فَرَغْتَ فَٱنصَبْ ﴿٧﴾ وَإِلَىٰ رَبِّكَ فَٱرْغَب ﴿٨﴾

1-8. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), (Биз) Сенинг дилингни (кенг қилиб) очиб қўймадикми? *Ва Худонинг нури билан тўлдирмадикми?* Устингдан оғир юкни олиб қўйдик. У юк Сени орқангга (елкангга) ниҳоятда оғир бўлган (босиб турган) эди. *Яъни, кофирларнинг гами Сенга огир (Сени босиб турган) эди. Сени улардан голиб қилдик ва (Сенга) ёрдам бердик.* Сенинг зикрингни (номингни) юқорига кўтардик (улуғ қилдик) *ва (Сени) пайгамбарларга сарвар қилдик.* Албатта, ҳар бир қийинчилик ила осонлик бордир. Албатта, яна ҳар бир мушкуллик билан осонлик бордир. Вақтики пайғамбарлик вазифасидан фориғ бўлсанг, Худога ибодат қил ва Парвардигор тарафига мутаважжиҳ бўл (юзлан)!

Маккада нозил бўлган бу сура саккиз оятдан иборатдир.

30 жузъ *«Тийн» – анжир деганидир, тоғ номини ҳам билдиради. Буруж сурасидан кейин нозил бўлган ушбу сурада инсоннинг гўзал шаклда яратилганлиги, айни пайтда ҳаётининг мураккаблиги, яхши ва ёмон инсонлар ҳақида сўз боради. Аллоҳ таоло ўзининг энг адолатли ва ҳокими мутлоқ эканлигини билдиради.*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَٱلتِّينِ وَٱلزَّيْتُونِ ﴿١﴾ وَطُورِ سِينِينَ ﴿٢﴾ وَهَٰذَا ٱلْبَلَدِ ٱلْأَمِينِ ﴿٣﴾ لَقَدْ خَلَقْنَا
ٱلْإِنسَٰنَ فِىٓ أَحْسَنِ تَقْوِيمٍ ﴿٤﴾ ثُمَّ رَدَدْنَٰهُ أَسْفَلَ سَٰفِلِينَ ﴿٥﴾

1-5. Анжирга қасам! Зайтунга қасам! Ҳазрати Мусо (алайҳиссалом)нинг Худо билан сўзлашган жойлари – Тур тоғига қасам! Ва шу амну омонлик жойи – Маккага қасамки, Биз инсонни яхши, зебо (мукаммал) суратда халқ қилдик. Кейин уни энг паст (жуда заиф, ожиз) мўйсафидлик (кексалик) ҳолига қайтарамиз. Ўша ҳолда ибодатлари ноқис бўлиб, маишати (яшаш тарзи) ҳам аччиқ бўлади.

إِلَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فَلَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٍ ﴿٦﴾ فَمَا يُكَذِّبُكَ بَعْدُ
بِٱلدِّينِ ﴿٧﴾ أَلَيْسَ ٱللَّهُ بِأَحْكَمِ ٱلْحَٰكِمِينَ ﴿٨﴾

6-8. Магар ихлос билан иймон келтирган ва яхши амаллар қилганларнинг ажрлари узилмайди (уларга ниҳоятсиз-туганмас ажрлар берилади). Энди шу қадар панду насиҳатдан кейин дин хусусида Сени ким такзиб қилади (ёлғончига чиқаради)?! Оё, Парвардигор ҳукм қилувчиларнинг (энг адолатли) ҳокими эмасми?!

Маккада нозил бўлган бу сура
ўн тўққиз оятдан иборатдир.

Сурага ном бўлган «алақ» сўзи инсоннинг яратилиш босқичларидан бўлган 30 жузъ
уруғланган тухум ҳолати – «лахта қон»ни ифода этади. Бу сурани «Иқраъ» деб ҳам аташади. Дастлабки беш ояти Қуръони каримнинг илк нозил бўлган оятларидир. Сурада ўқиш-ўрганишнинг афзаллиги, инсоннинг яратилиши, қаламнинг хусусияти, буларнинг барчаси Аллоҳнинг эҳсони эканлиги, инсон буларни тушуниши, Роббига итоат этиши кераклиги, акс ҳолда, азобга дучор бўлиши англатилади.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَـٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

ٱقْرَأْ بِٱسْمِ رَبِّكَ ٱلَّذِى خَلَقَ ﴿١﴾ خَلَقَ ٱلْإِنسَـٰنَ مِنْ عَلَقٍ ﴿٢﴾ ٱقْرَأْ وَرَبُّكَ ٱلْأَكْرَمُ
﴿٣﴾ ٱلَّذِى عَلَّمَ بِٱلْقَلَمِ ﴿٤﴾ عَلَّمَ ٱلْإِنسَـٰنَ مَا لَمْ يَعْلَمْ ﴿٥﴾

1-5. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), ҳамма (барча) оламни халқ қилган Парвардигоринг номи билан ўқишни бошла! У Парвардигор инсонни ивиган қондан халқ қилган (яратган). Улуғ (энг карамли) Парвардигорингнинг номи билан ўқишни бошла! У қалам воситасида ёзишни таълим берган (Зотдир). У Парвардигор инсонга билмаган нарсаларини ўргатди.

كَلَّآ إِنَّ ٱلْإِنسَـٰنَ لَيَطْغَىٰٓ ﴿٦﴾ أَن رَّءَاهُ ٱسْتَغْنَىٰٓ ﴿٧﴾ إِنَّ إِلَىٰ رَبِّكَ ٱلرُّجْعَىٰٓ ﴿٨﴾
أَرَءَيْتَ ٱلَّذِى يَنْهَىٰ ﴿٩﴾ عَبْدًا إِذَا صَلَّىٰٓ ﴿١٠﴾ أَرَءَيْتَ إِن كَانَ عَلَى ٱلْهُدَىٰٓ ﴿١١﴾
أَوْ أَمَرَ بِٱلتَّقْوَىٰٓ ﴿١٢﴾ أَرَءَيْتَ إِن كَذَّبَ وَتَوَلَّىٰٓ ﴿١٣﴾ أَلَمْ يَعْلَم بِأَنَّ ٱللَّهَ يَرَىٰ ﴿١٤﴾

6-14. Албатта, бу сўз ҳақдирки, инсон ўзини мустағний (бой-беҳожат) билса, ҳаддидан ошади. Албатта, ҳамма нарса Парвардигорингга қайтади. Эй мухотаб (хитоб қилинган инсон), у бандани (Муҳаммад алайҳиссаломни) намоз ўқиса (ўқиётганида) (намоздан) манъ қиладиган кофирни (Абу Жаҳлни) кўрдингми? Агар у банда ҳидоятда бўлса ҳам, ёки тақвога амр қилса ҳам, маломат қиладиган у кофирни кўрдингми? Агарчи ўзи динни ёлғон деб ва ундан юз ўгирса ҳам, бошқа мусулмонларга таъна

қиладиган у кофирни кўрдингми? (Бу эътирозчи кофир) Аллоҳ таоло ҳамма амалларини кўриб турганини, оё, кўрмайдими (билмайдими)?

كَلَّا لَئِن لَّمْ يَنتَهِ لَنَسْفَعًۢا بِٱلنَّاصِيَةِ ﴿١٥﴾ نَاصِيَةٍ كَٰذِبَةٍ خَاطِئَةٍ ﴿١٦﴾ فَلْيَدْعُ نَادِيَهُۥ ﴿١٧﴾ سَنَدْعُ ٱلزَّبَانِيَةَ ﴿١٨﴾ كَلَّا لَا تُطِعْهُ وَٱسْجُدْ وَٱقْتَرِب ۩ ﴿١٩﴾

15-19. (Йўқ!) Ҳаргиз ундай қилмаслиги керак! Парвардигор зотига қасамки, агар куфридан қайтмаса, пешона (сочи)дан ушлаб уни дўзах
30 жузъ тарафига тортамиз. У пешонанинг эгаси ёлғончи ва хатокордир. Унга айттил, аҳли мажлис рафиқларини ва ёрдамчиларини Сенинг муқобилингта (қарши) чақирсин. Биз ҳам (тезда) дўзах муаккалларини (азоб фаришталарини) чақирамиз. У ҳаргиз чақиролмайди. Шундай бўлгач, унга итоат қилма ва намозингни ўқи! Ҳамда Худога яқин бўлишни талаб қил! **(19-оят сажда оятидир).**

Маккада нозил бўлган бу сура
беш оятдан иборатдир.

Қадр кечаси ҳақида сўз юритилганлиги учун сурага «Қадр» номи берилган. 30 жузъ
Абаса сурасидан кейин нозил бўлган бу сурада Қадр кечаси, унинг фазилатларидан, бу кечада Қуръони каримнинг нозил бўлганидан, бу кечада малакларнинг ер юзига тушиб, илоҳий амрни бажаришларидан сўз юритилади.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

إِنَّآ أَنزَلْنَٰهُ فِى لَيْلَةِ ٱلْقَدْرِ ﴿١﴾ وَمَآ أَدْرَىٰكَ مَا لَيْلَةُ ٱلْقَدْرِ ﴿٢﴾ لَيْلَةُ ٱلْقَدْرِ خَيْرٌ
مِّنْ أَلْفِ شَهْرٍ ﴿٣﴾ تَنَزَّلُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ وَٱلرُّوحُ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِم مِّن كُلِّ أَمْرٍ ﴿٤﴾ سَلَٰمٌ
هِىَ حَتَّىٰ مَطْلَعِ ٱلْفَجْرِ ﴿٥﴾

1-5. Биз Қуръонни Лайлатул қадр (Қадр кечаси)да нозил қилдик. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), Сенга ким билдирди Лайлатул қадр нимадир? Қадр кечаси Бани Исроилнинг минг ой қилган ғазотидан (жиҳодидан) афзалдир. У кечада Парвардигорнинг амри билан дунёдаги ҳар бир ишни интизом(га солиш) учун фаришталар ва Жаброил (алайҳиссалом) ҳам осмондан (ерга) нозил бўладилар (тушадилар). У кеча то субҳ тулу қилгунча (то тонг отгунча) жумла офатлардан саломатлик кечасидир.

Мадинада нозил бўлган бу сура саккиз оятдан иборатдир.

30 жузъ

«Очиқ далил», «аниқ ҳужжат» маъносида келган ва биринчи оятда зикр қилинган «баййина» сўзи сурага ном бўлган. Талоқ сурасидан кейин нозил бўлган бу сурада кофирлардан ва мушриклардан сўзланиб, уларнинг баъзи хатти-ҳаракатлари англатилади. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилганларнинг нажот топиши ҳақида зикр қилинади.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

لَمْ يَكُنِ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنْ أَهْلِ ٱلْكِتَٰبِ وَٱلْمُشْرِكِينَ مُنفَكِّينَ حَتَّىٰ تَأْتِيَهُمُ ٱلْبَيِّنَةُ ﴿١﴾ رَسُولٌ مِّنَ ٱللَّهِ يَتْلُوا۟ صُحُفًا مُّطَهَّرَةً ﴿٢﴾ فِيهَا كُتُبٌ قَيِّمَةٌ ﴿٣﴾ وَمَا تَفَرَّقَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ إِلَّا مِنۢ بَعْدِ مَا جَآءَتْهُمُ ٱلْبَيِّنَةُ ﴿٤﴾

1-4. Аҳли китоблар (насроний ва яҳудийлар) ва мушриклардан бўлган кофирлар, то (уларга очиқ) ҳужжат келгунга қадар ўз йўлларидан (куфрларидан) қайтмадилар. У ҳужжат Худо тарафидан Пайғамбар бўлиб келган Муҳаммад (алайҳиссалом) эди. (У зот) Қуръондан покиза саҳифаларни тиловат қилиб берар эди. У саҳифаларда ҳақиқий сўзлар ва аҳкомлар ёзилган эди. Аҳли китоб Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг шаънида (ҳақида) ва у зотнинг дунёга келиши (масаласи)да мутафарриқ бўлмадилар (яъни, Пайғамбаримизнинг дунёга келишини якдиллик билан тасдиқ этган эдилар). Магар Пайғамбар бўлиб келганларидан кейин (аҳли китоблар) ихтилоф қилдилар. *Баъзилари иймон келтирдилар ва баъзилари кофир бўлдилар.*

وَمَآ أُمِرُوٓا۟ إِلَّا لِيَعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَ حُنَفَآءَ وَيُقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَيُؤْتُوا۟ ٱلزَّكَوٰةَ ۚ وَذَٰلِكَ دِينُ ٱلْقَيِّمَةِ ﴿٥﴾

5. Улар ўз Китобларида (фақат) Худога ибодат қилишга амр қилинган эдилар. Ва динларини холис Парвардигор учун шак ва шубҳадан холи қилишга маъмур эдилар, ботил эътиқодларидан (қайтиб) Ислом тарафига мойил бўлишга, намоз ўқишга ва закот беришга маъмур эдилар. Мана шу дин тўғри дин эди.

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنْ أَهْلِ ٱلْكِتَـٰبِ وَٱلْمُشْرِكِينَ فِى نَارِ جَهَنَّمَ خَـٰلِدِينَ فِيهَآ ۚ
أُو۟لَـٰٓئِكَ هُمْ شَرُّ ٱلْبَرِيَّةِ ﴿٦﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّـٰلِحَـٰتِ أُو۟لَـٰٓئِكَ هُمْ
خَيْرُ ٱلْبَرِيَّةِ ﴿٧﴾ جَزَآؤُهُمْ عِندَ رَبِّهِمْ جَنَّـٰتُ عَدْنٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَـٰرُ
خَـٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًا ۖ رَّضِىَ ٱللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا۟ عَنْهُ ۚ ذَٰلِكَ لِمَنْ خَشِىَ رَبَّهُۥ ﴿٨﴾

6-8. Албатта, аҳли китоблар ва мушриклардан кофир (бўлган) гуруҳлар жаҳаннам ўтида азоб тортадилар. У дўзахда ҳамиша (абадий) қоладилар. Улар халқларнинг (энг) ёмонидирлар. Албатта, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган жамоа (гуруҳ)лар халқларнинг (энг) яхшисидирлар. Бу (халқларнинг энг яхшиси бўлган) гуруҳнинг Парвардигор олдидаги мукофотлари остидан анҳорлар жорий бўлиб (оқиб) турадиган Адн жаннатида муқим бўлишдан иборатдир. Бу жаннатда ҳамиша (абадий) муқим қоладилар. Аллоҳ улардан рози бўлади, улар ҳам Аллоҳдан рози бўладилар. Худонинг бу зикр этилган марҳаматлари Худодан қўрққан зотлар учундир. 30 жузъ

Мадинада нозил бўлган бу сура саккиз оятдан иборатдир.

30 жузъ *Зилзила маъносидаги «Зилзол» сўзи суранинг илк оятларида келади. Нисо сурасидан кейин нозил бўлган бу сурада Қиёмат бўлишидан, инсонларнинг қайтадан тирилиб ҳисоб беришларидан, ҳар ким яхши, ёки ёмон амаллари эвазига жазо, ёки мукофот олишидан сўз юритилади.*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

إِذَا زُلْزِلَتِ ٱلْأَرْضُ زِلْزَالَهَا ﴿١﴾ وَأَخْرَجَتِ ٱلْأَرْضُ أَثْقَالَهَا ﴿٢﴾ وَقَالَ ٱلْإِنسَٰنُ
مَا لَهَا ﴿٣﴾ يَوْمَئِذٍ تُحَدِّثُ أَخْبَارَهَا ﴿٤﴾

1-4. Вақтики ер қаттиқ қимирлатилса, вақтики ер ўз бағридан оғирликларини (остидаги бор-будини) чиқариб ташласа, инсонлар (ажабланиб) бир-биридан: «Бу ерга нима бўлди?» – деб сўрасалар, ўша кунда ер ўзининг қиссасини баён қилиб беради, чунки Парвардигор унга илҳом қилади.

بِأَنَّ رَبَّكَ أَوْحَىٰ لَهَا ﴿٥﴾ يَوْمَئِذٍ يَصْدُرُ ٱلنَّاسُ أَشْتَاتًا لِّيُرَوْا۟ أَعْمَٰلَهُمْ ﴿٦﴾
فَمَن يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُۥ ﴿٧﴾ وَمَن يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُۥ ﴿٨﴾

5-8. Ўша кунда (Қиёматда) тамом (барча) халойиқ паришон (гуруҳ-гуруҳ) бўлиб ҳисобгоҳга борадилар. Токи қилган амалларини(нг натижасини) кўриш учун. Кимки яхши ишлардан зарра миқдорича қилган бўлса, унинг (ажр-мукофотини) кўради. *Ва номаи аъмолида ўқийди.* Кимки зарра миқдорича ёмонлик қилган бўлса, у ҳам (жазосини) кўради.

Маккада нозил бўлган бу сура
ўн бир оятдан иборатдир.

«Одиёт» – чопқир отлар деганидир. «Аср» сурасидан кейин нозил бўлган 30 жузъ
бу сурада инсонларнинг нонкўрликларидан, Қиёмат куни майдонга келадиган
заҳматли ва аччиқ ҳақиқатлардан сўз юритилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَالْعَادِيَاتِ ضَبْحًا ﴿١﴾ فَالْمُورِيَاتِ قَدْحًا ﴿٢﴾ فَالْمُغِيرَاتِ صُبْحًا ﴿٣﴾ فَأَثَرْنَ
بِهِ نَقْعًا ﴿٤﴾ فَوَسَطْنَ بِهِ جَمْعًا ﴿٥﴾

1-5. Мужоҳидларнинг пишқириб нафас олувчи югурик отларига қасам! Югурганда оёқларининг тагидан (остидан) учқунлар (чақмоқлар) чиқарувчи отларга қасам! Субҳ (тонг) вақтида (душманни) ғорат қилгувчи ғозийларнинг отларига қасам! Югурганда осмонга гард ва ғубор чиқаргувчи отларга қасам! Ўша субҳ вақтида душманларнинг (қоқ) ўртасига кириб боргувчи отларга қасамки,

إِنَّ الْإِنسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنُودٌ ﴿٦﴾ وَإِنَّهُ عَلَىٰ ذَٰلِكَ لَشَهِيدٌ ﴿٧﴾ وَإِنَّهُ لِحُبِّ الْخَيْرِ
لَشَدِيدٌ ﴿٨﴾ ۞ أَفَلَا يَعْلَمُ إِذَا بُعْثِرَ مَا فِي الْقُبُورِ ﴿٩﴾ وَحُصِّلَ مَا فِي الصُّدُورِ ﴿١٠﴾
إِنَّ رَبَّهُم بِهِمْ يَوْمَئِذٍ لَّخَبِيرٌ ﴿١١﴾

6-11. Албатта, инсон Парвардигор берган неъматларига ношукурдир. Албатта, Парвардигор уларнинг бахилликларига, ношукурликларига гувоҳдир. Албатта, инсон молининг муҳаббатига қаттиқ гирифтордир. Инсон қабрлардаги ўликлар тирилтирилиб чиқарилган вақтда ва диллардаги сирлар маълум бўлган вақтда қандай ҳолат бўлишини билмайдими? Албатта, Парвардигор *ҳар бир амалга мувофиқ жазо беради ва* уларнинг тамом (барча) амалларидан хабардордир.

***Маккада нозил бўлган бу сура
ўн бир оятдан иборатдир.***

30 жузъ

«Қориъа» эшик қоқувчи, қалбларни қоқувчи маъносини билдириб, бу сўздан Қиёмат назарда тутилади. Қурайш сурасидан кейин нозил бўлган бу сурада Қиёмат куни рўй берадиган воқеалар ва инсоннинг оқибатда ё саодатли, ё бадбахт бўладиган ҳолатлари тасвирлаб берилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

ٱلْقَارِعَةُ ۝١ مَا ٱلْقَارِعَةُ ۝٢ وَمَآ أَدْرَىٰكَ مَا ٱلْقَارِعَةُ ۝٣ يَوْمَ يَكُونُ ٱلنَّاسُ
كَٱلْفَرَاشِ ٱلْمَبْثُوثِ ۝٤ وَتَكُونُ ٱلْجِبَالُ كَٱلْعِهْنِ ٱلْمَنفُوشِ ۝٥

1-5. Қиёмат яқиндир! Нимадир у Қиёмат? Сенга ким хабар бердики, Қиёмат нимадир? Қиёмат шундай кундирки, у кунда инсонлар чироқнинг атрофида айланган парвонадек (тўзиб, паришон) бўладилар. Тоғлар титиб ташланган рангли жунга ўхшаш бўлиб қолади. *Ўша кунда тамом (барча) инсонлар икки фирқа (тоифа) бўлади.*

فَأَمَّا مَن ثَقُلَتْ مَوَٰزِينُهُۥ ۝٦ فَهُوَ فِى عِيشَةٍ رَّاضِيَةٍ ۝٧ وَأَمَّا مَنْ خَفَّتْ
مَوَٰزِينُهُۥ ۝٨ فَأُمُّهُۥ هَاوِيَةٌ ۝٩ وَمَآ أَدْرَىٰكَ مَا هِيَهْ ۝١٠ نَارٌ حَامِيَةٌۢ ۝١١

6-11. Ҳасанотларининг (савобларининг) миқдори тарозуда оғир келган киши жаннатда рози бўладиган маишатда бўлади. Аммо (тарозуда) ҳасанотларининг миқдори енгил бўлган, саййиотлари (гуноҳлари) оғир бўлган кишининг жойи Ҳовиядир. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Сенга ким хабар бердики, Ҳовия нимадир? Билгилки, Ҳовия дўзахда жуда иссиқ, қизитилган ўтдир.

Маккада нозил бўлган бу сура саккиз оятдан иборатдир.

30 жузъ

«Такосур» – ортиқча нарса билан ғурурланмоқ, тўплаб кўпайтиришга берилмоқ деганидир. Кавсар сурасидан кейин нозил бўлган ушбу номдаги сурада Аллоҳ таоло бойлик кетидан қувиб, охиратни унутиб қўйганларни танқид қилади. Жоҳилият давридаги араблар мол, авлод ва қариндошларининг кўплигини ғурур ва шараф деб ҳисоблар, ҳатто бу тарзда яшаётганлари етмасдан, қабилаларнинг устунлигини ўлганлар билан исбот этиш учун қабрларга борар, ўлган қариндошларининг кўплиги билан ғурурланар эдилар. Шу боис сурада уларнинг бу одатлари қораланиб, ҳақиқий устунлик охиратда маълум бўлиши кўрсатилади.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

أَلْهَىٰكُمُ ٱلتَّكَاثُرُ ﴿١﴾ حَتَّىٰ زُرْتُمُ ٱلْمَقَابِرَ ﴿٢﴾ كَلَّا سَوْفَ تَعْلَمُونَ ﴿٣﴾ ثُمَّ كَلَّا سَوْفَ تَعْلَمُونَ ﴿٤﴾

1-4. Сизлар кўп дунё (молу мулк) жам қилишга машғул бўлдингизлар. (Ҳаттоки) шу (мол-дунё тўплаш) муҳаббати (билан) охири қабрга бордингизлар (ғафлатда қолиб ўлдингизлар). (Йўқ!) Ундай қилмасликларингиз керак эди! Яқинда (сизлар) қилган ишларингизнинг оқибатини биласизлар. Яна такрор айтаманки, ундай қилмасликларингиз лозим эди! Яқинда дунё муҳаббатининг оқибатини биласизлар.

كَلَّا لَوْ تَعْلَمُونَ عِلْمَ ٱلْيَقِينِ ﴿٥﴾ لَتَرَوُنَّ ٱلْجَحِيمَ ﴿٦﴾ ثُمَّ لَتَرَوُنَّهَا عَيْنَ ٱلْيَقِينِ ﴿٧﴾ ثُمَّ لَتُسْـَٔلُنَّ يَوْمَئِذٍ عَنِ ٱلنَّعِيمِ ﴿٨﴾

5-8. Бу сўзлар муқаррар ҳақдир. Агар бунинг оқибати ёмонлигини яқийн илми билан билганларингизда эди, бу ҳолдан қайтган бўлар эдингиз. Албатта, дўзахни ўз кўзларингиз билан кўрасизлар. Яна такроран айтаманки, дўзахни ўз кўзларингиз билан (аниқ) кўрасизлар. Кейин сизлар бу дунёда еган нозу неъматларингиздан савол қилинасизлар.



Маккада нозил бўлган бу сура
уч оятдан иборатдир.

30 жузъ *«Аср» сўзи юз йил, аср пайти ва меванинг сувини сиқиб чиқармоқ каби маъноларда келади. Асрга қасам билан бошланганлиги учун сура шу ном билан аталган. «Шарҳ» сурасидан кейин нозил бўлган мазкур сурада нажот топишнинг иймонга, яхши амаллар қилишга, ҳақ ва сабрга тавсия этишга боғлиқ эканлиги кўрсатилган.*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَٱلْعَصْرِ ١ إِنَّ ٱلْإِنسَٰنَ لَفِى خُسْرٍ ٢ إِلَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ
وَتَوَاصَوْا۟ بِٱلْحَقِّ وَتَوَاصَوْا۟ بِٱلصَّبْرِ ٣

1-3. Замонга қасамки, ҳамма (барча) инсон зиёндадир! Ва (ўзларига) зиён қиладиган ишларга машғулдирлар. Магар иймон келтирганлар ва яхши амал қилганлар ва бир-бирларини ҳақ динга амр ва далолат қиладиган ва бир-бирларини сабрга далолат қиладиган гуруҳлар (кишилар) — улар зиён ишларга машғул эмаслар. (Аллоҳнинг фазлу раҳматига эришгувчилардир).

Маккада нозил бўлган бу сура
тўққиз оятдан иборатдир.

«Ҳумаза» сўзи бир кимсанинг орқасидан тортмоқ, бўҳтон қилмоқ, ғийбат 30 жузъ
қилмоқ, хафа қилмоқ маъноларида келади. Қиёмат сурасидан кейин нозил бўлган бу сурада ҳамма нарсани бойлик билан ўлчайдиган ғийбатчи, гап ташувчиларнинг, албатта, дўзахга мубтало бўлишлари ҳақида сўз боради.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

وَيْلٌ لِّكُلِّ هُمَزَةٍ لُّمَزَةٍ ﴿١﴾ ٱلَّذِى جَمَعَ مَالًا وَعَدَّدَهُۥ ﴿٢﴾ يَحْسَبُ أَنَّ مَالَهُۥٓ
أَخْلَدَهُۥ ﴿٣﴾ كَلَّا ۖ لَيُنۢبَذَنَّ فِى ٱلْحُطَمَةِ ﴿٤﴾

1-4. Мўминларни айбловчи ва ғийбат қилувчиларнинг ҳолларига вой! Бундай киши мол-мулкни жам қилади ва: «Ислом аҳлининг зарарига сарф қиламан», – деб тайёрлаб қўяди. Оё, у молини ўлимдан сақлаб қолади, деб гумон қиладими? (Йўқ!) Ҳаргиз унинг ўйлаганлари дуруст эмас! *У, албатта, ўлади.* Кейин Ҳутамага ташланади.

وَمَآ أَدْرَىٰكَ مَا ٱلْحُطَمَةُ ﴿٥﴾ نَارُ ٱللَّهِ ٱلْمُوقَدَةُ ﴿٦﴾ ٱلَّتِى تَطَّلِعُ عَلَى ٱلْأَفْـِٔدَةِ ﴿٧﴾
إِنَّهَا عَلَيْهِم مُّؤْصَدَةٌ ﴿٨﴾ فِى عَمَدٍ مُّمَدَّدَةٍۭ ﴿٩﴾

5-9. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Ҳутама нимадир, билдингми? У Парвардигорнинг ёндириб қўйган ўтидирки, дилларни куйдиради. Албатта, уларга бу ўт мусаллат (ҳар томондан маҳкам ўраб олгувчи) қилиб қўйилади. Уларни ўтдан бўлган узун-узун устунларга боғлаб азоб берилади.

Маккада нозил бўлган бу сура беш оятдан иборатдир.

30 жузъ

Насроний динида бўлган Яман ҳокими Абраҳа ал-Ашрам Каъбани вайрон қилиш учун филлар билан ҳужум қилиб бостириб келади. Аллоҳ таоло ўз қудрати билан қушлар воситасида уларни нест-нобуд қилади ва Каъбани асраб қолади. Шу боис ҳам «Кофирун» сурасидан кейин нозил бўлган мазкур сура «Фил» деб номланган. Сура мазмунидан шу нарса англашиладики, Аллоҳ таоло — қодири қайюм. У Ўз динига қарши чиққанларни хор ва маҳв этади.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِأَصْحَٰبِ ٱلْفِيلِ ١ أَلَمْ يَجْعَلْ كَيْدَهُمْ فِى تَضْلِيلٍ ٢
وَأَرْسَلَ عَلَيْهِمْ طَيْرًا أَبَابِيلَ ٣ تَرْمِيهِم بِحِجَارَةٍ مِّن سِجِّيلٍ ٤ فَجَعَلَهُمْ
كَعَصْفٍ مَّأْكُولٍ ٥

1-5. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Парвардигоринг Фил эгаларига нима муомала қилганини кўрмадингми?! Улар Каъбани бузмоқчи бўлиб келганларида Парвардигоринг уларнинг макрларини беҳудага чиқармадими? Уларнинг тепаларига гуруҳ-гуруҳ (тўп-тўп) паррандаларни (қушларни) юборди. Уларнинг ҳар бирининг тумшуқларида сижжилдан (сополдан) қилинган тошлар бор эди. У (қуш)лар кофирларнинг тепаларидан (бошларидан) у тошларни ёғдирар эдилар. Бас, Аллоҳ таоло уларни ҳайвонлар чайнаб ташлаган сомондек (хароб) бир ҳолатга айлантириб қўйди.

Маккада нозил бўлган бу сура
тўрт оятдан иборатдир.

Бу сурада Қурайш қабиласига жоҳилият даврида берилган баъзи имти-ёзлардан сўзланади ва улар бу имтиёзлар шукронаси учун Байтуллоҳнинг Парвардигорига ибодат қилишга даъват этилади. «Тин» сурасидан кейин нозил бўлган. 30 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

لِإِيلَٰفِ قُرَيْشٍ ١ إِۦلَٰفِهِمْ رِحْلَةَ ٱلشِّتَآءِ وَٱلصَّيْفِ ٢ فَلْيَعْبُدُوا۟ رَبَّ هَٰذَا
ٱلْبَيْتِ ٣ ٱلَّذِىٓ أَطْعَمَهُم مِّن جُوعٍ وَءَامَنَهُم مِّنْ خَوْفٍۭ ٤

1-4. Қурайш халқига қишда (Яманга) сафарни ва ёзда (Шомга) сафарни улфат берганимизнинг (қулай ва осон қилиб қўйганимизнинг) шукри учун Хонаи Каъбанинг Парвардигорига ибодат қилишлари керак. У шундай Парвардигорки, уларни очликдан (нажот бериб) тўйғазган ва хавфдан эмин (хотиржам) қилган (Зотдир). *Улар Парвардигорга ибодат қилмасдан, бутларга ибодат қиладилар.*

Маккада нозил бўлган бу сура етти оятдан иборатдир.

30 жузъ *«Моъун» – закот бериш, ёки хўжаликда ишлатиладиган асбоб-анжомлар: коса-товоқ, идиш ва болта кабилардир. Сурада етимга шафқат қилмайдиган, риёкорлик билан намоз ўқийдиган, «моъун»ни қизғанадиган, борингки, ҳақиқий диндорликдан йироқ бўлган кишилар танқид қилинади. Улар ҳалокатга маҳкум эканликлари уқтириб ўтилади.*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

أَرَءَيْتَ ٱلَّذِى يُكَذِّبُ بِٱلدِّينِ ﴿١﴾ فَذَٰلِكَ ٱلَّذِى يَدُعُّ ٱلْيَتِيمَ ﴿٢﴾ وَلَا
يَحُضُّ عَلَىٰ طَعَامِ ٱلْمِسْكِينِ ﴿٣﴾ فَوَيْلٌ لِّلْمُصَلِّينَ ﴿٤﴾ ٱلَّذِينَ هُمْ عَن
صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ ﴿٥﴾ ٱلَّذِينَ هُمْ يُرَآءُونَ ﴿٦﴾ وَيَمْنَعُونَ ٱلْمَاعُونَ ﴿٧﴾

1-7. *Эй Муҳаммад (алайҳиссалом)*, динни ёлғон деган одамни кўрдингми? У шундай одамки, етимга раҳм қилмасдан, (қўрс-қўполлик қилиб) олдидан ҳайдайди. Ва (одамларни) мискинга таом беришга тарғиб қилмайди. У намоз ўқувчининг ҳолига войдирки, намозидан ғофилдир! (Намозини унутиб қўяди). Ўқиса ҳам риё билан (ўзини кўз-кўз қилиш учун) ўқийди, қўшниларга керак бўлган нарсаларни (баъзи уй-рўзғор буюмларини ё хайр-садақани қизғаниб) бермайди.

Маккада нозил бўлган бу сура
уч оятдан иборатдир.

«Кавсар» — «кўп яхшилик» деганидир, яна жаннатдаги бир ҳовузнинг номидир. «Одиёт» сурасидан кейин нозил бўлган бу сурада Аллоҳ таоло Ҳазрати Пайғамбаримизга далда бериб, у кишига кўп неъматлар инъом қилгани ва уларнинг шукронаси учун намоз ўқишлари ва қурбонлик қилишлари кераклиги айтилади. Шу билан бирга у зотни душманлардан ғолиб қилганидан хабардор қилади. Чунки Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўғил фарзандлари вафот этганликлари учун мушриклар у зотни насли кесилган маъносида «абтар» дедилар. Сурада мушрикларнинг сўзларига рад жавоби берилган. 30 жузъ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

إِنَّآ أَعۡطَيۡنَٰكَ ٱلۡكَوۡثَرَ ١ فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَٱنۡحَرۡ ٢ إِنَّ شَانِئَكَ هُوَ
ٱلۡأَبۡتَرُ ٣

1-3. *Эй Муҳаммад (алайҳиссалом),* Биз Сенга Ҳавзи Кавсарни[1] бердик (ато қилдик). Бас, унинг шукронасига Худо учун намоз ўқи ва туя сўйиб қурбонлик қил! Албатта, Сени ёмон кўрувчининг ўзи бехайр ва бебаракотдир.

---

[1] Тафсирларда «Кавсар» сўзи асосан «кўп яхшиликлар» ёки «жаннатдаги ҳовуз» ва ё «жаннатдаги ариқ» деб таъбир қилинган. Шу билан бирга:
1. Қуръон ва Қуръон ўқимоқ;
2. Беш вақт намоз;
3. «Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ» калимаси;
4. Юксак маърифат мартабаси каби маъноларда ҳам қўлланган.

Маккада нозил бўлган бу сура
олти оятдан иборатдир.

30 жузъ

Кофирларнинг таклифлари ҳақида сўз юритилганлиги учун бу сура «Кофирун» — кофирлар номини олган. «Моъун» сурасидан кейин нозил бўлган.

Бир жамоа кофирлар Муҳаммад алайҳиссалом ҳузурларига келиб: «Эй Муҳаммад, Сен бир йил бизнинг «худо»мизга (бутга) ибодат қилгил ва биз бир йил Сенинг Худойингга ибодатда бўлайлик», — деб таклиф этадилар. Ўшанда ушбу сура нозил бўлди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

قُلْ يَٰٓأَيُّهَا ٱلْكَٰفِرُونَ ﴿١﴾ لَآ أَعْبُدُ مَا تَعْبُدُونَ ﴿٢﴾ وَلَآ أَنتُمْ عَٰبِدُونَ مَآ
أَعْبُدُ ﴿٣﴾ وَلَآ أَنَا۠ عَابِدٌ مَّا عَبَدتُّمْ ﴿٤﴾ وَلَآ أَنتُمْ عَٰبِدُونَ مَآ أَعْبُدُ ﴿٥﴾ لَكُمْ
دِينُكُمْ وَلِىَ دِينِ ﴿٦﴾

1-6. *Парвардигор айтди: «Эй Муҳаммад (алайҳиссалом),* кофирларга айтгил: «Эй кофирлар, сизлар ибодат қилаётган бутларга мен ибодат қилмайман. (Ва) сизлар ҳам мен ибодат қиладиган Парвардигорга ибодат қилгувчи эмассизлар. Мен ҳам сизлар ибодат қилаётган бутларга ибодат қилгувчи эмасман. (Ва) сизлар ҳам мен ибодат қиладиган Парвардигорга ибодат қилгувчи эмассизлар. *Энди бу жанжални бас қилинглар.* Сизларнинг динларингиз сизларгадир (сизлар учундир), Менинг диним менгадир (мен учундир)».

Мадинада нозил бўлган бу сура уч оятдан иборатдир.

«Наср» сўзи «ёрдам» маъносини англатади. Аллоҳ таолонинг Пайғамбар алайҳиссаломга ёрдам бериб, фатҳ (ғалаба)ларга етиштиргани учун бу сура «Наср» номини олган. Сура Макка фатҳи ҳақида нозил бўлишига қарамай, Мадина даврида, яъни ҳижратдан кейин нозил бўлганлиги учун Маданий (Мадинада тушган) суралардандир. Унда Ислом зафаридан хабар берилади. Ибн Умардан ривоят қилинган нақлга кўра, бу сура нозил бўлгандан кейин Пайғамбаримиз 80 кун умр кўрганлар. 30 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

إِذَا جَآءَ نَصْرُ ٱللَّهِ وَٱلْفَتْحُ ﴿١﴾ وَرَأَيْتَ ٱلنَّاسَ يَدْخُلُونَ فِى دِينِ ٱللَّهِ أَفْوَاجًا
﴿٢﴾ فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَٱسْتَغْفِرْهُ إِنَّهُۥ كَانَ تَوَّابًۢا ﴿٣﴾

1-3. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), вақтики Худонинг ёрдами, фатҳи ва зафари келса, халқнинг фавж-фавж (гуруҳ-гуруҳ) бўлиб динга (Исломга) дохил бўлаётганларини кўрсанг, бас, бунинг шукри учун Парвардигорингни поклик билан ёд қилгил. Ва Унга ҳамду сано айтгил ва Ундан кечирим сўрагил. Албатта, Аллоҳ таоло тавбаларни қабул қилгувчидир.

Маккада нозил бўлган бу сура беш оятдан иборатдир.

30 жузъ *«Таббат» сўзи – «қурисин, ҳалокат бўлсин!» маъносидаги дуои баддир. Сура «Фотиҳа» сурасидан кейин нозил бўлиб, «Масад» деб номланган ва Абу Лаҳаб ҳақида нозил бўлган.*

Абу Лаҳаб Расулуллоҳ алайҳиссаломга азият бермоқ учун кўп фитналар уюштирган, ҳатто хотини билан биргаликда яширин тарзда йўлларига тиканлар сочиб қўйган.

Исломнинг ибтидосида (бошланғич даврида) Муҳаммад алайҳиссалом қавм-қариндошларини йиғиб, зиёфат бериб, шу зиёфатда уларни иймонга далолат қиладилар. Бир ривоятга кўра эса, «Шуаро» сурасининг 124-ояти нозил бўлганда, Пайғамбаримиз яқин қариндошларини чақириб, уларни Исломга даъват қилганлар. Амакилари Абу Лаҳаб аччиқланиб айтадики: «Таббан лака», яъни «Эй Муҳаммад, Сенга ҳалокат бўлсин!» Ўшанда ушбу сура нозил бўлган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

تَبَّتْ يَدَآ أَبِى لَهَبٍ وَتَبَّ ﴿١﴾ مَآ أَغْنَىٰ عَنْهُ مَالُهُۥ وَمَا كَسَبَ ﴿٢﴾ سَيَصْلَىٰ نَارًا
ذَاتَ لَهَبٍ ﴿٣﴾ وَٱمْرَأَتُهُۥ حَمَّالَةَ ٱلْحَطَبِ ﴿٤﴾ فِى جِيدِهَا حَبْلٌ مِّن مَّسَدٍۭ ﴿٥﴾

1-5. Абу Лаҳабнинг ўзи ҳалок бўлсин! У, албатта, ҳалок бўлади! Унинг моли ва пайдо қилган касбу камоли ундан Худонинг азобини даф қилолмайди. Тезлик билан ёниб турган ўтга (жаҳаннамга) киради. Ўтин кўтарувчи (ташувчи) хотини (Умму Жамил) ҳам ўтга киради. У хотин бўйнида хурмонинг пўстлоғидан бўлган арқон билан Расулуллоҳнинг йўлларига ташламоқ (сочмоқ) учун ҳамиша тикан ташир эди.

Маккада нозил бўлган бу сура
тўрт оятдан иборатдир.

«Ихлос» — самимий бўлмоқ, динга ич-ичдан боғланмоқ, унинг асосларини фақат Аллоҳ таоло ризоси учун бажармоқ маъносидадир. Бу сура Исломий тавҳид ақидасининг энг ҳақиқий ва теран маъноли ифодасидир. **30 жузъ**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва солламдан Парвардигорнинг қандай Зот эканлиги, сифати ҳақида сўралганида, ушбу сура нозил бўлди.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

قُلْ هُوَ ٱللَّهُ أَحَدٌ ﴿١﴾ ٱللَّهُ ٱلصَّمَدُ ﴿٢﴾ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ ﴿٣﴾ وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ
كُفُوًا أَحَدٌۢ ﴿٤﴾

1-4. *Эй Муҳаммад (алайҳиссалом)*, айтгил: «Аллоҳ таоло якка ва ягонадир. Аллоҳ таоло бениёз (беҳожат)дир. Аллоҳ таоло фарзанд пайдо қилмаган (туғмаган). Ўзи ҳам туғилган эмас. Парвардигорга ҳеч ким куфв эмас, ***яъни ўхшаши (мисли, қиёси) йўқ»***.

Маккада нозил бўлган бу сура беш оятдан иборатдир.

30 жузъ

«Фалақ» сўзи «тонг» маъносида келиши билан бирга яна «ёрмоқ» маъносини ҳам англатади. Бундан кейин келган «Нос» сураси билан бирга иккаласига «икки сақловчи» маъносида «муаввизитайн» деб аталади. Бу суралар шифо мақсадида ўқилганлиги ҳақида ҳадислар бор.

Зурайқ қабиласига мансуб Лабийд ибн ал-Аъсам деган яҳудий Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни сеҳр қилиб, камоннинг ипига ўн битта тугун солган эди. Аллоҳ таоло Жаброил (алайҳиссалом)ни юбориб, бу воқеадан огоҳлантиради ва сеҳр қилинган жойини ҳам кўрсатади. Ўшанда ушбу ва ундан кейинги сура нозил бўлиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни барча бало-офатлардан, инчунин жодугарлар шарридан паноҳ тилашга амр қилди. Ҳар бир оятни ўқиганларида сеҳр ипининг бир тугуни ечилар эди. Охири Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга енгиллик ҳосил бўлиб, сеҳр зараридан халос топадилар.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ ﴿١﴾ مِن شَرِّ مَا خَلَقَ ﴿٢﴾ وَمِن شَرِّ غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ ﴿٣﴾ وَمِن
شَرِّ النَّفَّاثَاتِ فِي الْعُقَدِ ﴿٤﴾ وَمِن شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ ﴿٥﴾

1-5. *Эй Муҳаммад (алайҳиссалом),* айтгил: «(Мен) субҳ (тонг)нинг Парвардигоридан паноҳ сўрайман, ҳар бир махлуқнинг шарридан (ёмонлигидан) ва қоронғу (зулмат) бўлган кечанинг шарридан ва бандларга (тугунларга) дам солиб тугувчи соҳирларнинг (сеҳргарларнинг) шарридан ва ҳасад қилгувчи ҳосидларнинг шарридан (Парвардигорга илтижо қилиб, паноҳ сўрайман)».

Маккада нозил бўлган бу сура
олти оятдан иборатдир.

«Нос» — инсонлар деганидир. Бу сура ўзидан олдинги суранинг узвий давоми бўлиб, унда ҳар қандай ҳолат ва вазиятда, хусусан жин, шайтон ва ёмон инсонлар шарридан фақат ёлғиз Аллоҳ таолодан паноҳ тилаш лозимлиги таъкидланади. 30 жузъ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ ٱلنَّاسِ ﴿١﴾ مَلِكِ ٱلنَّاسِ ﴿٢﴾ إِلَٰهِ ٱلنَّاسِ ﴿٣﴾ مِن شَرِّ ٱلْوَسْوَاسِ
ٱلْخَنَّاسِ ﴿٤﴾ ٱلَّذِى يُوَسْوِسُ فِى صُدُورِ ٱلنَّاسِ ﴿٥﴾ مِنَ ٱلْجِنَّةِ وَٱلنَّاسِ ﴿٦﴾

1-6. *Эй Муҳаммад (алайҳиссалом)*, айтгил: «(Мен барча) инсонларни яратган Парвардигорга паноҳ тортаман. Инсонга ҳукм қилувчи ҳақиқий подшоҳга (паноҳ тортаман). Ва васваса қилувчи шайтоннинг шарридан инсонларнинг Парвардигорига паноҳ тортаман. У шайтон Худонинг номини эшитса, орқасига қочувчи (яшириниб олгувчи)дир. Инсон Худони ёд қилишдан ғофил бўлганда (Худони унутганда), дилларига кириб васваса қилгувчидир. У шайтон жинлардан ҳам бўлади ва инсонлардан ҳам бўлади».

والله اعلم با لصواب واليه المرجع والماب


صدق الله العلي العظيم

دُعَاءُ خَتْمِ الْقُرْآنِ الْكَرِيمِ

اللَّهُمَّ ارْحَمْنِي بِالْقُرْءَانِ وَاجْعَلْهُ لِي إِمَامًا وَنُورًا وَهُدًى وَرَحْمَةً اللَّهُمَّ ذَكِّرْنِي مِنْهُ مَانَسِيتُ وَعَلِّمْنِي مِنْهُ مَاجَهِلْتُ وَارْزُقْنِي تِلَاوَتَهُ آنَاءَ اللَّيْلِ وَأَطْرَافَ النَّهَارِ وَاجْعَلْهُ لِي حُجَّةً يَارَبَّ الْعَالَمِينَ * اللَّهُمَّ أَصْلِحْ لِي دِينِي الَّذِي هُوَ عِصْمَةُ أَمْرِي وَأَصْلِحْ لِي دُنْيَايَ الَّتِي فِيهَا مَعَاشِي وَأَصْلِحْ لِي آخِرَتِي الَّتِي فِيهَا مَعَادِي وَاجْعَلِ الْحَيَاةَ زِيَادَةً لِي فِي كُلِّ خَيْرٍ وَاجْعَلِ الْمَوْتَ رَاحَةً لِي مِن كُلِّ شَرٍّ * اللَّهُمَّ اجْعَلْ خَيْرَ عُمْرِي آخِرَهُ وَخَيْرَ عَمَلِي خَوَاتِمَهُ وَخَيْرَ أَيَّامِي يَوْمَ أَلْقَاكَ فِيهِ * اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ عِيشَةً هَنِيَّةً وَمِيتَةً سَوِيَّةً وَمَرَدًّا غَيْرَ مُخْزٍ وَلَا فَاضِحٍ * اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَيْرَ الْمَسْأَلَةِ وَخَيْرَ الدُّعَاءِ وَخَيْرَ النَّجَاحِ وَخَيْرَ الْعِلْمِ وَخَيْرَ الْعَمَلِ وَخَيْرَ الثَّوَابِ وَخَيْرَ الْحَيَاةِ وَخَيْرَ الْمَمَاتِ وَثَبِّتْنِي وَثَقِّلْ مَوَازِينِي وَحَقِّقْ إِيمَانِي وَارْفَعْ دَرَجَتِي وَتَقَبَّلْ صَلَاتِي وَاغْفِرْ خَطِيئَاتِي وَأَسْأَلُكَ الْعُلَا مِنَ الْجَنَّةِ * اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مُوجِبَاتِ رَحْمَتِكَ

وَعَزَائِمَ مَغْفِرَتِكَ وَالسَّلَامَةَ مِنْ كُلِّ إِثْمٍ وَالْغَنِيمَةَ مِنْ كُلِّ بِرٍّ وَالْفَوْزَ
بِالْجَنَّةِ وَالنَّجَاةَ مِنَ النَّارِ * اللَّهُمَّ أَحْسِنْ عَاقِبَتَنَا فِي الْأُمُورِ كُلِّهَا
وَأَجِرْنَا مِنْ خِزْيِ الدُّنْيَا وَعَذَابِ الْآخِرَةِ * اللَّهُمَّ اقْسِمْ لَنَا مِنْ
خَشْيَتِكَ مَا تَحُولُ بِهِ بَيْنَنَا وَبَيْنَ مَعْصِيَتِكَ وَمِنْ طَاعَتِكَ مَا تُبَلِّغُنَا
بِهَا جَنَّتَكَ وَمِنَ الْيَقِينِ مَا تُهَوِّنُ بِهِ عَلَيْنَا مَصَائِبَ الدُّنْيَا وَمَتِّعْنَا
بِأَسْمَاعِنَا وَأَبْصَارِنَا وَقُوَّتِنَا مَا أَحْيَيْتَنَا وَاجْعَلْهُ الْوَارِثَ مِنَّا وَاجْعَلْ
ثَأْرَنَا عَلَى مَنْ ظَلَمَنَا وَانْصُرْنَا عَلَى مَنْ عَادَانَا وَلَا تَجْعَلْ مُصِيبَتَنَا فِي
دِينِنَا وَلَا تَجْعَلِ الدُّنْيَا أَكْبَرَ هَمِّنَا وَلَا مَبْلَغَ عِلْمِنَا وَلَا تُسَلِّطْ عَلَيْنَا
مَنْ لَا يَرْحَمُنَا * اللَّهُمَّ لَا تَدَعْ لَنَا ذَنْبًا إِلَّا غَفَرْتَهُ وَلَا هَمًّا إِلَّا
فَرَّجْتَهُ وَلَا دَيْنًا إِلَّا قَضَيْتَهُ وَلَا حَاجَةً مِنْ حَوَائِجِ الدُّنْيَا
وَالْآخِرَةِ إِلَّا قَضَيْتَهَا يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ * رَبَّنَا آتِنَا فِي
الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ
وَصَلَّى اللَّهُ عَلَى نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَأَصْحَابِهِ
الْأَخْيَارِ وَسَلَّمَ تَسْلِيمًا كَثِيرًا

МУНДАРИЖА - فهرس

Айрим мавзу ва сўзлар бўйича оятлар кўрсаткичи

Албатта, Аллоҳ таоло яхши амал қилувчиларнинг ажрини зое қилмайди.
(Тавба сураси, 120-оят)

Ушбу муқаддас китобнинг чоп этилишига баҳоли қудрат ёрдам берган биродарларимизнинг хайрли ишларини Аллоҳ даргоҳида қабул айлаб, уларни ва аҳли хонадонларини ҳамда ота-оналарини дунё ва охират саодатига мушарраф қилсин!

Саҳифаловчи:
Камолиддин Комилжон ўғли
Безатувчилар:
Лазиз Омонов
Камолиддин Комилжон ўғли

Мусаҳҳиҳлар:
Шариф Холмурод
Акрам Деҳқон
Абдул Халил Хўжам
Раҳматуллоҳ Дониёр

Босишга рухсат берилган сана 18.10.2005
Формати 84x108 1/16. Офсет қоғози.
61,25 б.т. 44-сон буюртма. Адади 1000 нусха.

«OFSET PRINT» босмахонаси
Учтепа тумани, Чилонзор даҳаси, 22-мавзе, Б.Иноятов кўчаси, 20 «А» уй
Тел: 117-46-18, 74-23-15

آيت لاري معنالاري نينك
ايضاحلي ترجيمه سي